

БОБУР ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

*ҚАМЧИБЕК КЕНЖА*

# БУЮК ТАҚДИРЛАР

*(Роман – сафарномалар)*

**1- китоб**

**“ШАРҚ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош тахририяти  
Тошкент ...**

# ҲИНД СОРИҒА

(САФАРНОМА— 1)

*Мозийдан лавҳалар,  
Кўрган-кечирилганлар,  
Ҳайрат суратлари  
Ўйлар...*

*Улуғ мутафаккир, шоир, қомусий олим, истеъдодли саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур, бобурийлар ва буюк тақдир эгалари бўлмиш бошқа аجدодларимиз ҳаёти, ижодий, илмий фаолиятларини чуқур ўрганиш мақсадида Андижонда ташкил топган Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция автомобилда ўттиздан ортиқ сафарга чиқиб, кўплаб Шарқ мамлакатларида ҳам бўлди.*

*Экспедиция аъзоси, таниқли адиб, публицист Қамчибек Кенжа бизга таниш-нотаниш юрт-эллар, шаҳарларнинг қиёфа ва бошқа жиҳатлари, турфа феъл, турфа удумли халқларнинг яшаш тарзлари, экспедиция аъзолари олиб борган илмий изланишлар, уларнинг кўрган-кечирганлари, сафар ҳузурию машаққатлари ҳақида туркум роман-сафарномалар ёзди ва уларни “Буюк тақдирлар” деган умумий ном билан атади. Муаллиф “Ҳинд сориға” номли илк сафарномасини Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистондан олган таассуротлари асосида битган. Асарда ўтмиш билан ҳозирги замон, тарихий ҳақиқатлар билан бадий лавҳалар уйғунлашиб кетган. Жумладан, “Сехрли Ҳиндистон” бобидаги ўзбек-ҳинд халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва муҳаббат ришталари, бобурийлар, бобурий маликаларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётига, уларнинг ишқий муносабатларига оид изтиробли ва қизиқарли ривоятлар, ҳикоятлар, тафсилотлар ўқувчини ҳаяжонга солади.*

## БОБУР МИРЗО ИЗИДАН

*(Китобнинг биринчи нашрига ёзилган сўз боши)*

Халқимиз хотирасида ҳам, жаҳон тарихида ҳам ўчмас из қолдирган улуғ сиймолар орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг алоҳида ўрни бор. Бобур Мирзо дунёнинг энг баланд тоғлари бўлган Помир, Олой, Ҳимолай ва Ҳиндикушлардан неча бор отлиғу пиёда ошиб ўтган. Марказий Осиёда, Афғонистон ва Ҳиндистонда қандай улкан дарёлар учраган бўлса, Бобур Мирзо уларнинг ҳаммасидан қулоч отиб сузиб ўтган. Парвардигор унга паҳлавонларча бир жисмоний қудратни ва баҳодирларга хос буюк жасоратни даҳо даражасидаги истеъдод билан бирга ато этган. Ўзидаги барча инсоний ва ижодий фазилатларни Бобур Мирзо олижаноб мақсадларга хизмат қилдирган.

Шунинг ҳаммаси туфайли уйғониш даврининг дилбар сиймоси бўлган Бобур Мирзо беш асрдан буён туғилиб ўсган диёрига оламшумул обрў келтирмоқда, Ҳиндистонда барпо этган қудратли давлати ва ёзиб қолдирган ўлмас асарлари билан янги-янги авлодлар томонидан ифтихор ва ибрат манбаи сифатида эъзозланмоқда.

Ўзбекистан истиқлоли шарофати билан қарамлик ғовлари олиб ташланди. Улуғ аждодларимиз изидан жаҳон бўйлаб сафарга чиққан биринчи ўзбек илмий экспедицияси Зокиржон Машрабов бошлиқ Бобур номли халқаро жамғарманинг фидойиларидан таркиб топди. Экспедициянинг илк сафарларидан бирида қатнашган таниқли ёзувчи Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома» деб аталган романи катта муваффақият қозонди. Экспедиция кинолентага туширган ғаройиб лавҳалар телевидение орқали кўрсатилди ва минглаб мухлислар таҳсинига сазовор бўлди. Бу ҳаммаси Бобур Мирзонинг ҳаёти ва фаолияти тарихимизнинг энг ёрқин саҳифалари билан боғлиқ эканини кўрсатади, Шунинг учун адибларимиз бу мавзуда янги-янги асарлар ёзмоқдалар.

Шу асарлардан бири — истеъдодли адиб Қамчибек Кенжанинг «Ҳинд сориға» деб аталган сафарномасидир. Қамчибек Бобур номли халқаро экспедициянинг учунчи дафъа ташкил этилган ва жуда яхши самара берган сафарида иштирок этади. Асар кундалик шаклида ёзилган. Унда тасвирланган саргузаштлар, енгиб ўтилган қийинчиликлар, янги-янги ўлкалар ва мамлакатлар манзараси ўқувчини астойдил қизиқтиради. Айниқса Дехли, Агра, Ҳирот, Машҳад, Калькутта, Лохўр, Ҳайдаробод, Хайбар довонидан ўтиш ва бошқа кўпгина боблар таъсирли ёзилган. Улардан айримлари «Жаҳон адабиёти» журналида «Ҳайрат суратлари» деган сарлавҳа билан 1997 йилдаёқ чоп этилган ва адабий жамоатчиликда ижобий фикр туғдирган эди.

«Ўнта бўлса ўрни бошқа» деганларидек, Қамчибекнинг ушбу асари Бобур Мирзога бағишланган китоблар орасидан ўзига хос ўрин олади, сафарнома жанрини кўпгина янгиликлар билан бойитади.

Муаллиф қайси мамлакат халқи ва табиат манзараларини қаламга олмасин, уларни «Бобурнома»даги мумтоз тасвирлар билан қиёслайди. Шу орқали биз тарихнинг беш аср давомидаги ҳаракати ва ўзгаришлари ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. Айни вақтда, Бобур Мирзо асарлари бугунги кун учун ҳам олий бир ҳақиқат мезони бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Асарнинг яна бир қизиқарли томони — унда ташқи олам тасвири билан бирга муаллифнинг ички дунёси, сафардошларига меҳру оқибати, ўзга юртларда кўп яшаган сари ватанни соғиниши гоҳ лирик, гоҳ юмористик бўёқ билан мароқли тарзда ифодаланади. Биз сафарномани ўқиш давомида Қамчибекнинг яхшигина шоирлик қобилияти ҳам борлигига, унинг насрий тасвирлари эса қувноқ юмор билан йўғрилганига амин бўламиз.

Албатта, бундай катта ишда айрим нуқсонлар, ортиқча туюладиган тафсилотлар учраши мумкин. Муаллиф қўлёзмани қайта ишлаш жараёнида уни анча қисқартирди ва иложи бўлганича такомиллаштирди.

Умид қиламизки, Қамчибек Кенжанинг «Ҳинд сориға» асари бадий бобуршуносликнинг яна бир намунаси сифатида китобхонлар томонидан яхши кутиб олинади.

*Буюклар тақдирига буюк синовлар битилган бўлади.*  
Еврипид

## 1 - Қ И С М

### УШАЛМАГАН ОРЗУЛАР САРИ

...Ўша куни март ойининг тахминан охириги шанбаси эди. Қишлоқда баҳорги юмушлар қизиган пайт. Эрта туриб, ўғиллар билан ҳовлида энди иш бошлаган эдик, биров чақириб қолди. Чиқсам, кўчада. Зокиржон ака Машрабов турибди. Хайдовчисиз «Волга»ни кўриб, ўзи рулда келибди-да, деб кўйдим ичимда.

— Навбатдаги сафарга ҳозирлик кўряпмиз, — деб гап бошлади Зокиржон ака салом-аликдан сўнг, — раҳбарларнинг розилигини олдик. Бу галги йўналишимиз, ниятимиз, демак, асосан Ҳиндистон, экспедиция аъзоларини танляяпмиз. Бобур шоир, адиб бўлгани учун, демак, сафимизда андижонлик адиблардан ҳам бўлиши керак. Республика Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими бошлиғи бўлганингиз учун шу масалада сиз билан маслаҳатлашгани келдим. Тўғрироғи, сизни таклифингизни бил-моқчиман.

— Жуда яхши, Андижонда қалби ва ижоди Бобур руҳига яқин, сизларбоп шоир-ёзувчилар кўп, — дедим мен ва бир-иккитасини санай бошлагандим, Зокиржон ака гапимни бўлди.

— Тўхтанг энди, сиз мендан ҳам фидойи чиқиб қолдингиз. Биринчи сафаримизда бир-икки гаплашдигу, лекин мени назаримда ўзингиз унча қизиқмадингиз. Иккинчидан, демак, бизда ҳам тажриба йўқ, кимни олиб, кимни кўйишни билмай, роса гангиганман. Қолаверса, сиз билан яхши таниш эмас эдик. Хуллас, шунақа бўлди. Иккинчи сафар Тўлан Низомни тавсия қилдингиз, мен бажонидил рози бўлдим. Демак, яхши инсон, яхши шоир экан, яхши ҳамроҳ бўлди. Лекин у бу гал боролмас экан, сабаби сафаримиз билим юртида кириш имтиҳонлари бўладиган даврга тўғри келяпти.

Шунинг учун, қисқаси, бу гал ўзингиз бирга бўлсангиз. Бошқа ўртоқлар ҳам сизни тавсия қилишяпти, вилоят ҳокимиятининг фикри ҳам шу...

— Майли, ўйлаб кўрай...

— Ана холос... Қизиқ одам экансиз...

— Уйдагилар билан маслаҳатлашай ҳеч бўлмаса.

— Нимасини маслаҳатлашасиз, нима, уйдагилар йўқ, борманг, дейиши мумкинми?.. Боринг, паспортни олиб чиқинг. Ўзингиз билан душанба куни Андижонда гаплашиб олаверардим. Шу паспортингизни деб келдим.

— Чой-пой қилайлик...

— Кейин, буёғи шошилиш...

Бобур номли халқаро жамғарма ва унинг қошидаги халқаро илмий экспедиция мустақиллик шарофати билан вужудга келган эди. Оташ қалбли инсон, ўз халқининг ўтмиши, бой тарихи ва маданияти билан ғурурланадиган, ватан ва эл фидойиси Зокиржон Машрабовнинг саъй-ҳаракати билан ташкил бўлган мазкур жамғарма ва экспедициядан кўзда тутилган асосий мақсад маданиятимиз тарихини, халқимизнинг ажойиб фарзандлари, юртдошларимиз, жумладан, Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг илмий, адабий меросини чуқурроқ, кенгроқ ўрганиш, халқимизга етказиш, келажак авлодларга бебаҳо маънавий бойликлар қолдириб кетган улуғ алломаларнинг ҳурматини, қадрини жойига кўйиш, умуман, маданиятимиз тарихининг кам ўрганилган жабҳаларига чуқурроқ кириб бориб, янги топилган

маълумотлар ҳисобига мозийгоҳларимиз ва халқимиз та-саввурларини бойитиш, шунингдек, ёш, мустақил Ўзбекистонимизни чет элларда тарғиб қилиш, танитиш ва бошқа эзгу ниятлардан иборат эди.

Экспедиция ўз мақсадларини амалга ошириш учун шу пайтгача уч марта сафарга чиқди. Табиийки, ҳар қандай илмий экспедициянинг, хусусан, халқаро экспедициянинг бир неча мамлакат бўйлаб саёҳат қилишига рухсат олиш, ҳозирлик кўриш ўз-ўзидан бўлмади.

Қисқаси, экспедиция 1992 йилги иккала сафар давомида Бобур қадамжойлари бўйлаб бир неча хорижий ўлкалар - Афғонистон, Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Покистонда бўлиб, янги маълумотлар, таассуротлар билан қайтди. Энг муҳими, Афғонистон пойтахтидан, ҳарбий ҳолат ҳукм сураётган Кобул шаҳридаги Бобур қабридан тупроқ олиб келинди ва шу тупроқ Андижонда Бобур рамзий қабр-мақбарасининг қад кўтаришига асос бўлди. Бироқ, ҳар иккала сафар ҳам турли сабабларга кўра дастурдаги бош манзил — Бобур ва бобурийлар 332 йил ҳукмронлик қилган, тарихда улуғ бир салтанат сифатида ном қозонган Ҳиндистон заминига ўтиш насиб этмади.

Экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабов учинчи сафарга узоқ, пухта ҳозирлик кўрди. Дастурга, йўналиш режаларига биноан ҳудудидан ўтиш лозим бўлган мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари орқали ижозат олиб, ҳар бир паспортга муҳр бостирди.

Ниҳоят, жўнаш кунимиз белгиланди. Сафар ойининг аввали. Қадимий удумларимизга кўра, бу улуғ ойларда йўлга чиқиш олдидан бажариладиган расм-русумларни адо этдик. Хонадонларимизда баҳоли қудрат эҳсон қилиб, оқсоқоллар, мўътабар кишилардан фотиҳа олдик.

\*\*\*

**1993 йил 22 июль, пайшанба**

Боғишамол.

Кузатув маросими шу кунга, шу жойга тайин қилинган эди.

Эрталаб соат етти. Боғишамол (дарвоқе, энди у Бобур боғи)нинг энг баланд ва ҳушманзара жойидаги ошхонада вилоят ҳокимлиги ва Бобур номли халқаро жамғарма ташаббуси билан худойи қилиниб, ош берилди.

Кейин Андижон шаҳри ғарби-шимол тарафда қафтдагидай кўришиб турадиган очик майдонда хайрлашув-кузатув йиғини бўлди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Машариф Юсупов Бобур ва халқаро экспедиция ҳақида гапириб, шундай деди:

— Биз бугун тарихий жойда, тарихга айланадиган бир кунда турибмиз. Бу куннинг аҳамиятини эҳтимол сиз билан биз чуқур англамасмиз, лекин келажак авлод англайди ва қадрлайди. Бобур Андижондан чиқиб кетаётганда тахминан шу жойда тўхтаб, шаҳар томонга юрагида армон билан узоқ тикилиб қолган экан. Билмадим, ўшанда унинг кўнглидан нималар кечган, қандай орзу-умидлар уни олға ундаган... Балки, бир кун қайтиб Андижонда зўр ишлар қиламан, обидалар қураман, деб кўнглига туккандир. Лекин орзуси ушалмади. Унинг бу муқаддас орзу-армонларини энди сиз билан биз амалга оширмоғимиз керак. Мана шу мақсадда ташкил этилган Бобур номли халқаро илмий экспедиция бугун ўзининг навбатдаги сафарига — Ҳиндистон сари жўнаб кетмоқда...

Шу лаҳзада менинг хаёлимдан қуйидаги сатрлар ўтарди:

*Сўнг бор сенга тушиб Бобурнинг изи,  
Намозин ўқиди қалтираб тизи.  
Ахир қаро эмас, оқ эди юзи,  
Нега қайтармадинг эй, Боғишамол?*

*Ортига қайрилиб хўрсинганмиди,*

*Отин ёлин силаб ўй сурганмиди,  
Ё у дил амрига бўйсунганмиди,  
Нега қайтармадинг, эй Богишамол?*

*Қалбидан отилиб чиққанда нидо,  
Тоғу тош берганди унга акс-садо,  
Андижонга айтган чоғи алвидо,  
Нега қайтармадинг, эй Богишамол?*

*Ўсмир шоҳ юртидан бўлганда қувгин,  
Қушлар чирқираган, майсалар сўлгин,  
Замин титраб, осмон йиғлаган юм-юм,  
Нега қайтармадинг, эй Богишамол?*

*Шунчалар кўпмиди унинг гуноҳи,  
Огаю Оллоҳга етмади оҳи,  
Тулпор, қалам бўлди дўсту паноҳи,  
Нега қайтармадинг, эй Богишамол?*

*От жиловин маҳкам тутмадинг нега,  
Тилга кириб фарёд этмадинг нега,  
Ғофил бандаларни туртмадинг нега,  
Нега қайтармадинг, эй Богишамол?*

*Шоир пешин ўнган қутлуг адирлар,  
Шоирсиз юрт-элни ким ҳам қадрлар,  
Шоирин қувганни билман на дерлар,  
Нега қайтармадинг эй Богишамол?*

..Бошқаларни билмадим-ку, лекин мен ўша лаҳзаларда ниҳоятда ҳаяжонда эдим. Қалбимда шарҳлаш мушкул бўлган ҳиссиётлар қирғоқдан тошаётган дарё тўлқинларидай кўпираётганга ўхшарди. Кўнглимда тахминан Бобур қадамжойлари, хусусан мен учун афсонавор ўлка туюладиган Ҳиндистонни кўриш, томоша қилиш қувончию, бутун бир вилоят халқи умиди ва ишончини оқлаш учун арзирли иш қилиб қайтаманмикин, деган ҳадик ва масъулият ҳисси уйқаш эди. Айни вақтда, менда узоқ сафарга отланаётган, оёғи киндик қони тўкилган азиз юртидан узилаётган, кўнгил яқинларидан айро тушаётган одамда бўладиган дилгирлик ҳам йўқ эмас эди. Лекин баридан завқ ва эҳтирослар устувор эди.

Соат 8.15. Биз ёнбошиларига ўзбек, инглиз, араб тилларида «Туркистон», «Андижон», «Бобур номли халқаро илмий экспедиция» деб ёзилган «Тойота» ав-томашинасига ўтирдик. Машинамиз оҳиста жилди, халойиқ ҳамон бизга қўл силкиб, оқ йўл тилашарди. Бирдан кимдир: «Ие, Фаррух йўқ-ку», деб қолди. Қарасак, у эллик қадамча олдинда чўнқайиб ўтирганча экспедициянинг жўнаш лаҳзаларини тасвирга олаётган экан. Бояқиш шу дақиқаданоқ ишга тушиб кетган эди.

Дарвоқе, экспедиция аъзолари саккиз киши — Зокиржон Машрабов (раҳбар), тарихчи олим, Бобур номли Андижон давлат долфунуни доценти Сайфиддин Жалилов, тарихчи ва журналист, Андижон қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг ўқитувчиси Собиржон Шокаримов, Ўзбекистон илмий оммабоп фильмлар студиясининг оператори, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Тўлқин Рўзиев, Ўзбекистон радиоси ҳинд эшиттиришлари бўлими мухбири Аҳмаджон Қосимов (таржимон), республика телевидениесининг Андижон вилояти бўйича мухбир-тасвирчиси Фаррух Расулов, хайдовчи Обиджон Солиев ва каминадан иборат эди.

Бобур боғининг айлана йўлларида тушиб, шаҳар ёнбошидан ўтган халқа йўлга чиқиб олдик ва кун ботишга — Қўқон томонга қараб кетдик.

Назаримда, бутун Андижон аҳли, ҳар бир дарахт, ҳар бир гиёҳ бизни хуш кайфият билан кузатиб қолаётгандек эди. Дилимдан беихтиёр: «Хайр Андижон, хайр эй она диёр, кўришгунча!..» деган сўзлар ўтди. Ҳарқалай, биз камида икки ойлик муддатга, олис, нотаниш ўлкаларга жўнаётган эдик-да.

## ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛЛАРИДА

Бобурнинг умри ниҳоятда оғир, машаққатлар билан кечган. Ҳаётидан кейин ҳам унга тўғаноқлар кўп бўлган. Қарангки, ҳаммамиз ўзимизда йўқ хурсанд, чакчақлашиб келаётгандик, йигирма чақиримча юрганимиздан сўнг машина силтай бошлади. Кўнгилларга озгина ғулғула тушди. Овозларимиз ҳам пасайди. Ҳайдовчи бир неча марта тўхтаб, корбюраторни тозалади. Машина бир оз муддат яхши юрардию, кейин яна ўз-ўзидан секинлай бошларди. Бўлмади. Кўқон шаҳридан чиқаверишда устахонага кирдик, фильтр алмаштирилди.

Йўлга тушдик. Машинамиз анча дуруст булиб қолганга ўхшарди.

Ўзаро суҳбатимиз давом этди. Собиржон аками, кимдир: Қўқон аёллари тўладан келган бўлади, агар шунақа бўлмаса, билингки у асли Қўқонлик эмас, бошқа шаҳардан келиб қолган, деб ҳазиллашган эди, шу муносабат билан ҳар ким шаҳарлар ва аёллар мавзуида ўз тасаввур ва тушунчаларини гапириб кетди. Кўп ўтмай, суҳбат мавзуи Бобурга кўчди.

— Қаранглар-а, улуғ бир одамнинг шарофати билан иккинчи бир улуғ мамлакатга отландик, — деди Зокиржон ака ички бир қониқиш ва фахр билан.

— Мана шу йўллардан Бобур неча марта ўтган — Самарқанд — Хўжанд — Ўратепа томонларга, — дедим, мен ҳам ўзимни сал чалғитиб, бошимдан ғамгин хотираларни узоқлаштириш учун.

— Ҳа, эндигина босиб ўтганимиз Тақачи қишлоғидан ҳам ўтган, — деб тасдиқлади Сайфиддин ака, — ҳозир у жой Бобур номли жамоа хўжалиги экан...

Мен Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида Бобурнинг Андижоним, дея юрак-бағри эзилиб, тож-тахт ташвишларидан бешиб, ёлғиз ўзи (шу яқин-атрофда) яланг оёқ тоғу тош кезиб юрган чоғларини ўқиганимда шоҳнинг бу аянчли аҳволидан ғоят таъсирланиб ёзган шеъримни эсладим:

## ШОҲ БОБУР ҲАСРАТИ

*Танг шоҳликдан кечайин, деди,  
Тор зар тожни ечайин, деди,  
Яланг тупроқ кечайин, деди,  
Ҳовучлаб сув ичайин, деди,  
Тигдай ботди сипоҳлар оҳи:  
— Шаънингизга ярашмас, шоҳим.*

*Ёхуд жангни бас қилсам, деди,  
Ёхуд юртга от сурсам, деди,  
Майли, гарчанд енгилсам, деди,  
Тупроқ билан тенг бўлсам, деди,  
Тигдай ботди сипоҳлар оҳи:  
— Шаънингизга ярашмас, шоҳим.*

*Андижоним — имоним, деди,  
Аввал-охир маконим, деди,  
Бир кўрмаклик армоним, деди,  
Олсалар ҳам минг жоним, деди,  
Тигдай ботди сипоҳлар оҳи:*



— *Шаһнингизга ярашмас, шоҳим.*

*Тугилганди шоҳдан шоҳ бўлиб,  
Қон тўкмасдан, беғуноҳ бўлиб,  
Тождан кечиб ва дилхоҳ бўлиб,  
Яшолмасди хур, фараҳ бўлиб,  
Енгилишга ҳаққи йўқ эди  
Ва ўлишга ҳаққи йўқ эди.*

Конибодом, Патар, Пистакўз, Қўштегирмон каби шаҳар ва қишлоқларни босиб, Бекободдан чиқаётган эдик. Шу ерда божхона ходимлари: «Бу қанақа экспедиция, сизларга ким рухсат берди, нима олиб кетяпсизлар», деб бир оз диққат қилишди. Шунданми, сал гангиб, йўлни ҳам йўқотиб қўяёздик. Тўғрироғи икки йўлдан бирини танлаш керак бўлиб қолди. Зокиржон ака ҳайдовчи ёнида штурман — йўл кўрсатувчи бўлиб кетаётган эди, билмаган яқин йўлдан, билган узоқ йўл яхши деб, Зомин томонга бошлади.

Зомин туманидаги 15-давлат хўжалиги худудида кетаётган эдик, Зарбдор туманига озгина қолувди. Машинамизнинг орқа бурчагига жойлаштирилган, эҳтиёт учун солярка қуйиб олинган 300 литрлик бок тешилиб, мой оқа бошлади. Қалин темирдан кўлда шошилишч ясалган бу катта идиш думалоқ эмас, турт қиррали бўлиб, одатий шакл талабига жавоб бермас, шунинг учун, машина тормоз босиб ё газ бериб силтанган чоғида оғир юк автобуснинг орқа деворига зарб билан урилавериб, остки чокидан дарз кетган эди. Соляркани машина бокига кетганича қўйдик.

Дунё ишларининг ғалатилигини қарангки, заруратда пулга топилмайдиган ёнилгини бекорга берамиз десак оладиган одам топилмайди. «КамАЗ»ларга кўл кўтарсак, ҳайдовчилари бош чайқаб ўтиб кетишади, бир трактор анча ўтиб, қайтиб келди, боқим тўла, дея узр айтиб у ҳам кетди. Етмиш ёшлардаги бир киши учраб қолди, идиш олиб келиб, соляркадан қуйиб кетинг, десак, э, керак эмас, дейди. Хуноб бўлдик, тўкиб юборишга кўз қиймайди. Салкам 300 литр солярка-я! Камида қирқ минг сўмлик ёнилғи!

Соляркани оқизиб, йўлга тушдик. Бир юмронқозиқ чап қирғоқдан йўлни кесиб югуриб ўтди-да, четга чиқиб орқа оёқларида тик турганча худди ақлли жонивордай бизни, машинамизни ва чак-чак қилиб томиб бораётган ёнилгини ҳайрат билан, қизиқиб кузатиб қолди.

Яқин-орада маҳалла кам, идора ё ташкилот ҳам кўринмас эди. «Тараққиёт» давлат хўжалиги деган йўл белгиси кўрсатган томонга юрдик. Гаражини топиб, иложи бўлса, идишимизни алмаштириб олмоқчи эдик. Хўжалик маркази катта йўлдан анча ичкарида экан. Идорада раҳбарлар йўқ экан. Қайси бир бўлимда мажлис бўляпти, гараж бошлиқлари ҳам ўша ёқда, бу ердан анча олис, дейишди.

Жиззахга етиб олишга қарор қилдик. Орқага қайтиб, катта йўлга чиқиб олдик. Автобус ичини солярка ҳиди тутиб кетди. Бу ёқимсиз ҳид колбаса ва бошқа озик-овқатларга ҳам уриб, бошларимиз оғрий бошлади. Нима қилиш кераклиги тўғрисида муҳокамага тушиб кетдик. Саккиз одамдан саккиз хил мулоҳаза чиқди. Биров шу идишним, солярканим баҳридан ўтиш керак, ташлаб юбориш керак, деса бошқаси, узоқ сафарга кетяпмиз, ҳали йўлда бунақа бочкага, бир литр соляркага зор бўлишимиз, мумкин, деб ҳаммани иккилантириб қўяди. Аниқ бир тўхташга келолмаймиз. Секин-аста уф тортишлар бошланди. Бир-биримизнинг кўнглимизни кўтаришга ҳаракат қиламиз. Солярка эса оёқларимиз тагига оқиб, кийим, нон солинган қопчиқ, халталаримизни булғар, буруқсаган хид димокларимиз, бурунларимизни ачиштирарди. Ойналарни очиб юборсак ҳам фойдаси бўлмади.

Мана сизга экспедиция! Мана сизга сайру саёҳат! Бошланиши шунақа бўлса...

Вақт номозшомга яқинлашиб қолган эди. Йўл четига чиқиб тўхтадик. Бок жўмрагидан соляркани оқизиб қўйдик. Сайфиддин ака шом ўқиш учун майсазорга тушди. Кун қизариб ботмоқда, унинг алвон шуълалари атрофга таралиб, оламни гўзаллаштириб юборган эди. Табиатнинг мана шу жозибали, ғоятда фусункор ҳолати, нафас олсангиз ўпкангиз яйрайдиган ҳалим ҳаво, ёқимли бир соқинлик руҳимизни, кайфиятимизни анча кўтарди. Шу

пайт орқадан тахта юклаган иккита «КамАЗ» келиб, бизнинг машинамизга етмасдан тўхтади. Ҳайдовчилар ёш-ёш йигитлар экан, ёнимизга келиб, ерга оқаеттан соляркага қараб ҳайрон бўлишди. Биз тушунтирдик. Сизлар қуйиб олинглар, дедик. Бизга талон берадилар, пулимиз йук, дейишди. Текинга, кўряпсизларку, барибир тўкиб юборяпмиз, деганимиздан кейин улар 3—4 пақир олишди. Ўчакишгандай, уларнинг бокида ҳам солярка деярли тўла экан.

Бу орада қуёш ботиб, кўкда янги ой балқиди, «КамАЗ» ҳайдовчилари билан бир оз суҳбатлашдик. Шаҳрисабздаги 27-ХАТП да ишлашаркан. Улардан бири — Сайдулло Мелиев анча киришимли, тарихни дуруст биладиган йигит экан. Бобур аجدодлари, Амир Темур, унинг Шаҳрисабздаги машҳур Оқ саройи ҳақида гаплашдик.

— Асли экспедиция сафарини ана шу Оқ саройдан бошлаши керак эди, — дейди Сайдулло.

Қоронғи туша бошлаган, бок жўмрагидан жилдираб тушаётган солярка ҳали-вери тугайдиган эмас эди. Йўлга тушдик. Жиззахга яқинлашиб Бобур номли жамоа хўжалиги худудидан ўтаётган эдик. Дастлаб рўпара келган хонадонлар олдида тўхтаб, бир ҳовлини чақирдик. Улар кўшниларига хабар беришди. Ҳар хил катта-кичик идишлар олиб чиқишди, машина орқасини қулай жойга тўғрилаб, бок жўмрагини солярка кўпроқ ва тезроқ тушадиган қилиб очиб қўйдик.

Солярка эвазига бизни ўз илтимосимизга кўра айрон, нон-чой билан сийлашди. Сув қайнаттириб, термосларимизга қуйиб олдик. Сафардаги биринчи кечки тановулимиз шу бўлди. Темир бочкамиз бўшагач, елкамиздан тоғ қулагандай, ҳаммамиз енгил тортиб йўлга тушдик.

Лекин машинамиз яна «йўталиб» акса ура бошлади. Обиджон ака ҳар замонда, кейинроқ тезда-тезда тўхтаб, машина остига киради-да, филтрга кириб қолган ҳавони чиқариб ташлайди. Машина бир оз яхши юради-да, яна силкиниб, секинлай бошлайди.

## ЎЗ ЮРТИНГДА АДАШМА...

Жиззахдан ўтгандан кейин рулга Зокиржон ака ўтирди. Мен раҳбаримизни бадиий фильмлардаги ҳар қандай ишни қилиб кетаверадиган бош қаҳрамонларга ўхшатиб юбордим. Дарҳақиқат, у машинани уддабуронлик билан бошқариб, машина секинлаганда уни ўз ҳолига қуйиб берар, беш дақиқалардан кейин газ-тезлик ўз-ўзидан кўтарила бошларди,

Тун, қоронғи, қатнов кам бўлгани, йўлни яхши билмаганимиз учун сўраб-сўраб кетавердик. Машинани кўздан кечиртириб олиш учун Жума шаҳридаги «Тойота» устахонасига кириб ўтишга қарор қилган эдик.

Самарқанднинг ўнг ёнидан ўтадиган катта трассада тўхтадик. Йўл сўрашга бир зот кўринмас эди.

Ўнг томонда Зарафшон дарёси шовуллаб оқиб турибди. Тўлқин мавжларида Самарқанд осмонининг юлдузлари жилваланиб кўзни олади: гўё олтин сочиб юборилгандай... Бу осмон менга жуда паст, ерга анча яқиндай, юлдузлар кўп ва бошқа жойлардагига қараганда ўзгача фусункорлик билан нур сочаётгандай туюлди.

Балки, ростдан ҳам шундайдир. Улуғ мутафаккир, жаҳон мунажжимларининг сардори Мирзо Улуғбек юлдузларни кузатиб ўрганадиган машҳур обсерватория учун Самарқандни бежиз танламагандир.

Мағрибдан эсаётган салқин шаббода дарёнинг намхуш шамоли билан омухталаниб, кўнгилга ҳузур ва роҳат бағишлайди. Беихтиёр енгил тортиб кетасан киши.

Самарқанд... Ҳа, «сайқали рўйи замин...» қадимий Турон, Мовароуннаҳрнинг маданий марказларидан бири, не-не хонлару подшоларни ўзига асир айлаб, оқибатда ўзи ҳам не-не фожиалар, вайронгарчиликларни бошидан кечирган бу кўҳна ва азим шаҳар жаҳон тарихида ўзига хос, алоҳида ўрин тутди. Амир Темур Мовароуннаҳрда марказлашган давлат барпо қилиб, Самарқандни пойтахтга айлантирди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобокалонининг парчаланиб кетган қудратли давлатини қайта тиклаш иштиёкида Самарқандга от суради. Уни бир неча бор қўлга киритади, яна бой беради.

Бобур Мирзо ана шу Самарқандда суюкли ва меҳрибон опаси, кадрдон маслаҳатгўйи, ҳали бир гули ҳам очилмаган Хонзода бегимни ашаддий ёғийси, унинг бутун ҳаётини алғовдалғов қилиб, орзу умидларини пучга чиқариб юборган, аскарларию яқинларини пароканда этиб ташлаган Шайбонийхонга хотинликка қолдириб кетишга мажбур бўлади... Умрининг охиригача армон бўлиб қолган ана шу Самарқанд ўртага тушмаганда, эҳтимол Бобур Мирзонинг ҳаёти бу қадар дарбадарликка юз тутмаган, ўз туғилган Андижонидан айро тушмаган бўлармиди. Афғонистонда, Ҳиндистонда қурган обидаларини, бошқа улуғ, хайрли ишларини Андижонда амалга оширармиди... Яна ким билади, дейсиз. Балки тақдир тақозоси шудир...

Чўғдай юлдузлар ғужғон ўйнаётган мафтункор самонинг жўшқин дарёдаги аксига тикилиб, шуларни хаёлимдан кечирдим.

Шериклар ҳам атрофга тарқаб кетишган, Зарафшон тунининг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб, уйқуларини қочириш учун дарё бўйида у ёқдан бу ёққа бориб келишарди.

Биз қайёққа юришни билмас эдик. Таваккал қилмакка ботинмадик — вақтнинг, ёнилғининг беҳуда сарф бўлишини ўйлардик. Ахир заҳирадаги бор соляркани одамларга улашиб тугатдик-ку.

Ниҳоят, рўпарадан «Тез ёрдам» машинаси кўринди. Тўхтатиб, йўл сўрадик. Улар кўрсатган тарафга қараб юрдик. Аммо яна адашиб кетдик. Самарқанднинг янги мавзеларини айланиб чиқдик. Шунда мен ўз юртимизни ҳам яхши билмаслигимиздан ўқиндим ва ўз кўчаларимиздаки шунчалик сарсон бўлиб юрибмиз, бутунлай нотаниш хорижий юртларнинг йўлларида қай аҳволга тушар эканмиз дея ғашландим.

Шунақаям тинч шаҳар бўладими, биронта тирик жон кўринмаса-я, дейман. Ғалтак аравада ахлат олиб кетаётган кекса бир рус учраганда тунги соат икки ярим эди. Унинг маслаҳати билан юриб, яна буриладиган чорраҳадан анча ўтиб кетибмиз. Дарвозаси олдида чўнқайиб тамаки чекиб ўтирган майкачан одам орқага қайтишимиз лозимлигини айтди. Хотини билан ёжиллашиб қолган бу кимса уйқуси қочиб, зерикиб турган экан, кимлигимиз, қаердан келаётганимизни сўради, йўлни роса майдалаб, узок тушунтирди. Хуллас, шу тариқа, Жума шаҳарчасидаги Самарқанд вилоят механика устахонасини тонгга яқин, соат тўрт яримда, эртаки хўрозлар бирин-кетин қичқираётган маҳалда топиб бордик. Қоровул аҳволимизни тушуниб, ичкари киришга ижозат берди. Бир-иккитамиз бетон супачада, қолганларимиз машинада андак мизғиб олиш учун омонатгина ёнбошладик.

Шу бир кун, Боғишамол (Андижон)дан Жума шаҳарчасигача бўлган масофа менга жуда узокдай туюлди ва бир неча кунлик йўлни уйқусиз босиб келгандай, ниҳоятда ҳориган эдик, ҳаммамиз бир неча лаҳза ўтмай қаттиқ уйқуга кетдик.

Экспедициямиз сафарининг биринчи куни ана шундай кечди.

### *23 июль, жума*

Бор-йўғи икки соатча ухладиму лекин мириқиб дам олибман чоғи, тетик уйғондим. Соат еттидан ўтганда ишчилар бирин-кетин кела бошлашди. Биз бошлиқларни кутар эдик. Кечаги кун воқеаларини, сарсонликларни эслаб, муҳокама қилиб ўтирдик. Заҳира бок тешилиши ҳодисаси янгилик эмас экан. Ўтган галги сафар чоғида ҳам худди ана шундай темир идиш олишган, лекин у Бухородан ўтганда иш кўрсатиб, ташлаб юборишган экан.

— Банданинг хом сут эмганлиги шу-да, — деди Зокиржон ака кулиб. — Бу сафар бошқачароқ иш тутиш керак эди. Обиджон акага ишониб, ўзим шуғулланолмадим-да.

— Эҳтимол парвардигор, э, бандам, кўзингни оч, бу ишинг яна хом, деб шундай қилгандир, — деди Сайфиддин аками, кимдир. ... — Машинаниям хунар кўрсатганини қаранглар...

— Балки, — деди Тулқин Рўзиев, — Бобур Мирзо руҳи биз билан юрган бўлса, булар мусофир юртларда қийналишмасин, шу ердан пухталаниб олишсин, деярликдир...

Ҳа, машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади, дейишади. Бу кунларимиз ҳали машқ-да. Ажаб эмас, машинамиз яхши тузалиб, йўлимиз равонланиб кетса...

Барча мутахассис-усталар йиғилишиб, худди шифокорлар консулиум ўтказгандай, муҳокама қилишди, ҳамма ўз тахминини айтди, маслаҳат берди. Яна ковлаб кетишди. Фалон жойи фалон бўлган экан, писмадон қилдик, энди юради, дейишади. Синаш учун ўттиз чақирим нарига бориб келишади. Бир гал мен ҳам бирга бордим. Дарҳақиқат яхши кетади, қайтишда, яна ўз-ўзидан тезлик пасая бошлади...

Бечора бошлиқ, мухандис ва бошқа мутасадди кишилар ҳам хайрон ва хижолат. Бири қўйиб, бири тўхтовсиз усталар ишидан хабар олиб, биздан ҳам ҳол-аҳвол сўраб туришади. Хуллас, устахонанинг омборчисю ҳаммомчисигача атрофимизда парвона. Биз улардан хижолат бўлиб, сизларни ҳам анча уринтирдик, деб узр сўраймиз. Ёш бошлиқ Шукрулло: «халқимиз маданиятини, Бобур меросини ўрганиш, тўплаш йўлида Сиздек хайрли иш бошлаган кишиларга ёрдам бериш ҳамманинг бурчи, бизнинг эса оддий вазифамиз», дейди сидкидилдан.

Ва ниҳоят, қусурни топишди. Бочокка кир тўпланиб қолган экан. Бешинчи бор миниб келишди, машинанинг ростдан ҳам тузалганига ишонч ҳосил бўлгач, устахонанинг қоровулигача «рози» қилиб, хайр-хўшлашиб, йўлга чиққанимизда вақт намози аср эди.

Энди олдимизда солярка муаммоси кўндаланг бўлди. Бугунги синовларда ёқилғимиз тугаган эди. Гўзалкент тумани ҳокимлигига кирдик, ҳоким мажлисда экан, кутиб турдик, у чоракам бир соатлардан кейин чиқди, «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалигига кўнғироқ қилиб, 50 литр солярка қуйиб беринглар, деб тайинлади.

Қоронғида «Беш қаҳрамон»ни излаб кетдик, эсизгина кеча дуч келганга қуйиб берилган, тўкиб юборилган соляркалар! Мана, бир кун ўтмай ўзимиз тиланиб ўтирибмиз. Лекин бари бир кайфиятимиз чоғ, чунки машинанинг тортиши чиндан ҳам яхши бўлиб қолган эди. Кўз тегмасин ишқилиб...

Соат тунги бир яримларда қадимий Бухорога кириб бордик. Шаҳар четроғига тушган мухташам «Варахша» меҳмонхонасида жой йўқ экан, ундан сал наридаги «Зарафшон» деганига тушдик. Биз Тўлқин ака иккаламиз иккинчи қаватдаги бир хонага жойлашдик. Қўноқхона ташқаридан ҳашаматли, салобатли кўринса-да, хоналаридаги шарт-шароит, жиҳозлар сифати ўртача эди. Дарвоқе, узоқ йўлдан чарчаб келган, сафардаги одамга буларнинг унча аҳамияти ҳам йук-ку.

## *24 июль, шанба*

Ётишда деразани очиб қўйган эдик. Саҳарга яқин безовталаниб уйғониб кетдим. Устим ҳам очилиб қолган экан, чивин (Андижонда уни «паша» деймиз) чақиб, аъзои баданимни ғурра қилиб ташлабди. Меҳмонхонада ҳам паша бўладими, деб ажабландим, лекин бу ҳали ҳолваси экан. Тоғора-ваннага тушиб, муздай сувда ювиниб чиқдим-да, маҳкам ўраниб ётдим. Соат олтига яқин турдим. Ҳамма, ҳатто меҳмонхона хизматчилари ҳам уйқуда эди, занжирланган эшикларни очиб, ташқарига, бино олдидаги кенг майдонга чиқдим. Ҳаво ниҳоятда сўлим эди. Умуман, одатда, «кўшнининг товуғи ғоз кўринади, хотини—қиз», деганларидай, янги, нотаниш жойнинг ҳавоси сўлимроқ, манзаралари гўзалроқ туюлади. Лекин ҳарқалай, бу жойнинг табиати менда ўзига хос таассурот қолдирди. Қуёш жуда пастдан, шундоққина бир қаватли уйлар орасидан аста, қизғиш товланиб кўтарилиб келаётган эди.

Бухорога бундан йигирма етти йил аввал, Тошкент дорилфунининг учинчи курсида ўқиётган пайтимда келган эдим. Ўшанда бу шаҳар кўзимга эски, кичкина ва анча хароб кўринувди. Ҳозир шаҳар жуда кенгайиб, атрофи чиройли бўлиб кетибди. Кўчалар, дарахтлар, хиёбонлар ёш, лекин батартиб эди. Афсуски, биз тунаган «Зарафшон» меҳмонхонаси ёнидаги мўъжазгина хиёбонга кўрк бериб турган чинорлар остки, бачки япроқларидан қурий бошлаган эди. Ажирик ва бошқа жайдари кўкатлар табиий ҳолда ўсиб ётган майса-зор ҳам сувсизликдан сарғаймоқда эди.

Шаҳардан чиқаверишдаги чойхонанинг дастлабки мижозлари биз бўлдик. Ҳали чой ҳам қайнамаган экан. Бўйга етмаган, соддагина кийинган қиз ҳовли супураётган эди.

Нонуштадан сўнг Туркманистон сари — Чоржуйга қараб йўл олдик.

Қадимги Мохан дарёсидан чиққан Мулиён дарёси, қадимий шаҳардан қолган вайрона, Варгамза тепалиги ёнидан ўтдик. Умуман, Бухоро ҳақида гап кетганда «қадимий» деган сўз кўп ишлатилади. Бу табиий ҳол. Чунки бу кўҳна шаҳар Қизилқум худудидаги қадимий одамлар яшаб келаётган қадимий жойдир. «Бухоро» сўзининг ўзи ҳам исломдан анча аввал пайдо бўлган.

Атроф-манзараларни завқ билан томоша қилиб, бу жойлар номи, иклимини муҳокама этиб, тарих билан ҳозирги ҳолатларни муқоясалаб борардик. Ҳар қадамда учрайдиган ДАН (давлат автомобил назорати) деган тўсиқ, божхоналарнинг ходимлари тўхтатавериб безор қилишини ҳисобга олмаганда, сафаримиз яхши давом этмоқда эди. Зокиржон ака ҳар сафар йўл тўсувчиларга гоҳ ҳис-ҳаяжон билан, гоҳ асабийлашиб, Бобур ҳақида, экспедициянинг мақсад ва вазифалари ҳақида узундан-узоқ изоҳ беришга мажбур бўларди.

Чоржўй худудига ўтаверишдаги чегарада Ўзбекистон божхонаси, сал нарида Туркменистон божхонаси тўхтатиб, ҳамма ҳужжатлар, паспортларни, одамларни, машинамизни обдан текшириб ўз дафтарларига қайд этишгандан кейингина қўйиб юборишди. Битта асосий ғовдан, чегарадан ўтдик, деб енгил нафас олдик. Бирок...

## БЕПОЁН ЧЎЛЛАРДА

Бирок, кўп ўтмай Чоржўй вилоят автомобил назоратчилари яна темир ғов билан тўсишди. Хужжатларни шошилмасдан варақлаб, титкилаб, анча тутиб туришди. Улар икки киши эди. Биттаси (ёшроғи) Туркменистон Республикаси ҳукумати қарорига кўра икки юз доллар товон тўлайсизлар, деб шарт қўйди. Иккинчи бир сержант совғалар рўйхатини кўздан кечираётиб, дўппидан кияйлик, деб қолди. Бажонидил рози бўлиб, одатда хорижлик меҳмонларга совға қилинадиган босма дўппидан иккита бериб ўтиб кетдик. Ишимиз битганига суюндик.

Туркменистон ҳудудида дастлаб эътиборимизни жалб этган янги нарса онда-сонда кўзга ташланиб қоладиган туялар бўлди.

Амударёдаги паромни сув оқизиб кетган, дейишди. Шунинг учун Чоржўйга кирмасдан, етмиш чақиримлик масофадаги Элжик деган манзилга қараб кетдик. Саҳрони гўё қоқ иккига ёриб ўтган ўқдай йўлдан боряпмиз. Кўча тўғри, фақат паст-баланд эди. Гоҳ қуйига шўнғиб, гоҳ тепаликка ўрлаймиз. Икки томон поёнсиз саҳро-юлғинзор эди. Ичкарирокдан саксовулзорлар бошланарди. Саксовулнинг танасидан томири узун бўлади, дейишади. Нам кидириб ўсаверса керак-да.

Қорақум саҳросига яқинлашганимиз сари саксовулзор қалинлаша борарди. Бепоен ерлар... Сув бўлса бас... Умуман, ер ости бойликларига сероб Туркменистоннинг ер усти имкониятлари ҳам ҳали кўп экан. Нариги чеккасини кўз илғамайдиган, лўмиллаган тупроқли дашту биёбонларда саксовулки ўсяпти, демак остида нам бор— ҳаёт учун манба бор, қачондир мана шу ерлар ҳам ўзлаштирилиб, янги шаҳарлар қад кўтариши тайин.

Жайхун (Амударё) қирғоғига етиб бордик. Тизза бўйи тупроқ-қум барханлари орасидан юриб, паром оҳиста тебранаётган дарё лабига яқинлашдик. Иккита «КамАЗ», бир катта автобус турибди. Соат бир ярим, паромчилар тушлик қилишаётган эди.

Паромга машиналар чиқарила бошлагач, Тўлқин ака билан Фаррух ишга тушиб кетишди. Уларнинг кино, тасвирга туширишаётганидан хабар топган бошқа сайёҳлар бизни ўраб олишди. Қаёқдандир рубобчи, доирачилар пайдо бўлиб, ашулани ванг қўйиб юборишди. Тижорат мақсадида Эронга ўтиб кетишаётган қирғиз жувонлари бир-бирларини қисташиб, ўйинга туша бошладилар. Ўртада катта доира-майдон ҳосил бўлди. Рақсга жалолободлик, бухоролик, хоразмлик, туркменистонлик йигитлар, аёллар қўшилиб кетишди. Бир ажойиб концерт бўлди. Ўйин-кулги авжга чиқди.

Паром дегани ҳам жуда кенг нарса бўлар экан. Каттароқ томга нисбатан «камбағалнинг ҳовлисидай» деган муболаға ишлатиларди, бу паромни бемалол «бойларнинг томорқасидай» деб таърифлаш мумкин эди. Иккита узундан-узун «КамАЗ», учта автобус, ўнга яқин енгил машина сиғиб кетди-я!

Паром худди улкан кемадай оҳиста жилди. У дарё оқимиغا қараб, нариги соҳилдаги ўзи жиловладиган маҳсус паккани мўлжаллаб сузиб борарди. Дарё суви бўтана, тўлқинлари сиртдан унча сезилмаса ҳам қудратли эди. Паром чайқалганида юзага келадиган долғалар қирғоққа бориб залвор билан урилар, кучли шалоплаган товуш бемалол эшитилиб турарди. Бу анча ваҳимали ҳолат эди. Аёллар қий-чув қилиб, бир-бирларига, ҳатто ёнидаги номаҳрам эркакларга ҳам маҳкам ёпишиб олишарди.

Хуллас, Жайхуннинг у бетига ўтиб олгач, дарё бўйлаб яна деярли орқага — Чоржўйга (йўл кўрсаткичларда русча «Чаржев» ёзилган) қараб кетдик.

Туркменистонга ўтишимиз билан машҳур туркман қовунининг тил ёрар ширинлиги ҳақида гап очилган, учраса албатта бир тўямиз, деб ният қилган эдик. Лекин аксига олиб, негадир йўл бўйларида қовун-тарвуз сотаётганлар ҳам, полиз<sup>1</sup> пайкалининг ўзи ҳам кўринмасди. Бухоро далаларидаги каби бу томонларда ҳам қуёшга салом бериб, ўзи униб чиққан заминга таъзим қилиб турган кунгабоқар кўп эди.

Ўзаро суҳбатларимиз давом этарди. Дунёда Навоий машҳурми, Бобурми деган баҳс кетди. Сўз санъаткори, ғазал мулкининг султони сифатида Алишер Навоийга тараф йўқ,

«Бобурнома» муаллифи ва шоҳ сифатида Захириддин Муҳаммад Бобур довруклирок, деган хулосага келинди.

Яна етмиш чақиримдан зиёд ортикча (бориш — қайтиши 140 чақирим) йўл босиб, Чоржўйга келдик. Асов Жайхуннинг бебошлиги боис, бунақа аворагарчиликлар азалдан бор экан. Қанча ёнилғи, қанча вақт бекорга сарф бўлди-я! Техника тараққий этган, фазо-лар алғов-далғов қилинаётган замон бўлса, шу бир дарёга мустаҳкам кўприк қуриш нима деган гап, деб ҳайрон бўласан киши.

Шаҳарга кирганимизда бир аёл кўл кўтариб қолди. Йўлни сўраймиз, деб чиқариб олдик. Буғдой ранг юзли, қош-кўзлари қоп-қора, сарвқадгина, ёшгина бу жувон темир йўл бекатида ишлар, исми Раъно экан.

— Туркман қизимисиз, — деб сўрадик.

— Йўқ, — деди у шартта, — бу ерда туркман жуда кам, лекин ҳамма ўзини туркман деб ёздириб олган...

Раънонинг ҳаворанг катак кўйлаги этаги қарийб тўпиғигача тушар, қалин қора сочлари ҳам, бошига турмакланган бўлса-да, кўйлагининг этаги билан бемалол бўйлаша оладиган даражада узунлиги сезилиб турарди.

Муҳаммад Юсуфнинг «Туркман қизга уйланаман» деган шеърини эслашдик. «Бу қўшиқ бизда ҳам машҳур», деди Раъно. Биз ҳамюрт шоиримиз билан фахрландик.

## ТУРКМАН ҚИЗЛАРИ...

Кўчанинг ўнг томони пахтазор, чап тарафи эса полиззор эди. Кенг далалар, қараб туриб зерикиб кетадиган, кўз толиқадиган даражада поёнсиздай туюларди.

Бундан бир неча ўн чақирим олдин, йўлдаги ДАН бўлимидагилар автобусимизга чиқариб юборишган киши (қошлари сийрак, тухум бошли, кўзлари ичига ботган бу кимса кинолардаги шубҳали одамларга ўхшар, индамас эди) қовун-тарвуз пайкалига кириб, қовун кўтариб чиқди, унинг ортидан иккита мўйсафид ҳам қовун-тарвуз қўлтиқлаб келишди. Сайфиддин Жалилов ташаббуси билан қисқагина танишув маросими ўтказилди. Отахонлардан бирининг исми Берди оға, иккинчисиники Қақажон оға экан.

— Туркманлар отасини «қақа» дейди, — тушунтирди у ўз отига изоҳ бериб.

— Биз така туркманларданмиз, — деб кўйди Берди оға ўзларини бизга яхшироқ таништириш учун.

Қорақўл телпакли, чўққи соқол, аммо мўйлови тап-тақир қилиб қирдирилган Қақажон оға Махтумкули давридаги кексаларни эслатарди. (Шундоқ саратонда телпак кийиб олишганини, бошлари терлаб, ачиб кетмасмикин деб таажжубландим ва ўзимга ўзим жавоб бердим: ахир бу телпак уларнинг миллий бош кийими-да!)

Бу ер Маридан 70 чақирим беридаги Байрамали районига (Туркменистонда “район” атама ҳали ўзгартирилмаган эди) қарашли «Заҳмат» деган давлат хўжалиги ерлари экан. Қовун кўҳна кўкча деган уруғдан экан. Қовуннинг каттароқ, банд берганини сўйувдик, пичоқ тегиши билан тарс этиб ёрилиб кетди. Аммо ичи негадир ғўрроқ, мазаси ҳам биз кутганчалик мазали эмас эди. Тарвузнинг кичикроғи ширин чиқди.

Каттароқ бир қовун, кичикроқ бир тарвузни олиб, хайрлашдик. Бизни Бобур юртидан меҳмон экан деб сийлашди чоғи, пул узатсак, олишмади. Боя ўспиринлар билан ҳазиллашиб анча тортишган эдик. Бола экан-да, тарвузларининг ҳомлигини, еб бўлмаганлигини кўриб туришибди, барибир ҳар бирига икки юз сўмдан берасизлар, отам сўкади, дейди...

Ҳадемай, ёнма-ён икки ўзанда оқаётган Қорақўл каналидан ўтдик. Офтоб қип-қизариб ботаётган палла. Бу жойлар анча тепалик эканми, қуёш пастдан чиқиб, пастга, худди ерга ботадигандай тасаввур уйғотарди. Бунинг устига, қуёш гўё кечикаётгандек, шу даражада тез ва ажойиб бота бошладики, беихтиёр Мақсуд Шайхзоданинг денгиз бўйидаги шундай ҳолатни тасвирлаган шеъри ёдимга тушди. Бу гўзал ва бетакрор манзарани Фаррух ҳам тасвирга олишга улгурмаганидан афсусланиб қолди.

Тарих китобларида кўп тилга олинадиган Мурғоб дарёсидан ўтиб, Мариға кириб борганимизда аллақачон қоронғу тушган эди. Шаҳар бизни неон чироклари ёғдусида товланиб турган «Марв 2500 ёшда» деган улкан ҳарфлардаги чиройли ёзув билан қарши олди. Марв чиндан ҳам жуда қадимий ва машҳур шаҳар. Бу ном хусусан биз томонларда энг узоқ ўлка, жой, деган маънони англатиш учун ҳам қўлланган. Муқимий: «Мулки Ҳинду Марвдин келсам, топардим эътибор...» деб беъжиз ёзмаган. Қаранг, шундоқ маз-мундор ва салмоқли сўз, тарихий ном русчада осон талаффуз этилиши учун жўнгина «Мари» деб юритилади-я!

«Санжар» меҳмонхонасида тунашга қарор қилдик. Қўноқхона ҳақи Туркменистон фуқароларига 1,5 минг, бошқа юртдан келганлар учун 2250 сўм экан. Биз ёқларда «Туркменистонда ҳамма нарса арзон эмиш, жаннат эмиш» деган гаплар юрарди. Ҳолбуки, озиқ-овқат ҳам, бошқа нарсалар нархи-навоси ҳам биздагидан кам эмас эди. Яна ҳар бир муюлишда, йўлларда ушбу мамлакат Президентининг улкан суратлари, унинг нутқларидан келтирилган парчалар... уни мадҳ этувчи, масалан, «Меҳрибон Президентимиз соғ бўлсин...» кабилидаги шиорнамо гаплар...

Меҳмонхона жуда кўркам, салобатли, шинам, олдидаги майдон ҳам худди Бухоронинг «Зарафшон» қўноқхонаси майдони каби озода, саришта эди. Чиройли фавворачалардан кўк сари сапчиётган сув чилвирлари уч-тўрт метр чамасида титилиб, шаштидан тушиб, ховузчага қайта қуюлар, енгилгина шабода эсарди. Бир оз айланиб юрдик. Узун кўйлакли асл туркман қиз-аёллари шу ерда экан. Уларни кузата туриб, бизда ўзбек қиз-жувонлари ғарб аёллари таъсирига берилиб кетган, бу юртда аксинча, рус ва бошқа ғарб миллатларига мансуб хотинларга туркман аёлларининг таъсири кучли экан, деган хулосага келдим. Чунки улар ҳам туркман қиз-жувонлари сингари узун-узун либос кийиб юришарди. Туркман қизларининг лаб-қовоқлари бўялгани ҳам жуда кам эди. Балки, ташқи таъсирга берилиш-берилмаслик эътикод, миллий урф-одатларга садоқатнинг кучли-кучсизлигига ҳам боғлиқдир. Эҳтимол, бу узил-кесил хулоса чиқариш қийин бўлган мураккаб ва ўзгарувчан жараёндир. Гап кўйлакнинг узун-калталигидагина эмас-ку, ҳарқалай туркман қиз-аёллари менда ўзига хос таассурот қолдирди. Улар Хоразм қизлари каби шўх ва шаддот ҳам эдилар.

Меҳмонхонанинг бир хонасига Собиржон ака билан жойлашдик. Уч кундан бери йўлда юриб сувсираб қолган эканмизми ё сув ўзи жуда мулоим, ёқимли эканми, душга тушган эдим, ҳеч чиққим келмайди. Баданларим ниҳоятда яйради. Умуман, яқин вақтларда бунақа роҳат қилиб чўмилганимни эслай олмайман. Кўнгил ҳам жуда равшан тортиди.

## «САНЖАР» АЙВОНИДАГИ СУҲБАТ

*25 июль, якшанба*

Ярим кечада семиз, пўрсайган бир аёлнинг эшигимизни тақиллатиб, соат сўраганини ҳисобга олмаганда, мириқиб ухладик. Тонгда айвонга чиқиб, атрофни томоша қилар эканман, шоир Мулла Нафас номли катта кўчанинг икки томонидаги жуда яққол кўзга ташланиб турган хиёбон, хиёбончаларни, баланд ва нақшли биноларни кўриб, кайфиятим янада чоғ бўлди.

Соат олти яримларда Кушкага жўнадик. Йўлда қовунхўрлик қилдик. Қовунлар унча ширин эмас ва қиммат: ўртачаси 400 сўм.

Махтумқули туркманларнинг энг машҳур шоири. Ўзбек шеъриятида Навоий қандай ўрин тутса, Махтумқули ҳам туркман адабиётида қарийб шундай маконга эга. Ҳарқалай, ўзбек адабий жамоатчилигида шундай фикр мавжуд. Лекин, мана, Туркменистоннинг анча шаҳар ва қишлоқларидан ўтиб боряпмиз, Махтумқулига эътибор биз ўйлаганчалик юксак эмасдай... Унинг номи унча кўзга чалинавермайди. Елатан (Йолатан) нефть маҳсулотлари базаси олдида Махтумқулининг жўнгина рассомлар томонидан чизилган одатий паннода



суратини кўриб, тўғриси ажабландик. Шоир билан ёнилғи маҳсулотлари идораси ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин?

Сайфиддин ака Елатан (Иолатан)нинг Избоскандаги Элатан билан ўзаги бирлиги ҳақида гапирди. Ростдан ҳам номлар қайтариғи тез-тез учрайдиган ҳодиса. Албатта, уларнинг уруғ атамалигидан ташқари яна қандайдир боғланишлари бўлиши шубҳасиз.

Шу ерда солярка қуяётиб, машинанинг юклар жойлашган орқа, катта капотини очишга ҳаракат қилишганини (кечаси уриниб кўришган бўлса керак, яхшиямки машинада уч киши тунаган эди) пайқаб қолдик ва «хушёр бўлиш зарур экан», деб кўйдик.

Ҳар қадамда узун кўйлакли туркман қизлари, аёллари учрарди. Туркменистонда миллий кийиниш одати шу даражада мустақкам сақланган, демак, миллий онг, миллий маданият ҳам жойида бўлиши керак.

Бу ерларда ҳайвонот олами камбағалроқ туюлди. Аҳён-аҳёнда далаларда тартибсиз сочилиб ўтлаб юрган қизил сигирлар, бузоқлар кўриниб қолади, холос.

Суҳбат мавзуи яна адабиётга, Бобурга, экспедициямиз сафари мақсадларига кўчади. Ота-боболари Турон юртидан бориб, Ҳиндистонда муқим яшаб қолишган буюк алломалар — Шарқ шеърятининг машҳур даҳолари Абулқосим Фирдавсий, Мирзо Абдуқодир Бедил, Мирза Ғолиблар ҳақидаги билим ва тасаввурларимизни ўртоқлаша бошлаймиз. Мен 20-асрда яшаган ҳинд исёнкор шоири, Робиндранат Токурнинг сафдоши Назрул Ислоннинг дoston ва шеърлари, улардан қилган таржималаримни, хусусан «Исёнчи» дostonини эслайман...

## ЯХШИЛАР КЎП ДУНЁДА...

Тахтабозор тумани, Сандиққачи мевачилик давлат хўжалигининг Тоза ер (Янги ер) бўлими ҳудудида уйларни кўриб тўхтадик. Биронта хонадондан қайноқ сув олиб, чой ичмокчи бўлдик.

Сайфиддин Жалилов аввало одамшаванда, ҳазил-мутойибага мойиллиги, турли экспедицияларда кўп юриб тажриба орттиргани боис қаерга борса, ким билан бўлса тортинмай, иккиланмай суҳбатга киришиб кетаверар эди. Тарихчи, этнограф домламизнинг ана шу хислати анча иш берди. Йўлдан сал ичкарироқдаги, девор-тўсиғининг тайини йўқ ҳовлилардан бирига дадил кириб, чақирди. Бир йигит чиқди. Исми Муҳаммад Ражаб, касби — ўқитувчи экан. Отаси 40 кун аввал оламдан ўтган, уйда фотиҳага келган меҳмонлар бор экан, худо етказиб, биз кириб борибмиз. Сайфиддин ака марҳумнинг ҳақиға Қуръон тиловат қилди.

Кейин ҳовлига қайтиб чиқдик. Уйлар катта-кичик, баланд-паст, хуллас, анча тартибсиз қурилган хонадонда мутаносиблик йўқ эди. Катта тут дарахти соясига шолча тўшаб, дастурхон ёзишди. Аччиқ кўк чой, патнисда тандирнинг оғзидай катта-катта нон, кўксултон мураббоси, қатиқ келтириб кўйишди. Қишлоқ одамлари... Содда, самимийлиги, кийиниши, юриш-туришидан, гапларидан шундоққина сезилиб турибди. Ҳовлида Муҳаммад Ражабдан бошқа йигитлар, ёш-ёш жувонлар (келинлар бўлса керак), қизлар индамасдан турли юмушларни бажариб юришарди. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам дароз, басавлат эдилар. Уларга қараб туриб, узун кўйлақ қизларни бўйчан ва дуркун курсатиб, ярашиқли, бежирим ўралган рўмол билан бирга ўзига хос жозиба, латофат бағишлашига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Жуда мазали, муздеккина, юракнинг тафтини босадиган қатикдан беармон ичиб, аччиқ кўк чойга роса тўйгач, қовун, қолбаса ва оқ қанд қолдириб, Муҳаммад Ражаб билан хайрлашдик.

Яна йўлдамиз. Икки тараф адирликлар, сийрак юлғинзор. Бу юрт фақат чўлу адирликлардан иборатми, деган фикр ўтади кўнгилдан. Туркменистон ҳудуди жуда катта экан. Қум бўлса ҳам, чўл бўлса ҳам — ер-да! Салкам уч кундан бери тўхтамай йўл босамизу ҳали адоғи кўринмайди.

Чоржўйдан Марвгача 240, Марвдан Кушкагача 300 чақирим экан. Энди кинолардаги захарли илонлар, кобралар маконини эслатувчи Кушка саҳролари бошланди.

Кушкага 98 километр қолганда дастлабки ҳарбий чегарадагилар Туркменистон ҳукуматидан рухсат йўқ экан, деб анча тутиб туришди. Посбонлар учта ёш-ёш ҳарбий хизматчи эди. Уч қути тамаки ва бир бўлак қоқланган колбаса бериб ўтиб олдик. Йигитчалар: биров сўраса, биз чегарадан эрталаб соат етти яримда ўтганмиз денглар, деб тайинлашди. Ҳаммамиз жўр бўлиб «хўп» дедик. 700 чақирим қайта йўл босиб, Ашхободга бориб келишимизга сал қолди-я...

Соат бирларда Кушкага кириб бордик. «Кушка» туркман ёзувида «Гушги» — «жанубий форфор» дегани экан.

Туркменистон худудидан чиқиб кетиш, Афғонистон заминига ўтишга ижозат олиш учун Мари вилоятига қарашли Гушги этрапи (тумани) ҳокимлигини қидириб топдик. Сиёсий маҳкама идораси шаҳар четида, шабадагай тепаликдаги эски, дарз кетган, кўримсизгина бинода жойлашган эди. Атрофи сим-тўр билан ихоталанган. Чап ва ўнг томонда шаҳарча, рўпарада тоғсимон адирликлар қандайдир сирли сукунатга чўмиб турибди. Орқа тарафда ҳам баланд адирлик маҳкамани мудофаа қилгандай ўраб турарди.

Этрап ҳокими йўқ экан. Иш юритувчи Муҳаммаджон (1975 йили Тошкент Алоқа олийгоҳини битирган, шунинг учун ўзбекчани жуда яхши гапирарди) бизни шаҳардаги ошхонага олиб бориб меҳмон қилди. Муҳаммаджон бундан икки кун аввал Ҳирот (Афғонистон) губернатори Амир Исмоилшоҳнинг Туркменистонга келгани, Ашхобод ва бошқа жойларда бўлиб, Гушгидан Ҳиротгача темир йўл қуриш ҳақида шартнома тузиб кетганини айтиб берди.

Ошхонада асосан соч-соқоли ўсган, ҳаракатлари вазмин, ўйчан, қаттиқ нигоҳли афғон йигитлари овқатланишарди. Шу ерда чет элнинг ҳиди кела бошлади.

Тушликдан кейин ҳокимият олдига қайтиб бордик. Зокиржон ака Муҳаммаджон билан маҳкамага кириб кетди. Аҳмаджон, Фаррух, ҳайдовчи Обиджон ака чегарадан ўтиш олдидан машина ичларини, ашқол-дашқолларни (юк-тақлар, кийим-бошларимиз, озиқ-овқат, совға-саломлардан, теле, кино камералар ва бошқа майда-чуйдалардан иборат) тартибга туширишга киришдилар. Қолганларимиз Сайфиддин аканинг киришимлиги ва ташаббуси билан шу яқин-орадаги шапалоқдайгина саҳнли хонадонлардан бирига кирдик. Келинчак (Жамила) бизни бепарвогина, хушламайгина қарши олгандай туюлди. Биз ун-дан чой кўйиб беришни илтимос қилдик. Икки ёшга етмаган ўғилчаси Қувончбек аясининг атрофида пилдираб юрар, куёви Мақсад ишда экан. Балки эри йўқлигидан тортингандир, деб ўйладим. Лекин чуқурроқ разм солган одам Жамиланинг кўзлари туби-даги қандайдир ғам-ташвиш кўлкасини пайқашни, унинг нимадандир қоникмаслиги, норозилигини тахмин қилиши ҳам мумкин эди. Шу ҳолати билан у Чингиз Айтматовнинг Жамиласини эслатиб юборарди. Балки, уйларининг хароб ва торлигидан ғаш, яшаш шароитларидан кўнгли тўлмас...

Сайфиддин ака чой ичаётиб, куёв бола нима иш қилади, деб сўраб қолди. Ҳар нарсага бир нарса сабаб, деганларидай, Жамиладаги нохуш кайфиятнинг сири очилди-қолди. Мақсад ҳайдовчи экан. Маоши жуда оз, мен ишламайман, уй солишимиз, ўғлимизга тўй қилишимиз керак, — дейди Жамила ошкора нолиб. Тавба, дунёнинг бу чеккасидаям мана шу ташвиш, мана шу муаммолар-а, дейман ичимда. Бироқ бошқа бир ҳолат менда ижобий таассурот қолдирди: Жамилани, ундан аввал кўрган аёлларни эслаб, аксарият туркман қиз-жувонлари ҳовлисида ҳам озода, яхши кийиниб юришаркан, деган фикр туғилди.

Зокиржон акалар ҳокимликдан уч киши бўлиб қайтиб чиқишди: махсус хизмат ходими Тожимурод исмли йигит қўшилган эди. Масала умуман ҳал бўлибди. Бироқ, бугун кеч бўлиб қолди, Ҳиротга кечаси етиб борсак, жой истаб довдираб юрмайлик, деган қарорга келдик. Шунинг учун бизни ҳарбийлар меҳмонхонасига олиб бориб жойлашди.

Кўноқхона анча хароб эди. Сув кеч соат олтидан ўн биргача, эрталаб яна икки-уч соат бўларкан. Аммо чивини жуда баттол экан, ухлатмади даюслар.

*26 июль, душанба*

Нонуштадан сўнг, соат олти яримда Тожимурод кузатувида чегарага қараб жилдик.

Чегара. Ҳамма ёқда тиконли сим тўсиқлар, электр линиялари...

Афғонистон сарҳади. Ер бир, осмон бир, ҳаво бир, сув бир, оралиқ бир қадам. Лекин одамлар ҳар хил, дунёқарашлар, фикрлаш тарзлари, одатлар, тутумлар ҳар хил, сиёсат ҳар хил...

Тожимурод борлиги учун ишимиз енгил кўчди. Узоқ йиллик қардошлик-қондошлик ришталари, дил ва тил яқинлиги барибир бандаларда бир-бирига қайишиш, яхшилик қилиш туйғусини сақлаб қоларкан-да.

Ҳужжатларимиз (асосан паспортларимиз)ни текширишиб, машинамиз ичини бир кўздан кечиришди-да, ўтказиб юборишди. Дарвоқе, бизни кузатиб кўйиш учун Гушги этрапи ҳокимининг биринчи ўринбосари Аманияз Гуллиев ҳам етиб келган эди, унинг аралашуви ҳам ишимизнинг тезлашувига ёрдам берди. Экспедициямиз моҳиятини яхши англаган гушгилик янги дўстларимиз бизнинг ишончли ва хавфсиз, шунчаки хайрли ният йўлида сафарга чиққан зиёлилар эканлигимизни чегарачиларга уқдириб, биз учун кафолат беришган эди.

Лекин осма кўприксимон, икки томони темир панжарали дахлсиз ҳудуддан ўтишимиз билан Афғонистон чегарачилари тўхтатишди. Бу ерда ҳолат бошқачароқ эди: эски, носранг кийимли, бадқовоқ, серсоқол чегарачиларни, узоқ тепаликларда автоматларини кўкрагига маҳкам босганича қоққан қозикдай серрайиб туришган кузатувчи-соқчиларни кўриб одамнинг кўнглига ваҳима ўрмалай бошларди...

Чегарачилар (улар беш-олтита) ҳужжатларимизни обдон кўришиб, ўзларича анча муҳокама қилишди. Қайси мамлакатларга боришимизни сўрашди. Дастлаб Эронга ўтишимизни айтсак, бир-бирига қараб елка қисишди. «Ҳужжатларда бунақа ёзилмаган» деб яна тажжубланишди. Уларнинг нимага ажабланишгани ва иккиланишгани бизга кейинчалик, Ҳиротда аён бўлди.

# АФҒОНИСТОН

## АФҒОН БИЛАН ТУҒИЛГАН ВАТАН...

*Афғон билан туғилган ватаним,  
Ғаму ғазабга тўлган ватаним,  
Қайта дунёга келган ватаним,  
Куйлаб туриб йиқилдим йўлингда...*

Афғон халқининг миллий қахрамонидай доврुक қозонган машхур кўшиқчи Аҳмад Зоир шаънига таниқли ўзбек хонандаси Нуриддин Ҳайдаров томонидан ижро этиладиган мазкур таъсирли сўзлар атоқли шоиримиз Туроб Тўла қаламига мансубдир. Шу кўшиқни эшитар эканман, ҳар гал ана шу афғон билан туғилган юрт ва унинг аламдийда халқига нисбатан қалбимда ачиниш ва ҳамдардлик ҳисси уйғонади. Ва бу ҳис мени анчагача тарк этмай, ўз-ўзимдан паришон бўлиб қоламан. Бир-бирини ўлдиришдан тап тортмайдиган, аксинча, ўзининг бу ёвузлигидан хузур топиб, роҳатланадиган одам зотига ғазабим, нафратим ортиб бораётганини сезиб қоламан...

Афғонистон... Ҳа, бу ном бизнинг юртимизда кунига юзлаб, минглаб бора тилга олинади. Ҳамма ҳолларда ҳам уни ҳурмат ва меҳр билан эсланавермаслигини ҳам эътироф этмай илож йўқ. Гарчи айб афғонистонликларда бўлмаса ҳам, ҳарқалай узоқ йиллардан бери даҳшатли жанггоҳ бўлиб келаётган мана шу тупроқ бағрида, анави адирлар, улардан нарида хўмрайиб турган тоғлар орасида минглаб ўзбек йигитларининг жасади қолиб кетди-да. Бир қисмининггина мажақланган, гоҳо афти-ангори таниб бўлмайдиган даражада дабдала қилинган лоши темир тобутларда келтирилиб, ўз қабристонларимизга дафн этилди. Қанчаси дом-дараксиз кетди: на тириги бор ва на ўлиги... (Экспедициямиз дастурида шу масалага тегишли банд ҳам бор, бу ҳақда кейин тўхталамиз). Қанчадан-қанча хонадонлар ўн саккиз-йигирма йил не-не қийинчиликлар билан боқиб, ўстирган жигарпораларидан жудо бўлиб қон-қақшаб қолдилар. Нима учун?.. Умуман, қизил империя кичкинагина, даҳлсиз Афғонистон билан шунча йил нима талашди ўзи ва нимага эришди?..

Тўғри, сиёсатдонлар бу қирғинни ҳар хил ваҳимали сабаблар билан изоҳлашади. Лекин менга бу жабрдийда мамлакатдаги мазкур ҳолат кучли чавандозлар ўртасида улоқ талашинишдай, тайинли мақсад йўқ тортишувдай туюларди... Хўш, энди-чи? Энди нимага ички низолар, қирғинлар барҳам топмаяптикин? Нега уруш олови катта ўрмонга кетган ўт каби ҳамон ўчмаяпти?

Афғонистон заминига, Турғунди қишлоғига қадам қўйишимиз билан бетон плита ётқизилган йўл четларида ана шу шиддатли ва беомон жангу жадаллардан совуқ хотира бўлиб қолаётган кўрғошин ранг ўқдонлар кўзга ташланди. Қуролнинг ҳатто ишдан чиққан бўлаги, парчаси ҳам одамнинг этини сескантиради-я (Менимча, бизга ўхшаган уруш кўрмаганлар шундай ҳолга тушса керак).

Икки ёндаги кенг, баланд-паст даралар билан қўшилиб кетган пайкалларда қовун-тарвуз, у ер-бу ерда кунгабоқар ўсиб ётарди.

Бирдан, кўчанинг иккала томонида ниҳоятда зич, бир-бири билан туташ, кичкина-кичкина дўкончалардан иборат (аксарияти темир гаражга ўхшайди) савдо расталари бошланди. Дўкончаларнинг ичию таши эски-тускинлар, суратлари ўнгиб, ҳарфлари ўчиб кетган ҳар хил қоғозлар билан шу даражада «безалганки», уларнинг олдида ўта бачкана сартарошнинг устахонаси ҳам ип эшолмайди-ёв. Айниқса, ялтироқ нарсалар (ашқол-дашқол деса ҳам бўлади) ҳаддан зиёд кўп эди. Лекин, таажжубки, бу атрофда одамлар яшайдиган уйлар йўқ эди. Расталар тугагач, йўлдан анча ичкарида, адирлар бағрида деворию томи лой-тупроқдан қилинган тўп-тўп кулбалар кўринди.

— Ҳар бир тўп-бир қавм, қора чодирдагилар—кўчманчилар, деб изоҳ берди Сайфиддин Жалилов.

Сал юрганимиздан кейин шундоқина ялангликда бўлаётган кўй бозорига дуч келдик. Тўда-тўда бўлиб турган кўйларнинг ҳаммаси семиз-семиз эди.

Бетон тўшалган йўлдан безор бўлиб боряпмиз. Плиталарнинг ораси беш-олти энлик, баъзи жойларда ундан ҳам кўпроқ очиклиги учун машина ғилдираги ҳар ўн қадамда ана шу ораликка дўққиллаб тушганида бутун вужудимиз бир силкиниб кўярди (Бу йўл курол-яроғ, замбарак ортилган каттакон ҳарбий юк машиналари, танк, бронетранспортёрлар ташишга мўлжалланган эди).

Кета-кетгунча икки тараф чўл, адирликлар, адирлар ортида тоғлар, ора-чурада яна қовун-тарвуз пайкаллари, ногаҳонда, сув сероброқ жойларда мевали-мевасиз дарахтлар, пиёз ва бошқа полиз экинлари кўзга чалинади. Уйлар кўп, фақат улар йўлдан анча узоқда ва бутунлай лойдан тикланган. Куббасимон томларининг ўрталарида тешиқлар бор, мўрилари кун чиқишга қараган... Жуда ибтидоий эски шаҳар қолдиқларига ўхшаб кўринади олисдан.

Онда-сонда эшак минган, ёпинчиқли қизлар, аёллар, туя, от, эшак учрайди, аммо кўй, эчки жуда кўп (Чорваси мўл юртнинг эли бой бўлгич эди. Лекин, бу ерларда унақага ўхшамасди). Енги ва этаклари узун жанда кийган афғон деҳқонлари кафтларини пешона-сига соябон қилишиб, қовун-тарвуз сотмоқчи бўлиб туришибди. Харидорлар кўринмайди. Ҳар замонда ўтадиган йўловчиларга умид билан кўз тикиб ўтиришса керакда. Рўпарадан келадиган усти очик енгил машиналарда ўтирганлар кўл кўтаришиб бизга «салом» ишорасини қилиб ўтиб кетишар, мутлақо нотаниш кимсаларнинг бу эзгу одатидан кўнглимизга илиқлик югурарди.

35-чақиримда тўхтаб, бир пиёладан чой ичдик. Биз-да йўқ бўлиб кетган катта, учар чумолилари шу жойда, қоқсов ерлардаги янтоқзорларда кўрдим.

## ТОҒ ЙЎЛИДА УЧРАГАН СУЛУВ

55-чақиримда уйлар ва яна ҳар хил бинолар қаққайган гавжумроқ жойга кириб бордик. Бу ерда бизни ҳарбий кийимдагилар тўсишди (Ҳарбий гарнизонча экан). Чап томонда қандайдир кўрғонга ҳар турли кийинган, катта-кичик эркалар кириб-чиқишар (кейин билсак, у масжид экан), ўнг тарафда идорасимон иморат, унинг ёнидаги ялангликда 5—6 та БТР саф тортиб турарди. Назаримда улар жангга шай ҳолатда эди.

Шу ерда шифер томли, ғиштли уйлар бор эди. Демак, бу жой алоҳида аҳамиятга молик штаб ё йўл қурувчиларининг вақтли маскани. Уларни собиқ Иттифоқнинг мутахассислари курган бўлиши керак.

Зокиржон ака билан телеоператор ва журналист, ҳам форс тили бўйича ишонган тилмочимиз Фаррух Расулев ҳарбийлар етовида кўрғонча ёнидаги бир хонага кириб кетишди. Қолганларимиз машинадан тушмай, кутиб ўтирдик.

Шу пайтда рўпарадан катта бир юк машинаси бизга яқин келиб тўхтади. Кузовнинг баланд томида, кабина билан ёндош махсус ёғоч эшакда уч киши ўтирарди: чапда қалин мўйловли эркак, ўнгда бир ўспирин, ўртада, ўртада эса... тахминан ўн олти-ўн етти ёшлардаги, қалин қопқора қошлари ширмон юзларига ниҳоятда ярашган, шаҳло кўзлари ўтдай чакнаб кулимсираб турган қиз...

Бизнинг улар томонга қараётганимизни сезган эркак (биз шунақаси ҳам бор экан-ку, деб, йўлда кўрганимиз чодрали аёлларни эслашаётган эдик), қизнинг қулоғига шивирлаб кўювди, эртақлардаги париларни эслатувчи маҳваш дарҳол хушёр тортиб, биз ёққа бир хуркак назар ташлади-да, бошидаги қора чачвонини шоша-пиша юзига тушириб олди. Чарақлаб нур сочиб турган қуёш бирдан қора булутлар қаърига кириб кетдию, олам зим-зиё бўлди-қолди гўё. Бу ҳолат, яна, Алишер Навоийнинг машҳур ғазали матлаасини ёдимга солди:

*Оразин ёпқач кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгоч қуёш...*

Ҳа, Лутфийдек ғазал пири мана шу бир байтга бутун умри давомида ёзган асарларини алмашишга рози бўлгани бежиз эмас. Улуғ Фузулий: «Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор

ўландин сўр», деганларидек мавлоно Лутфий ҳам юқоридагидай, ғоят латиф, таъсирли ва армонли ҳолатни ўз бошидан кечирган бўлсалар ажаб эмас. (Дарҳақиқат, бизга ҳам кейин бунақа юзи очик, гўзал қизни кўриш Афғонистон худудида қайта насиб қилмади).

Мен анчадан бери шеър ёзмай қўйган эдим. Мана шу оний, аммо қаламкашлар, мусаввирлар кўзи олдида бир умрга муҳрланиб қолажак нозик ва бетакрор лаҳзаларда менда ҳам ажиб бир кайфият, тотли ҳис-туйғулар уйғониб, кўнглимда сўзлардан чечаклар уна бошлаганини сезиб қолдим. Монголоидларга ҳам, европеидларга ҳам, бошқа ирқий турларга ҳам ўхшамайдиган, чиндан-да, бир қарашда афсонавий маҳваш бўлиб кўринган ва кўпчиликни шошириб қўйган бу шахло кўзли қиз, балки ўзбек ё тожик, араб ё форс гўзалидир... Лекин Афғонистон заминига қадам қўйган чоғимизда учрагани боис, уни назмга шартли равишда «Афғон қизи» деб бита қолдим.

### ***АФҒОН ҚИЗИ***

*Тог йўлида учраган сулув,  
Ҳарир рўмол остидан кулиб,  
Дилга солдинг чўгдай бир гулу,  
Кулиб лолу бежон қилдинг-а,  
Афғон қизи, армон бўлдинг-а.*

*Ой юзингни бир бор очдинг-а,  
Сўнг ёнғали бунча шошдинг-а,  
Нигоҳингни олиб қочдинг-а,  
Биз ғарибни ҳайрон қилдинг-а,  
Афғон қизи, армон бўлдинг-а.*

*Айт, чинмидинг ё пари, рўё,  
Тунда гўё чақнаб бир зиё,  
Қайга гойиб бўлди сўнг дунё,  
Тонгни бирдан хуфтон қилдинг-а,  
Афғон қизи, армон бўлдинг-а.*

*Ғамзангми бу ёки карашманг,  
Ё демишсан: «ҳаддан кўп ошманг,  
Бу жафоли йўлда адашманг...»  
Тилим боғлаб, гумрон қилдинг-а,  
Афғон қизи, армон бўлдинг-а.*

*Эртақларга ишонмас эдим,  
Гўзалликдан ҳеч қонмас эдим,  
Ишқда бунча лов ёнмас эдим,  
Куйдирдинг-а, гулхан қилдинг-а,  
Афғон қизи, армон бўлдинг-а.*

*Андижонга қандай кетарман,  
Ғар согинсам сени, нетарман,  
Шахло кўзинг кўмсаб ўтарман,  
Юрак-бағрим вайрон қилдинг-а,  
Афғон қизи, армон бўлдинг-а.*

Дарвоқе, сайёҳ шоир Зокиржон Фурқатнинг «Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирида...» деб бошланадиган айтишув шаклидаги ғазалида ҳам шундай бир латиф манзара, ногаҳоний тасвир ифода этилган. Афсуски, биз бу малак сиймо билан суҳбат

курмоққа мушарраф бўла олмадик (бунинг иложи ҳам йўқ эди), бинобарин, шеърни мулоқот тарзида ёзмак ҳақиқатга хилоф эди...

Шунингдек, қисқа ва жодули бир нигоҳ баҳона, ўрис дарвеш шоири Сергей Есениннинг:

*«Оқшом менга ниқоб остидан  
Оҳу кўзин сузди гулруҳсор...» —*

деган сатрларини ҳам эсладим. Албатта, Ходи Токтош таъбирича, эски муҳаббатни ҳар бир қалб ўзича янгилагани каби, ҳар бир ижодкор ҳам ҳаётида кам учрайдиган юқоридагидай илҳомбахш, юракка ўт қаловчи вазиятларга ўз нуқтаи назаридан, ўша пайтда кўнглидан кечган ҳиссиётлардан келиб чиққан ҳолда муносабат билдиради, қоғозга туширади...

## ОРЗУДАГИ ШАҲАР

Яна дўқир-дўқир, силтама йўлдан ичакларимиз айқаш-уйқаш бўлиб, кун ботишга қараб кетяпмиз. Далаларда туялар тўдаси кўпая борарди. Йўл четидаги яккам-дуккам уйлар томида дон шопириш ёки деворларга тапиллатиб тезак ёпишлар, қўш хўкиз билан буғдой янчишлар бизга узоқ ва яқин ўтмишимизни эслатарди.

Мен Ҳиротни бутунлай бошқача тасаввур қилиб юрардим. Хуросондай катта бир давлатнинг машҳури жаҳон бўлишида бу тарихий шаҳарнинг алоҳида ўрни бўлганлиги маълум. Лекин мен учун энг муҳими — бу табаррук заминда ўзбек қалам аҳлининг пири, ўзбек адабиётининг ҳазрати олийси таваллуд топгани ва яшагани эди. Хуллас, Ҳирот кўз олдидан афсонавий ва фусункор шаҳар қиёфасида гавдаланарди... Шунинг учун мен Ҳиротга - улуғ устоз зиёратига, унинг муборак қадамжойларини тавоф этгани ич-ичимдан тошиб чиқаётган сабрсизлик билан ошиқардим.

Ниҳоят, йўлнинг икки томонидаги туя ўрқачидек адирлар оралиғидан Ҳиротнинг баланд-паст миноралари кўриндию, руҳим чоғ бўлиб, беихтиёр энтикишдан кўксим тоғдек кўтарилиб кетди. Бир чақиримча юргач, йўл ҳам, биз ҳам адирлар қуршовидан чиқиб, шаҳарнинг рамзий дарвозасидан кириб бордик ва чапга бурилдик. Кўз олдимизда энди бутун Ҳирот — уфқда қуйига анча эниб қолган қуёшнинг алвон нурлари пакана томларию юксак минораларига қизғиш тус бераётган кўҳна шаҳар намоён бўлди.

Чап тарафда қолаётган адирлар пойидаги тўп-тўп тош терилган тепачаларга кўзимиз тушди. Улар қабрлар экан. Ўнгда махсус ясалган хирмонга ўхшаш усти текис чор қирра тепалик бор эди. Ўша ерга чиқиб кун ботишда кафтдагидай кўриниб турган Ҳирот манзараларини энтикиб-энтикиб, мириқиб томоша қилдик, шаҳар фонидан суратга тушдик, кино, телетасвирларга олишди.

Ҳирот... Орзудаги шаҳар...

Жаҳон маданияти, фани, адабиёти, санъати таракқиётига бебаҳо ҳисса қўшган не-не истеъдод эгалари, умумбашарий обрў-эътиборга сазовор буюк алломаларга бешик, ватан бўлган, донғи дунёга кетган шаҳар бу.

Биз изларини кўзимизга тўтиё қилиб бораётган ҳамюртимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг назари тушган, пойқадами теккан табаррук тупроқ бу...

\*\*\*

Ҳирот губернатори (ҳокими) Амир Исмоилшоҳ қароргоҳини осонгина топдик: у ер «Дафтар» (девоҳона) дейиларкан. 4 киши — раҳбар, таржимон ва телетасвирчи Фаррух, кинотасвирчи Тўлкин ака, радио муҳбири Аҳмаджонлар ҳоким билан учрашиш мақсадида унинг қабулига кириб кетишди. Биз дам олиб, томоша қилиб турдик. Кўчанинг ўнг бетида Дафтар — маҳаллий ҳукумат уйи бўлса, унинг рўпараси, чап томон қарағайзор хиёбон бўлиб, ости тақир тупроқ эди, майса-ўт деган нарса кўринмайди. Ҳатто кўча билан қарағайзорни ажратиш турайдиган ариқ ичида, унинг қирғоқларида ҳам гиёҳ унмабди. Сув ҳам тиниқ эмас. Бу ерда менга энг эриш туюлган ҳол шу бўлдики, кексалар ҳам, ёшлар ҳам шартга дарахт

панасига ўтишиб «ишни» битиришарди-да, лозимбоғларини осилтирганча ариқ лабига келиб, кўчага терс қараб чўнқайишганча мустаҳаб қилиб кети-шаверарди...

Шундоқ кўча қирғоғида ҳар хил ичимликлар (ичкилик эмас!), ғилдиракли мосламаларга ўрнатилган аквариумсимон ойнаванд идишда пиширилган нўхот сотиш расм экан. Шу одатлари менга анча маъқул бўлди. Акс ҳолда бесарамжон қатновга тўла кўчада қўтарилаётган чанг (бунинг устига бир зумда қаёқдандир қисқа муддатли гармсел келиб қоларкан — бу машҳур «афғон шамоли»нинг шунчаки енгилгина шабодаси, эпкини бўлса керак) нўхотнинг нўхот афтини қўймайдиям-д.

Сайфиддин ака билан ичимлик-сув сотаётган жойга яқинлашдик. Домла чўнтагидан шўро пулини чиқариб кўрсатди ва «шунга сувингдан қуй», деган ишора қилди. Яланг бош, соч-соқоли ўскин, оёғидаги пойафзали тўзиб кетган сотувчи йигит пулга бир пас кизиксиниб қараб турди-да, бош чайқади. Унинг ёнида туришган (уларнинг ҳам соч-соқоли ўсган) йигитлардан бири русчалаб «қаердан келдинглар» деб сўраб қолди. У (Аҳмад) Тошкентда қисқа муддат (олти ой) ҳарбий тайёргарликдан ўтган экан, рус тилида талаффуз билан бўлса-да, ҳарқалай тушунарли гапирарди. У ўз ҳисобидан бизни «Тархуна»симон яшил рангли ичимлик билан «меҳмон» қилди. Бир стакан ичимлик 50 афғони экан.

Ариқнинг у бетидаги йўлакда уч-тўрт мўйсафид ўтирар, биттаси эса узала тушиб ётганди. Улар муншийлар экан. Сайфиддин ҳожи ака ўшаларнинг бири билан тил топишиб (домла ҳам форс тилини тирикчилик қилиб кетадиган даражада билар эди) қолди. Қария Сайфиддин аканинг кўксултондай чойнагини олиб, қаердандир чой дамлатиб, шапалоқдай, икки кулокли гулдор патнисга қўйиб келди. Машина ичида чойхўрлик қилиб, суҳбатлашиб ўтирдик. Улар (муншийлар) ҳокимга кирадиганларга ариза ёзиб беришаркан. Битта ариза эвазига 100 афғони ҳақ олишаркан, яъни икки стакан сувнинг пули! Бир тахта (варақ) қоғоз 10 афғони экан.

Транспорт қатновини кузатаман. Ҳар турли машиналар у ёқдан-бу ёққа ғизиллаб ўтяпти. Аксарият енгил машиналарнинг ҳам усти очик, жуда эски. Кўпининг орқасида «Тойота» деган ёзув бор. Лекин баъзиларининг умуман рақами, ҳарф-белгиси йўқ. Ҳар хил рангга, катак ё бошқа шаклда бўяб олишибди (юк машинаю автобус, енгил уловларни ҳам). Айниқса, велосипедни безашга ҳафсалалари зўр экан. Умуман, ҳайдовчилар бачкана жиҳозларга ўчроқ экан, деган тасаввур туғилади.

Йўрға отли извошлар жуда сероб эди. Отнинг бошию бўйинларини ёқутдек қип-қизил матодан тайёрланган тўпсимон шокилалар, попуқлар билан бежашиб, кўнғироқлар осиб ташлашибди. Уни «годи» дейишаркан.

Кийимларнинг аксарияти кулранг тусда эди. Хотин-қизлар тепаси дўпписимон, қош билан бурунгача бўлган ўрталик, яъни кўз усти қисмига майда (роса тикилиб қарасангиз ҳам унинг остидаги кўзни кўролмайсиз) тўр қопланган, товонигача тушадиган ғижим матодан ёпинчиқ (чодра) ёпиниб (кийиб) юришарди. Онда-сонда чодралигу лекин юзи очик аёллар ҳам кўриниб қоларди. (Кейинча «ундайлар бошқа юрт ё шаҳарлардан келганлар», деб уқдиришди бизга)...

Зокиржон акалар Исмоилшоҳ ҳузуридан мамнун чиқишди. Губернатор яхши қабул қилибди, Унга ноҳақ афғон урушида бедарак йўқолган ўзбек йигитларининг рўйхатини топширишибди. Ҳоким иложи борича бегуноҳ жабрдийдалар, она ватанидан жудо бўлганларни топиб, ўз юртларига қайтариш чорасини кўришга ваъда берибди. Хуш қабул эвазига губернаторга Ўзбекистоннинг, Андижон халқининг совға-саломларини (тўн, дўппи, чорси, пичок) бериб чиқишди.

Ҳокимият вакили бўлган икки йигит — Анвар соҳиб ва Абдуғани (буниси ҳарбий кийимда, елкасида милтиғи ҳам бор эди) бизни меҳмонхонага олиб боришди. Меҳмонхона ташқи ишлар бўлимига қарашли, икки қаватли шинам бино экан. Полнинг очик жойи йўқ — ҳамма хоналар, йўлақлару зиналаргача тўлдириб гилам, палос тўшалган.

Бизни аввал биринчи қаватдаги расмий учрашувлар, ҳар турли мулоқотларга мўлжалланган хонага олиб киришди. Хона «Г» шаклида бўлиб, атрофига юмшоқ, салобатли, кимматбаҳо (менинг наздимда) ўтирғич (кресло)лар, диван, ўртага эса бир неча ойнаванд



хонтахтача ва унинг устига биллур идишларда бодроксимон оппоқ парвардақант кўйилган эди.

Бизни ўз ихтиёримизга кўра чойи сиёх (фамил) ва чойи кабуқ (кўк чой) билан сийладилар.

Тўри томондаги деворга — кун чиқиш тарафдаги ҳарир парда тўсилган катта деразадан ёруғ тушиб турадиган жойга икки кишининг — Афғонистон президенти Бурҳониддин Раббоний ва Ҳирот губернатори Амир Исмоилшоҳнинг журнал саҳифасича келадиган суратлари осилган, деворларнинг шифтга яқин қисмига эса, айланасига, гўё симга тортилган байроқчалардай, Исмоилшоҳ сиймоси туширилган кафтдайгина уч бурчакли яшил мато (бунақа нарсани бизда «вимпел» дейиларди) илиб ташланган эди.

## **АЯНЧЛИ ЗИЁРАТГОҲЛАР. ҚАНИ МАШҲУР МУСАЛЛО?**

Мулоқотхона билан ёнма-ён ошхонада Ҳирот ҳукумати бошлиғининг муруввати билан тушлик қилгач, Анвар соҳиб ва Абдуғани кузатувида шаҳар айлангани жўнадик. Ҳирот марказига кириб келган йўлимиздан орқага — кун чиқиш томонга қайтиб, шаҳарнинг шимоли-шарқий чеккасида қад кўтарган Абдулло Ансорий мақбарасига бордик.

Ҳирот маданиятининг энг гуллаган даври намояндаларидан бири форс-тожик шоири ва олими Абдурахмон Жомийдир. Жомийнинг кўп қиррали ижод соҳиби бўлиб етишувида Ҳиротнинг ҳиссаси каттадир. Айни вақтда, улуғ шоир Ҳирот адабиёти, фанининг юксалишига, бу шаҳар номининг дунё маданий марказларидан бири сифатида доврुक қозонишига ўзининг фаол умри ва баракали ижоди билан хизмат қилди. Биз учун яна бир муҳим жиҳат, бу — Абдурахмон Жомий билан Алишер Навоийларнинг беғубор ва мустақкам дўстлигидир. Бу қадрдонлик, мана, беш асрки, аввало ўзбек ва тожик халқлари орасидаги биродарликнинг, қолаверса, умуман инсоний ҳамжиҳатнинг буюк тимсоли бўлиб яшамокда.

Бизни ана шу улуғ зотнинг мақбарасига олиб боришди. Энди уни мақбара демаса ҳам бўлади: тепаси йўқ, олди қисмини замбарак ўқлари бузиб ташлабди. Мармар устун бўлаклари ғўласимон қилиб, қабрнинг бош томонига тахлаб қўйилибди.

Тўлқин Рўзиев афсус билан бош чайқади.

- Ўтган гал келганимда бу сағана бутун ва жуда кўркам эди, — деди у дахманинг олдинги ҳолатини тасвирлаб.

Мен шу ўринда бир тарихий тафсилотни эсладим. Маълумки, ўтмишда, мусулмон оламида мазҳаб талашиш асносидаги келишмовчилик кўп бўлган. Хуросон аҳли асосан суннийлар, Ажам Ироқи (Эрон Озарбайжони)да эса шиалар ҳукмрон бўлиб, улар ўзларининг таъсир доирасини кенгайтириш учун қаттиқ ҳаракат қилишарди. Ана шу ҳаракатлар сабабми, Султон Ҳусайн Бойқаро, жума номозидаги хутбаларга шиаларнинг ўн икки имоми номларини кўшиб ўқитишга рози бўлади ва фармон тайёрланади. Бундан хабар топган Жомий мамлакат аҳолисининг норозилигини Султонга етказди ва бу номувофиқ иш амалга ошса катта можаро чиқиши ва ҳатто фожиалар юз бериши мумкинлигини шоҳга тушунтириб, уни фармонга имзо чекиш фикридан қайтариб қолади. Албатта, улуғ шоирнинг бу адолатли тадбири шоҳ Исмоил Сафавий кулоғига етиб борган ва Ҳиротга қилган қонли юришини (1510 йил) Жомий қабрини пайҳонлашдан бошлаган, дейилади манбаларда. Лекин, шоҳнинг ғаразли ниятини олдиндан пайқаган Ҳиротликлар улуғ мутафаккирнинг ўғли Зиёвуддин Юсуф бошчилигида шоир жасадини бошқа жойга кўчиришган эдилар. Жомийни жирканч йўл билан таҳқирлаб, хумордан чиқмоқчи бўлган шоҳ Исмоил лаҳаднинг бўшлигини кўриб, қаттиқ дарғазаб бўлади...

Хўп, шоҳ Исмоил-ку Жомий қабрини қасд билан бузган экан. Бу гал-чи? Бу гал абадий оромгоҳда ётган бир табаррук зотнинг руҳи покини кимлар чирқиратди? Нима учун?..

Жомий мозори атрофида яна бошқа гўрлар (ҳайриятки, сағана тошлари бутун эди) ҳам бор эди. Улар Жомийнинг тасаввуф илми бўйича устози ва пири мавлоно Саъиддин

Қошғарий, биродари Шамсиддин Муҳаммад, жияни Абдуллоҳ Ҳотифий, шогирди Абдулғафур Лорийларнинг мангулик хобгоҳлари экан. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да Абдулғафур Лорий ҳақида алоҳида тўхталиб, «Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ҳам муриди, ҳам шогирди эди», дейди ва Хуросонга борганда Лорийнинг беморлигини, уни бориб кўрганлигини, бир неча кундан кейин унинг вафот этганини баён этади.

Абдуллоҳ Ҳотифий ҳақида эса Бобур шундай ёзади: «Яна Абдуллоҳ маснавийгўй эди, Жомдиндур. Муллони ҳоҳарзодаси бўлур, тахаллуси «Ҳотифий» эди. «Хамса» муқобаласида маснавийлар айтибтур. «Ҳафт пайкар» муқобаласида айтқон маснавийсиға «Ҳафт манзар» от қўюбтур. «Искандарнома» муқобаласида «Темурнома» айтибтур. Бу маснавийлардин «Лайли ва Мажнун» машхурроқдур. Агарчи латофати шухратича йўқтур».

Имом Фахр Розий ва бошқаларнинг қабр-мақбаралари анча ғариб эди.

Бизнинг онгимизга ўтмишда Шарқ аёллари, жумладан мусулмон хотин-қизлари эрксиз, ҳуқуқсиз, мазлума, чўри бўлиб яшашган, деган тушунчани сингдиришга ҳаракат қилиб келдилар. Ваҳоланки, тарихимиз қатламларига чуқурроқ назар ташласак, бунинг аксини кўрамиз. Шўролар даврида аёллар ҳамма жабҳаларда, энг оғир юмушларда (тракторда, заводларда, қурилишларда) қуруқ мақтовлар, Фаҳрий ёрликлар, темир-терсақлар (орден-медаллар) билан «рағбатлантирилиб», эркақлар билан баробар, кўп ҳолларда улардан ортиқроқ ишлатиб келинди. Ўтмишда эса, вафоли, оқила аёллар ниҳоятда эъзозланган ва уларнинг қадри, ҳурмати жойига қўйилган. Мисол учун Амир Темурдек ярим жаҳонни сўраган соҳибқирон ўзига энг яқин маслаҳатгўй деб билган Бибихоним, Бобурдек улуг ижодкор отасининг муносиб издоши, тарихчи, солномачи Гулбаданбегим, Бобур чевараси Жаҳонгирнинг рафиқаси, ғоят гўзал ва доно малика Нур Жаҳон, аёл зотининг беназир тимсоли Нодира бегим каби момоларимиз амалга оширган эзгу ишлар, улар қурдирган тарихий обидаларни, айна вақтда бу азиз ва мўътабар аёлларга (айниқса, Шохжаҳоннинг суюкли умр йулдоши Мумтоз маҳалга) кўрсатилган иззат-икромларни эслашнинг ўзи кифоя.

Шундай пайтда беихтиёр Нодирабегим замондошларидан бирининг унинг хайрли ишларини таърифлагувчи сўзлари ёдга тушади: «Мамлакат хирожларидан беҳисоб тилла ва жавоҳирлар сарф қилиб мадрасаи олий, нақшдор масжид, ҳаммом, расталар, карвонсаройлар бино қилдирди. Ушбу мадраса ва масжидларга ҳисобсиз вақф тайин этди... ва яна китоблар ёзиш, ва уларга зеб-зийнат беришга фармон қилиб, бир китобхона бино эттирди. Китобхонада ишловчи ҳаттотлар, наққошлар, рассомларга шундай қарам ва эҳсонлар кўргуздики, овозаси атроф оламга машхур бўлди». Ўз халқининг маърифати, маданияти, маънавиятини бойитишга шу қадар ҳисса қўшган аёлга — буюк миллатпарвар, юртпарвар инсонга қўл кутарган ва уни ваҳшиёна ўлдирган Насруллони ва у каби эркақлик шаънига ювилмас иснод келтирган малъунларни кишилик жамияти абадул-абад кечирмаслиги, аксинча, лаънатлаб ўтиши керак. Ва бундай манфур, манқурт кимсалар халқ, миллат тарихи саҳифаларида қора ҳарфлар билан битилиши лозим.

Турон тарихида салтанат ишларига фаол аралашиб, подшога ўз таъсирини ўтказа олган аёллардан бири Гавҳаршодбегимдир. Маълумки, темурий маликалар ичида ўзига хос нуфузга ва шухратга эга бўлган бу хоним қипчоқ амирларидан бири Ғиёсиддин Тархоннинг қизи бўлиб, дунёга Мирзо Улуғбекдай илму фан даҳосини, адолатли подшони инъом этган мўътабар она, соҳибқирон Амир Темурнинг келини, яъни Шохрух Мирзонинг тўнғич хотини эди. Мадрасалар ва бошқа қурилишларга раҳнамолик, ҳомийлик қилган, шу каби ижобий фазилатлари билан раият ҳурматини қозонган малика эридан ҳам, барча ўғилларидан ҳам узоқ яшаган. Умри ниҳоясида қонли тўқнашувларга сабаб бўлган Султон Абу Сайд Мирзо томонидан қатл эттирилади.

Садоқатли, қобил фарзанд Мирзо Улуғбек отаси Шохрух Мирзонинг жасадини Ҳиротдан Самарқандга олиб келиб, Гўри Амирга, бобоси Амир Темур ёнига дафн эттиради, ўзи ҳам падаркуш Абдулатиф амри билан боши танасидан жудо қилиниб, боқий дунёга рихлат қилганида ота-боболари қаторидан жой олади. Онаси Гавҳаршодбегим эса, тақдир тақозосига кўра Ҳиротда, ўзи қурдирган мадрасадаги Бойсункур даҳмасида қолиб кетади. Гавҳаршодбегим мадрасаси биниси ўз даврида Ҳирот шаҳрининг шимолий қисмида махсус

барпо этилган Мусалло меъморчилик ансамблининг, нафақат ансамблининг, балки мулки Хуросоннинг кўрки бўлгани каби, ҳозир ҳам бу яқин-атрофда ундан-да улуғроқ, ундан-да салобатлироқ тарихий обида, ёдгорлик кўринмасди.

Мазкур ансамбл меъмор Қавомиддин Шерозий томонидан 20 йил давомида қурилган эди. Тарихнинг бешафқат қуюнлари уни ҳам бир неча бора селпиб ўтиб, эндиликда Гавҳаршодбегим мақбарасигина қолибди. У ҳам аввалги ҳусни-тароватини, оҳорини йўқотган, гўё Ҳиротнинг гуллаган, гуркираган давридан мумтоз хотира сифатида, ғамгин хаёллар оғушида яшамоқда эди. Ниҳоят...

### **КЎЗИМ ЧИҚСИН...**

Ниҳоят, сал наридаги бир мақбарани «Навоийники...» деб кўрсатишувди, аввалига унча ишонқирамадим. Ҳатто аёллар тўғрисида ҳозиргина айтган муло-ҳазаларимдан буткул воз кечиб юбораёзим, лекин айб улардамас-ку, деган фикр шаштимдан қайтарди... Уйланмай, оила, фарзанд орзу-ҳавасидан воз кечиб, ярим аср кечасию кундузи, хира шам ёруғида қалам қитирлатиб, она тилимизнинг бой имкониятларини очиб берган, ҳар жиҳатдан мукамал ва ибратли тўрт девон, оламга машхур «Хамса» ва яна бошқа ўнлаб дostonлар, рисоалар ёзиб, дунё маданияти тарихидан абадул-абад фахрли ўрин эгаллаган, Хуросондек катта юртда вазири аъзам бўлиб кўп улуғ ишлар қилган, халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонган, ғазаллари, кўшиқлари шу кунгача ҳам миллионлаб хонадонларда баралла янграб келаётган беназир шоир ва улуғ инсон мақбараси бир ҳукмдорнинг оддий, суюкли хотини номидаги обида олдида гугурт қутисидек кичкина, кўримсиз эди, ва ўзининг шу аҳволдан хижолат бўлгандай, эзилгандай, ғарибона кўринишда эди.

Лекин бу гаплар ҳали холва экан.

Янтоқ, тикан, алафлар босиб, изи ҳам йўқолиб кетаётган сўқмоқдан мақбарага қараб борар эканмиз, ичимдан беихтиёр бир нидо отилиб чиқди:

Ҳайҳот! Хароба-ку!

Менинг назаримда буюк, мўътабар, беназир алломалар қабри, мақбараси дахлсиз бўлиб, ҳар қандай қирғинбаротларда ҳам беэиён, бешикаст қолмоғи керак эди. Лекин... жоҳиллар кўлидан учган ўқлар, снарядлар жой ҳам, одам ҳам танламайди-да...

Навоий сағанасининг кун чиқиш томон деворини снаряд ўпириб юборган экан, ғишт уриб кўйишибди. Ичкарида ва ташқарида темир ҳавозалар турарди. Афтидан улар ана шу ўпирилган жойни беркитишга олиб келингану шу бўйича қолиб кетган бўлса керак. Чунки, дахма ичида уюлиб ётган ғишт синиқлари, тош, кесакларга қараб, бу ерга яқин-ўртада таъмирловчилар ҳам, бошқалар ҳам оёқ босмаганини сезиш қийин эмас эди.

Деворларга чизиб ташланган телба-тескари ёзувларни кўриб, кўнглингиз озади. Бош қисмига «Бу ерга Низомиддин Алишер Навоий дафн қилинган» деган калом битилган қора мармар сағана тоши синиб, бўлиниб кетган эди... Одамнинг хўрлиги, йиғлагиси келадиган манзара... Ҳаммамизнинг руҳимиз тушиб кетди.

Мен беихтиёр «Алишер Навоий» драмасидаги байтни эсладим:

***Кўзим чиқсин сени кўргунча мундоқ,  
Кесилсин тил сени сўргунча мундоқ...***

Сағана тоши атрофига омонат чўнкайиб ўтирдик. Сайфиддин хожи ака Қуръон тиловат қилди-да, ҳаммадан олдин ташқарига қараб юрди. Орқасидан чиқсак, у бир четдаги тошда, елкаларини қисганча бошини қуйи солиб ўтирибди. Назаримда кифтлари билинар-билинемас силкинарди — у йиғларди.

Менинг ҳам юрагим эзилди. Афғонистон ҳудудида уруш асорати, нохуш ҳолатлар кўп бўлишига гумоним йўқ эди, лекин Навоий мақбарасини шу алпозда кўраман деб сира-сира ўйламовдим.

Академик шоиримиз Гафур Гуломнинг ҳам бир вақтлар, бундан 30 йилча олдин Ҳиротга келгани, «Алишер Навоий қабри устида» деган шеър ёзгани ёдимга тушди. Ундан аввал, кейин ҳам бошқа ўзбек адабиёти, санъати намоёндалари, олимлар бўлишган бу ерда. Бир вақтлар кулоғимга Навоий мақбараси ўзбекистонликлар томонидан таъмирланаркан, деган гаплар чалинганувди. Лекин мақбара бино бўлгандан бери қайта бу ерга қурувчи зоти оёқ босмаганга ўхшарди.

Ҳаммамиз мискин хаёллар билан Навоийнинг мангу масканидан узоқлашиб борардик.

Куриб, қовжирай бошлаган ўт-ўланлар орасида автомат ўқларидан бўшаган гилза-патронлар сочилиб ётарди.

Хуросон давлатига узоқ йиллар подшолик қилган, Ҳиротда маданиятнинг ривожланишига шарт-шароит яратиб берган, бу соҳага ўзи ҳам шоирлик қалами билан ҳисса қўшган, Алишер Навоийга болалик ва умрлик қадрдон дўст бўлган миллатдошимиз Ҳусайн Бойқаронинг сағанасини топиб беришолмади. Тахминлаб бир эски мақбарага олиб боришувди, у ерда Ҳусайн Бойқаро эмас, воизлик санъати намоёндаларидан бири, мутафаккир, асли сабзаворлик Ҳусайн Кошифий дафн этилган экан.

— Шу атрофда эди, вайрон бўлиб кетибди-да, — деди Анвар соҳиб (афтидан анчадан бери у ҳам бу томонларга келмаган экан). — Биз — афғон, ўзбек, тожик, туркман — асли бир халқдай эдик, қадрдон дўсту биродар бўлиб, жуда аҳил яшардик. Бунга узоқ тарихимиз ҳам мисол. Кейинги вақтларда шўролар, коммунистик мафкура таъсирида ҳаммамиз бир-биримиздан узоқлашиб кетдик...

Менга Анвар соҳиб бу гаплари билан ҳозирги аянчли манзаралар учун хижолат чекиб, ўзини оқламоқчи бўлаётгандай туюлди. Ахир, Ансорий, Жомий зиёратгоҳларини анча тартибга келтириб қўйишибди-ку: атрофлари ўралган, қайта тош ётқизилган, супуриб-сидириб туришаркан...

Аммо, атрофдаги уй-жойлар... Минг шукрим, мен жанг лавҳаларини кинолардагина кўрганман. Бузғунчи, номи қора бу воқеъатнинг мудҳиш асоратларини шу ерда ўз кўзим билан кўрдим, ғоят мутаассир бўлдим ва уруш жабрдийдаларига кўп ачиндим. Катта бир худуддаги — эҳтимол, шаҳарнинг ярмини ташкил этар, гувалак уй-кулбаларнинг тиккаси, бутуни деярли қолмаган—ҳаммаси кунпаякун бўлган, бу ҳол ҳар қандай дийдаси тош одамни ҳам даҳшатга соладиган даражада аянчли эди. Айрим уйларнинг эгалари қочган ва жон сақлаган жойларидан қайтиб келиб, ошиён ва дўкон учун янгитдан пойдевор қўя бошламоқда эдилар. Тарихда Мусалло ансамбли деб аталган бу қутлуғ масканни «ўраб», Ҳиротни гўё дунёга кўз-кўзлаётгандай кўкка бўй чўзган салобатли, нақшинкор миноралар ҳам инсонлар «талашуви»дан қаттиқ озор чеккан — замбарак ўқлари айримларини тешиб ўтган, баъзиларининг уч қисмини юлиб кетган, биттаси эса умуман йўқ — ер билан яксон қилиб ташланган эди. Ансамбл таркибидаги гўзал ва ранг-баранг обидаларсиз миноралар ёниб кетган уйларнинг мўриларидай файзсиз сўппайиб турарди...

Миноралар орасидан ўтган, ёқасида Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли Бадиуззамон Мирзо мадрасаси бўлган ва тарихий китобларда кўп тилга олинган, «жаннатсалсабили ариғининг ҳам ғайирлиги келадиган» Жўйи Инжил ўрнида қинғир-қийшиқ, кўримсиз ирмоқ қолган эди.

Шаҳарга қайтар эканмиз, кўнгиллар шикасталигидан ҳеч ким чурқ этмас, ҳамма ўз хаёллари, ҳозиргина кўрилган ачинарли манзараларнинг оғриқли таъсири билан банд, фаромуш эди...

Меҳмонхонада бизга яна овқат ҳозирлаб қўйишган эди. Пўчоғи арчилиб, тўғраб қўйилган тарвуз, турли хил рангли чанқов босди ичимликлар, айрон, пиширилган, товук гўшти солинган оппоқ гуруч (эҳтимол буларнинг паловидир) билан сийладилар. Ноннинг шакли энгчасимон бўлиб, юпқа, узун-узун чекилган (тилинган) чеватини эслатарди. Меҳмондўстликлари яхши-ку, овқатланаётганингизда ошхона хизматчиларининг тепангизда девайлаб (амрингизга мунтазир бўлиб) туришгани кишини ноқулай аҳволга солар экан.

Овқатдан кейин меҳмонхонанинг мўъжазгина ҳовлисига чиқдик. Хиёбончада мевали ва манзарали дарахт сифатида экилган анор (меваси ўртача олмайди бўлиб қолган эди), ёнғок («жавзи» дейишаркан) бор эди.

Кечкурун ҳам ана шу хиёбонда осмонни томоша қилиб ўтирдим. «Етти оғайни» шундоққина бошим устида чарақлаб турарди. Менга жуда таниш ва қадрдон бу юлдузларнинг уйимизда (Гуркуровда) ҳам деярли шу ҳолатда, шу ўринда кўринишини эсладим. Осмоннинг нақадар юксак ва бепоёнлиги-да бу. Йўкса, икки минг чақиримдан зиёд йўл босдик...

Меҳмонхонада (умуман Ҳиротда) чироқ масаласи чатоқ экан: движок билан ёнаркан. Кечкурун аллавақтгача ёнмай, овқатланолмай ўтирдик. Ётишимиз билан яна ўчди.

Биз иккинчи қаватда жойлашган эдик. Оқшом шабада бўлиб турувди, кечаси дим бўлиб, қизиб кетдим. Душга тушай десам, сув совук, чироқ йўқ. Бунинг устига нималигини билиб бўлмайдиган майда нарсалар чақиб безор қилди.

Алқисса анча ҳаловатсиз кеча бўлди.

## АМИР ТЕМУРНИ КЎРГАН НАМОЗГОҲ

*27 июль, сешанба*

Азонда, тонг қоронғисида тақир-тукур бўлиб қолди. Сайфиддин ҳожи, Зокиржон ҳожи, Собиржон ҳожи ва Аҳмаджонлар бомдод намозини ўқиб келиш учун Жомъе масжидига отланишаётган экан. Тўлқин ака билан ташқарида, хиёбончада тонг отишини кутиб, суҳбатлашиб ўтирдик.

Хонага чиққан пайтимда деразадан меҳмонхона билан туташ қўшни ҳовлига кўзим тушди. Чоғроққина сахн ўртасидаги катта тут дарахтига осилган ҳалинчак атрофида беш-олтита қизалоқ чуғурлашиб ўйнаб юришарди. Таниш манзара...

Ўша хонадонда юзи очик афғон аёлларини (лекин тўпиғидан билагигача кийим ичида ва рўмол ўрашган), уларнинг кулганини дераза ойнасига пашшадан ихота қилиш учун тўсилган майда кўзли сим тўр ортидан хирагина кўрдим. Кўчада аёллар жуда шитоб қадам ташлашарди, ҳозир мен кўриб турган жувонлар шошилмай, соллангансимон, гўё ерни авайлаб босишарди. Уларнинг оёқлари заминга енгил, омонатгина тушаётгандай туюлди менга. Дарвоқе, кўча-да уларни биров кўриб-танимагандан кейин, қадди-қоматини намойиш қилишга эҳтиёж бўлмагач, оҳиста, салобат тўкиб юришнинг қизиғи бормиди...

Енгилгина нонушта қилгач, Муҳаммад Анвар соҳиб билан шаҳар айлангани жўнадик. Кун ботишга — Янги шаҳар («янги» сўзи ҳам бу ерда ўз маъносини йўқотиб, шунчаки атама вазифасини бажаради) томонга юрдик. Йўлда Анвар соҳиб бир идорага кириб, икки кишини бошлаб чиқди. Ўттиз ёшлар чамасидаги бўйчан аммо озгин, сийрақроқ соқолли, кўзойнак таққани Ҳирот матбуот ва маданият ишлари раиси Абдурауф Мухлис, иккинчиси — ёши улуғроғи, басавлат, анча маданиятли ва хушмуомала кўринадиган мўйсафид Мавлавий Анбарий раис муовини экан. Калта, қора коло устидан сурранг нимча кийган Абдурауф Мухлис менинг кўзимга турк зиёлиларига ўхшаб кўринди.

Мавлавий (бу сифат «мавлоно» маъносида қўлланилар экан) Анбарий бизга сайёҳбонлик қилди. Дастлаб Жомъе масжидига бордик. Мавлоно Анбарий узоқ йил ишлаб, ўз соҳасининг ҳадисини олган сайёҳбон каби шаҳарни, ундаги осори-атиқалар тарихию таржимаи ҳолини ва бошқа жиҳатларини жуда яхши билар ва ғоятда сўзамоллик, ширинсуханлик билан, бироқ одатдаги расмий сайёҳбонлардан фарқли ўлароқ, эҳтирос ва фахр билан, таъсирли тушунтириб борарди. Саволларимизга эринмай, лўнда ва аниқ жавоб бериб, бизда қаноат ҳосил этишга ҳаракат қиларди. Жомъе масжидини ҳам, қурилишидаю таъмирлаш пайтларида худди тепасида турган, шахсан иштирок этган одамдай жуда батафсил шарҳлаб, изоҳлаб берди. Унинг айтишича, Фиёсиддин Ҳирий деган одам асос солган бу улкан иншоот етмиш етти йил давомида қурилган ва ҳижрий 597 йилда битказилган (тарихий манбаларда ҳам масжид қурилишига кетган муддат салкам бир аср қилиб кўрсатилган). Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам «Бобурнома»да ана шу масжидни зиёрат қилганини ёзади. Зилзилада қаттиқ шикаст топган масжид Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий раҳбарлигида таъмирланган, хусусан, кираверишдаги гумбаз остилари, ёнлари

нақшлар билан безатилган. Афсуски, тарихнинг бешафқат шамоллари таъсирида мрамр ҳам, ундаги безаклар ҳам емирилиб, Бойқаро ва Навоийлар давридан икки девор-устунда ҳар бири бир жойнамозча келадиган кошин қолган, холос. Масжид деворининг қуйи қисмига ишлатилган мрамрартошлар Шохрух замонидан бери мустаҳкам турибди.

Масжид биносининг 460 гумбази бўлиб, ҳар бир гумбаз остида бир хона бор. Ўртадаги майдон ҳам жуда кенг, ҳайит кунлари бу ерда ўттиз минг одам намоз ўқир экан.

Масжиднинг тўрт томони нақшли девору кўшк-айвонлардан иборат катта худудиди сайру томоша қилиб юрар эканмиз, мен Самарқандда соҳибқирон Амир Темур суюкли хотини, маслаҳатдоши Сарой Мулк хоним шарафига қурдирган «Бибихоним» мас-жидининг ҳам шундай улуғвор ва маҳобатли, кенг саҳнлари гавжум бўлганлигини тасаввур қилдим.

Ҳаммасидан ҳам бизни ҳижрий 776 йилда ясалган ниҳоятда улкан дошқозон ҳайратга солди. Унда пиширилган ош ўша пайтдаги Ҳирот аҳлига бемалол етган бўлса керак, деб ўйладим.

Гумбазлар остидаги пештоқлар орасида, айвонларда, ўрталиқдаги майдонда юзлаб кулранг, ёввойи каптарлар учиб-қўниб юришарди. Бу ёқимтой жониворлар одамга шу қадар ўрганиб кетишганки, уларни «ёввойи» дегинг ҳам келмайди.

Бир хонага кирсак, усталар (асосан кексалар) узун, катта супа атрофида чўк тушиб, қўлларида чекич, эгов, қалам билан тош, сопол тарашлашяпти. Улар ота-боболари хунарини давом эттиришиб, масжид ва бошқа обидалар учун нақшлар, кошинлар ишлашмоқда эди.

Уста Абубакр деган мўйсафид эса, супанинг бир томонида ўспирин ўғли билан эски, синган сопол кошинларни «ямаб», қайта ишлов бериб, янги шакллар яратмоқда эди. Бир оз кузатиб турдик. Усталарнинг иши, хунари шу қадар майда ва ҳафсала, ихлос талаб эдики, анча-мунча бесабр одамнинг чидамоғи даргумон. Шунда мен нима учун ҳозир мана шундай нақшлар, кошинлар билан безатилган бинолар қурилмаслиги сабабини топгандай бўлдим.

Масжиднинг биз каби сайёҳлар кутиб олинадиган, анча уринган замонавий диван, кресло, курсилар қўйилган идорасига бошлаб киришди. Бир пиёла чой устида суҳбат бўлди. (Қотмагина бир мўйсафид бўшаган финжонларимизни олиб чиқиб, бир зумда чой қуйиб келар, мен бу ҳолдан ўнғайсизланиб, хижолат чекардим. Кун иссиқлиги ва эрталаб чойга тўймаганимиз учун ҳаммамиз ҳам анча чанқаган эканмиз). Хона деворларидаги рангли суратларда Ҳирот манзаралари, тарихий ёдгорликлар — мақбаралар, миноралар тасвирланган эди.

— Афсуски, энди бу жойлардан мана шу расмларгина хотира бўлиб қолди, ҳаммаси вайрон бўлган, — дейишди.

— Бир неча асрлар Хуросондай катта бир давлатнинг пойтахти бўлган Ҳирот, — деди Анбарий, — асли боши урушдан чиқмаган шаҳар...

Шу ерда бизга бундан бир неча йил олдин Ўзбекистон ҳукуматининг Навоий мақбараси ва бошқа маданий ёдгорликларни таъмирлаш вазифасини ўз зиммасига олиши тўғрисидаги номасига биноан Кобулдан Ҳирот маҳаллий ҳукуматига келган хатни кўрсатишди.

Экспедициямиз раҳбари Зокиржон ака Машрабов: Мустақил Ўзбекистонимизнинг янги ҳукумати билан гаплашаман, маъкул кўрилса, ўша хатда айтилган ёдгорликларни таъмирлашни Бобур номли халқаро хайрия жамғармаси ҳисобидан амалга оширамиз, деб ваъда берди.

## ҲИРОТНИНГ ҚАДИМИЙ КЎЧАЛАРИДА

Кўчага чиқдик. Собиржон ака билан қизиқсиниб бир дўконга кирдик. Ёпирай! Эски-туски, темир-терсак, сопол буюмлар, анжомлар, ёдгорликсимон нарсалар... тиқилиб ётибди! Ақлингиз озади. Тарихий музей дейсиз! Лекин биронта тарихий мозийгоҳда нарса бу қадар майда ва кўп бўлмаса керак. Умуман, дунёда инсон қўли билан яратилган, рўзғор, турмушда қўллашга мўлжалланган ашқол-дашқолнинг шу қадар ранг-баранг бўлишини тасаввур қилиш қийин. Бисотимизда бор форсча, тожикча калималардан фойдаланиб, сотувчига амаллаб бирикки савол бердик — (Масалан: «бу ашёлар қайси даврларга оид? Уларни қаердан, қандай

йикқансиз?» дегандай), лекин жавобларни тушунолмадик. Ҳарқалай, бу нарсаларни тўплаб-йиғишга бир одамнинг умри етишига ақл бовар қилмайди. Эҳтимол, бу дўкон ва нарсалар дўкондорнинг ота-боболаридан қолгандир? Бир қисмини Ҳирот худудидаги вайроналардан, эгалари ҳалок бўлишган ё ташлаб қочишган уйлардан териб қўшган бўлиши ҳам мумкин.

Дарвоқе, дўкон хусусий бўлиб, эгасининг исми-шарифи Ҳожи Ҳафизулло эди. У олтмиш ёшлардаги ўрта бўйли, қорачагина киши эди. (Бу ерли одамларнинг сиртига қараб, «фалон ёшларда», дейиш ҳам қийин экан. Соқол, салла, кийим-бош ўрганмаган кўзларни алдар экан. Мавлоно Анбарийни мен олтмиш беш — етмиш ёшларда, деб чамаловдим, ҳолбуки эллик беш ёшга кирибди). Бошқа дўконларни ҳам айландик. Бобур ҳақида, умуман қардош халқлар тарихи ва адабиётига оид китоблар изладик. Дўконларда нарсалар қалашиб ётибди. Ошиб-тошиб, чердакларга, томларга чиқиб кетибди. Кўк рангли буюм, мато шу даражада кўпки, кўз камашади. Дўконларнинг олдига, ҳовлисига ҳам, шундоққина ерга сунъий матодан (асосан пластмассадан) ишланган буюмлар, ўйинчоқлар ва бошқа ашёлар уюб ташланган. Янгисидан эскиси кўпроққа ўхшаб кўринди менга. Қисқаси, дўконлар кичкина-кичкина, тигиз, тор — оёқ босгани, бош суққани жой йуқ. Шифтларига, бурчакларига ўргимчаклар уя солиб юборган деворлар хароб, қулай-қулай деб турибди. Дарз кетган ерларини ямаб, оқлаб қўйиш ҳам эсларига келмайди ё кўнгилларига сиғмайди, шекилли. Мен Ҳиротни зинҳор-базинҳор бундай тасаввур қилмасдим. Бу ердаги ҳаёт тарзи, савдо маданияти ўрта асрларни эслатарди. Қандолатчилик усулидаги чакана савдо авжида. Лекин, юқорида айтганимдай, асосий улов воситаларидан бўлган «годи» (отли извош), велосипедларини безаш, жиҳозлашга сираям эринишмас экан.

Йўлларнинг аксарияти эгри-бугри, тош-тупроқли, тартибсиз, нообод, бефайз эди. Енгил эпкинга ҳам чанг кўтариларди. Энг ачинарлиси — боғ-хийёбонларда дарахтлар сийрак, кўча бўйларида гиёҳ кам, йўқ ҳисоби эди. Бор дарахтлари асосан маҳаллий халқ «навжу», «чанор» деб атайдиган баланд, адл бўйли қарағай ва ғужумсимон, игна баргли арчанинг бир нави (эски китобларда чиндан ҳам қадди-қомати гўзал бу дарахтлар «сарв», «санобар» деган чиройли номлар билан юритилади)дан иборат эди.

Кўхналиги, қаровсизлиги билан одамда нохуш ва дилгир кайфият уйғотувчи кўчалар, аксарияти эски, чангга беланган машиналар, букчайиб ўтирган серсоқол баққоллар, у ёқдан бу ёққа коло, чодраларининг этакларини ҳилпиратиб шитоб юрган эркаклар, аёллар, енгил узун кўйлак, шолвор-иштонли қоп-қора болалар — айна тарихий кинолардаги манзараларнинг ўзгинаси эди.

Оппоқ коло кийган эркаклар (аксарияти мўйсафидлар) ҳам тез-тез учраб қоларди. Улар мулло кишилар экан.

Эркакларнинг кўпи умрида соқол олмаганга, иягига тиг теккизмаганга ўхшашади. Аксарият афғонларнинг чуқур ботган қароғларида аламзадалик, уруш кўравериб дийдаси қотган одамларнинг нигоҳида кўзга ташланадиган совуққон бир шиддат зоҳир эди.

Аёллар...

Қизлар ҳукумат қарорига ва илгаридан давом этиб келаётган мусулмончилик тартиб-қоидаларига кура 14 ёшда чодрага киришлари шарт экан ва шу ёшдан турмушга чиқара бошлашаркан. Чиндан ҳам йўлда чодра ёпиниб бораётган қизларнинг жуссасидан уларнинг ҳали балоғатга етиб-етмаган бир паллада, нозиккина, уволгина эканлигини сезиб олиш мумкин эди.

Чодралар... Оч, тўқ ҳаво ранг, сиёҳранг, қора ялтироқ, ғижим матодан тикилган, кенг, этаги бир неча қат бурмали, аксарияти ерга тегар-тегмас, баъзилари кўчани супуриб, енгил чангитиб юрадиган чодралар... Шу узун чодра қиз-аёлларнинг кўйлаги, паранжи-чачвони эди. Уларнинг ҳатто кўзлари ҳам кўринмайди. Бир туриб ачинасан одам, аёлларга нисбатан ўта шафқатсизликмасмикин, дегинг келади, кейин, яна ҳар бир халқ ўзи ҳал қилади-да қандай кийиниб юришни, балки шуниси ҳам яхшидир: эркаклар ҳам, аёллар ҳам кўз зиносидан сақланиб, анча кўнгли тўқ, хотиржам бўладилар-ку, деган фикр кечади ҳаёлингдан. Пойафзаллари ҳар хил: шиппак, сандал, оқ лозим-шалворга қора пайпоқ кийиш кўпроқ урф экан...

Кўча, дўконларни узоқ айланишнинг қизиғи йўқ, чунки деярли ҳамма дўконлар бирига ўхшаш, қолаверса, бирон нарса харид қилишга пулимиз ҳам йўқ эди. Мавлоно Анбарийга кеча Ҳусайн Бойқаро мақбарасини тополмаганимизни айтувдик, у бизни олиб бориб кўрсатишга бажонидил рози бўлди.

## СУЛТОН ХОТИРАСИГА ҚОЛГАН ТОШ

Афғонистон менга аввало Алишер Навоий бобомиз шу заминда таваллуд топгани, яшагани ва бебаҳо, дурдона асарлар яратгани, ўзбек адабиётини юксак чўққига олиб чиқиб, адабий тилимизни байроқ қилиб кўтаргани учун, шунингдек, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг шу ўлкага меҳри баландлиги ва унга абадий оромгоҳ бўлгани билан қадрли эди. Бундан ташқари, болалигимда «Афғон эртақлари», «Гули сиёҳ» (Соҳиб Жамол асари) деган китобларни ўқигандим. Ўша рўмон ва эртақларда афғонлар жуда самимий, аҳил, эзгуликни яхши кўрадиган, олижаноб, ўзбекларни ўзларига дўст деб билувчи кишилар сифатида тасвирланган эди. Бу халқ тўғрисидаги тасаввурларимни кейинчалик матбуот хабарлари анча лойқалаштириб юборган. Ноҳақ ва бемақсад уруш орамизга раҳна солганлигидан жуда афсусланардим. Ҳарқалай, менда бизни қандай қарши олишаркин деган мулоҳаза йўқ эмас эди. Хайриятки, афғонистонликлар айб бизда эмаслигини, ўша даврда йигитларимиз афғон заминига мажбуран жўнатилганлигини яхши билишар экан. Ҳиротдаги дўстона қабул, меҳмонхонадаги сидкидилдан кўрсатилаётган хуштакаллуф муруватлар, Анвар соҳиб, Жумавой ва хусусан мана бу билимдон муаррих Анбарийнинг бизга нисбатан очик чехра, самимийлиги, худди эски қадрдонлардек, юмушларини қўйиб, ҳамроҳ бўлиб юришлари шахсан менинг кўнглимдаги туманларни бутунлай тарқатиб юборди, шу боис уларга нисбатан меҳрим янада товланиб кетди.

Йўл-йўлакай турли мавзуда суҳбатлашиб, яна кечаги жойга етиб келганимизни пайқамай қолибмиз. Ҳусайн Бойқаро мақбараси... йўқ, йўқ, мақбараси эмас, мақбара деворларининг қолдиқлари кеча икки бора ўтган йўлимиздан атиги йигирма-ўттиз қадам ичкарида, Навоий мақбарасидан эса 200-250 қадамча нарида вайронага айланиб ётар эди. Ўртада, қабр узра қўйилган, чанг босган қоп-қора сағана тоши эгасига мотам тутаётгандай мунғайиб турарди.

Ҳаётнинг бешафқатлигию дунёнинг бевафолигини, табиатнинг адолатсизлигию одамзотнинг лоқайд ва оқибатсизлигини кўринг! Хуросондай катта ва доврўкли давлатга салкам қирқ йил ҳукмронлик қилиб, Ҳиротни обод ва маданий марказга айлантиришга нечоғлик ҳисса қўшган, Алишер Навоий таъсирида илм ва ижод аҳлига яхши шароит ва кенг имкониятлар яратиб берган шоҳ марқадининг қисмати шу бўлибди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам «Бобурнома»да Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротни юксалтиришдаги хизматларини алоҳида таъкидлаб, «...рубъи маскунда андоқ шаҳр (*Ҳирот - Қ. К.*) йўқтур ва Султон Ҳусайн Мирзонинг (*Ҳусайн Бойқаронинг - Қ. К.*) замонида мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳиронинг (*Ҳиротнинг - Қ. К.*) зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди...» деб ёзган эди. Ахир Ҳусайн Бойқаро султонгина эмас, девон тартиб берган, Навоий назарига тушган таниқли шоир ҳам-ку...

Бизнинг ғоят мутаассир бўлганимизни кўрган Анбарий «бу бари узоқ давом этган жанглар оқибати», деди хижолат бўлиб.

Жуда ачиндим. Искандарнинг дунёдан қўли очик кетиши ҳақидаги ривоятни эсладим.

— Мана шу сағана тошини шартга елкамга қўйиб олиб кетсам... — деди Собиржон Шокаримов бош чайқаб.

— Агар Навоий билан Ҳусайн Бойқаро хокларини беришса, жон деб олиб кетардим, — деди Зокиржон ака алам билан.

Ҳусайн Бойқаро руҳига Қуръон тиловат қилганимиздан сўнг, мавлоно Анбарий сағана тошининг нақшларини изоҳлаб берди. Тошга етти қатли нақш битилган экан. Нақшчиликнинг энг мураккаб тури Ҳиротда «ҳафт қалам» дейилган. Яъни тош қазиб олингандан бошлаб етти марта ишлов берилган. Хомашё — қора тош Ҳиротнинг ўзидан



чикқан. Дахма тошини Хусайн Бойқаронинг шахсан топшириғи билан Зайниддин сангтарош етти йил ишлаган, хукмдорнинг тавсиясига кўра нақшга феруза, ложувард, олтин ишлатилган. Тошнинг битганини Хусайн Бойқаронинг ўзи кўриб кўнгли хотиржам бўлган экан. Дарҳақиқат, сағана тошининг умумий шакли-шамойили, нақшлар мутаносиблиги ва уйғунлиги шу даражада аниқ ва зукколик билан ишланганки, айтишларича, америкалик мутахассислар махсус асбоблар билан текширишганда узунлиги 170 сантиметрли тошнинг бош ва оёқ томонидаги гул-нақшлар уйғунлиги, яъни симметриясида 0,001 миллиметр фарк чикқан, холос.

Мавлоно Анбарий бизга Мусалло ансамбли худудидаги машхур мадрасалар — Дорул итом (етимлар ўқиш жойи), Дорул шифо, Дорул ҳаттотин (ҳаттотлик санъати билимгоҳи), Дорул тажид (муқовасозлик), Дорул тазҳиб ва тарсия (тилло суви юритиб ёзиш илми), Дорул машварат, шунингдек, бошқа илм ва санъат даргоҳлари ҳақида жўшиб, фахр ва афсус билан гапириб берди. Бойсункур Мирзо даврида «Қуръон» тўрт юз ҳаттот томонидан турли хатларда етмиш минг нусхада кўчирилиб, жаҳоннинг турли жойларига юборилганини алоҳида таъкидлади. Ҳа, Ҳирот бир замонлар мана шундай шахри азим, шахри дониш бўлган!

Кун чиқиш тарафдаги вайроналарга айланган уйларни кўриб даҳшатга тушасиз. Уруш туфайли кулбасини тарк этган, ташлаб қочганларнинг аксарияти қайтиб келиб, ўз уйларидан қолган харобалар устига янгидан уй, дўкон қуришмоқда эди.

Тарихий ёдгорликлар, мақбаралар мазорига айланган собиқ Мусаллодан яна шаҳарга қайтдик.

Юқоридаги тушкун кайфият кўнглимни анчагача тарк этмади, шаҳар кўчаларини айланган пайтимизда менда яна нохуш таассуротлар туғилаверди.

Ҳиротдаги энг кўхна ва катта тарихий иншоотлардан бири Ихтиёриддин қалъасидир. Минг йилча аввал барпо этилган, мудофаага мўлжалланган бу обида Юнеско ёрдамида, ўз шакли сақланган ҳолда таъмирланган экан. У қадимда «шаҳри банд» дейилган. Ҳозир ҳам уни куролли аскарлар қўриқлашаркан. Анвар соҳибни ҳам аранг тан олишиб, бизни ичкарига қийинчилик билан қўйишди. Ҳолбуки, қалъа ичида, менинг назаримда, нураб ётган деворлар, қоронғи хоналар, йўлаклардан бошқа қўриқлашга арзигулик вақо йўқ эди. Яна ким билади, дейсиз, балки, ҳарбий аҳамиятга молик, алоҳида жойларни бизга кўрсатишмагандир...

Бирдан юрагим увишгандай бўлди. Кўз олдимга жувонмарг шахзода Мўмин Мирзонинг мўлтираб турган чакноқ кўзлари келди.

Аслида қандай бўлгани шахсан менга қоронғу, манбаларда ривоят қилинишича, Хусайн Бойқаро хотини Хадичабегим макри билан, мастлик чоғида ўзининг ғоят суюкли набираси ўлимига бармоқ босганида, бегуноҳ ўсмир Мўмин Мирзо мана шу совуқ деворлар ичида эди, шу ерда қатл этилади. Фарзанд ё набира билан исён сабаб, тож-тахт талашишлар боис жанг майдонида рўпара келиш бошқая бир норасида қатлига бекордан-бекорга фатво бериб юбориш... Ҳарқалай, тарихда бундай даҳшатли фожиа камдан-кам юз беради... Наҳотки, бу чиндан ҳам ичкиликнинг оқибати бўлса? Шу мазмундаги ривоят эсимга тушди. Эмишки, кўнгли бузуқ бир аёл мўмин бир бандани ўзи билан яқинлик қилишга даъват этибди. Эркак қатъиян рад қилибди. Шунда аёл: бўлмаса ё мана бу болани ўлдирасан ё мана бу шаробни ичасан, деб талаб қўйибди. Мўмин одам шуни ичсам қутуламанми, деб шаробни танлабди ва... маст бўлиб, аёлнинг қўйнига ҳам кирган, болани ҳам ҳалокат этган экан... Яна, ким билади, балки юқоридаги ҳодисанинг сабаблари анча жиддийроқ бўлгандир...

— Чингизхон Ҳиротни етти кунда босиб олган, — деди мавлоно Анбарий, — лекин қалъадагилар икки ойгача таслим бўлишмаган.

(Тарихий манбаларда Ҳиротни Чингизхоннинг ўғли Тулуй қўшинлари эгаллаганлиги айтилади).

Қалъа хонадонларидан бирининг чордоғига чиқиб, Ҳиротни, унинг кафтдагидай кўриниб турган шарқи шимол, ғарб томонларини томоша қилдик. Бинолар, уйларнинг аксарияти хом ғиштли, гувала, пахса деворли, лой сувоқли томлардан иборат эди. Иморотга нисбатан дарахт камга ўхшарди. Шунинг учун Ҳиротнинг шимоли адирларга тутатиб кетган мана шу манзаралари шаҳардан кўра, қадимий қишлоқни кўпроқ эслатарди. Ваҳоланки

тарихий китобларда Ҳиротда XV асрдаёқ икки қаватли, ойнаванд деразали уйлар бўлган, деб ёзилади. Қани ўша уйлар?

Кўналғамизга қайтдик.

## НАХОТКИ ОРҚАГА ҚАЙТСАК?

Мўлжалимиз бўйича биз Ҳирот орқали Эронга ўтиб кетишимиз керак эди. Кутилмаганда жиддий муаммо чиқиб қолди. Бизга Ўзбекистондаги Эрон элчихонасидан Эронга Божгирон божхонаси орқали ўтишга рухсат берилган экан. Хужжатларимизда Афғонистон худудига ўтиш (у ҳам фақат бир марта) қайд этилгану, бу юртдан қандай чиқиб кетиш ҳақида бирон-бир белги-кўрсатма йўқ экан. Шунинг учун бу ердаги Эрон консулхонасидан қўшимча рухсатнома олиш зарурлигини айтишди. Лекин бахтга қарши, консул Техронга кетган, ёрдамчиси атига икки ойдан бери ишлаётган ёш йигит экан, масалани ҳал қилолмади.

Меҳмонхонамизда шахсан Ҳирот губернатори Амир Исмоилшоҳ, шу куни Ҳиротга келган Афғонистон Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Жалил Шамс ва бошқа масъул кишилар иштирокида ҳам бизнинг масала муҳокама бўлди. Айрим ўртоқлар йўли унча яхши бўлмаса ҳам, яқинроқ деб Қандаҳор орқали кетишни тавсия қилишган эди, амир ва бошқа раҳбарлар маслаҳат беришмади.

— Яхшиси, — деди Амир Исмоилшоҳ, — етти кишини тайёрада Пешаворга жўнатайлик, машинангизни, ҳайдовчига иккита соқчи кўшиб, орқангиздан етказамиз.

— Юқларимиз кўп, кино, телекамералар, бошқа аппаратуралар, совға-саломларимиз бор, — эътироз билдирди Зокиржон ака босиқлик билан.

— Барча зарур нарсаларингизни тайёрага ортамиз...

— Йўқ, бунинг иложи йўқ, — деди Зокиржон ака бироз кескинлик билан, — машинадан бир қадам ҳам жилмаймиз.

Мезбонлар ажабланишган эди, Зокиржон ака изох берди:

— Экспедициямизнинг мақсади ерда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур юрган йўллардан юриб, у ҳақида маълумотлар йиғиш, одамлар билан суҳбатлашишдан иборат...

Меҳмонхонанинг машваратхонасидаги бу суҳбат-музокара анча узоқ давом этди. Амир ҳам, Жалил Шамс ҳам жуда беғам ва хотиржамга, шошадиган ишлари йўққа ўхшаб кўринишарди.

Ҳирот губернатори ҳали ёш—эндигина қирқ иккига кирган бўлиб, ўрта бўйли, кичик, аммо қарашлари чуқур маъноли кўзлари кулимсираб турадиган истарали одам эди. Асаби жуда мустаҳкамга ўхшайди. Суратда бутунлай акси: серсоқол, салобатли, нигоҳлари қарчиғайникидек шиддатли... Ёшини ҳам эллик-эллик бешларда бўлса керак, деб тахмин қилувдим...

Ташқи ишлар вазири ўринбосари — бошининг ўртасида сочи кам, чап томондаги сийрак сочларини ўнг тарафга силлиқ қилиб тараган, кўзойнакли, соқоли қиртишлаб олинган, афт-ангори ҳақиқий эронийларга ўхшаш (нимагадир мен уни «Техрон» романидаги қахрамонларга менгаддим), кул ранг кўйлак устидан шу рангда камзул кийган, эллик-эллик икки ёшлардаги Жалил Шамс, менинг назаримда, анча совуққон, лоқайд одамдай, хусусан, бизнинг «масала»га унча жон куйдирмаётгандай туюлди.

Суҳбатда қатнашган мавлоно Анбарий ва Анвар соҳиб раҳбарларнинг Қандаҳор йўналишига райи бўлмасликлари сабабини тушунтиришиб, Қандаҳор билан Покистон оралиғининг нотинчлиги, қароқчилар ва бошқа тўдалардан хавфсирашаётганини айтишди. Уй-жойидан, оиласидан ажралиб, аламини кимдан олишни билмай изғиб юришган қароқчилар экспедициями, бошқами — суриштириб ўтиришармиди.

— У ҳолда биз Кушкага қайтамиз, — деди Зокиржон ака бир қарорга келилмаган музокарага хулоса ясаб. — Ортиқча оворагарчилик, қийинчиликдан чўчимаймиз. Ўрганиб қолганмиз.

Дарвоқе, суҳбатда Зокиржон Машрабов Ўзбекистонга қайтгач, бу ердаги ахволни республика ҳукуматига етказиб, халқимизга мурожаат қилишлигини айтди, улуғ инсонлар — Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқароларнинг мангу оромгоҳларини Афғонистон, хусусан, Ҳирот ҳукумати билан биргаликда таъмирлаш, қайта тиклаш масаласини ҳам, айнан аввал ўзаро келишиб олганимиздек ўртага ташлади. Биз Амир Исмоилшоҳ бу масалага қандай муносабатда бўларкин, оғир ботмасмикин ё ғаш келмасмикин деб ўйлаб турувдик, таажжуб ва ҳайриятки, у раҳбаримиз таклифини мамнуният билан қабул қилди ва ҳатто олдиндан миннатдорчилик билдирди.

Суҳбат расмий газеталар тили билан айтганда самимий, дўстона бўлди. Ҳирот ҳокими томонидан кўрсатилган марҳамат ва меҳмондўстликлар учун ташаккур изҳор этиб, дилимиз анча равшанлашди.

## ШАҲИДЛАР МОЗОРИ

Биз шу заҳотиёқ жўнаб кетмоқчи эдик. Лекин мезбонлар бугун кеч кириб қолди, кейин, бизда бир зиёратгоҳ бор, кўриб кетмасанглар бўлмайди, дейишди шикоятга ўрин йўқ дегандай, қатъий оҳангда.

Хуллас, Анвар соҳиб билан мавлоно Анбарий иккита барваста зобит ҳамроҳлигида бизни Ҳиротга Кушга томондан кираверишда, йўлнинг ўнг тарафидаги баланд адирлар оралигида жойлашган очик музейга ўхшаш «Номаълум шаҳидлар мазори»га олиб боришди. Бу мазор эмас, даҳшат эди...

Ердан бир метрча баланд, қатор ойнаванд витриналар остидаги чуқур хандақларда калла чаноқлари, оёқ, қўл суяклари уюлиб ётарди. Баъзи бош чаноқларида кўзга боғланган латталар ҳам қолиб кетган эди. Пойафзаллар, аёлларнинг сочларини кўриб, юрагим увушиб қолгандай бўлди... Қаердан пайдо бўлишди, билмадим, бир зумда атрофимизни йигирма-ўттизта одам ўраб олди. Бири қўйиб, бири афғон, ўзбек, тожик тилларида бу мудҳиш очик қабрлар тарихи ва тафсилотларини куйиб-пишиб, асабийлашиб гапиришарди. Биттанглар сўзлаб беринглар, деб илтимос қилдик. (Мавлоно Анбарий билан Анвар соҳиблар негадир сукут сақлашарди). Майманалик ўзбек йигити Ғулом Саҳининг ҳикоя қилишича, уруш даврида шўро зобитлари ва аскарлари тунда Ҳирот аҳлининг катта бир қисмини — олимлар, зиёлилар, мужоҳидларни оила аъзолари билан, яъни «эркагу саёсар» (хотин-қиз), бача (бола)ларни кўзларини боғлаб, подасимон ҳайдаб кетишган. Уларнинг орасида камбағал деҳқон ҳам, ҳунармандлар, ғарибу бечора мазлумлар ҳам кўп бўлган экан. Уларнинг қариндош-уруғлари «шўролар банди қилиб олиб кетишгандир, банди бўлса ҳам, қаерда бўлса ҳам, тирик бўлса бас», деб умид қилиб юришган. Бандиларнинг тақдири қаттиқ сир сақланган. Улар тахминан уч минг киши бўлган, кўпчилиги тожиклар, афғонлар, ўзбеклар эди, деди Ғулом Саҳи кўзларига ёш олиб. У савдогар бўлса ҳам жуда куйканак ватанпарвар, миллатпарвар ва гапга чечан эди.

- Шўродан асир тушганлар қаттиқ сиқувга олинганда айтиб беришди: ўша машъум кечада коммунистлар бандиларни шу ерга олиб чиқиб, бульдозер билан қовланган хандақларга отиб ё тириклай кўмиб юборишган экан.

- Ҳа, - деб тасдиқлади Анвар соҳиб, — бу мазор бир неча йилдан кейин, бултур (1992 йили) аниқланиб, зиёратгоҳ қилиб қўйилди.

Биз бу ерга кетма-кет, тўп-тўп бўлиб келишаётган ва қайтишаётган ёш-ёш қизлар, болаларни кўрдик. Эҳтимол уларнинг бедарак кетган ота-оналари, ака-опалари чиндан ҳам шу ердадир...

Норасида зиёратчилар унсиз, ўксиб-ўксиб йиғлашарди...

Юракларимиз тилка-пора бўлди. Бирон оғиз сўз дейишга биронтамизда забон ҳам, мажол ҳам йўқ эди.

Хийла фурсатдан сўнг чиққанимизда Собиржон Шокаримов Германиянинг Веймар шаҳри чеккасида жойлашган Бухенваллдаги 56 минг маҳбус қийнаб ўлдирилган концлагер ва музейда бўлганини, ҳозир одамхўр фашистларнинг ана шу «қушхона»сидаги даҳшат кўз

олдига келганини, у ерда кўрганларини гапириб берди... Мана шундай пайтларда ваҳшийлигининг чеки йўқ бўлган одам зотидан ҳам кўнглинг совиб кетади...

Мен бу ерга бизни ихтиёрий-мажбурий тарзда олиб келишлари боисини ўйлардим...

Катта йўлга қайтиб, Ҳиротнинг шарқи-шимол томонига қараб кетдик. Йўлда ўлжа олинган, ташлаб кетилган БТР, танклар, юк машиналари (беҳисоб), бир неча вертолёт қантариғлик отдай қаққайиб турган жойдан ўтдик. (Бу ерни тасвирга олишга ижозат беришмади).

Баланд адир куршовида таъмирланаётган ёдгорлик олдига (Хусайн Бойқародан қолган ва бундан ўттиз йил аввал бузилиб кетган экан) бордик. Шу атрофдаги боғ-роғлар эса уруш пайтида вайрон бўлибди.

Ёдгорлик пойидаги янги ҳовузда маҳаллий болалар, ўсмирлар, йигитлар чўмилишаётган экан. Зангор тусли сув ниҳоятда чиройли жимирлаб турарди. Экспедициямизнинг энг кенжа аъзоси Фаррухнинг сабри чидамади. У тележурналистлик, таржимонлик имтиёзлари ва мавқеидан фойдаланиб, раҳбаримиз рухсати билан бир-икки шўнғиб чиққанида вақт номоз асрга яқинлашиб қолган эди.

## ЧЕКИНИШ

*28 июль, чоршанба*

Азон даъватидан ҳам аввал годиларнинг ниҳоятда ёқимли жаранглайдиган кўнғироқчалари сахарнинг сирли жимлигини бузиб, ҳиротликларни уйғотар экан. Тонг ёришиши билан битта-яримга енгил машина, кўплаб велосипед (асосий улов!), чодрасини ҳилпиллатиб, аёллар ўта бошлади.

Нонуштадан кейин Зокиржон ака билан таржимон Фаррух Эрон элчихонасига кетишди. Қолганларимиз автобусимиз ёнида ўтган-кетганни томоша қилиб турдик.

Афғонистоннинг бошқа шаҳарларида қандай — билмадим, лекин Ҳиротда кўча ҳаракати қоидаларига амал қилиш унча расм эмас экан. Ҳайдовчилар гўё «ўзингни эҳтиёт қилиб ол» қабилида бир-бирларини жуда қалтис вазиятларда ҳам қувиб ўтишар, тор, калта йўлларда ҳам юқори тезликда юришарди. Йўл назорати ходимларини жуда кам кўрдим. Фақат чорраҳаларда светофор вазифасини бажариб туришарди. Автобуслар тирбанд, одамлар очик эшикларга осилишиб кетишавераркан. Автобуснинг орқа қисмида эркаклар, олди қисмида аёллар билан болалар кетишар, ўртага парда тутиб қўйиларкан. Мана шу одатлари менга кўп маъқул бўлди.

Зокиржон ака билан Фаррух анчадан кейин тарвузлари қўлтиғидан тушиб қайтиб келишди. Орқага қайтишдан бошқа чорамиз қолмаган эди. Шошилишч йўлга отландик. Лекин Анвар соҳиб ва бошқалар ҳар хил баҳоналар билан бизни яна бир соатча тутиб туришди. Тахминимизча, қайтаётганимизни губернатор Амир Исмоилшоҳга етказишиб, унинг розилигини олишгандан кейингина бизга ижозат беришди. Қайси маънода шундай қилишганини дуруст англамадик. Кушкагача аскар қўшиб беришмоқчи эди, йўқ, ҳатто катта йўлгача ҳам кузатиб қўйишмади. Биз ҳам унча хафа бўлиб ўтирмадик, шу шаҳардан (негадир кечадан бери безовталана бошловдик) тезроқ чиқиб кетаётганимизга суюнардик.

Ҳиротдан чиқиб, адирлар орасига кириб борар эканмиз, хаёлимда ортимизда ҳазрат Навоий, Султон Хусайн мунғлуқ нигоҳ билан қараб қолишгандай туюлди.

Мен эса қалбимда узоқ қидирган кадрдон кимсасини топиб, лекин унинг дийдорига тўймай, тезда хайр-хўшлашиб жўнаган одамда бўладиган ғалати бир дилгирлик, ачиниш ҳиссини туярдим.

Хайр, эй, азиз ва мўътабар бобокалонларимиз! Хайр, эй, ҳар бир ўзбек хонадониди хамиша барҳаёт Навоий бобо! Биз Сизларнинг ҳузурингизга яна келамиз.

Менинг хаёлимдан шундай нидолар кечди.

Икки кун аввал келган йўлимиздан қайтмоқдамиз. Яна ўша дўқир-дўқир бетон, атрофда таниш манзаралар: бепоён даралар, ёнбағирликлар, катта-кичик адирлар. Қўш хўкизли омов билан ер ҳайдаётган деҳқонлар. Ҳирот билан Кушка оралиғи 120 чақирим. Йўл яхши

бўлгандаку, бизнинг учкур тойимиз учун бу бир ярим соатлик масофа эди-я. Лекин ҳар қадамда дўққиллаб, салкам уч соат юрдик.

Кушкага кириб борганимизда худди ўз юртимиз худудига ўтгандай, кўнглимиз хотиржам тортиб, чехраларимиз ўз-ўзидан ёришиб кетди.

Ярим кечада, қовун-торвуз сотаётганлар олдида тўхтадик. Қовун билан нон едик. «Енгиш» (илгари “Победа”) жамоа хўжалиги ерлари экан. Узоқроқда, жануб томондаги чироқлар кўриниб турган жой Қизил юлдуз қишлоғи экан. Қовунлар жуда ширин чиқди. Қўй ёғи-қўй гўштига палов егандай маза қилдик.

Ашхободга етай деганимизда (Кушкадан Марвгача 290, бу ёғи 380 чақирим бўлиб, шунча масофани туни билан босиб ўтибмиз) тонг ёриша бошлади. Дарвоқе, йўлда адашиб ҳам қолдик, бунинг устига темир йўлдан ўтаётганда қондани бузиб, йўл назорати ходими билан анча можаро қилиб ҳам турдик. Охири унинг қўлига қистиришга тўғри келди.

Хуллас, бесарамжом тун бўлди. Машинада яхши ухлай олмадик. Ухлаб ҳам мириқмадик. (Ҳамма!)

Ашхобод йўлининг манзаралари ўзига хос латофатли эди. Ўнг томонда чўл ва йўл билан ёнма-ён — Қорақўл канали... Чапда ҳам чўл ва узоқроқда Копет-доғ...

## II қисм

### ЭРОН

#### САРҲАДДА БИР ЖОНОН...

29 июль, пайшанба

Уловимиз шиддат билан Эрон замини сари интилиб борарди. Ашхободга 10-15 чақирим қолганда йўлнинг икки тарафида анорзор, узумзорлар бошланди. Мевалари шиғил-шиғил бу боғлар хув наридаги баланд тоғлар пойигача чўзилиб кетгандек эди. Мунча кўп ҳосилни қандай йиғиштириб олишаркин, деб ўйладим. Ўзбекистонда пахтани талабалар ва бошқа ҳашарчилар ёрдамида териб олингандек, бу юртда ҳам шундай тадбир қўлланар-да... Умуман олганда, Туркменистон ҳудуди поёнсиз эди. Демак, Ер—туркман халқининг битмас-туганмас бойлигидир...

Мен Умар Ҳайём, Саъдий Шерозий, Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий каби жаҳон адабиётининг мумтоз, бетакрор намоёндаларига ватан бўлган ва уларга илҳом берган қадимий Эронни кўрмакка ошиқардим. Ахир, Умар Ҳайём рубоийларининг, Саъдий ҳикоятлари ва ҳикматларининг, Рустам-достоннинг, Ҳофиз ишқий лирикасининг шайдоси бўлмаган, уларни ташналиги қонмаган саҳройи йўловчидай такрор-такрор мутолаа қилмаган ким бор?... Ана шундай мўъжизавор асарларга бешик бўлган заминнинг табиати, одамлари қандай экан?..

Мен кейинги давр Эрон адабиётининг таниқли намоёндаси Мушфиқ Козимийнинг «Қурқинчли Техрон» романини, шунингдек, ҳаётларининг бир қисми Ўзбекистон билан боғланган, менинг жонажон ўлкам шаънига шеърлар бағишлаган Абулқосим Лоҳутий, Устивор, Жола каби шоир ва шоираларни эслаб, уларнинг ёдимда қолган сатрларини хаёлимдан ўтказардим:

*Ўзбекистон бағрида яйрайди жоним тинч, омон,  
Ўзбекистонга ёмон кўз тегмасин, битсин ёмон...*

«Тойотамиз» бизга ана шундай хайрихоҳ ижод аҳли юртига қараб интилар, улов бирла менинг кўнглим ҳам талпинар эрди.

Копет-доғ оралиғидаги Қулмирза довонидан юриб, дастлабки чегарадан, дахлсиз ҳудуддан ўтиб, божхонага етиб бордик. Тушликка тўғри келиб, анча кутишга тўғри келди. Кутишнинг яхшиси йўғу, лекин чегарада, божхонада кутиш ташвишли, ғулғулали бўлиб, одамни бетоқат қилиб юбораркан, вақт ўтиши ҳам ниҳоятда қийин экан.

Тасодифни қарангки, эрталаб Эрон элчихонаси олдида Жайхундан паромда бирга ўтган қирғизистонлик сайёҳларнинг автобусини учратган эдик. Ҳамма жойда бўлгани каби бу ердаги элчихона маҳкамаларида ҳам қоғозбозлик, расмиятчилик кучли экан. Бир автобус одам беш кун деганда, кеча чегарадан Машҳад орқали ўтиб келишибди. Бир аёл ва бир йигитни паспортларида тузатиш бор, деган гумон билан умуман қайтаришибди.

Тушдан кейин ишимиз юришиб, юкларни туширмай, текширувдан ўтиб олдик. Бутун дунёда бўлгани каби, божхонада ҳам таниш-билишчилик асқотди. Экспедициямиз бултур ҳам шу ердан ўтган, ўшанда бир туркман ва бир рус йигити таниш бўлиб қолган экан.

Божхонанинг кенггина ва ниҳоятда тартибсиз хонасидаги манзара-ҳолат менинг руҳимга ёмон таъсир қилди. Биз ўтаётганда бу ерда ёш, тўладан келган бир жувоннинг нарсаларини текширишаётган экан. Стол устидаги сандикдай-сандикдай жомадонлардан чиқаётган буюм ва ашёларни кўриб беихтиёр «Астафурилло...» дейсиз. Никелли чўмичлар, елим халта, ип тўр халта, электр соқол олгич, электр чой қайнатгичлар, биллур қантдонлар, елим ликопчалар—саноғи йўқ. Хуллас, катта столнинг усти, дераза ромлари тўлиб кетди. Божхона ходими, ҳарбий кийимдаги ёш, новча туркман йигити бундай ҳолатларга кўникиб кетган шекилли, ҳеч бир ҳайратланмай, нарсаларнинг чегарадан олиб ўтиб кетиш мумкин бўлганларини бир томонга, таъқиқланган ва меъёрдан ортиқчасини бошқа тарафга

шошилмасдан алоҳида қилиб териб қўярди, боякиш аёл юкларнинг кўп ва оғирлигиданми ё хижолатданми, терлаб кетган, қора сочларининг жингалак зулфлари қулоқлари ёнига, ёнокларига ёпишиб қолган эди. Шунча юкни бир ўзи қандай кўтариб шу божхонагача етказиб келдийкин? Ё бошида эри йўқмикин?... Лекин унинг кўриниши, кийинишига қараганда бу қилғуликлар зарурат юзасиданга ўхшамасди. Чайқовчиликка, пулга ўрганган, хирс қўйган одам ошиб-тошиб кетса ҳам, томоғидан овқат ўтмай қолса ҳам бу «касби»ни ташламайди.

Аёл уялганидан биз томонга, умуман ҳеч қаёққа қарамасликка, титкиланаётган сумкасига кириб кетай дебётган бошини кўтармасликка ҳаракат қилаётгани сезилиб турарди. Аён бўлишича, уялишининг боиси бор экан. Ҳаммамиз паспорт кўрадиган туйнукка навбатда турардик. Барчамизнинг ғазабли ва нафратли кўзларимиз ана шу жувон ва унинг серузукли бармоқларига илашиб чиқаётган ранг-баранг ашёларда эди. (Нарсаларнинг шириқлаши хонадаги барчанинг эътиборини тортмоқда эди). Дарвоқе, у жувоннинг ортидан яна бир неча аёл ҳам навбат кутиб туришарди. Кўзини унга лўқ қилиб кузатиб турганлар орасида, албатта, Фаррух ҳам бор эди. Ниҳоят, аёл қоп-жомадонларини бўшатиб бўлди, энди биз тарафга қарамаслигининг иложи йўқ эди. У бирдан, қўрққан олдин мушт кўтарар дегандай, Фаррухга қараб, Ҳоживой-Тоживойнинг латифасидагидек: «Мени танимадингиз-а?» деб гап бошлади қизариб-бўзариб, паст товушда. Овози чиндан ҳам чўмичларникидай жарангдор эмас эди. Улар Тошкент дорилфунунида ёндош курсларда ўқишган бўлиб, ўшанда бу жувон (албатта у пайтда сочлари қўнғироқ, овози жарангдор, беғуноҳ кўзлари пориллаб турган чика бел қизалоқ бўлган) жуғрофия куллиётида таҳсил кўрган экан. Ҳа, жуғрофакда ўқиганда хорижий мамлакатларни яхши ўрганган экан, мана дунё кезиб юрибди-да. Нима қипти, ҳам саёҳат, ҳам тижорат, деган машойихлар. Фақат, бўлганда бўп қолай, деб, нафс қурсин, нарсаларни меъеридан анча кўпроқ олиб жўнабди-да. Униси ҳам майлику-я, шундоқ кетворган жувоннинг мана бу ерда турли миллат вакиллари олдида томоша бўлгани чаток-да. Афсуски, унга ўхшаганларнинг яна бирқанчаси ташқарида ҳам тўда-жўда бўлиб ёйилиб юришарди...

Биз эркин нафас олиб, йўлга тушдик. Бироқ, олдинда ҳали тўсиқлар кўп экан. Бир чақиримча масофадан кейин яна бир назорат нуқтасида тўхтаб ўтдик, сўнг Эроннинг асосий чегараси олдида етиб бордик. Бу тепалик жойда темир ғов бўлиб, унинг бу ёғида Туркменистон соқчилари, нариги томонда эса Эрон чегарачилари туришарди. Туркман йигитлари паспортларни текширишиб ғовни очишаётган эди, эронликлар тўхтатиб қўйишди. Яна ҳайрон ва жиғибийрон бўлиб кута бошладик. Лекин бизнинг жиғибийрон бўлганимиз билан чегарачиларнинг бир пуллик ҳам иши йўқ эди.

Ниҳоят, анчадан кейин бир одам пайдо бўлиб, бизни Эрон божхонаси—Божгиронга олиб борди. Ҳаммамизнинг паспортларимиз ва бошқа ҳужжатларимизни ичкарига, яъни идорага олиб кириб кетишди.

Ҳар бир пост (назоратчилар маскани), ҳар бир чегара, ҳар бир божхонада хавотиру ҳадиксирашлар жонга тегиб кетар экан.

Бунақа тўсқинчи жойларнинг қанчасидан ўтиб борасану, яна тўхтатиб синчиклаб текшира бошлашади. Ичингда ҳамма ҳужжатларимиз пухта-ку, шу жойгача етиб кеддик-ку, дейсан, лекин назарингда бу ердагилар олдингиларнинг ҳаммасидан ҳам кўра синчковроқдай, шафқатсизроқдай туюлади. Эҳ, энди бир камчилик топиб қайтариб қолишмасайди, деб юрак ҳовучлаб турасан...

Ниҳоят, пешиндан ўтиб, намозгарга яқинлашган пайтда йўлга тушдик. Бизга Эрон ҳукумати ва божхона таомилига кўра Муҳаммад Ризо деган бир одамни (уни «маъмур» дейишаркан) қўшиб беришди. Водий, яъни ясси тоғ ораликлари бўйлаб жўнадик. Бу ерлар май ойида ям-яшил, ниҳоятда гўзал бўлади дейишди аввалги сафар ҳам шу йўллардан юрган ҳамроҳларимиз.

Довондан тушиб, Муҳаммад Ризонинг фахр билан айтишича, Машҳад атрофидаги энг ширин сувли Дурбодом қишлоғига кириб бордик. Ҳақиқий қишлоқ манзараси: лой сувоқли уйларнинг теп-текис томларида аёллар қоқи ёйиб ўтиришибди. Бу манзара менга болалик давримдаги, яъни ўттиз-қирқ йиллар илгариги томларимизни эслатиб юборди. Ҳозир бизнинг

кишлоқларда бунақа ясси томлар, лой сувоқли уйлар деярли қолмаган. Иморат соладиган одам энг аввал тунука ё шиферини ғамлайди.

Атрофдаги кенг далалар Арслонбоб, Шоҳимардон экинзорларини эслатарди. Назаримда бу ерларда ҳам картошка кўпроқ экиларкан.

Йўл ёқалаб, бизга қарама-қарши томондан оқиб келаётган зилол сувли сой йўлнинг дам чап, дам ўнг томонига ўтиб қоларди. Икки тарафдаги тоғнинг деворсимон, қат-қат пахсасимон тошлари худди махсус ишлов берилгандай текис, шаклли эди.

Бир томони очик, қўлтиқсимон жойда тўхтаб, мириқиб сув ичдик, сув чиндан ҳам жуда мазали эди. Сурагга тушдик.

Шори, Имомкули кишлоқларидан ўтдик, Бу кишлоқлар думбали, семиз қўйлари билан машхур, деб изоҳ берди Муҳаммад Ризо ён бағирларда ўтлаётган сурувни кўрсатиб. Яккам-дуккам ўтларнинг ёнида тол, терак, бақатерак кўзга ташланади. Яна таажжубки, томларда тезак қуритиларкан — бу ҳам бизнинг яқин ўтмишимизга хос тадбир. Мен Эронни жуда ривожланган, маданийлашган мамлакат деб ўйлардим.

Бир ерда икки қаватли, замонавий ғиштин бино (ҳарбий лагерга қарашли экан) ёнидан ўтгач, яна баландликка ўрлай бошладик.

## ГЎЗАЛ МАШҲАД

Кашафруд дарёси водийсида жойлашган Машҳад ҳақида ўқиган-билган маълумотларимдан энг қимматлиси — буюк Алишер Навоий ҳаётининг муҳим ва эсда қоларли даврлари бу кўҳна ва машхур шаҳар билан боғлиқлигидир. Навоий Машҳадда болалигида Султон Ҳусайн Бойқаро билан бўлган, балоғат ёшида у ердаги мадрасада таҳсил кўрган, умрининг охирида муқаддас ҳаж сафарига жўнаган чоғида, Машҳаддан дўсти, Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайннинг дил изҳори тўла мактуби билан ортига—Ҳиротга қайтган.

Бутун умри хайру-савобли ишлар билан ўтган Навоий, олган таълими ва еган ош-тузи ҳаққи Машҳад халқи учун катта иноят кўргузади. Давлатшоҳ Самарқандий бу ҳақда «Тазкират уш-шуаро» китобида шундай деб ёзади: «(Яна) тангри инояти била бир мунча вақтдирки, у вакил сайлаган кишилар тиришуви орқасида Хуросоннинг машхур булоқларидан, жаҳон кўнглини очувчи, Тус вилояти юқорисидаги Чашмаи Гил сувини муқаддас Машҳад шаҳрига келтиради. (Бу билан) Машҳаднинг муқим халқини сувсизлик азобидан қутқарди... Бу қандай эҳсон бўлдики, жаҳон подшоларию ақобирлари бундай ишни уддалашдан ожиздирлар. Бу ариқ узунлиги қарийб ўн икки фарсахдирким<sup>1</sup>, ҳамма жойлар нотекисдир — (улуғ амирнинг) бу хайру эҳсони ҳамма шарофатли эҳсонларидан ҳам ортиб тушди. Бу ариқ туфайли, муқаддас Машҳад шаҳри, Худо хоҳласа, беҳишт рашкини, Чин нигорхонаси ғайирлигини келтирадиган бўлади».

Биз беҳишт рашкини келтирадиган ана шу гўзал ва обод диёрга ошиқардик.

Машҳадга кеч оқшомда Бобой Тоҳир кўчасидан кириб бордик. Лекин шаҳарга мутлақо қоронғи тушмагандай, ёп-ёруғ эди. Шаҳарнинг тунги қиёфаси — кўчалардаги кўз камаштирувчи чироқлар, турли шаклларда ёруғ юлдузлар каби жимираб ёниб турган эълонлар, номлар, лавҳалар, ранг-баранг бинолар, дўконларнинг эшиклари, ромлари, пештоқлари ҳайратомуз даражада ёрқин ва нурафшон эди. Мен киноларда кўриб, Қоҳирани шундай тасаввур қилардим. Машҳад шунчалик бўлса, Қоҳира қандоқ экан?..

Кўчалар жуда кенг, бир неча қатор, машиналар қатнови ниҳоятда тифиз. Ўртадаги бир йўл қатновсиз. Одамлар оила-оила, тўп-тўп бўлиб (мусофирлар, саёҳатчи меҳмонлар), машиналари ё бошқа матолар билан икки томонни тўсиб, бемалол тамадди қилиб, ҳордик чиқариб ўтиришибди. Шундоқ тунашаверар экан (Меҳмонхоналардан бўш жой топиш амримаҳол экан).

Кўча бўйларида терак, тутқатор кўп бўлиб, шаҳар ҳуснига табиийлик бағишлаган эди.

<sup>1</sup> Фарсах — тахминан 7-8 км.га тенг масофа ўлчови.



Вақт алламаҳал бўлишига қарамай, ошхона, ресторанлар ниҳоятда гавжум эди. Биз Акбар исмли шахсга қарашли икки қаватли «Жўжа-кабоб» ресторанининг бир неча хонага бўлинган биринчи қаватига кирдик. Бўлмалар ниҳоятда шинам, озода, дид билан безатилган эди. Стол-курсилар бежирим, юмшоқ.

Худди Оврўпадагидай, оппоқ юзли ёш йигитлар хизмат қилишарди. Чалпак нон (тўғралган), майда кесилган бодринг-помидорли салат, пепси-кола (наякиси билан), саёзгина пиёлачаларда қатиқ келтиришди. Йўл юравериб қоринлар пиёз пўсти бўлиб кетувди, емишларнинг баракасизлигига ишора қилиб, бир-биримизга маъноли қараб жилмайдик. Лекин буғда димлаб пиширилган қордай оппоқ гуруч таом ва семиз жўжа кабобларни кўриб, кўнглимиз анча жойига тушди.

Тўрт бурчакли, узунчоқ патнисдай келадиган нонни «нони машина» («машинада пиширилган нон») дейишаркан. Ҳиротникига ўхшаган чевати, лочирасимон нонлар ҳам бор экан.

Ресторандан чиққач, Муҳаммад Ризо меҳмонхоналардан жой излаш бефойда деб, бизни шаҳарнинг янги даҳасидаги уйига бошлаб кетди. Ризонинг уйи, ҳовлиси торлигини ҳисобга олмаганда, анча маблағ ҳисобига, ҳафсала билан қурилганлиги сезилиб турарди. Хоналар кенг, шифти баланд. Ҳовлидаги ювинадиган хона, хожатхоналар полидан шифтигача чинни плита билан қопланган, ярқирайди. Ваҳоланки, Ризоларнинг бу ерга кўчиб келишганига эндигина уч йил бўлибди. Саҳнга бошдан-оёқ, тош-плита ётқизилган, покиза эди. Шу жойга палос тўшаб, чой ичиб ўтирдик. Мана шу ернинг ўзига ўрин солиб беришди. Беш киши — Зокиржон ака, Сайфиддин Жалилов, Тўлқин Рўзиев, Фаррух ва мен (бошқалар машинада тунайдаган бўлишди) очик осмонни, юлдузларни томоша қилиб, худди ўз уйимиздагидек латифа айтишиб, анчагача кулишиб ётдик. Мезбонимизнинг самимий ва очикқўнгиллигими, Зокиржон Машраб ўғли ва Сайфиддин ҳожи акаларнинг ҳазилкаш ва ҳазилсуярлигими, жаҳонгашта кинооператор Тўлқин Рўзиевнинг ичак узди латифаларга усталогими, кайфиятимизнинг созлигими—бизга ана шундай эркин ва бемалол вазиятни яратиб берган эди. Болалигимда, жамоа хўжалигида ишлаган пайтларимда дала шийпонида ўспиринлар, йигитлар билан қиз-жувонларнинг ўртага чипта тўсиб ётишлари ёдимга тушиб кетди. Фақат, у пайтларда осмон назаримда жуда бепоён ва юксак, юлдузлар ҳаддан зиёд кўп ва зич кўринарди. Ўшанда ёши каттароқ йигитлар қизлар тушунишмайди, деб, уятлироқ латифаларни тескари сўзлаб айтишарди. Масалан, «Риб иднафа роб накэ...» («Бир афанди бор экан...») деб бошлашарди. Эркаклар қотиб-қотиб кулишар, аёллар чиндан ҳам тушунишмай, биз ҳақимизда ёмон гаплар гапиришяпти, дея гумонсирашиб тош, кесак отиб қолишарди...

## АЖОЙБОТГА ТЎЛА БУ ДИЁР

*30 июль, жума*

Эрталаб барвақт шимол томонга юриб, шаҳар марказига бордик-да, чапга бурилиб, Тус шаҳрига қараб кетдик. Йўлнинг икки бети тутқатор, экин далалари бўлиб, бизнинг қишлоқ йўлларимизни эслатарди.

Умумий ҳажми, қаҳрамонларининг кўплиги жиҳатидан ҳозиргача яратилган лиро-эпик асарлар ичида энг каттаси ҳисобланмиш «Шоҳнома» муаллифи, машҳури жаҳон шоир Абулқосим Фирдавсий Тус шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида (ҳозир уни ҳамма Фирдавсий қишлоғи дейишади) таваллуд топган. Унинг отаси Тус ҳокимининг «Фирдавс», яъни «Жаннат» номли боғида боғбонлик қиларди, шоир ўзининг таҳаллусини ана шу боғ номидан олган, дейишади. Баъзи манбаларда ривоят қилинишича, Абдулқосим пойтахт Ғазнага келганда уни Султон ҳузурда бўлган шоирлар суҳбатига таклиф этишади. Унинг дилкашлиги, шеърлари Султонга маъқул тушиб қолиб «мажлисимизни фирдавсга (гўзал гулшанга) айлантирдинг», дейди. Шоир шу кундан эътиборан ўзига ана шу гўзал сўзни таҳаллус қилиб олади.

Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома» асари билан боғлиқ ибратли ривоятлар бор. Донишманд, қиссагўй шоир ўттиз-ўттиз беш йиллик умрини бағишлаб ниҳоясига етказган бебаҳо дурдона асарини Султон Маҳмуд Ғазнавийга тақдим этади. Султон Фирдавсийга 120 олтин танга мукофот берилсин, деб амр қилади. Лекин Султоннинг ичи қаро, хасадгўй, маънавий дунёси қашшоқ вазирлари аскарларга кийим-кечак, озиқ-овқат етишмаслигини рўқач қилишиб, шоирга 120 кумуш танга ҳам кифоя қилади, деб маслаҳат беришади. Бундай таҳқир шоирга алам қилади ва у ҳаммомга бориб, 60 тангани ҳаммомчига, 60 тангани шаробфурушга беради-да, Султон Маҳмудга бағишлаб аччиқ ҳажв ёзиб, юртдан бош олиб чиқиб кетади. Ҳажвни ўқиган Султон ғоят дарғазаб бўлиб, Фирдавсийни тутиб, уни филнинг оёғи остига ташлаб ўлдиришни буюради. Хайриятки, аламдийда шоирни тополмайдилар. Кейинчалик ўзининг катта хатосини англаб етган Султон бир туяга олтин юклар шоирниқига жўнатади. Айтишларича, олтин юкланган туя Фирдавсий ҳовлисига кириб келганда шоир жасади солинган тобут одамларнинг елкасида дарвозадан чиқиб кетаётган эди... Буни эшитган Султон ўзига нотўғри маслаҳат бериб, тарих олдида унинг юзини шувит қилган вазирларига шафқатсиз жазо берган экан...

Машҳад-Кучон йўлидан ўнгга бир неча чақирим юриб, Фирдавсий мақбарасига етиб борганимизда соат етти, ҳали бу зиёратгоҳнинг темир-панжара эшиклари очилмаган эди. Биздан ҳам эрта келганлар кўп бўлиб, улар мақбарага кириш олдидаги катта, очик майдоннинг у ер бу ерида тўп-тўп бўлиб ўтиришиб, нонушта қилишарди. Атрофда турли мамлакатларнинг белги, рақамлари ёзилган автобус, енгил машиналар турарди. Бугун жума—дам олиш куни бўлгани учун зиёратчилар кўп эди.

Фирдавсий мақбараси тахминан эни икки юз, узунлиги уч юз метрли шинам, чорси боғ ўртасидаги ҳовуздан кейиноқ салобат тўкиб турарди. 1948 йили барпо қилинган чорқирра мақбара ниҳоятда маҳобатли, баланд ва гўзал эди.

У одатдаги қабр-мақбаралар каби икки қаватли бўлиб, ер усти хонасига қаймоқранг сағана тоши қўйилган, қабр эса остки хонада эди. Устки хонанинг шифти ва деворларидаги безакчанчларда «Шоҳнома» лавҳалари акс эттирилган эди.

Ўрта ёшли бир одам биз билан қизиқиб қолди. Ўзини Алия Шамлу, Техрон шаҳар девонхонасида ходим, деб таништириб, бизга Фирдавсий, унинг ўлмас «Шоҳнома»си, мақбара қурилишининг тарихи ҳақида эҳтирос билан гапириб берди. Лекин у Ўзбекистонни яхши билмас экан, бундан ранжидик.

Ҳовуз бўйидаги Фирдавсий ҳайкали ёнидан мақбарани тағин бир карра завқ ва ҳайрат билан томоша қилар эканмиз, яна Навоийнинг унутилган мақбарасини эслашдик, ачиндик. Дарҳақиқат, мана бунақа мақбара курса ҳам бўлар экан-ку, Навоий мақбарасини таъмирлашга Фирдавсий мақбарасининг тўртта устунига кетган маблағ етиб ортарди, деб ўйладим мен.

Шаҳарга қайтдик. Тонгги Машҳад ҳам жуда жозибали эди. Терак япроқлари, анвои гуллар қатидаги ҳали буғланиб улгурмаган шабнам томчилари шаҳар табиатини янада очиб юборган эди. Биноларнинг пештоқларидаги ғоят ҳафсала билан битилган ёзувлар, реклама ва эълонлар эса бинога, умуман шаҳарга алоҳида ҳусн, файз бағишларди. Араб алифбосини билмаслик яна бир карра алам қилди. Ҳиротда ҳам, бу ерда ҳам кўр ва гунгга ўхшаб ҳеч нарсани ўқиёлмай, сурат томоша қилгандай ўтиб кетаверардим. Катта-катта биноларнинг деворларида Оятилло Хумайний, мамлакат президенти Ҳошимий Рафсанжоний суратлари тез-тез кўзга чалинарди.

Тусдаги Фирдавсий мақбараси ва Машҳад марказидаги ҳудуди каттагина, ям-яшил майсазор, фавворалар отилиб турган Фирдавсий майдонини кўриб, миллий, маҳаллий фахр ва ифтихор учун, ўзни кўрсата билиш ва танитиш учун ерни ва маблағни аяшмас экан, деган хулосага келдим.

Ҳифтаи Шаҳривор майдони атрофида дўкон кўп, одам жуда гавжум эди. Дўконларда мол-дунёнинг бисёр мўл-кўллиги ва ранго-ранглиги, хусусан, тилло-тус товланувчи нарсаларнинг сероблиги ақлимни олди. Оламда чиройли ранглар мен билгандан кўпроқ экан, деган фикр ўтди дилимдан. Биноларга асосан кўнгилни нурафшон қиладиган равшан, тиник рангли буёқларни ишлатишар экан.

Ҳиротда эски, ниҳоятда уринган, пачоқ автомобиллар кўп эди, бу ерда, аксинча, янгилари сероб экан. Ҳирот туни зимзиё эди, Машҳад туни кундуздай ёрқин. Булар ҳам юртнинг, шаҳарнинг умумий даражаси, иқтисодий ҳолатини белгилайдиган омиллардан бири.

Шаҳарнинг икки ёндаги кўп қаватли баланд иморатлар қисиб турган, менга Будапешт (Венгрия) кўчаларини эслатган тор йўлларида ўтиб, Имом Ризо мақбарасига бордик. Мақбарани нақ музей дейсиз. Хоналари жуда кўп ва бир-биридан чиройли ойна, ёғоч нақшлар билан безатилган. Шакли-шамойили юксак маъморчилик санъатини намойиш қилиб турибди. Ҳамма хоналарга ҳар хил ҳажмдаги ранго-ранг гиламлар тўшалган — кафтдай очик ер йўк. Ташқи майдонларнинг ҳар қадамида зиёратчилар учун махсус сув ичадиган чиройли курилмалар бор эди. Сувнинг ширинлигига таъриф йўк. Бунақа мазали оби замзамни шу пайтгача ҳеч қаерда учратмагандим. Ҳатто, сувга, оби ҳаётга сероблиги билан танилган она кишлоғим Гуркуровнинг аксингиз кўринадиган, хуштаъм сувларидан ҳам тотлироқ туюлди менга. Ичган сари ичгинг келади. Бунинг устига текинлигини айтмайсизми!..

Мақбарадан чиққач, тайёрагоҳга олиб борадиган, ўртаси гулзор Булвари булутгоҳ кўчаси, Машҳадни Эроннинг асосий йўллари — Техрон, Ҳамадон, Табриз, Мозандарон қатновлари билан улайдиган Шоҳид Қаландарий (у Эрон озодлиги учун курашган қаҳрамонлардан) кўчалари бўйлаб борар эканмиз, Машҳад аҳли ва меҳмонларининг барча йирик шаҳарлардаги каби шошиб юришларини кузатдим. Бўйчан, сарв қадли форс аёлларининг кийинишлари диққатимни тортди. Уларнинг аксарияти тўқ қора ридога— чодрага ўралган бўлиб, фақат юзлари очик эди холос. Худди шунингдек, тўпигига тушадиган узун кўйлаклари ҳам қоп-қора. Юзлари оппоқ, тиник бўлгани учун қора либос уларга жуда ярашиб турарди. Ризодан қора кийиниш тарихи, сабабини сўрадим, лекин у бу ҳақда бош қотириб кўрмаган шекилли, қониқарли жавоб ололмадим. “Миллий кийим-да”, деб кўя колди.

Форс қизлари, аёлларининг бўянганини кўрмадим ё сезмадим. Аслида улар табиатан бежирим, қош-кўзлари тим қаро, қирра бурун, бир сўз билан айтганда соҳибжамол бўлганлари боис, балки ортиқча пардоз-андознинг ҳожати йўқдир. Ахир машҳур ўрис шоири Есенин ҳам оҳу кўзлик форс аёлларига бежиз шайдо бўлмаган:

*Бу тонг юзли дилдор қошимда  
Бир бор хиром этса ноз билан,  
Шоҳи рўмол солгум бошига,  
Йўлларига шерозий гилам...*

Ахир Ҳофиз Шерозийдай забардаст шоирларнинг қалбига лаҳча чўғ солиб, уларнинг савдои ошиққа айланиши, ишқ ва гўзаллик куйчиси даражасига етишувларида ана шу гулрухсорларнинг ҳиссаси катта бўлганлиги шубҳасиз ҳақиқат-да!.. Ва шу аснода мен яна ҳусну малоҳатда бекиёс, Жаҳонгир ва Шоҳжаҳондек бобурий шахзода, шоҳларни ўзига ром этган Нуржаҳон бегим, Мумтоз бегимларнинг ҳам асли эронлик эканликларини эсладим. Мумтозбегим (Аржуманд бону) эса айнан мана шу шаҳарда таваллуд топган. Машҳадда шунчалик, Техрон, Ҳофиз юрти Шероз аёллари нечоғлик гўзал эрдийкин? Афсуски у йирик, машҳур шаҳарлар режамизда йўк эди. Экспедициянинг асосий мақсади, бош йўналишимиз — Ҳиндистон ва бизнинг энг катта ташвишимиз тезроқ ҳиндлар диёрига етиб олиш эди.

## ЎХШАШ, АЧЧИҚ ҚИСМАТЛАР

Яна йўлга тушдик, тез орада шаҳардан чиқиб Зоҳидон йўналиши бўйлаб жўнадик. Йўл ниҳоятда текис эди. Бунақа йўлда сайёҳни ё уйку элтади ё хаёл.. Мен Бобур Мирзо ҳаётида туб бурилиш ясаган тарихий воқеаларнинг Эрон билан, унинг шоҳ Исмоил Сафавий билан боғлиқ тафсилотларини эсладим.

Маълумки, йигирма ёшли Бобурни қаттиқ қақшатган, сулҳ эвазига унинг суюкли опаси Хонзодабегимни никоҳига олиб қолиб, ўзини бобо юрти Самарқандни ташлаб чиқишга мажбур қилган Шайбонийхон Мовароуннаҳр шаҳар-қўрғонларини бир-бир забт этиб, ғалаба нашидасини беармон сурар эди. Бу эса Бобур Мирзога баттар алам қилар, ғижинар, оҳ урар, иложсизлигидан ўқинар, назарида тажрибали, бешафқат ва ҳийлагар хоннинг жангари, чиниққан, беҳисоб қўшинларига бас келаодиган куч топилмайдигандай туюлларди. Лекин оҳи Оллоҳга етдими, шундай катта куч топилиб қолди, тарихнинг азалий қонуниятига кўра зўрдан зўр чиқди! Бу куч — Эрон мамлакатининг қудратли лашкари ва лашкарнинг истеъдодли саркардаси — йигирма тўрт ёшли ҳукмдори Исмоил Сафавий эди. Дастлаб Исмоил Сафавий ва Шайбонийхон ўзаро мактубларда келиб чиқишлари ва бошқа жиҳатларини масхаралаб, бир-бирларининг жиғига тегиб юришади. Бу низолар бора-бора кучайиб, жиддий тўқнашувларга олиб боради. 1510 йили Марв яқинида бўлган омонсиз жангда Шайбонийхон қўшинлари буткул тор-мор қилинади. Бу жанг якунининг тафсилотлари тарихчиларнинг асарларида турлича баён қилинган, ҳатто бир-бирига мутлақо зид мулоҳазалар билдирилган. Вильямс Эрскин (1773-1852) тарихчи эмас, шотландиялик етук шарқшунос олим. У 1803 йили таниқли файласуф ва сиёсий иқтисодчи Жеймс Макинтоннинг таклифига биноан унга шахсий котиб сифатида Бомбайга боради ва Ҳиндистонда узоқ қолиб кетади. Эрскин Ҳиндистон тарихи, хусусан, Бобур ва бобурийлар даври билан қизиқиб, бу борада жиддий тадқиқот ишлари олиб боради ва «Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи» деган катта китоб ёзади. Муаллиф мазкур асарида Бобур шахсига самимий хайрихоҳлик билан холис баҳо берар экан, бобурийлар салтанатининг асосчиси ва унинг авлодлари ҳаёти, фаолиятини кенг, батафсил ёритади. Демакки, у тарихий китобларни ўқиган ва улардаги хилма-хил маълумотлар, ҳикоятлар ва ривоятларни саралаб, нисбатан ҳақиқатга яқинроқ фикрларни танлаб олган, жамлаган бўлиши керак. Қисқаси, унинг хабар беришича, ўша жангда мағлуб Шайбонийхоннинг ўзи от туёқлари остида эзгиланиб кетади, уруш ниҳоясида унинг жасадини ғарам-ғарам ўликлар орасидан аранг топиб, Музаффар шоҳ Исмоил оёқлари тагига ташлайдилар. Ғолибнинг тантанавор амри ила марҳум хоннинг боши танасидан жудо қилинади, танаси бўлақларга ажратилиб, унга тобе бўлган юртларга сазойи қилиш учун юборилади. Бош чаноқ суяги эса олтин билан қопланиб, шоҳ Исмоил учун шарбат ичадиган косага айлантирилади. Шилиб олинган бош териси Туркия султони Боязидга жўнатилади. Мана шу борада тўқилган ривоятлардан бирида ҳикоя қилинишича, шоҳ Исмоил Шайбонийхоннинг танасидан кесиб олинган бир қўлини Мозандарон ҳокими Оға Рустамга юбориб, қуйидаги қочиримли хатни ҳам илова қилган эмиш: «Сенинг қўлинг ҳеч қачон Шайбоний чопонининг этагига етмаган эди, мана, унинг қўли сенинг этагинга тегадиган бўлди». (Ҳатто, Бухоро ва Мовароуннаҳр тарихи ҳақида махсус китоб ёзган Герман Вамбери маълумотида ҳам Оға Рустамга юборилган нома матни тамомила бошқачадир. Хуршид Даврон тарихий маълумотларга бой «Самарқанд хаёли» деган асарида ана шу, кейинги манбани келтиради).

Хуллас, улуғ бобомиз бошига кўп жабру жафолар, мусибатлар селини ёғдирган Муҳаммад Шайбонийхоннинг умри шу тарзда ғоят аянчли ва шармандали ниҳоя топади.

Бу ҳақдаги мужда Бобурга етиб келади, албатта. «Хушхабар»да, шунингдек, йигирма мингга яқин лашкар ўзбеклардан (яъни Шайбонийхон қўшинидан) ажраб, Қундузга келгани ва бу ерда ҳоким бўлиб турган Хон Мирза бошчилигида улар Бобурга қўшилишга тайёр эканликлари ҳам айтилган эди. Бобур бу вақтда Кобулда эди. Қиш бўлишига қарамай, у Обдара довони орқали Бомиёнга, ундан Қундузга келади. Бобур шу ердалигида шоҳ Исмоилдан элчи келади. (Дарвоқе, мана шу далилда ҳам хилма-хиллик бор. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий ўзининг ўша давр воқеалари анча батафсил ёритилган «Абдуллонома» асарида Исмоил элчисининг Қундузга эмас, Кобулга келганини ёзади).

Шайбонийхон Хонзодабегимни укаси Бобур билан тил бириктириб ўзига қарши ҳужум қилиши мумкинлигидан чўчиб уни талоқ қилган ва Зиёд Ходи исмли кишига никоҳлаб берган эди. Зиёд Ходи Марв яқинидаги жангда ҳалок бўлиб, Хонзодабегим эронийларга асир тушади. Хонзодабегимнинг Бобурнинг опаси эканлигидан хабар топган шоҳ Исмоил унга иззат-икром кўрсатиб совға-саломлар, хизматчилар билан укаси ҳузурига жўнатади. Бобур

чопардан опаси келаётганини эшитиб, сарой аъёнлари билан анча масофага кутгани чиқади. Орадан ўн йил вақт ўтган бўлиб, табиийки, ғурбат, мусибат ва мусофирчилик ҳар иккисининг ҳам ташқи қиёфасини анча ўзгартириб юборган эди, улар бир-бирларини яхши таниёлмай, бирпас туриб қоладилар... Бу таъсирли ҳолат ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» («Бобур») романи асосида ишланган видеофильмда жуда яхши ифодаланган.

Бобур ҳам дарҳол совға-саломлар билан шоҳ Исмоил хузурига элчи жўнатиб, уни катта ғалаба билан қутлайди, опасига кўрсатилган иззат-икром учун миннатдорчилик билдириб, Мовароуннаҳрдаги салтанатини тиклашда ёрдам кўрсатишни сўрайди.

Шоҳ Исмоил кетма-кет қўшинлар жўнатади ва уларнинг ёрдамида Бобур Шайбонийхоннинг укалари, жиянлари ва бошқа ёғийлар устидан зафар қозонади, салтанати аввалгидан ҳам кенгроқ худудни қамраб олади. Кобул, Ғазна, Қундуз, Хисор, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Тошкент, Сайрамни ҳам эгаллайди.

Шунча муваффақиятларга қарамай, Бобурнинг кўнгли нотинч эди, чунки унга қарши фитна уюштирувчи кучлар ҳали кўп эди. Иккинчидан, шоҳ Исмоил томонидан кўрсатилган ёрдам холис ва беғараз эмас эди. Унинг бир неча оғир шартлари бўлиб, бири шундан иборат эдики, Бобурнинг ўзи ҳам, лашкарлари ҳам эронийларча ҳарбий кийим кийишлари ва уларга ўхшаб ўн икки қаватли салла ўрашлари, яъни шиа мазҳабини қабул қилишлари лозим эди. Мана шуниси сунний мазҳабидаги аҳолини қаттиқ ранжитган ва Бобурдан кўнгиллари савутган эди... Айрим тарихчилар ҳам мана шу далилни Бобурнинг катта хатоси сифатида қоралайдилар. Бизнинг назаримизда, бу Бобурнинг ўз мавқеини тиклаб олгунча қўллаган вақтинчалик сиёсати эди, шундай йўл тутишдан бошқа иложи йўқ эди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай, яна Исмоилдан мадад сўрашга тўғри келади. Эрон шоҳи Амир Нажим ва Байрамхонларни катта чериклар билан ёрдамга юборади. Бироқ, Қаршидаги жангда Амир Нажим ўта шафқатсизлик билан Убайдуллахон бошчилигидаги шаҳарнинг ўн беш минг кишилиқ аҳолисини ёппасига қиличдан ўтказишга буйруқ беради. Бобур Амир Нажимдан бундай хунрезликни тўхтатишни сўрайди. Эронийларнинг ўз қўшинлари ҳам бундай қақшатғич жангдан бош тортиб, тарқаб кетишади. Натижада Бобур ва унинг тарафдорлари яна чекинишга мажбур бўладилар. Бобур Мирзо ўзининг озчилик ишончли кишилари билан Хисор, Қундуз ва Бадахшон орқали яна Кобулга келиб, шу ерда бошқатдан куч тўплашга киришади...

Ҳа, бу йиллар шаҳзода Бобур ҳаётида чиндан ҳам алам ва умидсизлик, армон ва пушаймон билан кечган жуда оғир дамлар бўлди. Балки шоир Бобур ушбу рубойини айни шу даврлар машаққати, дарди-ҳасрати хусусида битгандир:

*Даврон мени ўткарди сару сомондин,  
Айирди бир йўли мени хонумондин.  
Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,  
Неларки бошимга келмади даврондин...*

Биз айни ана шу, ғоят танг ҳолатида Бобур жонига ора кирган шоҳ Исмоилнинг юрти худудида борардик. Лекин Бобурнинг Эрон билан бошқа муносабатлари тўғрисида шахсан мен кенгроқ маълумотга эга эмас эдим. Ҳали мен Вилиямс Эрскиннинг «Бобур ва Эрон» деган катта китоби борлигидан беҳабар эдим...

Эрон Бобур ҳаётида бўлгани каби, унинг суюкли фарзанди Ҳумоюн тақдирида ҳам ўчмас, тарихий из қолдирган мамлакат. Маълумки, Ҳумоюн 1530 йили 30 декабрда, отасининг ўлиmidан 4 кун кейин подшолик тахтига ўтиради. «...Отасининг (Бобурнинг-Қ.К.) укаларига яхши муносабатда бўлиши ҳақидаги васияти итоаткор ўғилни (Ҳумоюнни-Қ.К.) кўп мушкулотларга дучор қилади...» деб ёзади Л.П.Шарма.

Афғонларнинг хонлари Баҳодир шоҳ ва Шерхон Ҳумоюн билан кўп олишади, уни мудом таъқиб қилиб юришади. Ниҳоят уни Ҳиндистондан қувиб чиқарган асосий ғанимлар ҳам ўшалардир.

1540 йили 17 май куни Шерхон билан Кануждаги жангда мағлубиятга учрагандан сўнг Ҳумоюн Аграни ҳам, Дехлини ҳам бой бериб, Лоҳўрга чекинади, тўғрироғи, қочишга мажбур бўлади. Шу вақтдан эътиборан Ҳумоюннинг сарсонлик-саргардонлик кунлари бошланади. 1541 йили укаси Ҳиндолнинг пири бўлмиш Мир Али Акбар Жонийнинг қизи Ҳамида Бонуга уйланади. 1542 йили ўғли Акбар туғилади. Синд ҳокими Шоҳ Ҳусайн Ҳумоюннинг Қандаҳорга ўтиб кетишига ёрдам беради. Ҳумоюн Ҳиндистондан бутунлай чиқиб кетади. Қандаҳорда ўғли—гўдак Акбарни укаси Ҳиндол (Бобур Ҳиндистонни олган чоғида туғилган бу ўғлига рамзан шундай деб исм қўйган)га қолдириб, Эронга ўтиб олади.

Эрон ҳукмдори Шоҳ Тахмасп Ҳумоюнни яхши кутиб олади, унга (албатта, марҳум отаси жаҳонгир Бобур хурматидан) иззат-икром кўрсатади, маблағ, қўшиндан ёрдам беришга ваъда қилади. Лекин бўлажак ёрдам аввалги сафаргидек беғараз эмас эди. Шоҳ Ҳумоюнга шиа мазҳабини қабул қилишни ва бошқаларга ҳам шуни тарғиб этишни шарт қилиб қўяди. Ҳумоюн оғир аҳволда қолади...

1554 ва 1555 йиллардаги қаттиқ жангларда Ҳумоюн яна Ҳиндистонни қайтариб олади. Афсуски, бу улкан мамлакатга ҳукмронлик қилиш гаши унга узоқ насиб қилмайди. Бир йилдан кейин вафот этади. Лекин, шуниси диққатга сазоворки, Ҳумоюн қўлдан кетган салтанатни ўн беш йилдан кейин қайтариб олиб, аждод-авлодлари олдида ёруғ юз билан оламдан кўз юмади. Акс ҳолда бобурийлар салтанати ва сулоласининг умри жуда қисқа бўлиб қолиши мумкин эди.

«Ҳумоюн жасур ва юмшоқ кўнгилли эди, — дейди П. Шарма. — Айниқса, саховатпешалиги уни омадсизликка олиб келган хислатларидан асосийси эди». Лейн Поул ҳам Шарма фикрини тасдиқлайди: «унинг муваффақиятсизликларининг асосий сабабчиси гўзал, лекин ўринсиз юмшоқ кўнгиллиги эди».

Лекин, ҳарқалай, Бобур бобурийлар империясига асос солган бўлса, Ҳумоюн бу салтанат пойдеворини мустаҳкамлади. Гарчи, омадсизликлар уни анча қийнаган эса-да, охири-оқибатда ғолиб бўлди, асосий ниятига эришди, отасининг руҳи қошига мағрур кетди. Балки, ота васиятларини иложи борича адо этишга ҳаракат қилгани учун Аллоҳ уни қўллаб-қувватлагандир. Бўлмаса, қўлдан кетган тожу тахтни ўн беш йилдан кейин яна қайтариб олиш осонми? Албатта, юқорида айтганимиздай, бу тарихий жараёнда Эрон давлатининг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор эди...

## ТЎЛҚИН АКА РАНЖИГАН ТОНГ

Турбат деган қишлоқ ёнидан ўтарканмиз, мен шоир Туроб Тўлани эсладим — у таваллуд топган қишлоқ (Ўзбекистон билан туташ Жанубий Қозоғистон)нинг номи ҳам Турбат эди.

Ҳадемай, йўлимиз яна бепоён пастак адирлар орасидан — довондан ўта бошлади. Йўл ғоят текис, аммо жуда серқатнов — олдимиздаги машиналарни қувиб ўтиш мушкул эди.

Икки бора узунлиги беш юз-олти юз метр чамасидаги, нариги туйнути ярим ойсимон ер ости йўлидан ўтдик, лекин туннел ёп-ёруғ экан.

Тез-тез дуч келиб турадиган айланма ҳаракат жойларининг ўртасидаги доирасимон майдонларда барпо қилинган зина шакли, ранго-ранг гулзор, гулпушталар кўзни ҳам, дилни ҳам яшнатади.

Фақат, уловимиз ичига қамалиб олган афғон пашшаларидан қутилишимиз анча қийин бўлди. Ойналардан ҳайдаб чиқараверамиз, бир оздан кейин оралиқ-бурчакларга беркиниб олганлари яна пайдо бўлиб, ғинғиллаб таъбимизни хира қила бошларди.

200-чақиримда тўхтаб, анорзор ичидаги бедазор четида қўзивой тарвуз, «нони машина» билан тамадди қилдик.

250-чақиримда чўл, юлғинзор бошланди. Дарё, сой умуман йўқ, олислардаги ясси тоғлар (маъмуримиз Ризо уларни Сулаймон тоғлари деб таништирди) худди туман ортида қолгандай хира кўринарди. Ички чети ва ўртаси оқ хошияли йўл ниҳоятда тик, тўғри, гўзал эди. Ҳар замонда, автомобил назоратчилари тўхтатиб қолишар, лекин Ризо ўзини

таништириб, бизнинг хужжатларимизни кўрсатиши билан оқ йўл тилаб, ўтказиб юборишарди.

Йўл-йўлакай биримиз қўйиб, биримиз Ризони сўроққа тутиб, унинг бошини қотириб борардик. Аксарият ҳали у, ҳали бу нарсанинг нарҳини сўраб, ўзимизнинг сўмга чакиб (Эронда пул бирлиги реал, туман) қимматсирайвердик (Фаррух тилмочлик қиларди). Ризо ҳам охир чидамади шекилли, ҳа, бизда ҳамма нарса қиммат, деди (У кесатдим, самимий гапирдим — юз-ҳолатидан билолмадим).

— Арзон нарсаям борми? — яна унинг жиғига тегди Аҳмаджон.

— Бор, — деди маъмур, — инсон!

Демак, бу гап ҳамма жойда бор экан-да.

Шундан кейин мавзунини ўзгартириб, Тўлқин Рўзиевнинг чекишини муҳокама қилишга ўтдик. У шу қадар ашадий кашанда эдики, сигаретнинг бирини иккинчисига улаб юборарди. Охири машина ичида чекишни ман этишга мажбур бўлди. Бечора машина тўхташини шунақа сабрсизлик билан кутардики, эшик очилар-очилмас ўзини ташқарига отарди.

- Сизнинг чекишингизга оламда сигарет туриш берганига, ҳайронман, — дедим мен ҳазиллашиб.

Тўлқин ака ҳам кулди.

— Бизни Тошкентдан Андижонга олиб келиб қўйган ҳайдовчи Василий ҳам куюниб, «Ҳиндистонда йоглардан илтимос қилсанг, чекишни ташлатиб юборишарди», деб маслаҳат бериб қолди. Ташлаттириб бўпти, ҳарқандай йогингнинг ўзини чектириб юборарман, дедим.

600-чақиримда нақш-безакли каттагина масжидга дуч келдик. Бу яқин-атрофда аҳоли яшамас эди. Қай бир савдогар бой йўловчилар учун савоб йўлига қурдирган экан.

Тунгги соат бирда Зоҳидонга кириб бордик. Бу ҳам ранго-ранг чироқлар шуъласида товланувчи шаҳар эди. «Садаф Инн» деган кўримсизгина меҳмонхонани топдик. Иккинчи қаватдан жой беришди. Хоналарнинг жиҳозлари кам эди. Хоналар ёнида, шундоқ том -- очик майдонда йигирма чоғлиқ одам ўраниб-ўранмай ётишарди. Бу “ўринлар” арзонроқ бўлса керак, деб ўйладим ўзимча.

### *31 июль, шанба*

Эрталаб уйғониб (Фаррух билан ҳамхона эдик), ҳафсаламиз роса пир бўлди. Кечаси чироқда ялтираб кўринган меҳмонхона хийла путурдан кетган, кигизсимон палослари эски, чанг эди. Одамлар жой тўшаб ухлаган томда хас-хазонлар, бино ёнидан ўсиб чиққан дарахтнинг қуриб, синиб тушган новдалари сочилиб ётарди.

Зоҳидон — тоғлар орасида, тўғрироғи кун чиқишдаги тоғ бағрида жойлашган чигилинг шаҳарча экан...

Ўта оғир, босиқ одам Тўлқин Рўзиев шу кун эрталаб бир оз асабийлашди. Сабаби — кеча Машҳадни дурустроқ томоша қилолмадик. Бозорга кирайлик деганда, катталар тезроқ кетайлик, Зоҳидон бозори яхши, дейишган эди. Кечкурун, ҳатто эрталаб ҳам машинага солярка қуямиз, яхшилаб нонушта қилиб, Зоҳидон бозорларини айланамиз деган фикр айтилганди. Бир пайт, нонушта ҳам қилмай шаҳардан чиқиб кетаётганимиз маълум бўлиб қолдию, Тўлқин ака аста раҳбарга ваъдасини эслатди. Зокиржон ака «бўпти, қайтамиз», деган эди, Сайфиддин Жалилов «энди орқага қайтмай қўяқолайлик», деб қолди. Шунда Тўлқин ака: “Нимага қайтмаймиз?!” деб юборди биринчи марта баланд овоз ва дағалроқ оҳангда. Шундан кейин раҳбар буйруғи билан уловни орқага буриб, чойхонага кирдик. Нонушта, юқорида айтганимдай, ҳаминқадар бўлди. Ўн беш дақиқага руҳсат берилди, бозорга кирдик. Бозор дегани тимлар остидаги қатор хусусий дўконлар экан. Мол-дунё, майда-чуйда матоҳ бисёр кўп, лекин бисёр қиммат. Айланиб юриб, Афғонистоннинг Лағоридан келиб қолган, Марғилонда қариндошлари бор Хўжа Носир деган ўзбек киши билан учрашиб, гаплашиб қолдик. У биз билан кўришганидан жуда хурсанд бўлди, чойга таклиф қилди. Лекин бизнинг вақтимиз зиқ эди, йўлга чикдик.

- Ҳеч ким ҳеч нарса олмади-ку, — деди кимдир.

— Гап бир нарса олишдамас, — деди Тўлқин ака шаманинг ўзига қаратилганини

пайқаб, — чет эл бозорини кўриб қўйсак ёмон бўлмайди. Тасаввуримиз бойийди...

Энди биз Покистон сари илгарилаб борардик. Ҳамон ўша-ўша манзара: тасмадай текис, тўғри йўл ва икки томонда ясси, қорамтир тоғлар... Машинамиз сувда балиқ сузгандай енгил учади. 900 чақиримли Машҳад-Зоҳидон йўли Ризо Паҳлавий даврида жанубий Кореяликлар томонидан қурилган экан.

Чап ёндаги тоғлар яқинлашиб, ўнгдаги тоғлар биздан узоклашиб бораётган жойда туялар карвонига дуч келдик. Бунча кўп туяни мен фақат киноларда кўрган эдим.

Сафарда кўпчилик бўлсангиз яхши экан. Ҳар кимдан ҳар хил гап чиқади. Кўрган-билганларингизни ўзаро муҳокама қиласиз. Эрон, хусусан Зоҳидон меъморчилиги ҳам бизга анча мавзу бўлди, бу шаҳарда иморат-биноларга асосан ғишт ва мраммар ишлатиларкан. Ҳарқалай темир-бетондан кам фойдаланишаркан.

Миржова шаҳрига кирмай, чегарага етиб келдик. Соат ўн бир. Божхона ҳовлисида анча туриб қолдик. Кун иссиқ. Кейин билсам, Покистон саҳроларининг ҳарорати уриб тураркан. Ҳали у ҳужжатдан, ҳали бунисидан камчилик топишга уринишарди...

Қаерда тўхтасак, шу жойда бизга, хусусан машинамиз ёнларидаги «Бобур, Туркистон — Ўзбекистон — Андижон» деган сўзларга қизиқиб қолишади, хижжалаб ўқишга ҳаракат қилишади. Ҳеч нарса англамаганлари елка қисиб, кимсизлар, қаердан келяпсизлар, деб сўрашади. Биз таржимонимиз Фаррух орқали оламда «Ўзбекистон» деган юрт борлигини, экспедициямиз мақсадини тушунтиришга ҳаракат қиламиз. «Бо-бур...», «Ўз-ба-гистон»... дея пичирлаб такрорлашади. Шунинг ўзи ҳам бизда фахр уйғотар ва экспедициямиз бежиз тузилмагани, беиз қолмаслигига ишонч ҳосил қилардик.

Шу ерда маъмур Муҳаммад Ризога бизни эсон-омон кузатиб келгани, яхши ҳамроҳ ва ҳамсуҳбат бўлгани, уйдан қўноқ бергани (гарчи ҳақини қуртдай санаб олган бўлса ҳам) — ҳамма-ҳамма илтифоти ва хизмати учун миннатдорчилик билдириб, хайрлашдик.



## ҚАЙДАСАН, ЛОХЎР?

Маълумки, ҳозирги Покистон ҳудудига дохил машҳур Лоҳўр шаҳри Бобур замонида Ҳиндистон таркибида, тўғрироғи, унга кирадиган асосий дарвоза, унинг маданий марказларидан бири бўлган. Шахсан Бобурнинг ўзи Лоҳўрда кўп турмаган, лекин унинг авлодлари учун доимий қароргоҳ бўлиб кўп йиллар хизмат қилган. Бу қадимий шаҳар ўзининг кўп асрлик ҳаёти давомида бир қанча урушларни кўрган, вайрон бўлган, қайта-қайта тикланган. Ана шу қайта тиклашлардан бирини Бобурнинг набираси Акбаршоҳ 1566 йили амалга оширган. Акбарнинг ўғли Жаҳонгир ва унинг суюкли хотини Нур Жаҳон бегим қабр-мақбаралари ана шу шаҳарда. Хулас, Лоҳўр ва Бобурийларнинг бу тарихий шаҳар билан боғлиқ ҳаётлари, қилган ишлари, қолдирган маданий мероси, меъморчилик ёдгорликларини ўрганиш экспедициямиз дастуридан алоҳида ўрин олган эди. Шунинг учун ҳам биз Лоҳўрга ошиқмоқда эдик.

Шундай қилиб, Ризо билан қадрдонлардай хайр-хўшлашиб, Миржова (Эрон) божхонасидан Тафтан (Покистон) божхонасига ўтдик. Яна текшир-текширлар, музтарлик изтироблари... Чегарадан ўтиш даҳмазалари жонга тегиб кетаркан.

Божхона ҳовлисида беш-олтита «Мерседес-Бенц» оқ машинаси турган эди. Ёпирай! Нақ улкан сандиқнинг ўзи! Лекин имоним комилки, ҳар қандай моҳир сандиқ безовчи ҳам бу машиналарнинг безаги олдида ип эшолмайди.

Кутяпмиз. Раҳбар билан таржимон ичкарига — божхона маъмуриятига кириб кетишган. Собиржон ака бетоқат бўла бошлади.

- Кун исиб кетди, йўл юриш қийин бўлади. Саҳар жўнашимиз керак эди, — дерди у ташвишланиб.

Дарҳақиқат, ҳарорат анча баланд эди. Чанқадим, божхона айвонида сопол кўзада сув бор экан, лекин хом сув ичиш қатъий ман қилинган эди. Зокиржон аканинг ичкаридалигидан фойдаланиб ичволдим. Сув шўртангроқ эди, лекин барибир маза қилдим.

Соат ўн беш минути кам учда маъмур Парвез Султон ҳамроҳлигида йўлга чиқдик. Озгина юргач, тарвуз, нон билан тушлик қилган бўлдик.

Кветгагача 600 чақирим экан.

Йўл сўқмоққа ўхшаган тор, нотекис, дўқир-дўқир эди. Худди дарё ўзанидан юраётганга ўхшаймиз. Чапроқда янги йўл қурилмоқда экан. Машҳад-Зоҳидон трассасидан кейин бундай чанг-тўзонли даштда юриш жуда малол ва оғир эди.

Юзинчи чақиримга борганимизда икки томони теп-текис саҳрога чиқдик. Жон асорати, тиккайган яшилроқ гиёҳ кўринмайди. Узоқларни туман босгандай хира...

140-чақиримда Ноккунди қишлоғи бор экан. Уйларнинг томи текис, лой сувоқли, орқа томонида туйнукдан каттароқ деразалари бор эди. Сувни кудуқлар ёрдамида олишар экан.

Кеч соат тўққизларда Жакмач деган қишлоққа етдик. Усти ёпик, кенг чойхона бор экан. Эски, катта-кичик буйралар тўшалган. Бизга ўхшаган йўловчилар, бангилар ўтиришибди. Фақат қайнаган сувидан термосларга қуйиб олдик-да, бир четроққа чиқиб, буйрада давра қуриб тамаддиландик: колбаса, тарвуз, чалпак нон билан...

Яна озгина юрганимиздан кейин яшил оламга кира бошладик. Палма дарахтини ўзининг асл ватанида кўрдик. Шундан кейин жуда узоқ юриб, ярим тунда Амадвал деган жойда тўхтадик. Чойхона меҳмонхона ҳам экан. Кенг майдонга ип тўрли, четлари темир каравотлар қўйилган эди. Очиқ осмон остида ётдик. Ҳаво очиқ бўлса ҳам ой, юлдузлар нечукдир хирароқ кўринарди. Мен қадрдон «етти оғайнимни» излай-излай, тополмай, ухлаб қолибман.

*1 август, якшанба*

Узоқ юриб роса чарчаган эканмиз, мириқиб ухладим. Лекин эрталаб атрофни кўриб, табиатим тирриқ бўлди. Ивирсиқ «меҳмонхона»нинг ўртасидан ўтган бетон ариқчада бир эмас, учта кучук қатор бўлиб, чапиллашиб сув ичарди. Оғизни чайқамай, қўлни хўллаб юзларга сурдик-да, чой ҳам ичмай жўнавордик. Ҳадемай, динозавр шаклли қора тоғлар орасидан ўтиб, экинзорга дуч келдик: пиёз, тарвуз, помидор пишиб ётибди. Кейин олма боғлар келди, кўп ўтмай, яна дашту биёбон бошланди. Гоҳ-гоҳ гуллаб ётган алиандра (бизда уйда ўстирилади) кўзга ташланиб қолади.

Покистон худудига ўтишимиз билан чап қўл ҳаракати бошланган эди. Ҳайдовчини огоҳлантириб туришга тўғри келаркан: чапдан юриш, чап, чап.., деб кўямиз. Айниқса, рўпарадан машина келаётганда ваҳима босади. Дарҳол «Обиджон ака, чап...» деб қоламиз бир нечтамиз бир варакайига.

Йўл ёмон бўлишига қарамай, қатнов тиғиз. Юк машина ҳаддан ташқари кўп экан. Атоқли ёзувчимиз Ойбек Покистон ҳақидаги хотираларида, “Нур қидириб” китобида тасвирланганидай ҳаммаси безакдор. Гўё кузовсиз машиналар катта сандиқларни ортиб кетаётгандай кўринади. Дарҳақиқат бу юртнинг ҳайдовчилари бутун ҳафсаласи, диди-фаросатини машинасини жиҳозлашга сарфлашарканми, дейсиз. Рақобатга безашгани шундоққина сезилиб туради. Афтобуслари ҳам шунақа...

Белужистон худудига ўтганда тўхтаб, тушлик қилдик.

Лакбос деган жойдаги назорат постида Абдуғаффор деган йигит билан кўришдик. У машина ичига қарадию Зокиржон акани таниб, ҳаяжон билан: «Ҳажи! Ҳажи!..» деб шитоб чикди-да, худди отасини топиб олгандай кучоклашиб кўриша кетди. Абдуғаффор экспедициянинг биринчи сафарида маъмур-кузатувчи бўлган экан.

Анчагача Зокиржон ака, Собиржон ака ва Фаррух, Абдуғаффорни таъриф-тавсиф қилиб кетишди. Ҳақиқатан ҳам, келишган, истарали бу йигитнинг самимийлиги, инсонийлиги билиниб турибди. Мусулмон, миллати белуж экан.

Бизда, яъни Фарғона водийсида йўлнинг икки томони асосан пахтазор ва ора-сира полиз-сабзавот экинзорлари ё мева боғлари, бўлади. Бу ерларда бепоён дашту биёбон. Қўл текизилмаган, лекин кўринишидан ҳосилдор ерлар ҳам кўп экан.

Кветтага кириб боряпмиз. Йўлнинг икки тарафи анча пастлик ва текис майдон. Қатор чодирлар тикилган. Чодирлар атрофида юзлаб эр-хотин бўйра тўқиш билан банд. Ҳамма ёқ бесарамжон, ивирсиқ, чанг... Ярим-яланғоч қоп-қора болалар тўзиб юришибди. Ҳар ер-ҳар ерда шотиси тепага қилиб қўйилган арава ва унинг ёнида эшаклар... Ўтин бозорида ўтин тарозида тортиб сотиларкан. Туя қўшилган эшак араваларга ҳар хил нарсалар: бўйра, сомон, ўтин ортилган... Кичкина аравага улкан туя қўшилса жуда қизиқ туюларкан. Сувсизлик сезилиб турибди — гиёҳлар қуриб, ерлар қақшаб ётибди. Умуман, ҳолат бир неча аср аввалги ҳаётни эслатади. Кветтага яқинлашган сари мотоцикллар кўпая бошлади. Обдан безаб-жиҳозланган «муравей» типидagi мотороллёрлар... Автобуслар аэробусга ўхшайди. Бензин ташийдиган машиналарнинг ёнларида ҳам қўлда чизилган чиройли қизларнинг суратлари...

Типу Султон кўчасидан шаҳарга кириб боряпмиз. Борган сари икки ён кўкаламзорлашиб, ободонлашиб, маданийлашиб кўринмоқда. Худди асрдан асрга ўтаётгандай туярдик ўзимизни.

Кветта ҳам тоғлар қуршовида жойлашган ихчамгина шаҳар бўлиб, кираверишдаги янги массив менга негадир Тошкентнинг Қўйлик даҳасини эслатиб юборди.

Кўчалар икки ёқлама, лекин ниҳоятда тиғиз, серкатнов. Сарпойчанглар юрти экан, деб кўйдим ичимда.

Чаман кўчасига бурилдик.

«Муслим» меҳмонхонасига жойлашгач, Тўлқин ака, Фаррух — учаламиз шаҳарни томоша қилгани чикдик. Бу ерда ўзбеклар ҳам анча бор экан. Рамазон деган йигит бизга кизиқиб, ўзини таништирди: Мозори Шарифдан (Афғонистондаги уруш боис) келиб қолишибди. Боболари асли бухоролик экан. Унинг етакчилигида, дўконлар, бозорларни айландик. Кўчалар тор, анча ифлос, чанг, бетартиб. Қандаҳор бозорига бордик. Ё бафармони худо! Мол-дунё, транспорт, одам дегани шунақа тиғизки, оёқ босгани ер йўк. Марказий дўконга кирдик. Шу жой анча тартибли, маданий экан. Ҳамма нарса сероб. Лекин қиммат.

Кейин пул бозорига ўтдик. Қатор расталарда турли давлатларнинг қимматли қоғозларини даста-даста қилиб ёйиб ўтиришган ақчафурушларни кўриб яна Есенинни, унинг:

*Бу кун дедим саррофга атай,  
Алишаркан сўмни туманга:  
«Ўргат, гўзал Лаълимга атай,  
Ўргат севдим демоқни манга», —*

деган сатрларини эсладим. Лекин бу ерда пул бирлиги туман эмас, рупийдир. 32 рупий 1 АҚШ долларига тўғри келаркан.

Рамазон бизни Шаҳобиддин деган акасиникига олиб кирди. Шаҳобиддин ўзи ёш бўлса-да, соқолни тарвақайлатиб кўйиб юборгани учун анча улуғ сифат кўринарди. Афғондан қочиб келиб, шу ерга ўрнашибди. Ҳали уйлари тўла битмабди. Бечора биз билан қучоқлашиб кўришар экан, кўзларига ёш олди.

Қайтишда кинога кирмоқчи бўлувдик, кеч қолибмиз. Манго шарбати ичдик. Менга жуда-жуда ёқди. Унинг мазасини биздаги ичимликларга ўхшатолмадим.

Меҳмонхона орқасидаги узун, чоркирра ҳовлиси атрофини бинолар ўраб турган кўкаламзор эди. Тўри томонга, иккинчи қават айвончасига телевизор қўйилган экан. Бошқа мусофирлар қатори биз ҳам яшил майсазорга адёл тўшаб, ёнбошлаб, телевизор кўриб ўтирдик. Рангли тасвир ниҳоятда тиниқ эди. Ё, қўшнининг товуғи ғоз кўринади, деган гап ростмикин?..

*2 август, душанба*

Меҳмонхона ошхонасида нонушта қилгач, соат саккиз яримда йўлга тушдик. Шаҳардан чиқаверишда яна кечагидай камишлар тўзиб ётган бўйрасозлар маҳалласидан, эски деворлари нураб тушаётган расталар ёнидан ўтар эканмиз, назаримда яна ўтмишга қараб юргандай, ўрта асрларга кириб бораётгандай бўлдим.

Хайриятки, кўп юрмай очикликка чиқиб кетдик, ясси тоғли даралар бошланди. Ёнбағирликларда қулоғи чипор, думли оқ кўйлар, қора эчкилар, калта шохли сигирлар ўтлаб юрарди.

Довон. Туннел. Водий, Сувининг ранги ёқимсиз сойлар. Шакарқамиш плантациялари, дарё ўзанига ўхшаган ерлару зерикарли тоғлар оралаб ўтиб боряпмиз. Сойларда, йўл бўйларидаги ариқларда, шундоқ сув ичида бурама шохли сигирлар ётишарди. Иссиққа чидамай сувга тушиб олишаркан-да, жониворлар.

Умуман, табиат манзаралари тез-тез ўзгариб турарди. Бирдан оппоқ баданли, қайинсимон евкалифт, бамбук дарахтлари, экинзорлар кўзга ташланиб қолар, бироздан кейин қаршимизда яна дара, чўл, сахро пайдо бўларди.

Иссиқ ҳаво, нам хароратдан терлай бошладик.

Йўлнинг бошқалигини пайқаб, Собиржон ака билан Фаррух (улар ўтган сафар келишган) маъмур-кузатувчимиз Парвездан сўрашган эди, Парвез: «Ҳа, сизлар юрган йўлни сув олган, кейин, у томонда қароқчилар бўлиши мумкин, шунинг учун менга шу ёқдан юришни маслаҳат беришган», деди. Анча дароз, қора юзли, кўзлари катта-катта, лаблари қалин Парвез жуда камгап эди. Бизнинг кимлигимиз, нима қилиб юрганимиз билан ҳам тузукроқ қизиқмасди. Тўғриси, башараси тундроқ, овози дўриллаган, ёқимсизроқ эди. Шунинг учун биз ҳам уни кўпам гапга солишни хоҳламай келаётувдик. «Қароқчилар» сўзини эшитиб, ҳаммамиз хушёр тортдик ва Парвездан «қароқчилар кўп бўладими, қаерларда бўлади?» деб сўроққа тутиб қолдик. Лекин маъмурнинг қиёфасидаги, юз-кўзидаги ифода заррача бўлсин, ўзгармади. Ҳа, ҳар замонда учраб туради, деб қисқагина жавоб бериб қўйди, холос.

Хуллас, «Парвез қора» билан суҳбатимиз қовушмади. Ўзимиздаям лақиллашиб кетишга иштиёқ анча пасайиб қолган эди. Узоқ йўлда гаплашавериб ҳам чарчайсан, зерикасан экан одам. Мен яна бизни кувиб ўтаётган, рўпарадан келаётган сандиқ-машиналарни томоша қилиш билан андармон бўлдим. Назаримда, сафар давомида мен

учратган энг қизикарли, ўзига хос янгилик Покистон машиналарининг беаги эди. Эҳ-хе, бу рангли тасвир-безакларда нималар ифодаланмаган дейсиз! Баланд қояда гердайиб ўтирган ёки илон билан олишаётган бургутми, чиройли қанотларини хитой елпуғичидай ёзиб турган ё боғда солланиб юрган товусми, шохлари пружинасимон тоғ эчкисими, шер, йулбарсларнинг вазоҳатли ё осойишта ҳолатлари, Кашмир манзаралари, қуббадор, минорали бинолар, юлдузлар, буғдой бошоқлари, катта-катта тоқ ё жуфт кўзлар, турли-туман паррандаю жониворлар, мўйловдор эркаклар, соҳибжамол қизлар, ошиқ-маъшукларнинг висол онлари... Қисқаси, расмларда акс этмаган мавзунинг ўзи йўқ. Нақ санъат музейининг қўлбола расмлар кўрғазмаси! Лекин, тан олиш керак, расмларнинг жуда маҳорат билан чизилганлари кўп. Ўзиям, машинанинг икки ёни, орқасию олдида, кабина эшиклари, қанотларида бир парча холи жой қолдирмасликка ҳаракат қилишаркан.

Тахминан 300-чақиримда тушлик қилиш учун бир чойхона олдида тўхтадик ва машинадан тушиб, ташқарида ҳароратнинг баландлигини, нафас олиш қийинлигини сездик. Сафаримиз давомида биринчи марта чой ичиб терладик тўғрироғи терлаб чой ичдик ва ўзимизни тезгина машина ичига урдик.

Экспедициянинг биринчи сафаридаёқ «Тойота»га қофия қилиб, молиявий раҳбар бўлгани учун Зокиржон акага «бой ота», чойни кўпроқ ичгани учун Собиржон акага «чой ота» деб «тахаллус» куйишган экан, мен ҳозирги ҳолатимизни ифодалаб ушбу тўртликни битдим:

*Ташқарида қайноқ ёз,  
Ох, «Тойўта», «Тойўта»,  
Совутгичи мунча соз,  
Раҳмат сизга, бой ота...*

— Бобур: ғалабам омилларидан бири тулпорларим, деган экан, — деди раҳбаримиз. — Бизнинг тулпоримиз — «Тойўта»миз, уни эҳтиёт қилишимиз керак. Мана, шу арғумоқда қанча мамлакатларни айланиб келдик. Ҳали яна қанча юртларга боришимиз лозим...

Зокиржон ака жуда серзавқ одам, рулга ўтирса дарров музика янграб кетади. Асосий ҳайдовчимиз Обиджон ака табиатан оғир бўлгани учунми, ё рулда чалғимамай дебми, магнитофон овозини унча хуш кўрмасди. Умуман, ҳаммада ҳар хил феъл, одатлар бўлади-да. Сайфиддин ҳожи ака ёшига нисбатан анча серҳаракат, қизиқувчан. Тўлқин ака бўлса: менга ош-нон берманглар, лекин чекишга имкон беринглар, дейди.

Ўтган куни Фаррухнинг бир оз мазаси қочганди, кечадан бери дуруст. Иқлим ё ҳар хил ажабтовур овқатлар илғади шекилли. Собиржон ака ҳам ўзини эҳтиёт қилиб, авайланиб юрибди. Ҳар қанча чанқаса ҳам, совуқ сув ичмайди (бу ҳақда раҳбаримизнинг оғзаки фармони ҳам бор эди). Аҳмаджон ҳамма ишни одоб ва маданият доирасида, ўз расамадида адо этади. Тўлқин ака иккимиз унча овқат танламаймиз, совуқ сувдан ҳам раҳбаримиз кўзини шамғалат қилиб симириб-симириб оламиз. Сув, тўғриси бемаза, лекин начора: иссиқда юрак ўртаниб турса, бу ярим сахройи йўлларда Гуркуровдагидай мазали сувлар бўлмаса...

Икки томонда шолизор бошланди. Онда-сонда, йўл бўйларида ўтлаётган елкаси хўкки ёввойи хўккиз (кўтос), похол ортган юк машиналари учрайди. Йўлдан ичкарироқдаги катта-катта хирмонларда усти лой билан сувалган дон ғарамлари бу ерларда асосий деҳқончилик-шолчилик эканидан далолат берарди.

Крам Ражвали, Ер Оляяр деган шаҳарчалардан ўтдик. Хароб, ифлос... Шундай жойларда «Седой Баҳор» деган меҳмонхона... Чиройли номга ҳайфимиз келди.

Яна шолизор далалар йўлига чикдик. Қора боткоқларда оппоқ лойхўраклар, узокроқларда шалпангқулоқ қўйлар, эчкилар ўтлаб юришибди.

Шикарпур деган шаҳарчадан ўтиб боряпмиз, Янгича, яъни замонавийроқ бинолар ҳам бор экан, лекин барибир хароб қишлоққа ўхшайди.

400-чақиримдан дарахтзорлар қуюқлаша борди, хусусан, палмазорлар. Субтропик замин фарзанди палма чиндан ҳам бу ерларга ўзига хос манзара бағишларди.

Йўл ниҳоятда носоз, шаҳар ва қишлоқлар нообод эди. Секин юрардик. Шунинг учунми, шу бугун ниҳоятда узун ва зерикарли туюла бошлади. Ўзимизни чалғитиш мақсадида

биримиз кўйиб биримиз Парвездан (таржимонимиз Аҳмаджон орқали) шаҳар ва қишлоқларнинг номларини ва бошқа нарсаларни сўраб-суриштириб борардик. Тумрайган маъмуримиз охири: бутун Покистонни сўраб чиқасизларми, деди зада бўлганини яширмай.

Умуман, Покистонда уч-тўртта дурустроқ биноси бор каттароқ қишлоқ шаҳар дейиларкан. Секхур ҳам мўъжазгина шаҳарча эди. Лекин бу ерда ҳарқалай, чиройли бинолар кўзга ташланарди.

Секхур дарёси бўйидан кетаётган эдик, ўтин бозорига дуч келдик. Бунчалик катта ва ивирсиқ ўтин бозори оламда бошқа бўлмаса керак. Беғам туялар тик турганича кавш қайтаришарди. Балчиқли жойларда машинамиз тикилиб қолмаса эди, деб хавотирга тушамиз. Шунақа расво йўлга бошлагани учун, «қоровой»дан ранжидик. Қаттиқроқ кулиб юборсак, ҳайдовчи ёнида йўл кўрсатувчи, штурман бўлиб бораётган Парвез орқасига ўгирилиб, бизга хўмрайиб қараб кўяди.

Дарё ўнг томонда эди. Бир пайт узоқроқда, дарёнинг ўртасида бир оролча кўринди. Парвезнинг ҳеч нарса билмаслигига, гапиришга хуши йўқлигига ақлимиз етиб турса ҳам, оролча ҳақида сўрашга мажбур бўлдик. «Дам олиш зонаси» деди Парвез таваккал қилиб. Лекин оролча менга сирлидай туюлди, «10 та негр бола» деган фильмдаги оролга ўхшаб кетарди.

Кетма-кет иккита узун осма темир кўприк орқали дарёнинг ўнг қирғоғига ўтдик ва Роҳри шаҳарчасига кириб бордик. Шаҳарнинг ғиштли бинолари жиҳози нуқтаи назаридан анча ўзига хос кўринди: деворларига бўёқ жуда кўп ишлатилган эди. Хуллас, Покистонда машиналар ва деворларга асосан бўёқ билан ишлов бериларкан. Қизғиш, яшил, хаворанг, тилло рангни яхши кўришаркан. Наҳотки бўёқ шу қадар сероб ва арзон бўлса, деган фикр ўтди яна хаёлимдан.

Лекин шаҳардан чиқиб кетгунча (икки чақиримча юрдик) кўзимиз тўрт бўлиб кетди. Шахсан менинг кўнглим алоғ-чалоғ бўлиб, ўзимни аранг тутиб ўтирдим. (Йўлнинг икки томони табиатингизни тирриқ қиладиган даражада қаровсиз, ташландиқ, ивирсиқ эди). Бу ерда яшаётганлар қанака тоифа экан, билмадим, ҳарқалай белкурак ё супурги деган нарсанинг умуман номини ҳам эшитишмаган бўлса керак деб ўйладим.

Дунёда энг озода жонзот ҳам, ифлос жонзот ҳам инсон экан-да. Шаҳар худудидан чиқишимиз билан яна бирдан сердарахт, ям-яшил, покиза олам (одамсиз!) бошланди. Хурмозорлар... Мевалари шиғил-шиғил осилиб ётибди... Кейин яна боягига яқинроқ, ўхшашроқ, аҳоли яшайдиган маконлар келди. Зокиржон ака қараб юринглар, кўнгил тортадиганроқ ошхона кўринса, тушлик қилиб оламиз, деб эслатиб борар, лекин унақа жой учрамасди. Овқат емасликка келишдик. Бошқалар индашмадию, Тўлқин ака жуда хуноб бўлди: чеколмагани учун (Кветтадан чиққанимиздан кейин машинада чекиш ман этилган эди). Дарвоқе, Сайфиддин хожи ака Жалилов тарихчи олим эмасми, этнография ҳам тарихнинг бир қисми, деб, сават ё бўйра тўқийдиган ивирсиқ гўшаларни томоша қилгиси келиб қоларди. Зокиржон ака ҳайдовчига пинхона «тўхтаманг, тезроқ ҳайданг», деб буйрук берарди-да, кулиб, “эх аттанг, зўр этнографик асор-атикалар қолиб кетяпти-да”, деб домланинг жиғига тегарди.

- Шу ерларда расмга тушиб кўйилса, зўр тарихий эсдалик бўларди-да, - дейди Собиржон ака.

Сайфиддин Жалилов ўзини эшитмаганга олади. Хиргойига тушиб кетади. Асаби ҳам мустаҳкам одам. Қойил қолиш керак.

Роҳридан чиққанимиздан кейин табиат манзаралари анча ўзгарди: ям-яшил шакарқамиш плантациялари, хурмозорлар бошланди. Борган сари сувли ариқлар, каналлар кўпроқ учрарди. Чап ёнда, йўл ёқалаб кетган каналда қоп-қора болалар чўмилишар, тўп-тўп қора сигирлар ҳам ариқда фақат бошларини чиқариб туришарди. Бояқиш жониворлар иссиққа чидамай, сувга тушиб олишаркан.

Хурмо теришаётган жойда бу ажойиб манзарани кино, телетасвирга олиш учун тўхтадик. Катта, текис майдонга бўйралар солиниб, хурмо тўкиб ташланган экан. (Хурмо шундай қуритиларкан). Дарахт тепасида узум шингилидай ғужум-ғужум қизғиш сариқ хурмо олтиндай товланарди. Хурмо дарахтига чиқиш учун шотининг ҳам кераги йўқ:

порсиллоксимон танаси оёқ қўйишга жуда ўнғай эди. Лекин барибир белга арқон боғлаб олишаркан. Хурмо теришаётган етти-саккиз эркак бизга ажабланиб қарашарди-да, бир-бирларига қаттиқ-қаттиқ гапириб, шитоб ҳаракат қилишарди. Кўчанинг ўнг томонида аёллар чой теришаётганди, Парвез: хотинларни суратга олманглар, эрлари уришади, деб тасвирчиларимиз хафсаласини пир қилди.

Бир деҳқон орқасига бидон боғлаб олиб, қулупнайсимон экинга дори сепаетган экан, сўрасак «Пинди» деб жавоб берди.

Сал юргач, автомобил ҳалокатига дуч келдик. Катта юк машинаси билан бензавоз тўқнашиб кетибди. Бугун бундай «жанг»ларга, йўлнинг икки томонида ағдарилиб ётган машиналарга учинчи ё тўртинчи марта дуч келишимиз эди.

Аҳоли яшайдиган масканларда таниш манзара: ғўза пайкаллари ҳам учрай бошлади. Бироқ ниҳоллар ола, ҳали унча амал ҳам олмабди.

Қорин очди. Лекин емакхоналарни кўриб, иштаҳалар бўғилиброқ қолди. Хайриятки, уловимиз учун бундай муаммо йўқ эди: ҳар қадамда учрайдиган ёнилғи қуйиш шаҳобчалари нисбатан покиза, саришта эди, навбат ҳам йўқ. Ярим кечаси борсангиз ҳам бир зумда муҳайё... Соат тунги иккиларда бир очиқ «карвонсарой»да тўхтаб тунадик.

Мен машинада ётувдим, ҳар хил тушлар кўриб (бугун ўтган жойларимиз анчагача кўз олдимиздан кетмаса керак) ухлай олмадим. Пастга — каноп каравотга тушиб ётдим. Катта вентилятор қўйилган, лекин у ҳам иссиқ шабада тафтини қайтаролмас эди. Радиода хинд қўшиқлари (уларни Покистонда ҳам хуш кўришади шекилли) янграмоқда эди, тинглаб ётиб, кўзим илинибди. Саҳар уйғониб кўзимни очсам, чала тўлган ой ва «Етти оғайни» бошим узра заррин шуълаларини тўкиб туришибди.

### *3 август, сеианба*

Соат беш яримларда турдик. Пашшалар ғужғон ўйнамоқда эди. Лекин ҳарқалай, атрофга сув сепишибди. Анча салқин, нисбатан сариштароқ... Чой ичиб, йўлга тушдик. Энди икки томон пахтазор эди. Ярим яланғоч ҳолатда тўрт бурчакли сопи калта кетмонда ғўза чопаетган қорамағиз эркакларни кўрдик... Кўп юрмай, яна шакарқамишзор, хурмозорлар бошланди. Фарғона каналини жудаям эслатиб юборадиган сойдан ўтдик. Бироқ суви лойка, бўтана эди. Йўлдан сал ичкарироқдаги хирмонларда беҳисоб қопларда шоли бетартиб тахланиб ташланган эди, бир-икки чақиримдан сўнг канопа ўхшаган ўсимлик далалари... Хуллас, далалар ранг-баранг бўлиб, экинлар, мевали-мевасиз дарахтзорлар тез-тез алмашиб, табиат манзаралари ўзгариб турарди. Катта қорни икки ёнга чиқиб кетган семиз, симобранг сизирлар ҳар қадамда учрар, аксарияти сув ичида ётган бўларди.

Квадрат қилиб экилган анорзорни кўриб, анча таажжубландик. Энди гуллабди. (Ҳиротда меваси анча етилиб қолган эди).

Одамларнинг олифталари ҳам кўп, лекин ўзига унча қарамайдиган, кийинишга эътибор бермайдиганлари ҳам кам эмас экан. Мўйлов Эрондагидай, бу ерда ҳам урф экан: бурнининг остига тук чиққанки эркак мурт кўяркан. Иссиқданми, аксарият оқ кийинишаркан. Дуч келган жойда ўтириб, дуч келган ерда ётиб ҳам кетаверишаркан. Хусусан, йўловчилар.

Далаларга, боғларга қарасанг завқинг келади, одамларга қарасанг — ҳайфинг.

Бу ёқларда шоли кўчат қилиб экиларкан (биз томонларда ёппасига сепилади). Белигача лой сачраган қорамағиз аёллар катта-катта майдонларда шоли кўчати суқишяпти.

Кенг худудлар экинсиз эди. Ҳайрон бўлиб, кузатсак, ер ости сувлари кўтарилиб, тупроқ захлаб ётаркан. Хандақ жойлар кўллаб турибди. Сизот сувлар ҳатто баъзи ерларда уйларнинг пойдевори, деворигача чиқиб кетган, шунинг учун хонадонларни эгалари ташлаб кетишибди. Ҳукумат бунинг чорасини излаётганга ўхшамасди.

Омочга қўтосларни қўшиб, ер ҳайдашяпти. Ер бепоён, ҳаммаёқ ўтлоқ, мол-қўй, эчкилар кўп.

Бурни тиззасига теккудай бўлиб, букчайиб ғўза чопаетганларга ачиндик. Беллари толмасмикин? Кетмонининг сопини сал узунроқ қилишсаю, деймиз. Лекин, ернинг бели оғриб қоладигандай, кетмонни енгил-енгил, омонат уришарди.

Бўйра тўқиётганлар бу йўлдаги шаҳарчаларда ҳам учради. Ямаш, бутлаш, созлаш, майда хунарамандлик устахоналари.

Шаҳарчалар тугаши билан табиат кучоғига кириб қолгандай бўламиз. Мевали-мевасиз дарахтзорлар, экинзорлар борган сари қуюқлаша боради. Покистонликлар ерни бизга ўхшаб яйдоқ қилиб ташлашмас экан. Катта-катта пахтазор ичида турли дарахтлар ўсиб ётибди. Менимча баланд ҳароратли иқлимда япроқ орасидан ўтган иссиқлик ҳам кифоя қилса керак.

Ўрмон бошланди. Бадани оқ толтерак - мажнунтол чатишмасига ўхшаган чиройли дарахт кўп экан. Оқ қайинни ҳам эслатади.

У ёқдан, бу ёқдан суҳбатлашиб боряпмиз. Сайфиддин хожи ака, ўзи тарихчи бўлса ҳам, адабиётни, бадиийёт мавзуини яхши кўради. Гапни айлантириб Андижон адабиёти ва санъатига бурди. Суҳбатга Собиржон ака ҳам кўшилди. Ўша йили баҳорда Адабиёт ва санъат музейи бўлиб турган Жомъе мадрасаси диндорлар ихтиёрига ўтганди. Музейга эса тайинли бино йўқ. Мозийгоҳнинг мавжуд ҳужжатлари (экспонатлари) — суратлар, китоблар, қўлёзма ва бошқа ашёлар Ўлкашунослик музейининг ертўласига тахлаб қўйилганди.

Узун кўприкли каттагина дарёдан ўтдик. Номини Жумабой ҳам айтиб беролмади. (Дарвоқе, бу исм Парвезга ҳеч ёпишмади). Чапда сават тўқувчилар, ўнгда ариқ бўйида қатор ўтириб олиб, бир нималар юваётган аёлларни кўриб, кирни ҳам жамоа бўлиб ювишаркан-да, деб ўйладим.

Аллақандай корхонасифат иморат олдида бир одам эшак аравага ҳарсанг тошдай яхлит бир музни юкляпти шошилмай, пухта қилиб. Арқон боғлаб тортяпти. Машинани секинлатиб, кузатдик. Ертўласимон бино ичидан сув гўё новдан тушаётгандай бўғиқ овоз эшитиларди. Билсак, бу муз тайёрлайдиган цех экан.

Музни кўриб ташналигимиз кўзиб кетди. Лекин совуқ сув ичмаслик ҳақидаги оғзаки фармон ҳар қадамда, ҳар соатда эслатиб турилади. «Хом сув қоринни оғритади» деган тушунча онгимизга шу қадар сингиб кетдики, сувни ўйлашимиз билан қорнимиз оғрий бошлагандай туюладиган бўлиб қолди.

Йўловчиларга мўлжаллаб «қурилган» осмон остидаги очиқ майдоннинг ёнида чойхона, ошхона, сартарошхона — ҳаммаси жамулжам эди. Ҳатто ҳаммом ҳам шу ерда экан — водопроводнинг тагига чордона қуриб олиб, чўмилишавераркан. Оппоқ совун кўпиклари ичида қорамағиз бадан ғалати кўринаркан... Шундай жойларнинг бирида наридан-бери тушлик қилиб олдик. Ташқари иссиқ, шунинг учун тезроқ «Тойота»га кириш пайида бўлиб турамиз.

Бирдан осмонда ола-чалпоқ булутлар пайдо бўлиб, ёмғир севалай бошлади. Суюниб кетдик. Лекин қувончимиз узоққа чўзилмади. Ёмғир бир пасда тинди. Аммо қатнов тигизлаша борарди. Ҳайдовчилар ўта бесаранжом юришаркан. Дам у ёнимиздан, дам бу ёнимиздан ғувиллаб ўтиб кетишади. Ҳалиям «штурман» «чап-чап» деб ўтиради. Яхшики, Обиджон ака тажрибали, феъли ҳам вазмин ҳайдовчи. Ортиқча тез юрмайди, шунинг учун шошиб ҳам қолмайди. Зокиржон ака машинани жуда шитоб ҳайдайди, бироқ ниҳоятда хушёр. Умуман, Зокиржон ака экспедицияга ҳам, унинг раҳбарлигига ҳам муносиб, мос одам: анча хушчақчақ, ҳазилкаш, шу билан бирга, кўнгилчан, ишонувчан...

Парвез раҳнамолигида кўп адашиб, довдираб юриб, ниҳоят Лохўрга яқинлашиб қолдик чамаси, атрофдаги уй ва бошқа бинолар, одамларнинг юриш-туриши, кийинишлари маданийлаша бошлади. Хусусан, аёлларнинг либослари рангин тус ола борарди.

Инглизча ёзувлар ҳам тез-тез кўзга ташланиб қолди. Йўлнинг ўнг томонида қатор қилиб териб ташланган беҳисоб, хилма-хил тувакли гуллар бозорига етганимизда оқшом туша бошлаган эди. Таажжубки, гулларнинг эгалари ҳам, харидорлар ҳам кўринмасди. Демак, шундоқ ташлаб кетишавераркан.

## ОШИҚ САЛИМ

Тун қўйнидаги Лоҳўрга кириб боряпмиз. Худди Машҳаддагидай — чироқлар, эълонлар... Уясига кириб чиқаётган арилардай ғиз-ғиз қатнаётган оғир ва енгил машиналар, мотоцикли, велосипедли кишилар... Шаҳар менга негадир нотинчдай туюлди.

Барокко усулида қурилган черковлар кўриниб турган Абдумажид Руд кўчасидан юриб, истаб-сўраб «Ал-Нур» меҳмонхонасини топдик. Бахтимизга бўш ўринлар бор экан, жойлашиб, енгил нафас олдик.

Ҳамроҳлар бир хонага жам бўлиб, гуруннга тушишди. Мен ўз хонамда Бобурийшунос доктор Каромат Алихоннинг «Лоҳўрга бир назар ёхуд Лоҳўр манзаралари» китобини варақлай бошладим. Унда Бобур ва бобурийларнинг Лоҳўр шаҳри билан дахлдор ҳаёти, муҳим тарихий саналар муҳтасар, лўнда қилиб ёритилган эди. Мана бу далил ва рақамлар мен учун жуда қимматли маълумотлар эди:

**1524 йили** Бобур Лоҳўрга ҳужум қилди ва шаҳарни катта қийинчиликсиз киритди.

**1555 йили** Ҳумоюн Лоҳўрни афғонлардан қайтариб олди.

**1556 йили** Акбар Қаланур ҳокими, кейинроқ Лоҳўрнинг бир қисмига ҳукмдор деб эълон қилинди.

**1584 йили** Лоҳўр Бобурийлар салтанатининг пойтахтига айланди. Акбар Лоҳўр қалъасини қайта қурдирди.

**1614 йил** Жаҳонгирнинг онаси Марям Замоний Бегим Шоҳи масжидини қурди.

**1615 йил** Жаҳонгир Анор кали (Анор гули) мақбарасини қурдирди.

**1627 йили** 8 ноябрда Жаҳонгирнинг жасади Кашмирдан келтирилиб, Дилкушо боғига дафн этилди.

**1628 йили** 17 январда Шоҳ Жаҳон Лоҳўр ҳукмдори деб эълон қилинди.

**1642 йили** Шоҳ Жаҳон Шалимар боғи қурилишини бошлади.

**1638 йили** Шоҳ Жаҳоннинг энагаси Дай Оқа ўз номига масжид қурдирди.

**1646 йили** Шобуржи боғлари қурилиши бошланди...

Шунингдек, Лоҳўрга Аврангзебнинг акаси Доро Шукуҳ, Аврангзебнинг ўзи, унинг ўғли Шоҳ Аъламлар ҳам ҳукмдорлик қилишган.

«Мўғуллар (Бобурийлар) шаҳарда гўзал боғлар ва кўркам бинолар барпо этдилар, — деб ёзади Каромат Алихон. — Улар шаҳар қалъасини кенгайтириб, унга ўн учта дарвоза қурдилар... 1752 йилгача Лоҳўр улар (*Бобурийлар — Қ.К.*) таъсирида бўлди... 1767 йилдан 1846 йилгача Панжобга сикхлар ҳукмронлик қилдилар. Бу давр Лоҳўр тарихида энг оғир давр бўлди. Сикхлар мусулмонлар (*яъни бобурийлар — Қ.К.*) қурдирган меъморчилик обидаларини шафқатсизларча вайрон қилишди. Биноларни бутунлай кўпориб, «Нур Жаҳон» ва бошқа мақбаралардаги безаклар (мозаика)ни кўчириб, мармарларни ташиб кетишди».

Каромат Алихон ўз китобида тарихий Лоҳўрдаги меъморчилик обидалари, масжид ва мақбаралар, боғлар ҳақида анча батафсил тўхталади. Шулардан бири Лоҳўр қалъасидир. Докторнинг ёзишича, қалъани дастлаб Маҳмуд Ғазнавийнинг яқин кишиларидан бири Аёз Малик оддий лойдан қурдирган. Кейинчалик турли ҳукмдорлар даврида бир неча бор вайрон бўлиб, қайта-қайта тикланган. 1556 йили Акбаршоҳ қалъани бутунлай буздириб, ғиштдан қайта қурдирган.

Дарвоза деворига ишланган нақш ва гуллар ҳақиқий хунармандчилик намунаси бўлган. Деворлардаги ниҳоятда гўзал, рангдор безаклар Жаҳонгирнинг кўрсатмаси, ғояси, тавсияси ва бевосита унинг раҳбарлигида ишланган дейишади. Суратларда сарой маросимлари, буқалар, филлар жанги, спорт, кураш сахналари, байрам шодиёналари, сарой аъёнларининг либослари маҳорат билан тасвирланган. Бу безаклар, ранглар уч юз йилдан кейин ҳам ўз жозибасини йўқотмаган. Қалъанинг «Шиш маҳал» (ойнаванд сарой) деб аталган ҳарам қисми Шоҳ Жаҳон томонидан асосан соф мармардан, жилоланиб турадиган тошлардан қурдирилган. Унинг ҳовлисида улкан ҳовуз, ҳовуз ўртасида эса махсус йўлак билан бориладиган шоҳсупа бўлган. Қисқаси, ҳарам инжу ва



кўзгулардан ишланган ноёб хунармандчилик намунаси эди.

Каромат Алихон келтирган маълумотлар ичида Анор кали (Анор гули) мақбараси тарихи жуда қизиқ тафсилотларга бойдир.

Лоҳўрда Анор кали деган машҳур бозор бор. Анор кали мақбараси ана шу бозор яқинида қад кўтарган. Акбаршоҳ саройидаги Нодира бегим ёки Шарафнисо исмли раққоса-канизакни, хусну латофатига нисбат беришиб, Анор гули деб аташган. Ривоятларга кўра, шаҳзода Салим бу канизакка ошиқ бўлган ва қиз рақс тушаётган маҳалда у билан кўз уриштиришганини шаҳзоданинг отаси Акбаршоҳ сезиб қолади. Салимга ишқи тушган канизак Дилором ҳам шаҳзода билан Анор гули ўртасидаги муносабатларни Акбарга етказган. Маълумки, подшолар саройида қуйи табақали аёлни юқори доирага яқинлаштириш азалдан мумкин эмас. Нақл қилинишича, Акбар Шарафнисони тириклайин Лоҳўр қалъаси деворига қўшиб урдириб юборган эмиш. Шаҳзода Салим тахтга ўтиргач, Анор гулига бўлган муҳаббати хотирасига қизнинг номига катта мақбара қурдирган экан.

Бу ҳақда ўн еттинчи асрда Покистонга саёҳат қилган оврўпалик ёзувчилар Виям Финч ва Гербертлар бутунлай бошқача ривоят тўқишган. Гўё, шаҳзода Салим ўғай онаси, яъни шаҳзода Дониёлнинг волидаси билан дон олишиб юргани учун шоҳ жазо, бошқаларга ибрат тариқасида аёлни деворга қўшиб урдириб юборган эмиш. «Лекин тарих бунга шохидлик бермайди, — дейди Каромат Алихон. — Акбаршоҳ ва Жаҳонгир давридаги ёзма манбаларда бу ҳақда ҳеч нима қайд этилмаган. Афтидан, оврўпалик сайёҳлар ўз ватандошларини ҳайратга солиш учун шундай уйдирма тўқишган бўлсалар керак»...

Ривоятларнинг бошқа қисмлари ўз йўлига, ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, бироқ қўлланган жазога менинг мутлақо ишонгим келмайди. Акбардек эл ичра катта ҳурмат қозонган шоҳнинг шу қадар ваҳшиёна йўл тутганини тасаввур қилиш қийин.

«Лекин, ҳарқалай, қабр тошига «Ошиқ Салим Акбар ўғлидан» деган ёзув битилган, — деб ёзади Каромат Алихон. — Бу аёл шаҳзода Салимнинг хотини, Султон Парвезнинг онаси бўлиб, Заин хон Коканинг қизи эди. Акбар аввал уларнинг никоҳига рози бўлмаган, кейин, ўғлининг муҳаббати кучлилигини англаб, розилик берган...» Шу гап билан яна ҳамма нарса чалкашиб кетгандай туюлди менга. Маълумки, жуда кўп манбаларда шаҳзода Салимнинг бошқа бир аёл — Меҳринисога шайдолиги нақл қилинади...

Умуман олганда, «Лоҳўрга бир назар ёхуд Лоҳўр манзаралари» китобида муаллифнинг Бобур ва бобурийлар ҳаёти ва ишларини жуда синчиклаб, пухта ўрганганлиги, тарихий воқеаларга холис баҳо беришга ҳаракат қилингани сезилади. Унинг ёзганларига қараганда Лоҳўр бобурийлар даврида тарихий обидаларга бой, ниҳоятда гўзал шаҳар бўлиб, «Боғлар шаҳри» номини олган. Акбаршоҳ ғамхўрлиги туфайли бу ерга олиму фозиллар, донишмандлар, шоирлар, етук саркардалар тўпланган эди. Ҳа, Ҳиндистон дарвозаси ҳисобланган Лоҳўрдан қанча улуғ кишилар, донолару саркардалар, подшою фотиҳлар неча бор у ёқдан бу ёққа ўтишган. Ана шундай нодир, ноёб тарихий шахсларнинг назари тушган шаҳар бу...

## ТОНГГИ ТАҲЛИКА ВА ЧАРАҚЛАГАН УМИДЛАР

*4 август, чоршанба*

Меҳмонхона иссиқ эди. Деразадаги совутгич ва шифтдаги катта паррак ҳам ҳарорат даммини кесишга ожизлик қиларди. Шунга қарамай, узоқ ва хуш-нохуш манзарали, гоҳ текис, гоҳ нотекис йўл юриб чарчаганимиз учун қотиб ухлабмиз. Соат олти яримда турдик. Душ қилгач, кийимларимни алмаштириш учун пастга тушиб, ташқарига чикдим. Обиджон аканинг бир ўзи машинада тунаб қолган эди. Қарасам, машина берк. Обиджон ака йўқ. Кута бошладим. Зокиржон ака тушди. Анча турдик. Ҳайдовчимизнинг дараги бўлавермади. Кейин, бирдан хавотирлана бошладик. Истаб, икки-уч марта учинчи қаватга чиқиб тушдик.

Тўлқин Рўзиев билан яқин-атрофни айланиб келдик. Обиджон ака йўқ. Бу орада ҳаммамиз машина ёнига тўпланган эдик. Муҳокама қилиб, ҳар биримиз кўнглимизга келган шубҳа ва гумонларни айта бошладик. Шаҳарда кеча кечқурун ва бугун эрталаб соат олтида қандайдир портлаш юз берган экан. Буни эшитиб, ваҳима, хавотир кучайди. Кимдир: «елкасига сочиқни ташлаб, анқайиб турган бўлса, шубҳали одам сифатида полисменлар тутиб кетишган бўлса-я...» деди. «Шантаж», «диверсия», «провокация» деган иборалар иштирокидаги тахминий мулоҳазалар билдирилди.

- Ўзбекистон билан Покистон давлатлари муносабатини бузишга ҳаракат қилувчилар бўлиши мумкин, — тасдиқлади Зокиржон ака раҳбарона оҳангда.

- Айланиб келаман деб, адашиб кетгандир. Тилни билмайди, кўчанинг, меҳмонхонанинг номини айтолмайди, - деди Тўлқин Рўзиев.

Машина ичига қарасам, Обиджон аканинг майда-чуйда солиб юрадиган қора жомадончасининг калити осилиб, ўзи ҳам омонат қўйилган ҳолда — эшик рўпарасидаги ўриндиқда турибди. Демак, эрталаб нарсаларини олган.

- У узоққа кетмаган, биронта хонада қамалиб қолган бўлса керак, — дедим қандайдир ишонч билан.

Лекин Обиджон акадан дом-дарак йўқ эди. Ҳаммамиз жуда хуноб бўлдик. Нукул уф тортамин. Кўнглимиздан нима хаёллар ўтмади. Қаердан исташни, кимдан нима деб сўрашни билмаймиз. Тўлқин ака бир қути сигаретни чекиб адои тамом қилди. Бошқаларнинг камида бир неча тола сочи оқарди (Зокиржон ака шундай деди).

Ниҳоят, бир ярим соатдан кейин ўзимиз тахмин қилгандай, елкасида сочиқ билан тепадан ҳеч нарса бўлмагандай, илжайиб тушиб келди. Бир хонани ўзимизникиларники, деб кириб, душ қилгач, ёнбошлаб ухлаб қолган эмиш. Нима ҳам дердик. Топилганига шукр, деб, раҳбар ҳам қаттиқ гапирмади.

Ўзбекистон—Покистон дўстлик жамиятини излаш баҳонасида шаҳарнинг анча чиройли кўча ва жойларини кўрдик. «Ал-Ҳамро» деган марказий кўчадан бормоқда эдик. Ўнг томондаги қуюқ дарахтзор ҳайвонот боғи экан. Шундоққина йўл ўртасидаги булвар-гулзорда кўрганим ажойиб бир манзара—рақамлари ва миллари устида ранго-ранг гуллар ўстирилган улкан соат мени чинакам ҳайратга солди. Ҳаммасидан ҳам соат-гулнинг катта кўчада беэён, бешикаст яшнаб турганини айтинг. Демак, бу гўзаллик тимсолини тепиб, депсаб, бузиб кетадиган тарбиясиз малъунлар йўқ экан-да!

Кўчалар, биноларнинг пештоқлари, деворларда очик жой кам. Инглизча ва урдуча эълонлар, рекламалар... Айниқса, «Пепси-кола», «Кока-кола» ва аллақандай сигарет турларини ташвиқ қилувчи ёзувлар, суратлар, лавҳалар ҳаддан ташқари кўп эди.

Биз юрган замонавий, янги кўчаларда шаҳарнинг қадимийлигини, тарихини эслатувчи ёдгорликлар, иншоотлар деярли кўринмади.

«Дўстлик» жамиятида биз истаган одамлар йўқ экан. Парвез маъмур эса божхона-чегарага ошиқар, у биздан тезроқ халос бўлиш пайида эди. Биз эса унга бўйсунушга мажбур эдик. Лоҳўр канали бўйлаб жўнадик. Яшил майсазор майдонлар ниҳоятда кўп ва хўп экан. Эрта тонгданоқ, каналда қийқиришиб чўмилаётган қорамағиз болақайларни кўриб ҳавасимиз келди. Шаҳар ўртасидан кесиб ўтган бу канал менга Тошкентнинг машҳур Анҳорини, ҳукумат биноси билан туташ хиёбонни эслатиб юборди. Канал бўйида мажнунтоллар майда «кокиллари» сувга солиб, хитой атиргуллари ва бошқа турфа гуллар очилиб ётибди. Соё ёқасидаги майсазорда аёллар қатор ўтиришиб олиб, таёқлар ёрдамида кир ювишарди...

Жуда узоқ айланиб юрдик. «Кўнқавой», яъни Парвез бу йўлларни яхши билмас экан, ҳар чақиримда, ҳар бир бурилишда машинани тўхтатиб, одамлардан йўл сўрайди.

Шаҳардан четга чиқиб, яна бир хароб шаҳарчадан ўтдик, кейин тагин кенг дала йўлларида, ўрмонзорлар орасидан юриб, ниҳоят, божхона — чегарага етиб бордик.

Қирқ беш-эллик ёшлардаги, соқол-мўйлови қиртишлаб олинган, калта енгли, қора тугмали оқ кўйлак, кулранг шим (яъни ғарбча) кийган, истараси иссиққина (буғдой юзли) бошлиқ бизни ўз хонасида илиқ (менинг назаримда, самимий) қарши олди, унинг илтифоти билан хизматчилардан бири ҳар биримизга қопқоғи очилиб, ичига найча солинган муздай пепсикола келтириб берди. Бошлиқ ҳар биримиз билан хол-аҳвол сўрашди,

мақсадларимизни, режаларимизни шошилмай тинглади, яъни дипломатик тарзда муомала қилди.

- Мен сизларни тушундим ва қойил қолдим. Эзгу ният билан йўлга чиқибсизлар. Ҳаммаси жойида-ю... Лекин, гап шундаки, Ҳиндистон ҳукуматининг ҳинд заминига ҳеч қандай транспортни ўтказмаслик ҳақида ёзма кўрсатмаси бор-да, — деди у афсус билан бош чайқаб.

Бирдан тарвuzимиз қўлтиғимиздан тушиб кетаёзди. Ахир Андижонда ҳаммага Ҳиндистонга кетдик, деб келганмиз. Бунинг устига, экспедициянинг Ҳиндистонга ўтиш учун учинчи марта ҳаракат қилиши... Агар бу сафар ҳам ўтолмасак, унда нима бўлади?..

Таажжубки, Зокиржон ака мутлақо умидсизликка тушмади (балки экспедиция аъзолари олдида ўзини шундай тутгандир).

У Бобур ҳақида, унинг Андижонда туғилгани, экспедициянинг мақсади ва аҳамияти ҳақида, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Делип Мехтанинг икки марта Андижонда бўлгани, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани, бу ергача қанча қийинчиликлар билан етиб келингани ва ҳоказолар ҳақида ҳаяжон билан гапириб, Аҳмаджонга яхшилаб таржима қилинг, деди. Бироқ, Аҳмаджон, негадир анча совуққонлик билан, гўё бу одамга бунақа гапларимизнинг қизиғи йўқ, дегандай, қисқа-қисқа ўгирди. Назаримда унинг ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, руҳи тушиб кетдими... Лекин ҳарқалай, бошлиқ юмшади.

— Бунчалик бўлса, чегарага бориб, ўтказадими, йўқми, сўраб келинглар, - деди у мулойимлик билан ва бир ходимини қўшиб берди. Зокиржон ака, Аҳмаджон, Парвез - учаласи кетишди. Ҳиндистоннинг чегара-божхонаси уч юз қадамча нарида экан холос. Қолганларимиз улкан пипал дарахти остига қўйилган ўриндикда нима гап топиб келишаркан, деб сабрсизлик билан ҳам иссиқдан бетоқат бўлиб кутиб ўтирдик.

Ярим соат ҳам ўтмай, қайтиб келишди. Зокиржон аканинг оғзи қулоғида.

- Бобурдан кейин, сал кам беш юз йилдан сўнг Ҳиндистон ҳудудига биринчи марта улов билан Бобур экспедицияси ўтадиган бўлди, — деди у ишонч билан.

Бошлиқдан (дарвоқе, унинг исми-шаърифи Шавкат Али Шайх эди) Лохўрда икки кун қолишга изн сўрадик. Аввалига у унамади. Ҳатто Парвез ҳам илтимосимизга қатъиян қаршилиқ қилди. Лекин, Зокиржон аканинг «дунё кўрганлиги» туфайли, бошлиққа тўнлар кийдирилиб, Шаҳрихон пичоғи тақилиб, қора пахта гулли чойнак-пиёла сервизлар инъом этилгач, бизга руҳсат тегди. Лекин кузатувчи (маъмур) беришга барибир тирриқлик қилишди. Парвез ўзи бирга бўлади, дейишди. Парвез эса, алмаштиришга кийимим йўқ, ёқаларим қорайиб кетди, хотиним касал, бунинг устига менга чегарагача олиб келиб қўйиш топширилган холос, деб анчагача бўйин товлаб турди. Ундан кўплашиб ўтинишга, қўшимча ҳақ ваъда қилишга тўғри келди.

Шаҳарга қайтиб, гилам тижорати билан шуғулланувчи ака-ука ўзбеклар дўконини топдик. (Экспедиция аъзолари улар билан ўтган галги сафар чоғида танишишган экан). Бироқ Абдужалил ҳам, Ўзбекистон ва Покистон дўстлик жамияти ходими, бобурийшунос Ансориддин Иброҳимов ҳам Ўзбекистонга кетган экан. Абдумажиднинг укаси Саҳидод бизга ҳамроҳлик қиладиган бўлди. Лохўр миллий музейига кетаётиб, тушлик қилиб олиш учун қип-қизил қилиб пиширилган бутун товук гўшт гриллари махсус тахтакачларга тизиб-илиб қўйилган жойда, жўжа-кабоб ошхонаси олдида тўхтадик. Одатдагидай, бу ерда ҳам ейдиган таомингизни айтсангиз, бозорданми, бошқа жойданми, топиб келиб, пишириб-куйдириб беришаркан (Ташқаридаги илиғлик товуклар реклама учун экан).

Узун зал охиридаги овқат тайёрланадиган хона эшиги тепасига осиб қўйилган рангли телевизорда видеофильм намоиш этилаётган экан. Тушунмаганимиз учун бепарвогина томоша қилиб ўтирувдик, бирдан Саҳидод “мана шу кино Бобур ҳақида”, деб қолди. Ҳаммамиз сергак тортиб, бутун диққат-эътиборимизни ойнаи жаҳонга қаратдик (Тасодифни, омадимизни қаранг). Видеофильмнинг айнаи шу палладаги лавҳаларида Бобур Ҳиндистон сари юриши олдида бетоб бўлиб ётарди. У тузалгач, мулозимлари, аскарларини йиғиб, мен эшитган машҳур нутқини сўзлади, яъни: биз бу ерга босиб олиш учун, талончилик қилиш учун келганимиз йўқ... деди. Кейин тарихий Понипат жанги бошланади ва Бобур ғалаба қилади. Сўнг Бобур умрининг сўнгги дамлари кўрсатилади. Ўша, бизга таниш, жаҳон илми

донишларию алломаларини ҳайратга солган фидойилик! Яъни... Ҳумоюн бетоб бўлиб қолади. Сарой маслаҳатчилари ўғлингиз учун Кўхи Нурни баҳшида қилинг, дейдилар. Бобур Кўхи Нур нима бўлибди, мен фарзандим учун жонимни беришга тайёрман деб, қўлида, тасбеҳ билан, Худога илтижо қилиб, Ҳумоюн ётган ўрин атрофидан бир неча марта айланади.

Ҳумоюн кўзини очади.

Бобур ётиб қолади ва... қазо қилади.

Бобурни ҳам, Ҳумоюнни ҳам ҳар жиҳатдан келишган актёрлар ўйнашибди. Ҳаммасидан ҳам тарихий ҳақиқат ҳолис ифодалангани ва Бобур, бобурийларга бўлган ҳайрихоҳлик, ҳурмат ва эҳтиром бизни мамнун қилди.

Бу Покистон кино ижодкорлари томонидан ишланган икки қисмли видеофильмнинг иккинчи қисми экан. Ошхонадан чиқибок дўконга бориб, юқоридаги видеофильм кассетасини сотиб олдик. Ҳаммамизнинг, айниқса Зокиржон ака хурсандчилигининг чеки йўқ эди.

Саҳидод бизни «Шоҳ қалъа»га бошлади. «Покистон ёдгорлиги» деб аталмиш кўкка бўй чўзиб турган улкан ва юксак минора яқинидан ўтдик. Минора атрофидаги жуда катта ҳудуд — ям-яшил майсазорли бўлак-бўлак майдонлар спорт мусобақалари ва машғулотлари учун мўлжалланган бўлиб, айна вақтда ҳам турли хил кийимдаги ёшлар, спорт ишқибозлари, ўйинчилар билан гавжум эди.

Ҳукмдорлар алмашиб, эътиқодлар ўзгариб туриши, табиий офат ва табиий емирилиш-нурашлар, бошқа сабаблар оқибатида тарихий шаҳарлардаги обидалар, кўхна иморатларнинг айримлари бутунлай вайрон бўлади ё кўрки-тароватини йўқотади. Лоҳўрнинг қадимий шаҳарлиги ва бобурийларга сеvimли макон бўлганлигидан шохидлик бериб турувчи «Шоҳ қалъа» ана шундай қисматни бошидан кечирган машҳур ёдгорликлардан бири. Катта майдон камровида бунёд этилган бу шоҳлар саройи ниҳоятда мустаҳкам қурилган ғиштин нақшли бинолар, хиёбонлар, йўлаклар, сайргоҳларни ўз ичига олган. Қароргоҳ худудининг тахминан қоқ марказида олди кун юришга қараган бир иншоот турибди: икки қаватли, олди айвонли. Иккинчи қават айвони шоҳ халқни, арзгўйларни (улар ерда тик туришган) қабул қилиб, уларнинг дардини тинглайдиган махсус жой бўлган... Кўз олдимга ичкаридан зарбоф тўнларда салобат ва виқор билан чиқиб келган шоҳ, пастда - майдонда қўлларини қовуштириб, бошларини қуйи эгганича, хоннинг юзига ва сўзига маҳтал бўлиб турган оломон келди.

Собиқ кошонанинг олди томонидаги кенггина майдон ям-яшил, майин майсазор эди (Эҳтимол ўз даврида гулзор-чаманзор бўлгандир).

Мазкур «қабулхона» орқасидаги тўрт тарафи баланд-паст бинолар билан ўралган яланглик хаёлларимни яна ўтмиш қаърига олиб қочди. Ўртасида фавворалар бўлган ҳовуз, ҳовуз оралиғида эса шоҳ пашшахона тутиб (балки маликаси билан) ётадиган чигилинг жой...

«Қабулхона»нинг орқа тарафида, иккинчи ошёнада худди ана шу ҳовузга, сувда навозиш билан, солланиб юрадиган жонон балиқларга қараб ўтириладиган олди очик хоналар бор эди.

Қалъа худудида аскарлар парад бўладиган майдонлар, ҳукумат ишлари билан шуғулланишга мўлжалланган махсус хоналар бор эди, лекин уларни инглизлар ҳароб қилишган экан. Ҳайриятки, кираверишдаги гумбаз остидан таъмирлаш ишлари бошланибди.

Каромат Алихон «Шоҳ қалъа»нинг шимолий ва ғарбий ички деворлари ташқи юзасининг бобурийлар ҳаёти ва жангларини акс эттирувчи расмлар, нақшлар, от пойгалари, филлар жанги, ҳар турли спорт ўйинларини ифодаловчи суратлар билан безатилгани ҳақида завқ-шавқ билан ёзади. Афсуски, у манзаралар ҳам ўз охорини, асл рангини йўқотган эди.

Қайтишда китоб дўконларини айландик. Зокиржон ака Бобур ва бобурийларга алоқадор қандай китоб бўлса, неча пул бўлса ҳам оламиз, диққат билан қаранглар, деб тайинлади ҳаммамизга. Дарҳақиқат китоблар жуда сифатли ва ўта қиммат эди. Масалан, ўртача бир китоб 150—200 рупий. 1000 рупийдан ошиқроққа бобурийлар салтанати ҳақидаги китобни сотиб олди раҳбар.

Кейин «Хоруд» майдонидаги кассета дўконларига кирдик. Ёпирай! Ашула, бадий фильмлар ёзилган кассеталар ғарам-ғарам бўлиб ётибди. Деворларда очик жой йўқ: ҳаммаёқда актрисалар, соҳибжамол қизларнинг суратлари ёпиштирилиб, шифтларга ҳам осиб ташланган.

Видеомагнитофонни суриштирдик. Фақат кўрсатадигани 200, ёзиб, ўраб, кўрсатадигани 300 АҚШ долларида ошиқ экан. Асил японларники, деб ташвиқ қилишяпти дўкондорлар.

Кун ҳам кечкириб қолган эди. Саҳидод бизни уйларига бошлади. Ниҳоятда куюк меҳмон қилишди. Лоҳўр патирлари (бизнинг қатламадан сал қалинроқ), товук шўрва. Покистоннинг узун гуручидан дамланган, сабзиси деярли йўқ, аммо сергўшт, картошкали палов... Ҳар хил салат, мевалар... Чунончи: банан, манго... Айниқса, мангоси жуда ширин экан. Сайфиддин ҳожи ака ўзидан ё уруғидан олиб кетсак бўларкан, девди, сизларнинг шароитингизда ўсмайди, фақат Ҳиндистонда ва Покистонда ўсади холос, дейишди.

Овқатдан кейин янги мустақил давлат — Ўзбекистон, унинг ҳозирги аҳволи, келажаги ҳақида, Афғонистондаги ҳолат, у ердаги ўзбекларнинг Эрон, Покистонга кўплаб қочиб келишаётгани ва бошқа мавзуларда суҳбатлашиб ўтирдик. Дарвоқе, даврада Саҳидодларнинг қариндоши Ҳожи қори Абу Бакр деган ўрта яшарли киши ҳам бор эди. У гапга чечан, маҳмадонагина экан, гурунгни қизитди.

Шу кеча «Шоҳтож» меҳмонхонасида иссиқва дамдан сув-сув бўлиб тунадик.

## **ИШҚ ГИРДОБИДА ҚОЛГАН МАЛИКА**

*5 август, пайшанба*

Соат бешларда турдик. Кеча «Шоҳ қалъа» музейи ходимларидан бири билан Анорбоғдаги ёдгорликларни зиёрат қилишни келишган эдик. Абдужалилнинг қайноғаси Муҳаммад Шафиқ ҳам бизга ҳамроҳ бўлди.

Шаҳардан чиқаверишда Лови дарёсидан ва шаҳар дарвозасидан ўтдик. Йўлдаги атрофи сим тўр билан ўралган боғ-майдонда саҳарлаб хоккей (дарвоқе, бу мусобақа турини бобурийлар даврида «човгон» дейилган) ўйнашаётганларни кўриб тасанно айтдик.

Маълумки, бобурийлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида шарқ ва ғарб олимлари, тарихчилари, адибларининг илмий-тарихий, бадий тадқиқотлари, асарлари кўп ва баъзан уларда бир-бирига зид маълумотлар, тафсилотлар, далил ва рақамлар ҳам учраб туради. Жумладан, бобурий шоҳларнинг тўртинчиси Жаҳонгирнинг Нур Жаҳон (Меҳринисо бегим)га уйланиши борасида шундай хилма-хиллик бор. Аввало, Меҳринисо бегимнинг биринчи эри Алиқулибек тахаллуси бир манбада Шер Афғон дейилса, иккинчисида Шерафкан, яна бошқасида Шеровган деб юритилади. Унинг Бенгал ҳокими Қутбиддин билан ҳар иккисининг ўлимига сабаб бўлган ўзаро низолари ҳам турлича изоҳланади.

Тарихий маълумотларга қараганда, Жаҳонгирнинг султонлик даври ҳам бобурийлар салтанатидагина эмас, балки Ҳиндистон мамлакати тарихида муҳим ўрин тутди. У ўз давлати сарҳадини анча кенгайтиришга эришади, отаси Акбар давридан қолган, хусусан, мусулмонларга номақбул бўлган айрим урф-одатларни ман этади, айни вақтда мусулмонлар билан ҳиндлар орасидаги ўзаро низоларга хийла барҳам беришга эришади, ўз тузуклари, яъни низомларини эълон қилади. Юртда адолатни мустаҳкамлашни шоҳнинг асосий бурчларидан бири деб билади, аёллар, қизларга ношаърий ва зўравонлик билан эришмоқчи бўлган ўз амирлари, амирзодаларини сазойи - шармсор этади.

Жаҳонгир шеъриятга, санъатга мойил бўлгани учун санъат, илми ривожлантиришга алоҳида эътибор беради, бу масалалар билан шахсан ўзи шуғулланади.

Жаҳонгир даврида Ҳиндистон ҳукуматининг ғарб давлатлари (хусусан, Англия, Португалия, Голландия) билан савдо-сотик алоқалари кучаяди, лекин афсуски, мана шу алоқалар кейинчалик, секин-аста инглизларнинг Ҳиндистон ичига чуқурроқ кириб олиши, унинг марказида мустаҳкамланиши ва ниҳоят давлатни эгаллашларигача олиб боради.

Жаҳонгир Акбаршоҳнинг тилаб олган ўғли эди. Маълумки, Акбарнинг дастлаб кўрган

бир неча фарзанди болалигидаёқ нобуд бўлиб кетишади. Шундан кейин Акбар Агра якинидаги Фотехпур Секри шахрининг кўзга кўринган уламоларидан бири Шайх Салим Чештийга ихлос қилиб, унга Оллоҳдан ўғил тилаб беришни сўрайди. Салим Чештийнинг дуоларию Оллоҳга илтижолари сабабми, хуллас, Акбарнинг хотини — Жайпур маликаси Марям-уз-замон 1569 йили ўғил туғади ва унга шайхга миннатдорлик ва эътиқоди рамзи сифатида Муҳаммад Салим деб исм қўядилар.

Салим, укалари Мурод ва Дониёл вафот этгач, 1605 йили 3 ноябрь куни осонгина отаси Акбарнинг тахтига ўтиради ва ўзини «Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир подшоҳи Ғозий» деб эълон қилади. Лекин ўғли Ҳисрав ва бошқалар билан тож-тахт талашишлар натижасида анча кўнгилсиз воқеалар бўлиб ўтади. Чунончи: Л.П.Шарманинг ёзишича, 1607 йили Жаҳонгир Кобулдан Лохўрга кетаётганда унга суиқасд уюштирилади. Бу ишда ўғли Ҳисравнинг кўли борлигини аниқлаган Жаҳонгир ўз ўғли кўзларига нил тортиради, бироқ, кейинчалик, ота – ота-да, Ҳисравнинг бир кўзини даволатишга эришади.

Салим-Жаҳонгирнинг хотинлари кўп бўлган. Биринчи хотини жайпурлик Рожа Бхагван Даснинг қизи Ман Бай бўлиб, у Салимнинг катта ўғли Ҳисравнинг онаси эди. Иккинчи хотини Рожа Удай Сингхнинг қизи Жагат Гўсай (Жода Бай) – шаҳзода Ҳуррам (Шоҳ – Жаҳон)нинг онаси. Соҳибжамол Бегимдан туғилган ўғил Парвез эди. Тўртинчи ўғли Шахриёрнинг онаси эса канизак бўлган.

Лекин Жаҳонгир ҳамма хотинларидан кўра Меҳринисо бегимни ортиқроқ яхши кўрган, унга ишонган, суянган. Бундай бўлишига, албатта, маълум асослар бор эди. Ўрта асрлар тарихида Нур Жаҳончалик ишқ-муҳаббат гирдобидида қолган аёл бўлмаса керак, - деб ёзади доктор Бени Прасад, - Жаҳонгирнинг ҳукмронлик даврида энг кўп диққатни жалб этган воқеа – унинг Нур Жаҳонга уйланиши бўлди. У шоҳ бўлган ўн беш йил давомида Нур Жаҳон бобурийлар салтанатининг энг жозибадор ва кудратли ҳукмдори бўлиб келди. Маълумки, Нур Жаҳон ўттиз тўрт ёшида Жаҳонгирга турмушга чиқади. Шу ёшида ҳам у ниҳоятда гўзал аёл эди, - дейди бобурийшунос тадқиқотчи Л.Шарма. Бундан ташқари, Нур Жаҳон маълумотли, яхши тарбия кўрган, маданиятли аёл бўлиб, шеърят, мусиқа ва тасвирий санъатни яхши кўрарди. У форсийда “Махфий” тахаллуси билан ғазаллар битарди. У жуда ақлли, доно аёл бўлган. Янги бичимдаги кийимлар ва янгича хашамларни жорий қиларди. Унинг маъмурий ишларга ҳам қобилияти, уқуви яхши бўлиб, жиддий муаммоларни ҳал этишда шоҳга маслаҳатгўй ва кўмакдош эди. Жасур, серғайрат, олижаноб, тақводор аёл бўлган Нур Жаҳон бева-бечораларга, камбағалларга, илм аҳлига доимо ғамхўрлик қилиб юрган.

Нур Жаҳон эри Жаҳонгирнинг кучли севгисига оташин муҳаббат ва садоқат билан жавоб берган. Шоҳни ичкиликка берилиб кетишидан кўп вақт сақлашга эришган. Кейинчалик, Жаҳонгирнинг соғлиги заифлашиб қолганда, салтанатни идора қилиш ишларига фаол аралаша бошлайди. Давлат аҳамаиятига эга бўлган ҳар қандай қарор ва фармон Нур Жаҳон иштироки, розилиги билан қабул қилинадиган бўлади. Бироқ, маликанинг давлат ишларига, сиёсатга аралашуви жиддий оқибатларга, бир неча марта Жаҳонгир ҳокимиятига қарши исёнлар кўтарилишига, бобурийлар салтанатининг кучсизланишига, обрўсига жиддий путур етишига ҳам сабаб бўлади. Чунки у ҳам барча подшоларнинг хотинлари каби табиий равишда тож-тахт талашишларда ўз манфаатини кўзлаб, ўз мавқеидан фойдаланишга ҳаракат қилган.

Шунга қарамай, Жаҳонгир юртда кўп ободончилик ишларини амалга оширади, катта-катта қурилишлар, боғлар яратади. Жумладан, Лохўрдаги, “Анор гули” мақбарасини ҳам Жаҳонгир қурдирган.

Афсуски, “Анор гули” мақбараси ҳам, Жаҳонгир ва Нур Жаҳон мақбаралари қад кўтарган “Чор чаман” деган гўзал боғ ҳам – бу ерни Шоҳ Дара (маҳаллий шевада “Шадара”) ҳам дейишаркан – ўз охорини йўқотган эди. Албатта, вақт шундай бир бешафқат нарсаки, унинг олдида ҳеч нарса боқий эмас, у ҳар қанча мустаҳкам бинони емиради, ҳар қандай гўзалликни ҳам ғорат қилади.

Шоҳ Жаҳонгир Ҳиндистоннинг гўзал Кашмир воҳасини ниҳоятда яхши кўрган. Ёши ўтиб, саломатлиги заифлашган ва тож-тахт ташвишларидан зериккан султон тез-тез

Кашмирга бориб кўнгил ёзиб қайтарди. Навбатдаги Кашмир сафаридан қайтиб келаётиб 1627 йили, 58 ёшида, йўлда вафот этади. Уни Лоҳўрдаги Нур Жаҳон барпо қилдирган Дилкушо боғига дафн этадилар. Кейинчалик, қабр тепасига Шоҳ Жаҳон томонидан мақбара қурилади.

Жаҳонгир мақбараси бир замонлар “ноёб гўзаллик намунаси”, “Ҳиндистоннинг Тож Маҳал ва Қутбиддин Ойбак мақбаралардан кейинги “улуғворлик тимсоли” дея эътироф этилган.

Жумладан, доктор Каромат Алихон уни шундай таърифлайди: «...Бу мақбара қизил ва оқ мрамрдан султон Шоҳ Жаҳон томонидан қурилган. Бу боғ тенг ўн олти бўлакка бўлинган бўлиб, бир-биридан чиройли йўлаклар, ям-яшил гуллар ҳамда сержило сув отадиган фавворалар билан ажралиб турган. Бу ёдгорлик ўз гўзаллиги билан бобурийлар қурдирган меъморчилик намуналари орасида Аградаги Тож Маҳалдан кейин туради... Қабр жойлашган хона гўзаллиги кишини ҳайратга солади: хонако деворлари соф мрамрдан ишланган. Сағана тошига Оллоҳнинг 99 сифати ўйиб ишланган. Тўрт йўлакнинг ҳар бири қабрга олиб боради. Бу мақбара Лоҳўр ва бобурийлар меъморчилигининг инжуси ҳисобланади ва қиммати 1 миллион рупийни ташкил этади...»

Афсуски, биз буни сезмадик. Тўғри, ҳудудда умуман боғ тахлити бор, аниқроғи, қачонлардир чаманбоғ бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Мақбаралар ҳам жойида турибди. Пастки, ер ости қаватида қабрлар бор. Лекин... даҳманинг ташқи деворлари анча эскирган, нураган, мрамр ўз асил жилосини йўқотиб, хиралашган. Шунга қарамай, унинг ички безаклар, сағана тошлари хийла дуруст сақланган. Фақат мақбара ичи қоронғи эди. Тўлқин ака билан Фаррух тасвирга олиш учун анча азият чекишди. Қоровулдан илтимос қилган эдик, кўшимча чироқ ташкил этишга ёрдам берди.

Жаҳонгир мақбарасидан нарироқда унинг суюкли хотини, маслаҳатгўйи Нур Жаҳон мақбараси бор. «...Бобурийлар меъморчилигининг ёрқин намуналаридан бири малика Нур Жаҳон мақбарасидир, — деб ёзади Каромат Алихон. — Нур Жаҳон ўз даврининг энг гўзал аёлларидан бўлиб, унинг ҳусни-жамоли олдида ҳукмдор ўз салтанатидан кечишга тайёр эди...»

Нур Жаҳоннинг отаси Мирзо Ғиёсбек сарой амалдорларидан бўлиб, Эрон шоҳи Тахмасп саройида Язд қалъаси доруғаси бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик, мамлакатда сиёсий вазият ўзгариб кетиб, Мирзо Ғиёсбек анча мусибатли кунларни бошдан кечиради ва икки ўғли, бир қизи билан паноҳ излаб Ҳиндистонга йўл олади. 1577 йили Қандаҳорга келишганида Меҳринисо туғилади. Мирзо Ғиёсбек Акбаршоҳ хизматига қабул қилинади. 1594 йили Меҳринисо Алиқулибекка турмушга чиқади. Бу борада ҳам турли фикрлар мавжуд. Бир олим Салим Меҳринисога қизлигидаёқ ошиқи беқарор бўлиб қолганди, деса, иккинчи бобурийшунос Меҳринисо эри ўлиб, пойтахтга қайтиб келганидан кейин Жаҳонгир уни яхши кўриб қолади, деган мулоҳазани билдиради. Хуллас, кенгроқ тарқалган маълумотларга кўра, ёшлар орасидаги ишқий муносабатларни сезиб қолган Акбаршоҳ Меҳринисони ўғли Жаҳонгирдан узоқлаштириш мақсадида сарой аъёнларидан бири бўлган Алиқулибекка зудлик билан эрга бериб, уларни Бенгалияга хизматга жўнатиб юборади.

Л. П. Шарманинг «Бобурийлар салтанати» асарида айтилишича эса, 1599 йили Алиқулибекнинг бир ўзи қурол-аслаҳасиз, шундақ кўли билан йўлбарсни ўлдиргани учун Салим унга Шер Афғон номини берган эди. Салим отасига қарши исён кўтарганида у Салим хизматидан қочиб, Акбаршоҳ ҳузурига боради. Акбаршоҳ вафотидан сўнг Салим тахтни эгаллаб, Шер Афғонни авф этади ва Бенгалиянинг Бурдван вилоятига жагирдор (ер-мулк посбони) этиб тайинлайди. Бундан ранжиган Шер Афғон маҳаллий афғонлар исёнини бостириш ишига совуққонлик билан қарайди. 1606 йили Ман Сингх ўрнига Қутбиддин Рожа Бенгалияга ҳоким қилиб тайинланади. Қутбиддин Шер Афғонни унча менсимайди, аксинча, ҳузурига чақириб, унга шоҳга садоқат билан хизмат қилмаяпсан, дегандай писанда қилади. Буни ўзи учун ҳақорат деб билган Шер Афғон қилич билан Қутбиддинни чопиб ташлайди. Қутбиддиннинг хизматчилари Шер Афғонни ўлдиришади. Шер Афғоннинг хотини Меҳринисо ва қизи Лодли бегим пойтахт Аграга маҳбус сифатида юборилади. Меҳринисо Акбаршоҳнинг беваси Салима бегим хизматига қўйилади. Жаҳонгир 1611 йили март ойида,

Наврўз кунларидан бирида Меҳринисони тасодифан кўриб, ишқи тушиб қолади ва ўша йилиёқ унга уйланади.

Меҳринисо ўзининг соҳибжамоллиги, оқила, тадбиркорлиги ва бошқа ажойиб фазилатлари билан тез орада саройда иззат-хурмат топади. Жаҳонгирнинг ўзи эса дилбар хотинини қаттиқ яхши кўрарди. Шунинг учун Меҳринисони Нур Маҳал (сарой нури), кейинчалик Нур Жаҳон (жаҳонга нур берувчи) бегим деб атаб, гоҳида давлат ишларини ҳам унга топшириб қўйиб, ўзи ичкилик, кайф-сафога берилади.

Жаҳонгир ва Нур Жаҳон ўртасидаги муносабат ўша пайтда бўлгани каби, кейинги даврларда, ҳозир ҳам кўпчиликни жуда қизиқтиради. Ҳамма бу ошиқу шайдолик билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг аслини билишга ҳаракат қилади. Чунки, Шер Афғоннинг ўлими ва Жаҳонгирнинг Меҳринисога уйланиши ҳақида ҳатто хиндистонлик тарихчиларнинг ўзлари ҳам турлича фикрга эга. Баъзилар Жаҳонгир Меҳринисони биринчи марта Бенгалиядан қайтиб келганидан кейин кўрган, эри Шер Афғоннинг ўлимига Жаҳонгирнинг алоқаси йўқ, деган тахминни айтишса, бошқалар Жаҳонгир Меҳринисони илгаридан яхши кўрган, лекин Акбаршоҳ уларнинг турмуш қуришини хоҳламаган, шунинг учун Жаҳонгир отасининг ўлиmidан кейин орзусига эришмоқчи бўлган, яъни Шер Афғоннинг ўлимида унинг қўли бор, деган мулоҳазани баён қиладилар.

Ҳарқалай, Нур Жаҳонбегим бобурийлар салтанатида анчагина катта нуфузга ва мавқега эга бўлган, ўзининг бир қатор яхши ишлари билан тарихда қолган фаол аёллардан бири. Бинобарин, унинг мақбараси ҳам ҳаётлигидаги иззат-обрўйига яраша бўлган (Нур Жаҳон 1645 йили 68 ёшида дунёдан кўз юмади ва Дилкушо боғидаги ўзи ҳаётлигида курдира бошлаган мақбарага дафн этилади). Унинг мақбараси, — деб ёзади Каромат Алихон, — эри Жаҳонгир ва акаси Асиф Жаҳ (баъзи ўзбекча тадқиқотларда Осафхон дейилади) мақбараларининг ғарб томонида қад кўтарган. Бу мақбара «Чор чаман» деб аталган, ҳар бири 100 ярд (10 гектар) майдонни эгаллаган тўртта боғнинг ўртасида жойлашган бўлиб, бино оқ, жилокор мрамрлардан ишланган, унга муқаддас Қуръондан оятлар ўйиб ёзилган. Шундай безаклари билан эри ва акасининг мақбараларидан қолишмас эди. Ҳозир бу безаклардан асар ҳам қолмаган, фақат ғиштдан қурилган мақбара турибди холос. Сикхлар Нур Жаҳон ва унинг қизи Лодли бегим қабри тошларини ҳам кўчириб олиб кетишган.

Мақбараларнинг ён атрофлари қаровсиз қолган боғни эслатарди (Дарвоқе, боғ ёнида катта қазилар ишлари бормоқда эди). Бир-иккита пипал, ўртача бир ҳовлига соя соладиган, тарвақайлаган банан дарахтларини ҳисобга олмаганда, бошқа мевали ё манзарали дарахт жуда кам эди. Бир чиройли дарахтгул бор экан: оқ-сарик, ўзимиздаги шом пайтида чирсиллаб очиладиган гулга ўхшаш. Афсуски, унинг номини сўраб ҳам билолмадим.

Барги узун-узун қамишсимон палманинг танасини нақ бўяб қўйилган столба дейсиз.

Бобурийлар барпо қилган боғлар ичида энг машҳурлари учтадир, дейилади манбаларда. «Шалимар», яъни «Севги маскани» деб аталган мазкур уч боғнинг бири Жаҳонгир, иккитаси Шоҳ Жаҳон раҳномалигида бунёд бўлган. Улар Шринагар (Кашмир)да, Дехлида ва Лоҳўрда...

«...Боғда пештоқли айвонлар, арклар қуриш, орасидан анҳорлар ўтказиш фикри тарихда «қурувчи шоҳ» номини олган Шоҳ Жаҳоннинг ихтироси эди», — деб ёзади Каромат Алихон.

Таассуф, биз Лоҳўрда ана шундай боғни кўрмадик...

## МОЗИЙГА НАЗАР. АРМОНЛАРИМ

Собиқ Дилкушо боғидан тўғри Лоҳўр миллий мозийгоҳига келдик. Шу ерда бир нарса менинг эътиборимни жалб этди: катта кўчаларнинг икки бетидаги йўлакларга гул, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, тўрт бурчак темир панжара билан ихоталаб қўйилибди. Баъзи жойларда темир-панжара ўрнига пишиқ ғиштлар катак-катак шаклида қ териб қўйилган. Шу ҳолича, худди гул-соатдай, даҳлсиз тураверганига ҳайрон қолдим. Биров бехос тегиб кетса бузилиб тушади. Нима бу ерда шўх, шумтака болалар йўқмикин?..



Қизил рангли ғиштдан Покистон миллий меъморчилик услубида қурилган уч қаватли мозийгоҳнинг ичидаги кўрғазма-нарсалар ҳам ташқи савлатига мос даражада бой эди. Хоналар кўп ва айниқса, биринчи қаватдаги зал ниҳоятда кенг бўлиб, ашёлар Лоҳўр ё Покистон тарихидангина эмас, балки яқин-атрофдаги шарқ мамлакатлари халқларининг ўтмиши, маданияти, санъати ва бошқа соҳалардан ҳам ҳикоя қилади. Тартиб ва дид билан жойланган тарихий, ноёб осор-атиқаларни кўриб кўзингиз яшнайдди, фикрингиз бойийди. Турли тарихий, бадиий асарларнинг қўлёзмалари, миниатюра санъати мактабларининг ранг-баранг намуналари. Бобур замонидан қолган нақшли эшиклар, анжомлар, гул солинган мраммар идишлар, араб алифбосидаги ҳуснихат намуналари, қурол-аслаҳалар (қилич, ўқ-ёй, камон)нинг хилма-хил турлари, кулҳари (жанг болтаси), ханжар, пичоқ, совутлар... Ойна-нақшли нафис буюмлар, шахмат, идиш-товок, сопол лаган, коса, гулдон, кўзалар... Турли халқларнинг турли даврларга оид кийим-либослари... Бир-биридан ғаройиб чолғу асбоблари: сетор, товус, саранги, вина, банери (най), рубоб... Эҳ-хе, нималар йўқ дейсиз бу мозийгоҳда! Лекин биз учун энг муҳими, Бобур ва бобурийлар давридан ёдгорлик кийимлар, миниатюра суратлари, тангалар ва бошқа анжомларнинг мозийгоҳнинг марказий жойларидан ўрин олганлиги эди. Бу нарсалар, афсуски, ҳали Бобурнинг ўз ватанида йўқ...

Экспонатларни томоша қилиб бўлганимиздан кейин музей директори, тарихчи олим Сайфур Раҳмон (бизнинг тарихчимиз Сайфиддин ака у билан таниш экан, исмлари ҳам уйқаш) ўз хонасига таклиф этиб, муздай ичимлик ва чой билан сийлади. Шу ерда бобурийлар, экспедициямизнинг мақсад ва вазибалари, мустақил Ўзбекистон мавзуларида суҳбат бўлди. Даврада мозийгоҳнинг илмий ходимлари, махфий хизмат ходими бор эди. Одатдагидай, биз Бобурнинг мўғил эмас, ўзбек эканлигини таъкидладик. Музей илмий ходими Рафиқ Дўга фикримизни қувватлади ва кеча Покистон телевидиниесидаги махсус кўрсатувда ҳам Бобурнинг ўзбеклиги ҳақида гапирилганини эслади, умуман, Лоҳўрда Бобурни ўзбек дейдилар, деди. Сайфур Раҳмон экспедициямиз режаларини маъқуллади, бундай илмий сафарни биринчи марта кўраётганини эътироф этди.

- Лоҳўрда яъни бобурийлар даврида қурилган тарихий обидалар кўп, - деди у. - Бобурийларга бағишланган манбалар ҳам кўп, лекин уларнинг тарихи, муаллифлари кимлиги билан махсус шуғулланадиганлар кам, жуда кам. Бу камчилик бизнинг мозийгоҳимизга ҳам тааллуқли. Кейин, маълумотлар ҳам ҳар хил бўлиб кетган. Албатта, шоҳлар тарихини кимдир дўстона, ҳайрихоҳлик билан, кимдир душманлик, ғайирлик билан ёзади. Лекин дўст ҳам, душман ҳам билиб-билмай ё атайин хато қилиши, ёлғон ёзиши мумкин. Ҳақиқатни аниқлаб олиш керак, лекин бу анча қийин иш...

- Покистонда Бобур авлодларидан қолмаганмикин, ахир улар Лоҳўрда қўним топиб, узоқ йиллар яшашган, ҳукмдорлик қилишган-ку, - дея савол бердик.

- Жалолиддин Акбар деган одам ўзини Бобур авлодиданман дер экан, лекин анигини билмадим, - дея тан олди олим.

Менда, балки экспедиция аъзоларнинг аксариятида ҳам умид учкунлари пайдо бўлди. Учкундан аланга олдириш ўзимизга боғлиқ эди. Лекин...

Соат ўн иккидан ошганда музейдан чиқиб, шаҳардаги кўркам боғларни томоша айламоққа жўнаш олдидан «Тош кўрғон» ёдгорлигини зиёрат қилдик. Покистоннинг ҳақиқий ислом мамлакати эканлигини ифода этувчи далиллардан бири бўлган бу ёдгорлик шаҳарнинг қоқ марказида, ҳукумат биносининг рўпарасидаги чиройли хиёбонда, катта кўча бўйида бўлиб, у атрофи очик мўъжазгина шийпонча ичига қўйилган муқаддас «Қуръон» китобининг тош «ҳайкали» эди.

Шу ердалигимизда ҳаво айниброқ қолувди. Ҳайвонат боғи томон йўл олганимизда ёмғир томчилаб туриб, бирдан шаррос қуйиб юборса бўладими. Фаррухнинг оғзи қулоғидан ҳам ўтиб кетди. Покистон ҳудудига кирганимиздан бошлаб, йўл-йўлакай бир муссон ёғсайди, деб келувди. Муссон бўлмаса, бизга шунисиям бўлаверади, ош пишгунча чучвара, деб шиддатли ёмғир пайтидаги Лоҳўр манзараларини роса тасвирга олди.

Ёмғир ўн беш дақиқача ёғди, лекин қаттиқ қуйди. Ҳайвонот боғи ҳам қолди. Мен-ку шундай жалада ҳам боғни, ундаги ажойиб дов-дарахтлар, турли жониворларни томоша

килишга тайёр эдим, лекин тушлик ғамидаги шерикларимиз тезроқ меҳмонхонага етиб олишни афзал билишди. Боғни кўриш мен учун ширин бир армон бўлиб қолаверди.

Лоҳўрлик ўзбек танишларимизнинг яшаш жойлари ҳам, дўкони ҳам икки қаватли бионинг ичида—бир ерда эди. Ўша жойда Муҳаммад Шафиқ ёрдамида шўрва пиширдик (кечаги меҳмондорчиликка жавобан).

Кейин бўш вақт берилди. Зокиржон Машрабов билан Тўлқин ака кечаги «Шоҳ қалъа»ни суратга олиш ва машинани устага кўрсатиш учун кетишди. Менга бундай бўш вақтдан кўра лоақал шаҳарнинг кўча, боғларини айланиш яхши эди, аммо шерик бўлмади. Аҳмаджон билан Фаррух телевизор кўрамиз, кир ювамиз деб, хоналарига кириб кетишди.

Биз Собиржон ака билан «Шоҳтож» меҳмонхонасининг 102-хонасида эдик. Хонанинг на деразаси ва на тирқиши бор эди. Телевизор кўриб ётишдан бошқа чора йўқ. Лоҳўр телевидениесида асосан ҳинд фильмлари ва кўрсатувлари намоёиш этиларкан. Тилига тушунмагач, телевизорнинг ҳам унча қизиғи бўлмайди. Собиржон ака уйқуда. Мен шаҳарда кўрганларимни ўйлаб ётдим. Кечадан бери шундай хулосага келдимки, новвот ранг сари Покистон аёлларига жуда ярашаркан. Хотин-қизларнинг кўзойнак таққани кўп эди. Лекин уларнинг аксарияти эронликлар экан. Юзини қора чодра билан тўсиб олган қиз-жувонларнинг кўзлари чақнаб кўринарди. Бироқ катта ёшдаги хотинларнинг очиқ юзлари унча тиниқ эмасдай туюлади. Аксарият қизлар хипча эди, катта аёлларнинг анча шаддодлиги уларнинг одамга дадил қараши ва шўх қулишидан сезилиб турибди.

Ҳа, дарвоқе, йўлда бу юртда қўй сероб экан, деб ўйловдим. Бунинг сабаби: қўй гўшти ейишмас экан, асосан эчки гўштини истеъмол қилишаркан. Қўйни қурбонлик учунгина сўйишаркан. Бугун тушдаги шўрванинг гўшти эчкиники эканлигини Муҳаммад Шафиқ соддалик қилиб, тўғрироғи бизнинг мижозимизни, гўшт масаласидаги таомилимизни билмасдан айтиб қўйган эди, бирпасдан кейин Зокиржон ака билан Фаррухнинг қорни мижиб қолди.

Лоҳўр қассобларининг (бошқа шаҳарда қандай экан, билмадим) гўшт сотиш тартиблари менга унча маъқул бўлмади. Улар дўкон орқасида, ерда ўтириб олишиб, гўштни оёқ панжалари билан қисиб туриб кесишаркан.

Гўштнинг нархи 34 рупий экан. Қатиқ — 10, тухум — 1,5, булочка 2 рупий 16 пул. Зира анча қиммат — килоси 150 рупий эди. Бизда нарх-наво ва пул биз сафарга жўнаётганимизда кун сайин ўзгариб, ошиб бормоқда эди. Шунинг учун бошқа жойлардаги нарх-навонинг ўзимизда қанчага тўғри келишини ҳисоблаб чиқариш қийин эди. Масалан Кветтада 50 граммлик Исфохон кўк чойини 5 рупийдан сотиб олдик. 300 граммлик шишалардаги салқин ичимликлар ҳам 5 — 6 рупий атрофида бўлиб, булар бизга анча қиммат туюлди.

Саҳиодларнинг дўкони ёнида бир оқсоқол билан гаплашиб қолдик. Исми Ҳожи Бекзода бўлиб, туркман экан. Бу ерга Афғонистоннинг Анхай (Ашхободга яқин) овулдан кўчиб келган экан. Етмиш беш ёшга кирибди, учта хотиним бор, дейди. Тап тортмайдиган, чапанироқ ва ҳазилкашроқ одамга ўхшаб турибди, гаплари ҳам кескир, дадил, сўкирнамо... Унинг айтишича, Лоҳўрда анчагина ўзбек хонадони бор экан, бироқ улар маҳаллий халқ вакиллари билан деярли қудачилик қилишмас экан...

Мен негадир уларга ачиндим. Тақдирни қаранг, шунча оилани минглаб чақирим наридаги юртдан шу ёқларга олиб келиб ташлабди. Тўғри, савдо ишлари дуруст, демакки, молиявий-иқтисодий аҳволлари ҳам ёмон эмас. Лекин гап фақат шундами?... Яна ким билсин, дунёда бунақа ҳодисалар кўп-ку... Балки шунинг учун ҳам «тақдир» дейилар...

Кечки пайт Тўлқин ака, Аҳмаджон, Фаррухлар билан шаҳар айлангани чикдик. Мотоцикл, машина, пойафзал, газламанинг қатор расталари ва дўконлардан иборат кўчаларни айланиб зерикдик. Юриш қийин: кўчалар тор, қатнов тиғиз ва тартибсиз; машина, мотоцикллар чинқариб келаверади, велосипедчилар, пиёдалар кўз очирмайди. Дўконларда мол-дунё бисёр, харидор билан тўла. Бир нарса олиш нияти бўлмагандан кейин бисёр нарсаларнинг ҳам қизиғи йўқ...

Ёмғирдан кейин дамлик ва намлик кучайиб, нафас олиш қийинлашиб кетувди, кечқурун сал енгиллашди, лекин ҳаво тоза эмас, чанг кўп.

Меҳмонхонада осма ел ҳайдагич тинмай айланиб тургани учун чидаб ётса бўлади, аммо душхонанинг эшигини очсангиз, гуп этиб, нафасингизни қайтаради...

**6 август, жума**

Кеча оқшом Жалолиддин Акбарнинг уйига қўнғироқ қилиб ололмадик. Бугун эрталаб ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб ўша одамни ишташга қарор қилинган эди. Қўнғироқ қилиб қўрилди, яна ҳеч ким олмади. Эҳтимол, телефони ишламаётгандир. Манзили номаълум. Сайфур Раҳмон ҳам тополмади. Бунинг устига, эрталабда яна озгина дилхиралик юз берди. Хурмача қилиқли маъмуримизнинг фироғи ошяпти. Ниҳоятда камгап, камсукум бу кимсанинг оғзидан шунча кун ичида уч-тўртта дурустроқ, тўлароқ жумла чиққанини эшитмадим. Тунд башарасию йўлда ҳайдовчи ва аравакашлардан жаҳли чиққанда ишлатадиган «бепарва» деган иборасини ҳисобга олмаганда, одамнинг эсида, кўз олдида қоладиган тузукроқ жиҳати ҳам йўққа ўхшарди. Лекин хотини касаллиги учун гап қўнглига сиғмаганиданми ё биз унинг таъбига унча тўғри келмаганимиз учунми, бояқишнинг қорни дам бўлиб кетган экан, кечқурун Аҳмаджон билан бир соатдан ортиқ гаплашибди. Биздан шикоят қилибди. Мўлжалдан бир неча кун ортиқ юрдим, шунинг учун менга яна беш минг рупий берасизлар, дебди. Ҳартугул, овқат емаган эди—ўчақишган экан. Эрталаб яна шу гап бўлди. Бу етмагандай, ўз орамизда ҳам андак “музокара” бўлиб ўтди. Таржимонимиз ўзи ўта маданиятли, нозик таъб зиёли бўлгани учун «бу оддий ишчи экспедиция аъзолари» деган тушунчага қўниқолмаяпти...

Хуллас, соат тўққизларда Ҳиндистон сари, чегарага жўнавордик. Яна ўтган гал юрган йўлдан—икки қирғоғида гўзал дарахтлар, дарахтсимон гуллар яшнаб турган Анҳор ёқалаб бормоқдамиз. Аммо, мен юрагимда иккита армон билан кетяпман. Биринчиси—бобурийлар авлоди (агар рост бўлса!) Жалолиддин Акбарни тополмаганимиз... Ахир бу биз учун, экспедициямиз учун жуда муҳим янгилик эди-ку, нега дурустроқ шуғулланмадик? Нега кеча тушдан кейин меҳмонхонада бекор ётдик? Ахир Сайфур Раҳмон Жалолиддин Акбарни таниши, уйини билиши мумкин бўлган кишиларни топиб ёки шаҳар адреслар бюроси орқали унинг манзилини аниқлаб бериши мумкин эди-ку?! Хўп, Сайфур Раҳмон-ку, бу ишга жиддийроқ бош қотирмагандир, нега энди ўзимиз астойдил киришмадик, Сайфур Раҳмоннинг этагига маҳкам ёпишиб олмадик? Менинг назаримда экспедиция аъзоларида Жалолиддин Акбарнинг Бобур авлоди эканлигига ишонч бўлмади, чоғи. Чунки агар бу гап рост бўлса, шу пайтгача фан, илм аҳлига маълум бўларди-ку... Лекин барибир Жалолиддин Акбар менинг кўнглимда армон бўлиб қолди.

Яна бир армоним - Лоҳўрнинг менга ёққан Ал-Ҳамро кўчаси ва ўша кўча ёқалаб кетган катта боғни кўролмаганим. Хаёлимда боғнинг ичи ниҳоятда гўзал ва мафтункор манзараларга бойдай туюлганди. Айнан ана шу жой учун бошқа жаъми ёқимсизликларни кечиришга ва бобурийлар нафаси, руҳи кезиб юрган бу муаззам шаҳарга яна келишга рози эдим. Ва яна афсуски, Лоҳўр кўчалари ва хиёбонларига файз ва алоҳида кўрк бағишлаб турган гўзал гуллар, дарахтларнинг аксарияти номини билиб ололмадим. Бу масалада менга таржимон ҳам, бизни олиб юрган маъмур ҳам, муҳожир дўстларимиз ҳам, ҳатто маҳаллий халқ вакиллари ҳам ёрдам беришолмади. Агар буларнинг тилини билганимда, ўзим кексалардан, зиёлилاردан сўраб-суриштирган бўлардим.

Мана ҳозир чегара-божхона ҳовлисида бошлиқ келишини кутиб ўтирибмиз. Олмаҳонга ўхшаш, ундан ҳам жажжироқ чипор, жуда чиройли, ёқимтой бир жонивор шитоб ўрмалаб дарахтларга чиқиб-тушиб юрибди. Тераксимон, аммо барглари каттароқ, ёнидан ўсадиган шохлари тарвайганроқ дарахт шохидаги лойхўракка ўхшаб кетадиган, боши кичкинагина, тумшуғи ингичка ва чўзиқ, оёқлари ҳам узун, бир қарашда жигарранг, бироқ қанотларини ётса оппоқ бўлиб кўринадиган қушнинг ҳам номини билолмадим. Демак, аслида ўзим ўрта мактабда зоология, ботаника фанларини яхши ўқимаган эканман, ўсимлик, жониворларни, умуман табиат оламини яхши билмас эканман, деган хулосага келдим.

Кутиш азоблари, хавотир изтиробларини тортиб ўтирибмиз. Кун иссиқ. Не бахтки, бугун бу ерда энгил шабада эсиб турибди. Танамиз ва жонимиз унча қийналмаяпти.

Шу кунгача 6,5 минг километр йўл босибмиз.

Божхона бошлиғи бизни кундуз соат иккига келинлар, деган эди, биз тўққиз яримдаёк келиб олдик. Бошлиқ муовини унча рўйхушлик бермай қаршилади бизни. Аҳмаджон: «таъмагирроқ одам шекилли, ўтган куни унга совға бермагандик», деди. Муовин яна ўша кунги гапни такрорлади, яъни, ҳиндлар сизларни машина билан ўтказишмаса керак, деди елкасини қисиб. «Сўраганмиз-ку, керак бўлса, яна сўраймиз», деб, раҳбар, таржимон ва маъмур ҳиндларнинг чегара-божхонасига бориб совуқ хабар билан бўшашиб қайтиб келишди. Аввалги куни навбатда турганлар алмашибди, янгилари рухсат йўқ, дейишибди. Тарвумизимиз кўлтиғимиздан тушиб, ёрилибоқ кетди. Ҳар ким кўнглига келган мулоҳазани айтди. Ўша куни Ҳиндистонга ўтиб кетавермабмиз, Лоҳўрни қайтишда кўраверардик, дедик. Халқимизнинг «отамнинг ўлишини билганимда чакса кепакка сотиб ердим» деган ажойиб мақолини эслашдик. Энди бутун умидимиз бошлиқдан эди. Ахир у Ҳиндистон божхонасига буйруқ беролмайди-ку, деб ўйласак ҳам, негадир ундан нажот кутардик.

Ниҳоят, 10 дақиқа кам иккида бошлиқ келди (унинг исми-шарифи Шавкат Али Шайх эди). У оппоқ узун кўйлак кийиб, чинакам покистонлик жанобларга ўхшаб олган эди (Дарвоқе, бугун буларда дам олиш куни эди). Кўришишлар қуюқ бўлди. Яна ўтган кунгидай кока-кола, пепси-колалар билан сийландик (Ҳатто ташқарига—ўтирган жойимизга олиб келиб беришди).

Бўлган гапни айтган эдик, бошлиқ майли, бир уриниб кўраверинларчи, зора омадларинг чопиб, ўтиб кетсанлар, деб, ходимларига тезроқ ҳужжатларимизни тайёрлаб беришни буюрди.

Ҳа, Бобур ҳам Ҳиндистонга осонлик билан ўтмаган-ку, дея бир-биримизга таскин берардик.

Ҳиндистон чегарасига соат уч яримгача қўйишаркан. Покистон божхонаси бошлиғи билан кучоқлашиб хайрлашдик, унга ташаккурлар айтдик.

- Ассалому алайкум, -деб қолди Шавкат Али Шайх. Бу ёқда бу калима кўришганда эмас, хайрлашаётган вақтда қўлланиларкан.

Апил-тапил машинага чиқдик. Ҳаммамизнинг юракларимиз ҳаяжондан, хавотирдан бесарамжон урарди.

Дарвоқе, садоқатли маъмуримиз Парвез ҳам елкасидан тоғ қулагандай бўлди шекилли, биз билан тишларининг оқини кўрсатиб видолашди. Сафар давомида биринчи марта унинг чехраси туман ичидаги қуёшдай хирагина ёришганини кўрдик. Унинг худди шу ҳолати Ҳиротдаги Жумавойимизга сал ўхшаб кетди. Шошилишда унга раҳмат айтдикми, йўқми - эсимда йўқ...

Менинг кўнглимда ҳам Ҳиндистонга етиб боришга умидсизлик бор эди, чунки илгари ҳам икки марта ҳаракат қилишган, лекин турли сабаблар билан чегарадан ўтолмай қайтишган эди....

## Ш қисм

### СЕҲРЛИМИ ҲИНДИСТОН?

#### ЧЕГАРАДА УЧ КЕЧА

6 август, жума

Соат кундузги учдан ўн беш дақиқа ўтганда Покистон божхонасидан жўнаб, кўз очиб юмгунча Ҳиндистон чегарасига етиб бордик. Бизнинг шиддат билан келаётганимизни кўрган посбонлар темир дарвозани ланг очиб юборишди, лекин дахлсиз худуддан ўтиб, машинамиз ғилдираги Ҳиндистон заминига теккан пайтда бир нечаси бараварига қўл силкий бошлашди.

Улар ҳай-ҳайлагунча Тойўтамиз раҳбарнинг буйруғи билан Ҳиндистон худудига бир неча кадам кириб олган, чегарачилар ҳайдовчимизга «орқага қайт!» деб ишора қилишарди. Зокиржон ака эса Обиджон акага «бир кадам ҳам жилмайсиз», деб тайинлаб қўйган эди. Ўшанда раҳбарнинг ўрнида бошқа одам бўлганида, яна Ҳиндистонга ўтолмай, шалвираб қайтиб келишимиз турган гап эди...

Паспорт ва бошқа ҳужжатларимизни қўлма-қўл қилиб, бири олиб, бири қўйиб текшира кетишди, ўзларича роса муҳокама қилишди. Улар борган сари кўпайиб боришарди. Ҳақиқий чегарачилардай бизни кўп хуноб қилишди. Ҳеч юмшай дейишмайди. Айниқса, носранг кийимли (уларнинг формалари ҳар хил рангда эди—унвони, мансабига қараб ўзгарса керак), соқол-мўйлови қоп-қора ва кўринишидан қаттиқ, хира қаймоқ ранг салласини (эхтимол бу ҳам ҳарбий қалпоғидир) қулоғи билан қўшиб ўраб ташлаган жиккаккинаси жуда батарин экан. Ким гапирса ўшанга қараб «йўқ» деган маънода бош-бош қиларди (афтидан унинг айрим шериклари бизнинг ёнимизни олишаётган эди, шекилли).

Бир тўп зобиту аскарлар ўртасида қолган Зокиржон ака аввалига босиқлик билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси орқали автомашинага рухсат олинганини, шунинг учун ҳам паспортларга машина рақами ёзиб қўйилганини айтди. Сарҳадчилар эса эшитишни ҳам хоҳлашмас, ҳаммаси фақат калла чайқаб, «мумкинмас», деган ишорани қилишарди. Шундан сўнг Зокиржон ака ошқора «хужум»га ўтди:

- Ўзбекистон билан Ҳиндистон ҳукуматларининг ўзаро дўстлик муносабатларини йўлга қўйиш сиёсатига хилоф иш қиляпсизлар! Премьер министрнингизга бораман! БМТга арз қиламан! Нима, сизлар учун элчингиз Делип Мехта ҳеч ким эмасми?!.. Мен унга қўнғирок қилиб айтаман!..

Зокиржон ака шу қадар куйиб-пишиб, тез гапирардики, бечора таржимонимиз Аҳмаджон Қосимов унинг эхтиросли сўзларини ҳиндчага ўгириб улгурмасди.

Ниҳоят, узоқ тортишувдан кейин чегарачилар бош тебратишдан тўхташиб, бир-бирларига қарай бошлашди. Зокиржон ака янада дадиллашиб: мени бошлиқларинг олдига олиб киришлар, деб туриб олди.

Хуллас, Зокиржон ака билан Аҳмаджон Андижон чопонию Шаҳрихон пичоғидан олиб, икки зобит ҳамроҳлигида бошлиқ ҳузурига кириб кетишди. Бошқа ходимлар бизнинг паспортларимизни рўйхатдан ўтказишиб, бир неча жойга қайд этишди. Кейин биз машинадан тушиб, автоуловлар турадиган, «ПАРКИНГ» деган ёзув ёпиштирилган дарахт остидаги майдончага қўйилган сават (темир труба ва тасмадан ясалган) курсиларда кутиб ўтирдик.

Биз ҳаяжонда ва мамнун эдик. Нима бўлса ҳам, Ҳиндистон худудига ўтиб олдик-ку, энди ҳайдашса ҳам чиқмаймиз, зўр келса, «Ҳиндистон-таймс» газетидан мухбир чақириб, очлик эълон қиламиз, деб, латифалар билан ўзимизни овутиб ва совутиб ўтирдик. Бир пайт соқоллари ўскан, бундайроқ кийинган иккита йигит пақир кўтариб ёнимизга келишди. Улар бизга пепси, фантага ўхшаган салқин ичимликлар олиб келишган эди. (Худди Покистон

божхонасидагидай. Буларнинг шу одатлари яхши экан. Бизда чиллада ҳам, саратонда ҳам кайнок, чой тутилади). Кўнглимизга анча ёруғлик тушди: хайрият, сийлашларига қараганда мисриш чопонлар кийдирилиб, Қорасув пичоқлари тақилганга ўхшайди...

Биз олтовлон алоҳида, жуфт-жуфт бўлиб ўтирардик. Ҳар ким ўз хаёллари, фикр-режалари билан банд. Мен эса атрофни кузатиб, томоша қилардим. Тан олиш керак, сарҳад худуди кўркли — хиёбоннамо боғ сифат эди: баланд-паст дарахтлар, гуллар, жониворлар...

Ёқимли, салқин шабада эсяпти. Мана шу ернинг ҳавоси ўзимизнинг водий иқлимини эслатиб юборди. Биз ўтирган майдончага тўқ яшил барглари кўп ва силлиқ, шохлари шажара-шажара бўлиб кетган баланд, кекса ва улкан дарахтлар соя солиб турарди. Қарға, муттаҳам олақанот ва бошқа кушлар қағиллаб юришарди. Бир олақанот қаёқдандир оч яшил рангли тўтини кувиб келди. Тўти тепамиздаги дарахтнинг бўқоқдай шишиб турган, тешиги пастга қараган ковагига қочиб кириб кетди. Олақанот пастроқдаги шохга кўниб, пойлаб турди-турди-да, учиб кетди. Кавакдан бошини чиқармай, ҳадик билан кузатаётган тўти «ёв» даф бўлганига ишонч ҳосил қилгач, чиқди-да, майдоннинг нариги четидаги дарахтга бориб кўнди.

Покистон божхонаси ҳовлисида кўрганимиз олмахонсимон жониворлар бу жойда дарахтда, ерда жуфт-жуфт бўлиб, ҳуркимай-чўчимай, бемалол юришарди. Дарвоқе, уни бурундукнинг бир тури, дейишди. Жуда чакқон жонивор экан. Айниқса, жажжи кулоқларини митти оёқчаси билан қашиши торнинг резидай тез эди.

Кушлар чуғур-чуғури борган сари авж ола бошлади. Жуда майда, чимжиллоқдай келадиган қора, кулранг кушчаларни (колибрининг бир тури бўлса керак) биринчи марта кўришим эди. Тўтилар бемалол учиб юришибди. Эҳтимол, булар қафасда боқиладиган турларидан эмасдир. Мусича ҳам бор, бироқ сал ихчамроқ, ранги очроқ эди. Бўйни қаймоқ ранг қарғалар ғалат бир салобат билан қанотларини сор каби аста қоқиб учушарди. Олақаноат ўз юртида (биздагиларни зиёнли қурт-ҳашоратни йўқотиш мақсадида шу Ҳиндистондан олишган дейишади. Лекин у ҳам анойи эмас экан, бемаза қурт-кумурсқадан кўра ширин узумларни яхшироқ кўраркан. Ўзиям бутун ютади жонивор) янада эркин, гердайиб, ювош тўти, беозор мусичаларни тизғиратиб кувиб юрарди. Умуман, бу ерда кушларнинг уни ўткир, жангарироқдай туюлди.

Шу ерда икки қоши ўртасига қизил хол босилган аёлни ўз юртида, ўз кўзим билан кўрдим. У оқ кўйлак (сарий эмас), қизил гулли нимча кийиб, елкасига янада тўқ қизил гулли сари ташлаб, бола кўтариб олганди, ёнида яна бир қопқора қизча онасининг этагидан тутиб пилдираб борарди.

Алқисса, шаббода, кўкаламзор хиёбонлар, кушлар, бошқа кўнгилхуш манзаралар асабларимизга анча ором берди. Умуман олганда ҳам, чегарачилар бизни қанча диққат қилган бўлишмасин, барибир кайфиятимиз яхши, руҳимиз баланд эди. Сабаби — биз сеҳрли деб таърифланадиган Ҳинд диёрига кириб олгандик ва мана шу биз ўтирган майдон-хиёбоннинг чиройли табиати, ранго-ранг кушлар чуғур-чуғуридан Улуғ Ҳиндистон нафаси, ҳиди келиб турарди. Яна биз мулоҳаза қилардик: Ҳозир Бобур авлодлари бўлганида бизни бошқача кутиб олишармиди... Бу ерда сарғайиб ўтирмасмидик...

Ниҳоят, раҳбар билан таржимонимиз чиқишди. Машқлари ўртача эди. Шундай қарорга келинибди: Зокиржон Машрабов таржимон билан бундан ўттиз чақирим наридаги Амритсар шаҳрига бориб Дехлига телефон қилишадиган, кўнғироқ билан иш битмаса, пойтахтгача бориб, керакли маҳкамалардан машина билан ўтишга махсус руҳсат олиб келадиган бўлишибди. Унгача биз шу ерда кутиб ётар эканмиз. Чегара маъмурияти бизни ётоқ билан таъминлайдиган ва бугун кечкурун меҳмон қиладиган бўлибди.

Дарҳақиқат, ҳадемай майдонча ёнидаги ошхонага таклиф этишди. Овқатлари бизнинг таомнамаларда йўқ: озгина сабзи (ё сабзисимон бир нима) бўтқаси, бақлажон бўтқаси (аччик), нўхотсимон сариқ, ё куюқмас ё суюқ бир овқат... Нон бу ерда ҳам чевати экан, чеватининг ҳам кулчаси—қафтдайгина, юм-юмалоқ. Ҳамма таомлари, ҳатто чеватиси ҳам захардай аччик эди. Бир замонлар сайёҳ Афанасий Никитинни ҳам аччиқ таом билан «сийлашиб» устидан кулишган эди. Шу воқеани эсладим...

Раҳбар билан таржимон биздаги «Муравей»га ўхшаган моторолёр таксига ўтириб,

жўнаб кетишди. Биз Синток сингх, Кулвон сингх деган зобитлар ихтиёрида қолдик. Тўғрироғи, бирон гап чиқса, шу иккаласига мурожаат қиларсизлар, дейишди чегара раҳбарлари. Машинамизни бир четга тортишиб, калитини ана шу зобитлардан бири олиб кўйди. Кейин бизни бу ердан юз қадамча наридаги бир қаватли пастаккина бинога бошлаб боришди. Катта бир хонага (бир вақтлар рестораннынг зали бўлган экан) 6 кишилик жой хозирлаб қўйишибди (Шунисигаям раҳмат).

Бу орада кеч кирди. «Меҳмонхона»мизнинг орқа томонидаги ҳовлига чиқдик. Сийрак дарахтзор ва ям-яшил хиёбон. Озодалиги унча эмасу лекин чиройли, кўзни яшнатади, пойафзал билан босгинг келмайди. Шу майсазорга тўшакларимизни солиб, ўз уйимиздагидек хотиржам ёнбошлаганча суҳбатга тушдик. Ҳаво очик, осмон мусаффо эди. Ҳамишагидай, кўкдаги «Етти оғайни» мен билан бирга, фақат, сал баландроқда эди холос.

Хиёбоннинг у ер-бу ерида нимадир худди олис юлдузларнинг хира ва заиф шуъласидай йилт-йилт қиларди. Шуълалар гоҳ йўқолиб, бир оздан кейин сал нарида пайдо бўлиб қоларди. Аввалига бу бизга сирли бир нарсадай туюлди. Кейин улар бирданига кўпайиб, хиёбоннинг ҳамма бурчакларида, дарахт-гуллар узра живир-живир қилиб, йилтиллаб бошлади. Шундагина бу ғаройиб мавжудотнинг ёнар капалаклигини англадик. (Унинг митти жисмида фасфор бор-да!) Тутиб кўрдик: кўлга ҳам илашмайди. Табиатнинг мўъжизаси ҳам кўп-да!..

Ётоқхонамиз, иккита катта кондиционер, шифтда ҳам бир жуфт шамол ҳайдагич айланиб турган бўлишига қарамай, дим эди. Темир паррақлар гўё иссиқ шамол пурқарди. Ухлаш анча қийни бўлди...

*7 август, шанба*

Эрта уйғондим. Андижон, ёру биродарлар, эски танишлар тушимга кирибди. Умуман, йўлга чиққанимиздан бери ўзимизнинг она юрт, кўнгил яқинларим, хусусан болалик кадрдон дўстим Баҳром кунда ё кун ора тушимга кираверади. Бобур ҳам шундай тушлар кўрган, соғинган, қийналган бўлса керак.

- Ҳиндистон заминида ҳам бир кеча туналди, -деди ён каравотда ётган Тўлқин ака ва менга қараб, қалай, яхши тушлар кўрдингизми, деб сўради. У тамакини ётган жойида бемалол, ёзилиб тутатарди.

- Авлиё бўп кетинг-е, - дедим ва миямдан бу одамнинг кўп чекишидан бошқа камчилиги бўлмаса керак, деган фикр ўтди. У ҳар жиҳатдан сафарбоп, ҳаммабоп, касби боис дунёнинг кўп жойларини кўргани учунми, дунёқараши — фикр доираси кенг, ўта синиқ, камтар, ювош эди.

Ётоғимизнинг орқа томонида душ бор экан, роҳат қилиб чўмилдим. Қанча сув тегса ҳам баданим совий демасди. Елкамга шовуллаб қуюлаётган «шаршара» остидан чиққим келмайди. Аммо, бошқалар ҳам навбат кутиб туришарди.

Яна ҳамма хиёбонга чиқди. Мўъжазгина бу хиёбонга тонг янада ажойиб жозиба, фусункорлик бағишлаганди. Ранго-ранг дарахтлар, гуллару гиёҳлар ҳиди, кушлар сайроғи тутиб кетган эди. Хиёбон жуда текис, майса кийгиздай қалин ва чим-чатир: кафтдай ер очилиб қолган жойи йўк.

Не бахтки, ҳаво айниб, онда-сонда битта-иккита ёмғир ҳам томчилаб турибди. Лекин қилт этган шабада йўк. Майсазор шудрингдан нам эди.

Хиёбонда пастак, манзарали дарахтлар кўп, айниқса, маржон-маржон майда қизил гулли, бутасимон ўсимлик хиёбон ҳуснини жуда очиб юборган эди. Бу сершоҳ дарахт-гулнинг шокила-шокила шакли кўзмунчоқсимон (ундан сал каттароқ ва узунроқ) қизил шоналари очилган сари пушти тусга кира борарди. Унинг ҳиди ҳам хушбўй, бинобарин нектари ҳам жуда ширин бўлса керак, колибри қушчалари ҳам, ҳар турли капалақлар, асаларилар ҳам ўзларини ана шу бута гулларига уришарди. Асалари белигача узунчоқ шонагул ичига шўнғиб, нектар сўриб бол йиғарди. Табиатан бесабр капалақлар кўним билмай, гулдан-гулга кўчиб юришади. Колибрилар эса... Ҳа, дарвоқе, колибрилар ҳақида... Катталиги қовоқ аридай келадиган бу митти жонивор ер юзидаги қушларнинг энг кичкинаси,

энг жажжисидир. Шунга қарамай уларнинг юраги бургутникидай катта ва жасур. Улар баъзан гала-гала бўлиб, ҳатто ёлғиз ҳолатда ҳам қирғийми, бойқушми, хуллас ўзидан юз баробар улкан ва кучли яна, йиртқич қушларга дап қилиб қолишади. Улар бошқа ҳеч бир қуш, паррандада йўқ ғаройиб хислатга эга, яъни колибрилар ҳар томонга -олдинга ҳам, орқага ҳам, ёнига ҳам ҳатто вертолёт каби тиккасига пастга ҳам, юқорига ҳам бемалол учаверади. Бир кунда ўз вазнидан икки баробардан ортиқ овқат ейди, -деб ёзишади китобларда. Йўғ-е, дегинг келади. Лекин табиатда қанақа ғайри ҳодисалар бўлмайди дейсиз... Дарвоқе, бу антиқа қушларнинг асосий ватани Америкадир. Биз ёқларда, яъни Ўзбекистонда, ҳатто Фарғона водийсидай ҳар турли қуш-паррандалар, ўсимликларга бой масканда, табиат ўз саховатини ва тароватини намойиш қиладиган Кавказнинг курорт шаҳарларида, Венгрия, Чехословакия ва бошқа хорижий юртларда ҳам колибриларни учратмаганман. Булар Ҳиндистон худудидан азалдан бормикин ё Америка томонлардан олиб келиб кўпайтиришганмикин?... Хуллас, ана шу камёб ва ноёб жониворлар бута-гул узра шохдан-шохга учиб-қўниб ўйнашар, бир жойда — жажжи чиройли қанотчаларини пириллатиб, муаллақ ҳолатда узоқ-узоқ туришар ва гул ичига шўнғишарди. Бирон хавф сезишса, бир зумда кўздан ғойиб бўлиб қолишарди.

Хиёбонда ўзини кўз-кўзлаб турган ўсимликлардан бири сариқ карнай гулли магнолиялар эди. Яқинроқ борсангиз, димоғингизга «Магнолия» атрининг ҳиди урилади. Хиёбоннинг чап бурчагида бир туп банан ўсиб ётибди. Узун ва энли, қамишсимон новда-япроқлари, бодрингсимон мевалари ғужум-ғужум бўлиб, учида қовунсимон сиёҳранг гули осилиб турарди. Меваси ҳозирча пишмаган: ям-яшил эди.

Бошқа бир бурчакда бир туп папайя - қовун дарахти ҳам бор эди: унинг мевалари ҳам тепада, ғуж-ғуж бўларкан. Бизнинг иқлимга ноҳос бу неъматни жуда шифобахш деб таърифлайдилар. Ўта озғинликда, тинка қуриш хасталигида, безгакни даволашда, гижжани ҳайдашда қовун дарахтининг меваси, барги, уруғидан фойдаланишаркан.

Банан ёнида бамбукдан ясалган шоти турибди. «Туғилмаган бузоққа қозик» дегандай, банан, папайялар пишганда ишлатиш учун олиб бориб қўйишибди шекилли.

- Бананнинг тўрт донаси бир одамга кечгача овқат бўлади, -дейди бу бораларда анча «илми» бор Тўлқин ака. — Калорияси жуда кучли: фазогирларнинг сикма идишдаги овқатлари таркиби асосини банан ташкил қилади.

Осмонда калхатлар катта-кичик доира ясаб, ўз худудини қўриқлаётгандай айланиб юришарди.

Нонушта масаласида бошимиз қотиб ўтирувдик, тахминан қирқ беш-эллик ёшлардаги сўйлоқ тишли, қорамтиргина бир одам келиб, «чой ичасизларми?» дегандай бир гап сўради. Биз тушуниб-тушунмай «ҳа» дедик. Фақат Тўлқин ака «цукар» (шакар) деганини англаб, «йўқ, керакмас», деди.

Йилтироқ қоғозга ўралган икки қути печенье (бир сўмлик сўлкавойдай) билан олтига 100 грамлик истиконда ширчой олиб келди. Термосимизга қайноқ сув куйиб бериб, кетди.

«Буларнинг одамгарчилиги тузук экан,» деб ўзимизда йўқ мамнун, чойни майда хўплаб, печеньега тамадди қилдик. Ярим соатлардан кейин бояги одам, қўлида калкулятор, келиб, имо-ишорада ҳисоб-китоб қилиб, 34 рупий чўзинглар, деб қолди. Капалагимиз учди. Худди ўзимиздагидай, «қиммат-ку» дегандай эътироз билдирдик. У одам бир парча қоғозга ёзиб аранг тушунтирди: икки қути печенье — 12 рупий, бир истикон чой — 2 рупий, қайнаган сув — 10 рупий эмиш! Мен шарқ мамлакатларида озиқ-овқат қиммат деб эшитганман, лекин бунчалик бўлишини ўйламовдим.

Бизда ҳинд рупийси йўқ эди. Ҳаммада оз-оздан Покистон рупийси бору, бу икки давлат пулининг қиммати ўртасидаги озгина фарқни тўғри келтиролмай, ҳинд ҳам, биз ҳам анча хуноб бўлдик. Тўлқин ака билан Фаррухнинг бу борадаги озми-кўп тажрибаси ва тушунчаси иш бериб, бир амалладик (Тўлқин ака анча-мунча инглизча сўзларни ҳам биларди).

Шундоққина теппамиздан «кий-кий», деб қийғир учиб ўтди. Ундан кейин яна бир қора қуш ва бошқа қушлар, жигарранг катта капалак...

Хиёбонга сафар кўрпачаларимизни тўшаб ўтирибмиз. Дарвоқе, бу жойни хиёбон деб ҳам бўлмайди: бир томони—бизнинг «меҳмонхона»миз, қолган уч томони бетон девор билан



ўралган. Худди уй қамоғидай. Узоққа чиқиш мумкин эмас. Давра қуриб, бадиият ҳақида, Бобур ва унинг «Бобурнома» асари хусусида суҳбатлашамиз, ўша даврдаги ва ҳозирги жой номлари ва қиёфасини мулоҳаза қиламиз, дастлабки сафар таассуротларимизни ўртоқлашамиз.

Ҳаво айниброк турибди, бироқ дам, нафас олиш қийин — нам ҳарорат юқори. Ёнбошлаймиз, турамиз, диққат бўламиз, муҳокама қиламиз, тахминий башоратларимизни айтаемиз, умидвор бўламиз... Яхшиямки гуллар, қушлар, бурундуқ бор экан, шуларни томоша қилиб, ўзимизни чалғитиб вақт ўтказяпмиз.

«Бизнинг» боғ-ҳиёбонда бурундуқ дегани роса кўп экан. Ҳар бир дарахт атрофида, деворлар устида жуфт-жуфт бўлиб қувалашиб юришибди. Табиат ажойиботларининг яна бир жонли мисоли бўлган бу хушбичим жониворнинг думи жуссасига нисбатан уч баробар узун эди; сичқондан катта, каламушдан кичик, лекин чўзинчоқ, тепа қисмида думидан то бўйнигача, қулоғигача панжа изисимон учта йўл-йўл ҳошия бор. Дарахт танасида пастга физиллаб тушиши ва гоҳо ерга етай деганда тек қотиб узоқ туриб қолиши, яъни хатти-ҳаракатлари ниҳоятда жозибали. Хавф-хатар сезса икки оёғида тик турганича атрофни олазарак кузатади, митти кўзлари бесарамжон жовдирайди...

Кечаси бутун баданимга иссиқлик тошиб кетган эди. Ҳар замонда душга бориб, марганцовка билан ювиниб келаман. Бир оздан кейин яна терлаб кетавераман, намчил иссиқ бетоқат қилаверади. Яхшиям шундай кўкаламзор майдон. Бўлмаса...

Пешинга яқин бурундуқлар қаёққадир ғойиб бўлиб қолишди, бошқа қушлар ҳам: салқинроқ, захроқ қавакларга уриб кетишди шекилли...

Тушликка тушонка иситдик. Кўчадан чевати олиб келдик. Ўнта. Осмонга тутсангиз куёш бемалол кўринади. Бир донаси — 1 рупий.

Нон-кулчаларимиз моғорлаб кетибди. Сайфиддин ҳожи ака саралаб, эринмасдан майдалаб ташлади. Бир дунё қаттиқ нон бўлди.

Бу ернинг қарғалари ҳам жуда жангари эди. Қоровулимизнинг шумшайганроқ кўппаги биз ташлаган бир-икки бўлак қаттиқ нонни кусурлатиб чайнаётган эди, бир қарға қаердан пайдо бўлди—билмай қолдик, шиддат билан, сорсимон учиб келдию, нонни тумшуғи билан илиб олиб, яна шахт кўтарилди-да, меҳмонхонамиз томига кўнди... Бечора ит ғингшиб, емишининг қолганини ҳам ташлаб қочди...

Ўзимиз томонда ғўза ҳашоратига қарши сепиладиган захарли дорилар туфайли йўқ бўлиб кетган сассиқ попишах (худ-худ)ни ҳам шу ерда кўрдик.

Кечки пайт хиёбоннинг кун ботиш тарафидаги тарвақайлаб, ер бағирлаб ўсган магнолия ва ғужум-ғужум оқ карнай гулли (гул-барглари ғоят нафис) дарахт-гуллар оралиғида қирғовулнинг бир жонон нори пайдо бўлиб қолди. У сумбати ихчам бўлишига қарамай, камалак ранг, чиройли патларини кўз-кўз қилгандай, ёш, олифта бўйдоқларсимон солланиб юрарди.

Ажаб, нари борса йигирма беш-ўттиз сотихли хиёбон, дарахт ҳам кўп эмас, аммо қушлар, парранда-даррандалар шунча бисёр ва хилма-хилки... Чумчуқлар, калласи катта, қоп-қора шох чумолилар, митти қумурсқалар, чивин (биздагига қараганда майдароқ), кўнғиз, ниначи, пашшалар... ва яна ҳар турли майда ҳашоратлар, мавжудотлар...

Мен «Бобурнома»ни эслайман. Бобур Мирзо Ҳиндистон табиатини—иқлимини, тоғларию, ерларини, сувларини, ҳайвонот оламини, парранда-даррандаларию ўсимликларини жуда кенг, батафсил, ҳарқандайин жуғрофийшунос, биолог, зоолог олимлардан-да мукамалроқ ҳам илмийроқ таъриф ва тавсиф этган-а. Масалан, адашмасам, элликга яқин, балки ундан ҳам кўп парранда турларини келтириб, ҳар бирининг шакли-шамойили, рангитуси, ўзига хос белгиларига алоҳида-алоҳида тўхталган. Жумладан, товус сифатларининг ўзи салкам бир саҳифа, беш-олти хил тўтининг феъл-атворию бир-биридан фарқлари, қай бири қай даражада сўз ўзлаштира олишигача шарҳланиб, тасвирланади... Дарҳақиқат, шу қафтдай жойда шунча кўп, Ҳиндистоннинг катта ўрмонларида қанча экан, деб ўйлайман ва юрагим ўша томонларга орзиқиб талпинади...

*8 август, якшанба*

Кеча иссиқдан шикоят ва арз қилганимиздан сўнг божхона маъмурияти ходимлари хонамизга яна бир жуфт иккита одамнинг кучоғи аранг етадиган вентилятор қўйиб беришган эди. Бел, оёқларни чатоқ қилмасайди, деб хавотирланиб ухладим. Қаёқда, эрталаб яна терлаб-пишиб уйғондим.

Ҳовлига чиқсам хиёбонда бир жуфт лойхўраксимон қуш юрибди: оёқлари дароз, аммо нозик, тепаси кулранг, боши, бўйни ва белининг учи қора, тумшуғи қизил, елка ва қорни оқ... Майда қадамлар билан озгина-озгина юриб, у еққа-бу ёққа анча қараб туради-да, мўлжаллаб, бир жойга тезда юриб боради ва майсалар орасидан ниманидир жон-жаҳди билан чўқилай бошлайди.

Шайтонча бурундуклар яна жуфт-жуфт бўлиб, пилдираб ўйнаб юришибди.

Бугун шабнам кечагидан ҳам қалинроқ тушган, майсалар йилт-йилт қиларди.

Қизил кўзmunчоқ гулли ўсимлик шохларида колибрилар ғунчаларнинг тотли нектарини эҳтирос билан сўришади. Уларнинг пириллаб, арилар каби гулдан гулга учиб-қўнаётганини кўрган одам беихтиёр жони ичига сиғмайдиган бесаранжом, бетоқат жонивор экан-да, деб ўйлаши шубҳасиз. Лекин бугун хиёбон маликасидай очилиб-сочишиб турган гул-дарахт атрофида ҳақиқий асаларилар ниҳоятда кўпайиб кетган эди.

Девор ортидаги оқ баданли дарахтда тўп-тўп зангори тўтилар кўринди. Яна, гавдаси ва думига караганда тўқ қизил тумшуғи чўзиқ ва эгри, икки ёни, қанотларининг чети ҳаворанг бир қуш, чумчуксимон, фақат, қорамтир, қорни билан қуйруғи ўртасида хошия бор қуш, яна бир кулранг тусли, думи хипча ва узун қуш пайдо бўлиб қолди. Хиёбонимиз жонли табиат бурчагига айланиб борарди. Менинг назаримда, бу ранго-ранг паррандалар хиёбонга биз ошиён қурганимиздан кейин бошқа ёқлардан кўплаб учиб келишмоқда эди. Ё улар ҳам бўйига етган навозишли ҳинд қизларидай, ўзларининг бор-йўқ бисотию хусни жамолларини одамларга, хусусан, биз каби ўзга юртдан келган ва уларни маҳлиё бўлиб томоша қилаётган меҳмонларга кўз-кўзлашни яхши кўришармикин...

Мен наботот ва зоология илмидан анча узоқлигимни яна бир бора ва чуқурроқ ҳис қилдим. Агар шу ўсимликлар ва паррандаларнинг номларини, табиатини яхши билганимда икки бора ортиқроқ завқ олган бўлардим, деб ўйладим. Бу жониворларни ўзимдан ҳам кўра катта ўғлим Жаҳонгирга кўпроқ илиндим. У ҳайвонот дунёсини жуда яхши кўради. Сетон-Томпсоннинг “Ёввойи йўрға” китобини ўқийвериш ёдлаб юборган менимча...

Чевати олиб келиш учун (уни ҳиндлар «чепоти» дейишаркан) божхона гузарига чиқиб кетаётиб, меҳмонхонамизнинг олди томонидаги майдончада чайла-чодирини йиғиштираётган япон йигитини кўриб қолдик. Тўлқин ака билан Фаррухнинг бутун маҳоратию билимларини ишга солишлари натижасида японнинг сайёҳ, биз каби мусофир эканлигини, мотоциклда дунёни айланиб чиқмоққа аҳд қилганини англадик (У бизга йўналишлари харитасини кўрсатди). Мотоциклига илиб ташланган ашқол-дашқол улوفيға икки баробар (ҳатто примуси ҳам бор) келарди. Шунча юк билан қандай юраркин, деб ҳайрон бўласиз.

Айтгандай, бугун тушимда Турсунойни, Жаҳонгирни ва бошқаларни кўрдим. Бир қизни таниёлмай, «Сиз Зухромисиз» деб сўрасам (аслида Зухро исмли танишим ҳам, қариндошимиз ҳам йўқ), «Йўқ, мен Моҳимман», дейди...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров тасвирлаган Моҳим бегим (Бобур Мирзонинг суюкли хотини) менда ўзига нисбатан кучли меҳр уйғотган ва унинг латиф қиёфасини ўзимча тасаввур қилиб, гўзал исмини суюб-суюб тилга олиб юрардим. Шунинг учун ё балки маликанинг меҳрибон ёри-султони изларини тавоф айлаб кетаётганимиз учун руҳи шод бўлдимикин...

Соат саккизларда Зокиржон ака билан Аҳмаджон кулиб кириб келишди. Худди йўқотиб қўйган шерикларимизни топиб олгандай хурсанд бўлиб кетдик. Уларнинг машқи баланд эди. Қисқаси, Деҳлига боришиб, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги консули Аҳмаджон Лукмоновга учрашибди, у орқали Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Делип Меҳта билан телефон орқали гаплашибди. Лекин иш вақти тугаб қолиб (кеча—шанба, иш—соат иккигача экан, бугун дам олиш куни). Ҳиндистон ҳукумати билан гаплашишолмабди. Эртага душанба куни

хам қандайдир байрам муносабати билан иш куни эмас экан. Лукмонов кўнгилни тўк қилаверинглар, ҳаммаси жойида бўлади, деб жўнатибди.

Суюнчли хабар муносабати билан ош қиладиган бўлди. Аҳмаджон билан катта хожи ака (Сайфиддин Жалилов) икки чақиримча наридаги кишлокқа бозор қилгани кетишди.

Хиёбонимизда (энди у бизники бўлиб қолди, чунки бу ерда биздан ва қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ, унинг биргина лапашанг кўппаги ҳам қора қарғанинг бир ҳамласи биланок ўтақаси ёрилганми, ўша жуфтани рослаган бўйича қораси кўринмайди (Қайси бир бурчи— қавақларда писиб юрган бўлса керак). Яна бир қуш пайдо бўлди: кумрига ўхшайди, лекин мўъжазроқ, дарахт танаси билан рангдош. Таажжубки, худди бизнинг кўзимизни куйдирмоқчи бўлишгандай, аксарият қушлар жуфт-жуфт юришарди. Бурундуқлар-ку бир неча жуфт ва ҳеч бир-биридан ажралишмайди, доим қувлашмачоқ ўйнашиб, бир-бирига суркалишгани-суркалишган. Чарчашса, ўртачароқ шох танасига тўрт оёқлаб чирмашиб, қорни билан қапишиб ором олишарди. Ҳар бир қилиғи шундай ёқимлики, томоша қилиб зерикмайсиз.

Сайфиддин хожи ака иккимиз навбатчи, яъни бош ва ёрдамчи ошпазлар бўлиб тайинланишимиз муносабати билан қадрдон хиёбоним ва суюкли эрмагим бўлиб қолган жониворларни бир неча соатга тарк этишга тўғри келди.

Юқорида айтганимдай, бизнинг ётоғимиз ўтмишдаги кўркам ва гавжумгина ресторанинг умумий овқатланиш зали бўлиб (юқори тарафда буфетнинг кенг дарчали ромлари турибди), ён томонида собиқ жуда катта ошхона (кухня)си ҳам бор эди. Унинг анчадан бери тузук-қуруқ фойдаланилмаётгани сезилиб турарди: деворлари қорайиб, сувоқлари кўча бошлаган, у ер-бу ерга тўнтариб қўйилган кострюлкасимон қозонларни чанг босиб ётар, полига ҳам яқин-ўртада супурги тегмаган эди.

Хожи ака майкачан, йўл шалварининг почасини қайириб, яланг бошига чамбарак қилган оқ дурранинг бир учини қулоғи ёнига тушириб, ишга киришди. Дарвоқе, ошхонада таом пиширишга ҳам ижозат олдик. Қоровул Мали (биз уни Абдумалик деб атай бошладик) бизга унча илтифот кўрсатмаётган, примус ёқишга, чой қайнатишга ҳам изн бермаётган эди. Кеча кечқурун қиёмат маст бўлиб хиёбонда, майсазорда роса у ёқдан бу ёққа думалаб ётди. Эрталаб ҳам ковоқ-тумшуғи осилиб, гангирбошга ўхшаб юрувди, раҳмимиз келиб, боши оғриғига дезинфекция учун олиб юрган спиртимиздан озгина қуйиб берувдик, ҳамма нарсани инъом қилиб юборди, примусни ванғиллатиб ёқиб қўйди, чой муаммоси юз фойиз ҳал бўлди. «Оғизни мойлаш»нинг хосияти шунақа зўр-да! Абдумаликнинг чехраси ҳам ёришиб кетган эди. У қаёқдандир ўзига ўхшаган шеригини топиб келиб, бизга ёрдам бера бошлади. Улар анча ҳазилкаш ҳам чиқиб қолишди. Аччиқ емаслигимизни билиб, нукул қалампирни кўрсатишади, қозонга ташлашмоқчи бўлишади, ҳай-ҳайлаб қоламиз. Абдумаликка «ўтказиб қўйганимиз» учун биз ҳам анча дадиллашиб қолган эдик, хожи ака «кафгир билан бошингни ёриб қўяман», дегандай, пўписа қилади. Барибир гўшт қовураётганимизда кўзимизни шамғалат қилиб туриб чаён қалампирдан бир жуфтини солиб юборишибди ярамаслар.

Яхшигина ош бўпти. Ўзиям, паловимизни соғиниб қолган эканмиз, паққос туширдик. (Абдумаликга ҳам бир ликоб солиб бердик). Кейин, яна бекорчилик. Иссиқ. Дам ва нам. Нафас олиш, вақт ўтиши қийин.

Ниҳоят, соат ўнларда хушхабар келди: божхона маъмуриятига Ҳиндистон диёрига машина билан ўтишимиз учун Дехлидан Ҳиндистон ҳукуматиини махсус кўрсатмаси (факс орқали) келибди! Ҳужжатларни текшириш ва расмийлаштириш бошланди. Қоғозбозлик ва расмиятчиликнинг учига чиққан жойи шу ер экан (Айтгандай, божхона ўрнашган бу масканнинг номи Ваага эди).

## **НИҲОЯТ, ДАРВОЗА ОЧИЛДИ!**

Соат ўн бирдан эллик дақиқа ўтганда Ҳиндистон дарвозаси очилди! Раҳбар ҳам, бошқаларимиз ҳам «ҳайданг, тезроқ ҳайданг!» дедик Обиджон акага. Чегарадан Дехлигача

488 километр экан. Қани энди, иложи бўлсаю учиб кетсак ва бир зумда етсак... Ҳадемай, анча ичкарига кириб олдик, гўзал манзарали жойлардан ўта бошладик. О, Ҳиндистон табиати!.. Шу экинларни, шу дарахтларни шу хинд халқи ўз қўли билан экканмикин? Жуда бепоён-ку, жуда кўп-ку...

Атрофдаги экинларнинг аксарияти шоли ва маккажўхори эди.

Кўча текис, йўлнинг икки бети ўрмонсимон дарахтзор. Идорага ўхшаш биноларнинг олди хиёбон. Аммо, савдо расталари бошланган жойдан ивирсиқлик, ифлослик кўзга ташланарди. Яшнаб келаётган кўзингиз хиралашади, дилингиз равшанлигига дарз кетади.

Кўй, эчкилар, “чўмилаётган” сигирлар сероб эди, онда-сонда «ғўрт-ғўрт» қилиб юрган чўчкалар учрайди. Мотоцикл миниб кетаётган аёлни кўриб ҳайрон бўлдим. Ўзимизда ҳеч учрамаган ҳол.

Ўн икки яримда Панжоб штатига қарашли Амритсар (AMRITSAR)га кириб бордик. Пештоқлар, деворлардаги ранго-ранг тусдаги эълонлар, рекламалар ва бошқа лавҳаларни кўрибоқ ичимдан бир энтиқиш келди. Ҳиндистоннинг мен кўраётган биринчи шаҳри!

Сиртдан анча эски шаҳарга ўхшайди: кўчаларида дарахт жуда кам. Бироқ, меъморчилиги ўзига хос: аксар ғиштли бинолар...

«Сангам» номли кинотеатр кўз олдимда хинд фильмларини жонлантирди.

Велосипед ҳамма кўчаларда ғарам-ғарам бўлиб ётибди, шаҳар велосипед бозоридан иборатми, деб ўйлайсиз. Афсуски... ахлат ҳам кўп эди.

Баҳри-дилингизни очадиган манзаралар ҳам бор. Булар юзлари очик, ўзига оро берган хинд аёллари, шўх-шаддотлиги юз-кўзидан билиниб турган зебо қизлар... Извошларда викор билан ўтирган қиз-жувонларнинг қайси миллатга мансублигини дафъатан ажратолмайсиз: хиндча кийинган, яъни калта, юпка камзулларда, беллари очик (ҳаммасиники эмас), елкаларига сарий ўраган, манглайда холи ҳам бор, бироқ жуда оппоқ, «сутга чайиб олинган» деган иборани уларга нисбатан бемалол қўллаш мумкин. Мен умуман Ҳиндистон аёлларининг бу даражадаги оппоқ юзлilари бўлмаса керак, кинода бўёк ёрдамида оқартиришади, деб уйлардим.

Шаҳардан чиқишимиз билан яна икки ёнда тумонат семиз моллар (қорни ерга тегай дейди), молхоналар, боғ-роғлар, кўкаламзорлар, тўлиб оқаётган катта анҳор бошланди. (Бизнинг йўлларимиз шу жиҳатдан анча қашшоқ экан, деган хулосага келдим: катта йўлгача қадаб пахта экилади. Кўп жойларда йўл билан пахта далалари орасини фақат бир қатор тут ажратиб туради). Амритсар — Деҳли йўлининг иккала томонида ўн-йигирма қадамча дарахтзор (ости ям-яшил майсазор, мол-қўйлар маза қилиб ўтлаб юришибди), ундан уёғи шолитор ё бошқа экин... Жуда катта худуддаги шолилар ниҳоятда бир текис, яшнаб ўсяпти. Шунча майдондаги шолини қўл билан, кўчат қилиб экиб чиқишаркан. Қойил-ей, дейман. Лекин одам кўп, ишчи кучи етарлидир-да. Кўринишидан, экиннинг оласи, чаласи йўқ, бинобарин, ҳосил кўп ва мўл бўлади. Ҳинд замани, иқлимнинг ажойиблигини қарангки, бир жойда шолини ўришяпти, нарироқда эса, экишяпти. Демак ердан кетма-кет камида 3 марта ҳосил олиш мумкин. Аммо, сув ҳам сероб экан. Сал аввалроқ йўлни бир канал кесиб ўтган эди, ҳозир ўнг ёнимизда йўл ёқалаб канал оқяпти, кўп юрмай, катта бир дарё келди. Дарёдан кейин йўл бир оз торайди. Икки томонда терак қатордай саф тортиб ўсган оқ баданли дароз, сарв қомат, оқ қайинга ўхшаш (Тўлқин ака евкалифт бўлса керак, деб тахмин килди) дарахтларнинг учлари бир-бири томон эгилиб, кўчага қалин соя солиб турарди.

Менинг кўнглим энди анча хотиржам бўлиб, табиатнинг ўзгарувчан манзараларидан олам-олам завқ олиб борардим. Албатта, подшоҳ Бобур ўтганда бу текис, чиройли йўллар йўқ, балки тупроқли, сўқмоқдан каттароқ оддий йўл, атрофи тўқай, ботқоқликлар бўлгандир. Лекин, имоним комилки, Бобур Мирзо шу атроф-худуддан, Понипатда бўладиган жанг тадоригида борар экан, қалбида бир дунё ташвишу саросима, ҳадиғу хавотир билан ўтган, шу ерларнинг хавосидан нафас олган. У бир неча кун кўниб, ғаним билан тўқнашув бўлиш эҳтимоли бор жойларнинг азмойишини олган, Султон Иброҳим Лўдийнинг ҳарбий имкониятлари, сирларини ўрганган қишлоқ Шоҳобод шу йўлга яқин бўлгандир. «Бобурнома»да ўша йўллар, ўша кунлар ҳолати шундай тасвирланган:

«Ул юртдин кўчиб, Шоҳобод келдук. Тил тутар учун Султон Иброҳимнинг ўрдусига киши йибориб, неча кун бу юртта таваккуф бўлди... Ушбу юртта душанба куни жумодил-аввал ойининг йигирма секкизида офтоб ҳамал буржиға таҳвил қилди. Ўн секкиз ёшда эди, ушбу юртта Ҳумоюн юзига устара ё микроз тегурди, тарих сана 961 бўлғай.

Иброҳимнинг ўрдусидин ҳам мутавотир хабарлар кела бошладиким, бир қуруқ-икки қуруқ кўчуб ҳар юртта икки-уч кун мақом қила-қила келадур. Биз ҳам мутаважжих бўлуб, Шоҳободдин ора икки кўниб, Жўн дарёсининг ёқосига Сарсова ғарбиси келиб туштук. Хожа Калоннинг навқари Ҳайдарқулини тил тута йиборилди.

Мен Жўн дарёсини гузар била кечиб бориб, Сарсовани сайр қилдим. Ул кун маъжун ҳам едук. Сарсованинг чашмаси бор, озроқча сув бу чашмадин чиқиб борадур, ёмон ер эмас. Бир Турдибек хоксор таъриф қилди. Мен дедимким, сеники бўлсун... Бу тақриб била Турдибекка Сарсова берилди.

Бир кемада толор ясашиб, гоҳи кема сайри қилур эдим, гоҳи кўчларда кема била андин келур эдим.

Ул юрттин дарё ёқалай қуйиға боқа икки кўч кўчулуб эдиким, тил тута борғонлардин Ҳайдарқули хабар келтурдиким, Довудхон Ҳайтимхонни беш-олти минг киши била Миёни дуоб сари кечурубтур. Уч-тўрт қуруқ Иброҳимнинг доирасидан берирак доира уриб ўлтурубтур...»

Ҳаммасидан ҳам ўз аскаридан қарийб ўн баробар ортиқ кучга эга бўлган ёғий билан тенгсиз ва беомон жанг қилгани кетаётган одамнинг кўнглига сайру боғу сайри дарёлар сикқанини қаранг. Шундай имконлар ҳақида ўқиганингда беихтиёр шоҳу султонларга ҳавасинг келиб кетади-да. Аммо бу қадар дарёдиллик ва завқворлик ҳамма султонларга ҳам насиб қилавермаслигини ўйлаб, яна шаштингдан тушасан киши... Ҳозирги аҳволимиз ҳам ёмон эмас: оромижон машинанинг юмшоқ ўринларида бемалол ёнбошлаб, кўнглимизга келган гапларни гапириб, латифалар айтиб боряпмиз, Раҳбаримиздан бошқа ҳеч ким бизга хўжайин эмас. Ҳеч ким бизга тобе ҳам эмас.

Йўллар кенг, обод... У ёқдан-бу ёққа безаклари Покистонниқидан бошқачароқ, яъни сал соддароқ автобус, «Татл» юк машиналари ғизиллаб ўтяпти. Аммо, биз учун аллақачон экзотикага айланган хўкиз аравалар ҳам юрибди—битта-иккита.

Икки ёнда биздан қолмай келаётган узундан-узун хиёбонда сарпойчанг сув кечиб турган адл теракзорлар туташиб кетган Лудҳиана шаҳридан ўтиб боряпмиз. Кўприк қурилишига дуч келдик. Ёш-ёш қизлар (кейин билсам, аслида улар унчалик ёш эмас, жуссаси кичиклигидан менга шундай туюлган экан), аёллар бетон-қоришма, ғишт солинган патнисга ўхшаш идишларни бошига қўйиб, кўприксимон ҳавозаларда тепага ташишяпти. Мен беихтиёр Фарғона канали қурилишини эсладим. Лекин биздаги қурилишда эркаклар кўп бўлган, бу ерда, аксинча, улар аёлларга нисбатан жуда кам эди. Қолаверса, булар ёлланган ишчилардир. Фарғона канали эса хашар йўли билан қазилган...

Мен аёлларга жуда-жуда ачиндим. Асли қорамағиз юзлари шундоқ иссиқда, тик тушаётган қуёш нурида баттар қорайиб, жизғанаги чиқиб кетган, бўйинларида, калта камзулчаларининг пастидаги очик баданида тер томчилари симоб қатраларидек йилтираб кўринарди.

Ҳарорат чиндан ҳам баланд, машина эшиги ё ойна сал очилса, ёқимсиз иссиқ шабада кириб, бир зумда нафасимизни қайтариб юборарди. Биз шундайда ишлаётганларга қойил қолиб уларга раҳмимиз келди.

Ҳиндистонга келиш Бобур Мирзога шунчалик зарур бўлувдимикин? Шунчалик иссиққа қандай дош бериб яшаган экан, деб баҳс қилдик. Мен подшоода, қайгадир подшолик қилиши керак эди-да, дедим ҳазил аралаш. Бошқалар фикримни жиддий англаб, эътироз билдиришди.

Йўл кенг ва ханжардай тўғри эди. Икки ёқлама ҳаракатга мўлжалланган бу катта кўчанинг ўрталиғида эни 2,5—3 кадам чамасидаги гулзор-хиёбон бўлиб, паст бўйли дарахтлар кўп, ости ям-яшил майсазор эди. Борган сари йўлнинг икки томонидаги дарахтзор ҳам кенгайиб, қалинлашиб, қуюқлашиб борарди. Мен яна Венгрия, Чехословакия йўлларини эсладим. У ёқда биз автобусда юрган кўчалар ниҳоятда текис, равон бўлса-да бунчалик кенг

эмас, илон изисимон айланаси кўп, қатнов ҳам сийрак эди. Йўл нарёғидаги (ўрмонзордан ташқари очик жойларда) далалар, экинзорлар ҳам жуда режали, батартиб, озода, шинам эди. Бепоеён далалардаги экинларни махсус мосламалар ёрдамида суғоришни ўша ёқда кўрганман. Бекор ётган ерлар деярли йўқ эди.

Тошкент билан биродарлашган Патиала ёнидан ўтдик, лекин шаҳар ичкарасига кирмадик.

Яна кўприк қурилишига дуч келдик. Энди бу ерда бетон, лой ташиётган хотин-халажлар ичида олис африкаликлардай, боласини орқасига боғлаб олганлари ҳам бор эди.

Кўчада негадир қуролли аскарлар кўп учрамоқда. Улар усти очик ҳарбий машиналарда ўтишар ёки йўл четида қатор бўлиб туришарди. Бирон ҳодиса юз берганга ўхшайди, деб тахмин қилдик.

Йўлимиз энди анча ихчам тортиб, торайиб қолди. Лекин серқатнов, айниқса, мотоцикл, велосипед минганлар кўп, тез юриб бўлмайди. Одам диккинафас бўлиб кетади. Фақат, атроф, табиатнинг гўзал манзаралари кўнгилни ёзиб юборади. Сарвқомат евкалипт ниҳоятда кўп (биздаги мирза тераклар каби), улар гўё йўлнинг безаги эди. Бир кам дунё... Шундай ажойиб табиатга биздагидай мўътадил ҳарорат бўлганида борми...

Соат кечки еттиларда далалар узра оқиш-кулранг шудринг туман каби ёпирилиб туша бошлади.

Соат биздаги тўққиз (21) ярим, бу ердаги вақт билан ўн (22)да бесаранжом шаҳарлардан бири, Бобур ҳаёти ва Ҳиндистон тарихида муҳим бурилишларга сабаб бўлган Понипат шаҳрига кириб бордик. Пештоқлар, деворлардаги ёзув, лавҳаларнинг аксарияти инглиз ёзуви ва тилида эди.

«ПЕҲАЛВАН» («пахлавон» деганимикин) номли мусофирхонага жойлашдик.

Понипатга тезроқ етиб олайлик, деб йўлда деярли тушлик қилмаган, қоринлар оч эди. Яхши, кеч бўлса ҳам, емакхоналар ишлаётган экан. Мусофирхонамиз ёнидаги кўча ошхонасида бир истикондан салқин ичимлик, иккитадан тухум қуймоғи билан тамаддиландик.

Хона деразаларига кондиционер, шифтда шиддат билан айланадиган катта вентилятор қўйилган бўлишига қарамай, яхши ухлай олмадик. Пашша (чивин) ниҳоятда кўп экан, чақиб бодроқ қилиб ташлади. Ваагада тошган иссиқлик авж олиб, бадан шунақа қичишиб бердики, чидаб бўлмайди. Бир неча марта марганцовкали сувда ювиниб чиқдим... Бунинг устига деворларда, шифтда кўрганда этинг сесканадиган, шунинг учун бизда номини ҳам аташдан ҳазар қилиниб, «чиқилдоқ» дейиладиган калтакесакнинг каттароқлари бемалол ўрмалаб юришарди. Улар пашшага қарши махсус қўйиб юборилармиш (Топган чорасини қаранг буларнинг)... Қолаверса, мусофирхона йўлнинг шундоққина ёқасида бўлгани учун тўхтовсиз, чинқириб ўтаётган машиналар бинони зириллатиб юборарди. Транспорт сигналларининг овози ниҳоятда ўткир, асабни эговлайдиган даражада ёқимсиз эди. Ҳайдовчилар одамларни ўйламай, бефаросатларча, кўпинча бекордан-бекорга сигнал чалишарди.

Тўлқин ака, Фаррух билан учинчи қават айвонига курси қўйиб, шаҳарни томоша қилиб ўтирдик. Кеч бўлиб қолгани учунми, чироқлару рекламалар унча ярқирамас, шаҳар унча обод эмасдай кўринарди... Лекин бу жуда машҳур тарихий шаҳардир...

## ЭНГ ТАРИХИЙ ЖАНГ...

Ҳиндистон... Понипат...

Тарихга яна бир чуқурроқ назар ташланса, ювош, ўта кўнгилчан бечора ҳиндлар ва шу худудда яшовчи бошқа халқлар ҳам ўзга музофотларга ҳамла қилмаган, аксинча, мудом бошқа давлатлардан бу юртга ҳужум бўлаверган.

Ҳа, Ҳиндистон ва унинг таркибига кирувчи кўп сонли аҳолининг манглайига азалдан шимолдан келувчи фотиҳларнинг тобеси, қурбони бўлиш қисмати битилганга ўхшайди. Бу халқлар ўз мамлакатининг табиий чегараси бўлмиш Ҳимолай тоғларидан Ҳинд уммонигача бўлган худуддан ташқарига қадимги даврлардан буён ҳеч қандай босқинчилик юришлари

қилмаган. Форслар ва греклар, осиелик мусулмонлар (афғонлар, форслар), оврўпалик насронийлар бу ўлкага бирин-кетин қўшин тортиб келаверишган.

Бироқ мамлакатдаги аҳвол мусулмонларнинг кириб келиши билан тубдан ўзгарган. Уларнинг бу едаги ҳукмронлигини тадқиқотчилар тарихан икки даврга бўлишади. Биринчи давр - Султон Маҳмуд Ғазнавий фатҳи (1021 йил)дан Бобуршоҳ ғалабасигача бўлган беш асрлик даврни ўз ичига қамраб олади.

Иккинчи давр уч юз ўттиз икки йилдан иборат Бобурийлар салтанати замонидир. Бу тарихни «Ҳиндистондаги теурийлар сулоласи даври» деб аташади.

Ғазнавийлар сулоласи ўрнига Афғонистоннинг Ғур шаҳридан чиққан Шоҳобиддин Муҳаммад Ғурий сулоласи келган эди. Улар Ҳиндистонда мусулмонлар мавқеи ва ҳукмронлигининг кучайишига катта ҳисса қўшдилар.

Улардан кейин, XIII асрнинг охирида Гилжилар (афғонлар), нисбатан қисқа вақт — 33 йил ҳукмдорлик қиладилар.

1321 йилдан Дехли туғлоқлар хоқонлиги остида бўлади.

XIV аср охирида Ҳиндистонга соҳибқирон Амир Темур черик тортади. Бироқ у бу юртда кўп турмай, салтанати пойтахти Самарқандга қайтиб кетади. Шундан сўнг Дехлига ҳукмрон қилиб қўйилган Зиёдлар сулоласи давлатни узоқ бошқариб туришолмайди. 1450 йилдан Дехли афғонлар қўлига ўтади. Бахлул Лодий даврида катта давлат парчаланиб кетади. Лекин унинг ўғли Искандар Султон Лодий салтанатни қайта тиклашга, кенгайтиришга муваффақ бўлади ва ўттиз йилча ўз ихтиёрида сақлаб туради. 1518 йили Дехли тахтини Султон Иброҳим Лодий эгаллайди.

Бобур Ҳиндистонга биринчи юришида (1519 йили) Лоҳўр, Ширинд вилоятларини қаламравига киритади. Тўртинчи юришида, 1522 йили, Бобур қўшинлари Лоҳўр яқинида Бехорхон Лодий лашкарлари билан қаттиқ жангга киришади.

Маълумки, Бобур Ҳиндистон сари беш марта юриш қилади.

Ҳинд тарихчиси Л. П. Шарманинг хабар беришича, биринчи ҳужумида Бобур (1519 йили) Бажур ва Бера вилоятларини бўйсундиради. Иккинчи бора (шу йили) Пешавордан қайтади. Учинчи марта (1520 йил) Панжобгача етиб бориб, Сиалқот ва Сайидпур қалъаларини забт этади. Тўртинчи гал 1524 йили Лоҳўр ва Диболпургача бўлган ҳудудни эгаллайди.

Инглиз тарихчи Вилиамс Эрскиннинг бу борадаги маълумотлари бошқачароқ. Унинг ёзишича, Бобур иккинчи ҳамласида Мўлтон, Лоҳўр, Ширинд вилоятларини ўз салтанати тасарруфига киритган бўлса, тўртинчи сафар, 1522 йили (саналарда ҳам фарқ бор) Бобур қўшинлари Лоҳўр яқинида Бехорхон Лодий лашкарлари билан қаттиқ жанг қилади.

Эрскин Бобурнинг Ҳиндистонга юришларининг сабабларини шундай изоҳлайди: Бобурнинг назари Ҳиндистонга тушиб турган кезларда Дехлида Иброҳим Лодий ҳукмрон эди. Лекин шаҳзодалар орасидаги тарқоқлик, бўлиниш, бир-бирларига бўлган рақобат салтанатни анчагина бўшаштириб қўйган эди. Иброҳимнинг амакиси Аловуддин жиянининг давлат юритиш сиёсатидан норози бўлиб, мадад сўраб, Бобур хузурига, Кобулга келган. Бизга маълумки, Бобур Кобулга янги келган кунларданоқ уни Ҳиндистонга таклиф этишган эди. Султон Иброҳимнинг рақиби бўлмиш Лоҳўр ҳокими Давлатхон ҳам афғон беклари билан тил бириктириб, Бобурдан кўмак ўтиниб мурожаат қилади. Чунки ўз кучлари билан унга қарши жўнатилган Бехорхон Лодийнинг қўшинига бас келишига кўзи етмас эди. Кўрсатилajak ёрдам эвазига Бобурни шоҳ қилиб кўтаришга ваъда беради...

Алқисса, Бобур бешинчи юришга узоқ ва жиддий ҳозирлик кўргач, ўз ўрнига шаҳзода Комрон Мирзони қўйиб, 1525 йил 17 ноябр (ҳижрий 932-йил), сафар ойининг 1-куни) Ҳинд сориға жўнайди. Бадахшондан Ҳумоюн Мирзо, Ғазнадан Хожа Калон ўз қўшинлари билан келиб қўшиладилар...

Мазкур тарих ибтидоси, жанг учун Понипатни танлаш қарори «Бобурнома»да шундай баён қилинган: «...Ва бу асбоб ва олот тайёр ва мукамал бўлгондин сўнг, тамом бекларни ва сўз билур ўбдон йигитларни дағи кенгашга тилаб, ом кенгаш қилиб, раёйлар мунга қарор топтиким, Понипат шахредур, маҳаллот ва уйлари қалин, ҳар тараф маҳаллот ва уйлар бўлур,

яна атрофини ароба ва тўра била беркитиб, туфакандоз ва яёкни ароба ва тўра орқасида таъйин қилмоқ керак.

Бу қарор била кўчуб, ора қўнуб, панжшанба куни жумодил-охир ойининг салхи Понипат келдук. Ўнг қўл шахр ва маҳаллот бўлди. Олимизда тартиб қилгон тўралар бўлди. Сўл қўлда ва баъзи ерларда хандақ ва шох бўлди. Ҳар ўқ отими ерда юз-юз эллик отлик чиқкудек ерлар қўюлди...»

«Ғанимининг ҳозир черикини бир лак ченарлар эди. Ўзининг (*яъни Иброҳим Лодийнинг — Қ.К.*) ва умаросининг минг-икки мингта ёвук фили бор дерлар эди...»

«Одина куни ражаб ойининг секкизида фарз вақтида қоровулдин хабар келдиким, ғаним ясаб келадур. Биз дағи жибаланиб, яроғланиб отландук...»

Шундан кейин Понипатда тенгсиз жанг бошланади. Бобур 12 минг кишилиқ аскарлари билан Лодийнинг 100 минг лашкар ва мингдан ортиқ филларига қарши от суради. «Бу ҳол ва бу қувват била таваккул қилиб, ўзбакдек юз минг қари ёғини орқада қўюб, Султон Иброҳимдек қалин чериклик ва васиё мулклик подшоҳ била рўборў бўлдук...» Ўз қўшинидан қарийб ўн баробар ортиқ душман билан юзма-юз чиқмоқ ҳар қандай шох, саркарда ҳам журъат этавермайдиган улуг бир жасоратким, буни овруполик бобуршунослар ҳам, Ҳиндистоннинг ўз тарихнавислари ҳам эҳтирос билан, сидқидилдан эътироф этмоққа ошиқадилар (Умуман, хинд тарихчи олимлари, тадқиқотчилари, бобуршуносларининг Бобур ва унинг авлодларига самимий хайрихоҳлиги, меҳри уларнинг ҳар бир асарида яққол сезилиб туради). Бобур шижоатли шахс эди. У улкан империя тузиш иштиёқи билан ёнарди. У чидамли, матонатли, жасур, ўлимдан кўркмас, ўзига ва ўз тақдирига ишониш каби фазилатларга эга эди. Бундай сифатлар унда кишиларни олға етаклаш туйғусини кучайтирар эди. «Шундай қилиб, унинг туганмас ғайрати ва шахсий хислатлари ўз бахтини Ҳиндистонда синаб кўришга чорлар эди» (Л. П. Шарма).

Бобур Понипатда ўзи севган ҳарбий санъат — «тўлғама» усулини кўллаб, лашкарбоши ва жангчиларининг ва шахсан ўзининг юқорида айтилгандай беқиёс довюраклиги ва мардоналиклари туфайли зафар қозонади. Лекин камтарин Бобур бундай улкан ғалабасини аввало Оллоҳнинг иноятидан, деб билади. «Тангри таоло фазл ва карами билан мундоқ душвор ишни бизга осон қилди ва андоқ қалин черикни ярим кунда ер била яксон қилди... Таваккулимизга яраша тенгри таоло ранж ва машаққатимизни зое қилмай, мундоқ зўр ғанимни мағлуб қилиб, Ҳиндустондек кенг мамлакатни мафтух айлади. Бу давлатни ўзимизнинг зўр ва қувватидин кўрмасбиз, балки тенгрининг маҳзи лутф ва шафқатидиндур ва бу саодатни ўзумизнинг саъй ва ҳимматидин билмасбиз, балки тенгрининг айни карам ва иноятидиндур...»

(Ҳайҳотки, ярим кунда саранжом бўлган беомон жангда қирқ — эллик минг одам ҳаётдан кўз юмган эди!)

“...Бобур Иброҳимга нисбатан анча тажрибали ва қобиятли саркарда эди,—деб ёзади Бобур ғалабасининг бош сабаблари ва омилларини ҳалол ва холис изоҳлаган хинд тарихнависларидан бири Л.Шарма.— Бобурнинг кучли артиллерияси ва ҳаракатчан отликлари бор эди, бунинг устига у уруш олиб боришнинг энг яхши усулларини кўллар эди. Иброҳимда эса замбараклар йўқ эди ва урушни одатдаги усул билан, ўз филларига ишониб олиб борарди. Тўпларнинг гумбурлашидан даҳшатга тушган филлар эса ўз аскарларини оёқлари остида мажақлаб ташлар ва ҳар томонга қочар эди. Иброҳим қўшини яхши ташкил қилинмаган эди. Бунинг устига афғон амалдорлари ва уларнинг қўл остидаги фуқаро назарида ҳам Иброҳимнинг обрўси яхши эмас эди. Қўшиннинг кўпчилик қисми унга содиқ бўлмаган ёлланма аскарлардан иборат эди. Бобурийлар лашкари эса, аксинча, интизомли ва тажрибали аскарлар эди. Бу ҳам саркарданинг моҳирлигидан далолат берарди».

Доктор Р.П. Трипатхи: «Унинг (*Бобурнинг - Қ.К.*) бобоси Темур туғлоқлар сулоласига (*Дехлида - Қ.К.*) қандай якун ясаган бўлса, бу жанг ҳам (*Понипат жанги — Қ. К.*) Лодийлар сулоласига ана шундай нуқта қўйди». «Шундай қилиб, — Трипатхи хулосасини якунлайди Шарма,—Лодийлар ҳокимияти Ҳиндистон сиёсати саҳифаларидан бутунлай супуриб ташланди...»



Эрталаб турибок, нуношта ҳам қилмасдан йўлга тушдик. Мақсад тезроқ оламшумул Понипат жангоҳини кўрмоқ ва зиёрат қилмоқ эди.

Понипат кўчалари... Шундай машхур шаҳар ноободгина эмас, ноозода ҳам эди. Шундок кўчада халойиқ билан аралашиб кетган мол, от, эшакларнинг эгаси йўқмикин дейсиз. Белигача балчиқ из солган чўчкалар бемалол ахлат титишиб юрибди. Ёнида чийиллаб юрган болачалари ҳам бор... Шундай жойларда кўзингни юмиб олгинг келади. Лекин истасанг ҳам, истамасанг ҳам эрталабки довдир шамол учираётган ифлос қоғоз парчалари, хас-хазон, чангдан кўзларинг беихтиёр юмилади.

Собиқ жангоҳга шаҳарнинг ўртасидан чапга - шимол томонга кириб кетиларди. Ана шу кўчада бир мандир (хиндларнинг, тўғрироғи, буддага сиғинувчиларнинг ибодатхонаси — мусулмонларнинг масжиди каби) учради. Очиқ дарвозасидан ҳовлиси кўриниб турибди. Бино ниҳоятда ҳафсала билан, буддизм ақидалари асосида қурилган ва ҳашамдор қилиб жиҳозланган, ҳовли ҳам покиза эди. Юқоридаги ҳолат билан қиёсласангиз, жез узукка қўйилган бриллиант кўзга ўхшайди...

Понипат жанги ёдгорлиги шаҳардан тўрт чақиримча ичкарида, экинзор, дарахтзор, ям-шил далалар ўртасида экан.

Жангоҳ мемориал - музейга айлантирилган бўлиб, темир панжаралар билан ўраб, кўрғон қилинган эди. Биз борганда кўрғоннинг темир-панжара дарвозасида кулф осиглиқ эди. Дарвозанинг икки ёнидаги девор-устунда урду ва инглиз тилларида битилган ёзув қалбимиз торларини титратиб ўтди.

### “ПОНИПАТ ЖАНГИГА ҚЎЙИЛГАН ЁДГОРЛИК

**Бу ёдгорлик Понипат майдонида бўлган машхур, муҳим жанглари ёдгорлигидир. Бу жанглари Ҳиндистон тарихида катта ўзгаришлар ясаган. Биринчи жанг Бобур ва Иброҳим Лодий ўртасида 1526 йилда бўлиб ўтган. Бу жангда Бобур Иброҳим Лодий устидан ғалаба қозониб, Ҳиндистонда буюк империяга асос солди. Иккинчи жангда, 1556 йили Акбар Байрамхон ёрдамида Одилхон Сурунинг бош вазири Хейму устидан зафар кучди.**

**1761 йили бўлиб ўтган учинчи жангда эса Аҳмад-шоҳ Ал-Абдолий Содашив Бҳад ва Рав Пешва бошчилигидаги марахатларни енгади.**

**Тарихий ёдгорликларни сақлаш жаъмияти. ХАРИЯНА”.**

Тарихий ҳақиқат нақадар мардона эътироф этилган битиклар эди бу!

Тарих ва тақдирларнинг ўхшашлигини қаранг. Бобур ҳам, унинг валиаҳд ўғли Ҳумоюн ҳам айнан шу жойда, шу тарихий тепаликда ўз кўшинидан бир неча бор кўп ва қудратли лашкарга эга бўлган рақибларини тор-мор этишган. «Бобурийлар тарихида унча кўп жанг бўлган эмас, — деб ёзади Дуглас Е. Стреусанд ўзининг 1989 йили Оксфорд университети нашриётида чоп этилган «Темурийлар империясининг шаклланиши» китобида, — бу сулоланинг ғанимлари билан бўлган жанглари орасида учта тарихий жанг ўз моҳиятига кўра бобурийларни дунёга танитган. Понипат шаҳри яқинидаги икки улкан ғалаба. Бобурнинг 1926 йили Иброҳим Лодийни мағлубиятга учратиши, Байрамхоннинг (*Ҳумоюннинг бош вазири, кейинчалик Акбарнинг лашкарбошиси - Қ.К.*) 1556 йилдаги Хейму устидан кучган зафар, Ханва ёнида (1527 йил) Бобур томонидан Рона Санганинг тор-мор этилиши...»

Дарвоқе, Ханва жанги Л.П. Шарма хулосасига кўра, Понипат маҳорабасидан ҳам муҳимроқ аҳамиятга молик бўлган, чунки Ражпутлар ҳақиқий маҳорат кўрсатиб, қахрамонона курашишган. Уларнинг кўшини анча интизомли бўлиб, Рона Санга раҳбарлигида жасурлик билан жанг қилишган. Уларнинг ҳеч бири хоинлик қилмаган. Сон жиҳатдан ҳам Ражпутлар устун эдилар (тарихий манбаларнинг кўпчилигида ражпутлар 80 минг, Бобур кўшинлари 40 минг эди, деб маълумот берилади).

«Бобурийлар жангларида устунлик қилдилар,— дея давом этади Дуглас Е. Стреусанд

юқоридаги асарида, — ва бу ҳарбий ҳақиқат Ҳиндистон ярим оролида XVIII асргача ўз кучини намойиш қилиб келди. Жангдаги Бобурийларнинг устунлиги ўт очувчи куроллар туфайлигина эмас, балки сарбозларнинг яхши ҳарбий таълим кўрганликларида ҳамдир».

Ана шундай тўқнашувларда бир неча бор вайрон этилган жой энди шундай кўркем хиёбонга айлантирилган эдики, бир замонлар бу ерда катта жанглар бўлганлигига ақлингиз бовар қилмайди. 1992 йили август ойида ниҳоясига етказилган мазкур мемориал комплекс боғида евкалифт дарахтлари аза тутаетган муйсафидлардай, энг баланд шоҳларини бир оз эгиб турибди. Бошқа ёш, ранго-ранг манзарали дарахтлар раста бўлиб ўсмоқда (Уларни синдирган, зиён етказганга жарима белгиланган. Тўғри, жарима миқдори жуда оз — 10 рупий. Лекин менимча, мана шу 10 рупийнинг қиммати биз тасаввур қилгандан анча юқори бўлса керак). Афсуски, яшнаб турган бу чиройли дарахтларнинг номларини айтиб берадиган одам бўлмади. Ажрикнинг ниҳоятда сўлим, гўзал гиёҳлигига шу ерда амин булдим. Хитой атиргули, гули беор, кизғиш райҳонлар хиёбон манзарасини жуда очиб юборган эди.

Қирқ ёшлардаги боғбон-қоровул Премд Кумар бизнинг Бобур юртидан эканлигимизни эшитгач, бу ерда бўлиб ўтган жангу-жадаллар, хиёбон тарихини билганича гапириб берди. Дарахт кўчатлари уч жангда ҳалок бўлган ватан ўғлонларига атаб экилганини қайта-қайта таъкидлади.

Хиёбон йўлакларига мрамр ётқизилган, мемориал деворлар текисланган, силлиқланган харсанг тошдан кўтарилган эди.

Бўйи икки метрлар чамасидаги мрамр деворларда, барельеф-панноларда эса Бобур ва Иброҳим Лодий жанги манзаралари акс эттирилган эди. Икки саркарда бир-бирларига яқинлашишмоқда. Уларнинг ортидан жангчилар келишяпти. Бобур замбараклар, аравалар, отликлар, пиёдалари билан, И.Лодий эса филлари, отлик аскарлари билан...

Девор пастида панжара билан ихоталанган гулзорлар...

Сайфиддин ҳожи ака жуда кўнгли бўш одам-да. Тиловат қилаётганида ҳам сарасоф солиб қараб турсангиз, киприкларидан майда томчилар сизаётганини пайқаб қоласиз. Ҳозир ҳам шундай ҳол рўй берди. Унга кўшилиб бошқаларнинг ҳам кўнгли бўшашиб кетди.

Соат ўнларда яна йўлга тушдик. Деҳлигача 88 чақиримли масофа қолган эди. Хайриятки, яна баҳри-дилимизни очадиган табиат кўйнига кириб олдик. Лекин, бу жозибали табиат фақат бизнинг совутгичли уловимиз ойнасидан томоша қилишга яхши эди. Баъзан ташқарида, ям-яшил оламда бирдан енгил шабада эсиб, ҳаво мириқиб симирадиган — салқин, оромбахшдай туюлади. Аммо ойнани очсак, яна гуп этиб оғзи -бурнимизга иссиқ шамол, оғир ҳаво урилади. Ҳатто катта дарё бўйларининг иқлими ҳам оғир эди.

Табиат манзаралари эса, Деҳлига яқинлашганимиз сари янада гўзаллашиб борарди. Арилардай тўзиб юрган сўзанақ-ниначилар галасига дуч келиб, ғоят ҳайратга тушдим. Назаримда улар минглаб, миллионлаб эди...

## ЭСКИ ВА ЯНГИ ДЕҲЛИДА

Соат ўн икки. Деҳлига кириб боряпмиз. Чап томонда Ҳиндистоннинг машҳур эгизак дарёларидан бири, деярли ҳар бир ҳинд бадийий фильмида «иштирок этадиган» Жамна осойишта оқмоқда эди.

Лал қалъа (Қизил форт) биноларини туташтирувчи кўприк-туннел остидан ўтаяпмиз. Атрофда, шундоқ майсазор ерларда қашшоқлар, беишлар олчайиб ётишибди қашиниб, аксарияти кийимлари хароб, соч-соқоли ўсиб, патак бўлиб кетган эркаклар...

Жавоҳирлаъл Неру, Махатма Ганди, Индира Ганди ва бошқа сиёсий арбобларнинг жасадлари куйдирилган зиёратгоҳ тепаликлар ёнидан ўтдик.

М. Ганди шоҳқўчасидан, Ражив Ганди хотирасига барпо қилинаётган боғ оралаб юрдик.

Биз «Стреет Д-2-А» деган манзилни, яъни Ўзбекистон консулхонасини излаб борардик. Деҳли жуда маҳобатли, аҳолиси қалин шаҳар экан.

Маълумки, Ҳиндистон пойтахти жаҳондаги улкан ва кўхна шаҳарлардан бири. У Индрапрастха яқинида, VIII асрнинг I ярмида, яъни бундан 1200 йилдан зиёдроқ аввал барпо этилган.

Ҳинд афсоналарида ривоят қилинишича, соҳибжамол, софдил киз Драупади худолардан (ҳиндлар худони кўп деб ўйлашади) ўзига ҳар жиҳатдан етук умр йўлдоши ато этишни илтижо қилади. Қизнинг хусни-жамоли, иффату ҳаёси, оқила ва зукколиги қошида лол бўлган худолар унга бир эмас, бирданига бешта баркамол эрни раво кўрадилар. («Махобхарат» видеофильмини эсланг). Индрапрастха — ана шу беш эр томонидан севиқли рафиқалари Драупади шарафига қурилган шаҳардир. Деҳли 1526 йилдан бобурийлар салтанатининг пойтахти бўлган. 1800 йилларнинг бошида Деҳлини инглизлар эгаллайди. 1857—59 йилларда бу ерда ҳинд миллий кўзғолонлари бўлиб ўтган ва уларга бобурийлар сулоласининг сўнгги вакили — Баҳодир шоҳ II — Зафар бошчилик қилган. Ҳинд халқи инглизларнинг босқинчилик, талаш, талон-тарож қилиш сиёсатидан нафратланиб, ғазабга тўлиб, уларга қарши курашган. Ҳолбуки, тарихий манбаларда бобурийларга, нисбатан бундай умумхалқ норозилиги ва қарши ҳаракат бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Деҳлини Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур ва бошқа султон ва лашкарбошилар забт этишган.

Бобурнинг узоқ йиллар юрагини ўртаб келган орзу-умидлари, беш бора қилган юришларининг ижобати, руёби шу шаҳарда воқе бўлди.

Дарҳақиқат, Бобур Кобулда кўним ва қарор топган вақтдан (1503—1504 йиллар) бошлаб, ҳамиша Ҳиндистон иштиёқи билан яшаган эди. Гоҳи бекларнинг сустлиги, гоҳи оғаниларнинг ноҳамжиҳатлиги боис Ҳиндистонга юриш нияти амалга ошмай, сурилиб келади. Ниҳоят, Бобур бу масалани бек ва бошқа аъёнлари ўртасида узил-кесил кўндаланг кўяди, бу гал ҳеч ким бу режага қарши бир сўз айтишга бртинолмайди. Шундан кейин 1519 йили биринчи марта Ҳиндистон сари лашкар тортади. Бажурни қийинчилик билан эгаллаб, Бехрагача етиб боради. «...Талон ва тарож қилмай,—деб ёзади Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида ўша юриш тафсилотларини мухтасар баён этар экан, — Бехра элига моли омон солиб, нақд ва жинсдин — тўрт лак шаҳрухий олиб, черик элига навкар адади била улашиб, Кобулга мурожаат қилинди (яъни қайтилди - Қ.К.) ...»

«Ушбу тарихдин тўққиз юз ўттиз иккигача (мелодий 1526 йил — Қ.К.), — давом этади Бобур,—бажид юрушуб, етти — секкиз йилда беш навбат Ҳиндустонга черик торттук. Бешинчи навбат Тангри таоло ўз фазл ва карами била Султон Иброҳимдек ғанимни макхур ва абтар қилиб Ҳиндустондек васъи мамлакатни бизга муяссар ва мусаххар қилди...»

Понипатдаги ғалабадан сўнг Бобур йўл-йўлакай Шайх Низом авлиёнинг қабрини зиёрат қилиб, Деҳлига етиб келади. «Деҳли кўрғонини сайр қилиб., Ҳожа Кутбиддиннинг мазорини тавоб қилиб Султон Ғиёсиддин Филбон ва Султон Алоуддин Хилжийнинг мақбара ва иморатлари ва минорини ва ҳавзи хосни ва султон Бахлул ва Султон Искандарнинг мақобири ва боғотини сайр қилиб ўрдуға» тушади. Ва одина куни Мавлоно Маҳмуд ва шайх Зайн, яна бошқалар иштирокида жума намозида Бобурнинг номини хутбага кўшиб ўқийдилар ва уни Ҳиндистон ҳукмдори деб халққа эълон қилдилар. Айнан ана шу куни Темурий Умаршайхнинг ўғли, андижонлик Заҳириддин Муҳаммад Бобур қирқ уч ёшида Деҳли тахтига ўтиради. Бу тантанали маросим 1526 йилнинг 10 майида (ҳижрий 932 йил ражаб ойининг 28-ида) содир бўлган. Мана шу тарихий воқеага ҳам 470 йил, салкам беш аср бўлибди (Албатта, Деҳли у даврларда ҳозиргидай катта худудга, маҳобатли биноларга, халқаро мавқега, шунча гавжум кўчаларга ва ҳозиргидай кўп сонли аҳолига эга бўлмаган).

Мана, шунча йилдан кейин Ўзбекистон давлатининг мустақилликка эришуви шарофати ва республикамиз Президентининг қўллаб-қувватлаши, Андижон вилоят ҳокимлигининг қарори ва фидоий инсон Зокиржон Машраб ўғлининг саъй-ҳаракатлари билан шоҳ ва шоир Бобурнинг(ва бобурийлар сулоласининг) чет мамлакатларда, шу жумладан Ҳиндистонда кечган ҳаёти ва қолдирган илмий, адабий, маъморчилик ва бошқа соҳалардаги мерослари, ёдгорликларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ташкил этилган Бобур номли халқаро илмий экспедиция таркибида Бобур изидан Деҳлига келиб турибмиз. Албатта, бизгача ҳам Ўзбекистондан адиблар, олимлар кўп келишган, лекин Андижондан бундай махсус экспедиция уюштирилмаган эди.

Шунинг учун ҳам биз масрур ва мамнун, айни чоғда зиммамизда тоғдек масъулиятни ҳис қилардик. Биз Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистон заминидан қилган ишлари, қолдирган мерослари, қурган тарихий обидаларини мумкин қадар батафсилроқ кўрмоғимиз, атрофлича ўрганмоғимиз зарур эди. Бизни Ҳиндистон ҳукумати, илм аҳлию зиёлиларининг, оддий халқ вакилларининг Бобур ва бобурийларга муносабатлари қандайлиги жуда қизиқтирарди. Қолаверса, бу ердаги сиёсий вазиятни, Ҳиндистон ҳукуматининг мустақил Ўзбекистон ҳақидаги фикрини билиш жуда муҳим эди. Буларнинг ҳаммасини бир томонга қўйиб турган чоғимизда ҳам, бу катта мамлакатда икки ҳукумат ва икки халқ ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик муносабатларини, алоқаларини янада яхшилаш, янги поғоналарга кўтаришдек олижаноб ва ғоятда масъулиятли, шарафли вазифани уддалаш учун Ўзбекистондан ваколатли вакил бўлиб келган консулимиз билан кўришмоқ, унинг ҳоли-баёни, ишларидан огоҳ бўлиб, белини ва қўлини қисиб қўймоқ бизнинг оддий инсоний ва юртдошлик бурчимиз эди.

Хуллас, қидирган манзилимизни топиб бордик. Деҳлининг нисбатан чеккароғида жойлашган икки қаватли вилла(бой-бадавлатларнинг уйи экан) кираверишига, тахтакачга инглиз тилида «Ўзбекистон консулхонаси» деб ёзиб қўйилибди. Мана шу иккита сўзда Ўзбекистонимизнинг чинакам мустақиллиги нишони ва эътирофини кўриб, англаб, қалбим беихтиёр мавжланиб кетди, ичимдан ғурур ҳисларига йўғрилган чуқур энтиқиш отилиб чиқди. Мана, энди бизнинг ҳукуматимиз ҳам жаҳондаги жаъмики мустақил, озод, эркин мамлакатларнинг ҳукуматлари қаторида ва улар билан тенг ҳуқуққа эга, улар билан ўзгалар иштирокисиз, воситасисиз, йўл-йўриқларисиз борди-келди ва исталган соҳада ўзаро ҳамкорлик қила олади. Ўзгаларнинг кўзига мўлтирамай, изн сўрамай иш тута олади. Жумладан бизнинг экспедиция ҳам ана шундай эркин ҳаракат, ўзбеконаликнинг қалдирғоч нишонларидан бири эди...

Зокиржон ака билан Аҳмаджон ичкарига кириб кетишди ва бир оздан кейин тахминан қирқ-қирқ беш ёшлардаги (кейин билсам, элликнинг остонасидан хатлаб қўйган экан, лекин ёш кўринади), соч-мўйлови қоп-қора, миқтигина, оппоқ юзли, истараси иссиқ (у кулиб келарди) киши билан чиқишди. Демак, Аҳмаджон Луқмонов — шу одам. Мен олдинроқда турган эдим. Аҳмаджон кучоғини очиб яқинлашди-да, «Келинг, Қамчибек ака» деб кўришди. Бундан, чиқдики, мени таниркан. У ҳам кўзимга иссиқ кўринди.

Консулимиз ҳамма билан бағирлашиб сўрашаркан, мен унинг ҳаяжон зоҳир нигоҳларидан, енгилгина титраб чиқаётган сўзларидан ватан соғинчи, ҳамюртлари, миллатдошларига зорлик-интизорлик ифодаси ва оҳанглари пайқадим.

Ичкарига - Ўзбекистоннинг Ҳиндистон республикасидаги расмий ваколатхонасига кирдик. Хоналар шинам, кресло, диванлар ниҳоятда замонавий: катта, кенг, юмшоқ эди. Консулхонада мустақил давлатимиз байроғидаги юлдузлар атрофга жило таратиб турарди.

Луқмоновнинг хатти-ҳаракатларидан, телефондаги инглиз тилида эркин ва дадил сўзлашувларидан, ёрдамчиларига муносабатларидан, биз билан бўлган суҳбатидан унинг ўз иши, соҳасини пухта биладиган ва яхши кўрадиган, масалаларга юксак масъулият билан ёндошадиган, тажрибали дипломат консул ва дилкаш инсонлиги билиниб турарди. У икки давлатнинг ўзаро алоқалари, Ҳиндистоннинг ёш Ўзбекистонга муносабати жуда яхши эканлиги, катта доираларда бизнинг юртимизга қизиқиш кундан-кунга ортиб бораётганини аниқ мисоллар билан гапириб берди. Айниқса, мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ҳиндистонга, Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао жанобларининг Ўзбекистонга қилган самимий, дўстона ташрифлари қадимдан кўнгиллари яқин ва ошно икки халқ дўстлиги ва кадрдонлигининг яна бир ёркин ифодаси бўлганлиги, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликнинг янги, янада самарали босқичга кўтарилишига ишончли ва таянчли замин яратилганлиги ҳукумат доирасида ҳам, зиёлилар даврасида ҳам мамнуният билан эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Биз Аҳмаджон Луқмонов билан сафаримиз йўналиши, йўл-йўлакай кирадиган, кўрадиган жойларимиз ва бошқа ташкилий масалалар хусусида маслаҳатлашиб, ундан йўл-йўриқлар олгач, консулхонамиздан кўнглимизда анча хотиржамлик туюб, Ҳиндистонда

суянчимиз борлигига, ишларимизнинг бароридан келиши, сафаримизнинг самарали бўлишига ишонч билан чиқдик.

Биз бу ерга келишда Дехлининг чап биқинидаги айланма йўлдан, нисбатан нообод кўчалардан юрган эканмиз. Энди тамоман бошқа тарафдан шаҳарнинг марказига қараб кетдик ва ўзимизни бутунлай янги оламга кириб қолгандек ҳис қилдик. «Тинчлик» кўчасининг кенглигини ифодалашга «хайҳотдай» деган сифат ожизлик қилади. Кўчанинг икки томонида Америка, Канада, Англия, Покистон, Россия ва бошқа қудратли давлатларнинг башанг биноларга жойлашган элчихоналари... Ораларида анча-анча масофа бўлиб, ҳар бирининг олди, ён-атрофлари катта-катта хиёбон-майсзорлар, асосан манзарали дарахтлардан иборат чигилинг боғлар...

Бу — Дехлининг янги шаҳари эди. Маълумки, Дехли уч маъмурий қисмга бўлинади: Дехли муниципал корпорацияси ҳудуди, ҳарбий шаҳарча — форт ва Янги Дехли. Инглиз истилочилари асосан бу бепоён мамлакат бойликларини ташиш, бобурийлар қурган тарихий обидаларнинг девор ва йўлакларидagi тоза мрамларни, пештоқлардаги қимматбаҳо безактошларни кўчириб олиш билан шуғулланишган. Аммо мана шу Янги Дехлини Нью Дели номи билан (1911—1931 йиллар), оврупо юртларининг шаҳарлари андозасида, тан олиш керак, гўзал қилиб қуришган. Менимча, инглизлардан ҳинд халқига қолган ижобий ёдгорлик ва хотиралардан бири ҳам шу бўлса керак. Дарҳақиқат, биз Ҳиндистоннинг Амритсар, Понипат, Агра, Фотехпур Секри, Ферузобод, Канпур, Лакнав, Банорас, Калькутта, Пури, Ҳайдаробод, Аврангобод, Жайпур каби йирик, машҳур ва яна бир неча кичикроқ шаҳарларини кўрдик. Лекин биронтаси озодалиги, осойишталиги, айланма кўчаларининг кенг ва батартиблиги, хиёбонларнинг ораста ва ям-яшиллиги жиҳатидан Янги Дехлига ўхшамас эди. Бу мавзе, асосан маъмурий идоралар, элчихоналар, банклар, ёдгорликларга ва меҳнаткашлару меҳмонларнинг сайр этиб дам олишларига мўлжалланган чоғи, марказда хонадонлар ҳам жуда кам эди. Ҳа, айтгандай, ҳукуматнинг марказий қароргоҳи ҳам Янги Дехлида жойлашган. Хуллас, менинг фикри ожизимча, жаҳондаги энг дилбар, энг кўркем шаҳарлардан бири...

Салқин кўчалардан бирида катта дарахтга тирмашиб чиқиб тушаётган маймунлар (мартишкалар)га дуч келдик. Бир галаси дарахт ёнидаги бинонинг томида, яна бир қанчаси ерда ҳам уймалашиб юришарди, Дарахтнинг номини «жаму» дейишди. Маймунлар худди тут қоққандай, ана шу дарахтнинг шохларини силкиб, таёқ билан уришар, тўкилган меваларини (майда гилосга ўхшайди) югуриб-югуриб териб олиб, шерикларидан қизғонгандай, апилтапил оғзига тикишарди.

Палика — Дехлидаги энг катта бозорлардан бири ёнида бизни Аҳмадҷон Луқмоновнинг танишлари — ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги икки йигит кутиб олди. Улар меҳмонхонага жойлашиш масаласида бизга ёрдам беришлари керак эди. Меҳмонхона излаб Эски шаҳарнинг жуда кўп бурчакларига кириб чиқдик. Йўллар тор, қатнов тифиз, юриш ниҳоятда қийин ва секин. Меҳмонхоналарнинг бири дидимизга, бири эса ҳамёнимизга тўғри келмасди (меҳмонхона нархлари жуда баланд эди). Кеч кириб кетди. Юравериб (аниқроғи, тор кўчалардан машинамиз билан бирга ўзимиз ҳам қисилиб, бир ёнлаб ўтаётгандай бўлардик), чарчаб, эзилиб кетдик. Охири, сўраб-сўраб, кимларнингдир тавсияси билан яна бир жойга бордик. Қарасак, дастлаб келганимиз «Интернационал-Ин» меҳмонхонаси. Мен беихтиёр қулиб юбордим ва Абдулла Ориповнинг айланиб-айланиб ўз уйига келиб қолган чол ҳақидаги шеърини ривоятини эсладим.

Энди бошқа борадиган мўлжалимиз, тоқатимиз ҳам қолмаган эди. Бунинг устига, мезбон-кузатувчиларимиз сабрларининг ҳам таги кўришиб, безовтароқ бўлиб қолишганди. Тўғриси, ўзимиз ҳам улардан хижолат бўлиб кетдик. Нималар деб ўйлашдийкин?

Меҳмонхонада қизиқ бўлди. Юравериб, ичакларимиз ҳам бир-бирига ёпишиб кетган эди. Ошхонага буюртма берсак, тайёрлаб беришаркан. Уларнинг овқати қанақаю, қачон пишади, деб, ошпазлардан тушонкаларимизни иситиб беришни илтимос қилдик. Улар рози бўлишди, лекин тушонкаларни олиб қирувдик, капалаклари учиб, «хай-хай, тезда йўкотинглар, бошлиғимиз кўриб қолса, бизларни ишдан, сизларни меҳмонхонадан ҳайдашади», деб ваҳима қилиб юборишди. Шундагина ҳиндларнинг ҳали ҳам сигирни

муқаддас билишиб, мол гўшти емасликларига амин бўлдик. Тушонка банкасининг лоқал мол сурати туширилган ёрлиғини йиртиб ташлаш биронтамизнинг хаёлимизга келмабди...

*11 август, чоршанба*

Дехли сайрини бобурийларга гувоҳ бўлган жойлардан бошлашга қарор қилиб кўчага чиқдик. Эски ва Янги Дехлининг марказий кўчаларидан ўтиб бораёмиз. Кайфият, таъбимиз тарози посангисидай гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оғиб туради. Бирдан юқорида тасвир этилгандай, озода, чиройли манзарали жойларга чиқиб қоламиз. Яшаш уйлари йўқдай, фақат дарахтзор-хиёбон-йўллардан иборатдай, маҳкама бинолари ҳам кўчадан анча ичкарида—дарахтлар орасида кўринадиган (Шаҳарнинг эски ва янги ҳудудлари чегарасини билиб олиш қийин эди, менимча, бундай қатъий чегаранинг ўзи йўқ бўлса керак). Бирдан хароба иморатлар, олди-атрофида ахлатлар уюлиб, иншоотларнинг айвонлари, деразалари остида, шундоқ йўл четларида, хиёбон ўрталарида, каттароқ дарахтлар тагида олчайиб, ғужанак бўлиб ётган бекорчи, бечора қашшоқларни кўриб ҳаммамиз бош чайқаймиз... «Бирни кўриб зикр қил, бирни кўриб шукр қил», деганларидай, мен Андижонимизнинг бурчак-бурчак жойларида тўпланиб қолган ахлатни кўрсам табиатим тиррик бўлиб, ғашим келарди. Дехлидай катта ва машҳур шаҳардаги ноорасталик, бесаранжомлик, бетартибликлар, ахлат, хас-хазонлар, хусусан, дўконларнинг олди-орқасию ёнларида ғарам бўлиб ётган чиқинди қоғоз ва бошқа ашёлардан иборат ёқимсиз манзараларни кўриб, эҳ-хе, Андижоним кўчаларидан сув ўгириб ичсам арзир экан, деб кўнглим анча таскин топди. Бу ерда асосий кўчалар ҳам тор, йўловчи ниҳоятда кўп, туртинмай юришнинг сира иложи йўқ эди. Балки шу сабабдан озода, саранжом-саришта тутиш, тартибга солишнинг иложи йўқдир...

Айниқса, шаҳар четларида хунук кўринадиган жойлар, эски, кир-чир кийинган эркалар, аёллар, болалар кўп учрарди. Улар баъзи ерларда аралаш бўлиб ётишарди...

Жума масжидини орқа йўлдан бир амаллаб топиб бордик. Шаҳарнинг кўҳна қисми — Шоҳжаҳонободда қад кўтарган ва катта ҳудудни эгалловчи бу салобатли бинонинг пойдевори ердан бир неча газ баланд бўлиб, унга кириш учун кенг зиналардан чиқиб бориларди, — масжид гўё шаҳарнинг елкасида тургандай туюларди. Чор тарафи хонахонақолардан иборат бўлиб, ўртада бир неча минг киши намоз ўқийдиган очиқ майдон бор эди. Акбаршоҳнинг невараси, Жаҳонгирнинг ўғли Шоҳ Жаҳон даврида ва шубҳасиз унинг амри билан мустаҳкам қилиб қурилган бу тарихий иморатнинг яна кўп йиллар халққа хизмат қилиши аён. 1193—1200 йилларда Маҳмуд Ғазнавий Шимолий Ҳиндистонга ҳукмронлик қилиб турган даврда барпо этилган Қувват ул Ислоом масжидини қидирмадик. Менимча, Бобурнинг Ҳиндистон ҳукмдори деб эътироф этилиши ва эълон қилиниши муносабати билан унинг номига ана шу ибодатгоҳда хутба ўқитилган бўлиши керак.

Масжиддан тушаверишда бир морбоз қария илон ўйнатиб ўтирибди. Очроқ нос рангдаги кўзойнакли илон қопдан бошини чиқариб қилпилляпти. Воҳ, одамзот-ей, заҳарли илонни ҳам авраб ноғорасига ўйнатади-я.

Бу ердан Лаъл қалъа («Лил қалъа» ҳам дейишади) — Қизил форт сарой комплекси яқин эди, пиёда ўтдик. 1947 йил 15 август куни Ҳиндистоннинг озодлик байроғи дастлаб ана шу маҳобатли қалъа пештоқига тикилган эди. Афсуски, у ерга, ҳатто унинг яқинига ҳам йўлатишмаётган эди. Футбол майдонларига киришдаги темир ғовлар каби Лаъл қалъа атрофи ҳам ана шундай панжаралар билан ихота қилинган бўлиб, полисменлар туришарди. Яна тўрт кундан кейин, яъни 15 августда бўладиган Ҳиндистон миллий озодлик байрамига ҳозирлик муносабати билан қалъа беркитиб қўйилган экан.

- Қозокнинг айрони кўп, ҳиндларнинг байрами, деб бекорга айтилмаган, - деди Аҳмаджон. - Бу мамлакатда бир йилда 243 кун байрам.

- Олинг-а, жуда оширвордингиз-ку, — эътироз билдирди кимдир.

Ростдан ҳам оширворган бўлиши мумкин, лекин ҳар ҳолда Аҳмаджоннинг Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий ҳаётини, бу юртдаги таомиллар, урф-одатларни яхши билиши турган гап.

Чунки у Тошкент Давлат дорилфунунининг шарқшунослик куллиёти хинд бўлимини битирган, Ҳиндистонда икки йил ишлаган.

Шоҳ Жаҳон, Акбаршоҳ, Аврангзеблар номи билан аталган катта, обод кўчалардан қалбимиз ғурур ва ифтихор ҳисларига тўлиб ўтиб, Миллий мозийгоҳни топиб бордик. Бахтимизга ҳаво булутли, нисбатан салқинроқ эди, бир оз шабада ҳам эсиб турибди.

Музей биноси, менимча, Деҳлидаги энг кўркам, салобатли иншоотлардан бири эди. Икки қаватли. Бўлимлари кўп ва хўп. Ашёлар ундан-да бисёр. Ҳинд халқи ҳаётига оид жимжилоқдай темир ё сопол парчаси ҳам кўринарли жойдан ўрин олган. Бўлимларнинг, нарса-буюмларнинг ўрнашиш тартибида ҳафсала, юксак дидлилик, батартиблик сезилиб турибди. Хоналар, заллар озода, ёруғ, шинам.

Бобурийлар (Бобур, Ҳумоюн, Акбар, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб, Баҳодиршоҳ), уларнинг хотинлари ва бошқа яқинлари ҳаётига оид миниатюра суратлар анчагина бор экан. Айниқса, бобурий маликаларнинг сиймолари ниҳоятда гўзал эди. Албатта, улар ҳаётда суратдагиданда гўзалроқ, соҳибжамол бўлишган. Мана шу расмларни тасвирларга туширмоқчи эдик, мозийгоҳ мутасаддилари рухсат беришмади. Фотоаппаратда хуфягина қилиб олинди холос. Шунингдек, миниатюраларда Лаъл қалъа, Тож Маҳал, Жомъе масжиди ва бошқа тарихий обидалар ҳам акс этган.

Кўлёмалар бўлими мозийгоҳнинг энг аввалги, кираверишдаги хонасида жойлашган эди. У ерда «Бобурнома»нинг 1598—1599 йилларда кўчирилган нусхаси, «Жаҳонгир тузуклари», «Акбарнома», Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ва бошқа асарларнинг кўлёмалари мавжуд экан.

Лекин, мозийгоҳдан энг кўп ўрин олган ашёлар — ҳиндларнинг тош, ганч ва бошқа воситаларда акс этган худолари эди...

Кечки пайт соат олтиларда Аҳмаджон Лукмонов таклифига биноан консулхонамизга бордик. Иккинчи қаватдаги каттагина хонага дастурхон тузашибди. Консулхона ходимлари, жумладан, Тошкент Давлат дорулфунуни шарқшунослик куллиётининг хинд тили бўлимини битириб, хизмат сафарига келганига анча бўлиб қолган Баҳромжон деган йигит ватандошлари билан учрашганидан мамнун, елиб-югуриб хизмат қиларди. Лекин, Аҳмаджон Лукмоновнинг ҳаммадан кўра хурсандроқ, самимий, чин юракдан мезбонга айланганлиги яққол сезилиб турарди. Ўзбекистон мамлакатининг бир бўлаги, дахлсиз ҳудуд — консулхонамиз Ҳиндистонда собиқ шўро республикалари ичида биринчи бўлиб фаолият кўрсата бошлаган, кейин Украина элчихонаси очилган эди холос. Ҳозирча...

Зокиржон Машрабов экспедициямизнинг хусусан кейинги икки кун ичидаги фаолияти ҳақида гапириб берди. Ҳаммаси жойидаю, фақат ҳиндларнинг байрами кўп экан, ишимизни сал орқага тортяпти, — деди у кулиб.— Бугун Қизил қалъани кўришга катта иштиёқ ва не-не умидлар билан борувдик, берк экан...

Зокиржон ака эртага ва ундан кейин қиладиган ишларимиз борасида консулимиз билан маслаҳатлашиб олди.

— Бошлаган ишинлар жуда хайрли, — деди Аҳмаджон Лукмонов, — натижаси зўр бўлишига ишончим комил ва ўйлайманки, бу экспедиция Бобур ва бобурийларни излаш баҳонасида икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан ҳам катта сиёсий аҳамиятга эга сафар бўлиб тарихда қолади. Бундай экспедицияни ташкил этиш, ўн минглаб чақирим масофаларни босиб, мослашилмаган иқлим шароитида юриш, изланишлар осон эмас. Агар чинакам фидойилик, ватанпарварлик бўлмаса, шунчаки қизиқиш, ҳавас билан, менимча, иш битмас эди. — Консулимиз шундай деб, зарур бўлса ҳар қандай ёрдамга ҳозирлигини, Ўзбекистон ваколатхонасига бемалол суяниш мумкинлигини айтиб, кўнглимизни янада кўтариб юборди. — Қани энди, дастурхонга марҳамат қилинлар, — деди у жилмайиб, — биз Сизларни меҳмонга чақирганмиз, озгина дам ҳам олиш керак. Худди Ўзбекистонда, ўз уйинларда ўтиргандай бемалол, ёзилиб ўтиринлар.

Биз чиндан ҳам ана шундай тасаввурда эдик.

Дастурхон жуда қуюқ эди: ҳозиргача биз кўриб келган Шарқ мамлакатларида кенг урф бўлган таом— жўжа гўшти, турли резаворлардан тайёрланган аччиқ салат, нон, печенье; мевалардан — олма, банан ва менга Лохўрда Саҳидодларникида жуда маъқул бўлиб қолган

ажойиб бир лаззатбахш неъмат—манго... Шунингдек, бизни пепси-кола, минерал сувлар билан сийладилар. Бу ернинг таомилига кўра ичимликларга муз қўшиб ичдик. Ўзиям ичингизга кириб қолган оловдай азойи-баданингизни қиздириб юборадиган Ҳиндистон иссиғининг шаштини ях, яхдай ичимликлар қайтариб турмаса, бетоқат бўлиб, ўзингизни қўйгани жой тополмай қоласиз экан.

Ош, яъни палов дамлашаётган экан, Сайфиддин ҳожи ака ташаббусни, яъни капирни ўз қўлига олди. Япон гуручининг хусусияти мураккаброқ экан. Лекин, барибир паловга етадиган таом оламда бўлмаса керак...

Зиёфатда бир ҳинд йигити ҳам қатнашди. Лукмонов билан ҳаммаслак, ҳамфикр бўлиб, унга ёрдамлашиб тураркан. У Ўзбекистонда бўлган экан, ошни қошиқ билан еётганимизда, кулиб: ўзбеклар паловни қўлда ейишарди-ку,—дегандай ишора қилди қўлини оғзига олиб бориб (аслида-ку ҳиндларнинг ўзи ҳам таомни асосан қўлда ейишади).

Меҳмонхонага қайтдик. Мен, одатдагидай, кундузи кўрган-кечирганларимни яна бир-бир хаёл кўзгусидан ўтказаман, хотирамнинг янги ва эски саҳифаларини титкилайман, дафтар-китобларни варақлайман... Ушалиши ғоят қийиндай туюлган орзу — Ҳиндистонда, унинг пойтахти Деҳли кўчаларида юрганим ва бу муаззам шаҳар оғушида тунаб хаёл суришларга мушарраф бўлганим учун беҳад қувонаман, қалбим ёқимли ҳисларга тўлади. Аввало, шундай кунларга етказгани учун тангрига минг қатла шукрлар келтираман ва бу имконни (яъни экспедицияни) мустақиллигимиз шарофати, Бобур руҳининг даъвати, юртимиз, вилоятимиз раҳнамоларининг инояти, деб биламан, экспедициянинг бош ташаббускори, ташкилотчиси ва ижрочиси Зокиржон Машраб ўғлига нисбатан қалбимнинг туб-тубида миннатдорлик туйғулари мавжланади. Айнан ўша одам туфайли бугун Ҳиндистонда, ватандошимиз, буюк мутафаккир, шоир, ҳар жихатдан ибратли инсон Бобур ҳинд тахтига ўтирган Деҳли шаҳрида турибман.

Аслида мен ҳам, аксарият ўзбек ёшлари каби Ҳиндистонни бир кўрмак истагини ўсмирлигимданок дилимга туккан эдим. 1960 йилларнинг ўрталарида «Янги Деҳли» номли ҳинд бадийий фильми Ўзбекистон телевидениесига қайта-қайта намойиш этилган. Унда соҳибжамол ҳинд қизлари, муҳаббат ва вафо, рақс санъати, Ҳиндистон табиати ниҳоятда жозибадор, мафтункор қилиб кўрсатилган эди. Мен кейинчалик машҳури жаҳон бўлиб кетган Вайжантемалани илк дафъа ўша фильмда кўриб, унинг ҳусни-жамолига, мақсад ва фикрни, тасдиқ ё раддияни нигоҳлар билан ифодалаш санъатига, умуман, актёрлик маҳоратига қойил қолиб, шу санъаткорни бир кўрсам деб астойдил орзу қилганман (бу гапларга ҳам ўттиз йилдан ошди). Аҳмаджон орқали суриштириб кўрдим. Вайжантемаланинг ёши ўтиб, деярли киноларда рол ўйнамай қўйгани, қайси бир штатдан Ҳиндистон парламентида депутатлигини эшитиб, нимагадир яна анча ҳовримдан тушдим. Қалбимдаги эҳтирослар дарёси эндигина мавж ура бошлаган ҳаводор чоғимдаги нурафшон тасаввуримга соя тушиб қолишдан чўчидимми, билмадим. Бунинг устига, бизнинг йўлимиз Вайжантемала депутат бўлган штат томонга ҳам, ҳинд киноси ва киночиларининг асосий ватани бўлган Бомбейга ҳам тушмас эди... Мен санъатини ниҳоятда ҳурмат қиладиган яна бир фавкулудда талант соҳиби Раж Капур эса оламдан ўтиб кетган эди. Менимча, Раж Капур ва унинг фильмлари («Дайди», «Жаноб-420», «Сангам» ва бошқалар) ўзбек кино мухлисларида Ҳиндистонга бўлган қизиқишнинг ортишига, икки халқ орасидаги ҳамкорлик, ўзаро муносабатларнинг, меҳр-оқибатларнинг янада мустаҳкамлашишига жуда кўп хизмат қилган...

Ҳинд ва ўзбек халқларининг дўстлиги, бир-бирига меҳр-оқибати, қизиқиши халқ оғзаки ижодида, ривоятларда ҳам ўз ифодасини топган. Шулардан бирида Ҳиндистон Лайли-Мажнунлари—бухоролик Иззатбек билан панжоблик соҳибжамол қиз Сўхнилари соф муҳаббати ҳақида ҳикоя қилинади. Мана шу ривоят асосида Ҳиндистонда «Сўхни ва Махивал» (Иззатбек маҳбубаси отасининг молбоқари бўлиб юргани учун уни «Махивал», яъни «молбоқар» дейишарди), Ўзбекистонда эса «Иззатбек ва Сўхна» номи билан машҳур афсоналар вужудга келган. Бу ривоятлардаги севишганларнинг фожеий тақдирлари асосида ҳинд киночилари бадийий фильм ҳам ишлашган.



Алқисса, кўпгина сўзлари, куйлари ўхшаш ва уйқаш икки халқ дўстлигига оид мисоллар юзлаб, балки минглаб саҳифалардан ортиб қолажак, аммо ҳар қанча бўлса, қалбларга бемалол жо бўлғусидир.

## ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАВАС

*12 август, пайшанба*

Эрталаб Ҳиндистон сиёсий арбобларининг жасадлари куйдирилган муқаддас жойларни зиёрат қилмоқ мақсадида узок юриб бордик. Йўлларда, чорраҳаларда соқчилар, йўл назорати ходимлари жуда кўп эди. Ҳиндистоннинг Собик Бош вазирлари Махатма Ганди кўчаси ниҳоятда узун ва кенг бўлиб, зиёратгоҳлар шаҳарга киришда чапда, йўл бўйлаб кетган боғ-хийёбонда эди. Махатма Ганди, Лаъл Баҳодир Шастри, Индра Ганди, Ражив Гандилар руҳи кўкка парвоз қилган жойлар... Худди табиийдек баланд-паст, чиройли, ям-яшил майсазорлар, хотира сифатида қўйилган ёдгорлик тошлари темир панжара орасидан кўриниб турарди.

Афсуски, бу ерга ҳам ҳеч қимми қўйишмаётган эди. Сабаби—таомилга кўра Озодлик байрамидан уч кун олдин, ҳукумат Бош вазири мамлакат улуғлари гулхан алангалари билан бирга сўнгги йўлга кузатилган майдончаларни зиёрат қиларкан (Қай бир Бош вазирга шу жойда, шундай кунда суиқасд уюштирилган эди, ўша воқеадан кейин эҳтиёт чораларини, назоратни кучайтиришган бўлсалар керак).

Ҳафсаламиз пир бўлди. Ишимиз юришмаётганидан бир оз ўқинсак-да, бутунлай умидсизликка тушмадик. Чунки ҳали қайтишда яна бир имконимиз бор эди.

Қайтдик. Деҳлининг чап ёнбошидаги айлана, ҳалқа йўлдан бораётган эдик, қаршимиздан келаётган иккита лорсиллаган, ниҳоятда улкан филга (устида филбонлар ҳам бор) кўзимиз тушиб, тўхтадик. Фаррух билан Тўлқин ака ўзларида йўқ суюнишиб, филларнинг савлат тўкиб, солланиб юришини видеога, кинога, фотосуратга олиш учун машинадан отилиб тушишди. Филбонларнинг бири — 16—17 ёшлардаги ўспирин биздек ҳавасманд хорижийларни кўп кўрган бўлса керак, имо-ишора билан филга минасизларми, деган маънони англатди. Сафар дастурида «филда шаҳар айланиш ва илмий иш билан шуғулланиш» деган илова йўқ эди, албатта. Лекин экспедициямизнинг энг оқсоқол ва энг эрка аъзоси, тарихчи, шарқшунос Сайфиддин хожи Жалилов Деҳли шаҳрининг этнографик ҳаётини фил устида туриб кузатгиси келди шекилли, нима қиламиз, деган маънода Зокиржон акага қаради. Бу орада қорамағиз филбон филининг қулоғига нималарнидир шивирлаб, йўғон бўйнига яланг оёғи билан ниқтаган эди, фил чўккалади. Бироқ чўккалаган ҳолатида ҳам унинг кажавасига қўл етмас эди. Қолаверса, синалмаган, баҳайбат жониворнинг баланд тоғдек елкасида омонат тебраниб турган кажавага нозик- ниҳол олимнинг бир ўзини чиқариб қўйишга раҳбарнинг кўнгли бўлмади шекилли, яна биронтанглар бирга чиқинглар, деб бизга юзланди. Бошқалардан садо бўлмагач, хожи домлага мен шерик бўлдим. Иккаламиз тунд чехраси бирдан ёришиб кетган филбон ёрдамида, баҳайбат жониворнинг ерда букланиб турган тиззаларига оёқ қўйиб, ўсмир ўтирган ғарибгина кажавага чиқдик. Кажавада яна икки-уч кишилик жой қолди. Фил аста тикланди: чиндан ҳам жуда баланд ва ваҳимали эди, боз устига, кажава худди бир томонга оғиб кетаётгандай, чайқалаётгандай туюларди. Теле ва кино тасвирчиларимиз ишга тушишди — улар учун ноёб кадрларбоп ҳолат юзага келган эдида. Ўсмир филни ўн беш-йигирма кадам юргизди-да, яна қайтариб келди. Тушдик. Аҳмаджон болага пул бериш керак, деб қолди. Йўғ-е, шунгайм пул берадими, деб ажабландик. Лекин таржимонимиз филбон хиндлар табиатини яхши биларкан, ўсмир қора таёкдай қўлини узатиб «рупий, рупий» деб талаб қила бошлади. Зокиржон ака майли, беш-ўн рупий бериб қўййлик, деди, Аммо Қоровой анойилардан эмас экан. 10 рупий узатсак, бош тебратади, 25 рупий берсак, йўқ, дейди, 50... қисқаси, «савдолаша-савдолаша» 100 рупий бериб қутулдик. Шундай қилиб, икки кишининг бир неча дақиқа фил устига чиқиб тушиши бизнинг ўша пайтдаги пулимизга 4 нинг сўмга тушди!.. Вой, тавба-ей!.. Мен шундай ҳолатни ўзимизда хаёлан тасаввур қилиб кўрдим. Лекин «уловингни бир минай-чи», деган меҳмондан ҳақ талаб

килинишини ҳеч ақлимга сиғдиролмадим. Аксинча, от ё эшак эгаси бўлган ўсмир шундай ишга асқотгани, меҳмонни озгина бўлса-да хурсанд қилолгани учун ўзида йўқ қувониб, яйрайди.

Бизни сайр қилдирган филнинг ёши 50 да бўлиб, исми Жанта экан. Бир қаватли томлардан юксак, маҳобатли бўлишига қарамай, ювош ва итоатгўй эди: эгаси чўк деса чўкяпти, тур деса—туряпти. Иккинчи фил Чандри ҳам ҳамроҳидан қолишмасди. Менимча, уларнинг ёши ҳам, баландлиги, семизлиги ҳам баробар — яъни эгизакка ўхшашарди. Улар йўл четидаги майсаларни харидек узун ва йўғон хартуми билан, ўргандек, бир тутам-бир тутам узиб ейишарди. Иккала филнинг ҳам харсангдек улкан бошининг юз қисмига, кўзи остидан бошлаб пушти рангда катак-катак чизгилар билан зеб берилган эди.

Бу филлар мен ҳайвонот боғларида кўрганларимга қараганда анча катта эди. Уларнинг тепасидаги филбонлар узоқроқдан улкан чинор каллигида ўтирган қуш каби кичкина кўринарди. Мен филнинг қуруқликда яшайдиган энг улкан ҳайвон эканлигига амин бўлдим. Хартумининг йўғонлигини кўриб, унга нимжон майсалар қандай илашяптикин, деб ўйлайсиз. Лекин фил ана шу хартуми билан кўкатлар ичидаги игнани ҳам олармиш. Хўжатли ва бадий китобларда таърифланишича, у энг қўпол ва бесўнақай жонивор бўлишига қарамай, жуда хушёр, зийрак, эпчил, эҳтиёткордир. Фил қалин чангалзорда ҳам барглари шитирлатмай, шох-шаббаларни қисирлатмай, мутлақо шарпасини сездирмай юради. Шунингдек, фил жуда оқибатли, меҳрибон, раҳмдил ҳайвон. Ярадор ё касал шеригини ташлаб кетмайди, аксинча, атрофида парвона бўлиб, хартуми билан турғизишга, юргизишга ҳаракат қилади. Чуқурга тушиб кетган шеригига хартумини узатиб ёки чуқур четини кучли оёқлари билан депсаб, ўткир тишлари билан ўйиб, пастлатиб, унинг чиқиб олишига имкон яратади. Бу жиҳатдан у отдан ҳам, итдан ҳам, баъзи ҳолларда ҳатто одамдан ҳам олий ҳимматлироқ, олижаноброқ бўлиб кўринади...

Айлана йўл анча баланд бўлиб, ўнг томонда қайноқ, гавжум ҳаёт уммонига фарқ бўлган шаҳарнинг катта бир қисми жуда аниқ кўринарди. Иттифоқо, қандайдир обида- ёдгорликка кўзимиз тушиб қолди-ю, таваккал қилиб, «Тойота»миз жиловини ўша ёққа бурдик. Тепада яқин кўрингани билан, анча ичкари экан, Ингичка, тор йўллардан қийинчилик билан бордик (Бошқа яхшироқ йўл бор экану билмабмиз-да). Яқинлашганимизда бир неча катта-кичикдан анави томи кўриниб турган бино қанақа қалъа, ёдгорлик? деб сураймиз. Ҳаммаси елка қисади. Қаранги, шаҳарнинг шимоли-шарқ жанубида, чеккароғида қолган бу иншоот Ҳумоюн Мирзо қабри устига ўғли Акбар томонидан қурдирилган улкан мақбара эди.

Маълумки, Бобур ниҳоятда меҳрибон ота бўлган. У, айниқса, валиаҳд ўғли Ҳумоюнни ортиқ даражада яхши кўрган, унга ўз жонини нисор этган. Ўлими олдидан эса, Ҳумоюнга ҳам укаларинга меҳрибон бўл, мабодо улар сенга ёмонлик соғинишса ҳам, уларни жазолашдан ўзингни сақла, дея васият қилади. Бобур Ҳумоюнга бежиз бундай насихат қилмаган, у отадан сўнг оға-инилар, хусусан, ўғай ака-укалар ўртасида тож-тахт талашини можаролари юз бермоқлиги муқаррарлигини яхши биларди. Шундай бўлади ҳам: бошқа онадан туғилган Комрон Мирзо билан Аскарӣ акалари Ҳумоюн бошига анча мусибатлар солишади. Ҳумоюн улардан ғазабланган пайтларида табаррук падари бузрукворининг васиятини эслаб, ўзини тутати. Чунки у аслида, табиатан ҳам кўнгилчан, раҳмдил бўлган. Шунга қарамай, баъзи манбаларда Ҳумоюн укаларидан қайта-қайта хоинлик ва жафолар кўравергач, охири сабр косаси тўлиб, Комроннинг кўзларини ўйиб олишга буйруқ беради, лекин кейинчалик яна ўзи табиблар ёрдамида укасининг бир кўзини даволатишга эришгани айтилади.

Умуман олганда, Ҳумоюн отасини бағоят ҳурмат қилган қобил фарзанд эди. Унда пушти паноҳи Бобурнинг уддабурунлик, тадбиркорлик, олижаноблик каби бир қатор улғу фазилатлари мужассам эди. Айтишларича, у жуда хушрўй, хушфеъл, хушахлоқ бўлган. Балки, Бобур кўп орзулаган ва кечроқ ўғил кўргани боисми (Ҳумоюн 1506 йили — Бобур йигирма уч ёшга кирганида туғилган) ва ёким ўзи суюб олган хотини Моҳим бегимнинг яққаю-ёлғиз ўғли бўлгани учун ҳам Ҳумоюнга меҳри ортиқроқмиди... Валиаҳднинг туғилиши муносабати билан ўтказилган маросимни ҳам Бобур мамнуният, ички бир ифтихор билан шундай таърифлайди: «...Ҳумоюннинг валодатидан беш-олти кундин сўнг Чорбоққа

чикиб, Хумоюннинг валодатининг тўйи бўлди. Бек ва бегот улуғ-кичик сочиқ келтурдилар, калиноқ танга ўкулди, ондин бурун онча қалин оқ ёрмоқни бир ерда кўрулмайдур эди, хили яхши тўй бўлди». Яна шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, «Бобурнома»да энг кўп тилга олинган исм ҳам «Хумоюн»дир. Шунингдек, Бобур ўзининг йирик асарларидан бири бўлган «Мубаййин»ни ҳам тўнғич ўғлига бағишлаб ёзган эди. Бу далилларнинг барчаси, шубҳасиз, ота меҳридан, севгисидан нишона бўлиб, балки шунинг учун ҳам Бобур ўзи тириклигида ҳаётини, тожу тахтини ўғлига ўз ихтиёри билан, икки қўллаб инъом этгандир...

Хумоюн аввалида эсанкираб, мамлакатни, салтанатни бой бериб қўйган бўлса-да, ўн беш йилдан кейин ўзининг тарих олдидаги, Буюк теурийлар олдидаги хатосини тузатди, акс ҳолда, балки «Бобурийлар сулоласи» деган ибора тарих зарварақаларидан ўрин олмаган бўлур эди. У ўзи узган ҳалқани ўзи улайди ва бобурийларнинг Ҳиндистонда бир неча аср давр сурган буюк, мустаҳкам салтанатига янги қувват бағишлайди. Афсуски, шахзода ҳам отаси Бобур каби оз яшади — атиги эллик бир йил умр кўрди, аммо шу қисқа ҳаёти мобайнида ўз салтанати ва Ҳиндистон учун, унинг халқи учун кўп яхши ишлар қилишга улгурди, яъни мамлакатнинг иқтисодиёти, ободончилиги, меъморчилигига, ижтимоий, маданий ривожига жуда катта ҳисса қўшди. Хумоюн санъатни ғоят севар, илм аҳлини эъзозлар, форс ва туркий тилларда назм битган яхшигина шоир ҳам эди. У Ҳиндистонда миниатюра санъатининг юзага келиши ва шаклланишига шахсан раҳбарлик қилган, бош-қош бўлган.

Биз ана шундай улуғ инсон мақбарасини тасодифан кўриб қолмаганимизда, балки бу ҳам юракда кетган армонларимиздан бири бўлармиди...

Мақбара жуда катта, хоналари кўп бўлиб, унда Хумоюндан ташқари яна бир қанча бобурийларнинг (хотинлари ва бошқа яқин кишилари) қабр, даҳмалари ҳам бор эди. Афсуски, сағана тошларидаги битикларнинг кўпини ўқий олмадик, ўқиганларимизнинг ҳам аксариятини англамадик, танимадик.

Дарвоқе, тасвирга олувчи аппаратлар билан кириш, суратга олиш мумкин эмас, дейишган эди, одатдагидай, мақбара-музей ходимлари билан «келишдик», яъни, чой-чақа дегандай... Иш битиришнинг бу оммавий усули жаҳоннинг ҳамма жойида бор шекилли-да...

Мақбара зиёратидан сўнг яна Миллий музейга йўл олдик. Сабаби кеча музейнинг қўлёмалар бўлими мудир, шарқшунос олим, доктор Насим Ахтар адабиётшунос, тарихнавис олимларни таклиф этиб, биз билан мулоқот уюштирмоқчи эди. Дарҳақиқат, Насим Ахтар хонасига беш-олти киши йиғилган экан. Сухбатни Насим Ахтарнинг ўзи бошлади ва кўпроқ ўзи гапирди. У жиккаккина, хатти-ҳаракатлари шитоб, серғайрат, жонкуяр одам бўлиб, ниҳоятда тез гапирарди. У бизга музейда Ўзбекистон бўлимини очишга қарор қилингани, ҳозир шунга тайёргарлик бораётганини суюнчилаб, бизнинг келиб қолганимиз айни муддао бўлгани, уларга ёрдам беришимиз мумкинлигини таъкидлади.

Насим Ахтар сўзга ҳам чечан эди. У Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Амир Темур, Навоий, Жомий каби номларни тўғри талаффуз қиларди. «Бобурнома» қўлёмасининг форс тилида кўчирилган иккита нусхасини бизга мақтаниб кўрсатди.

Биз бирон янги гап чиқиб қолармикин, деган ниятда Зебунисо ва унинг қабри, мақбарасидан сўз очдик. Таассуфки, ҳинд дўстларимиз, ҳамкасбларимизнинг ҳам бу борада биздан ортиқ нарса билмасликлари аён бўлди. Каромат Алихон юқорида номи зикр этилган китобида Зебунисо мақбараси ҳақида озгина тўхталиб ўтади: «Теурийлар аёллар учун икки қаватли даҳма қурадилар ва жасад пастки қаватда сақланган ҳолда, сағана юқори қаватда сақланади. Навон қот («қот» — пушту тилида «қалъа» дегани — Қ.К.)даги бу мақбара (Зебунисо мақбараси — Қ.К.) Аврангзеб даврида қурилган биноларга ўхшамайди, балки Шох Жаҳон давридаги биноларга ўхшайди». «Тарихчиларнинг фикрича, — дейди олим яна, — у (Зебунисо — Қ.К.) Дехлидаги Қизил қалъада вафот этган бўлиб, Кобул дарвозаси ташқарисидаги «Теес хазори боғ»да дафн этилган. Мақбара 1885 йили темир йўл ўтказиш пайтида бузилган...»

Баъзи манбаларда эса Зебунисо Дехлидаги Зарзарий қабристонига кўмилган, дейилади.

— Бобурийлар авлоди ҳақида аниқ бир ишончли маълумот йўқ, — деди Насим Ахтар. — Дехли чеккароғида ғарибона ҳаёт кечирувчи бир одам мен Бобур авлодиданман, деб

юради, деб эшитганман. Бироқ бу гапнинг ҳам қанчалик тўғри ё нотўғрилиги тўғрисида бир нарсга деёлмайман.

Биз Лоҳўрда эшитганимиз Жалолиддин Акбарни эслатган эдик, Насим Ахтар: бунақалар учраб туради, ўзини шоҳлар авлодидан ҳисобланишини хоҳлайдиганлар кам дейсизми, деб хулоса ясади. Демак, Ҳиндистонда бу масалага унча қизиқиш йўқ экан. Лекин Бобур ва бобурийларнинг яхши ишларини эътироф этишади. Масалан Рифақат Алихон деган олимнинг мулоҳазалари шундай бўлди.

— Кўчалардаги чиройли хиёбонлар, фавворалар, мақбараю чиройли биноларни кўрсангиз, билингки, улар Бобур ва бобурийлардан қолган ёки ўшалардан ўрганиб, андоза олиб бунёд этилган. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий-маърифий-адабий алоқаларнинг янада мустаҳкамланиши, барқарорлашуви ва абадий давом этишига бобурийлар пухта замин яратиб кетишган. Шунинг учун ҳам биз бобурийларни ҳурмат қиламиз...

Хуллас, мулоқотимиз жонли, қизиқарли ўтди. Насим Ахтар ва бошқалар таржимонимиз Аҳмаджоннинг урду ва ҳинд тилларини яхши билишига тан беришиб, унга офаринлар айтишди.

Кўчага чиқсак, машинамиз ёнида баланд бўйли, басавлат бир йигит турибди.

— Машинадаги ёзувни кўриб қолиб, Сизлар билан икки оғиз суҳбатлашиш илинжида кутиб турибман, — деди у ва ўзини Мирзо Муҳаммадшоҳ деб таништирди. Ҳозир у Нью-Йоркда яшаб, ишларкан. Техника соҳасида муҳандис-механикман, дейди. Айтишича, унинг отаси шу ерда, яъни Дехлида бўлиб, Бобурнинг ашаддий мухлиси эмиш. — Ўзим ҳам... — дейди йигит. — Бобур юртини бобом юрти деб биламан, у ерларни бир кўриш энг катта орзуим...

Дарҳақиқат, Муҳаммадшоҳнинг қўлида муқовалари, ички безаклари рангли, ниҳоятла чиройли ишланган, ҳажман катта «Бобурнома» (инглиз тилида) китоб-альбоми бор эди. Бизга варақларини очиб кўрсатди, ўзича суратларга изоҳлар берди. Альбомнинг нархи 240 рупий эди. Альбомга биз ҳам қизиқиб қолдик ва уни қаердан сотиб олиш мумкинлигини сўраб олдик...

Насим Ахтар бошловчилигида Матхура кўчасидан юриб, Бедил қабр-мақбарасига бордик. Мирзо Абдуқодир Бедил...

Дехли дорилфунунининг ридери доктор Қамар Раис «маданият тарихида неча минг йиллик ажойиб адабий саҳифаларни яратиб, жаҳон хазинасига арзигулик дурдоналар қўша олган кўхна Ҳиндистоннинг» тўрт буюк сиймосини санаб ўтар экан, буни қарангки, ана шу тўрт даҳодан учтасининг илдизлари бизнинг Турон заминга келиб туташади. Ахир қувонмай, ғурурланмай бўладими? Шу ўринда Ҳиндистоннинг сиёсий арбобларию (Ж. Неру), олимлари, адибларининг ҳалоллиги, холислиги, тантилиги, бағри кенглиги, мардоналигига яна бир қарра тасаннолар айтиш жоизки, улар ана шу улуг алломаларнинг ота-боболари бизнинг қадимий юртимиздан эканлигини ошкора, баралла эътироф этадилар ва бу билан улар ўз маданияти тарихини камситган бўлмайдилар, аксинча, у буюк зотларнинг Ҳиндистон ҳавосидан нафас олиб, ана шу жозибали диёр бағрида ўниб-ўсганлиги, камолга етганлиги ва умумҳинд маданиятини юксак чўққига олиб чиқа олганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар ҳамда бизда ўзларига нисбатан самимий ҳурмат-эҳтиром уйғотадилар.

Ана шу уч беқиёс истеъдод соҳибининг бири нозик хаёл шоир, забардаст адиб, жамиятшунос ва табиатшунос, файласуф олим Мирзо Бедилдир. У Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида, 1644 йили туғилган, бобурийлардан Шоҳ Жаҳон, Аврангзеблар ҳукмронлик қилган даврларда яшаган, ижод қилган. Бир қанча муддат Аврангзебнинг ўғли Муҳаммад Аъзамшоҳ саройида бўлган. Бироқ Аъзамшоҳнинг ўзи ҳақида мадҳ ёзиш таклифини рад этгач, саройдан четлаштирилади. Шоир рубойнавис сифатида жуда машҳур бўлиб, унинг бу борадаги ижодига хос энг муҳим фазилат кўп маъноликдир. Қат-қат пардалар ичидаги келинчак мисолидаги рубойлардан юз китобхон ё тадқиқотчи юз хил маъно топади, лекин юз биринчи, асил маънони Бедилнинг ўзигина айтиб бериши мумкин холос. Бу Бедил назм уммонининг фақат биргина жилосидир...

Куйидаги рубойларнинг мағзини ўзингизча бир чақиб кўринг-а:

*Оина кўрганда ўзин беғубор,  
Шодликдан минг рангда бўлур жилвакор.  
Инсон миждозиди гул очди билим,  
Гулласин деб қоқ ер бағрида баҳор.*  
\*\*\*

*Бу бир денгиз, иши бизларни бўғмоқ,  
Тиғу шамширингга ишонма ҳар чоқ.  
Ҳар тўлқин интиқом камони бунда,  
Ундаги ҳар балиқ ўқ тўла садоқ.*  
\*\*\*

*Дил нуқтасин қилдим ишқимга тумор,  
Ўраб дедим: «Бунни ёримга юбор».  
Шавқидан гунчадек очилиб кетди,  
Шодликдан қинига сизмади такрор.*  
\*\*\*

*Жудо бўлган дўстлар топишиб такрор,  
Қонли кўз ёшларин тийса ҳам як бор,  
Аммо сирли дўстлик, вафо мазмуни  
Ҳижрон дамлари деб йиғлашади зор.*  
\*\*\*

*Ул бадмаст санамнинг ишқида кўнгил,  
Ғамин кўтаролмай, бўлди-ку чил-чил.  
Бир умр ўтирдик вафо базмида,  
Унинг қўлида жом, бизникида дил...*

Ҳиндистонликларнинг ҳам Бедилга меҳри-муҳаббати юксаклиги сезилиб турибди. Унинг мақбарасига ажратилган алоҳида хиёбон анчагина кўркам сайргоҳ-зиёратгоҳ эди. Мақбара хиёбоннинг ўртасида жойлашган бўлиб, анча яхши сақланган, Насим Ахтарнинг айтишича, Бедил мактабларда ўқитилади. Музейда сақланаётган қўлёзмаси тилло суви билан ёзилган.

Сағанани шоирнинг афғонистонлик дўстлари қуришган экан. Унинг пештоқига «Мирзо Абдуқодир Бедил оромгоҳи» деб ёзиб қўйилган. Сайфиддин ҳожи ака ватандошларимизнинг улуғ фарзанди ва катта файласуф шоир руҳига Қуръон тиловат қилди, яъни, Зокиржон ҳожи Машраб ўғли таъбири билан айтганда, ўз инсоний бурчимизни адо этдик.

Шу ерда мен Зокиржон акадан яна бир карра хурсанд ва миннатдор бўлдим. Аввало у Андижонда сафар-йўналиш дастури, режалари тузилаётганда менга сиз ҳам ўз таклифларингизни айтинг, деган ва мен бошқа фикр-мулоҳазаларим қатори, тақдир тақозоси билан Ҳиндистонда яшаб ижод этишган бетакрор шоирлар Амир Хисрав Дехлавий, Мирзо Абдуқодир Бедил ва Мирзо Ғолиблар қабрини зиёрат қилиш, уларга оид маълумотларни ўрганиш зарурлигини айтганимда Зокиржон ака бажонидил рози бўлган ва режамизга киритган эди. Мана бугун ўша ниятимиздан бири амалга ошганидан ўзимда йўқ мамнун эдим. Зеро менинг бу буюк инсонларга эътиқодим, ҳурматим юксак эди.

Ўша кўчадан бир оз орқага қайтиб, айланиб яна ўнгга бурилдик-да, қўлтиқсимон бир кўчага кириб, яна бир тарихий обида рўпарасидан чиқдик. «Пурана қалъа», яъни, «Эски қалъа», дейишди. Икки қаватли, куббадор бу бино Ҳумоюн даврида ва унинг амри билан қурилган, демак, «Дин паноҳ» масжиди ва у билан ёндош кутубхона шу экан. Ҳумоюн Дехлини, Ҳиндистонни иккинчи марта, узил-кесил қўлга олгандан кейин узоқ яшамай, 1556 йили 24 январ куни шу кутубхона зинасидан тушиб келаётганида оёғи тойилиб йиқилиб тушган ва табибларнинг қаттиқ уринишлари ҳам наф бермай, икки кундан кейин дунёдан кўз юмган. Тақдирни қарангки, шунча беомон жангу-жадаллардан, дахшатли, ўткир тигли қиличлар зарбидан омон қолган бош, унча баланд бўлмаган зинадан ерга тушганда суяги

синиб, улуғ бир шоҳ, олижаноб, қалби кенг инсон умри жўнгина, осонгина поёнига етган. Ҳумоюн вафоти олдидан ўғли Акбарни тахт вориси қилиб тайинлайди.

Афсуски, қалъа берк экан, ичкарига киролмай, уни ташқаридан, узоқроқдан девор оша томоша қилиб қайтдик.

Янги Дехли, менимча, Ҳиндистондаги энг мафтункор шаҳар. Унинг энг гўзал майдони эса, парламентлар саройи олдидаги парадлар хиёбонидир.

Консулимиз Аҳмаджон Луқмоновнинг ҳурмати баландлигидан унинг бошчилигида, деярли «тўсиқлар»га учрамай, Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлигига кирдик. Бизни бўлим бошлиғи Варма жаноблари қабул қилди.

— Мен бунча улуғ меҳмонлар билан учрашаман, деб ўйламаган эдим, — деди биз билан самимий жилмайиб кўришар экан. — Эшитишимизга қараганда, бизга етиб келгунча анча азият чекибсизлар. Бобур ҳам Ҳиндистонга осонлик билан етиб келмаган. Бу табиий, албатта. Лекин Бобурнинг кейинги амаллари муваффақиятли бўлган ва ишонаманки, Сизларнинг бундан буёнги ишларингиз ҳам юришиб кетади. Ҳиндистонга хуш келибсизлар...

Варма жаноблари ғоят маданиятли, хуштакаллуф, истарали йигит эди. Шунданми, биздаги ётсираш тезда ғойиб бўлди ва биз ўзимизни эркин ҳис қилиб ўтирдик. Зокиржон ака мустақил Ўзбекистон ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур, экспедициянинг ташкил этилиши, Андижонда Бобур Мирзога бағишлаб қилинаётган ишлар, Ҳиндистонга сафаримиздан мақсад ва ниятларимиз ҳақида анча батафсил гапириб берди. Бўлим бошлиғи уни диққат билан тинглаб ўтирди.

— Шунча узоқ йўлдан чарчаб келиб, шунча жойни кўриб, шунча ишлар қилиб, яна ўзларингизни бардам, мамнун ҳис қилишларингиз мени хайрон қолдирапти. Сизларга ҳавасим келяпти, — деди жаноб Варма.

Зокиржон ака асосий режаларимиздан бири — Агра ва Андижон шаҳарларини биродарлаштириш йўл-йўриқларини пишитиб кетиш эканлигини алоҳида таъкидлаб қўйди.

Мен суҳбат жараёнида хона деворидаги дунё харитасини кузатиб ўтирдим. Унда Ҳиндистон, Покистон, Афғонистоннинг, Шри Ланка, Лаос, Индонезия каби ихчамгина давлатларнинг номлари бор. Лекин «Ўзбекистон» деган сўз йўқ. Менга алам қилди ва лекин шу он қалбимдан бир нидо чиқди: «Ўзбекистон» номи жаҳон мамлакатларининг янги хариталарида албатта бўлажак!

— Айрим муаммоларингизнинг вақтида ҳал этилмаганига сабаб шуки, сафарингиз байрам кунларимизга тўғри келиб қолди. Иккинчидан, Сизларнинг келишингизни олдиндан билганимизда ҳам биз тайёргарлик кўриб, тегишли идораларни огоҳлантириб қўйган бўлардик, — деди жаноб Варма ҳамон хижолатлигини баён этиб.

Аҳмаджон Луқмонов инглиз, Аҳмаджон Қосимов ҳинд тилларида бемалол сўйлашишар, савол-жавоб айтишар, орада бизга изоҳлаб беришга ҳам улгуришарди.

Қайтиш ҳақида гап кетувди, жаноб Варма: ёрдам берамиз, Бобур неча йиллар яшаган, Сизлар бир оймас, икки ой яшасанглр нима, — дея, илтифот билан кўнглимизни хотиржам қилди.

Вазирликдан чиққач, кино-телевидениечиларимиз бир-бирига тўғриланган, узоқлиги бир чақирим келадиган парламентлар саройи ва Ҳиндистон рамзий дарвозасини, ўрталикдаги кафтдай текис, кенг йўлни, икки томондаги ям-яшил хиёбонларни армонсиз тасвирга олишди. Майдон Тошкентдаги Мустақиллик майдони қадар катта эди.

Дарвоқе, Дехлидаги ҳинд-мусулмон меъморчилигининг эътиборга молик ёдгорликларидан бири Қутб минорни сиртдан томоша қилдик. Султон Қутбиддин Ойбоқ (айрим тарихий манбаларда «Ойбек» ёзилган) курдирган масжид яқинида қад ростлаган ушбу обида ўшлик дин арбоби Ҳожи Қутбиддин Бахтиёр (у 1235 йили Дехлида вафот этган) шарафига бунёд этилган, дейилади манбаларда.

## ҲИНД ДАСТУРХОНИ

Шу куни кечкурун соат саккизга яқин консулимиз Аҳмаджон Лукмонов меҳмонхонамизга келди. Бизни «Тапер» гуруҳининг президенти ўринбосари жаноб Матхур меҳмонга таклиф этган бўлиб, Аҳмаджон Лукмонов бошлаб бориши керак эди.

Жаноб Матхур билан Зокиржон ака, у орқали мен ҳам таниш эдим. Биз у билан Андижонда, Бобур номидаги ип-газлама бирлашмасида учрашган эдик. Матхур ва унинг ҳамроҳи (таржимон) вилоятимизга тўқимачилик, терини қайта ишлаш соҳаларида ҳамкорлик қилишни йўлга қўйиш масаласида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Делип Мехта тавсияси билан ташриф буюришган эди. Ўшанда улар бирлашманинг умумий фаолияти, айрим бўлимларидаги иш жараёни билан танишдилар. Сўнг чой устида маслаҳат давом этди. Бирлашма бош директори Абдуғаффор Аҳмадалиев миллий удумимизга кўра меҳмонларга андижонча тўн, дўппи кийдирди ва Матхур жанобларига қараб: «Мана, ўзбекка ўхшадингиз-колдингиз», деб кулди. Абдуғаффорнинг ўринбосари Ҳайиталининг: «аслида ҳам шундай-ку, эҳтимол буларда Бобур бобомизнинг қони бордир» деган гапидан ҳатто меҳмонларимизнинг ўзлари ҳам завқландилар.

Бирлашмадан Бўзга жўнадик. Йўл-йўлакай Бобур ва Ҳиндистон мавзуида гаплашиб кетдик. Биз халқимизнинг Ҳиндистонга муҳаббати юксаклигини айтдик. Шунда жаноб Матхур: Ҳиндистонни яхши кўрасизлару лекин бормайсизлар, деди худди эски кадрдонлардай ўпкалаб ва бизни ўз мамлакатига таклиф этди. Зокиржон ака Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг Ҳиндистонга қилажак сафари ҳақида гап очувди, меҳмон: борсангизлар, албатта учрашайлик дея, дарҳол ўз исм-шарифи ва манзиллари битилган қоғозчадан берди.

Бўзда туман ҳокими Ҳабибулло Янгибоев бошчилигида Ўрмон гузаридаги ресторанда, дастурхон устида терини қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида фикрлашилди.

— Биз учун асосий мақсад бизнес эмас, — деди жаноб Матхур хижолат бўлгандай, — балки, тижорат воситасида андижонликлар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйиш бош муддаоимиздир...

Биз ўшанда меҳмонлар билан вилоятимиз чегарасигача бориб, уларни бағирлашиб, Фарғонага кузатиб қўйган эдик...

Бизни жаноб Матхур ёрдамчиси ва таржимон, рус тилини ўзига хос талаффузда яхши гапирадиган чуваккина йигит Даниел билан кутиб олишди ва атрофи (уч томони) ҳар хил ойнаванд, пастаккина бинолар билан қуршалган ям-яшил майдонга олиб киришди. Майдоннинг чироқлар ёритиб турган бир бурчагига узун стол ва сал нарига думалоқ стол, унинг атрофига ўнтача сават кресло қўйилган эди.

Матхур жаноблари ҳамма билан худди эски кадрдонлардай самимий сўрашар (унинг сўзларини шогирди, кўзлари доим кулиб турадиган Даниел эҳтирос билан таржима қилиб берарди), хусусан, Зокиржон акани қайта-қайта бағрига босар, унинг меҳмонлар ташрифидан чин юракдан суюнгани сезилиб турарди. Умуман, жаноб Матхур суҳбати ширин ва маънили, хушчақчақ, киришимли одам эди.

Биз мезбонлар таклифи билан сават курсиларга ўтирдик. Бошданок салобатли жонон истиконларга новвот бўлақларисимон муз солиб гулоб қуйиб келишди. Пепси-кола ва бошқа хилдаги ичимликлар, минерал сувларни алоҳида истиконларга қуйиб беришди. Газакка кабоб («кабаб» дейишаркан) келтиришди: думалоқ, буғда пиширилган лўла кабоб, Кейинроқ, гарнири узун-узун қирқиб қовурилган картошкадан иборат енгил бифстрогон тортишди. «Гулوبي Жамнун»дан майдалаб ўтирибмиз. Икки хизматкор йигит куни бўйи темирдай қизиган баданларимизга малҳамдай хуш ёқувчи ичимлик, сувларни пешма-пеш янгилаб туришибди.

Бу орада узун столга дастурхон ёзишиб, озиқ-овқат, ноз-неъматларни расамади билан, шошилмай қўя бошладилар. Биз Ҳиндистонликларнинг дастурхонини тўлароқ, росманароқ кўриш иштиёқида эдик. Сайфиддин Ҳожи ака «берадиганини тезроқ беришмасмикин», деб ҳолатни ҳазилга бурди.

Ниҳоят, катта столга таклиф этишди. Дастурхон «Аъло фурше» усулида овқатланишга мўлжалланган эди. «Аъло фурше» деган иборани мен биринчи марта Тошкентда, Ўзбекистан ёзувчилар уюшмасида ишлаётган пайтимда, Ўрта Осиё ва Африка ёзувчиларининг

навбатдаги анжумани чоғида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Сарвар Азимов тилидан эшитган эдим. Меҳмонлар шарафига «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ресторанининг кенг ва ҳашаматли залида зиёфат берилган эди. Ўшанда узун столга дастурхон тузалган бўлиб, меҳмонлар дастурхондаги хоҳлаган таоми, салатидан ва бошқа хўрақлардан ўз ликопчасига солиб оларди-да, жуфт-жуфт бўлиб ёки ҳар хил ҳолатда, айримлари тик туриб, баъзилари сал наридаги алоҳида-алоҳида столлар ёнига қўйилган стулларга ўтириб еб-ичишарди. Бугун асосий катта стол атрофига стуллар қўйилмаган, одатий батартиб ўтириб овқатланишдан бутунлай бўлакча, “шведча стол” ҳам дейиладиган таомилга иккинчи марта дуч келишим эди...

Озиқ-овқат, газак-салат турлари ғоят ранг-баранг ва ўзига хос эди. Лекин нимёруғ бўлгани учун емиш, ноз-неъматларнинг ранги, туси хирароқ кўринарди. Аммо ниҳоятда ҳафсала ва дид билан, астойдил тайёргарлик кўрилгани сезилиб турарди.

Жой Дехли тайёрагоҳининг қандайдир клубига қарашли экан. Жаноб Матхур уйига таклиф этолмагани учун узр сўради. Фарғона водийсидай сўлим табиат кучоғидан келган азиз меҳмонлар билан иссиқ, дам уйларида кўра очик ҳавода, Ҳиндистон осмони остида (жаноб Матхурнинг гапларида бадий бўёқлар кучли эди) ёзилиб ўтиришни афзал кўрганини таъкидлади.

Жаноб Матхурнинг қадаҳ сўзлари хусусан менда ҳинд халқининг бу маданиятли, одамохун вакилига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром уйғотди. У анча кўп, лекин қизиқарли ва ёқимли гапирди. Жумладан, унинг шундай деганлари ёдимда:

— Ўзбекистонда бизга кўрсатилган даражадаги иззат-икром, меҳр-оқибатни ўзимизнинг юртимизда ҳам кўрмаганмиз... Эҳтимол, бизнинг боболаримиз ҳам Бобур билан бирга Ўзбекистондан келиб қолишгандир. Ахир биз бир-биримизга ўхшаймиз-ку. Ўзбек халқи жуда дилкаш, меҳмондўст экан. Мен сизларнинг ажойиб юртингизда уч марта бўлиб, қалбимни ўша ёқда қолдириб келганман. Қизимни ё неварамни ўзбек йигитига бажонидил берардим (Шу ўринда Сайфиддин хожи ака ўрнидан туриб: «Мана, биз харидор-да», дея ҳазил билан қудаларга хос таъзим бажо айлади. Самимий олқишлар бўлди).

— Сизлар Ўзбекистонга қайтганларингизда, — давом этди жаноб Матхур, — имоним комилки, ватанингизнинг бир бўлаги Ҳиндистонда қолиб кетганини чуқурроқ ҳис қиласизлар (менимча, мезбон бу гапда Бобурийларни назарда тутаётган эди)... Сизларни мустақил бўлганингиз билан чин юракдан қутлайман. Ўзбекистон — келажаги порлоқ ўлка. Ва мен шундай ўлканинг ажойиб кишилари билан танишганимдан ўзимда йўқ хурсандман. Айниқса, Бобур номли халқаро жамғарма раиси, экспедициянгиз раҳбари Зокиржон Машрабовни жуда яхши кўриб қолдим. Мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўттиз йил ишлаб ҳам бундай одамни кўрмаганман, десам бўлади. Зокиржон Машрабов — юраги тоза инсон...

Дарҳақиқат, бугунги зиёфат ҳам, шубҳасиз, Зокиржон Машрабов ҳурматидан бўлаётган эди.

Илмли, маданиятли зиёли, дипломат, бизнесмен жаноб Матхур сўзи якунида Бешариқда очмоқчи бўлишаётган корхоналари номини «Фарғона» деб қўйишмоқчи эканини, агар лозим бўлса, «Тапер» компанияси ҳар йили икки-уч ўзбек талабасининг Ҳиндистонда ўқиши учун ҳомийлик қилиши мумкинлигини қистириб ўтди.

Зокиржон Машрабов ҳам жавоб нутқида ўзбек ва ҳинд халқларининг азалий дўстлиги, муштарак фазилатлари, бобурийларга ҳинд халқининг муносабатидан мамнунлиги, Бобур номли халқаро илмий экспедиция дастуридаги асосий бандлардан бири икки халқ биродарлигини янада кучайтиришга хизмат қилишдан иборатлиги ҳақида гапириб, ҳаммамизнинг номимиздан, бутун андижонликлар — Бобур юртдошлари номидан Матхур жанобларининг юксак эътибори ва дастурхони учун миннатдорчилик билдирди. Мана шундай учрашувлар, мулоқотлар катта дўстликка дебеча бўлишлигини таъкидлади. «Жаноб Матхурнинг бизга ёзган дастурхони — бутун ҳинд халқининг дастурхонидир» деди у.

Зиёфат охирида жаноб Матхур бизга чиройли гулдор қоғозга ўралган совға бераркан: «Бунинг ичида бойлик йўқ, менинг қалбим бор», дея лутф қилди. Кейинроқ, унинг қалби нима экан деб, ичимиз қизиб, қутини очсак, эсдалик ликопчага сурати туширилган, филбардош ҳинд халқининг рамзи бўлмиш ФИЛ эди.



Матхур жаноблари бошини Андижон дўпписи безаб турарди. Ҳарқалай шаркли киши, дид-фаросатли бўлгани учун у дўппини қодаларини келиштирган ҳолда, ярашимли қилиб кийган эди (У Андижон ип-газлама бирлашмаси директори Абдуғаффор совға қилган дўппи эди). Биз ҳам унга тўн, дўппи кийдирдик.

Зиёфатдан анча кеч ва гоят мамнун қайтдик. Умуман, Дехлида кунларимиз чакки ўтмаяпти. Йўллардаги, чегаралардаги азиятларнинг газаци чиқяпти.

## ҚУРАЛАЙ КЎЗ МАНЖУ

*13 август, жума*

Эрталаб бизни икки киши йўқлаб келишибди. Дехлида чиқадиган «Овар Лендер» рўзномасидан Дайник Дин Риат ва Дехли телекомпанияси билан ҳамкорликда ишловчи Гопал Мисра. Уларга биз ҳақимизда консулимиз хабар берган экан. Меҳмонхонанинг мана шундай учрашувлар учун ажратилган алоҳида хонасида тор доирада суҳбат бўлди.

Журналистларнинг Бобур ҳақидаги тушунчалари чалкашроқ эди. Гопал Мисранинг фикри шундай бўлди:

— Бобур Фарғона водийсидан келиб, Ҳиндистонни Фарғонага қўшиб олган. Баъзилар Ҳиндистонни босиб олган деса, бировлар мамлакатларни бирлаштирган, ҳинд халқининг маърифатини юксалтиришга хизмат қилган, дейдилар. Биз учун шуниси аниқ ва муҳимки, улар бу ерда оила қуриб, иноқ, аҳил яшаганлар. Бобургина майда, тарқоқ, рожаларни бирлаштириб, ягона давлатга айлантира олди. Турли миллатлардан иборат халқларни бир-бирига яқинлаштирди. Сизлар ҳам мана шу дўстликни ривожлантириш учун келгансизлар, деб ўйлайман. Биз Бобур ва унинг авлодлари ҳақида, улар қолмаган албатта (демак Ҳиндистоннинг ўзида ҳам, бобурийлар авлоди инглизлар томонидан батамом қириб юборилган, деган қараш мавжуд экан), ҳужжатли кинофильм яратишни мўлжаллаяпмиз. Бобур сиймосини яратиш орзуимиз бор...

Суҳбат якунида Гопал Мисра: биринчи навбатда сизлар билан ҳамкорликда Бобур ҳақида йигирма беш минутлик ҳужжатли, тарихий ва айни вақтда замонавий фильм яратсак, фильмнинг бир қисми Бобурнинг болалиги ўтган Андижонда, Фарғона водийсида суратга олинishi керак, шунга ёрдам берсангизлар, деб, фикрига аниқлик киритди. Табиийки, Зокиржон ака бажонидил рози бўлди.

Соат ўн иккиларда бизни бир қиз йўқлаб келди. Исми Манжу бўлиб, уни Аҳмаджон Луқмонов юборибди. Биз ҳиндча кийинмаган ана шу ҳинд қизи етакчилигида Жавоҳарлаъл Неру номидаги Дехли университетига жўнадик. Ўзимизнинг «Тойота»мизда таниш ва нотаниш йўллардан ўтиб борарканмиз, Манжуни гапга солиш учун дуч келган бино, ёдгорлик ҳақида унга биримиз қўйиб биримиз савол берардик. Собик Итгифокда, аниқроғи Белоруссиянинг пойтахти Минскда ўқиган Манжу рус тилини ёқимли талаффузда гапирарди. Шаддотгина, киришимли, ҳазилкаш қиз эди. Рус тилидаги айрим ибораларни тополмай қоляпти, лекин нозик қочиримларни дарҳол фаҳмлаб шунга яраша ҳазил билан жавоб қайтаряпти. У йигирма беш ёшга кирган бўлишига қарамай, ҳали ҳам турмушга чиқмаган экан. Ҳолбуки, бир оз ботиқ кўзлари қоп-қора, катта-катта, юзлари буғдой ранг, яъни аксарият ҳинд қизларидай қоп-қора эмас; истарали, мижжаларидаги сурма, манглайи ўртасидаги хол ўзига жуда ярашиб турар, жуссаси нозиккина, хуллас, чирой-чиммати жойида эди. Унинг айтишича, Ҳиндистоннинг энг чиройли қизлари Кашмир ва Панжобда экан. Манжу ҳам панжоблик экан. «Шунинг учун чиройли экансиз-да», деб ҳазиллашдик. Манжу бироз қизарди, лекин қуралай кўзлари янада чарақлаб яшнаб кетди. Аёл зоти тувакдаги гул бўлса, мақтов, хушомад унга қуйилувчи сувдир. Бу сув сўлинқираб, нозик япроқлари шалвираб қолган гулни ҳам бир лаҳзада гуркиратиб юборади. Ўрис адиби Иван Турғунов «Ҳар қандай мағрур аёлни ўн кун мактасанг, ўн биринчи куни унинг ўзи сени излаб келади» деб бежиз айтмаган-да. Лекин шуниси

қизиқки, Турғуновнинг ўзи сеvimли маҳбубаси ортидан хорижга кетиб, узоқ йиллар яшаган. Яъни тоғ унинг олдига келавермагач, унинг ўзи тоғ ёнига борақолган.

Манжу ҳинд фильмларидаги аксарият қизлар каби соддадил, ишонувчан эди. «Бизга ёқиб қолдингиз, келин қилиб олиб кетсак, нима дейсиз» қабилдаги ҳазилларимизга чиппа-чин ишониб хижолат чекди ва ота-оналарининг уни узоққа беришмаслигини айтиб узр сўради.

Мен яна беихтиёр Вайжантемала тақдири билан қизиқиб Манжудан уни суриштирдим. Манжу ҳам бу машҳур актриса ва раққосанинг ҳозир парламент аъзоси эканлиги, ёши олтмишдан ўтиб, анча қариб қолгани, кинода ўйнамай қўйганидан бошқа маълумотга эга эмас экан. Лекин менинг кўнглимдан, қани энди имкон топилсаю, нима бўлса ҳам бир кўриб қўйсам, деган хаёл, тўғрироғи ўкинч кечди. Чунки менда тасодифдан бошқа имкон йўқлиги аниқ эди. Шундоқ катта ҳудудда ва миллиардга яқинлашиб қолган халқ ичида Вайжантемалани учратиб қолишга (шунда ҳам кимдир уни менга кўрсатиб, танитиб қўйиши керак) умид боғлашнинг ўзи ақлга сиғадиган мулоҳаза эмас эди... Менинг бу армоним шубҳасиз ўзим билан яна Ўзбекистонга қайтиб кетади ва умримнинг сўнгигача кўнглимнинг энг яқин маҳрами бўлиб қолади шекилли... Фақат, шу нарса менга ғалати туюлдики, мен ҳиндистонликларнинг етти ёшидан етмиш ёшигача — ҳамма Вайжантемалани билади ва яхши кўради, сўрасангиз тўлқинланиб, мароқ билан, завқ-шавқ билан уни таъриф-тавсифлаб кетади, манзилени ҳам айтиб, кўрсатиб беради, деб ўйлардим... Не тонгки, бундай эмас экан. Майсур штатидан чиққан бу раққоса, актрисанинг ҳуснига ва маҳоратига ортиқчароқ баҳо бериб юборганмикинман, деб ўйладим... Зеро, муҳаббат санамлари сиймосини қойилмақом қилиб ижро этган Вайжантемала негадир мен ҳаётда ва кинода кўрган аёллар, актрисалар ичида энг соҳибжамоли, мафтункор-жозибадори сифатида (балки бу ҳинд кино санъатининг кучи, қудратидандир) хаёлимда муҳрланиб қолган эди. Назаримда, унинг гул-гул чехраси, «Сангам» фильмидаги офатижон нозу истиғнолари ҳеч қачон қаримайдигандай, мангу гўзаллик, сеvimли маъшуқа қалбининг ноёб тимсоли каби умрбод яшнаб қолиши керакдай туюларди.

Машинамиз тўхтаганидагина мен хаёл гирдобидан чиқдим. Университет қошидаги Тарихий фанлар марказига келган эдик. Бу ўқув ва илм даргоҳида магистрлик унвони бериларкан. Марказда Ҳиндистон тарихи турли босқичларга бўлиб ўрганитар, ҳар бир куллийтда бир неча бўлим бўлиб, улар мутахассислаштирилган экан. Биз куллийт декани Чаттопадхайя ва Марказий Осиё бўйича мутахассис Музаффар Аълам (мана шундай исм-шаърифга дуч келганимда беихтиёр бобурийлардан эмасмикин, балки ўзи ҳам билмаган ҳолда аждоди ўшаларга бориб тақалар, деган ўй кечади менда) билан учрашиб суҳбатлашдик. Музаффар Аълам 1987 йили Ўзбекистонда бўлган, балки шу боисдан, бизга, экспедициямиз фаолиятига самимий қизиқаётгани сезилиб турарди.

Суҳбат поёнида мен Музаффар Аъламга шундай савол билан мурожаат қилдим:

— Бизнинг мактабларда бир қанча ҳинд классик адиблари ўқитилади. Жумладан Рабиндранат Токур... Унинг саккиз жилдлик, бошқа ўнлаб ҳинд шоир ва ёзувчиларининг катта-катта китоблари ўзбек тилида чоп этилган. Сизларда ҳам ўзбек адабиёти намоёндалари ўқитиладими?

— Биз Навоийни ва шубҳасиз Бобурни биламиз — улар умумий дарсларимиздан қисқа бўлса ҳам ўрин олишган, лекин кейинги юз йил ичидаги ўзбек адабиётидан, тўғриси, беҳабармиз, — дея тан олди Музаффар Аълам.

Дарҳақиқат, ҳиндистонликлар Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Ойбекларни ҳам яхши билишмас экан. Мен анча ачиндим, ахир биз ҳинд оғзаки адабиёти намуналари, тарихий дostonларини, жумладан, «Калила ва Димна»ни, "Панчататра"ни, «Рамаяна»ни, «Махобхорат»ни қайта-қайта нашр қилиб ўқиймиз-ку.., Хисрав Дехлавий, Мирза Бедил, Мирза Ғолиб, Токурлардан ташқари Хўжа Аҳмад Аббосни, Кришан Чандрни, Мулк Раж Анандни, Иқболни, Премчандни, Яшпални, Амрита Притамни, Назрул Ислонни, Али Сардор Жаъфарийни, Валлатхолни, Сажжод Зоҳирни, Қамар Раисни, Ниролани ва яна бошқа ўнлаб ҳинд шоир ва ёзувчиларини биламиз-ку! Уларнинг асарлари асосидаги телеспектакл,

радиопостановкаларни ҳар бир ўзбек хонадонида томоша қилиб, тинглайдилар-ку... Шу ерда яна иккиланиб қолдим — ҳиндларнинг адиблари бизнинг шоир-ёзувчиларимизни билишяпти-ку... Балки биздаги олийгоҳларда ҳам ҳинд ижодкорларини яхши билишмас...

Университетдан қайтгач, яна Миллий музейга кирдик (Насим Ахтар билан жуда кадрдон бўлиб кетдик). У ердан чиққач, баъзилар элчихонага жўнашди. Аҳмаджон иккаламиз археология ва маданий ёдгорликлар бошқармасидан Ҳиндистондаги маданий ёдгорликлар ва осори-атиқалар, обидаларни кино, телетасвирга олиш учун рухсатномага пул (5 минг рупий) тўлагач, скутор (моторолёр-такси)да меҳмонхонага келдик. Ўзимизнинг кадрдон ошхонада (у билан меҳмонхонамиз ўртасида фақат катта кўча бор холос - нонуштада ҳам, кечкурун ҳам шу ерга кирамиз) овқатландик. Дарвоқе, ошхонага бош суқишингиз билан, девордаги шер сурати ва сурат остидаги ёзувга кўзингиз тушади ва беихтиёр ё сал хушёр тортасиз ё жилмайиб қўясиз. Ёзув куйидагича: No politics please... Бунинг маъноси: тепангиздаги шерга карангу, сиёсатдан валақламай, овқатингизни енг...

Тагдор, тўғри маслаҳат, шундай эмасми?..

Меҳмонхонамиздан олти-етти юз қадам нарида «Упхар» («Ҳадя») деган кинотеатр бор экан. Аҳмаджон билан ҳиндларнинг киносини ўз юртида ҳам бир кўриб қўяйлик, деб бордик. «Кхал-наяк» («Зўравон») деган фильм кетаётган экан. Болалигимда Ҳиндистонда кино кўргани тўшақлари билан, астойдил келишади, деган гаплар эшитувдим. Унчалик эмас-ку, ҳарқалай одам жуда кўп эди, киришга чипта йўқ, дейишди.

— Энди бир иш қиламиз, — деди Аҳмаджон, — директорнинг олдига кирамиз. Сиз ўзбекчани ўрисчага аралаштириб гапирасиз, мен хориждан, Европадан келганман, Ҳинд киносини кўрмоқчиман, деяпти, деб таржима қиламан.

Кинотеатр директори қирқ беш-эллик ёшлардаги серсоқол, ғуппи саллали, семиз одам экан, гап бошлашимиз билан, хўп, деб иккита билет берди (40 рупийга).

Кинотеатр дарҳақиқат катта бўлиб, зали уч қаватли эди. Биринчи қават арзонроқ, иккинчи қават— ложа— ўртача, учинчи қават — ложа қимматроқ экан.

Биздагидай, директор 3-қават ложасига билет берибди (Бизда ҳам илтимосларга махсус, яхши қатордан жой олиб қўйилади-ку).

Одам фойеларда ҳам қалин эди. Жуфт-жуфт жаноблар ва хонимлар... Асосан, ёшлар, қизлар...

Фойеда кутиб ўтириб, иттифоқо бир ёш йигит билан танишиб қолдик. Рус тилини чалароқ биларкан, кўполроқ талаффуз билан гапиряпти. Исми Мохан, Палика бозоридаги 177-магазинда ишларкан. Бизни таклиф қилди (тери куртка билан савдо қилишаркан), пепси-кола билан сийлади.

Кино соат тўққиз яримда бошланди. Мохан бизни бошлаб кириб жойларимизни топиб берди, ёнимиздаги йигитни турғазиб юбориб, ўзи ўтирди. Кийиниши, ўзини тутиши, гардиши кенг шляпаси мексикалик олифталарни эслатар, лекин очик, гаплашадиган йигит экан. Ўринлар чиндан ҳам жуда боп: бўйинни толдирмайдиган, тўғридан кўринадиган эди. Кинохона шифти чиройли, полга палос тўшалган, креслолари юмшоқ эди...

Залнинг бир неча жойига ўрнатилган катта вентиляторлар салқин ҳаво пуркаб турарди. Шунинг учун бўлса керак, уч ярим соат терлаб-пишмай, бетоқатланмай, хотиржам ўтирдик.

Фильм сюжети одатдаги ҳинд киноларидаги каби сентиментал-романтик воқеалар асосига қурилган бўлиб, ота-она-ўғил муносабатлари орқали ривожланиб боради. Ўғил отасининг бир тарсақисини еб, уйдан чиқиб кетади, тўда тўплаб тоғларда дайдиб юради, унинг хотинини ўлдириб кетишади, йигит полисменларга қасдлашиб қолади, ниҳоят, англашилмовчиликлар жойига тушиб, ҳақ, адолат, эзгулик ғалабаси билан якун топади... Бош ролларда Санжай Дат (Наргисхонимнинг ўғли) ва Матхури Диксит ўйнаган эди. Мохан (янги танишимиз) Матхурини гўзал ва халқ севадиган актриса, деб изоҳ берди бизга. Дарҳақиқат, аслан шундайми, гримчилар, тасвирчиларнинг маҳорати туфайлими, қиз ниҳоятда барно эди. Кийими алмашган сари (гоҳ қизил, гоҳ зангори, гоҳ оқ... ҳарир либосларда чиқарди) яшнаб,

очишиб бораётгандай эди. Экранихоятда катта, кенг бўлиб, қахрамонларнинг юз-кўзлари киприкларигача жуда аниқ кўринар, табиат манзаралари ниҳоятда жозибадор эди. Сингапур ва Кашмир томонларда суратга олинган бўлса керак. Шу фильмда бир одамни ёш ва ёши ўтган қиёфада, бир озгин, бир семиз кўрсатиш санъати намоён қилинган эди...

Албатта, аксарият ҳинд фильмлари каби бу кинода ҳам ёш бола ҳам ишонмайдиган олди-қочди воқеалар, тасодифлар анчагина бор. Менимча, ҳиндлар азалдан ишонувчан, соддалиги учун (ахир улар худони кўп деб ҳисоблаб, бутга, молга, сувга ва бошқа нарсаларга сиғинишади-ку) уларнинг киноларида ҳам эртак воқеалар, ақл бовар қилмас ҳодисалар кўп бўлса керак.

## УЛУҒЛАР МОЗОРИ

*14 август, шанба*

Зиёрат учун Низомиддин даҳасига бордик. Низомиддин Авлиё (тасаввуфнинг йирик намоёндаси) ўтган жойда ҳар қандай ёмонлик даф бўлган, деган нақл юраркан ҳинд халқи орасида. Унинг мақбараси билан ёндош улуғ Амир Хисрав Дехлавий сағанаси бўлиб, уни Бобур қурдирган, Шох Жаҳон таъмирлатган, дейишди. Ниҳоятда гўзал, гулдор мрамрдан барпо қилинган эди марқад. Дарвоқе, бу ерда бошқа қабрлар ҳам бор эди. Шуниси қизиқки, бу ерга тор йўлақлардан айланиб ўтиб борилар ва кираверишга «Аёлларга кириш ман этилади» деб ёзиб қўйилган эди. Бу гапни ҳеч ким шарҳлаб беролмади. Бу, албатта, ўта мутаассиб диндорларнинг иши бўлса керак. Ҳаммасидан ҳам Хисрав Дехлавийнинг қабрини мана шундай тор, чекланган, кўримсиз мавзеда қолиб кетганлиги менга ғалати кўринди. Ахир Дехлавий оддий авлиё ё фақат диндор бўлган эмас-ку. У ҳар жиҳатдан етук, баркамол, жаҳоншумул шухрат эгаси бўлган буюк инсон-ку. У тилшунос, адабиётшунос, тарихнавис олим, мусиқий асарлар ёзган. Бадиият соҳасидаги мероси эса жуда улқандир: у тўрт юз минг байтдан ортиқ шеър битган. У бадииятнинг барча турларида ижод қилган алломадир. Абдурахмон Жомийнинг айтишича у 99 китоб муаллифидир. Алишер Навоий Хисрав Дехлавийни оташин ишқ куйчилари Ҳофиз, Жомийлар қаторида санайди. Ўзининг устозларидан бири деб эътироф этади, уни «Ҳинд сеҳргари» («Соҳири ҳинд») деб атайди, «назм пешасининг ғазанфари ва дарду ишқ оташкадасининг самандари» дея юксак таърифлайди. Дарҳақиқат:

*Гулюзинг кўрган кишилар ёд қилмас бўстон,  
Шул гўзал юз ҳажрида гуллолаларнинг бағри қон...*

Ёки:

*Кеча лаъли лабинг этди мени тонг отгунча меҳмон,  
Тирилмишдир сенинг хушбўй ҳидингдин мурдаи  
ҳижрон, —*

каби рамзий ташбеҳларни Дехлавий Ҳофизу Жомийлардан анча аввал, бундан етти юз йиллар муқаддам яратгандир. Не бахтки, шеърят осмонининг чакноқ юлдузларидан бири бўлмиш ана шу буюк зотнинг отаси Ҳиндистонга бориб қолган шахрисабзлик ўзбек йигити эди, онаси эса ҳинд қизи бўлган. Қуйидаги машхур хикматлар ҳам Амир Хисрав Дехлавий қаламига мансубдир:

*Кимки билимсизлик зиндонида гум,  
Гадодир, тиллоси бўлса ҳам юз хум.*

*Дўстларинг кўпаяр фаровонликда,  
Уларни синаб кўр нотавонликда.*

*Тананг ҳам кетажаск, бори-йўзинг ҳам,  
Бахтлидир яхши ном қолдирган одам.*

*Шундай яшагинки жисми покингдан  
Қайта яратсинлар сени ҳокингдан.*

*Кўздек бир-бирингга бўлма тескари,  
Лаблардек иттифоқ бўлгил аксари...*

Юқорида саналган ҳинд халқининг тўрт буюк даҳо адибларидан учинчиси — Асадулло Мирзо Ғолибдир. Унинг ижодида ҳам ишқ дарди, муҳаббат шеваси алоҳида ўрин тутди. Мирзо Ғолиб лирикасини «ниҳоятда жозибадор, майин, тонг шамолидек беғубор, тоғ шалоласидек жўшқин, дарё сувидек мавжли, атиргуллар каби хушбўй ва гўзалдир», дея таърифлашади ҳинд адабиётшунослари. Чиндан ҳам Ғолиб шеърятининг оҳанги мутлако ўзига хос бўлиб, ниҳоятда ўйноқи, мудроқ туйғуларингизни қитиқлаб, уйғотиб юборадиган, кўнглиздаги дардларингизга малҳамдек ёқиб тушадиган шифобахш жозобага бойдир. Шу ўринда Ғолибнинг лоақал бир шеърини мисолга келтирмасам, ҳеч ичим чиқмайдиганга ўхшайди:

*Хусн гамза дардидан топти шифо мендан сўнг,  
Яшар энди завқ ила аҳли жафо мендан сўнг.  
Ошиқлик мансабига муносиб шахс қолмади,  
Бекор қолди муқомлар, нозу адо мендан сўнг.  
Агар ўчса шам, ундан пайдо бўлур қаро дуд,  
Ишқ шуъласи ёпинди қаро ридо мендан сўнг.  
Ер бағрида санамлар аҳволига дил қуяр,  
Тирноқлари қон кўрмой, тилар ҳино мендан сўнг.  
Ситамгарлик санъати қолди энди сўровдан,  
Нозли нигоҳ сурмадан булур хафо мендан сўнг.  
Тирнар юракни бар гам: топилмас бир кимсаки,  
Тутса аза, ўлди! — деб, меҳру вафо, мендан сўнг.  
Борми севги жомини симирувчи бирор мард?  
Такрорлаб соқий этур даъват — нидо мендан сўнг.  
Ишқнинг гариб ҳолига келур Ғолиб хўрлигим,  
Борур кимнинг қошига дарду бало мендан сўнг?*

Ҳинд халқи, айниқса, ижод аҳли бу буюк шоирни ниҳоятда ҳурматлаб эъзозлайдилар, у билан фахрланадилар. Ғолибнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб бир неча пьесалар ёзилган, музикали тарихий кинофильм яратилган. «Ўзбек халқи ҳам бу ғурур, бу қувончга шерик бўлишга тамоман ҳақли, — деб ёзади доктор Қамар Раис. — Боиси шуки, Мирзо Ғолибнинг Ўзбекистон билан узилмас қон-қардошлик алоқаси бор. Бўлажак шоирнинг катта бобоси Турсунбекхон Салжуқийлар хонадонига мансуб катта амир бўлганлиги тарихий таъкирлардан маълум».

Дарҳақиқат, Мирзо Ғолиб ўзининг асли Турон юртидан эканлигини ифтихор билан, қайта-қайта тилга олади:

*Ғолиб, ўзим муқаддас Турон тупроғиданман,  
Билсангаз, тағи-тахтим, иқбол қучоғиданман.  
Ота-бобом касб-кори деҳқончилик азалдан,  
Самарқанд фуқароси-деҳқон қароғиданман...*

Қамар Раиснинг эътирофича, ватандошимиз фарзанди, яъниким, ўзбек юрагининг бир парчаси бўлмиш Мирзо Ғолиб адабиёт ва шеърятдан беҳад завқландиган, гўзаллик ва

латофат ошиғи, мағрур, ҳалол, дўстларга садоқати ва меҳру муҳаббати кучли, ватанини ниҳоятда суйғувчи, хушчақчақ, халқпарвар, камтарин инсон бўлган.

Асадулло Ғолиб қабр-мақбараси ҳам Дехлининг эски қисмида экан. Унча баланд эмас, ихчамгина, лекин ўзига хос, сифатли, оқиш-қаймоқ ранг мрамардан тикланган. Атрофи панжара, занжир билан ўралган, кириш эшиги кулфлоклик, яъни, демакки, назоратда экан. Калит ёдгорликдан сал беридаги бозорча ёнидаги кичик бир хонада тураркан. Илтимос қилувдик, очиб беришди. Сағана ичини зиёрат қилиб, Қуръон тиловати била, шоир ҳаққига дуо айладик...

Шундай қилиб, Дехлида бир неча кун туриб қолдик. Вақт эса кетмокда, ҳали олдинда борадиган шаҳарлар, кўрадиган жойлар, қилинадиган ишлар бисёр эди. Бу ерга етиб келган кунимиз Собиржон Шокаримовнинг мазаси қочиб, меҳмонхонада ётиб қолди. Уни кўникмаган иқлим ва емишлар илғади шекилли. Дарҳақиқат, овқатлари бизнинг таомларимиздан бутунлай бўлакча эди (Буни биз чегара — Ваагадаёқ билган эдик). Қалампирсиз бирон нима пиширишмас экан. Ҳатто чевати (чепоти)га ҳам хом қалампир тўғраб юборишаркан. Лоақал шу чепотига қалампир солмай пишириб беринглар, деб ўтиниб ҳам уддалай олмадик. Ошпазлари бу борада қасамёд қабул қилишади шекилли. Шу масалада боёқиш Фаррух ҳам анча қийналди (Униям ошқозони чатоқроқ). Лекин Собиржон аканинг бардоши, иродаси, матонатига қойил қолиш керак. Тўрт кун ичида бир марта «их» деб ўнтаганини эшитмадик. Хона дим: кондиционерни ҳам, ел ҳайдагич паррактарни ҳам ўчиртириб қўйган, кирган одамнинг нафаси қайтиб кетади. Собиржон ака мана шу бардоши, сабр-тоқати билан дардни енгди. Бугун ўрнидан турди. Консулимиз Аҳмаджон Лукмонов уни поликлиникага олиб бориб келди. Докторлар унинг конини, умумий ҳолатини текшириб, сафарни давом эттириши мумкин, дейишибди. Ҳамма, хусусан, Зокиржон ака қаттиқ хавотирланаётган эди. Ахир шериклардан бири бетоб бўлиб турса, сафар, хурсандчилик татийдими? Айниқса, раҳбарга...

Кўнглимиз равшан бўлиб, йўлга тушдик. Эндиги манзилимиз Бобурга севимли қароргоҳ бўлган тарихий шаҳар Агра эди.

Дарвоқе, эртага 15 август — Ҳиндистон мустақиллиги байрами эди. Аҳмаджон Лукмонов, куралай кўз Манжу ва бошқалар байрам тантаналарини кўриб кетмайсизларми, дейишди. Лекин бизнинг вақтимиз ниҳоятда тигиз, ҳар кун, ҳар соатимиз ҳисоб-китобли эди. Узр айтиб, улар билан вақтинча хайрлашдик.

Дехлидан чиқиб, катта йўлга тушиб олгач, олдимиздаги машиналарни бирин-кетин қувиб ўта бордик. Машиналарнинг орқасидаги ёзувлар эътиборимни тортади. Бизда машиналар орқасига «Оҳиста юр, эй сарбон», «Кўзинг етмаса, қувиб ўтма», «Шоссе—фазо эмас» каби насиҳатлар кўпроқ ёзилади. Бу ерда бутунлай бошқача, маъноси бойроқ даъватномаларни ўқишингиз мумкин эди. Чунончи: «Ёмон назар билан қараган одамнинг қалби ҳам қорадир», «Биз иккитамиз, бизники ҳам иккита бўлиши керак», «Иккинчисига шошилманглар, учинчиси — ҳеч қачон...». Кейинги икки шиор, мазмунидан англашилиб турибдики, фарзандни кўпайтирмаслик ҳақида. Дарҳақиқат, шундоқ ҳам, одам исроф бўлиб кўчаларда юрибди нима иш қилишини билмай, пешайвонлар, дарахтлар остида ётишибди. Расмий маълумотларга қараганда миллион-миллион одам кўчада туғилиб, кўчада вафот этаркан. Яхшиямки, Ҳиндистонда деярли қиш бўлмайди, акс ҳолда... Балки ана шу қиш бўлмаслиги чатоқдир, одамларнинг, хусусан, эркактарнинг ялқовроқ бўлишларига жазирама иссиқ бош сабабчидир. Агар қаттиқроқ совуқ бўлса, балки улар ҳам астойдилроқ ҳаракат қилган бўлишармиди—лоақал ўзларининг жонларини сақлаш учун... Ҳолбуки, уруғ экиб, бир эмас, бир неча бор ҳосил олса бўладиган унумдор, пўрсилдоқ ерларнинг поёни йўқ экан.

Йўлда велосипедчилар галасига дуч келиб жуда ҳайрон қолдим. Ҳиндистонда велосипед асосий транспорт воситаларидан бири эканлигига Амритсардаёқ ишонч ҳосил қилувдим. Лекин велосипедга бунчалик ружу қўйган шаҳарчани кўраман, деб ўйламовдим. Катта кўча тўла, машинани оҳиста юргизишга тўғри келди. Кечки пайт эди, велосипедчиларнинг кўпроқ биз томонга, яъни бир йўналишга келишаётганидан ишдан қайтишаётган бўлишса керак, дедик.

Оқшом тушганда йўлимиз қуюқ ўрмонзор орасига шўнғиб кириб кетди. Икки ёндаги дарахтзорларнинг қалинлигини ифодалашга «чим-чати» деган ибора ҳам ожизлик қиларди. Ҳақиқий жунгли деб шундай жойларни айтишса керак-да. Афсуски, қоронғида ўрмон манзараларини, ранго-ранг дарахтларнинг яшил, осмоний барглари кўрки-латофатини яхши кўролмадик, мириқиб томоша қилолмадик, кундуздагидай завқ ололмадик.

Аграга ярим кечага яқин етиб бордик. Истаб-сўроқлаб юриб, бир муслим ёрдамида «Классик» деган меҳмонхонани топдик. Икки қаватли, янги шинам бино экан. Хоналари ҳам анча озода. Кондиционерлар, шифтда паррақлар ишлаб турибди. Тўлқин ака билан 202-хонага жойлашдик. Кечаси совуқ қотиб уйғониб кетдим. Тасаввур қилинг: Ҳиндистонда, жазирама ёзда совуқдан уйғониб кетишни! Паррақни ўчириб қўйдим.

## МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ КОШОНАСИ

*15 август, яқинба*

Эрталаб, нонуштадан кейин Тож Маҳални излаб кетдик. Шох Жаҳон (бу ернинг оғзаки диалектида «Сажахан», баъзан янада қисқароқ қилиб «Сажан» дейиларкан. Дарвоқе, Бобур ҳам «Ҳиндустон эли «шин» (ш. — Қ. К.)-ни — «син» (с., — К. К.) талаффуз қилур» деб ёзган) боғи оралаб ўтган Шох Жаҳон кўчасидан юриб, ниҳоят, Тож Маҳалга етдик. Бу обида ҳам катта йўлдан анча ичкарида жойлашган бўлиб, қатор дўкончалар ёнидан уч юз қадамча пиёда юриб бориларди. Йўлакда шундоқ ерда ёнбошчасига ётган отга дуч келдик. Ҳинд халқининг ўта раҳмдиллигини қарангки, ярадор, типирчилаб жон талашиб ётган ҳайвонни сўйиб юбора қолмай, олдига кўк ўт ташлаб қўйишибди. Бечора от хириллаб, оғзидаги ўтни ютолмай, мадорсиз қавшаняпти (эх, нафс!..) Жониворнинг оёқлари тўрт томонга керилиб кетган, вақти-соати яқин эди.

Тож Маҳалнинг ташқи ҳовлисига қадам қўйишингиз биланоқ сизни ғалати ҳислар чулғаб оларкан, гўё гўзаллик, меҳру-вафо оламига кириб бораётгандай сезасиз ўзингизни... Ниҳоят, муаззам обида дарвозасидан ичкарига — асосий ҳовлига кирасиз. Ҳайратланиб супада туриб қоласиз. Аввало сизни зиёратчиларнинг кўплиги, одамлар оқими таажжубга ва ҳаяжонга солади. Турли миллат, турли дин, турли мазҳабдаги, турлича кийинган, турли рангдаги кишилар-болалар, ёшлар, катталар... Балки уларнинг таассуротлари ҳар хил бўлар, лекин ҳаммасининг бу ерга киришидан мақсади бир, олаётган завқ-шавқи бир... Оппок кийимли, беҳол кекса отасини қўлларидан кўтариб олган йигитни кўриб ҳаммамиз жуда таъсирландик ва қобил ўғилга ичимизда раҳматлар айтдик... Саёҳатчи-зиёратчилар орасида Оврупадан, Америкадан, дунёнинг ҳамма бурчақларидан келган ажнабийлар бор. Эсдалик учун суратга тушаётганларнинг сон-санови йўқ. Сураткашларнинг қўли қўлига тегмайди.

Ҳа, таърифни эшитганки инсон бир кўрсайдим, деб орзу қиладиган мўъжизавор обида. Дарвоқе, мўъжиза ёдгорликлар ҳақида. Олимлар, тадқиқотчилар, сайёҳлар қадимги юнонларнинг дунёдаги еттита машҳур обида ҳақидаги иборасини маҳкам тутиб олишади-да, тўтидай ўша гапни такрорлашаверади. Ҳолбуки, у даврдан бери неча минг йиллар ўтди, мўъжизага тенглаштириш мумкин бўлган юзлаб тарихий обидалар яратилди ва уларнинг қанчаси емирилиб, яна йўқ бўлиб ҳам кетди. Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Ўзимизнинг Ўзбекистон ҳудудида, Самарқанд, Бухоро, Хева шаҳарларидаги тарихий обидалар, айтайлик Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Улуғбек расадхонаси қайси Миср эхромию, қайси Галикарнас мақбарасидан кам? Хўп, масаланинг бу томонини қўйиб турайлик, аслида уларни мўъжиза деб баҳолашнинг ўзи тўғримикин? Мўъжиза нима ўзи? Менинг назаримда мўъжиза — инсон ҳайратланиб, моҳиятига, сири-асрорига етолмайдиган, ақл билан, қўл билан яратиб бўлмайдиган нарсалар, ҳаракатлардир. Яъни, фикри ожизимча, аввало инсоннинг ўзи мўъжиза, коинот, ой, қуёшу юлдузлар мўъжиза, табиат, ҳайвонот оламию, ўсимликлар дунёси, мевалар, гуллар, майсалар мўъжиза. Ҳамма мўъжизани энг қудратли зот азалдан яратиб қўйган. Биз юқоридагидай гўзал, маҳобатли обидаларни кўрганимизда — уларни мароқ билан томоша қилиб, завқу эҳтирослар уммонига ғарқ бўлган ҳолда, уларнинг ижодкори, мўъжизакори, асил мўъжиза — инсонга, унинг қўлларига таъзим айлаб, инсонга

ато этилган куч-қудрат, ақл-заковатнинг нималарга қодирлигини мушоҳада қилиб, асосий ҳамду санони инсоннинг яратувчиси — улуғ Тангри шаънига айтмоғимиз ва шукрона билдирмоғимиз жоиздир...

Тож Маҳал тўғрисида гап кетганда эса, аввало унинг яралиш тарихи, сабабчилари ва ижодкорлари бўлмиш Мумтоз Маҳал ва Шоҳ Жаҳонларни ёдламасликнинг иложи йўқ.

Ҳинд тарихчиларининг қайд этишича, Шоҳ Жаҳон бобурийлар ичида энг омадли подшо бўлиб, унинг қарийб ўттиз йиллик ҳукмдорлик даври Ҳиндистондаги бобурийлар, балки бутун темурийлар салтанатининг энг гуллаган, олтин давридир. У жуда кўп иншоотлар, санъат обидалари қурдирган. Дехлидаги «Лаъл қалъа», «Масжиди Жомъе», «Масжиди Луълу», «Тож Маҳал» шулар жумласидандир. Бу даврда юрт фаровонлиги ҳам яхши бўлган. Шунинг учун ҳам халқ Шоҳ Жаҳонни ҳурмат қилган, ҳозир ҳам эъзоз билан тилга оладилар. Шоҳ Жаҳон эл-юрт учун, келажак авлод учун яна кўпроқ тарихий, маданий бойликлар қолдириши мумкин эди. Афсуски, унинг ҳукмдорликка ниҳоятда ўч, бешафқат ўғли Аврангзеб ака-укалари билан олишиб, уларни ўлим ва қийноқлар билан йўлидан четлаштириб, падари бузрукворини ҳибсга олади ва қалъага қамаб қўяди...

Шоҳ Жаҳон йигирма бир ёшида Аржуманд бонуга уйланган эди. Аржуманд бону ота-онаси билан Эрондан келиб қолган, у Жаҳонгирнинг суюкли хотини Нур Жаҳон бегимнинг жияни эди. Шоҳ Жаҳоннинг отаси гўзаллиги, оқила, доно бўлгани учун келини Аржуманд бонунини Мумтоз Маҳал («саройнинг кўрки, ифтихори») деб атади. Мумтоз Маҳал билимли, маданиятли, айна вақтда анча художўй, эрига ниҳоятда садоқатли, унга маслаҳатдош бўлган. Шунинг учун ҳам Шоҳ Жаҳон ўзининг деярли барча сафарлари ва юришларида меҳрибон рафиқасини ўзи билан олиб юрган. Мумтоз Маҳал ана шундай юришларнинг бирида, Бурхонпурда ўн тўртинчи фарзандини туғишда, ўттиз етти ёшида вафот этади. Қалбига энг яқин, азиз кишиси бўлган хотинининг умри поёнига етаётганини сезган Шоҳ Жаҳон сўнгги дақиқаларда дард, алам билан: тилагингизни айтинг, ҳар не истасангиз бажо келтирурман, дейди. Шунда Мумтоз бегим эрининг ёш қалқиб турган меҳрибон кўзларига сўнгсиз муҳаббат ва илтижо билан термилиб, уч нарсани — ундан кейин бошқа уйланмасликни, фарзандларига меҳрибон бўлишни ва ўзининг, яъни, ҳаётдан барвақт кўз юмаётган умр йўлдошининг хотирасига мухташам бир ёдгорлик барпо қилишини сўраб ўтинади.

Шоҳ Жаҳон Мумтоз Маҳалнинг барча васиятларини адо этади. Фарзандларидан биронтасига қаттиқроқ жазо бергани маълум эмас, аксинча, уларни доим ардоқлаган. Лекин ҳаётнинг мураккаблигини қарангки, ниҳоятда олижаноб, меҳрибон (фарзандларга нисбатан!) отадан туғилган ўғиллар бир-бирлари билан аёвсиз жанг қилиб, тож-тахт учун курашадилар. Айниқса, Аврангзебнинг жоҳиллиги, раҳм-шафқатсизлиги ҳаммасиникидан ошиб тушади.

Тож Маҳал — Мумтоз Маҳал васияти, илтимосининг ижросигина эмас, балки эрнинг жуфти ҳалоли чексиз муҳаббати, садоқати рамзидир. Шунинг учун ҳам уни «Севги достони», «Муҳаббат ва мусибат кошонаси», «Оқ мармар қиссаси» каби номлар билан таърифлайдилар. Дарҳақиқат, қарийб йигирма йил давомида 22 минг ишчи, қурувчи, ҳунармандлар кучи, маҳорати билан барпо бўлган бу муаззам мақбара учун Шоҳ Жаҳон умрининг катта бир қисмини, бутун дунёсини бағишлайди. Сағана тарҳини яратишда Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Ўрта Осиё, Арабистон, айрим оврупо давлатларининг меъморлари, уста-ҳунармандлари, рассомлари узоқ бош қотиришади. Дид-фаросати юксак, санъатни нозик ҳис этувчи Шоҳ Жаҳон лойиҳаларнинг ҳар бир чизиғини синчиклаб кўрар, кўнгли тўлмай, қайтарарди. У севиқли ва вафодор, ҳаётда ҳамиша ҳамдам ва ҳамдард бўлган соҳибжамол аёли хотирасига чиндан ҳам дунёда унинг ўзи каби тенги йўқ обида-ёдгорлик барпо этишни ният қилган эди. Шоҳ Жаҳон Аржумандбону барҳаётлигида ҳам уни беҳад кадрлар, ардоқлар эди. Шоҳ ва малика ақлу фаросатда, ҳусну малоҳатда ҳам бир-бирларига жуда мос эдилар; улар чинакам ошиқ-маъшуклар каби бир-бирини севиб, соғиниб яшаган эдилар. Шунинг учун ҳам ҳинд тадқиқотчиси Б. Луния: «Тож Маҳал — Бобурийлар санъатининг гўзал гулдастаси, дунёда эр-хотин муҳаббати, аҳиллиги ва садоқати шаънига бунёд қилинган энг гўзал, энг мумтоз обидадир» деб ёзган. Санъатшунос Бхаратха Ийер эса: «Бошқа зўр бинокорлар ҳам бўлган, лекин муҳаббат хотирасига ҳеч ким, ҳеч қачон Аградаги Тож Маҳалдай қимматли ва мўъжизавор обида яратмаган», дейди ишонч билан.



Тарих китобларида битилишича, Тож Маҳал учун дунёнинг қайси мамлакатидан бўлмасин, энг қимматбаҳо қурилиш ва безак ашёлари топиб келтирилган. Масалан, зумрадни олис Россиядан, ҳақиқни Бағдоддан, гранитни Нилдан, ёқутни Бадахшондан, ферузани Тибетдан, садафни Шри Ланкадан, марваридни Ҳинд океанидан олиб келишган. Бу ишларга 20 йил мобайнида кетган ишчи кучию маблағни бир тасаввур қилиб кўринг. Лекин шуниси диққатга сазоворки, давлат хазинаси шу даврда бойликка тўлиб-тошган, бундай катта ва кенг кўламли қурилишларга ҳар қанча маблағ сарфланса ҳам халқ манфатига асло зиён етмаган. Зеро, Шоҳ Жаҳоннинг омади ҳам шунда эди...

Тож Маҳалнинг дастлаб кўзга ташланадиган хусусияти — унинг дунёдаги бирон-бир обида бўйлаша олмайдиган салобати, виқори эди. У узоқдан тинч уммонда сезилар-сезилмас чайқалиб турган улкан кемага ўхшаб кўринади. Лекин, табиийки, мақбара ҳар қандай баланд кемадан бир неча баробар юксак эди. Мен ташқи дарвозадан киришдаги супада туриб ўсмирлик орзуларимдан бирининг ушалганига шукроналар айтиб, енгил энтикканча Тож Маҳални томоша қилар эканман, беихтиёр қадимги юнонлар дунёдаги етти мўъжизанинг бири деб ҳисоблашган Вавилон Самовий боғларини эсладим ва ўзимча бу икки ёдгорлик таржимаи ҳолида қандайдир ўхшашлик, муштараклик топгандай бўлдим. Гап шундаки, Самовий боғлар ҳам аёлга бўлган муҳаббат туфайли бунёд этилган дейилади. Ривоятларда нақл қилинишича, бундан икки минг йилча аввал Месопотамия (икки дарё оралиғидаги мамлакат) подшоси Навуходоносор Каспий денгизи бўйидаги Мидия мамлакатининг маликасини севиб қолади ва унга уйланиб, ёш қайлиғини пойтахтга — Вавилонга олиб келади. Каспий соҳилининг салқин ва намхуш ҳавосига ўрганган малика Вавилоннинг иссиқ иқлимига кўниколмай қийналади. Хотинини жони-дили билан яхши кўрадиган Навуходоносорнинг ниҳоятда боши қоатади. Ўйлаб-ўйлаб, самода ям-яшил боғ яратиш чорасини топади. Бошқа юртлардан қурувчи усталар, тошкесарлар, меъморларни маслаҳатга, ёрдамга чақиради. Тўрт қаватли тош миноралар тикланади-да, уларни бир-бирига туташтириб, майдонлар ясаиб, унумдор тупроқ ташиб чиқилади ва маликанинг ватани бўлган Каспий қирғоқларидан чиройли гуллар, манзарали дарахтлар келтирилиб экилади ва у ерда чиндан ҳам боғи Эрам вужудга келади, малика самовий боғ хиёбонларида сайр этиб юрадиган бўлади...

Аёл шаъни, иффати, номуси эркак зоти учун нақадар улуғ ва муқаддаслигини ифода этувчи яна бир тарихий нақл бор. Франклар қироли, каролинглар сулоласининг машҳур намоёндаси Буюк Карл (VIII-IX асрлар) веналиклардан кимдир хотинининг шаънига ножоиз сўз айтгани учун Венани етти йил қамалда тутиб турган, деб ёзадилар муаррихлар. Балки, императорнинг мазкур қилмишини бутунлай оқлаб бўлмас, лекин масаланинг бир жиҳати муҳимки, юқоридаги нақл ўзини эркак, ҳамиятли зот деб юрган, ислом ақидасига кўра улуғ қилиб яратилган жинс вакилларига абадул-абад сабоқ рамзи бўлиши (ўз жуфти ҳалоли ё вафодор севиклиси шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш маъносига) мумкин ва лозим эди...

Булар, нима бўлганда ҳам муҳаббатнинг нақадар қудратли куч эканлигига, ўтмишда бу сарафроз туйғунинг нақадар азиз ва лазиз неъмат сифатида зъозланганлигига ёрқин далиллардир. Ҳа, муҳаббат инсонни не чоғлик жасоратлар, олий ҳимматлар кўрсатишга ундайди-я! У сабр-тоқатга, умидворликка ўргатади. Бунинг сири нимада экан?.. Шоҳ Жаҳон бешафқат ўғли Аврангзеб томонидан Жамна дарёсининг ўнг соҳилидаги Қалъа хоналаридан бирига қамаб қўйилади (Аслида унинг бу қилмиши «Ал-қассос-ул минал ҳақ» деган тарих ҳақиқатининг ёрқин мисолидир, чунки ўз даврида Шоҳ Жаҳон ҳам отаси Жаҳонгирга қарши бош кўтарган). Хона дарчасидан дарёнинг нариги қирғоғидаги Тож Маҳал яққол кўриниб турган. Балки, Мумтоз Маҳалга атаб, буржи мусамман усулида (саккиз-қиррали) қурилган бу хонани Шоҳ Жаҳоннинг ўзи ўғлидан ўтиниб сўраб олгандир. Ҳамма нарсадан жудо бўлган, барча имкониятдан мосуво этилган Шоҳ Жаҳон ана шу дарчадан Тож Маҳалга — Мумтоз бегим мақбарасига тикилиб кунларни аламли ўтказа бошлайди (Бу вақтда Мумтоз Маҳалнинг вафот этганига салкам ўттиз йил бўлган эди). Маълумки, Мумтоз Маҳал қазоси олдидан катта қизи Жаҳон Оро бегимга отаси ҳолидан ҳамиша хабардор бўлиб, унинг яхши-ёмон кунларида ёнида туришни васият қилган. Меҳрибон, оқила қиз, дарҳақиқат, ҳибсдаги хаста падари бузрукворининг умри охиригача ёлғиз ғамхўри ва ғамгузори бўлиб,

сидкидилдан хизмат қилади. Бизга айтиб беришларича, совук мармардан иборат хонада тик туравериш, асабийлашиш оқибатида Шоҳ Жаҳоннинг оёқлари шол бўлиб қолади. Жонижаҳони — умр йўлдоши Мумтоз бегимнинг абадий оромгоҳига тикилиб таскин олиш имкони, толедан маҳрум бўлгани учун қаттиқ қайғуради, изтироб чекади. Шунда Жаҳон Оро бегим хонага Тож Маҳалнинг акси тушиб турадиган қилиб катта ойналар қўйиб беради. Шоҳ Жаҳон энди ана шу кўзгуларга термилиб ўтиради. Шу тарика, у саккиз йил хибсада ётиб, 1666 йили оламдан кўз юмади ва ўз васиятига кўра уни Тож Маҳалга — Мумтоз бегим ёнига дафн этадилар. (Илоҳи, ҳар иккаласини тангри ўз раҳматига олган бўлсин, Машҳар куни бир-бирининг дийдорига етишмоқликни насиб этсин). Дарҳақиқат, меҳрибон ва садоқатли жуфтлик тимсоли бўлмиш шоҳ ва маликани ёвуз ўлим бир-биридан ажратган эди, ана шу ўлимнинг ўзи уларни яна топиштира, бирлаштира не ажаб...

Аслида, суюкли рафикасига нисбатан кучли меҳр-муҳаббатли бўлиш, унинг иззат-хурматини жойига қўйиш каби олижаноб, чинакам эркагона, мардона фазилат бобурийларга боболари Бобурдан, бобокалонлари Амир Темурдан қутлуғ мерос эди. Соҳибқироннинг Бибихонимга, Бобурнинг Моҳим бегимга бўлган оташин муҳаббатини тарихчилар мароқ ва ҳавас билан ҳикоя қиладилар. Биргина мисол. Бобурнинг узоқ айрилиқдан сўнг Кобулдан келаётган қадрли хотини Моҳим бегимни Ҳинд заминида қанчалар зорлик ва интизорлик билан кутиб олганини эслаб, Гулбадан бегим шундай ёзади: «...Подшо ҳазратлари бизни Жалолий қўлида учратишни мўлжаллаган эканлар. Намозшом пайтида бир киши келиб, — «Ҳазратни икки курва нарида қолдириб келдим», — деди. Подшо дадам ҳазратлари то от келтургунларича сабр қилмай, пиёда йўлга тушиб, Нинча моҳим уйлари олдида биз билан учрашдилар. Онам отдан тушмоқчи бўлдилар, лекин подшо дадам қўймасдан, ўзлари онаминг отлари жиловидан ушлаб, ўз уйларига етгунча пиёда кетдилар...» Бу воқеа, дарҳақиқат, муҳаббатнинг, ишқ туйғусининг шоҳу гадога баробарлигидан, ҳар қандай ғозий саркарда ҳам оддий ошиқлар қатори суюкли ёрга жиловдорлик бахтидан масрур бўлиши мумкинлигидан олий нишона эмасми?... Худди ана шу ҳолат, менинг назаримда, эрнинг хотинга муҳаббати, соғинчини ифода этувчи рамзий ҳайкал қўйишга лойиқ гўзал ва бағоят таъсирли манзарадир.

Қуйидаги шоҳона рубоий балки ана шу жиловдорлик лаҳзаларидаги соғинчу зорлик изтироблари ила васлу висол ҳаяжонлари Ганг тўлқинларидек мавж уриб, дил ҳавзасининг қирғоқларидан тошиб чиққан умрбоқий дақиқаларнинг гўзал суратидир?

*Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,  
Сен шуъласену ул шуълага мен кулдурмен.  
Нисбат йўқдур деб ижтиноб айламаким,  
Шаҳмен элга вале сенга кулдурмен...*

Шу ўринда мен Покистон ва ҳинд кино ижодкорларининг муҳаббат, ошиқу-беқарорлик мавзуига иштиёқи ва эътиқоди зўрлигига Бобурий ошиқ-маъшуклар Жаҳонгир ва Нур Жаҳон, Шоҳ Жаҳон ва Мумтоз бегимларнинг бетақрор ва таърифига қалам ожиз, келажак авлодлар учун вафо ва садоқат рамзи бўлмиш ишқий ҳаётлари ҳам сабабмасмикин, деб ўйлаб қолдим. Балки...

Тож Маҳални уч томондан ўраб турган боғ-хиёбон ҳам ниҳоятда гўзал эди. Ям-яшил майса билан қопланган, турли шакллар берилган йўлақларга оёқ босишга ийманасиз. Ўртадаги узун тошҳовузга тушиб турган миноралар, мақбара гумбазлари акси зангори тусда товланади. Ҳовузнинг икки тарафидаги чиройли сарв дарахтлари Аржуманд бонунинг «сарву-санобар» қадди-бастини эсга солиб тургандай... Обидага яқинлашганингиз сари, мармар деворнинг тиниқ ва силлиқлигидан кўзингиз қамаша бошлайди. Сағана майдонининг тўрт бурчагидаги осмонга бўй чўзган миноралар уйкудаги шоҳ ва малика оромини, осойишталигини қўриқлаб турган посбонларга ўхшайди гўё.

Қадим замонларда меъморчиликни юксак дид эгалари, билимдон кишилар «Санъатлар онаси» деб таърифлашган экан. Мен симметрия-мутаносиблик, мувозанат қонуниятларининг энг нозик тебранишлари нуқтаи назаридан ниҳоят даражада пухта,

бенуксон бу муаззам ёдгорликка қараб туриб юқоридаги таърифнинг нақадар ҳаққоний ва адолатли эканлигига амин бўлдим. Тож Маҳални ғоят мукамал ва гўзал ишланган санъат асарининг олий намунаси деб баралла айтиш мумкин. Ичкарига қадам қўйишингиз билан сизни маҳзун ва ваҳимали ҳислар чулғаб олаётгандай бўлади. Йўлақлар шифти-баланд гумбазлар ости қозон шаклида, думалок. Деворларга Қуръони каримдан оятлар битилган. Мақбара, одатдаги мусулмон анъаналарига кўра, икки қаватли қилиб қурилган. Биринчи, асосий қаватда, саккиз бурчакли катта ва кенг хонада шоҳ ва маликанинг сағаналари ёнма-ён қўйилган. Шоҳ Жаҳон сағана тошининг ёнларига худонинг 99 исми ўйиб ёзилган, Мумтоз бегим даҳма тошининг ёнларига эса нилуфар гуллари, лола тасвирлари ўйиб ишланган, уларга зумрад, ёқут, садаф каби қимматбаҳо тошлар қадалган. Хона деворларига айланасига турли гуллар тасвири шундай ишланганки, силаб кўрсангиз сип-силлик, қандай ўйиб битилганига ақлингиз бовар қилмайди. Худди ойна остидаги суратнинг ўзи. Бунисини ҳам қўйинг, мақбара хизматчилари қўл чироқларни ёқиб, деворга яқинлаштирган эди, биз кўриб турган гуллар тагида, мрамар ичида яна-бир қават ана шундай тасвир - чиройли гуллар намоеън бўлди. Беихтиёр, санъатингга, ҳунарингга офарин, дейсиз, бу мўъжизавор обида ижодкорларини ўйлаб.

Шоҳ Жаҳон ва Мумтоз Маҳалнинг жасадлари мазкур хона остидаги лаҳадхонага дафн этилган. Бу жим-жит, сокин ердаги ҳар қандай товуш атрофга таралиб, бир неча лаҳза аксадо бериб туради.

Биз мақбара ичидан ғамгин таассуротлар билан қайтиб чиқдик. Бироқ кетгимиз келмай, хиёбонда яна бу боқий санъат тимсолини томоша қилиб юрдик. Секин-аста бояги ғамгинлик кетиб, қалбимиз ифтихор туйғулари билан тўла бошлади. Ахир буюк ватандошларимиз—бобурийлар ва улардан қолган ўлмас осор-атиқалар Ҳиндистон халқи учун, олис-олис юртлардан келаётган сайёҳлар учун тавоф қилиб, номини ёдлаб кетадиган улуғ инсонларга, муқаддас жойларга айланса, қувонмай бўладими?..

Мақбаранинг кундузи ярқираб товланадиган мрамар-деворларидан кечаси, ойдин тунда оч яшил нур таралиб тураркан, Тож Маҳал узоқдан ҳавода парвоз қилиб бораётган оппоқ, ҳарир либосли келинчакка— Мумтоз бегимга менгзаб кўринаркан...

Таниқли ҳинд ёзувчиси Кришан Чандр шундай таъриф беради: «Тож Маҳалдай гўзал мўъжизани табиатнинг ўзи ярата олармикин... Гўё бутун Ҳиндистон халқининг меҳр-муҳаббати мужассам бўлган-у, ялтироқ оқ мрамардан либос кийиб, мана шу заминда қад кўтарган. Назаримда, Тож Маҳал бунёдга келгандан кейингина Ер юзининг ҳусни мукамаллик касб этган...»

— Қани энди ҳозир ҳам шунақа обидалар қурилса... — дея хитоб қилди Зокиржон ака ҳаяжонини босолмай.

Тож Маҳал кўркига мос бир ҳол эътиборимни жалб этди: сайрчилар, зиёратчилар орасида гўзал ҳинд кизлари, жувонлари ҳам кўп бўлиб, уларнинг шўх кулгулари ҳам ғоят жозибали — юрагингиз торларига беихтиёр тегиб кетаётгандай туюларди. Синчиклаб зеҳн солсангиз, у қора кўзларда, ишвали нигоҳларда таърифлаш қийин бўлган ажиб бир латофат, сеҳр борлигини пайқаш мумкин эди. Ана шундай жувонлардан бири хиёбоннинг йўлакка яқин жойида, сарв остида келишган эри, тўрт ёшлар чамасидаги қайсаргина ўғилчаси билан ўтирарди. Жувон ҳинд киноларидаги гўзалларсимон кўлидаги майса чўпини гоҳ эри, гоҳ ўғлининг бўйнига текизиб тегишарди. Ўз иши ўзига нашъа қилиб қаттиқроқ қулиб юборган эди, ўнг томонидаги иккита нотекис тиши кўриниб қолдию гўё гўзаллик маъбудининг тиниқ чехраси бирдан хира тортгандай бўлди. Бир кам дунё деганлари шу-да. Лекин бу камчиликни тузатса бўлади-ку...

Тож Маҳал боғ-хиёбонидаги шу кунги сайр 40 рупийданга суратга тушиш билан ниҳояланди. Бундоқ қараганда қиммат — битта сурат ўша пайтдаги пулимизга 1600 сўм (купон сўмдан илгариги анча қадри бор пул)! АҚШ пулига чақадиган бўлсак, салкам 1,5 доллар эди. Хусусан саёҳатда юрган одам чўнтагини анча енгиллаштириб қўядиган сумма, лекин биз ачинмадик, албатта. Ҳиндистонга келиш осонмию, Тож Маҳал ёнида расмга тушиш ҳаммагаям насиб қиптими?.. Тўғриси, шундоқ деб ўзимизга таскин бердик-да.

## БУГУН МЕНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИМ...

Бобур Дехли, Аградан сўнг Фотехпур Секрини ҳам ўз давлати худудига кўшиб олган. Тушдан кейин, Бобурийлар забт этганлиги учун «Ғолиблар шаҳри» деб аталган ана шу тарихий шаҳар сари жўнадик.

Бугун Ҳиндистоннинг озодлик байрами эди. 1857 йил инглизлар Бобурий шоҳларнинг сўнгиси Баҳодиршоҳ II бошчилигидаги ҳинд миллий кўзғолонини шафқатсизларча бостиргандан сўнг, шоҳни Бирмага умрбод сургун қилиб, унинг авлодларини, яъни, бобурийларни батамом қиришга қиришадилар ва Ҳиндистонни эгаллаб оладилар. Йигирманчи аср бошларида мустамлакачиларга қарши миллий-озодлик ҳаракатлари авж олади. Бу курашга бош бўлган Махатма Ганди сатьяграха, яъни куч ишлатмасдан қаршилик кўрсатиш сиёсатини тарғиб қилиб чиқади. Бу сиёсат фақат Гандининггина эмас, умуман, ювош, беозор ҳинд халқининг табиатини, иродасини, дунёқарашини, юксак одамийлигини жуда яхши ифодалар эди. Айни вақтда, жасорат, жанговарлик ҳам бу халқдаги устувор фазилатлардан эди. Салкам бир асрлик мустамлака даврида ҳинд тупроғида жуда кўп кузғолонлар бўлиб ўтади ва шу ғалаёнлар натижасида 1947 йили августда озодлик, мустақиллик кўлга киритилади. Мустақил Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри Жавахарлаъл Неру бўлган.

Бугун ҳинд халқи ана шу қутлуғ, муборак санани, манглайида «озодлик» деган сўз толъе юлдузидай чарақлаган кунни байрам қилмоқда эди. Биноларнинг пештоқларида байроқлар хилпирар, байрамни, мустақилликни олқишловчи шиорлар осилган эди.

Аградан чиққанимиздан кейин байроқлар, шиорлар деярли учрамай қолди. Қишлоқ аҳли ўз юмушлари, кундалик тирикчилик тавишлари билан банд эди.

«Ғолиблар шаҳри» — Фотехпур Секри Аградан ўн беш миля ( I миля тахминан 2 км) ғарбда эди. Аҳоли бу томонларда нисбатан сийрак бўлиб, икки ёндаги далалар, дарахтзорда одамга нисбатан ҳайвону паррандалар кўпроқ учрарди. Гоҳо-гоҳо, сийрак ўрмон четида солланиб юрган нар товусларга кўзимиз тушиб қоларди. Бир жойда қузғунлар галасига дуч келдик. Йўл четида ғуж бўлиб туришарди. Жўжалари ҳам бор эди. Биттаси йўлга чиқиб юбориб, машинамиз тепалаб кетишига сал қолди. Мен қузғунни фақат ҳайвонот боғларида кўрганман ва бу ўлаксахўрларни суймайман (Улар ўлимтик бор жойда бўлишади). Валтер Скоттнинг шеъри менда қузғун ҳақида нохуш таассурот қолдирган:

*Қузғун учар қузғунга,  
Қузғун сўзлар қузғунга:  
Бугун нима егаймиз,  
Ишни қайдан бошлаймиз?*

*Қузғун дер жавобида:  
Овқатимиз бор тайёр —  
Қирда, оқ тол тагида  
Ботир ўлиги ётар...*

Кўчанинг қоқ ўртасида айиқ ўйнатиб юрганлар ҳар қадамда учрарди.

Йўлнинг хоҳлаган жойида у бетдан бу бетга шошилмай ўтиб юрган, шундоқ йўл четларида ҳар қандай шовқин-суронга, машина сигналига пинагини бузмай кавш қайтариб ётган бетаккаллуф сигир, эчки ва бошқа ҳайвонларни кўрганамда хаёлимдан бир фикр кечади: ўзларига бўлган эътибор, эътиқодни ўта суиъистемол қиладиган бу жониворлар ўзларини ниҳоятда эркин ҳис қилишаркан...

Фотехпур Секрига кўрғон қолдиғи бўлган девор-дарвозадан кириб бордик. Манзара бир вақтлар бу жой ниҳоятда хушманзара ўрмонлардан иборат бўлганлигини эслатиб турарди. Зеро, Секри Бобур диққат-эътиборини бежиз тортмаган. «Шанба куни жумодил-аввал ойининг ўн тўртида Огра навоҳисидин кўчуб, чоҳлар қозилғон юртқа келиб тушулди,

— деб ёзади у «Бобурнома»да. — Эртасига андин кўчтуқ. Хотирга, кечтиким, бу навоҳида улуг ўрдуға суйи вафо қилур ер Секридур». Бобур «Бобурнома»нинг бир қанча саҳифаларида Секрига боргани ва у ерда сайр қилиб қайтганини қайд этади. Яна бир ўринда ушбу воқеани битган: «Бу рамазонни «Ҳашт биҳишт» боғида ўтқарилди. Ҳар таровихни ғусл била ўталди. Ўн бир ёшимдин бери икки рамазон ийдини паёпай бир ерда қилгон эмас эдим. Ўтган рамазон ийди Ограда бўлиб эди. Бу қоида ҳалал топмасун деб, якшанба салх оқшоми ийд қила Секрийға борилди. Секрийда солгон «Боғи фатх»нинг ғарб шимол тарафидаги тош супа тайёр бўлуб эди. Ул супа устида оқ уй тикиб, анда ийд қилилди». Шу воқедан бир йилча кейин Бобур Секрийда, кўл ичида ўзи буюрган мусамман суфага кема билан борганини ёдга олади. Бобурнинг набираси Акбар ҳаётида эса Секри алоҳида ўрин тутган. Юқорида айтиб ўтилганидай, Акбар Секрида яшовчи Шайх Салим Чештийга ихлоси баландлиги туфайли, гўё унинг башорати ва дуолари ижобат бўлиб ўғил кўрганига ишонади. Шайхга эътимоди янада ортиб кетади, ана шу, пири ҳурматидан Секрида ажойиб бир шаҳар барпо этади. Ҳатто деярли 15 йил бу шаҳар бобурийлар салтанатининг пойтахти бўлиб хизмат қилади. Кейин, Акбар марказни негадир Лоҳўрга кўчирган. Шундан сўнг Фотехпур Секри секин-аста ўз файзи-тароватини йўқота борган. Маҳаллий халқ вакилларининг айтишича, шаҳарга сув чиқариш қийин бўлгани учун ҳукмдорлар бу жойни ташлаб кетишган.

Дарҳақиқат, XVI аср охирларида Акбаршоҳ томонидан қурдирилган маҳобатли қалъа ердан жуда баландда бўлиб, тош зиналардан чиқиб боришга анча-мунча одамнинг қуввати етмас эди. Қалъа олдидаги майдондан шаҳарнинг олди — кун юриш тарафдаги ям-яшил олам олисдаги тоғларгача қафтдагидай кўриниб турари. Чиндан ҳам табиати оромгоҳ шаҳарларни эслатувчи, бир кўрган одамга сирли туюладиган бу ғаройиб масканда савдо-сотик билан шуғулланувчи катта-кичик дўкон эгаларию майда-чуйда сотувчиларни ҳисобга олмаганда, аҳоли деярли яшамас эди. Шу боис уни ҳозир «Ўлик шаҳар» ҳам деб аташаркаи. Лекин бу ердан биз каби сайёҳларнинг оёғи узилмаслиги кўриниб турибди. Салим Чештийнинг қалъа ичидаги макбарасини зиёрат қилувчиларнинг сон-саногии йўқ эди. Демак, бу машҳур Шайхга ҳозир ҳам сифингувчилар кўп. Қалъанинг ўртаси тош ётқизилган катта майдон, кун чиқишдаги бир маҳаллар сарой мулозимларию канизакларнинг хос маконлари бўлган хоналар энди тижорат дўконларига айлантирилган эди. Яъни, қалъа ичида ҳамон ҳаёт қайнамоқда. Қалъа ташқариси эса бугунлай бошқа дунёга ўхшайди. Ҳарқалай, афсонавор шаҳарни тарк этиш фақат сув чиқариш муаммоси билангина боғлиқ эмасдир, бошқа жиддийроқ сабаблар бўлиши мумкин, деган фикр кечди ҳаёлимдан.

\*\*\*

Ортимизга қайтиб, ярим йўлдан Искандар мавзеи томонга бурилдик. Бу йўлда аҳоли зич яшар экан, тез-тез, ҳинд киноларидагидай, мис кўзаларини елкасида кўтариб кетаётган кизлар, жувонлар учрарди.

Ҳиндистоннинг шимолида, Уттар Прадеш штатида, Жамна дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган Агра тарихий обидалар кўплиги жиҳатидан Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимизни эслатади. Бу ердаги ҳар бир обида ўз таржимаи ҳолига, тарихига эга, энг муҳими, уларнинг аксарияти бобурийлар қурдиришган ва уларнинг умри, ҳаёти билан боғлиқ. Шу ўринда «Бобурнома»дан бир далилни келтириш ғоят ўринли. Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида Амир Темур томонидаи барпо этилаётган «Масжиди сангин» иморати қурилишида ҳар куни Озарбайжон, Форс, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан келган икки юз сангтарош ишлашини маҳобат қилганига киноя билан Бобур шундай деб ёзади: «Бир Ограда ушбу Огранинг сангтарошларидан менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Яна Ограда ва Секрида ва Биёнада ва Дулпурда ва Гувалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўксон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди. Ҳар хирфагар ва ҳар коригардин ушбу киёс била Ҳиндистонда беҳад ва бениҳоятдур». Мана бу ўзига хос ҳисобот-ахборотдан кўриниб турибдики, Бобур дастлабданоқ ҳинд элида жуда катта кўламдаги қурилишларини бошлаб юборган ва улардаги ишнинг бориши, ҳунарманду мутахассислар саногии ва иш фаолияти билан Бобурнинг ўзи бевосита шуғулланган.

Искандар мавзеидаги Акбаршоҳ дафн этилган гўзал мақбара ҳам бобурийлар меъморчилиги намуналаридан бири сифатида эътироф этилади.

Мақбара ҳовлисига киришимиз билан йўлақдан ўттиз-қирқ қадам ичкарида, ям-яшил майсазорда юрган чиройли кийикларга кўзимиз тушди. Улар одамларга ўрганиб кетишган чоғи, бизга бир хуркак назар ташлаб, яна ўтлашда давом этавердилар. Улар одатдаги биз кўрганлардан сал кичикроқ ва бўлакчароққа ўхшаб туюлди. «Бобурнома»да Ҳиндистон ғазолларига мухтасар таърифлар берилган. Шулардан бири ҳақида шундай дейилган: «Яна бир жайраннинг эркаги хуна йўсунлуқ кийикдур. Орқаси қора, туки оқ...» Назаримда, ҳозир биз кўриб турган оҳулар мана шу таърифга мосроқ, яқинроқ эди. Қалъа ходимининг сўзларига қараганда боғ-ҳиёбонда илгари 400 кийик, 200 дан ортиқ маймун бўлган. Мақбарани Акбар 1602 йилда қурдира бошлаган, бироқ 3 йилдан кейин шоҳ вафот этгач, иншоотни унинг ўғли Салим (яъни Жаҳонгир шоҳ) давом эттириб, 1613 йили ниҳоясига етказган. Акбарнинг мусулмон, ҳинд хотинлари бўлиб, Салим ҳинд хотинидан туғилган.

Хиёбоннинг иккинчи томонида товуслар, лойхўраксимон оппоқ қушлар ўз ҳуснилатофатларидан мамнун ва мағрур авзода, назокат била битта-битта босиб, сўнг яна атрофга виқорли боқиб қўйишарди.

Акбаршоҳ мақбараси жуда салобатли кўринса-да, анчайин содда эди. Кираверишдаги нақшлар кўчиб кетибди. Қабр қўйилган хонада эса, безак умуман йўқ, шифти баланд, карнайсимон эди. Сайфиддин ҳожи ака Қуръон тиловат қилар экан, сўзлар акс-садоси шифтда анчагача жаранглаб турарди.

Ёндаги хоналарда Оромбону ва бошқа аёлларнинг қабрлари бор эди...

Акбаршоҳ ҳинд халқининг самимий ҳурмати ва муҳаббатини қозонган бобурийлардан бири эди. Унинг хизматлари, фаолияти, шахс сифатидаги хулқ-одобини ҳинд даҳолари, олимлар, адиблар юксак баҳолайдилар. Жумладан, Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри, улуғ мутафаккир Жавоҳарлаъл Неру эрадан аввалги учинчи асрда яшаган Ашока ва Акбаршоҳни «Ҳиндистоннинг икки буюк фарзанди» дея таъриф этади. «Акбар жуда мард жангчи ва иқтидорли саркарда эди, — дея давом этади ҳинд арбоби. — Ашокадан фарқли ўлароқ, у ҳеч қачон уруш қилишдан воз кечмаган. Аммо, қилич билан қозонилган ғалабадан кўра, меҳр-муҳаббат билан қўлга киритилган ғалабани афзал кўрарди...» «...У ҳинд халқи фаровонлиги йўлида кўп куч-ғайрат сарфлади». Хорижлик миссионерлар ёзиб қолдирган мана бу хотира сўзларида Акбарнинг бутун ички дунёси яққол тасвирлаб берилган: «Жўшқин ва ўткир ақл-идроқ соҳиби, соғлом фикрловчи, эҳтиёткор, бироқ, аввало муруватли, хушфеъл ва сахий одам эди. Бу хислатлар унда буюк ишларни бошловчи ва ниҳоясига етказувчи кишиларга хос мардлик билан қўшилиб кетган. У билимга иштиёқманд киши бўлиб, жуда кўп нарсаларга қизиқарди, ҳарбий ишда ва сиёсат бобида чуқур билимдон бўлибгина қолмай, бир кўп касб-хунарлардан хабардор эди... Шоҳ ҳатто дилини оғритган кишиларга нисбатан ҳам мулойим ва марҳаматли эди. У камдан-кам ҳолларда ўзини йўқотиб кўяр эди. Бордию шундай бўлса, жуда қаттиқ ғазабланарди, аммо ҳеч қачон ғазаби узок давом қилмасди».

Ҳинд халқида қадимдан жуда бир мудҳиш урф яшаб келарди: бева қолган ҳинд аёллари эрларининг ортидан ўзларини гулханга ташлаб халок бўлишлари шарт эди. Бу урф «сати маросими» деб аталарди. Акбаршоҳ буйруғи билан ана шу ноодамий, ваҳшиёна урфга қатъиян чек қўйиладики, биргина мана шу далил бобурий ҳукмдорнинг нақадар раҳмдил, адолатли, инсонпарвар бўлганлигидан катта далолатдир. Шунингдек, Акбар ҳарбий асирларни қул қилишни таъқиқлади, халқни эзиб абгор этадиган айрим солиқларни бекор қилди. Балки шунинг учун ҳам ўрта аср Ҳиндистон ҳукмдорлари орасида фақат Акбаргина «Улуғ Акбар» деган унвонга сазовор бўлгандир, балки шунинг учун ҳам Лейн Поул «Ҳиндистондаги мўғул шоҳлари ичида энг буюги Акбардир» дегандир, балки шунинг учун ҳам доктор Ишвари Прасад: «Акбар Ҳиндистон тарихидагина эмас, бутун дунё тарихида энг буюк шоҳдир. Агар оврупалик ҳукмдорлар билан таққосланадиган бўлса, Акбар улуғворликда ҳам, омадбарорликда ҳам улардан устун туради», деб баралла айтгандир.

Биз юртдошимиз Бобур ва унинг авлодларига берилган бундай юксак баҳолар билан ҳар қанча ифтихор қилсак арзийди, ўзларининг асли андижонлик ҳукмдорлари тўғрисида ҳалол

ва холис фикр айтган, уларни бошига кўтарган хинд олиму фузалоларига ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак, кам.

Дарвоқе, бугун туғилган куним эди. Оламарио яхшилик билан довруқ қозонган ватандошларимиз билан фахрланиш туйғулари устувор келиб, Ҳиндистон мустақиллик байрами билан эгизак таваллуд айёмини кутиб олиш тадориги ёддан ҳам чиқиб кетаёзиди. Меҳмонхонага кеч етиб келдик. Шунга қарамай, эрталабки аҳдимизда содиқ туриб, шўрвага уриндик. Сайфиддин ҳожи ака яна бош ошпазлик лавозимини эгалладилар (Бу борада орамизда ундан хафсалалироқ, ундан-да шинавандароқ киши кам топиларди).

Айтгандай, туғилган кунни нишонлашнинг ўзига яраша расм-русми, “қонун-қоидалари” бор-ку... Қадаҳ кўтариб сўз айтиш учун мусалласми, дегандай... Одамзот ҳам қизиқ-да, пиёла ё бошқа идишдаги суюқлик шароб бўлди нимаю, чой бўлди нима? Лекин тарки одат амри маҳол, дегандай, орамизда бунақа масалада ҳазил кетмайди, ёронлар, дегувчилар йўқ эмасди. Шундай бўлса-да, ишни жиддийлаштириб юбормайлик, бир томони мусофирчилик, деб Ҳиндистоннинг қизиган тошга сувдай сингувчи, кам кўпикли пивоси билан чегараланмоқчи эдик, лекин бошқаларнинг бахтига қаршими ё менинг бахтимгами, пиво ердаям йўқ, кўкдаям йўқ. Агра асосан мусулмонлар шаҳри-ку, маст қилувчи ичимликлар жуда кам сотиларкан. Бунинг устига, бугун байрам бўлгани боис шароб-пиво сотиладиган дўконлар очмас экан (худди бизнинг шўро замонамиздагидай). Ёш болалардай бир-икки халта «Мринди» (фантасимон ичимлик) олишдан бошқа чора қолмади. Айримлар кўп таассуф билдирди, лекин, кўнгилларнинг бир четида ишончли бир манбага илинж борлиги учун ортиқча қайғуришдан ўзимизни асрадик. Энди ҳамма гап раҳбарнинг дилини овлаб, меҳрини эритишда қолган эди. Гап шундаки... Ҳа, бу ёғи сал кейиноқ...

Хуллас, шўрвани «Классик» деб аталмиш икки қаватли муслимлар меҳмонхонасининг томидаги ошхонада пиширдик. Тўлқин ака ташаббуси ва ташкилотчилигида томнинг ўзига, ошхона олдидаги текис майдонга адёл ва сафар-тўшақларимизни солган эдик, бир шоҳона жой бўлдики, асти кўйинг — соф ҳаволи очик осмон остида, ғужғон ўйнаётган юлдузларга яқин равоқда... Тўлқин ака бир илож топиб ошхонадан электр чироғи улаб чиқди (Фаррух иккиси бу «тарихий» ҳодисани теле ва кинотасвирларга туширишмоқчи эдилар-да).

Шўрва, одатдагидай (гарчи ковордоқ-гўштдан бўлса ҳам), ниҳоятда мазали бўлган эди. Бир хўпладик-да Сайфиддин ҳожи аканинг бу борадаги юксак малакаси ва маҳоратига офаринлар айтиб, таҳсинлар ўқиб, гапни раҳбар томонга, яъни асосий муддаога бурдик. Сафарга жўнаётган пайтимизда Андижонда ваксина йўқлиги боис, врачлар тавсиясига биноан кичикроқ канстрада тоза спирт олган эдик ва ундан кечкурунлари кундузги нохуш манзараларни онгимиздан йироқлаштириш, ҳар хил, носинашта емишлар таъмини даф этиш учун даханларни чайқаб кўярдик. Бу муолажани «дезинфекция» деб атардик. Раҳбаримиз узоқ йиллар давомида турли лавозимларда ишлаш жараёнида арзгўйларнинг лаби кимирлаганига қараб нима демоқчи бўлаётганини зумда пайқаб оладиган бўлиб кетган эмасми, ёшларнинг томоқ қиришлари маънисини ҳам дарров англади ва «дизенфекция ашёсининг омборчиси»га, яъни каминага фармони олий бердилар: тоза, совуқ сувдан меъёрида кўшилган ҳолда, дезинфекцияни хоҳловчиларга бугунги алоҳида аҳамиятга молик воқеа муносабати билан икки ҳиссадан тайёрлансин...

Шу билан ишлар юришиб, тил иплари ечилиб кетди. Зокиржон ака, Катта ҳожи ака, яъни Сайфиддин Жалилов, Тўлқин ака, Фаррух каминаи ҳақирингиз шаънига дил сўзларини баён этиб, эзгу тилақларини изҳор айладилар. Мен уларга ўз пайтида миннатдорчилик билдириб турдим.

— Қаранг, тасодифми, сабабиятми, менинг камтаргина туғилган куним (бўлиб ҳам 47 ёшим) шу бугунга — Ҳиндистон сафарига, яна Бобурийлар салтанатига узоқ йиллар пойтахт бўлган Агра шаҳрига ва қолаверса, Ҳиндистоннинг озодлик байрамига тўғри келиб турибди. Тўғриси, мен жуда ҳаяжонга тушдим. Бобурнинг 47 йиллик ҳаёти мобайнида қилган ишлари, ёзган асарлари, қурган обидалари, яратган боғларини, инсоний фазилатларини санаб поёнига етиш қийин. Ва у ана шу маҳсуллари билан беш юз йилдан бери олам аро яшамоқда, балки дунё тургунча яшар. Демак, 47 йил ҳам озгина умр эмас экан-ку. Мен қаламкаш бўлганим учун эмас, ўзимни Химолайдан ҳам баланд ва пурвиқор Бобурнинг ватандоши ва авлоди,

меросхўри ва оддий мухлиси деб билганимдан ғурурланаман, мана шундай туйғуни туюшга бир андижонлик сифатида маънавий ҳақим борлигидан бахтиёрман. Бобур Мирзонинг муборак пойқадамлари теккан Аграда, муслимлар меҳмонхонаси томида дастурхон ёзиб, ўзбекона, Андижонча чордона қуриб ўтиришимизнинг ўзи биз учун катта шарафдир...

## МАФТУНКОР ШАХС

Хонага киргач, яна улуғ Бобурнинг шарафли ва аччиқ қисмати, Ҳиндистон, хусусан, Агра билан боғлиқ умргузаронлиги ҳақида ўйлаб кетдим. Тақдир деган нарсанинг мураккаб ва бешафқатлигини кўрингки, ҳали мурти чиқмаган, ўйин боласи бўлиб юрган шахзодани не-не синовларга гирифторм қилмади. Андижондан Самарқандга от суришга мажбур этди. Ўратепаю Тошкент атрофларида сарсон-саргардон кездирди, шоҳлик тожидан кечмак хоҳишини кўнглига солдию яна қайтариб олди. Сўнг Ҳисор орқали Афғонистонга олиб кетди.

Тожу тахт ишқи келтирган ранжу аламлар, дарду ситамлар эса сизга маълум...

Бобур Понипатдаги тенгсиз жангда Иброҳим Лодийни мағлуб этиб, Деҳлида ўзини шоҳ деб эълон қилдиргач, Аграга йўл олади. Лекин Агранинг ноқулай иқлими Бобур ва унинг лашкарларини анча саросимага солиб қўяди. Ҳиндистоннинг жазирама иссиғига чидай олмаган аскарлар ҳалок бўла бошлайдилар. Шунинг учун Бобурнинг беклари ва йигитлари тезроқ Кобулга қайтиш истагини билдириб ҳукмдорга арз қиладилар. Ҳатто Бобурнинг ишонган ва суянган дўсти, тажрибали жангчи ва моҳир лашкарбоши, шоҳнинг яқин ва оқил маслаҳатчиси Хўжа Калон ҳам шундай қарорга келган эди. Бобур қаттиқ ранжийди. Унинг узоқ юртга черик тортиб келишдан мақсади ҳинд эли бойликларини талон-тарож қилиб қайтиб кетиш эмас, балки бу бепоён худудда катта бир давлат тузиб, ўз ота-она юртида рўёбга чиқаролмаган катта орзу-армонларини шу ерда юзага чиқаришдан иборат эди. У беклар ва мулозимларни тўплаб кенгаш ўтказди. Катта нутқ ирод қилади, жангчи-ю бекларнинг ғурури, ориятига таъсир кўрсатадиган сўзлар билан уларга мурожаат этади ва сўнгида: «Мен билан қолишни истамаганларга жавоб, тўрт томони қибла!» дейди. Шундан кейин ҳамма Бобурга садоқат изҳор этишиб, у билан қолишга сўз беришади.

Ҳиндистон халқи ҳам аввалига Бобур ва унинг лашкарларидан, бекларидан кўрқиб, ўзларини олиб қочишиб, ҳатто уй-жойларини ташлаб кета бошлайдилар. Чунки улар ҳам Бобурни босқинчи бир султон, шаҳару кишлоқларимизни вайрон қилиб, одамларни қириб, ўз юртига қайтиб кетади, деб ўйлардилар. Лекин Бобурнинг Аграда ва бошқа шаҳарларда катта-катта қурилишларга, боғлар барпо қилишга киришганини кўрган халқ ўз маконларига қайтиб, янги шоҳ ва унинг ҳукуматига меҳр қўя бошлайдилар.

Зеро, Жавохирлаъл Неру таъкидлаганидай, «Бобур... умрининг кўп қисмини жангу жадалларга ва истанбуллик машҳур меъмор лойиҳаси бўйича тикланаётган пойтахт — Агра қурилишига бағишлади».

Бобур ниҳоятда тадбиркор ва дипломат инсон эди. Бу фазилатлар унга кўп ҳаётий, жиддий муаммоларни ҳал этишда жуда асқотади.

У талончилик билан шуғулланган навкарларини қаттиқ жазолайди, жумладан, Берадаги урушдан кейин юқоридагидай, Бобур обрўи ва шаънига путур етказувчи ножўя хатти-ҳаракат қилганларнинг айримларини қатл эттиради, баъзиларини эса бурунларини кесдириб, сазойи қилдиради.

Ёки, у яхшилик билан бўйсунган афғон бекларининг иззатини жойига қўйиб, уларни турли йўллар билан тақдирлайди. Масалан, Давлатхон Лодийнинг ўғли Диловархонга «Хони хонон» («Хонлар хони») унвонини бериб, унга каттагина ер ажратади. Шу тариқа, Бобур бошқа ғаниму дўстларни, ўз бекларини муносиб мансаб ва ер-мулк билан сийлаб, уларнинг ишончини, ҳурматини қозонади.

Бобурнинг ўзи мағлуб этган ҳинд рожаси Медини Раонинг иккита қизини ўғиллари Ҳумоюн ва Комронга олиб бериши маҳаллий халқда жуда яхши таассурот қолдиради. Айни мана шу воқеа ҳинд ва мусулмон оилалари орасида қуда-қудағайликнинг



бошланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотчилардан бири шундай хулосага келган: «Бобур инсонга яхшилик қилиш шиори билан яшаган». Бобурнинг ўзи эса бу борада: навбат менга келганда у хоҳ туғишган қариндошимми, ёки хотинимнинг уруғлариданми — ҳаммасига кўлимдан келган яхшиликни қилиб илтифот кўрсатдим, дейди. Дарҳақиқат, шоир ижодидаги энг яхши ғазаллардан биридаги ушбу сатрлар бежиз битилмаган:

***Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,  
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик...***

Бобурнинг ниҳоятда ғамхўр, раҳмдил, меҳрибон шахс эканлигидан шохидлик берувчи бир тафсилотни эсланг: Бобурнинг жияни, яъни холасининг ўғли, «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи Ҳайдар Мирзонинг отасини қатл эттирган Шайбонийхон унинг ёлғиз ўғли Ҳайдар Мирзони Амударёга чўктириб юборишни жияни, Бухоро ҳокими Убайдуллахонга топширади. Убайдуллахон жуда нокулай вазиятга тушиб қолади. Чунки у Ҳайдар Мирзонинг опасига уйланган эди. Илло, хоннинг амрини бажо келтиришдан ҳам бош тортолмас эди. Унинг бахтига, Ҳайдар Мирзонинг отаси ўлимидан хабар топган Ҳазрати Мавлоно (у обрўли уламолардан эди) шогирди Муҳаммад Мавлоно қозига Ҳайдар Мирзони бир илож қилиб сақлаб қолишни тайинлайди. Муҳаммад Мавлоно Ҳайдар Мирзони олиб қочади ва кўп машаққатлар билан Бадахшонга, холасининг ўғли Хон Мирзога етказиб боради. Бунинг хабарини эшитган Бобур Мирзо Ҳайдар Мирзони Кобулга олдириб келади.

«... Мен унинг (*Бобурнинг* — Қ. К.) ҳузурига кирганимда, — деб ҳикоя қилади Ҳайдар Мирзо, — ҳазрати олийларининг меҳр тўла кўзларидан, бахт тўла юзларидан нур ёғилиб, менинг устимга сочиларди. У саховатли ва омадли кўлларини менга томон чўзди. Мен тиз чўзкиб таъзим қилгач, қаддимни ростлаб, у томонга юрдим ва у мени оталарча меҳр билан кучоқлаб бағрига босди, ва шу тарзда мени йиқилиб тушишдан сақлаб, анчагача кучоқлаб турди. Сўнгра ёнига ўтқазиб, илгаригидай самимият ва ардоқ билан ҳол-аҳвол сурай бошлади. Кўзларидан эса тинимсиз ёш қуюлиб келарди. «Аблаҳ бекларнинг, хон тоғаларнинг ва бошқа қариндошларнинг азобларидан қачондан бери азобдасан?... — деди у. — Худога шукурлар бўлсинким, ниҳоят ҳузуримга соғ-омон етиб келибсан. Улардан кўришинг мумкин бўлган мурувватни ортиғи билан мана мен кўрсатамен». Ана шундай эҳтиросли сўзлар билан мени юпатиб, кўнглимни кўтарар эди. Шу билан кўнглимдаги ёлғизлик, ўкинч ва саргардонлик аламлари хотирамдан кўтарилди...» «...Мен ҳазрати олийларининг ҳузуридан чиққанимда менга кўрсатилган шохона марҳаматдан ҳалиям лаззатланардим...

Шундай қилиб, мен шох ҳузурда вақтимни чоғ қилиб, ҳузур-халоватда яшай бошладим. У ( Бобур ) менинг тарбиям ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиб турди. Мени билим олишга чорлар, бу соҳада бирон ютукқа эришсам, уни бошқаларга намуна қилиб кўрсатар ва мени олқишларга кўмиб ташларди. Ўша пайтда у менга меҳрибон ота ўзининг суюкли ўғли ё меросхўрига қилгандек меҳр ва муҳаббат билан муносабатда бўлар эди...»

Бобур ҳаёти китобини безовчи бундай олижаноб туйғуларга тўла саҳифалар кўпдир...

Бизга, босқинчи деб, ҳаётини ўрганиш тавсия этилмаган, руҳи ўз юртига, ўз эли, миллати, авлоди қалбига яқинлаштирилмаган, номини абадийлаштириш, ҳайкаллар ўрнатишга йўл қўйилмаган, ижодига ҳам эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш тез-тез таъкидлаб турилган Бобуримиз ҳақида дунё олимлари, тарихчилари, хусусан, биринчи навбатда ҳинд халқининг даҳолари, таниқли арбоблари ва аллома адиблари, фузалоларининг айрим фикр-баҳоларини яна бир эслаб, мағзини чақсак, фойдадан ҳоли бўлмас, яъни, олижаноблик, мардона тангилик билан, айна вақтда катта масъулият билан баён этилган бу сўзлар, таъриф ва тавсифлар буюк ватандошимизнинг қандай зот бўлганлигини янада чуқурроқ англаб етишимизга, қалбимиздаги ифтихор тўлқинларининг янада баландроқ, жўшқинроқ мавжланишига ёрдам берар... Энг муҳими, бунча ва бундай юксак фазилатларга эга бўлиш ҳар ким ва ҳамма учун ибратлидир...

«Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг ажойиб ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди».

*Жавоҳирлаъл НЕРУ*

\*\*\*

«...Ҳиндистоннинг энг буюк императори, чехраси қуёшу ой каби нурли, султонлар султони, бемисол Бобур ибн Умаршайх Мирзо ибн Абусаид Мирзо ибн Мироншоҳ ибн Темурга зудлик билан шу хусусда етказурманким, токи ул олий ҳазрат Европа босқинчиларининг талон-тарожига чек қўйсин».

*ВОЛЬТЕР, буюк француз файласуфи*

\*\*\*

«Ҳиндистон ва унинг 8 минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, бобурийлар сулоласининг ўша кўп минг йиллик тарихдаги 332 йиллик даври ана шу товуснинг гултожидир».

*Вальдеман ХАНСЕН, инглиз олими*

\*\*\*

«1526 йилдан то 1707 йилгача (Бобурдан Баҳодиршоҳ I гача) буюк сулоланинг тождорлари фақат бунёдкорлик билан машғул бўлдилар».

*Ж. ЛЕШКО, М. ЖОЗЕФ, С МАРКЕТ,*

*«Тоғ Маҳал қиссаси»*

*китобининг муаллифлари*

\*\*\*

«Бобур характерининг энг мислсиз белгиси унинг бошқа ҳукмдорларникига мос келмаслигидадар. Осиё тождорларидаги маҳобатли, сунъий характер ўрнига бизнинг кўз олдимизда Бобурнинг характери табиий, ҳаётий, севувчи, самимий бўлиб гавдаланади. Бобур тахтда ўтирганига қарамай, оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида сақлаб қолган. Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичидан Бобур сингари гениал ва талантли кишиларни камдан-кам учратамиз... Унинг ақлининг актив фаолияти, хушчакчак совуққонлик ва бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган сахийлиги, мардлиги, истеъдодлилиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшоҳлар ичидан Бобурга тенг келадиган биронта ҳам подшоҳ тополмаймиз».

*Вилям ЭРСКИН, инглиз олими,*

*«Бобурнома» таржимони*

\*\*\*

«Бобур... олижанобликда қандай хосиятлар бор бўлса, уларнинг барчасини эгаллаган», «унинг манглайига юксак фазилятлар битиб қўйилган».

*Эдуард ХОЛДЕН (19-аср), инглиз олими*

\*\*\*

«Айтиш мумкинки, Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган, унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди».

*Н. И. ВЕСЕЛОВСКИЙ, рус олими*

\* \* \*

«Бобур исми «шер» маъносини англатиб, ўзи ҳам исми жисмига монанд киши бўлган, келишган қадди-қомати ва бениҳоя кучлилигидан ташқари, довьоракликда, эпчилликда, чакқонликда унинг олдида тушадигани топилмаган, унча-мунча қийинчиликларни писанд этмаган, айниқса, шикорбозлик бобида чинакам шер бўлиб кетган. У кўпинча икки давангидай одамни қўлтиқлаб олиб, Агра қалъаси деворлари устида машқ қилган. У яна ажойиб сузувчи ва ғаввос ҳам бўлган, буюк Гангдан ташқари йўлида учраган жамики дарёларни сузиб ўтган. Унинг ширали тил, оҳангдор вазн билан битилган таржимаи холини («Бобурнома») ўқир экансиз, муаллиф бадиий дидининг нақадар назокатлилиги, ақлу заковати теранлиги, билими нақадар чексизлигининг гувоҳи бўласиз. Бобур табиатни ва базми жамшидларни жонидан яхши кўрган. Айниқса, тоғларни, дарёларни, боғларни, яйловларни

кўрганда завқ-шавқи туғён уриб, мисоли булбулигўё бўлиб кетган. У имони комил мусулмон бўлиб, Оллоҳни бир дам хотиридан фаромуш қилмаган, лекин мутаассиб даражасига боришдан ўзини тия олган. Сўзамол нотик, истеъдодли саркарда, ор-номуси кучли инсон бўлган»...

**Г. Н. ПАНТ, Янги Деҳлидаги  
миллай музей мутасаддиси**

\*\*\*

«Бобурнинг шахс сифатидаги характери мақтовга сазовордир. У жуда бақувват киши бўлиб, қалъа девори устида икки кишини қўлтиқлаб олиб, тўсиқлардан бемалол ўта олар эди. Ҳиндистонда дуч келган ҳар қандай дарёдан сузиб ўта олар, отда эса 80 миля (130 км. га яқин) масофани дам олмай, бир кунда босиб ўта оларди... Бобур садоқатли ўғил эди. Меҳрибон ота, содиқ дўст, вафодор эр ва яхши қариндош эди. У кекса қариндошларининг ҳурматини жойига қўяр ва ўз фарзандларининг ўқиш ва шахсиятларининг шаклланишига алоҳида эътибор билан қарар эди. У «дунё-интилганники», дер эди ўғли Ҳумоюнга. Ўлим тўшагида ётганда Ҳумоюнга: «укаларинг жазога сазовор бўлсалар ҳам уларга ёмонликни раво кўрмагин», деб васият қилади... У сахий, олижаноб, мард, мафтункор, сеvimли ва жуда маданиятли киши эди... У киши қалбини ва вазиятни дарҳол англаб олар эди. Мусиқага ва боғ яратишга жуда ишқибоз эди. Ҳиндистонда жуда кўп иншоотларни барпо этган эди...»

**Л. П. ШАРМА, ҳинд олими**

\*\*\*

«Бобур Шарқ тарихидаги энг мафтункор шахс эди».

**Лейн ПАУЛ, инглиз шарқишуноси**

\*\*\*

«Бобур ажойиб чавандоз, моҳир мерган, чаққон қиличбоз ва толмас овчи эди».

**С. Р. ШАРМА, ҳинд олими**

\*\*\*

«Бобурнома» бутун тарихда яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳосидир».

**БЕЙВАРИ хоним, «Бобурнома»ни  
инглиз тилига ўзгирган таржимон**

\*\*\*

“Бобур қирқ саккиз ёшида вафот этди. У ҳамма нарсага жасорат ва ҳалоллик билан эришди. Буюк мағлубиятлари устига буюк ғалабалари иморатини қура олди. Ёшлиқда кўрган омадсизликлари ўрнига кейинчалик улуғ омадлар унга ёр бўлди. Ниҳоят, у Ҳиндистон тарихида илгари ҳеч кўрилмаган буюк салтанатга асос солди.

Бобурнинг буюклиги ана шу мезонлар ила ўлчанади...»

**Муни ЛАЪЛ, ҳинд олими**

\*\*\*

Яна, ўша, ҳиндистонлик олимларнинг таъкидлашларича, Бобур ўз фуқаросининг турмуш фаровонлигини яхшилашни ўзининг асосий бурчларидан бири деб билган, шунга эришишга ҳаракат қилган. У қўл остидаги халқнинг мулки, шаъни-номусининг дахлсизлигини сақлашни бек ва амалдорларига ҳам ҳар доим қаттиқ тайинлаб турган, ўзи ҳам шу эътиқодга амал қилиб, халқни ҳар хил балолардан, жумладан, йўлдаги қароқчилардан ҳимоя қилган, сарой аъёнлари, маҳаллий амалдорлардан фуқароларга шафқатли ва ғамхўр бўлишни талаб қилган, маъмурий ишларни ҳамиша ўзи назорат қилиб турган, бу борада ҳар қандай оғиш ва чегарадан чиқишларга йўл қўймаган ва шу тариха мамлакатда адолат ўрнатиш чора-тадбирларини кўрган, юртда осойишталикни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, адолатпарварлик каби улуғ шоҳона ишлари билан маҳаллий халқ меҳрини қозонишга сазовор бўлган...

Шунча фазилатлар бир шахсга оғирлик қилмаганмикин, деб ўйлайсан киши. Деярли ўн бир ёшидан жангу-жадалларга киришиб, умрбод тинчини йўқотган, бирон-бир мадраса ё бошқа жойда таълим, илм олиш имконига эга бўлмаган инсоннинг ҳаётдан сабоқ олиб, мустақил ўқиб-ўрганиб, буюк саркарда ва ҳар қандай фан докторидан ўтказиб таҳлил қиладиган илмли олим, донишманд даражасига етиб бориши, энг муҳими, жаҳон фозиллари

тан оладиган бесаноқ инсоний хислатларни ўзида мужассам этиши чиндан ҳам ҳайратли ва ибратли эмасми?..

## БОҒИ ОРОМ — БОҒИ БЕОРОМ

*16 август, душанба*

Шундай қилиб, кеча мен Аграда қайта туғилдим. Ҳаяжоним эса бу тонг ҳам давом этмоқда эди.

Яна Тож Маҳалга бордик. Кеча кино, теле-тасвирга яхши олишолмаган эди. Умуман, кино, телекамера билан дорвозахона ичкарасидаги майдон-супадан пастга тушиш мумкин эмас экан. Бугун яна бир уриниб кўрайликчи, зора қалови топилиб қолса, деб келган эдик, барибир руҳсат олиш чораси топилмади. Сайёҳлар оқими кечагидай эди...

У ердан чиқиб «Агра форт» (уни ҳам «Лаъл қалъа» дейишаркан) саройига қараб кетдик. Акбаршоҳ (1565— 73 йиллар) қурдирган бу қасрнинг айланаси 2 км. экан. Ўз замонасида ниҳоятда маҳобатли, мустаҳкам кўрғон бўлганлиги баланд ва қалин ғишт деворлардан сезилиб турибди. Қаср дарвозаси олдида, шундоққина ерда сайёҳлар чипор бурундукларга худди олмахон каби нон ушуклари ташлаб, уларнинг ҳуркак ва чиройли хатти-ҳаракатларини завқ билан томоша қилишарди.

Биолар асосан гўзал меъморчилик услублари асосида барпо этилган, пештоқлар, гумбазлар, айвонлардаги нақшлар ниҳоятда ранг-баранг ва чиройли эди. Кутубхона, ҳаммом биолари дуруст сақланган, лекин, айтишларича, ҳаммомнинг тилло, кумушли эшикларини Баҳодиршоҳдан ҳокимиятни тортиб олган инглизлар ўмариб кетишган, ҳатто нақшларга фойдаланилган тилло-зарларни ҳам арчиб олишган экан.

Қалъага асосан қизил мраммар ишлатилган, лекин баъзи гумбазлар оқ мраммардан эди. Бу жойларни қизил мраммарни ёқтирмаган Жаҳонгир қайта қурдирган экан.

Бир вақтлар тимсоҳлар макон тутган ҳовузлар энди хувиллаб ётарди.

Жамна дарёсининг ўнг соҳилида қад кўтарган бу қалъадаги Шоҳ Жаҳон уй қамоғида ўтирган, буржи мусамман (8 қирра) усулидаги хона ўзгариб кетган эди. Лекин чиндан ҳам қалъа дарчаларидан дарёнинг нариги қирғоғида, кун чиқиш томонроқда улкан оқ кемадек салобат тўкиб турган Тож Маҳал жуда аниқ кўринарди. Афсуски, асрлар шамоли Шоҳ Жаҳон оёқлари ва кўз ёшларидан қолган изларни мраммар тошлардан супуриб, текислаб кетган эди. Аммо мен падари бузрукворнинг: «Ёзуғим не эди? Ўғиллар боқиб, ўстириб, уларга умримнинг ва мулкимнинг ярмини бахшида этиб, кўрган ҳузур-роҳатим шул бўлдиму?!» — дея тангрига қилган илтижоларини, азиз ёри-вафодори ҳажри-фирокида тортган аламли оҳлари, бўғиқ инграшларини элас-элас эшитгандай бўлдим. Ана шундай фарёдларга дош беролмаган буржи мусамман хона шувоқлари, безаклари батамом кўчиб тушганлигидан энди ғариб, файзсиз, оддий жойга айланиб қолган эди. Нурсизланган мраммар тошлар янада совуқ, хароб кўринарди. Қаранг, 300 йилдан зиёд одам ақлини ҳайратга солиб келаётган Тож Маҳалдай обидани яратган бунёдкор инсон ўз фарзанди кўлида асир, бечора бўлиб торгина хонада 8 йил ўтирса-я! Ё, тавба! Оғули тож-тахт орзуси шахзода учун бунчалар тотли, бунчалар сеҳрли бўлмаса — ўз жигарларини — на ака-укасини ва на отасини аяйди-я!.. Балки ақл бовар қилмас бундай ёвсираш сир-асрори ота томонидан ҳақ-ноҳақ тўкилган қонлар билан ҳам боғлиқдир...

«Агранинг ясси, ҳамиша бир хил чанг-тўзонли паст-текисликлари, бу ўлканинг жозибасиз манзараси кишида ғамгин хис-туйғулар пайдо қиларди», — дея эътироф этади ҳинд тадқиқотчиси М. Рандҳава. Бобур шунинг учун ҳам Аграда ўрнашибоқ табиатни жозибадор қилиб, иқлимни мўътадиллаштирадиган, шаҳарга ҳусн бағишлаб, чанг-тўзондан ихота қиладиган боғлар яратишга киришиб кетади. Дастлаб у Жамна дарёси бўйида, ҳозир ҳиндлар Ромбоғ деб атайдиган Оромбоғни барпо этган эди. Мана, 470 йилдан бери боғ яшаб келмоқда...

Биз Оромбоққа етиб борганимизда ҳаво айниб турувди. Боғнинг шимол томондан кириладиган асосий панжарали дарвозаси берк экан. Ҳайрон бўлиб турувдик, қаёқдандир бир одам пайдо бўлиб, дарвозани очди. Ўрта бўй, ўрта яшар бу кимса шу боғнинг боғбони Муҳаммад Юсуф экан. У бизнинг кимлигимиз, қаердан ва нима мақсадда келганимизни эшитиб чехраси ёришиб кетди ва бизни хуштавозе билан ичкарига бошлади. Дарвоза рўпарасида тикка кетган йўлак бўлиб, икки томон—анвойи гуллар, дарахтлар билан яшнаб турган боғ анчагина катта майдонни ишғол қилган эди. Болалиқдан жони-дилим бўлган атиргулларни кўриб, ҳинд тадқиқотчиси Рандҳаванинг «Айтишларича, хушбўй атиргулни Ҳиндистонга биринчи бўлиб Бобур келтирган экан» деган миннатдорона гапини эсладим ва ичимда яна бир бор фахрланиб кўйдим. Боғнинг деярли қоқ ўртасида, йўлакни иккига ёрган ҳовуз бўлиб унинг чеккаларидаги фавворалар шиддатсизроқ, аммо бир неча хил рангда товланиб отилиб турарди. Боғбон бизга мана шу ҳовузнинг чор атрофига Бобур сархил узумлар эктиргани, инглизлар жаннат меваси бўлган тоқларни ҳам кўпориб ташлашганини айтиб берди. Боғ ҳақида Бобурнинг ўзи «Бобурнома»да шундай деб ёзади: «Бир-икки бута тоқ «Хашт Беҳишт» боғида эқтуруб эдим, анинг ҳам яхшиғина узумлари бўлиб эди. Шайх Гўран ҳам бир сабад узум йибориб эди, ёмон эмас эди. Ҳиндустонда қовун, узумнинг мунча бўлуридин филжумла хурсандлиге бўлди».

Атрофдаги менга ноташиш бўлган гиёҳу гулларнинг ҳам хушбўй ҳиди анқирди. Чиндан ҳам бу ердаги ўсимлик ва гулларнинг аксариятини мен аввал бошқа бирон жойда кўрмагандим. Муҳаммад Юсуфдан сўрагандим, жасмин, шарон, тигар, кунди, пам, чандон амрут, коннир, ялов флавер... каби номларни айтди, лекин бу номларнинг “эга”ларини кўрсатиб, изоҳлаб беришига имкон бўлмади, яъни шерикларимизнинг тоқати етмади (Кейинчалик бу номларни «Бобурнома»да таъриф-таснифи берилган гулларга қиёслаб, фақат «жосун» ва «канир» деганини топдим. Жумладан, канир чиндан ҳам шафтолигулисмон, фақат тўп-тўп очиладиган қизил гул эди).

Ўшанда фақат ҳовуз ёнида жуда катта майдонга кўланка солиб турган сершоҳ улкан дарахтларнинг номи имли эканини, уларнинг ёши 100 дан ошганини билиб олдим. Боғбон ўнг тарафда, тахминан юз қадамча нарида, боғнинг чекка деворига ёнбошлаб қолган бир туп имлини кўрсатиб: «Бобур замонида экилган», деди. Дарахт қариган, лекин барглари ҳали ҳам ям-яшил, демак, унинг илдизлари яшамокда эди. Бу ҳолатнинг қандайдир рамзий маъноси бордай туюлди менга. Чиндан ҳам бобурийлар ўтиб кетгани билан, улар қолдирган маданий, илмий, бадий мерослари, санъат ва меъморчилик соҳасидаги ёдгорликлари, тарихий қалъа ва обидалари назардан ва тилдан тушмай келмокда-ку.

Муҳаммад Юсуф бизни тўғри Жамна бўйига бошлаб борди. Бу ерда шундоққина дарё лабида, бир-бирига рўпарама-рўпара солинган, шийпонсимон пастакроқ иккита бино бўлиб, ҳар иккисининг айвони орқали ичкари хоналарга кириларди. Деворлар, наволар, шифтларда соҳибжамол қизлар, гуллар, қушлар тасвири ва бошқа гўзал манзаралар акс этган нақшларнинг кўп қисми кўчиб кетган, бироқ яхшигина сақланиб қолган жойлари ҳам бор эди. Миниатюра санъати намуналарини эслатувчи бу ажойиб безаклар Бобурнинг чиндан-да юксак бўлган дидидан, унинг ўз атрофига, саройига қўли гул наққош усталар, хунармандларни тўплаганидан далолат бериб туради.

Бу жой Бобурнинг Агра шаҳридаги, умуман Ҳиндистондаги дастлабки оромгоҳи бўлган эди. Мазкур оромгоҳ — боғнинг яратилиш тарихи ҳақида Бобурнинг, ўзи шундай ёзган:

«Доим хотирға етар эдиким, Ҳиндустоннинг бир улуғ айби будурким, оқар суви йўқтур. Ҳар ерда ўлтурушлуқ бўлса, чархлар ясаб оқар сувлар қилиб, тархлик ва сиёқ ерлар ясава бўлур. Ограга келгандин бир неча кундин сўнг ушбу маслаҳатқа Жўн сувидин ўтуб, боғ ерларини мулоҳаза қилдук. Андоқ бесафо ва хароб ерлар эдиким, юз кароҳат ва нохушлуқ била андин убур эттук. Бу ернинг макрухлуғи ва нохушлуғидин чорбоғ хаёли хотирдин чиқти. Мундин ўзга мундоқ ёвуқ ер Ограда чун йўқ эди, неча кундин сўнг зарур бўлиб, бу ерга-ўқ илик кўюлди. Ул улуғ чоҳким, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна бу парча ерким, амбули дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, булардин сўнг улуғ ҳавз ва саҳне бўлди. Андин сўнг тош иморат олидағи ҳавз ва толор бўлди. Андин сўнг «Хилватхона»

боғчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнг ҳаммом бўлди. Мундоқ бесафо ва бесиёқ Ҳиндда тавр тарроҳликлар ва сиёқлик боғчалар пайдо бўлди. Ҳар гўшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаранлар мураттаб ва мукамал бўлди».

Мана шу бунёдкорликлардан ҳам кўриниб турибдики, Бобур ҳар бир ишга узокни кўзлаб қўл урган. Борган юртини талаб кетишни эмас, уни обод этишни, ўзидан яхши ном қолдиришни, ҳар ергаки қадам етса гуллар ва яхшилик уруғларини экишни ният қилган. Бу эзгулик, яхшилик уруғлари авлодлари — Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон ва бошқа подшоҳлар қалбида ҳам ҳар хил мевалар тукканлиги маълум ва бу мевалардан миллион-миллион хинд халқи ҳали-ҳамон баҳраманд бўлиб келмоқда...

Муҳаммад Юсуфнинг айтишича, чап томондаги бинода Бобур ўз оиласи билан, ўнг тарафда эса бошқалар яшаган.

— Бобур эрта туриб ҳовуз ўртасидаги супада Жамнага термилиб ўтиришни хуш кўрган экан, — дейди яна Бобур боғининг 470 йил кейинги боғбони.

Балки кун ботишга, хаёлан Андижон томонларга тикилгандир. Эҳтимол, шу ерда ўтириб, Фарғона водийсининг жаннат мисол табиатини, сўлим, оромбахш шабадасини туйгандай бўлгандир. Ўз диёри, юртига соғинчи, саломини ана шу беозор дарё орқали йўллагандир. Балки, «арик бўйида ўлтириб, умр ўтганга сол назар», деганларидек, Бобур ҳам сарсонун саргардонликда, «юзи қаро»ликда кечаётган ўттиз-ўттиз беш йиллик ҳаётини сарҳисоб қилиб, яхши-ёмон ишларини саралаб, суюниб, куюниб ўтиргандир. Балки, умри поёнига етиб бораётганини ҳис қилган паллаларда болалиги ўтган азиз Андижонни, кадрдон чорбоғни, бувиси Эсон Давлат бегимнинг меҳр тўла нигоҳларини, иссиқ оғушини, қайта кўришмоқ насиб этмаган тенгқур жўраларинию ота-онаси, навкар-мулозимлар, Бек атқасию кўкалдошлари ғамхўрлигида кечган беташвиш, ўйин-кулгидан, чавандозлик, камон отиш машқларидан, Ҳофиз, Саъдий, Фирдавсий, Навоий дostonлари мутолаасию ғазал ёзиш майли-машғулотидан иборат онларини қайта-қайта эслаган, қалбини зириллатган орзиқиш билан қўмсагандир. Балки, Эски шаҳар, Андижон арки деворларини тавоб қилгиси, тупроқли тор за эгри-бугри кўчаларнинг чанги-ғуборини кўзларига суртгиси келгандир. Ҳаётида йўл қўйган оғир хатоларини, ушалмай қолган орзу-армонларини, қалб тубидаги энг нозик ҳасратларини дарёга тўкиб солгандир. Кучли ёғий қаршисида ожиз қолиб номус ўтида ёнган аччиқ аламли вазиятларни, Хонзода бегимдай оқила, доно ва соҳибжамол, дилдош опасини уни хонавайрон этган ашаддий ғаними илқига ташлаб чиқишга мажбур бўлган ғоят нохуш воқеани ёдга олиб, ўзини ўзи кечиролмай, қаттиқ ўкингандир, виждони қийналгандир... Ёки, нечун Ҳиндда бунёд этган кўркама боғ-роғлару муаззам иншоотларни ўз юртимда яратиш насиб этмади, деб афсус-надоматлар тортгандир, қани энди, шундоқ қароғимни юмсаму мана шу Оромбоғ, унинг бағрида узум, Андижон адирлари бағрида бўлиб қолсам, дея хаёл сургандир. Балки бешафқат тақдир тақозоси, салтанат, тож-тахт ҳимояси деб олис Кобул ва бошқа жойларда қолиб, тирқираб кетган гўзал Моҳим бегим ва бошқа кўнгил яқинлари, ўғил-қизларининг дийдорига муштоқу зор бўлиб, фироқ ўтида куйиб-ёниб, юраклари эзилиб-эзилиб оққандур... Балки Жамна сувининг илиқ эпқини уфуриб турган соҳилда ўтириб, қисматини шунчалар чигал ва беором, беқўним ва беҳаловат қилиб яратгандан умри охирида илашган қаттиқ дардига шифо, нажот тилаб, илтижою таваллолар айлаб зорлангандир. Балки, салтанат, подшоҳлик ишқи кўзини кўр ва бағрини тош этиб худа-беҳуда тўккан қонларини эслаб, азоблангандир... Ўзидан кейин, уни деб, у сабабли Ҳинд ерида қолиб, қони ҳинду ва бошқа миллатлар билан қоришиб, уйқашиб кетадиган хотинлари, фарзандлари, хешу ақраболари қисматининг қайғусини чеккандир, шахзодалар аро тож-тахт талашишлар оқибатида юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисалар, фожеаларни таҳлил қилиб, кўз олдида келтириб таҳликага, даҳшатга тушгандир ва «Эй, фалак!..» дея фарёд уриб ўрнидан даст туриб кетгандир ва дилига ушбу янглиғ байтлар қуюлгандир:

*Бу нечук зулмки, ниҳояти йўқ,  
Бу на янглиғ ситамки, гояти йўқ?..  
Ки эй фолони, бу не разолаттур,  
Не жаҳолаттуру не ҳолаттур...*

Балки, Бобурга ўша дамларда дарёдан яқинроқ, маҳрамроқ сирдош дўст-ёр бўлмагандир... Ҳарқалай, унинг ўз ватанига бўлган чексиз ва сўнмас меҳр-муҳаббатини, ҳижрону ғурбат аламларини, соғинч изтироблари, ўкинч ва озурдаликларинию ғам-ғуссаларини ифодаловчи ғазал, рубоий, китъаларининг аксарияти ана шу жойда, Жамна билан тиллашиб, диллашиб ўтирган бетакрор онларда туғилган бўлса ажаб эмас...

Чунончи:

*Толъ йўқи жонимга балолиқ бўлди,  
Ҳар ишники айладим, хатолиқ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,  
Ё, раб нетай, не юз қаролиқ бўлди.*

\*\*\*

*Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.  
Кўнгулум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ.  
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта киши.*

\*\*\*

*Кўндин бериким ёру диёрим йўқтур,  
Бир лаҳзау бир нафос қарорим йўқтур.  
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин борурида ихтиёрим йўқтур.*

\*\*\*

*Не ёр вафо қилгуси охир, не ҳариф,  
Не сайфу шито қолгуси боқи, не ҳариф.  
Юз ҳайфки, зоъе ўтадур умри азиз,  
Афсуски, ботил борадур умри шариф.*

\*\*\*

*Борми экин ҳеч нима оламда ҳижрондин ямон,  
Ҳар неким андин ямондур, будур андин ямон.*

\*\*\*

*Қовун бирла узумнинг ҳажерида кўнглимда ғам ҳар сў,  
Оқар сувнинг фироқидин кўзимдин ҳар дам оқар сув...*

Муҳаммад Юсуфнинг Бобурга бўлган ихлоси, муҳаббати жаҳонгир шоҳ ҳақида билган-эшитган ривоят ва ҳикоятларини завқ-шавқ билан сўзлашидан сезилиб турарди. Унинг айтишича, Бобур худди мана шу оромгоҳида жонини ўз ихтиёри билан Яратганга топширган, тўғрироғи, бу ёруғ дунёда Бобурдан аввал ҳам, кейин ҳам бўлмаган, ақл бовар қилмас ҳол — Бобур тангри таолодан ўз жони эвазига ўғли Ҳумоюнга соғлиқ ва омонлик тилаб, бу сўнги ниятига эришган эди...

Бобурнинг вафоти ҳақида турлича мулоҳазалар мавжуд. Аксарият манбаларда Бобур ўғли Ҳумоюн учун жонини қурбон қилган, деган фикрга дуч келамиз. Лекин доктор С. Р. Шарма бу борада бутунлай бошқача хулоса чиқаради: Ҳумоюннинг соғайиши билан бу воқеадан 6 ой ўтгач касалланган Бобурнинг бетоблиги орасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ, дейди у. Доктор Р. П. Трипатхи, Л. П. Шармалар ҳам С. Р. Шарма фикрини қувватлашади. «Бобурнинг касалланиши ва вафотига сабабчи бўлган асосий нарсалар — унинг босиб ўтган машаққатли ҳаёти йўли, ичкилик ва нашъага ружу қўйиши ва қолаверса, Ҳиндистоннинг ортиқча иссиқ иклимидир...» дейишади улар. Асил манбалар, ишончли далиллар асосида ёзилган «Бобур» эссе-романининг муаллифи Муни Лаъл Бобур вафоти борасида гарчи Гулбаданбегим хотираларига суянса-да, лекин бу ўлимга олиб келувчи омиллар олдинроқдан бошланган эди, деган мулоҳазани шаъма қилади. У «Бобурнинг Бангола ҳукмдори Султон Нусратшоҳни сулх тузишга қандай мажбур қилганини баён этаркан, шундай деб ёзади: Бу Бобурнинг сўнги юриши эди. У ҳам руҳий, ҳам жисмоний жихатдан толиққанди. Ўн бир ёшидан бери бошига тушган меҳнат-машаққатлар, йиллар, замонлар оша кечган узлуксиз

харбу зарб унинг тинкасини курутганди. Оғир синовлар изсиз кечмаган, иссиқ Ҳинд иқлими, айниқса, иситма-безак унга ўз асоратини кўрсата бошлаганди. У шароб ичмай қўйган. Унинг ўрнига маъжун ер, нашъа чекарди. Бу нарсалар эса унинг соғлиғига баттар футур етказарди.

Бобур 1529 йили Аграга қайтаркан, ичбуруғ касали уни ҳолдан тойдирганди. Ҳазин, маъюс хаёллар уни қуршаб олган, у тарки дунё қилиб, тожу тахтни Ҳумоюнга топширишни ўйларди...»

Куйидаги байт балки айна ана шу даврда оппоқ қоғоз юзини сиёҳ айлаб, варақ четларини жингалак қилиб куйдиргандир:

*Неча даврон гуссаси бўлгай менинг жонимга хос,  
Кошки ўлсам доғи бу гуссадин бўлсам халос...*

Р. Трипатхи ва Л. Шармаларнинг, айниқса, «ичкиликка... ружу қўйиши» деган луқмаларини асосли деб бўлмайди. Чунки Бобурнинг Ҳиндистонга келган йилиёқ (яъни вафотидан 4 йил муқаддам) ичкиликни таъқиқлаш ҳақида фармон чиқаргани, маълум.

Яъна, баъзи манбаларда (аксар бадий асарларда) Бобур Султон Лодийнинг онаси овқатга қўшиб берган захардан қазо қилган деган қараш ҳам бор. Ҳолбуки, бу ҳам тўрт йил аввалги воқеа бўлиб, Бобурнинг ёзишича, уч-тўрт кундан кейинок унда захарланиш асорати тамом барҳам топган.

Хуллас, менинг назаримда, Муни Лаъл ва Гулбаданбегимнинг фикрлари асослироқ ва ҳақиқатга яқинроқ кўринади. Дарҳақиқат, тинимсиз жангу-жадал, саргардонлик, иқлим ўзгаришлари Бобурнинг умумий соғлиғига жиддий таъсир этган, шунинг учун сўнгги йилларда анча озиб, илгариги шахдларидан қайтган, балки ҳаёт унга ўта ортиқча ташвиш бўлиб туюла бошлаган, хаста, беҳуш ётган Ҳумоюн атрофидан айланиб, Оллоҳдан унинг дардига шифо тилаб, керак бўлса ўз жонини нисор этмакка тайёрлигини сидқидилдан изҳор қилар экан, ўша оғир дамлардаги ҳолат — ўз жисми-жонидаги толиқиш ва оғирлашиш, асаб торларининг таранглашуви, кўнглидаги ғулғула, атрофда лолу карахт турган мулозимлару кўнгил яқинларнинг кўзларидаги кўрқув, саросима чиндан-да Бобурнинг руҳиятига бирдан қаттиқ таъсир қилиб, аҳволи кескин ёмонлашган бўлиши мумкин...

Яна Бобурнинг вафот этган ёши, дафн этилган жойи ҳақидаги фикрлар ҳам ранг-баранг: кимдир 48 ёшида вафот этди деса, бошқаси 47 рақамини таъкидлайди, кимдир Аградаги Оромбоққа дафн этилган деб ёзса, бошқа бир татқиқотчи Бобурнинг жасади боғи Гулафшонга қўйилган деган далилни келтиради. Бир муаррих-татқиқотчи Бобурнинг хоки 9 йиддан кейин Кобулга кўчирилганидан хабар берса, бошқа манбада бу оралиқ 10—14 йил қилиб кўрсатилади. Муин Лаъл мазкур воқеани шарҳлаб, Бобурнинг Биби Муборика номли хотини Кобулдан келиб эрининг қабрини кўчириб олиб кетган, дея ўзича аниқлик киритади.

Афсуски, бу каби анчайин чалкаш, авлодларни иштибоҳга солиб қўядиган хилма-хилликларни илмий-тарихий жиҳатдан бир нуқтага олиб келишга камина ҳам ожиздир...

Муҳаммад Юсуфдан эшитган баъзи далилларимиз ишонсизроқ туюлди, аммо ўзини Бобурнинг ашаддий ихлосманди сифатида у буюк инсоннинг хизматлари ва боғи-роғлари таърифини оғиз тўлдириб гапириб бераётган бир муслим кимсанинг фикрларини эътибордан бутунлай четда қолдириш ҳам ўринли бўлмас, деб ўйлайман.

Алқисса, икки сабабга кўра: яъни мамлакатдаги вазият анча танг бўлиб турган ўша паллада салтанатдагилар бу машъум хабардан фойдаланиб, ғайр ҳаракатлар бошлаб юбормасин деб, қолаверса, дафн этишга ҳеч қандай ҳозирлик бўлмаганлиги, яъни дурустроқ қабр-мақбара тайёрлаш учун маълум муддат ўтишини ҳисобга олишиб, Бобур жасадини мана шу боғдаги ўзи яшаб турган уйларнинг зах ертўласида, сарсон ёғи ичида уч ой сақлашган ва бу ердан бир-икки чақирим наридаги Чобуржи (Чорбоғ) деган жойда тикланган мақбарага қўйилган экан...

Боғнинг чап томонидан айланиб келадиган йўлакда сайр-томоша қилиб юрганимизда ёмғир савалай бошлади. Биздан сал нарида тарқоқ ҳолда, ингичка, узун тумшуклари билан майса-гиёҳлар қатини титкилаб емиш топиб юрган чағалайсимон оппоқ кушлар (уни Муҳаммад Юсуф «бавла» деб атади) бир жойга тўпланиб, қонушиб олишди.



Биз тезладик, лекин ёмғир биздан ҳам тезлаб қуйиб юборди. Фаррух қўйлагини ечиб, телекамерасини ўраб олди. Югурганча бориб, дастлаб қўрган ҳовуз-фаввора ёнидаги улкан имли ёнига тизилиб олдик-да, ёмғир тинишини кута бошладик.

— Ҳозир — пашкол—ёмғир кўп ёгадиган мавсум, — деди боғбон...

Чобуржи боғини топишдан кўра, у ердаги эски мақбара олдига ўтиш қийинроқ бўлди. Мақбара яқинидаги маҳалла-жойлар ниҳоятда хароб, ивирсиқ, тор ва қинғир-қийшиқ, кўчалар балчиқ эди. Муйсафидлар ёрдамида, бир тўп болалар қуршовида димоғларимизни беркитиб, шимимиз почаларини кўтариб, оёқ учида ерни танлаб-танлаб босиб ўтиб бордик. Деворлари йиқилиб вайронага айланиб бораётган мақбаранинг кўриниши ниҳоятда ғариб ва аянчли эди. Кун ботишга қараган бу иморат мақбарадан кўра оддий уйга ўхшарди; бир неча хонага бўлинган, олди айвонли, лекин ясси томининг икки томонида унча баланд бўлмаган миноралар бор эди. Ҳарқалай, бинонинг ўзи, унинг ёнидаги хандақ ва ёввойи бута, ўсимликлар қоплаган баланд-паст ерлар унутилган, қаровсиз қабристонни эслатарди.

Дарвоқе, «Оромбоғ»да ёмғир тўхтаб, ҳаво очила бошлаган эди, бу ерга етиб келганимизда осмон яна қорайиб, маҳзун бўлиб олди. Гўё табиат бизни аздор бир авзода кутиб олаётгандай...

Зокиржон аканинг топшириғига кўра, мен ҳозир мана шу сатрларни ёзаётган қўлларим билан мақбара деворлари остидан тупроқ олиб сувхалтага солдим.

— Андижондаги Бобур рамзий қабрига, Кобулдага мақбарасидан олиб келинган тупроқ ёнига қўямиз, — деди раҳбар.

Бизнинг хатти-ҳаракатларимиз ва ғамгин ҳолатларимизни ҳайрат билан кузатиб турган мўйсафидлардан бири ажойиб гап айтиб қолди:

— Бобур дафн этилган вақтларда унинг қабридан атрофга хушбўй бир ҳид таралиб тураркан, унинг жасади кўчириб олиб кетилгач, ҳид ҳам йўқолган экан, — дейди у одам.

Бу гап бизни ғоят мутаассир этса-да, дилларимиз мақбара харобалари каби вайрон эди, инчунин, ҳар биримиз ўз хаёлларимиз дарёсига ғарқ бўлиб, қайтдик.

Кўчада Хитой киноларидаги камбағаллар судраб юрадиган извошларни кўриб, фикрим сал чалғиди.

## ОЛТИН БЕНГАЛИЯНИ ИЗЛАБ

Шу куни соат тўртларда Аградан чиқиб, Калькутта томон (1225 км.) йўл олдик.

Бугун тушлигимизнинг мазаси бўлмади. Чобуржидаги кайфиятдан сўнг овқат ўтармиди. Иккитадан чепоти (чевати), уч-тўрт қошиқ нўхат, ярим бош пиёз билан тамадди қилган бўлдик.

Баққоллар растаси тугаб-тугамай, шаҳардан чиқиб-чиқмай, яна тўда-тўда бўлиб юрган сигирларга дуч келдик. Тавба, дейман, ҳайвон еру-кўкка сиғмайдию овқатларида гўшт йўқ. Қассобхона деган нарса умуман кўринмайди...

Беш чақиримдан кейиноқ ўрмон бошланиб, панорама кескин ўзгарди. Яна бутунлай бошқача, мен танимайдиган дарахту ўсимликлар ранг-баранг, кўркам, чиройли эди. Лекин йўл четларида уюлиб ётган ахлатлар билан ўрмонзорларнинг дил тортар манзараси сира хил келмас эди. Шу йўлда менда бир хулоса пайдо бўлди. Халқ гавжум масканлардаги сердарахт кўчалар ҳам ивирсиқ, табиатингизни нохуш қилади. Одам кам ё умуман аҳоли яшамайдиган худудларда дарахтзорлар ичи, йўллар ҳам тоза, ҳаво мусаффо эди. Демак, табиат ўзини ўзи тозалай олади — худди оқин сув каби, одамзот эса...

Ҳиндистон кўчаларида моллардан кейин кўп учрайдиган нарса — муз тайёрлайдиган пана-пастқам дастгоҳлар эди. Яхчилик бу иссиқ ўлкада кўпчиликни боқувчи асосий касб-хунарлардан бири экан.

Ферузобод шаҳарчасидан ўтаётганимизда тумонат велосипедчиларга дуч келдик. Улар худди ниначилар кўчкинидай бутун кўчани эгаллаб келишарди. Аввалига марафончилармикин, деб ўйлаб эдим, суриштирсам, ишдан қайтаётганлар экан.

Йўл бўйларидаги бозорчаларда сопол хум, кўзалар уюлиб ётарди. Ҳинд қизларининг қадди-қомати шунинг учун тик, келишган, чумоли бел бўлишадики, улар ўша хум-кўзаларни мудом елкаси, бошида кўтаришиб, сув ё бошқа нарса ташийдилар (бу юртда ҳатто эркаклар ҳам бошда юк кўтариб юришарди). Ҳинд эркакларининг аксарияти юмшоқ табиатли, беозор, юввош, содда бўлишаркан, секин, аммо пухта иш қилишаркан. Хивичдай озғин, бизнинг иборамиз билан айтганда, «қанғил»лари кўп экан.

Йўл жунгли (Бобур «жангал» деб атаган, бизда «чангалзор» дейилади) орасидан ўта бошлади. Таърифларга сиғмайдиган (тўғриси, таърифга илм ожиз, қалам ночор) гўзал дарахтлар, манзаралар одамни беихтиёр энтиктириб юборади... Хушқомат қизлар қадди-бастига нисбат бериладиган сарв, ар-ар, шамшод дарахтларининг табиати, хосиятлари хусусида сўз кетди. Ҳамма билганини, кўрганини, эшитганини ўртага ташлади, ўз қарашлари ва мулоҳазаларини баён этди. Бироқ бу дарахтлар ҳинд заминида кам кўринадди.

— Ҳиндистонда сандал дарахти кўп, — деди Аҳмаджон жангалдан ўтгач, узокдан шохлари ғужум-ғужум, бутасимон дарахтларга ишора қилиб, — ҳиди ниҳоятда кучли бўлади. Ҳатто беш юз — минг қадам нари-берисидаги бошқа дарахтларга ҳам ҳиди уриб кетади.

— Ҳа, ундан кўплаб совғабоп буюмлар тайёрланади, — маъқуллади Сайфиддин хожи ака.

— Илон уни ниҳоятда хуш кўради, — фикрини давом эттирди Аҳмаджон. — Илонлар уя қилмаган сандал дарахтини топиш қийин.

Шуниси диққатга сазоворки, Покистонда ҳам, шундай бепоён Ҳиндистонда ҳам дов-дарахт ниҳоятда эҳтиёт қилиниб, эъозланар экан. Экинзорнинг ўртасидаги бирон туп дарахтни ҳам кесиб ташлашмас экан. Бизда 60-йилларда экин майдонларини йириклаштириш, ғўза пайкалларини машинабоп қилиш шиори остида қанча-қанча дарахтзору мевазор боғларга қирон келтирилганини эсладим. Шунинг учун Ўзбекистон дарахтзор худудлар ҳажми жиҳатидан чўл бўлиб кўринадиган Туркманистондан ҳам кейинга тушиб қолган эди.

Лоласимон, чўғдай гулли дарахт мени ғоят ҳайратга солди. Япроқлари майин, оч мош ранг бу дарахт шохлари бетартиб эмас, худди пашшахонадай ихчам ва тепалари ҳам деярли бир текис, яъни шохлар маълум жойгача тик ўсгач, кейин яна шохлаб ёнбошга — бир-бирларига қараб ўсган эди. Унинг тепаси ва қатларига гўё қизил гул барглари сочиб юборилганга ўхшарди. Лола дарахти шумикин, ё? Бу ҳақда шериклардан ҳам аниқ тушунча ололмадим ва яна ўзимни койидим...

Ёмғир шаррос қуйиб юборган маҳал, табиат манзаралари янада чирой очиб, майса-гиёҳлар яшнаб кетди.

Ҳайдовчиларнинг ўта бетартиб ва сурбетлик билан машина ҳайдашларини ҳисобга олмаганда йўлимиз, сафаримиз кўнгилли давом этмоқда эди.

Аҳён-аҳёнда қишлоқ уйлари орасида готик усулда қурилган черков ибодатхоналарнинг учли гумбазлари кўзга ташланиб қоларди.

Алқисса, Аградан 280 км. йўл босиб, кечаси алламаҳалда Канпурга кириб бордик. Шаҳар аҳолисининг аксарияти осойишта уйқуда эди. Ҳиндистоннинг йирик шаҳарларидан, мамлакатнинг асосий саноат марказларидан бири бўлмиш Канпур Уттар-Прадеш штатида, Ганг дарёси соҳилида жойлашган. У 18-асрда бунёдга келган, лекин шунга қарамай, 1857—1859 йиллардаги ҳинд миллий озодлик ҳаракатларининг асосий марказларидан бўлган. Шунингдек, бу шаҳардаги портдан Ганг дарёси орқали Ҳиндистоннинг бошқа алоқа йўлларига чиқилади. Афсуски, биз тунда етиб келганимиз ва яна тонг саҳарлаб жўнаб кетганимиз учун шаҳарни ҳам, у билан туташ Гангни ҳам томоша қилолмадик.

Биз шаҳардаги энг зўр («класс» деб баҳоланувчи) мусофирхоналардан бири «Блисс» («Bliss») меҳмонхонасига жойлашдик. Дарҳақиқат, хоналар кенг, шинам, анжомлар янги, чойшаблар охорли эди. Рангли телевизор ниҳоятда тиниқ кўрсатарди. Чарчаган бўлишимизга қарамай, ҳинд «детектив» (тўғрироғи, «урди-қочди») фильмини (бош ролда одатдагидай Митхун Чакроборти эди) кўрдим. Сўнг душга тушиб, жисми-жонимни роса роҳатлантиргач, соат тунги 2 дан ҳам ошганда ётдим.

Соат 6 яримда уйғондим. Шунча кеч ётсам ҳам мириқиб ухлабман. Бунинг сабаблари, чамаси, хонанинг саришта ва гўзаллиги, муздай сувнинг оромбахш хосияти ва кайфиятнинг созлигида эди.

Нонушта олдидан бир-биримизни янада эъзозлаш, асабларимизни эҳтиёт қилиш мавзуида «беш дақиқалик» амримаъруф бўлди.

Соат тўққизларда Лакнов (бу ерда «Лакнау» дейишаркан) сари жўнаб кетдик. Ўн беш чақиримча юргач, йўлимизни кесиб ўтган буюк Ганг дарёси ёнидан чиқдик. Узун, катта кўприкдан ўтяпмиз. Дарёнинг ўнг қирғоғида Гангга сиғинувчилар учун махсус жой бор экан. Тумонат одам—эркагу аёл, каттаю-кичик яланғоч, ярим яланғоч бўлиб, сувга кўкракларигача тушиб олиб, бошларидан, бўйинларидан, елкаларидан сув қуйишарди. Оналар болаларини, ҳатто митти чақалоқларини ҳам чўмилиштиришарди. Гангнинг суви шу ерда нисбатан тиниқ, тозароқ экан. Ажаб, Ҳиндистонда одамлар нималарга сиғинишмайди дейсиз: сигирга, ўтга, сувга... Лекин тарихда сувга тавоф қилувчилар учраб туради. Масалан юнон муаррихи Максим Тирский массагетлар (Каспий орти ва Орол денгизи яқинида, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида милоддан аввал VIII-IV асрларда яшаган жангари қабила)нинг Танакс (яъни Амударё)ни муқаддас деб, маълум кунда бу дарёда чўмилиш одатлари борлиги ҳақида ёзган.

Йўл бўйидаги кичкинагина бозорча ниҳоятда гавжум ва бесаранжом эди. Гўё бу ер сайлгоху бу кун байрамга ўхшарди. Бозорча ортида, дарё билан ёндош каттагина кўл ҳам бўлиб, оралик жой мўъжазгина оролни эслатарди.

Қатор-қатор автобус, юк машиналарида келишаркан сиғиниш маросимига (худди бизда Арслонбобу Шоҳимардонга е Балиқли мазорга боришгандай).

Ҳинд фильмларини кўрганда ҳиндлар иш пайтида ҳам, бошқа вақтда ҳам нуқул ашула айтиб юришади, шекилли, деган таассурот уйғонади. Мана, шунча кундан бери кўчада ё далада кўшиқ айтиб юрган одамни кўрмаямиз. Дарёдагилар ҳам жимгина чўмилиб-сиғинишяпти.

Баъзан, аксар, кайфият соз бўлса беихтиёр хиргойи қилгиси келади ҳар кимнинг. Кўпчиликда бор бу одат. Лекин масалан, бизда бор овоз билан ашула айтиб иш қилаётган одам ҳақида «бунга бир гап бўпти» шекилли деб ўйлашади.

Хуллас, Ҳиндистонда гувоҳ бўлганимиз ҳар бир воқеа, ҳодиса ҳинд эли ва диёри ҳақидаги тасаввуримни бойитиб бормоқда. Йўл баъзи жойларда шундай қалин ўрмонлар орасидан ўтардики, дарахтларнинг учи бир-бирига тегай-тегай деб турар, гўё туннелдан ўтаётгандай бўлардиқ. Ҳиндлар фақат ҳайвонлар, дарахтларгагина эмас, балки майса-ғиёҳларга ҳам зиён етказишдан ҳазир бўлишаркан. Наздимда улар табиатдаги ҳар бир нарсани муқаддас мўъжиза деб билишарди.

Аслида, экспедициянинг дастур-йўналиши бўйича Оллоҳободга боришимиз лозим эди. Канпурдаги эрталабки машваратда мусулмонлар кўплиги, Ҳиндистон - Ўзбекистон дўстлик жамиятининг бўлимига киришни ўйлаб Лакновни танлаган эдик. Лекин...

Лакновга куппа-кундузи кириб бордик. Мирза Расво деган адибнинг «Бир хоним саргузашти» номли романи воқеалари мана шу шаҳар билан ҳам боғлиқ эди. Саргузаштчи аёл яхши хонимлар тоифасидан бўлмагани учун Лакнов ҳақидаги таассуротим ҳам шунга яраша, мундайроқ эди. Аммо, шаҳарга кираверишдаги «Лакнов батартиб меҳмонни шарафлайди» маъносидаги шиорни кўриб, шаҳар раҳбарлари анча маънили, маданиятли кишиларга ўхшайди-ку, деган фикр кечди хаёлимдан. Лекин афсуски, кейинроқ аввалги «лекин»...га қайтишга мажбур бўлдим.

Умуман олганда, Уттар-Прадеш штатидаги Лакнов ҳам шаҳарчиликнинг асосий шартларидан бирига амал қилинган ҳолда, дарё ёқасига жойлашган, мўъжазгина, яшилликка бой шаҳарча экан. Мевазор боғлар унча назаримизга илашмади-ку, лола гулли дарахт, акас кўп эди.

Кўнгилсизлик машинамиз ёнбошини қириб олишимиздан бошланди. «Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик жамияти» Лакнов бўлимини излаб (уни тополмадик ҳам) юриб, бир ёклама қатновли торроқ кўчага кириб қолибмиз, Обиджон ака машинани орқага тисараётган эди (эскирок, виллиссимон машина турган экан, ёнбошига қадалиб қолди. Яхшики, “виллис» ҳайдовчиси ҳам, йўл назоратчиси ҳам биздагидай бир зумда қаёқдан пайдо бўлиб қолди, билолмадик), таъбимизни хира қиладиган гап айтишмади.

Лакнов университетига бордик. Қабул имтиҳонлари кетаётган пайт экан. Менинг эътиборимни иккинчи қаватга кўтариладиган зина ортида турган велосипед ўзига тортди. Назаримда, у камида эллик йилдан бери шу ерда қимирламай турганга ўхшарди — чанг ва занг босиб кетган эди.

Биз учрашмоқчи бўлган доктор, олимлар таътилда экан. Ҳафсаламиз пир бўлди. Бунинг устига, бирон кимсадан «сизлар кимсизлар, қани, бу ёққа...» деган сухан ҳам чиқмади. Хуллас, кунимиз бекор ўтди. Бугун умуман ишимиз юришмади ўзи.

Қайтишда ҳайвонот боғи ва ундаги тарих музейига кирдик. Боғ чиройли, бироқ ҳайвонларнинг турлари кам, музей ҳам унча бой эмас эди. Каттакон фил устида қисқа масофали сайр қилаётган болалар, ўсмирларни ҳисобга олмаганда, боғда бошқа овунчоқ-ўйинларнинг ҳам тайини йўқ эди. Аҳмаджон, Тўлқин ака, Фаррухлар билан бироз томоша қилиб турдик. Фил эркак эди. Бир ҳол бизни ғоят таажжублантирди: хартуми орқали елкасига қиз болалар чиқаётганда филнинг безовталангани, «ҳаяжонлангани» сезилиб қолмоқда эди. Мен «Кинг-Конг» деган АҚШ фильмини эсладим. Жонзотнинг ҳар қандай турида, ҳар қандай махлуқда ҳам қарама-қарши жинсни кўрганда, танаси танасига текканда эркаклик эҳтирослари кўзголади шекилли-да...

Банкни излаб топдик. Ниҳоятда кўп хонали катта иморат экан. Зокиржон ака билан Аҳмаджон долларни рупийга алмаштириш учун кириб кетишди. Атрофда кутиб турган, мўъжазгина хиёбонда давра қуриб ўтирганлар кўп, афтидан, бу жойда банкдан бошқа идоралар ҳам бор эди. Бино ҳовлисига бир-биридан янги ва чиройли, хилма-хил енгил машиналар тўхтовсиз кириб-чиқарди. Аммо рикшалар кучаниб тортиб келаётган файтун-извошлар ҳам бор эди. Ана шундай файтунларнинг бирини оппоқ соқоли кўкрагини қоплаган, тахминан етмишни уриб қўйган (менинг наздимда, аслида эҳтимол ёшроқдир, ўскин ва тартибсиз соқол кўпинча биз каби хорижликни алдайди) мўйсафид тортиб келди. Файтунда эса ўн саккиз-йигирма ёшлардаги Фотима-Зухролардай бир-бирига жуда ўхшаш ва деярли бир хил кийинган бир жуфт оқ бадан жонон ўтирарди. Уларнинг ўзларини сукли боқаётган назарларни гўё кўзга илмагандай, парво қилмагандай, фақат ўзаро ва қизиқарли суҳбатга машғулдай тутишлари, бир-бирига нимтабассум ила боқишлари ўтган аср Оврупо хонимларининг киброна навозишларини эслатарди. Ё, алҳазар!.. Мумкин, қарияни тирикчилик шунга мажбур қилгандир. Лекин қордай томоқлари ости ва киндигини очиб солланиб ўтирган навнихол бегойимлар оталари, балки боболари тенгги чолни қирчанғи хачир ўрнида инқиллатиб, югуртириб юришдан хижолат бўлишмасмикин?.. Бу манзара менда жуда нохуш, ҳатто аянчли таассурот қолдирди.

Бу ерда мен яна шунга ўхшашроқ, жаҳон эркаклари ва аёллари учун муштарак бўлган бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Бекорчига ҳамма нарса ғалати туюлаверади. Чунки у нима қилишини билмай, кўрган-билганларини ҳар хил тарози, мезон ва ўлчовларга солиб, ўзича турли мушоҳадалар юритиб вақт ўтказди-да. Бир замон денг, ичкаридан этаги тиззадан баланд, тўқ олуча рангли кўйлак кийган занжи қиз узун пошналар туфлисини асфальт йўлда тақиллатиб чиқиб келди. Менимча, у йигирма беш ёшлардаги жувон эди (унинг қиз болалигига гувоҳ ҳам, далил ҳам йўқ-ку). Навнихол жувоннинг ҳам юқоридаги хурлиқоларникидай, томоғи остидаги кенггина қорамағиз майдон очиқ, ёноқлари ирғиб чиққан қиррасимон юзлари ҳам ўта қора эмас (шунинг учун ҳам у ўзини занжи аёлларининг энг оппоғи, келишгани дея хаёл қилса ажаб эмас), қора кўпиксимон тўзиган сочлари бошидан камида икки баробар катта; елкалари, болдирлари, кўкраклари жуда баракали, шунга қарамай, чиккабел эди — қаттиқ тортиб боғланган қора тасмаси ойимпошшанинг бутун жуссасини гўё нақ иккига бўлиб турарди. Таннознисо пошнаси остидан чиқаётган товушнинг атрофга жаранглаб таралаётгани учун хижолат тортибми, ё кийими ва бичими ҳаммининг

этиборини тортаётганини сезиб ўнғайсизланганиданми ёки ўзини ниҳоятда ҳаёли ва иболи тутибми, ҳар нечук, қоп-қора, узун-узун ясама киприклари остидаги чуқур кўзларини ерга қадаганича йўлни ўрталаб ўтиб бораркан, деярли барча (атрофда асосан эркаклар эди) то у кўздан ғойиб бўлгунча нигоҳ узмади-ёв! Рўпарадан келувлар ҳам ёнма-ён бўлиб, ўтиб кетишгунча фақат унга тикилиб келишарди.

Ҳабаш маликаси кўп ўтмай қайтди ва бир неча дақиқадан кейин яна бир бора ташқарига чиқиб келди ва ҳар ўтганида айнан юқоридаги манзара такрорланарди. Эркакларнинг ёши ҳам, чоли ҳам унга кўзларининг бор куввати билан тикилишдан ўзларини тиёлмаётганлиги аён билиниб турарди. Занжи хоним эса гўё мутлақо бепарво эди...

Хуллас, Лакновдан кўнглимиз тўлмай, йўлда давом этдик. Асли Оллоҳободга бораверсак бўлар экан, Бобур ҳам Лакновни бор-йўғи 3 марта тилга олган холос, деб муҳокама қилиб кетдик. Дарҳақиқат, Оллоҳободда (уни Илоҳобод ҳам дейишади) мусулмон ва ҳинд археологик ёдгорликлари, бобурийлар номи билан боғлиқ обидалар анчагина бор эди. Жумладан, подшо Ашока (милоддан аввалги учинчи юз йиллик) даврдан қолган тош устунлар, «Хисрав» (Шоҳ Жаҳон) боғи ва мақбараси, Акбаршоҳ қурдирган Илоҳобод қалъаси (шаҳарнинг ҳозирги номи ана шу қалъадан олинган) ва бошқа тарихий осор-атиқаларни кўриш, ўрганиш мумкин эди-я... Афсуски, энди бу армон бефойда, елдак кетаётган вақтларнинг ҳар дақиқаси санокли, ғанимат эди...

Қаршимизда яна ажиб манзарали далалар, ям-яшил сайхонликлар, хурмо кўчатзорлари пайдо бўлиб, қалбимиздаги анча-мунча ғашлигу ғуборларни тарқатиб юборди. Огаҳий ғазали билан айтиладиган машҳур кўшиқни хиргойи қилиб бораётган Сайфиддин ҳожи ака «...пайванди шамшод устина...» деган жойда тўхтаб, ўзбек классик назмига ажойиб рамзлар бўлиб сингиб кетган «шамшод», «сунбул», «мушк», «анбар» каби хуш бўйли ўсимлик ва моддалардан гап очди. Шу суҳбат асносида кенжамиз ва эркатойимиз Фаррухнинг бекорга маҳмадона эмаслиги, анча нарса ўқиганлиги бир қадар аён бўлди. Унинг андак бетга чопарлиги ҳам бор эмасми (Сайфиддин ҳожи ака баъзан уни «ҳа, беадаб...» деб бекорга «эркалатмайди-да»), Собиржон Шокаримовнинг, ҳатто Сайфиддин Жалиловнинг фикрларини ҳам тап тортмай рад қилаверарди. Балки, табиатан серҳаракат, шошқалокрок бўлгани учун унда мунозара, мусоҳабани оҳиста, мулойимлик билан давом эттиришга сабр-тоқат, андиша андак камроқдир. Масалан, катта ҳожи ака: «сунбул» — «хушбўй хидли» деган маънода қўлланади, деб, «сунбул сочлар...» иборасини мисол келтирди. Фаррух эса дарҳол: «йук, домла, «сунбул» — узун-узун майин толали ўсимлик, шунинг учун сочни унга ўхшатилади», деб ўз тушунчасини баён этди. Эҳтимол, домла ҳам ҳақдир, сунбулнинг у айтган маъноси ҳам бордир, лекин бу борада мен ҳам Фаррух билан ҳамфикр эканлигимни билдирдим.

Фаррух «мушк»ка: у китнинг жигаридан, яна икки хил ҳайвон шохидан олинади, деб изох берди. Унинг бу фикри баҳсталаброқ эди. Чунки мушк ҳақида комусларда батафсил маълумотлар берилгану аммо асосий моҳияти «ўсимлик ва ҳайвонлардан ажралиб чиқадиган ўткир хидли модда» деган бир жумла билан ифодаланган.

Фаррух иккимиз Аҳмад Ясавийнинг «тупроқ ўлгин, олам сени босиб ўтсин...» деган сатрининг мазмуни бобида Собиржон ака Шокаримов билан унча хил келишолмадик. Яъни, Собиржон ака юқоридаги мисрага «тупроқдек табаррук бўл» деган мазмун берди. Биз шоир: «тупроқдек хокисор, камтар бўл» демоқчи бўлса керак, деган мулоҳазани айтдик...

Ҳар ким ўз фикрида қолди (Аслида иккала фикр бир-бирини тўлдиради).

Биз Патнага томон интилиб борардик.

Йўлдаги бир хонадонда тўйга тайёргарлик бўлаётган экан. Ҳовли олдидаги саҳннинг атрофи ўралиб, у ёқдан бу ёққа йигирма-ўттиз қатор пахта илаштирилган ип тортиб кўйилибди. Тўзиб турган пахта бўлаклари оппоқ юлдузларга ўхшарди. Менда қани энди ҳинд халқининг турли урф-одатларини, марака-маросимларини, лоақал биронта тўйини кўрсак, деган орзу туғилди, бироқ, экспедиция дастурида бунақа банд ҳам йўқ эди.

Бепоен далаларни, кенг сайхонликларни, йўл бўйларидаги қалин-сийрак дарахтзорларни томоша қилиб кетавериш энг суюкли машғулотиимиз эди. Кўча четларида биронта эски тўнка учрамасди. Бир жойда эртақлардагидек жуда улкан, баҳайбат дарахт

ағдарилиб ётибди. Назаримда, ўзи қариб ё бир табиий офат туфайли йиқилмагунча, биронта дарахтга арра ё болта солишмайди шекилли. Дехлида ҳам, йўлларда ҳам дарахтларнинг қуриган шох-новдаларини бутаб, кесиб олишаётганини кўп кўрдик. Агар шунча иссиққа довдарахт шунча кўп бўлмаса, билмадим, одамларнинг ҳоли нима кечарди. (Балки шунинг учун ҳам дарахтларни асраб-авайлашар).

Кечқурун Султонпур шаҳрига етиб бориб, «Вижа Дилекс» деган меҳмонхонада тўхтадик.

Шаҳарда ёзув асосан тамил тили ва алифбосида эди. Инглизча ёзувни кўрмадик.

## БИР ПИЁЛА СУВГА АЛИШМАЙМАН

*18 август, чоршанба*

Соат олтиларда туриб Банорас (бу ерда ҳали ҳам қадимги номи билан Баранаси дейиларкан) сари йўл олдик.

Маълумки, Банорас Ҳиндистоннинг тарихий шаҳарларидан бири бўлиб, у ҳам Уттар-Прадеш штатига қарайди. Шаҳар VII асрдаёқ илму фан марказларидан бирига айланган. Бу ерда ҳозир қанд, шойи кўп ишлаб чиқарилади. Банорас жаҳонда тилла ва кумуш иплардан тайёрланадиган зарбоф-кимхоб матолари, заргарлик буюмлари билан ном қозонган. Ўрта Осиё халқлари ўртасида, жумладан, бизнинг ўзбекларда машҳур бўлган «банорас» газламасининг асл ватани ҳам шу шаҳардир.

Машриқ томон кетяпмиз. Шаҳардан чиқишимиз биланоқ икки тарафимизда ям-яшил сайхонликлар бошланган. Ҳимолай тизмалари ортидан кўтарилиб келаётган куёш нурлари майсалар қатидаги, хурмо барглари четидан исирғадай осилиб турган шудрингларни жилолантиради. Табиатнинг ҳозирги кўриниши ёмғирдан кейинги манзарасимон сўлим ва чиройли эди.

Йўлдан сал ичкарироқда, пастак буталар орасида гала-гала товуслар бемалол юришарди — худди Гуркуров (каминанинг она кишлоғи) ўрмонидаги тустовуқлар каби... Дарвоқе, бу кеча тушимга қишлоқдаги тенгкур-жўрам Муҳиддин кирибди. У «Ҳиндистон қалай экан?»— деб сўраяпти. Мен «яхши, лекин Гуркуровимизнинг бир пиёла сувига алмаштирмайман», деб жавоб беряпман... Дарҳақиқат, Ҳиндистон табиати ниҳоятда бой, ниҳоятда гўзал-ку, Бобур айтганидай, оқар суви тоза эмас, қудуқ сувлари бемаза, ноиложликдан ичасиз. Роса чанқаб бораётганингизда «тўхтанглар, анави сувдан ичиб олай» деб югуриб борадиган булоқ ё чашма йўқ. Борлари ҳам азбаройи семизлигидан ларзон-ларзон бўлиб аранг юрадиган қора, симобранг сигирлардан ортмайди. Ҳатто битта мол жойлашгулик кўлмакка ҳам бир нечтаси тикилиб ётиб олишган бўлади. Ҳиндистоннинг одамларига қараганда ҳайвонлари иссиққа чидамсизроқ шекилли. Асли, сувларнинг тозамаслиги мана шу жониворларнинг ўта кўплиги ва бошвоқсизлигидан ҳам бўлса керак (Айтишларича, сигирни соғиб олиб, яна ҳайдаб юборишавераркан). Менимча, одамдан кўп бу молларнинг тайинли эгаси ҳам йўғ-ов. Онда-сонда мексикаликларнинг катта тоғорадай келадиган похол шляпаларидан кийиб, таёқ кўтариб юрган битта-яримта ҳинди эркакни ҳисобга олмаганда, мол боқаётган бола, ўсмир умуман кўринмайди.

Пили деган дарёдан, тўғрироғи собиқ дарё кўпригидан ўтдик. Ҳиндлар кичкина каналга ҳам, ҳатто ариқсиз, чуқурроқ ҳандақлар устига ҳам катта ва мустаҳкам кўприк қуришаркан. Шунингдек, ҳар қадамда кичик-кичик қўлбола қизил ғишт заводлари учрарди. Ҳиндистонда энг кўп ишлатиладиган ва истеъмол қилинадиган нарсалар — қизил ғишт, муз, совуқ сув бўлса керак (Ошхонага кирсангиз, энг аввал истиконда сув олиб келиб столга тақ этказиб қўйиб кетишади). Лекин, тан олиш керак, ғиштни ниҳоятда ҳафсала ва усталлик билан текис, бежирим уришаркан (аксар бинолар ғиштли эди).

Бепоеъ толзорлар, маккажўхоризор ёнидан ўтиб борарканмиз, қаршимиздан аридай тўзиб юрган сариқ сўзанақлар галаси чиқди. Ҳаддан ташқари кўп эди, сўзанақлар юрти бўлса керак.

Банорасда тўхтамадик. «Тойота»миз дастурда белгиланган йўналиш бўйича шиддат билан олға интиларди. Иттифоқо, шаҳардан чиқиб, бошқа йўлга кетиб қолибмиз. Йигирма беш чақиримча юрган эканмиз, Тўлқин ака сезиб қолди. У харитани яхши биларди. Дунё кезган одам-да.

Мана, Ҳиндистонда анча кундан бери юрибмиз (ўзимиз ҳам йўл қоидаларини неча бор бузиб ўтган бўлсак керак), лекин бирон жойда йўл назорати ходимининг ҳайдовчи билан можаро қилиб турганини учратмадик. Чап қўл ҳаракатидан бўлак қоида ҳам йўққа ўхшайди ўзи. Балки шунинг учун ҳам ҳар қадамда машиналар сузишиб, тўкнашиб, ағанаб ётарди.

Ниҳоятда улкан ва узун темир кўприкка дуч келдик. Кўприк остидан Ганг дарёси айқириб ўтарди. Ганг Жамна дарёси билан Оллоҳобод яқинида қўшилади-ку, гўё у ана шу учрашувга, бирлашувга ошиқиб борарди...

Капа бўлиб ўсган, эртаксимон дарахтзорлардан чикқандан кейин, очик далада тўп бўлиб турган кузгунлар галасига кўзимиз тушди. Сал нарида улардан ортган, фақат устихони қолган бир жониворни энди қарғалар чўқилашарди.

Йўлимизда яна рикшалар учрай бошлади. Уларнинг айримларига Лакновдагидай кекса одамлар ёш-ёш йигитлар, қизларни (гўё болаларни ўйнатишаётгандай) ё аксинча пўрим кийинган улуғ ёшли жаноб ва хоним афандиларни ўсмирлар тортиб юришарди.

Ҳиндистонда кўлидан келадиганки одам чакана савдо билан шуғулланиб, тирикчилик ўтказишларини кўча бўйларидаги майда-чуйда, эски-туски дўкончаларнинг кўплигидан билиб олса бўларди (Ўша пайтда биров менга: «ҳадемай, сизларда ҳам шундай бўлади», деса ишонмасдим. Тўғри, бизда ҳам хусусий мулкчилик, якка савдонинг бундай аломатлари бошланган эди, ҳар қалай, мен кўрган Шарқ мамлакатларидаги даражага бориб етмас, деб ўйлардим).

Ҳинд диёрида, бу йўлларда табиат манзараларидан завқ олиб, баҳслашиб, ҳазиллашиб бораверишдан яхшиси йўқ менимча. Ажойиб кўллари кўриб ўтяпмиз, улардаги нилуфарлар ҳали унча очилмаган бўлса-да, бизнинг кўнглимизни очиб юборарди.

— Денгизга яқинлашяпмиз, чап томонга қаранглар-а, сув мавжлари кўринаётганга ўхшаяпти, — дейди Собиржон ака.

— Э, ҳали яна 600 километр бор денгизга, — дея рад этади Тўлқин ака жиддийлик билан.

— Мен ҳам яқинлашяпмиз деяпман, холос, ҳазилниям тушунмас экансизлар, — кулади Собиржон ака.

Ҳиндистон ҳудуди яшил рангга бурканганлиги билан эътиборни тортарди. Покистон бунақа эмас эди. У юрт далалари Туркманистон чўлларига ўхшаб кетарди.

Шаҳарсимон қишлоқ (ё қишлоқсимон шаҳардир)лардан ўтаётганимизда шундоқ кўча бўйларига экилган дарахт кўчатлари атрофига ғиштдан тўр ясаб, омонат териб, ихота қилиб қўйишибди. Сал туртилса, ҳаммаси қулайди, лекин турибди. Ҳиндларнинг ҳафсаласига ва болаларининг беозор-ювошлигига қойил қолиш керак. Фақат, афсуски, онда-сонда учрайдиган хурмо, бананни ҳисобга олмаганда, мевали дарахт деярли кўринмасди (Ўрик, шафтоли-ку мутлако йўқ...)

Йўлимизда манзарали дарахт, хусусан пальма, улкан пипал, баргар дарахтлари кўп эди. «О, сеҳрли ҳинд диёри!..» деган хитобларда мана шу каби палмазорлар, жангалзорлар назарда тутилармидийкин, деб ўйлаб қолдим.

«Сеҳрли ҳинд диёри»да одамларнинг тирикчилик ташвишлари билан бандлари ҳам кўп, зеро тирикчилик йўллари ҳам бисёр эди. Шулардан бири балиқчилик эди. Кичик-кичик кўллар, ҳовуларда тўр билан балиқ овлаётган болалар ҳавасимизни келтиришса, аёлларнинг дарёга қармоқ ташлаб ўтириши бизга ғалати кўринарди.

Йўлимизни яна кенг қулоч ёйган, кирғоғи бепоён сариқ қумлик билан кўмилиб кетган сарғимтир сувли Ганг кесиб ўтди. Кўприк баланд ва жуда узун (тахминан 2 чақиримча) эди. Сув кўпайганда шу бепоён ўзан тўлиб оқса керак.

Кўш ҳўкизли омочда баттар жизғанаги чиқиб ер ҳайдаётган кекса деҳқонларни кўриб (улар менимча, шоли экишга жой ҳозирлашарди), яқин ўтмишимиз эсимга тушиб кетди. Болалигимда (1960 йилларнинг боши) пахта эгатлари от ёрдамида култивация қилинарди.

Мен от миниб культиваторни тортганларим (уни орқада каттарок бир одам бошқарди) шундоққина кўз олдимда. Алишер Навоийнинг чор девонини ва бошқа ўзбек классик шоирларининг ғазалларини ўқиб, уларнинг таъсирида, ўшаларга эргашиб бир нималар қорайтириб юрардим. Бир куни кечки пайт от устида ботаётган куёш ҳақида гапириб, шундоқ куёш ҳам ботади-я, одамнинг умри ҳам шунақада, ана шу ҳақда бир шеър ёзмоқчиман, дебман, ўзимча Африка кашф қилиб. Шунда культиваторни бошқариб бораётган Нўмонжон амакиваччам (отамнинг учинчи акасининг ўғли — у мендан ўн тўрт-ўн беш ёш катта эди): «кеч қопсан, жиян, бу ҳақда сендан анча илгари ёзиб қўйишган, «Куёшдан ибрат олгин, охир бир кун ботар бордир» деган ашулани эшитмаганмисан, Таваккал Қодиров айтади», деб қолди. Жуда изза бўлдим ва шу-шу ёзган ва ёзмоқчи бўлган шеърим ҳақида бировга мактанмайдиган бўлдим. Ҳали-ҳозиргача шеър ўқишга ийманишимга ана шу воқеа сабаб бўлган бўлиши ҳам мумкин...

Биз Бенгалия сари яқинлашиб бормоқда эдик. Экспедиция аъзолари етти киши (ҳайдовчидан ташқари)— жуда меъёрида эканмиз. Бундан оз бўлсак зерикиб қолишимиз, кўп бўлсак, ҳар томонга тортиб, «майдалашиб» кетишимиз мумкин эди. Энг муҳими, орамизда Сайфиддин Жалилов, Собиржон Шокаримов каби кенг қўламли олимлар, Тўлқин Рўзиевдек дунё кўрган санъаткор ва латифачимиз бор эди. Зокиржон аканинг эса суяги турли геологик экспедицияларда қотгани учун, сайёҳликда ва ҳамсафарликда ибрат олишга арзигулик фазилатлари кўп. Айти дамларда унда раҳбарлик масъулияти ва сиёсати устуворроқ эди.

Хуллас, ҳазил-ҳузул, аския, латифалар билан вақтларимиз янада тез ўтар, баъзан эса, табиийки, ҳамма мудраб қоларди ё ҳар ким ўз хаёллари дарёси тубига шўнғиб кетар, ёхуд бир жуфт-бир жуфт бўлиб оҳиста суҳбатга берилардик. Сайфиддин ҳожи ака, юқорида айтганимдай, гарчи тарихчи бўлса-да, адабиётни яхши билар, бадииятга иштиёқи ва қизиқиши баланд эди. Биз у билан бенгал мумтоз адабиётининг намояндалари Назрул Ислон, Рабиндранат Тагор (ҳозир уни бизда Токур дейишмоқда) ижоди ҳақида гаплашиб кетяпмиз. Мен бенгал шеърлятига янгича руҳ олиб кирган исёнкор шоир Назрул Ислоннинг «Инсон» достони ва бир қанча шеърларини таржима қилган эдим. Бу асарлар Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Ҳинд шоирлари» баёзига (1974 йил) кирган. Маълумки, Назрул Ислон қирқ ёшларида хотирасидан айрилган (шоирнинг бундай мусибатли қисмати Эркин Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» достонида ҳам акс эттирилган) ва умрининг охиригача (қарийб қирқ йил) хотирасиз, қарахт ҳолда яшаган!

Нобель мукофоти соҳиб Токур эса, даҳо санъаткор. У умуминсоний мавзулар адиби, шунинг учун уни кўп элларда, жумладан бизда ҳам севиб ўқийдилар. Токурнинг саккиз жилдли танланган асарлари ўзбек китобхонининг ҳам бебаҳо мулки бўлиб қолди. Мен унинг рўмонларидан кўра ҳам рўмонга татиғулик ҳикояларини яхши кўраман. Жумладан «Гашна тошлар» ҳикоясини мусикий оҳангдаги гўзал шеър каби қайта-қайта ўқийман (Бу ҳикояга кейинроқ яна қайтамиз...)

Машинамиз баллони дам қўйиб юборди. Бир устахона олдида тўхтаб, камера яматдик — 25 рупийга! Озгина юриб эдик, автомобил ҳалокатига дуч келдик. Иккита юк машинаси бир-бири билан қаттиқ тўқнашиб, бири ағанаб кетган, иккинчиси йўлдан пастдаги шопипояга тумшуғи билан санчилиб қолган эди.

Кун ботиш арафаси эди. Атроф ниҳоятда гўзал. Узокда «Дунё томи» дея таърифланувчи Ҳимолай тоғининг бошланиши — пастроқ тизмалар кўзга ташланади. Палмалар орасидаги пайкалларда тўп-тўп аёллар қатор энгашиб олиб шоли ўташарди — бизга мана шу манзара қизиқарли ва лекин ғайри ҳол эди.

«Бари Кати» деган қишлоқда тўхтадик. Бу ерда хинд аёллари асосан қизил ва ҳаворанг сарий кийишаркан. Ҳиндистон ҳудудида шу нарсани кузатяпмиз-ки, ҳар бир шаҳар ва қишлоқ аёлларининг ўз севган ва урф қилган ранглари бўларкан.

Шу қишлоқнинг осмон остидаги очиқ майдон — «меҳмонхона»сида тунадик. Ўзга мусофирлар ҳам анчагина бор эди. Яна ўша ип калавот... Атрофда яна ўша «ғўнғир-ғўнғир»... Бошқаларга ҳалал беряпмизмикин, деган андишанинг йўқлиги бу кўча кўноқхонасининг асосий камчиликларидан бири эди...



*19 август, пайшанба*

Одатдагидай, олти яримда туриб, нонушта қилмай, сал дурустроқ, таъб тортадиганроқ жой учраб қолар, деган умидда, кун чиқишнинг ўнг ёнига қараб кетган йўлдан жўнадик. Ҳадемай, яна ям-яшил куюқ дарахтзорлар (улар ортида тоғлар) бошланди. Кечаги кўрганларимиз гиёҳсиз, Бобур таъбири билан айтганда, «паст-паст ва дурушт ва тошлиқ ва жангаллиқ» тоғлар эди.

Шаҳарсифат қишлоқ (бу юртда шаҳар билан қишлоқни фарқлаш чиндан-да мушкулроқ эди) бошланди. Майсазорда болалар давра қуриб ўтиришибди. Муаллим ўртада тик туриб дарс ўтяти. Мактаб экан-да. Мен «Жаноб-420» фильмидаги шундай манзарани эсладим, унда ҳарқалай болалар партасимон бир нарсада ўтиришганди...

Бугун уйдан чиққанимизга 28 кун — тўрт ҳафта бўлган эди. Сайфиддин ҳожи ака бизни синамоқчи бўлдими, жиддий туриб, икки ҳафта 15 кун, тўрт ҳафта— бир ой бўлади, деб, анча бошимизни қотирди.

Йўл қирғоғида гуж-гуж бўлиб ўсиб ётган, гулбарглари оч сафсар (биздаги гулхайрига ўхшаш) гулларнинг бизни ўзига жалб этиб, баҳсдан чалғитгани яхши бўлди. Лекин яна чапда энг баланд қоясигача ям-яшил дарахтзор бўлган тоғлар кўриниши билан Зокиржон ака Бобурнинг энг зўр табиатшунос олимларни ҳам лол қолдирган илми, қувваи ҳофизасининг кенглиги, синчков ва пухталиги, батафсиллиги ҳақида гап очди. Дарҳақиқат, Бобур Ҳиндистон табиати ҳақида ҳеч эринмай, атрофлича ва қизиқарли маълумот берар экан, жумладан, шундай деб ёзади:

**«ҲИНДУСТОН аввалги иқлимдин ва иккинчи иқлимдин ва учинчи иқлимдиндир. Тўртинчи иқлимдин Ҳиндистонда йўқдур. Ғариб мамлакате воқий бўлубтур. Бизнинг вилоятларга боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва сахроси мавозий ва вилойти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмгури ва ели борча ўзгача воқе бўлубтур»**, дейди ва санаганларининг ҳар бирини муфассал шарҳлаб, тасвирлаб, тушунтириб, шундоққина кўз олдингизга келтириб, онгингизга қўрғошиндай қуйиб қўяди...

Горхар деган қишлоққа яқин жойда тўхтадик. Манзара бениҳоя жозибадор эди. Қизғиш барглари улкан танасига нисбатан майда, тарвақайлаб ўсадиган дарахтни *пиер* дейишаркан. Ўзиям тагиданоқ шохлаб кетавераркан. Кўчанинг ярмини эгаллаб ётибди. Тўлқин ака пиер остида, табиат манзаралари фонида ўзимизни тасвирга олди, суратга тушдик.

Яна у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб кетяпмиз. Мавзуни кўпинча Сайфиддин ҳожи ака танлайди ё бирдан гап бошлаб юборади. У Сирдарёнинг номи қадимги грек тарихий манбаларида Яксарт, Амударёнинг Окус деб тилга олиниси, Аҳмад Яссавий Сирдарё бўйидаги Ясси қишлоғида (аслида, шаҳар) туғилганлиги, Ҳорун ар-Рашид давридан Бағдод шарқ мамлакатлари аро илмий марказ бўлиб қолгани ва бу тарихий воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотлари тўғрисида гапириб кетди.

— Бизнинг заминимизда буюк одамлар кўп туғилган, — деди Зокиржон ака катта ҳожи акани қувватларкан, куюниб, — лекин бари тумтарқай бўлиб, ўзга юртларда қолиб кетишган.

Аҳоли яшайдиган ҳудуддан чиқишимиз билан ям-яшил водий бошланарди. Атроф тоза, ҳаво мусаффо, нафас олиш енгил. Эрталабда шундай, сал кун исигач, нам ва ёқимсиз ҳарорат кучаяди. Лекин бизнинг «Тойота»миз ичи ҳамиша бирдай салқин. Мулоқот ва мунозаралардан гоҳо-гоҳо нохушроқ тутун иси келиб қоладию, аммо ҳайтовур тез тарқаб кетади...

Ажабо, дейман мен, манзарали, чиройли дарахтларга завқим келиб, мевали боғ-роғлар кўринмайдию, бозорларда мева сероб. Бошқа юртлардан келтирилармикин?

Бепоеъ далалар табиий ҳолича турар, ҳеч ким даҳл қилмас, яъни, бу ерларга экин экиладиганга ўхшамасди. Фақат, бу томонларда сув масаласи умуман чаток экан. Шарқираб оқаётган ариқлар кўринмасди. Ер бети эса ям-яшил. Чунки ер ости сизот сувлари яқин, чуқурроқ сайхонликларда ҳовуз-ҳовуз бўлиб турар, шиддат билан ёғадиган ёмғирлар қаёққа

оқишни, ўзини қаерга уришни билмай қоларди.

Сизот сувлари ер бетига тепчиб туришига қарамай, ичимлик сувини водопровод, кудуқлар ёрдамида 45 метр чуқурликдан олишаркан.

Калькуттага яқинлашганимиз сари бўй чўзиб бораётган тоғлар олди манзараси Арслонбобни эсга туширарди.

Чапдаги тоғлар кўзга яққолроқ ташланиб қолган жойда майда хунармандлар қишлоғига тўғри келдик. Кўлда ясаган ҳасса, ших, шунингдек, қилич, ҳанжар, пичоқ каби эсдалик буюмларини шундоққина уйлари олдига олиб чиқишиб махсус тахтакачларга териб қўйишибди.

Йўл давомида мен бир нарсага амин бўлдим: қишлоқларда ҳамма нима биландир машғул эди. Дехлидаги дарахтзорлар остида, кўприклар тагида чалмашиб ётганларни ўйлаб, ҳамма бекорчи-ишёқмаслар тиланиб бўлса ҳам кун ўтказармиз, деган мақсадда пойтахтга, катта шаҳарларга тўпланиб олишарди чоғи, деган фикр туғилди.

Шу куни соат ўн бир яримларда Шимолий Бенгалия ҳудудига ўтдик. Бенгалча ёзувлар бошланди. О, Токур жаҳоншумул асарларини ёзган улуғ ёзув, тил!

Бенгалияни Бангол, бенгал тилида Бангла ҳам дейишаркан. Ганг ва Брахмапутра дарёларининг куйи оқимида жойлашган бу юрт Ҳиндистоннинг тарихий вилоятларидан бири. Ёши ҳам анча қадимий, фақат илгари бошқа номларда бўлиб, X-XII асрлардан Бенгалия деб атала бошлаган. Унинг тарихи ва тақдири анча қизик: XII аср бошларида Дехли султонлигига қараган. XIV аср ўрталарида мустақил давлатга айланган. XVI аср охирларида эса уни бобурийлар (Акбаршоҳ) забт этиб, ўз салтанатига қўшиб олган. XVIII аср бошларида Бенгалия ҳудудида яна мустақил давлат вужудга келган бўлса, орадан кўп ўтмай, Англия уни ўзига тобе қилган. 1947 йили Ҳиндистон иккига бўлинганда, Бенгалия ҳам иккига бўлинади. Ҳинду бенгаллар кўп бўлган Ғарбий Бенгалия (маркази Калькутта) Ҳиндистонга, мусулмон бенгаллар яшайдиган шарқий Бенгалия Покистонга ўтган.

Қадимги санскрит ёзуви бир қадар ўзгарган шаклда бенгал алифбосида сақланиб қолган.

Бенгалия тараққиётга эришган вилоят сифатида эътироф этилади. Бунинг аломатлари йўлимизда ҳам сезилиб турибди. Қишлоқларда сарик, қора тутун бурқсаб чиқаётган мўрилар (қандайдир майда хусусий заводлар бўлса керак) тез-тез кўрина бошлади. Мўрконлар шу қадар пастки, тутун шундоқ ер бағирлаб атрофга таралаяпти. Одамларга, ям-яшил табиатга ачиндим, ҳайфим келди. Лекин, шунга қарамай сиз учун экзотика, афсонавий бўлиб туюлган нарсаларни, жойларни ўз кўзингиз билан кўрмоқ нақадар гаштли...

Машинада ёзиб кетаётганимни кўрган Зокиржон ака:

— Яхши қияпсиз. Ижодкорнинг қалами доим шай ва ҳаракатда бўлиши керак... Худо хоҳласа, Қашқарга карвон билан борганимизда, туянинг устида ҳам ёзиб кетасиз,-деди ва яна келажакда от, туялардан карвон ташкил қилиб, Буюк ипак йўли бўйлаб Қашқарга ўтиш борасида ўйлаб юрган режаларини гапириб берди.

Кичикроқ қишлоқ гузари олдидан тўхтадик. Кокос ёнғоғи сотишаётган экан, бир тилигини 1 рупийдан олиб едик. Чиндан ҳам ёнғоқ таъми бор эди. Олманинг килосини йигирма рупий дейди — 800 сўм-а? Пиёланинг оғзидай чепоти 1 рупий!..

Муссон ёмғирлари ёғиб ўтди. Озгина юргач, машинага солярка куйдираётганимизда ёмғир шунақа шиддат билан ёғдики, ваҳима бўлиб кетди. Хайриятки, ёмғир қанча шитоб бошланса, шунча тез тинарди. Мен ҳинд фильмларида куёш чиқиб туриб, бирдан жала куйиб юбориб, яна тезгина тиниб қолса, ҳайрон бўлардим. Ўзим гувоҳ бўлиб, ишондим.

Далалардаги, ҳатто шопипоялар ўртасидан ўсиб чиқаётган ёввойи дарахт кўчатларининг атрофини ҳам ғишт-тўр билан ихота қилинганини кўриб, оғзим очилиб қолди ва беихтиёр «отанга балли-ей», деб юбордим.

Атроф-манзара ҳамон яхши-ку, йўл носозланиб борарди... Бунинг устига, машиналар қатнови бирдан тиғизланиб кетди. Аксарият катта юк машиналарининг пешонасига «PERMIT» («Пермит») деб ёзиб олишганди. Бу—шахсий, яъни, хусусий дегани экан. Ҳайдовчилар пастда, ерда жуда мулойим, беозор кўринишади, бир нарса десанг бошини тебратишиб, кулиб туришаверади. Бироқ, рулга ўтирганда шер бўлиб кетишаркан. Шунақа

кўпол, бесаранжом юришадики, худди бир-бирларига ўчакишиб, ғазаб билан ҳайдашаётганга ўхшайди. На тартиб ва на қонун-қоидага амал қилишади. Аслида, тартиб-қонданнинг ўзи йўқ шекилли... Темир йўлдан ўтадиган жой ҳам ниҳоятда кўп экан. Ҳадеганда йўлимизни тўсиб темир йўл чиқаверади. Поезднинг қораси кўринмай йўлни тўсиб қўйишаркан, машиналар турнақатор бўлиб кетади. Бошқа жойларда ҳам кўча тор бўлгани учун биронта машина бузилиб, беш-ўн дақиқа тўхтаб қолса, яна машиналар тизилиб, ҳайдовчилар қийқириша бошлайди. Баъзан энсизроқ кўприклар устида шундай ҳолат юз беради. Йўлларни шиддат билан ёғадиган ёмғир, жалалар ўйиб юборса керак, ўнқир-чўнқир кўп, гоҳо пастдан — дала томондан айланиб ўтадиган жойлар чиқиб қоларди. Шу боис, йўлимиз унмай, ҳаммамиз хуноб бўла бошладик. Ахир, тўртинчи кунга кетяпти. Калькутта, қайдасан, деб, ҳануз етолмаймиз. Бобурийлар отда, пиёда оилаб-оилаб юришган бўлса керак, деб ўзимизга таскин берамиз.

Калькуттага яқинлашган сари аҳвол баттарлаша борди. Йўл тобора торайиб, қатнов тобора қалинлашарди. Яхшиямки, табиат жозибали, йўлнинг икки томонидаги дарахт шохларининг учлари бир-бирига киришиб, қапа бўлиб қолган — бундай жойлардан ўтиш жуда завқли ва гаштли эди.

Тушлик учун тўхтаганимизда соат икки, Калькуттагача яна 200 чақирим қолган эди. Соатига эллик чақиримдан юрсак ҳам кечки олтиларда етиб борамиз, деган умидда эдик. Шаҳар яқинига, остонасига келганда юриш шу қадар секинлашиб, қийинлашдики, пиёда юрган минг марта афзал эди! Қолаверса, машиналар бир-бирларини олға ундаб қисташ мақсадида тинмай чинқирар, орага сурбетларча суқилиб кирарди.

Хулласи калом, кеч соат тўққизларда Ганг дарёсининг тармоқларидан бири — Хугли дарёси кўпригидан ўтиб (шу темир кўприкни кўриб оламда, айниқса, Ҳиндистонда металл дегани беҳисоб нарса экан, деган хулосага келдим), ниҳоят, Калькуттага кириб бордик. Дарвоқе, ҳиндистонликлар «Калкатта» дейишаркан, чунки, таржимонимиз Аҳмадjonнинг айтишича, «кутта» қўшимчаси «кучук» деган маънони англатаркан. Лекин, на чора, бутун адабиётлардаю оммавий ахборот воситаларида «Калькутта» шакли қўлланилгани учун биз ҳам шу атамага кўникиб кетганмиз.

Калькутта... Одатда, катта шаҳарлар номини эшитган заҳотингиз, ўша жойнинг ўзига хос муҳим белгиси, фазилати ёки у ердан чиққан машҳур зотлар хаёлингиздан ўтади. Калькутта номини шарафга буркаган исмлардан бири Наргис хонимдир. Бекиёс латофат эгаси, XX аср ҳинд кино санъати осмонида чарақлаган ёрқин юлдузлардан бири бўлмиш Наргис хонимнинг асл исми Фотима Рашиддир. Унинг «Дайди», «Жаноб-420», «Уч денгиз оша саёҳат» каби бадиий фильмларда яратган образлари, айниқса, «Она Ҳиндистон» фильмидаги Радха сиймоси менимча ҳар бир ўзбек кино мухлиси қорачиқларида муҳрланиб қолган. Наргис 1972 йили Тошкентда бўлиб ўтган Осие ва Африка мамлакатлари кино фестивалида қатнашиш учун Ўзбекистонга келган ва у қатнашган фильмларни пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари алоҳида эъзоз, муҳаббат билан томоша қилишган. Ана шу воқеадан кейин Ўзбекистонда бирдан Наргис, Наргиза исмли қизалоқлар кўпайиб кетди. Жумладан, биз ҳам ўша йилнинг кеч кузида туғилган (у вақтда биз Тошкентда яшардик) тўнғич фарзандимизга шахси ва кинода яратган қаҳрамонлари ниҳоятда жозибали, оқила, самимий бўлган гўзал ҳинд актрисасига эътиқодимиз ва меҳру ҳурматимиз рамзи сифатида Наргиза исмини қўйганмиз...

Калькутта ҳам эски ва янги шаҳарлардан иборат экан. Етти-саккиз чақиримча масофани ярим соатлар чамасида босиб, тўққиз яримларда Эски шаҳарга етдик. Янги шаҳарни сўраган эдик, таксида ярим соатлик йўл, дейишди. Қатнов шу даражада тиғиз эдики, у ёққа тўрт, бу ёққа ҳам тўрт қатор юраётган машиналар тошбақадан ҳам секин, имиллаб ҳаракат қиларди. Уйдаи-уйдай юк машиналари, автобуслар қадам-бақадан жилишарди. Бир неча бор машинамиз орқасига тумшуғи билан туртишди ҳам, лекин ҳаракат сустлиги учун деярли шикаст топмади. Хуллас, ўттиз дақиқалик йўлни бир соату 45 минутда босиб, соат кечаси ўн бирдан 15 дақиқа ўтганда «AKASH GANGA» («Акаш Ганга») меҳмонхонаси олдида тўхтаб, чуқур нафас олдик.

Меҳмонхона кўнгилдагидай эди: шинам, озода, ҳамма нарса жойида, рангли

## АВРАНГЗЕБ ҚИЛИЧИ. “ОЛТИН СОПЛИ” ПИЧОҚ

20 август, жума

Кечкурун кино кўриб, душга тушиб, соат бирларда ётган эдим. Одатдагидай олти яримларда уйкуга қониқиб уйғондим. Ярим соатлардан кейин хонага қандли қахва, печенье, сўнгроқ ниҳоятда оби-тобида, иштаҳани очадиган қилиб қовурилган куймоқ, икки бўлак пардай юмшоқ булка-нон, кичкина қоғоз ўрамларида сарёғ, мураббо, помидор шарбати ва яна қандли чой олиб киришди. Ҳамхонам Аҳмаджон иккаламиз мана буни меҳмонхона деса, мана буни нонушта деса бўлади, деб, иштиёқ билан тамадди қилдик.

Меҳмонхонамиз рўпарасида, кўчанинг у бетида мўъжазгина истироҳат боғи (хиёбон) бўлиб, ундаги катта-катта хурмо дарахтлари бу ернинг ҳам Ҳиндистон худуди эканлигини эслатиб турарди. Ана шу хурмолардан бирининг остида ярим-яланғоч ётган маст бир кимса ошга тушган пашшадай одамни ижирғантирарди.

Боғда юрган қарғалар эса пўчок, чиқинди кўп бўлса-да, негадир ҳинд одамлари каби озгин, ихчам эди.

Калькуттада ҳаёт эрталабданоқ қайнай бошлаган эди. Бу ерда кокос ёнғоғи кўп экан: бамбукдан ясалган обкашга илиб олиб бозорга олиб кетишаётганлар тез-тез учраб туради.

Калькутталиклар (бу ерда асосан бенгаллар — аҳолининг учдан икки қисми, шунингдек, ҳиндистонийлар, орийлар, рожастонликлар, телугу, панжоблик ва бошқа миллат вакиллари яшайди) Ҳиндистоннинг бошқа вилоятларидагиларга қараганда буғдойранг, яъни оқроқ бўлишаркан.

Калькутта ҳақида яна шуларни айтиш мумкинки, аввало у Ҳиндистоннинг энг катта ва дунёга машхур шаҳарларидан, мамлакатнинг энг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири.

Калькутта нисбатан жуда ёш ва шунинг учун ҳам навқирон шаҳар. Унга 17-аср охирида Англиянинг «Ост-Индия» компанияси томонидан асос солинган. Шунинг учун ҳам меъморчилиги (кўчаларнинг тор, кўп қаватли биноларнинг кўплиги, деворларнинг қизғишлиги ва бошқа жиҳатлардан) оврупа шаҳарларини эслатади. Инглизларга қарши, Ҳиндистон мустақиллиги учун курашда калькутталикларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган.

Бу ердаги денгиз порти чет элларга юк чиқариш жиҳатидан мамлакатда биринчи ўринда, олиб келиш борасида эса Бомбейдан кейин, иккинчи ўринда туради. Калькуттада жут (ўсимлик толаси) ишлаб чиқариш саноатнинг асосий тармоғи ҳисобланади. Юзлаб жут корхоналари мавжуд. Шунингдек, металлсозлик, машинасозлик (саноат ускуналари, электр асбоблари), кемасозлик, автомобилсозлик, дастгоҳсозлик корхоналари бор. Бўёқлар, пластмасса ва резина буюмлари, кимё-дори-дармончилик, ип газлама, трикотаж, ойна, кўн, пойабзал ва куртка ишлаб чиқариш, полиграфия, озиқ-овқат саноатлари ривожланган.

Калькуттада илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ҳам кўп. Шулардан бири 1857 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган Калькутта университидир.

Биз университетнинг санскрит, инглиз, бенгал тили ва адабиёти куллиёти (факультети)га бордик. Куллиёт биноси олдидаги кўчада узундан-узоқ ноёб китоблар растаси бор экан. Зокиржон ака «Ҳиндистон Бобурийлар даврида», «Акбаршоҳ», «Аврангзеб» деган (инглиз тилида) китобларни сотиб олди.

Бу куллиётдан биз ўзимизга керакли одамларни тополмадик-да, ҳинд дўстларимиз маслаҳатига кўра тарих куллиётига борадиган бўлдик. Шу ерда ўқийдиган бир талаба бизни бошлаб боришга ваъда бериб, машинамизга чиқди. Кулиб турадиган, сергапгина йигит экан...

Ўзбекистонда, масалан Тошкент Давлат университетида, ҳатто вилоятлардаги олийгоҳларда ҳинд тили куллиётлари бор, жуда кўп ўрта мактабларда ҳинд тили ўқитилади, бинобарин, бизда ҳинд тилини билувчилар кўп (Мана, ҳамсафаримиз, таржимонимиз Аҳмаджоннинг ҳинд тилини яхши билишига ҳинд зиёлиларининг ўзи ҳам қойил қолиб, тан

беришяпти-ку). Ҳинд кўшиқларини марок билан тингламайдиган, кино фильмларини суюб томоша қилмайдиган ўзбек кам... Ҳиндистонда эса ўзбек тили тугул «ўзбек», «Ўзбекистон» деган сўзларни эшитгани ҳам жуда кам экан. Ажаб, нима учун Ҳиндистон Ўзбекистонда машхуру, Ўзбекистонни Ҳиндистонда яхши билишмайди? Ҳиндистоннинг бизда машхурлиги сабабларидан бири, асосийси, ҳеч шубҳасиз, бизнинг халқимиз таъби ва руҳиятига негадир ёқиб тушадиган фильмлари ва кўшиқлари. Хўш, ўзбек ва ҳинд халқлари руҳиятининг муштарак жиҳатлари кўп, дер эканмиз, нега бизнинг кино фильмларимизни ҳиндлар қизиқиб кўришмайди?.. Менимча, гап шундаки, бизнинг киночиларимиз фильм савияси мезонини сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг талқини билан ўлчаб, бу оммавий санъатга шу жиҳатдан ёндошадилар. Ҳинд фильмларининг етакчи мавзуи эса асосан оилавий-маиший муаммолардан иборат. Ижтимоий масалалар онг билан, маиший масалалар эса қалб билан боғлиқ ва ҳамоҳангдир. Бадиий фильмни севиб, қувиб кўрадиган омма — ёшлар учун эса онг муаммоларидан кўра қалб муаммолари яқинроқ ва қизиқарлироқдир... Албатта, бу — менинг хулосам. Қолаверса, менда яна шундай бир фикр туғилдики, бошқаларникини ибрат қилиб, кўз-кўзлайвермай, ўзингникини бошқаларга кўрсатишни ҳам ўйлаш, билиш керак шекилли...

Тарих куллиёти йўлида майда-майда гумбазчалари бор ажойиб бино кўрдик — атрофида темир хавозалар турибди. Мандир экан. Ростми, ёлғонми, талаба йигитнинг айтишича, у 1960 йилдан бери қурилмоқда экан.

Куллиётни топдик. Ислом тарихи ва маданияти бўлимида бўлдик. Бўлим бошлиғи (биздаги кафедра мудирига тўғри келади), профессор Банелжи, муаллим Анирут Харай ва бошқалар билан суҳбат қурдик. Ҳарқалай, улар бобурийларни билишаркан. Улар Ҳиндистондаги олийгоҳларда, жумладан, Калькутта университетиде бобурийлар тарихига катта ўрин ажратилмаслиги, йўқ-йўлакай маълумот бериб ўтилишини айтиб, таассуф билдиришди. Мана шуниси энди бизга анча малол келди. 330 йиллик тарихни ҳаққалаб, ҳатлаб ўтиб кетиш қандоқ бўларкин... Ахир инглиз олимлари ҳинд тарихининг бобурийлар даврини товуснинг тожиге ўхшатишган-ку. Жавоҳирлаъл Неру бобурийларга хайрихоҳлик билан қараган, уларнинг Ҳиндистон тарихи тараққиётига катта ҳисса қўшганликларини эътироф этган-ку.

Шу жиҳатдан, мезбон-профессорнинг «Сизларни экспедиция ташкил этишга нима мажбур қилди?» деган саволига (саволнинг ўзи илмоқлироқ, оҳанги нохушроқ туюлди шахсан менга) раҳбаримиз қойилмақом қилиб жавоб берди:

— Биринчидан, — деди у, — демак, Ҳиндистонда шунча ҳукмронлик қилиб, ажойиб обидалар қолдирган ва ҳинд тарихида зўр ижобий ишлар қилган бобурийларнинг асли-насли андижонлик эканлиги, демак, Бобур бизнинг бобомиз эканлигини бошқа халқларга, шу жумладан ҳиндистонликларга маълум қилиш, иккинчидан, билмаганларга бобурийларнинг мўғул эмас, ўзбеклигини уқдириб қўйиш, демак, учинчидан, мустақил Ўзбекистон давлатини дунёга танитишга баҳоли қудрат, ўз йўлимиз ва касбимиз билан ҳисса қўшиш, мамлакатимиз истиклолни дўсту нодўстларга суюнчилаш каби эзгу мақсадларда ташкил этилди бизнинг экспедициямиз...

Шаҳар айландик. Катта бир бино олдидаги хиёбонда митингга ўхшаш бир маросим бўлмоқда эди. Қизиксак, Хутпал Дат деган артист вафот этган экан. Анча таниқли ва севиқли санъаткор бўлган чамаси, ёки бекорчиларнинг кўплигиданми, видолашувга келаётганларнинг охири кўринмайди. Бир вақтлар Москвадаги мавзолейга кирувчилар сафи шундай узун бўларди.

Виктория музейи олдидаги каттакон яланглик ўртасида «Ҳиндистон отаси» Махатма Гандининг ҳайкали турарди. Бу камтарин даҳо бутун Ҳиндистонни пиёда кезиб чиққан, деган гаплар бор. Ҳайкалда мана шу фидоийлик ва ҳоқисорлик акс этган: қўлида асо — таёқ тутган, қадди ихчамгина М. Ганди юпун ва ялангоёқ, пиёда юравери толиққанидан бир оз букчайиб келаётган маҳали эди.

Яланглик билан туташ хиёбонлар ям-яшил, ҳовузлар зангори, хуллас, кўзни яшнатадиган, дилни ёшартирадиган манзарали жойлар эди. Шу ерда биз ғарблик деб ўйлаган дарозгина, оппоқ баданли, сочлари олтинранг бир аёл жилмайиб келиб биз билан рус тилида

сўрашиб қолди. У москвалик бўлиб, ёнидаги ҳамроҳи — америкалик хоним, ёшроқ йигит эса ўғли экан. У бизни учратиб қолганидан суюниб кетганини изҳор этди. Чиндан ҳам бу самимий аёлнинг чеҳраси нурафшон, мовий кўзлари чарақларди. У бизнинг кимлигимиз, қандай мақсадларда келганимиз билан қизикди. Ўз тилида ўғлидан бошқа гаплашадиган одам йўқлигидан унинг юраги анча қисилган экан. Эҳ мусофирчилик!

Оқ мрамардан гумбаз қилиб тикланган музей ниҳоятда маҳобатли эди. Айтишларича, бу мрамарлар бобурийлар томонидан қурилган обидалар, хиёбонлар, жумладан, Деҳлидаги Лаъл қалъа айвонлари полига ва йўлакларига тўшалган мрамарлар экан. Уларни инглизлар кўпориб олиб келишган.

Кираверишдаги катта залнинг ўнг томон деворларини инглиз саркардалари, зобитлари ва Англия қироличаси Виктория, унинг яқинлари сиймоси акс эттирилган улкан суратлар безаб турарди.

Чапдаги залга қўйилган узун, катта ойнали витриналар ичида эски араб алифбосидаги ноёб қўлёзмалар — Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Абу Фазлнинг «Акбарнома»си шунингдек, Шайх Саъдий, Амир Хисрав Деҳлавий ва бошқа улуғ алломалар асарларининг қўлёзмалари мавжуд эди. Йигирма тўрт кишидан иборат бир сурат шарҳида «мўғул императорлари» дейилган эди, энг юқорида Бобур Мирзо турибди. Бу бебаҳо сурат 1904 йили Б. С. Махтоб исмли рассом томонидан чизилган экан.

Ўтмишда ҳам қилич, милтиқ ва бошқа қурол-аслаҳа турларининг шу қадар кўп бўлганлигини мана шу музейда кўрдим. Улар орасида Аврангзебнинг Бенгалия навобига совға қилган қиличи ҳам бор эди.

Бу совуқ ва ваҳимали қурол қанчаларга даҳшат солган-а? Ҳатто, соҳибининг энг яқин жигарларига ўқталган. Шу қилични кўриш учун уч ярим кун йўл босиб келдикми?

Инглизлар томонидан бобурийларнинг ўлмас обидаларига таассуб қилиб қурилган (менинг наздимда) бу улкан иншоот — мозийгоҳнинг ўн бешта зали бор экан. Уларнинг ҳаммаси катта, кенг хоналар бўлиб, Ҳиндистоннинг олис ва яқин ўтмиши, тарихини, табиатини гавдалантирувчи ашёлар, суратлар билан тўла эди.

Виктория музейи билан «Ҳиндистон музейи»нинг ораси унча узоқ эмас эди. Буни соф тарих ва табиат мозийгоҳи, дейиш мумкин эди. Бир бўлимнинг энг катта бойлиги бобурийлар — Жаҳонгир, Шох Жаҳон, Аврангзеб, Шох Аълам II, Баҳодиршоҳлар даврида зарб этилган тангалар, пуллар эди. Яна бир бўлимдаги қотирилган паррандалар, қушларнинг саноғига етиб бўлмайди. Ҳайвонот бўлими ҳам ундан қолишмайди. Эрамиздан аввалги ва эрамизнинг турли даврларига оид минерал тошлар... Хуллас, музей мулкининг мавзуи торроғу мазмуни бой эди.

Мен Тошкентнинг Эски жўва даҳасидаги зоология мозийгоҳи, Андижондаги ўлкашунослик музейининг ёниб кетганини эслаб ниҳоятда ачиндим. Ҳарқалай, йўқдан кўра бор эди-да.

Музейдан чикқач, бир нарсага ҳайрон бўлдим. Калькутта университети профессоридан: мозийгоҳлардан бирида Бобур қиличи бор, деб эшитувдик, қай бирида бўларкин, дея ўсмоқчилаб сўраганимизда, улар ҳеч иккиланмай, Ҳиндистон музейида, Виктория музейида аҳамиятли нарса йўқ, уни кўрмасанглар ҳам бўлаверади, дегандай шаъма қилишувди. Ҳолбуки, ҳамма қурол-яроғ Виктория музейида, Ҳиндистон музейида битта пичоқ ҳам йўқ экан. Наҳотки жаноб профессорлар музейларга киришмаган бўлса? Ё, Виктория мозийгоҳини инглизлар қургани, унинг салобатли ва ниҳоятда бой бўлгани учун бизга тавсия қилишни лозим кўришмадимикин?

Музей яқинида ресторан бор экан, раҳбаримизнинг ҳиммати ва саховати жўшиб, юринглари йигитлар, тушлик бўлиб қолди, бир маза қилиб овқатланайлик, деб ўша томонга бошлади. Ресторанлар ҳамма юртларда ҳам бир-бирига ўхшайди. Фақат овқатларида фарқ бўлади. Калькутта ресторани ҳам жуда гавжум, озода эди. Бундай жойда табиатинг равшан, иштаҳанг баланд бўлиб кетади. Маставасимон суюқ овқат, қайласи ва хамири алоҳида лағмон (агар шундай аташ мумкин бўлса) мазали, боз устига, тўйимли эди...

Тушликдан кейин бир бозор-мозорларини куриб қўйишга ижозат бўлди. Нарсалар бисёр ва ҳаммаси чиройли кўринади, қараб кўзинг тинади. Лекин, ҳаммаси яхшига ўхшайдию,

биронта нарсани дадил танлай олмайсан (бичими ё бошқа жиҳати ғалатирок туюлаверади) ва ниҳоятда қиммат. Масалан, битта кўйлак 250—280 рупий!.. Бунинг устига атиги бир соат вақт ажратилган. Энг азоби нархини келишиш... «Рупий?..» деб сўрайсиз. Сотувчи айтади. Турган гапки, тушунмайсиз. Бир зум карахт бўлиб турасиз ва «қоғозга ёзиб кўрсат», дегандай имо-ишора қиласиз. У ёзади: 300 рупий деб. Энди савдолашиш керак. Сиз бош-бош қилиб, қоғозга. 200 рақамини қайд этасиз. Сотувчи мулойим табассум билан бошини сарак-сарак қилади ва 280 ни битади, сиз — 220 ни, ва «ғалат ўйин» иккала томон ўзаро битимга келгунча давом этади. «Таржимон қани, таржимон?» дерсиз. Ахир унинг ҳам ўз савдоси бўлади-ку, қолаверса етти кишига тилмочлик, воситачилик қилиб улгурмайди-ку.

Алқисса, югуриб юриб, совға учун бир неча электрон соат (эркак ва аёлларники) ва ўзимга 1300 рупийга жигарранг чарм куртка олдим. Ўзиям, харидорга ёпишиб олишаркан. «Сқолқо?» («Қанча берасан?» деган маънода) ва яна бир нечта русча сўзни ўрганиб олишибди, сал сўраб кўйсангиз, тамом, бикинингизга кириб олиб, ҳоли-жонингизга кўйишмайди. Охири, эҳ шуни олсам кутуламанми бу хира пашшадан, деб юборасиз.

Шу ерда қизикроқ бир иш бўлди. Бояги бизни кузатиб келган талаба автобусда қолувди — Обиджон ака билан, бозордан чиқсак, йўқ. Бирдан Сайфиддин ҳожи ака «пичоғим, пичоғим...»лаб қолди.

— Қанақа пичоқ эди? — сўрадик.

— Яхши пичоқ эди, — деди ҳожи ака ачиниш билан.

— Сопи қанақа эди? — ўсмоқчилади кимдир ҳазиллашиб...

Толиби илм пичокни куриб жуда қизикқан ва менга сотмайсизми, деб анча тихирлик қилган экан. Ҳожи ака: «Э, эсинг жойидами, бу совға пичоқ, сотилмайди», деб жойига солиб қўйган экан.

Ана шу «музокара»дан келиб чиқиб, бояқишнинг чиндан ҳам ҳожи аканинг пичоғига ишқи қаттиқ тушиб қолган экану, бошқа чора тополмабди, деган хулосага келдик ва Сайфиддин акага, бўпти энди, бош-кўзингиздан садақа, иккинчи бировга пичоғингизни кўрсатиб мақтанмайдиган бўпсиз, деб таскин беришга ҳаракат қилдик.

Қоронғи тушганда меҳмонхонага қайтаётган эдик, катта бир чорраҳада митингга дуч келдик. Тумонат одам йиғилган. Нима гап, десак, бугун Ражив Ганди (Индира Гандининг ўғли, Ҳиндистоннинг Нарасимха Раодан олдинги Бош Вазири) туғилган куни, шу муносабат билан бу кун дўстлик ва биродарлик санаси, деб эълон қилинган экан.

## ҲИНД СУВ ПАРИЛАРИ

*21 август, шанба*

Соат саккизларда «Ҳайдаробод, қайдасан?» деб жўнадик. Гўзал хиёбонлар, истироҳат боғлари, узун ва йўғон сочларини битта қилиб орқасига ташлаб олган бенгал қизлари ва жувонлари орқада қола бошлади.

Биз энди камон ўқидай ўткир бурчак ясаб (Агра—Калькутта—Ҳайдаробод) ,

Ҳиндистоннинг жануби-ғарб бурчаги томон кетмоқда эдик.

Шаҳардан чиқаверишдаги «Бомбей-Руд» кўприги ниҳоятда ўзига хос, кўп тармоқли эди. Лабиринтсимон. Шакли-шамойили жиҳатидан бунга ўхшайдиган кўприк дунёда бошқа бўлмаса керак. Бу кўприкка кетган маблағга кичикроқ бир шаҳарча қуриш мумкин эди, деб ўйладим. Адашиб, ярим соатча шу кўприкдан чиқиб кетолмай юрдик.

Менинг кўз олдимга йўллардаги кўприк қурилишларида бошида бетон ташиётган аёллар келди. Наҳотки мана бу поёни йўқ кўприкка кетган ҳисоби йўқ бетон-қоришма ҳам ҳинд аёлларининг захматкаш бошидаги тоғорачаларда ташиб чиқилган бўлса?

Кўприкдан ўтиб, ҳеч қанча юрмай, бир кишлокқа етдик. Йўлимизда ёнилғи ташувчи машиналар қаторлашиб тўхтаб турарди. Митинг бўляпти. Ҳайдовчилар иш ташлашибди... Аста юриб ўтиб кетдик.

Беш-олти чақиримдан кейин кокосчиларга дуч келдик. Бу қанғил ярим яланғоч одамлар

(белида фақат лунгиси бор холос) кокосни машинадан тушириб, йўлдан пастроқдаги эски бино олдиға ташишарди. Атрофда кокос чиқиндилари (маккажўхори соқолиға ўхшаган) хирмон-хирмон бўлиб уюлиб ётибди. Шу жойда тўхтадик. Сабаби олдимизда яна машиналар турна қатор бўлиб турарди. Анча кутдик. Машиналар силжийвермагач, Аҳмаджон олдинга бориб хабар топиб келди: кечаси Бугли деган жойда миллий конгресс партиясининг уч раҳбарига суиқасд уюштирилибди. Иккитаси ўлибди, биттаси ярадор бўлибди. Қотиллар қидирилмоқда экан. Шунинг учун йўлни тўсиб қўйишибди. Кўчанинг ўнг қирғоғидан қийинчилик билан ўтиб бордик. Аҳмаджон бакириб-чакириб юрган полисменлар бошлиғига: Мен Дехлиданман, булар чет элликлар, визалари муддати тугаяпти, кеч қолишса ҳукуматимиз катта жаримаға тушади, деган эди, соддадил ва ишонувчан одамлар-да, бизни ўтказиб юборишди. Йўлда пиёдалар, велосипедчилар, рикшачилар кўп эди (рўпарамиздан келадиган машиналар ҳам тўхтатилган, орада қолган йўл ниҳоятда тор эди), имиллаб юравериб, нафасларимиз қайтиб кетай деди.

Кеча Калькуттада ҳам учта қотиллик юз берган экан. Тавба, воқеа содир бўлган жойда ҳеч гап йўқ, бари ваҳимаси, акс-садоси бу ёқда бўляпти.

Ниҳоят, эркинликка чиқиб кетдик. Яна шолизор, бамбукзор, бананзорлар бошланди. Бундай гўзал манзаралардан кўз юмиб, мудраб кетмоқлик гумроҳликдир.

Ҳаво бирдан айнидию ёмғир шаррос қуйиб юборди. Ипақдай майин ва лекин ўқдай шиддатли. Бу ёмғирдан қочиб улгуриб, қутулиб бўлмас эди. Балки шунинг учундир, шоли ўтаётганлар парво қилмай (улар қочадиган пана жой ҳам йўқ), ўз ишларида хотиржам давом этишарди. Ўзиям кун тигини еб, жизганак бўлиб, терлаб турган орқаларига ёмғир тушганида қозондаги сув аралаш ёғдай чисирлаб кетса керак.

Харакпур шаҳрига яқинлашяпмиз. Аҳён-аҳёнда нилуфарли кўллар учраб қолмоқда. Бир карьерда шағал машиналарга қўл билан, белкуракда юкланяпти. Во, азаматлар-ей... Юк ортувчи техника йўқмикин ё танқисмикин?

Бу ёқдаги қишлоқ аёллари ҳам биздаги каби ўзларига унча қарашмас экан. Бунга бечораларнинг вақти ҳам, имкониятлари ҳам йўқ-да. Шолизорда ҳам, қурилишларда ҳам аксарият аёллар, қизлар бўлса...

Бир жойда, ёмғирда шамсия тутиб шоли ўтаётганларни кўриб, роса ҳайратландик ва қойил қолдик. Мана буни чинакам фидойилик, заҳматкашлик деса арзийди.

Катта мамлакатнинг юки ҳам катта, оғир бўлади-да. Йўлда юк машиналарининг шунақа тикинига тўғри келдикки, битта йўлдан шунча машина юришини тасаввур қилиш қийин. У томонга ҳам, бу томонга ҳам шунақа тизилганки, орага битта одам сиғмайди. Камида икки чақирим йўл шунақа. Рулда Зокиржон ака эди. Унинг тавакқалчилиги, дадиллиги билан ярим соатларда «қопқоқ»дан чиқиб кетдик. Ҳайдовчиларнинг (улар божхонага бож тўлаш учун навбатда турганлар эди) айтишича, эрталаб соат олтида келганлар бор экан...

Катта Биатри кўпригидан тунда, юлдузлар дарё сатҳида мавжланиб ўйнаётган маҳалда ўтдик. Соат тунги ўн икки яримда Буху Банишвар шаҳрига етиб бориб, «Натраж» меҳмонхонасида тунадик.

Денгиз яқинлашаётгани учун ҳаво анча салқин эди. Дарвоқе, бугун бир палов қилиб ейлик, деб, йўл бўйи сабзи («гажир» дейишаркан) қидирдик, йўқ. Бир шаҳарчада Каттақўрғон (Крим) навига ўхшаш, лекин кўкишроқ ва қизил, думалоқ узумлар кўрдик. «Ангур» дейишаркан, демак, форсийдан ўтган.

## 22 август, якшанба

Мана, сафарга чиққанимизга бир ойдан ошди. Ҳаммининг дилида ватанга тезроқ қайтсак, деган ният ғимирлаб қолган...

Эрталаб Бенгал кўрфази томондан шабада эсаётган эди, танамиз бирам яйрамоқда.

Йўлга чиқиб, озгина юргач, кўча бўйидаги бозорчадан гажир топдик. Килоси 12 рупий!

Денгиз яқинлиги бу ердаги балиқ бозоридан, ҳаммаёқни тутиб кетган балиқ ҳидидан ҳам билиниб турарди. Оқиш зоғора балиқлар. Майда кивиретка («пиво билан жа кетади» дейди Тўлқин ака), қоғоздай юпқа камбала, ундан сал қалинроқ — шапалоқдай балиқлар.



Кап-катта кишилар фақат бир шортик-калта иштонда, астойдил чордона куриб ўтирганча, балиқ савдоси ила машғул эдилар. Уларнинг қорни, кўкраги, елкалари, ҳатто айтиш ножийиз жойларигача кўриниб, балиқ тангалари ёпишиб йилтиллаб турарди.

Анча жойгача балиқ ҳиди димоғимиздан кетмади.

Бир манзарага кўз энди кўникканда яна бирдан бошқача бир гўзал манзара намоён бўлади. Киприк қоқмай томоша қилгинг келади. Дафтар қоралаш билан бирпас андармон бўлсам, шериклардан бири: э, зўр нарса ўтиб кетди-да, кўрмай қолдингиз, деб чалғитади. Қишлоқ ўртасидаги атрофи палма ва бошқа ҳинд диёрига хос чиройли дарахтлар билан ўралган ложувард сувли кўл бўйида тўхтадик (Пури йўлида). Кўлнинг ҳар жой-ҳар жойида гўё доналаб экилгандай оралиқлари бир хилда, чиройли очилиб турган пушти гуллар одамнинг завқини келтиради. Мен аввалига уларни Виктория-региямикин, деб ўйладим. Яқинроқдан кузатсам, оддий сув нилуфарлари экан.

Кўлда яна бошқа ажойиб «нилуфарлар» ҳам бор эди—улар қирғоққа яқин жойда чўмилаётган олти нафар бенгал аёллари эди. Уларнинг эғнида яшил, қизил, пушти рангли, шаффоф сарийлар бўлиб, нақ энг зўр ўрис шоирлари — Пушкин, Лермонтовларнинг шеъру дostonларига ишланган суратдаги сув париларини эслатишарди. Юзлари одатдагидай қорамағиз бўлса-да, куёш нурида, зангори сув ва сарийлардан қайтаётган ранглар шуъласида жуда ҳам ёқимли тус олган эди. Бир-иккита оқ баданлилари ҳам бор эди. Кино ва телетасвирчиларимиз бундай гўзал лавҳага дуч келиб қолганларидан ўзида йўқ, камераларини тўғрилаб, гўё ўлжасини таъкиб қилаётган овчилардай, оҳиста-оҳиста яқинлашиб боришарди. Сув парилари ҳинд аёлларига хос навозиш билан, уялгансимон жилмайишиб, айни вақтда ҳайронлик билан бизга қарашаркан, сарийларининг узун бари сувини сиқишиб, яланғоч елкасига ўрашиб, томоқлари остини тўсишар, ҳовучларида сув олишарди-да, бўйниларидан, елкаларидан куйишиб ўйнашар ва сассизгина кулишарди. Уларнинг ҳолатида аёл зотига хос қизиқиш (фото, кинога), виқор ва ўзини кўз-кўзлаш маъноси ҳам йўқ эмас эди.

Бир зумда қаёқдандир пайдо бўлган болалар бизни ўраб олишди.

Биз ҳамон бир-бир босиб, ҳавотир ва қизиқиш билан олға қараб талпинмоқда эдик. Таржимонимиз: аёлларга яқин борманглар, одобдан эмас, маҳаллий эркаклар билан ёғжиллашиб юрмайлик, дея огоҳлантиргач, тўхтадик.

— Ҳа, боридан ҳам маҳрум бўлиб қолмайлик, - деди кимдир ҳазиллашиб...

Болалар сафига каттароқ ўспиринлар ҳам келиб қўшила бошлагач, “эстафета”ни уларга бериб, қайтдик...

Шундан кейин, табиат манзаралари янада гўзаллашиб, кокос ёнғоқзори, палмазорлар қуюқлашиб кетди.

Аёллар кўримсиз жойда эҳтирос ҳам сусайиб кетади. Албатта, ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига. Чунки кўз ҳам, дид ҳам кўриб юрилганига ўрганади, мослашади. Ахир, инсон ҳамма нарсага кўникади, кўникашга мажбур — бу ҳаётнинг энг дахштли, бешафқат қонуни, энг аччиқ ва аламли ҳақиқатлар... Эҳтимол қорамағиз одамларга оқ юзли аёллар ғалати, рангсиз туюлар, лекин биз бу ерда оқ баданли аёлларни учратсак, худди ўзимизнинг аёлларни кўргандек бўлардик.

Дарё ирмоқлари, каналлар, кўллар, очиқ сув ҳавзалари, сув босган жойларга тез-тез йўлиқа бошладик. Намликнинг ортаётгани ҳам денгиз яқинлашаётганидан дарак берарди.

Хурмо ва кокос ёнғоғи, банан ва ананас дарахтлари (меваси эмас, албатта) бир-бирига ғоят ўхшаш бўлиб, кўз ўргангандагина уларни аниқ фарқлаш мумкин экан.

Пастаккина томи ҳашак қамиш билан ёпилган кулбалар аввалги асрларни эслатади. Бостирмасимон, уч тарафи ҳашак билан ўралган, олди томони очиқ чайлалар менга ниҳоятда эриш туюларди. Чайла атрофларида анча катта бўлиб қолган болалар қип-яланғоч югуриб юришарди. Аммо шуниси ажабтоворки, ана шу қамиш бошпананинг ёнида икки қаватли, маҳобатли уйлар бўлиб, уларнинг балкон-айвонларида пўрим жаноблар, хонимлар ўтиришарди. Ҳиндистонда умуман бойлар билан қашшоқлар ажралиб туришар, улар орасидаги зидма-зидлик мана-ман деб бўртиб кўринарди. Ўртаҳоллар эса умумий оломонга сингиб кетгани ва қўпчиликни ташкил этгани учун кўзга унча ташланмас эдилар.

Хонадонлар, маҳаллалардан ўтилгач, яна ўрмонзор, тўқайзор, сув кўлмак бўлиб ётган ерлар бошланади. Зах хиди анқийди. Ўрмонлардан ўтин ташиётган қангил эркаклар, чандир аёллар беихтиёр халқ эртақларини эслатиб юборади.

Ҳиндларнинг сигирларни ниҳоятда ҳафсала билан ювиб-тозалашларини кўриб, бу ҳам ана шу жониворни муқаддас ҳисоблашганидан, деган хулосага келдик.

Ниҳоят денгиз, бешик-бешик тўлқинлар кўрина бошлади. Шундоқ ўнг ёнимизда Бенгал кўрфазининг нафаси уфурмоқда. Чап тарафимизда денгизга қуюлаётган, қуюлишга шай дарё ирмоқлари.

## МУҲАББАТ ҚАСРИ ЭМИШ...

Пури шаҳридан яна ўткир бурчак ясаб, орқага шарки-жануб томонга қайтдик. Озгина юрганимиздан кейин маҳалла тугаб, йўлнинг икки томонида дарахтлари сийрақроқ ўрмон-тўқайзор бошланди. Қуруқликдан кўра сув босиб кўллаб ётган ерлар кўп — бу денгиз яқинлигининг аломати эди. 20 чақиримча юриб, Канарка деган манзилга бордик — «Муҳаббат эҳром» («Храм любви»)ни кўриш учун. Эҳром каттагина кўрғон ичидаги яшил хиёбон ўртасида қад кўтарган эди. Буни иншоот дейиладими, ёдгорликми, обидами — нима бало дейишга ҳам ҳайронман. Ҳарқалай, тарғиб ва ташвиқ қилиш, завқ билан гапириш ва тасвирлаш ноқулай ва ножойиз бўлган бир томоша-жой экан. Эҳтимол, бу кимларнидир назарида («эҳром» эрамиздан анча аввал, бутпарастлар томонидан «ижод этилган», дейишди) санъат тимсолидир, лекин у менга ахлоқсизлик, ҳаёсизлик тимсоли бўлиб кўринди. Аммо ниҳоятда катта, дўзахи меҳнат кетганлиги аён. Бир неча юз йил давомида тиклангандир бу «обида»!

Беҳисоб, катта-кичик тош ҳайкаллар, ҳайкалчалар ва уларда акс этирилган мавзуни — тилга ҳам олиб бўлмайдиган беибо ҳолатларни бутпарастлар муҳаббат деб аташган, мен эсам «муҳаббат» сўзини ҳайф билдим. Йўқ, бу муҳаббат эмас!..

Билмадим, камида тўрт қаватли бино баландлигидаги (энию бўйи бунақа бинонинг бир нечасига тенг келади) мазкур «қаср» тоши яхлитми, аввалдан шу ерда бўлганми (ундай десак, бу яқин-атрофда бунақа тош, умуман тоғ ҳам йўқ, ахир битта катта тош ё қоянинг ўзи бўлмайдими-ку) ё бошқа жойдан келтирилганмикин? Улкан қоядай бунча катта тошни қандай олиб келинган бўлиши мумкин? Ҳайкаллар мана шу қоя тошнинг ўзига ўйлаб ишланганмикин? Ё бўлак-бўлак, плитасимон қилиб тарашланган тошларга ҳайкаллар ишлангач, тиклаб бирлаштирилган, чокланганмикин?.. Мен бундан беш минг йиллар муқаддам Ливия саҳроларида, юмшоқ ва қайноқ кум барханлари узра қад кўтарган Миср эҳромларини эсладим. Геродот ва бошқа тарихчиларнинг ёзишича, Хеопс пирамидасини тиклашга кетган ҳар бири икки тонналик икки миллион уч юз мингта тош плитани Нил дарёси соҳилидан оқ ганчдан қурилган йўл орқали махсус ёғоч қурилмалар ёрдамида жилдириб-жилдириб олиб келишган. Баландлиги тўққиз метр бўлган бу плиталар пирамиданинг юқори қисмига тупроқ-тепалар ясаиб олиб чиқилган (Одамзотнинг қўлидан нима ишлар келмайди-я!). Балки манави «эҳром» ҳам шу тариқа тиклангандир... Хўп, бу-ку масаланинг бир томони, масаланинг энг муҳими ва жумбоқли томони бор-да, Миср эҳромларини-ку минг-минглаб қуллар бунёд этишган, дейлик, ахир, бу тош ҳайкал ва ҳайкалчаларни, улар нечоғлик беҳаё, бешарм бўлмасин, қуллар, оддий одамлар яратолмайди-ку. Уларни фақат уста ҳайкалтарош, сангтарошларгина ижод қилиши мумкин-ку. Наҳотки бир даврда шунча кўп ҳайкалтарош (ахир у бир неча юзлаб тош усталарини қаритган бўлиши керак) яшаган бўлса?.. Ҳаммасидан ҳам, бундай уятсиз, ахлоқсизлик ифодаланган «санъат» асари кимларга, нима учун керак булувдийкин? Миср фиръавнлари ўз куч-қудратини, беҳисоб бойлиги ва нималарга қодирлигини намоёиш этмоқ учун улкан иншоотлар қурдиришган. Хўш, манави «обида»чи?.. Унинг ҳомийлари, «ижодкорлари» қандай инсонлар бўлган?..

Эҳромга кираверишдаги узун йўлакда ўспирин болалар ушбу тош обида кўринишлари рангли суратларда берилган маълумотнома-китобчалар сотиб юришувди. Ана шу

китобчаларда эҳром тарихи битилган бўлиши мумкин эди, лекин биз уларни сотиб олишни ўзимизга эп кўрмадик. Қомусларда, шу каби эҳромлар, кўп минг йиллик тош обидалар тўғрисидаги манбалар, катта-катта китобларда эса бу «қаср» ҳақида маълумот учратмадим. Тош «асар»лар тўғрисидаги баъзи тадқиқотларда, саёхатномаларда Ганг водийсининг қадимий обидалари — Ажанта ва Эллора, Хулабиддаги минглаб филлар ҳайкаллари ишланган эҳром борасида сўз юритиладию, Ҳиндистоннинг олис бир бурчидаги «Муҳаббат эҳроми» эътибордан четда қолади чоғи. Балки уни тилга олишдан ҳазар қилишар...

Албатта, тош қаср ёнларида суворийлар, будда маъбудаларининг ҳайкаллари ҳам бор, лекин кам. Мен «Тошдаги дoston» деган ҳинд бадий фильмининг айрим лавҳалари шу ерда суратга олинганмикин, деган хаёлга ҳам бордим, лекин дарҳол фикримдан қайтдим. Ахир, ошиқ лабини маҳбуба юзига теккизишни номуссизлик деб билган ҳинд киночилари гўзал актрисаларини шу ерга олиб келиб, ғайри ибо манзараларни томоша қилдириб кўйишни лозим кўрмасалар керак. Лекин, афсуски, ҳиндларнинг жаҳон халқлари, киночилари, артистлари учун юксак ахлоқ-одоб, маданият ибрати бўлмиш у муқаддас удум, анъаналари кейинги пайтларда бузилиб кетди...

Эҳтимол, эҳромни яратишга фармон ва маблағ берганлар, унинг ижодкорлари ичи айвони, саҳни, эшик-дерасаси йўқ тош қасрга, ундаги ҳайкалчаларга ўзларининг фалсафий хулосаларини, эътиқодларини сингдиришгандир. Эҳтимол, бу — ҳаёт, инсон зоти лаззатланадиган ва наслини, инсониятни давом эттирадиган табиий эҳтиёж, зарурат, бош омил — шу... демокчи бўлишгандир?

Дарвоқе, диққат билан қарасангиз, эҳром улкан арава тарзида тикланган эди: икки ёнда катта ғилдирақлар акс эттирилган, олдинда эса бир жуфт фил ва уларнинг устида... яна бир жуфт филдан ҳам зўрроқ маҳлуқ гўё аравани (ҳаёт, муҳаббат аравасини) тортиб кетмоқда. Асосий «қаср»нинг олди ва орқа томонларида, ёнбош тарафларида, хиёбон четроқларида яна бошқа кичикроқ тош эркак-аёллар “ўша иш” билан машғул эди.

Эҳромнинг таг-асоси, яхлит ҳолати чор қиррали бўлиб, энига нисбатан бўйи анча узун, юқорига поғонасимон кўтарилган сари кичрайиб, торайиб борадиган тўғри бурчакли пирамида шаклида. Энг тепа—минор атрофидаги маъбудаларнинг ҳайкаллари янада ҳафсала ва “меҳр” билан ишланган эди.

Шиддат билан ёғадиган муссон ёмғирлари, кўп асрлик шамоллару жазирама иссиқлар таъсирида тош емирилиб, нураб чатнаган, баъзи ҳайкалларнинг кўли, оёғи ё бошқа бир аъзоси синиб тушган, айримларининг боши ё танасининг ярми йўқ эди.

Бизга ахлоқийликка зид суратлар, видео тасвирлар ғарбдан кириб келди деб, оврупадан ўпкалаб, ёзғириб юриб эдик. Мана бу қасрни кўргач, ҳайрон бўлиб, иккиланиб қолдим. Демак, Шарқ... бу “босқичлар”дан аллақачонлар ўтган экан-да... «Ўрта асрларда жозибадорлик, нозу карашма санъати бобида ҳинд аёллари фаранг аёлларига сабоқ беришган», деган гапни шу ерда эшитдим. Дарҳақиқат, ҳинд бадий фильмларида бош ролларда ўйнайдиган гўзал актрисаларнинг ўз ошиқларига қилган истиғноларини нозу фироқлари, бармоқлари, лаблари, қошу киприкларининг кўп маъноли, илкис ҳаракатларини кўз олдингизга бир келтиринг-а...

Ҳиндистоннинг марказий шаҳарларидан жуда узоқ бўлишига қарамай, бу ерга сайёҳлар кўп келишаркан. Автобусларда, енгил машиналарда... Эркагу аёл, ўспиринлар, йигитлар, бўйига етган қизлар, болалар... Оила-оила бўлиб юришибди (ота-она ўғил-қизлари билан), улар эҳром атрофини оҳиста айланиб, ҳайкалчаларни завқ билан томоша қилишар, шавқ билан бир-бирига тушунтиришар, изоҳ беришарди.

Ҳарқалай, бу жой менда яхши таассурот қолдирмади. Муҳаббатнинг оби ҳаёти вафодир. Вафо — ҳаё билан эгизак. Ҳаё йўқ жойда муҳаббат ҳам, вафо ҳам бўлиши даргумон... Йўқ, бу — муҳаббат қасри эмас! Муҳаббат қасри деб Тоғ Маҳални айтса арзийди...

Томошада чўллаган эдик, кокос сотиб юришган болалар олдига келдик. Қовуннинг хамагисимон кокоснинг тепасини кесиб олишибди. Унинг ичи ғовак бўлиб, оқиш суви ярим бўлиб турарди. У кокос сути экан. Найча билан ичиб кўрдик. Менинг табиатим сал нохушлигигами, бемаза туюлди.

Қасрнинг жануб томонида — бир чақиримча нарида кўриниб турган денгиз бўйига

бордик. Бу — Бенгал кўрфази эди, лекин мен уни денгиз деб атадим. Чунки, ҳаётимда илк бор мана шундай «зўр қудратли, асов ғалаёнли» тўлқинлар билан юзма-юз туришим эди. Айвазовскийнинг «Тўққизинчи вал» картинасини эсладим (У ҳақида «Пўртана» деган шеър ёзганман). Ҳозир мен кўраётган долғалар ўша суратдаги тўлқинлардан қолишмасди.

Соҳилга тушаверишдаги ялангликнинг икки томонида қандолат дўконлари бўлиб, денгиз қирғоғи суйри, сап-сарик кумлик эди. Ортимиздан тушган бир автобус хинд сайёҳлари қирғоққа ёйилиб кетишди. Бешик-бешик тўлқинлар ёпирилиб келганда эркаклар шимларининг почаларини, аёллар сарийсининг этаklarини шоша-пиша кўтаришиб, қий-чув қилишиб орқага қочишар, лекин тўлқинлар уларни қувиб етиб, тиззаларигача шалаббо қиларди-да, қирғоқда оппоқ кўпиклар қолдириб, яна денгизга қайтарди. Ҳовучга ҳам илашмайдиган кўпиклар живир-живир қилиб, бир зумда кумга сингиб кетарди. Одамлар яна денгизга яқинроқ боришар, кейинги тўлқин қахлангандай, шер каби пишқириб, ваҳима билан бостириб келарди-да, томошабинларни янада орқароққа қувлаб юборарди — худди эртақдаги девлар олов пуркаб оломонга ҳамла қилгандай...

Яқин-атрофдаги лойқа дарё, кўллар қуйилаётгани учунми, сувнинг туси мовиймас, носранг эди.

Денгиз бепоён бўлиб, этаklари осмон билан туташиб кетган, оралик кулранг туманга ўхшарди. Узоқда, қайиқларда қайсар тўлқинлар билан олишиб балиқ тутаетган ним яланғоч одамлар кўринарди. Уларнинг машаққатини жуда яхши ҳис қилиш мумкин эди. Жангари долғаларга бас келиб, тирикчилик ғамидами, ишқибозликданми — хавф-хатарни писанд қилмай юрганлар Чингиз Айтматовнинг «Соҳил ёқалаб чопаетган олапар» асарини, унинг ажойиб, мард қахрамонларини ёдимга туширди. Ҳа, балиқчилик ҳам осон касб эмас. Улар ўз ризк-насибаларини бўронлар гирдобидан, асов тўлқинлар қаъридан куч билан, матонат билан тортиб оладилар...

Мен шу ерда бобуршунос Ҳамидулло Ҳасановнинг Ҳиндистонда Бобур борган энг жанубий шаҳар ҳақидаги мулоҳазаларини эсладим. Тадқиқотчи Бобурнинг Ганг дарёсининг водийси бўйлаб анча жанубга, тахминан Ганг дарёси билан Брахмапутра дарёсининг қўшилган жойларигача борган бўлиши мумкин деб тахмин қилади, лекин Бангола қўлтиғини, Ҳинд уммонини ўз кўзи билан кўрган-кўрмаганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқлигига таассуф билдиради. Афсуски, Ҳ.Ҳасановнинг бу мулоҳазасига бошқа олимлар ҳам аниқлик киритишолмаяпти...

Орқага қайтар эканмиз, яна маҳалла бошланганда «шу жойларда ош қилиб есак...» деган ниятимизни амалга оширмақ пайида тўхтадик. Анча маданийроқ кўринган бир уй ҳовлисига таваккал қилиб кирдик. Атрофи пастроқ панжараю девор билан тўсилган хонадон қаровсиз эди. Уйдан чиққан бир йигит (унинг эғнида фақат лунги бор эди холос) бизни кўриб хайрон бўлди ва бирдан авзои ўзгариб кетди. Аҳмаджон унга мақсадимизни бир амаллаб англагач, йигитнинг чехраси ёришди ва маъқул дегандай ишора қилди. Бу бой бир кимсага қарашли дала ҳовли бўлиб, эгалари узоқда туришаркан. Лакхан хизматкор ва қоровул ўрнида экан.

Зокиржон ака катта раҳбарлик даврларидан қолган шижоати ва дангаллиги, экспедицияда кўп юрганлиги боис, киришимлилиги билан бир зумда Лакханни ва унинг бизни кўриб девор ошиб ўтаётган қўшнилари ҳам ишга солиб юборди. Улар маҳаллани ахтаришиб, биз айтган қозон-капгирни топиб беришди, атрофимизда дастёрлик қилиб юришди. Гиштдан ўчоқ ясадик. Оқсоқол ва раҳбарларимиз — Зокиржон ҳожи ака билан Сайфиддин ҳожи ака бири бош, бири муовин ошпазлар сифатида энг шимариб ишга тушиб кетишди. Биз ҳам манави хинду дўстларимиздай ним яланғоч бўлиб, баданларимизни бир яйратайлик дея, кўйлак-майкаларни ечиб ташладик (Атрофда аёллар кўринмасди). Хуллас, озгина қуюшқондан чиқиб, эркинлик ихтиёр этдик.

Лакхан истарали ва анча одамоҳун чиқиб қолди. Бояқиш ўтин, сувларни ҳозирлаб турди. Унинг ёнида юрган бир ўсмирни биз «қоровой» деб атаётган эдик. Лакхан ва бошқалар ҳам «қорабай» деб ўзаро ҳазиллаша бошлашди. Яна Жумабойни эслашдик. Ҳинд қишлоқ йигитлари, ўсмирлари ниҳоятда содда, очик-кўнгил, самимий эди, уларнинг бу самимийлиги даврамизга янада файз киритиб турарди.

Ош ниҳоятда зўр бўлди. Шундоққина Ҳинд уммони билан туташ Бенгал кўрфази,

денгиз тўлқинларининг ёқимли шовқини эшитилиб турган жойда Андижонча паловхўрлик қилиб, кўп роҳатландик, мириқиб дам олдик.

— «Дизенфекция»ниям улфатчиликка айлантириб юбординглар, — деди Сайфиддин Жалилов ўзига хос жиддийлик билан (катта хожи ака яйраб қулиш олдидан бир сония жиддийлашиб оларди)...

Хуллас, бу кун Ҳиндистон сафаридагина эмас, менинг бутун ҳаётимдаги ҳофизамга муҳрланиб қолажак кунлардан бири бўлди.

Ошхўрликдан кейин яна Пурига қайтиб келдик-да, Бомбай йўлига чиқиб олиб, Ҳайдаробод сари жўнадик. Дам олишлар ҳисобини чиқариш учун туни билан йўл юрдик. Биз Тўлқин ака билан бир қатор ўриндикни (уч ўринли) эгаллагандик. У кўпинча чекишни баҳона қилиб ўнг томондаги эшик билан ёнма-ён бир кишилик ўринда ўтириб борарди. Мен ўтирган икки кишилик ўринда навбатлашиб мизғиб кетдик. Бечора ниҳоятда кўнгилчан, сабр-бардошли (фақат чекиш масаласида сабр чегарасидан чиқарди холос), сергак, хушёр эди. У мени аяб жуда кам ухларди. Баъзан бир-биримизни ёнбошлашга-ухлашга қистаб-ундаб, иккаламиз ҳам мудраб ўтираверардик. Тўлқин аканинг хатти-ҳаракатида умуман ножўялик йўқ, деса бўларди, беҳудага оғзидан бирон оғиз ножоиз сўз чиқмасди. Қисқаси, ҳамроҳликка, ҳамсафарликка жуда мос, ҳаммабоп, олижаноб инсон эди.

### *23 август, душанба*

Соат бешларда тонг ёриша бошлади. Орисса штатига қарашли Хапатном деган шаҳарга кириб бордик. Тоғ ёнбағрида жойлашган, сўлим шаҳар экан. Лекин, кўркем, пастаккина уйлар ёнида томи икки томонга суйри қилиб (учлари ерга тегай-тегай деб турибди) шакарқамиш пояси ёпилган хунукдан-хунук чайлалар бўлиб, уларнинг остида қўй, эчки, товуқ боқиларкан, баъзиларида одамлар ҳам яшашяпти.

Шаҳардан чиқа бошладик. Яна икки тарафда ям-яшил водий ва ям-яшил тоғлар...

Бугун кир ювиш куни эканми, қайда анҳор, дарёнинг ясси соҳиллари, кам сувли ўзанлар бўлса аёллар (хатто эркаклар ҳам — бевалар бўлса керак) кир ювиб ўтиришарди. Улар ювган кирларини шундоқ ерга— майсазорлар, тошлар устига олабайроқ қилиб ёйиб ташлашарди. Ёйилган кирлар ҳаддан ташқари кўп, ҳаддан ташқари ранг баранг ва ғалати эди...

Йўлда апелсинхўрлик қилдик. Ахир бу ҳам биз учун тансиқ мева-да.

Гулчилик билан шуғулланадиган бир ердан ўтяпмиз. Чапда канал суви лим-лим бўлиб оқмоқда эди. Ана шу каналнинг нариги қирғоғи бўйлаб кетган гулзор (асосан кўчатдан иборат)нинг поёни кўринмас, гуллар ниҳоятда хилма-хил ва бир-биридан чиройли, қараб кўз тўймасди. Мана шу гулларни мириқиб томоша қилиш учунгина шунча узоқ йўлни босиб яна бир бор келишга рози эдим. Шу гулларни кўриб, оламда мен кўрмаган ва билмаган гуллар тури беҳисоб эканлигини ўйладим. Қани энди уларнинг ҳар бирини ҳидлаб чиқсам ва номини сўраб билсам...

Яна бир узундан-узун кўприкдан (Ходавари дарёси) ўтганимизда ҳаво айний бошлади.

Кир ювувчилар армияси борган сари кўпайиб, катта-катта сайхонликлар, дараларни ишғол қилиб борарди.

Икки ён энди шиғил мевали кокосзор, бананзор ва палмазорли гўзал боғлар эди.

Худудда шаҳрига етганимизда яна ёмғир шаррос қуйиб юборди (Ҳиндистонда ёмғир томчилаб, оҳиста ёғмайди шекилли).

Ҳайдарободга 250 қақирим қолганда (соат кеч тўққизлар эди) яна бир шаҳар четроғидан ўта бошладик. Кўзимга меъморчилиги ўзига хос, кўркем ва файзли бўлиб кўринди, лекин биз бу шаҳарда тўхтамадик. Бу ҳақда раҳбариятга шаъма қилиб кўрган эдим, гап сиғмади. Вақтимиз тиғиз, муддатимиз оз қолаётган эди.

Тонгга яқин, соат учларда Ҳайдарободга кириб бордик ва “Претий” (Preethi) меҳмонхонасига жойлашдик. Хоналар кенг, ёруғ эди. Кирдигу таппа-таппа ташладик.

## **БОБУР АВЛОДЛАРИ БОР ЭКАН!**

Кечаси отам тушимга кириб қолибди. Эрталаб туриб, Қуръон тиловат қилиб, унинг руҳига бағишлаб қўйдим. Узоқ ва мусофир жойларда юрганимга безовта бўлдимикин...

Муси дарёси бўйида жойлашган Ҳайдаробод шаҳри Андхра-Прадеш штатига қарайди, жанубий Ҳиндистоннинг sanoat маркази ҳисобланади. Қомусий маълумотларга кўра, бу кўҳна шаҳарда ҳозир тўқимачилик, кўн, озиқ-овқат, дори-дармон, ойна, тамаки, қоғоз, машинасозлик sanoat корхоналари мавжуд. Майда хунармандчилик ривожланган, бадийий ва уй-рўзгор буюмлари тайёрланади, газлама тўкилади. Дарё порти бор.

Ҳайдаробод Ҳиндистондаги мусулмонлар кўп яшайдиган шаҳарлардан бири. Чор минор, масжидлар ҳам шундан далолат бериб турибди.

Шаҳар кўчалари тор ва одамлар (асосан савдо-сотик билан шуғулланувчилар) билан гавжум эди. Излаб-излаб, Салор Жанг музейини топиб бордик. Музей посбонлари — носранг махсус хизмат кийимидаги, елкасидаги погониди иккитадан кумушранг юлдуз ярқираб турган йигит бизни илиқ табассум ва майинлик билан кутиб олишди. Бироқ, ҳамма жойда бўлгани каби, бу ерда ҳам телекино камералар билан кириш муаммоси кўндаланг бўлди. Дехлида фақат кино-телетасвирга олиш учун тўланган 5 минг рупий бож ҳам асқотмасдан, бенаф кетмоқда эди. Тож Маҳалда ҳатто зинадан тушишга ҳам ижозат беришмади.

Музейга 1963 йили Ҳиндистон Бош министри Жавоҳирлаъл Неру томонидан асос солинган экан.

Музей остонасидан ўтиб, фойега киришингиз билан бир-биридан чиройли бешта улкан қандил эътиборингизни жалб этади. Менинг назаримда улар бутун музей биносига ўзига хос салобат ва кўрк бахш этган эди. Айниқса, ўртадаги энг каттасининг (мен бошқа бирон жойда бу даражадаги қандилни учратмагандим) шакли ранг-баранг ва туслари рангин товланувчи-оппоқ, зангори, қизғиш шокилалари тебраниб бир-бирига оҳиста урилиб, жонон пиёла овозидек нафис жаранг таратиб турарди. Бино уч қаватли, фойе усти учинчи қават шифтигача очик бўлиб, қандиллар ана шу шифтдан биринчи қаватгача осилиб тушган эди (тасаввур қилаверинг!).

Мозийгоҳнинг бўлимлари ниҳоятда кўп бўлиб, улардан бири бобурийлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган эди. «Бобурнинг «Бобурнома»ни ёзаётган чоғлари» дея изоҳланган сурат, Акбаршоҳ ҳаётидан лавҳалар, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб, Акбар-II, Баҳодиршоҳ расмларини мусаввирлик санъатининг намуналари дейиш мумкин эди. Миниатюра суратларида эса Ҳиндистон табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ошиқ-маъшуклар, васлу висол, жанглар, машваратлар, дилкаш суҳбатлар ғоят назокатли акс эттирилган эди.

Кашмир бўлимида ҳам яна бобурийлар — Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Нуржаҳон, Мумтоз Маҳалларнинг анча катта, кўркам суратларини кўрдик. Бу бежиз эмас, чунки Кашмир бобурийлар тарихида алоҳида ўрин тутди. Юксак дидли, нозиктаб бобурийлар гўзал табиатли Кашмир водийсини ниҳоятда хуш кўришган. Айниқса, Жаҳонгир (унинг Кашмирдан қайтаётиб вафот этганини эсланг)...

Кинолардаги аксарият хиндларнинг ўта содда, ювош образларидан жуда хайратланар, унча ишонгим келмас, ҳатто, шу даражадаям бўладими, деб ғашим келарди. Уларни ҳаётда ўз кўзим билан кўриб, ишондим ва шунинг учун ҳам тарихда аҳолиси кўп ва ҳудуди бепоён бу мамлакатни фотиҳлар осонгина босиб олаверишган экан-да, деган хулосага келдим. Лекин, Кашмир халқи нисбатан анча жангари бўлган. Чунки VII—XI асрларда Ҳиндистоннинг энг йирик давлатларидан бири бўлган Кашмир ҳукмдорлари қўшни давлатларга ҳужум ҳам қилиб туришган. Кашмир мана шу жиҳати билан ҳам бобурийларга маъкул келган бўлса ажаб эмас. Хуллас, 1586 йилда Кашмир Акбаршоҳ томонидан бобурийлар давлатига қўшиб олинади. Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеблар даврида Кашмир янада гўзаллашади, шуҳрати янада ортади. Бобурийлар фақат Дал кўли атрофида 777 та боғ барпо қилишади, иморатлар қурдиришади, янги йўллар очтиришади. Демак, Кашмир халқи бобурийлардан жуда миннатдор бўлишган.

Дарвоке, Кашмир халқи бобурийларнинг асил ватани Ўзбекистондан, унинг пойтахти Тошкентдан ҳам миннатдор бўлишлари керак. Маълумки, Кашмир Ҳиндистон билан Покистон ўртасида узоқ йиллар талаш бўлиб юрган. Бу масала ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилотида уюштирилган махсус музокараларда ҳам (1955, 1960, 1962, 1963 йиллар) ечилмаган. 1964 йили 4—10 январь кунлари Ҳиндистон ва Покистон раҳбарлари (Лаъл Баҳодир Шастри, Муҳаммад Айюбхон)нинг Тошкентда ўтказилган учрашувида икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқаларини тиклаш борасидаги тарихий битим имзоланган.

Тўғри, ундан кейин ҳам Кашмир можароси яна кўзгалди ва ҳозиргача узил-кесил ҳал этилгани йўқ, лекин ҳарқалай, ўшанда Тошкентда икки катта мамлакат халқлари орасида юз бериши мумкин бўлган катта фожиаларнинг олди олинган эди...

Бўлимдаги ашёлар, кийим-кечаклар ўз даври одамларининг ҳаёти, урф-одатларидан, тутумларидан ҳикоя қиларди. Баъзи эркаклар кўйлақларига арабча сўзлар битилган эди. Маълумки, бир замонлар жангчилар жиходга отланишганида ирим-эйтиқод билан тангридан омад, мадад тилаб, уст-бошларига Қуръон оятларини ёздириб олиш урф бўлган...

Шарқ кўлёмалари бўлимида бизни калта қилиб кузалган соқолининг оқи сочиникидан кўпроқ, ўрта бўйли, эллик беш — олтмиш ёшлардаги профессор Раҳматулла Алихон кутиб олди. У салом-алиқдан кейинок, навоийшунос, бобуршунос олимларимиздан Ҳамид Сулаймонни эслади, Сабоҳат Азимжоновани сўради... Шунда мен ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли вакиллари билан бири, забардаст шоир Ҳофиз Хоразмий кўлёмаларининг топилиши тарихини эсладим... Адабиётимизнинг асл жонкуяри, тарғиботчи ва тадқиқотчи, фидойи инсон, профессор Ҳамид Сулаймон бошчилигидаги Алишер Навоий номли Давлат мозийгоҳининг навбатдаги археографик экспедицияси 1975 йили баҳорда Ҳиндистонга сафар қилган ва роппа-роса икки ой давомида (26 мартдан 26 майгача) кўхна ва бепоён ҳинд диёрида Бобур ва бошқа қатор шоирларимиз кўлёмаларини излаш юзасидан кенг миқёсда илмий-қидирув ишлари олиб борилган эди. Ўшанда Ҳамид Сулаймон шогирди Саидбек Ҳасан ва бошқа олимлар билан Ҳиндистоннинг йирик шаҳарларидаги дорилфунун, кутубхона, музей ва давлат архивларида бўлишган ва ҳозир биз қадам ранжида қилиб турган мозийгоҳнинг айнан мана шу шарқ кўлёмалари хазинасида (18-май, якшанба куни) мутлақо кутилмаганда «кўлёмалар оламида жуда кам топиладиган ноёб жавоҳир»ни кўлга киритишган эди. Бу — классик адабиётимиз тарихида Навоийга қадар мукамал девон тартиб этган, XIV — XV асрларда яшаган хоразмлик шоир Абдурахим Ҳофизнинг ҳажман ниҳоятда салмоқли ва эски ўзбек тилда битилган девони эди.

Ҳамид Сулаймоннинг гувоҳлик беришича, тарихимизда Ҳофиз номи ё таҳаллуси билан ижод қилган 156 қаламкаш ўтган. Ҳофиз Хоразмий форсий Ҳофиз Шерозий билан деярли замондош, ижодда ҳам у билан беллаша оладиган шоиримиздир. Дарҳақиқат, бугун ана шу «ноёб жавоҳир» асосида нашр қилинган икки жилддан иборат гўзал девон китоб жовонларимизнинг тўриси бегаб турибди.

Салом-алиқдан, танишувдан сўнг Раҳмат Алихон нодир кўлёмалар сақланадиган махсус хонага кириб, катта бир китобатни худди «Қуръон» каби муқаддас нарсани ушлагандек, икки қўллаб авайлабгина кўтариб чиқди.

— Бобур девонининг эски ўзбек тилига кўчирилган иккита кўлёмалар нусхаси бор холос, бири Британия музейида, иккинчиси бизнинг музейимизда сақланадиган мана шу нусха, — деди у фахрлангандай. — Низомиддин Мағрибий деган одам 1902 йили Лондондан, Бевериж хоним кутубхонасидан олиб келган.

Раҳмат Алихон бизга “Бобурнома” кўлёмасини ҳам кўрсатди. Шунингдек, профессор саволларимизга қисқа ва лўнда жавоб бериб, Салор Жангнинг тарихда ўтган катта саркардалиги, Ҳайдаробод Ҳазрат Али давридаги одамлардан бирининг исми эканлиги, бир вақтлар Ҳайдаробод университетида Ўрта Осиё тарихининг озми-кўпми ўқитилгани, мутахассис-профессор Низомиддин Мағрибий вафотидан кейин бу соҳанинг ҳам барҳам топганлиги, ҳозир фақат араб, форс тиллари ўқитилиши ва бошқа мавзу ва масалаларга анча аниқлик киритди. Суҳбатлашмоқ учун олимларни тўплаб беролмайсизми, деган ўтинчимизга у: уларни йиғиш қийин, яхшиси уйларида борганларингиз маъқул деб, бир-иккитасининг манзилини айтиб берди. Лекин бўлим мудури бир илтимосимизни бажонидил бажо айлади

— бизни Мозийгоҳ директори хонасига бошлаб кириб, у билан таништирди. Директор — Дипи Гехлот ёш, қотмагина, хушмуомала йигит бўлиб, сочи, мўйлови қоп-қора, силлик, ўзи буғдойранг, башангина кийинган эди. Биз ундан Мозийгоҳ ҳақида кенгрок, батафсилрок гапириб беришни сўраган эдик, у ўзининг бу ерга яқинда раҳбар бўлиб ўтганлигини айтиб, агар биз хоҳласак, у узоқ йиллар мудирлик қилган Голконда қалъасини мамнуният билан кўрсатишга ҳозирлигини изҳор этди.

Мулоқот сўнггида директор билан совғалар алмашилди. Бобур Мирзога бўлган юксак эътиқоди, унинг нодир кўлёмаларини кўз қорачиғидек эҳтиётлаб келаётгани учун профессор Раҳмат Алихонга экспедиция аъзоларининг, андижонликларнинг, бутун ўзбек халқининг миннатдорчилиги рамзи сифатида тўн, дўппи кийдирдик.

Бўлимга кўрк бўлиб турган темурийлар ва бобурийлар суратлари хинд рассомлари томонидан ниҳоятда гўзал қилиб, меҳр-муҳаббат билан ишланган эди. Биз илтимос қилиб, уларни фотога олдик. Кўлёмалардан ксеронусха кўчириш учун юкори идоралардан рухсат бўлиши лозим экан, музей директори ва Раҳмат Алихон йўл-йўриқларини тушунтиришиб, бу борада бизга ёрдам беришга тайёрлигини айтишди.

Шундан кейин биз яна ички меъморчилиги ўзига хос мозийгоҳнинг бошқа бўлимлари — турли даврлар, халқлар тарихи бўйлаб сайру томошада давом этдик. Хитой, японларга бағишланган лабиринтсимон хоналардаги ашёлар янада ўзига хос бўлиб, ҳар бир зиёратчини ўтмиш қаърига чуқурроқ боқишга, фикр қилишга ундарди. Ҳа, бу фусункор ва сеҳрли зиёратгоҳни фақат Ҳайдаробод ё фақат хинд халқининггина эмас, балки бутун Шарқ мамлакатларининг мозийгоҳи, деса арзийди. Ҳар бир бўлимга, ҳар бир хонага кирганда беихтиёр «Ёпирай!» деб юборасиз. Менимча, Ҳиндистондаги энг бой, энг жозибали музей шу бўлса керак. Кенг қамровли, биноларнинг қурилиши, бўлимларнинг тузилиши ва жойлашуви, ашёларнинг ўз ўрнига, ўта ҳафсала ва дид билан қўйилиши, худди кечагидек чекилмасдан, сарғаймасдан туриши — ҳамма ҳаммаси ҳайратомуз ва ибратомуз эди. Бу музейни бафуржа, муфассал синчиклаб кўриб чиқиш, ашёлар мағзини чақиш, завқу шавқ олиш, даврлар фалсафасининг нозик қирраларини тушуниш, халқлар эътиқодларини англаш учун кун эмас, ҳафталар камлик қилиши аниқ эди.

Мозийгоҳнинг кенг ва баланд кўрғазма заллари бўйлаб юраркансиз, кўз олдингизда беихтиёр ўтмиш жонланади ва сиз тарихий воқеалар гирдобига кириб кетаётганингизни ҳам сезмай қоласиз... Ҳар бир ашё (экспонат) ўз тарихи, шаклу шамойили, мазмуни, ғоясига эга... Балки шунинг учун ҳам музей томошабинлар билан гавжумдир... Мен Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитажни ҳисобга олмаганда бошқа жойда бу даражадаги бой мозийгоҳни кўрмовдим. Шу топда ҳаёлимда «музей, бу халқнинг тарихи, миллий ғуруридир», деган сўзлар айланарди. Ўзбекистонда, хусусан Бобур ватани Андижонда ҳозирча бундай мозийгоҳлар йўқлигидан ўқиндим, борларини кўз олдимга келтирдим. Улардаги нарса, буюмлар, жиҳозлар, яъни экспонатлар асосан суратлар, плакатлар, диаграммалар, ер-сув хариталарию эски кийим-кечаклар, омов, болта, кетмон...дан иборат. Халқнинг, юртнинг тарихи, табиати, илму фани, маданияти, урф-одати, эътиқодларини ифодаловчи ашёлар кам, жуда кам!

Музейдан қайтиб, меҳмонхонамизга келганимизда соат олти яримлар эди. Остонадан қаторлашиб кириб бораётганимизда фойедаги телефон жиринглаб қолди. Эшик оғаси — махсус кийимдаги хинд йигити қўнғироқ дастасини кўтариб, «Сизларни сўраяпти» деб қолди бизга қараб. Ҳаммамиз тўхтаб қолдик ва ҳайрон бўлдик. Ҳиндистоннинг олис бир шаҳрида бизни ким йўқлаши мумкин? Дехлидан консулимиз Аҳмадjon Лукмонов қўнғироқ қиляптимикин, у қаердан билдийкин бу меҳмонхонадалигимизни? Ё, Салор Жанг музейидагилармикин?

Аҳмадjon Қосимов ҳам таажжубланган ҳолда дастанни қўлига олди. Биз ҳаммамиз қизиксиниб, таржимонимизга тикилиб туриб қолдик.

Аҳмадjon номаълум йўқловчилар билан хинд тилида гаплашаркан, юз-кўзларига ҳайрат ва қувонч балқиб: «Зокирjon ака, «биз Бобур авлодларимиз, сизлар билан кўришмоқчимиз», деяпти, нима жавоб қилай», деб сўради.

Ҳаммамиз Аҳмадjonни ўраб олдик.



— Келишсин, айтинг ё манзилини айтишсин, борамиз, — деди раҳбаримиз шоша-пиша.

Хуллас, янги бобурийлар бир ярим соатдан кейин — саккизларда келишадиган бўлди. Биз бебаҳо бойлик топиб олгандай ўзимизда йўқ эдик. Ҳа, агар улар ҳақиқий бобурийлар бўлишса, биз учун чиндан ҳам баҳоси йўқ, беназир бойлик эмасми? Ахир, сафардан кўзда тутилган асосий мақсаддаримиздан бири ҳам Бобур авлодларини излаш эди-ку. Шу пайтгача бу буюк сулоланинг ҳозирда барҳаёт вакиллари ҳақида тайинли бир гап, маълумот йўқ эди-да.

Раҳбаримиз соат саккизгача шаҳар айланиб келишга ижозат берди. Лекин биз шаҳар айлангандек ҳам бўлмадик. Бошқалар ҳам, мен ҳам Бобур авлодлари билан тезроқ учрашишга, уларнинг ким ва қандай эканлигини кўришга ошиқардик.

Биз меҳмонхона фойесига, кутиш хонасига пастак, хонсимон стол ва курсилардан жой ҳозирлаб, Бобур авлодларининг ранги, қиёфасини ўзимизча тасаввур қилиб, уларнинг ташрифини сабрсизлик билан кута бошладик.

Фойе деворидаги рақс тушаётган ним яланғоч гўзал ҳинд қизларининг катта сурати шу қадар моҳирона ишланган эдики, ўзингизни озгина чалғитсангиз раққосалар чиндан ҳам ёнингизда хиром айлаётгандай ва сизни ҳам ўз давраларига чорлаётгандай туюлар, кўзингизни юмсангиз, қулоғингизга қизларнинг тақинчоқлари — балдоқларию оёғидаги шингил-шингил кумуш занжирларининг шўх жаранги эшитилаётгандай бўларди.

Келишилган вақтдан сал кечроқ ўрта ёшлардаги икки киши кириб келди. Бири қотма ва новчароқ, иккинчиси бақалоқроқ ва сал оқсар эди. Улар бизни дарров танишди, лекин шунчаки омонат қўл бериб кўришишди холос. Келувчилар ака-ука бўлиб, новчароғи акаси Зиёвуддин ва Масихуддин Тусийлар экан.

Давра куриб, суҳбатга киришдик. Мулоқот савол-жавоб тарзида бошланди. Ака-укалар бобокалонлари — бобурийларнинг асил ота юрти Ўзбекистон ва хусусан Бобур туғилиб ўсган Андижон ҳақида, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш тарихи ва жараёнлари тўғрисида кўп нарсаларни билгилари келар, лекин кўпроқ биз савол бериб, уларнинг ўзлари, бобурийларга алоқасию, шажараси хусусида сўзлаб беришга ундардик. Бечора Аҳмаджон савол-жавобларни таржима қилишга аранг улгурарди.

Зиёвуддин Тусий анчагина сўзамол киши эди. Унинг эҳтирос билан ҳикоя қилишича (бу гапларнинг кўп қисми манбаларда бор), Бобурий подшоларнинг сўнггиси Баҳодиршоҳ II — Зафар халқни инглизларга қарши курашга даъват этади, лекин кўпчилик бу ҳаракатларга қўшилмайди ва шунинг учун ҳам инглизлар ғолиб келиб, Деҳлини эгаллашгач, 1857 йили 20 сентябр куни Баҳодиршоҳни қамоққа олишади. Тергов Калькуттада олиб борилади ва у Рангунга (Бирма) умрбод сургун қилиб юборилади. Исёнчи-курашчилар раҳнамоси бўлган шоҳнинг сарой аҳлию авлод-аждодларини (яъни бобурийларни) батамом маҳв этишга киришадилар. Баҳодиршоҳнинг тириклигидан ваҳимага тушишиб, бобурийларнинг сўнгги ҳукмдорини Рангунда 1862 йили 7 ноябр, жума куни номози аср пайтида, 72 ёшида қатл этишади. Баҳодиршоҳ билан унинг Зийнат Маҳал исмли хотини ва ундан туғилган Жавон Бахт деган ўғли ҳам Бирмага бирга кетишган, бироқ, уларнинг тақдири номаълум. Роҳат Маҳал деган хотини ва ундан туғилган Мирзо Абдулло, Мирзо Абубакр исмли ўғиллари Деҳлида қолишган ва инглизлар томонидан ясоққа тортилган. Шоҳнинг тўнғич хотини Ишрат Маҳалдан туғилган катта ўғли Мирзо Қуёшни (у кейинчалик Қурейш бўлиб ўзгариб кетган) қариндошлари яшириб қолишган. Тусийлар ана шу Мирзо Қуёшга бориб тақалишар экан. Яъни, Мирзо Қуёшдан Мирзо Абдулло, ундан Мирзо Ғафур, Мирзо Ғафурдан эса Мирзо Юсуф деган ўғил, Ҳусни Жаҳонаро бегим ва Лайло Уммахони исмли қизлар дунёга келишган. Мирзо Юсуф 18 ёшида вафот этиб кетган. Зиёвуддин Тусий Лайло Уммахонининг тўнғич фарзанди экан. Оилада булардан ташқари яна иккита ўғил бўлиб, Орифуддин 1986 йили Машҳадда автомобил ҳалокатига учраб вафот этган, Шажаруддин эса савдо-тижорат ишлари билан Арабистонда экан.

— Инглизлар ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ (1857—58 йиллар) ҳинд халқи уларга қарши кураш бошлаган, лекин орадан қарийб 90 йил ўтгач, қарамликдан чиқилиб, озодликка эришилди, — дея ҳикоясини давом эттирди Зиёвуддин Тусий. — Бу ғалабада бизнинг ҳам ҳиссамиз бор деб биламиз ва бу билан фахрланамиз. Инглизлар Баҳодиршоҳга

жуда катта лавозим ва маош ваъда қилишган, лекин у халқнинг инон-ихтиёрини, эркини мустамлакачилар қўлига, измига топширишдан қатъиян бош тортган. Шундан кейин инглизлар мўғулларни<sup>1</sup> қатла ом қилиш ҳақида буйруқ беришган. Ҳатто Херсон деган генералнинг бир мўғул қонини ичганлиги ҳақида маълумотлар бор. Баҳодиршоҳнинг саройию ҳамма бойликлари таланган...!

Биз ана шу Озодлик кунлари, яъни 1947 йилгача Бобурий — Баҳодиршоҳ авлодидан эканлигимизни яшириб келдик, акс ҳолда бизни ҳам омон қўйишмасди. 1962 йили Баҳодиршоҳ II вафотининг 100 йиллигига бағишланган маросимлардагина мен ҳам ўзимиздан хабар бердим. Шундан кейин, Усманийлар университетида ўқиб юрганимда (1962 — 64 йиллар) ҳукумат менга молиявий ёрдам кўрсатиб турди. Биз ҳаммасидан ҳам Бобур бобомизнинг Ҳиндистонда обрў-эътиборга, маҳаллий халқларнинг меҳру-муҳаббатига сазовор улуг инсон, адолатли ҳукмдор бўлганлигидан суюнамиз, ғурурланамиз. Бобур бундай юксак эҳтиромга ўзининг ажойиб фазилатлари билан эришган. У ҳинд халқининг урф-одатларини ҳурмат қилган, уларга риоя этган. Масалан, бу юртда сигирнинг муқаддас саналишини ҳисобга олиб, ўз одамларига мол сўйиш, гўштини ейишни таъқиқлаган. Афғонистондан хотини Моҳим бегим келаётганида тўрт чақирим ерга мулозимлари билан пиёда бориб иззат-икром билан кутиб олган, шу воқеалардан кейин бобомизга нисбатан маҳаллий халқнинг ҳурмати яна ҳам ошиб кетган. Бобур ўғли Ҳумоюнга ҳам: агар сен бирон юртга ҳукмдор бўламан десанг, асосинг пухта бўлсин, ўша юрт халқининг урф-одатларини, анъаналарини кадрла, деб васият қилган. Биз ана шу анъаналарни давом эттириб, Бобурийлар ва ҳинд халқи ўртасидаги дўстликни сақлашга интилдик, ҳаракат қилдик. Лекин иқтисодий аҳволимиз мақтанадиган даражада, яъни шоҳлар сулоласига хос эмас. Яширишнинг ҳожати йўқ. Ҳозир ҳам ижарада турамыз, ўз уйимиз йўқ, аммо, ўз ватанимизда яшаётганимиздан, бобурийлар авлодига мансуб бўлганимиздан беҳад бахтиёрмыз.

Баҳодиршоҳ чеварасининг ўғли бобурийлар ҳақида анча кўп нарса биларди. Тарихий манбаларни санаркан, афсуски, бобурийлар тўғрисида бадиий асарлар кам ёзилган, деди у.

Дунё воқеаларидан анча бохабар Зиёвуддин Тусий хусусан Ўзбекистондаги янгиликлар билан астойдил қизиқиб туришини, олис бобо юртининг мустақилликка эришганидан боши осмонда бўлиб суюнганини таъкидлади. У айниқса, Бобур таваллудининг 510 йиллигига қизгин тайёргарлик кетаётганини эшитиб ниҳоятда қувонгани, ҳаяжонлангани, ана шу юбилей тантаналарида иштирок этиш истагини билдириб, республикамыз Президенти Ислом Каримовга мактуб ёзганини ва уни Деҳлидаги элчихонамызга юборгани, консул Аҳмаджон Луқмонов билан телефонда гаплашганини айтаётганида юз-кўзларига яна ҳаяжон мавжлари тошиб чиққанини сездик. Дарвоқе, у бугун Аҳмаджон Луқмоновга кўнғирок қилиб, ана шу мактуби тақдири билан қизиқиши асносида бизнинг ташрифимиздан хабар топган, консулимизнинг тахминларига асосланиб, бизни Салор Жанг музейидан қидирган, манзилимизни (музейда бўлганимизда қайси меҳмонхонага тушганимизни айтган эдик) аниқлаган эди.

Мулоқот икки соатдан ортиқ давом этди. Бир-биримизга айтадиган гапларимиз ҳали кўп эди. Лекин вақт алламаҳал бўлиб қолди.

— Бобур номи билан боғлаб, қадриятлар университети очсангизлар ажойиб иш бўлади, — деди Тусий суҳбат охирида қалбидаги энг қутлуғ истагини изҳор этиб, менимча, бу, сизларнинг ҳозирги миллий мафқура яратиш борасидаги ҳаракатларингизга жуда мос келади... Мен бугун жуда мамнунман. Бобокалонимиз юртдошлари бўлган Сиздек улуг инсонлар билан мириқиб суҳбатлашишни қачонлардан бери орзу қилардим. Шундай кунга муяссар этгани учун Оллоҳга минг бора шукурлар айтаман. Бизга қолса, тонггача ўтиришга ҳам розимиз, лекин Сизлар чарчагансизлар. Умид қиламанки, мулоқотимиз эртага давом этади. Бизнинг кулбага ҳам бош суқиб ўтсангизлар бошимиз осмонга етади.

Бугунги кунимиздан биз ҳам ғоят хурсанд ва рози бўлдик. Экспедициямыз фаолиятининг гултожи мана шу кун, бобурийлар авлоди билан учрашув бўлиб қолиши турган гап.

---

<sup>1</sup> Тусийлар ҳам бобурийларни “мўғуллар” деб аташдек хато фикр исканжасидан қутилиша олмаган экан (*муаллиф изоҳи*).

Албатта, қорамғиз ташки киёфалари ҳиндлардан фарқ қилмайдиган одамларнинг дабдурустдан «Бобурийлар авлодимиз» дейиши гумонли ва қизик туюлиши мумкин (шунингдек, улар эронийлар билан ҳам аралашиб кетишган экан), аммо бир асоси бўлмаса, бундоқ даъво қилиб чиқишмас ахир.

Мароқли суҳбатимиз дарҳақиқат поёнига етмади, эртага давом эттириш иштиёқи ва тасаллиси билан хайрлашдик.

Менимча, шу кеча экспедициянинг ҳамма аъзолари хуш кайфият билан уйқуга кетишган бўлса керак. Шахсан менинг руҳиятим янада баланд, янада жўшқинроқ эди. Бобурийлар билан кутилмаганда лекин кутилгандан зиёда бўлган учрашув мен учун фавқуллодда ҳодиса эди. Демак, Ҳиндистондай улкан, буюк мамлакатда андижонлик бобурийлар авлоди ҳали-хануз яшамокда. Буюк соҳибқирон темурийлар сулоласи давом этади... Биз Дехли миллий музейида учрашган профессорлардан бири Бобур авлоди қолмаган, аммо даъвогарлар бор, деганидан кейин бизнинг анча ҳафсаламиз пир бўлиб, тарвuzимиз қўлтиғимиздан тушган эди. Лоҳўрлик Жалолиддин Акбар деган кимса ҳақида ҳам ўйламай қўйувдик. Худо омадимизни бериб, бу ёқда Бобур авлодларининг нақди, улгуржиси рўпарамиздан чиқиб турибди...

## МАЪШУҚА ИСМИ БИЛАН АТАЛГАН ШАҲАР

*25 август, чоршанба*

Бу тунги роҳат уйқусини таърифлашга ҳожат йўқ.

Эрталаб ташқарига чиқсак, салқин шабада эсяпти. Худди Андижондагидай. Умуман Ҳайдаробод мамлакат жанубида бўлса ҳам, иқлими Ҳиндистоннинг бошқа ҳудудларига қараганда бир қадар майин, ҳарорати Ўзбекистонникига анча яқин экан, тўғрироғи, водий ҳавосининг нафаси келяпти. Бизга айтишларига қараганда, хусусан ҳозирги даврда бу жойлар жуда иссиқ бўлиши керак эди. Ҳозиргача кўрган-билганларимга асосланиб, Ҳиндистонда умуман шабада бўлмайди шекилли, деган тасаввурга келиб қолай дегандим.

Кечаги ваъдага биноан Салор Жанг музейининг директори Дипи Гехлот билан мозийгоҳ биноси олдида учрашиб, унинг ҳамроҳлигида шаҳардан ўттиз чақиримча четдаги Голконда қалъасини томоша қилгани жўнадик.

Ҳиндистоннинг жануби шарқида Муҳаммад Кулий—Қутб шоҳ асос солган феодал давлат маркази дастлаб ана шу Голконда қалъаси эди. 1589 йили Бҳагнагар (ҳозирги Ҳайдаробод)га кўчирилган. 1687 йили бобурий Аврангзеб-Оламгир Голконда ерларини ўз давлати сарҳадига кўшиб олган.

Қалъа-қўрғон эндиликда тарихий, очик мозийгоҳга айлантирилган эди. Кириш дарвозаси пештоқиға чиройли товуслар сурати ишланган, йўлакнинг икки томонида мана шу қалъага дахлдор ва унинг худудидан топилган ашёлар қўйилган хоналар бор эди. Шунингдек, бу музейчада ҳиндувизм ва брахманизмга оид нарсалар, динга эътиқодни, тарихий маданиятни кўрсатувчи анжомлар сақланарди. Қалъа ҳовлисиға киришингиз билан кўзингиз ўнг тарафға кетган йўл бўйида виқор билан кўкка бўй чўзган улкан нимтри дарахтиға тушади. Айтишларича, 200—220 йиллардан бери яшаб келаётган бу жонли ёдгорликнинг пастға осилиб тушган шохларидаги ғўза шонасисимон пушти гуллари жуда чиройли бўлиб очилган эди.

Дипи Гехлотнинг айтишича, қўрғон Голконда форт деб ҳам аталган. Гол—думалоқ, форт—қалъа, демак, думалоқ қалъа дегани. Дарҳақиқат, қўрғон чегаралари доирасимон шаклдадир. Унинг банжера, маккан, фотех номли... хуллас, саккизта дарвозаси бўлган. Аврангзеб фотех дарвозасидан кириб келган ва ўша даврда Голкондаға ҳукмронлик қилган Султон Қулийни енгиб, қалъани забт этган. Қалъа кўшинининг охириги саркардаси генерал Абдураззоқ Ларий Аврангзебға қаттиқ қаршилиқ кўрсатиб,-шу ерда ҳалок бўлган.

Эндиликда тарихий обидаға айланган ва зиёратчилар билан гавжум бу қадимий қалъанинг айланаси етти чақирим бўлиб, тоғлиқ жойда қад кўтарган эди. Шунинг учун бинолар лойиҳасида қатъий тартиб ва уйғунликка асосланмагани равшан. Энг баландда

девони хос, тахт, назорат масканлари (у ерларга айлана тош зиналардан чиқиб борилган) акустика ҳодисалари ва қонуниятлари асосида шу қадар усталик билан ясалганки, ана шу тепаликда бирон ишорат маъносида қарсақ урилса, қуйидаги дарвозабонларга, 87 гумбаз остидаги ҳужраларга бемалол эшитилган, дарвозалар ёпилиб, жавоб қарсақларининг овози ҳам ана шу осмон ўпар тахтиравонга етиб борган.

Қалъанинг баъзи қисмлари манзарали тарзда иншо қилинган, девор-қўрғонлари тарашлаб ғишт шаклига келтирилган тошлардан тикланган хоналар фақат шу жойдагина учрайдиган нақшлар билан безалган.

Атроф пастак тоғлар билан ўралган бўлиб, улар қалъа қолдиқларига ўхшаб кўринади.

Бизни, айниқса, бўлмалараро шамол уфуриб (хос хоналарни салқинлатиш учун) турган махсус оралиқлар хайратга солди.

Йўлбошчимиз Дипи Гехлот айлана зиналар, кенг-тор йўлақлар билан чиқиладиган шоҳ қароргоҳи, девони хос ва бошқа — 480 метр баландликдаги барча хоналарга ҳам сув чиқарилгани, умуман, қалъанинг ниҳоятда мураккаб усулларда бунёд этилгани, отабоболарнинг ўткир-зеҳн ва идрок эгалари бўлишганини завқ билан гапириб ўтди.

— Бу ерга ҳатто италиялик машҳур сайёҳ Марко Поло ҳам келган<sup>1</sup>, — деди у фахрлангандай. — Энг қизиғи, ҳозиргача ер юзида энг қимматбаҳо ва нодир бойлик сифатида эътироф этиладиган Кўхинур ҳам худди шу жойдан топилган<sup>2</sup>, — деб кўшимча қилди яна собиқ мудир. — Қутб шоҳдан илгари бу ер Нагина боғ деб юритилган. Қутб шоҳ Бхагмати деган аёлни яхши кўриб қолиб, уни суюклиси шанига Бхагнагар деб аташ ҳақида фармон берган. Кейинчалик «Ҳайдар маҳал»га айланган («Маҳал» — қаср, қалъа демакдир).

Дипи Гехлотнинг бизга ярим кун вақтини ажратиб, бу тарихий қадам жойларга шахсан ўзининг бошлаб келиши, қалъа-қўрғон ҳақида мароқ ва ифтихор билан ҳикоя қилишларининг боиси — у Салор Жанг музейи директорлигига атиги бир неча ой олдин худди шу қалъа-музей мутасаддилигидан кўтарилган экан. Шунинг учун ҳам шошиб турган бўлишига қарамай, кираверишдаги ҳаммом (меҳмон ва элчилар ҳаммом қилишгандан кейин шоҳ қабулига олиб кирилган), аслаҳахона (қурол-яроғ сақланган), лангархона (ошхона), хилватхона (жиддий масалалар тор доирада муҳокама қилинадиган махсус хона)ларни, аёллар учун мўлжалланган алоҳида сайргоҳларни, тошҳовузларни бир четдан томоша қилдириб, эринмай таърифлаб, изоҳлаб борарди...

Аёллар сайргоҳлари, тошҳовузларни, саҳна ўринларини кўриб (албатта энди улар тарихий, тош ёдгорликларга айланган), улуғ хинд адиби Робиндранатх Токурнинг (биз уни русча талаффузда Рабиндранат Тагор деб атаб келган эдик) машҳур «Ташна тошлар» ҳикоясини эслаб кетдим.

Назаримда, ҳикоя айнан шу жойда, мана шу тош қасрларда кечган ҳаёт ҳақида ёзилгандай туюлди. Асар қаҳрамони ҳавоси димикқан махфий ҳужралардан, тош устунлар орасидан ўтиб, тошҳовузлар бўйида хаёлан аллақандай сирли товушлар: қизлар-канизакларнинг дам шўх қийқириқлари, дам оху нолалари, сетор садоларию зеб-зийнатлар, қимматбаҳо тақинчоқларнинг нафис жарангини эшитгандай бўлаверади. Мен ҳам ҳозир гўё ана шу ҳолатга тушиб қолгандай, кўз олдимдан бу ерларда кечирилган шоҳона ҳаёт, кайфу сафолар, раққосаларнинг минг муқом билан йўрғалашлари ўта бошлади. Чиндан ҳам агар манави муаззам тош устунларга тил битганида не-не воқеа-ҳодисаларни сўзлаб, қанчадан-қанча ғаройиб сиру асрорларни ошкор қилиб берган бўларди...

Қалъа зиёратчилари кўп ва ҳар турли миллатга, мазҳабга мансуб эдилар. Сочлари тақир қириб олинган яйдоқ бошлар ҳақида сўраганимда «уларнинг ўз худолари, маслақлари бўлиб, ибодат учун бораётганларида сочларини шундай олдириб ташлайдилар», дейишди. Ҳиндистонда, хиндларнинг ўзида ҳам эътиқодлар турлича-ку. Ҳатто бир неча динга ихлос қиладиганлар ёки фил, маймун, илон каби жониворларга сиғинадиган тоифалар бор (Қошлари ўртасига қизил хол кўйган эркақлар Ҳайдарободда, нисбатан кўпроқ учради.)

Қайтиб чиқаётганимизда қалъа идорасида бизни Дипи Гехлот шарофати билан

<sup>1</sup> Тарихий манбаларда Марко Полонинг айнан Голконда қалъасида бўлганлиги ҳақидаги маълумотни учратмадим (муаллиф изоҳи).

<sup>2</sup> Манбаларда бу фикрни исботловчи далиллар ҳам йўқ.

мўъжазгина чинни финжонларда ширчай билан меҳмон қилишди.

## БОБУРИЙЛАР ХОНАДОНИДА ШОДИЁНА

Кўчага чиққанимизда соат ўн иккидан ошиб қолган эди. Меҳмонхонага ошиқиб жўнадик. Масихуддин Тусий кечқурун келишган вақтимиздан анча кечроқ келди-да, бизни дўкон расталарига тўла тор, икки ёндаги уйлар, биналарнинг деворлари, пештоқлари янги ҳинд фильмларидан лавҳалар, турли эски эълонлар, тарғибот-ташвиқот суратлари билан тўлдириб ташланган кўчалардан бошлаб кетди.

Ҳиндистоннинг барча шаҳарларида бўлгани каби, Ҳайдарободда ҳам бадий фильмларнинг девордай-девордай рангдор реклама-расмларида елкалари, беллари, киндиклари очик, актриса ва раққосалар (ҳинд кино юлдузлари)нинг баданларини ҳарир сарийларда, тор, таранг енгил либосларда ниҳоятда бўлуғ, ўта сийнадор қилиб кўрсатиш одат экан. Аслида, киноларида ҳам шундай ифодаланади. Ҳолбуки, биз ҳаётда буни унча сезмадик. Аксарият ҳинд қизлари, жувонларининг жуссалари ихчам, нозик эди.

Биз Аҳмаджон билан Дехлида кўрганимиз «Кхалнаяк» (“Зўравон”) фильмида бош ролда ўйнаган соҳибжамол актриса Матхури Диксит ҳам ана шундай қоматдор бўлиб кўринади. Ваҳоланки, унинг бўйи 1 метру 152 сантиметр экан.

Мозийгоҳлардаги маъбудалар, оддий аёлларнинг яланғоч, шир яланғоч, кўкракдор ҳайкаллари ҳам ҳаётга зид эди. Қадимда бундай тасвир, менимча, оналик, ризқ-рўз рамзи сифатида қабул қилинган, тушунилган. Лекин афсуски, айни замонга келиб бу ҳолат, жумладан, ҳинд фильмларида ҳам, оналикдан ҳам, рамзликдан ҳам бутунлай чиқиб, жалб этувчи рекламага айланиб кетди. Ҳинд аёлларининг калта нимча кийиб, белларини очиб юришидан мақсад эса, аслида қўлтиқ ва бошқа жойларини иссиқда терлаб кетишдан сақлаш бўлган...

Анча юргач, шаҳардан четлаб, Андижоннинг Боғишамолидаги янги маҳаллаларга ўхшаш тепаликка кўтарила бошладик. Бу жойни Осмонгар — баландликдаги бошпаналар дейишаркан. Асосан коттежсимон уйлар экан. Тусийлар хонадони тепаликнинг шундоққина қиршовида қад кўтарган, пастда — ғарбу шимолда Ҳайдаробод шаҳри, ҳатто Чор минор ёдгорлиги ҳам яққол кўриниб турарди.

Эшик тепасидаги тахтакачга «Ҳиндистондаги мўғуллар хонадони» деган инглизча ёзув битилган эди. Дарвоқе, Тусийлар Ҳайдарободда «Буюк мўғуллар сулоласи» деган жамият тузишган бўлиб, Лайло Уммахони жамият раисаси, Зиёвуддин Тусий — бош котиб экан.

Зиёвиддин Тусий, унинг ўғиллари Шохнур, Минҳожиддин, жиёнлари Муиниддин ва бошқалар бизни шоду хуррамлик билан кутиб олишиб, меҳмонхонага олиб киришди. Уйдаги жиҳозлар, тутумларга қараб, Тусийларнинг ўрта ҳол оилалар сирасидан эканлигини пайқаш мумкин эди. Бу ерда кўп ўтирмадик. Овқат совиб қолади, дейишиб, емакхонага бошлашди. Шу ерда биз Тусийларнинг муҳтарама онаси, бобурийларнинг табаррук қизи, «Буюк мўғуллар жамияти» раҳбари Лайло Уммахони билан кўришдик. Она, ўғилларининг акси ўларок, оқ юзли бўлиб, истараси иссиқ, жуда нуроний, барвастагина, ёшлигида сарвқад, соҳибжамол бўлганлиги сезилиб турибди. Юзларида ажин кам. Сўзлари дона-дона. Етмиш ёшда экан, лекин ҳали анча бардам. Икки қоши ўртасидаги ҳоли бўлмаса уни ўзбек оналаридан фарқлаш қийин.

— Ўзбекистонни, Андижонни бир кўришни орзу қилардим, — деди у аёлларга хос меҳр ва илинж билан. Овози сал титраб чиқди. Назаримда Она ҳам бугунгидай учрашувни узок йиллар кутган, умид қилган ва ҳозир ҳаяжонини кексаларга хос вазминлик билан босиб турарди.

Зиёвуддин Тусийнинг холаси Ҳусни Жаҳонаробегим оиласи Аврангобод шаҳрида туришаркан. Лайло Уммахони ушбу ажойиб кунда отаси ва ўғли Шажавуддин қатнашмаётганига кўп таассуф билдирди (Исмларда бобурийларга ва эронийларга хослик яққол сезилиб турарди).

Дастурхон даҳлизнинг ҳинд хоналарига хос сўрисимон супасига ёзилган эди.

Супа деворларига Тусийларнинг отаси, боболари суратлари осилган экан. Улар ҳақида маълумот берар экан, Зиёвуддин Тусий, яна Баҳодиршоҳни эслади.

— У Бирмада, ўлимидан ўн кун аввал «агар мен шу ерда ҳалок бўлсам, устихонимни қачон бўлса ҳам Ҳиндистонга кўчириб кетинглар», деб васият қилган. Афсуски, бу васият шу вақтгача амалга ошмади. Бизнинг кўлимиз қисқалик қилиб, имконимиз бўлмапти,— деди у бош чайқаб.

Ош келтиришди. Ҳиндистон таомлари рўйхатидан жой олган бу овқат — «палов» деб ҳам аталар, унинг пишириш усуллари бир хил бўлса-да, тури, мазаси ҳар хил эди. Лекин Тусийларнинг қизлари, келинлари пиширган ошнинг ранги-рўйи ҳам, сабзи тўғрашлари, таъми ҳам ўзимизнинг Андижонча паловга анча яқин экан.

Ҳиндистоннинг қора чойи дунёга машҳур бўлса-да, ўзлари чойни жуда кам истеъмол қилишаркан. Ошхоналарда чой десангиз, финжонда сут аралаш қаҳва беришади. Тусийлар бизни ҳақиқий қора чой билан меҳмон қилишди. Уни «чойи Сулаймоний» дейишаркан.

Тамадди қилиб бўлишимизга ичкари хонадан қизлар, келинлар бирин-кетин ҳиндча салом билан таъзим айлаб чиқа бошлашди. Булар — Зиёвуддин Тусийнинг сингиллари Мохрух, Гулрух, Лаълирох, қизи Малиҳа Ғазола ва бошқалар эди. Етти ёшлар чамасидаги Маймуна ва айниқса, уч ярим яшар Афринанинг (иккиси ҳам Масихуддиннинг қизлари) жуссасини хиёл олдинга эгганича, митти бармоқчаларини жуфтлаб, манглайга тегар-тегмас қилиб тебратиб туриши ниҳоятда ёқимли ва биз учун ғоят завқли эди. Қизалоқнинг меҳмонлар келишига чиройли қилиб кийинтириб қўйилгани ва салом беришни хийла машқ қилдирилгани сезилиб турарди.

Ташқарига чиқдик. Уй ёнидаги мўъжазгина майдончада мезбонларга совға-саломларимизни топширдик. Кинотасвирчимиз Тўлқин ака билан телетасвирчимиз Фаррухнинг қўли-қўлига тегмай суратга олишар, Ўзбекистонга дадил, ёруғ юз билан олиб боришга арзирли лавҳалар лентага тушаётганидан мамнун ва масрур эдилар. Эсдалик учун суратларга тушдик. Лайло Уммахонига пахта гулли чойнак-пиёла ҳадя этдик. Кўпни кўрган, узокни кўзлайдиган Зокиржон ака совғабоп ашёлардан мўл-кўл олган эди. Зиёвуддин Тусийга ўзбекона қилиб тўн, аёлларга, қизларга Андижон ироқи дўпписидан кийдирдик. Мен Тусийга мустақил Ўзбекистонимиз рамзи бўлган байроқча совға қилдим. (Насибни қарангки шу шаҳарга етиб келгунча байроқни бир неча бор унга-бунга беришни мўлжаллаб, яна қайтариб, сақлаб келаётган эдим).

Хуллас, хонадонда қувончли ҳодиса юз бераётганини четдан кузатган одам аниқ пайқашни мумкин эди. Бизнинг кайфиятимиз, руҳиятимиз мезбонларникидан ҳам юқори даражада эди. Бобурийлар авлодини излаш, топиш ниятимиз, умидимиз бор эди. Лекин бундай бахтли тасодифни, тарихий учрашувни, тўғриси, кутмаган эдик.

Қизлар, келинлар ва бошқа қариндошларнинг юз-кўзларида тушуниксиз ифодалар зоҳир: улар суюнишяптими, ажабланишяптими — дабдурустдан пайқаш кийинроқ эди. Менимча, бу ерда энг хурсанд бўлаётганлар Зиёвуддин Тусий ва жажжи Африна эди. Қоп-қора, чиройли кўзлари порпираб қулиб турган қизча жуда ёқимтой эди. Бир зумда унга ҳаммамизнинг меҳримиз тушиб қолди. Орамиздаги қизи, набирасини соғинганлар уни қайта-қайта бағрига босиб эркалашар, Африна ҳам тортинмай, ётсирамай келаверарди.

Мен Тусийларнинг ўғиллари Шохнур, Минҳожиддин, Муиниддин ва хусусан, қизалоқлар Маймуна, Африналарнинг қуралай кўзларида Бобур ва бобурийларнинг эзгу орзулари, армонлари учкунларини кўргандай бўлдим. Имоним комилки, бу учкунлар ҳозирги ва бундан кейинги ўзбек ҳамда ҳинд авлодлари томонидан яна аланга олдирилади, икки улуг халқ ўртасидаги дўстлик, оқибат ришталари янада мустаҳкамланади.

Хайрлашув олдидан биз «мўғуллар...» деган иборанинг хатолигини аста тушунтириб, жамиятларининг номланишини ва эшик тепасидаги ёзувни ўйлаб кўришларини маслаҳат бердик.

Биз Тусийларнинг самимий муносабатларидан мамнун бўлдик. Бобур, бобурийлар тарбиясини олганлар улардан меҳр-муҳаббатни, садоқатни, ошиқликни, оқибатни, эътиқодни ҳам ўрганганлар. 1607 йили Кобулдаги Бобур мақбарасининг чевара Жаҳонгир томонидан бунёд этилиши, мақбарадан қуйироқда эвара Шох Жаҳон оқ мармардан қурдирган масжид

ана шу оқибат мевалари эмасми?.. Тусийлар вужудида ҳам ҳарқалай қай бир миқдорда бобурийлар қони бор-да...

Осмонгардан қайтиб, Ҳайдарободга тушдик-да, Масихуддин Тусий етакчилигида шаҳар марказини, Чор минор атрофларини бироз айланиб томоша қилдик. Масихуддин Ҳиндистоннинг энг зўр марваридлари шу ерда — бизда бўлади, қизларингизга, аёлларингизга олиб кетинглар, деб ташвиқот қилди. Дарҳақиқат, фақат марварид сотадиган алоҳида дўконлар растаси бор экан. Яхшиямки, орамизда аёллар йўқ эди...

Шу ерда кўпчилигимиз, яширишнинг хожати йўқ, совға-салом ташвиши билан юрибмизу, Зокиржон ака нуқул китоб дўконларини изларди. Унинг ана шу ҳаракатлари натижасида бир жойдан Бобур ва унинг сулоласи вакилларининг моҳир ҳинд рассомлари (машҳур «Комде ва Мудан» асари асосида Шароф Рашидов ва Виктор Витковичлар яратишган «Икки дил достони»да образи жуда яхши тасвирланган) томонидан ниҳоятда гўзал ишланган суратлари жамланган плакатни топдик. Улар орасида Мумтоз Маҳал, Нуржаҳон бегимларнинг бир-бирига ўхшаш дилбар сиймолари ҳам бор эди...

Мен Ҳиндистон заминига оёқ қўйган чоғимизданоқ ҳинд қизлари, аёллари киёфаларидан Мумтоз Маҳал сиймосини излай бошлагандим. Амритсар шаҳрида извошда навозиш билан ўтирган оқ юзли, олифта қиз-жувонларни кўриб унча эътибор бермадим. Дехлида, Аграда, Калькуттада улардан-да гўзалроқ, Аржуманд бонуга ўхшаган сохибжамолларни учратаман, деб ўйлагандим. Лекин бизнинг вақтимиз зиқ, дастуримиз тифиз бўлганидан кўчадаги ҳар бир киз, аёлни кузатиб юришга имкон ҳам йўқ эди. Энг гўзал қизлар Қашмирда, Бомбейда, дейишди. Афсуски, биз Фурқат «қамар сиймо»га йўлиққан Кашмирга ҳам, кино юлдузларининг макони бўлмиш Бомбейга ҳам ўтмадик. Ҳатто Вайжантемалани бир кўришдек орзуим ҳам мустажоб бўлмади. Фақат, Ҳайдарободда топганимиз туркум суратлар ичидаги Нуржаҳон ва Мумтоз Маҳалларнинг моҳи чехраларини кўриб кўнглим анча таскин топди ва ҳинд мусаввирларининг аёл зотининг ҳусни-латофати борасидаги тасаввурларига, тўғрироғи орзу ва идеалларига, дидлари, заковатларига қойил қолдим...

Дарвоқе, мен Кашмирни фақат чиройли қизларга бойлиги учунгина кўришни орзу қилмагандим. Балки, Ҳиндистон билан Покистон ўртасида мазкур водийнинг шунчалар талаш бўлиш сабаблари, сирларини англамоқ, билмоқ, «Кашмирдаги муҳаббат» филмида акс эттирилган ҳайратомуз гўзал табиат манзараларини ўз кўзим билан кўрмоқ, мириқиб томоша қилмоқ, завқу шавққа чулғанмоқ умидларим бор эди. Мен бобурийлар — Акбаршоҳни, Жаҳонгир шоҳни, Шоҳ Жаҳонни, Аврангзебни ўзига мафтун этган ва улар даврида 777 та боғ барпо қилинган жозибали Кашмир боғлари ва хиёбонларида сайр этмоқчи эдим. Агар мен Кашмирни ҳеч қачон кўролмасам, бу — ҳаётимдаги энг улкан армонларимдан бири бўлиши мумкин. Шу боисдан мен у жаннатмонанд водийга қачондир албатта боришим керак. Оллоҳ насиб этса, албатта...

Шу куни оқшом Аврангободга қараб жўнаб кетдик. 185 чақирим юргач, йўлда, одатдаги, дала шийпонларисимон «меҳмонхона»да омонат тунадик — ярмимиз ташқарида, ярмимиз машина ичида...

## ИККИНЧИ ТОЖ МАҲАЛ

*26 август, пайшанба*

Эрталаб беш яримда яна йўлга тушдик. Ҳўкизларининг шохини қизилга бўйядиганлар қишлоғидан, маймун, кўнғир мангуста, каклик, қарғалар уймалашиб юрган дарахтзорлардан ўтдик.

Осмонобод деган манзилда нонушта қилдик. Ҳамма жойда энг сероб нарса тухум кўймоқ эди, бу ерда, аксинча, умуман тухум ейишмас экан. Баъзи эркаклар ҳиндулар каби пешонасига қизил, кумушранг чизиқлар, аллақандай шакллар чизиб олишибди.

Гўзал водий... Далалар бепоён: маккажўхори, кунгабоқар, қизилча, мош экилган... Шоли кўринмайди. Чунки бу томонларда сув кам экан. Баъзи экинларнинг нималигини билмадик.

Ҳеч нарса экилмаган кенг далалар ҳам кўп эди — гўё ям-яшил чўл... Техниканинг тайини йўқ. Ҳар замонда битта-яримта тўрт ғилдиракли кичкина трактор учраб қолади. Кўп жойларда ерни омовча ҳайдаб, культивация қилишяпти. Ювош кўринадиган ҳинд биродарларимиз сигирларга сиғиниб, хўкизларини аёвсиз ишлатишаркан, деган гап ўтди кўнглимдан.

Биз бораётган навбатдаги йирик шаҳар бобурийларнинг олтинчи ҳукмдори, Шоҳ Жаҳоннинг учинчи ўғли, сулоланинг яна бир машҳур вакили Аврангзеб номига қўйилган Аврангбод эди.

Аврангзеб феъл-атвори ниҳоятда турфа, зиддиятли шахс бўлган. Мен илгари ўзим билган баъзи маълумотларга асосланиб, уни ўта жоҳил ва бешафқат подшо бўлган, деган тасаввурда эдим... Акаси Доро Шукухнинг юзига қора суртиб, хароб бир филга ўтқазиб Дехли кўчаларида сазойи қилдириши, кейин уни зиндонга ташлатиб, махсус ҳакамлар уни хоинликда айблашгач, бошини танасидан жудо эттириб, жасадининг ҳам кўчаларда сазойи қилдириши (кейин Ҳумоюн мақбарасига қўйилади), қолган ака-укаларига, отасига етказган озору мусибатлари ва бошқа, одамни даҳшатга соладиган ишлари кўп бўлган. Айни вақтда, баъзи ғалати тадбирлари сизни ўйлантириб, иккилантириб қўяди. Масалан, марҳум акаси Доро Шукухнинг иккинчи ўғлини тирик сақлаб, ўн йиллик ҳибсдан кейин озодликка чиқариб, унга ўзининг учинчи қизини, укаси Мурод Бахшнинг (Аврангзеб уни девонбеги Али Натсийни ўлдиришда айблаб, қатл эттирган) ўғли Иззат Бахшга бешинчи қизини никоҳлаб берганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бу шунчаки одамгарчиликми ё қариндошлар ўртасидаги зиддиятларни, оғир вазиятларни юмшатиш учунми? Ё, бобурийлар сулоласининг тирқираб, йўқ бўлиб кетишидан хавотирга тушиб шу йўлни танлаганмикин?..

Бу учинчи ўғилнинг исми аслида Муҳиуддин Муҳаммад бўлган. Отаси Шоҳ Жаҳон уни келажакда салтанатим вориси, тахтимнинг беагаи бўлсин, деган маънода эркалаб Аврангзеб деб атаган. Кейинчалик бу исм ёнига яна «Оламгир» (Оламни забт этувчи) деган унвон ҳам қўшилган.

Аврангзеб 1618 йили 3 ноябрь куни (баъзи маълумотларда 23 октябрь) Ужжайн яқинидаги Дўҳад деган жойда туғилган. Отаси унинг тарбиясига алоҳида эътибор берган. Аврангзеб ёшлигиданоқ ҳарбий ишларга қизиққанидан жанг қилиш, қурол ишлатиш маҳоратини эгаллаб олган. Араб, форс ва ҳинд тилларини пухта ўрганган. Аврангзеб 1658 йили ака-укаларини мағлуб ва мавҳ этиб, отаси Шоҳ Жаҳонни Аградаги Қизил қалъага қамаб, ўзини шоҳ деб, номини эса «Абдул Музаффар Муҳиуддин Муҳаммад Аврангзеб Баҳодир Оламгир подшоҳи ғозий» деб эълон қилади.

Аврангзеб ниҳоятда тиришқоқ, серғайрат, шу билан бирга ўта қайсар, жангари одам бўлган. Шоҳ шахсиятидаги мураккабликлар унинг бутун ҳаёти, фаолиятида акс этиб турган. Айтишларича, Шоҳ Жаҳон ҳибсдалигида ота-бола (Аврангзеб) бир-бирига хат орқали мурожаат қилиб туришган, бироқ юз кўришмаган. Ана шундай алоқа номаларида ва бошқа ёзишма, маъруза, ўғитларида Аврангзебнинг дунёқараши, фалсафаси, эътиқоди, умуман бутун номаи аъмоли ўз ифодасини топган. Жумладан, «Мен парвардигор томонидан яшаш ва меҳнат қилиш учун яратилганман, фақат ўзимнигина эмас, балки энг аввало бошқаларнинг хузурини ўйлаш менинг шоҳлик бурчимдир. Халқимнинг бахти — менинг бахтим», — дейди бир жойда.

Дарҳақиқат, Аврангзеб эрта тонгда уйқудан уйғониб ярим кечагача давлат ишлари билан шуғулланган.

Мен учун қизиғи яна шуки, Аврангзебни адолатли шоҳ сифатида таърифлайдилар. Масалан, инглиз тарихчиси Овингтон: «Бу улуғ мўғул адолатнинг асосий манбаи экан», деб ёзади. Ашаддий тахт ишқибози, шоҳ бўлиш, салтанатни талашдек худбин мақсади кўзини кўр, ақлини паришон қилган кимса, ниятини амалга ошириш йўлида падари бузрукворини саккиз йил ҳибсда сақлаган, ака-укаларини ўз ўғлига ўлимни раво кўрган, раво кўргангина эмас, ўзи қатл эттирган инсон қандай адолат манбаи бўлиши мумкин?

Аврангзеб сиёсати катта бобоси Акбаршоҳ сиёсатига мутлақо қарши ўлароқ, ўз назариясига кўра, «Дорул ҳарб» («Кофирлар мамлакати») бўлмиш Ҳиндистонни «Дорул ислом» («Мусулмонлар мамлакати»)га айлантиришни асосий шиор қилиб олган эди.



Мажбурий исломлаштириш ҳаракати халқда қаттиқ норизоликлар туғилишига, исёнлар юз беришига сабаб бўлади. Бобурийлар давлатининг мустаҳкам қалъаси дарз кетиб, чок-чокидан сўкила бошлайди.

Аврангзеб зарб қилинган танга пулларга Оллоҳнинг каломи — «Қуръони карим»дан оятлар битишни, Наврўз байрамини нишонлашни ман қилди. Саройда хонандалар, созандалар сақлаш, ўйин-кулги қилишларга чек қўйди, наша чекиш, қимор ўйнаш каби қабих одатларни таъқиқлади, бузук аёлларга эрга тегиш ё мамлакат худудидан чиқиб кетишни қатъий шарт қилиб қўйди.

У нисбатан кўп яшади (88 йил) ва узоқ — эллик йил ҳукмдорлик қилди. Ҳаёти жангу жадаллар, исёнларни бостириш ва бошқа ташвишлар билан, нотинч, бесаранжом кечди. Айниқса, умри охирларида унга қарши бош кўтаришлар (жумладан, ҳиндларнинг маратха деб аталган мазҳабидагилар) кўп бўлди. Шохнинг тахти ҳам, умри ҳам, хонадони ҳам таназулга қараб кетди. 1702 йили тўнғич қизи, ажойиб шоира Зебунисо вафот этди. Шундан кейин Аврангзеб бошига мусибатлар қаторлашиб келаверди. Икки-уч йил ичида у бир қанча жигаргўшаларидан — исёнкор ўғли (ахир нима бўлса ҳам фарзанд-ку) Акбардан, суюкли келини Жаҳонзебдан, синглиси Гавҳар Ородан, қизи Меҳринисо ва унинг эри Иззат Бахш (Мурод Бахшнинг ўғли)дан, набираси Буланд Акбардан, кейинроқ яна икки набирасидан жудо бўлди. Балки бу оғир фожиалар падари бузрукворига, ака-укаларига кўрсатган жабру жафолари учун Тангри томонидан берилган жазомиди...

Руҳан заифлашиб, курашлардан толиққан Аврангзеб, иқтисодий жиҳатдан емирила бошлаган, ғалаёнлар авж олган мамлакатни бошқаролмай қолади ва 1707 йили март ойида дорулбакога рихлат қилиб, бу ёруғ дунё ташвишларидан озод бўлади.

«Аврангзеб солиҳ инсон бўлишига қарамай, унга болаларидан буюрмади», деб ёзади бир олим. Афсуски, қисматнинг бундай бешафқат панжаси аксарият шохларни четлаб ўтмаган. Чунки уларнинг ўзлари ҳам оталарига вафо, садоқат кўрсатиш, ёрдам бериш ўрнига, тахт ишқида хиёнат қилганлар. Аврангзебнинг ўзи ҳам бундан мустасно эмас-ку. Лекин униинг ўғли Аъзам шохнинг онасига кўрсатган муруввати ибратлидир. Аврангбодда Аъзам шох томонидан онаси Робия Дурроний бегим хотирасига бунёд этилган мақбарани Ҳиндистонда «Иккинчи Тож Маҳал» дейишаркан. Дарҳақиқат, бу муаззам ва муҳташам обиданинг хусусан ташқи шакли-шамойили, ҳатто кираверишдаги ҳовузларгача гўё Тож Маҳалдан кўчирилган нусха эди. Биз бу иншоотни ўғилнинг онага бўлган садоқати, меҳри-муҳаббати, фарзандлик бурчининг мукамал ижроси сифатида баҳоладик. Аврангбодликларнинг бобурийлар руҳи-покига ҳурмати, қимматли бойлик ҳисобланмиш пурвиқор мақбара ва умуман тарихий ёдгорликка бўлган сидқидил муносабатларига, уни асраб-эъзозлашларига таҳсин айтиш жоиз. Аврангзебнинг суюкли хотини Дурроний бегим, яъни Она қабри устига ёпилган яшил рангли мато—мовут янгидай, зарҳал жилолари товланиб турибди. Қабрданми, дахмаданми, атрофга қандайдир хушбўй хид таралади.

Айтишларича, Аврангзебни Фотехгарга (Аврангбоднинг аввалги номи) икки муҳим нарса умр бўйи боғлаб турган: биринчидан, у умуман бу ерни хуш кўрган, иккинчидан, шу жойга яқин Култободда унинг пири бўлган ва шу икки сабаб бирлан Аврангзеб Фотехгарга тез-тез ташриф буюриб турган. Балки шунинг учун ҳам бу шаҳар кейинчалик Аврангбод деб атала бошлангандир. Аврангзеб асли Аҳмад Нагарда вафот этган, лекин ўзининг васиятига биноан унинг жасади Сатвари тепалигидаги Хўжа Зайниддин Чештий (Салим Чештийлар авлодидан), яъни пири қабри ёнига дафн қилинган.

Дурроний бегим мақбарасидан чиққанимизда кеч кириб қолган эди, шунга қарамай, шаҳар ғарби-шимолидаги Сатвари тепаликларига қараб жўнадик. Тўлқин ака билан Фаррух етиб борғунимизча қоронғи тушиб қолади, тасвирга ололмаймиз, эртага эрталаб борсак яхши бўларди, дейишган эди, Зокиржон ака унамади. У раҳбар сифатида ҳам, шахс сифатида ҳам тутганини қўймас, гапидан, йўлидан қайтмас эди.

— Йўқ, — деди у қатъий, — ҳозир борамиз.

Дарвоқе, боя доктор излаб юрганимизда, иттифоқо, худо ишимизни ўнглаб, бизга Шекхар исмли ҳинд йигитини дучор қилган эди. У туризм коллежи талабаси бўлиб, Ўзбекистон ҳақида анча маълумотга эга, бобурийларга ихлоси баланд экан. Шекхарнинг

калбида олижаноб орзулари ҳам бор эди. У Ўзбекистон билан Аврангобод ўртасида ўзаро саёҳатни йўлга қўйиш истагида ёниб юрганини айтади. Ўзбекистонга меҳр-муҳаббати сезилиб турарди. «Сизларни менга худо етказди, Сизлар билан учрашганимдан жудаям хурсандман, қўлимдан келган хизматимни аямайман» деб, бизга иккинчи Тож Маҳал ва бошқа обидаларни кўрсатган, ҳозир ҳам биз билан эди. У Аврангобод тарихи, Аврангзебнинг бу жойларни қандай забт этгани, чештийлар сулоласи ва бошқа тарихий воқеалар ҳақида завқ-шавқ билан гапириб борарди.

Шекхар Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги консулхонаси (Аҳмаджон Лукмонов) томонидан тарқатилган сўровнома (Ўзбекистон ҳақида)га қониқарли жавоб бериб, тегишли мукофотга сазовор бўлган эди. У гапни айлантириб яна саёҳатни ривожлантириш борасидаги ниятлари билан боғлар ва «Туризм халқларни яқинлаштиради», дерди донолардек.

У Аврангобод иқлимининг Ҳиндистоннинг бошқа минтақаларига нисбатан юмшоқроқлигини айтиб, Сатвари тепаликларини таърифлай кетди.

Ботиб бораётган куёшнинг алвон нурлари гўё бутун Аврангободга парча-парча бўлиб сочилиб кетгандай, қайси томонга қарасак, кўзларимизга шуълалар уриларди. Айниқса, биз бораётган йўлнинг икки тарафи ям-яшил дала, дара, адирликлар бўлиб, атрофи унча баланд бўлмаган тоғлар билан ўралган, куёш нурлари ана шу тоғлар кўксига урилиб чил-чил синарди-да, орқага қайтиб, майдаланган шиша синиқларидай майсалар қатида живирлаб кўринарди.

Майда кўз гуллари тўқ қизил, паст бўйли, бутасимон ўсимлик-дарахт сийрак дарага ўзгача файз бағишлаганди. Гулмухор — «ўрмон олови» дейишаркан. Чиндан ҳам у тундаги чўғдай милт-милт қилиб, товланиб турарди.

Ўнгдаги тепаликлар устида бир кўҳна қалъа кўринди. Давлатобод деган у жой бир вақтлар пойтахт бўлган экан.

Ёнбағирлари ғоят баҳаво, сўлим адирлараро ўтган айлана йўллардан баландга ўрлаб, кўзланган манзилга етганимизда, дарҳақиқат, қоронғи тушиб бўлган эди. Бу ер тепаликда жойлашгани ва сайёҳлар билан гавжумлиги жиҳатидан менга Арслонбобни эслатиб юборди. Сайлчиларнинг кўплигига сабаб бугун Зайниддин Чештий туғилган куни муносабати билан анъанавий хотира байрами бўлаётган экан. Ҳаммаёқ одам, машина, чироқлар, шиорлар, безаклар... Ҳар ер-ҳар ерда айиқ ўйнатувчилар, кўзбойлағичлар атрофига тумонат одамни йиғиб олиб, ҳар хил томошалар кўрсатишарди. Бир жойда дўмбирачи ноғорасини зарб билан уриб, ўртага-ерга ташланган пул атрофида айланиб-айланиб, сўнг ноғорага қорни билан ётган ҳолда, оёқларини осмонга кўтарганча бошини ерга эгиб, пулларни қўл ишлатмасдан у чаккасига, бу чаккасига ёпиштириб олиб ўрнидан туриб кетяпти. «Ҳа, пул-а, пул...» дегинг келади беихтиёр.

Зайниддин Чештий қабрини, сўнг Аврангзеб мақбарасини зиёрат қилмоққа кирдик. Аврангзеб ғоят қаттиққўл шоҳ бўлган эса-да, қабр-мақбарасининг соддалиги бизни таажжубга солди. Кичкинагина, усти очиқ... Мақбарага «Мўғул империясининг шаҳаншоҳи Аврангзеб қабри» деб ёзилган эди. Дарвоқе, ҳинд тарихчиси Жоду Нат Саркор ҳам Аврангзебни «Буюк мўғулларнинг энг буюги» деб таърифлаган...

Зиёратдан қайтиб, шаҳар марказидаги тўрт қаватли, энг катта ва шинам «Равираж» меҳмонхонасига жойлашдик. Ички жиҳозларига ҳам гап йўқ, зўр. Умуман, Ҳиндистонда халқ ва сайёҳлар кўп бўлишига қарамай, меҳмонхона масаласи бутунлай ҳал бўлган экан. Биронта меҳмонхонада чакка томирингизга гупиллаб уриладиган «жой йўқ» деган калимани эшитмайсиз (Дехлида биз арзонроғини излаб анча юрганмиз холос). Ўртачаларида ҳам сув, душ ва бошқа шарт-шароитлар жойида эди. Ресторанга кирдик. Тўла бир пиёла чой ҳажмида суюқ овқат—«чекен суп», кўғирма лағмонсимон қуюқ овқат (саккиз кишилик), тўртта пиво (0,7), олтита музқаймоқ ва чойи сулаймоний — 1463 рупий бўлди. Калькуттада 1300 рупийга чарм куртка сотиб олганимни ёзган эдим, овқат нарх-навосини шундан чиқариб олаверинг... Лекин бу кун энг мазмунли кун, файзли, гўзал оқшомлардан бири бўлди... Аслида Аврангободда тунамай жўнамоқчи эдик. Тасвирчиларимизнинг Аврангзеб мақбарасини суратга олишолмагани боис, Зокиржон ака: «бўлди, бу кеча қоламиз, деди шартта ва чин юракдан. — Бобурийларга алоқаси бор қандай иш бўлса, қиламиз, кўрамыз. Керак бўлса, бир

## ИЛҲОМ ПАРИСИ

27 август, жума

Нонуштага биринчи қаватдаги қаҳвахонага тушдик. Деразадан меҳмонхонанинг ғарб томон ёнбошидаги мўъжазгина ҳовли-хиёбонча кўзга ташланиб турарди. Унинг ҳусни-жамолини бир ҳайкал жуда очиб юборган эди. Мен нонуштадан кейиноқ ўша ёққа ошиқдим ва эртаксимон ажойиб бир манзара - лавҳа қошида лол бўлиб қолдим. Тошлардан ясалган, тоғлар қуршови билан туташ соҳил манзараси шу қадар жонлики, гўё дарё бўйининг бир қисми шартта кўчириб олиб келиб қўйилгандай... Тошлар қуршовидаги каттароқ тошда қадди-қомати келишган соҳибжамол қиз ўтирибди, бир қўлида кўза, бежирим оёқлари панжаларини дарё тўлқинларининг шўртанг, чанқоқ лаблари ялаб ўтмоқда. Яланг оёқчалар шунчалар оппоқ, беғуборки, гўё, шоир таъбири билан айтганда, сув ана шу жонон оёқчаларга суркалиб, ўзини тозалаб, покизаланиб олаётгандай...

Шу ўринда, яна Отойининг куйидаги машхур байти ёдимга тушди.

*Ул санамки, сув яқосинда паридек ўлтурур,  
Ғояти нозиклигини сув била ютса бўлур...*

Ҳайкал шу қадар нафис ва жозибалики, нигоҳингизни узгингиз келмайди — чинакам санъат асари дейсиз. Қиз сиймоси ва умумий ҳолати ҳам, менинг наздимда, ниҳоятдан ҳаётий эди: ним яланғоч... Бармоқларида кўша-кўша узук, билагида, тирсак билан елка орасида ҳам қатор-қатор билакузук, бўйнида шода-шода тақинчоқлар... Бу жиҳатдан бойвучча хоним, асилзода бегойимларга ўхшайди. Қалин сочларининг бир қисми орқасига чигилинг қилиб турмакланган, қолгани елкаларида тўлқин уриб турибди. Белидан пастига ўралган гулдор сарийсининг этаklarини гўё дарёдан эсаётган шабада оҳиста тортқилаб ўйнамоқда. Қош-кўзлари, лаблари ҳам жуда латиф. Гўзал ҳинд раққосаларининг умумлашган тимсолимикин, деб ўйлайсиз, лекин кўзлари зангоридай туюлади ва ғарбда гўзал аёл, она рамзи сифатида талқин этиладиган «Мадонна»ни ҳам эслатиб юборади. Хуллас, оқ ганчдан ишланган бу ҳайкал ҳатто қоғозга мойли бўёқ билан чизилган расмдан ҳам силлиқроқ, майинроқ, жонлироқ эди. Йўқ, у раққоса ҳам, «Мадонна» ҳам эмас, бойвучча хоним ҳам эмас, у — илҳом париси, дейди ички бир нидо... Қизнинг ўнг қўлига тўти қўниб турибди. Нозанин жонон гўё ана шу дилкаш жонивор — ҳамдам, ҳамдард дугонаси билан тиллашмоқда, сирлашмоқда эди. Балки қиз сув баҳона, дийдор ғанимат деб, висол учун келгандир соҳилга — ошиқ-маъшуклар паккасига. Балки хушторининг кечикаётганидан хавотирланиб, тўтини хабар олишга юбормоқчи бўлиб, унга гап тайинлаётгандир. Ёки аразлашиб қолишган бўлса, тушларини сувга, дардларини кушга тўкиб солаётгандир...

Афсуски, илҳом париси билан хайрлашишга тўғри келди. Шериклар мени кутишмоқда эди. Мен ҳали бу ерга яна қайтиб келамиз-ку, деган юпанч билан машинага ўтирдим. Яна кечаги жойга — Сатвари тепаликларига жўнадик. Шаҳардан чиққандан сўнг йўл анчагача икки томондаги улкан, кекса баниян дарахтлари орасидан ўтиб борарди. Бу, менимча, Ҳиндистон табиатидаги энг ўзига хос мўъжиза ўсимликлардан бири бўлса керак. Унинг бесаноқ шохлари чачала-чачала, шокила-шокила бўлиб ергача осилиб тушаркан-да, яна илдиз отиб кетаркан Табиатшунос бўлмасам-да, менинг ҳинд табиатига чандон қизиқишим, гул-дарахтларнинг номларини сўрайверишим, таржимонимизга эришроқ туюларди чамаси, баъзан эринмай изоҳлаб тушунтирса, гоҳо саволимга қисқагина жавоб қайтарар, айрим вақтларда ўзини эшитмаганга солиб, индамай қўя қоларди. Зеро, Ҳиндистонда бир неча йил яшаб, ишлагани боис, унинг бунақа майда-чуйда масалаларга рағбати қолмаган бўлса керак. Гарчи, юракда табиатга қизиқиш кучли бўлса-да, ботаника фанидан йироқлигим гўзал ҳинд заминининг гўзал манзараларини кўнглимдагидай тасвирлашга панд бераётганидан ўқинардим.

Шохи бир қулочли сигирларга дуч келдик. Бу ерда моллар мугузини ҳаворангга бўйаш расм экан.

Сатвари тепаликларида одам кечагидай кўп—сайл давом этаётган эди. Мақбаралар олдидаги кенг майдонда, баланд бўйли, шохлари тарвақайлаган дарахтлар остида созандалар ҳинд классик куйини чалишиб, ўйин қилишмоқда эди. Бизнинг «Чўли ирок» «Чоргоҳ»симон маҳзун оҳангли бу куйнинг номи «Бейн бажа» экан. Сайлчилар орасида ҳинду ҳам, мусулмон ҳам, бошқа дин ва мазҳабдагилар ҳам бор эди.

Бугун ёруғда Зайниддин Чештийнинг пири Бурхониддин Чештий қабри, шунингдек, ёнма-ён қўйилган Аврангзебнинг ўғли Аъзам шоҳ, унинг хотини, пирининг қизи қабрларини зиёрат қилдик. Яна Аврангзеб мақбарасига кирдик. Қабр тепасидаги бир туп сершоҳ садарайҳон қариб, барглари тўкила бошлаган эди. Райҳоннинг нега фақат бир туплигини сўраганимизда, бу ҳам Оламгир шоҳ истаги эканлигини айтишди. Аврангзеб «Мақбарам содда, усти очик бўлсин, осмонни кўриб ётай (дунёга тўймаган бўлса керак-да); кабрим тепасида бир туп райҳон ўсиб турса бас», деб васият қилган экан.

Сағана аввал бундан ҳам содда бўлган, яъни ёғочдан қурилган, 1921 йили маҳаллий ҳукумат қарори билан пол ва деворлари мрамрдан қайта тикланган экан. Зиёратдан қайтгач, Шекхар бизни тагин шаҳар бўйлаб олиб юрди. Биз ҳар қадамда, кўча бўйлари, йўлакларда сим панжара билан ихота қилиб қўйилган кўчатларга дуч келарканмиз, Ҳиндистонда дов-дарахт нима учун кўплиги сирини англаб борардик.

Идоралар ва бошқа бинолар киравериши, йўлакларига зеб бериб турган бир дарахт бор эди, уни ашока дейишаркан. У жуда ажойиб эди: узун-узун, ялтироқ барглардан гулчамбар ясаб, ўраб қўйилган баланд ва йўғон устунга ўхшарди.

— Бу дарахт фақат бизда бўлади, Америкадаям, Сизлардаям ўсмайди, — дея изоҳ берди Шекхар билағонлик ва ўзича ишонч билан (у ботаник ҳам экан).

Аврангбод унча катта шаҳарга ўхшаб кўринмаса-да, салкам бир миллион аҳолига эга эди.

Шекхар Жайсавалнинг кеча берган ваъдасига биноан (у анча ташкилотчи ҳам чиқиб қолди), тушга яқин журналистлар, маҳаллий газеталарнинг вакиллари биз билан мулоқотга келишди. Улар орасида ҳиндий, урду, маратха тилларида бир юз йигирма минг нусхада чиқадиган «Локмат» газетасидан Саттиш Судами, йигирма тўрт минг газетхонга эга «Аврангбод-таймс» рўзномаси муҳбири Аҳмадхон (унга «таксир» деб мурожаат қилишарди ҳамкасблари), «Локмат-таймс» газетидан Имтиёз Жалил ва бошқалар бор эди.

Одатдагидай, аввал мезбонлар бизга саволлар беришди. Зокиржон ака Ўзбекистон ва экспедиция ҳақида гапирди. Савол бериш навбати бизга етганда мен уларга шундай деб мурожаат қилдим:

— Биз ўнлаб, йигирмалаб ҳинд шоир-ёзувчиларини ўқиймиз. Токурнинг ўнлаб катта-катта китоблари ўзбек тилида қайта-қайта нашр этилган. Сизлар ўзбек адибларидан кимларни биласизлар? Масалан, Навоий, Бобур асарларини ўқийсизларми?

Журналистлар елка қисишиб, бир-бирларига қарашди ва... ўзбек адабиётини, Навоий, Бобурларни яхши билмасликларини эътироф этишди. Улар Баҳодир шоҳ II нинг яхшигина шоир бўлгани, «Зафар» тахаллуси билан шеърлар ёзганини билишаркану, лекин Зафарнинг бобокалони бўлган Бобурнинг «Бобурнома»сидан ҳам, бошқа асарларидан ҳам, ғазалиётдан ҳам деярли беҳабар эдилар. Бобурни фақат шоҳ сифатида эшитишган экан.

Шекхар Жайсавал ҳамкасбларининг биз учун нохуш жавобларидан хижолат чекиб, Навоий асарлари бизга энди етиб кела бошлади, ўқиямиз, деб қўйди.

Биз Бобурнинг ўзбеклиги, Андижон шаҳрида туғилганини айтганимизда аврангбодлик журналистлар ҳатто ҳайратга тушишди. Бу ҳол менга уларнинг Бобур ва бобурийлар ҳаёти, демакки, ўз тарихларига ҳам жиддий қизиқмаганликлари оқибатидай туюлди.

— Бу гап биз учун янгилик бўлди, — деди Имтиёз Жалил. — Газетага ёзажак мақоламга «Бобур мўғул эмас, ўзбек», деб сарлавҳа қўяман.

Мен Пушкиннинг бир шеърини эсладим:

*Ватаним одатин бегона элда*

*Мен муқаддас билиб бажармоқдаман:  
Баҳор байрамида — гўзал сайилда  
Кушчага эрк бериб учирмоқдаман.*

*Кўнглим шундан топар тасалли — ором:  
Худодан нолишим ўринли эмас,  
Ахир, мен озодлик этолдим инъом  
Ақалли биргана жонга бу нафас!..*

Биз ҳам ҳозир тарихий аҳамияти буюк бир ҳақиқатни бир неча журналист онгига етказолганимиздан мамнун эдик...

Шу ерда мен яна Ўзбекистонга, Бобурга меҳри баланд ва уларни ниҳоятда яхши биладиган бошқа ҳиндистонлик ижодкорларни эсладим. Ўзбек халқини, унинг тарихи, адабиётини, маданиятини ўзининг ҳинд халқига таништириш мақсадида ўзбек диёрида бир неча йиллаб яшаган ажойиб фидойи ҳиндларни биз ҳам яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Бу борада сўз кетганда лакновлик Манзар Салим албатта хаёлимдан ўтади, Фидойи инсоннинг жасоратига, матонатига, тантилигига, ҳалоллигига қойил қолмасликнинг сира иложи йўқ. Тошкентда бир ўғил уч қиз билан (рафикаси Муштар Жаҳон ўрганилмаган иқлимга мослашолмай, Ҳиндистонга қайтиб кетади) қарийб ўн беш йил яшаган ва ўзбек адабиётидаги жуда кўп нодир асарларни меҳр-муҳаббат билан, катта ихлос билан урду тилига ўгирган. Манзар Салим таржимасида чоп этилган китобларимиз ўтгиздан ортиқ. Булар орасида Ҳамза, Зулфия шеърлари, Фафур Гуломнинг «Шум бола»си, Ойбекнинг «Қутлуғ қон», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримкул Қодировнинг «Бобур» романлари, ўзбек ёзувчиларининг «Ҳикоялар»и ва бошқа йирик ҳажмдаги асарлар бор.

Манзар Салимнинг «Алпомиш» достонимиз ҳақида айтган фикрлари, ўзбек маданий меросига берган баҳосини бир ўқинг-а («Алпомиш»ни таржима қилиш тавсия этилганда таржимон шундай андиша билан қайтарган): «Ўқувчиларни ҳам, ўзбек халқини ҳам алдаш ниятим йўқ. Бундай қийин жанрга умримда дуч келмаганман. «Алпомиш» билан жиддий танишиб, ўзбек халқининг ижодий мероси бу қадар бойлигидан яна бир қарра ҳайратга тушдим. Хусусан, бу меросингизни пул ёки бойлик эвазига таржима қилдираман, деб уринмангиз (муҳарририят томонидан «Алпомиш» таржимаси учун ортиқроқ қалам ҳақи ваъда қилинганига ишора — Қ. К.). Бунинг учун мутаржим онадан ўзбек бўлиб туғилмоғи лозим...»<sup>1</sup>

Ўзбек маданиятини шу қадар чуқур ҳис этадиган ҳинд дўстларимиз ҳаққи-ҳурмати, аврангободлик айрим журналистларнинг Бобур ижодини яхши билмаганидан ортиқча ўқинмасак ҳам бўлади.

Дарҳақиқат, шу куннинг эртасигаёқ (1993 йил, 28 август) «Аврангобод таймс» кундалик газетида «Шаҳаншоҳ Бобур Ўзбекистоннинг Андижон шаҳридан экан. Тарихий янгилик!» сарлавҳали мақола босилиб чиққан бўлиб (журналистларнинг тезкорлигига қойил қолиш керак), унда ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кимлиги, Ҳиндистондаги бобурийлар салтанатига қандай асос солингани, «мўғуллар» атамасининг хатолиги, Ўзбекистон, Бобур номли халқаро илмий экспедиция фаолияти ва бошқа масалалар шарҳига анча кенг ўрин берилган эди.

Давра суҳбатидан кейин Шекхар бизни Жайпур йўлигача кузатиб қуйди. Шаҳардан чиқишимиз билан ҳайвонлар галасига дуч кела бошладик. Сигирлар, хўкизлар, бузоқлар йўлнинг қоқ ўртасида бемалол юришар ё хотиржам кавш қайтариб ётишар, умуман, ҳаракатга, транспорт қатновига жуда ҳалал беришарди. Гўё жониворларни безовта қилишга ҳеч кимса ботинмасди (балки бу ҳақда умуман ўйлашмас). Назаримда ҳиндларининг истеъмол сўзлари луғатида «хўш!», «кет!» «кишт!» деган калималар йўқ эди... Ҳатто кўчанинг ўртасида машина уриб, ўлиб ётган ит, мушукни ҳам четроққа олиб қўйишмас экан.

Шимолга қараб боряпмиз. Куёш орқамизда, чапроғимизда (Ўзбекистон ҳам ана шу

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» рўзномаси, 1991 йил, 30 июль.

тарафда) қолмоқда. Бу ёқларда палма кам, шоли ҳам кўринмайди, пахтазор кўп, лекин эндигина шоналаган ғўзалар ола, сийрак, баланд-паст эди.

Кечки томоқдан кейин, соат тунги ўн бирларда машина рулига Зокиржон ака ўтириб, Обиджон акага дам берди. Мен «штурман» (бу сўзнинг асли луғавий маъноси бошқача бўлса ҳам, биз ҳайдовчини зериктирмай, уйқудан чалғитиб борувчи шерик деган мазмунда ишлатардик) бўлдим. Анча юрганимиздан кейин тасир-тусир бўлиб қолди. Тушиб қарасак, орқадаги баллонлардан бири йиртилиб кетибди. Секинроқ юравердик. Кеч бўлгани учун қатнов сийрак эди. Баъзан анчагача ҳам йилт этган чироқ кўринмасди — на йўл ва на атропода. Икки ён қуюқ дарахтзор. Ваҳимали туюлади. Баллон «тарс-тарс» қилиб келяпти. Кичикроқ бир довондан ўтяпмиз. Ойнани қия очсак, чийиллаб шамол киради. Энг баландда тўхтадик. Ҳавоси бирам тоза. Осмон яқин. Норасида ой кучсизгина нур сепмоқда. Лекин анча-мунча булут ҳам бор. Мен хийладан бери йўқотиб юрган қадрдон «Етти оғайним»ни бу жойларда ҳам тополмадим. Умуман, Ҳиндистон осмонида юлдуз камроқдай туюларди менга (Чанг, ғуборнинг кўплигидан бўлса керак).

Тез юриб бўлмайди. Яхшигина йўл тезда-тезда «айниб» туради. Баллон тарсиллаши охир асабларни ҳоритди. Тунги соат иккиларда тўхтадик. Улкан баниан остидаги чойхонанинг йўловчилар учун мўлжалланган тўқима қаравотларида Зокиржон ака, Тўлқин ака — учаламиз ётдик. Бошқалар машинада, ўтирган жойларида ухлаб қолишганди.

Банианнинг арқонсимон новдалари учи ерда судралиб ётар, улар тун қоронғисида илонга ўхшаб ваҳимали кўринарди (Қаердадир бу «илдиз» - ҳалинчакларга маймунлар осилиб ўйнаётганини кўриб эдик).

Оромбахш шабада ғир-ғир эсиб турибди. Фақат, дарахт шохларига макон қуриб олган шанғи қарғалар қағиллашиб безор қиларди. Шунга қарамай чарчоқ, уйқу истаги устун келди. Аммо, барибир муттаҳам парранда шанғиллашидан уйғониб кетдим. Бунинг устига, таажжубки, совқотиб қолибман (устимга юпқа чойшаб ёпинган эдим).

Соат беш ярим бўлган экан. Бошқалар ҳам уйғонишди. Жўнадик.

## ҚУРОЛИМИЗ ПИЧОҚ ЭДИ...

*28 август, шанба*

Тонг росмана отганда баллон алмаштирдик. Икки соатлардан кейин яна довон бошланди. Қуюқ дарахтзорли довон, патирдай-патирдай япроқли, ёнғоқсимон дарахтлар... бироқ, меваси кўринмайди. Умуман, Ҳиндистон ҳудудида дарахт турлари тез-тез ўзгариб тураркан (бизда, Фарғона водийсида юрсангиз ҳам, Сурхондарёга борсангиз ҳам йўлнинг икки томонида асосан тутқатор, қора толу мирза теракни кўрасиз)...

Бобур авлодлари билан бўлган учрашувимиз, хусусан, ёкимтой қизалоқ Африна хаёлимдан кетмаяпти. Айниқса, унинг жилмайиб, салгина уялиб туриши, жажжи кафтчаларини ияги остига олиб бориб, миттигина жуссасини хиёл олдинга эгиб, таъзим билан ҳиндча салом бериши нигоҳимга муҳрланиб қолган эди...

Сигир соғаётган ўспирин болалар, катта ёшдаги эркаклар хаёлимни чалғитиб (аёл кишининг сигир соғаётганини кўрмадим), велосипид минган қизлар, мотоциклни шиддат билан ҳайдаб бораётган аёллар ҳайратимни оширарди. Қизлар, жувонлар эркакларга нисбатан шўхрок, шаддотроққа ўхшайдилар. Ҳиндларнинг гапириш, муомала усуллари ҳам бошқачароқ эди, яъни улар сўзлаётганда хатти-ҳаракатлар билан ҳам тингловчига мақсадини яхшироқ англайтиш пайдан бўлишарди. Баъзан фақат имо-ишоралар билан ҳам чекланиб қўя қолишаркан. Эркагу аёл, каттаю кичик ўртасида энг кўп урф бўлган имо-ишора оҳиста бош чайқаш, тўғрироғи, ияк чайқаш бўлиб, бу «хўп бўлади», «маъқул», «яхши», деган маъноларни англатарди. Бундай имога дастлаб дуч келган одам «йўк, бўлмайди», деяпти деб ўйлаши турган гап.

Йўл-йўлакай кўнгил тортадиган озодароқ ошхона истаб, соат ўн бирларда нонушта қилдик. Озгина юриб, Индор деган шаҳарчада баллон камераларини яматдик. Сал хотиржам

бўлиб, соат бир яримларда яна йўлга тушдик. Шу ердан шу вақтдан яна ҳарорат кўтарилиб, бетоқатлана бошладик. «Тойота»миз кондиционери ҳам ташқаридаги иссиқ хавони «таржима» қилиб беришга улгурмас эди...

Икки соатлардан кейин ёмғир шундай куйдики, машинанинг ичи ҳам ваҳима бўлиб кетди. Нима ҳам дердик—ҳинд табиати, иклимининг шундоқ нағмалари, ўйинлари бор экан...

Биора шаҳри остонасида йўл иккига айрилди: ўнгга Аграга, чапга — Жайпурга кетиларди. Биз яна 480 чақирим юришимиз лозим эди. Яшил чўл (яъни дарахтсиз ерлар)дан ўта бошладик. Йўл гоҳ яхши, гоҳ-ёмон...

Қоронғи тушди. Ўн беш чақирим юрилгач, чорраҳа ва автомобил назорати пости келди. «Йўл хатарли, қароқчилар бўлиши мумкин, уч-тўртта машина йиғилса, қўшилиб кетасизлар», деб тўхтатиб қўйишди. Биздан ташқари битта юк машинаси ҳам бор эди. Қаҳва ичиб, кута бошладик. Машина кам бўлсаям, одам кўп: у ер-бу ерда тўп-тўп бўлиб туришарди. Ваҳимали миш-мишлар.... Аҳмад Сингх дегани бормиш... Жуда ашаддий эмиш... Кеча кечаси тўртта машинани тунашибди...

Ростдан ҳам йўл хавфли шекилли, биздан кейин анчагача ҳам биронта машина ўрмалаб келавермади. Бир вақт юк машинасининг ҳайдовчиси ёнимизга келди. Унинг соч-соқоллари ўсган, ўнг чаккаси ва кўзининг ёнидан яраланганми, қўшув қилиб лейкопластир ёпиштириб олган, қисқаси, шубҳали фикр уйғотарди. «Важоҳати қароқчиникидан ҳам баттар-ку, Аҳмад Сингх дегани шу эмасмикин иш қилиб...» деган ўй келади хаёлингизга.

— Йўлда бир кўприк келади — паст, машиналарнинг ости тегиб қолиши мумкин, бироз узоқроқ бошқа йўл бор, ўша томондан айланиб ўтиш керак, - деб тушунтира бошлади бизга. Унинг ўзига ўхшаган шериги сал нарида айланиб юрибди. Кўзлари, қарашлари бежодай...

Юк машина ҳайдовчиси ёнимиздан кетди. Биз ўзимизча муҳокама қилиб, ҳар хил тахминлар айтдик. Бирпасдан сўнг у шериги билан келди.

— Кеч қолиб кетяпмиз, бир-биримизга ҳамроҳ бўлиб жўнаверайлик. Қароқчилар кеча тунашган бўлса, бугун “ов”га чиқишга кўрқишади, — деб бизни ташвиқ эта бошлади. Кейин у: постдагилар йўловчи, ҳайдовчиларнинг кўнглига атай ваҳима солиб туришади, уларниям нафси бор, озгина «йўлини» қилсак, ўтказиб юборишади, — деди аста шивирлаб.

Лекин бизнинг иккиланганимизни кўриб, булардан шерик чиқадиганга ўхшамайди, деб ўйлашди шекилли, шартта орқасига бурилишиб постга кириб кетишди ва у ердан тезгина қайтиб чиқишди-да, машинани юргизиб, шиддат билан жўнаб юборишди. Кейинроқ биз ҳам таваккал қилиб юк машина орқасидан йўлга тушдик. Қароқчилар Бобурни тушунмасаям, мусофир-меҳмонни тушунар, аяшар...

Одатдагидай, икки ён дарахтзор, чироқ кам, кўп жойлар умуман қоп-қоронғу. Ҳадемай, юк машинасига етиб олдик. У боягидек шиддат билан эмас, оҳиста борарди. Йўлга бир машина сиғади холос. Бизда шубҳа ва ҳадик уйғонди (Киноларда бундай маҳалларда сирли, ваҳимали мусиқа бошланади). Олти чақиримча юрганимизда йўлда турган бир юк машинасига рўпара келдик. Олдимизда кетаётган машина ҳам унга яқин бориб тўхтади. Ҳайрон бўлдик: ахир биздан аввал постдан бошқа машина ўтмаганди-ку... Ҳар кимнинг кўнглига не хаёллар келди—ўзларига маълум. Ҳарқалай, ҳаммининг юрагига ваҳима ўрмалагани аниқ эди. Бу ҳолатни ошқора муҳокама қилишга тушдик. Иккала юк машинасининг ҳайдовчилари олдиндан маслаҳатлашиб олишган бўлса-чи?.. Ҳаммамиз беихтиёр хушёр тортдик ва «мудофаа» ҳақида бош қотира бошладик. Албатта, бу гаплар ҳозир менинг ўзимга ҳам кулгили туюляпти, лекин ўша пайтдаги аҳволимиз сираям кулгили эмас эди. Нотаниш жой, атроф жангал-ўрмон. Бунинг устига, постдаги огоҳлантириш ва «миш-миш» лар...

Бизда ҳатто белкурак ҳам йўқ, фақат совға учун олган Қорасув ва Шаҳрихон пичоқларидан бор эди холос, бунинг ҳам биттасини (Сайфуддин ҳожи аканикани) Калькуттада «урдириб» юборганмиш... Анча-мунча пулларимизни ўриндик ғилофлари орасига ва бошқа жойларга беркитдик, ойна пардаларини жипс тортиб пичоқларни яланғочлаб ушлаб олдик.

— Сигнални босинг! — деб буюрди Зокиржон ака ҳайдовчимизга. — Босинг! Қаттиқроқ!.. Босинг яна!..

Обиджон ака машина сигналини жон-жаҳди билан кетма-кет босиб берган эди, юк машиналари бирдан силжиб юборди. Машина рулига Зокиржон ака ўтирди-да, шиддат билан газни босди. У бирдан юк машиналарини қувиб ўтишни мўлжаллаб қолди. Ўнг томондан-ку ўтишнинг иложи йўқ, чап тараф ҳам ўт-ўлан билан қопланиб ётгани учун кўкатлар тагида нима борлигини (қаттиқ ерми, ариқчами?) билиб бўлмасди. Зокиржон ака нима бўлса, бўлди, деб чап ёнга (аслида чап томондан қувиб ўтиш мумкин эмас) солдириб юборди. «Тойота»миз тарақа-туруқ қилиб, чанг-тўзонни осмони фалакка кўтарганича, юк машиналари бортига теккудай бўлиб, ёнбағирликка ағанай-ағанай деб олдинга ўтиб олди. Менимча иккала хинд ҳайдовчининг ҳам эҳсонаси чиқиб кетди-ёв...

Орқамизга қарай-қарай кетяпмиз. Зокиржон ака тезликни пасайтиришни ҳам ўйламасди. «Штурман» Аҳмаджон бурилишларни олдиндан огоҳлантириб: “чап, ўнг, босдик!..” деб борарди. Зокиржон ака йўлга қараб эмас, гўё «штурман»нинг даъватига кўра тезликни ё оширар ё пасайтирарди. Юк машиналари анча ортда қолиб кетган бўлса-да, ҳамон кўнгиллар батамом тинчигани йўқ эди. Йўл ҳам яхши эмас, назаримизда йўлимиз ҳеч унмаётганга ўхшарди. Кўпригини сув босиб ётган дарёга етибгина тўхтадик ва бу ердан ўтиб бўлиш-бўлмаслигини аниқлаш учун ерга тушдик. Сувни кечиб кўрдик: ости, яъни кўприк бетондан, мустаҳкам эди. «Отатой»ни, яъни «Тойотани «Чу!» деб олға босдик. Кўприк тор лекин анча узун эди. Сувни «торпедо» каби икки томонга ёриб бораётган машинамиз бирдан юмшоқ жойга санчилиб, тўхтаб қолди. Обиджон ака бир-икки орқа-олдига юргизиб кўрган эди, баттар ботиб кетди. Кейин ҳаммамиз ечиндик-да, машинадан тушдик. Сув илиқ ва қуюқ, ёпишқоқ эди. Болдиримиздан келадиган шалдираманинг ости кўприк эмас, шағалли қирғоқ эди. Экспедицияга тайёргарлик кўриш жараёнида белкурак ҳақида кўп гапирувдигу лекин олиш хаёлдан кўтарилган экан. Шунақа қадрни ўтдики, асти қўйинг. Гилдираклар остидаги шағални тирноқларимиз билан ковлаб, ҳовучларимизда ола бошладик. Дехлига кириб келган пайтларимизда мазаси қочиб, Зокиржон акани анча ташвишга солган ва хали ҳам батамом соғайиб кетмаган Собиржон ака «Ҳа, азаматлар!..» деб турибди, Фаррух бўлса ушбу ҳолатни телетасвирга олиш билан овора. Уям ўз ишини битиряпти-да. «Эчкига жон қайғу, қассобга ёғ, дегани шу-да», дея ҳазиллашдик...

Биз олиб ташлаган шағал ўрнини шитоб оқин яна бир зумда тўлдириб қўяр ё машина озгина олдинга жилиб, яна тиқиларди. Тошда юришга ўрганмаган оёқларимиз безиллаб, тирноқларимиз остига қум кириб, ачиша бошлади. Фақат олди томонимизда, анча узоқда биргина чироқ милтиллаб кўринади. У жойнинг нималигини тахмин ҳам қилолмадик. Чунки теваракда йилт этган бошқа нур кўзга чалинмасди. Вақт эса тобора тун қаърига кириб борарди. Ҳар замонда боягилар келишмаяптими, деб орқага ҳам қараб-қараб, қароқчи сифат ҳайдовчининг кўприк ҳақидаги огоҳлантиришларини эсладик. Демак, у мана шу жойни назарда тутган экан. Демак, улар ўзлари айтган иккинчи йўлдан кетишган...

Хуллас, узоқ, тахминан икки соатча (соатга қараб қўйиш бировнинг хаёлига ҳам келмаган экан) асов сув ва қайсар тош-шағаллар билан олишдик ва ниҳоят соат тунги ўн бирларда худо омад бериб, қуруқликка чиқиб олдик.

Жуда толиққан бўлишимизга қарамай, жўнадик. Бу ердан тезроқ узоқлашиб кетишимиз керак эди. Йўлда тунайдиган жой — дала кўноқхоналари ҳам учрамади. Мен кучли уйку элтаётганини сезиб борардим. Бир вақт кўзимни очсам, машина йўл четида тўхтаб турибди. Ҳамма ўтирганча ё ёнбошлаб уйқуга кетган эди. Соат тунги уч эди. Рулга Зокиржон ака ўтирди. Лекин у ҳам чарчаган эди, куп юрмай, машинани четга олиб, тўхтатди ва рул чамбарагига бошини қўйганча мизғий бошлади.

## **29 август, якшанба**

Соат олтиларда яна йўлга тушдик. Бахаш (Bahas) дарёсидан ўтаётганимизда Жайпурга 80 км. қолган эди. Кўприк узун ва маҳобатли эди, бироқ ўзанда сув оз — Қорадарёга ўхшаб ёйилиб, шилдираб оқарди. Кўприк тепасидан тортилган электр симларида бир жуфт эркин, озод зангори тўти ўтирарди.



Кўприкдан ўтиб бир кишлокқа кирдик ва нонушта қилдик. Бу ерда асосий улов воситаларидан бири — туя экан. Катта-кичик чўчқалар одамларга аралашиб, кўчанинг у бетидан бу бетига ўтиб, тимирскиланиб, ахлат титиб юришибди. Таажжубки, одатда семиз куртдай думаланиб юрадиган бу жониворлар жуда орик эди.

Ҳиндистон кишлокларининг бирида каптар, иккинчисида эшак, яна бошқасида ит ё бошқа ҳайвон кўп, аммо сигир, эчки ҳамма жойда сероб эди.

Дарвоқе, бу кеча яна кишлоғимиз тушимга кирибди. Сафардан қайтиб борган эмишман. Турсуной (оилам), акам, келинойимлар юришибди. Отам янги сабзиш тўн кийиб, белини боғлаб олибди. Мендан сал узоқроқда экан, нимагадир у билан ҳаммадан кейин кўришибман ва бундан ўзим хижолат бўляпман. Кечаги ваҳималаримизда руҳи безовта бўлди чоғи...

Жайпурга эллик чақирим қолганда қақсов, шўрхок ерлар бошланди: денгиздан анча баланд, ер ости сувлари чуқурроқда шекилли...

Иккинчи, учинчи қаватлари ҳам кўркам, чиройли, фақат пойдевори паст ва кўримсиз бинолар шаҳарга-яқинлашиб қолганимиздан далолат берарди. Соат ўн яримларда Жайпурга худди Андижондан Наманганга киргандай кириб бордик. Айни вақтда бу кўча ўртадаги бетон тўсиқ, ундаги устунлар ва рекламалари билан Дехлидаги биз тунаган кўчани ҳам эслатиб юборарди.

«Абифуа» деган меҳмонхонага жойлашгач, тушлик қилдик. Ресторанда. Дастурхон бой ва ноз-неъматлар ранг-баранг бўлди. Тайинлаганимиз учунми, овқатлар унча аччиқ эмас эди. Қатик, ҳар турли салатлар... Хуллас, кўнгилдагидай. 850 рупий бўлди. Икки-уч кундан буён ётиш-туриш, емоқ-ичмоқнинг тайини бўлмаётган эди, душ, яхши тушликдан кейин анча ўзимизга келдик. Раҳбаримиз бугун хуррият эълон қилди. Бир оз дам олгач, Тўлқин ака иккимиз кўчага чикдик. Такси (скутор) ёллаб, шаҳар марказига бордик. Дўконлар, бошқа савдо расталари ҳам яқинда куни ишламас экан. Одам кам, томоша қиладиган жойларни тополмай, қайтдик. Тил билмагандан кейин қийин-да.

Меҳмонхонада майда-чуйда хўжалик ишлари билан шуғулландик. Телевизор кўрдик. Беш-олтита канал ишлайди, биридан иккинчисига олгинг келаверади...

Кечки овқатни хоналарга олиб келиб беришди. Шундан кейин биз ҳаммамиз Зокиржон ака хонасига йиғилиб, соат тўққизини сабрсизлик билан кута бошладик. Бундан бир неча кун аввал ҳинд телевидениеси орқали Ҳиндистон тарихи ҳақида кўп қисмли видео фильм берилаётгани, бугун эса ана шу фильмнинг Акбаршоҳга бағишланган қисми кўрсатилажagini эшитган эдик. Ниҳоят, шу фильмни кўришга муяссар бўлдик. Гарчи яхши тушунмаган бўлсак-да (Аҳмаджон ҳам ҳаммасини таржима қилиб, изоҳлаб беришга улгурмасди), бу кўп қисмли фильмда бобурийлар ҳаёти ва фаолиятига алоҳида қисмлар бағишлангани, уларга, жумладан, бугунги қисмининг бош қаҳрамони бўлмиш Акбаршоҳга меҳр-муҳаббатнинг юксаклигидан ниҳоятда мамнун бўлдик. Тасодифми, омадми — Покистонда ҳам, Ҳиндистонда ҳам бобурийлар тўғрисидаги видеофильмларга тўғри келдик ва кўриб олам-олам завқ олдик, қалбларимиз ғурур, ифтихор туйғуларига тўлди.

## АКБАРШОҲНИНГ ҲАЙРАТОМУЗ ҚАЛЪАЛАРИ

*30 август, душанба*

Мириқиб дам олиб, одатдагидай, соат олтиларда турдик. Собиржон ака, Тўлқин ака учаламиз иккинчи қаватдаги 106-хонада эдик. Қават балкони каттагина бўлиб, майсазор қилинган, таянма курсилар қўйилган эди. Тонгги суҳбатни шу ерда ўтириб бошладик. Ёқимли шабада эсиб турибди. Ажриқ калта қилиб ўрилган, худди гулсиз яшил гиламга ўхшайди. Умуман, ажриқ ўстириш, унга шакл бериш, яшил майдон-хиёбон бунёд қилишни Ҳиндистондан ўрганса арзир экан.

Рўпарада пастак томлар... Тунука, шиферлари устидан тош, ғишт ва бошқа нарсалар бостириб қўйилган. Уйлардан нарида, дарахтлар орасидан баланд қаватли замонавий бинолар кўриниб турибди.

Шаҳар айлангани чикдик. Жайпур одамлари бошқа шаҳарларга қараганда анча буғдой ранг эди. Туя қўшилган арава тез-тез учрайди. Мевалардан банан кўп экан. Папайя — ковун дарахти ҳам нисбатан сероб эди. Хуллас, Жайпур анча қурғоқ шаҳар бўлиб, намлик у қадар юқори эмас экан.

Дўконларда Кашмир гиламдўзлиги маҳсулотлари кўп эди.

— Аслида, Кашмир, — дея изоҳ берди Аҳмаджон, — шол билан машхур, Ҳайдаробод — марвариди билан, Панжоб — хунармандчилиги билан, Калькутта — чарм курткази билан, Калхакари — шиппаги билан, Бомбей — қимматчилиги билан, Жайпур эса, гиламчилиги, каштачилиги билан донг чиқарган...

Жайпурнинг биз учун аҳамиятли яна бир жиҳати бор. Бу — менинг ҳинд ҳамкасб-ҳамқаламларимнинг ўзбекларга бўлган муносабати... Ёдингизда бўлса, юқорида ўзбек-ҳинд адабий алоқалари, ўзаро дўстлигининг қадимийлиги борасида сўз кетганда, ҳар икки халқ оғзаки ижодида мавжуд ва машхур бир ривоят — бухоролик Иззатбек ва панжоблик соҳибжамол қиз Сўхниларининг соф муҳаббати тўғрисидаги афсонани эслаган эдик. Жайпурлик таниқли шоира Лакшми Кумари Чундават хоним (у 1960 йили Ўзбекистонда бўлган) бизни ана шу машхур ривоятнинг бошқа бир намунасида хабардор этади ва у ривоят мазмуни, моҳиятини, аҳамиятини илҳом ва ҳаяжон билан ҳикоя қилиб беради. Захириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган рисоалардан бирида келтирилган бу қимматли ҳикояни биз ҳам ўз ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилишни маъқул кўрдик.

### **«ЎЗБЕК ЙИГИТИ ЖАЛОЛ ВА ҲИНД ҚИЗИ БУБНАНИНГ МУҲАББАТ ДОСТОНИ**

*Бизнинг Рожастон қишлоқларида яшовчи кишилар ўзбек халқининг аксар сўзларини билишлари сизларни ажаблантирса керак. Бирор хушқад ва бақувват одамни кўрганларида, албатта: «Бу ўзбек-ку», — дейишади, чунки Бобур аскарлари ичида баланд бўйли, бақувват кишилар кўп бўлган.*

*Ўзбек тилидаги кўп сўзлар Рожастон тилига ҳам сингиб кетган. Жалолхон исмли ўзбек йигити — халқ қўшиқлари ва достонларимизнинг қаҳрамонидир. Асли бухоролик бўлган Жалолхон болалигидаёқ Ҳиндистонга боради ва у ерда ҳиндистонлик Бубна исмли қизни яхши кўриб қолади. Уларнинг муҳаббат қиссалари «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари билан бир қаторда шухрат қозонган. Бу достон ҳар бир уйда ҳикоя қилинади. Жалол Рожастон халқи қалбидан ўчмас ўрин олган, шунинг учун уни кишилар ҳиндистонлик деб билишади. Тўй-ҳашамларда аёллар қизни узатиб келишганда Жалолхон достони қўшиқ қилиб куйланмаса, уни тўй демайдилар.*

*Баҳор ва ёмғирлар мавсумида эрини бирон ёққа кузатган аёллар ҳижрон азобини Жалолхон достонини ўқиб изҳор қиладилар.*

*Жалолхон Рожастон халқ қўшиқларининг бош қаҳрамони бўлибгина қолмай, балки у ошиқ, ёр, эр маъноларида ҳам ишлатилади. Жалол қўшиқлари Рожастоннинг юзлаб қишлоқлари осмонини ларзага келтириб, булутларни латиф рақс этишига чорлайди. Жалолхон қўшиқлари юз йиллар ўтишига қарамай, ҳозирги кунда ҳам минглаб кишиларни ўзига жалб этиб, гўё янгидек яшнаб туради, чунки унинг муҳаббати самимий, теран ва пок муҳаббат. Мен ўзбек қаҳрамони Жалолхон ва ҳиндистонлик Бубналарнинг муҳаббат достони ўзбек шарқшунослари томонидан ўрганилишини истардим.*

#### ***Лакими Кумари Чундават, ҳинд шоираси».***

Афсуски, «Ўзбек қаҳрамони Жалолхон ва ҳиндистонлик Бубналарнинг муҳаббат достони» тарихи ўзбек шарқшунослари томонидан нечоғлик ўрганилгани мен учун қоронғи... Шу ўринда академик олимимиз Эркин Юсуповнинг куюниб, ачиниб ёзган сўзлари ёдимга тушди. У бир мақоласида Ўзбекистон Фанлар академиясидаги ўзбек халқи тарихи, маданиятига оид ноёб қўлёзмаларимизни ҳозирги суръат билан тўрт минг йилда ҳам ўқиб-ўрганиб бўлмайди, деган маънода гап қилган эди... Шундоқ ёнгинасидаги токчаларда,

жовонларда тахланиб ётган тайёр қўлёмаларни ўрганишга жон куйдирмаган одамлар олис Ҳиндистонга бориб бир афсона тарихини суриштириш учун бош қотиришармиди...

Марказда катта бир иншоотни кўрдик. Уни «Ҳаво маҳал» («Шамоллар саройи») дейишаркан. Сабаби—кондиционерсиз салқинлатиб туриладиган қилиб қурилган экан. Бизда уйларни иситиш қанчалик муҳим масала бўлса, Ҳиндистонда совутиш шунчалик ҳаётий муаммодир.

Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбидаги шаҳар, Рожастон штатининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази бўлган Жайпур, гарчи аҳолиси жиҳатидан бизнинг Андижондан салкам уч баробар катта бўлса-да, Ҳиндистоннинг энг йирик шаҳарлари рўйхатига кирмайди. Қомусий манбаларда негадир шаҳарнинг сайёҳлар диққат-эътиборини жалб этувчи тарихий ёдгорликларидан бобурийларга дахлдор ашёлар сақланадиган мозийгоҳ тўғрисида, маъморчилик нуқтаи назаридан ниҳоятда ўзига хос, бетакрор иншоот бўлган Амир қалъа ҳақида кам сўз юритилади. Агар мен шаҳарнинг жануби-шимолидаги паст тоғлар орасидан салобат тўкиб турган ана шу кўхна осор-атиқалар комплексини кўрмаганимда Ҳиндистон ҳақида, бобурийлар қурдирган ёдгорликлар ҳақида кемтик тасаввур билан қайтишим аниқ экан.

Амир қалъага олиб борувчи кун ботишга қараб кетган йўлнинг ўн томонида зангори суви оҳиста мавжланиб, қуёш нурида ялт-юлт қилаётган каттакон қўл бўлиб, унинг ўртасида бир иморат кўзга ташланиб турарди. У узоқдан гўё денгизнинг саёзроқ жойида ярмигача ғарқ бўлиб, қумга ботиб қолган кемага ўхшаб кўринарди. Акбаршоҳ давридан қолган бу “Жаъл маҳал” (“Кўлдаги сарой”) менга унутилган, лекин сирларга тўла ғаройиб бир обида бўлиб туюлди.

“Сарой”га борадиган йўл йўқ. Демак, у ростдан ҳам унутилган бир ёдгорликдир.

Йўл чети бетон панжарада тўсилган бўлиб, панжара билан қўл ўртасидаги ўн беш-йигирма қадамли қирғоқ—марзада жангал, буталар тартибсиз ўсиб ётарди. “Беларус”симон бир трактор жангал, буталарни кўчиради, аёллар, қизлар уларни йиғиштиришарди – ўтин учун бўлса керак.

Бетон панжарага бир неча қорамтир-жигарранг, забардаст фил боғлоқлик эди. Улардан ёнма-ён боғланган иккитаси ўйнашгиси келгандай, хартумларини чўзишиб, бир-бирининг остларини ялар ва ғалат ҳаракатлар қилишарди. Баҳайбат жониворларнинг ҳазили менга бачканаликдай туюлди.

“Кўлдаги сарой”ни яқиндан кўриш имкони йўқлигига ачиниб, йўлимизда давом этар эканмиз, Акбаршоҳнинг Жайпурдан уйлангани, завжаси ва қайнотасининг таклифи, истақларига биноан кўлдаги ва тоғдаги саройларни қурдирганини эслашиб, муҳокама қилиб кетдик. Зокиржон ака шоҳ хотинларининг мавқеи жуда баланд бўлгани, умуман аёллар истаса ҳар қандай эрни ўз йўлига сола олиши ҳақида гапириб, “бекорга “хотин” дейилмаган, бу сўз “хон тун”дан олинган бўлиб, “тун хони”, “Тунги хон” маъноларини англади-да”, деди.

Амир қалъа шаҳарнинг четида, Дехлига кетаверишдаги атрофи унча баланд бўлмаган тоғлар тепасига ва орасига қурилган экан. Ҳиндистонда биз зиёрат қилган ёдгорликлардан энг ўзига хоси, менимча, мана шу бўлди. Сал қолувди-я баъзи ҳамроҳларимиз гапи билан бу ерга чиқмай кетиб қолишимизга. Ҳа, энди, буям шу пайтгача кўрганларимизга ўхшаган бир қалъадир-да, дейишувди... Тепага машинада ёки махсус киракаш филларда кўтариладиган экан. Машинада чиқиш нархи қиммат, филда жуда узоқ вақт кетарди. Дехлига кеч қоламиз, деб анча оёқ тираб туришди. Лекин Зокиржон ака: “йўқ, чиқамиз, кўрамиз — қанча пул кетсаям”, қанча вақт кетсаям, деди охир қатъий тарзда. Раҳбар бирон масала юзасидан аввал ўзи аниқ бир фикрга келгандан кейин маслаҳат тариқасида кўпчилик эътиборига ҳавола қилар, бир зум фикрлар оқимининг ҳар томонга оқишини кузатиб турарди-да, охирида бошқа гап сиғмайдиган қилиб, раҳбарона оҳангда узил-кесил хулосани айттарди... Шунда ҳам уч киши қолди, бештамитиз виллиссимон машинага ўтирдик. Айлана, тор, тош терилган йўллардан ўрлаб бордик. Фақат олди ҳам, орқаси ҳам тортадиган машинагина чиқа олар экан.

Атрофи кўрғон, чорси хиёбон ўртасида бир нечта безатиғлик фил турарди. Улардан бирига миниб телетасвирга, суратга тушдик. Кейин тоғ тепаси текисланиб барпо этилган бу

ажойиб қалъани (хиёбондан яна кенг зиналар орқали юқорига чиқиларди) томоша қила бошладик. Агар бу қалъа-қасрни бир четдан таърифлаб-тасвирланса, катта бир китоб бўлиши шубҳасиз!..

Мен бир нарсага — бир шахс умри мобайнида шунча катта, сертармоқли мажмуанинг куриб битказилганига ҳайрон бўлдим. Ва яна бу иншоот архитектурасига қойил қолдим. Бизда, менимча, бундай кўламдаги қурилиш лойиҳасининг ўзини бутун бир бошли илмий-текшириш институти бир неча йиллаб ишлаган ва мамлакат ғазнасини ўпириб ташлаган бўларди. Хусусан, ўйма тасвир, безаклар шунчалар майда, мураккаб, жозибали, бетакрор... Айниқса, ичкаридаги даҳлизсимон хоналар: ойнаванд, шишали, беҳисоб ранг ва турдаги, беҳисоб ва бетимсол шакллардаги нақшлар... Мўъжазгина, тепаси — шифти гумбазсимон хона мени батамом ром ва лол этди.

Экскурсовод хонанинг эшигини ёпиб, иккита шам ёққан эди, гумбаз осмонга айланди ва беҳисоб юлдузлар живир-живир қила бошлади. Шамлар жилса, юлдузлар ҳам ҳаракатга келар, гўё фалак айланаётгандек туюларди. Шифт бурчакларининг жилоланиши, товланишлари ниҳоятда гўзал, асабларга ором берарди. Менимча бу хона шоҳ ва маликанинг хобхонаси бўлган... Шундай пайтда шоҳ бўлгиси келиб кетади одамнинг...

Деворлари ойнали бу катта, узун бинонинг олди кенг майдон эди. Қават-бақават тепа айвонлар, хоналарга кўтариладиган зиналар бири иккинчисига ўхшамас эди. Дам олиш жойларига, ҳовуз бўйларига олиб чиқадиган айланма йўлаклар, шамол пурковчи оралиқлар, айвонлар пештоқи ва остидаги, устунлардаги фил ва бошқа ҳайвонлар шакли оралатиб ишланган безак-нақшлар — ҳаммаси бир сўз билан айтганда ҳайратангиз эди.

Менинг хаёлимдан: бу пурвиқор ва гўзал обида неча юз йиллардан бери бобурийларнинг ҳаваси, эътиқоди, виждони, санъатини ҳали-ҳануз намойиш этиб турибди, ҳозирги замондаги бир-бирига ўхшаш, бин андазадаги қайси темир-бетон иншоот неча йилга бардош бераркин ва қанча йилга бардош берган тақдирда ҳам, келажак авлод нимасидан завқ олиб, нима деб баҳоларкин, деган ўйлар кечди...

Мириқиб, қониқиб, аммо барибир томошага тўймай, пастга тушсак, машинамиз томида иккита маймун қувалашиб ўйнапти...

Соат бирларда Деҳлига қараб жўнадик. Масофа манзилгача 238 километр қолибди. Эллик чақиримча юрган эдик, машинамизнинг деярли янгигина баллони йиртилиб, кўчиб тушди. Устахона олдида тўхтадик. Иккита камера ямаб, дамлашга 100 рупий олишди. 5 рупийга икки литр қайноқ сув қуйиб беришди.

Шу ерда ўтирсак, трактор ўтиб қолди. Унинг кичкинагина аравасида беш-олти ҳинд ишчи аёли паст овозда, жўнгина кўшиқ айтиб боришарди. Ҳиндистон ҳудудида кўчада кўшиқ айтиб юрган одамларни 24 кун давомида биринчи марта учратишимиз эди. Дарҳақиқат, бу мамлакат аҳолисининг аҳволи киноларида кўрсатилгандай, доим ашула айтиб, рақсга тушиб юраверадиган даражада эмас экан...

Йўллар, кўприк қурилишларини кўряпмиз. Ҳамма жойда эркак каму аёл кўп (бу муштипар-бечоралар асосий ишчи кучи эди). Уларнинг баъзилари ҳарир сарийси билан юзини ҳам тўсиб олишган. Лекин беллари очик, қоп-қора, тиришиб кетган, тер томчилари куёш нурида ялтираб кўринади... Ҳақиқий «темир хотинлар» шулар экан...

Умуман, Ҳиндистонда йўл ва кўприк қурилиши кўп эди. Йўлнинг тўлдириб қўйиш мумкин бўлган ариқ ўзанисимон жойларига ҳам ҳафсала билан бетон кўприк қуришяпти...

Деҳлига қараб боряпмиз. Сув кам. Дарахт кўпу бироқ далалар экинсиз...

Юк ортилган туялар, туяли аравалар... Қаранг, шундок, юмшоқ табиатли халқ фил, туя каби баҳайбат, жангари ҳайвонларни яғир қилиб ишлятпти-я... Эҳ, одамзот!..

Деҳлига 140 чақирим қолганда яшил далалар, экинзорлар бошланди.

Йўлда папайя сўйиб едик. Шаклан сариқ қовунсимон, ўхшайди, ичи сариқ, данаги, яъни уруғи мошга ўхшайди, фақат сал узунчоқроқ, мазаси эса хандалакни эслатади.

Бу иссиқ мамлакат ноз-неъматларидан менга манго ва ананас жуда ёқди, яхши пишган бўлса, мазаси ниҳоятда ширин бўларкан. Бананнинг таъми чучмалроқ туюлди...

Хўкизлар подасини кўрдик. Шохлари бошқа бир хайвонларниқига ўхшамайдиган, жудаям ўзига хос, худди кўлда ясалгандай гажжакдор эди; икки томондан доирасимон айланиб келиб, учлари бир-бирига тегай-тегай деб турибди.

Кечки пайт ҳалқа йўлдан кириб, Дехлининг тайёрагоҳига уловчи «Марварид йўл»дан узоқ юриб, ўзимизнинг «Интернейшнл-Ин» меҳмонхонамизни топиб бордик.

Дехлининг биз кўриб келган бошқа шаҳарларга нисбатан ҳам иссиқроқлигини ҳис этдик...

## ЯНА ДЕҲЛИДА. ЛАЪЛ ҚАЛЪА

*31 август, сеианба*

Дехли, хусусан, меҳмонхона анча қадрдон бўлиб қолгани учунми, шу кеча жуда хотиржам, мириқиб ухладим. Эрталаб Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик куни муносабати билан қутлаб, Президентимиз номига шошилинонома ёздик.

Кейин ўтган сафар кўролмаё армон бўлиб қолган Лаъл қалъа («Қизил форт»)ни томоша қилгани бордик. Ҳали-ҳамон Дехлининг, нафақат Дехли, балки бутун Ҳиндистоннинг кўрки ва фахри бўлиб турган бу ажойиб иншоотлар мажмуаси бобурий Шох Жаҳон бунёд эттирган санъат, меъморчилик обидаларидан биридир. Умуман, ҳақли равишда эътироф этишганидай, Шох Жаҳон жуда омадли подшо бўлган ва Ҳиндистон давлатини мустаҳкамлаш, шуҳратига шуҳрат қўшишга жуда катта ҳисса қўшган. Унинг даврида мамлакатда ободончилик яхшиланган, юрт фаровон бўлган. Бу жиҳатдан ҳинд тарихчиси Саййид Ҳошимийнинг куйидаги сўзлари ғоят характерлидир: «Давлатнинг бюджети Шох Жаҳон даврида шунчалик баландга кўтарилдики, ундан олдин ҳам кейин ҳам бунчалик юксак бўлмаган. Ҳаттоки, кўп мамлакатларга ҳукмронлик қилган инглизлар замонида ҳам давлат хазинасида бунчалик бойлик тўпланмаган. Ер солиқларидан 270 миллион рупия тушарди. Қандаҳор ва Кобулдан келадиган маблағлар бу рақамга кирмаган. Бу молу дунё ҳеч қандай зулмсиз қўлга киритилар эдики, ҳатто инглизлар одамларни эзганда ҳам шунча бойлик йиға олишмаган. Халқ Шох Жаҳон замонида жуда яхши ҳаёт кечирган, шохнинг меҳри ва адолатидан бараманд бўлган. Инглиз сайёҳларидан бири шундай деган: «Шох қўл остидагиларга нисбатан отаси боласига бўлгандек меҳрибон эди».

«Лаъл қалъа»нинг Жамну, Салим, Лоҳўр, Дехли деб номланган тўртта дарвозаси бўлиб, биз гид Бед Пракаш етакчилигида машҳур Лоҳўр дарвозасидан кириб бордик. Шох Жаҳон шу дарвозадан чиқиб намоз ўқиш учун Жума (ҳиндлар «жама» дейишаркан) масжидига борган, 1947 йили 15 августда ҳинд халқи озодликни қўлга киритган куни мамлакат байроғи мана шу дарвоза пештоқига тикилган.

Гид Бед Пракашнинг ҳикоя қилишича, қалъа қурилиши 1639 йили бошланган, тўққиз йилда битган, шундан кейин бу жой пойтахт деб эълон қилинган.

Қалъа бош биносининг олди томонида, иккинчи қаватда «Девони ом» (халқни қабул қилиш) айвони бор. Ложасимон бу жойнинг девор ва устунларига оқ мармар ишлатилган (қалъанинг бошқа ерлари асосан қизил тош, мармардан тикланган ва шунинг учун ҳам «Лаъл (Қизил) қалъа» деб аталган), турли қимматбаҳо тошлар билан безалган.

Қабулхонадаги шох ўтирадиган курси орқасига форс тилида «Подшо — Худонинг ердаги сояси» деган ҳадис битилган. Шох Жаҳон қабул учун чиқиб ана шу курсига ўтирганида икки ёнида ўғиллари Доро Шукух, Шуъжо, Мурод ва Аврангзеблар туришган. Булардан сал четроқда вазир Шоабдуллахон ўтирган. Халқ пастда, майдонда тик турган.

Қабулхонанинг нақшинкор шифтини гуллар, қушлар тасвири безаб турибди. Мусиқа чалинганда қушлар жўр бўлиб сайрайди...

Суратларда ана шу ҳол ифода этилган.

Қалъанинг айланаси икки км., ўртадаги катта-кичик майдонлар, йўлакларга оқ мармар тўшалган бўлиб, чиройли, кумуш панжаралар билан жиҳозланган. Афсуски, Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Ҳиндистонга бостириб кирганида (1739 йил) кумуш панжараларни йўмириб олиб

кетган. Оқ мармарларни эса инглизлар кўчириб, Калькуттадаги Виктория музейи биносига ишлатишган.

Бед Пракашнинг айтишича, отаси ва акаларига кўп азоб берган Аврангзеб умри охирларида ўзи дўппи тикиб, пулига гуноҳларини ювиш учун масжид курдирган. Қалъа ичида катта ҳаммом бўлиб, жуда яхши иситилган, аммо иситиш сири маълум қилинмаган. Афсуски, ҳозир Дехлида умумий ҳаммом деган нарса йўқ, деди гид. Лекин шахсан менинг бу гапга ишонгим келмади. Наҳотки шундоқ улкан шаҳарда ҳаммом бўлмаса? Ақлга сиғмайди.

Девони хоснинг устунлари, шифтлари ўзига хос нақшли гуллар билан безатилган, зар юргизилган. Бу ерда мармар супа бўлган. Супадаги қимматбаҳо курси-тахтни ҳам Нодиршоҳ қалъадаги қимматбаҳо тошлар ва бошқа безаклар қатори ўмариб кетган экан. Девони хоснинг ички пештоқида «Агар жаннат ер устида бўлса, у шу ердадир» деган ёзув битилган. Адолат, ҳақиқат рамзи сифатида тарози тасвири туширилган.

Орқада, шундоқ қалъа девори ёнидан Жамна оққан. Инглизлар дарё ўзанини орқароққа жилдириб, орага йўл солишган экан.

Ертўлада иссиқдан сақланадиган салқин хоналар бўлган.

Подшоҳ ором оладиган махсус бино — «Хос маҳал», деворларию шифтлари шишадан барпо қилинган катта бир қошона — «Шиша маҳал» деб, Шиша маҳал ўртасидаги айвонсимон, шифти баланд жой — «Ранг маҳал» деб аталган. Битта чироқ ёқилса юлдузлардай жило пайдо бўлган.

— Бу жой Имтиёз Маҳал исмли раққоса номига қўйилган бўлиб, у ўша пайтда саройдаги энг маҳоратли раққоса сифатида алоҳида эътибор қозонган, — деди сайрбонимиз. — У рақсга тушганида ойнаванд шифтда унинг акси ўттиз-қирқта бўлиб жилваланиб турган экан. Ҳозир бу шифтга қараб ачинасан одам. Инглиз босқинчилари рақс майдони (зал) бўлган шундай ажойиб жойдан ошхона сифатида фойдаланишган ва оқибатда шифтлар қорайиб, нақшлар ўз жозибасини йўқотган... Бир вақтлар нечоғлик гавжум ва обод бўлган, нечоғлик ҳаёт, ишқ-муҳаббат қайнаган бу ерларда...

Имтиёз Маҳал тўғрисида икки оғиз маълумот. Ҳинд манбаларида Имтиёз Маҳал Аврангзебнинг набираси, ҳукмдор Жаҳондор шоҳ билан боғлаб нақл этилади. Жумладан, Пран Невил уни раққоса Лал Кунварга нисбат беради ва «рақс маликаси» деб атайди. “Умуман, бобурий шаҳзода ва подшолар ҳаётнинг гаштини суришни билишган, рақс томоша қилишни чандон яхши кўришган, айримлари тожу тахту жонларини тикиш даражасида раққосаларга ошиқу беқарор бўлишган”, деб ёзади у.

Ўша муаллифнинг келтиришича, бобурий шоҳларнинг раққосалар билан бўлган ишқий саргузаштлари ва оташин муҳаббатлари тўғрисида кўп ривоятлар тўқилган, улар ҳозир ҳам халқ орасида тилдан тилга ўтиб юради. Ана шундай нақлларда ҳикоя қилинишича, масалан, Акбаршоҳ санъатнинг ашаддий шинавандаси бўлган. У бутун Шимолий Ҳиндистонга довруқ қозонган сахаранпурлик раққоса «ойдан, лоладан, баҳор рангидан ҳам гўзал» Рупматининг бекиёс ҳусни-латофати, қўшиқ айтиш борасидаги юксак истеъдодига ғойибона ошиқ бўлиб қолиб, унга эришмоқ ниятида Малвага қўшин тортиб боради-да, қизни асирга олади. Бироқ раққоса асира бўлишдан заҳар ичиб, ўз жонига қасд қилишни афзал кўради. Жаҳонгир шоҳнинг афсонавор соҳибжамол Аноргулига бўлган ишқи юқорида баён этилган. Унинг ўғли Доро Шукуҳ эса Раънодил исмли раққосани севиб қолади, унга уйланади ва раққосага сарой маликаси унвонини беради. Айтишларича, ҳатто ашаддий тақводор Аврангзеб ҳам уни ўзининг малоҳати ва қўшиқлари билан мафтун этган раққоса Зайнободига қаттиқ кўнгил қўйган. Уларнинг ишқий муносабатлари раққосанинг тасодифий вафоти билан ниҳоя топади, бироқ бу оташин муҳаббат қўшиқларда ҳамон яшаб келади. Жаҳондор шоҳ билан Лал Кунварнинг ўзаро шайдоликлари эса аввалги барча «Лайли Мажнун» қиссаларидан ҳам кизикроқ таърифланади. Лал Кунвар ўз даврининг энг таниқли раққосаси, айни вақтда жуда кўп юракларга ғулғула солган соҳибжамол эди. Уни «Ҳиндистон рақсининг маликаси» деб аташарди. У оқилалиги, мислсиз барнолиги, шўх-шаддотлиги, ёқимли овози, хиромондалиги билан Жаҳондор шоҳни ўзига ром этади. Улар шу қадар яқин бўлиб кетадиларки, ҳатто жангу жадал пайтларида ҳам бир-бирларидан асло ажралмайдилар. Биродаркушлик

урушларидан ғалаба билан қайтган Жаҳондор шоҳ Дехлидаги салтанатга кириб келар экан, ўз маҳбубасига малика унвони ва Имтиёз Маҳал («Сарой эркаси») исми-шаърифини бериш тўғрисида фармони олий эълон қилади. Ҳатто унга шоҳлик тамғаси тақдим этилиб, қимматбаҳо либослар ва зеб-зийнатлардан ташқари, майда-чуйда харажатлар учун йилига 20 миллион рупий ажратилади. Унинг ихтиёрига 500 аскардан иборат гвардия биркитиб қўйилади. Жаҳондор шоҳ Лал Кунвардан фарзанд кўришни жуда-жуда хоҳларди. Ўша даврда «Чироғи Дехли» деб аталувчи Шайх Насриддин Судхнинг ҳовузида чўмилган одам фарзандлик бўлади, деган ривоят юрарди. Жаҳондор шоҳ билан Лал Кунвар иккиси ўғил кўриш умидида ҳар якшанба ана шу ҳовузда чўмилишарди.

Фаррух Сияр билан Агра учун бўлган жангда Жаҳондор шоҳ мағлубиятга учрайди. Шунда суюкли эрининг асирга тушиб қолишидан кўрққан Имтиёз Маҳал уни ўз филига ўтказиб Дехлига олиб қочади. Улар кўп машаққатлар тортишиб, ўн беш кун деганда Дехлига етиб келишади. Кундузлари ёвдан беркенишиб, тунда йўл юришади. Бироқ ўз вазири Зулфиқор томонидан сотилган император қўлга олинади ва Қизил қалъага қамаб қўйилади. Имтиёз Маҳалга, унинг илтимосига кўра қамоқда Жаҳондор билан бирга ўтиришга ижозат берилади. Янги ҳукмдор Фаррух Сияр ҳукми билан Жаҳондорни қатлга олиб кетмоқчи бўлишганида, Имтиёз Маҳал дод-фарёд кўтариб, эри, маҳбубининг оёқларига маҳкам ёпишиб олади. Уни куч билан ажратиб олишади ва ҳалок бўлган императорларнинг бевалари ҳамда оила аъзолари яшайдиган жойга — Суҳагпурига жўнатиб юборишади...

Мана шу гапларни ўқигандан кейин мен Жаҳонгир шоҳ тўғрисидаги ривоятлар ҳам бежиз тўқилмаган чоғи, ривоятларда жон борга ўхшайди деган хулосага келдим. Ҳақиқатан ҳам бобурийларда муҳаббат ва эҳтирос кучли бўлган шекилли-да. Ахир Тож Маҳал қасри, Шоҳ Жаҳон ва Мумтоз Маҳал ҳақидаги ҳақиқатлар ҳам ана шундай оташин муҳаббат ифодаси-ку!..

Мана шу, ҳозир биз кўриб турган қалъа ҳовлисининг шарқи-жанубий бурчагида ҳам малика Мумтоз Маҳал номи билан аталувчи алоҳида бино бор. Демак, уни ҳам Шоҳ Жаҳон суюкли рафикаси шаъни-хотирасига қурдирган. Бу бинода Аврангзебнинг оила аъзолари яшаган. Инглизлар бу хоналарни қамоқхонага айлантиришган. Ҳозир эса мозийгоҳга мослаштирилган бўлиб, бобурий султонлар ҳаётини акс эттирувчи ашёлар қўйилган. Экспозиция «Мўғуллар ҳукмронлиги — 1526—1857» ёзувидан бошланади.

...Кечқурун, соат етти яримларда меҳмонхонага консулимиз Аҳмадjon Луқмонов келди. Унинг Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан Ҳиндистоннинг Дехлидан кўрсатиладиган асосий теледастури «Дурдаршан» орқали чиқиши инглиз тилида бўлди. Бирга кўрдик. Кейин бирга овқатландик. Республикамизнинг мустақиллиги шарафига олқишлар, тилаклар айтилди. Эртага консулхонамизда етмиш-саксон кишига зиёфат берилар экан. Луқмонов ҳаммамизга алоҳида таклифнома ёзиб берди ва менимча, самимий таклиф қилди. «Мен сизларни Бомбей орқали кетиб қолишмадимикин, агар, келиб қолишса, байрам кечамизда қатнашишса, яхши бўларди, деб кутаётган эдим», деди.

Раҳбаримиз уйдан чиққанимизга қирқ кун бўлди, оқсоқоллар чарчай бошладилар, бунинг устига кийимларимиз ҳам унақа катта даврабоп эмас, деб узр айтди.

— Биронта дазмол топилиб қолар, бир кун минг кун эмас, биз ғарибларни ташлаб кетманглар, ёнимизда турсанглар яхши бўлади, — деди консулимиз ҳазил билан. Бу ҳазил заминиди ўтинч оҳанги ҳам бор эди.

Менинг назаримда, раҳбаримизда ҳам консулимиз таклифига рози бўлиш хоҳиши йўқ эмас, лекин баъзи шерикларимизнинг кайфияти, ҳолати ва истаклари билан жўнаб юбориш фикрига келган эди.

Сайфиддин ҳожи ака чиндан ҳам чарчадими ё набираларини соғиндими, ҳарқалай сал сумсайиб қолган эди. Чаққон, серғайрат, серзавқ одам бирдан бўшашиб, хомуш тортиб қолса ғалати, эриш туюларкан ва бошқаларни хавотирга соларкан.

Ёшларда бугун қолиб республикамизнинг Мустақиллик байрамини Янги Дехлидек улкан ва гўзал шаҳарда консулимиз ва унинг ҳамкасблари, Ўзбекистоннинг хориждаги хайрихоҳлари билан нишонлаш, она юртимиз шаънига чет элликлар томонидан этиладиган илиқ сўзлар, истакларни эшитиш майли кучли эди. Лекин катталарда жўнаш иштиёқи янада

кучлироқ ва бошқалар уларнинг райига қарши бормоқликни ўзларига эп кўрмасдилар. Бунақа сафарда баъзан битта гап ё таклиф ҳам ортиқча туюлиб, умумий кайфиятни, вазиятни ўзгартириб юбориши мумкин эди.

Ҳарқалай, яна ўйлашиб, маслаҳатлашиб кўрамиз, деган гап билан Луқмоновни кузатдик.



## IV қисм

### ҚАЙТИШ

#### ҲИНД ЭЛИДАГИ СЎНГИ КУНЛАР

*1 сентябрь, чоршанба*

Бугун Ўзбекистон Мустақиллиги куни. Бу кутлуғ байрамни халқимиз нечоғлик баланд руҳда нишонляптикин? Биз ватандан олисда бўлсак-да, Истиклол шодиёналари, тантаналарининг олий мақомда ўтаётганини, ҳамюртларимизнинг қувончи, шодликлари чексизлигини ҳис қилиб турибмиз. Ўзбекистон осмонида қуёш чарақлаб турганини, кишиларимизнинг табассумдан чароғон юзларини, кўкка шиддат билан отилаётган фаввораларни кўраётгандаймиз, қулоқларимизга, шууримизга болажонларнинг шодон қийқириқлари, хофизларимизнинг ватан, ҳуррият, омонлик ҳақидаги жўшқин кўшиқлари, қушлар хонишининг ёқимли оҳанглари қуюлиб кирмоқда...

Биз байрам нафасини шундоққина ёнимизда ҳам туймоққа муяссар бўлдик. Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги бир бўлаги бўлмиш консулхонамизда ҳам байрам кайфияти ҳукмрон, уни нишонлаш тадориги қизғин эди. Биз ҳам республикамиз Президентига, Андижон вилояти ҳокими номига ёзган табрик-телеграммаларимизни шу ерда машинкалатдик.

Манжу келди. Бизни кўриб, ҳам хурсанд бўлганидан, ҳам ажабланганидан унинг кўзлари чарақлаб кетди. Кеча у ҳам бизни бугунги маросимга қолишга даъват этган, жўнашга чоғланган кайфиятимизни кўриб, ранжигандай бўлган ва ҳозир бизни бугун қолишибди, деб ўйлаган эди.

Дарвоқе, эрталаб «бугун кетамиз» деган қарорга келингани маълум бўлган эди. Кимдир «оқсоқоллар кечаси раҳбарни кўндиришибди-да», деди.

Аҳмаджон Лукмонов ва унинг ёрдамчилари Баҳромжон, Манжу яна бизни бугунча қолиб, Мустақиллик байрамимиз муносабати билан уюштирилаётган суҳбат-зиёфатда иштирок этишимизни қайта-қайта илтимос қилишди. Лекин экспедиция раҳбарияти ва “бош маслаҳатчи”ларнинг фикри қатъий эди... Мезбонлар билан дийдамизни қаттиқ қилиб туриб хайрлашдик. Лукмонов юзида андак дилгирлик аломатлари сезилгандай бўлиб қолди. Ростдан ҳам, бир кун минг кун эмас эди... Бояқиш консулимиз бизни кўриб қанчалар суюнган, бизга анча ёрдами теккан эди...

Бироз бозор айланган бўлиб, кадрдон меҳмонхонамиз «Интернейшнл»га бордик. Нарса-буюмларни жомадонларга жойлаб, кетарга чоғландик-да, ўша атрофдаги дўконларни яна бирров «зиёрат», тўғрироғи тижорат қилдик. Магнитофон кассеталари сотиладиган растада мен яхши кўрган ва ҳурмат қиладиган ҳинд хонандалари Лота Мангешкар ва Мукешларнинг тўртта кассетага ёзилган ашулаларига харидор бўлиб, бироқ қимматсираб (150 рупий, яъни бизнинг пулга олти минг сўм эди) олмаган эдим, лекин олсам яхши бўлар эди, деган фикр хаёлимдан кетмаётган эди, бу ҳам бир армон бўлиб қолмасин, дедим-да, кўзимни чирт юмиб пулни санадим.

Ҳар бир кассета 37 ярим рупийга тўғри келарди, савдолашишга уриниб кўрдим. Аммо ақалли беш рупийга ҳам тушишмади. Демак, бу машхур хофиз ва хофизани ҳиндларнинг ўзлари ҳам кадрлашар экан. Чунки бошқа хонандаларнинг кассеталарини йигирма беш, ҳатто йигирма рупийга ҳам сотишмоқда эди. Дарвоқе, ёндаги дўкондан 135 рупийга ўзимга кўйлак ҳам сотиб олдим...

Сўнг Дехли билан видолашдик-да, нотаниш кўчалардан жуда узоқ айланиб, кўп юриб Амритсар йўлини топиб чиқдик.

Юқоридаги ишимиздан табиат ҳам бир оз ранжидими, ёмғир ёға бошлади.

Амритсарнинг таниш ва текис йўлидан «Тойота»миз шувиллаб қайтмоқда. Машина ичида жимлик ҳукм сурмоқда, афтидан ҳамма ўз хаёллари билан, босган йўлларимиз, Ҳиндистон худудида кўрган-билганларини кўнгил кўзгусидан яна бир бор ўтказиш, ўз ниятлари ва уларнинг рўёбсини сарҳисоб қилиш билан банд эди.

Дарҳақиқат, манна, Ҳиндистонда йигирма кундан ортиқ юрдик. Нималарни кўрдик, нима ишлар қилдик?.. Шахсан менинг, аввало, дунё ҳақидаги, бу катта Шарқ мамлакати тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларим кенгайди, бойиди, маълум хулосаларга келдим. Энг муҳими, Бобур бобомиз ва бобурийлар сулоласи ҳукмронлигининг Ҳиндистон тарихи, маданиятининг ажралмас узвий бўлаги эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Ҳиндистон табиатидан олам-олам завқ олдим. Тўғри, баъзи ерлардаги ивирсиқликлардан таъбим хира тортди, лекин бутунлай бенуқсон, кам-кўстсиз одам ҳам, олам ҳам бўлмайди-ку... Катта, бепоён мамлакатни бошқариш ҳам осон эмас. Кўчаларда ётганларнинг ишсизлиги, бошпанасизлигига уларнинг ўзлари, яъни дангаса, танбаллиги ҳам сабабдир. Ахир экин экиб, деҳқончилик қилса бўладиган бепоён ерлар ётибди-ку... Балки ҳароратнинг ортиқча баландлиги ҳам инсон организмни бўшаштириб, ишёқмас қилиб қўяр... Лекин ҳозир биз учун энг муҳими — Ватанга қайтаётганимиз эди...

Экспедиция аъзоларигина эмас, «Тойота»миз ҳам чарчай бошлаган экан. Йўлда битта баллон дам қўйиб юборди. Камераси иссиқданми, қирчилиб кетган экан, эҳтиёт баллонникини олиб қўйишди.

Ярим тунда Лудхиана шаҳрига етиб келдик ва «Велкоме» («Хуш келибсиз») деган меҳмонхона олдида тўхтадик. Меҳмонхона ўрта-миёнадан ҳам пастроқ экан, аммо бошқасини излашга вақтимиз ҳам, жой танлашга тоқатимиз ҳам йўқ эди.

## *2 сентябрь, пайшанба*

Ажабки, бекорчи, ишсиз кўп бўлишига қарамай, Ҳиндистон шаҳарларида ҳаёт жуда эрта қайнай бошларкан. Лудхианада ҳам саҳарлаб кўчалар одамлар билан гавжум, баллон-камера устахоналари, ошхоналар аллақачон иш бошлаб юборган эди. «Мапед» минган жувонлар, велосипедли қизлар ғизиллаб юришарди

Меҳмонхонамиз рўпарасидаги торроқ кўча бошланишидаги ошхоналар олди анча тоза, супурилгандай кўринди. Ишни нонуштадан бошлаш ҳаммага маъқул эди. Аввал овқат емаймиз, қатик, чой, чепоти бўлса бас, деган таклиф бўлди. Кейин бирдан овқат ейишга қарор қилинди. Чепоти ўрнига ёғлиқ нон (чепотидан қалинроқ, булочкасимон) буюрилди. Кимнингдир қатик ўрнига сут ичгиси келиб қолди... (Нимагадир ҳамма дадил ва ўзини эркин тутадиган бўлиб қолган эди. Нимага бўларди, юртга қайтилаётгани учун-да!). Аҳмаджон ҳар бир янги таклифни ошпазга етказиб турар, ошпаз ҳам капгирини кўтарганча иккиланиб қоларди. Шундай пайтларда таржимонлик ҳам ҳавас қиладиган касб эмас экан, деб ўйлаб қўярдим ичимда.

Катта-кичик шаҳарлардан ўтгандимиз. Марказларда, ҳаёт қайноқ жойларда, ошхоналар олдида оқ, қизғиш, қора чўчқалар болаларини эргаштириб, гала-гала бўлиб ахлат титкилаб юришарди. Бундай ҳолга одамлар ҳам кўникиб кетишган шекилли, парво ҳам қилишмайди... Мен Бобурнинг «бу эл бурун тўнғиз сақлар эдилар, бизнинг замонда бартараф қилдилар» деган гапини эсламан. Демак, чўчқа боқиш бобурийлардан кейин яна расм бўлган...

Умуман, йўлдаги манзаралар тез-тез ўзгариб турарди. Таппи думалаётган аёлларни кўриб, шарқ халқлари турмушидаги ўхшашликдан хайратланамиз. Бирдан дала бошланиб, кўз олдимизда оппоқ қушлар сочилган пахтадай ёйилиб ўтлаётган янги шолиторлар намоён бўлади. Бир жойда ўлаксахўрларнинг жуда катта тўпига дуч келдик. Йўлдан озгина ичкарида, яланг бир жойда тахминан бир неча юзтаси ниҳоятда зич, бир-бирига тегиб туришарди. Йиғилиш ўтказишяптимикин раҳбар сайлашяптимикин, деб ҳазиллашдик. Менинг назаримда эса, улар мотам тутишаётганга ўхшаб кўринди.

Амритсарга соат ўндан ўтганда етиб келдик. Баллон сотадиган ва созлайдиган дўкон-устахонага янги баллон буюриб қўйиб, кутиб ўтирдик. Қаердандир олиб келишиб, созлаб

кўйиб беришди (150 долларга). Эҳтиёт баллон ҳам қилдириб олдик. Шу билан кўнглимиз анча жойига тушди. Эҳтиёт баллон йўқ, қайда тўхтаб қоламизки, деб хавотирланиб келаётган эдик.

Магазинларни тезгина айланиб, қолган ҳинд рупийларимизга совға-салом олган бўлдик-да, йўлга тушдик ва соат бир яримда (туш маҳали) Ваагага (бизда нохуш таассурот қолдирган, бироқ Ҳиндистон табиати ҳақида дастлабки тасаввур туғдирган жойга) етиб келдик. (Ахир шу ерда салкам уч кун қолиб, қанча хуноб бўлдик, изтироб чекдик, юракда ҳадик билан хабар кутиб ўтирдик).

Ишимиз анча тез битди. Ҳинд чегарачилари «Тойота»мизга сарҳад дарвозаларини ланг қилиб очиб беришди. Хуллас, Ҳиндистон ҳудудига жуда қийинчилик билан ўтган эдик, осонгина чиқиб кетдик ва соат уч яримларда Покистон заминига ўтдик. Энди бу божхонада ҳужжатларимизнинг расмийлаштириб беришларини кутиб ўтирибмиз. Ҳаво хийла салқинлаб қолибди. Ҳарқалай, ўтган сафаргичалик дамимиз қайтмай, анча хотиржам ўтиравердик. Балки, барибир ўтказиб юборишади-да, деган фикр ҳам бизга таскин берганидан дилимиз равшан эди.

Лохўр яна бизни ҳароратли ҳавоси, анҳор тўла сувлари, гавжум кўчалари билан қарши олди.

## ЯНА ЛОХЎРДА

Таниш анҳор бўйлаб шаҳарга кириб боряпмиз. Ариқ ёқаси бетон супа қилинган бўлиб, ўтган сафарлар эътибор бермаган эканман, майда электр лампалари ўрнатилган экан. Анҳор узун ва ниҳоятда тўғри бўлгани учун майда чироқлар ипга тизилган маржондай текис ва чиройли кўринар, тилладай товланиб турарди. Кечкурунлари ёритгичлар акси сув бетида жилоланиб, янада гўзал манзара кашф этса керак.

Ваагадаги Покистон божхонаси бизга Ҳамидхон исмли ходимларини кўшиб беришди. У ўттиз ёшлардаги шўх, хушчақчақ йигит эди. Афтидан, у анча дидли, фаросатли ҳам эди. Машинани шаҳарнинг биз кўрмаган чиройли кўчаларидан бошлаб борарди.

Маъмурнинг сафар қоғози ва бошқа ҳужжатларга қўл қўйдириш учун божхона бошлиғининг шаҳар четроғидаги уйига бордик. Йўқ экан. Яна шаҳарга қайтдик. Қўноқ-хона излаб анча юрдик. (Бизда энди танлаш учун имкон ва ҳафсала пайдо бўлган эди). Ниҳоят «Шобра» деган шинамгина меҳмонхонани топдик.

Меҳмонхона ресторанида ош едик. Таркиби (сабзи ва бошқа масаллиғлари), таъми ҳам ўзимизнинг анжанча паловга анча яқин эди. Сўнг машинага маслаҳат учун йиғилдик. Дарвоқе, Ҳиндистон чегарасидан ўтишда чўнтакларда қолган анча-мунча ҳинд рупийлар йиғиштирилиб, беш-олти шиша пиво сотиб олинган эди. Ёшлар чарчоқларни тарқатиш, таранглашган асаб торларини ёзиш, қолаверса, Ҳиндистон ҳудудидан эсон-омон Покистон ҳудудига ўтиб олганимиз, умуман, сафаримизнинг асосий қисми муваффақиятли яқунланаётганини ҳиндларнинг тотимли, тана ҳароратини бир қадар мўътадиллаштирувчи пивоси билан нишонладилар. Лекин бу хурсандчилик анча қимматга тушишига сал қолди. Қимматга тушди ҳам. Маълумки, Покистон мусулмон давлати бўлиб, спиртли ичимлик ичиш таъқиқланади. Буни биз билардик ва шунинг учун ҳам пиволар машинада саранжом қилинган, лекин бир нарса — шишаларни олиб чиқиб ташлаш эсан чикқан экан. Машина ичини титкилашларини ким ўйлабди, дейсиз. Эртага йўлда бир четроққа ташлаб юбориш режалаштирилган эди.

Маъмур Ҳамидхон эртага келаман, деб уйига кетган эди. Зокиржон ака билан Аҳмаджон энгил машина кира қилиб, божхона бошлиғи уйига яна боришса, у машинада нималар борлигини бир кўриб қўйинглар, деб икки кишини кўшиб берибди.

Божхона ходимлари шишаларни кўриб қолиб, анча тўполок кўтаришди. Катта жарима тўлайсизлар, бўлмаса, Ўзбекистон давлатига ёзиб юборамиз, бизнинг давлатимиз қонунини бузгансизлар, деб пўписа қилишди. Зокиржон ака уларни аранг юмшатиб, чойнак-пиёла сервизлардан инъом этгандан кейингина шаштидан тушишди, биз ҳам энгил нафас олдик.

Шунда мен «совға» ҳар қандай қаттиқ кўнгилни (раҳбар-бошлиқнинг, ҳатто божхона зобитларию чегарачи оддий аскарлар дилини ҳам) юмшатиб, мум қилиб юборишига, яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

*3 сентябрь, жума*

Бугун дам олиш куни экан. Эрталаб хотиржам нонушта қилдик. Маъмур Ҳамидхон келди. У анча очиқ кўнгил, самимий, ҳазилкашроқ эди. Кечкурунги воқеани айтган эдик, роса кулди.

Божхонадаги ишларимизнинг чаласи бор экан, яна Ваагага жўнадик. Эрталабдан анҳорда эркалар чўмилишяпти, кирғоқда болалар ювинишяпти, аёллар бош тарашияпти, кир ювишяпти. Саёзроқ жойларда қора сигирлар ҳам сузиб юрибди.

Божхона бошлиғининг ўринбосари Осмон Али Шайх бизни чой билан меҳмон қилиб, ишимизни тезгина битириб берди. Қуюқ хайрлашиб, соат ўн икки яримларда Ваагадан чиқиб кетдик.

Лохўрни четроқ кўчалардан айланиб ўта бошладик. Йўллар ниҳоятда кенг, қатнов бир томонлама эди. Умуман, Лохўр анчагина чиройли шаҳар экан, ўтган сафар яхши кўрмаган эканмиз.

Бу шаҳарда ҳам ихчам мотицикл ниҳоятда кўп экан. Эркалар шу кичкинагина уловда хотини, бир-иккитадан болаларини мингаштириб бемалол юришарди.

Икки кирғоғини ям-яшил дарахтлар, гуллар безаб турган анҳор бўйлаб ( у Лохўрни кесиб ўтиб кетарди) боряпмиз, боряпмиз...

Анҳор жудаям узундай, охири йўқдай туюларди менга, худди Катта Фарғона канали каби. Ниҳоят, шаҳардан анча чиққанимиздан кейин, соат иккиларда, сой ўнг томонга, биз чапроққа қайрилиб кетдик.

Ҳиндистонда мусулмонлар кўп бўлса-да, умумий аҳоли беҳисоб кўплиги учун улар орасида унча сезилмай кетаркан. Бунинг устига, Ҳиндистонда мусулмон масжидлари ниҳоятда кам, намоз ўқиётган кимсани кўрмадик ҳисоб. Покистонда эса.., жумладан Лохўрда ҳамма дўконларини ёпиб, бошқа юмушларини ташлаб, жума ибодатига кетишаётганининг гувоҳи бўлдик. Лохўрдан ташқарида, каттароқ кишлоқ ё шаҳарчаларда ҳам масжидларга одамлар гурас-гурас кириб кетишяпти.

Бир шаҳарчада тўхтаб тушлик қилдик. Шу ердаги дўконда пўчоғи оқ-сарик қовун кўрдик. Афғонистондан олиб келишар экан. Нарҳига ақлим бовар қилмади: 1 килоси 100 рупий (бизнинг пулга тўрт минг сўм) дейди.

Биз Лохўр—Мўлтон—Кветта йўлидан борардик: анча равон, текис, обод эди. Икки томон ям-яшил шоли, ғўза, маккажўхори, шакарқамиш плантацияларидан иборат. Дарахт қалин, тез-тез катта-кичик анҳор ҳам учраб турарди. Ўтган сафар Парвез деган кўнкавой бизни роса расво йўллар билан айлантириб олиб келган экан-да, деб бояқишни анча койидик.

Йўлда пружинасимон бурама шохли эчкилар галасини кўриб, хайвонот дунёсининг бу ажойиботини ҳайрат билан томоша қилдик.

Мўлтонга кечаси кириб келдик ва «NEW PELAX» («Нью Пелакс») деган гўзал меҳмонхонага жойлашдик.

## **«ГУРБАТГА ЛАЪНАТЛАР БЎЛСИН»**

*4 сентябрь, шанба*

Эрталаб кўчага чиқсак, меҳмонхонамиз таши ичига қараганда, анчагина одми, шаҳар кўчалари ҳам ноободроқ эди. Шаҳарнинг жануб томон чеккароғидаги тарихий ёдгорликларни, Муҳаммад Ибн Туғлуқ шоҳ ўзи учун қурдирган макбарани томоша қилгач, шаҳарнинг шимол тарафига юриб, Мўлтон университетини топдик. Дарвозада полисмен тураркан. Қопқадан ўтгач, ўртаси гулзор, икки ёни қуюқ дарахтзор йўлдан ичкарига кириб

бордик. Бу манзара менга Масков университети ҳовлисини эслатди. Гўзал, шинам бинолар орасидан ўтган йўл атрофи ажриқзор яшил майдонлардан иборат эди.

Одатда, тарихий шаҳарлар ва қишлоқларда бўлганингизда, беихтиёр унинг ўтмишидаги қиёфаси билан ҳозирги ҳолатини қиёслайсиз. Лекин мен Мўлтон ўтмиши ҳақида тўлароқ маълумотга эга эмас эдим. «Бобурнома»нинг бизга маълум қисмларида Мўлтон йўл-йўлакай айтиб ўтилгану шаҳар туси, ундаги ҳаёт тарзи тўғрисида муфассал баён қилинмаган.

Бизни тарих куллийетининг декани, доктор Ошиқ Муҳаммадхон Дурроний жаноблари ғоят очиқ чеҳра билан кутиб олди. Эски кадрдонлардай кучоқлашиб кўришди. Унинг самимий, дилкаш, камтар инсонлиги шундоққина юз-кўзидан билиниб турарди. У бизни хонасига олиб кириб, ҳаммамиз билан бир-бир танишди ва бизнинг саволимизга биноан аввал Баҳовуддин Закариё номидаги ушбу университет ҳақида қисқача маълумот берди. 1965 йили очилган мазкур илм даргоҳида ҳозир йигирмата куллийёт бўлиб, ҳар йили икки минг нафар талаба қабул қилинади. Минг ўринли ётоқхонаси бор экан. Университет ҳовлисининг умумий майдони 400 гектар экан.

Мўлтон шаҳрининг аҳолиси ўн лак (1 миллион) экан.

Мўлтон тарихи ҳақида китоблар битган Муҳаммад Дурроний бизга жуда кўп нарсаларни завқ-шавқ билан гапириб берди, биз унинг ватанпарварлик туйғулари жўш уриб турган ҳикояларини мароқ билан тингладик.

— Мўлтон Покистондаги қадимий шаҳарлардан бири, — дея сўз бошлади Дурроний, — миллоддан аввал, тўртинчи асрда барпо этилган ва кўп ўтмай, Искандар Зулқарнайн бостириб келган. Бироқ у бу ерда катта талофат кўриб, қайтишда, йўлда ҳалок бўлган. Кейин, Ашока<sup>1</sup> подшолиги даврида, бутун Ҳиндистонда бўлгани каби, бу ерда ҳам буддизм ривожланиб кетди. 713-йили Мўлтонни Муҳаммад бин Қосум бошчилигидаги араблар эгаллаб, ислом динини жорий этишди. Мана, ҳозиргача биз шу динга эътиқоддамиз. Ўнинчи аср бошларида бошқа халқлар келишган. Ўн биринчи асрда Маҳмуд Ғазнавий бутунлай босиб олган ва олтмиш йил ҳукмронлик қилган. Ўн иккинчи асрда Шаҳобиддин Муҳаммад Ғурий Афғонистондан келиб, бутун салтанатни — Деҳлигача бўлган жойларни ўзига бўйсундирган. Кейин у Шимолий Ҳиндистонгача бостириб борди ва ҳамма жойда ислом динини, мусулмончилик ақидаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Ана шу даврда Мўлтон аҳолиси тўп-тўп бўлиб кела бошлаган бошқа халқлар ҳисобига кўпайиб кетди ва уларнинг таъсирида янги маданият шаклланди. Чунки бизга бошқа халқларнинг тили, кийимлари, саллалари ҳам кириб келди ва маҳаллий аҳоли ўз-ўзидан уларга тақлид қила бошладилар. Ўн олтинчи асрда андижонлик Заҳириддин Муҳаммад Бобур Афғонистондан келиб Қандахорни, Лоҳўрни олгач, Мўлтонни ҳам эгаллади ва шу ердан Ҳинд сари юриш бошлади.

Бобур ўзининг «Бобурнома»сида Мўлтон шаҳри номини бир неча бор йўл-йўлакай тилга олиб ўтади холос, бу тарихий шаҳарга қандай келгани ва уни қандай эгаллагани ҳақида тўхталиб ўтирмайди. Балки «Бобурнома»нинг йўқолган саҳифаларида бу ҳақда батафсил ёзилган бўлиши ҳам мумкин эди. Тарих фанлари доктори, профессор Рустам Шамсиддинов Ҳиндистон ва Покистонда инглиз тилида нашр этилган тадқиқотларда Бобурнинг Мўлтонга биринчи марта 1519 йили, кейин 1524 йили юриш қилиб, шу йили Мўлтонни, Ланчадаги бир қанча қабилаларни Шоҳ Ҳасан билан жанг қилиб қўлга киритгани тасвирланганини қайд этади.

— Бобурийлар орасида, айниқса, Акбар кучли шахс бўлган, — дея сўзида давом этди Муҳаммад Дурроний. — У хунармандчилик, меъморчиликни жуда ривожлантирган, бутун Ўрта Осиёдан мутахассисларни, ҳар хил соҳадаги олимларни Ҳиндистонга тақлиф қилиб олдириб келган (Ҳиндистонга бунақа оммавий келиш 13-асрда ҳам бўлган эди).

---

<sup>1</sup> Ашока – Ҳиндистонда Маурья давлатининг учинчи ҳокими. Миллоддан аввалги 268-232 йилларда ҳукмдорлик қилган. Унинг отаси Чандвругупта ҳам Бобурга ўхшаб Ҳиндистонни ягона давлатга бирлаштиришни мақсад қилган. Ашока отасининг ниятини қисман амалга оширган. Унинг даврида Ҳиндистон иқтисодий жиҳатдан анча кучайган, ҳудуди кенгайган. Буддизм ривожланиб, кўплаб будда ибодатхоналари қурилган. Ашोकанинг қоя тошларга ўйиб ёздирган фармонлари ҳозиргача сақланади. Ана шунинг учун ҳам Жавоҳирлаъл Неру Ҳиндистон тарихи ҳақида гапирганида, Акбаршоҳ билан Ашока хизматларига алоҳида урғу берган.

Аврангзеб ҳам катта подшолардан бири бўлди. Бутун Ҳиндистонни ўзига бўйсундирди. Ислом динини халқ орасида қаттиқ тарғиб қилди. Унинг ўзи сочидан тирноғигача мусулмон эди. Аврангзеб даврида илму ҳунарда, яшаш тарзларида, уй-жой қуришда ҳиндларнинг мусулмонларга эргашиши, уларга тақлид қилишлари кучайди. Худди биз Америкага, Сизлар русларга тақлид қилгандай... Шундай замонлар бўлиб ўтди.

Ҳиндистонда мусулмончилик 1700-йилларда энг юқори чўққига кўтарилиб, кейин пастлай бошлади. Пула шаҳрида бир қабила ғалаён қилгандан кейин, ҳиндлар у ер-бу ерда мусулмончилик русумлари, ақидаларига қарши бош кўтара бошладилар. Ҳиндлар билан мусулмонлар орасидаги низолар сабабли улар ўртасида оралиқ пайдо бўлди, инглизлар айни ана шу оралиққа суқилиб кира бошладилар. Аввал улар савдогарлар сифатида келишиб, кейин очикдан-очик босқинчиликка ўтишди...

Доктор Дурроний жуда сўзамол, дилкаш, суҳбати ширин олим, хушфёъл, хушчакчак инсон эди. Истараси иссиқлиги учун доим кулимсираб турганга ўхшарди. Гап орасида «ача» («яхши») сўзини кўп ишлатаркан — фарғоналик ёзувчимиз Йўлдош Сулаймонга ўхшаб.

Асли, ота-боболари бошқа юртдан (Афғонистондан) келиб қолишгани сабабли, ҳар ҳолда, Дурронийнинг Ҳиндистонга келиб қолганларга, жумладан, Бобур ва унинг сулолаларига хайрихоҳлиги, ҳурмати баландлиги билиниб турарди. Олимнинг сўнгги бобурий шоҳ Баҳодир-II ва унинг авлодлари ҳақидаги хотиранамо маълумотлари шахсан мен учун янгилик бўлди.

— Баҳодиршоҳ ўлгач, унинг авлодларидан бир оила Мўлтонга кўчиб келиб, шаҳардан ўн олти мил<sup>1</sup> наридаги ўрмонда яшириниб яшай бошлашган. Кейинчалик улар халққа кўшилиб кетишди. Уларнинг учинчи авлодини 1950-йилларда ўзим кўрганман. Бўйдор, келишган, бақувват кишилар эди (Менинг уйим ўша томонда эди). Ғурбат бобурийларни емирди, — дейди олим бошини сарак-сарак қилиб. — Ғурбатга лаънатлар бўлсин — бир авлодни йўқотиб юборди...

Дарвоқе, суҳбатда Муҳаммад Дурронийнинг шогирди, Покистоннинг бобурийлар давридан номзодлик илмий иши ёзган муаллима Хумера Дасти ҳам қатнашарди. Ўттиз беш ёшлар чамасидаги, нозиккина бу жувон анча камтар, камсуқум эди. Унинг жажжигина кумушранг булоқиси ўзига жуда ярашиб турарди.

Муҳаммад Дурроний бизни уйига (менимча, сидқидилдан) тақлиф этди, бир пиёла чойимизни ичиб кетинглар, деди шарқона лутф қилиб. Узр сўраб, шошаётганимизни айтган эдик, таассуф билдирди ва эҳтиёт бўлинглар, йўл носоз ва нотинчроқ, дея йўл-кўрик кўрсатди, маслаҳатлар берди. Қветта йўлидаги Лўралай шаҳрида Амирхон Дурроний исмли ўғли ишларкан, унинг номига хат битиб берди.

Олим биз билан яна кадрдонлардай ва тагин қайта кўришишга умид ва ишончи бор одамдай хайрлашаркан, божхона бошлиғининг ўринбосари Осман Али Шайхга ўхшаб «Ассалому алайкум», деб қолди. Покистонликларнинг бу одати, яъни бизда кўришган чоғ қўлланиладиган бу муқаддас иборанинг хайрлашаётган маҳал айтилиши аввалига менга эриш туюлди. Кейин ибора мазмунини ўйлаб кўриб, эҳтимол мантиқан олганда булар ҳақдир, деган фикрга келдим. Дарҳақиқат, хайр-хўшлашаётиб бир-бировга омонлик, саломатлик тиланади-ку...

Шаҳарга қайтдик. Тор йўлларда от арава, эшак арава, годи кўп эди. Умуман олганда, улов қатнови жуда тиғиз ва бетартиб эди. Кўчалар, уйлар ўрта асрларни эслатарди.

## ҲАЙБАР ДОВОНИ

Тун. Соат иккиларда Мўлтондан чиқиб кетдик. Кўп ўтмай доктор (биздаги «профессор» деган унвонга тўғри келади) Дурроний айтганидай, носоз йўллар бошланди ва борган сари баттарлаша борди. Бунинг устига, кўча тор — бир машина аранг сиғарди.

Ҳайбар довоғига яқинлашганда икки ерда дарё ўзанидан, дўнғак-дўнғак бўлиб ётган тошлар орасидан ўтиб, тоғлик жойга етдик. Довон бошланди. Йўл энсиз, бу доводан

<sup>1</sup> Ҳиндистондаги 1 мил Бобур тахминига кўра, тўрт минг кадам ёки икки чақирим бўлган.

ўтавериб йўлнинг ҳадисини олган юк машина ҳайдовчилари шиддат билан бостириб келишаварди. Юқорида таърифланганидай, машиналар ниҳоятда башанг, ҳайдовчилар эса... соч-соқоллари ўсган, “ўрмондан чиққан”га ўхшаганлари кўп эди. Хотинини ясангириб, ўзи хароб кийинган одам каби, уловига ҳаддан зиёд оро беришаркану, аммо ўзига қарамай, бепарво юришаркан. Балки узоқ масофа — бир неча кунлик йўл шу ҳолга солиб қўяр...

Қуёш ботиш арафасида эди. Баланд қоялар узра ажойиб манзара намоён бўлди. Офтоб булутлар ортида, лекин шафақ қон талашгандай қип-қизил. Икки тарафда Сулаймон тоғларининг ўрқач-ўрқач тизмалари қорайиб, худди тутунлар орасидан сузиб бораётганга ўхшайди. Паст — дара эса гўё улкан пальма дарахтларидан иборат ям-яшил боғ эди.

Оҳиста кўтарилар эканмиз, ўнгдаги дара борган сари чуқурлашиб борарди. Баланд тоғ ёнидан қисилиб ўтадиган қалтис бурилишлар кўп эди. Қоялар ёнидан бўртиб чиққан улкан-улкан ҳарсанг тошлар йўл устига осилиб тургандай, тушиб кетаётгандай туюларди.

Тоғ ҳавоси ҳам, шабадаси ҳам илиқ эди...

Довон юқорисига кўтарилганимиз сари ораликдаги дара ваҳимали тус ола борар, қарасак, юрак ҳаприқар, қайрилишларда эса, ичимизда бир нима «шувиллаб» кетарди.

Бекатсимон жойда тўхтадик. Одатий йўл ошхона-чойхоналари, масжидлар бор экан. Ҳайдовчилар машиналарини кўча четига—дара қиршовига тўхтатишиб, шом намозини ўқишга ошиқшар, чап томон тоғ ёнбағридаги ошхонада апил-тапил тамадди қилаётганлар ҳам кўп эди.

Раҳбаримизнинг бош ошпазлигида шўрвага уннадик. Зокиржон ака катта алюмин кастирулга бир килодан картошка, пиёз, бир ярим кило помидорнинг ҳаммасини ташлади. Биз овқатнинг тахири чиқиб кетса керак деб хавотирланувдим, шунақа ширин бўптики, қорин очлигиданми, анчадан бери анжанча қўлбола овқат емаганимиз учунми ё тоғ иқлимининг таъсирида ростдан ҳам мазали бўлганми, шўрва оғзимга шундай ширин татидики... Бир мен эмас, ҳамма шу фикрда эди, раҳбар-ошпазга қайта-қайта раҳмату офаринлар айтиб шўрвадан қайта-қайта ичдик.

Ошхона эгалари — соч-соқоли тартибсиз ўсган кишилар бизга тундроқ ва ваҳималироқ кўринишувди, ҳолбуки жуда самимий, одамохун экан. Уларнинг кийинишлари ҳам бизда ноҳуш таассурот қолдирганди. Одатда, қора танлилар ранги андак бўлса-да, юзга уриб туриши учун, шунингдек, иссиқ иқлимли юртларда қуёш нурини қайтаради деб, кўпроқ оқ либос кийишади, бу ерда, жазирама Ҳиндистонда эса, хусусан ҳозир биз шу жойда учратиб турган одамлар (асосан эркаклар)нинг аксарият кўпчилиги қора қўйлак ва қора шалвар кийишган эди (Мен ўзимизга ўхшаган йўловчилар, ҳайдовчиларни ҳам назарда тутяпман).

«Мезбонларимиз» бизнинг Ўзбекистондан эканлигимизни, халқимиз мустақилликка эришганини эшитиб, хурсанд бўлишди. Бу хабарни худди суюнчилангандай бир-бирига етказишар, ўз мулоҳазаларини баён этишарди. Улар атрофимизни ўраб олишган, ҳар хил саволлар беришарди.

Ошхона эгалари хизмат ҳақини қистов билан аранг олишди. Чунки биз уларнинг ўн дона чепотисини едигу кирагази ва каструлидан фойдаландик холос. Лекин бошқа жойларда камини ҳам талаб қилиб олишарди-да...

Бу йўлда ҳам қароқчилар бор деб ваҳима қилишган, шунинг учун биз ўтган сафарги аҳволга тушиб қолмайлик, деб, довондан кундузи ўтишга келишган эдик. Мезбонлар, бу жой сизларга тўғри келмайди, қаравот етарли эмас, пашша кўп, яна ўн бир чақирим юрсангиз, довоннинг энг баландида яхши жой бор, деб маслаҳат беришди. Қуюқ хайрлашиб жўнадик. Довоннинг энг қийин, танг йўли бошланди. Сабзи жиягисимон айланалардан айланиб-айланиб кўтариляпмиз, кўтариляпмиз. Олдимизда, орқамизда баҳайбат юк машиналари... Ой гоҳ олдинга ўтиб йўл бошлади, гоҳ орқада қолиб, бизга эргашади.

Гоҳо, рўпарадан машина келиб қолса, йўлга сиғишмай, анча-анча туриб қоламиз. Орқага тисариш жуда хавфли ва изма-из келаётган машина ҳам бор. Рўпарадан келаётган ҳайдовчи ҳам орқага — баландга тисарилолмайди... Бунақа пайтда машинанинг ҳамма ғилдираклари остига тош қўйиб, кенгроқ жой, чора излаймиз. Орқада ҳам, олдинда ҳам машина қаторлашиб кетади, беқаноат ҳайдовчилар тўпланишиб бир-бирларига йўл-йўрик

кўрсата бошлайди. Дарҳақиқат, жиндай қалтис ҳаракат катта фожеага олиб бориши турган гап эди. Ёнимиздаги жарликнинг тубига кўз етмайди...

Бобур мана шу довондан бир неча бор от суриб, лашкар тортиб ўтган. Ҳозир-ку, ҳарқалай, тоғлар қиркилиб, текисланиб, йўл маълум бир шаклга солинган, асфалтланган. Бобур даврида, бундан тўрт юз етмиш йил илгари довоннинг қанчалик носоз ва ваҳимали бўлганини тасаввур қилиш ҳам қийин. Ҳойнаҳой, илон изи сўқмоқдан, катта-кичик тошлардан иборат нотекис, машаққатли, кўрқинчли йўл бўлгани аниқ. Лекин табиатига тақдирдан зорланиш, қийинчиликдан шикоят ёт бўлган жасур саркарда, матонатли инсон Бобур шоҳ бу ҳайбатли довондан ўтиш заҳматлари ҳақида лом-мим демайди, неча марта тилга олган бўлса, ҳаргал жўнгина: «кўталдин (довондан—Қ.К.) иниб, Ҳайбар тангисидан (дарасидан — Қ.К.) ўтуб...», ёки «Ҳайбар кўталининг тубига тушулди», деб қайд этиб кўя қолади... У пайтларда, менимча, бу довон, дара қалин чангалзор бўлиб, ёввойи, йирткич ҳайвонларга макон бўлгандир, улар ҳар лаҳза карвонларга, йўловчиларга хужум қилиб, даҳшат солиб тургандир. Ёт шарпадан хуркиган отларнинг суриб кетиш ҳоллари юз бергандир. Шундай ҳодисалар Бобурнинг ҳарбий сафарлари чоғида ҳам содир бўлгандир ва анча-мунча талофатлар кўргандир... Ўша лаҳзаларда шуларни ўйлаб, Бобурнинг чинакам анжанча чапанилиги, орият, иззатни юксак тутишдек феъл-атворга эга бўлганлигидан, ана шундай улуғ инсон таваллуд топган бисёр хосиятли замин, юрт менинг ҳам ватаним эканидан фахр туйғулари яна бир бор қалбим қирғоқларидан тошди.

...Хуллас, қийинчилик ва ҳадик билан майда қадамлаб кўтарилар эканмиз, довоннинг, назаримда, энг тик, қия, ваҳимали жойларидан ўтдик. Яна ҳам кечаси бўлгани учун дара-жарликнинг нечоғлик чуқур ва кўрқинчилиги, тепамиздаги тоғларнинг қанчалик баландлиги, худди тушиб кетаётгандай, омонатга ўхшаб туюлишлари — бор салобати, бор ваҳимаси билан сезилмасди. Чунки қалин ям-яшил дарахтлар, қиёқсимон ўтлар қоялару дараларни парда бўлиб тўсиб турарди.

— Ўтган сафар шу жойдан ўтаётганимизда кўпчилик ётиб олган, — деди Фаррух қулоғимга шивирлаб.

Ниҳоят, кўзланган манзилга етдик. Чиндан жуда кенг майдон эди. Шу жойда, осмонга анча яқин ерда тунашга қарор қилдик. Одатдаги бамбук ёғочи ва зиғир поясидан ясалган тўқима каравотларга жой тўшаб ётдик. Мен «етти оғайни» юлдузларимни қидириб тополмадим. Ой юлдузларга соя солиб тургани учун сал узокроқ ерлар яхши кўринмасди.

Майдон — очик карвонсаройда биздан ташқари кўноқлар ҳам кўп эди. У ер-бу ерда гўнғир-гўнғир қилиб суҳбатлашиб ўтиришарди.

Бу тепалик биз босиб ўтган худудларнинг энг баланди эди.

Ҳаво салқинроқ эдиким, чойшаб ёпиниб ётишга тўғри келди. Ҳатто машинадагилар ҳам ойналарни ёпиб олишди.

Уйқум қочди. Яна Бобур Мирзоимизни, унинг бесарамжон ҳаётини ўйлаб кетдим. Шоҳлик унга шу қадар зарилмиди? Шунча минглаб чақирим йўлларни азобу уқубатлар билан босиб ўтиб, Ҳиндистонда давлат тузиб ҳукмдорлик қилиши шартмидийкин? Шундай ноқулай иқлимга мослашиб, бошқаларни — зада навкарларию, ожиза-аёллари, қизларини ҳам кўндириб, шу узок, дини, эътиқоди бошқа ёт ўлкаларда қолиб кетишининг асл сабаблари нима эдийкин?.. Ҳарқалай, фақат тож-тахт иштиёқигина эмаслиги аниқ... Тўғри, у шундай катта худудда Ислом дини мавқеини мустаҳкамлади, мусулмончилик ақидаларини тарқатди, қанчадан-қанча ғайридинларнинг қалбига исломий имон уруғларини сочди. Бу уруғлар униб, ўсди, Бобурдан кейин, унинг авлодлари даврида кўпдан-кўп мева берди... Хўш, ўзи-чи, ўзи нима орттирди? Ўзи... «Андижонлик Заҳириддин Муҳаммад Бобур» деган улуғ ном орттирди. Кейинги авлодлар учун, биз учун фахр ва ифтихор орттирди. Буюк бобурийлар салтанатининг асосчиси сифатида кишилик тарихидан мангу ўрин олди.

## САҲРО ЙЎЛИ — УЗУН ЙЎЛ

5 сентябрь, якшанба



Соат олтиларда турдик. Атроф яйраб томоша қилгулик: майдоннинг шимол томони яна баланд тоғларга тутшиб кетган, жануб тарафда эса, биз тунда кўп азиятлар чекиб чиққан айлана йўллар, элас-элас кўриниб турадиган ям-яшил, бепоён водий ястаниб ётарди.

Шошилмай ювиниб, хотиржам ўтириб нонушта қилгач, йўлга тушдик.

Бир оз юрганимиздан кейин (энди ваҳимали ўрлар орқада қолиб кетган, биз пастга қараб эна бошлагандик) кенг яланг жой келди. Тўхтадик. Куёш тиф уриб чиқиб келаётган палла эди. Ҳар ким ўз иши ва хаёллари билан шуғулланишга ярим соат вақт берилди. Кино, телетасвирчилар юксак тоғ манзараларини суратга олиш билан банд бўлишди. Зокиржон ака Бобурнинг геологияга доир фикрларини шарҳлаб, Фаррухга интервью берди. У тошларнинг қорайиб кетиши куёшнинг таъсиридир, деб изоҳлади. Геолог Бобур ва Ҳайбар довони. Бу ғоят характерли ва алоҳида мавзудир... Сайфиддин хожи ака сопол синикларини қидириб кетди. Мен бургут қанотига ўхшаш бир ясси тошга ўлтириб, ўй суриб, кечган кунларни хотирлаб, эсдаликларни қоғозга тушира бошладимким, Тўлқин ака менинг ушбу ҳолатимни тасвирга тушуриб эди, «Бобурийлар изидан» фильмида экранни тўлдириб кўринмишдир... Собиржон аканинг яна бироз мазалари бўлмай туриб эди, у машинада ўтирибоқ атрофни томоша қилмоққа тутинди...

Биз Япониянинг ҳар жиҳатдан қулайликларга эга, жумладан ичида совутгич-шамол ҳайдагич мосламаси бор учқур «Гойота»сида, замонавий, асфалт йўлларда юриб ҳам чарчаб, эзилиб келаяпмиз. Амир Темур, Бобур ва уларнинг аскарлари, хотинлари, болалари ўша пайтдаги дашту саҳролар, қоя-тоғлардан ўтган кум, тош йўлларда лўкиллаган туялар, отлар устида қандоқ юришганикин? Биз Ҳиндистоннинг ярмини бир айланиб чиқишга 28 кун вақт сарфладик. Улар бир неча ойлаб, йиллаб юришган-а... Куч-қувватларига, сабр-тоқатларига қойил-ей...

Яна йўлдамиз. Атроф гунг тошлар... Худди махсус тайёрлаб олиб келингандай, чорқиррасимон, усти ва ости теп-текис бронза тусли тошлар кўп... Ҳақиқий тоғ йўллари... Лекин на Арслонбоб, на Шоҳимардон ва на қамчиқ довонига ўхшайди... Дараларда сув кўринмайди. Бироқ барглари палма япроқларини эслатадиган тизза бўйли қамишсимон кажура (ундан елпуғич қилишаркан), тиканли ўсимликлар тўп-тўп бўлиб ўсиб ётибди. Юлғиннинг новдалари ингичкароқ, яшил янтоқнинг тикани юмшоқроқ, майинроқдай туюларди. Ўша ўтлар, дарахтлар ортида, тепалик — тоғ қиршовларида бир неча марта ўк овози янгради. Биз каклик отишаётган бўлса керак, деб ўйладик. Озгина юрганимиздан кейин елкасига ҳар хил милтиқ осиб тепадан тушиб келаётган кишилар кўринди.

Покистон йўлларида ҳам янги қурилишлар (кўприклар, иншоотлар) кўп учрарди, аммо Ҳиндистондаги қурилишлардан фарқли ўлароқ, бу ёқда фақат эркаклар ишлашарди. Биронта аёл зоти кўринмайди.

Тез-тез саҳро корабллари ҳисобланмиш туялар тўдасига дуч келардик. Мана шу жиҳатданми, чўлу биёбонларининг кўплигиданми, Покистон Туркменистонни эслатарди. Саҳро худуди нақш солингандай таассурот қолдирадиган кунгира-кунгира қояли тоғлар билан алмашилиб турарди.

Келишда ҳам харитага қараб йўл юрган эдик, лекин қайтишда харита тез-тез қўлдан-қўлга ўтиб, унга қайта-қайта мурожаат қила бошладик. Биримиз кўйиб, биримиз қолган масофани ўлчаб, қачон она юртга етиб боришимизни чамалардик. Биз экспедициямизнинг энг бардошли аъзоси Собиржон акани ва машинани авайлардик.

Ҳиндикуш тизмалари қуршовидан чиқиб кетиш қийин бўлди. Тоғли йўлда кундуз соат 1 гача юрдик. Қветтага яқинлашганимиз сари тоғлар биздан узоқлашиб, ўзимиз томонларга хос бўлган мевали дарахтлар, экинлар кўпроқ учрай бошлади. Ўрик, шафтоли мевалари тугаган, олмалар шохи эса мевасининг кўплигидан ларзон-ларзон эди. Айникса, анор, мирза тераклар менга Андижонни, Гуркуровни кўпроқ эслатарди. Карам, помидор, мош, сабзи, ошқовоқ, бақлажон, кашнич — ҳамма нарса бор эди. Тангри ёрлақанган қишлоқлар экан, деб ўйладим.

Бир жойда, йўл билан тутшиб, ичкарига чўзилиб кетган боғда олма теришаётган экан. Маъмуримиз Ҳамидхон кириб кетди ва у билан бир одам бир этак олма кўтариб чиқди.

Семиренкага ўхшаш олтин рангли, йирик-йирик олма эди. Пул берсак, олмади. Бобурнинг Андижонда полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас, деган сўзларини ўқиган чамаси...

Тоғлар дам узоқлашиб кетар, дам яқинлашиб, шундоқ биқинимизга келиб қоларди. Йўл билан ёндош тоғларнинг тик ёнлари тарам-тарам бўлиб, бир қарашда қалаштириб, тахта тахлаб қўйилганга ўхшаб кўринарди.

Лўралай деган жойда тушлик қилиб, йўлда давом этдик (Мухаммад Дурронийнинг ўғлини излашга вақт ҳам, эҳтиёж ҳам бўлмади).

Яна тоғлар... Палахса-палахса тошларни ғиштсимон қилиб бўлаклайган одамларни кўрдик. Тоғларнинг, бу тошларнинг полоэзой даврига мансублигини тахмин қилдик.

Асосий манзил — Машҳад ҳали ҳийла олис эди. Биз шу кетишда у ерга қачон етиб боришимиз мумкинлигини хомчўт қилар, сабрсизланардик. Лоҳўрдан Мўлтонгача 450 чақирим йўл босдик. Мўлтондан Кветтагача — 650, Кветта—Тафтан—720, Тафтан — Зоҳидон—140 чақирим эди. Зоҳидондан у ёғи ҳам ҳазилакам масофа эмас.

Биз кун ботиш томонга қараб юрардик. Зокиржон Машрабов геология ва минералогия илмлари ва табиат, тоғ жинслари ҳақида гапириб борарди. Кун ботиш арафасида, шафак нурлари тоғлар ёнида алвон байроқдай ёйилиб кетган паллада машинамиз кумга ботиб қолди. Яна ҳаммамиз ярим яланғоч бўлиб машинани суриб кумдан чиқаришга уннадик. Тўлқин ака билан Фаррух ҳам энг шимариб ишга тушишди. Чунки ҳозирги ҳолатимиз улар учун ғоят «тасвирбоп, характерли» лавҳа эди...

Йўлда тез-тез туялар учрарди. Йўл четидан кўнғирокларини жиринглашиб, биргина сарбон етакчилигида қатор бўлиб тизилиб бораётган, паст адирлар ён бағрида ўтлаётган ёки кавш қайтариб ётган бир ўрқачли (икки ўрқачлиги негадир кам кўринарди) туялар... Демак, мана шу далилнинг ўзидан ҳам Покистонда саҳролар кўплигини фараз қилиш мумкин. Буни қарангки, шундай жойларда ҳам анча-мунча одамлар яшашяпти, меҳнат қилишяпти. Шаҳардан олисда, оммадан узоқ, чанг-тўзондан бошқа овунадиган эрмак ҳам йўқ бўлса керак... Эҳтимол, улар вақтинча яшаш, маблағга ашё тўплаш учун келишгандир, лекин умрлари ўтмоқда-ку. Балки, бу қисматдир...

Биз наҳотки Покистондай катта бир мамлакатнинг иккита йирик шаҳари ўртасидаги йўл шунақа расво, фэйзсиз, камқатнов (биздан бошқа машина, йўловчилар деярли учрамасди) бўлса, дея ажабланиб, диққат бўлган эдик, кейин билсак, Лўралайдан кейин адашиб кетган эканмиз. Ушбу тош кумлик, тупроқли йўлларда роса узоқ айланиб юрдик. Баллон дам қўйиб юборди. Алмаштирдик. Умуман нотекис, чағир йўл ҳаммани эзиб ташлади. Йўл, сафар зерикарли туюла бошлади. Бунинг устига, Собиржон ака бетоб. Унинг кўнглига сиғмайди, деб магнитофон ҳам қўймаймиз. «Тойота»нинг совутгичлари ҳам чарчади шекилли ёки кучли жазирамани совутиб беришга улгуролмаяптими, ҳар-қалай, машина ичида ҳам ҳарорат кўтарилиб, одамни бетоқат қила бошлаганди. Аввалига биз совутгич мурватларини кимдир бураб пасайтириб қўяётган бўлса керак, деб ўйладик. Ундай эмас экан. Собиржон акага шабада тегмасин деб, ойналарни озгина қия очиб, бир пасда яна ёпиб қўямиз. Умуман унга қийин бўлди. Дард ёмон нарса-да: ҳар қандай паҳлавон келбатли, шиддаткор, кесиб-кесиб гапирадиган одамни ҳам бир-икки кундаёқ чўктириб, омонат-омонат қадам босадиган, секин-секин сўзлайдиган қилиб қўяди. Бироқ, биз Собиржон аканинг, яна такрор ёзаяпман, бардошига, дардга чидамлилигига қойил қолардик. Бирон марта ўнтаганини эшитмадик, дардни сабот билан, ички бир қувват билан энгишга ҳаракат қилар, диққати ошиб кетганидан баъзан-баъзан уф тортиб қўярди холос. Табиийки, унинг иштаҳаси ҳам йўқ эди. Зокиржон ака сутдан ичинг деб қистайверган эди, сут ачиброқ қолибди, деди. Кейин маълум бўлишича, дўсти ва раҳбарнинг меҳрибонлигини ошкора рад этолмай, шундай дейишга мажбур бўлибди. Аммо, Зокиржон аканинг ғамхўрлик қилиши ҳам табиий, шундай бўлиши керак ҳам эди. Чунки биз, аъзолар фақат ўзимиз учун қайғурсак, раҳбар ҳамма учун қайғуриши, ҳаммамизни уйларимизга соғ-саломат етказишни худодан тилаши турган гап-да...

Кветта шаҳрига яқинлашганимизда осмон тиникиб, олам юлдузлар билан чароғон бўлиб кетди. Ана шу маҳал шундоққина ўнг томонимизда, ерга яқин жойда биз билан қадам-бақадам кетаётган, анчадан бери «қидириб» тополмаётган «Етти оғайни» юлдузларимни кўриб қолдим. Негадир кайфиятим созланиб, энгил нафас ола бошладим...

Ниҳоят, кеч соат ўнга яқин Кветтага кириб келдик ва истаб-сўраб, ўзимизнинг кадрдон «Муслим» меҳмонхонамизни топдик. Ажабо, ўз уйига қайтиб келган одамдай, ўзимизни эркин ҳис қила бошладик.

## ТУШЛАРИМДА АНДИЖОН...

*6 сентябрь, душанба*

Собиржон ака кечаси иситмалаб, яхши ухлолмабди. Эрталабдан дори истадик. Ҳали аксарият дорихоналар очмаган эди (соат 8 лар эди). Боз устига, бугун шаҳид бўлганлар хотираси куни экан. Бозорлардаги дорихоналарни ҳам истадик. Охири поликлиника топиб, докторга учралди. Укол қилиб, дорига тавсия ёзиб берди. Дориларни олдик ва соат ўн иккига яқин Тафтан (чегара)га қараб жўнадик.

Зокиржон ака Собиржон акадан мудом ҳол сўраб турар, унинг соғлиғини яхшилаш, кайфиятини кўтариш чораларини изларди. Унинг ташаббуси билан йўлдаги ошхоналардан бирида Собиржон ака учун сут қайнаттириб, термосга қуйиб олдик.

Яна тоғлар орасидан кетиб боряпмиз. Дунёда сув кўп дейдилар. Менинг мана шу сафар давомидаги хулосамга кўра, оламда дашту биёбон ҳам ва яна тоғлар ҳам кўп экан. Тоғлар шакли-шамойили, рангининг турли-туман бўлишини ҳам Лохўр — Тафтан йўлларида кўрдик. Тоғларнинг шамолу қуюнлар, иссиқ ва аёзлар, қуёш нурию ёмғир найзалари таъсирида емирилганлиги, нураганлиги сезилиб турарди. Тоғлар ҳам қарир экан, деган ўй кечди менда. Гиёҳ унмас тош тоғлар узундан-узоқ қора тусли, қуйган кўмир каби палахса-палахса, қат-қат, четлари чатнаб, тўкилай-тўкилай деб турганга ўхшарди.

Дарвоқе, бу кеча тушимга яна Андижон кирибди. Яқин бир одам негадир йиғлапти...

Йўл анча дурустлашиб қолди, лекин тор эди. Қоронғи тушганда чўмич юлдуз ўнг томонимизда кўринди.

Жакмаш деган қишлоқда тўхтадик. Маъмуримиз Ҳамидхоннинг бир таниши ҳарбийларнинг шундоққина йўл бўйидаги янги, лекин наридан-бери солинган меҳмонхонасининг қоровули экан. Ўчашгандай, чироқ йўқ экан. Тошфонар ёрдамида шўрва пиширдик. Овқатдан сўнг шундоқ ташқарига, ерга жой тўшаб, гаплашиб ётдик.

Чолнинг транзисторидан Тошкентни топиб, «Сўнгги ахборот»ни эшитдик. Полвонтошдан, ўзимизнинг Андижондан нефт чиқибди!.. Ниҳоятда хурсанд бўлдик. Ўзбекистон радиосини сафар давомида биринчи бор эшитишимиз эди. Ахборотдан кейин концерт бошланди. Собиржон ака ҳам анча дуруст эди. Шу муносабат билан бир оз ўйин-кулги қилдик. Латифагўйлик бўлди.

Шу пайтда осмонда юлдузлар ниҳоятда кўп ва чароғон эди. Ғарби шимолдан шарқи жанубга қараб ўтган, эҳтимол, аксинчадир, сомон йўли жуда аниқ ва тиниқ кўринарди. «Етти оғайни» юлдузлар ҳам ниҳоятда ярқироқ ва кўл чўзса етгудай туюларди. Осмоннинг бунчалар серюлдуз ва Заминга шу қадар яқин бўлишини сафар давомида биринчи кўришим эди. Ҳадемай, «катта айиқ» юлдузлари бирин-кетин бота бошлади ва учтаси, яъни думи қолди ва кўп ўтмай, иккитаси, кейин биттаси қолди ва у ҳам ботиб кетди. Мен илгари, ўзимиз томонда бу юлдузларнинг бутунлай ботишини астойдил кузатмаган эдим. Юлдузлар ботаётган кезде осмон, коинот, сайёралар ҳаракати аниқ ва яққол кўринаркан.

*7 сентябрь, сешанба*

Азонда йўлга тушдик. Энди чўл бошланди. Қора чўл. Зокиржон ака буни ҳам тоғларнинг нурашига боғлаб изохлаб берди.

Кейинроқ катта-катта қум барханлари кўпая борди. Ажабки, бир сиким қум уюлмаси устида ҳам юлғунсимон кўкат ўсиб турарди. Тошли, текис ерда эса ҳеч бир гиёҳ йўқ эди. Айрим жойларда қум кўчкилари йўлни қисман ё бутунлай тўсиб қўйган эди...

Чошгоҳда чегарага яқинлашдик. Маъмуримиз Ҳамидхон биз билан хайр-хўшлашиб, ок йўл тилай бошлади. У жуда серзавқ, хушчақчақ, одамохун йигит бўлиб, кетишдаги покистонлик маъмур Парвезнинг мутлақо акси эди.

Ҳамидхоннинг дунёқараши ҳам маъкул, бунинг устига ҳазилкашгина эди. Айниқса, кенжамиз Фаррух билан сўзда ҳам, қўлда ҳам кўп ҳазиллашишарди! Аҳмаджон ёрдамида улар бир-бирининг жиғига тегишарди. Ҳамидхоннинг Фаридхон, Ферузхон исмли ўғиллари, Осма деган қизи бўлиб, тўртинчиси туғилиш арафасида экан. Ўғил бўлса, отини Фаррух қўй, деб ҳазиллашдик. «Но.., — деди у кулиб. — Аммо, Бобурхон қўйишим мумкин». Биз унинг мана шу ниятини қатъийлаштириш учун уни маъқулладик. Бобурнинг шоҳ сифатидаги, инсоний фазилатларини биримиз қўйиб, биримиз таърифлай кетдик. Охири Ҳамидхон яхши, агар ўғил туғилсаёқ номини Бобурхон қўйганим бўлсин, деб бизга ваъда берди.

— Бундай масалаларни хотининг билан маслаҳатлашмай, ўзинг ҳал қилаверасанми? — деб сўрадик, атай нима деркин деган мақсадда.

— Мен йигит кишиман, — деди у бизнинг гапимизни жиддий қабул қилиб. — Шарқликман, қолаверса, мен ҳам сизларга ўхшаб мусулмонман. Ё сизларда унақамасми?

Хуллас бизнинг ҳазиллашаётганимизни сезди ва яна бизга изҳори дил қила бошлади:

— Яхши-ёмон гапирган бўлсам узр, мен ўз кадрдонларим билан сафар қилгандек бўлдим. Мен сафарда бошқаларда ёмон таассурот қолдирмасам, дейман. Одатим шунақа, ҳазил-хузилни яхши кўраман, самимий бўлишга, қўлимдан келса, ўзгаларга ёрдам беришга уринаман. Сизларни кўрганим, танишганимдан жуда мамнунман, лекин тез ажралаётганимдан афсусдаман. — Ҳамидхоннинг сўзлари чиндан ҳам самимий эди. У худодан сафаримизни беҳатар ва бешикаст қилишини тилади.

Ҳамидхон гўё ҳамкасби Парвезнинг совуқроқ муносабатлари учун афв сўраётгандек, уни ҳам маъзур тутинглар ва биз ҳақимизда, яъни, покистоиликлар, Покистон ҳақида яхши тасаввурда қайтинглар, демоқчи бўлаётгандай туюлди менинг назаримда.

Биз ҳам бу дилкаш йигитга миннатдорчилик билдирдик. У ҳар биримиз билан кучоқлашиб хайрлашиб қолди.

Соат ўн иккиларда Покистон чегарасидан Эрон чегарасига ўтдик ва машиналар вайд этиладиган жойга кирдик. Кино, телекамераларни сўрғичлаб қўямиз, бизда сурагга, тасвирга олиш мумкинмас, Машҳадга кирмайсизлар, муддатларингиз оз қолибди, вақтингиз етмайди, бошқа йўлдан юрасизлар, деб анча хуноб қилишди.

Зерикиб, у ёқ-бу ёққа босиб юридик, кутиб ўтирдик. Божхона унча тоза эмас, ўтирадиган жой ҳам йўқ эди.

Сайфиддин ҳожи аканинг катак рўмолчаси бор эди. Уни гоҳ елкасига ташлаб, гоҳ қўйлаги ёқаси остидан бўйнига ўраб боғлаб олар, гоҳ пешонасига қўйиб, икки учини кулоқлари тепасига қистириб олар, гоҳ бошига ёпиб олар, тўр учлари енгил, илиқ шабадада хилпиллаб турарди.

Домла менга ҳамма нарса мумкин деб ўйловчилар тоифасидан эди. Дарҳақиқат, Ҳожи аканинг ўзига ана шу юқоридаги қилиқлари ҳам ярашар, шундай пайтда у менга миллий киноларимиз учун жуда боп қаҳрамонга ўхшаб кўринарди.

Мен Эрон ҳақида гап кетганда бир вақтлар Хуросоннинг машҳур шаҳарларидан бири, Навоий бир қанча муддат ҳокимлик қилган Астрободни эслаб, уни бир кўришни орзулаган эдим. Лекин йўлларда учраётган қанча-қанча кўҳна шаҳарлар номи орасида негадир «Астробод» деган ном кўзга чалинмасди. Иложи бўлса, кўриб ўтмоқчи эдик. Бир неча одамдан сўрадик. Кўпчилик елка қисарди. Охири ёши каттароқ одам Астрободнинг ҳозир Гургон деб аталишини, бу ердан анча узоқлиги, бизнинг йўлимизга чаплигини айтди. Биз афсуслансак-да (боришга кўзимиз етмасди), Астрободнинг дарагини топиб олганимиздан хурсанд бўлдик.

Нихоят, Эрондан ўтиб, чегарага ҳам етиб келдик. Ҳар хил расмиятчиликлар: паспорт текшириш, «кирди-чиқди» деб муҳр босиш... Кетаётганда тўлғазилган декларацияни ҳам суриштиришаркан. Машинамизнинг ичи, ташию тағларини махсус чуқурлик-хандакка тушишиб, овчарка итлари билан тит-пит қилишди. Асосан наркотик нарсалар қидиришаркан. Бу қилиқлари менга ҳақоратдай туюлди. Ахир биз илмий экспедиция бўлсак, кимлигимиз

афти-ангоримиздан кўриниб турса... Лекин чегарачиларга ҳатто отанга ҳам ишонмайсан, деб қасам ичиришса керак-да... Начора, чегара-божхонанинг ўз қонун-қоидалари, темир тартиб-интизоми бўлади, унга ҳамма бўйсуниси шарт... Демак, бизнинг ҳам бу ердаги замзамаларга оғир-вазминлик билан бардош бериб, Аллоҳдан ўзимизга сабр-тоқат тилашдан бошқа чорамиз йўқ.

## ОНА ЮРТ НАФАСИ

Гарчи кўрқадиган, хавотирланадиган ҳеч нарса бўлмаса ҳам, бир чегарадан иккинчи юрт худудига ўтиб олганинда беихтиёр енгил тортасан экан. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Туркменистон заминига (аслида бу ҳам бошқа мамлакату, лекин ҳарқалай, ўзимизники деган тушунча онгимиздан ҳали бутунлай чиқиб кетмаган-да) қадам қўйганимиз заҳоти Фаррух билан Аҳмаджон қарсак чалишиб, ерга чўккалашиб, шодликлари, ватанга, она тупрокка бўлган муҳаббатларини изҳор этишди. Қувончга ҳамма шерик бўлди. Ҳатто оқсоқолларимизнинг чехралари ҳам яшнаб кетди. Ҳали асосий назорат, яъни божхона деган асаб эгови олдинда яна бўлса-да, барибир худди ўз юртимизга ўтиб олгандек хурсанд, масрур эдик (Божгиронда хужжатдаги арзимаган камчилик ё англашилмовчилик учун уч-тўрт кундан бери Эронга ўтолмай туришган сайёҳ ўзбекларни кўрдик-да).

Бизнинг қувончимизга дастлаб чегара билан божхона оралиғидаги дарада, шундоқ йўлда гала-гала бўлиб юришган бесаноқ какликлар шерик бўлишди. Уларнинг кўпчилиги эндигина учишни ўрганаётган жўжалар экан. Афсуски, биз уларни чўчитиб юбордик...

Шундай қилиб, хорижий юртлар билан хайрлашиб, божхонадан ўтгач, Ашхободга жўнар эканмиз, қардош, жондош туркманлар кўзимизга ўтдай кўринарди. Кечки пайт, соат бешга яқин Ашхободга (чегарадан 40 км.) етиб келиб, «Айна» ресторанида тушлик ва кечкурунлик қилдик. Овқат четда қиммат экан, деб юрган эдик, даҳшати шу ерда бўлди. Уч-тўрт хил, жаъми саккизта ликопчада газак, емишлар: юпка — лаппак яхна гўшт, худди шундай товук, тузланган бодринг, пишлоқ ва кўкат, саккизта бифштекс, олти та кулча нон, уч чойнак чой — салкам 78 минг сўм (рубл) бўлди!

Лекин, биз яна Ашхободдамиз, яъни қўшниникида. Экспедиция ўз вазифасини ҳарқалай муваффақиятли бажариб, ёруғ юз билан қайтмоқда... — Раҳбаримиз шунга яқин гапларни айта туриб, боя чегарадан ўтганимизда ҳаммангизни ерга тушириб, бир-бир бағримга босмоқчи эдим. Лекин кўзимдан ёш чиқа бошлагани учун ўзимни тутдим, — деди ва яна кўзларида севинч ёшлари йилтиллаб, ҳаяжони, эҳтироси овозини бўғиб қўйди. Менимча, орамизда энг серзавқ ва ҳиссиётчан одам — Зокиржон Машрабов эди. У иш юришмаганда куюна олар, юришганда суюна оларди. Зокиржон акада узоқ йиллик раҳбарликдан қолган қайсарлик ҳам бор эди. Биров унинг ғашига тегса, ўша одам айтган фикр, таклифнинг тескарисини қиларди (яъни, «етов»га юрмас эди). Қаттиқ тортишиб қолса ҳам, бироздан кейин яна боягидай муомала қилиб кетаверарди. Бунга у атайлаб, ўзини зўрлаб қилмасди, табиати ўзи шунақа эди...

Ресторандан чиққанимизда вақт кечга яқинлашмоқда эди. Кўчанинг у юзидаги ҳашаматли меҳмонхонага бош суқиб кўрдик - нархи осмонда экан... Яширишнинг ҳожати йўқ, экспедиция ғазнаси ҳам, шахсий кассалар ҳам бўшаб қолган, боя ресторанда боримизни ўртага ташлаган эдик. Яъни, жўнроқ кўноқхона излаб ўтирмай, Марига қараб жўнавордик. Масофа — 400 км.

Тун. Обиджон ака рулда, мен штурман эдим. Соат ўн бир — ўн иккилар. Иттифоқо яна «етти оғайни» юлдузларимни кўриб қолдим. Улар Зоҳидон — Машҳад йўлидагидай, чап ёнимизда, ерга яқин жойда эди. Чўл осмони бепоён ва мусаффо, юлдузларга тўла эди. Сомон йўли эса яна шундоқ бошимиз узра кесиб ўтган эди. Биз кўкда чалқанча тушганча, нурсизгина қизариб турган бир тилик қовун шаклида ой томонга кетардик.

Чўл шабадаси ниҳоятда ёқимли эди.

Йўлда қовунпурушларни уйғотиб қовунхўрлик қилдик. Лекин унча ширин эмас экан. Раҳбар, одатдагидай, баҳолашмай шартта сўя бошлади ва ўртача учта бемаза қовунга эгаларининг оғзидан чиққан бир минг беш юз сўмни нақд тўладик!

Марига етиб келиб, таниш меҳмонхонамиз «Санжар»ни топгунимизча соат тунги икки бўлди. Маъмура аёл (ўрис эди) уйқусираб, фақат 93-йилги рублни оламиз, деб анча тархашлик қилди (Биз сафардан қайтгунча ўрис пулимиз янгиланиб кетган эди). Доллар билан тўланадиган бўлса, бир ўрин 40 доллар экан. Зокиржон ака иккимиз ўрис опани бир амаллаб I хонага кўндирдик-да, оқсоқоллар — раҳбар ва Сайфиддин хожи акаларни жойлаб, қолганларимиз машинада ётдик.

Яхшики Жайхун дарёсининг кўприги бугун жойида экан, яқингина, осонгина ўтиб олдик ва яна кўп юрмай, Туркменистон божхонасидан ҳам ўтиб, Аму — Бухоро канали бўйлаб, Бухорога яқинлашяпмиз. Чап томон бепоён чўл. Лекин юлгин ўскин. Ўнгда, канал ёқасида эса тол, жийда дарахтлари чўл шамолида оҳиста тебранади.

“Ислон қуввати...” шаҳрига кириб, театр билан ёндош «Гулистон» ошхонасида кўнгилдагидай тушлик қилдик. Мириқиб карам шўрва ичдик. Кабобхўрлик бўлди. Ўз миллий таомларимизга нима етсин-а!... Йўлда кўк тўнли қовун олган эдик, ниҳоятда ширин чиқди. Ошхона ходими Зокиржон отдоши Зокиржон акани таниб (телевизорда кўрган экан), бизга хуштакаллуф билан хизмат қилди.

Кейин шаҳар оралаб, Арк ёнидан Самарқандга йўл олдик.

Каттақўрғонга кечаси етиб келдик. Кўча бўйларида кабобпазлар кўпайиб кетибди, (Сафарга бораётганимизда бунчалик эмас эди, демак юртда анча ўзгаришлар юз бергани аниқ). Кўпчилик шундоқ уйининг олдига кабобхона очиб олибди. Бирининг ёнида тўхтадик. Чорпоярларга кўрпачалар тўшалиб, дастурхон ёзиб қўйилибди. Чой, ўзимизнинг оби нон, шакароб билан кабобхўрлик қилдик. Кейин қовун сўйдик. Маза қилиб, шоҳона ором олдик. Ҳаво салқин, енгил шабада эсиб турибди — ўз юртимизнинг жонбахш шабадаси...

Кечаси, соат ўн иккида кадрдон Жума шаҳарчамизга етиб, пахта заводининг профилакторийсига жойлашдик.

## ВАТАНДАН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС

*12 сентябрь, якшанба*

Биз уйга томон шиддат билан ошиқардик. Машина ҳам тез ва равон еларди. Фақат, ҳар қадамда йўл, автомобил назорати ходимлари тўхтатишиб, ҳар лаҳзасини санаб бораётган қимматли вақтларимизнинг анча бир қисмини шамолга совуришарди. Шунда Сайфиддин хожи аканинг Ҳиндистон ва Покистонда юрган пайтимизда ажабланиб «тавба, лоақал кўнгил учун тўхтатиб, қаердан келяпсизлар, йўл бўлсин, деб қўйишмайди-я», дея, ўпкалаганларини эслаймиз, манави, ўзимизникиларни кўринг, лоақал биронтаси тўсмай қўйишмайди-я, деб хуноб бўлардик. Йўл кўриқчиларини эса хуноб қилиш мумкин эмас... Улар машинанинг орқа томонидаги юклар, яъни кўрпа-тўшак ва бошқа ашқол-дашқолларга (албатта совға-саломлар ҳам бор) ишора қилишиб «О, Ҳиндистондан, Эрондан роса босибсизлар-да...», дейишарди. Авваллари, Зокиржон ака ҳар гал бизнинг савдогар-тижоратчи ё ақалли оддий сайёҳлар ҳам эмас, илмий экспедиция аъзолари эканлигимизни эринмай тушунтиришга ҳаракат қиларди. Охири зерикди. Бор-е, деб, ё ўзимизни кўрмаганга олиб тўхтатмасак, орқамиздан қувиб келишарди.

Ҳамма бедор, деярли ҳеч ким ухламасди.

Бедорлик сабаби ДАН ходимларигина эмас эди. Она юрт, яқинларни соғиниш ҳисси Андижонга яқинлашган сари кучайиб борар ва ана шу туйғу ҳам ухлашга йўл қўймасди. Ёруғ юз билан кўришишга ишончдан кўнгил хотиржамлик, қониқиш ҳиссиёти дилга ғулу ва ғурур соларди. Ахир бизни озмунча одам кутяптими? Оила, ёру биродарлар, раҳбарлар ва «кани, булар нима каромат кўрсатиб келишаркин», деб юрганлар. Хайриятки, бизнинг уларга олиб келаётган бойликларимиз бор: бу, аввало бизнинг Шарқ юртлари тўғрисидаги таассуротларимиз, Бобур бобомиз ва унинг авлодлари қолдирган бекиёс, бебаҳо ёдгорликлар,

обидалар ҳақидаги маълумотлар, кино, телеленталарга туширилган қимматли тасвирлар, китоблар, суратлар... Бобурийларнинг энг кейинги авлоди ва жажжи Африна тўғрисидаги хушхабар...

Таассуротлар ичида мен қойил қолган яна бир нарса бор эди — бу — мен бўлган Шарк мамлакатларида миллий кийимларнинг сақланиб келаётганлиги эди. Масалан, Ҳиндистонда қадимги хиндлар қандай кийинишган бўлса, ҳозирги халқнинг ҳам асосий қисми ана шундай либосда юришибди. Ахир уларда қанча-қанча ғарбликлар, жумладан, инглизлар тўқсон йил ҳукмронлик қилишган-ку. Ёки, Покистон божхонаси бўлим бошлиғининг оппоқ, узун яктаги ўзига қандай ярашиб турибди-я. Эрон аёлларининг қора чодраси, афгон эркакларининг узун кўйлаклари устидан киядиган камзуллари, аёлларининг паранжи-чиммат-ёпинчқлари, айниқса, туркман хотин-қизларининг бўғиқ ёқали узун кўйлаклари... Албатта, бундай ҳолатларни бутунлай оқлаб бўлмас, балки маданият, тараққиётга, замонга ҳам сал мослашиш керакдир, лекин ҳарқалай бизчалик эмасдир... Эркакларимиз миллий кийим нималигини ҳам эсдан чиқариб юборишди-ёв. Қиз-аёлларимиз бўлса, кийиниш, модада ғарб аёлларидан ҳам ўтаман, дейди...

Тун яримлаб бормоқда. Одатда, бундай вақтларда бирон жойда тўхтаб, эрта азонда йўлга чиқайлик, дея таклиф қилувчилар бўларди ва уни ҳамма кўллаб-қувватларди. Бугун, бу кеча эса ҳамма жим эди, ҳамма сергак ва ҳаяжонда эди (Ахир уйларимиздан чиқиб кетганимизга салкам икки ой — 54 кун бўляпти).

Шу сергаклик, ҳаяжон ва тезроқ кадрдонлар хузурига етиш иштиёқи билан Хўжандда ҳам, Конибодомда ҳам тўхтамадик. Соат тунги иккида Қўқонга етиб келдик ва «Қўқон» меҳмонхонасига жойлашдик. Ҳаяжонда меҳмонхона излаб, шаҳарни икки марта айланиб чиқдик, сўрашга одам йўқ эди. Ҳар қанча ошиқсак ҳам, Андижонга тун ярмида кириб боришни маъқул кўрмадик. Бир кеча сабр қилиб, эрталаб боришга келишдик.

### *13 сентябрь, душанба*

Эрталаб, кўйлак-шимларни дазмоллаб, сал ўзимизга ўхшаб олдик. Унгача Зокиржон ака телеграфга чиқиб, Андижон вилояти раҳбарияти билан гаплашиб, ҳадемай етиб боришимизни айтиб келди.

Қўқондан чиқаверишдаги гавжум ошхонада анжир билан нонушта қилдик (Сафар давомида биз қайтиб боргунча анжир қолармикин, деб орзиққан эдик). Сўнг Андижонга «от» сурдик.

Қўқондан вилоятимиз чегарасигача унча узоқ эмас эди. Машинамиз ҳам елдай учар, лекин нимагадир Ёзёвонга етиб бориш чўзилиб кетди.

Ниҳоят, «Бўз туманига хуш келибсиз» деган ёзув кўзимизга ярақлаб кўринди. Шу ерда бизни туман ҳокими Адхамжон Ўринбоев, бошқа раҳбарлар, атлас кўйлакли қизлар нон-туз, гуллар билан кутиб олишди. Карнай-сурнай, ноғора садолари оламни тутмоқда эди.

Кейин бизни Боғишамолга — Бобур бобомиз абадий маскан қурган азиз ва табаррук жойга бошлаб кетишди. У ерда бизни Андижон фахрийлари, оқсоқоллар, зиёлиларнинг вакиллари ош-сув билан кутишаётган экан.

Биз чуқур эҳтиром ва таъзим билан Бобурга (рамзий қабрига, у пайтда ҳали улуғ шоир ва шоҳ ҳазратларининг ҳайкали қад кўтармаган эди), Андижонга салом бердик, соғинчимиз, меҳримизни изҳор этдик, кўрган-билганларимиз, таассуротларимизнинг дастлабки, юза катини очиб ҳамюртларни баҳраманд этдик.

Азиз ва кадрдон одамлар, адабиёт ва Бобур Мирзо мухлислари, авлодлари орасида туриб, телетасвирчимиз Фаррухнинг республика телевидениесига интервью учун: «экспедиция аъзоси сифатида сафар сизга нималар берди», деган саволига шундай жавоб бердим:

— Ҳиндистоннинг табиий гўзал табиати ва юмшоқ табиатли одамлари менда зўр таассурот қолдирди. Лекин ватанимиздан қанча узоқлашган сари ватан туйғусини шу қадар чуқурроқ ҳис қила бордим. Ўз одамларимизнинг нақадар ажойиб, одамохун, олижаноб,

дилкаш ва кўнгилга яқинлигини бошқа юрт халқлари билан мулоқотда бўлганимдан кейин янада яхшироқ тушундим. Ва яна, Ҳиротда ва бошқа азиз, тарихий жойларга борганимда Навоий, Бобур каби боболаримизнинг қандай машаққатлар, изтироблар, азоблар эвазига буюк бўлишганини англадим.

Ва яна, Ҳиндистонда, ватандан олисда, хулқ-атвори ўзгача одамлар орасида бизга ўнғайсиз иқлимли мамлакатларда юрар эканман, Бобурнинг ўша: «Толеъ йўқи жонимга балолиқ бўлди...» деб бошланадиган машҳур рубоийсининг маъзини янада яхшироқ чақдим.

Чунки мен сафардан қайтиб, Андижон заминига қадам қўйгач, ҳеч қаерда, ҳеч қачон «ватандин яхши ёр ўлмас»лигига яна бир қарра эмас, бу қарраларнинг кўпайтмаси қанча бўлиши мумкин бўлса, шунча қарра ишонч ҳосил қилдим!..

Дунёда энг гўзал юрт — Ўзбекистон ва Андижон экан!

\* \* \*

### **МУАЛЛИФ УЗРИ**

*Ушбу сафарнома асосан сафар чоғида қўрган-билганларим, йўлбонлар, олимлар, кексалар тилидан эшитганларим, китоблардан ўқиганларим асосида ёзилди. Албатта, эшитганларимни тарихий манбаларга мумкин қадар солиштиришга уриндим. Шунда ҳам, мабодо айрим рақамлар, шарҳлар, номларда анча-мунча ноаниқликлар ўтиб кетган бўлса, муҳтарам китобхон маъзур тугар, деб умид қиламан (Тарихий манбаларнинг ўзида ҳам маълумотлар, тафсилотларда хилма-хиллик кўп учради).*



## «ЧОЙ ОТА»

Экспедициянинг биринчи сафари чоғида Зокиржон Машрабовга «Бой ота», Собиржон Шокаримовга «Чой ота» деб (албатта, ҳазил тариқасида) лақаб қўйилган эди. Шу мавзуда ушбу назмни битдим:

**«Ҳайёт-хўйт» деб йўлга чиқдик - уловимиз «Тойўта»,  
«Тойўтамас, бу - арғумоқ, гижинглаган той, ота.**

**Саккизовлон - саккиз оҳанг, йўлбошчимиз - алп қомат  
Машраб ўғли Зокиржондир, тахаллуси «Бой ота».**

**Бобур авлодларин излаб кездик Бенгал қўлтуғин,  
Босиб ўтдик қанча доvon, қанча дарё, сой, ота.**

**Ҳамсафарлар бири олим, бири адиб, журналист,  
Мижозлар ҳам турфа хилдир, бирин деймиз «Чой ота».**

**Кимга «дезинфексияю», Аврангобод пивоси,  
Кимга қатик, кимга тамак кўринади ой, ота.**

**Покистану Ҳиндистоннинг чўлу қишлоқларида  
Ип калавот бўлди бизга тахти равон жой, ота.**

**Вага дегап «ғов»дан ўтолмай неча кун ҳинд ерига,  
Сал қолди-я ишларимиз бўлишига лой, ота.**

**Юмшатишга божхоначи, ясовуллар танглайин  
Попоп дўппи, пакки пичоқ бўлди-да зап мой, ота.**

**«Муҳаббат эҳромин» кўриб, таъблар бўлди кўп хира,  
Кўзларимиз чиқсун уни кўргунча шундай, ота.**

**Жайпур йўли жангалида қароқчилар хавфидан  
Қочиб эдик, машинамиз сувга ботди, хой ота.**

**Эллик тўрт кун «тойўта»да ўтировриб букчайиб,  
Қаддимиз ҳам бўлиб кетди камалакдай ёй, ота.**

**Яхшиямки, уловимиз совутгичи жойида,  
Акс ҳолда аҳволимиз бўлар эди вой, ота.**

**Бой отамиз омон бўлса, галда Хитой - ипак йўл,  
Бир неча от, хачир, туя этилса бас шай, ота.**

## ХОТИМА ЁКИ САФАРДАН СЎНГГИ ФАСЛ

1993 йил - андижонликлар учун Бобур йили эди. Захириддин Бобур таваллудининг 510 йиллигини жуда кенг нишонлаш, Андижон шаҳрига қўйиш учун Бобурнинг икки ҳайкалини ишлатиш, «Бобур миллий боғи»да амалга оширилаётган жуда катта қурилиш ва ўзгаришлар, бошқа йирик-йирик тадбирлар Зокиржон Машрабовни кутмоқда эди.

Бобур миллий боғининг шундоқ сийнасида қад ростлаётган Бобур абадий оромгоҳи, яъни рамзий қабр-мақбараси битай деб қолган эди, бу жой қақраган адирлик ер бўлиб, ўтган йили вилоят раҳбарияти, маҳалла оқсоқоллари, уламолар, Андижон адабий жамоатчилиги вакиллари иштирокида Кобулдаги Бобур қабридан олиб келинган тупроқ «дафн» этилган ва «қабр» устига Кобулдаги мақбаранинг айнан нусхасини қуриш мўлжалланган эди. Ана шу маросимда «қабр»га тупроқ тортар эканмиз, шоир Фозил Эмин кўзларида ёш йилтиллаганини кўриб, мен ҳам ўз мижжаларимга нам сизганини ҳис қилган эдим.

Ҳиндистон сафаридан қайтганимиздан икки ҳафтача кейин, Зокиржон ака ташкилотчилигида яна рамзий қабр ёнига вилоят ва Андижон шаҳар раҳбариятидан, уламолар, адабиётчилар таклиф этилди. Қўй сўйилди, ош берилди ва рамзий қабрга, Кобулдан келтирилган тупроқ ёнига, Бобур илк бор дафн этилган Аградаги мақбара деворлари остидан мен ҳовучлаб олган тупроқ ҳам қўйилди.

Шундай қилиб, Бобур ўз юртига рамзан бутунлай олиб келинди. Балки бундан буюк бобомизнинг руҳи ҳам чексиз шод булаётгандир...

Ҳеч шубҳа йўқки, Бобур бутун умри давомида Андижонга талпиниб яшаган. Лекин ўша пайтдаги тарихий вазият, Андижондаги Бобур аجدодлари, уруғ-аймоқлари, ака-укалар ўртасидаги парокандалик, сарой аъёнларининг ғанимлиги, хиёнати ва бошқа сабаблар бунга йўл қўймаган. Шунинг учун Бобур ўзи Андижонга яқинроқ, ватан ҳидини шамол келтириб турадиган жойга - Кобулдаги баланд, хушхаво тоғлар бағрига ўзи бунёд эттирган бокқа дафн этишларини васият қилган...

Тақдирнинг ғалатлигини қаранг-а: тириклигида не-не саргардонликларни бошидан кечирган буюк шоир ва шаҳаншоҳнинг жасади, хоки-тупроғи ҳам қанчалар сарсон бўлди-я: Оромбоғдан Жамна бўйидаги мақбарага, у ердан бир неча минг чақиримли Кобулга... Мана, эндигина у ўзининг асил жойидан абадий макон топди. Иншоолло, энди унинг руҳини ҳеч ким безовта қилмагай...

Зокиржон ака яна Бобур боғидаги қурилишлар гирдобига шўнғиди. Айни вақтда у Тошкентда яратилаётган Бобур ҳайкаллари тизлаштириш, ҳайкалтарошларга кўмаклашишни ҳам ўз зиммасига олган эди. Бу жонсарак, серғайрат одам экспедиция сафарига бағишланган «Бобурийлар изидан» номли ҳужжатли-оммабоп фильм сценарийсини ёзишда менга бош маслаҳатчи ҳам эди.

Иккимиз Тошкентга ҳам қатнай бошладик. «Лабзак» меҳмонхонаси асосий қўналға ва пакамиз эди. Ҳамсафаримиз, кинотасвирчи Тўлқин Рўзиев, ҳайкалтарошлар Қодир Салоҳиддинов, Равшан Миртожиевлар оқшомлари бу ерга ташриф буюришар, ишларимиз боришини муҳокама қилар, кенгашар эдик. Туни билан баттол чивинлар билан олиша-олиша, эрта туриб, Зокиржон ака Ғазалкентга - тагсупа-тошларни тарашлаб беришни гаплашиб келишга ёки ҳайкаллар ишланаётган жойга, мен эсам Тўлқин ака билан киностудияга - «Достон» ижодий уюшмасига кетардик.

Кечкурун меҳмонхонага қайтгач, мен сценарийни давом эттирардим, бир дунё ишларни битириб келган Зокиржон ака эса чалаларини битказиш учун телефон ёнига ўрнашиб ўтирарди. Хона бурчларига, каравотлар тагига бекиниб олган мазахўрак чивинлар эса ўткир тишларини қайрашиб, чирокни ўчириб ўринларга чўзилишимизни сабрсизлик билан кутишарди.

Биз ҳафтанинг ярмида Андижонда, ярмида Тошкентда бўлиб, шанба куни тушдан кейин қайтардик. Айниқса, ҳайкал остига қўйиладиган мармар тошни топиш қийин бўлди. Уни излаб Зокиржон ака билан бир неча марта Наманган вилоятининг Поп туманидаги Чоркесар деган жойга ҳам бордик.

Хуллас, ишлар қийинчилик билан юришарди. Қодир ака билан Равшанбек ҳали албастр, ҳали цемент йўқ, деб келишарди. Зокиржон ака яна таниш-билишларини ишга солар, юқори маҳкамаларга ҳисоб бериб турар ва гоҳида мадад сўрарди.

Равшанбек ишлаётган ҳайкал Вазирлар Маҳкамаси назарида эди. Бошқа мутасадди ўртоқлар тез-тез Оқтепага келишиб, ҳайкал хомакисини муҳокама қилишарди (Ана шундай муҳокамаларнинг бирида мен ҳам қатнашдим).

Равшанбек Миртожиев тасвирида маҳобатли Бобур тулпор отда тоғу-тошлар орасидан, яъни туманли ва долғали ўтмиш қаъридан чиқиб ва гўё узок, бегона юртлардан машаққатли йўлларни босиб келиб, ўз юртига, юртдошларига таъзим бажо айлаб, қўлини кўксига қўйиб турган эди. Отнинг орқа ярми тоғлар ичида қолгани учун ҳайкал, хусусан от яримта бўлиб, ғалатиноқ кўринаётгани айтилди. Равшанбек: бу ҳолат, биринчидан унинг ижодий тафаккури маҳсули, яъни рамзийликни кучайтириш мақсадида танланганини, иккинчидан, савлатдор отнинг белидан пастки баъзи қисмларини рўй — рост ифодалашга истиҳола қилганини айтди. Аслида унинг шарқона мулоҳазаси ўринли эди. Лекин санъат–санъат-да. У шарқона ҳаё, андиша билан ҳар доим ҳам келишавермайди.

- Ҳечқиси йўқ, бўрттирмайроқ ишласа, бўлар, - дейишди.

Бу тавсия кўпчилик томонидан қўллаб-қувватлангач, ҳайкалтарошга ҳам маъқул тушди.

Киностудияда эса монтаж ишлари бошланиб кетди. Биз монтажчи Оля деган аёл билан Тўлқин ака олиб келган ажойиб тасвирларни сценарийга мослаштириш учун эрталабдан кечгача лента айлантитардик. Тасвирлар шундай ноёб ва ажойиб эдики, ўтказиб, ташлаб юборишга кўзинг қиймайди. 18 қутидан икки қути тасвирни танлаб олиш керак эди. Қолган кадрлар жудаям увол эди. Ҳатто Оля ҳам ачиниб, афсусланиб бош чайқарди. Тўлқин ака шу даражада дарё одам эканки, жуда ачинарли иш булаётганини айтсам, катталар икки қисмга аранг рози бўлишди-ку, нима қиламиз энди, майли-да, дейди. Зокиржон ака билан кенгашиб, режиссёримиз Даврон Салимовга таклифимизни етказдик. У ҳам аслида биз билан ҳамфикр эди, 54 кунлик сафар давомида олинган тасвирларни йигирма дақиқага келтириш, бу - у ер-бу ердан юлиб-юлиб олишдан бошқа нарса эмаслигини жуда яхши ҳис қилаётган ва у ҳам бу ҳақда жиддий қайғураётган эди. Киноматография кўмитаси раисидан яна бир қисмга рухсат олишга муваффақ бўлди.

- Энди чидаса бўлади, - дедик ҳаммамиз. Тўлқин ака ҳам мамнун эди.

Фильмнинг номини «Бобурийлар изидан» деб қўйдик.

Студияда Тўлқин ака суратлари асосида, Шухрат Қурбонбоев режиссёрлигида «Бобур саломи» деган икки қисмли яна бир ҳужжатли-оммабоп фильм ишланаётган эди. Мавжуд сценарий матни билан тасвирлар мос тушмаётганидан Шухратнинг боши қотиб юрган экан. Мендан ёрдам беришни илтимос қилиб қолди. Тўлқин ака ҳам «яхши бўлади», деди. Бажонидил рози бўлдим. Ҳа-да, умримда кино соҳасига яқинлашмаган одам бирданига иккита ҳужжатли-оммабоп фильм ижодкорлари сафида турсам, ёмонми? Менга шундай ишонч билдиришса, рози бўлмаслигим ҳам борми...

Хуллас, икки ой ичида иккита сценарий ёздим, иккала фильм монтажида ҳам бошдан-оёқ монтажчи билан бирга бўлдим. Одатда муаллифлар сценарийни ёзиб бериб, бу ёғи билан ишлари бўлмас экан, шунинг учун ҳам янги киночи дўстларим мендан хурсанд эдилар ва деярли ҳар куни меҳмон қилиб, сийлашарди. Айниқса, Тўлқин ака... Деярли ҳар куни у билан бирга қайтарканмиз, Анҳорнинг пиёдалар учун мўлжалланган темир кўпригидан ўтиб, собиқ комсомол қўлининг жанубий, кичик дарвозаси ёнидаги дўкон ва ошхонада бир тўхтаб олар... ё шу жойда ҳаммамиз (Даврон, Шухратлар билан) «хордиқ ёзди...» қилиб ўтирардик...

Ниҳоят ноябрнинг охирларида икки ҳайкал, иккала фильм ҳам тайёр бўлди, ҳайкаллар Андижонга олиб келинди.

Бобур таваллудининг 510 йиллик тантаналари 17 декабрь, жума куни бошланди. Андижонда ҳаво анча совуқ эди. Тошкентдан республикамизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари, санъаткорлари, фан ва маданият арбоблари, пойтахтимиз жамоатчилигининг вакиллари буюк бобомиз тўйида қатнашиш учун вилоятимизга ташриф буюрдилар. Улар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчилари ва шоирлари Сайд Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Шукрулло, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Ҳалима Худойбердиева, Ўзбекистон Фанлар

академиясининг мухбир аъзоси Сабоҳат Азимжонова, Ўзбекистон фанлар академияси Қўлёмалар институти профессори Фозила Сулаймонова, шоирлардан Эътибор Охунова, Ҳамрокул Ризо, Муҳаммад Юсуф, Мирзо Кенжабек ва бошқа таниқли кишилар бор эди.

Тантаналар эртасига давом этди. Андижон Тошкентдан ва узоқ юртлардан келган азиз меҳмонларни - Ўзбекистон республикаси ҳукумат вакиллари, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Делип Мехта, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси Вулқон Чўтир, Ҳиндистоннинг олис Ҳайдаробод шаҳридан экспедиция аъзолари илк бор топишган Бобур авлодлари - Зиёвуддин, Масихуддин ва Шажавуддин Тусийларни, мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан келишган намояндаларни очиқ бағр ва шоду хуррамлик билан кутиб олди.

Андижоннинг маркази - Бобур майдонидаги буюк бобомизнинг отлиғ ҳайкали очилиш маросимидан сўнг меҳмонлар ва Андижон аҳли Бобур миллий боғига (собик, Боғишамолга) йўл олдилар.

Шу куни Андижон, айниқса Боғишамол даҳаси кулранг туман ичида гўё ҳарир парда ёпиниб оҳиста сузаётгандай кўринарди. Вилоят газеталари бу туманни ғайри-табiiй хислатли одамларининг сўзларига асосланиб, Бобур, унинг аждодлари, буюк бобокалонларимиз руҳларига ўхшатдилар.

Ҳаво совук бўлишига қарамай, боғ атрофи, йўллар халқ билан тўла эди.

Бир ёнда Бобур миллий боғининг Арк дарвозаси, буюк шоирнинг бутун қадди-басти, шоирона кайфияти ифодаланган ҳайкали, «Бобур ва жаҳон маданияти» мозийгоҳларининг очилиши, Бобур рамзий қабри ёнида куръон тилолотлари, иккинчи томонда андижонликлар билан тўла ёзги концерт майдонида Ўзбекистоннинг машҳур ҳофизларининг Бобур ғазалларидан иборат янгроқ ашулалари... ва ҳаяжонли олқишлар давом этарди.

Бобурийларнинг яқинда топилган ҳозирги авлоди вакиллари - Тусийлар ҳар бир воқеага, ҳар бир андижонликка, шаҳримизнинг ҳар бир дарахти, гулига гўё суқланишиб, ҳавас билан тикилишар, бобокалонлари яшаган юрт ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишарди.

Дарҳақиқат, Андижоннинг бугунги чексиз қувончи, ҳусни-тароватини таърифлашга тил қарахт, сўз ожиз эди. Ана шу тантаналар иштирокчиси бўлган таниқли бир шоир шундай деди:

- Биз Андижонга юкингани, Бобур авлодларига сиғингани, унинг фазилатларини ўзимизга юқтиргани келдик...

Ўша лаҳзаларда мен андижонлилик, улуғ Бобурга ватандошликдан фахрланиш, ғурур туйғусининг юксак ва жўшқинлигидан улкан бахтга йўлиққан киши каби ҳаяжонланардим... Менимча, шу куни бадииятга, илму фанга озгина дахли бўлган ё қизиқувчи инсон, қалбида ватан деган буюк туйғуни ҳис этган ҳар бир андижонлик шодланар, ғурурланар, ҳаяжонланар эди...

Чунки, Бобур ҳайкалини кўриш, бир умр мусофирлик доғини тортиб, бегона юртларда қолиб кетган буюк юртдошининг Андижонга қайтиши — андижонликларнинг (аждодларини ҳозиргиларининг) орзу, армони эди. Мана шу орзу, мана шу тарихий армон ушалди.

Ҳа, энди Ўзбекистонимизнинг мустақил, ҳур мамлакатга айланиши шарофати билан Бобурнинг манглайига ички ва ташқи ғанимларимиз томонидан ёпиштирилган «босқинчи» деган тамға олиб ташланган эди!..

Бобур тантаналари Андижон тарихига зарҳал ҳарфлар билан мангуга битилгани каби, бизнинг кўз ўнгимизда ҳам умрбод муҳрланиб қолиши шубҳасиз...

Беихтиёр Бобурнинг қуйидаги алампок мисралари ёдга тушади:

**Мурод васлинг эрур, айла ёд Бобурни,  
Унутмағил яна бу номурод Бобурни...**

Йўк, Бобур бобо, биз Сизни ҳеч қачон унутмаганмиз, фақат қалбимиз қаърида саклаб келдик холос, дея ҳайқиргим келди...

Демак:

**Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,**

**Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.  
Яхши киши қўрмагай ямонлик ҳаргиз,  
Ҳар кимки ямон бўлса, жазо топқусидир...**

*1993 - 1996 йил, 21 июль, шанба*

## **ИЧКИ САРЛАВҲА(БОБ)ЛАР:**

*Пиримқул Қодиров*. Бобур Мирзо изидан (Сўзбоши).....

### ***Биринчи қисм***

Ушалмаган орзулар сари.....  
Ўзбекистон йўлларида.....  
Ўз юртингда адашма.....

### ***ТУРКМАНИСТОН***

Туркменистон чўлларида.....  
Туркман қизлари.....  
“Санжар” айвонидаги суҳбат.....  
Яхшилар кўп дунёда.....

### ***АФҒОНИСТОН***

Афғон билан туғилган ватан.....  
Тоғ йўлида учраган сулув.....  
Орзудаги шаҳар.....  
Аянчли зиёратгоҳлар. Қани машҳур Мусалло?.....  
Кўзим чиқсин.....  
Амир Темурни кўрган мозийгоҳ.....  
Ҳиротнинг қадимий кўчаларида.....  
Султон хотирасига қолган тош.....  
Наҳотки орқага қайтсак?.....  
Шаҳидлар мазори.....  
Чекиниш.....

### ***Иккинчи қисм***

### ***ЭРОН***

Сарҳадда бир жонон.....  
Гўзал Машҳад.....  
Ажойиботга тўла бу дунё.....  
Ўхшаш, аччиқ қисматлар.....  
Тўлқин ака ранжиган тонг.....

### ***ПОКИСТОН***

Қайдасан, Лоҳўр?.....  
Ошиқ Салим.....  
Тонги таҳлика ва чарақлаган умидлар.....  
Ишқ гирдобидида қолган малика.....  
Мозийга назар. Армонларим.....

### ***Учинчи қисм***

## СЕҲРЛИ ҲИНДИСТОН

Чегарада уч кеча.....	
Ниҳоят дарвоза очилди!.....	
Энг тарихий жанг.....	
Понипат жангига қўйилган ёдгорлик.....	
Эски ва Янги Дехлида.....	
Қимматга тушган ҳавас.....	
Ҳинд дастурхони.....	
Шаддот ҳинд қизи – куралай кўз Манжу.....	
Улуғлар мазори.....	
Муҳаббат ва садоқат кошонаси.....	
Бугун менинг туғилган куним.....	
Мафтункор шахс.....	
“Боғи ором” – боғи беором.....	
Олтин Бенгалияни излаб.....	
Бир пиёла сувга алмашмам.....	
Наргис ватани.....	
Аврангзеб қиличи. “Олтин сопли” пичоқ.....	
Ҳинд сувпарилари.....	
Муҳаббат қасри эмиш... ..	
Бобур авлодлари бор экан.....	
Маъшуқа исми билан аталган шаҳар.....	
Бобурийлар хонадонида байрам.....	
Иккинчи Тожмаҳал.....	
Илҳом париси.....	
Қуролимиз пичоқ эди... ..	
Акбаршоҳнинг ҳайратомуз қалъалари.....	
Яна Дехлида. Лаъл қалъа.....	

### Тўртинчи қисм

#### ҚАЙТИШ

Ҳинд элидаги сўнгги кунлар.....	
Яна Лохўрда.....	
“Ғурбатга лаънатлар бўлсин...” ..	
Ҳайбар довони.....	
Сахро йўли – узун йўл.....	
Тушларимда Андижон... ..	
Она юрт нафаси.....	
Ватандин яхши ёр бўлмас.....	
Муаллиф узри.....	
<b>ХОТИМА</b> ёки сафардан кейинги фасл.....	

# **Андижондан Даккагача**

*САФАРНОМА – 2*

*Кўрган-кечирилганлар  
Турфа олам: одамлар, одатлар  
Муаммолар, мулоҳазалар  
Манзумалар*



*Ушбу китоб аввалги – “Ҳинд сориға” сафарномасининг мантиқий давоми бўлиб, унда Қирғизистон, Хитой (Қашқар), Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон ва Туркменистон мамлакатларининг ўзига хос табиати, одамларнинг турмуш тарзлари, турфа одатлари, хусусан, Заҳриддин Бобур ва бобурийлар ҳаёти, жанглари билан боғлиқ шаҳар, кентларнинг тарихи ва ҳозирги, улар яратган мўъжизавий обидалар, боғлар насру назмда ҳайрат ва ҳаяжон билан қаламга олинган.*

## “БОБУРНОМА» ЙЎЛЛАРИДА

### (Сўзбоши)

Ўзбек халқи ва унинг қадимий маданияти бой тарихи, ўзига хос услуб ва анъаналарга эга бўлган бир-биридан ёрқин, бир-биридан улуғ сиймолари билан жаҳон айвонида баланд бўй кўрсатиб, пурвиқор салобат касб этиб турганлиги аён ҳақиқат. Бироқ чигал қисматли ул мўътабар зотларнинг шахсий ҳаётлари, ижтимоий фаолиятлари, илмий-бадий ижод дунёси ҳали тўла тадқиқ этилганича йўқ. Бу серкўлам ва бениҳоя муҳим иш, шубҳасиз, кўп изланишни, жонкуярликни, фидойиликни талаб ва тақозо қилади. Бахтимизга шундай жонкуярларимиз, фидойиларимиз бор.

Аслида буюк алломаларимиз қолдирган битмас-туганмас меросни ўрганиш, уларни асраб-авайлаш, маънавий-маданий бойликларимизни, қадриятларимизни эъзозлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Халқимиз, бутун дунё маърифий жамоатчилиги вакиллари иштирокида Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний каби ўнлаб беназир аждодларимизнинг муборак тўйлари нишонлади.

Миллий ғуруримиз, ифтихоримизга айланган мумтоз даҳларимиздан яна бири, бу шубҳасиз, дилбар шоир, истеъдодли саркарда ва машҳур давлат арбоби, гўзал инсоний фазилатлар эгаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У ҳам жонажон ватанимиз тарихидаги энг буюк, оламшумул воқелик — мустақилликка эришувимиз, истиқлол шарофати ила ёруғлик кўрди, кадр топди.

Кечагидай ёдимда: илмий-ижодий изланишлар қилиб юрган экспедиция аъзолари билан Саудия Арабистонининг муқаддас шаҳри Маккаи Мукаррамада, янаям аниқроғи Мино водийсида, ҳаж арконларини адо этиш чоғида учрашиб қолган эдик. Экспедиция ҳақидаги фикрим ва қувончимни, умидларимни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган мақолада, жумладан, шундай ифодалаган эдим: «Ўзбекистон тарихида бундоқ хайрли ва ўзига хос илмий сафар ғоят ноёбдир. Унинг ўзи бир тарих бўлиб, кечмишимизда ўчмас ҳарфлар билан ёзилиб қолишига ишонаман».

Мана, ўшандан бери Андижонда ташкил топган, Истиқлолимиз билан тенгқур Бобур номли халқаро жамғарма қошидаги халқаро илмий экспедиция Бобурийлар қадами етган юртларни кезиб, маданиятимиз тарихини янада бойитадиган дурдона маълумотларни излаб топишдек хайрли ишларни адо этиб келмоқда ва мен ўйлаган, умид қилган нуфузга эришмоқда. Унинг кенг қамровли фаолиятини ёритувчи бир қатор илмий, бадий, публицистик асарлар юзага келди. Шулардан бири экспедиция аъзоси, адиб Қамчибек Кенжанинг «Ҳинд сориға» китобидир.

Қамчибекни мен аввало шоир, кейин кўпчиликда қизғин фикр уйғотган, драматизмга бой ҳикоялар ижодкори сифатида билардим. «Ҳинд сориға» унинг адабиётимизда жуда кам яратиладиган сафарнома жанрида ҳам ўзига хос услуб, қобилиятга эгалигидан далолат бериб турибди.

Сафар таассуротлари, хотираларини китобат қилмоқнинг мураккаб ва инжиқ томонлари борки, уларни ҳисобга олмай қалам сурилса, кўзланган мақсадга эришмоқ қийин.

Мана шу талаблардан бири — маълумотларни аниқ, лўнда, ҳаётий, тўқима ва муболағалардан ҳолироқ бўлган тасвирларда беришдир. Сафарноманинг том маънода бадий тўқима, тасаввур маҳсули эмаслигини унутмаган ҳолда, унга бадийликдан йироқроқ ҳисоботнома сифатида ҳам қарамаслик керак, алабатта. Ёзувчи томонидан яратилган асарда, у қандай жанрда бўлишидан қатъий назар, санъаткор қаламининг жозибаси кўзга ташланиб, сўзлар товланиб турмоғи лозим.

Қамчибек Кенжанинг сафарномага ана шу қоидалардан келиб чиққан ҳолда ёндашганлиги равшан сезилади.

Асарга куч бахш этиб турган унсурлардан бири, бу — аввало, тилдир. Бобур Мирзо ўғли Хумоюнга ёзув маданияти ва ифода услубини чуқур ўзлаштириш зарурлиги борасида кўп фикрларни айтган. Шубҳасиз, «Бобурнома»да таъкидланган ана шу ўғитлар «Ҳинд сориға» муаллифига ҳам мадад берган: сафарнома равон, ўқишли тил билан ёзилган.

Бобур ва бобурийлар, Бобур номидаги экспедиция хусусида аввалроқ экспедиция аъзоси, истеъдодли ёзувчи Хайридин Султон «Бобурийнома» номли гўзал бир рўмон битган ва мен уни ҳам катта қизиқиш ва қониқиш билан ўқиган эдим. Тилу талқиндаги, кузатишлари қарашлардаги ва бошқа жиҳатлардаги муштаракликлар, хамохангликлар нуқтаи назаридан «Бобурийнома» ва «Ҳинд сориға» айна мавзудаги Ҳасан-Ҳусан асарлар каби тасаввур қолдирди менда.

Экспедициянинг навбатдаги сафари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Андижондан Даккагача» номли ушбу китобда олдинги сафарномада қўлга киритилган ютуқ ва фазилатлар янада бойитилибди, теранлаштирилибди. Муаллифнинг «Бобурнома»ни қайта-қайта мутолаа қилганлиги, ундан кўп жиҳатларни ўрганганлиги ва унга эргашганлигини асар руҳидан англаш қийин эмас. Тасвирдаги аниқлик ва лўндалик, воқеаларга бобуроно аралашувга ҳаракатлар фикримизнинг далилидир.

Сафарнома машаққатли меҳнатдан ташқари катта муҳаббатнинг ҳам маҳсулидир. Жонли, ҳароратли. Кўп ўринларда ўзингизни ёзувчи билан ёнма-ён юргандек ҳис этасиз. Қашқару Покистон, Ҳиндистону Бангладеш ва бошқа Шарқ мамлакатларининг шаҳару қишлоқлари табиати, ўша юртлар халқларининг яшаш тарзлари, урф-одатлари, байрам ва бошқа маросимлари, феъл-атвори, руҳияти, кийинишларию емишлари синчковлик ва ҳафсала билан, қизиқарли тасвирланади, таърифланади. Энг муҳими, муаллифнинг ўзи кузатаётган ва гавдалантираётган воқеа-ҳодисаларга ички муносабати қалқиб туради. Адиб — сайёҳ ўзи юрган оламга ўқувчини олиб кира олади.

Тарих ва тарихий шахсларга мунсабат билдираётганда таваккалчилик, масалага юзаки ёндошиш панд бериб қўйиши мумкин. Қамчибек аввалги асарда кўнгли тўлмаган ана шундай ўринларга иккинчи китобда имкон қадар аниқлик киритганини эътироф этади.

Хуллас, «Андижондан Даккагача» «Ҳинд сориға»нинг мантиқий давоми сифатида яхши таассурот қолдиради. Унда Бобур ва бобурийларнинг тимсолларига чизгилар билан бирга сафар мобайнидаги уринишлар, изланишлар, машаққатлар, қувончлар, бу хайрли ишга олийҳиммат ва жўмардлик билан бошчилик қилган жўшқин, қалби ҳамиша янги-янги орзулар, режалар билан тўла Зокиржон Машрабов, турли касб эгалари бўлмиш сафардошлар табиатига хос хислат ва хусусиятлар, уларнинг равиш-рафтори ишонарли ифодаланган.

Ўрни келганда масаланинг шу жиҳатига муҳтарам ўқувчилар диққатини тортишни жоиз деб биламан. Бобур Мирзога, унинг беқиёс салоҳиятига бошқача назар билан қараш кайфиятлари устувор бўлган, у ҳақда яратилган илмий, бадиий асарлар асоссиз таъкиб остига олинган даврларда ҳам ўзининг эътиқоидида собит турганлар бор эди. Шулардан бири асли касби геолог, катта лавозимларда ишлаб келаётган, лекин ҳаётда ҳамма нарсадан буюк Бобур Мирзога баландроқ меҳр қўйган Зокиржон Машрабовдир. Мен бунга Заҳириддин Бобур таваллудининг 500 йиллигига бағишлаб, унинг киндик қони томган Андижонда ўтказилган илмий-адабий анжуманда шахсан гувоҳ бўлганман. Ўшанда Бобур Мирзо боши узра қуюқ қора булутлар таҳдид солиб турар, унинг пешонасига «босқинчи» деган машъум тамға босишга ҳаракат авж олган эди. Ана шундай бир замонда Андижон шаҳар ижроия қўмитаси раиси бўлган Зокиржон аканинг улуғ бобомиз тўйига бош бўлмоғи катта жасорат эди. Бу серғайрат, толмас инсон кейинги ўн йилда умрини, бутун қувватию салоҳиятини бобурийлар ва бошқа машҳур донишмандларимизнинг тақдир тақозоси билан турли хорижий мамлакатларда қолиб кетган қабр-мақбаралари аҳволдан хабар олишга, зарур бўлса таъмирлашга, улар томонидан яратилган ва чет элларнинг кутубхона ва бошқа муассасаларида, фуқароларда сақланаётган ноёб асарлар, қўлёзмалар каби нодир маданий бойликларни топиб, олиб келиб, ҳақиқий ворислари бўлган ўзбек халқига етказишга бағишламоқда

Ўйлайманки, Бобур номидаги халқаро жамғарма ва экспедиция фаолияти, қамрови янада кенгаяди, маънавий бойликларимизни изловчилар, кадрловчилар кўпаяди,

фаоллашади, улуғ аждодларимиз тўғрисида янги-янги илмий-бадий, ҳужжатли-оммабоп солномалар битилади.

*Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон қаҳрамони,  
Ўзбекистон халқ шоири*

*Ким, анинг аъмолидир ёдга лойиқ,  
Меҳру вафо суннат ул зотга лойиқ,  
Муаллиф*

## МУҚАДДИМА

### *(Гуркиров таърифида)*

Яна олис сафар тадориги ва ҳаяжони бошланди. Бу гал Қашқар (Хитой), Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш орқали бобурий ҳукмдорларнинг охирги йирик намояндаси, давлат арбоби ва таниқли шоир Баҳодиршоҳ — II — Зафар умрининг сўнгги йилларини мусофирликда, асирликда ўтказган Рангун (Бирма)гача бормоқ режалаштирилган. Насиб этиб, ушбу истак ва орзуларимиз рўёбга чиқса, сафарнома китобимни давом эттириб, унга «Гуркировдан Рангунгача» деб ном қўйишни дилимга тугиб қўйдим. Шу боис ўзим туғилиб ўсган ва Тошкентдай шаҳри азимда яқин йигирма йил яшаб, кўнгил узолмай яна қайтиб келганим Гуркиров ҳақида андак тўхталиб ўтишни лозим топаман.

Гуркиров — мўъжазгина, хушманзара қишлоқ. У жанубдан Қорадарё ва шимолдан Тошпичан (уни кейинчалик Чиртаксой, Тентаксой деб ҳам атай бошладилар) дарёлари оралиғида жойлашган. Ерлари унумдор. Қишлоқ аҳли тирикчилигининг асосий манбаи деҳқончилик ва боғдорчиликдир. Айниқса, анорга мутахассис улар. Анори йўқ ҳовли йўқ. Аҳли меҳнаткаш. Қишлоқ номи билан аталувчи ширкат хўжалигининг шу йиллардаги раиси Ҳабибулло Суяров улар ҳақида шундай дейди:

— Гуркировликлар ажойиб инсонлар. Мен анча жойларда ишлаб келдим. Ҳозирча мен кўрган-билганлар ичида Гуркуров халқининг меҳнаткашлигига, тўғрисиўзлиги, тадбиркорлигига гап йўқ. Қишлоқда одам жуда зич. Тўрт юз қирқ бир гектар экин майдони бор. Олти мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Мана шу озгина ердан шунча халқ нафланяпти. Демак, шароит одамларни тадбир-чора излаб топишга ўргатаркан, дейман. Мана, японлар ҳам сув юзасида, томларда деҳқончилик қилишади-ю... Гуркировликлар ҳам японлардан қолишмайди. Шунинг учун атрофдаги қишлоқларга нисбатан анча бой қишлоқ. Катта қишлоқларда тўй ҳадеб бўлавермаслиги мумкин, лекин Гуркировда деярли ҳар куни ош...

Кўшни қишлоқларда «Гуркировда ариқнинг бўйида ўтирсанг ҳам қорнинг тўяди», деган гап юради. Бу ҳазилнамо нақлнинг тўқилишига сабаб шуки, қишлоқда мевали боғлар, экинзорлар кўп бўлгани учун ариқлардан ёзу куз бўйи ҳар хил мевалар, помидор ва бошқа полиз, сабзавот маҳсулотлари оқиб ўтади.

Қишлоқнинг тарихи ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар учрамайди. Кексаларнинг ҳикояларига қараганда, унинг ўрни ўтмишда тўқайзордан иборат булиб, кейинчалик одамлар турли жойлардан келиб ўрнашиб қолишган. Дарҳақиқат, раҳматли отам: бизнинг беш оғайни ота-буваларимиз келишиб шу ерга дастлаб бешта қапа тикишган, маҳалламизни шунинг учун «Бешқапа» дейишади, дер эди.

«Гуркиров» номининг келиб чиқишини шўро даврида ғорат қилинган ўша тўқай тарихи билан боғлайдилар. Яъни, эмишким, тўқайда йиртқич ҳайвонлар, хусусан гурк — бўри кўп бўлган. Узоқ-яқиндан бу ерга гурк овлагани овчилар келиб туришган. Гуркиров — «гурк овлайдиган жой», «гурк ови» деган ибораларнинг ўзлашган шакли, деган маънода тахмин қилувчилар кўпроқ.

Болалигимда қулоғимга бир ҳикоят чалинган. Унда айтилишича, юқорида зикр этилган тўқайда ов қилиб юрган бир киши иттифоқо қамишзор ўртасида чўзилиб ётган йўлбарс олдидан чиқиб қолибди. Аввалига унинг капалаги учиб, кўрқиб кетган ва орқага қайрилиб, оҳиста жилган. Шунда йўлбарс бошини ердан кўтариб, худди шафқат, кўмак тилагандай инграган. Овчи тўхтаб қараган ва яна ортга юра бошлаган. Йўлбарс тагин инграган. Шунда синчиклаб тикилиб, йиртқичнинг тузукқа тушиб, ярадор бўлганига, аҳволи оғирлигига, хужум қилиш нияти, шашти йўқлигига ишонч ҳосил қилган овчи Оллоҳга таваккал қилиб

аста яқинлашган. Йўлбарс яна бошини ерга қўйиб олган. Овчи жониворни тузоқдан бўшатаётиб, олди оёқларидан бирининг тўпиғидан қон сизаётганини кўрган ва белбоғини шартта ечиб, яраланган жойини боғлаган-да, ўрnidан секин туриб, орқасига тисарила бошлаган. Йўлбарс оёқларини оҳиста йиғиб, бошини кўтарган ва овчига қараб, гўё миннатдорчилик билдиргандай қисқа-қисқа, мулойимроқ товуш чиқарган.

Овчи уйига бориб, тўқайда содир бўлган ғаройиб ҳодисани оила аъзоларига ҳаяжон билан сўзлайди. Ўғилларидан бири: «Э, бекор қипсиз, ота, ахир у йиртқич ҳайвон-ку, тузалса, яна ваҳшийлигини қилиб, одамларнинг даладаги мол-қўйини ейди, қишлоққаям келиши мумкин, тўқайга энг яқини — бизни уйимиз», деб овчининг юрагига ғулғула солади. Хотини: «Йўк, яхши қилибсиз, уям Худонинг маҳлуқи-да. Сизга тегмабди-ку, демак яхшилиқ қилганингизни билибди-да», деб, эрига таскин беради.

Воқеа бир-икки кунда бутун қишлоққа ёйилиб, кўпчилик таҳликага тушиб қолади.

Орадан икки-уч ҳафта ўтади. Бир куни овчи энди уйқудан туриб айвонга чиққан пайтда, ҳовли этагидаги ярми йиқилиб, болалар ошиб ўйнайдиган жой бўлиб қолган пастак деворда бир қўйни бўйнидан тишлаб турган йўлбарсни кўриб, донг қотиб қолади. Йўлбарс қўйни силтаб ҳовлига ташлайдию, орқага сакраб тушиб кетади.

Бу гап эртасигаёқ маҳаллага тарқалади. Лекин ҳеч ким ишонмайди.

Биров:

— Нима бало, овчи ваҳима қилиб, ҳаммани қишлоқдан кўчириб юбормоқчимиз, — деса, бошқаси:

— Бояқиш, бемаҳалларда тўқайда юриб, бир нарсага чалинганга ўхшайди, — дейди бошини сарак-сарак қилиб.

Ҳикоятни эшитган пайтимда эртақлар ўқиб юрган ёш бола бўлганим учун унга чипачин инонганман. Тўғри, бундай ривоят халқ орасида, эртақларда ҳам кўп, айни шунга монанд ҳодисотлар асос қилиб олинган ҳикоялар ҳам бор. Албатта, уларда муболаға кучли. Лекин, менга қолса шундай эртақларга ҳозир ҳам ишонгим келади. Зеро, тилсиз ҳайвону паррандалар-мол-қўйлар, товуғу қаптарлар, ҳатто тез-тез сўқиш эшитиб, таёқ, тепки еб турадиган ит-мушуклар ҳам, узоқ-узоқларда ўтлаб, дайдиб юришса-да, ўз эгалариникига ем-дон еган жойларига қайтиб келишади-ку, боши оққан томонга кетиб қолишмайди-ку, демак, уларда ҳам ақл-идрок бор-да...

Муҳими — юқоридаги ҳодиса бу дунёда ҳам яхшилиққа яхшилиқ қайтиши мумкинлигини исботловчи бир ишоратдай туюлади менга. «Яхшилиққа яхшилиқ йўк» мақоли фақат инсонларга нисбатан, киноя ё алам билан айтилгандир, балким?..

«Гуркиров» — қишлоқнинг гуллаб-яшнашини орзу қилишиб, «гуркираб кетсин» деган сўзлардан олинган, шунингдек, Қорадарёнинг шовқинини эшитиб, гулдираб турадиган жой, дея бир—бирларига тушунтиришларидан атамага айланиб кетган бўлса керак, деган фикрлар ҳам бор. «Гуркиров — уруғ номининг бузилган шакли бўлиши ҳам мумкин», дейди дўстим, шоир ва адабиётшунос Исмоил Тўлак. «Агар жой атамалари такрорланса, улар бирон-бир уруғ ёки уруғнинг шажараларига бориб тақалиши кўп исботланган», дейди таниқли тилшунос олим, профессор Абдулҳамид Нурмонов. Дарҳақиқат, жаҳонга машҳур адиб, атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов асарларида ҳам Гуркиров деган жой номи учрайдики, бу мазкур атаманинг тасодифий эмаслигидан далолатдир. Балки, Қирғизистондаги Гуркиров билан бизнинг Гуркиров ўртасида қандайдир илдизлар, тарихий боғланишлар бордир. Ахир ота-боболаримизнинг ўзаро борди-келдилари бўлган-ку. Масалан, менинг исмимни ҳам падари бузрукворим бир қирғиз биродарининг Қамчибек деган ўғлини ҳавас қилиб қўйган экан.

Дарвоқе, «Бобурнома»да Бобур бир қиш Андижоннинг шимолидаги қишлоқда қишлаб, Иламиш (ҳозирги Қорадарё) яқинидаги қалин чангалларда бир неча бор ов қилгани ҳақида гап кетади. Фикримнинг ҳақиқатга яқинлигига даъвоим кучли эмас-ку, ҳарқалай ўша чангаллар бизнинг Гуркиров ўрнида бўлган тўқайзорлар билан ёндош, қариндош эмасмидийкин, деган гумоним бор...

Гуркировнинг суви, аноридан ташқари ўрмонини ҳам хуш кўрурлар.

Жануб томони Қорадарё, бошқа тарафлари шолитор далалар билан ўралган ўрмонимиздан унинг қаровчиси Охунжон хожи ака, ўғиллари, келинларининг очик чехралари, меҳмондўстлиги боис, эрта баҳордан то кеч кузгача дам олувчилар аримайди. Адл тераклар остидаги йўлаклар, ўртадан кесиб ўтган серқамиш, балиқлари бисёр анҳорнинг икки бетидаги хушхаво ажриқзор сайхонликларга тўшақлар тўшаб ўтириш, сойнинг тиник сувида чўмилиш кўп роҳат. Ранго-ранг кушлар, хусусан булбул, майналарнинг сайрашлари, ҳар замонда у ер — бу ердан садо бериб кўядиган қирғовулларнинг солланиб юришлари руҳга, кўзга хузурдир. Мана шу гўзал, кўркам паррандани кўрганимда Бобур Мирзонинг Андижоннинг «Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулнинг ускунасини тўрт киши еб тугата олмайду», деган сўзларини эсламан. Қуриб-қакраган ўтинлар оловида пишган димламаю паловлар, балиқ гўштлари эса меъданинг жони. Рухсат этилган мавсум ва меъёрда қуш отиш, ҳатто шунчаки елкага ов милтиғи осиб юришнинг ўзи қанчалар гаштли. Хуллас, бу хушхаво ўрмонда бир неча соат дам олсангиз бир ойлик чарчоқ тум-тарақай бўлиши шаксиз.

Андижоннинг чекка қишлоғи, унинг чекка маҳалласидаги чекка хонадонимиз деразасидан ана шу гўзал ва тароватли ўрмоннинг бир чети кўзга ташланиб турадиган хонамда шу сатрларни битар эканман, дилимда узоқ сафар олдидан бўладиган ғалати иштиёқ, хаяжон, орзу-хаёллар ғужғон эди. Лекин йўлга чиқишимизга ҳали анча бор, ҳали бизни олдинда ўша мамлакатларга рухсатнома олиш билан боғлиқ оворагарчилик ва машаққатлар кутмоқда эди.

Раҳбар Зокиржон Машрабов экспедицияга бир неча ойдан бери ҳозирлик кўрар, виза масаласида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан музокара олиб бормоқда эди. Унинг айтишича, айни Хитой билан юриш муаммосининг кўчиши бироз қийинроқ кечмоқда экан.

### **МЕҲРИБОН МИШРА ХОНИМ. СЕРТАКАЛЛУФ ХИТОЙ ЭЛЧИСИ**

*2001 йил, 18 сентябр, душанба*

Тушдан кейин Зокиржон аканинг хизмат машинаси — Асака тулпори, оппоқ рангли «Нексия»да Тошкентга жўнадик. Довон йўллари кенгайтирилиб, асфалт қилинган. Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик байрами арафасида ишга туширилган иккита туннел довоннинг энг баланд, айланаси кўп жойларини анча енгиллаштирган ва масофани бир неча ўн чақиримча қисқартирган эди. Бу билан Андижон — Тошкент йўлига кетадиган вақтни ҳам бир соатча тежаш имкони юзага келган эди. Ҳар куни неча минглаб одам юради бу йўлдан — бир неча юз минг соатлар демак!

*19 сентябр, сешанба*

Тошкентдаги паккамиз — Вазирлар Маҳкамасининг Буюк Ипак йўли мавзеида жойлашган меҳмонхонасида уйқуга қонгач, эрталаб яна бир бўлажак ҳамсафаримиз — филология фанлари доктори, бобуршунос олим, профессор Неъматилло Отажонов ҳамроҳлигида Ҳиндистон элчихонасига бордик. Элчи жаноблари йўқлиги учун бизни унинг ўринбосари Ума Суранароян Мишра хоним қабул қилди. Зокиржон ака билан телефонда бир неча бор гаплашишганиданми, ёки ўзининг табиати шундайми, бизни худди эски танишлари каби очик чехра, хуштавозе билан кутиб олди ва телефонда дарҳол чой буюрди. Биз Мишра хоним билан ҳол-аҳвол сўрашиб улгурмасимиздан пастак бўйли, сарик сочлари кўпикдай тўзиб турган ўрис жувони патнисда пиёлаларга қуйилган қуюқ фамил чой кўтариб кирди. «Чойи Сулаймоний» деб аталмиш бундай чойни Ҳайдарободда, Тусийлар хонадоида ичганимиз эсимга тушди.

Мишра хоним ўрта бўйли деган андозамизга мос келадиган, тўлагина, кўкракдор жувон бўлиб, ёши назаримда ҳали ўттизга бормаган эди. Оч қора тусли енги калта кўйлак устидан чет — хошиялари олтин ранг, майда катакли сарийсини ўнг биқинидан тортиб кийраҳонига чап кифтига ташлаб олган, ҳаракат қилганида сарий пастга сирғалиб кетаверар, хоним уни тепага кўтариб-кўтариб кўярди. Жувонни қора деб бўлмас, ҳарқалай буғдойрангроқ эди. Йирик-йирик кўзларини шахло десак, ҳаққимиз кетмасди. Оғзини катта очмай кулишлари ўзига хос, самимий эди. Пешонасининг чап томонидан чала ёрма очилган бўлиб, сочини ўнг тарафга силлиқ тарагани учун бир юзи узунчоқроқ, иккинчи юзи қисқароқ кўринарди. Елкалари оша ёйилиб тушган қоп-қора сочларининг учлари белида эди. Хоним, дарҳақиқат, очик юзли, хийла хушчақчақ, истарали, киришимли эди. У энди бир ярим ёшга киришган эгизак қизлари борлигини, турмуш ўртоғи Сунил Мишранинг Лакновда ҳарбий хизматчи эканлигини гапириб берди.

Хоним Дехлига кўнғироқ қилиб, Бобур номидаги нуфузли жамғарманинг экспедицияси билан боғлиқ хатга ҳали ҳам жавоб келмаганидан хижолат бўлаётганини айтди. Кейин у бизнинг сафаримизга хайрихоҳлигини изҳор этиб, фақат шу пайтларда Ҳиндистон билан Покистон ораларига андак совуқчилик тушиб тургани боис, агар Хитой орқали юриб, Ҳиндистонга Непалдан ўтсаларингиз қулай бўларди, деган истакни билдирди ва тавозе билан йўлакккача кузатиб кўйди.

Ҳиндистон элчихонасидан мамнун чиқиб, Ўзбекистон Фанлар академияси билан рўпарама-рўпара бинода жойлашган Хитой элчихонасига бордик. Ҳовлига киришимиз билан бизга консул Го жаноблари пешвоз чиқди ва шинам фойега бошлаб кириб, юмшоқ чарм курсилардан жой кўрсатди. У кўлидаги хитойча ёзувли қоғозларга ишора қилиб, гапнинг қисқаси, Хитой ҳудудига автомобилда ўтиш таъқиқланган, бу масалада камида уч ой олдин бизга мурожаат қилиш лозим эди, биз Пекин раҳбарияти билан гаплашиб кўришимиз мумкин эди, деган гапни уқтиришга ҳаракат қилди. Бу муаммо элчи билан ҳам битмайди, деб турган эди, элчининг ўзи чиқиб қолдию, Зокиржон ака ўрнидан даст туриб унинг олдига бориб ўзини таништиради, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва Мухтор элчиси бўлган Ли Цин Се пастаккина, барча хитойлар каби ихчам жуссали, кўзойнак таққан, эллик беш-олтмиш ёшлар чамасидаги киши эди. У бизни гулли, таги тўққизил рангли хитойи гилам тўшалган, бурчакларида хитой гулли чинни кўзаларда хитойи гуллар ўсиб турган кенгина, махсус қабулхонага бошлаб кирди. Бизга хитойи чойнак-пиёлаларда кўк чой беришди. Консул Го гапнинг борини очик айтиб тураверадиган ижрочи ходим, элчи Ли эса сертавозе, сертакаллуф, муомаласи зўр, чинакам дипломат одам эди. Ишингизни битирмаса ҳам ўзи ҳақида яхши одам экан, хушмуомалалигини қаранг, деган таассурот қолдирадиганлар тоифасидан эди. Лекин Зокиржон ака ҳам дарҳол таслим бўлиб, хўп деб кетаверадиганлар хилидан эмас. Охири элчи сўз тополмай, бош министр ўринбосарларидан ёки Ташқи Ишлар вазирлигидан хат ёздириб келсангиз, Пекинга жўнатамиз ва сизларни ишонтираманки, шунда иш тез ва осонроқ битади, деди. Назаримда у бундай хат олишолмайди деб ўйлади ёки масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилиш учун шу йўлни топди.

— Яхши, — деди Зокиржон ака, — демак, сўзингиздан қайтмайсиз ва масалани уч-тўрт кундан кечиктирмай, ижобий ҳал қиласиз?

— Ҳа, имкони борича уринаман, хотиржам бўлинг, — деди жаноб элчи. У рус тилида консул Гога нисбатан анча яхши гапирарди.

Элчихонадан чиқиб Зокиржон ака Вазирлар Маҳкамасига кўнғироқ қилиб, тегишли мутасадди раҳбарлар билан маслаҳатлашди.

## **СУЮНЧ ВА КУЮНЧ. БЕЛИ ОҒРИМАГАННИНГ НОН ЕЙИШНИ КЎР**

*20 сентябр, чоршанба*



Эрталаб «Дархон» кафесига, ёзувчи Дадахон Нурий умр йўлдошининг хотирасига бағишлаб ўтказаетган йил оши маросимига бордик. Шу ерда кўп устоз адиблар, эски кадронлар ва бошқа таниш аҳли қалам, жумладан, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Хайриддин Султон, Аҳмаджон Мелибоев, Ўткир Ҳошимов, Нормурод Назруллаев, Абдусайд Кўчимов, Ҳожиакбар Шайхов, Ҳабиб Саъдулло, Ёқубжон Хўжамбердиев, Мирзо Кенжабек ва бошқалар билан кўришдик. Уларнинг аксариятига «Ҳинд сориға» ва «Бобурийлардан бири» китобларимдан дастхат ёзиб бердим. Дарвоқе, «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири, таниқли шоир Азим Суюн билан ҳам учрашиб қолдик. У куни кеча Андижонга бориб қайтган экан.

— Андижон мўъжизалардан иборат бўлиб кетибди-ку, — деди у таассуротларини баён этаркан. Назаримда, қаламкаш ҳамкасблар ўртасида айтилган бу гапдан бўйим бир қарич ўсгандай бўлди.

Ошдан кейин Зокиржон ака билан Неъматжон бошқа элчихоналарга кетишди. Мен ҳамюртим, истеъдодли шоир ва журналист, мени ўзига устоз санаб юрадиган кадрли укам Абдунаби Бойқўзиевнинг «Тико» машинасида яна бир кадрон дўстим Шодмон Отабек учаламиз Набижон (мен Абдунабини шундай атаб ўрганганман)нинг укаси Абдусаломнинг ошхонасидан бир лаганга андижонча пиширилган палов, бир лаганга махсус тайёрланадиган мантидан босдик-да, 1-ҳукумат Марказий шифохонасига кетдик. Менинг бевосита бош раҳбарим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов шу жойда даволанаётган экан. Ҳамюртим, Ўзбекистон халқ шоири, Абдулла аканинг ўринбосари Муҳаммад Юсуф ҳам шу ерда эди. У автомобил ҳалокати туфайли операция бўлганди.

Саккизинчи хонага кирсак, Абдулла ака томизги укол олаётган, Муҳаммад Юсуф ҳам унинг ёнида экан. Биз уларга китоблардан («Ҳинд сориға» ва «Бобурийлардан бири») бериб, тезгина қайтмоқчи эдик, Абдулла ака қўймади, бирга чой ичиб ўтириб қолдик. Овқатни икки хил олиб яхши қилган эканмиз. Абдулла ака ошни суюб еди, Муҳаммаджон — мантини. Табиийки, Андижон ҳақида, вилоятнинг муваффақиятлари хусусида гап кетди.

— Андижон эрта-индин пахта тайёрлаш режасини бажарар экан, ҳокимларингиз Қобилжон Ғофурович номига табрикнома тайёрлаб қўйдик, — деди Абдулла ака. — Умуман, Андижонга омад кулиб боқди.

Сухбат мавзуи китоб чиқаришдаги масъулиятсизликларга кўчди.

— Китобнинг бадий савиясига нашриёт масъул эмас, деб ёзиб қўйишади, бу нима деган гап ахир! — куюниб кетди Абдулла ака. — Энди... «муаллиф ҳам масъул эмас», деб ёзиш қолди!

— «Китобнинг бадий савиясига китобхон масъул» деб ёзиш керак, — дея лутф қилди Муҳаммад Юсуф.

Абдулла ака бизни йўлаккача кузатиб қўяр экан, мен экспедиция сафари ҳақида гапирдим, у бизга оқ йўл тилади, кейин қаерда бўлсанглар ҳам, нима тadbир ўтказсанглар ҳам Ёзувчилар уюшмасини «хутба»га қўшиб қўйишга ҳаракат қилинглар, — деди.

Абдулла ака йўлакдан қайтди. Қолганларимиз дарвеш адиб ва адабиётшунос Маҳкам Маҳмуд Андижонийнинг соддалиги, паришонхотирлиги ҳақидаги тўқилмаган латифа ва хангомаларни эслашиб (бу борада Шодмонбек анча мутахассис-ку), кулишиб, шифохона дарвозаси олдигача келдик. Хайрлашиш арафасида Муҳаммад Юсуф:

— Набижон, костюмингиз қани? — деб қолди.

Абдунаби костюмини Абдулла аканинг хонасида қолдириб чиққан экан. Кулганича кириб кетди.

Алқисса, Набижон чикқач, Муҳаммад Юсуф билан хайрлашдик ва дарвоза ёнидаги махсус йўлакдан ўтиб машинага ўтирдик-да, жўнадик. Икки чақиримча юрганимиздан кейин бирдан қўлда кўтариб юрадиган чарм сумкачам эсимга тушиб, ёнимга — иккала олди ўриндик ўртасига қарадим — сумкача йўқ эди!

Шодмонбек билан Набижон бирон жойда қолдиргандирсиз, деб ҳар турли тахмин ва гумонлар айтишди. Лекин менинг сумкачани ўғирлатганимга имоним комил эди. Чунки Абдусаломнинг ошхонаси олдида тўхтаганимизда мен сумкачадан фламастр ручка олиб Абдулла ака ва Муҳаммад Юсуфларга берадиган китобларимга дасхат ёзган эдим. Ундан

кейин тўғри шифохонага кетганмиз. Барибир Шодмонбекнинг хонасига («Хабар» газетаси таҳририяти) бориб, Муҳаммад Юсуфга кўнғироқ қилдик. Унинг «йўк» жавобини эшитгач, Набижон билан шифохона олдига қайтиб бордик-да, йўл четларини, девор гуллар билан ўралган томорқачаларни қидирдик. Зора, пулини олиб, бошқа нарсаларни ташлаб юборган бўлса, деган илинжда-да. Биз ўғрида ҳам инсоф бўлиши мумкин, деган тасаввурда эдик. Сумкачада пулдан ташқари паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси, иккита хизмат жойи гувоҳномаси, телефон рақамлари ёзилган дафтарча, ён дафтар, «Муҳаббатни гуноҳ десалар» деган шеърӣ китоб ва яна анча-мунча турли нарсалар битилган қоғозлар, хужжатлар, калитлар бор эди.

«Эй, номард!» Бировларни қақшатиб топган пул билан қорнингга нон олиб ейсанми, бола—чақа боқасанми?..

Албатта, бу гапларнинг фойдаси йўк, чунки ўғри, муттаҳамлар ўғирлик, олғирлик ҳақидаги дастурий асарлардан бошқа китобларни ўқишмайди, мабодо ўқишганда ҳам уларга бундай таъна-дашномлар пашшанинг ғинғиричалик таъсир қилмайди.

Биз шу кунларда бир неча мамлакат элчихонасидан бошпуртларимизга муҳр бостиришимиз зарур эди-ку! Энди бу гапни, бусиз ҳам ишнинг оғир кўчишидан диққат бўлиб юрган Зокиржон акага етказишни айтинг. Бечоранинг бошидан бир эмас, бир неча пакир муздай сув қуйиб юборилгандек бўлар. Ахир янги паспорт олиш учун аввало Андижонга бориш керак, қолаверса, бу дарров битадиган иш эмас...

Мен энди ҳеч бўлмаса мелисахонадан паспортни ўғирлатганим тўғрисида маълумотнома олишим керак эди. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармасига бордик. Жиноят қидирув бўлими бошлиғи Фаёз Набираев ҳар қалай адабиётни тушунадиган, ёзувчи деган унвонни анча кадрлайдиган йигит экан. Ўзи хизмат машинаси рулига ўтириб, бизни ўғирлик содир бўлган ҳудуддаги мелиса бўлимига бошлаб борди, у ердагиларга жуда тез шуғулланишлар, зарур чораларни кўриншлар, домлага эртага маълумотнома ёзиб беришимиз керак, деб тайинлаб, қайтди.

Набижон иккаламиз соат тунги ўнларгача мелисахонада қолиб кетдик. Орада бўлимнинг иккита йигити билан ходиса содир бўлган жойга ҳам бордик. Йигитлар ўша кўча («Почтовая»)даги хонадонларнинг эшигини тақиллатиб, суриштирув ўтказишди. Аввал қамалиб чиққан, гумонли бир шахсни тутиб олиб келишмоқчийди, у ҳам анойи эмас экан, ҳозир чиқаман, деганича, чироқларни ўчириб, нариги томондаги девордан ташлаб қочди. Мелисахонага қайтдик. Алишер деган терговчи келиб Набижон иккимизни обдон сўроқ қилди, кейин бармоқ изларимизни олишди. Нима бало, ўзимиздан шубҳа қиялпсизларми, деб сўраймиз. Улар тўғри тушуниншлар, қонун-қоидамиз шунақа, дейишади. Ҳе, қонун-қоидангдан ўргилдик, деймиз ичимизда. Мана шунинг учун ҳам мелисага ҳеч ким ёрдам беришним, гувоҳликка ўтишним хоҳламайди-да... Бошқа маҳал бўлганида хонумоним йўқолганда ҳам, бош-кўзимдан садақа, деб, этакни қоқиб чиқиб кетишим мумкин эди, афсуски, ўша пайтда паспорт менга сувдай, ҳаводай зарур эди. Кейин анчагача алам қилиб юрди: бир палид ҳаромхўр касрига икки бирдай ёзувчи, журналист бефайз хоналарда, ёш, ғўр мелисалар кўзига мўлтираб, бир неча соат ўтирдик-а...

Бўлим бошлиғи Ўрол деган йигит: ташвиш қилманг, домла, мен ўғрини албатта, топаман, энди астойдил киришмасам бўлмайди шекилли, ўша жойда яқиндан бери иккинчи марта ўғирлик юз бериши, бултур ҳам шундай бўлган, — дейди.

Мен ўзимдан ҳам Набижонга ачиниб, унинг олдига хижолат чекардим. Бечора, менга яхшилик қиламан, деб мелисахоналарда сўроқ бериб юрса — хизматга тухмат дегандай... Лекин унинг оғринганини сезмаганим учун ҳар ҳолда ичимда хотиржамроқ эдим. Энди энг катта ташвиш Зокиржон акага айтиш эди. Набижон билан меҳмонхонамиз ҳовлисига кирдик-да, раҳбар ётадиган хона рўпарасига бордик. Унинг стол чироғи ёқиқ эди. Бир оз иккиланиб турдигу, юрак бетламай, қайтдик. Набижон уйига кетди, мен — ўз хонамга.

*21 сентябр, пайшанба*

Зокиржон аканинг ёнига эрталаб соат етти яримларда кирдим. Унинг кайфияти яхши экан, одатдаги ҳазили билан қарши олди:

— Э, яшанг, Тошкентга ўйнагани келган экансиз-да. Отингни сот, молингни сот, Қамчибек Кенжа бўл экан-да. Бирданига иккита китоб чиқариб қўйган одамсиз... Китобларни тарқатиб бўлай дедингизми?

Мен юз берган воқеани айтдим. Зокиржон ака: э, чакки бўпти, энди тезроқ паспорт олишга ҳаракат қилиш керак, бугун қайтамиз, деди.

Набижон келди. Кечқурунги маслаҳатимизга биноан у таниқли ёзувчи, дўстим Тохир Маликларникига ўтиб «Шайтанат»нинг қўлёзмасини олиб келибди («Холис» газетаси учун). Иккимиз яна Улуғбек тумани ички ишлар бошқармасига кетдик. Фаёз Набираевнинг ўзи компьютерда Андижон шаҳар ички ишлар бошқармасига ва Андижон вилоят ДАН бошқармасига паспортим ва ҳайдовчилик гувоҳномамнинг ўғирлангани, бу борада қидирув ишлари олиб борилаётгани ҳақида маълумотнома ёзиб берди. Махсус талабномани Республика Ички ишлар вазирлиги тасдиқлаб бериши керак экан, унга соат иккида келадиган бўлдик.

Ёзувчилар уюшмасига бордик. Аввалги куни кирганимда Йўлдош Сулаймон йўқ эди. Китоблардан қолдириб кетаверган эдим. Йўлдош ака китобларни ўқий бошлаганини айтиб, уларнинг сифати, бошқа жиҳатлари тўғрисида, умуман, бу асарларнинг юзага келиши «улуғ иш бўлгани»ни табиатига кўра ҳаяжон ва эҳтирос билан сўзлади, қайта-қайта табриклади. Хуллас, сидқидилдан хурсандлигини изҳор қилди. Аслида мен унга раҳмат айтишим керак эди: «Бобурийлардан бири» ҳақида китоб ёзиш тўғрисида илк фикр уйғотган одам Йўлдош Сулаймон эди.

— Зокиржон ака жуда катта ишлар қиляпти, экспедиция сафарлари ҳазилакам жасорат эмас. Бобурга ҳайкал қўйяпти. Мана шундай одамлар ҳақида китоб ёзиш керак. Қамчибек, шундай қаҳрамоннинг ёнида юрибсиз, ёзинг, — деган эди у бир гал учаламиз суҳбатлашиб турганимизда...

Туш пайтида радиокомитетга бордик. Экспедициямизнинг яна бир аъзоси, ҳиндшунос Аҳмадjon Қосимов отасининг вафоти муносабати билан эҳсон оши бераётган эди.

Маъракадан чиқибок Набижон билан яна Улуғбек тумани Ички ишлар бошқармасига жўнадик. У ерда бизга бир йигитни қўшиб беришди. Ички ишлар вазирлигига кетдик. Ҳамроҳимиз кириб, салкам бир соатда талабномани тасдиқлатиб чиқди. Меҳмонхонамиз олдига ғизилладик. Зокиржон ака “Нексия”ни Андижон йўлига қаратиб, бизни кутиб турган эди.

*22 сентябр, жума*

Андижон шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги, ўзимизнинг гуркуровлик Абдумуталлиб Эргашев билан унинг хонасида учрашдик. Аҳволни баён қилдим. Керакли ҳужжатларни айтди, кишлоққа — уйга бориб олиб келдим. Қоғозларни тегишли бўлимга топшириб қўйиб, Абдумуталлиб билан суҳбатлашиб ўтирдик. Орада Зокиржон ака билан ҳам кўнғироқлашиб турдик. Хуллас, икки соатларда бошпурт тайёр бўлди (раҳбар олижаноб ва кадрдон бўлса иш шунақа тез битиши ҳам мумкин экан). Кейин бир соатдан ортиқроқ вақт паспортга қайтадан ички виза муҳрини бостиришга кетди.

## **ЯНА ЭЛЧИХОНАЛАР ОСТОНАЛАРИДА**

*24 сентябр, якшанба*

Соат учларда Зокиржон ака, Неъматилла Отажоновлар билан Тошкентга жўнадик. «ЖИП»нинг рўлига Илҳомжон Мамарозиқов (Бобур миллий боғи директори, яна бир ҳамсафаримиз) ўтирди.

— «ЖИП»нинг оёғини бир кўрайлик-чи, — деди Зокиржон ака. — Агар Тибет орқали юрадиган бўлсак, шу машинада кетишимиз керак.

Дарвоке, Хитой элчихонасидан Зокиржон акага илтимосларингиз ижобий ҳал бўлди, душанба куни соат тўққизда учранглар, деган хабар келган эди.

Экспедициямизнинг янги аъзоси Неъмат Отажоновни бир-икки кўришда менга ўхшаб зерикарлироқ одам экан, деб ўйловдим. Уч-тўрт суҳбатимиздан кейин менга нисбатан анчагина киришимли, хушчақчақлиги аён бўлиб қолди. Унда собиқ сафардошимиз, раҳматли Тўлқин Рўзиев феъл-атворига монанд жиҳатларни сеза бошладим. Умри ўхшамасину, Неъматжон ҳам Тўлқин ака каби дунё кўрган (у Оврўпода, Америкада, Осиёнинг энг машҳур мамлакати Саудия Арабистони ва бошқа чет давлатларда бўлган эди), фикри кенг, улфат, одамшаванда экан. Назаримда бир-биримизга хийла хил келадиганга ўхшаймиз. Демак, Худо хоҳласа, сафарга яхши бориб келамиз.

Яна Вазирлар Маҳкамаси меҳмонхонасига кўндик.

Кўқондан чиқишимизда севалай бошлаган ёмғир Тошкентда астойдил ёғмоқда эди.

*25 сентябр, душанба*

Эрталаб Фаррух Расулов келди. Экспедициянинг бу галги аъзолари жамулжам бўлиб Хитой элчихонасига бордик. Консул Го худди муаммони ўзи қойил қилиб ҳал этгандек, хушчақчақлик билан бизни табриклади. Лекин барибир Тибет томондан юришга рухсат бўлмаган эди. Қашқардан, Тошқўрғон орқали Покистонга ўтиб кетишимиз мумкин эди, холос. Начора, шунисига ҳам шукр қилиш керак. Ахир Хитойга ҳаракат қилишдан асосий мақсадимиз — Қашқарда бўлиб, Бобур Мирзонинг «Асрори мусиқий» асари кўлёмасини излаш эди-да. Қолаверса, аввалда юрилган Туркменистон чўлларидан кетиб, қайтишда яна ўша бир йўлдан келиш жуда зерикарли туюлаётган эди.

Паспортларни у ерда қолдириб, Ҳиндистон элчихонасига жўнадик. Элчихона олдида яна бир бобуршунос, таржимон Ғофиржон Сатимов билан учрашиб қолдик. У ҳам Ҳиндистонга виза олмақчи экан – илмий-ижодий ишлар билан шуғулланиш ниятида. Ғофиржон Буюк Британия музейида Бобур ва бобурийлар ҳаёти тасвирланган ноёб миниатюра-суратлар кўрганини, шулардан бири «Бобурнинг Қашқарни олиши», яна бири «Бобурнинг Ўзган қалъасини олиши» деб изоҳланганини айтиб қолди.

— Ие, бу янгилик-ку, — деди Зокиржон ака. — Бобурнинг Қашқарда бўлганлиги ҳақида манбалар йўқ-ку, демак, бу борада ҳам жиддий шуғулланиш керак...

Яна Ума Мишра хоним ҳузуридамиз. У бугун этаги тўпиғигача тушган тўқ ҳаво ранг сарийда эди.

Мишра хоним ишимиз ҳал этилмаётгани учун хижолат чекарди. Қолаверса, Ҳиндистонга Покистон орқали ўтадиган бўлганимиз масалани бир оз чигаллаштириши аниқ эди. Мишра хоним бунга таассуф билдирди ва яна Дехлига кўнғироқ қилди, «бошқа давлатларга виза олишибди, фақат биз қолибмиз, ўзбеклар билан ҳиндлар бир—бирига дўст халқлар-ку. Менга жуда ноқулай бўляпти», деб у ёқдагилардан яна ёзғирди. Уларнинг ваъдаларидан қаноат ҳосил қилмади шекилли, бизни элчи ҳузурига бошлаб кирди. Элчи бўйчан, ўрта вазли, қирқ-қирқ беш ёшлар чамасидаги кузойнак таққан йигит эди. У анча жиддий, сипо кўринарди. Элчи ҳам Непал орқали ўтилса яхши бўларди, деган гапни қистириб ўтди. Лекин ёрдам беришга ваъда қилди. «Сизлар бобурий бўлсангизлар-у Ҳиндистонга боролмасангизлар, бу мумкин эмас, менинг номимдан Дехлига хат тайёрланглар», деб Мишра хонимга тайинлади ва бизни остонагача кузатиб қўйди. Хонимнинг бизга ҳамдардлиги, ишимиз сурилаётганига астойдил ачинаётганлиги унинг хатти-ҳаракати, кўзларидан сезилиб турарди. Унда ҳинд аёлларига, умуман оналарга хос меҳрибонлик бор эди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, бу сафар чегарада ўтган галгидай қийналмайсизлар, мен хат ёзиб бераман, — деди у.

Мишра хоним рус тилида бир оз қийналиб, баъзи сўзларда тўхталиб бўлса ҳам, ҳар ҳолда дуруст гапирарди.

— Хатингизни кўкрак чўнтагимизда сақлаб кетамиз, — деди Зокиржон ака лутф қилиб.

— Ўзингизни қалбимизда асраймиз, — дедим мен ҳам таваккал қилиб.

Хоним яйраб кулди ва бизни одатдагидай, хуштавозе билан йўлакка кузатиб қўйди.

Бангладеш элчихонасига қараб кетдик. Элчихоналар Тошкент шахрининг турли томонларида, ҳар хил мавзеларда ўрнашган эди. 1993 йилги сафар чоғида Ўзбекистонинг Ҳиндистондаги консулхонасида бўлганимизда жуда чекка ердан беришибди, деб кўнгиллаган эдим. Демак, элчихоналар жойлашуви ҳам мен ўйлаганчалик жўн иш эмас шекилли-да.

Бангладеш элчихонаси ҳам шаҳарнинг кун ботиш тарафида, нисбатан овлоқ Динмуҳаммад Кунаев (Қозоғистоннинг собиқ раҳбари) номидаги кўчада экан. Зокиржон ака элчи йўқлиги сабабли консул билан гаплашиб чиқди. Бу ерда, ҳарқалай, муаммо туғилмади. Зокиржон ака элчи, хусусан, унинг таржимони Суннатилло билан яхши таниш эди.

Нукус шохқўчасидан Туркменистон элчихонасига бордик. Иккинчи қаватнинг тор йўлагидан юриб, элчи қабулхонасининг рўпарасидаги курсиларга ўтирдик. Йўлак деворларида Туркменистон Президенти, туркманбоши Сафармурод Ниёзовнинг турли шакл ва хилдаги суратлари ойнали ромларга солиниб илиб қўйилган эди.

— Элчининг хонасида президентнинг бюсти ҳам бор, — деди Неъматилло.

Шу пайт ичкаридан йигирма беш-ўттиз ёшлардаги тумтайган бир йигит, ортидан уни койиб-уришиб эллик беш-олтмишлар ўртасидаги, хийла оқарган сочлари калта олдирилган, ўрта бўйдан баландроқ ва бўлароқ бир одам чиқиб келди. У элчи эди.

Йигит бирон номаъқул иш қилган шекилли, элчи остонада тўхтаб, бизга бир назар ташлаб, худди танимагандай, кечирасизлар, деб қўйиб, яна койишда давом этди (Зокиржон ака ва Неъматилло икки кун аввал унинг қабулида бўлишган эди).

Йигит биздан сал нарига ўтиб, қўлларини орқага қовуштириб, бошини ҳам қилганича лом-мим демай турарди. Элчи кириб кетди, йигит тик турибди, биз ўтирибмиз. У хонадан бу хонага кириб чиқаётган элчи ёрдамчиси йигитга ачиниш биланми, аччиғланибми, қараб-қараб қўяди. Етти-саккиз дақиқалардан кейин йигитни ичкарига чақиришди, уч-тўрт минутлардан кейин уни олиб чиқишиб, бошқа хонага бошлаб кириб кетишди.

Кейин Зокиржон акани таклиф қилишди. У тезгина қайтиб чиқди. Бошқа давлатлардан виза олаверинглар, кейин бизга келасизлар, дебди элчи.

Соат учда Хитой элчихонасидан паспортларни олишимиз керак эди. Ҳиндистон элчиси ва Мишра хонимнинг таассуфларини мулоҳаза қилиб Зокиржон ака Хитой консули Го билан яна бир музокара қилиб кўрди. «Ҳиндистон элчихонаси Непал орқали ўтамиз, дегансизлар, яна бошқатдан Деҳлига мурожаат қилиш керак, дейишяпти, деди. Го иккинчи қаватга элчи билан маслаҳатлашгани чиқиб кетди ва кўп ўтмай тўмсайиб қайтиб тушди.

— Йўқ, бунни сираям иложи йўқ экан, фақат Кунжирап чегара пунктдан ўтасизлар, — деди у қатъий тарзда ва муҳр босилган паспортларимизни қўлимизга тутқазди. Хайрлашар экан: «Шунисига ҳам хурсанд бўлинглар, сизларга истисно тарзида рухсат бериляпти, аслида уч ой кутишинглар керак эди», деб писанда қилди. Бунисиям майли-я, визани бепул қилиб берамиз, дейишган эди, тўққиз юз долларни қуртдай санаб олишди!

Кейин Паркент кўчасида жойлашган, алоҳида ҳовли-жойли Эрон элчихонасига ўтдик.

Бу ердаги ишимиз эртага битадиган бўлди. Паспортларни қолдириб меҳмонхонага қайтдик.

Кечкурунликка Зокиржон ака меҳмонхона ошхонасига ош буюриб қўйган эди. Сабаби Ўзбекистан халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировни меҳмонга чақирмоқчи эдик. Аслида аввалги сафар келганимиздан бери у киши бизни меҳмон қилмоқчи бўлиб уйига таклиф этганди. Устоз «Ҳинд сориға»га сўз боши ёзган, шунинг учун унга китобдан олиб ўтиб беришим зарур, шарт эди. Ўтган гал кўнғироқ қилиб айтиб ҳам қўювдим. Лекин ўғрилар ишнинг белига тепиб, режаларимни ўзгартириб юборган эди.

Пиримкул ака Дўрмондаги дала ҳовлисида ижодий ишлар билан банд эди, белгиланган вақтда-соат кеч еттиларда келди.

Зокиржон аканинг хонасига дастурхон тузалди. Турли мавзуларда суҳбатлашиб ўтирдик. Ўзбекистон, Андижоннинг омади ҳақида. Дарвоқе, бугун Андижон вилояти пахта тайёрлаш шартномасини бажарди. Йиллик режани бу қадар эрта ўринлатиш республика

пахтачилик тарихида бўлмаган! (Бошқа вилоятлар энди эликка борган эди). Пиримқул ака Бобур жамғармаси ва экспедицияси фаолияти борасида сўзлаб, қуйидагиларни илова қилди:

— Мен мана шу ёшга кириб, хулоса қилдимки, дунёда том маънода яхши одамлар, яъни, фидойи инсонлар жудаям кўп бўлавермас экан. Масалан, темурийларнинг ўзини оладиган бўлсак, улар жуда кўп, лекин Амир Темур, Шохрух, Улуғбек, Бобур Мирзо, Ҳусайн Бойқаролар эл-юрт учун, маданият, маърифат йўлида катта ишлар қилишди ва шунинг учун ҳам уларнинг номлари тарихда яхшилик билан қолди... — Адиб мавзуни Зокиржон акага боғлади, унинг қилаётган эзгу ишлари таҳсинга лойиқлигини алоҳида таъкидлади. Алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик. Иттифоқо, Зокиржон аканинг Лондонда яшаётган невараси Зухраҳон ва неvara куёви фарзанди билан келиб қолишди. Куёв йигит Нодирбек эндигина ўттизга кирган истиқболли, фикрли йигит экан. У ҳозир Ўзбекистон суғурта компаниясининг Англиядаги вакили бўлиб ишларкан. Мен китоблардан ёзиб бердим. Яна бир жуфт китоб бердим.

— Буларни элчимизга бераман, — деди Нодирбек.

## *26 сентябр, сешанба*

Эрталаб Эрон элчихонасига бордик. Хужжатлар расмийлаштириладиган қабулхонага йўлакдаги хона орқали ўтилар, бу ерда Шерали исмли хоразмлик хушмуомалагина йигит ўтираркан.

Эрон элчихонасида ёзув ишлари хижрий йил ҳисоби билан юритиларкан. Бу кун хижрий тақвим бўйича 1379 йил, еттинчи, меҳр ойининг бешинчи куни экан. Ҳижрий—камарий тақвим бўйича эса 1421 йил, жумодил соний ойининг 27—куни эди.

Қабулхонада рўмол ўраган рус ва бошқа ғайри исломий эътиқоддаги жувонларни кўриб, Ислом республикасининг элчихонаси бўлгани учун бу ерга уларнинг урфига мос кийиниб келишаркан-да, деб кўнглимдан ўтказувдим. Йўлакдаги хонада ўтирсак, ўша хонимлар рўмолларни ечиб, Шералига бериб чиқиб кетишяпти. Маълум бўлдики, рўмол, узун кўйлак ва ҳатто тўғноғичлар ҳам ғайри исломий аёлларга «ижарага» бериб туриларкан. Ҳийлаи шаръий деганлари шу-да. Ахир уларнинг ҳаммаси тижоратчи аёллар-ку...

Соат учда келадиган бўлдик. Қорасарой томондаги Покистон элчихонасига кетдик. Бу ерда ишимиз осон кўчди, бир йўла паспортларга муҳр бостириб, Бангладеш элчихонасига равона бўлдик. Соат иккида келадиган бўлиб, қайтдик. Тушдан кейин бориб паспорт олдик-да, Эрон элчихонасига йўлиқдик. Бу ерда ҳам ишимиз тезроқ битса, энди Ҳиндистон элчихонасига борамиз у ердан чиқиб, Андижонга жўнаймиз, деб мўлжаллаган эдик. Ёзувчи Хайридин Султон қайта-қайта қўллайдиган таъбир билан айтганда, банда тадбир қилади, Оллоҳ тақдир қилади.

Узоқ кутдик. Кеч кириб кетди. Иш битмади.

## *27 сентябр, чоршанба*

Эрталаб яна тўғри Эрон элчихонасига бордик. Паспортларни олиб Ҳиндистон элчихонасига учдик. Лекин у ерда ҳам бизни хушхабар кутаётгани йўқ эди. Дехлидан бизга рұхсат берилгани ҳақида кеча факс юборилган экан, ҳалигача етиб келмабди. Мишра хоним яна Дехлига кўнғироқ қилиб, факсни қайта жўнатишларини сўрай бошлади.

Мишра хоним хонасининг деворида чордона куриб ўтирган кишининг ғалати тасвирланган сурати бор эди: юзлари чўзинчоқ бу одамнинг ингичка хартуми бўлиб, қулоқлари ҳам филники эди. Бунинг маъносини Ума хонимдан сўрамоқчи бўлдиму, фикримдан қайтдим. Ижодкор-мусаввир ҳиндларниинг асосий меҳнат қуроли ва воситаси бўлган филни инсонга тенглаштириб, бу икки жонзотнинг заҳматқашлиги ўртасидаги муштаракликни ифодаламоқчи бўлгандир-да...

Бўзчининг моқисидай яна Туркманистон элчихонасига чопдик. Элчи Султон Пирмухамедов йўқ экан, анча кутишга тўғри келди. Бир соат, икки соат... Туш бўлиб кетяпти. Зокиржон аканинг ҳолатини тушунапман. Демак, ҳар гал экспедицияга ҳозирлик,

рухсат олишлар шунақа машаққатлар, кутишлар, изтироблар, асабийлашишлар билан бўлар экан—да... (Мен аввалги сафар бундай жараёнларда бевосита иштирок этмагандим.)

Элчи келди, лекин барибир масала ҳуржунлигича қолди. Жаноб Пирмухамедов биз Машҳаддаги консулхонамизга айтиб қўямиз, сизларни ўтказиб юборишади, деди...

Кейин яна Ҳиндистон элчихонасига... Ҳайриятки сўнги марта бордик. Мишра хоним ҳам бизни кўрса ўзини қаерга яширишни билмай қолаётганди. Ҳа, биз шундай деб ўйлаб, хижолат чека бошлагандик. Бироқ, Ума Мишра хонимнинг юзи-кўзида биз хавотир билан кутган ифода-задалик асло сезилмасди.

Шундай қилиб, кеч соат олтиларда тўла ғалаба билан Андижонга йўл олдик. Энди паспортларимизга босилган Хитой, Эрон, Покистон, Бангладеш ва Ҳиндистон элчихоналарининг муҳрлари бизни олис йўлларга чорламоқда эди. Бироқ бу узок сафарга жўнаш негадир жуда қийин бўлди. Хитой элчихонасида «биринчи октябр — хитой халқининг миллий байрами, шунинг учун бу кунларда бизнинг мамлакатимиз ҳудудига ўтишни тавсия этмаймиз», дейишгандан сўнг, биз бешинчи октябр соат ўнларда Қирғизистон билан Хитой чегарасига етиб борадиган, у ерда бизни Хитой вакиллари кутиб олишадиган бўлиб келишгандик. Бунинг учун биз ўзимизча тўртинчи октябр куни Бобур миллий боғида эҳсон қилгач, ёки эртасига саҳар йўлга чиқишни режалаштирган эдик.

Тўртинчи октябр, эрталаб Зокиржон ака ҳузурида тўпландик ва сафаримизнинг яна сурилганидан хабар топдик. Хитой элчихонасидан миллий байрам муносабати билан 1-10 октябр кунлари чегара-назорат масканлари берк бўлади, шундан кейин ўтишларингиз мумкин, деган мазмунда хат келибди.

— Хитой дўстларимиз бизнинг сабр-бардошимизни синашмоқчи шекилли, — деб қўйди Нёматжон бош тебратиб.

## **АБДУЛЛА ОРИФ ҲАЯЖОНЛАРИ. АНДИЖОН ДЎШИСИ**

*5 октябр, пайшанба*

Раисимиз Абдулла Орипов хонадонидан кўнғироқ бўлиб қолди. Абдулла ака сўз бошидан унга бериб келган китобларимни мароқ билан ўқиганлигини айтиб, Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома»си ва каминанинг «Ҳинд сориға» сафарномаси тўғрисида анча гапирди. Бир-бирини тўлдирадиган бу асарларни кўшиб нашр этиш керак, деди. Афтидан раҳбарнинг димоғи хийла чоғ эди.

Мен вилоят ҳокимлигига Абдулла аканинг келиши ҳақида хабар қилдим. Ҳоким ўринбосари билан аэропортга кутгани чиқдик. Самолёт кеч етти яримда қўнди. Куни кеча Англиядан қайтган Абдулла аканинг чиндан ҳам кайфияти соз эди. Машинага ўтириш олдидан яна «Ҳинд сориға» ҳақида сўз очиб, заргарона тил билан ёзилган, дея маҳобат қилди. Бундай мақтовни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқимиз бағоят суюб ардоқлайдиган шоирдан эшитиш ҳам мароқли, ҳам бир оз... ўнғайсиз эди. Мен унинг бундай баҳосини кутмаган эдим, ҳатто китобларни ўқиб чиқишига ҳам унча ишонмаган эдим.

— Ўзиям, китобларни жуда-а жойини, вақтини топиб тақдим этдингиз-да, — деди у менинг иштибоҳимга изоҳ бергандай. — Эҳтимол бошқа пайтда берганингизда тўла ўқишга фурсат ё имкон бўлмай қолиши мумкин эди. Шифохонада бўлганим учун бемалол мутолаа қилдим. Хусусан «Ҳинд сориға»ни икки-уч қайта ўқиб чиқдим. Бир бастакор келувди, унғаям тавсия қилдим. «Бобурийлардан бири»да Зокиржон аканинг ўзига хос томонларини, гапириш услубларини яхши ифодалабсиз...

Абдулла аканинг куёви билан Дўрмон ижод уйининг директори енгил машинада, кеч соат тўққизга яқин келишди. Меҳмонларни вилоят ҳокимлигининг Куйганёрдаги хос меҳмонхонасига жойлаштирдик.

Шу кунларда андижонликлар яна бир қувончли воқеа билан масрур ва хуррам эдилар. Куни кеча Сидней (Австралия)да бўлган Олимпиада мусобақаларида Ўзбекистондан ягона олтин медал олган боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг юртига қайтиши шодиёна— байрам бўлиб кетган эди. Абдулла ака нонуштадан кейин, фурсатдан фойдаланиб, ана шу бахтли, омадли йигитни, Андижоннинг яна бир шарафли фарзандини муборакбод айлашни ихтиёр этди. Кейин у ўзи билан бир кунда Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган яна бир инсон — вилоят ҳокими Қобилжон Ғофурович билан учрашди. Уни пахтачиликдаги, дон, автомобилсозлик, спорт соҳаларидаги улкан ютуқлар билан кутлаб, Андижон раҳбарияти ва халқининг омади барқарор бўлишини тилади.

Кейин Андижон ва вилоятдаги адабий жараён хақида гап борди.

— Бу ёққа жўнаётиб, келин аянгизга дўппини олиб чиқ десам, Марғилон дўппи олиб чиқибди. Ие, мен Марғилонга эмас, Андижонга кетаяпман, Андижоннинг дўпписидан олиб чиқ дедим, тўғри қилибманми? — мароқ билан кулади Абдулла ака.

Дарҳақиқат, унинг бошида андижонча дўппи бор эди, фақат уни кийиш расм-русумларига у қадар эътибор қилинмаган эди. Маълумки, бизда дўппининг усти ниҳоятда текис, икки бурчаги икки чаккада туриши, чертилса «дириг»лаши лозим (Дўппининг бир ёнини кўпроқ чап томонини пастроқ ва орқароққа бостириб кийиш усули ҳам бор, аксарият қалин ва жингалак сочларнинг иккинчи тарафдан варақ-варақ чиқиб туришига шароит яратиш учун танланган бундай урф одатда карандаликка йўйилади). Абдулла ака бошидаги дўппининг четлари букланган, шунинг учун у пирамидасимон турар, бурчаклари бошга жипс тегмас, шунданми, дўппи бошга нисбатан каттароққа ўхшаб кўринар, лекин барибир жуда ярашиб турарди.

Асака автомобилдан бошланган таъриф Андижон спортга, олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевга кўчди.

— Сиднейда спортчиларимиздан бир киши олтин медал олди, буям Андижондан чиқди, нима дейсиз, омад шунақа, бир келса ҳар томондан келаверади. Муҳаммадқодирнинг чемпион бўлиши — олтин узукка ёқут кўз бўлди, — деди Абдулла ака. Бу шоирои лутфда Андижонга самимий муҳаббат, вилоят аҳлига рағбат ва ҳавас яққол ифода топмиш эди.

Зокиржон Ҳабибийнинг 110 йиллигини нишонлаш, Абдуҳамид Сулаймон Чўлпоннинг сайланма шеърларини болалар учун лотин алифбосида чиқариш, Восит Саъдулла чор девонини нашр этиш, Оразий, Улфат, Тўхтасин Жалолов ва бошқаларнинг хотира анжуманларини ўтказиш, Андижон адабий гурунгига таниқли ижодкорлардан, масалан Муҳаммад Юсуфни таклиф этиш, гурунг фаолиятини вилоят ва республика телевидениеси орқали тарғриб қилиш тўғрисида гаплашдик.

Кейин бизнинг сафардан гап очилди.

— Мен 1987 йили Урумчида бўлганимда, — деди Абдулла ака, — Сомсоқ деган бир ёзувчи Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи хақида ғалати янгилик айтди, яъни у менга романнинг «Кундуз» қисми мана бундай бошланарди, деб, деярли бир бет матнни ёд ўқиб берди.

Дарҳақиқат, ҳозирча «Кеча ва кундуз»нинг «Кундуз» қисми асли ёзилиб, қўлёзмаси йўқолганми, ё умуман ёзилмаганми — аниқ маълумот йўқ. Ўша пайтларда Андижон билан Қашқар муносабатлари яқин, борди-келдиси кўп бўлган, таъқиблардан чўчиган Чўлпон «Кундуз»нинг қўлёзмасини биронта яқин танишидан Қашқар томонга бериб юборган бўлиши мумкин. Ахир Чўлпон Андижондаги уйдан ҳамма китоб, қўлёзмаларини ота-онаси ва бошқа оила аъзоларига ташвиш келтирмасин, деб олиб кетган, ёқиб юборган, деган гаплар бор-ку.

«Қашқарга ўтганимизда суриштириб кўриш керак, деган фикрни кўнглимга тугдим ва меҳмонларни кузатиб, кечкурун уйга келганимда «Синьцян шоирлари» деган китобдан Абдулла ака айтган исмни изладим.

1958 йили ўзбек тилида чоп этилган бу тўпламда Турди Сомсоқ ва Оюб Сомсоқ деган шоирлар қайд этилган, Турди Сомсоқ шеърларидан намуналар берилмаган эди. Абдулла ака



кайси бири билан учрашувдийкин? Дарвоқе, унинг айтишича, ўша ёзувчи анча кексайиб колган экан, ҳозир борми, ўтиб кетганми — менга қоронғи эди...

*10 октябр, сешанба*

Томидаги «Бобур соати» бутун шаҳарга кўрк ва файз бағришлаб турган Бобур номли халқаро жамғарма ҳовлисида, яъни, Зокиржон аканинг маҳкамасида сафар ҳозирлиги кўрилди. Асбоб-анжомлар, йўл тўшаклари, сафар халталари, озиқ-овқатлар (колбаса, консерва, тушёнка, қовурдоқ, қоқ нон, «Хонобод», «Тянь-шань» сувларини «Тойота»нинг олиб кўйилган орқа ўриндиқлари ўрнига жойлаштирдик.

Эрталаб Бобур боғига барвақт — соат олтига етиб бормоғимиз лозим эди. Шунинг учун наманганлик шеригимиз, профессор Неъматилла Отажонов бизникида қоладиган бўлди. Дўстлар, кўнгил яқинлар келишди. Қишлоқ — газли (газ ҳам шамдек ёнади) хоналаримиз аёллар ва бошқа оила аъзоларимиз билан банд бўлгани учун анор сақланадиган сўрили, олди ромли хона орқали кириладиган газли, иссиғи йўқ меҳмонхонада ўтирдик. Сафар борасида бошланган суҳбатимиз менинг Тошкентда пул-буюмларимни йўқотишим қиссасига, умуман ўғирлик мавзусига уланди.

— Ўттиз беш сотих ердаги шолени бир кечада бошоқлаб, яйдоқ қилиб кўйишибди ноинсофлар, — деди Неъматилло. — Эгаси камбағалгина одам эди, ерни қарз-қавола қилиб, юз минг сўмга сотиб олган эди, ўтоғи, дорисига яна камида эллик минг сарфловди. Яна бир жойда деворлари уриб кўйилган иморатни бузиб, ғиштларини ташиб кетишибди.

— Худодан, охиратдан кўрқишмаганини қаранг, еган-ичгани ҳаром, фарзандлари ҳам ҳароми бўлади уларнинг, иккала дунёси ҳам куйиб кетади, — деди дўстим, Ўзбекистон халқ устаси Йўлбарсали Ўтаганов меҳмонни қувватлаб ва юқорида айтилгандай чала бир уйнинг эшик-деразаларини йўмириб кетишгани ҳақида, Ҳакимжон бир одамнинг томига босиб кўйилган маккапоя-пичанларини ўмариб кетишгани ва бошқа турдаги ўғирликлар тўғрисида ҳикоя қилишиб, камбағални қақшатиб ҳузур қиладиган энг қабиҳ инсон (аслида, уларга "инсон" деган мўътабар унвон хайф!) — текинхўр ўғрига нисбатан кескинроқ, таъсирлироқ жазо чоараларини қўллаш зарурлиги борасида фикр-мулоҳаза билдиришди.

Хуллас, боғдан—тоғдан гапириб алламаҳалгача ўтирдик-да, дўстлар тарқашгач, меҳмонга шу хонага жой солдириб, мен ўзим ҳуррагимдан истиҳола қилиб, ичкарига — илмилик хонамга кириб кетдим. Лекин қовуннинг каттасини туширибман.

Азонда туриб чиқсам, меҳмон жой устида ўраниб, омонатгина ўтирибди. Бевозтароқ кўринди.

— Қалай ухладингиз, — деб сўрадим.

— Анорларингизни ўғриларга олдирмай яхши пойлаб чиқдим шекилли, — деди меҳмон жиддий.

— Совқотмадингизми, — сўрадим яна меҳрибончилик билан.

— Йўғ-е, анорлар музлаб турибдию... мен ҳам...

Шундагина қилган номаъқулчилигимни англаб кулиб юбордим. Ахир, ҳарқалай, кузнинг ўртаси, хоналарда газнинг пастлигидан ёзғириб, зорланиб ўтирибмиз-ку. Бунинг устига, кўёшга тескари тушган меҳмонхонамиз деворлари якка синчли, шимолга қараган олди томони бир қаватли ромдан иборат эди...

— Бунисиям майлию, кечқурун чойни ичаверибмиз, қовун-тарвузни еяверибмиз, ҳовлида ит бор экан.., — деди меҳмон ноилож жилмайишга уриниб.

Яна кулиб юбордим.

— Кейин нима қилдингиз?

— Йўқ, ҳеч нарса қилмадим, ўтирибман...

Яхшиямки меҳмон ҳазилкаш одам, лекин бу "қовун" сафар давомида яна кўп аския-мутуйибага сабаб бўлди...

*11 октябр, чоршанба*

Шундай қилиб, Аллоҳ насиб қилса, бугун йўлга чиқамиз. Одатдагидай, Зокиржон ака ташаббуси ва ҳомийлигида, Бобур миллий боғи ёнидаги Ўш йўли билан ёндош тушган ошхоналардан бирида қуюқ-суёқ нонушта ташкил этилиб, унга раҳбарлар, зиёлилар, оқсоқолларнинг вакиллари таклф қилинган эди.

Дилшодбек (ёрдамчим) Неъматилло иккимизни “Тико”да ғизиллатиб ҳаммадан олдин олиб келди. Вилоят ҳокими ўринбосари Рустамжон Тиллабоев, Андижон шаҳар ҳокими Абдуллажон Собиров, экспедициямизнинг доимий хайрихоҳлари – фахрийлардан Пўлат Қаюмов, Ҳамиджон Қодиров, Абдулхай Рўзиев, “Андижоннома” газетасининг бош муҳаррири Назиржон Саидов ва бошқалар, жами эллиқдан ортиқ одам ташриф буюрди.

Дуои фотиҳадан сўнг, Бобур миллий боғи арк дарвозаси рўпарасида ростмана кузатув маросими бўлди.

Юртимизнинг мўътабар инсонларидан бири, республика миқёсида катта лавозимларда, шунингдек, Андижон вилоят ижроия қўмитаси раиси бўлиб узоқ йиллар шарафли меҳнат қилган Пўлатжон ака Қаюмов бизга оқ йўл тилар экан, жумладан, шундай деди:

— Биз жуда бахтли авлодлар сирасига кирамиз. Аждодларимиз орзу қилиб етолмаган кунларга – мустақилликка биз етишдик. Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция ана шу мустақилликнинг энг йирик, энг тансиқ меваларидан биридир. У ўзининг саккиз йиллик фаолияти мобайнида илгари юз йилларда ҳам эришиш мумкин бўлмаган ишларни амалга оширди. Автомобилда юз минглаб чақирим масофаларни, яхши-ёмон йўлларни босиб ўтиб, дунёдаги ўнлиб йирик мамлакатлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар, бошқа илму ижод султонларимизнинг бизга маълум ва номаълум бўлган тарихий, бадиий, илмий китоблари, ноёб қўлёзмаларининг топиб келиниши катта жасорат, қаҳрамонликдир. Ҳа, Андижон фарзанди, Бобур Мирзо авлоди – Зокиржон Машрабов ва унинг ҳамроҳлари бениҳоя мақтовга сазовор, ҳайрли, жуда муҳим, тарихда қоладиган ишлар қилишмоқда. Мана, улар ана шундай олижаниб мақсадда яна йўлга отланишмоқда. Биз экспедиция аъзоларига матонат, ҳамжиҳатлик, сафарларининг ҳамиша бехатар бўлишини тилаб қоламиз. Яна Андижонимиз заминидан, Бобур Мирзо пойқадами билан табаррук бўлган мана шу азиз туپроқда соғ-омон кўришиш насиб этсин.

Шундан кейин яқинроқда турганлар билан бағирлашиб хайрлашарканмиз, дилда ажиб туйғулар — кўнгил яқинлардан узоқлашишни туйиш, орзиқиш ҳислари жўш урарди.

Сафарга чиқиш олдидан одамда ғалати ҳиссиётлар пайдо бўлади. Худди ўзга бир сайёра ҳаётини кўрадигандек ошиқади, талпинади киши. Мен экспедициянинг аввалги сафарларидан бирида Афғонистон, Ҳиндистону Покистон, Эронда бўлганман, ўша пайтгача мен учун сирли, сеҳрли оламдай туюлиб келган Шарқ дунёсининг катта бир бўлаги билан қисман танишмоқ насиб этган. Лекин бу галги экспедициямизнинг йўналиши бўлакчароқ, дастури кенгроқ эди. Зокиржон ака сафарга тайёргарлик асносида ёзма дастурдан ташқари, кўнглига яна кўп ниятлар тугиб қўйган, бу ниятларининг бир қисми билан бизни ҳам ошно айлаган эди. Истагимиз — энг аввало улуғ ҳамюртимиз, шоир, мутафаккир олим, шаҳаншоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳаёти ва фаолиятининг кам ўрганилган, халқимизга у қадар маълум бўлмаган қирраларини чуқурроқ ўрганиш, уларга дахлдор қўлёзмалар, китоблар излаб топиб, юртимизга олиб келиш, халқимизни баҳраманд этиш эди.

Маълумки, серқирра олим, тадқиқотчи ва адиб Заҳириддин Бобурнинг манбаларда қайд этиладиган, аммо ҳалигача бизга етиб келмаган асарлари бор. «Ҳарб иши», «Асрори мусиқий» рисоалари шулар жумласидандир. Республикамиз газеталаридан бирида чоп этилган тадқиқотда «Асрори мусиқий» асарининг қўлёзмаси Қашқарнинг марказий кутубхонасида сақланаётгани айтилган эди. Шунинг учун Зокиржон ака сафаримизни шу томондан бошлашга аҳд қилганди.

«Тойота» кичик автобусида йўлга чиқдик. Тарқибимиз бу гал анча ихчам: раҳбар Зокиржон Машрабов, Наманган Давлат университети профессори, бобуршунос олим Неъматилло Отажонов, Ўзбекистон телевидениесининг журналисти Фаррух Расулов, Бобур боғининг директори Илҳомжон Мамарозиқов ва камина...

Зокиржон аканинг кўнгил яқинларидан бир нечаси бизни то Қирғизистон чегарасигача (Хўжабод билан Ўш ўртасида) кузатиб боришди. Улар орасида ўшлик Нўмонжон Давидов, Ўш шаҳридаги Бобур номли ўрта мактаб директори Бахтиёржон ҳам бор эди.

# ҚИРҒИЗИСТОН

## «САРВҚОМАТ ДИЛБАР» ЮРГАН ДОВОНЛАР

Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ва Андижонга ихлоси баланд бўлган қирғизистонлик ўзбек дўстлар паноҳида чегарадан ўтиб, Ўш шаҳри ичидан юриб кетдик. Кўча узра ҳаволатиб тортилган матоларда, муюлишлардаги панноларда «Ўш — 3000» ёзувини кўриб, Ўш билан ёндош, йўлдош қадимий Андижонимизнинг асил ёши хануз аниқланмаганига таассуф билдирдик. Бундан сал аввалроқ Зокиржон ака ташаббуси билан Ўзбекистан Фанлар академиясининг Археология институти ва Бобур номидаги халқаро жамғарма ҳамкорлиги ва ҳомийлигида ана шу борада Андижон шаҳрининг айрим мавзеларида қазиш—тадқиқот ишларига киришилган ва қувонарли натижалар қўлга илина бошлаган эди. Зокиржон аканинг нияти улуғ, фараз-мўлжаллари эътиборга молик эди.

— Андижоннинг икки ярим минг йиллиги чўнтакда десак, бўлаверади, лекин менинг назаримда ундан ошади, — дерди у бу ҳақда гап кетса.

Ўшлик биродарлар бизни шаҳардан олиб чиқишиб, катта йўлга солиб қўйишди.

Қадимий Буюк Ипак йўлидан кун чиқишга қараб боряпмиз. «Йўл таъмирланяпти, тарихий шухрати, мавқеи ва хизмати тикланяпти», деган гаплар кейинги пайтларда тез-тез қулоққа чалинаётган эди, буни сезмаяпмиз. Кўчанинг ўртаси — бир машина сиққудай қисми бир вақтлар асфальтланган, лекин ҳозир путурдан кетган, ўйдим-чуқури кўп эди.

Ўшдан чиқишимиз билан икки ёнда яккам-дуккам тераклар, яйловлар, қирлар, тартибсиз тушган пастак уйлар, ора-орада тамакизорлар бошланди. Чегарасиздай, эгасиздай кўринадиган ўрикзор боғлар, ўтлаб юрган отлар, очик том ва чордоқларга босилган пичан ғарамлари чиндан-да, чорвадор юрт худудида эканлигимиздан далолат берарди. Пастак адирларда ўтлар қуриб, дарахтларнинг тепа барглари оч новвот рангга кира бошлаганди. Онда-сонда битта-яримта дарча-ойнали чодир-ўтовлар кўзга ташланиб қоларди.

Ҳадемай, адирларнинг бўйи ўса борди, лекин уларнинг ораликлари чуқур—чуқур эди. Саёз, суви кун нурида аранг ялтирашга етадиган тошлоқ—сайхонлар дарё ўзанига ўхшарди. Унча катта бўлмаган қўй, эчки подаларини ҳайдаб келаётган одамлар учрарди. Ҳайвонларнинг қулоғида темир исирға йўқ, демак, улар шахсий, якка хўжаликларга тегишли. Эшитишимизга қараганда, Қирғизистонда ер одамларга бўлиб берилган, ўтлоқлар бепоён — мол-қўйларини боқишади-да, азалдан чорвадор халқ... Подаларнинг хусусий эканлигига яна бир далолат шу эдики, от, эшак, сигир-бузоқ, қўй-эчки аралаш эди.

Лангар овулидан кейин сайхон қуйилашиб (йўлга нисбатан), ўзан чуқурлашди. Бекжар қишлоғи бошланди. Ундан чиқаверишда, ўнгадаги адирлар орасидан яқингина бўлиб оппоқ қорли пакана тоғлар кўринди. Қорнинг совуғи сезилди.

Ҳавонинг тафти пастлиги тўғрисида гап кетган эди, Неъматилло:

— Мен бугун Қамчибек акаларнинг анорхонасида қайралиб, чиниқиб олганман, анчамунча совуқ қор қилмайди, — деб ҳазиллашди. Мен шерикларга изоҳ беришга мажбур бўлдим, ҳамроҳлар:

— Эсизгина, билмабмиз-да, биз ҳам қайралиб оларканмизу... — дейишди кулишиб.

Олой районида (Қирғизистонда «район» атамаси сақланиб қолган эди) киришда йўл ўнг ва сўлдаги адирлар орасидан қисилиб ўтган эди. Кифтларини, ўмганини қор қоплаган тоғлар кўчага яқинлаша бошлади.

Гулча овул ҳукумати худудига — маҳобатли тоғлар бағрига кириб боряпмиз. Адирлар қизил тупроқли эди...

Тошқора овулидан ҳам ўтдик.

Жили Суу овулига етганимизда йўлнинг чап томони бўйлаб кетган ўзандаги сув тесқари, яъни кун чиқишга қараб оқа бошлади. Гулчага кираверишда салобат тўкиб турган

отлик одамнинг ҳайкали кўринди, назаримда унда Манас эпосининг қаҳрамони сиймоси гавдалантирилган эди. Гулча — саришта, ораста шаҳарча эди. Айлана йўлдан (ўртада қанот кериб турган бургутнинг ҳайкали ҳам шу атрофга қандайдир баҳодирона бир кайфият, улғворлик бағишлаб тургандай эди) ўнгга — Саритош (140 км), Мурғоб, Хоруғ йўналиши бўйлаб кетдик. Шу жойдан сайхон кўчанинг ўнг тарафига ўтди. Ўн метрлар чамаси тубандаги кенг ўзанда ёйилиб оқаётган саёз сув йўналиши шахматдаги руҳ, фил, гоҳ от юришларини эслатарди. Кейин ўзан бирдан яна чапда пайдо бўлиб қолди.

Бир овуздан чиқаверишдаги «Мурдаш» деган номнинг ёзилишини кўриб, унинг ижодкорлари дидига ва ҳафсаласига қойил қолдик: ҳарфлар бургутнинг тепага ёйсимон кўтарилиб, учлари бир-бирига тегиб турган қанотларига жойлаштирилган эди.

Кунелек мавзеининг икки ёни шағалли, кўчиши осон тик адирлар эди.

— Карвонни қор босиб, Умаршайх Мирзо ёрдам учун одам жўнатган жойлар шу, — деди Зокиржон ака (У илгари ҳам бу ерлардан ўтган эди).

Бобур Мирзо падари бузруквори Умаршайх Мирзо ибн Султон Абусаид Мирзо ибн Султон Муҳаммад Мирзо ибн Мироншоҳ Мирзо ибн Соҳибқирон Амир Темурнинг шахсий фазилатлари, хусусан унинг саҳоватлилиги ва олижаноблигига таъриф берар экан, мазкур тарихий воқеани мисол қилиб келтиради. «Адолати бу мартабада эдики, Хитой қорвони келадурганда, — дейилади «Бобурнома»да, — Андижоннинг шарққий тарафидаги тоғларнинг тубида минг ўйлук қорвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб мухассиллар йибориб, қорвоннинг жамъи жиҳатини забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эди, бовужуди эҳтиёт сақлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб (яъни, юк-молларнинг эгаларига дахлдор кишиларни топтириб — Қ. К.) келтуруб, молларини солим топшурди...»

Ҳа, Бобур Мирзодаги англизу ҳинд олимлари, муаррихлари ҳавас билан эътироф этишган ҳалоллик, назари тўқлик, мардоналик, олижаноблик каби қатор инсоний фазилатлар унга ота-боболари қонидан ўтган эди.

Биз бораётган довон йўли камқатнов, машиналар онда-сонда учраб қоларди. Тоғлар билан адирлар қават-қават бўлиб аралашиб кетган. Адирларнинг тепасидан қуйига қараб тарам-тарам бўлиб тушган сув излари ғўза жўяқларини эслатарди — бундай манзарани мен бошқа тоғли йўлларда учратмагандим.

“Анорхона ва ит” мавзуи тез-тез қайтарилиб турибди. “Ховли”ни кўрсатиб, Бўйноғимизнинг ювошлигини эслатиб қўймай, бояқиш профессорнинг роса адабини берибман-да, ўзимга ҳам энди нашъа қилипти. Қайси хаёл билан индамай ичкари уйга кириб кетавердим экан – ҳайронман. Бунақа одатим йўқ эди. Алламаҳал бўлиб қолди, азонда жўнаш керак, бир ухлаб турамиз-да (Аслида ўзим ҳам меҳмонликнинг ана шундай нокулай жиҳатларини андиша қилиб, мумкин қадар ўзга хонадонларда тунаб қолмасликка ҳаракат қиламан...), деб ўйлаганман-да.

Қизил тупроқли адирлар кўринди.

— Бу ҳақда ҳам “Бобурнома”да ёзилган, — деб қўйди Зокиржон ака. Мен Бобур Мирзонинг айни шу жойлардаги қизил тупроқли адирлар хусусида сўз юритганини эслолмадим. Бироқ, барибир Зокиржон ака геолог сифатида ҳам бу борада билгувчирокдир.

“Бобурнома” тили, услубининг анча мураккаблиги, уни луғатсиз тушуниш қийинлиги ҳақида кўп гапиришади. Мазкур комусий асарни тадбил қилиш, яъни соддалаштириш керак, дегувчилар бор. Бу борада анча-мунча уринишлар ҳам бўлган. Дарҳақиқат, мен ҳам Бобур Мирзога дахлдор мавзуда бирон маълумот зарур бўлиб қолса, “Бобурнома”ни варақлайман. Табиатшунос, арбоб Зокиржон Машрабов эса, назаримда, бу улкан ҳажмли китобни ёдлаб юборгандай эди, унинг мураккаблигидан зорланмасди.

Чап ёндаги адирлар қизғиш, ўнгдаги адирлар тупроғи бир неча хил тусда бўлиб, уларнинг рангини бир-бирдан ажратиш ва таърифлаш қийин эди. Сойнинг қирғоғи жуда тик, қалъанинг мудофаа деворларига ўхшарди. Йўлдан ичкарироқдаги яккам-дуккам уйларнинг деворлари ҳам қизғиш.

Рўпарада Тиёншон тоғларининг тизмалари салобат тўкиб туради.

Уч даба (Уч тепа) деган жойнинг адоғига етдик. Бу узундан-узок довондан борарканмиз, хаёлимдан бир мулоҳаза кечди: ажабки, олис-олис шаҳарлар ва юртларни уловчи йўлларнинг аксарияти тоғ ва адирлар орасидан ўтади. Масалан, Покистонда ҳам, Эронда ҳам...

Саритош постидан кейин қорли тоғлар қуршовига тушиб қолгандай бўлдик. Лекин сийраклаша-сийраклаша, йўлдан беш-олти кадам наригача келган қорнинг совуғи йўқдай туюларди – худди кинолардаги сохта қордай...

Куёш чарақлаб, нурлари оппоқ қор устига кўпроқ тўкилаётгандай...

Аҳоли яшайдиган жойлардан анча йироқлашиб кетган эдик. Шу чекка ерларда яна бирдан уйлар пайдо бўлиб қолди. От, той, эшак ва бошқа чорва ҳайвонлари кўп эди. Бу овулчанинг номи Ақ босоға (Оқ бўсаға) экан — баланд тоғлар остонаси деган маънода бўлса керак. Уйларнинг томини ҳам қор босган. Бир жойда қимиз сўрамоқчи бўлиб тўхтаган эдик, бир неча бола югуриб келишиб, бизни, машинамизни қизиқиш билан томоша қила бошладилар. Чингиз Айтматовнинг содда қишлоқ болалари тасвирланган “Оқ кема” қиссасидаги шундай манзара ёдимга тушди.

Йўл анча носоз, қаршимиз икки ён тоғлардан иборат, биз гўё тоғни ёриб борардик. Рўпарадаги тоққа яқин борганда кўча ўнг ё чапга бурилиб кетарди. Бир оз юрганимиздан кейин яна шу ҳолат такрорланади. Йўл олдимиздаги тоғ пойида тугайдигандек туюлаверарди.

“Талдык перевали — 3630 метр” ёзувидан кейин йўл аста-секин кўтарила бошлади. Олой – Помир йўли эди бу. Айлана-айлана – илон изи сўқмоққа ўхшайди. Қорли, нобоп, ваҳимали. Чираниб, бўкириб чиқиб кетаётган юк машиналари орқасидан тушиб қолдик. Чингиз Айтматовнинг “Сарвқомат дилбарим” қиссаси, ундаги абжир ва қайсар ҳайдовчи-қахрамонлар хаёлимдан ўтди. Яккам-дуккам, вақтинча солинган, омонат қўнқайиб тургандек кўринадиган уйларнинг бирида ҳали ҳам армони дили тубига чўкиб кетган маҳзуна Асал яшаётгандек назаримда...

Энг баланд чўққи қуршовида оқ айиқ чўнқайиб ўтирганга ўхшовди, яқин борсак, у айиқнинг ҳайкали экан.

Тепада қор қалин эди. Эрталаб Зокиржон ака “йўлда қолиб кетамиз”, деб бизни шошилтирганида ваҳима қиляпти, деб ўйловдим.

Саритош овулига қиряпмиз. Бўйи уч метр келадиган якка, яхлит тош устидаги тик бурама шохли эчки ҳайкали ёнидан ўтиб, ўнгга – гоҳи қорли, гоҳи қорсиз адирлар орасидан юриб, пастга – кенг дарани кесиб ўтган йўлга тушиб олдик. Андижондан шу жойгача 250 чақирим йўл босдик. Баландлиги беш минг метр бўлган довон орқада қолди. Ҳавоси Астрободникига ўхшайди.

Саритош. Чўзма камалак айрисидек йўл чиқди: ўнгроққа қараб кетгани Хоруғга олиб борарди. Биз чапроққа — Хитой Халқ Республикаси томонга юрдик.

Ҳаво совук, одамлар кишки, қалин кийимларда эди.

Рўпарада — анча олисда ўнг тарафга, кун чиқишдан кун ботиш томонга чўзилиб кетган Помир тоғлари кўриниб турарди. Собиқ Ленин, Сталин чўққилари ўша тоғнинг баланд, тик, Бобур Мирзо айтганидай «қор ўксумас» қояларида эди.

Саритошдан чиқишдаги 3-чи км.да қирғиз чегара — назорат пунктида бир оз туриб қолдик. Бир неча чақирим орқага қайтиб, Хоруғга кираверишдаги маҳкамага бориб, паспортларингизга муҳр бостириб келасизлар, дейишди. Зокиржон ака раҳбарлигида кеч қолаётганимизни, соат бешгача кейинги довондан ошиб, чегарага етиб олишимиз зарурлигини айтиб, ўтиндик. Хуллас, у деб, бу деб ўтиб олдик. Лекин мана шу «ўтиб» олишимиз кейин бизга кўп қимматга тушди...

Зокиржон ака бу ерларнинг ҳам иқлими, табиатини яхши биларди.

— Бу энг баланд жой. Аёллар кўз ёриш учун пастга — Саритошга тушишади, — деди у (Иқлим, ҳаво босими шуни тақозо қилар экан).

Паст-текисликлардан иборат Олой водийсининг ўртасида эдик. Бир вақтлар Ўзбекистоннинг, аксарият Андижон вилоятининг чорва мол-қўйларини ёз бўйи боқиш учун шу жойларга олиб келинарди.

Чегара — Эргаштомгача етмиш км. қолган эди.

Ўнгдаги ўзанда қизғиш тусли сув бошланди (Бу ҳақда ҳам «Бобурнома»да ҳўб айтилган).

Тўғри кетган йўл ниҳоятда узун бўлгани учун жуда зерикарли туюларди. «Нананай» ашуласини эсладим. Бир вақтлар мана шу йўлдан Қашқарга жўнашган икки қитмир ҳамроҳ галма-галдан бир-бирини опичтириб оладиган бўлишибди, елкада бораётган одам битта ашула айтади, кейин алмашамиз, деб шартлашибдилар. «Аввал мен кўтараман», «йўқ, аввал мен...» деб хийла мулозимат қилишибди. Хуллас, дастлаб Эшмат елкага чиқиб, узоқ айтиладиган бир ашулани — «Ушшоқ»ни бўлса керак-да, мумкин қадар чўзиб хиргойи қилишга тушибди. Тошмат индамай уни кўтариб кетаверибди. Эшмат ашуланинг авжларини ҳар қанча чўзса ҳам миқ этиб эътироз билдирмабди. Ниҳоят Эшмат хижолат бўлиб ерга тушибди ва унинг кифтига Тошмат чиқибди-да, хониш бошлабди. Нағманинг сўзи битта — «нананай» экан. Эшматнинг елкасига астойдил жойлашиб олган Тошмат нуқул: «нананай, нананай, на-на-най, у-у-у-в на-на-най...» дермиш холос. Аввалига Эшмат: «алқасос-ул ми-налҳақ, аламини оляпти, ҳа, майли, қани, қаергача бораркин...», деб сабр қилибди. Қараса, Тошмат хиргойининг ҳатто оҳангини ҳам ўзгартирмасмиш (Ашула деган секин-аста кўтарилиб авжга чиқади ва яна пастлаб, тугайди-ку). Охири, бардоши чидамабди.

— Тошматвой, бу, ашулангизни авжиям борми, — дебди у бир тўхтаб, орқасидаги сирғалиб пастлаб кетаётган «юк»ни тепароққа силтаб.

Шунда Тошмат бамайлихотир:

— Нафасни қаттиқ олинг, авжи қайтишда бўлади, — деган экан...

## ОЙ КУЛАР ҲОЛИМИЗГА...

Юпқа қор қуёш нурида жимирлаб, кўзни тиндиради. Шўнғиб чикиладиган бешик-бешик йўлдан жуда секин юришга тўғри келарди. Қор, машина салгина из солган, сирғанчиқ, икки ён, жуда чуқур бўлмаса ҳам, харқалай, пастлик эди. Буниси ҳам ҳолва экан. Бир неча км.дан кейин қори эриб, лойи чиқиб қолган йўлда юриш баттар қийинлашди. Лой қорга нисбатан ҳам сирғанчиқроқ эди. У ёқда — Хитой чегарасида бизни кутишмоқда эди. Тошкентда Хитой элчихонасидагилар «сизларни чегарада қарши олишади», деб биздан етиб бориш муддатимизни сўрашганида, Зокиржон ака «соат иккиларга ҳаракат қиламиз», деган эди. Шошилганимиз сари йўл унмаётганга ўхшарди.

Одам, машина учрамас, ҳайвону парранда ҳам кўринмас, умуман, зоғ учмас жойлар экан.

Тобора кўтарилиб, анча баландга чиқиб кетдик. Ўнгдаги Помир тоғлари билан тенглашай деб қолдик. Андижондан ҳисоблаганда уч юзинчи км.да бормоқда эдик. Самолётдагидай, кулоқлар шанғиллай бошлади. Фаррухнинг юзлари қизариб, кўзлари катта-катта бўлиб кетди.

— Қон босимим кўтарилиб кетди шекилли, бундан баланд довлардан ўтганимиздаям бунақа бўлмовди, — деди у хавотирланиб ва равнатин дорисидан ичиб олди.

Бирдан ўнгда ола-чалпоқ қорли, чапда эса умуман қор асорати йўқ тоғлар бошланди. Йўл тупроқли, изимиздан чанг кўтариларди.

Нура дарёси кўпригидан ўтишимиз билан ўнгда бир тўп, анча зич тушган уйлар кўринди. Бу овулчанинг номи ҳам Нура эди. Ажабо, шу жойлардаям одам яшаркан-а!.. Умуман, Қирғизистон ҳудуди ҳам катта экан, менга аҳолиси озгина, мўъжазгина мамлакатдай туюларди.

КПП, Божхона деган жойда ҳам тўхтамай, тўғри чегара — заставка борибмиз. Кулиб турадиган, истараликкина аскар ва унинг ҳамроҳлари паспортларимизни кўриб, ҳеч қандай белги йўғу, божхонага бориб муҳр бостириб келасизлар, деб қолишди. Биримиз қўйиб, биримиз «жуда қийинчилик билан етиб келдик, кеч қоляпмиз, нариги кўшнилариингиз бизни кутишяпти, ўтказиб юборақолинглар», деб илтимос қилишга тушдик. Аскар йигит сал юмшаётганга ўхшардию, бирдан бошини сарак-сарак қилиб айниб коларди. У қувгина экан.

— Ана, жақин-ку, корунуб турот, а демей барыб келесиздер, — деди у.

Бу иш бирпасда битмаслигини билардик. Аскарга ўзингиз бирга юринг бўлмаса, бу жойлар совуқ экан, биз юпқа кийимлардамыз, тезлаштиришга ёрдам беринг, бир яхшилик қилинг, — деб ўтиндик қайта-қайта.

— Жок, мен чегерени таштап кетелбайм, мана, сиздерге бир адамди қoшуп берем, — деди аскар ниҳоят.

Афсуски, КППчилар комендатурага кетиб қолишган, у ерга бориш учун яна йигирма беш чақирим орқага қайтиш керак. Бошқа чорамиз ҳам йўқ эди.

Яхшиямки, йўл кўрсатувчи бор, акс ҳолда анча овора бўлишимиз турган гап экан. Комендатура — божхоначиларнинг яшаш маскани ҳам бўлиб, келган йўлимиздан анча ичкарида, унга кўримсизгина сўқмоқ сифат йўлдан кириб кетиларкан. Етиб борганимизда коронғи тушган эди. КППчилар биздан рухсатнома (виза) талаб этишди, «лоақал бизнинг худудимизга киришда муҳр бостиришларинг керак эди», дейишди. Ўшдаги, Бишкекдаги раҳбарларига (миллий хавфсизлик бўйича) қўнғироқ қилишди. Улар «бизнинг хабаримиз йўқ, ўтишларига рухсат берманглар», дейишибди.

КППчилар асли Хитойга бошқа КППдан — Тошкент, Қозоғистон, Иссиқкўл орқали бориладиган Тўрағат КППсидан ўтишимиз лозимлигини айтишди. Дарҳақиқат, экспедиция аввалги сафар Қашқарга ўша томондан юрган эди. Лекин у ҳолда Қирғизистондан ташқари Қозоғистонга ҳам рухсат олишга тўғри келарди.

Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ботирали Сиддиқов «шу йил (яъни, 2000 йил) 2 июль куни Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматларининг виза битими бўйича шартнома имзоланган, ўша ҳужжатга асосан Қирғизистон худудидан уч кун ичида чиқиб кетиладиган бўлса, виза шартмас, бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ» деган эди. КППчиларнинг айтишларича, бундай ҳужжатдан хабарлари йўқ, уларга ҳеч қандай кўрсатма келмаган эмиш.

КППчилар бошлиғи Замир исмли жалолободлик йигит бўлиб, отаси ўзбек экан. Лекин у ўз қиёфасига ўта жиддий тус берган ҳолда, фикри-талабида собит турарди. Назаримизда, қирғиз КППчиларида «бошқа давлатларга рухсат олишибдию, нега бизнинг мамлакатга олишмайди?!» деган қайсарона манманлик бор эди.

1993 йилги сафарда Хиротдан Эронга ўтолмай орқага қайтганимиз, Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги чегара худуд — Ваагада уч кун қолиб кетганимиз эсимга тушди. Ўшанда ҳам шундай ҳолатга тушган эдик. Лекин у мамлакатларнинг одамлари руҳан ва табиатан, ҳам масофа жиҳатдан биздан узоқ, борди-келдимиз деярли йўқ эди, қирғизлар билан азалий ёндош, қондош, куда-кудағаймиз, бир ариқдан сув ичиб, бир тоғ ҳавосидан нафас оламиз-ку... Тўғри, орада бир низо чиқди, лекин бу мудҳиш фожианинг асл сабабчи ва ижрочилари қандайдир бир тўда манқуртлар эканлиги маълум бўлди-ку... Биз шунга ишондик-ку...

Шу жойда Зокиржон ака чегарачилар билан можаро қилиб турган пайтда жануб томондаги тоғ тепасида бирдан лоп этиб тўлин ой пайдо бўлди. Чанг-ғуборсиз осмонда Ер йўлдоши ниҳоятда тиник, турли шакл ва доғлари жуда аниқ кўринарди. Унинг акси турган жойимиз ёнидан шимоли-жануб йўналиши бўйлаб ўтган ўзанда ёйилиб оқаётган саёз сув юзида жимир-жимир қила бошлади. Бироқ, афсуски, биз ҳозир бу гўзалликни завқ билан томоша қиладиган алпозда эмас эдик.

Хийла чўзилган тортишувдан кейин масала КППда ҳал этиладиган бўлди. Чегарачилар билан бирга орқага қайтдик.

Айланма йўллардан кетиб борарканмиз, ой гоҳ чап, гоҳ ўнг томонимизда кўринар, дам орқамизда қолиб, бирдан рўпарамизда пайдо бўлар — у гўё биз билан бекинмачоқ ўйнаётганга, йўқ-йўқ, ҳолимиздан кулиб, эрмак қиляётганга ўхшарди.

Хуллас, кайфиятлар чаток.

Биз ишни хом қилган — тезда Қашқарга — иссиқ жойга ўтиб кетамиз, деб анча енгил кийинган эдик, жунжика бошладик. Фақат кўпни кўрган, кўп юрган Зокиржон ака тажрибалилига бориб, қалин куртқалар, кепка, қалпоқлардан ғамлаб олган эди. Қирғизистон



билан Хитой ўртасидаги йўлнинг бунчалик нобоп ва совуқлигини, бунинг устига, кутилмаган муаммолар чиқиб қолиши мумкинлигини ўйламаган эканмиз.

Мана, экспедиция роҳатию гаштлари...

Саритошдан чиқишдаги назорат пунктида кўнгилчан чегарачи йигитларни авраб ўтиб олганимизда уларни боладик деб хурсанд бўлган эдик, лекин аслида биз ўзимизни болаган ва энди ўшандаги беўрин қувончининг қиясини тортмоқда эдик.

Нима қилиш керак, вазиятдан қандай чиқиш мумкин, деган масалани ўзимизча муҳокама қилиб кетяпмиз. Зокиржон аканинг мулоҳазасига кўра, Ўшга бориб, унинг танишларини ишга солиш, у ердан Андижонга, Тошкентга ва бошқа жойларга, керакли одамларга кўнғироқ қилиш ўнғай бўларди. Лекин Ўшга бориб келишнинг ўзига икки кун вақт кетади. Бугун тўққиз соатда етиб келдик. Энг асосийси — келган йўлимиздан қайта юришга ҳаммамизнинг юрагимиз безиллар, Илҳомжон эса феълига зид равишда: «Нима десанглр ҳам мен бу йўлдан яна юрмайман, бошқа чорасини топайлик», дерди кескин оҳангда.

Божхона ҳудудига жойлашган КППнинг маҳкамасига қайтиб келдик. Соат кечки саккизларгача муҳокама ва можаро давом этди. Ўшга, бизни кузатиб қўйишган танишларга кўнғироқ қилинди.

Иш битмади. Шу жойда алоқачи бўлиб ишлайдиган Гуля (асли Гули) деган қирғиз жувони бизни ўзининг икки юз қадамлар наридаги кулбасига олиб кетди. Кулба — қоқ ярмидан тахта билан тўсилиб, икки хонали уйга айлантирилган поезд вағони эди. Бекамиз бир хонага шам, иккинчисига тошфонар ёқди. Ғира-шира ёруғда тамадди қилдик.

Кейин торгина бўлмаларга бўлиниб, ҳатто пайпоқларни ҳам ечмай, Гули тўшаб берган ўринларга омонатгина чўзилдик. Зокиржон ака галстугини ҳам ечмади («томоқни иссиқ сақлайди» деб). Жувон устимизга эски пўстинми, адёлми — топган-тутганини бостириб ташлади (Бу ерда муваққат яшашгани боис кўрпа-тўшаклари кўпмас, қолаверса, бизга ўхшаган улгуржи ижарачилар ҳам кам бўлар экан).

— Анорхона, ҳарқалай бунчалик совуқ эмас эди, — деди профессор.

Жой даштсимон, далланг бўлгани учун яқин атрофдаги қорли тоғлардан келаётган изғирин вагонлар оралиғидан ғувиллаб ўтар, шамол кучайганда ташқарида нимадир қисирлаб, вагонимиз тебрангандай туюлиб кетарди.

Бўлмалар ўртасидаги эшик ўрни очиқ қолдирилган, турли оҳанг ва услубларда жаранглайдиган хуррақлар, ҳатто тиш ғижирлатишлару пишиллашлар ҳам бемалол эшитилиб турарди. Насриддин афандига ўхшаб Фаррух билан Илҳомжонни икки ёнига олиб ётган Неъматилло эрталаб: «тушингизда ким биландир роса ғижиллашдингиз-да, жуда ёмон сўқдингиз, ёқалашиб ҳам кетдингиз шекиллиг-ов», деб Фаррухнинг жиғига тегди. У жиддий туриб гапиргани туфайли ҳазиллари ҳам чинга ўхшарди. Бироқ, Илҳомжонга хуррақ борасида қилган хужуми муваффақиятли чикмади. Илҳомжон умуман хуррақ отмас экан.

Гули чўян печкасини ёққандан кейин «хона»лар анча илиган эди, лекин кечаси ўт ўчгач, совиб кетди. Ярим тунда кимдир ташқарига чиқмоқчи бўлиб, қоронғида вагон эшигининг зулфинини тополмай роса китирлатди, ғудранди. Қисқаси, барвақт туриб кетдик. Мен «ит ётиш, мирза туриш» деган маталнинг мағзини унча чақолмай юрардим, чақдим...

*12 октябр, пайшанба*

Соат олтилар (бу жойнинг вақти билан етти) эди. Вагоннинг лиқилдоқ зиналаридан қалтираб-қунишиб ерга тушдик. Обдастадаги ярим яхлаган сувда юз-қўлларимизни наридан-бери ювдик. Изғирин учираман, узиб оламан, дейди. Кечкурун қоронғида яхши кўрмаган эдик. Чегарачиларга мўлжалланган вагон-уйлар ўнтача бўлиб, улар мутлақо тартибсиз ўрнатилганди.

Кеча йўлда кўрганимиз қизил сувли сой шимол томондаги баланд, кекса тоғлар пойидан ўтган эди.

Ҳаво оғир, атрофда ҳеч бир дов-дарахт, майса-кўкат йўқ эди. Шиғил тош ва совуқ бўлгани учун дарахт яхши ўсмас, тупроғида картошка ҳам битмас экан.

Гуля кечкурун бизга чой дамлаб, ўрин тўшаб бергандан кейин ўзи яна ишхонасига чиқиб кетган эди. Эрталаб келиб печка ёқди, чой дамлаб, тухум қайнатиб берди. Тухум иссиқ бўлгани учун арчилиши қийин эди.

— Совуқ сувга солинмабди-да, — деган эдим, Гуля чека туриб (унинг мана шу қилиғи ўсал экан):

— Сув жўқ, — деди.

Этакдаги қизил сой узоқ — уч километр ва суви шўр эмиш. Эринчоқлигидан сал ошириб юборди-ёв деб ўйладим. Назаримда унча олис эмас эди.

— Таза суу учун он километр узактыкка — Нура айылына баруу керак, — дея ўзига ўзи изоҳ берди Гули.

У печка ёнида, пастаккина курсида ўтириб сигаретни тутатганича, оловни ковлаб, ўз ҳаётидан гапира бошлади...

Гули эри билан анчадан бери шу ерда, КППда хизматда экан. Йигирма кун суриб ишлашаркан-да, ўн кун Ўшдаги уйларига (300 км.) бориб, «яшаб» келишаркан. Ойлик маоши уч ярим-тўрт минг атрофида (уларнинг бир сўми ўша пайтда бизнинг ўн беш сўмга тўғри келарди) экан. Ҳа, бу ерга фақат пул ишлаш учун келиш мумкин, яшаш учун шароит йўқ эди.

Мана, одамзотнинг умри, яшашдан мақсади!..

— Кўпроқ сув ишлатишга тўғри келиб қолса-чи? — деб ҳазиллашди кимдир.

— КППда аз-коп болсо-да шарайит бар, — деди Гули кулиб.

Уларнинг тунаш жойлари идоралари ёнида бўлиб, вагон-уйлари келди-кетди учун, ижарачилар учун кўноқхона (бизнес) экан.

Гулянинг қайсидир феъллари (тортинмаслиги, эркакшодалиги) «Сарвкомат дилбарим»даги Ҳадичани эслатиб юборарди.

— Гулянинг музхонасию ҳар битта тухуми хийла пулга тушди, — деди Зокиржон ака КППга кетаётганимизда.

Кечкурунги КППчилар (Замир раҳбарлигида) комендатураларидан соат тўққиз яримларда келиб, маҳкамаларига кириб кетишди.

Кутяпмиз, КПП идораси рўпарасида, машинамиз ён-атрофида у ёқдан бу ёққа юрамиз. Ҳаво очик, лекин изиллатади. Кўлмак сувлар музлаганди. Мавжуд қалинроқ уст-бошларни кийиб олганмиз. Мен кеча шамоллаб бўлган эдим. Ўчакишгандай, бош кийим олмаган эканман. Акса уравериб безорман. Бунинг устига, ҳавоси оғир бўлгани учунми, овқатлар зарда қилиб, жиғилдонни қайнатяпти. Зокиржон ака уч-тўрт кундан бери тумов эди, кечадан бери кучайди. Фаррух ҳам бурнини тортиб-тортиб юрибди.

— Шамоллаш ҳеч нарсамас, кеча довонда жуда ёмон бўлди, — деб қўяди у тез-тез.

— Кўзларимнинг катта-катта бўлиб кетганини ўзим ҳам сезиб қолдим, назаримда худди отилиб чиқиб кетадигандай туюлди.

Чўнқайиб ўтирамыз, турамыз, юрамыз, муҳокама қиламыз, режалар тузамыз.

— Ўшга борамиз, Андижон билан, Тошкент билан боғланиб кўрамиз. Иш битмаса, сизлар танишларникида туриб турасизлар, мен зарур бўлса Бишкекка бориб келаман. Ёки ҳаммамиз Тошкентга кетаверамиз-да, Қозоғистон, Қирғизистонларга виза олиб, Тўрағат орқали ўтамыз Хитойга, — дейди шеф.

— Мабодо қайтишга тўғри келса Андижонга қандай борамиз, — деймиз. — Кўрган-эшитган одам нима деб ўйлайди? Яхшиси, Андижонга кирмай, халқа йўлдан кечаси ўтиб кетиш керак...

— Помир билан Тиёншоннинг туташган ерлари бу, — дейди Зокиржон ака чор тарафдан қуршаб турган ҳайбатли тоғларга қараб. У яна Ўшдаги танишларга, Тошкентга, элчи Ботирали Сиддиқовга, Хайриддин Султонга сим қоқди. У ёқдан Бишкекка, Бишкекдан Ўшга, Ўшдан бу ерга қўнғироқ қилиб айтишадиган бўлди. Алоқа пунктидаги телефон алмисоқдан қолган, Смольнийдаги каби, керакли жой билан боғланиш қийин. У ердаги бақариб гапиришлар ташқарига аниқ эшитилиб турарди. Хизмат ҳақи эса жуда қиммат эди...

Чегарачилар — қонун ижрочилари...

Уларнинг муайян вазифалари ҳам йўққа ўхшайди. Бир-иккитаси ичкарида, қолганлари ташқарида, бизнинг ёнимизда, бизга ўхшаб у ёқдан бу ёққа мақсадсиз юриб вақт

ўтказишарди. Раҳбар маънавият ҳақида, Бобур жамғармаси ва экспедициянинг қилган ишлари тўғрисида тўлиб-тошиб, куйиб-пишиб гапиради. Чегарачилар эса кўллари чўнтакда, кўзлари атрофда, этигининг учи билан ердаги майда тошларни тепиб-ўйнаб, лоқайдлик билан эшитишади, лекин оғизларидан маъқулловчи гап, умуман, бирон калима чикмайди. «Гапни гапир уққанга...» деган мақол эсга тушади.

КПП маҳкамасининг ёнидаги ошхона ошпази Ҳосилбек деган ўшлик ўзбек йигит экан, бизни памил, кўк чойлар, шакар билан сийлади. Унинг магнитофонидан «Кимга айтаман?» кўшиғи жаранглаб, атрофга таралмоқда эди.

— Кейинги пайтларда эстрада авж олиб, ўзимизнинг миллий, мумтоз ашула ва куйларимиз орқа планга тушиб қолди, — деди Зокиржон ака.

Ҳақ гап.

Фаррух телевидение ходими сифатида ўз муносабатини билдираркан, бу ҳолнинг сабабини радио-телевидениеда ишловчиларнинг ёши, нуқтаи назари билан боғлади.

Яна кутяпмиз. Тайинли гап йўқ.

Бир давлат сарҳадидан иккинчи мамлакат ҳудудига ўтиш ғовлари — қатма-қат назорат пункти, божхона, чегара — застава... улардан ташқари ана шу «ғов»ларга яқинлашиш олдида ва чиқишда яна ҳарбийлар паспортларни синчиклаб текшириб ўтказишади. Тавба, дейман, катта-катта юк машиналарида таъқиқланган маҳсулотлар, наркотик моддалар, курол-яроғ, дори-дармон, озиқ-овқат ва бошқа беҳисоб нарсалар қандай ўтиб кетаркин?... Мана, бизни — бутун номаи аъмолимиз, фақат илм билан шуғулланиши аниқ бўлган зиёлиларни икки кунлаб тутиб туришибди-ку!..

Ҳа, биз кечадан бери кутяпмиз. Умр ўтмоқда, қорин эса очмоқда...

Туш бўлди. Ҳосилбек божхона ва КПП ходимларини тушлик қилдиргач, бизни палов билан меҳмон қилди. Пул берсак, олмади. Шефнинг командаси билан «Ҳинд сориға»дан ҳада қилиб юбордик.

Алқисса, шу куни Муҳаммад Юсуф шеъри асосидаги «Мен дардимни кимга айтаман?» (бизнинг ҳоли-ҳолатимизга мослигини айтинг!) ва Шерали Жўраевнинг «Гулбадан» ашулаларини тинглаб кечкирттирдик.

## ХОМ САНАЛГАН ЧУЧВАРА

Шу куни Ўш ва Тошкент билан бир неча марта сўзлашилгани учун телефон ҳаққига ўн етти минг сўм тўланди. Икки-уч кун гаплашиладиган бўлса, терини шилиб олишади шекилли!

КППчилар эртага ҳал бўлиб қолар, деб кетишди.

Бугун ҳам шу ерда тунашдан ўзга чора қолмади. Ётоғимиз ўзгарди. Ошпаз ва бошқа ходимлар ётадиган бинодан бир хона беришди. Раҳмдилликлари ва одамгарчиликлари тутиб кетди чамаси. Полига зангори палос тўшалган хона иссиқ ва озодагина эди. Каравотлар бор. Тўғри, улар тахтали, қаттик, бунинг устига матрасларининг пахталари сурилиб-турилиб кетган эди, лекин, шунисиғаям шукр. Ўзимизнинг йўл тўшакларимизни солиб, хийла эпақага келтирдик. Умуман олганда, кечагига қараганда бугунги кўноқхонамизни «беш юлдузли» деса ҳам бўлаверади.

Яна ҳолатимизни муҳокама қилишга тушдик.

— Мен ишонувчанман, одамларга ишонаман,-дейди раҳбар. — Элчи Бургуталининг (Зокиржон ака «Ботирали» ўрнига нуқул, «Бургутали» дерди) гапини рост деб ўйлаганман-да, ахир, уни айнан мана шундай масалаларни ҳал қилиш учун давлат вакили сифатида қўйишган-ку. Эҳтимол, у ҳақдир, фақат ҳукумат қарори чиндан ҳам бу ерга етиб келмагандир, чунки бу асосий чегара эмас экан-да...

Ётиш олдидан хурракчилик ва уйқусираб гапириш мавзуида сўз кетди. Неъматжон, ўзининг айтишича, «қуш уйқу» экан (демак, унинг бизникида яхши ухлолмаганинг сабаби фақат анорхона иқлими ва ҳовлида бўш юрган Бўйноқ билангина боғлиқ эмас экан), у ҳаммамизнинг хуррагимиз ва бошқа тунги феълларимизга баҳо бериб чиқди, айниқса,

Фаррухнинг тушида ким биландир ёқалашганини кўп эслатди. Хуллас, бояқиш димедрол ичиб ётди.

*13 октябр, жума*

Инсон боласи қизиқ табиатли хилқат-да, унга на совуқ ёқади, на иссиқ. Деярли ҳаммамиз безовта бўлиб ухладик. Каравотлар тинимсиз ғичирларди (қайтага кеча яхши ухловдик). Азонга бориб чироқ ўчиб қолувди, бу хона ҳам совиб кетди.

Эрталаб телефон муаммо бўлди: электрсиз ишламасди. Соат ўнларда чироқ ёнди.

Сафар анжомларини машинага жойлаётиб, дори-дармон солинган идишнинг қопқоғини маҳкам беркитган, илоҳим, шу идишни очмайлик, деб ният қилиб эдик. Қирғизистон чегарасидаёқ деярли барчамиз дори ича бошладик, ҳатто чегарачиларнинг ҳам бир нечтасига дори бердик.

Шу пайтгача бу чегарадан биронта ҳам автомобил ўтмаганмиш, агар бизга руҳсат бўлса, машина билан биринчи бўлиб биз ўтарканмиз.

Ўтган сафар Ҳиндистон остонасида уч кеча қолиб кетувдик. Ваагада, ҳарқалай, ҳинд диёрининг гўзал табиати — ўсимликлари, куш-паррандалари билан андармон бўлиб, унча зерикмаган эдик. Бу ерда қора ва тупроқ ранг тоғлару яйдоқ даштдан бошқа қизиқарли нарса, бир эрмак йўқ эди. Бизнинг битта овунчимиз бор эди, у ҳам бўлса — Неъматиллонинг латифаларию ҳазиллари... Профессоримиз хусусан шу жиҳатдан раҳматли Тўлқин Рўзиевга ўхшаб кетарди. Лекин латифа тинглаш ва ундан завқланиш учун ҳам ўшанга боп кайфият бўлиши керак экан...

Аслида, бу чанг-ғуборсиз жойнинг ҳавоси жуда тоза, бироқ назаримда бизнинг тану вужудимиз бунчалик тоза ҳавога ўрганмаган эди. Ҳарқалай, ҳавонинг мусаффолиги бизга унча сезилмасди. Бу ҳам, албатта, баҳри-дилимининг ҳолати билан боғлиқ бўлса керак.

Мен бу галги экспедицияни кўп орзиқиб кутган эдим, «орзулаганинг оғзингда қолади» деб бежиз айтишмас экан-да. Аммо умидим кўп ҳали олдинда... Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади, деган мақол бор...

«КППчилар Бишкек билан сўзлашишди, шуғулланишяптийкан, факс орқали хабар юборишаркан», деганга ўхшаш гап чиқди. Илинж учкунлари йилт этади, бироқ, учкун аланга олмайди.

— Яхшиямки, илмий экспедициямиз, бошқа тоифа бўлганимизда... — ғудуранади кимдир.

— Масалан, тижоратчи бўлганимизда аллақачон ўтиб кетардик...

— Биз ҳам бошқаларнинг йўлини тутиб кўрсакмикин...

— Энди кеч. Ўш, Тошкентларга телефон қилиб юбордик. Ўша кунни гапни шундан бошлаш керак эди...

Шефнинг бир феъли бор эди. Кайфияти носозроқ пайтда бирон таклиф айтсангиз, «Марҳамат, шуғулланинг, сиз ҳам мен билан тенг ҳуқуқли экспедиция аъзосисиз», — дея писанда қилади. Ва яна битмаётган ишимизни муҳокама қилиб, фалон ишни фалондай қилсак бўларди, десангиз ёки шу мавзуда савол берсангиз, бир енгил зарба билан шохингизга уриб қўяди:

— Нега ўшанда шу масала билан шуғулланмадингиз, шуғулланинг эди, ҳамма ишни менга ташлаб қўймай...

Лекин негадир унинг бундай таъна-дашномлари оғир ботмайди. Асли, биз ҳам, ўзи қўлимиздан ўшандай ишлар келмайдию ҳар хил фикр, маслаҳатларимиз билан раҳбарнинг жиғига тегиб, хунобини баттар оширамиз-да.

Кўпни билган, дунё кўрган одам камтар бўлади-да. Неъматилло Отажонов ҳам мана шундайлар сирасидан эди. ҳазилкашлиги эса нур устига аъло нур эди.

— Чегарачи, божхона ходими ҳам бўлмаган эканмиз, — дейди у уларнинг катта маоши ва бошқа «имтиёзлари»га шаъма қилиб. — Юрибмиз шоири даврон, домлаю гаврон бўлиб...

Раҳбаримиз инояти ва марҳамати билан йўл тадориғи пухта кўрилгани учун маиший-иқтисодий аҳволимиз яхши, озиқ-овқат захирамиз бисёр, қолаверса, Ҳосилбойвачча иссиқ

овқат, саримсоқ, аччиқ қалампир, лази, ўткир кўк чойлар билан сийлаб турибди. Ачинарли томони шуки, олтин вақтлар кетяпти, умр беҳуда ўтяпти.

Дарвоқе, қайтадиган бўлсак, соляркамиз ҳам тугай деб қолган, бу муаммо ҳам бор эди. Шу ердаги КамАЗ ҳайдовчиларидан икки юз эллик сўмдан (бизда ўша вақтда юз сўм эди) йигирма литр солярка сотиб олдик.

Кеча қуёш чарақлаётган эди, бугун ҳавонинг авзои ҳам бизникига ўхшаб тундлашди.

Кеча муносабат хийла дуруст эди, бугун эрталабдан хонадан чиқмай ўтиришмизни тайинлашди. Буниси энди ортиқча эди...

Лекин начора, мусофирмиз, бунинг устига, муроса учун ҳам уларнинг айтганини бажо этишга мажбурмиз. Албатта, ташқарига ҳам чиқиб турдик, фақат тўп-тўп бўлиб эмас...

Чикамиз, кирамиз, юрамиз, уф тортамиз...

Ён қўшнимиз — жон қўшнимиз, кечагина бир товоқда ош еб юрган кимсалар чегарасидан ўтиш мушкулоти сеғоҳ бўляпти, ҳали офтобда бирга қатиқ ичишмаган хитойликлар қандай кўйларни ҳозирлаб туришибдийкин?..

Оллоҳ ҳамма одамзотни бир яратган бўлса, улар давлат тузиб, чегара қилиб ўтирмай, тинчгина ҳаёт кечишса нима қиларкин...

Ҳа, шундай, бироқ бандалар ўртасидаги низо Хобил билан Қобилдан бошланган-да. Икки ён қўшни доим бир-бирларининг ғашига тегиб яшайди-ку...

Умуман олганда, бизникидай халқаро экспедиция чиндан ҳам собиқ Шўро мамлакатлари учун янгилик, кам бўладиган ходиса. Кейинги йилларда бундай сафар тўғрисида эшитганимиз йўқ-да.

Бундоқ ўйлаб қараганда, биз илм йўлида кетаётган маънавият кишиларимиз. Хўш, ўтиб кетсак, нима бўлиши мумкин? Ахир у ёқда — Хитой чегарасида бизни кутишаётган, ҳатто улар Қирғизистон чегара—назорат масканига шунақа экспедиция келади, ўтказиб юборинглар, деган маънода бизнинг рйхатимизни беришган бўлса!.. (Хитой Халқ Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси маъмуриятининг пухта ишлашига, батартиблигига қойил қолиш керак!)

Ниҳоят, факс келди: ўтишга рухсат тегди! Замир чегарага кетди. У байроқ кўтарар, хитойликлар унга жавобан байроқ кўтаришса (иккала заставадагилар бир-бирларини кўриб туришадиган масофа ва жойда эдилар), бизни ўтказиб юборишаркан. Энди бизнинг ҳадигимиз хитойликлардан эди. Ахир Хитой элчихонасидаги келишув бўйича уларнинг чегарасига биз икки кун аввал боришимиз лозим эди? Кутиб оладиган одам Қашқардан (500 чақиримча масофа!) келиши керак эди. Бизни келишмади, деб, қайтиб кетган бўлса-чи?

Юракларимизни ҳовучлаб кута бошладик.

Юракларимиз соатларимизга нисбатан тезроқ, қаттиқроқ урарди.

Ҳайриятки, Замир «Сизларни кутишяпти экан», деб келди. Соат 3.15 эди, қувончдан юзу кўзларимиз чарақлаб, Замир кузатувида Эргаштомга — чегарага қараб кетдик. Сим панжарали қопқани очиб беришди. Ҳатто Замир билан ҳам кучоклашиб, бутун гиналаримизни дилдан чиқариб хайрлашдик, унга раҳматлар айтдик. Ахир у ҳам ўз бурчини адо этди, Ватанига, ўз давлати тартиботларига садоқатини кўрсатди-да.

## ҚАШҚАР

(Хитой)

### “КИМ ҚАШҚАРНИ КЎРМАБДИ...”

Хитой чегара—назорат маскани анча баландликда жойлашган бўлиб, жуда аниқ кўришиб турар, унга айлана йўлдан кўтарилиб борарди (Умуман мана шу ерлар Эргаштом дейиларкан). Бетараф Худуднинг ўртасидан асфалт йўл бошланди. Хитой чегарасига киришимиз билан ўнг томондаги уйчадан озғин, ихчам бир йигит чиқиб бизни тўхтатди ва «усбек?» дея сўради ва жавобимизни эшитиб, ўтказиб юборди.

Гапнинг қисқаси, оч тиниқ нос ранг кийимдаги катта лейтенант (поғонида учта юлдуз бор) бошчилигидаги Хитой чегарачилари хуштавозе билан кутиб олишди. Бошлиқ рус тилини анча яхши билар ва ниҳоятда мулойим сўзларди. Мен Ёкуббек Яқвалхўжаевнинг «Қайтар дунё» романини эсладим. Ўттизинчи йиллардаги Қашқар ҳаётига бағишланган бу асарда маҳаллий хитой раҳбарлари ниҳоятда босиқ, асаблари жуда мустаҳкам, «яхши гапириб жонини ол» қабилида иш тутадиган тоифа сифатида тасвирланганди.

Вагон-идорада паспортларимизни кўздан кечиришгач, Ғолиб исмли уйғур йигити (дарвоқе, у бизни уч кундан бери кутаётган экан!) сал нарироқдаги божхонага бошлаб борди. Чапдаги тик қояли тоғлар пойигача чўзилган кенг ялангликда, Қирғизистон томондан олиб ўтаётганлардан мусодара қилинган бўлса керак, алюмин ва бошқа металллардан ясалган беҳисоб эски буюмлар, темир-терсақлар тартибсиз равишда ёйилиб, сочилиб ётарди.

Божхонада сумка, дипломат ва бошқа жамики тугун-бўғин, нарсаларимизии бир хонага олиб киришиб, бир чеккадан обдон титкилашди, газеталар, китобларни, профессоримизнинг уч-тўртта мақолалари қўлёзмаларини қайгадир олиб бориб, ўқитиб келишди, диктафон ва магнитофон кассеталарини машинамизнинг магнитофонига қўйиб эшитиб кўришди. Фаррухнинг қимматбаҳо камералари ва видео кассеталарини Қашқарда берамиз, деб олиб қўйишди.

Божхонанинг тинтувда иштирок этмаётган уйғур ходимлари, Ғолиб «тартиб-қоида шунақа, хафа бўлмайсизлар» деб биздан узр сўраб, таскин беришарди.

Майли-да, ахир Қирғизистондан Хитой худудига ўтиб олдик-ку. Топиб олишса нима қиларканмиз, деб ҳадиксирайдиган нарсамиз йўқ. Фақат, қоғоз-варақларга ғилоф сифатида ишлатган ўрисча газеталаримиздан бирида ним-яланғоч аёл сурати бор экан, ўшани олиб қўйишувди, шундан анча хавотирландик. Ахир Хитойда шарм-ҳаёсизлик билан шуғулланганлар, ҳатто шундай ҳодиса-ҳолатларни сурат ё бошқа тарзда тарғиб этганлар учун ўлим жазоси жорий этилган-ку...

Тафтиш ва бошқа маросимлар икки соатча давом этди. Божхона бошлиғи Эркинжон деган уйғур йигит ҳузурида бўлдик. У ҳам юмшоқлик билан узр сўради.

Бизнинг вақт билан беш яримда (бу ерда саккиз ярим) Ғолиб «Жип» машинага ўтириб йўл бошлаганида (машинада божхона бошлиғининг ўринбосари ва яна бир ходими — боя юк-анжомларимизни тит-пит қилган “синчи”лар бор эди) қоронғи тушиб бўлган эди.

Яна озгина баландликка кўтарилдик-да, кейин пастлай бошладик. Йўл Қирғизистоннинг чегарачи йигити мақтаганча бор, фақат торроқ, айланали, хавfli бурилишлар кўп эди.

Бир оз юрганимиздан кейин ўнг тарафимизда булутлар чиммати остидан уялган келинчақдай қизғиш ой мўралади.

Йўл Қамчиқ довонини эслатар, лекин аксарият жойларда тоғ, адирликларни кесиб ўтган эди.

Тўғриси, хира ойдин бўлгани учун атрофни мириқиб томоша қилолмас эдик. Қирғиз дўстларимиз «инояти» билан Эргаштом — Қашқар йўлини кечаси босишга тўғри келганидан

хусусан мен ўқиндим. Бобокалонларимиз ўтган Қадимий карвон йўли манзараларини кўришни жуда-жуда хоҳловдим. Шунисига ҳам шуқр. Бундан баттар бўлиб, орқага қайтишимиз ё бошқа томонлардан кетишимизга ҳам бир баҳя қолувди-ку...

Яна ой билан бекинмачоқ уйнаб кетяпмиз. Чап ёнимиздаги, Бобур Мирзо таърифлаган кизил сувли сой ҳам биз билан бирга Қашқар ҳудудига ўтган. У йўлга дам яқинлашиб, дам узоқлашиб бормоқда. Икки тарафда гоҳ пастроқ тоғлар, гоҳи сайхонлик — водий, салдан кейин далалар пайдо бўлар, бу манзаралар кўр ойдинда алюминий рангда товланар ва мудом алмашилиб турарди.

Йўлнинг тоғлик қисмидан чиққанимиздан сўнг қалин дарахтзор бошланди. Асосан кўк тераклар (бизда «қашқар терак» дейишади) эди, бўйи тик-у бир оз кинғир-қийшиқроқ ўсган. Лекин ниҳоятда зич экилган эди. Ора-ораларда пастаккина, гувала деворли уйлар кўзга ташланади.

Борган сари осмон тиниклашиб, ой чачвонларини ечиб отиб, бутун латофатини кўз-кўз қила бошлади.

Йўлнинг ўзига хос белги-хусусиятларидан бири — кўприк кўп эди ва уларнинг икки томонидаги муҳофаза устунчалари беҳато, ҳалқа-ҳалқа оққизил рангга ҳафсала билан бўялгани учун машина чироғида жуда чиройли кўринарди. Йўлнинг кўприксиз, жарлик ёнидан ўтадиган ёки бурилиш жойлари ҳам ана шундай ола-қизил устунчалар билан ихоталанган эди.

Кўприкларнинг остидан қандай дарё оқаётганини билмасдик. Битикда фақат «кўприк» деган сўз — кўрсаткич бўларди. Бир ерда «Қорасув кўприги» деган хатни ўқидик. Ёзувлар инглиз ва хитой тилларида, лотин алифбосида эди.

Йўлда учраган, кўринишидан аҳолиси санокли қишлоқлар (фақат бир шаҳарча сифат жойдан ўтдик) отини ҳам билмадик — лавҳаларда «шаҳарча» ё «қишлоқ» дейилгану номлари берилмаган эди.

Онда-сонда эшак аравали, туя етаклаган кишилар, эгасиз отлар учрарди. Йўлнинг ярмига етгунимизча деярли машинага йўлиқмадик. Шундан кейин автоулов чироқлари кўпая борди.

Ўнгу сўли куюқ дарахтзорлардан иборат мавзеларга дуч келардик. Афтидан, Қашқарда ҳам биздагидай ёғоч мустақиллигига эришиш шиори борга ўхшайди.

Бир пайт тепадан — ўнгда ҳам, чапда ҳам икки қатор чироқлар билан нурафшон этилган, ниҳоятда кенг кўчалар бошланди. Кўприк устунчалари никелли ялтироқ металллардан эди. Икки бетдаги бинолар (асосан дўконлардан иборат) кўриниши ғоят бежирим, силлиқ, кўркам эди. Кўз олдимга тунги гўзал Машҳад келди. Бу манзара у шаҳардагидан ҳам ёрқинроқ ва ўзига хос эди.

Бу — Қашқар эди.

Бизни «Чиннибоғ» деган меҳмонхонага олиб боришди. Раҳбар ҳамроҳлари билан ўтган гал (1997 йили) ҳам шу жойда ётишган экан. Қўноқхонага кираверишда (хаммаси пухта режалаштирилган-а!) аввалги сафар Зокиржон акаларни кузатиб юрган маъмур (маъмур — чегарада қўшиб қўйиладиган мазкур давлат одами, хавфсизлик хизмати ходими) Ван афанди бизни кутиб олди. Жойлашувимизга кўмаклашди. Унинг шерикларимиз билан кечагина кўришгандай, такаллуфсизгина сўрашиши менга эриш туюлди. Ҳа, энди, уларнинг касби шундай муомалани тақозо қилади-да, дийдалари қотиб қолган одамлар, деб қўйдим ичимда. Балки бизни уч кундан бери кутиб диққат бўлган, жаҳли чиққан, янаям ўзини тутиб, ноилож, ўлганининг кунидан шунчалик салом-алик қилиб қўйгандир...

Меҳмонхона ва унинг атрофидаги бошқа кўп қаватли бинолар шакли-шамойили ўзига хос — айлана-доирасимон, ярим ой шаклида бўлиб, биз кўниккан тўрт қиррали деворлар кам эди.

Ушбу беш қаватли халқаро меҳмонхонанинг кенг фойеси тепагача — умумий томгача очик бўлиб, ғоят маҳобатли кўринар, фойедаги жиҳозлар — ўртадаги майдонга қўйилган курсилар пурвиқор эди.

Шеф иккимиз 314-чи, қолганлар 315-чи хонага жойлашдик. Ғолиб кейинги хонадагилар билан бирга қолди.

Ғолиб Отушда, чегара хизматида ишларкан. У хушчақчаққина эди. Уйғур халқининг машхур ашуласи «Гулойим»ни эслайман:

*Сенингману сенингман,  
Сенинг бўлмай кимнингман?  
Отушининг бозоридан, жоним-о,  
Сотиб олгон қулингман,  
Ў-ў-ў, сотиб олгон қу-линг-ман...*

Шароит ўртача эди (балки бизнинг хонамиз шундоқдир): уч кишилиқ, диван-каравотлар кенг, юмшоқ, лекин фақат биттадан, жуда юпқа, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ётадиган — ичига қум солингандай оғир ва муздай болиш қўйилган. Тумбалар анча эскирган, шифонер йўқ. Ҳожатхона, душ, юз-қўл ювадиган анжом — ҳаммаси бир хонада. Ерга палос тўшалмаган, учта елим шиппак бор эди.

Раҳбар ётди. Қолганларимиз кўшни хонада Қашқарга эсон-омон етиб келганимизни енгилгина нишонладик. Қашқар пивоси ҳам анча номдор ичимликлардан. Рухиятимиз чоғ, кайфиятимиз баланд эди...

Ғарб билан Шарқ ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этан Ипак йўлининг катта бир қисми мана шу уйғурлар юртига тўғри келади. Табиийки, савдогарлар ўзлари билан бирга хитой, ҳинд, форс, араб, Ғарбда қадимги грек, қадимги Рим қаби мамлакатлар ва халқларнинг маданиятини ҳам ташиб юришган. Умуман, Ипак йўли ўзи ўтган ҳудудлардаги шаҳар ва қишлоқларнинг, шунингдек, Шинжоннинг маданий ва иқтисодий жиҳатдан нисбатан тезроқ юксалишига, шубҳасиз, самарали таъсир кўрсатган.

Шинжон, унинг тарихи ҳақида гап кетганда эшитувчининг хаёлига Буюк Ипак йўли келиши бежиз эмас. Олти минг чақиримдан иборат бу қадимги йўл Тан сулоласи ҳукмдорлигидаги Хитой давлатининг пойтахти Чаньон шаҳридан бошланиб, Марказий Осиё орқали Венецияга етиб борган. Мазкур карвон йўлидан энг нодир ва қимматбаҳо ипак, шойи матолар олиб борилгани сабабли у «Ипак йўли» деб аталган. «Буюк Ипак йўли» деган таъриф кейинчалиқ тадқиқотчилар томонидан берилган. Ана шундай тадқиқотчиларнинг айтишларича, бу қадимий йўлнинг қачон юзага келганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ, лекин, ҳарқалай, Хитой ипаги милоддан аввалги XI-III асрлардаёқ Шарқий Туркистонга етиб келгани, эрамизгача бўлган IV-III юз йилликларда ипак матолар Ҳиндистонга, ундан сал кейинроқ II-I асрларда Александрия ва Римга олиб борилгани манбалардан маълум.

Бир вақтлар Шарқий Туркистон деб аталган бу бепоён юрт ҳозир Хитой Халқ республикаси таркибида, Хитой синцзяни (мазмун — «ғарбий, чекка ўлка») деб юритилади. Хитой давлатининг умумий ҳудуди жуда катта майдонни ишғол қилади, ана шу майдоннинг олтидан бир бўлагини Синцзян (туркий халқлар тилида Шинжон) ташкил этади: бир миллион 660 минг кв. км. У 1955 йилдан Синцзян уйғур автоном райони — СУАР деб аталади, пойтахти — Урумчи шаҳри.

Шинжон жуда кўп соҳалар бўйича Хитойнинг энг ишонган ва суянган районидир.

Хитой давлати чегараларининг энг кўп қисми Шинжон ҳудудига тўғри келади. У мамлакатни саккизта хорижий юрт билан боғлайди.

Хитойдаги энг узун (2179 км.) ва тезоқар дарё — Торим Шинжондан ўтади.

Хитойдаги денгиз сатҳига нисбатан энг паст (154 метр қуйи) қўл — Ойдинқўл ҳам шу ўлкада жойлашган.

Хитойдаги энг катта саҳро — Такламакон ҳам (майдони 337 минг кв. км.) Шинжонда. «Такламакон — «борса қайтмас» деган маънони англатади. Саҳрони «Ўлик денгиз» ҳам дейишади.

Хитойда ягона ёввойи оққушлар кўрикхонаси Буйинтрук (минг кв. км.), муҳофаза қилинадиган энг катта табиат зонаси — Олтинтоғ ҳам Шинжондадир.

Шинжон пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан Хитойда етакчи ўринни эгаллайди — у мамлакатда етиштириладиган «оқ олтин»нинг тўқсон беш фойизини беради.



Шинжон — нефт, газ, кўмир, мрамар захиралари бўйича, шунингдек, узум, мева етиштиришда ҳам энг олдинги ўринда туради.

Хуллас, Шинжон бамисоли хазина, баҳоси ва ўлчови йўқ бойликлар манбаидир.

Ана шу бойликларнинг яна бир тоифаси — машҳур тарихий шаҳарлар, жумладан, Қашқар бўлиб, у шу номдаги округнинг маъмурий маркази ҳисобланади. Шаҳар майдони юз эллик кв. км. Пойтахт (Урумчи)дан анча олисда (1473 км.) жойлашган. Аҳолиси икки миллион уч юз минг (қарийб Андижон билан баробар), ўн етти хил миллат яшайди, шундан етмиш беш фойизи уйғурлар, қолганлари хансу, қирғиз, тожик, ўзбек ва бошқалар.

Қашқар асли қадимийдир. Қомусий китобларда ёзилишича, Кошғар, Кожғар, Каши деб ҳам юритиладиган бу шаҳар тўғрисидаги дастлабки далиллар милоддан аввалги манбаларда ҳам учрайди. Янги эранинг биринчи асри бошида у кичик бир хонлик пойтахти бўлган. Кейинчалик хуннлар, кушонлар, эфталитлар давлатлари, Турк ҳоқонлиги (V-VII аср), уйғур ҳоқонлиги (VII-IX аср) таркибига кирган. X-XII асрларда Қорахонийлар давлатининг пойтахти бўлган. Ўша даврда Қашқар Шарқий Туркистоннинг сиёсий ва маданий марказига айланган. Шаҳар Абу Бакр Дуғлат даврида - XV аср охири ва XVI аср бошларида қайта қурилган. 1878 йили манжур-хитойлар Шарқий Туркистонни босиб олгач, Қашқар яна маъмурий-маданий марказга айланади.

Буюк ипак йўлида жойлашгани боис, Қашқарда маданият қадимдан ривожланган, бой маданий анъаналарга эга, кўплаб тарихий ёдгорликлар сақланиб қолган. Қадимда буддизм Шарққа Қашқар орқали ўтиб борган. Кейин бу ерда ислом асосий динлардан бирига айланган. Халқи асосан эҳтиросли, завқли уйғурлар бўлгани учун кўшиқчилик, рақсчилик бобида минг йиллар аввал доврўғ қозонган. «Ўн икки мақом», «Санам» каби мусиқа-рақсли асарлари ҳозир ҳам машҳур.

Қашқар сайёҳлар энг кўп келадиган шаҳарлардан биридир. «Кимки Қашқарни кўрмабди, демак, у Шинжонда бўлмабди», «Шинжонга борадиган бўлсангиз, албатта Қашқарга ўтинг», дейишаркан чет элликлар.

Ғолибнинг айтишича, маҳаллий ўзбеклар ҳам асосан Қашқарда яшашаркан, бошқа жойларда оз экан.

Қашқарнинг шаҳарга алоҳида ҳусн, файз бағишлаб турадиган Туман дарёси бўйидаги бозори дам олиш кунлари жуда гавжум бўларкан. Бу ерга савдо қилиш учун бир неча юз минглаб одам келаркан.

Қашқардаги машҳур зотлар билан боғлиқ тарихий обидалар тўғрисида кейин, алоҳида тўхталамиз...

Умуман олганда, мен Қашқарни кўришга анча илгаридан орзуманд эдим. Бир замонлар, Ўзбекистондаги бойроқ, ўзига тўқроқ одамлар кулоқ сифатида таъқиб қилинган, ўз юртидан қувилган даврларда водийлик кишилар, аксарият андижонликлар нега айнан Қашқарга ўтиб кетишганикин, деган саволга жавоб тополмасдим. Тошкентда, «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида ўн йил бирга, бир бўлимда, бир хонада ишлаб, ака-укадан ҳам яқин, қадрдон бўлиб кетган Ёқуб ака Яқвалхўжаев кўпроқ ўзлари яшаган Гулжа ва Урумчи ҳақида гапириб берарди. Унинг ота-онаси, бир бобоси — андижонлик машҳур бойлардан Аҳмадбек ҳожи (Миркомилбойнинг тенгқур, замондоши)лар ҳам юқоридаги сабабга кўра Шинжонга ўтиб кетишган ва эллигинчи йилларда, Шинжонга мустақиллик берилганидан кейин акалари билан, кўп машаққатлар тортиб она юртларига қайтишиб, Тошкентда яшаб қолишган. Ёқуб ака Тошкент университетининг филология факултетига ўқиган эди.

— Бизда Ўзбекистон ҳақида шундай фильмлар қўйиб кўрсатишардики, мисоли жаннат деб ўйлардик, — дерди Ёқуб ака, — худди ҳозирги хинд киноларидай...

*14 октябрь, шанба*

Кечкурун шеф томонидан эрталаб барвақт — соат тўртда туриш ҳақида фармони олий бўлган эди, ўзимиз олтида уйғонибмиз. Қашқар вақти билан тўққиз эди.

315-хонада шоҳона нонушта қилдик. Эргаштомдаги хунобгарчилигу ит ётиш мирза туришларнинг хордиғи чиқяпти.

Ғолиб хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, бизни Ван афандига топшириб, азонда кетибди.

Қай бир хонадаги магнитофонда «Ўзингдан қўймасин» ашуласи янграрди. Меҳмонхонада савдогар ўзбеклар кўп эди. Икки жувон — Мўътабархон ва Ширмонхон деганлари билан гаплашдик. Жалолободдан эканлар. Ширмонхон бир КамАЗ — ўн икки тонна бодом олиб келибди, шунга яраша — бир машина нарса олиб кетармиш!

— Мана савдогарлик, мана пул топиш! Биз юрибмиз шоири даврон, олими гаврон бўлиб, куруқ дипломат билан ҳам чегарадан ўтолмай, — деб кулишдик.

Нонуштадан кейин мириқиб ювиниб, ўзимизга бир оз зеб бердик, яъни соқол-муйловларни киртишладик. Эргаштомда икки кунгача устара тутиш ҳам кўнгилга сиғмаган эди.

Биз шамоллаш, тумовларимизни иложи борича Қирғизистон чегарасида қолдиришга уриндигу, лекин барибир ҳаммасини батамом ташлаб келишнинг иложи бўлмаган эди. Хоналарга катта темир термосларга қайнаган сув куйиб, ёнига салафанга ўралган истиконлар, қоғоз халтачаларда куруқ чой қўйилгани айни муддао ва кўп маъқул бўлди.

## **ВАН АФАНДИ КУЗАТУВИДАГИ ПАН АФАНДИЛАР**

Меҳмонхонамиз Сомон йўли кўчасида эди.

Қирғизистон довонида машинамиз бир чуқурликдаги халқоб ерда дўкиллаб нимагадир урилган, ўшанда бир бўлт узилиб, қартер дарз кетган экан, машинани устахонага олиб кетишди.

Мен фойеда кутиб-кузатиб ўтирибман. Рўпарадаги — устун-девордаги катта соат Хитой вақти билан ўн иккию ўн беш дақиқани кўрсатарди. Бу пайтда бизда соат тўққиздан, Қирғизистонда эса ўндан ўн беш дақиқа ўтган эди.

Меҳмонхонага кириб-чиқаётганларнинг аксарияти ўзбеклар ва покистонликлар эди.

Мусофирхонанинг хизматчи қиз-жувонлари асосан бир хил бўй-бастли: гўё сафлаб туриб танлаб олингандай. Ҳаммаси ўрта бўйли, эркакча қора кастим-шим кийишган, зулфи-кокиллари калта — елкаларидан пастроқда эди. Айримлари сочларини турмаклаб олишганди.

Бир айланиб келдик. Кечқурун юрган кўчамиз кундузи ҳам чиройли кўринар, икки ёндаги биноларнинг биринчи қавати дўконлардан иборат бўлиб, кўча афтидан, замонавий услубда қайта қурилган эди.

Биз тушган кўноқхона таҳминан Қашқарнинг эски шаҳар мавзеида эди. Деразадан орқага қарасангиз, қадимги шаҳар қолдиқларини эслатувчи уйлар кўзга ташланарди. Ҳовлида тарвақайлаган кекса бир қайрағоч бўлиб, унинг ёнида ресторан бор экан.

Маъмуримиз Ван афанди негадир камнамо эди. У биз билан, асосан раҳбар билан уч-тўрт оғиз гаплашарди-да, кетар, кейин кутилмаганда яна пайдо бўлиб қоларди. Нияти аслида маълум-ку, бироқ у Зокиржон акалар билан аввалги сафар бирга бўлгани, бизнинг дилимизда илм ахтаришдан бўлак уй-хаёллар йўқлигига ишонч ҳосил қилгани учунми, хотиржам ва бепарводай кўринарди. Ҳарқалай, иштибоҳга бориб, хатти-ҳаракатларимизни зимдан кузатаётгани сезилмасди. Кўриниши ҳам тунд эмас (бошда мен нотўғрироқ фикрга борган эканман), фақат, паст овозда, уйғурча сўзларнинг охириги ҳарфларини ямлаб талаффуз этганидан, гапларини англаш қийин эди. Сирасини айтганда, анча-мунча одам юз тузилиши, умуман, ташки қиёфасидан унинг хитой ё уйғурлигини ҳам дабдурустдан фарқлай олмасди. Бироқ, раҳбар ҳар ҳолда маъмур олдида ножоиз мавзуларда валакламаган маъқул, деб тайинлаб қўйган эди. Шунинг учун биз латифа айтишиб ўтирган бўлсак ҳам, Ван афанди кўриниб қолса, дарҳол юзимизга сипо тус беришга ҳаракат қилардик. Шу сабаб, Неъматилло

«ташаббуси» билан бир-биримизни Пан афанди деб атай бошладик. Шерикларимиздан бири ёнимизга яқинлашаётган бўлса, «жим, Пан апандим келяптилар», деб ҳазиллашамиз.

Ван афанди кузатувида тушлик қилгани бордик — меҳмонхонадан сал наридаги Нурбоши кўчасига. Андижондаги темирчилик растасига ўхшаган жой экан. Икки томонда ҳар хил дўконлар, устахоналар, ошхоналар... Катта масжид олдидаги майдонда тўхтадик. Кўча гавжум, серкатнов эди, арава, енгил машина, мотоцикл, велосипедлар тинмай у ёқдан бу ёққа ўтарди.

Катта ёшдаги аёллар узун кўйлак кийиб, бошига рўмол солиб юришар, бир хилда — тўк жигарранг, қалин рўмолнинг ярмини юзига тушириб олганлар ҳам бор эди. Қизлар ялангбош, калта юбкада бўлишса-да, узун пайпоқ киймагани йўқ эди. Хира қаймоқранг пайпоқ урф экан. Икки ёни ёки орқаси йирмоч юбкада, пайпоқсиз юрган ножинслар (ўрта ёшли жувонлар орасида) ногаҳонда битта-яримта учраб қоларди. Бироқ каттаю кичик қиз-аёллар юзларига бўёқни беармон суркашаркан. Шунданми, юзлари тиниқ эмасдай, тўғрироғи, чиройли, анордай чехралар кам кўринарди.

Ошхоналар чиндан ҳам, бир вақтлар Ёқуббек ака Яквалхўжаев айтганидай, кўп, ҳаммасининг ошпазлари: қани, бу ёққа, лағмон, кабоб, сомсаларимиз бор... деб, тарғиб ва таклиф қилиб туришарди. Ошхона эшигининг ён деворларидаги илгичларда яримта, салкам битта кўйнинг гўшти осиглик турар, ошпазлар кўраларда кабоб, тандирларда сомса пиширишар, икки-учтаси девор ё дераза ёнига кўйилган узун курсиларда кўчага қараб, столлардаги тоғора-тоғора гўшт, жигарларни мижиб ё сихга ўтказиб ўтиришарди. Шамол, чанг уриб турибди. Бурқсаган тутунлар ошхона ичларига кириб айланиб юрар, ўтирадиган жойлар, тўғриси, у қадар озода, саришта эмас эди.

Ван афанди бизни ана шундай ошхоналардан бирига бошлаб кирди. Кабоб ва лағмон буюрдик.

Кабоби — гўшт, ёғ, жигар ва яна бир тўрғам гўштан иборат эди.

Дўнг чинни косада лағмон келтиришди. Бундай лағмонни бир вақтлар Тошкентда, Ёқубжон акаларникида ердик: хаамири ниҳоятда чийралиб пишган, қайласи масаллиқ ва кўклар, резаворларга бой, аммо сувсиз.

— Лағмон асли иккинчи, қуюқ овқат ҳисобланади. Ўзбекистонда уни шўрва қилиб беришади, — дерди Ёқуб ака. Раҳматли жуда шинаванда, улфат, ҳафсалалик, таом пиширишга, хусусан, паловга уста эди. Қозон атрофида яйраб кетарди. Хотини — раҳматли Тўлқиной опа ҳам андижонлик бўлиб, Ёқуб ака каби меҳмондўст, пазанда, айниқса, лағмоннинг ҳадисини олган аёл эди.

Лағмонни ейишга бир жуфтдан чўп беришди. Мен бундай матоҳни ҳеч ишлатмагандим. Зокиржон аканинг бу борада озроқ тажрибаси бор экан. Мен, Неъматилло, Илҳомжон ҳам чўпда ея бошладик. Фаррух бошданок қошиқ сўраб олди. Бир оздан кейин профессор ҳам қошиққа ўтди. Мен охиригача чўпдан тугатиб юбораман, деб ўйловдим, бўлмади, косанинг тагида суюқ жойи чиқиб қолди.

— Лағмоннинг мазаси унчамас, — дейишди аввал Қашқарда бўлган ҳамроҳларимиз. Менга эса жуда тотли, тўйимли туюлди.

Ошхонадан чиқиб, майда хусусий китоб дўконларининг биридан раҳбар «Бобурнома»нинг уйғурча нашрини сотиб олди. 1 доллару 2 кўйга («сўм»ни «кўй» ҳам дейишаркан). Сўнг бошқа китоб дўконларини қидириб кетдик. Явах (Ёрбоғ)даги (бу Қашқарнинг янги, марказий кўчаси, биз кечқурун келган йўлнинг давоми эди) баланд бинонинг 1-2-чи қаватларига жойлашган дўконга кирдик. Ёпирай! Китобларнинг кўплиги ва хўблигига ёқа ушлайсиз! Қоғозлари олий навли, муқовалари ғоят чиройли, безакдор (Газета қоғозига босилган пиёз пўстидай китобчаям йўқ).

Биз асосан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Асрори мусиқий» асарини, қолаверса, умуман бобурийлар қаламига тегишли ва уларга дахлдор китоб ва қўлёзмаларни изламоқда эдик. Ўзбекистан Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими Ҳ. Олимжонов «Халқ сўзи» рўзномасида эълон қилинган тадқиқот-мақоласида «Ягона нусха деб фараз қилинаётган мазкур асар»нинг Қашқар марказий кутубхонасида мавжудлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ўша рисола қўлга киритиш (лоақал

ксеронусхасини) умидини дилга туғиб келган эдик. Қашқар орқали ўтишга астойдил уринганимизнинг сабаби ҳам шунда эди.

Дўконда Маркс, Энгелс, Ленин, Сталин, Мао Цзэ Дун, Чан Кайшиларнинг катта суратлари осифлик эди.

Бобуршунос, устоз адибимиз Пиримкул Қодировнинг «Авлодлар довони» рўмонининг уйғур тилидаги нашри кўзларимизга ўтдек кўришиб кетди. Узоқ юртда, бошқа тилда ўз ёзувчининг китобини кўриш ҳаяжонли эди!

Кейин кўчанинг нариги бетидаги шаҳар марказий кутубхонасига ўтдик. Холида исмли кутубхоначига (унинг Андижонда қариндошлари бор экан) муддаомизни айтдик, лекин у бизда бундай асарлар йўқ, деди ва рўйхатларни бирга варақлаб чикдик. Дарҳақиқат, «Бобурнома»дан бошқа бу мавзуда ҳеч нарса йўқ эди. Аммо «Бобурнома»нинг борлиги ҳам ҳазилакам гап эмас-ку...

Вилоят кутубхонаси шу кўчанинг тепароғида экан. Афсуски, у ердан ҳам бир иш чикмади. Пединститут кутубхонасидан ахтариб кўришни маслаҳат беришди. Лекин вақт кеч бўлиб қолган эди. Ван жаноблари ҳозир институтда ҳеч ким қолгани йўқ, деб бизни яна бир дўконга олиб борди. Бу бино ҳам икки қаватли, китоблари хайратингиз даражада кўп, ўртага ҳам узунасига маҳсус жавонлар қўйилган, уларнинг токчалари ҳам тўла эди. Машҳур рус ёзувчиси Достоевский асарларининг хитойча нашри бор экан. Мени бир ҳол таажжублантирди: тахминан ўн-ўн икки ёшли болалар, катталар ҳам китобхонанинг деразалари рафига ё шундоқ полга ўтирганча мутолаа қилишарди.

Бу ердан чиқиб, Юсуф Хос Ҳожибнинг қабр-мақбараси зиёратига бордик.

Манбашуносларнинг ёзишларича, бизгача етиб келган туркий бадиий адабиёт намуналарининг энг кўхнаси ҳисобланмиш «Қутадғу билиг» (бахтга, саодатга элтувчи билим) асарининг муаллифи Юсуф Хос Ҳожиб Юқори Чиндан Каспийгача бўлган худудни эгаллаган Қорахонийлар салтанатининг энг юксак поғонасига кўтарилган даврида яшаб ижод қилган истеъдодли адибдир. Қорахонийлар мамлакатининг пойтахти Қашқар (у пайтда Ордуқент дейилган) эди. Юсуф Хос Ҳожиб Қашқарнинг шимолидаги муҳим марказлардан бўлмиш Болосоғун (Кўзурда)да таваллуд топган. У чуқур маълумотли, ўз даврининг етук файласуфи, олим ва фозил, давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси, сайёрамиз жисмлари ҳатти-ҳаракатлари сирларигача тушуниб етган баркамол инсон бўлган. Унинг «Қутадғу билиг» асари эса адолатли давлатни идора қилиш усуллари, шундай ҳокимиятнинг сиёсати, мафкураси, қонун-қоидалари, ахлоқ ва одоб, таълим ва тарбия, маънавий камолот йўл-йўриқларини мужассамлантирган қомус сифатида талқин этилади.

Асари ва номи сал кам минг йилдан бери яшаб, даврлар силсиласига бардош бериб, неча-неча авлодларни илмга, эзгуликка даъват этиб келаётган мана шундай мўътабар инсоннинг марқад-сағанасига, демакки, хотирасига эътибор яхши эканлигини кўриб, мамнун бўлдик.

Девордаги ёзувларга қараганда мақбара мажмуи 1989 йили қайта таъмирланиб, чинни билан нақш берилган, жуда кўркам ва маҳобатли, қабртоши турган кенг хонанинг деворларига «Қутадғу билиг»дан олинган ҳикматли байтлар битилган эди.

### **«МУСИҚА СИРЛАРИ»НИ ИЗЛАБ...**

Юсуф Хос Ҳожиб ва жамики ўтган улуғларимиз руҳига қуръон тиловат қилгач, меҳмонхонага қайтдик. Ван афанди кетдилар, раҳбар дам оладиган бўлди. Қолганларимиз яна бояги кўчага — Нурбошига Бобур асарларини излагани бордик. Энди хусусий дўконларни астойдил кўздан кечиришга аҳд қилган эдик. Китоблар асосан араб алифбосида бўлгани учун фақат Фаррух ўқир, биз уларнинг суратини томоша қилиб, Фаррухнинг оғзига қараб турардик. Бир неча дўконни бир четдан кўздан кечирдик, кейин кўримсизгина, «Тангритоғ» деб номланган дўконга кирдик.

Дўкончилар (иккита) йигирма беш — ўттиз ёшлардаги йигитлар эди. Улардан бири — Муҳаммадтурсун Юсуф: «Асрори мусиқий» деган асарни эшитмаганману, лекин бизда «Таворихи мусиқиюн» номли рисола бор эди, — деди ва уни излай кетди.

Токча—полкалардаги китобларни олиб варақлаб кўраётганлар ичида қашқарча гулли дўппи кийган олтмиш ёшлар чамасидаги киши биз билан, бизнинг истагимиз билан қизиқиб қолди. Унга йигирма беш ёшлардаги йигит ҳам қўшилди. Танишдик. Катта ёшдагисининг номи Турсун Ҳамид бўлиб, у Қашқардаги дорилмуаллиминда узоқ йиллар муаллимлик қилган, йигит Анвар эса унинг ўғли, шаҳардаги 7-ўрта мактабда уйғур адабиётидан дарс берар экан. Ота-ўғилнинг шоҳ ва шоир Бобур Мирзони, унинг асарларини, Навоий, Лутфий ва бошқа туркий шоирлар ижодини чуқур билишлари, умуман, туркий адабиёт тарихидан яхши хабардорлиги сезилиб турарди. Айтишларича, уларнинг рўйхат (католог) қилинган бой шахсий кутубхоналари мавжуд экан. «Таворихи мусиқиюн» ҳам бор экан, биз илтимос қилиб сўрамоқчи эдик, лекин улар ягона нусхани (ҳатто пулга ҳам!) беролмасликларини билдиришиб, узр айтишди.

Муҳаммадтурсун (у ҳам билимдонгина эди) бошқа дўконлардан суриштириб, ўша рисола ни топиб келди.

«Халқ сўзи»даги мақола муаллифи Шарқий туркистонлик олим, мусиқашунос Неъматилло Исмаилло ўғли Муъжизийнинг мазкур асари ҳақида ҳам алоҳида тўхталган эди. Унинг ёзишича, «Асрори мусиқий» («Мусика сир-асрори») ҳақидаги дастлабки маълумот ана шу рисолада келтирилган. Шунингдек, унда «инсониятнинг узоқ ўтмиши тарихидан бошлаб, ҳазрат Алишер Навоийгача, унга замондош бўлган, кейин яшаб ўтган» улуг мутафаккирларнинг мусиқага муносабатлари, у ҳақдаги фикр-мулоҳазалари шарҳлаб берилган эди.

Янги танишларимиз «Асрори мусиқий»нинг қўлёзмаси Қашқарда йўқ, агар бўлганида чоп этилар ва бизнинг қўлимизга албатта теккан бўларди, дейишди, лекин, ҳар эҳтимолга қарши уйларидаги кутубхонасини, китоблар рўйхатини яна бир назардан ўтказишга, иложи бўлса, Урумчига, «Таворихи мусиқиюн» рисоласини нашрга тайёрловчилардан бири, “Бобурнома”ни уйғур тилига ўғирган профессор Ҳамид Темурга кўнғироқ қилиб, суриштириб кўришга ваъда беришди. Кейин ота-бола бизга ҳамроҳ бўлишиб, Явах шоҳроҳига олиб чиқадиган Андижон кўчасини ва у билан ёндош «Андижон растаси»ни, маҳаллаларни кўрсатишди.

Андижон кўчаси рўпарама-рўпара ҳовли эшигидан икки киши тенг чиқиб қолса, бурунлари бир-бирига тегиб кетадиган даражада тор бўлиб, уйлар эски ғиштли бинолардан иборат эди. Ҳовлилар, тўғрироғи уларнинг саҳнлари ҳам ниҳоятда тор, шунинг учун деярли барча уйлар болаҳонали ёки икки қаватли эди.

— Бир вокитлодо бу маҳаллида анжонлиқло<sup>2</sup> тўло эди. Ҳозир ососан уйғурлар ёшойду, — деди Турсун Ҳамид.

«Андижон растаси»да эса заргарлик ва бошқа майда ҳунармандчилик ашёлари билан шуғулланувчи дўконлар бор эди.

Шу ерда бир гапни эшитиб, кўп ғалати ҳолатга тушдим. Илгари ҳам қулоғимга чалинувдию, ишонмагандим. Ҳовлилар азбаройи торлигидан ҳожатхона қуриш имкони йўқ экан. Шунинг учун болаҳонага пақир қўйиларкан... Кейин... кечаси ташқарига олиб чиқиб ташланаркан... Ё, алҳазар! Шунчалик тор жойларда қисилиб яшаш шартмикин? Ахир Қашқар атрофида, яъни шаҳар четларида ерлар кўп-ку! Ё берилмасмикин? Ё, янги уй солишга қурблари етмасмикин? Ё, ўрганган маскан-манзилларидан кўчкилари келмасмикин? Ё шаҳар марказида, бозорларга яқин жойда яшаш қулайроқ — имконлари, имтиёзлари кўпроқмикин?.. Нима бўлганда ҳам уларнинг «бу» тутумлари менга маъқул келмади. Эшитар қулоққа яхшимас...

Меҳмонхонага қайтдигу, кечга яқин яна лағмоннинг мазаси оғизда қолган мавзегга бориб, манти, сомса ва тагин лағмон едик. Манти калла гўштидан пишириларкан. Сўйиб,

<sup>2</sup> Қашқарда “андижонлиқлар” деган атамани умуман “ўзбеклар” маъносига ишлатишади (Китобдаги барча изоҳлар муаллифникидир).

териси шилинган кўйни осиб кўйишиб, бошқа гўштлардан ишлатишавераркан. Манти кўйнинг асосий гўштларидан яхши бўлмас эмиш...

«Таворихи мусикиюн»нинг топилиши «Шинжон» пивоси билан нишонланди. Ахир бу рисола ҳам биз учун янгилик эди-да.

Кейин тунги Қашқарни томоша қилиб, Ябах — Ёрбоғ кўчаси орқали қайтдик.

Кўча катта, бетонлашган, кенг йўлакларга гулдор чинни плиталар ётқизилган йўлак

чеккаларида, тахминан ҳар эллик қадамда тепаси ойнаванд телефон-автомат ўрнатилган, ҳар ер-ҳар ерга кир ювиш машинаси шаклида, ундан баландроқ никелли ахлат идишлари кўйилган эди. Биноларнинг пештоқларида, деворларда ўқловдай эмас, кув идишдай хитойча (ҳар турли шакллардан иборат) ёзувлар — номлар, рекламалар ҳаддан зиёд кўп эди. Уларнинг тепаси ё пастида баъзан-баъзан араб имлосида, уйғурча матнлар ҳам учраб қоларди. Бинолар шакли бир-бирини такрорламас, девортошлари баланд, текис, силлиқ

эди. Четроқлар, хусусан Нурбоши ва у билан туташ бошқа кўчалар эски-янги жойлар билан кўҳна кўчалар ўртасида тавофут катта эди — худди Янги Дехли билан Эски Дехлидай...

Йўл бўйларидаги майда баргли ёш мажнунтоллар улкан иншоотлар олдида жуда кўримсиз бўлиб турарди...

Ётганимиз йўқ эди, бирдан қийқирик бўлиб қолди. Тушликка кетаётганимизда катта кўчада бўғишиб, бакиришиб турган икки уйғурни кўрганимизда (уларни биздагидай оломон ўраб турар, лекин ажратишмасди), Ван афанди:

— Бу уйғурлар ноҳойити қизиққон, очқиғи тез одамла-да, — деган эди (Аслида бу Ваннинггина фикри эмас, азалдан бор гап).

Ташқарига чиқиб қарасак, биздан сал нарида — қаватнинг ярим ёйсимон йўлагидея қирқ ёшлардаги бир уйғур ўндан ортиқ покистонлик билан можаро қилар, бир ўзи уларнинг ҳаммасидан баланд келарди.

Гапларини тушуниш қийин бўлгани учун овозлар маъносиз қийқириклардан иборатдай туюларди менга. Ҳатто уларнинг қайси тилда жанжаллашаётганини ҳам англаб бўлмасди.

Покистонийлар савдогарлар эди, савдо, олди-сотди масаласида ихтиоф чиққан бўлса керак. Ҳа, менимча, манфаатлар тўқнашмоқда эди...

Можаро узоқ давом этди. Уйғурнинг овози ниҳоятда ўткир ва баланд бўлгани боис хонага ҳам баралла эшитилиб турарди.

Мен ўзимни чалғитиш мақсадида бугун Қашқар шаҳрида кўрганларимни хаёл кўзгусидан ўтказиб бошладим. Бозорларда кўзга ташланадиган нарсалар: Қўқон патирига ўхшаган чиройли патир ва кулчасимон нонлар, тўни яшил, ичи қизил қовун, араваларга тўкиб олиб, у ёқдан бу ёққа судраб юришган кўкиш, думалоқ қизғиш, узунчоқ узумлар... Тухумни худди олмадай яшиксимон идишларга тўлдириб солиб кўйишибди — жуда кўп.

Темир-терсак, велосипед беҳисоб. Умуман, велосипед, мотоцикл асосий транспорт воситалари экан — Покистон, Ҳиндистондагидай. Велосипед сотадиган, тузатадиган алоҳида расталар бор эди. Бозорга кираверишларда рўлига сим-тўр идиш илинган сон-саноксиз велосипедлар қаторлаштирилиб, бир-бирига суяб кўйилган эди (бозорда савдо қилувчиларники бўлса керак). Голиб: «Қашқарда ўғри кўп, эҳтиёт бўлинглар» деб огоҳлантирган эди, буни сезмадик.

Нарх-наво арзон эмас, аксинча, биздагига нисбатан қиммат эди. Моллар дўконларда худди Ҳиротдагидай аралаш-қуралаш, фақат анча тартиб билан терилган.

Велосипед минган ёш қизлар, жувонлар эркаларга қараганда кўп эди (Аёллар бу қадар велосипедни кўп минадиган юртни кўрмагандим). Улар одатдагидан пастроқ велосипедни оёқларини қимтиб ҳайдашарди.

Хитой қиз-жувонлари нисбатан маданийроқ, замонавийроқ (аксарияти қора кастим-шимда) бўлишса-да, ҳарқалай, биздаги ғайри миллат вакилларидай болдирларини, томоқлари остини кенг очиб юришмасди. Ҳа, бу ҳолат Хитойда шарм-ҳаёсизлик учун ўлим жазоси жорий этилганлигининг натижаси бўлса керак.

Қашқарда хайрлашиш олдидан «хўп, яхши», деган маънода «маъқул» иборасини қўллашаркан.

## ОПОҚ ХЎЖА МАҚБАРАСИ ВА БОШҚА ЗИЁРАТГОҲЛАР

*15 октябр, яқинба*

Яхши дам олдим. Кеч ётган бўлишимизга қарамай, барвақт турдим. Шамоллаш хийла чекинди. Нонуштадан кейин яна китоб кидирдик. Турсун Ҳамидлар билан учрашдик, бироқ бошқа янгилик чикмади. Абдулла Ориповга «Кеча ва кундуз» рўмонининг «Кундуз» қисми тўғрисида гапирган ёзувчидан ҳам дарак топмадик.

Кейин Ван Дам (Ван афандини шундай атай бошладик) етакчилигида Опоқ Хўжа қабр-мақбарасини зиёрат қилгани жўнадик. Қашқар халқ майдони орқали Дунхў кўли ёнидан ўтиб, Тор ўғиз кўчасидан уч-тўрт чақирим юргач, ўнгга — Ҳазрат кўчасига бурилдик. Шу қайрилиш олдидан, ўнгга бўйра<sup>1</sup> бозори бор эди. Ёпирай! Шу даврда-я? Бизда бўйра ишлатмай кўйилганига қирқ-эллик йиллар бўлди-ёв! Умуман, Қашқарнинг қадимий маҳаллалари, эски дўконлар, айрим тутумлар аввалги замонларни эслатарди.

Биз бурилган кўчанинг иккала қирғоғидаги дарахтлар ҳам нуқул кўк теракдан иборат эди. Бирдан ўнгга яна бозор кўринди. Унда ёғоч (беҳисоб!), мева-чева ва бошқа нарсалар сотиларкан. Йўл тор, рўпарадан ўтин, полиз маҳсулотлари, анор, узум ортилган пастак эшак арава, моторли аравачалар саф-саф бўлиб келар, юриш кийин эди. Шаҳарда асосий улов машина, велосипед бўлса, туман, қишлоқларда эшак арава эди.

Бозор, ҳовли-уйлар тугагач, иккала тарафда экин майдонлари, далалар бошланди.

Яна бир чапга, кейин ўнгга бурилиб, Опоқ Хўжа (уни Опоқ Хожа, Ҳазрати Офоқ, Опоқ Хожам деб ҳам ёзишади) мақбарасига етиб бордик.

Қашқар ва Опоқ Хўжа бизнинг ҳамюртимиз, жаҳонгашта, қаландар шоир Бобораҳим Машраб ҳаётида ўчмас из қолдирган номлардир. Аламдийда шоир пири Опоқ Хўжанинг канизақларидан бири Тўтибекачига ошиқлиги сабаб ёруғ дунёда эркак зоти учун энг оғир жазога мустаҳиқ этилгани муҳтарам китобхонларимизга яхши аён (Шарқ маданияти, илму фани, адабиётининг кучли билимдони Ғафур Ғуломнинг ёзишча, Машрабнинг Маҳвашхоним исмли соҳибжамол севгилиси бўлган. Афсуски, уларнинг ишқий муносабатлари ҳақида академик шоир мақоласида ҳам, бошқа манбаларда ҳам кенгрок маълумот учратмадим).

Опоқ Хўжа мақбараси тарихий обида, ўз асрининг меъморчилик намуналаридан бири сифатида эътиборга моликдир.

Сағана кенгина, четлари гулзорли ҳовли ўртасида қад кўтарган, хийла маҳобатли эди. Икки йил аввал таъмирланибди. Унинг ертўласида Опоқ Хўжанинг беш авлодидан етмиш икки одам (эркаклар, аёллар, болалар) дафн этилган, тепада эса эллик саккизта кабртош, бўлиб, уларнинг устига ранг-баранг чойшаб-материаллар ёпилган эди.

Дахма билан ёндош Кўк гумбаз деб аталмиш масжид биноси нураётганидан хижолат чекиб, мунғайиб турарди.

Мақбарага кириш олдиданги катта майдонда турли-туман дўконлар, музейлар бор эди. Дўконлардаги моллар асосан безакли металл, пластмасса, шиша идишлар, фил, товус, делфин, от ва ҳоказо ҳайвонлару парранда-даррандалар акс эттирилган эсдалик

совғаларидан иборат эди. Мўъжазгина тарихий мозийгоҳ Хўтаннинг кумлик чўлидан топилган, аввалги асрларга оид икки одамнинг жасади (кийимлари билан) ва бошқа ашёлар мавжуд эди.

Қайтишда Қашқар майдонида тўхтадик. Ғарб томонда ҳукумат уйи ва унинг олдидан Мао Цзэ-Дуннинг баланд, улкан, ленинона ҳайкали. Ёндан шимоли жануб йўналиши бўйлаб

<sup>1</sup> *Ерга палос ўрнида тўшаладиган мито.*

катта кўча ўтган бўлиб, кўчанинг кун чиқиш тарафи кенг сахн, атроф чиройли бинолар, дарахтзорлар билан ўралган, кўркли, озода эди.

— Мавзайдунгнинг ҳайкали пақат шу йэда бор, бошқа шаҳарда йок, ҳатто Беженг (Пекин)да ҳам йок, — деди Ван Дам жаноблари. Сабабини сўрасак, тайинли гап айтмади, лекин бизни ўша ҳайкал фониди суратга тушишга даъват қилди.

Кейин раҳбарнинг «озодароқ жойда бир уйғурча паловнинг мазасини кўрайлик», деган таклифига кўра маъмуримиз бизни узокрокдаги бозор ёнига бошлаб борди. Таниш ошпазининг оши тугаб қолган экан, айлангириб, айлангириб, яна бир кўчага олиб кирди. Бу ер Нурбошидан ҳам баттар бесаранжом, тигиз, нообод эди. Темирчилик растаси дейсиз, лекин маҳсулотлар беҳисоб кўп ва ранг-баранг. Идишлар, хўжалик асбоблари: чойнак, пақир ва ҳоказолар, мева-чевалар аралаш-қуралаш эди.

Бир емакхона олдида тўхтадик. Ош дамлаб қўйилган экан. Хуллас, паловни чинниларда бир бўлак алоҳида қўй гушти билан олиб келишди. Уни еб бўлишимиз билан Ван Дам жаноблари ичкарига кириб, бир товоқ ошни устига гўшт тўғратиб олиб чиқди.

— Ман Асаканинг Чўнтагида шундоқ палов едим, — деди у эътирозимизга жавобан ва Андижон, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида бўлганини айтиб ўтди. Ван Дам асли машхур отдоши каби ниҳоятда камгап, сабр-бардошли, оғир феълли эди. Оғзидан ортиқча калима чиқмасди, ҳозир «ёшлар» билан андак «дезинфекция» қилгач, тили бир оз ечилди чамаси.

Тушликдан сўнг Ябах кўчаси орқали шаҳарнинг шимоли ғарб йўналиши бўйлаб юриб, ўнгдаги Хазорбоғ кўчасидан айланиб, бояги бўйра бозори ёнидан ўтиб, Тор ўғиз йўли, ўн тўққизинчи уйда жойлашган Қашқар музейини топдик. Мозийгоҳ унча бой эмас, биз кидирган, умид қилган нарсалардан ном-нишон ҳам йўқ эди.

Музейдан қайтгач, раҳбар меҳмонхонада қолди, бошқаларимиз яна шаҳар айлангани чиқдик. Бир бозор кўрдик — узундан-узок шляпа ва кепка растаси экан. Фаррух билан Илҳомжон норка телпак олишмоқчи экан, излаб фақат телпак сотадиган растани топдик.

Телпаклар нархи чақар эди: биттасини эллик, олтмиш доллар дейишади. Неъматилло «бунақа телпак кийиш учун мен профессор эмас, порадессор бўлишим керак», деб ўзини ўзи аския қилди ва иккимиз у ердан тезроқ қайтиб, катта йўл бўйидаги дўконларни томоша қилдик. Газлама дўкони ёнидаги раста қандолатчилик ва бошқа нарсалардан иборат эди. Қандолат, зиравор, уруғлар билан савдо қилувчи дўконда қуритилган калтакесаклар, тўп-тўп бақа, кўлвор ва бошқа илонлар ипга тизилиб ё думалоқланган камар каби ўраб, деворларга илиб қўйилибди.

Яна мотоцикл, велосипед сотадиган раста-дўконлар... Магазиндагилар янги, лекин одамлар миниб юрганларининг бари эски, уринган эди.

Шаҳар аҳолисининг тирикчилик манбаи асосан савдо-сотик, ошхона, хунармандчилик экан.

Кекса эркаклар узун авра чопон, қашқар телпак ёки гулли дўппи, ўрта ёшлилар кастим-шим, фуражка ёки шляпа, ёшлар енгил куртка ва дўппи (ялангбоши ҳам кўп) кийишаркан.

Масжидларнинг олдида, шундоққина кўчада сартарошлар эркакларнинг соч-соқолини олишяпти. Аёллар сартарошхонаси ҳам кўп.

Магнитофон кассеталари сотиладиган дўконларда, сартарошхоналарда биздагидай ҳинд актёрлари, актрисалари ва раққосаларининг чиройли суратлари деворларга ёпиштирилган, лекин биздагидай чала кийимда тушган расмлар мутлақо йўқ.

Кечкурун «ёшлар» кимларнингдир ҳавасини келтириб яна «Шинжон» пивосидан нўш этдилар. Ҳаво анча иссиқ эди-да (Ҳа, дарвоқе қашқарликлар «Шинжонг» ёзишаркан. Лекин бу ном бизнинг тилимиз ва қулоғимизга «Шинжон» тарзида сингиб кетган).

Ёндаги хоналардан савдо-сотикқа оид мунозара, музокаралар эшитилиб турарди.

Бугун Зокиржон ака «Таворихи мусиқиюн» рисоласини нашрга тайёрловчилардан маълумот олиш ниятида астойдил шуғулланди. Улардан бири Анвар Ботур оламдан ўтган экан. Ҳамид Темурни Урумчида яшайди, дейишган эди, раҳбар уйига қўнғироқ қилса, Пекинга кетган деб, ўша ёқдаги телефон рақамларини айтиб беришибди. Хуллас, Ҳамид Темур билан гаплашди. У ижодий-илмий таътилда экан, яна тўрт-беш ойдан кейин қайтаркан. Хулоса: агар ўша асар — «Асрори мусиқий» топилиб қолса, биз ҳам воқиф



бўлайлик, дебди. Демак, «Асрори мусикий» Қашқарда, умуман Шинжонда йўқ, акс ҳолда Ҳамид Темур билар эди. Раҳбар Тошкентга сим қоқиб, «Халқ сўзи»даги мақола муаллифининг юқоридаги хабарни қаердан олганлигини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрди, лекин иложи бўлмади.

У Урумчига — Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар довони» рўмонининг таржимонларига ҳам қўнғироқ қилди (келишимизда Пиримқул ака уларга дуои салом йўллаб, манзилларини айтиб берган эди). Афсуски, улар ҳам бу борада бирон ахборотга эга эмас эканлар.

Неъматилло иккимиз ҳам йўл-йўлакай илм-фанга, адабиётга озгина дахлдор кимса билан учрашсак, суриштириб юрдик. Ҳеч бир натижа йўқ эди. Бизни, айниқса Зокиржон акани яна бир масала: Бобуршоҳ Қашқарда бўлганми, деган муаммо қизиқтирарди. Шу пайтгача бу ҳақда манбаларда тайинли маълумот учрамайдир эди. Тошкентда Ғофиржон Сатимов «Британия музейида «Бобурнинг Қашқарни ишғол қилиши» деган миниатюра-сурат кўрдим, дегандан кейин зора шу мавзуга ҳам аниқлик киритадиган бирон хушхабар чиқиб қолса, деган истагимиз бор эди. Йўқ, бу умидимиз шамини ёндирмоққа ҳам бир чақмоқ топилмади. Хуллас, Қашқарда бошқа илинжимиз қолмади. Менинг Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат қабрини зиёрат қилиш истагим бор эди. Аммо Зокиржон акалар ўтган гал келишганида у ёқда бўлишган, боз устига Ёркент бу ердан узоқ, алқисса, Ёркент ҳам, Хўтан ҳам, Ўрумчи ҳам дастуримизда йўқ, қолаверса вақтимиз ҳам тақозо қилмас эди, биз беш кун ичида Хитой ҳудудидан чиқиб кетмоғимиз лозим эди.

Шундай қилиб, Ёркентни кўриш, хоки тани мусофир юртларда қолиб кетган ғамдийда шоир, ватандошимиз изларини зиёрат этмак менга армон бўлиб қолди.

## ҚАШҚАРДА НИМА ҚАНЧА?..

*16 октябр, душанба*

Эрталаб Фаррух Ван афанди билан чегарада олиб қўйилган видеокассеталарни Хитой божхонасининг Қашқардаги идорасидан олиб келишга, раҳбар билан Илҳомжон машинани кўрсатиш учун устахонага кетишди. Картердан яна андак мой сизаётган эди, бу аҳволда 1300 км.лик довон йўлига жўнаш мумкин эмас эди. Маъмурнинг айтишича, Қашқар — Тошқўрғон — 300 км. Тошқўрғон — Гилгет — 400 км. Гилгет — Исломобод — 600 км. эди.

Профессор иккимиз меҳмонхонамизга кираверишда ёйилиб юришадиган хуфёна пул алмаштирувчилар билан гаплашиб қолдик. Аввалига улар билан бир оз чиқишолмай турдик. Неъматиллонинг одатий ҳазилларидан бири қимматга тушишига сал қолди. У «қалин тўланадими?» деган маънода «бу ерда ҳам қизлар сотиладими?» деб сўраган эди, «сарроф»ларнинг ҳақиқий қашқарлилиги, уйғурлиги тутиб кетди.

—Йоқ, бизда қизлар сотилмайду, силарнинг Тошкантинглодо сотиламду? — деди бирови зарда билан. Унга иккинчиси қўшилди. Бири қўйиб, бири бизга пичинг гаплар қила бошлашди. Уларга гап уқдириб бўлмасди. Учинчи бири — Абдурахмон деганига ётиғи билан фикримизни тушунтирувдик, анча маъқул йигит экан, ўша жонимизга ора кирди. Кейин улар билан тиллашиб кетдик.

Буларда қалин пули бор экан, уни, «тўйлик пули» дейишаркан — энг ками беш-олти минг юан (100 АҚШ доллари 830 юанга тенг) бериларкан. Бу пулга келинга тилла тақинчоқлар (балдоқ, узук, сирға) олишаркан. Ўртача бир тўйга ўн минг юан сарф бўларкан. Келиннинг уйи ясатилмас экан.

Шунингдек, Абдурахмон ва бошқа саррофлар билан суҳбатда бизга яна қуйидагилар аён бўлди (ушбу маълумотлар кўчанинг гапи бўлгани боис, ҳақиқатга тўла мос келмаслиги ҳам мумкин):

Қашқарнинг аҳолиси уч милёнга бораркан. Демак, Андижонникидан кўпроқ. Шаҳарда ҳовлилар тор — ярим «мо» атрофидаги саҳнли уйлар кўп, шаҳардан четроққа чиққан сари

икки-икки ярим мо ва ундан кўпайиб боради. 1 мо — 666 кв. метр.

Мактаблар хусусий, пуллик. Ўрта мактаб — ўн икки йил, олти йил бошланғич, етти-ўн иккинчи синфлар ўрта мактаб ҳисобланади. Тахминан 6-7-синфларда ўқиётган бола учун бир ўқув йилида (бу ерда «бир мавсум» дейиларкан) 480-500 юан тўланаркан. Мактаб бу сумманинг маълум фойизини ҳукуматга топшираркан.

Бир талаба учун «бож» уч минг юан экан.

Қашқарда иккита дорилмуаллимин (педагогика билим юртига тўғри келади) ва бир университет бор. Олий ўқув юрти домласи ўн минг юан — 120 доллар атрофида маош олармиш.

Лекин нарх-наво анча баланд. Масалан, ўртача енгил машина эллик минг юан — қирк бир минг қўй — олти минг АҚШ долларининг нари-берисида.

Табиий газ йўқ, бир дона кичик баллонли суюлтирилган газ қирк юан — беш доллар, бир тонна кўмир уч юз қўй. Бир кв. электр энергия эллик тийиндан бир юангача. Қўй гўшти — ўн олти қўй — бизнинг пулга бир минг олти юз сўм ёки долларнинг ўша пайтдаги бозор курсига нисбатан икки долларга тўғри келади. Қўй ёғи нисбатан арзон — ўн қўй — минг сўм. Тухум ўттиз-қирк тийин, пиёз — бир юан, узум, ношпоти (нок) — уч қўй, анор қимматроқ — ёрилган, уринганроғини беш қўй дейишяпти (Аттанг, уч-тўрт яшик олиб келмабмиз-да, майда сарф-харажатларни чиқариб оларканмиз, деб ҳазиллашдик).

Лағмон — уч-олти, палов — беш-олти қўй.

Анор, узум Қашқардан ўн беш чақирим наридаги Бешкарам деган жойда, анжир Отушда, йирик-йирик ношпоти («нешпит» дейишади) Миролвише ноҳиясида бўларкан.

Қашқарликларнинг суйган таомлари — палов, питир манти экан. Йирик-йирик мантини булўк (бўлуғ) манти дейишаркан. Кўпроқ қўй гўшти истеъмол қилишаркан.

Аёллар асосан тўқимачилик комбинатида, тикувчилик устахоналарида ишлашаркан. Қиз-жувонларнинг аксарияти исмига «гул» сўзи қўшиларкан, масалан: Майгул, Робиягул, Саодатгул, Раъногул...

«Хитой»ни — Жунго, «Пекин»ни — Бежин дейишади. Хитойлар ўзларини «чайн» дерлар. Демак, «чин-мочин» деган ибора ана шу сўздан келиб чиққан.

Туяни — тўга, картошкани — янгию, «кўп»ни — жиқ, «бир хил»ни — ўхшаш, «ҳар хил»ни — ўхшамайди дейишади ва ҳоказо. Хуллас, нутқларимизда анчагина фаркли томонлар ҳам бор, лекин ҳарқалай секинроқ гапиришса тушуниш мумкин.

Шундай қилиб, соат ўн яримларда Қашқар билан хайрлашиб, Ван афанди ҳамроҳлигида, тўғрироғи кузатуви, назоратида Тошкўрғон сари равона бўлдик. Қашқарнинг жануб томонига юриб, шаҳардан чиқаверишда ўнгга бурилдик. Яна теракзор кўчалар... Қизилдарё кўпригидан кейин шолитор ерлар бошланди. Дехқонлар ўриб, янчишяпти (демак, иқлими бизникига яқин экан). Йўл ёқалаб кетган дарахтзорлар ичида шולי янчадиган хирмонлар бор эди.

Қашқардаги каби, шаҳардан чиқаверишдаги хонадонлар ҳам бузилиб, янгиланмоқда эди. Эски уйлар орасида бита-яримта кўп қаватли замонавий бино кўзга ташланиб қолади. Аксарият ҳовлиларнинг деворлари пахсадан.

Йўл бўйларида савдо расталари бору, гавжум эмас.

Теракларнинг йўғон — кексаси кам, афтидан дарахт экиш кейинги беш-тўрт йилда урф бўлган шекилли. Ван афандининг айтишича, одамлар теракни ҳукумат кўрсатмаси билан экишиб, ҳукумат рухсати билан кесиб олишаркан.

Айрим жойларда куз эрта келгандай, кўчага терак, толларнинг сарғайган барглари тўкилиб қолган эди.

Маҳмуд Қошғарий (бу машҳур аллома ҳақида маълумот беришга эҳтиёж сезмадим) қабр-мақбарасини зиёрат қилмоқ учун катта йўлдан ўнгга бурилиб, бир чақиримча ичкарига кирдик. Кўча ўртасида Қошғарийнинг баланд, пурвиқор ҳайкали қад кўтарган гулзорга бориб тўхтарди. У ёғи нотекис, адирсимон табиий тепалиқдаги тарихий ёдгорликлар — мўъжазгина музей, янги тушаётган шийпон, сўнг қуюқ дарахтзорлар орасидаги узук-юлук бетон зиналардан яна юқориқ кўтариларди.

Қошғарий қабр-мақбараси энг юксакдаги яйдоқ жойда эди. Мақбаранинг кўзга алоҳида ташланадиган жиҳатларини сезмадим. Зиёратга кириш пуллик эди, майда ақчамиз етмай, ўзимизнинг 10-25 сўмликларни ҳам (Неъматилло уларни «евродоллар» деб тарғиб қиларди) кўшиб бервордик. Паттачи шўху соддагина жувон эди, пастда узокдан бизга патта олинглар, деб қийқирганида, қайтиб тушиб оламиз, деб, келаверган эдик, орқамиздан чиқди.

Марказдан олисда бўлгани учун ёдгорлик — обида ҳукумат эътиборидан ҳам четроқда чоғи. Мақбаранинг орқаси катта қабристон эди. Археолог Абдурасул Карим (у Зокиржон акани танир, ўтган сафар кўришган экан)нинг айтишича, ўн тўққизинчи асрда яшаган уйғур шоири, «Хамса» ва мусиқали драмалар ёзган Абдураим Назар, чақ-чақчи (латифачи) Турди Охун котиб Ғарибийлар шу қабристонга дафн этилган экан...

## Кулиш таъқиқланган.

### Йўл, чўл, Ван...

Яна йўлга тушдик. Маъмур ёнида ҳазил-хузул гап қилиш, кулиш раҳбар томонидан ман этилган, дим-дим кетяпмиз.

Ҳамон теракзор ва гоҳи жойларда пастак, майда баргли толлар оралаб боряпмиз. Пахта ортган эшак аравалар тез-тез учрапти. Пахтазорлар худди шопипоясимон катак-катак, пол-пол эди.

Мактабларнинг пештоқлари, деворлари, панжараларнинг устунлари ниҳоятда ҳафсала билан ёзилган хитойча ёзувларга тўла. Бир девор-устунда битта ҳарф, лекин менимча у камида бир неча сўз ёки тўла бир ҳикматли гапдан иборат бўлса керак.

Қишлоқ йўлларидан сал ичкарироқда қабристон кўп, атрофлари очик. Назаримда майит шундоққина ер юзасига қўйилади. Ҳаммасининг усти ҳар хил шакл ва кўринишдаги лойсувоқ қабрлар...

Кўча текис, асфалт, баланд, икки ёндаги уйлар, далалар анча паст, демак, йўл қурилишига эътибор яхши.

Йўл, манзара алмашилиб боради. Қишлоқлар, теракзорлардан чиқиб, ўнг томони яйдоқ сахро, чап тарафи дарахтли чўл худудига кирдик. Ҳа, дарахт сероб, лекин ажабки, тагида бир гиёҳ йўқ, тошлоқ-кумлоқ.

Кейин Ўпал (Ван Дам шундай деди шекилли, у айниқса, жой номларини жуда дудмол талаффуз қиларди) деган шаҳарча келди.

Йўл, чўл, Ван... Кулиш қатағон этилгани ҳақидаги “фармон” баъзан хаёлдан кўтарилиб қолади. Чақ-чақчи профессоримизнинг навбатдаги теша тегмаган латифасини эшитиб кулиб юборсак, раҳбар биз томонга бир қараб, ё аста томоқ қириб қўядилар, дарҳол лаб-лунжларимизни йиғиштирмакка тутинамиз. Аммо бу ҳол узокқа чўзилмасди. “Фармон”ининг ўта қатъий эмаслигини ва Ван афандининг ҳам ортиқча ташвиш қиладиган даражада «хавфли» эмаслигини раҳбарнинг ўзи ҳам билар, қолаверса, табиатан хушчақчақ бўлгани учун узок вақт жиддийлашиб ўтиришга ўзининг ҳам сабри чидамасди.

Ҳарнечук, Ван афанди билан жиддий мавзуларда суҳбатлаша бошлаймиз, унга саволлар берамиз. Афандимизнинг айтишича, Хитой аҳолиси ҳозир бир миллиард уч юз миллиондан ортиқ. Хитойларга бир фарзанд кўришга, уйғурларга учтагача рухсат берилган...

Ўпалдан чиқаверишдаги гавжум бир гузар олдида тўхтаб, ошхонага кирдик. Аввал иккита ликобда тўйгулик палов беришди. Уни еб бўлганимиздан кейин (Ван афанди буюртмаси билан алоҳида тайёрлашди чоғи) каттагина бир товоқ — лаганда овқат олиб келишди. Биз лағмон деб ўйласак, қайланинг ўзи экан. Чуқур ликобларда лағмоннинг хамирини келтиришди. Ван Дам ташкилотчилигида қайладан ҳамма таъби ва эҳтиёжига қараб хамир устига солди.

Таом ниҳоятда мазали эди, лекин барибир тугатиб юборолмадик (Кейин бу ош, лағмонларнинг қадри шундай ўтдики...).

— Овқат жуда кўпайиб кетди, — дедик.

Ван афанди рўпарамиздаги столда овқатланаётган аёлга ишора қилди. Ёши ўтиб қолган, салкам кампир ярим лаган паловнинг устига тўртта бўлуқ мантини босиб, ҳафсала билан тушираётган эди. Ёпирай! Аксарият одамларнинг ихчамлигига сабаб — демак, уларни овқат эзиб кўяркан-да, деб ўйладим.

Бошқа бир чорпояда ёшгина, кўзлари чакноқ, шўхгина бир келин каттагина ликобдаги лағмонни чўпга илиб еярган, у ҳам, унинг ёнидаги ўрта ёшли аёл ҳам биз тарафга, афтидан Неъматиллога қараб-қараб қуйишарди.

— Мени Ами табх Баччанга ўхшатишяпти шекилли, — деб ҳазиллашди чак-чакчимиз. Унинг юз тузилиши, бўй-баста, буғдойранглиги чиндан ҳам ўша таниқли ҳинд актёрини эслатиб юборарди.

Қизиқиб сўрадик. Жувоннииг исми Саодатгул бўлиб, ёнидаги аёл онаси, 7-5 ёшлардаги киз ва ўғил фарзандлари экан. «Нечага кирдингиз?» деб савол берсак, «йигирма иккига», деди. Демак, ўн беш ёшга кирмасданоқ турмушга чиққан экан-да... Онаси ўттиз еттида экан (демак, у ҳам балоғатга етмай эрга теккан), лекин анча қаримсиқ кўринди. Гўштни кўп ейишгани учун эрта кексайишади шекилли, деган фикр кечди хаёлимдан. Ҳамма ошхоналарнинг олди деворида икки-учта қўйнинг бутун гўшти осиглик, яна столларда тоғора-тоғора тўғралган гўштлар турар, овқатга ҳам гўштни мўл-мўл солишарди.

Аёлларнинг бизга қизиқиб қарашларига асосий сабаб — уларнинг ҳам Андижонда қариндошлари бор экан...

Йўлда давом этиямиз. Ҳовлилар Насриддин афандиникига ўхшайди: олди томонида девор, дарвоза бор, орқа тарафи очик...

Яна қумлоқ, тошлоқдан иборат дашту биёбонга чикдик. Шамол, қуюн. Чангдан йўлни кўриб бўлмайди. Айниқса, беш юз қадамча ердан машина чироғини ёқиб, жуда секин юриб ўтдик — худди қалин тумандагидай...

Аслида, бу чанг узок-узок уфқлардан тутундай ёпирилиб келаётганга ўхшарди.

Помир сари боряпмиз. Ўнгда қизил тоғ, чапда кўк сувли дарё.

Тартибсиз экилган, ўрмонсимон теракзорлар...

Ажабо! Тоғ билан дарё бир-бирига йўлдошга ўхшайди. Аксарият тоғли йўллар, доvonларда шундай — бир ён тоғ, бир ён дарё, сой ёки дарё ўзани. Ўртада йўл — гўё Қоработирдай уларни бир-биридан ажратиб туради. Шаҳарларнинг сув бўйига қурилиши табиий, албатта.

Биз ёқалаб кетаётган (чап тарафдаги) дарёнинг номи Газ эди, ўзани кенг, суви оз.

Йўл тахминан яримлаган жойда тўхтадик. Дарё бўйида, тоғ пойида бита-иккита уйлар бор, айримлари, эгалари ташлаб кетишган бўлса керак, кимсасиз эди. Бир одамдан сўраб билдик: бу Тўқай деган жой экан (бир вақтлар тўқай бўлган бўлса керак, ҳозир бу исмга мос эмас). Кимсанинг оти Абдусаттор эди. Шу атрофда қирқ чорвадор қирғиз оиласи яшаркан.

Газ жамоат хавфсизлигини сақлаш пунктидан ўтганимизда Тошқўрғонга етмиш чақирим қолган эди. Бу ерлар Бурунқўл ноҳиясига қараркан.

Ҳамон тоғлар орасидап боряпмиз. Атрофдан қор шамоли ва совуғи келади. Изғирин. Ўнгдаги симобранг тоғлар ортида қорли қоялар кўриниб турарди.

— Муз тоғлар, — деб қўйди Ван афанди ўша томонга қизиқиш билан қараётганимизни кўриб.

Ёнимиздаги тоғ устида қора, оқиш булутлар ваҳимали тарзда шиддат билан кун ботишга қараб интиларди. Йўл билан тоғ ўртасидаги ўзан чуқур жарликка айланди, сув ўша пастда оқарди. Сой юзасида ҳам булутлар пода-пода бўлиб сузиб юрарди. Жарликда ва ўнгдаги тоғлар пойида уйда-уйдай серқирра харсанг тошлар... Ёпирай! Дунёдаги тош, шағал деган нарсаларнинг кўплигини!..

Маъмур-кузатувчимиз ийиб кетиб, Покистон худудига ўтиш ҳуқуқини берадиган янги, вақтинчалик паспортини, «моторли ва оташли транспорт воситаларини бошқариш жамиятинининг аъзоси» деган ҳужжатини, яъни ҳайдовчилик гувоҳномасини кўрсатди бизга. У 1952 йили (кўринишидан каттароққа ўхшарди) Гонсуда туғилган экан. У бизнинг кўнглимизни тинчитиб қўйиш мақсадида ўзини «танитди» чоғи. Нима бўлса ҳам, вазифаси осон эмас экан, мана, биз билан икки кунлик риёзатли йўлда бирга келяпти... Тилимизга тўла

тушунмай юраги қисилса керак, албатта. Лекин ўзи жуда кам сўз (бу таассуротимиз уч кунда ҳам ўзгармади), гап сўрасангиз, жуда қисқа ва тушунарсиз жавоб беради. Биз унинг отини бир оз нотўғри, айтиб юрган эканмиз, тўлиқ исми-шарифи Ванг Юнн Куи экан...

Чапда, йўл билан ҳайбатли тоғлар ўртасида суви яшил рангли кўл кўринди. Номи Қоркўл экан. Суви тоғлардаги қорлардан эриб тушгани учун шундай аталса керак, Шоҳимардондаги Кўли Қуббонни эслатади.

Кўлдан кейин катта сайҳонлик бошланди. Қўтослар ўтлашарди — пешонаси қашқа, ранги қора ё ола, туки ўскин, думи пахмоқ, елкасида калтароқ ёли бор, шохи сигирникисимон, хийла ваҳимали ҳайвон эди у. Сайҳонликда сарғайиб, қовжираб кетган ўт бор, холос, бошқа ейдиган нарса йўқ, лекин қўтослар семиз эди, улар хўра жониворлар экан, бош кўтармай ўтлашарди. Қўтослар бепоён яйловнинг ҳар ер-ҳар ерида якам-дуккам, уч-тўрттадан бўлиб, ёйилиб юришарди. Улар юз-юзлаб эди. Демак, шу яқин атрофда қўтосчилик хўжалиги бўлса керак. Қўтосларнинг кифтига ўқловдай белгилар — ёзувлар битилган эди.

Бир неча муддат тўхташга эҳтиёж... бўлади. Ҳаво кам, оғир, кучли шамол кумни тўзитиб, учириб ўйнади. Ҳар ер-ҳар ердаги пакана юлғундан бўлак шамолдан ва назардан пана қилгулик ўсимлик ҳам йўқ эди. Хуллас, анча ноқулай жой эди... (Кейин анчагача кумдан зорланиб юргувчилар бўлди...)

Қўтослар эса шамолга парво ҳам қилишмасди. Қора совуқ, изғириндан одамларнинг (улар жуда кам) юзлари қорайиб, тарам-тарам бўлиб кетганди.

Бу қадимий Ипак йўли, карвонлар ўтадиган йўл эди. Қумлик ва шакли-шамойили ваҳимали тоғлар «Али бобо ва қирқ қароқчи» фильмидаги қароқчилар маконини эсга туширарди.

Айлана йўллар билан тепага кўтарилдик. Бу ҳам доvon бўлиб, баландлаганимиз сари нафас олиш қийинлашиб, бошларимиз оғрий бошлади.

Атроф бийдай, гиёҳ йўқ, демакки ҳаво, кислород кам эди. Кимдир ўрик қоқи, кимдир олма, кимдир лимон ейишга тушди.

Энг юқорига чиқдик. 4200 метр. Орқага — пастга қарасак ҳозиргина биз босиб ўтган йўллар илон изи бўлиб аранг кўринади.

Тошқўронга ўттиз чақирим қолганда ўнгга кириб кетадиган кўримсизгина бир кўча чиқди — у Тожикистонга олиб борадиган йўл экан. Демакки, ўнг томонимиздаги баланд-пастлик тоғлар орти — ён қўшнилариимиз юрти.

Тошқўрғонга қоронғуда кириб бордик. Беш юз ўринли катта меҳмонхонага жойлашдик. Шароитлари яхши, ниҳоятда юмшоқ ўринли каравот, адёллар, иссиқ, совуқ сув... Фойе, йўлаклар, хоналарга гилам, палослар тўшалган — бир қарич очиқ ер йўқ. Фақат хоналар совуқроқ - иссиқлик ҳали берилмаган эди. Шу жойда ҳаво тоза, осмон жуда пастдай туюлди. Бирдан «Етти оғайни» эсга тушиб, уни ғужғон юлдузлар ичидан топдим — ғарби шимол томонда — ерга жуда яқин, шундоқкина кўл етадиган масофада турар ва яна пастлаб бормоқда эди.

Кечаси нимагадир уйку жуда нотинч бўлди. Асли жуда кеч ётган эдим. Роса ухлаганга ўхшаб уйғонсам, соат бир экан. Шундан кейин 5 гача ҳар соатда уйғонавердим. Ҳар сафар шундай бўлади: мириқиб, узоқ ухлаганга ўхшайман — энди бир соат ўтган бўлади. Охири туриб кетиб ёзишга ўтирдим. Зокиржон ака билан бомдодни ўқидик.

Меҳмонхонага бир киши учун юз қўйдан тўланди.

## **Менга алам қилар... «Хотирам яна панд берди»**

*17 октябр, сешанба*

Неъматилло, Фаррух — учимиз барвақт Тошқўрғон шаҳар қолдиқларини томошо айламоққа бордик (Раҳбар билан Илҳомжон ўтган сафар кўришган экан). Эрамизнинг иккинчи асрларидан мавжуд бўлган тарихий шаҳар ўрни меҳмонхонадан беш юз қадамча

нарида, анча баландда эди. Тепалик нималардир ковлаб олинган чукурликлардан иборат тошзор эди. Икки юз кадамча нарида атрофи пахса билан ўралган, бузилган, деворлари нураган саройсимон, усти очик бино бор эди.

Шарқдан чиқаётган қуёш нурлари чор атрофда салобат тўкиб турган тоғлар куршови, ёнбағирларидаги оппоқ қор бетига сочилиб, қум зарралари каби йилт-йилт қиларди. Табиат ғоят фусункор эди.

Қайтишда хорижий сайёҳларга дуч келиб қолдик. Нёматилло улар билан уч-тўрт оғиз тиллашди. Австралияликлар экан. Улар ҳам эски шаҳар вайроналарини зиёрат қилгани чиқиб кетишаётган эди.

Менга алам қилди. Хўш, етти-саккиз ҳовлича келадиган, хароба бўлиб қолган Тошқўрғон нимаси билан шуҳрат қозонгану, қайси жиҳатдан ҳали ҳамон дунё сайёҳлари диққатини ўзига жалб этади? Қадимий Фарғона давлатининг йирик, марказий шаҳарлари бўлмиш Андижон, Қўқон Тошқўрғонга нисбатан тарихийроқ, машхурроқ, эътиборлироқ эмасми? Айтайлик, Буюк Ипак йўлида жойлашган, бугунги кунда барпо этилганига икки ярим минг йил бўлганлиги аниқланган, Хитой тарихнавислари таъбирича, номи «ўнинчи бекат, қўналға» маъносини англатувчи Андижон лоақал дунё олимлари, шарқшунослари тавоб қилишадиган Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек улуғ зотнинг киндик қони тўкилган диёр сифатида, Қўқон Турон заминидagi энг катта хонлик пойтахти, маънавий-маърифий ўчоқлардан бири, Нодира бегимдай зукко шоира ва давлат арбоби яшаган қасаба мақомида сайёҳлар эътиборига сазовор бўлиши мумкин эмасми?.. Бу ўзимизнинг эътиборга лойик тарихий жойларимизни муносиб тарзда тарғибу ташвиқ эта билмаслигимиз оқибати бўлса керак.

Бу ҳудудда асосан тожиклар яшашаркан. Думалоқ дўппи устидан рўмол танғиган қиз-жувонлар анча кўхлик, кўримли, фақат жуссалари нозик, ихчам эди.

Ванг раҳбарлигида Кунжирап КПП маҳкамаси ошхонасида (меҳмонхонадан икки-уч чақиримча масофада) биттадан тухум, сутли чой, юпқа нон, тузланган бодринг ва карам салати, яна бир товоқ қовурилган карам (уларнинг овқати экан) билан нонушта қилдик.

Мен меҳмонхонада ювиниш анжомларини (совун, дезодарант, тиш паста ва чўтқаси каби) қолдириб келаверибман.

— Сафарноманинг бир бобига «Хотирам яна панд берди» деган сарлавҳа қўйиларканда, — кулди профессор. — Сизга нарса йўқотиш одат экан-да ўзи...

«Ҳа-я», деб ўзим ҳам ўйлаб қолдим. Нимагадир кўп нарса йўқотаман. Энди хушёрроқ бўлишим керак, деб аҳд киламану, аҳд ҳам, хушёрлик қилиш ҳам ёдимдан кўтарилиб қолаверади.

Кунжирап назорат пунктдан Кунжирап божхонасига ўтдик. Машинамиз билан боғлиқ муаммо чиқиб, икки соатча туриб қолдик. Австралиялик сайёҳлар ҳам (улар иккита автобусда эдилар) шу ерда, улар ҳам Покистонга ўтиб кетишмоқда эди. Аксарияти эллик-олтмиш ёшлардаги, соч-соқоли мошгуруч аёл, эркаклар. Уларнинг ҳафсалаларига қойил қолиш керак: эгниларида бежирим, енгил куртка, калта шим ё тор шалвар, орқаларида ё елкаларида биттадан юк халта. Шарқ мамлакатларини, дунёни томоша қилиб юришибди. Улар (бундайлар Оврўпада, Америкада ҳам кўп) яшашни, ҳаётдан ҳузурланишни билишадиди. Яшашнинг маъно ва мақсадини англашади. Аксарият осийликларга, жумладан, ўзбекларга ўхшаб, умр бўйи бир этак бола учун меҳнат қилиб, дурустроқ еб-ичмай, киймай пул йиғиб, уни уй солиш, тўй қилишга сарфлаб, қўшни шаҳар ё вилоятни ҳам кўрмай ўтиб кетишмайди!..

Дарвоқе, божхонадан покистонлик савдогар-тижоратчилар ҳам ўтишмоқда эди. Улар сандикдай-сандикдай жомадонлар, қалин хитой адёли жойлаштирилган саккиз бурчакли катта елим халталар, идиш-товоқ солинган қалин қоғоз қутилар ва бошқа сумка, юкларни кифтларида у ёқдан бу ёққа кўтариб ўтишар, йўлакларда иккитасини поезд-поезд қилиб, бесаранжом йўловчилар оломони орасида энкайганича суриб-ғилдиратиб юришар, бир-бирларига бақириб-чақирешарди. Бояқишлар терлаб-пишиб кетишган эди. Уларга раҳмим келиб:

— Савдогарлик ҳам қийин экан-да, — дедим.

— Қайси хунар, қайси касб осон? — сўради Зокиржон ака.

— Ҳарқалай, қаламқашлик тузук экан, хоҳласак ёзамиз, хоҳламасак – йўқ, ўзимизни жа-а ўтдан-чўққа урвормаймиз...

Хуллас, божхонада соат ўндан ўтганда Ванг Юнн билан хайрлашдик. «Хайрият-эй, назоратчидан кутулдиг-а, эркин нафас олиб кетадиган бўлдик», деб суюниб улгурмасимиздан у ўзининг ўрнига бир уйғурни «дўстим», деб қўшиб берди. Унинг исми Муҳаммадамин экан.

Кетяпмиз. Янги ҳамроҳимиз, Ван Дамнинг ўринбосари «савдогарман», дейди. Ким билади, бошқа «хунари» ҳам бўлиши мумкин. Кийиниши жўнроқ, лекин ёнида пейзажи бор экан (бу матоҳ мундайроқ одамда бўлавермас эди, қолаверса, савдогарга унча ҳожатиям йўқ). Табиатан анча пала-партиш, шошқалоқ ва хийла сурга ўхшаб турибди. Гапга солиб кетдик. У яқинда паспорт олибди: икки йиллик муддатга. Бу ҳужжатни кўлга киритиш учун олти минг кўй (йўғ-э, ахир бу бизнинг пулга олти юз минг сўм демак!) берибди. Унинг айтишича, Қашқарда, умуман Шинжонда бошпурт 25 дан 45 ёшгача бўлган фуқарога бериларкан, ундан ёшига ҳам, кексасига ҳам берилмас экан. Паспорт фирма-ширкатлар воситасида олинаркан. Тўланган пулнинг бир қисми ҳукуматга топшириларкан.

Помир тизмалари қуршовида боряпмиз. Яйдоқ сайхонликлар, гувала уйлар учраб турибди. Суви саёз, кенг ўзан ҳам биз билан кетмоқда.

Омочда тошлоқ ерни ҳайдашяпти. Бу ҳудудда асосан буғдой экишаркан.

Ўнгда Тошқўрғон дарёси.

Чорвачилик хўжалигидан ўтяпмиз. Бир яйловда ҳар хил тоифадаги ҳайвонлар — от, туя, эшак, мол, кўй, эчкилар мураса қилиб ўтлаб юришибди, яшашяпти. Бир ҳовлидаги одамзотлар — бир оила аъзоларининг келишиб, ахил ҳаёт кечириши кийин-а...

Хонадонларнинг деворлари, томлари лойсувоқ. Бита-иккита тош уйлар кўриниб қолади, томи пирамидасимон кулбалар ҳам бор.

Инсон боласи яшовчан хилқат-да: шу жойларда ҳам умргузаронлик қилишяпти. Умуман шароит йўқ. Тўғри, сув текин, ҳаво текин, гўшт серобдир, аммо бошқа нарсалар-чи... йиллаб, балки умр бўйи шаҳар кўришмас...

Дарёнинг суви кўм-кўк — зилол.

Бир кўприк ёнида Ван Дамнинг ўринбосари бизни узум, кулча-ширмон билан меҳмон қилди. Чой ўрнига сув ичиб қўя қолдик. Сув ниҳоятда совуқ эди, ахир у сал наридаги тоғ қоридан бинога келган-да.

Катта ўзанда сув кам эди. Ажаб, шу жойгача, шу пайтгача кўрган дарё-ўзанларимизнинг ҳаммасида аҳвол шу. Демак, бу йил биздагина эмас, умуман Шарқ мамлакатларида оби ҳаёт танқис экан-да.

Йўл текисга ўхшайди, бироқ машина силтайди, демак, асфалтнинг таги яхши котирилмаган.

\* \* \*

Покистон худудига ўтганимизда чап кўл қоидаси бошланди. Яъни, машина кўчанинг сўл тарафидан юриши лозим. Бу қоида Илҳомжонга бир оз ноқулайлик туғдирияпти, лекин кўникиб кетади, аввал ҳам бўлган бу «чапақай» юртларда.

Йўлнинг мазаси қочди, бунинг устига қор бор эди.

Покистоннинг сандиқ-жавон каби безатилган автомобиллари кўрина бошлади.

— Бу мошинилодо сўдигарлар бодом элиб келиду, — деб тушунтирди Ван Дамнинг оғайниси. — У тарапта бодом арзон — олти кўй экан. Қашқарда ўн бир кўй. — Муҳаммадамин «кўй»ни «кўй» тарзида талаффуз қиларди.

Хайбар деган жойда, маҳобатли тоғлар қуршовида тўхтаб, гўзал, пурвиқор манзараларни видеога, суратга олдик.

Анчадан бери қандайдир ёқимсиз бўй таралмоқда эди.

— Олтингургурт ҳиди келяптими, — деди Неъматилло ўсмоқчилаб.

— Куйиндининг исига ўхшашяпти, — дедим. Бошқалар индашмади. Машина ичида тутун пайдо бўла бошлади.

Профессор билан (иккимиз орқа ўриндикдамиз) ҳидни ҳар замонда муҳокама қилиб боравердик, аччиқ ис тобора кучайиб, димоғни қичиштирарди. Бўлмади.

— Машинага тутун, ҳид қаердан кияпти? — сўрадик Илҳомжондан.

— Бир у ёқ-бу ёгингизни кўриб кўймайсизми, — деди раҳбар ҳам ҳайдовчимизга.

— Глушителдан чиқаётган тутун, шамол ичкарига уряпти. Орқа капотни резинкаси ейилиб, яхши ёпилмайдиган бўп қопти, — деди Илҳомжон парвосизгина.

— Ҳарқалай, бир қараб кўраверинг, бошлар оғрий бошлади, бунинг устига ўзингиз ҳам чеквордингиз, — дедик.

Кеча ҳам орқа капот яхши ёпилмаганини билмай, узоқ вақт чанг ютиб келган эдик.

Раҳбарнинг расмий буйруғидан кейин Илҳомжон машинани тўхтатиб, пастга тушди, орқа капот эшигини очиб, қайта ёпди. Тутун ҳам, ҳид ҳам йўқ бўлди-қолди.

— Демак, тушишга эриниб, айбни резинкага тўнкаб кўя қолган экансиз-да, — дедик.

Илҳомжон индамади.

Ё, тавба, салкам бир соат сассиқ тутунни ҳидлаб келибмиз-а! Бир лаҳзада қутулдиг-а! Ўзи, ҳаво етишмай, энтикиб боряпмиз...

Неъматилло анча қизиқ ва қизиқчи эди. Ҳарқалай, хамроҳини зериктирмай юрадиганлар тоифасидан экан. Ёши ўтиб бораётган бўлишига қарамай, ҳазиллари ўзига ярашарди. Эрталаб ҳамма кўрган тушини гапира бошловди, профессор ҳам айтди:

— Бугун мени тушимга хотинлар кирибди. Ҳар куни тушимда эркаклар тонг отмасдан тепамда девайлашиб, «турмайсизми?», дейишарди.

У Зокиржон ака иккимизга шаъма қилмоқда эди, чунки эрталаб уларни ё раҳбар ё мен уйғотамиз-да...

Яна чорвадорлар макон тутган жойлардан ўтяпмиз. Ўтовга ўхшаган, яъни чодирсимон уйларнииг ўртасидаги мўридан бурқсаб чиқаётган тутунни кўриб ажабланамиз.

Яйловларда ҳайвон кўпу, биронта кавш қайтариб ётгани кўринмайди. Ё тўйимли ўт йўқ, ё ҳаммаси мечкай шекилли...

Икки ёнда қизғиш юлғунзор бошланди (Бу дашт ўсимлиги Бобур Мирзонинг ҳам эътиборини тортган).

Илҳомжон тезликни оширган эди, машина ғилдираги бир-икки жойда дўқиллаб чуқурга тушди, бурилишларда сал ваҳима бўлди (Тоғ йўли: тор, чиғаноқ қайрилишлар кўп). Шунда раҳбар сўзларни дона-дона ифодалаб:

— Илҳомжон, сиз қаёққа шошяпсиз — билмадим, лекин мен ҳеч қаёққа шошаётганим йўқ. Ичимизда ошиқаётганлар бўлса (яъни, сизни тезроқ юринг деб қистаётганлар бўлса, демокчи), тушиб, йўловчи машинага ўтириб, биздан олдинроқ бориб тураверсин, — деди.

Яна доvon бошланди. Дунёнинг, хусусан Шарқнинг йўллари доvonлардан иборатга ўхшайди-я!

Йўл билан тоғлар ўртасидаги ялангликларда олов ичида қолгандай қизариб куйган тошлар (балки улар миллион йиллар давомида куёш ҳароратидан шундай ҳолатга келгандир) сероб эди.

Йўл бир хил, зерикарли. Ҳаммаёқ кип-қизил тош, майса-гиёҳ йўқ, кислород, ҳаво кам.

— Бу томонларга баҳорнинг этакроғида сафарга чиққан яхши шекилли, ҳарқалай, кўклам пайтида сал-пал бўлса ҳам кўкат ўсса керак...

Мулоҳазам раҳбарга унча маъқул тушмади чоғи, муносабат билдирмади.

Даштлик ҳудуддан чиқиб кетдик.

Тўп бўлиб ўсадиган, пастакроқ толсимон дарахтларни сўгат дейишаркан — Муҳаммадамин айтди.

Кун илий бошлади.

Дийй отлиғ жойда КПП ва чегара-назорат масканидан ўтдик. Покистонликлар «Ўзбекистон» сўзини эшитиб «Муслим?» деб сурашди, «Алҳамдиллalloҳ» дедик. Ўтган галги сафаримиз чоғида «Ўзбекистон» деган мамлакатни тушунтиролмай кўп қийналган эдик, умуман биз учун муқаддас бўлган бу каломни тўғри талаффуз ҳам этишолмай, бизни хуноб қилишган эди, мана, бу сафар «Ўзбекистон», «ўзбек» атамаларини ҳеч бир изоҳсиз англашяпти, демак, хур Ватанимизнинг номи ва шони мана шу кимсасиз, овлоқ маконларга ҳам етиб келибди. Ҳайрият! Мана шу далилнинг ўзи Истиклол аломати, Мустақилликдан катта нишона...



Ҳар одамга тўрт доллардан тўлаш керак экан, Покистоннинг Ўзбекистондаги элчиси хатини ўқишиб, хушмуомалалик билан ўтказиб юборишди.  
Кунжирап тугади.

# ПОКИСТОН

## Ван Дамнинг «дум»и

Қизикарли тоғлар бошланди. Кўмирсимон, япалок, йилтироқ тошлар кўмир конини эслатарди. Оралиқдан туртиб чиққан қояси кеманинг тумшугига ўхшайдиган тоғларга қараб, табиатнинг истеъдодига, маҳоратига қойил қолардик.

Йўл тор, ўнгда – тоғ, чапда, чуқур жарликда сой шарқираб оқяпти, нариги бет яна тош қатламлари ранг-баранг тоғлар... Салдан кейин тепадан сурилиб тушган, катта-кичиклиги деярли бир хил — тухумсимон тошлар уюмини кўриб дунёнинг мўъжизаларга бойлигидан яна бир қарра ҳайратландик.

Бир-бирига менгзамайдиган бурилишлардаги гўзал манзаралар ҳам гўё табиат ижодидан намуналар эди.

Сўст қишлоғидаги Покистон божхонаси ҳовлисида ҳамма буюм-нарсаларни машинадан туширтиришди. Астойдил текширишмоқчи эди, раҳбар божхона бошлиғига Покистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси хатини, китобларни («Ҳинд сориға», «Бобурийлардан бири») кўрсатиб, ўзини таништириб, экспедиция фаолияти, мамлакатимиз ҳақида гапириб бергандан кейин сумкаларнинг бир-иккитасини кўришган бўлди-да, яхши, юклайверинглар, дейишди. Илҳомжон бояқиш ашқол-дашқолларни яна қайтадан жойлаштирди. Шунисигаям шукр, акс ҳолда икки-уч соат қолиб кетишимиз мумкин эди.

Бу ёқда ҳам куз бошланиб, япроқлар сарғайиб кетган эди. Тоғ ёнбағрларида терак ва бошқа манзарали, мевали дарахтлар кўп — водийга ўхшарди.

Сўстан чикаверишда, чап тарафда чоғроққина ҳовлили бир маҳкама учради. Эшиги тепасига «Ибн Сино номидаги тиббий марказ» деган ёзув (инглиз тилида) битилган эди. Кўкракларимиз бир кўтарилиб тушди. Лавҳа дилларимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

— Буни қаранглар-а, зўр-ку — Покистоннинг бир чеккасида буюк ватандошимиз номида тиббиёт маркази бўлса, — дея ҳаяжонларимизни бир-биримизга ошқор қилдик.

Йўлнинг икки томонида икки метрча баландликда ип тортилиб, ўртасида қийраҳонига қизил хошияси бор яшил, шапалоқдай байроқчалар илинган, улар енгил шабадада ҳилпираб турарди.

— Мен сизларнинг ўрнингизда бўлсам, машинани тўхтатиб, ана шу жойни кўрган, нима, қанақа марказ — сўраб билган, тасвирга олган бўлардим, — деди Зокиржон ака.

— Ҳа-я, ростданам кўриш керак эди, — дедиг-у, лекин анча юриб қўювдик. Аслида, автоуловимиз фақат раҳбарнинг буйруғи билан ҳаракатланар, ҳатто ҳожатга эҳтиёж туғилганда ҳам уни тўхтатишни Илҳомжондан эмас, раҳбардан илтимос қилиш лозим эди. Бунинг сабаблари бор эди, албатта. Сафарларнинг биридан қайтишда, Туркменистон чўлларида Зокиржон ака мизғиб қолган пайтда Илҳомжон билан Фаррух машинани ўзбошимчалик билан тўхтатиб қўйишиб, жиддий фалокатга дучор бўлишларига бир баҳя қолган, анча-мунча гирифтор бўлишган ҳам. Ана шундан кейин раҳбар ҳайдовчига (у ким бўлишидан қатъи назар) унинг буйруғисиз тўхташни қатъий таъқиқлаб қўйган (Мазкур воқеани кези келганда батафсилроқ шарҳлаб ўтамыз).

Сўст атрофида ҳам асосан тожик миллатига мансуб одамлар яшаркан.

Оқиш оҳаксимон тошли тоғлар ёнидан ўтяпмиз. Кун кечкириб бормоқда. Муҳаммадаминни гапга соламиз. Унинг тўрт фарзанди – бир ўғил, уч қизи бор экан.

— Сизларда иккитадан ортиқ туғишга рухсат йўқ экан-ку, — сўрадик.

— Ҳа, шундоқ саёсат бор, оммо жозо йоқ, — деди у. — Бу ёкто ҳатто йэтти-сақкиз болилик оилалар бор...

Бу гапга унча ишонгимиз келмади.

Тош деворли уйлар кўрина бошлади, ҳатто кўча деворлари ҳам тошдан.

Меҳмонхонага ўхшаган жой ҳеч кўзга чалинмас, тунаб қолишга тўғри келиб қолса нима қиламиз экан, дея ҳавотирланиб борардик. Пасу деган каттароқ қишлоқда сайёҳлар кўниб ўтадиган масканни кўриб, сал хотиржам тортдик. Кейин бунақа кўналғалар кўп учради.

Гилгетга 155 км. қолди.

Дарё ўзани бирдан кенгайиб, ёйилиб оқа бошлади. Гишт шаклида қирқилган тошлардан қурилган уй кўрдик. Бир-бир ярим метр баландликда тош териб, кўрғон қилинган ерлар кўп эди. Булар томорқалар эди чоғи.

Тоғлар қуршовидаги ҳовузсимон лимиллаб турган сувлар табиат томонидан яратилган сув омборига ўхшарди.

Юракка ваҳима соладиган жарликлар қуршовидаги тор йўлдан боряпмиз (лекин булар ҳали ҳолваси экан). Ўзимизни чалғитиш учун бир-биримиз билан ҳазил қилишга тушган эдик, раҳбар: «Илҳомжонни чалғитасизлар», деб огоҳлантирди. Чиндан ҳам биз кўпинча ҳайдовчини эсдан чиқариб кўямиз. Бу ёқда ўтириб, аския айтишамиз, куламиз, ёнбошлаймиз, хоҳласак мизғиймиз, бир нарсалар еб-ичиб, атрофни томоша қилиб кетамиз. Ҳайдовчининг эса қўллари рулда, кўзлари йўлда. Хуллас, бояқиш кўп нарсдан маҳрум. Бунинг устига, у хаёлини ҳам чалғитмаслиги, бутун диққат-эътиборини йўлга қаратиши зарур. Умуман олганда ҳам орамизда энг ювош, мўминимиз Илҳомжон эди. У хусусан раҳбар нима деса хўп дерди. Бу, табиий албатта, чунки у Зокиржон аканинг ходими, гарчи Бобур миллий боғининг директори бўлса ҳам. Илҳомжон, баъзан шефнинг гапи унча маъқул бўлмаганда, ўзини эшитмаганга соларди. Унинг фақат шу имтиёзи бор эди, бу имтиёзни эса унинг ўзи яратиб оларди. Раҳбар эса ҳайдовчининг чекланган томонларини яхши билар ва унинг дам олишига шароит яратиб берарди. Умуман, Зокиржон ака жуда меҳрибон раҳбар, агар ийиб турса, бутун дунёни ваъда қилиб юборади. «Хўш, иймаса-чи», дерсиз? Албатта... Бирок унинг иймагани ҳам аксарият бойлар, бошлиқларнинг ийганидан яхшироқ...

Гулмит қишлоғидан ўтяпмиз. Картошка кўп экилиб, сотиларкан. Қоплаб, йўл бўйларига фарам-фарам қилиб тахлаб қўйишибди. Машиналарга юклаб олиб кетишяпти.

Тош уй, кўрғонлар борган сари кўпаярди. Умуман, мана шу ҳудудларда тошдан беармон фойдаланишаркан, дарҳақиқат, тош тайёр, текин қурилиш ашёси-ку. Тўғри қилишаркан. Тоғ ёнбағридаги жойларда уйни гуваладан қуриб бўлмайдиям-да.

Кавказсимон манзарали, тоғли водий бошланди. Қараб кўз тўймайди. Менда тоғлар ҳам, тошлар ҳам гўзал бўлиши мумкин экан, деган хулоса туғилди шу ерда.

«Ипак йўли» деган кўналғада тўхтамоқчи бўлдиг-у, яна озгина юрайлик, деб давом этдик.

Қоронғи тушди. Тунги тоғлар, жарликлар янада ваҳимали эди.

Дарвоқе, йўлларда «Дийдор муборак!» деган шиор-ёзувларни кўриб ҳайрон бўлувдик, боиси бор экан.

Хунза вилоятининг Ганиш жамоаси марказидаги Қорақурум (бу асли довоннинг номи) меҳмонхонасида тўхтадик. Шу жойда кўчага муваққат, рамзий дарвоза қурилган, уни беш-олти киши безаш билан банд эди. Тепага инглиз тилида «Хуш келибсиз, суюкли Ҳазир Имом!» деган шиор тортилган эди. Икки ёндаги устунга айлантриб узум, олмаларни териб чиқишибди. Кўчанинг икки бетига байроқчалар илинган эди.

Суриштирсак, маҳаллий мусулмонларнинг Парижда яшайдиган раҳнамоси, Франциядаги халқаро ёрдам жамғармасининг раиси Ҳазрат Имом эртага ташриф буюриб, Сўстдаги биз кўрган Ибн Сино тиббий марказининг очилиш маросимида қатнашар эканлар (демак, катта миқдорда дори-дармон ва моддий ёрдам олиб келса керак).

Меҳмонхона орқасида дарё шовуллаб турар, рўпара — шимол томон — тоғ ёнбағирлиги тахминан бир неча юз қадам баландликка чўзилган дарахтзор бўлиб, оралардан уй чироқлари, шунингдек, айлана йўллардан тепага кўтарилиб бораётган машиналар чироғи

лип-лип этиб кўринарди. Кун ботиш — яланг кенглик, осмонда юлдузлар ғужғон ўйнарди. Ҳаво тоза ва енгил эди. Бир оз айландик. Йўл қирғоғида кўримсиз, майда дўконлар бор экан.

Ресторанга кирдик. Палов бор, дейишди. Қашқар паловлари кўз олдимизга келиб суюниб кетдик. Анча кутдик. Бир вақт ошни олиб келишди: сувда пиширилган гуручдан бошқа нарса йўқ. «Гўшти қани бу паловнинг», деб сўрасак, «ўзларинг гўштли бўлсин демадинглар-ку», дейишди. «Роса маза қиладиган бўпмиз-да», дедик. Начора, қоринлар оч, чепоти билан ёғсиз, гўштсиз, сабзи-пиёзсиз оқ «палов»ни таб кўтарганча тушурдик. Тўппа гуруч нари ютсак, бери қайтади...

Покистон ва Шимоий Ҳиндистонда, айниқса, мусулмонлар орасида кенг тарқалган суюмли таом мана шу «қулинг (яхшиям «қўлинг...» эмас!) ўргулсин» палов — уни покистоний ва ҳиндий лаҳжаларда «пулоу» дерлар. Албатта, бу Бобур Мирзо билан, балки ундан аввалроқ борган, ўз даврида дуппа-дурустгина туркона-ўзбекона ош (палов) бўлгану, кейин мамлакатдаги иқтисодий аҳвол боис, масаллиғлари бир-бир камайиб, «тахрир» қилиниб, шу кўйга, думи юлинган мусича аҳволига тушиб қолган бўлса керак.

Кечаси чироқ ўчиб қолганини ҳисобга олмаганда хоналардаги шароит (иккинчи қаватда эдик) ёмон эмас эди, дарёнинг ҳузурбахш шовқинидан маза қилиб ухладик.

*18 октябр, чоршанба*

Эрталаб барвақт жўнамоқчи бўлиб турувдик, лекин ҳисоб-китоб чўзилиб кетди. Қўнқавой — Муҳаммадамин, хизматга тухмат, деб, ўзининг улушини ҳам бизникига кўшдириб юборибди.

— Шунча юз километрдан олиб келяпмиз, ҳеч бўлмаса меҳмонхона ҳақини ўзингиз бермайсизми, — десак, «Ван ҳаммасини улар тўлайду, — деган», дейди тап тортмай. Вой гўсхўр-ей...

Асли Неъматилло иккимиз бошда унинг машинага чиқишига қаршилиқ кўрсатувдик, узок йўл, жой чатоқ, деб. Зокиржон ака раҳмдиллик қилди. Эҳтимол у бошқа мулоҳазаларга боргандир. Маъмур деганини ўчакиштириб бўлмайди, деб ўйлагандир. Ахир Ванг афандимиз оғайнисини машинага чиқараётди: «ман божхонидин ўтиш билан боғлиқ ҳамма ишлони тўғурлоп бадим», деб писанда қилди-да... Раҳбаримиз ҳатто яхшигина шляпасини ҳам Ванга кийдириб юборди.

— Аслида бош кийим бировга берилмайди-ку, майли энди, шунча кундан бери биз билан юрибди, ҳам, бош-кўзимиздан садақа, — деди у ўшанда ўзининг кўнгилчанлигини хаспўшлаб.

Лекин чақ-чақчи профессоримиз ҳам хийла жангари экан, бир ахтарувди, Муҳаммадамин пулни ўзи тўлайдиган бўлди.

Биз можаро қиляётган пайт соат олтилар эди. Тепада — айлана йўлда бир хил — пушти ранг кўйлак кийган йигирмадан зиёд қиз-аёллар кўринди.

Хуллас, жўнадик. Ван Дамнинг «думи» тумрайиб ўтирибди. «Уни қолдирайлик, йўловчи машиналарда кетаверади, шунча жойга олиб келиб кўйдик-ку, ўлигини ортоладими, қолаверса, энди Ванг-панг бизни кўриб ўтирибдими», деган таклиф-мулоҳазалар ҳам бўлди, бироқ кўпни кўрган, узокни кўзлайдиган Зокиржон ака «кўйинглар энди, кетса-кетар» деб шаштимиздан қайтарди.

Йўлда катта ёшдаги эркаклар, болали аёллар, ёшлар, болалар, қизлар пиёда, тўп-тўп бўлиб тепага қараб кетишарди. Ҳаммаси ясанган; уларнинг кийинишидан ясанган-ясанмаганини ҳам фарқлаш қийин, чунки бари бир-хил либосда эди: эркаклар коло — бўғик рангли узун кўйлак, шалварда, қиз-жувонлар енгил, юпқа, ранги нафис, масалан пушти, қизил, оқ... кўйлак-шалвар ёки узун сарийда...

Уларга қараб, атрофни кузатиб, наҳотки, шу жойлар мен матбуот ахборотларида ўқиган — Покистон билан Кашмир ўртасидаги “Бахтиёр одамлар водийси” халқи касаллик нималигини билмайдиган ўша машҳур Хунза бўлса, дея таажжубланаман. Манбаларда, жумладан, “Қизикарли география” китобида (1978 й.) “...Полициясиз, пулсиз, автомобилсиз, меҳмонхонасиз, газета ва радиосиз, турмасиз...” ўлка аҳолисининг, азбаройи ўриқхўрлигидан

камида 120 йил умр кўришлари ёзилган, хорижлик, хусусан ғарблик сайёх, журналистларнинг бу маконда 130-140 ёшли бардам чолларнинг кўплиги, 103 яшарли қариянинг ўнлаб километр йўлни “енгилгина сайр қилиб” ўтишлари, аёлларнинг 50-60 ёшда ҳам ёшлик латофатларини йўқотмасликларидан ҳайратланишларига аниқ мисоллар, далиллар келтирилган эди. Наҳотки, ясан-тусан қилиб, кўчани тўлдириб юрган манави одамлар яқин ўтмишда ярим ёввойиларча ҳаёт кечиришган ўша хунзаликлар бўлса?

Водийнинг узунлиги қарийб 150 км. Унинг худудида қарийб 200 та қишлоқ бор, дейилади. Балки, шарқи жануб томондаги салобатли тоғлар ортидадир қишда, ўн градусли совуқда муз тешиб чўмиладиган, оғриқни писанд этмайдиган, тишини темирчига олдирадиган кишилару бир-бирлари билан умуман жанжаллашмайдиган болаларнинг афсонавий юрти?!..

Ҳаммасидан ҳам хунзаликларнинг қадимий бир удуми ҳақидаги нақл мени жуда танг қолдирган. Аввало, уларда бевафолик, хиёнат камдан-кам учраркан. Мабодо шундай ҳодиса содир этилса, айбдорларнинг уйларига ўт қўйиб юбориларкан. Юқоридаги китобга киритилган, аслида “Ўқитувчилар газетаси”нинг 1966 йил декабр ойи сонларида босилган “Нодир Хунзанинг сири” мақоласида қайд қилинишича, ўша пайтгача жазо тариқасидаги “уй ёнғини” энг сўнгги марта 1934 йили рўй берган экан.

Ҳозир қанақа — билмадим, ахир замонлар шиддат билан авжланыпти, эвриляпти, эски урф-одатлар унутилиб, янгилари пайдо бўлмоқда... Лекин менингча, бир жаҳат — водийнинг баҳаво, хушманзара ва жозибадорлиги ўша-ўша эди.

Аммо, ҳарқалай, китобий воқеалар билан ҳозирги ҳолат орасида деярли уйғунлик сезилмасди.

Йўлда одамлар оқими тобора кўпайиб, қалинлашиб борарди. Улар гўё катта сайлга ё ҳайит намозига кетишгаётганга ўхшарди. Кўчанинг иккала юзидаги байроқчаларни кўриб, шунча узок масофага эринмай териб чиқишганини... деб ҳайрон бўламиз. Инглиз ва урду тилларида «Хуш келибсиз, муҳтарам Ҳазир Имом!» деган шиор ҳам ҳар қадамда эди.

Тахминан тўрт чақирим юрганимизда одамлар оқимини бошқаришгаётган махсус, носранг кийимли полисменларга (улар жуда кўп эди) дуч келдик. Йўлнинг ўнг томонидаги кенг майдонда катта бир тантанага ҳозирлик кўриломоқда эди. Ерлар тозаланган, майдон атрофига оқ ҳошиялар чизилган, гиламлар тўшалган. Полисменлар кўчанинг икки тарафида қўллари бир-бирига етадиган масофада тизилишиб, келувчиларни майдонга йўллаб туришарди.

Биз ҳам озгина ўтиб тўхтадик. Суриштирсак, Ҳазир Имом ҳазратлари соат ўнда вертолётда келиб, шу жойга қўнар ва халқ билан учрашар экан. Кейин Ибн Сино тиббий марказига бориб, унинг очилиш маросимида қатнашар, марказга ва шу маҳаллий халққа моддий ёрдам топширар экан.

Буларнинг «хон келди»си жуда ортиқча дабдабали туюлди.

Майдоннинг орқа тарафи — шимол томондаги тоғларнинг қоқ белида — текис суйри ёнбағирликда «Хуш келибсиз, Ҳазрати имом!» деган шиор оҳақка бўялган тошлар билан ёзилган ва у назаримда бир неча ўн чақиримдан ҳам жуда аниқ кўринарди. Мен шунча баланд ва ноқулай жойга одам зотининг қандай чиққанини (яна тош, оҳақ кўтариб!) тасаввур қилолмадим. Кейин, йўлимизда бундан ҳам баланд, бундан ҳам ўнғайсиз тоғ ёнларида ана шу шиорнинг ўндан ортиғини кўриб, баттар ҳайратимиз ошди. Бу ниманинг аломати — эътиқодми, хушомадми? Вертолётдан ҳам кўриниб туриши учун шу қадар баланд, қийин ва хавфли жойларга тошлардан сўзлар ясаб, уларни оқлаб чиқиш ҳазилакам иш эмас-ку! Балки муҳтарам меҳмоннинг ташрифи шундай дабдаба ва машаққатларга арзир...

Дарвоқе, биз давом этган мана шу йўлда энди бу томонга келишгаётган, ясанган одамлар оқими тугамасди. Полисменлар бу ёқда ҳам саф тортиб туришар, авто улов қатнови тўхтатилган эди (Бизни хорижлик бўлганимиз учун ўтказиб юборишарди). Яна, кўчанинг икки қирғоғидаги байроқчаларнинг адоғи кўринмасди.

Чинакамига ваҳимали ва хавфли доvon бошланди. Йўлнинг чап томонидаги дарё ўзани сув кўринмайдиган даражада чуқурликда, қирғоқ жуда тик ва тор йўл деярли жарлик қиршовида эди. Қарасангиз, тубсиз ўпқон ўз домига, қаърига тортиб кетаётгандай туюлади.

«Носиробод қишлоғи» деган кўрсаткич — лавҳага дуч келдик. Лекин атрофда биронта ҳам хонадон йўқ, одамлар дарёнинг, кенг ва чуқур даранинг у бетида, тоғ ёнбағрида, қуюқ дарахтзорлар орасида ҳақкам-дуккам яшашарди. Арслонбоб табиатини эслатадиган, ундан чиройлироқ, сердарахтроқ водий эди.

Юракни шувиллатадиган жарликлар, шундоққина йўлга осилиб турган ваҳимали қоялар ҳамон бизга йўлдош эди. Аввалига жарликка ва тепага қарамасликка ҳаракат қилиб, ўзаро суҳбатга машғул бўлиб бордик. Кейин бора-бора жарликлар ваҳимасига ҳам, тоғлар, қоялар ҳайбатига ҳам анча кўникдик.

Аҳоли кўпроқ яшайдиган ҳудудга чиқдик. Соқол-мўйловига микроз тегизмаган ўспиринлар, ҳаворанг, узун кўйлак-шалвар кийиб, оппоқ юпка рўмол ўраган, китоб-дафтарларини кўкрагига босиб олган ўсмир қизлар мактабга кетишарди.

Шу ерларда яшаётганларга ҳавас қилса арзийди: ўт-ўлан кўп, мана қиш келяпти, ҳалигача кўкатлар сарғаймаган, сойдаги сувнинг тиниқлигига суқингиз киради, сердарахт тоғлар оралиғида ирмоқчалар жилдираб тушяпти. Ҳавоси тоза, енгил, шунданми, одамларнинг юзи тиниқ, истарали.

— «Оби ҳаёт» сўзининг маъноси, демак, қаерга сув борса, ўша ерда ҳаёт бўлади, дегани экан-да, — дейди Зокиржон ака табиат манзараларини завқ билан томоша қиларкан.

— Мана шу жойларда бир вақтлар Бобур Мирзо ўз йигитлари билан ўтов тикиб ўтирган, — деди кимдир. Лекин менимча бу мулоҳаза баҳсли эди. Бобур бу тарафдан юрганмикин?..

Қирқиб йўл очилган, тепаси айвон — шапка бўлиб турган тош-тоғлар остидан ўтиб, Жўгалўт қишлоғига кираверишдаги чойхонада нонушта қилдик. Соат тўққиз эди.

Профессорнинг дағдағасидан кейин ғўдайганича, миқ этмай келаётган Муҳаммадамин қўшни столга бориб ўтирди-да, ўзининг бўғчасини очди. Хўкиздай одамнинг аразлаши жуда эриш туюларкан. Аввалига аския қилиб, жиғига тегмоқчи бўлдигу, яна бу қўнқавойнинг ҳам ўзимиз каби мусофирлигини ўйлаб, унга раҳмимиз келди, унамаганига қўймай, ёнимизга чақириб олдик. Унга пул ҳам тўлатмадик. Одамнинг юзи иссиқ, деганлари ҳақ гап.

Бу ҳудудда яшовчиларнинг ўзлари ҳам масканларининг гўзаллиги билан фахр этишаркан: «Жаннатмакон водийга хуш келибсиз!» деб ёзиб қўйишибди.

Ҳар ернинг ўз удуми, ўз кийими бор, деганларидай, Султонобод қишлоғининг аксарият эркаклари апелсин ранг кўйлак кийишганди.

Гилгетга ўн беш чақирим қолди. Яна чиройли жойлар, мевазор боғлар, экинзорлар, тош-ғиштдан тикланган уйлар бошланди.

## **“Қизларга қарашни бизга қўйиб беринг, Илҳомжон!”**

Дониёр қишлоғидаги уйлар, деворлар эса асосан тошдан иборат эди.

Покистон шопирлари машинани тез, шиддат билан ҳайдашарди. «Дамас»симон, орқаси очик, «Сузуки» деган автомобил кўп эди. Менимча, уларнинг аксарияти киракашлар эди. Ана шундай «Сузуки»лардан бири бизни қувиб ўтди-да, олдимизга тушиб олди. Машина ичида, икки чекага узунасига қўйилган ўриндиқларда бир хилда, оппоқ кийинган ёш — бўйга етган ё етмаган қизлар ўтиришар, орқада типпа-тик турган икки йигит машинанинг ёйсимон бортидан ушлаб кетишарди. Қизлар оппоқ харир рўмолларини қошигача тушириб олишгани учун юзлари тўла кўринмаса-да, ниҳоятда кўҳлик эканликларини илғаш қийин эмас эди. Жуда кинобоп манзара эди, Фаррух камерасини «Сузуки»га тўғрилади, ой қизлар ҳам биз ажнабийларга ажаблангандай, уларни тўсиб туришган йигитлар орасидан мўралай бошладилар. Аввалги сафар чоғида, Ҳирот йўлида кўрган афсонавор ҳолат гўё бошқачароқ тарзда такрорланмоқда эди. Ҳаммамиз қизиқсиниб бормоқда эдик, ҳатто ҳайдовчимиз ҳам...

— Илҳомжон, қизларга ҳушингиз кетмай, йўлга қаранг, — дея огоҳлантирди раҳбар.

— Уларга қарашни бизга қўйиб беринг, денг, — лутф қилди профессор.

Маҳпоралар бир-бирини туртишиб, бизга, тўғрироғи, видеокамерага ишора қилишиб, қулишган эди, йигитлар пайқаб қолишди ва биз томонга норози қиёфада назар ташлаб, паричеҳраларни дурустроқ паналаш пайига тушишди.

Биз ҳам аввалига «химоячи»лардан ранжидик. Кўрсак нима қиптийкин, ахир ойимчаларнинг ўзлари ҳам қарашяпти-ку, уларни видеога туширяпмиз, холос-ку. Қизларнинг тасвирини олиб бориб қўйганимиз билан бизда уларни ким ҳам танирди...

Лекин аслида тўғри қилишяпти, деган хулосага келдик. Нозанинларнинг акаларими ё шунчаки йўловчиларми, ўз қавмларидан бўлган ожизаларни бегоналардан қизғонишяпти, уларнинг чиройли юзларини, демакки, ифбатлари, шаънини номаҳрамлардан, ҳарис нигоҳлардан муҳофаза этишяпти, биз бандаи ожизларни эса кўз зиносидан огоҳлантиришяпти. Қани энди ҳар бир йигит, ҳамма эркаклар шундай бўлишса!..

Фаррух қайси бир давлатда хорижлик бир журналистнинг маҳаллий жувонга шилқимлик қилгани ҳукумат микёсида можарога сабаб бўлгани ва беодоб меҳмоннинг мамлакатдан чиқариб юборилганини эслаб, камерасини оёқлари остига яширди.

Қизларнинг қўлларида тасбеҳ бор эди.

— Уларни мактабга элиб кетивотиду, — деб юборди пейзажери савдогар. У ҳамон гапирмаётган эди, ичи дам бўлиб, чидамади шекилли, ё бизнинг гап-сўзларимиз, хатти-ҳаракатимизга унинг ҳам ғаши келди чоғи.

Соҳибжамол қизларни таърифлаб, муҳокама қилиб, «Сузуки»нинг орқасидан кетаверибмиз. Катта йўлдан ўнгга — Гилгет шаҳрига кирмай тўғрига юришимиз лозим экан. Қизлар машинаси шаҳар ўртасидан яна ўнгга, қийраҳон кўчага бурилгандан кейингина Исломободга боришимиз кераклиги эсимизга тушди ва ўша чорраҳада турган полисменлардан сўраб, орқага қайтдик («ҳарорат»да етти-саккиз чақиримча юриб қўйган эканмиз).

Айтгандай, Ванг афандининг сур оғайниси билан шу ерда видолашдик. Ўтакетган писмиқ-муғомбирлигидан ва аламидан адашганимизни айтмай, индамай келаверган экан. Ўзиям, бўйнимиздаги тошдан қутулгандай, эркин нафас олдик.

Гилгетдан асосий йўлга чиқиладиган кўчанинг икки қирғоғидаги дарахтлар остига машинада сув қуйишарди. Ер — қақсов, қолаверса, беш-олти юз кадам наридаги сой анча пастда оқарди.

Кўнқавойдан халос бўлганимиз учун, кетган вақтимизга ҳам ачинмадик. Чорраҳадаги АЁҚШдан машинага ёнилғи қуйдик. Бир доллар — олтмиш рупий, бир литр солярка 0,35 доллар эди.

Исломободга 602 км қолган эди.

Йўл яхши, чеккаларига тунги ёритгичлар ўрнатилган. Кўчадан анча ичкаридаги водийда — мевали, мевасиз паканароқ дарахтлар орасидан алоҳида кўзга ташланаётган, ҳали барглари тўкилиб улгурмаган тераклар елкасига плаш ташлаб, сўппайиб турган одамларга ўхшарди.

Юк ташувчи баҳайбат сандиқ машиналар тез-тез учрай бошлади. Ҳайдовчи ва безакчилар санъати янада такомиллашган, маҳоратлари ошган эди, турли-туман расмлардан ташқари, машиналарнинг усткюю пастки қисмлари четларига қора рўмол, шарфлар, шокила-шокила қўнғироқлар осилган, ҳатто ёнбошдаги кўзгулар, ойна тозалагичлар ҳам безаб ташланган, умуман машинанинг очиқ жойи қолмаган ҳисоб.

Учта тоғ учрашган (улар гўё бошларини бир-бирига қаратиб, муҳим бир масалани муҳокама қилишаётганга ўхшайди) жойдан кейин йўл бироз айниди, айрим ерларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда эди. «Йўлдаги носозликлар ва ноқулайликлар учун маъзур тутасизлар», «Катта тезлик — ўлимга олиб боради» деган шиорлар ёзиб қўйилган эди.

## Фош бўлган “найранглар”

Жагалўт ҳарбий қасабасидан кейин яна тоғлик водий бошланди. Денгиз сатҳидан икки минг олти юз метр юқоридамиз. Ўнг томонда кенг, анча чуқур дарё, у ёғи бағри сердарахт тоғлар. Энг моҳир рассом, меъмор, наққош бўлган сув тоғлардан шу қадар ранг-баранг шакл-

шамойиллар ясайдики, инсон фарзанди кўл билан ҳеч қачон бундай ижод намуналарини яратолмаган бўларди. Сув баланд бир яхлит тоғнинг тепасидан йўл солиб олса, миллион йиллар давомида ўша тоғни иккига бўлиб, пастгача тушиши мумкин. Мана шундай жойларни кўрдим ва Зокиржон аканинг Оби ҳаёт тўғрисидаги гапини эсладим. Дарҳақиқат, тоғ ораликларидаги икки лабида ўт кўкариб, сув борлигидан далолат бериб турган жилға, ариқлар ёқалаб сўқмоқ тушган, демак, ўша овлоқ жойларда ҳам одам зоти яшайди. Мана шундай сўқмоқнинг беш юз қадамларча тепаликка — қоялар остигача ўрлаб кетганини ва айнан ана шу ерда ҳам икки-учта кулба борлигини кўриб, ё, тавба, пастроқда яшайверса бўлмайдимикин, ё жой тегмайдимикин, деб ажабланамиз.

Биз Покистонга шимол томондан кирмоқда эдик, ҳарорат кўтарилиб борарди. Бир қават «пўст» ташладик. Чанқоқ ҳам секин-аста ўзлигини намоён қиларди. Заҳирамизда анчагина «Хонобод» ва «Тиён-шон» минерал сувларидан бор эди, лекин раҳбар уларни тежаш ҳақида эслатиб турар, у бунақа сафарларда кўп бўлгани учун узокни кўзлаб, эҳтиёт чорасини кўрарди.

Раҳбарнинг онаси берган алоҳида термоси бўлиб, унга икки қошиқ асал солиб кўярди. Бундан ташқари, яна битта катта думалоқ термос, профессорда эса кичкина, аскарлар белига осиб юрадиган флягача бор эди. Ўша сувдончани олдимиздаги, раҳбар ўтирадиган ўриндик ортидаги тутқичга боғлаб кўярдик. Ҳаммамиз ҳам мумкин қадар ўша термослардаги чойлардан ичардик, аммо, гоҳи-гоҳида, ё идишларда чой тугаб қолганда раҳбарнинг таклифи билан минерал сувлардан ҳам нўш этиб турардик. Неъматилло иккимиз олдиндагиларнинг барча хатти-ҳаракатларидан воқиф эдик, табиийки, улар бизнинг қандай кетаётганимиз, нима қилаётганимиздан ғофил эдилар. Заҳирадаги нарсалар, озик-овқатлар бизнинг орқамизда эди. Шу имкониятдан фойдаланиб, профессорнинг сувдончасига «Хонобод» сувидан кўйиб (раҳбар асосан «Тиён-шон»ни Афғонистонга асраб турунглари», деган эди), иккимиз ўз «ихтиро»имиздан мамнун бўлиб, дамани чиқармай, кулкуллатмай симириб олардик-да, бир-биримизга қалай, деб имо қилиб кўярдик. Афсуски, бу қувончимиз кўпга бормади. Сезгир, хушёр Зокиржон ака найрангимизни пайқаб қолдими ё шунчаки қизиқибми, «қани, ўша миниатюрний идишларингиздаги чойдан биз ҳам бир ичайлик-чи», деб қолса бўладими! «Э-э, ҳозир тугатиб кўйибмиз-а», дедигу, кейин номаъкулчиликка чек кўйдик.

Цемент уюми, балчиқ шакли ва рангидаги тоғларни кўриб, тоғлар ҳақидаги тасаввурим кенгайиб борарди.

Ошхона учрамаслиги ё бошқа айрим сабабларга кўра нонушта ё тушлик сурилиб кетса, чақ-чақчи профессор: «Илҳомжон, магнитофонни босиб кўйинг, Шералининг «Анча йўлни босиб кўйдик биз» ашуласини бир эшитайлик...» деб ҳазиллашар ва хиргойи қилиб қоларди:

***Анча йўлни босиб кўйдик биз,  
Нонуштадан дарак йўқ ҳамон...***

— Бўлди, тўхтанг, Илҳомжон. Ўзимизда бори билан тамадди қилволаверамиз, — деб буйруқ беради раҳбар.

Катта, узун мустаҳкам кўприқдан ўтдик. Кейин бир неча жойда чуқур дарёнинг бу бетидан у кирғоғига тортилган осма кўпиклар учради. Юз эллик, икки юз метрли бу темир кўприқлар нариги дарада яшовчи бармоқ билан санарли хонадонлар учун хизмат қиларди. Яна ажабланамиз: бу одамларга шу жойларда яшаш зарилмикин? Шаҳру қишлоқдан юзлаб километр четда, телевизор кўришмайди, газета ўқишмайди, ташқи серғавғо, машмашали оламдан беҳабар. Узлатга чекингандай... Фақат овқат ейдилар, емиш топишга ҳаракат қиладилар, ухлайдилар ва бир кун ўзларининг торгина дунёларини тарк этадилар, кўримсиз, ғариб қабрлари ҳам мана шу тоғлар орасида қолиб кетса керак...

— Нега ҳайрон бўласиз, ўзингиз ҳам Тошкентдай шаҳри азимни — пойтахтни ташлаб келиб, вилоятниям бир чеккасидаги Гургурон («Гуркуров» демоқчи) деган кичкинагина қишлоқда яшаяпсиз-ку, — дейди Зокиржон ака.

— Гуркуров бошқа гап, иннайкейин, мен шаҳарда ишлайман, ораси яқин. Қолаверса, Тошкентдан отамнинг талаби билан қайтиб келганман.



— Буларга нимаси ёмон? Тоза ҳаво, тоза сувлар, гўзал табиат, шовкин-сурон йўк, хўжайин йўк, беташвиш...

— Нимага беташвиш бўларкан? Қор босиши, сув келиши-чи? Кулбалари омонатгина кўнкайиб турибди.

— Бу ерларда қор кам ёғади.

— Касал бўлишлари мумкин.

— Шундай жойдаям касал бўладими? Камида юз йил умр кўришса керак... Серғалва, чанг-тўзонга тўла шаҳарда яшаб нимаям қилишарди. Қаерда кун ўтса бўлди-да...

— Булар ер солиғи, даромад солиғи тўлашмайди-да, а?

— Бунисини билмадим.

Дарҳақиқат, яшашдан мақсад нима ўзи? Худо берган умрни тоат-ибодат билан, ҳалол, бошқаларга озор бермай адо этиб, ниҳоясида басаломат имон билан омонатни эгасига топширмоқми? Ёки, шаҳарларда шовкин-суронлар, чанг-тутунлар ичида, кимёвий заҳарлар аралашган овқатларни еб, синтетик кийимлар кийиб, умр бўйи дори ичиб, ора йўлда жон таслим этмоқми? Ё, Олло таоло ором учун яратган узун кечаларда бедор, қоғоз титкилаб, одамзот умрига зомин бўлувчи, бир қавм иккинчисини қирувчи қурооллар, Парвардигор кудрати ва карами ила бандаи мўминларни боқадиган хосилдор ерларни кунпая-кун қилиши мумкин бўлган атому водород бомбалари яратишми?.. «Мен овқатланиш учун яшамайман, яшаш учун овқатланаман» деган гапни ҳикматга йўядилар. Хўп, ўшандай дейдиган кимса ҳар куни уч маҳал эмас, икки маҳал овқатланишга кўнармикин?.. Имкони борлар яхши таом бор жойга вақтини, пулини аямай борадилар...

## Иштаҳанинг белига тепган ирим

Чилла посёлкасидан кейин яна баланд тоғли довон бошланди. Уйдаи-уйдай тошлар йўл устига осилиб турибди. Битгаси тушиб кетса борми... Офтобда куйган тўқ жигарранг, йирик-йирик тошлар худди қўл билан терилгандай алоҳида-алоҳида бўлиб турар — гўё тошлар қабристонига ўхшарди.

Йўлда бир ўспирин бир чизим балиқни кўтариб турган экан, жуда ҳавасимиз келди.

— Яхши балиқ экан-да, олмаймизми? — дедим. Кимдир қаерда қовурамыз, деб чайналди, яна бири вақт кетади, деди. Хуллас, юз қадамча ўтиб кетдик. Раҳбарга ҳам менинг таклифим маъкул бўлган эди (тансиқ таомлар борасида иккаламизнинг қарашларимиз анча муштарак эди), Илҳомжонга «тўхтанг» деди. Илҳомжон машинани тўхтатди. Раҳбар «қайтинг», девди, Илҳомжон ирим қилиб, «орқага қайтмайман», деди.

Жуда ачинарли иш бўлди. Зўр балиқлар эди. Шундоқ катта йўлда хурофий иримга бало бормиди...

Яна бир оз юрган эдик, йўлга ёндош, пастак тоғ қиршовидан патир-путур қилиб учиб кетишган ёввойи каптарларни кўриб қолдик. Зокиржон ака менинг Қашқардаги каптар гўшти ейиш (аслида мен «каклик гўшти» деган эдим) ҳақидаги истагим ҳам амалга ошмай қолганини эслади ва экспедициядан қайтгач, менга бир жуфт каптар инъом қилишга ваъда берди (Жамғарма ғовлисида кўп ва хўп каптарлар боқиларди).

— Беҳазилми? — сўрадим катта ўғлим Жаҳонгирни эслаб. У қуш-паррандаларни, айниқса, каптарни яхши кўрар, бир неча бор каптар боққанида ҳар гал уларни соттириб, бошқаларга бердириб юборган эдим. Бу чиройли жониворларнинг тиниқ, мовий осмонда баланд учиб, «салта» ташлаб, думбалок ошиб ўйнашларини томоша айлаш чиндан ҳам ҳузурлигу, остонагача ахлат қилиб, қачон қарасангиз, чўмич-пақирлар четида, қанот қоқиб туришгани чаток-да. Ҳайдасангиз патир-путур қилиб учадию, ҳавозага етмай қайтади...

«Меҳр кўзда» деган қуйма мақолимиз бор. Тўғри, лекин аксинча бўлишим мумкин. Оила, ўғил-қизларни узокроқ кўрмасангиз уларни соғинасиз, олисда уларнинг нохуш қилиқлари эмас, яхши сифатлари, ёқимли одатлари кўпроқ ёдингизга тушади, кўз олдингизга келади. Ҳозир Зокиржон ака каптарлар ваъда қилар экан, мен беихтиёр уларни Жаҳонгирга олиб бориб, уни суюнтиришни ўйладим.

— Мана — домла, бошқалар ҳам гувоҳ, — деди раҳбар.

— Яхши, — дедим.

— Яхши-ю, лекин иккита каптар деб, камида ўн бешта лорсиллаган балиқни қўлдан чиқардик-да, — деб кулди профессор.

(Зокиржон ака ваъдасининг устидан чикди. Лекин, кабутар дегани бир серпушт, эҳтиросли маҳлуқ бўлар экан, хаш-паш дегунча икки-уч марта болалаб, хотин-халажларни безор этиб, менинг ҳам асабимга шунчалар тегишдики, бу сур, чипор кушандаларни ўз қўлларим билан олиб келганимга минг бора пушаймонлар едим. «Киши балога қолурму ўз ихтиёри бирлан» деган машойиҳнинг аҳволини кундай равшан тасаввур қилдим, бечорага жуда-жуда раҳмим келиб, хаёлан қайта-қайта ҳамдардлик билдирдим).

Анчадан бери ҳозирги каптарлардан бошқа парранда ҳам кўрмовдик. Замоनावий дангаса кушлар одамларнинг чиқиндисию ахлатхоналарида осонроқ қорин тўйғазиш учун шундоқ гўзал табиат бағрини тарк этиб, шаҳарларга кетиб қолишган шекилли. Онда-сонда бита-иккита чумчуқ кўзга ташланиб қоларди, холос.

Шетёл деган жойдан овқатланиш учун жой танлаш муаммоси бошланди. Бефайз манзиллар, ошхоналарнинг олди ивирсиқ, ичкарисси ҳам саришта эмас. Бунинг устига, овқатларининг нималигини билиб бўлмайди. Ошпазлар билан бир-бирларимизни тушунмаймиз. Уларнинг баъзилари лунги ва қора ё жигарранг майкада эди. Симобий тусда, ялтираб кетган майкани эгнига илишганига неча йил бўлган бўлса, қайтиб ечишмагандай туюларди... Қозон ва товалари ичига энгашиб қараймиз: қайласимон, бўтқасимон, тўқ жигарранг бир нарсалар, олов пасайтириб қўйилгани учун сезилар-сезилмас вижирлаб турибди. Яхшики, тухум бор экан, қуймоқ пиширттирдик ва ўзимизнинг бисотимиздаги озик-овқатлар билан тамадди қилдик.

Яна шакли-шамойили бир-биридан ғаройиб, пурвиқор ва ҳайбатли тоғлар.

Зокиржон ака геолог-мутахассис сифатида чодирсимон, нақшли, тарам-тарам тоғлар ҳолатини ер ости силкинишлари оқибатида тупроқ қатламларининг синиши, яъни ер тагидаги жараённинг замин юзасида зоҳир бўлиши, дея изоҳларди.

Бизда тувакка экиладиган алиандра — самбит гул йўлнинг шундоқ четларида, тошлар орасида ўсиб ётибди. Бироқ, атрофда, тоғ ён бағирларида ўт-ғиёҳ кам, шунинг учун эркин юришган сигир-бузоқлар ҳам озғин эди.

Бургут тумшукли қоялар остидан «Панодопи...»ни ўқиб боряпмиз. Айланиб-айланиб тепароққа чиққанда ортимизга қараб: «ёпирай, наҳотки ўша қиршовдан ўтган бўлсак?...» деб, юрагимиз орқага тортиб кетади. Бунинг устига, машиналар ёнимиздан, рўпарадан олди капот устида ўтиришган ё орқада тик туришган одамлари билан ғувиллаб ўтади. Йўлга иккита автомобил аранг сиғади. Капотда ўтирганларнинг қайрилишларда учиб кетмаганига ҳайрон бўламиз. Уларнинг ҳам, ҳайдовчиларнинг ҳам юраклари камида филний калласидай бўлса керак. Ахир бир ён чуқур, тошли жарлик...

Ганишда Илҳомжон билан Фаррух тунамай кетаверайлик, кундузи довон жуда ваҳимали бўлади, дейишувди, бежиз безиллашмагаи экан.

Илҳомжонга ҳам тумов илашди. Раҳбар рулга ўтирди. Бошида, Қирғизистон довонида Фаррухдан хавотирланувдик. Зокиржон ака билан мен ҳам бир шамоллаб олдик. Ичимизда чиниққани чақ-чақчи профессоримиз чиқиб қолди.

Қоронғи тушди. Дасу деган жойдан, Барсин дарёси ёқалаб кетяпмиз. Атрофдаги тоғлар тунда ниҳоятда фусункор, жозибали кўринарди. Қизиқиб, одамлардан сўрасак, «Кўҳистон тоғлари» дейишди.

Бобур Мирзо ва у ҳақда ёзилган, ёзилиши лозим бўлган бадий асарлар ҳақида гап очилди. Зокиржон ака ўзимизнинг ёзувчилардан, жумладан, мендан ҳам ўпкалаб қолди. У анчадан бери Заҳириддин Бобурнинг болалиги тўғрисида бир гўзал асар битилишини орзу қилар, лекин ҳеч ким бу ажойиб мавзуга қўл урмаётганидан ёзғирар, бунинг сабабини билолмай диққат эди.

— Сабаби - Бобурнинг болалиги ҳақида тарихий манба йўқ ҳисоби, — дедим.

— Мана, домла айтяпти-ку, инглиз адиблари, олимлари ёзишяптикан-у...

— Инглизлар Ҳиндистонни бобурийлардан тортиб олишгандан кейин ҳамма тарихий, илмий манбаларни, ноёб китоблар ва бошқа маънавий бойликларни ўз юртига ташиб кетишган-да. Демак, ҳамма нарса уларнинг қўлида. Британиядаги нодир қўлёзмалар жамланган кутубхона ва музейларга кириб, хоҳлаганча фойдаланаверишади. Шахсан менинг ўзимга келсак, тил билмаслигим жуда ёмон панд беряпти — ҳамма қимматли манбалар форс, араб ё инглиз тилида... Мана шу қусурим учун ўзим ҳам ўзимни кечиролмайман.

— Сиз адиблар, тўқишга устасизлар-ку, — дейди яна Зокиржон ака ўз фикридан қайтмай.

— Тўқиш учун ҳам асос керак. Бутунлай бадий асар бўлса бошқа гап, ахир Бобуршоҳ ва унинг атрофидаги одамлар тарихий шахслар-ку, ана шуларнинг қиёфаларини, феъл-атворларини тасвирлаш, ўшалар билан юз берган ё юз бериши мумкин бўлган воқеаларни акс эттириш зарур.

Дарҳақиқат, мен тарихий шахслар ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг тўқилишига қаршиман. Албатта, асарга бадий бўёқлар берилиши шарт. Лекин меъёрида, тарихий ҳақиқат ортикча бўйлиши керак эмас, акс ҳолда асарнинг тарихийлигига, ҳаётлигига путур етади. Тарихни чалкаштириш шундан келиб чиқади. Ундан кейин, китобхонларни ҳам алдамаслик лозим. Қўлимдан келса, Андижон тарихи ҳақида Жуманиёз Шариповнинг «Хоразм» деган рўмонига ўхшаш, йирикрок хужжатли-бадий асар ёзгим келади, лекин бу мавзуда ҳам тарихий, илмий манба кам...

Чиндан ҳам тил борасидаги оқсоқлигим мени кўп доғда қолдиради. Илгарироқ менга «кўпроқ тил ўрганиш керак», деб уқтирадиган жонкуяр бўлмаган. Айтишса ҳам, ўзим нодонлик қилиб, эътибор бермагандирман. Шу соҳага қизиқтирадиган мухит, мутахассисларга ҳам дуч келмаганман. Мактабда иккинчи жаҳон урушида Берлингача бориб, немисчани бир оз ўрганиб олган ўқитувчи бир йил шу тилдан дарс берган холос. Университетда форс тили бўйича бир ўқув йилида икки-учта муаллим алмашган. Бунинг устига, курсимизда ўттиздан ортик қиз бор эди, форс тилида энг кўп ишлатиладиган уят бир қўшимча туфайли дарснинг этаги масхарабозликка айланиб кетарди, домламит тушмагур ҳам тасқарароқ эди чамаси, бунисини ўзларинг ўрганиб оларсизлар, демай, ўша қўшимчага алоҳида урғу бериб, доскага йирик ҳарфлар билан ёзиб кўяр, қизлар бошини партадан кўтармас, домла эса, айнан ўшаларни доска олдига чиқариб, сўз турланишларини ёздириб кўрарди. У пайтда бу ҳол менга ҳам кулгили туюлган эди, мана энди ўша кулгуларнинг аламини тортяпман. Тил билганларга жуда-жуда ҳавасим келади.

Дарҳақиқат, лоақал битта — инглиз тилини ўрганмаганимга ҳозир, Зокиржон аканинг таънаси билан кейин яна қаттиқроқ пушаймон едим. Ўзбекистан халқ ёзувчиси, ҳамюртимиз Муҳаммад Али бундан икки-уч йил аввалроқ менга «Бобурнинг болалиги ҳақида бир қиссами, рўмонми, ёзинг, қўлингиздан келади, номи ҳам тайёр — «Шаҳзода», деб, кўнглимга ғулғула солган эди. Ўшандан бери кўп ўйлайман, мўлжаллаб-мўлжаллаб кўяман, лекин, курашмоқчи бўлган одам ҳарифининг бўйи-басти, вазнини, кучини ўзиники билан солиштириб, чамалаб кўради, «олиб юбориш»га кўзи етсагина белбоғ тутаяди. Юқорида айтилган сабаблар боис, бу бобда майдонга тушишга шу пайтгача юрагим дов бермай келади. Улуғ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти билан боғлиқ паҳлавонона мавзуни «чалиб-палиб эплаш»га ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб ҳисоблайман.

Шундай мунозара ва мулоҳазалар билан кичикроқ, лекин гавжум бир шаҳарчага кириб бордик. «Бишам Пари» деган меҳмонхонанинг иккинчи қаватига жойлашдик. Раҳбар дам олдилар, қолганларимиз «ёшлар» (бу тоифага мендан бир ёш кичик бўлгани учун профессор ҳам кирган эди) хонасида гурунглашдик.

## **Бормисан, “чикен суп!..”**

*19 октябр, пайшанба*

Эрталаб барвақт йўлга тушдик. Табиат ғоят гўзал эди. Ўнгдаги тоғлар пойи ва ёнбошидаги уйларнинг тартибсизлиги ҳам ўзига хос манзара касб этиб турар, чап — этаги дарё билан туташадиган сайхонлик эди. Палма ва Покистонга хос бошқа дарахтлар, ўсимликлар яшнаб турибди. Қатор-қатор юк машиналари... Аммо-лекин, машинага юк ортиш санъатларига қойил қолиш керак. Яшиқ ё қопларнинг чоки чокига шундай ҳафсала билан тўғриланганки, улар устидан тортилган арқонлар орасидаги мутаносиблик бир сантиметрга ҳам фарқ қилмайдигандай... Ҳайдовчиларнинг ўзаро муомала маданиятларига ҳам гап йўқ. Ёнидан ўтиб кетишга йўл берган ҳамкасбига кабинадан қўл силкиб, ё сигнал чалиб ташаккур изҳор қилишаркан. Илҳомжон ҳам бу яхши анъанани тезда ўзлаштириб олди. Бизнингча, у покистонликлар мулозаматини уларнинг ўзларидан ҳам ўтказиб юборарди.

Тош кўрғонлардан, шолизору маккажўхори пайкалларининг батартиблиги ва экинларнинг дуркун кўринишидан бу ҳудуддагиларнинг қанчалик миришкорлигини тасаввур қилиш мумкин эди.

Кўзаларини елкаларига қўйиб, пастдаги сойдан қаторлашиб сув олиб чиқишаётган бўй қизлар ҳинд киноларидаги лавҳаларни эслатар, фақат, булар кўшиқ айтишмас, рақсга ҳам тушишмасди. Зеро, бу кино эмас, ҳаёт эди, қизлар жиддий юмуш бажаришарди. Бизнинг қиз-аёлларимиз турмушига ноҳос бўлган бу ҳол биз учун қизиқ, мароқли эди.

Ён-атрофда арғувон, оқ тол-терақ кўп эди.

Йўлни ҳам, бизни ҳам дарё етаклаб кетяпти — у қаёққа қайрилса, йўл ҳам, биз ҳам ўша тарафга буриламиз.

Одамларнинг ердан унумли фойдаланишлари ибратли эди. Тоғлар ёнбағрига, одатда, «сув тўхтамайди, суғориш қийин ё сел ювиб кетади», деб манзарали дарахтдан бошқа нарса экмайдилар. Бу ҳудудда эса, ана шундай суйри ёнбағирликлар футбол уйингоҳидаги ўтирғич жойлар мисол, нисбатан энсиз-энсиз бўлса ҳам, зина-зина, пол-пол шаклида текисланиб (шайтон қўйиб текислашганми, дейсиз), шоли ё бошқа экин экишган. Ҳатто четроқда қолиб кетган эски кўприклар устига ҳам тупроқ тўкишиб, шоли сепишибди.

Чатр водийсида гўзал манзараларни суратга, видеога олиш учун тўхтадик. Чапдаги адирсимон қарағайзорда чигирткалар жўр бўлиб сайрашарди. Шарқда куёш ярим терақ бўйи кўтарилган, ўнгда — паст сайхонликдаги шолизорлар ўртасида хўкизлар билан шоли янчишарди. Шолипоялар ва ям-яшил дарахтларга бурканган тоғлар оралиғидаги дарё оҳиста шовуллаб оқарди. Дов-дарахтларнинг япроқлари қатидаги шудринг аста-секин буғга айланиб, кумушранг, ҳарир парда ҳосил қилмоқда эди.

Фақат видео учунгина эмас, эсдаликка суратга тушишга ҳам жуда боп жойлар эди.

Йўлдан ўтиб бораётган бир машина орқасидаги ёзув эътиборимизни жалб этди: «Менинг муҳаббатим, эътиқодим — Покистондир».

Аббатободга йигирма беш чақирим қолганда бир шаҳарча келди. Машиналарни безайдиган устахоналарнинг кони шу ерда экан. Мармардан плита ясовчилар ҳам бисёр эди.

Шаҳардан чиқишимиз билан яна ўрмонзор бошланди. Қатнов тигизлашиб, юриш қийинлашди. Чап қўл қондаси. Айланалар, кескин бурилишлар кўп, кун иссиқ...

Тасвир, суратга бой юк машиналарида ҳайвон, кўмир ташишаётганини кўриб, ҳайфимиз келди. Самосваллар ҳам сандиқсифат безатилган эди. Мана шуниси ортиқча бачканалиқдай туюлди бизга. Дарвоқе, автоуловларни «ясантириб» юриш Покистонда анча азалий урф. Бу ҳақда бундан ярим асар илгари мазкур юртга ижодий сафар қилган атоқли адибимиз Ойбек «машиналарнинг бортлари шарқликлар завқида ҳар хил расмлар билан ёрқин безатилган», деб ёзган эди эсдаликларида.

Ниҳоят, Равалпиндига ҳам етдик. Исломободга кирмай, ёндаги катта серкатнов кўчадан кетаётган эдик, ўнг ёнимиздаги бир енгил автомобил ичидагилар қизиқиш билан бизга қарай бошладилар. Биз тезлаб, улардан ўтиб кетдик. Машина энди чап томонимизда пайдо бўлиб, ҳайдовчи тагин энкайиб, бизга астойдил тикилди.

— Биронтамизнинг танишимиз эмасмикин, - ўсмоқчилади кимдир.

— Ўтган сафар орттирилган оғайнилардандир, — дедик яна биримиз.

Биз яна ўзиб кетдик, қизиқувчиларимиз боз бизга етиб олишди ва «тўхтанглар» деб ишора қилишди. Тўхтадик. Фуқаро кийимидаги полиция экан, ҳужжатларимизни текширди.

Бир-биримизни тушунмай, анча турдик, элчининг хатини кўргандан кейин, яхши, бораверинглар деди.

— Роса ашаддийсидан экан-ку, постда бўлмаса, фуқаро кийимида, демак, ишдаяммас, шунча машиналарнинг ичидан топиб келганини қаранглар...

— Тўғри қиляпти, — деди Зокиржон ака. — Ўз бурчини виждонан бажаряпти. Ҳукуматнинг ишонган одамлари шундай бўлиши керак.

Исломобод — Лохурнинг янги йўлига чикдик. Лохургача 356 км. экан. Кўчага гап йўқ! Чиннидай! Икки ёқлама. Ҳар бир томони уч қатор қатновга мўлжалланган. Ўртада бетон ихота. Озгина бурилиш жойларнинг икки тарафида темирдан муҳофаза-тўсиқлар. Кўчадан беш-олти қадам ичкарида — далада узунасига сим тўр тортилган. Йўлга ҳайвонлар чиқиб кетмаслиги учун тўсилган эди, чунки тезлик соатига 120 км, деб белгилаб қўйилган. Анча нарида буғдойранг адирлар кўзга ташланади.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Профессор иккимиз хиргойини бошладик:

### *Анча йўлни босиб қўйдик биз...*

Аксига олиб, шундоқ гўзал, озода йўлда емакхона учрамасди. Ифлосланиб кетмаслиги учун атайин ошхона, дўконлар қурилмаган бўлса керак. Четроққа чиқайлик-чи, деб бир кўчага юриб, сал қолди анчагина йўл ҳақи тўлашимизга, элчиларнинг хатини кўрсатиб, аранг қайтиб чиқиб олдик (Катта йўл ҳам пулли бўлиб, унинг охирида, яъни Лохурга киришимизда тўлашимиз учун қоғоз беришган эди). Кўча ҳақи бир кишига 55 рупий, яъни бир доллар эди.

Лохурга 240 км. қолганда катта, пурвиқор бекат келди. Сайёҳларнинг автобуслари, катакчичик енгил машиналар тўхтаб ўтадиган жой экан (Бу йўлда ҳар хил юк машиналарининг юриши таъқиқланган чоғи).

Йўл ҳам, бекат ҳам, бекатдаги «Товус» («Реасоск») деган ресторан ҳам бойваччалар боп эди. Ресторан (албатта, хусусий) бир неча хонадан иборат, кенг, ёруғ, ойнаванд, пардалари қимматбаҳо. Ёнида кенг ва озода, замонавий ускуналар билан жиҳозланган хожатхона бор экан, ҳавасга киргинг келади.

Ташқарида кабоб пиширишяпти. Ресторан олдида худди шоҳлар давридаги саройларда кийиладиган либосда, яъни оппоқ қўйлак-шалварли, белига нақшли, энлик камар таққан, товус пати қистирилган кулоҳсимон саллалли, шоп мўловли эшикбон яқинидан у ёқ-бу ёққа ўтганларни табассум ва тавозе билан ичкарига таклиф қилиб, ойнаванд, бурама тутқичлари никелли эшикни очиб-ёпиб турибди.

Рўпарада — йўлнинг нариги бетида зилол сувли кўл жимирлаб, шу атрофга янада тароват бағишларди.

Рестораннинг стол-курсилари ҳам бинонинг сиртига, маҳобатига яраша, энг муҳими — озода, хизматчи йигитлар ҳам ораста кийинишган эди.

Қашқардан чиққанимизга уч кун бўлди. Шундан бери суюқ овқат ичганимиз йўқ айримларимиз ўрик қоқи шимиб юриб эдик. «Чикен суп» борлигини эшитиб, суюниб кетдик. Ўтган гал Покистон ва Ҳиндистон худудида суйиб ичадиган суюқ таомимиз шу бўлган эди. Бу — майдалаб солинган товук гўшти эзилтириб қайнатилган, озроқ ун ҳам қўшилган, бир қарашда қайнатма оқ хўрдага ўхшаган овқат, буларнинг тилида «товук шўрва». Мазаси дуруст, лекин жуда оз — бир кишига ўртача бир пиёла — финжонда беришади. Қайта сўраш нокулай.

Кабоб («шашлик») буюрдик. Товук гўшти, турп, қалампир ва ҳоказолар қўшиб қайнатилган жигарранг қайла ҳамда қайнатилган майда гуруч ёнига икки лаппакдан помидор ва бодринг қўйиб олиб киришган эди, адашишди шекилли, деб ўйладигу индамай туширавердик. Кейин ўсимлик мойида қовурилган лўла кабоб беришди. Демак, шуларнинг ҳаммаси «шашлик» дейиларкан.

Шашлиги мўл овқат экан, деб, мақтаб-мақтаб еган эдик, нарх-навоси ҳам мўлгина экан. «Чикен суп», кабоб, салат, чепоти, чой — жами ўттиз доллар бўлди.

Биз ачиндик, лекин Зокиржон ака (ахир пулни у тўлайди-да) парво қилмади. Демак, раҳбар бундай сарф-харажатларни олдиндан кўзда тутган.

Яхши таомдан кейин йўл янада текис, янада силлик кўринарди.

## Бечора Фаррух...

Жайлун дарёсидан ўтиб, Лоҳурга<sup>1</sup> қоронғи тушганда етдик. Шаҳарнинг елкасидан чиқар эканмизу, адашиб, Мўлтон йўлига юриб, белидан кириб бордик. Йўлбон — «штурман» Фаррух эди, кесатавериб, бояқишнинг хўп таъзирини бердик.

Тунги Лоҳур. Бундоқ бесаранжом шаҳар оламда жуда кам бўлса керак. Меҳмонхона излаб кўп сарсон бўлди. Ҳамма кўчалар одамлар, дўконлар, турли-туман улов воситалари билан тўла, тижоратхоналарнинг товар-моллари йўлакларгача чиқиб кетган, оёқ босгани жой йўқ. Ҳайдовчилар, рикшачилар, мотоцикл минганлар (айниқса шу тоифа беҳисоб!) шундай шитоб, шундай пала-партиш ҳайдашадик, худди нариги дунёга, жаннатга ошиқишаётгандай!..

Икки соатдан ортиқ юрдик. Бўлмади. Охири рикшачи ёллаб, унинг ёрдамида «Либерти» («Озодлик») деган меҳмонхонага бордик.

Аллоҳниям айт, тавбаниям, деганларидай, шаҳарнинг тунги манзаралари гўзал эди: ёруғлик ўта кўп, баъзи жойларда дарахтнинг тагидан бошлаб, тепа шохларигача майда лампочкалар маржондай териб чиқилган, йўлни иккига бўлиб турган гулпушталардаги паст бўйли дарахтлар, гуллар орасига ҳам чироқлар ўрнатилган, улар ранг-баранг товланар, худди осмондаги юлдузлар билан баслашаётгандай таассурот қолдирарди.

Меҳмонхонада телевизор, телефонгача бор — шоҳона эди. Бироқ, буни топгунча анча вақт кетди, асаблар озор чекди. Чунки қадимий ҳам замонавий шаҳар Лоҳурда аҳоли зич яшайди. Транспорт ҳам шунга яраша, машиналар қатновининг бетартиблигидан юриш ниҳоятда қийин эди. Машина ҳам, мотоцикл ҳам тумшуғи сиғишига кўзи етган ораликқа сукилиб кириб кетаверарди. Деярли барча автомобилнинг олди қисмига муҳофаза қилувчи темир трубалар ўрнатилган, шунинг учун ҳайдовчилар дадил ва бепарво эдилар. Улар чорраҳадаги қизил чироқкагина (унга ҳам фақат шаҳар марказида) риоя қилишади холос. Бу юртда йўлнинг чап томонидан юришдан бошқа қонданнинг ўзи йўққа ўхшарди. Биз бу ёқда ўтириб шунча ваҳимага тушамиз, Илҳомжон рулда қандай кетяптикин, деб ташвиш чекамиз. Аммо унга офарин, Зокиржон ака таъбири билан айтганда машина ҳайдаш қандай бўлишини лоҳурликларга кўрсатиб қўйди. Чиндан ҳам, умрида биринчи марта бўлаётган шундай талотўп, йўл ҳаракати қоидалари чаппа шаҳарда, яна кечаси икки соатдан ортиқ кўчама-кўча юриб, эсон-омон чиқиш ҳазилакам қаҳрамонлик эмас эди.

Ақлни оздирадиган даражадаги бу тартибсиз ва тахликали қатновни ёзувчи Ўткир Ҳошимов жуда бошлаб таърифлайди: «Покистон шаҳар кўчаларини машинада ўтириб айланиш — кутурган йўлбарсни миниб олиб, унинг киндигига бигиз тикиб, ёввойи ўрмонда сайр қилиш билан баробар». Аммо шунга қарамай, машиналарнинг чўқишиб, ҳайдовчиларнинг сўқишиб турганини учратмайсиз. Бунинг бир сири бўлса керак. «Мен олти ярим миллион аҳолиси бўлган Лоҳур шаҳрида кўп кездим. Қарийб бир ярим ой мобайнида кирмаган кўчам, бормаган жойим қолмади десам, ишонаверинг. Шунча вақт ичида бор-йўғи иккита «йўл-ҳаракат ҳодисаси»нинг гувоҳи бўлдим», деб ёзади покистоншунос адибимиз Дадахон Нурий ҳам бу синоатнинг тагига етолмай. Бунинг сирини эса, “Бобурнома” маърифий романининг муаллифи, таниқли адиб, экспедиция аъзоси Хайридин Султон Абдулазиз исмли кимсадан сўраб билган: «Чунки бу ерда ҳайдовчилар бир-бирини ҳурмат қилади», дейди у меҳмон саволига. Дарҳақиқат, «кейинчалик мамлакат бўйлаб тиғиз ва тор йўллардан беармон кезарканмиз, Абдулазиз ака тўғри айтганига ишонч ҳосил қилдим, — дея эътироф этади ёзувчи, — чунки бир-бирига хўмрайиб бақираётган ёки онасини Учқўрғондан

---

<sup>1</sup> Бу қадимий, номдор шаҳарни турлича атайдилар: Лоҳўр, Лаҳўр...Мен ўзим ҳам “Ҳинд сориг”да “Лоҳўр”атаб эдим. Энди ўйлаб—ўйлаб, “Бобурнома”да қаламга олинган шаклда ёзмокни лозим топдим.

кўрсатаётган ҳайдовчиларни деярли кўрмадим. Машиналарини уриб олишларига бир баҳя қолганда ҳам улар чурқ этиб товуш чиқармайдилар, балки бир-бирларига қараб илжайиб — кулимсираб кўядилар».

Илҳомжон ҳам покистонлик, ҳиндистонлик касбдошлари сингари ерда ювош, беозоргина кўрингани билан рулга ўтирганида шер бўлиб кетаркан. Лекин профессор бояқишимизнинг хуноби роса ошди: ҳар қадамда машинадан тушиб одамлардан меҳмонхона, йўл сўрайди. Дуч келганларнинг аксарияти инглизчани ё форсчани билмайди. Фарруҳ иккаласи бир амаллаб мақсадни англатишади, аммо ўзлари уларнинг тушунтиришларини англолмай гаранг бўлишади. Бунинг устига, бурилишларнинг кўплиги, қатновнинг тифизлигидан мўлжални бир пасда йўқотиб қўямиз. Четроққа чиқиб тўхтаёмиз. Неъматилло билан Фарруҳ яна тил уқадиган одам излаб кетишади. Шунда профессор: сиз нотўғри йўлдан бошлаб келмаганингизда, бунақа изғиб юрмасдик, деб, аламини Фарруҳдан олади. Яхшики, Фарруҳ жангарига ўхшаб кўрингани билан шаштидан тез тушарди...

Душдаги роҳатбахш сув вужудимиздаги ғуборлар билан бирга, дилимиздаги азобу машаққатлар асоратини, ўпка-гина гардини ҳам ювиб ташлади. Ҳавонинг иссиқлигию хоналарнинг бир оз димлигини ҳисобга олмаганда ҳаммаси жойида!

*20 октябр, жума*

Нонуштани Ваагада қилишга келишиб, жўнадик. Ўтган сафар бир неча бор юрган бўлсак-да, ҳар муюлиш ва бурилишда (Лохурда мана шу нарсалар кўп эди) йўл сўраб, тахминан йигирма беш чақиримли масофага бир соатдан ҳам ортиқ вақтда етиб бордик. Божхонага бир учраб қўйиб, кейин чой ичамиз, деб кирсак, ишимиз осон битиб қолди. Негадир божхонанинг ўтган гал кўрганимиздаги маҳобати йўқ, бинолар эскириб, путурдан кетган хоналардан файз қочган, бошлиғу ходимларда ҳам салобату сиёсат сезилмас, уларнинг саноғи ҳам оз, борларининг ҳам миясида пул алмаштириб даромад топишдан бошқа фикр йўққа ўхшарди. Бунинг сабаби Покистон билан Ҳиндистон ўртасида Кашмир масаласида совуқчилик тушгани боис, ўзаро борди-келди ва бошқа алоқалар камайиб кетганлигида эди.

Хурсанд бўлганимиздан нонуштадек энг зарур тадбирни ҳам бир четга суриб, Ҳиндистон чегарасига ошиқдик.

# ҲИНДИСТОН

## «Чойхоначи» чегарачилар

Аввалига бу ерда ҳам иш осон кўчаятувди. Покистон чегара-назорат масканидан, ўтган гал можаро қилган жойимиз — бетараф худуддан, ҳатто Ҳиндистон чегара махфий хизмати маҳкамасидан (бу энг хавотирли жой, Қирғизистонда бизни мана шундай идора хизматчилари икки кун тутиб туришди-да!) ҳам осон ўтдик. Улар (икки киши) Бобур Мирзони билишаркан, бизни илиқлик билан қарши олишди, биз ҳам ийиб кетиб, «Ҳинд сориға»дан тухфа қилиб юбордик. Лекин божхонада ушлаб қолишди. Яна машина билан боғлиқ муаммо — Ўзбекистоннинг жаҳон автомобил ассоциациясига аъзолиги масаласи кўндаланг бўлди. Буни халқаро тилда «карнет» деган ибора билан ифодалашаркан. Мана шу сўзни маҳкам тутиб олишди. Ҳинд божхоначилари ҳам хитой элчисига ўхшаб хушмуомала, мулойим қайсарлардан эди. Божхонанинг раҳбарлари йўлнинг у бетида, анча нарида эди, божхона ходимлари билан профессоримиз у ёқдан бу ёққа камида эллик марта ўтиб-қайтишди-ёв.

— Нонушта қилиб олдингизларми, — деб сўраб қўйишарди орада ўзларича меҳрибонлик кўрсатишиб.

— Кечадан бери туз тотганимиз йўқ, — деймиз уларда раҳм-шафқат туйғуларини кўзғотиш учун.

— Эҳ, чатоқ бўпти-ку... Эшмат (ҳиндча исм кулоққа аниқ кирмади, мен тахминан шу маънода тушундим)! Меҳмонларга чой-пой бермабсизлар-да, — дейишади ўша атрофда юрганларга қараб, худди чойхонанинг шефидай.

Вааганинг Ҳиндистон қисми таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган эди. Покистон божхонасининг акси ўлароқ, бу худудни кесиб ўтган, ўртасидаги дарахт-гуллар чим-чатир бўлиб кетган йўлнинг икки томонига замонавий кенг, ҳашаматли, ойнаванд бинолар тушган, ёнларида яна қўшимча иншоотлар қуриш учун ҳандақлар қазиб қўйилган эди. Аввалги сафар бизни бир марта аччиқ таомлар билан меҳмон қилишган ошхона, биз уч кеча тунаган эски ресторан-кўноқхоналаримиз эса бузилиб кетган, умуман атроф бесаранжомроқ эди. Емакхоналар кўринмасди. Ўтган гал дастлаб ўтирган майдончамизни, майна қувиб келган зангори тўти ковагига кириб жон сақлаган эгри дарахтни ҳам, қўналғамиз ортидаги шинам, турфа паррандалар макони бўлган гўзал боғ-хиёбонни ҳам тополмадик. Хуллас, зерикарли эди. Биз — тил билмас оддий фуқаролар машинада диққатчилигу жаҳлимизни ичимизга ютиб, ғудурашиб ўтирибмиз.

Зокиржон ака ҳам бу гал ўтган сафаргидай куюнмади, тутамди, балки, жамғарма ва экспедициянинг эзгулик йўлидаги фаолияти ҳақида гапириб, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида ёшлигини, карнет-парнетга аъзо бўлишга улгурмаганини, сафаримизнинг мақсад ва вазифаларини босиқлик билан тушунтиришга ҳаракат қилди.

Яна совға-саломлар тилга кирди. Тунд қовоқ бошлиқнинг юзига қон югургач, «карнет» сўзини тўтиқушдай такрорлашаётган мулойим қайсарларнинг ҳам дами пасайди. Фақат, «қайтишда, Дехлидан, Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигидан рухсатнома олиб келасизлар», деб шарт қўйишди. Хўп дедик.

— Ўтиб олаверайлик, қайтгунимизча ё раззоқ. Талаба уйга гуруч ташлаб қўяман, деб, баҳони қўйдирволиб кетавергандай гап бўлади-да, — деди чақ-чақчи профессоримиз.

Бир қулишиб олдик, пешоналаримиздаги тиришлар анча ёзилди.

— Э, қайтишда ўзлари тавозе билан кузатиб қўйиша-ди, — деди раҳбар. — Биз бу ердан қанча тез чиқиб кетсак, уларга шунча яхши, битта ташвишдан кутулишади.

Хуллас, елкамиздан тоғ ағдарилгандай енгил тортдик. Чегара худудидан чиқилган жойда ошхона бор экан, нонуштаю тушликни омухталаб, яхшилаб овқатланмоқчи эдик,



дурустроқ егулик йўқ экан. Биз-ку, машинада озроқ тамадди қилиб олувдик, Неъматилло ҳеч нарса емаган, бунинг устига, йўлнинг у бетидан бу бетига қатнайвериб, силласи тоза қуриган эди, у пирожкага ўхшаган бир нарса татинган бўлди. Ҳинд пивоси билан чанқов босди қилгач, йўлга чиқдик.

Барибир хурсанд эдик. Ахир ўтган сафар «карнет» машмашаси билан бир-икки кун эмас, уч кун қолиб кетганмиз-а, шу жойда!

Амритсар йўлида эътиборимизни тортган дастлабки нарса — эски усулда қурилган, жимжимали, нақшинкор Маданият коллежи биноси бўлди. Ҳовлисига кириб, видеога, суратга туширдик. Ҳиндистон озодлик ҳаракатининг фаол қатнашчиларидан бири, «Ҳиндистон ва Покистоннинг урду шеърляти боғига хушбўй гуллар уруғини сочган ва бу боғни муаттар этган» таниқли шоир, Ўзбекистонда бир неча бор бўлган Файз Аҳмад Файз худди мана шу илмгоҳда муаллимлик қилган, бу ерда машҳур ҳинд адиблари Премчанд, Сажжод Зоҳир ва Мулк Раж Онандлар тараққийпарвар ёзувчилар жамиятини тузишган, бинобарин, у Ҳиндистон сиёсий ва маданий ҳаётида тарихий аҳамият касб этган масканлардан бири эди.

Дехлига тўрт юз км. қолганда тунаш учун «Ҳолливуд» кинотеатридан беш юз қадамча наридаги Кулжой Соҳиб (чорвачилик ширкати бошлиғи)нинг кўналғасида тўхтадик. Йўлдан бир оз ичкарида жойлашган қаҳвахонасимон ошхонанинг олди майсазор бўлиб, бир неча қамишли соябонлар остига уч-тўрт кишига мўлжалланган пастак, думалоқ стол ва курсилар қўйилган эди. Чироклар шуъласида жуда файзли қуринди. Раҳбарнинг раҳнамолигида йўлдан харажат (картошка-пиёз, сабзавот, кўкатлар) қилиб олувдик. Ўзимиз қаҳвахонадан газли ўчоқ-қозон олиб, ўтирган жойимизда овқат пиширдик. Захирадаги ингичка, қотирилган қолбаса иссиқда димиқа бошлаган экан, саралаб, қовурдик, бошқа «тайёргарликлар» ҳам чакки эмас эди, бир ажойиб базми таом бўлдики, кундузги чала овқатланишларнинг ҳам хиссаси, алами чиқиб кетди.

Кейин боливлари бамбук ёғочидан, ниҳоятда зич тўқилиб, икки-уч хил рангга бўялган бўйрадан ясалган каравотлар олиб келиб беришди. Ҳаммамиз хоҳлаган еримизга, хоҳлаган томонимизга қаратиб қўйиб, йўл тўшакларимизнинг ичига балиқдай шўнғиб кириб кетдик. Машина шовқини анча нарида, ям-яшил майсазор, салқин ҳаво, осмонда юлдузлар чарақлайди... Бундай ҳузур оламда йўқ. Уйқу келгунча латифа ва бошқа хил айтишувлар бўлди. Қайтишда яна албатта шу жойда бир кўниб, иложи бўлса яна тунаб ўтишга аҳд қилдик, лекин бу ҳам профессор айтганидай, талабанинг имтиҳон олдидаги ваъдасидай бир гап эди. У пайтда ҳали олдинда бизни бундай аҳду ваъдаларнинг қанчаси кутаётганидан беҳабар эдик.

Тунаган масканимизнинг бизда зўр таассурот қолдириши сабабларидан яна бири — хўжайин—соҳибнинг олижаноб ва тантилиги бўлди. Бешта каравотига бир рупий ҳам олмади. Чегара Ваагадан Амритсаргача — 30 км., Понипатгача — 400 км., Дехлигача — 500 км. эди.

## Ҳайратли ўзгаришлар

*21 октябр, шанба*

Лудхиана шаҳри ёнидан ўтяпмиз. Магистрал кўча, айлана, бурчак йўллар ўртасидаги пушталарга манзарали дарахтлар, дарахтсимон бутагул кўчатлари экиб, тўрт бурчакли темир панжара билан ихота қилиб қўйишибди. Панжара сарик, оқ, қора рангларга бўялган, хуллас, бежирим ва нафис кўринарди. Жуда ҳавасимиз келди.

Шаҳарларда ва шаҳар ташқарисида ҳам одам ниҳоятда қалинлашиб кетибди. Йўлнинг икки бетида ташкилоту корхоналар, устахоналару дўконлар, бозорлар, аҳоли яшайдиган уйлар ҳам кўпайган, транспорт қатнови тиғизлашиб, ҳаракат шиддати янада ошган, мотоцикл, велосипед минган эркалар, жувонлар, ёш қизлар машиналарнинг оралиғини тўлдириб юришарди.

«Ҳолливуд» каби янги, маҳобатли бинолар ҳам қурилганди. Бироқ, ивирсиқлик ҳам ниҳоятда авжига минган эди. Ҳаёлимда шундай сатрлар туғилди:

*Қайга борсанг ўтмиш ва замон,  
Эчки, хўкиз, сизир ва инсон,  
Ободлигу носаришталик,  
Пурвиқор уй, чайла ёнма-ён...*

— Шанбалик, тозалов ўтказиб туришса бўлмасмикин, ҳукуматниям иши йўқ экан-да, — дейман.

— Бу ёқларда «Экосан», комхўз деган нарсалар йўқмикин, денг, — дейди Зокиржон ака.

Йўлнинг чап томонидаги, ўтган гал биз кўрган ёш, оққайинсимон, танаси қобиғи арчилгандай силлиқ, толбаргли тераклар йўғонлашган; ўрта пуштадаги узоқдан қоғозгулга ўхшаб кўринадиган (дарҳақиқат, унинг номи «скай-пепа» — «қоғозгул» эди), гулбарглари майда, чиройли дарахт-гуллар тарвақайлаб кетган эди. Агар очилиб турган гуллари бўлмаса, нақ чакалакнинг ўзи дейсиз. Бурунги сафар ўтганимизда мана шу бута-гуллар ҳам ёш, дуркун эди, яшнаб, йўлга алоҳида файз, ҳусн бахш этиб турган эди. Энди уларнинг бўйи ҳам ўсган — одамдан баланд, ингичка, узун новдалари камондай эгилиб, икки тарафдаги йўлга осилиб, ерга тегай-тегай дерди. Гуллар, гулсимон буталарни экишгану, қайтиб хабар олишмаганга ўхшарди, шакл бериб, қирқиб туриш, парваришлар йўқ шекилли. Гул-дарахтлар остида, айниқса, улар унмай, яхши ўсмай қолган яйдоқ ерларда майсалар қуриб, қовжираб ётарди.

Норғул, басавлат тол тераклар ҳам чакалакзорлар ичида қолган, остидаги ёввойи ўт-ғиёҳлар баланд-паст бўлиб, тартибсиз ўсиб кетган, япроқларини қалин чанг босган эди. Умуман, ҳамма дарахт, гул барглари губор қоплаган, афтидан, анчадан бери ёмғир ёлмаган эди. Ўртадаги гул-пушта мутлақо суғориладиганга ўхшамасди. Демак, ё гул-дарахтлар сувсизликка чидамли, ё ер ости сувлари яқин. Ёки пашкол (саратон, асад, сунбула, мезон) мавсумида ёққан ёмғир сувларидан нафлангани кифоя қилади.

Буталарнинг гулбарглари асосан қизил, ора-орада оқ, новвотранглари ҳам учрайди.

Хуллас, мен бу йўлга ҳеч кўниқолмаётган, яъни, аввалги сафар кўрганимга ўхшатолмаётган эдим, Лудхиана шаҳридан ўтгандан кейин йўл ва атроф табиати, ҳолати яхшиланди ҳам маданийлашди, ҳам кўкаламзорлашди, яъни, яшиллик кўпайди. Ўрта пушталардаги майса-кўкатлар ҳам яшилроқ эди. Гулларнинг тури, ранги ҳам рангоранглашди, оралари зичлашиб, ола жойлари камайди. Йўлнинг ўзи ҳам текис, тозароқ ободроқ эди. Ҳа, озода бўлса, дунёда Ҳиндистондан гўзал юрт бўлмас эди.

Байт:

*Ҳусн либосида тамом табиат,  
Элида ҳалимлик ва олий ҳиммат.  
Саришталик ҳиндга тутинса сингил,  
Ер узра бўлмасди бундайн жаннат.*

Патияла шаҳридан ўтяпмиз. Кўчада ҳинд кўшиқлари янграр, деворларда Шоҳруҳхон рол ижро этган фильмлардан лавҳалар, шунингдек, чала кийинган актрисаларнинг суратлари (ўтган гал бундайлари кўрилмаган эди) ёпиштирилган эди.

Оч яшил ранг сарий урф экан. Умуман, ҳиндлар ҳаётида анча-мунча ўзгаришлар юз бергани сезилиб турарди.

Бепоён шолиторлар, хирмонларда терлаб-пишиб шоли янчишаётганларни, шакарқамишзорларни орқада қолдириб шитоб билан елиб боряпмиз. Ўтган етти йил ичида (дастлаб 1993 йили келган эдик) Ҳинд элининг табиатида, руҳиятида содир бўлган янгиликлардан ҳайратланиб, муҳокама қилиб боряпмиз. Масалан, ўшанда экинсиз ётган далалар жуда кўп эди ва биз пўрсилдоқ ерларнинг умри беҳуда ўтаётганига кўп ачинувдик. Дарахтларнинг соясида, биноларнинг пешайвонлари остида ётишган бекорчилар шу далаларга келишиб, ёлланиб бўлса ҳам ишлашса бўлмасмикин, деб таассуф билдирган эдик, мана энди, дарёнинг қуриб қолган ўзанларига ҳам экин экилган эди.

— Қилса бўлар экан-у, — деймиз кўзларимизга ишонмай.

Шунингдек, хонадонлар (ҳовли деб бўлмайди, чунки ҳовлининг ўзи йўқ) олдида молхоналар кўпайган эди. Сигирларни ҳам боғлаб боқишга ўрганишибди. Ўтган гал бойлоғлиқ хайвон жуда кам кўрилган эди. Фақат, сигирлар ҳамон семиз, хўкизлар ҳамон орик эди. Яъни:

### ***Сигирлари лорсиллайди, Хўкизлари ҳарсиллайди.***

Албатта, аравага, омочга кўшиб, тиндирмай, эзиб ишлатаверишгандан кейин эт оладими! Ҳиндлар сигирга сиғинишадию, унинг бечора эркагини аяшмас экан.

Экин кўпайганлиги сигирларнинг (қорамол ва яна айрим уй хайвонлари сақлашда жаҳонда биринчи ўринни эгаллайдиган Ҳиндистонда бўш юрадиган энг кўп, беҳисоб хайвон шулар эди) қозикда боғланишини тақозо қилган эди. Моллар тушиб ётиб оладиган сой, ариқлар холи қолган, шунинг учун сувлар ҳам анча тиниқ, тозарган кўринарди. Тўғри, далаларнинг четларида эркин ўтлаб юрган уй хайвонлари бор, лекин аввалгига нисбатан жуда кам эди.

Аммо қурилишлардаги асосий ишчи кучи яна ўша қотма, қанғил, қоп-қора, камбағал аёллар эди.

Карнал. Сомона деган лавҳа-кўрсаткичларни кўриб, Неъматилло: «қаранг-а, Бобур тилга олган номлар ҳали ҳам бор экан», деб қолди. «Бобурнома»да Сомона айнан келтирилган, лекин «Карнал» «Карол» тарзида берилган Қозон босма нусхасида эса «Кармол» ёзилганлиги эслатилган. Сомона вилоятини Бобур Мирзо «Муҳаммад кўкалтошга... иноят қилиб» эди. Демак, бу худудлар Бобур Мирзо, Хумоюн ва бошқа бобурийларнинг пойқадами теккан табаррук манзиллар эди.

Ҳа, Ҳиндистонни қанча фотиҳлар забт этиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатишган, бу юртда мафкура ва сиёсат неча-неча бор ўзгарган, аммо тарихий жой номлари ҳамма ерда, ҳамон сақланиб турибди. Бизда эса, кейинги етмиш йиллик Шўро замонида тарихий асосга эга бўлган қанчадан-қанча миллий жой номларининг йўқ бўлиб кетишига сал қолди-я! Қанчалари йўқолиб ҳам улгурди.

Понипатга қирқ км. қолганда «Либерти» («Озодлик») деган ёдгорлик мажмуига дуч келдик. Шу ердан кўча таъмирланмоқда, айланиб ўтиладиган «тирсак»лар тўғриланмоқда, умуман, йўл Деҳлига, пойтахтга яқинлашган сари яхшиланмоқда эди.

### **Оши қиммат гўшт емаслар. Муса деб кўсани уйғотибмиз**

Соат бирга яқин, Понипатга йигирма чақирим қолганда пештоқида Митхун Чакробортининг шу ерда бўлганлигини ифодаловчи катта сурати кўйилган гўшт емаслар (вегетерианлар) ресторанида тушлик қилдик. Қандайдир кўкатлар солинган аччиқ суюқ овқат ичдик. «Кашмири палов» деганини бир кўрайликчи, девдик, одатдагидай, қайнатилган оппоқ майда, ёгсиз, бемаза гуруч экан. Фақат, унга бита-иккита ўрис ловиясимон бир нарса ва зира солинган эди. Чепотини буклаб, варақи сомсага ўхшатиб, тўғрам-тўғрам қилиб пиширишаркан. Бир тўғрамдан иссиқ олиб келишади. Уч марта (илтимосимизга биноан) беришди, тўртинчи бор сурагани хижолат бўлди. Бир бурда чепоти икки тишлам эди. Орамизда ҳатто ўзимизнинг паловни ҳам нон билан «тўқийдиганлар» (айниқса, Фаррух) бор эди.

Нарх-навоси эса, гўштли овқатларникидан ҳам қиммат эди — тўрт юз рупий олишди. Лекин басавлат, серсоқол хўжайин-соҳиб анча илтифотли экан, хуштакаллум билан кузатиб қолди (У ва унинг хизматчилари вегетерианлар ҳисобланувчи индуизм ё жайнизм дини-мазҳабига мансуб кишилар бўлишса керак. Умуман олганда ҳам Ҳиндистонда гўшт, мол ёғи кам ейилади. Энг бой хонадонларда ҳам ҳафтасига икки-уч марта гўштли овқат истеъмол қилишади, холос).

Понипатда машхур жангоҳ ёдгорлигига олиб борадиган йўлни ахтариб, анча овора бўлди. Аввало, аҳоли ниҳоятда кўпайиб, уй ва бошқа бинолар тифизлашган, транспорт қатнови Лохурдагидан ҳам баттар, айниқса, пиёда-йўловчилар ҳаддан зиёд эди. Ҳатто ўтган сафар тунаган меҳмонхонамизни ҳам (номи «Пехалван» эди) тополмадик — шундоқ йўл бўйида эди, ундан Дехли тарафга бир чақиримча ҳам юрмай, чапга кириларди. Иккинчидан, таржимонимиз урду тилини билмайди, маҳаллий халқ — инглизчани. У, Фаррух — учаламиз дуч келган кишини тўхтатиб, дўконларга кириб: «жанги Бобур — Лўдий...» «Жангоҳ...» «мемориал...» «музеюм...» деб, имо-ишоралар билан мақсадимизни бир амаллаб англатамизу (тўғрироғи, тушунишди деб ўйлаймиз), лекин уларнинг жавобларини тушунмаймиз. Сўл томонга кетган кўчадан озгина юрамиз-да, ўхшатолмай, катта йўлга қайтиб чиқамиз. Ўша майда кўчаларнинг икки бети ҳам бозорга айланган, одам қалин эди (ўтган гал умуман бозор кўрмовдик, жангоҳга кетадиган кўча жуда ҳам холи эди). Охир бир устахонада ўтирган пўримроқ соҳиб ниятимизни фаҳмлади шекилли, бир кимсани кўшиб берди. У нотаниш, тор йўллардан бошлаб, бизни Иброҳим Лўдий қабрига олиб борди. Бояги соҳиб, демак, мана шу жойни тушунган экан, демак, у ҳам, биз мурожаат қилган бошқа понипатликлар ҳам шаҳардан тўрт-беш чақирим нарида юз берган оламшумул тарихий олишувни ҳам, Бобуршоҳни ҳам, мемориал музейни ҳам билишмайди, кўришмаган, эшитишмаган. Э, дунё беҳабарлар!.. Йўқ, унчалик эмас экан, хулоса чиқаришга бир оз шошибмиз...

Бир жиҳатдан яхши бўлди. Иброҳим Лўдийнинг қабри биз учун янгилик эди. Аввалги сафар биз ҳам Понипатда бундай ёдгорлик борлигини билмагандик.

Қабр маҳалла ўртасидаги кенг, очик майдоннинг ўртасига барпо қилинган катта, баланд тош супа тепасида эди, унга тош зиналардан чиқиб борилар, супанинг юзаси бемалол бир камбағалнинг томорқасича келарди. Фақат бу супа ва қабр қачон, ким томонидан бунёд этилганини аниқлаш имкони бўлмади, ёзувлар ўчиб, хиралашиб кетган эди.

«Биз кўрмоқчи бўлган жой бошқа эди», деган гапни бир амаллаб уқтирганимиздан кейин йўл бошловчимиз, ҳарқалай билар экан, топиб борди.

Бу ерда айтарли ўзгариш йўқ, аксинча, бир оз қаровсиз қолгандай эди. Биз билан орқама-орқа яна бир неча киши (улар, назаримизда, бир оила ва уларнинг қариндошлари, ёш болалар ҳам бор эди) зиёратга киришди. Қоровул ҳам, бошқа бирон мутасадди ҳам кўринмади. Хиёбоннинг этагида ошхонасифат бинолар бор эдию, аммо улар ҳам кимсасиз эди. Фақат солланиб юрган бир гала ғоз бизга йўл бўшатиб, ўзларини четга олишди.

Тош деворларда таниш манзаралар: Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отлик ва пиёда кўшинлари билан Иброҳим Лўдийнинг жанговар филлари ҳамда бесаноқ лашкари ўз саркардалари етакчилигида Ҳиндистон тақдирини ҳал қилувчи жангга киришиш учун бир-бирига яқинлашаётган пайт тасвири...

Жойнинг тарихий номи Қора манго эди, маҳаллий халқ Қалъаи Амб деб атар экан. Аслида Қора манго деган дарахт йўқ эди. Тош паннолардан берирокдаги кичкина тепалик ёнида кўйидагича ёзув бор эди: «Қора манго дарахти ўрнидаги ушбу ёдгорлик тоши 1761 йили Понипатда Аҳмад шоҳ Абдолий ва маратхалар ўртасида бўлиб ўтган 3-чи жангни ифодалаш учун кўйилган».

Бу битикдан ташқари очик мемориал музей ҳовлисида яна шундай ёзув ҳам бор эди: «Ушбу ёдгорлик миллий аҳамиятга молик қадимий ёдгорликлардан бўлиб, археологик қазилмалар тўғрисидаги қонунга асосан 1958 йили қурилган ва давлат муҳофазасига олинган. Унга шикаст етказган, бузган кимсалар уч ойгача озодликдан маҳрум этиш ёки беш минг рупий жарима билан жазоланадилар» (Матнларни инглиз тилидан Неъматилло ўгирди).

Ёдгорликнинг кадри ошибди чоғи, жарима нархи анча кўтарилибди. Ўтган сафар келганимизда бор-йўғи ўн рупий эди. Мозийгоҳга кириш дарвозасининг икки ёнидаги девор-устунларга битилган инглизча ва урдуча ёзувлар ўзгаришсиз эди:

## **«Понипат жангига кўйилган ёдгорлик**

Ушбу ёдгорлик Понипат майдонида бўлган машхур жанглр хотирасига қўйилган. Бу урушлар Ҳиндистон тарихида катта ўзгаришлар ясаган. Биринчи жанг 1526 йили Бобур ва Иброҳим Лўдий ўртасида бўлиб ўтган. Унда Бобур Иброҳим Лўдийни енгиб, Ҳиндистонда буюк империяга асос солди. Иккинчи муҳорабада, 1556 йили Акбар Байрамхон ёрдамида Одилхон Сурнинг бош вазири Хейму устидан ғалаба қозонди.

1761 йили бўлиб ўтган учинчи жанговар тўқнашувда эса Аҳмадшоҳ Ал-Абдолий Содашив Бхад, Ров Пешвалар бошчилигидаги маратхаларни тор-мор этди.

### *Тарихий ёдгорликларни сақлаш жамияти. Харияна штати”.*

(Ушбу матнни ўтган галги сафаримиз чоғида ҳиндшунос таржимонимиз Аҳмаджон Қосимов урду тилидан ағдарган эди).

Такрор бўлса ҳам, шу нарсани қайд этиш жоизки, ўша тарихий жангда улуғ бобокалони Амир Темурнинг ҳарбий санъатини пухта эгаллаган ва унинг йўл-йўриклари, тузукларига амал қилган ҳолда жангга ҳозирлик кўрган Бобуршоҳ қўл остидаги жамики одами — ўн икки минг киши билан Иброҳим Лўдийнинг юз минг черики ва мингтача жанговар филига қарши от суриб, зафар қозонган ва шунинг учун ҳам ҳинду инглиз тарихчи-мозийшунослари, адиблари фавқулодда аҳамият касб этган бу воқеани, мислсиз ғалабани ҳайрату ҳаяжон билан шарҳлашдан, юксак таърифлашдан толмай келмоқдалар.

Катта йўлга қайтиб чиққанимизда қоронғи тушган эди. Шиддат билан кетарканмиз, машина чироғи ёруғида тумансимон чангни кўриб ҳайрон бўлдик. Ёпирай! Кўча асфалт бўлса, шунча куюқ чанг қаердан чиқади? Синчиклаб кузатиб, мушоҳада қилсак, аввало, чанг шаҳару қишлоқлардаги, йўл бўйларидаги ивирсиқликлар, одамзотнинг кўплиги боис йўлақлардан кўтарилаётган экан, қолаверса, бу — чангнинг ўзигина эмас, унга кечга бориб бозору дўконлар олдида ёқиб юбориладиган тўнна-тўнна чиқинди, қоғозларнинг тутуни ҳам қўшиларкан. Бу қоришма ер билан осмон ўртасида шундай қалин парда ҳосил қилган эдики, ҳаво очик бўлишига қарамай, энг ёруғ юлдузлар ҳам аранг милтиллаб кўринарди.

Дехлида Лоҳурдагидай сарсон бўлишдан безиллаб, шаҳарга йигирма-ўттиз чақиримча етмай, Лар Сали деган жойда, «Канак Гарден» («Кўноқчилар боғи») меҳмонхонасида тўхтадик.

Хонада совутгич (кондиционер) бор экан, ҳаво дим, ўчирсак исиб кетади, ишлатиб қўйсак, шабада. Майда пашшалар ғинғирлаб юрибди, деразани очсак, уларнинг «дода»лари ва чанг киради.

## **Ҳар фотиҳда ҳар мақсад**

Уйқум қочди. Хаёл элтди... Ажабо, қадимдан Ҳиндистонга қизиқиш кучли бўлган. Энг ашаддий сайёҳлар, жаҳонгир фотиҳлар мана шу мамлакат сари интилаверишган. Бу йўлда қанча талофотлар кўриб, ҳалокатга учрашса-да, барибир фикридан қайтмаганлар, орзуниятидан кечмаганлар. Ҳинд заминининг ўзига оҳанграбодек тортишига боис нима? Ҳиндистоннинг (ўрта асрларда барча Шарқ мамлакатларини «Ҳиндистон» деб юритишган) қимматбаҳо тошлари, гавҳарлари ва бошқа нодир бойликлари ҳақида кўп ёзилган. Оврўпо мамлакатларига таомга хушхўрлик ва ёқимли тот бағишловчи мурч, қалампирмунчок, долчин, мускат ёнғоғи каби хушбўй зираворлар, жавоҳир, тилла асбоблар, фил суяги, ипак, гилам, курол-аслаҳа, чинни ва яна бошқа кўп нарсалар Осиё мамлакатларидан келтириларида. Қолаверса, олтинга ўчлик, унга сиғиниш баробарида ихлос ва эътиқод қўйиш «юқумли касаллик» даражасига етган даврларда алхимиклар оддий металлардан кимёвий йўл билан тилла олиш чораларини излаб қолишган, бошқаларда эса оддий тош қуёш нурида олтинга айланади, шунинг учун у иссиқ, серкуёш мамлакатларда кўпроқ бўлади, деган тушунча пайдо бўлган эди.

Португалиялик денгиз сайёҳи Энрике обсерватория очиб, денгиз сайёҳлари мактабини ташкил этган ва унда бошқа машғулотлар қатори Африка ва Ҳиндистонга элтадиган денгиз йўли ҳақида маълумотлар тўплаш асосий мақсадлардан бири бўлган эди.

Ҳиндистоннинг ана шу ашаддий ишқибози унга борадиган йўлни топиш учун умрининг қирқ йилини сарфлаган, деб ёзишади. Лекин ундан икки асрча аввал венециялик савдогар, улуғ сайёҳ Марко Поло салкам чорак аср давомида кўпгина Шарқ мамлакатларини кезиб чиққан эди.

Ўн бешинчи асрда флоренциялик машҳур астроном ва космограф Паоло Тосконели, испаниялик Христофор Колумб, кейинроқ рус сайёҳи Афанасий Никитинларнинг Ҳиндистонга ғойибона ишқи тушиб қолади. Айниқса Колумб дегани бу куёшли ўлкага шунчалар ошику беқарор бўлганки, ўз орзусига, Ҳиндистон жамолига, яъни унинг бойликларига эришиш йўлида ҳар қандай йиртқичлик, ёввойиларча ҳаракатлардан тап тортмаган. ўз денгизчилари, ёлланма хизматкорлари билан қанчадан-қанча ям-яшил, сокин ороллари вайрон қилиб, уларда тинч, осойишта яшаётган қабилаларни кул қилиб олиб кетган, бўйсунмаганлар, шунингдек, ёш болалар, кексаларни аёвсиз қирган. Артур Лиелайс «Денгиз саргузаштлари» китобининг «Ҳиндистоннинг хонавайрон қилиниши» бобида епископ Лас Касаснинг Антил оролларида Колумб бошчилигидаги испанларнинг мисли кўрилмаган ёвузликлари борасида қаҳр-ғазаб билан ёзган қуйидаги гапларини келтиради: «Шу давр мобайнида индеецлар ваҳшиёна калтакланди, айниқса, Каонабо қироллигида бутун-бутун вилоятлар ҳувиллаб қолди... Бундай ҳодиса содир бўлганининг сабаби шуки, индеецлар шундай раҳмсиз ва ёвуз кишиларни ўз мамлакатларидан улоқтириб ташлашга уринмоқ учун ҳамма кучларини сарфладилар. Индеецларни ҳеч қандай баҳонасиз, ҳеч қандай гуноҳсиз ўз ватанидан, еридан, озодликдан, хотинлари ва болаларидан ва ҳатто ҳаётидан маҳрум қилишаётганини ва ҳар куни раҳмсизлик ва ваҳшийлик билан қириб ташлашаётганини ўзлари кўриб туришди. Айни вақтда христианлар осонгина ўз мақсадларига етишарди, чунки индеецлар устига от солиб бостириб келишар, уларга найза отишар, уларни қилич билан уриб икки бўлак қилиб ташлашар, итларни гиж-гижлатишарди, итлар индеецларни қийнаб, бурда-бурда қилиб еярди, христианлар индеецларни тириклайин куйдирар ва бошқа қийноқларга солишар эди...

Қилич билан бир уришда индеецни икки бўлиб ташлаш, калласини узиш ёки ичак-чавоғини чиқариб ташлаш ҳақида баҳс бойлашиб, христианлар гаров тикишарди. Христианлар гўдакларни она кўкрагидан юлиб олар, оёқларидан ушлаб, бошини тошга уриб, мажақлашарди, ёки оналарни гўдаклари билан дарёга отишар, улар сувга чўккач, христианлар кулишиб, «ғайри динлар пуфак чиқараётганини кўринглар», деб мазах қилишарди. Узун дорларни шундай қуришардики, оёқлари деярли ерга тегарди, ҳар бир дорга ўн учтадан одамни Исо ва ўн иккита машойхнинг шон-шухрати учун осиб, гулхан ёқишар ва осилганларни тириклайин куйдиришар эди. Баъзи одамларга қуруқ похол ўраб боғлашар, сўнгра унга ўт қўйиб ёндиришарди. Бошқа кишиларнинг... икки кўлини кесишар ва бу кўлларни танасига осиб, ўша индеецларга «Шу мактублар билан боринглар, ўрмонларга яширинган қочоқлар ўртасида хабар тарқатинглар...»<sup>1</sup> дейишарди.

Шу қадар ваҳший ва раҳмсиз кишилар, одамзотнинг ашаддий душманлари ва бераҳм қирувчиларидан жон сақлаб, тоғларга ёки ўрмонларга яшириниб олган ҳамма кишилар учун энг қопағон итлар ўргатилган эди, улар индеецни кўрганда бир зумда тилка-пора қилиб ташларди...»

«Тарихнинг шу даҳшатли саҳифаларини варақлаганингда, томирингдаги қон совиб қолади», деб ёзади А. Лиелайс.

Қурукликдан ва қисман дарёлардан черик тортиб сузиб ўтган шоҳлар, султонларнинг қилмишлари Колумб хунрезликлари олдида ҳечдир, деса ҳам бўлади. Чунки

шоҳлар, султонлар, ўз мақсадларига уруш эълон қилиб, қуроли кучлар билан юзма-юз тўқнашиб, жангларда зафар қозониб эришган бўлсалар, Колумб аскарлари ороллари

<sup>1</sup> А. Лиелайс. «Денгиз саргузаштлари». «Ўзбекистон» нашриёти. 1972 й. 1551-56-бетлар.

тўсатдан босиб, деярли ҳимоясиз, тирикчилигини ов билан бир амаллабўтказиб юрган

беғуноҳ қабилаларни бекордан-бекорга қирганлар, уларни ҳар турли шафқатсиз усуллар билан жазолаб, ҳузур қилганлар.

Жаҳонгир фотиҳлар эътиборини ҳиндлар диёри қадимги даврларданок ўзига тортган эди. Милоддан аввалоқ Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) Ҳиндистонни забт этган. XI аср бошларида туркий сулоланинг машҳур намоёндаси Маҳмуд Ғазнавий, XIII асрда Афғонистондаги ғурийлар наслидан бўлган Муҳаммад Ғурий, XIV асрда соҳибқирон Амир Темур бобомиз... Кейин яна Ҳиндистоннинг оврўпалик ишқибозлари — португаллар, инглизлар, голландлар... Ниҳоят, бизнинг буюк юртдошимиз, ҳозир изларини кўзимизга тўтиё айлаб, излаб, йўқлаб бораётганимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур... Аввалги ҳукмдорлар, китоблардан аёнки, Ҳиндистондан оладиганини олиб, ватанларига қайтиб кетишган. Бобур эса, ўзи айтганидай, бу юртга босқинчилик ниятида келмаган. Инглиз тарихчилари Х. Эллиот ва Ж. Доусонлар Бобур Мирзонинг: «Қадимдан туркларга мансуб бўлган бу ўлкаларни мен ўзимники деб эълон қилган эканман, мен бу ерларда ҳеч қандай талон-тарожга йўл қўймайман», деган сўзларини ҳайрат билан эслайдилар. Шунинг учун ҳам Бобур Ҳиндистонда муқим яшаб қолди, бу бепоён ҳудудда ягона давлатни, Бобурийлар салтанатини яратди. Бобурийлар эса Ҳиндистон мамлакатининг ривожланиши, ободлашуви, кўркамлашуви, халқининг турмуш тарзи маданияти, фаровонлиги учун бутун куч-қувватлари, умрларини сарфлаб ўтдилар...

Экспедициямизнинг режалари эса бутунлай бошқача, Бобур ва бобурийларнинг ҳинд ўлкасида кечган ҳаёти, улар қолдирган бебаҳо маданий мерос, тарихий обидаларни чуқурроқ ўрганиш, иложи борича янги маълумотлар, Бобур боғида қад кўтарган Бобур музейига қўйиш учун ашёлар, ҳужжатлар, қўлёзмалар ва китоблар олиб қайтиш ниятида йўлга чиққанмиз. Шу асосда мустақил Ўзбекистон билан Ҳиндистон ҳукуматининг ўзаро дўстлик муносабатларини янада яхшилаш сиёсатига хизмат қилиш, икки халқ зиёлиларининг адабий, ижодий ҳамкорлигини кучайтириш учун... бормоқдамиз... Албатта, узоқ сафарлар, катта мақсадларга эришмоқ йўлида азиятлар, заҳматлар чекмоқлик табиий бир ҳолдир. «Бардош», «матонат» отлиқ буюк неъматлар инсонга балки мана шундай ҳолатларни, машаққатларни енгиб ўтмоқ учун это этилгандир... Ахир дўлона ҳам, жонона ҳам қўлга осонлик билан қирмайди-ку...

## Изҳори муҳаббат

Мен Ҳиндистон билан Ўзбекистоннинг тарихий, адабий-маданий алоқалари, бу икки мамлакат халқларининг бир-бирлари ҳаёти, урф-одатлари, санъатига, хусусан, ўзбекларнинг ҳинд киноси ва куйларига қизиқишининг чуқур илдизлари ҳақида ўйладим (Ёш ўзбек йигит-қизлари орасида ҳинд фильми деса ўзини томдан ташлашга тайёрлари кам эмас).

Манбаларда ёзилишича, Ҳиндистон билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги маданий, илмий ва савдо муносабатлари жуда қадимий бўлиб, тахминан 2200 йиллик тарихга эга (яъни, бу алоқалар милоддан анча аввал бошланган). Бунда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан топилган буддизм санъатига оид археологик топилмалар, кушонлар даври маданияти назарда тутилади. Ҳиндистон халқларининг XI асргача бўлган ҳаёти, тарихи, табиати, урф-одатлари, тили, маданияти, санъати ҳақида нисбатан тўлароқ маълумот берувчи дастлабки йирик манба ҳам бизнинг буюк ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» китобидир. Асарнинг тўла номи «Таҳқиқ моли-л-ҳинд мин маъқула мақбула фи-л-ақл ва марзула», яъни «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби» бўлиб, уни Ҳиндистон олимлари ҳам ҳинд маданияти тарихини ёритиш нуктаи назаридан юксак баҳолайдилар ва қадрлайдилар.

Маълумки, Султон Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга юриш қилганида Берунийни олиб кетган. Хоразм фарзанди, комусий илмлар эгаси, доно Беруний Ҳиндистонда бир қанча муддат яшаган, қисқа давр ичида санскрит тилини ўрганган, ўқиганлари, кўрган-билганлари, кузатишлари, тарихий-диний ривоятлар асосида ҳажман жуда катта ва бугунги

кунда оламаро шуҳрат топган асарини ёзиб, келажак авлодларга бекиёс ва бебаҳо манба сифатида қолдирган.

«Шарқ Рафаэли» деган унвон олган ҳиротлик мусаввир, Навоий ва Бобурнинг садоқатли мухлиси, Ўрта аср Шарқ мусаввирлик санъатининг етук ва машҳур намоёниси Камолитдин Бехзод ҳам Ҳиндистонда бўлган, ижод қилган ва ҳинд миниатюра мактабининг юксалишига ўзининг самарали улушини қўшган. Шунингдек, бу қадимий ва бағри кенг диёрда Бобур Мирзо рағбати билан тарихнавис, навоийшунос Хондамир ва бошқа таниқли сиймолар турли муддатларда яшаганлар ва ўз таассуротларини ёзиб қолдирганлар, икки мамлакат халқлари аро дўстлик занжирининг мустаҳкам халқачалари бўлиб хизмат қилганлар.

Халқимиз ҳинд шоир ва ёзувчиларининг асарларини ниҳоятда севиб ўқийди. Ҳозирги замон мумтоз адибларидан Робиндранатх Тхакурнинг саккиз жилдлик асарлар мажмуи, шунингдек, Премчанд, Хўжа Аҳмад Аббос, Кришан Чандр ва бошқаларнинг Ўзбекистонда қайта-қайта ва кўп нусхаларда чоп этилган китобларининг ҳар бири ўзбек ва ҳинд китобхонлари қалбларини ўзаро боғловчи дўстлик, биродарлик, меҳру-муҳаббат риштасининг яна бир бўғин узайишига катта ҳисса қўшди. Албатта, қарс икки кўлдан чиқади, меҳр-оқибат икки ёқлама бўлсагина қадрдонлик боқий давом этгувчидир. Хўжа Аҳмад Аббос, Сажжод Зоҳир, Али Сардор Жафарий, Кайфий Азми, Қамар Раис ва бошқа атоқли ҳинд адиблари Ўзбекистон, унинг меҳнатқаш, меҳмондўст, танги халқига публицистик мақолалар, шеърлар бағишлаган. Жумладан, кўзга кўринган олим ва йирик танқидчи, айни вақтда, адабий жамоатчилик эътирофича, ҳар бир шеъри муҳим адабий воқеа сифатида кутиб олинган шоир Қамар Раис Ўзбекистонда бот-бот яшаб, ўзбек ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилган, халқимиз турмуши, меҳнат тарзини ўрганиб, урду шеърияти мавзу доирасини янада кенгайтди ва кенгайтмоқда (У айни вақтларда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги маданият маркази директори, Тошкентда яшайди). «Менинг фикри ожизимча, халқаро маданий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бобида Қамар Раис бажараётган ишдан кўра чиройлироқ ва ёқимлироқ иш бўлмаса керак», — деб ёзган эди ҳинд адабиётининг яна бир улкан намоёниси Сажжод Зоҳир. Дарҳақиқат, адабиётимиз ва халқимизнинг садоқатли дўсти, юртимизнинг чин шайдоларидан бири Қамар Раис Ҳамид Олимжоннинг водийларни яёв кезиб ёзган машҳур маснавий-қасидасини эслатувчи катта бир шеърида элимизнинг, халқимизнинг ажойиб фазилатларини эҳтирос ила таърифу тавсиф этар экан, жумладан, шундай дил сўзларини битади:

*...Ҳар бир кўзда меҳр бору туганмас қўшиқ,  
Барчаси дер: “Дўстлар учун эшиклар очик».  
Қайга борсам ширин нигоҳ кўрсатади йўл,  
Қайга борсам дўстлар менга узатади қўл.  
Қуёш юртин соф ҳавоси — менинг мезбоним,  
Нурли осмон муддаоси — менинг мезбоним.  
Шамоллари сочинг силаб эртақ айтади,  
Чўққиларга тезда бориб, тезда қайтади...  
...Яшил дала, кўм—кўк майса, гўзал хиёбон —  
Гуё менга кенг ёзилган гўзал дастурхон...  
Бу бир Ватан — муҳаббатга макон бир Ватан...*

Сажжод Зоҳир бу адабий дўстликни янада кенгроқ шарҳлайди: «Ўзбекистан... билан Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги алоқалар қадимий ва чуқур илдиз отгандир. Масалан, расм-одатларимиз, архитектурамиз ва тилларимиз бир-бирига жуда ўхшаш. Урду тилида ижод этган энг йирик шоир Голибнинг ота-бобоси самарқандлик бўлган. Форс тилида ижод қилган энг катта шоир Амир Хисравнинг асарлари Ҳиндистонда қанчалик севиб ўқилса, Ўрта Осиёда ҳам шунчалик шуҳрат топган. Бир неча йил бўлди, Заҳириддин Бобурнинг ватани Фарғонада бўлганимда азим ва кўркам чинорлар тагида бўлган бир учрашувда Бобурнинг эвараси Зебунисонинг бир ғазалини овозида сеҳри бор бир ҳофиза ижросида



тинглаб беҳад завқланган эдим. Ўзбекистонда бўлган яна бир шеърят кечаси ҳамон ёдимда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносиди бўлган ўша йиғилишда биз бир-биримизнинг шеъримизни тинглаб завқ олган эдик. Ўша анжуманда марҳум Ғафур Ғулом, Зулфияхоним, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон ва бир қанча бошқа йирик ўзбек шоирлари ўтирган эдилар. Уларнинг ёқимли овозлари ҳали-ҳали қулоғимда жаранглайди...»

Ўзбекистон пойтахти — Тошкентни ҳинд шоирлари дўстликнинг буюк шаҳри сифатида мадҳ этадилар. Бу бежиз эмас, 1920-йилларда ҳинд инқилобчилари Тошкентда «Заминдор» деган рўзнома чиқаришиб, ўз халқи онгига миллий озодлик ғояларини сингдиришга ҳаракат қилишган. Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги можаро уларнинг ҳукумат бошлиқлари Муҳаммад Айюбхон ва Лаъл Баҳодир Шастрилар иштирокида 1966 йили Тошкентда ҳал этилган ва бу тарихий аҳамиятга молик улкан сиёсий воқеа мазмуни, моҳияти «Тошкент декларацияси» унвони билан жаҳонга таралган эди. Ана шу воқеага Ҳиндистон ва Покистоннинг таниқли шоирлари шеърлар, дostonлар бағишлаб, Тошкент шаҳрига, ўзбек халқига эҳтироми ва қалб ташаккурини изҳор этганлар. Ниёз Ҳайдарнинг куйидаги сатрлари ўз эли номидан битилган самимий дил изҳори сифатида жаранглайди ва юрагимизда фахр уйғотади:

*...Тошкент - бир диёрки, гулгун чаманки,  
Етагида юрар доим баҳорлар.  
У — самимий дўстлик, вафо маскани,  
У — бахту тенгликнинг буюк шаҳари...  
...Бугун Тошкент шаҳри — диллар каъбаси,  
Ҳайратга солувчи гўзаллар юрти.  
Ой, Мирриҳ Фотиҳи, соҳиби фазо,  
Дўстлик, муҳаббатнинг маркази эрур,  
Меҳнат, шарофатнинг маркази эрур.  
Шарқда бир машъалдек порлайди Тошкент,  
Қадим Осийнинг умиди ундан.  
Тошкент бамисоли мунаввар саҳна,  
Унда ажойиб соз чалинмоқдадир,  
Таратиб дўстликнинг наволарини...*

Ҳинд ва ўзбек халқларининг дўстлиги, бир-бирига меҳр-оқибати ва қизиқиши халқ оғзаки ижодида, ривоятларда ҳам ўз ифодасини топган. Бу хусусда сафарноманинг биринчи китоби “Ҳинд сориға”да ёзиб эдим...

## КЎЧАЛАР, О, КЎЧАЛАР...

Эрталаб деразадан қарасак, ҳаммаёқ тўзон ичида ғира-шира кўринади. Энди чанг, тутунга туман, шудринг буғи ҳам аралашиб кетган эди.

Барвақт жўнадик. (Кечкурун ювган кўйлақларимизни дазмоллашга дазмол ҳам, вақт ҳам бўлмай, кўлимиз билан сидириб текислаб кийиб олавердик. Гарду тер оқибатида кўйлақ бир кунга етмайди). Йўл созловчилар саҳарлаб ўртадаги ва чекадаги гулпушталарни ихота қилиб турган бетон плиталарни кўчиришмоқда, йўлни кенгайтиришмоқда эди.

Соат саккизда Дехлига (бу ном “Делхи” тарзида ёзилади, оддий халқ эса “Дили” дейди) етиб бордик. Бесаранжомлик, ивирсиқлик авж нуқтада. Биз шаҳарга шунақа хароб томондан кирибмиз шекилли.

Бир жойда тўхтадик. Раҳбар билан таржимон элчихонамизга қўнғироқ қилиш учун телефон излаб кетишди. Қолганларимиз йўл четига тушиб, атрофни кузатиб, томоша қилиб турдик. Кечасиги, кўкни қоплаган тупроқ қуюнларининг асосий қисми шу жойдан борган экан, деб ўйладик. Ибн Сино бу қуюқ ғуборларни, бу ирkitликни кўрганда нима дердийкин?

Кўчанинг ўртасидати гулпушталарда гулдан ном-нишон йўқ, елкасида ҳўккиси бор оқ-сарик сигирлар қаторлашиб ётишар ё тик турганча кавш қайтаришарди. Шўринг курғурларнинг эгалари ўлиб кетиб, қаровсиз қолишган бўлса керак, улар ориқ, чўлок, ногирон, касалванд эди. Елинлари пуччайган, ҳаракатлари суст, ғамгин, кўзларида мунг бордай, бир-бирларини тумшуғи билан силашиб, гўё тасалли бераётганга ўхшарди. Эҳтимол, адашиб кетиб, эгалариникини қайта тополмай дайдиб юришар. Балки, сигирни сўйишмагани учун, қариганда ё сут бермай кўйганда уларни мана бундай “қариялар уйи”га жўнатиб юборишар?

Бу ҳол, табиийки, ҳинд халқининг эътиқоди билан боғлиқ. Асрлар ўтиши билан урф-одатлар, расм-русм, таомил, анъаналар, дунёқарашлар, ҳатто тортиб, қонун, ғоялар, маслаклар ўзгариши, янгиланиши мумкин, илло ишонч, имоннинг мустаҳкам пойдевори бўлмиш эътиқод даврларнинг силсилаларини, қуюн, довуллари, ҳар қандай тараққиёт пўртаналарини писанд қилмайдиган, ўзгармас, турланмас амал, қудратки, инчунун, сигирни муқаддас билиш бу юртда, Бобур Мирзо замонида ҳам, ундан аввал ҳам шу мақомда, шу мартабада, даҳлсиз ва устивор эди. Бинобарин, Заҳириддин Муҳаммад Бобур валиаҳд ўғли, шаҳзода Ҳумоюн Мирзога қолдирган васиятномасида “...Сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғидир” дея бежиз таъкидламаган...

Кўчадаги қатновга бир зум қараб турсангиз, бошингиз айланиб кетади: автобус, юк машиналари, ҳар турли енгил автомобиллар, мотоцикл, мопедлар, велосипеднинг учта ғилдираги устига ўрнатилган усти очик, ёпиқ извош ва жўн аравалар, скутор-моторолёр таксилар, велосипедларнинг турли-тумани бирининг тумшуғи иикинчисинг кетига тегай-тегай деб, баъзан тегиб юради. Мева-чева, сабзавот ва бошқа нарсалар ортилган икки, уч ғилдиракли, бир киши судраб-итариб юрадиган аравалар ҳам шуларнинг орасида. Покистонда ҳам, Ҳиндда ҳам оқ шолғом, сапсар ранг пиёз, сабзига ўхшаш узун оқ турп, гулли карам кўп эди.

Мотоциклчи, мопедчилар ўзларигина эмас, хотини, ўғил-қизларини ҳам мингаштириб юришарди.

Қизларда, ҳатто катта ёшдаги аёлларда ҳам ҳамон сочларини битта қилиб ўриб, ё ўрмасдан икки жойдан – бўйин қисми ва учроғидан боғлаб, орқага ташлаб юриш расм эди.

Дехли марказига элтувчи йўлларнинг биридан йигирма беш чақиримча юриб, чапга – Чанака Пури (бу номни анчагача “Чакана Пуримида”, деб адаштириб юрдик) кўчасига бурилдик. Янги Дехлининг элчихоналар жойлашган мавзеига шундай бориларкан.

Канар, Афғонистон, Нидерландия, Америка Қўшма Штатлари, Россия, Венесуэла, Омон, Италия элчихоналари ёнидан ўтиб, Шанти Пат кўчасига чиқдик. Рўпарада, баланд тепалик жойда қад кўтарган янги замонавий бинонинг томида Ўзбекистон байроғи чиройли хилпираб турарди.

— Кўзингга ўтдай кўринади-я, — деди Фарруҳ хаяжонини яширолмай.

Элчимиз таътилда, консул Аброр Тўйчиев ва элчининг иқтисодий алоқалар бўйича муовини, ҳозир элчи вазифасини бажарувчи Фатхиддин ака бор экан. Аброр камгаплигиданми, ётсираганга ўхшаб, анчагача бизга ўрганолмай турди, лекин Фатхиддин ака киришимли, одамохун, хийлагина ҳазил туйғуси бор киши экан. Ҳар иккаласи ҳам Тошкент шаҳридан эди. Зокиржон ака элчимизни топиб олганимизга суюниб, эсдалик учун Бобур Мирзо тасвири туширилган гиламча, қора пахта гулли чойнак-пиёла – сервис, китобларимиздан тухфа қилди. Экспедиция, Бобур ва бобурийлар, бизнинг дастуру режаларимиз ҳақида суҳбат қурилди. Бангладеш орқали Бирмага ўтиш масаласида фикрлашилди. Ўзбекистон раҳбари Ислон Каримовнинг топшириғига биноан, Вазирлар маҳкамасининг қарорига мувофиқ бобурийлар авлодидан бўлмиш ҳайдарободлик Тусийлар хонадонига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўн минг АҚШ доллари ажратилган экан. Тўққиз минг доллари Тусийларнинг онаси Лайло Уммахонимни даволатиш учун ишлатилибди. Қолган пулнинг элчихона бўйнида, осилиб турганини айтишиб, маслаҳат сўрадилар. Зокиржон ака «мана шу Дехлининг ўзида бобурийлар авлодидан бўлмиш яна бир хонадон — Покиза Султон бегим яшайди, ўшаларга бериш мумкин», деди.

Тил муаммоси йўклиги учун мулоқотда барчамиз иштирок этдик. Кейин элчихонамиз ҳовлиларини томоша қилиш ва видеотасвирга тушириш истагида ташқарига чиқдик. Хўжалик ишлари мудирини Зокиржон элчихона иншоотлар мажмуининг барпо этилиши ҳақида бизга завқ билан гапириб берди.

Ҳиндистонда МДҲ давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон курган бу мухташам элчихона шу йил 1 апрел куни ишга тушган эди. Умумий майдони бир гектарни ишғол қиладиган кўркам, баҳаво жой. Ҳайратланарлиси шундаки, енгил шамол ғир-ғир эсиб турибди.

— Бунақа шабада бошқа биронта элчихона ҳудудида, умуман Дехлида йўқ, — деди Зокиржон ғурурланиб худди жойни ўзи танлагандай. У қурилишлар ва очик майдонларни кўкаламзорлаштиришда шахсан қатнашганлигини ҳам гапирди.

Икки қаватли маъмурий бинодан ташқари, ваколатхонамиз хизматчиларининг оилавий яшашларига мўлжалланган тўрт ошёдли уй-жой, теннис корти ва бошқа иморатлар савлат тўкиб турар, уларнинг оралари, атрофлари ям-яшил майсазор эди.

Сув ўттиз метрдан чиқибди. Демак, ер ости сувлари яқин эмас экан. Ҳаво нам бўлгани сабабли мевали дарахтлар ўсмай, қуриб қолаверар экан. Шунинг учун фақат шу ҳудуднинг табиатига мос манзарали дарахтлар — ашока три, аристуни, шишасимон палмалар, гулмаҳом экишибди. Дарахтдан кўра гулга яқин бўлган бу ўсимликлар элчихона ҳовлисига алоҳида чирой бахш этган эди. «Ўзбекистонга хос манзарали дарахтлар, токсимон атир гуллар экилса бўлмасмидийкин», деган ўй ўтди ҳаёлимдан.

Ичкаридаги йиғинлар ўтказиладиган кенг, катта хонанинг нақшли ойна-деразаларини Тошкентдаги «Устазода» мутахассислари ишлашибди.

Жануб томонда санскрит тили мактаби, шимол тарафда эса аёллар коллежи кўриниб турарди.

— Элчихона асли шанба-якшанба кунлари ишламайди, байроқ тушириб қўйилади, лекин сизлар кўнғироқ қилганингиздан кейин топишлари осон бўлсин деб, Сизларнинг шарафингизга байроғимизни кўтариб қўйдик, — деди Фатҳиддин ака.

Бундай гапни эшитиш жуда ёқимли эди.

Кейин Фатҳиддин ака билан Зокиржон бизни Васант Вихар мавзеидаги бир одамниқига бошлаб боришиб, у билан таништиришди. Аҳуджа исмли бу кимса (биз уни Охунжон деб атаётган эдик) ҳиндларнинг ишбилармон, тадбиркорларидан экан. Унинг уйи уч ошёнали «дом»сифат эди. Ертўла ва чердак билан беш қават ҳисобланарди. Биринчи қават асосан зал, ошхона ва емакхонадан иборат эди. Меҳмон кутишга, суҳбат-мулоқотларга мўлжалланган «зал»нинг емакхона томони очик, қолган тарафларидаги деворларда Америка, Оврупога хос суратлар осифлик, умуман олганда, хонадон соҳибининг анча ғарбийлашганлиги сезилиб турарди. Ёши етмишда экан, лекин жуда тетик, бардам, чаққон, жуссаси эса ўртача. Мош-гуруч сочи ўнг ёнга таралган, оқ-қулранг соқоли калта қулган. Голф уйнаётган. Бу гапни эшитиб, «ДЭУ»нинг собиқ президенти Ким У Жунгни эсладим. У ҳам шу машғулотга ишқибозлигини ёзган эди, демак, голф дегани — бизнесменлар, бойлар эрмаги экан-да. Дарҳақиқат, бу ўйин тўлови хийла баланд — 50 доллар экан.

Зал ва емакхона жиҳоз-мебеллар кўплигидан тор, лекин ҳамма нарса жой-жойига, дид, ҳафсала билан қўйилган эди.

«Ёшлар» гуруҳи ертўладаги хонада (ер устидаги хоналардан қолишмайди), раҳбар иккимиз учинчи ошёнага жойлашдик. Шарт-шароитларига гап йўқ!..

## **ШАЙХ НИЗОМ АВЛИЁ ВА БОШҚАЛАР МОЗОРИДА. ОХУНЖОННИКИДАГИ ЧОЙХАНА ПАЛОВ**

Кўчага қайтиб чиқиб, кўп адашув ва сарсонгарчиликлар билан Бобур Мирзо Понипатдаги ғалабасидан кейин Дехлига келиб, дастлаб тавоф этган Шайх Низом авлиё мазорини топдик. Ниятимиз бадий тафаккурнинг буюк намоёниси, ота-боболари юртдошимиз бўлган ҳазрати инсон Амир Хисрав Дехлавий қабрини яна зиёрат қилмоқ эди.

Тепаси ёпик, икки томони раста-дўконлардан иборат, тор, айлана йўлаклардан ўтиб боряпмиз, ивирсиқ, ҳар хил ёқимли-ёқимсиз ҳидлар аралашиб, димоқни беҳузур қилади. Аксарият эски Деҳли кўчаларидаги каби бу ерда ҳам қўл-оёқлари чўлоқ тиланчилар одамнинг раҳмини келтиради.

Мозор деганимиз — нақшли катта-кичик хилхона, дахма, мақбараларнинг олдиларидаги мрамор ётқизилган очик майдончаларда, айвонларда художўйлар тоат-ибодат қилиб ўтиришадиган қўрғон бўлиб, у жойга оёқ яланг кириш лозим эди. Ернинг чанглиги ва ифлослигидан пайпоқ билан босишга ижирғанардик. Мен қайта қолайлик, десам, Неъматилло аввал кўрмагани учун қистаб, қўймади. Қолаверса, шундоқ тиланчи бисёр ерда пойафзални ташқарида қолдириб кетишга кўнгил қурғур кўнмасди (Бу борада мен Тошкентга дастлаб университетга ўқишга кирган пайтимда панд еган эдим).

«Камбағалнинг моли бурни тагида тургани маъкул», деган ақидага амал қилиб, арзанда кафшларни қўлтиққа қистирганча кириб борсак, очик майдонда оёқ кийимлар кўп, ҳамма яланг оёқ эди. Доимий ибодатчилар узун оқ кўйлак ва лозим, тўгарак дўппи кийиб, қўлида тасбеҳ билан девор тагида қатор бўлиб ўтиришар ё айланиб юришарди. Ўшалардан бири «ерга қўйиб қўйинлар, ҳеч ким олмайди», дегандай қўлтиқларимизда маҳкам қисиб турган матоҳларимизга ишорат қилишди.

Мозористондаги қабр-мақбараларнинг аксарияти авлиёларга тегишли бўлиб, энг катта ва гавжуми тасаввуф тариқатининг йирик вакилларида бири Низомиддин авлиёники эди. Хисрав Деҳлавийни «Шоири бузург» деб билишаркан. Унинг қабр тоши даҳлиз орқали кириладиган тор, пастаккина хонанинг ўртасида бўлиб, устига яшил баркут ёпилган эди. Зиёратчилар у ерга саф-саф бўлиб киришарди. Даҳлиз билан асосий хона ўртаси очик, эшиксиз эди. Шу остонада типпа-тик дуо ўқишаётганлар орасида бир зум туриб, тез қайтиб чиқдик. Хаёлимиз бошмоқларда эди. Уларнинг йўқолиши жуда катта фожиа эмас-ку, бу ердан чиқиб дўконлардан ўзимизга яраша ва ёқадиган пойафзал топгунча ялангоёқ юришни кўз олдимизга келтириб, безовталанардик.

Ота-боболари юртдошимиз бўлган, ҳинд халқи ниҳоятда суйиб ўқийдиган яна бир машҳур инсон, урду адабиётининг беназир, ҳассос шоири Асадулло Мирзо Ғолибнинг мангу хобгоҳи ҳам Низомиддин авлиё мазоридан сал берида, унинг йўлида эди. Мақбара ўтган галгидай қулфлоғлиқ эди, бу сафар калит сақлайдигани одамни учратолмадик. Шоирнинг бўйи каби пастак, мўъжазгина, шинамгина сағана темир панжарадан аниқ-равшан кўриниб тургани учун ташқаридан зиёрат қилиб кўя қолдик.

Ҳумоюн Мирзо қабр-мақбарасини топиш унча қийин бўлмади. Кириш дарвозаси олдидаги майдончанинг четроғида — аввалги жойда чўнқайиб ўтирган бир морбоз най чалиб илон ўйнатарди. Назаримда ҳиндча салла ўраган морбоз ҳам, унинг оғзи шимариғлиқ эски, халтасимон қопи ҳам, боши япалоқ кўзойнакли илони ҳам ўша-ўша эди.

Мақбараларда, уларнинг атрофидаги яшил хиёбонларда ҳам деярли ўзгариш йўқ эди. Эшикбонлар яна ўтган галгидай видеокамера билан кирмайсизлар деб ғишава қилишди, биз ҳам ўтган галгидай «йўлини қилиб» кириб кетдик. Зиёратчилар кўп ва турли миллат, турли халққа мансуб.

Илмий-тарихий манбаларда ёзилишича, Ҳумоюн Мирзо мақбараси унинг вафотидан тўққиз йил кейин хотинларидан бири Ҳожа бегим томонидан қурдирилган ва у Акбаршоҳ даврида бунёд этилган ёдгорликларнинг дастлабкиси бўлиб, унинг устаси эронлик Мирак Мирзо Ғиёс эди. Эндиликда Ҳожа бегим ва Ҳамида бегим (кундошлар) дахма хоналаридан бирида ёнма-ён ётишибди. Ташқарида — мақбара олдидаги баланд сахнда ҳам бир неча қабр бор эди.

— Учтаси Аврангзеб Оламгирнинг уч ўғлиники, учтасига эса Баҳодиршоҳ II нинг учта ўғли дафн этилган, — дейишди.

Ривоятга кўра, инглизлар Баҳодиршоҳ ҳузурига фарзандларининг танасидан жудо қилинган каллаларини олиб киришиб: «мана сенинг ишонган полковникларинг, саркардаларинг», дея масҳара қилишган, шунда Баҳодиршоҳ негадир «Оллоҳга шукр» деган эмиш.

Қайтиб чиқишда дарвоза олдида кашмирлик икки мусулмон зиёли билан учрашиб колдик. Улар бобурийларни билишар, энг муҳими, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан ва ҳозир жаҳон мамлакатлари орасида нуфузи ортиб бораётганидан хабардор, умуман, бизга хайрихоҳ эдилар. Фаррух Неъматилло таржимонлигида улардан интервью олди.

Ҳиндистондаги буюк ватандошларимизнинг учинчи вакили Мирзо Абдуқодир Бедил сағанасини кўп изладик. Шундоққина йўл бўйида, боғсимон хиёбон ичида эди, деймиз, ўхшатамиз, йўқ, яна ундан-бундан сўраб айланамиз, орқага қайтамиз. Ё, сўраган одамларимиз дуруст билмай, аниқ кўрсатиб беришолмайди, ё ўзимиз нўноқмиз... Ниҳоят, топдик. Шу ердан бир неча бор у ёқ-бу ёққа ўтувдик. Боғ-хиёбоннинг қаровсиз, кўримсиз бўлиб, кириш жойларининг (дарвоза асли йўқ эди) буталар панасида қолганлиги бизни чалғитибди. Қабр-мақбара ҳам эътибордан четдалиги учун гўё мунғайиб турар, девор, бўёқлари путурдан кета бошлаган, ён-атроф майдонлари, олдидаги чоғроққина сахнга анчадан бери супурги тегмаганлиги кўриниб турарди.

Қоронғи туша бошлаган эди, тезда-тезда суратга тушдик, тасвирларга олдик-да, юракларда катта ачиниш ва афсус билан кўчага чиқдик. Бу ерни ҳам обод, зиёратгоҳ жойга айлантириш мумкин эди, озгина қаров бўлса, бас, сарфи-харажати ўзи кўтарарди...<sup>1</sup>

Дехли кўчаларида машинада юргандан кўра, манзилга пиёда тезроқ етиб бориш ўнғайроққа ўхшарди. Бу ердаги, хусусан, кечкурунги улов қатнови олдида Лоҳур ип ҳам эшолмай қоларкан. Айниқса, биз каби кўчаларини яхши билмайдиган мусофирлар учун азоб, хунобгарчилик эди. Ҳар қадамда, ҳар муюлиш-бурилишда тўхтаб, боражак манзилимизни — Васант Вихар мавзеини суриштираверамиз... Бири у ёқда дейди, бири — бу ёқда — ҳаммаси ўзининг тахминини айтади. Елкасини қисиб ўтиб кетадиганлар ҳам бор.

Ҳиндлар жуда содда, кўнгилчан, самимий одамлар. Йўлни сўрасангиз, узоқ, юракдан тушунтиришади, ҳай-ҳай демасангиз, олиб бориб кўрсатиб қўйишдан ҳам тойишмайди. Шуниси борки, кўл ҳаракатларидан, ияк қоқишларидан ўнгга ишора қилишяптими, чапгами — англаш қийин. Фақат «сида» сўзи «тўғрига» деганини билиб олдик.

Хуллас, Оҳунжон тоғаникени топиб боргунимизча анча кеч бўлди. Лекин уй соҳибига «Анджонча палов қиламиз», деб мақтаниб кўювдик, у гўшт-ёғ, умуман, биз ёзиб берган рўйхат бўйича масаллиқларни тахт қилиб қўйган эди. Ҳаммамиз энг шимариб ишга тушдик. Ошхона ҳам тор бўлишига қарамай, асбоб-анжомлар шу қадар бисёрки, бу мукамалликни «йўқ нарсанинг ўзи йўқ» деган ибора ҳам ифодалашга кўп ожиз, бироқ, ҳамма буюм жой-жойида, батартиб эди. Одатдагидай, раҳбар бу ерда ҳам шефликни қўлга олди. Ҳиндистоннинг майда, йилтироқ гуручидан дурустроқ ош пишишига менинг кўзим етмовди. Росмона чойхона палов бўлди. Демак, Ўтқурий айтганидай:

***Аммо-лекин бир томони  
Ошпазга ҳам боғлиқ палов...***

<sup>1</sup> Қабр-мақбаралар, бошқа кўҳна ёдгорликлар ҳақида аввалги сафар таассуротлари жамланган “Ҳинд сориға” номли китобда хийла батафсил ёзилган. Фақат, Мирзо Бедил ҳақида шуни илова қилиш мумкинки, “Абул маоний – маънолар отаси” унвони билан доврўқ қозонган бу шоирни Шарқ шеърятини янги ва юксак босқичга кўтарган буюк мутафаккир ижодкор сифатида эъзозлайдилар. Унинг асли келиб чиқиши Кеш (Шаҳрисабз) дан. Отаси барлос уругидан бўлиб, Ҳаж сафаридан кейин Ҳиндистонга ўтиб, ўша юртда қолиб кетган. Унинг келгусида алломаи замон бўлиб етишадиган ўгли Бедил 1644 йили, бобурий ҳукмдор Шох Жаҳон даврида, Азимобод шаҳрида туғилади. Ёшлигида бир қанча муддат бобурийлар саройида (Аврангзеб ва унинг ўгли Аъзамшоҳ ҳукуматида) сипоҳийлик ҳам қилган, кейин маълум сабабларга кўра саройни бутунлай тарк этиб, ўз умрини ижодга бағишлаган.

“Мирзо Абдуқодир Бедил шеърятинида туркий навқиронлик, ҳиндий сеҳр, форсийна нурунийлик муштараклашиб, ҳайратланарли бир мўъжиза зоҳир бўлган” дейишади ўзбек бедилшунослари. У муҳаббатнинг оташзабон куйчиси эдики,

*Нозларинг тийгин яроси не талотум қилгуси,  
Ҳар яра, гарчи шаҳид бўлғай, табассум қилгуси, -  
- мисралари Бедил қаламига мансубдир.*

Яхшигина зиёфат бўлди. Охунжон тоға, унинг жухудларга ўхшаб кетадиган хотини ҳам ошни мақтади.

Ётоқ уй ниҳоятда озода, чойшаблар охорли эди, душга тушиб енгил тортдик ва мириқиб ухладик. Демак, Ҳиндистонда мана шундай, киноларда кўрсатиладиган, ҳар жиҳатдан ҳавас қилгулик хонадонлар, оилалар бор экан. Фақат, эрталаб сув келмай қолгани чатоқ бўлди — сув чердакдаги катта идишдан тушарди.

## ПОКИЗА СУЛТОН БЕГИМ ХОНАДОНИДА

*23 октябр, душанба*

Сув қиммат, нон баҳоси осмон қадар: 1 дона юмшоқ, «махсус» деб аталадиган булка-нонни 25 рупийми, дейишди. Ҳеч ишонгимиз келмайди. 1 доллар — 45 рупий. Лекин, даромад ҳам чаканамас: уйга одам қўйишиб, бир кунда минг доллар топишаркан. Ўғилларининг бири Америкада, иккинчиси Лондонда экан (Оврўпа мамлакатларида юриш, ўқиш, саёҳат қилиш ҳиндларга, уларнинг киноларида кўрсатилганидай, катта мартаба экан). Бу ерда, биринчи қаватда фақат эр-хотин яшашаркан (Турмушга чиқаришган бир қизлари шу шаҳарда экан, кечқурун эри, боласи билан келиб-кетишди).

Дарвоқе, кечаси иккинчи ошёнада немислар тунашган эди, эрталаб Охунжон тоға бизга Покиза Султонбегимларникига бориладиган йўлни тушунтириб қўйди-да, бугун инглизлар келишади деб (фахр билан), уларни олиб келгани кетди. (Бой соҳиб шу борада элчихоналар билан яхши «ҳамкорлик» қилиб тураркан).

Покиза Султон бегим... Бу гўзал, жозибали исм сизга кимларни эслатяпти? Темурий, бобурий маликаларни. Тўғрими? Ҳа, у бобурий маликалардан... Экспедициянинг Ҳиндистонга қилган аввалги сафари чоғида олис Ҳайдаробод шаҳридан бобурийлар авлоди бўлмиш Тусийлар топилган, улар кейинчалик Ўзбекистонга, Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун бобокалонларининг ота юрти Андижонга ташриф буюрган эдилар. Орадан бир неча йил ўтгач, Деҳлида ўтказилган халқаро йиғинга Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси сифатида таклиф қилинган Зокиржон Машрабов кадрони, таниқли ҳинд шоири ва адабиётшуноси Қамар Раис кўмагида бобурийларнинг, аниқроқ қилиб айтганда, Баҳодиршоҳ II — Зафарнинг авлоди бўлмиш Покиза Султон бегимни кашф этишга муяссар бўлиб, у билан дийдор кўришган, суратларини олиб келган ва бу суратлар Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома» китобига киритилган эди.

Покиза Султон бегим билан мулоқотимиз жуда қизғин, завқли бўлди. У бизнинг йўқлаб келганимиздан ғоят мамнун эди. Бобокалони Баҳодиршоҳ унинг Ҳиндистон озодлиги йўлидаги халқ ҳаракатига бошчилик қилгани ва аччиқ қисмати, яъни, инглизлар томонидан ҳибсга олиниб, Рангун (Бирма)га сургун этилгани, ўша ёқларда ватан соғинчи, эрк изтироби ва илинжида кўзларидан ёш тўкиб, қийналиб вафот қилгани борасида узоқ ва батафсил гапириб бераркан, аёлнинг ҳам киприклари намдан йилтираётганини кўриб ўтирардик. У шу йил ёзда турмуш ўртоғи Латифийдан жудо бўлиб, бева қолибди.

Уйларнинг умумий ҳолати, жиҳозларига қараганда, яшаш шароитининг ўртача эканлигини чамалаш мумкин эди. Лекин ҳали бўйига росмана етмаган нозиккина бир қиз ва бир дуркунроқ ўспирин (ҳиндлар деганда биз кўз олдимизга келтирадиган қоралардан эмас) хизмат қилиб юришарди. Қиз бизга ҳар турли ширинликлар, бир кичик ликопчада гугурт қутисидан каттароқ қилиб кесилган нон, одатдагидай, кичкина финжонларда сутли ширчой келтирди. Унинг кимлигини тахмин қилолмадик. Покиза бегим шу мазмундаги саволимизга жавобан фарзанди йўқлиги учун жиянининг боласини боқиб олганини, ҳозир у бу ерда эмаслигини айтиб ўтди. (Демак, қиз билан йигитча хизматкорлар экан-да. Бу юртда қароллик ҳақи ҳарқалай баланд бўлмаса керак.)

Покиза бегимнинг ўтиришлари, ўзини тутишларида расмий идораларда, эркалар орасида кўп ишлаган аёлларга хос эркинлик, бемалоллик сезилиб турарди.

Покиза бегим дастлаб коллежда, кейин университетда ўқиб, кутубхоначилик ихтисосини эгаллаган. Француз ва форс тиллари бўйича диплом олган. Шри Рам коллежида, кейин ҳукумат ишларида, жумладан, Маданият вазирлигида кутубхоналар бўлими бошлиғи, ташқи маданий алоқалар бўлимида Африка бўйича эксперт вазифаларида хизмат қилган, ҳозир нафақада. У бизга бобокалони Баҳодиршоҳ II ҳақида, ўзининг улуғ бобурийлар сулоласига дахлдорлигини исботловчи далиллар хусусида газета ва журналларда чоп этилган мақолалари, эсдаликлари ва бошқа юридик ҳужжатларни кўрсатди, улардан ксеронусхалар олдириб, Баҳодиршоҳ кенг миқёсда акс этирилган катта бир сурат билан бирга Зокиржон акага топширди.

Бобурий маликалар вакиласи унинг ота-оналариникида Баҳодиршоҳ II га ва унинг даврига, саройига тегишли анчагина қурол-аслаҳалардан намуналар, китоблар бўлганлигини, уларни давр тақозоси туфайли давлат музейларига, архивларга бериб юборишганини илова қилди.

— Лекин, мендан ҳам кўра опам бобурийларга яқинроқ — дея лутф қилиб, Лондонда яшаётган Тоҳира Султон бегим тўғрисида сўзлади, — эсизгина, бир ҳафта аввал шу ерда эди. Сизлар билан кўришганда унинг ҳам боши осмонга етарди, — дея қайта-қайта таъкидлади, ачинди ва бизга шоира опасининг урду тилида нашр қилинган каттагина шеърини китобини ҳадя этди.

Юраги Баҳодиршоҳни эслаб эзилаётган Покиза бегимнинг ташқи сиймосида ҳам бобурий маликаларга хос аломатлар кўп эди: шу йил олтмишга тўлаётган бу аёлнинг ёркин юзи, қаро кўзларидан аслзода хонимларга хос салобат ва виқор ёғилар, қора қошлари ингичка, пушти сарий тўлагина, адл қоматиға, нуроний чехрасига жуда ярашиб турарди. Қорага бўялган, пешонаси ўртасидан ярми очилиб, силлиқ таралган сочини бир ўрим шаклида бўйин қисмидан боғлаб, орқасига ташлаб олган эди.

Покиза Султон бегим бизни яна бир янгиликдан бохабар қилди. Унинг айтишича, Баҳодиршоҳ II нинг васиятини амалга ошириш, яъни унинг жасадини Дехлига олиб келиб дафн этиш имкони бўлмагач, кейинчалик Рангундаги қабри тупроғидан олиб келиниб, Дехлидаги энг кўхна ва машҳур тарихий ёдгорликлардан бири Кутб минор ҳовлисига кўйилган экан. Ҳиндистон халқи ва ҳукумати Баҳодиршоҳ II нинг миллат озодлиги, юрт истиклоли йўлидаги эзгу хизматларини ҳамиша хотирада тутуди. Зеро, Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири Жавоҳирлаъл Неру Баҳодиршоҳ ҳақида гапириб, «Мағлуб қаҳрамонни унутманг» деган экан.

Зокиржон ака Покиза бегимни Бобур Мирзонинг таваллуд куни муносабати билан Андижонда ўтадиган анъанавий маросимларга таклиф этди. У агар виза юборилса, бобокалони юртига бажонидил ташриф буюражагини билдирди.

Покиза бегимлар уйи тахминан Охунжон тоғаларники билан элчихонамиз ўртасидаги мавзеда эди. У ердан чиқиб, ваколатхонани унча қийналмай топиб бордик ва кечаги келишувга биноан консулнинг котибаси Маҳфиратхонни олиб (йўл кўрсатиб юриш учун), Қизил форт — Лаъл қалъа (ҳиндлар, «Лил қалъа» дейишади)ни зиёрат қилгани жўнадик. Бобур, Ҳумоюн, Акбар номли кўчалардан ўтиб, дилларда ифтихор туюб бордик. Лекин бахтга қарши, Лаъл қалъа яна берк — душанба дам олиш куни экан. Ўтган сафар ҳам дастлаб Ҳиндистоннинг Мустақиллик байрами муносабати билан қалъанинг ёпиқ кунларига тўғри келиб қолиб, уни Калкутта, Ҳайдаробод шаҳарларидан қайтгач, томоша қилишга муяссар бўлган эдик.

## **ҲИНДГА КЕЛИН БЎЛГАН ЎЗБЕК ҚИЗИНИНГ АРМОНИ. «ИШҚ ЗАВҚИН ИШҚИ, ЗАВҚИ ВОР ЎЛАНДИН СЎР...»**

Китоб магазинларини айландик. Дўкон кўп, китоб ҳам бисёр ва сифатли, чиройли эди. Елим халталарга солиб, полка-токчаларга териб ташланган эди, фақат жой торлиги учун китоблар қалашиб кетган, шифтга етадиган тахта, темир токчаларнинг энг тепалари ҳам тўла эди. Бобурийлар билан боғлиқ Ҳиндистон тарихи ҳақида, шунингдек, «Ҳумоюннома»,

«Жаҳонгирнома», Тож Маҳал, Мумтоз Маҳал тўғрисидаги асарлар кўп ва хўб эди. Уларнинг аксарияти инглиз, баъзилари урду, ҳинд тилларида эди.

Айрим кўчаларнинг узундан-узук, кенг йўлакларига — шундоқ ерга ёйиб қўйилган эскию янги китоблар, журналларнинг ҳисоби, санағи йўқ эди. Уларни бир четдан кўриб чиқиш учун ҳафталар, ойлар етмаслиги аниқ эди.

Йўл-йўлакай Маҳфират билан унинг Дехлига қандай келиб қолгани, ишқий қиссаси ҳақида гаплашиб юрдик.

Маҳфират Тошкент давлат дорилфунуни шарқшунослик куллийетининг ҳинд бўлимини битириб, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун бир йилга Жавоҳирлаъл Неру номидаги университетга келгану шу ерда юқори табақа (каста)га (Хиндистонда бу қатлам алоҳида иззат-икромга сазовор) мансуб ҳинд йигити Рамеш Тхакур билан танишиб қолиб, унга турмушга чиқибди.

— Хужайин бизнесмен, денг, — дедик қизиқиб. — Демак, яшаш яхши?

— Ёмон эмас, — деди жувон мужмалгина қилиб.

— Шунчалик одам Тошкентда, бутун Ўзбекистонда топилмадими? — Биримиз қўйиб, биримиз савол ёғдира бошладик.

— Фақат бойлиги учун эмас... — дейди Маҳфират истамайгина.

— Бўлмаса, нимасига қизиқдингиз?

— Билмадим, менга феъл-атвори маъқул бўлиб қолди-да.

— Демак, муҳаббат бўлган экан-да?

— Шунақа шекилли...

— Ота-оналарингиз кўнаверишдими?

— Аввалига роса қаршилиқ кўрсатишди.

— Орзиқиш, зориқиш бўлиб турадими?

— Соғинч бор.

— Армон-чи?

Маҳфират бу саволимизга жавоб беришни хоҳламади шекилли, ўзини эшитмаганга олди. Неъматилло билан бир-биримизга қараб қўйдик.

Уларнинг Ашима деган уч ярим яшарли қизалоқлари бор экан. Унинг фамилияси Рамешнинг бобоси Сингх исмида экан.

— Ўзбекчароқ ном қўймабсизлар-да?

— Дадасининг ихтиёри-да.

— «Ашима»нинг маъноси нима экан? — сўрадик яна. Маҳфират елкасини қисиб, тушуниксиз кулимсиради.

— Бу ерда рашк қилишадими?

— Бўлиб туради... — Жувон ўзларини назарда тутди чоғи.

— Эрингиз ювошми?

— Йўқ...

— Урушадими?

— Йўғ-э... Хозирча яхши.

— Қайнонангиз қаттиққўлми?

— Ҳа.

— Ёшми, кексами?

— Кекса.

Маҳфират ҳали ҳам Ўзбекистон фуқароси сифатида, ўзбек паспорти билан яшаркан. «У ҳолда, эртаси қандоқ бўларкин?» — ўйлайман ичимда. Лекин ҳиндча талаффуз, муомалаларни ва имо-ишораларни анча ўрганиб олган кўринади. Ҳиндистоннинг инглизлар таъсири кучли бўлган йирик шаҳарларида «йэс, сэр» («хўп, жаноб») калимаси икки гапнинг бирида, ҳар қадамда ишлатилар ва шу сўзни айтишаётганда, шунингдек, «йа» («ҳа»), «О, кэй» («яхши», «маъқул»), «Но проблем» («гап йўқ») иборалари билан суҳбатга яқун ясалганда иягини бир ёнга хиёл силтаб қўйишарди. Маҳфират мана шу одатни ҳам яхши ўзлаштирибди, жуда табиий чиқяпти. Аёл зоти тез кўникувчан, ўзлаштирувчан бўлади-да.



— Қалин масаласини қандай ҳал этдинглар? — сўрадик бу юртда келин томоннинг қалин беришига ишора қилиб.

— Келишдик, амалладик.

— Қиз тараф машинаям беради, дейишадими?

— Ҳа, имкони борлар, албатта.

— Аттанг, илгари билмаганаканмиз-да, — дедик профессор иккаламиз маслаҳатлашгандай бараварига. — Катта ўғилларниям уйлаб бўлганмиз. Энди, кичигига мўлжаллаб юрсакмикин (Кейин биронтамиз қиз-аёлларга қараб қолгудек бўлсак, “ҳа, келинликка кўзлаяпсизми?” деб ҳазиллашиб юрдик).

— Совчилар ҳам қиз тарафдан йигитларникига боришармиши? — ўсмоқчилаймиз яна.

— Буни рамзий десаям бўлади, — тушунтиради Маҳфират жиддий тарзда, — чунки аввал келишиб қўйилади. Лекин бу ерда ахлоқ, одоб масаласи биздагидан яхши, — дейди жувон ўзини оқлагандай. — Масалан, бир йигит билан қиз гаплашиб турса, бирга юришса, демак, улар турмуш қуришади, деб тушунишади. Бошқача бўлиши мумкинмас. Бизда, Тошкентда қизлар жуда ўзгариб кетишди...

Дарҳақиқат, хиёбонларда қўлтиқлашиб юришган ва холи, хилват жойларда висирлашиб турган жуфтликлар учрамасди.

— Покистонда ҳам, Ҳиндистонда ҳам кўчадаги одамларнинг нари борса ўн фоизини қиз-аёллар ташкил қилади холос, шекилли, — дедик Маҳфиратдан фикр олиш ниятида.

— Ҳа, — тасдиқлади у, — қашшоқ бўлсаям, мумкин қадар ташқарига кам чиқишади, айниқса, оилалилар. Кўчадагилар ё жуда зарур иш билан юрганлар ё ҳеч кими йўқ бевалар.

Бенгал адабиётининг даҳоларидан бири, Маҳфиратнинг куёви билан фамилиядош Робиндранатх Тхакурнинг ҳинд аёллари тўғрисида ёзган бир мақоласи бор эди. Маълумки, калкутгалик бу тараққийпарвар адиб хотин-қизларнинг ижтимоий тенгсизликда, жаҳолатда тутилишига номатлуб ҳол сифатида қараб, уларга билим бериш лозим деб ҳисоблаган, ҳикоя ва рўмонларида аёлларнинг ёрқин образларини яратган. Ёзувчи ўз мақоласида ожизаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, жамиятда тутган ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, ўша даврга доир қарашларни умумлаштириб, жамиятнинг «аёлларнинг вазифаси севишдан иборатдир» деган хулосасини баён этади. «Хотин киши болалари, ака-укалари, эри ва узоқ-яқин қариндошларига парвона бўлиши, уларга хизмат қилиши лозим, — давом этади адиб. — Аёл зотининг фаолияти меҳр-муҳаббат фаолиятидир... Агар хотин дарҳақиқат ўз эрига бўйсунуши хоҳламас экан, бу — ўша оилада муҳаббатдан асар ҳам йуқ, балки фақат мажбурият бор, холос, демакдир... Орада мажбурият эмас, муҳаббат бўлган тақдирдагина аёл эрига меҳрли бўлади... Хотин киши ўзининг табиий фазилатлари туфайли жамиятда шундай ўрин олганки, у оиласи учун жонини фидо қилади... Хотин киши эркакнинг қора кунда ҳам, саодатли онларида ҳам — ҳамиша эрига ҳамдам ва садоқатли йўлдош бўлиб қолади».

«Хотин кишининг гўзаллиги фақат уй ишидагина ранго-ранг очилиб намоён бўлади», дейди ёзувчи яна бир ўринда.

Дарвоқе, «Қадимги ҳинд ҳикматлари» деган машҳур донишномада ушбу хулосалар билан ҳамоҳанг фикрлар бор: «Яхши хотин сенга чўрисифат хизмат қилади, маслаҳатгўй каби йўл-йўриқлар кўрсатади, муҳаббат илоҳи каби ўзига ром этади, ўзини Она замин мисоли бардошли ва осойишта туттади, Она янглиғ сени парвариш қилади, худди иссиқ кийимдай сенга роҳат бағишлайди».

Ҳозирги суҳбатдан ва ҳолатдан маълум бўлмоқдаки, Ҳиндистон кишилиқ жамияти аёллар тўғрисидаги ўз хулосаларини ҳали ҳам деярли ўзгартирмаган. Демак, ҳинд хотин-қизларининг аксарияти, адиб таъкидлаганидай, ҳамон уйларида, рўзғор юмушларида эри ва бошқа яқинларига парвона бўлиш билан, яъни ўзларининг аёллик бурчларини адо этиш билан оворалар...

Менинг назаримда аёлларга нисбатан эркакларнинг келишганроғи, окроғи, маданийроғи кўпроққа ўхшарди. Бунинг сабабларидан бири, демак, хотин-қизларнинг кўчага кам чиқишлари, жамоат ва давлат ишларида кам иштирок этишлари, демакки,

пардоз-андозга ружу қўймасликлари билан боғлиқ шекилли.

Хуллас, профессор иккимиз саволларимиз билан Маҳфиратнинг анча тинкасини куритдик.

Рамеш Тхакури нима бўлганда ҳам, битта эркак-да. Унга ўхшаганлар ўзимиз томонларда ҳам учраши мумкин эди. Ҳиндистондан Ўбекистонга бориб келиш осонми? Ҳозир-ку, элчихонада ишляпти экан, анча-мунча имтиёзлари бордир, ахир умр бўйи шу ерда ишлаб ўтиб кетмас. Ота-оналари, қариндош-уруғлари, бирга ўсган тенгқурлари, дугоналаридан йил сайин узоқлашаверади ва охир... бутунлай шу ёқларда қолиб кетади. Шунга ўхшаган воқеалар бор, непалгами теккан бир ўзбек қизининг аламли саргузаштлари ҳақида газеталарда ёзишган эди... Ҳа, ишқилиб, Маҳфиратнинг бахтини берсину охири бахайр бўлсин...

Булар менинг шахсий мулоҳазаларим, албатта. Дунёда менинг ва бошқаларнинг шахсий фикрлари билан заррача ҳисоблашмайдиган, ҳар қанча масофаю машаққатларни, Ҳиндистон жазирамасию Тайга совуғини, ота-она ўтинчию умр сўнгини, умуман эртани тан олмайдиган, ҳар қандай мулоҳаза ва мушоҳададан устун бир туйғу бор. Зеро:

*Муҳаббат лаззатиндан беҳабардир зоҳиди гофил,  
Фузулий, ишқ завқин ишқи, завқи вор ўландин сўр...*

## МАҲФИРАТНИНГ АНДИШАСИ. СЎХНИЛИК ОЛИЖАНОБ ЙИГИТЧАЛАР

Покиза бегим «Даргоҳи Кутб» деб атаган (илмий-тарихий манбаларда “Кутб минор” деб юритилади) ёдгорлик-зиёратгоҳни излаб (Маҳфират ҳам кўрмаган экан) икки соатдан ортик юрдик. Машина қатнови кечки пайт ўта тифизлашиб кетарди. Қоронғи тушиб, соат олтидан ўтган, иш вақти тугаб, минор беркилган экан. Кўчаларда, дўкон ва бозорларда одамнинг кўплигидан ақлингиз озади. Ғовур-ғувур шаҳар ари уясига ўхшайди. Шундай шароитда қандай яшашаркин?

— Ҳа, Деҳлида яшашни чидаганга чиқарган, — дейди Маҳфират, назаримда у бу жумлага жуда кўп маъноларни сингдириб юборгандай эди...

Шаҳардаги шовқин-сурон камлик қилгандай, машинамизнинг тутун чиқарадиган тарнови ёрилиб қолиб эди, бир тариллайди, бир тариллайди, Илҳомжон ҳам ўчакишиб, газ педалини запти билан босади. Овоз яна баланд пардаларга чиқиб, Деҳлини бошига кўтараман, дейди. «Ўх-ўх-ўх, ғижжакнинг ноласига ўхшайди-а», деб қўямиз. Йўл-йўлакай қараб кетяпмиз, керак бўлмаганда қаторлашиб турадиган устахоналардан биронта ҳам учрамасди.

Биз энди Аграга олиб борадиган катта йўлни излаб бормоқда эдик. Ҳаво иссиқлиги учун ойналарни очиб олганмиз. Чанг кўзни ачиштиради. Деҳли тутун ичида қолганга ўхшайди.

Шаҳар ташқарисига чиқиладиган жойда Маҳфират катта, баланд кўприк-йўл ёнидаги кўчани кўрсатиб, мана шу Агранинг йўли, деди. Биз бир оз ўхшатомай турдигу, ўзгариб кетибди-да, деган фикрга келдик.

Маҳфиратга ташаккур билдириб, у билан хайрлашдик. Зокиржон ака уни таксида жўнатиб юбормоқчи бўлган эди, кўнмади.

— Йўқ, автобусда кетаман, — деди у, — бу ерда қизлар, ёш жувонлар таксида, нотаниш енгил машиналарда юришмайди, таксида борганимни билишса, меникилар паттамни кўлимга ушлатиб қўйишади.

Бу, биз учун ҳайратангиз даражадаги ибратли янгилик эди. Чунки бизда қиз-аёллар нотаниш енгил машинадагина эмас, КаМАЗ МАЗларнинг кабинасида ҳам кетаверишади.

Йўлга тушдигу, барибир кўчани ўхшатомайпмиз. Биз юрган йўл манзараси чиройли жойлардан ўтарди, торроқ бўлса ҳам текис эди.

«Тар-тари»миз борган сари авжга миняпти. Устахоналар бору, тарновни ямайдиган асбоб-ускуналиги йўқ эди. Сўхни деган қишлоқда, бир устахона олдида ёш йигитлар туришган экан, улар биз айтган устани қаердандир топиб келишди. Суюниб кетдик. Фақат, чукур («яма») йўқ эди (кейин билсак, бу нарса умуман Ҳиндистонда расм эмас экан, махсус устахоналардагина бўлар экан).

Уста жиккаккина эди, шундоққина ерга чалқанча ётганича орқаси билан сурилиб машина тагига кириб, энди иш бошловди, худди биздагидай чироқ ўчиб қолса бўладими! Ҳафсаламиз жуда пир бўлди. Лекин машинамизни, уста атрофини ўраб, ўзларича маслаҳат бериб, жовур-жувур қилишаётган ёрдамчи йигитлар биздан қўл фонар сўраб олишди-да, машина остига тутиб туришди.

Устанинг исми Шамвал, ҳайбаракаллачилар сардори эса ёш, истараликкина (окрок юзли) йигит — Шив Кумар Варма қандайдир коллеж талабаси экан. Бошқалар омилиги учунми, Кумар Варманинг гапларига астойдил кулоқ солишиб, унинг кўрсатмаси бўйича иш қилишарди. Кумар чиндан-да гапдон, дадил эди, унинг хийла билимлилиги сезилиб турарди. Бу дилкаш талаба инглиз тилида анча равон сўзларди. Неъматилло воситачилигида бизни ҳам гапга солиб, сафаримиз мақсади билан қизиқди. У Бобур Мирзо, Акбаршоҳ, Шоҳ Жаҳон, Баҳодиршоҳлардан анчагина хабардор эди. У гапираётганда жўралари оғизларини очиб тинглашар, у билан фахрлангандай, “баракалла” дегандай, бош кимирилатиб қўйишарди.

Ниҳоят, бир соатларда тарнов тузалди. Хизмат ҳақини сўраган эдик, «икки юз рупий» дейишди. Бу ҳам аслида бизнинг пулга анчагина — уч минг сўмдан ортиқ, лекин Зокиржон ака, яхши болалар экан, деб, ҳам иш битганига хурсанд бўлиб кўпроқ узатган эди, Варма санаб ортиғини қайтарди-да, икки юз рупийни устага берди. Устанинг ёнига кириб ёрдамлашган бир ўсмир илинжини намоён қилиб интилгандай бўлувди, Варма кафти билан унга «йўқ» ишорасини қилди. Зокиржон ака бераверайлик, деган эди, Варма бош тебратди, «Асли бекорга тузатиб беришимиз лозим эди, сизлар олижаноб мақсад билан юрган кишилар экансизлар», деди. Ҳаммаси биз билан жуда илиқ, самимий хайрлашиб қолишди.

— Бўладиган йигит экан, — дедик Вармани мақтаб. — Ташкилотчи, виждонли, олижаноб...

Мана шундай инсонлар билан қайта кўришмаслигини ўйлаб ачинасан одам.

Бу ерда менинг эътиборимни тортган, юрагимда илиқлик пайдо қилган яна бир нарса — жойнинг оти эди. Бу ном бухоролик ўзбек йигити билан панжоблик ҳинд қизининг оташин муҳаббати туғрисида тўқилган ривоятдаги маъшуқа Сўхнини ёдимга солди.

Дехли — Агра йўли 210 км. эди. Соат тунги бирларда масофанинг қоқ ўртасида дала кўноқхонасида тўхтадик. Раҳбар иккимиз йўл-тўшакларимизни аввалги сафарда қадрдон бўлиб қолган, каноп ипдан сийрак тўқилган бамбук каравотлар (мен уларни «хон сўри» атадим)га тўшадик. Профессор билан тележурналистимиз машина ичида қолишди, Илҳомжон машинанинг томига чиқиб ётди.

Аввалроқ, ҳинд рожаларига (яъни, бой-зодагонларга) мансуб бир-иккита кўхна, нақшинкор-безакдор меҳмонхоналар учрадию, чивинлари кўп, чаконғир, деб огоҳлантиришди. Чивинларигина эмас, нархлари ҳам чаконғир эди. Умуман, у қўналғаларнинг хизматчилари негадир бизга унча рўйхушлик беришмади. Шубҳаланишди шекилли...

Чарчаган бўлишимга қарамай, анчагача ухлай олмадим. «Меҳмонхона»миз йўлга яқин эди. Бу юрт ҳайдовчиларида одамлар ухлашяпти, дам олишяпти, ҳалал бермаслик керак, деган фикр умуман бўлмас экан, машиналарининг ўткир сигналларини чинқиртириб чалиб ўтишарди.

Дарвоқе, бошда биз чиндан ҳам адашиб, Жайпурнинг эски йўлига тушиб қолган эканмиз, ивирсиқ, чанг расталар, тартибсиз бозорчалар ёнидан анча юрганимиздан кейин мана шу янгиланган шоҳ кўчага чиқиб олдик. Лекин осмонўпар қилиб юк ортилган машиналар билан йўл талашиб юриш анча қийин бўлди. Улар кечаси билан ҳам тўхтамас экан.

## ЗЕБУННИСОНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

24 октябр, сешанба

Агра. Бу тарихий шаҳарнинг бобурийлар ҳаётида алоҳида ўрин тутганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда Самарқанд, Бухоро, Хивамиз каби ёдгорликларга бой ва зиёратгоҳ Аграда Бобур Мирзонинг сўнгги тўрт йиллик умри кечган. У иқлими ва бошқа жиҳатларидан подшоҳлик қароргоҳи учун мос деб, шу жойни танлаган, боғлар барпо қилган, уни Хиндистоннинг кўркам ва обод марказига айлантирган. Қатъиятли, ўз ориятини ва шаънини ҳар нарсадан юксак қўйгувчи Бобур тайёр пойтахт (Дехли)дан фойдаланишни, яъни, ўзгалар қазиган ариқдан сув ичишни ўзига номуносиб билган бўлса керак.

Биз Агра зиёратини шаҳарга кираверишда, йўлнинг чап тарафида бир қарашда ярқ этиб кўзга ташланадиган Акбаршоҳ қалъасидан бошладик. Азалда қўрғоннинг тўртта дарвозаси бўлган, ҳозир жанубдагисидан кирилади, қолган уч дарвоза фойдаланилмагани учун эътиборсиз, қаровсиз ҳолатда...

Ҳиндистон халқларининг миллий қаҳрамони, сеvimли, эъзозли подшоҳ даражасига қўтарилган, Жавоҳирлаъл Неру юксак баҳолаган, «Буюк Акбар», «Халқ подшоҳи» унвонларига сазовор бўлган Акбаршоҳ бу муаззам мамлакатда кўп улўғ, хайрли ишлар қилган, чунончи: шаҳарлар, боғлар яратган, қалъа, истеҳкомлар қурдирган. Умуман, Ҳиндистонда Акбаршоҳ номи билан боғлиқ шаҳарлар, тарихий ёдгорликлар кўп. Ҳинд ва инглиз шарқшунос-бобуршуносларининг тўм-тўм китобларида ҳам бобурийзода Акбаршоҳ ҳаёти ва ҳукмдорлик фаолиятига жуда кенг ўрин берилади.

Искандария (уни Сикандра деб ҳам ёзишади) мавзеида жойлашган Акбар мақбараси ўғли Жаҳонгиршоҳ томонидан қурдирилган бўлиб, «бу Ҳиндистонда темурий шоҳлар барпо этган тарихий меъморчилик обидалари ичида энг сервиқор ёдгорликлардан бири ҳисобланади» (Л. Шарма). Мақбара бугунги кунда ҳам нафақат Агра, балки бутун Ҳиндистондаги саёҳатчилар билан ҳамиша гавжум бўладиган зиёратгоҳлардан биридир. Арк хиёбонлари хорижликларни аввало оч яшил майсазор ва палмалари билан ўзига жалб этади. «Бобурнома»да зикр қилинган гўзал жайронларнинг солланиб юришлари, зангори тўтиларнинг дарахтдан дарахтга учиб-қўнишлари кўзингизни яшнатади, дилингизни яйратади.

Самарқанд обидалари услубида қурилган нақшли сағана қалъа-боғнинг ўртасида қад кўтарган. Унинг ичида Акбаршоҳ, унинг хотинлари, қизлари Оромбону, Шукриниса ва бошқа яқинлари дафн этилган эди.

Мақбара мажмуи деворларининг таг томони оқ мрамрдан бўлиб, девор-устунларининг сиртки қисмига берилган қизил ранглар ўнгиб кетган, томнинг тўрт бурчагидаги остки тарафи қизғиш миноралар қорая бошлаган эди. Томнинг ўртасидаги оқ мрамрдан тикланган ўндан ортик гумбаз хийла дуруст сақланиб турибди.

Бинонинг чап ёнбошида, очиқ майдонда ҳам бир неча сағана тоши бор эди, улардан бирини Аврангзебнинг қизи, ўша машҳури жаҳон шоира Зебунисо бегимники, дейишувди, хайрон бўлиб қолдик. Аввалги сафар, яъни 1993 йили келганимизда бу гапни эшитмаган эдик. Қолаверса, Зокиржон ака ва бошқалар кейинги экспедиция пайтида Зебуннисо бегимнинг қабр-дахмаси Лохурдалигини «аниқлашган» эди. Бу ерда тайинли сайрбон (гид) йўқ, ўзини сайрбон, шу жойларнинг билимдони деб таништираётган ва ўз хизматини таклиф этаётганларнинг ундан-бундан қулоғига тушиб қолган норасмий ахборотлардан бошқа маълумотта эга эмаслиги билиниб турарди. Қизиғи, улар биз билан озгина бирга юриб, кимлигимизни, ниятимизни англагач, бобурийлар (улар «мўғуллар» дейишади) ҳақида бири боғдан, бири тоғдан гапларни айтишарди-да, кафтини ҳовуч қилиб, оҳиста чўзишарди... Ана шундайларнинг бир нечтасидан Нейматилло қайта-қайта сўраб-суриштириб кўрди. Ажабки, ҳаммаси «ҳа, Зебуннисонинг қабри шу», дейишарди. Лекин «қайси Зебуннисо — Аврангзеб оламгирнинг қизи, шоира Зебуннисоми» деб сўрасангиз таваккалдан «Ҳа!» дейишади.

Зокиржон ака йўлга чиққанимизда сафаримиз давомида қуйидаги жумбоқ — саволларга жавоб излашимиз ва топишимиз керак, деб вазифа қўйган эди. Яъни:

1. Зебуннисо бегимнинг қабри аслида қаерда бўлган? Мабодо Лохурдаги қабр чиндан

ҳам ўша Зебуннисоники бўлса, у қачон, ким томонидан кўчирилган?

2. Акбаршоҳ Деҳлида Хонзода бегимни фарзанд мақомида қабргача йиғлаб бориб дафн эттирган, дейишади. Ўша қабр қаерда?

3. Ҳасан Абдол шаҳридаги улкан бир қабртошини Бобур Мирзонинг кизи Лоларух бегимники деган оғзаки маълумот бор. Шу ростми? Агар рост бўлса «Бобурнома»да ва бошқа манбаларда нега бу исм тилга олинмаган?..

— Мана сизларга яна битта жумбоқ, — деди раҳбар. У ҳам ҳайрон, биз ҳам саранг. Бундай муаммоларнинг ечимини қаердан излашням билмаймиз. Сўралган одамлардан олинган жавоб тўғрими, нотўғрими — бунинг ўзи ҳам топишмоқ...

Лекин Зебуннисо бегим ҳаётига бағишланган аксарият рисола ва мақолаларда бу бобурий маликанинг дастлаб Деҳлидаги “Зарзари” қабристонига дафн этилгани, кейинчалик темир йўл қурилиши сабабли хоки Акбаршоҳ мақбарасига кўчирилгани ёзилади. Балки энг тўғриси шудир.

Бошимиз қотиб, йўл кўрсатишга бир йигитни ёллаб, Тож Маҳалга қараб кетдик. Уловнинг кўплиги, кўчаларда юриш машаққати Лоҳурдан, Деҳлидан ҳам баттар эди. Тўхтаб-тўхтаб, қадам-бақадам силжиб бордик.

Бу шаҳарда ҳам ҳукумат назорати сезилмас, «Сен нима қиляпсан?» дейдиган инсон йўққа, ҳамма кўнглига тутган ишни қилиб, хоҳлаган жойида савдо-тижорат, устачилик, майда ҳунармандчилик ва бошқа юмушлар билан шуғулланиб юраверадиганга ўхшарди. Халқ ўтган давр ичида икки баробар кўпайиб кетгандай эди. Миллион-миллион одамларнинг ўзлари ҳам нима учун яшаётгани тўғрисида ўйлаб ҳам кўришмаса керак...

## ТОЖ МАҲАЛ

Тож маҳал! Уч ярим асрки, зикри бутун дунёдан ташриф буюрадиганлар ва таърифни эшитганлар тилидан тушмай келаётган мўъжиза!

Дарвозадан киришимиз билан кўз олдимизда оппок, виқорли иншоот намоён бўлди — ўша мақбара, ўша миноралар! Кўрғонли хиёбондаги икки лабида ям-яшил сарв арчалари саф тортган ҳовуз ҳам ўша-ўша, сийрак дарахтлар, қалин, зангори майсалар ўша-ўша. Зиёратчиларнинг кўплиги ўша-ўша... Улар орасида турлича кийинган турли миллат, турли мамлакат халқларига мансуб эркалар, аёллар, ёшлар бор. Хусусан, оч ҳаво ранг узун кўйлак кийишиб, оқ шарф билан томоғи остини — кўксини ёпиб, икки учини елкалари оша орқасига омонат ташлаб юрган (бундай либос ёш қизлар ўртасида кўпроқ урф экан) ҳинд қиз-жувонлари кўзга яққолроқ кўринарди. Бу кийим уларга жуда ярашиб турарди. Сийдам, силлиқ (лекин ялтироқ эмас!) кўйлақларининг икки тиззаси ёнидан очилган ёрмаси хошияларига тўр тикилган ё гул солинган эди. Бироқ, ёрма остидан яланғоч болдирини намоиш қилиб юрган биронта ҳинд аёлини учратмадик. Улар бурма почаси тўпигини ҳам беркитиб турадиган, кўйлаги рангига ҳамоҳанг тусдаги шалвар кийишаркан.

Ҳа, Покистонда, Бангладешда, хусусан, турли диний эътиқодларга мансублар, яъни номусулмонлари ҳам кўп бўлган Ҳиндистонда аёллар жазирама иссиқни рўкач қилишиб (аслида ҳам ҳарорат жуда баланд — ёз ойлари қирқ беш-эллик даражадан ҳам ошиб кетади), майкасимон кўйлагу калта иштонлар кийишлари мумкин эди, лекин ундай қилишмас экан. Бунга йўл ҳам қўйилмас экан.

Акси орқа томонидаги машҳур Жамна (Ҳиндистонда Жамуна дейишади, «Бобурнома»да эса Жўн аталган) дарёсига тушиб, енгил мавжлар аро сезилар-сезилмас тебраниб турадиган ушбу обида чиндан-да маҳобатли бўлиб, чор тарафи тўрт минор ҳамда икки ёни ва олди шинам боғ — хиёбон билан ўралган. Минораларнинг бўйи 42 метр, марказий гумбазнинг баландлиги эса ундан ҳам ортиқдир.

Муаззам обида ичига пойафзални ташқарида, пастда қолдириб, худди метро

йўлагидагидай гавжум одамлар оқимиға кўшилмасиз-да, зиналардан оқиста кўтарилмасиз. Унча катта бўлмаган сахндан ўтиб, меҳробсимон эшикдан кирасиз. Ичкари ҳам орқаси ойнаванд, майда катакли сим-панжара билан ихота қилинган, шифти баланд, ҳайхотдай хона. Ўртада — гулли мрамар панжара билан одам кўкрагигача ўралган тўғарак ичида бир жуфт мрамар қабр тоши ёнма-ён қўйилган. Булар Шоҳ Жаҳон ва Мумтоз Маҳалнинг сағаналари бўлиб, уларнинг қабрлари пастки қаватда. Тошларга ва уларнинг атрофидаги деворларга ишлатилган ва қат-қатларига гул солинган силлик, оқ, оқиш, қаймоқранг мрамарлар, уч ярим асрки ўз тусини, кўркини йўқотмай, бирон жойи чекилмай турибди. Сағана тошлари ёнларига, деворларга ёнбошчасига, тиккасига тепагача Қуръон оятлари битилган. Атрофда айланиб юришган соқчи-посбонлар марқадрларни суратга олиш ва бошқа ножойиз, таъқиқланган хатти-ҳаракатлардан мудофаа қилиб туришади. Пастки қаватдаги қабрлар зиёратига ҳар йили кузда, Шоҳ Жаҳон вафот этган сана муносабати билан уч кун одам қўйилади, дейишди.

Ортиқча безак, жимжималардан ҳоли бўлган бу муҳаббат, вафо қасри ўзининг салобати ва маҳобати билан шу турдаги бошқа меъморий ёдгорликлардан ажралиб туради, айна шу фазилатлари билан ўзига ром этади, ҳайратга солади.

Неъматилло иккимиз хиёбондаги рақамланган (демак, ҳар бири ҳисобда, эътиборда!) дарахтлар оралаб ўтиб, чап ёндаги «Тож Маҳал» музейига кирдик.

Маълумингизким, Тож Маҳални ҳинд муаррихлари «омадли подшоҳ» деб таърифлашган бобурий Шоҳ Жаҳон соҳибжамол, оқила ва садоқатли умр йўлдоши Мумтоз Маҳал (Аржуманд бону) хотирасига барпо қилдирган. Музейда обиданинг қурилиш тарихини ва бобурийлар фалятини ақс эттирувчи ашёлар анчагина. Улардан аён бўлишича, иншоот Мумтоз бегим вафотидан кейин бошланган бўлиб, у йигирма мингдан

зиёд, ишчи, муҳандиснинг қарийб йигирма<sup>1</sup> йиллик муттасил меҳнатлари самарасидир.

Мозийгоҳ деворлари, тоқчалари, ойнаванд витриналаридан Жаҳонгир шоҳ муҳри (бармоғи) туширилган дастхат, идиш-товоқлар, бобурийларнинг қурол-яроғлари, мақбарага ишлатилган гулли мрамарлардан, тошлардан (бино деворлари ва беағи учун дунёдаги жуда кўп мамлакатлардан келтирилган ўн беш хилдан ортиқ, қимматбаҳо тошдан

фойдаланилган) намуналар, малика Аржуманд бегимнинг гўзал сиймоси, Соҳибқирони соний (Иккинчи Соҳибқирон) деган улуғ унвонга сазовор бўлган император Шоҳ Жаҳоннинг турли ҳолатдаги суратлари, бобурий ҳукмдорларга тегишли фармонларнинг

нусхалари ўрин олган эди. Байт:

*Энг гўзал обида Тож Маҳал бўлди,  
Оламнинг юзига зеб, сайқал бўлди.  
Вафо, садоқатдан қуйловчи бу тош  
Севгига абадий зар ҳайкал бўлди.<sup>1</sup>*

...Яна зиёратчиларнинг дарё-дарё оқимиға кўшилиб, мағрурона қадамлар билан Тож Маҳал ҳудудидан чиқдик.

Нур Жаҳон боғининг дарвозаси ўтган сафар очик, ҳеч ким йўқ эди, бу гал чипта олиб кирдик. Биздан бошқа сайёҳлар ҳам бор эди.

Йўлакнинг икки томонидаги гулпушталарда қийғос очилиб турган гултожихўроз ўз юртимизни, Андижон кўчалари ва хиёбонларини эслатиб юборди.

1. Б у муддат турли манбаларда турлича кўрсатилган.

<sup>1</sup> Бобурийлар меъморчилигининггина эмас, балки жаҳон архитектура санъатининг бетакрор намунаси дея таърифланган Тож Маҳал ҳақида кўп ёзиш мумкин (Ҳиндистонда унинг тарихига бағишланган йирик ҳажмдаги китобларни кўрдик), бироқ аввалги сафарномада хийла батафсил тўхталганимиз учун, бу гал сўзни муҳтасарроқ қилдик. Фақат шуни кўшимча қилиш мумкинки, Жамнани “Наҳрул муҳаббат”, яъни «Ишк дарёси» дейишади. Ривоятларда Кришна (ҳиндлар эътиқодига кўра Тангрининг тимсолларидан бири)нинг Жамна соҳилида ўз маъшуқаси — чўпон қиз Радха билан дийдорлашгани нақл қилинади. Балки айнан шунинг учун ҳам чин ошиқ, содик эр Шоҳ Жаҳон «Муҳаббат қасри» бўлмиш Тож Маҳални ана шу муқаддас дарё ёқасига қуришни режалаштирган ва жони-жаҳони — маҳбубаси, вафодор хотини Аржуманд бегим билан ана шу табаррук жойда мангу ковушмоқни ўйлаганлар.

Боғ ва унинг ўрамидаги мақбара ҳамда бошқа бинолар 1622-28 йиллари малика Мумтоз Маҳалнинг аммаси, Жаҳонгир шоҳнинг суюкли хотини Нур Жаҳон бегим раҳбарлигида унинг отаси Эътимод-уд Давла Мирзо Ғиёсбек хотирасига (меъмор Фотеҳ Мирзо) бунёд этилган. Хусусан, сағана, бобурийшунос ҳинд тарихчиларининг ёзишларича, Жаҳонгиршоҳ даврида яратилган обидаларнинг энг мустаҳкамидир.

Боғ ўртасидаги мақбара ичида Нур Жаҳоннинг онаси Асмат бегим, биринчи эри Шерафғондан туғилган қизи Лодли бегим (таажжубки, Лоҳурда дафн этилган Нур Жаҳон бегим даҳмаси билан ёнма-ён бир қабри ҳам Лодли бегимники деб айтишган эди), тоғаси Исмоилбек, опаси Нисоҳат бегим, шунингдек, Мумтоз бегимнинг ота-оналари — Осафхон ҳамда Девонжи бегим, яна ўша авлодга мансуб Асамуддин, Малик Мансур Али ва ўзгаларнинг қабрлари бор эди. Куръон тиловат қилдик, сурат ва видеоларга олдик ва шу билан бугунги кун зиёратлари поёнига етди. Сўнг анча машаққат билан (азбаройи тор, тифиз, ивирсик, чанг кўчаларда юриш қийинлигидан), шаҳар четроғидан, янги, катта йўл бўйидан меҳмонхона топдик. Номи чиройли, Аржумандга кофиядош — «Анжуман» эди.

## ТАРҲИНИ БОБУР ЧИЗГАН БОҒ. НОЁБ СУРАТ

*25 октябр, чоршанба*

Устахоналар соат тўққиздан ишларкан. Фарруҳнинг “мазаси қочиб қолган” видеокамерасини «даволатиш» учун мутахассис излашга тушдик. Бинолар, дўконларнинг олди деворлари, пештоқлари, эшик-деразаларнинг тепаси ва ёнларида бир қарич очик жой йўқ, — ном кўрсаткич-лавҳалар, реклама ва эълонлар, кинолардан олинган уйда-уйдай суратлар билан тўла эди. (Кўп жойларда кўча билан бино ўртасида йўлак деярли йўқлиги, йўлак бўлса ҳам, икки четда дарахт ўта сийраклиги учун реклама ва суратлар ёпиштирилган деворлар кўзга яққол ташланарди). Булардан ташқари, йўл бўйларида, ўртадаги ихота — супачаларда ҳар турли ёзувлар битилган махсус темир тахталар, кўчанинг у бетидан бу бетига тортилган шиорсимон рекламалар ҳам кўп эди (Қашқар ҳам ҳолва экан).

Аграда бобурийлар яратишган боғ-хиёбонлар, уч қаватли уйлар мўл, Андижоннинг эски шаҳаридаги каби тор кўчалар сероб. Лекин сердарахт, сергул шаҳар эди.

“Ўзининг қўл остидаги мамлакатларнинг кўпларида сарой ва қасрлар қурдирди, боғлар яратди (гап Бобур Мирзо ҳақида кетяпти — Қ К.), — деб ёзади инглиз тарихчиси, бобуршунос Уилям Эрскин. — У гулзорлар ва гўзал йўлакларни кўриб қувонарди. Бобур яхшигина боғбон ва табиатшунос ҳам эди, айрим мевали ва манзарали дарахтларни бир мамлакатдан бошқа ўлкаларга олиб келтириб, янги иқлим шароитига мослаштирар эди. Бу дарахтларнинг кўплари ҳали ҳам яшнаб турибди”

Эрскин назарда тутган боғлардан бири, бу — шубҳасиз, Оромбоғ, ҳиндистонликлар лафзи билан айтганда, Ромбоғдир.

Биз Бобур Мирзонинг ўзи Жамна дарёси бўйида барпо қилган, умрининг сўнги кунларини яшаган мазкур боғда ўзимиз кутмаган манзараларга дуч келдик. Ўтган гал кирганимизда бу боғ ҳам кимсасиз; қаровсиз уй, хоналарнинг умуман эшиги йўқ, деразалар ланг очик эди. Боққа қараб турадиган боғбон ҳам, худо етказиб, тасодифан келиб қолувди. Энди пуллик бўлибди. Чипта сотувчиларга биз Бобур шоҳ юртиданмиз, деб ўзимизни таништирдик. Аввалига «нима бўпти, дружба-дружба, служба-служба» дейишгандай, боғни видеога олиш мумкинмас, деб тайсаллаб туришдию, кириш ҳақини узатганимиздан кейин юмшашди. Ичкарида эса янада ғаройиб ҳодиса юз бермоқда — йўлакларга мраморсимон япалок, қизил тошлар ётқизиб таъмирлашмоқда эди.

Йўлакнинг икки томонидаги сийрак дарахтли боғ ерларида бир неча аёл пингвинларга ўхшаб чўнқайиб ўтиришганча ўсиб кетган ажриқларни ярим ойсимон

ўроқларда шошилмай, ҳафсала билан ўришмоқда эди.

Хиёбон тўридаги хона-уйларга темир-пажара — эшик қурилиб, қулф солинибди. Атроф

супуриб-сидирилган, саришта эди. Уйлар кенг, баланд кўтарманинг икки тарафида, ўртада ҳовуз, унинг марказида бетон (илгари мрамор бўлган бўлиши керак) супа, супа ёнида ер ости хоналарга, ундан дарё қирғоғига олиб чиқадиган зинали йўл бор эди. Остки бўлмаларнинг панжара эшиги ҳам қулфлоглик экан. Тушмоқчи эдик, боғ назоратчиси Вину Шанкар калитлар идорамизда сақланади, деди таассуф билдириб. Ташқарига чиқиладиган жойдан пастга — сув (Жамна) бўйига тушадиган зиналар ҳам бор эди. **Байт:**

*Бобур яратдию бир боғи Эрам,  
Яхши ният-ла от кўй «Боғ ором».  
Дарवेशлик илинжи тарк этмасди ҳеч,  
Лекин қисмат унга сунмади ором.*

— Ромбоғнинг тарҳини Бобур подшоҳнинг ўзи чизган ва у тўрт йил давомида қурилган, — дейди Вину Шанкар (у ўз фамилиясининг бош ҳарфини Бобур ёзганидек “ш” ўрнига «син» (С) билан талаффуз этган эди). — Биноларнинг бирида эркалар, иккинчисида аёллар яшашган, ер тагидаги залсимон бўлмаларда Бобур шоҳ машварат-йиғинлар ўтказган, узоқ-яқин вилоятлардан ташриф буюришган рожалар, ҳокимлар, арзгўйларни қабул қилган. Касали зўрайганда, ҳаво етишмай қолиб, ташқарига олиб чиқинглар, деган ва мана шу — ҳовуз ўртасидаги супага жой қилиб ётқизишган, жони шу ерда узилган... Ҳовуздаги фавворалар йигирма йил аввал ҳам ишларди, кейин қаровсиз қолди, мана, яна таъмирланмоқда. Бояги сизлар кўрган қумли ноёб қизил тошлар етмиш чақирим наридаги Гатпурдан олиб келинмоқда. Боғнинг умумий майдони эллик акр.

Назоратчининг айтишича, жасад маълум муддат шу қароргоҳда сақланган, кейин Чобуржига дафн этилган, олти ойдан сўнг у ердан қовлаб олиб кетилиб Қобулга, Боғи Бобурга кўмилган (Албатта бу муддат баҳсли).

Ҳар иккала бино бир хил: иккала томонда биттадан ўртача хона ва ўртада икки ёни очик каттагина айвон шаклида қурилган эди.

Хоналарнинг эшиклари бир-бирига, яъни орадаги айвонга қараган эди. Ўнгдаги бинонинг дарё тарафдаги хонаси эшигининг икки ёнидаги бел баробар, энсиз токчасимон ботиқ жойида суратлар бор эди. Чапдаги расмда яқтаксимон кўйлақдаги ялангбош, у ўскин сочлари қулоқлари ёнига тартибсиз ёйилиб тушган, осиевий юзли, ғамгин, ҳорғин нигоҳли ўрта яшар эркак, ўнг тарафда эса гўзал бир аёл тасвирланган эди. Албатта суратлар чизилиб кетган, баъзи жойлари кўчиб тушган, анча хиралашган, лекин, яхшигина рассом қаламининг маҳсули эканлиги билиниб турар, қиёфалар дуруст сақланган эди.

— Мана шу Бобур подшоҳ, — деди Вину Шанкар. — Умрининг охирида, хасталик пайтида чизилган.

Биз боғ мутасаддисининг сўзларига, кўзларимизга инонмасдик.

— Ахир ўтган сафар келганимизда йўғиди-ку, — дедик назоратчига.

— Йўқ, бўлган, кўриб турибсизлар-ку, бу жуда қадимий сурат, — деди у қатъий ишонч билан.

Наҳотки? Наҳотки биз аҳамият бермаган, пайқамаган бўлсак? Ахир хоналарнинг эшиги йўқ эди, ичкариларга кириб, шошилмай айланиб томоша қилганмиз. Ё, кўп йиллар қаровсиз қолганидан тасвирлар юзасини чанг босиб, хиралашиб кетувдимикин? Йўқ, бунчалик бўлиши мумкинмас. Бундай десам, биз ҳам шу даражада беэътиборлик қилганимизни ақлга сиғдириш қийин. Тавба, дейман, ахир шу пайтгача Бобур Мирзонинг ҳақиқий сурати йўқ, боғда китоб ўқиб ўтирган ҳолати акс эттирилган ягона расми ҳам Бобур Мирзо вафотидан анча кейин, номаълум мусаввир томонидан чизилган, деб келинади-ку!

Дарвоқе, биз ҳайрат билан тикилиб турган суратдаги шахснинг юз тузилиши, қош— кўзи бизнинг тасаввуримиздаги Бобур Мирзо қиёфасига ўхшаб кетарди.

Ҳарқалай, бу ҳодиса мен учун жуда катта янгилик ва яна битта сирли жумбоқ бўлиб қолди. Видеога, чиқса-чиқмаса, деб суратларга олдик...

Кейин бир маҳалла наридаги Чобуржига ўтдик. Бу ердаги Бобур Мирзо дастлаб дафн этилган қабр-мақбара ҳам бурноғи гал кўрганимизда хароб ва вайрон эди, бу жой ҳам



кўрғонланибди, кичикроқ дарвоза қурилиб, кулф илинибди, демак, бу ер ҳам муҳофазага олинган, таъмирлаш режалаштирилган, Фақат, афсуски, мақабарага ўтадиган тор йўлак ўша-ўша искирт, ифлос эди, бунинг устига, бир маст ҳинди бизга тирғалиб анча хит қилди. Орқага қайтиб, бир неча ҳовлини айланиб собиқ сағананинг мозорга ўхшаб ётган баланд-паст, чанг-тупрокли шўразор томондаги девори ёнига ўтдик. Бир неча ярим яланғоч, қоп-қора ҳинди болалар, ўсмирлар ҳам бизга қизиқиб, гуё биз айиқ ўйнатадигандай, орқамиздан эргашиб юришарди. Ўшаларнинг ёрдамида Нейматилло билан Фарруҳ девор ошиб, дахма кўрғони ичига тушишди. Бошқа жиддий ўзгариш бўлмагани учун қолганларимиз ўтмадик. Ҳиндлар мана шу шўразордаги — марқад қолдиғидан эллик-олтмиш қадамча наридаги эски бир кудукни кўрсатишиб, Бобур кудуғи, дейишди. Бўлиши ҳам мумкин.

Биз бугунги кўрганларимиздан бениҳоя мамнун ва мутаассир эдик, айниқса, раҳбар. Чунки ўтган гал Оромбоғу Бобур мақбараларининг қаровсиз, хароблигига юракларимиз ачишиб қайтгач, Зокиржон ака юқоридаги тарихий жойларнинг ачинарли ҳоли-баёни ҳақида қайғуриб, уларни ободонлаштириб, зиёратгоҳга айлантириш таклифи билан Бобур номидаги халқаро жамғарма номидан Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасига мурожаат қилган, Дехлида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда ҳам шу хусусда гапирган эди. Демак, ана шу ҳаракат ва сўзлар ҳавога учмабди, демак, Бобур номли халқаро илмий экспедиция сафари беиз кетмабди!

Айни вақтда менинг кўз олдимдан Оромбоғдаги сурат нари кетмас эди. Наҳотки ўша маҳзун, дардманд сиймо чиндан ҳам Бобур Мирзоники бўлса? — деган саволга ҳамон жавоб тополмай қийналардим. Мен ич-ичимдан улуғ юртдошимнинг аччиқ қисматига ачина, қайғура бошладим. Ҳамма нарсаси бисёр подшоҳнинг умри шунча қисқа бўлганига, унинг ўзию авлодларининг мана шу олис, «...боғ ва иморатида оқар сувлар йўқ. Ва иморатларида сафо ва ҳаво ва сиёқ ва андом йўқ»<sup>1</sup> мусофир ҳудудларда абадий қолиб кетишгани алам қиларди менга. Ахир у буюк зот бу жазирама мамлакат иқлимининг мижозларига салбий таъсир этишини, нохушликлар келтиришини ва келажақда уларни қандай фожиалар, кўнгилсизликлар, энг аввало ватандин мосуволик дарду изтироблари, шунингдек, жангу жадаллар, тож-тахт таллашишлар, хунрезликлар кутаётганини англарди-ку. Наҳотки, жондан азиз фарзандларию жигарбандларига ана шу кўргиликларни, жабру жафоларни раво кўрган бўлса?.. Шундай машҳур ва мўътабар сулоладан ўз ота-она юртларида бирон дуруст ёдгорлик қолмаган-а... Лаъл қалъалар, маҳобатли мақбаралар, масжид-мадрасалар, Тож Маҳалдай оламшумул обрў-шухратли обидалар бобурийларнинг ўз элида бунёд этилиши мумкин эди-ку. Зиёрат учун дунёнинг турли минтақаларидан оқиб келаётган сайёҳлар нигоҳи ва қадами ушбу кун Андижонга, Фарғонага, Наманганга қаратилган бўлармиди... Ахир ўшанда Бобур Мирзонинг ғанимлари, ағёрлари ўлиб, хонавайрон бўлиб, замонлар, вазиятлар ўзгариб кетувди-ку, юртга — Туронга, Самарқандга, киндик қони тўкилган Андижонга қайтишлари мумкин эди-ку! Агар жанг билан олиш лозим бўлса, энди бунга ҳам кучи, тажрибаси етарли, имконлари бор эди-ку! Наинки, она диёрдан шунчалар озурда, зада бўлган бўлса? Наҳот у Али Дўст тоғойи, Узун Ҳасан, Аҳмад Танбал каби манфаатпараст, пасткаш хоинларга аччиқ қилиб, ота мулкидан батамом воз кечган бўлса? Наҳотки, унинг қалбидаги ватанпарварлик туйғуси, хеш-ақраблик ҳислари шунчалар заиф эди? Йўқ, йўқ! Агар шундай бўлса Самарқанду Бухорога, Андижонга карвонкарвон совға-саломлар юбориб турармиди? Агар шундай бўлса Ҳиндистондай бепоён ҳудудда улкан салтанат тузган шоҳ-саркарда туғилган юрт ҳидини олиб борган қовуннинг бир тилими устида кўз ёш тўкиб ўтирармиди. Агар ўшандай бўлса, “ўз ерни кўйиб, Ҳинд сори юзлан”ганини хатолиғ, «юзи қаролиғ» деб атармиди, «кўпдан берики ёру диёрим йўқтур» дея оҳ чекармиди... Демак, бу ерда биз билмаган, подшолик, ҳукмдорлик қонуниятлари билан боғлиқ, ва ё бошқа сиру синоатлар бўлган. Балки, қуйидаги мисраларни Бобур Мирзонинг фарзандларига, авлодларга, биз каби хайронларга жавоби, узри дейиш мумкин:

*Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур...*

<sup>1</sup> “Бобурнома”дан

Этимолки ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб ушбдир:

*Ҳижрон қафасида жон қуши рам қиладур,  
Гурбат бу азиз умрни кам қиладур.*

Ҳижрон — дўсту ёронлар, кўнгил яқинлар ҳажри.

Гурбат — ватандин айрилиқдир...

## ҲИНД ТАБИАТИ

Соат 11 ларда Калкутта йўналиши бўйлаб жўнадик. Йўл яхши, бепоён далалар билан тугаш аҳоли яшайдиган ҳудудлар, сердарахт яшил майдонлар озода, ҳавоси ҳам тўйиб-тўйиб симиргудай...

Манзара, ҳолат алмашилиб туради. Йўлнинг икки бетида ивирсиқ гузару бозорлардан иборат маҳалла, қишлоқ, шаҳарчалар тугаши билан ям-яшил далалар ё чангалзор — жунгли бошланарди. Лекин бу завқимиз узокқа бормайди. Яна ўша гап:

*Қаерки кимсасиз — саришта, обод,  
Қайдаки инсон бор — чиқит, чанг зиёд.  
Демак, сув, табиат поклару ўзин,  
Наҳот қодир эмас бунга одамзот?*

Мана шундай жойларни кўрган одам «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» деган шиорнинг маънисига ва қадрига етади. Демак, озод бўлишнинг ўзи камлик қилар экан.

Бу ёқларда эчки, хачир, эшак кўп эди. Аммо эшакниям эшшакдай ишлатишаркан. Шунақа кўп юк ортишадик, жониворларнинг бели камалак бўлиб, тумшуғи ерга тегай-тегай деб юришади. Бояқишлар эшак бўлиб яралганига минг пушаймон еса керак. Лекин, мол-сигирларнинг чиндан ҳам Ҳиндистоннинг ҳамма ҳудудларида занжирга тушганлиги ҳақиқат эди. Улар анча ихчам, ўтган гал кўрганларимиз — қоринлари икки томонга тоғора-тоғора бўлиб чиқиб кетган, лорсиллаганлари кам эди. Ҳамма жойда шоли гуркираб ўсмоқда, пишмоқда, ўрилмоқда, янчилмоқда эди. (Ҳиндистонда йилига икки марта ҳосил олинади. Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик йили икки мавсумга бўлинади: ёзги (июн-октябр), кишки (октябр-апрел). Йиғим-терим ишлари кўлда бажарилади. Ер асосан омочда ҳайдалади, лекин хўкиз ҳам ҳаммада бўлавермайди, камбағал деҳқонлар хўкиз-омочни бой деҳқонлардан ижарага олиб ишлатишади). Далаларда шолидан ташқари каноп, кўноқ, маккажўхори ҳам бор. Биз аввалги сафар экинсиз, бесамар ётган, фақат чорва ҳайвонлари учун ўтлоқ вазифасини ўтаётган поёнсиз ерларни кўриб жуда-жуда ачинган эдик. Демак, ҳинд халқининг меҳнаткашлари, заҳматкашлари кўпайибди, демакки, камбағал-қашшоқлар, тиламчилар камайибди...

Демак, ҳукумат ёки бошқа бир катта куч мамлакатнинг бутун дала-тузларида кечасию кундузи бошвоқсиз, эркин, хоқонона юрадиган сигирларни, бошқа дайди ҳайвонларни жиловга солиш чорасини кўрган. Демак, озодалиқ борасида ҳам шундай иш қилиш мумкин...

Уммон томонга кетяпмиз. Иссиқнинг дами қайтган, сал-сал шабада ҳам бўлиб турибди. Бироқ, йўл негадир унмаяпти. Беш соатда 150 км. масофа босибмиз.

Йўлда тез-тез қурилиши чала қолиб кетган, аксарияти қизил ғиштли бинолар учраб турар, шоли экишга тайёрлаб, сув бостириб кўйилган катак-катак шудгорларда оппоқ, лойхўрақлар кўп эди. Қўрамасдай кўринадиган бу хушқомат қушлар ўзларини кўз-кўз қилгандай, шошилмай, солланиб юришарди.

Ҳиндистонда аёллар ҳуқуқи чекланган, дедик. Лекин шуниси ғалатики, уйлар олдидаги торгина саҳнларни ўсмирлар, катта ёшдаги эркаклар супуришарди. Сигирларни ҳам эрлар соғишар, хотинлар пашшаю чивинини кўриб туришарди.

Онда-сонда юзини бутунлай ўраб олган аёллар ҳам учраб қоларди, улар мусулмонлар бўлса керак.

Уттар-Прадеш штатида қарашли Рахи Раниа қишлоғида, сайёҳлик мажмуида тунадик. Канпурга 25 км. қолган эди.

*26 октябр, пайшанба.*

Эрталаб кўноқхона олдидаги мўъжазгина майсазор, чиройли хиёбонда лойхўрак ва бошқа паррандаларни кўриб қайфиятимиз янада чоғ бўлди.

Икки ён тўқайсимон, боғсимон, хиёбонсимон (табиий) ва албатта, хароб жойлардан ўтиб боряпмиз. Баъзан суҳбатга тушамиз, баъзан жимиб, ҳамма ўз хаёллари гирдобига шунғиб кетади. Кимдир ўтирган ерида мудрай бошлайди. Шунақа пайтда ҳамиша хушёр ва сергак юришга мажбур бўладиган бечора Илҳомжон: “ўртоқлар, сал гаплашиб кетинглар”, дерди зорланиб.

Узоқ йўл, баъзан толикамиз, уйқу босади, ёнбошлаб олгимиз келади. Лекин олдимизда ўтирган, биздан ёши анча улуғ Зокиржон аканинг, гоҳида бир оз қуш уйқуси элитса-да, ётиб олмаганини, аксинча, Илҳомжонга ҳам дам бериб туришларини кўриб, ҳаммамиз хижолат бўламиз, ўзимизни тетикликка соламиз. Профессор Дехлидан сотиб олинган китобларни раҳбардан сўраб олиб, варақлай бошлайди (Бу нодир «ёмби»лар қўлга киритилган заҳоти Зокиржон аканинг темир сандиқ вазифасини ўтовчи жомадонига солиниб, унга қулф урилари). Китобларнинг биридан Баҳодиршоҳ II—Зафарнинг сургун пайтида, умрининг сўнгги кунларида айтган сўзларини ўқийди. Ўз юрти ва тахтидан мосуво қилинган ғамдийда подшоҳ ва шоир: «Она ватанда ҳатто кўмилишга ҳам жой бўлмагандан кейин шоҳ ҳам оддий фуқаро каби дафн этилади», деган экан алам билан.

Шу баҳона, мавзу яна Бобур номидаги халқаро жамғарманинг бобурийлар хотирасини Андижонда, умуман Ўзбекистонда абадийлаштириш, уларнинг руҳларини шод этиш бораларида амалга ошираётган ишларига ва янги режаларга кўчади. Жамғарма ҳомийлигида, унинг раиси Зокиржон Машрабов ташкилотчилигида бобурийлар авлоди вакилларида бири Тошкентда ўқимокда, афғонистонлик шоира ва бобуршунос олима Шафиқа Ёркиннинг кизини Андижонга олиб келиб, ҳамшираликка ўқитиш тадориғи кўрилмоқда. Таникли шоир ва адабиётшунос, ҳозирда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Маданият маркази раҳбари бўлиб ишлаётган Қамар Раис Фарғона водийсида, имкон бўлса, Бобур Мирзо юрти Андижонда илмий тадқиқотлар олиб бориш истагини билдирмоқда эди...

Яна табиат манзаралари бекиёс гўзал, чангалзор-бутазор оралаб ўтган йўл жуда жозибали эди. Дил яйрайди. Иқлим ўзгариб, майинлашиб, сўлимлашмоқда. Улов қатнови нисбатан сийраклашди. Фақат, “ғўрт-ғўрт” қилиб ахлат титиб юрган чўчқаларнинг бот-бот учрашидан кўнгил хижил тортади. Биронта ҳам қўй кўринмайди. Маълум бўлишича, бу жонивор иссиққа чидамсизлиги учун Ҳиндистонда деярли боқилмас экан. Балиқчи ва бошқа тоифа қушлар сероб.

Дарвоқе, бугун Дивали байрами бошланиши керак эди, йўлларда негадир шодиёна тафти сезилмайди.

Аллоҳободга яқинлашяпмиз. Ҳиндларда кўп сўзлар биздаги ёзилишидан ва айтилишидан ўзгачарок, ифода қилинади. Масалан «Гож Маҳал»ни — «Газмаал», «Дехли»ни — «Дили», «Шоҳ Жаҳон»ни — «Са Жаан» тарзида талаффуз этишади. «Аллоҳобод йўли қайси?» деб сўрасак англашмайди. «Ала-абад» дейишаркан.

Машинамиз елиб бормоқда эди, узоқда, йўл чеккасида бир бола ўтирувди, яқин боришимизга машинага қараб шитоб эмаклаворса бўладими, ҳаммамизнинг капалагимиз учиб кетди. Илҳомжон чаққонлик қилиб қолди. Ўсмир ўн икки-ўн уч ёшларда бўлиб, эгнида бир калта иштон бор эди, холос, оёқ-қўллари ногирон экан... Зокиржон ака бир неча танга ташлади. Ойнадан кузатиб турдик: бола пулларни илдам териб олдида, маймундай тўрт оёқлаб, йўлнинг у томонига ўтди ва тиззалаб туриб, рўпарадан келаётган автомобилдагиларга қўлини чўзди... Нақадар аянчли манзара! Одамнинг раҳмини келтирадиган ҳолат! Ҳар бандани бут қилиб яратгин, эй кодир Худо!..

Манзаралари хилма-хил жойлардан ўтяпмиз, гоҳ — икки бетдаги осмон ўпар дарахтлар шоҳларининг учлари капасимон эгилиб, бир-бирига тегай деб турган кўчалардан. Саёз дарё бўйларидоги сердарахт, шинамгина қишлоқларни Гуркуровга солиштираман — ўхшамайди.

Норинжхўрлик, олмахўрлик қилиб кетяпмиз (албатта, раҳбарнинг марҳамати билан). Атлас олма кўп — уни «Кашмири олма» дейишаркан. Товланадиган, кўзни оладиган, деган маънода бўлса керак-да. Сарғайиб пишадиган апелсин негадир кам. Раҳбар биз учун тансиқ бўлган шу меванинг шайдоси, у кўринган бозор ё дўкон олдида машинани тўхтатиб, биронтамизни бошлаб тушиб олиб чиқади. Олма билан унча иши йўқ, апелсинни тугагунча ҳаммага биттадан улашиб ўтиради. Профессор бу борада синчи вазифасини ўтайди, яъни маҳсулотни узоқдан кўрибоқ баҳолайди. У шу турдаги меваларга (апелсин, мандарин, лимон) жуда ҳавасманд, ховлисида ўстираркан.

Бу ёкларда ерёнгоқ, жўхори кўп экиларкан.

Тўда-тўда қилиб ҳайдаб кетилаётган хўкиз, сигир ва бошқа ҳайвонларга дуч келиб қоламиз. Лекин ўтган гал кўрганларимиз — шоҳлари бўялган мол, қорамол, эчкиларни учратмаяпмиз. Ўйлаб кўрсам, авваллари бу жониворлар бўш юргани учун бир қишлоқники иккинчи овулникига араллашиб кетмасин деб, танишлик қилиб қўйиш мақсадида бўяшаркан шекилли. Энди улар бойлаб боқиладигани боис белги-бўёқнинг ҳожати қолмаган бўлса керак.

Ҳозир айна хосил йиғиштирадиган мавсум экан: шоли ўраётган, янчиётганлар кўп эди.

Канпурда тўхтамадик.

## “САНГАМ”. ИЛОҲИЙ ДАРЁ

Аллоҳободга соат кундузги бир яримларда етдик. Хизматчилари имиллаб, юракни сиқадиган ресторанда тушлик қилдик. «Чекен суп» ичдик. Иккинчи овқатга Бобур Мирзо «гўшти лазиз бўлур эди ва қилтиғи бўлмас» деб таърифлаган Ҳиндистон балиғини ҳавас қилибмиз-да. Йўқ бўлиб кетишди. Дарёдан тутиб келиб пиширишади шекилли, деб ўтирдик. Бир пайт олиб келишди. Камбалами, дебмиз. Унга буланган, қизил тусли япалоқ бир нима. Аграда товук гўштини шунақа рангга бўяб беришиб хуноб қилишувди (Бу ранг аслида поннинг бир тури бўлса керак, у ҳам оғиз ичини қизартириб юборади-ку!). Ноилож едик. Бунисиям майли эди-ю, кўк чой деган нарсани умуман тушунишмагани жуда ошиб тушди. Аввалига қоп-қора памил чой беришди. Анжанчасига «оқ чой» девдик, сут кўшилган (ҳақиқатан оқ-да!) чой келтиришди. Охири қўл силтаб, совуқ сув ича қолдик.

Қорин очлигида аҳамият бермаган эканмиз, тушиб келаётиб кўрдик — иккинчи қаватга кўтариладиган зина рўпарасидаги деворларда Акбар подшо (шундай дейишади), унинг атрофида маликалари (ё канизаклари) тасвирланган, Чингиз Аҳмаров асарларига яқин услубда чизилган расмлар бор эди.

Дарвоқе, Аллоҳобод ҳақида. Бу тарихий шаҳар, мусулмонлар ўлкаси (ўша даврда) тарихий манбаларда, китобларда бобурий ҳукмдорлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда кўп тилга олинади. Чунончи, шаҳзода Салим Жаҳонгир шоҳ унвонини олмай туриб, отаси билан тахт талашиб, Аллоҳободга кўшин тортиб келади ва у ерда мустақиллик эълон қилади. Кейинроқ падари бузруквори Акбаршоҳ унинг гуноҳидан ўтиб, Аллоҳободга ҳоким этиб тайинлайди. Шунингдек, Аллоҳободга Жаҳонгирнинг иккинчи ўғли Парвез ҳам ҳоким бўлган. Шоҳ Жаҳон бу вилоятни бир қанча муддат қамалда сақлаган. Унинг кенжа ўғли Мурод Бахш ҳам пушти паноҳига қарши исён кўтараркан, шу ўлкада туриб ўзини подшоҳ деб маълум қилади. Хуллас, Аллоҳобод бобурийлар номи билан чамбарчас борлиқдир.

Ошхонадан чиқиб, китоб расталарини айландик. Профессор таржимонимиз ёрдамида (унинг ўзи ҳам Бобур Мирзога, у ҳақдаги асарларга жуда ихлосманд эди) бир неча ноёб китоблар топдик. Раҳбаримиз бундай бойликлар учун пулни ҳеч аямай сарфларди.

Дўконлардаги китоб сақлаш маданиятига, китобларнинг кўплигига ва нашр сифатига яна бир марта қойил! Инглизларга, ҳиндларга офарин! «Мўғул» деб аташса ҳам, Бобур Мирзо ва бобурийлар туғрисида жуда кўп, хўб, йирик-йирик ҳажмларда қисса ва рўмонлар, илмий тадқиқотлар битишган, қайта-қайта чоп эттиришган! Энг муҳими, уларнинг бобурийларга

бўлган меҳр-муҳаббатлари, эътиқоди асарларига қўйилган «Қадрли Бобур» каби сарлавҳаларидан аён бўлиб турибди. Шунингдек, уларда биз учун мавҳум бўлиб келган мавзу — шаҳзода Бобур Мирзонинг болалиги ва ёшлигига бағишланган боблар эди!

Акбаршоҳ курдирган (уни “Акбар қала” ҳам дейишаркан) Илоҳобод (бу “Аллоҳобод” номининг адабий шеvasи) кўрғони шаҳардан анча четда, уч дарё — Ганг ва Жамна ҳамда сув ости илоҳий дарёси бирикиб, Сангам (китобларда Трибени ҳам дейилади) деб аталадиган жойда эди. **Байт:**

*Уч дарё қўшилган жойидир Сангам,  
Қўшилган шодлигу қайгу бўлиб жам.  
Бугун зиёратгоҳ, тасаллигоҳдир  
Ганг, Жамна, илоҳий Сарасвати ҳам.*

Ҳа, учинчи дарё — Сарасвати ер остидан чиқиб бирлашади, дейишади.

Афсонага кўра, сув тўлиб оқадиған, латофатли, шошқин бу дарё баланд, қорли қоялардан бошланиб, денгизга қуюлармиш. Унинг тўлқини барча дарёларниқидан маҳобатлироқ, бўлиб, суви ғоятда тоза, тиниқ, дея таърифланади. Сарасвати тоғ чуққиларини емириб, қулатиб келармиш. Ривоятларда айтилишича, Сарасватининг етти опа-синглиси бўлиб, у оқимларнинг онаси, оналарнинг, дарёлар ва илоҳаларнинг энг яхшиси, Повиранинг, чакмокнинг кизи, қаҳрамоннинг рафиқаси ҳисобланади. Сарасвати осмон ва барча бўшлиқларни тўлдириб туради. Унинг самодан, улкан тоғлардан пастга тушиб, қурбонликда қатнашувини сўраб, илтижо қиладилар. Жуда кўп фазилатлар эгаси бўлган Сарасвати дарду гуноҳлардан фориғ этувчи ҳамдир: у Индрани даволаб, инъомлар, таомлар келтирармиш, насл, ҳаётгий куч-қувват, умрбоқийлик бахш этармиш ва ҳоказо...

Қомусий китоблар, маълумотнома-луғатларда Сарасватининг Ганг, Жамна ва бошқа номдор дарёлар билан бир қаторда тилга олиниши таъкидланади, бироқ унинг ўшаларга қўшилиб кетиши айтилмайди. «Сангам» — балки оддий халқ томонидан тўқилган афсонадир. Лекин, айтишларича, ҳозирги замонда ҳам бу ерда кун тутилиши муносабати билан покланиш маросими бўлади. Шунинг учун у муқаддас жой ҳисобланади.<sup>1</sup>

Алқисса, ҳозир дарёлар қовушган жойда сув лимиллаб, сокин оқар, одамлар унда яйраб чўмилишар, қайиқларда (улар жуда кўп эди!) сайр қилишарди.

Шу ерда ҳам ёш-ёш инглиз жувонлари (улар билан профессоримиз тиллашди, шундай пайтларда унга жуда ҳавасим келади), Оврўпанинг бошқа мамлакатларидан келганлар, бангладешликлар (биз улардан Бирмага ўтиш йўл-йўриқларини сўрадик), хиндлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб юришарди.

Шарқи-жануб томондан келаётган оқим қалъанинг жанубий деворлари остидан кун ботишга қараб бурилиб кетарди. Деворлар жуда баланд ва қалин эди, демак, истехком мустаҳкам бўлган. Қалъага шарқ тарафдаги айлана зиналар орқали чиқиларди. Кириш йўлагиди хиндларнинг маъбуд-худолари (Лакшми, Шива, Вишна, Радха<sup>2</sup>)нинг бўр, оҳак ва бошқа жисмлар қотишмасидан ясалган чиройли ҳайкалчалари ўраб қўйилибди.

Собиқ қароргоҳ ҳовлисида Акбаршоҳ давридан бери яшаб келаётган кекса баниан ва имли дарахтлари тарвақайлаб кетган эди. Шу саҳнда ер ости хоналарига тушиладиган бир неча зина-йўллар бўлиб, улар ҳам Ромбоғдагидай қулфлоглик эди. Темир панжаралар орасидан ертўла тоқчаларидаги бутлар, санамларнинг ҳайкалчалари кўриниб турарди.

Мусулмон подшоҳ қалъасида бут-санамларнинг бўлиши номатлуб ҳол, балки бу

<sup>1</sup> Аксарият адабиётларда Сарасвати Ҳинд мифологиясидан келиб чиқиб, нутқ, сўз санъати ҳамда илм-маърифат маъбудаси сифатида талқин этилади.

<sup>2</sup> Лакшми — бахт ва бойлик тангриси, гўзал ва садоқатли хотин рамзи. Унинг иккинчи исми Камоладир. Шива — хиндлар ақидасига кўра учта бош худонинг бири — яратувчи ва вайрон этувчи худо. Вишна — бало-қазодан сақлаш тангриси. Унинг яна бир номи ~ Кришна. Радха — Кришна худосининг севгилис. (Аслида, санскрит ривоятларида “Худо якаю-ягона, лекин авлиёлар унинг шакли кўн дейдилар. На ақл ва на одамларнинг гап-сўзи билан уни билиб бўлмайди” деган нақл ҳам мавжуд).

Акбаршоҳнинг Ҳиндистондаги динларга эркинлик берганлиги оқибати ва ана шу беғараз сиёсатга ишоратдир. Эҳтимол ҳинд ҳалқи Акбаршоҳни шундай бағрикенглиги туфайли яхши кўриб, ҳали-ҳамон эъзозлаб келар.

Кўрғон этагида ҳарбий гарнизон жойлашган экан, қадим ўрданинг ички кўринишларини видеога олишга рухсат беришмади.

## **ҲИНД БАЙРАМЛАРИ. ДИВАЛИ**

Қайтганимизда қоронғи тушиб қолган эди. Калкуттага жўнадик. Йўлдаги биринчи йирик шаҳар Варанасига 160 км. қолган эди.

Дивали байрамининг аломатлари кўчаларда энди пайдо бўлган эди: одам кўп, гузарлар қандолат маҳсулотлари, ширинликлар билан тўла. Кундузи йўлдаги бозорларда уюб ташланган, пиёланинг орқасича ҳажмли, тўқ қизил рангли сопол косачаларни кўриб, буни нимага ишлатишаркин деб ҳайрон бўлувдим. Ана шу идишчаларга шам ёқиб, дўконларнинг остоналарига, супачаларига, деворларнинг тоқчасимон ботиқ жойларига, устахоналарнинг пештоқлари, эшиклари тепасига, устунларнинг тагига териб қўйишаркан. Электр атайин ўчирилганми ё ўчиб қолганми, ҳарқалай, йўқ. Милт-милт ёнаётган шамлар шу даражада кўпки, узоқроқдан қарасангиз худди юлдузлар ерга тўкилиб қолганга ўхшаб кўринади. Чирок бор ҳудудларда, катта, бой ташкилотлар бўлса керак, лампочкалардан шода ясалиб, дарвозаларнинг икки ёнларига, эшик тепасидаги пешонасимон кенг жойларга турли шаклларда илиб юборилган эди. Гўзал, кўркам бинолар кўп...

Хонадонларнинг олдига ҳам шамчалар ёқиб қўйилган эди. Ёмон жиҳати — болалар, ўсмирлар йўл четларига, шундоқ ўрта кўчага пақилдоқ қўйиб, портлатиб ўйнашарди. Ҳар қадамда, машина гилдираклари остида пақилдоқ отилиб, атрофга учкунлар сачрарди.

Ҳиндистонни байрамларга жуда бой диёр дейишади ва бу ҳолни мамлакатда ўз анъаналари, урф-одатларига эга бўлган ҳар турли миллат, қабила ва элатларнинг кўплиги билан изоҳлайдилар. Айтишларича, бу юртда деярли ҳар ҳафтанинг бир куни байрамга туғри келади. Ана шу шодиёналардан бири Дивали, тўлароқ айтилганда Дивапали бўлиб, бу сўз қадимги санскрит тилида «оловлар фаввораси» деган маънони англатади. Шунинг учун уни чироклар, машъалалар байрами ҳам дейишади. Ҳиндлар ёруғликни яхшилик рамзи деб билишади. Дивали октябр ойининг охири, ноябрнинг бошларига туғри келади ва тўрт кун давом этади. Хонадонларда махсус таомлар тайёрланади, ширинликлар пиширилади. Дўконлар гавжум, савдо баравж бўлади, чунки одамлар янги кийимлар, идиш-товоқлар сотиб олишади. Кундузлари дастурхон тузашиб, меҳмон кутишади, кечкурун ҳамма кўчага — мушакбозликни томоша қилгани чиқади. Кечаси машъалаларни дарёга оқизишади. Кейинги кунлари қариндош-уруғлар бир-бирини йўқлайдилар, опа-сингиллар ака-укаларининг пешоналарига қизил рангли белги қўядилар, ўйин-кулги қиладилар...

Варанас (Ҳиндистоннинг қутлуғ ҳудудларидан. Ҳунармандчилик ривожланган, металл, сарийлар ишлаб чиқаради)га яқинлашганда яна шаҳарда меҳмонхона топишни ўйлаб, йўл-йўлакай қуноқхона излай бошладик. Бу ёқларда яна электр ўчик, кўчалар қоронғу, бунинг устига, инглизча ёзув-лавҳалар деярли йўқ, ҳиндча, урдучани ўқиёлмаймиз. Тўхтаб, дуч келгандан сўрайвериб безор бўлдик. Қўноқхона топилмади. Соат кеч ўн бирдан ҳам ўтганда Варанасига (бизчасига Банорас) кириб бордик. Бир скутор-таксини ёлладик. Икки юз рупийга шартлашдик. Таксичи икки юз қадамча наридаги меҳмонхонага олиб бориб қўйди. Э, ҳиндлардаям шунақалар бор экан-да, дедик ҳайдовчининг «ишбилармон»лигига қойил қолиб.

Шаҳарда пақиллатиш, мушакбозлик авжида — нақ отишма бўлаётганга ўхшарди. Дўконлар гулчамбарлар билан безалган, магнитофонларда ҳинд кўшиқлари баланд пардаларда янграрди. Соат ўн икки — йигирма тўрт бўляпти ҳамки, шовқин-сурон тинай демайди. Ваҳимали, ҳам асабга тегади!

## КЎҲИНУР ҚИСМАТИ. ҲУМОЮННИНГ АЯНЧЛИ МАҒЛУБИЯТИ

27 октябр, жума

Эрталаб етиларда жўнадик. Ганг кўпригидан ўтяпмиз. Икки томондаги ям-яшил далалардан тутун, чангга қоришган шудринг аста кўтарилмоқда. Кечаси билан отилган мушак ва пақилдоқларнинг тутунлари ҳаммаёкни тўлдирган, лекин одамлар, хусусан болалар анча тинчиб қолишган, афтидан туни билан юриб чиқишган бўлса, қотиб ухлашмоқда эди.

Профессор яна китоб варақлаш билан машғул. Кўҳинур ҳақида мақола чиқиб қолди. Олмоснинг дастлаб 760 карат<sup>1</sup> бўлгани, ҳозир 106 карат қолгани, қиролича Елизаветага узук қилдириш учун ундан қирқиб берган венециялик устага 800 миллион доллар (менинг унча ишонгим келмади) берилгани ёзилган эди. Биз ҳаммасидан ҳам нархи-қиммати осмон қадар баланд бу нодир тошнинг Бобур ва бобурийларда кўлдан-қўлга ўтиб юриб, охири инглиз мустамлакачилари илқиға тушганига ачиндик. Маънавий бойликлар — китобу қўлёзмаларни ташиб битиришган, моддий бойликларни ҳам қўйишмаган-а! Улар нақадар узоқни кўришган, нақадар ақлли одамлар бўлишган-а! Мана бугун ўз аждодларимиз, бобокалонларимиз ёзган асарларнинг қўлёзмаларини тилла баҳосигаям сотиб ололмаямиз-а!.. Лоақал уларнинг ксеронусхасига эришмоқ учун Бобур номидаги халқаро экспедиция ҳам юртма-юрт, мамлакатма-мамлакат кезиб юрибди. Аждодларга, демакки, ота-боболарга маломат тошларини отиш шаккоклик-ку-я, аммо туриб-туриб алам қилади-да. Илғорроқ, уддабуронроқ қатлам ер, мол-мулк талашиб, орийат талашиб, кейинги қатлам — оддий, меҳнаткаш халқ ундан қочиб, бундан яшириниб юраверишганмикин, деган мулоҳаза ўтаверади-да хаёлдан. Яна, элимизнинг саводи етарлигу савияси юксак бўлмаганини айтишса, иззат-нафсимиз хуруж қилади, қаҳримиз келади. Ахир савод, илм, савия бўлса шундай талон-тарожликларга йўл қўярмиди, бебаҳо маданий бойликларини бурнининг тагидан тортиб кетишса, бутун истеъдоди, куч-қувватию умрини юрт истиқлоли, халқ эрки йўлига тикканларга «халқ душмани» деган «ёрлик» ёпиштириб отишса, бадарға этишса, индамай, писиб-қимтиниб тураверармиди ё аксинча, «мана бу ҳам шунақа» деб, ҳамкасбини, қўшнисини тутиб берармиди ва ё шоир айтганидай, беўрин, бевақт оломонлик қилармиди, деган фикру ўйлар қийнайди-да одамни...

Аллоҳга шукрки, кеч бўлса-да, мустақиллик туфайли биз ҳам ўша мақомга — маънавий бойликларнинг ҳар қандай моддий бойликдан қиммат ва устун туражагини англаш, уларнинг қадрига етиш, асраш, эъзозлаш даражасига қараб бормоқдамиз. Иншоолло, шахсий манфаатлар, худписандлик қобиғини ёриб чиқсак...

Бобур номидаги халқаро жамғарма раисини, жамғарма қошидаги халқаро илмий, экспедиция аъзоларини ҳам юқоридаги саволлар қийнар эди. Зокиржон аканинг экспедиция ташкил этишдан асосий мақсадларидан бири ҳам шу эди, яъни буюк ўтмишдошларимизга дахлдор, ғайри йўллар билан, ўғирлаб ё зўрлик билан турли хорижий элларга олиб чиқиб кетилган маънавий бойликларни қайси шаклда бўлмасин, мумкин қадар ўз юртимизга қайтариб олиб келмоқ, номаълумларини қидириб топмоқ, уларни асил меросхўрларига, ворисларига етказмоқ...

Ерлар захкаш, кўлмак, халқоб сувлар кўп, намлик юқори. Шунинг учун бир томонларда ҳали шоли пишмаган, энди бўқоқ бўлган эди.

Қамиш томли, деворлари нураган уйларни кўриб ҳайфимиз келади, табиий кўлга айланган катта ҳовузларда қизил нилуфарларга қараб, баҳри-дилимиз очилади. Лекин йўлнинг хоробалиги яна таъбларни хира қилади. Кўча чеккасида ёнбошчасига ётиб қолган юк машиналарини кўриб, чарчабди, мизғиябди, деб кўямиз. Чунки машина атрофида ҳеч ким, томошабин ҳам, полисмен ҳам, ҳатто ҳайдовчининг ўзи ҳам бўлмайди (Полицияга арз қилиб борилмаса, у автомобил ҳалокатига ё бошқа жанжал-можароларга аралашмас экан).

---

<sup>1</sup> Карат — қимматбаҳо тошлар ўлчови — 1,2 граммга тенг.

Ўтган сафар ҳам ерда ағанаб ётган, пастга, чукурликка санчилиб, орқаси кўтарилиб ё тумшуғи билан дарахтга урилганча қолган юк машиналарини айнан мана шу йўлда кўриб эдик. Ҳалокат сабаби ҳайдовчиларнинг кўполлиги ё қоида бузилганлигидагина эмас, ўнқир-чўнқирларда ё рўпарадан келаётган машинага йўл бериш чоғида (йўл тор, икки чекаси суйри) ё кескин тормоз босганда осмонўпар қилиб ортилган юк бир томонга хиёл оғиб, қийшайса, бас, автомобил мувозанатдан чикиб кетади.

Ботқоқсимон ҳовуз-кўлларда табиий очилиб ётган оппоқ нилуфарларни кўриб, эссиз дегинг келади: худди лойга оқ қанд сочиб юборилгандай...

Мол-эчкилар, хўкизлар тобора озиб, кичрайиб бормоқда.

Сасарам шахрига етмай бир устахонада тўхтадик. Тойотамизнинг тариллайдиган касали кўзиб, яна бошқа майда-чуйда таъмир талаб бўлиб қолган эди.

Баҳор (чиройли исм, Ҳиндда «Беҳар», «Бихор» дейдилар) вилоятига қарашли бу кўҳна шаҳарда тарихий обидалардан Шершоҳ қурдирган мақбара бўлиб, уни ҳинд усталари эришган санъат намунаси, деб таърифлашади муаррихлар.

Бобуршоҳнинг маълумотига кўра, бу томонлар ҳам Беҳрадан Баҳоргача унинг тасарруфида бўлган. Лекин, афсуски, бобурийлар салталатининг дастлабки инқирозга юз тутишида айнан мана шу музофот ҳудудида, Ҳумоюн билан афғон хонларидан бири Шерхон ўртасида бўлиб ўтган беомон уруш ҳам катта роль ўйнаган. Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар довони» романида тасвирланган воқеа — Ҳумоюннинг ўзини дарёга отиб, сув ташувчи Низом ёрдамида нариги қирғоққа соғ-омон етиб олиши ана шу муҳораба пайтида юз берган. Айнан ўша тўқнашувдан сўнг Шерхон ўзини Шершоҳ деб эълон қилган эди. Бир йилча кейин, Кануж жанги Шершоҳнинг бобурийлар устидан тўда ғалабасини таъминлади. Салтанатдан, хонумонидан ажралган Ҳумоюн Мирзо турли жойлардан паноҳ истаб, ҳали у укасидан, ҳали бу инисидан кўмак тиланиб, лекин улардан қувғинга учраб, бир неча йил сарсон-саргардонликда ҳаёт кечиради. Кейин Эрон шоҳи Шоҳ Тахмасп берган аскарлар ёрдамида секин-аста ўзини тиклаб, 1555 йили ўша пайтда Дехлини эгаллаб турган Искандаршоҳ бошлиқ афғонларни енгиб, роппа-роса ўн беш йилдан кейин отасининг давлатини қайтариб олишга, буюк бобурийларнинг марказлашган ҳокимиятини қайта тиклашга муваффақ бўлади. Шу билан у йўл кўйган хатосини тузатади, ўз виждони олдидаги, теурийлар сулоласи олдидаги бурчини адо этади..

Карнайгуллар юртидан (йўл бўйларида жуда кўп, ҳовлиларда ҳам кўзга ташланиб турарди), шишасимон палмалар сероб йўллардан Сасарамга кириб боряпмиз. Кўчадан ичкарироқда занглаб, кўкатлар ичида қолиб кетган темир кузовли юк машиналари, сақичдан бўшаган ғарам-ғарам бўчкаларни, бошқа темир-терсақларни кўриб, шунча металнинг ҳайф бўлиб ётганига ачиндик.

Сасарамлик қиз-аёллар кўпроқ гулдор сарий ўрашаркан. Умуман, Ҳиндистонда сарийларнинг кўзга яққол ташланадигани — ранги жуда нафис, тиниқ ва товланувчи, эътиборни жалб этадигани кўп. Лекин уни ярашган ҳам, ярашмаган ҳам кияверади. Шунинг учун сарий жуда алдовчан бўлади: орқасидан бирон кино юлдузимикин, деб гумон қилганингизнинг олдидан қараб, унинг жўнгина, қорагина бир қиз, баъзан катта ёшдаги аёл, ҳатто тиришиб кетган кампир эканлигини кўрасизу, ҳаяжонингиз пайраҳа ўтин алангасидай бир зумда пасаяди...

Байрам муносабати билан гузарларга қатор устун ўрнатилиб, уларга боғлаб чиқилган палмаларнинг подшоҳларни елпишадиган катта, узун барглари сўлий бошлаганди.

## ПАШШАДАН ДОД!..

Сасарамдан чикиб, икки чақирим юрганимизда ўнгда паст тоғлар бошланди (шу жойгача Ҳиндистон ҳудудида тоққа дуч келинмаган эди).

Йўлларда оқ сигир, оқ эшак, қора эчки кўп учрамоқда. Чўчқа ҳам шу пайтгача бу қадар кўп кўринмаётган эди.

Кўчанинг икки томонидаги — йўл билан дала ўртасидаги ихота ҳудудда кўкка бўй



чўзган салобатлигу салобатсиз дарахтлар рақамланган, демак, Неъматилло айтгандай, давлат муҳофазасида. Лекин, афсуски, ногирон, тиланчи болалар, ўсмирлар ҳимояга олинмаганга ўхшай-ди — улар шаҳару қишлоқларда тез-тез учраб турарди.

— Бўлажак «мутахассислар»га эътибор кам экан-да, — дерди профессор уларга қараб.

Калкутгага беш юз км. қолганда ўнгда ва чапда гувалак-гувалак тошлардан иборат тоғлар кўринди.

Мол боқишларнинг ҳамма жойда анча тартибга тушиб қолганлиги сезилиб турарди. Эгасиздай юрадиган ҳайвонлар йўқ ҳисоби. Ўтлоқларда, экинзорларнинг четларида, кўча бўйларида катта ёшдаги эркаклар, аёллар, ўспиринлар ўтлатишяпти. Қора сигирлар кўринишидан маҳобатли бўлса-да, ҳиндларнинг ўзи каби ювош чоғи, болалар миниб юришибди.

Бир ерда, тахминан биздаги маҳалла кўмиталари маҳкамасига ўхшаган кўримсиз бино олдидаги майдонда юз чоғлик каттаю кичик, хотин-халаж телевизор томоша қиларди. Балки, Дивали байрами муносабати билан биронта олий ҳиммат савоб олиш учун ойнаи жаҳонини олиб чиқиб бергандир. Аҳоли яшаш жойларининг ҳолатига қараганда бу атрофдаги хонадонларнинг камдан-камида телевизор бўлса керак.

Яна бепоён шолиторлар. Ораларда палманинг хурмо тури кўп, лекин меваси кўринмасди: пишиб, териб олинган шекилли.

Бир оз юрганимиздан кейин яна боягидай байрам шодиёналарига — халқ сайлига дуч келдик. Бу ерда икки юздан ортиқ одам давра қуриб туришар, ўртада ҳаваскор бир раққоса рақс тушар, ёнидаги созанда-хонандаларнинг бири кўшиқ айтар, лекин овози унча ёқимли эмас эди.

Аҳоли нисбатан сариштароқ экан: кўча бўйлари анча озода эди.

Йўл носозу серкатнов. Автобуслар жуда тез юради. Уларнинг томларида ўтириб, орқасида ва ёнбошларида тик туриб кетаётганларда умуман кўркиш ҳисси йўқдай туюлади. Аслида, ювош одамда бундай туйғу кучлироқ бўлиши керак.

Ажойиб ўрмонни ёнлаб ўтяпмиз: ўсимликларнинг тури кўп ва бари бизга нотаниш. Бир дарахтнинг танаси ингичкароқ, тўғри ўсган, япроқлари эса йирик — анжир ё шотут баргига ўхшайди, лекин филнинг қулоғисимон яхлит, яъни четлари кемтик эмас. Ўзимизча манго дарахтимикин, деб мулоҳаза қилдик. Бобур Мирзо ҳам бу мева ҳақида гапирган, дедик. Тўхтаб, сўраб билмоққа изн бўлмади, чунки бу ҳолат дастурда кўзда тутилмаган эди. Раҳбаримизнинг фикрига кўра, Бобур ва бобурийларга бевосита даҳли бўлмаган нарсалар, ишлар билан шуғулланиш шарт эмас эди. Ҳайдовчининг ҳам машинани раҳбар буйруғисиз тўхтатмоғи қатъиян таъқиқланган, бунинг сабаби юқорида айтиб ўтилди.

Куёш барвақт — соат тўрт яримларда бота бошлади.

Кўчанинг икки бетидаги икки-уч қулочли кекса ва улкан банианлар йўлнинг хийла қадимийлигидан далолат берарди. Балки Акбар шоҳ ва бошқа бобурий ҳукмдорлар шу йўлдан Банголага неча бор ўтишгандир.

Байрамнинг шашти кечагича эмас-ку, ҳарқалай, пақиллатишлар бор, шам, машъала камрок.

Ҳаво айниб, ёмғир майдалаб ёға бошлади. Шунданми ё бир неча кундан бери тўйиб ухламаслик, чарчоқ энди таъсирини кўрсатдим, ҳаммани уйку элита бошлади. Фақат, Илҳомжон сергак. Боя, оқшом унга раҳбар икки соатга дам берди, яъни, машинани ўзи ҳайдади. Бу навбатлашув, албатта, биринчиси эмас, лекин бошлиқ ҳар нечук ўтган галгига қараганда рулга камрок ўтиряпти. Илҳомжоннинг ёшлиги ва тажрибаси кўплигидан дили хотиржам чоғи.

Йўл ҳамон яхши эмас. Шундоққина кўча четида, марзаларда «толиққан» ё ўзаро тўқнашувларда “мағлуб бўлган” серҳашам, яп-янги юк машиналари ёнбошлаб «дам оларди».

Бошқаларнинг мудраши ҳайдовчига ҳам юқади. Охири бўлмади. Соат тунги ўн бирларда каттароқ қишлоқда, йўл бўйидаги «Ганга» меҳмонхонасида тўхтадик. Хоналар кенг, каравотлар чорпоядай-чорпоядай эди. Шифтда елпаррак айланяпти. «Яхши-ку», деб, душ қилиб, ётдик. Кўз илинар-илинмас у ер-бу ерим чимиллай бошлади. Қулоқларим остида

Ҳиндистон мавзуидаги қай бир китобда ўқиганим куйидаги шеърӣ сатрлар беихтиёр жананглади:

*О, менинг пашшагинам, бунча сертавозесан,  
Саломлашмоқ учун сен чўзурсан кафтларингни.  
Аммо нечук ростлайсан найзадор хартумингни?..*

Қаймоқранг бўз чойшабни устимга ижирғаниб тортдим, лекин бир неча лаҳзага аранг тоқат қилдим — терлаб, нафасим қайтиб кетди. Раҳбар ҳам бошини буркаб олганча гудуранарди. Кўп ётолмай ўрнидан турди — унинг пашша зоти билан азалдан муросаси чатоқ эди. Менга «қандай чидаяпсиз, туринг, бошқа жойга бориб ётамиз», деди. Қўшни хонани тақиллатган эди, улар ҳам ухлашолмаётган экан, дарҳол кийиниб чиқишди.

Ўн чақиримча юрганимизда юқорида таърифлаганим «хон сўри»лар териб қўйилган очик «меҳмонхона» чиқди. Ҳеч ким йўқ. Албатта, эгаси ярим кечагача ўтирармиди. Йўл тўшакларимизни тўшаб, ичига шўнғидик. Очик осмон, сўлим ҳаво, енгил шабада бўлиб турибди. Хуллас, роҳат.

Юзимга муздай нарса тегиб, уйғониб кетдим. Ёмғир ёғар, кўрпача анча ивиган эди. Ғичирлашдан бошқалар ҳам уйғонишди. «Шоҳона» каравотларимизни ошхона айвони остига жилдириб, яна уйкуга чўмдик.

## **БИР МАСАЛА... ЧАТОҚРОҚ**

*28 октябр, шанба*

Эрталаб ёмғир тинган, лекин салқин шабадаси қолган эди. Ошхона эгалари келишибди. Қалинроқ қўйлақлардан кийиб, очик ҳавода мириқиб нонушта қилдик. Кейинги кунлардаги таомимиз асосан тухум эди — бир гал сувда қайнаттириб еймиз, бир гал қуймоқ («омлет» дейишади) қилдириб... Бошқа овқатларини яхши билмаймиз, билган-кўрганларимиз бизга хос ва мос эмас... Албатта, тухум ёнида ўзимизнинг захирадан консерва ё тушонка (колбаса, қазилар тугаб кетди), ёнғоқ, майиз, асал ҳам бўлади...

Йўлга тушдик. Калкутта тарафдан икки томонлама йўл қуриб келишаётган экан. Йўлсозлар (аксарияти аёллар)нинг сахар-мардондан ишга тушишганини кўриб офарин айтдик.

Ёмғирдан кейинги табиат манзаралари бағоят сўлим, тоза, майса-кўкатлар, япроқлар яшнаб кетган эди. Аёллар, келинчаклар идиш-товоқларини йўлдан анча пастдаги ховуз-кўлларга олиб тушиб ювишмоқда. Сути соғиб олиниб, уйдан ҳайдалган сигирлар йўл бўйида тўп-тўп бўлиб (бу ҳудудларда экин кам, ўтлоқ кўпроқ эди), қайга боришларини билмай, шумшайиб туришибди, чунки ёмғир яна севаламоқда эди.

Бу ёқда тагин бир тур палма сероб эди: бўйи унча баланд эмас, икки-уч метрлар чамасидаги пўрсилдоқ пўстли танаси узоқдан бўйра билан ўраб қўйилганга ўхшайди. Игна баргли, шохлари тут новдаларисимон ёйилиб ўсган, ўртадаги шохлар тепага тик кетган, ёнбошдагилар пастга эгилган... Томоғи остидан, яъни тўп новдалар тагидан озгина жойнинг пўсти арчилган-да, ундан пастроққа сариқ қовоқ-идиш боғланган. Бир қарашда дарахтнинг ўзидан чиққан бўқоқ-ўсмага ўхшаб кўринади. Ўша жойда асаларилар ғужғон ўйнапти. Билсак, шу тарзда палманинг шираси олиаркан. Таажжубки, яқин атрофда аҳоли йўқ эди. Йўловчи ё бошқалар илиб кетишмасмикин, деб ўйладик. Бўйнига қовоқ осилган бундай палмалар йўл давомида кўп кўринди. Бу, асосан Марказий ва Жанубий Америкада ўсадиган, тутдошлар оиласига мансуб, «сигир дарахт» деб аталадиган сутли дарахтнинг бир тури бўлса керак, деб ўйладим.

Яна бир хил палма пайдо бўлди: симёғочсимон, етти-саккиз метрли танаси бўғим-бўғим, тарам-тарам, кейин бирдан ҳар тарафга шохлаган. Булар асосан хурмо дарахти бўлиши керак.

Йўл яхшиланиб, жонимиз кириб қолди. Енгил автомобил жуда кам, тоғ-тоғ қилиб юк

ортилган сандиқ-машиналар ҳаддан зиёд кўп (бизда аксинча). Калкутта порт шаҳар эмасми, шунинг учун бу ёққа кўп юк ташилса керак.

Бобурий подшоҳ ва шахзодаларнинг жанговар фаолияти билан боғлиқ тарихий саҳифаларда, умуман Ҳиндистон солномаларида тез-тез эсланадиган Гувалёр музофотидан ўтяпмиз. У дастлаб Бобур давлати таркибида бўлган, Ҳумоюн Шершоҳга олдириб қўйган, кейин Акбаршоҳ даврида яна бобурийлар қўлига ўтади.

Гувалёр «Бобурнома»да ҳам кўп ва хўп тилга олинади. Ўша пайтлар бу юртда гўзал чорбоғлару обод ва сўлим масканлар, умуман, эътиборга молик фойзиёб жойлар бисёр бўлган чоғи, Бобуршоҳ бир неча бор махсус сайрга чиққанлигини ёзади, боғу хиёбонлардаги ранг-баранг гулларга ихлос билан таъриф беради, “Гувалёрнинг қип-қизил хушранг канир (барги шафтоли япроғисимон гул — Қ.К.)ларидан бир порасини Огра боғларига келтуриб эктургани”ни алоҳида қайд этади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Бобур Мирзо ўзи билган, астойдил шуғулланган ва саналганда бармоқлар етмайдиган соҳалар қатори мураккаб меъморчилик бобида ҳам етарли даражада билим ва тасаввурга, юксак дид ва тажрибага эга бўлган. Гувалёрдаги ҳар турли бинолар, иншоотларни синчиклаб кўздан кечирар экан, уларнинг яхши ва носоз жиҳатлари туғрисида ҳолис, аммо мутахассисларча мулоҳазалар билдиради. Чунончи, вилоятнинг таниқли рожаларидан Мон Синг, унинг ўғли Бакраможит ва бошқалар қурдирган иморатларни шундай муқоясалайди: «Бовужуди ҳумор Мон Сингнинг ва Бикраможитнинг иморатларини тамом юруб, сайр қилдим, ғариб иморатлардур. Агарчи бўлук-бўлук ва бекиёсдур, бу иморатлар тамом санги тарошидадиндур. Борча рожалар иморатларидин Мон Сингнинг иморатлари яхшироқ ва олийроқтур, Мон Синг иморатининг томининг бир зильи шарқ саридир. Бу зильни ўзга зильларга боқа кўпрак такаллуф қилибтур, баландлиғи тахминан қирқ-эллик қари бўлғай, тамом санги тарошидадин, юзини ганч била оқартибтурлар. Баъзи ерда тўрт табақа имораттур, икки қуйиғи табақаси хили қоронғудур, андак ёруғлуғи муддате ўлтурғондин сўнгра зоҳир бўладур, буларни шамъ билан юруб сайр қилдук. Бу иморатнинг ҳар зильида беш гунбазтур. Бу гунбазларни ораларида кичик Ҳиндистон дастури била чорсу-чорсу гунбазчалардур. Бу беш улуғ гунбазларнинг устига зарандуд қилғон мис тангаларини қадабтурлар. Бу томларнинг ташқарисини яшил қоши била қошикорлик қилибтурлар. Яшил қоши била гирдо-гирдини тамом кела дарахтларини кўрсатибтурлар..»

Мон Синг ўғли Букраможитнинг иморатлари кўрғоннинг шимоли сари ўртада воқиб бўлубтур. Ўғлининг иморатлари отасининг иморатича эмас, бир улуғ гунбаз қилубтур. Хили қоронғу, муддате турғондин сўнгра равшанлик зоҳир бўладур. Бу улуғ гунбазнинг остидаги бир кичикроқ имораттур, анга ҳуд ҳеч тарафдин ёруғлуқ кирмас,.. »

Бу тарафлардаги одамлар чинданга нисбатан саришта ва қиёсан ўзларига тўққа ўхшарди: жуда кўп хонадон олдида сигир-бузоқлар бойлоқлик эди. Бироқ бу бепоён юртга хос бўлган бир қусур ҳамма ерда мавжуд, яъни бу жойларда ҳам хожатхона қуриш расм эмас эди. «Тўлет» (туалет) деган сўзни билишади, сўрасангиз, «Бобурийнома»да ёзилгандай, уйларнинг, дўконларнинг орқасини — боғу далаларни кўрсатишади. Ўзлари ҳам шунақа: одам бор, машина келяпти, демай, бемалол... Уй, чайлалари сал ичкарироқда бўлса, катта кўчага яқин келишиб, ўтган-кетганни томоша қилишиб, томоша бўлиб... ўтиришади...

*Табиати сеҳрли,  
Халқи ювои, меҳрли,  
Одамохуну бироқ  
Шу «масала» чатоқроқ...*

Мана шу ғайри ҳолу ғалати одатларини ҳеч ақлга сиғдириб бўлмайди. Нега шундай?.. Балки ерлар захкаш, сизот сувлари юзага яқин бўлгани учун чуқур қовлаш имкони йўқдур...

*Бойларининг уйлари башанг,  
Қашишоқларнинг ҳоли ночор, танг,*

*Бирови ганг, бирови таранг...  
Хўп аломат юрт экан, қаранг...*

Дарвоқе, этнограф И.М.Жабборовнинг «Жаҳон халқлари этнографияси» қўлланмасида Ҳиндистон қишлоқларида уй-жойларнинг каста ва табақаларга хос равишда қурилиши, масалан, камбағалларнинг кулбалари лой ҳамда ёғочдан синч тўқима қилиб тикланиши, уларнинг жиҳозлари бўйра тўшалган супа, бир неча ёғоч ва сопол идиш, хонтахтадан иборат бўлиши, бойларнинг дабдабали ҳовли-жойлари, қўшк-айвонларининг пишиқ ғиштдан бунёд этилиши, қимматбаҳо буюмлар, гиламлар билан безатилиши алоҳида таъкидланган. Албатта, мазкур китоб ёзилганидан буён ўн беш йилдан зиёд вақт ўтди. Бироқ бу борада ҳали-ҳануз жиддий ўзгариш юз бергани сезилмайди.

Аммо табиатни асраб-авайлашларига (албатта, бу ҳукуматнинг, маъмурий маҳкамалар, табиатни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчиларнинг иши бўлса керак) гап йўқ. Йўл ўртасидаги — ажратувчи пуштадаги кўчатлар бетон панжара билан, кўчанинг икки ёнидаги узундан-узоқ ёш дарахтлар эса икки-уч қатор, бўйрасимон матоҳ билан ихота қилинган.

Калкутгага 150 чақирим қолганда эчкилари майда ва қотма, лекин табиат манзаралари одамни маҳлиё қиладиган Паранга деган жойдан ўтқизилди. Йўл эса яна айнади.

Тўпон (ҳа, шолӣ эмас, тўпон!) шопираётган хотинларни кўриб, раҳмимиз келди.

Қишлоқ жойларда кийинишлар деярли бир хил эди: аёллар либоси кўйлак, шалвар, рўмол, эркакларники: калта, тиззадан юқори лунги-лозим (буни «дхоти» дейишади), унинг бир учиними, иккала учиними, оёқлари орасидан орқага ўтказишиб, яна лунги-лозимбоғига қистириб олишадими ё турмаклаб кўйишадими — билиш қийин. Бунинг устига, дхотининг ўша — турмакдан пастки қисмлари ғижим, турилган-бурилган ҳолатда шишиб-кўпчиб туради. Шу «хунар»ларига ҳам ҳеч тушунмадим. Қишлоқ эркакларининг аксарият ҳоллардаги асосий уст-боши шу. Айтгандай, бу либоснинг икки хил тури мавжуд бўлиб, олий каста вакиллари, шаҳарликлар узун ва кенг, деҳқонлар ва бошқа оддий кишилар калта дхотини ўзларига мансуб деб биладилар. Баъзилар белдан тепасига майкасимон нимча-кўйлак ҳам илиб олишади.

Дхотини асосан катта ёшдаги, кекса эркаклар боғлашади. Лекин назаримда ҳиндларнинг кексалари унча кўп эмасга ўхшарди. Демак, ўрта ёш унча юқори эмас...

Тўпнигача тушадиган узун кўйлак-сарийда юриш қиз-жувонларга анча ўнғайсизлик туғдирса керак. Лекин, давлат иқтисодий жиҳатдан қанчалик тараққиётга эришган, ядровий қуроқлар яратишу четга ҳар турли товарлар экспорт қилиш бораларида Оврўпаю Америка мамлакатлари билан баслашиш даражасига етган бўлса-да, ҳинд халқи, хусусан аёлларининг неча-неча асрлардан бери урф бўлиб келаётган миллий кийимларидан воз кечишмаётганларига қойил қолиш, тасаннолар айтиш керакми ё аксинча, энгил-бош борасидаги турғунликка ачиниш лозимми — ҳайронман. Дхоти ва сарийнинг бичимлари, турмаклаш, боғлаш ва ўраш тартиб-қоидалари беш асрлар муқаддам ҳам деярли ҳозиргидай бўлгандурким, Бобур Мирзо буни «Бобурнома»да хўп муқамал ва ғоят равшан таърифлаган: «Раият резапой эли тамом яланғоч юрипдурлар. Лункутадек бир нима боғлайдурлар, киндикдин икки қариш қуйи, қисик латта солилиб турубтур, бу солинғон қисик латтанинг устида яна бир парча латта бор, лункутанинг боғинингким боғлар, ул парча латтани икки бутнинг орасидан олиб, кейин лункутанинг боғидин ўтказиб беркитадурлар. Хотунлари худ бир узун лунг боғлабтурлар, ярмини беллариға, ярмини бошлариға соладурлар».

Юқоридаги ўйлар менда Ҳиндистоннинг собиқ Бош министри Индра Ганди хонимни телевизор экранларида кўрган чоғимда туғилган эди. Ҳатто юртнинг ҳукмдорлари ҳам халқнинг умумий, миллий урфларига риоя қилишади-я!..

**Байт:**

*Ҳаё посбонидир ҳиндлар сарийси,  
Ошиқ армонидир ҳиндлар сарийси.  
Ҳатто маликалар тарк этмас уни,  
Балки имонидир ҳиндлар сарийси...*

Ҳовуз-кўллар бисёр кўп, ер ости сувлари ҳам. Демак уммон яқин. Ҳовузлардаги рангоранг нилуфарлар кўзни олади.

Калкуттага 120 чақирим қолди. Фақат оч қора, йилтироқ зотдор сигирларгина семиз, бошқа мол, ҳайвонлар ориқ эди.

Инглизча ёзув кам, кўрсаткич-лавҳалар ҳам асосан урдуда. Ўқиёлмаймиз, баъзан қайси дарё, қайси шаҳардан ўтаётганимизни ҳам билмаймиз.

## **КАЛКУТТА. КЎНГИЛ ОЧАРЛАР ЖАМИЯТИ**

Соат иккиларда Хугли дарёсиинг таниш кўпригидан ўтдик-да, инглизлар қайта қурган Калкутта шаҳрига кириб, меҳмонхона излашга тушдик. «Хотел» деган сўзни тушунтириш қийин бўлди. Ошхонани ҳам «хотел» дейишаркан, “тил билмас мусофирларнинг қоринлари очгандир-да”, деб ўйлашса керак, нуқул овқатланадиган жойларни кўрсатишади. Ўзимизнинг кадрдон “Акаш Ганга”ни сўраймиз, елка қисишади. Сарсон бўлиб, кўчама-кўча юрибмиз (кейин билсак, шаҳарнинг чеккаларида айланаверган эканмиз). Ҳатто такси ҳайдовчиларни ёллаб ҳам эвини қилолмадик. Талабалар ётоғисимон бир бинога олиб боришувди, берк экан, қайтариб, бошлаб кетган жойларига олиб келиб қўйишди. Калкутта биз кўргандагидан янаям гавжумлашган, қатнов тиғиз, айниқса, одам-рикша кўпайиб кетган, бу ночорлар ортиб бораётганидан далолат эди. Шаҳар ҳам бир оз хароблашгандай эди. Бирок...

*Оқроқ юзли аёллар кўп,  
Кўчаларда юрар тўп-тўп.  
Жувонлари тўла-тўла,  
Қизлари ҳам бўла-бўла...*

Калкутталикларнинг қоп-қора эмас, буғдой ранглигига бу ёқларда ҳароратнинг унча баландмаслиги, ерларнинг анча захлиги, иқлимнинг мўътадиллиги сабаб бўлса керак.

Ниҳоят, яна бир рикша кўмагида Маркус кўчасидаги «Мансук кўноқхонаси»ни топиб, ўша жойдан Зокиржон аканинг таниши, Андижонда бўлган тадбиркор Жамил Манзарга кўнғироқ қилиб гаплашгач, хитой ресторанида овқатландик. Суюк (угра) ва қуюқ (норин билан қовурма лағмоннинг омухтасига ўхшаган) овқат едик. Анчадан бери тўйиб суюк овқат ичганимиз йўқ эди, баракаликкина экан, маза қилдик. Айримлар “Беер” ҳам нўш этишди...

Меҳмонхона олдида келсак, раҳбарнинг таниши иккита шериги билан кутиб туришган экан. Улар бизни тўқ қизил «ЖИП» машиналарида олиб кетишди. Узоқ юрдик. Калкутта ҳам қатта шаҳар экан. Охири профессор ҳазиллашиб:

— Ишқилиб, бизни яна Дехлига олиб кетмаяпсизларми, у ёқдан ўзимиз беш кун деганда аранг етиб келдик, ҳаммаёғимиз чақа бўлиб... — деди.

Жамил Манзар басавлат, қориндор (ҳиндларда бунақаси кам бўлади, семизлик, ҳарқалай тўқликдан нишона) киши эди, инглизчани яхши билмасди. Шериги — Муҳаммад Довул (муслимман, деди) пастакроқ, миқти жуссали, кўзойнак таққан, киришимликкина йигит таржимонлик қиларди. Бизнинг сўзлашувчи вакилимиз, табиийки — профессоримиз. У гаплашиб бўлиб, бир қисмини бизга ағдариб бергунча мезбонларнинг оғзиларига қараб, қулишса биз ҳам мийиғимизда жўр бўлиб турамыз.

Манзилга етиб бордик. Ясовуллар турган темир панжарали дарвозадан ресторансимон, гавжум бир бинога олиб киришди. Лекин, ресторан эмас. Одамлар бетартиб кириб-чиқиб юришибди. Биз икки ёни очик бурчакка ўрнашдик: юмшоқ оромкурсилар ўртасига чиройли, пастак, думалок, ихчам столлар қўйилган эди. Девоқларнинг энсиз, лекин кенг тоқчасимон ботиқ жойларига илинган суратлардаги ҳинд гўзаллари бизга қараб «Хуш келибсизлар, Бобур бобо юртидан ташриф буюрган азиз меҳмонлар», дегандай мулоим табассум қилиб туришарди...

Қорнимиз тўқ деганимиз учун, ҳар кимнинг таъби-хоҳишига кўра виски, жим (шаробнинг бир тури), пепси ва бошқа чанқовбосди ичимликлар буюришди. Газакка ковурилган ва қизилга бўялган (бу ранг овқат пардози шекилли, Тошкент паловига ишлатиладиган зарчава сингари) бўлак-бўлак товук гўшти ва ерёнғоқ мағизи (бозорларда бу нарса жуда сероб) беришди.

Залга фойе — даҳлиз орқали кириларди. «Зал» деганим — одам бўйидан пастроқ девор билан иккига ажратилган катта хона. Биз ана шу бўлмалардан бирида, девор томондамиз, ёнимиздан кейинги хоналарга кириб-чиқишяпти. Девор-тўсиқ орқасидаги қўшни бўлма орқали кириладиган яна бир хона бор. Хуллас, назаримда жами олтига хона бўлиб, биридан иккинчисига ўтиб, айланиб юраверадиган бир макон эди. Биздан нарироқ-да — бўлманинг ўнг бурчагидаги столда ҳам уч-тўрт киши (бир оила чамаси) енгил тамадди қилиб ўтиришибди. Бундан ташқари икки эркак ва икки аёл расм осилган токча-ром рафига истикондаги ичимликларини қуйишиб, оёқ узра турганча ўзаро гуруннга машғул эдилар.

Шаҳру қишлоқларда, йўлларда учрамаётган хонимларни мана шу ерда кўрдим: тўла, лорсиллаган жувонлар, дуркун қизлар (катта ёшдагилар ҳам, ўн тўрт-ўн беш ёшлилари ҳам бор)... Уларнинг аксарияти кўчадагилар каби этаги чуваланган узун сарийларга ўралган эмас, аксинча, ғарб ва ҳинд бичимлари омухталашган либосларда эдилар. Масалан тор кофта-юбкали (фақат, томоғи ости яйдоқ эмас!), лекин беллари очик аёллар бор. Хоналардан хоналарга ўтиб, даҳлиз орқали ташқарига чиқиб-кириб юришган қиз-жувонлар ўз қоматлари ва хусни-малоҳатларини кўз-кўзлашаётганга ўхшарди. Чиндан-да, уларнинг ўзларини «бозорга солса» арзийдиганлари кўп эди: оқ юзли, лоақал бугдой ранг бўлиб, юз тузилишлари бежирим, манглайи ва қошлари ўртасида холи ҳам йўқ. Айримлари сочларини ёзиб, орқаларига ташлаб олишганди. Эркаклар, асосан ўттизнинг юқорисидаги анча жиддий, салобатли кишилар эди.

Катта ёшдаги эркагу аёлларнинг ҳам баъзилари бир жойда муқим ўтиришмай, хонама-хона юришар, типпа-тик туришганча мусоҳаба қилишар, ичимликлар ичишарди. Менга негадир суҳбатлашаётганларнинг кўзи шеригидаю, назари, хаёли бошқа жойда...га ўхшаб туюларди. «Қадимги ҳинд ҳикматлари» китобидаги тагдор, қочиримли бир нақл ёдимга тушиб кетди: «Бир киши билан сўзлашиб ўтирган нозаниннинг карашмали нигоҳи иккинчи эркакда, хаёли эса учинчи бир одамда туради». Албатта, бу “ҳукм”ни ҳамма аёлга нисбатан чиқариш мумкин эмас.

Аёллар орасида тор, оппоқ (ва ё бошқа рангда) кофтада, вужудларининг эътиборга молик қисмларини намоёиш қилиб юрувчилар ҳам бор эди. Менимча, бундай кийинишдан асосий мақсад, дунёнинг ҳамма жойларидаги каби, диққатни жалб этишдан иборат эди. Ҳарқалай, уларнинг, бошқаларнинг ҳам, бу ерга алоҳида ясаниб-тусаниб, ороланиб-зеболаниб келишганини пайқаш қийин эмас эди. (Демак, бу — хотин-қизлар ўзларини эркинроқ тутишлари мумкин бўлган маскан!) Бундай зеболар Калкутта ва бошқа шаҳарларнинг кўчаларида ҳам юришса керак, лекин одатий сарийга ўралиб олишгани учун кўзга ярқ этиб ташланишмайди чоғи.

Агар ҳозирги вазиятга Бомбейда дуч келганимда, албатта, бу жувонларнинг аксарияти ҳинд фильмларида чала кийиниб рол ўйнайдиган ката-кичик «юлдузлар» бўлса керак, деб ўйлашим турган гап эди.

Мен беихтиёр яна машҳур, кино актриса Фотима Рашид — Наргисни эсладим. У хаёли, иффатли қизлар, вафоли ёр, жабрдийда, аммо миллатга, ватанга садоқатли оналарнинг хотирага абадий муҳрланиб қоладиган образларини яратган бекиёс истеъдодли санъаткор эди. Фотима Рашид мана шу Калкутта заминида унган кино, санъат наргиси эди. Афсуски, бу бетакрор, ҳаётда ягона бўлган гул барвақт сўлди.

**Байт:**

*Бенгал диёрида унибди Наргис,  
Кино қисматида кўнибди Наргис.  
Оламга наргислар бўйин таратиб,  
Ўзи хоки кулга дўнибди Наргис.*

Ҳа, менинг Наргисга бўлган эҳтиромим баланд эди. У ҳақда гап очдим. Бирок Муҳаммад Довуднинг кўзларида негадир мен кутган ифода — ифтихор алангаси чақнамади. Ҳайрон бўлиб, Неъматилло воситасида яна Наргиснинг бизда машхурлигини писанда қилдим.

— Ҳиндистонда ҳам шуҳрати дуруст, лекин биз унча суймаймиз, — деди Муҳаммад Довуд кўл силтаб.

— Нега? — деб сўрадим таажжубланиб.

— Чунки у ғайридин - номусулмон кишига турмушга чиққан...

Бу гапдан мен хийла мутаассир бўлдим.

Демак, Ҳиндистонда исломий ақидалар, шариат ҳукми талаблари биз чамалагандан кўра кучлироқ, қатъийроқ экан... Демак, биз фақат санъатига шайдо бўлиб, бошқа жиҳатларини фаромуш қилар эканмиз-да... Лекин эътиқод шундай нарсаки, у бирдан, бир кунда пайдо бўлмайди ва бирдан сўнмайди. Мен ҳозир барибир мана шу даргоҳга файз киритиб турган соҳибжамол жувонлар қиёфасида Наргис сиймосини кўришни жуда-жуда хоҳлардим.

Эркак-аёлларнинг бир жуфт, икки жуфт бўлиб ўтиришган, юришгани ҳам кўп эди. Ҳарқалай, бу одатий ресторан ё қаҳвахона эмас эди. Муҳаммад Довуддан сўрадик. «Дал хаузе институт» («Dal haize institute»), яъни «Кўнгиш очарлар жамияти» экан. Бу ерга фақат аъзо бўлганларгина киришаркан. Аъзоликнинг эса анчагина шартлари бор эди.

— Мен ҳам аъзо бўлиб, Андижондан келиб турсам бўладими? — деб сўрадим.

— Йўқ, хорижликлар қабул қилинмайди, — деди Муҳаммад Довуд саволимни чин фаҳмлаб. У ҳам бошқа ҳиндлар каби инглизчани нос чекиб олгандай талаффуз қиларди.

Бир қарашда шовқин-суронли, бесаранжом ковокхонага ўхшаб кўринадиган бу мулоқотхона одамда ғалати ҳиссиётлар уйғотар, кўзингни юмиб хаёл сургинг, нималардир ёзгинг келарди. Назаримда жамият аъзолари бир-бирларига яқин, соҳадош, касбдошлардай туюларди — санъаткор-ижодкор каби. Бизда ҳам шундай клублар, жамиятлар тузилса бўлмасмикин, биллиардхона-қиморхоналару тўполонхоналарни камайтириб... деган фикр ўтди кўнглимдан.

Жалил Манзарнинг чўнтак телефонидан Зокиржон ака Андижонга, Неъматилло Наманганнинг Уйчисига, яъни уйларига кўнғироқ қилишиб, тинчлик-омонликни билишди, кайфиятлар янада кўтарилди.

Ташқарига чиқсак, боя аҳамият бермаган эканман: жамиятнинг кенг, чорсу ҳовли-майдонида ҳам бир неча юз киши столларда тамадди ё шакаргуфторлик қилишарди. Асли, шанба, якшанба кунлари одам кўп бўларкану бугун Дивали байрами муносабати билан янада гавжум экан.

Хуллас, жуда ҳавасим келди.

Мезбонлар бизни меҳмонхонамизга олиб келиб қўйишди. Душ қилгач, яхши таассуротлар билан аввал хаёлга, кейин уйкуга чўмдим.

## СУВ ИЧИДА ҚОЛГАН ОДАМЛАР

*29 октябр, якшанба*

Соат ўнларда Жалил Манзар билан Муҳаммад Довуд келишди. Виктория музейига бордик. Асосий эшиги ва унинг ёнлари таъмирланаётган экан, ичкарига кирдигу тез-тез кўз югуртириб чиқдик. Бу ерда бобурийларга дахлдор курул-аслаҳалардан Аврангзеб номи ёзилган қилич бор эди. Уни Бенгалия навоби Муршид Қулихон совға қилган экан.

Ташқари — музей атрофларидаги кўл ва ям-яшил хиёбон-майдонлар ўтган сафаргидан ҳам гўзаллашиб кетган, жуда ҳам сайрбоп эди. Лекин афсуски айланиб юрмокка фурсат тиғиз эди.

Жалил Манзарга қарашли тери ошлайдиган корхонага бордик. Ҳовлига киришимиз билан тери ва бўёқларнинг хиди диморимизга гупиллаб урилди. Шифти баланд, кенг

хоналарда ошланган ва хом терилар ғарам-ғарам қилиб босиб ташланган эди. Фирмада иш юритувчи, бошқа ишчи-хизматчиларнинг ҳам асосий қисми мусулмонлардан иборат экан.

— Ҳиндистон аҳолисининг йигирма беш фоизи мусулмон, — деди Муҳаммад Довуд. — Эрондан, Афғонистондан, сизлардан келиб аралашиб кетган исломийлар...

Ҳиндистонда байрам кўплигини мана шу фирма деворига осифлик таквим (календар) ҳам айтиб турарди: октябр ойида ўн икки кун қизил ранг билан белгилаб қўйилган эди.

Соат ўн бирларда Бангладешга жўнадик. Мезбонлар бизни катта йўлгача кузатиб қўйишадиган бўлди. Калкуттанинг ўнг чеккасидан айланиб кетяпмиз. Шаҳар чапда қоляпти. Назрул Ислон (машхур шоир) шоҳ кўчасидан бир оз юрилгач, асосий йўлдан ўнгга, ичкарироққа кириб, баланд, муҳташам бино олдида тўхтадик. Бу ерга нима учун келганимизни ичкарига киргандан кейин англадик. Мезбонларимиз бизни яна меҳмон қилишмоқчи экан. Уч ошёнали бу бино ҳам кечқурунгига ўхшаган клуб, бойлар жамиятига қарашли ресторан экан. Бизни учинчи қаватдаги, афтидан энг мартабали меҳмонларга мўлжалланган залга олиб чиқишди. Ҳожатхона ва қўл ювадиган бўлмаларга ҳавасингиз келади, «кўл чайиш...га» хижолат бўласиз: гард йўк, чиннидай тоза, шундоқ ялтиллайдик, аксингиз кўринади. «Шунақа жойлар ҳам бўлар экан-ку», деймиз хайрат билан (У даврларда бизда бундай шароитли, жиҳозли холижойлар кам эди).

Ранго-ранг ичимликлар, турли хилда пиширилган товук гўштлари...

Хизмат қилаётган йигитлар ғоят хушмуомала, назоқатли, кийимлари ҳам охорли...

Хуллас, Жалил Манзар бизни хўп сийлади. Мен ўтган сафар бизни Деҳли ҳаво йўлларига қарашли яшил майдонда шундай қуюқ меҳмон қилган жаноб Матхурни эсладим. Ҳиндларда ҳам одамгарчилик, меҳмондўстлик зўр экан (Ҳар иккисига ҳам Зокиржон ака Андижонда мурувват кўрсатган, бу зиёфатлар, шубҳасиз ана шу илтифотларнинг идиш қайтиси эди).

Катта йўлда олийҳиммат янги кадрдонларни яна Андижонга таклиф қилиб, улар билан қуюқ хайрлашдик.

Кўчанинг икки ёни қалин дарахтзор: палманинг жамики тури мавжуд ва бисёр, кўл-ҳовузлар ҳам бири иккинчисига тутшиб кетган эди.

Йўлнинг қадимийлиги шундан аёнки, икки бетдаги банан ва бошқа дарахтлар танасига уч-тўрт кишининг ҳам қулочи етмайди.

Кўча тор, қатнов тигиз, иккита енгил машина рўпара келиб қолса, қисилиб, аранг ўтишади. Шунинг учун шитоб юриб бўлмайди. Соатига йигирма км. тезликда кетяпмиз. Икки тарафдаги катта-кичик кўлмаклар кўлами кенгайиб-кенгайиб бораверди ва ҳовузларга, яна бироздан кейин бепоён кўлга айланди. Икки томондаги, кўчага яқин ё ўттиз-қирқ қадам ичкаридаги баланд-паст, катта-кичик, тартибсиз тушган уй-жойларни сув босган, эгалари йўлнинг икки қирғоғига эски-туски матолардан чодир, қапа тикиб олишганди. Сув ичида қолган масканларнинг томида ёки кемага ўхшаб турган ҳужраларда ҳам муваққат кун кечиришаётганлар бор эди. Ўша «оролча»ларга ўтиш учун бамбуклардан узун, омонат кўприклар ясаб олишганди. Одам ўтаётганда кўприкларнинг бели эгилиб, сув остига кириб кетарди. Аҳвол жуда аянчли: каттаю кичик, хотинлару болалар йўлнинг сув чиқай-чиқай деб турган қирғоқлари бўйлаб у ёқдан-бу ёқда юришар, ҳамма яшаш, тирикчилик пайида, нимадир юмушлар билан банд эди. Яланг оёқ, калта лунгида, сон ва болдирлари бамбук поясига ўхшаган қотма эркаклар сув, ўтин ё бошқа нарсалар ташишарди.

Юзлаб оила уйсиз қолган эди. Эҳ, бояқишлар! Аслида буларнинг «уй» дегани шартли нарса-ку, ҳартугул, макон эди-да (бузилган, ярми кўл ичида ётган кулбаи вайроналарни кўриб шундай тасаввур уйғонади). Бошпаналарнинг аксарияти қизил ғишдан ё ингичка ёғочлардан қурилган бўлиб, ниҳоятда эскириб, хароб ҳолатга келиб қолгани билиниб турарди. Айрим жойлардаги икки ошёнали ё болаҳонали хонадонларнинг (улар анча давлатманд кишиларники бўлса керак) эгалари тепа қаватда яшашяптими, ҳарқалай, қўймаланиб юришибди. Ўша бинолар сув ўртасида тебраниб тургандай туюларди. Одамлар яна у ер-бу ерда тўпланиб, гўё бир-бирларига дарду хасратларини тўкиб туришар ё уяси бузилган аридай тўзиб, мақсадсиз ғимирлашаётганга ўхшарди.



Йўлнинг икки бетидаги улкан дарахларнинг бўй етадиган жойигача жуда ҳафсала билан, косанинг оғзича — бир хил ҳажмда маҳорат билан таппи-тезак ёпиб ташланган эди. Қатори шунақа текиски, маржондай териб қўйилган, дейиш мумкин эди. Бу ҳудудда ўша тезакдан бошқа ўтин, газ, электр ҳам йўқ, эди (тошфонар ишлатишаркан). Бу яқин атрофда бирон корхона ҳам, ўтлоқ ҳам, шопиоя ҳам (улар сув остида қолган бўлиши мумкин) йўқ. Аҳоли нима юмуш билан шуғулланадию, нима билан тирикчилик қиларкин? Мол-эчкиларини қандай боқаркин?

Кийимлар ҳам хароб, сув бўйи, шундай зах ерда оёқ яланг юришгани кўп. Латта чайлалар ичида кўрпа-тўшак ҳам кўринмайди. Денгиз бўлиб чайқалаётган қўллардан салқин шабада уфуриб турибди. Мабодо яна бир тўлқин келса нима бўлади? Наридан-бери кўнқайтириб қўйилган чодир, капаларнинг холи нима кечади? Шу аҳволда қачонгача яшашади, келгусида уларни қандай қисмат кутмоқдайкин? Эҳ, инсон зотининг исрофи бунча кўп-а...

Ниҳоят, сув босган жойлар ортида қолиб, Петраполга — Ҳиндистоннинг шарқий чегараси ва божхонасига етиб бордик. Чегарада бизни узоқ тутиб туришмади, лекин мана шу озгина фурсат ҳам бизга етиб ортиди. Пашша, адабий тил билан айтганда, чивин шунақа кўпки, чегара-назорат биносининг девор-устунларида, шифтларида ҳашоратсиз кафтдай жой йўқ. Ҳужжатларга қўл қўйиб чиқиб кетгунча иккала қўлимиз ҳам бир зум тинмади. Хизматчи-ходимлар эса парвосиз, бемалол ўтиришарди. Афтидан, уларнинг қони чақонғир-сўрувчиларнинг меъдасига урган бўлса керак. Ё ерликлар вужудида бу махлуқотларга қарши иммунитет ҳосил бўлиб, уларнинг найза-наштари таъсир қилмай қолганми... Ё шу жониворлар ҳам «импортни»й қонга ўч экан шекилли...

**Байт:**

*Паишалар, мўр-малах, баттол паишалар,  
Чақиб зурра-зурра қилиб таишларлар.  
Девор, устунларда чирмовиқ дейсиз,  
Бечора одамлар қандай яшарлар?*

Пашша ташқарида ҳарқалай ичкаридагичалик эмас эди, лекин яшшамагунлар машина салонига тўлиб олган экан, кейин анча йўлгача адабимизни берди.

Неъматиллонинг инглизча ҳазиллари бегоналарда яқинлик ҳиссини уйғотишда (албатта, юмор туйғуси борларда), гумонларни тарқатишда жуда қўл келяпти. Ҳазил, кулгунинг нақадар улуғ, ҳаммабоп неъмат, беғараз элчи, иш битиришда холис воситачи эканлигига яна имон келтиряпман. Чақчақчи профессоримиз баъзан чегарачиларни мактаб, қўлтиғига сув пуркар, ҳазил, мактов билан удда қилолмаса пўписага ўтарди, яъни, тил уқмас «тўнка»лар билан ўзларига яраша муомала қиларди.

Алқисса, инглизча ҳазиллар шарофати ила божхоначилар бизни қаҳва билан меҳмон қилишди. Сухбат асносида бояги вайрона жойлар Шимолий Бенгалияга қарашли бўлиб, сентябр ойининг охирида юз берган сув тошқини оқибатлари эканлигини билдик.

Сўнг божхона раҳбарларидан бири бизни Бангладеш чегара-назорат ҳудудигача кузатиб қўйди.

# **БАНГЛАДЕШ**

## **ЯШИЛ МАМЛАКАТ. НОСТРАДАМУС БАШОРАТИДАН САҚЛАСИН**

Бу ер Банапол (Ҳиндистон чегара-посёлкаси номи билан уйқашлигини қаранг, бу, мана шу худдудларнинг илгари бир юртга қарашли бўлганидан далолат бериб турарди) дейиларкан.

Даккага 312 км. қолибди.

Божхонада чироқ ўчиқ эди. Раҳбар билан профессорни маҳкаманинг йўлдан ичкарироқдаги тошфонар йилтиллаб турган идораси томонга бошлаб кетишди, Бошқаларимиз кўча қирғоғида у ёқдан бу ёққа юриб турдик. Йўл бўйида баланд дарахтлар бўлиб, ним ёруғ-қоронғида жуда баҳайбат, ваҳимали кўринарди. Дарахтнинг номини реинтри («три» — кўшимча шекилли, аввал ҳам дарахт-гул атамаларида эшитувдим, масалан «ашока три») дейишди. Биттасининг шоҳлари шунақа тарвақайлаганки, ярми Ҳиндистон, ярми Бангладеш худдудида бўлиб, қадамлаб чамалаб кўрсак, кўланкасининг умумий айланаси камида саксон метр келарди. «Икки-уч юз ёшли дарахтлар», дейишди шу ерда хизмат қилаётган аскар йигитлар.

Узоқиб кетишди. Ғала-ғовур, тортишувлар қулоғимизга элас-элас эшитилиб турарди. Бир вақт чиқишди-да, кўчанинг нариги бетидаги бинода ўтирадиган божхона бошлиғи олдига боришди. Сал далда бўлайлик, экспедициямиз салобатлироқ, кўринсин деб биз ҳам кўшилиб, кўпайишиб кирдик. Чиндан ҳам далда бўлдикми ё чакчақчи профессоримиз шу ерда услубий маҳоратининг иккинчи қиррасини ишга солишга қарор қилдими, «Ҳозир мени Молия вазирингиз билан улайсиз, мен шикоят қиламан», деб сиёсат юргизувди, иш тезлашди, лекин унғача вақт кеч — соат тўққиз бўлиб қолди.

Ниҳоят, Бангладеш (Бобур даврида Бангола, кейин Бенгалия деб юритилган) пойтахти Даккага жўнадик. Афсуски, қоронғида атроф-табиат манзараларини яхши кўриб бўлмасди. Лекин йўл анча дуруст, иккала тараф ҳам қуюқ дарахтзор ва уларнинг аксарияти палмалар эди. Тез-тез йўлдан анча кўтарилиб қурилган (сув тошиш ҳавфи борлиги учун) кўприкка рўпара келардик, демак, сой-анҳор кўп.

Қирқинчи километрда, Жесор деган шаҳарда тўхтадик.

### **30 октябр, душанба**

Ихчамгина Жесордан кетиб боряпмиз. Кўчалар тозаланиб, ахлатлар машиналарга ортиляпти. Дўконларнинг олдиларини супуришяпти, қонараларга мол гўштлари илиняпти (Ҳиндистон худудида ҳеч бир жойда гўшт осифлиқ қассобхона ё дўкон кўрилмаган эди). Албатта, бу мусулмонлик аломати эди.

Икки кишига мўлжалланган, асоси уч ғилдиракли велосипеддан иборат капали извошлар шаҳар ичида такси вазифасини ўтайдиган асосий улов эди. Улар Покистоннинг сандиқ машиналари каби безалган, аксариятининг оёқ кўядиган супачаси орқасига ёпиштирилган йириккина рангли суратда сизга бир нозли малак қиё боқиб, гўё «Ортимиздан юраверинг...» деган маънода имлаб кетаётганга ўхшарди (ўша пайтларда шундай расмларни енгил машиналарнинг орқа ойнасига орқага қаратиб қўйиб юриш бизда энди урф бўлаётган эди).

Шаҳардан чиқишимиз билан яна кўлмак сувлар ва ёш дарахт қаторли, торроқ йўл бошланди. Бепоеъ далаларда шоли ҳам пишмаган, лекин бир текис бош олган. Ҳосилнинг мўл-кўллиги сезилиб турарди. Шолিপояларда ёввойи ўт умуман кўринмасди.

Палмаларнинг асл ватани шу худдуд экан. Бирининг япроқлари ханжарсимон, яна бирини икки киши тортадиган катта аррадай, фақат четлари текис, худди шундай улкан барглари панжа-панжа палма ҳам бор эди.

Кечаси ёмғир ёғиб ўтган экан, ҳаво очилай-очилай деяпти. Шолилар сув ичида, ётиб олган... Бу ёқда ҳам тупрок ранги Ҳиндистондагидай одатий рангдау, ғиштлари ҳам ўша ёқдаги каби жигарранг...

Машина қатнови, одам қалинлашиб бормоқда.

Фатки дарёсидан ўтиб, бир оз юрганимиздан кейин узун, маҳобатли Горай кўприги келди.

Йўлнинг икки томонига раста қилиб экилган манзарали дарахтларга ва хатосиз ўсган ана шу кўчатлар алоҳида файз, хусн бағишлаган табиатга ҳавасимиз келди. Бизда ҳам ҳар йили кўкдамда ҳашар қилиб кўчат экиладию (масалан арча, каштан), назорат сусайгач (ахир раҳбарларнинг дарахтларни назорат қилишдан бошқа юмушлари ҳам кўп-ку!), ниҳоллар ўз ҳолига ташлаб қўйилади, вақтида суғорилмайди, натижада секин-аста, оралаб-оралаб қурий бошлайди ва кекса одамнинг тишлари каби ҳаккам-дуккам бўлиб қолади. Келаси баҳор яна қайтадан экилаверади (Ўша йиллари шундай эди). Аммо, шаҳару кишлоқ йўлларимиз анча яхшиланиб қолган, Покистон ва Эроннинг биз кўрган, жаҳон андозасидаги кўчалари олдида бир оз ҳижолат бўлиши мумкину аксарият мамлакатларнинг йўллари билан бемалол бўй ўлчаша олса керак.

Табиат тобора гўзаллашиб борарди. Даккага 130 км. қолди. Йўл бўйларида фақат бамбук ёғочи сотиладиган бозорлар бор эди. Бамбукни сувга солиб қўйишаркан (Бизда кейинчалик қурт тушмаслиги учун толхода шундай қилинади).

Аҳолининг айрим тутумлари ҳиндларникига ўхшайди. Булар ҳам дарё, қўлларнинг бўйларида кирни, яъни уст-бошни тахтага уриб ювишаркан. Қизлар узун кўйлак-шалварда, сочларининг учларини кифтлари оша орқасига ташлаб олишарди. Аёлларнинг белини очиб юргани жуда кам. Эркакларнинг асосий уст-боши кўйлак ва лунги-юбка — дхоти. Аммо бангладешликлар хийла саришта эдилар. Ёзувлари ҳиндийдан бир оз фарқ қиладиган бенгал ёзуви ва тили эди.

Йўлдаги шаҳарчаларда ҳам асосий тирикчилик воситалари — велосипед-файтуну ошхоналар экан.

Балиқ овлаётганлар ҳар қадамда учрайди. Махсус бозорлардаги балиқлар турининг кўплигига қараб, бу жонивор ҳам бангладешликларнинг дехқончилиги, ризқи-рўзи экан, дейсиз, лекин тўп-тўп, майда, жудаям ушоқ чавақларга ачинасиз, эсизгина, увол қилишибди, дейсиз.

Сув ҳовуз-ҳовуз бўлиб, кўллаб, қирғоқларга тошай-тошай деб турган жойлар кўп, умуман обихаёт сероблигини кўриб башоратчи Нострадамуснинг Бангладешни келажакда катта сув босиши ҳақидаги фоли рост чиқмасин-да, ишқилиб, дейсиз, олис Фарангистонда бир неча аср илгари яшаган фаранг фуқароси бу худдудларда сув кўпайиб кетишини қаердан билганикин, деб ҳайрон бўласиз. Асли ўзи сиру синоатдан иборат бўлган одамзот онги, тасавури ва идрокининг мўъжизалар манбаи эканлигига тан берасиз, мулоҳазалар, мушоҳадалар уммонига ғарқ бўласиз...

Уйчалар (ихчам-ихчам кулбаларни росмана уй дейиш қийин-да, ахир биз кейинги пайтларда уй деганда кўп хонали, баланд ва ҳатто икки-уч қаватли биноларни тасаввур қиладиган бўлиб боряпмиз-ку)анча маданий: томи, ҳатто деворлари ҳам шиферсимон шаклли оқ тунукадан эди.

Ўтин сотадиган бозорлар учрай бошлади. Қизиқиб,бирида тўхтадик. Катта осма тарозида тортиб беришяпти. Қирқ килоси етмиш така<sup>3</sup> экан. Эллик тўрт така – 1 АҚШ долларига тенг эди (Долларга чақадиган бўлсак, биздаги кўмирнинг 2001 йил январ ойидаги нархига яқин экан).

---

<sup>3</sup>Така – пул бирлиги.

## ПАРОМДАГИ МОЖАРО. ДАШНОМ

Даккага юз км. қолганда Пада деган дарё келди. Суви ниҳоятда ёйилиб оқадиган бу муъжаз уммондан паром орқали ўтиларкан. Ўсмирлар катта-кичик саватларда майда балиқлар, пишириб қозга ўралган балиқ, қисқичбақа, банан, ҳар ҳил қандолат маҳсулотлари, ширинликлар, жигарранг қилиб қовурилган ер ёнғоқ мағизи (бодом дейишаркан) сотиб юришибди.

Машина билан паромга чиқаётганимизда бир такси ўнг ёнбошдан суқилиб келиб (киракашларнинг феъли ўша ёқларда ҳам шу экан, уларнинг тупроғи бир жойдан олинган шекилли-да), урди. Бензин баки ости озгина ичига кириб қолди. Неъматилло таксичи билан «музокара»га киришувди, ҳайдовчининг ўзи ҳам, ҳайбарақаллачи-ҳангоматалаблар ҳам: «ҳе, бу арзимаган нарса-ку», деб парво қилишмайди. Калкуттада ҳам шундай бўлувди. Унда меҳмонхонамиз олдида, йўлдан четда турган машинамизнинг чап ёнидан от қўшилган бир извош шотиси билан туртиб юборганда меҳмонхона навбатчиси: «кўйинглар, бу бахтсиз ҳодиса-да, бунинг устига, рикша қашшоқ» деб уни қўйиб юборган эди. Такси ҳайдовчи билан анча можаро қилдик, лекин ҳеч бир натижа чиқмади. У ҳам: «машина бошқа одамники, мен ғариб бир ижарачиман холос», деб бет-кўзини юлиб тураверди. Нима қиласиз, урасизми?.. Охири: «Яхши, сен билан Даккада полицияда гаплашамиз», деган пўписа билан можарога вақтинча чек қўйдик.

Паромда узоқ юрдик. Дарёни Ҳимолайдан келади ва Бенгал кўрфазига қуйилади, дейишди. Ҳамма томонимиз офтоб нурида ялт-юлт қилиб, бир текисда, оҳиста чайқалаётган нос ранг сувдан иборат, қаёққа қараб кетаётганимизни ҳам фарқлаш қийин эди. Узоқ-узоқлардаги дов-дарахтлар ўт-ғиёҳлар каби аранг кўзга чалинарди. Чингиз Айтматовнинг «Соҳил бўйлаб чопаетган олапар» қиссасидаги турфа феълли қаҳрамонларнинг таҳликали ҳолатлари кўз олдимга келди. Қирғоқ-манзилдан ном-нишон йўқ, қуюқ булут ва туман ичида қолган бепоён денгиздаги чорасизлик, умидсизлик даҳшатини ҳис қила бошладим... Ўнг тарафдаги соҳилга яқинлашганимизда у ерда яшаётган одамларни, уларнинг оқиш, қизғиш сигирларини элас-элас кўриб, енгил энтиқдик. Назаримда биз олис ва ҳадди-худдуди чегарасиз бўшлиқда узоқ тентираб, тўтиё тупроққа — қадрдон ва меҳрибон Заминга қайтиб келгандай эдик. Паромнинг «бекати» банд экан, бериқда анча туриб қолдик. Таксичи қирғоққа чиқибок биздан олдин яна сурлик билан ораларга суқулиб, жуфтакни ростлаб қолди.

Порт қишлоқдан чиқиб кетиш ҳам қийин бўлди. Машиналар кўп, тикин, урхо-ур, у ёққа тур, бу ёққа торт билан икки чақиримча масофада тагин бир соат вақтимиз кетди.

Яна гўзал йўлга тушиб олдик.

Яна икки тарафда сув босган шолиторлар, энди экилган шолитар. Баъзида йўл сув ўртасида қолгандай бўлади.

Яна кўприк, яна ортида кўллаб ётган шолиторлар кўриниб турган қишлоқча, яна балиқчилар...

Балиқчилик чиндан ҳам катаю-кичикнинг асосий машғулоти экан, балиқ овлайдиган тўрлар, ҳавозасимон мосламалар, қармоқ солиб ўтирганлар деярли ҳар қадамда учрарди.

Даккага йигирма чақирим қолганда бозордан иккита семиз зоғора балиқ (5 кило, 1 килоси 17 такадан) сотиб олиб, ошхонада ўзимиз тозалаб, ошпаз билан бирга қовуриб еб, ҳузур қилдик. Фақат балиқ тозалашимиз ва ейишимизни кўришга ишқибоз томошабинлар кўп энсамизни қотиришди. Уларни ҳайдаб, пўписа қилсангиз ҳам сал нарига бориб, кулимсираб тураверишарди.

Даккага ўн беш км. етмай, Сован шаҳарчасидан ўтяпмиз. Соат 16.20. Кун қизариб ботмоқда. Йўлнинг чап қирғоғидан қаторлашиб қизлар келишарди. Аёллар ишлайдиган корхонадан чиқишган бўлса керак.

16.30. Куёш орқамизда — шаҳардаги уйларнинг томларига осилиб қолди. Ўнгда яна бепоён сув — кўл...

Офтоб батамом ботди. Унинг акси осмоннинг ўша қисмида, қизғиш доирада анча турди.

Даккага қоронғи тушганда кириб бордик. Бу ерда ҳам қатнов ниҳоятда тиғиз эди. Ҳар доимгидай, соатлаб меҳмонхона излаб асабийлашмайлик, дедик-да, бир рикша ёрдамида осонгина қўноқ топдик.

Дакканинг аввалги оти Жаҳонгирнагар бўлиб, ҳозир ҳам кексалар шу ном билан аташаркан (лекин бу оғзаки гап).

Меҳмонхонамизни «Пайра», шу мавзени эса Сомали дейишаркан.

«Дакка» сўзи ҳосилдорлик маъбудаси номидан олинган. Шаҳар Гангнинг ирмоғи — Бурхиганг дарёси бўйида жойлашган, ўз даврида бобурийлар Ҳиндистони таркибида эди. Дакка Бангладеш (Бенгалия)нинг кўҳна шаҳарларидан, XVII аср охири ва XVIII аср бошларида хунармандчилик ва савдо бўйича дунёдаги энг йирик марказлар даражасига кўтарилган. Кашта, олтин ва кумушдан ясалган буюмлари кўп мамлакатларда, хусусан Оврўпада машҳур бўлган. Инглизлар истилосидан кейин Ҳиндистонга Англиядан кўплаб газлама ва бошқа товар, маҳсулотлар келтирила бошлагач, маҳаллий хунармандчилик ва савдо инқирозга учрайди.

Дакка йигирманчи аср бошларида миллий мустақиллик йўлидаги ғалаёнлар алангасининг ўчоқларидан бири бўлди. 1906 йилда бу ерда мусулмонлар лигаси тузилади. Покистон давлати ташкил топгандан сўнг (1947-71 йиллар) Дакка Шарқий Покистон (Шарқий Бенгалия)нинг маъмурий маркази. 1971 йили Шарқий Бенгалия мустақилликка эришгандан кейин Бангладеш Халқ Республикаси вужудга келади ва Дакка яна пойтахтга айланади.

Дакка ҳозир жаҳондаги, хусусан Шарқдаги энг ғала-ғовур шаҳарлардан биридай туюлди менга. Меҳмонхонамиз шовқин-сурон билан ишлайдиган корхона ё завод ўртасига тушгандай эди.

Меҳмонхона ёнида телефонхона бор экан, раҳбар топшириғи билан профессор иккаламиз Ўзбекистоннинг Бангладешдаги консулига кўнриғок қилгани кирдик. Шу ерда узун ва ёппа соқоли, мўғул башара, бўйчан, ёши элликлардаги бир киши биз билан қизиқиб қолди. «Ўзбекистонданмиз», десак, «Ҳа, Рашин?» (яъни «Россия») деди. Неъматилло «но Рашин, мустақил Ўзбекистонданмиз, истиқлолга эришганимизга ўн йил бўляпти», деган эди, нотаниш кимса «Ёзувинглар кирилми, ахир?» деб сўради яна беписандлик билан. Неъматилло лотин алифбосига ўтаётганимизни айтди. «Буям сизларнинг алифбоингиз эмас-ку», дея яна нозик жойимиздан тутди мўғул башара, яъни «барибир ўз ёзувларинг йўқ-ку» демокчи бўлди у.

Менга жуда алам қилди. Ким ўзи у мўғул башара? Бизнинг алифбоимиз билан нима иши бор? Бу гапларни нега гапирди — ўзининг билимдонлигини кўрсатиш учунми? Ё бошқа мақсади ҳам бормиди?..

Меҳмонхонада пашша бор экан, жонни анча беором ва уйқуни пароканда қилди. Соат учларда туриб олдик. Машина қатнови камайган, аммо рикшаларнинг бақирик-чақириклари бошланган эди.

## ТИЛАНЧИЛИК ЯРАШМАГАН МҲЙСАФИДЛАР

*31 октябр, сешанба*

Шундай қилиб, миллионер шаҳар Даккадамиз. Уйдан чиққанимизга роппа-роса йигирма кун бўлди.

Бу ерда идоралар барвақт ишга тушаркан. Одатдаги таомларимиз — чепоти ва куймоқ (Неъматилло топиб келди) билан апил-тапил нонушта қилдик-да, йўлга тушдик. Кечкурун телефонда билиб олган манзил — «Гулшан банаки-1»ни излаб кетдик.

Янги бозор деган йўналишда боряпмиз. Йўл бўйидаги стадионда саҳарлаб футбол ўйнашяпти. Ташкилотларнинг олдилари ям-яшил майдон-чимзор. Ораларда хиёбонлар. Хиёбонларнинг четларида кокос палмалари... Кўчалар анча маданий ва саришта.

Соат олти ярим. Қатнов тиғизлаша бошлади.

Ўртасидаги пушталарга кўчатлар экилиб, ёғоч панжаралар билан ихота қилинган йўллар эски Дехли кўчаларини эслатади, лекин озода, кавш қайтариб ётган сигирлар йўк. Умуман кўчада ҳайвон учрамаяпти.

Аёллар енгил, юпка, шарфсимон рўмол билан бошини, кўйлак устидан белигача олдию орқаларини ўраб юришарди. Ҳаммаси тўпиғигача тушадиган шалварда. Баъзи қиз-аёлларнинг рўмол-кўйлак-шалварлари бир хил рангда. Ора-чурада қора чодралилар ҳам учраб туради (Ҳиндистонда бу ҳаргиз кўрилмаган ҳол). Бошяланг юрган қизлар ҳам бор, лекин бармоқ билан санарли. Йигитларнинг кўйлак-шим кийгани кўп.

Кекса, оппоқ соқолли кишиларнинг тиланаётганини кўриб, ичингиз оғрийди. Негадир хайр-садақа бераётган одам кўринмайди, тиланчининг ёнидан бепарвогина ўтиб кетишяпти. Мўйсафидлар тинмай илтижо қилишарди. Бир ўрис шоирининг шеъри эсимга тушади:

*Эзгу монастирнинг ёнида турар  
Озгин бир бечора, жонсиздай бетоб.  
У эгиб бўйнини садақа сўрар,  
Очлик, ташиналикдан чекиб изтироб...*

Дунёда энг қабих иш — ўғрилик ва энг тубан машғулот — тиланчилик, менимча. Кексалар-ку майли, хайр-эхсон сўраб турган болаларни кўриб ҳам раҳминг, ҳам қаҳринг келади. Балки улар ҳам бошда, ноилож қолган пайтда фақат бир марта тилаб оламану, кейин минбаъд бу ишга қайта кўл урмайман, деб ўйлашар, иккиланишар, кимлардандир, нималардандир норози бўлишар, ўзларидан нафратланишар (Барча ёмон ишларнинг дастлабкиси кийин, ҳатто қотилликнинг ҳам!). Кейин яна бир марта, сўнг учинчи марта... Қарашса, анча осон иш экан — ортиқча меҳнат талаб қилмайди, фақат юриш, кўлни чўзиш керак. Тилга бир оз оғирлик тушади, холос. Шу тариқа тиланчилик худди ўғирлик каби оддий касбга айланиб бораётганини садақачининг ўзи ҳам пайқамай қолади. Кейин улар ҳатто ўзларини оқлашиб, уларнинг назарида осон пул топаётганларга ғашлари келаётганини ҳам яширмай кўядилар, шу ҳолга тушишгани учун айбни замон елкасига юклашиб, нолийдилар. Аслида, ўша дастлабки кассавурлик ё садақа нонига илашиб вужудига кирган ёвуз қуртлар улардаги ҳамият, орият, ғурур деган, кишининг қаддини адл ва ғоз тутиб турадиган пойдор устунларни секин-аста кемириб йитирарди. Уларнинг ўрнига ўғрининг дилида ҳадик, кўзида безовталиқ, тиланчининг нигоҳида эса ўтинувчи ҳалимлик, мўлтираш, илтижо, хуллас, одамни ночор кўрсатувчи омиллар юзага чиқади.

Дакка кўчаларидаги мўйсафидларга негадир тиланчилик ярашмаётганга ўхшарди, улар истарали, покиза кийинишган, соқоллари оппоқ, нуроний қариялар эди. Ҳатто бир нарса беришга тортинасиз...

Дакка катта шаҳар экан, консулларимизни сўраб-сўраб, бир ярим соатда топиб бордик. Гулшан хиёбонида (аслида биз тушунадиган хиёбон эмас-ку, шундай дейишаркан), катта йўл бўйидаги ҳар хил ташкилотлар, миллий банк жойлашган бинода экан.

Соат етти ярим, бу ерда саккиз ярим. Ҳали ишга келишмаган экан. Покистон сандиқ-жавон машиналари каби безатилган велосипед, скутор, фэйтунларни томоша қилиб турдик (Умуман, покистонликлар билан бангладешликларнинг кийиниши, юриш-туриши, тутумларида анчагина муштарақлик бор эди, бу ҳол уларнинг яқин ўтмишда чиндан ҳам бир юрт аҳли бўлишганидан ва бир динга мансублигидан далолат бериб турарди).

Ўзбекистон ҳаво йўллари Бангладеш агентлиги бошлиғи келди. Бўйчан, савлатдор, ғўдайганроқ бир йигит экан. Кўллари чўнтақда, бизни кўриб хурсанд бўлмаганга, аксинча, ғаши келганга ўхшади. Балки ўскин соқолларимизни (раҳбар Афғонистонга соқолсиз ўтиб бўлмайди, деявергандан кейин, мана бўлмаса, деб соқол-мўйловларни ёппасига кўйиб юборган эдик), дазмолсиз кўйлак-шимларимизга, машинамизнинг қорайтирилган орқа ойнасидан чалароқ кўриниб турган ашқол-дашқолларимизга қараб, булар қандай дарвешлар экан, ё чув тушиб, ёрдам сўраб келишган тижоратчилармикин, деб ўйлаган бўлса эҳтимол. Унинг исми Оллоёр экан. Ёрдамчиси Орифжон анча дилкаш, хушмуомала йигит эди. 1998

йили ташкил топган консулхонамиз ҳозирча ҳаво йўллари агентлиги қарамоғида бўлиб, консул Фаҳриддин яқинда ишга келган экан.

## МОСКВАЛИК КЕЛИННИНГ ЭРИ

Даккада анча аввалдан халқаро тайёрагоҳ бор. Ўзбекистон ҳаво йўлларининг ана шундай аэропортлар билан ҳамкорликда дунёнинг йирик мамлакатларига самолёт хизмати кўрсатиши мутақиллигимиз нишонасигина эмас, иқтисодий тараққиёт сари ташланган йирик кадам, жаҳон миқёсида катта нуфуз аломати ҳам эди.

Кейин билсак, Оллоёр (исмидан ҳам тахмин қилиш мумкин эди) хоразмлик экан. Хоразмликлар дангалчи одамлар, табиатларида ортиқчи хуштавозелик, сохта манзират йўқлиги учун сал дағалроқ туюлишади. Аслида улар жуда меҳмодўст, одамшаванда бўлишади. Барча хоразмликларга хос бўлган хусусиятлар, табиийки, Оллоёрда ҳам мавжуд эди, қолаверса, у рус мактабида ўқиган экан.

Консулхонамиз бинонинг учунчи қаватида, бир неча хонадан иборат эди. Деворлардаги Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларининг диққатга сазовор – сайёҳбоп жойлари акс этган манзара-суратлардан Ўзбекистоннинг нафаси келиб тургандай эди.

Ҳаво йўлларимизнинг Мунир Аҳмад исм-шарифли иш юритувчиси бор экан. У русчани анча яхши биларди. Москвада ўқиб, рус қизига уйланган, бир қизалоқ ва бир ўғли бор экан. Бангладеш миллатига мансуб бу йигит қош-кўзлари қора, юзи нисбатан оқ, келишгангина эди.

— Болалар кимга ўхшайди? — деб сўрадик.

— Онасига, - жавоб берди Мунир кулиб.

— Демак, қаттиқ севилган экан-да

— Лекин хотиним мусулмон динини қабул қилган, — деди Мунир керилганнамо. — Фақат, намоз ўқимайди.

Тавба, дейман, Дехлида хинд йигитига теккан ўзбек қизи, бу ерда... Қизларга нима бўляпти ўзи? Камёбу лекин барибир ғайри ҳодисалар. Ота-оналар қизини қўшни қишлоқ ё шаҳарга ҳам бергилари келмай, мумкин қадар яқинроққа узатиш пайдан бўладилар. Фарзандлари – қизлар эса бир эр учун ўз элидан, ўз тилидан, ҳатто эътиқодидан, яъни динидан ҳам кечиб, тупканинг тагигагина эмас, олис-олис хорижий мамлакатларга кетишдан ҳам тоймайдилар. Бошқа қариндошлари-ку, майли, ота-онамни, ака-ука, опа-сингилларимни кўргим келса, ё улар мени соғинишса нима қиламиз, қаригинимизда-чи?..деб ўйлашмасмикин?.. Москва қаердаю, Дакка қаёқда?.. Наҳотки катта бир юртнинг миллион-миллион одамлари орасидан кўнгилга маъкул тушадиган бир йигит ёки қиз топилмаса?!.. Ё, “тақдир-насиб” деганимикин бу? Йўғ-э...

Бир оз суҳбатлашганимиздан кейин биз муддао ва режаларимизни айтдик. Оллоёр ва муовинлари Рангунга ўтиш масаласи билан шуғулланадиган бўлишди. Кейин уларнинг тавсияси билан Оллоёрнинг ҳайдовчиси Жайн Аълам ҳамроҳлигида ён кўчадаги меҳмонхонага жойлашиб, ресторанида тушлик қилдик. Сўнгра шаҳарнинг жанубий томонига – Лаълбоғ номли қалъани кўриш учун жўнадик.

Бангладешнинг 130 миллион аҳолиси бору шундан юз миллиондан ортиғи Даккада яшайди, деб бежиз ҳазиллашишмаган шекилли. Ўлканинг чор атрофи сув бўлгани учун одам истиқомат қиладиган куруқ жой масаласи мушкул эди. Ҳиндистоннинг йирик шаҳарларида 1 кв. метр ер ҳам ҳисобда бўлса, Бангладеш пойтахтида 1 кв. см. ер хатда экан. Шунинг учун бу ерда ҳам улов қалин эди. Уч ғилдиракли велосипед-извошлар сўзанак тўзигандай ёйилиб юришар, баъзан кўчанинг бир тарафини бутунлай эгаллаб олишарди. Ҳиндистону Покистон шаҳарларидаги каби Даккада ҳам қатновда “у ўтиб олсин” эмас, «мен ўтволай» деган шиор ҳукмрон эди (бошқа қонданинг тайини ҳам йўқ). Яхшики, «нариги»нинг жаҳли чиқмай, мурасага кўниб, кутиб тураркан. Аксарият, иккинчи даражали йўлдагилар ана шундай «хукук» ва «имтиёз»дан фойдаланишга ҳаракат қилишарди. Илҳомжоннинг ёнида ўтирган Жайн ойнадан бошини чиқариб, ҳай-хуй, деб, бақириб-чақириб йўл очиб борарди.

Айтиш мумкинки, шаҳар нисбатан озода, ҳа, нисбатан!..

Одамларнинг тўқсон фойизи ўрта бўйли ва ихчам жуссали. Оқ юзли аёллар кам. Эркакларда бош кийим деярли йўқ, лекин мўйлов бисёр.

Ёш-ёш, коп-қора қизлар бола қўлтиқлаб (шундай кўтаришаркан) тиланиб юришибди. Булар ҳақида Жайндан сўрасак, «ҳа, ёш туриб, кўчада фарзанд ўздириб олганлар ҳам бор, бироқ опаси ё амма-холасининг чақалоғини олиб чиқадиганлар ҳам йўқ эмас», деди. Тадбиркорликни қаранг — болани ҳам ижарага олиб туришаркан-да!

## **ЛАЪЛБОҒ. БОБУРИЙЛАР МОЗИЙГОҲИ**

Ниҳоят, манзилга етдик. Дарвоза ёнидаги ойнаванд лавҳа ва ичкаридаги темир тахтакачларга битилган маълумотларда зикр этилишича, «Лаъл боғ форт музейи» деб аталувчи бу тарихий ёдгорлик 1678 йили император Аврангзеб ҳазратларининг ўғли Аъзамшоҳ томонидан бошланган, лекин битмай тўхтаб қолган. Бенгалиянинг ўша пайтдаги ҳокими Шойистахон Субадор қурилишни давом этказиб, 1688 йили ниҳоясига етказган.

Қалъа-бокқа шимол тарафдан кириларди. Унинг чорси шаклидаги ҳудуди тўрт тарафдан девор билан ўралган, дарвоза рўпарасидаги тўғри сўкмоқ кўрғонни гўё иккига ажратиб турарди. Дабдурустан кирган кимса у ер-бу ерида эски бинолар қолиб кетган боғ-хиёбон экан, деб ўйлаши мумкин эди. Хиёбонда, йўлаклар бўйида бўйи бир-бир ярим метрча келадиган, тўп бўлиб ўсадиган қизил, оқ гулларнинг айни барқ уриб очилган чоғи эди. Қизил гулнинг тупи бир хил, гулининг тузилиши икки хил эди — бирининг гулбарглари атиргулликка ўхшайди: юмшоқ, фақат узун-узун. Иккинчиси майда қалампирмунчоқсимон — ғужум-ғужум, умумий ҳажми ўртача атиргулнинг гулича бор. Гулларнинг номларини ақгура, флавер, майшунда дейишаркан.

Сафардаги мен учун энг қийин иш — бизга нотаниш, ўша жойларга, иқлимга хос гуллар, дарахтлар, ҳар турли ўсимликлар, парранда-даррандалар, ҳайвонот дунёси ва бошқа наботот неъматлари, табиат мўъжизаларининг маҳаллий ҳалқ тилидаги номини аниқлаш эди. Таржимонимизнинг оғзига қараб турадиган бир мен эмас, бошқалар ҳам ниманидир сўрашни мўлжаллаб юришади. Биз қизиққан нарсаларни тилмоч ҳам маҳаллий одамлардан, ўткинчи, йўловчилардан суриштириб, билиб бериши керак Биздан ташқари таржимоннинг ҳам ўзи қизикадиган соҳалари, мавзулари бор. Яхшики, профессоримиз камтар ва эринмайдиганлардан. Бунинг устига, Андижондаёқ Неъматиллога сафар давомида унинг қулоғини энг кўп қоқадиган мен бўлишлигимни таъкидлаб, шу борада ҳазил-ҳузил билан келишиб олганмиз. Хуллас, кези келиб қолди, профессорга самимий миннатдорчилигимни шу ўринда изҳор қилиб қўйай: ушбу эсдаликларимнинг маълум қисми бевосита унинг ёрдамида, унинг шарофати билан қоғозга тушгандир.

Гулларнинг ораларида арчалар бўлиб, улар ҳам гуллар билан баробар қилиб текис қирқилган эди. Ям-яшил, чим-чатир ажриқ-майсаларни ҳафсала билан ўришмоқда эди.

Қалъа-хиёбон ҳудудининг қоқ ўртасида бир қаватли, пастакроқ мақбара мунғайиб турар унинг ички қисмида тўққизта мрамар устун бор эди. Бу ерга Шойистахон Субадорнинг сеvimли қизи Биби Пари дафн этилган экан. Қабр ва даҳмага Бангладешнинг энг ноёб мрамар-тошларидан ишлатилган, дейишди. Орқа томондаги уч-тўртта сағана тоши ва қабрларнинг кимларники эканлигини айтиб беришолмади.

Мақбарадан ўнгга кетган йўлак охирида (тахминан юз қадамча), ғарбий девор орасида яна бир том (масжид бўлган экан), жанубда, ғарбий бурчакда қандайдир эски иншоотларнинг қолдиқлари, кун чиқиш тарафда ҳаммом, икки қаватли, лекин сиртдан кўримсиз яна иморат бор эди.

Қалъанинг шарқи-жанубий бурчагида минорали дарвоза кўзга ташланади. (Кўрғонга аввал ўша томондан кирилган экан).

Умуман олганда эса, қалъа катта эмас, мўъжазгина эди (у маҳалларда бу ҳудудлар кичикроқ вилоят бўлган бўлса керак). Биноларнинг пештоқлари, деворларида безак- нақшлар



кам, борлари ҳам ҳашамдор, маҳобатли эмас эди. Минораларга асосан қизил ғишт ишлатилган, бироқ, аксариятининг ранги ўчиб, қурум босган, ола қорайган эди. Шунинг учун қаровсиз, аҳамиятсиз кўхна уйларга ўхшаб кўринарди. Биз ҳам эшикдан кирган пайтимизда «Э, шунча узоқ йўл юриб, шу эски деворларни кўргани келдикми», деб нописандлик билан қараган, бурунлар ҳам бироз жийрилган эди (бунинг учун кейин ўзимизни хўп койидик).

«Туркий усулда қурилган ҳаммом» (айнан шундай ёзилган)нинг ҳозирги сауналарга ўхшаб, ўртасида ҳовуз ўрни, алоҳида ечиниш хоналари бор эди.

Кун чиқшидаги икки ошёнали бино музей экан. О, яна қандай музей, денг!..

Биринчи қаватдан кейинги бобурийлар даврида ишлатилган пичоқлар ва уларнинг ёғоч ғилофлари, чопкилар, маузерлар, темир қалпоқлар, қаттиқ, ингичка симдан майда занжирсимон қилиб тўқилган кийимлар, ўқ ўтмас темир нимча (совут)лар ўрин олган, юқоридаги хоналарда осори-атиқа, ашёлар янада бойроқ, янада бебаҳороқ эди: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Носириддин Муҳаммад Хумоюн, Жалолиддин Муҳаммад Акбар, Шаҳобиддин Муҳаммад Жаҳонгир, Аврангзеб, Баходир шоҳ 1, Муҳаммад Фарруҳ Сияр, Аҳмад шоҳ, Азизуддин Муҳаммад Оламгир, Муҳаммад шоҳ, Исомиддин Муҳаммад шоҳ Олам, Муаззам шоҳ Олам Баходир, Муҳаммад Иброҳим шоҳ, Муизиддин Жаҳонгир шоҳ (исм-шарифлар мозийгоҳ ҳужжатларида қандай ёзилган бўлса, шундай олинди) ва бошқа бобурий ҳукмдорлар замонидаги танга-пуллардан намуналар, Аврангзеб Оламгир, Аъзам шоҳ суратлари, Акбар, шоҳ Олам фармонлари...

Ушбу рўйхат орасидаги ўқувчиларимизга унча маълум ва машҳур бўлмаган номлар ҳақида шуни айтиш керакки, уларнинг аксарияти бобурийлар салтанати инқирозга юз тутган даврларда ҳар томондан сиқув ва ҳужумлар ичида қолган Ҳиндистонга қисқа-қисқа муддатларда ҳукмронлик қилган подшо ва шаҳзодалардир.

Бу вақтларда асосий жанглар, тож-тахт учун курашлар мамлакатнинг шарқий вилоятлари Калкутта, Бенгалияга кўчган эди.

Музейдаги нодир ёдгорликлардан бири Аврангзебнинг иккинчи ўғли Аъзам шоҳга мана шу қароргоҳни қуриш тўғрисида берган фармони битилган тош эди...

Мен ўтган сафар Аврангбодда кўрганим — Иккинчи Тож Маҳал деб юритилувчи мухташам обидани эсладим. Уни ҳам Аъзам шоҳ онаси хотирасига барпо қилган эди. Асли амирзодалар ичида волидаи мухтарамасига бу даражада мурувват кўрсатгани кам учрайди. Шунга қарамай, Аъзам шоҳ ҳаётда унча омади чопмаган шаҳзодалардан. Укаси Ком Бахш билан бирга ҳозирги Бангладеш ҳудудига яқин Декан вилоятида ҳоким эди. Отасининг вафот этганини эшитиб, тахт учун курашиш мақсадида Аграга лашкар тортиб боради. Лекин бу пайтда Аграни унинг яна бир укаси Шаҳзода Муаззам (Шоҳ Олам) эгаллаб бўлган эди. Оғани ўртасидаги омонсиз жангда Аъзам шоҳ ва унинг икки ўғли ҳалок бўлишади. Тож-тахт ишқи ота-ўғил, ака-ука ўртасидаги оқибат, қондошлик ришталарини қирқиб-чийратадурғон бир кемирувчидир, инчунун, бу ҳавасли ишқ эмас, ғаразли хирсдир. Ғаразли ҳиссиётлар олови эса аввало ўзни кўйдиргувсидир... Одамзот ўз пушти камаридан бўлган зурёдидан не-не ёмонликлар кўрса-да, ўша падаркуш унинг жонига қасд айласа-да, яна фарзанд, фарзанд, дея қуюнаверади... Бу ҳолат ҳам ҳаётнинг, тирикликнинг сирли қонуниятларидан бири экан-да... Ҳайриятки, юқоридагидай кўр эҳтирос васвасалари ва аянчли ҳодисалар ўтмишда, подшо ва валиаҳд подшозодалар орасида рўй берар эди ва бунинг асосий сабаблари аксарият ҳолларда кўп хотинлилик, ўғайлик билан боғлиқ ҳасад, ғараз эди...

Музей биқинида, ярим кўрғон қилинган жойда бир туфакандоз турарди. Унинг ёнига «Мўғуллар (яъни бобурийлар — Қ.Қ.) замбараги» деб ёзилган эди.

Қалъа «Бангладешда мусулмонлар ва ҳиндлар ҳамкорлигида қурилган биринчи тарихий обида» сифатида эътироф этилган эди эскартиш-лавҳада.

Кўрғондаги масжид ва дарвозалар сурати Бангладеш пулига туширилган экан.

Ҳиндистон ва Покистон шаҳарларидаги кўп мозийгоҳларда, жумладан, Ҳайдарободдаги машҳур Салор Жанг, Лоҳурдаги миллий музейларда бўлган эдик, лекин Шарқ оламининг олис бир четида фақат ва фақат бобурийлар ҳаёти, уларнинг подшолик фаолиятига оид ягона, махсус музейни кўрамиз, деб сира ўйламовдик Мана шундай, бутун дунё мамлакатларидан келиб томоша қилиб, зиёрат айлашга муносиб тарихий мозийгоҳ ҳақида 1972 йили нашр

этилган ўзбек энциклопедиясида бир оғиз ҳам маълумот берилмаган. «Дакканинг кўхна қисмида Лаъл Бағх қалъаси, унда Биби Пари макбараси бор» деган хабар билан кифояланилган. Менимча, «Бобур» исмли атамаслик учун шундай йўл тутилган!

Алққиса, Лаълбоғдан кўп мамнун бўлиб чиқдик. Айниқса, Зокиржон ака ҳайрати ва ҳаяжонининг чеки йўқ эди. **Байт:**

*Дакка чеккасида Лаълбоғ кўрдим,  
Лаълбоғ ичинда ҳарам, боғ кўрдим.  
Бабурий аждодим қадами етган  
Шу олис ўлкада дилим тоғ кўрдим.*

Жони Аълам бизни шаҳарнинг шимолий томонига бошлади.

Жони (уни кўпроқ Жайн дейишаркан) киришимли, сергапгина экану, Бангладешнинг тарихи ва тарихий жойларини унча яхши билмас эди. Масалан, «Дакканинг аввалги оти нима эди? Жаҳонгиробод деган шаҳар бўлганми?» деган саволларимизга «кечқурун отамдан сўраб кўраман», деб жавоб қайтарди. Лаълбоғдаги чиройли гуллар номини сўрасак, «ҳонаки гуллар-да, аниғини хотинимдан билиб кўяман», деди. «Дакка» сўзининг маъноси нима? Лоақал шупи айтарсан», десак, «жой номи-да», деб жавоб берувди, Неъматилло:

— Ўзинг ҳам бирон нарсани биласанми, отангдан сўра-чи, тарихдан неччи баҳога ўқувдинг экан? — деб ҳазиллашди.

Жайн самимий, беғараз йигит эди, мириқиб кулди. «Иш кўп, бунақа майда—чуйда нарсалар билан шуғулланишга кўл тегмайди», деди ўзини оқлаб.

Камол Ота Турк хиёбонидан ўтиб, «Тонгги ибодат майдони»га бордик. Мусулмонлар йиғилиб, намоз ўқиб, тоат-ибодат қилишиб турадиган кенг яланглик экан.

— Бу ерга бизни нимага олиб келдинг? — деб сўрадик

— Ўзинглар тарихий, қизиқарли жойларли кўрсат дединглар-ку, — деди Жайн кифт қоқиб.

## **АНДИЖОН ГУРУЧИ ВА... САМАРҚАНДЧА ПАЛОВ**

Оқшом Фаҳриддин бизни меҳмонхонадан олиб кетди. Олти қаватли муҳташам бинода туришаркан. Орифжонниқига (3-қават) кирдик.

Дастурхон тузалган: ноз-неъматлар, товук гўшти, ҳар хил салатлар, чунончи: мен суядиган майонезли салат...

Бир оз гаплашиб ўтирдик, Оллоёр келгач, дастурхон атрофига ўтдик.

Эрталаб консулхонада Оллоёр (бояқиш ўзбекча сўзларни русча оҳанг ва хоразмча лаҳжада хиёл тутилгандай талаффуз этарди):

— Бугун ош қиламиз, меҳмон бўласизлар, — деб колди. Шунда раҳбар кулимсираб жавоб берди:

— Биз ўзи Балгладешда палов пишириб еймиз, деб ният қилиб кўювдик. Қовурдоғимиз бор, демак фақат сабзи топишга ёрдам берсаларингиз, ошни биз уюштирадик. Афсуски гуруч олмаган эканмиз. Буларни гуручи унча эмас экану, эплаяпмиз.

— Гуруч бизда бор, — деди Оллоёр дадил.

— Хоразмнинг гуручи-я? — сўради раҳбар.

— Андижоннинг гуручи, девзира.

— Ана холос, — деди Зокиржон ака ҳайратини яширмай. У бунақа пайтда ёш боладай суюниб кетар ва қувончи дарҳол юзига чиқарди.

Ўша гап билан йигитлар бизни меҳмон қилишмоқда эди.

Уй зўр қурилган, хоналар кенг, фақат пол яланғоч — оқ майда мармар қопланган эди.

Ихчамгина рангли телевизор деярли бутун Шарқ мамлакатларидан кўрсатарди. Ҳожибой Тожибой ва бошқаларнинг видео кассеталари бор экан, худди ўз уйимизда ўтиргандай мириқиб томоша қиляпмиз...

Орифжон ичкаридан бир литрлик «Андижон» шаробини олиб чиқиб столга кўювди япа беихтиёр «Ана холос!» деб юбордиқ.

— Ҳа, ҳаммаси Андижонники, — деди Фаҳриддин жилмайиб. — Фақат андижонликлар етишмай турувди. Мана, сизлар келиб қолдиларингиз...

Кулишдик. Давра, дастурхон, гап-сўзлар, чеҳралар, кулгилар — ҳаммаси самимий ва юракка яқин эди. Биз чиндан ҳам ўзимизни нақ Ўзбекистонда ҳис қилардик

— Андижон билан борди-келди қалин шекилли, — сўрадим.

— Ҳа, андижонликлар келиб туришади бу ерга, — деди Орифжон.

— Демак Бангладешни — эски Ҳиндистонни энди Бобурнинг савдогар юртдошлари забт этишибди-да, — дея ҳазиллашдик.

— Сизлар ўз ватанимизнинг олисдаги бир бўлагини забт этдинглар, — дея лутф қилди Оллоёр бир оз қийналиб бўлса ҳам.

«Ўзбекистан ҳаво йўллари»нинг нуфузи, умуман республикамиз мавқеининг дунёда ошиб бораётгани, бошқа мавзуларда гаплашиб ўтирдик.

Орифжон — Самарқанддан, Фаҳриддин (унинг консуллик фаолиятини бошлаганига бир ой бўлибди) — Қамаш (Қашқадарё)дан экан. Жуда дилкаш, кўнгли очик йигитлар эди. Улар бизни кўриб хурсанд бўлишганини изҳор этишди.

— Биз ҳам Шарқнинг шу бир четида ўзимизнинг ҳамюртлар билан бир дастурхон атрофида ўтириб ош еймиз, деб ўйламовдик, — деди Зокиржон ака.

Кўк чойимиз Деҳлида тугаб қолувди, маза қилдик. Бирам ширин, хуштаъм татиди. (Ҳиндистонда ҳам, Бангладешда ҳам — шундай жазирама мамлакатларда кўк чой деярли ичилмас ва сотувда ҳам ниҳоятда кам бўлар экан. Ҳарқалай, биз дўконлардан топмадик).

Учбурчак сомса ҳам сергўшт ва ниҳоятда мазали эди.

Ниҳоят, ош келди. Гуручи водийники каби қизартириб пиширилган, фақат қизил сабзиси гуруч тепасига босилиб, унинг устига гўшт тўғралган эди.

— Бу — Самарқандча палов, — изоҳ берди Орифжон. — Камчилиги бўлса, маъзур тутасизлар. Албатта, Андижоннинг чойхона паловларига ўхшатиш қийин.

Ош жуда ейишли эди. «Умуман, келин пазанда экан», деб, Орифжондан унга раҳматимизни етказиб қўйишини сўрадик.

Кейин Орифжон иккита узунчоқ товоқ (лаган)да апельсин, банан, ананасни тўғраб, терилган ҳолда олиб келди.

— Бу — бизнинг паловдан кейин ейдиган қовун-тарвузимиз, — деди Фаҳриддин.

Бош бармоқдай, думалоқ қора узумнинг кўриниши жуда жозибалигу, мазаси унча эмас эди. Австралиянинг узуми экан. Дарвоқе, кечқурун бир дўконда анор учратувдик — уни Покистондан олиб келишаркан. Қойил-э! Покистондан анор, Австралиядан узум олиб келишса-я!..

Кейин телевизор кўриб ўтирдик Юлдуз Усмонованинг Голландиядаги концерти ёзилган видео кассетаси бор экан. Асли мен учун ашулани телевизордан эмас (ҳозирги аксарият “ҳофиз”лару “ҳофиза”ларнинг маънисиз қилпиллашлари ва бошқа бачкана қилиқларини кўришга сира тоқатим йўқ), радиодан тинглаш маъқулу, олис бир юртда ҳамюрт санъаткорларингни кўриш барибир ғурурли-да. Мирза Ҳолмедовнинг қизиқчилиги ва масҳарабозликлари (яхшики, унинг тўрт оёқлаб, ит бўлиб акиллашлари йўқ экан)ни кўриб, анча хузурландик.

Зокиржон ака Оллоёрнинг «уяли» (шуям таржима, шуям гап бўлди-ю!..) телефонида ҳол-аҳвол сўрашиб, қисқа ахборот бериб қўйди.

## ТУШГА КИРГАН СУВ ИЛОН

*1 ноябр, чоршанба*

Тунда меҳмондорчиликдан қайтиб, соат ўн иккидан ҳам ўтганда ётган бўлишимизга қарамай, барвақт — олтига яқин уйғониб кетдим. Ҳар хил тушлар кўрибман: дўстлар, ғайирлар, илонлар... Анҳор бўйида юрган эмишман, сал қуйирокда ўтирган, мудом фитнагарлик қилиб юрадиган бир ҳамкасб сув орқали мен томонга иккита илонни йўллармиш, «бир фалокат бўлади», деб. Эҳтимол ўша фикс-фасодчи бирон даврада камина шаънига бот-бот ёғдириб турадиган маломат тошларидан яна бир-иккитасини ирғитгандир. Аслида, у бундай чағир тошларни, балки уларни арзик тупроқ лойидан махсус тайёрлаб қотирилган кесак дейиш тўғрироқдир, фақат мен тарафга отиш билангина чекланмайди. Шунинг учун унга кўпам парво қилавермайман.

Илонлар яқинимдан ўтишаётганда, биттаси сувдан бошини кўтариб менга даф қилармиш, мен уни тепиб яна сувга тушириб юборармишман... Илон — тушда кўрсанг ганч, дейиларди, иншоолло... яхшилик бўлсин...

Ресторанда кадрли чекен суп билан нонушта қилгач (бу ерда сарёғ ҳам беришяпти), Жайн ва Орифжоннинг ҳайдовчиси кузатувида машина устасига кетдик. Анча юрдик. Битта тутун чиқаргич тарновни маҳкамлаш учун шунча узоққа борамизми, деб диққатимиз ошди. Кеча ҳам бир устахонада қаратувдик, қоронғи тушай деб қолувди, чала тузатишган эканми, салдан кейин яна «тар-тар»ни келган жойидан давом эттириб юборган эди. Бу мамлакатда ҳам «яма» (машина остига кирадиган чуқур) деган нарсая деярли бўлмас экан.

«Тойота»мизнинг касали анчагина экан. Тарновнинг бир қулоғи узилиб кетибди, резиналари ишдан чиқибди, орқа «кўприк»да ҳам ишқал бор экан.

Фаррух ҳаво йўллари ва консулхонамиздан репортаж олиш учун қолган, Неъматилло Жайн билан китоб дўконларини излаб кетишди. Раҳбар, Илҳомжон — учаламиз бу ерда...

Йўл бўйи, шовкин-сурон. Икки қаватли автобуслар, оғир ва енгил машиналар. айниқса, у ёқдан бу ёққа тинмай ғизиллайдиган чакаги ўткир скутор-таксилар қулоқни қоматга келтиради. Қатор устахоналардаги тарақа-туруқни айтинг...

Илҳомжон созловчилар билан андармон. Раҳбар иккимиз дўкончаларнинг курсиларини олиб, ундан-бундан суҳбатлашиб ўтирибмиз.

Гап Илҳомжоннинг хулқи-одоби, интизомлилиги, ижрочилиги, техникага укуви яхшилиги, лекин шу сафар негадир иши қовушмаётганидан бошланиб, раҳбарнинг феъл-атвориға боғланиб кетди. Зокиржон ака кимгадир (масалан, ҳайдовчига) танбеҳ берса ё койиса, кейинроқ уни мақтаб, ўз касби ва ишининг пири комили даражасига олиб чиқиб кўяр, шу билан танқиднинг дами кесилиб, самара қутилгандек бўлмасди. «Нега шундай қиласиз?» деб сўрасам, «Нима қилай, демак бу мени камчилигим бўлса керак, бировни ранжитсам, ўзим ҳам хафа бўламан, вазиятни юмшатишга, гуноҳимни, демак, ювишга ҳаракат қиламан, чунки отам ёшлигимда ўтиб кетган, ака-укам йўқ, ёлғиз ўғилман». дейди.

Зокиржон ака биқир, бақувват, некбин — ўзига, ўз режаларининг ижобий натижасига ишонадиган, шу билан бирга, ўта пухта, ўта қуёнчак, яъни жонсарак шахс. Майда масалаларда ҳам (масалан, гигиена, овқатланишда, овқатга масаллиқ харид қилиш ва пиширишда) ўта инжиқ. Бунга ўзи ҳам эътироф этади.

— Мен ҳамма соҳадаги ишларни рисоладагидай бажаришга, масалан қонунни бузмасликка ҳаракат қиламан, қонун бузилган жойда отамниям танимамайман (отаси ўтиб кетгани учун бемалол шундай деса керак).

Коса тагидаги нимкосани дарҳол пайқайди ё қандайдир шаъма бор деб ўйлайди. Ўта хушёр, эҳтиёткор ва бошқалардан ҳам шундай бўлишни талаб қилади. Бу борадаги шиори: «Доверяй, но проверяй». Ишлари бароридан келса, ҳамма қатори дарров чехраси очилиб, ҳазил-хузул қила бошлайди, иши юришмай, ғов-тўсиқларга дуч келиб қолса, баъзида кайфияти тушиб кетади. Бунақа пайтда, яхшиси ортиқча, ўринсиз ё унга ёқмайдиган гап гапириб қўйишдан сақланган маъқул.

Умумий вазифадан озгина бўлса ҳам чалғиб, бошқа юмуш билан машғул бўлишингизни хуш кўрмайди. Мутойиба ё қочирим билан дарров писанда қилиб кўяди. Масалан «Шу иш ҳозир қандай кўнглингизга сиғяпти», дейди, ёки «Ўша тадбир Бобурдан ҳам зарурми?» деб, нозик жойдан туттади.

Гапда у ҳам муболаға усулидан фойдаланади, фақат бу иборани «вахима» деб аташ тўғрироқ бўлади. Мисол учун, икки-уч кун ҳозирлик кўриш мумкин бўлган тадбир ташвишини ўн беш-йигирма кун аввалдан бошлайди. Бўрттириш ҳам унга хос хусусиятлардан. Лекин қийинчиликларни ошкор қилишни, зорланишни ёқтирмайди. ўзгаларнинг раҳмини эмас, ҳавасини келтиришни хоҳлайди.

Ҳар қандай вазиятда ўзига зарур шароит — муҳит яратиб, иззат-ҳурмат қозона олади.

Зокиржон аканинг яна бир фазилати — кечиримлилик Эзгу режаларининг самарасига шубҳа ва ё беписандлик билан қарашса, йўлига тўғаноқ бўлишга уринишса, орқаворотдан, пана-пастқамдан шаънига баланд-паст гаплар айтишса, албатта, иззат-нафси оғрийди, қаттиқ ранжийди, нафратланади, лекин ўч оламан деб қилич яланғочлаб юрмайди, ўзининг ҳақлигини эл-юрт эътироф этадиган ишлари билан исботлашни, ўша кимсаларни тан бердиришни дилига қаттиқ тугади ва шунга астойдил ҳаракат қилади. Аммо, Бобур Мирзога «қўл кўтарган»ларни, унинг ҳурматини жойига қўймайдиганларни, унинг номи билан боғлиқ мулк, жой, амалларга дахл қилганларни афв этмоғи қийин. Бу гапларга Зокиржон аканинг кейинги ўн-ўн бир йиллик ҳаётидан кўп мисоллар топиш мумкин.

Хуллас, Зокиржон ака ишбилармон, уздабурон ва лекин кўнгилчан инсон. Аммо кимга қандай муомала қилишни, одамлар қалбига йўл топишни билади. Чегара-божхоналардаги (Қирғизистондагилар мустасно, улар ёшлиқ қилишди, қолаверса, ўзимиздан ҳам ўтган бўлиши мумкин) илиқ муносабатлар, Ҳиндистондаги элчихонамиз раҳбар-ҳодимлари томонидан самимий кутиб олинимишмиз, кеча-кечқурунги зиёфатлар, шубҳасиз, Бобур номидаги ҳалқаро жамғарма ва экспедиция нуфузининг янада ошганидан, унинг раҳбари обрў-эътиборидан, хайрли ишлари эътироф этилаётганидан шохидлик беради. Дастур-йўналишимиздаги мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчилари билан бўлган мулоқотлар ва Хитойдек талаблари бисёр ва қаттиқ давлат элчихонасида ҳам тиғиз вақтда руҳсатнома (виза) масаласининг ижобий ҳал қилинишига эришиш шу соҳадаги тажрибаларнинг такомиллашганидан далолат эди...

### **РАНГУНГА ЎТИШ МУАММОЛАРИ. ДАККАДАГИ БЕДАНА ГЎШТИ**

Бир пайт профессор ҳаяжонланиб келиб қолди. У бир кўчада бепоёп китоблар растаси борлигини ва у ердан биз излаётган асарларни топганини айтиб, раҳбарни бошлаб кетди.

Ниҳоят, «муолажа» тугади.

Консулхонамизга қайтдик. Рангунга етиб бориш учун раҳбар ўзининг уч хил режасини айтган эди:

1. Мумкин қадар «Тойота»миз билан ўтишга ижозат олиш, унинг имкони бўлмаса:
2. Чегарагача машинамизда бориб, у ёғига Бирманинг руҳсат этилган транспорт воситаларида (масалан, автобусда) кетиш, бунинг ҳам чораси йўқ бўлса:
3. Самолётда (Зокиржон ака йўл-йўлакай лоақал икки-учтамыз самолётда бўлса ҳам ўтамыз, деб келган эди).

Бирма (ҳозир Мьянма) фуқаролик ҳукумати эмас, балки ҳарбий давлат эди. Ундаги сиёсий вазият тақозоси ва мамлакатнинг айна вақтлардаги ички тартиботларига кўра, тахминимизнинг 1-2-чи бандлари бўйича Бирма худудига ўтиш асло мумкин эмас экан.

3-чи банд: 1. Даккадан Рангунга самолёт бир якшанба учиб, кейинги якшанба қайтар экан. Демак ўн кундан ортиқ вақт кетади (Бир одам учун бориб келиш нархи 650 доллар).

2. Читтангодан (Бангладешнинг йирик шаҳарларидан бири) Бангкок (Таиланд пойтахти) орқали Рангунга учадиган самолёт қатнови бор экан. Бунинг эса иложи йўқ, албатта.

Ҳаммамизнинг тарвузимиз қўлтиғимиздан тушди. Лекин Зокиржон ака заррача умидсизликка берилмай, ўзининг захирадаги режасини эълон қилди:

— Тартиб шунақа бўлса, демак зоримиз бор, зўримиз йўқ, — деди у. — Рангунни барибир кўрамыз. Эҳтимол, сафардан қайтганимиздан кейин, биронтаси билан Москва орқали самолётда келиб-кетармиз... (Зокиржон ака сўзининг уддасидан чиқди: келаси йили

инглиз тилини яхши биладиган набираси Сардор билан Таиланд орқали Рангунга ўтди. Баҳодиршоҳнинг қабр-мақбараларини обдон зиёрат қилиб, у ҳақда анча маълумотлар олиб қайтди).

Мўлжалимизда Непалга ўтиш бор эди, бу масалада ҳам ишқал чиқди. Непалга рухсат олиш муаммо эмас, буни Фаҳриддинлар ҳал қилишавераркан. Аммо Ҳиндистонга фақат икки бора кириб чиқиш ҳуқуқимиз бор эди, холос. Ҳиндистоннинг Даккадаги элчихонасидагилар Тошкент визаларини бекор қилиб, бошқа виза очишимиз мумкин, бироқ автомобил масаласида кафолат беролмаймиз, дейишибди. Биз ҳозирги ҳолатда Ҳиндистонга яна бир кириб чиқиб кетишимиз, яъни Непалга ўтишимиз мумкин эди, лекин Ҳиндистонга яна қайтиб кирмоғимиз муаммо бўлиб қоларди (Шуни Тошкентда ҳисоб-китоб қилмаган эканмиз). Бангладеш билан Непал чегарадош бўлмагани учун бу томондан Непалга йўл йўқ, фақат Ҳиндистон орқали ўтиларди.

Хуллас, Зокиржон аканинг бу масаланинг ҳам ижобий ҳал этилишига кўзи етмади. Непалга бир амаллаб ўтиб олган тақдиримизда ҳам, Ҳиндистон қайта киришга рухсат бермай қўйса (ҳар қандай шароитда яна Амритсар-Ваага орқали Покистонга чиқиб кетмоғимиз лозим эди), сарсон бўлиб, сарғайиб юрмайлик, деди-да, биз билан бамаслаҳат (шаҳсан менга қолса, бутун дунёни айланиб чиқишга рози эдим), энди ҳеч бўлмаса, келган йўлимизга қайтмай, дедим, Бангладешнинг шимолий қисмидан юриб, Патна тарафга ўтиб кетсак, деган истакни билдирди. Буни ҳам Ҳиндистон элчихонасидан сўраш керак эди. Мунир (тил билгич ўша-да) шуғулланиб кўрадиган бўлди.

Музокара ва муҳокамалар орасида мен ҳам Орифжоннинг чўнтак телефонида Непалга — «Холис»га кўнғироқ қилиб. ёрдамчим Дилшодбек билан узук-юлук бўлса ҳам гаплашиб, ҳарқалай, тинчликни билиб олдим.

Кейин тушлик қилгани кетдик Салгина наридаги «Самарқанд» деб аталган ресторанга бордик. Номнинг ўзи бизни бир ҳаяжонлантирган ва ғурурлантирган эди, бинонинг қурилиши, ички безак ва жиҳозлари ҳам замонавий, кўркем экан (Лоҳурликлар қуришган, шеф ва бошқа ошпазлар ҳам покистонликлар эди). Овқатлари жуда зўр! Таомил шведча, яъни ўз-ўзига хизмат. Катта това ва каструлкаларда тайёр, ранг-баранг таомлар: кўй, товук, бедана гўштлари (ҳаммаси алоҳида-алоҳида), кабоб, картошка, сабзили ва бошқа хил салат-неъматлар ҳўрандаларга мунтазир эди. Айланиб юриб, ҳар ким таъби, иштаҳаси ва ошқозонининг ҳажми-имконига қараб солиб олаверади. Табиийки, мен кўпроқ бедана гўшtidан олдим — Қашқарда армон бўлиб қолувди. Аллоҳ шу бандаи ожизимнинг орзуси мустажаб бўлса бўла қўйсин, деди шекилли. Етказганига шукр.

Бу кутилмаган воқеа суҳбат мавзусига айланиб кетди.

— Ниятингизнинг холислигини қаранг, — деди кимдир.

— «Холис» газетасининг бош муҳаррири-да, — луфт қилди яна бир шеригимиз.

— Одам бир нарсани астойдил ният қилса, эришаркан-да...

Раҳбар менга ваъда қилган бир жуфт каптар ҳам қистириб ўтилди ва бу масала барибир кун тартибидан тушмаслиги таъкидланди. Энг муҳими, гуржиларнинг «чехомбили»сини эслатувчи товук гўшти ҳам, бошқа овқатлар ҳам жонга теккан қизил рангга бўялган эмас эди.

Юпқароқ патирсимон нонга эса гап йўқ. Фақат шу ноннинг ўзи билан тушлик қилишга ҳам рози эдик. Бунақа нон Қашқардан бу ёқда кўринмаётган эди: каттиқ-юмшоқлиги, иссиқ-совуқлиги мўътадил, шакли-шамойили жуда чиройли — Қўқон патирини эслатадию ҳажман кичикроқ, таъми еб тўймайдиган... Мана шундай нон ёпганларнинг отасига раҳмат айтиб, йўлга ҳам беш-олтита олволдик. Фақат шу... баҳоси сал... «нақа»роқ эди: 1 донаси 40 така -14 такаси кам 1 доллар!..

Ресторандан кайфимиз чоғ чиқдигу, кўчада бир мудҳиш ҳолатга дуч келдик, ўта нохуш ўша манзара ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди. Йўлимиз билан кесишган тор кўчадан ғўласимон бир нарса думалаб чиқиб келди — у оёқлари ҳам, қўллари ҳам ногирон одам эди. Юзи истараликкина, мош-гуруч, қалин соқоли анча ўскин (лекин кузалганлиги билиниб турибди) — бир қарашда «Чангда қолган гул» фильмидаги чангалзорга ташлаб кетилган гўдакни топиб, боқиб олган мўйсафидни эслатади. У думалаш асносида ичида бир неча танга бор сирлик ликобни боши билан жилдириб-жилдириб келарди... Мажруҳ бечоранинг ғамгин

кўзлари одамга умид, илинж билан тикиларди. Ҳа, у илтижоли нигоҳлари билан хайр-садақа тиланарди... Мана ҳаёт учун, яшаш учун кураш!..

Беихтиёр ўрис ёзувчиси Куприннинг «Кўр мусиқа-чи» қиссасидаги бир лавҳа ёдимга тушди. Кўзи ожизлигидан сиқилиб, афсус чекиб, ҳаётдан кўнгли совий бошлаган болани етаклаб, гадолар тўдаси олдида айлантиришганда у ўзининг аҳволи тиланчиларникидай аянчли эмаслигига ишонч ҳосил этиб, шукр қилади, унда яшашга иштиёқ қайта уйғонади. Ҳозирги кўриниш, алпоз эса янада бўлакча — кишини сескантирадиган даражада мискин, тушкун эди!

Ҳа, “бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил» деган қуйма мақолнинг мағзини чақиш учун мана бундай бенаво кимсага, бесафо ҳолга илкис бир назар ташламоқнинг ўзи кифоя, менимча!

Ҳа, тўрт мучангиз соғ яралгани учун Тангрига беадад шукроналар келтирсангиз, ота-онангизни ҳар қанча тавоб этсангиз, кечаю кундуз меҳнат қилсангиз, кам!..

Консулхонамизга кирдик Ҳинд элчилари Ҳиндистоннинг қаеридан чиқишган бўлса, ўша жойдан, яъни Бенапол — Петрапол чегарасидан киришлари керак дейишибди. Аммо, тутган жойини кўйиб юбормайдиган раҳбаримиз (аслида, у астойдил ҳаракат қилса, Бирмагаям, Непалгаям ўтиш муаммоларини ҳал этиш мумкин эди, деган фикр кечди кўнглимдан) «бу ёғини ўзим амаллайман, ишимиз юришиб, Шимолий Ҳиндистонга ўтиб кетсак — кетдик, ўтолмасак, ўша ёқдан Бенаполга йўл бор дейишди, қайтаверамиз», деди ва вақтни бой бермай, шу заҳоти жўнашга қарор қилдик.

Даккадаги юртдошларимиз билан қуюқ хайрлашиб, йўлга тушганимизда соат тўрт (ўн олти)га яқинлашиб қолган эди. Орифжоннинг ҳайдовчиси Нурислом бизни шаҳардан ташқарига — Тангайл йўлигача олиб чиқиб қўйди.

Кун ботишдан кун чиқишга келган эдик, ғарби-шимолга қараб кетяпмиз. Табиат ўша-ўша — ям-яшил — худди рангли суратдагидай. Умуман, Бангладешни том маънода яшил мамлакат дейиш мумкин эди.

Ҳар қадамда кўллар, дарё, кўприклар... Санкт-Петербургни, Нева дарёси ва кўприklarини эслатади.

Йўллар ўзи дуруст, яна таъмирлашмоқда, кенгайтиришмоқда. Асфалт тагига шағал ўрнига майдаланган ғишт босиларкан. Аёллар (арзон ишчи кучи!) бутун ғиштларни чақиб, майдалаб ўтиришибди (Покистонда ишлаётган ожизалар кўрилмас эди, бу ёқда, мусулмон мамлакати бўлса ҳам, кўчада юрган, меҳнат қилаётган хотин-қизлар бор. Дарвоқе, Покистонда тиланчи ҳам жуда кам).

Бу томон Даккага келган йўлимизга қараганда ободроққа ўхшарди.

## МАШРАБ САРСОН, БОБУР ...

Шундай қилиб, дилда икки армон билан қайтяпмиз: Рангунга ўтиш ҳам, Непални кўриш ҳам насиб этмади. Айниқса, ер юзидаги энг баланд тоғ чўққиси Эверест — Жомолунгмани (Ҳитой билан Непал чегарасида, ҳиндлар «тоғлар подшоси» деб аташадиган Ҳимолайда) бир кўрсак кўриб қўйлик девдик, бўлмади. Лекин Бангладешда жуда катта бойликни қўлга киритдик. Бу бойлик — боя Дакка шаҳридан сотиб олиган ноёб китоблар — инглиз тарихчиси Вилиамс Эрскин ва бошқа бобурийшуносларнинг Бобур Мирзо шахси ва ҳукмдорлик фаолияти, Хумоюн, Жаҳонгир, Аврангзеблар умри солномларини ёритувчи қалин-қалин жилдли, мазмундор асарлари эди. Профессоримиз «Бобурнинг ҳаёти» деган китобни йўл-йўлакай излаб келаётган эди, боши кўкка етгудай хурсанд бўлди.

Дарҳақиқат, бу қимматли асарда шаҳзода ва шоҳ Бобурнинг биз учун ноаён бўлган даврлари, хусусан болалиги ҳақида ҳам янги маълумотлар бўлса ажаб эмас.

Гап шундаки, айрим зиёлилар Бобур Мирзонинг Аҳси (Наманган)да туғилган бўлиб чиқишини жуда хоҳлайдилар. Албатта, хоҳиш бошқа, далил бошқа.

Аслида бу янглиш фикр Заҳириддин Бобур ҳаёти ва ижоди яхши ўрганилмаган, яхши ўрганишга даврий ва сиёсий монеликлар кўп бўлган замонларга бориб тақалади. Табаррук

инсон, Навоий ва Бобур Мирзодек улуғ зотларнинг пири бўлган Ҳожа Аҳрор валийни қора кучлар тўдасига кўшиб юборганлардан бири В.Зоҳидов «Бобурнома»нинг 1960 йилги нашрига ёзган сўзбошисида бирон манбага асосланмаган, яъни, тахминини асосламаган ҳолда, Бобур Аҳсида туғилган, деган гапни эслатма (сноска)да ҳеч бир изоҳсиз, шунчаки айтиб ўтган, холос.

Бобурийлар изидан «Фарғонадан бошлаб Афғонистон орқали то Ҳиндистоннинг жанубига қадар» саёҳат қилган табиатшунос олим, профессор Ҳ.Хасановнинг “Заҳириддин Муҳаммад Бобур (ҳаёти ва географик мероси)” рисоласининг тузатилган ва тўлдирилган иккинчи нашри («Ўзбекистон» нашр, 1966 й.) Бобур Мирзонинг 1483 йил 14 февралда Андижонда туғилганлиги ҳақидаги жумла-маълумот билан бошланган.

Худди шу муаллиф “Бобур сайёҳ ва табиатшунос” рисоласида («Ўзбекистон» нашр., 1983 й.) шундай деб ёзади:

«Заҳириддин Муҳаммад (бўлғувси Бобур) 1483 йил 14 февралда туғилган. Бобур ўзи қаерда туғилганини аниқ айтмайди. Кўпчиликнинг фикрича, у Андижон шаҳрида туғилган. Бироқ «Андижонда туғилганлиги», бир чеккаси, мунозара бўлиб кўринади. У қароргоҳ пойтахт Аҳсикатда (ҳозирги Наманган область Шаханд кишлоқ совети доираси) ёки, ажаб эмас, она Ватани Тошкентда туғилиб, кейинчалик Андижонга — вилоятнинг асосий пойтахт шаҳрига келтирилган бўлиши ҳам эҳтимол тутиларди. Ниҳоят, яқиндагина анча ишонарли маълумот айтилди: Аҳси асосан ёз ойларидаги қароргоҳ бўлган, куз ва қишда Андижонга кўчиб келинган, Заҳириддин эса қишда, февралда туғилган. Шу далилларни асос тутиб, **“Бобур Андижон аркидаги хонадонда туғилганлиги ҳеч шубҳасиздир” (Сайфиддин Жалилов. «Фан ва турмуш» журнали, 1982 йил, 8-сон)**» деса бўлади.

Дарҳақиқат, айнан В.Зоҳидов таҳрири остида чоп этилган беш жилдлик «Ўзбек адабиёти» хрестоматияси (1959 й.), Бобурнинг кейинги даврларда нашр қилинган деярли барча асарларидаги сўзбошиларда, ҳаёти ва ижодига бағишланган рисоалар ва бошқа

тадқиқотларда, қомуслар ва маълумотномаларда унинг Андижонда таваллуд топгани шубҳасиз қайд этилади. Жумладан, ЎзФА мухбир аъзоси, мумтоз адабиётимиз билимдони А.П.Қаюмовнинг масъул муҳаррирлигида босилган Бобур девонига сўзбоши ёзган таниқли бобуршунос олим, филология фанлари доктори А. Абдуғафуров ҳам Бобур Мирзонинг киндик қони Андижонда тўкилганини алоҳида таъкидлайди.

Умрини Бобур ва бобурийлар ҳаёти ҳақида рўмонлар ёзишга бағишлаб келаётган, демакки, бу борадаги бор илмий, тарихий манбаларни мумкин қадар ўрганган, бадий асарларни ўқиган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, атоқли адибларимиз, жумладан, Бобур ғазалларига гўзал шарҳлар битган Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, бор шуурию бутун вужуди билан улуғ Бобур тадқиқотчиси ва тарғиботчисига айланган Саидбек Ҳасан, қўйингки, бобуршунос сифатида танилган ва тан олинган олимларимизнинг қарийб барчаси Бобур Мирзога нисбатан «Андижон тупроғининг фарзанди» деган иборани асло иккиланмай қўллайдилар.

Таниқли, ғоят нозиктаб ёзувчи Хайриддин Султон ўз кундаликларида «Бобурнома»ни ўқиш жараёнида (1974 йил, март) «Бобур Мирзонинг таваллуд тарихи мени қизиқтириб қўйди» деб ёзади ва кейинроқ айнан ана шу тарихий ҳодиса — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди воқеасига бағишлаб киноҳикоя яратади ва уни «Йўлбарснинг туғилиши» деб номлайди. Асарда бўлажак шоир ва шоҳ туғилган замон ва макон (Андижон) бадий лавҳаларда, аммо жуда ишонарли қилиб ифодалаб берилган. Киноҳикояда, шунингдек, шаҳзодага нима учун «Бобур» — «Йўлбарс» дея исм берилгани ҳам ўзига хос тарзда асосланади.

Фуқаро сифатида мутлақо холис — паркентлик қалам соҳиби «қарийб йигирма йилдирки, қўлимдан келганича ҳазрати Бобурнинг сўнмас ижоди, сирли ҳаёт йўлини ўрганиш билан машғулман» дейди мамнуният ва ички ғурур билан. Ўрганишлар эса, албатта, беиз кетмайди: «заковат ва машаққатда тенгсиз» Бобур Мирзо мавзуида ҳикоялар, қиссалар, рўмон, илмий-оммабоп китоблар битди ва барчасида юқоридаги фикрни, тўғрироғи, маълумотни албатта таъкидлаб ўтади. Алалхусус, ўз вақтида оғизга тушган «Ой ботган паллада» сарлавҳали мағзи тўқ ҳикоясида Бобурнинг Самарқандни қўлдан берган чоғдаги



рухий ҳолати, изтироблари шундай тасвирланади: «Мана энди, бугун ўз аҳволига йиғлай деса — кулгулик, кулай деса — йиғлагулик. Андижонга бўла Самарқандни қўлдан берган эди. Хайр, яратганнинг иродаси шундайдир, балким? Аммо Андижондан, киндик қони тўкилмиш, ўн икки яшарлигида тахтини тутган Андижондан, тангри омонатини оладиган куни баҳузур узаниб, мангуга кўз юмишни ният қилиб қўйгани Андижондан тирик айрилганига Мирзо (Заҳириддин Бобур — Қ.К.) сира-сира тоқат қила олмас, ҳасратга тўлган вужуди шу икки ўт орасида туну кун қоврилар эди».

Хайриддин Султон — Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг энг кенжа ворисларидан, энг содиқ ва энг оқибатли ихлосмандларидан бири. «Мен уни отамдай, инимдай, фарзандимдай яхши кўриб қолдим... Қарийб йигирма йилдирки, шу мафтункор ишқ билан сармаст яшамокдаман», деб ёзади у «Бобурийнома»нинг муқаддимасида. Назаримда меҳрни, ошифталикни бундан-да ишончлироқ, бундан-да таъсирлироқ ифодалаш қийин, бундай изхори дилни шарҳлашга ҳам ҳожат йўқ деб ўйлайман. Лекин лоақал шуни қўшимча қилиш керакки, Хайриддин ўз суюкли қаҳрамонининг муборак исми-шаърифини зинҳор тоқ ҳолатда қўлламайди, ҳеч бўлмаганда «Ҳазрати», «Мирзо» сифатларини қўшиб атайди. Шунчаки «Бобур...» деб ёзиш «башариятнинг даҳо фарзанди», «фазилят бобида камлиги йўқ», «олмос истеъдодли беназир» сиймога нисбатан кўрсатилажак иззат—икромнинг лозим даражадаги ифодаси эмасдай туюлади унга. Шунингдек, хусусан «Бобурийнома» рўмонининг деярли ҳар саҳифасида муаллифнинг Мирзо Бобурга чин ихлос ва эҳтироми, самимий муҳаббати балқиб туради. Инчунин, ўша буюк инсоннинг юртдоши сифатида қадрли адибимизга улғу бобомизга бўлган юксак эътиқоди, муҳаббати учун, унга бағишлаб ёзган гўзал асарлари учун андижонлик зиёлилар, ижод аҳли номидан қуллуқ қилишни жоиз деб билишимни айтиб қўйишим фарздир.

Маълумки, Аҳсидаги кўрғон ёнидан дарё — Сайхун оқиб ўтган ва табиийки, ундан мудом салқин шабада уриб турган. Қолаверса, «баланд жар устида воқибъ» бўлган кўрғон атрофи очиқ-яланг жойлар эди. Бу ҳақда «Маҳаллоти кўрғондин бир шарий<sup>1</sup> йирок тушубтур» деб ёзади Бобур Аҳси кўрғонига таъриф берар экан ва китобхон бу манзарани янада яхшироқ тасаввур қилиши учун «Дех кужову дарахтон кужо» («Қишлоқ қайдаю дарахтлар қайда?») деган мақолни ҳам келтиради. Умаршайх Мирзодай ҳоким маликасининг (яна энг суюкли, энг эътиборли, яна энг муҳими — ўғил туғиши умид қилинаётган аелининг қаҳратон қишда, бу ёқда Андижондай пойтахт шаҳар турганда юқоридагидай совуқ, чор атрофи жарликлардан иборат, маҳалла-кўйсиз, овлоқ бир гўшада кўзи ёримаслигини англаш учун чуқур илмий мулоҳазанинг ҳам зарурати йўқдай туюлади менга.

Хуллас, бу борада тарихчи олим С. Жалилов фикрлари мантиқан асослидир. Муҳтарам олимимизнинг яна бир бобда куюниши ҳам ўринли. Яъни, Н. Маллаев, Р.Каримов, Ҳ.Исмаиловлар томонидан тузилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигининг олтинчи нашрида (1982 йил) Бобурнинг «Фарғона вилоятининг пойтахти Аҳсида туғилган»лиги хусусидаги

гап... Бизнингча, мазкур «тузатиш» энг кейин қўшилган ҳаммуаллиф «қалам»ига мансуб бўлиши керак. Буни, юмшоқ қилиб, безътиборлик, лоқайдлик ёки «билса ҳазил, билмаса — чин» қабалида иш тутиш оқибати, деб баҳолаш мумкин. Масаланинг яна бир жиҳати «Бобурнома»да «Жанубий тарафидаги қасабалар бир Андижондурким, васатта воқибъ бўлубтур. Фарғона вилоятининг пойтахтидур» деб ёзиб қўйилган. Ахир бир вилоятда иккита пойтахт бўлмаслигини ҳамма билади-ку! Дарсликнинг учинчи нашридан бошлаб «Бобурнома»да «Жанубий тарафидаги қасабалар бир Андижондурким, васатта воқибъ бўлубтур. Фарғона вилоятининг пойтахтидур» деб ёзиб қўйилган. Ахир бир вилоятда иккита пойтахт бўлмаслигини ҳамма билади-ку! Дарсликнинг учинчи нашридан бошлаб «Бобур Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонда туғилган» деган матннинг тиклаб қўйилиши юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Балки «Бобурнома»нинг йўқолган саҳифаларида бу мавзуга узил-кесил ойдinлик

киритадиган маълумотлар ҳам бўлиши мумкин эди. Лекин асарнинг ҳозирги ҳолатида ҳам маълум бир хулосалар чиқаришга асос бор. Чунончи Андижоннинг фахр билан, кенг таърифланиши, шевасининг адабий тилга яқинлиги, ҳатто олис Хиротда яшаган улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарлари қозонган шон-шуҳратнинг асосий сабаби сифатида уларнинг андижонликлар лафзида битилганлигининг алоҳида таъкидланиши бежиз эмас, балки бу — ифтихор туйғуси, айна ватанпарварлик ҳиссиётининг ифодасидир. Бу эса, ҳарқалай, эътиборга лойиқ омилдир. Шунингдек, Андижоннинг бошқа ерларга, жумладан, Ахсига нисбатан ҳам жуда кўп бора ва меҳр билан тилга олиниши, атрофдаги шахру касабаларга тавсиф берилганда ҳам ўша жойларнинг масофа ё ўзга жиҳатлардан Андижонга боғланиши ё қиёсланиши фақат унинг пойтахт бўлгани учунгина эмас, деб ўйлаймиз.

Ҳиндистоннинг атоқли ва машҳур давлат арбоби, тарих илмининг билимдони, Бобур ва бобурийлар фаолиятини чуқур ўрганган ҳамда уларга катта, самимий муҳаббат ва мардоналик билан юксак баҳо берган Жавоҳарлаъл Нерунинг Ўзбекистонга ташриф буюрганида (1955 йили) Бобур Мирзо туғилган юрт сифатида Андижонни кўришга иштиёқ билдирганлиги ҳам, албатта, тасодифий эмас эди.

Ўзбекистон ҳукумати Бобурнинг таваллуди билан боғлиқ йирик саналар (475, 500, 510)ни у туғилиб ўсган Андижонда нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилиб келади. Зеро, давлат бошқарувининг олий органи бўлмиш ҳукумат бундай жиддий, муҳим масалада тахминий, кўча гапларига асосланмайди.

Шунга қарамай, Заҳриддин Муҳаммад Бобурдан уч-тўрт юз йил кейин яшашган, бобурийларни «мўғуллар» деб билишадиган, водийни «Фарғона» деган бир сўз билан аташадиган инглиз ё бошқа шарқшуносларнинг таваккал-фаразлари ва ё шахсий эҳтиросларга эрк бериш натижасидами, гоҳ-гоҳ теурий шоҳ ва шоир қўлини енг ичидан Ахси сари тортишга уриниш сезилиб қолади.

Экспедициянинг янги аъзоси, Бобур Мирзонинг чинакам мухлиси ва унинг тадқиқотчиларидан бири, ғарб олимлари ва муаррихларини кўп ўқиган профессор Н. Отажоновда ҳам ана шу қарашга ботиний майл йўқ эмас, шунинг учун унда, менимча, янги топилаётган ушбу ноёб китобларда шу муаммога аниқлик киритадиган, тўғрироғи, унинг тахминини тасдиқлайдиган далиллар чиқиб қолармикин, деган умид бор эди чоғи. Албатта, бизнинг ҳамсафарлигимиз, экспедициядошлигимиз ва андижонликларда Бобур Мирзонинг Андижонда туғилганлигига шак-шубҳа йўқлиги ўз йўлига, Неъматилло ҳам, биз, шахсан мен ҳам “дўстим азиз, лекин ҳақиқат ундан азиз» (Аристотел) деган холисона, одилона ақида тарафдоримиз. Биз, балки андижонлик бўлганимиз учун юртдошлик туйғуларига ортиқроқ эрк бериб юборармиз. Агар бошқа бир ишончли, асосли далил бўганида, унга тан бермоқдан бошқа илож йўқ эди, албатта<sup>1</sup>. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи жиҳати: аслида

---

<sup>1</sup> *Дарҳақиқат, , кейин бу жумбоқ ечилди. 2008 йили Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ташаббуси ва ҳомийлигида “Бобурнома”ни ҳозирги ўзбек тилига табдиллаштириш жараёнида таниқли япон бобуришуноси Эйжи Мано ҳамда матншунос олимимиз, тадбилчилардан бири Ваҳоб Раҳмонлар томонидан Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўз тили ва қалами билан қозоғга муҳрлаган бир маълумотнинг синчиклаброқ ўқилиши натижасида кўп вақтлардан бери қанча етук бобуришуносларни гафлатда қўйиб, неча-неча олиму ноолимларнинг бошини қотириб келаётган “сир” очилди- қўйди. Маълумот қуйидагича эди: “Мен Султон Саъидхонга бори навкарларимни топшириб, кўмак кўшиб, зоду буд (табдилда —туғилиб ўсган ерим —Қ.К.) Андижон вилоятини бағишлаб, хон қилиб йибордим”.*

*Ҳатто шундан кейин ҳам у ер- бу ерда ўз илинжидан кўнгил узолмаётганларнинг заиф нидолари қулоққа чалиниб қолаёттир. Бу энди, албатта, “ётиб қолгунча, отиб қол” қабиллидаги бир уринишдир(кейинги нашрдаги изох).*

Заҳриддин Бобур ё у каби бошқа бир улуғ зот Андижонда туғилди нима бўлдию, Наманганда туғилди — нима? Мана, Бобур ва бобурийлар, улар қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар, Ҳиндистонда, Покистонда, Англияда, Францияда, Голландияда, Бангладешда эъзозланипти. Зеро, буюк истеъдод эгалари, даҳолар бир вилоят, музафотдангина эмас, миллат қобиғи, мамлакат доирасидан ҳам чиқиб, башарият мулки, хазинасига айланиб кетадиган дахлсиз бойликдир. Гап шундаки, тарихий шахслар, ҳодисалар борасида келажак авлодларга тахмин, фаразларни эмас, мумкин қадар аниқ далилларни қолдириш, бинобарин, уларни чалғитмаслик зарур, бу эса Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ўзи каби ҳақиқатни ҳамиша мардоновор эътироф қилмоқни тақозо этади.

Бундай майда тортишув мумтоз шеърятимизнинг яна бир машҳур намояндаси Бобораҳим Машрабнинг туғилган жойи хусусида ҳам бор. Тўғри, андижонликлар Машрабнинг этагига жон-жаҳдлари билан ёпишиб олишни ўзларига эп кўрмаяптилар. Аслида бу муаммога Машраб ҳаётлигидаёқ Малехо ва бошқа муаллифлар, қолаверса, бундан қирқ йил аввал академик Ғафур Ғулом Машрабнинг ўз замондошлари ва суҳбатдошларидан олинган далиллар ва шоирнинг ўз рубоийлари асосида нуқта қўйган эдилар. «Музаққир-ул-асҳоб» асарининг муаллифи, самарқандлик Муҳаммад Бадеъ Малехонинг ёзишича: **«Машраб таҳаллуси Раҳимбобойи қаландар аст. Асл аз вилояти Андигон буда дар айёми бараҳна рўй ба касби фазилат ва фазойил ба вилояти Наманган омада...»** (Таржимаси: **«Машраб қаландар Раҳимбобонинг таҳаллусидир. Асли Андигон (Андижон – Ғ.Ғулом эскартиши — Қ. К.) вилоятдан бўлиб, ёшлик чоғларида илм ва фазилатлар касб этиш учун Наманган вилоятига борган...»**)<sup>1</sup>.

**«Муҳаммад Бадеъ Малехо берган маълумотга шунинг учун ҳам ишониб керакки, — дея алоҳида таъкидлаган эди Ғафур Ғулом, — у Машрабга замондош бўлиши билан бирга, у билан Самарқандда учрашган, уни яхши билган ва ўзининг «Музаққир-ул-асҳоб» асарини ҳам Машраб ҳаёт вақтида, яъни 1688-1691 йилларда ёзган».**

Бундан бошқа яна қандай исбот, бундан-да асослироқ, ишончлироқ қандай манба, маълумот бўлиши керак? Бу масалага қайта-қайта қайтиш озгина ҳам чўғ қолмаганмикин, деган илинжда аллақачон ўчиб бўлган кулни титиш билан баробар, дейиш мумкин. Ўзини Машрабнинг замондоши Малеходан ҳам, академик, шарқ илми, маърифатининг билимдони Ғафур Ғуломдан ҳам билармонроқман деб ўйлагувчи адабиётшунослардан бирининг мулоҳазасига кўра Андигон — Андижон эмас, балки Наманган яқинидаги бир жой эмиш. Хўп, қани, қаерда ўша жой? Қолаверса, Малехо матнида Андижон ва Наманган атамаларининг ёнида «вилоят» деган аниқловчи турибди-ку! Наманган вилоятининг ичида яна бир вилоят бўлмагандир?! «Андижон»нинг аввал «Андигон» шаклида қўлланилгани тарихий манбалардан, комусий адабиётлардан маълум-ку!

Шунингдек, Ғафур Ғулом Бобораҳим Машрабнинг андижонлик эканини исботлаш учун «Девони Машраб» китобидан яна бир неча далил ва қуйидаги шеърый мисраларни келтирган:

*Аввал қадами пири мугонро ишқ аст,  
Дуввум сару по бараҳнагонро ишқ аст.  
Риндони Бухороу бангиёни Кашир,  
Шоҳ— Машраб тарки Андижонро ишқ аст.*

Сўнгги сатр таржимаси: «Шоҳ Машрабнинг Андижонни тарқ этиши ҳам ишқ туфайлидир».<sup>2</sup>

Ғафур Ғуломнинг ўзи ҳам адашиш мумкинлигини, адашганлигини ошкора, тантилик билан эътироф этиб, «Мен ҳам «Момойи гисинабурида» деган бир очеркимда уни **(Бобораҳим Машрабни — Қ. К.)** чуқур текшириб ўтирмай, наманганлик дея берган эдим. Кейинги текширишлар бу фикрни тасдиқламади», деб ёзади «Икки Машраб»

<sup>1</sup> Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. «Фан» нашриёти, 1971 йил, 84-бет.  
<sup>2</sup> Юқоридаги китоб, ўша саҳифа.

сарлавҳали юқоридаги мақоласида. Дарвоқе, Бобораҳим Машрабнинг 1990 йил «Ўзбек адабиёти бўстони» туркумида чоп этилган «Меҳрибоним, қайдасан» номлиғ китоби энг кейинги ва нисбатан тўла, муайян аниқликлар киритилган нашрдир. Унинг тузувчиси, самарқандлик тадқиқотчи Жалолиддин Юсуповнинг Машраб ижодининг чинакам ошуфтаси эканлиги ва ўзигача бўлган машрабшуносларнинг тадқиқотлари, илмий-қиёсий кузатишларини чуқур ўрганганлиги сезилиб туради. Унинг бу хизматларини китобга сўзбоши ёзишган профессорлар Н. Комилов ва Ғ. Саломов ҳам алоҳида таъкидлашиб, «У (Ж. Юсупов — Қ.К.) Машрабнинг ҳақиқий фидойи ошиғи, мана, салкам йигирма йилдирки, Девонаи Машраб асарларини қидириш ва жамлашга ўз умрини сарфлаб келмоқда. Бу изланишларининг натижасида шоир девонининг бир неча нодир қўлёзма нусхаларини қўлга киритди, турли баёзлар, манбалар ичидан бизга маълум бўлмаган шеърларни топиб нашр эттирди... Жалолиддин фидойи тадқиқотчи, классик шеърятнинг нозиктаб билимдони», дея баҳо берадилар.

Бобораҳим Машрабнинг оташин фидойиси шоир таржимаи ҳоли ҳақидаги мулоҳазасини шундай баён этади: «Музаққир-ул-асҳоб» тазкирасининг муаллифи Малехо Машраб билан икки марта Самарқандда учрашган. Малехонинг ёзишича, Машраб асли Андигон (Андижон — Ғ. Ғулом эскартиши) вилоятдан бўлиб, ўсмирлик йилларида илм ва фазилатлар касб этиш мақсадида Наманганга борган. У ерда зўр ҳавас билан ўқиши натижасида тезда камолот касб этган. Балоғатга эришгач, Самарқандга келган. Яна Наманганга қайтиб, у ердан Қашқар ва Бадахшон сафарига жўнаган. Иккинчи марта Самарқандга қаландар жомасида кириб келган».

Демакки, Ж. Юсупов бу борада Малехо ва Ғафур Ғуломлар билан ҳамфикрдир. Хўш, нега энди шоир билан сафарларда бирга бўлишган, издиҳомларда елкама-елка ўтиришган замондош ижодкорларнинг сўзларини шубҳа остига олиб, улардан, бош қахрамондан қарийб тўрт аср кейин яшаётганларнинг тахмин ва чамаларига чалғишимиз керак?

Дарвоқе, Машраб таваллудини Наманган билан боғловчилар:

***На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидан,  
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман...***

каби сатрларга (хусусан, иккинчи қатордаги Бобораҳим Машрабга ноҳос бўлган ғазалликка бир эътибор беринг) суянадилар. Лекин бу суянчиқлари мустаҳкам пойдеворга эгамикин? У ҳолда, айна ана шу мисралардан тепадаги:

***Ҳеч киши билмас мени қайдин бу ерга келганим,  
Асли зотимни сўрасанг, мен ўзум Хўқониман,—***

деган байтни қандай изоҳлаш мумкин? Унда масала янада чуқурлашиб, калава баттар чигаллашиб кетади-ку. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони — мазкур байтлар ё ғазалларнинг айнан Бобораҳим Машраб қаламига мансублигига (Машраблар ижоди ҳали сўнгги нуқта қўядиган даражада ўрганилгани йўқ-ку!), уларнинг котиблар, хаттотлар ё баёз, тазкира тузувчилар томонидан чалкаштириб юборилмаганига ким кафолат беради? Ахир, адабиётимиз тарихида бундай саҳву хатолар кўп-ку!..

Хуллас, шунақа гаплар... Ҳамроҳимиз Неъматилло билан ўртамизда гоҳо ана шу мавзу атрофида гап очилиб қолардию, бироқ масалага чуқурроқ киришдан у ҳам, биз ҳам ўзимизни тиярдик. Профессор Бобур Мирзонинг ҳақиқий ошиғи эди, бир гал ҳазил аралаш: «Машрабнинг қаерда туғилгани ҳақидаги мунозараларга нима дейсиз?» деб сўраган эдим, у фикр айтгиси келмадими, “Машраб билан ишим йўқ”, деди бир оз тажанг ҳолда. Бу қисқа жавобдан «Мен бобуршуносман, Машраб — машрабшуносларнинг муаммоси», деган маънони ҳам уқиш мумкин эди.

Неъматилло айна дамда ўз қувончини, ҳаяжонини ичида сақлашга ҳаракат қилаётгандай, «Бобурнинг ҳаёти» китоби ва унинг муаллифини босиқлик билан

таърифларди. Ҳатто у билан ана шу асарнинг зарур бобларини ўзбекчага ўгирамиз, деб, ҳамроҳларга эшиттириб маслаҳат қилдик. Бироқ шеф бу гапга муносабат билдирмади, зеро, бундай ишларга раҳбар билан кенгашмасдан, унинг амри ё ижозатисиз саъй ҳаракат қилмоқ ножоиз эди.

Тангайл шахрига соат етиларда етиб бориб, «Шангар» меҳмонхонасига жойлашдик. Извошлари безакдор, дўконлари анча маданий ва озода, одамлари нисбатан оқ юзли, аёллари бўлароқ эди. Эркаклар ҳам анча пўрим, замонавий, масалан, дхоти боғлаган ё «юбка» кийгани жуда кам, бари ғарбона шимда...

Чанг ҳам оз, шунинг учун осмон анча тиник, юлдузларни бемалол санаш мумкиндай туюларди.

Меҳмонхонада пашша (чивин) кўплигидан каравотлар атрофига махсус темир сўкичак ўрнатилиб, пашшахона билан ўралган — ўринлар шохона эди.

## ЭНГ УЗУН КЎПРИК

*2 ноябр, пайшанба*

Муаззин овозидан уйғониб кетдим. Зокиржон ака ҳам. Анчадан бери азон товушини эшитмаган эдик. Соат тўртдан ўн беш дақиқа ўтган экан (бу ерда бешдан шунча ўтган эди).

Уйку дуруст бўлди. Пашшахона пухта экан. Кечаси пашша бояқишлар пашшахона атрофида айланишиб, тирқишлардан сукилиб киришга уриниб, кўп зорланишди. Лекин ким ҳам бешафкат, қонхўр махлуқларга раҳм еб, ўзини тутиб берарди? Фақат қонни сўрса майлику-я, оромни ҳам олади-да баччағарлар. Аммо, ҳарқалай, бу жойнинг пашшалари ўта баттол ва сур эмас экан шекилли, ё ҳафсалалари пир бўлдим, ғинғиллаб-ғинғиллаб, жимиб кетишди.

Беш ярим бўлмайд йўлга тушдик. Қуёш ўнг тарафимизда, оҳиста кўтарилиб келяпти. Икки томон гўзал далалар, сув, яна бепоён экин майдонлари, гавжум дарахтлар. Бу йўл ҳам янги чоғи, дарахтлари ёш. Дала-тузларни қировдай шудринг қоплаган, аста сийрак ҳовурга айланмоқда. Бу энди чанг қўшилмаган, беғубор ҳовур эди.

Йўл ғоятда соз. Кўл-ҳовузларда балиқ овлашга мўлжалланган турли-туман мосламалар — ҳавозасимон, босма қурилмалар, улар атрофида ғимирлаб юрган ката-кичик эркаклар кўп.

Жамна дарёсига қурилган Бангладеш кўпригига кираверишда назорат маскани бор экан, тўрт юз така берасизлар, дейишди. Транспорт-уловнинг турига қараб (мотоциклдан катта юк машинасигача) нарх ёзиб қўйилибди: 30 такадан 1250 такагача. Кўп жойларда иш бераётган хатларимиз бу ерда ўтмади. Тўладик. Кўприк хайратангиз: қатнов икки томонлама, ўртада бетон ғов, икки чеккада яна бетон тўсиқ...

Дарёда қайиқлар сузиб юрибди. Сув тиниқ.

— Менимча дунёдаги энг катта кўприклардан бири бу, — деди Зокиржон ака.

Дарҳақиқат, кўприкнинг узунлиги 5 километру 400 метр экан — Илҳомжон айтди.

Кўприкдан кейин йўлнинг икки ёни анча масофагача сунъий майсазор эди.

Ҳавасга юрадиган йўл — чиннидай тоза! Исломобод — Лохур шоҳ кўчасидай. Агар шу йўлни кўрмаганимизда Бангладеш ҳақидаги тасаввуримиз чалароқ, хирароқ, нохушроқ бўлиб қоларкан. Машинамиз ҳам ҳузур қиляпти. Демак, биз Даккага «сўқмоқ»дан келган эканмиз.

Кўча баланд, икки ёни суйри ёнбағирлик бўлиб, бир неча қатор дарахтзор эди.

Махсус экилган палмазорлар, бананзорлар, бамбукзорлар алмашилиб турибди. Тўп-тўп бамбуклар тол кўчатларига ўхшарди, барглари ҳам узунчоқ ва майда-майда. Оч пушти, майда гулли ёввойи нилуфарзорлар ёнидан ўтяпмиз. Очик ерлар фақат шолизор, бошқа экин битмайди чоғи.

Қишлоқлар анча батартиб.

Ҳўкиз тортаётган ёғоч омовларда ер ҳайдашяпти. Ер захлиги учун трактор киролмаса керак. Умуман, йирикроқ техника воситалари кўринмайди.

Бозорлар, дўконларда банан жуда кўп, кокос ҳам анча сероб, апелсин, мандарин кам, ананасни кўрмаймиз.

Богра шаҳридан чиқиб, Рангпурга қараб кетяпмиз. Экинлар ўзгариб боряпти: карам, бақлажон, помидорлар селкиллайди. Чиндан ҳўкиз омов урф шекилли, кўп. Боғлар, шакарқамишзор, бананзорлар жуда сероб.

Банан бозоридан ўтяпмиз. Банан еру кўкка сиғмайди. Кўчанинг икки бетида кўм-кўк мева ғарам-ғағам қилиб босиб қўйилган. Улгуржи бозорга ўхшайди. Бизда олтиариқликлар асосан бодринг, гуркуровликлар асосан анор экишгандай, бу ерда фақат бананчилик билан шуғулланишаркан.

Кейин ўнгда ҳам, чапда ҳам шакарқамиш плантациялари бошланди, узилиб-узилиб, яна давом этаверарди. Орада яна бананзор: ғоят латиф, ғоят фусункор манзаралар...

Бананнинг ғужум-ғужум бўлиб осилиб турган бодрингсимон меваси ҳамма ерда кўм-кўк эди. Бир жойда тўхтаб, оралаб узиб кўрдик: чиндан ҳам пишмаган, ғўр эди. Биз томонда помидорнинг хомини олиб Россияга босишгандай, булар ҳам шундай қилишади чамаси. Хулоса шуки, банан дарахти унча баланд бўлмас, мевасига бемалол бўй етур, кокос эса баланд бўлув...

Гобиндажон қишлоғида яна поёнсиз банан бозорига дуч келдик. Ҳиндлар, бенгаллар нони бўлган шу мева иштаҳани қитиқладими, Неъматилло ҳиргойи қилиб қолди:

*Анча йўлни босиб қўйдик биз,  
Нонуштадан дарак йўқ ҳамон...*

Бу ёқларда сигир, жайдари ўрдак боқишаркан.

Бепоён шолиторларда ёввойи ўт кўринмас, шиғил донли бошоқлар суялиб қолган... Қанғил йигитлар елкасида илмоқ билан шоли боғларини ташишяпти.

Бир далада ғўза кўрдик! Ўскироқ, сершоҳроқ, барглари йирик, лекин майинроққа ўхшади. Бироқ пахтаси кўзга чалинмади.

Далада одам, яъни ишлаётганлар кўп. Бангладешликлар меҳнаткаш, тадбиркор халқ экан, деган тасаввур уйғонди менда..

Профессор-чақчақчимизнинг ҳиргойилари ниҳоят ўз таъсир кучини кўрсатди. Соат ўнларда Рангпур шаҳрида тўхтадик.

### **ҚИЗ—ЖУВОНЛАР ЎША—ЎША...**

Нонуштадан кейин айланма йўл қолиб, шаҳарнинг ичига юрибмиз. Ҳаммаёқ бозор эди. Бу кўчаларда фақат киракаш велосипед-извош (рикша) юраркан. Катта йўлга чиқиб олиш кўп машаққат бўлди. Йўл назоратчилари — полисменларнинг бири у ёққа дейди, бири бу ёққа (Яхшики, жарима талаб қилишмасди, бизда бунақа қоидабузарларни шилиб олишади). Хуллас, адашиб Саидпурига (бутунлай бошқа йўналиш) кетиб қолибмиз. Шаҳарчалар ва қишлоқлардан ўтяпмиз, сўраб-сўраб айланиб юрибмиз. Маҳаллий халқ инглизчани билмас эди, тушунтириш ҳам, тушуниш ҳам қийин.

Қишлоқлар яхши: озода, саришта, одамларнинг кўринишлари, моддий аҳволи ҳам анча дуруст-ов. Ҳовли-уйлар кўрғонли, батартиб. Ўзимизнинг қишлоқларни эслатади. Хусусан, Нилпамари. Айланароқ, торроқ кўчаларнинг бир томони уйлар, у ёғи шолитор. Фақат дарахтлари бошқачароқ. Бу тарафларда унча йўғон бўлиб кетмайдиган, танаси баланд — новча палмалар (майда мевали араб хурмоси) учраяпти. Йўл четидаги ажриқзорларга қизғиш қора сигирлар, эчкилар боғлаб қўйилган.

Қиз-жувонлар эса ўша-ўша:

*Пешонаси қизил ҳолли,  
Елка-боши шарф-рўмолли...*

Сарий ва шарф менда ҳаё ёпинчиқлари экан, деган таассурот қолдирди. Бу ҳарир матолар хотин-қизларнинг Оврўпа аёллари мумкин қадар кўз-қўзлашга ҳаракат қиладиган аврат жойлари — томоқлар остини, болдирларини бад назарлардан сақлар экан. Демак, булар шарфни фақат зийнат учун тутишмас экан.

**Байт:**

*Шарқ элин ҳар дарахт, ҳар гиёсидан  
Завқ олдим бугдой ранг, кўз шаҳлосидан.  
Ҳусну кўрк бобида тоқ эмасдир, лек  
Шарфга ўралган тан ҳаёсидан.*

Бу ёқда ҳам кўчада қизлар, аёллар кам, бели, қўлтиғи очиклари асосан катта ёшдаги хотинлар, кампирлар эди.

Булар ҳам болани ёнбошга олиб (бизда, «кўзи бола» қилгандай) кўтаришарди.

Шолизор шунчалар кўп, шунчалар бепоёнки, қандай қилиб йиғиштириб олишаркин, деб ҳайрон бўламан (Бу мамлакатларда талабаларни далага, ишлаб чиқариш амалиётига олиб чиқиш расми йўқ). Эҳтимол булар ҳам биздаги пахтазорларни кўришса, шундай мулоҳаза қилишлари мумкин.

Кўл-ҳовузлар, анҳорларда калта иштон кийган қоп-қора болакайлар бир-бирларига сув сачратишиб, маза қилиб чўмилишарди. Болалар ҳамма жойда, ҳамма юртда бир хил чўмилишади, бир хил қувонишади-да.

Ҳолат бир оз ўзгарди: бойларга хос уйлар кўринмайди, деворлари бўйрадан иборат хужра-уйчалар, атрофлари бўйра билан жипс ўралган ошхоналар, савдо дўкончалари, омборхона ва бошқа майда-чуйда кулбалар учрай бошлади. Фақат томлари шифер, тунукали эди.

Велосипед-извошларнинг орқа томонига қўйилган суратларда таниқли актёрлар, сохибжамол аёлларнинг ҳаёлий қиёфалари акс этган бўлиб, аксарияти ўнгиб, титилиб кетган эди.

Ажабки, Бангладеш ҳудудида биронта ҳам қабристон кўрмаяпмиз.

Мамлакат текисликда жойлашган экан, ҳаммаёқ ўтлоқдан иборатга ўхшайди, мол-қўйлар маза қилиб ўтлаяпти, лекин негадир сигирлар ихчам-ихчам, захдаги ўт-ўланнинг қуввати йўқ-да.

Йўл ҳамон яхшию, фақат анча торайиб кетди. Ҳар қадамда дуч келадиган файтон ёнидан ўтиб кетиш, рўпарадан юк машина келса йўл бўшатиш, секинлаш ёки чеккага чиқиб туриш керак. Айлана, бурилишлар кўп. Йўл унмайди. Адашганлигимиз ҳам аниқ эди. Ҳар муюлиш ё чорраҳада тўхтаб, борар манзилимизни суриштирамиз, баъзан сўрашга одам топилмай ҳам анча-анча юрамиз.

Илгари яшилликни, яшил майдонни, яшил баргли дарахтлари сероб шаҳарни кўрсам дилим яйрарди. Бугун мана шундай йўл ҳам зерикарли туюла бошлади. Аслида, биз кетаётган чегара-назорат бўлимидан ўтишга рухсат беришармикин, ишқилиб, шунча масофадан яна орқага қайтмаймизмикин, деган хавотир бор эди, бунинг устига адашиб кетганимиз ҳам кўнгилларга ғашлик солиб турарди.

Ниҳоят, соат 16 (бу ерда 15)га яқин Банапурига — чегарага етдик.

Бангладеш назорат маскани ва божхонасидан нисбатан осон ўтдик. Аввалига улар ҳам «мамлакатимиз ҳудудига қаердан кирган бўлсанлар, ўша жойдан чиқиб кетишларинг керак, ҳукуматимизнинг қонун-қоидаси шундай», деб туришдию, ҳарқалай тез муроасага келишди.

Бангладеш божхонаси билан хинд чегараси оралиғи бир чақиримча бўлиб, асфалтсиз, ўйдим-чукур йўл чангиб ётибди.

# ЯНА ҲИНДИСТОН

## БАЙРАМЛАРИНГДАН...

Ҳиндистон божхонасида анча тутиб туришди. Яна машина муаммоси кўндаланг бўлди. Раҳбар ва таржимон ўшалар билан тортишиб-сўкишиб (профессор тутақиб кетганда наманганчасига нима деса дерди) юришибди. Биз кўтарма ғовнинг бу тарафида, машинадамиз. Хабарлашиб турибмиз. Фаррух кеча шамоллаб қолган эди, бугун штурман (йўл бошқарувчи)ликни топшириб (бу сафар у доимий штурманликка махсус буйруқсиз тайинланган эди), оркага ўтиб олган, ётибди. Илҳомжон иккаламиз пастга тушиб, машина атрофида у ёқдан буёққа босиб, ўзимизни овутиб, совутяпмиз. Қоронғи аллақачон тушиб бўлган. Ўнг томондаги баланд-паст ерларда бирдан ёнар капалаклар йилт-йилт қила бошлади, бир зумда улар жуда кўпайиб кетди. Бизга яхши эрмак бўлди. Шундан бўлак файзли жиҳати ҳам йўқ, ҳароб бир жойлар эди.

Ҳайриятки, икки соатларда Ҳиндистон худудига ўтдик ва нотекис кўчадан Шригури деган шаҳар томон жўнадик. Йўл бир оздан кейин яхшиланди. Атроф табиати ҳам гўзалга ўхшардию, афсуски, қоронғуда яхши кўринмасди.

Бесамар юриш, адашишлар ва чегара-божхоналардаги хавотир, диққатчиликлар чарчатиб, Илҳомжондан бошқамиз мудраб кетяпмиз. Меҳмонхона топиш қийин бўлди. Дурустроқ кўноқхона учрамасди. Бирида пашша кўп, иккинчисининг шароити яхши эмас эди.

Шригури (биз уни «Ширингуруч» деб атардик) шаҳрига етиб келганимизда соат кечки ўн яримлар эди. Хийла маъқул мемонхонага жойлашдик.

*3 ноябр, жума*

Қандайдир портлашсимон товуш ва тушуниксиз гапираётган одамнинг йўғон овозидан уйғониб кетдим. Соат тўрт бўлган экан. Ташқари жуда бесаранжом: шовқин, мушак отилаётгандай, нимадир портлаётгандай қасир-қусур қилар, биров радиокарнай орқали тўхталиб-тўхталиб, нималардир дер — назаримда ё тушунтирар ё даъват этарди. Унинг овози ниҳоятда баланд эди (Одатда темирйўл бекатларида паровозларни жойлаштиришда шундай услубда гапиришади). Машиналар тўхтовсиз сигнал чаларди. Бу сигналлар ранг-баранг, гўё оркестр эди.

Деразадан қарасам (учинчи қаватда эдик) — кўча тўла халойиқ. Ҳаммаси кун ботишга қараб тўп-тўп бўлиб боришяпти. (Кечкурун меҳмонхонага келганимизда қандайдир байрамга тайёргарлик бўлаётгани ҳақидаги гап қулоғимизга чалинувдию, аҳамият бермаган, тўғриси, аҳамият берадиган ҳолатда эмас эдик).

Эркагу аёл, каттаю кичиклар оқими шу қадар кўп ва шитоб эдики, шунча эл бир йўналишга юраверса, Насриддин Афанди айтгандай, ер оғиб кетмайдимикин, деб ўйлайдиган даражада эди. Кишилар орасида автомобил каму, мотоцикл, велосипед-рикшалар кўп ва ўшалар тинмай сигналларини чинқиртиришиб, олдинда, пиёда кетаётганлардан йўл бўшатишни талаб этишарди. Радио-карнайдаги гаплар оҳангидан шу яқин-атрофда тўпланиш ё қандайдир маросим бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин эди.

Дўконлар ҳам очик, ишлаяпти — сахарда-я!..

Ёпирай! Оломон оқими тобора қалинлашиб, зичлашиб борарди. Аҳоли ёппасига кўчиб кетаётганга ўхшарди! Бу энди қанақа байрам бўлдийкин?

Транспорт-улов қатнови бутунлай тўхтатилди шекилли, кўчада фақат бир-иккита полисменлар машинаси ва «тез ёрдам» қолган, улар ҳам тошбақа юриш қилиб боришарди...

Эрталаб жўнаётиб қарасак, халқ тўпланаётган жойда катта кўприк ва унинг остидан ўтган дарёнинг икки қирғоғидаги қумлоқ ўзанда байрам нишонланибди.



Шундай қилиб, Ҳиндистоннинг марказига мамлакатнинг шарқий бурчагидан, Ҳимолай тизмалари томондан кириб келяпмиз. Табиат гўзал. Яна яшиллик кўзимизга жозибали кўрина бошлади. Яшил, ҳарқалай, одамнинг меъдасига, асабига тегмайдиган ранглардан бири.

Йўлнинг икки тарафида Гунгарам чой плантациялари бошланди: бепоён, бўйи 60-70 см., тепаси қирқилган бута-девордай текис ва чим-чатирки, узоқроқдан майсазор майдонга ўхшаб кўринади. Этак боғлаб чой тераётган аёлларнинг қандай сиғиб-оралаб юришганига ҳайрон бўласиз. Терим мавсуми экан. Жараён биздаги ғўза чеканкасини эслатади. Хотин-қизлар етилган чой баргларини чирт-чирт узишиб, этакларига солишарди.

Чой ўсимлиги салқинни, ола кўланкани хоҳлайди шекилли, пайкалларга дарахтлар махсус сийрак экилгани сезилиб турарди.

Дарё, анҳорларнинг қирғоғидаги қумликка суқилган палмаларнинг шоҳлари сўлий бошлаган, яшил, қизил матолардан ясалган капалар сўппайиб, қийшайиб турарди. Булар — байрам асоратлари экан — одамлар сув бўйларида туни билан ҳар турли ўйин-кулги қилиб чиқишаркан...

Шоли ўрими қизгин эди...

### “ҲЕ, ШУНАҚА ҚИЛИБ ОШ ЕГАННИ...”

Яна тамаддибоп жой топиш муаммоси бошланди. Одатдагидай, чойхона-ошхоналарнинг олди, атрофи умуман супурги кўрмаган (маҳаллий халқ бу ҳолатга кўникиб кетган чоғи). Бунинг устига, бекорчилар тахта ўтирғичларга чордона қуриб ёки бир оёғини аёлчасига тиззадан букиб (бошқаларнинг одатлари ҳақида бундай дейиш ножойиз албатта, бизда бундай қилиқ йўқлиги учун ғайри кўринмокда) ўтириб олишган. Ўнгсиз лунги қоп— қора сонларнинг бир қисмини тўсади холос. Умрида пайпоқ кўрмаган, пойафзални ҳам кам кийган, тарвақайлаган оёқ панжалари ёнида ўтириб таом емоққа томоқдан хавотирланасиз.

Бизнинг шим, пайпоқ, туфлилар ва бошқа кийимларга ўраниб, ўралиб юришимиз уларга ҳам эриш туюлишидан хижолат бўламиз. Назаримда ҳамма бизга қараётгандай. Баъзан чиндан-да маймун ўйнатаётгандай, ўн-ўн бештаси ўраб олишади. Қайси қорли ўлкадан келишдийкин, деб ҳайрон бўлишса керак, чунки ўзларида (аксарият қишлоқ эркаларида) лунги — дхотидан бошқа кийим йўқ эди.

Кўнгилдагидай ошхона топилмагач, яна фикрлар, таъблар, хоҳишлар хилма—хиллиги, илмий ибора билан айтганда, анархизм майдонга чиқади.

— Экспедицияга хом чиқаркансизлар, примус, қозон-товоқ олганимизда ўзимиз пишириб-куйдириб еб кетаверардик, — дейди Неъматилло куюниб. У ҳатто полякларнинг йиғма каравотидан олволганимизда меҳмонхона ҳам қидирмай, майсазорда мазза қилиб ухлашимиз мумкинлигини қайта-қайта, никтаб-никтаб таъкидлар ва ўзларининг бир сафарда ана шундай қилишганини айтиб, бизнинг ҳавасимизни келтирмоқчи бўларди.

— Биз ҳам бошда шундай қилиб кўрганмиз, — деди раҳбар унга жавобан, — ҳатто бир машинага фақат ўша сиз айтган асбоб-анжомлару кўрпа-тўшакларни ҳам юклаб чиққанмиз сафарга. Демак, бир марта қиласиз, икки марта... Бунинг устига, ҳамма тенгдан ёпишавермайди. Мен фалончи бўлсам, деб қўлини чўнтакка солиб тураверадиганлар бўлади.

— Ўшанақа, ёпишавермайдиганларни олиш керакмас. Масалан, бизга “ҳамма ўзининг илмий даражасию унвонларини қолдириб, фақат экспедиция аъзоси бўлиб кетади”, дедингиз, хўп дедиг-у, қияпмиз-у... Бошқаларгаям шундай шарт қўйиш мумкин, — дейди бир оз асабийлашаётганини сезган профессор овозини пасайтиришга, сўзлаш оҳангини юмшатишга ҳаракат қилиб.

— Кейин, демак, овқат пишириш ҳамманиям қўлидан келавермайди, — изоҳ беришда давом этади раҳбар.

— Истаса ўрганиш мумкин, овқат пишириш қийин иш эмас, бўлмаса, биладиганлар топилади.

Умуман олганда, профессорнинг куюнишларида жон бор эди. Вақт бемалол, ташвиш кам бўлса, ҳамма хоҳласа, майсазорда ёнбошлаб, димламаю паловлар билан маишат

килишнинг гаштига, роҳатига нима етсин! Лекин, кўчада, сафарда, чойхонада тўпланиб, халфана ё бошқа шаклда овқат пишириб ейишнинг ҳам ёзилмаган қонун-қоидалари, ички тартиботлари, нозу адолари бор. Бу ҳам бир санъат, бир синов... Ҳеч эсимдан чиқмайди: Тошкентда ишлаб юрган пайтимда халфана ошимиз бўларди. Раҳматли Ёқуб ака Яқвалхўжаев бағоят шинаванда ва паловнинг устаси эди. Ўзи барваста бўлса ҳам қозон атрофида гўё ихчам тортиб, жуда эпчил ва чаққон бўлиб кетарди. Мен ҳам сал-пал ош қилиб турардим. Қисқаси, паловни бир гал Ёқуб ака, бир гал мен пиширардик. Сабзи, гўшт-ёғни ҳам ўзимиз тўғрардик (Ош қиладиган одам ўз таъбига қараб тўғрайди-да). Бир-иккита жўрамиз бор эди — қозонга, ўчоққа яқин йўлашмасди. Бир сафар нима бўлдию ўшалардан бири менга ёрдамчи ва ўт ёқувчи бўлиб қолди. Бошда майкачан бўлиб, енг шимариб ишга тушувди. Ош пишиб, дамлашга келганда бошқалар шахматга берилиб кетишган экан, чойхоначидан майкачан ҳолатда дам товоқ олиб келишга мажбур бўлди, ва... «хе, шунақа қилиб ош егани...» деб ғудранса («қарғанса» дегани тил бормади) бўладими... Ҳа, шундайлар ҳам бор-да. Зокиржон ака ҳамманинг феъл-атвори қанақалигини қаердан билсин. Қолаверса, раҳбар экспедицияга аъзо, сафарга ҳамроҳ танлашда биринчи галда ҳар кимнинг бажарадиган ижтимоий вазифасини кўзда тутди. Масалан, Фаррух видеочи — у шунга мутахассис, асосий ташвишию машғулоти ўз касби-хунари билан боғлиқ бўлади. Ёки ҳайдовчи... У рулда узлуксиз, узоқ юриб чарчайди, эзилади, яна унга капгирни ё болтани ушлатиб қўйиш, ҳарқалай адолатдан эмас. Ёки, бошлиқ қозон қовлаб турса, ҳайдовчи ёнбошлаб ётгани ҳижолат бўлади ва ноилож қарашади, чунки у барчадан ёш... Хўш, ҳар гал овқат олдидан ва кейин қозон-чўмич, идиш-товоқларни ювишлар-чи?... Ростдан ҳам, ҳамма кечаси уйкуга тўйиб-тўймай (масалан, мен кечқурун кеч ётиб ё эрта туриб кўрган-эшитганларимни қоғозга туширишим керак), куни бўйи машинада эзилиб юрса... Овқат тайёрлаш ва бошқа қўшимча юмуш бир марта малол келмас, иккинчи марта ҳам қилар... Кейин... ошхонада йигирма дақиқа, узоғи билан ярим соатда тушлик қилиш мумкин. Ўзимиз пишириб-қуйдирадиган бўлсак, картошка-пиёз арчишдан тортиб, дастурхон қоқишгача бўлган оворагарчиликларга камида икки соат кетар. Юртимизда эса бизни кун санаб, сабрсизлик билан кутишади...

Аввалига Неъматилло бизнинг шу борадаги мулоҳазаларимиз билан келишолмай, ўзиникини маъқуллаб юрдию, кейин-кейин кўникиб, гапирмай қўйди. Лекин яна бир қаттиқ тутоқди, бу ҳақида кейинроқ...

Ислонпур шаҳарчасида ананасхўрлик қилдик. Мазаси қирқма қовун билан нокнинг омухта таъмига ўхшайди. Сувликкина. Мен ананас ҳам банан, кокосларга ўхшаб дарахтда ўсади, деб ўйларканман. Турп, лавлаги каби ерда битаркан, фақат пўсти пўрсилдоқ, тикан-тикан меваси бутунлай тупроқ бетида бўларкан. Барглари қиёқсимон, бир-бир ярим қарич, қарам рангида, меваси кўкиш, носрангсимон... Одамлар энди чинакамига ернинг қадрига ета бошлашибди: нилуфарзор ботқоқликларнинг ҳам сувини қочириб, шоли экишга ҳозирлашяпти. Қалта сопли кетмонларда ер чопишяпти.

## УВОЛ БЎЛГАН БАЛИҚЛАР

Ғарбий Бенгалия ҳудудидан чиқиб боряпмиз. Йўл айниди. Юк машиналари кўпайди.

Бананнинг «дода»лари шу ёқда экан.

Жайдари мол кўп, қорни икки ёнга чиқиб кетгану, лекин ориқ. Заҳқаш ерларда, фақат сувўтга тўйиб, ем емасдан, совуғи ошиб кетган чоғи.

Бўйра девор, ҳашак томли уйчалар сероб.

Бугун Ҳиндистонда балиқ куни шекилли, қайдаки кўл, нилуфарзор ботқоқлик бўлса, болалар, ўсмирлар кичкина тўр билан балиқ овлашарди.

Яна сув босган бепоён далалар, шолиси ўриб олиниб, сув бостириб қўйилган шопипояларда оппоқ лойхўрақлар хўрақ излаб юришибди.

Сув бўйларида, бананнинг маккажўхорисимон, лекин йўгон танасини ерга кўмиб, устун қилиб, уларга ола байроқлар тикилган ерларда энди моллар ўтлаб, байрам қолдиқлари — бананнинг катта аррадай баргларини ҳузур қилиб чайнашарди.

Биз эсак, энди тушлик бор жой қидирардик. Қидириш жараёни шундайки, одатдагидай, кўча бўйларидаги емакхоналарга қараб кетаверамиз, дидимизга сал тўғри келиб қолса, тўхтаб, муҳокама қиламиз, гоҳо “шу ер бўлаверади», деб қоламиз, гоҳо «яна озроқ юрайликчи», деб йўлда давом этамиз. Лекин кўпинча ичимиз чиқмайроқ овқатланиб, жўнаганимиздан кейин озгина юришимиз билан хийла яхши ошхоналар рўпара келади. «Эх, аттанг», деб бош чайқаймиз.

— Мен айтдим-а сизларга озроқ сабр қилинглар, деб, — дейди раҳбар.

Эрталаб нонуштага тўхтаган еримизда кичкина пиёланинг оғзидай чепоти нон олиб, шуям иш бўлдию, деб ажабланган эдик. Энди ўшаниям тополмай қолдик. Ошхона кўп, лекин ҳаммасида қандолатли пишириқлар ва биз умримизда кўрмаган таомлар. Ошхоначиларга («ошпаз» деган сўз негадир ёпишмайдигандай туюлади) гап уқтиролмаимиз. Улар ҳам ҳуноб, биз ҳам диққат.

— Нима, қанақа овқат бу? — деб сўрайди Неъматилло инглизчалаб.

Ҳиндлар елка қисишади. Саволни Фаррух форс тилида такрорлайди. Ҳиндлар яна кифт қоқишади ё “еб кўр” дегандай қошиқда каттакон каструлкадаги жигарранг бўтқадан олиб узатишади. Таъбимиз тортмайди.

Ҳиндистонда тўйиб овқат емаслик, “А” витамини етишмаслиги оқибатида ҳар йили минг-минглаб болаларнинг кўзи ожиз бўлиб қолиши ҳақида ёзишади. Қовуриб «сумалак»ка айлантириб юборилган шунақа таомларда витамин қоладими?

— Нон, чепоти борми? — деб сўраймиз.

Бўтқачилар яна елка қисишади ё «ҳа» дейишадию, биз ҳам имо билан «қани?» деб сўрасак, бутунлай бошка нарсани кўрсатишади. Баттар тажанглашамиз. Ҳиндистону ва яна кўп шарқ юртларида халқаро атама бўлиб қолган «чепоти»ни тушунишмасе-я?!.. Айниқса, профессор шунча ҳаракат ва гапларининг зое кетаётганидан, энг оммавий ва нуфузли инглиз тилисининг ҳам иш бермаётганидан қаттиқ ранжиб, асабийлашарди. Чамаси, мамлакатнинг энг олис, энг овлоқ кишлоқлари эди бу жойлар.

Аслида ўзимиз ҳам аксмиз-да. Ҳар қадамда тўхтаб, чепоти сўраб вақт ўтказгандан кўра, қирқиб қотириб қўйилган халта-халта оппок патир нонларимизни тановул қилиб кетаверсак бўладию, лекин аксига олиб, термосдаги чойимиз худди ана шунақа пайтга келиб тугаб қолган бўларди. Қолаверса, юқорида айтилгандай, таъблар ранг-баранглиги масаланинг тез ва ижобий ҳал этилишига монелик қиларди. Биримиз «дурустроқ овқат есак бўларди-да», десак, иккинчимиз анчадан бери суюк овқат ичмаётганимиздан зорланамиз, учинчимиз «чевати бўлсаям, ҳарқалай, янги, юмшоқ ноннинг ўрни бўлак-да», дея лукма соламиз.

Ўчакишгандай, бу томонларда тухум ҳам йўқ эди. Охири бир жойда раҳбар машина ойнасидан узун таёққа чизиб кўтариб турган ўсмирлардан икки килоча оқиш, юмшоқ балиқ сотиб олди, уни дуч келган биринчи ошхонада қовуртириб емоқчи бўлдик. Покистон довонидаги армонимиз ушаладиган бўлди, деб суюндик. Икки-учта ошхонадагилар фикримизни англашмадим, ҳарнечук, «йўқ, бўлмайди», деган ишора қилишди. Яна кетдик. Икки тараф сув, балиқ овлашаётганлар кўп. Йўл бўйларида кичкина, паст айвон (асли уларни «бостирма» деган сўз яхшироқ ифодалайди) — таомхоналар сероб. Бирида икки ўспирин бор экан, машина ойнасидан чизим балиқни кўрсатиб, имо билан “пишириб берасизларми?” десак, «хе» дейишди. Хурсанд бўлиб ерга тушдик. Қозон кўринмасди. Неъматилло инглизчалаб «қозон борми?» деб сўради, “хе” дейишди. Неъматилло ўсимлик ёғи, чепоти сўради. Ўспиринлар ҳамма саволга тўти каби фақат бир сўз билан — «хе» деб жавоб беришарди. Шундан кейин уларнинг ҳам инглизчани тушунишмаётганига амин бўлдик ва ҳаммамиз кўл ҳаракатлари билан «гапириш»га тушдик. Ўсмирлардан бири велосипед миниб қаёққадир жўнади ва ўн дақиқаларда қозон билан балиқ тозалайдиган ярим ойсимон ўроқ-пичоқ олиб келди. Балиқ тозалашга унадик, ўроқ-пичоқ ўтмас, бунинг устига, балиқнинг тангалари ҳам биз билган балиқларникига нисбатан анча қалин ва қаттиқ эди. Ўзимизнинг пичоқларимизни ишга солдик. Балиқ тагига қўйгани тахта ё шунга ўхшаган нарса йўқ, кўп

мушкул бўлди. Кеч кириб боряпти. Шошяпмиз. «Примусингни ёқ» дедик (Ҳаммамиз ҳамон ҳар томондан фикр-мақсадимизни имо-ишора тилида англиштишга уринамиз). Қозон кизиди. «Энди ёғ қуй», десак, бизга анграйиб қарашади ва фақат “хе”, «хе» дейишади. Яна инглизча, форсча, ўзбекча лаҳжалар ишга тушди. Зора биронтасини илғаб қолиш-са, деймиз-да. Ниҳоят фаҳму фаросатларига етиб борди шекилли, ёғ йўқлигини билдиришди. Ҳе, каллаварамлар, ёғ бўлмаса балиқни нимада қовурасану, нон, чепоти бўлмаса биз балиқни нима билан еймиз?.. Афтидан улар бизга балиқ кўрва пишириб беришмоқчи эди шекилли. Қайтадан бутун имконият ва воситаларни ишга солиб, ёғ, нон зарурлигини уқтирдик. Зокиржон ака пул берди. Ўсмирлардан бири яна велосипедда ғизиллади ва тагин боягича ҳаяллаб, қаппайган бир халта кўтариб келди. Бу нима топиб келдийкин, деб апилтапил халтани очсак... — ун, яна буғдойникияммас, бошқа бир доннинг уни!..

— Энди бўлмади, кетдик, балиқ ҳам қолаверсин, хайр-садака, — деди Зокиржон ака асабий қўл силтаб.

Балиқни эзғилашга шай бўлиб, оғзини очаётган ошқозонларимиз ноласини аниқ-тиник эшитиб турардик.

Шу ерда плюрализм — фикрлар хилма-хиллиги яна бир карра анча жиддий тарзда ўзлигини намоён қилди. Ҳа, Неъматилло ҳам шу ерда тагин бир бор тутоқди, боз ўзимиз қозон-товоқ, примус ва бошқа ашқол-дашқоллар олмаганимизни таъкидлаб қуюнди, ёнди.

Баъзиларимиз ёғ пулига келган ун қолсаям, балиқни олволайлик, бошқа ерди қовуриб еймиз, дедик, лекин раҳбаримиз “йўқ, ҳеч нарсани олмаймиз”, деди қатъий.

Чала тозаланган, бизга насиб этмаган икки кило балиқ майсазорда сочилган бўйи қолди.

Аслида, ҳадеб емиш ташвишини чекавериш ҳам ғалат ва ўнғайсизку-я, илло, биринчидан, автомобилда узоқ силкиниб юриш оқибатида палов, димламаю лағмонларга ўрганган ошқозонлар чекен супу, аччиқ, суюқ қайлаларни ҳазилакамига тилка-пора қилиб ташлар, инчунин, зерикарли туюла бошлаган олис масофада тамадди ҳам вақт ўтказиш, чалғиш йўлида бир эрмак, янгилашиб, кайфият торларини қайта созлаб олмоқ учун баҳона-сабаб эди. Нечукким, бошқа маҳалда шунчаки дам олиш ё ўзга кўнгилочар амаллар билан андармон бўлиш раҳбар тузган хос дастурда кўзда тутилмаган эди.

Ҳадемай коронғи тушди. Йўлда биринчи дуч келган қўноқхонага кирувдик, пашша қўп экан, қайтиб чиқдик.

Бегисарой деган жойда, дурустгина меҳмонхонада тўхтадик ва ресторанида тотли хинд мевалари билан кундузги хунобгарчиликлар ҳиссасини чиқардик.

## БУТ—САНАМЛАР ЎЧОҒИ

*4 ноябр, шанба*

Кечаси айлана йўллардан юриб келганимиз учун шарқ қайдаю ғарб қайда — билмадим. Одатда қиблани кечкурун аниқлаб қўярдим, оқшом фаромушлик бўлибди. Азонда ташқарига чиқсам, сўрагани ҳеч ким йўқ. Қарасам, ўнг томонда уфқ қизариб келяпти, демак, куёш шу ёқдан чиқяпти, демак, қибла чапда, деган хулосага келдим. Бомдодни ўқидиму, иккиланиб яна пастга тушдим. Одамлар пайдо бўлиб қолган, лекин ўнг уфқдаги қизиллик ҳамон бирдай турарди. Бир неча кишидан “қибла?..” деб сўрадим, «Мақкаи Мадина...?» дедим, қулоқ қоқиб, намоз ўқигандай, энгашиб кўрсатдим. Бутунлай бошқа нарсалар деб бидирлашади. Нахотки биронта мусулмон бўлмаса, дейман.

Соат 5, асосий ҳалқ ҳали уйкуда эди. Аммо томига карнай ўрнатган автомобиллар хиндча ашулани қийқиртириб ўтишяпти. Чиндан ҳам бу ҳайдовчиларда «бировага ҳалал беряпман, одамларнинг ороми, тинчи бузилиши мумкин», деган тушунча йўқлигига ишончим ортиб борарди. Машина сигналларининг уни ҳам ранг-баранг ва жуда ўткир экан. Улар ичида шер ўқириғини эслатадиган товушлар ҳам бор эди.

Патнага жўнадик. Чўчқалар қўп учраяпти, демак, бу тарафларда ҳақиқатан ҳам мусулмон кам. Йигирма чақиримдан кейин Ганг дарёси келди. Узун темир қўприқдан

ўтяпмиз. Дарёнинг кенг кумлоқ-тошлоқ ўзанидаги сувсиз жойларида — чайла-чодирларда одамлар яшашяпти — лўлилар бўлса керак.

Экин экишга тайёрлаб қўйилган далалар бепоеён, кўчанинг икки томонида одатдагидай кўлмак ҳовузлар, суратдагидай қотиб туришган оппоқ лойхўраклар беҳисоб. Ботқоқликларда кўрпа-кўрпа бўлиб ўсиб ётган пушти гуллар нилуфарга ўхшайди, бегона, табиий гул бўлса керак.

Ўрдак, чуррак кўп, от умуман Ҳиндистону Бангладешда кам кўринади, шу йўлда ҳачирсимон майда отларга қараб: буларнинг отлари ҳам ўзларига ўхшаб, ихчам, қанғил экан-да, деб ўйлайман.

Баланд (10-15 метр), столбасимон палмаларнинг бадани тарам-тарам, худди нақш солингандай. Умуман палма деганиниям тури сероб экан.

Таппичилар қишлоғидан ўтяпмиз. Уйларининг деворларига, палмаларнинг бўй етадиган жойигача жуда ҳафсала билан тезак ёпиб ташлашган. Қуриганларини ўтин саржинидай батартиб тахлаб, ғарам қилиб қўйишаркан.

Сигирлар кўп ва ранг-баранг: қора, симобранг, ола, оқ, сарғиш, кизғиш, кулранг... Ҳаммаси семиз. Бу ҳудуд ерлари қақсовроқ бўлгани учун ўтларининг шираси бор шекилли.

Уйлар айвонсиз эди, шундоқ одамлар яшаётан кулба деворининг олдида, яъни айвон ўрнида чорва ҳайвонлари (асосан сигир-бузоқ) турарди.

— Бу одамларни моли боқаркан-да — сути, ёғи, тегаги билан, — деймиз.

Қамиш сероблигиданми, чорасизликданми, деворлари қамишдан тикланган уйлар, дўкончалар, ҳатто ошхоналар ҳам бор эди.

Бир қишлоқ хонадонларининг ёнлари, атрофидаги (бу ёқларда ҳам томорқани кўрғон қилиш одати йўқ экан) очиқ ерларга ёппасига кўк қалампир экиб ташланган эди. Андижон биқинидаги аҳли қалампир етиштириб сотиш билан тирикчилик қиладиган Миробод қишлоғини эсладик.

Кейинги овул, маҳаллаларда гуркираб ўсаётган қарам ё бақлажон, бодринг ёки маккажўхори, помидор ёки патисонсимон узунчоқ бир нарсаларга дуч келдик.

Хуллас, ҳар жойнинг ўзига хос мевалари, дарахтлари, полизу сабзавот экинлари бор эди.

Буддизмнинг ўчоғи шу ёқда қолган шекилли, бут-санам кўп. Катта йўлнинг ҳар, жой-ҳар жойига махсус қурилган хужралар (улар узокдан биздаги бекатларга ўхшарди) ичидаги турли кўриниш, турли қиёфада ифодаланган санамлар эгнига сарий ё бошқа либослар кийдириб қўйилган эди. Бут-ҳайкалларга асосан қизил бўёқ ишлатилган, аксарият сиймолар ёш ва гўзал — бир қарашда уларнинг қиз ё йигитлигини ҳам ажратиш қийин эди. Лекин ажинасифат, девсимонлари ҳам бор. Шундайларини Калкутгадаги меҳмонхонамиз яқинида, шундоқ гавжум муюлишларда ҳам кўриб эдик. Улар одам ҳайкадиган даражада хунук важоҳатли: кўзлари ола-кула, елкасига тўшадиган сочлари тўзиган эди.

Бир жойда бутхона деворларига илон тасвири туширилибди. Шу газандани муқаддас билувчилар тоифасига мансубларнинг иши бўлса керак.

Аслида «Ҳиндистон — буддизмнинг ватани. У эрампиздан аввалги VI асрда (бошқа манбаларда III асрда дейишади — Қ. К.) кулдорлик жамиятида кенг меҳнаткаш омманинг каста тузумига, шафқатсиз жабр-зулмга қарши тенглик ғоясини кўтариб чиққан диний эътиқод сифатида пайдо бўлган. ... Арий қабилаларининг пайдо бўлиши ва узок давр мобайнида уларнинг диний эътиқодлари маҳаллий ибодат ва эътиқодлар билан аралашиб, индуизмни юзага келтирган эди»<sup>1</sup>. Умумий тенгликни эълон қилган буддизмни ватанидан сиқиб чиқарган бу таълимот — индуизм мамлакатда жуда тез ва кенг тарқалади. Ҳозир Ҳиндистонда аҳолининг тахминан саксон фойизи ана шу динга (қолгани мусулмонлар, носаролар, сикхлар, буддийлар ва жайнизм тарафдорлари) ихлос қилади. Бойлар билан қашшоқлар ўртасидаги кескин фарқ, камбағалларнинг гўё тақдирга тан бериб,

<sup>1</sup> И. Жабборов. “Жаҳон халқлари этнографияси”. Тошкент, “Ўқитувчи” нашр. 1985 йил, 112-бет.

саводхонликка, бой бўлишга ҳаракат қилмасликлари, бизнингча, каста тузумини «абадул-абад» яратилган деб, мана шу қарашни илоҳийлаштириш оқибатидир.

Зеро, Ҳиндистонда мавжуд бўлган Карма ақидаларига кўра, инсон ўз тақдирини ўзгартиролмайди. Киши умрида рўй берган ижобий ва салбий воқеа-ҳодисалар унинг «аввалги ҳаёти»даги эзгу ишларига ажр ё ёмон қилмишларига жазо, деб тушунилади.

## **Ҳабиб Раҳмон ҳам ўзимиздан экан... Бечора ошиқу маъшуқалар**

Соат ўнларда Патна (қадимда Паталипутра номи билан Магадха давлатининг пойтахти бўлган)га кириб келдик. Узоқроқ, айланиш бўлса ҳам, Патна йуналишини танлашдан муддаоимиз — Худобахш кутубхонасини кўрмоқ ва ундан керакли манбаларни

суриштирмоқ эди. Бу бой ва машҳур жавоҳирлар ҳазинаси бизга аввалдан маълум эдию, лекин ўтган сафар бу томондан юрмаганимиз учун унга етиб келолмаган эдик. Аллоҳ насиби рўзи айлаб ана шу табаррук даргоҳ остонасига қадам қўйганимиздан мамнун эдик, айниқса, раҳбар. Чунки экспедиция сафарлари дастурини ҳар гал Зокиржон аканинг ўзи тузар, уни тайёрлашдан аввал йўлимиз тушадиган ва махсус борадиган мамлакатларимиз худудидаги маданий-маърифий марказларни — кутубхона ва музейларни, тарихий ёдгорликлар, олий ўқув юртлири, умуман бобурийларга оид бирон гап, маълумот топилиб қолиши мумкин бўлган нуқталарни батафсил ўрганиб чиқарди. Аввалги сафаримиз режасида ҳам «Худобахш кутубхонасига ташриф» деган банд бор эди, шуни эътироф этишим керакки, мен Ҳиндистоннинг шарқий қисмидаги олис Патна деган шаҳрида шундоқ бой зиёхона мавжудлигини ўша йўриқ билан танишиб билганман.

Кутубхона директори — ўрта бўйли, буғдой ранг юзли, қош-кўзлари қора, қалин мош-гуруч соқоли юзининг ярмидан кўпроғини қоплаган, лекин ўзига жуда ярашиб турган Ҳабиб Раҳмон бизни хуштавозе билан қарши олди. Хонасига олиб кириб чой билан меҳмон қилди. Танишдик, Зокиржон ака мақсадимизни айтди. Ҳабиб Раҳмон ташрифимиздан мамнунлигини изҳор этди ва кутубхона тарихи, унинг ҳозирги ҳолати, ноёб қўлёзмалар ҳақида сўзлаб берди.

Зиёхонани 1891 йили Мавлавий Худобахш деган ҳуқуқшунос-адвокат ташкил этган экан. Мавлавий Калкутта Маданият вазири лавозимида ҳам хизмат қилган, дейишди. Қимматли бойлик аслида унга отаси Муҳаммад Худобахшдан қолган, ўша пайтда бу маънавият ҳазинаси жавонларида тўрт мингта қўлёзма, 25 мингдан ортиқ чоп этилган китоблар бўлган экан. Ҳозир йигирма мингдан зиёд қўлёзма мавжуд. Форс, араб, туркий, пуштун, урду ва бошқа тиллардаги бу бебаҳо асарлар энг машҳур хаттотлар томонидан кўчирилган. Уларнинг аксарияти кейинги ўн саккиз йил давомидага тинимсиз изланишлар, бошқа кутубхоналар билан ўзаро ҳамкорликлар натижасида Миср Араб Республикаси, Сурия ва бошқа мамлакатлардан топиб, олиб келинган. Турли даврда, ҳар хил тилларда нашр этилган китобларнинг умумий сони эса икки юз минг нусхадан кўп. Шулардан ўттиз мингдан ошиқроғини араб, йигирма уч минг донасини форс тилидаги асарлар ташкил қилади.

-- Жаҳондаги энг йирик кутубхоналар билан борди-келди қилиб турамиз. Бизда шундай нодир қўлёзмалар борки, улар дунёдаги машҳур кутубхоналардаям йўқ, — деди Ҳабиб Раҳмон ғурур билан. — Бугундан эътиборан сизлар орқали Ўзбекистон билан ҳам алоқа ўрнатилди, деб ҳисобласак бўлади. Сизларнинг пойқадамингиз ва ўзаро келишувларимиз Ҳиндистон билан Ўзбекистон маданий муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Ҳабиб Раҳмон кутубхонада бобурийларга оид китоблар, қўлёзмалар ҳам кўплигини алоҳида таъкидлади ва бизни ходимлар илм билан жиддий машғул бўлиб ўтиришган хонага бошлаб кирди. «Воқеоти Бобурий», Жавҳарнинг ҳижрий 1082 йилда кўчирилган «Газкират-

ул воқеот», шунингдек, «Тарихи хонадони Темурия» асарлари қўлёзмаларининг кўз корачиғидек асралаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Дастлабки саҳифалари зарҳал ҳарфлар билан битилган «Воқеоти Бобурий»ни очиб кўраётганимизда Ҳабиб Раҳмон «эхтиёт бўлиб варақланглар» дея огоҳлантирди. Бу гап бизга малол келиши мумкин эди. Лекин Ҳабиб Раҳмоннинг жуда маданиятли инсон эканлиги сезилиб турарди. У азбаройи Бобур Мирзога ва унинг мўътабар асарига ҳурмати ва эътиқоди юксаклигидан китобни асраб-авайлаш бурчини назокат қонун-қоидаларидан ҳам устун кўярди. Агар шундай эҳтиёт чоралари кўрилмаса, бу дурдона қўлёзма бир неча юз йилдан бери шундай оҳорли сақланармиди...

«Тарихи хонадони Темурия» асарини Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодлари акс эттирилган 130 дан ортиқ миниатюра суратлари беаб турар, уларнинг жуда кўпи ҳали бизга маълум бўлмаган ноёб расмлар эди. Кутубхона ана шу суратлардан йигирмага яқинини танлаб олиб, «Темурнома миниатюраларидан намуналар» сарлавҳаси остида нашр этган экан, Ҳабиб Раҳмон Зокиржон акага мамнуният билан бир нусха ҳадя қилди.

Ҳабиб Раҳмон дилкаш ва серзавқ, киши эди. Айни вақтда бизга гўё ўз бойлигини, худди шахсий кутубхонасини намойиш қилаётгандек мароқ билан гапирарди.

— Мен ҳам асли чағаниёнийларданман, — деди у бобурийлар ҳақида сўз кетганда мағрурона бир оҳангда.

Дарҳақиқат, ўша даврда Ҳисор ҳукмдори Хусравшоҳнинг иниси, Термиз, Шаҳрисафо ва Чағаниённинг ҳукмдори Боқи Чағаниёнийнинг Бобур Мирзога анча яқинлиги бор эди. «Бобурнома»да бир неча бор илиқлик билан тилга олинган бу шахс «гоҳо ўз қўшини ва кўч-кўрони билан келиб, Бобур Мирзога мулозимат қилиб турарди...» Уилямс Эрскин Бобур Мирзо билан Чағаниёний муносабатларини анча батафсил шарҳлайди. «Боқи Чағаниёний Бобурга қўшилгандан буён унга вазир ва маслаҳатчи бўлиб қолган эди», деб ёзади у. Бироқ, «Кейинги пайтларда, — давом этади у сал қуйида, — Боқи билан Бобур ўрталарига анча совуқлик тушди. Бобур бугунги кунги шуҳратига кўпроқ Боқининг қўшини хизмати туфайли эришгани учун миннатдор бўлиб, уни ўзига вазир қилиб олган эди. Ношукур ва очкўз Боқи энди шоҳни ҳам назар-писанд қилмай қўйган ва Жаҳонгир (Бобур Мирзонинг ўғай онаси Фотима Султондан туғилган укаси – Қ.К.) билан тил бириктириб, Бобурни ўртадан олиб ташлаш пайида юрар эди. Лекин тақдир ҳар иккаласининг ҳам ниятига яраша nasibасини берди. Боқи Чағаниёний катта бойликлари ва оиласи билан Ҳиндистонга кетаётган пайтда йўлда Ёр Хусайнга қарашли қароқчилар қўлига тушиб ўлдирилди, моли талонда қолди, одамлари эса ҳар қаёққа тиркираб кетди».<sup>1</sup>

Бу тарих “Бобурнома”да шундай баён этилган: «Боқи Чағаниёний Аму ёқасида келиб, бизга қўшилғали андин эътиборроқ ва ихтиёрроқ киши йўқ эди, ҳар сўз деса, ҳар иш қилса, сўз анинг сўзи эди, иш анинг иши эди. Агарчи андин хизматиким, шойиста бўлғай ва инсониятиким бойиста бўлғай, ҳаргиз зухурга келмади, балки анвои беадабликлар, ёмонликлар андин воқе бўлди...»<sup>2</sup>. Демак, Ҳабиб Раҳмон ана шу Чағаниёний авлодидан, демак, у ҳам ҳарқалай ўзимиздан экан...<sup>4</sup>

---

<sup>1</sup> У. Эрскин. «Бобур Ҳиндистонда» («Бобур ҳукмдорлиги даврида Ҳиндистон тарихи»), Тошкент, «Чўлпон» нашриёти, 1995 йил. Ғ. Сатимов таржимаси). 39-44-бетлар.

<sup>2</sup> “Бобурнома”. Тошкент. “Юлдузча”нашр. 1989 й.

<sup>3</sup> Чағаниён – Ўрта асрлардаги вилоят ва шаҳар (милоддан аввалги XVI-асрдан милоднинг XVI-асригача). Ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шўрчи, Денов, Сариосиё, қисман Жарқўрғон туманлари ҳудудига тўғри келади. “Чағаниён” иборасининг келиб чиқиши номаълум. Инглиз олими И.Марквартнинг фикрича, мўғулча “цаган – “оқ” дир. Мазкур вилоят аввалига анча ривожланган, аҳли иқтисодий жиҳатдан бой яшаган. Мўғуллар истилоси даврида инкирозга учраган. Кушон подшолиги, Эфталитлар, турклар, араблар, Сомонийлар, Ғазнавийлару Салжуқийлар, Бомиён (Афғонистон) Ғурийлари ихтиёрида бўлган. Хуллас, кўп асрлар қўлдан –қўлга ўтиб, XIII-аср ўрталаридан Чигатой улуси таркибига кирган.

Ҳабиб Раҳмон, шунингдек, Покиза бегимни ҳам яхши танир эди.

— Чағаниёний десангиз, у ҳам мени эслайди. Биз у билан деярли бир вақтда ўқиганмиз. Покиза Султон бегим Баҳодиршоҳ-Шга, яъни бобурийларга бошқалардан кўра яқинроқлигига имоним комил. Ундан ташқари, Дехлида Мирзо Муҳтарам Бахт (Урф Алижа) деган одам ҳам бору, унинг бобурийларга дахли қанча ва қандайлиги ҳақида аниқ бир нарса деёлмайман. Мабодо қизиқсангизлар, телефони: 326-08-60...

Кутубхонанинг каттагина ўқув хонасида биронта ҳам бўш ўрин йўқ эди: китоб, илм билан машғул бўлмаганлар лоақал газета ўқиб ўтиришарди.

Ҳабиб Раҳмон хонаси билан ўқув зали ўртасидаги чоғроққина майдончада бир неча қабртош бор эди — улар Худобахш, унинг оиласи Жамила Худобахш, ўғли Шаҳобиддин ва бошқа фарзандлариники эди.

Ҳабиб Раҳмон Чағаниёний юртимизга биз сўраган, Бобурийларга тегишли қўлёзмаларнинг нусхаларини микрофильм ё бошқа шаклда юбориб туришга ваъда берди. Зокиржон ака Чағаниёнийни Бобур Мирзонинг таваллуд кунлари муносабати билан Андижонда, феврал ойида ўтадиган анъанавий анжуманга таклиф қилажагини билдирди. Олтмиш учга – пайғамбар ёшига қадам қўйган ва 2001 йилнинг бошидан нафақа чиқишни мўлжаллаб турган Ҳабиб Раҳмон Аллоҳ насиб этса боболари ватани Ўзбекистонга, бобурийларнинг ота юрти Андижонга ўзи билан бирга “Воқеоти Бобурий” ва «Тарихи хонадони Темурия» асарлари қўлёзмасидан совға сифатида олиб боришга ҳаракат қилишини айтди.

Сухбат ниҳоясида Ҳиндистондаги байрамларнинг кўплиги ҳақида гап очилди.

— Бизда кун ора байрам, — деди Чағаниёний кулиб. — Ҳалқимиз мана шу байрамлар, турли маросимлар билан ўзини овутиб юради, бўлмаса, аҳвол қийин, яшаш оғир, қашшоқ кўп...

Индуистлар байрами Дивали олти кун давом этиб, одамлар куёш ботгандан эртасига куёш чикқунча дарё-анҳорларда чўмилишиб, соҳилларда ўйин-кулги қилишаркан. Шу кунларда «Олтин ҳафталик» байрами бўлиб ўтиши керак экан...

Ҳиндларнинг Кали тангриси шарафига сентябрнинг охири, октябрнинг бошларида ўтказиладиган энг катта диний байрами Пужа эса ўн кун давом этади, ана шу муддатда мактабларда дарс, идораларда иш тўхтатилади.

Балки, қашшоқликнинг авж олишига аслида мана шундай байрамлар сабабдир, ахир ора кунда дарё-анҳорларнинг бўйларига қапа тикиб ўтираверишса... Қорни оч одамнинг кўнглига ўйин-кулги қандай сиғаркин...

Кейин биз шаҳардаги катта бир майдонда Махатма Гандининг пурвиқор ҳайкалини кўрганимизни айтиб, бу ҳиндлар дохийсининг Патнага нечоғлик алоқадорлигили сўрадик.

— Махатма Ганди озодлик ҳаракатларини ривожлантириш учун Патнага махсус сафар қилган, — деб жавоб берди Ҳабиб Раҳмон.

Патна ҳам тозалик борасида хийла дуруст-ку, лекин суворий спортчилар машқ қилаётган Ганди номидаги катта, майсалари қалин ва ўскин майдоннинг ивирсиқлигини кўриб, барибир таъбимиз андак хира бўлди.

Патнанинг хотин-қизлари ичида ўнгликкина, оққиналари ҳам бор эди (демак, қишлоққа нисбатан шаҳар аёлларининг кўркамроқ, хусндорроқ бўлиши дунё миқёсида мавжуд ҳол экан).

— Ўғилларга Патнадан келин танласак бўлар экан, — дейди профессор.

Катта ёшдаги аёлларнинг аксарияти сочини орқасига турмаклар олишаркан.

Аслида, Худобахш кутубхонасидан чиққач, раҳбар даъвати билан жўнавормоқчи эдик, Илҳомжон ва бошқалар “кечаси, Бегисаройдаги меҳмонхонада пашша ухлатмади, бугун сал дам олволсак», дейишди.

Ҳабиб Раҳмоннинг мулозимларидан бири телефонда меҳмонхона суриштириб-топишга ёрдам берди. Шу кўчанинг ўзида ўртаҳол кўноқхона бор экан, жойлашгач, сал наридаги хитой ресторанига кириб, тушлик билан кечликни омухталадик.

---

Чағаниёнийлар тақдири шахсан менга номаълум эди, демак, улар ҳам тиркираб кетишган.



Ресторан ним ёруғ, пастак аммо кенг хонанинг бир чеккаси гулдор темир панжара билан ихоталанган эди... Ана шу хос жойда бир эркак ва жувон — ошиқ ва маъшуқа ўтиришарди. Уларнинг бир-биридан кўз узмай, мудом табассум билан, бир-бирларига энгашган кўйи, паст овозда гаплашишларидан ва ҳар замон-ҳар замонда биз томонга ҳадикли, хижолатомуз назар ташлаб кўйишларидан шундай тахмин қилдик. Фақат улар биздагидай бурунма-бурун эмас, балки ёнма-ён, тиззаларини, нафақат тиззаларини, балки ёнларини — елкадан то тўпиғларигача бир-бирига тирашиб ўтиришар ва кўринишларидан улар ҳаётидаги энг бахтли, энг фароғатли дамларни бошдан кечиришмоқда эди. Ошиқ бесўнақайроқ, ёши ҳам анча улуг эди. Маъшуқа эса, аксинча, ёш ва кўғирчоқдай, киноактрисаларга ўхшарди. Шу жойда бу борадаги, яъни сиртқи номутаносибликнинг анча эриш ва ғайри кўринишига, «гулни гулга кўшиш керак» деган ибора шунчаки тўқилган гап эмас, балки ҳикмат эканлигига ишондик.

Ва, Махфиратнинг гаплари ёдимга тушди. Демак ошиқ-маъшуқлар кўча ва хиёбонларда ошқора юришолмайди, мана шундай пана-пастқам, хилват гўшаларда ҳуркиб-писиб дийдорлашадилар ва висол мавридию масканларини келишиб оладилар...

«Дийдор» ресторанидан чиққач, раҳбар билан китоб дўконлари бўйлаб сайр қилдик ва бобурийларга оид катта бир асар («Ҳиндистон тарихи» рукнида), бобурийлар ҳаёти болаларбоп ҳикоя қилиб берилган иккита алманах—насрий баёз топдик.

Ўзида йўқ суюниб кетган Зокиржон ака чўнтагидан бир даста пул чиқариб, китобларнинг нархини ҳам сўрамай, сотувчига узатди ва менга кулимсираб «профессорнинг бир кўзини куйдирайлик», деди.

Худди шу пайтда кўчада яна тарақа-туруқ ноғора товуши эшитилиб қолди. Қарасак, йўлнинг кун чиқиш тарафидан бир тўп одам келяпти (халойиқ ортидан машина ва бошқа уловлар аста юрарди), ўртада, бир соябон аравада беш-олти йигит бўлиб, биттаси микрофон ёнида ашула айтяпти. Аравага радио карнай ҳам ўрнатилган. Ерда ўн-ўн беш чоғли ёш-яланглар ўйинга тушиб келишарди (Бу ҳолат биздаги “куёвчақирди”ни эслатарди). Орқадаги яна бир усти очик аравада катта бут-санам ётқизирилиб иккинчи бир баҳайбат, девсимон бут тик қилиб кўйилганди. Бут атрофида турганлардан бири аллақандай идишдан қизил рангли кукунни ҳовучлаб-ҳовучлаб олиб, атрофга сочиб кетяпти...

Боя Чағаниёний айтган байрамлардан яна бири эди бу.

## ГАБРОВО ЛАТИФАСИ

*5 ноябр, якшанба*

Барвақт — соат олтиларда жўнамоқчи эдик. Буюм-жомадонларни «Тойота»га ташиш жараёнида Фаррух калитни машина ичида қолдириб қулфлаб қўйиб, бир соатча уринишди. Ҳиндистонда нима кўп — бекорчи кўп. Худди ҳинд киноларидагидай, бир зумда атрофимизни ўраб олишди. Мен очаман, деб, ҳали униси уриниб кўради, ҳали буниси. Раҳбару ҳамма тажанг. Илҳомжон бояқиш терлаб-пишиб кетди. Фаррух хижолатда: ҳали Зокиржон аканинг кўзига мўлтирайди, ҳали Илҳомжоннинг, ҳали сим қидириб кетади, ҳали машина атрофини гир айланиб чора излайди...

Раҳбар «калитни ҳеч кимга бермаслик керак», деб, «қизим сенга айтаман...» қабилида ҳайдовчига танбеҳ беради.

Яхшики, бошқа бир машина калити тушиб қолди, бўлмаса...

Варанаси—Лакнов йўналиши бўйлаб жўнадик.

Шаҳар ичи ва ташқарисида ит кўп, лекин негадир бари майда — каттароқ кучукдай.

Патнадан беш-олти қақирим юрилгач, икки тарафда яна ботқоқ қўллар бошланди. Кўча бўйида шаҳардан ташиб чиқилган ахлатлар уюм-уюм, том-том бўлиб ётибди (лекин, ахлатнинг шаҳардан ташқарига олиб чиқилганини биринчи кўришимиз). Кўл-ҳовузларнинг нарёғи эски, кўримсиз уй-жойлар. Мана шу ботқоқликларда оппоқ чиройли нилуфарларнинг ўсгани ғалати ва ҳайф..

Тезакчилик билан «шуғулланадиган» хароб овуллар бошланди. Янгилик — баъзи

ерларда, шундоқ йўл бўйларида хожатхоналар куриляпти, лекин олди томони очик — эшиксиз... Одамлар эса эрта сахарларда, уйлари ёнида қандайдир дарахтдан кесиб олинган чўп-мисвокда ҳафсала билан тишларини тозалаб туришади. Уларни кўриб, қайси бир шаҳарда кўзим тушган «Тишингизни асрасангиз, кулгингизни асрайсиз» деган реклама хотирамга келади. Яхши гап.

«Тойота»мизнинг сигнали ўлди (тўхтовсиз чалиб юришга тўғри келяпти-да). Йўл-йўлакай излаб боряпмиз. Мен топилмаганига хурсандман. Чунки батангга келган кулоқлар анча ором олиб қолди.

Ажабки, йўл бўйларида катта спорт майдонлари ва уларда югураётганлар, бошқа машғулотлар билан шуғулланаётганлар кўп (бу ҳам ушбу юртда кўрилмаётган ноёб ҳодисалардан эди).

Манер деган жойда тухумхўрлик билан нонушта қиладиган бўлдик (ҳаркалай, сувда қайнатилади, пўчоғи арчиб ташланади). Ҳиндлар жуда камтомоқ: тухумниям, нари борса, битта ейишади. Бизнинг бир уюм тухумни олдимизга қўйиб олганимизни кўриб ҳайратланишганини сезиб қоламиз. Гоброво латифасини эслайман: габроволик беваникига меҳмон келган экан, бека бир дона тухумни пишириб унинг олдига қўйибди-да, суҳбатлашиб ўтирибди. Шу пайт аёл ёнидаги ўғилчасининг дастурхондаги тухумга кўзини лўқ қилиб тикилаётганини кўриб, унга танбеҳ берибди:

— Нафсингни бирпас тийиб ўтир, болам, меҳмон амакинг хўкизмас-ку, битта тухумнинг ҳаммасини еб қўймас, сенгайм қолдирар...

Аτροφимизда кузатиб турганларга қарасам, кўзимга ана шу габроволик болакай кўриниб кетади. Дарҳақиқат, «Одатда қишлоқ аҳолиси кам — кунига икки марта, дала ишлари вақтида уч марта тановул қилади. Гуручдан тайёрланадиган овқатлар энг севимли ва кенг тарқалган таомлар ҳисобланади, аммо камбағал оилалар уни ҳам кам, асосан байрамларда истеъмол қилади. Қанд ёки шинни ва ёнғоқ қўшилган ширгуруч байрамларда пишириладиган тансиқ таомдир», деб ёзади ҳиндшунослар. Умуман гуруч ҳиндларда табаррук неъматлардан ҳисобланади. Ҳатто эмизикли болага биринчи марта гуруч пишириб бериладиган кун ҳам алоҳида маросим сифатида, яқин қариндошлар иштирокида ўтказилади ва у аннапашан кунини деб аталади.

Кўк чойимиз йўқ, ўн кунчадан бери хумори эдик, шу ерда бор экан. Яхши нав эмас-у, ҳарнечук, гул йўқ, жойда тикон ҳам гул, дейишади-ку.

Бирдан ноғоранинг пала-партиш овози чиқиб қолди. Қарасак, сал наримизда, шундоқ, кўча билан устахоналар ўртасидаги майдонда ҳинди эркак ва аёл-эр-хотин бўлишса керак, иккаласи ҳам бир-биридан ориқ — кичкина ҳинд ноғораси ва патнисга ўхшаган нарсани ерга тўнтариб олиб чалишарди. Бир яшарча боласини ёнларига — ерга тўшалган чипта палос четига ётқизиб қўйишибди. Бўйи етаётганлик аломатлари сезилиб қолган қиз чиптанинг ўртасида энгил атлетика машқларини ижро этиб, яна бошқа хунарлар кўрсатишга киришди. Унинг ёнида беш-олти ёшлар чамасидаги яна бир қора қизалоқ опасига (шундай бўлса керак-да) тақлид қилиб ўйнар эди.

Ўсмир қиз бошини орқага энгаштириб, пешонасига сув тўлдирилган шишани қўйиб, ўтирди, чалқанчасига ётди ва шу ётган кўйи ерда илондай тўлғониб, шишани гавда ҳаракати ёрдамида пешонасидан дам чап, дам ўнг чаккасига ўтказиб, яна ўрнидан тура бошлади. Бир зумда томошахўрлар тўпланишди. Ўйин кўрсатувчилар ҳаваскор, сайёр циркчилар эди — биздаги тўй ҳидини сезиб кириб боришаверадиган ноғорачи, ёғочоёқчилар каби — сабаби тирикчилик албатта...

Томошагўйлар давраси кенгайиб, зичлашиб борар, лекин негадир ҳеч ким пул ташлай демасди. Эр-хотин эса ноғораю мистовоқни тобора зарб билан уришарди. Ҳаваскор сеҳргар қиз ҳамон эшилиб-бураларди... Уларга пул керак эди...

Шон дарёсининг Коилвар деган кўпригидан ўтяпмиз. Узунлиги 2 км. экан. Кўприкка кетган металга ақл озади (Ҳиндистонда металлургия саноати ривожланган, темир, кўмир конлари кўп). Дарёда кемаларда балиқ овлаётганлар, ўртадаги оролчалардан қайиқларда кум ташиётганлар беҳисоб эди.

**Байт:**

## *Нақадар хузурли ватанга қайтмоқ, Энг гўзал, тўғри йўл — Ватан йўлидир...*

Юртга қайтиш иштиёқи кучайди чоғи, хаёлдан ана шу сатрлар кечди.

«Кимдир ҳаётнинг тотли инъомларини, одамларнинг фазилатларини яхшироқ кўради, кимдир салбий жиҳатларини, камчиликларини...» Ён дафтаримдаги бу гапларнинг нима муносабат билан битилганини эслолмадим, Зокиржон ака йўл-йўлакай Покиза бегим билан бўлган мулоқотларимизни, Лаълбоғдаги музейни, Худобахш кутубхонасини, Ҳабиб Раҳмонни ҳаяжон билан, такрор-такрор ёдга олар, уларни алқарди..., шунинг учун бўлса керак... Ҳа, Зокиржон ака инсонлардаги ижобий хусусиятларни кўра билар, улар томонидан амалга оширилган эзгу ишларни сидқидилдан эътироф этар, улар ҳақида ҳавас билан, завқ билан гапирарди.

Ҳиндистоннинг бу томонларида шоли камроқ, дуккакли, полиз, сабзавот экинлари кўпроқ эди. Айниқса, гулкарам бисёр — у бозорларда ҳам гул каби энг аввал кўзга ташланарди.

Йўл гоҳ созлашиб, гоҳ айнийди. Одамлари “ғарибингман...” ашуласини кўпроқ айтиб юришади чоғи. Лекин, моли бор, тезаги кўп. Ўтин қиммат, шунинг учун асосий ёқилғи бўлган таппи — тезак ғарам-ғарам қилиб тахлаб куйилган эди.

Хулоса: деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи барча жойларда, яъни қишлоқларда ноз-неъмат яратувчиларнинг моддий-у маданий ҳолатлари мақтагулик эмас, шаҳарларда эса, нисбатан, ё умуман хийла яхшилигига гувоҳ бўлдик. Яна бир нарсага — бойларнинг камбағал—бечоралар билан ишлари йўқлигига, уларга қайишмаслигига ишончхосил қилдик.

## **Дийдаси қаттиқ жувонлар**

Маймунчалар галасига дуч келдик. Ўртача ит катталигидаги бу махлуқотлар биздан ҳадиксирагандай, яқин келишмасди. Лекин улардан бири машинадан тушаётган Неъматиллонинг қўлидаги апелсинни қандай юлқиб кетганини ҳатто профессорнинг ўзи ҳам пайқамай қолди — назаримда учиб келди-ёв... ва яна шундай тезликда биздан узоқлашди. Жудаям чаққон-а...

Видеокамера Фарруҳдан ташқари Зокиржон аканинг ўзида ва Илҳомжонда ҳам бор эди. Маймунчаларнинг орқасидан юришиб, армонсиз тасвирга олишди. Жониворлар камералар таъқибидан дарахтларнинг баланд шоҳларига чиқиб, қалин барглар орасига яшириниб кутулишди.

Устахоналару дўконларда магнитофонлардан таралаётган ашула садолари оламни бузаман, дейди. Ҳай, барака топкур, секинроқ кўй, дейдиган одам йўқ шекилли.

Кечаси соат ўн яримгача йўл юрдик. Варанаси — Лакнов йўли текис ва соз эди.

Султонпур шаҳрида излаб-излаб, қадрдон меҳмонхонамиз «Вижа Де Люкс»ни топдик. Мен уни аввалги сафарномада «Дилекс» шаклида ёзиб эдим.

Инглиз тили грамматикаси ва қонун-қоидаларини билмаганим панд берар ва хуноб бўлардим: ажаб! Сўзнинг ёзилиши бошқачаю, ўқилиши бутунлай бўлакча-я! Масалан «интернатионал» шаклида ёзилган сўз «интернейшнл» деб талаффуз қилинса!.. Баъзи сўзларнинг олди ва охиридаги Н (ҳаш) ҳарфи ўқилмаслиги керак. Ўқилмайдиган бўлса, уни ёзишнинг нима кераги бор — ахир, бу қоида одамни чалғитиб, ўша тилни ўрганишни қийинлаштиради-ку. “Ҳе, тилингиздан ўргилдим, буни ислоҳ қилиш керак”, дейман профессорга.

— Бу масала кўтарилган, — дейди Неъматилло, — лекин бошда шундай қабул қилингани туфайли ёзув икки хил бўлиб қолади, унда аввалги китоблар, манбалар ва бошқа ҳужжатларни ёшлар ўқиёлмай, ислоҳдаги ёзувни эса катталар ўзлаштиролмайд

кийналишади, дейишиб, бу фикрдан қайтишган. Ўйлаб кўрсам, инглиз тилшунослари ҳақ ва ақлли экан. Фақат бошда пухта ўйлашга ақллиликлари ҳалал берган чоғи.

Ўтмишдаги йирик сиёсатдонлардан бири араб тилини ўрганишга ўша алифбодаги зеру забарлар монелик қилишидан куюниб ёзган эди. Мен ҳам инглиз тилини ўргансам яхши бўларди дейману лекин ёзув билан ўқишдаги номутаносиблик, менинг наздимда кераксиз туюлган «хаш»-пашлар шаштимдан қайтарарди...

Меҳмонхона ёнида катта тўй бўлаётган эди. Шундоққина йўл бўйидаги майдонда. Катта хоналар, йўлақлар рангин матолар, зарли иплар билан жиҳозланган. (Демак, биздаги бойлар, тўралар кўчага тўйхона қуришни мана шу томонлардан ўрганиб кетишаркан-да). Пўрим хонимлар, башанг жаноблар у ёқдан бу ёқда кириб-чиқиб туришибди. Меҳмонхона фойесида эса йигирмадан зиёд эркаг (аксарияти ёшлар), келишган бир йигитни ясантиришиб унга салла ўратишарди. Демак, у — куёв. Барчаси оқ юзли, яхши кийинишган эди — аслзодалар, яъни олий кастага мансуб бўлишса керак.

Биз оқ юзли ва кўркам қиз-жувонларга, кузатаётган бўлиб, аслида, шунақалари ҳам бор экан-ку, деб гуё уларнинг маросимларини хорижликлар сифатида шунчаки қизиқиш билан кузатаётган бўлиб, анчагача қараб турдик. Одатда аёл зоти ўзига синчков ва ишқивозлик билан йўналган нигоҳларни безътибор қолдирмайди. Бу ердагилар эса бизнинг ҳайратимизга ҳам, ҳиссиётли қарашларимизга ҳам парво қилишмасди, улар гўёки бизни кўришмасди, пайқашмасди ҳам...

— Дийдалари қаттиқ экан, булардан келин ҳам, бошқасини... ҳам танлаб бўлмайди, — деб бир-биримизга тасалли берамиз профессор билан.

Ниҳоят, куёвни ясантириб бўлишгач, уни ўртага олиб, тўйхонага чиқиб кетишди. Тошкентдаги бир тўй ёдимга тушди. Талабалар шаҳарчаси билан ёндош маҳалладаги хонадонлардан бирида ясантирилган, салла ўратилган куёв билан ҳарир либосли келинни олов атрофида айлантиришган эди. Ўшанда мен ҳинд киноларини эслагандим. Демак, бу ҳам шарқ халқлари урф-одатларидаги муштарак жиҳатлардан бири.

## Дўстларим менинг омадим

*6 ноябр, душанба.*

Эрталаб хонамиз эшиги тагига, остонага «Ҳиндистон таймс» газетининг янги сонини ташлаб кетишибди. Шу одатлари яхши экан. Газета одатий тўрт саҳифали, лекин биринчи ва тўртинчи саҳифалари рангли суратлар билан безатилган, Қоғози олий навли, ҳарфлари (инглизча) ниҳоятда тиниқ эди.

Султонпур — Лакнов 135 км. эди. Йўл яхши, жунгли сифат қалин дарахтзорлар, гала-гала маймунчалар учраб турибди. Орада яна «обод-обод» (дарвоқе, ивирсиқ жойларга ана шундай от қўйиб олганмиз) қишлоқлар чиқиб қолади, лекин чидаса бўлади.

Баъзан, гўзал табиатли соз йўллар ҳам узоқиб кетса, зерикарли туюла бошлайди. Манзаралардаги ўхшашлик, бир хиллик кўзни толдиради, одамни мудроқ босади.

Айниқса, мен каби мижозан камсуханларга қийин. Кўнглимда бир гап, фикр туғилса, шу мулоҳаза, шу гап ёнимдагиларга янгилик берадими ё қизиқ туюладими, деб ўйлайман. Йўқ, деган ҳаёлга бораману, дилимдаги тилимнинг учига чиқолмай, бўғзимда қолади. Бу эса менинг феъл-атворимга айланиб кетган. Кейин оғзаки нутққа жуда эринчоқман: бирон ҳодисани сўзлаб беришни мўлжалласам, ўх-хў, шунча воқеани қачон айтиб бўламан, деган ваҳима пайдо бўлади онгимда ва аҳдимдан қайтаман ёки қисқартириб, наридан-бери ҳикоя қилиб қўя қоламан. Бошқалардай, кўрган-эшитганларимни тафсилотлари билан ҳикоя қилишга тоқатим етмайди. Иннайкейин, даврадагилардан биронтаси от солдириб, яъни менинг сўзимни бўлиб, ўзиникини бошлаб юборса ё қулоқ осмай, аланг-жалам қилиб ўтиришганини пайқасам, ғиппа бўғиламан, кейин гапни давом эттиришга умуман рағбатим қолмайди. Баъзилар сийқаси чиқиб кетган «афанди»ни ҳам худди ҳозиргина ўзи тўқиғандай

завқ-шавқ билан айтаверади, мен бўлсам, янгидай туюлган латифани айтишга чоғлансам ҳам, эҳтимол буни эшитишгандир деган андиша тилимни боғлаб қўяди. Қисқаси, гапиришдан кўра тинглашни афзал биламан. Менимча, сўзамол кишилар гапдон шерикдан кўра соме ҳамсухбатни маъқулроқ кўришса керак. Ҳарқалай, ўзимни зерикарли ҳамроҳ, камсукум сухбатдошлар тоифасига мансуб деб ҳисоблайман. Лекин шунга қарамай, дўсту ёрларим ва хайрихоҳларим кўплигига минг-минг шукрлар қиламан. Яна Худога беадад ҳамду санолар айтишим вожибки, менга нукул одамшаванда, дилкаш, суҳбати жонон, қизикчисифат ҳамдам ва оғайниларни рўбарў қилади. Ана шундайлар болалик ошноларим орасида ҳам (Баҳром, Ҳасанбой, Абдуллажон каби) бор<sup>1</sup>. Тошкент университетиде ўқиётганимда эса яратганинг инояти билан яна бир хушчақчақ, садоқатли дўстни — Шодмон Отабекни топдим! Дорилфунунни битиргач қалби дарё, улуғ инсон Ёқуббек Яқвалхўжаев билан ўн йил бир хонада ўтириб ишлаш насиб этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раҳбари сифатида — Андижонда иш бошлаган кунимдан ёнимда ниҳоят даражада тўғри сўз ва ҳалол одам, ҳикмат ва ҳазилга бой, гурунгларига дил асло тўймайдиган шоир Фозил Эмин пайдо бўлди ва биз у билан қарийб ўн олти йил жуда аҳил ака-укадай юрдик, янаям тўғрироғи, ёшимиздаги каттагина фарққа қарамай, оқибатли, бир-биримизга содиқ дўст эдик. Раҳматли, 2001 йил январ ойининг бошларида уйқусизлик, юрак хасталигидан қазо қилди. Илоҳо, охирати обод бўлсин.

Экспедициянинг ўтган галги сафарида таниқли кинооператор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Тўлқин Рўзиев билан бир ўриндикда ёнма-ён ўтириб, икки ойлик муҳлатнинг қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолган эдим. Тўлқин ака ўта камтар, ўта хокисор ва лекин жуда улфатнишин, мияси латифа комбинати эди. Бу инсон ҳақида “Ҳинд сориға” китобимда ёзганимдай, кўп чекиш ва шароб ичишга мойилликдан бошқа камчилиги бўлмаса керак, деган хулосага келган эдим. Ҳамкасб, ҳамқаламларига ҳамиша яхшилик қилишга буюрилган Тўлан Низом, камтарлик ва донишлик юқини пинҳона ва мардона кўтариб юрадиган Тоҳир Малик, истеъдодли актёр, хушчақчақ (комик), жиддий, зиддиятли (драматик), трагик (оғир) ролларнинг моҳир ижрочиси, дилкаш, самимий инсон, ҳамюртим Эркин Комиловлар билан қадрдонлигимиз алоҳида мавзу.

Кези келиб қолди: атоқли адиблар, ўзбек адабиётининг ёрқин намоянадалари Миртемир, Назир Сафаров, Сарвар Азимов (жойлари жаннатда бўлсин), Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Азиз Қаюмов ва Лазиз Қаюмов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Давлат мукофоти соҳиби Носир Фозилов, ўзига ва бошқаларга ғоятда талабчан Шукур Ҳолмирзаев<sup>1</sup> каби устоз ва устоз мақомидаги улуғлар меҳри-эътиборини қозонмоғим, маънавият фидойиси, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жонкуяр муҳлиси Зокиржон Машрабов билан феълу фикру дунёқарашларимизнинг хил келиб қолиши, “Холис” савдо-саноат бирлашмасининг бош директори, янги давр тадбиркори Шокиржон Иброҳимов билан дўстона ҳамкорлигимиз (“Холис” газетаси) — бу имкони саодатларни ҳам аввало меҳрибон Аллоҳ ўз инояти билан менинг ишиму қилмишимни, юзиму сўзимни ул зоти шарифларга илиқ кўрсатгани шарофатидан деб биламан. Зеро, ўша касбу ижод пири-моҳирлари назарига тушмаганимда бугунги камтарона мартабаларга эришмоғим, халқимиз ва ҳукуматимизнинг юксак сийловларига сазовор бўлмоғим гумон эди...

Бу гал сафимизда Тўлқин ака йўқ, озчилик — бор-йўғи беш кишимиз, сафар хийла зерикарли бўлса керак, деган ташвишда эдим. Неъматилло Отажонов мен умид қилган йўлдош — лутфғўй, латифағўй, улфат чиқиб қолди. Мана, у билан бир ўриндикда ёнма-ён ўтирибмиз. Ўзим тавсиф этган ҳол: у кўпроқ гапиради, мен кўпроқ эшитаман. У кўпроқ кулдиради, мен кўпроқ куламан. Яна бир муҳим сифати: Неъматилло таржимон, инглиз тили мутахассиси, бу жиҳатдан у ҳаммамизнинг ишонганимиз, суянганимиз. Ўзиям, инглизчага шунчалик киришиб, берилиб кетганки, ўз фикрини асослаш учун бир мақол ё ҳикмат гап келтириш зарур бўлиб қолса «бизда... (яъни инглизларда, демокчи) бундай дейилади», деб бошлайди. Масалан, «Шарқми, ғарбми — ўз уйинг яхши»... Бу мазмунан ва мантиқан “Ўз уйинг — ўлан тўшагинг» деган ўзбек мақолига тўғри келади. Лекин кўпинча профессор айни

<sup>1</sup> Баҳром, Ҳасанбойлар у пайтда ҳаёт эдилар.

<sup>1</sup> Уларнинг ҳам аксарияти барҳаёт эдилар (Аллоҳ ҳаммасини ўз раҳматиға олсин).

Ўзбек мақолини ҳам, ҳазилми, чинми — «инглизларнинг мана бу мақоли...» деб юбораверарди. Шундай пайтда унинг ҳарқалай ўзбеклигини эслатишга туғри келади, ўртамизда ҳажвиёна, ҳазилона баҳс-мунозара бошланади. Яхшики, профессор «айтганимни ҳимоя қилмасам узангидан тушиб қоламан», дейдиганлар хилидан эмас. Ҳар нечук, битимга, мурсога тез келамиз ва шунинг учун ҳам бир-биримиздаи зерикмаймиз. Кейин-кейин унинг инглизча “қистирма”ларига шунчалик кўникиб кетдикки, бирон мавзуда гап очилиб, баҳсга айлангудай бўлса, “бу борада инглизларнинг фикри қандай? - деб савол берамиз ҳазиллашиб.

— “Сен менинг орқамни қашлаб қўйсанг, мен сенинг орқангни қашлаб қўяман», дейишади, — дейди Неъматилло жилмайиб.

### **СОҚОЛГА ҲАМ ЧИДАШ КЕРАК... БЕОЗОР ЙИГИТНИНГ «ҚИЛГУЛИК»ЛАРИ**

Йўлда «Тойота»миз яхши тортмай қолиб, Илҳомжон яна қовлашга мажбур бўлди.

— Машина тузатишга кўп устаси фарангу, фақат боғнинг директорлиги эсига тушиб кетяпти, холос, — дейди раҳбар кулиб. — Бу одам билан, демак, чўлу биёбонда ҳам доғ қолмайсиз, ишонинг.

Соқолга ўрганиш қийин бўляпти. Илҳомжон бошданок ёппасига қўйворган. Фаррух анчагача тархашлик қилиб юрди. Каттанинг «қизим сенга айтаман, келиним, сен эшит...» қабилидаги одатий қақитма-сўқитмаларидан кейин шашти пасайди. Неъматилло иккимизнинг ҳам соқол қўйгимиз йўқ эди. Бир ҳисобда ҳар куни эргалабки битта ташвишдан хориж бўлиш яхшию, аммо кунда соқол олиб юрган одамга жуда хунугинг чиқиб кетгандай туюлар, яна қичишиб диққат қилар, қолаверса, суратга, видеога Робинзон Крузога ўхшаб тушамизми, кўрганлар нима деб ўйлайди, деган андиша бизни ижирғантитарди.

Афғонистон йўналиши экспедициянинг бу галги сафари дастурида йўқ эди. Лекин «вазиятга қараймиз, иложи борича ўтишга ҳаракат қиламиз», деган эди раҳбар ва хусусан Неъматилло иккимизга Кобулдаги Бобур Мирзо қабр-мақбараси, бобурийларнинг асосий, муҳим қароргоҳи ва хонадони бўлган Болои Хисор калъаси, Боғи Бобур, Қандаҳордаги Ҳумоюн отаси хотирасига барпо қилдирган Чилзина минори, «Бобурнома»да ҳайрат билан тасвирланган Исталиф шаҳри, боғи Калондаги Бобур Мирзо қўллари теккан чинорлар ҳақида ҳаяжон ва маҳобат билан гапириб, бизнинг қизиқишимизни орттирарди (бундай пайтларда соқол қўйишдан оғирроқ шартларга ҳам кўнмоққа тайёр бўлур эдик).

— Мен Афғонистонга беш марта кириб-чиққанман. Ҳозир, масалан, биз кирадиган Кобул атрофларида уруш бўлаётгани йўқ...

Аслида Зокиржон ака таърифласа-таърифламаса Бобур подшоҳ умрининг учдан бир қисмидан зиёдроғини ўтказган ва кўпинча хушкайфият билан қаламга олган Афғонистонни, хусусан машҳури жаҳон Кобулни кўрмак менинг ушбу сафарлардан кўзланган асосий мақсад ва орзуларимдан биридир. Профессор Неъматилло ҳам шундай фикрда-ю, фақат бизга соқол қўйиш эриш ва ғайри одат эди.

Бу масала йўл-йўлакай бот-бот муҳокама бўлиб турарди.

— Афғонистонда эркакларнинг соқол қўймаслигини, умуман, ислом қонун-қоидалари тартибларига риоя қилмасликни ёмон олишади, — дейди Зокиржон ака ўз даъватининг сабабларига изоҳ бериб.

Илҳомжон билан Фаррухнинг эса «Афғонистон» номини эшитишга ҳам хушлари йўқ эди. Улар бу жанггоҳ мамлакатнинг бомба, миналардан хароб бўлган йўлларидану раҳбаримиз айтган ўта қаттиқ тартиботларидан безиллашарди. Иккалови ҳам аввалги сафарларда Афғонистонда бўлишган ва айтишларича, хийла ранжу машаққатлар чекишган эди. Ана шу ранжу машаққатларни, табиийки, Зокиржон ака ҳам бирга чекишган, балки бошлиқ сифатида кўпроқ чеккан, лекин шундай бўлса ҳам унинг бу ранжу машаққатларни яна чекишдан чўчимаётганига, қайтмаётганига ажабланардик биз. У Бобур Мирзо ва бобурийларнинг муборак пойқадамлари теккан йўлларда қайта-қайта юрмоқдан эринмас, ўзи

кучли эътикод кўйган бу мухтарам зотлар номи билан боғлиқ шаҳару кентларни, тарихий ёдгорликларни, меъморий обидаларни, боғ-роғларни такрор-такрор кўрмоқ, тамошо қилмоқдан асло зерикмас, эринмасди. Унинг мана шу эътиқоди, жаҳди ва журъати бизга куч берар ва Кобулни кўриш истагимизни барқарорлаштирарди. Алқисса, Афғонистонга ўтиш илинжида биз ҳам соқол билан боғлиқ азиятларни тортмоқликни гарданга олиб эдик...

Соқол муаммоси ва бошқа жамики ташвишлардан бизни яна гўзал табиат чалғитади, узун тумшукларини ва бутун жуссасини адл тутишиб, бир томонга қараб, хаёл сураётгандай қарахт бўлиб туришган оппоқ лойхўрақлар ўзига ром этади.

Албатта, Ҳиндистоннинг мафтункор манзараларини, ҳайвонот ва паррандалар дунёсини, рангин гулларини томоша қилиш завқли, мароқли эди, лекин биз учун бобурийлар қадами етган жойларни зиёрат айлаш, уларнинг тарихий, бадиий асарларини, улар ҳақида ёзилган китобларни излаб-топиш, ўқиб-ўрганиш янада қизиқроқ ва муҳимроқ эди. Чунки бундай ноёб маданий-маърифий бойликларнинг кўп қисми бобурийларнинг ота-она юртида номаълум ёки маълум бўлса-да, етиб келмаган. Зеро, экспедициямиз дастурининг асосий бандларини мана шу қутлуғ вазифалар ташкил этарди. Шунинг учун ҳам биз энди қанча шаҳару қишлоқларни ортда қолдириб, Лакнов сари ошиқардик. «Бобурнома»да бир неча бора зикр этилган бу қадимий шаҳарда ҳам бой кутубхоналар бор деб эшитганмиз.

Бироқ Лакновга етиб бориш ҳам осон бўлмади...

Илҳомжон жуда беозор йигит, сигнал чалавериб (янги сотиб олиб қўйилган) зада қилаётганини ҳисобга олмаса, бошқа айби, камчилиги ҳам йўғ-ов. Шахсан менинг кулоқларим жуда безиллади. Энг алам қиладиган жойи — велосипедчилар ё пиёдалар (шаҳардан ташқари, қишлоқ йўлларида) сигналимизга пашша кўнганчалик ҳам парво қилишмасди. Чунки улар йўл четидан юришар ва орқадан тўхтовсиз равишда ҳар турли улов воситалари келишини яхши билишарди. Илҳомжон, албатта, боласига кўзани синдириб қўймагин, деб аввалдан тарсаки туширган афандидай, эҳтиёт чораси сифатида сигнал чаларди, лекин ҳинд ҳайдовчилари билан баслашаётгандай, ўта ортиқча кўп чаларди, улаб-улаб, паровоз қилиб юборарди. Бу борада дам сайин унинг «маҳорати» ошиб борарди...

Лакновга ўттиз чақирим қолганда машинамиз тўхтади. Боя тарновдан қуюқ тутун чиқиб кетган эди. Орқа капотнинг эшик-ойналарига афтол сачратиб юборибди.

— «Кўлса» пишибди шекилли, — деди Илҳомжон.

Бу яқин орада устахона йўқлигини аниқладик ва ҳиндларнинг бир “ЖИП” машинасини 500 рупийга кира қилиб, судратиб Лакновга жўнадик. Зокиржон ака асабийлашиш, қуюниш ўрнига ушбу ҳолатни хотиржамлик билан видеотасвирга олди:

— Инсон ҳамма нарсага тайёр туриши керак, айниқса, сафарда, — деди у. — Узок йўлда ҳамма нарса юз бериши эҳтимол. Шундай бўлиши мумкинлиги хаёлимда бор эди...

## **ЛАКНОВ**

### **РИКШАЧИГА ОСОН ТУТМАНГ**

Яна бир бесаранжом шаҳарга кириб боряпмиз. Деворларда кафтдай бўш жой йўқ — ҳаммаёқ реклама, ёзувлар. Бўёқ текинмикин, дейсиз (Кинотеатрлар пештоқидаги улкан суратлар одам (аксарият кино актёрлари ва актрисалари)нинг ўзидан ҳам катта.

Сартарошлар худди Қашқардагидай кўча бўйларига кўчма дўкон тикиб, шахдамлик билан соч-соқол киртишлашяпти.

Лакновда ҳам, бошқа шаҳарлардаги каби мопед типдаги мотоцикл минган қизлар кўп эди.

«Тойота» устахонасини топиш қийин бўлди. Серқатнов шаҳар ичида тирковда юришнинг машаққатини айтинг. Яхшики ҳар қадамда тўхтатиб эговлайдиган «ДАН»чилар йўқ эди.

Бу ерда одамгарчилик яхши экан. Киракаш йигитлар аввал бир устахонага олиб боришган эди, у ердагилар бошқа манзилга йўллашди. Бу жой «Тойота» фирмаси бўлиб,

устахонаси йигирма беш чақиримча нарида, аэропорт томонда экан. Бир йигитни кўшиб беришди. Сервис-устахона директори бизни жуда яхши кутиб олди. «Қидирув-текширув» ишлари бошлангач, Илҳомжонни қолдириб (бояқиш бунақа «қолдириб» кетишларга кўникиб кетган экан), бошқаларимиз тушликка жўнадик. Сервис машиналаридан бирида ресторанга олиб бориб қўйишди. Қайтишда иккитадан бўлиб извошга ўтирдик. Ташқаридан қараганда уни ҳайдаш осонга ўхшаб кўринарди. Извош — уч ғилдиракли велосипед устига ўрнатилган, орқасида суянчиғи бор арава — файтон. Раҳбар иккимиз ўтирган файтоннинг рикшаси - ҳайдовчиси ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги ўспирин эди, унинг кучаниб педал тепишини кўриб (икковимиз салкам икки центнер бўлсак керак), унга, умуман рикшаларга нақадар қийин эканлигини ҳис қилдик (Велосипедда иккита оғир одамни учқаштириб олган ўсмирни тасаввур қилиб кўринг!) Аксига олиб, йўлнинг биз бораётган томони баландлик эди, болакай ҳар замонда, текисроқ жойда бирпас эгарга ўтирардида, кейин яна оғирлигини, бор кучини дам ўнг, дам чап оёғига ташлаб, бутун вужуди билан икки тарафга эгилиб-букилиб ҳайдарди. Жуда хижолат бўлди, суяги қотмаган шу норасиданинг аравасига чиққанимизга афсусландик. Бунинг устига, йўл қирғоғидаги дўкон ва устахоналарда ўтирганлар, йўловчилар биздан ўқинишаётгандай, бола бояқишга раҳмлари келаётгандай туюларди бизга.

Рикша бор-йўғи 10 рупийдан олди. 1 литр солярка — 17,5 рупий. Борган масофамиз уч чақиримдан кам эмас эди — ҳисоблаб кўраверинт!..

Моторни оча бошлашибди. Иш анча жиддийга ўхшайди. Тахминларича, гилза-пўршин чатоқ эмиш. Фожеа шундаки, сервиснинг ўзида эҳтиёт қисмлар бўлмас экан (Бу устахона бояғи фирманинг филиали бўлиб, асосан «Тойота», «ЖИП» русумидаги автомобилларни олиб, анча-мунча безак бериб, мойлаб-нетиб сотиш билан шуғулланаркан). Масалан, бизнинг машинага керакли гилза-пўршин учун Дакка (Бангладеш)га буюртма беришаркан. У ердан махсус одамлар самолётда бериб юборишаркан. Хуллас, эртага кечгача эҳтиёт қисмлар етиб келса, индинга кечки пайтлар машина тайёр бўлиши мумкин, дейишди.

Шундан кейин сервис бошлиғининг ёрдамчиси бизни яна бир «ЖИП»да олиб бориб, шаҳарни чеккалаб ўтган Оламбоғ кўчасидаги «Адашила» меҳмонхонасига жойлаштирди. Яхши: совутгич, елпаррак бор, телевизор юзга яқин каналдан кўрсатяпти. Бир неча каналда ҳинд фильмларининг қўшиқ айтилган лавҳаларини қайта-қайта намоёйиш қилишавераркан. Зокиржон аканинг бунақа «концерт»ларга унча ҳуши йўқ.

## **О, БУ ТЎТИЁ КИТОБЛАР.., “ЎН ОЛТИНЧИ АСР БУНЁДКОРИ».**

*7 ноябр, сеианба*

Нонуштадан кейин яна Илҳомжонни сервисда қолдириб, таксида Лакнов университетига кетдик. 55 минутда етдик. Қатнов тигизлигидан, тез юриб бўлмасди. Бунинг устига, икки ёни очик, скуторнинг мотори тракторники эканми, тариллаб кулоқларни коматга келтириб юборди. Университет қошидаги Робиндранат Тхакур (Тагор) номли кутубхонага кирдик. Бизни директорнинг монголоидларга ўхшаброқ кетадиган муовини бепарвогина кутиб олди, лекин яхши илтифот кўрсатди.

Кутубхонада урду, форс, араб тилларидаги 1200 дан зиёд қўлёзма мавжуд бўлса-да, биз қидираётган асарларнинг қўлёзмалари йўқ эди. Бироқ, инглиз тилидаги «Бобурнома», Уилямс Эрскиннинг «Ҳиндистон тарихи. Темурийлар, бобурийлар даври», «Бобур ва Ҳумоюн» ва бошқа нодир китоблар бор эди. Булар Эрскиннинг бобурийлар тўғрисидаги асарларининг атиги бир қисми эди. Олис Англияда туриб, бизнинг улуғ ватандош-аждодларимиз ҳақида шу қадар кўп ва хўп китоблар битган ва уларда бизнинг бобокалонларимизга чуқур ва самимий ҳурмати, муҳаббати яққол сезилиб турадиган бу олим-ижодкорнинг сермахсуллигига, маҳоратига, қувваи ҳофизасига, манба ва маълумотларга бойлигига қойил қолмасликнинг, хавас қилмасликнинг, унга ташаккур бидирмасликнинг сира иложи йўқ! Бу манбалар унинг қўлига қандай тушиб қолганидан қатъи назар, уларни ўқиб, ўрганиб, изланиб, ўз тасаввурлари ва мулоҳазалари билан



бойитиб, кўпчилик эътиборига ҳавола қилган экан, биз ундан фақат ибрат олишимиз, заҳматларини қадрламоғимиз, кези келганда айтиш керакки, инглиз тилидаги бу ва бошқа қимматли асарларни мумкин қадар тезроқ ўзбек ўқувчиларига, халқимизга етказиш чораларини кўрмоғимиз лозим, деб ҳисоблайман. Бу жуда муҳим ва зарур ишга, албатта, таниқли, атоқли адабиётшунос, бобуршуносларимиз, адибларимиз астойдил бош кўшадилар, деган фикрлар кечди хаёлимдан.

Эрскин Бобур Мирзо келтирган «Дўстлар билан ўлмоқ тўйдир» мақолини шарҳлаб, «Йиғласанг бир ўзинг йиғла, кулсанг, бутун олам сен билан кулсин», деган инглиз мақолини келтирган экан. Бу бежиз эмас. Зеро, «Бобурнома»да шундай воқеа баён этилади; Бобур Мирзо ўз мулозимлари ва аскарлари билан қирчиллама қишда тоғ оралаб Қобулга жўнайди. Қор ёғаётган бир палла. Бу киш тугул, ёзда ҳам юриш машаққатли бўлган довон эди. Уларни бошлаб бораётган, ўша худудни яхши биладиган кимса ҳам йўлни йўқотиб кўяди. Бир ҳафта давомида нотаниш, ноаниқ сўқмоқда мислсиз қийинчиликларга дуч келишади. Бобур Мирзо подшолигини ҳам унутиб, ҳамма қатори отдан тушиб, қалин қорни гавдаси билан суриб, йўл очиб боради. Шу кўйи улар бир неча кун қолиб кетишади. Ниҳоят, бир ғорга дуч келадилар. Мулозимлар Бобур Мирзони ғорда дам олишга даъват этадилар. Бобур Мирзо таклифни рад этади. Яъни: «Ҳар неча дедиларки, ҳаволга боринг, бормадим. Кўнгилга кечтиким, барча эл қорда ва чопқунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат била мунда, барча улус ташвиш била машаққатда, мен мунда уйку била фароғатда. Мурувватдин йироқ ва ҳамжихатликдин йироқ ишдур. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайн, бир форси масал бор: «Марг бо ёрон сураст»<sup>1</sup>. Ўшандоқ чопқунда қазғон, ясағон чуқурда ўлтурдим, намози ҳуфтонгача қор анча чопкулаб ёғдиким, мен энгашиб ўлтуруиб эдим, орқамга, бошимга ва қулоқларимнинг устига тўрт эллик қор бор эди»<sup>2</sup>.

Бинобарин, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ана шундай олижаноблиги, мардлиги, тантилиги, камтарлиги ва бошқа қатор инсоний фазилатлари ғарб адиблари ва шарқшунос-муаррихларини қойил қолдирган-да!

Профессор Отажонов рошпа-роса ўттиз йилдан бери Бобур ва бобурийлар ҳаёти ва фаолиятига оид илмий тадқиқотлар олиб борар, шу мавзуда бир неча рисолалар битган эди. У инглиз олимларининг ҳалоллиги, тўғрисиқлиги, Бобур ва бобурийларга ҳурматининг ниҳоятда юксаклигини ҳар вақт эслаб, бизга ҳам уқдириб турарди, ўзи ҳам китобга ниҳоятда ўч — офарин айтмоқ жойиз. Шу, фақат... андак тажангроқ, андак шитоброқ эди...

“Бобурнома”га ишланган миниатюра-суратлардан иборат албом-рисола ҳам диққатимизни тортди. Ҳинд тарихчиси М. С. Рандхава тузиб чоп эттирган мазкур китобдан жуда ноёб расмлар ўрин олган эди. Чунончи:

1. Шаҳзода Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо вафоти муносабати билан Андижон қалъасидан Ахсига қараб отда, маънос ҳолда йўлга чиқаётгани.

2. Бобур Мирзонинг Андижонда ўзбек султонларини қабул қилаётган чоғи.

3. Бобур Мирзо Андижондаги чорбоғда.

4. Бобур Мирзонинг аскарлари билан Қашқардаги Абу Бақр қалъасига ҳужум қилаётган пайти. Мана шу суратни — ўзимиз қидираётган тарихий далилни кўриб, Бобур Мирзонинг чиндан ҳам Шарқий Туркистонда бўлганлигига, таниқли бобуршунос олима Анна Мария Шиммел қайд этган айрим шеърларини Қашқарда ёзганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Албом рассоми таниқли ҳинд мусаввири Фаррух Шейер бўлиб, уни Деҳли Миллий музейи 1983 йили, демак, Бобур Мирзо таваллудининг 500 йиллигига нашр қилган экан.

Таниқли инглиз олими Рашбрук Уильямснинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори» китобининг номи бизни ҳайратга солди. Сарлавҳа Бобур Мирзога берилган зўр таъриф эди. Асар дастлаб 1918 йили Лондонда, кейин Бомбей, Калкутта, Мадрас ва бошқа шаҳарларда қайта босилган экан. Ички муқовадаги Бобур Мирзонинг ўрта ёшлардаги отлик суратини шахсан мен бирон

---

1. *Дўстлар билан бирга ўлмоқ тўйдир.*

2. *“Бобурнома”, юқоридаги нашр. 175-б.*

жойда учратмаган эдим. «Бобур Эсондават бсгим чорбоғида...» ва бошқа расмлар Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаётининг турли даврларидан ҳикоя қиларди.

Афсуски, бу китоблар Бобур Мирзо туғилиб ўсган Андижонда йўқ.

Ўтган сафар учрашув-мулоқот чоғида Калкутта университети муаллимлари олий ўқув юртлари дастурида бобурийлар даврига жуда оз дарс соатлари ажратилган, дейишган эди. Бу гап ҳақиқатга қанчалик тўғри келади, билмадим, аммо Ҳиндистон тарихи ҳақидаги китоб, рисолаларнинг асосий қисмини бобурийлар тўғрисидаги боблар ташкил этар экан.

Кутубхона директори муовини кўшиб берган бир талаба ёрдамида Ислом университети қошидаги Надват-ул уламо (надват — мажлис, кенгаш дегани) деб номланган мадрасанинг шарқшунослик кутубхонасига ўтдик (пиёда анча юришга тўғри келди). Соат 1 (13)га яқинлашиб қолувди. Бу ерда асосан мусулмонлар ишлар экан, пешин намози вақти бўлиб қолди, шу бўйича асрдан кейин қайтишади, деб, ичкарига қўйишмади.

**Байт:**

*Лакнов деган жойга бордик,  
Кутубхона излаб ҳордик.  
Одамлари анча култур,  
Мусулмони хийла кўндур.  
Аёллари салобатли,  
Қизлари соз, гоз қоматли.*

Файтонларга ўтириб китоб магазинларини изладик. Шаҳардаги марказий дўконга кириб, ҳайратдан ёқа ушладик. Икки қаватли бинода гўзал муқовали олам-олам китоблар ниҳоятда дид билан тахта тоқчаларга терилган, харидор, китобхонлар гавжум эди. Аҳолининг ялпи саводчилиги олтмиш фоизга ҳам етмайдиган мамлакат аҳлида китобга қизиқиш, иштиёқнинг шу қадар катталиги биз учун қутилмаган ҳодиса эди. (Лакнов — Ҳиндистоннинг энг катта — Уттар Прадеш штати пойтахтидир. Штатда 160 милёндан ортиқ аҳоли бор. Давлат тиллари — ҳиндий ва урду. Саводхонлик 56 фоиз. Умуман Ҳиндистонда бу кўрсаткич 52 фоизни ташкил этади (бу рақамлар маълумотнома — рисоладан олинди). Аслида китоблар нархи биздагига нисбатан жуда қиммат эди. Масалан, ҳажман «Бобурнома» билан баробар “Жаҳонгирнома”нинг Лондонда, инглиз тилида чоп этилган нусхаси бир ярим минг рупий, “Ҳиндистоннинг бобурийлар давридаги ҳайвонот дунёси” деган суратли китоб 1900 рупий эди. 1 АҚШ доллари — 45,9 рупий, демак, юқоридаги китоблар 35-40 доллар атрофида!

Ҳиндистоннинг бобурийлар билан боғлиқ тақдири ҳақидаги, шунингдек, «Бобурийларнинг суратлари» деган асарларни кўриб яна ҳайратландик ва яна ғурурандик ва яна кўп афсусландик ва яна кўп хижолат чекдик...

Биз Лейн Поулнинг «Ҳиндистон тарихи» туркумига кирувчи «Бобур», худди шу туркумдан Акбаршоҳ тўғрисидаги китобларни сотиб олдик.

Бошқа китоб магазинларини қидириб борсак, берк экан. Атрофдаги дўконларнинг (дўкон дегани кўчанинг икки бетида бир-бирига уланиб кетаверади) ҳам аксарияти кулфлоглиқ эди. Ўша маҳал ёнларига турли шиорлар ёзилган матолар боғланган машиналарда одамлар радио карнайлардан қийқириб бир нарсалар деб ўтишган эди. Биз депутатликка номзодлар ва уларнинг тарафдорлари «бизни сайланг!» деб юришган бўлса керак, дея фараз қилувдик. Кейин билсак, улар солиқ-тўловларга норозилик билдириб чиқишган дўкондорлар экан.

Бир йигит ёрдамида (асли олийҳиммат одамлар кўпми, ҳарқалай, бизга нукул шундайлар учрарди) меҳмонхонамизга келиб олдик.

Сервисга қўнғироқ қилиб, аҳвол раҳбар ўйлагандан ҳам мушкулроқлигини билдик. Бангладешда юқорида айтилган эҳтиёт қисмлар йўқ экан. Деҳлига буюртма беришибди. Эртага кечки пайт етиб келади, дейишди.

Зокиржон аканинг кайфияти анча тушди. «Демак, бу хийла жиддий муаммо. Деҳлида ҳам бизга керакли қисмлар бўлмаслиги мумкин. Чунки, Ҳиндистонда «Тойота» машинаси чиқмайди, устахоналари ҳам, эҳтиёт қисмлари ҳам кам бўлади», деди у. «Тошкентга

кўнғироқ қилиб, танишларга айтсам, эҳтиёт қисмларни Тошкент — Деҳли самолётида биронтасидан бериб юборишса... Унгача бу ерда бирор ҳафта ётишга тўғри келади», деган мулоҳазаларга ҳам борди.

## “БИ-БИ-СИ” ТАРҚАТГАН ШУМ ХАБАР

Оқшом Зокиржон акадан бошқаларимиз кўчаларни, яқиндаги бозорларни айланиб келдик. Мол-дунёнинг кўплиги, тиқилинчлиги жиҳатидан Андижондаги жаҳон бозори ҳолва экан.

Кеч соат ўнларда раҳбар иккимиз меҳмонхонамиздан юз қадамча наридаги телефонхонадан юртга — кўнгил яқинларга кўнғироқ қилдик...

Оллоҳниям айт, тавбаниям, деганларидек, Ҳиндистонда телефон алоқаси хизматининг яхшилигини эфирроф этиш керак. Оддий бир посёлкасида, йўғонроқ икки одам аранг сиғадиган хонада рақамларни шундоқ териб, кўшненикига тушгандай, бошқа бир мамлакат билан бемалол гаплашаварасиз, таажжубки, деярли қайта теришга ҳам тўғри келмайди. Бизда вилоятдан бирон туман билан боғланиш учун телефон чамбарагини айлантиравериб, бармоқларингиз безиллаб, охири боре, дейсиз<sup>1</sup>.

Зокиржон ака уйдагилар ва Хайридин Султон билан сўзлашди. Шу кунларда “Би-би-си” “Непалда олти қуроқланган ўзбек қўлга олинди”, деган хабарни тарқатиб, анча ваҳима бўлган (албатта, бизни билганлар орасида), Хайридин ҳам бугунча кутайлик, бирон дарак бўлмаса, эртага Республика Ташқи ишлар вазирлигидан аниқлашга ҳаракат қиламиз, деб турган экан. Яхшиям сим қоққанимиз, акс ҳолда бу тахликали ноҳуш ахборот хийла кўнгилсизликларга сабаб бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас эди! Раҳбарнинг хонадонидагилар жуда ҳавотирланишаётган экан. Чунки бир-икки танишлар уларникига кўнғироқ, қилиб, тинчликми, сафарга кетганлардан дарак борми, деб ҳол сўрашган ва ташвишланаётганини айтишган экан.

Хонада Зокиржон ака иккимиз анчагача Непал воқеасини муҳокама қилиб ўтирдик. Олти нафар қуроқли ўзбек ким бўлдикин? Улар Непалда нима қилиб юришибдикин?.. Албатта Афғонистондан ё бошқа бир жойдан қочишган, ватандан мосувою халқига оқ бўлишган кимсалардир-да...

*8 ноябр, чоршанба*

Эрталаб автобусда “Тойота”га жўнадик. Кўча қандай тўполон, бесаранжом бўлса, автобуснинг ичи ҳам шундай бетартиб эди. Йўловчилар бақириб-чақириб гаплашишарди. Тавба, бу одамзотлар шунча шовкин-сурон, машиналарнинг бетўхтов сигиналларига қандай чидаб яшаркин?

Автоулов воситаларининг ҳаддан ташқари шарақлаб, ёқимсиз овоз чиқариб юришининг асосий сабаблари кузовларининг ҳам (аксарияти) темирданлиги, эскилиги ва моторининг соляркага мосланганлиги эди.

Бир ибратли жиҳат — қиз-аёллар биринчи эшикдан чиқиб-тушишар, уларга автобуснинг олди ярми алоҳида ажратилиб, темир ғов билан ихоталаб қўйилган эди. Бу удум мен кўрган ислом мамлакатлари — Покистон, Эрон, Афғонистонларда ҳам мавжуд эди. Сервис бошлиғи (менежер дейиларкан) жаноб Найак «ЖИП» русумли хизмат машинасини (хайдовчи билан) берди. Кечаги Ислом университетига бордик. Кутубхонага олиб киришди.

Дорилфунуннинг ташкил топганига 100 йилдан ошибди, икки ярим минг талаба ўқитиларкан. Асосан Ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакатларидан қабул қилинаркан. Ўқиш муддати ўн тўрт йил, экан. Асосий дарслар Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар бўлиб, бизнинг улуғ ватандошларимиз, Ислом биносининг бузург устунлари - Ал Бухорий, Ат-

<sup>1</sup> Ўша йиллар алоқа аҳволи шундай эди (муаллиф).

Термизийлар, уларнинг диний илм, Муҳаммад пайғамбаримиз ҳаёти, ахлоқ мавзуидаги маърифий мерослари ўқитиларкан.

Биз муддаоимизни, яъни бобурийларга оид китоб ва қўлёзмалар билан қизиқиб юрганзимизни изҳор этдик.

— Биз Бобурни “Бобур шер” деб атаймиз, — дейишди университет раҳбарлари.

Кутубхонада қуйидаги ноёб асарлар бор эди:

1. Стейн Лейн Поул (инглиз шарқшунос олими): “Император Бобур”. Дастлаб 1899 йили Дублин (Ирландия)да нашр қилинган, 1987 йили Дехлида қайта чоп этилган.

2. Фридрих Аугустус (австриялик шарқшунос): “Император Акбар” (инглиз тилига Анетта Бевериж хоним таржимаси, 1-жилд), 1890 й.

3. Муни Лаъл (таниқли ҳинд адиби, Бобур Мирзо, Ҳумоюн Мирзо, Акбаршоҳ, Жаҳонгир тўғрисидаги асарлар муаллифи): “Шоҳ Жаҳон” — йирик ҳажмдаги рўмон-эссе.

4. Маҳди Ҳусайн: “Баҳодиршоҳ-II”.

Умуман бобурийларга бағишланган китобларни таърифлашга “тўм-тўм” деган сўз ожиз, балки «том-том» ибораси мосроқ эди.

Фақат, кўнгилни ғаш қиладиган бир жиҳати — ана шу том-том китобларнинг барчасида Бобур ва унинг авлодлари “мўғуллар” деб юритиларди. Бу хато атама шу қадар оммалашиб кетган эдики, ҳатто бобурийлар бунёд этишган барча тарихий обидалар, боғ-роғларнинг маълумотнома-рисолаларида ҳам ўша ибора қўлланади. (“Мўғул” сўзи ҳиндларнинг ҳам қонқонига шу қадар сингиб кетганлиги яна шундан ҳам аёнки, “Мўғул таомлари» деган ошхоналар бор, ресторан ва емакхоналарнинг пештоқларига «Ҳинд, мўғул, хитой таомлари» деб ёзиб қўйишади). Тўғри, Бобур она тарафдан Чингизхонга ўн иккинчи аждод сифатида бориб тақалади, лекин ота томондан Темурзода Мироншоҳнинг авлоди-ку. Ахир насл-насаб отага қараб белгиланади-ку! Ахир мўғуллардан кўп жабру жафо чеккан Бобур Мирзо ҳам ўзини турк деб атаган-ку!

“Асос”ни қарангки, бир афсонада айтилишича, “мўғуллар қабиласи бошлиғи бўлган бир оилада Аланқува исмли қиз фазодан тушган осмоний мавжудот билан бўлган алоқадан бирданига учта ўғил кўрган, ўша ўғиллардан бирининг тўққизинчи авлодидан Чингизхон туғилган, иккинчисининг ўн тўртинчи авлодидан эса Амир Темур ёки Темурланг туғилган”<sup>1</sup> эмиш! Аввало бундай ривоятлар қадимги римликлар ва грекларга хос, қолаверса, нега энди минг, балки бир неча минг йиллар илгари тўқилган, илмий жиҳатдан мантиқсиз афсонага ишониш, суяниш керак?!

Дарвоқе, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, мўғулларнинг ўзлари анча кеч пайдо бўлган, уларнинг келиб чиқиши ҳам аслида бошқа номлардаги (хунн, сяньбий) қабилаларга бориб туташади. Мўғул деган халққа эса, дарҳақиқат, Чингизхон томонидан XIII асрда асос солинади. Чингизхоннинг оламшумул обрўси эса ана шу даврларда турли элатлар, қабилалар орасида мўғулпарастилик «касали»нинг келиб чиқишига сабаб бўлади. “Жоме-ат-таворих” асарининг муаллифи, XIV асрда яшаган тарихчи Рашидиддин Фазлуллоҳ Қазвинийнинг айрим уруғларнинг наслу насаби обрў-эътиборини кўтариш мақсадида ўзларини Чингизхонга, унинг қавми — мўғулларга тақашга интиланликларини алоҳида писанда қилиб: “Жалойир, татар, уйрот, унгут, керайт, найман, гангут каби қабилалар ҳам қадимги вақтда мўғулларни тан олмаганлигига қарамасдан энди мактаниб, ўзларини мўғулларга қўшиб кўрсатадилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари ўзларини қадимги вақтлардан бери мўғулларга қўшилиб келган деб хаёл қиладилар. Ҳолбуки, қадимги вақтда мўғулларнинг ўзлари ҳам чўлларда яшовчи туркий халқларнинг бир бўлаги бўлган, холос” деб ёзади.

Йигирманчи аср тарихчилари ва бошқа мутахассисларимиз юқоридаги атама-ибора мўғулнинг хатолиги борасида у ёки бу даражада ўз муносабатларини билдиришган. Масалан, ўзбек Қомусининг 1972 йилги нашрида Амир Темурнинг машҳур барлос уруғидан эканлиги, «революциядан олдинги ва Совет давридаги кўпгина тарихий — илмий адабиётларда барлослар турклашган мўғул уруғи, деб нотўғри кўрсатилган»лиги таъкидланади.

<sup>1</sup> У.Эрскин. “Бобур Ҳиндистонда”. 7- бет.

Академик Иброҳим Мўминов эса ўзининг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асарида улуғ Соҳибқироннинг мўғул ҳукмронлари ҳамда истилочиларига қарши курашганлиги ҳам барлослар уруғининг (демакки, Амир Темурнинг — Қ. К.) туркий халқларга мансуб эканлигини кўрсатувчи далиллардан биридир, деган эди.

“Бобур ўзини, мағрур турк деб билди ва ўз она тили — туркийда сўзлади, куйлади. Ҳиндистонда туркий салтанатга асос солди, бебаҳо исломий мерос қолдирди», — деб ёзадилар профессорлар Ғайбуллоҳ ас-Салом ва Неъматуллоҳ Отажоновлар «Жаҳонгашта “Бобурнома” номлиғ китобларида.

Ҳа, теурийлар, яъни бобурийларнинг асил келиб чиқишини илмий асослашга уринишлар бўлган, бор<sup>1</sup>, бобуршунослар, таржимонларимиз “мўғуллар” ўрнига “бобурийлар” иборасини қўллашмоқда, бироқ бу чиқишлар ўз “қобиғимиз”да бўлаётгани, таъсир доираси кенг эмаслиги боис, нишонга етиб бормаяпти. Хато эса тобора чуқурроқ илдиз отиб, “мустаҳкамланиб” бормоқда. Аммо, ҳозир ҳам кеч эмас. Ҳа, ҳали бу борада келажак авлод ҳам чалғиши мумкин. Бизнингча, бу тарихий ҳақиқатни бобурийлар ҳақида кўп ва хўб китоблар битган инглиз, ҳинд ва бошқа адиблар, тарихчилар, сайёҳлар онги, шуурига етказиш йўллари излаш, топиш, керак бўлса, ушбу масалага дахлдор нуфузли халқаро ташкилотлар кўмагида ҳаракат қилиш зарур. Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, Бобур Мирзога бўлган қарашнинг мусаффолашгани шундай саъй ҳаракатга тўла асос бўлади, деб ўйлайман. Ахир, ҳақиқат қачондир ўз жойида қарор топиши, тарихий шахсларнинг келиб чиқишлари имкон қадар ҳаққоний, аслига тўғри бўлиши лозим. Ер остидан, тупроқ қатламлари ичидан топилган, сири кўчиб, ўнгиб кетган сопол буюм, матога қараб шаҳарларнинг бир неча минг йиллик ёшини белгилаш мумкину, нега энди яқин ўтмишда дунёни сўраган, оламаро доврқ қозонган улуғ зотларнинг лоақал шахси тарихини аниқ белгилаш мумкин эмас?..

Ислон дорилфунунидан чиқиб яна Лакнов университетига бордик. Кеча Рандхава томонидан чоп этилган “Бобурнома”га оид миниатюралар” китоби (унда 150га яқин сурат бор эди), Муни Лаълнинг “Бобур”, Рашбрук Вилиямснинг “Ўн олтинчи аср бунёдкори” асарларининг ксеронусхасини илтимос қилган эдик, тайёрлаб қўйишган экан, 198 рупий (қоқи баҳоси!) тўлаб олдик.

Раҳбар икки юз рупий узатувди, кечаги муовин 2 рупий (танга) қайтариб берди.

Кунимизнинг самарасидан мамнун бўлиб меҳмонхонага қайтдик. Лекин, энди олдинда бизни тушлик муаммоси кутарди. Ҳиндистоннинг овқатларига ўрганиш ҳамон қийин бўляпти. Қаерда нима есак экан, деб бошимиз қотади. Қаерга борсангиз, бари сабзи ё бақлажон ё помидор эзилтириб пиширилган аччиқ қайла ё оппоқ гуручдан иборат “палов”... Эҳтимол, биз боп овқатлар ҳам бордиру билмаётгандирмиз. (Бизга негадир китобларда мақтови келтирилган Ҳинд таомлари — ҳар турли кабоблар, ёнғоқ, майиз кўшиб пиширилган бирёни (шавла)лар учрамасди). Кеча ресторанда иккинчига нима овқат танлашни билмай, икки ҳиссадан товук, гўштли суюқ вермишел ичган эдик. Сервис бошлиғи жаноб Найак меҳмонхонага қўнғироқ қилиб, меҳмонларимиз яхши туришибдими, деб сўраган экан, таомга қийналишяпти шекилли, фақат нудр суп ичишяпти, деб жавоб беришибди. Кечки пайт Неъматилло сервисга борган эди, жаноб Найак уйга овқат буюрайми, дебди. Одамгарчилигини қаранг!

Бу ёқда эса машинамиз муаммоси ҳамон ечилмай турарди. Бугун яна бошқа гап чикди: сервиснинг бир устаси эҳтиёт қисмларни ўзи кўриб олиб келиш учун самолётда Даккага учиб кетибди. Кечаси етиб келса, эртага созлашармиш...

## ҲИНДЛАРНИНГ КИНОГА ОЛҒОНИ ЁЛҒОН. МАЙИТ НЕГА ЁҚИБ ЮБОРИЛАДИ?

---

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Ҳ. Ҳасанов. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (хаёти ва географик мероси). “Ўзбекистон” нашр., 1996 й. А.Иброҳимов. “Бобурнома” буюк асар”, Ғ. Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашр. Тошкент, 2000 йил.

Ўтган сафар Ҳиндистоннинг бир қисминигина кўриб, бу миллиардвой мамлакат халқларининг ҳаёти, турмуш тарзлари, анъаналари борасида чала тасаввур билан қайтган эдим. Ўн беш-йигирма кун, шундоқ йўл-йўлакай «Тойота»да юриб кетаётиб ўрганган, олган билимларимиз бир халқ ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди, албатта. Қолаверса, бундоқ сафарга автомобилда илк бор чиқишим эди, тажриба йўқ, бунинг устига, машинада ўтириб ёзиб кетиш қийин ва ўрганилмаган, кўп вақтим ҳайратланиш, ажабланиш, ачиниш билан, табиат манзараларига маҳлиё бўлиш билан ўтган, жойларда маҳаллий халқ вакиллари суҳбатга тортишга фурсат бўлмас эди. Бу сафар ана шу сабоқлардан хулоса чиқарган ҳолда хушёрликни ошириб, атрофга тетик назар билан қараб, имкон қадар мўлроқ маълумот олиш пайдан бўлмоқдаман, халқнинг урф-одатлари, расм-русумларини яна йўл-йўлакай бўлса-да, дурустроқ ўрганишга, одамлар билан кўпроқ гаплашишга (албатта, профессор таржимонимиз ёрдамида) ҳаракат қилмоқдаман. Раҳбар ташаббуси билан олимлар, зиёлилар, кутубхоналарнинг мудирлари ва ходимлари, Покиза Султон бегим, Ҳабиб Раҳмон ва бошқа эътиборли шахслар билан анча жиддий учрашувлар, мулоқотлар ҳам бўлди.

Янги кузатувларим, чоғиштириш асносида таассуротларим хийла бойиди, кенгайди, шошилинчда олган айрим хулоса ва мулоҳазаларим ўзгарди.

Ҳиндистонда миллат сероб, элат бисёр, динлар турфа, шунинг учун таомиллар, одатлар хилма-хил. Либослар шунга мос.

Ўтган йиллар ичида анча янгиликлар юз бергандай кўриняпти. Хусусан деҳқончиликда олға силжиш сезиларли даражада эди. Аммо бу силжиш натижалари асосан ер эгалари, бой деҳқонлар тегирмонини янада яхшироқ юргизишга хизмат қилаётганини ҳам чамалаш қийин эмас эди.

Шаҳар аҳлининг юриш-туриши, кийинишларида маданийлашув, ғарбга интилиш (аёлларда ҳам, эркакларда ҳам) кўпроқ кузатилади.

Меҳмонхонанинг техник шарт-шароитини назорат қилиб юрадиган (яъни, сантехник) ёши ўтганроқ, бўйчан, қотма бир ходими биз билан, тўғрироғи, Неъматилло билан чиқишиб қолди. У анча сергап, бироқ сўзи кесадиған, серҳаракат киши эди. Ошхонада ўтириб анча суҳбатлашдик. Отаси инглиз, онаси ҳинд экан. Одатда мулатлар келишган одамлар бўлишарди, бу “жаноб” эса аксарият оврўполиклар каби оқ-сарик, қошлари сийрак ва шаклсиз, бурни бесўнақайроқ, умуман юз тузилишида истара деган нарса анча танқис эди. Лекин, ўзининг айтишича, анча ишбилармон — машина тузатадиган хусусий устахонаси бор экан.

— Бу ерда топган пул билан, умуман ойлик маош билан ҳаёт кечириб бўлмайди, - дейди у.

Унинг ҳинд урф-одатлари, аёлларга муносабат борасидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Бундан олти-етти йил бурун қизини ошхона ё бошқа жойда бегона йигит билан кўриб қолган ота уни ўлдирарди, - деди у.

Робиндранат Тхакурнинг Ҳиндистондаги ҳар турли динлар ва мазҳабларга мансуб феълу тутумлар, қонун-қоидалар ва уларнинг севувчи ва севиловчи ёшларнинг бир-бирларига етишмоқлари йўлида ўтиш мушкул бўлган ғовга айланиши тўғрисидаги «Гоурмахон» рўмони ёдимга тушди. Ўша асарда йигит билан қизнинг пароходда бирга келиши ҳақида тарқалган миш-мишнинг суръати похолга ўт кетишига қиёсланган эди.

— Ёшлар ўртасидаги ишқ-муҳаббат масалалари қандоқ бўлади? Кинолардаги асосий мавзу ўлдим-куйдим-ку? — савол бераман.

— Ҳе-э...— қўл силтайди дурагай “жаноб”.

Демак, кинолардаги воқеалар соҳа бизнесменларининг уйдирмалари, халқ эришолмаётган орзу-умидлар ифодаси...

**Байт:**

*Ҳиндларнинг кинога олғони ёлгон,  
Қизларнинг қийшанглаб юргони ёлгон.  
Қўшиғу рақсга моҳирлиги рост,*

## *Ибо, вафоси чин, қолғони ёлгон.*

Ҳаётда йигитларга 21 ёшдан, қизларга 18 ёшдан турмуш қуришга рухсат этиларкан. Лекин қонунга ҳар доим ҳам амал қилинавермасмиш. Бепоеён мамлакатдаги ҳисобсиз аҳолини назорат қилиб улгуриш ҳам қийинда.

Авваллари Ҳиндистонда куёв-келинни ҳатто 8-10 ёшидаёқ никоҳлаб қўйиш расм бўлган. Худо кўп деган ақида ҳукмрон бу юртда никоҳ тангриси (Пражанати) ҳам бор деб ишонадилар, шунинг учун никоҳ, оила жуда муқаддас тутилади, ажралиш энг оғир, мудҳиш фожеа ҳисобланади. Яқин-яқинларгача аксарият куёв-келинлар биринчи марта чимилдикда дийдор кўришардилар. Бу ҳолат “юз кўриш”, “назари баҳайр” деб аталади. Ҳиндларда, шунингдек, эр бирон бахтсизликка учрамаслиги учун хотин унинг номини атамаслиги лозим, деган тушунча ҳам бор. Бу одат бизда ҳам бўлган. Сабаблари шарҳланмаган тарзда эр-хотин бир-бирларига тўнғич фарзандларининг исми билан мурожаат қилишарди, ҳозир ҳам бу удум қишлоқларда, кексалар орасида сақланиб қолган. Бошқа кўпчилик ўзаро муносабатда “дадаси”, “аяси” деган шаклга ўтиб кетишди.

Мусулмон билан бошқа диндагилар ўртасида ҳам қиз олди-бердига ижозат йўқ, аммо бу борада ҳам қонундан чекинишлар бўлиб тураркан.

— Ҳозир ғарб маданияти аста-секин кириб келяпти, урф-ахлоқ тўғрисидаги қонунлар, ҳаё сақлаш борасидаги қарашлар юмшаб боряпти, — дейди суҳбатдошимиз. Бундан чиқадики, хинд кинофильмларидаги нимяланг жилпанглаб юришлар, қиз-йигитлар ўртасидаги авваллари мутлақо йўл қўйилмаган ножоиз ҳатти-ҳаракатлар авж олиши эркинлик орзуси, ана шу юмшашлар оқибати экан-да. Яъни, кинолардаги ҳолатлар бундан

буён баттарлашиб бораверади... Ё балки, аксинча, йигит-қизлар муносабатида бошланган эркинлик кинофильмларнинг таъсиридир. Демак, бизда севги-муҳаббат тўғрисидаги бир-бирини такрорлайдиган энгил, бачкана, эҳтироссиз қўшиқларнинг баҳор ёмғиридан кейинги қўзиқориндай болалаб, урчиб кетганлиги ҳам ёшларимизнинг қизиқиш-хаёллари ифодасидир. Бинобарин, чин муҳаббат кам — одамзот орзу-умидларига мос гап, ҳикояни ҳаяжон ва иштиёқ билан тинглайди, ўзида йўқ нарса ҳақида кўп сўзлайди, ўшанга эришишга интилади.

Дарвоқе, телевизорда ҳам жиддий дастурлар кам, ҳар соҳадан бир шингил лавҳа, хабарлар кўп. Баъзи каналлардаги кўрсатувларнинг олтмиш-етмиш фойизи кинофильмлардан парчалар — бир ошиқ билан (махбуб жонивор баъзан қирқ-эллик ёшлар ўртасида бўлади) маъшуқа қизнинг югуришиб, бир-бирини қувалашиб, ҳар турли муқом ва ҳаёсиз қилиқлар қилишиб, ашула айтиб, беркинмачоқлар ўйнашларидан тузилган концертлардан иборат.

Лекин ҳаётда — кўчада, хиёбонларда қўлтиқлашиб юрган «Лайли-Мажнунлар» мутлақо учрамайди, умуман қиз-аёлларнинг эркакларга ноз-қарашмали қарашлари, эркакларнинг ҳам аёлларга суқли назар ташлашлари сезилмайди... Улар асосан тирикчилик ташвишлари билан банду овора... Аёлларнинг кўкрагини сарий ё шарф билан ўраб беркитиб юришлари кинолардаги ҳолатларга бутунлай зид, «Бобби» каби фильмлардаги қизларнинг калта иштон — шўртик кийишлари эса назаримда ҳаётнинг тамоман акси эди. Бизда кўпинча аксарият ота-онасиз, эрсиз қиз-жувонлар хоҳлаган ҳолатда, кўнглига тутган бичимдаги либосни танлайверишади, бу ёқларда ана шу тоифадагилар ҳам кийиниш, ўзига оро бериш борасидаги умумий удум, урфларга қабий риоя қилишаркан. Уларнинг соч кестиргани ҳам йўқ. Йирик шаҳарларда бита-яримта учраб қолади холос.

Меҳмонхона ва ресторанининг пул олувчилари ёш-ёш қизлар бўлиб, иккаласи ҳам шўх-шаддодгина эди, лекин, биз атайлаб кузатдик: уларнинг мижозлар билан қийшанглаб ё сузилиб гаплашганини кўрмадик. Муомалалари шунчалик самимий, ўзларини тутишлари шунчалик табиий эдики, улар ҳақида асло ножоиз хаёлга боргингиз келмайди. Қўноқ ва хўрандаларнинг ҳам бу қоратўри, аммо истарали ойимқизларга шилқимона сўз ташлашларини зинҳор пайқамадик.

**Байт:**

*Эркалари қиздай майин,*

*Шимар қизил пон<sup>1</sup> тинмайин.  
Йигитлари эмас суюқ,  
Нафслари жуда тийиқ,  
Қиз-жувонлар хўп боибо,  
Бегонага боқмас қий...*

- Бироқ, ана бундай иш ўринлари, — қисик, чуқур кўзлари билан кассираларга ишора қилди мезбон, — қиз-жувонларнинг бокира юзларидан ҳаё пардасининг кўтарилиши ёки бошқаларнинг ихтиёрли-ихтиёрсиз издан чиқишларига шароит яратади. Илгари ҳинд қизларининг кўпчилик ичида бунақа вазифаларда ишлашларига йўл қўйилмас эди...

- Одамларнинг, хусусан қишлоқдагиларнинг шарт-шароити чатоқ, бир хонали кулбалар, чайлаларда эр-хотин катта-катта ўғил-қизлари билан яшашяпти, уй-жойсизлар қанча, лекин шунга қарамай, болалар кўп... — дедик.

— Ҳа, — деди ҳамсуҳбатимиз, — фарзандлар ҳам бундай ҳолга кўникиб кетишади. Азбаройи қонун-қоидаларнинг қаттиқлиги ва қатъийлигидан ўзларини тутиб туришади, бўлмаса... Лекин шунга қарамай, никоҳсиз туғилган болалар ҳам йўқмас. Аёллар ундан-бундан валадизинолар орттириб олишади-да, эрсиз, ўзлари ишлашга, пул топишга мажбур бўладилар. Аммо, ҳинд аёлларининг меҳнаткашлигига тан бериш керак...

Ҳа, эл-улус турфа хил мамлакатда, қашшоқ кўп юртда ҳаммани, барча истак ва майлларни тизгинлаб туриш жуда қийин, иложи йўқ, албатта...

Бангладешу Ҳиндистонда мазор камлигига сабаб — мусулмонлар билан носаролар кўмилар экан, холос (булар, хусусан, Ҳиндистонда ўзга диндагиларга нисбатан жуда кам), бошқаларнинг жасади куйдирилар экан. Аввало бу қадимий урф, қолаверса, ерлар эгалик бўлгани учун кўмишга жой топиш ҳам душвор. Расмий маълумотларга қараганда Ҳиндистондаги қишлоқлар аҳолисининг қарийб тўртдан бир қисми умуман томоркага эга эмас. Ҳолбуки, аҳолининг етмиш фойизи қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Лекин камбағалларга майитни ёқиш учун ўтин сотиб олиш ҳам муаммо — қиммат экан...

Ҳар бир марҳум ўша кимсанинг ўзига ё қариндошига тегишли ерга дафн этиларкан. Қискаси, бу ажаб феълли ўлкаларда ўлиш ҳам кўп жумбоқларни келтириб чиқариб, яқинларига катта ташвиш орттирар экан...

## **ТУЗАЛАҚОЛ, “ТОЙОТА”... НАЙАКНИНГ ОДАМГАРЧИЛИГИ**

Тушликка рестораннын ертўласидаги ўчоқ бошисида палов тайёрладик. Одатдагидай, шеф — раҳбар. У бир неча кундан бери менга «сизни кўлингизданам бир ош ейлик» деб юрувди. Палов пиширишга иштиёки баланд одам чидаб туролмайди-да, майли, сизга озроқ қарашиб юбораман, деб қапгирни ушладию, шу бўйи қозон ёнидан жилмай, ошни ўзи дамлади.

Сервис бошлиғи жаноб Найакни таклиф этдик. Уни меҳмон қилиб қўймоқчи эдик. Ресторанда шароб тугул, пиво ичиш ҳам мумкин эмас экан. Умуман, Ҳиндистонда, гарчи, ислом мамлакати бўлмаса-да, ичкилик масаласи анча чекланган эди. Киноларда эса бунинг акси ўлароқ, яъни турмушга хилоф равишда ҳатто ижобий бош қаҳрамонлар ҳам шиша-пишаси билан кўтариб, довдираб юришади. Найак жаноблари пивога майл билдирди, шунинг учун рестораннын фойдаланилмай турган катта залига алоҳида, хуфёна жой ҳозирлаб беришди. (Шолининг баҳонасида бу ёқдаги «курмаклар» ҳам нафланади-да). Ош зўр бўлган эди. Мақтаб-мақтаб едик. Масаллиғи ҳам чакки эмас эди: уч литрлик шиша-банкадаги кўй ёғи-кўй гўшти қовурдоғимизнинг ҳаммасини солиб юбордик. Лекин гуручдан ичимиз чиқмай турувди. Майда ингичка йилтироқ, гуручдан бунақа мазали ва диркиллаган палов пишишини тасаввур қилмагандик.

<sup>1</sup> Пон — ёнгоқ, оҳақ толқон ва бошқа зираворлар қўшиб тайёрланадиган сақичсимон нарса.



Соат тўрт яримларда Найак юборган автомобилда юк-такларни олиб, сервисга бордик. Менежернинг айтишича, машинамиз икки-уч соат ичида тузалиши керак эди. Ўн чоғли уста моторга гилза-пўршин териб созлашмоқда эди.

Иккинчи қаватда кутувчи мижозлар учун махсус жой бор экан, ўша ерга чиқиб ўтирдик. Биз машина юриши билан дарҳол жўнаб кетмоқчи ва йўлда тунамоқчи эдик.

Соат олти бўлди, қоронғи тушди. 7, 8.. Тун ярмидан — 12 дан ҳам ўтди. Мотор ўрнатилди, ўт олдирилди, лекин росмана юргизишолмай («зажигание»сини тўғрилашолмай) ҳалак эдилар. Биз-ку тушда паловни беармон туширганмиз, анави уста бечоралар бизни чиқариб юбора қолайлик, деб вақтни қизғонишиб, тушлик ҳам қилишмаган экан, қорнилари улгудай очгандир, роса чарчашгандир... Найак бояқиш ҳам жомакорни кийиб таъмирчиларга аралашиб юарди.

Охири пастга тушдик. «Тойота» остида бир йигит чўзилиб ётарди. Ухлапти шекилли, десак, чарчаганидан ҳаракат қилишга ҳам мажоли қолмай дам олаётган жойи экан.

Хуллас, бўлмади. Найак машина берди, яна меҳмонхонамизга қайтиб кетдик. Соат 1 (тунги, албатта) эди.

Режим бузилган, диққатчилик... Бунақа пайтда уйқу келадими...

*10 ноябр, жума*

Эрта туриб, сервисга етиб бордик.

Яхши ишламаётган бир “свеча”ни қайси бир заводга олиб кетишди (бу жой ҳали тўла маънода сервис-устахонага айланмаган бўлиб, асли Даккадаги «Тойота» сервисининг тармоғи экан). Анчадан кейин келиб, бошқа свечаларни ҳам олиб бориб, созлаб келишди. Ўзгариш бўлмади. Шундан сўнг касаллик, яъни айб ёнилғи помпасида эканлигини аниқлашди. Бунинг энди Лакнов тугул, бутун Ҳиндистонда ҳам, ҳатто Бангладешда ҳам иложи йўқ, фақат Покистонда усталари ва эҳтиёт қисмлари бор, дейишди ва илтимосимизга кўра бир амаллаб, мумкин қадар юргизиб беришди.

Соат ўн иккилардан ўтганда жаноб Найакга ўзбек дўпписидан кийдириб, у ва унинг ёрдамчилари, усталар билан эсдаликка видеога, суратга тушдик-да, кадрдонлардай бағирлашиб-хайрлашиб, йўлга чиқдик. Енгил нафас олиб, йўл-йўлақай муҳокама қилиб кетдик. Ҳаммамиз ҳар хил фикр-мулоҳаза билдирардик. Яхшиямки, ҳарқалай “Тойота” сервис-устахонаси бор Лакнов шаҳрига киришда бузилди, икки узоқ шаҳар ўртасида ё Бангладешдан чиқиб Ҳиндистонга ўтган кечада шундай ҳодиса юз берса нима бўларди? — деймиз. Лекин асосий сабаб ўзимизда, техника — темир-да, олис масофалик сафарга чиқадиган машинани моторидан тортиб, ҳар томонлама кўрикдан, зўр мутахассис назаридан ўтказиб олиш керак экан, деган хулосага келдик. Тўғри, “Тойота”нинг “юраги” илгарироқ созланган экан, шунинг учун раҳбарнинг ҳам, ҳайдовчининг ҳам кўнгли тўқ эди. Назаримизда ўша таъмирлов мукамал бўлмаган эди. Бунинг устига, Покистонда бир кўрсатиб оламиз, деган мўлжал бор эдию, Лоҳурда тезроқ Ҳиндистонга ўтиб кетиш ташвиши билан бу масала кейинга сурилган эди. У пайтда той отимиз гижинглаб юриб турувди-да. Бунаққа бўлишини ким ўйлабди. Отамнинг ўлишини билганимда чакса кепакка алмаштирардим, деган мақол бежиз тўқилмаган-да.

Мана, Лакновда тўрт кеча-кундуз қолиб кетдик. Дастлабки икки кундан унумли фойдаландик, албатта, лекин кеча, бутун умримиз машина тузалишини кутиб бесамар ва бесаранжом ўтди. Қанча пул кетди... Бироқ, бу ҳали ҳолваси эди...

Лакновдан чиқаверишдаги Имом Боро (Навоб Асаф-уд Давла) ёдгорликлар мажмуини томоша қилиш учун тўхтадик. 1775—1798 йилларда қурилган мазкур иншоотлар ҳайратангиз даражада кўп тармоқли, маҳобатли эди, бутун ер юзидаги исломий обидалар ичида бу даражадагиси бўлмаса керак. Афсуски, иморатлар эскирган, нураган, қорайган эди. Бироқ даъватхоналари, катта масжиди ишлаб турибди. Зиёратчиларнинг ҳисоби йўқ..

Катта-кичик алоҳида-алоҳида бинолар, уларнинг гумбазлари, равоқлари, пештоқлари, кириш-чиқиш дарвозалари ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик намуналари билан безатилган. Томларнинг четлари айланасига нақшли панжара-устунчалардан иборат — худди

раққосаларнинг тиллақошига ўхшайди. Шу жиҳатлардан бу кўхна обида Жайпурдаги Акбаршоҳ қалъасини ҳам эслатиб юборади.

Хуллас, мажмуанинг лойиҳасига, қурилишига, безакларига, ишчи кучига қанча маблағ кетганини ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин! Энг яхши жиҳати — бепул, ҳаммага очиқ, ҳатто видеога ҳам бемалол олиш мумкин эди!

Тагин йўлдамиз. Яна ўша-ўша манзара: табиат гўзалу, шаҳар-қишлоқлар, бозорлар бефайз, ивирсиқ. Бирига қараб кўзингиз куяди, иккинчисига қараб — дилингиз...

Шунинг учун раҳбарнинг: “етти соат уйку, уч маҳал овқат, ўртача меҳмонхона — шарт-шароити уйдагидан кам бўлмасин» деган шиорига доимо ҳам амал қилиш мушкул. Гоҳо айтилгандан зиёда ҳоллар юз беради.

Шундай вазиятлар ҳам бўладики, кечкурунги гап эрталабга, эрталабки гап тушга тўғри келмайди. Дидимизга ўтиришадиган ошхона учрамай, режим ҳам, режа ҳам бузилади. Кечалари бирдан яхши, камқатнов йўл чиқиб қолади-да, Илҳомжон бир-икки соат юриб олайлик, дейди, кейин меҳмонхона излаб тун яримлаб кетади. Хуллас, сафарда ҳамиша ҳам режим ва режа билан яшашнинг иложи йўқ...

Лакновдан юз км. юрилгач, Ситапур шаҳри ёнидан той отимиз жilовини Шохжаҳонпурга қараб бурдик. Йўлнинг икки томонида бир неча чақирим масофада икки юз литрлик бочкасимон ғишт-катак ичига экилган ҳар турли дарахт кўчатларининг бир новда ҳам синмай, бир ғишти ҳам тушиб кетмай турганини кўриб яна ҳайрон бўлдик: демак, ё тартиб-жазо кучли, ё болалар ҳаддан зиёд ювош, беозор...

Кейин йўлнинг икки тарафида бепоён шакарқамиш плантациялари бошланди.

Шунингдек, бу ҳудудларда оққайинсимон тол-терақ, хусусан унинг чинорсимон тарвақайлаганлари кўп эди.

Кечки пайт, машинамиз боз айнади. Битта свеча ишламаслиги ҳисобига афтолга солярка ўтиб, кўпайиб кетибди. Ярим соатча совутиб жўнадик ва мой қуйиш шаҳобчасида афтол алмаштирдик ва янада астароқ юра бошладик.

Соат ўнларда очиқ осмон остидаги “меҳмонхона”нинг тахта сўриларида тунадик. Кечаси аёз бўлиб, бир неча марта уйғондим.

## КИНО ҚАНДАЙ САНЪАТ ЎЗИ?

*11 ноябр, шанба,*

Соат 6 да йўлга тушдик. Ўттиз км.ча юриб, яна афтол алмаштирдик, солярка қуйдик. Бу ёғиям ошиб тушяпти. Раҳбарнинг асабига, дарёлигига қойил қолиш керак. Ундан бўлак одам бўлса, ҳайдовчини ҳийла дикқат қилиши турган гап эди. Бўлаётган сарфларни кўриб, Неъматилло иккимиз жуда ҳижолат чекар, Зокиржон аканинг шунча оворагарчилигига, кетган маблағга яраша фойда келтираммизми ўзи, дердик. Бобурнинг ўзи каби дарвешлик фазилатларига эга бўлган (Ўзбекистан халқ шоири Тўлан Низом бу ҳақда “Рухлар қасидаси ёки бешинчи дарвеш» деган дoston ҳам ёзган) бу инсонда Бобур Мирзога қаёқдан шунча муҳаббату шундай эътиқод пайдо бўлган экан? Албатта, бу ишқу ҳавасни, олижаноб маслагу мақсадларни унинг дилига Яратганнинг ўзи солгандир...

Зокиржон акада ибратли жиҳатлар кўп эди. Сафарда унинг бошлиқлик салобати гўё пасайиб, гоҳо экспедициянинг оддий аъзосига айланиб қоларди. Масалан, тил укдириш қийин бўлган чойхона-ошхоналарда бир четга чиқиб турмас, хатти-ҳаракат, имо-ишора билан мақсадимизни англатишга ҳаммадан кўра кўпроқ жон куйдирарди...

Маймунлар галаси тез-тез учраб турибди. Улар бир егулик тамасида бемалол яқинлашиб келаверишади ва кўзингизга мўлтирашади. Муродобод шаҳридан чиқишда нонушта қилиб, йўл четида турсак, бир сигир келиб тумшуғини чўзяпти. Моллар ҳам тиланчиликни ўрганишибди-да...

Шаҳару қишлоқлардаги деворларда ярим яланғоч ҳинд актрисаларининг йирик—йирик суратлари кўп... Қиз билан йигит ёпишиб турган лавҳалар. Булар турган гап-ки, дурагай

“жаноб” айтганидай, юртда, эркак-аёл ўртасида ҳаё пардасининг йўқолишига «хизмат» қилади.

Бир вақтлар кино санъатлар ичида энг олижаноби, тарбия омили, дея таърифланарди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Бадиий фильмларда ёвузлик деярли ҳамиша мағлуб, эзгулик ғолиб чиқар, бу ҳикмат хусусан ёшлар қалбида яхшиликка, яхши инсон бўлишга интилиш рағбатини пайдо қиларди. Ҳозир... Кино яратувчилар ҳам ижод аҳли ҳисобланадилар. Баттоллик, шафқатсизликлардан иборат, шарм-ҳаёсизликни оддий воқеадай намойиш этувчи фильмларни кўрсам “ижод аҳли” деган тоифага мансублигимдан ҳижолат бўлиб кетаман, орият қиламан. Продюссер, режиссёр, актёрларнинг мақсади нима ўзи? Ўз халқи, қавми, миллатдошини шармсиз, беодоб, ёвуз, каззоб қилиб тасвирлашдан ҳам тойишмайди-я... Пул, бойлик учунми? Одамларнинг, хусусан ёшларнинг дийдаси қотиб, аёлларнинг кийимлари тобора юпқалашиб, калталашиб, торайиб, қиз билан йигитнинг ёпишиб туришлари жўн ҳолга айланиб бораверса (кинолар шуни тарғиб қиляпти-да), ҳамма “маънавият” деган ахлоқ кўрғонидан узоқлашиб бораверса, эртага, индинга, эллик, юз йилдан кейин нима бўлади? Табиийки, бундай ҳолатларнинг барчаси эркакларда эҳтирос тўлқинларининг охир-оқибатда пасайиб кетишига олиб боради. Демакки, шармсиз воқеа-ҳодисаларни тарғиб қилувчи “ижодкорлар” ва нимяланг кийинишни ўзига касб қилган қиз-жувонлар эвара-чеваралари — олис келажак аёлларининг ҳақли ғазаби ва нафратига сазовор бўладилар. Ахир санъатнинг вазифаси ваҳшиёна ҳиссиётларни, шаҳвоний эҳтиросларни кўзғотишдан иборат эмас-ку! Масалан, эллигинчи-олтмишинчи йиллардаги Ҳинд фильмлари нечоғлик ҳаётий, таъсирли, ибратли бўларди: “Дайди”, “Жаноб 420”, “Она Ҳиндистон”, “Чангда қолган гул”... Уларда қизлар ғалат кийинишиб, йигит билан бемақсад қувалашиб, бекордан-бекорга кўшиқ айтиб юришмасди. Йигит билан қиз, ошиқ-маъшуқ, ўртасидаги ҳаё пардаси қалину жозибали эди, бугун ўша нарса йўқ. Пардасизлик энди кинодан деворларга ҳам кўчган эди, демакки, эртага ҳаётга кўчиши эҳтимолдан узоқ эмас...

Мана, йигирма кунчадан бери Ҳиндистондамиз. Ҳар хил ҳолатларга, турли манзараларга гувоҳ бўляпмиз, лекин бирон жойда киноларда тасвирланадиган лавҳаларга дуч келмаяпмиз, қувалашиб ҳам, қувалашмай ҳам кўшиқ айтиб юрган йигит-қизларни учратмаяпмиз.

Бугун эрталаб кўрганимиз — кўш-кўш ҳўкизлари билан далага — ишга кетаётган деҳқонлар ҳам, трактор араваларидаги хотинлар, қизлар ҳатто ҳиргойи ҳам қилмай, жимгина боришарди...

Шаҳару қишлоқ марказларида велосипед-извошларини ёнма-ён тизиб қўйишиб, уй ё капаларига кириб кетишаверар экан. (Демак, ўғирлик кам, аммо киноларда кўрсатилаверса, кўпайиши турган гап!) Венгрия, Чехословакияларда енгил машиналарнинг кечаси шаҳар кўчаларининг икки чеккасида ана шундай туришини кўрувдим.

Ҳамма турдаги ҳайвонларнинг, ҳатто фил, туяларнинг ҳам галалари бот-бот учрамоқда. Бир сафар ҳайдаб келинаётган икки пода эшакни кўриб жуда ҳайратим ошди: умримда бунақа кўп эшакни кўрмагандим. Демак, бу жойларда юк ташувчи асосий улов эшак ва у қўшилган аравадир.

Кейин қаторлашиб келаётган отлиқлар, эшак минганларга дуч келдик. Пиёдалар ҳам, уловлар ҳам кўчанинг бир четидан юришарди.

## **Гангга сиғиниш куни. Бизнинг азобларимиз**

Кўп ўтмай Ганг дарёси кўпригига чиқдик. Ёпирай! Кўприкнинг иккала томонида, хусусан жануб тарафида — дарёнинг ичида ва айниқса, чеккароқ — саёзроқ жойларида ҳалойиқ ҳаддан зиёд кўп, беҳисоб эди. Дарёнинг ўрталарида қайиқлар юрибди. Эрқагу аёл, каттаю кичик сувда чўмилишяпти, ювинишяпти, болаларини чўмилтиришяпти. Ғала-ғовур, шовқин сурон...

Баъзилар кўприкда туриб нўхатсимон ҳамир думалоқларини кафтида тасбеҳдай биттадан ўтказишиб, пичирлашиб (Аллоҳдан нимадир тилашаётган бўлишса керак) сувга

ташлашяпти.

Буниси ҳолва экан. Кўприкдан ўтгач, келаётган, кетаётган ҳар турли уловлар, пиёдалар оқими шу қадар бисёр, қалин — беш-олти қатор бўлиб кетишган эди. Кўча қирғоғидаги кўкатлар устидан юриб боряпмиз. Пиёдалар, мотоцикллар машиналар ораларидан туртиниб-суриниб, бир сафи эса ёнимиздан — кўкатлар ичидан тупроқни чангитиб-тўзитиб ўтишарди. Боласини елкасига кўтариб ё қўлтиғига қисиб олган оналар ҳам кўп эди.

От арава, эшак аравалар ўртага кириб, машиналар қатновига халақит берарди. Яёв юрганлар орасида хотин-қизлар сероб эди.

Бугун Ганг дарёсига сиғинадиган кун экан<sup>1</sup>.

Энди билсак, эрталаб тракторда, от-эшак араваларда далага кетшяпти деб уйлаган одамларимиз шу ёққа ошиқишаётган экан.

Ҳамминг қўлида, елкасида, бошида бир тугун...

Кечасиги аёзда шамол теккан бўлса керак, тишим оғриб, йўл азобларига қўшимча бўляпти.

Икки соатча аввал соат 1 ларга Деҳлига кириб борамиз, деган эдик. Мана, соат 1 бўлди, тикиндан чиқиб кетолмай, Гангдан узоқлашолмай юрибмиз. Умуман кейинги пайтлардаги башоратларимиз ҳеч туғри келмаяп-ти. Шунинг учун айтилган-да: “Банда тадбир қилади, Аллоҳ тақдир қилади” деб, лекин биз бандаи ожизлар “барибир фолбинлик қилишга уринаверамиз...”

Тўхтаб турибмиз, икки четдан пиёдалар оқими тинимсиз у ёқдан бу ёққа ўтяпти. Келаётганларнинг хаёлида тезроқ Ганг бўйига етиш, кетаётганлар онгида эса мана бу талотўп гирдобидан эсон-омон чиқиб олишдан ўзга ният, фикр-ўй йўқлиги уларнинг хатти-ҳаракатларидан, юз-кўзларидан аён эди.

Олдимиздаги от-арава тисарилиб “Тойота” мизнинг олди қисмига урди, бир мотоцикл ўнг ёнбошга, юк машина чап ёнга туртиб ўтди...

Бу тикин, бу бемазагарчиликларнинг бари ҳайдовчиларнинг бетартиб, пала-партиш юришлари оқибати эди.

Соат 2 бўлди. Уч соатда тўрт км. йўл босдик!..

Машина ичи иссиқ, ойнани очсак ташқаридан чанг ёпирилади, қий-чув, шовқин-сурон, тарақа-турук овозлар, трактору мотоциклларнинг ёқимсиз тариллашлари асабни эговлайди. Энг ачинарлиси — вақт, умр ўтяпти...

Яна ярим соатда икки км. йўл юриб (бу ёғи чанг-тўзон бўлиб кетди), «гирдоб»дан қаҳрамонларча чиқиб олдик.

Юк машиналарини, тракторларда, симобранг, баҳайбат новвослар қўшилган араваларда Гангдан қайтаётганларни бир-бир қувиб ўтяпмиз. Улар жуда кўп ва ҳеч тугамас, шунинг учун ҳамон тез юриб бўлмасди.

Ўн чақиримча юргач яна мой алмаштиришга тўхтадик (5 литрлик идишдаги мой (афтол) 400 рупий — бизнинг ана шу пайтдаги пулимизга саккиз минг сўм эди). Шу жойда Илҳомжон клапанларни бир кўриб қўяй деб блокни очди ва тақсимловчи валнинг синиб кетганини билди. Демак, устахонадаги бир свеча ишламаслиги касалига қўйилган ташхис, яъни помпа чатоқ деган хулоса тўғри эмас экан. Вал қачон, қаерда сингани номаълум, бояги тикилинчда қадамба-қадам силжиш оқибатида машина ҳам жуда қийналиб кетган эди.

«Тойота» мизнинг аҳволи, тирбанд ва чанг йўл диққатчилигининг асоратлари ҳаммамизни, жумладан мени анча толиқтирди, бир ёқда тиш зинғиллаб безори жон қилади. Машина ичидаги анжомлар, уст-бошу эғнимиз чанг бўлиб кетган, таъблар хира. Соат 4(16) ярим. Тушлик қилганимиз йўқ — кўнгилга сиғмайди, фурсат ҳам бўлгани йўқ.

Андижонда, сафарга чиқиш олдидан “ЖИП” ё “Тойота”ни танлаш масаласи анча муҳокама бўлган эди.

---

<sup>1</sup> Ҳинд афсоналарида подшо Сагаранинг донишманд Капила қарғишига учраб қулга айланиб қолган олтимиш минг ўғлини тирилтириш учун ер подшоси Бхагиратха осмондаги Ганг дарёсини (уни Вишна тангриси яратган эмиш) дуо билан ерга туширган, деб нақл қилинади. Шунинг учун Гангни муқаддас билишиб, унга юкинадилар.

“ЖИП” янги, пухта, лекин ичи тор — 5 кишилик ўрин бор эди, холос. “Тойота” эскироғу кенг эди. Тибет билан юрсак, “ЖИП”да кетамиз деган ахд бор эди, Тибет орқали ўтишга рухсат бўлмагач, қисилмай эркинроқ ўтирамиз, деб “Тойота”да жўнаган эдик.

Одамзот шундай пайтларда нимадир деб мулоҳаза билдиради-да. Биров у дейди, биров бу...

— “ЖИП”да келаверсак ҳам бўларкан, ўзимиз қийналсак ҳам майлиди, — дедим (мен Андижонда ҳам шу фикрни айтган эдим). Тўғриси, машинанинг ишкали сабаб, ҳаммамиз ҳам озми-кўпми озурда эдик. Ҳатто “мен диққат бўлаётганим йўқ, бундай ҳодисалар мен учун янгилик эмас” деётган Зокиржон аканинг ҳам ичида сиқилаётгани аниқ эди.

Вални очишган ҳинд таъмирчилари билан устахоналарни айланиб чиқишди. Афсуски, бу атрофда пайвандлайдиган асбоб-ускуна йўқ экан. Яна ўша, бир чеккаси синиб узилиб тушган вал билан йўлга чиқишдан бошқа илож топилмади. Дехлига саксон чақирим қолган эди.

Кўчалардаги аҳвол ўша-ўша: тиғиз, Гангдан қайтаётган машиналару ҳўкиз арвалар турнақатор...

Хуллас, бугун ҳам ҳиндларнинг қандайдир байрами экан - байрамона жиҳозланган ошхоналар, бозорлару гузарлар томошагўйлар, бекорчилар билан гавжум эди.

Қоронғи тушди. Қатнов пала-партиш Дехлида кўноқхона қидириш машаққатидан безиллаб, шаҳар марказига кирмай, чеккароқлардан излай-излай “Шипра” деган меҳмонхона топдик. Уч юлдузли экан. Иккита хонага уч минг рупий — етмиш доллар олишди.

Бошим ҳамон оғриб турибди. Ўша тиқин ва машина ишкали билан боғлиқ хавотирлар, асабийлашишлар қон босимимни кўтариб юборди шекилли. Аслида мен ҳеч нарса йўқотаётганим йўқ, — моддий жиҳатдан ҳам, бошқа тарафдан ҳам. Қийинчилик ҳам ёлғиз менинг зиммамга тушаётгани йўқ. Вақт кетса нима бўпти, узоқ сафарда икки-уч кун нарига ё берига сурилиши катта йўқотиш эмас-ку. Хуллас, жимгина, бепарвогина юраверсам бўладию, инсон беқаноат, тўзимсиз зот-да, бунинг устига, феъл деган бир тихир нарса хит-хитлаб туради. “Ҳар не келса бошингга тилингдан келар” деб бежиз айтишмаган-да...

Ҳарқалай, бугун оғир кун бўлди.

Кўнгил чигалларини сал ёзмокчи эдик.

Ўчақишгандай, ресторанда пиво ичишга ижозат беришмади. Бир бурчакдаги столга жойлашиб, чироқни ўчириб нимқоронғи қилиб олувдик, ресторан хизматчилари гумонсираб қолишиб, мулойимлик билан огоҳлантиришди. Тасаввур қилинг: Ҳиндистондай индуистлар, будпарастлар, носаролар аҳолининг асосий қисмини ташкил этадиган мамлакат пойтахти Дехлида-я!.. Лакновда ҳам, Бангладешда ҳам шундай эди (Даккада пиво ҳам тополмаган эдик)...

Бор-э, деб хонага чиқиб кетдик. Меҳмонхона хизматчиларига пул берувдик, пивони кўчадан топиб, шу ерга олиб кириб беришди. Ўлимдан бошқасининг чораси бор, деганлари шу-да.

## **КУТЬ МИНОР БОЙЛИКЛАРИ. БАХОДИРШОҲ ХОКИ ҚАЕРДА?**

*12 ноябр, якшанба.*

Кунларни ҳам адаштириб юборибмиз. Бизнинг ҳисобимиз бўйича бугун душанба эди. Эрталаб раҳбар элчихонамиз билан телефонда гаплашиш асносида якшанба эканлиги маълум бўлди.

Дарвоқе, Непалда кўлга тушган ўзбеклар воқеаси элчихонамиздагиларнинг ҳам қулоғига етган, улар ҳам хавотирда эканлар. Ахир консул ва бошқалар билан кўришиб, мулоқотда бўлганмиз, маслаҳатлашганмиз, меҳмонхона топиб беришган, биз билан боғлиқ бирон қор-қол рўй берса улар ҳам четда қолишмасди-да.

Миллий музейга борсак, соат ўндан ишларкан, очгунча Парламент саройи, Ҳиндистон дарвозаси, парадлар ўтказиладиган майдонларни томоша қилиб, видео, суратларга олиб юрдик. Ёш-ёш болалар митти маймунчаларини ўйнатиб пул тиланишяпти. Неъматилло биттасига чўнтагида қолиб кетган Бангладешнинг майда такасидан берган эди, болакай атрофдаги бир неча одамга кўрсатиб, бу неча доллар бўлади, деб сўраб чиқди. Кейин келиб профессордан ўпкалади, йирикроғидан узатинг-да, деб анча хархаша қилиб турди.

Музейнинг асосан китоб дўконини кўрдик. Рандхаванинг “Бобурнома”га ишланган миниатюралар” асарининг ҳиндча нашрини сотиб олдик (450 рупийга).

Сўнг бир рикшани йўлбошловчи сифатида ёллаб, Қутб минорга бордик. Одам ҳаддан ташқари кўп эди. Бугун дам олиш куни бўлгани учун ишхоналар, давлат идоралари, кўпчилик дўконлар, бозорлар ишламас экан. Шунинг учун халқ зиёратгоҳ жойларга бораркан.

Қутб минор — асосан тошдан барпо қилинган иншоотлар (минора, масжид, ҳар хил кўшк-айвонлар, қабр-сағаналар)дан иборат тарихий ёдгорликлар мажмуи эди. Аксарият биноларнинг томлари, йўлак-дарвозахоналарнинг бир-бири билан уланиб кетган тепа қисмлари узилиб тушибди. Қалин темир устунлар кўтариб турган баъзи шийпонсифат айвонларнинг нима мақсадда қурилгану қандай вазифа бажарганини англаш қийин эди. Қабрлар (у ер-бу ерда) анчагина бор, лекин биронтасида ҳам марҳумнинг кимлиги қайд этилган битик йўқ эди. Биз ҳатто Покиза Султон бегим айтган хабарнинг ҳам исботини тополмадик. Ёдгорлик мутасаддилари, сайрбонлардан, бошқа зиёлисифат, олимсифат зиёратчилардан сўраб-суриштирдик, афсуски, ҳеч ким Баҳодиршоҳ II нинг Рангундаги қабридан олиб келинган тупроқ ҳақида аниқ бир гап айтиб беролмади.

Қутб минор қурилишини Қутбиддин Ойбак бошлаган (1191-1210 йиллар), лекин ниҳоясига етмаган. Илтутмиш (1210-1235), Аловиддин (1295-1315 йиллар) давом эттиришган. Демак, бу тарихий ёдгорликлар мажмуи уч авлод томонидан, умумий ҳисобда бир юз йигирма беш йилда барпо қилинган.

“Г” шаклидаги узун айвонларнинг тош устунларига чекилган гул, нақшларни кўриб, одамзотнинг маҳорати, матонат ва бардошига, дидига ва бошқа хислатларига яна бир карра қойил ва ҳайрон қолдик! (Пуридагидай). Ахир тош ёғоч эмас-ку! Бунга қанча вақт, қанча куч, қанча маблағ кетганикин?.. Бунча тошларни қаердан, қандай қилиб олиб келишганикин?.. Шунча сангтарошни қаердан топишганикин?.. Тошларнинг ғишт каби текис, силлиқ тарашланганини айтинг!..

Мана энди бу тошқалъа Ҳиндистоннинг зиёратгоҳ жойларидан, даромад манбаларидан бири бўлиб турибди.

Хорижликларга чипта баҳоси 10-20 доллар экан. Дарвоқе, Миллий музейга кириш нархи ҳиндистонликларга 10 рупий, чет элдан келганларга 150 рупий эди! Ажаб, мусофирларнинг айби нима экан? Уларга ҳамма нарса қиммат — музей-ёдгорликларга кириш ҳам кўноқхона ҳам... Боя парадлар аллеясида 5 юлдузли меҳмонхона хизматчилари билан гаплашиб қолдик. 1 хона 350 доллар экан. Ёпирай! Бизнинг пулга уч юз минг сўм-а! Бир кечага-я!..

Ҳиндистондан эсдалик учун биронтадан чарм кийим олиб кетиш борасидаги Аграда амалга ошмай қолган орзуимизни руёбга чиқаришга раҳбар рози бўлган эди, аксига олиб, шу нарсалар билан савдо қиладиган дўконлар бугун дам олар экан. Рикшачи билиб-билмай ҳар хил гузарларга, ҳатто ажнабий бойларга мўлжалланган махсус, қимматфуруш дўконларга ҳам олиб борди. Лекин ишимиз юришмади. Машинамизнинг аҳволи яхшимас, “дарди” анча жиддий эди. Шунинг учун раҳбарнинг кўнглига бошқа гаплар сиғмасди. Аммо у аксинча, чарм куртканинг асил ватани Покистон, Лохурдан истаганча оласизлар, деб бизга тасалли берди.

“Нью Йорк” ресторанида хитой таомлари — вермишелнинг суюғи ва қовурилгани билан тушлик қилгач, Амритсар, қайдасан, деб жўнадик.

## ТЎЛИН ОЙ ОСТИДА...

## ЗОКИРЖОН АКАНИНГ ЯНГИ ОРЗУЛАРИ

Дехлидан чиқиб яна афтол алмаштирдик. Шу ерда машинанинг чап томон катта чироғи ҳам куйгани маълум бўлди. Бу агрофда бизнинг “Тойота”га тушадиган лампалар бўлмас экан.

Кечаси соат ўнларгача йўл юриб, Амритсарга яқин жойда тунашга қарор қилинган эди, Понипатдан ўтганда Илҳомжон бу серкатнов йўлда бир кўз чироқ билан юришга қийналиб кетгани учун соат олти яримларда «Кўкаламзор» (маъноси шундай) деган икки қаватли меҳмонхонада тўхтадик. Янги, яхши жой экан. Олдидаги майсазорда тамадди қилиб, булутлар орасидан сузиб ўтаётган тўлин ойни томоша айлаб, тасвирларга олиб ўтирдик. Айримлар андак пивоҳўрлик ҳам қилишди — дезинфекция учун... Ахир нуқул чанг йўллардан юриб келинди, томоқ, ўпкаларни сал ювиб юбормаса бўлмайди-да.

Хонада Зокиржон ака иккимиз суҳбатни инсон ва ҳаёт мавзуида давом эттирдик. У киши ўзининг яшаш моҳияти, уч хил ўлим — тасодифий ажал, умр бўйи йиққан мол-дунёсидан кўзи қиймай, қийналиб жон бериш ҳамда ҳалол, мазмунли яшаб, дунёни кўриб, осон, шукр келтириб топшириладиган омонат тўғрисидаги қарашларини баён этди.

— Мен учинчи ўлимни афзал биламан ва орзу қиламан. Мол-дунё тўплаб, ҳузур-ҳаловат кўрмай, жамиятга, халққа, маънавиятга дурустроқ нафи тегмай ўтиб кетаётганларни кўряпман, — деди у ва Америкага, умуман Оврўпа мамлакатларига уч-тўрт киши бўлиб машинада сафар қилиш, ўша ёқлардаги кутубхоналар, музейлардан бобурийларга оид китоблар, қўлёзмалар, суратлар қидириш ниятлари ҳақида сўзлади.

Раҳбарнинг маслағи ва ажойиб ниятлари мени бош ва тиш оғриридан анча чалғитди.

Одамзот орзусиз яшамайди албатта, лекин бу орзулар одатда кўпинча шахсий, маиший муаммолар билан боғлиқ бўлади. Зокиржон аканинг хоҳиш, истаклари эса Бобур Мирзо ва бобурийларга, маънавиятга, кадриятларга, демакки, миллатга, халққа, ватанга дахлдор, режали ва мазмунли умр кечиришга оид эди...

Ўзбекистонда (жумладан, Андижонда ҳам) ташкилоти ё фирмаси, шахсан ўзи Зокиржон Машрабовдан ўн, юз карра бой аҳли савдо, тадбиркорлар, ҳукумат қўйиб берса, бир шаҳарни сотиб оладиган мансабдорлар бор — улар уч-тўрт кишилиқ оиласи учун ўттиз-қирқ хонали, қават-қават данғиллама қошоналар, саройлар қурадилар ва хоналарнинг полига оёқ ботиб кетадиган шерозий гиламларни қават-қават тўшайдилар. Улар минглаб одамларни — асосан бой-бадастирлар, амалдорлар, таниқли-нуфузли кишиларни таклиф этиб, овозали тўйлар қилиб, сарф-ҳаражатларини бир неча ҳисса қилиб қайтариб оладилар; ўн беш-йигирматадан «Дамас» олиб, ижарага — киракашликка бериб қўядилар. Улар «маънавият» иборасини эшитишса пешоналари (албатта, ҳаммасиники эмас) тиришади. Улар наздида «маънавият» ва «тижорат», айни чиқим ва кириш каби кундош тушунчалардир. Улар Бобур Мирзо ҳақида илмий рисола тугул, умуман сўнгги ўқиган бадиий ё бошқа мавзудаги китобларини ҳам эслолмайдилар. Уларнинг орзу-ташвишлари битта: бирни — икки, иккени — тўрт қилмоқ...

*13 ноябр, душанба*

Барвақт, соат олтиларда йўлга чиқдик. Ғира-шира, ҳаммаёқ, оқиш туманга ўхшарди. Бу — шабнам эди.

Йўл жуда соз. Соат еттиларда ўнг кифтимиз ортидан қип-қизариб қуёш кўтарила бошлади.

Ватан ҳаёли билан бормоқдаман. Оқшом Зокиржон ака билан бўлган мулоқотимиз таъсирида туғилган аллақандай фикрлар ва туйғулар дилимни китиқларди, тўғрироғи, назмий шаклда нималардир битгим келар, ҳаёлимдан узук-юлук сатрлар ўтарди.

**Байт:**

*Не жаҳонни кезмагай Зокиржон Машираб ўғли,  
Машаққат не — сезмагай Зокиржон Машираб ўғли.*

*Ҳар кеча тушларига Навоий, Бобур кирар,  
“Андижон!..” деб безмагай Зокиржон Машираб ўғли.*

Амалга ошмай қолган чарм куртка «операцияси» мавзуида қуйидаги ҳазилу чин омухта назмни битдим:

*Ҳинд элидан Ватанга шитоб билан қайтяпмиз,  
Дилда согинч ва зорлик, хитоб билан қайтяпмиз.  
Чарм чопон олмадик илмий манба эмас деб,  
Бобурийлар ҳақда кўп китоб билан қайтяпмиз.*

Панжоб ҳудудида кетмоқда эдик. Қуйидаги сатрлар ушбу штатнинг норғул, жангари эркаклари, савлатдор аёллари ҳақида.

**Байт:**

*Панжоб эркаклари девдай,  
Салла—қулоҳлар тевадай.  
Соқолларки, болта кесмас,  
Ёнларидан шамол эмас.*

\*\*\*

*Панжоб маҳлиқоларин  
қоматлари бир жаҳон,  
Извошларда солланиб  
ўлтириши тилар жон.  
Шунданми, ҳинд диёрин  
бор ошиқ йигити дер:  
Кашири Кашир ила  
Панжобга хумори жон.*

Тушлик ҳам қилмай, йўлда яна икки марта мой (афтол) алмаштириб (бу мажбурий «муолажа»нинг ҳам кейин жуда қимматга тушишини назаримда ҳеч ким тўла ҳис этмаётган эди), соат уч — кеч пешинларда чегара — Ваагага етиб келдик. Кетишимизда таниб қолишгани учун бизни кулиб кутиб олишди ва божхона бошлиғининг ўзи тан берганини эътироф этди:

— Қойил сизларга, ҳеч ким уддасидан чиқолмаган ишни қилдингизлар, — деди у ва унинг амри билан ҳужжатларни тезда расмийлаштириб беришди. Машина орқасини очиб, юкларни текшира бошлашган эди, раҳбарлардан яна бири: но проблем, қўяверинглар, деб, бизни бу ташвишдан ҳам халос этишди. Қайтага, соат тўртда чегара ёпилади, бўлақолинглар, деб бизни ўзлари шошилтиришарди. Зокиржон ака айтгандай, ҳар бир муҳожир — ажнабий чегарачиларга ташвиш, улардан қанча тез қутулишса, шунча яхши, кўнгиллари хотиржам бўлади-да,

Покистон божхонаси ва чегарасидагилар ҳам биз билан «ошино» бўлиб қолишганди. Бунинг устига Неъматилло улардан баландроқ келиб, пўписага ўтувди, бу ерда ҳам мушқулимиз кушод бўлиб, ишимиз тез битди.



## ***ЯНА ПОКИСТОН***

### **МУҲАББАТ БОҒИДА...**

Соат бешдаёқ кадрдон Лоҳурга кириб, холигина, шинамгина меҳмонхонага жойлашиб улгурдик.

Ҳаммаси яхши бўлдию, меҳмонхона ресторанида бир оз диққат қилишди (Ҳиндистонда ҳам шундай хуноб бўлувдик). Овқатларни буюриб, тезроқ нон билан салат беринг, дедик. «Я, ест сэр» деяверишадию ҳадеганда нондан дарак бўлавермайди. Ёнимиздан у ёқ-бу ёққа ўтаётган бояги хизматчига ё бошқасига ўтинчимизни эслатамиз. Яна «ест, сэр» деб бош ирғашаверади. Лекин барибир овқатни аввал олиб келишади. Бўғилиб, нонни кутиб ўтирамиз. Сабримиз чидамаганларимиз нон келгунча биринчи овқатни ичиб ҳам бўламиз. Кейин, чойни суюкроқ дамлаб келинглар, деб қайта-қайта илтимос қаламиз (албатта, официантлар билан Неъматилло гаплашади). “Ест, сэр”, деб қайта-қайта ияк қоқишиб кухня томон йўрғалашади ва барибир қоп-қора, бўтана чой беришади.

Сафар давомида яна бизни, шахсан мени аччиқ овқат, аччиқ чевати, аччиқ қуймоқлар ҳам қийнамоқда.

*14 ноябр, сешанба*

Кеча кечқурун Зокиржон ака Фарруҳ билан Неъматиллони олиб гилам савдоси билан шуғулланувчи «Туркман карпет» савдогари Абдужалилларникига бориб келишган эди (у билан экспедициянинг биринчи сафари чоғида, 1992 йили танишишган. 1993 йили келганимизда Абдужалил Тошкентта кетган бўлиб, учрашолмаган эдик. 1994 йили хотини билан Андижонга бориб, бир неча кун Зокиржон аканинг меҳмони бўлган эди).

Эрталаб Абдужалил ўз машинасида меҳмонхонага келди. Унинг етакчилигида “Тойота” мизни устахонага олиб бордик. Бечоранинг касали анча оғир, унинг соғ жойи кам қолган эди: рўл чаток, чироқнинг биттаси ёнмайди, тормозда ишқалик бор, тақсимловчи вални янги қўйиш керак... Булар бизга маълум бўлганлари, қолгани моторни очишганда билинади...

Машинани созловчиларга топшириб, Шалимар боғини истаб кетдик.

Лоҳур — боғлар шаҳри. Унинг кўчаларида юрсангиз, нукул боғлар оралаб ўтаётгандай бўласиз. Асли Лоҳурда Акбар шоҳ, Жаҳонгир шоҳ, малика Нуржаҳон бегим, бошқа бобурий ҳукмдорлар томонидан жуда кўп боғлар барпо қилинган. Шулардан бири Шалимар (“Муҳаббат”) боғидир. Боғнинг бундай гўзал ва жозибали сўз билан аталишининг сабаби ва маъноси бор, албатта. Аввалги китобимизда ва бошқа кўп манбаларда қайд этилганидек, Жаҳонгир ва Нуржаҳон ораларидаги оташин ишқ бутун юртга ошқора бўлган ва буни уларнинг ўзлари ҳам халқдан яширмаганлар. Шалимар боғи ҳам ҳукмдорлар ва маликалар севгиси рамзи сифатида бунёд этилган табиий ёдгорликлардан биридир. Умуман олганда эса Бобурий подшо ва шахзодалар муҳаббатга бутун қалби, вужуди билан берилганлар. Маликаларини жўшқин, олов ишқ билан севганлар. Шунингдек, улар яшил табиатни, гўзалликни, боғ-роғларни қадрлашган, улардан завқ олишни билишган, роҳат-фароғатни, хузур-ҳаловатни, айшу ишратни, дўсту ёрларнинг дилкаш суҳбатини, нафосатни, шеърни, қўшиқни, рақсни суйишган.

Хуллас, Шалимар боғининг ўз даврида, ҳатто бундан бир неча ўн йил аввал ҳам ниҳоятда гўзал, ором-бахш, фароғатбахш бўлганлиги сезилиб турибди.

Кириш дарвозаси бекилиб кетган экан, чипта олиб, ён томондаги дарча-эшикдан кирдик.

Боғ чор бурчак, фақат бўйига узун, умумий майдони 40 акрни ташкил этади.

Собик дарвоза рўпарасидан — ўртадан саёз ҳовуз ва унинг ёнларидан энсиз гишт тиккасига, паркетсимон қилиб босилган йўлақлар тушган. Қалин чимзор ва тарвақайламай, меъёрий ҳажмда ўсадиган манзарали дарахтлар (йўлга яқинлари чеканкалаб ихчамлаштирилган) боғнинг кўрки ва асосий бойлиги эди.

Бир оз юриб, ҳовузнинг кенг, чорбурчак жойига етиб бордик, у ердан икки тарафга кетган йўлақлар бор эди.

Кейин атрофи очиқ, каттагина шийпон-айвон келди. Шу ерда саксон етти ёшли Муҳаммад Ҳусайн деган киши учраб қолди. Соч-соқоли оппоқ, лекин ғарбона кепка кийган, қадди эгилмаган, бардам, серғайратлиги, чапдастлиги сезилиб турибди. Ўзи археолог, бироқ бобурийларни анча дуруст биларкан, уларга ихлосли экан. У бизга сайрбонлик қилиб, боғ тарихи ва таърифни гапириб берди.

Кираверишдаги темир тахтакачда ёзилган ва мўйсафид айтган маълумотларга қараганда, боғ 1641-42 йиллари, 17 ойу тўрт кунда барпо қилинган.<sup>1</sup> “Фарахбахш» ва «Файзбахш» деган хиёбонларга бўлинган (Ҳозир боғ ЮНЕСКО рўйхатига киритилган). Дастлаб етти жойда шийпон бўлган, айна вақтда учтаси қолган. Хорижий мамлакатлардан келган юқори мансабли меҳмонлар мана шу асосий шийпон остида қабул қилинаркан, яъни улар шарафига зиёфат бериларкан.

— Эҳ-ҳе, бу боққа не-не машҳур одамларнинг қадами етмаган — қиролича Елизавета хоним дейсизми, Америка президентининг хотини дейсизми... — дейди қария.

Шийпон ва бошқа бинолар, ҳовузлар, йўллар таъмирланган, аммо аслидаги ҳолатлар, шакл, ранглари сақлаб қолишга ҳаракат қилинган.

Шийпондан кейин боғ бир қаватли уй баробарида пастлаган эди.

Шийпоннинг шундоқ орқасига чеккаларига гул солинган, ўрталари ҳам нақшли катта бир мрамар тахта суйри қилиб ётқизилган. Мрамарнинг ҳажми тахминан олтига тўрт ярим.

— Бундай йирик ҳажмдаги яхлит мрамар дунёда бошқа йўқ, — деди кекса археолог фахр билан.

Тепадаги ҳовуздан келган сув шийпон остидан ўтиб, ана шу мрамар тахтага шаршара бўлиб тушган ва икки кишининг суҳбатлашиб ўтиришига, бир одамнинг ётишига мўлжалланган, калта панжаралари гулдор мрамар сўрича тагидан ўтиб, кўп фавворали катта ҳовузга қуйилган.

— Мана шу сўрида Шоҳ Жаҳон ўзининг маликаси, яъни Аржуманд бону билан ўтириб, шакарғуфторлик қилишган, — дейди Муҳаммад Ҳусайн амаки.

Катта ҳовуз (ўттизу қирқ метрлар чамасида)нинг суви остини моҳ босгани учун зангори кўринарди.

Ҳусайн бобо боғ хизматчиларидан бирига айтиб, фаввораларни ишлаттирди. Тўғри, уларнинг шашти ҳам, зарби ҳам пасайган, отилиш ўлчови ҳам унча баланд эмас, лекин боққа ўзига хос файз берарди.

Чор тарафи тош йўлақдан иборат ҳовузнинг нарёғида яна иккита кичикроқ шийпон бор эди. Шийпонлардан у ёғи тағин бир уй бўйи пастлик эди. Ҳовуз ёнидан ўсиб чиққан иккала шийпон оралиғида — пастда яна чоғкина ҳовуз, унинг олд томони очиқ бўлиб, иккала шийпон ва орқадаги катта ҳовуз деворларига айланасига тўрт қатор шамдон ва шам қўйишга мўлжалланган нақшли токчахоначалар қилинган — уларнинг жами икки юз йигирмата эди. Ўша токчалардаги шамлар ёқиб қўйилганда ўртадаги фавворалардан отиладиган сув шаршараларида етти хил ранг — камалак жилоланган.

Яна ўртада саёз ҳовуз ўрни (эни бир метрча) ва икки ёнидаги йўлақлар боғ этагига қараб давом этади. Етмиш-саксон қадамча юрилгач, ўнгга ва чапга — шарқий ва ғарбий дарвозалар томонга тош йўллар кетган, Шарқий дарвоза олдида бордик. У албатта ҳозир ишламайди. Эскирган, равоқлари, гумбаз таглари нураган, мрамарлари кўчган. Лекин икки ён девор-устун тепароғида, гумбаз остида гуллар сурати солинган мрамар нақшлар сақланиб қолган. Нақш гуллар жуда мураккаб эмас, лекин ранги тоза ва тиниқлигича

<sup>1</sup>. *Манбаларда ёзилишича, Каширдаги машҳур Шалимар боғини Жаҳонғиршоҳ, ушбу боғни эса Шоҳ Жаҳон бунёд этишган.*

турибди. Ранглар асосан зангори, сарик, хаворанг, тўқ жигарранг. Айтишларича, ранглар гиёҳ-ўсимликлардан олинган табиий бўёқлардан тайёрланган, шунинг учун шунча асрлар куйида ҳам ўнгмаган, ўзининг асл тусини ўзгартирмаган.

Дарвозалар, шийпонлар, ҳовузлар, фавворалар, йўлаклар курилишидаги мутаносибликка — симметрияга фақат ҳайратланиш керак. Муҳокама ва мулоҳазага ҳам ҳожат йўқ...

Тушликда Абдужалил бизни катта ресторанга олиб бориб бир қозон товуқ гўшти билан меҳмон қилди. Ўзининг айтишича, товуқларни (камида учта бор-ов!) янги сўйдирибди. Товуқни тозалаб, сув қуйиб, сув тугагунча қайнатиларкан, кейин доғланган ёғга солиб, зираворли қайла аралаштириларкан.

Хуллас, гўштни қозони билан стол ўртасига қўйишди. Ҳар ким эҳтиёжига яраша, таъби, иштаҳасига қараб олавераркан.

Товуқ пишгунча, одатдагидай кутиб ўтирдик. Абдужалил дунёқараши кенг, дилкаш, сўзамолгина эди, зериктирмади. Унинг баён этишига қараганда, Лоҳурда асосан тўрт миллат — белужлар, синдлар, панжоблар, паштунлар ва бошқа кам сонли миллат вакиллари яшаркан. Жами аҳолиси 8 милён экан.

Маълум бўлдики, Покистонда покистон деган миллат йўқ, бу юртда яшовчиларни покистоний дерлар, паспортдаги миллати деган бандга ҳам «покистоний» битарлар.

Панжоб ҳам иккига бўлинган бўлиб, Ҳиндистон Панжобининг маркази — Амритсар, Покистон Панжобининг маркази — Лоҳурдир.

## **ЖАҲОНГИР ШОҲ ВА МАЛИКА НУРЖАҲОН ҚАБРЛАРИ**

Тушдан кейин шаҳар ташқарисидаги Жаҳонгир қабр-мақбарасига бордик. Бу ҳам бўйига узун, чорбурчак, боғсимон хиёбон эди. Ўртадаги ҳудудни Акбари сарой дерлар (Жаҳонгир билан Асафхон сағаналари оралиғи).

Боғни Шоҳ Жаҳон саройи тарихчиси Мулла Абдул Ҳамид ўзининг «Подшонома» деб аталган асарида «Жилваҳонаи равзо» деб таърифлаган.

Дарвозадан кун ботишга юриб, ўртага борилганда икки томонга йўл чиқади. Ўнга юриб, биносимон, гумбазли дарвозадан ўтиб, яна катта боққа кирасиз. Тўғрида — икки юз кадамча этакда мақбара. Унга элтувчи йўлакка ҳам ғишт қирраси билан жипс босилган — худди паркет дейсиз. Икки томон сийрак дарахтзор ва чимзор. Чимки, майда, чим-чатири қалин — яшил палосга ўхшайди. У ер-бу ерда зиёратчилар, йигит-қизлар дам олиб, ҳузур қилиб ўтиришибди (Шалимар боғида бундай ёшлар кўпроқ эди).

Жаҳонгир мақбараси ва қабри. Даҳма у қадар маҳобатли эмас, аммо қабр тоши, унга чекилган гуллар, Аллоҳнинг сифатлари ниҳоятда гўзал ва мафтункор. Шакли-шамойили ва безаклари, гуллари Шоҳ Жаҳон қабр тоши (Тож Маҳал) билан бир услубда. Шунинг учун Жаҳонгир мақбарасини сифат ва бошқа жиҳатлардан кўхна Ҳиндистонда Тож Маҳалдан кейин турадиган обида, дейишади.

Сағана тошининг бош томонига: «Ибодатга муносиб зот фақат Аллоҳдир, у ғайб илмларини билгувчи ва ҳозир юз бериб турган воқеа-ҳодисотларга шоҳид раҳмон ҳам раҳимдир» мазмунидаги оят, оёқ томонига эса “Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир подшоҳ” деган ёзув битилган. Тошни баланд шифтдан туширилган тошфонарсимон, осма лампа ёритиб турибди. Уни инглизлар қилдиришган экан (Демак, улардан фойдали эсдаликлари ҳам қолган).

Мақбара ичидан чиққач, Зокиржон ака Жаҳонгир шоҳ ва малика Нуржаҳонлар чойшабига канизаклар гулбарглар сочиб қўйиши ҳақидаги ривоятни айтди. Балки бу ривоятмас, ҳақиқатдир. Мана шундай гапларни эшитганда подшо бўлгиси келиб кетади одамнинг. Лекин аслида юқоридагидай атр бўйли жойи хосга эришмоқ учун подшолик ҳам шарт эмас, ҳар бир оддий фуқародан чиққан жуфтлик ҳам ўзларига шундай шоҳона шароитни муҳайё этиб олишлари мумкин, бунга молиявий жиҳатдан бой-камбағалликнинг

хам мутлако даҳли йўк. Турфа рангли атиргуллар аксарият ўзбеклар хонадониди бор ва уларнинг гулбарглари теп-текин, бекорга тўкилиб ҳам кетади. Демак, озгина иштиёк, дид, ҳафсала ва энг муҳими, ўзаро меҳр-муҳаббат бўлса бас...

Орқага қайтиб, жануб тарафдаги мақбарага бордик. Эндиликда хароб бўлиб қолган бу ёдгорлик Жаҳонгиршоҳ томонидан қурдирилган бўлиб, у ерда Нуржаҳоннинг акаси, Мумтоз Маҳалнинг отаси Асафхон Мирза Абдул Ҳасан дафн этилган.

Ҳинди Ранжит Сингх<sup>1</sup> ҳукмдорлиги даврида даҳма деворлари, шифти, равоқларидаги тоза мрамрлар кўчириб олинган ва Амритсар шаҳридаги иншоотларга ишлатилган, дейишди. Ҳатто қабр тошининг кимга мансублиги битилган ёзувлар ҳам ўчириб ташланган эди.

Дарвоқе, Жаҳонгир шоҳ қабр-мақбараси жойлашган боғ-ҳиёбон Нуржаҳон боғи деб аталади. Яъниким, бу боғни император Жаҳонгири Ғозийнинг суюкли хотини Нуржаҳон бунёд эттирган ва унда ўзи сайр қилиб юришни яхши кўрган. Жаҳонгир 1627 йили Кашмирдан қайтиб келаётиб йўлда жон узганида малика суюкли эрини ўзининг севимли боғи тўрисида дафн этишни буюрган ва қабр устига сағана қурдирган.

Кейин Нуржаҳон қабр-мақбарасини истаб, уни кўрғон ташқарисидан, бир неча юз кадам жанубдаги темирйўл нарёғидан топдик. Мақбара ва мрамр қабр тош шакл-шамойили айнан Жаҳонгирникидан андоза олиб бунёд этилгани сезилиб турарди. Афсуски, бу тарихий обида атрофи кўрғонсиз бўлгани учунми, қаровсиз қолган, анча хароб ҳолатда, деворларига ҳар хил ёзувлар битиб, чизиб юборилган эди.

Бош тарафдаги девор устунга Ҳозиқ Муҳаммад Ҳаким Ажмалхон томонидан шеърый тарих битилган бўлиб, унинг мазмуни шундай эди: Нуржаҳон завжидан кейини ўн саккиз йил яшади ва ниҳоят уларнинг руҳлари қовушди. Нуржаҳон — Ҳиндистоннинг маликаси эди...

Маликанинг қабр тоши билан ёнма-ён яна бир мрамр тош бор эди. Унинг остидаги қабр Нуржаҳоннинг биринчи эридан туғилган Лодли (“лодли” — “нозли” демак) бегимники, дейишди. Ажабки, юқорида эслатиб ўтганимиздай, Акбар қалъасидаги (Аграда) марқадлардан бирини ҳам Лодли бегимники деб айтишган эди...

Марқаднинг олди тартибга солилмаган катта хиёбон бўлиб, палма ва бошқа дарахтлар, калин, кўм-кўк майса унга жуда чиройли ҳусн ва салобат бағишлаб турар, одамлар у ер-бу ерда тўп-тўп бўлиб, гурунглашиб ўтиришарди. Дарахт сийрак лекин кўркли эди.

Биз шундоқ ажойиб ёдгорлик ва боғнинг ҳукумат эътиборидан четда қолганига, ихота қилинмаганига, унинг ёнидан темирйўл солинганига ачиндик. Ахир поезд ўтаётган пайтдаги ер устки қатламининг тебраниши ҳар қандай мустаҳкам бинони ҳам нурагадику...

Устахонага бориб машинадан хабар олдик. Ҳали анча иши бор экан. Ҳожи Абдужалил бизни кўярда-кўймай уйига олиб кетди. Ўтган галгидай қуюқ меҳмон қилишди. Камида йигирма кишилик дастурхон тузалган, озиқ-овқатлар ҳам ранг-баранг эди: товук шўрва ва унинг гўшти (ўзимизнинг қайнатма шўрва), бу томонларда ичаётганимиз «чикен суп», алоҳида товук гўшти, сомса, кабоб, ҳар турли пишириклар, салатлар ва ниҳоят ош (палов) ҳам шунча ҳисса... Палов ошхона, ресторанларникидан анча дуруст, фақат сабзи гуруч устига сепиб қўйилган — самарқандча...

Абдужалил олам кўрган савдогар, китоб ўқишга ҳавасманд, сиёсатни яхши тушунадиган одам. Асил ўзбек. Ота-боболари Туркманистондан, ўша ёқда ҳам идораси бор экан. Булар асосан бошқа ўлка, шаҳарлардан жун олиб келишиб, гилам тўқиб сотишаркан. Абдужалилнинг катта ўғли Муҳаммад Шариф, укаси Абдухалил, аммавачча, холаваччалари ҳам бўлди... Аввалги сафаримиз пайтида бизга Лоҳурни томошо қилдирган Сахидод ва яна икки укаси Саудия Арабистонида — Жидда шаҳрида экан.

Абдужалиллар хонадони назаримда ҳар жиҳатдан тўқис, унинг эса истаган жойига қўли етадигандек эди. Лекин...

— Бир кун ота юртга қайтишимиз бор... — деди у суҳбатимиз ниҳоясида чуқур

<sup>1</sup> 1 Ранжит Сингх — (1780-1839) Бобурийлар салтанати заифлашган даврларда — XIX аср бошларида бутун Панжобни бирлаштириб, сингх давлатини тузган.

## БУ ҚАЙСИ ЗЕБУННИСО?

*15 ноябр, чоршанба*

Эрталаб Абдужалил хожи ҳамроҳлигида Зебуннисо мақбарасини излаб кетдик. Лохур — Мўлтон йўналишидаги катта кўчада, йўлдан эллик қадамча ичкарида экан. Мунғайган сағана ва қабр тоши. Қаровсиз, ҳимоясиз, фақат тахта лавҳада ёдгорликнинг 1988 йили давлат муҳофазасига олингани айтилган, лекин бу ҳимоя сезилмасди.

Мақбара тўрт бурчаги девор устун, қолган жойлари очиқ шийпон шаклида бўлиб, ўрталиқдаги қабр тошига баҳмал, унинг устидан урду тилида, араб имлосида турли ёзувлар битилган зангори мато ёпиғлик эди.

Бинонинг узун ва эни 12x12, бўйи — томи гумбазигача ҳам ўн икки метрлар чамасида эди. Лекин лойиҳа унча ҳашамдор эмас, камтару жўнгина, балки Зебуннисо бегимнинг ўз табиати, феъл-атворидан келиб чиқишиб шундай услубни танлашгандир. Фақат мрамрлар кўчириб олинганга ўхшайди. Қабр тоши ҳам оддий, қолаверса, унда на ёзув, на нақш бор ва на гуллар... Шифтларда, меҳроб гумбазлари остида гулдор рангли мрамрлардан намуналар қолган... Аслини олганда Зебуннисо бегим қабрининг мутлақо содда бўлишини, қабри тепасига табиий сабзадин ўзга ҳеч нарса ёпмасликларини васият қилган эди.<sup>1</sup>

Хўш, ҳақиқатдан ҳам машҳури жаҳон шоира Зебуннисонинг сағанасимикин ўзи бу? Тўғри, мақбаранинг олди қисми тепароғида «Зебуннисо мақбараси. Вафоти 1669 йил» деган сўзлар ва сана битилган. Лекин, аввало ана шу сананинг ўзи шубҳали. Маълумки, Зебуннисо бегим бу ерда қайд этилган вақтдан 33 йил кейин, 1702 йили вафот этган ва манбаларда айтилишича, Деҳлидаги “Зарзарий” қабристонига дафн этилган. Бироқ, инглизлар даврида темирйўл ўтказилиши оқибатида қабристон бузилиб кетган, деган маълумот бор. Хўп, мабодо шу қабр ўша биз билган — Бобур Мирзонинг панневараси Абу

Зафар Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб Оламгирнинг қизи Зебуннисо бегимга мансуб бўлса, уни ким, қачон, қандай ҳолатда бу ерга кўчиртириб келган ва нима учун Лохурнинг бир чеккасини танлашган? Балки ундай эмасдир? Унда шоира Зебуннисо бегимнинг марқади ҳозир қаерда? Эҳтимол, Аградаги, Акбаршоҳ қалъасидаги қабр ростдан ўша Зебуннисоникидир?.. У ҳолда, бу Зебуннисо ким бўлди?.. Чиндан ҳам, мазкур даҳманинг шакли-шамойили лойиҳа-тарҳи, безаклари бобурийларнинг мақбараларидан кескин фарқ қилади...

(Ушбу ёдгорликдан дастлаб Зокиржон Машрабов ўтган галги сафари вақтида хабар топган ва зиёрат қилиб кетган эди).

Хуллас, бу жумбоқлар алоҳида, махсус тадқиқотни тақозо қилади шекилли...

Дарвоқе, яна бир гап. Маълумки, Зебуннисо ўз даврининг муҳтарама шоираси эди ва унинг умрбоқий ғазаллари асрлардан-асрларга ўтиб, яшаб келмоқда. Ҳассос шоира адабий таҳаллус сифатида ўзининг гўзал ва пурмаъно исмини қўллаган. Лекин ўтган замонларда ҳам, кейинги вақтларда ҳам билиб-билмай Зебуннисо бегимга «Махфий» таҳаллусини ёпиштиришга, ўйлаб-ўйламай бадиий жиҳатдан у қадар етук бўлмаган шеър-ғазалларни унга нисбат беришга уринишлар кузатилади. Аслида бундай янглиш муносабатларга йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларидаёқ жиддий зарба берилган. Жумладан, “Қобул” (Афғонистон) журналининг 1934 йил, 10-сонидан эълон қилинган мақолада Канпур (Ҳиндистон)да чоп этилган бир девон сўнг сўзидан олинган куйидаги раддия келтирилган; “Девони Махфий” форс тили устозларидан Махфий Раштийнинг асаридир. Қандайдир бир беҳабар уни

<sup>1</sup> Т. Файзиёв. “Темирйўллар шажараси”. “Ёзувчи” нашриёти, 1995й.. 280-бет. Мана шу асарда, шунингдек, Шоҳ Жаҳоннинг суюкли, садоқатли қизи Жаҳоноро бегимнинг ҳам деярли шундай васият қилгани қайд этиладики, Зебуннисодай зукко, нозик таъб шоиранинг аммаси васиятини айнан тақорлаши ўқувчида иштибоҳ туғдиради.

Зебуннисо бегим номи билан нашр этибдирки, бу катта хатодир».<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, бу шунчаки мулоҳаза ё фараз эмас, балки ҳукм-хулосадир. Аммо, хато қарашлар ва беҳабарликлар давом этаверган бўлса керак, захматкаш адабиётшунос олим Тўхтасин Жалолов «Зебуннисо — Махфий эмас!» деган хитобли сарлавҳа билан махсус мақола ёзиб, «Махфий» имзоли шеър-ғазалларнинг Шарқнинг фозилаи даврони, машҳур шоираси Зебуннисо бегимга асло дахли йўқлигини тарихий манбалардан олинган қатор илмий далиллар билан исботлаган ва мазкур баҳсли масала-мавзуга нуқта қўйган.<sup>2</sup> Шунингдек, тадқиқотчи Махфий таҳаллуси билан ижод қилишган икки шоира ва уч шоир (бобурий Жаҳонгиршоҳнинг севикли хотини Нуржаҳон бегим, Салима бегим, Махфий Тароштий, Махфий Раштий ва Зебуннисо бегимнинг хос мулозими) бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлаган.

Таассуфки, яна орадан йигирма икки йил ўтиб, “Даракчи” газетасининг 2002 йил 30(176)-сонида босилган “Аврангзебнинг ғариб кизи» сарлавҳали мақолада “Унинг (Зебуннисонинг — Қ. К.) бу ижод намуналари “Девони Махфий” асарида (девони демоқчи бўлса керак — Қ. К.) жамулжам қилинган бўлиб, бу асар (?) кейинги даврларда қайта-қайта чоп этилган. (?) Махфий — шоиранинг таҳаллуси бўлиб, девон ҳам шу ном билан бизнинг кунларимизгача етиб келган», дейилади. Афсуски, муаллиф А.Бердимуродов бу нотўғри маълумотларни қайси манбадан олганини кўрсатмаган.

Гап шундаки, Американи қайта кашф этиш қабилидаги бундай чиқишлар минглаб одамлар фикрини чалғитади, тарихий чалкашликларга сабаб бўлади. Беш киши машаққатли довлардан юриб, Қирғизистонда икки кун, Қашқарда уч кеча-кундуз сарсон бўлганимиз, яъни юқоридагидай чалкашлик жабрини тортганимиз азиз китобхонларимизга маълум, зеро, “ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир», деб бекорга айтмайди доно халқимиз.

Эҳтимол, муаллиф “бу илмий тадқиқот эмас, шунчаки оммабоп мақола эди» дер. Лекин, ҳар қандай нашр ўз даври ва жамиятининг овози, сўзи ва ҳужжати эканлигини, кимдир, кимлардир унга суянишлари мумкинлигини унутмаслик керак. Бу сўз, бу ҳужжат бетайин бўлса, аввало унга суянган кимса янада каттароқ хатога йўл қўйиши тайин, қолаверса, ўша муаллифга, ўша нашргагина эмас, умуман матбуотга ишонч сусаяди, бу эса, масъул-ноширларга ҳам қимматга тушиши турган гап.

Таажжублар ичра ҳайрона бўлиб, “Шоҳқалъа” зиёратига бордик. Ахборотнома ва бошқа манбаларнинг хабар беришича, Арк ичининг узунлиги 1 минг тўрт юз, эни 1 минг 115 фут. Унинг қурилиши дастлаб Ром Чандоржининг кизи шарафига (1200 йиллар) бошланган. 1959 йили ўтказилган археологик қазишлар пайтида Султон Маҳмуд Ғазнавий зарб қилдирган тилла тангалар топилган.

Маҳмуд Ғазнавий Лоҳурни 1021 йили босиб олган. 1180-86 йиллар Афғонистондан келган Шаҳобиддин Ғурий, 1241 йили мўғуллар эгаллаган. 1267 йили Султон Ғиёсиддин Булбоқ Ўрда қурилишини давом эттирган. Орада уни Соҳибқирон Амир Темур қўлга киритган, Шайх Али Кобулий қароргоҳни тупроқдан қайта тиклаган ва жангу жадалларда яна бузилган, вайрон бўлган. 1566 йили бобурий Акбаршоҳ бошқатдан пишиқ ғиштдан пухта қурдирган.

Ўзига хос, тўғрироғи, бобурийларга хос бинокорлик ва меъморчилик намунаси бўлмиш ушбу тарихий обидани зиёрат қилувчилар ҳаддан зиёд кўп эди — худди сайл бўлаётганга ўхшайди. Ўтган гал бафуржа, астойдил томоша қилганимиз учун бу сафар шитоброқ айланиб чиқдик. Бунинг устига, аввалгидай қалъа ҳудудига видеокамера билан кирмайсишлар, ёдгорлик-иншоотларни сурагга олмайсишлар, деб кайфиятни бузишди. Фарруҳ хуноб — раҳбар хуноб, раҳбар хуноб — ҳамма хуноб.

Лекин, Фарруҳ ва Неъматилло мутасаддилар маҳкамасида улар билан қизгин музокарага киришган пайтда Зокиржон ака одатдагидай, қалъа хизматчилари кўзини шамғалат қилиб, ўзининг ихчам камерасида анча жойни тасвирга олишга улгурди...

Ҳа, Зокиржон ака жуда ҳавасманд. Бу фазилат унда тасодифан пайдо бўлган эмас, балки

<sup>1</sup> Т. Жалолов. Ўзбек шоирлари. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. 1980 йил.

<sup>2</sup> Т. Жалолов. Юқоридаги китоб, 17-бет.

болаликдан ошно. Қўлидан келмайдиган иш кам: ошпазлик дейсизми, хайдовчиликми... Видеокамера, фотоаппаратни эса экспедиция даврида бобурийлар билан боғлиқ жойлар, воқеалар ва тадбирларни тасвирга, суратга тушираман, деб, аввалги дафъа сафарга жўнашимиз олдиан Тошкент шаҳридан, Усмон Носир шоҳ кўчасидаги радио-телевизор дўконидан сотиб олганига ўзим гувоҳ бўлганман.

У шу апаратларни елкасига осиб юришни ўзига зинҳор малол олмайди, аксинча, бу машғулотида ўзгача хузурланади. Шунингдек, у Фарруҳга ишонмаганидан эмас, балки сафарлар жараёнида ноёб лавҳалар, суратлар шахсан ўзида ҳам бўлишини хоҳлаганидан шундай қиларди. Ҳа, раҳбаримиз ниҳоятда пухта одам!

... Устахонада машинамизни тузатаётган Мир Иқбол Рани (қирқ ёшлардаги йигит) бобурийлар тарихига жуда қизиқар ва улар тақдиридан яхшигина хабардор экан, ғалати бир гапни айтиб қолди. Гўё Жаҳонгиршоҳнинг қабри иккита эмиш. У Кашмирдан қайтаётиб йўлда вафот этганида Лоҳурга етиб келгунча ириб кетиши мумкин бўлган ички аъзо-қисмларини Гужаротга кўмиб, кейинчалик ана шу жойда ҳам мақбара қурилган эмиш. Бу маълумот биз учун, шахсан мен учун мутлақо қутилмаган, аммо мантиқан асосли янгилик бўлди, бироқ, у қанчалик тўғри ё нотўғри — кўрмасдан бир нарса дейиш қийин... Лекин машина таъмирловчи оддий бир покистонийнинг Жаҳонгиршоҳ қисматидан воқифлиги ибратомузидир... Савдогар Абдужалил ҳожи кечқурун Жалолиддин Румий асарлари ва қарашлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этган эди...

Машина ўнгланди. Абдужалил тагин бизни меҳмон қилди. Бугун у товук гўштининг яна бошқа усулда — қовуриб пиширилгани билан сийлади. Хулоса — Ҳиндистонда, хусусан Покистонда товук таом ўзбекнинг паловидай урф экан.

Сўнгра Аноргули мавзеидаги ер устию ер ости дўконларини айландик. Абдужалилнинг бош маслаҳатчилиги ва бевосита иштирокида «чарм чопон» операцияси амалга оширилди. Икки соатнинг ичида, битта дўконнинг ўзида кўнгилар ва қиссалар тинчиди-қолди. Шунгача сабримиз чидамай ҳар хил илмоқли гаплар қилиб, шеърлар ёзиб юбордик. Раҳбар эса сўзининг устидан чиқди.

Абдужалил етакчилигида Лоҳурнинг янги шаҳар қисмини ҳам томоша қилдик. Кўчалар кенг, бинолар баланд ва ранг-баранг...

Қоронғи тушганда анҳор бўйидан узок юриб, Лоҳурдан чиқдик-да, Исломободга қараб жўнадик.

Йўлнинг чиннидай текислигидан машинамиз ҳам роҳатда, аммо овозида яна қандайдир бошқача, ёт «оҳанг» бор эди...

Мизғиб қолибман. Жунжикиб уйғонсам, қўл-оёқларим қичишаётган эди. Совуқникими ё аччиқ таомлар энди ўз таъсирини кўрсата бошладими, билмадим...

Исломободга ўн тўрт км. қолганда унга қирмай, шундоқ катта ва янги шаҳар — Покистон пойтахтини кўрмай, томоша қилмай, Пешаворга қараб «от» сурганимизда соат тунги ўн иккидан ўтиб кетган эди.

Ҳасан Абдол шаҳрига келиб, сайёҳлар қўноқхонасига жойлашганимизда соат икки — ярим тун эди...

Ҳаво салқин, водийнинг, Ўзбекистоннинг ҳавоси, иқлими яқин эди. Қичишқоқ эса авж олиб борарди.

## ЛОЛАРУҲ БЕГИМ КИМ БЎЛГАН? “ВОҲ” БОҒИ

*16 ноябр, пайшанба*

Уйку хуруж қилганда ҳар қандай ташвишу бесаранжомлик, ҳатто хасталиклар, жумладан, қичишқоқ ҳам вақтинча бўлса—да, чекинади. Қотиб ухлаб, эрталаб уйғонсак, ҳарорат янада пастроқ эди, уст—бошларга бир қават кўшишга тўғри келди.

Зокиржон ака ўтган сафар келганларида Лоларуҳ бегим деган аёлнинг қабрини

тасодифан эшитиб, зиёрат қилган, унга ҳамроҳ, бўлган маҳаллий зиёлилардан бири “Лоларуҳ бегим — Бобур Мирзонинг қизи” деган фикрни айтган экан. Манбаларда, ҳатто Бобур Мирзонинг хотинлари ва ўн саккиз нафар фарзанди батафсил саналган «Хумоюннома» асарида ҳам бундай маълумот йўқлиги учун Зокиржон аканинг ўзи ҳам, биз ҳам ҳайрон ва ҳаяжонда эдик.

Эрталаб билсак, Лоларуҳ бегим қabri биз тушган меҳмонхонанинг яқингинасида, шаҳарнинг шимол томонида, маҳаллалар чеккасида, у қадар баланд бўлмаган тоғлар пойида экан.

Темир панжара-дарвозадан кирилганда, чап тарафдаги чоғроққина, суви тип-тиник ҳовузда рангли ва рангсиз, олди икки қаричли беҳисоб зоғора балиқлар солланиб сузиб юришарди. Маҳаллий аҳоли бу ҳовуз ва гўзал мавжудотларни муқаддас билишади чоғи, уларга дахл қилишмас экан.

Биз ҳам сирли жониворларни кўп ҳузур билан анча томоша қилдик. Булоқ сувида балик яшамас, деган гап бор, лекин яшайди...

Ҳовуздан кейин бир эски, ҳароб мақбара бўлиб, битикка қараганда у ерда император Акбар фармонига кўра унинг содиқ мулозимларидан ака-ука Ҳаким ва Хумоюнлар (1599 йили) дафн этилган экан. Аммо, шу темир тахта билан ёнма-ён иккинчи лавҳада эса мақбара (?) ва хиёбон 1589 йили Панжоб губернатори Хўжа Шамсиддин Ҳавоний томонидаи бунёд қилингани ёзилган.

Сағананинг меҳроб, тоқча, шифтлари қорайиб кетган — худди ичидан ўт қўйилганга ўхшарди. Бундаги мрамрларни ҳам Ранжит Сингх одамлари ўйиб, кўчириб олиб кетишган бўлса керак.

Ёдгорлик билан қарама-қарши — кун юриш томонда катта бир бино кўриниб турарди, уни насронийлар ибодатхонаси дейишди. У жойга ибодат қилиш учун ҳатто Амритсардан ҳам келишаркан...

Бу ҳам боғ — хиёбон сифат жой эди. Юз қадамча ичкарида чокқина бир кўрғонча бўлиб, унинг ўртасида одам бўйи, юзаси ўртача гилам ҳажмидаги тошсупа устида бир қабр тоши бор эди. Кўрғончага кираверишда ҳақиқатдан ҳам «Лоларуҳ қabri» деган ёзув бор. Ёнимизда биз — хорижийларга қизиқиш туфайлими, беш-олтитаси эргашиб юрар, улардан бири шу жойнинг боғбони экан. Унинг сўзига кўра Лоларуҳ бегим Акбаршоҳ саройининг хизматкорларидан эмиш. Наҳотки оддий бир ходима аёлга шу қадар иззат-икром раво кўрилса? Балки ростдир. Узоқ йиллар садоқат билан, сидкидилдан хизмат қилган бўлса... Эҳтимол Акбаршоҳнинг яқин қариндоши ё суюкли канизакларидан биридир... Лекин Акбаршоҳнинг қароргоҳи марказда — Лоҳур, Дехли, Аграда бўлган-ку, канизаги нечук Ҳасан Абдолга дафн этилади?..

Зокиржон ака гарчи боғбоннинг гапига бутунлай ишонмаган бўлса-да, ҳарқалай бир оз бўшашиб қолди. У кўп яхши ишлар, боғлар, обидалар тарихининг айнан Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бориб тақалишини сидкидилдан хоҳлайди. У Бобур Мирзо ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ. янгиликлар топишни жуда-жуда истайди. Ҳа, Зокиржон Машрабов Бобур Мирзонинг ашаддий мухлиси ва тарғиботчиси! Бобур номидаги халқаро жамғарма ва илмий экспедиция ташкил қилганидан, шу тузилмалар туфайли шоҳ ва шоир Бобур билан, унинг аждод-авлодлари ҳаёти ва фаолияти билан яқинроқ, кенгроқ танишиш имкони юзага келаётгани учун чин дилдан қувонади, жамғарма ва экспедиция саъй-ҳаракатларининг ижобий самараларидан, раҳбар сифатида ўзи амалга ошираётган хайрли тадбирлардан завқ олади; Бобур Мирзонинг муборак номи катта-кичик давраларда, баланд-қуйи минбарларда тез-тез, фахр билан зикр этиладиган бўлиб, унинг ихлосмандлари ўз муҳаббати, эътиқодини ошқора изҳор қила оладиган ҳур замонлар келганидан боши кўкдалигини яширмайди, аксинча, бу қувончларни бошқалар, хусусан зиёлилар, илмий-адабий жамоатчилик билан баҳам кўришга ошиқади. Наинки жамғарма ё экспедиция, балки экспедиция аъзоларининг ижтимоий ва ҳатто шахсий ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан ҳам қувонади, бу муваффақиятларни ҳам экспедиция шарофати деб, аъзоларининг обрў ва нуфузи, бу — экспедиция шарафи деб билади, ҳузурланади. Масалан, кўпчилик орасида:

— Экспедициямиз аъзоси фалончи ҳукумат ордени билан тақдирланди!.



— Фалончи аъзоимиз мундоқ мартабага эришди, — дейди гурур билан, ифтихор билан...

Кўрғончада апелсин, апелсинсимон яна бир дарахт (мевалари пишай-пишай деб қолган), ҳар хил манзарали ўсимликлар, гуллар барқ уриб, очилиб, яшнаб турарди.

Бу жойларни инглизчада баҳоли кудрат тушунтириб берган (маҳаллий аҳоли орасида бу халқаро тилни биладиган одамни топиш қийин эди) Иштиёқ Амин деган йигит бизни шаҳарнинг шарқи-жануб томонидаги яна бир боғ-хиёбонга бошлаб борди. Зокиржон акага ўтган гал бу боғни ҳам Бобур Мирзо бунёд этган, деган гапни айтишган экан. Темир тахтадаги ёзув ва Ҳасан Абдол тарихи ҳақидаги маълумотнома-рисолада келтирилган далилларда бу “Воҳ боғи» деб аталиб, асли Кобул билан Кашмир ўртасидаги паст тоғлар қуршовида жойлашган, кўниб ўтиладиган сўлим, қулай маскан бўлган экан. Пешавор музейлари бош директори ўринбосари Муҳаммад Баходирхоннинг Ҳасан Абдол шаҳридаги тарихий ёдгорликлар шарҳига бағишланган рисоласида айтилишича, бу жойга Бобур Мирзонинг қадами теккан, бу ерда Акбаршоҳ бўлган, Аврангзеб-Оламгир ўн саккиз ой турган (?). Боғнинг яратилиши ва ундаги бинолар, суви оҳиста мавжланиб турган катта ҳовуз Жаҳонгир номи билан боғланади. Бобурийзода шоҳ балиқни, балиқ овлашни яхши кўрган, шунинг учун боғнинг жануб томонидаги тепалиқдан чиқадиган булоқдан сув туширтириб ҳовуз қурдирган ва балиқ боқилган экан. Дарҳақиқат, ҳозир ҳам унда худди Лоларуҳ бегим мақбараси олдида кўрганимиздай, йирик-йирик балиқлар реактив самолётлар каби саф-саф бўлиб, кескин бурилишлар қилиб, фақат оҳиста сузиб юришибди.

Ҳовуздан боғ этагига — кун ботиш сари кетган сув йўлаклари ва йўлак ўртасидаги фаввора усқуналари, сув шаршара бўлиб тушиши учун суйри қилиб қўйилган мрамар тахта ва бошқа жиҳатлар Лохурдаги Шалимар боғини эслатарди (Маълумотномаларда ҳам шу нарса таъкидланган).

Собик шаршаранинг икки тарафида иморатлар сақланиб қолган, албатта бузилган, нураган, мрамарлари кўчган, узокдан харобага ўхшаб кўринарди. Лекин нақш излари бор. Ана шу хонаи хосларнинг чапдагиси ёнида ҳаммом ўрни — ечиниш, чўмилиш хоналари, ўт ёкиладиган бўлма, сув келадиган, оқова кетадиган ер ости ариқчалари ва йўлакларнинг қолдиқ излари билиниб турибди.

Кириш дарвозаси билан ҳовуз ўрталири очиқ майдон, ўнг томонда яна бир кичикроқ кўл бўлиб, булоқдан тушиб, кўча орқали боққа кираётган ниҳоятда тиниқ сув аввал ана шу кўлчага қуйилиб, ундан катта ҳовузга ўтарди. Сув ўтлари, гиёҳлар кўлча ўзанига атайин кўчат қилиб ўтқазилгандай, дона-дона, алоҳида-алоҳида бўлиб, оқим йўналишига ёнбошлаб, сезилар-сезилмас тебраниб ҳаракатланарди.

Кичик кўл атрофида ва ҳаммом, хужралар орқасидаги кенгина ажриқзор хиёбонда манзарали дарахтлар, гуллар яшнаб турибди. Ҳовуз бўйидаги чинорлар ичида икки тупининг танаси жуда йўғон, шоҳлари ҳам тарвақайлаб кетган эди — ёши бир неча асрга тенглиги шубҳасиз.

Хуллас, “Воҳ боғи”нинг табиати чиндан ҳам сўлим эди. Ўша даврда, албатта, уни дастлаб кўрган одамлар “Воҳ!..” деб ҳайратга тушишган бўлса керак.

Биз ҳам ажриқзорда бир неча муддат бу жойлар қурилиши, Бобур бобомиз ва унинг авлодлари қилган хайрли ишлар ҳақида гаплашиб ўтирдик. Бепоен Ҳиндистону Покистоннинг қаерига борманг, бобурийларнинг номи билан боғлиқ шаҳару қишлоқлар, обидалар, боғлар учрайди. Ҳатто Бангладешда ҳам Акбарпур, Шоҳ Жаҳонпур деган мавзелар бор-а. Ҳасан Абдолдан четроқ яна бир жойда ҳам Акбаршоҳга тегишли ёдгорлик бор, дейишди... Лекин алам қиладиган жойи — ҳамма ерда, ҳатто мана шу пойтахтлардан узок, чекка Ҳасан Абдолда ҳам бобурийларни «мўғуллар» деган кўнгилни ғаш қиладиган ибора билан аташади. Инглиз тарихчилари, шарқшунослари, адиблари бобурийлар тадқиқоти ва тарғиботи борасида беҳисоб ва зўр ишлар қилишган, китоблар ёзишгану, бу томонини расво айлаб, туркий бобурийларни бутун дунёга мўғуллар деб сингдириб юборишган!!! (Аслида бу атаманинг мўғулликка дахли йўқ, чунки «монгол» эмас, «магол» — яъни, чет эллик, бошқа юртлик, ажнабий маъноларида қўллашган, деган фикр бор. Шундай бўлиши ҳам мумкин, фақат буни илмий асослаш лозим).

Боғдан қайтишимизда Иштиёқ Амин бизникида чой ичиб кетинглар, отам ҳам суюнади, ўзим ҳам беҳад мамнун бўламан, дея мулозамат қилиб, астойдил қистади. Уларникига кириб, қишлоқ аҳлининг туриш-турмуш, яшаш тарзлари, удумлари билан яқиндан танишсак яхши бўларди... Йигитнинг одамгарчилиги ва бошқа инсоний фазилатларига таҳсин айтиб, хайрлашиш асносида ундан нима иш қиласиз, деб сўрасак, “ҳозирча отамнинг ўғлиман”, дея лутф билан жавоб берди. Демак, ишламас экан. Аммо фикрлари теран, гаплари салмоқли, мағизли эди.

## **“ДУО ҚИЛИНГ, БИЗ ҲАМ ВАТАНГА ҚАЙТАЙЛИК...”**

Машинамизга тагин кўз тегди шекилли, энди афтоли камайиб кетибди. Яна ташвиш, яна ҳадик. Энди тезроқ Пешаворга етиб олиб таъмирлатиш зарур эди.

Шаҳардан чиқаверишда икки томонда, йўлдан анча нарида пастак тоғлар кўринарди, бир оз юрганимиздан кейин экинзорлар, экинсиз, дарахтзор майдонлар, далалар бошланди.

Қобулдан келадиган, Бобур Мирзо таърифлаган Синд Дарёсининг узун кўпригидан ўтяпмиз. Кўприкнинг чап тарафида дарёнинг тик лаби билан туташ қалъасимон кўҳна бир иншоот бор экан, тўхтаб, тасвирга олмоқчи эдик, кўприкда у ёқдан бу ёққа юриб турган қуролли соқчи мумкин эмас, деб рухсат бермади.

Йўл шиддатли тусда таъмирланыпти, кўприклар қуриляпти, озгина айланиб ўтиладиган ноқулайроқ бурилишлар ҳам иложи борича тўғриланмоқда эди.

Бир посёлка (бу иборани кўп ишлатишимизнинг боиси шундаки, асли у жойлар қишлоқсифат, лекин дўконлар кўплиги, бозор ва гузарларнинг гавжумлигига қараганда “қишлоқ” сўзи у қадар мос эмасдай туюлади) ҳудудида бир ғайри ҳолатдан кўп таажжубга тушдик. Йўлнинг икки юзидаги дўконларнинг деразаларига автомат, ҳар турли милтиқлар тикка қилиб териб қўйилибди. Наҳотки булар сотувга қўйилган бўлса? Албатта, бир қонунқоидаси, шартлари бўлса керак-ку-я!..

Яна гоҳ, сайхонликлар, гоҳ дарахтзор-ўрмонлар оралаб ўтиб, соат ўн бирларда Пешаворга кириб келдик ва шаҳар четроғидан қўноқ изладик. Биз бораётган катта, кенг кўчанинг икки бетида меҳмонхона кўп эди. «Амин» деган яхши меҳмонхонага жойлашдик. Раҳбар телефон орқали лохурлик дўстимиз ҳожи Абдужалилнинг танишлари билан боғланди. Тушликдан кейин Хайбар бозоридаги Маданий маркетни, ака-ука Соли Муҳаммад ва Муҳаммад Баширларни излаб топдик.

Муҳаммад Башир бизни бир устахонага бошлаб борди. У ердан уста олиб, яна Хайбар бозорига келдик ва бир дўкон-устахонадан машинага мотор (бу ёқларда “инжин” дейишаркан) гаплашдик. Бор, лекин эртага жума — дам олиш куни, дейишди. Хуллас, эрталабга дўкондор билан келишиб қўйилди-да, биз янги танишларимиз ҳузурига қайтдик.

Маданий маркетда ўзбеклар кўп эди. Уларнинг аксарияти Афғонистондан келиб қолишган экан.

— Афғонистонга қаердан, қандай келиб қолгансизлар? — деб сўраймиз.

Жавоблардан аён бўлишича, “қулоқ” қилинган ота-оналари асли Самарқанд ё Бухородан Туркманистонга, ундан Афғонистонга ўтишган экан. Уларни қисмат шу кўйларга солган эди.

— Қандай яхши-я! Сизлар ўз ватанингизда яшайсизлар, — деди Абдумажид деган йигит шу мавзуда гап кетганда.

— Ҳа, энди қайтсаларингиз бўлмайдими? — деб сўраймиз.

— Э, бизлар ватансизмиз, бизни қўймадилар, — деди у алампнок бир оҳангда. Ҳаммасидан ҳам унинг бизга йўл кўрсатиш учун извошда бирга келиб, меҳмонхонамиз олдида хайрлашаётиб Зокиржон акага “дуо қилинг, биз ҳам Ватанга қайтайлик”, дегани юракларимизни зириллатиб юборди.

Мен шунда ўзимизнинг нақадар бахтиёр эканлигимизни яна бир қарра, чуқурроқ ҳис қилдим. Андижон, Гуркуров манзаралари кўз олдидан ўтди, шу заҳотиёқ юртга қайтсагу,

деган зориқиш кечди кўнглимдан. Бу хаёл шу куни менга анчагача тинчлик бермади.

“Ватан” дегани, “она юрт соғинчи” нима, қандай тушунчалар ўзи? Туғилган жойни эъзозлашдан иборат ижтимоий масъуллик туйғусининг инъикосими? Ё шунчаки кўз ўрганиб қолган тупроққа, дарё ё анҳорларга, адирлик ё сайхонликларга — атроф табиатга меҳр-муҳаббат, яъни, шахсий ҳиссиётлар ҳосиласи ва силсиласими? Ё дилнинг ота-она, оила, фарзандлар, яхши кўни-қўшни, оқибатли қариндош-уруғ, кадрдон ёру дўстлар — кўнгили яқинларга талпинишими? Ёки мангуга бой берилган бойлик — беғубор, покиза, бокира болаликни қўмсаши? Ё шуларнинг барчасими?..

**Байт:**

**Саёҳатда роҳат кўп,  
бирок, юртни соғидим.  
Турфа олам, одат кўп,  
бирок юртни соғиндим.  
Ҳар сония, ҳар лаҳза  
дўсту ёр, дилраболар  
Кўздан ўтди ва лекин  
кўпроқ юртни соғиндим.**

## **БЕЧОРА БОЙ СИҒИНДИЛАР**

*17 ноябр, жума*

Эрталаб Маданий маркетга бориб турдик. Муҳаммад Башир билан машина устаси кеч келишди. Мотор сотадиган дўкондордан эса ҳамон дарак йўқ эди, уйига кўнғироқ, қилишди. Келди, лекин “бугун дам олиш куни, мен дўконни фақат бир соатга очишим мумкин, инжинни ишлатиб кўриш ва бошқа ишларга кўп вақт кетади, бунинг иложи йўқ”, деди. Хуллас, “Тойота” устахонага олиб бориладиган ва мотор тушириб туриладиган бўлди. Яна оворагарчилик, тагин ориқча ҳаражат!

Илҳомжон қолди. Бояқиш машина билан боғлиқ жабру жафоларни хўп тортадиган бўлди. Раҳбар меҳмонхонага кетди. Неъматилло, Фаррух — учовимиз Муҳаммад Шариф деган йигит (ота-бобоси асли Бухородан, ўзбек) ҳамроҳлигида шаҳар айландик. Шаҳарда боғ, хиёбон, бошқа кўнгили очадиган, томошабоп жойлар кўринмас, кўчалар асосан бозор, дўконлардан иборат эди. Совға-салом харид қилдик. Лоҳурдаги икки соатли бўш вақтни ҳисобга олмаганда совға-салом олишга фурсат ҳам, кайфият ҳам бўлмаётган эди.

Бозорларда нарса, ашёларнинг марказлаштирилиши, мувофиқлаштирилиши яхши экан. Масалан, бир кўча ё растада фақат машиналарнинг эҳтиёт қисмлари, мотор еру кўкка сиғмайди, бир ерда фақат видеомагнитофон, бошқа бир кўчада эса магнитофон кассеталари, гул кўчатлари ва ҳоказо...

Пешавор ҳам одам тиғиз, ҳаёт қайнаб ётган шаҳар эди. Йўловчи, транспорт мўл, шовқин-сурон, қийқириқ, сигнал кўп. Аҳолиси тахминан тўрт ярим милён, бир қисми Афғонистондан қочиб ўтган афғонлар эди. Муҳаммад Башир каби ватандан мосуво бўлиб, фақат пул топиб, умр кечириб мақсадида юрган мужовирлар ҳам халқнинг анча бир бўлагини ташкил этарди. Кўчаларда полисмен жуда сероб эди, лекин қонунлар унча қаттиқ эмас, дейишди. “Қочоқлар ва муҳожирларнинг паспортлари, бошпаналари йўқ, полиция тутса, қўлига “соққа”ни“ босишади-да, юраверишади», дейди Абдумажид. Ўз дўконларида ва бошқа жойларда яшашавераркан. Ижарага уй олиб ўтиришлари мумкин, лекин ўз номларига уй, дўкон сотиб олиш учун фуқаролик ҳуқуқлари йўқ.

Маданий маркет дегани — тўрт қаватли бино бўлиб, бу ерда ҳамма гилам тўқиш ва уни сотиш билан шуғулланаркан. Тўғрироғи, бошқа шаҳар ва юртлардан чала тўқилган гиламларни олиб келишиб, бу ерда ниҳоясига етказиб, буюртма ва ё чакана савдо орқали

пуллашаркан. Гидамлар чиройли эмас, жуда сифатли ҳам эмас, фақат табиий жундан, кўлда тўкилгани учун қиммат — 1 кв. метри 100 доллар атрофида экан!

— Пулни яхшигина топамиз, лекин кўпини ижара ва бошқа тўловларга улашамиз, — дейди Муҳаммад Башир. — Масалан, бизнинг ўзларимиз бир ойга уй, дўкон, омбухона учун минг доллар тўлаймиз. Қисқаси, пешаворликларга ишлаб берамиз.

Муҳаммад Баширнинг кийиниши (у ҳар куни соқолини қиртишлаб олар, ҳар куни ҳар хил ва тоза, фақат покистонча кийинарди), юриш-туриши ва гапларидан чаптаст, олифта ва ишбилармонлигини англаб олиш қийин эмас эди. Дўкондаги асосий ҳисоб-китоб ишларини ҳам Башир адо этар экан. У келишган ва бўйчангина эди, акаси Соли Муҳаммад эса ундан ҳам новча — икки метрча келар, юзини батамом қоплаган қоп-қора соқол-мўйлови ўта қалин ва қаттиқ, кийиниши ҳам, феъли ҳам инисига нисбатан анча содда, ҳатто тўпорикроқ кўринарди.

Маркетда етмиш-саксонни уриб қўйган мўйсафидлар ҳам юришарди. Улар ҳам бу элда омонат яшовчилар, ватан-юртларидан мосуво кекса муҳожирлар ё қочоқлар эди. Бечораларга раҳмингиз келади: мусофирлиги, сиғиндилиги шундоққина билиниб турибди. Уларнинг ҳам аксарияти уй-жойсиз, оиласиз экан. Ўз юрти, ўз Ватани бўлмаган кимса нақадар қашшоқ, нақадар бечора, нақадар ғариб-а!..

— Кичкина бўлса ҳам ўз оролинг бўлсин, деган инглизлар, — дейди Неъматилло.

— Бу ҳам “Ўз уйинг — ўлан тўшагинг” деган ўзбек мақолининг бузилган муқобили экан-да, — дейман яна профессорнинг ғашига тегиш учун.

Дарҳақиқат, мантиқан ғализ, ҳавойи гап, ахир ҳар бир одамнинг ўз ороли бўлиши мумкин эмас-ку. Мажоздаям ҳақиқатга сал яқинлик бўлиши керак-да. Ўзбек мақолининг кўймалигини қаранг:

“Ўз уйинг — ўлан тўшагинг”.

Лекин Неъматилло юқорида инглизларнинг яна бир мақолини келтирган, унинг ҳам мазмуни ҳозирги мақолга ҳамоҳанг эди: «Шарқми, Ғарбми — ўз уйинг бўлсин». Менинг наздимда бизнинг мақолимизда иккала инглиз мақолининг мазмуни мужассам.

Сиртдан караганда Муҳаммад Баширларнинг турмуши чакки эмас: яшаётган уйлари зўр, катта дўконлари бор, тагида Япониянинг яп-янги “Хонда” машинаси (АҚШ долларига ўн минг!)... Аммо олам-олам ўкинч, армон, ватансизлик дарди ич-бағирларида ҳамиша оғир бир тошдай осилиб, юракларини эзиб туради. Маҳаллий халқ тилида гапириб, шуларнинг коло — либосини кийиб, шуларнинг тутумини тутишга маҳкумдай тутадилар ўзларини. Абдужалил хожи, айниқса, ўғил уйлаб, қиз чиқаришлари жиддий муаммо, катта ташвиш эканлигини айтувди. Озчилик-да, ҳар доим ҳам муносиб келин ё куёв топилиши қийин, бундай ҳолатда қизларини Арабистон, Туркия ё бошқа олис юртлардаги қариндошларига беришга мажбур бўлишаркан. Тўй-маросимлари ҳам наридан-бери — чунки хешу ақраболар, кўнгил яқинлари кам. Оила, болалар билан шаҳар айланиб юришга хоҳиш ҳам, фурсат ҳам йўқ, тўғрироғи, кўнгилларига сиғмайди. Уларнинг бирдан-бир мақсади — пул топиш, яшаш, қашшоқлик тўрига тушиб қолмаслик. Чунки мусофирнинг қашшоқлашуви — энг оғир фожиа, унинг ўлиги ҳам хору сарсон бўлиши турган гап...

## ЮЗИНГНИ БИР КЎРАЙ, ТИЛАНЧИ ЖОНОН...

Тиланадиганларнинг аксарияти дуппа-дуруст одамлар. Улар орасида аёлларнинг кўплиги жуда аянчли. Йўлда кетаётган ё бирон дўкон олдида нимадир харид қилаётган ё шарбат ичаётган бўлсангиз, елкангиздан кимдир туртади. Ҳайрат ва ҳаяжон ичра ўгирилиб, орқангиздаги бутун танасио юз-кўзларини қора ридо ё бошқа рангдаги чодра ёпиб турган аёлга кўзингиз тушади. Дабдурустдан эсанкираб қоласиз, бу аёл мендан бирон гап сўрамоқчимикин ё кимгадир ўхшатаяптимикин, деб ўйлайсиз. “Ҳайр, садақа қилинг” деганидан кейин ўзингизга келасиз. Кўпинча улар индамай қўлини узатиб туришади. Баъзан икки-учтадан бўлиб келишади. Фақат, Ҳиндистондагидай бола кўтаргани кам. Улар тиланишса ҳам, умумий кийиниш қоидасини бузишмагани қизиқ: ҳарир чодранинг миҷжа

билан қош оралиғи, яъни кўз қисмининг майда тўр-катаклигини кўриб, унинг афғон эканлигини тахмин қилса бўлади (Покистонлик аёлларнинг тиланадигани жуда кам). Баъзиларнинг шаддодлигини шитоб ҳатти-ҳаракатларидан сезиш мумкин. Маркет айвонида бир ўзбек мўйсафид билан суҳбатлашиб турувдик, хаворанг ҳарир чодрали, бўйлари баробар уч жувон (ҳарқалай, қизлар эмасдир) ёнимизга келиб тиланишди (Уларга нисбатан бу сўзни ишлатиш ножоиздай туюлди менга, лекин на чора?). Биз ҳайрон бўлиб, елка қисдик. Бундайлар сероб, биттасига берсангиз, кўпайиб келишади. Шу ерликларнинг ўзлари ҳам садақа берманглар, деб тайинлаб туришади. Балки орийат қилишар...

Мўйсафиддан булар қаердан келишган экан, деб сўрадик. Жувонлардан бири “Афғонистон”, деди. Яна бир-икки қисқа савол-жавоб бўлди. (Уларнинг ёшини, ҳусни кўринишини чамалаш мушкул, ҳарқалай, қиз бола ҳам, катта ёшдаги аёл ҳам эмаслиги аниқ). Кейин саволимизга жавоб берган шаддод жувон мўйсафид орқали негадир бизнинг қаерданлигимизни сўради... Балки ватандошларимизмасмикин, деб гумонсирашгандир, балки бошқа сабаб... Дарвоқе “мулоқотимиз” аввалроғида ўз тилимизда “майда пулимиз йўқ”, десак, тушунишди. Бояги шаддодроғи чодраси остидан кўлини чиқариб, кафтидаги бир сиким майда пулларни кўрсатди ва ўз лаҳжаларида “майдалаб оламиз”, деди.

Биз “буларни эрлари боқмасмикин ё йўқмикин” деб майнавозчиликка ўтувдик, “хонзода”лар орийат қилишди чоғи, ё жаҳллари чиқдими, ерга теккудай узун этакларини ҳилпиратишиб зинадан юқори қаватга зипиллаб чиқиб кетишди...

Хуллас, машина билан боғлиқ диққатчилик ва қичишқоқнинг жонга озор етказётганини ҳисобга олмаганда, бошқаси жойида, янги олам, янги одатларни кўриш қизиқарли, завқли...

## “ВОЙ, БОШИМ...”, “ВОЙ, ЖОНИМ...”

*18 ноябр, шанба*

Пешаворга келганимиздан бери (аслида шунгача ҳам) «Афғонистонга ўтамизми, йўқми» деган масала кўндаланг бўлиб турарди. Бу муаммонинг ҳал этилиши вазиятга боғлиқ эди. Афғонистондан яқин орада ўтганлар ва бошқалардан ҳолатни, шарт-шароитни сўраб-суриштирдик. Аксарияти «Кобул ва Ҳирот томонлар ором (осойишталик), йўллар ҳам ёмон эмас, қайтага Кветта йўли хавфлироқ — қароқчилар бор», дейишади. Фақат Муҳаммад Башир Афғонистон ҳарқалай нотинч мамлакат, Кветта орқали Эронга ўтиб кета қолганларингиз дурустмикин, деган мулоҳазани билдирди.

Бугун эрталаб нонушта пайтида — ресторан-ошхонада яна қисқа муҳокама бўлди, машинамизнинг аҳволи ва Афғонистон йўлларининг носозлиги сабабли Кветта билан қайтишга келишилди. Албатта, бу раҳбарнинг қарори эди. Балки бу охириги тўхтаб эмасдир. Зокиржон ака, тўғриси бу масалани бизнинг (яъни экспедициянинг қолган тўрт аъзоси) ихтиёримизга қўйган эди. Фарруҳ билан Илҳомжон, юқорида эслатилганидай, Афғонистонда (Кобул, Қандаҳор, Ғазнида) бўлишган, шунинг учун уларга бу йўналиш ва шаҳарларнинг қизиғи йўқ, қолаверса, уларнинг кўнгли чопмас ва йўлнинг ҳароблигини ҳам алоҳида таъкидлашарди. «Уларнинг соқол қўйишдан бошқа тартиб ва талаблари ҳам кўп, кийиниш ҳам афғонларникига мос бўлиши керак», дейишарди.

Неъматилло иккимизнинг лоақал Кобулни, Бобур Мирзо боғлари, қабр-мақбараларини, у суйган Боғи Вафони бир кўриш орзуимиз бор эди... Аммо, начора... Лоҳурдаги улкан рекламада айтилганидай, раҳбар ҳамиша ҳақ...

Маслаҳат ва мўлжал бўйича машинамиз мотори ўрнига бозордан ишга яроқлиси олиб қўйиладиган ва биз тахминан соат 1-2 ларда йўлга чиқиб кетишимиз керак эди. Лекин ҳарид қилинган “инжин” яхши тушмади. «Гойота»миз аввалги йилларда чиққанлиги учун унга мос моторни топиш қийин эмиш.

Қисқаси, энди моторнинг “калла” (головка) қисми таъмирланадиган бўлди. Вални шилдириш учун заводга олиб кетишди, эҳтиёт қисмлар топиб келишди. Стартёр чатоқ экан, у ҳам, дизел помпа ҳам таъмирланмоқда. Умуман, машинамизнинг анча аъзолари қариган ва

ҳориган эди. Хуллас, Зокиржон аканинг кетишда, Лоҳурда «машина Ҳиндистонга ярайдими?» деган саволига Илҳомжоннинг бир оғиз «ярайди» деб берган жавоби жуда қимматга тушди. Лекин у кейин бунақа бўлишини қайдан билибди? У ҳам асакалик усталарга ишонган-да. Ўзи ҳам роса қийналди-ку...

Қичишқоқ-аллергиянинг ҳуружи азоб бермоқда. Неъматиллонинг тиши, бугун тушдан кейин Фарруҳнинг боши оғриб қолди.

— Оғримаган бир сиз қолдингиз, кўз тегмасин, — деди Зокиржон ака Илҳомжонга қараб. У ҳам бошда бир-икки кун енгил шамолладию, ҳайтовур тез ўтиб кетган эди.

Неъматиллода ҳам аллергия бошланди. Унинг воситасида икки кундан бери овқатларга қалампир солдирмасликка ҳаракат қиляпмиз. Лекин, бу юртларнинг ошпазлари қарғаниб қўйишган чоғи, хўп дейишадию, барибир ўша захри қотилдан озгина аралаштириб беришади. Кеча кечқурун бозордаги кабобчилар растасида гўшт ва жигар кабобхўрлик қилдик. Кабобларни сихдан ўтказиб, қалампирга булаб қўйишаркан. Таъми бузилсаям майли, деб ювдириб юбордик, лекин гармдори гўштнинг қат-қатига сингиб кетган экан, аччиғи йўқолмади.

Шу жойда ҳар хил шакл ва қалинликдаги нонларни кўриб, Андижоннинг бозор нонлари кўзимдан ўтди.

Кечки овқатга қўй гўшти олиб, ресторан қошидаги кабобпазда қалампир қўштирмай, ўзимиз тепасида қараб туриб пиширтдик. Сал қотириб юборганини ҳисобга олмаганда, яхши. Энг муҳими — аччиқ эмас. Ҳадиксирамай, ижирғанмай едик. Раҳбар иккимиз меҳмонхонамиздан беш-олти юз қадам наридаги бозорчадан салат учун помидор, бодринг, оқ редиска, лимон, пиёз, гулқарам баргидан олиб келдик.

Овқатдан кейин Неъматилло билан аллергияга қарши дори изладик. Ўзимиз биладиган (масалан, супрастин) дорилардан тополмадик, нотанишини олгимиз келмади. Марганцовкани дорихоначиларга тушунтиролмадик — афтидан бунақа нарса йўқ эди.

Ўчакишгандай, қатиқ кам бўлар экан. Бунинг устига профессор—таржимонимиз наманганликлар таъбига зид ўлароқ, умуман оқликни хуш кўрмас эди, овқат буюраётганида қатиқ сўраб кўрингчи, десам, эшитмаганга олади ё «йўқ экан» деб қўя қолади.

## БУ НЕ ҲАЁТ?..

*19 ноябр, якшанба*

Каллаи саҳарлаб яна Маданий маркетга бордик. Башир билан шу ерда учрашмоқчи эдик. Унинг дарағи йўқ эди. Кутиб, ўтган-кетганларни, атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турдик.

Бир юк машина келиб, Маркет олдидаги баландроқ очиқ сайҳонга тисарилиб чиқа бошлади. Соат саккизлар эди. Узоқдан икки-уч кишининг шу томонга шитоб, ҳатто чопиб келишаётганини кўриб қолдим. Бир зумда майдонда беш-олти одам ҳозир бўлди, улар орқага ўтишиб, кўзларини машина ичига тикишганча, бесаранжом бўлиб туришди.

Машинадан гилам тушириш керак экан. Энтикиб турганлар ҳаммоллар эди. Олти киши гиламларни елкаларида юқори қаватга йигирма дақиқача ташишди. Улар жуда илдам ҳаракат қилишарди. Бир-иккитаси шиппақларини ҳам ечиб, ялангоёқ бўлиб олишганди. Зиналардан қайтиб тушишаётиб, «юк тугаб қолмадимикин», деган хавотир билан машинадан кўз узишмасди. Бир соатлик иш ҳақи 100 рупий экан.

Улар терлаб-пишиб кетишган эди.

Булар фақат қорин тўйғазиш учун юришади...

Улар ота-оналарининг аччиқ қисмати ёки ватангадоликлари жабрини тортаётган кимсалар эди.

Башир каби, мана шу оддий ҳаммоллар ҳам покистонча кийимда юришгани учун дабдурустан уларнинг қайси миллатга мансублигини ажратиб олиш қийин эди. Улар, менимча, икки сабаб билан — шу юртнинг умумий тартиб-қоида, урфларига риоя қилишга

ўзларини бурчли санашгани ёки кўзга алоҳида ташланмаслик учун маҳаллийча кийинишса керак.

Покистон аёллари чодрани шундоқ бурунлари устидан тортиб, елкаларига ташлаб юришарди. Чодра сидирилиб тушиб кетмаганига ва бечораларнинг нафаслари қайтиб, сиқилмаганига ҳайрон бўласиз. Кўйлак тепасидан аксарият қора чодра солиб олишади. Чодранинг олди бари қорин-киндик атрофида, қўлини ўша жойдан, яъни чодра остидан чиқариб ишлатишади. Уларнинг фақат бурни билан кўзларигина очик. Лекин тутқун каби ридою ниқобга ўралган қиз-жувонларнинг феъл-атвори, номаи аъмоли, ҳусну малоҳати, жозибаси, хатти-ҳаракатларининг мазмуни ана шу қора кўзларга жамлангандай эди...

Ниҳоят, Башир, усталар келишди. Улар билан Хайбар мавзеидаги эҳтиёт қисмлар бозорига бордик. Бу ердаги темир-терсакнинг кўплигидан кўнглингиз озади, аксарият Афғонистондан, жанг пайтларида портлаб ё ағанаб кетиб эгасиз қолган ва бошқа турли сабабларга кўра «майдалаб», бўлакларга бўлиб олинган ҳар хил русумдаги енгил ва юк машиналарининг «ички аъзолари» экан.

Керакли нарсалар олингач, раҳбар билан Илҳомжон устахонага кетишди. Неъматилло иккимиз бир оз кўча айлангач, меҳмонхонага қайтиб, хуноб бўлиб, «Гойота»ни юргизиб келишларини кутиб ўтирдик. Бугун ҳам қолиб кетмасак эди...

## ХАЙР, ПЕШАВОР!..

Хайрият, соат тўртларда келишди. Тайёр бўлиб турган эдик, юк-тақларни апил-тапил олиб тушдик, ресторан ва меҳмонхона билан ҳисоб-китоб қилиб, йўлни узоқ суриштириб, жўнадик. Пешавордан орқага — Ҳасан Абдол томонга қараб юрдик. Шунча суриштирадик ҳам, барибир адашиб, Кўхатга буриладиган жойдан ўтиб кетибмиз. Йигирма беш чақиримча масофадан қайтдик. Хуллас, Пешавордан чиқиб кетишимиз кийин бўлди. Чунки, бу шаҳаргача у орқали Кобулга ўтмоқчи, Бобур Мирзо қабрларини зиёрат қилмоқчи бўлиб келган эдик...

Бу ёқда қабристон ва қабрлар жуда кўп эди. Ҳатто катта кўча ёнидаги дўконлар ёнида, йўлак (тротуар)ларда ҳам қабр тошлари бор эди.

— Бангладеш, Ҳиндистонда ўлганларни ҳам шу томонга олиб келиб кўмишади шекилли, — деб кулдик.

Ўттиз чақиримчадан кейин доvon бошланди, афсуски, қоронғи тушиб қолган эди, бу гўзал жойларни яхши кўролмадик. Билъакс, доvonда жангир-жунгир қилиб юрадиган сандиқ-машиналар жонга тегди — улар кўп ва тез юрарди. Бурилишларда дафъатан кўзга ташланган кабина айвони ваҳимали кўринар, тор жойларда улар билан қисилишиб ўтишга, йўл бўшатиб туришга тўғри келарди.

Кўхатдан чиқишда, кечаси соат ўн бирларда кўча ошхонасида тамадди қилдик. Қандайдир қовурилган гўшт бор экан, ниманики эканлигини билолмай бўғилдик. Ошхонадагилар (ёш йигитлар эди), ўткинчи ҳайдовчилар инглизчани ҳам, форсчани ҳам билишмас эди. «Бақара гўштлими?» десак, ошпаз “ҳа”, деди, лекин қовурға суяги майда эди. «Гўсфандми?» деб сўрасак ҳам «ҳа» дейишади. «Эчкими — соқоли бор?..» деб имо-ишора қилсак, кулишади. Улар ҳам имо-ишора билан «шохи бор, соғилади» деб тушунтиришади. Хуллас, бир ликоб гўшздан баъзиларимиз бир-икки тўғрамдан татидигу, эртага иш кўрсатиб юрмайлик, деб чевати, ўзимизнинг консервамиз билан чой ичиб кўя қолдик.

Соат тунги бир яримда Дхан деган шаҳарчада «Ровуз» («Атиргул») меҳмонхонасида тўхтадик.

Аллергия ҳамон ҳуружда, энди тухум ҳам емай кўйдим...

Ўша кунлари қалампир дегани шунақа бўлса, қайтиб рангига қарамайин, отиниям атамайин, деб аҳд қилардим. Аммо нафси балони тизгинлаш чиндан-да амри маҳол экан.

*20 ноябр, душанба*

Кеч ётган бўлишимизга қарамай, соат беш яримда турдик. Зокиржон ака билан Андижон адабиёти, Тўлан Низом, Исмоил Тўлақлар ижоди ҳақида гаплашиб, кетиш режаларини тузиб ўтирдик. Кветтага эртароқ етиб борсак, бир ошми, шўрвами, қовурмами пиширишни кўнгилга тугдик.

Меҳмонхонанинг ресторанидан озиқ-овқатлар, майда-чуйдаларни ташқарига олиб чиқиб, ажриқзор хиёбончада ўтирсак, бир жувон тиланиб келди. Тухум берсак, бош тебратади, сарёғ, нон берсак олмай, қўлидаги пулни кўрсатиб, шундан беринглар, деб имо қилади. Ё, тавба, ахир пулгаям мана шунақа емиш олар-да, ё қолган овқатларни беришяпти, деб нозик таъблари тортмаяптимикин, деймиз...

Йўл-йўлакай тўхтаб, суриштириб кетяпмиз. Кўплар биз сўраган шаҳар ё йўлни билишмайди, билганлари ҳам яхши тушунтириб беришолмайди.

Далалар, ярим саҳро, қумлиқлардан ўтяпмиз.

Томи ясси, лойсувоқ, ғиштли уйлар кўп...

Паст бўйли, тарвақайлаб ўсадиган, наъматаксимон ўсимлик қоплаган чўл...

Йўл ёмон эмас, боз яхшиланяпти: пастлик жойлар кўтарилиб, кўприклар қуриляпти, эгри жойлар тўғриланмоқда.

Экинсиз ерлар ўзлаштириляпти, янги уйлар, янги маҳаллалар пайдо бўляпти. Лекин уйлар ғалати: чоккина кўрғон, унинг бир бурчагида лойсувоқ кулба, уларнинг дарчалари бор, деразаси йўк...

Покистон замини ҳам бепоён экан (майдони Ўзбекистонникига қарийб икки баробар). Бир вақтлар Ҳиндистон жуда катта мамлакат бўлган экан-да: Покистон ҳам, Бангладеш ҳам унинг таркибида бўлган-а! Шундай улкан, чексиз-чегарасиз ҳудудда бобурийлар уч асрдан зиёд ҳукмронлик қилишган-а...

Қадрдон манзара — пахтазор ҳам чиқиб қолди. Аёллар, қизлар пахта теришяпти. Барг, новдаларининг нафислигига қараганда ингичка толали бўлса керак.

Бита-иккита палмалар кўрина бошлади. Катта-катта майдонлар пол қилиниб, шоли экишга тайёрлаб қўйилган эди.

Дараи Ғозихонага етганимизда Пешавордан олти юз км. юрган, Лўралай шаҳрига 280 қақирим қолган эди. Кветтагача кимдир беш юз, бошқаси тўрт юз км. бор, дейишарди.

Онда-сонда мактаблар, ерда ўтириб дарс тинглаётган ўқувчилар кўзга чалиниб турарди.

## ТАНИШ ЙЎЛЛАР, ҲАЙБАТЛИ ДОВОНЛАР

Жуда Ҳиндистондагичалик эмас-ку, ҳарқалай, обод деб бўлмайдиган шаҳарчалардан ўтяпмиз. Қассобларнинг гўштни оёқ панжалари орасига тикка қистириб олган пичоқда кесишини ҳисобга олмаганда, Пешавор анча маданиятли, саришта ва маъқул эди.

Поёнсиз сайхонликларда тош тўплаб юрганлар кўп эди. Бу яқин-атрофда тошдан қурилган пойдевор ё иморат йўқ-ку, сотишармикин деймиз.

Узоқларда адирсимон ясси тоғлар кўриниб қолди. Кейин адирлар йўлга яқинлашиб, баланд тоғларга улана борди ва бирдан ўтган сафар шўрва пишириб ичган жойимиздан чиқиб қолдик. Шундан кейин мен сафарноманинг биринчи китоби «Ҳинд сорига»да «Хайбар довони» деб атаган, ҳайбатли тоғлардан иборат ваҳимали довон бошланарди. Ҳа, мен бу довонни оғзаки маълумотларга суяниб, чалкаштириб юборган эканман. Аслида “Бобурнома”да тилга олинган Хайбар довони Кобул билан Пешавор ўртасида бўлиб, мана бу жой Форт Манру гидроси, довон остонаси ва атрофи эса Сулаймон текислиги дейиларкан. Умуман олганда, бу қитъада Хайбар атамаси анча кенг тарқалган экан, шу сўз билан номланган бир неча жойдан ўтдик. Балки бу ер ҳам маҳаллий халқ ичида Хайбар деб юритилар, лекин, қандай бўлган тақдирда ҳам муҳтарам китобхонларнинг бир қошиқ қонимдан ўтишларини ўтинаман. Шу муносабат билан яна таъкидлаш лозимки, манба, далилларнинг ҳаққонийлиги борасида илмиятга ва қатъиятга даъвогар эмасман, бу менинг мақсадим ҳам эмас, ёзмишларим эсдаликлар, хотиралар ва айрим мулоҳазалар, холос.



Довонга кўтарилишдан ҳам кўра пастга тушиш машаққатли эди, чунки йўлнинг бу томони тор, битта машина сиғарди. Рўпарадан машина келиб қолса, орқага тисарилиб бўлмайди.

Мана шундай овлоқ, баланд ва ваҳимали довоннинг қиршовларида, биқинларида ҳам яккам-дуккам уйлар бор эди. Демак, одамзот яшаяпти!.. Тавба, бу нима, ҳавасикин? Маҳалла-қуйсиз, қариндош-уруғсиз, бозор-гузарсиз қийналишмасмикин, зерикарлимасмикин?.. Дашту биёбонлардаги, мана бу довонлардаги оилаларнинг фарзандлари қаерда ўқишаркин, умуман ўқишармикин, деган мулоҳаза ҳаёлимдан ўтади.

Довон юқорисида, ўтган гал биз тунаб қолган катта майдондаги одамлар билан гавжум очиқ меҳмонхоналар йўқ, файзсиз эди. Бир оз юриб жигарранг тошлар тўнғак-тўнғак бўлиб турган сайхонликдан чиқдик. Аввалги сафар шу ерда бир оз ҳордиқ ёзиб, атрофни томоша қилиб эдик. Зокиржон ака тошларнинг геологик хусусиятлари ҳақида гапириб берувди. Мен курсисимон, юзаси ясси бир тошда ўтириб, хотираларни қоғозга туширган ва мана шу ҳолатларни раҳматли Тўлқин ака Рўзиев кинога олган эди («Бобурийлар изидан» ҳужжатли-оммабоп фильмида бор). Мен нигоҳим билан ўша кадрдон тошни изладим, лекин топишга улгурмадим, ўтиб кетиб қолдик. Бироқ, шу жой баҳона, Тўлқин акани, унинг олижаноб фазилатларини эслашдик.

Ўн чақиримчадан кейин дарахтларнинг барглари сарғимтирроқ гўзал водий бошланди. Кимсасиз далаларда ранго-ранг буталар, экинлар ўсиб ётарди.

Биз аввал юрган ва ҳозир ўтаётган довонлар, йўлларнинг икки ёни шундай манзара ва ҳолатлардан, суратлардан иборатки, бу жойлардан ўн марта ўтилса ўн хил таассурот олиш, ўн хил тасвирлаш мумкин эди.

Кеча кечаси машинамизнинг чироқлари ёнмай қолиб, Илҳомжон кўп уринишлардан кейин «прямой» қилиб қўйган эди. Рокни деган шаҳарчада тўхтаб, устага кўрсатдик. Чироқнинг «реле»си куйган, йўл-йўлакай дўконлар ва устахоналардан қидириб тополмаган эдик. Уста релени алмаштирди, лекин у ҳам эски эди.

Гира-шира бўлиб қолувди, кўп юрмай, чироқ яна ёнмай қўйди. Илҳомжон анча уринди, бўлмади. Росмана қоронғи тушди. Таҳликали дара йўлининг икки томони ўскин, қалин юлғин ва бошқа тоғ дарахтлари, ўсимликларида иборат эди. Нарироқда хўмрайиб турган баланд, маҳобатли тоғлар кўзга ташланади. Машиналар секинлаб, ичидаги соқол-мўйловлари ўскин одамлар бизга қараб ўтишади, тўхтаб ҳол сўрашади, ёрдам керакмасми, дейишади. Бизнинг кўнглимизга эса шубҳали ўйлар келади. Кимсасиз, овлоқ жойдамиз. Йўловчилар бегона. Шу ҳудудда қароқчилар бор, деб огоҳлантиришган... Кундузи бир «Тойота» биз билан изма-из кўп юрган, тушлик қилган еримизда улар ҳам тўхташиб, бизга аллақандай овқатни кўрсатишган, фикримизча, бизни гапга солмоқчи бўлишган эди...

Хуллас, олға юришнинг иложи йўқ, беҳуда уринаверишдан ҳам маъно йўқ, ҳам хавфли эди, орқага қайтдик.

Анча юриб қўйган эканмиз. Шабкўр машинанинг ён ва «авария» чироқларини ёқиб, майда қадамлаб, ярим соатларда Рокнига етдик ва уста (электрик)ни изладик. У ҳуфтон намозига кетган экан. Соат етти ярим бўлган эди, демак, икки соатда қайтиб келибмиз. Устани анча кутдик. Келди ва яна бир амаллаб тузатди. Лекин энди кеч бўлган эди, шу жойда тунаб қолишга қарор қилдик.

Ошхонада товуқ пиширтдик. Одам йиғила бошлади, нарироқдаги ошпазлари кетишган, кимсасиз ошхонага бориб ўтирсак, у ерга ҳам бир тўдаси боришди. Учинчи жойга кўчдик. Ҳангоматалаблар (асосан ёшлар, ўсмирлар) яна тўпланишятувди, Неъматилло инглиз тилида пўписа қилди, Фаррух форсчани биладиганига тушунтириб, шерикларини яхшилик билан олиб кетишини сўради. Буларга ҳайронсиз: қизиқишми, фаросатсизликми, овқатланаётсангиз, яқин келиб томоша қилиб туришади! Худди хорижийлар таомни улардан бошқача ейишадигандай...

Бу жой каттароқ бир қишлоқ бўлишига қарамай, махсус кичкинагина телефонхонаси бор эди. Зокиржон ака ва Неъматилло уйларига қўнғироқ қилишиб, мириқиб гаплашишди. Кейин шу телефонхонада орттирилган янги танишлар ёрдамида бир ташкилотга қарашли меҳмонхонага ўрнашдик.

Кўноқхонада пашша, яъни чивин бисёр сероб эди. Раҳбар иккимиз (бир хонада эдик) митти, лекин ўткир тигли рақиблар билан омонсиз жанг қилдик. Баланд шифт ҳам, кенг деворлар ҳам бир энлик чанг эди. Пашшаларни-ку батамом қириб-битирилмадик, албатта, лекин анча-мунча чанг ютдик...

**21 ноябр, сешанба**

Соат 5да жўнадик. Қоронғи ва ҳамон ваҳимали эди. Рўпарадан сандиқ машиналар саф-саф бўлиб келишади. Афтидан уларнинг ҳайдовчилари ҳам хавф-хатарли дара бўсағасида тунашиб, азонда йўлга чиқишган эди. Биз уларнинг ҳар бирига йўл бўшатиб, чеккага чиқиб турардик. Чунки машинамиз ихчам ва енгил, ўзимиз мусофир эдик...

Кечқурун ўн саккиз ярим километрдан қайтган эканмиз.

Бодомзорлар, сабзи, карам полизлари, боғлар, қабрлар, тошлоқлар, сувсиз ўзанлар ёнидан ўтиб боряпмиз. Онда-сонда чодирлар, туялар учрайди. Қуриётган бодом дарахтларини кўриб ачинамиз, беҳисоб қабрларга қараб ўйга толамиз...

Қабрлар устига шағал тўкилган, япалоқ, тош ё мар-мар синиқлари тикка қилиб санчиб қўйилган эди.

Катта-катта, гектар-гектар майдонлардаги олма ва бошқа мевали дарахт кўчатларининг барглари совуқ ургандай бужмайиб қолган — бу нохуш манзара сувсизликнинг қандай оқибатларга олиб боришини кўрсатиб турарди. Лекин сўспайган сарв дарахтлари ям-яшил эди.

Йўлларда, якка-дука хонадонлар атрофида аёллар ва болалар кам эди. Пешавордан бу ёғида бир марта ерда ўтириб ўқишаётган ўқувчиларни кўрдик.

Борар манзилимиз узоқлашиб кетгандай, зерика бошладик. Тўғриси, бу зерикиш эмас, она юрт соғинчининг аломати бўлган безовталиқ, юракнинг талпиниши эди. Масофа кўрсаткичлари ҳам чалкаш-чулкаш: дам камайиб, дам ошиб қоларди. Ниҳоят, намози асрларда Кветтага келиб, «Зулфиқор» номлиғ меҳмонхонага жойлашдик (Зокиржон ака, Фаррух, Илҳомжонлар ўтган галги сафарларида ҳам шу манзилда қўнишган экан). Шаҳарга кираверишда, одатдагидай, раҳбаримиз ташаббуси билан бозорлик қилган эдик, меҳмонхонанинг ресторан-ошхонасида палов пиширдик. Неъматилло шундоқ исломий таъқиқли юрт шаҳрида ҳам қаёқдандир «дезинфекция» ашёсининг асил рус нухасидан олиб келди...

Ошдан кейин икки-учтадан бўлиб, меҳмонхонамиздан наридаги мавзе дўконларини айландик. Раҳбар билан набираларга майда-чуйда харид қилиб, қайтаётиб, бир ошхона олдида беихтиёр тўхтаб қолдик. Кўмирнинг уюм-уюм чўғида сихга ўтказилган йирик-йирик товуклар бутунича кабобдай пиширилмоқда эди: йўғон сихни оҳиста айлантириб туришарди. Гўштнинг ранги тиниқ, кип-қизил товланиб, меъдаси ҳар қанча тўқ одамнинг карахт иштаҳасини ҳам кўзгаб, уйғотиб юборарди. Бизниям жуда ҳавасимиз келди ва навбат кутиб, бир жуфтини ёғлиқ қатламасимон чепотиларга ўратиб олдик.

**22 ноябр, чоршанба**

Йўлга чиқдик.

Чегара-пост — Тафтангача 661 км. эди.

Йўл таъмирланибди. Чўл, сахро, адирлар, тоғлар оралаб келяпмиз. Одам кам, дов-дарахт, ўсимлик йўқ, сув йўқ...

Онда-сонда йўл бўйида ё анча ичкарида яккам-дукам пастак, лой томлар, қўй подалари, йўл созловчилар, батамом ёпинчиқда юрган битта-иккита аёллар учрайди.

— Уларни ким кўриб қоляптийкин, — дейди Неъматилло.

Дарҳақиқат, бу хотин-қизларда бегона эркак йўқ жой ва пайтларда очиқ юриш ҳам мумкиндир, деган тушунчанинг ўзи йўқ шекилли. Бояқишлар дунёга, бошқа... эркакларга очиқ кўз билан қарашни хоҳлашмасмикин, юраклари сиқилиб кетмасмикин. . .

Иттифоқо рўпарада, биздан анча узоқда суви жимираб турган кўл пайдо бўлди, лекин биз билан бирга кўл ҳам юриб бораётганга ўхшар, орамиздаги масофа ҳеч қисқармас эди.

Бирдан кўл бир неча бўлакка бўлиниб кетгандай ҳар ер — ҳар ерда жимирлай бошлади. Кейин билсак, у сароб экан...

Кветта билан Тафтан ўртасида анча шаҳарлар бор эди, лекин йўл уларни четлаб ўтарди, кириб кўриш, томоша қилишга фурсат ҳам, хоҳиш ҳам йўқ эди. Биз энди тезроқ Покистон ҳудудидан Эрон мамлакатига ўтиб олишга ошиқардик.

**Байт:**

***Кветтадан саҳар эилдик Тафтанга,  
Шаҳарларни кўролмадик, аттанг-га.  
Ғилдиракнинг айланиши дилга ҳуш,  
Қадам-қадам интиляпмиз Ватанга.***

Ватанга қайтишда уйқунг ҳам ўчиб кетаркан. Бунинг устига раҳбар кундузи йўлда ухламас, шунинг учун биз ҳам ёнбошлашга истиҳола қилиб, ўтирганча кечкиртирардик.

Йўл яхши, машина, кўз тегмасин, шиддат билан юриб турибди. Тушликка йигирма беш дақиқа вақт сарфладик — товукнинг қолган биттасини йўл-йўлакай ҳузур билан саранжомладик.

Шундай қилиб, соат кеч беш яримда етти юз чақирим (йўл кўрсаткичларидаги рақамлар билан машинанинг масофа ўлчагичи мос келмади) масофани босиб ўтиб, Тафтанга, Покистоннинг чегарахонасига етиб келдик. У ердан ишимиз осон битиб, қисқа фурсатда чиқдик, Эроннинг ҳам фуқароларни расмийлаштириш бўлиmidан тезгина ўтдигу, юкларни текширадиган божхонада тўхтаб қолдик. Божхонанинг ярми шу гумруххонада, асосий идораси ўн беш чақиримча наридаги Миржавех деган шаҳарчада экан. Улар соат иккигача ишлашаркан. Хуллас, гумруххона ўрамидаги меҳмонхонада тунайдиган бўлдик.

## ЭРОН

### Эҳ божхона, эгов божхона!..

Йўл—йўлакай Эрон божхонаси биз ўтган мамлакалардаги хирожхоналар ичра энг ишкали, деб келинган эди, бунга ўзимиз яна бир карра амин бўлдик. Бу ерда расмиятчилик кучли экан. Аввалги сафарлар пайтида ҳам шундай оворагарчилик, кутиш, хунобгарчиликларни бошдан кечирган эдик.

23 ноябр, пайшанба

Божхонада кутяпмиз. Неъматилло билан Фарруҳ бири инглизчалаб, бири форсчалаб гумрухчиларга гал уқдиришга ҳаракат килишяпти. Яна “корнет” муаммоси кўндаланг турди. Илгари бу ердан кўп ўтганмиз, десак, ишонишмайди. “Бобурийнома”, “Ҳинд сориға” китобларидаги Эрон билан боғлиқ суратларни кўрсатамиз, лавҳалар ўқиб, таржима килиб, изоҳлаб берамиз. Эрон шаҳарларида бўлганлигимизни тасдиқловчи далиллар келтиришга уринамиз. Ниҳоят, инсоф бергурлар ҳужжатларни расмийлаштиришга киришдилар. Соат саккиздан ўн яримгача ўн варақ қоғозни тўлдиришди азаматлар. Кейин ўн беш доллар тўлаш лозимлигини айтишди. Неъматилло билан Фарруҳ йўловчи машинада кетишди. Пул оладиган маҳкамани беш чақиримча нарида дейишган эди, бир соатдан ошяпти, Фарруҳлардан дарак йўқ кутяпмиз. Юрамиз, ўтирамиз, юрамиз. Мен хаёлан куйидаги сатрларни битаман:

*Яхши даму яхшиларни кутган яхши,  
Кутиш азобларин унутган яхши.  
Нохушлигу нохушларни кутгандан кўра,  
Қонми, ундан баттарини ютган яхши.*

\*\*\*

*Шамол каби елган эдик Эронга,  
Дилдан баҳо берган эдик Эронга.  
Юртимизнинг шаббодаси яқин деб,  
Кўкрак кериб келган эдик Эронга.*

*Бир туну кун сарсон қилди божхонаси,  
Паиша билан меҳмон қилди божхонаси.  
Айтмай асил муддаосин, бош чайқашар,  
Юракларни хўп қон қилди божхонаси.*

Ҳинд ва Покистон одамлари ишонувчан, эронийлар шубҳаланувчан экан, деган фикр туғилди менда.

Шунча вақтдан кейин Фарруҳ таксида келиб, раҳбарнинг паспортини, машинанинг ҳужжатларини олиб (уларни нусхалатиб топшириш керак экан), яна кетди.

— Шундай бўлади деб кўнглимга келиб турувди ўзи, — деди Зокиржон ака.

Соат ўн икки яримларда келишди ва ичкарига кириб кетишди. Яна кутяпмиз. Фарруҳ бечора анча эсанкираб қолди. Югуриб-югуриб юрибди (Эрон худудига ўтиш билан у таржимонлик мансабига кўтарилган эди).

Ниҳоят, машинадаги юкларни бир-бир туширтириб текширишди. Кийимларни титиб кўриб “нечтадан?” деб сўрашади. (Бир хил либос ва бошқа нарсани, уларнинг тартиб-қоидаси бўйича тўрттадан ортиқ олиб ўтиш мумкин эмас — бу савдогарликка кирар ва алоҳида божга тортилар экан).

— Хужжатлар нусхалари билан юз қоғозча бўлди-ёв, — деди Неъматилло, — яхшики, ўзлари ҳам қоғозбоз эканликларини билишаркан.

Соат иккиларда божхона-кожхонадан жўнаб (енгил нафас олиб), дарвозахонага бориб эдик, у ерда ҳам тўхтатишди. Божхонада тайёрланган хужжатларнинг асосийларидан бир нусхадан беришган эди, икки киши бири қўйиб, бири синчиклаб текширишгач, бизга ҳам мана шуларнинг ҳаммасидан биттадан бериб кетасизлар, деб орқага қайтаришди ва қаерда кўчиртиришимизни ҳам тушунтиришди. Нусха чиқарадиган ускуна «божхона»нинг кўп қаватли, маҳобатли маъмурий биносида эди. Неъматилло билан Фарруҳ кириб кетишди (бу машмашалардан мақсад, назаримда фақат пул ишлаш, чегарадан ўтувчи муҳожир-мусофирларни шилиш эди).

Қолганларимиз машинада яна ғижиниб, ғудраниб ўтирибмиз. Бисотимизда Покистоннинг апелсин, олмаларидан бор эди, биттадан тишга босдик. Шунчаки кож эмас, эгов экан бу Эрон божхонаси...

Аслида мен дикқат бўлмай, хотиржам ўтираверсам бўларди. Чунки бошқаларга нисбатан энг кам заҳмат чекадигани камина эди. Зокиржон ака — раҳбар, ҳамма ишга масъул, унинг ташвишига қолган тўрт кишиники ҳам қўшилади. Илҳомжон, ҳар замонда раҳбарнинг дам бериб туришини ҳисобга олмаганда, кечасию кундузи рўлда, улловимизнинг бор нағмаю истиғноларини кўтариш мажбурияти унинг бўйнида. Неъматилло... у шу пайтгача ҳамма жойда меҳмонхонага ҳам, ошхонага ҳам чопган ўша. Фарруҳнинг елкасида доим зилдай камера, ёнбошида аккумулятору кассеталар солинган оғир халтача, кеча кечкурундан бошлаб тилмоч сифатида ҳам югуриб-елмоқда. Фақат менинг муайян вазифам йўқ, энг оғир юмушим — хотираларни, кўрган-билган эшитганларимни қоғозга туширмоқдан иборат... Шундайликка шундайку-я, лекин қуюнувчанлик, бетоқатлик барча жумлаи мўминлар қатори, бу фақирга ҳам хос-да...

Йўлга тушгач, қўнғимиз хийла равшан тортди. Ўша-ўша, сувдай текис, кенг, бежирим, саришта кўчалар...

Саксон саккиз км. масофани ҳаш-паш дегунча босиб, Зоҳидонга кириб келдик (катта йўлдан ўн беш чақиримча ичкарида эди). Шаҳар кўчалари аввалгидай озода ва обод, дўконларида нарса бисёр ва тоза...

Ўтган сафар Эрон кабобларининг таъми оғзимизда қолган эди. Тушлик билан кечкурунликни бир қилиб, лўла ва жигар кабобга тўйдик, хузурландик, божхонадаги нохушлигу хунобгарчиликлар кўз олдимиздан, хаёлимиздан узоқлашди (Ва лекин, яхши таомнинг зиёни уни кўп еб қўйишда, деганларидай, тановулдан кейиноқ машинага ўтирамыз, пиёда юриш кам, ҳаракат йўқ ҳисоби, қоринлар ҳам чиқиб бородир).

Зоҳидонда амалга оширган зўр тадбиру хайрли ишимиз шу бўлди.

Дўкон айланмадик.

Қайтиб катта йўлга чиққанимизда қоронғу тушган эди. Тўрт юз км. юриб чоғроқ шаҳарга кирдик. Бир мусофирхона топдик, лекин берк эди. Маҳаллий йигитлар ёрдамида қўноқхона эшигини роса тақиллатиб, қўнғироғини босдик. Анчадан кейин иккинчи қаватдаги хоналардан бирида чироқ ёнди (соат саккиздаёк гумдон бўлиб олишганини!) ва мардуми ғофиллардан бири уйқусираб эшикни очди. Неъматилло билан Фарруҳ хоналарни кўриб, қайтиб тушишди, маъкул эмас, дейишди. Машина қўядиган жой ҳам чатоқ эди.

Ўйлаб-ўйлаб, йўлда давом этишга қарор қилдик. Деразадан урган оқшом изғиринида Илҳомжоннинг бўйни билан бир елкаси шамоллаган, оғримокда эди. Рўлга раҳбар ўтирди.

**АЛВИДО, СОҚОЛ!..**

Соат тунги ўн иккиларда Биржан деган шаҳарга кирдик (бу ҳам катта йўлдан анча ичкарида эди). Меҳмонхона излаб, ундан-бундан сўраб турсак, усти очик енгил «Тойота» машинаси ёнимизга келиб тўхтади-да, икки киши тушиб, биздан хужжат кўрсатишимизни талаб қилди.

— Сизлар ўзи кимсизлар? — баланд келди Зокиржон ака.

— Биз маъмурмиз, — деди улардан бири ва паспортларимизни кўздан кечиргач, бизни «Муқаддам» отлик меҳмонхонага бошлаб боришди. Эшикни тақиллатиб, очтиришиб, бизга жой кераклигини айтишди. Меҳмонхона оғаси хорижийлар долларда тўлашади, деган эди, «меzbонлар»имиз «йўқ, булардан Эрон пули олаверасиз», деб тайинлашди ва бизга омонлик тилаб («Худо ҳофиз» дейишиб) хайрлашиб кетишди.

Мана бунақа маъмурлар ҳам бўлар экан!

Биз бўлсак, суриштиришга нима ҳаққингиз бор, деб уларни ёқасидан олишга сал қолибмиз.

Машинада анча совқотган эдик, яхши, хоналар иссиқ экан, илиқ сувли душда чўмилиб роҳат қилдик. Соат ўн икки ярим, Ўзбекистон вақти билан икки эди.

*24 ноябр, жума*

Кеч ётишимизга қарамай, соат олтида уйғондик. Асли, хотиржам, тўйиб ухламоқчи эдик, лекин барвақт туришга кўникиб қолганимизданми ё ватанга яқинлашаётганимиз учун тетиклашиб бораётганимизданми, ҳатто «ёшлар» ҳам (шерикларимиз ҳақида гап кетса, бошлиқ уларни шу ибора билан атарди) эрта туриб олишибди (бунақа одатлари йўқ эди).

Мен ўйлаб-ўйлаб, шу ерда соқол билан видолашишга қарор қилдим. Фақат ҳозирча мўйловни қолдирдим (Эронда ҳам, Ҳинддаги каби ёшу кекса эркакларнинг мўйловсизлиги жуда кам). Дастлаб кичишганга ўхшаб кўринган соқолга ҳам ўрганиб қолаёзувдим. Демак, шу тарзда кўникиб кетишаркан-да... (Неъматилло Пешаворда, раҳбар Афғонистонга ўтмайдиган бўлдик, деган куниёқ соқол-муртларини батамом қириб юборган эди).

Етти яримда жўнадик ва йўл қидириб, торроқ ва кўримсизроқ кўчадан кетаётган эдик, яна бир полисмен машинада орқамиздан келиб тўхтатди. «Оббо, энди буниси нима деркин», деб, тўғриси, гашимиз келди. Фарруҳ тушди ва кимлигимизни айтиб эди, ўттиз беш ёшлардаги, бўйчан, кўзойнак таққан полис бизни орқага қайтариб (бошқа йўналишга кириб кетган эканмиз), бир неча чақирим юриб, катта йўлга олиб чиқиб қўйди ва у ҳам хуштакаллуф билан хўшлашиб қолди.

Зокиржон ака совғабоп бирон нарсамиз бўлганда берардик, деб афсусланди.

Бу полисмен ва кечқурунги маъмурларнинг ўз ишига, бурчига, ватанига садоқати ва айни пайтда юксак инсонийлигидан ғоят мутаассир бўлдик, ҳавасимиз келди...

Неъматилло билан дунёдаги у ва мен кўрган мамлакатларнинг (масалан, Америка, Венгрия, Чехословакия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон) йўллари ҳақида фикрлашамиз. Ҳозир биз кетаётган йўл бундан етти йил аввал қандай бўлса шундай (ёнидаги шағалли йўл чети билан бир текис эди), демак, қайта асфальт босилмаган. Фақат аҳён-аҳёнда йўл ўрталарида «ямалган» жойлар учрарди.

Покистонда йўл қурилишида тошни майдалаб, шағал ҳолатига келтириб босишаётганини кўрган эдик: йўл текис, қаттик, бўлиши учун шундай қилишарди.

Ўшанда мамлакатнинг иқтисодий ахволини ва маданий ҳолатини билмоқчи бўлсангиз, унинг йўлларини кўриш керак экан, деган хулосага келган эдик. Аммо ҳадемай Ўзбекистонда, хусусан Андижонда ҳам кенг, текис ва равон, икки бетида турфа гуллар анвойи бўй таратиб турадиган, ҳавасга юргингиз келадиган йўллар қурилиши одатий ҳолга айланишини, йўлларнинг сифат ва салобати ҳам мамлакатнинг мустақиллиги билан боғлиқлигини, тўғриси, ўйламагандим.

Ўттиз-қирқ чақирим юрганимиздан кейин «Тойота»нинг тутун тарновидан яна тариллаган овоз чиқиб, кучая борди. Тутун машина ичига ҳам уриб, ҳидига чидаш қийин бўлиб қолди. Ойнани очсак совуқ шабада уфуради. Шу алпозда ўттиз чақиримча юриб Қойин

деган шаҳарчага (йўлдан ичкарироқда) кирдик. Бугун жума бўлгани учун устахоналар, дўконлар, ташкилотлар берк эди. Шаҳарчанинг нариги чеккасидаги устахоналар растасида бир таъмирчи ишлаётган экан, тутун тарновини яматдик. Бир ярим соатча вақт кетди.

Йўлда биздагидай «пост» кўп, лекин гарчи хорижий машина ва хорижий йўловчилар бўлсак-да, узок тутиб туришмасди. «Қаердан келяпсизлар, қаёққа кетяпсизлар?» деб сўрашади. Баъзан паспортларни кўриб қўйишади, холос. (Божхонада ҳиссасини чиқариб олишган...)

Мен машинамиз нағмалари, божхоналардан ўтиш ва бошқа масалалардаги хунобгарчиликлардан кейин Зокиржон ака яқин ўртада экспедиция сафарига чиқишни хаёлига ҳам келтирмаса керак, девдим. Лекин ҳозир Кобулни кўролмай кетаётганимиз ҳақида таассуф билдирган эдик, мана шу — Зоҳидон — Машҳад йўлидаёқ, ҳали захматлару диккатчиликлар захри кетмай туриб, «Худо хоҳласа, янаги йили августларда Афғонистонга ўтамиз», деб янги, хомаки режаларини баён қилди.

— Ёзинг, Қамчибек Кенжа! — деди менга ўгирилиб. — Яқин йилларда Хитой ғовларини синдирамиз. Непал орқали Ҳиндистон, Бирма, Ҳиндистон — Покистон, Афғонистон — Кобул — Қандаҳор — Ҳирот — Тойибад — Машҳад қилиб қайтамиз. Энди олдимизда Алишер Навоий қабрини Ўзбекистонга кўчириш ёки ўша жойда таъмирлаб, Навоий шавкатига, демак, ўзбеклар шаъни-шарафига хос ёдгорлик тиклаш вазифаси турибди. Қолган умримни шу ишга бағишлайман.

Зокиржон аканинг, шунингдек, Оврўпа, Австралия, Африка қитъалари бўйлаб сафар қилиш орзулари ҳам бор эди.

Эрон аёллари, уларнинг либослари ҳам Ҳиндистону Покистону киз-жувонлариникидан бошқача, ўзига хос — ҳаммаси бир хил, бир ранг — қора чодрада юришибди. Ҳатто полизларда ҳам шу ридо билан ишлашмоқда. Лекин, эркак кишининг дастлаб назари тушадиган ва ўзига жалб этадиган жойлари — юз-кўзлари очик. Ислоний ақидага кўра кўлнинг кафт қисми, юз аврат жойлар ҳисобланмайди-да.

Кейинги пайтда машинамизнинг мотори қизимай суви қайнаб кетадиган қилиғи пайдо бўлди. Бир устахонада мойини алмаштирдик, сувини тўкиб юбориб, антиприс қуйдик, солярка қуйдик. Хуллас, «Тойота» ҳам нонушта, тушлик, кечкурунлик қилиб келяпти. Ўзимиз ҳам тамадиланиб, яна йўлга тушдик. Илҳомжоннинг бўйин, елка қисмидаги шамоллаш кечаси кучайиб, бошини ён томонга буколмай қолган, қийналиб келмоқда. Зокиржон ака ҳар замонда навбатлашиб, унга ёрдам бeryпти-ю, ҳарқалай, асосий оғирлик Илҳомжоннинг ўзига тушяпти. Мана, бир ярим ойки, рўлда... Янаям олис сафарларда кўп юриб ўрганиб, чиниқиб кетган экан, бунинг устига, ёш, бўлмаса, анча-мунча одамнинг рўлда бунча узок ва муттасил юришга чидаши қийин... Хуллас, унга ҳам кўз тегиб, мазаси қочди.

## МАШҲАД, ИМОМ РИЗО ҲАРАМИ

Соат бешларда (қоронғи тушиб қолган эди) Машҳадга кириб келдик. Йўллар, хиёбонлар ниҳоятда кенг, ранг—баранг, чироқлар билан нурафшон. Чироқ шу қадар беҳисобки, электр энергияси текинмикин, деб ўйлайсиз. (Дарвоқе, Эронда солярка ниҳоятда арзон — 80 литри 1 долларга туғри келаркан — бизнинг пулга тахминан ўн сўм!.. Мамлакат худудига ўтаётган улов учун ёнилғи ҳақини божхонада бошқа тўловларга қўшиб олишаркан).

Имом Ризо ҳарами мавзеидаги “Сино” меҳмонхонасини истаб-сўраб топиб бордик. (Зокиржон акаларнинг ўтган галги паккаси шу жой бўлган экан).

Меҳмонхона олдида тўхташимиз билан назаримиз йўлакда охиста юришган икки ўзбек аёлига тушиб (уларни кийинишидан танидик), беихтиёр ғалати бўлиб кетдим. Кўзимга юртдош сифатида ўтдай кўринишди. Бироқ, кейин бирдан кўнглимда бошқача — ғашликка ўхшаган туйғу туғилди. Булар, табиийки, шунчаки дунё кўриш учун сайёҳ сифатида юришган аёллар эмас, балки тижоратчи-савдогарлар эди. Ёдингизда бўлса, бундайларга Қашқарда ҳам дуч келган эдик. Бу ижобий ҳодисами, ё?... Мана, Шарқ мамлакатларининг кўпида бўлдик, аёл савдогарни-ку учратмадик, дўконларда ишлаётган киз-жувонлар ҳам

нихоятда кам эди. Ҳатто қошшоғи кўп, турфа миллат, турфа динли Ҳиндистонда ҳам... Кўчада ҳам узун кийиниб, юзларини ёки бутун вужудларини беркитиб юришибди.

Меҳмонхонага киришимиз билан дастлаб эътиборимизни жалб этган ёзув — рус тилида йирик ҳарфлар билан шиорсимон қилиб битилган ва деворга кўндалангина тортилган куйидаги илтимос ва даъват эди: «Муҳтарам опа—сингиллар! Ислом тартибларига биноан кийинишларингиз сўралади...» («Уважаемые сестры, просим вас одеваться по законам Ислама» — айнан келтирдим). Бу бежиз эмас. Бу шиор-ундов биринчи галда биз томондан келишадиган ва рус тилини билишадиган, кийиниш ва бўяниш борасида руслар таъсирига қаттиқ берилган аёлларга қаратилган эди.

Рўйхатхона ёнидаги девор-устунда эса яна ўша тилда: «Меҳди» ресторан-ошхонаси муҳтарам меҳмонларга жуда ҳам мазали («очень вкусные») ўзбек таомларини тавсия қилади» деб, йирик ҳарфлар билан палов, манти, лағмон, чучвара, димлама, голубцы (карам дўлма), шўрва рақамланиб рўйхат қилинган эди. Демак, бу асосан ўзбекистонлик савдогарлар яшайдиган кўноқхона экан...

Ошхонада ҳам (йўлакдан кўриниб турарди) беш-олтита ўзбек эркак-аёллари тамадди қилиб ўтиришган эди.

Меҳмонхона маъмурлари ҳам ўзбекчани сал-пал билишарди.

*25 ноябр, шанба*

Эрталаб Туркменистоннинг консулхонасига бордик. Дам олиш куни бўлгани учун қабул йўқ, одам кам экан. Зокиржон ака “бир дақиқага”, деб кириб, салдан кейин яхши кайфият билан чиқди ва бизни ичкарига бошлади. Бош консул ва унинг ўринбосари иштирокида мулоқот бўлди. Раҳбар ҳолимизни баён қилди. Консул камгап, бош консул эса анча сўзамол, киришимли эди. Хуллас, варақаларни тўлдирдик, паспортларни соат иккиларда оладиган бўлдик.

Кейин Имом Ризо ҳарамига<sup>1</sup> ўтдик. Халқ беҳад кўп эди.

Кириш бепул, матодан ясалган, қатор, чимилдиксимон хоналарнинг биридан ўтасиз. Ҳар бир чайла-чимилдикда иккитадан назоратчи туради. Улар чўнтақларингизу қўлтиқларингизни пайпаслаб синчилашади, бу ғайри қилиқлар сизга малол ҳам келади, лекин нима дейсиз, эҳтиёт чорасини кўришади-да.

Назоратхонадан ўтиб, бир оз юрганингиздан кейин икки ёнда мармар нақшли бинолар бошланади ва эллик-олтмиш қадамдан сўнг икки тарафдаги биноларни туташ-тирган кўндаланг девор келади. Ўртада ёғоч ўймакорлиги санъатининг намунаси бўлган катта дарвоза-эшик бор. Эркагу аёл, ёшу кексалар эшикни ўпиб кириб, ўпиб чиқиб кетишяпти. Остонадан ичкарига қадам босибоқ бир оз эгилиб, таъзим қилишади, чиқиб кетаётганлар эса, дарвоза остига етганларида тўхтаб, орқасига қайрилиб яна таъзим бажо айлайдилар. Бу сажда ва тавозелар Имом Ризога, унинг ҳарамига қаратилган эди.

Дарвозадан кирганингиздан кейин икки томондаги иморатлар давом этади ва юз қадамчадан сўнг яна кўндаланг девор, дарвоза-эшик бор. Ўрталиқ кенг, чорси майдон. Икки ёндаги биноларга кириш ва нариги дарвозахонага олиб борадиган йўлақлардан ташқари ерларга гиламлар солинган. Аҳли мусулмон ўтириб ибодат қиляпти.

Пойафзалларни ечиб кўйиб, чапдаги асосий масжидсимон ибодатхона ичига кириб бошимиз айланиб кетай деди, ҳайратдан ёқамизни ҳам тополмай қолдик. Ниҳоятда кенг, кўп хоналардан иборат катта бир ўрамдаги бинонинг деворлари, шифтлари ҳам нақшли ойнадан эди. Ойна-гуллар худди ёғоч нақшлар каби мураккаб ва хилма-хил эди, ҳар тусда жило бериб товланарди. Бу ҳам ўзига хос, юксак санъат эди, шунча катта худудни турли шакл-шамойиллардаги гулдор (бу сўз нақш-манзарани мутлақо ифодамайди, чунки ойнага гул солинган эмас, балки ойналар рангин шаклларда, алоҳида-алоҳида қуюлган бўлиши керак) ойна билан безашга қанча муддат ва қанча меҳнат сарф бўлганини, энг муҳими, лойиҳа, тархининг ечимини қандай чиқарилганини ақлимга сиғдиролмадим. Бир мен эмас, ҳаммамизнинг идрокимиз паришону лолу ҳайрон эди. Биридан бирига ўтадиган

<sup>1</sup> Адабиётларда «мақбара» ёзилади, лекин маҳаллий халқ «ҳарам» дейишаркан.



хонақоларнинг (эшик ўрни кенг очиклик) шифтлари жуда баланд, маҳобатли эди ва мана шу хоналарнинг ҳаммасига чиройли, қалин шерозий гиламлар тўшалган эди.

Зиёратчилару ибодатгўйлар нафасингиз қайтиб кетадиган даражада бесаноқ ва зич эди.

Ўтирган, тик турган ҳолда намоз ўқиётган, ибодат билан машғуллар кўп, биз каби хоналарни айланиб, томоша—зиёрат қилиб юрганлар оқими катта эди.

Ҳарамнинг Имом Ризо номидаги кутубхонасига кирдик. Олтмиш мингта қўлёзма бор экан. Нашр этилган китоблар ғоят пухта ишланган махсус тахта токчаларга бағоят ҳафсала ва тартиб билан терилган эди.

Инглиз армиясининг Ҳиндистондаги махсус дивизияси бошқармасида хизмат қилган полковник С.Толбат томонидан “Бобурнома”нинг Бобур жангу жадалларини акс эттирган қисмларини “Ҳиндистон подшоҳининг хотиралари» деган ном билан босиб чиқарилган таржима китоб, «Ҳиндистон ҳукмдорининг товус тахти» сарлавҳали яна бир илмий-бадий асар (Бобур Мирзодан Баодиршоҳ—II гача бўлган бобурийлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида, Лондон, Брюссел ва Деҳлида қайта-қайта нашр этилган) ксеронусхаларини илтимос қилдик, эртага тайёрлаб берадиган бўлишди.

«Бобурнома»ни «Раҳнамои подшоҳи Бобур» номи билан форс тилига ўтирган Аҳмад Гулчин Маонийнинг «Раҳнамои ганжинаи Қуръон» китобига Бобур ўзи тузган алифбода китобат қилдирган “Қуръон” («Қуръони Бобурий» деб аталган) кирган экан, унинг «Хатти Бобурий» қисми кутубхона мутасаддиларининг олижаноблиги ва муруввати билан ксеронусха қилиб олинди. Катта бир хона нусха кўчирадиган ва бошқа вазифадаги компьютерлардан иборат эди. Компьютерда ишлаётганлар орасида бир-иккита қиз-жувон бўлиб, улар ҳам урфий қора чодрада эдилар. Кутубхона фойесида у ёқдан бу ёққа ўтаётган қизларнинг баъзилари жинси шим (юрганида ҳилпиллайдиган чодра этакларидан кўриниб қоларди), баланд пошнаги туфли кийишган эди. Аксарияти бўйчан, ғоз қоматли эди, кўзойнак таққанлари ҳам анчагина. Ўтган сафар кўрганимизда ҳам (яъни бундан етти йил муқаддам) форсий аёлларнинг барчаси мана шундай узун қора чодрада юришган эди. Айниқса, беш-олтитаси тўпланиб, доира ясаб гаплашиб туришганида, бекатлардаги ўтирғичларда автобус кутиб қатор бўлиб ўтиришганида жуда ғалат кўринишади — ҳаммаси бир хилга ўхшайди. Кеча меҳмонхона олдида кўрганимиз ўзбек аёлларини ҳисобга олмаганда ўзга халқлар, миллатларга мансуб қиз-жувонлар деярли кўринмасди. Кейин билсак, қора чодра ичидаги қиз-аёлларнинг ҳаммаси ҳам эронийлар эмас, ораларида Оврўпо мамлакатларидан келишган инглизлар, руслар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор экан, улар ҳам мана шу халқ, мана шу миллат таомили ва талабига мувофиқ тарзда ўз кийимлари устидан чодра ёпиниб олишаркан...

**Байт:**

***Қадди сарвдин сарв Эрон қизлари,  
Хуркиб чарақлайди тутқун кўзлари.  
Қора ридо ичра булут бағридан  
Қалқиб чиққан ойга ўхшар юзлари.***

Тушликни меҳмонхона ошхонасида қилдик. Ҳасан-Ҳусан ошпазлар жуда пазанда экан, қарам дўлма деганини ўрмалатиб юборишибди.

Шу ошхонада ҳам ўзбек хонандаси, ўзбек аёли Юлдуз Усмонованинг овози янграмоқда эди. Умуман, бу меҳмонхонанинг Ўзбекистонни эслатиб турадиган жиҳатлари кўп эди. Кўноқлар асосан Ўрта осиелик (кўпроқ самарқандлик) савдогарлар, хўрандалар ҳам ўшалар эди. Худди Ўзбекистон ресторанларидан бирида ўтиргандай ҳис этасиз ўзингизни. Ўзбек тилидаги суҳбатлар қулоққа чалиниб туради: нарх-наво, матолар, доллар билан сўму реалнинг қиймати ҳақида...

Тушдан кейин шаҳарни, яъни дўконлару бозорларни айландик. Ёпирай! Бутун шаҳар савдо растаси-я! Барча кўчанинг икки томони қаторасига кетган дўконлар (ҳаммаси тоза товарлар), икки қаватлилари ҳам кўп. Одамзот яшайдиган уй-жой кўринмайди. Ер ости расталарининг бепоён ва ниҳоятда шинам, саришта, озодалигини айтинг. Ер устида ҳам, пастида ҳам кўзингиз яшнайдиган, дилингиз равшан тортади...

**20 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИ ДАСТХАТ.  
БОБУР МИРЗО ЎЗ АЛИФБОСИДА КИТОБАТ  
КИЛДИРГАН ҚУРЪОН**

*26 ноябр, якшанба*

Эрталаб яна Имом Ризо ҳарамига йўл олдик. Кутубхонасининг кеча бизга ёрдам кўрсатган эллик беш-олтмиш ёшлардаги пастаккина, жиккаккина, кўзойнак таққан ходими кузатувида ҳарамнинг жануби ғарб бурчагида жойлашган “Қуръон музейи”га бордик. Бу ерда ҳам гиламсиз бир парча очиқ ер йўқ эди. Оёқ кийимларни ечиб кирдик. Музей биноси икки қаватли бўлиб, ҳар ошёнаси биттадан жуда кенг ва баланд хонадан иборат эди. Биринчи қаватда Имом Хумайний билан боғлиқ сураатлар, Қуръон китоблари бор эди. Тепада ҳам мана шу муқаддас маънавий-ахлоқий — исломий хазинанинг турли шаҳар ва мамлакатларда ранг-баранг шакл ва ҳажмларда чоп этилган ноёб нусхалари ойнаванд витриналар ичида ғоят авайлаб сақланмоқда эди. Хонанинг тўрт томон деворларини Бойсунқур Мирзо ибн Султон Маҳмуд Мирзо ибн Султон Абдусаид Мирзо ибн Султон Муҳаммад Мирзо ибн Мироншоҳ Мирзо ибн Амир Темур Кўрагоний настаъликда кўчирган Қуръон оятларидан намуналар безаб турарди. Бу ёзувлар саккиз жойда, ҳаммаси девор бўйига қараб, биру бир ярим метрдан каттароқ ҳажмда хошия — катакларга олинган эди. Мозийгоҳ мутасаддиларининг айтишларича, ана шу битикларнинг бир қатори кийматини мутахассис-экспертлар йигирма миллиард АҚШ долларига баҳолашган эмиш! Ҳай-ҳай! Лоф ҳам эви билан-да! Лекин хуснихат чиндан ҳам, ҳарфлари катталаштирилган бўлишига қарамай, ғоят нафис, ғоят чиройли, ғоят салобатли эди.

Дарҳақиқат, Бойсунқур Мирзонинг дастхати гўзал бўлганлигини эътироф этган Заҳириддин Муҳаммад Бобур «настаълик хатини хейли хўб битар эди» дея таърифлаган эди. Ҳа, йигирма тўрт ёшида жувонмарг бўлиб кетган омадсиз шахзода Бойсунқур Мирзодан фарзанд, яъни насл ҳам, бошқа бир ёдгорлик ҳам қолмаган эди. Қарангки, Аллоҳ томонидан иноят қилинган ҳусни хат санъати боис унинг номи яшамокда, меҳр билан зикр этилмоқда. У яхшигина наққош ва шоир ҳам бўлган. Дарвоқе, насаб жиҳатдин Бобур Мирзо билан Бойсунқур Мирзо шажараси туташ, яъни, иккиси ҳам ота томондан Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳга, демакки, Соҳибқиронга бориб тақаладилар.

Хуллас, биз ҳам темурийлар авлоди, вориси сифатида Бойсунқур Мирзо хуснихатининг шараф-шукуҳидан оламча қувондик, ифтихор қилдик. Аммо олдинда бизни янада ажойиб, янада ноёб бир ашё, бебаҳо топилма кутмоқда эди. Шу хонадаги ойнаванд кўргазма жавонларидан бирининг ичида Бобур Мирзо ўзининг «Хатти Бобурий» имлосида китобат қилдирган ва ягона нусха (музей ходимлари фахр билан шундай дейишди, лекин мазкур кўлёманинг яна бир нусхаси Саудия Арабистонида, деган маълумотлар бор) — мўъжазгина Қуръонни кўриб, кўзларимиз чакнаб кетди. Қани энди мана шу хат ҳаётга сингишиб кетганида, бизнинг ҳам, ислоҳ тарзидаги бўлса-да, ўз алифбоимиз бўлиб қолармиди, ҳали унинг, ҳали бунинг имлосига ўтиб, тарихларимизни сочиб юрмаган бўлармидик...

**ҲАРАМДАГИ ҒАЛЧА.  
СОВҒА ҲАНГОМАСИ**

Кутубхонага қайтдик. Йўлимиз юқорида таърифланган майдондан ўтар эди. Кузатувчимиз дарвозадан кириш билан ҳамма ибодат қилаётган Имом Ризо ҳарами томонга таъзим қилди, майдоннинг ўртасига борганда ва чиқиш эшиги остонасига етганда ҳам тўхтаб, орқасига қайрилиб яна тавозе билан бош эгди.

Кутубхонада биз илтимос қилган китоблар ксеронусхаси тайёр бўлган эди. Кеча кўлёмалар бўлими раиси йўқ эди, бугун бор экан, Зокиржон ака шу ерда кўрганимиз «Ганжинаи Қуръон» асарини сўраган эди, раис телефон орқали ким биландир кенгашгач (у

хам каттароқ раҳбардан сўради шекилли), чехраси ёришиб, «хейли мамнун...» (боя музейда бизга сайрбонлик қилган қиз ҳам шу иборани кўп ишлатувди), дея миннатдорчилик билдирди ва китобни Зокиржон акага тухфа этди. Раҳбарда бу мурувватга жавоб қайтармок нияти уйғонди чоғи, менга «Машинадан бир чойнак-пиёла сервис ва Бобур сиймоси туширилган матодан олиб кирсангиз», деди.

Совғани олиб кириш анча машмаша бўлди, ҳали-ҳали эсласам ҳам ғашим келади, ҳам кулгим қистайди. «Чимилдик» — назоратхонадагиларга мақсадимни, фикримни бир амаллаб англиштишга ҳаракат қилдим, ҳарқалай, «тухфа», «совға», «ҳадя» деган сўзлардан бирини тушунишди шекилли, улардан биттаси мени бўлмалар қаторининг охирироғидаги тахтадан ясалган мўъжизгина ойнаванд хужра олдига бошлаб борди ва туйнукдан ичкаридаги одамга мени, нарсаларни кўрсатиб ўз тилида бир нималар деди-да, қайтиб кетди. Рўйхатбон тешиқдан қўлини чўзди, мен ашёларни узатдим. Рўйхатбон тахминан олтмиш ёшлардаги, паст бўйли, юз-энгаklarини қора соқол босган тундгина киши эди. У сервисни столига қўйди-да, салафан ўрамини ечиб, чойнак, пиёла, ликобчаларнинг у ёқ-бу ёғини ағдариб, шошилмай, синчиклаб кўрди, қайта-қайта санади, мен индамай, лекин безовталаниб турибман, «тезроқ олиб кириш керак эди», деб ўйлапман. Рўйхатбон гобеленни полдаги палосга ёзди-да, чўнтагидан ўрама ўлчагич — метр олиб, матонинг энию бўйини ўлчай бошлади. У ниҳоятда секин қимирларди. Менинг энди хунобим ошиб, ўз тилимда кечикаётганимни, мени кутубхонада кутишаётганини айтиб, билагимдаги соатга ишора қилдим. Тунд амаки пинагини ҳам бузмади, бир нималар деб минғирлаб қўйди-да (мен фақат «сабр» калимасини уқдим, холос), курсисига ўтириб, дафтарга, сўнг алоҳида варақларга (орасига қора қороз қўйиб) имиллаб ёза бошлади. Асосий хунобгарчилик шундан кейин бўлди. Мен нарсаларни хатга олгач, қайтариб беради, деб ўйловдим, йўқ, рўйхатбон: бундай тортиқларни биз маъмуриятга топширамиз, у ердан керакли жойга беришади (чала-ярим тушунапман), дейди. У ёқда Зокиржон ака совғаларни раисга тантанали суратда топшираман, деб шайланиб ўтирибди. Бу ёқда эса мана бу ғалча одам гап уқмайди. Узоқ можаро қилдик. «Мен буларни ҳадя сифатида кутубхонага олиб боришим керак, ҳамроҳларим ўша ерда мени кутишяпти», деган гапни тушунтиришга ҳаракат қиламан ўз тилимда. Ғалча эса ўзининг лаҳжасида «тартибимиз шунақа, назр-ҳадяни ҳеч ким ўзи олиб қирмайди, ҳамма нарса биз орқали ўтади, мана, сизга — тухфаларингизни қабул қилиб олганимиз ҳақида хужжат», деб, икки варақ қоғоз берди. Қоғозларда мен берган буюмларнинг донаси, ҳажми, ўлчовлари аниқ кўрсатилган эди. «Менга хужжат-пужжатинг керак эмас, нарсаларимни қайтариб бер», дейман бўғилиб, имо-ишора билан. «Рўйхатга ёзиб қўйдим, энди қайтариб беролмайман», дейди ғалча жуда хотиржам ва бепарво тарзда кўрсатгич бармоғи билан дафтар-қоғозларини ниқтаб. Бўлмади. Вақт ўтяпти. Асабим бузилди. Бу ерда ўзбекчалаб: «Ҳе, тартибларингдан ўргилдим сени...» дея бир ғижинишдан ўзга чора қолмади. Кейин қайтиб бориб, латта «чайла»даги назоратчиларга арз қилувдим, улар ҳам елка қисиб, таассуф билдиришдан нарига ўтишмади.

Қон босимим анчагина кўтарилиб кетди шекилли, икки чаккам лўқиллаб оғрий бошлади. Лекин, чуқурроқ, ўйлаб кўрилса, ғалча ҳақ ва бу тартиблар ниҳоятда одилона, исломона эди. Ҳадиси шарифларда айтилишича, ҳадя ҳеч бир таъмасиз, худо йўлида инъом этилмоғи лозим. Шунинг учун уни ким, нима мақсадда берганини фақат Аллоҳ билса, бас. Атайин сездириб қилинган ҳар қандай эҳсон ва тухфада қандайдир даражада ё микдорда тама, писанда ё пора мазмуни бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Аммо биз тама сифатида эмас, миннатдорчилик маъносиди, биз учун қимматбаҳо бўлган китоб эвазига тухфа қилиб, яхшиликка жавоб қайтармоқчи эдик, холос.

Кутубхонага кириб воқеани айтган эдим, раис ҳазратлари «аввало ҳожати йўқ эди, иккиламчи, бизда дарҳақиқат шахсга ҳадя олиб кириб бериш мумкин эмас», деди. Лекин ҳар нечук пастак бўйли олижаноб кадрдонимизни менга кўшиб берди, иккимиз рўйхатхонага қайтиб бордик. Ғалча унинг тушунтириш ва изоҳларига ҳам кулоқ солмади, аксинча, унга «томинг бутунми ўзи, қаерда ишлаётганингни унутиб қўйганинг йўқми», дегандай шама ва ишора қилди, сўнг ҳарам раисидан мазкур тухфаларни кутубхонага ўтказиш учун рухсат олиш зарурлигини айтди. Бу ёғи билан пакана ва Фарруҳ иккиси ярим соатча шуғулланишиб,

барибир бирон натижага эриша олишмади. Хуллас, совға ҳақиқий ғовға бўлди. Вақтимиз зиклигини айтиб паканадан узр сўрадик ва «Ўзларинг ҳал қилиб оларсизлар», деб, кўрсатган ёрдами ва илтифотлари учун ташаккур билдириб, қайтдик (Шериклар кейин «бўйнингизга озиб-ёзиб бир шарафли вазифа тушувди, шуниям ишқал қилдингиз», деб, анчагача эслаб, қулиб юришди).

Тушлик учун яна ўзимизнинг ошхонага келдик. Чучвара қиёмат, Тошкентча палов ундан зўр, лағмонга гап йўқ. Отанга балли, Ҳасан-Ҳусан!.. Биридан иккинчисини ажратиб олиш қийин бўлган бу эгизак ошпазлар Тошкентда анча муддат ишлашиб, ўзбек миллий таомларини ўрганиб келишган экан.

Кечки пайт Зокиржон ака, Неъматилло учаламиз меҳмонхонамиз яқинидаги ер ости дўконларини «сайр» қилдик. Раҳбар ўзига жемпер олаётиб профессор иккимизга: «Сизлар ҳам биттадан танланглар, экспедицияга яхши хизмат қилганларинг учун олиб бераман, фақат бир шарт билан — ўзинглар қиясизлар, ўғилга ё куёвга инъом қилиб юбориш йўқ», деб қолди. Биз аввалига бу таклифни рад этдик (одоб юзасидан, албатта). Лекин раҳбаримиз чин юракдан, самимий мурувват кўрсатмоқчи экан, қўймади.

Совғалар харид қилдик. Кейин қандолат дўконига ўтиб, қолгана-қутган реал, туманларимизга Эрон пистаси, конфети ва бошқа ширинликларидан сотиб олиб, қушдай енгил ва хотиржам тортдик. Асосий ташвиш ва бесаранжомликлар чўнтакдаги ақчаларники экан.

## ДУНЁДА ЭНГ ГЎЗАЛ, СОЗ ЙЎЛ

27 ноябр, душанба

Бомдоддан кейиноқ апил-тапил чой ичиб, йиғиштириниб, йўлга тушдик. Шаҳар четига чиққанда йўлни аниқлаб олиш ниятида тўхтаб, йўлақдан кетаётган сочлари мошгуруч, тахминан олтмиш беш ёшлардаги бир кишидан сўрадик. У бизга Сарахс йўналишини тушунтириб қўйгач, катта кўчани қийраҳонига кесиб ўтар экан, ўртага борганда тўхтаб, орқасига қайрилди-да, Имом Ризо ҳарамни тарафга бир таъзим қилиб, яна йўлида давом этди.

Икки томони гоҳ чўл, гоҳ пахтазор, гоҳ довон — паст тоғлар, адирлар оралаб гумруххона сари шитоб еляпмиз, йўл зўр эди ва лекин ҳозир бизга йўлнинг зўрлигию атрофдаги гўзал манзараларнинг ҳам унча қизиғи йўқ эди, чунки биз бетоқат эдик, Ватанга ошиқардик.

**Байт:**

*Пакистону Эрон, Ҳинд диёрида  
Чиннидай текису соз йўллар мўлдир.  
Ва лекин дунёда энг гўзал, соз йўл —  
Она юрт, Ватанга элтувчи йўлдир.*

Сафар тадориги кетаётган кунлари тезроқ жўнаворсагу, майда-чуйда ташвишлардан хориж бўлиб, ҳордиқ чиқарардим, деб ўйлардим. Бир ҳафта ўтар-ўтмас уй, ўғил-қизлар, неваралар ва бошқа кўнгил яқинлар кўздан ўтиб, қай бир чала қолган ишлар, оила, рўзгор билан боғлиқ муаммолар хаёлга кела бошлади. Илгари, ёшроқ пайтларда дам олиш учун ёки ижодий иш қилиш ниятида борилган жойларда ойлаб бемалол, хотиржам юра берардим. Бугун эса, уйдан ташқари, ишхоналарда — уюшмада (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими) нима бўляптийкин, газетани (“Ҳолис”) яхшироқ чиқаришяптимикин, қоғоз топишга қийналишмаяптимикин, газетада босилган мақолалар юзасидан бирон ножойиз гап бўлмадимикин, деган ҳавотирлар кўнгилга тинчлик бермасди. Демак, ёш ўтабергач, масъулият ҳисси ортаверар экан-да...

Машҳаддан Сарахсгача 230 км эди. Соат тўққизларда етиб келдик.

Хужжатларни расмийлаштириш — бош оғриғи ишлар билан Фаррух ва Неъматилло шуғулланишяпти, қолганларимиз ишқилиб тезроқ Туркманистонга ўтиб олайликда, деб, юракларимиз ҳаприқиб ўтирибмиз. Чунки Эрон божхоналаридан безиллаб қолганмиз.

«Бобурнома»да ҳам тилга олинган қадимий жой Сарахс менга анча файзсиз кўринди. Бу яқин-атрофда пахтазор далалар ўртасидаги мана шу гумрукхонадан (аҳолиси ўртача бир маҳаллача келади) бошқа одам яшайдиган қишлоқ ё овул кўзга чалинмасди. Балки шунинг учун ҳам жуда зерикарли туюларди.

Ҳайриятки, тезлаштириш “йўли”ни топишди. Бу ердагилар “тил” уқишар экан, лекин барибир паспортларни текшириб ўтказадиган бир кимса ҳар биримизнинг суратимиз билан сийратимизни обдон солиштириб “ҳейли” диққат қилди. Илҳомжоннинг фамилияси (Мамарозиқов) борасида “нимага бундай ёзилган, “Муҳаммадрозиқов” бўлиши керак, дейди-да. “Роса паспорт столида ишлайдиган экансан-да”, дедик. Аслида унинг талаби асосли эди. Бизда хусусан шўролар даврида содда одамларимизнинг кўплиги ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, паспорт берадиган махсус маҳкамаларда ўзбек тилини, ўзбекча, умуман шарқона исм-шарифларнинг асл шакли ва мазмунини мутлақо билмайдиган, қизикмайдиган ғалчалар ўтирганлиги оқибатида кўп исм-фамилиялар нотўғри ёзилган ва бу хатоларни қайта паспорт олиш даврида ҳам тузатиш имкони бўлмай, ё машмашаларидан безиллашиб, ўша бўйича қолиб кетди. Афсуски, ҳозир ҳам расмий хужжатларда Йўлдошни «Юлдаш», Ўктамни «Октам» деб ёзиш давом этмоқда.

Хуллас, гумрукхонадан, демакки, Эрон ҳудудидан икки ярим соатда чиқиб кетдик.

## ТУРКМАНИСТОН

Туркменистон божхонасида ҳам ички соатча кутдик. Бу ерда бошимизни қотиришиб, кечгача олиб ўтиришлари мумкин эди, раҳбарнинг ўзи тузган Бобур номидаги халқаро жамғарма ва экспедиция шарофати билан танилиб, мартабаси ошиб бораётгани, қолаверса, унинг дангаллиги ва шахдам саъй-ҳаракатлари билан ишимиз анча тез олға силжиди. Божхона бошлигининг ўзи машинаю юкларни ҳам текширтмай, кузатиб қўйди.

Сарахс — Мари 250 км эди.

Бепоен дашту сахронинг ўртасидан ўтган йўлдан жўнадик. Юз чақиримчадан кейин бир ошхона келди (атрофда аҳоли яшамайди, демак, фақат йўловчиларга мўлжалланган). Шу жойда ҳам ўзбекча ашула («Шахзод» гурухи, Рашид Холиқов) янграпти. Кўчадан ғувиллаб ўтган «Нексия»ни кўриб, кўкракларимиз яна кўтарилди: «Ўзбекистон — Андижон машинаси Туркменистонда. Қорақум чўлу биёбонларида юрибди!..»

Йўлда ДАН ва бошқа назорат масканлари кўп эди, тўхтаб-тўхтаб, кечки пайт, соат олти яримларда Марига кириб, кадрдон «Санжар» меҳмонхонаси олдида тўхтадик. Назоратчи-йўл посбонлари Туркменистон худудида тунда юриш мумкинмас дейишган эди (бу қоида балки биз каби хорижийларга тааллуқлидир). Қолаверса, Илҳомжоннинг ҳам, раҳбару Фарруҳнинг ҳам кечаси юриш ниятлари йўқ эди...

Шаҳардаги катта биноларнинг асосий йўлга қараган олд деворларига Туркменистон президенти Сафармурод Ниёзовнинг улкан-улкан ва ҳар хил ҳолатдаги (ўтирган, тик турган, юриб бораётган...) рангли суратлари қоқилган эди. Меҳмонхонамиз олди деворидаги бир неча қаватни эгаллаган расмида, назаримда телевидение орқали сўзлаётган пайти акс этган эди. Унинг ҳар икки номсиз бармоғида чақалокнинг муштидай келадиган, жуда ҳам қимматбаҳо (ҳар бири фалон минг доллар турадиган бриллиант... дейишди) узуклар ярқираб турарди...

Дарвоқе, бугун рўза бошланибди.

Бу кеча кўпроқ ва хўпроқ ухладик.

*28 ноябр, сешанба*

Қават хизматчиси — малла сочлари мавжланиб турган ўрис аёли эшикларимизни тақиллатиб уйғотди. Унга соат олти яримга овқат буюриб қўйган эдик. У чучварага устаман, деган эди, рост айтган экан.

Нонуштадан кейиноқ йўлга чиқдик. Ҳаво очиқ ва совуқ эди. Яна туркманбошининг деворлардаги уйдаи-уйдай суратларини томоша қилиб боряпмиз. Қайрилишлар ва бошқа кўзга алоҳида ташланадиган жойларга алвон ёзувли шиорлар илинган эди: «XXI аср — туркманнинг олтин асри», «Халқ — Ватан — Туркманбоши», «Дунё турсин, сен тур, Туркманбоши!..» Ҳамду санони, қуллуқни бундан зиёд изҳор этиб бўлмас.

Шаҳар салобатли, озода, йўллар кенг, равон эди. Қуёш энди чиқа бошлаган, кўчалар супурилмоқда эди (Машҳадда ҳам азонлаб йўлнинг икки четидаги бетон ариқчаларни тозалашаётганларини кўрувдик). Яна Ҳиндни эсладик. Нега улар кўчаларини тозалашга, саришталикка ўрганишмасикин?..

Мари — қадимий шаҳар. Не-не улуғлар ўтган, пойқадами теккан мўътабар замин бу. Алишер Навоий бир неча муддат яшаган, Султон Ҳусайн Бойқаро бўлган, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг назари тушган. Исмоил Сафавий билан Шайбонийхон ўртасидаги

омонсиз чопкин мана шу Мари яқинида бўлиб ўтган, Бобур Мирзога кўп ранжу машаққатлар етказган ашаддий ва кучли ғаним ана шу жангда маҳв этилган.

Мари — Чоржуй (320 км.) йўлидан, саксовулли, юлғинли чўл оралаб келяпмиз. Кеча Илҳомжон “фалон ердан тунда юрмасак эди”, деб безиллаётган жойларга етдик. Юқорида қисман эслаб ўтилган нохуш воқеа икки ён қуюқ юлғинзордан иборат шу ҳудудда содир бўлган экан. Экспедициянинг навбатдаги сафаридан Туркменистон орқали кечаси қайтишаётганда (Зокиржон ака, Муҳаммад Содик қори, Фарруҳ ва Илҳомжон — тўртталаси) мана шу чўлга кириш олдидан маҳалладаги одамлардан йўл сўрашган. Икки йигит уларга йўлни кўрсатиб, тушунтириб қўйишган. Тахминан ҳозир биз кетаётган жойга етишганда орқадан бир «Жигули» келган ва буларга тўхтанглар, деган маънода чироқ ёқиб ўчиришган. Раҳбар билан Муҳаммад Содик ёнбошлаб мизғиётган бўлишган. Одатдагидай, рўлда Илҳомжон, унинг ёнида Фарруҳ ўтирган. «Ёрдам сўрашяпти шекилли», деб ўйлаган Фарруҳ Илҳомжонга тўхтангчи, деган-да, машинадан тушиб “Жигули” томонга юрган ва... “Жигули”дан тушаётганлардан бирининг қўлидаги милтикни кўриб қолгану оёқни қўлга олиб машинага югурган. Яхшики, кўнглига гумон тушган Илҳомжон газни ўчирмай, педални босишга шай бўлиб турган. Фарруҳ жойига ўтириб улгурмай машина ўқдай учган ва орқадан варанглаб милтиқ отилган. Аллоҳнинг сақлаганини қарангки, биронтасига шикаст етмаган. Машина ўриндиқлари ва шифтларида сочма ўқ тешиб ўтган жойлар ҳали ҳам турибди...

Маридан уч юз км юриб, ўзимиз билган Чоржуйга кириб келдик. Бу қадимий шаҳар энди Туркманобод деб аталибди.

## БИР ШИНГИЛ ХОТИРА

Чоржуй менга аввалдан таниш. У ҳаётимда ўчмас из қолдирган... Бундан роса ўттиз икки йил муқаддам эди. Тошкент дорилфунунида 4-курсни тугатган йилимиз, айти таътил вақтида—жавзо ойларида ҳарбий машқ-амалиёт ўтказиш учун шу Чоржуйдан йигирма-ўттиз чақиримча ичкарида, қум барханлари орасида жойлашган муваққат ҳарбий қисмда икки ой сержант-аскар бўлиб «хизмат» қилганмиз. Мен иссиқнинг, саҳро ҳароратининг қанақа бўлишини ўшанда кўриб-билганман. Кундузи бирон нарса олиш учун чодир ичига кириб-чиқишга безиллардик: бош суқишимиз билан юзимизга гуп этиб аланга урилгандай бўлар, жон-ҳолатда орқага тисарилардик. Лекин ана шу бир неча лаҳза ичидаёқ пешонамиздан, чаккаларимиздан тер тепчий бошлаганини аниқ ҳис қилардик. Машғулотлар эса кумликнинг янада ичкарироқларида ўтарди. Ҳарбий тактикадан дарс берадиган Сонин деган ўрта бўйли, гирдуғум майор бўларди. Оғир карвон, аммо қайсар, батарин банда эди. Биронтаси ғашига тегиб қўйса, бўғилиб тартибга чақирмас, иззат-ҳурматни талаб этмас, бироқ, жазирамада ҳаммани тикка турғизиб қўйиб, соатлаб лекция ўқирди. Қора кўзойнак тақиб олганидан унинг кўзларидаги ифодани, ғазаб учкунларини кўриб бўлмасди. Гапириш оҳанги бир хил, жаҳли чиққан пайтда ҳам ўзгармасди. Шунинг учун биз уни «темир одам»га ўхшатардик. Бундай ўхшатишга бошқа сабаблар ҳам кўп эди. Умуман, у раҳм-шафқатсиз, тошбағир эди. (Ҳарқалай, ўша пайтда бизга шундай туюларди, аслида, эҳтимол ҳарбий тартиб-интизом шундай бўлишини тақозо қилар...) «Хужум», “Мудофаа”, деб поёнсиз кум барханлари орасида узоқ-узоқ олиб юрарди. Бундай кучли иссиққа ўрганмаганимиз учун жуда қийналардик, ҳаво етишмаётганга, юрагимиз хаприкиб кетаётганга ўхшайверар, этикларимиз ботиб, ўнжиларимизга тушган қум ғичирлаб, панжаларимиз орасини шилиб азоб берар, хансирлаб, тилларимиз осилиб қоларди. Майор эса ўзини худди ростакам жанг пайтидагидек тутар, барча ўтинчларимизни совуққонлик билан, қатъиян рад этар, олдинда, баъзан гапириб, баъзан индамай, тумрайиб кетаверарди. Гоҳо шамол қўтарилиб (шамол эмас, қайноқ гармсел!), оғиз-бурунларимизни кумга тўлдирар, ачишган кўзларимизни очолмай, нафас ололмай қолардик. Сонин эса барибир парво қилмас, озгина дам олайлик, нафас ростлайлик, деган илтижоларимизга кулок қокиб ҳам қўймасди. Энг даҳшатлиси: камаримизга осиглик, ғилофли идишчамиздаги илик

бемаза сувдан ичишга, оғиз чайишга ҳам сира рухсат бермасди. Тишларимиз ғичирлар, томоқларимиз қақраб кетарди. Майорнинг ўзи ҳам сув ичмасди. Факат танаффус эълон қилингандагина бирпас ўтиришга, оғизни факат чайишга ижозат берарди. Шу тарика, қисмимизга оёқларимизни судраб, аранг келиб чўзилиб олардик. Тушликдан кейин эса, автомат, милтик тозалардик.

Кечаси эса янада баттар аҳволга тушардик. Кундузи тандирдай қизиган чодир ичи (остимизда бир қават матрас-тўшагу, қум солинган болиш ва устимизда юпка адёл) саҳарга бориб музлаб кетар, шундан кейин тиззаларимизни кучоқлаб, қалтираб тонг оттирардик.

Кафедра мудиримиз, генерал Хушбеков шовқин солиб гапирадиган, лекин бегараз, ҳазилкаш киши эди. Сочи ўсиб кетганларнинг бирини Қумриниса, иккинчисини Ҳуриниса, деб чақирарди.

Табиийки, ҳамма дарслар рус тилида олиб бориларди. Вилоятлардан, қишлоқлардан келганлар ҳам кўп эдик. Ҳарбий ва техникага оид ибораларни яхши тушунмай бошимиз қотарди. Курсдошларимиздан бири: ақалли ўзбек офицерларимиз дарсни ўзбекча ўтса бўлмайдими, деб сўраб қолди. Бу гап генералнинг ўзига ҳам тегди чоғи (у қурол отишдан сабоқ берарди), ё ўзи ёнолмай тутаб турган эканми, шикоят қилган биродаримизнинг кўлидан милтиқни шартта тортиб олди-да, «мана буни “қўндоқ” дейди, мана буниси — «тепки», бўлди, бошқа ўзбекча термин йўқ, нимасини ўзбекча ўтади?!» деб куюкиб, сўкиниб кетди (оғзи ҳам аксарият ҳарбийларникидек шалоқроқ эди).

Имтиҳонларни ҳам жуда машаққат билан бир амаллаб топширганмиз. Айниқса, генералимиз доим ҳаммадан кўз-қулоқ бўлиб, ёрдам бергиси келиб турар, биронтаси арзимаган нарсани билмай қолса, сўкавериби шишириб юборарди.

— Мана шунинг учун ҳам ўзбеклардан офицерлар чикмайди, яна сенлар ўзбекча дарс ўтинг, деб талаб қилишасан, лапашанглар, галварслар!!! — дерди бақириб.

Хуллас, олтмиш куннинг ўтиши жуда оғир бўлган. Ўшанда ҳарбийга бормаи, зобитлик унвонини олиш бизга анча қимматга тушган. Икки ойда икки йиллик хизматнинг савобини топдик, деб ҳазиллашиб юрдик кейин анчагача.

Ҳафтада бир Чоржўйга, ҳаммомга тушгани ефрейтор — старшинамиз бошчилигида келиб турардик. Баъзан «самоволка» ҳам қилардигу, шаҳарда томошабоп жойлар ва нарсаларнинг камлиги, қолаверса, “гаупвахт”дан қўрққанимиздан тезда орқамизга қайтардик. Ўшанда ҳарбий қисм яқинидаги бир қишлоқ тиш докторига (ўттиз беш ёшлардаги, сийрак соқоли сал ўсган, тўпори, соддагина йигит эди) биринчи марта тиш олдирганим ёдимда. Мутлақо оғриқ сезмаганман, бир соатдан сўнг бемалол овқат еб кетаверганман.

Ана шу “қадрдон” юртга бу кун фалакнинг гардиши ва Бобур Мирзонинг шарофати билан учинчи бор қадам ранжида қилиб турибман...

Амударё кўпригидан ўтишда эллик беш доллар(!) бож тўладик — бу автобус нархи экан, машинамиз кичик автобус ҳисобланарди, бироқ ҳозир қонунлашиб ўтиришга фурсат ҳам, раҳбарнинг (албатта, бизнинг ҳам) тоқати ҳам йўқ эди. Аммо лекин, сафарга кетишда унча ваҳимали туюлмаган бу сумма қайтишда хейли баланд кўринди. Қолаверса, битта кўприқдан ўтишга шунча ҳақ белгиланиши, бизнинг назаримизда ҳар ҳолда адолатсизлик эди. Бир кунда қанча машина ўтади, ҳар биридан мўмай пул олишаверса...

Туркманистоннинг чиқиш чегарасидан ҳам, яна Зокиржон аканинг аралашуви билан текширувсиз, енгил ўтдик.



## ЖОН ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон чегарасига — божхонасига киришда аскарлар тўхтатишди, «бошлиқлардан рухсат олиб чиқасизлар», дейишиб, машинани четга олдириб қўйишди. Энди ўзимизникилар анча элашади шекилли, деб турдик. Зокиржон ака ичкарига кириб, декларация варақаларини олиб чиқди, тўлдирдик ва осонгина ўтдик. Чегарачилардан бири машинамиз ичига бир кўз югуртириб, «таъқиқланган нарсалар йўқдир, а?» деб қўйди ва оқ йўл тилади. Шу жойда раҳбарнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлиги иш берган эди. Бисотимизда қолган ўрик қоқиларни чиқиш постида турган аскар ва ўша ерда пул алмаштириш мақсадида юрганларга “мозор босди” деб улашдик—да, ўзимиз ҳам ўзимизга оқ йўл тилаб, хайё-ху деб жўнадик. Кайфиятлар чоғ, ўз ватанимиз заминидамиз. Бу азиз тупроққа 48 кун деганда қайта қадам қўйдик. Бухоронинг чўл худудлари кўзимизга жаннатдай кўринарди.

Чегарадан Бухоро шаҳригача 97, Бухородан Самарқандгача 220 км эди. Йўлда бир қовунхўрлик қилиб, Самарқандга ҳазил—хузуллар билан, шодон руҳиятда кириб келганимизда соат кечки тўққиз эди. Ҳаяжонда меҳмонхона излаб анча айланиб қолдик ва Илҳомжоннинг ташаббуси билан бир меҳмонхона олдига келиб тўхтадик. Бу менга таниш «Зарафшон» меҳмонхонаси эди. 1994 йили Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, шоир ва адабиётшунос Исмоил Тўлак, ўймакор-наққош дўстимиз (ҳозир Ўзбекистон халқ устаси) Йўлбарсали Ўтаганов, раҳматли шоир ва адиб, шинаванда улфат, олижаноб инсон Фозил Эмин ва бошқалар билан «Дамас» машинасида Самарқанд ва Бухоро бўйлаб сафарга чиққанимизда шу қўноқхонада бир кеча тунаган эдик.

Хотиржам, кулочларни эркин ёзиб ухладик ва

*29 ноябр, чоршанба кун*

...барвақт уйғондик.

Нонушта ҳам зўр бўлди.

Зокиржон ака таниқли адиб, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси, экспедиция хайрихоҳи Хайридин Султонга кўнғироқ қилиб, Тошкентда ижоди ва илмий фаолияти Бобур Мирзога дахлдор ва унга ихлосли қалам аҳлига ифторлик бериш масаласини келишди. Биз ушбу тадбирни ўзимизча эртага — пайшанба кунига мўлжаллаган эдик, жумага маъкул топишибди. Юрагим бироз қисилди. Уйга етиб бориш яна икки кунга чўзиладиган бўлди. Андижонга, таҳририятга («Холис») кўнғироқ қилиб, пайшанба кун итиб борамиз, деб айтиб қўювдим.

Раҳбар ифторлик баҳона, Бобур Мирзо мухлислари, адабий жамоатчилик ва оммага экспедициянинг қайтганини маълум қилиб қўйишни ўйлаган эди.

Сохибқирон Амир Темур қабр—мақбарасини зиёрат қилмоққа бордик. Даҳма олдидаги майдонда «Ўзбекфилм»чилар янги бадий филмга бир эпизодни суратга олишаётган эди. Милиционернинг (рўлда семиз бир артист) нимадандир ранжиб, ҳафсаласи пир кайфиятда қўлларини икки ёнга жаҳл билан силтаб, шапкасини бошидан юлқиб олиб, қўлларини орқасига қилиб, бўйнини эгиб, пала-партиш босиб кетаётган ҳолати ифодаланаётган эди. Бир оз кузатиб турдик. Бошқа томошагўйлар ҳам бор эди. Бояқиш артистни беш-олти бор қайта юргизишди. Ҳамон ўша-ўша эски иборалар: “Стоп!” “Кадр!..” Ёруғ дунёдаги энг инжиқ касб эгаларидан бири бўлган режиссёр “бас, яхши”, дегандан кейин артист енгил нафас олиб, четга чиқди-да, юзларидаги, бўйнидаги маржон-маржон терларини арта бошлади. Қолбуки, ҳаво салқин, яъни терлайдиган даражада эмас эди. Артистлик ҳам қийин экан, деб қўйдим.

Мақбарага киришда Неъматиллони чет эллик деб ўйлашиб, бу меҳмонга олти юз сўм (бизга олти сўмдан эди) тўлайсизлар деб қолишса бўладими, роса қулдик.

Қабрларни зиёрат айлаб, ўтган улуғлар руҳига қурбони қарим оятларидан тиловат қилиб, наққош усталар санъатига офаринлар айтиб, қайтдик.

Шаҳардан чиқишда Самарқанднинг машҳур «нони Осиё»сидан бир жуфтдан олиб, Тошкент сари равона бўлдик. Сафаримиз яқунлари хусусида гап кетди. Ҳамма ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Раҳбар, одатдагидай, тонг палласи кўнглидан кечган хаёлларини ўртоқлашди.

Зокиржон ака Бобур ҳақида кўп ўйлар ва кўп сўйларди.

— Бобур Мирзо Қашқарга қачон ўтган бўлиши мумкин, деган савол менга тинчлик бермаяпти, — дейди у. — Кобулга етиб боргунча ўтмаган, демак, Кобулда турган пайтларида борган бўлиши керак...

Кейин у «Бобурнома»нинг Ўзбекистонда, Бобур Мирзонинг ўз ватанида чоп этилган нусхалари тўғрисида гап очди, тўғрироғи, ана шу нашрлардан кўнгли тўлмаслигини баён этди.

— «Бобурнома»ни, демак, ана шу, америкаликларникидан, инглизларникидан, япон Эйже Маноникидан қолишмайдиган, улардан ҳам чиройли, улардан ҳам сифатли қилиб чоп этиш керак. Худо хоҳласа, яқин йилларда мана шу орзуимни амалга оширишга ҳаракат қиламан...

Чинозда бир балиқхўрлик қилиб, кечки пайт Тошкентга — гўзал пойтахтимизга кириб келдик ва Вазирлар Маҳкамаси меҳмонхонасига жойлашдик.

Кўнгилини роҳат уйқусига чўмиш истаги банд этган эди...

## ТОШКЕНТ. ИФТОРЛИК БАҲОНА...

*30 ноябр, пайшанба*

Тошкентдаги дўсту қадрдонларнинг жуда яқинларига келганимиздан хабар берган эдим, эрталаб Шодмон Отабек, Абдунаби Бойқўзиевлар келишди. Бирга чикдик-да, Ёзувчилар уюшмасининг собиқ идораси бўлган бино ёнидаги омонат кассадан “Маънавият» нашриётида чоп этилган «Бобурийлардан бири» китобим учун ўтказилган қалам ҳақини (йигирма етти минг сўм) олдим.

Кейин Шодмонбекнинг маҳкамаси — «Хабар» газетаси таҳририятидан (Алоқа вазирлиги биносидан) Андижонга, Тошкентдаги бошқа ёру биродарларга кўнғироқ қилдим.

Жонажон шаҳримизда эдим, лекин кўнғил барибир беором эди — энди у Андижонга, Гуркуровга, ўша ёқдаги дўсту жўралар бағрига, оила, ўғил-қизлар, набираларга талпинарди.

Туш пайтларида Андижондан бир нохуш мужда келди: Зокиржон аканинг қайнотаси (тўқсондан ошган, умрининг асосий қисмини педагогликка бағишлаган) оламдан ўтибди. Раҳбар шошилинич аэропортга жўнади.

*1 декабр, жума*

Эрталаб Абдунаби келди. Отчопарга жўнадик. Абдунабиларнинг ўша бозор рўпарасидаги маҳалладан сотиб олган ховли-уйига кириб, уста ишлаётган экан, хабар олдик. Яхши, кенгина жой экан. Тошкент шароитида, энг катта бозорнинг шундоққина биқинидалиги жуда соз эди.

Бозордан Турсунойга бир жемпер ва ўзимга кузлик пойафзал сотиб олдим — саккиз босма табақли бир китобнинг қалам ҳақи шунга етди!

Соат бирларда Зокиржон ака Андижондан келди. Издиҳомга ҳозирлик бошланди (Раҳбар Андижондан бозор-учар қилгани, ош пиширгани ўз ходимларидан чақирган эди).

Меҳмонхона ошхонасининг тепасида, иккинчи қаватдаги залга эллик-олтмиш кишилик жой ҳозирланди.

Ҳаммадан аввал таниқли ёзувчи, экспедиция аъзоси, бобуршунос Хайридин Султон, кейин бирин-кетин адабиётшунос Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари ва шоирлари Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, профессор Бегали Қосимов публицист, уста ҳазилкаш Аҳмадjon Мелибоев ва бошқа таниқли адиблар, адабиётшунос, бобуршунос олимлар, олий ўқув юртларининг ректорлари, радио-телевидение (“Ахборот”, “Давр” ва бошқалар) мухбирлари келишди.

Ифторлик баҳонасидаги ҳисобот-ахборот йиғинимизни Хайридин Султон бошлади ва бошқарди.

Зокиржон ака Бобур номидаги халқаро жамғарма ва унинг илмий экспедицияси фаолияти, хусусан сўнгги сафаримиз натижалари ҳақида умумий маълумот берди.

Неъматилло Отажонов сафар мобайнида қўлга киритишга ва олиб келишга муваффақ бўлганимиз ноёб китобларни мухтасар шарҳлаб ўтди.

Мен Шарқ элида Бобур Мирзо ва бобурийлар нуфузи, обрў-эътиборининг бекиёслиги, Покиза Султон бегим ва унинг опаси, шоира Тохира Султон бегим тўғрисида, «мўғуллар» деган атаманинг нақадар оммалашиб кетганлиги, бу хато иборага халқаро миқёсда, хусусан, инглиз шарқшунос-бобуршуносларига жиддий изох бериш зарурлиги борасида гапирдим.

Кейин ошхонага, ифторликка тушдик, ўша ерда мулоқот-анжуманимиз давом этди. Профессор Озод Шарафиддинов ўз сўзида экспедиция хизматларига жуда юксак баҳо бериб, уни машхур Кусто экспедицияси билан қиёслади ва бу хайрли сафарлар Ўзбекистон тарихидагина эмас, жаҳон тарихида ҳам катта маданий воқеа бўлиб қолади, деди ва мана шундай экспедициянинг тарғиботи лозим даражада эмаслигига таассуф билдирди.

Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров ва бошқалар ҳам ўз хаяжонларини, экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабовнинг журъати, жасоратига, фидойилигига қойил қолишганини ифода этишиб, экспедициянинг навбатдаги ишларига ривож тиладилар, олиб келинган китобларни таржима қилиб, халққа етказиш лозимлиги, вақти-вақти билан мана шундай ҳисобот-учрашувлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқлигини таъкидладилар, бошқа таклиф ва истакларини изҳор этдилар.

Ифторликдан кейиноқ жўнаб юбориш иштиёқида эдик, лекин кеч бўлиб қолгани, машинамиз чироғи яхши ёнмаслиги ва бошқа сабабларга кўра яна бир кеча сабр қилишни лозим топдик.

## АНДИЖОН. СЎНГИ ВА ЕНГИЛ РАНЖ

*2 декабр, шанба*

Барвақт йўлга чикдик. Ёмғир севалаб турибди. Илҳомжон рўлда, мен салўнда. (Фаррух табиийки, Тошкентда қолди, профессоримизни кеча кечкурун қудалари олиб кетишди, раҳбар бугун эрталаб самолётда кетадиган бўлган). Имкон бўлса, учгимиз бор, бироқ йўл ҳаракати қоидалари изн бермайди. Қолаверса, Илҳомжон ҳамма қонун-қоидаларни жойига қўядиган, оғир-вазмин ҳайдовчи... Лекин, шунга қарамай...

Бизнинг машинамиз тоифасидаги автоуловларга, яъни кичик автобусларга ҳам Қамчиқ довонидан ўтишга рухсат йўқ, эди. Зокиржон ака Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, андижонлик Ботир Парпиевга айтиб эди, Бобур экспедициясининг “Тойота”сига йўллар очик, деб ходимларига бу кўрсатмани Тошкент — Андижон йўлидаги ДАН ва бошқа назорат масканларига етказиб қўйишни тайинлабди. Ўша буйруқ билан Андижон худудига етиб келдик ва Қорадарё бўйида сафаримизнинг муваффақиятли яқунланаётганини баликхўрлик билан нишонладик.

— Мана энди, бу ёғи — Андижон, ўзимизники, — деди Илҳомжон кафтларини бир-бирига ишқаб ва газ педалини босди.

Балиқчи—Бўз йўли бурчагидаги ярим доирадан айланиб, тўғри йўлга тушиб, уч юз метрча юрган эдик, кўчанинг чап томонидан бир басавлат ДАН ходими шиддат билан ола таёғини бигиз қилиб чикди.

— Э—э... — деди Илҳомжон. — Тез келдинг, дейди, эллик эди, олтмиш юрворибман. Тушиб айтинг энди, сизга йўқ дейишмайди.

Бизни тўсган ходим Илҳомжонга яна таёғи билан йўл четидаги ёнига «ДАН» деб ёзилган енгил машинанинг олди капоти устига ҳар хил қоғозларни ёйиб олган чувақроқ, гуржисифат мўйловли йигит томонга (яъни ўшанга учранг, деган маънода) ишора қилди.

— Тез келяпсизлар?! — деди гуржисифат йигит сўроқ ва таъкид оҳангида.

Мен экспедиция хақида гапириб, сафарда эллик бир кун юрганимиз, қайси мамлакатларда бўлганимиз, азбаройи уйга, бола-чақалар ҳузурига ошиққанимиздан сал шошганимизни айтдим. ДАН ходими Илҳомжонга қараб “штраф тўлаб келасиз», деди.

— Ўзингизга тўлаб қўя қолай, — деди Илҳомжон.

ДАН ходими индамади.

Илҳомжон, билмадим, қанча, капот устидаги тартибсиз сочилиб ётган қоғозлар орасига қўйдию, шитоб орқасига қайтди. Мен ҳайрон ва дилим вайрон бўлиб туриб қолган эдим. ДАН ходими боя менинг гапларимни эшитмади, деб ўйловдим, эшитган экан:

— Сафарлар қандай бўлди? — деб сўради менга қарамасдан, қоғозларни титкилашда давом этиб.

— Сафар жуда яхши ўтди, лекин ҳеч қаерда бунақа бўлмовди, — дедим ўзимни босиб.

Ортиқча суюниб кетувдик шекилли-да... Лекин, майли, шунақасиям бўлиб туради. Бу, мазкур соҳа ходимларининг ҳаммасиям Бобуру экспедицияни билмайди, маънавиятдан йирок, дегани эмас, албатта. Йўл ҳаракати назоратчилари, умуман тинчлик, осойишталик посбонлари сафида жумладан адабиётни, санъатни юксак қадрлайдиган, бадииятнинг сир-асрорларию нозик жиҳатларини бир истеъдодли қаламкашдан кам англамайдиган, қалби эзгулик ҳис-туйғуларига бой, касбига келсак, айбдорни, қоидабузарни тутиб олса лотореясига катта ютуқ чиққандай ўзида йўқ қувониб кетмайдиганлари кўп ва улар орасида шахсан мен яхши танийдиган ва эъозлайдиган Абдумуталлиб Эргашев, Азамат Тошбоев сингари инсонлар ҳам оз эмас.

\*\*\*

Шундай қилиб, Андижонга, уйларга соғ-саломат етиб келдик. Аллоҳга шукр. Зокиржон акага раҳмат, бобурий боболаримиз, фирдавс макон подшоҳларнинг руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин. Омин.

«Сафарнома — 2» битди.

Ушбу узундан-узук, сертафсилотли қиссамизни сабр-қаноат билан ўқиган азиз китобхонларимизнинг кўзлари дард кўрмасин, ният-мақсудига етсинлар.

\*\*\*

**БАЪЗИ КЎРҒОНЛАРИМИНИ  
НАЗМГА ҲАМ СОЛҒОНИМ**

Покистону Ҳиндистонда,  
Олис Бангладеш томонда  
Бўлиб, кўрдим кўп ҳолатлар –  
Бизга ғайри феъл, одатлар...

Меҳмонхона бисёр эрур,  
Пашшаси хўп тифдор эрур.  
Одамлари мўмин, ҳалим,  
Гарчи озроқ савод, билим.  
Кўмакка шай ёшу қари,  
Дўкандору морбозлари –  
Эринмасдан кўрситар йўл,  
Тушуниксиз силкитиб қўл.  
Муслиммисан, мен-да муслим,  
Дер, қиблани сўрасангиз,  
Елка қисиб турар гаранг,  
Асабингиз торгар таранг.  
Бирг шимарлар – номидир пон,  
Оғизлари қип-қизил “қон”.  
Чангга парво қилишмайди,  
Захни кўзга илишмайди.  
Юришлари ялангоёк,  
Девор-томлар кўп лойсувок.

Қиз-аёлин қораси кўп,  
Аммо гўзал сарийси хўп.  
Кифтда бола, бошда сават,  
Ғишту бетон ташир пайваст.  
Қиздиради кун беомон,  
Баданда тер симобсимон -  
Томчи-томчи ялтарайди,  
Иликлари қалтирайди.  
Қўшиқ айтарга ҳоли йўқ,  
Бошқа дуруст аъмоли йўқ.

Кинодаги қизлар қани,  
Шўх-шаддот “юлдузлар” қани?  
Югуроқ ҳам сийнадормас,  
Нимяланғоч, беҳаёмас.  
Оҳ уришмас маъшуклари,  
Кўринмайди ошиқлари.  
Муштдай-муштдай болакайлар  
Шолпояда чуррак пойлар.  
Балиқ тутар кўлоб сувда,  
Оналари кутар уйда.  
Опалари ювади кир,  
Оталари соғар сигир.

Таппи ёқар қишлоғи мўл,  
Мол, эчкиси, пишлоғи мўл.  
Учраб қолар чўчкачалар,  
Бирам хунук хўриллашар.  
Хоҳи кундуз хоҳ тунлари  
Қийқиллашиб маймунлари,  
Кафтин очиб келар сизга,  
Миниб олар елкангизга.  
Дарахтларда юрар чопиб,  
Боласини опичлашиб.

Табиатин баҳоси йўқ,  
Мийсазорин адоси йўқ.  
Шоли сиғмас еру кўкка,  
Шакарқамиш, карам, макка.  
Бой ёнғоқдай лимонлари,  
Бодрингсимон бананлари  
Бозорларда хирмон-хирмон,  
Еб юришар мисоли нон.  
Бисёр кўкат, қалампир мурч,  
“Палов”- сувда пишган гуруч...  
Ёки нўхот – қайла сиёқ,  
Чепотию тухум, қуймоқ.  
Димламага рағбати йўқ,  
Силтамага тоқати йўқ.  
Кўк чой нима – билишмайди,  
Памил чой ҳам ичишмайди.  
Суйганлари яхдаин сув,  
Лекин халқи эмасдир қув.  
Жуда содда, жуда ғалат,  
Бир феълидан кулманг фақат --  
( Балки бордир боис, сабаб)  
Кимки бўлса ҳожатталаб,  
Саҳарларда мўйлов тараб,  
Очиқ ерда чўнқайишар,  
“Иш...”ларини битказишар

Анҳорлари тўла сигир –  
Ҳароратга хўп бесабр.  
Шундан сувин ичиб бўлмас,  
Ҳавасга ҳам кечиб бўлмас.

Лохур деган шаҳарга боқ –  
Ҳар қадамда ям-яшил боғ.  
Кўчалари чандон тиғиз,  
Уловлар саф-саф изма-из.  
Жувонлари қайрилма қош,  
Бошда чодра – бўлса ҳам ёш.  
Кўзлар қора, латиф, аммо  
Туюлар сал маъюснамо.  
Рухсорлари гўзалгина,  
Фақат қони кам салгина.  
Яна камроқ оқ юзлиги,

Яқинроқ-да куёш тиғи.

Ундан келдик Пешоворга,  
Шаҳар ўхшар нақ бозорга.  
Одамлари турфа миллат,  
Турфа хаёл, турфа ният.  
Туркманию тожиги кўп,  
Афғонларнинг қочиғи кўп.  
Юрт-элидан мосуволар,  
Аламдийда, банаволар,  
Ҳуркиб қарар бир-бирига,  
Афсусланиб тақдирига.  
Ташвишлари кун ўтса  
бас,

Лекин дилда озу-ҳавас –  
Она ватан тилаклари,  
Эзилади юраклари.

Машҳадга ҳам видо айтиб,  
Эллик кунда юртга қайтиб,  
Оламнинг кенлигин билдик,  
Фикр қилдик, шукр қилдик.  
Шунга комил бўлди имон –  
Энг гўзал юрт – Ўзбекистон.

*2002 йил, 18 ноябр, Моҳи рамазон, душанба*

## МУАЛЛИФДАН

Сафарноманинг аввалгисида ҳам, бунисида ҳам сиру синоатга бой ҳинд аёллари ҳақида у ёки бу муносабат билан қайта-қайта тўхталиб ўтилди, лекин уларнинг кўрку латофатлари, феъл-атворлари, урфлари, тутумлари, кийинишлари, ўзларини тутишлари, нозу адолари борасида гоҳо бир-бирига зид, гоҳо бир-бирини тўлдирадиган фикрлар, қарашлар бўлганлиги рост. Масалан, ўтган галги сафаримиз чоғи, Пуридаги “Муҳаббат эҳроми” томошаси пайтида «Ҳинд аёллари ўрта асрларда жозибадорлик, нозу қарашма санъати бобида Фарангистон нозанинларига сабоқ беришган» деган писандали гапни эшитган эдим. Дарҳақиқат, «Қадимги ҳинд ҳикматлари» китобида ҳам умуман хотин-қизларга, хусусан ҳинд аёлларига ишончсизлик, беписандлик билан қараш, уларни бевафо, ҳийлагар-макқора зот сифатида тавсифлаш руҳи ҳукмрон. Кейинги йилларда ишланаётган бадиий фильмларда, «Камасутра» каби шахвоний мавзудаги суратли китобларда ҳинд аёллари муҳаббатга, ишқ ўйинларига жуда ўч жинс мақомида тасвирланади. Ҳолбуки мен иккала сафар мобайнида ҳам ана шундай ғалат баҳо ва таърифлар тасдиғига дуч келмадим. Чунончи, деҳлилик ҳинд йигитига турмушга чиққан тошкентлик синглимиз билан, Лакновдаги меҳмонхона хизматчиси ва бошқалар билан бўлган суҳбат-мулоқотларимиз, сафар давомида ўзимиз кўрган ҳолатлар, аксинча, ҳинд қизлари, жувонларининг ниҳоятда камсукум, иболи, оиласига садоқатли, миллий анъаналар ва урф-одатларга собит эканлигидан гувоҳлик берарди. Ҳа, фикри ожизимча, мен кўрган Шарқ мамлакатлари, жумладан Ҳиндистон хотин-қизларининг аксариятида кўчага ясаниб, ороланиб, зеболаниб чиқиш, эркакларни ўзларига жалб этиш нияти йўқдай, нияти бўлса ҳам имкони йўқдай... Балки имкони бўлса ҳам урф-одат йўл қўймас, ё қаттиқ қораланар ё балки умуман бундай ҳуқуқ берилмас... Бу фикрнинг исботи шуки, аёллар зимдан ё ошқора кузатаётганингизни сезсалар ҳам парво қилмайдилар, ҳолатларини ўзгартиришиб, ўзларини янада тўлароқ намоён этиш пайига тушмайдилар, аксинча, янада қимтиниб оладилар...

Хўш, улар кейинги асрларда яратилган ҳаққоний китоблар ва суратларга қандай ҳилқат сифатида мавзу ва қаҳрамон бўладилар?

Маълумки, ҳинд аёлларининг турмуш тарзига, мафтункорлик, эҳтирослилик сирларига, бу боралардаги китобий «миш-миш»ларга биз каби минтақадошларгина эмас, балки бошқа китъаликлар, жумладан, оврўпалик муаррихлар, адиблар, мусаввирлар ҳам аввалдан қизиқиб келишган.

**ҲИНД АЁЛЛАРИ,**

***уларнинг ҳусни-латофатидан ҳайратлаган хориж мусаввирлари,  
тарихчилари, адиблари ва бошқаларнинг  
фикр-мулоҳазалари ҳақида***

Ҳинд хотин-қизлари қадимдан дунёдаги энг гўзал аёллардан ҳисобланишади ва мағриб шоирлари, мусаввирларининг ҳам эътиборини жалб этиб келадилар...

XVIII асрнинг иккинчи ярмигача ҳинд ожизаларининг суратларини ошқора чизиш Оврўпа мусаввирларига насиб этмаган. Улар илгари бу сеҳрли ўлка шоҳлари ва уларнинг саройидаги бриллианту марваридлар билан безаниб, ҳарир сарийларга ўранган ҳолда фақат ичкари ҳовлиларда ёки подшо боғларида сайр қилиб юришган буғдойранг хонимлар ҳақидаги ҳикоялар асосидагина шарқ аёллари сиймоларини қоғозга туширишган, шунинг учун ҳам у суратлар ҳаётийликдан анча йироқ бўлган.



Тахминан 1760 йиллардан кейин Буюк Британия рассомлари Ҳиндистонга бора бошлаганлар, бироқ ўша даврларда зодагон ҳинд аёлларининг суратларини чизишнинг деярли иложи йўқ эди, чунки улар билан ошқора кўришиш, мулоқот қилиш мумкин эмас эди. Ҳинд хонимлари билан муомала қилиши мумкин бўлганлар фақат Британия зобитларининг хотинлари, раққосалар, суюқ оёқ жувонлар ва оқсочлар эди, холос. Лекин қишлоқ жойларда ва тоғларда аёллар билан кўришиш, гаплашиш таъқиқланмаган эди. Шунингдек, ярмарка чоғида, байрамлар ва диний маросимлар пайтида барча тоифадаги маҳаллий хотин-қизларни яқиндан кузатиш, ўрганиш учун қулай имконият туғилиб қоларди.

Ҳиндистонга саёҳат қилган (1780.) биринчи инглиз профессионал рассоми Уильям Хожес бўлиб, у ҳинд аёллари суратини мумтоз гўзаллик мезонлари асосида чизган. Унинг таъкидлашича, «бошида кўза билан зинадан тушиб келаётган келишган аёлнинг сув тўкилиб жикқа ҳўл бўлган сарийси бутун баданини бўрттириб кўрсатаётган ҳолатини кўрган рассомнинг диққат-эътиборини биринчи навбатда унинг қадди-қомати ўзига жалб этади... Британия мансабдорлари, сайёҳлар ва миссионерлар ўзларидан кейин бу борада кўп ажойиб таассуротлар, ҳикоятлар қолдиришган. Улар қорамағиз ҳинд аёлларининг жисман гўзаллиги ва мафтункорлигидан беҳад завқ олишганини яширмайдилар. Уларнинг айримлари ҳинд аёллари назокат ва самимият бобида инглиз аёлларидан асло қолишмаслигини эътироф этишган.

Калкутта епископи Хеберни (1829.) айнан жазирама мамлакат аёллари баданларининг туси ўзига жалб қилган, у хатто: бу тўқ, буғдой ранг кўзга оврўпалик аёллар танасининг рангидан кўра жозибалироқ ва ёқимлироқ кўринади, деган эди. Уильям Хаггинс эса ўзининг «Ҳиндистон қораламалари»да (1824.) юқоридаги нуқтаи назарни маъқуллаб, «Ҳинд аёли шакли-шамойилининг назокатлилиги ва юзидаги майин, нафис ифода бизни баданлар ранги орасидаги фарқни унутишга мажбур қилади. Аксинча, улар бизда бадан ранги аёл киши тавсифида асосий омил эмас, деган фикрни қатъийлаштиради», дейди.

Тарихчи Роберт Орм (1770.) эса янада ажойиб мулоҳаза билдирган: «Менинг назаримда, — дейди у, — табиат бутун Ҳиндистондаги аёл зотига ғоят ҳотамлик билан хушрўйлик улашгандай туюлади, ҳа, бошқа юртларга нисбатан анча ортиқ саховат билан...»

Хусусан Кашмир аёллари сайёҳларда ўзгача таассурот қолдиришган. Инглиз мансабдорларидан бири ўзининг «Шарқ эсдаликлари»да Сурат шаҳрида учратган, киборлар оиласига мансуб бир хонимни таърифлаб, «ҳаётимда кўрган энг дилбар аёллардан бири эди», дейди. Таниқли олим Ричард Бертон ҳинд аёлининг ҳусни—латофатига мадҳу санолар ўқиса, Британия компанияси раҳбарларидан бирининг хотини эса Катча аёлларининг фавқулудда жозибадорлигидан ҳайратга тушганини мардона тан олади. Бенгал аёллари ҳақида ҳам «қадди-қоматлари ва чиройли рухсорлари билан жаҳоннинг энг офатижон аёллари сафида турадилар», деб гапиришади.

Гужарот аёллари ҳам ўзларининг «соҳибжамол ва мафтункорликлари, хусусан қорачиқларида эҳтирос учкунлари ва ноз-карашмали шўхликлари балқиб турган» қоп-қора кўзлари билан доврўқ қозонишган.

Махараштранинг кибор аёллари зийрак ва оқилалиги ҳамда ибратли хулқ-одатлари билан ажралиб туришган. Аксарият сайёҳлар қора кўзлари чиройли, узун сочлари тиззаларига тушадиган Канара қиз-жувонларини кўпроқ мақташади.

Эсдалиқлар ва хотираларда ҳинд аёлларининг кийинишлари, хусусан уларни хушқад қилиб турадиган сарийлари Оврўпа хонимларининг оқшомги либосларидан кўра сипороқ ва ёқимлироқ кўринишига ҳам алоҳида урғу берилади.

Хуллас, шундай хулосага келиш мумкинки, ҳинд заифаларининг жисми, яъни ташқи кўринишлари оврўпаликларнинг аёл гўзаллиги ҳақидаги тасаввурларининг бойиши ва мукаммаллашувига ижобий таъсир кўрсатган.

Адиба Элизабет Купер (1915 й.) ҳинд аёлларининг камсуқумлиги, одмилиги, унинг ўз оиласига муҳаббати ҳақида, оврўпаликларга ожизалик аломатлари бўлиб туюладиган ўзига хос аёллик хусусиятлари уларга янада фусункорлик бағишлаши тўғрисида ёзар экан, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «агар ғарб аёлини замонавий маълумот, ақл-идрок жиҳатдан устунроқ деб ҳисобласак, бу борада шарқдаги эгачиси ҳам ундан қарздор бўлиб қолмайди: у

жаҳон аёллар салтанатининг безаклари бўлмиш итоатгўйлик, камсукумлилик, садоқат каби нодир сифатларга эгаллиги билан таҳсинга сазовордир».

### Х Х Х

Дарвоқе, сафарга жўнаш арафасида йўқолган сумкача топилди. 2001 йилнинг баҳор кунларидан бирида Тошкентга йўлим тушиб, Ёзувчилар уюшмасига кирган эдим, раис ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири, ҳамюрт кадрдонимиз Муҳаммад Юсуф: “Ака, қизлар сумкангизни беришдими”, деб қолди.

— Қанақа сумкани? — деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Экспедицияга кетишдан олдин йўқотган сумкангиз бўлса керак-да, — деди шоир жилмайиб ва сумкани котиба Барнога бериб қўйганини айтди. Табиийки, мен аллақачон умидни узган нарсанинг бу ерга қай тариқа келиб қолгани билан қизиқдим.

— Менга Нортўхта Қиличев бериб кетди, — деди Муҳаммаджон, лекин бошқа тафсилотга ўтмади. Мен ҳам ковлаштириб ўтирмадим. Биз Нортўхта билан деярли тенгқур ва мен «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида ишлаб юрган давримдан (1970 йиллар) таниш, яқинмиз. Ўғри пулни олгану сумкани ташлаб юборган, уни топиб олган кимса Нортўхтани таниган ва менинг қаламкашликка дахлдорлигимни (ахир сумкада шеърий китобим бор эди-да) англаб, омонатни унга олиб келиб берган. Янаям аниқроғини Нортўхтага раҳмат айтиб, унинг ўзидан сўраб оларман, деб кўнглимдан ўтказдим-да, сумкани Барнодан олишга ошиқдим. Унда пулдан ташқари асосий нарсалар, ҳатто бир неча йиллик тарихга эга бўлган металл ғилофли тароғим ҳам бор эди. Ўғри, ҳарқалай, мен ўйлаганчалик инсофсизидан эмас экан, ахир у сумкани анҳоргами ё бошқа топилмас жойга ташлаб юбориши ё ишлатиб юравериши мумкин эди-ку. Менга эса ҳалигача Нортўхта билан (Аллох, ундан рози бўлсин) учрашиш насиб этмаяпти. Унга бир миннатдорчилик билдириш зиммамда ҳамон юк бўлиб турибди.

### ЭРКА КИЙИК ҚАЗОСИ

Юқоридаги воқеадан бир неча ой ўтгач, июлнинг охири куни Ўзбек адабиёти, Ўзбек миллати ҳаётида оғир йўқотиш, мислсиз фожиа юз берди: халқимиз, хусусан ёшлар суйиб ардоқлайдиган ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф оламдан бевақт, тўсатдан кўз юмди. У Қорақалпоғистонга шеърият байрамига, ёш қаламкашлар кўрик-танловига ҳайъат раиси бўлиб борган эди.

— Саҳнада, шундоқ минбар ёнида юраги хуруж қилиб йиқилди, биз кўзларимизга ишонмасдик: ахир соппа-соғ йигит... — деди ҳамсафарлардан бири, Муҳаммаднинг кадрдон акахони Тўлан Низом машъум ҳодисани шарҳлар экан. Унинг томоғига нимадир тикилди, гапиролмай қолди. Мижжалари намдан қизариб кетган эди.

Тасаввур қилдим: катта залнинг баланд шифтлари, деразалари зириллаб, улкан бино титраб кетган бўлиши керак... Муҳаммад Юсуф жуссасининг вазни, юкидан эмас, унинг қалбидаги шеърий дардлар залпидан, истеъдод залворидан...

Ўша мусибатли дамларда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шоирнинг онасига ҳамдардлик мактуби йўллади.

Ҳукумат катта мурувват ва ғамхўрлик кўрсатди: шоирнинг ҳали қони совумаган (жасади махсус самолётларда, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Аҳмадjon Мелибоев, Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов ва бошқа эътиборли кишилар қузатувида, қуршовида Нукусдан Тошкентга, ундан Андижонга авайлаб олиб келинди.

Яна ўша кунлари ҳамиша Муҳаммад Юсуф ёнида турган Тўлан Низомнинг айтишича, марҳумни қаерга дафн этиш борасида хийла иккиланишлар, мулоҳазалар, тортишувлар бўлган: бир томонда Андижон, шоир «томда синглиси лолақизғалдоқ билан осмонларга термилиб ётишни яхши кўрадиган» ота макони Марҳамат, муштипар волидаи мухтарамаси, меҳрибон опа-сингил-укалари, тўнғич ўғил — давомчи фарзанд, у ёқда Тошкент — шоир шеърларига қанот берган пойтахт шаҳар, суянчим, қувончим деб алқаган, ота дийдорига тўймаган норасида қизлари, ҳамқалам, ҳамдард рафиқаси...

Кекса онанинг ўтинчи, қариндошлару кўнгил яқинларнинг хоҳиш-иродасига кўра ҳамда шоирнинг ўзи туғилиб ўсган жонажон қишлоғига чексиз меҳри-муҳаббатининг абадий ифодаси сифатида унга Қорақўрғоннинг катта қабристонидан мангу оромгоҳ ҳозирланган эди.

Шоирни сўнги йўлга кузатув маросимида иштирок этувчиларнинг саноғи йўқ, олис-яқиндан ошиқиб, хўрсиниб келаётганларнинг кети узилмасди: вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан, Фарғонаю Намангандан, Ўшу Тошкентдан, Самарқанду Қорақалпоғистондан... Улар орасида ҳокимлару хизматчилар, шоиру санъаткорлар, олиму уламолар, фозилу аҳли тижорат, муаллиму шифокорлар, боғбону деҳқонлар, косибу ҳайдовчилар — деярли ҳамма соҳа, ҳамма тоифа вакиллари бор эди. Уларнинг ҳар бири кўзда ёш, дилда армон, ўкинч билан Муҳаммад Юсуф жасади солинган, устига кимхоб матолар ёпилиб, қўлма-қўл бўлиб шитоб бораётган тобут тутқичларидан бирига лоқал бармок теккизиб қолиш учун интиларди.

Менинг хаёлимдан эса ушбу хотиралар ва ўйлар кечар эди.

Муҳаммад Юсуф кетди.

Ўзбек адабиётининг навнихол чинорларидан бири қулади.

У навнихол бўлса ҳам, шоҳлари узун, япроқлари кенг эди, кўланкаси анча ҳудудга тушарди, энди у чинорнинг ўрни узоқ вақтларгача яйдоқ бўлиб туради.

Назм бўстониинг эрка кийиги қазо қилди. Энди у оху боғу гулшанлар аролаб ноёб гиёҳлар — сўз дурларини чилпиб, солланиб юрмайди.

Муҳаммадгон экспедициямизга жуда хайрихоҳ эди, «Сизлар билан бир сафарга чиқишим керак-да», деб кўярди. Афсуски, унинг бу истаги энди ҳеч қачон рўёбга чиқмайди. Аммо биз энди уни ҳамиша сафимизда деб тасаввур қиламиз.

Самимий кадрдонлар қатори мен ҳам Муҳаммад Юсуфнинг оҳудек содда, оҳудек гўзал, оху кўзларидек тиниқ ва бокира шеърларини ҳавас билан, қайта-қайта ўқирдим, соддаликнинг шу қадар жозибали, мафтункор бўлишига, нақ юракни забт этишига ҳайрон қолардим.

Барча андижонликлар каби мен ҳам у билан фахрланардим.

Биз Муҳаммад Юсуф билан бир чашмадан сув ичганмиз. Мен уни илк бор Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаровникида учратганман. У устоз адиб хонадониде кенжа фарзанд мақомида юрарди. Назир ака ҳам, меҳрибон Мукамбар ая ҳам Муҳаммадни ўз ўғилларидек суюшар, унга ишонишарди. Дам олгани боришганида Муҳаммадни уйларига қўйиб кетишарди. У жуда камгап эди, остонагами, дуч келган жойга ўтириб шеър ёзарди, лекин шеър ёзишини айтавермас, кўрсатмас эди. Ўша пайтларда, у, менинг наздимда ижод билан жиддий шуғулланмайдигандай, шунчаки вақт ўтказиш, эрмак учун, машқ учун қоғоз қоралайдигандай туюларди.

— Муҳаммаднинг шеърларини ўқидингизми? Ўқиб кўринг. Балодай ёзади. Ундан бир нарсачиқади, — деди бир куни Назир ака.

Дарҳақиқат, хиргойи, узуқ-юлуқ суҳбатлар орасидаги ўша “қоралама”лар “Таниш тераклар” китобига жам бўлди ва шоир лоп этиб кўзга ташланди. Кейин «Илтижо», “Булбулга бир гапим бор”, «Уйкудаги қиз», «Ҳалима энам аллалари» ва бошқа шеърӣ тўпламлари чоп этилди. Ана шу шеърлардаги бир қарашда енгил, ўйноқидек туюладиган, аммо ҳазин оҳанглардан келиб чиқиб, шоирни «Ўзбек Есенини» дегувчилар бўлда. Аслида, ихчам қадди-бадли, қорачагина, кўзлари йирик-йирик Муҳаммаднинг баъзи жиҳатлари Усмон Носирни эслатарди. Ҳа, у Усмон Носир каби фавкулудда истеъдод эгаси эди. Мана, энди умрининг қисқалиги ҳам ана шу жўшқин, оташнафас шоиримизга монанд бўлди. Яна

ҳам тўғрироғи, Муҳаммад Юсуф улуғ юртдошимиз Захириддин Муҳаммад Бобур ёшини яшади. Гарчи пойтахтда, Тошкентдай шаҳри азимда истиқомат қилиб, она юртига тез-тез келиб турган бўлса ҳам, Андижонни Бобур Мирзо каби мудом қумсади, мудом соғиниб зорикди, орзикди. Шеърларида аввало ўзи туғилиб ўсган қишлоқ сеҳрини, оддий одамлар, соддадил қизлар сиймосини, руҳий оламини мусаввир каби чизиб, куйлади.

— Йигирма беш йил бўлди, Тошкентда ҳаёт кечираман, лекин ҳар куни йигирма беш марта Андижонга кетгим келади. Андижонни мен Андижонда яшаётганлардан кўра кўпроқ яхши кўраман. Шу юртнинг ширин хаёли билан яшайман, шугина менинг барча камимни тўлдириб туради, — дер эди.

Мустақилликдан кейин эса марҳаматлик шоир бутун илҳоми, истеъдодини Ўзбекистон мадҳига бағишлади. Чунки у илгарилари қоришма мамлакат таркибидаги Ўзбекистонни эркин, яйраб «Ўзбекистоним» дея олмай қийналган, димланган эди. «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон», «Ўзингдан қўймасин, халқим» сингари оммавий қўшиққа айланган, мадҳиядек жаранглайдиган шеърлари билан ўзбек қўшиқчилиқ санъатининг янги босқичга кўтарилишига катта ҳисса қўшди, айна вақтда бугунги кунда маълум ва машҳур бўлган ўнлаб ҳофизу ҳофизаларимизга қанот бўлди.

Ҳа, Муҳаммад Юсуф давр ижодкори эди, аммо кўнгли буюрганини ёзарди. У болалигидан эрка эди, лекин тантик эмас эди. Ижодда ҳам шундай бўлди: у Юртбошимиз назарига тушди, эл-халқнинг самимий ҳурмат-иззатига сазовор бўлди, бироқ ўзининг камтарлик, кичик кўнгиллилик хислатларини босиб ўтиб кетмади. У ҳамиша, ҳар қандай ҳолатда андижонлик оддий, чапани Муҳаммадлигича қолди. Ва лекин Ўзбекистоннинг мустақиллиги, хуррият, эрк қувончларини ичига сиғдирилмас, шу борада юраги, Усмон Носир айтганидек, унга тор келарди. Қуйидаги мисраларда шоир гўё ўз тақдирини башорат қилгандек туюлади:

*Бир куни...  
— Шоирлар—чи, бобо,  
Шоирлар нима бўлади?  
— Уларнинг шодликдан  
Юраклари ёрилиб ўлади.*

Шоир яна бир шеърда ялпизга суяниб жон беришни ҳавас қилган эди. У ҳаётни ялпизга суяган ҳолда тарк этмади, бироқ ўзи туғилиб ўсган хонадон ёнидан шаркираб оқадиган ариқ бўйидаги ялпизлар ҳиди баралла келиб турадиган қабристонда мангу уйқуга кетди. Энди у то маҳшаргача ана шу қадрдон, хушбўй гиёҳлар исини ҳидлаб ётади. Зеро, яна Муҳаммад Юсуфнинг ўз сўзлари билан айтсак:

*Жим қоласан... Энди шухрат ҳам,  
Шеър ҳам сени қизиқтирмайди.  
Қабринг узра эгилар бошлар,  
Ҳаяжонли нутқлар янграйди:  
«Оғайнилар! Шоир ўлмайди».*

Фақат, йўқ, Муҳаммаджон укам, жигарим, бу нутқ эмас, сенинг дафнинг учун олис-яқиндан келишган юз-юзлаб яқинларинг, устозу ҳамқаламларинг, қишлоқдошларинг, шогирдлару мухлисларинг, жигарпораларингнинг самимий дил сўзлари, юрак нидоларидир. Йўқ, шугина эмас, бу сен каби улуғ шоирлар умрига ўқилган халқ, давр ҳукмидир.

Сени юз йиллардан кейин ҳам эслайдилар, шеърларингни қўшиқ қилиб куйлайдилар, ёдлайдилар, воҳ, шундай шоирлар ўтган экан-а, дея ҳайратланадилар, сенинг исминг билан Қорақўрғон, Марҳамат, Андижон деган номлар ҳам қайта-қайта тилга олинажак!

Сафарномани ниҳоясига етказган кунларимда яна бир воқеа содир бўлди. Буниси энди қайғули эмас, шодумонлик, ҳосил байрами, эзгу ниятлар тантанаси эди. Зеро, ҳаётнинг мураккаблиги ҳам, қизиғи ҳам, сирлилиги ҳам шунда!

Зокиржон ака кўп йиллардан бери дилига тугиб юрган ва мазкур сафаримиздан қайтаётганимизда бизга изҳор этган орзу-истакларидан бирини амалга оширишга — «Бобурнома»нинг янги, тузатилган, тўлдирилган нашрини фонд ҳомийлигида «Шарқ» нашриётида гўзал шакл ва безаклар билан чоп эттиришга мушарраф бўлди. Бу қутлуг китобнинг босилиб чиқиши Бобур номидаги халқаро жамғарма ва экспедиция ташкил топганининг ўн йиллигини нишонлаш билан бир пайтга тўғри келиб қолди. Бобур Мирзо таваллудининг 520 йиллиги ҳам яқинлашмоқда эди. Жамғарма раёсатида мана шу катта, муборак сана олдидан бир маърифий анжуман ўтказиш фикри туғилди. Ушбу тадбир вилоят ҳокимлиги билан келишилган ҳолда сентябр ойининг 24-кунига белгиланди.

Тошкентдан, вилоятлардан таниқли бобуршунос олимлар, адиблар, таржимонлар, муҳаррирлар, санъаткорлар таклиф этилди.

Шу куни эрталаб Бобур номи миллий боғнинг баҳаво оромгоҳ — чойхоналаридан бири олдидаги улкан чинорлар билан қуршалган хиёбон-майдонда бир неча юз кишилик жой ҳозирланиб, меҳмонлар, Андижон зиёлилари, ижод аҳли, фахрийлар, маҳалла оқсоқоллари вакиллари ош берилди.

Кейин худди шу ернинг ўзида илмий-амалий анжуман бошланди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Рустамжон Тиллабоевнинг кириш сўзидан кейин мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, Бобур номидаги халқаро жамғарма раёсати ва экспедиция аъзоси, таниқли ёзувчи Хайриддин Султонов ўзига хос лутфлар билан бошқарди.

Кун тартибидаги масалалар қуйидагича эди:

1. «Андижон шаҳри ёшини аниқлаш мақсадида олиб борилаётган археологик қидирув-тадқиқот истиқболлари.

2. «Бобурнома» қомусий асарининг тўлдирилган, тузатилган янги наشري такдимоти.

3. Бобур номидаги халқаро жамғарма ва унинг илмий экспедицияси томонидан 10 йил ичида амалга оширилган ишлар ҳақида.

Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти директори ўринбосари Абдулҳамид Анорбоев, мазкур институтнинг Турон бўлими бошлиғи Боқижон Матбобоев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Олтин мерос» жамғармасининг раиси Муҳаммад Али, Фарғона ўлкашунослик музейи ходими Геннадий Иванов икки йил давомида олиб борилаётган археологик қидирув пайтларида топилган Андижон шаҳри ўтмишига оид ноёб топилмаларни шарҳлашар экан, бу ерда шаҳарсозлик 2300 — 2600 йиллар муқаддам бошланган, деган фикрни айтдилар ва келгусида яна янги, асосли маълумот-ашёлар чиқишига умид билдирдилар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Республика Фанлар академиясининг академиги Азиз Қаюмов, «Бобурнома» янги нашрининг тайёрловчиси, профессор Саидбек Ҳасанов, филология фанлари доктори Абдурашид Абдуғофуров, Ислон университети профессори Абдулҳаким Жужжоний, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош директори Бобур Алимов, профессорлар Бегали Қосимов, Ҳасан Қудратуллаев, «Бобурнома» маъсул муҳаррири Ваҳоб Раҳмонов ва бошқалар ушбу нашр муҳим маданий воқеа бўлганини, жамғарма ва экспедициянинг ўтган ўн йил мобайнидаги изланишлари, кадриятларимизни тиклаш, дунёга сочилиб кетган маданий бойликларимизни тўплаш, улуг аждодларимиз руҳини шод этиш, бобуршуносликни тубдан жонлантириш борасида самарали фаолият кўрсатганини алоҳида таъкидладилар.

Анжуман қатнашчиларининг чиқишларида, шунингдек, жамғарма қулочи, муносабат доираси тобора кенгаётгани, дунё миқёсида нуфузи ортиб, чинакам халқаро ташкилотга

айланиб бораётгани ҳам қайта-қайта тилга олинди. Дарҳақиқат, бугунги кунда жамғарманинг Наманган, Ўш ва Тошкентда, Лоҳур ва Деҳлида, Мозори Шарифда, Москва ва Билфелдда, Киото ва Манчестерда бўлимлари ташкил этилган ва улар билан маънавий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда.

Бобур фондига тухфа қилиб юборилган икки ажойиб китоб ҳам ана шу фикрнинг ёрқин мисоли эди. "Бобурнома"нинг танқидий матнини яратган таниқли япон олими, халқаро Бобур мукофоти соҳиби Эйжи Манонинг "Бобур ва унинг даври", жамғарманинг Ҳиндистон бўлими бошлиғи, таниқли адиб, адабиётшунос Қамар Раиснинг «Шоир (Бобур) шеърляти ва шахсияти» номли салмоқли гўзал муқовали китоблари Шарқнинг олис мамлакатларидан Андижонга айна анжуман арафасида етиб келган эди. «Бобурнома» қаторида гўё ана шу асарларнинг ҳам тақдироти бўлди, яъни Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг самимий, кадрдон дўстлари, ўзбек адабиёти, маданиятининг хориждаги холис тарғиботчилари, Бобур Мирзонинг сидқидил ихлосмандлари бўлмиш мазкур муаллифлар ва уларнинг китоблари ҳақида анжуман қатнашчиларига маълумотлар берилди.

Ҳар икки асарни ҳам Бобур номидаги халқаро фонд даъватларига жавоб сифатида юзага келган, дейиш мумкин. Жумладан, Қамар Раиснинг ўз китоби бошига қуйидаги дил сўзларини битиши бежиз эмас: «Халқаро Бобур жамғармаси раиси, бобуршунос олим, дўстим, парламент аъзоси Зокиржон Машраб жанобларига катта эҳтиром ва эътиқод ила бағишлайман». Лекин Зокиржон ака бу бағишловни, қалбида уйғонган ифтихор туйғусини халққа ошқор этгиси келмади, истиҳола қилди. Аслида у Ўзбекистондагигина эмас, жаҳоннинг турли қитъаларидаги бобуршунослар бошини қовуштириб, улар ижодини бир мақсад сари йўналтиришдек хайрли иш ташкилотчиларидан бири сифатида фахр этишга ҳақлидир.

## ҲИНД АДИБИ БОБУР ЮРТИДА

Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ихлос боис, у туғилиб ўсган юртга меҳр қўйган машҳур зотлар кўп.

Шулардан бири жаноб Қамар Раисдир

Мен у билан Андижонга аввалги ташрифлари чоғида ҳам анча-мунча гаплашганман, лекин бу гал уч кун бирга юрдим, анча баҳузур суҳбатлашдик.

Аслида бу атоқли ҳинд адиби ижодини роппа-роса ўттиз беш йилдан бери биламан. Тўғри, дастлаб унинг назмий асарлари эмас, адабий тадқиқоти эътиборимни тортган. Янаям аниқроғи, Қамар Раисни Бобур Мирзо ҳазратлари «орқали» таниганман. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) филология куллиётининг учинчи босқич талабаси эдим. «Бобур лирикасида муҳаббат мавзуи»даги курс ишимга манбалар қидираётиб, ана шу даврдаги энг оммавий журнал — «Гулистон»да "Шаҳаншоҳ шоир" сарлавҳали мақолага кўзим тушиб қолди. Уни ўқиб, муаллиф услубининг равонлиги, тилининг ширадорлигига қойил қолган ва ундан кўчирмалар олиб, ёзма ишимда фойдаланган эдим. Қамар Раис ўша пайтдаёқ Деҳли университетининг профессори, таниқли адабиётшунос эди. Мақолада Бобур Мирзо тўғрисида хўп латиф фикрлар айтилган эди. Жумладан: "... бу овозида чин ошиқлар фарёди жаранглаган, ҳусн маликасининг майин товушидан дили беҳузур, табиат гўзалликларининг шайдоси, ситамгар маҳбубасининг фироқида дили шикастланган, ёр висолига мушток, гўзал водийларда маъсум кезувчи хаёлий парини излаган Бобурдир...». Яна у Бобур Мирзо ғазалларининг жозибасига мафтун бўлганини «...қалб қўри билан ёзилган шеърляти олдида унинг шаҳаншоҳлиги гадолик қилади, десак, янглишмаймиз», дея ғоят нафис ифода этган эди. Бу Бобур бобомизга беқиёс муҳаббатдан далолат эди.

Демакки, Қамар Раис жаноблари Бобуримизни, Ўзбекистонимизни, Андижонимизни аввалдан билади. У бизнинг ватанимиз, халқимизга бағишлаб кўп гўзал шеърлар битган. «Ҳиндистонлик Ўзбекистонда», «Чойхона тонги», «Бир орзу» (Тошкент гўзалига), «Тошкент гули», «Зулфия» (атоқли шоирамиз ҳақида), «Маъсум ўспирин», «Ўзбек раққосаси», «Жисми

гулдек мавж урсин...» ва ҳоказо. Шу билан бирга шоирнинг бир қатор асарлари бизнинг заминимизда қоғозга тушган. Балки у шунинг учун ҳам Ўзбекистонда, хусусан Андижонда яшашни ҳавас қилгандир. Балки у шунинг учун бу сафар Андижонга махсус, бемалол бўлиб келгандир. Мақсади Бобур Мирзо номи билан бирга дунёга танилган, бугун турли соҳалардаги изланишлари, янгиликлари, муваффақиятлари билан шараф-шонга бурканаётган бу қадим ва азим, озод ва обод диёрни астойдил томоша қилмоқ, Бобур Мирзонинг болалик, ўсмирлик қадамжойларини зиёрат айламоқдан иборатдир?

Лекин Андижон баҳонасида водийдаги зиёратгоҳ жойларни ҳам кўриш истаги бор эди азиз меҳмонимизнинг. Тўғрироғи, унинг саёҳат режаси ва йўналишлари Зокиржон Машрабов билан ҳаммуаллифликда тузилган эди. Зокиржон аканинг маслаҳати ва тавсияси билан, унинг хизмат машинаси — Асакамизнинг учқур тулпори — оппоқ «Нексия»да дастлаб Марғилонга йўл олдик.

Бемор соғайиши лозим бўлса, табиб ўз оёғи билан унинг ҳузурига келади, деганларидек, Қамар Раисни менга Аллоҳнинг ўзи етказган эди. Мен энг кейинги экспедиция сафари таассуротларига бағишланган «Андижондан Даккагача» китобимни ёзиш асносида ҳинд халқи ҳаёти, урф-одатлари ва бошқа масалаларда туғилган айрим саволларга қердан аниқроқ жавоб топишни билмай, бошим котиб юриб эдим.

Аслида Қамар Раис жаноблари Ўзбекистонда кўп яшагани учун ўрис тилини хийла дуруст биларди, лекин у янада эркинроқ сўзлашмоқ ниятида ўзи билан таржимон ҳам олиб келган эди. Тошкент қизи Муҳайё Абдурахмонова Шарқшунослик институти ҳинд бўлимида доцент эди. Унинг докторлик бўйича олиб бораётган ишларига айнан Қамар Раис илмий раҳбар экан. Муҳайё урду тилида жуда равон гапирар, боз устига киришимликкина эди, Қамар Раис билан суҳбатларимиз қовушиши осон бўлди.

Меҳмон, табиийки, Андижон ва водийнинг бошқа шаҳар-қишлоқлари ҳақида менга саволлар берар, мен эсам кўпроқ ундан дилимда тугилиб юрган сўроқларга жавоб олиш пайида бўлардим. Масалан: Ҳиндистонда ҳаддан зиёд кўп бадийий фильм ишланиши, уларнинг сюжети аксарият олди-қочди, баъзида куракда турмайдиган сентиментал воқеа-ҳодисалар асосига қурилиши ва ўринли-ўринсиз кўшиқ-ракслар билан тўлдирилишини унча ҳазм қилолмаслигимни, таажжубимни билдираман.

— Ахир халқнинг шундан бошқа тасалли оладиган, овунадиган машғулоти, эрмаги йўқ, — изоҳ беради адиб.

Ҳа, соддадил ҳиндлар ўз киноларига худди болалар эртакка ишонгандек ишонадилар. Бунга сафарлар чоғида ўзимнинг ҳам имоним комил бўлди-ку. Балки, эртакларга ишонмоқ, улардан завқ олмоқ инсон учун ажиб бир саодат, Тангри томонидан ато этилган бебаҳо неъматдир...

Камбағалларни дафн этиш билан боғлиқ муаммолар — ер танқислиги борасида лакновлик сантехник айтган, одамнинг раҳмини келтирадиган гаплар унчалик тўғри эмас экан. Мамлакатда бу тоифа учун ҳам алоҳида, умумий қабристонлар бор экан. Яна бир нарса менга янгилик бўлди: бойлар вафот этишса, уларнинг жасадини қўйдиргани узокми-яқинми, Бангалор ва бошқа жойларда сероб бўладиган, хушбўй, кучли ҳид таратувчи сандал дарахтининг ўтинидан олиб келинар, ғариб, бенаволар учун эса бориға барака экан.

Ажабо, дурагай «соҳиб» нега бундай девдийкин? Балки томирларида аламзада мустамлакачилар қони оқаётгани учун Ҳиндистондаги ночорлар аҳволини биз хорижийларга янаям бўрттириброк кўрсатишни хоҳлагандир. Аммо, ҳарқалай, онаси ҳинд аёли экан-ку!.. Эҳтимол унинг сўзларини дуруст англамагандирмиз.

Ноннинг нархи-навосидан сўз очаман.

— Ҳақиқатан ҳам бизда буханка ноннинг баҳоси баланд, бироқ энг қиммати ҳам ўн беш-йигирма рупиядан ошмайди, — дейди меҳмон.

Демак, Дехлидаги Ахуджа соҳиб анча маҳобат билан гапирган экан, деб ўйлайман.

Қамар Раиснинг яна бир ҳикоясини эшитиб, ҳиндларнинг кексалари камга ўхшайди, деб ёзганим эсимга тушди.

— Ҳиндистонда аҳолининг бир тоифаси бор. Уларнинг ақидаси, дунёқарашига кўра, эркак ҳаёти уч босқичдан иборат: болалик, йигитлик (Муҳайё шошилишда шундай ўгирди,

менимча бу давр ўрта яшарликни ҳам ўз ичига олади), зоҳидлик. Ана шу таълимотга эътиқод кўювчилар маълум ёшга боргач, ҳамма нарсани: оилани, фарзандлару мол-дунёни, амал-лавозимларни, ҳатто заргарлик дўконларини ҳам ташлаб, дарвишликни ихтиёр айлайдиларда, ўрмонлар, тоғлар, олис тепаликларга чиқиб кетишади ва қолган умрларини махсус қурилган мандирларнинг<sup>1</sup> кичик бир хонасида, танҳоликда, кечасию-кундузи тоат-ибодат билан ўтказадилар. Илгарилари бундай тарки дунёчилар олий табақа (каста) вакилларининг беш-ўн фоизини ташкил қилишарди, ҳозир улар анча камайиб кетишган...

Бу удумнинг Ясавия тариқати, дини исломнинг нафсни тийиш борасидаги қоидалари билан уйғунлигини ўқувчиларимиз ҳам пайқашди, албатта...

Мирзатерак, қора толларнинг тилло ранг япроқлари, йўл четларида аскардай саф тортиб турган тутлар, бепоён пайкаллардаги ғўзаларнинг носранг барглари ҳали кўп тўкилиб улгурмаган, янги буғдой сабза уриб ўсаётган майдонлар эса ям-яшил эди. Қамар Раис ана шу олтин кузимиз жилоларини завқ билан томоша қилиб борарди. Мен ҳам унинг ватани — Ҳиндистон табиатининг ҳусни-латофатига лолу мафтун бўлганимни сўзлайман. Бу икки ўлка набототининг ўзига хос жиҳатлари шунда эдики, ҳинд элида ўрмону чангалзорлар, манзарали дарахтлар, хусусан ранго-ранг палмалар, бизда эса мевали дарахтлар, экинзор кўпроқ, у ёқда асосий зироат шоли бўлса, бизда пахта...

Қамар Раис мижозан ўта босиқ, ҳаяжонини қалб тубида сақлайдиганлар сирасидан. Бироқ, мен ҳозирча кўришга муяссар бўлолмаганим — Кашмир музофоти табиатининг айнан Фарғона водийси билан жуда ўхшаш, жаннатмонанд жой эканлиги ва бошқа фазилатлари сабабли талаш бўлаётганини феълига хос бўлмаган қизгин эҳтирос билан баён қилар ва уни худди она юртини таърифлагандек, тўлқинланиб тавсиф этарди:

— Кашмир — қадимий ўлка. Унинг номи икки минг йил аввал мусулмон олимлари, муаррихлари томонидан ёзилган китобларда ҳам тилга олинади. Бу ғўзал водий

тўғрисида бизда шундай ривоят юради: Эмишки, яхудийлар ўн икки қабилага бўлиниб, ер юзига тарқаб кетишган экан. Уларни бирлаштириш учун қидиришганда ўн бир қабила топилиб, биттаси топилмабди. Кейинчалик маълум бўлишича, ўн иккинчи қабила Кашмирга жойлашиб қолган экан. Дарҳақиқат, ҳозир ҳам яхудийлар билан кашмирликлар ишлатадиган идиш-товоқ, асбоб-анжомларда ўхшашлик мавжудлигини сезиш мумкин.

Мен «кашмири тил», «кашмири олма» каби ибораларни ўйлайман. «Кашмир» номининг замирида одамларнинг айёр устомонлиги («Кашмири тилинг билан алдар экансан...») назарда тутилганми, йўқми — билмадим, лекин жойнинг ғўзаллигига ишора сифатида «ўзига тортувчи», «асир қилувчи» маънолари борлиги аниқ бўлса керак.

Қамар Раиснинг айтишича, Бобур Мирзонинг невараси, ҳиндистонликлар ҳали-ҳамон суйиб-ардоқлайдиган Акбаршоҳ бизнинг водийдан бир минг икки юз туп турли кўчатлар олдириб, Кашмирга эктирган экан, ҳозир ана шу дарахтлардан уч туп чинор қолибди...

Асака шаҳридан ўтаётганимизда мен Ўзбекистон номининг йирик машинасоз мамлакатлар рўйхатидан жой олишини таъминлаган «ЎзДЭУавто» корхонаси, унинг байналмилал жамоаси тўғрисида фахр билан сўзлаб бердим.

Фарғона вилоятининг Қува туманига кириб борганимизда Қамар Раис буюк астроном, математик ва географ Аҳмад ал—Фарғоний ҳайкалини кўриб, ушбу ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида қатнашганини эслади. Шу баҳона, мен Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзолари томонидан улуғ алломаимизнинг Мисрдаги қабридан тупроқ олиб келинганини, мана шу ерда барпо этилиши режалаштирилган рамзий қабрга қўйилиши лозим бўлган ўша табаррук хок Зокиржон Машрабовнинг идорасида авайлаб сақланаётганини айтдим.

Бобур Мирзо қадамжоларидан бўлмиш кўҳна Марғилон шаҳрининг Увайсий маҳалласидаги Нодирабегимдек мумтоз шоирага устозлик қилган Жаҳон Отин — Увайсийнинг қабри ва рамзий ҳайкалини ўз ичига олган ихчамгина кўрғон шоиранинг ўзи каби содда ва камтарона эди. Бироқ жиякларига яқиндагина сув қўйилган пушталарда очилиб

<sup>1</sup> . Мандир — ҳиндларнинг ибодатхонаси.



турган пастак, майда баргли гуллар бу жойнинг ҳарқалай қаровда эканлигидан далолат берарди.

Меҳмонларни кўриб тўплана бошлаган маҳаллалик опалардан бири барибир ўзини ўнғайсиз сизди чоғи, «2004 йили шоира таваллудига 200 йил тўлар экан, шу муносабат билан бу хотира майдони таъмирланиб, кенгайтирилариш, янги ёдгорликлар ўрнатилади», деди (опа юбилей рақамида адашди — икки йилдан кейин марғилонликларнинг фаҳри — Увайсийнинг 225 йиллиги нишонламоғи керак).

Қамар Раис Жаҳон Отин руҳига “Қуръон” оятларидан тиловат қилди.

Сўнг кўркем ва салобатли, замонавий Фарғона шаҳрини оралаб, йўл-йўлакай томошалаб ўтиб, катта-кичик адирлар куршовидаги шинам, мўъжазгина, аммо муқаддас тупроғида Ҳувайдодек фавкулудда истеъдодли соҳиби қалам униб-ўсган, кейинги даврда даволаниш масканлари — санаторийлари билан ҳам довруқ қозонган баҳаво Чимён қишлоғига етиб бордик. Бизни шоир қабри узра тиклана бошлаган ва чала-ярим қолиб кетган мақбаранинг яланғоч деворлари билан туташ ҳовлида истиқомат қилувчи Ўлмас махсум Муқимиддин махсум ўғли кутиб олди. Шаҳдамгина, сўзчан бу одам XVIII аср ўзбек адабиёти ва тасаввуф фалсафасининг йирик намояндаси Ҳувайдонинг авлодларидан экан. У бизга ўз ташкилотчилиги ва ҳомийлигида шоир бобосининг «Фарғона» нашриётида энг паст навли қоғозга наридан-бери босилган «Танланган асарлар»идан тақдим этар экан, сағана қурилишининг етти йилдан бери ҳаракатсиз ётганидан кўп ёзғирди. Шубҳасиз, аҳволни кўриб меҳмонлар ачинишди, мен машҳур сиймоларнинг пурвиқор мақбараларини кўп кўрган Қамар Раисдек таниқли ижодкорни бу ерга мақтаниш ниятида, бошлаб келганимдан хижолат чекдим ва Зокиржон аканинг гапларини эсладим. У Бобур миллий боғининг директори, экспедициянинг доимий ҳайдовчиси ва механиги, видеотасвирчи ва фотосураткаш Илҳомжонни бизга шофёр қилиб берар экан, иккаламизга: «Яхшилаб тасвирга, суратларга олинлар, қабр-мақбараларнинг ҳолатида ўзгариш борми, йўқми — билишим керак. Айниқса, Нодирабегим ва Ҳувайдо қабрларига эътибор қилинлар», деб қайта-қайта тайинлаган эди. Ҳа, Зокиржон Машрабов фақат бобурийларнинггина эмас, фақат хорижий мамлакатларда қолиб кетган бобокалонларимизнинггина эмас, балки ўз юртимизда ўтган фахрли, шараф ва иззат-икромга, эъзозга лойиқ, аждодларимизнинг мангу хобгоҳлари борасида ҳам қайғулар, ташвиш чекар эди. Унинг қалбига Яратганининг ўзи солган бу меҳру муруватни, жонсарақликни, миллатпарварликни, марҳумпарварликни тан олмай илож йўқ, азизлар...

Яна бир тарихий шаҳар — шуаролар, фузалолар, санъаткорлар маскани Қўқонда Андижон қизи, малика ва шоира Моҳларойим — Нодирабегим ва унинг суюкли эри, Қўқон хони, нозик таъб шоир Амир Умархон — Амирийнинг Янги чорси маҳалласидаги, дунёдан рўшнолик кўрмай, «Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор, Шул эрур айбим... мардуми Фарғонаман», дея оҳ уриб ўтган Муқимийнинг Шайхон қабристонидаги қабрларини зиёрат қилдик. Қабр-сағаналар ҳолати яхши эди. Шунингдек, Қамар Раис ижод оламининг бу беназир сиймолари ҳақида етарли маълумотга эга эди, уларга ортиқча шарҳ, изоҳ беришга ҳожат бўлмади.

Сўнг тушлик қилиш учун муҳтарам меҳмонимиз хоҳишига кўра, Ўзбекона чойхона излаб (шоир «Чойхона тонги» деган шеърни бекорга ёзмаган), Тошкент йўлидаги «Қўқон» ошхонасини топдик. Бизга Дилфуза исмли қиз хизмат қилди. Унинг хушмуомалалиги ёқдимиз ё хушсуратлигимиз, Қамар Раис жаноблари бирга суратга тушишни таклиф қилди, табиийки, ҳиндпараст ўзбек қизларининг вакиласи бўлмиш Дилфуза ҳам йўқ демади.

Йўл-йўлакай таассуротларимизни ўртоқлашиб, оқшомга яқин Андижонга қайтиб келдик.

Эртасига саёҳат-зиёратни Бобур миллий боғидан бошладик. Қамар Раис Бобур Мирзонинг баланд адир қиршовидаги ушбу рамзий қабри билан Кобулдаги сағанасининг монандлигини таъкидлади, «Бобур ва жаҳон маданияти» мозийгоҳидаги экспедиция томонидан турли чет эллардан олиб келинган темурий-бобурийлар ҳаётига оид, бошқа тарихий мавзулардаги беҳисоб, ноёб китобларни кўрганда ҳайратини яширмади.

Бу кун биз кўпроқ Андижоннинг буюк фарзанди Бобур Мирзо ҳақида суҳбатлашдик.

— Менинг нуқтаи назаримча, уч тоифа қаҳрамонлар бўлади, — дейди Қамар Раис, — бир миллат қаҳрамони, тарих қаҳрамони ва бутун инсоният қаҳрамони. Заҳриддин Бобур инсоният қаҳрамонидир.

— Башарият қаҳрамони, — андак ўзгартиш киритди Зокиржон ака.

— Ҳа, башарият қаҳрамони, — маъқуллади меҳмон.

Эски шаҳарга — Арк ичи маҳалласига ўтдик. Бугун бизга вилоят тарихчилар жамияти раиси, профессор Сайфиддин Жалилов ҳам ҳамроҳ эди. У «Бобур ва Андижон», «Бобурнинг Фарғона давлати» рисолаларини яратиш жараёнида Умаршайх Мирзонинг подшолик пойтахти жойлашган, Бобур Мирзо илк бор тахтга ўтирган мана шу ҳудудни такрор-такрор кезган, хўп ўрганган эди. Бу ерда ҳозир аҳоли зич яшар, собиқ қалъа кўрғонининг шарқий девори ўрни эндиликда баланд, тор кўча эди. «Ўнг томондаги ҳовлилар бир том бўйи пастда бўлиб, уларга зиналар билан тушиларди. Бу — Арк ичи билан ташини аниқ ажратиб берувчи чегара нишонаси эди.

Ҳа, бу жойларнинг бир замонлар баланд кўрғон, шоҳ саройи бўлганлигини ана шу хандак-ҳовлилар исботлаб турар, бошқа далил, ашёлар (ер устида) йўқ ҳисоби эди. Сайфиддин ҳожи ака мана шу ҳақда куюниб сўзлар экан, жаноб Қамар Раис ҳиндларга хос мулойимлик билан оҳиста бош чайқар эди.

Дарвоқе, Қамар Раис ҳиндларнинг тарихда бирон мамлакатга қилич яланғочлаб бормагани, ўзгалар бостириб кирса ҳам ортиқча қаршилик кўрсатишмаганини халқ хулқи-табиатидаги ана шу мулойимлик, ҳалимлик, беозорлик хусусиятлари билан боғлайди. «Еримиз катта, кўнглимиз кенг, келинлар, сизлар ҳам яшайверинлар», дейишаркан. Қадим ҳиндларнинг фалсафаси, дунёқараши, эътиқодининг асоси ана шу экан. Микроб кириб ўлиб қолмасин, деб, лаблари четига қорақуя суртиб, оғизларини маҳкам юмиб юрадиган тоифалар бор экан.

— Куюкиш, дилозорлик ҳинд халқида умуман йўқ, — тасдиқлайди хизмат сафари билан Ҳиндистонга тез-тез бориб турадиган Муҳайё. — Улар бизга ўхшаб сал нарсага жиғибийрон бўладиганларни асаби чатоқ экан шекилли, деб ўйлашади.

Менинг кўнглимдан эса шундай фикрлар ўтар эди: Андижоннинг тарихини, асил ёшини аниқлашнинг қийин кечаётгани бежиз эмас. Урушлар, зилзилалар туфайли тарихий бинолар, ёдгорликлар вайрон бўлиб кетган. Мирзо Бобур Андижонда ҳукмронлик қилганда балки мана шу ҳудудларда темурийларга хос маҳобатли, мустаҳкам иншоотлар, обидалар барпо қилинган ва улар ҳали-ҳамон савлат тўкиб, узоқ-яқиндан ташриф буюрадиган меҳмонлар учун зиёратгоҳга айланиб, Андижон халқига юз, ифтихор бўлиб турармиди...

Кейин мана шу маҳалла билан ёндош Бобур уй музейи (айни вақтларда таъмирталаблиги бонс ишламай турибди)ни бирров кўргач, хунармандлар растаси оралаб пиёда қайтдик.

Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон боғидаги шоир рамзий қабри бошида ҳам муҳтарам меҳмонимиз тиловат қилди. (Дарвоқе, бу ёдгорлик мажмуи ҳам Зокиржон Машрабов ташаббуси билан бунёд этилган бўлиб, ўттизинчи йилларда Тошкент шаҳридаги қатағон қурбонлари отилиб, жасадлари чуқур жарга тушириб юборилган жойдан — юзи қаро, аламноқ Бўзсув қирғоғидан тупроқ олиб келиб «дафн» этилган).

Қамар Раис Чўлпонни ҳам яхши биларди. У жаҳидлар адабиёти ҳақида маърузалар қилган, мақолалар ёзган эди. Шунинг учун Чўлпон хотира музейидаги тарихий ҳужжатлар, ашёларни шошилмай, синчиклаб кўздан кечирди. Андижон улуғ инсонлар юрти эканлигини эътироф этиб, улар билан ҳар қанча ғурурлансангизлар арзийди, деди.

Яна шаҳарни оҳиста кезар эканмиз, жаноб Қамар Раис дамба-дам кўчалар, йўлаклар, боғлар, хиёбонларнинг озода ва саришталиги, батартиб ва ободлигини айтиб, «ача, ача» («яхши, яхши») деб кўярди.

— Ўзбекистонда, жумладан Андижонда ҳам қиз-аёлларнинг ҳур ва дадиллиги, давлат ва жамоат ишларида фаоллиги, ораста, замонавийлиги менга жуда ёқди. Бизда энг маданиятли, саводхонлик нисбатан юқори — етмиш икки фоиз бўлган штат — Керала. Аммо тозалик, аёлларнинг маданий-ижтимоий савияси бу ердагича эмас, — дея кўшимча қилади адиб. Ҳа, бу бораларда, жумладан хотин-қизларнинг саводли ва илмли бўлишлари учун шарт-шароит,

имкон яратиш масаласида Қамар Раис ўзининг машҳур ватандоши, Бенгал адабиётининг сўнмас куёши Робиндранатх Тхакур билан ҳамфикр, маслакдош эди.

Мен Муҳайёдан «соҳибнинг иқлими мўътадил ўлкамизда яшаш истаги чинмикин», деб сўрайман.

Қамар Раис асли Ҳиндистоннинг шарқида, Лакнов шаҳри йўлида, Ганга-Жамна водийсидаги Шоҳ Жаҳоннур шаҳарчасида туғилган. Пойтахт — Деҳлига анча узоқ — 250 чақирим, яъни мамлакатнинг энг ҳароратли, чекка бир ўлкасидан. Лекин... Муҳайё менга меҳмоннинг сўзларини, жуда муҳим бир сирни очаётгандай, аста шипшиди:

— «Ўзбекистон иқлими қанчалар яхши ва менинг дилимга қанчалар яқин, азиз бўлмасин, барибир Ватан ўзига тортади...».

Шоир батамом ҳақ. Зеро, унинг Ўзбек-ҳинд дўстлигига бағишланган шеърларидан бирида шундай мисралар бор:

*Илдизим шул Ватанимнинг қон томирида,  
Илдизим шул Ватанимнинг жон томирида.  
Бу бир Ватан — муҳаббатга макон бир Ватан,  
Бу бир Ватан — чаманзору бўстон бир Ватан!  
Муҳаббат бор Ватанимнинг ҳар бир бурчида,  
Муҳаббат бор одамларнинг азму кучида!  
Муҳаббат — бу башарият дилбар достони,  
Муҳаббат — бу тинчлик демак, созди ҳар они!  
Биз бўлсак—чи, муҳаббатнинг томирларимиз!*

Дарвоқе, Қамар Раис ҳозир Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг раиси, Бобур халқаро жамғармасининг Деҳли бўлими бошлиғи. Демак, унинг бир кулоғи, қалбининг бир чети ҳамиша Ўзбекистонда, сеvimли қахрамони Бобурнинг юрти — Андижонда эди.

Зотан У шахс сифатида улкан мамлакатнинг бир қисми, ижодий ҳамда ижтимоий фаолияти эса Бобур Мирзонинг болалик, навқиронлик ва улўғлик — камолот даврлари кечган икки ўлка маданиятини, тарихини, халқлари дилини туташтирувчи олтин кўприкнинг пойдор устунларидан бири эди.

## ҚУТЛУҒ АНЪАНА

Академик, ўз даврининг эрка шоири, аллома Ғафур Ғулом Андижонни жуда яхши кўрарди. Бу юртда унинг дўсту кадрдонлари, мухлислари, шогирдлари кўп эди. Улар орасида машҳур аскиячимиз Абдулхай Қозоқдан тортиб, оддий боғбон, кетмончигача бор эди. Бот-бот келиб, меҳнат қаҳрамонларимиз ҳақида очерклар ёзиб, Анисий, Сайфий, Улфат, Боқир каби аруз илми, мумтоз адабиётимиз билимдонлари билан мушоиралар, аския-мутойибалар қилиб, дилкаш суҳбатлар қуриб қайтарди. Кейин Ойбек, Собир Абдулла, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шухрат сингари улуғ адибларимиз... Бу салобатли рўйхат, қутлуғ анъана бугун ҳам изчил давом этмоқда: Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Носир Фозилов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Хайриддин Султон...

Ёзувчиларимиз сарбони Абдулла Ориповнинг диёримизга айрича меҳри, яқинлиги бор. У катта тўйларимиз, шодиёнларимиз бошида ҳамиша шеърдан белбоғ боғлаб туради. Андижон ва андижонликлар шаънига, ана шундай тантаналардан бири муносабати билан, 2000 йилнинг кеч қузида, самолётда битилган ва илк бор кўп мингли йиғин — ҳосил байрами қатнашчилари олдида ўқилган бир қасида мудом андижонликлар дилида ва тилида. Мен ҳам уни ички бир ғурур ила ўз ўқувчиларим эътиборига ҳавола этмоқни лозим кўрдим.

**Абдулла ОРИПОВ,**  
*Ўзбекистон Қаҳрамони*

## АНДИЖОН

Доимо етукликни кўзлаган Андижонсан,  
Навоий лаҳжасида сўзлаган Андижонсан.

Дунёга доврўғ солдинг, доим нозик таъб бўлиб,  
Бобурингни изладинг Зокиржон Машраб бўлиб.

Муҳаммад Қодир бўлиб кўрашмоққа қасд қилдинг,  
Сиднейда ғолиб чиқиб, рақибларни паст қилдинг.

Ўзбекни билай десанг, Андижонга аввал боқ,  
Номард билан гаплашмас, у мард билан чин ўртоқ.

Меҳнату маърифат ҳам Андижонга ярашгай,  
Сир эмас, кўплар унга ҳавас билан қарашгай.

Водий олтин соз бўлса, овозидир Андижон,  
Бу кун пахта илмининг устозидир Андижон.

Андижон машинасин рўллари қўлларида,  
Кезади танти Ўзбек жаҳоннинг йўлларида.

Пахтакор бўл, майли, ё алломайи замон бўл,  
Чўлпондай зотни берган Андижоним, омон бўл.

Ахир, кўкдан тушмаган шунчалик, обрў бари,  
Аслида Андижоннинг қобилдир фарзандлари.

Андижоннинг ҳамиша юраги ўтлуғ бўлсин,  
Юртбошининг муборак назари қутлуғ бўлсин.

Андижонга меҳримни қалбимга солиб келдим,  
Ушбу шеърни атайлаб Тошкентдан олиб келдим.

*18 ноябр, 2000 йил.  
Тошкент — Андижон.*

## ИЧКИ САРЛАВҲА(БОБ)ЛАР:

“Бобурнома” йўлларида (Сўзбоши).....  
Муқаддима. Гуркиров таърифида.....  
Меҳрибон Мишра хоним. Сертакаллуф хитой элчиси.....  
Суюнч ва куюнч. Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр.....  
Яна элчихоналар остоналарида .....  
Абдулла Ориф ҳаяжонлари. Андижон дўпписи .....  
“Қовун” .....

### ҚИРҒИЗИСТОН

“Сарвқомат дилбар“ юрган довлар .....  
Ой кулар ҳолимизга.....  
Хом саналган чучвара.....

### ҚАШҚАР (ХИТОЙ)

“Ким Қашқарни кўрмабди...” .....  
Ван афанди кузатувидаги Пан афандилар .....  
“Мусақа сирлари”ни излаб... .....  
Опоқ Хўжа макбараси ва бошқа зиёратгоҳлар.....  
Қашқарда нима қанча? .....  
Кулиш таъқиқланган. Йўл, чўл, Ван... .....  
Менга алам қилар... “Хотирам яна панд берди” .....

### ПОКИСТОН

Ван Дамнинг дум”и .....  
“Қизларга қарашни бизга қўйиб беринг, Илҳомжон!..” .....  
Фош бўлган “найранг”лар.....  
Иштаҳанинг белига тепган ирим.....  
Бормисан, “чикен суп!” .....  
Бечора Фарруҳ.....

### ҲИНДИСТОН

“Чойхоначи” чегарачилар.....  
Ҳайратли ўзгаришлар.....  
Оши қиммат гўшт емаслар. Муса деб кўсани уйғотибмиз.....  
Ҳар фотихда ҳар мақсад.....  
Кўчалар, о, кўчалар.. .....  
Шайх Низом ва бошқалар мазорида. Охунжонникида паловхўрлик.....  
Покиза Султон бегим хонадонида.....  
Ҳиндга келин бўлган ўзбек қизининг армони.....  
Маҳфиратнинг андишаси. Сўхнилиқ олижаноблар.....  
Зебуннисонинг қабри қаерда?.....  
Тож Маҳал.....  
Тархини Бобур чизган боғ. Ноёб сурат .....  
Ҳинд табиати.....  
Сангам. Илоҳий дарё.....  
Ҳинд байрамлари. Дивали. ....

Кўхинур қисмати. Ҳумоюннинг аянчли мағлубияти.....  
Пашшадан дод!.. .....  
Бир масала... чатоқроқ... .....  
Калкутта. Кўнгил очарлар жамияти .....  
Сув ичида қолган одамлар.....

### **БАНГЛАДЕШ**

Яшил мамлакат. Нострадамус башоратидан сақласин.....  
Паромдаги можаро. Дашном. ....  
Тиланчилик ярашмаган мўйсафидлар.....  
Москвалик келиннинг эри.....  
Лаълбоғ. Бобурийлар мозийгоҳи .....  
Андижон гуручи ва Самарқандча палов.....  
Тушга кирган сувилон .....  
Рангунга ўтиш муаммолари. Даккадаги бедана гўшти.....  
Машраб сарсон, Бобур хижолат.....  
Энг узун кўприк.....  
Қиз-жувонлар ўша-ўша... ..

### **ЯНА ҲИНДИСТОН**

Байрамларингдан... ..  
“Ҳе, шунақа қилиб ош егани... ..  
Увол бўлган балиқлар.....  
Бут-санамлар “ўчоғи” .....  
Ҳабиб Раҳмон ҳам ўзимиздан экан... “Бечора” ошиғу маъшуклар .....  
Габрово латифаси.....  
Дийдаси қаттиқ жувонлар.....  
Соқолга ҳам чидаш керак. Беозор йигитнинг “қилғуликлари”.....  
Лакнов. Рикшачига осон тутманг.....

Муҳаббат боғида.....  
Жаҳонгиршоҳ ва Нуржаҳон бегим мақбаралари.....  
Бу қайси Зебуннисо?.....  
Лоларух бегим ким бўлган? “Воҳ!” боғи.....  
“Дуо қилинг, биз ҳам ватанга қайтайлик... ..  
Бечора бой сиғиндилар.....  
Юзингни бир кўрай, тиламчи жонон... ..  
“Вой бошим..”, “Вой жоним...” .....  
Бу не ҳаёт?.....  
Хайр, Пешавор!.. .....  
Таниш йўллар, хайбатли довонлар .....

### **ЭРОН**

Эҳ божхона, эгов божхона.....  
Алвидо, соқол!.....  
Машҳад, Имом Ризо ҳарами.....  
20 миллиард долларли дастхат. Бобур ўз алифбосида китобат қилдирган Қуръон.....  
Ҳарамдаги ғалча, Совға ҳаргомаси.....  
Дунёда энг гўзал, соз йўл... ..

**ТУРКМАНИСТОН**

Бир шингил хотира.....

**ЖОН ЎЗБЕКИСТОН**

Тошкент. Ифторлик баҳона... ..

Андижон. Сўнгги ва енгил ранж .....

Баъзи кўрғонларимни назмга ҳам солғоним.....

**Муаллифдан.** Ҳинд аёллари ҳақида.....

Эрка кийик қазоси.....

Эзгу ниятлар тантанаси.....

Ҳинд адиби Бобур юртида

Қутлуғ анъана.....



***АФҒОНИСТОН БҒЙЛАБ***  
***17 КУН***

*(Сафарнома – 3)*

**Саргузаштлар,  
Одамлар, одатлар,  
Муаммолар, мулоҳазалар**

*Сафарномаларнинг ушбу 3-чи китобида экспедиция аъзоларининг Афғонистон мамлакати бўйлаб қилган сафарлари мобайнидаги таҳликали ва машаққатли кунлар, гаройиб саргузаштлар тасвирланган. Шунингдек, асарда Абу Райҳон Беруний, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа буюк аجدодларимиз номи билан боғлиқ тарихий жойларни ўрганиш юзасидан олиб борилган илмий изланишлар, афғон халқи ва мазкур юртда яшовчи ўзбекларнинг яшаш тарзлари, урф-одатлари, орзу-ўйлари тўғрисида ҳикоя қилинади.*

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

*Навоий бўлмасига озими Ироқу Ҳижоз*

*Назоҳати мулки Ҳирий эрур боис.*

Ҳазрат Навоий ўзи униб ўсган Ҳиротни ғоят севар, ардоқлар, уни кўкларга кўтариб таъриф ва тавсиф этар эди. Юқоридаги байтда ҳам шоир она шахри Ҳирот (Ҳирий) шунчалар гўзал ва жозибалики, Навоий уни қолдириб Ироқ ёки Ҳижоз сари бормокни истамайди, деб ёзган.

Қамчибек Кенжанинг “Буюклар изидан”(“Афғонистон бўйлаб 17 кун”) асарида Бобур Халқаро жамғармасининг раиси Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги кичик бир гуруҳдан иборат жонкуяр ва жонбоз маърифатпарварлар билан бирга Афғонистон заминида илмий сафарда бўлиб, ушбу мамлакат, хусусан Ҳирот ҳақида ёзганлари унинг ҳар бир ўқувчисига Навоийнинг ана шу юрак сўзларини эслатади.

Бобур Халқаро жамғармаси вакиллари Ҳиротга борганларида (2003 йил, август) ўзлари билан улуғ режалар олиб борган эдилар. Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан Ҳирот шаҳридаги буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг оромгоҳини обод қилиш бўйичи лойиҳалар тузилган. Энди ана шу муборак иш амалга ошмоғи керак. Шунингдек, Ҳирот яқинида улуғ ўзбек шоири Лутфий дафн этилган. Унинг оромгоҳини сақлаш, обод қилиш, эл учун қутлуғ зиёратгоҳга айлантириш вазифаси ҳам кун тартибда турибди.

Абу Райҳон Беруний (Ғазна шаҳрида), Бобораҳим Машраб (Ишкамиш деган жойда) ҳам диққат-эътиборга муҳтож. Ана шу хайрли ишлар Бобур Халқаро жамғармасининг диққат марказидадир.

Жамғарма фаолиятига қардош Афғонистон зиёлилари юксак баҳо берганлар. Ҳирот университетининг ректори Абдурауф Мухлиснинг фикрича, ушбу жамғарманинг ташаббус ва ташкилотчилиги ўзлигини билладиган ва ўз маданиятини қадрлайдиган ҳар бир миллат вакилига катта ибратдир.

Китобда Қамчибек Кенжа Лутфий оромгоҳини қидиришдаги машаққатларини бирма-бир тасвир этган. Шунинг учун ҳам узоқ изланишлардан сўнг топилган мрамор тошдаги “Мавлоно Лутфий Ҳеравий” деган ёзувни экспедиция аъзолари ўқиганда нафақат уни топган фидокорлар, балки китобхон ҳам терисига сиғмай қувониб кетади. Беруний, Машраб изидан ҳам бизнинг ватандош маърифатпарварларимиз ана шундай таҳсинга сазовор ишларни амалга оширганлар. Бунинг учун Халқаро жамғарма раиси Зокиржон Машрабовга ҳам, ушбу асар муаллифи Қамчибек Кенжага ҳам миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Соғ-омон бўлиб, бу хайли ишларга ривож бағишлаб берингиз, азиз дўстлар!

“Буюклар изидан” сафарномасини ўқиб чиққач, яна бир фикр туғилди. Бобур Халқаро жамғармаси нафақат маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Балки бу фаолият бугунги ўзбек бадиий адабиётида янги бир ижодий соҳанинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу бадиий сафарнома жанридир. Ҳозирнинг ўзида Қамчибек Кенжа қаламига мансуб тўрт сафарномага эгамиз. (“Ҳинд сориға”, “Бобурийлардан бири”, “Андижондан Даккагача”.) Яна “Бобурийнома” (Хайриддин Султон асари) ҳам шу соҳага тааллуқли. Булар ҳаммаси Бобур Халқаро жамғармаси фаолиятига алоқадор.

Менимча, шу соҳага қизиққан мутахассислар даврасида бир адабий-илмий суҳбат уюштирилса, унда ана шу XX – XXI аср ўзбек сафарномаси жанри ва унинг истиқболи тўғрисида илмий-ижодий фикр алмашув бўлиб ўтса, фойдадан ҳоли бўлмас эди. Чунки бу йўналишда йиғилган тажриба шуни тақозо этиб турибди. Эҳтимол бу иш Навоий номи Адабиёт музейида марказлашса ҳам бўлар (албатта, Бобур Халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда).

Мен Бобур ҳаёти ва ижодининг барча мухлисларини ушбу янги сафарнома билан табриклайман. Умидворманки, “Улус кўнгли они қабул қилгай” (Навоий).

*Азиз ҚАЮМОВ,*

*академик*

*“Ўзбеклар дунёдаги баъзи халқларга нисбатан озчиликни ташкил этса-да, буюк халқдир. Халқлар мақеи уларнинг оз ё кўплигига қараб эмас, тарихи, маданияти, инсониятга етиштириб берган буюк даҳоларига қараб белгиланади”.*

**Билл ФРИМЕН,**  
канадалик олим,  
ёзувчи,  
киносценарийчи

## **ФАЗИЛАТ САФАРИ**

Экспедициядошларим Афғонистонда бир неча бор бўлишган. Раҳбаримиз Зокиржон ака Машрабов ҳар гал мен учун туманли ва ваҳимали замин бўлиб туюладиган ана шу мамлакатда кўрганлари, бошларидан кечиришган ранго-ранг воқеаларни ҳаяжон билан сўзлаганида юрагим бир ҳаприқиб кўяр, кўнгил тубидаги «армон» отлиғ саркаш, бесарамжон бир туйғу ғимирлай бошлар, ўша сафарлардан бирига жўнаш арафасида бетобланиб қолиб кетганим ҳали-ҳали ўзимга алам қилар эди. Алалхусус, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Кобулдаги макбарасини, Қандаҳордаги Чилзинани, Бомийн водийсини ва у ердаги баҳайбат Будда ёдгорликларини кўриш орзуси менга тинчлик бермас эди<sup>1</sup>. (Сирасини айтганда, саёҳат – жону дилим. Қани энди, иложу имконим бўлса-ю, дунё кезиб юрсам, дейман...).

Ниҳоят, Аллоҳнинг иноятию раҳбар Зокиржон Машрабов саъй-ҳаракати билан Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция<sup>2</sup> сафида афғон диёрига сафарга отланиш насиб этди.

*2003 йил, 4 август тонги*

Ҳар галгидай, Зокиржон ака Андижон шаҳрининг Бобур боғидаги ошхоналардан бирида бизни кузатувчилар учун ош-сув қилиб, дастурхон ёзган. Одатдагидек, бу рамзий паккага жамоатчилик вакиллари, нуронийлар, зиёлилар, экспедиция хайрихоҳлари, дўсту ёронларимиз йиғилишган.

Кузатув маросимини «Андижоннома» газетасининг ўша пайтдаги бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати, камтарин ва садоқатли инсон Назиржон Саидов бошқарди (Бу йиғин ҳам бир тарих-да). Вилоят ҳокимининг ўринбосари Рустамжон Тиллабоев, фахрийлардан Жўра Ҳасанов экспедиция фаолияти ҳақида сўзлашиб, янги сафаримизга оқ йўл тиладилар. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом кимнидир ҳаяжонга, кимнидир хижолатга соладиган бир гап айтди. «Яқин орада ўтган ва ўз шаҳрида дафн этилган отасининг қабри бошига чиқиб, Қуръони каримдан икки жумла ўқиб қўйишга ярамайдиган, шунга ҳафсала қилмайдиган, «вақт тополмайдиган»лар қанча! Зокиржон аканинг экспедиция аъзолари билан узоқ мамлакатларда минг йиллар аввал яшаб, ўша ёқларда қолиб кетган буюк аجدодларимизнинг мазору макбараларини қидириб, топиб, уларни зиёрат қилишлари, таъмирлаш чораларини излашлари катта савоб, ибратли

<sup>1</sup> Экспедициянинг 1993 йилги сафари чоғида Афғонистоннинг фақат кўҳна Ҳирот шаҳрини кўришга муяссар бўлиб эдим холос. (Муаллиф).

<sup>2</sup> Бобур халқаро фонди ва илмий экспедициясининг яралиш тарихи ҳамда сабаблари, ўтган даврлар ичидаги қизғин ва самарали фаолиятлари аввалги китобларда бир қадар муфассал ёритилгани боис, ушбу сафарнома аввалида бадиият талабларидан келиб чиқиб, тақрордан қочиб маъносида улар ҳақида кенг, алоҳида тўхталишни жойиз деб билмадик, лекин даҳлдор воқеалар, тафсилотлар муносабати билан жой-жойида зикри яна келгусидир.

амалдир», деди у.

\*\*\*

Шундай қилиб, яна йўлдамиз.

Муҳаммад Содик Қошғарий Ҳазрати Али разияллоху анҳудан ривоят қилади: «Сафар қилғилки, унда беш фойда бордур. Аввало ғам ва андуҳ кетади. Иккинчи - касб-сармоя ҳосил бўлади. Учинчи - илм олинади. Тўртинчи - одоб ва ахлоқ тўлишади. Бешинчи - улуғлар суҳбати топилади».

Сафарнинг яна қизиқ ва гаштли томони шундаки, олдинда сизни қандай ғаройиб юрт-элар, қайси феълли кишилар, нечук воқеалар ва не-не заҳмату машаққатлар кутаётганини билмасангиз-да, тўлқинли бир иштиёқ ила ошиқасиз, умид қиласиз, тасаввур этасиз... Ана шу ёқимли туғёнлар, орзулар сизга қанот бўлгандай, самода учиб бораётгандай ҳис этасиз ўзингизни...

Уловимиз Япониянинг «Ланд Краузер» отлиқ, ЖИП русумлик машинаси эди. Орқадаги кўндаланг ўриндиқлар юк-тоқларимиз, хусусан телекамералар жойлаштириш учун олиб ташланган, автомобилда беш ўрин қолган эди, холос. Экспедиция аъзолари ҳам жойга яраша эди: раҳбар, тележурналист ҳам тасвирчи Фаррух Расулов, Муҳаммад Анвар, Илҳомжон Мамарозиқов ва камина.

Шиддатли уловда бир жаҳд билан Тошкентга етдик.

Отчопар – Самарқанд йўли бошидаги кўрсаткич-лавҳаларда Алмати, Бишкек, Ашхобод ва Афғонистоннинг йирик шаҳарлари, жумладан Кобул (1071 км) атамалари битилган эди.

Сирдарё вилояти. Йўл бўйларидаги мевали боғлар, навниҳол кўчатлар яшнаб турибди. Одатда, бу ёқларда ҳозирги паллада – ёз сўнгроғида дарахтлару бошқа ўсимликлар бунча яшил бўлмас эди.

Янгийўлдан чиқишимиз билан машина рулига Муҳаммад Анвар ўтирди.

- Унинг кўлини кўрайлик-чи, - деди Зокиржон ака.

Асли афғонистонлик бўлган Анваржон ўн йилчадан бери Тошкентда яшаётгани боис ўзбекчани, ҳаракатланиш қонун-қоидаларини яхши биларди.

Йўллардаги гузарларда, шундоқкина кўча бўйларида қовун-тарвуз ғарам-ғарам қилиб уйиб ташланган, арзон, бу – уларнинг мўл ва яхши бўлганидан далолат эди.

Гулистон, Жиззаху Самарқандни ортда қолдириб, тунги соат иккиларда Бухорога кириб бордик. Вилоят ҳокимлигининг меҳмонхонаси хизматчилари бизни мамнуният билан кутиб олишди - Зокиржон ака йўлдан ҳокимликка кўнғироқ қилиб қўйган эди.

## «БУХОРОГА КИРАР БЎЛСАНГ...»

*5 август, сешанба*

Эрталаб Бухоро вилоят ҳокимлигида учрашув бўлди. Шаҳарнинг ғарб қисмида жойлашган, замонавий услубда қурилган бу муаззам бино виқор билан кўкка бўй чўзган эди.

Ҳокимнинг хонаси ўн иккинчи қаватда экан.

Ҳоким хонаси эшигининг ўнг ёнига маҳкамланган зангори тусли ойна ичидаги шеърӣ сатрлар беихтиёр диққатимни тортди. «Бухорога кирар бўлсанг, хас-хазонлар илашган этигингни ечиб кир» мазмунидаги бу мўъжаз, гўзал манзума менинг ҳамкасбим,

Бухоронинг истеъдодли ўғлонларидан бири, дилбар шоир, олижаноб инсон Тошпўлат Аҳмад қаламига мансуб эди. Тошпўлатга ҳавасим, топиб, уни бир бағримга босгим келди, афсуски, вақт тигиз эди. Шеърни, шоирнинг ватанпарварлик туйғусини қадрлаб, уни шиор каби, тумор каби деворига осиб қўйган Бухоро ҳокимига ўзим ва барча ижодкорлар номидан таъзим қилгим келди.

Бинонинг орқа – шимол томонидаги айвондан Тошпўлат Аҳмад эъзозлаган, авайлаган шаҳарнинг асосий қисми – Бухоро шарқи, шимоли, ғарби қафтдагидай яққол кўриниб турарди.

Ўнгда, яъни кун чиқишда Янги Бухоро: спорт иншоотлари, университет, маъмурий бинолар, коллежлар, лицейлар, мактаблар, бозорлар, масжид, чор минор, Абдулазизхон мадрасаси.

Шимол тарафда: фавворалар майдони, Лаби ҳовуз мажмуи, Кўкалдош мадрасаси, Нодир Давлатбеги мадрасаси, машҳур Тоқи саррафон, Тоқи телпақфурушон, Тоқи заргарон, Бухоро арки, Пойи калон мажмуи, Минораи калон, Масжиди Мирараб...

Чапда – ғарбда: Чор бакр – пайғамбарзодалар ёдгорликлари мажмуаси;

Жанубда – биз турган бино рўпарасида: «Зарафшон», «Варахша», «Бухоро – палас», «Интурист» меҳмонхоналари....

Хожагон тариқатида етти машҳур пир бор - ҳаммаси Бухорои шарифда яшаб ўтишган. Булар – Абдуҳолиқ Гиждувоний, Бобои Самосий, Ар-Ревгарий, Хўжа Азиз Ромитаний, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Саид Мир Кулол, Баҳовуддин Нақшбандий...

Исломдан куч олиб, унга қувват берган Бухоронинг етти иқлимга машҳурлигининг боиси – тарихий, диний обидаларнинг сероблиги, умрини илму урфонни юксалтиришга, маънавият ва маърифат тарғиботига, дин ақоидларини мукаммаллаштиришга бағишлаган улуг зотларнинг кўплигидир.

Ер шарининг ҳамма бурчакларидан сайёҳлар оқиб келади бу улуглар, тарихий ёдгорликлар шаҳрига.

Тан олиш керак - Бухоро шўро замонида ана шу обрў ва шуҳратга муносиб даражада обод эмас эди. Мустақиллик йилларида шаҳар қиёфаси бутунлай ўзгариб, бир вақтлар мунғайиб турадиган қадимий иншоотлар баланд бўйли дарахтлар билан бурканган, яъни тарихийлик билан замонавийлик омухта бўлиб кетган эди. Тайёрагоҳ йўли ва бошқа янги кўчалар, гулзорлар, хиёбонлар бу кўҳна кентни бир неча асрга ёшартириб юборгандай эди. «Истиклол» деб аталмиш ва ўзга боғлардаги мевали кўчатлар, анвойи гуллар, мирзатераклар барқ уриб ўсмоқда эди.

- Ҳозир Бухоро шаҳридагина эмас, бутун вилоятда «дил ба ёру даст ба қор» шиори остида меҳнат қилишмоқда, - дейди ҳамроҳларимиздан бири, Ўзбекистон телевидениесининг вилоят муҳбири Амирилло Бешимов ғурур билан. – Бир гиёҳ униши қийин бўлган ҳудудларимиз ҳам бугун ям-яшил, кўнгиллар ҳам ям-яшил. Ҳолбуки, бошқа вилоятларда шудгорларга бир марта яхоб суви берилса, Бухорода тупроқ шўри камида уч бор ювилади...

### XXX

Вилоят ҳокими Самойиддин Ҳусенов бизни ўзининг хизмат хонасида қабул қилди. У Олий Мажлис сессияларида Зокиржон ака билан суҳбатда бўлиб, мудом, сафарга бораётганларингизда бир Бухорода ҳам тўхтаб ўтсангизлар, дея таклиф этар экан. У ҳаммамиз билан кучоклашиб кўришди. Қотмадан келган бу инсон дилкаш, ҳазилкашгина

эди.

Зокиржон ака экспедициянинг ушбу сафари режалари, Афғонистон заминида яшаб ўтган аллома юртдошларимиз қабрлари ҳолати, уларни таъмирлаш, зарурларига мақбара тиклаш орзу-ниятлари ҳақида гапирди.

- Сизларга ҳавасим келади, - деди ҳоким сидқидилдан. – Қани энди, имконим бўлса, Сизларга қўшилиб буюк аждодларимиз ётган муқаддас жойларни зиёрат қилиб қайтардим. Ота-боболар хоки туробини тавоф этиб, уларнинг қабрлари атрофини ободонлаштириш ҳаммамизнинг инсоний ва ҳамюртлик бурчимиз. Бу борада ҳам Президентимиз ҳаммага ўрнак бўляпти. Юртбошимизнинг бир неча кун аввал шаҳримизга келганида айтган сўзлари ҳар бир бухоролик қалбини фахр ва ифтихор туйғулари билан тўлдирди, деб ўйлайман. «Мен Бухорога расмий ташриф билан эмас, улуғларни зиёрат қилиб, руҳий кувват олиш учун келаман», дедилар.

Сухбат асносида Бухоро заминидаги қадим маънавиятнинг илдизлари, асослари ҳақида батафсил сўз юритдик.

Сухбатдошимиз бизга хусусан Чор Бакр, Баҳовуддин Нақшбандий мажмуаларини албатта зиёрат қилишни тавсия этди ва деди:

- Тайинлаб қўяман, сизларга яхши бир гид экскурсоводлик қилади.

Гарчи тезроқ Туркменистон чегарасига етиб олишга ошиқаётган бўлсак-да, бу муқаддас қадамжоларни кўрмасдан кетишни ўзимизга эп билмадик.

Чор Бакр меъморий ёдгорлиги Бухоро шаҳрининг кун ботиш қисмида жойлашган бўлиб, унинг қурилиши XVI асрга мансуб. Каттагина худудни эгаллаган бу тарихий мажмуадаги мураккаб боғланишларни кўриб, менда шундай фикр туғилди: аждодларимизни содда, кам саводли деб ҳисоблаш одат бўлиб қолган. Ҳолбуки, улар яратиб қолдирган ёдгорликлар, масжиду мадрасаларнинг нақш-безаклари, осмонўпар минораларидан ҳайратга тушмайдиган кимса йўқ. Жумладан, Чор бакрдаги оқава сувларни четга чиқариб юбориш (замонавий ибора билан айтганда канализация) ва бошқа ҳаётий заруратларга мўлжалланган мослама-қурилмалар эса ҳозирги фан ва техника давридагидан ҳам пухтароқ, мукамалроқдир...

Мақбаралар илм-маърифатга, устоз алломаларга ҳурмат-эътиқод ифодаси ва рамзидир.

Илму фан билан, маънавият билан боғлиқ обидалар, ижодий ишлар умри боқийдир. Ота-боболаримиз ўткинчи ҳою ҳавас, кераксиз ҳашамларни камроқ ўйлаб, асосан ўзларидан келажак авлодларга ўлмас маънавий бойликлар ва шулар билан ўз номларини қолдириш пайида бўлишган.

Сўфийликнинг Нақшбандия тариқатига асос солган, мусулмон оламига «Шайх Баҳоуддин», «Хожа Бузург», «Шоҳ Нақшбанд» номлари билан танилган Баҳоуддин Нақшбанд ҳам маънавий хазинамизнинг бебаҳо бойликларидан бири сифатида қарийб етти асрдан бери миллионлар қалбида яшаб, тилларида зикр этилади, унинг исми билан боғлиқ меъморий мажмуа эса жаҳон сайёҳларининг муборак ва муқаддас қадамжойига айланган.

Шайхул ислом ҳазратларининг мажмуа тўрида – ярим чақиримлар тепада жойлашган волидаи муҳтарамалари Орифа она мақбараларини зиёрат қилиб, ёдгорликнинг батамом ўзгача тус олган асосий дарвозаси олдида келганимизда бошида оқ кепка, бир муҳандис, оддий иш юритувчи каби одми кийимда атрофида давра қуриб турган бир неча кишига кўрсатмалар бераётган Самойиддин ака билан учрашиб қолдик.

Шу йил кузда Хожагон тариқати асосчиси, Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий пири, «Хўжаи жаҳон» унвони билан довруқ қозонган Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш режалаштирилган, бу халқаро маданий-маърифий анжуманга хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмонлар таклиф этилиши кўзда тутилган, табиийки,



Бухоро меҳмонлари энг аввало Нақшбандий ҳазратлари қабрини тавоф этадилар. Бўлажак катта издиҳом тайёргарлигида жонсарақ ҳокимнинг ўзи бош-қош эди.

- Сизларга мен ўзим экскурсовод, - деди Самойиддин ака самимий кулиб ва бизни ичкарига бошлади.

Биз ҳокимнинг боя хонасида айтган гапини эслаб, бир-биримизга қараб жилмайиб қўйдик.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси алоҳида-алоҳида, аммо бир қараганда режасизроқ, нотекисроқ ўрнашгандай туюладиган иншоотлар – Оппоқ ойим, масжиди жомъеси, Бухорога 16-17-асрларда ҳукмдорлик қилган амирлар Абдуллаҳон, Субҳонқулиҳон, Имомқулиҳон, Нодир Девонбеги ва бошқаларнинг дахмаларини ўз ичига олувчи Дахмаи шоҳон, Абулфайзхон (XVIII аср)нинг оналари саъй-ҳаракати билан қурилган кўш айвонли масжид, Ҳаким Қушбеги масжиди, Сақоҳона, Масжиди жомъе-хонақоҳ каби Бухоро меъморлари санъатининг ёрқин намуналари ҳисобланмиш тарихий обидаларнинг барчаси бош-оёқ қайта таъмирланмоқда эди. Экскурсоводимиз иншоотлару дахмалар тарихи, уларнинг бунёдкорлари, мустақилликдан аввалги аҳволи, тақдири, кейинги даврлардаги нуфузи ва эътибори, таъмирдан чикқач қай ҳолатда бўлишини ўз касби ҳадисини олган сайрбондай шошмай, эринмай, аммо ўз феълига монанд жўшиб сўзлаб берарди. Биз бу қадар катта кўламдаги ишларнинг кузгача ниҳоясига етишини тасаввур қилолмас эдик. Аммо, ҳунарманд-усталар, оддий ишчиларнинг шиддатли ҳаракатлари, асаларидай ёпирилиб меҳнат қилишлари кўнглимиздаги иштибоҳларни тарқатиб юборди.

- Бу жойларнинг янги қиёфасини Фиждувоний бобонинг тўйига келганда кўрасизлар, - деди суҳбатдошимиз бизга оқ йўл тилар экан.

Бизни шаҳар билан туташ Иштихон тумани ҳокими ўринбосари, тележурналистлар Қарши йўлигача қузатиб қўйишди.

Қарши менинг тасаввуримдагига нисбатан обод ва яшилроқ эди. Шаҳардан чиқишимиз билан адирликлар, текисликлар бошланди. Баҳор серёгин келгани учун бепоён ўтлоқларда ўт бисёр, ҳатто саксовул ва юлгин ҳам кўп ва кўк эди.

Бухоро – Қарши – 170,

Қарши – Ғузор – 50,

Ғузор – Термиз – 220,

Тошкент – Термиз – 700 км.дан зиёдроқ эди. Демак, чегарагача ҳали анча юришимиз лозим эди.

Ғузорда бизни Фаррухнинг қўнғироғига кўра унинг ҳамкасблари – Ўзбекистон телевидениесининг Қашқадарё вилояти мухбирлари Чоршаъм, Равшанлар кутиб олишди ва Пачкамар сув омбори этагидаги Қоракамар деган жойда меҳмон қилишди.

Катта йўлдан анча пастдан оқиб ўтадиган Қоракамар анҳори ёқасидаги гулзор-хиёбон ошхонанинг холи жойи эди. Шарқираб оқаётган сувдан салқин шабада уфуриб турарди. Шеф Сайдулло ўзининг қашқадарёча меҳмоннавозлигини намойиш этиш учун дастурхонни турли ноз-неъматлар билан беаган эди...

\* \* \*

Ғузор – Термиз йўлининг икки томони ҳам бепоён, текис-нотекис яйлов, турфа ўсимликлардан иборат далалар, даралар эди.

Ғузорда чорванинг мўллиги, кимларнингдир уч-тўрт минглаб қўйи, ўн-ўн бешталаб

сигири борлиги ҳақида гапиришади мезбонлар, бу халкнинг бойлигидан далолат, албатта.

- Мухбирларда ҳам қўй-мол кўпдир, - деб ўсмоқчилайман мен.
- Қирқ-эллик қўй, беш-олти сигир бор, - дейди ёш телеоператор Равшан парвосизгина. Мен эсам бир қалқиб тушдим.

Кечаси Термиз тумани ҳокимлигининг меҳмонхонасига бориб тунадик. Бобур экспедицияси, унинг раҳбари Зокиржон Машрабов туфайли, шунингдек, ватандошларимизнинг одамийлиги, меҳрибонлиги боис кеча ҳам, бугун ҳам кўнок муаммоси хамирдан қил суғургандай ҳал бўлмоқда. Бунинг устига меҳмонхоналар гулзор-ҳиёбонлар, мисли боғлар ичинда, бинолар, қаватлардаги фойелар, айвонлар, ҳатто хоналар ҳам эгаларининг кўнгли каби кенг ва ёруғ эди. Бундай жойларда одам чиндан ҳам ўз уйидагидай эркин, мириқиб ухлайди, тонг ҳам тез отиб қолади.

### **6 август, чоршанба**

Кеча меҳмондорчилик, зиёфат кучайиб, хусусан Сайфуллониинг ошхонасида чалобу айрон ва бошқа ичимликлар, шакаробу салатлар аралашиб кетиб эди. Таъби ва жисми нозигимиз Фаррухнинг тунда бироз мазаси қочди. Эрталаб Муҳаммад Анварни шифокор чақириб, Фаррухнинг саломатлиги билан шуғулланиб туриш учун қолдириб, раҳбар, Илҳомжон – учаламиз Жаркўрғонга жўнадик.

## **МАРДЛАР ШАҲРИ**

*Жайхун (Амударё)нинг ўнг қирғогида жойлашган Термиз қадимий шаҳарлардан. Тарихчи Ҳофизи Абрў асарлари ва бошқа ёзма манбаларда зикр этилишича, Термиз асли Тарамета, Тарамата, Тармид, Тармиз каби ўзгаришларга учраб, 10-асрдан ҳозирги ном билан атала бошлаган. «Худуд-ул олам» («Дунё чегаралари», 10-аср) асарида «Жайхун бўйидаги кўркам ва обод шаҳар» деб таърифланган. Араблар истилосига қадар шаҳар аҳли буддизмга сизинган. Ҳазнавийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, Хоразмишоҳ давлатлари таркибида бўлган. 1220 йили мўғуллар босиб, вайрон қилган. Халқи мўғул истилочиларига қаттиқ қаршилик кўрсатгани учун Термиз «Мадинат-ул рижол» («Мардлар шаҳри») деб ҳам аталган.*

*Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон 1407 йили Термизни қайта қурдирган. XVIII асрнинг иккинчи ярмида ўзаро урушлар натижасида шаҳар деярли батамом вайрон бўлган. 19-аср охирларида яна қайта барпо этилган. Термизга Ҳиндистонда подшолик қилган бобурий Аврангзеб қўшинларининг ҳам оёғи этиб келган, лекин улар шаҳарни узоқ вақт ишғол қилиб туришмаган.*

*Кўҳна шаҳарда қадимий, тарихий обидалардан Аллоҳ марҳамати билан Қирққиз саройи (9-аср), Султон саодат (17-аср) ва Ҳаким Термизий ёдгорлиги (10-аср) омон қолган.*

Ҳозирги Ўзбекистоннинг энг жанубий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида Афғонистон билан туташ жойлашган Термиз республикамиздаги йирик вилоятлардан бири – Сурхондарёнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Аҳолиси 110 мингдан зиёд. Ўзбекистондаги ёзи энг иссиқ шаҳар – кун роса қизиганда ҳарорат эллик даражагача боради. Бунинг устига, бот-бот куруқ, тўзонли афғон шамоли ҳам эсиб туради.

Вилоятнинг умумий ҳудуди Андижондан бир неча баробар катта. Буни биргина далилдан билса бўлади: Сурхондарёнинг бир квадрат километрида 69,1 киши яшаса (1995 йил ҳисобига кўра) Андижон вилоятида бу рақам 450 дан зиёдни ташкил этади. Шундан ва

шаҳарнинг зоҳирий кўринишидан, яъни кўчаларининг кенглиги ва холилигидан термизликларнинг, умуман вилоят аҳлининг ҳеч қисинмай яшашларини тасаввур қилиш мумкин.

Термизда ҳайвонот боғи ҳам бор. Дунёда ёввойи жониворлар сони ва тури тобора камайиб бораётган бир даврда бундай боғнинг бўлиши ноёб ва шоён диққатга сазовор ходисадир.

Термизнинг мустақиллик йилларида янада обод бўлгани сезилиб турибди: кўча бўйларигаги дарахтлар ёш, дуркун. Айниқса, 2003 йили шаҳарнинг 2700 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланиши муносабати билан унинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди.

Зокиржон ака ўттиз икки ёшида Андижондан «Жарқўрғоннефть» ташкилотига бошлиқ бўлиб келиб, салкам уч йил ишлаган. Қадрдонлари кўп, шулардан бири Жўра Норалиев – у ўша пайтда мактабда илмий бўлим мудири эди, кейин вилоят (Сурхондарё) ҳокими даражасигача кўтарилган (отаси Норали Боймуродов донгдор раис бўлган). Яқинда ўғли автомобиль ҳалокатида вафот этган экан, кўнгил сўраш, фотиҳа ўқиш учун кетяпмиз.

Зокиржон аканинг собиқ ҳайдовчиси (ҳозир тадбиркор бўлиб кетибди) Ҳасан Назаровични туман марказидаги уйдан олдик. Содда, ортиқча мулозаматлардан холи, очик одам экан. Назаримда бу фазилатлар умуман воҳа аҳлининг ҳаммасига хосдай...

Норалиевникида фотиҳа ўқилиб, бир чойнак чой ичилди. Эски қадрдонлар бирпас сипогина гурунглашдилар, олис хотиралар қати ҳам очилди, Зокиржон ака бошқа яқин танишларининг холи-ҳолатларини сўради.

Қайтишда бошқа йўлдан юрдик.

Жарқўрғон, Термиз туманлари йўлларининг бир томонида оппоқ очилган эртаки пахталар (аксарият ингичка толали) кўзни қамаштирса, иккинчи тарафида – буғдойдан бўшаган майдонлардаги ғўза ниҳоллари қийғос гулга кирган эди.

Сурхон дарёсида негадир сув оз, аммо ўзлаштирилмаган, шўрхок, баланд-паст чўл худудларда эркин ўтлаб юрган мол-қўй сероб. Чорвада хосият кўплиги аён. Талабалигимиздан маълум: шу томонлардан борган курсдошларимиз пулдор бўлар эди.

Одам сонига нисбатан ер кўп бўлса яхши-да. Дунёдаги энг аҳоли зич яшайдиган вилоятлардан бири Андижонда яйлов деган нарса ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидаёқ тугатилган, яъни ўзлаштирилган, аксарият қишлоқларда битта сигирни етаклаб боқишга ҳам имкон йўқ. Маҳалла билан пахтазор ё буғдойзорни торгина бир кўча ажратиб туради, холос. Яйлов бўлмагандан кейин турган гапки, ўт-ем қиммат... Лекин, кўчаларимиз асфальт, гузарларимиз обод, ошхона-чойхоналаримиз гавжум...

Учқизил сув омборининг зилол сувларига ҳавасим келди.

Каптархона, Оқтепа деган қишлоқлар бу ёқларда ҳам бор экан. Каптархонада, шундоқ йўл ёқасида бир мўйсафид сариқ, сертўр Ангор қовуни сотиб ўтирган экан, мазасини кўрайлик-чи, деб тўхтадик. Юмшоқ, сувли, ширин эди. Шерикларсиз қовун еб ҳузур қилганимиз учун Зокиржон ака хижолат чекиб, уларга мақтанмай кўя қолайлик, деб, эслатиб қўйди.

- Уларгаям олволайлик, десак, Фаррух юракбуруғ бўлиб ётибди...

Кўча бўйларида ватан, маънавият, соғлом авлод, келажак ҳақида шиорлар ёзилган паннолар тез-тез учрайди, демак, шу нарсаларга эътибор, эҳтиёж бор.

Ҳаким ат-Термизий мақбараси зиёратига кирдик. Зеро, узоқроқ йўлдан айланиб юришдан асосий мақсад ҳам шу эди.

## ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ

Тўлуғ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳусайн ибн Башир ал Ҳаким ат-Термизийдир. Мутафаккир олим, машҳур ислом назариётчиларидан бири. 820-йилда Термизда туғилган, тахминан саксон ёшида шу ерда вафот этган. Йигирма саккиз ёшида ҳаж қилган. Умр бўйи тасаввуф илми билан шуғулланган, уни тарғиб этган. Ўтиқоди, қайтмаслиги боис, ўз юртидан чиқиб кетиб, маълум муддат Балх, Нишопур ва бошқа жойларда яшаган. Саксондан ортиқ илмий асар ёзганлиги маълум. Энг машҳури «Ила аш-шарият ва ҳатм ул-Авлиёт» бўлиб, ислом назариётчилари томонидан кўп зикр этилади ва юксак баҳоланади. Шунингдек, «Китоб ан-наҳи» («Йўриқнома китоби»), «Китоб ал Фуруҳ» («Аллоҳдан қўрқувчилар ҳақида китоб»), «Наврўзномаи ҳожи Ҳаким Термизий»да ислом дини ақоидлари ва бошқа муҳим масалалар таҳлил этилади.

Ҳозирги Сурхондарё ҳудудида яна бир Термизий яшаган – у буюк муҳаддис Имом ат-Термизий Абу Исо Муҳаммад ибн Исо бўлиб 824-йилда Термиз шаҳридан олти фарсаҳ шимолда жойлашган Буг қишлоғида таваллуд топган. Самарқанд, Бухоро, Марв шаҳарларида ўз билимини оширган. Кейин ислом дунёсининг йирик шаҳар ва мамлакатларига, жумладан Ҳижоз, Ироқ, Хуросон ва бошқа жойларга сафар қилган, анча муддат Нишопурда яшаб, диний илмлар тарғиботи билан шуғулланган, машҳур олиму уламолар, муҳаддислар билан мулоқотда бўлиб, ҳадис тўплаган. Имом Термизий Имом Бухорийнинг энг истеъдодли, қобил, заҳматкаш шогирдларидан бири эди. Тўплаган ҳадислари ва билимлари асосида «Жоме ул саҳиҳ» ёки «Сунани Термизий», «Китоб Илал», «Китоб-ат тарих», «Китоб-аш Шамоил ан-Набавия», «Китоб аз-Зухд» каби асарлар яратган ва уларнинг кўпи бизгача етиб келган.

Мутафаккир шоир, тасаввуф олими Фаридиддин Аттор «Гўзал ахлоқлар китоби» дея таърифланмиш «Тазкират-ул Авлиё» («Авлиёлар китоби») асарида Ҳаким ат-Термизийга шундай баҳо берган: «Ҳазрати шайх Ҳаким Термизий шайхларнинг муҳташамларидан эди. Шарият ва тариқатда мужтаҳид<sup>1</sup> эди. Ҳикмат ва фаросат бобида ҳам нуқтадон эди».

Нақл. Ёшлик пайтларида икки толиби илм билан келишиб, бориб илм олмоққа лафз қилдилар. Ихтиёри онасида эди, онаси изн бермагани учун у бора олмади. Термизий қабристонларга бориб йиғлар эди. «Ё Худо-ё! Ул икки йўлдошим бориб, илм билан машғул бўлдилар. Улар тезда олим бўлгайлар, мен жоҳил қолгайман», деб шу сабабдан ичи ёнар эди. Ногоҳ унга нуроний бир тири фоний учради. Дедики, «Эй ўғил, йиғлама, қайғурма. Ўшал икки йўлдошингдан кўра, олимроқ бўлмоқни истармисен?» - «Истаймен», деди...

Ҳазрати Термизий айтarki, «Ул пир менга бир ерни тайин этди. Ҳар кун у ул кўрсатган жойга борар эдим, менга сабоқ берар эди. Уч йил шу йўсин менга бутун анвойи илмлардан кўрсатди ва ўргатди. Сўнг билдимки, ул зот ҳазрати Хизр пайгамбар алайҳиссалом эканлар. Бу улуг двлатни онамнинг ризосидан топдим».

### **Ҳаким Термизий ҳикматларидан:**

«Ҳар кимнинг зотида насроний сифатлардан «мен» қолган бўлса, ул киши шундок кишига ўхшарки, бир дирҳам ҳақи (бировада) қолар бўлса, озод бўлмас, шу бир дирҳамнинг қули бўлур».

«Одамларнинг азизи улдирки, нафсини хор этар».

«Хислатларнинг ёмони кибрдир».

<sup>1</sup> Мужтаҳид – янгилик яратувчи.

Дини исломнинг машхур намояндаси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн ал Ҳаким ат-Термизий сағанаси катта йўлдан икки-уч чақирим ичкарида қад кўтарган бўлиб, масжид, хонақолардан иборат меъморий мажмуадир. Кейинги йилларда тубдан таъмирланган, атрофига арча ва бошқа умри боқий дарахтлар экилган, хуллас, мақбара ҳақиқий зиёратгоҳга айлантирилган.

Ҳали анча барвақт бўлишига қарамай, дахма ичию таши зиёратчилар билан гавжум эди.

Ажаб, дейман, инсон нега мана шундай тарихий обидалар ва бошқа ёдгорликларни зиёрат қилишга интилади? Одамзотда ўз аждодлари ҳаёти, турмуш тарзи, улар яратган илму санъат намуналарини кўришга, билишга бўлган ички бир туйғу даъватимикин бу?.. Ё, шунчаки қон тортармикин?..

Амударё жануб томонда, деярли барча оқин сувлар каби кун чиқишдан кун ботишга қараб оқмоқда, фақат, авжи, мавжи баланд эмас.

Дарёнинг нариги бети - Афғонистон.

\* \* \*

«Тез ёрдам» чақиршибди, Фаррух анча дуруст эди.

Ортиқча азиат чекмай чегарадан ва Ҳайратон (маҳаллий халқ – туркманлар, афғонлар, Ҳайритом, Айритом<sup>1</sup>, Жайритом ҳам дейишаркан) кўпригидан ўтиб, Афғонистон заминига оёқ қўйганимизда соат ўн тўрт, яъни икки эди. Уяли телефонларда уйдагиларга ва ишхоналарга хабар бердик.

Муҳаммад Анварнинг сарбонлик ва таржимонлик фаолияти бошланди. Афғонистон божхонасидан ҳужжатларни расмийлаштиришдек хуноб этувчи вазифани бизларнинг иштирокимизсиз, тезгина битириб чиқди. Кўнгилларда илиқ бир туйғу уйғонди: уни ҳамроҳ қилиб олингани чакки бўлмабди, чоғи.

*Афғонистон жуғрофий ўрни жиҳатидан Ўрта Шарқдаги давлат. Осиёда жойлашган, Шимолда Ўзбекистон, Фарбда Эрон, жануб ва жануби-шарқда Покистон ва Ҳиндистон, шимоли-шарқда Хитой билан чегарадош. Майдони 647,5 минг кв. км.. Маъмурий жиҳатдан 28 вилоятга бўлинади.*

Афғонистон - биз, Бобур халқаро илмий экспедицияси аъзолари учун аввало улуғ бобокалонимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг иккинчи ватани, у меҳр қўйган диёр ва ниҳоят азиз юртдошимизнинг сўнги ва мангу оромгоҳи сифатида қадрлидир. Бошқа муҳим жиҳатлари ҳам кўп, албатта. (Собиқ Хуросоннинг юраги бўлмиш Ҳирот ва ўзидан кейинги аксарият аҳли қаламларнинг устози, пири Алишер Навоий алоҳида мавзу).

Бу жабрдийда мамлакат, жафокаш халқнинг ҳукумат, тожу тахт талашишлар билан боғлиқ қуноли, хунрезли воқеа-ҳодисалар, гирдибодларга тўла ўтмишини муфассал баён этмоқ мушкул.

*Тарихга назар солсак, ҳозирги Афғонистон ўрнида дастлаб (милоддан аввал бир мингинчи йиллар) бир қанча майда давлатлар бўлган. Улардан энг йириги Бақтрия эди. Кейин бу давлатларни Ахмонийлар, Искандар Зулқарнайн, салавкийлар ўз мамлакатига қўшиб олишган. Сўнг бу ҳудуд Грек-Бақтрия, Кушонлар, Эфталитлар, турклар, араблар, тохирийлар, саффорийлар, сомонийлар, газнавийлар, гурийлар ва боиқалар ихтиёрида бўлган.*

*«Афғонистон» номи дастлаб 13-14-асрлардаги адабиётларда учрайди. Бу атама ўша*

<sup>1</sup> Айритом – Термиз шаҳридан йигирма чақиримча шарқда, Амударё қирғоғидаги эллинизм даврига оид шаҳар харобаси бўлиб, ундан археологик қазишмалар чоғида ноёб қадимий ашёлар, жумладан, мусиқа асбоблари чалаётган йигит-қизларнинг қайқаллари, Будда ибодатхонаси, қабристон, Юнон-Бақтрия ва Кушон подшоҳларининг тангалари, қурол-аслаҳа омбори топилган.

даврдa афғон қабилалари яшайдиган Сулаймон тоғларидан то Ҳинд дарёсигача бўлган ҳудудни ифодалаган. Амударёнинг чап қирғоғи, Ҳерируд водийсида, Кобул ва Қандаҳор вилоятларида деҳқончилик билан шуғуланувчи тожиклар истиқомат қилишар эди. 13-асрдан бошлаб Афғонистонга форс тилида сўзлашувчи, келиб чиқиши мўғул бўлган хазоралар (улар ҳозир ҳам аҳолининг нуфузли бир бўлагини ташкил этади), 16-асрда Амударёдан Ҳиндикуш тоғларигача бўлган ерларга ўзбек қабилалари келиб ўрнашади. Шу тариқа кўп миллатли мамлакат вужудга келган. Юртнинг асосий қисмида аввал афғонлар (кейинчалик улар ўзларини пуштунлар деб атай бошлаганлар), 16-17-асрларда бобурийлар (Ҳирот ва Қандаҳорда Эрон ҳукмдорлари) ҳукмронлик қиладилар. 18-асрнинг 30-40 йилларида Эрон шоҳи Нодиршоҳ Афшар бутун Афғонистонни ўз салтанатига қўшиб олади. Унинг ўлиmidан кейин Аҳмад шоҳ Дурроний мустақил афғон давлатини тuzади. («Бобурнома»да «Афғонистон» номи бор-йўғи тўрт ўринда зикр этилган холос, зеро ўша даврларда у ҳали давлат сифатида тўла шаклланмаган ва қамрови ҳам анча чекланган эди).

19-асрда инглиз мустамлакачилари, 20-асрда шўролар Афғонистонни ўзларига бўйсундириш учун кўп ҳаракат қиладилар. Қўшин олиб кириб, қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг умрига завоп бўладилар. Сўнгги бемақсад (шу ибора кўп ишлатилади, аслида бошқа мамлакатлар ҳарбий кучларининг ўз ҳудудларига яқин келиб қолишига йўл қўймаслик ва бошқа стратегик мақсадлар бор эди) жангларда Афғонистон билан ён-жон қўшнилар - ердош, сувдош, диндош (юз тузилишлари, ранг-рўйлари жихатидан ўхшашлиги учун) ўзбеку тожик, туркман ҳам сафарбар этилди ва уларнинг кўпи нобуд бўлиб, не-не хонадонларга оху фарёд, дарду алам олиб келишмади, дейсиз! Яхшики, афғон халқи, афғонистонликлар уларнинг бегуноҳлигини, шўравийлар сиёсатининг навжувон қурбонлари эканликларини англади эдилар, акс ҳолда ёндош, қондош халқлар ўртасидаги азалий дўстона муносабатларга, кўнгишлар яқинлигига жиддий путур етиши мумкин эди ва бугун Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзоларининг ҳам афғон заминига бунчалик эмин-эркин қадам босмоқлари, Муҳаммад Анварнинг (ва у кабиларнинг) Тошкентда ўз юртидаги каби дахлсиз яшамоғиyo, тилмоч, йўл бошловчи сифатида биз билан оға-инилардек юрмоғи гумон бўлар эди.

Ҳайратон - Мозори Шариф йўли тор, лекин асфальт эди. Бу кўчалардан аввал ҳам ўтишган Зокиржон ака ва Фаррух йўл хийла ўнгланиб қолибди, дейишди. Бироқ кўп юрмай, йўлнинг кум кўчкилари босган жойларига дуч кела бошладик. Айрим ўринларда кум кўчанинг ярмини, ё бутунлай тўсиб қўйган эди. Юзлари каби қорамтир коло - миллий либос кийган ўспиринлар, катта ёшдаги кишилар белкураклар билан қумни кураб, йўлни очиб туришарди. Ҳайдовчилар уларга кўнглидан чиқариб пул бериб ўтишаркан. Қум барханлари гоҳи ерларда шундоқ катта ва баландки, шунча қумни шамол учуриб келиб тўплаб қўйганини тасаввурга сиғдириш қийин - гўё аввалдан шундай турганга ўхшайди.

Барханларнинг суйри ёнбошлари - ун мисоли майин қум кун тиғида олтин зарраларидай товланиб, жуда жозибали кўринарди.

Йўл очаётганлар қумни атайлаб тўзитиб туришар, ўзлари ҳам бирдан ёпирилиб келган тўзон ичида қолишарди. Шамол асосан кун ботишдан эсар (бу - афғон шамолининг енгил учиримлари эди, холос), шунинг учун йўлнинг фақат ўнг тарафини қум босган эди. Баъзида умуман юриб бўлмас, чўл ичидан айланиб ўтишга тўғри келарди. Жапаннинг ЖИПи бор бўлсин - қабрлардай дўм-дўм бўлиб ётган қум уюмларини назар-писанд қилмас эди.

Йўлнинг икки тарафида табиий ихота дарахтлари - юлғин, саксовуллар йўқ - уларни одамлар ўтин учун кесиб кетишаркан – қум босишининг асосий сабаби шу эди.

Айланиб-айланиб, жануб томонга кетяпмиз. Кўндаланг келган Шимолий Афғонистон тоғларига яқинлашганимизда ўнгга бурилиб кетдик, тоғ чапда қолди.

## МОЗОРИ ШАРИФДА КЎРГАНЛАРИМИЗ

Саксон-тўқсон чақиримли масофани бир ярим соатда босиб ўтдик. Бизни «Илму маданият шаҳри Мозори Шарифга хуш келибсиз» деган ёзув ва айлана ўртасидаги чоққина Фирдавсий боғи қарши олди.

Муҳаммад Анвар қайноғасининг (у ҳам Тошкентда яшар экан) шаҳар маркази биқинида жойлашган хонадонига бошлаб кирди. Уй икки қаватли бўлиб, хоналар катта-катта, ҳаммаси гилам билан тўла, ўртадаги зал эса ҳайхотдай эди. Биринчи қаватда ҳожатхона билан душли, тепада ҳожатхона ва ваннали кенг хоналар. Эшиклари икки қат: бири ростмона ром, иккинчиси майда тешикли қоплама сим-тўр - пашша, чивин кирмаслиги учун (Ҳиротда шундай деразаларни кўриб эдик).

Меҳмонхона янада кенг бўлиб, қалин катта гиламлар устидан чор тарафга энлик, матрассимон тўшаклар ва уларнинг устидан кўрпачасимон попукли гиламчалар тўшалган. Йирик-йирик лўла болишлар узоқ йўл юриб келганларни ором парисидек ўзига чорларди.

Аввал газсиз муздай «Нестле» сувлари билан ўзимизни совутиб, овутиб, ўзаро суҳбатга, йўлдан ва шаҳардан олган дастлабки таассуротларимизни ўртоқлашишга киришдик. Хийладан кейин қайноғанинг жиянлари тушликка чорладилар (тиббий нуқтаи назардан тўғри: ошқозон-ичаклар сув билан ювилиб, янги овқатга тайёр бўлади).

Дастурхонга тортилган асосий таом ва ноз-неъматлар таснифи қуйидагича эди:

1. Афғон палови, яъни, сабзили, орасига йирик-йирик суякли гўштлар кўмилган оппоқ гуруч. Унинг Фарғона водийси ва Тошкент ошларига ўхшайдиган бир жиҳати - сариқ сабзи солиниши ва унинг тўрғалиш услубидир (сабзини Хоразмда гашир, Ҳиндистонда гажир, бу ерда зардак дейишади).

2. Эзилтириб пиширилган гўшт, пиёз ва яна алланималардан иборат қайла. Таъми қанд кўшилгандай ширин. Уни «тандир» дейишди. («Гуляш» деган рус овқатини эслатувчи бу таомнинг тандирда тайёрланишини ҳеч тасаввур қилолмадим).

3. Ёғли, шакли ва туси қалампирсимон нарса, ликоб четларига суюқ сузма сурилган (бомия деб аталувчи ушбу ўсимлик мевасининг хушхўрлигиданми ё хосиятли, хусусан эркаклар учун фойдали дея таърифлашгани боисми, ҳарқалай, энг аввал ана шу ноёб неъмат солинган идишлар бўшади).

4. Помидор ва сафсар пиёз йирик-йирик, лаппак-лаппак қилиб тўрғалган ҳақиқий салат - аччиқ-чучук, ҳар идишга икки-уч донадан ўзимизнинг кўк қалампирдан кўшилган.

5. Ўзию чекичининг ҳажми бизникилардан кичикроқ, майдароқ нон ва бошқа емишлар...

Тушликдан сўнг Ўзбекистон ваколатхонасига бориб, консулимиз Алишер Алимов билан мулоқотда бўлдик. Зокиржон ака маслаҳат маъносида ният-режаларимизни баён этди.

- Мозори Шариф мамлакатнинг энг мураккаб, энг қайноқ шаҳри. Жанглар асосан шу ерда бўлган, ҳозир ҳам ҳар хил дунёқарашли одамлар кўп, - деди Алишер эҳтиёткорликка шаъма қилиб.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Ўзсув-хорижий қурилиш» бирлашмаси техник директори, корхонанинг Афғонистондаги вакили Фарруҳ Мирзааҳмедов ҳам шу ерда экан. У бошлиқ ўн беш нафар қурувчи 2002 йилнинг октябрида келишган бўлиб, уларнинг асосий мақсадлари, вазифалари аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, яъни қудуқ қазиб билан шуғулланиш эди. Лекин, буюртмага кўра шағалли йўлларни ўнглаш ва бошқа қурилиш-таъмирлаш юмушларини ҳам бажаришавараркан. Ишчилар асосан тошкентлик, қаршилиқ, термизлик, мутахассислиги

пармаловчилик бўлган йигитлар экан.

Пастаккина бинолардан иборат консулхонанинг мўъжазгина, чорси ҳовлисига ҳар хил гуллар экилган, менга танишлари атиргул, намозшомгул, гули беор («гули фаши»). Хина, хонаки сариқ чиннигул, майда гулли яшил Фарғона райҳони...

- Атиргулларнинг қаламчаси Тошкентдан, Термиздан олиб келинган, - деди гулларни резина шланг билан суғораётган хизматчи.

Шаҳар айланиб, дўконлар ва устахоналар растасидан иборат марказий кўчадаги хоналардан бирига кирдик.

Тиккасига узун хонанинг икки томонига қўйилган суянчиқли курсиларда ҳар хил ёшдаги бир неча эркак суҳбатлашиб ўтиришган эди. Ўрта ёшлилардан икkitаси ўринларидан шитоб қўзғолишиб бизга пешвоз чиқишди. Улардан бири Муҳаммад Анвар билан юзини юзига теккизиб кўришди, бошқаси биз томонга қараб, «келинг, Зокиржон ака», дея эски кадрдонлардай ҳол сўраша кетди. Бу иккалови афғонистонлик ҳамроҳимиз божасининг укалари бўлиб, ҳожи Умар раҳбарни бир неча ой бурун у махсус делегация билан Ҳиротга келганида кўрган экан. У ўрта бўйли, ялангбош, соқоли сал ўсган, истарали йигит эди.

Муҳаммад Акбар ҳам очик, ёқимтой чехрали эди, яноқларида саёзроқ кулдиргичлари бор, соқоли қиртишлаб олинган, бошида туркона қалпоқ. Қотмадан келган, сўзамолгина, киришимли, эпчил, серғайратлиги сезилиб туради.

Анвар бизни таништира бошлаши билан ҳушёр, сезгир Муҳаммад Акбар: «ҳозир бир жойда Навоий анжумани бўляпти, борайликми», деб қолди.

- Айни муддао бўларди, - деди раҳбар.

- Соат тўртда бошланарди, бир соатча ўтиб қолибди, ҳа, қани, мен тўхтатиб тураман, - деди Муҳаммад Акбар ва манзилни тушунтиргач, шитоб чиқиб кетди. Ортдан етиб бордик.

«Жузжон» савдо марказининг бешинчи қаватига кўтарилдик. Ўрталарида бетон устунлари бор кенг хонада бир-бирига қаратиб қўйилган икки қатор (ўртада стол йўк) курсида йигирма чоғли одам ўтиришган эди.

Муҳаммад Акбар уларга биз ҳақимизда маълумот бериб улгурган эди, ҳаммаси ўринларидан туриб кетишди ва бизни гўё қутилган азиз меҳмонлар мақомида қабул қилишиб, бағрлашиб мулозамат қила бошладилар.

Узоқ гурунг, кўпроқ савол-жавоб бўлди. Навоий анжумани раиси ўринбосари, бугунги адабий мулоқотнинг бошқарувчиси устод Саид Муҳаммад Олим илтимосимизга кўра анжуман тарихи ва фаоллар ҳақида қисқача сўзлаб берди.

Демак, анжуманнинг тўлуғ атамаси «Анжумани фарханги Мир Алишер Навоий» бўлиб, 1990 йили мамлакат пойтахти Кобул шаҳрида тузилган.

Кобулда нотинчлик бошлангач, Анжуман Мозори Шарифга кўчирилган. Кейинчалик бу ерда ҳам вазият ўзгариб, фаолият олиб бориш қийинлашади. Маданий-маърифий ҳаракатлар, илмий-адабий тадбирлар чекланган эди. Сиёсий-ижтимоий можаролар туфайли бошқалар қатори аҳли зиё, аҳли илм, аҳли тафаккурнинг кўпчилиги, улар билан бирга «Навоий анжумани» ҳам Покистонга ўтиб кетади. Ўша ёқда «Чоуш» деган журнал таъсис этилиб, қарийб уч йил давомида унинг ўнта сони нашр қилинади. Баъдаз Анжуман яна Кобулга, ундан Мозори Шарифга қайтиб келади.

Мана, бир неча йилки, Анжуман ўз фаолиятини мунтазам ва хийла эркин давом эттирмоқда. Йиғинлар ҳар чоршанба, пешиндан кейин ўтказилади. Муайян мавзуга бағишланган илмий маърузалар, баҳс-мунозаралардан бошланган йиғиннинг этаги,



шубҳасиз, мушоирага уланиб кетади, дилдаги тугунлар ечилади. Анжумандошлар ҳасратлашадилар, фикру режалар, ҳис-туйғулар уйғунлашади...

Мен ҳаёлан Навоий анжуманини ўзимизнинг «Андижон адабий гурунги» билан қиёсламан, уларнинг муштарак жиҳатларини чамалайман. Ҳар иккисининг бош мақсади – адабий муҳитни юзага келтириш, жонлантириш. Адабий муҳит – ижодкорлар давраси, уларнинг бадиий ижод, адабий услублар, янги йўналишлар борасидаги, адабиётдаги энг сўнгги асарлар ҳақидаги фикр алмашувлари, шеърхонлик, сиёҳи қуримаган ғазаллар муҳокамаси, ўзаро рақобат, таҳлилий, танқидий муносабатлар, рағбатлар – буларнинг ҳаммаси аҳли қаламга руҳий-маънавий озуқа бўлиб, дилни яшартиради, ҳиссиётларни қайрайди, мудроқ туйғуларни уйғотади, ижодий ишларга иштиёқни кучайтиради, ҳар юракда янги мавзулар, орзулар куртак ёзади, пировардида илҳом париси ғамза қила бошлайди...

Навоий Анжуманининг фаолият доираси, кўлами кенгроқ, албатта. Унинг ният ва вазибалари Афғонистон худудида яшовчи туркий халқларнинг тили, тарихи, адабиёти, маданиятини қайта тиклаш, кадриятларини юксалтириш, тарғибу ташвиқотни йўлга қўйишдан ва бошқа маънавий, ижтимоий масалалардан иборат.

Анжуман қатнашчиларининг айримлари ҳақида баъзи маълумотлар:

1. Устод<sup>1</sup> Саид Муҳаммад Олим - Лабиб (хушёр, сезгир маъносида) - замонавий кийинган қирқ ёшлардаги йигит. Балх университети<sup>2,3</sup> адабиёт ва инсоний илмлар факультети туркий тиллар ва адабиётлар (илгари «ўзбек тили ва адабиёти» дейилган) кафедрасида пухандуй,<sup>4</sup> адабиёт назариясидан сабоқ беради.

2. Қори Абдурахим Айний - қотма, бўйчан, чўзиқ юзига монанд узун, мош-гуруч соқоли сабабми, бизнинг наздимиз, дунёқарашимиз билан, дабдурустдан қараганда негадир зиёли кишини эслатмас эди, балки университетнинг илоҳий илмлар факультетида ишлагани ва касбига монанд оддийроқ кийингани учун шундай туюлди чоғи. Аммо бир вақтлар у Тошкентда ҳуқуқшунослик бўйича тўрт ойлик малака ошириш курсини ўтаб келган, дунёдан, дунёвий илмлардан ҳам хабардоргина эди.

3. Абдулла Руин - Зокиржон аканинг эски таниши (улар аввалги сафарлардан бирида учрашишган), асли ота-боболари Намангандан, касби журналист, узоқ Қундуз вилоятидан ҳозир Мозори Шарифга келиб қолган, раиси раёсати ижтимоий ва фарҳанги, яъни Балх вилояти маданият ишлари бошқармаси раҳбари.

4. Соли Муҳаммад Ҳассос - шоир, ўрта бўй, чуваккина, қирқ беш ёшларда.

5. Сардор Муҳаммад Раҳмон ўғли - ёш ёзувчи, айна вақтда Туркияда яшайди, толиблар даврида бош олиб кетганлардан.

6. Абдулазиз Деҳқон – таҳаллуси касбини ифода этувчи балхлик шоир. Гурунг давомида айтишича, хусусий ерининг бир қисмини сотиб, Бобораҳим Машраб қабрини таъмирлатибди.

7. Бизнинг янги танишимиз Муҳаммад Акбар Ваҳод<sup>1</sup> ҳожи Султон ўғли - «Фарид Жовид ЛТД» фирмаси президенти, анжуман ҳомийларидан, Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаси бор.

Гурунг қатнашчилари йиғинни бошқараётган Лабиб жанобларининг ижозати билан ўз

<sup>1</sup> Устод – домла маъносида, асосан университетларда дарс берувчиларга нисбатан қўлланади; лицей, мактаб ўқитувчиларини «муаллим» дейишади.

<sup>2</sup> Балх Университети Балх вилоятининг маркази Мозори Шарифда жойлашган.

<sup>3</sup> «Университет» – дарий тилида «донишгоҳ», пуштунда «пухантун», адабиёт факультети – «донишкада», факультет – «пуханзай» дейилади.

<sup>4</sup> Пухандуй – доцент мақомида.

<sup>1</sup> Асли «ваҳдат» – бирлик, бирлашиш мазмунини беради.

фикрларини баён этмоққа киришар, бир-бирларининг гаплари орасига от солдириб юбормас, ўзаро назокат қоидаларига риоя этмоққа тиришар эдилар.

Суҳбатда Афғонистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти хусусида ҳам гапириб ўтилди.

Ўша пайтларда мамлакатда юздан ортиқ сиёсий партиялар мавжуд бўлиб, қонун чиқарилиши ва партияларнинг бир-бирига қўшилиб, тартибга солиниши кутилмоқда эди.

Афғонистонлик миллатдошларимизнинг зиёли вакиллари Бобур халқаро фонди ва унинг экспедицияси фаолиятига, аввалги сафарларнинг натижаларига қизиқишларини изҳор этишди. Уларнинг гап-сўзлари мазмунидан мамлакатимиздан қандайдир маънавий кўмаклар умидворликларини, афғон заминда таваллуд топишган бўлсалар-да, ўзларини ҳамон хорижда, мусофирдек ҳис қилишлари, Ўзбекистонга, ўзбек халқига руҳан талпиниб яшашларини англаш мумкин эди.

Зокиржон ака ана шу мавзулардаги кўплаб саволларга батафсил жавоб берди.

Учрашув-мулоқотда, шунингдек, ўзаро маданий алоқаларни, жумладан, Бобур фонди ва Навоий анжумани ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан истақлар билдирилди, таклифлар ўртага ташланди. Мезбонлар Зокиржон акадан яна кўп нарсалар тўғрисида маълумот олишни исташганидан суҳбат йўлакда, қаватларнинг саҳнларида, зиналарда, ташқарида - хайрлашув чоғида ҳам давом этди.

Кечкурун сарбонимиз бизни укаси Жамолиддинникига олиб борди.

Қурилиш материаллари ва бузилган уйларнинг ёғочлари тартибсиз сочилиб ётган майдонлардан, янги уй-жойлар қурилаётган, деворлари баланд, аммо пардозсиз, бурилишлари кўп калта-култа кўчалардан ўтдик.

Жамолиддин ўзига анча тўқ тадбиркорга ўхшайди. Унинг уйлари ҳам икки қаватли эди. Зина - йўлакларнинг бир қарич ҳам очиқ жойи йўқ - гилам, палос тўшалган (умуман Мозори Шарифда икки қаватли уйлар қуриш урф экан).

Шу ерда ўтирганимизда Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» кўрсатувида сафарга жўнаш маросимимиз тўғрисидаги лавҳа намойиш этилди.

Бошқа таомлару ноз-неъматлар қатори оппоқ гуруч пишириб келишди, бу - палов эмас, чалов экан.

Анвар билан Жамолиддин ота бир, она бошқа оға-инилар экан, лекин оқибатлари яхши эканлиги сезилиб турибди. Иккаласининг онаси - кундошлар бир ҳовлида яшашган экан.

Дарвоқе, Муҳаммад Анвар асли Майманада туғилиб-ўсган, Кобул университетининг адабиёт факультетини 1981 йили битирган, яъни касбан устод-домла, кейин аскарликда ҳам бўлган, айни вақтда Тошкентда тижорат ишлари – конфетчилик билан шуғулланади. Аммо, қариндошлари, яқин танишларининг кўпи Мозори Шарифда, улар ўртасида ҳурмати зиёда эди. Жамолиддинникида ҳам бир неча жиян ва бошқа танишлари елиб-югуриб хизмат қилишди.

Яна кундузи тушган хонадонимизга қайтиб келдик. Ташқаридаги, меҳмонхона билан ёнма-ён кенгина супага жой тўшаб, Мозори Шарифнинг юлдуз тўла осмонини томоша қилганча ухламоққа тутиндик. Енгил шабада гўё бизни аллалар эди. Лекин гоҳо мамнунлик ҳам уйқуни қочиради.

*7 август, пайшанба*

Шаҳар айлангани чикдик.

*Афғонистоннинг тўрт йирик шаҳридан бири, мамлакатнинг шимолий қисмида, Балх воҳасида жойлашган Мозори Шариф Балх вилоятининг маъмурий марказидир. Қомусий*

китоблардаги маълумотларга қараганда ўрта асрларда Мозори Шариф ўрнида Хайр отлиг кичик қишлоқ бўлган, кейин Хўжа Хайрон деб номланган. Нақл қилинишича, тўртинчи халифа, Муҳаммад пайгамбаримизнинг суюкли куёви ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг жасадлари шу ерга дафн этилган<sup>1</sup>. XV асрнинг иккинчи ярмида ўша қабр устига катта мақбара барпо қилинган, шундан кейин шаҳар Мозори Шариф («Муқаддас мазор») деб юритила бошланган ва зиёратгоҳга айланган.

Шаҳарда саноат анча илгари ривожланган. Машинасозлик ва металлсозлик, озиқ-овқат, тўқимачилик, тери ошлаш, пахта тозалаш корхоналари, гишт ва ойна заводлари бор. Ҳунармандчилик ҳам шаҳар аҳлининг асосий тирикчилик воситаларидан. Гилам тўқилади, шойи, ип-газлама, дўппи, уй-рўзгор буюмлари ва бошқа касб-кор билан, савдогарчилик билан шугулланадилар.

Бизга маълум (яъни, тўла бўлмаган) «Бобурнома»да Мозори шариф нечукдир тилга олинмаган.

Шаҳарнинг кўҳналигини эски биноларнинг кўплигидан ҳам билса бўлади. Кўчалари, маркетлари, бозорларининг тузилиши жиҳатидан Пешовар, Ҳирот кўчаларини эслатади. Моторолёр, велосипед ва уларнинг устахоналари сонсиз. Дўкон, маркетлар ҳам сероб – аксарияти икки, уч, беш қаватли. Мол-товарлар қалашиб ётибди.

Тўксон фоиз том ясси, тунукали, шиферлиги кам.

Шаҳар атрофида дарахт бор, шаҳар ичида кўп эмас. Кўчалар кенгайтирилиб, икки юзини замонавий бинолар эгаллаган бўлишига қарамай, кўчат экишга эътибор сустигиданми, бошқа сабабми - янги қурилиш бўлаётган яйдоқ жойлардай таассурот қолдиради. Бунинг устига йўлларда ўйдим-чуқурликлар кўп, машиналар секин юрса ҳам чанг кўтарилади. Бозор, дўконларнинг олдилари ҳам ивирсиқроқ, ҳарқалай, саришта дейишга иккиланасиз. Расталарга, кўчаларга ҳам сув сепилавермайди чоғи.

Албатта, одамларнинг тутумлари ҳам биздагидан бошқачароқ. Эркаклар тоифаси хилма-хил: серсоқоли бисёр, соқол-мўйлов қўймагани ҳам бор; кийинишлари ҳам ранг-баранг: кимдир колода, яна бирови замонавий, яъни ғарбча қўйлак-шимда, бири қалпоқли, бошқаси ялангбош...

Кўчаларда аёллар кўп (аввалги сафар чоғида Ҳиротда хотин-қизларни жуда оз кўриб эдик): ҳаммаси қўйлак устидан паранжи-чиммат вазифасини адо этувчи оқ, ҳаворанг ҳижоб ёпинган. Айтишларича, уларнинг айримлари қайсидир идора ва ташкилотларда ишлашар ва иш жойларида чодраларини<sup>2</sup> ечиб қўйишаркан; ҳаворанг чодрани ёш қиз-жувонлар, оқини катта ёшдагилар ёпинишаркан. Менинг наздимда эса, аксинча эди... Битта-иккита, хусусан кекса ва ё бўйига етмаган қизларнинг юзи очик. «Ривожланган» деб аталмиш мамлакатларда ва уларга тақлидан кийиладиган кофта-юбкали фақат бир жувон кўринди, юз тузилишидан туркман миллатига мансубмикин, деб ўйладим.

Аёллар чодралари этакларини парпирок-парпирок қилиб шитоб юришади.

Ҳазрат Али ёдгорлиги - «Равзаи шариф» зиёратига ҳам асосан аёллар, аксарият ёш-ёш қизлар кўп киришар ва ғоят сидқидилдан, катта эътиқод билан тавоф қилишарди. Уларнинг юришлари, чачвоннинг қабоқ билан мижда қисми ўртасидаги тўр остидан қарашлари дадил эди. Бозорларда харид қилувчиларнинг кўпчилиги ҳам ана шу «ожиза»лар эди. Кейин билсак, бугун мақбарани аёллар зиёрат қиладиган кун экан, биз билмасдан кирибмиз.

Қиз-жувонларнинг кўчада эркин юришлари, шубҳасиз, янги давр, янги давлат сиёсатининг меваси эди.

<sup>1</sup> Хайридин Султоннинг «Бобурийнома» маърифий рўмонидида келтирилган бир хабарга қараганда Ҳазрат Алининг жасади дастлаб Термизга кўмилган, кейинчалик унинг хоки Мозори Шарифга кўчирилган. (Ўзбекистонда, Фарғона водийси халқлари ўртасида Ҳазрат Алининг қабри Шоҳимардонда, Арслонбобда ва бошқа жойларда... деган эътиқод, миш-мишлар кўп).

<sup>2</sup> Афғонистонда «чодари» дейилади.

Ҳазрат Али мақбарасининг безакларига, ёдгорлик ижодкорларига ва бунёдкорларининг ҳафсаласига, дидига, санъатига гап йўқ – гумбазли шифтлар, равоқлар моҳир чеварлар каштасидай жимжимадор ва силлиқ тўқилган эди. Зиёратчи аёллар ойнаванд тавофгоҳни ўпиб, юзларини босиб, унинг атрофидан сассиз айланишарди.

### XXX

Бу галги сафаримиз ҳисоб бўйича ўнинчиси бўлиб, дастуримиз илгариги режаларга нисбатан кенгроқ, ўзгачароқ эди. Албатта, экспедициянинг бош мақсади Бобур ва бобурийларнинг хорижда кечган умри ва фаолиятларини чуқурроқ ўрганиш, улар ҳақида янги маълумотлар топишдан иборат. Аммо Заҳириддин Муҳаммад Бобур хоки туроби турли сабабларга кўра чет элларда қолиб кетган ягона буюк аждодимиз эмас. Қолаверса, Бобур ва бобурийлар фаолиятини ўрганиш, улар ҳаёти ва ижодининг номаълум қирраларини очиш, хусусан, Бобур Мирзонинг адабий-тарихий хизматларини муносиб баҳолаб, унинг номини абадийлаштириш бораларида анча-мунча ишлар амалга оширилгач, Зокиржон Машрабовнинг бу жиҳатдан кўнгли хийла таскин топиб, энди у бошқа улуғ сиймоларимиз қисматлари, қабр-мақбаралари ҳолатлари билан ҳам астойдил қизиқиш ва шуғулланишни асосий режалари қаторига қўшган эди. Бобур фондининг хайрли саъй-ҳаракатлари мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Жумладан, Республика Олий Мажлисининг 2003 йил май ойидаги 11-сессиясида юртбошимиз Бобур фонди ва унинг илмий экспедициясига шундай баҳо берди: «Зокиржон ака, Сизнинг фаолиятингиз, фидойи ишларингиз, Бобур бобомизнинг меросини бугунги ёшларимизга, замонамиз кишиларига етказиш, умуман бунинг боқий таъсирини бугунги ҳаётда ташвиқот-тарғибот қилишдаги хизматингиз барчамизга маълум. Халқимиз ҳам жуда яхши билади. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, Сизга катта раҳмат айтмоқчиман...».

Давлатимиз раҳбари ўша йилнинг июнь ойида Эрон Ислоҳ Республикасига қилган расмий ташрифи давомида Афғонистон ўтиш ҳукумати бошлиғи Ҳамид Карзай билан ҳам учрашиб, жумладан, Ҳиротдаги Алишер Навоий мақбарасини обод этиш масаласини ҳам муҳокама қилдилар. Ана шу мулоқотларда Республика Олий Мажлисининг депутати Зокиржон Машрабов ҳам Ўзбекистон расмий ҳайъатининг аъзоси сифатида қатнашди. Кейинроқ унинг иштирокидаги махсус гуруҳ Президентимиз топшириғига биноан Навоий мақбараси қайта тикланадиган жой ва бу ишга дахлдор бошқа масалаларни ўрганиш мақсадида Ҳиротда бўлиб қайтди.

Бундай эътибор ва ишончлар, шубҳасиз, Зокиржон акага илҳом берди, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди, янги тадбирларни амалга оширишга даъват этди. У зудлик билан экспедициянинг навбатдаги махсус сафари режаларини тузишга киришди. Бу гал у Президент томонидан олға сурилган, юқоридаги расмий ташрифлар чоғида Эрон ва Афғонистон раҳнамолари билан ўзаро келишилган Термиз – Мозори Шариф – Ҳирот - Тойибод автоўли йўналишини ҳам кўришга аҳд қилди.

Қисқаси, экспедициямиз раҳбарининг нияти бўлажак янги автотрасса бўйлаб юриб, йўл-йўлакай шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси билан учрашувлар ўтказиш, Афғонистон заминида дорилбақога рихлат қилган улуғларимиз қабр-мақбараларининг сўнги урушлар ва бесаранжомликлардан кейинги ҳолатини ўрганиб, Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига ахборот-маълумот беришдан иборат эди.

Айрим муаммоларни келишиб олиш учун Афғонистон Республикаси Ташқи ишлар вазиригининг Шимолий Афғонистон бўлимига кирдик. (Аниқроғи, у «Намояндаги раёсати умр хорижи вилояти Балх» дейиларди). Бўлимнинг Саид Нурилло исм-шарифли барваста раиси бизни катта эҳтиром билан кутиб олмади, аммо Муҳаммад Анвар экспедициямиз, унинг бу галги режалари ҳақида гапириб, Зокиржон Машрабовнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, яъни сенаторлиги (Анвар бу сўзни «санатур» тарзида талаффуз қилар

эди), унинг Абдурашид Дўстим билан шахсан танишлигини айтгач, Абдурашид Дўстим (уни ҳам раис дейишаркан) номига хат ёзиб, хавфсизлигимизни таъминлаш учун муовини Муҳаммад Айюбхонни бизга қўшиб берди.

Мозори Шарифнинг қолган қисмларини қайтишда томоша қилмоқ аҳди билан Балх сари юзландик. Йўл бўйларидаги вайрон, кимсасиз ҳовлилар, қурилмаган ё чала битган чек-уйлар нохуш таассурот уйғотар, у ер-бу ерда қолиб кетган эски танклар, юк машиналарининг пачоқ кузовлари, кабиналари бу ҳудудларда яқингинада кечган жанглarning жонсиз гувоҳлари, гувоҳларигина эмас, бевосита иштирокчилари эди.

Мозори Шарифдан кун ботишдаги Балхгача йигирма чақиримдан ортиқ масофа, масофа орасида бепоён экинсиз ерлар, пахтазорлар бор эди.

## **ОШИҚ БАҚТАШ ВА МАЪШУҚА РОБИЯ ҚИСМАТИ**

### **БАЛХ**

*Балх – бошидан кўп жабру жафолар ўтган қадимий шаҳарлардан. Унинг мухтасар таржимаи ҳоли ушбудар: милоддан аввалги 7-асрдан мавжуд ва маълум. Шу боис уни ўтмишида «Уммул билод» - «шаҳарлар онаси» деб таърифлашган. Юнонлар уни «Бақтра» деб аташган. Ахмонийлар давлатига, ундан кейин Искандар Зулқарнайн салтанатига тобе бўлган. Милоддан илгариги 250-130 йиллари янги ташкил топган Грек-Бактрия подшолигининг пойтахти бўлган. Кушонлар подшолиги даврида Буюк ипак йўли ўтган Балхда ҳунармандчилик, халқаро савдо-сотиқ ривожланган, пул зарб қилинган. Саккизинчи асрда араблар босиб, вайрон қилган, ўнинчи асрда қайта тикланган. Ҳазратлар, гурийлар (12-аср) ҳукмронлиги даврида Ўрта Шарқнинг йирик шаҳарларидан бирига айланган. 1221 йили мўғуллар кунпая-кун қилган. 13-14-асрларда Чигатой улуси, 1370-йилдан Амир Темур ва теурийлар империяси таркибига кирган. Шайбонийлар ва аштархонийлар (15-18-асрлар), хусусан Пирмуҳаммадхон, Надр Муҳаммадхонлар ноиблик қилган замонларда Балх яна қаддини тиклаган, йирик илмий марказга айланган, кўплаб тарихий, жуғрофий, адабий асарлар яратилган.*

*Балх бир замон Мирзо Улуғбекнинг ўғли, надаркуш Абдулатифнинг ҳам тасарруфида бўлган. Шунингдек, Балхда ҳоким бўлган Дарвиш Алибек (Алишер Навоийнинг бир туғишган укаси) Бобур Мирзо эътирофича «яхши бекликлар қилмиш» эди.*

Балхда буюк шоир, олим, тасаввуфнинг улкан намояндаси Жалолиддин Румий таваллуд топган, шарқ мумтоз адабиёти, маънавияти ривожда ўзига хос ўрин тутувчи шоиру фузалолардан Дақиқий Балхий, Унсурий, Рашидиддин Ватвот, Отойи, Дурбек, Пошохожа, Авҳадиддин Анварий, Маҳмуд ибн Вали, Мансур Термизий ва бошқалар яшаганлар. Бу ерга улуғ Умар Хайём қадами етган.

Балхда Бобораҳим Машраб қатл этилган...

Ҳусайн Бойқаро Хуросонга ҳукмронлик қилган даврларда Балх бир неча марта қўлдан қўлга ўтади. Шайбонийхон Бобур мирзонинг эгачиси Хонзодабегимдан туғилган ўғли Хуррамшоҳга ҳам Балхни инъом қилган эди, лекин Шайбонийхоннинг ўзи ҳам, Хуррамшоҳ ҳам кўп яшамадилар.

Балх 19-асрнинг 60-йилларидан Афғонистон таркибига кирган.

Бобуршоҳ «Бобурнома»да Балхни кўп бора қаламга олади, аммо бир ўринда иқлимнинг иссиқлигини алоҳида қайд этса-да, шаҳарнинг тарихи, бошқа сифатлари ҳақида тўхталиб ўтирмайди. Зеро, Бобуршоҳ ўзи муфассал билмаган, ўрганмаган шаҳру кентларни

«орқаворот»дан таърифламас эди. Лекин Балхнинг кўп йиллар бобурийлар ихтиёрида бўлганлиги аниқ. Инглиз шарқшуноси Ф.Тэлботнинг ёзишича, Бобуршоҳ 1525 йилнинг 17 ноябридаги Ҳиндистонга қилган бешинчи ва сўнгги зафарли юришидан салгина аввал Балхни қамалдан озод қилиб қайтган<sup>1</sup>. Тарих фанлари доктори С.Азимжонова келтирган далилда «1548 йили Ҳумоюн подшоҳ кўпчиликнинг норозилигига қарамай, Балхга – шайбонийларга қарши отланади, бироқ бу жангда Ҳумоюн аскарлари мағлуб бўладилар»<sup>2</sup>. Ҳумоюннинг ўзи эса қаттиқ яраланади.

Урушлар, вайронагарчиликлар туфайли Балхда тарихий обидалар кам қолган. Улардан бири - 15-асрда қурилган Хожа Абу Порсо масжиди ва мақбараси дуруст сақланган. У шаҳарнинг шундоқ марказида, олди томони баҳайбат ва кекса катта чинор, ножу-сарвзордан иборат хиёбонда.

*Валиуллоҳ Баҳоуддин Нақшбанднинг энг истеъдодли шогирди ва халифаси, ўн тўртинчи асрнинг иккинчи ярми, ўн бешинчи аср бошларида яшаб ўтган Хожа Порсонинг тўлуғ исми Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофиз ал Бухорий бўлиб, Марказий Осиёда Нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси, кучли каромат соҳиби, ўз даврининг йирик олими эди. Сўнгги маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида олимнинг исломий ва дунёвий илмларга оида йиғирмага яқин асари сақланмоқда.*

*Хожа Порсо мақбарасидан сал нарида, ўнг тарафда кўримсиз, ертўланнинг томига ўхшаши катта сагана тош бор эди. Тор, паст зиналардан тушиладиган ертўлада шоира ва машҳур маҳбуба Робиа бегим дафн этилган экан.*

*Робиа Каъббинтол Қиздарий... Қомусий китобларда берилган мухтасар маълумотлар муаллифлари қадимги тазкираларга суянган ҳолда, шоиранинг тахминан газнавийлар даврида, Балхда яшаганини зикр этадилар. Баъзи ривоятларга кўра, Робиа билан акасининг қули, турк йигити бир-бирини қаттиқ севишган. Робиа маҳбубига атаб ишқий шеърлар битган. Аммо сирлари фош бўлиб қолгач, ошиқ ҳам, маъшуқа ҳам ўлдирилган. Робиа ижодидан айрим намуналар сақланиб қолган, уларда ёрга садоқат, «мавжуд тузумдан норозилик кайфиятлари» (бу шўролар даврига хос оммавий ибора ва таърифлардан) ифода этилган.*

*Робиа ҳақида бошқа ривоятлар, дostonлар ҳам мавжуд. Уларда Робианинг отаси Зайнул Араб Балх амири бўлганлиги, акалари (улардан бирининг исми Харис) ўз гуломларига кўнгил берган сингилларини ишқи отаи йўлидан қайтаролмай, орийат-номус ўтига чидашолмай, ҳаммомга қамаб ҳалок этишигани, бу жудоликка дош беролмаган ошиқ Бақташнинг қон томирини кесиб дунёдан кўз юмгани бадиийлаштирилиб талқин қилинади<sup>1</sup>.*

Шаҳар кўчалари ўзгариб кетгани боис Бобораҳим Машраб қабрини топиш анча қийин бўлди. Хиёбон атрофидан айланиб ўтган йўлнинг нариги томони устахоналару хиёбон тарафи бозор эди. Бу ерда ҳам пайшанба – бозор ва у Қашқардаги сингари тўполон, тартибсиз эди. Айни пишиқчилик мавсуми бўлгани учун мева-чева, қовун-тарвуз, ошқовок бисёр кўп, оёқ босарга жой йўқ эди. Фақат, мол эгаларининг аксарияти олиб-сотарлар эмас, шудгорга пешона тери ва меҳрини, кучини ўғит қилган асил дехқонлар эканлигини англаш қийин эмас эди. Бу уларнинг одми, оддий кийинишларидан, содда ва тўғрисиўзликларидан, самимий нигоҳларидан билиниб турарди. (Олиб-сотарлик ҳам умумий цивилизациянинг меваси ва нишонасидир). Ҳар ер-ҳар ерда аравали, аравасидан чиқариб қўйилган эшаклар тўс-тўполонга парво қилмай, ичларида эгаларининг савдо-сотиклари узоқроқ чўзилишини тилаб, ҳафсала билан ўт кавшарди.

<sup>1</sup> А. Иброҳимов. «Бобурийлар мероси». Тошкент, «Меҳнат» нашриёти, 1993 йил, 41-бет.

<sup>2</sup> Гулбаданбегим. «Ҳумоюннома». Тошкент, «Маънавият» нашриёти, 14-бет (сўзбоши).

<sup>1</sup> Ҳарқалай, уни «Ўз замонасида Ҳақ муаммоси ва маърифати бобида беназир» (Фаридиддин Аттор), пайгамбаримиз Муҳаммад мустафо (С.А.В.) билан даврдosh, иккинчи Марям дея таърифланувчи Робиъа (Робиъат ул-Адавиййа) билан адаштирмаслик керак.

Йўлбошловчи – далил Муҳаммад Айюбхон Машраб қабрини билмаганидан хижолат чекарди. Биз Бобораҳим Машраб деб сўрайверибмиз, халқ уни Шо Машраб номи билан атар экан. Қолаверса, Балх аҳли учун бозор, тирикчилик Машрабдан кўра муҳимроққа ўхшарди.

Ниҳоят, топдик – шундоққина шаҳар биқинида, далалар билан туташ тепаликда, аммо унга олиб борадиган, деворлари гувалали, лой сувоқли кўчалар бир неча энлик тупроқ эди. Умуман Балх, менинг тасаввуримда ҳамон кўҳна, эскилигича қолган, дурустроқ янги бино ёки кўча кўринмасди.

Машинани тепаликдан берирокқа тўхтатиб, у ёғига шим почаларини кўтариб яёв бордик.

Катта бетон супа ва унинг ўртасида кўкқайган, олди - пешонасига Бобораҳим Машрабнинг бир неча калимадан иборат таърифи битилган қабртош.

Кеча, Мозори Шарифда, «Навоий анжумани»да Давлатшоҳ Самарқандий таъбири билан айтганда, кетмон дастасига шеър ёзадиган шоирлардан Абдулазиз Деҳқон ўз маблағи ҳисобидан таъмирлатганини писанда қилган қабр шу эди. Умумий мезон нуқтаи назаридан қараганда, бу мақтанадиган ё мақтайдиган таъмирлов эмас эди, албатта. Аммо, соҳиби ҳимматнинг оддий, қишлоқ деҳқони эканлиги инobatга олинса, унинг таъкидини мақтанишга эмас, жасоратга йўйиш ҳам мумкин. Ҳарқалай, бу тадбир-амал ўз муаллифи ва унинг мавқеи даражасида ибратли ташаббус, ибратли воқеадир.

Дарҳақиқат, Зокиржон ака экспедициянинг 1992 йилги сафари чоғида бу қабрнинг жудаям аянчли аҳволда эканлигига гувоҳ бўлганини эътироф этди.

- Худди анавилардай ҳолатда эди, - дея бетон супа ёнидаги лой сувоқлари офтобда нураб, тўкила бошлаган қабрларга ишора қилди раҳбар.

Учтагина (балки аслида кўп бўлган-у, текисланиб кетгандир) қабрдан ташкил топган мазористон, ёш балх тутларидан (бу ерда «ширтут» дейишади) иборат тутзорга туташ, тутзор эса пастаккина пахса девор билан ўралган эди.

Албатта, Зокиржон аканинг кўнгли тўлмади. Унинг наздида (ҳақиқатда ҳам), улуғ шоир Бобораҳим Машраб қабр-мақбараси кўркам ижоди, салобатли мавқеига яраша, дунё сайёҳлик обидалари рўйхатига киритишга арзирли зиёратгоҳ бўлмоғи лозим эди. Раҳбарнинг, гарчи бизга ошкор этмаса-да, дилида ажиб режалар туғилгани аниқ эди.

- Шоҳ Машрабнинг Балхдай шаҳардаги таъмирланган қабрининг аҳволи шу бўлса, Ишкамишдаги лаҳадхонаси қай алфозда экан? – дерди у куюниб.

Балхдаги эса сақлашга лойиқ иккинчи ҳодиса шаҳар марказидаги кўримсиз чойхоналардан бирида елпиштовокдай катта ва юпқа нон билан қилган кабобхўрлигимиз бўлди. Сихга тортилган гўшт бўлаклари Эронники каби майда (чумчуқ тилидан салгина каттароқ) эди, ҳисоб-китобда хийла мушкуллик туғдирди. Кабобпаз умумий ҳисобдан адашиб кетган эди, ким неча сих еганини сўраб чиқишга ҳам тўғри келди. Лекин қорин оч, кабоб мазали, боз устига, текин бўлса - сих санаш кимнинг эсига келарди дейсиз.

- Бу сафардан кейин ҳаммамиз еган кабобимизни санаб ўтирамиз шекилли, - деди раҳбар.

- Битта ҳисобчи сайлаб қўйсақ ҳам бўлади, - деди кимдир. Кулишдик.

Шибирғон йўлига қайтиб чиқиб, озгина юрганимиздан кейин чап ёнда, шундоқ кўча бўйида деворлари қулаб тушган эски уйсимон вайронага дуч келдик. Бу – зардуштийлар замонидан қолган «Оташкадаи Балх» номлиғ тарихий ёдгорлик харобалари эди.

Йўлнинг икки қирғоғида гоҳ-гоҳ икки-учтадан, гоҳи кўпроқ, гоҳи ёлғиз қабрлар учрар, улар тепасига латта-байроқли таёқ суқиб қўйилган эди. Бу нима аломат экан, деб ажабланиб афғонистонлик ҳамроҳлардан сўрадим. Шаҳидлик рамзи ва умуман одам кўмилган деган

белги, дейишди. Турли жангларда ҳалок бўлган инсонларнинг жасадларини ўша пайтда аҳоли яшайдиган жойларга олиб бориб дафн этиш имкони бўлмагани учун қазоси етган ернинг ўзида устига тупроқ тортиб кетаверилган экан.

Шунингдек, пахтазор далаларда оралатиб экилган, ғўзадан-да бўла, гуркираб ўсаётган қорамтир тусдаги наша қаторларини кўриб хайратимиз ошганини яширолмадик.

Яхё Нишопурий деган шоир нашанинг ботиний ва зохирий тажовузкорлигини хўп топиб ёзган экан:

***Наша барги қирраси кескир эрур, эй бангилар,  
Кесмоқ учунким, сиздаги ақлу истеъдод ниҳолин.***

Мен дунё хабарларида Афғонистон ҳудудида қорадори, гиёҳванд моддалар билан боғлиқ ҳодисалар кўп тилга олиншини эслатаман. Бу ҳолатни Муҳаммад Анвар:

- Раҳбарлар халқ кун кўрсин, фақат қурол кўтармаса бас, деб ўзларини кўриб, кўрмаганга соладилар, - деб изоҳлайди. (Ҳа-да, ахир порахўрликни ҳам билиб, билмаганликка олишади-ку! Ҳолбуки, бири одамнинг ижтимоий фаолиятига, жисмоний соғлиғига қанчалик путур етказса, иккинчиси умуман инсон комиллигининг ашаддий кушандаси эканлиги аён ҳақиқатдир).

Шуни била туриб, наҳотки бир чора кўришга ҳаракат қилишмаса, деб ажабланиб юрардим, сафаримиздан салкам бир йил ўтиб, матбуотда бир ахборот кўриниб қолди. Унда Афғонистонда гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, қайта ишлаш, ташиш ва истеъмол қилиш билан 1,7 миллион киши машғуллиги, 2003 йили мамлакатда бу ажал оғусини ишлаб чиқариш олти фоизга ортиб, 3600 тоннага етганлиги, бу – бутун дунёда етиштирилаётган опиумнинг тўртдан уч қисми демаклиги катта афсус билан баён этилган ва Афғонистон уламолар кенгаши гиёҳванд моддалар билан шуғулланиш, истеъмол қилиш ва сотишни таъқиқловчи фатво чиқаргани, бу фатво шу ҳудуддаги номусулмон кишиларга ҳам тааллуқли экани ёзилган эди. Бу фатвонинг қандай натижа беришини албатта келажак кўрсатади. Зеро, гўшт ўғри ўғрилигини ташласа мен мазалигимни ташлайман, деган экан, кайф берувчи оғунинг шартини ҳам бундан кам бўлмаса керак.

Пешиндан кейин Шибирғонга кириб бордик.

## ШИБИРҒОНДА

*Жузжон вилояти маркази Шибирғон Мозори Шарифдан 140 км ғарбда, Афғонистоннинг шимолий қисмида, Дарёи сафед (Оқ дарё)нинг қуйи водийсида, Бактрия текислигида жойлашган. Шибирғондан Мозори Шариф – Ҳирот йўли ўтган. Шаҳар аҳолиси азалдан асосан ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган. Масалан, гилам тўқишган, уй-рўзгор буюмлари тайёрлашган. Шаҳар ёнидан табиий газ қазиб чиқарилган. Газнинг бир қисми шўро даврида газопровод орқали СССРга юбориларди.*

Қасри Дўстим, яъни Абдурашид Дўстим қароргоҳи шаҳарга кираверишда эди.

- Генерал икки соатдан кейин келади, - дейишди эшик оғалари.

Муҳаммад Айюбхон ўз бошлиғи Саид Нурулло хатини қароргоҳ мулозимларидан бирига кўрсатиб, бизни таништиргач, ичкарига таклиф этишди. Дарвозахонада дипломатларимиз, қўл сумкаларимизни очиб титкилаб кўришди. (Бу эҳтиёт чорасидан ранжишга ҳаққимиз йўқ эди, ахир Аҳмадшоҳ Маъсудни телекамера ичига қўйилган портловчи модда билан ўлдиришган-да!).



Бизни меҳмонлар учун мўлжалланган, зиналарига, йўлакларига чиройли гиламлар тўшалган, тувакларда табиий каби жозибали сунъий гуллар «яшнаб» турган икки қаватли бинонинг улкан бир хонасига олиб кириб, шу ерда бемалол дам олиб турунлар, дейишди.

Биз худди энамизнинг уйига келиб қолгандай, астойдил ечишиб, юмшоқ ўринларга ёнбошладик. Одамохун мезбонларимиз минерал сув, пепси-кола, чой, қанд-қурс, пистабодом билан сийлаб туришди. Зокиржон ака ва Фаррух аччиқ кўк чойни ўгиришиб, ўтган сафар Абдурашид Дўстим билан қандай учрашганлари ва бу қўмондоннинг жасоратларини буларга кўрсатган илтифотлари ҳақида (мазкур воқеалар тарихи Хайридин Султоннинг «Бобурийнома» асарида батафсил ёритилган) мароқ билан ҳикоя қилиб ўтиришди.

Соат тўртларда генерал келди, деган хабар кирди. Икки-уч қайтадан кимлигимиз, мақсад ва режаларимиз ҳақида ёзиб чиқиб кетишди.

Ниҳоят, бизни ташқарига таклиф этдилар.

Қароргоҳ ҳовлиси кенг, чорси майдон бўлиб, ўртада - боя биз кирган дарвозага яқин жойда асосий бино бор эди. Бизни ана шу иншоот орқасига – кун чиқиш тарафга бошлаб ўтишди. Шундоқ ерга тўшалган катта гиламнинг икки чеккасига беш-олтитадан елим курсилар қўйилган, гилам-«қабулхона»нинг биз бораётган, тўри томонидаги ёлғиз, суянчиғи баланд, юмшоқ креслода бир басавлат киши орқа қилиб ўтирар, атрофида ҳарбий ва фуқаро кийимидаги ўн чоғлиқ хизматчилар икки-учтадан бўлиб туришарди. Биздан хабар беришганда бояги киши креслодан туриши асносида биз томонга ўтирилди ва Зокиржон акага кўзи тушиб, «Ие, мен бу одамни танийман», деб, кучоқлашиб кўришди, кейин қолганларимиз билан қўл бериб сўрашди. У Абдурашид Дўстим эди.

Бизни бошлаб келган мулозимларнинг имоси билан Зокиржон ака генералнинг ўнг, мен чап ёнига ўтирдик, шерикларимиз ва шу атрофда уймалашиб юрганлар ҳам курсиларга жойлашдилар.

Қўмондон ва бизнинг раҳбар навбатма-навбат ҳол-аҳвол сўрашдилар, аввалги учрашувни ажойиб хотира сифатида эсладилар. Зокиржон ака Бобур жамғармаси ва экспедициянинг ўша тарихий учрашувдан кейинги ишлари, Президентимизнинг фонд фаолиятига берган баҳоси, янги йўналишлар сари қилган даъвати ва бошқа янгиликлар хусусида сўзлади. Абдурашид Дўстим экспедициянинг бу галги режалари тўғрисида сўради, у киши тўлқинланиб айтиб берди.

Асосан икки раҳбар гаплашишар, Муҳаммал Анвар сал-пал аралашиб турар (унинг таржимонлигига ҳожат йўқ эди), Фаррух тасвирга олиш билан овора, қолганлар одобли болалардай қўлларини тиззаларига қўйиб, жимгина тинглаб ўтиришарди. Генералнинг салобати босганидан эмас, шунчаки зарурат бўлмагани учун. Мулоқот жуда самимий, мавзу эркин эди.

Мен суҳбатга қулоқ тутаман ва нигоҳим билан қароргоҳ ҳовлисини кузатаман. Атрофда анвойи гуллар кўп, батартиб гулзор кўп. Жануб тарафда томи тўғарак шаклда ёпилган бир чиройли, нақшдор шийпон, остида фаввора, унинг тевараги ҳам гулзор.

Ҳовли осмонида бир неча ўнлаб оппоқ кабутарлар учиб, шох ташлаб ўйнар ва шийпон томи чаккасига – айланасига қўнар эди. Бу гўзал, беозор жониворлар наздимда афғон элидаги тинчлик, осойишталикни намоиш қилаётгандай эди.

Абдурашид Дўстим тахминан менинг ёшимда эди, сочларининг олди қисми мошгуруч, мўйлови қалин ва унинг қаттиқлиги билиниб туради. Қошлари ҳам қуюқ, энлик ва туташ. Юзлари ҳеч муболағасиз анордай қип-қизил.

Раҳбар самимий қабул учун генералга ташаккур билдириб, уни водийга, шу жумладан, Андижонга таклиф қилди.

- Ҳай, бугун шу ерда ётасизлар, - деди Абдурашид Дўстим суҳбат якунида ва ёнидаги

мулозимларидан бирига биз учун ётоқ жой ва кечки таом тайёрлаб қўйишни, иккинчисига, Зокиржон аканинг истагига кўра, бизни Сарипулга кузатиб боришни ташкил этишни тайинлади.

Генерал билан хайралашиб тураётганимизда Сарипул кўмондони<sup>1</sup> (ҳар бир вилоят ва туман кўмондони бўлар экан) келиб қолди, исми-шарифи Хожи Пойинда экан. У бир ЖИП машинасига (автомобилни бу ерда ҳам покистондагидай «мутар» дейишади) ўтириб, бизни бошлаб кетди.

Шибирғон – Сарипул йўли 55-60 чақиримлар бор. Биз икки соатда бориб келамиз экан-да, деб ўйлаб эдик, тўрт соатларда қайтдик-ов! Масофанинг учдан бир қисми шағалли, бешик-бешик, чангли эди (лекин, кейин юриладиган йўллар олдида бу кўчани кема йўлидай текис ва равон дейиш мумкин экан). Узоқ юрганга ўхшаймиз-у, ҳеч етмаймиз. Қоронғи тушай, деб қоляпти, ҳадигимиз шундан – кўприкни яхши кўролмаимиз, деб.

Йўлда қўй, эчки кўп.

Уйлар лой-сувоқли, томи гумбазсимон – узоқдан тандирга ўхшайди.

Сарипул - вилоят маркази (унча ўхшамайди). Пахса деворлари қалин, баланд, аммо сердарахт – чиндан ҳам бир вақтлар обод кентлардан бўлганини сезиш мумкин.

Захириддин Бобур ҳижрий 906-йилнинг шаввол (милодий 1501 йил, апрель-май) ойида Сарипулда Шайбонийхон билан жанг қилган. Муҳораба бир неча кун давом этади. Кучлар нисбати тенг эмас: Шайбоний аскарлари кўп ва ўзи ҳам тажрибали эди. Бобур Мирзо энди йигирмага кирган шахзода эди. Шунга қарамай, Бобур Мирзо ва унинг йигитлари қайтмай, кўркмай, ғаним билан мардона олишадилар. Дарвоқе, Бобур Мирзонинг туғишган суюкли опаси Хонзодабегим ана шу урушдан кейинги Самарқанд қамалида Шайбонийхон илкига тушади.

Сарипул аввал Жузжон вилоятига қараган, 1968 йилдан алоҳида вилоят.

Алишер Навоийнинг олтмишдан зиёд масжид, работ, кўприклар ва бошқа иншоотлар қурдиргани маълум. Ана шулардан бири Сарипул кўпригидир. Бунёдкори билан тенг умр кўриб, беш асрдан бери халққа беминнат хизмат қилиб келаётган кўприк шаънига ҳар қанча олқиш, унинг ҳомийси, меъмору усталари руҳига ҳар қанча дуо, такбир кам. Кўприкнинг қадимийлигидан гувоҳлик берувчи тузилиши ва қурилиши кишини ҳайратга солади: биронта чўп ҳам ишлатилмай, юпқа, энлик мусулмон ғиштдан, гумбаз сифатида кўтарилган. Остидан ўтган Сарипул дарёсининг кенг ўзанидаги озгина сув қариялар каби сипо, шошилмай, катта-кичик тошларга урилиб-сурилиб бормоқда. Албатта, Алишер Навоий даврида бу баҳри асов тўлиб, айқириб оққан бўлиши керак. Лекин, ҳар қалай, ана шу бир ҳовучгина оби ҳаёт дарёнинг номини ҳануз мўътабар қилиб, эъзозу шарафга буркаб келмоқда.

Алишер Навоийнинг улуғлиги нақадар чексиз-а! Савобли, хайрли амаллари нақадар беҳисоб-а! Бадииятнинг олтин хазинасига айланган, бўйи баробар дурдона асарларини, қаздирган ариқлари, етим-есир, бева-бечораларга кўрсатган мурувватларини, олтмишта иморат-иншоотидан эллик тўққизтасини бир томонга қўя турайлик, мана шу биргина Сарипул кўпригининг ажри бир бандаи мўминни пулсиротдан бехатар олиб ўтса ажабмас.

Олис ва нобоп йўлларни босиб келиб, элнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилиб турган шул кекса, заҳматкаш кўприкни зиёрат қилганимиз учун бизнинг қадамларимизга ҳам ҳасанотлар ёзилса, не ажаб!

Сарипул кенти четроғида кўҳна осори атиқалардан халифа ҳазрат Алининг эвараси Яҳё бинни Зайд мақбараси бор экан, унга ҳам ошиқдик. Қоронғи тушиб улгурган эди, бунинг устига чироқ ўчиб қолибди. Мўйсафид шайхнинг ёрдамида, шам ёруғида зиёрат

<sup>1</sup> Кўмондон - ички ишлар бошқармаси ё бўлими бошлиғи мақомидаги ҳарбий лавозим.

қилдик. Икки хонадан иборат мақбара-масжид сиртдан кўримсизроқ кўринса-да, ичи - шифтию равоқлари қарийб Мозори Шарифдаги Равзаи Али мақбараси беазага яқин услубда нақшланган эди.

У ердан чиқиб, маҳалла гузарида Саид Аҳмад Ҳайдарий деган кимса билан гаплашдик. У бизга қишлоқ ва кўприк тарихи, шунингдек, кейинги давр Сарипул шоирлари – Алхоз устод, Қори Муҳаммад Азми, Устод Фулом Муҳаммади Ходим ва бошқалар тўғрисида гапириб берди. (Исми-шарифию тахаллусига қараганда Саид Аҳмад жанобининг ўзлари ҳам аҳли назм сирасига мансуб эди-ёв!...).

Дарвоқе, Сарипул – Тоҳиру Зухро, Вомику Узро бўлиб вояга етишган, ҳозирда Тошкентда истиқомат қилишаётган Ҳалим Ёрқин ва Шафиқа хоним Ёрқинларнинг азиз юрти. Улар шаҳарнинг Таканахона маҳалласида туғилиб, бир кўчада қувалашиб-ўйнашиб, «Табоқоти Носирий» деган машҳур асар муаллифи Минҳож Сирож Жузжоний номидаги мактабда ўқишган, илму маърифат излашиб, таниқли адабиётшунос, шоир бўлиб етишдилар, Ўзбекистоннинг, Бобур халқаро фондининг кадрдонларига айландилар. Шафиқа хоним ҳам, Ҳайдарий таърифлаган зуллисонайн шоир, араб, форс, паштун, туркий тилларни яхши билган ва ижод қилган, девонлар, «Қавид-ул қуръон» китоби, «Рисоби сибён» сарлавҳали паштун-форс тиллари луғатининг муаллифи устод Қорий Муҳаммад Азим Азимийнинг набираси Ҳалим Ёрқин ҳам зуллисонайн ижодкор сифатида афғон ва ўзбек адабиётшунослиги ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Хусусан Шафиқaxonим томонидан Заҳриддин Бобурнинг янги топилган асарларидан иборат девони, Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Шох Ғариб Мирзо девонининг ўзбек тилида нашрга тайёрланиши шоён диққатга сазовор воқеалардир. Шунингдек, ўзаро ғоят муносиб жуфтлик сифатида таассурот қолдирадиган бу икки заҳматқаш, илмга, ўзбек адабиётига садоқатли олимлар Тошкент ва Андижонда ўтадиган адабий анжуман ва бошқа маданий-маърифий тадбирларда ҳамиша ҳозир у нозирлар.

Қайтишда андак адашдик. Қўмондон-сарбоннинг «мутари» ортидан юрдигу калта-халта кўчаларнинг бурилишларида чалғиб, бошқа бир тор йўлакга кириб қолибмиз. Хийлагина дароз ЖИПни навбатлашиб орқага буриб олгунча Илҳомжон билан Муҳаммад Анвар бир-бир терладилар.

Йўлда, шийпонсимон бир жойда қовунхўрлик қилдик.

Қароргоҳга етиб келганимизда соат миллари кечки ўрни кўрсатиб турарди. Ётишга хоналар, емакхонада дастурхон тўла ноз-неъматлар бизга мунтазир эди. Таомлар хийла дуруст – гуруч ўртасига суякли гўшт кўмилган палов, алоҳида ликобда товуқ гўшти, пиёзли помидор салат, пепси, минерал сувлар, хуллас, росмана зиёфат...

Ўринлар шоҳона, ваннахоналарига гап йўқ эди. Қани энди, ҳар доим, ҳар куни бир генералнинг меҳмони бўлсанг...

## ЛАЙЛИ ВА УНИНГ... ДАШТИ

*8 август, жума*

Сарипул йўли қоқиб ташлаган эканми ё жойларнинг зўрлигиданми, қотиб ухлабмиз. Мезбон йигитлардан бири соат олтиларда бизни автобекатга бошлаб чиқди. Шу ерда ивирсиқ бир чойхонада нони хоса ва Эроннинг ширин қаймоғи билан нонушта қилдик. Қаймоқ ўта ширин бўлса, ўрганмаган одамга ғалати, ҳатто ёқимсиз туюларкан.

Мулозим Маймана бурилишигача бизга йўл кўрсатиб борадиган автомобилчини гаплашиб берди.

Ярим соатлар чамаси юрганимизда олдимиздаги сарбон - «Тойота» тўғри, текис

йўлдан чапга - даштга бурилди. Оббо, бизни қаёққа олиб боришмоқчийкин, дедиг-у, лекин уларга эргашишдан бошқа чорамиз йўқ эди.

- Ҳа, Дашти Лайлидан кетамиз, нариги йўл анча айланиш, - деди етакчимиз биздаги хайронлик, иккиланишга жавобан.

Менинг диққатимни «Дашти Лайли» ибораси ўзига тортди. Наҳот Лайли тарихий шахс бўлсаю, бу дашту биебон унинг номига қўйилган бўлса?..

Хўш, Лайли ким ўзи? Китобларда ёзилишича, Шарқ халқлари оғзаки ижодида кенг тарқалган бадий образ – гўзал, оқила, вафодор ёр, маъшуқа, «Лайли ва Мажнун» сарлавҳаси билан анъанавий сюжет асосида ёзилган дostonларнинг бош қаҳрамонларидан бири. Масалан, Низомий Ганжавий (12-аср), Хисрав Дехлавий, Фузулий, Шохидий, Алишер Навоий, Андалиб ва бошқа шоирлар шу сюжет асосида дoston битишган. (Албатта, булар ичида энг машҳури, бадий жихатдан мукамал, таъсирчан, эса қоладигани ҳазрати Навоий «Лайли ва Мажнун»идир).

Бизга маълум бўлган манбаларда самимий севги ҳақидаги бу афсона, ривоятларнинг дастлаб араблар ўртасида юзага келгани зикр этилади, аммо айнан қайси даврда, қайси тарзда пайдо бўлгани шахсан мен учун қоронғи. Ҳарқалай, шоирлар қалбини ҳаяжонга солиб, чин ошиғу маъшуқалар юрагини ўртаб юборадиган бу қуйма сюжетнинг тўқилганига, Лайли ва Мажнун исmlарининг бадий асарларга кира бошлаганига минг йилдан ошганлиги аниқ. Масалан, ўнинчи аср охири ва ўн биринчи аср бошларида яшаган форс адабиётининг таниқли намоёндаларидан бири Бобо Тоҳир Урён рубоийларида ҳам Лайли, Мажнун номлари учрайди. Шарқ адабиёти, фалсафа ва жуғрофия фанлари юксалишига салмоқли ҳисса қўшган Носир Хисрав (XI аср) эса ўз хотираларида араблар унга Тоиф шаҳридан узокроқда, паст-баланд тоғлар орасида вайрона бўлиб ётган бир кўрғонни «Лайлининг уйи шу эди», деб кўрсатишгани ҳақида ёзади ва «Лайли ва Мажнун» қиссаси ғоят ажабдур», дейди. Лекин, шуниси қизиқки, бу ривоят, қисса ижодкорлари бўлган араблар тилида шу сюжет асосида бор-йўғи битта, туркий тилларда қирқдан, форс тилида олтмишдан ортиқ (албатта, бу ўн йилча аввалги маълумот) асарлар яратилган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам бахшилар (жумладан, Эргаш Жуманбулбул ўғли) томонидан шу мавзу ва мотивда айtilган дostonлар бор.

Мазкур бадий муаммо ечимини кейинчалик топишга уриниб кўраман, дея аҳд қилиб қўйдим. Энди даштнинг ўзи ҳақида:

Йўл - йўл эмас, қумли, тупроқли сўқмоқлар эди. Ҳа-да, дашт ичида бетон трасса бўлсинми!

Машина излари кўп - ҳайдовчилар кўзига текисроқ, қулайроқ кўринган ердан «от солдириб» кетаверишаркан шекилли. Қай биридан юришни билмай, гангиб туриб қоламиз (Бошловчи машинани йўқотиб қўйдик). Баъзан бутунлай бошқа ёққа кетиб қолиб, қайтиб асосий йўлни аранг топиб чиқамиз. ЖИП бешиктерватардай тебранади. Қадам-бақадам силжиймиз. Ҳадемай Фаррух билан Илҳомжон (рулда Мухаммад Анвар) пинакка кетишди. Ё, тавба, шу алфозда ҳам ухлаш мумкинмикин-а, деб ажабланаман. Уларнинг бошлари икки ёнга машина билан баробар шундай тебранадики, бўйинлари ичида спирал бормикин, дейсиз. Кечаси нима иш қилиб шунчалик чарчашдийкин бояқишлар...

Дашт ўсимликларини кузатаман. Янтоқ, сассиқ кўкатнинг бир тури – бурган - фаррошлар супурги ўрнида фойдаланишади, афғонистонликлар уни жору<sup>1</sup> дейишаркан, ёвшан кўп эди. Оч кулранг бир бута кўрдим, чумчуқ кўз гули ўрдак тухуми рангида эди.

Ора-орада буғдойзорлар, ковун-тарвуз пайкаллари ҳам учраб турарди. Умуман олганда дашт номига муносиб: истарали, жозибали эди.

<sup>1</sup> Жору - жоруб - супурги сўзидан

Йўл билан туташ полиз пайкалларида бирида хўкизнинг калласидай ола чопон тарвузларни кўриб кўнгиллар сушт кетди. Кун иссиқ, чанқов хуруж қилиб келмоқда эди. Бир тарвузни сўйиб эдик, ичи оқ чиқди, шунақа нав шекилли, деб тишга босдик – сувда маза бор, бунда маза-матра йўқ, бунинг устига узоқдан «хай-хай»лаб биров кела бошлади. Нима қилишни билмай кутиб турдик. «Хай-хай»лаган ўн икки - ўн уч ёшлардаги болакай эди. Унга пул ваъда қилиб, яна иккита тарвуз сўйдик – булар ҳам хом, афғонча айтганда, кехеди эди. Афғон пулимиз йўқ, кимнингдир ташаббуси билан болакайга уч литрли банкадаги қовурдоқни бериб юбордик. Шошқалоқлик ва нафс хуружи салкам ўн минг сўмлик лаҳм гўштни ўмариб кетди (аслида гўр тарвузларга банканинг ўзи ҳам хайф эди).

Дашт йўлида Лайли номи билан боғлиқ бошқа жойлар ҳам бор эди. Жумладан, курайшлар (араблар) яшайдиган Қурайш қишлоғи яқинидаги Ҳавзи Лайли. Албатта, бу дашту ҳовузнинг Лайли исми билан аталишининг ўзига хос тарихи ҳам бўлса керак. Балки бу номларни курайшлар қўйишгандир.

Лайли даштидан чиқиб, Гурушти новасига кирдик – икки ёнда баланд адирлар, яна носоз, ундан ҳам баттар йўллар...

Давлатобод, Тогоб ширин (улус), Файзиобод, Гурзод кўтали. Қорашихи қишлоғи, Хўжа сабзпўш, Жумабозор тумани, Яккабоғ қишлоғи, Хўжа қушри, Катакан, Бобо Соҳиб авлиё деган жойлардан ўтиб, Маймана шаҳрига яқинлашиб бормоқда эдик. Бизга дашту биёбондан иборат, кўркисиз, зерикарли туюлаётган йўллар, чўллар, қишлоқлар, лойқа сувли ариқлар тўғрисида Муҳаммад Анвар завқ билан гапирарди – чунки у майманалик, шу атрофлар у туғилиб ўсган юрт, ватан сиймоси эди.

Маймана – мулойим, чиройли ном, у «маймуна» - «гўзал»дан олинган бўлиши ҳам мумкин, бироқ шу диёр ўғлонларининг фаразича «муборақ», «қуёшли» деган маънолари бор эмиш.

Майманага тушларда етиб бордик. Суви борми-йўқ, ўзани сертош Маймана дарёси кўпригидан ўтиб, ёғоч бозоридан чиқдик.

## МАЙМАНА

*Афғонистоннинг шимоли-ғарбидаги йирик шаҳарлардан бири, Фариоб (маҳаллий халқ «Фарёб» дейди) вилоятининг маъмурий маркази. Хийла қадимий кентлардан – тарихий манбаларда 11-асрдан тилга олина бошлаган. Унинг қадимги номи «ал-Яхудия» бўлиб, Ёқут Ҳамавий таърифича бу шаҳар «Яхудон-ал кабир» деб аталган. Абу Райҳон Беруний асарларида Маймана деб эслатилган. 13-аср манбаларида Майманд шаклида қўлланган. 19-асрда Маймана номи билан юритилувчи ўзбек хонликларида бирининг маркази бўлган. 1855 йили афғон амири Дўстмуҳаммадхон Бухоро амирлигига қарашли мазкур Майманани босиб олган. 1873 йили Кобулда имзоланган Англия-Россия шартномасига биноан Маймана Афғонистон ихтиёрига ўтган.*

*Маймана аҳолиси асосан ўзбеклар ва туркманлардан иборат. Асосий касблари тўқимачилик, деҳқончилик.*

Сарбонимиз ташкилотчилигида меҳмонхонага осонгина жойлашдик. Уни кўноқхона деса тўғрироқ бўлар, аммо чоракам бир асрдан бери муттасил жанг бораётган мамлакатнинг олис бир четидаги туманда бундан ортиғини хоҳлашнинг ўзи инсофдан эмас. Муҳими: жой бор, сув бор, бино ичи, ҳовлиси ҳам анча саришта, озода.

Кўп ўтмай бизни бир киши йўқлаб келди. Ўзини Сахидод Мансур деб таништирган бу жаноб Маймана аэропорти (туманда-я?!) бошлиғи, «Мир Алишер Навоий анжумани» (Маймана бўлими) аъзоси, шоир экан. У қоратўридан келган, баланд бўйли, эни ҳам бўйига

монанд, гапдонгина эди. Ўзбекистон ижодкорларини яхши билиши тўғрисида сўзлаб, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва бошқаларни таъриф-тавсиф қилди, гапини исботлаш учун машҳур «Ўзбегим» шеърідан бир неча байт ёд ўқиди.

- Илгари вилоятда (*яъни, вилоят маркази Фарёбда демоқчи – Қ.К.*) ҳам «Навоий анжумани» бор эди, раиси устоз Ҳидоятилло Ҳидоят эди, - дейди у тез-тез, қаттиқ-қаттиқ гапириб, - ҳозир у «Улус» газетаси муҳаррири. Толиблар даврида Анжуман ҳам, газета, ойномалар ҳам катагон қилинди, айрим маданий муассасалар бузиб, кўпориб ташланди. Толиблардан кейин вилоятдаги Навоий анжуманини тиклаш имкони бўлмади, бу ерда бир амаллаб юргизяпмиз. Фаолияти кенг эмас, лекин ижодий йиғилишлар бўлиб туради. Бу атрофда кўп яхши шоирлар ўтган. Нодими Қайсарий, Заҳириддин Фарёбий, Ҳозик, Мунши, Али Ризо, Саид Зикриё, Шукрий, Саид Ғафсадин Мажнун, Ҳомиди Фарёбий... Айримларининг китоблари, девонлари чоп этилган...

Юқорида номлари келтирилган шоирлардан менга Фарёбийларнинг бири таниш эди. Тарихий-адабий манбаларда, жумладан, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират-ул шуаро» («Шоирлар бўстони») китобида Заҳириддин (Бобур Мирзо билан адаш!) Фарёбий исми-шарифи бир неча ўринда, XII асрнинг иккинчи ярми, ўн учинчи аср бошларида яшаб ижод қилган форс-тожик мумтоз адабиётининг етук намояналаридан бири сифатида таърифланади. Ҳатто Фарёбий қасидасига муносиб жавоб қасида айтган шоир Хожа Салмон (XIV аср)га шоҳ Рай мулкидаги икки обод қишлоқни инъом этиб юборади (Хўжа Ҳофиз Шерозийга таассуб қилган бўлса керак). Ўша қасиданинг матлаи шундай:

*Ҳам озгингу ҳам ақиқ лабингга нақди жон кўймиш,*

*Топиб, хилватга бир нафис жинсни ниҳон кўймиш.*

*Ул қутининг қулфи лаъдан, ул сенинг лабингдурким,*

*Устига қора холинг муҳрни чунон кўймиш.*

«Камина фикрича, - деб ёзади Давлатшоҳ Самарқандий, - бу икки байт инъомига Рай мамлакатининг ҳаммасини берсалар ҳам (Салмон) ҳақиқа хиёнат қилган бўлур эди».

Бу энди, албатта сарбаланд муболағанинг ўзидир!

Мезбон-меҳмонимиз ҳаш-паш дегунча замонавий маҳаллий қаламкашларнинг ҳам бир талайини санаб ташлади ва улар ижодидан намуналар «Фарёб» газетасида чиқиб туришини таъкидлаб қўйди. Мен Шаризо, Меҳнат, Шамсий, Кўкан, Раҳим Иброҳим, Доктор Таниш, Тошқин Бақойий номларини қайд этишга улгуриб қолдим.

Бизда бир «Жўра Ҳамдам» деган телеминиатюра бўларди: бош қаҳрамон бир туман маданият бўлими бошлиғи бўлиб, ҳамма ташкилий ишлару кўшиқ матни муаллифи, мусиқа басталовчиси ҳам, ижрочиси ҳам ўзи эди. Саҳидод Мансур ҳам Жўра Ҳамдам билан ҳамкасб чиқиб қолди – юқоридаги амалларидан ташқари у Афғонистон ислом Миллий партияси Маймана ташкилототида ҳам масъул котиб экан. Кўпқирралигидан ўзи ҳам хижолат бўлди чоғи, бу мансабига алоҳида урғу бермай, гап орасида қистириб ўтди.

- Турклар тарихини ёзяман, - дейди яна Саҳидод Мансур, - Афғонистонда яшайдиган турклар тарихини (назаримда у ўзбекларни назарда тутди).

Узундан-узоқ даромаднинг буромади суҳбат этагида аён бўлди. Мен Саҳидод домланинг кўйиб-пишишлари замиридан «Навоий анжумани»ни қайта оёққа турғазиниш учун кўмак бермайсизларми, Ўзбекистон ўз қавмдошларини қўллаб-қувватласа бўларди, деган шаъма ва иддаони англадим.

Оқшом Муҳаммад Анварникига кетаётиб кенгина хиёбон ўртасидаги, боя Сахидод Мансур арз этган кўпоришлардан бирини ўз кўзимиз билан кўрдик. Аниқроғи, у ерда кўрадиган нарсанинг ўзи йўқ – катта кинотеатр биносидан хотира бўлиб бир яйдоқ тепалик қолган эди, холос. Нақадар аянчли шафқатсизлик, калтабинлик! Тўғри, ҳозир кино санъатининг моҳият ва мақсад жиҳатидан ўзгариб кетгани, асосий муддао даромад топишга айланиб, баъзи фильмлар томошабинлар маънавий дунёсига салбий таъсир ўтказаяётгани ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин ақл такомилли, тафаккур тараққийси билан боғлиқ маданият, санъат, адабиёт умумий юксалиш – цивилизациянинг узвий йўлдоши ва ифодаси-ку! Мисли асов дарё тўлкини, балки эмбрионнинг ўзи бўлган ривожланишни - ҳаётни қодир Аллоҳнинг ўзидан бўлак ҳеч бир куч тўхтатолмайди-ку.

Энди буни қарангки, санъат масканининг мозорига айланган дўнглик билан ёндош майдонда Маймана йигитлари футбол ўйнашмоқда эди. Ёшларнинг шиддатли ҳаракатларини бирпас кузатиб турдик. Ҳамма бу ҳолни ўзича шарҳлади.

- Беш-олти йилдан кейин Афғонистон футболчилари жаҳон чемпиони бўладилар, - деди Муҳаммад Анвар завқ билан.

- Иншооллоҳ, - деб қувватладик биз.

Ҳамсафаримиз туғилиб ўсган ҳовли қизиқ жойлашган экан: дарвозадан кирилгач, ўнг томонда кенг чорбурчак лойсува бор, чапдаги уйларнинг олди қайси тарафдалигини билиш қийин, уйлар билан сува ўртасидаги йўлак эса, худди кунчиқар тарафга кетган сўқмоққа ўхшар эди.

Сувага кўрпачалар тўшалиб, лўла болишлар кўйилган эди. Шарқона чордана қуриб, чой-сув ичдик, анчадан кейин ичкарига – овқатга таклиф этишди. Яна ўша таомлар – оқ палов, гўшт, ҳар турли салатлар, бомия...

Мезбонларнинг бизнинг ташрифимиздан кўп мамнун бўлишгани елиб-югуриб хизмат қилишларидан, очиқ чеҳраларидан сезилиб турарди.

Маймана туни сокин, осмони ойдин эди.

Ниҳоғимиз ойда, қулоғимиз аста шовуллаб оқаётган сойда эди. Гарчи қошиқ, пичоғимиз мойда эди, хаёлимиз уйқу истаги даъват қилаётган ётоқ-жойда эди. Кундуз юрганамиз даштнинг номи нечоғлиқ жозибали бўлмасин, силтама йўллари биқинларни толиқтирган, жисми-жонимизни ҳоритган эди.

## АФҒОНИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ

*9 август, шанба*

Меҳмонхона ошхонасига нонушта ҳозирланган эди. Маймана ҳокими ва Америкада яшовчи майманалик бир тадбиркор бирга бўлди. У, ярашиқсизроқ, соддароқ кийинишдан энг ривожланган мамлакатда бизнес билан шуғулланадиган, мен ўйлаган эпчил-уддабурон ишбилармонга ўхшамасди. Ўзи қорамтиру яна қоп-қора костюм-шим ва ўхшовсизроқ шляпа кийган эди. Оғир-босиқ, гаплари салмоқли эди, америкача ҳаёт тарзидан сўзлар, яна Майманада ҳам ўнлаб гектар хусусий ерларим бор, дер эди. Америкаликлар каби ердан унумли ва ақл билан фойдаланиш, фаровон яшаш лозимлиги борасида ваъз айтарди.

Асосан тадбиркор гапирди, ҳоким ҳам, биз ҳам тингладик. Нима бўлсаям, «Америкада яшайди» деган унвони ва шунга яраша «имтиёзи» бор эди-да.

Кейин Зокиржон акаларнинг эски таниши, маҳаллий мансабдорлардан бири бўлмиш Ҳошим Ўртоқникига бордик. Ундан ҳам эскироқ таниши доктор Элмурод Арғун ҳам шу

ерда экан. У Афғонистон давлатининг Туркиядаги элчилигидан яқинда қайтибди. Фарзандлари Олмонияда экан. Тарихни яхши билишини, ватанпарвар инсон эканлигини дунёқараши ва муносабатларидан англадим. Экспедиция фаолиятдан сўз кетганда шох Бобур ҳаёти ва унинг инсоний фазилатлари ҳақида ҳаяжон ва эҳтирос билан гапирди.

- Оврўпада аёлларга эҳтиром кўрғизиш – расм, зиёлилик белгиси ҳисобланади. Аслида бундай ноёб муомала маданиятини, бундай жувонмардликни Бобур Мирзодан ўрганишган бўлса ажабмас. У бувиси, аммалари ва бошқа аёл қариндошлари билан тиз букиб кўришади, - дейди Арғун жаноблари.

Бобуршоҳнинг қанчалар маърифатли инсон эканига, аёл зотига ҳурмат-эҳтиромига шаҳодат бўлғувчи ўшал воқеа «Бобурнома»да шундай баён этилган: «Барча бегимлар, Поянда Султон бегим, менинг аммам Хадича бегим, Офокбегим, яна Султон Абусаид Мирзонинг қизлари амма бегимлар барча Султон Ҳусайн Мирзонинг мадрасасида йиғилдилар. Барча бегимлар Мирзонинг мақбарасида эдиларким, бориб кўрдум. Аввал Поянда Султон бегим билан юкунуб кўруштум, андин сўнг Офокбегим била юкунмай кўруштум, андин кейин Хадичабегим билан юкунуб кўруштум...». Шунингдек, Бобур Мирзо, кейинроқ эгачилари билан ҳам «таъзим ва эҳтиромлари жиҳатидан» юкунуб кўришгани, бу одат доимий тус олганини баён этади. Мазкур анъанавий эҳтиромлар ва мулозаматларга Бобур подшоҳнинг хотини Моҳим бегим истиқболига қанча масофадан пиёда юриб бориши ва бегим минган отга жиловдорлик қилиши воқеасини ҳам қўшсак, ул зоти шарифнинг нечоғлар юксак маданиятли, комил инсон эканлигига ва бу олий ахлоқ намунаси бошқаларга, жумладан оврўполикларга ҳам чиндан-да ибрат бўлишга арзигулик эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг муҳтарама аёл зотига иззат-икром кўрғузиш илми-одобининг илдизлари бобокалони Амир Темурдан, ундан ҳам узоқ давр маънавият сарчашмалари – ислом арконлари ва ақоидлари қомуси Қуръони каримдан, «Жаннат оналар оёғи остидадур», «Яхшиликни аввал онангга қил, онангга қил, онангга қил» деган муборак Ҳадиси шарифлардан таралиб келган эди. Умуман, туркий халқлардаги хотин-қизларни, хусусан волидаи азизни қадрлаш, улуғлаш удуми жуда қадимийдир. «Бундан икки минг йиллар олдин Афросиёб номини олган машҳур паҳлавонимиз Алп Эр Тўнғо яшаган даврларда туркий халқларда эзгу бир оилавий анъана бўлган, - деб ёзади Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров. – Агар уй тўрида ота-она ёнма-ён ўтирган бўлса-ю, бўй етган ўғиллари эшикдан кирса, аввал онасига таъзим қилиб салом берган, сўнгра отасига таъзим бажо келтирган».

Ота-боболарнинг эзгу амаллари, хайрли анъаналарини ўзларига ибрат ва ўғит деб билган Шохруҳ Мирзо, Ҳумоюн подшоҳ, Акбаршоҳ, Жаҳонгиршоҳ, Шохжаҳон, Аъзамшоҳ (Аврангзебнинг ўғли) каби солих, маърифатли, кадрятпарвар, оилапарвар шаҳзодаларнинг оналари, жуфти ҳалоллари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошларига кўрсатган муруватлари, улар хотирасига барпо қилдирган пурвиқор ўлмас обидалар бугун жаҳонга маълум ва машҳурдир...

Ўзбекистон, Андижон тўғрисида гап очилганда доктор «водийни кўришни одамлар ҳажга бормокни орзу қилгандай орзу қиламан», дейди кўзлари чакнаб. Дарвоқе, аввалги сафар ўша пайтдаги, Афғонистонда яшовчи турли миллат халқларининг бошларини қовуштириш, уларни ўзаро ҳамжиҳатликка даъват этиш ниятида тузилган партия - «Жунбуши Исломи Миллий Шимолий Афғонистон»нинг Бош котиби, сўнгги Қўқон хони Худоёрхоннинг чевараси Озодбек Ворисни унинг ота-боболари юртдошлари – Бобур номидаги халқаро экспедиция аъзоларига дастлаб таништирган ҳам ана шу киши бўладилар.

Хушчақчақ, сўзамол, биқир, дангалчи эди у.

Миллат ишонса, ватан суянса бўладиган инсон экан, деб ўйладим.

Боши мағрур, илиги бақувват, кўкси тоғ экан, деб ўйладим.



Қани энди, ҳар ерда шундай ўғлонлар кўп туғилса, улар кадрдонинг, жонажонинг бўлса...

Майманада худди Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида юргандек сезасиз ўзингизни. Сурхон воҳаси шеvasига яқин лаҳжада сўзлашувчи ўзбекни ҳар қадамда учратиш мумкин. (Аввалроқ чиққан ўзбек қомусида Маймана аҳолисининг етмиш беш фоизи ўзбеклардан иборат дейилган). Умуман олганда ҳозир ҳам мамлакат аҳолисининг, нуфузли қисми ўзбек миллатига мансуб кишилар бўлиб, адабиётларда «Афғонистон ўзбеклари» деб юритилади. Уларнинг сони хусусида турли маълумотномаларда турлича далиллар келтирилади. Ҳарқалай, бу борадаги рақам аниқ эмас, шунга қарамай, Афғонистондаги ўзбеклар миқдори Мозори шарифлик миллатдошларимиз айтганларидай етти миллион бўлмаса ҳам, уч-тўрт миллион чиқиши турган гап. Негаки, «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1980 йил 16 апрель сонидида «Афғонистонда қарийб уч миллионга яқин ўзбеклар яшайди. Бу эса бутун мамлакат аҳолисининг тахминан 20 процентини ташкил қилади», дейилган эди. Албатта, ўтган чорак асрлик вақт мобайнида ҳамма қатори афғонистонлик ўзбеклар ҳам кўпайган бўлиши тайин.

Ўзбеклар асосан Афғонистоннинг шимоли ва шимоли-ғарбий худудларида – Балх, Фарёб, Жузжон, Қундуз, Саманган, Таххор, Бадахшон вилоятларида истиқомат қиладилар. Энг муҳими, ўзбекларнинг қаватларидаги паштун, тожик, туркман ва бошқа миллат вакиллари билан аҳил ва ҳамжиҳат яшаётганларига ҳар қадамда гувоҳ бўлиш мумкин. Ўзбеклар 16-асрдан 19-асрнинг ўрталаригача Афғонистон шимолида сиёсий жиҳатдан ҳукмрон миллий гуруҳ ҳолида бир қанча мустақил хонлик (Қундуз, Маймана, Балх, Тошқўрғон, Шибирғон)ларни тузишган. Мазкур худуддаги ўтмишда Хуросон деб аталмиш салтанатда темурийлар, бобурийлар юрт сўраганлиги ва айнан ўшалар даврида мамлакат обод ва маъмур, шаҳарсозлик, илму-фан, адабиёт, мусаввирлик, наққошлик санъати юксак бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Бинобарин, Афғонистон билан Ўзбекистоннинг иқтисодий, маданий алоқалари, ҳамкорликлари илдизлари чуқур ва ўзаро чатишиб кетган, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Умуман олганда, ўзбекларнинг ҳам дунёнинг кўп минтақаларига тарқалиб кетганлари рост. Тарқалиб кетиш сабаблари ҳар хил ва бу алоҳида мавзу, албатта. Лекин Афғонистон ўзбеклари қатори Америка ўзбеклари, Сурия ўзбеклари, Туркия ўзбеклари, Покистон ўзбеклари, Саудия ўзбеклари ибораларининг шаклланиб, турғунлашиб қолганидан бу жараённинг анча узоқ тарихларга бориб тақалишини ва миллатдошларимизнинг яшаётган жойларида ҳам маълум мавқе ва эътибор қозонганларини билиш қийин эмас.

## ЎЗИ БИЛАН ЗЕБО ҚАБРЛАРИ

Майманадан жўнадик. Аммор («Бобурнома»да «Алмор») улуси (тумани) маркази бозор экан. Ёшу қари эркакда салла - у гулли дўппи теварагидан ўралган. Болачаларнинг бошларида қизил каллапўш. Ҳамма коло (узун кўйлак, шалвар-лозим) устидан нимча-камзул кийган. Катталарнинг бари соқолли, ўспиринлар мўйловли.

Яна вайрона йўллар, икки ён дашту адирлар. Асосан чорвачилик билан шуғулланишса керак, қўй, эчки пода-пода, эшак ҳам бисёр.

Майманадан чиқаверишдаги бир қишлоқда яшаган Расул Полвон ҳақида Муҳаммад Анвар кўп ажойиб ҳикоялар сўзлаб берди.

Тик адирлар бағрида буғдой ўриляпти. Тандирдай иссиқда-я!.. Терлаб, кийимлари баданларига чиппа ёпишган. Тер кўзларини ачиштираётгандир, буғдой қилтириқлари, поялари бўйинлари, очик билакларини қичиштираётгандир... Ҳақиқий захматкашлар!..

Кунжут, ошқовоқ ҳам кўп экиларкан.

Қизил кўталдан кейинги доводда, шундоқкина йўл ўртасида бир-бирига яқин бир жуфт дўнглик бор эди. Уларнинг қабрлигини тепасига сукиб қўйилган яшил байроқдан чамаладик. Тавба, деймиз, наҳотки ўрта кўчага майит кўмишса! Ё йўлни икки-уч қадам нарироқдан ўтказиш мумкин эди-ку?..

Яна тик адирлар, паст тоғлар орасидан ўтиб, Хумакай довони, Пай кўтал, Қуйи кўталларни ортда қолдириб боряпмиз. Албатта, бу доводлар у қадар баланд ва узундан-узук эмас, аммо ҳарқалай ноқулай ва унча-мунча ваҳимали жойлари бор эди.

Қайсаргача олтмиш чақирим экан. Кўчаларнинг азбаройи «зўр»лигидан тўрт соатлар чамаси юриб, тушга яқин етиб бордик – соатига ўн беш (!) чақирим йўл босибмиз. Дашти Лайли сўқмоқларидан ҳам ўпкалабмиз-а... Аммо, ҳали буниси ҳам ҳолва экан...

Қайсарда бизни кутишаётган экан. Муҳими – Афғонистонда бошлиқ-раҳбарларни топиш осон эди. Ҳар нечук, биздагидай «туманга кетган» деган оммавий ва мужмал гап йўқ экан.

Бизни ярми кўрғон, орқа томонлари дарахтзор далага туташ чала боғ, чала хиёбонсимон жойга бошлаб киришди. Ўрталиқдаги, чор-атрофдан узум чиқарилган сўртук остидаги узун супага янги, яшил палослар солинган эди.

Овқатлар ҳам тезгина олиб келинди. Ош-паловга оддий гуручга нисбатан икки ҳисса узун гуруч солинган, майиз ҳам қўшилгани учунми, таъми анча ширин эди. Қовун-тарвузлар (хайрият, пишгани ҳам бор экан!) сўйилди.

Мезбонлар - улусвал (туман волийси) Муҳаммад Фориғ, Қайсар шаҳар ҳокими Муҳаммад Содик Кўхий, асли шу ерлик, айна вақтда Туркияда, Истанбулда дўконлар очиб, ўша ёқда яшаётган тадбиркор Маъмун Шаҳбоз ва яна икки-уч киши.

Улусвал ўрта бўйдан тикроқ, соч-соқоли мошгуруч бўлиб оқарган, юзларида тириш кўпроқ лекин, у қадар кекса эмас, вазмин, сипо киши эди.

Дарвоқе, кўлга сув бераётган (сувни узмасдан, чўзиб қуйишаркан) серсоқол кишига Фаррух синамоқлик учун шундоқ савол бериб эди:

- Ёшингиз нечада, отахон?

- Ўттиз олти, - деди «отахон» ғурур билан.

У бизнинг энг кенжа ҳамроҳимиз Илҳомжондан ҳам беш ёш кичик эди. (Бундай савол-жавоб, «отахон»чиликлар кейин ҳам бўлди. Соқол қўйиш яхшию, одамни кекса кўрсатиб қўйгани чатоқ-да! Яна, кўп мусибат тортган кишининг руҳи ҳам тез қариб қолиши маълум). Шаҳар ҳокими ўрта бўйли, хипчароқ, соч-соқоли қалин ва қоп-қора, жингалак. Кулимсиброқ гапиради. Бадииятга, илмга яқинроқлиги шундан ҳам маълумки, ўғилларининг исмлари Бобур, Темур, Шоҳрух экан.

Қайсар – қадимий юрт, одамлари хийла жангари, қайтмас бўлишган.

- Чингизхон олти ой урушган бу ерда, - дейишди. – Бу ерда Бобур даврида, ундан аввал ҳам ўзбеклар яшашган. Ҳозир ҳам аҳолининг саксон фоизи ўзбеклар – туманда ҳам, шаҳарда ҳам... Туман бўйича уч юз минг, шаҳарда ҳам юз минг халқ бор...

Муболаға қилишди-ёв!

Устод Сахидод Мансур элаган Мажнун, Ҳазрати Надим Қайсарий, шунингдек, Мафтун деган маҳаллий шоирлар тўғрисида гапиришди.

- Бизникида Алишер Навоийнинг кўлёмаси бор, - деди Маъмун Шаҳбоз фахр билан.

Сув танқислигидан бир оз ҳасрат қилишди. Қудук қазиб олишаркан. Асосий касб-соҳалари деҳқончилик, боғбонлик, узумчилик, қолин(гилам)дўзлик экан. Оқ кишмиш, қора кишмиш кўп бўларкан.

Бу йил меваларни совуқ урибди – биздагидай.

Зокиржон ака мақсадларимизни айтди.

- Ҳиротга борсак, Амир Алишер Навоий мақбарасини кўриб юрагимиз эзилади, - дейди суҳбатдошимиз. – Аввало сағана шундай улуғ зотга муносибмас, бунинг устига, қаровсиз қолиб кетган...

Биз суҳбатдошларимизга Ўзбекистон давлати раҳбарининг ташаббуси билан ҳазрат Навоий мақбарасини обод қилиш ишлари бошлангани ҳақида сўзлаймиз. Уларнинг юз-кўзларида мамнуният ифодаси пайдо бўлади.

Ниҳоят, менга ҳам навбат етиб, йўл устидаги бир жуфт қабр ҳақида сўрадим.

- Ёзи билан Зебонинг қабри, - деди Кўҳий бамайлихотир.

Таажжуб! Ахир Ёзи билан Зебо ўзбек халқ оғзаки ижодининг дурдона намуналаридан бири, кенг тарқалган ишқий-лирик дoston қаҳрамонлари-ку? Ўндан ортиқ нусхаси борлиги маълум бўлган бу дostonнинг ватани Ўзбекистоннинг Қашқадарё-Сурхондарё воҳаси, Фарғона водийси-ку?

Этака томондаги чорвадор Пояндабойнинг сулув қизи Зебо ва Кўҳикоф деган жойдаги Бекназар камбағалнинг ўғли Ёзиларнинг ғаройиб саргузаштларга бой ошиқ-маъшуклиги тўғрисидаги мазкур асарда Балх, Бағдод, кўпроқ Майманок («Маймана» эмас) номлари тилга олинади. Майманок Қашқадарё вилоятининг қарвон йўли ўтган ҳудудидаги қадимий қишлоқ-ку?

Асар севишганлар - Ёзи билан Зебонинг бой зуғумидан қочиб кетишиб, охири бир ғорда топишиб, ўша ерда қовушиб, бахтли ҳаёт кечиришлари билан хотималанар эди. Ё, ўша ғор биз кўрган доводмикин? Лекин Ёзи билан Зебо тарихий шахслар эмас, бадий асар қаҳрамонлари-ку. Нима бўпти, йўлдаги дўнгликлар шунчаки ошиқ-маъшукларнинг рамзий қабрларидир. Ахир, Самарқандда, Зарафшон дарёси қирғоғида Тоҳир ва Зухроларнинг ҳам қабрлари бор-ку! Эҳтимол, «Ёзи билан Зебо», «Тоҳир ва Зухро»ларнинг тарихий асослари, илдизлари бордир. Зеро, «Фан ва турмуш» журналида эълон қилинган «Тоҳир ва Зухро» ҳаётда бўлганми?» сарлавҳали мақолада уларнинг тарихий шахслар эканлигига шайма ҳам йўқ эмас. Бироқ, ўша мақолада ғалати бир мушоҳада айтилган. «Афсонанинг (**«Тоҳир ва Зухро»нинг – Қ.К.**) учинчи марта кўчиши XVI асрда бўлиб ўтган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур Шайбонийхондан енгилгандан кейин Шимолий Ҳиндистонга ўтиб кетганлиги тарихдан маълум. Бобур жангчиларига узоқ вақтгача «Тоҳир ва Зухро» афсонаси ўз ватанини эслатиб турган, сўнг аста-секин маҳаллий афсонага айланган», - деб ёзади мақола муаллифи, жуғрофия фанлари номзоди Муроджон Ҳошимов.

Аввало, Бобур Мирзо Самарқанду Андижонни ғанимига бой бергандан кейин Шимолий Ҳиндистонга эмас, Хисор орқали Афғонистонга ўтиб, Кобулга ўрнашади ва шу шаҳарда узоқ йиллар муқим яшайди. Иккинчидан, Бобурнинг саркардалиқ фаолияти, жанговар юришлари ўз аксини топган «Бобурнома»да юқоридаги афсона ва унинг бош қаҳрамонлари исмлари зикр этилмайди. Қолаверса, мақоланинг қуйруғи бўлмиш мазкур жумлалардан муаллиф кўзда тутган мақсад нима эканлигини ҳам англаш мушкул. Ва ниҳоят, «...аста-секин маҳаллий афсонага айланган» (қайси юртда?) деган гап ҳам жуда мубҳам ва палағда мулоҳазадир.

Хуллас, Ёзи билан Зебо қабрларининг бу дашту биёбонда қандай пайдо бўлиб қолганини мезбонлар ҳам дурустроқ изоҳлаб беришолмади. Бу масалани чувалаштириб ўтиришнинг мавриди ҳам, ўрни ҳам эмас эди. Халқ нималарни тўқиб, нималарни ўйлаб чиқармайди, деб қўяқолдим ичимда. Шаҳар ҳокими, зиёли кимсаларки афсона қаҳрамонларининг мозори борлигига инонар эканлар, ҳавасга сазовор ишонч ва эътиқодлари илдизи пайига тиг уриб, уларнинг гўзал бир таассуроти, завқ-сурури дамани кесмоққа не ҳожат!

Одмию олижаноб инсонлар билан суҳбат, зиёфат – ҳуш неъматлар, лекин асалнинг ози ширин, деган машойихлар. Йўлга чиқиш керак. Дастурхонга фотиҳа ўқиб, мезбонларга раҳмат айтиб, турдик.

Дарвоқе, Майманада Ҳошим Ўртоқ Қайсар ҳокими ва улус волийсига хат ёзиб берган эди, ўз навбатида Қайсар волийси Чечакту раҳбарлари номига мактуб битиб берди.

Яна нигоҳлар нотаниш эл манзаралари ва одамларида. Эркаклар кийимларининг ўнгсиз матолардан эканлиги эътиборимни тортади. Бу инсонлар таъби, диди билан боғлиқми ё иқлим шуни тақозо қиладими, ё азалдан қўникилган миллий либоснинг ёзилмаган шарти шундаймикин?.. Умуман, Афғонистон бўйича шу ҳолни кузатиш мумкин. Балки, иссиқ ва чангнинг бисёрлиги боис, оқ ва ёрқинроқ кийимлар тез кир бўлиб кетишидан безиллаб, тўқроқ, кирчимолроқ рангли уст-бошни маъкул кўришар.

## ЖУМАБОЙНИНГ «ТЕПША» ҚУРОЛИ

Қайсар – Чечакту ўн саккиз чақирим эди. Йўлда, катта бир майдонда қурилиш кетаётган эди – янги шаҳарча бунёд этилмоқда экан.

Салдан кейин кўчанинг икки бетида вайрон бўлган, фақат деворлари қолган, таглари ҳам очик уй-жой, дўконларнинг қолдиқлари кўринди – шаҳарнинг эски ўрни экан. Аввалда асосан кўчиб юришгани учун, кўпроқ уй қурилиб ўтроқлашган, йўл бўйида олди-сотди – бозори бор гузар-қишлоқни шаҳар деб аташади чоғи.

Асли бу ерда одамлар яшашмас – уларнинг уйлари кўчадан бир-икки чақирим ичкарида экан, катта шаҳар узоқ бўлганидан туман, шаҳарлараро қатнов йўлининг кенгрок жойига наридан-бери бозорча қуриб олишаркан.

Чилгази ҳам ана шундай «марказ»лардан эди.

Қайсардан йигирма беш чақиримли масофани икки соатда босиб келдик, демак, соатига бор-йўғи ўн-ўн икки чақиримдан юрибмиз, чунки йўл борган сари хароблашмоқда эди.

Шу ерда анча туриб қолдик. Қайсар ҳокими хат ёзиб берган одам йўқ экан (чамаси, уларни юқорида сал шошиброқ мактаб қўйибмиз). Гузар маъмуриятига сал-пал дахли бор кишилар бизни кўримсиз, атрофи ивирсиқроқ паст томли уйлар орқасидаги бир тарафи теракзор ва бир ёнидан ариқ ўтган, эскироқ палос, шолча тўшалган ялангликда нон-чай, узум билан сийлаб ўтиришди. Ўзбекнинг мана шу одатлари бор бўлсин-да: меҳмонни «сиз кимсиз», деб ўтирмай, уйининг тўрисида ўтқазади, шоир Муҳаммад Юсуф айтганидай, кўрпачаси етмаса, тўнани тўшайди, дарҳол дастурхон ёзиб, тишининг қавагида асраётган ноз-неъматини кўяди.

У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирибмиз. Ўз касбу «амалим» тақозосига кўра жой номлари, қишлоқлардаги эътиборга молик тарихий ёдгорликлар ҳақида сўрайман. Мезбонлар бир-бирларини тўлдириб жавоб беришади. Улардан кўра Муҳаммад Анвар кўп маълумотларни дадилроқ ва менинг назаримда аниқроқ айтарди. Маймана билан Чилгази оралиғидаги овул, қишлоқлар (балки қишлоқчалар дейиш тўғрироқдир) жойлашуви, табиати, уй-жойлари, одамларининг яшаш тарзлари, экин-тикинлари жиҳатидан ўхшаш бўлса-да, уларнинг номлари бир-биридан ажойиб, ўзига хос эди: Пурчоқту, Узунсой, Аламлик бобо (авлиё), Кориз, Арабоқсой, Умакай (Андижондаги Кўмакайнинг «ука-пукаси» бўлса керак), Ширинак, Дарёи Алмор, Нахрин, Кўҳи Чечакту. Баъзи номда ҳам кўтал (довон), ҳам қишлоқ бор.

Чечакту, Хўжа Чилгази Қайсарга қарайди, Қайсар – Майманага.

- Чилгазида иккита тепалик мавжуд – Кофар (кофир) қалъа, Қиз қалъа - буларнинг қизиқ тарихлари бор, - дейишди.

Қишлоқнинг номини ўзгартириб, Толиқон қўйишмоқчи экан. Толиқон - ўзбек, халқпарвар, улуг инсон бўлган эмиш.

Дастурхондаги узумнинг ранги на оқ ва на қора, умуман сурати сифатли эмас-у, мазаси дуруст эди.

Ариқнинг нарёғи бепоён узумзор эди. Унинг ичида ёш қизлар (келинлар ҳам бўлса керак) узун ёпинчиклари этакларини судрашиб узум узиб юришарди. Бир-иккита қизалоқ биз ажнабийларга қизиқибми, ўзини намоён этишдек аёл зотига мансуб азалий ва табиий ҳиссиёт даъвати биланми, ариқнинг ёнгинамиздаги кенгроқ, очикроқ жойида бир неча бор юз-қўлини ювиб, пақирларда сув олиб кетишди.

Манзара ва ҳолатлар менга таниш ва қадрдон эди. Бу ерда – тартибсиз ўсган ва тағларини хас-хазон босган теракзорда ҳам, икки лабини ҳар турли майса-ғиёҳлар қоплаган, суви шошилмай, димланиброқ оқаётган ариқда ҳам, узумзору узум узаётган нав-ниҳол қизларнинг узокдан бир-бирларига ҳазил-ҳузил гап қилиб, енгил кулишларида ҳам ҳақиқий қишлоқча ҳаёт нафаси ва таровати, санамлар салтанатига хос навозиш бор эди.

Ниҳоят, Чилгази бобо (шаҳарчани шундай аташаркан) бошлиғи Жамилхон ва туман саранвали – прокурори Азизуллоларни топиб келишди. Улар хатни ўқишиб, бизга бир аскарни қўшиб беришди. Йўл кўрсатиб боради, ҳам кўталларда ўғрилар (яъни қароқчилар) кўп дейишди кўнглимизни тинчитиш учун, аслида ўғри-қароқчидан хавфлироқ кимсалар ҳам бўлиши мумкин.

Хуллас, Жумабойнинг жиловдорлигида жўнадик. Унинг жуссаси бир сиқимгина (қандай аскар бўлдийкин?), жиккаккина ва сергап, киришимликкина эди. Уни толиблар саллангнинг печини нега тушириб юрмайсан, деб дўппослашгандан кейин Эронга қочиб кетган экан.

- Бундай дилозор, жоҳил мусулмон бўлгандан беозор кофир бўлган афзалмасми, - дейди Жумабой қаддини хиёл кўтариб.

Толиблар, шунингдек, эркакларнинг соқолига дока ўраб кўришар, соқол докани тешиб ўтса, қайчи ургансан, деб калтаклашаркан. Демак, уларнинг тушунчаси ва эътиқодига кўра одамзот вужудидан чиққанки тугга тиг теккизмай, Мажнун бўлиб юравериши керак.

Жумабой ҳозир аскар, уйланганига беш ой бўлибди.

Бир жойда, йўл қирғоғида қандайдир нотаниш қуш калласини бўйни ичига тортиб шумшайиб ўтирган экан, қизиқиб тўхтадик. Жумабой тушди-да, энқайиб бориб, қушни тутмоқчи бўлди, парранда қочди, Жумабой уни ёш боладек қувалай кетди. Қуш полопон-жўжа эканми, ё Жумабойга ўхшаганлардан таёқ еганми, баланд ва узок учолмас эди – бир кўтарилиб сал нарига – қалин тупроқ ё четдаги кўкатлар ичига тушарди. Ниҳоят бизнинг «жажжи» посбон-сарбонимиз автоматининг қўндоғи билан босиб, қушни ушлаб, машинага олиб чиқди. Ҳаммамиз қўлма-қўл жониворнинг уёқ-буёғини кўриб, қандай парранда зотидан эканлигини муҳокама ва таҳлил қилдик, лекин аниқ бир фикрга келолмадик. Ғурракдан катта, чурракдан кичикроқ, оч жигарранг - какликсимон тусли эди, ювошлигига қараганда, ҳарқалай, сор ё қирғий қавмидан ҳам эмас эди.

Яна бир манзилда тўхтаганимизда Жумабой «Калашников» автоматини Фарруҳга бериб, сув ичгани тушди. Фарруҳнинг қизиқувчанлиги, хутумлиги бор эди, қуролнинг у ёқ-бу ёғини ағдариб, магазинини очиб кўрди: ўқи қувур - стволга яхши тушмай турарди – у бошқа тур автомат ё қўл пулемётиники эди. Демак, автомат шунчаки пўписага олиб юриларкан, «теппа»лик қуролга ҳам аралашибди! Ҳе, тавба, чиндан ҳам отишга тўғри келиб қолса нима бўлади, тирақайлаб қочадими ё душманга, Дерсу Узалага ўхшаб: «отманглар, меники одам, меники ўйинчок», дейдими?

Шершор кишлоғи. Туя, кўй, эчкилар кўп. Сувсиз адирларнинг яссирак ён бағирларида кунжут, қовун-тарвузлар экилган. Майдароқ, хомроқ. Пайкал ёнида, кўча бўйида ўн ёшлар чамасидаги болакай тарвуз сотаётган эди. Бизда деҳқон полизда пул олмайди, сизларда ҳам шундайми, десак, «полизнинг ичида бўлса мен ҳам олмасдим, бу ер дўкон-да», дейди. «Дўкон»и – тўрт бурчакка калтак суқилиб, эски мато чодирсимон, омонат тортиб кўйилган бир сандалнинг ўрнича жой эди.

Шершор гарданаси (бу ҳам «довон» маъносида)га кўтарилиб борамиз. Покистондаги Қорақурум довонидай баланд эмас, аммо ундан ваҳималироқ - тор, шағал-тошлик, эгри-бугри. Ҳар ким ичида дуо ўқийди.

Йўлларда хашар билан буғдой ўраётганлар, кўш хўкиз ёрдамида янчиётганлар тез-тез учраб туради. Буғдой ғарамларининг бир томони суйри, паст – чиқиб тушишга ўнғай. Умуман буғдой ҳосили мўл. Шоли йўқ, чунки сув йўқ.

Фаррух Тошкентда янги уй солмоқда эди. Сап-сарик сомонларга қараб, «зап сувоқбоп экан-да», деб кўярди ичи куйиб.

Сигир-бузоқ кам, кўйлар кўп ва ҳар кўчқорларки, ларзон-ларзон думбаларининг бир қисми жунсиз, қирилган пўстдумбадай ялтирайди. Арабий кўйлар дегани шу экан.

Тарвақайлаган, кўршапалакни эслатувчи қора чодирлар сероб - чорвадор–кўчманчилар маскани...

Тўрва чишма (Тўр чашма)да полизда қовун едик. Қовун қирқмасимон, номи олача ғутар эди. Эгаси мўйсафидроқ киши эди, пул олмади. Бобур Мирзонинг гапини эслаб, эслатиб, раҳмат айтдик.

Уйлар кўп, одамлар кўринмайди – ёв келишини эшитиб яшириниб олишгандай.

Токқа чиқиб кетишаркан. Ёз бўйи ўша ёқда деҳқончилик, овчилик билан тирикчилик ўтказиб, қишга ҳам ғамланиб, кеч кузда қайтиб тушишаркан. Демак, ҳовлиларда дарахт, гул экилмаслигининг бир сабаби сув танқислиги бўлса, иккинчи боиси одамларнинг муқим яшамасликлари экан. Ҳарқалай, хувуллаган қишлоқлар ваҳималироқ туюлади. Онда-сонда қоровуллар – бўрибосар итлар хуриб чиқиб қолишади.

Тизза бўйи, бел баробар тупроқли кўчалар.

- Қишда зинҳор юриб бўлмас, - деймиз.

- Кам-кам бўлсаям қатта юк машиналари қатнаб туради, - дейди Муҳаммад Анвар. Унинг йўл афти йўқ шу сўқмоқларни ҳам ёмон дегизгиси келмасди.

Ҳозирки шундай, роппа-роса беш юз йил аввал қандоқ алфозда эрдийкин бу кўчалар? Кобулдан Бомиеву Алмор, Қайсару Чечакту, Бодғису Мурғоб орқали Ҳиротга элтувчи асосий йўл шу бўлган-ку. Заҳириддин Бобур ва унинг мулозимлари, аскарлари шундан юришган-да. Бу ҳудудларда кўп жанглари ва бошқа тарихий ҳодисалар юз бермиш эдиким, зикри «Бобурнома»да келган. Довондаги даҳшатли қор бўрони билан боғлиқ Бобур Мирзонинг мардоналиги, мислсиз жасорати, олижаноблигини намоён этувчи бир драматик воқеа атоқли адибимиз Пиримқул Қодировнинг «Мардлик» номли тарихий ҳикоясида (аслида у қамрови, характерлар тўқнашуви ва талқини жиҳатидан қиссага арзирли) ғоят таъсирчан ифодаланган. Фақат, бизнинг андиша буқим, Бобур бобомиз ушмундоғ танг кўталлару заҳматли танги, ўланглардан биз каби кўп зорланмаган.

Гурмочга кечга яқин кириб бордик. Туман раҳбарларини суриштириб топгунимизча қоронғи тушди.

## ТЕПКИЛАНГАН МАКИЁННИНГ ГЎШТИ

Бизни дашт – кенг яйдоқ жойдаги узун бир уйга, тахминимизча «меҳмонхона»га олиб киришди. Қотирилган тупроқ-полга меҳмонлар шарафига янги палос тўшалган чоғи, турилган, бурилган, нотекис эди. Электр умуман йўқ, ўртага иккита лампа-чироқ ёқиб қўйилган. Бизни тўрга ўтқазди. Бошқалар, шу атрофда хизмат қилувчилар ҳам бор эди. Айримлари индамай, салом ҳам бермай киришиб, ҳатто елкаларидан патуларини<sup>1</sup> ҳам олмасдан, жимгина ўтиришарди. Ҳарнечук хонадаги кайфият совуқроқ издиҳомни эслатарди.

Шавқсиз ва завқсиз мулоқот узоқ давом этди. Назаримда овқатни олисроқ жойда тайёрлашмоқда эди. Ниҳоят, тоғорасимон бир идишни олиб киришди. Ундаги товук гўштини кўриб кулгидан ўзимни аранг тийиб қолдим. Бундан анча йиллар аввал содир бўлган бир воқеа эсимга тушиб эди. Избоскан (мен туғилган ва яшайдиган туман)да Урганжи деган анча машҳур қишлоқ ва шу номдаги ширкат хўжалиги (шўро даврида «Ленинград» қилиб ўзгартирилган ва колхоз дейиларди) бор. Дўстим Баҳром билан ўша хўжалик раиси, кучоқлашиб кўришадиган оғайнилардан бири, анча ҳазилкаш, хушчақчақ Иброҳимжонни не сабабдандир йўқлаб – менимча, колхоз пахта топшириш йиллик режасини бажариб эди - идорасига бордик. У бизни анжирзор-боғ ўртасидаги «келдикетди»ни кузатадиган шинам, хос жойига бошлаб кирди. Мамасоли отлиғ муовинини чақиртирди. Унга «акамларни зериктирмай ўтириб турасиз, яхши товук пиширтиринг», деб тайинлади-ю, райкомга мажлисга чақириб қолишганини, йиғилиш тугаши билан етиб келишини айтиб, кетди.

Қизгин суҳбатимиз кейинроқ узилиб-узилиб қола бошлади, Мамасоли бот-бот ташқарига чиқиб (бизнингча ошхонадан хабар олиб) келарди. Баҳром билан телевизор кўриб ўтирибмиз. Меҳмоннинг хаёлида «ҳозир овқат келади» деган ўй туради ва ичаклару ошқозон ҳам ғимирлай бошлайди – бу оддий, ҳам биологик, ҳам рухий ҳиссиёт, яъни инстинкт. Муовин чой-пойлардан ичишиб, мева-чевадан олишиб ўтиришга қистаб, яна ҳовлига равона бўлади. Бир соатлардан кейин у бизни биллиард ўйнашга таклиф қилди. Ўйлаймизки, муовин раисни кутяпти, овқатни мен келганда соласизлар, деган бўлса керак. Ярим соатча ўйнаб зерикдик – оч қоринга биллиард ҳам унча айтмас экан. Иброҳимжон ушланиб қолди, мажлис қаттиқ бўляпти шекилли, бошқа келармиз, деб, бир неча бор қайтишга тараддудландик. Аммо Мамасоли, раис қаттиқ хафа бўлади, яна озгина ўтириб туринглар, деб, ҳеч қўймас эди. Ва ниҳоят, раҳбарнинг келишидан умидни узишди чамаси, ошпаз товоқда товук гўшти олиб кирди. Тўғриси, иштаҳанинг ҳам хафсаласи пир бўлиб, қайтиб кетиб эди, лекин рўпарангизда ялтилатиб қовурилган таом тургач, қўл беихтиёр товоққа чўзилади. Товукнинг бир оёғини (меҳмоннавозлик нуқтаи назаридан Баҳром иккимиз томонга товук оёқлари тўғрилаб қўйилган эди) тишга босдим – тишим (улар табиий, соппа-соғ эди) ўтмади. Гўштми бу ўзи, деб оғзимдан қайтариб чиқариб оҳиста кўз югуртирдим – паррандалиги рост эди. Киши билмас дастурхонга қўйиб, бошқа бир бўлакни – юмшоқроқ бўлади, деб қанотини олдим. Қанот жонивор болдирдан ҳам қаттиқ – мисоли тараша эди. Аста Баҳромга қарадим – у ҳам бир болдирни оғзига солишним, қайтариб қўйишим билмай қўлида муаллақ ушлаб турарди. Секин чап ёнимга – Мамасолига разм солдим – у бошини эгиб, бир томонга қийшайиб олганча пўканни астойдил тишлаб тортарди. Баҳромга имо қилдим – қўлни артдик.

Раисдан ҳамон дому дарак йўқ эди. Ўша куни чиндан мажлис бормиди, йўқмиди – билмадигу, аммо кейинроқ тош-товукнинг тафсилотини эшитдик. Дастлабки товукни нимагадир андармон бўлиб куйдириб юборган ошпаз маҳалладан бошқа товук топиб, наридан-бери патини юлиб, сал-пал жизиллатиб (келганимизга икки соатдан ошиб кетди-

<sup>1</sup> Пату – эркаклар кифтига ташлаб ярадиган бу мато жойнамов, сочиқ, дастрўмол, дастурхон, халта вазифаларини ўтайди.

да!) солиб келаверган экан. Ошпазнинг «нозик меҳмонлар келиб қолди» деган иddaосига жавобан унинг ҳазилкаш ошнаси ҳам хўрозлар тепкилайвериb қотириb ташлаган қари макиёнини тутиb берган бўлса керак.

Ўшандан бери Иброҳимжон билан кўришиб қолсак (у бошқа бир неча амал-мансабларни ҳам кўриб, ҳозир яна ўзининг жойига қайтиб келган):

- Мамасоли қалай, яхши юрибдимиз? – деб сўраймиз.

- Сизларга атаб алоҳида жўжа боқяпти, боягининг бир ҳиссасини чиқармоқчи, қачон ўтасизлар, - деб қўяди раис қотиб-қотиб кулиб.

Ғурмочликларнинг товуклари юмшоқ эди-ю, лекин таомдан кейин ҳам суҳбатимиз қизийвермади. Мезбонларимиз орасида индамаслари кўп эди. Балки улар синамаган одамга сир айтма, деб, эҳтиёт бўлишар, ё ётсирашар, ё балки асли табиатлари, феъллари шундай эди. Бироздан сўнг, дастурхонга фотиҳа ўқилгач, «дам олинглар, йўл юриб чарчагансизлар», деб ўринларидан туришди. Жумабой ва пойгакроқда ўтирганлардан бир нечаси ҳам ётиб қолишди. Эҳтимол, уйлари узоқ мулозимлардир. Эҳтимол, атайлаб қўйиб кетишгандир...

Тўшакларга чўзилдик. Устимизга ёпингани ҳеч вақо йўқ эди. Кечаси совуққотиб уйғондим, деразалар қия экан, зичлаб ёпдим. Барибир бўлмади. Ташқарига чиқдим. Осмонда юлдузлар чароғон, лекин манзара кинолардагидай ҳайбатли эди. Бутун олам сукунат қаърига ғарқ бўлгандай. Атрофдаги ўскин кўкатлар, яккам-дуккам пастак дарахтлар аллақандай сояларга, шарпаларга ўхшаб, одамни сескантирарди. Албатта, уруш-тўполонлардан боши чиқмайдиган мамлакатнинг бир чеккасида, даштликда, ярим тунда нималар бўлмайди, қандай воқеалар юз бермайди, дейсиз!

Илҳомжон машина ичида бемалол пишиллаб ухлаётган эди. (Қойил!) Уйғотиб, қалинроқ кийимдан олиб кириб кетдим.

Лекин шу кеча яхши ухладим. Ҳаво том маънода тоза, мусаффо эди.

### *10 август, якшанба*

Азонда йўлга чиқдик. Жумабой саҳар, хайр-маъзурниям насия қилиб, жуфтакни ростлаган эди. Ғурмочликлар ҳам бизга бир аскарни ҳамроҳ қилиб беришди – оти даҳшатли - Жаллодхон эди. Хайриятки, бу сўз-исм биз тушунадиган маънода эмаслигини билганимиздан кейин кўнглимиз сал жойига тушди. (Мен лақаби шундаймикин, деб ўйловдим). Фақат, кўзлари кўкимтир, пуштун миллатига мансуб аскар йигитнинг тундроқ, камгапроқлиги (умуман ғурмочликлар феъллида оғир-вазминлик хислати устуворроққа ўхшайди) барибир ўртамызга кўринмас парда тортиб турарди.

Йўлнинг «ўғил боласи» шу ёқда экан. Баланд-паст, ўйдим-чуқур, гоҳ лой, гоҳ қалин тупроқ. Из бир нечта. Дурустроқ деб танлаганимиз баттар бўлиб чиқади. Машинани тисариб (ўзга иложи йўқ) орқага қайтамиз ва бошқа изга тушиб оламиз. Рўпарадан битта-яримта хароб, лой ё чангга беланган «Тойота» ёки мотоцикл келади. Биронта машинани ёнлаб ўтмадик, бизни ҳам биронта автоулов қувиб ўтмайди. Яқин, енгил машина йўли эмиш! Йўл сиёғи йўқ-ку!

ЖИП муттасил тебраниб, силкиниб боради. Ёзишнинг сираям имкони йўқ. Манзаралар, ҳолатларни ҳам, анча-мунча фикрларни ҳам текисроқ жойгача ё манзилга етгунча мияда асрашга ҳаракат қиламан. Афсуски, хотира билан азалдан муросамиз чатоқ. Бунинг устига кечалари уйқу истаги ва ёзиш хоҳиши аро кураш бошланади. Уйқу истаги тажрибали, муғомбир боксчилардай аввалига ён бераётгандай, кучсизлик қилаётгандай бўлиб туради. Бироқ ёзиш иштиёқининг «қўли» баландлиги икки-уч раундга ҳам етмайди, яна, бир йўла “нокаут”га учрайди.

Баъзи жойларда машина ёнбошлаб, икки ғилдираги тепада – адирликнинг суяри



ёнбағрида юради. Кўркув босади, жон ширин. Бундай жойларда пиёда юрган минг бора афзал! Ўҳ-хў, ҳали бу автосўқмоқлар автойўлга айлантирилгунча...

Гоҳ дашт, гоҳ тоғлар оралаб ўтамиз – бари хароб, ваҳимали.

Йўл хавфи қароқчи хавфидан баттар! Аммо баридан уйқу истаги баттарин – шундоқ абжағи чиққан, холо-туя йўлларда ҳам мудроқ босади. Эҳ, бешафқат, очофат юҳо уйқу – умрнинг учдан бирини ўмариб ҳам тўймайди-я!..

Шундоқ маҳалларда биз ўзимизга ачинамиз, Зокиржон ака машинани авайлайди. Сопол кўза билан сувга кетаётган боласига олдиндан тарсаки туширган афандидай, хайдовчи диққинафас бўлиб кетганидан тезликни сал оширса, огоҳлантиради:

- Шошманг, бизни ҳеч ким кутмаяпти, ҳеч кимга ваъда бермаганмиз, бировни куваётганимиз йўқ, бизни ҳам биров куваётгани йўқ...

Дара-йўлда йўлбошловчимизнинг бир таниши билан рўбарў келдик. Ҳиротдан бир гала эшак сотиб келаётган экан. Йирик-йирик, ҳар бири 7-8 минг афғони, яъни 150-200 доллар. Қиммат! Чунки бу ёқларда эшак – асосий улов!

Дарё ўзанлари бўйлаб, Бўкан, Нова каби қишлоқлардан имиллаб ўтиб боряпмиз. Қорин очлиги ҳам, «Анча йўлни босиб қўйдик биз...» деган ашулани хиргойи қилиш ҳам эсга келмайди, кўнгилга ҳам сиғмайди. Чунки йўл унмайди, қолаверса чакчақчи профессор<sup>1</sup> ҳам йўқ.

Шундай қилиб, тўрт соат юриб<sup>2</sup>, Мурғобга етдик.

## **ТЎРТ ХОТИНЛИ МЎЙСАФИД, ВАФОДОР АЁЛЛАР**

Қайсардан шу манзилгача бўлган 166 километрлик масофани икки кунда (!) босибмиз. Ҳолбуки, фақат йўл юрдик, бирон жойда ҳуда-беҳуда тўхтаб, бошқа иш билан машғул бўлганимиз йўқ.

Атрофи девор билан ўралган, унча саришта ва обод бўлмаган кўрғон ичидаги катта ташкилотларникига ўхшаган ярим тўгарак зиналардан кўтарилиб, олди очик, кўхнагина бир бино – туман ҳокимлигининг идорасига кирдик.

Қабулхона ва ичкаридаги палослар тупроқ, чанг эди (мулозимлар пойафзал билан кириб-чиқиб юришарди). Кенг, шифти баланд хонада чордана қуриб ўтирдик. Одобли меҳмонларга хос мулозамат билан Тошболта ошиқдай: «қоринлар тўқ, йўлда шолғом шўрва ичганмиз», дейишимизга қарамай, дастурхон ёзишди. Одатдагидай, аввал ширинлик, кейин чой олиб киришди.

Бизни ҳамма жойда ҳурмат ва тавозе билан қарши оладилар, яхшилар кўп экан, деймиз ва шундай инсонлар орасидан толиблар чиққанига ажабланамиз. Ҳа-да, одам оласи ичида, деб биз айтибмизми...

Мурғоб - Бодғис вилоятининг энг йирик тумани. Бу ном Афғонистондан бошланиб, Туркманистон чўлларигача давом этадиган ва Қорақумгача етиб борадиган дарёдан олинган бўлиши керак. Туркманистоннинг Мари вилоятида ҳам шундай отлиғ шаҳар мавжуд.

Улус волийси Вакил Жайлон болаларча кулимсираб турадиган, мулойимгина киши эди. Мўйсафиднинг ёнида чиройликкина қизалоқ унга ёпишиб, қора кўзларини жовдиратиб ўтирарди.

<sup>1</sup> Аввалги сафардаги ҳазилкаш ҳамроҳ, профессор Неъматилло Отажонов кўзда тутилади.

<sup>2</sup> Афғонистонда йўлни километрлаб эмас, соатлаб ҳисоблайдилар, «фалон соатлик йўл», дейдилар.

- Набирангизми? - деб сўради Зокиржон ака. Муҳаммад Анвар таржима қилди. Меҳмон раҳбарга қараб мийиғида кулди.

- Йўқ, қизим...

- Кечроқ уйланган эканлар-да?..

Вакил Жайлон жаноблари бўш маҳкамлардан экан, бирпасда шахсий ҳаётидан анча нарсаларни сўзлаб берди. Тўртта хотин олган экан, биттаси вафот этиб, учтаси қолибди. Фарзандларининг йигирма бештаси барвақт, бевақт ўлиб кетишибди, ҳозир ўн бештаси - ўн қиз, беш ўғли бор экан.

Кўп хотинлилар одатда мақтанчоқроқ бўлишади. Оқсоқол кокан қавмидан эди. Ёшини олтмишлар атрофида деб тахмин қилдик. Ўзи ҳам аниқ билмайди (балки атай ё ирим қилиб айтмагандир). Соч-соқоли оку, юзида тириш йўқ. Бунинг сабабини сўрасак, «хотинларим яхши», дейди оҳистагина қикирлаб. Мен хотинларини узоқдан бир-бирига кўрсатиб, мақтаб, гиж-гижлаб, уларнинг юлишишларидан хузур қиладиган ва ўз «муваффақиятлари» тўғрисида торроқ давраларда мароқ билан гапириб юрадиган бир оғайнимизни эсладим.

Улусвал ижтимоий аҳволдан ҳам гапирди. Мамлакатнинг ҳамма жойидагидай, бу ерда ҳам иккита жиддий муаммо бор эди: йўл ва электр.

Раҳбар манзират юзасидан Вакил Жайлонни Андижонга таклиф қилди.

- Виза берсангиз, албатта борамиз, аммо бизда ваъда вафоси билан деган гап бор, - деди волий яна қулиб.

### XXX

Қалъаи нав сари жўнаб, Мурғобдан чиқиб боряпмиз. Афғонистонлик дўстимиз шу жойда, Мурғоб дарёси бўйида бўлган бир воқеани айтиб берди. Эрлари урушда ҳалок бўлган ё уйда толиблар томонидан ўлдирилган элликтача жувон яна номуссизлик ҳам қилишгани учун толибларга қарши исён сифатида ўзларини сувга ташлашган экан. Қандай разолат! Лекин бу мудҳиш ҳодиса бир томондан одамга таскин ҳам беради: демак, оламда вафодор, иффатини жонидан-да муҳим ва аъло кўрувчи аёллар ҳам кўп! Дарвоқе, китобларда мўғуллар Бежин (Пекин) шаҳрини босишганида олтмиш минг (!!!) хитой қизи душман қўлига тушмаслик, номусларини сақлаш учун ўзларини баланд қалъа деворидан пахтага отишиб, ҳалок бўлишгани ҳақида ҳам ёзишган!

Бўзбой («эчки» сўзидан) қишлоғи. Маҳаллий аҳоли мамлакатдаги нисбатан кам сонли таймани қавмидан экан.

Далалардаги асосий экинлар шоли, маккажўхори, мош бўлиб, шолипоя сингари катак-катак, пол-пол қилиб экилган эди.

Соғари (коса, пиёла маъносида) довонидан яна ваҳимали йўллар бошланди. Чапдаги Миср эҳромларини эслатовчи улкан тоғлар салобатли ва сирли эди.

Яна қалин тупроқли кўчаларга кириб кетдик. Орқадан, ғилдираклар остидан қуюқ чанг кўтарилиб, олдинга ёпирилади, машина гўё қуюн ичида қолади, тўхтаб, йўл кўринадиган бўлгунча кутиб турамиз.

Ўн соат юриб, Қалъаи навга кириб борганимизда соат кеч саккизлар эди. Бизни қўноқхонага жойлаштиришиб, кабоб билан меҳмон қилишди. Дастурхондаги асосий ичимлик Эроннинг «Зам-зам» суви эди.

Меҳмонхона ҳовлиси кенг, атрофи девор ва панжаралар билан ўралган эди, кечаси чиқсам, у ер-бу ерда шинелсимон ҳарбий кийимларни ёпиниб бир неча одам ухламоқда,

улар орасида бизнинг сарбонимиз Жаллодхон ҳам бор эди. ©пинчиғининг бош томонидан автоматининг учи чиқиб турарди.

## «АЖАЛ ТОШИ»

*11 август, душанба*

Тонгда аллақандай қуш сайроғидан уйғониб кетдим. Жаллодхон билан хайрлашиб (кеча у билан йўл бўйи ҳам деярли гаплашмадик, шунинг учун у ҳақда тайинли маълумотга ҳам эга бўлмадик), барвақт – соат олтиларда йўлга тушдик. Отимиз ориғ бўлмаса-да, манзилимиз олис эди.

Яна узоқдан бир-бирига монанд, яқиндан ўхшамайдиган тоғлар, йўллар...

Ўзига хос жойлардан бири «Санги ажал» эди. Бу ерда йўл тор, бир ён дарё, иккинчи тараф ўртача баландликдаги тоғ бўлиб, у билан бўйдош катта бир яхлит тош-қоришма ёрилиб, ажралиб қолган ва у худди қулаб келаётгандай, бирда бўлмаса бирда албатта ағдарилиб тушадигандай туюларди. Зотан, «Санги ажал» («Ажал тоши») деган даҳшатли ном ва таъриф олис-олисларга ҳам бориб етган, шу боис ҳар қандай йўловчи унинг ёнидан ҳадиксираб, шошилиб ўтиши табиий эди.

Икки соатда йигирма тўққиз чақирим юриб, Ломон деган сайхонликда Муҳаммад Рафиқ (машҳур ҳинд ашулачисининг исмига таассубан қўйилган бўлса керак) ошхона-чойхонасида нонушта қилдик. Фаразимиз бежиз эмас шекилли, ички хоналарнинг деворларига ҳинд актрисаларининг ҳар хил ҳажмдаги ярим-яланғоч, рангли суратлари қаторасига, қалаштириб ёпиштириб ташланган эди. Емакхона марказдан анча йироқ, хилватроқда бўлгани учун унинг ишқибоз, ҳавасманд соҳиблари – норғул йигитлар орзу-истакларига, майлларига эрк бериб юборишганга ўхшайди.

Бизни ажаблантирган ва мамнун қилган нарсалардан яна бири - ҳар ер-ҳар ерда кўриниб қоладиган «Биз урушдан нафратланамиз» деган шиор бўлди.

Йўл давомида америка машиналари, БМТнинг ҳар турли маълумотлари, даъватлари битилган лавҳалар тез-тез учраб турарди.

Ҳиндикуш тизмалари узоқ ва кулранг, яланғоч, Банди сабзак овули кўкаламзор эди.

Хўжаи Чоршаъмдан кейин водий - ясси адирлар устидан юра бошладик.

Биз босиб келган жойларда адирсимон тоғлар, тоғсимон адирлар кўп, пасту баландларда ёйилиб ўтлаб юрган чорва ҳайвонлари бисёр мўл эди. Афғонистон – поёнсиз имкониятлар мамлакати экан, деб ўйладим. Агар уруш бўлмаганда...

Магнитли ҳудудга кирдик. Шу ўрамдан ўтаётганда ҳар қандай автоулов секинлаб, тайёра ҳам оҳиста тебрана бошлар экан.

Хийла маданий уйлар, чодраларининг узун этаклари остидан баланд пошнали қора туфлилари кўриниб турган қиз-аёллар пайдо бўла бошлади – бу Ҳиротга яқинлашганимиздан далолат экан.

Пули Хаймадан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида, Амир Исмоилхон ҳомийлигида қочоқлар, урушлар туфайли ватан-маконсиз қолганлар учун курилайётган махсус, бир қолипдаги уйларга дуч келдик.

Ўнгда, бир чақиримча нарида сарвқадли ножузор ичида бир ажойиб дам олиш маскани кўзга ташланарди – номи ҳам чиройли - «Шайдойи» экан.

Қалъаи навдан Ҳиротгача 145, Майманадан 435 чақирим эди.

Соат роппа-роса ўн тўртда Ҳиротга кириб келдик.

## ҲИРОТ

*Афғонистоннинг шимоли-ғарбий қисмида, Ҳерируд водийсида жойлашган тарихий шаҳар, мамлакатнинг ғарбий ҳудудидаги иқтисодий марказ. Аэропорти бор. Пахта тозалаши, тўқимачилик, озиқ-овқат корхоналари мавжуд. Кўлда жун ва ипак газламалар, гилам ва палос тўқилади.*

*«Ҳирот» номи милоддан илгари ҳам маълум бўлиб, сосонийлар даврида йирик шаҳарлардан бирига айланган, 7-асрдан Ҳирот араб халифалиги таркибига киритилган. Шу даврда у анча ривожланган. Сомонийлар даврида (IX-X асрлар, пойтахти Бухоро бўлган) Хуросоннинг асосий шаҳри ҳисобланган. Кейин гурийлар, газнавийлар давлатлари ихтиёрида бўлган. 13-аср бошларида Чингизхоннинг ўғли Тулуй қўшинлари босиб олиб, бутунлай вайрон қилишган. 1234 йили Ўқтойхон Ҳиротни қайта тиклашни буюради. Марв ва Балх мўғуллар тарафидан яқсон этилгандан кейин Марказий Осиёдан Ҳиндистон ва Хитойга олиб борадиган карвон йўли Ҳирот орқали ўтадиган бўлган. Курдлар ҳукмронлигида (XIV аср) Ҳиротнинг Хуросондаги марказий шаҳар сифатидаги мавқеи тикланиб, тез ривожланади. 1383 йили Амир Темур эгаллаб, ўз давлатига қўшиб олади. Шаҳар дастлаб Мироншоҳга, кейин Шоҳруҳ, Абу Саид, Султон Ҳусайн Бойқаро ва бошқа теурий ҳукмдорларга пойтахт бўлиб хизмат қилган, шу пайтларда янада тараққий этган. Ўрта Шарқнинг йирик савдо, ҳунармандчилик ва маданий шаҳрига айланган. Салобатли, кўркам иморатлар, иншоотлар қурилган. Ҳиротнинг энг гуллаган давларида Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳофизи Абрў, Мирхонд, Беҳзод каби машҳур шоир, мутафаккир олимлар, мусаввирлар яшаб ижод қилишган.*

*Афсуски, Султон Ҳусайн вафотидан сўнг Ҳирот яна қўлдан-қўлга ўтиб, ўз обрў-эътиборини йўқота бошлайди. Шайбонийхондан сўнг шаҳарни сафавийлар эгаллаб олишади. Уларнинг зулмига қарши шаҳарда бир неча бор галаён кўтарилган. 1716 йили мустақил Ҳирот ҳокимлиги тузилган. Бу ҳокимият ўн олти йилгина яшаган, кейин уни Эрон подшоҳи Нодиршоҳ босиб олади. Сўнграқ дурронийлар ихтиёрига ўтади. 1863 йилдан шаҳар Афғонистон давлати таркибида. Ҳирот XX асрда ҳам кўп талофатларни кўрди, жангу жадаллар оқибатида хароб бўлди. Хуллас, Ҳиротнинг қисмати ҳам барча гўзал, машҳур шаҳарлар тақдирига ўхшашидир.*

Во ажаб! Имкон, ирода бўлса, хоҳиш-ғайрат, дид-фаросат бўлса, одамзот неларга қодир-а!. 1993 йили Ҳиротда бўлганимизда юракларимиз сим-сим эзилиб эди, шундан буён эсимга тушса «Ҳе, аттанг!..» деб қўярдим. Бугун бу кўхна шаҳар бутунлай ўзгарибди

Тахти Сафар сайилгоҳ бўлиб кетибди. Сараки боғи Озодий ҳам обод. Дафтар (ҳокимият биноси) олди ҳам... Шундай бўлиши ҳам керак эди. Зеро, вилоятдаги икки миллион одамнинг етмиш фоизи миллионер Ҳиротда яшайди.

Муҳаммад Анварнинг таниши Тоҳиржонни топгач, «Марко Поло» номли кўп қаватли, замонавий, яъни ғарб услубида қурилган меҳмонхонага жойлашдик.

Марко Поло!? Ахир, бу венеция (Италия)лик машҳур сайёҳ ва ёзувчи-ку, Ҳиротга нима дахли бор экан, ё шу ёқларга ҳам келиб, бир каромат кўрсатибмидийкин, деб ажабландик. Фойе ва хоналарнинг деворларига ёпиштирилган реклама-ташвиқот лавҳаларида тасвир этилган гўзал охулардан аён бўлдики, Марко Поло – кийикнинг номи эмиш. Катта бир бино билан бу назокатли жонивор ўртасида ҳам ҳеч қандай мутаносиблик, уйғунлик кўринмасди.

Шинам «Шоҳиста» ресторанида тезгина тамадди қилгач, томошани шаҳарнинг ғарби шимолидан, зиёратни Кўҳи Мухтордаги баланд тепалик – катта мазористондан бошладик. У

ерга ўрта асрнинг машхур мусаввири Беҳзод дафн этилган эди.

Қабристонга чиқадиган сўқмоқнинг ярмидан тепаси бетон пиллапоялардан иборат эди. Энкайиб, ҳансираб кўтарилиб боряпмиз. Зиналар синган, баъзи жойлари кўпорилган.

- Асосий йўлдан четга чиқманглар, - деб огоҳлантиради Тоҳиржон. У ер-бу ерда ётган, қизилга бўялган катта-кичик тошларнинг мина белгиси эканлигини айтади.

Беҳзоднинг қаймоқранг мрамор қабр тоши устига форс тилида ўн бешинчи аср Ҳирот адабий тилига хос, ташбеҳу таърифнинг жимжимадор ва муболағавор услубида қуйидаги ёзув битилган эди: «Марқади соҳиби муаззамини мукаррам, ифтихори олам, нодир-ул аср мавлоно устод Камолиддин Беҳзод Ҳеравий».

## КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД

*XV асрда Ҳиротда яшаган камбагал ҳунарманд фарзанди - Камолиддин етимликда ўсган. Султон Ҳусайн Бойқаро кутубхонасининг китобдори Мирак Наққош ундаги мусаввирлик истеъдодини пайқаб, ўз тарбиясига олади.*

*Беҳзод Озарбайжон (Табриз), Хуросон (Ҳирот) ва асосан Мовароуннаҳр (Бухоро) мусаввирлик мактабларининг анъана ва ижодий ютуқларини ўрганган ва ўзида мужассамлаштирган. Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий раҳнамолиги ва гамхўрлигида тасвирий санъатнинг пири комили даражасига эришади. Зеро, ул икки шахс санъат, бадииятнинг, маънавият ва маърифатнинг безараз ва бемисл ҳомийлари, мураббийлари эдилар.*

*«Бадое-ул вақое» асари муаллифи Зайниддин Восифий: «Султон Ҳусайн кўнгилхушлиги учун сеҳрофарин мусаввирлар ва услуби гўзал наққошларни аъло даражали пойтахтида сақлаб, уларга зўр илтифот кўргузди», деб ёзади. Шахсан Султон Ҳусайн буюртмасига кўра, Шайх Саъдийнинг «Бўстон» асарига, шунингдек, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобига чизган миниатюралари Беҳзод мўйқаламининг дастлабки намуналари бўлса-да, унга шуҳрат келтирди. Низомий Ганжавийнинг «Лайли ва Мажнун» достонига ишлаган, «шеърият руҳи билан суғорилган, нозик ҳис-туйғуларга бой» асарлари рассом ижодининг гултожи сифатида эътироф этилади. Лирик мусаввир мақомини олган Беҳзодни замондошлари «Монийи соний» («Иккинчи Моний»), кейинчалик гарб санъатишунослари «Шарқ Рафаэли» дея бежиз улуғлашмаган. Зеро, 3-асрда яшаган Моний ибн Фатак – монийлик таълимотининг асосчиси, ҳурфикрлилиги учун қатл этилган машхур наққош ва мусаввир, Санти Рафаэль эса Уйғонии даври италян рассомчилиги, меъморчилигининг улкан намояндаси, тасвирий санъатни қуриши ва беаши услуби билан уйғунлаштирган, инсоннинг дунёвий бахтини тасвирлаган, «Сикст мадоннаси» ва бошқа ўнлаб ноёб, машхур суратлар ижодкоридир.*

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳирот ижодкорларини бирма-бир таъриф ва тасниф этар экан, Беҳзод тўғрисида шундай ёзади: «Мусаввирлардин Беҳзод эди, мусаввирлик ишини бисёр нозик қилди. Вале соқолсиз элнинг чехрасини ёмон очадур. Фабгабини кўп улуғ тортадур. Соқоллик кишини яхши чехракушойлик қиладур». Мана шу қисқа ва лўнда, айни вақтда гоаят талабчанлик билан берилган баҳода Бобур Мирзонинг тасвирий санъатни нақадар нафис ҳис этиши, унинг сир-асрори, мезонларидан яхши хабардорлиги аён бўлади.*

Қисқаси, Камолиддин Беҳзод Ҳирот миниатюра мактабинигина эмас, умуман Шарқ мусаввирлик санъатини юқори поғонага кўтара олган буюк сиймодир.

Манбаларда Беҳзод қабрининг ҳамшаҳарлари томонидан нақшли, гулдор панжара блан ўраб қўйилгани қайд этилган. Афсуски, замонлар ўтиши билан у панжарадан номнишон ҳам қолмаган, қабр атрофини қабр тошлари шундоқ зич ўраб турибдики, унинг ёни ё

тепасига ёдгорлик қўйиш ҳам мушкул, деярли имкон йўқ.

Қора мрамрдан, ёзувли жойлари синган ва оддий, ёзувсиз - жами элликдан зиёд сағана тоши, демак, шунча қабр бор эди.

Адирнинг тепаси махсус текисланиб ясси майдон қилингани ва қабристонга айлантирилганлиги сезилиб турарди. Тупроқсиз, асосан тош-қум-шағалдан иборат бўлгани учун қабрлар оралиғида на бир ўсимлик ва на бир гиёҳ бор эди. Бунинг устига қабрлар ўта тигиз эди. Қабр тошларнинг аксарияти эски - ўтган асрларга оид, аммо замонавийлари ҳам бор эди – масалан, Ҳожи Ҳошим Аттор исм-шарифли бизнесмен зотнинг марқади янги ва пурвиқор эди.

Ёнда Саид Абдулла Мухтор (авлиё)нинг алоҳида қабр-мақбараси, унинг атрофида яна бошқа мрамр қабртошлар ҳам анчагина эди.

Тушиш янада машаққатлироқ бўлди – баъзи зинапояларнинг ораси узоқ эди, зина пастидаги юрилавериб яйдоқ бўлиб қолган қақир ерда оёқлар сирғанарди. Мабодо бир корихол бўлса, тўғри йиқилсангиз майлику-я, фалокат босиб, мина бор томонга думалаб кетсангиз, нима бўлади?

Хайриятки, ҳаммамиз эсон-омон тушиб олдик ва Аллоҳга шукроналар айтиб, айланишда давом этдик. Кун ботар томонда божхона жойлашган эди. Узундан-узун юк машиналари беҳисоб эди, бир қисми юки билан чор тарафи катакли сим девордан иборат ҳудудларга тортиб қўйилган, юкдан хориж бўлган қисми очикда, чекароқларда қаторлашиб турарди. Ҳеч қаерда, ҳеч қайси мамлакат божхонасида бунча кўп машина кўрмаган эдим. Лекин...

Этакка қараб яна юрдик. Шунда хайратдан ҳамма ёқа ушлади. Йўлнинг икки томонидаги адирлар бағрига, оралиқларидаги текисликларга енгил машиналар гугурт мисоли териб ташланган эди.

- Эллик минг келар, - деди кимдир.

- Эллик ҳам гапми, етмиш-саксон минг, деяверинг, - дедик яна биримиз.

- Юз мингдан кам эмас, гаров ўйнаймиз...

Гаров ўйнаш ҳам мумкин эди-ю, аммо машиналарни санаб чиқишга кўз ҳам, вақт ҳам етмаслиги аниқ.

Дунёнинг жамики русумдаги автоуловидан бор эди-ёв – японники ҳам, олмонники ҳам, Американики ҳам...

- Машиналар асосан Дубайдан Эрон орқали олиб келинади. Эрон билан Афғонистон ўртасида бож пули кам. Бу ердан сотиб олиб кетувчилар ҳам енгилгина бож тўлашади, - деди Тохиржон.

Демак, Эронда ҳам, Афғонистонда ҳам кўпдан кўп қолади, деган мақолга амал қилишаркан, чоғи.

Дарвозаи Малик Хожа калла кўчаси орқали қайтдик. Хиёбони Ҳирот, яъни Ҳирот кўчасининг икки тарафидаги эски, катта биноларни бузишмоқда эди.

Наздимда ўтган сафар келганимизда Ҳирот шаҳрида қарағай ва битта-яримта сарвкомат сарвдан бўлак дарахт йўқ ҳисоби эди. Ва ажабки, ўша дарахтлар деярли нотекис экилгандай эди, бугун эса қандайдир тартибга тушиб қолганга ўхшарди – кенгайтирилган кўчаларнинг икки бетида қатор саф тортиб турарди.

Ҳирот қарағайлари менинг нигоҳимга ўрис қарағайдан кўрклироқ ва маҳзунроқ кўринарди. Уни бошқачароқ – чиройлироқ ном билан аташ тўғрисида ўйладим. Афғонистонда қарағайни «ножу» дейишар экан. «Бобурнома»да ҳам шундай.

Кўчада кинотеатр, меҳмонхона, ресторан; хонадонларда телевизор ҳар турли кўрсатувлар намойиш этади. Мен Мозори шарифликларнинг, толиблар зуғуми пайтида ярим тунда, антенналарни чордоққа омонатгина чиқариб қўйиб, чироқни ўчириб, деразаларни ҳам қалин мато билан тўсиб, кўрқа-писа телевизор кўрардик, тонгга яқин яна антенналарни йиғиштириб қўярдик, дейишганини эслайман. Ахир дунёи беҳабар, гумроҳ бўлиб ўтиравериш мумкин эмас-ку – телевидение шу қадар ривожланиб, чекка Африка жунглиларига ҳам кириб борган бир замонда!

Бошқа жойларда бунчалик эмас-у, Хиротда Оврўпо-ғарб таъсири, умумжаҳоний цивилизация аломатлари анчагина намоён бўла бошлаган эди.

Йўлларгина эмас, йўлаклар ҳам (ҳатто!) кенгайтирилган, асфальт ялтиллади. Кўча ўрталарида ҳар турли ноёб ҳайвонларнинг ҳайкаллари билан жиҳозланган бульварлар юзага келган эди.

Оппоқ соқолли кишилар ҳам велосипед миниб юришибди.

Хуллас, кунимиз хайрли, яхши кайфиятда кечди. Энг муҳими, ҳазрат Навоий руҳлари шод бўладиган ободончилик, фаровонлик юз бераётганидан беҳад мамнун эдик.

Уйқу маҳалигача Тоҳиржон бизга ҳамроҳ, ҳамсуҳбат бўлди. У ҳар замонда ўзининг теурийлар авлодидан эканлигига шаъма қилиб қўярди. Суриштирсак, ўтган сафар (1993 йил) келганимизда танишганимиз улуғ бир инсон, билимдон муаррих Мавлавий Анбарийнинг ўғли экан, уни мулло Тоҳир Анбарий деб аташаркан. Бахтли тасодиф!

## *12 август, сеианба*

Тонг. Кўчадан годи<sup>1</sup> отларининг таниш, бундан роппа-роса ўн йил муқаддам қулоғимда қолган «тақа-туқ»и эшитилади. Лекин бу овоз энди аввалги сафарда бўлгани каби бутун шаҳарда ҳукмрон эмас, у ҳар турли автоуловлар товушига қўшилиб, аралашиб, пасайиб борарди.

Дастуримизда экспедиция олдидаги вазифаларни бажариш, айрим муаммолар калитини топиш учун муаррих Мавлавий Анбарий, Хирот университети ректори ва бошқа нуфузли олиму уламолар билан мулоқотлар қилиш белгиланган эди.

Муҳтарам Анбарийни йўқламоққа отландик. Улар Дарвозаи Хуш кўчасида истиқомат қилишар экан.

- Искандар Хиротдалик пайтида, худди шу ерда кетаётганида унга онасидан мактуб келган ва у номани ўқиб хуш бўлган, шунинг учун бу жой Дарвозаи Хуш деб аталган экан, - дейди Мулло Тоҳир. Бу гапнинг қанчалик рост ё ёлғон эканини билмадим, зеро, «Бобурнома»да Дарвозаи Хуш Хирот қалъасининг беш дарвозасидан бири сифатида саналган.

Кўриниши ўртачагина хонадон. Тор ҳовли, ҳовли эмас, сахн. Уйлар ҳам анча путурдан кетган, жиҳозлар, матрас-кўрпалар ҳам. Ҳарқалай, тужжор ёки тадбиркорнинг маскани эмаслиги сезилиб турибди.

Мавлавий<sup>1</sup> Анбарий кўрпа-тўшак қилиб ётган экан, ўрнидан туриб, ҳаммамиз билан қучоқлашиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашди, дардини айтди: икки ой муқаддам инфарктни бошидан кечирган экан. У Зокиржон акани кўриб тўлқинланиб кетди.

- Толиблар давридаги уч-тўрт йил бизга юз йиллар азобини берди, ҳеч қандай илмий, маърифий ишлар қилолмадик. Сизларда бундай муаммо йўқ, амният. Хиротга

<sup>1</sup> Годи - извош

<sup>1</sup> Мавлавий – соҳиб, хожа, ҳомий, устоз маъноларини билдирувчи бу сўз Мавлоно – «улуғ олим» билан ёндош турувчи сифат-унвон мақомида, ҳурматли, эътиборли кишиларга нисбатан қўлланилади.

ташрифингиздан жуда мамнунман, хусусан мени йўқлаганингиз, муборак пойи кадамингизни фақирнинг остонасига қўйганингиз учун хазор ташаккур. Сизлар билан Самарқанднинг, Амир Темур бобомиз юртининг хиди, таровати киргандай бўлди кулбамизга, - деди Мавлавий соҳиб кўзларига ёш олиб.

Термосда чой келтириб, ҳар киши олдига елим қанддонларда Эрон конфети қўйишди.

Раҳбаримиз Ўзбекистон Президентининг Алишер Навоий мақбарасини қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилгани, катта маблағ ажратилаётгани, бунда экспедиция фаолиятига хайрихоҳлик қилган Мавлавий Анбарийнинг ҳам хиссаси борлигини айтди.

- Мир Алишер Навоий буюк шахс, уни ҳали кўп замонлар ўқийдилар, ўргандилар, - дейди Мавлавий. Унинг айтишича, Ҳазрат Навоий ўзи қурдирган масжидда намоз ўқиган, уйи эса шундоқ намозгоҳ орқасида бўлган. Мусалло хонақоларидан бирини ўзи учун хилхона сифатида мўлжаллаб, васият қилиб қўйган ва ана шу жойга дафн этилган. Айрим мутаассиб, маҳаллийчи, миллатчи подшолар инглизлар ёрдамида Навоий мақбарасини вайрон қилишган. 1947 йили ҳиротлик тадбиркор Мухторзода (ёки Мухтор Устазода) қайта тиклатган. Ўша қурилишда Мавлавий Анбарий ҳам хашарчи сифатида қатнашган экан.

- Термиз – Мозори Шариф – Маймана – Ҳирот – Тойибод халқаро йўлини куриш тўғрисидаги шартномага Ўзбекистон, Афғонистон, Эрон ҳукуматлари раҳбарлари имзо чекдилар, - деб маълумот берди Зокиржон ака.

- Аввало Аллоҳнинг иродаси билан Афғонистон тинчликка, ривожланишга юз тутди, - деди Анбарий жаноблари кучга кираётгандай овозини кўтариб. – Кўп давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон бизга катта эътибор қаратди. Иншоолло, энди чўлу биёбонларимиз ҳам гуллаб-яшнагай. Аслида Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклар билан бизнинг, умуман Афғонистон халқининг муштарак жиҳатлари кўп. Мамлакатимизга эътибори учун Ўзбекистон ҳукуматидан, халқингиздан кўп миннатдормиз.

Муҳаммад Анвар ўзбек тилини анча яхши ўрганган, лекин шунга қарамай, мулоқот кизиганда чўзилиб кетадиган жумлаларни ўгиришда бир оз шошиб қоларди.

Мавлавий Анбарий суҳбатга берилиб, ўзининг бетоблигини ҳам унутиб қўярди.

Кун иссиқлиги учун деразаларга икки-уч қават парда тортилган, хона ўртасига қўйилган катта паррак – ел пуркагич икки ёнга оҳиста айланиб, салқин шабада ҳайдарди.

Мавзу Заҳириддин Муҳаммад Бобурга, Бобур халқаро илмий экспедициясига кўчади.

- Экспедициянгиз кўп яхши ишлар қияпти, бизда ҳам эзгу умидлар уйғотгансизлар, - дейди Мавлавий. – Бобур Мирзо латиф, баҳосиз зот. Икки ой аввал Кобулда, Боғи Бобурда бўлдим. Ундаги настаълиқ хатида битилган ёзувлар ҳали-ҳамон одамни лол қилади. Ҳазрати Бобур темурийлардан қолган, уларга муносиб зурёд, зўр ёдгор эди, ҳозир ҳам буюк, аммо келгусида башарият ифтихорига айланмоғига шубҳам йўқ.

Анбарий домла 68 ёшда, лекин кўринишидан ёши улуғроққа ўхшарди: соқоли мўл ва оппоқ эди. 1993 йили ҳам соч-соқоли кўп, қалин, аммо мошгуруч эди. Қадди тик, серғайрат, кулгулари дадил, жарангдор эди. Дард анча қаритибди. Орада ҳажга бориб келибди. Бугун у кексалик ҳақида, меҳр-оқибат хусусида сўзлар, Саъдий Шерозий ва бошқа алломалардан шеърини парчалар, нақллар, ҳикматли гаплар келтирарди. Биз ҳам доимий қадрдон ҳамсуҳбат, камтарин бир устоз ёнида ўтиргандай ўзимизни эркин тутардик. Мулоқот самимий, дилдан эди. Демак, маънавий яқин кишиларнинг қалблари ўртасида чегара, ғов, ётсираш бўлмас экан, деган фикр кечади хаёлимдан.

Суҳбат ниҳоясида раҳбаримиз мавлавий Анбарийга қора пахта гулли сервис (чайнак-пиёла) тухфа қилди – мўйсафид хийла мамнун бўлди, янада тетиклашди. Аллоҳдан шифо ва узоқ умр тилаб, у билан қуюқ хайрлашдик. Остонага чиқсак, Тоҳиржон кавушларимизни тўғрилаяпти. Умуман, Афғонистонда меҳмоннинг пойафзалини ўнглаб, уйдан чиқибок



кийишга ўнғай қилиб қўйиш расм экан. Бизда ҳам бу удум бор эдию, секин-аста унутилиб, таомилдан чиқиб бормоқда.

Яна шаҳар айланмоққа отландик. Қарағай, сарв арчалар сафига мажнунтол, каштан, қайрағоч ва бошқа дарахтлар қўшилиб, файзиёб бўлган хиёбонсимон жойлардан ўтамиз.

Сарвлар... Мен илгари Алишер Навоий ғазалларидаги таърифини ўқиб, жуда ўзгача бир гўзал дарахт бўлса керак, деб ўйлардим, у арчанинг бир тури бўлиб, фақат қадди тик қоматни, яшиллиги ёш вужудни эслатарди.

Ножуларнинг аксарияти новча эди. Бизда пастроқ, тарвақайлаброқ ўсади. Бу ерда қарағай беш-олти метрдан кейин шох чиқарадигандай кўринади, аслида пастки новдалар бутаб турилгани боис шундоқ баландлашиб кетаркан.

Йўлак, хиёбонларга асосан бизда кейинги йилларда оммавий урф бўлган карнайгул, гултожихўроз, шунингдек, беоргул, атиргул, чиннигул ва оқ скрелет экилган эди. Кўча бўйларига, идораларнинг олдларига автомат-телефонлар, тунги ёриткичлар ўрнатилган. Хуллас, Ҳирот қайтадан Бобур Мирзо таъкидлагандек ораста, «рубъи маскунда ўхшаши йўқ...», зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилган» шаҳар тусини олмоқда эди.

Дафтар – вилоят ҳокими Амир Исмоилхоннинг қароргоҳи ёнида баланд курант-соат. Бино пештоқига «Давлати интиқоли исломий» деб ёзилган. Афғонистон давлати байроғи кўндалангига узун, уч рангда: қора, қизил, яшил... Менинг наздимда қора – Афғонистоннинг асрлар бўйи бошидан кечирган қора кунлар, қизил – кўп замон ва беомон давом этган урушларда тўкилган қонлар, яшил эса - ҳозирги ҳаёти ва фаровон, гуллаб-яшнаши умид қилинаётган келажак рамзи бўлса керак.

Дафтарнинг ним пушти деворларида беҳисоб ўқ излари бор эди: кечаги мудҳиш воқеаларни эслатиб турсин деб, атайлаб сақлаб қўйишган шекилли. Қароргоҳ олдидаги йўлақлар файзиёб бир хиёбонга айланган эди.

Кўчаларда аёллар илгаригидан кўпайган, асосан ўтган гал кўрганимиздай кулранг гижим, ялтироқ матодан тикилган чодра ёпинишган. Оқ, кам-кам қора, битта-яримта гулдор чодралар учраб қолади. Аксариятининг оёқларида баланд пошналар, ривожланган юртлардан келган пойафзаллар... Қора уртуклилар эронийлар ё Эрон таъсири ёхуд қисман мотам белгиси бўлиши эҳтимол. Чодрали бечораларга раҳмингиз келади: тугун, сумкалар ҳам чиммат ичида, ёнларини дўшпайтириб, бичимларини бузиб туради.

Беихтиёр Саъдий Шерозийнинг ушбу байти ёдга келади:

***Кўп кўринар чодир ичра қомати жононаси,***

***Очиб боқсанг, қарилликда оналарнинг онаси.***

Ёймачи аёллар ҳам пайдо бўлибди – анчагина. Улар орасида қора чачвонлилар, бети очиклар сероб.

Дўконларда аёллар ички кийимлари ва сийнабандларнинг тиқилиб ётиши, қўйлак, кофта иладиган ғарбча ярим жусса-қолиплар ҳам бурунги сафаримиз чоғида мутлақо кўрилмаган бир ҳол эди.

Ўтган гал келганимизда Ҳирот вилоятига ҳокимлик қилаётган Амир Исмоилхон кейин, толиблар даврида «тахт»дан кетган, анчадан сўнг, курашиб, яна ўз мавқе ва амалини эгаллагач, шаҳарни тубдан қайта қуришга киришган эди

- Бу қурилишлар, ободончиликлар асосан бояги божхонадан келадиган даромад

ҳисобига бўляпти, - деб тушунтиришади мезбон-ҳамроҳларимиз.

- Ҳа, ҳоким ўша даромаднинг ўттиз фоизини ҳукуматга бериб, қолган етмишини Ҳирот шаҳрини ободонлаштиришга сарфлайди, - дейди Муҳаммад Анвар ҳисоб-китобларда Амир Исмоилхон билан ёнма-ён турадигандай ишонч билан.

Дарвоқе, Амир Исмоилхон уч вилоят – Бодғис (маркази Қалъаи нав), Ғўр (маркази Чехгарон) ва Ҳирот бўйича ҳудудий раис саналади, бироқ асосий куч, асосий маблағнинг Ҳиротга харжланаётганига шубҳа қилмаса бўлади.

## МАВЛОНО ЛУТФИЙ ҚАБРИНИ ИЗЛАБ

Муҳим режаларимиздан бири Мавлоно Лутфий қабрини аниқлаш эди. Кеча Мавлавий Анбарий билан Лутфий ҳақида ҳам гаплашиб, унинг дафн этилган жойи қаердалигини сўраганимизда муаррих:

- Деҳи Канорда, аммо айнан қайси мазордалигини аниқлаб, сизларга мулла Тоҳир орқали етказаман, - деган эди.

Менга оқсоқолнинг жавоби ғалатироқ туюлди. Жаноблари Лутфий ҳазратлари қабрини зиёрат этмакка ҳеч бормаганмидийкин ё кексалиги туфайли хотиридан фаромуш бўлдимикин...

Тоҳиржон телефонда дадаси билан сўзлашгач, туш пайтларида йўлга тушдик. Лутфий қабри шаҳзода Қосим қабристонидан экан.

Кун чиқишга қараб, қишлоқ йўлларида боряпмиз. шаҳзода Қосим мазорини сўраб, истаб кетавердик. Катталар кам учрар, бори ҳам бошқа жойлардан келиб деҳқончилик қилаётганлар эди, сўроғимизга мужмалгина жавоб айтишарди.

Кўча кўп, бари эгри-бугри. Кетяпмиз, кетяпмиз... Йўл юряпмиз-у, аммо мўл юрмаяпмиз. Тайинли, текис йўл йўқ, машина дўқиллаб, тебраниб, силкиниб қийналар эди. Маккажўхоризор ва бошқа экинларнинг уватларидаги эшак, арава изларидан борардик. Назаримизда, бу кетишда керакли манзилни топишимиз амримаҳолдай эди. Йигирма-йигирма беш чақиримли масофа дейишувди, биз бир соатдан бери лўкиллаймиз. Охири бир даштдан чиқиб қолдик. Шу пайт рўпарамиздан, илонизи сўқмоқ ҳам ноқулайлигидан велосипедини етаклаб келаётган йигитга кўзимиз тушиб, суюниб кетдик.

Даштнинг номи Буталай экан.

- Етиб қолдинглар, хў анови кўрғон, - деб йигит ўзи келган томондаги, икки чақиримча наридаги пастаққина деворга кўли билан ишора қилди.

Кўнглимизга ёруғлик тушди. «Хайрият-эй», деб юбордик икки-учтамыз бараварига.

Етиб бордик. Кўкрак баробар паҳса девор билан ўралган мўъжазгина кўрғон танҳо, яқин-атрофда инсон яшашидан бир нишона, бирон бир қапа ё чайла ҳам йўқ – бийдай дашт эди. Кўрғончанинг кун юриш тарафида эшик ўрни бўлиб, мол-қўй кириб кетмаслиги учун кўндалангига ўқловдай ёғоч тўсиб қўйилган, тўғрироғи, унинг икки учи деворга кўшиб уриб юборилган эди. Қойил! Демак, ё ёғоч ниҳоятда пишиқ, ё деворнинг урилганига кўп вақт бўлмаган ва ёки мол-қўй боқадиган болалар ниҳоятда ювош, одобли!

Энгашиб ўтдик. Чап томондаги деворга яқинроқда бир чорпоя ҳажмидаги қабр бўлиб, устига катта-кичик тош уйилган эди. Қабр ёнларида, хусусан ўнг тарафида, юлғин, бурган ва бошқа чўл гиёҳлари сувсизликдан бўй чўзолмай, яшнолмай ётган очиқ кенгликнинг ҳар жой-ҳар жойида беш-ўнтадан муштдай-муштдай, ундан йирикроқ тош уюмлари ерга қапишиб турар, тошларнинг юзаси силликланиб кетган эди.

- Мана шу катта қабр шаҳзода Қосимники, мавлоно Лутфий шаҳзода Қосимнинг ёнига дафн этилган экан, - деди Тоҳиржон шодон кайфиятда отасининг гапини айтиб. У, албатта, мезбон сифатида, қолаверса, мавлавий Анбарийдек устод муаррих, буюк темурийлар авлодига мансуб инсоннинг фарзанди мақомида бизга атоқли шоир Лутфий Ҳеравий қабрини топиб берганидан мамнун эди.

Чор-атрофни синчиклаб кузатамиз. Шаҳзода қабрининг бош томонига бир туп тут экилган, кўчат биқинида ичида ярим суви билан туси ўнгган елим кўра турибди. Ниҳол битта-иккита барг чиқара бошлаган эди.

Мавлавий Анбарий кимдандир сўраганми, китоб кўрганми, ўғлига телефон қилганда қабрда Лутфий номи ёзилган мрамор тош бўлиши мумкин, деган экан. Бу ерда бир қабрдан бошқа дурустроқ сезилиб турадиган лаҳад ҳам, бирон битик тош ҳам кўринмас, бўлиши ҳам даргумонга ўхшарди. Наҳотки, бепоён даштда, шу хароб жойда, тупроққа қоришиб кетган тўп тошларнинг бири остида малик-ул калом Лутфий ҳазратлари ётган бўлса?..

Шу дамда шахсан менинг ақлиму хаёлим паришон эди.

Тоҳиржон ва Муҳаммад Анвар ҳамон бизнинг имонимизни комил қилмоққа уринадилар.

Ҳар турли мулоҳазалар баён этилади.

- Бўлиши ҳам мумкин. Мана, Султон Ҳусайн Бойқаро – Хуросондай катта мамлакатни салкам қирқ йил сўраган подшо ва бошқа машҳур зотларнинг қабр-мақбаралари қай аҳволга тушиб ётибди.

- Балки Лутфийнинг ўзи васият қилгандир кимсасиз, тинчгина жойга, дабдабасиз дафн этишларини...

- Хўп, майли, шундай бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, лекин булар таваккал гаплар-да, - дейман, - бизга исбот керак! Биронтаси «мана шу Лутфийнинг қабри», деса эди...

- Энди, бир йўли - шу яқин-орадаги қишлоққа бориб, оқсоқоллардан сўраш керак, - дейди Зокиржон ака муҳокама-мулоҳазаларга яқун ясагандай. Ҳамма бу фикрга қўшилади.

Ҳар эҳтимолга қарши қабристонни видеога, суратга олдик-да, мазорнинг бир неча қадам кун ботиш томонидан ўтган кенг ўзанга (бир томчи ҳам сув йўқ, қачон сув юрганини чамалаш ҳам қийин) тушиб, (бошқа илож йўқ), жануби-ғарб сари кетавердик. Ўша тарафда дарахтларнинг учлари элас-элас тебранмоқда эди.

Ўзан тошлару қумликлардан иборат. Гоҳида қандайдир автоулов баллонининг изи кўриниб қолади ва бир оздан кейин қумга сингандай ғойиб бўлади. Тошлари сийрақроқ, майдароқ жойларни танлаб, ўзанинг бу четидан у четига ўтиб боряпмиз. Қишлоқдан номнишон йўқ. Узоқда пахса деворлар кўзга чалинади-ю, саробга ўхшаб, биз юрган сайин олислашаётгандай туюлади. Бир пайт ўнг томонда, анча ичкарида буғдой хирмони ва унда ғимирлашаётган бир неча одам кўринди.

«Ур-ре!.. – деб қичқириб юбордик худди кемани кўриб қолган Робинзон Крузодай қувончимизни йиғиштиролмай.

Муҳаммад Анвар «от»нинг бошини шартта ўша ёққа бураётган эди, раҳбар «хай-хай»лаб тўхтатиб қолди:

- Мина бўлиши мумкин-да, Анваржон...

Тоҳиржон «мен бориб кела қоламан», деб машинадан тушди. Зокиржон ака, қўйинг, деб қайтармоқчи бўлиб эди, «ҳечқиси йўқ, бирпасда келаман?», дея жўнаворди. Биз хавотирланиб, қуриган дашт ўтларини қисирлатиб, илдам юриб бораётган Тоҳиржоннинг орқасидан қараб, ажабланиб, кўнглимизга келган гапларни айтиб ўтирдик.

- Аломат йигит экан.
- Қўркмаганини қаранг.
- Бу дашту биёбонга нимагаям мина қўйишарди.
- Ахир Тохиржоннинг ўзи айтдию Афғонистон ҳудудида ҳали милён-милён мина бор, деб...

Менинг назаримда Тохиржон Лутфий қабри қаердалигини билмаганидан, ўртада олим-муаррих, мавлавий унвонли падари бузруквори шаъни борлигидан хижолат чекмоқда эди.

Хирмон беш-олти юз қадамча эди. Бир чой қайнатим муддатда Тохиржон келди.

- Аниқладим, шахзода Қосим зиёратгоҳи ҳў анови экан, - деди кун чиқишдаги дарахтларни, тўғрироғи, дарахтларнинг учларини кўрсатиб.

Лекин у ёққа борадиган йўл йўқ эди. Жануб тарафда ғира-шира кўринаётган пахса деворларнинг ёнидан ё орқасидан йўл бўлиши керак, деб яна, ўзан йўналиши бўйлаб кетавердик. Ҳайрият, девор сароб эмас экан, яқинига етдик, аммо унинг теварагида йўл тугул сўқмоқ ҳам йўқ эди. Гардкам қилиб, девор ёнидан, шундоқ кумликдан юра бошладик ва кўп ўтмай боши берк кўчага кириб қолганимиз аён бўлди. Девор билан ўнгдаги анҳор оралиғи торайиб-торайиб, машина сиғмай қолди. Ерга тушиб, девор оша қўрғон ичига қарадик: чор-атрофи пахса билан ўралган курук ер-майдонда кумдан бошқа нарса йўқ, у ер-бу ерда янтоқ ўсиб ётибди. Биронтаси эгаллаб ё сотиб олиб, қўрғонлаб қўйган чоғи.

Анча юриб қўйган эдик, машинани тисариб, кўп машаққат билан қайтиб чиқдик. Қум юмшоқ, баъзи ерларда ЖИПдай ҳамма жойбоп автоуловнинг ҳам баллонлари тупроққа ботиб, турган ерида айлана бошларди.

Яна ўзанимизга тушиб, шарқи-шимол йўналиши бўйлаб тепага жўнадик. Ўзанинг ўнг соҳилини ёндамалаб боряпмиз. Дарахтзор тарафга тушган сўқмоқ ё бошқа бир из йўқ.

Ўзанинг икки томони ўскин янтоқлардан, паст-баланд дўнгликлардан иборат бепоён дашт эди. Ниҳоят, ўзан билан дарахтзор ўртасидан, бир чақиримча наридан бизга қарама-қарши тарафга ўтаётган юк машинасига кўзимиз тушиб қолди. Демак, ана шу ерда йўл бўлиши керак, дедик ва ўша ёққа юриш фикри ўртага ташланди.

- Одам тугул ҳайвон изи ҳам тушмаган шу ўнқир-чўнқир даштдан-а? – дейди Зокиржон ака.

- Э, бунга «ЖИП» деб қўйибдилар, хожи ака, - дейди Муҳаммад Анвар одатдагидай мулоийм қайсарлик билан. – Мен шунақа машинада бундай жойларда кўп юрганман, японлар бало, машина ҳеч нарса бўлмади.

Биз ҳам Анвар Мирзони қувватладик.

Сарбонимизнинг чиндан ҳам ҳайдовчилик борасида тажрибаси кўп эди чамаси, феълида ҳам дангаллик, дадиллик устунроқ эди. Қолаверса, мезбонлик, маҳаллийлик имтиёзларидан ҳам ўринли фойдалана оларди.

Хуллас, даштдан, яна баттарроқ тебраниб, силтаниб боряпмиз. Қотиб қолган қум уюмлари кўп. Раҳбаримизнинг безовталиги ортиб бормоқда. Тўғри-да, бир жихати ЖИП арзон машина эмас, пули куймаганлар унинг қадрини на билсин. Лекин асосий гап бунда эмас. Зокиржон аканинг ўзида ҳам қандай қилиб бўлсаям Лутфийнинг қабрини топиш, зиёрат қилиш иштиёқи кучли, унинг ҳам шунча оворагарчилик, заҳматлардан сўнг ортга чекиниш нияти йўқ эди, фақат, уловимизга бир шикаст етса, бу кимсасиз даштда нетамиз деган хавотир уни ташвишга соларди. Умуман, олдимиздаги вазифаларни мана шу «саман-бедов»сиз амалга оширишни тасаввур қилиб бўладими?... Бир кор-ҳол бўлса, раҳбар чора излайди, бўғилади, пул сарфлайди, қимматбаҳо вақтлар елга совурилганидан баттар хуноби ошади, қолганларимиз елка қисиб, Зокиржон аканинг кўзларига мўлтираб тураверамиз-да.

Аммо, ростиям, бошқа машина бўлганда аллақачон ҳафсалани судраб қайтиб кетишимиз турган гап эди.

Ўртада қачондир, балки баҳорги тошқинлар маҳалида сув оққан ариқ ўзанига дуч келдик. Бу ердан ўтишга бизнинг ҳам кўзимиз етмади.

- Энди бўлмайди, машинани ортиқча қийнавордик, ҳали бу жонивор бизга кўп керак бўлади, яхшиси айланиб, йўл топиб келайлик, - деди Зокиржон ака астойдил.

- Йў-ўк, хожи ака, бу ердан ҳам ўтамиз, сиз ҳеч хавотирланманг, - деди Муҳаммад Анвар иккиланмасдан.

Ҳаммамиз тушиб, энгашиб, ЖИП остига қараб турдик. Муҳаммад Анвар машинани қийраҳонига солди - ҳатто бир ғилдираги ариқ ичига - ўзанга тегмай ўтиб кетди.

Жасоратли йўлбошчи, моҳир ҳайдовчимизга офаринлар айтдик.

- Ҳа, сиз, Анваржон... - дейди раҳбар бошини сарак-сарак қилиб.

У эса Зокиржон акага зимдан қараб қикир-қикир кулади.

Яна икки жойда шундай – асов тошқин ўзига йўл сифатида очган ариқ рўпара келди: улар бир-биридан нотекис, бир-биридан қалтис эди. Ҳар сафар раҳбар: «энди бўлмади, бу жойдан ҳечам ўтолмаймиз, дейди, бироқ, қайсаргина, ўзбилармонгина сафардошимиз юқоридаги гапини такрорлаб «сиз зинҳор хавотирланманг, хожи ака», дер ва машинани усталик билан олиб ўтиб кетарди. Албатта, машинанинг орқа ғилдираги баъзан чуқурга дўкиллаб тушар, раҳбар «их» деб қўярди.

Тўғриси, Зокиржон акадан бўлак одам аллақачон узил-кесил этакни силкиган бўлар эди.

Ва ниҳоят, сидқидилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш келур, деганларидай, боя машина кўринган кўчага чиқдик. Бу ҳам автойўл эмасу, ҳарқалай, сўқмоқдан каттароқ эди, машиналар юргани билиниб турар - баллон излари тушган эди. Чамалаб, ўнгга юрдик. Иккилана-иккилана (сўрашга бир жон зоти йўк), бир вақтлар нимадир экилган шудгорсимон ерлардан айланиб юриб, охири дарахтзорга етиб бориш шарафига, йўк-йўк, бахтига муяссар бўлдик. Энди, ишқилиб, ахтарганимиз шу жой бўлсин-да, деб тилар эдик.

Дарахтзорнинг атрофи бояги кўрғонча каби пахса девор (фақат баландроқ) билан ўралган эди. Фарб томонидаги бир қаноти қийшайиб кетган, энсиз ва баланд, занглаган темир эшик остонасидан энтикиб ҳатладик. Дарвоза рўпарасидан ичкарига кетган сўқмоқ гўё кўрғон худудини иккига бўлиб турар, ўнг тараф тутзор, чапда бир неча қадамдан кейин яна пахса деворли кўрғонча бор эди. Унинг эшиги зулфинланган эди, очиб кирдик. Бу кўрғонча ўртасида ҳам баланд – одамнинг кўкраги баравар супа ва унинг устида қабр - бир арава уюлган тош бўлиб, бош ва оёқ қисмидаги тошлар орасига учли мармар синиқлари санчиб қўйилган эди.

- Шу хилхона шахзода Қосимники бўлиши керак, - деди Тоҳиржон, ҳамюрти уни қувватлади.

Супа – гўрнинг ён тарафларида, пастда тартибсиз ўсиб ётган ҳар турли кўкатлар ичида бояги кўрғондагидан кўпроқ ва аниқроқ тош уюмлари, демак, лаҳадлар бор, лекин биронтасининг бошида ёзув битилган тош йўқ эди.

Йўлакка қайтиб, кун чиқиш сари яна пича юрган эдик, ҳовли саҳни каби кенг, пастроқ бетон-супа олдидан чиқдик. Чапда икки хонадан иборат лой сувоқли хужра-уй бор эди. Супа ёнидаги паст майдонда қудуқ бўлиб, бир мўйсафид сув чиқармоқда эди. У билан сўрашдик, Тоҳиржон кимлигимиз ва келишимиз боисини тушунтирди.

- Ана шу, сизлар кўрган мазор шахзода Қосимники, бошқасини билмайман, - деди.

Мўйсафид - баланд бўйли, хипча, чўзиқ юзли, мулойим, хиёл кулимсираб турадиган, ўртаҳол кийинган Абдул Ваҳоб билан гаплашаётган эдик, яна бир кимса пайдо бўлиб қолди – дехқон Абдурахмон экан. Ҳаммамиз яна бояги кўрғончага кирдик. Шаҳзода Қосим гўрининг оёқ томонида бир оқ мрамар тош бўлагининг ярми супа сувоғининг остида қолиб кетган эди, Абдурахмон офтобада сув олиб келди, мрамар тошни кўчириб, ювиб тозалашди, лекин унда ҳеч қандай белги йўқ эди. Тоҳиржон дадасининг гапларини, яъни Лутфий ҳазратлари жасадининг шаҳзода Қосим марқадининг кун чиқиш томонига қўйилганини айтган эди, Абдул Ваҳоб «хужрам ёнида бир қабр бор», деб қолди. Ҳаммамиз ўша жойга ошиқдик.

Шайх айтган қабр эни икки ярим, узунлиги уч ярим қадам чамасидаги лойсувоқли, одам бўйи чордевор ичида эди. Абдурахмон дегани анча хушёр экан, дарҳол энгашиб елка тутди, Тоҳиржон бир оёғини унинг тиззасига, иккинчисини кифтига қўйиб, чакқонлик билан кўрғончага ошиб тушди.

Кўрғонча тупроққа тўлай деган экан чоғи, Тоҳиржоннинг белидан юқориси кўришиб турарди. У белкурак сўради. Белкуракни узатиб, Абдурахмоннинг ўзи ҳам деворга тармашди. Оёғидан йўладик.

Иккалови кўрғонча узра қапа бўлиб ётган ток новдаларини уёқ-буёққа суриб, галмагалдан тупроқни ковлай бошладилар. Узоқ қазишди. Бизда гарчи ишонч сусайган бўлса-да, илинж, умид сўнмаган эди, диққат билан кузатиб турдик: икки «кўчқор»нинг энкайган бошлари бир кўрғонча ичида бир-бирига тегай-тегай дер эди: бири курак тутганда иккинчиси ҳам қабрдан кўз узмасди. Нихоят, нимадир чиқди чоғи, сув сўрашди.

- Тош борга ўхшайди, - Тоҳиржон қаддини ростлаб бизга юзланди. Унинг қора сочлари тўзиб, тупроқ сачраган юзларида тер йилтиллай бошлаган эди.

Абдул Ваҳоб офтобада сув олиб келди. Энди Тоҳиржон билан Абдурахмон чўнқайиб олишганча ниманидир юва бошладилар.

- Сағана тоши! - суюнчилади Тоҳиржон яна бошини кўтариб.

Биз – томошабин-хайрихоҳлар янада сергак тортиб ва бутун вужудимиз кулоққа айланиб Тоҳиржонга тикилдик. У қийинчилик билан ҳарфларни ҳижжалаб ўқиди: «Мав-ло-но Лут-фий Ҳе-ра-вий...»

Ҳаммамиз қарсақ чалиб юбордик ва бир-биримизни бағримизга босиб қутлай кетдик.

Ўз кўзим билан кўришга ошиқиб, мен ҳам тепага кўтарилдим. Эҳтиёж туғилганда одам чакқон бўлиб кетади. Бебаҳо топилма энсиз, узун, яшил ранги ўча бошлаган мрамар тош эди. Кўзларимга ишонгим келмайди.

Хўш, Лутфий ўзи ким? У - ўзбек мумтоз адабиётининг йирик ва атоқли намоёндаларидан бири.

Алишер Навоий «Мажолис-ун нафоис» («Нафис мажлислар») асарида ёзади: «...Мамлакат<sup>1</sup> араб ва сорт султонларидан турк султонларига ўтгандан сўнг, Ҳалокухон замонидан сўнгра, Султон Соҳибқирон Темур Кўрагон замонасидан тортиб, фарзанди Шохруҳ замонасининг охиригача турк тилида ёзувчи шоирлар, шу жумладан, ул ҳазратнинг авлодларидан ҳам хуштаъб подшоҳлар пайдо бўлди». «Бироқ, - дейди тилшунос олим Дўстмурод Абдурахмонов - булардан фақат Мавлоно Лутфий жуда катта шуҳрат қозонди».

Адабиётшунос, лутфийшуносларнинг илмий ва фаразий маълумотларига кўра, Лутфийнинг исми аниқ эмас, Лутфулло бўлган бўлиши мумкин, деган тахминлар бор ва шу тахминлар асосида шоирнинг таҳаллуси ана шу от ўзаги «лутф» (мулойимлик, раҳмдиллик, хушхулқлик, ширинсуханлик, шунингдек, эҳтиром ила юзланиш мазмунини ҳам берар)дан олинган, бу таҳаллус шоирнинг нафис туйғулар билан йўғрилган шеърларининг умумий

<sup>1</sup> Хуросон.

маъно-моҳиятига, мулойим, кўнгилчан инсоннинг шахсий фазилатларига ғоят мос тушган. «Мавлоно» сифатининг кўшилиши эса унинг қувваи ҳофизаси кучлилигига, тафаккур доирасининг кенглигига, бадий маҳоратининг юксаклигига ишорадир, албатта. Мазкур сўз-таъриф ҳозир ҳам Афғонистонда илмли кишиларга нисбатан расман, Ўзбекистонда норасмий тарзда қўлланади.

Ҳирот адабий ҳаракатчилигининг пешқадами, пешвоси Лутфийни Алишер Навоий шарқ шеърятининг Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий каби буюк сўз усталари қаторига қўяди. Машҳур тарихчи Хондамир эса «Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эди, ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган эди», дейди.

Лутфий Абдурахмон Жомий билан дўст бўлган, Алишер Навоий ижодига катта эътибор билан қараган. Ёш шоир Алишербекнинг:

*Оразин ёнқоч кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёи,  
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч кўёи,*

деб бошланадиган ғазалини тинглагач, бўлажак Навоийнинг шеърий истеъдоди ва маҳоратига тан бериб, ўзи ёзган ўзбек ва форс тилидаги ўн-ўн икки минг байт шеърни шу бир байтга жон-жон деб алмашишга тайёрлиги ва шунда ҳам ўзини ютиб чиққан деб ҳисоблашни баралла эълон қилади шоирлар даврасида. Бу далил мавлоно Лутфийнинг меҳрибон устоз ва ўта камтар ижодкорлигидан, қолаверса, тантилигидан далолатдир.

Манбашуносларнинг тадқиқотларига қараганда мавлоно Лутфийга қадар мазкур таҳаллусда ижод қилган шоир учрамайди. Фақат у билан замондош яна бир Лутфий бўлган, машҳадлик бу шоирни Навоий «Лутфийи соний» - «иккинчи Лутфий» деб атайдди. Аммо улардан кейинги даврларда бу гўзал атамани ўзига таҳаллус қилишни шараф деб билганларнинг саноғига етиш қийин. Адабиётшунос Эркин Аҳмадхўжаевнинг баён этишча, 1942 йили Табризда чоп этилган «Фарҳанги сухонворон» (муаллиф Ҳайёмпур) китобида ўн беш нафар, 1973 йили турк олими Камол Айюб ўғли Истанбулда чиқарган, шеърда халқ тилидаги мақоллар ва маталларнинг ишлатилишига оид асарида ва бошқа бир қанча илмий тадқиқотларда ўнлаб Лутфий таҳаллусли шоирлар, олиму уламолар ҳақида маълумотлар келтирилади. Бизнинг назаримизда Лутфийларнинг энг кенжа ва яна бир истеъдодли намояндаси ҳозирги замон турк адиби Аҳмад Лутфий бўлиб, унинг пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В)нинг туғилганидан то вафотига қадарлик ибратли ҳаётлари қамраб олинган, олти китобдан иборат «Саодат асри қиссалари» рўмони айниқса машҳурдир. Лекин Э.Аҳмадхўжаевнинг таъкидлашича «бу таҳаллус билан қалам тебратганларнинг биронтаси ҳам мавлоно Лутфий даражасида шеър битолмаган!»

Дарвоқе, бир пайтлар матбуотда мавлоно Лутфий Тошкентда туғилган, деган фараз илгари сурилган мақолалар ҳам пайдо бўлган, аммо бу мутлақо хом, янглиш мулоҳазадир. Чунки мавлоно Лутфий Алишер Навоий ва бошқа замондошлари ёзиб қолдирган ишончли манбаларга кўра Ҳирот яқинидаги Деҳи Канор (Чекка қишлоқ)да таваллуд топиб, 99 йил умр кўрган, ҳозир биз қабрини излаётган шоир ва алломаи даврондир.

Бугунги кунда Лутфий ҳазратлари ўз қўллари билан тузган девоннинг ўттиздан ортик нусхаси маълум ва мавжуд бўлиб, улардан ўн олтитаси республикамизда, қолганлари эса бошқа мамлакатларда, жумладан, Англия, Франция, Туркия, Эрон, Канада қўлёзмалар фондларида авайлаб сақланмоқда. Девондан ташқари Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достони ҳам ўзбек мумтоз достончилигининг шакл ва мазмун жиҳатидан пухта ва мукамал ишланган нодир намуналаридан бири сифатида эътироф этилади. Шунингдек, у ўн минг байтдан зиёд «Зафарнома» китобини маснавийда ўзбек тилига таржима қилган.

Лутфийнинг таниқли ҳофизларимиз овозида янграйдиган ўнлаб мафтункор ғазаллари қарийб олти юз йилдан бери не-не ошиқ, шикаста қалблар дардига малҳам бўлмаяпти, дейсиз. Бундан ташқари, мумтоз адабиётимизнинг Фузулий, Махтумқули, Бобораҳим Машраб, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқа етук намояндалари асарларида мавлоно Лутфий услубига хос ўйноқилик, айрим иборалар, радифларнинг тез-тез учраб туриши ҳам тасодифий ҳодиса эмас, балки, устоз шоир ижодининг нафосати, юксак даражоти, унинг сўзларни жилвалантира олиш санъати ўзидан кейинги аҳли қаламга ибрат ва орзу бўлганлигидан далолатдир. Жумладан, «Зулфунг очилиб» деб бошланувчи, «Ўйнар» радифли машҳур ғазалнинг дунёга келишида Мир Алишер Навоийга қуйидаги гўзал байтлар илҳом берган бўлса, не ажаб?

*Сўзларда қачонким кўзи қоши била ўйнар,  
Ҳар гўшада юз минг киши боши била ўйнар.*

*Нун қоши учун баҳр қилиб ер юзини кўз,  
Ул моҳи кўзум мардуми ёши била ўйнар.*

*Шатранжи латофатни ўтар нечаким ул ой,  
Рух тарҳ бериб, чарх қуёши била ўйнар.*

*Кўргузса қаро, барҳам урар Чину Хитони,  
Кўз устидаки холи чу қоши била ўйнар.*

*Жон нақдини кўзунг қошида ўйнаса, Лутфий,  
Айб этмаким, ул гамза кенгоши била ўйнар.*

Мана бу ғазал ҳам фасоҳатга – сўзларнинг очиқ, равшан, ёқимли, шеърят қоидаларига мувофиқ келишига ёрқин бир мисолдир:

*Эй турфа пари одамнинг жонимудурсен?  
Ё икки ёруғ кўзлари инсонимудурсен?*

*Боқсам бош-оёқ жисминг эрур маҳзи латофат,  
Ё сен малаку улвийи руҳонимудурсен?*

*Ё жодумудурким, кўнгул олдинг ўқуб афсун,  
Бу юз ила ё ояти раббонимудурсен?*

*Ё лутфу зароат била йўғрилдим зотинг,  
Ё хулқу карам маъданияю, конимудурсен?*



*Лутфий сенга кул бўлди, аё хусн эли шоҳи,  
Сен бир айт анинг шоҳиеу султонимудурсен?*

Ушбу туюқ ҳам Мавлоно Лутфий қаламига мансубдир:

*Кўз ёшим тупроқ ила гар қотила,  
Келмагайман жавридин ҳаққо тила.  
Ғамзаси ўлтурдию, ул беҳабар,  
Мен агар ўлсам, не ғам ул қотила?..*

Ҳа, биз кўп хушнуду мамнуну шод эдик. Шунча машаққатли юришларимиз зое кетмади, ноумид қайтадик. Лекин анча ранжидик ҳам: Лутфийдек ўз замони мавлоноси, улуғ шоирнинг қабри мақбарасиз, боз устига, ғариб бир ҳолатда, тупроққа қоришиб ётса, уни ҳатто қабристон шайхи ҳам билмаса-я?!..

Ҳай, майли, нима бўлсаям топилди-ку. Шукр, минг бора шукр. «Бугунги хурсандчилик кунда кечаги ғамдан гапирманглар», деган шаҳрихонлик шоиримиз Оразий.

Энди сувсизликдан (бу ерда оби раҳмат фақат баҳорда бўларкан – қор, ёмғир суви) янтоқ ва бошқа кўкатлар сарғайиб қурий бошлаган кўрғон ичи файзли, кўримсиз Абдул Ваҳоб ота ҳам кўзимизга иссиқ кўрина бошлаган эди.

Энди барчамиз ҳар ёқдан мўйсафид шайхни саволга тутдик ва баъзи маълумотларга эга бўлдик. Чунончи, аввалги кўрган қабристонимиз «Хожаи Дарвешон» мозори деб аталаркан. Ундаги катта қабр Хожа Абу Талҳа Авлиё деган кимсаники экан.

Абдул Ваҳоб ота бу жойни савоб умидида, ўз ихтиёри билан макон тутибди. У асли Фишша<sup>1</sup> қишлоғидан, умрида бирор марта ҳам уйланмабди. Биз унга 70-75 ёш берувдик, элликка кирдим дейди. Ўз умрини аввало Худо, кейин Шаҳзода Қосим мозори хизматида бахшида этмоққа аҳд қилиб, шу йўлга кирибди. Бу ерга келганига ўттиз йилдан ошибди. Айтишича, қисмат уни қариндош-уруғдан ҳам қисган, Фишшада ёлғиз бир укаси бор эмиш. Одамлар зиёратга жума кунлари келишаркан.

Абдул Ваҳоб (энди уни шундай деб атасак ҳам бўлаверар) сиртдан жуда беғам, камсўз, камғайрат, ҳатто теппа-тебранмас кўринарди; овози жуда паст – ёнида турган одам ҳам кулоқни карнай қилиб аранг эшитади (биз каби тил билмасларга барибир-у, тилмочларга қийин-да!). Уч-тўрт сўз айтиб тўхтайтиди, «бўлди, шу, яна нима дей», дегандай бетингизга қараб кулимсирайди.

Ҳужралар атрофи, бетон супанинг супириб-сидирилганлиги, озодалиги Абдул Ваҳоб шайхнинг саришталигидан дарак берарди.

Қабристон бир қарашда боғ-хиёбонга ўхшарди. Бир гектардан зиёдроқ бу ҳудуднинг чор томони пахса – лойсувоқ девор. Тут дарахти кўп, лекин катта ёшда эмас, тартибсиз экилган тол, баноуш (толнинг бир тури), янтоқ ва бошқа сувсизликка чидамли гиёҳлар бор. Мужовир кулбасининг орқасида ҳовуз ўрни бўлиб, тўрт бурчагида баноуш тарвақайлаб шохлаб ётибди. Ҳовуз ичини найи алаф - қамиш босган.

Ҳужранинг олди томонига – супа ёнларига қизил атиргул («гул» дейишаркан), анор (манзарали дарахт сифатида) экилган эди.

<sup>1</sup> Маъноси – қамишнинг эрта кўкламда ўсиб чиққан барра пайти.

Абдул Ваҳоб билан (дарвоқе, унинг тили хийла ечилиб, ҳаракатлари фаоллашиб қолди) хайрлаша бошладик.

- Бўлинглар тезроқ, кеч кирмай Ҳиротга етиб олайлик, - деб қистади раҳбаримиз ва шайхга бир мунча ҳадя-назр берди-да, эртага келишимизни айтиб, бирор ёққа кетиб қолмаслигини тайинлади.

Темир дарвозадан чиққан пайтимизда қаёқдандир пайдо бўлган афғон шамоли қумни учириб ўйнай бошлади. Қўлларимиз билан юз-кўзларимизни пана қилиб, ёнбошчасига юриб машинага чиқиб олдик. Умуман олганда, бу дашту далалар нисбатан салқин, ҳавоси ҳам анча тоза эди.

Йўлни Деҳи Канор томонга солдик. Аслида бу зиёратгоҳга мана шу йўл билан келишаркан-у, биз билмай дашту биёбонга кириб кетибмиз-да.

Деҳи Канор зиёратгоҳ-мозористондан икки чақиримча жанубда эди. Қишлоққа кираверишда уй-жойлар солинаётган эди. Бир уйнинг пойдеворини машина ўтадиган сўкмоксифат кўчагача чиқариб юборишибди, сўкиб, аранг ўтдик.

Ҳиротдан ўттиз чақирим кун чиқишдаги Деҳи Канор (айтгандай унинг янги номи Нангобод) асосан Жўйи нав ариғининг кун юриш тарафида жойлашган экан. (Тарихий-адабий манбаларда мавлоно Лутфий «Ҳиротнинг Деҳи Канор мавзеида», «Ҳирот атрофидаги хиёбонлардан бири – Деҳи Канорда» таваллуд топганлиги зикр этиладигани, демак, у мулоҳазалар чала тасаввурлар ҳосиласидир). У Фишша, Фишша эса Сариосиёи Мухтор қишлоғи билан туташиб кетган эди.

Бу кўчалар ҳам тор, эгри-бугри, тупроқ-чанг эди-ю, ҳарқалай, «йўл» деган оти, афти бор эди.

Деҳи Канорда ҳам, ундан кейинги қишлоқларда ҳам ҳар ер-ҳар ерда тўпланиб турган ё лойсувоқ супаларда чордона қуриб ўтирган бекорчи катта-кичиклардан мавлоно Лутфий ҳақида сўраймиз. Ёшлар кифт қоқишади, мўйсафидлар бошларини сарак-сарак қилишади. (Албатта, мўйсафид деганимизнинг ёши ҳам Абдул Ваҳобникидан ошмайди. Негадир чинакамига кекса – етмиш-саксон ёшдаги қариялар кўринмасди). Ачинамиз, қайғураемиз, тавба, наҳотки шундоқ машҳур ва улуғ ҳамқишлоқларини билишмаса, қанақа дунё беҳабар одамлар ўзи булар, деб ёзғираемиз ва ўзимизча бу беҳабарлик, ғофиллик сабабларини муҳокама қиламиз. Халқнинг урушдан боши чиқмаса, тилидан нолаю афғон тушмаса. Тарихи-ку жангу жадал, ур-йиқитлар, вайронагарчиликлар солномасидан иборат, сўнгги асрда эса «советлар»нинг ўзи тўрт марта босди. Айниқса, охиригида узоқ, қаттиқ босди. Аммо Афғонистон эркакларига қойил қолиш керак: ҳарбий қуроли, техникаси билан бутун дунёга даҳшат солиб турган мамлакат армиясига ҳам, бошқаларга ҳам сўз бермадилар, бўйин эгмадилар. Кейинги йиллардаги мамлакатни чирмовикдай чирмаб, қисиб олган ўзаро хунрезликлар эса дард устига чипқон бўлди, баридан ошиб тушди. Азалда тақдир уларни кўчманчилик, эркин қушлик қисмати билан «сийлаган» эди, кейин, хусусан йигирманчи асрда уруш, бесаранжомликлар «қочоқлик» туғини кўтаришга мажбур этди. Масалага чуқур кетмай қўяқолайлик... Тўғри, афғонистонликлар жисман мағлуб бўлмадилар, лекин иқтисодиёт, илму фан, санъат таназзулга юз тутди. Халқ маънавий жиҳатдан жуда катта талофат кўрди. Ҳудудларда оддий, бошланғич савод чиқариш имконидан маҳрум бўлдилар. Ҳиротдай машҳури жаҳон шаҳар биқинидаги ушбу қишлоқларда ҳам мактаб деган, китоб, рўзнома деган сўзларни эсдан чиқариб юборишганига чоракам асрдан ошмоқда эди. Лутфий ҳазратларини билиши мумкин бўлган катта авлод вакиллари эса ўтиб кетишган... Деҳи Канорга ҳам, Фишшага ҳам электр сими келмаган, демакки, «ойнаи жаҳон» деган мўъжизани билмадилар, балки билишар, эшитишгану, унга етолмадилар – осмон узоқ, ер қаттиқ... Тирикчилигининг қай аҳволдалигини турмуш тарзларидан, яшаш маконларидан тасаввур қилиш қийин эмас. Уйларнинг кўринишлари салобатли: баланд – олти-саккиз метр келади – икки қаватли «дом»лар мақомида. Аммо... лойдан.., сувоқларининг пухталиги

сабабли деворлари эскириб, жуда эскириб кетган бўлса-да, Афғонистон халқи каби сабот, матонат билан мағрур турибди. Ора-орада ункурсимон, ғор оғзи каби йўлаклар бор, улардан нарига – бинолар ўртасидаги майдонга чиқиларкан. Майдон атрофида яна баланд «домсифат» истиқоматгоҳлар бор. Балки одамлар ҳар турли хужумлардан зада бўлганидан шундай мустаҳкам, қочиш, беркинишга қулай иморатлар солишгандир...

Қишлоқ аҳлининг соддалиги, самимийлиги беғараз, беозор қарашларидан, болаларча ҳайратланиб туришидан сезилади. Ҳар қандай борада улардан ёзгириш, уларга таънаю маломат тошларини отиш самимийликка қарши бешафқатлик бўлур. Улар раҳм-шафқатга, ачинишга муносиб, руҳий далдага муҳтож!

Далалар ҳам содда, яшил. Полиз ва бошқа экин майдонлари пастак деворлар билан ихота қилинган – мол-қўй ўтмаслиги учун. Экинлари: ғўза (кўп эмас), мош, кунжут, тарик, пиёз, кунгабоқар, жўхори, шоли, гулкарам, помидор, беда... Дарахт кам, оқ тол, баноуш, жийда бор.

Деҳи Канор – Ҳирот йўлидаги бирдан-бир ва энг катта «саноат» объекти - ғишт пиширадиган, уйсимон хумдон эди, ундан бошқа қурилиш, ташкилот ё бир муассаса маҳкамаси, биноси кўринмади.

Шаҳарга шомдан ўтганда кириб келдик.

Зокиржон ака даъвати билан Тоҳиржон бизни тўғри сангтарошлар растасига олиб борди. Бу ерда иш ҳали кундузгидай, бир маромда давом этмоқда эди.

Мавлоно Лутфий қабрига лавҳа-тош буюрдик. Раҳбар эрталабга тайёр бўлиши кераклигини айтди.

- Муҳлатни қисқа беряпсизлар, хизмат ҳақи баландроқ бўлади, - деб огоҳлантиришди сангтарошлар.

- Босинглар! – деб қўл силтади Зокиржон ака.

Назаримда ўша пайтда раҳбар минг доллар сўрашса ҳам йўқ демайдиган шахдда эди. Зеро, у ҳаммадан кўпроқ суюнган ва ҳаяжонланган эди.

### *13 август, чоршанба*

Уйғонганимда кўчадан ҳиндча қўшиқ эшитилмоқда эди. Ажабки, Покистонда ҳам, бизда ҳам шундай: ҳинд куйларини ёқтиришади. Ҳиндларнинг, тўғрироғи, ҳинд қўшиқчиларининг овозида, умуман куй-ашулаларида қандайдир дардчил, таъсирчан мунг-оҳанг, оҳангга эса зорланиш, нола бор. Кўпларни ўзига тортадиган сеҳрли куч, менимча, ўша нола. Чунки нола, йиғи одамнинг юрагини аввал зириллатиб, кейин юмшатади.

Турибоқ сангтарошлар растасига жўнадик.

Лавҳа-тош ҳали битмаган эди. Бир оз шаҳар айланганимиздан сўнг Ҳирот университетини излаб кетдик.

Кўчалар супуриб-сидирилган, фақат, йўл четидаги оқава сувларга мўлжалланган бетон ариқчалар у қадар тоза эмас, у ер-бу ерида ҳар турли чиқиндилар, хас-хазонлар тўпланиб қолган эди.

Қурилиш, янгиланишлар эса шаҳар четларида ҳам жадал суръатлар билан борар, таъкидлаб айтиш лозимки, Ҳирот таниб бўлмас, ақл бовар қилмас даражада тез ўзгарган эди; у кейинги уч-тўрт йил ичида ободончилик борасида камида ўттиз-қирқ йил олға кетгандай эди. Фақат баланд бўйли қарағайлар ва сарв дарахтлари 1993 йилги Ҳиротни эслатар, ўшанда тартибсиз ўсиб ётгандай таассурот қолдирган бу кўҳна дарахтлар қайта, тартиб билан экиб чиқилгандай - йўлларнинг икки бетида саф тартиб турарди.

Кўчалар қиёфаси, дўконларнинг жойлашуви Машҳадни ёдга солади. Умуман, қурилиш, ободончилик бораларида ҳам Эронга интилиш, нусха олиш, тақлид сезилади. Аммо гулзорлар ўзига хос, хиёбонлар ўзгача эди.

Қатнов тигиз ва автоуловларнинг кўпи янги, аввалги сафар чоғида кўрганларимиз – эски, шалоғи чиққан машиналар кам.

Меҳмонхона ва ресторанларда эронийлар, покистонликлар кўп, кўчаларда тез-тез ҳарбий ё полис кийимидаги америкалик қиз-жувонлар фавкулудда ғалати ҳодисадай кўзга ташланади.

Шу кетишда Ҳирот ҳадемай дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланиши шубҳасиз, деган фикр кечади кўнглимдан. Юрт тинчу эл омон бўлса, албатта...

Дарҳақиқат, биз сафардан қайтгач, Тошкентда яшаётган афғонистонлик ўзбек олимлари, адабиётшунослари Абдуҳаким Жузжоний, Шафиқа хоним ва Ҳалим ©рқинларга ўз таассуротларимизни сўзлаб берганимизда, Жузжоний домла:

- Иншооллоҳ Афғонистон беш-ўн йилда иқтисодий жиҳатдан ўзини тиклаб олади, - деди ишонч билан.

Ҳиротда либослар ҳам анча ўзгарган, аниқроғи, маданий кийинганлар кўпайган эди. Ҳатто аёлларнинг чодраларида ҳам янгиланиш бор. Узун, этаклари пойафзалини мутлақо ёпиб ер супуриб, тупроқ чангитиб юрадиган, эски, ўнгсиз ҳижоблар ўрнини анча ихчамлашган, янги, тиниқ рангли газламалардан тикилган чодралар олган, улар остидан энди оёқ кийимларигина эмас, оқ, жигарранг ва бошқа тусдаги шалварларининг жиякли почалари ҳам бемалол кўриниб турарди. Чашмбандларнинг кўз устига мўлжаллаб тўқиладиган тўрлари доираси ҳам чамамда анча кенгайган эди: илгари фақат миҷжа билан қабоқ оралиғи тўрли бўлса, энди бу «имтиёзли» худуд ўрамига пешонанинг бир қисми ва бурун соҳасининг ярми ҳам кира бошлаган эди. (Дарвоқе, қишлоқларда ҳижоб масаласига муносабат ўзгачароқ эканлигининг ҳам гувоҳи бўлдик. Майманадан Ҳиротгача аёлларнинг юз парда тутгани онда-сонда учрарди, аксарияти бошига ҳар хил матолардан бетни тўсмайдиган, олди очиқ ёпинчиқ солиб олишганди. ©пинчиқларнинг орқаларидаги узун барлари ерга тегай-тегай деб( томорқаларда ҳам) юришарди.

Йўл-йўлакай Ҳирот университетининг маъмурий биносини излаб ҳуқуқшунослик факультетига кириб қолибмиз. Бу ерда ёдимизда қолган воқеа шу бўлдики, Тоҳиржон бизга йўлакда гурунглашиб турган талаба йигитлардан бирини кўрсатиб, «Амир Исмоилхоннинг ўғли», деди. Кўринишидан содда, ювошгина эди, ҳарқалай, падари бузруквориникига ўхшаган кўзларида «Мен фалончининг арзандасиман» деган ифодани, кибр нишонасини пайқамадик.

Университет маъмурияти шаҳар четроғидаги ҳали тўла битказилмаган янги бинога кўчган экан. Ректор – эски танишимиз Абдурауф Мухлис (у аввал вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи эди) бизни эшик олдида кутиб олди ва ҳаммамиз билан самимий, кадрдонлардай кўришиб, ичкарига бошлади.

Олийгоҳ йўлакларига, хоналарига гилам, палос тўшалган, одатдагидай очиқ ер йўқ. Ялангоёқ ё пайпоқ билан юриларди.

Дорилфунун талабалари, ходимлари орасида қиз-жувонлар ҳам бўлиб, улар чодраларини ечиб қўйишган, юзлари очиқ, фақат кўйлакларининг енги ва этаги узун, рўмол ёпинишган эди.

Ректорнинг хонасида ҳам муаллимлар пайпоқчан ўтиришарди.

Абдурауф Мухлис столи устида компьютерлар, қалин муковали китоблар. Ўнгда, дераза ёнида Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай ва Ҳирот ҳокими, худуд раиси Амир Исмоилхоннинг биргаликдаги сурати, чап бурчақда ўртача ҳажмдаги телевизор.

Стол, юмшоқ курсилар одмигина. Деворда оддий бир осма соат, шифтда иккита ел паррак, шиша қопқоқлари соддагина қандил – чироқ – кенгина хонадаги бор жиҳоз шулардан иборат.

Устод Мухлис ҳам худди мавлавий Анбарий каби Бобур фондининг кейинги йиллардаги фаолияти билан қизиқиб, қисман хабардорлигини маълум қилди. Зокиржон ака Афғонистон худудидан ўтиши мўлжалланаётган халқаро йўл, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Алишер Навоий ва бошқа буюк аждодларимиз қабр-мақбараларини ободонлаштириш тўғрисидаги қарори, Бобур экспедициясининг сўнгги илмий сафарлари, галдаги мақсад ва режалари борасида қисқача гапириб берди, кеча Деҳи Канордан Лutfий ҳазратлари қабрини топганимизни суюнчилади.

Ректор Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро даҳмаларининг қисмати ҳақида куюниб сўзлар экан, илму фан, адабиёт юлдузлари дафн этилган Мусалло майдонидаги сағаналарнинг Амир Абдурахмон даврида, инглизлар билан ҳамкорликда вайрон этилиб, ғиштлари бошқа жойларга ишлатиш учун олиб кетилганлигига кўп таассуф билдирди.

- Ҳатто Гавҳаршодбегим масжид-мақбараси ҳам омон қолмаган, - деди у ғижингандай бир алфозда.

Кейин Абу Райҳон Беруний қабрининг аҳволи ҳақида гап кетди. Зар қадрига заргар этади-да.

- Уни нафақат шарқ, балки ғарб дунёси зиёлилари ҳам биладилар, эъзозлайдилар. Буюк аллома умрининг катта бир қисми кечган Афғонистондаги даҳмасининг бугунги ҳолати албатта жуда ачинарли, - деди Мухлис жаноблари янада жиддий тортиб. – Сизлар билан ҳамкорлик қилиш ва бошқа бораларда ният-истакларимиз бисёр эди, - дея давом этди у ҳаяжонли оҳангда, - урушлар кўп орзу-умидларимизни барбод қилди. Кўхна, муштарак маданиятимизнинг улкан намоёндалари Абдурахмон Жомий ва Мир Алишер Навоийларнинг дўстлик анъаналари, дурдона асарлари бизларни ҳамиша бирлаштириб турмоғига иймоним комил. Уларнинг мақбараларини тиклаш, таъмирлаш ҳамкорлигимизни, ҳамжиҳатлигимизни янада мустаҳкамлайди, барқарорлаштиради, у буюк устозларнинг руҳлари ҳам шод бўлади, ҳар икки халқ зиёлилари, аҳли илмини кўллайди. Сиз раҳбарлик қилаётган фонд ва экспедициянинг бу хусусдаги ташуббуси ва ташкилотчилиги ўзлигини биладиган, ўз маданиятини қадрлайдиган ҳар бир миллат вакилига катта ибратдир.

Суҳбат қизиқ, Абдурауф Мухлиснинг эҳтироси жўшиб борар, аммо бизни яна бир ҳаяжонли, қутлуғ ва шарафли вазифа кутмоқда эди.

Соат ўн иккиларда лавҳа-тошни олиб, яна Деҳи Канорга, Буталай даштига равона бўлдик.

Абдул Ваҳоб чиндан ҳам хийла тетиклашиб қолган эди. Балки, Лutfийнинг қандай улуғ ва машҳур зот эканлиги ҳақидаги гапларимиз ва лавҳа-тош қўйишга аҳд қилганимиз унда зиёратчилар кўпроқ келишига умид уйғотгандир. Эҳтимол, у кеча қайтиб келишимизни айтганимизда «ҳа, энди гапирди-қўйишди-да», деган бўлса, бугун бизни кўриб чехраси ёришиб кетгандир.

Лutfий қабри – кўрғончаниннг кун чиқиш томон девори ўрталаб ўйилиб, тоқчасимон ботиқлик яратилди-да, олиб келганимиз оқиш-кулранг мрамар лавҳа-тош ўрнатилиб, чор тарафи суваб, маҳкамланди. Шайх, Тоҳиржон, Муҳаммад Анвар ва Илҳомжон газета тили билан айтганда, ҳашарда фаол иштирок этиб, жонбозлик кўрсатишди. Раҳбар билан камина сув-пув ташиб, сидқидилдан «ҳа, бўлинглар», деб турдик. Фаррух одатдагидай «съемка» билан банд эди.

Дарвоқе, мрамар тахтага битилажак сўзларни кечкурун биз ихчамроқ қилиб ўзбекча ёзиб эдик, муҳтарам мавлавий Анбарий ўн бешинчи аср Ҳирот адабий услубига хос муболағавор иборалар билан тўлдириб, форсчалаб берган эди. Матн ушмундоқ бошланади:

«Хувал ғафурил раҳийм. Ин оромгоҳи ғаввоси дарёи лутфи суфҳони Мавлоно Лутфий Ҳеравий аст. Ки, аз бузургони фазли ва адаби асри дурухшон Темирёни донишпарвар дар Ҳирот ба шумори уст. Ба умру наводиру солаги ба тарих 1464 мелодий. Ба Раҳна ҳақ пайваст».

Айни дақиқаларда биз Америкадан ҳам каттароқ бир қитъани топгандай ўзимизда йўқ эдик. Мармар тош қўйиш маросими ниҳоясига етгач, яна бир-биримизни қучоқлаб, табриклашдик. Тўғри, биз том маънода кашфиёт очганимиз йўқ, лекин, ҳарқалай, хайрли бир иш қилган эдик. Ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли бир намоёндаси қабрининг йўқ бўлиб кетиши олдини олиб қолгандек ҳис этардик ўзимизни. Аёнки, мавлоно Лутфий ва унинг қаерга дафн этилганини биладиганлар Ҳиротда саноқли қолишган, улар ўтиб кетишса, бу ноёб ёдгорлик узоқ вақтларгача номаълум бўлиб қолиши, келажак авлодлар кўп афсусу надомат чекишлари мумкин эди. Албатта, биз қўйган тош, бу – муваққат чора, балки келгусида айни шу жойда мавлоно Лутфийнинг шуҳратга мос улуғвор мақбараси бунёд этилар...

Хуллас, ўз ишимиздан мамнун бўлиб, ушбу шодиёнани Шайх Ваҳобнинг ўн беш метр ер остидан чиқадиган қудуғи суви (бирам мазали татидики...)дан ичиб, юз-қўлларимизни қайта-қайта ювиб нишонладик. Лутфий ҳазратлари ҳаққига тиловат қилгач, шайхга атаган назру ниёзларимизни бердик-да, бутун чарчоғу икки кунлик силкинишлар азобини унутиб, баланд руҳ билан Ҳиротга қайтдик.

Меҳмонхонада Зокиржон ака кўпдан бери ўйлаб юрган бир ниятини амалга ошириш, яъни Бобур халқаро фондининг Ҳирот бўлимини ташкил этиш мавриди келганини, бўлим бошлиқлигига мавлоно Лутфий, Алишер Навоий ва бошқа улуғларимизга бўлган юксак эътиқоди, кечадан буён қилаётган саъй-ҳаракатлари, жонкуярлигини инобатга олиб, мулло Тоҳир Анбарийни лойиқ топганини маълум қилди, Биз, албатта, маъқуладик.

## ЯНА БИР АРМОН....

*14 август, пайшанба*

Ҳирот билан боғлиқ режаларимиз ниҳоясига етай деб қолди. Бугун йўлга чиқамиз. Эрталаб меҳмонхона нозири минералсиз сув ва бошқа чанқовбосди ичимликлар ҳадя этиб, кузатиб қўйди.

Хўжа калла жаддаси (шоҳқўчаси)дан юрдик. Эски бўлса-да, сақлаб қолинган Ихтиёриддин қалъасининг (уни Ҳирот қалъаси ҳам дейдилар) баланд, мағрурона қадди-басти узоқдан, янги бинолар орасидан кўриниб турарди.

Алишер Навоий, Гавҳаршодбегим марқадрларини зиёрат қилиб ўтмоқчи эдик. Ҳали эрта бўлгани учун темир дарвоза ичидан берк экан. Дарвоқе, собиқ Мусалло майдонининг бир қисми – қарийб тўрт гектарлик худуд атрофи кўрғонланиб, унга «Гавҳаршодбегим боғи» деган ном беришибди.

Дарвозани анча тақиллатдик, ҳеч ким очмайди. Эшик панжарасидан мўралаймиз - узоқроқда бир одам майкачан лўкиллаб, Гавҳаршодбегим иншоотини айланиб ўтяпти. Биз томонга қараб ҳам қўймайди. Кўчада кетаётган бир болақайни тўхтатиб, бир неча афғони берган эдик, темир дарвозанинг баланд панжарасидан ошиб ўтди-да, анча ҳаяллаб қоровулни топиб чиқди. Паст бўйли, қорагина амаки уйқуга тўймаган шекилли, ичкаридан осилган қулфга хушламайгина калит солар экан, каллаи саҳарлаб келишади-я, деган мазмунда ғудранди.

Дарвоза рўпарасидаги йўлак тўғри Гавҳаршодбегим мақбарасига олиб борар, унга етмай бериқокдан ўнгга – Навоий даҳмасига буриларди.

Йўлак четларига турли гуллар экилган, аммо улар ола ва тартибсиз: бири бўйчан, бири

пакана, бунинг устига ҳар хил ёввойи кўкатлар мен сандан камми, деб гуллардан ҳам ўсиб кетган эди. Ичкарироқдаги шудгорсимон пайкалларга ҳеч нарса экилмаган, қаровсиз эди.

Кўп улуғларимизнинг мангу оромгоҳи, урушлар туфайли вайронага айланган табаррук жойларни келажакда таъмирлаш, ободонлаштиришни ният қилган Зокиржон Машрабов бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи 1994 йили махсус сафар билан Ҳиротга келиб, Мусалло майдонининг топографик-геодезик ва муҳандислик ҳисоб-китобларини, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро мақбараларини қайта тиклаш лойиҳаларини тайёрлаб қайтган эдилар.

Бобур халқаро илмий экспедициясининг ана шу саъй-ҳаракатлари таъсиридами, Ҳиротда Гавҳаршодбегим мадраса-мақбарасини таъмирлаш бошланган эди. Умуман олганда, бу ерда ҳам хийла ўзгариш юз берган: кўрғон қилиниб, пухта дарвозалар қурилганининг ўзи тарихий ёдгорликларга берилаётган эътибордан далолат эди.

Навоий сағанаси гумбазининг ҳам ўқ тешиб ўтган жойлари «ямалиб», анча ўзига келтириб қўйилган, ҳатто унинг икки қанотли оддий ёғоч эшигига ҳам қулф урилган эди.

Мақбара пойига чўнқайиб, Мусалло майдони остида ётганлар, хусусан, Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро ва бошқаларнинг руҳларига қуръон ўқидик.

Орқамизга қарай-қарай дарвозадан чиқдик. Ҳазрат Навоий: менга кўрсатган ҳурматларингиз учун ташаккур, аммо менинг пири калонимни зиёрат айлаб қайтсаларингиз руҳим кўп шод бўлур эди, деяётгандай туюларди. Албатта, ўзимизнинг дилимизда ҳам шу ният бор эди.

Форс-тожик адабиётининг мўътабар сиймоларидан бири, шоир, мутафаккир Абдурахмон Жомий умуминсоний мавзудаги шеърий, насрий, илмий асарлари билан, қолаверса, буюк Алишер Навоийга устоз ва замондошлиги билан бизга яқин ва қадрлидир. Агарчи, Жомий Навоийдан ўттиз ёш улуғ эди, вале улар чин дўст, ҳаммаслак эдилар. Икки буюк қалам соҳибининг ҳам энг сара асарлари яратилишида уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳамфикрлиги, маънавий уйғунлигининг хизмати беқиёсдир. Ҳар иккиси бир неча асарини бир-бирининг даъвати, маслаҳати ва таъсирида битганлигини ўзлари ҳам, адабий жамоатчилик ҳам тан олади, эътироф этади. Айни вақтда Абдурахмон Жомий ҳам Лутфий, Навоий каби ўз ижоди ва ижтимоий фаолияти билан ўша даврдаги фан ва маданият, санъат ва адабиёт ривожига катта таъсир кўрсатган.

Алишер Навоий Жомий ҳазратларини бундоқ таърифлайди: «Дунё ва охиратни бир оҳ билан ўртаган, пок ошиқлар сарвари, ерда, фаришталар оламида яшовчиларнинг шайхулисломни, тўғри йўлга бошловчи улуғ зот, миллат ва диннинг нури...». Заҳириддин Бобур эса Ҳирот адабий муҳитига кенг шарҳ берар экан, «Бу жумладин бир мавлоно Абдурахмон Жомий эдиким, зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши йўқ эди. Шеъри худ маълумдир», деб ёзади.

Абдурахмон Жомийдан улкан ва ранг-баранг бадиий ҳамда илмий мерос қолган. Тахминларга кўра, унинг асарлари сони юздан ортиқдир. Булар орасида, айниқса, «Баҳористон» тазкираси, «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Хирадномаи Искандар» дostonлари машҳурдир.

Жомий бадиий асарда чуқур мазмун ва юксак бадиийлик бўлиши лозимлигини тарғиб қилар, ўша даврга хос жимжимадорликни, шаклбозликни хуш кўрмас эди. У ўзининг бу борадаги қараш ва фикрларини қуйидаги бадиий ибораларда лўнда ифода этган: «Маъшуқанинг юзида қора хол бир ёки икки дона бўлса, чиройли, бордию чехранинг ҳаммасини хол босиб кетса, бу хунук».

Шунингдек, устоз жимжимадор ва ваҳимали, ғайрича ташбеҳлар қўллагувчи шоирларга очикдан-очик: «Сиз шеър айтасизму ё одам кўрқитасизму?» дея танбеҳ берар экан.

Абдурахмон Жомийнинг қабр-мақбараси анча нарида – шаҳарнинг кун ботиш томонида эди. Ўтган сафар келганимизда бу ердаги аҳвол ҳам жуда ачинарли – вайрон бўлган сағананинг тош-ғиштлари бир пастак кўрғонча ичига уйиб қўйилган эди, вале, рост, батартиб ва саришта эди.

Марқад уй шаклида қайта тикланган, фақат ҳали батамом битмаган эди.

Жомий ёдгорлик мажмуининг ён-атрофида бошқа қабр-тошлари ҳам кўп эди ва шулардан бири, айрим ноаниқ маълумотларга қараганда, Навоий қадрлаган ва меҳр билан тилга олган мусиқа устаси Юсуф Андижонийники бўлиши керак эди. Афсуски, уни тополмадик, тўғрироғи, аниқлолмадик. Фаррух билан Муҳаммад Анвар анча ҳаракат қилишди, лекин қабр тошларига ёзувлар турли, мураккаб услубларда битилгани, қолаверса, беш асрлик шамоллар, тўфонлар, иссиқ-совуқлар таъсирида ҳарфлар хира тортгани боис ўқиш қийин, вақт эса ўлчовли эди. XV аср Ҳирот маданий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган машҳур созанда, муғанний Юсуф Андижоний қабри ҳам топилса, юртимизга бориб овоза қилар эдик, афсус... Ҳай, начора, бу ҳам шунча афсуслардан бири-да... Шоир айтганидай:

### **«Фурсатинг етмайди доим, Ҳеч қачон етган эмас».**

Лекин аслини олганда айб ўзимда. Агарда Юсуф Андижоний ҳаёти ва фаолияти билан жиддийроқ шуғулланиб, кўпроқ маълумот билан унинг шоён эътиборга лойиқ шахс бўлганлигига, раҳбарнинг ўз таъбири билан айтганда, имонини комил қилганимизда, у вақтни аямаган бўларди, албатта.

Аммо кейинроқ қуйидаги ҳикояни ўқиб, алашим баттар ортди:

«Султон Бойсунқур замонида Хожа Юсуф Андугоний (*Андижоний – Қ.К*) етти иқлимда тенги йўқ хонанда ва созанда эди. Унинг «Довудий»си Юсуф дилини тирнар, «Хусравоний» оҳанги жигарни поралаб, туз сепар эди. Султон Иброҳим ибн Шохруҳ Шероздан бир неча бор одам юбориб, Бойсунқур Султондан Юсуфни сўраттирди. (Лекин) Бойсунқур рад қилаверди. Охири Иброҳим Султон Хожа Юсуфни юборсин, деб, унга 100 минг динор нақ пул жўнатди. Бойсунқур Мирзо инисига мана бу байтни жавоб ўрнида йўллади:

***«Сотмагаймиз биз Юсуфни ҳеч қачон,  
Айла сен қора чақангни эҳтиёт<sup>1</sup>».***

Манбаларда Навоийнинг яна бир Юсуф Андижоний билан Самарқандда танишгани ва суҳбатдошлиги зикр этилади. Масалан, Вадуд Маҳмудий ҳазрат Навоий «Машҳадда турғонда Бобурнинг<sup>2</sup> вазири мавлоно Ҳумойи, шоири машҳури Хуросон Шайх Камол Турбатий, Самарқандда мавлоно Юсуф Бадиҳий Андижоний ва сўнгра Ҳиротда ўнларча шоир, адиб, санъаткор ила бирга бўлди»<sup>3</sup>, дея таъкидлаган.

«Бобурнома»да муаллиф Юсуф Бадиҳий Андижонийга Ҳиротда яшаган шоирлар қаторида алоҳида тўхталади, машҳур созанда Хожа Юсуф Андижонийни ушбу вилоят элига таъриф бера туриб тилга олиб ўтади. Умуман олганда, ўша даврларда Осиёда, шу жумладан Андижонда, хусусан ижодкорлар орасида Юсуф исми-шарифи хийла урф экан чоғи, айрим адабиётларда Навоийнинг Самарқандда икки андижонлик Юсуф (бирининг таҳаллуси

<sup>1</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. «Тазкираи шуаро», Ғ. Ғулом нашриёти, 1981 й, 140-б.

<sup>2</sup> Абулқосим Бобур

<sup>3</sup> «Ёшлик» журнали, 1991 йил, 5-сон.



Сафой) билан ошно бўлгани баён қилинади. «Бобурнома»да ҳам ўндан зиёд Юсуф бор.

Султон Ҳусайн Бойқаро қабри атрофи ҳамон нообод, унинг шахсиятидан қолган бирдан-бир ёдгорлик – етти қатли нақш битилган қора ялтироқ мармар сағана тоши ҳамон мунғайиб турарди. Султон Ҳусайн даврида Хуросон мамлакати, хусусан, унинг пойтахти Ҳирот иқтисодиёт, қурилиш-меъморчилик, ободончилик борасида юксалган, маданий-маърифий соҳалар, айниқса бадиийёт беқиёс тараққий топган эди.

Алишер Навоий эътирофи, умуман тарихий маълумотларга кўра, Султон Ҳусайн сўз аҳли номи ва шаънининг муносиб тарзда эъзозланмоғи учун барча шарт-шароитларни муҳайё этишга уринган, шахсан ўзи олиму шуаро, фозилу фузалоларни туркий тилда ёзишга ундаган, рағбатлантирган. Ҳар хил суҳбат-мулоқотлар, анжуманлар ўтказиб, уларда ўзи қатнашар, шеър уилм бобида иштиёқи, иқтидори бўлганларни ҳар жиҳатдан қўллар эди. Ижодга, бадиийатга дахлдор масалаларда ҳар доим Алишер Навоий билан бамаслаҳат иш тутар, уни ўзига устоз деб биларди. Навоий «Хамса»ни ёзиб битирганида уни оқ отга ўтказиб, ўзи жиловдорлик қилиб, халойиқ олдида айлантириши ҳам Султоннинг дўсти ва сафдошига, шеърятга эътироми, эътиқодидан дарак беради. Ҳусайн Бойқаро туркий шеърятни баланд мақомга кўтаришда пешқадамлик қилган, ўз шахсий ибрати ва мадади билан бошқаларни эргаштира олган катта куч – тўртлик (Лутфий, Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро)дан бири бўлган.

Бугун эса унинг қабри қаровга, эътиборга муҳтож. Умид қиламизки, яқин йилларда бу жой ҳам обод бўлғай.

Навбатдаги зиёратгоҳимиз Гозургоҳ эди. Шимоли шарққа қараб кетган йўл ханжардай тўғри, ялтиллаган асфальтли. Икки бетда хунрезликларда қурбон бўлган инсонларнинг якка ва жуфт-жуфтликда чизилган суратлари ачиниш ва урушга, ваҳшийликка нафрат уйғотарди.

Ўтган гал тош сўкмоқлардан узоқ айланиб, истаб-сўраб аранг топган эдик. Бу сафар бирпасда етдик. Гозургоҳ ёдгорликлар мажмуининг асосий бойлиги Абдулла Ансорий мақбараси эди. Бу ер ҳам батамом ўзгариб кетган. 1993 йили кўрилган манзаралар кечагидай кўз ўнгимда. Ўшанда сағана ҳовлисига кираверишдаги баланд гумбаз остида, ҳозир автомашиналар бекатига, зиёратчилар билан гавжум ва обод гузарга айланган майдоннинг икки тарафида оқ, сарғиш, кўкимтир қуюқ соқоллари кўксига тушган қария-шайхлар чордона қуриб, жимгина ўтиришган эди. Улар орасида ёш болалар ҳам бор эди. Кексаларнинг нигоҳида ғам ҳам, ташвиш ҳам, хурсандчилигу изтироб ҳам – умуман ҳеч қандай ифода, сезилмасди. У кўзлар одамга ҳорғин, лоқайд боқарди, улар яшашдан толиққан ва зериккандай, ҳамма нарсадан умидини узгандай туюларди. Улар тасаввуфдаги уч босқичдан бири бўлмиш тариқатнинг сўнгги манзили - «ризо» мақомининг авж палласини бошдан кечирувчиларга ҳам ўхшаб кетишарди.

Менга бутунлай нотаниш бўлган ўша ҳолат рус ёзувчиси Куприннинг «Кўр мусиқачи» қиссасидаги бир лавҳани эслатиб юборган эди. Кўзи ожизлигидан сиқилиб, афеус чекиб, ҳаётдан совий бошлаган болани етаклаб, тиланчилар тўдаси олдидан айлантиришганда, у ўзининг аҳволи тиланчиларникидай аянчли эмаслигига ишонч ҳосил қилиб, шукр келтиради, унда яшашга иштиёқ қайта уйғонади. Гумбаз остидаги манзара эса янада бошқача - одамни сескантирадиган даражада сокин ва тушкун эди. Ўз сукунатлари қаърига ғарқ бўлиб ўтирганлар тиланчига ҳам ўхшамас, ўша қиссадаги каби жарангдору чийилдоқ овозлари билан тўхтовсиз дуо қилишиб, кишилардан муруввату саховат кўрсатишларини ўтинишмас, ўтган-кетганга ақалли қўл чўзишмас, аксинча узатилган пулларни бепарво, ҳиссизгина олиб, олдиларига ташлаб қўйишарди. Бу қадар ғарибона, мажнунона ва сустлик ҳолати ҳатто тарки дунё қилиб, узлатга чекинган кимсаларда ҳам бўлмаса керак, деб ўйлагандим ўшанда.

Даҳмадан сал нарида бир жуфт қарағай остида эса чодрали аёллар давра қуриб, улар ҳам жимгина ўтиришган эди. Уларнинг баъзилари кампирларга, аксарияти ёш қизалоқларга ўхшаб кўринган эди.

Бугун Гозургоҳ манзараси умуман ўзгариб кетган эди. Зиёратга келувчилар кўп, улар орасида қизлар, болали ёш-ёш жувонлар ҳам бор. Уларнинг юриш-туришларида сустлик йўқ, чодралари ҳам бир қадар янги эди.

Гумбаз остида эса бир-иккита қария, ҳақиқий шайх ўтирар эди.

## АБДУЛЛА АНСОРИЙ

*Тасаввуф шоири, адиб, файласуф Ансорий – Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Абу Мансур Муҳаммад XI асрда яшаб ўтган бўлиб, форс мумтоз адабиётида сажъ, яъни қофияли наср турининг асосчиларидандир. Унинг «Муножот», «Сайр этувчиларнинг манзиллари», «Орифларнинг йўл озиқлари», «Илоҳийнома», «Насиҳатнома», «Сирлар китоби» асарлари, «Юсуф ва Зулайҳо» насрий қиссаси ва яна ўнлаб китоблари, рисоалари маълум. Унинг «Вазирларга тухфа» номли насихат асари 19-асрда ўзбек тилига таржима қилинган.*

Ўз замонасининг етук донишманд шоири ва олими Ансорий биз томонларда у қадар машҳур бўлмаса-да, афғонистонликлар, эронликларнинг унга эътиқоди, меҳри ниҳоятда юксаклиги маълум. Дарвоқе, Ансорий ижодига Алишер Навоий ҳам юқори баҳо берган. Қуйидаги теран мазмунли, бадий юксак рубоийлар Ансорий қаламига мансубдир:

**Дийдамда ўзинг аён экансан, билдим,  
Сийнамда ўзинг ниҳон экансан, билдим.  
Излаб сени шу жумла жаҳондин сўрадим,  
Шу жумлаю шу жаҳон экансан, билдим.**

\* \* \*

**Кўнглим, малагим дардини даъво этма,  
Жоним, ғамини ўзингга ошно этма.  
Дарду ғами не унинг – сира айтмасмен,  
Кўксим қуйиги, мени расво этма.**

\* \* \*

**Ишқ келдию ошуфта бўлиб жону кўнгил,  
Дўст меҳригаю дўст ёдига тўлдим буткул.  
Аъзойи вужудимни тамом дўст олди,  
Ном қолди фақат менгаю қолган бари ул.**

\* \* \*

**Юз йил ёнаман оловда, ёнмоқ на эмиш,  
Ёнмоқ менга, ўйла, роҳати кавсар эмиш.  
Сухбат қила кўрма ноаҳллар била ҳеч,  
Ўлмоқ ўшалар сухбатидан афзал эмиш.**

\* \* \*

**Ул субҳи висолдин йироқ эрди адам,  
Ишқинг била бир гўшада эрдик ҳамдам.**

**Кундузлари, ох, қошимда ҳамдам йўқдир,  
Тунлари ғаминг ҳамдам эрур менга, не ғам...**  
*(Жамол КАМОЛ таржимаси)*

- Ансорий бутун ҳиротликларнинг пири, - дейди мавлавий Анварий.

Асли ансорларга – набий Муҳаммад алайҳиссалом Маккадан Мадинага хижрат қилганда ислом динига кириб, пайғамбарни қўллаб-қувватлаган, ёрдам кўрсатган мусулмонларга тақалувчи ансорийларнинг таникли намояндалари кўп бўлиб, саҳобалардан бири ҳазрати Айюб Ансорий ҳам шулар жумласидандир.

Мақбарага ҳукумат эътибори ҳам сезилиб турибди. Кўп йўналишли мазкур мажмуа жиддий таъмирланган ва муҳташам қошонага айлантирилган эди. Ўтган сафар чанг босиб ётган нақшли шифту равоқлар, деворлар энди янги чиннидай яракларди. Ҳатто, тартибга келтирилган йўлаклар ва ёдгорлик кўрғони ҳовлисидаги дид, ҳафсала билан қайта терилган оддий тошлар ҳам ялтирар, хуллас, ялангоёқ ё пайпоқ билан ирганмай юриш мумкин эди.

Оёқ кийимларни ечиб, йўлак ва ички ҳовли-майдонларни айланиб, Ансорий қабрини зиёрат қилгач, гумбаз ичи орқали айланма зиналардан тепага - пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг «мўйи муборак»лари (соchlари) сақланадиган жойга – муқаддас тавофгоҳга кўтарилдик. «Мўйи муборак»нинг бу ерга қандай келиб қолгани билан қизиққан эдик, ислом динини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Сардор Абдурахмон (XIX аср охири) даврида Истанбул мозийгоҳидан олиб келиб қўйилганини айтишди.

Худуддаги биз учун яна бир қимматли обида – Алишер Навоий узоқ йиллар ижодий ишлар билан шуғулланган маскан, ҳозирги тил билан айтганда «ижодхонаси» Ансорий мангу оромгоҳининг ғарби-шимолидаги икки қаватли, ярим тўғарак бино эди. Уни Навоийнинг ўзи қурдирган бўлиб, бу жойда кўплаб мушоиралар ўтказган, балки даҳонинг не-не ўлмас ғазалларию машҳур дostonлари кун чиқишга қараган мана шу табаррук баҳаво болохонада дунё юзини кўргандир. Унинг остоналарида Лутфий, Жомийларнинг муборак оёқ излари қолганлиги ҳам шубҳасиз... Дарвоқе, Бобур Мирзо «Гозургоҳ ва Алишербекнинг боғчаси» деганда шу жойни назарда тутган бўлса керак.

Гозургоҳда бошқа шоирларнинг ҳам қабрлари бор эди.

Шаҳарнинг кўрки, фаҳри, овозаси бўлган шундай ёдгорликларнинг узоқ-яқиндан, хорижий юртлардан келадиган сайёҳлар, зиёратчилар билан гавжумлигини кўриб, Андижонни ўйлайман. Она шаҳримизнинг икки ярим минг ёшга кирганлиги аниқланаётган бўлишига қарамай (шаҳарда олиб борилаётган археологик-қидирув ишларига ҳам Бобур халқаро фонди фаол ташкилотчи ва ҳомийдир), биронта кўзга кўринарли тарихий обида сақланиб қолмаган. Бори ҳам даҳшатли ер силкинишлари оқибатида теп-текис бўлиб кетган. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзонинг қароргоҳи, унинг тўрт томонидаги дарвозаларидан ном-нишона йўқ, фақат ҳовли-жойларга айланиб кетган тепалигу шарқий деворнинг бир қисми бор, холос. «Оқ уй» деган, нисбатан кўхна иншоотни ҳам шаҳар бош режасига «кўндаланг» келиб қолгани учун бузиб юборишган. Яхшики, бир ярим аср бурун Маматалибой исмли саховатпеша томонидан барпо этилган бир мадраса масжиду, чор Россияси зулмига қарши бош кўтарган Дукчи Эшон қатл қилинган майдондаги қалъа («крепость») сақланиб қолган ва ҳар иккиси ҳам музейга айлантирилган. Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан ҳукуматимиз қарори ва Бобур халқаро фондининг саъй-ҳаракатлари туфайли шоирнинг рамзий қабри, бир мозийгоҳ ва бошқа баъзи иншоотлар вужудга келди. Умид қиламизки, келажак авлод учун ана шу обидалар тарихий ёдгорликлар сифатида доимий зиёратгоҳ бўлиб қолади.

Гозургоҳдан орқага қайтдик-да, шаҳарнинг шарқ тарафидаги кўчадан юриб, жануб сари кетган Қандаҳор йўлига тушиб олдик. Бу кўчада ҳам уруш қурбонларининг катта

портретлари кўп. Уларнинг аксариятида турли ёшдаги кишилар чакноқ ё маҳзун кўзлари билан сизга жиддий тикилиб туришади. Уларнинг нигоҳларидан кўп нарсаларни ўқиш ва ўқиш мумкин.

Шаҳардан чиқаверишда, озгина сув шилдираб оқаятган Ҳирот дарёси кўпригига етмай, ўнг қўлда, йўлдан анча пастда мўъжазгина хиёбон бўлиб, унинг ҳар ер-ҳар ерига пушти рангга ҳафсала билан бўялган узун ўтирғичлар қўйилган эди. Бу хиёбон, бу дам олиш маскани мамлакатдаги, жумладан, Ҳиротдаги омон-омонлик, осойишталикдан далолат эди.

Ўйдим-чуқурлари янги асфальт билан ямалган йўлдан ярим соатча юрилгач, дашт бошланди. Олдинда тоғлар, боғлар кўзга ташланди.

Йўлда учраган биринчи қишлоқ Мирдовух эди. Чапда яна боғлар (мамлакатда шунча нотинчлик, уруш ва вайронагарчиликлар юз берганига қарамай, мевали боғларнинг кўплигига қойил қолиш керак), кўчадан сал наридан бошланган паст адирлар тоғлар билан туташиб кетган.

Тоғлар орасига кириб бордик. Ўнгда сувсиз ўзанлар (сув фақат қишда, баҳорда бўларкан) қақраб, тошлари кун нурида йилтиллаб ётибди.

Чорва ҳайвонлари кўп. Улар баланд адирларнинг тепаларида, ён бағирларида, паст тоғларнинг қиршовларида ёйилиб юришарди. Уруш бўлмаганда бу ҳадсиз қир-адирларга кўй-эчкилар сиғмай кетардимикан, дейман. Ҳамроҳлар бу мулоҳазани қўллаб-қувватлайдилар.

Саксон иккинчи километрда Адраскон улусвалига етдик. Икки ён дўконлар. Бундай жойларни «Шаҳар», «шаҳарча», «марказ» дейдилар, барининг мазмуни «бозор»...

Эски металл, темир ва қурилиш буюмлари осмонўпар қилиб ортилган Покистоннинг баҳайбат юк машиналари шарақа-шуруқ қилиб ўтиб қолади.

- Эсизгина металл, - дейди Зокиржон ака. – Афғонистоннинг ўзида темирни қайта ишлайдиган завод йўқлиги учун покистонликлар сув текинга олиб кетишади.

Осмонда узун қанотларини ёйиб учаётган бир қушни кўриб қолдик. Парранда зоти кам учрамоқда эди. Муҳаммад Анварнинг айтишича, илгари Афғонистон тоғларида сор, бургут, лочин, қийғир каби парранда-даррандалар кўп бўлган. Милтиқ, автомат, замбарак каби совуқ ва ёвуз қуролларнинг таҳдидли овозидан ҳуркиб, уларнинг ўқиға дучор бўлишдан қўрқиб, умуман одамзотнинг бемаъни ва бешафқат қилғиликларидан зада бўлиб, узоқ-узоқларга, сокин, бежавотир ўлкаларга кетиб қолишган. Демак, ҳарқандай жониворга ҳам тинчлик, осойишталик керак. Дарвоқе, қушлар ҳам сув ва одамлар бор жойда учишади, деган гап ҳам бор.

Яна дашт. Тиканли сим билан ўралган ҳарбий зоналар, атрофдаги танклар, пулемёт, машина ва бошқа ҳарбий техника воситалари (уларнинг ярқисизлари ҳам, жанговар ҳолатдагиси ҳам бор) нохуш кайфият уйғотади.

Бир соату қирқ диққада 112 км. масофани босиб ўтдик, шу жойда яхши йўл тугаб, ҳароби бошланди. Қушқа – Ҳирот йўли каби дўқиллама, жоннинг азоби эди. Машиналар тирбанд. Эндигина қўйилган магнитофон ўчирилди, яъни, «туғилдию шу он бўғилди». Муҳаммад Анвар ғоят қаттиқ суядиган ҳофиз Шерали Жўраев қўшиқларини раҳбар бу йўлларга раво кўрмади.

- Ашула боп йўл эмас экан, - деди у бизнинг илинжимизга нуқта қўйиш учун.

Замбарак ўқлари кўчанинг дабдаласини чиқариб ташлаган. Пастроқда – дашт ичидан йўл ёқалаб кетган сўқмоқ бор, ундан овтоуловлар ўтганлиги билиниб турар ва ҳозир ҳам юрмоқда эди. Аммо етакчимиз у ёқдан юришга зинҳор-базинҳор кўнмасди.

- Мина бўлиши мумкин, - дерди у жиддий ҳавотир билан. – Афғонистон ҳудудида

икки милёндан зиёд мина бор, ҳали тўла тозалангани йўқ. Бобур халқаро экспедицияси раҳбарияти аъзоларининг жонлари мен учун азиз...

Балки чиндан ҳам шундайдир. Шу эл вакили билгувчироқдир. Лекин барибир у билан ҳазиллашамиз.

- Ўзимиз ҳам ҳали ёшмиз, қолаверса, Тошкентда бола-чақа қолган, денг.

Муҳаммад Анвар шаъмани яхши англайди, кулади, лекин барибир эътироз билдиради:

- Йў-ўқ, мен ростдан айтяпман. Сизлар бизнинг меҳмонимиз, меҳмон, ахир, мўътабар...

Кўпригининг икки томонида урушдан ёдгор танклар қакқайиб турган Фароруд дарёсидан ўтиб, Дашти Бакувога кириб кетдик. Шу йўлда ЖИПимизни андак «йўтал» тутди.

Илҳомжон (бу сафар унинг анча жони кириб қолди) билан Муҳаммад Анвар бир зумда «йўтал» сабабини аниқладилар ва даволадилар – филтрга сув тушиб қолган экан.

## «ДИЛОРОМ»НИНГ ОЗОРИ

Даштларнинг ўзи чиройли бўлмаса-да, номлари чиройли эди: «Дилором» - машҳур дostonлардан яна бирининг гўзал қаҳрамони. Ана шу даштни иккига ёриб кетаётган йўл ёқасидаги емакхона эса «Дилором руд» эди. Шундай ошхонада тўхтамаслик, унинг ажойиб, мазали таомларидан татимаслик мумкинми?

Ажойиб биргина таом – чўғдай товук гўшти эди. Хизматчилар асосан болалардан иборат, энг кичиги - иккинчи синф ўқувчиси, маҳмадонагина Иззатилла бидирлаб, келажакда бир яхши касбни эгаллаб, дурустроқ одам бўлиш ниятларини сўзлар, ўзидан катта икки ўспиринга дадил-дадил иш буюрарди.

Ошхонадан чиққач, Дилором-ку шунчаки исм, руди қаёқда экан, деб қараб бояпмиз, дарёдан эса ном-нишон кўринмасди. Ҳа-да, «чак» этган томчи йўқ дашту-бийёбонда шовуллаб оқаётган азим дарё на қилсин! Балки ном ҳам тарихийдир... «Дилором...» Оҳ, уни кўп суйдик, аммо ишвагар «соҳибжамол» бизни анча ҳалак қилди...

Йўлда на бир белги, на қоида ва на назорат маскани бўлсин! Бир-икки жойда очикдан-очик пул сўрашди. Тоғ орасидан, пастроқ довондан ўтаётганимизда тагин милтиқли, соқоллари ўскин икки киши тўхтатди. Анвар соҳиб (у энди орқада ўтирган эди) Зокиржон акадан пул олиб йўлтўсарларга берди-да, Илҳомжонни тезроқ ҳайданг, деб қистади ва бир оздан кейин изоҳ берди:

- Тоғ тепасида уларнинг яна иккита милтиқли шериги турувди.

Хуллас, йўлтўсарлар ҳукумат томонидан қўйилган назоратчиларми, шунчаки «тиланувчи» ё туновчиларми – билиб бўлмасди. Аммо ҳаммасининг қўлида қурол – калта милтиқ ё автомат бор, кийимлари ҳам бир хил – қора. У ҳарбий формада, оддий либосми, буни ҳам ажратиш қийин.

Атрофдаги тоғ, адирлар, албатта, жуғрофий, геологик жиҳатдан бой, қизиқарли бўлиши мумкин, лекин қаламқашлик нуқтаи назаридан камбағал, ғариб эди: саҳросифат далалар ва даралар ҳам, адиру тоғлар ҳам бир-бирига жуда ўхшаш. Онда-сонда учрайдиган етим тоғ бўлаклари карвонидан адашиб қолиб кетган бўталокни эслатиб юборади.

Куёш олов пуркайди, соя-салқин жой йўқ. Юк ташувчи ҳайдовчилар машиналари остида овқатланишар, дам олишарди. Айниқса, бузилиб қолган автуловларини майкачан ё бутунлай яланғоч елкасига куёш тифлари қиздирилган найзадек санчилиб, терлаб-пишиб

тузатаётганларга раҳмингиз келади.

Қовжираб ётган янтоқлар орасидан кўкка парвоз қилган кўкимтир ёввойи кабутарлар хаёлимни олади. Ажабо, яқин-орада маҳалла йўқ, қаёқдан келиб қолишдийкин ё шунақа чўлларда яшайдиган каптарлар ҳам бўлармикин, дея хайрон бўламан.

Кўча - ўша-ўша: замбараклар кўпориб, ўпириб ташлаган, ҳар лаҳза ғилдираклар чуқурга дўкиллаб тушиб, вужудингизни силкитади. Ҳар силкиганда миянғизгача зирқираб кетади, қолаверса, йўл унмайди. Бу зерикарли, бефайз саҳродан қачон қутуламиз экан, деган ўй шуурингизда айланаверади.

- Етай деб қолдикми? – деб сўраймиз Муҳаммад Анвардан. Албатта, у бутун Афғонистонни айланиб чиққан тақдирда ҳам, ҳамма йўлу шаҳарлар ёдида туравермайди-ку. Лекин ҳамроҳимизнинг ўз ватани худудларини яхши билишига қойил қолиш керак.

- Қандаҳорга оз қолди, ҳадемай кириб борамиз, - дейди у бизга таскин бериб.

- Орада шаҳар-пахар ҳам келадими ё нукул чўлу биёбонда юраверамизми лўкиллаб? – савол берамиз яна аламимизни кимдан олишни билмай.

- Бор, Гиришк деган сўлим шаҳарча бор, - дейди бояқиш мезбон-сарбонимиз одатича самимий кулимсираб. Унинг асли самимий, беғараз инсонлигига, асаби ҳам мустаҳкамлигига сафар давомида кўп бор ишонч ҳосил қилдик. Ҳар қандай вазиятда жилмайиб тураверади.

Ҳар ер-ҳар ерда болалар белкуракда йўлнинг чуқур-чақа жойларига марзадан қум, тупроқ олиб ташлаб турадилар, бунинг эвазига «хизмат ҳақи» тиланадилар. Ҳайдовчиларнинг ҳаммаси ҳам бола-бақраларнинг хайрли меҳнатини тақдирлайвермайдиганга ўхшайди. Бироқ, болакайлар ҳам анойи эмас эдилар, улар машина яқин келганда белкуракларини апил-тапил ишга солишар, пул берганга ташаккур айтиб, бермаса жаҳл билан қўл силкиб, тош тепиш ва бошқа эрмаклар билан андармон бўлишар, автоулов қораси кўринди дегунча, яна ҳандақчалар яқинига бориб, тупроқ чангитишга киришардилар.

Аммо чиндан ачинарли, аянчли манзаралар ҳам учрайди. Йўл четида ёлғиз кексалар, ҳассасига таянган кўзи ожиз кимсалар ёнида набираси (балки у ҳам ёллангандир) билан, оч ва ночор тиланчи каби қўлларини чўзиб, қафтларини очиб турадилар. Бўш елим шишаларини кўрсатиб сув сўрайдиганлар ҳам бор.

Бу одамлар узоклардаги маҳалла-овулардан келишаркан. Сабаби тирикчилик, албатта...

Унда-бунда битта-иккита уйлар, ташлаб кетилган «қишлоқлар» кўзга ташланади. Ҳа, уларни нима деб аташга ҳам хайрон бўламиз – йигирма-ўттизта, ундан кўпроқ уйлар (улар ҳам тўрт томони лойсувоқ девордан иборат кўрғончалар). Томсиз, ёғочлари бузиб олиб кетилган ё ўтин учун ишлатиб юборилган бўлса керак, бўм-бўш – кўз олдингизга вабодан кейинги ҳолат келади.

Оғишмай, ҳеч қаёққа бурилмай боряпмиз. Йўл анча ўнгланиб қолган эди. Аммо тўғри, тикка кўча, узок масофа одамни чарчатади, зериктиради, кўзни толдиради.

Ниҳоят, сўлим шаҳарча – Гиришкка етдик. У анча гавжум ва обод эди. Қовунхўрлик қилдик.

Гиришкдан кейин фавқулудда манзарага рўбарў келдик – йўлни кесиб ростмана сой ўтган эди. Сув бор жойда ҳаёт бор-да, анҳорнинг икки қирғоғига қовун-тарвуз, маккажўхори экилган, бўз кўйлакка атлас ямоқдай, экинзор ерлар ям-яшил, нарёғи қўнғир тусли бепоён далалар.

Ҳадемай яна даштлик бошланди. Пиримсан, деб йўл юриб, йўл юрсак ҳам том маънода

мўл юриб, ўн икки соатда 545 километрлик масофани босиб - Афғонистон шароитида бу Гиннеснинг рекордлар китобига ёзиладиган кўрсаткич - соат кечки саккизларда Қандаҳорга кириб бордик.

## ҚАНДАҲОР

*Мамлакатдаги тўрт йирик шаҳардан бири Қандаҳор, Афғонистоннинг жанубий қисмида, ғарбий Ҳиндикуш тоғлари этагида жойлашган қадимий кентлардан. 12-13-асрлардаёқ йирик савдо маркази бўлган. 13-асрда Чингизхон, сўнгра курдлар сулоласи босиб олган. 14-аср охиридан Амир Темура ва темурийларга бўйсунган. 16-17-асрларда муҳим савдо ва стратегик марказга айланади. 17-аср ўрталарида Қандаҳор Эрон шоҳи Исмоил Сафавий қўл остига ўтади. 1709 йили Қандаҳор ва вилоят аҳолиси сафавийларга қарши қўзғолон кўтаради. Натижада Қандаҳорда Гилзои ҳокимлиги вужудга келади. Сўнгра эроний Нодиршоҳ Афшар босиб олиб, шаҳарни вайрон қилади ва четроқда янги шаҳар бунёд этиб, уни Нодиробод деб атайди. Кейинчалик Аҳмадшоҳ вайрон бўлган Қандаҳор шаҳрини ўрнида қайта тиклаб, унга ўзининг исми-шарифини қўяди ва 1773-74 йилларгача бу жой дурронийлар давлатининг пойтахти бўлиб туради.*

Лекин халқ шаҳарнинг азалий ва аслий номини унутмайди, замонлар ўтиб уни қайта тиклайди.

Бобур Мирзо ҳам Қандаҳорни бир неча марта қўлдан чиқариб, бир неча бор эгаллаган, аммо ўзи бу шаҳарда муқим турмаган.

Аслини олганда Қандаҳор энг жафокаш шаҳарлардан бири. У Эрон ҳукмдорлари, Шайбонийхон ва Бобуршоҳ ўртасидаги ўзаро талаш жанглар натижасида кўп талофат кўрган, бир неча бор у ерда вабо ҳам тарқалган.

Қандаҳор 19-20 асрларда анча замонавийлашган. Умуман бу шаҳарнинг катта нуфузга эга бўлишида ундан Кобул-Ҳирот йўлининг ўтганлиги ҳам катта аҳамият касб этган.

Ҳозир Қандаҳор - вилоят маркази. Шунингдек, у йирик боғдорчилик воҳасининг ҳам маркази бўлиб, анор, ўрик, писта, узум етиштирилади. Гилам, қоракўл тери, кўн ва ҳоказолар билан савдо қилинади. Мовут фабрикаси, мевани қайта ишлаш заводи, металсозлик ва машинасозлик корхоналари, тарих-этнография музейи, аэропорти бор. Шаҳар яқинидан мармар қазиб олинади.

## XXX

Хийла қидирувлардан кейин вилоят ҳокимлиги меҳмонхонасига жойлашдик. Бу вайрона шаҳарда ундан бошқа тунайдиған тузукроқ кўноқхона бўлиши ҳам даргумон, қолаверса, ҳокимликка қарашли жой нисбатан хавфсизроқ эди. Кўлимизда Қандаҳор ҳокими номига ёзилган хат ҳам, йўлланма туридаги бирон-бир ҳужжат ҳам йўқ эди. Таржимонимизнинг оғзаки сўзига ишониб, раҳбарнинг салобатига қараб, Бобур номидаги халқаро илмий экспедицияга ҳурмат бажо айлаб, меҳмонхонага қабул қилишди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди, шунга қарамай, кечки овқатга таклиф қилишди. Емакхонада биз билан шу ерлик бир посбон ва кобуллик ўрта яшар киши бирга бўлишди. Ҳар иккиси ҳам русчани дуруст билишар, фақат пуштунча талаффуз билан гапиришарди.

Кобуллик пойтахтдаги сиёсий вазият, ўтиш даври, ҳукуматнинг бугунги фаолияти, мамлакатнинг мавҳумроқ бўлиб кўринаётган келажаги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Ўзбекистондаги сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаёт хусусида Зокиржон акага бир

неча саволлар берди.

Чўлдаги «Дилоромлар»нинг чўғдай товуқ гўштлари кечаси ўзини кўрсатди. Тонггача баъзи хоналарнинг эшиклари бот-бот ғийтиллаб очилиб-ёпилиб, умумий ювиниш хоналарида сувнинг шариллаб оққани эшитилиб турди. Шунда мен «Дилором руд»да раҳбарнинг гўштан чўқилаб ўтирганини кўриб, жамики масалаларда, хусусан овқатланишда ҳам ҳаётий тажрибаси мўл бу одамнинг эҳтиёткорлигини таърифлашга «ўта» деган сифат ҳам ожизлик қилади, деб ўйлаганимни эсладим. Лекин орамизда ундан ҳам эҳтиётчанроғи чиқиб қолди, бу – умуман нафси тийиқ (у билан илк бор Андижонда учрашиб, Зокиржон аканинг Ҳакандаги чойхонасида паловхўрлик қилганимиздаёқ шундай фикр ҳаёлимдан ўтган эди) – Муҳаммад Анвар эди. У товуқ-таомга қўл ҳам урмай, нон кавшаб ўтираверган эди. «Ҳа, писмиқ, ҳа, муғомбир-ей», деб койгим келди уни – демак жазирама иссиқда, камқатнов йўллардаги ошхоналарда овқат узоқ туриб, айниб қолишини мулоҳаза қилган, билган, лекин бизни огоҳлантириб қўймаган. Бунга ё бўйни ёр бермаган ё бояқишларнинг қорни оч деб, ўзича меҳрибонлик кўрсатган.. Балки, қитмирлиги тутиб, қани буларнинг ҳолини бир кўрай, деб, қизил «жўжа» гўшти пакқос тушираётганимизни томоша қилиб ўтиравергандир.

Анвар жаноблари бундай беғараз шумликларини кейин ҳам бир неча бор намойиш этди. (Бу ҳақда кези келганда тўхталамиз). Қилғуликни қилиб қўйиб, илжайиб туравергани кизиқ эди.

*15 август, жума*

Жума – муборак кун.

Эрталаб ҳадеганда қуёш юз кўрсатавермай, ҳаво айнигандай бўлиб турди. Ташқарига чиқсак, қурилишлар майдонига айланган Қандахордан кўтарилаётган чанг-тўзонлар офтобни ҳам тўсиб, хиралаштириб қўйган экан. Шаҳар худуди бош режа асосида тадбиркорларга бўлиб берилибди: нима курсангиз майли, аммо бир шарт билан: фақат фойдали, қулай, шинам, кўркам, шаҳарнинг умумий қиёфасига мос бўлсин!..

Йўлақларга шиддат билан мрамар плиталар ётқизилмоқда. Марказий айланма йўл ўртасида шаҳидлар хотирасига ёдгорлик (тагида сағана тошлари, демакки қабрлар бор) ўрнатилмоқда эди. Умуман шаҳар батамом қайта қурилмоқда эди. Чунки кейинги урушларда энг кўп зиён ва жабр кўрган, бу – Қандахор, унинг халқи эди.

Бир вақтлар Фафур Фулом шеърида, хонандаларимиз қўшиғида алқанган стюардесса қизлар чиқадиганга ўхшамасди Қандахор... Кўчаларда аёллар кам ва бари чачвон ичинда...

Шаҳар айландик. Ҳаво дим. Айтишларича, мамлакатнинг энг салқин жойи Пағмон бўлса, энг иссиқ худудлари Жалолобод, Қандахор экан. Бобур Мирзонинг, ҳарорати баланд Ҳиндистон иқлими ҳам Балх ва Қандахор иссиғича бўлмас, деб ёзгани бежиз эмас эди.

«Хирқаи муборак» (Муҳаммад пайғамбаримизнинг муборак чопони) Қандахорнинг муқаддас тарихий ёдгорлигидир.

Зиёратчининг диққатини энг аввал йўлақдаги пальма, мажнунтол («мажнунбет» дейишади) ва унинг яна бир тури – шокила-шокила бўлиб осилиб тушган новдалари ўрилган сочни эслатувчи дарахт, шунингдек, чандирай номли гул-дарахт жалб этади.

Ташқи кўриниши мақбараларни эслатувчи обида ички тузилиши, равоқ-шифтлари, гул-безаклари, куръоний каломлар, ҳадиси шарифлар битилган арабий ёзув услублари жиҳатидан Мозори Шарифдаги хазрати Али равзаси монанд.

Ёдгорлик орқасида оқ мрамардан барпо этилган Аҳмадшоҳ Дурроний мақбараси бор



экан, унинг ер остидаги хилхонасини ҳам зиёрат қилдик.

*Аҳмадшоҳ Дурроний («дурроний» - арабча сўз бўлиб, дур, марварид, гавҳар маъноларида) афғон миллатини ташиқил этувчи йирик қабилага мансуб давлат ва жамоат арбоби, Афғонистондаги дастлабки мустақил феодал давлатнинг асосчисидир. Бу давлат таркибига шарқда Панжоб, Кашимир, Синд ва Белужистон, ғарбда Хуросон ва шарқий Сейистон, шимолда Балх, Бадахшон ва боишқалар кирарди. Дурроний даврида мамлакат шаҳарларининг иқтисоди, маданияти кескин ривожланган, савдо-сотиқ авж олган. Ҳиндистон ва Эрондан асир олинган ҳунармандлар келтирилиб, иншоотлар қурилишида ишлатилган. Қандаҳор ҳам ана шу даврда қайта тикланган. Шунинг учун ҳам қандаҳорликлар Аҳмадшоҳга нисбатан алоҳида ҳурмат-эътибордадирлар.*

*Дурронийлар салтанати нисбатан узоқ яшамади, атиги олтмиш йил умр кўрди, холос. Панжоб ва Жанубий Туркистонда кўтарилган қўзғолонлар натижасида давлат бир неча хонликлар (Ҳирот, Кобул, Қандаҳор, Пешавор ва боишқалар)га бўлиниб кетади. Лекин у Афғонистон ҳудудидаги биринчи мустақил давлат сифатида катта тарихий-сиёсий, ижтимоий аҳамиятга эгадир.*

Аҳмадшоҳ Дурронийнинг тараққийпарвар, адолатли ҳукмдор бўлгани ва авлодлар томонидан юксак эъзозланишига сабаб, бизнингча, унинг иқтидорли аҳли қаламлар сирасига мансублиги ҳамдир. У ўз асарлари билан афғон адабиётининг ўрта асрлардан кейинги ривожига катта ҳисса қўшган Хушхалхон Хаттак, Абдурахмон Раҳмонбобо, Абдулҳамид, Козимхон, Шайдо, Пир Муҳаммад Кокар каби классик шоирлар қаторида саналади.

## ЧЕХИЛ ЗИНА -

Қандаҳор ғарбидаги тоғнинг шимоли-шарққа қараган қоясимон тумшугида бунёд этилган, узоқдан Андижон боғидаги Семурғни эслатувчи, аммо жаҳонда ягона ноёб ёдгорлик. Қуёш чиқадию шу обидага юз тутиб, илк оловранг нурларини тош-пешайвонга сочади. Зеро, унинг ижодкорлари ҳам аввало шу ҳолатни назарда тутган бўлишлари керак.

Тошайвонга тоғнинг олди томонидаги суйри қияликдан, сўнг кўкраги ва бўйнидан эниб борилади. Юз қадамлардан кейин тош зина бошланади – у ёғига шундоқ чиқиб бўлмас – жуда тик. Тош нарвоннинг пиллапояларидан кўтарилиш ваҳимали эди. Поғонанинг эни салкам бир метр. Икки тарафдаги темир тутгичлар айрим жойларда узилиб кетган (айниқса, шу ерлар хавфли, одам бирдан ҳимоясиз қолгандай ҳис қилади ўзини), металл қозиқлари бўшаб лиқиллаб қолган, синиб тушган ва оралари узоқлашган. Баъзи ўринларда бир оёқни тепадаги зинага қўйгач, энгашиб, силтаниб кўтарилишга тўғри келарди. Тош нарвон тош супага олиб чиқади. Зиналар сони қирқта. Шунинг учун ҳам «Чехил (қирқ) зина» деб аталади.

Супа тоғ тузилишига монанд равишда пешайвон сари кенгайиб борган.

Қачонлардир бу табаррук зиналарга, супа ва айвонга Бобур Мирзонинг шиддаткор, залворли қадамлари текканлигини ўйлаб, одам беихтиёр ҳаяжонга тушади.

Кун чиқиш, шарқи-жануб, шимол, шимоли-ғарбдаги шаҳар ва ундан наридаги тоғлар қафтдагидан ҳам аниқроқ кўриниб турарди. Рўпара – шимоли-шарқдаги уйлар, боғлар туташиб кетган тоғлар шакли-шамойили кун ботишга қараб судралиб бораётган аждаҳони эслатади, унинг ортидаги тоғлар эса туяга ўхшар – қиррали «ўрқачлари» кўзга яққол ташланарди.

Айвон билан туташ супанинг икки ён тарафи тўрт, бўйи уч метрлар чамасида.

Айвон тоғдан ўйиб ишланган. Унинг ости - саҳни унча кенг эмас: эни уч ярим, бўйи икки ярим, баландлиги тўрт метрча бор. Ички ён деворлардаги тўртта, орқа девордаги учта узунасига тушган катак-ботиқликда настъалиқда, бўртма усулда битилган ёзувлар бўлиб, форсийни билгувчи ҳамроҳларимиз Муҳаммад Анвар ва Фаррухнинг «таталаб» ўқишларича (харфлар унниқиб хира тортгани боис англаш қийин эди), уларда Бобур Мирзонинг ўғиллари шаънига ҳамдлари, ўғит-насихатлари баён қилинган. Орқадаги токчалардан бирининг анча қисми кўчириб олинган (балки зилзила ва бошқа табиий кучлар оқибатида дарз кетиб синиб тушгандир), сўзлар, харфлар бўлиниб қолган эди.

Икки ёнбошдаги девор-устун ҳам текисланиб, шаклланиб, нақшли ёзувлар битилган, аммо кўп жойлари ўчиб кетгани туфайли уларни ўқиб, маъно чиқариш мушкул эди.

Фақат, айвоннинг гумбазсимон, нақшдор пешонасида ёзув умуман йўқ эди. Айвон ичи ва ташида тепадан сизиб, айри бўлиб тушган сув излари бор. Хуллас, Чехил зина, айвон ва супанинг дастлабки, ниҳоятда пухта, мукамал, кўркам кўринишини тасаввур қилиш мумкин. Йиллар, сувлар, шамоллар, иссиқ-совуқлар ўз таъсирини, кучини кўрсатган, албатта. Аммо бу табиий офатлардан ашаддийроқ ва ёвузроқ бир куч бор, бу - шубҳасиз икки қўл, икки оёқли, икки кўзли, ақл-хушли, тилли маҳлуқ – одамзот (афсуски, бу табаррук атама уларнинг баъзиларига, раво эмас, хайф!)дир.

Супанинг икки четида қандайдир хайвон ҳайкалининг (албатта шерники бўлиши керак) думи, занжири бор. Ҳайкални кимлардир кўчириб кетгани аниқ эди. Думи ва занжири айвон тоши билан яхлитлиги сабабли уларни ўйиб олиш имкони бўлмаган чоғи. Бу ҳам майлику-я, бир юзу эллик метрлар баландликдаги бу мухташам тош ёдгорлик пастдан омонсиз ўққа тутилган - айвоннинг ботинию сиртки деворларидаги сон-саноксиз ўқ излари - бужур юзга ўхшарди.

Эҳ, жоҳил инсон! Беш юз йилдан бери ҳеч кимга халал бермай, аждодлар идроки, зехни, диди ва улуғлигидан хотира бўлиб келаётган бу ноёб обиданинг сенга нима оғирлиги тушди, қандай зиёни тегди? Ўзингнинг ҳам инсон аждоди – Одам Ато наслидан эканлигингни ўйламадингми, малъун?!

Эҳ, тож-тахт илинжида падари бузрукворининг қатлига фатво берган, мол-дунё талашиб оға-инисига пичоқ санчган, рўпарасидан келаётган бегуноҳ аёл – онани, чолу гўдакни сесканмай отиб ташлайдиган разилда тарихий обида туйғуси, қадрият ҳисси нима қилсин-а! Тошга ўқ отиш унга эрмак, ўйин бўлган-да!. Ёдгорлик ихтирочиси, иждокори Заҳириддин Бобурдек мўътабар зотда нобакорларнинг қандай қасди, алами бор эди? Номардлар! Нодонлар! Юраклари зангли темирлар! Шуни билки, сен каби кимсалардан неча-нечаси ўтар, аммо шу тоғ қанча турса бу супа, бу айвон ҳам шунча туражак! Унинг истеъдодли меъмори Бобур Мирзо номи эса янада узоқроқ умр кўражак! Сен кабилар устидан кулиб, ғалаба қилиб яшаяжак! Балки, сен пулемётлардан, автоматлардан ўқ ёғдирган пайтларда унинг руҳи қалқиган-қакшагандир, балки Узун Ҳасан, Танбаллар ёдига тушгандир, лаънатлагандир ва эҳтимол тагин-да баландроқ парвоз қилгандир...

Дарвоқе, Чехил зина тарихи ҳақида. Бобурийлар изидан Ҳиндистону Афғонистон бўйлаб кезиб чиққан марҳум олим Ҳамидулло Ҳасанов шундай ёзади: «Бунда (**Қандаҳорда – Қ.Қ.**) Бобурга оид тарихий ёдгорлик Бобур вафотидан сўнг яратилган Чилзина миноридир. XVI асрнинг ўрталарида Бобурнинг катта ўғли Ҳумоюн ўз отасининг тарихий сафарларини эсда қолдириш учун шу минорани курдира бошлаган. Минора 40 зинадан иборат, шунга кўра, Чехил зина (талаффузда Чилзина) деб аталган.

Минора аслида бир тепалик (?)нинг тош ён бағрига (?) ўйиб ишланган, энг тепасига «Тахти Бобур» ўтқазилган, токчаларга турли тарихий хатлар ёзилган. Бирида шундай дейилади: «928 йил ҳижрий 13 шоввол куни (мелодий 1521 йили), Бобур подшоҳ Қандаҳорни олдилар ва шу йили ўз ўғиллари Муҳаммад Комрон Баҳодирга буюрдиларким, мазкур баланд ва мухташам минорани бино этгай. Олий табақа моҳир наққошларким,

Шахзода Феруз боши қўл остида 953 хижрийда (1546 йилда) битказдилар.

Чилзина деворларида Бобурга қарам бўлган шаҳар ва вилоятлар бирма-бир ёзиб қўйилган».

Ҳ.Ҳасанов катта бобуршунос олим, дунё кезган жуғрофия билимдони. У ўзи юрган жойлари, кўрганларини пухта ўрганганлигига шубҳа йўқ, лекин юқорида келтирилган айрим маълумотлари баҳслидай туюлади. Маълумки, ҳамма олимлару бобуршунослар суянадиган бирдан-бир ишончли, мукамал манба - «Бобурнома»дир. Биринчидан, унда айнан 1521 йил воқеалари йўқ. Лекин, Қандаҳорни эгаллаш учун олиб борилган бир неча жанговар юриш тафсилотлари батафсил ҳикоя қилинади. Жумладан, тўққиз юз ўн учинчи хижрий - 1507-1508 мелодий (1521 эмас) йил воқеаларига бағишланган саҳифаларда шундай дейилади: «Тонгласи Фаррухзоднинг Чаҳорбоғигаким, ўрду анда эди, келдим. Қандаҳор вилоятини Носир Мирзога бердим». Бу хабар кейинги варақда қуйидагича такрорланади: «...Нечукким мазкур бўлди, Қандаҳорни Носир Мирзога иноят қилиб, Носир Мирзога рухсат бериб, Кобул азимати қилилди». Минора – Чилзинанинг ким бино этгани масаласига келсак, юқоридаги гаплардан бир неча саҳифа аввал Бобур Мирзо: «Шоҳбек ва Муқим Қандаҳор тоғининг мен тош иморат қаздурғон тумшуғининг олида шомиена тикиб ўлтуруб эдилар», деб ёзган. Демакки, ўз-ўзидан Бобур Мирзонинг мазкур обидани бунёд этишни ўғли Комрон Мирзога буюргани ва уни Ҳумоюн Мирзо қурдира бошлагани тўғрисидаги гаплар ҳақиқатдан анча йироқ бўлиб чиқади. Зеро, бундоқ «тош иморатлар қаздириш» иштиёқи, тажрибаси Заҳириддин Бобурда аввалдан бор эди. Ўш шаҳрининг таърифини келтирар экан, у шундай деб ёзган: «Ўшнинг фазилатида хейли аҳодис ворид бўлубтур. Қўрғоннинг шарқу жанубий жонибида<sup>1</sup> бир мавзун тоғ тушубтур. Барокўҳға мавсум, бу тоғнинг кулласида Султон Маҳмудхон бир хужра солибтур, ул хужрадин қуйироқ ушбу тоғнинг тумшуғида тарих тўққиз юз иккида мен бир айвонлик хужра солдим. Агарчи ул хужра мундин муртафиъдур, вале бу хужра бисёр яхшироқ воқиб бўлубтур: тамом шаҳр ва маҳаллот оёғ остидадур». Эҳтимол, Чехил зина асоси Бобур Мирзо амри билан яратилган-у, нақш-безаклар, битиклар хийла кейин, авлодлари томонидан ижро этилгандир. Балки, унинг токчаларига тарих битганлар саналару ёдгорлик ижодкорларини чалкаштириб юборишгандир. © Бобур Мирзо бошқа бир иморатни кўзда тутганмикин? Агар шундай бўлса, хўш, у қайси жойдаги, қандай иморат эди? Ҳар нечук, иккиланишларимиз мазкур муаммога аниқлик киритилишини тақозо қилади, шекилли.

Умуман олганда, Бобур Мирзонинг Қандаҳорда шундай ўлмас-йитмас эсдалик қолдириши бежиз эмас эди. Бу шаҳар унга жуда қимматга тушган, уни бир неча қайта, ниҳоятда қийинчилик билан қўлга киритган. (1521 йили Бобуршоҳ Қандаҳорни сўнгги марта забт этган). Аввало, Қандаҳор устига черик тортиб бора туриб, Куш Нодир ўлангида уни қаттиқ иситма тутади, ўзида ғайрича бир беҳузурлик сезади. Лоҳас бўлиб, уйқу босаверади, уйғотишса, яна кўзлари ўз-ўзидан юмилиб кетаверади. Бу ҳолат тўрт-беш кун давом этади. Қандаҳор фатҳининг чўзилиб кетиш сабаблари «Бобурнома»да шундай изоҳланади: «Бурун Қандаҳор тарафи қилғон азимат беҳузурлуқ ва зилзила жиҳатидин кейинроқ қолиб эди, беҳузурлуқни ўткариб, қўрғонни буткариб, бурунги азимат мусаммам бўлди. Ҳануз Қандаҳор тарафи бормоқни ё чопқун учун тоғ ва тузни ахтармоқни жазм қилмайдур эдик».

Шунингдек, Қандаҳорнинг Бобур томонидан сўнгги бор фатҳ этилиши ҳам ғоят машаққатли кечган. Бу воқеалар тафсилоти «Бобурнома»да келтирилмаган. Тарихий манбаларда эса турлича битилмишдир. Масалан, Бобур Мирзонинг қизи Гулбаданбегим «Қандаҳор халқи бир ярим йилгача қалъада қамалиб қолдилар. Бир ярим йилдан кейин, Худонинг инояти билан Қандаҳорни қўлга киритдилар»<sup>2</sup>, деб ёзса, инглиз шарқшунос-бобуршуноси Ф.Тэлбот бошқа муаррихларнинг маълумотлари асосида Бобур қўшинининг

<sup>1</sup> Жониби - тарафи

<sup>2</sup> Гулбаданбегим. «Ҳумоюннома», 35-бет.

шаҳарни (*Қандаҳорни – Қ.К.*) икки йил камал қилиб турганини баён этади<sup>3</sup>.

Кези келганда шуни айтиш керакки, «Хумоюннома»да айрим воқеа-ҳодисалар зикрида баъзи ноаниқликларга йўл қўйилгандай туюлади. Масалан, Кобулнинг олинини «Бобурнома»да хижрий тўққиз юз тўққизинчи йил «бежанг ва жидол муяссар ва мусахҳар» бўлгани маълум қилинса, Гулбаданбегим: «Тўққиз юз ўнинчи йили Кобул вилояти у кишига (*Бобур Мирзога - Қ.К.*) муяссар бўлди», дейди. «Бобурнома»да деярли Кобул олинганидан кейинок Ҳиндистонга дастлабки юриш қилингани айтилса, «Хумоюннома»да «Тўққиз юз ўттиз бешинчи (?) йилдан (бошлаб) етти-саккиз йил ичида бир неча марта Ҳиндистонга лашкар тортдилар», дейилади ёки Бобур Мирзо Иброҳим Лўдийнинг аскарлари сонини «Бобурнома»да бир лак – юз минг (филларидан ташқари) тахмин қилинганини қайд этса, Гулбаданбегим «Султон Иброҳим юз саксон минг отлик аскар...га эга эди», деб нақл этади, шу китобнинг сўзбошисида эса «Гулбаданбегимнинг ёзишича, Понипат жангида Бобурга қарши отланган душман ўн саккиз мингдан ортиқ аскарга... эга бўлган», дея эслатилади. Яна «Хумоюннома»да шундай жумлалар бор: «Султон Ҳусайн Мирзо саксон (?) йил Хуросонни обод ва маъмур қилган эдилар». Қолбуки, Ҳусайн Бойқаро 68 йил умр кўрган ва 36 йил ҳукмдор бўлган.

Таниқли муаррихларнинг Бобур ва бобурийлар ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган машҳур китобларидаги манбаларга суянган ғарб шарқшуносларининг асарларида, жумладан, У.Эрскининг «Бобур Ҳиндистонда» номли йирик тадқиқотида ҳам оналар ва фарзандларни, айрим исмларни аралаштириб юбориш ва бошқа ноаниқликлар анчагина.

Албатта, юқоридагидай чигаллик-чалкашликларга хаттотлар томонидан йўл қўйилган бўлиши мумкин, лекин муҳим тарихий воқеалар санаси ва шарҳига таржимон, ношир ва муҳаррирларнинг аҳамият ё изоҳ бермаганлари ғалатидир. Ушбу мулоҳазалар тарихий, илмий асарлардаги ҳар хиллик, саҳву хатолар келажак авлодларни ҳам чалғитмасмикин, деган андиша билан туғилди.

Энди асосий мавзуга қайтсак. Қирқ зинанинг шимол томонидаги Бобур Мирзо барпо қилдирган, меваси Дашнободниқидан-да йирик ва кўркам анорзор боғлар, раҳбарнинг тахминича аҳолига томорқа сифатида бериб юборилгани, бинобарин, Қандаҳорда бошқа зарур иш қолмагани боис, Ҳазрати қараб жўнадик.

Шаҳардан чиқаверишдаги уйлар, бошқа биноларнинг деворлари ҳам ёвуз уруш асоратлари – ўқ излари билан тўла эди, худди балчиқ сачрагандай хунук ва ёқимсиз.

Уч-тўрт чақиримдан кейингина дурустроқ йўл – асфальт бошланди.

Кўчанинг икки томонида – пастда йўл билан ёнма-ён кетган, устига белги – оққа бўялган тош қўйилган ё тошсиз тўп-тўп тупроқ уюмлари кўп эди...

Ҳадемай, яна бепоён даштга кириб кетдик. Кулранг-оқиш қаттиқ матодан ясалган, тартибсиз ўрнатилган хайма - чодирлар кўп, улар чорвадорлар маскани эди. Бошқа жойларда кам учрайдиган кўкиш эшак, оқ қўй, қорамтир, якка ўрқачли туялар, хурпайган ўскин жунлари тулай бошлаган қора эчкилар бу дунё ишларига, экспедициямизга ҳам парво қилмай, қорин тўйғазиш ғамида. Ҳа, уларнинг бошқа ташвиши ҳам йўқ-да.

Йўл гоҳ созланиб қолади, гоҳ айнийди. Раҳбар машинани шундай авайлайдики, ҳатто ўз жонини ҳам бунчалик эҳтиёт қилмаса керак, деб ўйлайсиз. Шунга қарамай, диккинафас бўлиб кетганида йўл бошловчининг «ҳай-ҳай»лашига қарамай, Илҳомжонни пастдаги сўкма йўлдан юришга даъват этади, аммо қайсаргина Анваржон, «у ерда мина йўқлигига ҳеч ким кафолат беролмайди», деб уларни шаштидан қайтаради. Етакчимизнинг кўзи илинганда Зокиржон ака: «Тушинг пастга, мина йўқ, мен кафил, шунча машина юряпти-ку», дейди катъий. Илҳомжонга ҳам хуш ёқиб, дарров жиловни дашт сари буради. Чунки йўлнинг

<sup>3</sup> А.Иброҳимов. «Бобурийлар мероси». «Меҳнат» нашриёти, 1993 йил, 35-бет.

силташ азобларидан ташқари, ўйдим-чуқурлари ғилдиракларга тушов бойлаб, ҳаммадан кўпроқ хайдовчининг дамани қайтарарди. Бир хандақдан чиқиб, энди тезлик оширилса, яна чуқурлик келади, баъзан муфтани босишга ҳам улгурмайди – булар бари бомбалар «каромати» – нукул йўл ва кўприклар портлатилган эди.

Хароб йўлда ҳамма жимиб қолади. Чунки бунақа пайтдаги ҳар қандай гап-сўз, ҳазил-хузул ҳеч кимга хуш келмайди. Магнитофоннинг чакаги ҳам жаҳд билан ўчирилади. Барча ўйга чўмиб, кимдир чинакамига мизғиб, кимдир ўзини мудраганга солиб кетаверади. Бошқа «Тойота»лар, БМТнинг ҳар хил русумдаги енгил машиналари ёнимиздан ғувиллаб, шарақлаб ўтади – хандақ-пандаққа қарамайди. Чунки уларнинг аксарияти эски, аяшга арзимади, қолаверса, ҳимоя мосламалари бор.

Бобур Мирзо даврида бу йўллар қандоқ эрдийкин, деган ўй кечади кўнгилдан. Албатта, у пайтда асфальт йўқ эди, аммо, ҳарқалай бу қадар расвои раддималак бўлмагандир.

Ўзани қақраб ётган дарё кўприкларининг кўпи бузилган, бўлиниб тушган. Шундай жойларда пастдан айланиб юрилади.

Манзаралар алмашилиб туради. Бирдан ҳар турли экинлар, жумладан, гуркираб ўсаётган насазорлар кўриниб қолади. Салдан кейин яна қип-қизил дашт, икки-уч чақирим ичкарида тоғлар бошланади.

Шахрисафодан ўтгач, Ғаш қишлоғида суви норавон оқадиган ариқча бўйидаги дехқон капасида тарвузхўрлик қилдик. Биздаги кўзивой отлиғ узун наври арабий тарвуз дейишаркан.

Зобул вилоятига қарашли Шожўй шаҳрига кириб бораётганимизда узумзор, бодомзор боғларга дуч келдик – бу ерларда сув бор эди.

Муқир шаҳридаги бир хўтел олдида (ошхонани ҳам шундай деб юритишади; Калкуттада хўтел (меҳмонхона) керак, деганимизда таксичи бизни айлантириб-айлантириб емакхонага бошлаб боргани ёдимга тушади) тўхтадик. Ичи кенг – аввал масжид бўлганга ўхшайди. Йўлда кўрганимиз бино, гузарларга нисбатан озода, саришта, батартиб эди. Ажабланиб, хизматчиларга ташаккуримизни айтдик. Билсак, ошхона соҳиблари ака-ука бўлиб, бири собиқ зобит, иккинчиси шифохонада салкам ўн йил ишлаган тиббиёт ходими экан. (Демак, буларда ҳам яхши-яхши касбларини ташлаб, ўзни тадбиркорликка уриш бошланибди!).

Идишлар – чойнак, стаканлар ҳам тоза эди. Фақат... бир кам дунё, деганларидай, ҳожатхона масаласи чатоқ эди – худди Ҳиндистон қишлоқларидагидай...

Сарбонимизнинг ватани сарҳадларини яхши билишидан ташқари, таниш-билиши ҳам кўп экан. Қайга борсак, албатта офтобда қатиқ ичишган бир қадрдони ё ҳамсояси учрайди (майманаликлар ҳам бутун Афғонистонга тарқалиб кетишган шекилли...). Маҳаллий хўрандалардан бири ҳатто анча яқин қариндош чиқиб қолиб, роса отамлашдилар, етти пуштлирини эслаб чиқишди.

Шарқ сари боряпмиз. Тўп-тўп дўнгчалар давом этмоқда, жумбоқ дўнгчалар...

Уйлар, дўконлар, бозорлар, ҳар ер-ҳар ерда пахса деворли, бузилган, ташлаб кетилган истехком – кўрғонлар. Яшовчи каму дала ҳовли, дала боғ кўп, турли зироатлар экилган. Улар атрофини девордан кўрғон қилиш расм экан.

Сув йўқ. Бангладешни эсламан: бутун шаҳар, қишлоқлар дарё, қўллар ўртасида, тошқин ичида эди. Афғонистоннинг бепоён-беҳад ерлари гугурт чақсанг ёнаман, дейди - одамларининг кўчиб юриш сабабларидан бири оби ҳаёт тақчиллиги билан ҳам боғлиқ-да!

Ниҳоят яна бир ноёб корхона – асфальт заводини кўриб, тағин бир карра ҳайратимиз ошди - шундоқ дашту сахро ўртасига қурилган эди, демак, йўлларни таъмирлаш, сошлашга

астойдил киришилган. Демак, кўчалари тупрокли гузарларда, бозорчаларда ўтирганлар, йўлга яқин уйдагилар ҳар дамда шамол кўтарган чанг-тўзонлар ичида қолиш нохушлиги, азобидан анча халос бўлишади. Иншооллоҳ!

Бир жойда от устида найза отиш мусобақасига дуч келдик. Тарихий ва лекин ҳавас этгулик, керакли машғулот эмас. Қолаверса, томоша қилмоққа фурсату изн ҳам йўқ эди.

Қорабоғда янги бозор қурилиши устидан чиқдик.

Шоҳ Жаҳон маркетидан ўтганимизда пуштун тилидаги «Қадимий Фазни шаҳрига хуш келибсизлар!» деган ёзувни кўриб, гўё у бизнинг ташрифимиз шарафига битилгандай ҳаяжонландик.

## ШАҲАРЛАР КЕЛИНЧАГИ

*Фазни тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 7-асрга ойда манбаларда келтирилган. 10-11-асрларда газнавийлар давлатининг пойтахти бўлган, шу даврларда Ўрта Шарқнинг савдо ва маданий марказларидан бирига айланган. 12-асрда шаҳарни гурийлар эгаллаб, кўп жойларини бузиб ташлашган. 1215-21 йиллари Фазни Хоразмишохларга тобе бўлган. 1221 йили уни мўғуллар босиб талаган. 13-асрнинг иккинчи ярмида Фазни ҳукмдорлари Ҳиротдаги курдлар сулоласининг вассали бўлишган. 14-аср охири, 15-аср бошларида теурийлар давлати, 16-аср бошларидан бобурийлар ихтиёрида бўлган. 1738 йили Фазнини Нодиршоҳ эгаллайди. Афғонистон давлати тузилгач, шаҳар унинг таркибига киради.*

«Рабиул-аввал ойининг авохирида тангри таоло фазл ва карами била Кобул ва Фазни мулк ва вилоятини бежанг ва жидол муяссар ва мусаҳҳар қилди», - дейилади «Бобурнома»нинг хижрий тўққиз юз тўққизинчи (мелодий 1503-1504) йил воқеалари баёнида. Бобур Мирзо шундай таърифлайди: «Яна бир Фазни вилоятидур. Баъзи туман ҳам дерлар. Сабуктигин бирла Султон Маҳмуднинг ва авлодининг пойтахти Фазни экандур. Баъзи Фазнин ҳам битибдурлар. Султон Шаҳобиддин Ғурийнинг ҳам пойтахти бу экандур... Кобул узумидан Фазна узуми яхшироқ бўлур. Қовуни ҳам Кобул қовунидан ортуқроқур. Олмаси ҳам яхши бўлур... Экини бисёр пурмашаққатдур. Ҳар миқдор ерким, экарлар, юзига тамом янги туфроқ ҳар йил киюрурлар...»

Кобулга боқа Фазни ҳамиша арзонлиқтур. Эли ҳанафий мазҳаблик, покиза эътиқодлик мусулмон элдур... Аҳли ва аёллари бисёр маҳфуз ва мастурдур».

Фазнида Бобур Мирзога бир қабристонда салавот айтилган маҳалда қабрлар тебраниб турармиш, деган хабар етказдилар. Илмли, ўткир зехнли Бобур Мирзо ишонмайди ва мазкур ҳолатни ўз кўзи билан кўрмоққа қасд қилиб, қабристонга боради. Дарҳақиқат, шайхлар салавот ўқиганда қабр тебрангандай бўлади. Сезгир ва хушёр Бобур Мирзо қабр устидаги ҳалқага кўзи тушиб, шайхларнинг найрангини пайқайди. Ҳалқага бот-бот тегиб кўйилса қабр тебранганга ўхшарди. Илк бор кемага чиққан одамга гўё соҳил қимирлаётгандай туюлади, ҳолбуки, кема тебранаётган бўлади, дейди Бобур Мирзо бу ҳолни изоҳлаб ва асосий муддаолари камбағал, содда одамлар ҳамёнини қоқишдан иборат сохта кароматгўй, муттаҳамларни шарманда қилиб, уларга бундай номаъқул, ношаърий, нопок ишлар билан машғул бўлишликни қатъиян маън этади.

Бобуршоҳ Фазни тарихи ҳақида сўзлар экан, шундай машҳур шаҳарни вайрон қилиб, қуйдириб, бегуноҳ аҳолисини талаган, қирган ҳукмдорларга, масалан, Аловуддин Жаҳонсўз Ғурийга ўз нафратини изҳор этади ва шаҳарни эпқага келтириб, бузилган, халқ учун ниҳоятда зарур иншоот - тўғонни қайта қуришга киришади.

Балх шаҳарлар онаси бўлса, Фазни «аруси шаҳр», яъни шаҳарлар келинчаги, деб таърифланади. Шаҳар ва унинг атрофида пуштунлардан ташқари ҳазоралар, тожиклар ҳам

кўп.

Фазни – Балх, Ҳирот, Қандаҳор каби пойтахт шаҳарлардан бўлган. Уни Чингизхон босиб, остин-устун қилган.

Шаҳарга кириб борганимизда вақти намози аср эди. Қандаҳордаги каби бу ерда ҳам кўчалар кенгайтирилиб, икки ёқдаги бинолар янгилана, таъмирлана бошланган эди.

Жума - одина куни бўлгани сабабли ташкилотлар, маҳкамалар ишламас экан, вилоят ҳоқими Асадулло ҳожи бизни ўз қароргоҳида қабул қилди.

Кенг қўрғон ичидаги бинонинг ярми бир, ярми икки қаватли эди. Иморатнинг жануб томони хиёбонсифат ҳовли, ўртасида атрофи гулзор фаввора бор эди. Фаввора ҳовузи тўғарак, тевараги айлана сахн – бетон супа, супа четидан гулзор оралаб ҳар тарафга йўлақлар кетган; атиргул, чиннигул, ўрис гуллар чаман очилган эди.

Гулзор нарисидаги ножулар остида - майсазорда писта ранг бир маъсума оху боласи ўт чимдиб юрарди.

Ҳовуз билан гулзор оралиғидаги айлана сахнга қўйилган юмшоқ ва қаттиқ креслоларда ҳоким ва бир неча ажнабий (улардан бири аёл) ўтиришарди. Бизни ўша жойга бошлаб боришди.

Ҳоким Асадулло Холид бўйчан, барвастагина, қоп-қора соч-соқоли калта қилиб кузалган, қирра бурун, тахминан ўттиз ёшлардаги истараликкина йигит эди. Эғнида афғонистонликларнинг энг оммавий миллий либоси – коло бўлиб, қаймоқ рангли эди. Сарпойчан оёғига айрим вилоятларимизда «шайтон кавуш» дейиладиган шиппак илиб олганди.

Ўзаро танишувлардан кейин ҳоким:

- Аввало, пойқадамларингиз юртимизга қутлуғ бўлсин, - дея гап бошлади бизга илтифот кўргузиб. – Омадли одамлар экансизлар. Йўлимиз яхшиланганда келибсизлар. Тошкентда бир неча бор бўлганман. Менга шаҳар ҳам, одамлари ҳам ёқади. Сизлар билан кўришиб, танишиб турганимдан янада мамнунман. Афғонлар билан ўзбеклар маданияти ва бошқа кўп соҳаларда муштараклик бор. Бобур халқаро фонди ва экспедицияси саъй-ҳаракатларидан ўзбек ва афғон халқи манфаатдор бўлади.

- Ҳа, масалан, Абу Райхон Бериунийнинг илмий мероси нафақат ўзбеклар, нафақат афғонларнинг, балки башариятнинг мулкидир, - деди Зокиржон ака режалари баёни сўнггида гап даромадини асосий муддао сари буриб. – Шунинг учун бу буюк олим номини эъзозлаш, ётган муборак жойларини ободонлаштириш ҳаммамизнинг бурчимиз, деб ўйлайман.

- Албатта, биз ҳам шундай фикрдамыз, - маъқуллади ҳоким. – Биргаликда кўп яхши амаллар қилмоғимиз мумкин. Биз томонимиздан қандай кўмак лозим бўлса, кўрсатамыз.

Шундан кейин Асадулло Холид яна Ўзбекистон тўғрисидаги таассуротлари, истакларини изҳор қила кетди. Шунингдек, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ажойиб инсон ва олижаноб ҳукмдор бўлганлиги ҳақида ўз қарашларини айтар экан, ҳар гал Самарқанддан ўтганида Гўри Амирни зиёрат қилишга имкон бўлмаслигига афсус билдирди.

Бошда у бизнинг ташрифимизга эътиборсизроқдай, мезбонлик, меҳмоннавозлик ҳиссиётлари у қадар жўшқин эмасдай туюлган эди. Суҳбат асносида бу ҳолат унинг табиатидаги камсуқумлик, одмилик билан боғлиқ эканига ишонч ҳосил қилдик. Қолаверса, қабул ҳам расмий эмас, биз бошқа меҳмонлар устига келган эдик.

Даврадаги икки жаноб, бир хоним БМТнинг йўл қурилиши масалалари билан келган вакиллари эди. Ҳоким ора-орада чет эллик эркаклар билан ҳам қисқа-қисқа савол-жавоб қилиб қўяр, ёнма-ён ўтирган аёл билан эса худди амма ё холаси ила сирлашаётгандай, бир-

бири томон хиёл эгилишиб, пастроқ овозда, аммо эркин сўзлашишар эди. Бундан ортиғига йўйиб бўлмас, негаким, жувон аксарият оврўпалик ҳамжинслари каби ориқ, тириш қоплай бошлаган юзи бир сиқим, кўримсизгина эди. Кўйлагининг енги калта бўлса-да, маҳаллий хотин-қизларга кўйиладиган талабларга хурмат нуқтаи назаридан малла сочли бошига узун рўмол ташлаб олган эди.

Умуман олганда, Асадулло Холид ажнабийлар билан инглиз тилида бемалол мулоқот олиб борарди.

- Русчани ҳам озроқ биламан, - деди у бизга қараб кулимсираб.

Кейин бизни ичкарига таклиф қилишди. «Г» шаклидаги кенг, катта хонада алоҳида кўзга ташланадиган жиҳоз – деворга осилган, Афғонистондаги Шимолий иттифоқнинг собиқ раҳнамози Аҳмадшоҳ Маъсуднинг сиймоси акс эттирилган тўқима гилам эди. Янги раҳбар Ҳамид Карзай сурати кўринмасди. Умуман, мамлакат ҳудудида Аҳмадшоҳ Маъсуднинг расми кўпроқ кўзга ташланарди.

Телевизор томоша қилиб ўтирдик. Ҳазни телевидениеси Жоғули улусвалидаги янги бир лицей-мактаб очилиши маросимини кўрсатарди. Жуда узоқ (бизга шундай туюлди) давом этган йиғинда ҳоким Асадулло Холид ҳам қатнашган экан. Бизни ҳайратга солган ҳолат – тантанада қиз-жувонларнинг юзлари очик, дадил ўтиришлари бўлди. Ҳатто бир қиз ўртага – минбарга чиқиб, меҳмонлар қадамига ҳасанот ўқиди, биздагидай, ғамхўрлик учун каттаконларга кўпчилик номидан миннатдорчилик билдирди.

Мен кеча Қандаҳорда Фафур Фулом таърифлаган шўху қувноқ стюардессаларни учратмаган эдим, мана бу шаддод қизлар орасидан тайёра ходималаригина эмас, балки, учувчилар чиқса ҳам ажабланмаса бўлади.

Тарих варақланса Афғонистонда хотин-қизларга муносабат бот-бот ўзгариб турганлигини кузатиш мумкин. Уларнинг ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутишларини тан олган ҳукумат гоҳ-гоҳо инсониятнинг бу «заиф» қатламига ён бериб, ён босиб қолади. Масалан, 1965 йилда бўлиб ўтган сайловларда биринчи марта Халқ кенгашига 4 аёл сайланади, икки ожизани подшоҳ Оқсуяқлар мажлисига аъзо қилиб тайинлайди. Айниқса, 1978 йилги Савр (Апрел) инқилобидан сўнг Афғонистонлик аёллар шўролар таъсирида мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаракатларида фаол қатнаша бошладилар. Инқилобдан олти йил кейин Афғонистон республикаси Инқилобий шўросининг оила ва никоҳ тўғрисидаги 7-фармони (Декрет) эълон қилинади. Мазкур декретда эр ва хотин ижтимоий ҳаётда ва оилада ўзаро тенг ҳуқуқга эга, дейилган. Қизларни балоғат ёшига етмай турмушга чиқариш, қалин тўлаш, кўп хотин олиш каби урф-одатлар Афғонистон тарихида биринчи марта расмий равишда таъқиқланади. Шу муносабат билан Афғон хотин-қизлари янги инқилобий турмушнинг барча жабҳаларига фаол жалб қилина бошланди. Саксонинчи йилларнинг охирига келиб, маориф, соғлиқни сақлаш соҳасида, саноат корхоналарида, давлат муассасаларида ишлайдиган Афғонистонлик қиз-жувонлар сони саккиз юз мингдан ортиб кетади. Кобул ва бошқа марказий шаҳарларнинг кўчаларида ҳарбий либос кийган аёллар – халқ милицияси ходимлари пайдо бўлади. Улар ўз олдиларига Афғон тупроғида янгича, эркин, бахтли ҳаёт қуриш, тинчлик-осойишталикни сақлаш, хотин-қизлар хурлиги, озодлигини мустақамлашни мақсад қилиб қўйган эди. Афғон ёзувчиси Соҳиб Жамолнинг хусусан Ўзбекистонда шуҳрат топган ва кейинчалик негадир адабий тадқиқотлар, комусий китоблардаги рўйхатларга киритилмай қўйган «Ғули сиёҳ» рўмони худди ана шу даврда пайдо бўлган эди.

Кейин, кейин эса... Афғонистонда вазият бутунлай ўзгариб кетди. XXI аср бўсағасида толиблар мамлакат аёлларини яна батамом чодра ичига ҳайдадилар.

Мана энди улар яна ижтимоий фаол ҳаётга қайта бошлабдилар.

Асадулло Холид девор бўлиб турган қалин парда орқасига бир неча бор ўтиб келди.



Кейин англасак, ўша томондан емакхонага кириларкан, демак, ҳоким жаноблари дастурхон тузалишини назорат қилиб турган.

Йўлак-айвонда инглизлар пайдо бўлишгач, Асадулло ҳожи билан улар ёнига чикдик. Ҳоким қаватлар аро зинада ишлаётган усталарга қараб, бесаранжомликдан, пайрахаю бошқа чиқиндилардан хижолат чекди чамаси, меҳмонхонанинг таъмирланаётганини айтиб, узр сўради. Кейин ҳаммамизни катта бир хонага – кечки овқатга бошлаб кирди.

Столга барча овқатлар - ҳатто палов, кабоб ҳам келтириб қўйилган, совуб қолган эди. Резаворлар: ҳар хил кўкатлар, бомия, тўрт-беш дона кўк пиёз - бир лаганда, сийраккина. Товуқ гўшти майда тўғраб пиширилган эди. Қовун сўйиб, арчиб қўйилган. Чой йўк, фақат салқин ичимликлар, киши бошига биттадан тунука идишли пепси, «нестле» суви (бу ёқларда газли сув ичиш урф эмас экан).

Даврада биз ва инглизлардан ташқари ҳар хил ёшдаги бир неча маҳаллий киши ҳам бор эди, лекин уларнинг кимлигини билмадик, таништирилмади. Ҳокимнинг ёнида юрадиган турли лавозимдаги хос ходимлар бўлса керак.

Умуман таом маҳалида ҳеч қандай таништирув, «қадах» (бу иборани кўчма маънода ишлатдик) сўзлари бўлмади. Ҳар ким «кўшниси» билан узук-юлуқ пичирлашибгина гаплашиб ўтирди. Фақат овқатланиш учун тўпланилгани маълум эди. Мезбонлар, афтидан «меҳмон олдига ош қўй, қўл-оғзини бўш қўй» мақолига риоя қилишарди.

Палов (ва бошқа қуюқ таомлар ҳам) ўртага қўйилган, ҳар ким ликобга солиб еяверар, «олинг-қўйинг» йўк.

Ҳокимни тез-тез чақириб туришар ё ўзи ташқарига чиқиб бирпасда қайтиб кирарди. Бояқиш овқат егандай ҳам бўлмади. У одатий раҳбарлар каби стол тўрисида даврага салобат сочиб, барчани ўзига ва оғзига қаратиб гапириб ҳам ўтирмади. Менимча, у бошқаларга буюриш керак бўлган ишларни ҳам ўзи бажарарди. Биз яқинига эмас, ҳатто қабулхонасига анча-мунча инсон зоти йўлашга журъат этолмайдиган амалдорларга кўникканимиз учунми, ҳожи Асадулло Холиднинг соддалиги, одмилиги жуда эриш кўринмоқда эди.

Менга қизиқ туюлгани – дастурхонга умумий фотиҳа бўлмади, нафси қонган ажнабийлар, мулозимлар индамай туриб чиқиб кетишаверарди.

Дарвоқе, бугун менинг туғилган куним эди. Ўтган сафар, бундан роппа-роса ўн йил аввал 47 га тўлганимни Бобуршоҳ салтанатининг пойтахти Агра шаҳридаги «Классик» меҳмонхонасининг томида бўлса ҳам, ҳарқалай анча-мунча тайёргарлик, гап-сўз билан нишонлаган эдик. Бугун, қутлуғ жума куни 57 ёшим йўлда, Абу Райҳон Беруний ҳазратлари абадий макон топган кўҳна ва қайта қурилаётган Ғазни шаҳрида эллик саккизнинг ҳудудига сассизгина сингиб кетди.

Бизга иккинчи қаватдан ўрин ҳозирлаб беришди. Меҳмонхонада бошқа ҳеч ким йўк (хорижийлар ўзларининг хос резиденцияларига кетишди чоғи), ҳаммаёқ жимжит эди. Бомдод маҳалида ташқарига чиқсам, хонамиз эшигидан бир неча қадам нарида, шундоқ бетон йўлакда бир милтиқли кунушиб, мудраб ўтирибди – бизни ҳар маънода кўриқлаш учун қўйилган бўлса керак. Қиблани сўрамоқчи бўлиб, намозга ишора қилган эдим, у жойнамоз тилапти, деб ўйлади шекилли, дарҳол кифтидан патусини олиб, ерга ёзди.

## **БУЮК АЛЛОМАНИНГ ҒАРИБ МОЗОРИ**

*16 август, шанба*

Ҳожи Асадулло Холид оқшомги емакхонада биз ва инглизларга нонушта берди: машина нони, улкан термосда чой, қаймоқ, шакар, олма мураббоси...

Ҳоким биз билан кейинроқ идорасида учрашмоққа ваъдалашиб, кетди. Биз бир оз

Ўзимизни тартибга келтириш билан машғул бўлдик.

Кечаги ғизолча – менимча, у кийикларнинг жайрон турига мансуб эди – қароргоҳ ҳовлисидаги асфальтланган майдонда емиш излаб у ёқдан-бу ёққа тентирарди. Сердарахт, серўт, соя-салқинли кенг-мўл маъводан суйиб ейдиган бир гиёҳ йўқ тўрт девор ичига тушиб қолгани учунми, ориқ, нимжон эди. Туёқчалари ҳам шу қадар ингичкаки, юрганида чалишиб-чалишиб кетарди. Чўнқайиб, қўлимизни чўзсак, иккиланиб, оҳиста босиб келади ва сал нарида тўхтаб, ийманибгина, хуркибгина тумшукчасини чўзади. Кафтимиздаги қок нон бурдаларини қизчаларникидек жажжи лабларига қисиб, майда, маржон тишларида кусурлатиб чайнай бошлайди. Бу гўзал ҳолат, латиф манзара юракларни увиштиради. Шоир Муҳаммад Юсуфдай «Эрка кийик, майлими, бир эркаласам?..» деб сўрагингиз, унинг нафис манглайчасини силаб-сийпалагингиз, мўъжазгина вужудини бағрингизга босгингиз келади. Ҳа, онасидан, ўз қавми, подасидан айрилган бу сағир, ўксик жайронгина чиндан-да эркалашга муҳтож, меҳрга зор эди. Қаншарининг икки ёнидаги қорамтир йўл бир қарасангиз ўзининг табиий белги-ҳолига, бир қарасангиз жола изларига ўхшаб кўринарди. Беихтиёр Зокиржон Фурқатнинг машҳур «Сайдинг қўябер, сайёд...» шеъри ёдга тушди.

*Саргашта бу водийда бир бошига раҳм эткил,  
Йўқ тоқати бандингга, бардошига раҳм эткил,  
Йиглаб сенга термулар, кўз ёшига раҳм эткил...  
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек...*

Ҳайвоноту ноботот дунёсининг ҳам қомуси бўлмиш «Бобурнома»да «Ғазнининг оқ кийиги ва қулони бўлур. Ғазнининг оқ кийигича семиз кийик кам ерда бўлғай», дейилиб эди. Балки мана бу рамакижон етимча оҳу боласи «Қизил китоб»нинг тўридан жой олган ўша кўркам, хушсурат, қоп-қора қароғидан бошқа гуноҳи бўлмаган бокира жониворларнинг ноёб, энг кенжа авлодидандур, унинг кўз ёшлари жилғаси қирилиб кетган аждодларидан меросдир...

Умуман олганда, «Бобурнома»да Ғазни теварагида юз берган, муаллифнинг шахсий ва шоҳлик ҳаётига дахлдор хийла воқеалар баён этилган. Жумладан, Бобур Мирзо бўлажак аҳли аёлларидан бири, Султон Аҳмад Мирзонинг қизи Маъсума Султон бегим билан илк бор Ғазнида кўришиб, суҳбат қурган эди. Дарвоқе, шу ўринда хуш фазилатлар эгаси Заҳириддин Бобурнинг яна бир ибратли хислати намоён бўлганини кўрамиз. Катта бир юртни эгаллаш, подшолик мақомига эришиш арафасида турган ҳукмдор ўз қариндоши ризолигини сўраб ўтирмаслиги (бундай иштибоҳ туғилмаслиги) ҳам мумкин эди, зеро қизнинг онаси ҳам шундай ниятда эди. Аммо, жўмард, танти Бобур Мирзо алоҳида учрашув тайин этиб, амакиваччасида ўзига нисбатан чиндан-да майл борлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина уни ўз никоҳига олади.

«Хатти Бобурий»нинг яратилиши ҳам Ғазни фатҳидан кейинроқ, Кобул қўлга киритилган даврларга тўғри келади. Ажабки, Заҳириддин Бобур ҳаёти ва фаолияти, хотираларининг муфассал мажмуаси - «Бобурнома»да жангу жадаллар, кундалик воқеа-ҳодисалар, кишиларнинг феъл-атвори, табиат ажойиботлари, дов-дарахтлару ўсимликлар, ҳайвоноту паррандалар борасида эринмай, батафсил маълумот, изоҳлар бергани ҳолда, азбаройи камтарлик юзасиданми, ўзининг турли соҳаларни тадқиқ этишга бағишланган йирик-йирик насрий асарлари, ғазал ва бошқа назмий ижоди хусусида батафсилроқ, баъзида умуман тўхталишни лозим кўрмайди. (Шу жиҳатдан унинг давлат арбоби, саркардалиги ижодиёт оламига қўланка солгандай туюлади). Жумладан, алифбо тузишдек мураккаб, заҳматли ва ғоят эътиборли илмга оид, ихтиро даражотидаги ижод маҳсули тўғрисида

хижрий тўққиз юз тўққизинчи (1503-1504) йил тафсилотларини ўз ичига олган саҳифаларда «ушбу маҳалларда Бобурий хатини ихтиро қилдим», деган бир жумла-хабар билан кифояланади.

Ҳазнига бир қанча муддат Жаҳонгир Мирзо, кейин Носир Мирзо ҳоким бўлиб турган. Дарвоқе, Бобур Мирзо олижаноблигининг поёнсизлигини қарангки, салгина аввал ғанимлар тарафида бўлган ўғай иниларини бирга олиб юриб, ҳамиша қўллаб-қувватлар, илкига тушган мулклардан уларга инъом этар эди. Масалан, Кобулни олгандан кейин вилоятни Мирзолар ва меҳмон бекларга тақсимлар экан, Нингнаҳор туманини, Мандровир, Дараи Нур, Кунру, Нургил ва Жиғонсаройни Носир Мирзога иноят қилади. Кейинроқ бу ландавур шаҳзода тасарруфига Қандаҳорни, сўнграқ Ҳазнини беради. (Омадсиз шаҳзода ўша йиллари барвақт тангри раҳматига боради).

Бироқ ношукур Носир Мирзо оғаси илтифотларидан қаноат ҳосил қилмай, ўзини ҳар ёққа ташлаб, кўп номаъқулчиликларга йўл қўяди. Масалан, унга Қандаҳор вилояти берилганда, яна умумий ўлжадан юк ортилган тева ва оқ тангаларни изнсиз қайириб қолади. Ҳолбуки, Қандаҳорни қўлга киритиш Бобур Мирзога анча қимматга тушган эди. Ғоят бесарамжон даврлар бўлиб, кетма-кет жанглар ва бошқа нохуш ҳодисалар кўп юз берган эди. Шунга қарамай, қалби дарё, укалари ва бошқа жигарларига ўта ғамхўр ва меҳрибон Бобур Мирзо Носир Мирзони афв этади, унинг қилмишини юзига солмай, яна мурувват кўрсатишда давом этади. «Яхшилик» радифли ғазалнинг яралишида Носир Мирзо ва у қабиларнинг ҳам «хизмати» катта бўлган бўлса ажабмас!

Хуллас, ушоққина, уволгина ғизолга қайтсак. У бизга анча эрмак бўлди. Бирга суратларга, видеоларга тушдик. Кейин жажжи дўстимиз билан видолашиб, шаҳарга чиқиб кетдик.

Эрталаб мезбонларимиз бизга бир олимни топтириб келишди. Ҳожи Абдурахмон номли бу шахс норғул, мошгуруч соқоли анча қалин, тахминимча олтмиш ёшларда (маълум бўлишича, 46 да) эди.

Кун чиқишга қараб кетдик. Шаҳар тугаган жойдан, йўлнинг чап томонида эски, баланд қалъа бошланди. Кўча тор ва ёмон эди. Хайриятки, кўп юрмадик. Маҳалла ичидаги чап ёғи паҳса девор, ўнги ташландиқ хиёбонсифат ерда тўхатдик. Йўл билан хиёбон (шартли равишда шундай атадик)ни тағ қисми тош, ўртаси ғиштдан ва тепаси лойдан урилган пастаккина девор ажратиб турарди. У кўҳна қўрғон қолдиқлари бўлса керак.

- Бу ер бир вақтлар Боғи Беруний номи билан юритилган, - дейди ҳожи Абдурахмон Ҳакимий. У Ҳазнининг эски шаҳар худудида таваллуд топган бўлиб, кўп йиллар дорилфунунда тарих, фалсафа куллиётининг ҳуқуқ бўлимида устод (муаллим)лик қилган, гап-сўзларига қараганда Ҳазни тарихини ҳам, Абу Райҳон Берунийни ҳам яхши биларди.

Хиёбоннинг девор билан туташ қисмидаги юзаси чангиб ётган супада қабр тупроғисимон икки дўнг – икки уюм тош бор эди.

Зокиржон ака, Муҳаммад Содик ва Фаррух Беруний қабрини дарҳол танидилар – кун ботиш тарафдаги бир уюм тош ул зоти шарифнинг мангу хобгоҳига тегишли эди, буни Ҳакимий ҳам тасдиқлади.

Уюмлар синиқ мармар парчалари, муштдай, ундан майдароқ оддий тошлардан иборат эди.

Супа жанубида, беш-олти чорпоя ўрнича майдонда ўриб олинган буғдой поялари қолган, яна озроқ ерга беда экилган, хиёбоннинг қолган катта бўлагида турли кўкатлар тартибсиз равишда ўсиб ётарди. Яна жануброқда, кўкатзорлар нарёғида эски уйлар кўринади. Кун чиқиш томонда гилос, тут дарахтлари, улар орасида қандайдир тепалик кўзга ташланар, ғарбий қисм эса мевали-мевасиз куюқ дарахтзор эди.

Ҳар иккала қабрнинг бош қисмига яшил туғли таёқ санчилган бўлиб, туғлар учига

ялтироқ тунокадан ясалган, балиқ овладиган санчикни эслатувчи беш панжа маҳкамланган эди. Панжалар гўё Искандарнинг бармоқлари эди ва улар «икки қўли бўш эмас, бошида кетди», деган маънони англатиб тургандай эди.

Ўнгдаги қабрнинг кимга мансублиги билан қизиқдик. Ҳожи Абдурахмон устоднинг айтишича, Беруний қабри устида жуда кўркам, салобатли мақбара бўлган. Илму фан аҳлини унча жини суймайдиган, маънавиятдан узоқроқ ҳукмдорлар (масалан, Абдурахмон хон, унинг ўғиллари Ҳабибуллохон, Омонуллохон) даврида инглизлар иштирокида Афғонистон заминида дафн этилган улуғ инсонлар – илму маърифатнинг даҳо сиймолари марқадлари аёвсизларча бузиб, қўпориб ташланган, жумладан, Абу Райҳон Беруний сағанаси ҳам. Бундай нохуш ҳодисалар, илму урфонга ғайри назар билан қараш анча олис тарихларда ҳам бўлган-ку. Масалан, Беруний, Ибн Сино, Насимий, Бобораҳим Машраб, Махтумқули каби қанчадан-қанча ўз замонасининг етук олимлари, шоирлари мудом қувғинда, саргардончиликларда яшаган, қатл этилган, териси шилинган! Файз Муҳаммадхон, Султон Муҳаммад замони ҳам шундай нобакорликлардан ҳоли эмас. ©ки яқин ўтмишда – шўролар даврида ҳам зиёлилар бир неча бор қатағон қилингани маълум-ку! Зиё аксарият ҳукмдорларнинг кўзини камаштириб, ғашини келтиради шекилли-да... Дарҳақиқат, қуёшга тик қараб бўлмади—ку!..

- Мана бу мрамор синиклари Беруний сағана тошидан қолган, - дейди Ҳакимий қабрнинг оёқ тарафидаги қиррали тошларга ишора қилиб. - Афғонистон подшоҳи Зоҳиршоҳ буйруғига биноан Беруний дафн этилган ерни топиш мақсадида шу жой қавланган – қабртош ҳам тупроқ остида қолиб кетган эди. Мен донишгоҳда муаллим эдим, қазувқидирув ишларида шахсан иштирок этганман. 1351 хижрийда ЮНЕСКО томонидан Абу Райҳон Беруний қабрини аниқлаш учун маҳсус комиссия тузилган эди. Ўшанда қабр ичидан ортикча суяклар чиққан. Беруний шогирдларидан бири жасадининг устози ёнига қўйилгани тўғрисидаги гапларга асосланиб, ана шу сўнгаларни алоҳида лаҳад қазиб кўмганмиз.

Беруний қабрининг топилиш тарихи ва иккинчи қабрнинг кимга мансублиги борасида бошқача мулоҳаза-маълумотлар ҳам бор. Геолог Умматали Усмоновнинг «Фан ва турмуш» журналининг 1987 йил 10-сонида эълон қилинган «Беруний қаерга дафн қилинган?» сарлавҳали хотира-мақоласида ғазнилик инженер Гулаҳмаднинг ушбу ҳикояси келтирилади:

«Ҳовлининг эгаси девор урмоқчи бўлиб лойхона қилаётган чоғида кетмон қаттиқ (?) бир тошга урилади. У қовлаб тошни олиб ташлайман деса, у оддий тош бўлмай, мрамор тахта экан, унда араб ҳарфлари билан ёзилган ёзув ҳам бўлади. Лекин у на афғон, на форс тилида бўлганлиги сабабли уй эгаси ва қўшнилар ўқий олмай шаҳар маъмурларига мурожаат этишади. Маъмурлар мазкур ёзувни Кобулдаги олимларга кўрсатишади. Олимлар узоқ (?) ўрганишгандан сўнг, шу тош топилган жой улуғ ва мутафаккир олим Беруний дафн этилган жой, бу тош эса Беруний қабрига қўйилган эсдалик тошнинг бир қисми, деган фикрни айтишади. Шундан кейин шаҳар маъмурияти қарорига биноан, Беруний қабри топилган ҳовли «тарихий ёдгорлик»ка айлантирилади».

Гулаҳмаднинг айтишича, Беруний қабрининг ёнидан яна бир қабр чиққан, унинг лавҳасида «бу ерга Мавлоно Берунийнинг ошпази дафн этилган» деган ёзув бўлган...

Далилларнинг қай бирига ишонмоқ керак? Маълумот берувчиларнинг ҳар иккиси ҳам Беруний яшаган ва дафн этилган Ғазни шаҳрининг ҳақиқий фуқаролари, илмли кишилар...

Ғазни шаҳар маъмуриятининг Беруний қабри топилган ҳовлини «тарихий ёдгорлик»ка айлантириш ҳақидаги қарори ва унинг ижросига исбот шуки, журналдаги мазкур мақолага муаллиф ўз кўзи билан кўрган, мрамордан дурустгина сағана тоши қўйилган бири катта, иккинчиси кичикроқ қабрларнинг расми ҳам илова қилинган.

Бизнинг ровийимиз, муаррих Абдурахмон Ҳакимийнинг сўзларига қараганда ўшандан кейин Зоҳиршоҳ Беруний боғини ободонлаштиришга фармон берган ва

ободонлаштирилган. ЮНЕСКО вакиллари Беруний мақбарасини тиклашга ваъда беришган, лекин бу иш амалга ошмасдан қолиб кетган. Чунки мансабдорлар алмашуви билан вазият, сиёсат ҳам ўзгарган. Қолаверса, юқорида айтилганидай, ҳамма ҳукмдорлар ҳам маънавиятга, илму зиёга хайрихоҳ бўлавермайди. Масалан, тарих яна бир Нодиршоҳ - Эрон подшосининг ғалати феълию ашаддий бузғунчиликларига гувоҳ. У мақбараю ёдгорликларни кераксиз, ортиқча дахмаза деб билган. Ҳиндистонга бостириб борганда ҳам бу қандай нодон одамларки, шунча бойликларни деворга чаплаб, бемаъни нарсаларга сарфлаб юборишибди, деб, кўплаб тарихий обидаларга ишлатилган қимматбаҳо тошлар ва бошқа нодир бойликларни (хатто бобурийлар тахтини ҳам!) бузиб, суғуриб, йўмириб юртига олиб қайтган.

Устод муаррих, шунингдек, Султон Маҳмуднинг илму урфонга катта аҳамият бергани, сарой атрофига тафаккур, зиё аҳлини йиғишга ҳаракат қилгани ва ўша даврда Фазнининг гуллаб-яшнагани тўғрисида жўшиб гапирди, «Арусил фалак» номли Фазни масжидига уч юз элликдан зиёд шоиру фузало, олиму уламо тез-тез тўпланиб, баҳсу мушоиралар ўтказишганини алоҳида таъкидлади.

Абдурахмон Ҳакимий Амир Темур тузуклари, «Бобурнома» тўғрисида, Бобур Мирзо, Акбаршоҳнинг Ҳиндистондаги фаолияти ҳақида анча кенг маълумотга эга эди. Улуғбек расадхонасининг қисматини эслаб куюнди. Кобулдаги Боғи Бобурда бир неча бор бўлганини, боғнинг 1962 йилгача яхши ҳолатда турганини айтиб, кейин қаровсиз қолганига ачиниш билдирди.

Умуман, Ҳакимий хийла билимдон, маънавиятпарвар, юртпарвар олимга ўхшарди. Баҳромшоҳ Фазнавий давридаги ҳайратомуз бир воқеани сўзлаб берди.

Аловиддин Жаҳонсўз Фурий Фазнини эгаллаш мақсадида (1455 йили) укаси Сафидинни кўшинга кўмондон қилиб юборади. Баҳромшоҳнинг одамлари Сафидинни тутиб олиб, қатл этадилар. Бундан ғазабга минган Аловиддин Жаҳонсўз:

- Фазни шахрини вайрон қиламан, одамларини ёппасига тигдан ўтказиб, қонини оқизаман! – деб қасам ичади. Шунда ака-ука Хожа Абдусалом ва Хожа Абдусамад исмли икки мўътабар зот Аловиддиннинг ҳузурига бориб, қасамингизни бажо этиш учун иккимизнинг қонимизни тўксангиз-у, шаҳарга ҳужум қилмасангиз, дея илтижо қилишади. Уларнинг ўтинчлари инобатга олинади. Қатл пайтида ака-укалардан бири қулиб, иккинчиси йиғлаб туришган. Шунинг учун уларни халқ ҳозиргача Хожа Хандон ва Хожа Гирён деб эслаб, гапириб юраркан.

Оға-ини қатл этилган жой ҳозир зиёратгоҳ экан. У ерда ўша ака-укалардан қолган тегирмон ҳам бор, дейишди. Ватанпарварлик, халқпарварлик музейига айланган ўша қатлгоҳни жуда-жуда кўргим, таассуротларни бойитгим келди-ю, лекин бунинг имкони йўқ эди. Зеро, аввалги сафарномалардан бирида ёзганимдай, йўлимиз шахматдаги руҳни эслатади – битта мақсад сари қийшаймай, оғишмай юрамиз. Яъниким, биз Фазнига Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Фазнавий ва бошқа алломалар қабрининг сўнгги ҳолатини ўрганмоқ ва улар ҳақида зарур манба-маълумотлар тўплаш мақсадида келганмиз.

Беруний дафн этилган жойдан қайтар эканмиз, улуғ алломанинг мангу оромгоҳи келажакда у зотнинг хотирасига муносиб зиёратгоҳга айланишини чин дилдан илтижо қилдик.

## FAZNAVIIY MAQBARASI

Шаҳарга қайтиб, вилоят ҳокимлигига бордик. Дарвоза олдида посбонлар туришар, ичкарига кирувчиларни синчиклаб текшириб ўтказишарди. Ҳокимиятнинг ҳовли ўртасида жойлашган биноси бўсағасида ҳам... Шаҳар ҳокими ва ҳожи Абдурахмон борлиги учун

бизни тинтимамай, аксинча, тавозе билан қўйиб юборишди.

Ҳокимнинг хонаси иккинчи қаватда эди. Йўлакларда, катта айвон – фойеда арзгўйлар ва бошқа юмуш билан келганлар қатор бўлиб, тиқилишиб ўтиришарди. (Бино янгию унча катта эмас эди). Кеча Асадулло Холидни жуда хотиржам ҳолатда кўриб, ишлар жойида чоғи, деб ўйлаганимни эсладим. Албатта-да, шунча урушлардан чиқиб, янги ҳаётга, янги замонга қадам қўяётган юрт аҳлининг муаммолари ҳам кўп бўлиши табиий-ку.

Оқшомги маслаҳат бўйича Беруний мақбарасини қайта тиклаш, унинг атрофини (собик боғни) ободонлаштириш тўғрисида Муҳаммад Анвар билан ўзбек ва пуштун тилларида муддао битимини ёздик. Ғазни вилояти ҳокимлиги ва Бобур халқаро фонди ўртасида тузилган бу ҳужжатга имзо чекилиб, муҳрлар босилди. Маросимни Ғазни телевидениеси тасвирга олди. Асадулло Холид жаноблари Фаррухга «Ахборот» кўрсатуви учун интервью бериб, жумладан, шундай деди:

- Ўзбекистон билан иқлимимиз бир, бир ҳаводан нафас оламиз, бир дарёдан сув ичамиз. Бир вақтлар орамизда чегара йўқ, борди-келдимиз жуда қалин эди. Беруний ўзбек халқи учун қанчалик азиз бўлса, биз учун ҳам шунча қадрли, чунки у умрининг энг сермахсул, сермазмун даврларини Ғазни заминида кечирган, кўплаб нодир асарларини шу ерда яртаган. Шунингдек, афгонлар диний билимларни, ислом аҳкомларию ҳадиси шарифларни Ат-Термизий, Ал-Бухорий китобларидан ўқиб ўрганадилар. Ўзбек халқининг бизга хайрихоҳ ва ҳамдардлигини яхши биламиз. Зеро, «қўшнинг тинч, сен тинч», деганларидай, Афғонистонда амният бўлса, Ўзбекистон халқи ҳам хотиржам яшайди...

Маросим тугаб, йўлга чиқмоқчи эдик, ҳоким жаноблари тушлик қилиб, кейин кетасизлар, деди. Зокиржон ака режаларимиз тиғизлиги, борар манзилимиз узоқлигини ўртага солиб узра айтди. Мезбон узрни қабул қилмади.

- Асло! Сизларни шундоқ қўйиб юбормайман, буни ҳеч иложи йўқ. Тушликка ҳозирлик кўриб қўйилган. Мен манзират қилаётганим йўқ, таклифим сидқидилдан. Агар бунга кўнмасаларингиз, ҳоким сифатида айтаман, - кулди у. – Албатта, менинг хафа бўлишимни истамайсизлар... Сизлар бориб, беш дақиқа нафас ростлаб турасизлар, мен етиб бораман.

Ортиқча ўжарлик ҳам ноқулай, ножоиз эди. Ахир келмак ихтиёр билан, кетмак ижозат билан, деган нақл ўзимизда ҳам бор-ку. Қолаверса, катталарни ранжитиш ҳам дуруст эмас...

Емакхонада тушлик қилинган, мезбонлар биз билан хайрлашиб, оқ йўл тилаб қолишди.

Яна чала асфальт, шағалли йўллардан силкиниб кетиб боряпмиз. Икки томонда мина белгилари, пахса уйлар...

Тахминан олти чақиримларда Маҳмуд Ғазнавий қабр-мақбараси бор эди. Бу тарихий ёдгорлик йўлнинг чап тарафида - анча ичкарида, тепаликда жойлашган бўлиб, энига узун-узун, бўйига кенг зина-пиллапоялардан, супа-сахнлардан чиқиб бориларди.

Сағана сиртдан анча эскирган эди. Ичи қадимий, шарқона нақшлар билан безатилгани сабабли бинонинг кўхналиги унча сезилмасди.

Деворларга «тамоми Хуросонни фатҳ этган, ислом оламининг ғозийларидан Низомиддин Маҳмуд Зобулий бинни Носириддин Сабуктагин»нинг туғилган ва тахтга ўтирган саналари, ўттиз икки йил ҳукмдорлик қилиб, олтмиш ёшда вафот этгани, ғарбдан Ҳамадону шимолдан Хоразмгача, жанубдан соҳили Балужистону шарқдан Ҳиндистонгача бўлган ҳудудни забт қилгани ва бошқа маълумотлар, Қуръони карим, ҳадиси шарифлардан оятлар, ҳикматлар битилган эди.

«Бобурнома»дан: «Султон Маҳмуднинг қабри Ғазнининг маҳаллотидадурким, Султон қабри анда учун Равза дерлар...Мутабаррак мазорат Ғазнида бисёрдур». Ажабки, Султон

Маҳмуд билан замондош, тақдирининг муҳим бир палласи ўша ҳукмдор билан боғлиқ Абу Райҳон Берунийнинг ўзи ҳам, қабри ҳам нечукдир Бобур Мирзо қаламидан четда қолган. Ўшангача қомусий олим, эндиликда жаҳон тан олган мутафаккир мазори узра мақбара ё эътиборга молик бир ёдгорлик ўрнатилмаганмикан? Ваҳоланки, аллома Беруний айна ижодий қувватга тўлган даврларида Ғазнида яшаган ва «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Геодезия» («Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш»), «Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушунчалар» каби қатор асарлари ана шу шаҳарда яратилган.

Султон Маҳмуд - ғазнавийлар сулоласининг (асосчиси отаси Сабуктагин эди) йирик намояндаси (X-XI аср), кўплаб ўлкаларни босиб олган, айна вақтда илмпарвар, араб ва паҳлавий тилларини билган шоир мақомида ҳам маълумдир. Хоразмни эгаллагач, Абу Райҳон Берунийни Ғазнига олиб кетиб, унинг ижодий-илмий ишлар билан шуғулланишига ғамхўрлик кўрсатади. Ҳиндистон юришида ҳам Беруний Султон Маҳмуд билан бирга бўлган ва натижада олимнинг оламшумул аҳамиятга эга «Ҳиндистон» асари юзага келган.

Мувозий-ёндош тоғлар оралаб ғарби-шимолга юриб, томорқаларига ёппасига картошка экилган кишлоқдан ўтдиг-у, яна даштга чиқдик. Хийла-хийла масофадан сўнг экинзор, ям-яшил майса-дарахтлар бир кўринади, у ёғи яна саҳро...

Уйлар сал кўркамлаша бошлади – бу маркази каттароқ, замонавийроқ шаҳар яқинлигидан дарак эди.

Дарвоқе, Асадулло Холид амри билан ЖИП машинасида бизни кузатгани чиққан икки зобит ярим йўлдан бизнинг розилигимиз, даъватимиз билан қайтиб кетишди.

Саксонинчи чақиримда туркиялик йўлсозларга дуч келдик. Жазирама иссиққа қарамай, шиддат билан ишлашар, шағал ётқизилган кўчага сув сепиб, орқадан бирийўла асфальт босиб боришарди. Бир километрча дашт ичидан айланиб ўтдик.

Икки соатда тўқсон тўрт километр (яхши!) йўл юриб, тоғ қўйнидаги сердарахт, экинзор бир жойдан чиқдик. Чап томон ҳақиқий водий, ўнгда эса доимий йўлдошимиз – симобранг тоғлар пайдо бўлди.

Йўл соз - асфальт. Майдон деган жойдан кейин тагин икки ёндаги тоғлар орасига кирдик. Чапда, йўлдан бир неча чақирим ичкарида, тоғлар бағрида томлар кўзга ташланарди.

- Асли биз хў анови Арғунди кишлоғиданмиз, - деди Муҳаммад Анвар ўша томонга нигоҳи ва қўли билан ишора қилиб. – Отам шу ерда туғилган, етти яшарлигида Майманага кўчиб бориб қолишган экан.

Сувсиз Кампани дарёси кўпригидан ўтиб Кобул шаҳрига кирдик. Ғазнидан 125 километр эди, йўл яхшилигидан икки ярим соатда босиб келдик.

Кобул! Бобур Мирзо учун ғоят азиз, машҳур бу шаҳарни кўрмоқ кўпдан бери орзу эди...

## КОБУЛ ВА БОБУР

*Манбаларнинг гувоҳлик беришича, шу номли дарё водийсида жойлашган бу шаҳри азимнинг пайдо бўлган даври, атама келиб чиқиши тарихи ҳануз сир бўлиб қолмоқда. У дастлаб қадимги юнон олими Птолемей асарларида «Кобур» тарзида қўлланган. Кушон подшолиги (1-3-асрлар), Эфталитлар давлати (5-6-асрлар) таркибида бўлган. Эфталитлар салтанати таназзулга учрагач, Кобулни буддизм эътиқодидаги маҳаллий ҳокимлар идора қилишган. Еттинчи асрда араблар, 9-асрда саффорийлар босиб олган. Кейин сомонийлар,*

*газавийлар, темурийлар ҳукмронлик қилган. (Олимларимиз милонинг дастлабки юз йилликларидан то IX асрларга қадар Кобулда келиб чиқиши туркий бўлган ҳинд шоҳлари ҳукмронлик қилгани, бинобарин, шаҳарнинг иқтисодий ривожига ҳиндларнинг таъсири катта бўлганлигини ҳам қайд этадилар. Абу Райҳон Беруний эшитган маълумотларга кўра, Кобулдаги биринчи туркий ҳукмдор тибетлик Бархатакин бўлган экан).*

13-асрда Кобулни Чингизхон забт этиб, вайрон қилган. Ўзбек қомусининг биринчи нашрида, айрим бобуршуносларнинг китобларида Кобулни Бобур Мирзо 1504 йили олгани ва ўзи асос солган давлат пойтахтига айлантиргани ҳақида ёзилади. Жумладан, муаррих С.Жалилов «Бу (Кобулнинг забт этилиши) 1504 йил сентябр ойининг биринчи ҳафтаси эди», деб қайд этади. Ҳ. Ҳасанов ва бошқа бир қатор олимлар мазкур тарихий воқеа 1505 йили содир бўлган, деб ҳисоблайдилар. Бу даврларга хос айрим далиллар «Бобурнома»нинг ўзида ҳам баҳсталаброқ туюлади. Гап шундаки, ҳижрий тўққиз юз тўққизинчи (мелодий 1503-1504) йил воқеалари шундай жумла билан бошланган: «Муҳаррам ойида Фарғона вилоятидин Хуросон азимати била Илоқ яйлоғигаким, Ҳисор вилоятининг яйлоқларидандир, келиб туштум. Ушбу юртга йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзумга устара қўйдум». Бир неча саҳифадан кейин ёзилишича: «Рабиул-аввал ойининг авохирида тангри таоло фазл ва карами била Кобул ва Ғазни мулк ва вилояти бежанг ва жидол муяссар ва мусаххар» қилади. Унда Кобулнинг олиниси 1503 йилга тўғри келади ва Бобур Мирзо 23 эмас, йигирма ёшда бўлади.

Ҳамидулло Ҳасанов «Заҳриддин Муҳаммад Бобур» рисоласида эса Бобур Мирзонинг 1504 йил бошида Фарғонада бўла туриб, 1505 йил охирида Ҳисорга бориб қолгани ва орадаги бир йиллик воқеаларнинг ноаниқлигидан таажжубга тушади. Академик В.Зоҳидовнинг «Бобурнома»нинг 1960 йилги нашрига ёзган сўзбошисида бу рақам ва далиллар янада чалкашроқ берилган: «Бобур 1504 йили, 19 ёшида Кобулни забт қилиб...» Ахир бу санада шаҳзода Бобур 19 эмас, 21 ёшда бўлади-ку?

Бобур халқаро илмий экспедициясининг водий бўйлаб уюштирилган махсус сафари натижаларига бағишланган тадқиқот муаллифлари З.Машрабов ва С.Шокаримовлар Бобур Мирзонинг ана шу паллада «йигирма икки ёшга тўлиб, йигирма учга қадам қўйгани, яъни йигирма уч ёшнинг ибтидосида» бўлганини баён этиб, мазкур далилга қисман аниқлик киритадилар ва иккинчи жумбоқ борасида шундай хулосага келдилар: «...Бобур Мирзо Андижоннинг Хакан дарвозасидан чиқиб Мингтепа қишлоғининг қуйи қисмидан Қува шаҳрининг юқори томони орқали Сўх - Хушёр – Сувбоши – Қорабулоқ – Ворух – Даҳқат – Овчи қишлоқларидан ўтиб, Фарғона мулкени тарк этган. Ўзига таниш ва қулай йўллар билан Оббурдон, Қоратегин доvonларидан ошиб, Ҳисор водийсига ўтиб кетишга муяссар бўлган».<sup>1</sup>

«Бобурнома»дан аён бўлишича эса Фарғона билан Ҳисор орасида кечган бир йил эмас, Кобул, Ғазни ва Қандаҳор олингандан кейин – ҳижрий тўққиз юз ўнинчи (мелодий 1504-1505) йил билан ҳижрий тўққиз юз ўн биринчи (мелодий 1505-1506) йил оралиғидаги бир йил мубҳамдир. Умуман олганда, «Бобурнома»даги баъзи воқеа-ҳодисаларнинг қайси йилда содир бўлаётганини англаб олиш учун асар саҳифаларини қайта-қайта варақлашга тўғри келади.

Ҳай, майли, бу мавзу, баҳсни ўз эгаларига – мутахассисларга қолдирайлик-да, Кобул таржимаи ҳолига қайтайлик. Алқисса, бобурийлардан сўнг (1738 йил) Кобулни Эрон шоҳи Нодиршоҳ эгаллайди, кейин дурронийлар ўз давлатига қўшиб оладилар. Темуршоҳ Дурроний даврида (1773-99 йи) Кобул яна пойтахтга айлантирилади. Сўнг Кобул султонлигининг маркази бўлиб туради.

Ҳиндистонга ўтадиган карвон йўлида жойлашган, муҳим савдо-сотик марказларидан бири бўлган Кобулнинг Афғонистон давлатининг вужудга келиши ва мамлакат иқтисодий-

<sup>1</sup> З.Машрабов. С.Шокаримов. Асрларни бўйлаган Бобур. Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти, 1997 йил, 36-бет.



ижтимоий ривождаги ҳиссаси беқиёсдир.

Шаҳарда археологик-тарихий ёдгорликлар кўп. Боло Хисор қалъаси, Боғи Бобур, Темуршоҳ мақбараси, Чихил сутун боғи ва саройи, Муҳаммад Нодиршоҳ мақбараси шулар жумласидандир.

Энди бевосита Бобур Мирзонинг Кобулга меҳри ва муносабатлари борасида сўз юритсак. Маълумки, Афғонистон (Хуросон) Заҳириддин Бобур ва бобурийлар ҳаётида муҳим ўрин тутди. Хусусан, Кобул Бобуршоҳ умри китобининг зарҳал саҳифаларини ташкил этади, десак хато эмас. Ўз ватанидан мосуво бўлгач, Бобур Мирзо айнан Кобулда кўним топади, бир қадар осойишталик, хотиржамлик, кўшин, мол-дунё ва яна бошқа кўп нарсаларга эришади.

Шаҳзода Бобур Кобулга аввало ота мулк сифатида интиланган бўлиши керак. Зеро, Абу Саид Мирзо бу тарихий шаҳарни ўғли Умаршайх Мирзога инъом этган эди. «Агар Бобурнинг учта уйи бор, десак, - бири Андижонда, иккинчиси Ҳиндистондаги Аграда, учинчиси Кобулда эди», деб ёзади Ҳ.Ҳасанов. Бизнингча, бу ердаги тартиблашга андак таҳрир киргузиб, Кобулни иккинчи уйи десак мақбулроқ бўлса керак. Чунки, биринчидан, Аградан аввал Кобул олинган ва Бобуршоҳ умрининг йигирма йилдан зиёди шу шаҳарда кечган, оила аъзолари шу ерда муқим яшаганлар, тўнғич, суюкли ўғли Ҳумоюн ва бошқа фарзандлари Кобулдаги Боғи Бобурда таваллуд топишган. Иккинчидан, Бобур Мирзо Кобулга ўз юртидек меҳр қўйган. Кобул вилояти ва унинг атрофидаги туманлар, қишлоқлар, довонлар, ҳатто даштликларнинг ўзига хос табиати ва бошқа фазилатларини батафсил ва бисотидаги энг чиройли сўзлар, рамзий иборалар билан таърифлайди: «Бисёр латиф ҳавоси бор. Кобул ҳавосидек ҳаволик ер оламда маълум эмаским, бўлғай». «Кобулдин бир кунда андак ерга борса бўлурким, ҳаргиз қор ёғмас. Икки соати нужумийда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз қори ўксумас».

Энг асосийси, Бобуршоҳ олис Аграда, вафоти олдидан ўзининг жасадини Кобулга, ўзи яратган ва ғоят хуш кўрадиган Боғи Бобурга дафн этишларини васият қилган.

Дарвоқе, нега у айнан Кобул тупроғида қиблага бош қўйиб ётишни хоҳлади?

Бу саволга жавоб излаган бобуршунос Р.Воҳидов «...умр бўйи ватан соғинчи изтиробларини қалбида асраган шоҳ ва шоир Бобур Мирзо абадий уйку учун ҳам суронли табиатига мос суронли жойни танлади», дея ўз ҳукмини айтади. Бадиий, жўяли фикр. Аммо, назаримизда мазкур саволнинг аниқ, лўнда жавобини Бобуршоҳнинг ўзидан топиш мумкин. Бобурнинг қизи Гулбаданбегим «Ҳумоюннома» асарида акаси Ҳумоюннинг укалари, хусусан Комрон Мирзонинг иддаоларига раддия сифатида айтган қуйидаги гапини келтиради: «Ҳазрат Фирдавс макон **(Бобуршоҳ -Қ.К.)** кўпинча Кобулни ҳеч кимга бермайман ва фарзандларим Кобулни таъма ҳам қилмасинлар, чунки худо таоло ҳамма фарзандларимни менга Кобулда берган, ҳамма фатҳлар Кобулда туриб қилинган», дер эдилар. Фирдавс маконнинг «Воқеаннома»сида бунга далил бўлувчи фикрлар кўп айтилган». Дарҳақиқат, бу фикр мағзи Бобуршоҳнинг фарзанди аржуманди Ҳумоюн Мирзога йўллаган мактубида шундай ифода этилган: «Яна мунча фатҳ ва зафарлар Кобулда эканда бўлди, Кобулни шугун<sup>1</sup> тутубтурмен, ани холиса<sup>2</sup> қилдим. Ҳеч қайсингиз таъма қилмағайсиз»<sup>3</sup>.

Агар бунга Бобур Мирзонинг айнан Кобулда «подшоҳ» мақомини олгани, Моҳимбегимдай оқила, латофатли, суюкли умр йўлдоши (ва бошқаларини ҳам) Хуросон заманида топгани ва «иккинчи уй...» борасидаги фаразларимизни ҳам қўшсак, бошқа изоҳга ҳожат қолмас. Кобулни кўриш истаги менда ана шу жиҳатдан ҳам кучли эди. Балки шулар боис, собиқ Хуросон диёри менга ғоят салобатли ва сирли туюларди.

<sup>1</sup> Шугун – яхши ният

<sup>2</sup> Холиса қилмоқ – ўз ихтиёрида қолдирмоқ

<sup>3</sup> Бобуршоҳ ўз лошини бобокалони ватани Самарқандга ё ота юрти Андижонга элтиб кўмишларини васият қила олмасди, чунки бу пайтда гарчи ашаддий ғаними Шайбонийхон ҳалок бўлган эса-да, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг катта бир қисми ҳамон унинг сулоласи, тарафдорлари қўлида эди.

Албатта, айна Кобул ва унинг теварагида кечган қарийб ўн икки-ўн уч йиллик воқеалар «Бобурнома»да йўқ. Бобуршунослар бу узилишларни Бобур Мирзонинг ўша даврларда Қандаҳору Ҳиндистонга қайта-қайта юришлар ва бошқа ташвишлар билан ниҳоятда банд бўлганлиги билан изоҳлайдилар. Шубҳасиз, бу мулоҳазалар ҳам ҳақиқатга яқин. Лекин «Хатти Бобурий», «Мубаййин» каби мураккаб, заҳматталаб асарларини Бобур Мирзо айна ўша паллаларда яратган-ку. Балки айна Кобулда кечган ҳаётида фароғатли, хузурли онлар кўп бўлгандир ва шунинг учун ҳам ундан кўнгиш узолмагандир.

Хуллас, ҳозирги Афғонистоннинг пойтахти Кобул Бобуршоҳ ҳаётининг ажралмас, катта бир қисмига дахлдор гўзал ва машҳур тарихий шаҳардир. Лекин...

Шаҳар четидаёқ нохуш манзараларга кўзим тушиб, дилим ғашланди. Чапдаги бир квартал (мавзе) уйлари портлаш ва ёнғинлар оқибатида батамом вайрон бўлган ва ана шу ҳолатда қолган эди. Ўнг тарафда уруш асоратлари - ўпирилган томлар, йиқилган, куйиб қорайган деворлар ҳам кўзга оғриқ берарди. Сал юрилгач, ҳар икки томонда бинолар қайта қурилаётганини кўриб, дилимизга сал равшанлик инди. Ушбу Кўтали Санги мавзеида ўқилма-тешиқ қилмаган бир иншоот, девор, бир устун қолмаган эди ҳисоб.

Жоди майвон шоҳқўчасидан юриб, Кобулнинг ичига кириб кетдик.

Марказда дўконлару маҳкамалар, ташкилотларнинг бинолари ҳам, одамларнинг кийинишлари, юриш-туришлари, аёлларнинг чодра-чачвонию, эркакларнинг соқол-мўйлови ҳам анча маданийроқ, замонавийроқ эди.

Шаҳарнинг шимоли-ғарб тарафида, четроқдаги Вазири Акбархон мавзеида жойлашган элчихонамизни анча қидириб, ниҳоят топдик: 13-кўча, 14-уй эди.

Элчимиз Алишер меҳнат таътилида экан, унинг ўринбосари Носиржон Ғиёсов ва консул Искандар Қодировлар бизни мамнунлик билан кутиб олишди ва энг яхши ётоқхоналарига жойлаштирдилар.

Элчихонамиз биноти кобуллик бир бадавлат одамга тегишли бўлиб, икки қаватли, шинам, чоғроққина ҳовлили эди. Иморатнинг олди – кун юриш тарафидаги ям-яшил, қалин майсазор, бино билан ташқи девор ўртасидаги гулзор-гулхонада атиргул, карнайгул ва яна майда кўзли оч кулранг-пушти бир гул жудаям чиройли очилиб, ҳовлига алоҳида ҳусн ва файз бағишларди. Афсуски, у гулнинг номи, асл ватанини аниқлай олмадим.

Майсазор ўртасига стол-стул қўйишди. Мезбонлар билан яхшироқ танишиб, суҳбатлашиб ўтирдик.

Тошкент шаҳрининг Хаста имом даҳасида туғилган Носиржон 1980 йили Тошкент давлат университетининг шарқ факультети форс тили бўлимини тугатган ва ўша йили Кобулга юборилган, икки йил Афғонистон қишлоқ хўжалиги вазирлигида таржимон бўлиб хизмат қилган экан. Кейин Тошкентга қайтган. 2002 йилнинг декабридан Ўзбекистоннинг Афғонистондаги элчихонасига ишга келибди.

Қоп-қора, туташ қош, мўйловли, оппоқ юзли Искандар эса Тошкент шаҳрининг Алоқа (ҳозир Илғор) маҳалласидан эди. 1994 йили Шарқшунослик институтининг ҳинд-урду бўлимини битирган, бу ерда шу йилнинг апрелидан иш бошлабди.

Носиржон табиатан оғир-вазмин, сўзлаш услуби ҳам шу феълига монанд салобатли, Искандар шитоброқ, шўхроқ (албатта, у ҳали анча ёш-да), бироқ иккаласи ҳам истарали, хушчақчақ ва жуда самимий инсонлар эди. Бундай одамлар билан киришиб кетиш осон ва мулоқот ҳам қизиқарли, мароқли бўлади.

Кечкурун улар бизни таърифи кетган афғон миллий таоми – кобули шўрва билан меҳмон қилишди.

Ётоқларимиз иккинчи қаватда бўлиб, бағоят озода, саришта эди. Торгина, қисқагина йўлакнинг чап томонида хобгоҳлар, ўнг тарафда ёнма-ён иккита ювиниш хонаси

(хожатхоналари билан) бор. Хуллас, мазза қилиб ухлайдиган, тунги «ташқарига чиқиш» борасида ортиқча ташвишга ҳожат йўқ, қулай жой эди. Айниқса, икки кунлик тебратма ва силтама йўллар, икки кечалик енгил-елпи юз-қўл ювишларнинг ҳиссасини чиқариш учун барча шароит ва имкониятлар муҳайё эди. Сирасини айтганда, кечаги, аввалги кунларимиз ҳам ёмон ўтмадию, лекин қандайдир ҳиссиётлар вужудимизни ва шууримизни таранглаштириб тургандай эди. Элчихонамизда, юртдошлар орасида ўзимизни худди ўз уйимиздагидек жуда эркин ҳис қилардик. Кечкурун ташқарида алламаҳалгача гурунглашдик.

Элчихонамизга эркалик қилиб ҳамма яқинларига занг уриб, роса гаплашди. Мен ҳам, бошқалардан қолмай деб, ўринбосар («Холис» газетамизда) Восит Аҳмаднинг хонадони билан (Гуркировга кўнғироқ қилишнинг иложи йўқ) боғландим, унга ўзимнинг ҳолатим ва сафар ҳақида қисқача маълумот бердим, ходимларимиз, бизнинг уйдагилар тинчлигини билиб, хийла хотиржам бўлдим.

## **БИЗГА НАСИБ ЭТМАГАН ФАРҒОНА ТАОМЛАРИ**

*17 август, якшанба*

Илҳомжон билан ҳамхона эдик. Иккаламиз ҳам бир-биримизнинг хурракларимиздан хавотирланиб, мук тушиб, мумкин қадар товушларимизни чиқармасликка (албатта, кўзимиз илингунга қадар, кейин ким билади, дейсиз!) ҳаракат қилиб ётиб эдик. Чарчаганимиз учун донг қотиб қолдикми, ҳарқалай мен ҳеч қандай бегона шовқин эшитмадим. (Аслида бундан аввалги сафаримиз давомида Илҳомжон мушук боладай беозор ухлар экан, деган тўхтамга келган эдим, инсонни билиб бўлмас экан. Кейинги юришимиз чоғида, Маккаи мукаррамада (бешовлон торгина бир хонада эдик) унинг ҳам хурракчилик бобида чакана эмаслигига бир неча бор гувоҳ бўлдим). Хуллас, мириқиб ухлабман Илҳомжон ҳам зорланмади, балки ёшимни ҳурмат қилиб «дарди»ни ичига ютгандир.

Мукамал ва пухта нонуштадан сўнг Носиржон ҳамроҳлигида Афғонистон Ахборот ва маданият вазирлигига бордик. Вазир доктор Саид Маҳдум Раҳин жаноблари билан учрашдик. (Қабулхонада навбат кутувчилар кўп эди, элчихонамиз ҳурматида бизни тезгина қабул қилди).

Аслида, Зокиржон ака имкони бўлса жаноб Зоҳиршоҳ билан учрашмоқчи, Беруний қабрини очтиришдан мақсад ва натижалар тўғрисида гаплашмоқчи эди. Носиржон билан Искандар уриниб кўришди. Тўқсонга яқинлашиб қолган собиқ подшоҳнинг мазаси йўқлиги, яқинда Фарангистонда даволаниб келган бўлса-да, яхши соғайиб кетмаганини айтиб, узр сўрашибди.

Маданият вазирининг кенгинга хонаси жиҳозлар – стол-стул, китоб, суратлар, ҳар хил майда-чуйда осори атиқалар кўплигидан бесарамжонроққа ўхшаб кўринди, ўтирадиган, юрадиган жой кам қолган эди.

Жаноб Раҳин ҳам анча ёшга бориб қолган эди. (Ҳарқалай, менга шундай туюлди). У Афғонистон худудидаги маданий ёдгорликлар, уларга урушларнинг салбий таъсири, Боғи Бобурнинг таъмирланаётгани ҳақида сўзлади, Бомиёндаги Будда ҳайкаллариининг ғорат қилинганига таассуф изҳор этди.

Раҳбаримиз экспедиция давомида ҳолатлари ўрганилган тарихий обидалар, жумладан, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Абу Райҳон Беруний мазоротларининг жиддий эътиборга, уларни қайта тиклашга муҳтожлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Ўзбекистон Ҳукумати Навоий мақбарасини таъмирлашга киришиш арафасида эканлигини айтиб, вазирга бошқа аллома аждодларимизнинг мангу оромгоҳлари ва уларнинг мақбара-сағаналарини биргаликда тузатиб, ободонлаштириш, зиёратгоҳга айлантириш борасида ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

Учрашувдан чиқиб, Боғи Бобурга жўнадик. Йўл-йўлакай шаҳарни кузатиб борамиз: ҳар бир бино девори, пештоқларида қолган аянчли асоратлару беҳисоб ўқ излари бу жойларда яқиндагина даҳшатли портлашлар, қонли тўқнашувлар бўлганидан шохидлик берарди. Йирик-йирик иншоотлар, хусусан, кинотеатр ва бошқа маданий муассасаларнинг бинолари беомон замбаракка тугилган, кунпая-кун қилинган эди. Аммо кўчада, бозорларда ҳаёт қайнамоқда, одамлар уруш отлиғ мудҳиш вабони аллақачон ёдидан чиқариб, турмуш ташвишлари деган бепоён, тубсиз уммонга бутун вужудлари билан шўнғиб кетишган.

Аксарият шарқ шаҳарларидаги каби, Кобулда ҳам бозорлар йўл бўйларида жойлашган, мева-чева, сабзавот сероб, кўчаларда, бекатларда автоуловлар қатнови тигиз, харидору йўловчи қалин, улар орасида хотин-қизлар ва уларнинг очиклари Афғонистоннинг бошқа юрт-кентларига нисбатан кўп. Оч сиёҳранг, тиниқ ялтироқ кулранг, гоҳида олди очик чодралар кўзга алоҳида ташланади.

Бир бозор олдидаги «Фарғона таомлари» деган ёзув нигоҳларимизга ўтдай урилди, шу жойга келиб тушлик қилсак бўларкан, деб ўтиб кетдик, аммо насиб этмади.

Мени яна бир ҳол ҳайратга солди: шаҳарнинг шимол томонидаги кун чиқишдан кун ботишга қараб ястанган Кобул тоғлари ёнбошидаги уй-жойлар зина-зина бўлиб энг тепагача чиқиб кетган эди. У қояларда яшовчилар шаҳарга ҳар куни, хусусан қор, ёмғир ёққан пайтларда қандай тушиб-чиқишади, қариялар нима қилишади, сув, газ масаласи қандоқ, машиналарини қаерга қўйишади - ҳеч ақлим бовар қилмас эди. Уйлар шу қадар зички, узоқдан асалари яшиқлари тартибсиз равишда қалаштириб ташланганга ўхшайди. Яшиқ-уйлар шу қадар беҳисобки, кўзларингиз живирлашиб кетади. Ва яна кўпроқ ажабланиш мумкинки, ўша ноқулай, баланд тоғ ёнига, қиршовларига қум, цементни, ғишт-ёғочни, бошқа қурилиш ашёларини қандай олиб чиқишганикин? Ўша хатарли, қалтис ён бағирликларда усталар ва бошқа ишчи-хизматчилар қандай ишлашганикин? (Лекин бу кўрганларим Туркиядаги шундай мавзелар олдида ҳолванинг ҳам ҳолваси экан!). Эҳтимол, тоғ ҳавоси яхшидир, деб ўйладиму яна бу фикрдан дарҳол қайтдим. Одамлар шу қадар бир-бирларига қапишиб яшайдиган маконда тоза ҳаво қолармиди. Демак, пастда ер тигиз ва қиммат... (Ҳарқалай, ул осмони равоқда умргузаронлик қилувчиларга ҳавасим келмади). Эҳтиёжнинг ўзи ихтирони вужудга келтиради, деганларидай, демак, эҳтиёж ҳар қандай машаққатни енгиб ўтишга ҳам қодир бир куч...

## БОҒИ БОБУРДА

Боғи Бобур Кобулнинг шарқи-жануб қисмида, четроқда эди. Унинг фақат ғарб - шаҳар тарафи очик, қолган уч томони унча баланд бўлмаган тоғлар билан ўралган – табиий ихоталанган.

Боққа олиб борувчи кўчанинг номи Жўйи шир бўлиб, осмон тоғига нисбат берилади ёки қисқа қилиб «Осмон» деб ҳам аталади.

Шери Дарвоза тоғи пойидаги Боғи Бобур ҳудуди аввал Гузаргоҳ дейилган. Хуллас, бу барҳаво жойнинг бир вақтлар «Бобурнома»да таърифланганидек, ниҳоятда кўркам ва гўзал бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Боғнинг олди томонидаги – жанубий-ғарбдан ғарбий-шимолгача бўлган кенг ҳудуд – Кобул шаҳри, унинг ортида, жанубий-ғарбда Қасри дориломон – Омонуллоҳ подшоҳ (1919-1929 йиллар)нинг собиқ қароргоҳи қолдиқлари узоқда бўлса ҳам, яққол кўриниб туради.

Шаҳарга ичимлик суви ўша ёқдан – қор кўп ёғадиган Поғомондан келади.

Боғда таъмирлов бораётгани боис, асосий дарвоза берк эди, бизни жануб томондаги анча баландликка – боғнинг нақ ўнг елкасидаги эшикка бошладилар. Бош ровотдан кириладиган бўлса, боғ тоғ ёнбағрида барпо қилингани учун унинг асосий қисми – Бобур қабри, намозгоҳ ва бошқа иншоотлар мавжуд тепаликка оралари кенг гулзор, бўлим-бўлим пиллапоярлардан чиқиб бориладди.

Боғнинг қоқ ўртаси - марказидаги тўрт тарафи айвондан иборат бино, назоратчи мўйсафид Абдул Воҳиднинг айтишича, меҳмонлар қабул қилинадиган, ҳар турли маросимлар ўтказиладиган клубга айлантириш мақсадида америкаликлар томонидан созланмоқда экан. Дарҳақиқат, аслида Арк бўлган мазкур ҳашаматли иморат деярли янги лойиҳа асосида қайта қурилмоқда, равоқ ва шифтларидаги шарқона гўзал нақшлар устидан замонавий, одми безаклар берилмоқда, айвонлари кенгайтирилмоқда эди.

Назоратчининг мамнунлик билан берган яна бир маълумотига кўра, урушлар сабабли одамлар қадами узилган ушбу сайргоҳга кейинги бир йилда зиёратчилар оқими кўпайган. Дарвоқе, бир вақтлар Наврўз байрамининг оммавий тантаналари мана шу гўшада ўтар, шаҳар аҳлининг ҳар турли курашлар, қизиқчиликлар, миллий рақслар ижро этиладиган паккаси ҳам Боғи Бобур эди.

Боғ ва ундаги тарихий обидаларнинг Кобул шаҳри ҳокимлиги раҳнамолигида, халқаро Оғохон фонди ҳомийлигида таъмирланаётганлигини айтишди. Ҳозирча унинг шарқий ва шимолий чегараларига баланд девор урилган, боғ ҳудудининг табиий тузилишига кўра, шимол тарафдаги девор шарқ сари зина-зина шаклида кўтарилиб борган эди. (Х.Султон «Бобурийнома» китобида мазкур боғни тасвирлай туриб, унинг «гир-атрофи баланд девор билан ўраб олинган»ини баён қилган. Демакки, кейинги олатасир жанглари даврида у деворлар ҳам бузилиб кетган).

Девор тиклаш ва бошқа қурилишлар давом этмоқда, Оғохон фондининг ёлланма хизматчилари, немислар ва бошқа миллат вакиллари турли юмушлар билан банд эдилар.

Зокиржон ака ушбу манзарани изоҳлаб: «Бу – Бобур Мирзонинг нафақат Ўзбекистон, нафақат Афғонистон халқига, балки бутун башариятга мансуб ва қадрлигидан далолат», - деди ғурур билан.

Бобуршоҳ мақбарасидан куйирокда жойлашган оқ мраммали масжид-намозгоҳ биноси атрофига ҳавозалар тикланган, усталар қизгин ишлашмоқда. Намозгоҳ томидаги саккиз минордан еттаси бутун, биттаси синиб тушган бўлса керак, йўқ.

Ёдгорлик намозгоҳдан бир поғона юқоридаги кенг майдоннинг четида эди, унинг теварагида ҳам турли ёшдаги эркаклар ғимирлаб юришар: кимдир дўнг жойларни кўчириб, тупроғини ғилдирак аравада чуқур-ҳандак жойларга олиб бориб тўқар, кимдир майда-чуйда ўнқир-чўнқирларни текислаб, тупроқ ичида қолган сағана тош бўлақларини қоқиб-силкиб оларди.

Мақбара Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз ватани Андижоннинг Боғишамол мавзеида, ҳозирги Бобур миллий боғининг кифтида қад рослаган рамзий қабр-марқадига икки томчи сувдай ўхшаш эди. (Тўғрироғи, Зокиржон Машрабов ўз ҳамроҳлари билан 1992 йили, экспедициянинг дастлабки сафари чоғида, Афғонистонда фуқаролар уруши кетаётган таҳликали бир паллада шу қабрдан тупроқ ва сағана тузилишидан фотонусха олиб қайтган эди). Обида жуда содда, мўъжазгина: тўрт бурчагида ва икки ёнда чор кирралик мраммар устунлару ёпиқ - томдан иборат, тўрт тарафи очиқ. (Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, фирдавсмакон Бобур подшоҳ «қабри бу сарзаминнинг офтоб нурию ёқимли шабадаси, гўзал хазонрезгисию кумушранг қоридан бебаҳра» қолмаслигини хоҳлаган эди). Том (уни шунчаки соябон дейиш ҳам мумкин) бузилиб, сопол черепицалари (албатта улар кейинги даврларда қўйилган) сурилган, синган, тушиб кетган, устунларда ўқ излари қора

хол-хол бўлиб қолган. Ўртадаги қабр тошининг айрим жойлари, четлари учган, дарз кетган, кўчган.

Даҳманинг кун чиқар тарафида иккита сағана тоши бор эди. Шулардан бири Бобуршоҳнинг онасиники бўлиши керак, дейишди (уларни қачондир немис мутахассислари очиб, қайта кўмиб қўйишган эмиш). «Бобурнома»нинг ҳижрий тўққиз юз ўн биринчи (1505-1506) йил воқеалари зикри аввалида Бобур Мирзонинг волидаи мухтарамаси Қутлуғ Нигорхонининг хасба касалидан вафот этиб, «Улуғбек Мирзо тоғ доманасида иморат қилдурғон» Боғи Наврўзийга дафн қилингани айтилган.

Чапдаги мрамор тош бобурийлар сулоласидан Оламгир II нинг қизи Гавҳарнисо бегим лаҳадига мансуб экан.

Гулбаданбегим Бобур ҳазратларининг бир туғишган ва суюкли опаси Хонзодабегимнинг Қобилгоҳда вафот этиб, ўша жойга вақтинча дафн қилингани, уч ойдан кейин Бобур Мирзо хилхонасига кўчирилганини ёзган, лекин қабртошлардаги битиклар хиралашиб кетган, имло, тил билгучиларимиз – Фарруху Муҳаммад Анвару Носиржонлар ҳарчанд уриндилар, ҳаргиз ўқиш имкони бўлмади.

Айрим тарихий манбаларда бошқача маълумотлар учрайди. Абулфазл Алломийнинг «Акбарнома», Муҳаммад Солиҳ Канбунинг «Амали Солиҳ», Муҳаммад Амин Қазвинийнинг «Подшоҳнома» ва бошқа асарларга суянган афғон адиби Халилулло Халилийнинг ёзишича<sup>1</sup>, Бобур Мирзонинг шарқий тарафига унинг сеvimли ўғли Мирзо Ҳиндол, Акбаршоҳнинг укаси, Ҳумоюн подшоҳнинг ўғли Мирзо Ҳакимхонлар дафн этилганлар. Мирзо Ҳиндолнинг қизи, Жалолиддин Акбарнинг тўнғич хотини Руқия Султон бегим қабри эса боғнинг энг юқори сурпа-саҳнидадир.

Ёдгорликдан эллик-олтмиш қадам этакдаги подшоҳнинг оила аъзолари истиқоматгоҳлари деярли вайронага айланган: томлари ўпирилиб тушган, эшик-деразалари умуман қолмаган эди. Сал ярқли икки-учта хонасини уста-таъмирловчилар омборхона қилиб олишган экан, кириб кўрдик: деворлар қоп-қора - қачондир ёнғин юз бергани сезилиб турарди.

Марқад ва намозгоҳларнинг шимол томонида эса катта ҳовуз - чўмилиш ҳавзаси бўлиб, унга кун чиқиш тарафдаги тош зиналардан тушиларди. Болалар роҳат қилиб чўмилишмоқда эди. Бу ҳовузни ҳам Бобуршоҳ қурдирган, дейишди. Унга тушиладиган зиналар ва икки ёндаги деворларнинг ашёлари анча кейинги даврларга мансуб эди. Балки ҳовуз қадимий бўлса ҳам, кейинроқ жиҳозланган, қайта қурилгандир.

Ҳовузга шарқий-жануб тарафдаги тоғдан тош ариқчада сув олиб келинган, ҳозир ҳам унда муздай, тиниқ обиҳаёт оқмоқда эди.

Маълумотларга кўра, Жаҳонгиршоҳ Руқия Султон бегим қабри устига сағана қурдирган, «ўз иморатлари билан оламга оро берган» (Қазвиний) Шоҳ Жаҳон эса ҳазрат фирдавсмаконнинг муборак қабри жойлашган боғни тартибга солишга аҳд қилиб, масжидни, ҳовузларни, хайр-эҳсонга келувчи бева-бечоралар учун шийпон ва бошқа иморатларни барпо қилдиради, боғнинг нақшинкор дарвозасини зарҳал куббалар билан безатади. Ҳиндистонда омадли подшоҳ деб эътироф этилган, эҳсону муруватлари, яхши амаллари, юксак ҳукмдорлик салоҳияти ва олижаноблик фазилатлари билан элу юрт меҳрини қозонган Шоҳ Жаҳон катта бобоси Бобуршоҳнинг Кобулдаги оромгоҳини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштиришда ҳам жонбозлик, катта химмат кўрсатади. У бир гал Бобур мақбараси учун 15 минг рупия тортиқ қилади. Иккинчи гал - ҳукмронлигининг ўн тўққизинчи йилида давлат қароргоҳи боғига 2 лак<sup>1</sup> 50 минг рупия, Шаҳраро ва Жаҳонро иморатларига ҳамда Бобур боғига 2 лак 50 минг рупия сарфлаш ҳақида фармон беради.

<sup>1</sup> Н. Тошев. «Шоҳ Жаҳон». «Шарқ» матбаа акциядорлик компанияси. 2002 йил, 37-44-бетлар.

<sup>1</sup> 1 лак - юз мингга тенг

Боғ Нодиршоҳ (Зоҳиршоҳнинг отаси) ҳукмдорлик пайтида (1929 -1933 йиллар) тубдан таъмирланган, ободонлаштирилган экан, лекин ана шундан бери ўтган чораккам бир асрлик муддатдаги шамоллару иссиқ-совуқ ҳаво яна ўз таъсирини ўтказган: бинолар тагин эскирган эди. Бунда биродаркушлик ва бошқа урушларнинг ҳам «ҳиссаси» бор, албатта.

Боғ худудида дарахтлар камайиб кетган, собиқ арkning ёни ва орқасидаги улкан чинорлар қариб, қуриган – олис ўтмишдан ёдгорлик бўлиб қолган эди. Ҳатто, ўн бир йилгина аввал аскарлар экспедициямиз аъзоларига қоқиб беришган балх тутлари<sup>2</sup> ҳам йўқ, улар ўрнида ёш тут, ўрик ниҳоллари пайдо бўлган эди. Фақат, карнайгул сероб эди. Гулбарглари оқ, пушти очилган шу гулларгина бокқа файз ва тароват бағишлаб турарди.

Боғни икки ёнбош ва орқадан ўраб, гўё қучоқлаб, кун чиқиш шамоли ва изғиринларидан ҳимоя қилиб турган тоғларнинг ён бағрларидаги, юқорида айтилгандай, ниҳоятда тартибсиз равишда қурилган (тартибли қуришнинг иложи ҳам йўқ экан-да) уйларда Кобул аҳлининг бир қисми яшар эди.

Алқисса, шукрим, Бобур Мирзою Ҳумоюншоҳ қадамжоларини тавоб қилдик, Моҳимбегиму Ҳамидабону изларини босдик. Кездик, кўрдик. Шоҳ ва шоирнинг ота юрт соғинчи, изтиробларини, фарзандларидан жудолик аламларини туйдик, Кобулга меҳр қўйишдан ўзга илож бўлмаганини англадик, «Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл», деган мақол мағзини хўп шимганини тасаввур қилдик.

### XXX

Тушдан кейин бир-икки соат Кобул шаҳрини, бозорларни, дўконларни айландик. Кўпгина шаҳар-кентларда таянч нуқталари, ишончли кишилари бўлган Анвар Мирзонинг (умуман у гарчи ўн йилдан буён Тошкентда яшаётган бўлса-да, ўз ватани Афғонистоннинг бир қанча йирик шаҳарларини тадбиркор шериклари билан «забт» этган эди) шу ердаги ҳамқори, қадрдони Қози Фулом ҳазрат бизга ҳамроҳлик, сайрбонлик, таржимонлик ва «даллолик» қилди.

Фуломжон анча йиллар ҳуқуқий идораларда ишлагани учун унинг исми олдига «қози», яъни «ҳуқуқшунос» ибораси қўшиб айтиларкан.

Соф ўзбек Фулом ҳазрат баланд бўйли, анча дадил ва далланг йигит эди.

Оқшом бизни ва элчихонамиз ходимларини Қози Фулом ҳазрат жаноблари қуюқ меҳмон қилди. Кечаги суҳбатнинг давоми зиёфатдан ҳам қуюқроқ бўлди.

### ҚОН ҲИДИ

*(Носиржоннинг ҳикояси)*

Бу воқеа Носиржон аввалги сафар Афғонистонда таржимон сифатида ишлаётганида содир бўлган эди. Бир куни элчихонага шошилинич хабар келиб қолади. Жалолобод шаҳридан нарироқдаги Бобур тепалигида қаттиқ отишма бўлиб, таҳминларга кўра, анча одам ўлган, улар орасида ўзбекистонлик, тожикистонлик ва собиқ Совет Иттифоқининг бошқа республикаларидан келган жангчи йигитлар бўлиши мумкин эди.

Бундай нохуш ҳодисалар ўша пайтларда Афғонистоннинг ҳамма жойларида тез-тез юз бериб турарди.

Қисқаси, жанггоҳга бориб, ярадору ҳалок бўлганларни олиб келиш тўғрисида топшириқ берилди. Бир неча киши иккита вертолётда жўнадилар.

<sup>2</sup> Қаранг: «Бобурийнома» маърифий рўмони.

Улар етиб боришганида Бобур тепалигидаги манзара чиндан ҳам даҳшатли ва аянчли эди: ўттиз-қирқтача одам ҳар томонда, ҳар хил алпозда қонга беланиб ётар, уларнинг кўпи жонсиз, оғриқнинг зўридан ўзини ҳар ёққа ташлаб дод-вой қилаётганлар, эшитилар-эшитилмас инграётганлар ҳам бор эди. Атрофни қон ҳиди тутиб кетган, тоғлар орасидан келаётган шабада уни янада кучайтириб, атрофга таратарди.

Тиббиёт ходими жасадларни апил-тапил ўлигу тирикка ажратиб (батафсил текширишга фурсат йўқ, бу ердан тез кетиш зарур эди) турар, қолганлар уларни шитоблик билан вертолётга олиб чиқиб, жойлаштиришарди. Вақтнинг қисталанглиги, жойнинг тор ва ноқулайлигидан ярадорларни эҳтиёт қилиб, авайлаб ётқизиш қийин. Қалтис ҳаракатлар ва кўзғалишлардан оғриқлари кучайган жангчилар баттар «Оҳ-воҳ!»лашиб, айримлари кимларнидир бўралаб сўкишарди.

Ҳаш-паш дегунча Носиржон қора терга тушди. Лекин чарчоқ ва бошқа захматлар қон ҳиди олдида ҳеч эди. Бу ёқимсиз, қўланса ҳид секин-секин вертолёт ичини ҳам тута бошлади. Кутқарувчилар оғизларини маҳкам қимтиб, ярадорларни ташир, ўзлари юра оладиганларнинг бортга чиқишларига кўмаклашишарди. Баъзиларини қўлидан, кифтидан тортишаётганда, бирдан қаттиқ вой-войлаб юборишар, Носиржоннинг юраги зириллаб кетарди. У одам боласининг шундай аҳволга тушганини кўриб, тишлари беихтиёр ғичирлаб, чакка томирлари лўқиллаётганини сезиб қоларди. Аммо, қаҳру ғазабни, қайғу аламни ошқор айлаб ўтирадиган маврид эмас. Энг ёмони – қон ҳиди бурқсаб, нафас олиш қийинлашиб борарди. Носиржон бир неча бор ўқчиди, лекин, буни ҳам ичига ютди – бегуноҳ, ихтиёрсиз жангчилар – инграб, тўлғониб ётган ярадорлар устига қусиб юборишдан ўзини ички бир куч ёрдамида аранг-аранг тийиб борарди. Вертолётда бир неча яшик ароқ (ҳар бир кимсанинг тиш-тирноғигача ислом қоидалари сингиб кетган Афғонистон заминида!) ва қопда пиёз бор эди. Учувчилар ароқдан ичиб, пиёздан енг, дейишарди. Лекин бунақа пайтда томоқдан ароқ ҳам, пиёз ҳам ўтмас эди. Шериклари шундоқ шишаси билан кўтариб ичишар, пиёзнинг юпқа пўстини қўл билан чала-чулпа арчишиб, ғарчча-ғарчча чайнашар, Носиржонни ҳам қисташарди. Носиржон шишани лабига яқинлаштирди, дегунча ўқчир эди.

Носиржоннинг хаёлида вертолёт имиллаб учаётгандай, вақт ўтмаётгандай туюларди.

- Тезроқ юришнинг иложи йўқми? - дерди у оғзини очмай тишлари орасидан. Учувчилар:

- Оз қолди, озгина сабр қилинг, ҳозир етамиз, - дея таскин беришга ҳаракат қилишарди.

Носиржон ўзини қаёққа қўйишни билмас, ўқчиқ димланган тошқиндай оғзига келиб туриб олар, ҳар ўқчиганда ичи-бори ағдар-тўнтар бўлиб, миясининг қопқоғи очилиб кетадигандай туюларди.

- Мен умримда бунақа қийналмаган, азоб чекмаган эдим, - дейди Носиржон ўша мудҳиш, қора кунни эслаб. - Қон ҳиди ҳозир ҳам димоғимда туради. Ҳар замонда ўз-ўзидан ўқчиқ келади. Дунёда одам қонининг хидидан ўткир, ёқимсиз ҳид йўқ экан...

### *18 август, душанба*

Сафарнинг шуниси ачинарлики, қайта кўришмоғнинг аниқ ё гумон бўлган янги танишлар, яхши одамлар билан ҳам тезгина хайрлашмоққа тўғри келади. Икки кунда кадрдон, юракка яқин бўлиб қолган янги дўстлар – Носиржон, Исқандарлар билан бўлган суҳбатларга тўймадик (Дарвоқе, оқшом элчимиз Алишер ҳам келиб эди, эрталаб бирга нонушта қилдик), лекин улар билан Тошкентда яна учрашишга умид, ишонч бўлгани боис кўнглимиз хийла хотиржам эди. Уларнинг ўз юртимиз, халқимизга меҳри, соғинчи, саломини олиб, йўлга тушдик.



Шаҳраро («Шаҳар ораси») шоҳ кўчасидан юриб, Кобулдан чиқдик-да, Бомийн сари равона бўлдик. Кобул – Мозори Шарифнинг асосий йўли Саланг дарасидаги туннель таъмирланаётгани важдан берк эди.

Шаҳардан кўп узоқлашмай, Хайрхона кўталига дуч келдик. Ўнгу сўлдаги тоғларнинг ёнбағирлари, тепаларида ҳам уйлар кўп, бошқа ерлардаги каби бу истиқоматгоҳларнинг жойлашуви, қурилишида ҳам тартиб, режа йўқ эди.

Бобур Мирзо Кобулга дастлаб Қундуз орқали, яъни мана шу ҳозир биз бораётган тарихий йўлдан кириб келган, лекин, табиийки, у даврларда бу кенг, асфальт кўча ўрнида пиёдалар, отлиқлар юрадиган баланд-паст, ўнқир-чўнқир йўл бўлган.

Кейин анъанавий, таниш манзаралар - далалар, даралар, яна мувозий тоғлар бошланади. Ўнгдаги қоялар кифтидан куёш балқийди. Чапдаги адир тепасида - яссиланган майдонда танклар, пулемётларнинг ажал таёқларисимон узун ва совуқ қувурлари худди жанговар ҳолатдагидай ҳар томонга қараб, «хушёр» турибди.

Пастроқда, йўлнинг иккала томонида эса сафдан чиққан эски танклар ағанаб ётибди. Бу – шу йўлда шўравийлар даврида ҳам, кейин ҳам кўп жанг, қирғин-баротлар бўлганидан нишона.

Афғонистон бошқа жабрдийда мамлакатлардан кўра ҳам кўпроқ зулму ситам кўрган юрт. Тарихда бу заминни эгаллаб, унда ўз давлатини тузган ҳукмдорларнинг-ку саноғи йўқ, сўнгги асрларда инглизлар афғон тупроғига суқилиб киришга кўп бор уриндилар. Уларнинг асосий мақсади, бош режаси Афғонистонни босиб олиб, мустамлакага айлантириш ва келажакда уни Ўрта Осиёга бостириб кириш учун ҳарбий плацдармга айлантириш эди. Кейин СССР... Унинг нияти Англия ва бошқа «кит»ларнинг ўз тумшуғи – Ўзбекистон, Туркменистон худудларига яқин келиб олишларига йўл қўймаслик эди. Урушлардан, босқинчи кучлардан, жосусона ҳаракатлардан зада бўлган Афғонистон 1-, 2-жаҳон урушлари бошланиши биланок ўзини бетараф деб эълон қилди. Бир неча бор СССР ва Афғонистон ҳукуматлари ўртасида ўзаро бир-бирига ҳужум қилмаслик ва бетарафлик сиёсатини олиб бориш тўғрисида шартнома имзоланди. Аммо бетарафлик чорасию аҳдлашувларга ҳам қарамай, ҳужум тўхтамади. Бу таҳдидлар, бу «китик патга тегиш»лар охир-оқибат элда фуқаролар уруши, биродарқушлиқлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Афғонистон терроризм деган вабони юктириш, урчитиш майдонига, марказига айлантирилди.

Ҳозирги вақтда бу ўлкада нисбатан тинчлик ўрнатилган бўлса-да, афғон халқининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, яшаш тарзларида, маънавий дунёсида, шаҳар қурилишларида, дўкон-бозорларида узоқ-яқиндаги йирик давлатларнинг таъсири ва босимини сезиш мумкин эди.

- Бу мамлакат аҳлида асли бирлик йўқ, шунинг учун урушдан боши чиқмайди, - дейди Муҳаммад Анвар куюниб. – Фақат Зоҳиршоҳ даврида қирқ йил омон-омон замон бўлган. Афғонистон – кўп қисмли сериал, ҳали-вери тугамайди.

Афғонистонда миллат кўп, асосийлари паштун, тожик, ўзбек, хазоралар. Ҳар ким ўз миллат нуфузини устун ҳисоблайди.

- Бир катта йиғилишда шу масала муҳокама этиладиган бўлибди, - деб ҳикоя қилади Анвар. - «Қани, қайси миллат қанча ўзи?» деган савол қўйилибди. Миллатларнинг вакиллари минбарга чиқиб, маълумот бера бошлабдилар.

- Ўзбеклар мамлакат аҳолисининг қирқ фоизини ташкил қилади, - дебди ўзбеклар вакили.

- Тожиклар ҳам шунча, - деб хабар берибди шу миллат вакили.

- Хазоралар ўттиз фоиз, - дебди учинчи одам.

Шунда йиғилиш раиси: «Хўп, бу уч миллат бир юз ўн фоизни ташкил этса, паштунлар қаёқда қолди?»- дебди бошини қашиб.

Ҳа, кўп миллатли мамлакатнинг муаммоси ҳам кўп бўлади. Аммо одамзотнинг ота-онаси бир, бунинг устига ақлли жонзот-ку, чиндан ҳам келишиб яшаса нима қиларкин? Лекин, афсуски, ҳамма бало ана шу «ақл»да-да. «Ақл» деганини ижобий, боз устига, бош фазилат ҳисоблашади. Аслида шундаймикин? Инсоният бошига тушадиган энг мудҳиш фожеаларнинг ташаббускори ва ташкилотчиси ана шу «фазилат» эмасми? Агар ақл ижобий фазилат бўлса, нечун у урушни, милтиқни, атому бомбаларни кашф этади, ўйлаб чиқаради?!.. Агар ақл ижобий фазилат бўлса, одамзот бир-бирининг тагига сув қуюдимми, бир-бирининг кўзига чўп суқадимми, бир-бирига чоҳ қазийдимми, бир-бирини отиб, чопиб, яна бошқа усуллар билан қийнаб ҳузур қиладимми?..

Ярим соатлардан кейин икки томонда узумзор бошланди. Гужум-гужум оқ, қизғиш мевалари кўзни олади, ширин таъм ҳиссини кўзгайди. Мана шу узум ва бошқа жаннатий меваларни ҳам одам боласи экади, парвариш қилади, бир-бирларига инъом этади ва кўнгили олади. Ҳа, барча яхшию ёмон ишлар, нарсаларнинг иждоқори, ихтирочиси – Инсон, унинг ақли!

Пастак деворлар билан ўралган қўрғончалардаги (бари хусусий, албатта) узумзорлар шаҳарчаларга туташиб узилади ва кейин яна давом этади.

Боғлар орасида яна аксарияти бузилган, томсиз, кимсасиз, вайрона, пахсали, тошли уйлар, онда-сонда одам яшаётган хонадонлар кўзга ташланади.

Ҳарқалай, бу тарафларда дарахт сероброқ: тол, тут, жийда, мажнунтоллар, гарчи баланд ва сершоҳ бўлмаса-да, ҳар ҳолда мавжуд бўлиб, сув, ҳаёт борлигидан дарак берарди.

Парвон вилоятига кирдик. Аҳли форсий забон экан. Аҳмадшоҳ Маъсуднинг суратлари кўп, зеро у таваллуд топиб, вояга етган Панжшер шаҳри мана шу вилоят ҳудудида эди. Шунинг учун ҳам Аҳмадшоҳни «Панжшер шери» деб аташаркан.

Етмишинчи километрда Пулматак кўпригидан ўтгач, чапроққа – тоғ сари бурилиб (тўғридаги йўл Салангга, Панжшерга борарди), қадимий тоғлар орасига шўнғидик. Куёш орқамизда қолди. Чапда, пастда суви тиниқ сой биз томонга қараб оқяпти. Соининг у бети ям-яшил экинзор.

У ер-бу ерда деҳқонлар ҳўкиз билан омочда ер ҳайдашар, буғдой янчишарди.

Кўлида белкурак билан гўё йўлни ўнглаётгандай бўлиб, шу «хизмати» учун ҳақ сўраш-тиланиш бу ёқда ҳам бор эди. Улар автомашина яқин келганда шитоб «иш»га тушиб, у нари кетиши билан орқасидан, белкуракка суяниб, албатта ранж билан қараб қолишарди.

Сой ўнг тарафга ўтиб, сўлда баланд, тор, қиршовли йўл бошланди. Офтоб энди чап куракни қиздира бошлади.

Катта яшил ё қизил рўмол ёпинган, юзи очик, бурнига булоқи таққан аёллар учрайди.

Боғи афғон деган жойда нонушта қилдик. Бу юртда дўкон, бозорлар каби ошхона, чойхоналар ҳам бир жойда, марказлашган эди. Қайси бирига киришни билмай, озодароқ, сариштароғини танлаймиз.

Гурбанд дарёсининг соҳили Шоҳимардонни эслатади. (Соҳиллари сўлим-сўлим, водийсимон жойларни кўрсак, хаёлан дарров ўхшашини излаймиз ва кўз олдимизга Бўстонлик ё Шоҳимардон келади).

Қоқшо, Сиягир, Шейх Али қишлоқларидан, «Бобур номидаги мактаб» деган ёзув-лавҳа (мактаб ичкарироқда экан, кўринмади)дан кейин Шибар довони кўринди. У унча баланд ҳам, бошқа довонлар каби ваҳимали ҳам эмасу йўл шағал-тошли, қинғир-қийшиқ, қисқаси, нобоп эди.

Шумбул шаҳри атрофида бодомзор кўп экан.

Ёғоч ортилган КамАЗ (Анвар Мирзо «кумаз» деб талаффуз қилади) машиналари учрай бошлади.

- Буларни Майманадан Кобулга олиб кетишяпти, - дейди майманалик йўлбошловчимиз фахр билан, гўё Афғонистоннинг бошқа жойида дарахт ўсмайдигандай.

Дарвоқе, бу ёқда ёғочни «чўп» дейишади.

Ярми тошу тепаси пахса ё бутунлай тошдан курилган уйлар, тошдеворли томорқалар. Асосий экин, дарахтлар - бодом, тут, маккажўхори - баргларига чанг ўтирган... Бир ерда катта бодомзор боғ барпо қилинган экан, сувсизликданми ё касаллик текканми, кўчатларнинг япроқлари ғижимланган қоғоздек бужмайиб қолган эди.

Чапда, эллик-олтмиш метрча баланд дўнгликда Фурбанд қалъаси қолдиқлари бўлиб, у ҳам ташландик, мунғайган бир алфозда эди.

Теракзор бошланди – шунчалар зички, орасида одам тугул мушук ҳам юриши гумон – дарахтнинг уруғи сепилганмикин, дейсиз. Балки қаламча сифатида экишиб, кейин ягана ҳам қилишмаган шекилли. Қалинлиги боис яхши ривожланмаганми, ё кўчатлар ҳали ёшми, кетмон дастасидай, йирикроғи ой болта сопидай эди.

Шайх Али улусвали ҳудудида Ибн Сино номидаги поликлиника ёнидан ўтаётиб, Покистонда ҳам бу улуғ ҳамюртимиз, табобатнинг машҳур бобокалони исми-шарифи билан аталган тиббий марказ кўрганимизни эсладик. Афсуски, ул буюк табиб таълимотига зид ўларок, кўчалар сертупрок, дарахтлар барглари, майсалар юзини қалин чанг қоплаган эди.

Тоғ ёнида, тоғ билан туташиб кетган икки қаватли пахса уйлар кимсасиз ҳувиллаб ётарди. Афғонистонда нега эгасиз уйлар, аҳолисиз мавзелар, овуллар кўплиги сабабларини муҳокама қиламиз: тинч аҳолини бесаранжом ва яшаб турган жойларини ташлаб кетишга мажбур қилган биринчи омил – урушлар бўлса, иккинчиси халқ табиатидаги кўчманчилик одатининг асоратлари (1971 йили чоп этилган Ўзбек энциклопедиясида Афғонистонда «тахминан икки ярим миллион киши кўчманчилик ва ярим кўчманчилик билан кун кўради», дейилган), учинчи сабаб – одамлар ёзда чорвачилик, деҳқончилик билан шуғуллангани тоғу далаларга, узоқдаги лалмикор ерли ҳудудларга чиқиб кетиб, қишга яқин қайтиб келишаркан. Мана шундай ёзи кимсасиз овулларни ҳам қишлоқ дейишарди. Бизнинг эса бу атамага тилимиз айланмасди - ҳатто одамлар яшаётган масканларга нисбатан қўллашга ҳам. Чунки «қишлоқ» аталмиш бундай манзил-маконларнинг аксариятида икки ёни пахса деворли тор кўчалар ва томлар, одамлар, чорва ҳайвонлари (баъзи ерларда анча-мунча парранда ҳам) бору дов-дарахт, ариқ-анҳор, гулу гулзор, боғу мевазор боғлар йўқ. Мактаб, дўкон, бозор, поликлиника, идора, ташкилот деган нарсалар эса анқога шафе. «Дорихона» сўзини-ку умуман эшитишмаган бўлса ҳам керак. Агар бизнинг кўчалардаги қўшқаватли, растасимон дорихоналарни кўришса эслари оғиб қолиши турган гап. Касалхона, дорихоналарнинг одамларни ўзига тортадиган сеҳри, оҳанрабоси бор шекилли – улар сони арифметик санокда ортса, касаллар геометрик ҳисобда кўпаймоқда. Хасталиклар ўсишига эса, замондан, турмушдан нолиб-зорланиб, фақат егуликни ўйлавериш, маросими кўпу адоғи йўқ тўйларда, турли эҳсон-издиҳомларда бўкиб ўтиравериш, яшашдан мақсад емоғичмоғу тўй қилиш, уй солишдан иборат деган тушунча билан тиришавериш, чиранавериш ҳам сабабдир. Ҳа, одамларнинг турли дарду-иллатларга чалиниши тўйиб овқатланмаслик, етишмовчилик билан эмас (табобатнинг асосий таълимоти бўйича соғлиқнинг бош гарови – нафсни тийиш, кам емоқдан иборатдир!), балки, топиш-тутиш ғами, бемаъни маъракамаросимлар, ҳуда-беҳуда хою ҳавасларнинг ошқовоқ палагидай шоҳлаб бораётгани билан боғлиқдир. Ҳарқалай, менда Афғонистон қишлоқларида бемор-хасталар йўқдай, бўлса ҳам жуда камдай туюлди. Чунки уларнинг даволаниши учун шарт-шароит чаток, демакки, касалланишга имконлари кам, ҳақлари йўқ.

Хуллас, менимча, юкоридагидай жойларни шунчаки «истиқоматгоҳ» дейиш маъқулроқ эди.

Яна кўтал-довон бошланди. (Кўтал деганининг кўплигидан номлари ҳам эсда қолмаяпти).

Тоғларнинг бисёрлигига ва уларнинг ёнбағирларида эски танкларнинг «хартум»ини чўзиб туришларига ҳам кўникиб боряпмиз. Дарвоқе, Афғонистон худудининг тўртдан уч қисмини тоғлар эгаллаган. Шимолий Афғонистон тоғларининг Паропамиз, Сафедкўх, Банди Туркистон ва бошқа тизмалари катта кенгликларида ястаниб ётади, улардан ташқари Хиндикуш (масалан, Тиргарон тоғи 6729 м) тизмалари, ундан жанубда эса Ўрта Афғонистон тоғлари мавжуд. Бу тоғларнинг ғарбидаги Кўхи Хурд, Мозор тизмаларининг баландлиги тўрт минг метрга етади. Шунингдек, Сулаймон тоғларининг айрим тармоқлари афғон юртининг шарқий чегарасидан ўтган. Қисқаси, Афғонистонни бежиз «Тоғлар мамлакати» деб юритишмайди.

Бомиеңга яқинлашяпмиз. Ўнгдаги баланд тоғлар остида унгулар, ғорсимон катта ковак-ғоваклар, чапда – сой, яшил майдонлар, дарахтзор, улардан нарида уйлар. Одам насли кам-кам кўринади, чорва ҳайвонлари ҳам.

Тўп-тўп ўсган тераклар (буташ, шакл бериш деган нарсалар йўқроқ чоғи) туплаган шолени эслатади. Шу овлоқ масканларда ҳам совуқ урушдан ёдгорлик танклар кўчанинг ўрталарида қолиб кетган эди. Бир жойда икки танк қувурлари чатишиб, бир-бирини ялаб-юлқашаётган жирафаларга ўхшаб турарди.

## БОМИЁН.

### ҒОРДАГИ ОДАМЛАР.

Қомусий асарларда Кобулга нисбатан шимолий-ғарбда, тоғ устида қад кўтарган бу қадимги шаҳарнинг эрамизнинг биринчи асридан маълумлиги қайд этилади. Жаҳонгашта сайёҳ Ҳамидулло Ҳасановнинг кузатишлари мазкур китоблардаги маълумотлардан бойроқ, қизиқарлироқдир. «Бомиең – бундан икки минг йиллар муқаддам таркиб топган азим бир шаҳар, - деб ёзади олим, - йирик савдо-сотик ва Будда динининг маркази бўлган. Шарқдан минглаб диндорлар зиёратга келишган. Милоднинг V-VI асрларида Бомиеңда беҳисоб расталар, карвонсарой ва ибодатхоналар бўлиб, бир миллиондан ортиқ аҳоли яшаган. Бомиеңга VIII асрда араблар, айниқса, XIII асрда Чингизхоннинг ваҳший кўшинлари қақшатқич зарба берди. Охириги ҳодисани ўрта аср тарихчиси шундай таърифлайди: «Бомиең қалъаси остонасида Чигатойхоннинг ўғли Мовтўғонга найза санчилди. У жароҳатга чидай олмай вафот этди. Чингизхоннинг қаҳри келиб, бутун кучини жангга солди, қалъани забт этди. Шу ондаёқ фармон берди: бу ердаги ҳар бир жонивор... инсон наслими, мол наслими, ёввойи ҳайвон ё паррандами – қириб ташлансин, шаҳар ер билан яксон этилсин, токи ҳеч замон бу шаҳар обод бўлмағай, бирон жонивор бу ерда яшамағай!..» Ҳозир шаҳардаги баландлиги 150 метр келадиган Шаҳри Фулғула қалъаси тепасига чиққан киши қарийб 780 йилча бурун вайрон этилган иншоотларни – ғишт девор, қуриб қолган ҳовуз, мачит мезаналари, бостирма йўлларни кўради. Ваҳоланки, Буюк Ипак йўли харитасида Бомиең асосий савдо-сотик маркази тариқасида берилган».<sup>1</sup>

Бомиеңда Заҳириддин Бобур бўлган ва унинг тоғларига қуйидагича таъриф бериб ўтган: «Яна Бомиең тоғидур, бу тоғ берк тоғ воқеъ бўлубтур. Харманд ва Синд ва Дуғоба, Қундуз ва Балхаб суйи бу тоғдин чиқар. Дерларким, бир кунда ҳар тўрт дарё суйидин ичса бўлур».

<sup>1</sup> «Ған ва турмуш» журнали, 1991 йил, июл.

Кобулдан Бомиёнгача 235 километр эди. Машхур Будда ҳайкаллари (тўғрироғи уларнинг излари, қолдиқлари) ўнг томондаги тоғларнинг қирқиб текисланган ёнбағрида эди. Ҳайкаллар учта эди: эркак (ота), аёл (она) ва бола... Улар орасидаги масофа тахминан уч юз кадам.

Биз кун ботишга қараб борардик. Кўча билан тоғ оралиғи юз кадамча майдонсифат очик ер эди. Йўл бўйларидаги томи бутунлай, деворларининг ярми йўқ пахса уйлар ҳам вайрона эди. Ҳолбуки, Ҳ.Ҳасанов айнан мана шу жойлар ҳақида «Ҳозирги Бомиённинг катта кўчаси дўконлар билан тўла, уларда эгар-жабдук, чориқ, атторлик буюмлари, гўшт, тут толқони, бўз ва бошқа майда-чўйдалар сотилади», деб ёзган эди ўз хотираларида.

Ҳайкаллар ишланган тоғ катта бир қалъанинг махсус тарашлаб текисланган кўрғони деворига ўхшарди. Санамларнинг бичимларию улар ўртасидаги масофа жуда уйғун эди. Турган гапки, улар узоқ-узоқлардан ҳам аниқ кўриниб турган.

Ҳайкалларнинг ости ҳам катта ва кенг майдон.

«Бунчалик баҳайбат ҳайкалларни моҳирона ясаган усталарга қойил қоласан киши: танасидаги ҳар бир чизик, яктагининг бурмалари худди табиийдек», дея тасвирлаган эди Ҳ.Ҳасанов. Афсуски, энди Будда ҳайкалларининг қиёфаси, яктаги тугул, уларнинг гавдаларидан ҳам ном-нишон қолмаган – худди бир катта асбоб – механизм ёрдамида текис шилиб, кўчириб олингандай.

Бир неча ўн йиллар (балки кўпроқ!) давом этган машаққатли меҳнат самараси, минг йиллардан бери табиий офатлару бошқа ёвуз кучларга бўйин эгмай, эсон-омон яшаб келаётган, Бомиённинг ўзига хос рамзига, фахрига айланган бу санъат асарларининг синдириб туширилган йирик-йирик бўлаклари уюм-уюм тош-тупроққа айланиб, майда қисмлари атрофга сочилиб ётар – катта тепаликлар ҳосил бўлган.

Ҳайкалларнинг ҳатто улкан меҳробга ўхшаб қолган ўрнилари (энг каттасининг бўйи 53 метр, эни ҳам шунга яраша!) ҳам маҳобатли эди.

Будда қолдиқлари, яъни уюлган тош-тупроқ ва унинг олдидаги майдон сим панжара билан тўсиб қўйилган. Тўсиқ ичида ёзувли темир тахталар бўлиб, уларда форс ва инглиз тилларида япон мутахассисларининг Будда ҳайкалларини тиклаш борасида Афғонистон ҳукумати билан шартнома тузганлиги баён қилинган эди.

Ҳайкалларнинг оралиқларида – тоғ бағрида катта-кичик ғорлар кўп. Будда ёдгорликлари қадимий, албатта, аммо менинг наздимда ғорлар улардан ҳам қадимийроқ бўлиши керак.

Энг ажабланарлиси, бу ғорларда ҳозирги кунда ҳам одамлар яшар экан. Улар орасида шу унгурларда туғилиб, шу ерда ўладиганлар ҳам, уруш пайтларида бошпаналарини ташлаб кетган қочоқлар ёки уйлари вайрон бўлганидан, ноилож тоғлар қўйнидан вақтинча ва ё умрбод паноҳ топганлар ҳам бор. Бир кекса одамнинг (у юз ёки тўқсонга кирганман, дейди) айтишича, бу одамларнинг азалдан уй-жойлари бўлмаган, кўчиб юришган.

Тасаввур қилинг: XXI асрда ғорда яшашса-я!.. Булар олдида Робинзон Крузо ҳаёти жаннатона эди!

Тоғ шимол томонда, йўлдан анча ичкарида тоғнинг ғорлар бошланган қисми билан ер оралиғи ҳам анча бор ва суйри, бунинг устига яланг оёқлар билан босилаверганидан (болалар сирғаниб ўйнашса ҳам керак) ялтираб кетган – юриш қийин эди, айниқса кексаларга. Ғорлар бисёр кўп ва тартибсиз (бир қарашда ибтидоий жамоа даврини эслатиб юборарди). Ичкарида ғорларнинг биридан иккинчисига ўтиладиган, чиқиб-тушадиган зина-йўллар бор...

Одам аждодларининг тош тоғдан юз-юзлаб чуқур ва кенг ғор-унгурлар ясаганига ақл лол қолади!

Ғорларда аёллар, болалар куйманиб юришарди. Эркаклар овга ё деҳқончилик қилгани чиқиб кетишган бўлса керак.

Бомийнинг бошқа қадимий шаҳарлардан фарқи ҳам унинг Буддаларию ғорларида эди. Маълумотларга қараганда, ғорларнинг сони икки мингдан кам эмас. Улар тоғнинг қия ёнбағридан ўйилган бўлиб, оғзи тор, ичи кенг, ҳар бирига бемалол ўн беш-йигирма киши жойлашади.

Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, 1978 йил апрель - Савр инқилобидан кейин ғорларда истиқомат қиладиган одамлар замонавий биноларга кўчирилган. Демакки, кейинги урушларда бошпанасиз қолганлар, уй-жой солишга қурби етмайдиган ночорлар яна унгуларни макон тутишган.

Биз ғорларни видеога, суратга олаётганимизда бояги қария оҳиста юриб ёнимизга тушган эди. Аёллар сал тепароқда тўхтаб, шундоқ суйри ерга чўнкайиб ўтирганича бизни томоша қила бошладилар. Йўқ, менинг наздимда улар бизга қандайдир илинж билан кўз тикишарди. Хайр-эхсон қилгани келганлар ё «бизнинг аҳволимиздан хабар олиш учун ташриф буюрган катталар», деб ўйлашди чамаси.

- Э, уларни нимасини тасвирга оласизлар, қўйинглар, - дейди Муҳаммад Анвар. У мазкур нохуш манзараларни Ўзбекистонга олиб бориб кўрсатишимизни хоҳламас эди, албатта. Тушуниб турибмиз - у хижолат ва изтиробда эди. Унга қолса, бизга Афғонистоннинг фақат обод ва гўзал жойларинигина кўрсатса! Лекин, бунинг иложи йўқ – уруш деган балою офат, ёвуз аждаҳо жами яхши нарсаларни ямлаб-ютиб, ҳамма гўзал жойларни харобага, анча-мунча бою ўртаҳоқларни ғарибу қашшоққа, ҳеч кимга зарари тегмайдиган мана бу тилсиз, жонсиз тарихий обидаларни уюм-уюм тош-тупроққа айлантирган эди!..

Биз тоштоғга ўйилган шунчалар улкан ва пухта, мустаҳкам ҳайкалларни қандай куч билан қўпоришганини тасаввур қилолмас эдик. Елкасида кетмон билан даладан қайтаётган ўрта яшар деҳқон – Саид Мусо саволимизга шундай жавоб берди:

- Бу кўҳна ёдгорликлар Афғонистоннинг тарихи эди (меzbон-таржимонимиз йўловчи-деҳқон гапларини бизга анча силлиқлаб ўгирди-ёв!). Улар Муҳаммад пайғамбаргача ҳам, ундан аввал ҳам бор эди, шу пайтгача уларга ҳеч ким тегмаган, даҳл қилмаган эди. Бу юртни қанча кофирлар босган. Толиблар кофирлардан ҳам ёмон иш қилди. Қишлоқдан эркакларни ҳайдаб келишиб, қўлларига кирки, чўкич, болта каби асбоблар беришди, улар ҳайкалларнинг у ер-бу ерини қурблари келганча ўйишди. Ана шу ўйилган чуқурчаларга портлайдиган моддалар қўйишиб, узоқдан – Бомийнинг эски бозоридан туриб замбаракдан ўққа тутдилар...

Ё, алҳазар, жоҳиллик ҳам шунча бўлурми?!

Тўғриси, бошқа дин бўлгани ва унинг таълимоти, моҳиятидан беҳабарлик сабабли кўплар Будда ҳақида мавҳум тасаввурда ва ғайри фикрдадилар. Ҳолбуки, Будда... «Замирида теран инсоний эзулик ётган буюк ва қадимий таълимот» асосчиси Ҳиндистон шимолидаги кичик бир подшолик ҳудудида дунёга келган, «уйқудан уйғонган, ғафлатдан халос бўлган» деган маъно касб этувчи Будда лақаби ила тарихда қолган, ўз таълимотини оламга таратган ҳинд шаҳзодаси Сидҳаса эди. Бутун умри ўзгаларга яхшилик қилиш, ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган ул зотнинг ҳаётини хулосаси ва умри поёнидаги шогирдларига ва ҳаммага қилган насиҳати-васиятига эътибор беринг: «Ўғитларимни унутманглар, - дейди у. – Ҳирсу ҳасад жамики бахтсизликнинг сабабчисидир. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўзгаради, шунинг учун ҳеч нарсага ортиқча кўнгил боғламаглар. Бунинг ўрнига кўнгилни тоза тутинглар, ҳақиқий ва боқий саодат изланглар».<sup>1</sup>

«Будда бундан 2500 йил муқаддам Ҳиндистоннинг кичик бир қишлоғида дунёдан

<sup>1</sup> Жонатан Ландау. Будда қиссаси. (Ж.Камол таржимаси). «Сирли олам» журналы, 1991 йил, 1-сон.

ўтди, - дейилади Будда тўғрисидаги асарда. – Лекин унинг инсоний меҳру оқибат ва донишмандлик ҳақидаги ўғитлари ҳамон барҳаётдир...»

Яна: «Ҳар бир инсон мамлакати, дину эътиқодидан қатъий назар, Будданинг ҳикматларидан баҳра олғай, уларга эргашиб, нодонлик, жаҳолат ва очкўзликдан халос бўлғай, кўрқувларни енгиб, шахзода Сидҳаса Билим дарахти остида топган боқий бахт ва мангу фароғатга эришгай», - деб ёзадилар.

Хўш, барчага бахт тиловчи, ёмонликдан, гуноҳлар содир этишдан сақланишга, ҳамиша яхшилик қилишга, кўнгилини доимо пок, мусаффо тутишга даъват этувчи бу таълимотнинг нимаси ёмон? Тўғри, Будда дини – ислом дини эмас, лекин ақидалари, ҳикматлари умуминсоний қадриятлар билан ҳамоҳанг-ку! Афғонистон халқи узоқ ўтмишдан ёдгорлик бўлиб қолган ҳайкалларга эътикод қўйиб, дини исломдан чиқиб кетаётгани йўқ эди-ку!..

### XXX

Бомиеън маркази ғорли тоғ билан қарама-қарши томондаги тоғ бағрида, сердарахт, сўлим ерда жойлашган, вилоят ҳокимлиги эса, анча баландликда эди. Сўраб-суриштириб топиб чиқдик. Қуюқ соқолли, кўзлари кичкина, ўрта бўйли ҳоким яйдоқроқ, камдарахт саҳнли бинонинг ҳайҳотдай хонасида бир неча киши билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Очқ эшикдан бемалол кириб бордик. Мезбонлар ҳам суҳбатларини тўхтатишиб, бизга пешвоз юришди.

Ҳоким жаноблари билан раҳбаримиз ўртасида анъанавий савол-жавоблар тариқасида мулоқот бўлди.

Афғонистонда ким билан гаплашмайлик – у ҳокимми ё оддий деҳқонми – расмият, сиёсат важданми, сидқидилданми ё меҳмоннавозлик, кўнгили учунми, мамлакатимизнинг мустақилликка эришгани, унинг донғи, овозаси дунёга таралиб бораётганидан бағоят хурсандлигини билдириб, афғон халқи билан ўзбек халқи орасидаги дўстона муносабатларнинг азалийлиги, афғонистонликлар Ўзбекистонни, ўзбек халқини яхши кўришлари, шахсан ўзининг қай бир томондан бизнинг озод юрт билан боғлиқлиги, қайси бир ўзбек шахрига яқинда бориб келгани ҳақида эҳтирос билан, фахрланганнамо сўзларди.

Бомиеън ҳокими ҳам тарихий боғланишларимиз борасида гапириб, илгаридан савдогарлар ва бошқа соҳа йўловчилари юрадиган асосий йўл Бомиеъндан ўтгани, шу боис кўшни ўзбеклар билан афғонлар табиий равишда яқин бўлишгани, тез-тез борди-келди қилиб туришганини таъкидлади. Ўйлаймизки, янги халқаро йўллар очилса, икки халқ яна қадрдонлашиб, бундан-да иноқлашиб кетиши тайин. Зеро, бизга ҳам Афғонистон аввало ён кўшни, миллатдошларимиз ва бошқа хайрихоҳларимиз, дўстларимиз яшайдиган диёр, Бобур Мирзонинг иккинчи ватани сифатида ҳамиша кадрли, кўнгилига яқин эди ва шундай бўлиб қолғусидир.

Мулоқот сўнггида ҳоким хат ёзиб, бир ёрдамчисини бизга қўшиб берди. Орқага, пастга қайтиб тушдик. Эркак будда ҳайкали, тўғрироғи унинг ўрни рўпарасида, кўчанинг чап юзида мунғайиб турган бир қаватли, кўримсизгина бино кўноқхона экан, бизни шу ерга жойлаштиришди.

Кўналганинг ичи ҳам ташига монанд: каравот ва бошқа жиҳозлари эски, йўлаги тор, қоронғи, хожатхонаси бир четда, умумий, нокулай жойда эди. Хуллас, зарурнинг кунидан ноилож тунаса бўладиган мусофирхона эди. Ваҳоланки, ушбу бино мамлакат ташқи ишлар вазириликнинг вилоят ваколатхонаси ва хўтели экан.

Умуман, Бомиеън Афғонистоннинг энг чекка, эътибордан, тараққиётдан анча четдаги кишлоқсифат марказларидан эди.

Қоронғуда тоғ тараф зим-зиё, Будда-ҳайкалларининг ўринлари ўпқон оғзидай бўлиб,

янада қорайиб кўринар, шунча кўп ғорларнинг уч-тўрттасидагина шамми, қорачирикми милтиллаб турарди, холос. Ҳаммаёқ жимжит, атрофда қандайдир ваҳималар шарпасиз ўрмалаб юргандай туюларди.

## ТАНБЕХ

*19 август, сеианба*

Эрталаб чиқиб, яна Буддалар ўрни ва унгурларни томоша қилдик. Ғорларни яқинроқдан кўриб, уларнинг табиий емирилиш эмас, балки одам аждоқлари томонидан махсус ўйилганлигига амин бўлдик.

Бомийнинг дунёдаги бошқа қишлоқлар билан муштарак бир жиҳатига ҳам гувоҳ бўлдик: ҳаёт барвақт бошланаркан. Катта ёшдаги эркаклар, ўспиринлар икки оёғи билан эшакларининг биқинларига тинимсиз ниқташиб, кун ботишдан кун чиқиш тарафга қараб кетишарди. Эшаклардан бири ханграган эди, бошқалари жўр бўлишди – бу табиий симфония олдида ҳар қандай жаз ансамбли ҳам ип эшолмаслиги турган гап эди.

Кўчанинг икки юзидаги йўлга қараган қатор томсиз, пахса иморатлар атрофни янада бефайз кўрсатиб турарди. Менимча, булар уйлар эмас, Ҳ.Ҳасанов айтган дўқонларнинг қолдиқлари эди - бу ер катта бозор бўлганга ўхшайди.

Болалар каллаи саҳарлаб қўй боқиб юришибди.

Нонушта қилишга шароит ҳам, озиқ-овқат ҳам йўқ эди, йўлга тушдик. Тоғ-дараларнинг тонгги манзаралари гўзал, сойнинг шарқираб оқиши ёқимли эди. Икки соатда йигирма олти (!) километр (кўчанинг «зўр»лигидан) юриб, кеча асосий йўлдан бурилиб кетган жойимизга чиқдик. Бомийга қарашли бу манзилнинг номи Дуавий булула эди, айрилишда катта юк машиналари тикилишиб, қисилишиб юролмаётган экан, анча кутишга тўғри келди. Шопмўйловли йўл назоратчиси машиналар қатновини гўё жуда катта масъулият билан бошқарарди. Ҳайдовчилар кутишдан асабийлашишмас, аксинча, бир-бирига йўл беришар ва ташаккур изҳор қилишарди – худди Покистон ва Ҳиндистондагидай. Уларнинг оқибатига ҳавасим келди.

Йўллар тор – бир ён тоғ, бир ён - сой. Баъзан йўл бир-бирига ниҳоятда яқин икки баланд тоғ орасидан ўтарди – табиат атайлаб йўл учун жой қолдиргандай эди.

- Бу - сувнинг иши, аслида иккала тоғ битта бўлган, - дейди Зокиржон ака мутахассис сифатида.

Йўлнинг «узуқора»лари шу ёқда экан. Қоялар остидан ўтамиз. Машина ичида ўтириб, беихтиёр энгашиб оламиз. Бу доволар олдида Покистондаги Қорақурум ҳам, бошқалари ҳам чикора! Баъзи ерларда машиналарнинг бир-бирига йўл беришига ҳам имкон чатоқ. Бечора ҳайдовчилар машинасининг бир ёнини тоққа қапиштириб туришади – омонат осилиб қолган харсанглар остида... Сойдаги дўнғалак-дўнғалак бўлиб ётган йирик-йирик тошлар ана шу харсанглардан синиб, бўлиниб тушганга ўхшайди. Хатарли тирсак-бурилишлар ҳам кўп. Бир темир кўприк бузук экан, ЖИПимиз сойдан «сузиб» ўтди. Японларнинг техникасига гап йўқ-да!

Ғандак деган жойда қовун билан нонушта қилдик. Уни Кобулга қовун ортиб кетаётган юк машина ҳайдовчисидан сотиб олдик.

Яна тоғ оралаб бораётиб иккинчи носоз кўприкка дуч келдик. Уни созламоқда эдилар. Ярим соатча туриб қолдик. Иккала томонда автоуловлар қаторлашиб кетди. Русларнинг МАЗ, КамАЗ, КраЗлари, шунингдек, Япония, Эроннинг залворли баҳайбат юк машиналари йигирма беш-ўттиз тонналик юк билан ўтавериб, кўприкнинг белини майиштириб ташлаган



эди.

Шу ерда камина шефдан бир танбех олишга «мушарраф» бўлди. Кўча билан ўнгдаги сой оралиғига (ўн беш қадамча) маккажўхори, мош экилган эди. Соё бўйидаги толзор ва унинг остидаги ям-яшил майсазор, у қадар тўғри ўсмаган, Калифорния навини эслатувчи - барги йирикроқ ва ранги оқишроқ тераклар соёси жуда жозибали, айниқса, иссиқда димиқиб, қаёққа бош уришни билмай турган одамни беихтиёр ўзига тортар эди. Бир-иккитамиз машина ёнида у ёқдан- бу ёққа юриб ўзимизни чалғитмоқда эдик, мен раҳбардан беижозат (у машина ичида, вақт кетаётганидан хуноби ошиб ўтирган эди) макказор оралаб соё бўйига ўтибман.

- Мина бўлса-чи, Қамчибек Кенжа? – дедилар сўзларни ниқтаб.

- Мина бўлса макка экишмасди, - дедим ўзимни оқлаб. Албатта, бу шефга ёқмади.

- Террорчи ё қароқчилар тутиб кетишса-чи? Мен ҳаммангизнинг уйингиздагиларга жавоб бераман...

Раҳбар ҳақ эди, албатта. Шу билан бирга, у оддийгина огоҳлантириш оҳангида айтиш мумкин бўлган гапни ваҳимали тарзда, аччиқроқ таъмда таъкидлаш салоҳиятига, малакасига эга эди, хусусан у жойларда содир бўлган кўнгилсиз воқеалардан кайфияти носоз маҳалда.

Йўлда давом этдик, кейин ҳам яна тикилишиб ўтишлар кўп бўлди. Йўл сойдан узун-узун, аммо пастак тош деворлар билан ихоталанган эди.

## ЎЗИМИЗНИКИЛАР

Боғақда янги бир темир кўприк бунёд этилаётган экан. Қурилиш битай деб қолган эди. Ҳайдовчидан бошқаларимиз тушиб олдик. Илҳомжон оҳиста юриб ўта бошлади, биз эргашдик. Қурувчиларнинг кимлигига аҳамият бермаган эдик, бирдан техникалар ортидаги таниш ҳарф ва рақамларга кўзимиз тушиб, қулоғимизга соф ўзбекча сўзлар чалиниб қолди. Разм солиб қарай бошладик ва сойнинг нариги бетиде, тоғ пойидаги стол ёнида ўтирган оқ кепкали одам эътиборимизни тортди.

Кўтарма кран, сурги-бульдозер, юк машиналарида Тошкент, Андижон вилоятларининг белги ва рақамлари бор эди. Уларнинг кабиналарида ўтирганлар, гарчи, офтобда хийла қорайган бўлишса-да, ўзимизнинг юртдошлар - ўзбеклар эди. Улар билан «ҳорманг» – «бор бўлинг» қилиб, ҳол-аҳвол сўрашдик. Бизни бошлиқлари – кепкали киши ёнига бошлаб боришди. Оқ-сарикдан келган, ўртача гавдали Содикжон ака Холиқов «Ўзавтойўл» акциядорлик компаниясининг махсус ишлар бўйича бош муҳандиси бўлиб, бу ерга бригада бошлиғи сифатида келган эди. У бизни Ўзбекистоннинг минерал сувлари билан сийлаб, ўз ишлари ҳақида гапириб берди.

Бригада ўн тўққиз кишидан иборат эди. Улар Афғонистонга ўтган йили декабрь ойи охирида келиб, янги йилни Мозори Шарифда кутиб олишибди. Техника ҳам, ишчилар ҳам Ўзбекистоннинг турли жойларидан - Содикжон аканинг ўзи Қашқадарёдан, кранчи Зоҳид Жайноқов – Ангрндан, бульдозерчи Умар Раҳимов – Андижондан, иш юритувчи Жамол Соҳибов, монтажчилар Худойназар Ҳамроев, Мусулмон Комилов, темир ўчоқда товук шўрва пишираётган Толибжонлар Китоб туманидан, «Ката» - Андижонники, кўтарма кран – Тошкентники, хуллас, бригада жамоаси ҳам, техника-транспорт воситалари ҳам ҳақиқий терма, сараланма эди. Қум, цемент Термиздан олиб келинарган.

Йўлсозларимиз Афғонистон билан тузилган шартномага кўра, Саланг дарёси устига тўртта – Малхон, Тахтасанг, Пули Фриштагон, Гўри сўхта (Комгор) деган жойларда, Мозори Шариф йўлида битта – Оғилхонада, Шибар дарёси устига учта – Анор дарага,

Сайғонга, Бағокга, жаъми - саккизта кўприк куриб беришлари керак эди. Бағок - шу кўприк охиргиси экан.

Тўрт томондаги баланд тоғлар Ҳиндикушнинг пастки қисми, йўл – Саланг туннелидан ўтадиган Шибар айланма йўли эди. Биз икки тарафи турфа тоғлардан иборат мана шу Шибар дарёсининг гоҳ ўнг, гоҳ чап қирғоғидан юриб келган эдик.

- Саккизинчи кўприк яна уч кунда битади, - деди Содикжон ака. – Лекин янги буюртмалар бор, ўзимизни раҳбарлар билан маслаҳатлашиб кўрамиз. Балки ишни яна давом эттирармиз. Фақат, йигитларимизнинг баъзилари уйларини, келинчакларини соғиниб қолишди...

Ҳа, ўз юртидан, хусусан, Ўзбекистондан ва келинчаклардан саккиз ой айро яшаш – айтмоққа осон!

Ҳар ойда биттадан шундоқ пухта ва залворли кўприк бунёд этиш ҳам ҳазил иш эмас. Мана шу тугалланаётган кўприкдан олиб ўтишга рухсат этиладиган юк - юз тонна! Долзарбда 140 тоннагача кўтарар экан.

- Йўлсозларимиз фаолияти, ташвиши фақат кўприк кўтаришдангина иборат эмас, - деб ҳикоя қилади уларнинг раҳбари. – Йўллар ноқулай, тор, хавфли. Машиналар кўп юк ортқолишади. Оқибатда автоҳалокатлар юз бериб туради, кўмак сўраб келишади. Қандай қараб тура оласиз, қандай йўқ дейсиз? Йигитларимиз асосий техникани олиб кетишади. Фалокат юз берган жой гоҳ яқин, гоҳ узоқ бўлади. Кеча ҳам олти километр пастда бир «Мерседес-Бенц» дарёга ағдарилиб тушибди. Тўғри, дарё катта эмас, лекин ўттиз-қирқ тоннали машинани анча-мунча куч билан ўрнидан турғазиб, тортиб чиқариб бўлмайди. Ўн беш ёшли ўспирин кабина ичида қолган экан, йигитларимиз қутқарволишди. Ёрдам эвазига бизга қовун-тарвуз ташлаб кетишади.

Курувчи-йўлсозларимизга омад тилаб, хайрлашдик.

### XXX

Кўҳимард улусвали, яъни туманида яна табобатимиз бобокалони Ибн Сино номидаги поликлиникани кўриб, афғон ва ўзбек халқларининг улуғ намояндалари ўзаро қадрли эканини ўйлаб, қувондик. Аммо бошқа бир нарса таъбимизни хира қилди: деворлардаги ўқ излари ғиж-ғиж пашшаларга ўхшарди.

Анордарада тушлик қилдик. Чойхоначи Муқим Шери Олам гарчи ўзбек эди, ўзбек тилини яхши билмас эди, аммо «ака Содик»ни кўп гапириб, унинг ҳақиқага хўп дуо қилди.

Атрофи очиқ, шийпонсимон чойхонадаги телевизорда ҳинд фильми намойиш этилаётган эди. Асосан юк машиналарининг ҳайдовчиларидан иборат (бу йўлдан бошқа тоифа автоулов юролмайди ҳам) йўловчи-хўрандалар кир палосда чордона куриб ўтиришганча палов ейишиб, кино томоша қилишарди.

Чап томонда озгина ялангликдан у ёғи, ўнг тарафда эса сойдан нарёғи майса-ғиёҳсиз, кўрғошин тусли тоғ эди.

Ажабо, баъзан жой номлари бўлади-ю, халқ, аҳоли кўринмайди. Менимча, бундай ерларда қачондир одамлар яшашгану кейин кўчиб кетишган, улардан хотира бўлиб фақат ном қолган бўлса керак. Тилоу Барфакида ҳам аҳоли ўта сийрак, аммо тоғлар ниҳоятда ўзига хос, эсда қолғулик эди. Аввал битта, кейин кетма-кет учта тоғ бўлаги кўринди. Бошқаларни билмадим-у, менинг ҳайратимнинг чеки йўқ эди. Бу бўлак-бўлак тоғлар ярим доирасимон, белидан тепа қисми қат-қат кунгирали, умуман шакли-шамойили бир-бирига ниҳоятда ўхшаш, бир хил лойиҳа асосида барпо қилинган улкан қалъа-қасрни эслатиб юборарди. Табиатнинг бу бетакрор ва бебаҳо асарларидан улар кўринмай қолгунча кўз узолмай кетдим. Ўхшашлик сирри-асрорини асл касби геолог, шу соҳада фан номзоди

Зокиржон акадан астойдил сўрадим.

- Демак, бу тоғлар бир хил шароитда вужудга келган, бир хилдаги иссиқ-совуқ, ёғин-сочин, шамол-куюн ва табиий емирилишларга учраган, - деб тушунтирди у.

Йўлда шафтолихўрлик қилдик (бу сафаримизнинг энг мазмунли, қизиқарли «тадбирлари»дан эди).

Ҳосилдор, экинзор ерлардан иборат ҳудудга кириб бормоқда эдик. Шолипоя кўп, шолининг бўй-бастлари, қалин-сийраклиги деярли бир хил, бир текис бош олган эди, демак, сепилмайди, кўчат қилинади.

Йўлдан пастроқда оқаётган сойга жуда-жуда ҳавасимиз келди: денгиз суви каби зангори, булоқ каби тиниқ, оҳиста мавжланиб оқиши жуда чиройли эди. Кечадан бери чанг йўлларда (эрталаб Бомиенда юз-қўлни ҳам тоғдан тушадиган яхдайгина сувда наридан-бери ювган эдик), хира тортган таъбимиз очилиб, равшанлашиб кетди. Нафақат ташна кўнгили нигоҳларимиз, балки сувсираган баданларимиз ҳам мавжли дарё сари талпинарди.

Лекин Афғонистон – тоғлар, даштлар юрти-да, кўп ўтмай, яна шағалли, баланд-паст, тор йўллар бошланди, яна чақир-чуқурларга қум, тупроқ ташлаб, қўл чўзиб турган болакайлар пайдо бўлди.

Тоғлар шакли ўзгарди – оддийлашди; чапда тош-тупроқ аралаш тоғлар, ўнгда шолитор, кейин сой, у ёғи силлик, адирсимон тоғлар...

Анча ичкаридаги қишлоқларга олиб борадиган йўлдаги анҳор, ариқ устига қурилган иккита замонавий кўприкни кўриб, қурганларнинг отасига раҳмат, деб эдик, Муҳаммад Анвар:

- Уларни Оғахон қурдирган, - деди.

Мен таваққалига айтди-ёв, деб ўйладим. Аммо сирасини олганда сарбонимиз чинакам йўл бошловчиларга хос фазилатларга эга эди – кўп нарса биларди, айниқса, ўз юрти, элига дахлдор маълумотлардан яхши хабардорлиги, қизиқувчан ва хотираси кучлилиги сезилиб турарди.

Қишлоқ ва овуллардаги манзаралар ҳам ўзгариб туради: дам янги уйлар ёнидан ўтсак, кейин яна эски пахса, лойсувоқ томлар рўпарасидан чиқамиз. Секин-аста маданийроқ, кўркамроқ пахса деворлар кўрина бошлади.

Душийда тўхтаб, енгил нафас олганимизда соат кечки етти эди. Бомиендан шу ергача бўлган 177 км. масофани ўн уч соатда босиб келган эдик. Йўлдаги кутишлар, тушликка кетган вақтларни чегириб ташласак - ўн бир соатда.

Салангдан бошланадиган Душий дарёси кўпригига етмай, бир ёнилғи қуйиш шаҳобчасида машинамизга Ўзбекистон соляркасидан қуйдик.

Саланг йўли шу жойдан қўшилиб кетарди.

Бу ёғи асфальт эди.

Душий – Бағлон вилоятига қарашли туман маркази, ихчам ва анча обод, яшил шаҳарча экан. Бош кўчасида чинор, ўрис дарахти (дарахти руси) кўп, хийла салқин эди.

Йўл четида «жасади» қолган бир неча танк учради. Айримларининг ичида болалар ўйнашарди.

Ҳаво сал айниб, чанг кўтарилди.

Душий ҳудудидан тезгина чиқиб кетдик. Бу ёқда иссиқ шабада эсарди. Яна икки ён тоғлар; дараю далаларда шолидан бошқа экин кўринмайди.

## ОТАШҚАЛБ ШОИР ЮРТИДА

Пули Хумри вилоятига қоронғи тушганда кириб бордик.

Пули Хумри менга Сулаймон Лойиқ исм-шарифли оташқалб шоир таржимаи ҳоли орқали таниш эди. Шу шаҳарда таваллуд топиб, умуммамлакат фарзандига айланган Сулаймон Лойиқ ўз асарларида халқ чеккан бемисл жабру жафоларни ёниб, куйиб куйлайди. Унинг ҳар бир шеъри юрт бошига тушган адоқсиз мусибатлар ҳақидаги фоженома, марсиядай таассурот қолдиради:

*Ватан қалбида гамлар... табиби қайда, қайда?*

*Қайда юрт оғирини енгил қила олар мард?*

*Юрт, қишлоқ, шаҳар изми ҳануз ҳокиму бойда,*

*Савдогарлар савдосин қилиб юришар бедард.*

*Кобулда ҳам Зобилда нифоқ ўти авж олмиш,*

*Қизу она тескари, бола отага душман.*

*Беморларга даво йўқ, мустарлик ичра қолмиш,*

*Дунёга келганига очлар қилишар пушмон.*

*Юртим аҳволи шундоқ, ачинарли ва забун,*

*Пок осмонинг остида, Ватаним, ҳаёт ёмон,*

*Вайрон бўлиб кўринар кўзимга бутун очун...*

Шоир халқини озод, эркин кўриш умиди билан яшайди. Эртанги порлоқ кунни ёркин тасаввур қилади, ана шу орзу-хаёл уни сармаст этади:

*Зулмат аро тангу тор*

*Тунлар бедорман, бедор.*

*Кўнглимда зору озор,*

*Бир дунё мусибат бор.*

*Янги умид барг ёзмоқда қалбимда энди,*

*Эртанги тонг – умид тонгги алвон кўринди.*

*Тоглар ҳам яшнар бугун,*

*Гуллар очилур гулгун.*

*Шодлик таратар сас, ун,*

*Қайгу кўз юмар бутун.*

*Оҳ, умидлар муждасидан потрар юрагим,*

*Масрурликдан ўзин ҳар ён отар юрагим.*

Сулаймон Лойиқ менга оташин ватандошимиз Чўлпонни, эски аламларни эслатади. «Шоир ўз халқининг юраги, виждони, овози» мазмунидаги бир шиор бўлар эди. Чиндан-да, шундай. Ва лекин... Оташзабон, қалби надомату исён туйғулари, халқига ачиниш ва меҳр-муҳаббат ҳислари билан лиммо-лим бўлган сўз дурларининг ғаввослари халқига фақат яхшилик, эзгулик соғинади, унинг маъмур-фаровон яшашини Аллоҳдан тилайди ва бу тилагини назмга солиб баралла овоза қилади. Ва... халқини бошқалардан кўра кўпроқ севгани, унинг рўшнолик кўриши, саодати йўлида умрини бағишламоққа, керак бўлса жонини фидо қилмоққа ҳозирлиги учун шўро манқуртлари унинг манглайига «халқ душмани» деган мантисиз ва аламли тамға босиб, кел, халққа атаган, ўзингга нокерак умринг жонингни бизга берақол, дея, уни ҳибс қилардилар, маҳв этардилар... Халқ вакиллари эса ўз ватанидан қувилган, сурилган, териси шилинган, дорга осилган, ўққа тутилган Насимийлар, Машраблар, Чўлпонларнинг асаларини суйиб, жимгина ўқийвердилар...

Шоир Сулаймон Лойиқ юртида меҳмонхона излаб-излаб, охири яна вилоят ҳокимлиги қароргоҳини топдик. Ажабки, биз йўлиққан ҳокимлик қароргоҳларида уларнинг дарвозаларидан кириш ҳар ҳолда мумкин ва у жойлар турли одамлар билан гавжум бўлар эди.

Бу қароргоҳ айна вақтда меҳмонхона ҳам бўлиб, унинг ҳовлиси боғсимон, куюк дарахтзор эди.

Ҳоким инженер Муҳаммад Умар бизни самимий қабул қилди, узоқ суҳбатлашиб ўтирди, кейин бизни емакхонага бошлаб кирди.

Сўнгра, узоқ йўлдан чарчаб келганимиз боис, тезда уйқуга кетдик.

## **ЯНА... ЙЎҚОЛГАН ПИЧОҚ**

*20 август, чоршанба*

Йўл бир оз нотинч ва хатарлироқ бўлгани учун ҳоким бизни Ишкамишга олиб бориб келишни вилоят газ ва нефть бошқармаси бошлиғи ҳожи Абдул Қодирга топширган эди. Барвақт жўнадик. Кўча бўйларида ҳайдовчилар машинаси ёнига тушиб, бомдод ўқишарди.

Сарбон - ҳамроҳимиз соч-соқоллари қалин ва қоп-қора, барваста, очик юзли, камтарин йигит эди, ўзини катта бир идоранинг раҳбари эмас, оддий мезбон сифатида тутарди. Қисқаси унинг савлати одамни ийманишга мажбур қиладиган виқордан холи эди. Аксинча, уч ўринли ўриндикда тўрт одам қисилиб кетаётганимиз учун бояқиш паҳлавонона келбатидан ўнғайсизланиб, якка кифт бўлиб, бир ёни билан ўтириб борарди.

Пули Хумри илгари Боғлон вилояти деб аталган, ҳозир Боғлон - улусвал (туман) экан.

Вилоят маркази ўттиз чақирим нарида эди. Йўлнинг икки четида тез-тез ўрис дарахт учрарди. Умуман Афғонистон ҳудудида ҳиди ёқимсиз бу дарахт негадир кўп эди.

Шимолга, кейинроқ шимолий-шарққа қараб юрдик. Икки томон экинзор далалар: гўза, картошка, қовун-тарвуз пайкаллари, маккажўхори, нўхот, шолиторлар... Улардан нарида баланд адирлар, улар ортида пастак тоғлар кўзга ташланади.

Йўл асфальт, чангсизлиги учун дарахтларнинг барглари, экинзорлар ям-яшил.

Гоҳ ўнг, гоҳ чап тарафда қийшайиб ётган танкларга дуч келамиз. Баъзиларининг фақат қосқони қолган, болалар осилаверганидан силлиқланиб, ялтиллаб кетган эди.

Вайрон қилинган қанд заводи биноларини кўриб дилларимиз гирён бўлди.

Бир соатлардан сўнг хароб йўл бошланди. Асфальт, лекин ўйилиб-ўйилиб кетган эди. Бузилган, томи йўқ уйларнинг қолдиқлари бу ёқларда ҳам кўп эди. Бундай нохуш ҳолатлар одамда ачиниш туйғусини уйғотарди.

Дарёнинг адирлар орасидан илондай, буралиб ўтган жойи Гирдоби Боғлон дейиларкан. Шу ерда ўғри-қароқчи бўлармиш. Ҳожи Абдул Қодирнинг айтишича, бошқа йўл янада хавотирлироқлиги сабабли шу томондан юрибмиз.

Дарё – Амунинг бир тармоғи эди. Соҳил ёқалаб боряпмиз. Сув бор жойда албатта ҳаёт бор, кўрк, файз бор, лоақал кўз қувонадиган манзараси бўлади. Сув юзидан озгина бўлса-да, шабада уфуриб, иссиқ дамани андак кесади.

Алиобод улусвали маркази катта бозор экан, одамлар от, эшакларда юк олиб келишарди.

Алиободдан озгина юрилгач, ўнгга бурилиб, умумий ҳолати таниш дашт ичига кириб кетдик. Ҳаммаёқ бийдай. Йўл қалин тупроқ остида кўринмай кетган, ЖИП холо-туя бўлиб, қудратли тумшуғи билан тупроқни пуркаб, чангитиб боряпти.

Эгасиз, ҳосили йиғиштириб олинган пайкалдан кичикроқ бир қовун топиб едик. Мазаси ёдимда йўғ-у, аммо ўша воқеа билан боғлиқ бошқа бир нарса эсимдан чиқмайди. ЖИП ғаладонида турадиган умумманфаатига мўлжалланган қалта, ғилоф-қинли қашқар пичоғи бўларди. Қовун-тарвузни кўпроқ мен сўярдим. Ўша сафар ҳам бу шарафли вазифа каминанинг чекига тушган эди. Анча йўл юрганимиздан кейин раҳбар ғаладонни титкилаб, «пичоқ йўғу, пичоқ...», дея менга юзланди.

- Боя сиз қовун сўйувдингиз...

- Демак, ўша ёқда қопти-да, - дедим масалага жиддий аҳамият бермай. Чунки пичоқ бир жойдан чиқиб қолар, бу раҳбарнинг одатдаги ваҳималаридан бири бўлса керак, деб ўйладим.

- Ўзимизга аскотиб турувди-да, Қамчибек Кенжа... Бунинг устига, Шарқий Туркистонда совға қилишган, яхши пичоқ эди...

- Қайтишда қараб кўрамиз, ишқилиб, унгача биров олиб қўймаса, - дедим сўзларимга мумкин қадар ўкинч оҳангини сингдиришга ҳаракат қилиб. Афсуски, қайтишда бу муҳим муаммо ҳаёлимиздан бутунлай кўтарилиб кетибди. Чунки...

Шундан кейин қовун ейиш ҳақида гап қўзғалса, ўзимни четроққа олиб турадиган бўлдим. Лекин Ишкамиш йўлидаги полизда қолган у матоҳ (аслида буюм йўқотиш биз учун янги одат эмас, Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида катта оқсоқолимиз Сайфиддин ҳожи ака ҳам дандон сопли бир пичоғини қароқчига урдириб юборганким, бунинг тафсилоти аввалги китоблардан бирида зикр этилган) сафар давомида, менга яна бир неча бор, пичоққа зарурият туғилганда писанда қилинди. Донишманд ота-боболаримиз «эсинг бўлса, қовун сўйма, чой қуй», деб бежиз айтишмаган-да.

Кун ботишга юрмоқда эдик. Хийладан кейин узоқда шимолдан жанубга чўзилган сийрақроқ дарахтзор кўринди.

- Ана шу - Ишкамиш, - деди Абдул Қодир.

Соат 11 эди. Демак, олти соатда етиб келибмиз.

Кобулдан Ишкамишгача эса – 600 км эди.

Кўндалангига кесиб ўтган Ҳиндикуш тоғи тизмалари билан қишлоқ (аслида туман марказию, шаҳар дейишга тил айланавермайди) ўртаси дарасимон сайхон эди.

Тўғри туман марказига бордик. Дарахт кам, уй-жойлару идора бинолари янги қурилган бу масканларни қасаба атамаси дурустроқ ифодалаши мумкин эди.

Абдул Қодир бирпасда шаҳар волийси («шарвол» тарзида айтишади) Абдулазиз, пўлис - туман полиция бўлими бошлиғи Абдурашид ва бошқаларни топтирди. Улар ҳам бизга ҳамроҳ бўлишди.

Чапда Болои Ҳисор қалъаси, кейин бир қабристонга ўхшаган жой келди. Дўнглик – тупроқ уюмлари кўп эди. Булар – дўконларнинг қолдиқлари – уруш асоратлари экан.

Биз кидирган мазористон Ишкамишнинг ғарби шимолидаги Сарибозор мавзеида, аҳоли яшайдиган ҳудуддан четроқда эди. Гўристон чеккаларида унча эскириб кетмаган қабрлар сероб эди – уруш қурбонлари дафн этилган экан.

Қабристоннинг шимол тарафидан айланиб, орқага – Бобораҳим Машраб марқади ёнига ўтдик.

## **ШОҲ МАШРАБ. САРГАРДОН ҚАБР**

Бобораҳим Машраб, кулоқдан кулоққа ўтиб келаётган маълумотларга, айрим тарихчилар, зиёлилар фикрига кўра, Андижон шаҳрининг кун ботиш томонидаги Олача маҳалласи атрофида (гап шундаки, ҳозир у жойлар ҳам, у номлар ҳам ўзгариб кетган) таваллуд топган. Етти ёшда оиласи билан Наманганга кўчиб боришади.. Бобораҳим Бозор Охунд мадрасасида таълим олади. Кейин дунё кезиб, кўп жабру жафолар чекса-да, қўлидан қаламини қўймай, машҳур шоир даражасига етишади, исёнкор, даҳрий сифатида қатл этилади. (Дарвоқе, унинг «даҳрий»лиги масаласи алоҳида мавзудир).

Бобораҳим Машрабнинг туғилган жойи тўғрисидаги мунозараларга бундан аввалги сафарномада баҳоли қудрат муносабат билдирган эсақ-да, яна шу баҳона шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида кўнгилда туғилган баъзи фикрлар билан ўртоқлашмоққа жазм қилдик. Чунончи, аввало шуни қайд этиш керакки, Бобораҳим Машрабнинг умр йўли хусусида батафсил хабар берган Бадеъ Самарқандий Малехо тарихий шахс бўлиб, шоирга замондош ва шахсан таниш бўлган, унинг асари «Музаккир-ул асҳоб» асил ёзма манбадир. «Турли замонларда ҳар хил котиблар томонидан муайян мақсадларда кўчирилган» «Девони Машраб», «Қиссаи Машраб», «Шоҳ Машраб қиссаси» каби бир-биридан олиниб, қўшиб-чатилган курама китоблар эса чойхона ва гузарлардаги «миш-миш» гаплар асосида юзага келган халқ оғзаки ижоди намуналаридир. Жумладан, «Қиссаи Машраб» китобининг сўзбошисида бу хусусда шундай дейилади:

«Қиссаи Машраб»даги тарихий ривоят ва ҳикоятлар Ўрта Осиё халқларининг қадимий фолклор анъаналари асосида яратилган. Ровийлар гоҳ эл орасида азалдан айтилиб юрган машҳур ҳикояларни Машраб номи билан боғлаб «қайта ишлашган» бўлса, баъзида шоирнинг ғайритабиий мўъжизаларга бой саргузаштларини... тасвирлашда халқимизнинг қадимий мифологик тасаввурларидан фойдаланганлар. Айрим қисса ва диний ривоятлар сюжети эса бевосита Машраб ҳақидаги ривоятларга сингдириб юборилган».<sup>1</sup>

Ёки: «... Шоҳ Машраб қиссаси» китоби ҳам асрлар давомида омма ўртасида «Девони Машраб», «Шоҳ Машраб», «Девонаи Машраб қиссалари» номи билан машҳур бўлиб келган. Бу қиссалар ҳақида турлича фикрлар ҳукм сурмоқда. Кимдир уни афсона деса, яна кимдир ярим афсона деб талқин қилади».<sup>2</sup>

Бир-биридан жузъий тавофут қилувчи мазкур китобларда, машрабшунослар таъбири билан айтганда, «ақлга сиғмайдиган, ишонил қийин бўлган», ҳатто улуғ шоир шахсини таҳқирловчи воқеаларнинг қайта-қайта баён этилиши ўқувчида ишончсизликдан ташқари

<sup>1</sup> Қиссаи Машраб. «Ёзувчи» нашриёти, 1992 йил, 4 –бет.

<sup>2</sup> «Шоҳ Машраб қиссаси». «Шарқ» нашриёти, 1991 йил, 3–бет.

малоллик туғдиради, ғашини келтиради. Ахир, Мулла Бозор Охунд мактабида илоҳиёт илмларини ўрганган, Шарқий Туркистонун Мовароуннаҳрда донғи кетган кароматгўй алломага етти йил мурид бўлган, «замонасининг етук аҳли илмларида бири», «ўзининг бутун умрини ҳақиқатга етишиш йўлида азият чекишга сарфлаган, бевафо оламда маънавий тубанлик, разолат, ақлий нажосатга ботган инсонларга...» нафрату ғазабда ёнган, «ҳақ ишқи йўлида иймони собит» мақомида таърифланадиган бир зотнинг шунчалар довдир, ростакамига девона, уни иззат-ҳурмат қилиб, уйининг тўрисида ўтқазганларнинг тўшагини пайваст ҳўллаб, тузини еб, тузлуғига тупуриб кетаверадиган ношукур банда, бу ҳам майлику-я, Аллоҳнинг уйи бўлган масжиднинг меҳробига эшак боғлаб, бу муқаддас даргоҳ - саждагоҳга бавл қилиб, уни атайлаб булғайдиган (бу лавҳаларни асло мажозий тасвир деб бўлмас!) динсиз, имонсиз, бефаросат кимса сифатида тасвирланиши мантиққа, соғлом ақлга зид-ку! Сатрларида покдомонлик, оташин илоҳий ишқ ловуллаб турган шоир шундай тубан ишлар қилиши мумкинми?

*Бир даме ман фориғи андишаи зам бўлмадим,*

*Лаҳзаи руҳонилар қавмига ҳамдам бўлмадим...*

*Айтинг-айтинг, бандаи холиқ ўзи бандам десун,*

*То ўзи бандам демай ҳаргиз мукаррам бўлмадим.*

*Бир ҳасе чўрни кўрунг ҳақ зикрини бисёр дер,*

*Мен нечук жоҳилдуман ҳасдин муқаддам бўлмадим.*

*Бехабарликда умр чун зое ўтти, Машрабо,*

*Во дариго, умрум ўтти дийда пурнам бўлмадим.*

Шунингдек, Нақшбандия тариқатининг йирик вакилларида бўлмиш Маҳдуми Аъзамнинг эвараси, тасаввуф билимдони, минг-минглаб мусулмонларнинг пири, Қашқар халқининг ҳурматини қозонган, «ўз кароматлари билан хитойликлару бошқаларда мусулмон динига ихлос ва эътиқод уйғотган ўта машҳур бир зот – Офокхўжанинг Машрабдек қалби ўтлиғ шоирни, узоқ юртдан ўзига юкиниб, илм ўрганиш илинжида келган инсонни етти йил фақат қийин меҳнатларга солиб, қаровсиз, мутлақо илтифотсиз қолдирганига ва ҳатто ўша пир амри билан ахта қилинганига (бу шафқатсиз жазонинг асил сабаблари чуқурроқ, ташкилотчилари ўзгалар бўлса керак) ҳам ишонини қийин. Яъни, масҳараомуз услубда битилган «Девонаи Машраб» - ҳатто номи ҳам улуғ шоир шахсига ҳақоратдир - типидоғи китоблар бошдан-оёқ уйдирма-тўқима, бачкана воқеалардан иборат. Балки, «Девони Машраб» нусхаси тўғри, «Девонаи...» ўша сўзнинг хато кўчирилган нусхасидир? Бирок, мутахассислар фикрига кўра, у қурама, терма битикларни девон деб аташ ҳам мумкин эмас. Шунингдек, «Шоҳ...», «авлиё», «эшон» деб улуғланадиган Бобораҳим Машрабга «девона» сифатининг «ёпиштирилиши», хусусан уни китобларга ном, сарлавҳа қилиб қўйилишини жиддийроқ ўйлаб кўриш керак. Ўз даврида кимлардир бу иборани Бобораҳим Машрабга нисбатан ишлатса ишлатгандир, авом нималар демайди, аммо, ҳарқалай, яхши ниятда, ижобий маънода қўлланганлигига иштибоҳ бор. Тўғри, мазкур ибора зикру самога берилиш, дарвешсифатликни ҳам ифодалайди, лекин унинг салбий мазмуни кенгроқ: довдир, телба, эсипаст, савдойи... каби. Қолаверса, уйма-уй тиланиб юрадиганларни ҳам девона аташади. Машрабнинг ўзи бу калимани азбаройи



камтарлик юзасидан хокисор, ошиқ, ошуфта, шайдойи маъноларида қўллайди

Хуллас, муболаға қолипига ҳам сиғмайдиган лофлардан иборат мазкур қиссалар курмагию тоши кўп, ҳам дўлоб гуручни эслатади. Ундан ош дамланса, ҳар дамда тишга нимадир ғичирлаб урилаверади. Эҳтимол юқоридаги ривоятлар аламзада, ҳасадгўй кимсаларнинг шоирни – Бобораҳим Машрабни камситиб, бадном қилиш ниятида ёки кимларнингдир кўрсатмаси билан тўқилиб, улуғ инсон номига атайин ёпиштирилгандир. Аслида бундай савиясиз, тутуруксиз эртақларни ҳам китобхонга тавсия этишдан аввал ақл, одоб-ахлоқ тарозисидан ўтказиш мақсадга мувофиқ эмасмикин? Зеро, халқ оғзаки ижоди намуналарининг ҳаммаси ҳам гавҳару дурдона бўлавермайди-ку!

Табийки, бу пойинтар-сойинтар китоблар асосан Бобораҳим Машраб ҳаётининг кейинги даврларига оид. Машраб Қашқарга ё бошқа жойга, албатта, Намангандан борган ва «фалон шоир, фалон мусофир қаердан экан?», деган саволларга «Намангандан» дея жавоб берилган. Маълумки, бир шоир ё олим асарларию, унинг номи билан боғлиқ рисола ё таъкирларда қайси бир шаҳар отининг (ҳатто таҳаллус сифатида!) қўлланганлиги муаллифнинг ўша юртда туғилганлигини исботловчи ишончли далил бўлавермайди. Масалан, Балхда таваллуд топган буюк аллома Жалолиддин Румий Рум – Кичик Осиёда яшагани боис ўзига шу таҳаллусни танлаган. Бундай мисолни ўнлаб келтириш мумкин.

Тарих билимдонларидан бири, тажрибали ёзувчи, тарихий асарлар устаси Миркарим Осимнинг «Синган сетор» қиссасида Бобораҳимлар оиласининг Наманганга Андижондан кўчиб келганлиги бир неча ўринда шоирнинг онаси ва маҳалла аҳли номидан таъкидлаб ўтилади. Лекин, бир миллатдан чиққан катта истеъдод эгаси фақат ўша миллат фарзанди ҳисобланмаганидай, у ўзи туғилиб-ўсган юртгагина мансуб бўлиб қолмайди, балки уни суйиб эъзозлагувчи барча эллар унинг қавми, барча юртлар унинг ватанидир. Ҳа, ҳар қандай улуғ сиймонинг қайси маҳалла, қайси мавзеда туғилганлиги кейинги даражали муаммо, муҳими унинг ўзи мансуб бўлган ва бўлмаган миллатларга, халқларга хизмати, қолдирган бой, қимматбаҳо меросидир. Шу маънода Бобораҳим Машраб Наманганнинг ҳам, Андижоннинг ҳам муносиб фарзанди, фаҳри, ифтихоридир. «Ўз даврининг ижтимоий зиддиятларини тасаввуф пардаси остида акс эттирган» шоирнинг шиддаткор, фавқулудда ўзига хос оҳангли лирикасига мансуб ғазалу мустазодлари, мухаммасу мураббалари, соф ишқий мавзудаги гўзал асарлари ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшди ва қўшмоқда.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай санъаткор ижодига чинакам баҳони унинг қалб кўзгуси бўлмиш асарлари саҳифасидан қидириш ўринлидир. Бобораҳим Машрабнинг ушбу ҳароратли мисралари шу маънода шоирнинг «номаи аъмоли»ни, ошиқ юрагини яққол ифода этади.

*Дил даштида ғам охуларига ватан эттим,*

*Ғамзанг ўқи то лолалар очти, чаман эттим.*

*Ишқ аҳли менинг сори келурга бу эрур йўл,*

*Ҳар ерда тараб гуллари эрди ватан эттим.*

*Найсон каби кўздин ёғадир ашки равоним,*

*Садқанга юрак қонини лаъли Яман эттим.*

*Меҳринг қуши кўнглум қушидин ажрамасун деб,*

*Жон риштаси бирла оёғидин расан эттим.*

*Жонимга нигоҳинг ўқидин гуллар очилса,  
Сайримга ани настарану ёсуман эттим.*

*Расволиг ўтин балки ўзумга ёқадурман,  
Жисмимга самандар каби ўт пираҳан эттим.*

*Машраб, бу сўзинг топди сенинг бўйи шаҳодат,  
Қонлиг танима ишқ либосин кафан эттим.*

Алқисса, биз Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзолари Бобораҳим Машрабнинг асл қабри, даҳмаси қаерда, деган масалага ойдинлик киритиш умидида шунча машаққатли йўлларни босиб, ният-мақсудимизга етиб турибмиз, Аллоҳга шукр.

### XXX

Тепаликдаги кулбани нима деб аташга ҳам ҳайронман. (Ҳамроҳларимиздан бири «Зиёратгоҳ ба номи Қаландари Машраб», бошқаси «Марбуди шоҳи Машраби Қаландар» деб уқдиришди). Биз сағана деб ўйлаганимиз мазористоннинг жанубий чеккасидаги, шимолга қараган икки хонали эски уй бўлиб, Машраб қабри чапдаги каттароқ бўлмада экан. Икки қанотли оддий тахта эшикнинг зангори ранги ўнгиб кетган. Эшик тепасига – том четига бурама эчки шоҳи санчиб қўйилибди.

Хонанинг ўртасига ёғоч-тахтадан узунлиги уч, эни салкам икки, баландлиги бир метрдан зиёдроқ сўрисимон мослама қурилган бўлиб (қабр ўшанинг остида, дейишди), усти-атрофи гулли, зангори духоба билан қопланган, унинг тепа қисмига сал кичикроқ – оч зангори мато ёпилган, унда калимаи тоййиба ва бошқа оятлар битилган эди. Ҳужранинг эни беш, бўйи олти кадам чамасида. Деворлари оддий лойсувоқ, тор тоқчалар бор. Орқа томондаги оч зангорига бўялган деразанинг учта кўзига фанера қоқилган. Ерга бўйра тўшалган. Шифтдаги йўғон харининг икки тарафига тўсин терилган. Васса ўрнига бўйра тортилган эди.

Хона деворларига мактаб ўқувчилари тухфа қилган, Машраб шеърларидан парчалар тикиб-ёзилган оқ, кўк, катта-кичик палаклар илиб ташланган. Улардан бирида «бу кун» радифли, «Дилбар учун бу жаҳонда дарбадар бўлдим бу кун» деб бошланадиган ғазал битилган эди. (Афсуски, у ғазални кейин Бобораҳим Машрабнинг ўзимдаги мавжуд девонларидан топмадим).

Ўнг ёндаги нисбатан кичикроқ хона, унга ҳам бўйра тўшалган, зиёратгоҳ хожалари – шайхлар ҳужраси эди чоғи. Дарвоқе, шайхлар (улар мансабларини «хизматкор» деб тушунтирдилар) Саид Носир валади Соли Иброҳим, Ҳожи Наврўзлар менинг дафтарга ёзиб юрганимни кўриб, ўзларини тарғиб қилиш илинжида бири қўйиб, бири ушбу «марқад» тарихи ҳақида шошиб-шошиб сўзлашар, исм-шарифларини менга такрор-такрор эслатишарди.

- Бу уйни менинг отам солган, - дейди Саид Носир. – Бобом Шоҳ Машрабга ихлосманд бўлган. Ҳақиқий ўзбек. Ҳужраларнинг қурилганига олтмиш йилдан ошди.

Ташқарига чиқиб «марқад»дан ўттиз-қирқ қадам нарида, икки чеккада автоматли аскарларни кўриб, уларнинг бизни кўриқлаб турганини пайқадик ва сал хушёр тортдик.

Бизнинг илтимосимизга биноан ўқитувчи, зиёлиларнинг вакиллари, уларга кўшилиб бошқа кишилар ҳам келишиб, хужралар олдидаги саҳн-майдонда одам кўпайиб кетган эди. У ер-бу ерда эса тўп-тўп бўлиб оппоқ чодрали аёллар ўтиришарди. Қизиқиб сўрасак, бугун чоршанба – хотин-қизлар зиёрат қиладиган кун экан.

Бизни маҳалладан келганлар ўраб олишди. Ўқитувчи ва умуман Машрабни биладиганларнинг олдинроққа ўтишларини сўрадик. Улар билан Бобораҳим Машраб қабрининг бу ерда қандай барпо бўлгани тўғрисида суҳбатлашмоқчи эдик. Ахир бу оташнафас шоир Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон томонидан дахрий сифатида дорга осилган (юқоридаги китобларда ана шу машъум фожеа ҳам масхарабозлик тарзида ифодаланган) ва ўша жойга дафн этилган, қабри ҳозир ҳам бор, биз зиёрат қилдик-ку!.. Балх билан Ишкамиш ораси узок масофа-ку?..

Ҳожи Абдурахмон Абдужалил ўғли, Саид Муҳаммад ва бошқалар ўз билганларича изоҳлай кетишди, ҳар хил ривоятлар келтиришди. Нақллардан бирининг мазмунига кўра, Бобораҳим Машраб (бу ердагилар Шоҳ Машраб дейишарди) дорга осиб ўлдирилган куни кечаси Маҳмуд Қатағоннинг тушига кириб, мени Темуз (Ишкамишнинг аввалги номи) деган жойга етказ, деган эмиш.

- Йўқ, унақа эмас, - дейди бошқа ровий шоша-пиша. – Шоҳ Машраб Маҳмуд подшога қараб жасадимни сандиққа солиб, бир туяга ортинглар-да, уни ҳайдаб юборинглар, туя қаерга бориб чўкса, ўша жой менинг қабрим бўлсин, деган, туя шу ерда чўккан...

Учинчи бир одамнинг айтишича, диний ақидаларга кўр-кўрона эътиқод қўйган саводсиз «мулло»лардан зада бўлган Машраб ўлиmidан олдин дўстлари, мухлисларига: бунда менинг ўлигимни ҳам тинч қўйишмайди, жасадимни олиб, чекка, ҳоли жойга олиб бориб кўминглар, деб васият қилганмиш.

Мана шу талқинда озроқ жон бўлиши мумкин. Нечукким, содда, оми одамлар Бобораҳим Машрабнинг кароматомуз гаплари, ҳатто хурмача қилиқларини ҳам авлиёликка йўйиб, унга сиғиниш даражасида эътиқод қўйишлари, Машраб эса бу кўр-кўрона юқинишлардан безганидан уни ўраб олувчи ва эргашувчиларни ўзидан совутишга, эътимодларини қайтаришга уринишлари «Шоҳ Машраб қиссаси», «Қиссаи Машраб» каби китобларнинг бир неча ўринларида зикр этилган. Лекин айнан ўша рисоаларда исёнкор шоирнинг қатли ва дафни баёни бирмунча ўзгачароқ. Масалан, Маҳмуд Қатағон жаллодларга «мен сизларга Шоҳ Машрабни ўлдиришлар, деганда кўзимни қисиб айтувдим-ку», дея ёлғондакам дағдаға қилади. Машраб Балхда дафн этилгач, уч кундан кейин Маҳмудхонга «Ал-қасос-ул минал-ҳақ» деган овоз эшитилади ва уни том босиб қолади. Шоир ўлиmidан етти кун ўтгач эса тўққиз нафар қаландар келиб, бизлар Машрабни кўрдик, Ҳирот даштида кафанлари бўйнида, итлари кейинларида Маккага кетиб бородур, дейдилар. Вазирнинг тушида эса Шоҳ Машраб: «Эй, вазир, мен пайғамбари худони зиёрат қилиб келдим, Ишконмиш деган ерни тайин қилдилар, мани қабримни ўшал Ишконмишга кўтарғил», дейди. Вазир дарҳол Машраб жасадини қабридан олдириб, Ишкамишга элттириб кўмдиради.

Ёки, Машраб ўлиmidан аввалроқ Маҳмудхонга: «Манинг васиятим сенга шулки, мани жасадимни бир баландроқ ерга чиқариб қўйгил, токи ҳар ким кўрса йироқдин дуойи хайр қилиб ўтгай», дейди. Мана шу далиллар ҳам ҳақиқатга нисбатан яқинроқ бўлиши эҳтимол.

Албатта, бу гапларнинг бир қисми баъзи адабиётларда ҳам мавжуд, улар орасида мантиқий фикрлар йўқ эмас. Қомусий манбаларда ҳам Бобораҳим Машраб қабрининг Афғонистоннинг Хонобод шаҳри жанубидаги Ишкамиш қишлоғида экани қайд этилган.

Хўш, у ҳолда Балхдаги қабр-чи? Албатта, машҳур, ярим афсонавий шахслар

мозорининг бир неча жойга нисбат берилиши ҳам тарихда учраб турадиган ҳодиса. Масалан, Ҳазрат Алиники... Аммо у бошқа масала. Балки Балхдаги гўр Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Аградаги биринчи хилхонаси каби нимарсасиздир. ©, эҳтимол, у майманалик доктор Элмурод Арғун томонидан билдирилган изоҳталаб фикрга кўра, «Машраби соний»<sup>1</sup>га тегишлидир.<sup>2</sup> Зеро, Бобораҳим Машраб Қундузда қатл этилган деган фикрлар ҳам бор-ку.<sup>3</sup>

Ҳарқалай, Бобораҳим Машрабдек катта ва бетакрор истеъдод соҳибининг ҳақиқий қабрини аниқлаб, муносиб мақбара бунёд этиш мақсадга мувофиқдир. (Аслида, Зокиржон Машрабовнинг бундоқ чап, носоз йўлларда чанг кечиб юришлари замирида ана шундай ўй-режа борлиги ҳам сир эмас).

- Боринги, Бобораҳим Машраб қабри шу экан, унга дурустроқ сағана қуриш мўлжалланмаяптими? – деб сўрадик. Бир вақтлар шундай ҳаракатлар бўлганда Ишкамиш муллоларининг тушига Шоҳ Машраб кириб: «Мени безовта қилманглар», деганмиш. Шундан кейин бу ҳақдаги гаплар тўхтаганмиш.

Лекин бу ерга мақбара-ёдгорлик қуришдан олдин атрофни тартибга келтириб, ободонлаштириб, йўлни созлаш керак. Зиёратгоҳнинг ҳозирги бор манзараси – пала-партиш экилган уч туп санжит - жийда, бир-икки туп тут, дарахти ўрусий, анча нарида – эски уйлар олдида четларини сув ўти, ажирик босган сассиқ ҳовуз, унинг қирғоғида қийшайиб ётган толлардан иборат эди, холос. Энг асосийси, ўша жойлар ҳам қаровсизлиги боис бефайз эди.

Рўпарадаги тоғ тепасида Хўжа Реги Равон авлиё зиёратгоҳи, ёнида муқаддас, сирли бир чашма бор, ўша ёқдан ғаройиб бир овоз келиб туради, дейишди. Қачондир бир тайёра ўша тоғ устидан ўтаётганда ёниб кетган эмиш. Аслида бу айрим минтақаларда кузатиладиган, қумдан чиқадиган садо билан боғлиқ физик ҳодиса бўлиб, Бобур Мирзо уни шундай таърифлайди: «Бу икки даштнинг орасида бир кичикроқ тоғ тушубтур, бу тоғда бир парча қум тушубтур, тоғ бошидан тубигача Реги Равон дерлар. ©злар дерларким, нақора ва духул уни бу қумдин келур».

Юраги Аллоҳга ва унинг мўмин бандасига муҳаббат билан тўлиб-тошган, аммо ўзини ниҳоятда фақир тутган, ҳаётлигида рўшнолик кўрмай, чархи бербунёд дастидан дилшод бўлмаган, умри мудом дарбадарликда кечган шоирнинг жасади ҳам саргардону руҳи муқим бир ошиён топмаганига ачиндим, зиёратгоҳининг ғарибу ноободлигидан хижолат, алам ва изтироб чекдим. Нечук бизнинг ўтмишдаги истеъдодли, илмлари шуурига, қувваи ҳофизасига, шижоатлари, тугёнлари, ғайратлари вужудига сиғмаган кўп фозилларимиз, оқил-уламоларимиз тақдирлари ўхшаш - ўз юрт-элидан мосуво бўлиб, мусофир ўлкаларда зору саргардон (уларнинг дунё кезишлари фақат илм излаш билангина боғлиқ эмас) умргузаронлик қилишгану, таналари ҳам овлоқ-пучмоқларда хокисор бўлиб қолиб кетган-а?.. Минг йиллардан бери, уларнинг донишу кашфиётлари, ихтиролари, ҳикматлари, ўғитлари, ҳаётий ибратлари не-не авлодларга, башариятга хизмат қилмоқда.

Агар тақдир уларга она Ўзбекистонимиз заминидан мангу оромгоҳ ато этганида, уларнинг нафақат мероси, балки қабр-марқадлари ҳам нақадар ҳурмат-эъзоз топган бўларди, деган ўй кечди дилимдан.

## XXX

Ишкамиш марказига қайтар эканмиз, ошиқлиги жони-жаҳонини куйдириб ўртаган Шоҳ Машрабнинг оддий, мулойим калималарга эҳтиросу шиддат, одатий радифларга жилваю жон бағишлаб, сомеълар юрагини гоҳ зириллатиб, гоҳ сел қилиб юборадиган,

<sup>1</sup> Ҳофиз Рўзибой охун – у ҳам Наманганда яшаган.

<sup>2</sup> Х. Султон. «Бобурийнома», 241-бет.

<sup>3</sup> Бобораҳим Машраб. «Меҳрибоним, қайдасан» китоби. Сўнгги сўз, 359-бет.

қалбларга оташ соладиган асарларини беихтиёр эслаб, хаёлан такрорлаб борар эдим:

*Такаллум айласанг гоҳи лаби шаккарфишонингдин,  
Тасаддуқ бўлса жоним гаҳ бошингдин, гаҳ оёгингдин.*

*Борурсан кеча-кундуз ою кундек ҳар тараф ёлғуз,  
Топиб бўлмас сени бир ерда сокин ўз маконингдин.*

*Бирор йўл илтифотингни томоша айлаган бедил  
Қиёмат тонги отсун, бош кўтармас остонингдин.*

*Кўзунг жон олғали қотил, сўзунг жон берғали мойил,  
Масеҳо, сенму оё, жон насими келди ёнингдин.*

*Эгилмас то қиёмат нўш қилгон бодаи лаълинг,  
Шимиб ичса тили бирла ийиб шаккар забонингдин.*

*Тилар Маширабки бир кун гунчаи таъбинг очуқ кўрса,  
Тамошо айлай-айлай ўтса саҳни гулситонингдин.*

Қайтишда марказдаги бир чойхонада тўхтадик. Одатдагидай, кенг, яхлит супа-сўрида чордана куриб ўтирдик. ҳожи Абдул Қодирнинг танишлари (у билан ҳамма кучоқлашиб кўришарди - ишкамишликлар ҳам, бошқа барча қишлоқликлар каби ўзларидан чиққан раҳбар, амалдорлар билан фахрланишар, унинг ҳурматини жойига қўйишга интилишарди) улусвал Абдулазиз ташкилотчилигида меҳмон қилишди.

Бу ерга ҳам бир зумда «томошабин»лар йиғилди. Бекорчи кўп-да.

Тушлик суҳбат-мулоқотга уланиб кетди. Биз Ишкамиш ҳақидаги маълумотларга қизиқдик. Мезбонларимиз тумандаги саксон тўрт минг аҳолининг асосий қисми ўзбеклар бўлиб, форсийлар, пуштунлар ва бошқа миллат вакиллари билан аҳил ва иноқ яшашлари хусусида тўлқинланиб, толиблар бу ерда ҳам одамлар дилига кутқу ва ваҳима солишиб, беҳуда қонлар тўкилишига сабаб бўлишганини нафрату надомат ила гапиришарди.

Суҳбатдошларнинг муомала ва дунёқарашларидан Ишкамишда саводхонлик анча дурустлигини сезиш мумкин эди. Йигирмага яқин мактаб, лицей, айниқса, қизлар ўқийдиган Бобораҳим Машраб номидаги ўқув даргоҳи борлиги бизни ҳаяжонлантирди.

Бу ерлик ўзбеклар тилида ҳам Афғонистоннинг бошқа жойларидаги каби анчагина фонетик ўзгаришлар мавжуд, шунингдек, пуштун, форс сўзлари аралашиб кетган, диққат билан тингламасангиз маънони англамай қолишингиз мумкин эди.

Яна Шоҳ Машрабнинг қабридан гап очилди. Ҳожи Худойдод, Абдурашидлар юқоридаги ривоятлардан бирига муносабат билдиришиб, Машраб қабрини кам зиёрат қилишларини тан олдилар.

Илтимосимизга кўра Оқпара қишлоғидан Ҳожи Назар Муҳаммад Мирсафо отани олиб

келишти. Оксоқолда хижрий 1324, мелодий 1900 йилда Бухоро шаҳрида чоп этилган «Девони Машраб» китоби (уни анчагина илмли киши бўлган бобоси Бухородан олиб келган экан) бор эди. Шариллатиб бир неча саҳифа ўқиб берди. Ўша таниш ривоятлар ва эртаклар... Зокиржон ака ҳожи отани мактаб, экспедиция ва унинг мақсадларини баён қилатуриб, сизни рози қилсак, китобни бизга берсангиз, деб илтимос қилди. Мўйсафид ҳам танти экан (мен унамаса кераг-ов, деб ўйловдим), бажонидил рози бўлди.

- Сизларга - тухфа, хайрли ниятлар билан юрибсизлар экан, - деди отахон илтифот билан.

- Фақат бир шартимиз бор, – дейишти ишкамишликлар. – Шоҳ Машраб зиёратгоҳини таъмирлашга ёрдам берасизлар.

Зокиржон ака ҳам бировдан қарздор бўлиб қоладиган инсон эмас, шартни қабул қилди ва оксоқолга пахта гулли чойнак-пиёла сервис совға қилди.

Биз бугунги кунимиздан мамнун бўлиб, ишкамишликлар билан қизгин хайрлашдик.

### XXX

Ярим йўлда машинамиз Абдул Қодир кўрсатмаси билан бошқа кўчага бурилди.

- Қундузни ҳам кўриб ўтасизлар, - деди у.

Шолизор кўп. Сарбонимиз айтишича, хонободликлару қундузликлар, боғлонликлар ҳам асосан шоликорлик билан шуғулланишади. Хонободнинг узун, йирик, девзирага ўхшаган гуручи машҳур экан.

Шолиполярнинг ўрталарида ҳам танклар қолиб кетган эди. «Аттанг, бир катак шолининг ўрнини эгаллаб ётибди», дейди кимдир.

Бу йўлда дашт янада бепоён эди.

Куёш уфқни қизартириб юборган, подалар қайтмоқда.

Йўл асфальту, аммо шағалли йўлдан бешбаттар эди – ғилдираклар дўқиллаб тушаверади, ЖИП силкиниб, кўчанинг бу четидан у четига ўтиб, лапанглаб юради.

Машина тебранганда бошларимиз гоҳ бир-бирларига, гоҳ шифтга дупиллаб тегади.

Бир гал шунақа кўтарилиб-пастладикки, нимадир қарсиллаб, машина тўхтаб қолди – назаримизда унинг муҳим бир нимаси узилиб кетгандай туюлди, ҳаммамиз апил-тапил тушиб у ёқ-бу ёғига қарай бошладик. Раҳбар парво қилмагандай ўтираверди, чунки у нима кор-ҳол юз берганини пайқаб бўлган эди.

Хонобод-Қундуз йўлида сал жонимиз таскин топиб қолди, текис асфальт, икки тараф яшил далалар эди.

Қундузда қовун-тарвуз бисёр кўп эди.

Қундуз хийла катта шаҳар экан, лекин биз марказий кўчасидан юриб ўтдик, холос. У қадар эътиборга молик биною бошқа алоҳида жиҳатларини сезмадим. Фақат аксарият аёлларнинг оқ ҳижоб-чодрада юришлари диққатимни тортди. Сабабки, улар фаришталарга ўхшаб кўринарди. Балки улар орасида чиндан-да фаришталар бордир, кўпдир...

Шу куни Мозори Шарифга жўнаб кетиш ниятимиз бор эди, кеч қолдик. Кечаги жойларимизга ўрнашдик.

### ЖУНУН ВОДИЙСИДА

*21 август, пайшанба*

Олтию нўл-нўлда йўлга чикдик. Бироздан кейин Пули Хумри кўприги келди. Одатдагидай дўконлар, устахоналарда ҳаёт жонлана бошлаган эди. Шаҳардан чиқаверишда «Азиз юртдошлар, сафарингиз хуш бўлсин!», деган шиор остидан ўтдик. Юртдош бўлмасак-да, бизга ҳам тегишли, деб қабул қилдик.

Икки томонда қовун-тарвуз полизлари, шопипоя кўп – роса гуркираб ўсаётган палласи экан. Экинзорларни тоғлар қуршаб, гўё хавфу хатардан ҳимоя қилиб тургандай...

Шимолий-ғарб сари боряпмиз.

Чашмаи шер сойидан ўтгач, Афғонистондаги доимий йўлдошимиз – яна биз «соғиниб» қолаёзган дашт бошланди.

Бу йўлда ҳам ёд бўлиб кетган манзара – томи очиқ ё бузилмаган, эски, янги пахса, лойсувоқли уйлар тез-тез учраб турарди.

Онда-сонда эшакка юк ортиб келаётганлар кўринади. Юк – янтоқ, бурган ва бошқа қуриган дашт ўсимликлари. Шунчалик баланд ва катта ортилганки, уни кўтариб бораётган жониворнинг эшак эканлигини фақат калта ва ингичкароқ туёқларидангина фарз қилиш мумкин. Янтоқ ўраётганлар ҳаддан зиёд, мамлакатнинг ҳамма йўлларида...

Работак кўталига чиқаверишдаги устахонада машинанинг филтрини тозалатдик. Устахона ёнидаги кичик дўнгликда бир сор полапони ўтирарди. Қанотлари юлиб қўйилган. У узоқ-узоқларга – тоғларга тикилар, дам-бадам биз ажнабийларга ҳам жиддий қараб қўяр эди.

Эҳ, одамзот! Осмонларда парвоз қилиб юрадиган шундоқ эркин, жангари қушни ҳам асиру нотавон айлайди-я!..

Довондан - баланд адир кифтидаги йўлдан кетяпмиз. Икки ёндан тоғлар қисиб келмоқда.

Йўл созлиги учун унинг доволлиги ҳам билинмас эди. Ярим соатларда водийга тушдик.

Самангон вилояти ҳудудига кирдик. Маркази Айбоқ йўлдан анча ичкарида эди.

Яна рўпарамиздан юракни увиштирадиган даҳшатли уруш қуроли – танклар ва юк машиналарининг қолдиқлари чиқа бошлади. Эсизгина, бизда бир шапалоқ тунука фалон пул, бу ерда юз, минг тонналаб металл исроф бўлиб ётибди. Битта танкка қанча темиру, қанча меҳнат, қанча маблағ сарфланган-а – одам ўлдириш, вайрон қилиш учун!..

Ғалати дунё бу. Инсон табиати ҳам. Машинамиз радиосида бирдан овози фавқулудда ўзига хос, ҳеч кимникига ўхшамайдиган - ўта тиниқ ва жарангдор ҳофиз Расулқори Мамадалиев ижро этган қўшиқ янградию, беихтиёр бу нохуш мавзунини унутдик, қалбларимизга қўшиқ оҳанги билан ёқимли бир маҳзунлик иниб, хаёл гирдобига шўнғидик.

***Жунун водийсига мойил кўрарман жони зоримни...***

Йўл бўйида асл деҳқон капасидаги бир қовунхўрликдан кейин яна тоғлар бағрига кириб кетдик.

Танги Тошқўрғон... Бу – баланд тоғ қисиб йўл солинган, тепа қисми тор, ости кенгрок омбирсимон жой. Дабдурустдан қараганда ваҳимали, лекин диққат билан кузатсангиз тоғнинг тош каби қаттиқ жисмлар қотишмасидан иборатлиги, мустаҳкамлиги, хавотирга ўрин йўқлигига ишонч ҳосил қиласиз, аммо барибир остидан ўтаётганингизда нигоҳингиз беихтиёр тепага кетиб қолади.

Шу ердан Тошкўрғон шаҳри бошланарди.

- Тошкўрғон – Афғонистондаги энг зўр жойлардан бири, - дейди Муҳаммад Анвар эҳтиросли оҳанг билан. – Боғлар, дам олиш масканлари кўп. Хусусан Зоҳиршоҳ барпо қилдирган Боғи жаҳон машҳур жуда.

Чиндан ҳам атрофда замонавий бинолар, дарахтлар кўп эди. Сердарахтлик – аввало мусаффо ҳаво демак, кейин сувга сероблик, ободлик, тозалик белгиси, боғ-роғлар – маъмурлик, фаровонликдан нишона.

Йўлнинг икки томонида гуллар ҳам сероб, энди мева тугишни бошлаган анор дарахтлари ёввойиларча ўсиб, гуллари чўғдай товланарди.

Шундоқ йўлда тўп-тўп ўспиринлар анжир сотиб юришарди. Тахминан бир килоча мева солинган, тол хивичлари ва кўкатлардан ясалган дўппидайгина саватчанинг тепасини ҳам ўраб қўйишаркан. Олиб кетишга қулай ҳам яхши сақланаркан. Анжир майда, сафсар рангли эди. Саватчада чиройли кўринувди, пўсти дўл ургансимон яра-чақа, мазаси ҳам ўзимизнинг сариқ анжирникичалик эмас экан.

Анжир баҳонасида Тошкўрғонда тамадди қилдик: таом – макка унидан қўшиб, лочира шаклида қотириб қўйилган, ликобчага солиб, тагига озгина сут қуйилган қаймоқ бўлди. Лекин унинг таъми ҳам ўзимизнинг оддий қаймоқникига ўхшамас, ачимтирроқ, бемазароқ эди. Иштаҳа зўрлигидан ҳаммага бир ликобдан олиб эдик, анчаси исроф бўлиб қолиб кетди.

## ЖУМА - МУБОРАК КУН

Яна Мозори Шарифдамиз. Шаҳар айландик. Ҳар қадамда тиланчилар учрар, олдинма-кейин юришиб, деярли ҳар бир дўкон, устахонага калла сукиб, қўл чўзишарди. Чодир ичидан уларнинг қиёфасини ҳам, ёшини ҳам билиб бўлмасди. Лекин юзи очиклар, аксарият ёш-ёш қизчалар ҳам бор эди.

- Тиланчилар асосан лўлилар, - деди Муҳаммад Анвар биз сўрамасак ҳам - ҳамияти оғриди шекилли.

- Ҳа, шунақага ўхшайди, - деб қўйдик.

Бозорда раҳбарнинг бир таниши учраб қолди. Норғул, микти, бакуватлиги шундоқ қўйлагини туртиб турган мушакларидан аён бу одам узоқ йиллар кўришмаган отасини топгандай суюниб кетди. Қувончининг самимийлигини чакнаган кўзларидан, қайта дийдор кўришиш насиб этгани учун Аллоҳга шукр келтиришидан англаш мумкин эди. Муҳаммад Наби исмли бу йигит билан ҳам Зокиржон акалар 1992 йилги сафар чоғида шу шаҳарда танишишган (мазкур учрашув тафсилоти «Бобурийнома»да келтирилган) экан. У асли майманалик бўлиб, Муҳаммад Анварни ҳам, доктор Арғунни ҳам жуда яхши билар эди.

Муҳаммад Наби хушчақчақ, гапдонгина эди. Бизга сайрбонлик қилди. Меҳмоним бўласизлар, деб хўп қистади.

- Қаршилигимиз йўқ эди-ю, афсуски, «заказ» олиб қўювдик-да, - дедик ҳазиллашиб.

Анварнинг қайноғаси Муҳаммад Акбар дастлаб келган кунимизоқ қайтишда албатта бизникига кириб ўтасизлар, деб, розилигимизни олган, йўл бошловчимизнинг айтишича, у астойдил ҳозирлик кўриб, бизни кутмоқда эди. Лекин, меҳмондорчиликдан аввал у ер-бу ери қашқа бўлган, жароҳатланган «самантой»имизни бир «табиб»ларга кўрсатиб, муолажа қилдириш зарур эди. Муҳаммад Наби автомобиллар «шифохона»сига олиб борди. Уста-«табиб»лар хийла уринишди. Мирзо Анвар жаноблари «Сиз асло хавотир олманг Зокиржон ака, машинага ҳеч нарса бўлмайди», дея, сувсиз ариқларга шўнғиб, дашту ўзанлардаги дўнғалаклардан ошиб, «ҳатлаб» ўтган, вайрона кўчалардаги танклар, бомбалар «қазиган»



чоҳларга дўқиллаб тушган пайтларда ЖИП, ҳар қанча бақувват, пухта бўлмасин, темир-да, жониворнинг ҳимоя тўсини – дугаси узилган, тутун чиқаргич тарнови эгилиб-қийшайган, олди қанотининг бир чети эзилган, чироқ - кўзнинг ҳам биттаси ишдан чиққан эди

Устахонадан нари Муҳаммад Набини ҳам олиб таклиф этилган жойга бордик.

Муҳаммад Акбар икки қаватли уй қураётган экан, ҳали битмабди. Иморат ғоят салобатли, аммо ҳовли умуман йўқ, фақат кафтдайгина саҳн бор эди, холос. Демак, бу шаҳарда ҳам ер масаласи муаммо.

Дастурхонда ноз-неъмат қуюқ ва хилма-хил эди: олма, узум, апельсин, банан, помидор. Таомлар ҳам бир неча тур бўлди: шўрва, ош, товуқ гўшти. Барибир мақтанишга ўхшайдию, лекин айтмасам юрагим тўлиб кетади - буни дунё билади, эътироф этади - ўзбекларимиз чиндан-да меҳмондўст, меҳмоннавоз, меҳмонсуяр-да. Шунча зиёфатдан кейин яна бизни совға-саломлар билан сийлашиб, қайта кўришиш умидини такрор-такрор изҳор этиб кузатишди. Албатта, бу муомала ва такаллуфлар мутлақо самимий, чин дилдан эди. Оламда яхши инсонлар ҳам кўп.

Муҳаммад Акбар, Муҳаммад Набилар бизни шаҳардаги энг янги, мухташам меҳмонхона - «Фарҳод» хўтелига жойлаштиришди.

*22 август, жума*

Жума аслан муборак сана.

Бу жума янада муборакрокдир: чунки биз Ватанга қайтадиган кун.

Йўлга чиқдик.

Шабада йўқ, дашт сокин эди. Йўлнинг ярмида, кум, тупроқ босадиган жойда Ўзбекистондан келган ўндан ортик скрепер, бульдозер ва бошқа техникалар кўчани тозалаб, кенгайтирмоқда эди.

Энди бутун вужудимиз ила Тошкентга ошиқамиз.

Сурхондарёлик ҳамқаламларимиз фахру ифтихор билан тилдан, қаламдан қўймайдиган машҳур Бойсун тоғлари ёнидан ўтиб, Сайробга келдик. Бу ер ҳам назаримда юртимизнинг энг сўлим, оромбахш, файзли масканларидан бири эди: кўчанинг икки бети гулзор, ёши бир неча асрга тенг улкан чинорлар остидаги катта йўл билан туташ чойхона-ошхона салқин, шинам эди.

Зокиржон аканинг чиндан-да жаҳонгашталиги, оламшумул ишлари ва экспедициясининг доврўғи ила машҳури жаҳон бўлиб бораётганлигига яна бир бора амин бўлдик. Мана шу чойхона эгаси Абдумўмин Бойбулов ҳам Бобурнинг ихлосманди чиқиб қолди, у ўз юртимизнинг биз қўмсаган қирқма кабоблари билан сийлади.

Кейин Қашқадарё худудидан, Бобур подшоҳнинг улуғ бобокалони Амир Темур юрти, соҳибқирон қурдирган Оқсарой ила таниқли Кеш - Шаҳрисабзнинг анвойи гулларга бурканган кўчаларидан ўтиб келар эканмиз, бу манзараларни Афғонистон туманларида кўрганларим билан муқояса қиламан ва хаёлимдан, ҳа, гул ҳам тинчликка, осойишта юрт кўчаларига ярашаркан, хотиржам, бежавотир одамнинг кўнглига гул сиғади-да, деган мулоҳаза кечди.

Кейин Китоб (аввалги Тахти Қорача) доवони бошланди. «Бобурнома»да «Самарқанд билан Кеш орасида бир тоғ тушубтур, Итмак добони дерлар» дея зикр этилган ошув шу бўлса керак. Чиғаноғи кўп, гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастлайдиган айлана йўллар.

Наздимда юртимиздаги гўзал довонлардан бири мана шу.

Тоғликни унинг энг баланд жойидаги «Самарқанд вилояти» деган ёзув-панно нақ

иккига ажратиб турарди.

Водий бошланди. Қуйига эниб бораётган йўлнинг ўнг тарафидаги бел баробар тош девор орасидан чиққан темир қувурдан тушаётган шаффоф оби ҳаёт кечки шафақ нурларида жилоланиб, кишини беихтиёр ўзига тортарди. Муҳаммад Анвар шу булоқ сувини жуда яхши кўраркан, ҳар гал ўтганда, қандай уловда бўлмасин, тўхтатиб, тўйиб-тўйиб шимириб оларкан. Китобга кирмасимизданок уни оғзидан бол томиб таърифлаб келаётган, бунинг устига, роса чанқаган эди. Лекин шу масалада сафардошимизнинг омади чопмади. Раҳбар машинани тўхтаттирмади. «Бу булоқдан ичишни ҳеч кимга маслаҳат бермайман, совуқ, хом сув масаласидаги қоидамизга ҳамма жойда риоя этиш шарт» деди қатъий қилиб. Анвар бояқиш анча ўтинди, бошқалар орага тушди, бўлмади. Наилож. Нечукким, раҳбар экспедиция аъзоларининг оғриб, хасталаниб қолишини хоҳламас эди - хусусан уйга яқинлашаётган маҳалда. «Сабр қилинг, сабр», деб тасалли берарди у, мудом кўнглини узолмай, орқага қараб-қараб кетаётган Муҳаммад Анварга. Биродаримизга ҳамдардлик билдирдик. Лекин бир оз юргандан кейин биримиз қўйиб, биримиз «ростданам, чаток бўлди-да, биз ҳам булоқ сувини соғинувдик, тўғри чанқаган жойга борарди», деб уни қуйиктира бошладик. Бироқ Муҳаммад Анвар табиатан хушчақчақ ва ҳазил-мутойибага мойил бўлгани учун бундай вазиятлардан кулги билан чиқиб кетарди. «Аммо-лекин тоза, жудаям ширин сув эди, татиб кўрганларингда билардинглар», дея армонини ҳам изҳор этиб қўйди.

- Ҳавзи кавсар, оби замзам, денг, эсиз.

Шеф барибир парво қилмайди, ўзини эшитмаганга солиб ўтираверади.

Ўнгга - Ургутга бурилиб кетадиган кўча билан асосий йўл бурчагидаги тепаликда ҳазрати Навоийнинг салобатли ҳайкали биз томонга қараб турарди - гўё бизни интизорлик билан кутгандай, кучоқ очиб қарши олаётгандай, истиқболимизга талпиниб келаётгандай, «Хуросонда, Ҳирида нима гаплар, устоз Жомийнинг ҳоли нечук?», дея сўрмоқчидай, «Мавлоно Лутфийни йўқлаб борғонларингиздин беҳад шодмен», демоқчидай...

## СЎНГГИ СЎЗ

Шундай қилиб, Афғонистон сафарига, тўғрироғи, навбатдаги сафарномага нукта қўйдим. Албатта, шу қисқа муддат ичида кўрган-билганларим, кўнгилдан ўтган мулоҳазаларнинг ҳаммасини қоғозга туширолмадим, зеро, бунинг иложи ҳам йўқ.

Нафсиламрини айтганда, бу ўлка ҳаёти мен ўйлагандан зерикарлироқ, табиати, манзаралари – поёнсиз тоғу даштлари тасаввуримдагига нисбатан рангсизроқ кўринди. Балки, шу навбат сафарнинг гаштидан кўра йўл азобини кўпроқ тотганим, иссиқ, дала-даштларда ўт-ўланлар сарғая бошлаган мавсумга тўғри келганимиз боис менга шундай туюлгандир. Лекин ўзимга ўзим тасалли ва танбеҳ бердим: ахир мен экспедицияга фақат сайру саёҳат, кўнгил ёзиш учун қўшилмаганман-ку! Шунда Зокиржон аканинг жасорати, матонатини, сабр-бардошли, заҳматларга чидамлилигини янада чуқурроқ ҳис этдим. У Афғонистонга яқин ўн марта ўтди ва бу галгидан сермашаққат, оғирроқ сафарлар бўлгани, таҳликали воқеалар юз берганидан хабарим бор. Экспедиция риёзатларини кўя турайлик, уни режалаштиришу ҳозирлик кўришларнинг ўзи бир олам ташвишу бош қотирувлардан иборат. Зотан, сафарга чиқиш фикри раҳбарда дабдурустдан туғилмайди ва фикр туғилиб, режа тузилиши биланоқ иш хамирдан қил суғургандек силлиқ кетавермайди.

Раҳбаримиз ҳар тонг аввали Ҳақ, кейин Бобур Мирзо ёди билан кўз очади, бомдоддан сўнг китоб ўқийди, журнал варақлайди, газета титкилайди: Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқа буюк аждодларимиз ҳақида янгилик излайди, ўзининг суюкли қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолиятига оид мақола ё хабар бор рисола, жаридаяо рўзномаларни алоҳида жавонга теради, қоғоздонга солади, энг зарур, ихчамроқларини қирқиб иш столидаги ойна остига кўяди, тагига чизиб ўқиган қисмларини дафтарга кўчириб олади. Шу аснода буюк ватандошларимизни яна бир санокдан ўтказади, зиёрат қилинган қабр-мақбараларни кўз олдига келтиради, яна ким, қайси улуғ аждодимиз қаерларда яшаган, уларнинг мангу оромгоҳлари қай юртда қолган, у жойга қачон, қандай йўналиш билан бориш мумкин – шуларни чамалайди, қайта-қайта режа тузади, харита кўриб, йўлларни, шарт-шароитларни ўрганади, масофаларни ҳисоблаб чиқади.

Режа-ўйлар мияда обдон пишгач, дастур битишга киришади (унинг ўнлаб вариантлари юзага келади).

Дастур ва йўналиш моҳияти-мазмунидан келиб чиқиб, экспедицияга аъзолар мўлжаллайди, саралайди, танлайди ва уларга: «Хўш, демак, тахминан фалон вақтда (албатта аввалроқ муддатни айтади) жўнаймиз, фалон-фалон давлатларда бўламиз, ҳозирлик кўришни бошланг. Бугундан бошқа ишларингизни тўхтатинг, энди Бобургаям бир хизмат қилинг», дейди. Турган гапки, «ҳозирлик» деганда кийим-кечак танлаш, озиқ-овқат каби икир-чикирлар назарда тутилмайди, балки бу, аввало борилажак мамлакатлар тарихи, табиати ва бошқа қомусий маълумотларни кўздан кечириш; ана шу юрт-элларда илм-фан ривожига, умуммаданият юксалишига улкан ҳисса қўшган қайси зоти мубораклар умргузаронлик қилган ва ўтган? Қандай тарихий, меъморий обида, маданий ёдгорликлар, музей ё кутубхона бор? Биз ким ва нималарга эътибор қаратишимиз зарур, деган маънолардаги огоҳлантиришдир. Лекин, раҳбарнинг ўзи бу айтилганларни зимдан ҳамсафарларга нисбатан пухтароқ, кенгроқ ўрганади, мазкур соҳаларга дахлдор илмли кишилар, муаррихлар, олимлардан сўраб, ўқиган-эшитганларига янада аниқлик киритишга уринади.

Кейин молиявий-иқтисодий масалани ҳал қилишга навбат етади, яъни маблағ жамғариш тараддудисига тушади. Беш-олти одамнинг қатор хорижий мамлакатларда ойлаб юриши кўзда тутилган. Бир кишининг Андижондан Тошкентга бирров бориб келиш сарф-харажатларини хомчўт қилиб тасаввур этиш мумкин. Ҳа, бу раҳбарнинг муаммоси

дейлади, ҳеч бир аъзо аралашолмайди, аралашмайди, зеро, ҳеч ким ёрдам беролмайди ҳам.

Сўнг ташкилий-маъмурий юмушлар қўндаланг бўлади: ҳамроҳларнинг чиғириқлардан ўтказилиши, чет элга чиқиш учун тегишли маҳкамалардан рухсат (ички виза) олишлари, сўнг экспедиция йўналишидаги давлатларга ҳар бир аъзо учун алоҳида, автомашина учун махсус (Энг даҳмазаси мана шу!) визани қўлга киритиш, бунинг учун элчихоналарга бўзчининг мокисидай қатнаш, элчи ё унинг ходимлари қалбига йўл – уларнинг меҳрини юмшатадиган сўз топиб, экспедиция сафарининг улар учун ҳам аҳамиятли эканлигига имонларини комил қилиш, анча-мунча шартларга қўниб, бўйинга олиш... Аммо булар ҳам жами тайёргарлик ташвишлари олдида ҳеч нарса эмас. Энг муҳими – маънавий-руҳий ҳозирлик – буни энди ҳар ким ўзича англайди, ўзича ҳис этади, ўзича тайёрланади. Йўлга пок қалб, пок вужуд, яхши ният билан чиқиш керак, ҳар ким ўз олдига муайян мақсад ва вазифалар қўйиши лозим. Шерикларнинг эътиқод, дунёқараш, феълу атвор жиҳатларидан мос келишлари ҳам экспедициянинг ички муҳим шартларидан биридир.

Ниҳоят, экспедициянинг самарали яқунланиши, аъзоларнинг ватанга соғ-омон қайтишлари – айниқса, мана шу жавобгарлик, масъулият раҳбар онги-шууридан бир лаҳза ҳам узоқ кетмайди. Сафар давомида ҳар ким фақат ўзининг ғамини еб, ўзи учун фикрлаб, ўзи учун яшаса, раҳбар ҳамма учун қайғуради, ҳамма учун фикрлаб, ҳамма учун яшайди. Бир инсон зиммасига булар анча оғир юк! Бироқ Зокиржон ака мана шундай залворли юкларни қарийиб ўн уч йилдан буён озод кўтариб келмоқда, ҳали яна кўп кўтариб юришига шубҳа, йўқ.

Лекин, инсон ўз илми, амалларининг жамиятга нафи тегишини ҳис этса, унинг учун захмату машаққатлар ҳеч, билъакс, ўтаётган кунларидан қониқиб яшайди, қалбида янги-янги орзу-режалар куртаги ниш ураверади. Республика Олий Мажлиси раиси номидан битилган, Бобур халқаро илмий экспедициясининг Афғонистонга қилган сафари натижалари юқори баҳоланган ташаккурнома Зокиржон Машрабовнинг чарчокларини тарқатиб, уни янада руҳлантириб, илҳомлантириб юборди.

«Сафарнома»нинг тугалланиши арафасидаги мулоқотларимиздан бирида Зокиржон ака Мавлоно Лутфий, Боборраҳим Машрабларнинг обод қилинажак мозорларига мўлжалланган марқад лойиҳаларини кўрсатиб қолди. Улуғ алломаларнинг сағаналарига монанд, очиқ айвон шаклидаги ёдгорликлар тасвири Лутфий, Машраб шахслари каби содда ва ижодлари сингари жозибали эди. Зокиржон ака эса бу мақбараларни худди отаси ё бошқа яқин кишилари қабри узра кўтарадигандек мамнун эди.

Демак, яқин орада, иншооллоҳ, сағана усқуналари ва бошқа қурилиш ашёлари ортилган юк машиналари Андижондан Ҳирот – Деҳи Канор, Ишкамиш сари йўл олади.

Олдинда камина ва муҳтарам китобхонларни эса Фарбий Осиё, Яқин Шарқ ва Арабистон ярим оролидаги мамлакатлар – Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Ироққа қилинган катта, бой сафар таассуротлари кутмоқда. Аллоҳ умр, куч-қувват берса, иншоолло, яна учрашиш умиди билан вақтинча хайрлашамиз. Азиз ўқувчиларимизга соғлик ва хушвақтлик тилайман.

*2004 йил, май - 2005 йил, март.*

## **“Афғонистон бўйлаб 17 кун” сафарномасининг**

### **МУНДАРИЖАСИ**

*Азиз Қаямов. Сўзбоши ўрнида.....*

Фазилат сафари .....	
Бухорога кирар бўлсанг .....	
Мардлар шаҳри .....	
Ҳаким Термизий .....	
Мозори Шарифда кўрганларимиз.....	
Ошиқ Бақташ ва маъшуқа Робиа қисмати .....	
Шибирғонда .....	
Лайли ва унинг... дашти .....	
Маймана .....	
Афғонистон ўзбеклари .....	
Ёзи билан Зебо қабрлари .....	
Жумабойнинг «теппа» қуроли .....	
Тепкиланган макиённинг гўшти .....	
Тўрт хотинли мўйсафид. Вафодор аёллар .....	
«Ажал тоши» .....	
Ҳирот .....	
Камолиддин Беҳзод .....	
Мавлоно Лутфий қабрини излаб... ..	
Яна бир армон .....	
Абдулла Ансорий .....	
«Дилором»нинг озори .....	
Қандахор .....	
Чехл зина .....	
Шаҳарлар келинчаги .....	
Буюк алломанинг ғариб мозори	
Ғазнавий мақбараси .....	
Кобул ва Бобур .....	
Бизга насиб этмаган Фарғона таомлари.....	
Боғи Бобурда .....	
Қон хиди .....	
Бомиён. Фордаги одамлар .....	
Танбех .....	

Ўзимизникилар .....	
Оташқалб шоир юртида .....	
Яна... йўқолган пичоқ .....	
Шо Машраб. Саргардон қабр .....	
Жума - муборак кун .....	
<i>Сўнгги сўз</i> .....	

### ***Умумий мундарижа***

Ҳинд сориға.....	
Андижондан Даккагача.....	
Афғонистон бўйлаб 17 кун.....	

**Бобур халқаро фонди**

***ҚАМЧИБЕК КЕНЖА***

# **БУЮК ТАҚДИРЛАР**

***(РОМАН-САФАРНОМАЛАР)***

**2-чи китоб**

**“ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ...**

# ***АНДИЖОНДАН БАҒДОДГАЧА***

***(Яқин Шарқ ва Арабистон ярим оролига сафар)***

***САҒАРНОМА – 4***

***Мозий ва ҳозир  
Шаҳарлар, қиёфалар  
Кўрган-кечирилганлар  
Тугёнлар, армонлар***



*Навбатдаги, “Андижондан Бағдодгача” номли сафарномада Яқин Шарқ ва Арабистон ярим ороли йўналишидаги мамлакатлар – Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Ироқ, Эронда умргузаронлик ва ижод қилган машҳур алломалар ҳаёти, фаолиятларини ўрганиш юзасидан олиб борилган илмий изланишлар, мазкур юртлар, шаҳарларнинг ўзига хос жиҳатлари, одамларнинг турмуши, яшаш тарзларидан олинган таассуротлар ўз аксини топган.*

## АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИНИ ИЗЛАБ

Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.

Ўзбекистонда истиқлолгача Бобур шахсига, унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга нисбатан сиёсий тазйиқлар бўлиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунини ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, буюк аждодларимизга, уларнинг бой меросига муносабат мустақиллик туфайли ўзгарди. Бобур меросини ўрганишни кучайтириш, рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Андижон шаҳрида Бобур номидаги халқаро жамғарма тузилди. Жамғарма қошида ташкил этилган «Бобур изидан» деб аталувчи халқаро илмий экспедиция ўндан ортиқ Шарқ мамлакатларига сафарлар уюштириб, Бобур ва бобурийлар қадамжоларини зиёрат қилиш билан бирга улуғ аждодларимиз ҳаёти, ижоди ва бунёдкорлик ишлари ҳақида янги маълумотларни аниқлаш, тўплаш ва буюк ватандошларимизнинг хотираларини абадийлаштириш борасида катта амалий ишларни амалга оширдилар. Мавлоно Лутфий қабри қайта тикланди, Алишер Навоий ва Бобур мақбаралари обод қилинмоқда.

Бутун ҳаёти, фаолиятини фан ва маданият тараққиётига бағишлаётган ажойиб инсон Зокиржон Машрабовнинг бу борадаги жонбозлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Жаҳон қўлёзма фондлари ва шахсий кутубхоналарда сақланаётган бобурийларга оид қўлёзма китоблар, айниқса, Ўрта Осиё халқларига оид мерослар аниқланиб, уларнинг фотонусхалари мамлакатимизга олиб келинди.

Шу йиллар мобайнида қатор илмий сафарлар уюштирилиб, темурийлар, бобурийлар тарихи ва ижодига оид кўплаб манбалар тўпланди, улар илмий-бадий асарлар, монография ва рисоалар ва туркум ҳужжатли фильмлар тарзида илмий муомалага киритилди. «Бобур изидан» экспедицияси натижалари таниқли адиблар Хайридин Султоннинг «Бобурийнома» асари, Қамчибек Кенжанинг «Ҳинд сориға», «Бобурийлардан бири», «Андижондан Даккагача», «Буюклар изидан» сафарномаларида тафсилоти билан баён қилинган бўлса, «Сафарнома»нинг бу китоби Андижондан Бағдодгача бўлган сафарга бағишланган. Унда экспедиция давомида рўй берган мураккаб ва машаққатли воқеа-ҳодисалар, изланишлар ва янги топилмалар тафсилоти заҳматқаш ёзувчи Қамчибек Кенжанинг ижодкорлиги ва ўзига хос бадий услуги орқали ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Муҳими, ушбу сафарноманинг бош қаҳрамони, ажойиб фазилатларга эга ва ҳаммага ўрнак бўлишга лойиқ фидойи инсон Зокиржон Машрабовнинг тўлақонли образи асарнинг бошидан то охиригача иштирок этиб, ўқувчини чуқур ҳаяжонга солади.

Экспедициянинг катта ютуқлари сифатида Машҳад музейидан Бобур ихтиро қилган хат билан ёзилган «Қуръони карим» ва Тەҳрондан «Бобур куллиёти» қўлёзма нусхаларининг ватанимизга келтирилганлигини кўрсатиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Маълумки, ўтган асрнинг 70-йиллари Бобур асарлари қўлёзмасининг энг қадимги ва энг нодир нусхаси Эронда сақланаётганлиги маълум бўлган эди. Бу нусха ўша кезларда Салтанат кутубхонасининг мулки ҳисобланиб, кейинчалик унинг сақланиш жойи бир неча бор ўзгарганлиги туфайли қўлёзма ҳақида аниқ маълумот йўқ эди. Кўп йиллик изланишлар натижасида Зокиржон Машрабов бу қўлёзма нусханинг Тەҳрон Миллий кутубхонасида сақланаётганлигини аниқлаб, 2005 йилда ватанимизга олиб келишга муваффақ бўлди. Тەҳрон қўлёзма нусхасини бошқа қўлёзмалар билан қиёслаш натижасида шунини айтиш мумкинки, бу қўлёзма Бобур асарларининг муаллиф қаламига энг яқин бўлган ва энг ишончли матнини яратишда ўзига хос, бетакрор манба сифатида истифода қилишга лойиқ эътиборли нусхадир.

Экспедиция қатнашчилари томонидан Абу Наср Форобий, Жалолоддин Румий, Шамс Табризий, Али Қушчи ва бошқа буюк сиймоларнинг ҳаёти, ижоди, уларнинг истиқомат ва дафн этилган жойлари борасида олиб борилган изланишлар ўтмиш тарихимизни янги

маълумотлар билан бойитишга хизмат қилиши шубҳасиздир. Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо қабрининг аниқланиши эса илгариги илмий тахминларга аниқлик киритди.

Сафар қатнашчилари томонидан Туркия, Эрон ва араб халқларининг ўзига хос хилма-хил ажойиб афсоналари ва тарихий ривоятларининг ёзиб олинганлиги Шарқ халқлари фольклорининг узок қадимиятга бориб тақалишини, ундаги ўхшаш ва муштарак томонларни диққат билан ўрганишни тақозо этади. Шарқ халқлари бадиий ижодида муштарак ҳисобланиб келувчи бу халқ оғзаки ва ёзма обидалар, айти вақтда қардош халқлар адабиёти намояндаларининг асарларида ҳам мазмунан бир-бирига яқин тарзда талқин этилганлиги ва бу ижод маҳсуллари фақат араб, форс-тожик тили вакилларигагина тарбиявий, ахлоқий ва эстетик завқ бағишлаб қолмай, балки туркий халқлар орасида ҳам ўзининг катта таъсирини ўтказганлигининг гувоҳи бўламиз.

Муҳими, Қамчибек Кенжа ўзининг «Сафарнома»сига киритилган бундай қизиқарли ҳикоялари орқали инсонни маънавий ва руҳий гўзалликка ундовчи ҳаёт тажрибалари заминида бунёд бўлган ҳикмат мактаби билан таништиради.

Демак, буюк бобокалонимизнинг ҳозирги хорижий давлатлардаги анъаналарини, у ерда яшаб, ижод этган тарихий сиймоларимизнинг ижоди ва бунёдкорлик фаолиятини ўрганиш алоҳида тадқиқот доирасини ташкил этади. Айниқса, XV-XVI асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида катта ўрин тутган Бобур ижодиёти таъсирида қалам тебратган шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидандир. Ушбу китобдан ҳали бизга кам маълум бўлган улуг сиймолар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар ўрин олган. Бу сиймоларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, улар араб, форс-тожик, ҳинд ва ўзбек адабиёти анъаналарини ижодда мужассамлаштириш билан бирга араб, форс-тожик, ҳинд ва ўзбек тилларида ҳам эркин ижод қилганлар.

Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ этиш борасида ҳали тинмай ишлашимиз керак. Ҳозирча ўзбек халқининг чет эллардаги бой меросининг бир қисмигина қўлга киритилди, холос. Навбатдаги вазифалар Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг хазиначларида сақланаётган бой меросимизнинг катта қисми билан яқиндан танишмоқ, уларнинг нусхаларини ватанимизга келтирмоқ, ҳали топилмаган манбаларни эса изламоқ зарур. Бу хайрли ишда ўз ота-боболари меросига, тарихий маданиятига бефарқ бўлмаган ҳар бир ватанпарвар ўзбек зиёлисининг ўз фидойилигини сўзда эмас, балки Бобур Халқаро илмий экспедициясидек амалда қўрсатмоғлигини истаб қоламиз.

**Саидбек ҲАСАНОВ,**  
**филология фанлари доктори.**

*Кўн узоқ элларга қилдим саёҳат,  
Турли одам билан бўлдим ҳамсуҳбат.  
Ҳар бурчакдан топдим бир луқма томоқ,  
Ҳар хирмондан олдим биттадан бошоқ.  
Саъдий ШЕРОЗИЙ*

## ҲАЯЖОН

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

*Ассалому алайкум, азизлар. Сизлар билан яна дийдорлашувга муяссар этгани учун Аллоҳга беадад шукурлар айтаман. Кўнгилда ҳаяжон ва минг истиҳола ила қаламга, қогозга термиламан: зора сиёҳ исрофига, қогознинг оппоқ юзини қорайтирганга, китобхонларимиз сарфлаган олтин дақиқаларга арзирли бир нималар бита олсам...*

Жума куни эди, кутилмаганда Зокиржон ака Машрабов кўнғироқ қилиб, сирли тарзда: «Душанба куни эрталаб тўғри фондга келсангиз, маслаҳатли гап бор», деб қолди. Бунақа ҳодиса бот-бот юз бериб туради – нима гап экан, деб ўйланиб, ҳар турли фарозлар билан йўлга чиқаман. Кўпинча чиндан ҳам ҳовлиқиб борганга лойиқ, масалан, қайси бир хорижий олимнинг Заҳириддин Бобур ҳақидаги китоби келган ва ё Бобур Мирзога дахлдор янги бир манба тўғрисидаги суюнчли хабарни баҳам кўрмоқ учун йўқланаман. Зеро, Зокиржон ака Бобур ва бобурийлар хусусида муҳимроқ бир маълумот топиб олса, ўзини қаерга қўйишни билмай қолади.

Бу гал негадир кўпроқ ҳаяжонландим ва душанбани интиқиб кутдим.

- Афғонистон чарчоғи чиқай дедими? – деб сўради Зокиржон ака салом-алиқдан сўнг.

- Раҳмат, яхшиман, - дедим гапнинг даромадини сал пайқагандай бўлиб.

- Янги экспедицияга иштиёқингиз қандай?

- Биласиз-ку, сафар, саёҳат деса, ўзимни томдан ташлашга тайёрман.

- Биз билан Яқин Шарқ мамлакатларига, Арабистон ярим оролигача боришга розимисиз?

- Гап бўлиши мумкинмас!

- Бағдодга ҳам ўтишимиз мумкин.

- Йўғ-э?

- Ироқда ҳозир нималар рўй бераётганидан хабарингиз бор. Таваккалимиз анча қалтис...

Саволларда ҳазил аралаш синов, айни вақтда жиддий огоҳлантириш шамаси ҳам бор эди. Чунки, ҳали у, ҳали бу бурчагида бомба портлаб, гоҳ журналист, гоҳ бошқа кимсалар гаровга олинаётган, бот-бот қонли фожиалар юз бериб турган юртга автобусда кириб бориш ҳам хийла таҳликали, албатта...

Мен бир хатарли ҳолатда Заҳириддин Бобур келтирган «Марг бо ёрон сураст» («Дўстлар билан биргаликдаги ўлим тўйдир») деган форсий мақолни эсладим, аммо у ҳозирги мулоқот мавзуига у қадар жоиз эмасдай туюлди. «Бобурнома»нинг бошқа бир саҳифасида Дўст Сарипулий танимай қилич солганда Тангри инояти билан ҳеч бир шикаст топмаган Бобур Мирзо ушбу форсий байтни ёдга олади:

*Агар теги олам бижунбад зи жой,  
Набуррад раге то нахоҳад худой<sup>1</sup>.*

<sup>1</sup> Агар олам тиғи ўз жойидан қўзғалса, Худо хоҳламаса бирор томирни ҳам

- Аввало, кўпчилик нима бўлса, мен ҳам шу. Қолаверса, ниятимиз холис. Бобур Мирзо айтганидай, Аллоҳнинг ўзи асрайди. Мана, Афғонистонга ҳам ўтиб келдик-ку...

- Яхши, унда тайёргарликни бугундан бошлайверинг. Фақат айрим давлатларга виза олиш қийинроқ бўлиб турибди. Лекин, бўлади Худо хоҳласа...

Албатта, аввало экспедициянинг мақсад ва вазифалари муҳим, қолаверса, мен дунё кўришга ишқибозлигимни ҳам яширолмайман. Шууримда, хаёлимда Техрон, Бағдод, Истанбул чарх ура бошлади.

Аввалги китобларда айтилганидай, жами ташкилий масалалар раҳбарнинг муаммоси деб, шахсан камина ҳаяжонланиб, аканг ботир катта сафарга кетаётир деб, дўппини осмонга отиб, кун санаб юравердим. Бир-икки майда-чуйда ишларга қарашгандай ҳам бўлдик. Таржимонимиз Муҳаммад Содик Қосимов билан иккита маҳкамадан бериладиган тиббий кўрик қоғозларини олиш учун роса икки кун югурдик.

Ниҳоят, жўнаш вақти яқинлашди.

Бу гал эҳсон оши ва хайрлашув тадбири Бобур фондининг ўзида ихчамгина, асосан экспедициянинг кадрдонлари – тарихчи олим Сайфиддин Жалилов, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Андижон вилояти ва шахрининг собиқ раҳбарларидан Анвар Набиев, Йўлбарс Ҳамидов, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Таваккал Топиболдиев, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг собиқ бошлиғи Рустам Қодиров, тиббиёт профессори, адабиёт ихлосманди Комил Мирзаев, Андижон давлат университети профессори, рубойинавис Қодиржон Парпиев, Зокиржон аканинг нефтчилик соҳасидаги ҳамкасби Юнусали Пиримқулов ва бошқалар даврасида бўлди.

Дуои фотиҳалардан сўнг Бобур халқаро экспедицияси Зокиржон Машрабов, техника фанлари номзоди Зайнобиддин Мамарасулов, таржимон Муҳаммад Содик Қосимов, Илҳомжон Мамарозиқов, шунингдек, Зокиржон аканинг рафиқаси Мўътабархон опа, Зайнобиддин аканинг рафиқаси Муножот опадан иборат таркибда навбатдаги сафарга жўнадик.

**18 декабрь, пайшанба**

Тонг. 7.20.

Уловимиз бу гал Туркия ва Ўзбекистон автомобилсозларининг ҳамкорликдаги маҳсули - «Отайўл» эди.

Автобусларнинг Қамчиқ довонидан юришига рухсат йўқ, лекин Зокиржон ака «Отайўл»имизнинг пассажирсиз ўтишига ижозат олган эди. Машинамизнинг олди ойнасига «Бобур халқаро жамғармаси» деган ёзув битиб қўйилган эди. Йўл назоратчилари барибир тўхтатишарди. Шунинг учун Зокиржон ака «ЖИП»да олдинда юриб, «пост»дагиларга «Отайўл» мен билан» деб кетарди (Бобур фидойиси ва ҳомийси сифатида ном қозонган бу инсонни ДАН ходимлари ҳам яхши таниб қолишган эди).

Чилла арафаси бўлгани учунми, машина ичи ҳам совуқ эди. Ҳадемай қуёш чиқиб, шуълалари қор бетида ўйнаб, олам гўё мунаввар бўлиб кетди. Оёқлар ҳам исий бошлади. Аммо моторнинг бўғиқ гулдираган товуши ширингуручга қалампир сепилгандай, шодон кайфиятнинг дамани андак кесарди. Зайнобиддин ака автобуснинг орқа томонига уюб ташланган ашқол-дашқоллар орасидан бир катта зардоли ранг баркут кўрпани олиб ўтди, у билан моторни қимтиб ўрадик. Шовқин сал пасайгандай бўлди. Лекин қувончимиз узоққа чўзилмади. Бир жойда тўхтадик, раҳбар биздан ҳол сўрамоқчи бўлиб, автобус зинасига қадам қўйдию кўрпани кўриб, пешонаси тиришди.

- Э, ўртоқлар, «лўли кўчди» қипташлабсизлар-у, кўрган одам нима дейди, сал маданиятли бўлиб кетайлик. – Раҳбар танбеҳ ва танқидларининг самаралироқ таъсир этиши учун сўзларга озгина мурч қўшиб ишлатарди.

Зайнобиддин ака сув сепишга анча дуруст экан, хусусан, ўт кетиши ўзи билан боғлиқ

бўлса. У дархол ўрнидан туриб, кўрпага ёпишди.

- Мотор совқотиб қолган экан, озгина исиниб олсин, девдик-да. Мана, ҳозир хатоимизни тўғрилаймиз, бизга сизнинг бир оғиз фармони олийингиз кифоя...

Бахтимизга довондаги қорлар анча эриб кетган, адирлар, тоғларнинг кунгай ерлари очилиб, кўёшга терс тарафларида юпка қор қолган, аммо «Ҳасан самовар» ва бошқа гузарлар ҳамон кимсасиз бўлгани учун ҳаёт анча сокин туюларди.

Довон йўли кенг, текис, асфальт... Унинг қанча-қанча автохалокатларга сабаб бўлган тор, хавфли муюлишлари ва югуриб тушар қияликлари кейинги йилларда созланиб, бир эмас, иккита туннел қурилгандан кейин водий ҳайдовчиларининг жони кирди-қолди. Албатта, йўлнинг бугунги ҳолатга келиши осон бўлгани йўқ: Тошкенту водий йўлсозлари, ҳашарчилар бир неча йилдан бери мутгасил ишламоқда ва у халқаро андозадаги йўлга айлангунча ҳали яна кўп тер тўкилади.

Мана шу довондаги автотрасса лойиҳаси, режаси ижодкорлари, раҳнамолари, курувчиларнинг уйқусиз тунлари, жасоратлари, қахрамонона меҳнатлари, ватанпарварликлари тўғрисида юртдошимиз, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом дoston - назмий қисса ёзиб эди. Шу йил август ойининг ўрталарида китобнинг тақдироти довоннинг ўзида ўтди. (Биз ўша пайтда экспедиция билан Афғонистонда бўлганимиз учун маросимга қатнашиш насиб этмаганди). Асар муносиб баҳоланди ва унинг муаллифи юксак ҳукумат мукофотига - «Меҳнат шухрати» орденига сазовор бўлди. Шунингдек, ўтган буюк аждодларимиз хотираси ҳақида жон куйдириб, қадриятларимизни тиклаш ва қадрлаш борасидаги савобли хизматлари, жўшқин фаолияти учун Зокиржон Машрабов ҳам айнан ана шу нишон билан тақдирланди. Бу икки мукофот биз учун катта воқеа, қўшалок байрам бўлди.

«Танга топилди», «Серка қирилди» мавзеларидаги илонизи йўллардан пастга эниб туша бошладик. Менинг хаёлимда бир савол-мулоҳаза айланарди. Экспедицияга кетяпмиз, деб жўнадик. Визалар ҳал бўлмаса-чи... дейман ва яна ўзимга ўзим тасалли бераман: раҳбар иш битишига кўзи етмаса етти кишини олиб йўлга чиқиб юбормасди...

Бобур халқаро фондининг Тошкент шаҳридаги идорасига тушдик. Ҳаво совук, енгил қор ёмоқда эди. Зокиржон ака турли расмий ташкилотларга кўнғироқ қилишга киришди. Энди унинг қиёфаси, хатти-ҳаракатларида ташвиш, хавотир аломатлари зоҳир эди. Шу куннинг ўзида Республика Ташқи ишлар вазирлигига, Саудия, Сурия, Эрон давлатларининг элчихоналарига бориб келди. Гоҳо бизни ҳам бошлаб кетар, лекин биз шунчаки ҳамроҳлик қилиш, у киши милиция кўриқлайдиган улкан, маҳобатли ва сирли биноларга кириб кетса, машинада ўтириб туришдан бошқасига ярамасдик. Балки бошлиқ ташкилий ишлар заҳматини ҳис этиб, оворагарчиликлар, музтарликларни кўриб қўйишимиз учун бизни олиб юрармиди. Аммо бундай қийинчилик, машаққатларни ўзгаларга, оммага овоза қилишни хоҳламасди. Ҳолбуки, «экспедиция, бу – сайру саёҳат, томоша-да», деб ўйлагувчилар ҳам ҳар ишда муаммолар, юкинишлар, ўтинишлар бўлиши, хусусан экспедициянинг кўп чиғириклардан ўтишини билиб қўйсалар, ёмон бўлмасди.

Кечкурун ионлардай парчаланиб кетдик. Раҳбар опа билан «дом»ларига, Зайнобиддин ака аёли билан солиқ маҳкамасида ишлайдиган ўғиллариникига, Муҳаммад Содик бир дўстининг уйига кетди. Қолган фуқаролар – Илҳомжон, ЖИП ҳайдовчиси Авазбек ва камина қадрдон «Лабзак» меҳмонхонасига ўз садоқатимизни намоён қилиб, унинг энг охирги - тўққизинчи қаватида «Эртага нима бўларкин?» деган ҳадик ва ҳаяжонда тонг оттирдик.

*19 декабрь, жума*

Эрталаб Фонд идораси олдига тўплана бошладик.

Яна кўнғироқчилик, гоҳ у, гоҳ бу мавзеда туткичлари ваҳимали эшикларни тақиллатиб юришлар...

Паркент кўчаси. Эрон элчихонаси. Бу ерда аввалги китоблар орқали таниш, афғонистонлик адабиётшунос Ҳалим Ёрқин ва унинг завжаи муҳтарамаси, олима ва шоира Шафиқа Ёрқинлар билан учрашиб қолдик. Шафиқа хоним яқинда Кобулдан қайтиб келиб, яна Тошкентда яшаб, ўзининг илмий, ижодий ишлари билан шуғулланаётган экан. У Бобур Халқаро фонди фаолиятига оид янгиликлардан сўради. Зокиржон ака каминанинг янги сафарномаси («Андижондан Даккагача») нашрдан чиққанини суюнчилади. Шафиқaxonим бизни муборақбод этгач:

- Ҳалим Ёрқин иккимиз биз ҳам Андижонга кетсакмикин ёки тадбиркорлик ё бошқа бир соҳа билан шуғуллансакмикин деяпмиз. Қалам ҳисобига яшаш қийин бўлиб қоляпти, - деди.

Раҳбар қалам аҳлининг азалдан Худо йўлида илму ижод қилишганини айтди.

- Тўғри-ку, қизларни чиқариш, ўғилларга хотин олиб бериш керак-да, - деди аёл астойдил куюниб.

Эр-хотиннинг гапларига қараганда, улар элчихона билан ўзаро шартнома асосида ҳамкорлик қилиб туришади чоғи.

Зокиржон ака Шафиқа хонимга тасалли бериб, ижодига ривож тилади, сўнг хайрлашиб, ичкари юрдик. Бизни кенгина ҳовли ўртасида қад ростлаган, бир оз хаёлчан ҳолатдаги Фирдавсий сиймоси, асосий маъмурий бино бўсағасида эса раҳбарнинг эски таниши Ҳабибулло кутиб олди. Элчи жаноблари йўқ экан, муовини Баҳромий хузурига кирдик. Бўйчан, қош-кўзлари қора, оқ юзли, соқоли қалинлиги учун олинмаганга ўхшаб кўринарди. Мўйлови ҳам қуюқ ва ўскин, энли лабининг қирини босиб тушган эди. Истарали, хушмуомала, камтар, энг муҳими – илм кишиси эди у. Сухбатдошини тушунишга, унинг дардига малҳам бўлишга ҳаракат қиладиганлар тоифасидан экан.

Зокиржон ака Техрондаги кутубхоналарда сақланаётган «Куллиёти Бобур» («Бобур асарлари тўплами»), «Хатти Бобурий»лардан нусха олиш учун Эрон пойтахтидаги маданий муассасаларни бошқарувчи маҳкамаларнинг бошлиқларига хат ёзиб беришларини сўради.

Баҳромий жаноблари бизни қаҳва билан сийлади, Эронда экспедициямизни масъул кишилар кутишаётгани, биз билан учрашувлар кўзда тутилгани, зарурий масалаларда ёрдам кўрсатажакларини айтди, қандай йўллардан юриб, қайси шаҳарларда бўлишимиз мақсадга мувофиқлиги борасида маслаҳатлар берди.

Баҳромий билан Ҳабибулло бизни тавозе билан кузатиб қўйишди.

- Йиғлагим келади, - деди Зокиржон ака кўчага чиққанимизда. – Ўз боболаримиз меросларидан лоақал нусха беришларини сўраб, ўтиниб юрибмиз-а...

Тушдан кейин, соат бир яримларда раҳбар Муҳаммад Содикни олиб Саудия Арабистони элчихонасига кетди. Қолганларимиз хонада у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб, суҳбатларимиз қовушиб-қовушмай ўтирдик. Хаёлимиз Саудия элчихонасида, хавотирда ва ҳаяжонда эдик. Олти яримларда очик чехра билан кириб келишди.

Оқшом пайти «Отайўл» ичини тартибга солиш учун ҳашар эълон қилинди. Барча кўрпа-тўшаклар, ҳатто халта-халта, бир ҳафта махсус қуритилган гёли кулчалар ҳам идорага тушириб қўйилди, автобуснинг ичи ва сирти ювиб тозаланди.

## ЖАҲОННИНГ ШОДЛИГИ...

*20 декабрь, шанба*

Эрталаб соат олтиларда «Лабзак» меҳмонхонаси олдида йиғилдик. Кузатувчилар – Зокиржон ака ва Зайнобиддин аканинг ўғиллари ва бошқа яқинлари, мен томондан Тошкентда ўн саккиз йил юриб орттирган энг ноёб бойликларимдан - меҳрибон дилкашларим Абдунаби Бойқўзиев ва Оқила келинимиз келишди. (Қадрдоним Шодмон Отабекнинг тоби йўқ экан).

Етиларда машинага чиқиб, раҳбар ҳар кимнинг касби, ёши, экспедициядаги ўрни ва бошқа жиҳатларга асосан белгилаб қўйган жойларга ўрнашдик. Жумладан, менга ҳайдовчининг ён тарафидаги - эшикдан чиқаверишдаги бир кишилиқ ўриндик теккан эди.

Тошкент шаҳридан чиққач, Зокиржон ака томонидан сафарда юриш, ўзни тутиш тартиб-қоидалари, катталарга ҳурмат, аёлларга иззат, ўзаро ҳамжиҳатлик лозимлиги, машина, ҳайдовчи билан боғлиқ иш ва гаплар фақат у киши, яъни раҳбар орқали амалга оширилиши ва бошқа бораларда инструктаж (оғзаки йўл-йўрик) ўтказилди. («Тўғри, ҳаммамиз бир оиламиз, машина - уйимиз, уни саранжом-саришта тутишимиз, кўз қорачиғидай асрашимиз лозим», деган мазмундаги маъқулловчи лўқмалар бўлиб турди). Раҳбар бекорга раҳбар эмас-да, у биз ўйламаган нарсаларни мушоҳада қилар, бизга арзимас икир-чикир бўлиб кўринадиган масалалар негизидаги катта ва аҳамиятга молик муаммоларни кўра билар эди. Зеро, унинг фикрлаши «кўпни кўрган» деган иборага тўла мос келарди.

Сирдарё вилоятидаги Бахт шаҳарчасига кираверишда Зайнобиддин аканинг узок йиллик кадрдони Турсунали аканинг уйида тўхтадик. Кун ботиш жониби уйлару қолган уч тарафи очиқ ҳовли эди. Дарахт кам, ерга беда экилган эди. Кўшни томорқаларда чала ўрилган маккажўхориюялари синиб ётарди.

Мезбон бизни кучоқ очиб кутиб олди.

Турсунали ака юзлари қип-қизил, ажинсиз бўлса-да, соч-соқолининг оппоқлиги боисми, ёши улўғроқдай кўринарди. У Зайнобиддин ака билан бундан йигирма икки йил бурун бир сабаб билан танишиб қолишган ва шундан бери оилавий борди-келдилари бор экан. Турсунали ака Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳини битирган, яхшигина рассом экан.

- Дўстимиз йигит кишига қирқ хунар ҳам кам, деган ақидага амал қиладиганлардан. Рубобни анча-мунча машшоқдан кам чалмайди, - дея таърифда давом этди Зайнобиддин ака.

- Бемалол тўйларга юраверса бўлади, денг, - деб кулди мезбон.

Самимий дўстлик, биродарлик ҳақида гап кетди. Рудакий, Навоий ва бошқа улўғ алломалардан ҳикматлар келтирилди:

*Жаҳоннинг шодлиги йигилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун...*

- Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: яқин кишилар гоҳ-гоҳ кўришиб турса, бир-бирларига меҳри зиёда бўлур, дея марҳамат қилганлар, - деди Муҳаммад Содик.

Зайнобиддин ака раҳбардан беш дақиқага рухсат олган, «шундоқ кириб, оллоҳ акбар қиламизу турамиз», деб эди. Мезбон шунчаки «оллоҳ-акбар»га кўнадиганлардан эмас экан, бир соатча ўтириб қолдик.

Гулистоннинг икки томони шўр тупроқли далалардан иборат йўллари. Зовурлар бўйидаги қамишларга ўт қўйилган, аланга кўкка ўрламоқда. Атрофда тўп-тўп бўлиб ҳас-хазон титаётган қора қарғалар беҳисоб эди. Ота-ўғил ва қарғалар тўғрисидаги ривоят ва ўша ривоят асосида битган бир шеърим ёдга тушади:

## ОТА-ЎҒИЛ

*Йўртиб борар бир арава  
Қиш пайти дашт йўлида.  
Изгиринли шамол эсар,  
Зог учмас ўнг-сўлида.*

*От жиловин бошқарарди  
Ўрта яшар бир одам.*



*Ўзи билан олган эди  
Ушоққина ўглин ҳам.*

*Кўриб қолди бир пайт бола  
Узоқдаги қорани –  
Фимирларди бир тўп нарса,  
Титкилашиб гарамни.*

*- Дада, дада, ху, қаранг-а,  
Нима анув қоралар?  
Жавоб берди ота аста:  
- Қарга, ўғлим, қаргалар.*

*Давом этар улар йўлда,  
Эрмакталаб бола-чи,  
Кўймас бир хил сўрогини:  
- Анов-чи, хўв анов-чи?*

*Йўл юрилар, мўл юрилар,  
Савол-жавоб тўхтамас.  
Зада бўлса ҳамки ота,  
Бас демоқни ўйламас.*

*Юришгандир ўн чақирим,  
Сўроқ юз бор бўлгандир.  
Ота, ўглин юз бора ҳам  
Суйиб жавоб бергандир...*

\*\*\*

*Неча ёзу қишлар ўтди  
Бир-бирига қарамай.  
Бир кун йўлда пайдо бўлди  
Яна ўша арава.*

*Энди ўғил юган тутган,  
Аравада отаси.  
Аввалгидай чимчиб ўтар  
Изгирин шаббодаси.*

*Чол бир маҳал кўриб қолди  
Узоқдаги қорани.  
Аста ўглин гапга солди:  
- Нимадир - хў қарегин.*

*Жавоб берди ўғил шунда:  
- Қарга, ота, қаргалар.  
Давом этар улар йўлда,  
От бир текис йўргалар.*

*Тарқатиш учун эсногини  
Сўрар ота қайтадан.*

**- Қарға дедим-қу сизга мен!-  
Жавоб бўлди даъфатан.**

**От йўргалар, фаромуш чол  
Сўрар учинчи марта.  
Тиздай тегди бу гал жавоб:  
- Кар бўлдингизми, ота?!**

**Жимиб қолди ота-ўғил,  
Такрорланмас сўроқлар,  
Тегарчикни гичирлатиб  
От бир текис йўргалар...**

«Отайўл»имиз ҳам бир маромда йўргалайди. Шериклар ўз ўйлари, мен ўз хаёлим билан бандмиз. Мен отамни эслайман – меҳрибон, аммо меҳрини имкон қадар пинҳон тутувчи падари бузрукворимни. Тўрт-беш ёшларимда мени орқасига кўтариб ўттиз чақиримча наридаги бир қишлоққа - табибга олиб боргани ва Тошкент зилзиласи пайтида мени кўргани беш юз чақирим масофадан қандай келгани кўз олдимдан ўтади. Оталар нақадар фидойи бўлишади-я! Лекин, фарзанднинг отага фидойилик қиладигани кам, жуда кам...

## **ЖАННАТ ОЛМАЛАРИ**

**ЖИЗЗАХ.** Эрамизнинг VI асрдан маълум бу шаҳар Ўрта Осиёда V-IX асрларда мавжуд бўлган Усруиона (Бобур Усруина деб атайди ва китобларда «Усруи» ҳам битурлар) деб маълумот беради) вилоятининг йирик кентларидан эди.

Ўрта асрларда Жиззахда савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ривожланган. Заҳриддин Бобур қадамжоларидан. «Бобурнома»да «Дизак» ёзилган. Асар муаллифининг гувоҳлик беришича, Дизакда «Семиз отлар ва майда этмақлар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон» эди. Бир неча ойлик қамал, очлик, муҳтожлик азобларидан, мағлублик изтиробларидан сўнг бобокалонининг ватани Самарқандни (суюкли, меҳрибон опаси Хонзодабегимни ҳам) ноилж Шайбонийхонга қолдириб чиққан Бобур Мирзо ва унинг аъёнлари, яқинлари душман балосидан ва очлик ибтилосидин халос бўлиб, амонлиқ роҳатиға ва арзонлиғ фароғатиға етишиб, Дизакда уч-тўрт кун истироҳат айлашгач, Ўратена сари азимат қиладилар.

Табиатининг сўлимлиги, ҳавосининг мусаффолиги ва шифобахшлиги билан доврў таратган Бахмал худуди. Адирлар қорсиз, ям-яшил эди, гўё баҳор бошланаётгандай - декабр ойида, чилла эшик қоқаётган паллада-я!.. Лекин Аллоҳнинг қудратини, табиатнинг тантилигини қарангки, салдан кейин рўпарамиздан «хомтама бўлманг, киш буёқда», дегандай қорли тепаликлар бўй кўрсатди.

Бахмалсойдан тушгандан сўнг, йўлнинг икки бетида сарик, кўк, шунингдек, рангини ифодалашга «кип-қизил» деган сифат ҳам ожиз олмалар махсус яшиқ-тахталарга бир қатор қилиб, ўта ҳафсала билан, ким ошарга териб қўйилган, меваларнинг мой теккизилган мато билан артилгани аниқ билиниб турар - ялтиларди. Олма харид қилиш нияти бўлмаган кимсалар ҳам албатта суқланиб қараб ўтишарди.

- Жаннат олмалари, кўриш бору, ейиш йўқ, - дейди Муҳаммад Содиқ ҳавасини ошкор этиб.

- Нега ейиш йўқ экан, ейиш бор, - дейди раҳбар.

Ҳа, булар олис ажодлари оби кавсардан сув ичган бўлса-да, Ўзбекистон заминида етишган, етилган сархил мевалар эди...

Хуллас, Сангзор бўйида олмахўрлик қилдик.

Мана энди шиша банкалардаги зардоли, олтин тусли асаллар кўзни ола бошлади, афсуски, унга нон теккизиб ялаб ўтиришнинг мавриди эмас, қолаверса, раҳбар ўзимизга ва совға-саломга деб, Арслонбобнинг шахду шакар болидан анча ғамлаб олган.

Самарқанд шахрига кираверишда чўнтак телефон орқали «Андижоннома» газетамизнинг бош муҳаррири, экспедициямизнинг самимий хайрихоҳларидан бири Назиржон Саидовга қисқа ахборот бериб қўйдик.

Ҳадис илмининг сарвари Имом Бухорий қабр-мақбарасини зиёрат айламоқ ниятида Челак қишлоғи томон юрувдик, чет элдан олий мартабали бир меҳмон келиши муносабати билан кўча вақтинча берк экан. Муҳаммад Содик буюк муҳаддис бобомиз ҳақиқа катта йўл бўйида тиловат қилиб қўйди.

Орқага қайтмадик-да, олисроқ бўлса ҳам Иштихон тарафдан кетавердик.

Туман худудидаги далалар ўртасида баланд тепалик кўп, беҳизор, олмазор боғларда ҳосил мўл. Қора тупроқли, очик кенг далалар ҳайдаб қўйилган, демак, келгуси йилга тайёргарлик яхши!

## ШАВҚИЙНИ ЁД ЭТИБ

Каттақўрғонга етмай, чапда Шавқий мақбараси бор эди. Шавқий Каттақўрғоний Муҳаммад Шариф 18-19-асрларда Алижон деган қишлоқда яшаган, асли ўзбек, лекин араб ва тожик тилларида қалам тебратган шоир. Шавқий, тадқиқотчиларнинг ёзишича, аянчли ҳаёт кечирган, хотиндан ёлчимаган, аммо асарлари қўлма-қўл бўлиб ўқилган. Дарҳақиқат, шоир ижодининг асосий мазмунини оғир турмуш, дардли муҳаббат мавзулари ташкил этади. Қуйидаги байт Шавқийнинг ўз замониға, аламли ҳаётға аччиқ киноясидир:

***Урарлар аҳли мансаб эрталар чою палов оқшом,  
Сену мендақларға ҳаргиз муяссар йўқ гурунбоди<sup>1</sup>!***

Шоирнинг фалсафий шеърларидан намуна сифатида эса форсча ёзилган рубоийнинг қуйидаги таржимасини келтириш мумкин:

***Бирнас тушиб ўтиладиган манзилға қадам қўйсак,  
Бизни юз азобу кулфатлар кутиб туради.  
Бой ҳам, гадо ҳам, подшо ҳам дунё тузоқларидан  
Қутқазиб, бизни тилагимизға етказолмади.***

Каттақўрғондан чиқаверишда уй-ҳовлиларини ошхонаға айлантирган хонадонлардан бирида балиқхўрлик қилдик.

Шитоб билан йўл юриб, Гиждувонға қоронғи тушганда етиб бордик. Машхур етти пирнинг биринчиси, Нақшбандия тариқатининг саркори Баҳоуддин Нақшбандийнинг пири, устози Абдуҳолиқ Гиждувонийнинг - Хожаи жаҳон унвони билан машхур аллома таваллудининг 900 йиллик тўйи муносабати билан яқинда очилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилдик. Рамзий қабр устиға тикланган ўн устунли, атрофи очик сағана бир қарашда Андижондаги Навоий боғи кираверишиға барпо қилинган гумбаз-шийпонни эслатарди. Фақат ушбу мухташам обида устунлари ғёочдан, нақшли, безакдор эди.

Мажмуа ҳовлисида ёшгина бир йигит Зокиржон акани таниб қолди. «Ал-Бухорий сабоқлари» номли журналда Мавлоно Лутфий ва бошқа шоирлар тўғрисида мақоласи босилганини айтиб, ўзининг илму фанға, адабиётға дахлдорлигини, экспедициямиз фаолиятидан хабардорлигини билдирди. Исми Муҳаммад Шариф, Бухородаги Мирараб мадрасасида таҳсил олган экан. Бизни автобусға кузатиб қўйди.

<sup>1</sup> кекирик, ел.

Йўлдан раҳбар Бухоро вилоят ҳокимлигига кўнғироқ қилди ва ўтган сафар таниш бўлиб қолган меҳмонхонанинг икки қаватли, янги, замонавий жиҳозланган биносига, иссиққина хоналарга ўрнашиб, андак уринган жойларимиз (жонларимиз ҳам) ором олди.

*21 декабрь, якшанба*

Эрталаб деразадан қарасак, лопиллатиб лайлак қор уряпти. Яхшики, унинг шахти тезгина пасайди. Анъанавий таомилимизга кўра, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд қабр-мақбараларини тавоб айлагач, йўлга чиқдик.

Зокиржон ака Илҳомжон билан Қорақўлга кетаверишдаги бозорга кириб, совға-салом учун майиз ва бошқа нарсалар олиб чиқди. Майиз, сабзавот нарх-навоси биздагидан анча арзон эди. Гўшт ҳам – 1800 сўм. Ўша пайтда Андижонда мол гўшти икки минг, басавлат, виқорли қассоблар турадиган дўконларда ундан ҳам юқори эди.

Раҳбар томонидан машинамизга бегонани чиқармаслик тўғрисида махсус кўрсатма бўлган эди, йўл сўраган одамларимиз эса нуқул: «юринглар, мен кўрсатиб қўяман» дейди ва ўзи борадиган манзилгача кетади, ҳатто милиция ходимлари ҳам.

Солярка қидириб Жондор тумани марказини кезиб чиқдик. Қорақўл туманида эса янги иморатлардан иборат маҳалланинг ботқоқ кўчасига кириб, йўлни йўқотиб қўйдик. Кўчанинг торлигидан қайтиб чиқиш ҳам амримаҳол эди. Аллоҳнинг иноятини қарангки, бошларимиз гаранг бўлиб турган бир аснода, иттифоқо Зайнобиддин аканинг танишларидан бирининг укаси Саъдулло учраб қолиб, бизни катта йўлга қадар кузатиб қўйди.

Қорақўлдан Олот туманигача ўн чакиримдан зиёдрок эди.

Икки ёндаги экинли-экинсиз, шудгорланган, шудгорсиз, даштнамо ерларнинг асосий ўсимлиги янтоқ, ёвшан, саксовул, юлгин эди. Қум уюлиб, қуриган, ўскин кўкатларни босиб қолган дўнгликлар қабристонни эслатарди.

Эрталабдан бери ҳаво дам айнийди, дам очилади, гоҳ қор ғёади, гоҳ ёмғир...

Чегара яқинидаги кўрсаткич-тахтада «Ашхободгача 632 км» деган ёзувни кўриб, хулоса қилдик, демак, нафасни қаттиқ олишимиз керак.

## ТУРКМАНИСТОН

Соат 16.30. Ўзбекистоннинг маҳобатли божхонасидан чиқиб, Туркменистоннинг ўша – 1993 ва 2000 йиллари кўрганимиз кўрксизгина, икки қаватли ғиштли бинога жойлашган чегара-назорат маскани ёнига ўтдик. Бинонинг шундоқ чап биқинида тўқ қаймоқ ранг сувли анҳор тўлиб оқади, ўнгда ўскин дашт ўсимликлари, қамиш босган ерлар. Фарбий уфқда осмоннинг улкан бир қисмини қоплаган булут остидан офтоб чарақлаб, оловранг нурлари булутсиз ёқларга сачраб турибди. Булут куёш юзини тўсган қора чодраларини йиғиштириб, аста-секин тепага кўтарилган сайин кўкнинг қоронғи қисми торайиб, қизғиш, ёрқин жойлари кенгайиб борарди. Биз эса, йўл ёқасида ҳужжатларни расмийлаштириш учун божхонага кириб кетган раҳбар ва Зайнобиддин акани сабрсизлик билан кутиб, ичимиз сиёҳлашиб ўтирибмиз.

Эрон, Туркиянинг узундан-узун, поездсимон юк машиналари йўл четида саф тортиб, навбат кутиб турибди. Бесарамжон, бетоқат ҳайдовчилар ҳали у эшикка, ҳали бу дарчага чопишади.

Божхона йўлагидан, сўнг чегаранинг темир қувурдан ясалган ғов тўсилган жойидан у ёқдан-бу ёққа тинмай одамлар ўтишади. Посбон - ёш аскар ғовни ҳар лаҳзада очиб-ёпади – жонига тегиб кетса керак...

Йўловчилар ичида сайёҳи кам, кўпи савдогар эди. Катта-кичик юқларини орқалашиб, судрашиб, икки, уч, тўрт ғилдиракли арава-коляскаларга ортиб ўтаётганларнинг аксарияти ўрта ёшли, шаддод жувонлар. Бечоралар терлаб-пишиб кетишган, сочлари рўмоллари тагидан тўзиб чиққан. Тор йўлакда қаршидан келаётган ё ёнидан шошиб ўтаётган эркақлар туртиб-суриб кетишади, аммо жувонлар, қизлар парво қилишмайди – уларнинг хаёлида биргина фикр, биргина ташвиш, биргина хавотир – юқларини тезроқ нариги ёки бериги худудга олиб ўтволиш...

Мана бу ерга келганимизга ҳам уч соатдан ошибди. Бўғилган, бўғрикқан раҳбар ҳар замонда қайси бир дарча олдида кўринар ва яна ғойиб бўларди. Тўловлар кўп: ҳар одам учун, машина учун, унинг мотори учун алоҳида, экспедиция учун... Аммо тўловдан кўра машмашаю, «бор отангга, бор онангга» қабилидаги югур-югури кўп эди.

Булутлар қамалидан халос бўлган кун қип-қизариб ботмоқда. Бир неча дақиқадан сўнг у батамом ер остига сингиб кетди. Уфққа ёйилган тўқ алвон ранг хиралашиб-хиралашиб, охири батамом сўнди. Зиё ўз ўрнини қора кечага бўшатди.

Ниҳоят, патгалар қўлга тегди. Аммо, юз қадамчадан кейин ДАН назоратчилари маскани бор экан, бу ерда ҳам ярим соатдан ортиқ тутиб туришди. Мақсад пул олиш эди.

Ўн беш-йигирма дақиқалар юрганимизда йўлдаги ДАН ходимлари тўхтатишди. Баҳона, ваз ҳар хилу мақсад бир...

Кўчалар қоронғу, одам сийрак, кўрсаткич-лавҳалар жуда кам, айлана, чорраҳаларда гангиб туриб қоламиз. Йўл сўраш (хусусан Туркменистон худудида) аввалги сафарномалардан бирида келтирилган сабабларга кўра раҳбар томонидан таъқиқланган эди. Лекин сўрамасликнинг иложи йўқ. Илҳомжон одамлар бор жойдан бир оз ўтиб тўхтади, биттамит тушиб (кўпинча, камина) дўкон ё сартарошхонадан суриштириб чиқамиз.

Амударёнинг кўприги олдида яна узоқ тутиб туришди: «Қаёқдан келяпсизлар, қаёққа кетяпсизлар, нимага боряпсиз? Қанақа экспедиция бу? Нима иш билан шуғулланасизлар? Бизга машинада ўтиш мумкин эмас эди... Ҳужжатларингиз?...»

- Дурдимурод, буларни нима қилайлик? – деб бир-биридан маслаҳат ҳам сўраб кўйишади.

- Кўприк солиғи тўлашсин, - дейди наригиси беписандлик билан.

Зокиржон ака бу илмий экспедиция эканлиги, тижорат билан асло шуғулланмаслигимизни тушунтиришга ҳаракат қилади. Посбонлар миқ этишмайди, нари борса «Бизга нима?» дегандай кифт қоқиб қўйишади.

Аммо, бу ёғи «келингўсди»дан ҳам ўтиб кетди. Бошқа жойларда борми-йўқми, билмадим, Фарғона водийсида келин тушириб келишаётганда ёшлар машинанинг йўлини тўнка ё ходалар билан тўсиб олишади. Келиннинг янгалари ё вакил аялари рўмолча ё бошқа бирон совға бериб ўтишади.(Афсуски, ҳозир бу қизиқарли анъана урфдан чиқиб боряпти).

Олатаёқликлар кўприкнинг у бетида ҳам бизни ютоқиб кутишмоқда экан.

Хуллас, чегарадан Чоржўйгача бўлган эллик-олтмиш чақиримлик масофани уч соатларда босиб, шаҳарнинг нақ биқинидан кириб бордик ва айланиб-айланиб, бош автобекат ёнидаги икки қаватли, анча путурдан кетган «Амударё» меҳмонхонасидан жой топдик.

*22 декабрь, душанба*

Сахар йўлга тушдик. Аллоҳиям, тавбаниям айт, деганларидай, чароғон кўчаларга кенг ва равон деган таъриф ночор эди. Чоржўй жуда ўзгариб кетибди. Демак, дастлаб кўзга ташланадиган нарса кўчалар ва бинолар экан. Шунинг учун шаҳарсозликда йўлни кенгайтириш, созлашга алоҳида эътибор берилар экан-да.

Шаҳардан чиқишда «Отайўл»га солярка кўйдик. 50 литри 20 минг манат экан.

©нилғи қуйиш шаҳобчаларида ҳам Туркменистон президентининг улкан суратлари, «Халқ, Ватан, Туркманбоши» деган паннолар мавжуд эди.

Дашт йўли бошланди. Ўқдай бўлмаса ҳам, ҳарқалай, тўғри. Иккита машина бемалол мураса қила олади. Аммо қатнов сийрак.

Икки томони ўскин ва қалин юлғунзор. Ногаҳонда узун, паҳмоқ думини судраб у ёқдан-бу ёққа ўтиб қоладиган тулкини ҳисобга олмаганда жон зоти йўқ.

Саккиздан ўн дақиқалар ошганда куёшнинг илк нурлари найза бўлиб кўринди.

Мари вилоятига етмай бир чойхона чиқиб эди, у ҳам берк экан.

Узун ва энсиз кўча Эргаштом йўлларини эсга солади.

Ҳаво илиқ, қор-ёмғирдан асар ҳам йўқ.

Заҳмат деган манзилда қора шўрва билан нонушта қилдик.

Ҳамон дашт оралаб боряпмиз. Аслида бу ибора ножоизроқ: юлғун, саксовуллар дарахт бўлиб кетган.

Маридан кейин Эрон ғиштидан идора бинолари қуриш урф бўлган посёлкани кўриб ҳавасим келди. Ғишт текис-силлик, кўркли эди. Фақат, пойдеворлари пастлиги учун бинолар у қадар кўркам эмас эди.

Чўлнинг қоқ ўртасига катта бир худудни эгаллаган янги карвонсарой тушган экан. Деворлари мрамрдан ошхона, меҳмонхона, ювиниш-тахорат хоналари, ёнилғи қуйиш шаҳобчаси, мой алмаштириш устахоналари кўркли, озода.

Бу ерда солярка янада арзонроқ эди – 60 литрга 15 минг манат олишди. Яқин-атрофда қишлоқ, овул йўқлиги бизни таажжубга солди. Демак, фақат йўловчилару келажак ҳисобга олинган.

Йўлларга гап йўғ-у, кўрсаткич лавҳаларнинг ниҳоятда камлиги чатоқ эди. Масофа рақамлари ҳам учрамас, қоронғида тусмоллаб кетаётган одамга ўхшаймиз. Бунинг устига, тезда-тезда тўхтаб, йўл сўрашга тўғри келаётгани дард устига чипқон эди.

Иқлим бир оз ўзгарди. Чилла ҳавосига ўхшайди: куёш чиқиб турибди-ю, изғирин...

Биз тезроқ чегарадан Эрон худудига ўтиб олишга ошиқардик, лекин «йўлтўсарлар» тез-тез шахтимизни қайтариб туришарди. Ҳали ҳам бепоён чўлни кесиб борардик. Йўл яхшию, фақат узоқ эди, ё балки бизга шундай туюларди. Қолаверса, назорат масканлари ҳам кўп эди. Уларда ёш-ёш ва негадир ихчам жуссали аскар йигитлар посбонлик қилишарди.

Муштдай «болакай»ларнинг олатаёқ билан «тўхта», «юр!» деб буйруқ бериши одамга малол келарди.

Ниҳоят, Туркменистоннинг сўнгги постига юкиниш «шарафига» муяссар бўлди. Бетараф ҳудуд - ўртадаги узун темир кўприқдан ўтишимиз билан бизни Эрон божхонасига кириш олдидаги биринчи постдагилар қарши олишди.

## ЭРОН

### МАСЖИДДА ТУНАЛГАН КЕЧА

Соат бизнинг вақтимиз билан кечки олти ярим, Эронда беш (ўн етти) бўлаётган эди. Раҳбарлар кетиб қолишган экан. Навбатчилар паспортларимизни шошилмай, синчиклаб, анча муддатда текширувдан ўтказишди. Энг асосийси, автоуловни расмийлаштириш кўп фурсат талаб этарди. Шунинг учун автобусимиз гумрукхонада қоладиган бўлди. Оқсоқоллар ва уларнинг маҳрами асрорларини Сарахс шаҳарчасига кузатдик. Қолган уч оғайни ботир «Отайўл» ичида тамадди қилгач, Илҳомжон машинада қолди, бошқа гапга зинҳор кўнмади (унга юклатилган масъул вазифалардан бири – автобусни кўз қорачиғидай асраш эди). Муҳаммад Содик иккимиз сафар тўшақларимизни кўтариб, ховли ўртасидаги ҳайбатли масжидга кириб кетдик. Деворларга Эрон халқи ва ҳукуматининг бузурглари Оятилло Хумайний билан Муҳаммад Хотамийларнинг йирик суратлари осилган, полга бир хил - қаймоқ ранг гулли, икки хил ҳажмдаги қалин шерозий гиламлар тўшалган. Кун чиқиш тарафида театрларнинг орқа ложасига ўхшаган болохона бўлиб, унинг олди кулранг мато билан тўсиб қўйилган, бу хонаи хос – аёллар намозгоҳи эди.

Газли печка гуриллаб ёнар, аммо тунги аёз дамини кесиб тургани боис, шифти баланд, кенг хонани яхши иситолмас эди. Таржимонимизга кеча - Туркменистон божхонаси олдида совуқ ўтиб қолган экан, у печканинг ёнига, мен берирокда ётдим.

Масжидда ухлаш қандай бўларкин, деб ўйлайман. Ваҳимали туюлади. Кўнгилга ҳар хил хаёллар келади. Кимнидир ҳаммомда боши шифтга тегадиган бир нарса бўғиб қўйгани тўғрисидаги болалигимда, бундан эллик йил аввал эшитган миш-миш эсимга тушади. Муқаддас даргоҳ-ку, ёнимда шеригим ҳам бор-ку, дейман. «Ихлос» сурасини ўқиб ётиб, энди кўзим илинган экан, эшикнинг ғийқиллашидан чўчиб, бошимни кўтардим. Илҳомжон бўлса керак, деб эдим, бошқа одам экан. У ҳам тунагани кирганди (ислом оламида масжид ҳамма, хусусан аҳли мусулмон эркин қадам қўйиши мумкин бўлган жой, Аллоҳнинг уйида!). Хонанинг ўртасига устки қалин кийимини тўшаб, чўзилди. (Печкадан таралаётган аланга ёруғида бемалол кўриниб турарди).

Кечаси жунжикиб уйғондим. Ўрин бир юпка тўшагу одеядан иборат эди. Олов яқинига сурилиб олдим.

Илҳомжон саҳар дилдираб кириб, печка ёнига ўтирди.

- Совқотдингизми? – дедим, саволим ниҳоятда ўринсиз эди, албатта.

- Сал-пал, - деб қисқагина жавоб берди у.

Хижолат бўлдим. Ташқарига чиқдим. Божхона ҳудуди жимжит, кўпгина чироқлар ўчириб қўйилганди. Юк машиналари ва енгил автомобиллар сероб, автобус фақат бизники – у гўё ўртада гердайиб тургандек эди.

Ҳаво очиқ, осмон тиниқ, юлдузлар чарақларди.

Сафарда олис ва чекка жойларда ҳам юришимизни ўйлаб, ҳафсала билан қўл фонар сотиб олган эдим. Хитой маҳсулотлари бир боралик дейишарди, икки марта ишлатишга етди. Мендан кейин Илҳомжон ховлига ўтиб келиб, «кетди» деди.

- Нима кетди? – деб сўрадим.

- Фонар.

- Қаёққа кетди?

- Хитойга...

Тафсилотини суриштириб ўтирмадим. Чамамда... тушириб юборибди, шекилли.

*23 декабрь, сешанба*



Сахар туриб қарасак, автобус ойналарини оппоқ, калин муз-киров қоплабди, мотор ишлатиб қўйилгач, анчадан кейин эриди.

Сарахсга кетган ҳамроҳларимиз келишди.

Гумрукчилар бизнинг вақт билан соат тўққиздан иш бошлашлари керак эди, анча ўтди, бизга зарур кимсалардан дарак йўқ. Кутаяпмиз. Сарахс, демакки, Машҳад томондан юк ортилган улкан ва поезд вагони каби узун машиналар қаторлашиб кириб келмоқда.

Соат 12. Чегарабозлик, қоғозбозликлар давом этмоқда. Зокиржон ака билан таржимонимиз бинома-бино, қаватма-қават, хонама-хона юришибди. Божхона идорасининг бўлимларию эшиги билан тешиги кўп эди. Илҳомжон-ку бундай кутишларга ўрганиб қолган, аммо янги аъзолар – Зайнобиддин ака ва опалар диққат, автобусда ичларида ух тортиб ўтиришибди. Баъзида раҳбар «сиз ҳам юринг, салобатингиз иш бериб қолса ажабмас», деб Зайнобиддин акани ҳам чақириб кетади. Мен гоҳ-гоҳ улардан хабар олган бўлиб, орқаларидан айланиб, уларга бир кўриниш бериб келаман. Божхонанинг асосий маъмурий биноти йўлаклари ва деярли ҳар бир хона деворида Хумайний ва Ҳотамий суратлари: жуфт-жуфт, ёнма-ён ё алоҳида-алоҳида...

Ҳужжатларни расмийлаштиришга воситачилар – хусусий фирма ходимлари ёрдам беришади. Бу ерда таомил шунақа экан. Маъмурият кўп «ўлпон» олиш ва сарсон қилишларидан хижолат чекиб, ўшаларга рўпара қилишади, чоғи.

Ниҳоят, иш бир соати кам бир кеча-кундузда битай деди.

Раҳбарнинг сўзамол ва сиёсатдонлиги, Зайнобиддин аканинг савлатию Муҳаммад Содиқнинг тил билгичлиги, тавозеси туфайли йигирма етти долларлик давлат солиғидан озод қилишибди. Аммо воситачи фирманинг жилмайиб турадиган вакили Саидий ва унинг тиканак соқол, чуқур кўзли шеригига ҳужжатларни тайёрлаб беришгани ҳамда суғурта учун икки юз доллар нақд берилди.

Ва ниҳоят, тупроғи оғир гумрукхонадан чиқиб, енгил тортдик.

Дарвоқе, божхоналигимизда Зокиржон акани, Бобур халқаро экспедициясини суриштириб Техрондан - Эрон Ташқи ишлар вазирлигидан кўнғироқ қилишди. Демак, Баҳромий жаноблари ўз улуғларига биз ҳақимизда хабар етказибди!

Таниш дашт оралаб Машҳад сари кетдик. Афғонистонда кўрганим – тепа қисми қалъани эслатувчи тоғлар силсиласи бу ёқда ҳам бор эди. Даврдош, қисматдош тоғлар бўлса керак, деб ўйладим.

Кўча соз ва озода, тоғлар, адирлар гиёҳли, истарали. Ёнбошдан яна янги, ғоят пухта йўлга ҳозирлик кўрилмоқда эди.

Ҳар ўн чақиримда йўл кўрсаткич лавҳалар, устунлар.

Шунча узоқ – икки юз километрдан зиёд масофада солярка бўлмади. Бир ёнилғи қуйиш шахобчаси учради-ю, у ҳам берк экан.

Ҳар сафаргидай, Машҳадга оқшом тушганда, аммо чироқлар кўчаларни, шаҳарни чароғон қилиб турганда кириб бордик.

Сўраб-сўраб, ёнилғи қуйиш шахобчасини топдик. Навбат катта, тикилинч эди. Демак, солярка камрок, бунинг устига, ёнилғи қуйиш марказлаштирилган ва арзон эди. Анча туришга тўғри келди. Ҳамманинг хаёлида меҳмонхона ташвиши. Кейин ундан ҳам муҳимроқ тадбир - тамадди масаласи чиқиб қолди. Бу, энди ҳар қадамда ҳал қилиш мумкин бўлган муаммо. Қатор ошхоналардан бирида маставасимон суюқ овқат ичдик. Фақат, гуруч ўрнига солинган нарсанинг қандай дон маҳсулоти эканлигини билмадик. Туси жигарранг, ниманингдир ёрмаси эди. Иккинчи таоми гўшт ва жўжа кабоб эди, таъбга қараб олинди. Мўъжаз, пластмасса идишларда қатиқ, сафсар рангли карам салати беришди. Аммо чой бўлмас экан. Етти кишининг овқати ўн уч минг туман - ўн беш доллар бўлди - киши бошига салкам икки минг сўмдан!

Қадрдон меҳмонхонамиз «Сино»ни истаб-сўраб, адашиб юриб топдик. Афсуски, эга-мудирлари ўзгариб, Эрондан бошқа юртдан келганларни қўймайдиган қилиқ чиқаришибди. Ўзбекча чучвара, карам дўлмаларини маза қилиб еганимиз Ҳасан-Ҳусан ошпазлар ҳам йўқ

эди. Тарвузимиз кўлтиқдан тушиб, раҳбаримиз буйруғига биноан яқин-атрофни «разведка» қилдик. Меҳмонхона бисёр кўп эди. Фақат... «Ҳофиз» меҳмонхонаси маъқул тушиб эди, автобусимизни кўярга жой чатоқ экан. Кўчада тураверармиш. Эсини еганми булар – «Тунги назоратчи миршабларга жаримани ким тўлайди?», десак, «Кечаси айланишмайди, эрталаб юришади, унгача олиб кетасизлар-да», дейишади. Ҳа, азаматлар-эй... Эчкига жон қайғу, қассобга ғё, дегани шу-да.

Майли, бошқа чорасини қилармиз, деб туришган эди, «Отайўл»имиз ёнида бир автохалокат юз бериб қолди (сафарлар давомида биринчи бор кўришимиз). Бир зумда тўполон бўлиб, кўчага машина сиғмай кетди. Автобусимизни бир неча қадам орқага тисариш керак эди, иложи бўлмади. Бошқа йўлдан айланиб келамиз, деб кетдик. «Карбало»дан кейинги кўчадаги «Апартамент» меҳмонхонаси кўзимизга иссиқ кўринди. Муҳаммад Содиқ кириб чиқди: шароитлари яхши, ҳам арзон экан.

Меҳмонхона чиндан ҳам зўр: озода, шинам, хоналари ошхонали, қозон-чўмич, идиш-товоқ - ҳаммаси етарли, ҳатто қирғичгача бор эди. Газда самовар қайнаб турибди.

Кайфиятлар аъло бўлди. Шу боис кеч ётган бўлишимизга қарамай (жойлашгунимизча соат бирдан ўтиб кетган эди) хузур қилиб ухладик ва бардам бўлиб турдик.

## МАШҲАД. ИМОМ РИЗО ВА УНИНГ ҲАРАМИ

*24 декабрь, чоршанба*

Эрталаб машварат, яъни қисқа мажлис бўлди. Умумий тартиб-қоидалар, келгусидаги режалар, хусусан, шу бугунги дастур, иқтисодий-молиявий масалалар яна бир қарра муҳокама қилинди, фикрлашиб олинди.

Опалар меҳмонхонада қолишди. Бошқаларимиз Имом Ризо ҳарамига жўнадик.

Ҳамма кўчаларнинг икки бетидаги зич дўконлар янада қалинлашган, биноларнинг чиройию пештоқларидаги ном-лавҳалар, рекламалар қуюқлашган, гўзаллашган. Дўкон ичларида молу товар бисёр, ранг-баранг ва хилма-хил.

*«Машҳад»нинг асли луғавий маъноси «шаҳидлар қони тўкилган жой», «шаҳид бўлган жой» дегани, аммо эндиликда у мулки тижоратга айланган, шаҳар катта бозору аҳли фақат олди-сотди билан шугулланадигандай таассурот уйғотади одамда.*

*Машҳад - ҳайратлар шаҳри! Зеро, у мамлакат вилоятлари ичида энг каттаси ва машҳури бўлмиш Хуросон музофотининг марказидир.*

*Шаҳар ҳақида аввалги сафарномаларда қисман тўхталиб ўтилган. Китобхонларимиз эътиборига яна шуларни ҳавола қилиши мумкин: Машҳад ҳам анча қадимий шаҳарлардан бўлиб, бу ном дастлаб X аср араб жуғрофиюнларининг асарларида тилга олинган. Ундан аввал Машҳад ўрнида Санобод деган қишлоқ мавжуд бўлган. XI-XII-асрларда газнавийлар ва салжуқийлар ҳукмронлик қилишган. XIII аср охирларида шаҳарга мўғуллар ҳужумидан жиддий шикаст етган. Темурийлар, сафавийлар даврида Машҳад ҳар жиҳатдан раванқ топган. 1736-47 йилларда Нодиршоҳ давлатининг пойтахти бўлган. 1795 йили шаҳарни кажорлар эгаллаган. Шаҳарда Имом Ризо ҳарамидан ташқари Гавҳаршодбеғим масжиди, мадраса, карвонсаройлар, Нодиршоҳ мақбараси ва бошқа археологик ёдгорликлар, тарихий обидалар сақланиб қолган.*

*Дарвоқе, «Бобурнома» ва келтирилишича, Машҳадда бир қанча муддат Султон Ҳусайн Мирзо (Бойқаро)нинг ўғли, Бобур Мирзонинг яқин жигарларидан Ҳайдар Мирзо ҳам ҳокимлик қилган.*

*Алалхусус, Имом Ризо ким бўлган? Аввало, мазҳаб ҳақида. Шариатимиздаги мазҳаблар диний ҳуқуқлар, йўналишлар, вазифаларни белгилаб берадиган оқим, таълимот мазмунидан вужудга келган. Ҳозир суннийликда тўртта - ҳанафий (асосчиси Абу Ҳанифа – Имоми Аъзам), моликия (асосчиси Молик ибн Онас), шофиъия (асосчиси аш-Шофиъий),*

ҳанбалия (асосчиси Ибн Ҳанбал), шиаликда эса битта – Жаъфария (асосчиси Жаъфар ас-Содиқ) мазҳаблари мавжуд.

Суннийлик «сунна» сўздан олинган бўлиб, анъана, ҳатти-ҳаракат тарзи деган маъноларни ифодалайди ва Муҳаммад пайгамбаримиз сўзлари, яъни ҳадислари, қилмишлари, хатти-ҳаракатларига асосланган йўналишидир. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра жаҳон мусулмонларининг қарийб тўқсон фойизини сунъийлар ташкил этади. (Суннийликда чорёрлар (тўрт дўст) – Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб Муҳаммад пайгамбаримиз давлатининг қонуний ворислари, давомчилари ҳисобланади). Қолган ўн фоиз – тарафдорлар мазмунини берувчи шиаликка эътиқод қилувчилар эса суннийлар каби Куръони каримни илоҳий деб эътироф этсалар-да, ҳалифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайдилар ва фақат Ҳазрати Алини ва унинг авлодларини, шу жумладан, ўн икки имом ҳокимиятини тан оладилар. Халифа Али билан Фотима (Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи)дан тарқалган, исломнинг қонуний раҳнаmolари деб ҳисобланувчи имомлар сулоласи қуйидагилардир: 1. Али ибн Абу Толиб, 2. Ҳасан, 3. Ҳусайн, 4. Зайн ал-Обиддин Али, 5. Муҳаммад ал-Бакир, 6. Жаъфар ас-Содиқ, 7. Мусо ал-Козим, 8. Али ар-Ризо, 9. Муҳаммад ат-Тақий, 10. Али ан-Нақий, 11. Ҳасан ал-Аскарый, 12-чи имом Муҳаммад ал-Маҳдийни яширинган (дунёвий илм китобларида йўқолган) дейилади ва замона охирида ерга қайтиб келиб, адолатли тузум ўрнатади, деб ҳисоблайдилар.

Машҳад шаҳрининг муқаддас зиёратгоҳга айланишининг асосий сабабчиси, ўн икки имомнинг тартиб бўйича саккизинчиси, мана шу, биз харамини ҳайрат билан томоша қилаётганимиз Али ар-Ризо (Али ибн Мусо ҳам дейилади) саккизинчи аср охири ва тўққизинчи аср бошларида Мадинада яшаган. Китобларда ёзилишича, халифа ал-Маъмун шиалар билан яқинлашиб, улар ёрдамида ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Али ар-Ризони тахт вориси деб эълон қилади. Сунъийлар бунга қарши чиқадилар. Кўп ўтмай Али ар-Ризо Хуросоннинг Тус шаҳри яқинида захарлаб ўлдирилган ва Санобод қишлоғига дафн этилган. Кейинчалик унинг қабри устига мақбара барпо этилган ва қишлоқ унинг шарафига Машҳад Али Ризо (Али ар-Ризо шаҳид бўлган жой) деб атала бошланган, орадан йиллар ўтиб Машҳад номидаги йирик шаҳарга айланган.

Илҳомжоннинг Машҳадга, Имом Ризо харамни остонасига бешинчи бор қадам ранжида этиши, лекин бирор марта ёдгорлик ичига кирмаган, зиёрат қилмаган экан. (Бояқиш машинани пойлайди-да). Бу гал ҳам шундай қарорга келинаётган эди, мен кўриқчиликдек шарафли вазифани зиммамга олиб, ўз ваколатимни камтарин ва камсукум сафардошимизга бердим. Унинг чехрасига мамнунлик ранги югурганини кўриб, мен ҳам хушнуд бўлдим.

Машина кўп, қатнов тиғиз, ҳайдов шитоб – харамга кириб-чиқувчилар оқимининг охири йўқ. Хусусан, аёллар кўп - бари қора ридода. Бояқиш ожизалар... камига қўлқоп ҳам тақиб олишган.

Мажмуа худуди катта – бир неча гектар бўлса керак. Уни хотиржам, астойдил айланаман десангиз, Машҳадда бир неча кун ётиш керак.

Зиёратгоҳ билан ёндош Имом Ризо майдони мавжуд. У ҳам кенг, ундан чор атрофга йўллар кетган. У ёқдан-бу ёққа ғизиллаб юрган машиналарни кўриб бошингиз айланади. Майдон тагидаги ер ости кўчаларида эса ақлингиз озади: тепадаги каби доира йўл, ҳар ер-ҳар ердан ўнгга юриб, худди спортлотто коптогидай четга - юқорига чиқиб кетилади. Орқага қайтиш мумкин эмас, бунинг иложи ҳам йўқ. Биз ҳам уч мартача айланиб ўтиб, харамнинг асосий кириш дарвозасига олиб чиқадиган бурилишни аранг топиб олдик. Чунки қатнов бир неча қат, тез, шиддатли, форс ва инглиз ёзуви ва тилларидаги осма лавҳаларни – йўл кўрсаткичларни ўқиб, англашга улгуриш қийин.

Харам теварагидаги айланасига қуриб ташланган темир ҳавозалар зиёратгоҳ кенгайтирилаётганидан далолат беради.

Назорат расталари аввалги сафар кўрганимиздай: «деворлари» матоҳдан, чор бурчакли чодирсимон «хона»чалар. Эркаклар алоҳида, аёллар алоҳида «хона»дан ўтишади.

Текширувчилар қўлтиғу чўнтақларингизни пайпаслаб туришади. Фотоаппарат, видеокамера олиб кириш қатъиян таъқиқланган.

Автобус атрофида айланиб юрибман – вазифа ўта масъулиятли. Хийладан кейин Муҳаммад Содик ҳарамнинг бир ходими билан чиқиб, совға-саломлар ва «Усмон куръони» китобининг микрофильмини олиб кириб кетди.

Ҳарам зиёратидан чиқиб, Жом кишлоғига жўнадик - «Шоҳнома» асарининг муаллифи Абулқосим Фирдавсий қабрини - «Оромгоҳи Фирдавсий»ни зиёрат қилгани. Илгари икки ёни асосан тутқатор бўлган йўл кенгайиб, ўзгариб кетибди, қурилишлар, янги бинолар кўп эди. Дарвоқе, Жомни эндиликда Тус шаҳарчаси дейилади – у Машҳаднинг ғарб томонида.

Фирдавсий бир замонлар ўз юртига сиғмай, дарбадарлик хирқасини елкасига ташлаб чиқиб кетган эди, энди унинг шарафли номини улуғ шоир қабр-мақбарасини тавоб айламоққа келган минг-минглаб инсонлар ёд этмоқда.

Муҳаммад Содик тележурналист дўстимиз Фаррух Расуловдан ҳам синчковроқ чиқиб қолди. У қўлига тушганки нарсани обдан кавлаб, ички сир-асрорини тўла ўрганиб, тузукни ишдан чиқариб, бузукни ўнгламагунча қўли ҳам, қўнгли ҳам тинчимасди. Раҳбарнинг фотоаппаратини бузиб, хийла таъзир еб эди, аммо этаги ҳазил-хузулга (кўпчилик яхши-да) айланиб, танбеҳ тигининг дами ўтмаслашди. Қолаверса, у беғараз, самимий инсон, дили кибру ғубордан холи, югуриб-елиб хизмат қилиб юрибди. Биргина шахснинг таржимони бўлишлик қанчалар оғир, заҳматли юмуш. Олти кишига тилмочлик қилишни айтинг. Яна, ҳаммаси ҳар хил тоифа... Бунинг устига, у аввал ҳам экспедициянинг бир неча сафарида иштирок этгани учун раҳбарнинг феъли-одатларини, унинг жаҳли кўпга чўзилмаслигини тушуниб қолган эди.

Сафарда юзни қаттиқроқ, ориятини сал юмшоқроқ тутиб юрган маъқул. Акс ҳолда, узоққа бориш қийин. Сафардаги аския, ҳазил-хузулларда ёш унча инобатга олинавермайди, амал, мартаба ҳам...

Опалар палов дамлашди. Бир лаззатли бўлибди. Эрон турпи ҳам Андижон ошига хўп айтаркан-да!

Режамизда атоқли туркман шоири Маҳтумқулининг қабрини зиёрат қилиш мўлжали ҳам бор эди. Бобур экспедицияси учун буюк зотларнинг миллати, туғилган жойлари эмас, уларнинг маърифий-ижодий фаолияти, илму фан ривожига, Шарқ, умумжаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси муҳим! Қолаверса, билим ва заковатини мукаммаллаштириш мақсадида Мовароуннахру Хуросоннинг кўпгина маълум ва машҳур шаҳарларида бўлган адибнинг ёшлигида Хива, Бухоро билан бир қаторда Андижондаги мадрасалардан бирида таҳсил кўрганлиги ҳам биз учун алоҳида эътиборга молик далилдир. Шоирнинг бадиий тасвир воситалари Фарғона водийсига хос иборалар, рамзлар, қочиримлар билан бойитилган айрим шеърлари Андижонда истиқомат қилган вақтларида ёки ўша даврларнинг хотиралари, таассуротлари асосида ёзилган, деб тахмин этиш мумкин.

Хуллас, Маҳтумқули ҳам ўз ватани, элидан Мосуво бўлиб, маърифат ва зиё излаб юртма-юрт кезган сиймолардан. Шоир қабрини Эроннинг машҳур Мозандарон шаҳрида, Машҳаддан етмиш чақирим нарида, деб эшитган эдик, ундоқ эмас, 500-550 километр атрофида экан. Суриштирганимизда у ерга Гургон (Астробод) шаҳри яқинидаги Оқ қалъа орқали ҳам бориш мумкин, дейишди. Оқ қалъанинг имом-хатиби Муҳаммад Содикқа таниш экан, меҳмонхона телефонида мулозимлар ёрдамида қўнғироқ қилиб гаплашди.

Масофа ҳам, вақт ҳам кетмоқда – Машҳадгача икки минг километр юриб, муддатнинг, умрнинг беш кунини сарфлаб қўйган эдик. Йўналишларни ўрганиш муаммоси туғилиб, менга Эрон харитасини топиб келиш топширилди. Кўчага чиқдим - йўл билмайман. Харита сотадиган дўкон қайда, харитани нима дейишади – сўролмайман – гунгман. Хуллас, анча қидириб, дўконни топдим, имо-ишора билан харитани сотиб олдим.

1 доллар – 830-840 туман – 8300-8400 риёл, яъни, 1 туман – 100 риёл эди.

Меҳмонхонанинг унча катта бўлмаган қабулхонаси – кутиш зали деворларида ҳам эронликлар даҳоси, пири Рухулло Хумайний, мамлакатнинг ҳозирги диний, олий раҳбари

Саид Али Хаменийнинг улкан суратлари осиб қўйилганди. Президент Саид Ҳотамий расми негадир камроқ.

Кеча чарчаб, донг қотиб, билмаган эканмиз шекилли, туни билан машина қатнови тинмас экан. Безовта бўлиб ухладим. Эрталаб Муҳаммад Содиқ билан Илҳомжон ҳам (учовимиз хонадош эдик) вужудларининг эзилиб кетганидан шикоят қилишди. Менимча, шароитнинг азбаройи яхшилигидан. Автобусда тош йўлларда силкиниб юрган баданларга бу ердаги парку тўшак-адёллар ўта юмшоқлик қияпти чоғи.

*25 декабрь, пайшанба*

Кеча Зокиржон ака Имом Ризо мажмуасидаги «Остони қудс» («Муқаддас остона») кутубхонасида «Хатти Бобурий»дан нусха олишни илтимос қилганида кутубхона мутасаддилари юқори маҳкамалардан сўраб кўрамиз, дейишган экан, бугун яна бордик.

Назорат масканларидан чиқилган жойда, ҳарамга кираверишда ичкарига ўтган зиёратчиларга бир-икки донадан конфет улашиб туришарди. Қизиқиб, билсак, бугун Имом Ризо синглисининг таваллуд куни экан.

Китобхонада 2000 йили бизни Қуръон музейигача кузатиб қўйган, шахсан менга ҳамроҳ бўлиб, ғалча-назоратчи хузурига борган одамни кўриб қолдим – уни пастак, ғўласимон гавдасидан, олди томони сийраклаша бошлаган, калта кузалган мошгуруч сочидан танидим. У ҳам бизни эслаганди, жилмайганича кўл узатиб: «Шомуродий, сизларчасига Шомуродов», деб ҳазиллашди.

Лекин, бу ташрифимизнинг ҳам самараси нақд бўлмади.

«Қисқа фурсатда китобдан нусха кўчириб бериш имконимиз йўқ, агар Машҳадда кўпроқ турсаларингиз тайёрлаб қўйишимиз мумкин эди», - деди кутубхона мудирини оғои Миржова гўё таассуфланган оҳангда.

Ҳаётини тажрибаси мўл, нозик ҳолатларни нозик ҳис қиладиган Зокиржон акада ҳамиша эҳтиёт шарт фикр, чора бўларди.

- Хўп, неча кун муҳлат берасизлар бизга? – деб сўради у буюртмачилик ҳуқуқини кутубхоначиларга инъом этиб.

- Кам деганда ўн беш-йигирма кун... - дейишди.

- Ваъдаларингизга умид қилса бўладими? – сўради раҳбар сал бўшашгандай.

- Бизнинг сиёсатимиз – айни диёнат, диёнатимиз – айни сиёсат, - деб ўзича лутф қилди Миржова жаноблари. У ўйладики, ҳар қандай экспедиция ҳам бир шаҳарда шунча узок муддат туrolмайди.

- Бир ой десангиз ҳам кутамиз, - деди Зокиржон ака қатъий. Зеро, раҳбарнинг ушбу экспедициядан кўзда тутган асосий мақсадларидан бири ҳам Бобур Мирзонинг ана шу табаррук асарини қўлга киритишдан иборат эди. Қолаверса, биз кейинги мамлакатларни айланиб келгунимизча бир ойдан ҳам кўпроқ фурсат ўтиши аниқ эди.

Кутубхонанинг илтифотли фармонбардорлари бир-бирларига қарашди. Улар раҳбарнинг дангаллиги, қайтмаслигига ҳайратларини ёки «энди бу ёғи нима бўлди?», деган саволни бир-бирларига сўзсиз изҳор этишди чамаси. Зокиржон ака худди шу жойда мусохабага нуқта қўйилганига шаъма қилгандай, мезбонлар билан тезгина хайрлашди.

Бу орада кўзда тутилмаган баъзи жиддий муаммолар – автобусга солярка қуйиш, мой, филтрини алмаштиришга ҳам анча вақт кетди. Машинамизнинг магнитофони бузилиб қолган экан, уни ҳам таржимонимиздан кўрдик ва устахонага олиб бориб тузаттирдик. Хуллас, пешиндан кейин, соат учларга яқин отландик. Меҳмонхонанинг иш юритувчиси Муҳаммад Носир шаҳар ташқарисига олиб чиқиб, йўл кўрсатиб қўйди.

Нишопурнинг эски йўли янги кўча билан анчагача ёнма-ён борди-да, кейин ўнгга бир боғ ичига кириб кетди.

Ёмғир севалай, йўқ, зарралай бошлади, кейин савалашга ўтди ва кучайиб-пастлаб бораверди. Ниҳоят, анчадан сўнг қорга айланди.

Дарахтзор ичидан бошланган йўл дашт, тоғлар оралаб давом этди. Тоғликдан тушганимизда қор йўқ эди, яна озгина юрганимизда булутларни йириб-йиртиб қуёш йилтиллади-ю, кўп ўтмай чарақлаб кетди. Хуллас, бир йўлда, бир неча соат мобайнида қиш ва куз ҳаволарига шоҳид бўлдик.

Бевазан (тул хотин), Машҳад, Алиобод, Муҳаммадобод, Ишратобод, Ҳусайнобод кишлоқларидан ўтдик. Чиндан-да, обод, саришта масканлар эди. Аммо, ҳар тўқисда бир қусур, деганларидай, ёнилғи қуйиш шаҳобчаси учрамасди. Нишопурга кираверишда бор-у, навбат катта экан, ўзбекча қилиб, «ёнбош»дан бориб қуйдик.

## НИШОПУР

*Эроннинг шимоли-шарқий қисмида, Хуросон остонида жойлашган ушбу шаҳарга учинчи аср ўрталарида асос солинган, номи Шопур-1 ёки Шопур-2 исми билан боғлиқ дейилади манбаларда (тарихий асарларда «Найсабури» ҳам ёзилади). Еттинчи аср ўрталарида уни араблар эгаллаган. Тўққизинчи асрда Тоҳирийлар, X асрда Сомонийлар давлатига қараган, XI-XII асрларда Салжуқийлар қароргоҳи бўлган. Сўнг шаҳарни ўғузлар вайрон қилишган.*

*Ҳа, Нишопур ҳам Балх каби, Бомийн каби жабрдийда шаҳар. Манбаларда битилишича, ёвуз мўғул босқинчилари 1221 йилнинг айни баҳорида боғу гулзорлар чаман-чаман гул очган, ердан ризқу рўз тафти кела бошлаган бир паллада Нишопурга бўри галасидек ётирилиб киради. Шаҳарни ишғол этиши пайтида ҳалок бўлган бир нафар саркардаларининг ўчи, қасоси учун тўрт юз ҳунарманддан бошқа ҳаммани тигдан ўтказадилар, шаҳарни ер билан яқсон этиб, ўрнини шудгорлаб ташлайдилар.*

*XIV-XV асрларда шаҳар қайта тикланади.*

*Шухрати Балхдан қолишмайдиган, бир замонлар Хуросон пойтахти бўлган Нишопур ва унинг атрофида табиий ва қўл меҳнати билан бунёдга келадиган бойликлар кўп, масалан шаҳарга яқин жойда феруза кони мавжуд. Аммо, биз - маънавият кишилари учун Нишопурнинг энг катта бойликлари - Умар Хайём ва Фаридиддин Аттор каби буюк сиймолари азиз ва қадрлироқдир. Шунингдек, бу файзли шаҳарда юртдошимиз – шоир, олим ва мусаввир Адиб Собир Термизий (XI аср) ҳам кўп йиллар умргузаронлик қилган, таниқли давлат арбоби, маърифат ҳомийси, ал-жабр ва илми нуҷум олими Абулқосим Али бинни Жаъфар томонидан қурилган расадхонада ишлаган.*

## УМАР ХАЙЁМ

*Ҳаким, файласуф, риёзатчи-мунажжим, шоир Умар Хайём – Фиёсиддин Абдулфатх Умар ибн Иброҳим (XI асрнинг иккинчи ярми, XII аср бошлари) Нишопур, Балх, Бухоро, Самарқанд, Исфаҳон шаҳарларида ўқиган, илму фаннинг жуда кўп соҳалари билан изчил шуғулланган. Масалан, Исфаҳон расадхонаси олимларига раҳбарлик қилиб, бу ерда ал-жабр, фалакиёт бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. «Ал-жабр ва ал муқобала исботлари ҳақида рисола» асарида сонлардан бутун мусбат илдиз топшининг умумий қондасини математика тарихида илк бор исботлаган, Григорий календаридан ҳам аниқроқ қуёш тақвимини яратган, афсуски, бу ихтиро ўша пайтда соҳа билимдонларининг камлиги ва халқаро миқёсда оммалашмагани боис ҳаётга татбиқ этилмаган.*

*«Коинот ва унинг вазифалари ҳақида рисола», «Борлиқ ҳақида рисола», «Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола» ва бошқа ўнлаб фалсафий асарларида Пифагор, Арасту, Птоломей, Ал-Хоразмий, Ибн Сино каби улуғ мутафаккирларнинг қарашларини ёқлайди, шарҳлайди, муносабат билдиради, табиат сирлари, ҳаёт ҳақиқатини излайди, ўз кузатишлари, мулоҳазаларини баён этади.*

*Умар Хайёмнинг «Наврўзнама» асари Шарқ халқларининг Янги йил байрами бўлмиш Наврўз, унинг келиб чиқиши тарихи, аждодларимизнинг шу баҳор, шодлик айёми ила боғлиқ*

таомил, урф-одатлари тўғрисида муфассал маълумот бериш билан бирга, форс адабиёти тарихида наср жанри тараққиётига маълум даражада хизмат қилган.

Аммо Умар Хайёмга унинг дунёдаги кўп тилларга таржима қилинган рубоийлари оламушу мул шуҳрат келтиради. Шоирнинг ҳажман гоят сиқик, фалсафий теран, инсон ва ҳаёт, умрнинг ганиматлиги, уни хуш, мазмунли ўтказишига даъват этадиган, бадиий жиҳатдан юксак рубоийлари ҳали-ҳануз турлича талқин этилади. Бир замонлар (ҳатто ўзи ҳаётлигида ва энг кейинги шўро даврида) файласуф шоирни даҳрийга чиқардилар. Ҳолбуки, унинг асарлари муқаддимасидаги Аллоҳга ҳамду санолар ва Муҳаммад алайҳиссаломга салому саловотлар баёни, умри охирида Бухорога келиб сахиҳ ҳадислар тўплами муаллифи Имом Бухорийнинг қабрини зиёрат қилиб, сўнгги рубоийларидан бирида Тангрига истигфор айтгани, шундоқ исломий юрт-Эронда шоир шаънининг шунчалар иззату икромга буркалиб, хотирасига муҳташам ёдгорликлар бунёд этилгани бу галат фикрларнинг аксини исботлаб турибди. Ижодкор истеъдодининг кучи, сири ҳам шундаки, унинг асарларини ўқиган ҳар бир китобхон ўзича маъно ва гоя топади, ақли ва дунёқараши доирасида хулоса чиқаради.

Қисқаси, Умар Хайём тўрт сатрдан иборат бўлган шеърят тури – рубоийнинг мумтоз адабиётимизда мустақил асар - жанр сифатида шаклланишига ва такомилга мислсиз ҳисса қўшган. Унинг бу борадаги ўзига хос анъаналари кейинчалик кўплаб аҳли қалам томонидан давом эттирилди ва давом эттирилмоқда. 1912-йили уммонга чўкиб кетган машҳур «Титаник» кемасида Умар Хайёмнинг рубоийлари қўлёзмаси ҳам бўлганлиги ва унинг қиммати ниҳоятда юқори баҳоланганлиги бежиз эмас, албатта.

**КЎХНА НИШОПУР КЎЧАЛАРИ БЎЙЛАБ БОРАР ЭКАНМИЗ, БЕИХТИЁР УМАР ХАЙЁМ РУБОУЙЛАРИ ЁДГА ТУШАДИ:**

**Сен-мендан олдин ҳам тун-кун бор эди,  
Айланган фалак ҳам бутун бор эди.  
Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,  
Бу тупроқ қаро кўз бир нигор эди.**

\*\*\*

**Сабодан бўлибди гул ёқаси чок,  
Гул юзидан булбул бўлмиш тарабнок.  
Гул тагида ўлтир, чунки жуда тез  
Гул ерга тўкилур, биз бўлурмиз хок.**

\*\*\*

**Маст булбул йўл олди гулистон томон,  
Унда топди бода ҳам гули хандон.  
Юрак тили билан шивирлаб айтди:  
«Бўш қўйма, ўтган умр қайтмас ҳеч қачон!»**

\*\*\*

**Юрагим қонидан юз хона вайрон,  
Уввос тортувимдан кўрқинч юз чандон.  
Ҳар бир кипригимда қон дарёси бор,  
Киприклар юмилса боиланур тўфон.**

\*\*\*

**Афсуски, йигитлик мавсуми битди,  
Кўклам ўтиб кетди, қиш келиб етди.**

**Ёшлик деб аталган у севинч қуши,  
Билмадим, қачонлар келди-ю кетди.**

\*\*\*

*Ишқдир абадийлик авжида офтоб,  
Ҳаёт чаманида толедан хитоб.  
Булбул каби нола қилмоқ ишқ эмас,  
Ишқ – нола қилмаслик бўлсанг юз хароб.*

\*\*\*

*Бир ғариб кўнглини эта олсанг шод –  
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.  
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,  
Афзалдир юз қулни қилмоқдан озод.*

\*\*\*

*Ариқ лабидаги ҳар гийҳ, кўкат –  
Малакдай гўзалнинг юзидаги хат.  
Бу сабза лоладек юзлар тупроғи,  
Сабзага авайлаб оёқ кўй зоят.*

Шаҳар марказида бир неча тарихий обида бўлиб, энг содда, камтарона, айна вақтда кўркам қурилган, Умар Хайём хотирасига бағишлаб бунёд этилган, расмий маълумот-китобларда «Павильон-ротон» деб номланувчи сағана-ёдгорликдир. Одатий мақбаралардан батамом фарқ қилувчи мазкур қурилма дабдурустдан назар ташлаганда қабр устига тикланган иншоотга ҳам ўхшамасди: қабр тоши атрофида салобат, виқор билан кўкка бўй чўзган, узун ромб шаклидаги ўнта гулдор, нақшли мраммар-бетон устун ярим йўлда бири бири билан кесишиб, гўё геометрик бурчаклар ҳосил қилиб, учлари гумбазсимон кўринишда тутшиб кетган. Бир қарасангиз, илму нужумга ишоратдай, тўғарак жаҳон - фалакиёт рамзидай... Яна бир боқсангиз, гулчамбарни ҳам эслатиб юборади. Сарасаф солиб кузатсангиз, ўтовга, томи баланд қилиб кўтарилган чодирга ҳам менгзаш мумкин. Зеро, шоирнинг таҳаллуси «Хайём» ота касби чодирдўзликдан олинган-ку.

Менинг назаримда эса, дахма Умар Хайёмнинг рубоийларига қиёсан, тақлидан яратилгандай: сиртдан соддага ўхшайди – кам сўз - ашё сарфланган, лекин ҳар хил маъно, турли жило таралиб туради.

**РИВОЯТ.** *Мактабдош уч дўст – Низом-ул-мулк, Ҳасан Саббоҳ ва Умар Хайём бир-бирларига бир умр садоқатли бўлишга, қай бирлари юксак мартабага кўтарилса, бошқаларига ҳомийлик қилишга ваъдалашадилар. Воқеан, Низом-ул-мулк мансаб тиллапояларидан юқорилаб, салжуқийлар сулоласининг подшоҳи Маликшоҳга вазир даражасига етишади. Ҳасан Саббоҳ йирик руҳоний бўлиб кетади. Умар Хайём эса илму ижод йўлидан бориб, қашшоқликда кун кечиради. Бир куни у Низом-ул-мулкка болаликдаги онтларини эслатганда: «Сенга Нишопур ҳокимлигини бердим», дейди вазир, биродари содиқ. «Улусга ҳокимлик қўлимдан келмас, - деб эътироз билдиради Умар Хайём. – Яхшиси буюр, менга йилда бир бора нафақа берсинлар, бир пиёла сариқ сув, бир бурда нон билан куним ўтар, илм чўққиларини эгалласам бас». Низом-ул-мулк Нишопурдан келадиган солиқлардан дўстига 10 минг динор нафақа тайинлайди.*

Умар Хайём ёдгорлиги рўпарасида жойлашган Имомзода Муҳаммад Мохруҳ номидаги ҳашаматли, аммо эски мақбара-масжид остонасида хуфтон намозини ўқиб чиқаётганларга дуч келдик. Менинг эътиборимни аксарият кекса эркакларнинг ихчам, қотмалиги ўзига қаратди. Таажжубки, қора ҳижоб ёпинган аёллар ҳам шундай эди.

**ФАРИДУДДИН АТТОР**



*Форс-тожик мутафаккири, тасаввуф шеърятининг йирик намояндаларидан бири, «сирлар жавохирини тузувчи» (Навоий) Шайх Фаридуддин Аттор – Муҳаммад ибн Абубакр бинни Иброҳим ўн иккинчи аср ўрталарида, ҳижрий 513 йилда Нишопур яқинидаги Хадкана қишлоғида таваллуд топган. Сўфийликнинг таниқли тарғиботчиларидан Боязид Бистомий (IX-аср), Хусайн ибн Мансур ал-Халлож (IX-X асрлар) зояларини давом эттирган. У ўз асарларида инсон ва табиат хусусиятлари, ахлоқ ва маданият, яхшилик ва ёмонлик, камтарлик ва такаббурлик, олижаноблик ва худбинлик ҳақидаги эзгу қарашларини рамзий кучлар, тимсоллар воситасида ифодалаб, дўстликни, вафо, садоқат, сахийлик каби одамий фазилатларни улуғлайди, ижтимоий иллатларни қоралайди.*

*«Султон-ул ҳақиқатёр» деб ном қозонган шайх ва шоир Фаридуддин Атторнинг турли соҳа ва мавзуларда «Мухторнома», «Хисравнома», «Асрорнома», «Булбулнома», «Гул ва Хурмуз», «Уштурнома», «Васиятнома», «Илоҳийнома», «Меъроржнома», «Мусибатнома», «Жавохирнома» ва бошқа ўнлаб асарлари маълум. Шулар жумласига кирувчи «Тазкират ул-авлиё» ислом оламида мўътабар, «Мантиқ ут-тайр» эса маънавият, бадиият аҳли ўртасида машҳуру мукаррамдир.*

*«Буюк тилшунос, юзларга боқиб юракларни ўқувчи», ўзи ҳам авлиё мақомини олган бу улуғ зотнинг «Гўзал ахлоқ битиги» дея таърифланмиш «Тазкират ул-авлиё» («Авлиёлар китоби») рисоласида пировард мақсад-мазмун имон-этикод собитлиги, маънавий-руҳий поклик, комил инсонликка эришиш йўллари валийларнинг ибратли ҳаётлари, ҳайратомуз кароматлари, ўғитлари, ҳис-туйғулари мисолида кўрсатилади.*

*«Тазкират ул-авлиё» («Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти) асарининг (Мирзо Кенжабек таржимаси) иловасида нақл этилишича, шоири аллома 29 йил Нишопурда, 85 йил Шодибах шаҳрида яшаган.*

*Жалолиддин Румий Балхдан қувғин қилинган отаси Баҳоуддин Валад билан Маккаи мукаррамага бораётганида Нишопурда Фаридуддин Аттор ҳузурига киришган ва бўлғуси улуғ донишманд пир, устоз дийдори, суҳбатидан баҳра олган. Мавлоно у маҳал ёш бола, Аттор эса кексайган эди. Жалолиддинга «Асрорнома» асарини ҳадя қилади. У китобни ёнидан қўймай, доимо ўзи билан олиб, ўқиб юради.*

*Фаридуддин Аттор вафоти билан боғлиқ бир ривоят машҳурдир. Шайх Аттор умрининг охирида узлатни ихтиёр этган. 124 ёшга етганда мўғул Чингизхон аскарлари қўлига асир тушиб қолганида бир муштарий-харидор уни минг дирҳамга сотиб олмоқчи бўлади. «Ўз асарларида инсоннинг камолот йўлини чизиб берган, ўнлаб шеърини китоблари ила дунёга донг таратган, лекин ҳеч қачон давлатдорлар ва сарватдорлар мадҳида қаламини булғамаган бир сиймо» (Радий Фиш) бу ҳимматни рад этади:*

*- Сотма, - дейди душман аскарига, - менинг нарҳим бундан баланддир.*

*Охири яна бир мўғул навқари шеригини масҳара қилиб:*

*- Бу пирни бир қоп сомонга сотасанми? – деб сўрайди. Шунда Шайх:*

*- Энди сотгил, менинг нарҳим шудир, - дейди.*

*Ҳазабланган мўғул навқари қари, заиф чолнинг бўйнига қилич тортади ва ҳазрати Аттор шу тариқа кофирлар қўлида шаҳид ўлади.*

*Тасаввуф мулкининг дурдоналаридан бири саналмиш «Мантиқ ут-тайр» асари бутун Шарқ маданияти оламида беқиёс шуҳрат қозонган. У Жалолиддин Румий, Маҳмуд Шобустарий ва бошқа йирик шоирлар ижодига кучли таъсир кўрсатган. Ўша руҳда, ўша мавзуда яна бир қанча асарлар вужудга келган.*

*«Бу дунёнинг энг тоза гавҳарларини бағрига жо этган» (Р.Фиш) «Мантиқ ут-тайр»ни ёд олган ва унинг таассуротлари ва таъсиротларини бир умр онгида, юраги қатида сақлаб юрган Алишер Навоий ҳам ниҳоят, умри поёнида у мўътабар асарга жавоб, тазмин тарзида «Лисон ут-тайр» («Куш тили») асарини ёзган.*

*Фаридуддин Аттор мақбараси, шаҳардан бир неча чақирим кун чиқишда, боғсимон, хиёбонсифат жойда бўлиб, яқин-атрофида бир-икки тижорат дўкончасию чокқина емакхонадан бошқа бино йўқ, унга олиб борадиган йўл ҳам алоҳида, кенг, текис, икки бетида ножулар саф торган, шинам эди.*

Афсуски, кечиккандик. Ёдгорликнинг ишчи-хизматчилари кетиб қолишганди, ҳатто қоровулни ҳам топиб бўлмади. Мақбарани теварагидан - темир панжара орасидан ва устидан томоша қилиш билан чекланишдан ўзга чорамиз йўқ эди. Зиёратчилар учун рус тилида чиқарилган «Нишабура» сарлавҳали, тўғрироғи русчага нўноқларча ўгирилган суратли букламда (уни бизга Хайём сағанаси олдида беришди) шундай фикр ва далиллар битилган эди: Шайх Фаридуддин Аттор Нишопурийнинг мақбараси дастлаб шаҳар бош қозисининг саъй-ҳаракати билан барпо этилган. Мазкур сағана бузилиб кетгач, Алишер Навоий Аттор қабри устига чиройли бир даҳма қурдирган. Аммо у мақбара ҳам Кожорлар ҳукмронлигининг сўнгги даврларида вайрон бўлган. Ҳозирги ёдгорлик 1341 (ҳижрий-қамарий бўлса керак – Қ.К.) Миллий мерос жамияти томонидан буржи мусамман усулида икки гумбазли қилиб тикланган.

Фаридуддин Аттор ёдгорлиги яқинида яна бир тарихий обида - ўз даврининг етук ижодкорларидан бўлган Камололмулк сағанаси ҳам бор. У мумтоз меъморчилик билан замонавий биносозлик анъаналарини мужассамлантирган тарзда қад кўтарганлиги нуқтаи назаридан ўзига хос ва кўркем иншоот ҳисобланади.

## ОДАМЛАР ВА ОТЛАР

Вақт кеч бўлишига қарамай Нишопурдан жўнаб юбордик. Икки соатча юриб, дурустроқ жойда тунамоқчи эдик. Бир адашдик. Шу адашиш жараёнида Сабзавор бикинидан ҳам ўтдик.

*Сарбадорлар давлати вужудга келган, ўн тўртинчи аср охирида Амир Темури ўз мамлакатини ҳудудига қўшиб олган бу таниқли шаҳарга маълум муддат Алишер Навоийнинг отаси Фиёсиддин Кичкина ҳокимлик қилганини эсладик.*

*Сабзавор билан боғлиқ, хотирлашга муносиб яна бир далил, тарихий шахс бор эди – бу қадимий шаҳарда теран маъноли, нозик қочиримлар, лутфларга мўл ҳикоятлар устаси, кўҳна ва бой Шарқ адабиётида биринчи бўлиб ўзидан аввал ўтган буюк тарихий шахслар, адиблар ҳақидаги нақлу ривоятларни тўплаб, катта адабий-илмий қимматга эга бўлган «Латоиф-ут-тавоиф» («Турли тоифалар тўғрисидаги латифалар») деган китобига жамлаган ва Алишер Навоийнинг юксак баҳосини қозонган Мавлоно Фахриддин Али Сафий таваллуд топган. Бўлажак адиб ёшлигида Ҳирот мадрасаларида ўқиб, Абдурахмон Жомийдек устоз таълимини олган, кейинчалик Самарқандга келиб, Хожас Убайдулло Аҳрорга котиблик қилган.*

### **Сайфий ҳикоятларидан**

- Шўрвани араб тилида нима дейдилар? – сўрашибди бир арабдан.
- Сахун! – жавоб берибди араб.
- Совугини-чи? – яна сўрашибди.
- Биз шўрвани совутмасдан ичиб қўямиз, - дебди у ҳозиржавоблик билан.

\* \* \*

*Ота-бола айбдорни ҳоким олдига келтиришиб, аввал отани юз дарра урдилар – ота вой, демади. Аммо ўглини ётқизиб, бир дарра уришлари ҳамон «оҳ!» деб юборди.*

*- Ўзинг юз дарра калтак еганингда гинг демадинг, нега энди бунга бир дарра уришимиз билан фарёд чекасан? – деб сўрашибди.*

*- Аввалги калтаклар менинг танамга ботганди, бу зарба жигаримга тегди, - дебди падари бузруквор.*

Узоқ юриб, Султонобод, Феруз, Бузғон, Чаканд шаҳарчаларидан ўтиб, Эрон вақти билан кечки ўн бир, бизда тунги ўн икки ярим – кечанинг деярли қоқ белида Кучан шаҳрига етиб бордик. Меҳмонхона излаб чорак кам бир соат кўча кездик. Ниҳоят, бир мусофирхона (бундан бошқа сўз билан таъбирлаб бўлмайди) топдик. Уйқутираб эшикни очган мулозим – пастак бўйли кекса киши бизни хушламайгина қарши олди, тезроқ киришга даъват этиб,

остона ҳатлаб ўтишимиз билан анча путурдан кетган ёғоч эшикни шарақлатиб ёпди, ҳатто автобусда қолаётган Илҳомжонга «яхши ётиб турунг» дейишга ҳам улгурмадик.

Отахон бизни кичкина, бесаришта ҳовлидаги бинонинг иккинчи қаватига тор, ғирчиллайдиган лиқилдоқ зиналар билан бошлаб чиқди-да, икки хонани кўрсатди. Бирига опалар киришди, иккинчисига – биз. Кўнглимизга унча ўтиришмади, бошқа кенгроқ, дурустроқ хона йўқми, деб сўраб эдик, чол жуссасига ярашмаган кўрелик билан:

- Йўқ, хоҳласанглар шу, - деди, - ярим кечада келишадию тагин жой танлашади, - деб тўнғиллади яна.

- Ҳай, майли, - дедик ноилож. Чарчаганимиз учун апил-тапил ечинишга киришдик. Тавозе юзасидан бир оз пойгаҳ ҳам талашдик. Лекин энди уйкуси очилиб кетган жиккак қария каравотлардан бирига астойдил ўтириб олиб, бизни суриштиришга ва гапга солишга тушди. Уй эгасини чиқиб кетинг, дейиш ноқулай, бунинг устига, сиркаси сув кўтармайдиганроққа ўхшаб турибди. Тўнни тескари кийиб олмасин, шу жойдан ҳам маҳрум бўлиб қолмайлик, деб эснаб-эснаб ўтирдик. «Очилган кўрик» рўмонидаги Шчукар бобони эслатадиган хожи Қуломон бобо етмиш саккиз ёшда экан. Асли амали нима билмадиг-у, ўзини худди хўжайиндай тутарди. Икки марта ҳаж қилибди. (Лекин у Маккаи мукаррамани назарда тутдими, Машҳад(Имом Ризо ҳарами)ними – сўрамадик. Соч-соқоли бир хил ранг - кумушсимон, бир хил қалинликда – қисқа; соқоли махсус қўйилмаганга, шунчаки ўсиб кетганга ўхшарди.

Мўйсафид қувгина, шайтонгина эди. Гапириш асносида эҳтиросга берилганида бармоқларини силтаб қисирлатар, гоҳ-гоҳ тишлари орасидан хуштак чалиб қўярди. Аслида ёшига номуносиб бу бачкана қилиқлар ўзига ярашиб турар, лекин азбаройи толиққанимиздан унинг алмойи-алжойи гапларини кесишга мажбур бўлдик.

*26 декабрь, жума*

Шундай қилиб, бир-бирига тегиб турган каравотларга тўртовлон жойлашдик. Каравотлар тахтали экан. Энг басавлатимиз Зайнобиддин аканинг бели оғрир эди, қаттиқ ва тор ўрин фойда берди шекилли, сахар анча дадил турди. Ҳатто бомдодни ҳам каравот устида бошлари пастак шифтга тегай-тегай деб, бироз энгашиб ўкидилар (ерда ўқишга жой ҳам йўқ эди-да).

Илҳомжон ювингани кирди. Яхши ухлай олмаганми, машқи пастроқ эди. Бояқиш автобусда совқотган бўлса керак. Кеча рўлда узоқ юриб чарчаган эди. Бунинг устига раҳбар:

- Илҳомжон, қалайсиз, совқотмадингизми? – деди одатдагидай баланд, тантанавор овозда, гўё шу оҳанг билан унга далда, руҳ бермоқчи бўлгандай.

- Ҳм, - деб қўйди Илҳомжон. Бошқа нимаям десин.

Бомдоддан кейин йўлга чиқдик.

Ширвондан ўтдик. Йўлга гап йўқ. Икки томон даштликлар, ҳайдалган, ҳайдалмаган, нимадир экилган, экилмаган бепоён ерлар. Аммо дарахт дегани жуда кам. Яқин-узоқ тоғлар бепоёнликка қандайдир руҳ, файз бағишлаб тургандай...

Машина ичи совук.

Шаҳар ва шаҳарчалар батартиб, озода. Дўконлар сероб. Шаҳру йўлларда кундузгию тунги чироқлар беҳад кўп: чекка, хилват жойларда ҳам ҳадиксиз юриш мумкин.

Божурга яқинлашяпмиз. Кўчадаги оқ хошия-чизиқлар, улар ўртасидаги сариқ рангли тунги ёритгичлар йўлнинг беагидек. Турли кўрсатгич-белгилар беҳисоб.

Паст тоғ ёнбошлари ва қиршовларида бир-бирига ўхшаш уйлар... Ажабки, томлари текис - шиферли, тунукалиги йўқ. Қандайдир шийпоннамо бинолар тепаси эса оқ тунука билан ёпилган эди.

Божурга кираверишда, шаҳар ичида ҳам, йўлнинг икки тарафи, ўртадаги бульварларда турли дарахтлар, хусусан, қарағай ва арча кўп эди.

Шаҳарни кесиб ўтадиган кўчада нон ёпишаётган экан. Зобитлар камаридан энлироқ, узун-узун - тасма нон деса ҳам бўлади. Ўн дона олдик. Пул берсак, мехмон экансизлар, деб

қайтаришди. Салдан кейин бир ошхонада 1 термос доғ сув учун 150 туман тўладик! Жойлар банд экан, қўшни ошхона столида (йўл бўйидаги бундай емакхоналар ниҳоятда тор, ташқарига икки ё учта стол қўйилган эди) ўтириб тамадди қилаётганимизда эгасининг ғашни келиб, тўнғиллади. Ўзи ҳам тунд одам эди...

Бир оз юрганимиздан кейин автобусга солярка қўймоқчи эдик, навбат катта, машиналар уч саф эди, нотўғри туриб олган эканмиз, бир ҳайдовчи ўз ўрнини бериб, манави қаторга кириб олинганлар, бўлмаса, сизларга ҳали-вери навбат етмайди, деди.

Ҳа, шунақа дунё-да бу!..

Бир тепаликдаги қадди-қомати келишган от сурати ҳаммамизнинг диққатимизни тортди. Унинг ёнига йирик хуснихат билан «Туркман оти – дунёда энг олий зотли отдир» деган ёзувли улкан панно ўрнатилган эди.

- Демак, шу яқин-атрофда туркманлар яшайди ва уларнинг йилқичилик хўжалиги бўлса керак, - деди Зокиржон ака.

Шу муносабат билан отлардан гап очилди. Ҳайвон турларидан инсонга энг яқин ва садоқатли бўлган бу ақлли жониворнинг турлари, фазилатлари тўғрисида ҳар ким ўқиган, эшитганини ўртага ташлади.

Отларнинг келиб чиқиши хусусида тахминий мулоҳазалар бору, аниқ далиллар йўқ. Аммо аввалда ёввойи ҳайвонлар сирасида эркин юрган бу жониворларнинг хонакилаштирилиб, тизгин урилганига беш минг йилдан ошган, деб ёзадилар. Уларнинг зоти икки юздан ортиқ бўлиб, оғир юк тортадиган, йўртоқи (йўрға), аравакаш, спорт отлари, бўрдоқига боқиладиган, қимиз олишга мўлжалланган ва бошқа турларга бўлинади. Уларнинг номлари ҳам ранг-баранг ва ўзига хос: владимир, першерон, голланд йўрғалари, америка стандартбереди, фин, немис, венгер, латиш отлари, шунингдек, қирғиз, кабарда, лақай, қорабоғ, ахалтака, араби, кариб, ёвмут, барбари ва ҳоказо...

Ўзбекистонда эса отларга уларнинг туси, ташқи алоҳида белгиларига, феъл-атвориغا қараб исм қўядилар: жайрон, саман, кўкқашқа, қорабайир, тўрик, захча кўз...

Отларнинг ақллилиги, инсон зотига дўстлиги, эгасига садоқати ва бошқа сифатлари акс эттирилган ҳужжатли, бадий асарлар, фильмлар кўп. Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» қиссаси эса захматқаш от (аслида рамзий, албатта) таржимаи ҳоли, умрлик фаолияти, инсоният, жамият ҳаётида тутган ўрни, чеккан азобу уқубатлари, аламли кексалик қисматиға бағишланган, яъни от йирик ва зўр бир асарнинг бош қаҳрамони тимсолида гавдалантирилган.

От ҳақидаги ривояту ҳикматнинг саноғи йўқ.

Мен сохти-сумбатидан мардоналик, шиддат, жўшқинлик ғейлиб турадиган бу гўзал маҳлуқнинг айниқса бир хислатига қойил қоламан. Айғир қариндош байталга «яқинлашмас» экан. Мабодо зот олиш мақсадида онаси ё бошқа авлодига кўзини боғлаб оштиришса ва айғир кейин у бияни таниб қолса, баландликдан жарга сакраб ўзини ҳалок қиларкан! (Бу балки кўпчиликка маълум гапдир, лекин беҳабар кимса бўлса, билиб қўйсин, деган маънода зикр этдим).

## ГУРГОН – ҚАДИМИЙ АСТРОБОД

Оппоқ қор билан қопланган бу ҳудудларда қуёш чарақламоқда эди.

«Сафарингиз бехатар бўлсин!», «Оҳиста юринг!» каби ёзув-шиорлар кишида қандайдир илиқ кайфият ҳосил қиларди. Унча баланд бўлмаган, «чиғаноқ»лари нисбатан кам довларда ҳам «Эҳтиёткорлик – саломатлигингиз гарови» деган лавҳа ҳайдовчи ва йўловчиларни хушёрликка, сергакликка даъват этарди.

Узоқдаги баргсиз дарахтлар ва ҳар турли хандасавий шаклларни эслатувчи пастак тоғлар ҳайратни оширади.

Йўлда «ДАН» назоратчилари борлигидан огоҳлантириб чироқ ёқиб ўтиш бу ёқларда ҳам бор экан, демак, бу борада бутун дунё ҳайдовчиларининг тили бир, яқдил шекилли-да.

Салдан кейин исиб, тўнларни ечдик, телпакларни дўппига алмаштирдик.

Озод шаҳрига ўн чақирим қолганда тоғлар йириклашиб, йўлни қуршаб олди. Уларнинг туси, шакли-шамойили ўзгача - қалин дарахтли тоғлар. Йўл ёқалаб кетган дарасимон пастликдаги дарахтларнинг бир дона ҳам япроғи йўқлиги учун қуриб қолгандай кўринарди. Шунчалар зички, уларни барги билан тасаввур қилиб, ёпирай, дейсиз.

Минудафт шаҳридан чиқаверишдаги манзара гўзал эди. Ўнгдаги текис қора тупроқли ерлар, чапдаги адирлар, паст тоғларнинг ёнлари шудгорланган, пушта тортилиб, экишга тахт қилиб кўйилган эди. Ора-орада, катта-катта майдонларда қаричга келган ям-яшил буғдой гўё оламга ҳусн бериб турибди.

## **ТУТЗОР, АПЕЛЬСИН ВА БОШҚА МЕВАЛИ БОҒЛАР... ҚИРШОВЛАРИ АРЧАЗОР ТОҒЛАР...**

Томлар асосан шийпонсифат...

Шу йўлда Алиобод деган учта қишлоқ ва бир шаҳар бор экан. Бу – шиаларнинг тўртинчи халифа Ҳазрат Али ибн Толибни ниҳоятда улуғлашларидан нишонадир (Аммо, Муҳаммадобод деган жойлар ҳам кам эмас).

Бу ҳудудларда, хусусан айланма йўл ўртасидаги майдонлар, бульварларда танаси йўғон, барглари ингичкароқ турдаги чиройли пальма кўп эди.

Йўл бўйларида болалар гала-гала қилиб боқиб юрган кўй подалариларига дуч келдик.

Яна бир Алиобод деган манзилга етмай тушлик қилдик. Овқатларнинг нархи хийла қиммат эди: етти ҳисса гуруч-палов 14500 туман – 18 доллар!.. Лекин қатикхўрлик зўр бўлди. Бир банка қатик ва бир термос қайнаган сувни олижаноблик қилиб, бепул берворишди!

Шаҳардан чиққанда норинж, турунж боғлари бошланди: бўлак-бўлак, кўргазма учун махсус экилгандай; зангор япроқлар орасидан кўзга ташланадиган, деярли бир хил ҳажмдаги тўқ сариқ мевалари гўё қўл билан териб чиқилган каби эди. Бу ёқларда ҳатто ҳовлиларда ҳам нуқул апельсин ва мандарин етиштириш урф экан – бизнинг Гуркировда фақат анор экилгандай.

Илгарироқ Хуросон остони (вилояти)нинг бўш ётган бепоён ерларини кўриб, қишлоқ хўжалигига эътибор мундайроқ шекилли, деб ўйлаб эдим. Гулистон вилоятидан, хусусан Алиобод шаҳридан ўтгач, фикрим ўзгарди. Ерлар ниҳоятда текис ҳайдалган, чиройли эгатлар олинган эди. Шудгорланган ерларни яна қайта ҳайдашмоқда эди. Демак, булар «куз ҳайдасанг ҳам юз ҳайда», деган ақидага амал қилишади чоғи. Эҳтимол, тупроғи қаттиқ ё бошқа сабаби бордир. Лекин ҳар қандай ерга ҳам ишлов қанча кўп берилса, ҳосилдорлик шунча яхши бўлиши баҳс талаб масала эмас.

Катта-катта пайкалларга қарам, помидор ва бошқа полиз, сабзаёт экилган, экилмоқда эди. Цитрус ўсимликлари, гул кўчатлари раста бўлиб улғаймоқда, умуман самарасиз ер йўқ ҳисоби.

Тошкент вақти билан кечки соат бешларда Гулистон вилоятининг маркази Гургонга кириб борганимизда ҳаво анча илиқ, одамлар енгил кийимда юришар, аксарияти бош яланг эди.

Дарахтларнинг кўплиги, уларнинг йўл бўйларига, хиёбонларга тартиб билан экилганлиги шаҳарга чирой бағишлаб турарди.

*Ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган йирик шаҳарлардан бири Гургоннинг аввалги номи Астробод бўлиб, бронза давридаёқ жануби-шарқий Каспий бўйининг йирик марказларидан эди. Шаҳар яқинида олиб борилган қазималарда қўлга киритилган археологик топилмалар Астрободнинг милoddан аввалги 3-2-минг йилликлар давомида юксак тараққиётга эга бўлганлигидан шоҳидлик беради, дейилади манбаларда.*

*Астробод узоқ йиллар темурийлар салтанати таркибида бўлиб, айниқса, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги пайтларида энг бой ва муҳим вилоятлардан, умуман, мулки Хуросонда ҳар жиҳатдан пойтахт Ҳиротдан кейинги кент, таянч нуқта ҳисобланади, шу*

*боисдан у ерда асосан подшонинг хос, содиқ кишилари, валиаҳд шаҳзодалар ҳоким бўлганлар.*

Жумладан, мумтоз адабиётимизнинг кўкка бўй чўзган пойдор, сержило устунни, ғазал, нафақат ғазал, бадиият мулкининг султони-шоҳи, Ҳирот маданият-маърифат гулшанининг ўктам боғбони Навоий ҳам...

Астробод Туркман давлати билан чегарадош эди, мана шу ҳудудни мустаҳкамлаш, кўшнилар билан муносабатни яхшилаш зарурати туғилади. Академик Азиз Қаюмовнинг «Ажойиб кишилар ҳаёти» туркумидаги «Алишер Навоий» номли илмий-бадиий биографик асарида ва бошқа адабиётларда ёзилишича, туркман давлатининг ҳукмдори Ёқуббек Навоийни ғоятда ҳурмат қиларди.

Тарихий ва замонавий китобларда Алишер Навоийнинг Астрободга юборилиши сабаби борасида турлича фикрлар мавжуд. Яъни, Навоийнинг инсонпарварлиги, ҳалолу ростгўйлиги Султон Ҳусайн саройидаги айрим вазиру вазирлар қалбида ғашлик, ҳасад оловини ёқиб, улар адолатпарвар амир ва шоир устидан подшога такрор-такрор арз этадилар. Масалага яна ўзгача тус берувчилар – Ҳусайн Бойқаро ўз дўсти-кадрони, улкан истеъдод эгаси, нозук кўнгили шоири алломани ғаламис аёнлар қутқуси, ғараздан эҳтиёт қилиш мақсадида уни Ҳиротдан вақтинча узоқлаштириб туришни маъқул кўради, дегувчилар ҳам бор. Бизнингча, фарозларнинг бари ҳам маълум асосга эга эди. Ҳарнечук, аксарият тадқиқотчиларнинг қарашларида, бадиий асарларда Навоийнинг Астрободга ҳукмдор этиб тайинланишини Мир Алишернинг хоҳиш-иродасисиз юз бергандай, бу ҳодиса, бу даврни шоир умри дафтариининг зерикарли, зорлиғу изтиробларга тўла саҳифалари сифатида талқин қилишга мойиллик яққол сезилади.

Навоийнинг Астрободга юборилиши тафсилотлари улуғ шоир билан замондош атоқли муаррихларнинг китобларида ҳам қисман ёритилган. Жумладан, саҳоватпеша аллома ҳомийлигида камол топган Хондамир бобоси ва устози Мирхонднинг тарихий маълумотларини такрорлаб, давом эттиради: «...Олий макон хоқон (Султон Ҳусайн Бойқаро – Қ.К.)... Журжонда<sup>1</sup> ҳоким бўлиб турган амир Мўғулни пойтахтга чақириб олиш, султон ҳазратларининг яқин дўсти Низомуддин Алишерни дорулфатҳ Астрободнинг ҳокимлиги билан сарафроз қилишга майл қилди, равшан дилидаги сирни тўғри тадбирли амир олдида ўртага қўйганда, Тангрига шукрим, аввал тариқат сулукига муҳаббати ортиқлигидан муаттар хотирига хоқонийнинг муҳим ишларига қафил бўла олиши ва бу амрни қабул қилиши хусусида оғиз очмади. Лекин хоқон ўтиниб сўрагандан ва муболағадан кейин рози бўлди»<sup>2</sup>.

Тарихчи олимнинг таъкидлашича, адолат хислатли Амир (Навоий)нинг келиши муносабати билан уламою фузалолар бағоят мамнун бўладилар, раият, деҳқонлар амну омонликка, фароғат ва осудаликка эришадилар. Мозандарон, Рустамдор, Филон вилоятларининг ҳокимлари Астрободга туҳфалар билан элчилар юбориб, мулки Хуросон пешволаридан бирини ҳокимият тепасига келганлиги билан муборакбод айлашиб, унинг амру фармони адосига, яхши кўшничилик ришталарини мустаҳкам тутишга ҳозир эканликларини маълум қиладилар. Султон Ёқуб мирзо ҳам бир неча бор улуғ шоир-ҳокимга ишончли кишилари орқали шарафли либослар, тансиқ таомлар, Астробод раҳбарияти ва аҳли манфаатларига мос келадиган фармон ва ёрликлар жўнатиб, юксак илтифот кўргузади, камоли муҳаббат ва яқин дўстлик туйғуларини изҳор этади.

Албатта, ўз навбатида Алишер Навоий ҳам унга лутфу-марҳамат кўрсатганларнинг элчиларини от, зар, заррин чопонлар билан сийлаб, улар орқали мазкур ҳокимларга пешкашлар инъом этиб, ўзининг баланд ҳиммати ва олий мурувватини намён қилади. Бениҳоя давлатмандлиги, сарафрозлиги, адолатлилиги, раиятпарварлиги билан эл ва кўшнилар ҳурмати-эътиборини қозонади.

Атоқли шоир ва олийжаноб инсон Навоийнинг қадами қутлуғ келиб, туркманлар ва

<sup>1</sup> Журжон – Гургон (Астробод)нинг арабча номи.

<sup>2</sup> Навоий замондошлари хотирасида. Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 й, 125-бет.

бошқалар билан астрободликлар орасидаги муносабат ижобий томонга кескин ўзгаради, ўзаро савдо-сотик ишлари, биродарлик ривожга юз тутади.

Китоблардаги тасвирларга қараганда, Астробод табиати ўша замонда ҳам сўлим ва тароватли, шоирга илҳом бергучи манзаралар мўл бўлган.

Хуллас, Навоий Астрободда илму ижод билан ҳам, давлат юмушлари билан ҳам жиддий шуғулланади: идора ишларида тартиб ўрнатади, халққа зулму озор етказётган айрим мансабдорларни вазифасидан четлаштиради, олиму уламолар, шоиру фузалолар, аҳли санъат билан гурунглар, ижодий суҳбатлар уюштириб, уларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатади. Шаҳар ободончилиги борасида бир талай тадбирларни амалга оширади, «гул сочувчи Астробод ул кишининг шарофатли қадами баракотидан гулистони Эрамнинг рашкини келтиради<sup>1</sup>»ган даражага етади. Айни вақтда Навоий Ҳирот билан узвий алоқада бўлиб, Ҳусайн Бойқаро ва бошқаларга бот-бот мактублар ёзади, пойтахтдан олисда туриб ҳам подшо ва унинг амиру аъёнларини адлу инсофга, имону эътиқод мустаҳкамлигига, халқпарварлик ва маърифатпарварликка даъват этади.

Мутафаккир, адиб ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг Астрободда бор-йўғи икки йилга яқин (1487-88 йиллар) ҳокимлик қилиши музофот номининг кенг ёйилишига, янада раванқ ва шуҳрат топишига катта ҳисса қўшди. Раҳбаримизнинг узоқ бўлса ҳам, бу йўналишни танлаши боиси ҳам шу – бобокалонимиз, фахру ифтихоримиз қадами теккан заминни кўрмоқ, зиёрат қилмоқ орзуси эди. Аввалги сафарлар Эрон худудидан ўтганимизда бу кўҳна ва тарихий воқеаларга бой масканга йўлимиз тушмас ва Навоий қадамжоларини тавоф этиш армон бўлиб қолар эди. Аллоҳга шукрки, шул орзу-ниятимиз мустажоб бўлди, буюк армонларимиздан яна бири ушалди. Фақат Гургон замонавийлашиб, тарихий жойлар камайиб кетгани учунми, бино ва йўлларда, ножу ва арчаларнинг ям-яшил япроқлари қатида ҳазрат Навоий бўй-басти, нафаси сезилиб турганга, шахсан менинг тасаввуримдаги шаҳарга унчалик ўхшамасди. Лекин, барибир ёрқин туйғуларга тўлаётган кўнглимнинг таскин топаётганини аниқ ҳис қилардим.

Шаҳар марказидан тўғрига – Техронга, ўнгга Оқ қалъага кетилар эди. Биз шу тарафга бурилдик.

Икки ёқлама кенг йўл, далалар ям-яшил буғдойзор.

Оқ қалъа маркази Гургондан 15 километр экан. Ёнилғи куйиш шаҳобчасини топдик. Машина кўп эди, автобусни навбатга қўйиб қўйгач, ўша ердан Муҳаммад Содик таниши Мажид охунга сим қоқди.

Ободлиги ўртача, дов-дарахт нисбатан кам кўчаларда шоир Муҳаммад Юсуф ҳавас қилган узун кўйлак туркман қиз-аёллари шошилмай, бўйчан қадрларини кўз-кўзлагандай солланибгина юришарди.

Кўп ўтмай Мажид охуннинг вакили, марғилонлик савдогар Камол ҳожи ва салдан кейин унинг ўзи етиб келди-да, бизни бошлаб кетишди.

Торгина саҳнли ҳовлига кирдик. Саҳннинг чап томонида бир қаватли эскироқ, ўнг тарафда икки ошёнли янги уйлар бор эди. Тепага кўтарилдик. Даҳлиз ва меҳмонхоналарга қалин туркман гиламлари тўшалган, печкада газ гурилларди. Чироқ ҳам газга ёнаркан.

Иссиққина, ораста хонада суҳбатлашиб ўтирдик. Мажид охун бизнинг янги таъбиримиз билан айтганда – тадбиркор, «Мажид» фирмаси, тилла билан машғул савдо дўконига эга экан. Унинг айтишича, Оқ қалъада асосан туркманлар истиқомат қилишаркан. Иқтисодий аҳвол яхши, фақат бир ўкинчлари – туркман мактаби йўқ экан. Лаҳжаларига форсий сўзлар аралашиб кетгани учун гапларини англаш қийинроқ эди.

Бизни кутиб олишга чиққан Камол ҳожи Мажид охун билан ҳамкор экан. Улар дастлаб ҳаж йўлида танишиб қолишган, шундан бери борди-келди қилиб туришаркан. Ҳа, одамзотнинг шундай ажойиб фазилатлари бор-да – бу ер билан Фарғона ораси ҳазилакам масофами!

Мажид охун Самарқандда, Қўқон, Фарғона ва Андижонда бўлган экан. Камолжон бу шаҳардан катта юк машиналарида кўй ёғи (демак, Андижон бозорларида Эронники деб

<sup>1</sup> Юўоридаги китоб, 89-бет.

сотилаётган йирик, қизғиш думба мойлар шу ёқдан бораркан) олиб кетаркан. У Тошкентдан самолётда Техронга учиб келиб, Оқ қалъага такси кира қилиб келаркан.

Камолжон асли олий маълумотли агроном экан. Кейин маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлибди. Олти нафар фарзандидан ўн олти ёшли энг кенжаси оғзидан қон келадиган бўлиб, бир ярим йил дўхтирма-дўхтир, касалхонама-касалхона юрибди. Шундан кейин у савдога ўтибди.

- Қизларни чиқариш, ўғилларни уйлантириш керак, - дейди у Шафиқа хоним ҳасратини такрорлаб. – Муҳаммад пайғамбаримизнинг нафаси теккан савдода гап кўп экан. Худога шукур, мана, кам бўлмаямиз. Машинали бўлдим, рўзғорни эплаб олдим, хатто онамни ҳажга обориб келдим...

Дастурхонга таом тортилди. Шўрва – биздаги картошка кўғирма, фақат суви кўпроқ, оқ палов билан меҳмон қилишди.

Камолжон Бобур халқаро экспедицияси сафарларидан хабардор эди, шу ҳақда мезбонга сўзлаб ўтирди.

Мажид охун («охун» бу ерда домла, уламо маъносида)нинг издаҳомда бирга бўлган тадбиркор укалари Бобур халқаро фонди билан ҳамкорлик қилиш истагини изҳор этдилар.

Хонадон соҳибининг кичик ўғли - ўспирин Абдулланинг дастурхондаги ноз-неъматлар устидан хатлаб юришларини ҳисобга олмаганда, ҳаммаси жойида эди.

*27 декабрь, шанба*

Бепоён Эрон мамлакатининг бу қисмидан юришдан яна бир мақсад, юқорида зикр этилгандай, туркманларнинг улуғ мутафаккир ўғлони, эл дарди, эзгу умидлари, умр шиддати ва ҳикмати ила йўғрилган содда, халқчил шеърлари билан довруқ қозонган шоир Маҳтумқули - Фироғий (1733-1793 йиллар) қабрини зиёрат қилиб, унинг ҳоли-ҳолатини билмоқ эди. Лекин Муҳаммад Содик жанобларининг танишлари азбаройи у билан дийдорлашиб қолиш илинжидами, ё яхши билмасликлариданми, бизни чалғитишган, Оқ қалъадан Маҳтумқули абадий макон топган жойгача Қори домла телефонда эшитганидай 15 чақирим эмас, балки юз эллик километр экан. Бориб-келиши бир кунлик йўл демак. Экспедиция учун ҳар кун, ҳар соат санокли, ғанимат эди. Азонда янги биродарлар билан хайрлашиб, Техрон сари равона бўлмақдин ўзга чора қолмади. Биз билан кўришганидан айниқса, Камолжон кўп хурсанд бўлди ва бизни йўқлаб Андижонга албатта ўтишини билдириб қолди.

Гургондан кейинги шаҳарларнинг марказий кўчаси ўртасидаги бульвар-пушта, чорраҳалардаги йўл ўрталари ҳам чиройли пальма ва бошқа дарахтлар билан безантирилган эди.

Яна мандаринзор боғлар ёнидан ўтяпмиз. Идоралар олди ва ҳовлиларда ҳам шиғил мевали мандарин ё апельсин дарахтлари яшнаб турибди. Йўл-йўлакай Алишер Навоий Астробод иқлимини таърифлаб айтганидек, бир кунда тўрт фасл аломатларига гувоҳ бўлиб боряпмиз. Шудгорлаб қўйилган ерлар, раста-раста ўсиб ётган полиз экинлари баҳорни эслатар, сап-сарик пишган, баргидан кўп апельсин, мандарин мевалари айни ёздан – пишиқчиликдан нишона эди. Ҳолбуки, қиш эди.

Шаҳарлар оралиғида ўнлаб километр масофа бўйлаб саф тортган, икки қайрилма «шоҳ»ли устунларга осилган чироқлар тунги ҳайдовчилар йўлини нурафшон қилиб туради.

Бек («яхши» маъносида) шаҳри йўли бўйидаги уйлар қўш қаватли бўлиб, тепаси яшаш жойлари, биринчи қавати дўконлару устахоналардан иборат эди – худди Машҳад шаҳридаги каби...

Сори (Мозандарон вилояти маркази)нинг кенг ва равон, алвон-алвон чироқ-гуллар билан ясатилган йўлларини, гўзал хиёбонларини кўриб, аввалгидай ҳаяжонланмадик. Аввало, Эрон ҳудудида бундай жойларни кўравериб кўзларимиз кўникиб бормоқда, қолаверса, энди Ўзбекистонда, хусусан Андижонда ҳам чароғон, гулафшон кўчалар кўпайиб қолган эди.



Соридан Техронга икки йўл кетарди, биз Ферузкўҳ сари бурилдик.

Ферузкўҳ – қадимий, номи анча таниш қасабалардан. Бир қанча тарихий китобларда Соҳибкирон Амир Темурнинг Ферузкўҳ қалъасини<sup>1</sup> қандоқ осонлик билан қўлга киритгани баён қилинган. Хусусан, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида темурий жангчилар биринчи ҳамладаёқ Мозандароннинг эпчил, девсифат уч юз аскарлари кўриқлаб турган кўрғон шаҳарбандини забт этгани, «қалъа бошлиқлари бошни куллик чизигига ва қадамни итоаткорлик доирасига киритиб (қалъадан) чиқишгани, ҳазрат Соҳибкирон ўзининг подшоҳлик одатига кўра, уларнинг гуноҳ ва хатоларини афв айлаб, меҳрибонлик ва раҳм-шафқат ила тақдирлагани» ёзилган.

Гургон - Техрон автойўлининг қоқ ярмидан, яъни 215-километрдан кейин кечагидан пастрок, куюқ дарахтзорли доvon бошланди ва бу манзара узилиб-узилиб, анча давом этди. Ўнгда – йўл билан тоғ ўртасидаги чуқур сайхонликда шолидан бўшаган ерларда пода-пода кўйлар ўтлар, атрофда асалари қутилари ҳам сероб эди.

Ажабки, дарахтларнинг бўй-бастлари тоғ ёнбошларида ҳам, тепаларида ҳам, яъни кунгаю кун тушмас жойларда бир хил эди. Уларга куёшнинг таъсири йўқмикин?

Довонлар ҳамон бўлиниб-бўлиниб яна пайдо бўлади. Бўлак-бўлак – етим тоғлар кўп.

Икки томонда тоғлар тепасигача зина-зина бўлиб кетган (Кобулдагидай) ё кўндаланг тушган уйлар – деярли бари ғиштли, мрамор, оқ сувоклилари ҳам бор...

Кейин яланғоч сурмаранг тоғлар бошланди.

Бир неча кундан буён уйку чала эди. Бошларимиз эгилиб, беихтиёр тебрана бошлаймиз.

Бир жойда ёмғир севалаётган бўлади, салдан кейин – йўқ. Кун ҳам гоҳ кўринадди, гоҳ - йўқ.

Биз Эроннинг шимоли-шарқ қисмида бормоқдамиз.

Ниҳоятда содда ва бежирим, пухта, ёруғ ва озода, узун, айланали туннеллар учрайди. Ферузкўҳга етай деганимизда ана шундай ер ости йўлларининг иккитасидан ўтдик. Техронгача 150 километр қолди.

Тоғларда ола-чалпоқ қорлар...

Довон баланд, автобусимиз чираниб чиқиб бородир.

Довоннинг энг юқори қисмида ҳам устунларда чироқлар пориллайди.

Ферузкўҳни, доvруғи ва ёзув-лавҳаларда кўп зикр этилишига қараганда катта шаҳар бўлса керак, деб ўйловдим, ўртача бир туман марказича бор экан.

Чорраҳа ўртасидаги тўгарак майдонга алоҳида зеб бериш ҳамма жойда расм эди. Майдон баланд кўтарилиб, атрофи суйри қилинар ва манзарали дарахтлар экилиб, ораларида асосан қушларнинг ҳайкаллари ё қотирилган нусхалари парвоз ҳолатида ифодаланар эди. Умуман биз ўтиб келаётган йўл четлари, хиёбонларда паррандалар тасвири кўп: оққуш, балиқчи қуш, афсонавий қушлар... Ферузкўҳда ҳам шундай манзараларга гувоҳ бўлдик. Лекин ён-атрофда негадир парранда зоти кўринмасди. Кимда нима кам ё йўқ бўлса, шуни орзу қилади-да...

Техронга 130 километр қолди.

Қор майдалаб, бироқ шамол билан шиддатли ғёмоқда.

Довондаги ресторанда тушлик қилдик. Бир катта ва бир кичик сихдан кабоб, нон, чой, катик, бир неча палла пиёз 30 доллар бўлди!

Дарвоқе, аввалги сафарномаларни ўқиган ижодкор танишлардан бири «қорин тўйғазини ҳам баъзи ўринларда муаммо даражасига кўтариб юборибсиз» («кўп ёзибсиз» дейишдан истиҳола қилди чамаси) деб қолди. Бошқаларда ҳам шундай фикр туғилиши мумкин. Изоҳ шундай: овқатланиш ёки енгил тамадди жараёнларини муфассалроқ тасвирлашдан мурод, аввало, муайян юрт ё шаҳардаги миллий-маҳаллий озиқ-овқат турларини, уларнинг нарх-навосини, ошхоналардаги хизмат кўрсатиш одоби, маданиятини, пазандачилигини кўрсатиш, таққослаш бўлса, иккинчидан, ўз маҳаллий таомларига

<sup>1</sup> Ферузкўҳ; ўалъаси – Эрон шимолидаги Эльбрус тоёларида жойлашган ярта асрларга мансуб ўалъа, тозир харобалари бор.

ўрганган одамларнинг бошқа бир миллат ё халқ емакларига кўникиши қийинлиги, мижозлар, таъблар, дидлар хилма-хиллиги ва ўзига хослигини баҳоли қудрат акс эттирмоқдан, китобхонда маълум тушунча ҳосил қилмоқдан иборатдир. Масалан, биздаги ширмону, ундан ўтадиган седанали, сарғели – ғоят хуштаъм ва сифатига суқингиз кирадиган патир-нонларни мен бўлган юртдагилар етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган, деб бемалол айтишим мумкин. Миллион-миллион одамларнинг нонни ҳам чиройлироқ, мазалироқ пишириб ейишни билмаганларига ачиниб кетасиз. Палов, димламаю қозон кабобларни кўяверинг?! Қани энди, ўшаларга биттадан Самарқанд ё Марғилон нонидан, Тошкент ё Андижон паловидан икки қошиқдан улашиб чиқишнинг имкони бўлса!..

## ТЕХРОНДА

Техронга яқинлашяпмиз. Қор ҳамон бўраламоқда.

Шаҳар остонаси (катта бир мамлакат бўсағасидай туюлди менга)га етдик. Икки томондаги адирсимон тоғларнинг ёнларида, тепаларида, пастликларда, йўл четидаги жамики бўш майдонларда боқий яшиллик тимсоли бўлмиш арчалар қорни, совуқни писанд этмай, қунишмай, эгилмай, мағрур яшнаб турарди. Шунча катта ва ноқулай ҳудудларга кўчат ўтқазиб чиқишни эса оддий тасаввурга сиғдириш қийин эди!

Кўчанинг икки бетида раста ножузорлар бошланди.

Сўнг катта, кенг ва тўғри, бир неча сафли йўллар (ўртада автобус, троллейбуслар учун махсус қаторли)дан Техрон ичига кирдик. Автоулов қатнови Дехли, Лохур, Даккадагидай тиғиз, лекин у миллионер шаҳарлардан фарқли ўлароқ, бу ерда тартиб бор, ҳаракатланиш қоидаларига росмана риоя қилинарди. Рангли, осма назорат чироқлари ҳатто сонияларгача санаб турарди.

Меҳмонхона ахтаришга тушдик. Бир одам маслаҳати билан беш чақиримча орқага қайтдик (орқага қайтишнинг ўзи кўп душвор иш – анча олдинга юриб, айланиб келинади). Лекин тавсия этилган, шаҳар салобатига мос виқорли меҳмонхонанинг нархи ҳам баланд, фойесининг ўзи камбағалнинг эмас, бойнинг томорқасидан ҳам анча катта эди. Қора шол рўмолли икки форс қизи ва бир эркак маъмурлар билан Муҳаммад Содиқ менинг ҳавасимни келтириб тиллашди. Бошқа хоналарда ҳам ёш-ёш жувонлар ишлаб ўтиришибди. Уларда ҳижоб, баъзиларида ҳатто рўмол ҳам йўқ – ялангбош, костюмда...

Биринчи қаватнинг ўзида барча маиший хизмат масканлари, намозхона ҳам мавжуд эди.

Изланишда давом этдик.

Ҳўл қор ғёмоқда.

Йўлда, четроққа аранг чиқиб тўхтадик. Раҳбар билан таржимонимиз ўша атрофдаги маҳкамадан элчихонамизга қўнғироқ қилдилар. Элчихонамизда бизни, яъни Бобур халқаро экспедициясини кутишмоқда экан.

Такси ёлладик. Муҳаммад Содиқ унга ўтирди. Ортидан биз жўнадик. Кетяпмиз, кетяпмиз... Ёпирай, шаҳар дегани ҳам шу қадар улкан, бепоён бўладими? Кўчаларнинг тўғриси ҳам, айланаси ҳам, «чиғаноғи» ҳам кўп. Баланд бинолар беҳисоб, пурвиқор ранг-баранг.

Оппоқ қор, тунги чироқлар Техронга янада фусункорлик ва улуғворлик, сирлилик бағишлаётгандай эди.

Ҳамон айланиб-айланиб юряпмиз, худди тушдаги каби йўлимиз унмаётгандай, манзилга етай демаймиз. Агар такси бўлмаганда, ўзимиз эрталабгача шаҳарни кезиб чиқармидик, билмадим. Хуллас, таксичи ҳам Ўзбекистон элчихонаси манзили – Настарон кўчаси жойлашган Фармония мавзеини яхши билмас экан, адашиб-адашиб, сўраб-сўраб (бир хиёбон ёнидан тўрт марта ўтдик), салкам икки соатда ваколатхонамизни топдик. Элчимиз Икромжон Ақромов ва унинг ёрдамчилари кутиб олишди.

Такси ҳайдовчининг адашувига сабаб, у «Настарон»ни «Пастарон» деб (нарироқда шу

номдаги кўча ҳам бор) эшитган экан.

Бизни бир неча кўча нари Ниоворон боғи яқинидаги Эрон ташқи ишлар вазирлиги меҳмонхонасига олиб боришди. 3-қаватдаги рўпарама-рўпара бўлмаларга жойлашдик. Гап йўқ: хоналарда телевизор, магнитофонли катта радиоприёмник, креслолар, якка ва жуфт каравотлар, ювиниш хоналари... Полнинг очик ери йўқ – қалин палос тўшалган. Совутгичда турли-туман ширинликлар, анвойи идишларда салқин ичимликлар... Шулар орасида Бавариянинг спиртсиз пиволари ҳам маржондек териб кўйилганди.

Оқшом телевизорда шу куни Эроннинг Бам шаҳрида содир бўлган табиий офат – кучли zilzila туфайли юз берган вайронгарчилик, талофатларни намойиш этиб қолди. Аҳвол ўта нохуш ва аянчли эди. Зокиржон ака шитоблик билан Андижонга, ўғли Зоҳиджонга кўнғироқ қилди. Зоҳиджон Москва телевидениеси мазкур фожеада аввал йигирма беш минг, кейинроқ қирқ минг киши ҳалок бўлгани тўғрисида хабар берганини, биздан жуда хавотирланишаётганини билдирди. Раҳбар zilzila бўлган шаҳардан анча олисда, Техронда эканлигимизни айтиб, унинг кўнглини тинчитди.

Биз беихтиёр ўтган сафар - 2000 йили Ҳиндистоннинг Лакнов шаҳрида юрганимизда Москва матбуотининг «Непалда олти нафар қуролланган ўзбек қўлга олинди», деб хабар тарқатгани ҳам шундай ташвиш ва хавотирга сабаб бўлганини эсладик.

*28 декабрь, якшанба*

Эрталаб элчимиз, консулхонамиз котиби Низомиддин, элчихонамиз ходими Бобур ҳамроҳлигида Эрон Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Сиёсий ва халқаро тадқиқотлар институтига бордик. У ерда биз билан учрашув мўлжалланган эди.

Анжуманни институтнинг тарих ва маданият департаменти раиси жаноб Назар Оварий очиб, бизга мезбонларни (улар етти-саккиз киши эди) таништирар экан, бинонинг институт ҳузуридаги хорижий мамлакатлар билан алоқадор ҳужжатлар архиви эканлиги, унда қирқ миллиондан ортиқ қимматли далил-ашёлар мавжудлигини таъкидлаб ўтди. Кейин элчимиз Илҳомжон Акрамов Бобур халқаро фонди ва унинг илмий экспедицияси, уларнинг ташкилотчиси, раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Зокиржон Машрабов фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

Раҳбаримиз аввало Бам шаҳридаги zilzila туфайли Эрон халқи бошига тушган оғир мусибат муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилди. Бобур фондининг аждодларимиз қолдирган бой маданий меросларни тўплаш ва ўрганишдан иборат мақсад ва режалари, экспедициянинг ўтган гал кўхна ва бой тарихга эга бўлган Эрон мамлакати заминига қилган сафари чоғида амалга оширилган ишлар, изланишлар натижалари асосида яратилган фильмлар, китоблар ҳақида қисқача ахборот берди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда халқнинг маданий бойликларини, қадриятларини тиклаш, улуғ аждодларимиз хотирасини абадийлаштиришга эътибор мислсиз даражада кучайгани, Ал-Фарғоний, Исмоил Бухорий, Имом Термизий ва бошқаларнинг юбилейлари халқаро миқёсда нишонлангани, уларнинг қабр-мақбаралари батамом қайта таъмирланиб ободонлаштирилгани тўғрисида жўшиб гапирди. Эрон Ислом Республикасининг аввалги элчиси жаноб Наракиён илтимосига кўра, ноёб Усмон Қуръонининг фотонусхасини бир неча кун аввал Машҳаддаги Имом Ризо ҳарामी мажмуининг Қуръон китоблари мозийгоҳига топширганини алоҳида қайд этиб, деди:

- Бизнинг илтимосимиз, мақсадимиз иккита: Техрондаги миллий кутубхонада сақланаётган «Куллиёти Бобур» ва Имом Ризо ҳарामी музейидаги «Хатти Бобурий»дан нусха олиш. Бу борада кўрсатажак ёрдамларингиз, ўйлайманки, Ўзбекистон билан Эрон мамлакатлари ва халқлари ўртасидаги маданий алоқалар, ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига ва кучайишига хизмат қилади.

Сўзи ниҳоясида Зокиржон ака «Бобурнома»нинг Бобур фонди томонидан чоп этилган гўзал нашрини институт кутубхонасига ҳада этди.

Раис жаноблари ҳамдардлик ва китоб учун миннатдорчилик билдираркан, элчиларингиз сизлар учун кўп жон койитди, фикрлашиб турдик, ушбу тадбирни ҳам анча аввал у киши билан бамаслаҳат тайин қилган эдик, деди, яхши етиб келдиларингизми, муаммолар, кийинчиликлар бўлмадими, деб ҳол сўради. Раҳбаримиз ҳаммаси жойида, анча-мунча кийинчиликларга ўрганиб қолганмиз, дея лўқма солди жавоб ўрнида.

Назар Оварий ўрта бўйли, буғдойранг, камон қош, истарали, хушмуомала, хушчақчаққина эди. Кулранг, чакмонсимон – узун энсиз, бўғма ёқали кўйлак кийган. Ўнг кўлининг номсиз бармоғига кумуш узук таққан эди. Олди сийраклашган сочи ҳам кумуш ранг, калта кузалган соқоли сочига нисбатан оқ, мўйлови мош-гуруч. Сочининг бир вақтлар қалин ва жингалак бўлганлиги қолган қисмидан сезилиб турарди.

- Халқларимиз тарихи, адабиёти, дини муштаракдир, - дея асосий мавзуга кўчди раис, – қадимий илдизга эга бу яқинлик бизга қимматли меросларимизни биргаликда тиклашга асос беради, сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ривожланиб борар экан, маданий алоқалар ҳам тараққий қилиши керак. Бу жуда муҳим масала. Ҳар бир мамлакатнинг асосий бойлиги – бу унинг халқи ва у қолдирган маданий меросдир. Мен илмий изланишлар бўйича сизлар билан ҳамкорликка тайёрлигимни айтишдан мамнунман. Зеро, бундай ҳамкорлигимиз ҳам азалийдир. Мана шундай ташрифлар, делегациялар алмашинуви ғоят фойдалидир. Муҳими - давлатларимизнинг раҳбарлари ҳар томонлама ҳамкорлик тарафдорларидир. Сизларнинг илтимосингизга келсак, ўрганамиз, ўйлаймизки, албатта ҳал бўлажак. Ва умид қиламанки, сафарларингиз муваффақиятли давом этажак.

Раис жаноблари сўзининг якунида ўн олти жилдга мўлжалланган «Ислом қомуси»нинг ҳозирга қадар нашр этилган олти китобини (Бобур Мирзога оид саҳифалари алоҳида белгилаб қўйилган эди) экспедициямизга тўхфа қилди.

Зокиржон ака Назар Оварийни Андижонга лутфан таклиф қилди.

- Бизда меҳмонга чақирсанг, у жуда тез келиб қолади, деган мақол бор, - деб кулди раис, бошқа меҳмонлар ҳам унга жўр бўлдилар.

- Бош устига, - деди раҳбар ва раисга қарсақлар остида Бухоро зар чопонини кийгизди.

Мулоқот мобайнида ёнимда ўтирган Муҳаммад Содик пичирлаб: «Зокиржон аканинг фотоаппаратини тузатиб қўйдим», деб суюнчилади. У фотоаппаратни Машҳадда бузиб қўйган, шундан бери бояқиш хижолатда эди.

Муҳаммад Содик фотоаппарат, уяли телефон (аслида бу ибора бизнинг тилимизга мос эмас, уни жўнгина қўл ёки чўнтак телефон деявериш керак) каби майда-чуйда, нозик матоҳларни кавлашни яхши кўрар, уларнинг сиру асрорларини пухтароқ билиб олишга ҳаракат қилар, шунинг учун кўлига тушган нарсани бир пачоқлаб қайта тикламагунча кўнгли ўрнига тушмасди. Атоқли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг бир хутум<sup>1</sup> қария тўғрисидаги «Кўли қичиган чол» деган ҳикояси бўларди. Таржимонимизнинг ишларини кўрсам, ўша ҳикоя эсимга тушаверади.

Қайтишда бир ҳол эътиборимизни жалб этди.

Бамдаги зилзиладан зарар ва жабр кўрганлар учун Қизил Ярим ой жамияти томонидан муюлишларда, хиёбонларда хайрия қутилари, чодирлари ташкил этилган, уларга кимдир пул, кимдир кийим-бош, одеял ва бошқа нарсалар ташлаб кетишарди. Чунки Кермон (маҳаллий аҳоли, шу жумладан, техронликлар «Герман» талаффуз қилишади) вилояти маркази, пойтахтдан минг чақирим шарқи-жанубда жойлашган Бам – сайёҳлик ва маданий аҳамиятга молик катта, нуфузли шаҳар ер билан яксон бўлган, Эрон телевидениеси воқеа юз берган жойларни, ўлганлар, ярадорлар, девор-ғиштлар, бетонлар остида қолган кексалар, аёллар, болаларни, уларнинг фарёд уриб йиғлаётган жигаргўшаларини, бошқа аянчли манзара-ҳолатларни ҳеч яширмай, хаспўшламай дам-бадам кўрсатиб турарди. Юрт мотамзада эди.

<sup>1</sup> Андижон шевасида ўйзиўувчан, унга-бунга тегиनावерадиган, бузиб-кавлашга ишўибоз одамларга, кяпроў болаларга нисбатан ишлатиладиган ибора.

Низомиддин ва Бобурнинг айтишича, Эрон аҳолисининг сони кейинги йигирма икки йилда ўттиз милёндан олтмиш милёнга етган. 1970 йилларнинг охиридан урушлар туфайли мамлакатда, хусусан, қишлоқларда яшаш даражаси пасайиб кетгач, кўплар шаҳарга - марказга интила бошлаган. (Ҳамма жойда, барча замонларда шундай бўлади, чунки шаҳарда пул топиш имкони, йўллари кўп). Ўшанда Техрон нуфуси икки миллион бўлган, айна вақтда эса ўн-ўн уч милён орасида экан.

Собиқ шох Муҳаммад Ризо Паҳлавий даврида пойтахт аҳолисининг ортиб кетиши устидан назорат ўрнатилган эди, ҳозир унчалик эмас, дейишди, улар.

## ЭЛЧИХОНАДАГИ МУЛОҚОТ

Оқшом элчимиз бизни меҳмонга чақирди.

Элчихонамиз маҳкамаси мўъжазгина ҳовлили, кўш қаватли бинода эди. Фойеда икки мамлакат раҳнамолари биргаликда тушган суратлар, шунингдек, Ислоҳ Каримов, Муҳаммад Саид Ҳотамий ва Ҳамид Карзайнинг Техрондаги учрашувлари (2003 йил) тасвирлари, Ўзбекистон манзаралари, Соҳибқирон Амир Темур портрети, Алишер Навоий сиймоси туширилган пахта гулли ликоб, кўҳна Бухоронинг чинни буюмларга солинган расмларидан жонажон ватанамиз таровати уфуриб тургандай эди.

Фойе тўриси - расмий ва норасмий мулоқотларга мўлжалланган жойдаги диван, креслоларга энди ўтирган эдик, Илҳомжон Акрамовни телефонга чақиришди. Тошкентдан, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Норов эртага самолётда Бам зилзиласидан жабр кўрганлар учун ёрдам келаётганини хабар қилибди. Президентимиз болаларга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини тайинлабди.

Бироздан кейин Эроннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси жаноб Муҳсин Покойин кулимсираб кириб келди ва ҳаммамиз билан эски танишлардай (Зокиржон ака билан шубҳасиз қадрдон эди) бағирлашиб кўришди. Уни раҳбаримиз хоҳишига кўра элчимиз таклиф қилган экан.

Жаноб Покойин ҳақида кўп эшитгандим-у, ўзини кўрмагандим. У ўрта бўйли, қийғир бурун, соч-соқоли мошкичири киши эди.

Собиқ элчи ҳозир Эрон Ташқи ишлар вазирлигида департамент бошлиғи экан. Анча хушчақчақ, киришимликкина эди. Унинг бизда ишлаган даврларига оид воқеаларни эслашдилар. Ўзаро самимий илтифотли гаплар айтилди. Жумладан, Зокиржон ака Покойин жанобларининг Ўзбекистон билан Эрон ижтимоий-сиёсий муносабатларидагина эмас, маданий алоқаларида ҳам сезиларли из қолдирганини – шу соҳага озми-кўпми (у камтарлик юзасидан шу иборани қўллади) мансуб шахс сифатида эътироф этди. Собиқ элчи Бобур халқаро экспедицияси ва унинг салоҳиятли раҳбари Зокиржон Машрабовнинг мустақил Республикада маданий-маърифий ишлар юксалишига амалий, самарали ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Зеро, зар қадрини заргар билар, деганларидек, Муҳсин Покойин илмга, адабиётга дахлдор инсонлардан эди. У Эронда Ўзбекистонга оид рисоалар чоп этилишига ҳисса қўшиб келаётгани, жумладан, ўзи ҳам ўзбек халқининг машҳур тарихий достони «Алпомиш»га бағишлаб мақола ёзгани ва у Эрон мамлакатининг нуфузли жаридаларидан бирида босилганини айтиб, қалби ҳамон меҳмоннавоз, саховатли юртдан, жаннатмакон Фарғона водийсидан узилмагани тўғрисида лутф қилди.

Зокиржон ака гапни Бобур Мирзога, унинг «Хатти Бобурий» асарига бурди.

- Бу китоб нусхасининг маълум бир қисмини шахсан ўзим Бобур ватанига олиб бориб берганман, - деди Муҳсин Покойин ўз ишидан мамнун бўлиб.

Зокиржон ака мазкур парчанинг айна чоғда Бобур Миллий боғидаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейининг энг эътиборли жавонида сақланаётганини айтди.

Сухбат-мулоқот емакхонада, чой устида давом этди. Бу ерда Муҳсин Покойин кўпроқ сўзлади, бизга зарур маслаҳатлар, тавсиялар берди, йўл-йўриқлар кўрсатди. У айнан режа-мўлжалимиздаги шоирлар бўстони, машҳур Шероз шахридан эди. Унинг юртига

борганимизда Шайх Саъдий ва Хўжа Ҳофиз мақбараларидан ташқари, Тахти Жамшидни, Шамчиروق (Имом Ризонинг акаси Аҳмадий ибн Мусо) зиёратгоҳини, Қадимий мозийгоҳ, Бозори вакил, Масжиди вакил, Арки Каримхон («Хива аркига ўхшайди, фақат пастроқ ва ҳозир музей», дея изоҳ берди), Хожи Кирмоний ёдгорлиги ва бошқа тарихий-маданий обидаларни санаб, ҳаммасини таъриф-тавсифлаб, шуларни албатта кўриб, зиёрат қилишни тавсия этди. Бу даъватлар унинг ватанпарварлиги, маърифатпарварлигидан далолат эди.

Даврада форсий забон дўстлар билан бемалол тиллашиб ўтирган ҳамроҳимиз Муҳаммад Содиқ хожи Шайх Саъдий ҳақида сўз кетганда Машрику Мағрибда буюк сўз санъаткори сифатида шуҳрат қозонган шоир шеърларидан ёд ўқий бошлади:

***Баний одам аъзои якдийгаранд,  
Ки дар офаринаш зи як жавҳаранд.***

***Чу узве бадард оварад рўзгор,  
Дигар узв хоро номонад қарор...***

Покойин жаноблари давом эттирди:

***Ту кас меҳнати дийгарон безамий,  
Нашоядки номат ниҳанд одамий...***

- Улуғ алломаимизнинг мана шу байтлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси пештоқиға битиб қўйилган, - дея таъкидлади мезбон ғурурини яширмай.

Ҳикматлар дури бўлмиш ушбу шеърнинг ўзбекча матни бундай:

***Бани одам аъзои бир бадандир,  
Ҳаммаси бир моя, бир гавҳардандир.  
Танангда бир аъзо гар бўлса бемор,  
Ҳаммасида қолмас сабр ила қарор.  
Ўзгалар гамини чекмаса одам,  
Анга нолойқдир инсон деган ном.***

Бадий мероси башариятнинг барча маданиятли аҳлига тегишли бўлган Саъдий Шерозийнинг фалсафий сатрлари бутун дунё тинчликсеварлари, эзгу ниятли кишилари қадами узилмайдиган халқаро мўътабар бир даргоҳнинг шиорига, панд-даъватномасига айланиши, чиндан-да, ҳар бир шарқлик учун фахр ва ифтихордир.

- Шероздан кейин, Акбаркўҳда бир сарв дарахти бор - тўрт минг ёшда, уни ҳам албатта кўриб ўтиш керак, - дейди собиқ элчи. Шунингдек, у Язд, Қум, Ҳамадон, Табриз ва бошқа шаҳарларнинг ўзига хос фазилатлари, тарихий-маданий обидалари хусусида ҳам гапириб ўтди. Қум шаҳридаги ниҳоятда катта ва бой Оятилло Мараҳший кутубхонаси ҳақида алоҳида завқ-шавқ билан сўзлади. Ниҳоят, у Исфаҳон шаҳри билан кетиб, машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий юрти Язд билан қайтишни маслаҳат берди.

Зокиржон ака Шерозга албатта боришимиз, зеро у тарихий шаҳарда юртдошимиз, Ҳофиз Шерозий издоши, исмдоши Ҳофиз Хоразмий яшаганлиги, фақат унинг қабри қаердалигидан беҳабарлигимизни, мабодо шу масалага ҳам ойдинлик киритилса, бутун ўзбек халқи номидан миннатдор бўлишини айтди.

Муҳсин Покойин дарҳол қўл телефонида бир кимса билан боғланди. Таниши сал фурсатдан кейин Покойинга кўнғироқ қилиб (у ҳам бошқа бировдан сўради, чоғи), бу ҳақда аниқ маълумот йўқлигини билдирди. Муҳсин Покойин бошқа дахлдор кишилардан суриштириб, натижасини етказишга ваъда берди.

Суҳбат ғоят қизғин эди. Мулоқотда элчимиз Илҳомжон Акрамов ҳам фаол қатнашар, Муҳсин Покойин фикрларини тасдиқлаб, тўлдириб турарди. Унинг ўзи, Икромжон,

Низомиддинлар Покойин жанобларига таржимонлик қилишарди. Айниқса, Икромбой гапларни форсийдан ўзбекчага, ўзбекийдан форсчага жуда шитоб ўтирарди. Илҳомжон ўзига хос сиполик билан, салмоқлаб, Низомиддин паст овозда гапиришарди.

Бу ажойиб инсонларнинг ташрифимиздан, она юрт нафасини олиб келганимиздан хурсандликлари аён эди. Консулимизнинг иккинчи котиби Алишер Толипов, элчихонамиз ходими, ёш, қизиқувчан ва жўшқин Бобур... Зокиржон ака билан Покойин жаноблари тин олган пайтларда улар билан мутаржимсиз гаплашиб ўтирдик. Ватандошларимиз бизни, ўзимизнинг таомилга кўра, ноз-неъматлардан тановул қилиб ўтиришга қисташарди.

Овқатлар нўхат шўрва, норин (элчию унинг ўринбосарлари, консулимизнинг котиблари асосан тошкентлик) эди. Яна, биз соғинган таомлардан манти...

- Андижонликлар ошга уста бўлишади, барибир уларга ўхшатолмаймиз, деб палов қилмай кўя қолдик, - деди Илҳомжон қулиб ва бизнинг паловни таърифлаб кетди.

- Андижоннинг димламаси ҳам зўр, - деб қўшимча қилди Покойин.

Шу мавзу муносабати билан жаҳон таомлари ҳақида гап кетди. Ҳамма билганини ўртага ташлади.

- Биз кўп мамлакатнинг ошхоналарини кўрдик, лекин энг покиза, таъб тортиб танавул қилинадигани Эрон таомлари, - деди Зокиржон ака.

Муҳсин Покойиннинг бўйни чўзилгандек бўлди.

Гурунг чиндан-да қизғин эди.

Менинг қулоқларим мусохабадаю, нигоҳим хона деворларидаги суратларда эди. Бир ёнга осилган катта ромдаги картинада шимолий Эрон манзараси тасвирланган экан. Унга қараб кўзингиз яйрайди: анҳор ё кичикроқ дарё бўйи, сўкмоқ, ям-яшил майсалар, дарахтлар, ҳар турли пакана, бўйчан буталар ниҳоятда жонли ифодаланган. Расмни оғойи Киё деган рассом чизган экан.

Иккинчи томондаги деворда бир сурат-портрет бор эдики, уни, албатта, мутахассис каби таҳлил қила олмайман-у, оддий томошабин сифатида имкон қадар тасвирлаб, у ҳақдаги ўз тушунчам, таассуротларимни ўртоқлашгим келади. Ўзбекистонлик мусаввир Шокир мўйқаламига мансуб мазкур тасвирий санъат намунасида Мона Лиза сингари у қадар соҳибжамол эмасу, аммо ҳолати ёдда қоладиган жувон сиймоси акс эттирилган эди. Енги узун кўйлакли, пешонасининг ярмидан чамбарак қилиб танғиб ўраган рўмоли устидан ҳарир мато ташлаган. Мато остидан ақиқ лаблар бутун жозибаси билан кўриниб турарди. Қоши камон, қирра бурун. Бошини ўнг тарафга хиёл эгиб, нозик бармоқлари билан рўмол учини ияги узра енгил босиб, пастак, ярим йиқиқ девор ортидан қараб турарди. Жувоннинг орқасидаги фон - анор дарахтининг кам баргли шохиди бир неча мева қип-қизариб пишган, бир-иккитаси аёлнинг олди томонида ёрилган, яъни эзилган ҳолатда сочилиб ётарди. Доналари қон тусли пажмурда анор билан чехраси сўлиққан жувоннинг забун юрагида муштараклик, монандлик бордай... Ожизанинг қалбидаги бир олам ғусса, алам, иложсизлик, изтироб унинг ним очик кўзларидан балқиб турарди. Мунгли, маъсума, ғамгин келинчакка ўхшайди. ©стикдошидан жудо бўлганми, ё етишолмаган маҳбубига интиқиб юраги эзилмоқдами?.. Балки урушгами, олис сафаргами кетган кўнгил соҳибини зорлик, муштоқлик билан кутмоқдадир?.. Эҳтимол... Ҳарқалай, ўн гулидан бир гули очилиб-очилмаган, тўлишган вужудидан босиқ эҳтирос қалқиб турган ёш, лобар аёлнинг дардлари анча-мунча дардлардан эмаслигини ҳис этиш мумкин эди...

Мулоқот-зиёфат охирида Зокиржон ака змойиш олиш ниятида Ироқдаги ҳолат, Эрон билан Ироқ алоқалари, Эрон ҳукумати ва халқининг жанггоҳ бўлиб турган қўшни мамлакатдаги воқеаларга муносабати тўғрисида ўсмоқчилади.

Америка ракеталарининг Ироққа хужуми нисбатан сустрлашган, Саддам Ҳусайн қаёққадир ғойиб бўлган, хуллас, жанг олови бир қадар пасайган палла эди. Экспедициямиз дастурида умрининг сўнгги йилларида Бағдодда яшаган ва ўша ерда вафот этган яна бир буюк юртдошимиз Мусо Хоразмий қабрини излаш тўғрисида ҳам алоҳида банд қайд этилган эди.

Раҳбаримиз дангалчи, лекин ҳар бир тадбир, сафар, кидирувга вазиятни ҳар томонлама ўрганган ва ҳисобга олган ҳолда пухта киришадиганлардан.

- Ироқдаги вазият ҳозир бирмунча дуруст, - деди Муҳсин Покойин мужмалрок қилиб.

- Имкон бўлса, Ироққа, ундан Қувайтга, сўнг Саудияга ўтиб, қайтишда Иордания, Сурия, Туркия билан юрсакмикин, деган ниятимиз бор эди, - дея мақсадга аниқлик киритди Зокиржон ака.

- Ҳали сафарда беш-олти ой юрасизлар экан-да. Бунақада Марко Поло рекордини синдирасизлар-ку, - деб кулди жаноб Покойин.

Каминанинг «Бобурийлардан бири» номли китобимда собиқ элчининг сурати бор эди, Зокиржон ака иккимиз дастхат ёзиб, тухфа этдик. У кўп мамнун бўлганлигини айтиб, ташаккур билдирди.

**29 декабрь, душанба**

Эрталаб Алишер ва ҳайдовчи Янгибой ҳамроҳлигида, элчихонамининг «РАФ»симон машинасида шаҳар айлангани чикдик.

*Техрон... Элбрус тоғининг жанубий этагида, денгиз сатҳидан 1100-1300 метр баландликда жойлашган бу шаҳар қарийб саккиз юз йиллик тарихга эга бўлиб, XII асрда Рай яқинида барпо этилган, икки юз йиллардан сўнг йирик савдо маркази сифатида довруқ қозонган. 1722 йили шаҳарни афғонлар вайрон қилади, лекин яна тезда тикланади. 1786 йили Қажорлар султони Техронни ўз давлатининг пойтахти қилиб олади. 19-аср охирларида шаҳар кенгайтирилади. Йигирманчи аср бошларида Техрон мамлакат меҳнаткашларининг инқилобий ҳаракатлари ўчоғига айланади.*

*Техрон билан боғлиқ дунёвий аҳамиятга молик воқеалардан бири шуки, 1943 йили бу ерда уч иттифоқчи давлат – собиқ СССР Халқ комиссарлари раиси И.В.Сталин, АҚШ президенти Ф.Рузвельт, Англия Бош министри У.Черчилл иштирокида Халқаро конференция ўтказилиб, унда Германияга қарши урушда биргаликда ҳаракат қилиши, уч давлатнинг урушдан кейинги даврдаги ҳамкорлиги ва бошқа масалалар бўйича декларация қабул қилинади.*

Йигирманчи аср форс насрининг асосчиларидан бири, таниқли Эрон ёзувчиси Мушфиқ Козимийнинг «Қўрқинчли Техрон», арман адиби Гарегин Севунцнинг «Техрон» рўмонларини эсламан. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларидаги форс халқининг ҳаёти, жамиятдаги тушқун ҳолатлар, мамлакат, шу жумладан, пойтахт аҳлининг миллий-озодлик ҳаракатлари ифодаланган мазкур асарларда Техрон шаҳрининг маҳобати бугунги даражада эмас, зеро, у китоблардаги воқеалар содир бўлган даврда бунчалик катта ва салобатли, кўркам бўлмаган, албатта.

Ҳозир Техронда дастлаб кўзга ташланадиган аломат – бинолар лойиҳасининг хилма-хиллиги эди. Уйлар, дўконлар, маҳкамалар фақат ёндан эмас, орқа томонлама ҳам ниҳоятда зич, биз тушган мвзедаги кўчаларнинг аксарияти тор, калта, бурилиш-айланалари кўп – қандайдир тартибсизрок, табиийроқдай кўринарди.

Шаҳар марказида илгари қурилган ва янги қад кўтарган замонавий иншоотлар – маъмурий идоралар, меҳмонхоналар, истироҳат боғлари, катта-кичик хиёбонлар сероб эди. Одамлари асосан оқ, буғдойранг юзли, калта соқолли ва албатта мўйловли.

Машҳад ва Гургон томонлардаги халқ осиевий қиёфали эди, Техрон атрофида ва пойтахтнинг ўзида яшовчиларнинг чехраси кавказликларга – озарбайжон, гуржиларга ўхшаб кетарди. Бир заминда турли улус ва элатларнинг истиқомат қилиши, хилма-хил этносларнинг аралашиб, алмашилиб туриши тарихнинг ҳамма даврларига, деярли барча мамлакатларга хос табиий жараён. Лекин гоҳида бу ҳолат баъзи ҳукмдорлар хоҳиш-иродаси, сиёсати туфайли сунъий равишда, зўрма-зўракилик билан амалга оширилган замонлар ҳам кўп бўлган. Шўро даврида месхети турклари, крим-татарлар ва бошқа айрим миллат вакилларининг Сталин сиёсати ва тазйиқи билан тубжойларидан мажбурий равишда



кўчирилганлигини эслайлик. XVIII асрда курдлар Хуросонга (бир қисми Онадўлига) сургун қилинган. XVI асрда эса Эронга арманлар билан гуржилар ғайри-ихтиёрий тарзда кўчирилган.

## ФОРС АЁЛЛАРИ

Аёлларнинг деярли тўқсон тўққиз фоизи узун чодрада. Асли улар аввалдан чодра ёпинишган. Мамлакатда хотин-қизларнинг ҳоли-аҳволи йигирманчи аср бошларида ҳам жудаям ночор, эрксиз бўлганлигини айрим ижодкорларнинг асарларидан билиш мумкин. Жумладан, жасоратли шоира Бадеъ Жоланинг шундай сатрлари бор:

*Эй, сен Эронимнинг хандон аёли,  
Бу гўзал боғимнинг гули, чиройи.  
Истиқбол онаси, мардонаси сан,  
Сен мехру вафонинг дурдонаси сан.  
Сен у нокасларга қул тоқайгача?  
Бўлмогинг хасларга гул тоқайгача?  
Гул юзингни чимматинг тоқай тўсар?  
Дунёдан тоқай юрарсан беҳабар?  
Хур жамолингни ёпарсан не учун?  
Нур сочувчи ойни беркитдинг нечун?  
Чўрилик, бу зорликлар энди бас,  
Нотавонлик, хорликлар энди бас!*

Албатта, энди Эронда ҳаёт бутунлай бўлакча, бинобарин, шоирларнинг мавзулари, услублари, мақсад-ғоялари ҳам тамоман ўзгача. Мамлакатнинг ҳозирги замон шоирлари ичида Машриқзаминнинг орифмашраб, ошиқ бир шоири Сухроб Сипехрийни алоҳида тилга оладилар. «У сўз санъати сеҳри орқали сизни илоҳий нурлар тажаллийси бўлган Борлиқ ва Инсон сирлари билан ошно этади», - деб ёзади форс адабиётшуноси филология фанлари доктори Иброҳим Худоёр. Биргина далил: Сипехрийнинг «Саккиз китоб» номли куллиёти - девони Эронда 17 маротаба қайта нашр қилинибди! Ушбу сатрлар Сухроб Сипехрий қаламига мансубдир:

*Денгизлар ортида бор ёлғиз шаҳар  
Бир шаҳарки, деразалари  
тажаллий томонга очилган.  
Томларига башар ақлининг  
фавворадек отилишига  
қараётган кабутарлар ин қурган.  
Бу шаҳарнинг ўн ёшдаги ҳар бир гўдаги  
қўлларида маърифатнинг шохчалари ҳилпирар.  
Бу шаҳарнинг аҳолиси ҳар бир бошоққа  
Бир шуълага қарагандек, гўзал бир тушидек  
ҳайрат билан қараб ўтади.  
Бу шаҳарнинг тупроғи  
Туйғуларнинг оҳангига қулоқ тутади.  
Шамоллари  
асотирий қушлар қанотининг  
садосини етказади.*

*Денгизлар ортида бордир бир шаҳар  
Унда нур сочувчи қуёш қўлами*

*Азонда очилган кўзларга тенгдир.  
Шоирлар сув, ақл ва нурнинг  
ворисидирлар.*

*Денгизлар ортида бор ёлғиз шаҳар  
Бир кема қурайлик.*

Хуллас, инсон каби шаҳарлару кишварларнинг ҳам ташқи жихатлари билан сийрати мувофиқ келавермайди. Бундай муаммолар даставвал қалам аҳли назарига тушади, кўнглига ғулу солади ва бир оз, баъзида кўпроқ муболаға билан иншо этилади. Содик Ҳидоят, Хусрав Шахоний ва бошқа адибларнинг ҳикоялари...

1920 йили тузилган коммунистик партия ва мамлакатга суқилиб кирган инглизлар таъсирида 1935 йили кийим-бош ислоҳоти ўтказилиб, хотин-қизларнинг чодрани ташлашлари тўғрисида махсус декрет қабул қилинган эди. 1979 йилдаги инқилобдан кейин Ислом республикаси мақомини олган ҳукумат томонидан Эрон мусулмон аёлларининг миллий кийими - ёпинчиғи сифатида қора чодра қайта, қатъий жорий этилган.

Дастлабки пайтларда тирноғига лак суркаганлар эговлаб жазоланган. Ҳозир аста-секин чодралар тарк этилиб, оқ ва бошқа рангдаги рўмол, калтароқ кийимлар пайдо бўлмоқда, кўпаймоқда экан. Чодрада юрганларнинг ҳам дадил, шахдамлиги сезилиб туради. Қолаверса, уларнинг ҳарқалай юзлари очик, зипиллаб машина ҳайдаб кетаётган форс қиз-жувонларини ҳам тез-тез учратиш мумкин. Бу аломатлар умумий тараққиёт, ижтимоий ҳолат поғонасининг юқорилиги билан боғлиқ бўлса керак.

Умуман олганда, Эроннинг бугунги фаровон, осуда кунларга етиб келиши ҳам осон кечмаган. Турли империалистлар тазйиқи, сиқувларидан, ички бош-бошдоқликлар, тўғри тузум излаб довдирашлардан кушод бўлиб, ҳар жабҳада эркин қулоч ёзиб, тараққиёт сари юз тутганига энди чорак аср бўлди. Ана шу пайтларгача мамлакат ва унинг халқи нотинчлик, не-не зуғуму зулмлар, қашшоқлигу ночорликни кўрмади. Эроннинг таниқли шоирларидан бири Мирзода Ишқий «Э йўқчилик, муҳтожлик!» шеърида шундай деб ёзган:

*Кимки қасд бирла жаҳонда бир гуноҳ ижро қилур,  
Ноилож, муҳтожлик бирлан уни пайдо қилур.  
Йўқса, одам қасд ила қандай ўзин расво қилур?  
Ё хато қилмоқ учун ўз ниятин бежсо қилур.  
Йўқчиликдан нафрат айлаб, эл дили гавго қилур,  
Бир умр шод дилда гамни лаҳзада барпо қилур,  
Йўқчилик одамни хор айлаб, налар пайдо қилур,  
Мардни номард олдида қаддин эгиб дуто қилур,  
Яъни шерларни қилурсан тулкидек,  
э йўқчилик, муҳтожлик!*

Бошқа бир атоқли шоир Эҳсон Табарий солдат томонидан отиб ўлдирилган бир йигитга бағишлаган марсиясини «Қашшоқлик ва андух тўла Техронда» деган сўзлар билан бошлаган. Худди шу шоирнинг Америка, Англия ва бошқа зўравонлар томонидан Эронни мустамлакага айлантириш учун қилинган турли сиёсий найранглар, қуролли ҳаракатларга ғазаб ва босқинчиларга кучли нафрат руҳи билан суғорилган «Халқ қахрамонлари кўшиғи» шеърида Эрон халқи бошидан кечирган мислсиз фожеалар, ёвузликларни миллатнинг содик, фидойи ўғлонлари тилидан қуйидагича ифодалайди:

*Сароб шахрида дорга осилдим,  
Зиробда неча бор ўққа отилдим,  
Шоҳийда азобга этилдим дучор,  
Ободон зиндони ичра бўлдим хор.*

*Қашм ва Хормузда сурилди жоним,  
Бодробод лагери бўлди маконим,  
Мен ўша эронлик – қомати расо,  
Душманларга бўйин эгмайман асло!*

Айтишларича, Эронда қонун, жазолар анча қаттиқ, шунинг учун қотиллик, безорилик кам эмиш. Лекин ўғрилик мавжуд экан. Имом Ризо ҳарамиди, ҳатто Каъбатуллоҳда ҳам киссавурлар учраб туради, дейишди.

Мен ўшанда бу гапга унча ишонмаган, айниқса, Аллоҳнинг уйидай муқаддас зиёратгоҳ-саждагоҳда не-не умидлар билан олис-олислардан келган бою ночор кимсаларнинг чўнтагини қоқиб, қақшатишларини тасаввуримга сиғдиролмагандим. Кейин янада аниқроқ эшитдим, ҳатто ул бедину бедилларни ўз гуноҳкор кўзларим билан кўрдим... Ўғри-текинхўр учун муқаддас жойу нарсанинг ўзи йўқ экан...

## **РИЗО ПАҲЛАВИЙ ҚАРОРГОҲИ ВА БОШҚА МОЗИЙГОҲЛАР**

Тор кўчалардан айланиб (кенг йўллардан юриш қийин), бир антиқа музейга бордик.

Собиқ Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг хос қароргоҳи мозийгоҳга – тарихий ёдгорликка айлантирилган экан.

Техроннинг шимолий қисмидаги тоғлар пойида, тоза ҳаволи тепаликда бунёд этилган икки ошёнли ушбу кошона атрофини бўйчан, текис, оқиш пўстли чинорлар, тик, содда қарағай-ножулар қуршаган эди.

- Бу қасрга 1979 йилгача биронта оддий фуқаронинг қадами етмаган, - дейишди ҳамроҳларимиз.

Дарвоқе, унга ҳозир ҳам ҳар кимни осонликча кўявермас экан. Алишер посбонларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, яна кимлардандир телефон орқали рухсат олди.

Паҳлавийлар сулоласининг асосчиси Ризошоҳ Паҳлавий дастлаб Эрон казак бригадасида ҳарбий мансабдор эди, 1921 йили мазкур бригада Ризо Паҳлавий раҳбарлигида давлат тўнтариши қилган. Шу вақтдан ҳарбий вазир, бош вазир лавозимларида фаолият кўрсатади. Кажорлар сулоласи тугатилгач (1925 йил декбарь), Таъсис мажлисида Ризо Паҳлавий Эрон шоҳи деб эълон қилинади ва ҳукуматни 15 йилдан зиёдроқ бошқаради. Бу даврда у Олмония билан яқин алоқа ва ҳамкорлик қилиш пайдан бўлади. 1941 йили Шўро ва инглиз кўшинлари Эрон худудига кириши билан шоҳ тахтни ўғли Муҳаммад Ризога қолдириб, хорижга қочиб кетади ва уч йилдан кейин Йоханнесбург (Жанубий Африка Республикаси)да 66 ёшида вафот этади.

Ўша – сўнгги инкилобдан кейин собиқ шоҳнинг оқ саройини бутунлай яқсон қилиб юбормоқчи ҳам бўлишган экан...(Муҳаммад Ризо ғарбпараст сиёсат юритиб, исломий ақидаларга, хусусан шиа удумларига риоя қилавермаган, шу сабабли диндорлар ундан норизо эди).

Сарой ташқариси – олд девори, пештоқлари Оврўпа, жумладан, Италия меъморчилиги услубида, ним яланғоч аёллар ҳайкаллари билан безатилган эди.

Кириш эшигининг икки ёнида ҳар қандай ғанимни ғажиб ташлайман, дегандек важоҳатли қиёфадаги шер ҳайкали кўр тўкиб ўтирарди.

Остонадан ичкарига оёқ кўйишингиз билан шифтга осиглиқ муҳташам қандиллар, гавҳару забаржад, ёкуту марварид тусли нақшлардан, майин тукли қалин шерозий гиламлардан холи жой йўқ. Эртақлардаги саройлардан ҳам сирли-синоатлироқ бир маъво сизни ўз домига тортаётгандай, айна вақтда ҳайратга уйқаш бир ваҳима кўкрагингиздан итараётгандай туюлади. Бошим айланиб, кўзим тиниб кетди. Иккинчи қаватга олиб чиқувчи зиналарнинг кунгираддор панжараларини, деворлардаги тасвирлару тилло буюмларни

таърифлашга қалам ожиз. Зеро, мен умримда бундай жавоҳирот оламини кўрмагандим, уларнинг номларини, турфа рангларининг қандай аталишини билмасдим.

Ҳарбий музей анча қуйида, сийрак қарағайзорли катта хиёбоннинг шарқи-жануб тарафида эди.

Музейга сўқмоқ йўлдан пиёда бориларди. Бино яқинида ҳар хил эски ҳарбий техника воситалари – вертолёт, Паҳлавийга тегишли «Рол-ройс» ва бошқа русумдаги автомобиллар, танк, замбарак, самолётнинг анча аввалги бир туридан, ҳатто махсус яратилган сунъий кўл-ҳовузда Колумбники сингари пачоқ кема ҳам бор эди.

Бино икки қаватли бўлиб, биринчи қаватиданоқ қурол-яроғ кўргазмаси бошланарди. Ҳар турли ҳарбий кийимлар, совутлар, дубулғалар деворларга батартиб илинган.

Ўз даврининг хос ҳарбий либослари кийдириб қўйилган шоп мўйловли сипоҳи ва оддий жангчиларнинг тулум-ҳайкаллари қатор ё жуфт-жуфт.

Бир ойнаванд хонадаги эгар-жабдуқ ва бошқа абзаллари билан йўлга тахт қилиб қўйилган иккита от тулуми худди тирикдек, ҳозир кишнаб юборадигандек алфозда...

Ранг-баранг иш, меҳнат қуроллари: сандонлар, сопи узун-калта темир болғачалар, гулли, сопол кўзалар, Паҳлавий герби, орден ва ёрликлар...

Извош-араваларнинг жажжи макет-нусхалари. Ҳар тоифа ҳайкалчалар, силуэтлар ҳам кўп.

Деворларда жанг манзаралари акс этган суратлар. Улар орасида яшил билан кулранг омукта матодаги учи икки ёққа қайрилган машҳур Зулфиқор қиличини сермашга шай Ҳазрат Али (тўртинчи халифа) расмининг алоҳида ихлос ва эътиқод билан чизилганлиги билиниб турибди.

Айниқса, қурол-аслаҳаларнинг ҳадди ва сон-саноғи йўқ эди. Мозийгоҳнинг асосий осори-атиқалари – хилма-хил тўппончалар, Паҳлавийнинг пулемёти, пистолетлари, шоҳга Саддам Ҳусайн тухфа этган рус автомати, Ҳиндистон, собиқ СССР ҳадя қилган автомат, пистолетлар, бошқа яроғлар, Исроил автомати, узун ва оғир маузерлар, кўл пулемётлари, тўп...

Биринчи қаватнинг энг нодир бойлиги «Амир Темур Кўрагоний» деган ёзув битилган, тиғи ҳақиқий пўлатдан, сопи фил суягидан ясалган қилич эди. Бир метрлар чамасидаги ушбу тарихий шамширнинг учдан икки ҳиссаси тўғри кетган, қолган қисми орқага ярим ойсимон қайрилган эди... Тиғининг эни уч ярим сантиметр атрофида эди.

Иккинчи қаватга чиқаверишда Ҳирот шаҳрининг Кажорлар давридаги харитаси деворнинг катта бир қисмини эгаллаган эди. Бу қаватда қурол-яроғ пастдагидан ҳам бисёр ва анвойи эди. Уларнинг аксарияти Кажорлардан қолган, айримлари Муҳаммад Ризонинг отаси Ризошоҳ Паҳлавийдан, боболаридан мерос эди: тури, ҳажми, шакли-шамойили бири-бирига ўхшамайдиган ғуж-ғуж ҳарбий ва ов милтиқлари, қиличлар, кўл пулемётларию тўппончалар, револьвер – кўп отар ярим автоматлар, тўрт, беш, саккиз ўкли инглиз тўппончалари, Олмония пистолетлари, Покистон вазири, Эфиопия ҳукуматининг совғалари – автомат, дурбин, бинокллар, самурайларнинг ғилофлари фил суягидан бўлган ханжарлари, Шоҳ Аббос давридаги қурол-аслаҳалар, Россия императори Николай I нинг тухфа замбараги...

Жосусларнинг ихчам, чўнтакда олиб юрадиган ручка-тўппонча, пакки ва бошқа асбоб-ускуналари, найза учликлари...

Махсус бир хонада чўкиб ўтирган туя тулуми ўркачида пулемётсимон бир қурол рамзи ўрнатилган.

Буларнинг ҳаммаси Шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг шахсий йиғмаси – коллекцияси эди.

Безакдор милтиқлар орасида шундай кўпол ва бесўнақайлари (жуда оғир ҳам бўлиши керак) бор эдики, уларни бир киши кўтариб, бировга ўқталишини тасаввур қилиш қийин. Демак, аввалги одамлар ниҳоятда йўғон, бақувват бўлишган экан-да, деган фикрга борасиз.

Баъзи маузерларнинг қўндоғи, тепкиси ва бошқа қисмларига гул-нақшлар солиниб, шундоқ ишлов, зеб берилганки, ҳайрон қоласиз. Ё, тавба, одамзот бир-бирини ер тишлатиб ҳузурланиш ва ёвуз ниятига етиш учун шундай қимматбаҳо қуроллар ясаган-а!.. Яроқларга олтин суви юритилганига нима дейсиз!

Беихтиёр ҳаёлга чўмасиз: бу ўқ отар асбоблар не-не бегуноҳ бандаларнинг қони тўкилишига, жувонмарг кетишига сабаб бўлгандир. Уларни кўрган одамнинг бадани зириллаб, юраги увишади, унда ўлганларга ачиниш, ўлдирганларга ғазаб, қурол ясовчиларга, умуман урушқоқларга, урушга нафрат уйғониши табиий.

Совуқ ҳиссиётлар уйғотувчи хазинадан тушқун кайфиятда чикдик.

Шоҳнинг катта хотини Сурайё хоним (фарзанд кўрмаган) лойиҳаси асосида немис мутахассис-усталари томонидан қурилган, эндиликда рамзий маънода (мен шундай англадим) «Миллий хунармандчилик мозийгоҳи» деб аталадиган беҳад салобатли бино кенг бир майдонда бир ўзи гўё гердаийб турарди. ©нидаги атрофини улкан арчалар ўраб турган ҳовузлар юзаси енгил шабадада билинар-билимас мавжланади.

Мозийгоҳ айвонининг чап томонидаги очиқ ялангликда тиззагача бўлган этикли бир жуфт улкан оёқ ҳайкали бор эди. У гўё Ризо шоҳ отасининг оёқлари эмиш... Эҳтимол, бу бобокалони асли мозандаронлик бўлган паҳлавийлар сулоласининг деҳқондан чиққанлигига ишора ё балки бу рамзда халқ мана шу этиклар остида эзилган, ҳақ-ҳуқуқлари топталган, деган мазмун бордир...

Мозийгоҳнинг эшикдан кирилгандаги фойеси бениҳоя кенг, шифти ғоят баланд эди. Бошқа хоналар - шоҳнинг иш кабинети, овқатланадиган хона, меҳмонхона, биллиардхоналар ҳам шундай, яъни ҳайҳотдай эди. Ҳамма хонанинг деворлари, шифтига ҳар хил рангда бўёқ берилган, гуллар солинган.

Уй-рўзгор буюмлари ҳам кўп. Жавонлардаги биллур, заррин идиш-товоқлар бирор марта ҳам ишлатилмаган бўлса керак.

Сурайё хонимнинг хос хонаси фарангий услубда жиҳозланган бўлиб, унга Наполеоннинг маҳбубаси Жозефинонинг аукционда сотиб олинган қаравоти қўйилган эди.

Шоҳнинг иккинчи аёлининг бюсти алоҳида хонани безаб турибди. Бошқа бир бўлмада Сурайё хонимнинг катта портрети бор экан, бошидаги тиллақош ноёб олмосдан ясалган, деб тушунтиришди.

Ер остки хоналар ҳам ҳар турли мамлакат одамлари қиёфаси акс этган ҳайкаллар, суратлар, бошқа ноёб ашёлар билан кўркам ва ўзига хос эди.

Умуман, мозийгоҳ бой ва кўришга, ҳайратланишга арзирли макон эди.

## «ОТАЙЎЛ»НИНГ НАҒМАЛАРИ

Кечки пайт Техрондан жўнаб, ҳар муюлишда таниқли форс-тожик шоири, ҳажвий ҳикоялар, ибратли ҳикоятлар муаллифи Убайд Законий юрти - Қазвин йўлини сўраб боряпмиз. Автомобиллар камида тўрт қатор, катта йўлда эса у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам беш-олти саф тирбанд бўлиб борар эди. Машиналарнинг тумшуғи олдингисининг қуйруғига тегай-тегай дейди. Кўчанинг бир бетидан иккинчи юзига ўтишнинг асло имкони йўқ. Шунинг учун ҳар ер-ҳар ерга баланд, осма кўприк-йўллар қурилган.

Бу томон нисбатан янги мавзе чоғи, ўн беш-йигирма қаватли бинолар кўп.

Шаҳарнинг бепоёнлигидан бир соатдан бери асосий мўлжал – Озодлик майдонига етолмаймиз.

Ишқилиб, мана шу фаровонликка кўз тегмасин. Ҳамма, барча элу юрт униб-ўссин, яшнасин, гуркирасин. Шу кунларда Эроннинг осойишталигига ва маъмурлигига раҳна солмоқчи бўлиб, унинг тирноғидан кир ахтараётганларга, фақат мен ейман, бошқалар тамшаниб турса бас, дейдиганларга инсоф берсин.

Бир айлана йўл келди. Чиройли, майдон-хиёбон дейсиз. Тепаси – чорраҳа-кўприк, устидан, остидан ўтган кесишма кўчалардаги қатнов шунақа тифиз, шунақа шитобки, ари тўзигандай. Бу йўллар олдида Лохур, Деҳли кўчалари ҳам ҳолва экан.

Охири бир мотоцикл мингандан илтимос қилиб эдик, анча нарига – яна бир кўприк-йўлгача олиб бориб қўйди.

Ниҳоят, Озодлик майдонини ўнг тарафда қолдириб, тўғрига кетдик. Шу кетганча 410 километр юриб, кечаси алламаҳалда Занжон шаҳрига етиб бордик. «Сепид» (маъноси «зебо» эмиш) деган меҳмонхонани топуғунимизча яна бир соат ўтди. Меҳмонхона жуда кетворган бўлмаса-да, муҳими, хоналар иссиқ эди.

### *30 декабрь, сешанба*

Эрталаб Илҳомжон иккимиз автобус олдига чиқсак, бир полициячи келиб сўрашди, биттадан конфет бериб, машинанинг бу ерда туриши мумкин эмас эди, деди оҳиста.

Дарҳақиқат, марказий кўча бўлса ҳам торроқ, аммо серқатнов, бунинг устига меҳмонхона ёнида тижорат дўкони, йўлнинг нариги бетида иккита банк биноси бор эди.

- Билмабмиз, - деди Илҳомжон, унинг юраги шув этиб кетган бўлса ҳам эҳтимол.

- Сал нарида машина қўядиган махсус жой бор, - деб қўли билан кун чиқиш томонга ишора қилди назоратчи. У озарбайжон йигит эди.

Биз ўн дақиқаларда кетишимизни айтувдик, полициячи қаерданлигимиз, қаерга боришимизни сўради. «Табризга», дедик. У йўлни тушунтириб қўйди.

Нонушта қилиб чиқдик. Автобусимиз илк дафъа иш кўрсатди – солярка келмай қолди. Илҳомжон енг шимариб машина остига кирди.

Кеча йўлда қалин қор бор эди, кечаси ҳам ёғибди, кўча четларидаги халқоб сувлар музлаган, ҳаво шунга яраша совуқ эди.

Бояги полициячи ҳар замонда келиб, тезроқ бўлинглар, менга гап тегади, дерди.

Илҳомжон охир ишқалнинг сабабини топди. Кечқурун йўлдан қуйилган соляркага сув аралашган экан – худди биздагидай. Бак билан бензин насоси ўртасидаги шланг ичи музлаб қолибди.

Мен машина ёнида Илҳомжонга буровгич-муровгични олиб бериб, ер тепиниб, у ёқдан-бу ёққа юриб турардим. Одамларнинг пиёдалар йўлагидаги почта қутисига нимадир ташлаб ўтишаётганини кўриб қолдим. Қўлларида хат-пат йўқ. Ҳайрон бўлиб, кузатсам, қутига солаётганлари танга экан. Демак, бу хат-хабар қутиси эмас, хайрия идиши экан. Тиланчи кўринмас, бинобарин, одамлар кўнглидан чиқарган хайр-эҳсонларини ана шундай доимий яшиқларга ташлаб кетишавераркан. Дарвоқе, ундан ташқари бу шаҳарда ҳам Техрондагидай Бамдаги ер силкинишидан жабрланганлар учун алоҳида хайрия қапа-чодирлари ҳам тикилган эди.

Бир ярим соатларда машина ўт олди.

Полициячи кўрсатган йўлдан Фаластин майдонига чиқиб, ўнгга – жануби-ғарб сари кетдик.

Яна кечагидай йўллар, ёш ниҳолли боғлар оралаб юрамиз. Ўнгда кенг сайхонлик ва дарё ўзани, озгина сув милдираб оқади. Ўзан гоҳ кенгайиб, гоҳ тораяди.

Қуёш ҳам, булут ҳам бор. Бу ёқларда қор йўқ, ерлар, йўллар қуруқ, ҳаво ҳам илиққа ўхшайди (автобусдан тушмаганимиз учун ташқаридаги ҳароратнинг қанақалигини аниқ билмасдик).

Ерлар – далалар бўлак-бўлак: ҳайдалган, экилган, экилмаган. Чапда баланд адирлар, ўнгда сайхонлик биз билан қадам-бақадам боряпти. Узоқларда қатлам-қатлам адирлар, улар ортида қорли тоғлар кўзга ташланади.

Ажаб об-ҳаво: сал юрсанг қуруқ, сал юрсанг ёмғир савалаётган, яна сал юрсанг қуюн билан қор ёғаётган бўлади.

Автобус бир оз тезласа, Зокиржон ака ҳайдовчини одатдагидай огоҳлантиради:

- Илҳомжон! Қор ғеаётган бўлсаям биз шошилмаймиз. Биз ҳеч кимга ваъда бермаганмиз, ҳеч ким бизни кутаётгани йўқ...

Адирлар курама-куроқ тоғлар билан туташади.

Яна довонга, туннелга, баланд тоғлар орасига кириб кетдик – завқбахш манзаралар...

Лойқа сувли дарё. Тоғлар устида, ён бағирликларда кўкиш тусли туман сузади.

Миёна («ўрта») деган манзилда автобустга филтёр қидирдик, топилмади. Бу жойни Техрон билан Бозургоннинг ўртаси дедилар. Техрондан шу ергача 500 километр юрибмиз. Табризга 170 километр қолган эди.

Шу ҳудудгача халқ форсий забон, бу ғеи туркий тилли эди.

Йўл юриб, мўл юриб боряпмиз. Адирлар билан текислик-далалар алмашилиб туради. Кичик шаҳарча, қишлоқлардан тезгина чиқиб, яна қирлик ё сайхонликларга шўнғиймиз. Кўёш ҳам гоҳ кўриниб, гоҳ беркинади. Ола-чалпоқ қор бор.

Совуқ хийла чоғи, кўл-ҳовузлар бети кулранг муз.

Уйларнинг деворларига йўгон-йўгон ҳарфларда рекламалар ёзиб ташланган.

Полициячилар кузатувида Бам шаҳрига ёрдам - кийим, кўрпа-тўшак, қурилиш ашёлари ортиб кетаётган катта юк машиналарига дуч келамиз.

Табризга 20 километр етмай, яна довон-тоғ бошланди. Машиналарнинг баллонларига занжир ўралган, демак, сирғанчиқ жиддий...

*Табриз – эрамизнинг III-IV асрларида сосонийлар асос солган, ўрта асрларда бадиий ҳунармандчилик ва тасвирий санъатнинг йирик маркази бўлган. Исфаҳондан аввал ўзига хос услубли миниатюра мактаби билан шухрат топган қадимий ҳам замонавий шаҳар.*

*Табриз – Шамс Табризийдек етук уламо сўфийлар, мўгуллар босқини туфайли тарки ватан этган газалнавис, қасиданавис Сайфиддин Муҳаммад Фарғоний (XIII-XIV асрлар), Хўжандда тугилиб, Тошкентда бир неча йил яшаган таниқли шоир Камол Хўжандий (XIV аср) ва бошқа адиблар паноҳ топган диёр. Табриз мавлоно Али Қушчининг пойқадами етган муборак юрт. Улуғ олим жаҳолат, ҳар турли тазйиқлар туфайли Самарқандни тарк этганида оиласи, яқин қариндошлари билан дастлаб Табризга – Оқ қуюнлар сулоласидан бўлмиш ҳукмдор Узун Ҳасан ҳузурига йўл олган. Алломанинг таширфидан хабар топган Узун Ҳасан бир неча аъёнлари билан уч кунлик йўлга пешвоз чиқиб, катта ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олади ва Али Қушчи Табризда икки йил давлатнинг йирик лавозимларидан бирида хизматда бўлади. Кейин Туркия султони Муҳаммад Фотиҳ таклифига биноан Туркияга жўнаган.*

Ана шундай улуғ, кадамжо шаҳар ўнгда қолди, биз айланма йўлдан чапга юрдик.

Табризнинг ҳам ниҳоятда катта шаҳарлиги, аҳолининг зичлиги сезилиб турарди. Умуман олганда, Эроннинг ҳудуди кенг, қишлоқ кам, шаҳар кўпга ўхшайди.

- Табриз бечора бизни кўролмай қолди, - деб кўйдим.

Эътибор бермадилар.

Шаҳарнинг бир четида филтёр алмаштирдик.

Табриз аҳолиси икки милёндан ортиқ, дейишди озарбайжон усталар.

Моранд деган шаҳарга қараб юрдик. Бозургонга яна 285 километр масофа бор.

Эронда ҳам, раҳбаримиз, гарчи Муҳсин Покойиннинг ҳурмати учун одоб ва назокат юзасидан маҳаллий таомларни мақтаган бўлса-да (албатта, аввал кўрганимиз Шарқ мамлакатлариникига қараганда яхши!) биз каби палов ва қозон кабоб, димламаларга ўрганган чучук томоқлар суйиб ейдиган овқат масаласи мушкулроқ эди. Оппоқ гуручли супи, ўрисларнинг «ши» ё «рассолниги»га ўхшаган таоми бор – туси жигарранг, мазаси чучмалроқ. Ҳар нечук иштаҳани очмайди. Иштаҳадан-ку нолийдиган жойимиз йўкку-я... Дарвоқе, товук кабобига гап йўқ. Ва лекин, нони... Ҳай-ҳай!.. Чалпақдан ҳам бир неча марта юпқа – орасидан ой эмас, юлдуз ҳам бемалол кўринади. Таъми ҳам шунга яраша. Кўк чой йўқ. Ресторанларда умуман чой беришмайди, доғ сув сўраб, термосга дамлаб ичамиз.

Шомни Моранд шаҳри бўсағасида, қалин қорга брезент тўшаб ўқидик.

Морандда тунайдиган бўлдик. Илҳомжон Бозургонга кетаверайлик, деди, Зокиржон ака унга ва опаларга меҳрибонлик кўргузиб, дам олишни лозим топди. Шаҳарда

меҳмонхона излаб хўп юрдик. Бири у ёқда, дейди, бири-бу ёқда. Аввалига Асакача шаҳар экан, деб унча писанд қилмаган эдик, бироз юргач, ў-хў, Андижонга яқинлашиб келади-ёв, дедик. Яна ярим соатлар чамаси айлангач, йўқ, Андижондан ҳам катта экан, деган хулосага келдик.

Бир ярим соатдан кейин бир одам йўлга солиб қўйди, шаҳардан қайтиб чиқдик ва асосий кўча бўйидаги катта, яланг тепаликда қад кўтарган «Интурист» меҳмонхонасини топдик.

Шу ерда анча диққатчилик юз берди. Вужудлар толиқиб, асаблар ҳориган эди... Бунинг устига, автобусда кимдир ниманидир қидириб тажанг бўлиб эди, бу хунобгарчиликлардан бошқаларга ҳам насиба тегди.

Бунақа пайтда бўғилишларнинг асосий қисми бошлиқнинг чекига тушарди. Чунки у ҳамма учун қайғурар, ҳамма учун қайғурган одам, табиийки, ҳаммадан кўпроқ ташвиш чекади. Лекин сардорда андиша ҳам бор-да, кўпинча умумлаштириб, ёки «Қизим сенга айтаман, келиним, сен эшит» қабилида писанда қилиб қоларди:

- Автобусни ичи бардак бўлиб кетди! Илҳомжон кўнгилчан-да, ким нима деса, хўп, деяверади. Аслида ҳеч кимнинг гапига кирмаслиги, фақат раҳбарнинг айтганини қилиши керак!

Ҳайдовчи-механик миқ этмайди.

- Илҳомжон доимий сафардошим, бир-биримизни яхши тушунамиз, менинг анча-мунча аччиқ-тирсигимни кўтариши керак, - деб қўшиб қўяди у.

Умумий кайфият ўзгаради. Бундай пайтда кўпчилик сабрни, сукутни маъкул кўради.

«Сумка» деб ахтарилаётган нарса аслида қоғоз қути бўлиб, анча қидирувдан кейин автобуснинг ташқарисидаги юкхонадан, Тошкентда тепадан пастга «сургун» қилинган ашқол-дашқоллар ичидан чиқди. Бунгача тун алламаҳал бўлди.

### *31 декабрь, чоршанба*

Меҳмонхона излаб шаҳар кезиш ва бошқа тунги озорлар машинага таъсир қилдими, эрталаб яна нағмасини бошлади. Илҳомжон тагин автобус остига кириб кетди. Бояқишнинг белиям метиндан эканми, дейсиз. Шундай совуқда машина тагига юпқагина йўлтўшак солиб, соатлаб ётишга анча-мунча оддий беллар чидамайди.

Илҳомжон сув фильтрини чиқариб тозалади, бензин насоси, свеча деганларини суғуриб, пуфлаб, насослади. Ора-орада кабинага чиқиб педални босиб кўради. Мотор гижиллайверади-ю, ўт олмайди. Яна пастга тушиб, у ер-бу ерларни кавлайди. Мотор атрофидаги ток, мой ўтказгичларни, бензин бакидан карбюраторга келган шлангларни бирма-бир текшириб чиқади. Яхшики, бунақа маҳалда Илҳомжон асли одоблилигиданми, раҳбар – катта бир боғ директори бўлгани учунми, ё бошлиқдан ва ўзгалардан истиҳола қилибми, одатдаги ҳайдовчилардай сўқиниб-тупуравермасди. Буровгич ва бошқа асбобларни ҳам идишга тарақлатиб ташламас, зарда билан отиб юбормасди. Аксинча, биз унинг ёнига бориб, ўзимизча ҳар хил мулоҳазалар билдириб, маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб, ўзи тутаб ётган одамнинг баттар энсасини қотирардик. Бечоранинг сабр косаси жуда чуқур, тубсиз эди, «ҳа», «ҳа».. деб қўярди, холос.

Ниҳоят, салкам тўрт соатда ишқал аниқланди: «потрубка» деганида сув музлаб қолган экан. Меҳмонхонадан қайнаган сув олиб чиқиб қуйдик. Хуллас, мотор ўт олди, лекин яхши тортавермади: свечалар тўқис ишламаётганди. Аста-аста, алдаб-алдаб 15 километр юриб (Илҳомжоннинг маҳорати билан), устахонага етиб олдик.

Бу усталар ҳам озарбайжон, аммо уларнинг тилини уқиш анча қийин, озарбайжонча ва турк сўзлари қоришиб кетган эди.

Ҳаво совуқ, биз – Илҳомжондан бошқа эркаклар ерда у ёқдан-бу ёққа юриб, ер тепиб, ўзимизча изғиринни ҳайдамоқчи, қочирмоқчи бўламиз. Аммо шафқат нималигини билмайдиган совуқ тобора пинжимизга суқилиб кирарди.



Усталар эса яғири чиқиб кетган юпқагина коржомаларда, эски, дастаги эзилган, шиппаксимон пойафзалда товонлари пайпоқ йиртиғидан чиқиб юрар, уларни кўриб менинг маҳси ва қалин пайпоқ ичидаги оёқларим баттар совқотиб кетарди. Муҳаммад Содик йўлга кулай, деб, тўртталамизга калта кўнжли, юпқа, ҳиндистоний маҳси ҳадыя этган, мен унга ҳам қаноат ҳосил қилмай, ичи қалин жунли росмана маҳси ҳам сотиб олган эдим, у этик ёки ботинкага нисбатан болдирларни ҳам иссиқ тутар, аммо оғёимнинг азалдан совуқ билан чиқишолмаслиги туфайлими, ҳаракатдан тўхтадим, жунжикишни бошлади. Кайфиятнинг носозлиги, ишнинг юришавермаслиги ҳам асабга таъсир қилиб, қоннинг совушини тезлаштирса керак.

Опаларга янада қийин: улар бизга ўхшаб ер тепинмай, автобус ичида жимгина ўтиришар, ҳар замонда «тузалай дедими?», дея сўраб қўйишарди. Ўша дамларда мен аёл зотининг чиндан-да чидамли ва бардошли хилқат эканлигига яна бир қарра амин бўлдим.

«Отайўл»да жўнаётганимизни эшитган айрим танишлар бу автобуснинг кўпроқ бузилишини эслатишиб, қийналиб қолмайсизлармикин, дейишганда, биз у гапларга унча аҳамият бермаган эдик. Машина яп-янги-ку, бузилмас деб ўйловдик. Бир каттанинг гапига, бир билганнинг гапига кир, деб бежиз айтишмайди-да...

Шаштидан тез тушадиган Зокиржон ака вазиятни юмшатишга ҳаракат қилар, анчамунча муаммоларни сезмаганга олар, писандаларга ҳам парво қилмас, бўлиб ўтган дилхираликни унутгандай тутарди ўзини...

Зайнобиддин ака эса табиатан оғир, вазиятни мумкин қадар ҳазил-хузул билан юмшатишга уринар, қисқаси, ўзгаларни ҳам, ўзини ҳам хафа қилгиси келмасди. У сепган сув алангани бутунлай сўндиролмаси-да, ҳарқалай, пасайтирарди. У ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучугини анча тортган, яхши-ёмон одамлар билан мулоқотлар унинг феълида муайян из қолдирганлиги сезиларди. Айниқса, собиқ Марказнинг Ўзбекистонга унинг мустақиллиги арафасидаги хужумлари, Гдлян ва Иванов каби ваҳший калхатларнинг қонли панжалари ўша пайтда Андижон вилоят пахта тозалаш трести бошлиғи лавозимида ишлаётган Зайнобиддин Мамарасуловнинг ҳам қалбини тирнаб, яралашга улгурган эди. Ҳайриятки, асосий яшаш шиори ҳаётсеварлик, умидворлик бўлгани боис у мамлакат узра қора кўланка солган мудҳиш қабоҳат гирдобидан эсон-омон чиқиб, ўзини ўнглаб олган эди.

Соат ўн икки яримда жўнадик. Йўллар ҳамон ўша-ўша: гоҳ курук, гоҳ қор, узун-қисқа, паст-баланд, бўлак-бўлак, ясси тоғлар, адирлар, тўп-тўп дарахтзорлар (асосан оқ тераклар), ҳайдалган, ҳайдалмаган катак-катак ерлар, ўтлаб юрган думбалари осилган қўйлар...

Оёқлар бир соатларда илиди. Энди ошқозонлар хархаша қила бошлади. Баъзида меҳнат ва заҳматнинг энг кўпи елкасида бўладиган ҳайдовчининг қорни биз каби бемалолхўжаларникидан тезроқ очиши мумкинлигини ёддан чиқариб юборамиз. У ҳам камдан-кам, яқинроғида ўтирган одамдан «тушлик қилмаймизмикин», дея секин сўраб кўярди.

Эрон худудидан чиқиб борардик. Менда биз кўриб ўтаётган деярли барча шаҳарлар, йўллар олдиндан, режа билан қурилган экан, деган тасаввур қолди. Кўчалар тўғри, кенг, илон изи бурилишлар деярли йўқ эди.

Бозургон гумрухонасига Ўзбекистон вақти билан уч (ўн беш) яримда кириб бордик.

Эрон божхоначилари муҳожирларни ўз давлатлари худудидан мумкин қадар узоқ тутиб турмасликка ҳаракат қиладилар. Лекин шунда ҳам расмиятчилик машмашалари ҳал этилгунча икки соатдан зиёдроқ вақт кетди.

Автобус шу ерда яна ҳунар кўрсатди. Снимиздан жилаётган, бизникидан ҳам ихчамроқ бир автобус ҳайдовчиси тўхтаб, машинамизга чиқди-да, Илҳомжонга қарашиб юборди. Тезгина юрди. (Энди трубачаларда ҳаво туриб қолган экан). Раҳмат айтиб эдик, нотаниш кўмакчи – у ҳам озарбайжон эди - «Ҳажга кетяпсизлар шекилли, мени ҳам дуо қилинглар» деб тушиб кетди. Яхши одамнинг истараси ҳам, гап-сўзи ҳам иссиқ бўлади-да. (Биз унга илмий экспедиция аъзолари эканлигимизни айтиб ўтирмадик).

Туркия гумруххонаси бесарамжон, ҳужжат расмийлаштириладиган бўлмаларда одам тикилинч ва маъмур - ходим ўтирган хона дарчасига тартибсизларча бош суқишга интилиш кучли эди.

Автобусимизнинг шасси рақамлари Сарахс божхонасидан ўтишимизда чалкашрок ёзилиб қолган экан. Гумрухчилар бир оз тархашлик қилишди-ю, раҳбарнинг сиёсати, уддабуронлиги туфайли ўтказиб юборишди, машинани кўришмади ҳам. Аммо чегара худуди деган тупроғи қаттиқ жойда хийла кутишга, сарғайишга тўғри келди. Бу ерда ҳам ҳужжатларни аллақандай фирмалар ёрдамида расмийлаштириш расм экан. Улар бизни (албатта раҳбар ва унинг ёнида папка кўтариб юрган ёрдамчини) анча довдиратишди. Муҳаммад Содик форсий забон юртлар ортда қолди, туркчани ҳамма эплайверади, деб мутаржимлик юкини менинг гарданамга ағдаришни чамалаб кўрди, лекин каминаи камтариндан дурустроқ иш чиқишига кўзи етмади шекилли, яна ўзи астойдил бўлиб сарбоннинг қўлтиғига кирди.

Ниҳоят, фирмачилар олтмиш доллар олишиб (бошқа сарф-харажатлар ҳам бўлди), бизни божхона ташқарисигача кузатиб қўйишди.

Туркия худудига кираётган ва ундан чиқиб кетаётган баҳайбат юк машиналари саф-саф бўлиб, дам-бадам, бақириқ-чақириқлар билан силжишар, улар орасидаги торгина йўлда юриш анча қийин эди.

Фирмачилар бизга меҳрибонлик ва ҳамдардлик изҳор этишиб:

- Автобус ғилдирагига занжир боғлаш керак эди, ўттиз беш километрдан кейин баланд йўл келади, музлаган бўлиши мумкин, - дейишди.

Биз, эсон-омон Туркияга ўтиб олганимизга мамнунлигимиздан занжир тўғрисидаги маслаҳатни ўша жойда қолдириб, тезроқ мамлакат ичкарисига кириб кетиш учун уловни шиғадик.

## ТУРКИЯ

*Осиёнинг ғарбий қисмида, Оврўпанинг жануби шарқий чеккасида жойлашган Туркиянинг тўқсон етти фоизи Кичик Осиё ярим ороли (Анатолия)га, уч фоизи Оврўпа (шарқий Фракия)га тўғри келади. Шимоли-шарқдан Озарбайжон, Арманистон ва Гуржистон билан, шарқдан Эрон, жануби-шарқдан Ироқ ва Сурия, шимоли-ғарбдан Болгария ва Греция билан чегарадош. Қуруқликдаги сарҳаднинг узунлиги икки минг олти юз километр. Шимол томондан Қора денгиз, ғарбдан Эгей, жанубдан Ўрта Ер денгизлари билан ўралган. Мамлакат ҳудудидан Кичик Осиё ва Арманистон тоғлари ўтган.*

*Расмий маълумотларга қараганда ер майдони 814 минг 578 квадрат километр. Аҳолиси 2003 йилги ҳисоб-китобларга кўра 68,1 миллион киши. 1978 йили чоп этилган китобларда бу ҳисоб қирқ миллион икки юз минг деб берилган. Демак, чорак асрда салкам икки баробар кўпайган! У ёқда ҳинд ва хитойлар кун сайин ортиб бормоқда. Бу кетишида яна бир асрдан кейин одамзотнинг ер юзиди қандай яшабини тасаввур қилиши мушуқул.*

Айтишларига кўра, Туркия аҳолисининг тўқсон фоизини турклар, қолган қисмини курдлар, араблар, туркманлар, озарбайжон, грузин ва бошқа Қофказияга мансуб миллатлар вакиллари – черкас, адигей, чечен, осетин, лазгинлар, шунингдек озроқ болгарлар, армани, яҳудий, греклар ташкил этади. Мусулмонларнинг асосий қисми исломнинг сунний мазҳабига эътиқод қилади.

Туркиянинг тарихи жуда мураккаб бўлиб, узлуксиз урушларга, босқинлар, зиддият ва эврилишларга тўла. Бунинг бош сабабларидан бири мамлакатнинг Осиё билан Оврўпа ўртасида жойлашганлигидир: у томондагилар билан ҳам, бу тарафдагилар билан ҳам кураш олиб боришга, мураса қилишга, сулҳ тузишга кўп бора тўғри келган. Халқни бесару бесафо, юртни беқарору беҳаловат қилган доимий алғов-далғовлар йигирманчи асрнинг йигирманчи йилларидан, Мустафо Камол пошшо Отатурк давлат раҳбари бўлган пайтлардан нисбатан пасая бошлади. Шунинг учун ҳам Отатурк номи ҳали-ҳозиргача халқнинг оқил раҳнамоси сифатида тилга олинади, иззат-икром қилинади.

Турк халқи 1923 йили айнан Мустафо Камол Отатурк бошчилигидаги озодлик курашида ғалаба қозониб, ўз орзу-ниятига етишган. Ўшанда Туркия демократик ривожланиш йўлини тутган Республика деб эълон қилинган.

Ўтган саксон йилдан зиёдроқ вақт мобайнида мамлакат кўп иқтисодий эврилишларни бошдан кечирди: гоҳ юксалди, гоҳ пасайди. Шунинг учун сўнгги вақтларда давлат хусусийлаштириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, кичик саноат шаҳарчалари яратиш ва уларда саноат ҳудудларини барпо этишга алоҳида аҳамият берди. Шу амалий тадбирлар натижасида Туркияда автомобилсозлик, кимё ва енгил саноат корхоналари гуркираб, қисқа вақт ичида ҳам ички эҳтиёжни қондириб, ҳам хорижга маҳсулот сота бошлади.

Лекин матбуот хабарлари маълум қилганидек, бир неча йил илгари Мармара денгизи ҳудудида содир бўлган кучли ер силкиниши иқтисодий юксалишни яна бир мунча издан чиқарди. Бу табиий офат асоратларини ва иқтисодий инқирозни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Албатта, Туркия – йирик давлат, шундай бўлгач, унда вақти-вақти билан катта муаммолар ҳам юзага келиб туриши табиий бир ҳол, аммо ҳарқалай, нисбатан тинч ва ўзига тўқ мамлакатлардан бири. У ҳозир халқаро сиёсатда тенг ҳуқуқли мавқени эгаллаш ва Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Шуниси эътиборга сазоворки, Туркия билан Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ва давлатларимиз, тадбиркорларимиз ўртасида иқтисодий, сиёсий, савдо ва маданий соҳаларда яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган...

## ҚУВВАТЛИ ЭЛ ТАРИХИ

Биз учун энг муҳими - туркиялик турклар билан шажарамиз, тарихий илдизимизнинг муштараклигидир. Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган бу қадимий аجدодларимиз бугун Марказий Осиё деб аталаётган ҳудудда, Тангри тоғлари билан Олтой тоғлари оралиғидаги бепоён кенгликларда умргузаронлик қилганлар. «Бизнинг боболаримизга нисбатан у замонларда «турк» атамаси қўлланмас эди, - деб ёзади турк муаррихи Эрол Гунгўр «Тарихда туркий давлатлар» рисоласида. - «Турк» калимаси бугунги кунда бир миллатнинг номини англатади, аммо боболаримиз у пайтларда ҳали бир миллат сифатида шаклланмаган эди. Улар қавм ва уруғ ҳолида яшар ва ҳар бир уруғнинг айрим оти бор эди. Шу қавмлардан бирининг исми «турк» («турук») бўлиб, «қувватли» деган маънони англатган. Милоддан кейинги VI асрларда она тили туркий бўлган қавмларнинг ҳар бири алоҳида ўз исмига эга бўлса-да, уларнинг ҳаммаси умумлаштирилиб, «турк» деб атала бошланди. Демак, қадимда ҳам боболаримиз айна шу тилда сўзлаганликлари туфайли ягона бир миллатга мансуб эканликларини англаганлар. Туркий тил уларнинг бирлашувида ҳал қилувчи рол ўйнаган. Бугунги кунда ҳам туркий тил туфайли барчамиз бир миллатнинг фарзандлари, яъни қариндош эканлигимизни биламиз».

Муаррихларнинг хабар беришича, туркларнинг бир қисми салжуқийлар оқимидан анча аввал - XI аср ўрталарида Онадўли (Антакия)га келиб ўрнашиб қоладилар. (Айрим адабиётларда турк халқининг бўлиниб, қабилаларга ажралиб кетиши, шу қабилалардан бир нечасининг Онадўли - ҳозирги Туркия ҳудудига бориб жойлашувини милоддан аввалги VII асрда Турон давлати шаклланишига асос солган буюк хоқон бобомиз Алп Эр Тўнға вафотидан кейинги даврларда юз берганлиги ёзилади). Ана шу тарихий силжишлар, кўчишлар натижаси ўлароқ ота турк (Турон), она турк (Шарқий Туркистон) ва бола турк (Онадўли) иборалари вужудга келади ва буни Туркияда яшовчи турк халқи ҳам яқдиллик билан эътироф этади. «Туркиялик қардошларимиз кўп асрлар давомида ўзларини бошида салжуқийлар, кейин усмонлилар деб, давлатларини Усмонли императўрлиги, Усмонлилар халифалиги, Камол Отатурк замонига келиб эса ўзларини турк деб, давлатларини эса Туркия Жумҳурияти деб эълон қилишган. 1920 йилларда Усмонлилар халифалиги бекор қилиниб, янги давлатга қандай ном қўйиш масаласи мунозарага сабаб бўлади. Бир гуруҳ арбоблар бу жумҳуриятни Туркистон Жумҳурияти деб аташни таклиф қиладилар. Шунда узоқни кўра билган заковатли давлат арбоби Мустафо Камол Отатурк айтибдики, Туркистон бизнинг ота юртимиз, Туркистоннинг ўз ворислари бор. Туркистонлик қардошларимиз бир куни келиб ҳурриятга чиқажаклар, ўз мамлакатларини яна Туркистон деб атаяжаклар. Қардошларимизнинг миллий қадриятлари – Туркистонга тегинмайлик, бу тарихий ва шуқуҳли ном уларнинг ўзларига буюрсин.

Шу тариқа у асос солган жумҳуриятга унинг таклифига кўра Туркия Жумҳурияти деб ном берилган»<sup>1</sup>.

Хуллас, ҳозирги Туркияда яшаётган турклар аждоди буюк салжуқийлар империяси барпо этган ўғуз туркларига, ундан ҳам нарисси - Турк бобо – Абултурк Ёфас ибн Нух алайҳиссаломга бориб туташади. Туркиядаги мана шу тарихий эврилишлар, умуман

<sup>1</sup> А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев. Ватан туйғуси. Тошкент - «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил, 195-196-бетлар.

турклар илдизи ва шунингдек, бола туркларнинг шаклланиши ва ўтроқлашуви Баттол Фозий, Ўғуз ҳақидаги турк халқ оғзаки ижодига мансуб дostonларда ўз ифодасини топган.

Мухтасар гап шуки, биз кўнгилларимизда миллатдошлик, тупрокдошлик туйғулари билан ўз қавму қардошларимиз юртига қадам қўйган эдик. Шунданми, ҳеч биримиз ўзимизда бегонасираш ҳиссини, мусофирона ийманишни сезмас, аксинча, теграмизга ўзгача бир қизиқувчанлик, дил яқинлик билан назар солар эдик.

## ЮНУС ЭМРО

Туркия заминида менинг нигоҳимга илк бор чалинган эътиборга молик ҳол – олдимизда кетаётган юк машинаси ортидаги ҳимоя-резина (бризговик)даги «Юнус Эмро» деган ёзув бўлди. «Туркистон мулкининг улуғ шайх-ул машойихи» (Навоий) Аҳмад Яссавий бошлаб берган тасаввуф шеърляти аъналарини давом эттирган ва уни янги босқичга кўтарган, бундан етти юз йил бурун яшаб ўтган, оддий деҳқондан чиққан Юнус Эмро кўҳна турк-ислом маданияти, адабиётининг таниқли намояндаси. «Юнус Эмро – Туркиянинг, турк миллатининг дунёга етиштириб берган энг буюк шоирларидан бири. У ҳаётида ҳам, ижодида ҳам дин, мазҳаб, ирк ажратмади, одамларни бой-камбағалга айирмади. У, одамзот Аллоҳ каромати ила вужудга келган бутун борлиққа – дунёга, инсонга, бошқа маҳлуқларга бирдай муҳаббат билан яшаши керак, деган ғояни илгари сурди», деб ёзади эмрошунос олимлар. Юнус Эмро ўз қарашлари жиҳатидан Мавлоно Жалолоддин Румийнинг вориси эди.

«Ошиқ Юнус» таҳаллусли шоирнинг Туркияда нақадар машҳурлигини шундан ҳам билса бўладики, мамлакатда унинг қабри 15 та, бошқа юртларда ҳам бор, дея нақл этилади. 1991 йилнинг ЮНЕСКО томонидан «Юнус Эмро севги йили» деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас.

Зеро:

*Айюбу дил мубталоман, дарда дармон истарам,  
Ошиқи дил хастаман, жона жонон истарам...*

Ёки:

*Бу вужуднинг шаҳрина ҳар дам кирасим келар,  
Ичимдаги султоннинг юзин кўрасим келар...*

Ёки:

*Сан жонингдан кечмайин жонон орзу қиларсан,  
Белдан зуннор ечмайин имон орзу қиларсан... -*

каби ошиқона ва орифона, ҳам шўху ҳам ўйга толдирадиган байтлар Юнус Эмронинг ҳар ғазали, ҳар шеърда бордир, хўбдир.

Ҳатто оддий ҳайдовчининг ҳам Юнус Эмро деган шоирни билиши, унга ҳурмат бажо келтириши маъқул, ибратли, лекин, ҳарқалай, бу табаррук исм-шарифнинг машина ғилдирагини лой-қордан асраш учун осилган резинага битилиши, менимча дуруст эмас эди... Улуғ ижодкорларни бундай тарзда эъзозламайдилар! Ҳа, улар бундай иззат-икромга муҳтож эмас! Бундан уларнинг руҳлари ҳам шод ўлмас...

Ўттиз километр юриб, Тугу Боязид номлиғ жойда, «Ертур» кўнокхонаси олдида тўхтадик.

Меҳмонхона ресторанида бизни Туркиянинг замонавий машҳур фарзандларидан бири, ушбу элнинг Шералиси Иброҳим Тотлиса магнитофонда паст овозда янграётган «Аллоҳим, на эди гуноҳим...» деган дардчил нолали хониши ила қарши олди. Демак, уни биз каби, ўз юртдошлари ҳам севиб тинглашаркан...

Туркияда пул ниҳоятда бекадр, нарх-наво анча баланд экан – бизнинг назаримизда албатта. Биринчи, иккинчи овқатларнинг туси, таркиби, номи эсимда йўғу (боиси чеккарок

бўлгани учунми, хайратланиб, мактаб ейдиган эмас эди чоғи), аммо оддий салатнинг бир миллион, бир стакан чойнинг юз минг лиралиги, ўша кунги, Туркиядаги биринчи овқатланишимизнинг суммаси (7 киши) – 56 500 000 лира – 30 доллар бўлгани ёдимда қолди. 1 АҚШ доллари – 1 миллион 350 минг лирага тенг эди. Боя йўлда солярканинг литрига 1250 минг лирадан олишган эди. Пулни расмий тилда лира, оддий сўзлашувда «пора», «турк пораси» дейишаркан.

Меҳмонхона шароити яхши: каравотлари юмшоқ, одеяллар қалин, ювиниш хоналарида иссиқ, совуқ сув бор эди.

Дарвоқе, бугун дунёнинг аксарият минтақаларида Григорий тақвими бўйича Янги йил кутилмоқда, нишонланмоқда эди. Туркиянинг биз тушган ушбу олис қаламравида эса негадир бундай руҳ сезилмасди.

Биринчи қаватдаги фойеда экрани ўртача деразадай келадиган, рангли телевизор бор экан, Илҳомжоннинг (бояқиш куни билан автобус кабинасида ўтиравериб, тарс ёрилгудек бўлиб кетса керак!) таклифи билан иккимиз энди тушиб ўтирган эдик, орқамиздан Зокиржон ака кириб: «Тезроқ ётиш керак!» дея писанда қилиб чиқиб кетди. Раҳнамонинг гапи эса қонун – айниқса экспедицияда!

Дарҳақиқат, бизнинг нотаниш жойда (яна чет элда!), ярим кечаси, бегоналар орасида энамизнинг уйига меҳмонга боргандай бемалол ўтиришимиз ножоиз эди, албатта. Раҳбар – раҳбар-да, қолаверса, аъзолар унинг кафолатлигида!..

Шундай қилиб, янги 2004 йилнинг илк туни жимгина, бефайзгина ўтди.

*2004 йил, 1 январь, пайшанба*

Автобус бугун хунар кўрсатмас, деб умид қилувдик, ҳар кунгидан баттар бўлди. Меҳмонхона олдидаги машиналар турадиган майдон юзаси яхлаган, қор яна учқунламоқда, совуқ ҳам кундагидан қаттиқроқ эди. Илҳомжон бечора яна автобуснинг гоҳ ичида, гоҳ остида «изланиш»да. Муҳаммад Содик ёрдамда. У ёшлиги, табиатан чаққон, киришимлилиги, қолаверса, ҳар хил техникаларга қизиқувчан ва энг муҳими – одамийлиги боис, бунақа пайтда жим қараб турмас, туrolмас эди.

Камина - ёрдамчига ёрдамчи. Совуққа чидамаслик-ку оёқларимнинг эски одати, лекин ҳозир қўллар ҳам тараशा эди. Таржимонимиз билан навбатлашиб ичкарида қўлни иссиқ сувда ювиб, илтиб чиқамиз. Илҳомжон эса вақтдан қизғонар, қўнглига ҳам сиғмасди. Унинг калта бўғинли лўппигина бармоқлари шишиб, қизариб-бўзариб кетган эди. Бу панжалар қандай қилиб бир нарсани тутяптийкин, деб қўяман ичимда.

Кечаги усталардан бири «Алқўл» деган мой қуйиб олинглар, соляркани музлашдан сақлайди, деб тайинлаган эди-ю, хом сут эмган бандамиз-да, ҳар гал машина энди росмана тuzалди, деб ўйлаймиз. Кечаси моторни бирпас юргизиб қўйиш керакмикин, деб маслаҳат ҳам қилганмиз, лекин, ҳозирги гап-да...

Бекорчиликдан эринчоқлик билан, оҳиста, яккам-дуккам бўлиб тушаётган қор парчаларини кузатаман. Қор бўлақларининг ҳар биттасини осмондан бир фаришта олиб тушаркан-у, қайтиб чиқса унга қор тегмас экан – фаришта шу қадар кўп бўларкан.., қор парчаларининг ҳажми, шакли-шамойили бир-бирига айнан ўхшамайди, деган гаплар бор. Ҳозир тушаётган қор бўлақлари олти, саккиз қиррали юлдузлар шаклида эди. Қирралар тенг:

Заҳириддин Бобурда эса шундай сатр,  
*Келса гар қатра ёмғуре ерга,  
Бор анинг бирла бир малак бирга.*  
Ё, кудратингдан!...



Қолганлар ичкарида - фойеда ўтириб кутишмоқда эди. Бетоқат бўлиб, юраги зикланган Зокиржон ака чикди-да, ўзим аралашмасам тузалмайди, шекилли, деб жўнади ва ҳақиқатан ҳам, кўп ўтмай яғир коржомга кийганлардан бирини етаклаб келди. Уста машинанинг қаерларигадир дезодорантга ўхшаган нарсани пуркаб-сепиб, автобусни юргизди ва ҳақини олиб кетди. Хайрият, деб, ҳамма энди автобусга чиқиб эди, машина мотори яна ўчиб қолса бўладими! Мен раҳбар айтиб берган мўлжал билан устахонага бордим. Устамизни дурустроқ таниб олмаган эканман, ҳаммасининг кийими бир хил, ажратиб олиш қийин бўлди, аранг фарқлаб, амаллаб тушунтириб, бошлаб келдим.

Автобус юрди. Лекин бир оздан кейин мотор яна силтаб, тезлик ўз-ўзидан сусая бошлади. Яхшики, кўча пастга эниб борарди, Илҳомжон машинани ўз ихтиёрига қўйиб берди.

Йўллар яна ўша-ўша: икки тарафида дара, сўнг пакана-чакана тоғлар.

«Отайўл»имиз тагин ўчди. Илҳомжон эплаб ўт олдириди. Кўп юрмай, яна... Бир жойда филтёр алмаштирилди. Энди анча яхши.

Ташқари изғирин. Дарахтларнинг шох-новдалари, кўча бўйларидаги ўсимликлар қорқиров босиб, асл танасига нисбатан бир неча баробар йўғонлашиб, бир-бирига туташиб кетган.

Аммо, машина ичи ҳам иссиқ эмас. Қаердандир илиқ ҳаво ҳайдаётганга ўхшайди-ю, тафти йўқ. Фақат вужуд жунжикса майли-ку-я...

Қўллар оқаришиб, қуруқшаб, тўрлаб, тарам-тарам бўлиб кетди. Бу фақат совуқдан эмас, сув ҳам чатоққа ўхшайди.

Паст-баланд довон йўлларида Дуядин шаҳрига қараб кетяпмиз. Машинанинг яна тоби қочгиси келиб, ўқчиб-ўқчиб қўйяпти.

Данакдан йирикрок, ёнғоқдан майдароқ – махсус тайёрланган тош-шағал ётқизилган йўлнинг икки чеккасини юзаси музлаб ялтираган қор босган, кўча ҳам йилт-йилт қилади. Даралар борган сари кенгайиб, тоғлар биздан узоқлашиб боряпти.

Автобуснинг филтёри олиб ташланди - «прямой» қилиб қўйилди.

Устахоналар, автоуловга хизмат кўрсатадиган шаҳобчалар, яккам-дуккам уйлардан иборат кичик маҳаллалар учрайди. Тўп-тўп, гоҳо битта-иккита ёввойи кабутарлар...

Ҳаммаёқ оппоқ қор, осмон ҳам оппоқ, кўз қамашади.

«Прямой» билан ҳам узоққа бориб бўлмади. Агри шаҳарчасидан чиқаверишда янги филтёр қўйилди. Филтёрга 20 милён, уста ҳақи 20 милён, электрик – 10 милён – жами 50 милён лира олишди! Лекин, ҳарқалай, ишқалнинг асосий сабаби, манбаи топилди чоғи: соляркани илтиб берадиган ускунага ток ўтказиб бергич куйган экан!

Устахона яқинида ошхона бор экан, бирйўла тушлик қилиб олмоқчи бўлдик. Шахсан менинг оғёим карахт эди, емакхонада гуриллаб ёнаётган печка ёнига ўтириб, анча жонимиз кирди.

Меҳмонхона ва ошхоналарда Туркия Республикасининг биринчи президенти, турк халқининг даҳоси Мустафо Камол Отатуркнинг расми кўп. Шу овлоқ макондаги кўримсиз тамаддихона деворига ҳам унинг катта портрети осиб қўйилган.

Суюқ овқат бизга нотаниш бўлган ловиядан иборат мастава эди. Ловиянинг жигар тусли ранги хўрданинг сувига ҳам уриб кетибди. Кейин гуляшсимон, майдароқ тўғралган қаттиқ гўштли бир таом – гарнири гуруч ва яна қўнғир ловия, уни совутгичдан олиб қўшиб беришди, яхдай эди. Салати – петрушка, селдёр, бир неча лаппак помидор, редисканинг бир тури – мана шу тушлик 36 милён лира бўлди.

## ЙЎЛДАГИ ЕНГИЛ ТЎҚНАШУВ

Эронда ёнилғи арзону уни қўйиш шаҳобчалари кам эди, Туркияда эса, аксинча – бундай шаҳобчалар ҳар қадамда-ю, нарх осмонда!

Ердаги қор тобора қалинлашиб бормоқда, қуёш ҳар замон-ҳар замонда бир кўриниш бериб қўяди.

Икки ёндан баланд тоғлар қисган музлама кўчадан боряпмиз. Йўлдан чиқиб кетиб, тумшуғи билан тоғлар пойида кўрпа бўлиб ётган қорга санчилиб қолган машиналар ва уларни тортиб-суриб чиқараётган одамлар учраб туради.

Куёш жамол кўрсатган очик жойларда асфальтдан ҳовур кўтарилади. Яна бир зумда тоғлар бағрига кириб кетамиз. Лекин оҳиста юрамиз, тезлашнинг иложи ҳам йўқ.

Бир пайт Илҳомжон:

- Орқадан полиция тўхта, деб ишора беряпти, нима қилай? – деб сўраб қолди ўз олдидаги машина ичини кўрсатадиган кўзгудан қараб. Албатта, бундай савол фақат раҳбарга йўналган бўлади.

- Кулоқ солманг, юраверинг, - деди Зокиржон ака пинак бузмай.

Беш дақиқалардан кейин Илҳомжон яна ойнага юзланди:

- Тинмай чироқ ёқиб-ўчиришяпти.

- Яна озгина юринг, ҳў, анави уйлар бор ерда тўхтайсиз, - деб кўрсатма берди раҳбар ва кўшимча қилди: - Полиция ноҳақ ҳозир, олдимишга ўтиб тўхтатиши керак.

Полициячилар ҳам эринмаган хилидан эди - биз билан изма-из келарди.

Илҳомжон тормозни босди, полиция машинаси ҳам бир неча қадам кейинда тўхтади.

Ҳаммамиз пастга тушдик. Зокиржон ака бир папка ҳужжатни олиб, полициячилар ёнига (тепасига чироқ-сигнал ўрнатилган, «Волга»симон енгил автомобил ичида икки киши ўтирарди) борди. Полициячи машина ойнасини сал туширди. (Афтидан, улар ҳам чўчишарди).

- Нима гап? – деб сўради Зокиржон ака.

- «Тур» («Стоп»)да турмай ўтдинг... - Туркияда «сиз»лаш дегани йўқ эди чамаси.

- Бизда олдинга ўтиб тўхтатилади, - дея гапни транспорт ҳаракати қондасига бурди раҳбар.

- Бизда орқадан тўхтатилади, - уларнинг гапини ҳарқалай, тушуниш мумкин эди.

- Биз Ўзбекистон фуқароларимиз, ота турк – буюк аждодларингиз юртиданмиз, - деди раҳбар мағрурона.

- Пешонангга ёзиб қўйилмаган-ку, - полициячи сал бўшаши.

- Сенларниям пешонангга ёзиб қўймаган. Эҳтимол, ўғри ё қароқчидирсан, - тобора баландлар эди Зокиржон ака. – Бизни бир марта орқадан тўхтатиб отишган.

- Манави либосни кўрмаяпсанми? – эғнидаги махсус кийимга ишора қилди полициячи.

- Буни магазиндан сотволиш мумкин, - ҳамон бўш келмасди Зокиржон ака.

- Ҳужжатлар?..

Полициячи қоғозларни титкилади-ю, яхши англамади, албатта, манглайини тириштирди.

Зокиржон ака бизнинг Бобур номли халқаро илмий экспедиция аъзолари эканлигимиз, Яқин Шарқ ва Арабистон ярим ороли мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққанзимизни, ҳайдовчига яқин аҳоли яшайдиган жойга қадар тўхтатмасликни буюрганини тушунтирди ва «билмай ўтиб кетибмиз, мусофиримиз, меҳмонимиз, бир гал маъзур тутинглар», дея дипломатияга ўтди.

Вазият бирмунча юмшади. Яхши гап билан илон инидан чиқади, деб бежиз айтишмаган машойихлар. Лекин бизда бўлса, «Стоп»да тўхтамадинг, қочдинг, яна биз билан тортишдинг» дея бўйнимизга учта айбни илишиб, жаримани қайси шаклда бўлсаям, албатта ундиришарди.

Йўлга равона бўлдик. Эски қорнинг юзаси юмшоқ, енгил, пардай тўзиб турган янги қор билан қопланган эди.

Яна паст-баланд дарбандлар, музлама. Шитоб юриб бўлмайди.

Қоронғи тушди.

Ҳамроҳларнинг димоғлари хийла чоғ эди. Дастуримиздаги ниятларимизни амалга ошириб қайтгач, ҳамсафарлар гап навбатини ташкил этиш ҳақида сўз кетди. Менга имтиёз сифатида икки марта навбат берадиган бўлишди.



- Анорхўрлик, анжирхўрлик қиламиз экан-да. Гуркировнинг мана шу мевалари жуда бўлакча, дейишади, - деди бирлари.

- Ундан ташқари, Гуркиров Қорадарё бўйида жойлашган, балиқхўрлик ҳам бўлади, - дедилар иккинчиси. – Шу баҳонада Пахтаободгаям (раҳбар Избосканни нукул Пахтаобод билан чалкаштирарди) бориб турамиз.

- Зап айтасизлар, иш камлигида менга анча эрмак бўлади, - дедим.

- Ҳозирдан жуда суюниб кетманг, уни ҳали яна ўйлаб кўрамиз, - деди сиполарча Зайнобиддин ака. – Аввал бир балиқ пиширтириб келасиз, мазасини кўрамиз, маъқул бўлса, кейин борамиз.

- Унда куйдириброқ олиб келаман экан-да...

- Қорадарёда қанақа балиқ кўп бўлади ўзи, сазанми? – деб сўради Зокиржон ака.

- Ҳа, яна, шим деганиям бор.

- Шимми, шумми? – деб аския қилади Зайнобиддин ака.

Ҳазил-хузуллардан мақсад - кайфиятни кўтариш, йўл хордиғини тарқатиш эди.

Арзирум шаҳри ёнидан ўтаётганимизда росмана тун эди.

- Қалай, Илҳомжон, чарчамадингизми? Яна бир-икки соатга чидайсизми? – деб узоқдан гап ташлади раҳбар. Бу унинг «Босаверинг!» дегани эди. Лекин, кейинги шаҳар – Эрзинжонга яна икки юз километр бўлиб, йўлда меҳмонхона бор-йўқлиги номаълум, қолаверса, кўча сирғанчиқ эди. Шу боис Арзирумда тунашга қарор қилинди. Шаҳар маркази катта йўлдан анча ичкарида эди. Умуман, Арзирум Туркиянинг шимоли-шарқидаги йирик шаҳарлардан бўлиб, шу номдаги вилоят марказидир. Шаҳарга кираверишдаги тахтакачда нуфусининг 260 минг киши эканлиги қайд этилган экан. (Демак, қарийб Андижонга баробар). Кўчанинг икки бетида турли-туман автомобиллар сотадиган дўконлар қатор терилган эди.

«Артмин» номли ўртамиёна кўноқхона топдик. Қоровул бир термос чойга беш милён турк пораси сўради, қанақа мусулмонсан, шунчаём қиммат айтасанми, бу ноинсофлик, ҳаром, деган эдик, у ҳам тантилиқ қилиб, бас, сенларга чойни текинга бераман, деди. Лекин эвазига Илҳомжондан бир сигарет олиб чекиб кетди, яъни, ҳарқалай, курук қайтмади. Чоли тушмагур габроволикларга ўхшаб, қувгина эди.

## МАРЖОН АТАЛА

2 январь, жума

Эрталаб соат олти яримда Арзирумдан жўнадик. Совуқ. Ер оппоқ, аммо ҳаво тунд.

Эрзинжонгача масофа – 190 километр.

Қатнов негадир кам, шу боис йўлнинг музлаган қисми эримаган эди. Тойғанок, ялтиллайди.

Кечаги яхши кайфият бугун ҳам ҳамроҳ - ҳозирча. Бир неча кундан бери нон палов пишириш тўғрисида музокара давом этмоқда эди. Йўлда помидор, пиёз, болгар қаламшир, картошка харид қилдик.

- Бугун мен тушликка Андижонда тандирда ёпилган сарғели кулча нонлардан, кўй гўштидан тайёрланган кўғирдоқлардан албатта нон палов қилиб бераман, - деди раҳбар ва бизга пишириб-куйдиришга ярайдиган жой қараб кетишни тайинлади. Шу муносабат билан икки оқсоқол, икки қадрдон пайров-аскияга тушиб кетишди.

Аввалига Тошкентда, раҳбарнинг «дом»ида бир кун аввалги ошдан эртасига мастава тайёрлаш «маҳоратларини» бир-бирига оширишиб, таомдан чиққан, яъни қайта ишланган таомни хўп таъриф-тавсиф қилишди. Маълум бўлишича, маставанинг масаллиғини тайёрлаб, кўғириб сув қуйишибди, кечқурунги паловнинг қолганини солишибди, таом тайёр бўлгач, иккалалари «оҳ-оҳ»лашиб бир ярим косадан туширишибди. Зоҳиджон келиб қолган экан, мактаб-мактаб, унгаям қуйиб беришибди. Зоҳиджон оғзига бир қошиқ олибдию, мен ичкарида ичаман, деб, кўтариб кетибди...

Зайнобиддин ака қуймоқ пишириб куйдириб юборган экан, раҳбар: «Бир пайт қарасам...» деб ўша «тарихий ҳодиса»ни аския қилиб, кулиб гапириб берди.

Кейин қолган ошдан шавла пишириш усулларига кўчишди. Бу борада ҳам анча-мунча воқеалар эслаб ўтилди.

Муҳаммад Содик бутунлай янги гап айтди:

- Менинг бувижоним қолган ошдан маржон атала пишириб берарди, жуда зўр бўларди.

- Маржон аталаниям кўшиб кўясиз, - деди Зайнобиддин ака менга.

- Унинг учун татиб кўриш керак-да, - дедим.

- Афсуски, уни татиб кўролмайсиз, бувижоним ўтиб кетган, - бошини сарак-сарак қилди Муҳаммад Содик.

- Андазаси бордир?.. – деб сўрадим.

- Ҳа, келинингиз бувимдан ўрганиб олган. Анжанга борганда пиширтириб бераман, фақат унинг учун акамлар бир кун аввал кўпроқ палов қилишлари керак бўлади...

Беихтиёр ҳис этдикки, юртимизни, ўз таомларимизни кўмсай бошлаган эдик.

Зайнобиддин ака автобусга чиқаверишдан чапдаги биринчи ўриндикни эгаллаган, тирсақларини олдидаги тутқичга қўйганича, оёқларини тўни билан ёпиб келарди. Мен ҳам унга таассуб қилиб, спорт костюмим билан тиззаларимни ўраётган эдим, «Ҳа, совуқ энди ўтдим, ўшанақа, ҳали биздан кўп нарсани ўрганасиз, «Робинзон Крузо» романида «Эҳтиёжнинг ўзи ихтироларни келтириб чиқаради», деган гап бор», деди. Кеча машина тузатилган жойда совуқ еганимизни айтиб, совуқ емаганлар номидан ачиниш билдирди.

- Бир одам қаҳратон қишда қаттиқ совқотганидан, ўлмай ёзга чиқиб олсам, саратонда ўрик ўтин ёқиб ўтираман, деган экан.

Шу гаплар муносабати билан Зокиржон ака автобуснинг орқа эшик ёнидаги печкасини кўмиб ётган кўрпа-тўшак, сумкаларни шахсан ўзи олиб ташлади. Бу ҳақда бир неча кундан бери гап бўлаётган эди-ю, лекин раҳбарнинг махсус фармони бўлмагани учун ҳеч ким журъат этмаётган эди. Бир оздан кейин салонга илиқлик таралиб, жонимиз кира бошлади. Кўп нарсага бандаси ўзи ҳам сабабчи бўлади-да.

Яна оппоқ тоғли айлана ошувлар, ваҳимали йўлларга кирдик.

Таркан деган жойда, автобус ичида ўз заҳирамиздаги ноз-неъматлар билан нонушта қилдик. Фақат, чой кам эди, айрим «балиқлар» ютиниброқ қолди...

Чапда сой ва ўрмон бошланди. Дарахтлар шунақа қиров боғлаган эдики, кеча кўрганларимиз ҳам ҳолва экан. Ажабо, ҳамма жойда, масалан, Ўзбекистонда ҳам катта қорлар ёёди, совуқ бундан ҳам кучлироқ бўлади, лекин дов-дарахтларнинг қордан бу даражада қалин либос кийганини кўрмагандим. Ғоят гўзал манзара: камондай эгилиб қолган шохлар, ингичка-йўғон новдалар, арча буталари сувсар мўйнасини эслатарди.

Орқамиздан, гоҳ қаршимиздан келаётган ҳар хил юклар, енгил автомобиллар ортган баҳайбат машиналар – «Мерседес», «Вольво», «Алка», «Акер фиат» ва Туркиянинг турли моделдаги улкан автобуслари ёнимиздан гуриллаб ўтиб кетишади.

Шаҳарлар кўчаси юзасидаги дўкон ва устахоналар жойлашган биноларнинг аксарияти икки қаватли, бичимлари чиройли.

Чапдаги ўрмон, тўғрироғи, дарахтзор анчадан бери узилиб-узилиб давом этиб келмоқда. Қуёш автобусимиз ва бизнинг пешоналаримизни қиздира бошлади. Ҳамон қорли тоғлар қуршовида бормоқдамиз. Йўл бўйидаги сой юзидан қуюқ ҳовур кўтарилади.

## СУВ ШАҲРИДАГИ НОН ҚЎФИРМА

Эрзинжонга олтмиш километр қолди. Кўча ҳамон шебен-шағал, бироқ асфальтдай текис.

Чапда автомобил йўли билан параллел равишда анча наридан темир йўл солинган бўлиб, у жуда баланд, тош-тоғлар остидан очилган туннелдан ўтарди.

Яна ўн чақиримлардан кейин тоғларда ҳам, пастда ҳам қор юпқалаша бошлади.

Бир кўприкдан чапга ўтиб кетдик, Қорасув дарёси ва темир йўл ўнгда қолди, бир оздан сўнг яна темир йўл ёнига қайтдик, дарё чапга ўтди. Шу жойларни баҳорда кўрсанг – олам ям-яшил бўлиб, ҳозирги файзу тароватга ўн ҳисса қўшилса керак. Юзасида парча-парча музларни оқизиб бораётган дарё сувига суқингиз киради – ложувард, гўзал. Қани энди, бояги чойнинг камига бир шимирсанг, деб ўйлаб кетаётгандим, Зайнобиддин ака сувнинг тиниқлигини қаранг, тўйиб-тўйиб ичгим келяпти, деди. Дарё йўлдан анча пастда эди.

- Олиб чиқайми? - дедим тезгина.

- Кошқийди. Тоғ сувлари жуда шифобахш бўлади-да, - деб истагини яширмади у.

Мен бир вақтлар Шоҳимардонда қорним оғриб турганда чанқоққа чидамай, таваккал қилиб, тоғдан тушаётган, тошдан-тошга урилиб оқаётган зилол сувдан ҳовучлаб-ҳовучлаб ичганим ва бир оздан кейин оғриқ таққа тўхтаганини эслайман.

- Оқсоқолдан сўранг, олиб чиқаман.

Зокиржон ака кулоқ қоқиб ҳам кўймади, ўзини эшитмаганга солиб ўтираверди. Чунки, у ҳар галгидай, бу сафар аввалида ҳам совуқ сув ичмаслик хусусида фармон эълон қилиб кўйган...

Ютиниб-ютиниб кетишдан ўзга чора йўқ.

Ўнг томонимизда, тоғнинг қуёшга беткай жойларида қор сийрак эди ва ҳадемай қорли худуддан чиқиб кетдик. Чапдаги кенг ўзанда дарё бўлиниб-бўлиниб, кенг уйнинг келинчагидай яйраб оқарди. Ўзанда дарахт кўп, қалин эди. Айни шу жой она қишлоғим Гуркировнинг Қорадарё билан туташ қисмидаги ўрмонни ёдимга солиб, бир энтиктирди.

Тераклар навнихол эди.

Ҳисоблаб қарасак, Андижондан 11590 километр йўл юрибмиз. Шу ерга етганда гўёки баҳор билан юзлашдик.

Эрзинжон 180 минг аҳолига эга шаҳар экан. Биз унинг марказига кирмай, ёнлама йўлдан Сивазга қараб кетарканмиз, 1939 йили Эрзинжонда юз берган кучли зилзила оқибатида қирқ минг одам нобуд бўлганини эсладик. Сивазда эса мудҳиш бир фожеа юз берган: 1993 йили ушбу шаҳарда илғор зиёлилар анжуман ўтказишаётганда реакцион бир гуруҳ бинога ҳужум қилиб, уни ёқиб юборишади. Қирққа яқин аҳли зиё тириклай ёниб кетади. Ўша машғум воқеа содир бўлган жойда машҳур турк ҳажвчиси Азиз Несин ҳам бўлиб, у тасодифан омон қолади.

Томларда қуёшдан энергия олувчи қурилмалар кўп эди, балки шундай асбоб-ускуна ўрнатилмаган томнинг ўзи йўқ эди. Шахсий автомашиналар бир қолипдаги коттежсимон уйларнинг олдиларида, яъни ташқарида, шундоқ очикда турарди. 1989 йили Венгрия ва Чехословакияда сафарда бўлган чоғимда ҳам шундай манзарани кўриб кўп ажабланган эдим.

Эрзинжондан беш-олти чақирим узоқлашганимизда ола-чалпоқ қор пайдо бўлди ва тагин икки-уч километрдан сўнг тоғлар орасига кириб кетдик.

Сивазга 230 километр қолди. Дарёнинг қуруқ ўзани чапимизда, биз билан бақамти бормоқда (суви қаёққадир бурилиб кетди чоғи).

Бу йўллар ҳам шебен-шағалдан иборат эди. Музлаш хавфи кам бўлгани учун шундай қилинар экан.

Яна қорли тоғлар икки ёндан қисиб келмоқда. Автобус эса чираниб баландга ўрлайди.

Тоғлар оқ булутлар орқали кўм-кўк осмон билан туташиб кетган. Бу тоғларнинг ўзига хос жиҳатлари – кўкимтир цементга ўхшаш жойларининг кўплиги эди.

- Булар оксидланиш оқибатидир, - деб изоҳлади Зокиржон ака.

Чапдаги тоғларнинг тепалари, ёнбағирлардаги бепоён арчазорни кўриб ақл лол қолади – шу қадар кўп, фақат, нотекис – баъзи ерлари ўта қалин, зич, айрим жойлари сийрак – худди сепилгандай. Ажабки, ўнгдаги тоғда арчалар яккам-дуккам. Бир неча километргача шундай эди.

- Булар махсус экилганмикин? – деб сўрайман ҳайрон бўлиб.

- Табиий, - дейди Зокиржон ака. – Ҳар қандай ўсимлик денгиз сатҳидан маълум баландликда ўсади, ундан тепада ҳам, пастда ҳам ривожланмайди. Эсингизда бўлса, Бобур Мирзо Қандаҳор тоғларининг хусусиятларини жуда келтириб таърифлайди – худди геологдай, худди сейсмологдай...

Етмиш беш километр юриб, ўнгга – Тўкат томон кетдик.

Водийсимон худудлар: ўнгу сўлда катак-катак, бурчак-бурчак экин майдонлари, уларнинг атрофлари ва тоғ ёнбағирларида ортикча шохи кам, ниҳоятда тик ўсадиган ок тераклар мўл эди. Адирларнинг тепалари ва ораларида тол ва бошқа дарахтлар бўлиб, тол новдалари қизғиш тусда.

Туркия кўчалари Эрон йўллариغا нисбатан анча содда, кўрсаткичлар кўп ва аниқроқ – истаган шаҳарни адашмай, ҳар муюлишда сўрамай аниқ топиб бориш мумкин эди.

Яна баҳорий аломатлар – қорсиз, яшилланиб келаётган ерлар, илмилик ҳаво...

Сувшеҳр - Сув шаҳрида Зокиржон ака ниҳоят ўз ваъдасининг устидан чиқишга қарор қилди. Катта йўл бўйидаги маиший-техник хизмат кўрсатиладиган танҳо бир масканда мой алмаштириш устахонаси, намозхона ва ошхона мавжуд эди.

Гўша кинолардаги манзаралар каби эди: ўнгга, йўлдан сал нарида паст тоғлар, чап тараф – бир неча газ пастликда бепоён сайхон, ўртадаги дарё ўзанида камгина сув осойишта оқмоқда, атрофда сийрак, ҳар турли дарахтларнинг учлари сезилар-сезилмас тебранар, узокдаги тоғлар қандайдир сирли туюларди.

Ошхонанинг шундоқ биқинида сунъий ҳовуз бўлиб, ундаги бир-бир ярим қаричли, тангалари қорамтир балиқлар, одамзотдан безор бўлишган чоғи, шарпани сезишлари билан думларини шитоб лапанглатиб, ўзларини сув тубига ва ё нариги бурчакка уришарди.

Ошхона хизматчилари очиқ кўнгилли йигитлар экан, ҳамма шарт-шароитни муҳайё қилиб беришди. Барча бир ёқадан бош чиқариб, масалликлар арчиб-тўғралди. Бош ошпаз – Зокиржон аканинг ўзи эди. Лекин, қозонга бир-бир энгашиб, маслаҳат бермаган, фикр айтмаган бир зот қолмади ҳисоб. Бир кулинг ўргилсин нон қўғирма бўлдики, ҳатто турк биродарларимизнинг лаганлари ҳам тамшаниб қолди!.. Ошхона ходимлари ҳам ширин, мазали таом учун ўз миннатдорчиликларини изҳор этиб, сафарларимиз беҳатар бўлишини яратгандан тилаб, биз билан қуюқ хайрлашиб қолишди.

Аммо, ҳар тўқисда бир қусур, деганларидай, бир неча кундан бери кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келинаётган, бу ёқларда анқонинг уруғи бўлган турп музлаб қолган экан, ачиниб-ачиниб ташлаб юбордик. Фақат шу «мусибат»ни ҳисобга олмаганда тушлигимиз шохона ва байрамона бўлди, фароғат онларимиз ғоят тантанавор руҳда ўтди. Экспедициянинг мана шунақа гаштларига борман-да!

Биз Сурия мамлакати сари, яъни буюк сиймо Ал-Форобий ҳазратлари ётган Дамашк томон юрар эканмиз, ўтган сафарлардаги йўл азоблари, овқатланиш муаммолари, меҳмонхона излаш ва жойлашиш заҳматлари ва бошқа воқеалар хаёлимиздан ўтди. Шунингдек, Покистон давлатининг тарихий шаҳарларидан бири, Бобур Мирзо қадам жойларидан бўлган Мўлтон йўналишидаги Хайбар довони бекатида пиширилган шўрвани ва Ҳиндистоннинг Бенгалия қўлтиғига яқин Канхи қишлоғида дамланган Андижонча паловни эслаб, йигит кишига қирқ хунар ҳам кам, деб биладиган Зокиржон аканинг ошпазлик санъатини биримиз қўйиб биримиз таърифлаб кетдик.

Яна арчазорли тоғлар қўйнига кириб кетдик. Арча деганим – оддий арча ҳам, сарв ҳам эмас, игна баргли дарахтнинг бошқача туридан эди. Билағонлар «листвяк» дейишди. Бу умрзоқ дарахтлар тобора кучайиб, эгаллаган худуди кенгайиб, қалинлашиб, гўё олам яшилланиб, тоғлар кўркамлашиб, ёшариб борарди.

Йўлга, сувга яқин бошқа дарахтлар ҳам бор эди-ю, улар қуриб қолган, сувдан узок-баланд тоғ қояларидаги арчалар эса яшнаб турарди.

Тўкат (ўзбек тилида «Тоқат» ёзилади) - ўнгга, биз тўғрига – Амасияга кетдик. Меҳмонхонада жой йўқ экан, маъмур йигит олижаноблик билан бошқа кўноқхоналарга кўнғироқ қилиб суриштириб кўрди – натижа чиқмади.

Йўл-йўлакай бир-икки дўконга бош суқиб ўтдик. Бир кило сабзи олти юз минг, помидор саккиз юз минг, гуруч 1750 минг лира эди. Беҳини «айва» дейишаркан, анорни - «нор» - зўр-зўр қайн анорларнинг баҳоси уч юз минг...

Сулева шахридаги меҳмонхоналардан ҳам ўрин бўлмади. Бир турк ва бир озарбайжон йигитлари ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилишди – мусофирхонасимон жойларга олиб боришди.

Кейинги шаҳарга етмай, йўл бўйидаги ёнилғи қуйиш шахобчаси ёнида жойлашган одмигина отелда тунадик.

Турклар Ўзбекистонни, ўзбекларни яхши билишар, «Ха, қардош?..» деб хол сўрашар, хизматига кўп ҳақ олишдан хижолат чекишмас-да, хушмуомала эдилар. Солярка қуядиган жойларда чойга таклиф этишади, ошхона-ресторанларда арзимаганроқ юмушга чақираверсак, бир-биримизни тушунишга қийналсак, бошқа нарса олиб келибсан ё мана бу керакмас, фалондан бер, десак, малол олишмайди. Боя довондаги ошхонада, тушлик пайтида ҳам худди ўз уйимиздагидай ҳаммамиз ошхонага кириб олиб, хоҳлаган буюмимизни ишлатиб, хоҳлаганча чой қуйиб ичдик – йигирма беш-йигирма етти ёшлардаги ошпаз йигитнинг заррача оғринганини ё ижирғанганини пайқамадик. (Бу хизмат кўрсатиш-сервис маданиятининг юксаклигидан, албатта). Фақат, қозон-товоғини ишлатганимизга ўн милён лирани тиланиб, ўтиниб олди. Бунинг устига, ошхоначи асалари боқар экан, раҳбар ийиб кетиб, бир кило асални ҳам бериб юборди - «татиб кўр-чи, сеники яхшими, бизникими?», деб...

Муҳими, ошхона хизматчилари кам сўзлашар, фақат, бошини тепага силтаб, бир ибора - «Тамом!» - («Хўп, яхши»)ни кўп ишлатишарди.

## ТУНГИ ЧАЛҒИШ

*3 январь, шанба*

Уйғонсам, соат олтидан ўтибди. Ухлаб қопман, шериклар уйғотишмабди-да, деб, апил-тапил турдим, бир оз бадантарбия қилдим-да (совуққотиб, яхши ухлолмагандим), ювиниб келдим. Ҳаммаёқ жимжит эди. Шоша-пиша бомдодни ўқидим, сўнг кийиниб, нарсаларни жомадонга жойлаштириб (хонада бир ўзим эдим), кетишга шай бўлдим. Бу орада соат олти яримдан ошди. Ий-я, ҳар куни соат олтиларда жўнардик, бугун нега дарак йўқ, наҳотки Сҳамма менга ўхшаб ухлаб қолган бўлса, деб ўйлайман ва деразадан ташқарига – осмонга қарайман – боягидай бир хил: ёришиб келаётгандай. Иттифоқо, бирдан соатимнинг Ўзбекистон вақти билан юриши эсимга тушди. Бу ернинг вақти билан соат учда туриб олган эканман. Бир оз ёзиб ўтирдим. Чироқ хира эди. Қайта ётай десам, жой яхдай, ётмай десам, машинада уйку босади. ©тдим, лекин ухламадим. Тўғриси, совуқ ухлатмади. (©лғиз одамнинг исишиям қийин-да!). Экспедиция деганиям ҳар кеча кўп юлдузли меҳмонхоналарда яйраб, ёйилиб ётиш дегани эмас-да!

Зайнобиддин ака чиқди. Дунё жабру жафоларини хийла тортган бўлишига қарамай, хушчақчақлик табиати ҳамиша ўзига йўлдош бўлган бу одам ҳазил-мутойиба, нозик қочиримлари билан даврани обод қиладиганлар тоифасидан.

- Э, қойилман, ҳалиям ётибсизми, бунақамас-да, - деди кулиб.

Мен бўлган воқеани айтиб бердим, кулишдик. Кейин у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик.

Ниҳоят жўнадик. Озгина юрилгач, тўғрига – Мерзифон шаҳрига кетиларди, биз чапга бурилдик. Уч-тўрт чақиримдан сўнг кўча яна айри ҳосил қилди – чап йўл янги пойтахт Анқарага олиб борарди, биз тўғрига – эски пойтахт Истанбул сари (622 км) равона бўлдик. Автобусимиздаги масофа ўлчагич 12 минг километрни кўрсатарди.

Бу ёқда аҳоли масканлари – посёлка ва қишлоқ кўпроқ, томорқалар ҳайдалган эди. Кечки қарам, яна қандайдир зироатлар яшнаб турибди. Дарахт кўп, айниқса, оқ терак. Ажабки, ҳаммаси ёш, дуркун эди.

Уйларнинг лойихаси, ранглари, безаклари ғарбча.

Қор бўлмаса-да, совуқ. Гоҳ тоғлар пайдо бўлади ва яна даралар бошланади. Йўл гоҳ очик далаларга чиқиб кетади-да, яна тоғлар оралиғига қайтиб киради. Тоғлар юзаси пайваст арчазор – деярли бир хил бўй, бир хил ёшда.

Уйлар орасидан бот-бот узоқдаги баланд masjidлар, уларнинг бўйига нисбатан ингичка - ракетасимон миноралари кўришиб қолади.

Шолидан бўшаган ерлар кўп, демак, сув сероб ва шундан тез-тез туманга дуч келамиз.

Чорва моллари, умуман ҳайвон кўзга кам ташланади.

Йўл яхши. Автоулов катновини йўл назоратчилари эмас, белгилар, ҳаракатланиш қоидалари, кўча номлари бошқаради.

Бу ёқда тоғлардаги арчалар негадир курий бошлаганди. Балки қаригандир.

Хусусан ўнгдаги арчаларнинг барглари батамом сарғайиб, қовжираб қолган. Чапдаги қорли тоғларда арча сийракроғу, ҳарқалай яшил эди.

Қиш фаслидаки шундоқ, кўкламда қандай тус оларкин бу тоғлар?..

*Яна баҳор, яна қор,*

*Икки ён тоғ – арчазор.*

*Бир ён сариқ, бир ён кўк,*

*Бундай иқлим қайда бор?..*

Биз айна дамларда Бобур Мирзо бобокалони, Соҳибқирон Амир Темур ва унинг ўғли Мироншоҳ ҳукмронлик қилган заминда, уларнинг изидан бормоқда эдик. Маълумки, Амир Темур Кичик Осиёнинг Сиваз, Суриянинг Ҳалаб, Дамашқ шаҳарларини забт этгач, 1402 йили Анқара яқинида Усмонли турк султони Боязид I - Йилдирим Боязидга қарши беомон уруш қилган. Бу машҳур воқеа тарихга «Анқара жанги» атамаси билан кирган.

Анқара йўли ҳар замонда гоҳ чапдан, гоҳ ўнгдан келиб туташади-да, анчадан кейин яна айрилиб кетади.

## ЯНГИ ҲАЙРАТЛАР

Истанбулга 294 километр қолганда катта трасса бошланди. Пуллик ҳудудга киришда махсус бетон устунга ўрнатилган автоматдан чек олиб ўтдик (йўл ҳақи пуллик ҳудуддан чиқишда тўланаркан). Тезлик соатига 120 километр эди. Пуллик ҳудуддан чиқишда махсус будкада ўтирганлар 1250000 лира олишди.

Ўнгда Боли шаҳри қолди, арчазор-ўрмонлар давом этди. Сўнг довонга кўтарила бошладик. Латофатли тоғ қуршовида, пастларда яккам-дуккам деворлари оқ, томи жигарранг тунукали ё черепицали уйлар....

Хотира ўрмони бизни янада ҳаяжонга солди. Бу атаманинг сабаби ва тарихини билолмадим, албатта, аммо мен учун унинг сабабидан кўра мавжудлиги муҳим ва аҳамиятли.

Шу жойдан боз баҳор қўйнига кириб қолдик: тоғлардаги арчалар, атрофдаги баланд-паст ерлар, турфа дарахтлар, очик майдонлардаги барра майсалар ям-яшил – курорт масканлари андозаси, лойихаси шу ердан олинса, улар нечоғлик шифобахш, кайфиятбахш ва гавжум бўлур эди. Нигоҳим бу гўзал манзарага тикилиб, тўймасди. Кавказнинг машҳур курорт шаҳарлари – Кисловодск, Бештов (Пятигорск)га жуда ўхшарди. Айниқса, кабохоналари жуда шинам эди... Олам нақадар бепоён, фусункор жойлари қанчалар кўп-а!..

Истанбулга 207 километр қолганда яна пуллик ҳудудга кирдик. Икки томон тартибли-тартибсиз, поёнсиз ям-яшил дарахтзор – ўрмон.

Йўл катта, икки тарафига темир тўсиқлар тортилган, ўртадаги кенг пушта-бульварга қатор арча ё дўланага ўхшаган бута-гуллар экилган.

Соат учларда ниҳоят биз кетаётган тарафда қуёш кўринди.

Сизот сувлар пайдо бўлди. Яшиллик янада кучайди, кенгайди.

Истанбулга 30 километр масофа қолди.

Ўнгдаги ўн-ўн беш қаватли уйлардан иборат бир мавзе бинолар музейига ўхшайди.

Ўнгу сўлдаги баланд тоғларнинг ёнларидаги ғиж-ғиж уйлар бир-бирига мингашиб, тоғ чўққисигача чиқиб кетган. Уйларнинг шакли-шамойили, бичими, ранг-туси хилма-хил, ўзига хос.

Шу қадар нокулай жойларда шунча уй-жойлар қурилишига қанча ашё, қанча маблағ, қанча вақт кетганикин?

Менинг назаримда, бу ерда камида бир шаҳарча аҳолиси жойлашган эди. То Истанбулгача шундай эди.

Тепаси турар жойлардан иборат бўлган тоғлар остидан туннел ҳам ўтарди.

609 метрлик туннелдан чиқиб, узундан-узун темир кўприкдан ўтдик ва 1020 метрлик тоғ ости йўлига кириб кетдик. Туннел ичи чарақлайди – ташқаридагидан ҳам ёруғрок туюлади.

*Хаяжонлар бекор бўлди,*

*Бекор бўлди - ҳў аввалги*

*ҳайратлар....*

Чапда бирдан кўрфаз пайдо бўлди - булутлар аралаш туман остида тўқ зангори тусли сув оҳиста чайқалар, қирғоққа яқин жойларда одамлар қайиқларда сузиб юришарди.

Ям-яшил арчазорли тоғлар, музейсимон уйлар, узун-узун кўприк ва туннеллар тез-тез алмашилиб туради.

Мен Туркияни кўришга орзиқардим, лекин бу қадар ҳайратангиз манзараларни тасаввур қилмагандим. Мошоолло!.. Бошим оғриб қолди – менимча, ҳайратдан, хаяжондан... Аммо ҳали олдинда Истанбул турарди...

### **«ЧОЛИҚУШИ»**

#### **ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА**

Афсуски, ҳарфлар танишга ўхшаб турса-да, шошилишда ўқиш, уқиш қийин эди. Ҳижжалаб мағзини чаққунча ўтиб кетамиз. Йўлдаги кўп шаҳар ва қишлоқларнинг номларини билолмадим. Ҳолбуки, мен нигоҳим билан ва хаёлан «Чолиқуши» романининг бош қаҳрамони - шаддод, аламзада Фериди кўп ситамлар чеккан, сарсон кезган, номлари ғаройиб масканларни излардим: Кўзётоғини, Тақирдоғини, Зайниларни, Қаршиёқани, Олажақояни ва бошқа шахру қасабаларни. Балки бу номларнинг айримлари тўқимадир, дейман ичимда.

Дарвоқе, турк адабиёти, «Чолиқуши»нинг муаллифи ҳақида... Барча халқлар адабиётлари қатори турк адабиёти ҳам халқ оғзаки ижодидан руҳ, мадад олиб шаклланган. Халқ оғзаки ижоди – бамисоли пойдевор. Туркия фольклори анча бой, серқирра, бадий жихатдан пухтадир. Мазкур оғзаки ижоднинг қадимги намуналарида дунёнинг яратилиши ва одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги исломгача бўлган ғаройиб афсоналар сақланиб қолган ва уларнинг айримлари бизнинг «Сирли олам» журналимизда «Турк асотирлари» рукни остида эълон қилинган. «Ўғузнома», «Кўрўғли» туркумидаги халқ дostonлари ҳам маълум ва машхур. Турк ёзма адабиётидаги дастлабки йирик асар Сўфий Ошиқ Пошшо (13-14 аср)нинг «Дарвишнома» маснавий дostonидир. Кейин Жалолиддин Румий - у асосан форс тилида ижод этган бўлса-да, турк тилида ҳам шеърлар ёзган ва Юнус Эмро унинг шогирди, давомчиси ҳисобланади.

XX аср турк адабиётида катта ўзгариш ясади. Насрда ҳам, назмда ҳам ўзига хос ижодкорлар етишиб чиқди ва улар бадииятга янги-янги анъаналар, услублар, жанрларни олиб кирдилар. Атоқли вакиллари Тавфиқ Фикрат, Номик Камол, Ризо Тавфиқбек, Нозим

Ҳикмат бўлган ҳар турли шакл ва вазндаги назмиёт, Сабоҳиддин Али, Рашод Нури Гунтекин, Азиз Несиннинг номлари билан боғлиқ наср намуналари кенг шухрат қозонди.

Кейинроқ эса Оврўпа таъсирида бутунлай бошқача – тиниш белгиларсиз – нуқта-вергулларсиз модерн шеърият (Ўрхун Вали, Мелих Жавдат, Ўктой Рифат ва бошқалар) авж олди ва бу ғаройиб янгилик бошқа халқлар, жумладан, ўзбек шеъриятига ҳам юқди. Аслида турк адабиётшунослари, адиблари, китобхонлари ҳам аср бошларидаёқ ўзбек бадиий адабиётига катта ҳурмат ва эътибор билан қарай бошлаганлар. Хусусан, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпонни юксак ардоқлаб, масалан, «Қаландар ишқи» шеърини ёшлар тумор қилиб тақиб юрсалар арзийди», деган фикрни баралла ёзганлар. Зеро, Чўлпон Туркияга сафар қилган ва турк ҳамкасбларида янги давр ўзбек шеърияти асосчиси сифатида таассурот қолдирган эди.

Аслида, Чўлпоннинг ҳам Туркия адабиётига, ижодкорларига нисбатан ҳурмат-эътиқоди зиёда – Тавфиқ Фикратни, Ризо Тавфиқбейни кўп севиб ўқир, уларни устоз, яқин ҳамқаламлар мақомида улуғлар эди. Шу билан бирга Чўлпонни Туркияга, ҳаммиллатларига азалий қон-қардошлик ришталари мустаҳкам боғлаган эди. Юқорида саналган турк шоирлари ҳақидаги жўшқин мақолалар, бадиалар муаллифи Чўлпон «Ишқ», «Зиёи қамар» каби назмларини усмонли туркчада ёзган, «Тўфон» сарлавҳали шеърини эса Онадўли қишлоғининг музаффар ўрдуларига бағишлаган.

Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари йигирманчи аср ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари, жадидчилик ҳаракатининг фаол, фидойи вакиллари, умуман зиёлиларимизнинг Туркияга қизиқиши ва интилишлари зиёдалилига яна бир сабаб бор эди – турк элининг узоқни кўра билиши, миллий кадриятлар, илму урфон, ақлу ҳикмат манбаи-китобни беҳад қадрлаб, эъзозлаши боис, мамлакат пойтахти Истанбул китобхоналари ва аҳолиси кўлида умумий тарихимизга, маданиятимизга оид ноёб асарлар, қўлёзмалар ва бошқа илмий манбалар кўп йиғилган эди. Қолаверса, Шарқу ғарб кўприги бўлмиш бу шаҳарда ноширлик, матбаачилик, китобдорлик соҳалари анча илгаридан ривожланганди. Илму маърифатга дахлдор ва ё унинг қиммати, аҳамиятини англаувчи ота-боболаримиз Ҳаж ибодати, саёҳат ва зиёратлардан қайтишда Маккаи мукаррама йўлидаги асосий бекат – кўналға ҳисобланган Истанбулдан кўплаб китоб ва қўлёзмалар сотиб олиб келишарди. Ана шу маънавий бойликларнинг аксарияти бугунги кунда Тошкент илм хазиналарида мўътабар дурдоналар сифатида асраб-авайланади.

Туркиянинг санъат шинавандалари қалбини эса яна бир ҳамюртимиз, бетакрор истеъдод ва овоз соҳиби Комилжон Отаниёзов забт этган. Машҳур ҳофизимиз Истанбул шаҳридаги Ҳазрати Али жоме масжиди саҳнида қўшиқ куйлаганида йигирма минг одам йиғилган экан. Концерт тугагач, масжид муаззини бошчилигида бир неча одам Комилжон ака ёнига келиб, ундан оғзини очиб, томоғи ва халқумини кўрсатишини илтимос қиладилар. Комилжон ака бу ғайриоддий таклифдан ҳайратга тушади. Маълум бўлишича, қўшиқ тинглаганлар «бу янглиғ овоз одам-бандага насиб ўлмас, балки томоғида бирорта мослама бордир» деган иштибоҳга боришган экан. Эртаси куни Туркия газеталарида «ўзбек диёриннан галган нағма ва ошиқ (қўшиқ) пири» ҳақида шов-шувга тўла мақолалар босилиб чиққан экан<sup>1</sup>.

Рашод Нури Гунтекин... Бу сермахсул адибнинг «Тамға», «Яшил кеча», «Ҳазонрезги» каби рўмонлари ҳам ўзбек тилига таржима қилинган, аммо «Чолиқуши», унинг бош қаҳрамони Гулбашакар китобхонлар орасида ниҳоятда машҳур бўлди ва бу рўмон Ўзбекистонда 5 марта кўп минг нусхада чоп этилди. «Чолиқуши» романини бир шеър ўқигандек ўқийман» - таниқли ўзбек адабиётшуносларидан бирининг эътирофи бу. Мен «шеър» сўзи олдига «лирик» сифатини ҳам ёзиб қўйишни истардим. Рўмоннинг оҳанрабо сири нимада? Менимча, китобнинг ўқишлилиги – ёзувчи услубининг соддалиги, ғазал каби оҳангдор, равон ва ёқимлилигида, тасвирнинг содда ва жозибадорлигида, енгил юморга бойлигида, сюжет, композицион қурилишининг қизиқарлигида, воқеаларнинг, ҳатто шу

<sup>1</sup> «Ошлик» журнали. 1987 йил, 12-сон. Сулбат Абдулла: «Комилжон Отаниёзов афсоналари».



соҳада анча-мунча қалам тебратиб юрадиган одам учун ҳам чиппа-чин ишонарли ва таъсирчанлигида, Феридадаги аёлларга хос самимият ва ғурурнинг табиийлигида, аёл қалбининг туб-тубигача ўткир нигоҳ ва кучли идрок ила инкишоф этилишида...

Мен «Ўтган кунлар», «Оқ кема», «Чоликуши», «Замонамиз қаҳрамони», «Баҳор сувлари» каби муҳаббат ва ҳаёт қиссаларини қайта-қайта ўқиётганимда, тўғриси, хотирамнинг «бундайроқ»лигидан мамнун ҳам бўлиб қўяман...

«Чоликуши» муаллифининг таржимаи ҳоли, ижодий фаолиятига китобхонларимиз ҳам қизикса керак. Туркиянинг энг машҳур, сермахсул адибларидан бири, ёзувчи, драматург, таржимон, адабиётшунос Рашод Нури Гунтекин 1892 йили Истанбулда туғилиб, 1956 йили Лондонда вафот этган. «Сирли қўл» номли дастлабки рўмони (1921) савдо-сотикнинг кучайиши оқибатида меҳнаткаш халқнинг қашшоқлашуви ва юқори табақа вакилларининг бойиши мавзуга бағишланган.

©зувчининг, юқорида саналганлардан ташқари «Шафқат қилинг», «Тегирмон», «Мазлумлар жамоаси» рўмонларида ва бошқа асарларида ҳам халқнинг ижтимоий ночор аҳволи, жамиятнинг қусурлари, миллий-озодлик курашлари ёрқин бўёқларда ифодаланган. Гунтекиннинг 19 рўмони, 7 та ҳикоялар китоби, 24 жилдли асарлар тўплами нашр этилган, қатор пьесалари сахналаштирилган. «Ҳийлаи шаърий» спектакли ўзбек театрларида ҳам сахнага қўйилган.

Истанбулга киришда адашиб, Кадикўй деган йўлдош шаҳарчага кириб қолибмиз. Кўчаларнинг торлиги, қатновнинг шу даражада тиғиз ва ноқулайлигидан орқага қайтишнинг сира иложи йўқ эди. Бунинг устига қоронғи ҳам тушиб қолди. Узоқдан «Бағдод» деган меҳмонхонани кўрдик, аммо унинг яқинига бориш учун икки марта айланиб келдик. Йўл четида бир зум тўхташ ҳам имконсиз – бир неча сонияда автомашиналар қаторлашиб, чинқира бошлашарди.

Меҳмонхонадаги шароитдан унча кўнғил тўлмади, лекин бундай тўполон шаҳарда бошқа маъқулроқ жой топишга ҳам кўзимиз етмади.

*4 январь, якшанба*

Эрталаб майдалаб ёмғир ғёмоқда эди. Адабиёт ихлосманди, шоир Собир Сайхон (рахбаримиз унга кечкурун кўнғироқ қилган эди) келди. Асли Фарғона музофотининг Марғилонидан бўлган бу одам анча серғайрат, серзавқ ва куюнчак эди. 1931 йили Истанбулга кўчиб келишганида у она қўлидаги чақалоқ экан. Ҳозир 71 дан ўтибди. Кўринишидан анча ёшга ўхшайди. Соқоли киртишлаб олинган, калта мўйловли, тепа қисми сийрак ва калта сочи мошгуруч. Шундай совуқ ва ёмғирда ҳам ялангбош юргани ғалати эди.

- Бош қизиб кетади, - деди у кейинроқ бу ҳолатга изоҳ бериб.

Собир ака ўзи билан Ҳоқон Темур деган бир йигитни бошлаб келган эди.

Биз шундоққина Босфор бўйида эканмиз. Мезбонлар етакчилигида нонушта қилиш учун меҳмонхонадан икки юз қадамлар наридаги ошхонанинг болахонасига чиқдик. Рўпарамизда автобекат ва ундан нарида Босфор суви чайқалиб, қирғоққа шалоқлаб уриларди. Соҳил яқинидаги кемалар тебраниб турар, денгиз ичкарасида – булут ва туман қоришиб, осмонни батамом тўсиб қўйган жойларда катта-кичик пароходлар сузиб юрарди.

## ИСТАНБУЛ

*Туркиянинг энг йирик ва қадимий шаҳри бўлмиш Истанбул Мармара денгизи ва Босфор бўғози соҳилларида жойлашган. Шаҳарга тўртинчи асрда Византия императори Константин асос солган ва шунинг учун Константинопол деб юритилган. Қомусий китобларда ёзилишича, ўн бешинчи аср ўрталарида, аниқроғи, 1433 йили шаҳарни турклар фатҳ этишган ва Усмонли турк империясининг пойтахтига айлантиришган, ана шу вақтдан буён Истанбул деб атала бошланган. Лекин бу ном Амир Темур билан замондош адиб ва тарихнавис олим Низомиддин Шомий ул музаффарни гозий тавсияси, бевосита*

*топиригига биноан битган «Зафарнома» китобининг 1400-йиллар бошидаги воқеалар тасвирига бағишланган саҳифаларида қўлланган: «Истанбул маликининг Соҳибқирон ҳазратга итоат ва фармонбардорлик билдиргани баёнида».*

Биз Истанбулнинг қадимий, тарихий ёдгорликларини кўриш истагида эдик. Бундай обидаларнинг аксарияти шаҳарнинг эски қисмида жойлашган экан.

Кадикўй Истанбул остонасида, у билан туташ шаҳарча. У аввал қишлоқ бўлган, эски номи Қозикишлоқ экан. Ҳозир бу ердан жой, уй қуришга ер сотиб олиш амримаҳол, дейишди.

Ҳеч қанча юрмай, катта темир кўприк олдидан чикдик. Шу қадар маҳобатли, таги жуда чуқурки, шунча узун (бир чақиримдан зиёд!) кўприкнинг бунчалик қуйидан, яна сув остидан қандай кўтариб чиқилганига ақлимиз лол эди. Икки-уч чақирим ўнгда яна бир шундай кўприк яққол кўриниб турарди. Истанбулнинг Осиё қисми билан Оврўпа бўлагини боғлайдиган бу мухташам кўприклар, мезбонларимизнинг айтишига қараганда, 1970-72 йиллари япон мутахассислари томонидан қурилган экан.

Кўприкда транспорт қатнови ниҳоятда шитоб бўлиб, олти қатор эди: учтаси у ёққа, учтаси бу ёққа.

Кўприк охирида, бўғознинг Олтин Шоҳ қўлтиғи қирғоғида йўловчиларни «Оврўпога ҳуш келибсиз!» деган ёзув қарши оларди.

Туркия – икки қитъага жойлашган ягона улкан мамлакат, шунинг учун бу юртдаги тутумларда, урф-одатлар, ҳатто одамларнинг чехраларида, яшаш тарзларида, шаҳар қурилишларида, хусусан Истанбулда Осиё билан Оврўпага хос хусусиятлар қоришиқдай кўринарди. Яна бошқа жиҳатлари билан сирли ва жозибали эди Истанбул. Лекин, биз бу афсонавор шаҳарга фақат унинг ҳусни-латофатидан баҳра олиш учунгина интилмагандик. Биз ал-жабр ва илми нужум устозларидан бири, темурий шоҳ ва олим, «илм ва ақл денгизи, дунё ва диннинг таянчи» Мирзо Улуғбекнинг шогирди, сафдоши, дўсти Али Қушчи қабрини зиёрат қилмоқчи, унинг аҳволи-ҳолатини ўрганмоқчи эдик.

## АЛИ ҚУШЧИ

*Али Қушчи – Мавлоно Алоуддин ибн Муҳаммад Қушчи Самарқандий 1403 йили таваллуд топган машҳур фалакиётчи олим. Самарқандда Қозизода Румий қўлида таҳсил олган. 1428 йили ишга туширилган ва ўз даврида жаҳондаги энг мукаммал ҳисобланган Мирзо Улуғбек расадхонасида илмий кузатишлар олиб борган, фалакиёт ва ал-жабрга оид асарлар ёзган. Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» тадқиқотининг юзага келишида ҳиссаси бор. Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг Самарқанддан кетишга мажбур бўлади. Табризда шаҳар ҳокими Узун Ҳасан Оқ Қўюнли билан танишиб, унинг тавсиясига кўра турк султони Муҳаммад Иккинчи (1452-81 йиллар) саройида ишлаган. Истанбулдаги олий мактаб мударриси, бош мударрис лавозимларида фаолият кўрсатган. «Арифметикага оид рисола», «Қаср сонлар ҳақида рисола», «Ал-Муҳаммадий рисоласи» ва бошқа кўплаб асарлар муаллифи.*

Кўприк шаҳарнинг чап ғёи – жанубида эди. Ўнгда - ўттиз-қирк километр наридан Қора денгиз ўтган, аммо у бу ердан кўринмасди.

Бир оз юргач, Мармара денгизининг бошланиш қисмида қурилган яна бир катта кўприқдан ўтиб, Эски Истанбулга кирдик. Ҳазрати Илча мавзеида автобусни махсус майдонга қўйиб, пиёда Айюб Ансорий мақбараси зиёратига бордик.

## АБУ АЙЮБ АЛ АНСОРИЙ (ХОЛИД ИБН ЗАЙД АЛ ҲАЗРАЖИЙ) РАЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ

*Набий Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага хижрат қилиб келганида то ҳужраи саодатлари ва масжиди муборақлари*

*битгунга қадар Абу Айюб хонадонида яшаб турган, у шундай катта шарафга ноил бўлган саҳобалардан эди.*

*Абу Айюб Ансорий шундан кейин пайғамбар алайҳиссалом билан Бадр, Ухуд, Хандақ ва бошқа жойлардаги жангларда ҳамроҳ бўлган. Кейинчалик у Ҳазрати Али раҳнамолигидаги бир қанча жангларда ҳам иштирок этган. Ҳазрати Муовия тарафдорларидан унинг ўғли Язид ибни Муовия бошчилигида Қўстантания (Туркия) тарафга қилинган юришларда улуг ёшда бўлишига қарамай, Абу Айюб ҳазратлари маслаҳатгўй сифатида бирга олиб юрилган. Кекса саҳоба ҳижрий сананинг эллигинчи йилида Қўстантания четда дорул фанодан дорул бақога рихлат қилади ва ўз васиятига кўра, ўша ерга дафн этилади. Лекин бир қанча вақтгача бу марқад номаълум бўлган. Кўп саъй-ҳаракатлардан сўнг авлиёлардан бўлмиш Оқ Шамсуддин ҳазратлари мукошафа билан англаб, Ансорий мозорини топган.*

Истанбулнинг Абдулғозий Султон Муҳаммадхони соний томонидан фатҳ этилиши ва унинг халифалик марказига айлантирилиши ҳазрати Муҳаммад мустафонинг яқин саҳобаларидан ва меҳмондорларидан бўлган Абу Айюб Ансорий марқади - қабри шарофатидандур, дейдилар.

Ўша замонлардан ҳозирга қадар амирлар, султонлардан тортиб оддий мусулмонларгача Айюб Ансорийни бағоят ҳурмат ва риоя қилиб келадилар. Усмонли ҳукмдорлар подшоҳлик қилиши ва камарларини ул зоти бобаракот шарафига унинг қабри қошида боғлаганлар.

Кўп саҳоба ва тобеинлар Айюб Ансорий разияллоҳу анҳудан ҳадислар ривоят қилганлар.

Мақбара олди – улкан чинорлар ости катта майдон бўлиб, сон-саноксиз ёввойи каптарлар зиёратчилар ташлаган нон ушоқлари ва бошқа емишларни талашиб-тортишиб чўкилашар, биров яқин борса, паст-баланд учиб атрофга тарқалишар ва одам қайтгач, тагин ерга ёпирилиб тушишарди.

Шохлари тарвақайлаган чинорлар кекса – камида беш-олти юз ёшларда бўлса керак. Баъзилари уч-тўрт одамнинг ҳам қулочи етмас даражада йўғон эди.

Зиёратчилар орасида эркак кўп, аммо аёллар ҳам кам эмас.

Илгарилари Турон заминидан ҳажга борувчилар Истанбулда тўхтаб, албатта Ҳазрати Айюб қабрини зиёрат қилиб ўтишар экан.

Кенг ҳовлили сағананинг орқа томонида чоққина қабристон бўлиб, машҳур аллома, ҳамюртимиз Мавлоно Али Қушчи Самарқандий ҳам шу жойга дафн этилган. Зокиржон ака ва Фаррухлар аввалги экспедиция сафарида уни зиёрат қилишган эди.

Қабртошлар ниҳоятда зичлигидан ораликлардан ўтиш анча мушкул эди. Бунинг устига, яхшигина ёмғир ёиб турарди. Зокиржон ака билан Собир Сайхон тахминлаб бир қабртош ёнига бошлаб боришди. ©зуви ўчиб битаёзган экан, арабий имлони биладиган Собир ака ва Муҳаммад Содик тошни артиб-тозалаб, машаққат билан аранг илғаб ўқидилар. Али Қушчи руҳи ғарибона алфозда биздан кўмак ўтингандай бўлди назаримда. Шундай илмпарвар, номи ва шаъни асрлар оша яшаб келаётган инсоннинг қабр тоши ҳеч ким танимайдиган кимсаларнинг қабрлари орасида мусофирона қисилиб, мунғайиб, тўкилиб турибди. Агар қабртош таъмирланиб, ёзув янгиланмаса, бир неча йилдан кейин шунча қабрлар ичидан Али Қушчи мозорини топиш мушкул бўлиб қолиши аниқ. (Атрофдаги қабртошлар яқин, бинобарин, ихчамроқ бир дахма кўтариш ҳам муаммо эди).

Улуғ олим фаолияти, фазилатлари, унинг Мирзо Улуғбекдай илми нужум пирига муносиб ва садоқатли шогирд, дўст бўлгани ҳақида бир оз гаплашиб турдик, қабр ҳолатига ачиндик, уни асраш тўғрисида мулоҳазалар айтилди. Фараз қилдимки, Зокиржон ака аввалги сафар Али Қушчининг ҳокими Самарқандга – Мирзо Улуғбек расадхонаси ёнига кўчириш ҳақидаги истакларини эслаб, дилида янги орзу-режалар туғилди. Ахир ўз умрини илму фан йўлида бахшида қилган фидойи зотни келажак авлодлар хотирлаб туришига, қабри зиёратгоҳ бўлишга муносиб эмасми?

- Вақтларингиз зиклигини сезиб турибмиз, лекин бир музейни кўриб кетмасаларингиз бўлмас, - дейишди мезбонлар. Улар «Мини (мўъжаз) Туркия» деган очик

мозийгоҳни назарда тутишган эди. Мармара денгизининг бошланишида, шундоққина кенг соҳилда бунёд этилган мазкур ёдгорлик чиндан-да, ўзига хос, ажойиб томошагоҳ, сайргоҳ. Мозийгоҳ экспонатлари – Туркия шаҳарларидаги машҳур бинолар, обидалар, маданий масканлар, мамлакат ҳудудидан ўтган тоғлар, денгиз ва кўллар, темир йўллари Истанбулдаги майдонлар, Анқара тайёрагоҳи ва бошқа иншоотларнинг кичрайтирилган нусха-макетларидан иборат, қисқа қилиб айтганда, рамзий Туркия. Бу гўзал зиёратгоҳда айланиб, ўзингизни бутун Туркия бўйлаб кезиб юргандай ҳис қилишингиз мумкин экан. Айниқса, бугунгидай ёмғир севалаб турган маҳалда сайр этиш ғоятда гаштли эди.

## ВАТАНДОШЛАР ХОНАДОНИДА

Собир Сайхон бизни тушликка таклиф қилди. Уларнинг уйи бу ердан унча узок бўлмаган Мард ар (Мард эр) мавзеида экан.

Туркиянинг собиқ президенти, Ўзбекистон ва Туркия дўстлик муносабатларининг янги босқичга кўтарилишига бош қўшган Турғут Ўзал қабри ёнидан ўтдик – Тўпқали деган жойда. Демак, бу ҳудуд ҳам, ҳарқалай, Истанбулнинг диққатга сазовор масканларидан эди. Лекин одатда бундай катта раҳбарлар, хусусан, мамлакатнинг биринчи шахслари пойтахт марказроғида дафн этиларди-ку? Балки мархумнинг васияти шундоқ бўлгандир.

- Шу атрофда туркистонийларнинг қабрлари кўп, - дейди Собир ака.

«Туркистонийлар» маданий-ижтимоий ёрдам жамияти 1954 йили тузилган бўлиб, аъзолари ўзбек, қозоқ, уйғур ва бошқа туркистонликлардан ташкил топган экан. Ҳозирги кунда Ҳокон Темур ана шу жамиятнинг раиси эди.

«Истанбул»да кўплаб ўзбеклар яшайди, - деб ёзган эди профессор Б.Қосимов ўз сафар-кундалигида. – Тўй-маъракада йиғилиб турадилар. Шаҳарда шундай йиғинларга мосланган махсус жойлар бор. Биздан борганларни дунёнинг барча мамлакатларидаги сингари туркистонлик дейишади. Бу атама шу қадар аниқ ва машҳур. Истанбулда туркистонликларнинг мавқеи чакки эмас. 20-30 минг туркистонликнинг 20-30 га яқини доктор». Рақамларда тафовут бўлиши мумкин. Мезбонларимизнинг норасмий хабарларга суяниб берган маълумотига қараганда, бутун Туркияда 80 мингдан зиёд ўзбек бор экан.

Истанбул университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган Ҳокон Темур Туркияда туғилган. Падари бузруквори Отабек билан ватандош, волидаи муҳтарамаси Кумушбиби юрти Марғилондан экан. Улар эллигинчи йилларда Сталин зуғумидан қочиб чиқиб кетишган экан.

Бўйчан, оқ юзли Ҳокон қирқ ёшда эди – туси нақ ўзбекона. Уйда ўзбекча гапиришаркан.

2001 йили, Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан ота-оналари ватанига ташрифини ҳаётидаги унутилмас воқеалардан деб билади.

Собир аканинг айтишича, Мард эрда қирқта ўзбек оиласи истиқомат қилишаркан.

- Кўчаларимизда ҳар турли дарахт кўп, шу жиҳатдан бу мавзе Тошкентга, Фарғонага ўхшайди, - дейди у. - Истанбулнинг ҳамма жойи ҳам бунақа эмас, аксарият мавзелар девор-тош иморатлардан иборат...

Собир Сайхон хонадони кўп қаватли катта бинонинг биринчи қаватида бўлиб, орқа тарафдаги хиёбонсифат майдондан кириларди.

Хоналарнинг деразалари ва бурчакларидаги анвойи гуллар уйга баҳорий фусун бағишларди.

Хонадон бекаси миллий кийинган, хуштакаллуф ўзбек аёли эди.

Собир Сайхон оиласи фалакнинг гардиши, қисмат тақозоси билан ҳар томонга тирқираб кетган эди: опаси Кимёхон (Шермат «кўрбоши»нинг келини) Нью-Йоркда, синглиси Соҳиба опа Вашингтонда, ўғли Жавдот ҳам Америкада яшашаркан.

Ота-оналари «қоч-қоч» замонларда, 1931 йили Афғонистонга ўтиб кетишганида Собир ака кўлдаги чақалоқ бўлган, болалиги Мозори Шарифда кечган, кейин Кобул шаҳрига

кўчишган. Афғон заминида ўн йил муҳожирликни бошдан кечиришгач, Туркияга келиб қолишади. Собир ака ҳарбий хизматни мусулмон аскарлари сифатида турк элида ўтади.

«Бир мусибат минг насиҳатдан афзал» деган турк мақолини бот-бот ишлатарди Собир ака. Бунинг исботига ўз ҳаёти мисолида хўп амин бўлган чоғи.

- Бир вақтлар кўп қийналганман, - дейди у. – Шўро даврида. Бу ерда Ўзбекистоннинг одами деб анжуманларга қўшишавермайди, ўзимиз ёққа борсам, Туркиянинг жосусимикин, деб шубҳаланишади, орқамдан айғокчи қўйишади...

Собир ака Ўзбекистонга гоҳ-гоҳ бориб турар ва бизда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлардан яхши хабардор эди. Дастлаб киндик қони томган юртга бундан ўттиз беш йил илгари қадами етган ва ўшанда қалби бир олам ўкинч ва армонларга тўлиб қайтган эди.

У 1993 йили Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллигига бағишлаб Андижонда ўтказилган тантаналарда ҳам қатнашган, Зокиржон ака билан ўшандан буён таниш эди.

Собир ака, гарчи гўдаклигида чиқиб кетган бўлса-да, Туркияда, Истанбулдек чиройли, пўрим шаҳарда яшаса-да, барибир ҳамиша Ўзбекистонни ўзимники, дейди, унинг ҳурлигидан қувонади, мустақиллигимизга боқийлик, халқимизга фаровонлик, маъмурлик тилайди. Ватан соғинчи унинг юрагини сим-сим эзиб туриши сезилади. Зеро, у шунчаки оддий банд эмас, яхшигина таъби назм эгаси бўлиб, асарларида ватан ишқи ва армони алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу ғазал шундан ёрқин далолатдир:

*Ҳазон бўлдим, жоно, кўролмай қолсам, хайр энди!<sup>1</sup>  
Улгуриб бўсогангни ўполмай қолсам, хайр энди.*

*Ҳажринг ҳамон олов мисол жону дилим куйдиргай,  
Азиз дийдорингга тўёлмай қолсам, хайр энди.*

*Йигитлик чоғимда билмай қадринг жаҳду гафлат ичра,  
Мабодо хизматингда бўлолмай қолсам, хайр энди,*

*Рухим у ерда-ю, вуждим бу ерда, гўё ўликман,  
Сўзу аҳдимга вафо қилолмай қолсам, хайр энди.*

*Кўнгилга энг яқин сен-у, аммо бегона ўзимга мен,  
Овозингга қулоқ сололмай қолсам, хайр энди.*

*Киндиклар қони тўкилган аждод ёдгори – ватансан,  
Турна мисоли учиб келолмай қолсам, хайр энди.*

*Боғу чаманзоринг, тоғу ҳаволарингни сайр айлаб,  
Сайхуну Жайхунинг кечолмай қолсам, хайр энди.*

*Кечалар қоронғу, юлдузлар ҳам ёрутмас кўнгилни,  
Тонг саҳарда Сухайлни кўролмай қолсам, хайр энди.*

*Сабринг сўнги бўлгай саломат, халқим, худога омонат,  
Мен мусофир дуога қўл очолмай қолсам, хайр энди.*

Собир акалар хонадонда ўзбекча сўзлашадилар, кўчада – туркча. Гарчи бу икки тилнинг келиб чиқиши бир ва ассосан тушунарли бўлса-да, соф маҳаллий лаҳжада гапиришса, гоҳо англаш қийинроқ кечади. Набиралари мактабда туркча ўқишади, лекин улар ҳам ўзбекчани яхши биладилар.

<sup>1</sup> Ғазал «Шлик» журналининг 1992 йил, 7-8 ўяшма сонидан олинди.

Кўк чойни водийликларга хос, аччиқ дамлаб ичадилар, фақат уни яшил дейишаркан, биз билмасдан йўллардаги ошхоналарда нукул «кўк чой» деб сўрайверибмиз, бизни ҳам шул юрак малҳами билан сийлаб, кўп олижаноб иш қилдилар. Чанқоғимиз қонди, хуморимиз босилди. Биз кўмсаган Фарғонача, Андижонча угра-чучвара ҳам нақ тилаган жойга борди. Фақат палов пишириш усули бошқачароқ – афғончароқ экан: қизил сабзи ош устига солинган эди. Туркия гуручида иссиқлик миқдори баландроқлиги учун парҳезбоп Покистон гуручидан ош дамлашаркан. Катта товоқ (лаган)даги ошдан ликобларга бўлиб солиш ҳам афғонлар одати эди. Бутун турк дунёсига мансуб иштаҳа очар помидор-бодринг салати – енгил, яхна таом Мард эр мавзеида ҳам дастурхон беазаги, овқат газаги эди.

Собир Сайхонникида бизни ўзига энг кўп жалб этган нарса - ўртасидан тешиб девордаги миҳга илиб кўйилган, узоқ турганлиги оқибатида кўнғир тус олган Кўқон папири бўлди. Собир ака ҳамиша, ҳамма жойда дастурхон кўрки, ҳаётнинг файзи, яшашнинг бош манбаи бўлган бу мўъжизани бундан ўн йил аввал Ўзбекистонга - ўша – Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан қилган сафаридан қайтишда атайлаб олиб келган экан: патир ёлангандай сип-силлиқ эди, демак у кўп силанади... Балки ҳар тонг юзга суртилар...

## ЎЗБЕКЛАР ТАКЯСИ ХАРОБАЛАРИ

Собир акаларникидан чиқиб, Ватан шоҳкўчасидан кетдик. Оқсарой деган манзилда «Ўзбек» хотели (эгаси марғилонлик экан) кўзларимизни яшнатиб юборди, гўёки Ўзбекистоннинг бир бўлагини кўргандай бўлдик.

Паст-баланд уйларнинг пешона ва пештоқларида турли номлар, ёзувлар, рекламалар кўп ва йирик-йирик эди. Айниқса, нимяланг аёллар турли либослар, тақинчоқлар, ювиниш ва безаниш ашёларини тарғиб этиб, жилмайиб туришарди. Мамлакатнинг бу тарафи Оврўпа билан туташлигининг аломати эди булар.

Султон Аҳмад майдони. Бу ерда алоҳида кўзга ташланадиган тарихий обидалар 18-асрда қурилган Султон Аҳмад жоме масжиди ва майдон ўртасидаги – бир-биридан юз кадамча масофадаги тош миноралар эди.

Олти минорали масжид жуда катта – камида беш минг намозхонга мўлжалланган бўлиб, қизиқ бир тарихга эга эди. Ривоят қилишларича, Султон Аҳмад бинокор устани чорлатиб, олтин минорали масжид барпо қилишни буюрган, банно эса олти минорали намозгоҳ қурган. Иш ярмида Султон келиб ажабланади.

- Нега бу олти минорали? Ахир мен олтин минорали масжид қуришни амр қилгандим-ку! – деб сўрайди у важоҳат билан.

- Бир қошиқ қонимдан кечинг, султоним, мен «олтин»ни «олти» деб эшитибман, - дея тиз чўқади уста.

Албатта, иншоотга катта маблағ сарфланиб, хазина анча енгиллаб қолган эди. Султон «Бўлар иш бўпти», дейди ва устанинг гуноҳидан ўтади. Аслида бинокор-меъмор султоннинг сўзини аниқ эшитган, аммо олтинни одамлар ўғирлаб кетиши мумкин, деган андишада ўзича шундай йўл тутган экан.

Бўйи 25 метрли, чорқиррали тош минорлар Мисрдан олиб келинган экан.

Бир кўчанинг «Ўзбек» деган номи кўзларимизга чўғдай кўринди. Шу кўчадан сал тепароқда, югуриб тушар жойда камида уч юз йиллик тарихга эга ўзбеклар такяси (меҳмонхона, карвонсарой)нинг хароблашган биноси бор эди. Иккинчи қавати масжид экан. Иншоот умуман олганда бутун, лекин эшик-деразалари йўқ, пачоқ, қаровсиз, ташландик бир ҳолатда эди. Турли сабаблар билан (?) бир неча марта ёниб кетгач, ҳукумат бекитиб кўйган экан. Дарҳақиқат, миноралари синиб тушган, пештоқлари, деворларининг тепа томлари қорайиб турарди.

Бу жой ўтмишда Туркистондан ҳаж сафарига - Маккаи мукаррамага борадиганларнинг асосий кўнимгоҳи, дам олиш маскани, такяси экан. Унинг лангархоналик хизмати ҳам

бўлган – яъни, муҳтожларга овқат берилган, бошқа хайрия ишлари амалга ошириб турилган.

Собир аканинг айтишича, ўз вақтида бундай мусофирхоналардан Истанбулда еттига эди, лекин кўпи ҳозир бутунлай йўқолиб кетган.

«Такаянинг олдида ҳовлиси, ёнида хиёбон бўларди», дейишди мезбонлар. Тепалик ерда қад кўтарган иморат айвони ва деразаларидан бир неча юз одим наридаги мавжли Мармара денгизи яққол кўриниб туради.

- Бу ерда қанча-қанча аждодларимизнинг излари қолган, - дейди Собир ака маънос тортиб. – Марғилоннинг Қайрағоч қишлоғилик Уста Кичик деган одам шу хонақонинг чекка, торгина ҳужраларидан бирида ётиб юрарди. Мен ҳар замонда келиб, хабар олиб, узоқ-узоқ суҳбатлашиб кетардим. «Ватан» деса, йиғлайверарди... «Ўзбекистонданман», деган кимсанинг оғёи чангини кўзига суртишга тайёр ватандошларимиз бор эди, ўтиб кетишди...

Атрофда эски иморатларнинг қолдиқлари, ёғоч уйлар мавжуд эди. Илгари Истанбулда шундай ҳовли-жойлар кўп бўлган, чунки Истанбул ўрни асли ўрмонзор экан.

- Умуман, бу мавзе анча машҳур эди, - деб изоҳ беришда давом этади мезбонимиз. – Ҳар турли воқеалар юз бериб, атрофга тез тарқаларди. Анча-мунча қотилликлар ҳам содир бўлиб турарди. Айниқса, бир ҳодиса ҳали ҳамон оғиздан оғизга ўтиб келади. Юсуф деган паҳлавон келбатли киши бир турк гўзалига ошиқ бўлиб, унга майл билдирмагани учун қизғанганидан, алаmidан қизни ўлдириб қўйган.

Девордаги «Ўзбек» деган ёзув остида суратга тушаётсак, ёндаги хонадондан ёши ўтинқираган оқ-сарик юзли, қотмагина бир аёл чиқиб, биз билан сўрашди. Ўзбек такасининг мутасаддиларидан бўлган фарғоналик бадавлат кимсанинг келини экан. Қайнотаси ҳам, эри ҳам раҳматли бўлиб кетибди. Айтишича, ўзбекча сўзлар қулоғига иссиқ эшитилиб, кўнгил яқинларининг ватандошларини бир кўриб, гаплашгиси келибди. Ғоят таъсирли ҳол, бир шеърга мавзу...

Қайтишда Галата кўпригидан ўтдик – унинг икки тарафидаги тўсиқлар ёнига тизилиб олган балиқчилар денгизга қармоқ ташлаб, кўзларини пўкакка тикишганича, Истанбулнинг шунча ташвиш-суронию ғала-ғовурига парво қилмай, умидбахш сукут қаърига ғарк бўлишган эди.

Истанбулнинг қарама-қарши тарафи, кўприкнинг нариги бети Галата шаҳарчаси эди.

Атрофда тарихийлик белгиси бўлмиш гумбазлар, минорлар беҳад кўп эди. (Аввалроқ нашр этилган қомусий китобларимизда Эски Истанбулда 500 дан зиёд масжид мавжудлиги ёзилган).

Бешиктош деган, қандайдир ривоят билан боғлиқ жойда кетаётганимизда хаёлимда ажиб ҳислар, туйғулар ғимирлай бошлади – Туркия қадимий асотирлар юрти-ку.

Яна Босфор бўғози узра қад кўтарган маҳобатли ва ҳайратли темир кўприқдан Истанбулнинг Осиё қисмига оёқ босдик. Шаҳарнинг бу ҳудуди ҳам кўркам ва обод, аммо асосий маъмурий-маданий марказлар, майдонлар, хиёбон-боғлар Оврўпа бўлагида экан.

Бўғоз – бўғиз демак, Истанбулнинг бўғзи – Мармара эди.

Истанбул сайри-саёҳатидан кўнглим тўлмади, албатта.

- Биз Истанбулни кўрдикми? – деб сўрадим мезбонлардан.
- Сизлар Истанбулни кўрмадингиз, лекин Истанбул сизларни кўрди, - деди Темур Ҳоқон. «Чиройли лутф бўлди», деб ўйладим ичимда.
- Демак, Истанбулга кирдиг-у, уни кўрмадик...
- Истанбулни кўриш учун ойлар керак...
- Хуллас, биз Истанбулни бўғзидан қайтыпмиз экан-да?
- Шундай. Истанбул – илгариги Истанбул эмас. Эллигинчи йилларда шаҳарда икки миллион аҳоли бор эди, ҳозир ўн беш милёндан зиёда...

Оширворди-ёв... Лекин, бўлиши ҳам мумкин. Ахир Туркия аҳолиси қарийб етмиш миллион-ку.

Кадикўйга киргач, мезбонларга ташаккур айтиб, улар билан хайрлашдик.

- Она юртга бизнинг саломимиз ва соғинчимизни етказасизлар, - деди Собир ака овози титраб. Унинг ҳар гапи, писандаси ўз ватанидан мосуво бўлган жаҳонгашта Фурқатнинг:

*Физонким, гардиши даврон айирди ўз диёримдан,  
Ғамим кўп, эй кўнгул, беҳабарсан оху зоримдан, -*

деган мисраларини ёдга соларди.

Ҳақ ишқи, Ватан муҳаббати, ёр севгиси нақадар улуғ, нақадар азиз, нақадар изтиробли туйғулар-а!..

- Ҳамма нарса етарли, фақат фикрдош, ҳасратдош кам... - Собир ака бўшашибгина қўл силтаб қолди. Назаримда, унинг қалби биз билан кетди.

## АРМОН БЎЛИБ ҚОЛГАН АНҚАРА

*5 январь, душанба*

Соат етти яримда (Туркия вақти) йўлга тушдик. Кўчалар тикилинч. Бир тарафнинг ўзига кетаётган автомобиллар сафи 7-8 қатор эди.

Йўллар, кўприклар ўргимчак тўрини эслатади. Ибн Баттута таъбири билан айтганда, одам зичлигидан шаҳар гўё чайқалиб турган денгизга ўхшайди. Истанбул – сувлар денгизи ўртасидаги одамлар, автоуловлар денгизи!..

Автохалокатни камайтиришнинг энг яхши, ишончли чораси йўлларни бир ёқлама қатновли қилиш экан, деган хулосага келдим (бу ривожланган мамлакатлар тажрибаси). Акс ҳолда, Истанбул кўчаларида ҳар қадамда фалокат юз бериши мумкин эди.

Яна пуллик ҳудудга кирдик.

- Пуллик йўл – бировнинг ҳовлисидан ўтган сўқмоққа ўхшар экан, одам тезроқ чиқиб кетгиси келар экан, - дейди Муҳаммад Содик, - бизга оддий кўчалар тузук эди – беминнатроқ.

Яна икки ён арчазор, адирлар, паст тоғлар, тоғларнинг ёнлари, тепаларида беҳисоб, беадад уйлар, бир-бирига ўхшамас бинолар, ғаройиб иншоотлар...

Ҳаво нам. ©мғир зарралаб гёмоқда.

Ўнгда кўрфаз. Кемаларнинг ўтхоналаридан бурқсиб кўтарилаётган паға-паға оқ тутунлар булутларга қўшилиб, қуюклашиб, осмонни баттар қоронғилаштиради.

Чапдаги тоғлар ёнига узундан-узоқ сим тўр тортилган – тош думалаш ва қор кўчкиларини тўсиб туриш, мол-қўй ўтмаслиги учун.

Яна нурафшон ва давомли туннеллар. Айниқса, 1088 метрли, уч қатновлиси ҳайратимизни чандон оширди.

Анқарага 550 километр қолди. Ўнгда катта қўл. Қирғоқ яқинида пристанлар, ичкарида пароходлар...

Қўл билан йўл ўртасидаги уйларнинг деворларидан зах тепчиб турибди. Одамлар қандай яшаркин?

Йўлнинг икки томонидаги темир тўсиқлар ортида Истанбул хиёбонларида кўрганларимиз – дўланага ўхшаган гул-ўсимлик – қушолмаси сероб.

Теракзорлар аввалги йўлдагидан ҳам кўп, айниқса, ёш кўчатлар бисёр.

Айланиб-айланиб, икки кун аввал палов пишириб ёмоқчи бўлган (ошхонасида шароит – қозон-ўчоқ бўлмагани учун ниятимизни амалга оширолмагандик) жойдан – Хотира ўрмони олдидан чиқибмиз – улкан товуқ хайкали ва темир устунга илиб қўйилган энгил машинадан таниб қолдик. Демак, адашибмиз.

Сал юрсак, ҳаммаёқ оппоқ. Қорга бурканган арчалар мўйнали оқ пальтога ўраниб олган башанг санамлар каби жозибали кўринади.



Биз ўтганда бу манзилда қуёш чарақлаб турган, манзара баҳорий эди. Икки кунда қалин қор ёйибди. Бугун эса юмшоқ пардек туман сузиб юрибди.

Анқарага 168 километр қолганда чапга, баланд, пуллик йўлга бурилдик. Ўнгда – анча қуйидаги Боли шахри Андижонга ўхшаб чуқурликда қолди.

Икки кеча совуқ мусофирхонада ётганимиз, икки кундуз ёмғирда юрганимиз учунми, ўнг болдирим (эски касалу йўқ бўлиб кетган эди) зиркираб оғрий бошлаганди. Кун илиб, машина ичи бир оз исигач, оғриқ пасая борди.

«Туркияда табиий бойлик кам» дейишганди кечаги мезбонларимиз. Ҳолбуки турклар мамлакати иқтисодий юксалишининг асосий омилларидан бири унинг кўплаб қазилма бойликлари ҳисобланади. Кейинги пайтларда бу файзли ва баракали замин қатларидан олтин, алюмин, нефть, кўмир каби олтмишдан зиёд минераллар қазиб олишаётгани маълум. Матбуотнинг мутахассислар фикрларига суяниб берган маълумотига кўра, Туркиядаги бўр захираси дунё бўр захирасининг олтмиш фоиздан ортиғини ташкил этади. Бундан ташқари, менимча, бу муаззам ўлкадаги энг катта давлат – тоза ҳаво манбаи бўлган бепоён арча, сарв, тилоғоч, қарағай каби игнабарглилардан иборат ўрмонзорлар эди. Шу билан бирга, аксарият ер танламайдиган, чидамли қарағайдошлар, тисслар, сарвгулликлар катта моддий бойлик ҳамдир. Юзлаб турдаги бу манзарали, ҳаминша баҳор дарахтлар ёғочсозлик саноатининг асосий хомашёси-ку. Уларнинг оғочи пишиқ, мустаҳкам, қаттиқ, оғир ҳамда яхши силлиқланади, энг муҳими – тез чиримайди: сув ости иншоотлари қуришда, машинасозлик, кемасозлик, дурадгорлик, ускунасозликда, ёқилғи, мебел, қоғоз, қалам тайёрлашда уларга етадигани йўқ. Ҳатто айрим хилларининг қуббаларидан доривор моддалар, эфир мойлари, «С» витамини ва бошқа фойдали нарсалар олинади. Демак, улар тиббий нуқтаи назардан ҳам зарур ва фойдали.

Йўллар айланма-айланма: гоҳ ғарбга, гоҳ шимол ва ё бошқа тарафга қараб юрамиз. Баъзида қандоқ қилиб баландликка чиққанимизни ҳам сезмаймиз: ўнгга ё чапга назар ташлаб водий ёки турар-жойларнинг хийла пастда қолганини кўрамиз.

Кўча аввалгилардай кенг – машиналар у ёққа тўрт, бу ёққа тўрт сафда ғизиллаб учади. Ўртада, икки чеккада яна бир қатордан темир ихота.

Довонсифат, баланд йўллар фалакка яқин туюлади, аммо ҳайтовур қулоқлар битмайди – кислород етарлиликдан, албатта.

Атроф гоҳ олачалпоқ қор, гоҳ куруклик, чети-чегарасини кўз илғамас ўрмонзорлар давом этади, бўйи ҳам чеканка қилингандай, деярли бир текис.

Анқарага (10 километр) кирмай, ёнидан ўтиб боряпмиз. Мен шундоқ машҳур, пойтахт шаҳарни кўрмаймизми, деб ғудраниб кўяман.

- Бизнинг вазифамиз, мақсадимиз шаҳар кўриш эмас, - дейди раҳбар. Мен эса ичимда: улар Анқарада бўлишган-да, деб ўйлайман. Лекин, кўрмаганлар ҳам бор-ку! Билмадим, ҳар каллада ҳар хаёл-да... Тўғри, вақт зик. Аммо менга барибир алам қилади. Ҳиндистон азимати чоғида шундоққина Исломободнинг биқинидан ўтиб кетган эдик... На илож, ростиям, дуч келган ҳамма шаҳарни томоша қилиб юраверишга вақт ҳам, имкон ҳам, маблағ ҳам етмайди-ку. Бироқ, масалан, Анқара «дуч келган» шаҳар эмас эди-да...

Зокиржон ака аввалги сафарларидан бирида Ироқ давлатига виза олиш илинжида йўл-йўлакай Анқарага киришгани, лекин мақсадга эриша олмаганларини, шаҳарда эътиборга молик тарихий обидалар унча кўп эмаслигини айтиб, менга тасалли беради. Қолаверса, раҳбар яна бир масалада – вақт қиймати, ғаниматлиги борасида батамом ҳақ эди. Тахминан бундан икки минг йиллар аввал римлик ёзувчи, файласуф Сенека шундай деган экан: «Табиат бизга фақат мана шу, қўлимиздан сирғалиб чиқиб кетаётган ва шувиллаб оқиб бораётган вақтнигина берган... Менга вақтни қадрлайдиган, бир куннинг ҳам қанчалар қимматли эканини биладиган, ҳар бир соат сайин йўқлик сари бораётганимизни англаб етадиган бирор кимсани кўрсатиб беринг-чи!...»

*Анқара... Армон бўлиб қолган Анқара... XVIII аср охиридан, Усмонли турклар заиф тортган маҳаллардан Оврупа давлатлари Истанбулга кўз олайтириб, шаҳарни, бўғозларни босиб олиш пайига тушадилар. Туркия Биринчи жаҳон урушида маглубиятга учрагач (1918*

йили), Антанта (Англия, Франция ва Россиянинг Германия, Австрия-Венгрия ва Италия иттифоқига қарши бу уюшмаси «Учлик битими», «Учлик иттифоқи» деб ҳам аталган) қуролли кучлари Истанбулни босиб оладилар. 1923 йили Истанбул интервентлар – чет эллик босқинчилардан озод қилинади ва ўша йилнинг кузида Туркия пойтахти (марказни Оврўподан узоқлаштириши мақсадида) Анқарага кўчирилади.

Анатолия ясси тоғлигида, Анқара ва Чубак дарёлари туташган ҳудудда жойлашган Анқара Кичик Осиёдаги кўҳна шаҳарлардан бири бўлиб, милoddан аввалги VII асрдан маълум. Эрамизнинг XI асрида уни салжукий турклар эгаллаган, XIV аср бошидан усмонлилар империяси таркибидаги Анқара пошшолигининг маъмурий маркази, 1864 йилдан шу номдаги вилоят маркази бўлган.

Истанбулдан кейинги бу йирик шаҳар эндиликда мамлакатнинг саноат, савдо ва маданий марказига айланган.

Шаҳар билан боғлиқ энг машҳур тарихий воқеа, бу – 1402 йили Соҳибқирон Амир Темур ва Усмонли турк султони Йилдирим Боязид ўртасида бўлиб ўтган, «Анқара жанги» деб номланган муҳорабадир. Биз балки, ана шу омонсиз урушларга гувоҳ, жабрдийда тупроқ узра бормоқда эдик.

## МАШҲУР ТАРИХИЙ ЖАНГ

Албатта, ҳар қандай уруш қирғин ва вайронгарчиликлар келтириши турган гап, аммо ҳар қандай жангнинг бир баҳонаи сабаб билан бошланмоғи ҳам аниқ. Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий ва бошқа тарихчиларнинг ёзишларича, соҳибқирон Туркия султони Боязид Йилдиримга мактублар ёзиб, элчилар юбориб, уни адлу инсофга, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга чорлайди, ундан Султон Аҳмад жалойир ва Қора Юсуф туркман каби фитначилар билан алоқани узмоқликни талаб этади. Аммо, Боязид, Амир Темур даъватларига кулоқ осмай, аксинча, унинг ғанимлари билан баттар иноқлашади.

Бундан ташқари, XIV аср охирида улкан куч-қудрат, катта черикга эга бўлган Усмонли турк империяси султони Йилдирим Боязид Фарбий Оврўпо давлатларини жиддий таҳликага солиб турарди. Мазкур мамлакатларнинг ҳукмдорлари бамаслаҳат даҳшатли куч – Боязид армиясига бас келиши мумкин бўлган Амир Темурга хат ёзишиб,

элчилар юбориб, ундан мадад сўрайдилар. Шу муносабат билан Соҳибқирон ва Боязид ўртасидаги можаролар янада кучаяди.

Икки туркий салтанат соҳиблари орасидаги низолар ва машҳур Анқара жанги сабаблари энг ишончли манба - ўша давр муаррихи Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида шундай изоҳланади: «Рум мамлақати Йилдирим Боязиднинг амру фармонида кирган эди. У бир қанча муддат ҳукмронлик ва улуғлик мақомида туриб, истиқлолдан дам урди ва у диёрларда ғалаба қозонди, фирибгар дев унинг димоғига такаббурлик тухумини кўйди, у эса қувват ва шавкатига мағрур бўлиб ўз мақоми чегарасидан чиқди, ўз қадрини палосидан сиртга оёқ босди ҳамда номдор султонлару улуғ мартабали маликлар «қулингман, хизматкорингман» деб ёзиб турган ва замона сарварлари давлати остонасини қуллик лаби билан ўпиб турган шундай бир улуғ ҳазрат (Амир Соҳибқирон)га сарварлик ва ҳукмдорлик лофини уриб бемаза мактублар ёзди, нотўғри хабарлар юборди. Шуларнинг барчасига қарамай, Соҳибқирон ҳазратнинг туғма мақтовли табиати бу бўяма сўзларга илтифот қилмай, унга насихат қилди ва огоҳлантирди. Бу ҳам фойда бермагач, юқорида баён топганидек, Сивосга ва Рум атрофларига юриб, то Қаробоғ майдони абад пайванд давлат тулпорига жавлонгоҳ бўлган вақтга қадар борган жойигача борди».

Энди Амир Темурнинг ўзига мурожаат қилайлик. Соҳибқироннинг Кастилия қироли Генрих III га йўллаган мактубида куйидаги сатрларни ўқиймиз: «...Султон Боязид ўз ҳуқуқ доирасидан чиқиб, ўртада низолар пайдо қилди, парокандалик туғдириш, подшолар,

хукмдорларга хукм ўтказиш тўғрисида хусуматли фармонлар берди, бизнинг огоҳлантиришларимизга кулоқ осмади, зиғирча ҳайикмади...»<sup>1</sup>

Шу билан бирга, Амир Темур Византия императори Мануил II Палеологнинг ноиби, Иоанн Палеологга ёзган номасида «... мен Боязидни нокулай ҳолатга солишни истамаган эдим», дея мазкур фожеадан таассуфдалигини изҳор этади. Шомийнинг гувоҳлик беришича, Соҳибкирон асир олинган Боязиднинг гуноҳларини афв этиб, қарамли кишилар одатича унга иззату икром кўргузади, фахрли бир мақомга ўтказиб, итоб тариқасида қуйидагиларни писанда қилади: «Бир неча марта ўз ҳаддингдан ташқари оёқ босиб мени шунга мажбур қилдингки, сендан ўч олишим вожиб бўлиб қолди. Шунга қарамай, мен уларга эътибор бермай насихат мақомида туриб, нимаики мусулмонлик вазифаси бўлса, сенга нисбатан адо этдим ва хабар юбордим: «Бизнинг давлатимиз яловининг муборак юзли анқоси Рум заминига соя солишини мен хоҳламайман, токи сен имконинг борида калхат сифатли фаранглар устидан лочиндек ғолиб ва музаффар бўлғайсен». Мен сенга бу ишда ёрдам беришни, аскар ва мол билан қўллаб-қувватлашни ҳам ўйлаган эдим. Мен сендан тўртта енгил илтимос қилдим: бири шуки, Кемок қалъасини таслим этасан, иккинчиси – Тахуртан хонадонини бизга юборасан, учинчиси – Қаро Юсуф хонадонини ўз мамлакатингдан чиқариб юборасан, тўртинчиси – бизга донишманд кишиларни юборасан, токи улар ўртаамиздаги аҳду паймонни таъкидлағайлар ва буни хушнудлик билан (сенга) етказғайлар. (Аmmo сен) шу майда нарсаларга ҳам муноқаша қилдинг. Ночор замона ибрат тарзида сени ўзингга кўрсатди, токи билгайсанки, мардоналик панжаси ва бир давлатнинг чироғини Тангри таоло ёндириб қўйган экан, уни худбинлик шамоли ва ғурур пуфи билан ўчириб бўлмайди (байт):

***Ҳақ таоло ёндириб қўйган чироққа  
Кимда-ким пуф деса, сақоли куйгай».***

Ҳай, майли, булар бундан олти юз йил муқаддамги воқеалар, гап ҳозирги Анқара ҳақида.

Анқара пойтахтга айлангач, кенгайиб, чегаралари ўзгариб, ўша тарихий жанг бўлган майдонлар аллақачон шаҳар таркибига кириб кетган бўлиши керак.

Бу ерда уй-жой бинолари шу қадар кўп ва шу қадар бир хилки, қолипдан чиққандай ё компьютерда ясалгандай туюлади. Иморатларнинг аксарияти тиклаб қўйилганча турибди, баъзиларига чор тарафдаги дароз ҳавозаларда пардоз беришмоқда.

Шаҳардан узок, кимсасиз баланд адирлар устига, тоғлар ёни ва тепасига ҳам қатор уйлар зина-зина қилиб қурилмоқда эди.

Бутун-бутун массивлар бино этиляпти, ҳали бир одам йўқ. Бу ерларга ким келиб яшаркин, деган фикр кечади беихтиёр – атроф гиёҳсиз тақир чўл.

Умуман олганда, Туркия паст-текисликлардан иборатга ўхшайди.

Соат кеч тўққизларда Кўнёга кириб бордик.

## КЎНЁ

*Туркиянинг жанубий қисмидаги бу кўҳна шаҳристон қадимда Иконий деб аталган. Эрамиздан аввалги I ва милоднинг III-чи асрларида дастлаб Рим империяси, сўнгра Византия давлати таркибида бўлган. XI аср охири, XIV аср бошларида Кўнё султонлигининг пойтахтига айлантирилган. Хусусан Султон Алоуддин Кайқубод хукмдорлик қилган даврларда Султоннинг ихтиёридаги бошқа шаҳарлар қатори Кўнё аҳли ҳам маъмур, фаровон яшаган, дейилади китобларда.*

*«Кичик Осиёнинг Салжуқ султонлари орасида яхши ном қолдирган ёлғиз Алоуддин Кайқубод I бўлди, - деб ёзади «Жалолиддин Румий» асарининг муаллифи Радий Фиш. – Ҳеч*

<sup>1</sup> Жапон адабиёти. 2006 йил, январ, 125-бет.

*қачон ер шу қадар унумдор, йўллар шу қадар бехатар, Кўнёда зарб этилган тангалар шу қадар қадрли, ҳунармандчилик шу қадар баравж, шаҳар шу қадар ҳашаматли бўлмаган эди». Бунинг боисини эса, Султоннинг аввало омадлилиги, қолаверса, унинг камтарлик ва одмилик, элпарварлик ва илмпарварлик фазилатлари билан боғлаш мумкин.*

*Кўнё ўша даврларда олиму уламолари билан довруқ қозонган, дейдилар. Уламоларнинг энг зўри эса, шубҳасиз Жалолиддин Румий эди...*

*XV аср охирларида Кўнё усмонли турклар ҳокимияти таркибига қўшиб олинган. Ҳозир Кўнё вилоятининг маркази.*

*Кўнё анча донги чиққан шаҳарлардан, унинг шуҳрати, бизнингча, жаҳон адабиётининг буюк сиймоларидан бири Мавлоно Жалолиддин Румий номи билан ҳам боғлиқ.*

Мен Кўнёни эски, ўртачароқ қасаба сифатида тасаввур этардим. Шаҳар остонасидан бошланган кўп қаватли бинолар тасаввуримни чилпарчин қилиб юборди. Йўллар кенг ва обод. Меҳмонхона излаб бир кўчага кириб қолдик. ©пирай!.. Йўлнинг икки бетидаги бири-биридан ҳашаматли, қоматдор хотелларнинг номлари, пештоқларидан таралаётган рангин чироқлар кўзингизни олади. Аммо, нархлари бўйлари қадар баланд, бироқ автобус қўйишга жой чатоқ эди.

Катта йўлдан ичкарироқдаги бир меҳмонхона, гарчи, салобати бояги пурвиқор биноларниқидан қолишмайдиган, замонавий қурилган бўлса-да, озгина четроқдалиги учунми, анча арзон эди. Улов қўйишга ҳам жой бор экан. Бизни ўзига жалб этган яна бир нарса – меҳмонхонанинг номи бўлди: «Айини Шамс». У «Шамс, яъни Шамс Табризий ёдгорлиги, хотираси» маъноларини англатарди.

Фойе мухташам, нақшдор диван-креслолар, ҳар турли рангли балиқлар ғужғон ўйнаётган аквариумлар билан жиҳозланган эди.

Хоналар шинам, телевизор бесаноқ каналдан кўрсатиб ётибди, лекин ҳаммасида инсон асабининг кўп қиррали, ўткир эгови – реклама!..

**6 январь, сеианба**

Жоме масжиди рўпарасида бўлганимиз учун азон баланд овозда эшитилди.

Меҳмонхона ёнидан кўча ўтган, йўлнинг у бети дарахтзор-хиёбон бўлиб, Шамс Табризий мусаллоси ўша хиёбон ўртасида экан, зиёрат қилдик.

## **ШАМС ТАБРИЗИЙ**

Шамс Табризий... У - ҳазрати Румийнинг ҳамфикри, ҳаммаслаги, энг қимматлиси – пир даражасидаги дўсти бўлган. Мавлоно Шамс Табризийдан айрилишни ҳаётидаги энг оғир йўқотиш деб билади ва кўп йиллар мотам тутди; уни излайди, излайди, ниҳоят, дўсти-қадрони, қадрлисини ўз қалбидан топгач, кўнгли бир қадар таскин олади.

Ривоятларда келтирилишича эса, Шамс Табризийни шайхи калонлари Жалолиддин Румийни измига оғдириб, «ўз ички дунёсини эркин ифодалаш йўли»га бошлагани учун, раҳнамосиз, пирсиз қолган муридлар аламига чидолмай пичоклаб ўлдиришади.

Асли табризлик Мавлавий Шамс комил инсонлик ахтариб, ўз-ўзини англаш мақсадида Кўнёга келиб қолади ва Румий билан учрашиб, қисқа савол-жавоб қилгач, кўнглидаги ҳаммаслак кишини топганига ишонч ҳосил қилади.

Румий ҳам мудом ўзлигини ўзидан ва ўзгалардан истаган ва ниҳоят, кидирганини Шамс Табризийдан топган эди. Шунинг учун ҳам Мавлоно унга кучли дўстлик риштаси билан боғланган ва уни беназир бир зот сифатида улуғларди.

***Шамсдек ушбу жаҳонда шамс йўқ,  
Шамсижон боқийдир, унга амс<sup>1</sup> йўқ.***

---

<sup>1</sup> Амс – завол

*Шамсижон келмиш жаҳонга мисли сир,  
Ҳам шуурда, ҳам жаҳонда беназир.*

*То етишди бизга Шамсиддин юзи,  
Кўкда пинҳон бўлди шамсинг орази.<sup>2</sup>*

«...Шамсиддиннинг қаерда дафн этилгани яна етти аср сир бўлиб қолди», - деб ёзади Радий Фиш. Дарҳақиқат, йигирманчи аср ўрталарида Табрзий жасади ташланганлиги тахмин қилинган қудуқ узра қад кўтарган бир хонақоҳни таъмирлаш чоғида алломанинг қабри топилиб, унинг тепасига, шундоқ намозгоҳ ичига сағана тоши қўйилган.

Шунгача ислом оламининг фидойилари, фикҳ олимлари, мухлислари, мусулмони комиллар Шамс Табрзийни унутмаган, уни ўз қалбларига дафн этиб, у билан руҳий мулоқот қилиб келган эдилар...

Меҳмонхона хизматчилари ғоят хушмуомала эдилар. Айниқса, тахминан ҳали турмушга чикмаган, пастроқ бўйли, ўрта қоматли, оқ-сарикдан келган, ораста кийинган қизнинг кулимсиб, бошини хиёл силкиб, «Кун ойдин!» («Хайрли кун!») деб сўрашиши очик чеҳраси монанд жозибали ва овози каби ёқимли эди.

Нонушта меҳмонхона ҳақининг ичида эди. Ошхона ер ости қаватида экан. Бўйлари, ранглари, турлари ҳар хил гулларни кўриб гулзорга кириб қолгандай бўлди. Овқатланиш тартиби шведча эди, яъни ўз-ўзига хизмат. Нонуштабоп яхна таомлар, салатлар ва бошқа емишларнинг сон-саноғи йўқ: сут, батон-булочка нонлар, печеньелар, тухум, пишлок, бринза, асал дейсизми, янги бодринг, помидор дейсизми, тузланган салатлар, стаканда иссиқ чой (ёнида қайнаётган сув), оқ қанд дейсизми, қадокланган, мўъжизагина гулдор ёрликлари бир-биридан гўзал киём-мурабболар дейсизми... (Албатта, ҳамма нарсанинг номи, турию тусини эслаб қололмадим). Қай биридан олишни билмай тараддуланиб қоласиз, баридан тотиб кўргингиз келади, лекин бунинг иложи йўқ: қоринга сиғмайди, ҳам нокулай...

Кечкурун ҳаво очилиб кетган эди, эрталаб яна айнибди. Телевизорда кўрсатди: Истанбулда биздан кейин қалин қор ғейбди. Вақтида жўнабмиз, йўл юриш анча қийин бўларди, деб суюндик.

Нонуштадан кейин ташқарига чиқсак, қор бу ерга ҳам етиб келибди.

Орада беш дақиқали машварат бўлди. Сафаримизнинг бориши ҳақида гаплашдик. Зокиржон ака реажаларимизнинг навбатдаги қатламини очиб, Кўнёда, кейин Дамашқда бажарадиган ишларимиз, умуман мақсад катта, йўлимиз олислиги, ҳамжихатлик, тартиблар хусусида яна бир карра эскартиш қилди.

Кўнё музейлар мудирлигига қарашли «Мавлоно мозийгоҳи» (бу юртда «Мавлоно» унвони фақат Румийга нисбатан ишлатилишини ҳамма билар, шунинг учун унинг исми-шарифи ҳатто расмий давраларда ҳам камдан-кам қўлланаркан) Аълоиддин тепалиги яқинидаги Мавлоно мавзеида, катта бир хиёбон-майдон олдида жойлашган эди.

Шаҳарнинг «Яшил сарой – Мавлоно» автоўналиши бўйича фақат яшил рангли махсус автобус катнар экан.

Аслида ним яшил гумбазли улкан бино 1926 йили масжид-мақбара мақомида, Мавлононинг қабри тепасига барпо қилинган, аммо унинг ички ашёлари – бойликларини ифодалашга мақбара, марқаду сағана иборалари чиндан-да ожиз, иморатнинг ташқи кўринишини таърифламоқ учун «пурвиқор» сифати ҳам ночор эди. Чунки бино қанчалик катта ҳудудни эгаллаган, хоналари кўп, ниҳоятда кенг ва шифти қанча баланд бўлмасин, «виқор» асло сезилмас, балки соҳиби каби камтар, аммо том маънода салобатли эди. (Зеро, Мавлоно Румий кибру ҳаводан, виқордан батамом хориж бўлмоқ учун пири Саид Бурхониддин даъвати ила ўзи билан ўзи бир неча йил курашган ва ғолиб бўлган).

<sup>2</sup> Жамол Камол таржимаси.

## ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

1207 йили ўз даврининг етук олимларидан, Балх воизи Султонул уламо Баҳоуддин Валад хонадонидан тузилган Жалолитдин болалигида отаси билан Кўнёга келиб қолган, шу шаҳарда ўқиб, илм олган ва узоқ йиллар мадрасаларда мударрислик қилган.

Румийнинг шоир сифатидаги адабий мероси жуда катта. Элик бир минг мисрадан зиёд асари жамланган «Маснавийи маънавий», қирқ тўрт минг етти юз газалдан ташкил топган «Девони кабир», яна тўрт минг мисрадан ортиқ фалсафий тўртликлари, рубойилари шулар жумласидандир. Лекин ҳайратланарлиси шундаки, манбаларда айтилишича, шоир қўлига қалам олиб, бор-йўғи 18 қатор битган, холос, қолганлари шогирд-котиблари томонидан ёзиб олинган. Аммо бадиҳа усулида айтилган бу ижод маҳсулининг қадри-қиммати ниҳоятда юксакдир. «Жалолитдин лирикаси бу соҳада башарият эришган энг буюк ютуқлардан биридир, - деган эди атоқли шарқшунос олим Е.А.Бертельс. – Агар у Фарбда кенгроқ маълум бўлганида, унинг номи жаҳон адабиётининг Шекспир, Гёте, Пушкин каби даҳолари сафида туриши шубҳасиз эди». «Маснавий» - жаҳон адабиётида мисли йўқ китоб», дейди Румий ижодини чуқур ўрганган, у ҳақда рўмон ёзган Радий Фиш.

Албатта, номи юқорида саналган буюклар рўйхатида турмаслиги Румийнинг айби эмас, балки, румийшунослар, таржимонлар камчилигидир. (Бу мулоҳазани самара, сон борасидагина эмас, бадий маҳорат бобида ҳам тенгсиз, ҳайратангиз Алишер Навоий хусусида ҳам айтиш жуда ўринли, деб ўйлайман). Ваҳоланки, шоирнинг башариятга ва мангуликка дахлдор фалсафий асарлари унинг юрти билан қитъадош, диндош ўзбек халқига ҳам кенгроқ миқёсда энди-энди етиб келмоқда. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, юқорида зикр этилган ғарблик улкан сўз санъаткорлари асарларида зоҳирий маъно, фикр асосан бир ўқишда ярқ этиб кўзга ташланса, Мавлоно Румий, Алишер Навоийларнинг анъанавий шарқ адабиётига хос кўп ва теран мазмун касб этувчи шеър у азаллари мағзини чақиш учун қайта-қайта мутолаа қилишга тўғри келади. Зеро, ўша даврларда вужудга келган сўфийлик оқими инсон ботинини тадқиқ этиш ва уни туб-тубидан тарбия қилиш, маълум мақсадга йўналтиришни яшашнинг бош мақсадига айлантирганидек, шеърятга ҳам ундаги ички мазмун, моҳиятнинг қанчалик теран, чуқурлигига қараб баҳо бериларди. Айтайлик, куйидаги оддий ва фавқулодда жозибадор, шарҳи бир китобга етиши мумкин бўлган, сирлилиги билан ўқувчини лол қолдирадиган, ўзига мафтун ва мусаллам қиладиган сатру байтлар Мавлоно шеърятининг ўзига хослигини белгиловчи омил, фазилатдир:

### *Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил...*

Эронлик румийшунос олим, доктор Тақий Пурнамдариён шундай дейди: «Мавлавийнинг (Румийнинг - Қ.К.) кўпгина газалларини у нима деганини билиш мақсадида ўқишимиз керак эмас, балки тасаввуримиз илдизида қандай нарсалар яширинганлиги бизга Мавлавий шеърятини орқали маълум бўлишини англаш мақсадида ўқишимиз даркор»<sup>1</sup>.

Жалолитдин Румийнинг ҳаётини фаолиятдан, ижодий ибратидан, «олам ва башариятнинг бирлиги», борлиқнинг ранг-баранглигию одамларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги асарларидан шуларни туймоқ ва уқмоқ мумкинки, Мавлоно бир умр ўзи билан, нафс ва таъма билан жанг қилган – комилликка эришмоқ, эътиқодда собит турмоқ, холиққа ҳақ йўл билан етишмоқ учун интилди, инсонларни шу эзгу мақсадга чорлади. Дўстликни олий мансаб, эътимод, Яратганнинг дийдорига ноил бўлмоқ воситаси даражасига кўтарди ва улуғлади, биродари ҳамдамлар ҳам бу иззат-икром қадрига етдилар ва ул қадрдонини азиз учун ўз ҳаётларини, жонларини нисор айладилар. Бинобарин, дунёнинг турли томонларидан -мағрибу машриқдан, шимолу жанубдан ҳар куни минг-минглаб зиёратчиларнинг Кўнёга оқиб келиши бежиз эмас.

<sup>1</sup> «Сино» журналі. 2001 йил, 1-сон.

Мозийгоҳ остонасидан ўтишингиз билан ичкарида хонадан-хонага таралаётган ҳазин бир савт - куй қулоғингизга инади (ҳа, эшитилади эмас, инади!) ва ашёлар ичидаги рубоб, най, уд ва бошқа қадимий чолғу асбобларига кўзингиз тушгач, ёш Жалолиддиннинг муסיқага шайдолиги, сир-асрорини ҳеч қачон англаб бўлмайдиган оҳанг таратувчи тордан бир умр кўнгил узолмагани ёдингизга келади.

Бирон овозга, масалан, чинни дарзининг жарангига ҳам қиёслаб бўлмайдиган, юракни чимиллатиб-зириллатадиган нола – уд билан най садосининг омухтасимикин, дейман-у, яна фикримдан қайтаман: йўқ, ажиб навони таратаётган соз бу дунёнинг чолғусига ўхшамасди. Назардимда бу мунгли куй бундан етти аср муқаддам Мавлоно Румий падари бузрукворидан, суйиб олган жуфти азизи Гавҳар-хотундан, пири Бурхониддиндан, икки дунёлик дўсти Шамс Табризийдан, энг яқин маслакдоши Салоҳиддиндан айрилган онларида узилган юрак торларининг асрлар оша диллардан дилларга урилиб етиб келаётган акс-садоси эди. Зеро, шоирнинг ўзи «Маснавийи маънавий» дебочасини ушбу байт билан бошлайди:

*Тингла, найдин, чун ҳикоят айлағай,  
Айрилиқлардин шикоят айлағай...*

Ислоҳ минтақасидаги аксарият осори-атиқалар каби Мавлоно мозийгоҳи бойликлари орасида Усмонли турклар замонида ва бошқа даврларда, турли юртларда китобат қилинган, муқоваларидаги зарҳал ҳарфли нақши-зеблари эътиборни тортадиган муқаддас Куръони карим нусхалари алоҳида кўзга ташланади. Шунингдек, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўйи муборақлари...

Жалолиддин Румий қуллиётлари: «Маснавийи маънавий», «Девони кабир»нинг турли китобатлари, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий ва бошқа мумтоз шоирлар девонларининг табаррук қўлёзмалари... Ҳаққа ошиқлик рамзлари – оппоқ либосда зикр тушаётган сўфийларнинг ҳайкалчалари, Румийнинг қавилган пахтали тўни, бир неча тақяси, Шамс Табризийнинг каштали қалпоғи ҳам музейнинг қимматли ашёларидан...

Ниҳоят, кенг хоналардан бирининг ўнг томонида Мавлононинг - ҳаётда яйрамаган мардуми фанонинг руҳи каби боқий марқади жойлашган эди. Аммо Мавлоно бир умр дўстлари ва мурид-мухлислари ҳимоясида бўлгани каби, унинг даҳмаси ҳам нақшинкор мрамор панжара билан муҳофазаланган эди.

Жалолиддин Румий, тақдир тақозоси ила фарзанди-дилбандини унинг алломаи киром, пири комил, беназир, бетакрор бадиҳагўй шоир даражасига етишувига таъсир этган Шамс Табризий ва бошқа маслакдошлар, ҳамэтиқодлар билан топишувига сабаб бўлган муқаддас Кўнёга етаклаб келган қиблагоҳининг (балки ўз васиятига кўра) оёқ томонига дафн қилинган. ©н-атрофида эса Мавлоно қалби сиймосида дўсти-устози – Шамс тимсолини кўрган заргар, кўҳна Кўнё хунармандларининг пешвоси Салоҳиддин ва бошқаларнинг сағана тошлари мунгли оташ бўлиб кўнгилларни куйдирувчи савти оҳанг оғушида ётарди.

Бизни ўша ҳазин куй кузатиб қолди. Мен умримда эшитмаган у мусиқанинг майин ва эзгин, ним акс-садоси ҳали-ҳали қулоғимдан кетмайди.

## **АСҲОБУЛ КАҲФ**

Кундузи соат бирдан ўтганда Кўнёдан Аданага жўнадик. Ҳаво ёришиб, ўнг тарафдан – Анатолия томондан куёш кўринди.

Аданагача 345 километр масофа.

Икки томон далалар: буғдой, шоли экилган, кўп ерлар ҳайдалганча қолган – ниҳоятда текис.

Кун исий бошлагани сезилди.

Сув кам. Дарё, анҳор йўк. Ерлар насос ёрдамида суғориларкан. Чорва моллари ҳам кўринмайди.

Аданага 135 километр қолганда довон – тоғни кесиб очилган йўл бошланди. Чифтихон шаҳарчасининг асосий аҳолиси икки тарафдаги йўлга жуда яқин бўлган тоғлар ёнбошига қалаштириб солинган уйларда яшаркан.

Гира-шира бўлиб қолди. ©мғир ғёмоқда.

Пузанти шаҳрига кечаси кириб бордик.

©нларию тепалари арчазор (шартли равишда шундай атай қоламиз), пастак, суйри адирсимон тоғлар шаҳарга жуда яқин бўлиб, ана шу арчазорлар орасига ҳам чироқлар ўрнатилган, ора-орадан йилт-йилт қилиб кўриниб қоларди. Катта бир кўприкдан ўтдик, у ҳам ҳар тарафдан нурафшон қилинган, асфалт ҳам ялтиллади. Қисқаси, шаҳар жуда чароғон, хизмат нуқталари бисёр, кеч бўлишига қарамай, деярли ҳаммаси ишламоқда эди.

Автобан – шоҳ йўлга чиқдик. Қатнов ниҳоятда тиғиз: кичик автомобиллардан кўра катта юк машиналари, автобуслар кўп.

Аданага қирқ километр қолганда кўча иккига айрилди. Ўнгдаги йўл Тарсус шаҳрига олиб борарди.

- Асҳобул Қаҳф ана шу томонда, - деди Муҳаммад Содик ва у билан боғлиқ ривоятни эсладик.

**РИВОЯТ:** *Қадимий афсоналар қаҳрамони, Рум давлатларидан бирининг подшоҳи Дақёнус (Даққиюнус) ўта золим ҳукмдор бўлиб, дини (бутпарастлик)га кирмаганларни шафқатсизларча жазолар экан. Саккиз йигит (нақллардан бирида етти йигит ва бир ит) шаҳардан қочиб чиқиб, узоқ бир зорга яширинишади. Уларни қувиб борган аскарлар зорга киришга қўрқадилар ва подшоҳ буйруғи билан қаҳф - зор оғзига девор уриб, беркитиб ташиладилар. Парвардигор имонли бандаларини чуқур уйқуга чўмдиради. Уйғонганларидан сўнг йигитлардан бири зордан чиқиб, емиш топиб келиш учун яқинроқ бир шаҳарчадаги бозорга боради. Нонвойдан нон (бошқа нақлда таом) олиб, танга узатади. Нонвой «бу пулинг Даққиюнус замонидан қолган, ўтмайди», дейди. Маълум бўлишича, Даққиюнус бундан уч юз йил бурун ўлиб кетган, зордагилар шунча вақт уйқуда бўлишган экан. Демак, ўзбеклар ўртасидаги «Даққиюнусдан қолган» ибораси ҳам ана шу ривоятга бориб тақалади.*

Инсон иймон-этиқодининг мустаҳкамлигидан ҳикоя қилувчи ушбу ибратли қисса «Қаҳф сураси» сарлавҳаси билан Қуръони каримга ҳам кирган. У ҳақда мумтоз шоирлар, жумладан, В.Гёте ҳам шеърлар ёзишган.

Йўл бўйида тўхтадик. Асҳобул Қаҳф - зор эгалари ҳақиқа тиловат қилдик.

©мғир саваламоқда. Ҳар қадамда номлар, белгилар, ёритгичлар, ёруғ қайтаргичлар...

Аданага кеч соат саккиз яримларда кириб бордик. Хийла маҳобатли шаҳар – бир милён ўттиз тўрт минг аҳолиси бор экан.

Анча «хотелу» «отел»ларни кўрдик, охири уч юлдузли «Садаф»да тўхтадик. Нонуштаси билан 130 доллар тўланди.

**7 январь, чоршанба**

Азонда яна йўлга жўнадик. ©мғир тинган, кўёш ўнг тарафдаги тоғлар орасидан оҳиста бош кўтармоқда. Ҳаво сўлим. Шаҳар ва ундан таралган йўлларга «озода», «сарипшта», «орапта», «шинам» каби сифатларнинг ҳаммасини қўлласак ҳам ҳақимиз кетмайди. Кўчанинг икки томонидаги бульвар-хиёбонларда дарахт кўп. Хусусан танаси йўғон, пўрсилдоқ пўстли, пакана, аммо барглари йирик ва узун пальмалар манзарани янада кўркли қилиб кўрсатарди.

Биолар асосан кўп қаватли, баланд, кўркам, салобатли. Айниқса, шаҳарнинг кун ботиш четида, дарё бўйида қаймоқранг мрамрдан қад кўтарган марказий масжид том маънода гўзал, нақшинкор устун ва кунгираси бисёр - ўзига хос тарҳи билан ажралиб туради.



Шаҳардан чикдик. Қиш, ҳаво совуқ бўлишига қарамай, дарахтлар ям-яшил, паст адирлар, йўлдан узоқроқ нотекис далалар ҳам ям-яшил эди – буғдой экилган чоғи.

Яна автобан бошланди.

©нгинамизда майда етим тоғлар, узоқларда катта тоғлар.

Гозиантеп, Осмония шаҳарлари томон елмоқдамиз. Йўлнинг у-бу бетларида шаҳарлар, қасабалар қолиб кетмоқда. Пақана тоғлар ҳам йўл ёқасига яқинлашиб-яқинлашиб, яна узоқлашади.

Бир айрилишда Халаф тарафга юрдик.

Паст адирликлар тупроғи ғалати: ранги кўмирга ўхшайди, шакли-шамойили ғишт-ғишт - ҳеч бунақасини кўрмовдим.

Юлғинзор далалардан кейин бепоён мандаринзорлар бошланди. Адирларнинг тепаларида ёш мандарин кўчатлари шахмат қилиб экилган.

Кўча ўртасидаги ғов оралиғи – узундан-узун масофадаги қуш олмаси, дарахтгулнинг бир текис буталари, майда, кизғиш, дўланасимон мевалари маржондай чиройли кўринади. Йўл четларида, қирлар ёнбошида ҳам... Узилиб-узилиб, давом этади.

Яна ям-яшил экинзорлар... Таажжубки, далаларда, бино қурилишларида ишлаётган одам кўринмайди.

Кечадан бери қуёш биз билан бекинмачоқ ўйнайди, юпатади, умидвор қилади: эрталаб чарақлаб чиқади, бир неча соатдан кейин ёмғир қуяди. Бугун ҳам кечагидай яқин-олис тоғлар тепасини булут босиб туриб эди, бирдан дўл ғёиб юборди. Биз бораётган томондаги – узоқдаги тоғларни қора булут қоплаган.

- Биз машинада кафтдай текис, равон йўлларда автобусда елдай учиб ҳам гоҳо зерикамиз, кун санаймиз. Ҳажга велосипедда бораётганларга қойил. Аввалги замонларда, пою-пиёда ойлаб, йиллаб юришган-а! Тил билишмаган, меҳмонхона йўқ... - дейман.

- Зато ҳам ҳамёнини шилиб, ҳам асабини эговлайдиган чегара-божхоналар бўлмаган, - дейди раҳбар.

Дўрттол (Тўрт тол) ўнгда қоляпти. Туркиянинг аксарият шаҳарларида дарахтга нисбатан иморат сероб. Тўрттолда эса, аксинча эди. Тоғ ёнбағирларидаги яккам-дуккам уйлар ҳам дарахтзор ичида элас-элас кўринарди.

Оқ денгиз бўйлаб кетдик. Баҳри бепоённинг қуёш тушиб турган жойлари оқиш, булут соя солган ерлари қорамтир, кўкимтир тусда товланади.

Сув юзасидан кўтарилаётган ҳовур атрофдаги тоғлар устига туман бўлиб ёпирилади.

Қирғоққа яқинроқларда кемалар чайқалиб турар ё оҳиста сузиб борарди.

Аданадан 125 километр узоқлашганда Искандерун шаҳрини ёнлаб ўтиб, яна шоҳ йўлга кирдик.

Бу шаҳарда ҳам уйлар қалашиб кетган, қуёш нурида иситиш учун деярли барча томларга сув тўлдирилган катта-кичик сиғимдаги идишлар қўйилган эди.

Антиокия ҳам, бошқа қасабаю кентлар ҳам ортда қолди. Энди Райҳонли шаҳрини кўзлаб боряпмиз. Қайси сарҳаддан Сурияга ўтишимиз номаълум эди.

Ҳаво намчил, ер захкаш, яшил полиз экинлари илк кўкламдаги майса каби чим-чатир - нақ футбол майдони дейсиз.

Автобус моторининг товуши шаҳар ичларида бошқа шовқинлар орасида унча билинмаётган экан, нисбатан сокин йўлда ғашга тега бошлади. Олдинда, шундоқ мотор ёнида ўтирганим учун бу ёқимсиз товуш менга қаттиқроқ эшитиларди. Аммо, шукрки, машинамиз ҳунар кўрсатмай, «акс урмай», «йўталмай» қўйди.

©мғир дам пасайиб, дам шиддатли тус олади.

Райҳонли шаҳрининг аҳолиси 52 минг кишидан зиёд экан.

Йўлдан ичкарироқдаги ҳовли четларига ёппа қилиб босилган ғўзапоя ғарамлари кўзимга иссиқ учрайди - ўз қишлоқларимизни эсга солади.

Сурияга яқинлашиб қолган эдик. Экишга тайёрлаб қўйилган ерлар қизғиш эди – гўнг кўп солинганми ё тупроқ таркиби шундайми, аниқ билмадим.

Туркия божхонаси Жилвакўзидан бу ернинг вақти билан соат 11 ларда хийла осон, тез чиқдик. Аммо Сурия сарҳадида уч соатдан ортиқ турдик.

Туркия томондан Сурияга ўтувчи бўш юк машиналари, автобуслар, айниқса енгил автоуловлар – таксилар ҳаддан зиёд – бир неча қатор бўлиб, тикилиб туришарди. Уларнинг ҳайдовчилари ҳаж мавсумида кира қилиб пул топиш мақсадида Саудияга боришаркан.

## СУРИЯ (ШОМ)

*Фарбий Осиёдаги Сурия Республикаси (Ал Жумҳурия ал-Арабия ас-Сурия) – Туркиядан ташқари Ироқ, Иордания, Исроил ва Ливан давлатлари билан чегарадош. Фарбий ҳудуди Ўрта ер денгизи билан туташи. Мамлакат ичидан Ансория ва Аз-Завия тоғлари тизмалари, Фурот, Дажла дарёлари ўтади.*

*Иқлими: қиши ва баҳори серғейн, ёзи қуруқ. Аҳолисининг тўқсон фоизи араблар бўлиб, сунна мазҳабига эътиқод қиладилар, қолган қисми асосан курдлар, арманлар, туркманлар, турклар.*

*Муҳим шаҳарлари: Дамашқ, Ҳалаб, Ҳумс, Ҳамо, Лотакия...*

*Сурия ҳам қўлдан-қўлга ўтиб юрган жабрдийдалардан. Месопотамия, Кичик Осиё, Миср ва Арабистоннинг савдо йўлидаги муҳим нуқта бўлгани боис, унга тез-тез ҳужумлар қилиб туришган. Милоддан аввал Искандар Зулқарнайн ва бошқалар, милоддан бу гёйга араблар, аббосийлар, фотимийлар, салжуқийлар, салибчилар, мисрликлар, турклар, инглизлар, фаранглар маълум вақтларда Шом давлатини ўзларига қўшиб олишган ё ўзга усуллар билан унга ҳукм ўтказганлар.*

*Юрт ватанпарварларининг узоқ давом этган шиддатли курашлари натижаси ўлароқ, йигирманчи асрнинг ўрталарида, аниқроғи 1943 йили Миллий кучлар галаба қозонади ва икки йилдан кейин Сурия Германия, Япония каби йирик давлатларга уруш очади.*

*1958 йили Сурия Миср билан ягона давлат - Бирлашган араб республикаси (БАР)га бирлашади ва уч йилдан сўнг ажралиб чиқади.*

*Сурия мустақил деб эълон қилингандан кейин ҳам яна ўттиз йил эл-элатда бесарамжонлик ҳукм сурди, турли низолар, зулмлар, зўравонликлар, четдан ҳарбий кучлар кириши ва уларга қарши кураши, қўзғолонлар давом этди.*

*1973 йилдан том маънода мустақил, тўлақонли давлатга айланади.*

*Сурия тупроғига XIII асрда мўзуллар истилоси ва истибдодига қарши зафарли юришлар қилиб, она юртининг дахлсизлиги ва халқининг озодлиги учун сўнги нафасигача курашган ва жонини фидо этган жасоратли саркарда, миллий қаҳрамонимиз Темур Малик, Соҳибқирон Амир Темур боболаримизнинг қадами етган, маълум муддат ҳукмронлик қилганлар.*

*Соҳибқирон Эрон заминига, Ироқу Шомга қилган зафарли юришлари чоғида учинчи ўғли, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг катта бобоси, ёвқур шахзода Мироншоҳни бирга олиб юрар ва улкан давлати таркибига кирган Дарбанди Боқудан Бағдодгача ва Хамадондан Румгача бўлган бепоён ҳудудни унинг тасарруфига берган эди. Лекин отдан йиқилиб, бошининг қаттиқ лат ейиши оқибатида ақлий қобилияти, иродаси бир қадар заифлашган ва бу ҳолдан фойдаланган гаразғўйлар таъсирида айшу-ширатга берилган Мироншоҳ беҳуда жангу жанжалларга, бузгунчиликларга ва бошқа номатлуб ишларга йўл қўяди, қисқа вақт ичида унинг оилавий ҳаёти ҳам издан чиқади, оқибатда у ўз ихтиёридаги юртларни бошқаролмай қолади, унга қарши шаҳарларда гавго-галаёнлар юз бера бошлайди. Бу кўнгилсиз воқеалардан хабар топган Амир Темур Ҳиндистон фатхидан қайтиб келгач, Эрон заминга қайта лашкар тортиб боришга мажбур бўлади, Мироншоҳни ҳокимиятдан четлатади, ҳатто нуфузли амирлари орага тушишса-да, ноқобил ўғлини кечирмайди, амирзода атрофидаги мансабдорлар қаттиқ жазоланади. Улар касрига мажлисларга оро киргизадиган «назму наср ва жидда ҳазил илмида ягонаи замон» (Б.Аҳмедов) Мавлоно Кўҳистоний, моҳир созандалардан Қутбиддин Нойий, Ҳабиб Удий ва бошқалар дорга тортилади.*

## ЎЗБЕКНИНГ ҚАДИМИЙ ТАЪРИФИ

Сурияда яшаб ижод қилган таниқли шоир-адиблар кўп. Улар орасида, айниқса, фалсафий шеърлар моҳири Абул Аъло ал-Маарий, қасиданавис Абу Таммон, «Ибратли китоб» асари муаллифи Усома ибн Мунқиз биз томонларда машхуррокдир. Хусусан «Ибратли китоб» «ўзбек» атамасининг анча қадимийлигини исбот этувчи муҳим маълумотлари билан бизга яқин ва қимматлидир. Маълумки, илму адабиётда «ўзбек» сўзи ўн тўртинчи-ўн бешинчи асрлардан кўллана бошлаган, деган фикрни илгари сурувчилар ҳам йўқ эмас. «Ибратли китоб»да шундай тарихий маълумот бор: «...Беш юзу тўққизинчи йил... отам... кўшин билан лашкарбоши Бўрсук ибн Бурсук<sup>1</sup> хузурига чиқди. Бурсук султоннинг<sup>2</sup> амри билан урушга отланган эди. У билан кўпчилик халқ бирга бўлиб, бир жамоа амирлар уни кузатиб борарди: улар орасида «кўшин амири» Мавсил ҳокими Ўзбек ... ва бошқа амирлар бор эди»<sup>3</sup>. (Сўз XI аср бошидаги воқеалар хусусида кетаётганини эътиборга олинг). Адабиётларда, миллатшуносликда «хориждаги ўзбеклар», шу жумладан «суриялик ўзбеклар» деган иборалар юради. Дарҳақиқат, фалакнинг гардиши билан (Шўролар зуғуми туфайли ҳам) айрим халқлар каби ўзбеклардан ҳам дунёнинг турли қитъаларига тарқалиб кетганлар анчагина. Улар Афғонистон, Америка, Саудияда ҳам кўп. Сурия ўзбекларининг илдизлари эса балки ўша даврдаёқ каттагина мавқе ва обрўга эга бўлган Мавсил ҳокими Ўзбек ва унинг қавмига бориб туташар. Яна шуни ҳам тахмин қилиш мумкинки, Ўзбек деган хон чиққан жойда бу атама ундан илгарироқ ҳам мавжуд бўлган бўлиши керак. Зеро, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг таъкидлашича, «Аслида, ўзбек деган ном Ўзбекхон (Олтин Ўрда хони, XIII аср)дан кўп асрлар олдин машхур бўлганини жуда кўп манбалар исбот этган». («Тил ва эл» китоби).

Шунингдек, донишманд, шоир, файласуф, тарихчи, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарини сурёний тилига таржима қилган табиб Абул Дарож ҳам тез-тез зикр этиб туриладиган мўътабар алломалардан. Унинг узоқ йиллик саёҳатлари давомида тўплаган ҳикоятлар, ҳикматлари жамланган «Нодир воқеалар» асари машхур бўлиб, қуйидаги ривоят ана шу мажмуадандир:

*Бир донишманддан сўрашибди:*

- *Подшоҳ билан сизнинг ўрталарингизда қандай фарқ бор?*

*Донишманд жавоб берибди:*

- *Подшоҳ ўз истаклари, хоҳишларининг асири, мен ўз истакларим ва хоҳишларимнинг ҳукмрониман.*

Араб тарихчиси, «Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари» китобининг муаллифи Ибн Арабшоҳ ҳам асли суриялик бўлиб, 12 ёшида Соҳибқирон аскарлари томонидан асир сифатида (1401 йили) Самарқандга олиб келинган ва шу шаҳарда форс, турк тилларини ўрганиб, илм билан машғул бўлган.

Сурия худудига ўтиб, дастлаб кўзларимиз ҳайратланган ҳол – гувалак тошлари лой тусли пастак тоғлар бўлди. Тоғ остлари эса қаймоқранг, жигарранг оҳактош эди.

Дўнгалак тошли адирлар кўп, ора-орада экинли ерлар ҳам бор, кам. Тоғлар, кейин дўнгалак тошли майдонлар сийраклашиб-сийраклашиб, бир хил дарахтли поёнсиз боғларга улашиб кетади. Боғ ўрталарида ҳам у ер-бу ерда яккам-дуккам тошлар кўзга ташланади.

Боғ дарахтларининг нималигини анчагача билолмадик: бўйи-басти, ўсишлари писта, бодомга ўхшар, аммо барги бўлакчароқ эди. Хурмонинг бир туримикин, деймиз. Дарвоқе, Сурия қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлар: буғдой, арпа, помидор, пахта, шакарқамиш, тамаки... Мамлакат шимоли-ғарбида боғдорчилик (цитрус мевалари, узум), полизчилик, сабзавотчилик билан шуғулланадилар.

<sup>1</sup> Гамадон амири. 1115 йили Салжуъий ибн Маликшо! Султон томонидан лашкарбоши лавозимига тайинланган.

<sup>2</sup> Му!аммад шо! ибн Маликшо! Султон, Салжуъийларнинг Исфahондаги амири.

<sup>3</sup> Усома ибн Мунъиз. Ибратли китоб. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил, 78-79-бетлар.

Тош-ғиштдан қурилган уйларнинг деразалари ҳам кўримсизроқ, йўл бўйлари ивирсиқроқ эди.

Боғлар кенгая борарди - ҳар икки тарафда. Ажибки, бўйи бир текис, аммо шакл берилгани сезилмайди. Тикилиб қараймиз – меваси кўринмайди.

Заҳоб сувлар сероб. Ям-яшил қир-адирлар, ораларида ҳайдалиб, жияк олиб қўйилган ерлар бўз жигарранг - илмий китобларда ёзилишича, тупроқ таркиби шундай.

Эронда ҳам, Туркияда ҳам, Сурияда ҳам деярли барча қабрлар устига мрамор тошдан ёдгорликлар ўрнатилган. Бизда айрим муллолар гўр тепасига ҳеч нарса, ҳатто темир, ғёоч панжара ҳам қўйилмаслиги керак, одам тупроқдан бинога келган, тупроққа қўшилиб кетиши керак, деган ақидани илгари сурадилар. Мадинаи мунаввара яқинидаги Ухуд жанги шаҳидлари дафн этилган мазор дарвозаси пештоқига «мен аввал сизларни қабрлар зиёратидан қайтарган эдим, энди майитгоҳларни зиёрат айлашга даъват этаман, зеро, қабристон охиратни ёдга солади», деган мазмундаги ҳадис катта қилиб ёзиб қўйилган.

Гўристонлар бани одамнинг, ҳаётнинг ўткинчилигидан, макбара, ёдгорликлар эса эзгулик, улуғлик умрининг кадрли ва боқийлигидан далолатдир.

Шунингдек, Ўзбекистонда бош кийимсиз намоз ўқишни қоралайдилар, йўл давомида биз кўраётган масжидларда ибодат ила машғул кимсаларнинг аксарияти каллапўшсиз эди.

Боғлар давом этмоқда. Бирорта барги тўкилмаган, шамолда силкиниб турибди. Ораларида, онда-сонда, анжирнинг бир тури бўлса керак, пакана, тарвайган, сершоҳ дарахт кўзга ташланади.

Барглари ранги жийда япроғи монанд, танасининг қуйи қисми йўғон. Бу нима дарахту, намунча кўп экан, деб ҳайрон бўламиз. Кейин билсак, у шифобахш ҳам парҳезли таомбоп мой олинадиган машҳур зайтун экан.

Йўллар дуруст. Уйлар пастрок, салобатсизроқ. Чор қиррали тош, бетондан қурилган.

Йўл кўрсаткичлар ихчамроқ, эскироқ... Шу аломатлардан ҳам мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини чамалаш мумкин.

## **ҚОР ҚУЮНИ. ЮЗ ЧАҚИРИМ ОРҚАГА...**

Соат тўртда тушлик қилдик. Ошхона хизматчилари кўп султ бандалар экан, анча диққат қилишди. Бунинг устига, эллик чоғли ҳарбийлар киришувди, ваҳима бўлиб кетди. Аскарлар сараланган: бир текисда барваста йигитлар эди.

Шу ерда аён бўлдики, 1 доллар – 50 сурий, 0,69 доллар – 3,7 реал экан.

Йўлда анча-мунча обод шаҳарлар ҳам учради.

Ҳадемай қоронғи тушди. ©мғир гоҳ авжланиб, гоҳ тинарди.

Чақмоқ чақиб, дўл ғеди. Шамол кучайиб, ёмғир қорга айланди. Кўп юрмай шамол шунақа зўрайдики, автобусни тебратиб, ағдариб юборай дерди. Жуда ваҳимали, ҳатто кўрқинчли эди. Қор одатда осмондан ерга қараб ғеади, бу ерда эса у бир томондан иккинчи тарафга қараб ғеар, тўғрироғи, шамол билан бирга ўқдай еларди. Менимча, ҳар ким дилида дуолар ўқиб борарди.

Ярим соатлардан кейин ҳаво очик, ойдин бир ҳудудга чиқдик. Юлдузлар ҳам чароғон. Аммо қор камайган, сийраклашган эса-да, бояғидай, ўнгдан чапга – кун ботишдан кун чиқишга учиб ғеарди. Назаримда, энди қор ғемас, шамол уни қаёқдандир ҳайдаб келарди.

Айни ўша дамларда Илҳомжон билан гаплашиб, уни уйқудан чалғитиб кетиш, яъни штурманлик мансаби каминада эди. Дамашққа 30 километр қолганда бир ёнилғи қуйиш шаҳобчаси келди. Раҳбар ижозати билан тўхтаб, қайнаган сув олиш учун тушдик. Шамол одамни ҳам учуриб кетаман, дейди. Қаҳвахонада асосан Дамашқ томондан келаётган ҳайдовчи-йўловчилар чой, қаҳва ичишарди. Улардан йўлдаги ҳолатни сўрадик. Довонда қор

катта, сирғанчик, бир соат туриб қолдик, дейишди ва бизга тўрт-беш километр орқадаги қишлоққа қайтиб, ўша ерда тунашни ва эрталаб йўлга чиқишни маслаҳат беришди.

Иккилана-иккилана ортга қайтдик. Тўрт-беш километрда қишлоқ эмас, бир автохалокат учради. Ана шу жойда Муҳаммад Содик полициячи билан гаплашди. Хумс шаҳрига борасизлар, бошқа ерда сизларбоп меҳмонхона йўқ, деди у. Хумс (китобларда «Химс» ёзилади)гача 50 километр эди, бориб-қайтишимиз 100 километр демак... Зокиржон аканинг боши қотди. Бошқаларники ҳам, албатта, аммо қарорни раҳбар қабул қилади. Менимча, унга қолса, таваккал деб, Дамашқ сари жўнарди, лекин ўзгаларни ўйлади чоғи.

Солярка майли-ку, ярим кунни йўқотишимиз турган гап эди, лекин начора. Нотаниш, синалмаган йўл, яна қорли довон бўлса... Балки яқинроқ жойдан бирон мусофирхона топилиб қолар, бизга муҳташам отелнинг ҳожати йўқ, бир кеча минг кеча эмас, деган мулоҳазалар билан улов бошини ортга бурган эдик.

Аммо яқинроқда мусофирхона тугул, мундайроқ қўналға ҳам чиқмади.

Шамол тобора даҳшат билан ғувулар, икки бетдаги дарахтлар эгилиб, учлари ерга тегай-тегай дерди. Бу – бўрон эди. Автобусимиз баралла тебранар, енгил машиналарнинг учиб кетмаганига ажабланардик.

Кундузи рўмол ўраган эркакларни кўриб таажжубланган эдик, демак, бежиз эмас экан – табиатнинг бундай тўполонида очик юз, очик кўз-кулоқ билан юриш асло мумкин эмас.

Ниҳоят, Хумсга етдик (кетишда шаҳар ёнидаги айланма йўлдан юрган эдик!). Суриянинг ғарбий қисмида, Ал-Оси дарёсининг водийсида жойлашган, Хумс музофотининг маъмурий маркази, мамлакатнинг муҳим ва йирик шаҳарларидан бўлган Хумс кўркамгинага ўхшади. Шаррос қуяётган ёмғирнинг қалин пардаси шаҳарнинг тунги манзараларини яхшироқ кўришга монелик қиларди.

Меҳмонхона излаш ва топиш одатдагидай Муҳаммад Содик иккимизга юкланди.

Икки ёни баланд қаватли иморатлардан иборат кўчалар тор ва бурчак-бурилишлар бесаноқ эди. Меҳмонхона сероб, аммо жой йўқ, ўрин бори табиатимизга тўғри келмас, аксарияти совуқ эди...

Охир бир кўноқхонани маъкул кўрдик. Бино анча эски, хоналари катта-катта эди. Бу ҳам совуғу, харқалай, электр иситгичлар беришди.

Фойелар, умумий зал, хоналар деворига ҳам соҳибжамол, таманно аёлларнинг ромли сурати осилган. (Дарвоқе, шаҳар кўчаларида очик-сочик кино рекламалари ҳам кўп эди).

©стикқа бош кўйганимизда соат ўн иккига яқинлашган эди. Ухлагунимизча момоқалдирок, шаррос ёмғир овози эшитилиб турди.

## *8 январь, пайшанба*

Эрталаб йўлга чиққанимизда ёмғир тинган, аммо совуқнинг захри ўткир эди. Шаҳар чиндан ҳам гўзал – тартибли, кўчалар ўртасидаги ва икки четдаги энсизгина бульвар-пушталарда пальманинг ранг-баранг турлари ва бошқа манзарали дарахтлар яшнаб турарди. Йўлаклар камбар, бинолар кўчага яқинлиги учун йўл четларида катта дарахт кам эди, хусусан, шаҳар марказларида. Аксарият ўзига хос меъморий кўринишдаги сарбаланд, виқорли биноларнинг деворлари қаймоқранг мрамрдан эди. Айлана йўлларнинг ўрталиғидаги майдонларда ўзига хос жиҳоз-манзаралар, масалан, бирида кўшк-айвонли фаввора, бирида қадди-бўйи узун, курантсимон соат, яна бирида Сурия Араб Республикасининг марҳум бообрў президенти Ҳафиз Асад ҳайкали... Бошқа бир ўринда собиқ президентнинг янада улкан, салобатли ҳайкалини кўрдик. Умуман, Ҳафиз Асад суратларига мамлакат божхонасидаёқ кўзимиз тушган, кейинги шаҳарларда ҳам собиқ раҳнамонинг якка ўзи, ўғли билан бирга ёнма-ён, алоҳида-алоҳида чизилган йирик расмлари дам-бадам учраб турарди.

Кечаси қайтиб келган йўлимиздан кетдик. Икки томонлама кўчанинг эни (ўртада бульвар-пушта ҳам бор) ўн беш метрдан кам эмас эди. Ҳар икки бетда икки қатор қарағай,

хаммаси кун юришга қараб эгилиб қолган, лекин, таажжубки, биронтаси синмаган, йиқилмаган. Тол ё терак бўлганида кечаги бўронда биттасиям соғ-омон қолмасди-ёв...

Шаҳардан анча кейинроқ йўл қалин дарахтзор орасидан ўта бошлади. Дарахтлар остида ҳар хил қоғоз, селюфан халталар ва бошқа чиқинди кўп – ивирсиқ эди. Балки бу кечкурунги шамолнинг қилғилигидир. Лекин, ҳарқалай, саришталик Туркиядаги каби ҳавас этгулик даражада эмаслиги сезилиб турарди.

Даштликка чиқдик. Ер юзаси юпқа қор. Чап тарафимиздаги қуёш гоҳ кўришиб, гоҳ булутлар орасига киради. Яна қуюқ тутундай тутаб, ҳавога ўрлаётган қора булутлар сари боряпмиз.

Оқшом йўлдан қайтган жойимизга етдик – 60 километр экан. Бир мисқол ҳам қор йўқ. Умуман, яқин-ўртада қор ёмагандай. Албатта, бу ҳам шамолнинг иши. Яна изғирин бўлмоқда.

Қора деган жойда «Истироҳати умаро» («Амирлар оромгоҳи») ресторанида нонушта қилдик. Дарҳақиқат, амирлар боп маскан эди: бино янги, қаймоқ тусли (шу ранг урф экан) мраммрдан. Зали бепоён. Дўкону буфетларида йирик оқ пўчоқ анор, пўртахолнинг менга нотаниш бир нави, катта-катта, ноксифат беҳи ва бошқа мевалар бор эди.

Оҳиста янграётган, қуймич рақсини ёдга солувчи куй Араб дунёсида эканлигимиздан огоҳ этарди.

Ошхонанинг бир хизматчисига ёғли қулча-нонларимиздан (улар ҳали ҳам унча қотмаган эди) берган эдик, татиб, маза қилгандай, бош тебрата-тебрата бир неча шерикларига бир бурдадан улашиб чиқди. Кейин гўшт қовурдоғимиз билан қизиқишди. Шу баҳона Муҳаммад Содик тилмочлигида озгина суҳбат бўлди. Хизматчилардан бири ўзларида чоп этиладиган бир мажаллада Амир Темур, Ал-Бухорий, Ат-Термизийлар ҳақида мақола ўқиганини, Ўзбекистон тўғрисида анча маълумотга эғалигини бизга айтди. Биз албатта, хурсанд бўлдик, уларга Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва ўзбекистонлик бошқа буюк алломалар ҳақида гапириб бердик.

Яна қорли ерлар бошланди. Атрофда ясси адирлар, пастак тоғ бўлақлари. Қасабалар, маҳаллаларда кўкқайган уйлар кўринар, ора-орада битта-яримта қарағай-арча... Бошқа дарахт ўсмайди чоғи.

Кечкурун юк машиналари ҳайдовчилари бизни чўчитган довондан ўтяпмиз. Довон унча баланд ҳам эмас, йўл топ-тоза, фақат икки бетда сийрак қор бор эди, холос. «Оқшом бекор қайтган эканмиз-да, ҳозир Дамашқда юрган бўлардик», дея андак ўқиндик. Қайтиш масаласи қўйилганда раҳбар ўз анъанасига кўра аъзолардан фикр сўраган, аммо ҳеч биримиз дадил бир нарса деёлмагандик. Биринчидан, олдинда бизни қандай аҳвол кутаётганини тасаввур ҳам қилолмасдик, иккинчидан, қайтсак, яхши бўлмаса, ё бир ишқал чиқса, таънага қолишдан ҳадиксирардик...

Бир жойда, йўл қирғоғида енгил машина оғёи осмондан бўлиб ётарди. Кечкурунги ваҳималарга шу биргина далилни учратдик, холос. Ҳолбуки, биз анча нохуш манзараларни кутиб эдик.

Тоғлар ўса борар бўй чўзиб... Қарағай-арчалар дуркун сарвзорга айланар.

Довоннинг суйри жойларидан ўтаётиб, кеча келавермаганимиз яхши бўлган экан, деган хулоса ясалди.

Йўлда «Полиция марказлари» бор, аммо олатаёқ кўтарган бирон кимсага йўлиқмадик.

Турли завод, фирмаларнинг автоуловлари сотиладиган дўконлар растаси бошланди. Бу Дамашққа кирганимиздан далолат эди. Рўпарада яна қаймоқ ранг мраммрдан ясалган улкан паннодаги катта ранг-тасвирда Ҳафиз Асад бизга жиддий қараб турарди.

Шаҳарнинг ўнг томонидаги тоғ ёнларида уйлар қалашиб ётар, улар турар жойларга ҳам ўхшамасди. Аммо кенг кўчалар ниҳоятда тифиз, ер ости ва усти йўллари, кўприклар кўп эди. Хусусан биз каби мусофирларнинг тўғри йўлни, кўзланган манзилни топиб бормоғи анча мушкул эди. 10-15 километргача қайрилиб оладиган, чапга ўтадиган жой йўқ. Айтганимдай, бир адашдик ва кўп узоқдан айланиб келдик. Ҳаракат зич ва тезлигидан ёзув

ўқилиб, йўналиш Илҳомжоннинг кулоғига етиб боргунича машина буриладиган ердан ўтиб кетиб қолди.

## ДАМАШҚ

*Барада дарёси бўйида жойлашган, беш минг йиллик тарихга эга бу шаҳар ўтмишида Шом дейилган (ҳатто бутун мамлакат – Сурия ҳам шу ном билан юритилган). Миср, Фаластин, Ироқ, Арабистон қарвон йўллари Дамашқдан ўтгани учун оти машҳур бўлган, савдо, ҳунармандчилик, ободончилик ва бошқа жиҳатлардан барвақт ривожланган. Ўрта аср тарихчилари уни «Дунё жаннати», «Шарқ жаннати» деб таърифлашган. Шуниси галатики, айрим олимлар Исо Масихнинг насронийлик дини ҳам Дамашқда бошланганлигига далиллар бор, деб ёзишади.*

*Дамашққа эрамиздан аввал Миср фиръавнлари, оромийлар, осурийлар, бобиллар, форслар, Искандар, милоддан кейин Рум, Византия, араблар (араб ҳукмдори Муовия 660 йили ўзини халифа деб эълон қилган ва халифалик пойтахтини Дамашққа кўчирган), турклар, кейинроқ аббосийлар, тулунийлар, фотимийлар, салжуқийлар, мўғуллар, Амир Темур сулоласи, ҳижозликлар ва бошқалар ҳукмдорлик қилганлар. Ҳатто бир неча йил фаранглар ҳам эгаллаб туришган. 1943 йили мамлакат мустақилликка эришгач, Дамашқ пойтахтга айлантирилган.*

*Шаҳарда уммавийлар замонида (661-750) қурилган масжидлар, кейинги даврларда бунёд этилган тарихий обидалар, ёдгорликлар кўп. Муқаддас зиёратгоҳ «Бобу сағир» («Кичик дарвоза») қабристонини эса кўплаб табаррук инсонларнинг сўнги ва абадий манзили сафариди эътиборлидир.*

«Бобу сағир» жуда катта ҳудудни эгаллаган. Ҳар бир қабр сағана тошли ва улар шу қадар зич эдики, баъзи жойларда ёнбошлаб, яқка кифт бўлиб юришга тўғри келарди.

Бу мангу оромгоҳда исломни байроқ қилган, унга даъват этган, умрини Аллоҳ йўлига тиккан мўмину мўминаларнинг мозори ҳам кўп. Муҳаммад пайғамбаримизнинг аҳлияларидан уч нафари – Ҳафса онамиз (Ҳазрати Умар розияллоху анхунинг қизи), Умму Салама, Умму Ҳабиба оналаримиз, саҳобаи киромлардан биринчи марта «Аллоху акбар», дея халқни намозга чақирган муаззин, Байтулмолда хазиначи бўлган Ҳазрати Билол разияллоху анху, Имом Жаъфари Содиқ разияллоху анху, унинг ўғли Абдуллох, Имом Ҳасаннинг қизи Маймуна, пайғамбаримизнинг амакиваччаси Абдуллох ибн Жаъфар Аттайёр, унинг аҳлиялари Асма, Ҳамида, Маймуна, Имом Ҳусайннинг қизлари Фотимаи суғро (кичик Фотима), Сакина, ўғли Имом Зайн-ал Обиддин, унинг ўғли Абдуллох Бехир, Ҳазрати Имом Алининг қизлари Зайнаби суғро, Умму Гулсум...

Зиёратчилар, хусусан аёллар кўп эди. Улар қабр тошларига, сағана деворлари, устунларига юзларини босишар, силаб-силаб қўлларини бетларига суркашар, рўмолу рўмолчаларини суртиб олишарди.

Алоҳида бир ҳовли ва ундаги бино ичи масжид ва Қарбало шаҳидларининг бошлари дафн этилган мазористон эди.

Маълумки, Қарбалода Имом Ҳусайн ва унинг тарафдорлари билан исломга қарши қабилалар ўртасида қаттиқ тўқнашув бўлган. Унда халифа Али ибн Толибнинг ўғли Имом Ҳусайн ва яна ўн олти нафар жангчи шаҳид бўлади, ҳаммасининг боши танасидан жудо қилинади. Таналарини аниқлаш маҳол ва фурсат ғаниматлиги учун 17 та кесилган бош жанг майдонидан олиб қочилган ва шу ерга олиб келинган экан. Лекин кўмиш чоғида Имом Ҳусайннинг боши йўқолиб қолган. Хуллас, ҳозир бу ерда 16 та қабр бор, дейишди. Бу ривоят, албатта. Чунки тарихий манбаларда ёзилишича, Имом Ҳусайн Қарбалода дафн этилган ва қабри устига макбара тикланган.

Қарбало шаҳрини оламга танитган яна бир омил бор - ўша машҳур жанг воқеасидан саккиз аср ўтгач, у ерда кейинчалик ўзининг шоҳона асарлари билан жаҳон адабиёти дурдоналари хазинасини бойитган чўх гўзал озарбайжон шоири, «Ғамзасин севдинг кўнгил, жонинг керакмасму санга», «... Ишқ завқин завқи ишқи вор ўландин сўр» каби юракни



ўйнатиб юборадиган ғазаллар муаллифи Муҳаммад Фузулий таваллуд топган. («Қурбон ўлам» ашуласи матни ҳам Фузулийга нисбат берилдию, аммо баҳслироқ тарзда...).

«Бобу сағир»даги асосий қимматли ёдгорликлардан бири буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий марқади эди...

## АБУ НАСР ФОРОБИЙ

*Абу Наср Муҳаммад Форобий 873 йили Сайхун (Сирдарё) қирғоғидаги Фороб-Ўтрор деган жойда (баъзи китобларда Восинч қишлоғида) туркий қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келган. Бошланғич маълумотни ўз юртида олгач, Шош (Тошкент), Самарқанд, Бухорода ўқиган. Исфаҳон, Хамадон, Рай шаҳарларида бўлган.*

*Кейин бир қанча муддат Бағдодда яшаб, ал-Мутаддил (870-902), ал-Муқтафий (902-908), ал-Муқтадир (908-932) халифаликлари даврида Ўрта аср фани ва илмининг турли соҳаларини ўрганади, юнон фалсафий мактаблари билан чуқур танишади.*

*Тахминан 941 йилдан Дамашқда яшай бошлаган, Ҳалабда ижод қилган.*

*Жаҳон маданияти ривожига катта ҳисса қўшган мутафаккир Форобий табиий ва ижтимоий билимларнинг қарийб барча соҳалари билан шуғулланган ва 160 дан ортиқ асар яратган. «Субстанция ҳақида сўз», «Қонунлар ҳақида китоб», «Жон (руҳ)нинг моҳияти ҳақида рисола», «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи», «Ҳажм ва миқдор ҳақида», «Муסיқа ҳақида катта китоб», «Ҳайвон аъзолари ҳақида сўз», «Фозил шаҳар одамлари» шулар жумласидандир.*

*Форобий булардан ташқари, ўзидан олдин ўтган юнон мутафаккирлари, жумладан, Аристотел асарларига ёзган шарҳлари билан ҳам шуҳрат қозонган ва «Муаллими Соний» – иккинчи муаллим, «Шарқ Арастуси» унвонларига сазовор бўлган. Гап шундаки, Форобий ўз салафларининг асарларига шунчаки муносабат билдириб, тушунтириб бермаган, балки уларнинг айрим қарашларини инкор этган, фикрларини тўлдирган.*

*Абу Наср бобомиз «Фозил шаҳар аҳлининг раъйлари», «Фуқаролик сиёсати», «Бахт-саодатга эришув ҳақида» каби рисолаларида ўзининг ижтимоий қарашларини баён қилган. Инсон жамоасининг ўз эҳтиёжларини қондиришига бўлган интилишлари асосида вужудга келадиган ўзаро ёрдам, бирлашув натижасида пайдо бўлишини, бундай жамоанинг синалган шакли шаҳар эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилган улуг мутафаккир бутун инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради, жаҳонда ягона одамлар жамоаси тузилишини орзу қилади. Давлатнинг вазифаси фуқароларни бахт-саодат манзилига элтишдан иборатдир, бу эса илм ва ҳуш ахлоқ ёрдамида вужудга келади, деб ҳисоблайди. Олим, шунингдек, ҳукуматни бошқаришнинг сайловга, яъни демократияга асосланган шакллари, тизимларини тавсия қилади, ҳар жиҳатдан етук, юрти маъмур, эли фаровон, халқи ёппасига илм-маърифатли жамият тўғрисидаги фикрларни илгари суради. Форобийнинг дунё аҳамиятига молик айрим асарлари XII асрдаёқ бир қанча Оврўпо тилларига таржима қилинган.*

*Қомусий олимнинг илм-фаннинг умумий масалаларига, инсон билиши фаолиятининг фалсафий омилларига, шакллари ва босқичларига, мантиқ илмининг табиати ва сирларига, ҳисоб - ал-жабр, фалакиёт, ҳандасага, физика, кимё, тиббиёт, биологияга, тилишунослик, ижтимоий-сиёсий муаммолар, давлатни бошқариши масалаларига, тарбия ва ахлоқ-одоб, ҳуқуқий билимларга, мураббийлик таълимотларига бағишланган ва бошқа йўналишлардаги тадқиқотлари, ҳеч шубҳасиз мазкур соҳалар ривожига катта таъсир кўрсатган ва ҳали-ҳамон уларнинг қиммати, аҳамияти юксакдир.*

*Кўп тилларни, жумладан гоят мураккаб араб лисонини миллий мутахассислардан ҳам пухтароқ биладиган, асли туркий милатга мансуб Форобий фақат илм билан шуғулланиб қолмай, ана шу тил, шунингдек, мантиқ асослари бўйича арабий мадрасаларда муаллимлик қилиб, маърузалар ўқиган.*

*Форобий ўз билимлари, илмларини мукамаллаштириши мақсадида умрининг охирида ҳам тиниб-тинчиманган, қўним билмаган. Маълум муддат Мисрда яшаган, кейин яна Дамашққа қайтган ва 950 йили, етмиши уч ёшида шу ерда вафот этган.*

*Дунё тан олган донишманд, шоир, адабиётшунос, мусиқашунос Форобийнинг феъли-аъмоли, ҳаёт тарзини ифодалайдиган бир аломат мисолни ҳайрат билан нақл қиладилар. Олим Ҳалабда яшаган даврида илму фан кишилари заҳматини қадрлайдиган шаҳар ҳокими Сайфутдавла унга давлат ҳисобидан каттагина маош тайинлаган экан. Форобий маошининг бир қисмини – қундалик тирикчилигига кифоя қиладиганини олиб, қолганини қайтарар экан. Шахсининг ниҳоятда ҳалол, олижаноблигидан, ўта камтар ва хокисорлигидан ва айни вақтда беҳад буюклигидан далолат бўлган бу далил ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганда халқ ривоятларига, эртатка ўхшайди.*

### **Форобий ҳикматларидан:**

*Бахтга эришиши мақсадида бирлашган кишилар жамоаси фазилатли жамоадир. Бахтга эришиши мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришмоқ учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади.*

*\*\*\**

*Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тугилганки, у яшаши, олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезади.*

*\*\*\**

*Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман, деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлишига интилсин, ахлоқ-одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат ва макр-ҳийладан узоқ юрсин.*

Зокиржон ака ўз ҳамроҳлари билан экспедициянинг аввалги сафарларидан бирида Форобий қабрини зиёрат қилган ва бу масканда буюк олим хотирасига кўрсатилиши лозим бўлган иззат-икромдан кўнгли тўлмай қайтган эди.

- Эҳтимол, ўтган вақт мобайнида маҳаллий раҳбарларга инсоф бериб, ўнглаб қўйишгандир, - дедик биз.

- Қанийди, аммо бунақа бўлишига ишончим йўқ, - деб бош тебратди раҳбар. – Жойида тинч турган бўлсаям катта гап...

Форобий қабри жойида тинч турган эди. Бироқ...

Қабр мазористоннинг шимоли-шарқий бурчагида, икки қаватли нураётган хароб уйлар билан туташ эди. Шу ерлик ўрта яшар фуқаро Илд Абиддиннинг айтишича, уйларнинг 1-чи қаватида ижарачилар (демак, эгалари бошқа жойларга кўчиб кетишган) мудом том босиб қолмасмикин, деган хавотирда яшашар, болаҳонага қадам босишмас экан. Улар оламда Форобий деган олим яшаганидан беҳабар, умуман, кун ўтиши – тонг отиб, кеч кириши бай бўлган дунёи ғофил бандалар эди.

Қабристон худуди темир панжара билан ўралган, тепаси ёпиқ айвон бўлиб, панжара эшигига оддий босма кулф шунчаки илиб қўйилган, занжири, зулфи занглаб кетган эди.

Айвоннинг ўнг тарафидаги аллома қабри узра ўрнатилган бўйи икки метрдан зиёдроқ, баландлиги 70, эни 80 сантиметрлар ҳажмидаги сағана тоши чиндан-да путурдан кетган эди: юзасидаги бетон сувоқлари кўчиб, тўкилиш арафасида, остки қисмидаги бир қатор мрамор плитанинг кейинги даврда қоплангани сезилиб турарди. Полига ҳам шундай плита ётқизилган, тош усти ҳам, ер ҳам қалин чанг эди. Қабрнинг оёқ томонидаги деворга қоқилган миҳга осилган кичкина тахтачада қуйидаги ёзув бор эди: «Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм. Ушбу файласуф, адиб, мусиқашунос, ислом олими Абу Наср Форобий номи билан машҳур Ибни Муҳаммад ибни Тархон ибни Узлуқ сағанасидир. Таваллуди: ҳижрий 260 йил, Фороб, вафоти: 339 йил. Дамашқ». Биз ўқиган китоблар билан мазкур тахтачадаги

далил-рақамларда тафовут бор эди.

«Бобу сағир»да дўкандорлар, қассоблар, хатто сартарошларнинг алоҳида хилхоналари мавжуд экан.

Форобий қабрининг бош тарафида, умумий айвон ичида, бир том остида гулдор оқиш мраммали тўртта баланд сағана тоши бўлиб, нақшлар билан безатилган, олди томонларидаги мраммар тахта, устунлари ёнларига даста-даста бута-гуллар суяб, боғлаб қўйилган эди. Бу даҳмаларнинг тўртталаси ҳам марҳум қассобларга мансуб экан... Сағаналарнинг тикланган саналари – 1961, 1974, 1984, 1994 йиллар эди.

- Қассобларнинг қариндошлари хайит-арафа кунлари келиб, зиёрат қилиб туришади, - деди Илд Абиддин.

Одамга алам қилади. Роҳат-фароғат, молу дунёдан кечиб, одамларга илм зиёсини сочасоча оламдан ўтган ва бу бебаҳо мероси минг йиллардан бери безавол яшаб, инсониятга хизмат қилиб келаётган мутафаккирларнинг қабри оддий бир қассобниқичалик бўлмаса?!..

Раҳбар: бу масалага аввало Ўзбекистон, Қозоғистон жамоатчилиги, биринчи галда ҳукумат раҳбарлари эътиборини қаратишимиз лозим, ҳеч бўлмаганда, Бобур Халқаро фонди ўз муносабатини билдиради ва буюк аждодларимиз қабр-мақбаралари албатта ободонлаштирилади, деб, Муҳаммад Содикдан Қуръони карим оятларидан тиловат қилиб, буюк Абу Наср Форобий руҳи покига бағишлашини сўради.

Қабристондан қайтишда эгри-бугри, тор кўчага кириб қолдик. Икки ён хунармандчилик расталари, устахоналар, сабзавот, мева-чева дўконларидан иборат эди. Дамашкнинг кўхна қисми эди бу. Шаҳар четроғидаги каттароқ кўчага аранг чиқиб олдик.

Томлар антенна, сувдонлар, қуёшдан электр энергия оладиган мосламалар билан тўла.

Йўл ёқалари ивирсиқ – шамол чиқиндиларни у ёқдан-бу ёққа учириб, ёйиб юборади шекилли.

Ерлар ҳайдалиб, бирйўла ўғитланиб, экишга тайёрланиб қўйилган. Далалардан нарғёи Сурия табиатига хос паст, кўримсиз тоғлар. Умуман олганда, мамлакат худудида Ансория ва Аз-Завия тизмаларини ҳисобга олмаганда, баланд тоғлар кам экан.

Йўл четидаги сийрак қарағай ва бошқа дарахтларнинг шохлари, баргларини шамол юлқиб-тортқилайди.

Саҳросифат далалар ичидаги яккам-дуккам, калладай-каладай, ундан йирикрок тошлар полизда палаксиз қолган қовун-тарвузга ўхшарди. Баъзи жойларда тошлар териблиб, узунасига пол қилиб қўйилган.

Мана бу ўзгача тусдаги тупроқ ва забонсиз тошлар билан қопланган сокин замин остида қандай сиру синоатлар яширинганикин, дея ўйлайман. Бундай хаёлларга боришимнинг сабаби кейинги пайтларда қадимшунослар давраларида энг улкан инсонлар Сурия худудида яшаган, деган тахминлар пайдо бўлиб қолди. Сурия, Ливан ва Мисрга қилган илмий сафаридан жуда ғаройиб янгиликлар билан қайтган бошқирдистонлик олим ва сайёх Эрнест Мулдашев шундай ҳикоя қилади: «Сурияда биз бўйи ўн метрли улкан одам изларини топишга муваффақ бўлдик. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, излар табиий экан. Бундан ташқари, биз бу жойда бўйи олти-етти метрли одамларнинг бир неча қабрларини ҳам учратдик». Шунингдек, қадимшунос бир неча минг тонна келадиган тошлардан тикланган ер ости қурилмаларига тушишгани, «ўлик шаҳарлар» деб аталадиган бир неча масканларда бўлишгани, бундай жойларнинг мамлакат худудида етмиштага яқин эканлигини айтади. Олим деярли харобага айланган мазкур «шаҳарлар» бинокорлигида қўлланилган технология ва асбоб-ускуналарнинг ҳозирги техника ва технологиядан анча юқори бўлганлигини катта ишонч билан таъкидлайди ва Одам Ато ва Момо Ҳаво фарзанди Ҳобилнинг Дамашк яқинидаги, уч юз йилдан бери аҳли ислом томонидан кўриқланиб келинаётган, узунлиги 5 метру 71 сантиметр, эни 1 метру 80 сантиметрли қабрини мисол келтиради.

Кўрилган ғаройиботларни Миср эҳромлари қурилишлари билан боғлаган олим қадимда ҳам Ер юзида юксак цивилизация мавжуд бўлган ва у даврда руҳий энергияга эга

бўлган одамлар яшаган, кўхна ўлик шаҳарларни жуда қадимда улкан одамлар – атлантлар барпо этишган, деган хулосага келади.

Умуман олганда, фаразлар бежиз эмас. Зеро, бу кўхна юрт заминида одам қуйи палеолит давридан (тош асри – бундан икки миллион йилдан олдинроқ бошланиб, юз минг йил илгари тугаган) истиқомат қилиб келади, дейилади. Шундай цивилизациянинг ҳалокатга юз тутиши сабабини эса Э.Мулдашев шундай изоҳлайди: «Менинг назаримда, ўша қадимда ўтган цивилизация даврида одамлар белгилаб қўйилган мезон, меъёр чегараларини бузишган. Покиза қалбнинг буюк қонунларини унутиб қўйишган, бу қонунлар замирида меҳр-муҳаббат ётади. Оқибатда Тангри ато этган руҳий энергиядан ёмон мақсадларда фойдалана бошлашган. Шунинг оқибатида, мана, уларнинг ўрнига биз – дунёда энг қудратли энергияга эга «машина» одам эканлигини унутган ва кучли энергия фақат нефть ва газдан олинади, деб ҳисоблайдиган одамлар келиб турибмиз. Бироқ нефть билан газ барибир вақти келиб тамом бўлади ва биз жуда-жуда қадимда ўтган ўтмишимизни эслашга мажбур бўламиз. Шундан келиб чиқсак, барча диний қарашларда доимий тарзда такрор-такрор келадиган «меҳр-муҳаббат» иборасининг «энергетик моҳияти яққол ойдинлашади».

Яхши ниятли, қалби эзгу ҳиссиётларга тўла олимнинг мулоҳазалари исботталаб, албатта. Лекин, дунёни гўзаллик кутқаради, деган ҳикматли гап бор. Шу маънода Э.Мулдашев ёвузлик, жаҳолат, ҳар қандай бузғунчилик ва бошқа салбий эврилишлар, иллатларга меҳр-муҳаббатни қарши қўйишда батамом ҳақ.

Биз жануб сари кетардик. Қуёш ёрқин эди, ҳадемай қорамтир булутлар қоплаган осмон остига кириб бордик.

Тоғлар ғойиб бўлди, далалар кенгайиб, этаги уфқларга туташиб кетгандай кўрина бошлади.

Ора-орада уйлар ва зайтунзорлар.

©мғир севаламоқда.

Бир томонлама йўл шиддат билан таъмирланмоқда эди: ҳали у қисмига ўтамиз, ҳали бу қисмига.

Бизни яна кўчанинг икки бетидаги йирик-йирик қора тошлар ва «Сурияни зиёрат қилганингиз учун ташаккур!» деган ёзувли лавҳа кузатиб қолди. Соат бешларда Йордания Ҳошимийлар Қироллиги божхонасига қадам қўйдик. Шаҳарчага ўхшайди: обод, бинолар янги, майдонлар тоза, саришта. ©мғир ювиб, янада чиройли қилиб қўйган эди.

Одатдагидай кутмоқдамиз. Хуфтонга азон айтганда соат олти яримлар эди. Хайриятки, иш бу ерда нисбатан тез битди.

## ИОРДАНИЯ

*Иорданияни Сурия, Ироқ, Саудия Арабистони, Исроил давлатлари қуршаб туради. Унинг ўрамидан Қизил денгизнинг Ақоба қўлтиғи, Иордан дарёси, Ўлик денгиз ўтган. Ясси тоғликлари кўп, энг баланд чўққили (764 метр) тоғи – Рам.*

*Иқлими субтропик, қуруқ, иссиқ.*

*Нуфусининг 25 фоиздан ортиқроғини араблар ташкил этади, қолганини черкес, арман, курд, грек, туркман ва бошқа миллат вакиллари.*

*Давлат тили – араб тили.*

*90 фоиздан зиёд фуқаро исломга эътиқод қилади. Аҳолисига нисбатан ер майдони жуда катта – салкам 100 минг квадрат километр. Ишлаб чиқаришидаги асосий соҳалардан бири – деҳқончилик.*

*Тарихи узоқ. Дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири Иерихон Иордания ҳудудида жойлашган. Тарихчи-олимларнинг ёзишларича, қуйи палеолит (тош асри), ундан кейинги неолит (янги тош асри – милоддан аввалги ўн минг йилликдан биринчи минг йилликгача) даврларига мансуб санъат асарлари - қояларга чизилган расмлар, ҳайкаллар топилган. Энеолит (мис даври – милоддан аввалги 4-3 минг йилликлар) замонларида қурилган уйлар, ибодатхоналарнинг вайроналари сақланиб қолган. Миср, Бобил, Ассирия маданиятлари таъсирида юзага келган тасвирий санъат ёдгорликлари мавжуд.*

*Хуллас, биз энди мана шундай қадим-қадим маданиятлар диёрига қадам қўйиб эдик.*

*Мамлакат пойтахти Аммонгача 86, Саудиягача 400 километр эди.*

*Уммул Қайс шаҳрининг чап биқинидан ўтиб кетдик.*

## ШОХИДАМАС, БАРГИДА...

Аз-Зарқага етганимизда Аммонга 30 километр қолган эди. Пойтахт меҳмонхоналарида бўш жой бўлиши гумон, шу шаҳарда тунаганларинг маъқул, дейишди маҳаллий кишилар. Қолаверса, ўн беш чақиримлардан кейин Саудияга бурилиб кетадиган йўл бор экан. Шу сабабдан, Аммонда ётамиз, эртага шаҳарни томоша қиламиз, деган қарорга жузъий ўзгаришлар киритишга тўғри келди. Ўн чақирим ортга қайтиб, шаҳар марказидан яна Муҳаммад Содиқ иккимиз кечагидай ёмғир остида кўналға излашга тушдик. «Андалиб» - «Булбул» (қандоқ гўзал ном – аҳли қалам кўнглини яшнатади!) деганини топдик. Фақат, маъмурлар билан келишиш анча қийин бўлди. Улар тўксон доллар, биз эллик, дедик... Таржимонимиз олтмишдан ошмай туриб олди. У қайсарлик учун эмас, менимча, тилини (арабча сўзлашувни) қайраб олиш учун хийла тортишди. Маъмурлар бир ёш йигит ва олтмишлардаги оқ сочли, тундроқ шахс эди.

- Юринг, кетдик, секин босиб турамиз, орқамиздан чиқишади, - деди Муҳаммад Содиқ. Менга яна ёмғирда ивиб бошқа жой ахтариш ташвиши тушди.

- Чиқишмаса-чи?

- Чиқишади.

Меҳмонхона эшигидан ҳатлаб, бир неча қадам босган эдик, овоз келди:

- Биродар, биродар!..

- Авлиё бўп кетинг-эй, - дедим жилмайиб.

Бизга бир хизматчини қўшиб беришди – автобусимиз бир неча кўча нарида қолиб кетган эди, кўноқхонага машинада айлана йўллар билан келинаркан. Ўзимиз анча қийналарканмиз. Кўчалар энсиз, калта-калта (Хумсга ўхшаш), бир ёқлама эди. Мўъжазгина кўринган шу шаҳарда 1 милён атрофида аҳоли бор экан!

Меҳмонхонага кирсак, айниб қолишибди. Кекса бакалоқ ўрнида ўрта яшар бирови турибди. Бояги, оёқ учларини ташқарига қаратиб, ғалатироқ юрадиган, силлиқина йигит биз олтмиш доллар эмас, олтмиш динор (саксон долларга тўғри келади) деганмиз, дейди. Ҳа, содда муғомбирлар-эй. Ҳаммамиз майда-чуйда тугун-халталару автобусда қолдиришга кўнгил бўлмаган нарсаларимизни кўтариб кирган эдик. Муҳаммад Содик шоҳида юрса, мусофирхона ходимлари баргида юрадиганлар шекилли, бизни гўл мусофирлар, шунча юк-таки билан қайтиб кетишармиди, деб ўйлашди чамаси. Таржимонимиз яна тортишишга тушди. Охири нозик жойдан тутди:

- Сизларда лафз йўқми?

Бу сўзни муқаддас биладиганлар ҳайтовур ҳали бор экан – мулозимлар бўшашишди.

Хуллас, жойлашдик. Батарейлар совуқ эди. Дастлаб сўраганимизда (меҳмонхонанинг энг аввало иссиқ-совуқлиги суриштирилади) ҳаммаси муҳайё, фақат, хонага одам кирганда иссиқликни улаймиз, тезда қизий бошлайди, илиқ сув ҳам келади, дейишган эди.

Чиндан ҳам, батареяларга беш-ўн дақиқаларда ҳарорат югуриб қолди. Лекин, уйқуга кетишимиз билан ўчириб қўйишибди (қисқаси, шу йўл билан «биру бир» қилишибди!). Қунушиб, яхши ухлолмадик. Муҳаммад Содик ва Илҳомжон билан хонадош эдик. Аламимизни «умуман субутсиз одамлар экан», деган таъна тоши билан олдик.

Бугун Жаҳонгирнинг ўғли, тўполончи неварам Муҳаммаддиёрнинг туғилган куни эди. 3 ёшга тўлди. Унинг ёқимли қилиқлари, чучуқроқ гап-сўзларини эслаб ётдим.

*9 январь, жума*

Эрталаб нонушта қилмай йўлга тушдик. Қорин очлигиданми, уйқу чала бўлганиданми, бир соатча адашиб-қайтиб юрдик.

Шаҳардан чиқишда икки томондаги баланд-паст ён бағирликларда пачоқ автомобиллар уюб ташланган экан. Бу чиқиндихонани энгил машиналар қабристонини дейиш мумкин эди.

Кечкурун Аммонни кўрмаслигимизни ўйлаб оғринган эдим. Буни қарангки, айланиб-айланиб (сўраган одамларимиз йўлни аниқ айтиб беришолмасди), Аммонга кириб қолибмиз. Бу шаҳар аҳлининг ҳам зич яшашлиги икки тарафдаги паст тоғлар ёнбошларида зина-зина бўлиб қалашиб ётган уйлардан маълум эди. Лекин марказда одам ҳам, автокатнов ҳам унчалик тиғиз эмас эди. Ҳар қадамдаги меҳмонхоналарнинг номи, лавҳалари кўзимизга ўтдай кўринарди.

Аммон шаҳрини – Иордания (махаллий халқ Ўрдун дейди) пойтахтини томоша қилиш – унинг ўртасидаги кўчадан автобус деразасидан икки ёққа жаланглаб ўтиб кетишдан иборат бўлди. Яъни, Аммон бизни кўрди, биз...

Онда-сонда сўпайган сарвларни ҳисобга олмаганда, шаҳарда дарахт жуда сийрак, бульвар, гулзор тугул, умуман гул учрамасди.

Девор-тошларнинг туси хира, ёмғирдан қолган ғуборсимон доғлар кўп.

Аммо, халқи рекламага ниҳоятда ўч чоғи, баланд, қаватли уйларнинг қуйи ошёнлари балконлари, айвончаларининг панжаралари ҳар турли ёзувлар, эълонлар, суратлар билан қопланган эди. (©зувлар арабча, онда-сонда инглиз тилида). Бўлак безак, нақш деярли йўқ.

Шаҳар четроқларида тартибсиз ўсган арча-қарағай, битта-иккита бошқа тур дарахтлар бор эди.

©мғир ёйиб ўтган, яна ёйишга шайланиб турарди.

Соат саккиз ярим. Белги кўрсаткичлар тушунарсизроқ. Ҳалиям Аммон ичида, Саудия йўлини тополмай, ундан-бундан сўраб юрибмиз. (Йўлни кўплашиб, жуда узоқ тушунтиришади, шунинг учун ёдда қолмайди).

## **МУСОФИРЛИК САБРНИ МУСТАҲҚАМЛАЙДИ**

Ниҳоят, шаҳардан чикдик. Тош деворлар, сим тўсиқлар билан ўралган зайтунзорлар, иссиқхоналар кўп, улар олдида гуллар, арча, зайтун ва бошқа бута кўчатлари бор, демак, шу нарсалар етиштирилади.

Кўча ободонлашиб, қарағай, сарв ва ўзгача - мажнунтолсимон ўсимликлар кўпайиб борарди. Ер бетиданоқ шохлаб кетадиган пальмалар...

Йўл яхши: у ёқ-бу ёққа икки қатор қатновга мўлжалланган, ўртада темир ғов, қўш қанотли ёритгич устунлар...

Бир ошхонада яна кечагидай шўрва (маккажўхори унининг суюқ аталасидан бошқа ҳеч вақо йўқ) ичдик. Чой, қанд, қатта, думалоқ патнисдай чалпак, пиёз, ҳарир кесилган бир неча паллак лимон уч динор – тўрт доллар бўлди. Камига ўзимиздаги қўй гўшти қовурдоғи, ёнғоқ-майизлардан тановул қилдик.

Таржимонимизнинг боши оғриб, дори ичди. Бояги ёппа бўлиб йўл тушунтиришлар андак диққат қилди чоғи. Умуман, у кўп азият чекапти - ҳамма учун. Ажрини Аллоҳ берсин.

Мусофирчилик сабрни мустаҳкамлайди, йўқ бўлса пайдо этади. «Сабр - ҳаж йўлидек қийин ва йироқ, аммо ниҳояси – иқбол Каъбаси» деган эди улуғ Навоий.

Қуёш ола-чалпоқ булутлар орасидан кучсиз нур сочади.

Бепоеъ, бийдай дашт. Лалми, аммо нотекис ерлар ҳайдалган. Баланд-паст адирлар, тошлоқ-дўнгликлар шудгорга йўлдош.

Ярим йўлга бориб қолдик. Ҳаво очилиб кетди, офтоб елка, кулоқларни қиздира бошлади. Ҳамон зирқираётган оёқларга ҳам энди тафт ўтди.

Экин битмас, гиёҳ унмас саҳросифат худудга кирдик. Бу зерикарли манзарага Куръони карим оятлари, ҳадислар битилган лавҳалар файз бағишлаб турарди.

«Ҳажларинг созу мукамал, мабрур (беқусур) бўлсин! Яхши ҳаж мукофоти албатта жаннатдир». (Демак, ҳажга борувчилар асосан шу йўлдан юрадилар).

«Сафарга зарурат деб олиб чиқилган нарсаларингиз ичида энг афзали такводир».

«Йўлни йўловчиларга озор берадиган нарсалардан тозалаб қўйиш хайр-садақадир».

«Бир-бирингизга яхшилик кўрсатингиз. Яхши амаллар, тақво қилишда бир-бирларингизга ёрдам беринг. ©монлик, гуноҳ ишлар қилишга ёрдам берманг...»

Сурияга ўтганимиздан бери оқар сув кўринмаётган эди. Маъанда бир дарёга йўлиқдик, афсуски, унинг ўзани ҳам қуп-қурук эди.

Юзаси лава-чўкинди жинсларни эслатувчи қорамтир, шағалсимон, майда, данакдай, ёнғоқдай, муштдай, калладай тошлардан иборат чўл бошланди, ости фақат ёнбағир ерларда кўринади – учиб-тўзиб юрадиган сарғиш, майин қумлик.

Ўқдай кўчанинг ёнбошидан иккинчи йўлга ҳозирлик кўришмоқда – гўё нивелир қўйиб текислангандай. Икки хошиясига қалин, энлик сариқ бўёқ тортилган.

- Ўҳ-хў, қанча масофа бу, бўёқ ҳам роса кетгандир, - дейди ҳаваси келган Илҳомжон.

Узоқларда ясси-япалоқ тоғлар...

Йўлда негадир зоғу одамзот кўринмайди, ҳар замонда битта-иккита енгил ё юк машинаси учраб қолади, холос.

Мудавварага яқинлашяпмиз. Икки тарафда чодирлар, улар ичида чорвадорлар ғимирлаб юришар, атрофда – қоқ ерда туя, эшаклар зерикарли ҳаёт ифодасидай ўшшайиб туришар, эринибгина кавш қайтаришарди.

Битта-иккита дарахт, кўримсиз, уйсимон бинолар кўзга ташлана бошлади.

Соат икки яримда чегарага етиб бордик – Саудия Арабистони сарҳадига!

Аввал 1-назорат масканидан паспортларни кўриб ўтказишди.

2. Тиббий маълумотларни текширадиган алоҳида бўлим бор экан – Муҳаммад Содик иккимиз Андижонда икки кун югуриб олган қоғозларимизни обдан синчиклаб тафтиш қилдилар.

3. Паспортга муҳр босадиган жойда хийла турдик. Ҳар турли варақалар тўлдирилди.

4. Божхона деганига кирдик. Машина учун 129 доллар тўланди. Махсус кишилар автобуснинг ичию юк хонасидаги жамики ашқол-дашқолларни пастга туширишди. Дипломатлару энг кичик халтачага қадар - ҳаммасини бир чеккадан тита бошладилар.

Заҳирадаги пайпоқларнинг ичию бошқа уст-бошларнинг қатларини ағдариб кўришарди. Қай бир қопчиқда қоғозли конфет бор экан, очиб, бири қўйиб, бири хидлашади.

Раҳбарга тегишли, мана шу Саудияда ҳада қилинган ханжарни олиб қўйишди. Менинг ашёларим ичидан чиққан Аллоҳ номлари, Қуръон оятлари битилган бир йилтироқ варақдан шубҳаланиб, бу нима, деб сўрашди. Ўқиб кўринглар, дедик, бир нечтаси кўлма-кўл қилиб, ёруғга тутиб тикилишди-тикилишди-да, зеҳнлари ўтмади чоғи, биттаси чўнтагига солди. «Мини Туркия» ҳақидаги буклет-маълумотномани ҳам қайта-қайта варақлашди, унга ҳам тушунишмадию, ҳарқалай, қайтариб беришди.

Раҳбар божхона бошлиғи (катак рўмол ўраган ёшроқ йигит) олдига кириб, ханжарни қайтариб чиқди. Мен Муҳаммад Содикдан араб алифбосини билмайдиган, Қуръон оятларини ўқиёлмайдиган арабларга – божхона ходимларига тушунтириб, бояги варақни олиб беришни илтимос қилдим. Қори домланинг араб тилида равон, таъсирли сўзлай олиши шу ерда ҳам иш берди.

Кейин автобусни чуқур хандакли хос айвонга олиб боришиб, беш-олтита чапдаст тайванлик мулозимлардан иборат махсус гуруҳ ичларини, тағларини узоқ текширувдан ўтказишди. Ҳатто машина шифтидаги кичкина чироқчаларни ҳам олиб, очиб кўрдилар... Уф тортасиз-у бир нарса дейолмайсиз.

Бу машмаша-дахмазалар тугагунча қоронғи тушай деди.

Божхона ҳудуди бениҳоя кенг эди, лекин ҳаж мавсуми яқинлашиб қолгани учун очик майдонларда, айвонларда Фаластин, Доғистон ва бошқа юртлардан катта-катта автобусларда зиёрату ибодатга келаётганлар тўзиб юришар, уларнинг сандиқдай-сандиқдай жомадонлари ҳам бизникидай тинтувдан ўтказиларди.

Ниҳоят, нарсаларни юклашга ижозат беришди. Чуқур нафас олиб, жилдик. «Тўғон»лар кушод очилди шекилли, десак, икки-уч юз қадам юрмай, яна истиқболимизга «пешвоз» чиқишди. (Назаримда ҳар тўхтатилган жойда, ҳар тафтишда сочларга бир нечтадан оқ қўшиларди. Чунки то нариги томонга тўла ўтиб олмагунингизча «бир ишқал топиб ўтказмай қўйишса-я?..» деган ҳадик миянгизда айланаверади).

Яна диққатбозлик, яна хунобгарчилик. Тутиб туришаверади: аввало шартлари, талаб-қоидалари кўп, кейин оҳиста-оҳиста бир нарсалар деб ўтиришаверади. Сизнинг кечикаётганингиз, тунайдиган манзилга ошиқаётганингиз, ё бошқа ташвишингиз билан мутлақо ишлари йўқ. Ўтинч-илтимосингизга бир туки кимирлаб қўймайди. Менимча, касблари, вазифалари тақозоси билан уларнинг юраги қотиб кетса керак... Аслида-ку, чегарачилар, божгирлар давлатлари қонун-қоидалари тақозоси ила ўз вазифалари, бурчларини адо этадиларку-я, илло ўзгалар назарида улар жуда ошириб юборишадигандек туюлади ва малол келади... Алалхусус, Саудия сарҳади назоратчиларини, божхона хизматчиларини тушуниш керак: ҳаж мавсумининг ўзида дунёнинг ҳамма бурчагидан икки ярим-уч милён одам келади. Умрага яна қанча... Улар орасида нопок мақсадли кимсалар бўлмайди, деб ким кафолат бера олади? Дунё нотинч, терроризм деган юқумли вабо саратон каби ҳар томонга илдиз отаётган бўлса...

Хуллас, мулозимлар паспортларимизни йиғиштириб, масканларига кириб кетишди. Муҳаммад Содик бояқиш машина билан маҳкама орасида бўзчининг моксидай елиб-югуради. Охири ҳар кишига 160 доллардан ҳаж бадали тўлаб, уни бу мушкул вазиятдан халос қилдик. Ушбу сафар режасини тузишда раҳбар фасл, вақтнинг ҳаж арафаси эканлигини инобатга олиб, шерикларга ҳар эҳтимолга рухий-маънан ва бошқа жиҳатлардан тайёргарлик кўриб олишни тайинлаган эдию, экспедиция деган камтарин бир жамоа аъзосини бир муддат эсанкиратиб қўядиган, қутилмаган бож муаммоси эътибордан четда қолган эди.

Шундай қилиб, чегара, божхона деган тўсиқ-тўғаноклардан етти соатда эсон-омон ўтдик-да, сал кейиндаги ошхонада тушлик билан (кўл ҳам тегмади, кўнгилга ҳам сиғмади-ку) кечки томоқни омухталагач, яна бир энтикиб, Мадинаи мунаввара сари йўл олдик!

Чегарадан Табук шаҳригача юз километр эди.



Тун, аммо йўл соз. Айниқса, Табукга 15 километр қолганда кўча чароғону нурафшон бўлиб кетди. Икки четда, ўртадаги пуштада электр устунлари бир текис саф тортган, ҳар бирининг тепасида тўрт томонга эгилган «шох»ларда юқори вольтли чироқлар пориллаб ёнарди. Чеккаларда ҳам, ўртада ҳам бута-гуллар девор бўлиб кетган.

Табук ҳам ёруғ, гўзал, меҳмонхоналари зодагонона – бир-бирига ўхшамайдиган лойиҳада, кўп қаватли, безакдор, фойеларида жиҳозлари сероб – булар албатта шаҳарнинг бойлигидан далолат эди. Аммо, нарх-наво ҳам биноларидай пурвиқор ва бўш жой йўк эди. Шаҳар ичкарироғидаги «Ал-Адл» меҳмонхонасида тўхтадик. Кенг фойеда бирмас, иккита катта экранли телевизор, мебель, бошқа жиҳозлар ҳам шунга яраша.

Хоналар, ўринлар ҳам бинойидай.

Жазирама, қақраган Араб саҳроси ўртасида шундоқ шаҳар ва меҳмонхоналар бўлишини тасаввур қилмагандим.

Телевизорлар канали Туркия ва Суриядагичалик кўп эмасу, ҳарқалай, беш-олти каналдан кўрсатяпти. Фақат, шу мамлакат телеканаллари ҳам жонга теккан «Орбит» сақичи ва бошқа алмойи-алжойи рекламалар билан тўла эди! Фалати бир ҳол: Ҳолливуд кинолари ва киноактёрлари... Сухандонлар, бошловчилар, спектаклларнинг қаҳрамонлари асосан аёллар ва уларнинг эғнида ғарбча либослар...

Жойлашиб бўлганимизда соат Туркия-Сурия вақти билан кеч 11, Саудияда – 12, Ўзбекистонда қоқ ярим тун – 2 эди. Вужудлар йўлда, асаблар божхоналарда толиққан бўлишига қарамай анча енгил тортдик, бир оз телевизор томоша қилдик.

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ

*Ал-мамлакат ал-арабия ас-Саудия – Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган бўлиб, Арабистон ярим оролининг катта қисмини, Қизил денгиз ва Форс қўлтигидаги бир қанча оролларни эгаллаган.*

*Аҳолисининг доимий яшовчи асосий қисми араблар, шунингдек, форслар, Ҳиндистон ярим оролидан келиб муқимлашган ёлланма ишчилар, нефть қазиб олиш саноатини ривожлантириши ва бошқа мақсадларда «хизмат сафари» қилиб, қолиб кетган муҳожирлар - англизлар, америкаликлардир.*

*Расмий тили – араб тили.*

*Давлат дини – ислом.*

*Расмий тақвим – хижрий, Григорий календари ҳам қўлланади.*

*Йирик шаҳарлари – Ар-Риёд, Жидда, Макка, Мадина.*

*Пойтахти – Ар-Риёд.*

*Нуфусига нисбатан ҳудуди жуда катта. Аввалроқ олинган маълумотларга кўра, 1 кв.км.га беш-олти киши тўғри келади. Аммо, ерларнинг аксар қисми экин битмайдиган лавали майдонлар, тошлоқ чўллар, қумли саҳролардан иборат.*

*Тоғ нисбатан кам. Ғарбий чеккароқдан ўтадиган Ҳижоз ва Асир тоғларининг энг баланд жойлари 2500-3000 метрдан ошмайди.*

*Иқлими: иссиқ, қуруқ. Ҳарорат 55 даражагача кўтарилади.*

*Тарихи: Саудия ҳудудида милoddан аввал икки мингинчи йиллардан кўчманчи араб қабиалари истиқомат қилган. Эрамизнинг VII асрида Арабистон ярим оролининг ғарбий қисмида ислом дини кучайиб, Араб давлати вужудга келган, унинг пойтахти Мадина шаҳри бўлган.*

*VII-IX асрларда мамлакатнинг кўп қисми Уммавийлар, Аббосийлар халифалигига қараган.*

*Хуллас, Саудия Арабистонини ҳам қўшни давлатлар кўп «довдиратишган». XIX аср охирида мисрликлар томонидан парчалаб юборилган. Мустамлакага айлантириши илнжсида унга Буюк Британия ҳам кўз олайтириб кўрган.*

*1926 йили Саудия музофоти ҳудудида Ҳижоз қироллиги юзага келди. 1927 йили саудийлар ҳукумати расман тан олинди. 1932 йилдан Саудия Арабистони деб атала бошланди.*

*Асосий бойлиги ва саноати - нефть қазиб чиқариши. Бу борада дунёдаги энг етакчи мамлакатлардан биридир.*

*Адабиётининг бош намунаси ва бисоти, маънавиятнинг мўъжизавий, илоҳий хазинаси, илк ёзма асар – муқаддас Қуръони каримдир. Шунингдек, бадавийлар шеърятини ҳам мумтоз бадиёт сифатида эътироф этилади.*

**10 январь, шанба**

Эрталаб ҳаво биз кутмаган даражада салқин эди. Раҳбар Тошкентга, Андижонга кўнғироқ қилиб, ахборот алмашгач, хотиржам чой ичдик ва шошилмай йўлга чиқдик.

Кўчалар кенг, икки четдаги дўконлар, устахоналар, ошхоналар, дарахтлар одатий шаҳарларни эслатади. Ўрта пушта – булвардаги калин бута айлана йўлгача – бир неча километргача давом этди. Айниқса, буталарнинг ям-яшиллиги бизни ҳайратга солди, чунки шаҳар ичида ҳам, ташқарисида ҳам арик, анҳор ё бошқа сув келадиган қувур кўринмасди.

Мадинаи мунаввара йўлига чиқдик – 670 километр экан.

Маккаи мукаррамагача эса ҳали 1100 километр бор эди.

Кўча паст, деярли ер қатори, аммо кенг ва бир ёклама – бехатар, бехавотир эди. Бунинг устига, ниҳоятда тўғри – узоқ-узоқларгача кўриниб туради.

Ҳадемай, дала бошланди. Пайкаллар ям-яшил, узундан-узун мослама тиркалган машина секин юриб борар, чархпалакникисимон идишлар атрофга сув сепиб кетарди. Экинзорнинг этак томонидан бир машина бу ёққа қараб келарди.

Автобуса солярка қуйдик. 66 литри 24 реалу 60 сент (тийин) бўлди. ( 1 доллар – 3,7 реал). Бизнинг ўша пайтдаги пулга ўн олти ярим минг сўм атрофида.

Қирқ-эллик километрдан кейин саҳрога чиқиб кетдик. Паст тоғлар, адир дейиш тўғрироқми... Ўрдундагидай шакл-шамойилли, юзаси чўтир-чўтир, кўнғир тошли, таги сариқ кум-тупроқли ерлар.

Юз километр юрилгач, йўлдан ичкарироқда яккам-дуккам дарахтлар пайдо бўлди. Атрофларида янги экилган кўчатлар... Ҳандақсимон катта-кичик ботиқликларда анча-мунча яшил гиёҳ ҳам кўринади. Лекин уларнинг яшаш манбаи – оби ҳаёт қаердан келишини билмадик. Заҳоб сувлар бўлиши мумкин эмас, шу ҳудудга ёмғир кўп ёққан бўлса керак. Яқин-атрофда биронта иморат ҳам йўқ.

Қулибон қишлоғида ҳам уйлар кам, бир ёнилғи қуйиш шаҳобчасию бир неча устахона мавжуд, устахоналар ёнига пачоқ машиналар териб ташланган эди.

Кўчадан бир неча қадам ичкарида полиция машинаси йўлга қаратиб қўйилган, ичида бир ёки икки йўл назоратчиси қатновни жимгина кузатиб ўтиришади. Менимча, бундай машиналар ёрдамга шай бўлиб туради чоғи.

Осмон оқиш булутлар билан текис қопланган. Қуёшнинг ёруғи, тафти бор, ўзи ҳамон булутлар ўрамадан тўла чиқиб кетолмаяпти.

Бепоен саҳронинг йўлга яқинроқ жойларида эса беғам, бепарво оқ, жигарранг туялар ёйилиб, ўт чимдиб юришарди. Аллоҳнинг карами ва иноятига тасанноки, саҳрои азимда яшовчилар учун сувсизликка чидамли, юккаш, мўмин туяларни яратиб қўйган-а!..

Навбатдаги ёнилғи қуйиш шаҳобчасида тўхтадик – 15465-километрда. ©н-атрофга дарахтлар экилган ва иссиқхоналар бор – қандайдир кўчатлар ўстирилар экан.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай, чиройли пальмазорлар ёнидан ўта бошладик. Орада яккам-дуккам пастак, ғарибона кулбалар, кичик томорқаларда кўк экинлар кўринади.

Катта йўллар ўрамадаги Тайма – ёш, замонавий шаҳарча экан. Улкан қурилишлар бўлмоқда эди. Асосан палма, бошқа дарахтлар ҳам бор, лекин кам. Тўп-тўп девор гуллар ўзига хос манзара касб этган. Палманинг йўғон танасига туя жунидан тўқилган белбоғ ўраб чиқилганга ўхшаган тури сероб эди.

Ости яшил майса-чимзор катта-кичик дарахтзорлар шаҳар ташқарисида ҳам бир оз давом этди.

Қоронғи тушган, узоқлардаги шаҳарчаларда чироқлар юлдузлар каби пирпирар, тоғлар орасидан ўта бошлаганимизда зим-зиё тун қаърига шўнғигандай бўлдик.

## ХАЙБАР.

### ҒУЛОМ ҲАЗРАТНИНГ ЎКИНЧИ ВА ОРЗУСИ

Ҳайбар шаҳрига кирдик. Меҳмонхона излаб тўхтаган жойимизда Муҳаммад Содик машина зинасига оёқ қўйган ерида «нон ёпишяпти, анови тандирни кўринглар», деб қолди ҳаяжонланиб.

Ошхона олдидаги курсиларда ўтирганлардан бири: «Ҳа, нон ёпишяпти, келаверинглар, қани», деди ўзимизнинг жанубий вилоятликлар лаҳжасида. Зокиржон ака тушиб борди. Ўзбекча гапирган йигит (ўтгиз беш-қирқ ёшларда эди) раҳбар билан сўрашгач, машинага яқин келди-да, «тушинглар, қани», деб бизни таклиф этди.

Қисқаси, мезбон – афғонистонлик ўзбек бизни ошхонасига олиб кириб меҳмон қилди. Кейин кўярда-кўймай, истиҳола ва андиша-сиполикларимизга қулоқ осмай, хонадонига бошлади. Уйлари шундоққина ошхона орқасидаги кўчада бўлиб, бир арабга тегишли экан.

Уч қаватли бинонинг охирги ошёнига чиқдик – ярми хоналару бир ҳаммом, ярми очик супа-гом эди. Фулом Ҳазрат шу жойни сотиб олибди. Бир хотини, ўн уч ёшли ўғли Суҳбатилло билан туришаркан.

Меҳмонхонаси кенгина экан. Қизил гиламлар устидан қалин, мастрассимон кўрпачалар тўшалиб, айланасига семиз болишлар деворга суяб қўйиб чиқилган эди.

Хайрулло – Фулом Ҳазратнинг кўкаси (амакиси)нинг ўғли, ошпазликка ўз юртидан чақиртириб олибди, кўлга сувни афғончасига - бўлди дегунимизча узмай қуйди.

Суҳбатга киришиб кетдик.

Фулом Ҳазрат 35 га кирибди. 25 ёшида Афғонистон (Таххор вилояти)дан чиқиб кетиб, дастлаб Карачига борган. Унгача Ҳикматёр, кейин Аҳмадшоҳ Маъсуднинг одами (навқари) бўлган экан. Карачидан Саудияга ўтиб, Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварада, Жиддада яшабди, бир ярим йилдан бери Ҳайбарда кўним топиб турибди экан. Хийла қийинчилик, сарсону саргардончилик тортибди. Энди, шу ерда рўшнолик кўриб, уна бошлабди. Унаётганининг асосий аломати – уй сотиб олгани, ошхонада (дарвоқе, у ҳам бир бойга қарашли) муқим ишлаётгани, ейиш-ичишдан хотиржам бўлгани эди... Демак, у мана шуларга эришиш учун Афғонистонни, Покистонни, Арабистонни айланиб чиққан. Бедананинг уйи йўқ, деб қанча-қанча тайинсиз кулба-хужраларда рафиқаси, боласи билан қисинди-сиғинди бўлиб умргузаронлик қилган... Демак, у кабилар (балки кўплар) ернинг нариги чеккасида бўлса ҳам мана шундай шароит ва имкониятга эришса бас... Лекин бундай кўнимсизлик, ғурбатзадалик, ватансизликнинг бошланиши, бош сабаби она ватандан жудолик билан боғлиқ. Фулом Ҳазратнинг ҳам ота-оналари «чоп-чоп», «қоч-қоч» замонларда Ўзбекистондан этак қоқиб чиқиб кетишган экан...

Мириқиб кўк чой ичиб ўтирибмиз. Дастурхонга дастлаб рангдор елим тақсимчаларда ширинликлар келтиришди. Тақсимча бўртма усул билан учга бўлинган, бир бўлакка ошқади (ошқовок) уруғи, иккинчи бўлакка манғизли қант, учинчи бўлакка конфет солинган эди. Овқатни ҳам тезгина олиб келишди. Кобули шўрва чиндан ҳам мазали эди. Мақтаб-мақтаб ичдик. Кейин икки хил палов беришди: бири оқиш, иккинчиси қизғишроқ. Салат ва мевалар одатдагидай: помидор, бодринг, карам, кўк қалампир, лимон, банан, пўртахол – мандариннинг бир тури – мазаси бир.

Бизнинг яқинда Афғонистон сафарида бўлиб қайтганимизни эшитган Фулом Ҳазрат ота юртидаги сиёсий-ижтимоий вазият, халқнинг тирикчилиги, мардумлар аҳволи билан қизикди. Раҳбар мезбоннинг саволларига жавоб қайтарар экан, экспедициямизнинг Арабистон худудида олиб борилажак изланишлари тўғрисида гапириб, Мадинаи мунаввара, Жиддаи муборақ, Маккаи мукаррама шаҳарларидаги маданий-маърифий муассасаларни суриштирди, Комрон Мирзо ва Аскарый Мирзоларнинг муқаддас Маккаи мукаррама заминига дафн этилганидан сўз очди. Лекин касбию номаи аъмоли тужжорлигу дарбадарликдан иборат бўлган Фулом Ҳазрат Бобур Мирзо фарзандлари тақдирдан беҳабар эди.

Ўзимиз матраслардан (қалинлиги 3-4 кўрпача бор) жой солдик. Хурракчилик масаласи анча муҳокама этилди: ким қандай отади? Албатта, ҳар ким ҳар хил отади. (Бу Оқ қалъада ҳам исботланган). Энг зўри мен бўлсам керак, десам, мақтанишга йўйилиши мумкин, аммо нисбатан мулойимроқ, безарарроқ хуррак Муҳаммад Содикқа мансублигини ҳамма тан олди.

Саҳар шериклардан бири ташқарига чиқмоқчи бўлиб, ҳаммани уйғотиб юборди. Шу орада бомдодга азон айтилиб қолди.

*11 январь, якшанба*

Фулом Ҳазрат нонушта берди: оддий чой, ширчой, сабзи мураббо, тақсимчада қадоқланган оқ сарғё, помидор билан чала пиширилган икки хил нон: Қўқон патири ҳажмида, фақат юпқарок, у ер-бу ерига дона-дона чекич урилган, иккинчиси айнан Қўқон патиридай: серчекич, таъми ҳам эслатади.

Чойлар фақат термосга дамланар, чойнак ишлатилмас экан.

Умуман, дастурхон серфайз, бекаму кўст эди. Фулом Ҳазрат ўн йил оиласини судраб, балки мана шундай дастурхон учун интилгандир, балки у ўзича ҳақдир... Ҳа-да, меҳмонга тузукроқ дастурхон ёзолмай, дунёдан армон билан ўтадиганлар камми...

Биз ҳам яйраб нонушта қилдик. Худди яқин дўстимиз ё қариндошимизникида ўтиргандай эркин, бемалол. Чунки Фулом Ҳазратнинг самимийлиги, мулозаматлари чин кўнгилдан эканлиги равшан эди. Эҳтимол, у ҳам бугун узоқ йиллик орзу-армонларидан бири ушалганидан мамнун ва бахтиёрдир. Ахир, меҳмон кутиш ўзбекнинг энг суйган одатларидан-ку...

Фулом Ҳазрат жиддий кўринса-да, одамохун, хушчақчақ, ҳазилкашгина эди. Ўғли, умуман фарзанди ёлғизлиги учун яна уйланиш нияти борлигини айтди. Бу ҳақда кулиб гапирган бўлса-да, ҳазил эмас, чин эди. Шу муносабат билан кўп хотинлилик, аёлларнинг кундошлик балосига сира чидамаслиги тўғрисида сўз кетди.

- Завжаи мухтарамангиз кўнаверадими? – деб сўради раҳбар.

- Кўнади, кўнмаса, кўндирамиз, - дейди Фуломжон. У иккинчи хотинини Покистондан, афғонидан олмоқчи экан.

- Араблардан олиб қўя қолмайсизми?

- Йўқ, биринчидан, араблар биз билан қиз олди-берди қилмайди, иккинчидан, араб ожизалари эркакни обод қилолмайди – нима топиб дастурхонга қўйсанг, еб, қолганини чиқариб ташлайди, - дейди мезбонимиз жиддий тарзда. – Яна бошқа сабаблариям бор... - «Бошқа сабаблар»ни Фулом Ҳазрат ошкор қилгиси келмади, биз ҳам ижикилаб суриштириб ўтирмадик.

Мен оқшом Хайруллонинг дастурхонни нон бўлаклария, пўчоқ ва бошқа чиқитлар билан ўраб олиб чиқиб кетганини ўйладим. Демак, таомил шунақа шекилли-да.

Аёл дегани ниҳоятда ғаройиб зот-да! Фулом Ҳазратнинг умр йўлдоши умрида биринчи марта учрашган ва қайтиб кўришишлари даргумон бўлган опаларга эрининг яна уйланмоқчилиги, бунга ўзининг ҳам, ўғлининг ҳам райи йўқлигини айтиб, зорланишга улгурибди. Албатта, бизнинг опаларимиз ҳам жаҳондаги барча хотинлар, шу жумладан Фулом Ҳазратнинг аҳлияси каби кундошликни зинҳор ёқтиришмас ва асло ёқлашмас эди. Бир кулиб, бир мезбон жувонга ачиниб гапирдилар ва: «Анови йигитга айтинглар, бечора занфасини кулфатга солмасин, битта бўлсаям боласи бор экану, яна ўғил экан», - дейишди. Лекин, бизнинг катталаримиз «бу масалани ўзлари ҳал қилиши керак», деган фикрда эдилар. Фулом Ҳазратга:

- Тўйга бизниям айтинг, насиб қилиб қолса, ажабмас, - деб ҳазиллашган бўлдик.

- Келсангизлар кўзим устига, - деди Фуломжон ҳазилни чин фаҳмлаб.

Фулом Ҳазрат кечқурун уяли телефонида бир танишига кўнғироқ қилиб, бизга ётоқ борасида гаплашган эди, Мадинага борибоқ учрашишимиз лозим бўлган оғайнисининг манзилини айтди.

Раҳбар экспедициямиз ғазнасидаги совғалардан Фулом Ҳазрат ва унинг оила аъзоларига туҳфа қилиб, миннатдорчилик изҳор этди.

Қизгин бағирлашиб хайрлашдик. Фулом Ҳазрат ҳам худди кадрдонларини кузатаётгандек, яна албатта кўришишга умид боғлаб, қайтишда ҳам шу йўл билан юриб, уларникига кўниб ўтишимизни такрор-такрор ўтиниб қолди.

Дунёда қандай ажойиб инсонлар бор-а!.. Фулом Ҳазратга биз ким эдик – у шунча мурувват-марҳамат кўргузди. О, миллатдошлик туйғуси!..

Шаҳардан чиқишимиз билан қора тупроқли саҳро бошланди. Яккам-дуккам пальма, дарахт бўлиб кетган юлғун, номини мен билмайдиган бошқа ўсимликларнинг оби ҳаётдан асар йўқ ерларда шунчалик бўй чўзганига ақлимиз бовар қилмасди. Демак, улар сувсизликка чидамли бута ва гиёҳлар... Туяга ўхшаб, баҳор мавсумида ёки ҳар замонда ёёадиган ёмғирга бир тўйиб олиб ўсаверса керак.

Кўкимтир, кейинроқ қора тусли, йирик-йирик, майда тошли, аммо бир гиёҳсиз тоғ йўлга яқин келди. Уни кесиб, йўл солинган жойидан ўтдик. Энди икки томонимиздаги

тоғлар биз билан ёнма-ён бораверди. Тоғлар баланд-паст, калта-култа, баъзи ерларда уларни қалин қум босиб қолган эди.

Қуёш чарақлаб кетди, бир сидра қалин кийимларни ечдик.

Мадинаи мунавварага 55 километр қолганда хурмозорлар, уйлар, устахоналар, гузарлар бошланди. Бетон устунлар ва уларда электр-чиноқлар...

30 километр қолганда назорат маскани учради, кейин ўртача баландликда, тепасидан шағал тўкилганга ўхшаш тоғлар қуршовига тушиб қолгандай бўлди.

Соат 10 бўляпти. Қуёшга қараб, шарқи-жануб томон кетяпмиз. Автобуснинг печкасини ўчириб, ҳар ким ўз тепасидаги шабада ҳайдагичлар мурватини бурашга киришди.

Ниҳоят, чиройли пальмалар жозиба бағишлаб турган кўчадан Мадинаи мунавварага кириб бордик. Ҳаяжон бошланмоқда...

## МАДИНАИ МУНАВВАРА

*Мадина (уни ислом олами Мадинаи мунаввара деб улуғлайди) – асли «шаҳар» демак, тўлуғ номи Мадинат Расулиллоҳ ёки Мадинат ун-Наби – пайғамбар шаҳри. Саудия Арабистонининг шимоли-ғарбий қисмида, Ҳижоз вилояти ҳудудида, Маккаи мукаррамадан 400 километр шимолда, 600 метр баландликда жойлашган.*

*Мадинага қачон асос солингани аниқ эмас. Ҳарқалай, қадимда Ясриб номи билан аталган, Ўрта асрлар бошидаги китобларда Мадина қўлланган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом милодий 622 йили Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага кўчиб боради ва бу ерда мусулмонлар жамоаси тузилади. Худди ана шу воқеадан ҳижрий сана бошланган. Еттинчи асрдан Мадина мусулмонларнинг Маккадан кейинги энг катта зиёратгоҳига айланади. 632-656 йиллари Араб халифалигининг пойтахти бўлган. Уммавийлар ва аббосийлар даврида Ҳижознинг маъмурий маркази эди. X асрдан Мисрга тобе бўлган. 1517 йили Усмонли турк империяси таркибига, 1919 йилдан яна Ҳижоз қироллигига ўтади. 1932 йили Саудия Арабистонига қўшиб олинади.*

*Мадинаи мунавварада Муҳаммад пайғамбаримизнинг муширикларга қарши жанглари (Уҳуд тоғи) ва бошқа амаллари билан боглиқ тарихий жойлар (масжидлар) бор, лекин зиёратгоҳларнинг энг улуғ, эътиборлиги Наби алайҳиссаломнинг уйи ва харами – масжиди, қабр-мақбарасидир.*

*Шаҳар аҳолисининг асосий машғулоти, тирикчилик манбаи – савдо-сотиқ, зиёратчиларга хизмат қилиши, ибодат учун зарур буюмлар – тасбеҳ, жойнамоз ва махсус кийим-пойафзаллар ишлаб чиқаришдан иборат...*

Кўчаларда одам гавжум, қадамлари шитоб - ҳаммаси Харамга ва бошқа ибодатгоҳ-зиёратгоҳларга ошиқади...

Хуллас, Мадинаи мунавварада уч кеча тунадик, тарихий жойларни бориб кўрдик, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳарамида намоз ўқиб, ибодатлар қилдик. Кейин Қизил Денгиз бўйига жойлашган Жидда шаҳрига, ундан Маккаи мукаррамага ўтдик.

## МАККАИ МУКАРРАМА

*Умм ул-Қуро, Умм ул-Мадоин – шаҳарлар онаси дея таърифланган Маккаи Мукаррама Саудия Арабистонининг ғарбида, Қизил денгиз қирғоғидан 70 километр узоқда жойлашган бўлиб, Ҳижоз вилоятининг маъмурий-савдо марказидир.*

*Макканинг ҳам шаҳар сифатида қачон барпо этилгани номаълум, дастлаб Замзам қудуги атрофига одамлар келиб ўрнаша бошлаганлиги тахмин қилинади. Албатта, бу тарих Иброҳим алайҳиссаломнинг аҳлиялари – Хожар онамининг гўдаги – бўлажак*

*пайгамбар Исмоилга сув қидириб зир югургани, қодир Аллоҳ қудрати билан қақроқ саҳрода, тош-тоғлар орасидан булоқ – Оби замзам отилиб чиққани тўғрисидаги қисса билан боғлиқ.*

*Шаҳар дастлаб қадимги юнон олими Птолемей (II аср) асарларида Макараба тарзида тилга олинган. Эрамизнинг еттинчи асригача Арабистон оролидаги мажусийлар – санам, бутларга сизинувчиларнинг диний ўчоғи бўлган.*

*Маккаи мукаррама – Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом туғилиб, ислом туғини пойдор этган шаҳар. Айни вақтда у дунё мусулмонларининг қибласи, олий саждагоҳи, ҳаж амаллари адо этиладиган муқаддас макон. 1960-70 йилларда Маккаи мукаррамага ҳаж қилиш учун ҳар йили атрофдан 15-16 минг одам борган, ҳозир Ўзбекистоннинг ўзидан йилига 5-7 минг, дунё бўйича уч миллиондан ортиқ мусулмон ҳаж ибодатлари ни ўтаб қайтади.*

*Насибамиз қўшилган экан, биз ҳам ўзбекистонлик ҳожилар қатори ҳаж амалларини баҳоли қудрат бажаришига киришдик. Айни вақтда экспедициямиз дастуридаги юмушлар билан ҳам шуғулландик, жумладан Комрон Мирзо дафн этилган жойни аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб бордик.*

### **КОМРОН МИРЗО ҚАБРИНИ ИЗЛАБ...**

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг иккинчи ўғли Комрон Мирзо оғанилари, хусусан, акаси Ҳумоюн подшоҳ билан тожу-тахт талашиб, қариндош-уруғлари бошига хийла ранжу ғурбатлар солади. Чунончи, беозор ва суюкли Мирзо Ҳиндолининг ўлимига сабабчи бўлади. Гулбаданбегим ўзининг «Ҳумоюннома» асарида ёзишича, охиروқибатда Ҳумоюн подшоҳ кўпчиликнинг талаби билан Комрон Мирзонинг кўзига мил тортишни буюришга мажбур бўлади... «Комрон Мирзонинг кўзига мил тортилиб, кўр қилинган, у Каъбатулло зиёратига жўнаб кетган, - деб ёзади Т.Файзиев «Темурийлар шажараси» номли тарихий маълумотларга бой асарида. – Комрон Мирзо бир неча муддат Маккада яшаб, 1557 йил 6 декабрда ўша ерда вафот этган. Ўша замон тарихчиларининг ёзишига қараганда, Комрон Мирзонинг жасади Макка шаҳрининг қабристониди, Муҳаммад пайгамбарнинг катта хотинлари Хадичаи Кубро қабрининг оёқ томонига дафн қилинган».

Комрон Мирзо умрининг ниҳояси хусусида ўзгача талқинлар ҳам мавжуд. Жумладан, айрим китобларда унинг ҳаж ибодатидан қайтишда Дамашқда ҳовли-жой сотиб олиб, ўша шаҳарда яшаб қолгани нақл этилади. Шу муносабат билан каминада тарихий шахслар ҳаёти, умуман тарихий ҳодисаларга ёндошишда асл манбаларга, мумкин қадар рост далилларга суянмоқ лозим, акс ҳолда кейинги авлодларни жиддий чалкашликларга рўбарў қилиб қўйиш мумкин, деган мулоҳаза туғилади. Чунончи, Янги Деҳли миллий музейининг мутасаддиси Г.Н.Пантнинг «Бобурнома» тўғрисидаги маълумотида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1990 йил, 16 феврал) қуйидагича қалтис, саҳв маълумотлар кетган: «Комрон ва Аскарний кейинчалик ўгай акалари ва ҳукмдор Ҳумоюн томонидан қатл этилади». «...Ҳиндол Ҳумоюн билан олишув чоғида жанг майдонида ҳалок бўлади». Ваҳоланки, энг ишончли манба бўлган «Ҳумоюннома» ва бошқа тарихий-ҳужжатли асарларда мазкур воқеаларнинг қачон, қай тарзда юз берганлиги аниқ-равшан баён қилинган.

Комрон Мирзо, гарчи ҳаётда тақдир тақозоси билан ўзи ҳам хийла уриниб-суринган, омад ундан кўп юз ўгирган шахзода бўлса-да, айни вақтда унинг томирларида улуғ шоир Бобур қони оқар - девон тартиб берган яхшигина аҳли қаламлардан эди. У асосан туркий, қисман форсий тилда ажойиб ғазаллар, маснавийлар, рубоийлар битган. Ҳиндистоннинг Патна, Калькутта ва Рампур шаҳарларидаги нуфузли кутубхоналарда сақланаётган шоир қўлёзмалари асосида филология фанлари доктори, атоқли бобуршунос Саидбек Ҳасан 1993 ва 2004 йиллари кирилл ҳарфида, шунингдек, аслиятда – арабий имлода унинг девонини нашр эттирди.

Комрон Мирзодан бир жуфт ғазал:

*Ушбу тун кўнглумда ёру кўзум эрди масти хоб,  
Ким етишти қойилим юз ноз ила айлаб итоб.*

*Хаста кўнглум музтарибдур зулфи тобиға тушуб,  
Шаст аро тушкан балиғ янглиғки айлар изтироб.*

*Хоки раҳ бўлдум, гузар гар қилмаса, эрмас ажаб,  
Мен гадоий бенаво, ул хусрави олийжаноб.*

*Кимки жонон чехрасида ишқ сиррин билмагай,  
Не ажаб, андин деса «ё лайтани кунту туроб»,*

*Комрон, жонон таманноси мени пир айлади,  
Эй дариго, онсиз ўтти аҳди айёми шабоб.*

\* \* \*

*Лолаву гул равнақи хусну жамолингча йўқ,  
Сарву санавбар тақи тоза ниҳолингча йўқ.*

*Гушан аро гар ҳазор бўлса мену кунжи гам,  
Гушану боғу баҳор манга хаёлингча йўқ.*

*Сарв қаддингча эмас, лола ҳаддингча эмас,  
Сабза хаттингча эмас, вард жамолингча йўқ.*

*Эйки кўзум уйида мардумаки дийдасен,  
Мардумаки дийда лек ҳиндуйи холингча йўқ.*

*Могу манол, эй кўнгул, ёр гаму дардидур,  
Икки жаҳон ҳосили могу манолингча йўқ.*

*Гулни баса Комрон кўрдию эй гул, сени,  
Обию тоби анинг чехрайи олингча йўқ.*

Бобур Мирзодай жамики яхши фазилатлар эгаси бўлган улуғ инсон фарзанди, «мазмундорлиги ва ғоятда юксаклиги билан ажралиб турадиган» (С.Ҳасан) адабий мерос қолдирган шоирнинг шахсиятидаги саркашлик, яқинларига нисбатан ғанимлик ва бошқа феъллари одамни ҳайратга солади, лекин, начора, айримларда шахсият билан ижод уйғун келмай қолиши ҳам ҳаётда учраб турадиган ҳодиса...

### ШОҲҒАРИБ МИРЗО ВА ФУЗУЛИЙ

Темурийларнинг маърифатпарвар, таъби назми хўб вакилларида яна бири, Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли, демакки, Бобур Мирзонинг яқин қариндоши Шоҳғариб Мирзодир. Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида «шўх таъблиғу мутасарриф зеҳнлиқу нозик тахайюллуқу, дақиқ тааллуқлуқ» дея таърифлаб, шоирнинг шўхчан ғалалиётидан бир матлаъни мисол келтиради:



*Қайси бир гулчехра ул гулбарги хандонимча бор?  
Қайси бир шамшод қад сарви хиромонимча бор?*

Муҳаммад Фузулий нафаси сезилиб турган ғазалнинг давоми куйидагича:

*Қайси бир хуршидсиймони анга монанд этай?  
Қайси маҳваши орази шамъи шабистонимча бор?*

*Қайси бир дамким кўзум ҳижронидин қон йиғламас?  
Қайси бир сели бало бу чашми гирёнимча бор?*

*Қайси бир гул кўнглаки кўксум киби юз чок эрур?  
Қайси булбул ноласи фарёду афгонимча бор?*

*Қайсидурким мен киби ул ғамзадин мажруҳ эмас?  
Қайси кофир қон қилурда номусулмонимча бор?*

*Қайси бир андуҳ ўтиким ўртамас онсиз мени?  
Қайси дўзах ўти, ёраб, сўзи ҳижронимча бор?*

*Ғар паришон назминга ислоҳдин зеб истасанг,  
Эй Фарибий, қайси бир шоҳи сухандонимча бор?*

Улуғ озарбайжон шоири, ўзбек халқи асарларини севиб ўқийдиган Фузулийнинг машҳур ғазалларидан бири ушбудир:

*Хонси<sup>1</sup> гулшан гулбуни сарви хирмонингча вор?  
Хонси гулбун узра гунча лаъли хандонингча вор.*

*Хонси гулзор ичра бир гул очилур ҳуснинг киби,  
Хонси гул барги лаби-лаъли дурафшонингча вор?*

*Хонси боғинг вор бир наҳли, қадингтак борвар,  
Хонси нахлинг ҳосили себи занахдонингча вор?*

*Хонси хуни сан киби жаллода ўлмишдур асир,  
Хонси жаллодинг қиличи тиги мужгонингча вор?*

*Хонси базм ўлмиш мунаввар бир қадингтак шамъдан,  
Хонси шамъинг шуъласи рухсори тобонингча вор?*

*Хонси ерда бўлунур нисбат санга бир ганжи ҳусн,  
Хонси ганжинг аждари зулфи паришонингча вор?*

*Хонси гулшан булбулин дерлар, Фузулий, сан киби,  
Хонси булбулнинг суруди оху афгонингча вор?*

Шоҳғариб Мирзо билан Фузулий яқин замондош, бири Хуросон пойтахти, Навоий боис бадий ижод гуркираб-яшнаган Ҳиротда, иккинчиси ундан минглаб чақирим нарида, илму фазл маркази, сеҳрли эртақлар диёри Бағдодда яшаган. Лекин уларнинг ғазалларидаги

---

<sup>1</sup> ўайси.

мавзу, шакл ва услуб яқинлиги, мажозлар муштараклиги, ҳатто айрим иборалар, тасвирларнинг такрорланиши таажжубланарли. Хўш, бу қадар яқин ўхшашликнинг сабаби, илдизлари қайда? Ким кимдан илҳом олган? Бу ҳолни балки фузулийшунос Холид Расул маълумотлари ва мулоҳазалари билан изоҳлаш мумкиндир. Маълумки, XV асрда ўзбек маданияти гуллаб-яшнаган, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий бошчилик қилган адабий мактабнинг шуҳрати Яқин Шарққа ёйилган даврда озарбайжон шоирларининг бир гуруҳи Ҳирот шаҳрига кўчиб келган эди. Адабиётшунос олимнинг ёзишича, озарбайжон шоирлари ўз юртига қайтгач, Алишер Навоий ва бошқа туркигўй шоирлар анъаналарини давом эттириб, бадиий сўз санъатининг гўзал намуналарини яратадилар. Шубҳасизки, ана шу шоирлар ҳиротлик ҳамқаламлари ижодидан намуналар олиб қайтишгани, у дурру жавоҳиротлар орасида Шохғариб Мирзонинг юқоридаги ғазали бўлганлиги, Фузулий унга назира боғлаганлиги эҳтимолга яқин, дейиш мумкин.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Султон Хусайн Мирзонинг фарзандларини тавсифлар экан, «Яна Шохғариб Мирзо эди... каломи марғуб эди. Ғарибий тахаллус қилур эди. Туркию форсийда шеър айтур эди», дейди ва унинг бир байтини илова қилади:

*Дар гўзал дийдам парирўе шудам девонааш,  
Чист номи у, кужо бошад, нодонам хонааш?*

Таржимаси:

*Йўлда кўрдим бир пари, бўлдим унинг девонаси,  
Билмадим номи надур, қай ердадир кошонаси?*

Мазкур матлаъ шубҳасиз Ҳофиз Шерозийнинг:

*Қайси уйнинг шаъмидур у, қайси жойда хонаси?  
Ўртади жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси? –*

деб бошланадиган дил ўртар ғазалини беихтиёр ёдга солади.

Хуллас, қонида ҳамиша шоирлик истеъдоди оқиб турган темурийлар сулоласига мансуб Шохғариб Мирзо ҳам ўз салафларининг илҳом ва ижод сарчашмаларидан баҳраманд бўлган, айтилиши вақтда ўзидан кейинги сўз дурлари ғаввосларини ўзига ром этган етук шоирларимиздан биридир.

Ғарибийнинг девони, агарчи адабиёт, илм аҳлига маълум эди ва лекин девон кўлёмаси Ўзбекистонда номавжуд эди. Бобур халқаро фонди илтимосига биноан фонднинг Олмония бўлими раҳбари доктор Ян Хонзел ва унинг ҳамкорлари 1999 йили Хамбург миллий кутубхонасидан шоирнинг кўлёмма девонини топиб, нухасини келтириб беришди, фонднинг яна бир фидойиси, шоира ва бобуршунос олима Шафиқа ©ркин кўлёмани нашрга тайёрлади. Девон 2001 йили «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашрга тайёрловчининг катта илмий-таҳлилий сўзбошиси билан чоп этилди.

«Мен Ғарибий девонининг топилишини Ўзбекистон мустақиллиги даврида мумтоз адабиётимиз соҳасида эришилган муҳим ва қувончли бир ютуқ деб ҳисоблаб, - дейилади сўзбошида, - ушбу асарнинг топилиши ва илмий истифодага киритилишида Бобур номидаги халқаро жамғарманинг, айниқса, жамғарма раиси Зокиржон Машрабовнинг хизмати жуда катта бўлганлиги учун уларга миннатдорчилик билдираман».

Бобур халқаро фонди ҳомийлигида яна «Бобурнома»нинг янги нашри, Бобур Мирзонинг ўзбек тилида чиққан китобларига кирмаган, янги топилган, туркий ва форсий тилларда ёзилган ғазаллар ва маснавийлар, рубоий ва қитъалар, тўртлик ва туюқлар, фардлар, муаммолар ва масмуъ шеърлардан иборат девони (Кобул нашрига такмила – кўшимча, нашрга тайёрловчи Шафиқа ©ркин) ва бошқа китоблар чоп этилди.

Ҳа, темурий-бобурий иждокорларнинг адабий меросларини оммага етказиш борасида Бобур халқаро фонди ва унинг илмий экспедицияси томонидан бир қатор эътиборга молик амалий ишлар қилинди.

- Энди бутун диққатни Бобур Мирзонинг «Хатти Бобурий», «Мусиқа сирлари», «Ҳарб иши» асарлари қўлёзмаларини ҳамда «Бобурнома»нинг йўқолган қисмларини излаб топишга қаратиш керак, - дейди Зокиржон ака икки гапининг бирида. Зеро, Яқин Шарқ ва Арабистон ярим ороли мамлакатларига сафар қилишдан асосий мақсад ҳам юқоридаги асарлар, хусусан «Хатти Бобурий»да кўчирилиб, Маккаи мукаррамага юборилган Куръони каримни мазкур давлатларнинг кутубхона ва музейларидан ахтаришдан иборат эди.

Шунингдек, экспедициянинг навбатдаги сафари дастури ва йўналишини белгилашда бобурийлар – Комрон Мирзо ва Аскарый Мирзоларнинг қабрларини излаш, мероси ҳақида маълумотлар тўплаш ҳам ҳисобга олинган эди. Раҳбар ҳам, биз ҳам, зора, лоақал Комрон Мирзонинг аниқ қабрини топсак, унинг ҳоли-ҳолатини билсак, зиёрат қилсак, деган умидда эдик.

Ана шу мақсадда Маккадаги «Жаннат-ул маъало» - «Олий жаннат» қабристонига бордик. Пастроқ девор билан қўрғонланган катта бир худуддаги ушбу тарихий ва табаррук мазористонга, Жиддадаги каби, гарчи унда бир ёдгорлик ё иншоот бўлмаса-да, видео ва фотоаппарат билан қўймас эканлар, раҳбаримиз бошлиқлардан енгилгина рухсат олиб чиқди.

Қабристон бизнинг тасаввуримиздаги эмас, Жидда шаҳридаги Момо Ҳаво мазори сингари эди: бетондан икки-уч қарич баландликда узун-узун, аммо энсиз катак-пол қилинган, поллар ичидаги майда тош-шағалли қум текисланиб, ҳар жой-ҳар жойига калладан кичикроқ, бўлакланган қиррали тоғ тошлари териб қўйилган; ҳар тўпда уч ёки тўрттадан тош бор эди. Ўртадаги йўлаклар тепаси шийпон тарзида шифер билан ёпилган.

Жой тоғ ёнбағрида бўлгани учун катаклар, умуман худуд зина-зина шаклида тепага кўтарилиб борарди. Кўчани ёнлаб урилган девор томондаги қабр-супаларда сон-саноксиз ёввойи каптарлар гуриллаб учиб-қўниб юрарди.

Хадича онамиз қабри анча юқорида бўлиб, атрофи баланд девор билан ўралган, олди тарафи майда кўз панжарали эшик-дераза билан тўсилган эди. Қўрғон ичидаги дастлаб кўзга ташланадиган катта бир бўшлиқда бўйи узун, эни уч метрлар чамасидаги катак-пол, унинг ўртасида бир қабр ҳажмида яна бир пол - пастак қўрғонча бор эди – ана шу текис пол Муҳаммад алайҳиссаломнинг тўнғич завжаи муҳтарамасининг абадий хобгоҳи экан. Қабр атрофидаги катта бир бўшлиқ қуйида кўрганларимиздан фарқли ўлароқ у қадар саришталанмаган, ҳар хил ҳажмдаги кесак, тошлар тартибсиз сочилиб ётар, майда, кўримсиз гиёҳлар ўсиб турарди.

Хуллас, кўзланган қабристонга қадамимиз етди, демакки, Хадича онамиз марқади устларига тортилган тупроқли катакдан кейинроқдаги тўп тошлардан бири остида ва шу яқин атрофда улуғ аждодимиз Бобур Мирзонинг фарзанди аржумандлари, бобурий шаҳзодалар Комрон Мирзо ва Аскарый Мирзонинг хоки тубоби бор!..

Лекин Аскарый Мирзонинг вафоти борасида ҳам иштибоҳ туғдирадиган фикрлар мавжуд. Юқорида зикр этилган асар - «Темурийлар шажараси»да қуйидаги ахборотни ўқиймиз: «Нихоят, Аскарый Мирзо иродаи ҳаж қилиб, Каъбатулло зиёратига жўнайди. 1554 (?) йилда, Абул Фазлнинг («Акбарнома» асари муаллифи – Қ.К.) маълумотига кўра, 1558 йилда Аскарый Мирзо Шом (Сурия) билан Макка оралиғидаги водийда оламдан ўтади ва Макка шаҳридаги қабристонда акаси Комрон Мирзо қабрининг рўбарўсига дафн қилинади». Бундан чиқадики, Аскарый Мирзо, бошқа манбаларда айтилганидай, Комрон Мирзо билан эмас, балки акаси билан бир неча йил кейин, алоҳида Маккаи мукаррамага йўл олган. Унинг ҳам «Жаннат-ул маъало» қабристонига кўмилгани тўғрисидаги хабарга шунинг учун ҳам ишониш мумкинки, зикр этилган худудларда бошқа мазористон бўлмаган, қолаверса, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг аҳлиялари ётган эътиборли қабристонга дафн этилиш, шубҳасиз катта шараф ҳисобланган.

Биз қабристонда ётганларнинг ҳақларига тиловат қилиб, хусусан Комрон Мирзо ва Аскарӣ Мирзоларнинг гуноҳларидан ўтишини Аллоҳдан сўрадик ва ушбу табаррук зиёратгоҳларни видео ва фото тасвирга олдик.

## ҚАЙТИШ МУАММОЛАРИ

*5 февраль, пайшанба*

*Режаларимизга биноан Маккаи мукаррама музейларида, илмий даргоҳларда, кутубхоналарда бўлдик, илм-фан кишилари, зиёлилар, уламолар ва бошқалар билан учрашдик, суҳбатлар ўтказдик, лекин биз қидирган қўлёзма ва китоблардан дарак чиқмади. Демак, асосий умид яна Эрон заминдан... Шундай қилиб, экспедициямизнинг Саудия Арабистони шаҳарлари бўйлаб сафари ниҳоясига етди.*

Биз Маккаи мукаррама билан хайрлашиб, йўлга чиқар эканмиз, Зокиржон аканинг фикри-ёди Ироқ мамлакатига сафар қилиш ташвиши ва режалари билан банд эди. Гап шундаки, Ироқнинг нотинчлиги боис, Саудиядан у юртга ўтишга ижозат олиш масаласи қийин ва мураккаб бўлди, боз устига, Ироққа визамиз ҳам йўқ эди. Сабаби унга қайси давлат орқали ўтиш борасида Тошкентда ҳам бир тўхтама келиш имкони бўлмаган, раҳбар сафаримиз мобайнида, вазиятга қараб иш кўришга қарор қилган эди.

Мадинаи мунавварадан тўғри Жиддаи муборакага кетишимизнинг боиси ҳам Ўзбекистоннинг бу шаҳардаги консули Абдурафиқ Абдувалиевич билан учрашиб, Ироққа ўтиш борасида маслаҳатлашиш, йўл-йўриқ сўраш эди. Лекин консулимиз ҳам узил-кесил маслаҳат беролмади. Тўғриси, у Ироқдаги вазият қалтислигини айтиб, Зокиржон акани ниятидан қайтаришга ҳаракат қилди. Албатта, консул ватанимизнинг расмий вакили сифатида экспедициямиз сафарининг беҳатар яқунланишини, бизнинг юртга соғ-саломат қайтиб боришимизни хоҳларди. Аммо раҳбаримизнинг аҳди қатъий эди, у қандай қилиб бўлса ҳам Бағдодга бориш, у ерда улуғ аждодимиз Мусо Хоразмий қабрини излаб топиш, унинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти бўйича янги маълумотлар тўплаш ҳақида қайғуларди. Шунинг учун Маккаи мукаррамадалик пайтимизда ҳам бир неча марта ироқлик ҳожилар кўнимгоҳига бориб, улардан мамлакатларидаги, хусусан чегаралардаги аҳвол тўғрисида сўраб-суриштирди. Арабистонга Ироқ орқали келган бошқа зиёратчиларни топиб, улар билан ҳам суҳбатлашди. Аммо ҳеч ким гоҳ авж олиб, гоҳ пасаяётган жанг оловлари ичида қолган юртдаги шарт-шароитга тайинли ва қоникарли баҳо бера олмас, фақат вазият ҳарқалай таҳликали эканигини айтишарди.

Экспедициямиз раҳбари масалани бизнинг ҳукмимизга ҳам ташлаб, ҳар биримизнинг фикримиз, хоҳишимизни сўради. Албатта, ҳаммамиз ҳам иккиланардик: бир ёқдан тинч-омон қайтишни ўйласак, иккинчи томондан, шахсан мен орзуимдаги шаҳарлардан бири бўлмиш Бағдодни, буюк ватандошимиз Хоразмий фаолият олиб борган ва ҳали-ҳамон мавжуд «Байтул ҳикма»ни (мен уни Фанлар Академияси сифатида тасаввур қилардим) кўришдан ҳам умид узгим келмасди. Камина Зокиржон аканинг қатъиятига ишонар ва унинг вазиятдан чиқишдаги уддабуронлиги, шахди-жасорати билан ҳар қандай хавф-хатар ва ғов-тўсикни енгиш мумкин, деб ўйлардим. Қисқаси, мен Ироққа бориш тарафдори эдим, бошқа шериклар ҳам бошлиқ азми-ихтиёрига зид фикр билдирмади. Шу боис, Зокиржон ака опаларни ўзбекистонлик ҳожилар билан самолётда жўнатиб юборди-да, Худо хоҳласа, Ироққа ўтамиз, деди.

Лекин, олдимизда яна бир муҳим муаммо кўндаланг турарди. Саудия билан Ироқ ўртасида бир неча чегара-божхона бўлиб, биз қайсиниси маъқуллигини, қай биридан ўтишимиз мумкинлигини билмасдик. Бундай пайтларда ҳам сардоримизнинг таваккалчилигига суянардик.

Жиддага жўнадик. Зокиржон аканинг нияти консулимиз Абдурафиқ Абдувалиевичга учраб, у билан яна бир бора кенгашмоқ эди. Консул бу гал ҳам раҳбарни фикридан

қайтаришга ҳаракат қилиб кўрди, аммо унинг ўз қарорида устуворлигини билиб, бизга оқ йўл тилашдан бошқа чора қолмаганини тан олди. Шу билан бирга у қайси йўл билан юришни ҳам ўзимизнинг ихтиёримизга ҳавола қилди.

## САРСОН-САРГАРДОНЛИҚДА ИККИ КУН

*6 февраль, жума*

Барвақт, энг кенг, энг чиройли Мадина кўчасидан йўлга тушдик.

Жиддаи муборак шаҳрида ҳам асосан хурмо ва ним дарахти кўп эди. Хурмони тарашлаб, бутаб, ҳар кўйга, ҳар хил шаклга солишаркан. Шунингдек, деворгулнинг ҳамиша яшил тури ҳам урф эди.

Ним – унча баланд бўлмаган, жийдасимон тарвақайлаб ўсадиган, япроқлари ўрис дарахт баргига ўхшаш, ундан сал калтароқ дарахт. Аслида бу манзарали, эркак ўсимликнинг ҳам жийда тусли – оч яшил меваси бор-у, лекин ейилмайди, қаттиқ.

Мадинаи мунавварага яқинлашяпмиз. Икки ёндаги калладай, ундан йирикроқ ё кичикроқ, уюлиб турган тошлар, асли геология-минерология фанлари номзоди бўлган Зокиржон аканинг айтишича, бир вақтлар яхлит бўлган.

- Бориб-бориб улар қум бўлиб кетади, - дейди у. – Анови катта дўнгалак тошлар ҳам шунақа бўлиниб, майдалашиб бораверади. Шамол уваланган қум-тупроқларни учираверади, охири тоғлар ўрнида сахро вужудга келади.

Дарҳақиқат, кўп тоғлар тепаси, ён бағирлари ушалиб, йирикроқ шағалга айлана бошлаган эди – муштдай, ёнғоқдай, данакдай тошчаларга...

Уқаланган тошлоқ ерлар шудгордаги увишган кесакларни эслатарди.

Зайнобиддин ака сергак, кўнгли суҳбат тилайди. Зокиржон акани уйқу элитади, ёки ўз-ўзи билан гаплашаётгандай туюлади. Илҳомжон рулда сўз қотмайди, бунга унда хоҳиш ҳам, изн ҳам йўқ. Муҳаммад Содик мутолаа билан банд, мен ёзаман, кўзларим дам у бетда, дам бу бетда...

- Лоақал автобус ўриндиклари ёки эшиклари билан гаплашай десам, булар ҳам мик этмайди, - дейди Зайнобиддин ака.

Мадина чегарасидаги «қадрдон» маҳкама – куруклик орқали келадиган ҳожиларни рўйхатга олиш масканига кириб, чиқиш ҳужжатлари расмийлаштирилди, сўнг Мадинаи мунаввара билан ҳам хайр-хўшлашдик.

Ҳайбарда тўхтаб, Фулом Ҳазрат ошхонасида паловхўрлик қилдик. У бизни бир неча кун қолишга астойдил қистади. Ажойиб инсон, фақат ўн йилдан бери юртига – ота-оналари ҳузурига бормагани менга унча манзур бўлмади. Кетсам, ошхонадаги ишлар чатоқ бўлади, дейди.

Шу куни 850 километр юрилганда Илҳомжон рулни раҳбарнинг ижозати билан Муҳаммад Содикқа топширди. Дўстимиз Аллоҳ ато этган истеъдодининг яна бир қиррасини намоён қила бошлади. У жуда текис, фақат тезроқ ҳайдар, рулга ёпишиб, ярашиб ўтирарди.

Холид Аммор чегара пунктига 300 километр қолганда Ар-ар чегара маскани томонга қайрилдик – мазкур манзилга 509 километр эди. Шу ерда ҳам бир оз иккиландик, қайси чегара нуқтасига боришни муҳокама қилдик. Маккаи мукаррамада раҳбар сўраб-суриштирган одамларнинг аксарияти Ар-ардан ўтиб келишганини эслаб, шу ёққа юришни маъқул топдик.

Охири-чеккасини кўз илғамас бийдай саҳрони кесиб бораётган йўлга суқингиз киради - ўртада ёнма-ён бир жуфтдан ва икки четда энлик оқ полоса; ўртага оқ ёруғ қайтаргичлар ўрнатилган, қирғоқдаги ёруғ қайтаргичлар эса оч қизил товланарди – улар гўё кўчанинг безагига ўхшарди. Албатта, бой мамлакатнинг йўллари шундай бўлиши ҳам керак-да.

Ой шундоқ тепамизда.

«Етти оғайни» юлдузини тўртталиқ тарафидан қувиб боряпмиз.

Муҳаммад Содикни ҳам уйқу элита бошлагач, мен штурманликка тайинландим; ўзаро суҳбатга машғул бўлдик.

Узундан-узоқ йўлда одамзот яшайдиган шаҳру қишлоқдан ном-нишон учрамас, тунаб қолиш ваҳимали, шунинг учун кеч бўлишига қарамай, бирон қасабага етиб олишга интилардик. Саудиянинг ўзидан Ироққа ўтишга уриниб кўрмоқ учун мана шу узун ва кимсасиз йўл танланган эди.

Муҳаммад Содик муҳтарама онаси тўғрисида маҳзун бир ҳодисани гапириб берди. 1997 йили экспедициянинг навбатдаги сафаридан қайтишгаётганда (Туркменистон ҳудудида) машъум воқеа юз берган - бир тўда уларга ҳужум қилган паллада онаизор Андижонда жойнамоз устида ўтирган ва миясига қон қуюлиб, инсульт бўлган экан... Шуларни айтар экан, у маънос тортди ва уйқуси ёзилиб кетди.

Соат тунги иккиларда бир ёнилғи қуйиш шаҳобчаси учради. Ҳаво ҳарорати анча пасайган эди, ҳамма қалинроқ пайпоқ ва бошқа кийимларини ахтариб қолди.

Рулга Илҳомжон ўтирди. Яна олға!..

Соат бешдан ошганда, тонг ёришай деганда Сакака шаҳрига етдик. Қидириб, «Марид» қўноқхонасини топгунимизча яна ярим соат ўтди. 1 хонада тўрт кишининг уч-тўрт соат мизғиб кетиш учун (Илҳомжон машинада қолди) 200 реал олишди – инсофи камлар...

Хона совуқ, сув яхдай эди.

## *7 февраль, шанба*

Кеча 1300 километр масофа босилган, Ар-арга яна 150 километр қолган эди.

Йўлга чиқиб, турклар ресторанида нонушта қилдик. Шу жойда, кўча ўртасидаги бетон тўсиқли пуштада гуллар очилиб турарди. Бир гул - туки, танаси чиннигулга ўхшайди - гулбаргининг таги оч сариқ, уч томони оқ ромашкасифат. Иккинчи бир гулнинг танаси ёнбошлаб ўсган, новдаси момоқаймоқники монанд, гули бошқача: узун, ромби шаклида, учи учлик, тўқ сариқ гулбарглариининг ўртаси оч сиёҳранг.

Шу шаҳарда эвкалифтсимон – танаси сутранг, новдалари мажнунтолни эслатувчи, барги йирикроқ ва узунроқ бир хил дарахтни ҳам кўрдик.

Рестораннинг рўпараси, кўчанинг у бети – девор орти хурмозор эди.

Хурмонинг айрим тури ажабтовур бир шаклга солинаркан: дастлаб чиққан бир тўп шох-баргдан кейин ўсгани кесиб туриларкан – то шох-барг ўсиб чиқиши тўхтагунча, кесилган шох-барглар тўрт-беш энлик ўсиб, қуриб қоларкан-да, порсилдоқ-порсилдоқ қиёфа касб этаркан. Маълум ёшга боргач, ўсиб-унишлар барҳам топганда кесилган шох-барглар энг тагидан ажрала бошлар, батамом кўчиб тушгач ё кўчириб олингач, остидан яна бутунлай бошқа – узоқроқдан қаралса, эски чипта коп ўраб қўйилгандай кўринадиган тана ҳосил бўларкан.

Ар-ар шаҳрига киравериш сердарахтгина, бинолар лойиҳаси янада ўзгачароқ эди. Янги қурилган ва қурилаётган мавзелар жуда катта ҳудудда ва ҳаддан зиёд кўп эди.

Эски Ар-ардан янги Ар-арга қараб боряпмиз. Икки ён текислик, майда тошли ва кумлоқли ерлар. Капасимон, мато билан тўсилган кўналғалар кўп – қочоқлар бўлса керак. Кўналғалар атрофида туялар, эчкилар юрибди.

Ар-ар чегара пунктида бизга Ироқ хатарли, у ёққа ўтиш мушкул дейишди.

- Кундузлари, эҳтиёт бўлиб юрамиз, - деди Зокиржон ака.

Чегарачиларнинг бир нечаси ўзаро кенгашиб, ўтказиб юборишди. Бироқ, хурсандчилигимиз узоққа етмади, божхонадагилар қўйишмади.

- Биринчидан, қайси давлат орқали кирган бўлсаларинг, ўша мамлакатга чиқиб кетишларинг лозим. Иккинчидан, ҳозир Ироқда ҳукумат йўқ, хатарли, биз қўйсак-да, америкаликлар қайтариб юборишади, - деб туриб олишди. Илтимосу илтижоларга пинакларини ҳам бузиб қўйишмади. Ноилож орқага қайтдик. Чегарадан бериоқдаги бир масжидда пешин ўқиб олмоқчи эдик, бунга ҳам ижозат беришмади.

Янги Ар-ар билан эски Ар-ар оралиғи 60 километр эди.

Энди Ҳадисага кетяпмиз. Эсизгина кечаги юришлар...

Туруиф шахрида тунадик. Меҳмонхона совуқ эди. Иситувчи кондиционер бор экан, хона ҳавосини қуришиб, усиз ҳам қиришиб ётган томоқларни баттар қақшатди. Айримларимиз, жумладан, мен ҳам Маккаи мукаррамадаги селда шамоллагандан бери йўталар, ҳамон салга терлаб, салга совқотардим.

## 8 февраль, якшанба

Яна бепоён, саҳросифат ҳудудлар. Қочоқларнинг чайлалари ёнидан, йўл ва шаҳарчалар қурилаётган жойлардан ўтамиз. Кимсасиз, тақир, тошлоқ ерларда трактор, бульдозерлар шиддат билан ишлашарди.

Бир жойда чой ичдик. Ходимлари бангладешликлар экан. Кеча эрталаб турклар, кечқурун покистонликлар хизмат қилаётган ошхоналарда бўлган эдик. Ҳаж мавсуми баҳонасида дунёнинг ҳамма бурчагидан ҳар хил хизмату савдо билан шуғулланувчилар Арабистоннинг бор шахру пучмоқларига оқиб келаверишади шекилли... Одамзот тирикчилик кўйида гадоё топмас ерларни ҳам излаб борар экан-да. Хитой товарлари эса ҳаммаёқни эгаллаб бўлибди. Ҳатто мана шу олис, қақроқ саҳролар қўйнидаги дўконларда ғарам-ғарам бўлиб ётган турли-туман ялтироқ тасбеҳлар ҳам Хитой фирмаларига мансуб эди...

Ва ниҳоят, Ўрдун (Иордания) замини кўринди.

Шундай қилиб, икки кунлик сарсон-саргардонликдан сўнг, айланиб-айланиб, Саудиянинг Ҳадиса чегара пунктига етиб келдик. Ишимизни Худо ўнглаб, ўн беш-йигирма дақиқа ичида бу ҳудуддан чиқиб, Иордания сарҳади-назорат масканига ўтганимизда соат маҳаллий вақт билан 11 эди. Суғурта пули тўлаш (70 доллар – 48 динар) ва бошқа расмий маросимларга бир соат кетди. Шундан кейин, постдан чиқиб, эркин нафас олдик, кайфиятлар энгил тортди, магнитофондан қўшиқ эшитишга ҳам ижозат бўлди.

Иордания дашту биёбонлари бошқачароқ эди: текис ер бети майда қора тош – худди асфальт ичидаги йирик тошчалар каби. Кейин сийрак янтоқ, юлғун ва бошқа чўл ўсимликлари пайдо бўлди. Йўл бўйларидаги юлғунлар дарахт каби катта, ғовлаган эди.

Ироқ чегарасига 270 километр бор эди.

Чўл ўсимликлари, йўл бўйидаги дарахтлар ҳам қалинлаша борар, юлғунлар ичида кўлмаклар кўринарди.

Йўлдаги дастлабки шаҳар Азрақ эди. Дўкон-уйларнинг деворларидаги безак – махсус қадаб чиқилган қизғиш тошлар эътиборимизни жалб этди.

Бу, олдинги сафаргидан тамом бошқа йўл эди – биз Бағдодга ўтиш мақсадида гардкам қилиб, шу томонга юрган эдик. Зиёлисифат маҳаллий кишилардан, ҳайдовчилардан чегарадан Ироққа қўяверадими, деб суриштирдик. Бирови Аммон (Ўрдун пойтахти)дан рухсат олиб келиш керак, деса, бошқаси шундай ўтаверасизлар, дейди. Чегарага ҳали яна 230 километр масофа бор эди. Раҳбар, одатдагидай масалани умумжамоа муҳокамасига қўйди. Илҳомжон эътироз билдирди – икки кунлик овозагарчилик ва йўқотишларни эслатди ва у бир ҳисобда ҳақ эди. Лекин, Бағдодни кўрмасак, унутилмас армон бўлиб қолиши, чунки бунақа шароит, имконият (ҳозирча умид, илинждан иборат, албатта) қайтиб келмаслиги мумкин. (Экспедициянинг аввалги сафарларида ҳам Ироққа виза олиш иложи бўлмаган эди). Албатта, ҳар бир юракда озроқ таҳлика, саросима ҳам бор эди. Ҳар нечук, кечагина даҳшатли уруш бўлган, бугун ҳам пана-панада жанг давом этаётган мамлакат... Аммо ҳеч ким дилидаги пинҳоний хавотир-ҳадикни зоҳир этгиси келмасди чоғи. Камина ҳам... Бироқ, Афғонистонга ҳам бориб келдик-ку. Бизнинг ниятимиз, ишларимиз хайрли-ку, сиёсатчи ё бошқа эмасмиз-ку, Аллоҳнинг ўзи асрайди, деб ўйлайман ичимда. Зокиржон аканинг бирдан-бир мўлжали эса ҳушёр бўлиб, таваккал қилиб кўриш эди. Хуллас, раҳбарнинг шиддатию бошқаларнинг ҳайбаракаллеси билан жўнадик.

Атайлаб чақилган каби шиғил тошлоқ-шудгорлар оралаб боряпмиз. Тошларнинг ранги қора, қорамтир, оқиш, ости сариқ қум.

- Чиндан ҳам, махсус машинада майдаланган бўлиши мумкин, устига тупроқ тўкиб, сув келтириб, экин экишса керак, - дейди Зокиржон ака.

Жуда катта, бепоён ҳудуд шундай эди. Наҳотки шунча майдондаги тош майдалаб чиқилган бўлса? Шунақа техника бормикин?

- Ўзи тошлар қуйиб уқалана бошлаган, - деб тушунтиради у киши.

Дарҳақиқат, тошлар сурилиб, ер имкон борича текислангани сезилиб турарди.

Сафова шаҳарчасида тушлик қилдик. Ошпазлар мисрлик экан, оши яхши эди, нўхат шўрваси ҳам. Майда тўғраб қовурилган жигар ва атрофига лаппакланган помидор терилган, устига кўк сепилган таоми, алоҳида помидор ва кўк салатлари ҳам бизга маъқул келди.

Ошхонада икки-учта ироқлик бор экан, ҳозир бизда ҳукумат йўк, ҳамма ўзи билан ўзи, бемалол ўтасизлар, деб таскин беришди.

Иорданиядан чиқиш сарҳадига кечки пайт етиб келдик. Дарҳақиқат, кўп мушкуллик туғилмади. Афтидан, Ўрдун чегарачилари учун бизнинг қаёққа боришимизнинг аҳамияти йўк, фақат, уларнинг ватанидан тезроқ чиқиб кетсак бўлди эди.

Бетараф ҳудуднинг ўнг томонига тепаси ясси, зангори чодирлар тикилган – улар қочоқлар макони эди.



## ИРОҚ

*Туркия, Сурия, Иордания, Эрон, Саудия Арабистони ва Қувайт билан чегарадош. Жануби-шарқ тарафини Форс қўлтиги ўраб туради.*

*Ироқ худудининг кўп қисми Юқори ва Қуйи Месопотамия текисликларидан иборат. Шимоли ва шимоли-шарқидан Арманистон ва Эрон тоғликлари, жануб ва гарб томонларидан Арабистон ясси тоғлигининг бир қисми, Дажла ва Фурот дарёлари ўтган.*

*Асосий ер ости бойликлари – нефть ва газ.*

*Иқлими: ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши илиқ ва серёмғир. Ёз чиласида баъзан ҳарорат 50 градусгача кўтарилади.*

*Аҳолиси асосан араблар ва курдлар, шунингдек, туркманлар, ансорлар ҳам бор.*

*Расмий тили – араб ва курд тиллари. Халқнинг 95 фоизи мусулмон.*

*Йирик шаҳарлари: Бағдод, Басра, Мусул, Карпук, Нажаф...*

*Энг қадимий маданий марказлардан бири бўлган Ироқда милоддан аввалги 7-минг йилликдаёқ халқ деҳқончилик, чорвачилик билан шугулланган. 3-минг йилликда мамлакат худудидида шаҳарлар қурилган, қулдорлик давлатлари, 2-минг йилликда Бобил подшолиги вужудга келган. Милоддан аввал Ироқ ўрамада ахоманийлар, салавкийлар ва Партия (китобларда «Парфия» ёзилади, лекин кейинги пайтларда матбуотда бу сўз туркий «Парти» билан ўзакдош, шунинг учун ўртадаги «ф» ўрнига «п» ёзилиши лозим, деган фикрлар кўзга чалиниб қолди) давлатлари, эрамизнинг III-VII асрларида сосонийлар ҳукмронлик қилди. VII асрда Месопотамияни араблар эгаллагач, Ироқ уммавийлар халифалигига қўшиб олинади. Кейинчалик аббосийлар, салжукийлар ихтиёрида бўлди, XII асрнинг иккинчи ярмида мўғуллар хонавайрон қилди. Сўнг Амир Темур ўз давлати таркибига киритади. Турклар, сафавийлар ва яна Усмонли турклар империяси эгаллайди. Биринчи жаҳон урушидан кейин инглизлар босиб олади.*

*XX асрда ҳам мамлакатда кўп алгов-далговлар юз берди. 1920 йиллардан муштамлакачиларга қарши халқ озодлик ҳаракатлари, кўзғолонлар авж олади.*

*1958 йили қироллик режими ағдарилиб, Ироқ республика деб эълон қилинади. Ўн йилдан сўнг яна давлат тўнтарыши содир этилади, 1979 йили ҳукумат тепасига Саддам Ҳусайн келади... Мана энди АҚШ, кимёвий қурол сақлашда айблаб, унинг тизим ва режимларига ҳам барҳам берди, халқ аросатда қолди...*

*Ироқ маданияти ҳам жуда қадимий бўлиб, Бобил, Осурия (эрамиздан аввалги XX-VII асрлар), эллинизм (милоддан олдинги 330-30 йиллар) даври маданий ёдгорликлари сақланган, деб ёзилади китобларда.*

*Ўрта асрлардаги бой араб адабиёти халифалик пойтахти, умумий араб фани ва маданияти маркази Бағдодда равнақ топган. XIX асрларда янги шеърият, йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларидан замонавий рўмончилик ривожланади...*

*Хуллас, Ироқ, унинг пойтахти Бағдод азалдан илму фазл ўчоғи, шоиру адибларга илҳом ва руҳ берган адабий муҳит сарчашмаси бўлиб келган ва назаримда ҳозир ҳам шундай эди.*

*Биз ана шу юртга интилардик...*

*Ироқ божхонасига ўтганимизда қоронғи тушди. Бир неча гуруҳ суриштирди, текширди-ю, ҳарқалай эътироз билдиришмади.*

*Рутба шаҳригача 134 километр.*

*Бағдодгача 551 километр эди.*

*Шу атрофда тунамоқчи эдиг-у, нима бўлсаям ичкарироққа кириб олайлик, деб жўнаб юбордик.*

Йўлда қаторлашиб кетаётган юк машиналари кўп, биз уларни бир-бир қувиб борардик. Рўпарадан келаётган автомобиллар ҳам сероб, юлдуз каби милтиллаб кўринган чироқлар катталашиб-катталашиб, ёнимиздан лазердай лип этиб ўтиб кетади. Бир пайт машиналар орасидан тандир оғзидай чўғ кўринди. Нима экан, деб хайрон бўлдим. Бир оз юрганимиздан кейин аён бўлди: шом еган ой экан. У шундоқ ер бетида тургандай ва жуда катта эди. Моҳи мунавварни ҳеч қачон бунчалик пастда, бунчалик улкан шаклда, бунчалик яқиндан кўрмаган эдим. Назаримда унга етиш мумкиндай туюларди.

Қамари зебо секин-аста кўтарила бошлади. Баландлаган сари кичрайиб ва гўё биздан узоклашиб, ранги эса қизилдан олтин тусга айланиб борарди.

Биз энди юк машиналари билан кетма-кет юришга, улардан ажралиб қолмасликка ҳаракат қилардик.

Йўл жуда яхши-ю, ўннга, чапга бурилишлари кўп эди. Кўчанинг қайрилишлари ҳисобига ой бекинмачоқ ўйнагандай гоҳ тўғрида, гоҳ йўлдан сал ўнгроқ ё чапроқда пайдо бўларди.

Бир пайт қарасак, ҳамма уловдан ўзиб кетибмиз. Яна бирдан олдимизда енгил автомобиль кўринди, у бир хил тезликда борарди.

Довонсифат жойлар, ён тарафлар паст-баланд тепаликлардан, жарликлардан иборат эди.

- Анави машина қаёқдан пайдо бўлиб қолди? Бизни қувиб ўтдимми ё биз унга етиб олдикми? – деб гап ташлади Зокиржон ака.

- Биз етиб олдик, - деди Илҳомжон.

Изма-из анча юрдик. Илҳомжон жадаллаб, ёнлаб ўтиб кетмоқчи бўлувди, енгил машина ҳам тезлади. Илҳомжон газни пасайтириб, жойига қайтди.

Зокиржон ака штурман ўрнига ўтиб ўтирди. Раҳбар фавқулодда қарор қабул қилиш эҳтимоли туғилган пайтларда шундай қиларди. У олдиндаги автомобилдан кўз узмай борарди. Ҳаммамизнинг ҳам ичимизга ғулгула тушган эди.

Ким экан улар, қароқчилар эмасмикин, деган хаёлга борамиз.

Илҳомжон секинлаб, орқада қола бошлади, шубҳали машина узоклашиб кетди.

Бир жойга етиб борсак, юк автомобиллари қатор турибди, биттаси катта ариқ лабига ёнбошлаб қолган экан.

Шу ерда сўраб билдикки, Рутбадан ўтиб кетибмиз. Ўн-ўн икки километрча орқага қайтдик. Катта йўлдан ичкарироқдаги бу шаҳар, балки қасаба дейиш тўғрироқдир, қандайдир эски ва бефайзроқ кўринди. Кираверишдаги хароб қўноқхона маъкул бўлмай, бир айланиб чиқдик, лекин ундан аълоси йўқ эди.

Ҳамма шамоллаган, хусусан раҳбар иккимизга йўтал кўп азоб бермоқда эди. Аспирин тутаган, йўтал дори қор қилмаяпти. Ўзимизда ҳам айб бор – сут чой ичиб, орқасидан нафс кўйига кириб ҳар хил совуқ салат, қалампир, шакарли чойларни аралаштириб юборяпмиз.

Ҳаво ҳартугул сал иликроқ эди.

## *9 февраль, душанба*

Барвақт туриб жўнадик. Кечаги йўлдан эмас, шаҳар ичидан юриб, дашту биёбон оралаб кетган сўқмоқсифат кўчага тушиб олдик.

Ним ёруғ. Ит ўрмаламайди. Ваҳимали сукунат.

Биз ўзимизни қаҳрамонлардай ҳис этардик. Бизнингча, шунча уруш, алғов-далғовдан кейин Ироққа хориждан биринчи бўлиб, Бобур халқаро экспедицияси қадам қўйган эди.

Соат Тошкент вақти билан олтидан йигирма дақиқалар ўтганда рўпарамиздан, йўлдан сал ўнгроқдан кечқурунги ой каби шундоқ ер бетида қуёшнинг бир чети кўриниб, аста-секин тўлишиб, кўтарила борди.

Иттифоқо бир одам учради. Ундан тўғри кетяпмизми, деб сўрадик. У ҳозир бунақа овлоқ ерларда юриш хавфли, катта кўчага чиқиб олинглар, деб йўл кўрсатиб қўйди.

Катта кўча чапда, анча нарида экан, ўнқир-чўнқирлардан силтаниб бордик. Хароб бир жойда автобусга солярка қуйдик. 1 литри 110, 60 литри – 7500 динор бўлди.

Рутба шаҳарчаси ва мана бу техник хизмат масканларининг ивирсиқлиги, бесаранжомлиги (албатта, бу ҳолат уруш оқибати бўлса керак) Ироқ тўғрисидаги тасавуриمني анча хиралаштирди, аммо йўл кенг ва соз эди.

Муҳаммад Содикнинг негадир кайфияти соз эди, у магнитофондаги ашула оҳангига тақлидан машина рулини черта бошлади.

- Акамизнинг чертилмаган жойлари ҳам чертилиб кетди, - деб лутф қилди Зайнобиддин ака. У кишининг ўзлари ҳам баъзан ашулага жўр бўлиб, оҳиста хиргойи қилардилар.

- Жуда хилват йўлдан юрган эканмиз-да. Ўзим ҳам тинмай сураи фотиҳани ўқиб келдим, - деди Муҳаммад Содик димоғи чоғлиги боисини изоҳлагандай.

Бағдодга 120 километр етмай, бир жойда тўхтадик. Йўлнинг чап томонидаги кенг майдонга ўтиб, ошхонага кирмоқчи бўлиб турувдик, бирдан ёнимизга бронемашина ва усти очик, танксифат улов келиб тўхтади-да, Америка аскарлари тапир-тупир қилиб туша бошладилар. Барида қўл пулемёти, автомат бор эди. Машина устида қолганлар қувурлари атрофга қаратилган пулемётларни жанговар ҳолатда тутиб ўтиришарди. Биз ҳаммамиз таҳликага тушганмизни сездирмай, гўё ҳайрон бўлиб серрайиб қолдик.

Аскарларнинг бир нечаси дўкон ва сабзавот расталаридан озик-овқат ола бошлади, саккиз-ўнтаси эса атрофга ёйилиб, бармоқлари тепкида, шерикларини муҳофаза қилиб туришарди. Аввал майда-чуйда олган аскарлар, кейин «ҳимоячилар» апил-тапил машинага чиқишди-да, жўнаб кетишди.

Америкаликлар, назаримда бизнинг хорижий эканлигимизни пайқашмади (уларнинг ўзлари ҳам ҳадикда эдилар), акс ҳолда кимсизлар, нима қилиб юрибсизлар, деб суриштириб қолишлари ҳам мумкин эди. Аллоҳ ҳар доим ишимизни ўнгласин, илло, экспедициямизнинг нияти хайрли, эзгудир.

Ошхона файзсиз эди (уруш кетаётган ерда файз нима қилсин!) Бу жойда ҳам мўъжаз шиша стаканда бўтана қора чой бериб таъбимизни баттар тирриқ қилишди. «Ҳе, кўк чойнинг кадрига етмаганлар, чой ичиб хузурланишни билмайдиганлар», деб ўзимизча гудрандик. Одамзот қизиқ-да, шўрликлар америкаликлардан хавфсираб, азбаройи тирикчилик деб, юракларини ҳовучлаб ишлашяптию, биз хушбўй, ранги тиниқ, танга чой роҳатини таъма қиламиз-а... Эчкига жон қайғу, қассобга – гё... деганлари шу-да.

Нонлари ҳам юпка – қуёш бемалол кўринадиган, биз анча ўрганиб ҳам қолган чалпақлардан эди. Энг қизиғи, унда таъм йўқ. Нон борасида ҳам ўзбекка тенг келадиган халқ оламда йўқлигига тағин бир бора ишонч ҳосил қилдик.

Беш-олти юз метрда бир дарё - каттароқ анҳор келди – сувининг ёқути осий каби ложувардлигига бир, шундоқ чўлсимон минтақада оқин оби ҳаёт борлигига яна бир карра ҳайратландик.

Шу ердан экин майдонлари, экинзорлар бошланди, дарахт кўпая борди.

Кўп юрмай, тағин дашту биёбонга кириб кетдик.

Бағдодга олтмиш-етмиш чақиримлар қолганда чанг-тупроқли кўчага тушиб қолдик. Кейин билсак, бу Бағдоднинг эски йўли экан. Атрофдаги аҳоли манзиллари ва қишлоқлар кўримсиз, тартибсиз, тўзгин-сочқин, одамларнинг кийимлари ҳам ғарибона эди. Ҳамма нарса аралаш-қуралашга ўхшарди. Ҳатто, бўйдор, қалин пальмазорлар ҳам бу жойларга тароват бағишламас, симғёочдай сўппайиб кўринарди.

Катта-кичик, оғир-енгил машиналарнинг ҳам эскиси кўп.

Бир атрофи очик, тимлар остидаги бозор ёнидан ўтдик. Нарса – помидор, бодринг, меваю сабзавот, резавор бисёр, аммо бозор ниҳоятда айқаш-уйқаш, бесарамжон, тўполон.

Бомбадан вайрон бўлган мавзелардан сўнг яна асосий йўлга чиқиб қолдик. Манзара ўзгарди. Катта кўча, кўприк ости-усти йўллари, икки ёндаги уй-жой бинолари, йирик иншоотлар, батартиб экилган хурмолардан худуднинг нуфузли бир шаҳарга мансублиги билиниб турарди. Фақат, иморатлар паст-паст – асосан икки қаватли эди.

Керакли жойни топиб боришга кўзимиз етмай, шаҳар четидан такси ёлладик-да, унинг орқасидан юрдик.

Шаҳар тўгараксимон бўлиб, узоқ ўтмишда тўртта дарвозаси бўлган. Биз тахминан Басра қоқаси томондан кириб боряпмиз. (Албатта, тарихий дарвозалардан ном-нишон қолмаган). Юқорида айтганимдай, сиру синоатларга бой, илму урфонга бешик бўлган бу шаҳар тўғрисидаги тушунчам бутунлай бўлакча эди. Бағдодни китоблардан ўқиб, донишгоҳлар, мозийгоҳлар, кутубхоналар, қироатхоналар, хушманзара боғ-роғлар шаҳри деб билардим...

Бағдод зиёратини «Байт-ул ҳикма»дан бошламоқни кўзлаган эдик.

## БАЙТ-УЛ ҲИКМА

*Дастлаб таржимон ва олимлар жамланган мазкур илмий муассасага (китобларда «Хизонат-ул ҳикмат» тарзида ҳам қўлланади, ўзбекча манбаларда «Ҳикматлар уйи», «Донолар уйи», «Донишмандлар уйи» каби атамалар билан зикр этилади) оламга салкам афсонавий қаҳрамон сифатида донги кетган Хорун ар-Рашид томонидан асос солинган. Хорун ар-Рашид вафотидан кейин дастлаб унинг тўнғич фарзанди Муҳаммад ал-Амин, икки-уч йилдан кейин кичик ўғли Абдуллоҳ Марвдан қайтиб келиб, Ал-Маъмун унвони билан халифаликни бошқарадилар. Ўша даврда Бағдод араб дунёсидаги йирик илмий ва маданий марказга айланади. «Байт-ул ҳикма»ни Шарқнинг дастлабки академияси сифатида таърифлайдилар. Лекин Ўрта Осиёда ҳам илму фаннинг, хусусан, фалакиётнинг барвақт ва кенг ривожлангани маълум. «Хоразмликлар осмон «сирлари»ни арабларга қараганда анча яхши билганлар. Археологик қазималар Хоразмда қадимда, исломдан бир неча аср аввал ҳам расадхоналар бўлганлиги ва у ерда муттасил астрономик кузатишлар олиб борилганлигидан гувоҳлик беради»<sup>1</sup>.*

*Ал-Маъмун падари бузрукворининг яхши анъаналарини давом эттириб, илмий изланишлар ва таржима ишларини кучайтиришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у Урганч (Хоразм)да Маъмун академиясини ташкил этади ва бир неча йилдан сўнг мазкур илмгоҳга тўпланган истеъдодли олимларни ўзи билан Бағдодга олиб кетиб, «Байт-ул ҳикма»нинг фаолият доирасини янада кенгайтиради, уни аҳли истеъдод билан бойитади.*

«Байт-ул ҳикма»да Шарқнинг етук алломайи замонлари, жумладан бизнинг ватандошларимиз Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний ва бошқалар қизғин илмий ва ижодий иш олиб борадилар. Улар асосан тиббиёт, риёзиёт, илми нужум, физика, кимё соҳасида янги-янги, асосли фаразларни илгари суриб, мазкур фанларни юқори босқичга кўтарадилар.

Шомда «Байт-ул ҳикма» тасарруфида бўлган иккита расадхона фаолият олиб борган: Бағдоднинг Шамасия мавзеида ва Дамашқ яқинидаги Касиюн тепалигида.

Аҳмад Фарғоний, манбаларда ёзилишича, ана шу расадхоналар қурилишига раҳнамолик қилиб, жонбозлик кўрсатган, кейин нима сабабдандир Мисрга кетган ва ўша юртда вафот этган. (Экспедициямизнинг аввалги сафарларидан бирида Қоҳирага яқин Фустот шаҳридаги Ал-Фарғоний дафн этилган қабристон зиёрат қилинган ва у ердан тупроқ олиб келинган эди). Мусо Хоразмий эса умрининг охиригача Бағдоддаги илмий марказда, шаҳарнинг бой кутубхоналарида тадқиқотларини давом эттирган.

«Байт-ул ҳикма» Сақат-ул майдон мавзеида, лойқа сувли Дажла дарёсидан ичкарироқда жойлашган, аббосийлар замонидаги қаср – Бобули муаззам билан ёндош эди, унга камбар кўчалардан кириб бориладди.

Катта илмий ходим жаноб Аднан (унинг айтишича, Муҳаммад алайҳиссаломнинг 21-чи боболари исми шундай экан) билан бир неча дақиқа суҳбат қурдик. У аввало бизнинг ўз аждодларимизни излаб, шунча узоқ масофа босиб, шундоқ хатарли пайтда Бағдодга етиб келганимиздан ҳайратини яширмади, Бағдодда ўзбек жомеъ масжиди фаолият кўрсатишини, бундан икки йил аввал юртдошимиз Мусо Хоразмий мутасаддилик қилган

<sup>1</sup> «Маънавият юлдузлари». Тошкент, 2004 йил, 39-бет.

«Байт-ул ҳикма»нинг 1200 йиллиги нишонланганини маълум қилди. Биз қизиққан масалалар билан шуғулланадиган олим Абдужаббор Нажийнинг йўқлигига таассуф билдириб, унинг эртага бўлишини айтди.

### ИМОМИ АЪЗАМ ВА БОШҚАЛАР...

Шаҳарни томоша қилмоққа аҳд этдик. «Байт-ул ҳикма»дан чиқаётган икки талаба – Аммор ва Нурийлардан сайрбонликни илтимос қилдик, тўғриси, ёлладик.

«Байт-ул ҳикма» атрофида ҳам, бошқа жойларда ҳам бомба тушиб, ярми ўпирилган ё бутунлай кунпая-кун бўлган бинолар даҳшатли манзара касб этган эди.

Бағдод шаҳри бир неча мавзуга бўлинган бўлиб, улардан энг йириклари Аъзамия, Козимия ва Шамасиядир. Биз зиёратни шаҳарнинг шарқий қисмидаги Аъзамия мавзеидан, суннийликдаги тўрт мазҳабдан бири – ҳанафиянинг асосчиси Имоми Аъзам -Абу Ҳанифа ан-Нуъмон масжидидан бошладик.

Ислонда «аҳли суннат вал жамоат» деб аталмиш тўрт мазҳаб (ҳанафия, шофибия, маликия, ханбалия) ичида энг улуғи, энг жамоаси кўпи ва тарихан муқаддами бўлмиш ҳанафиянинг илк раҳнамоси имоми Аъзам абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит раҳматиллоҳи алайҳи хижрий сананинг 80-йилида Куфа шаҳрида дунёга келган. Бағдод шаҳрида қозилик вазифасини қабул қилмагани учун зиндонбанд этилган ва 150-хижрий санада ўша бандхонада дунёдан кўз юмган. Дунёнинг кўп минтақаларида, жумладан, бизнинг Мовароуннаҳрда мусулмонлар ўн асрдан ортиқ муддат мобайнида ул зотнинг мазҳабларига мувофиқ ибодат қилиб келади. Бинобарин, Имом Аъзам ҳазратларининг қабрларини зиёрат этмак биз учун ҳам саодатли бир амал эди. ©вуз уруш шундоқ азизу муқаддас даргоҳни ҳам аяб ўтирмаган – бир дарвоза жиддий шикастланган ва ўнг бурчакдаги баланд, катта минорнинг тепа қисми ўпирилиб тушган, уларни усталар таъмирлашмоқда эди. Масжид хизматкори ҳам Нуъмон эди, у бу улуғ ном билан ғурурланишини, ота-боболари ҳам шу масжидда хизмат қилишганини айтиб мақтанди.

Имоми Аъзам мақбараси масжиднинг алоҳида катта бир бўлмасида жойлашган эди. Масжид хоналари кенг, шифти баланд бўлиб, қадимий ҳонаноҳ атрофига янги бинолар қўшилган, ҳозир бу табаррук намозгоҳда бир вақтнинг ўзида олти-етти минг намозхон ибодат қила олади.

Портлаган бомбалар оқибатида бир неча кундан буён маҳаллада электр тармоқлари ишламас эди. Қоронғи хужрага кириб, кўл чироқ ёрдамида қабр ёзувларини ўқидик, тиловат қилдик. Бу улуғ даргоҳдан шу кунларда ҳам маҳаллий ва хорижий зиёратчилар узилмас эди. Уларнинг айримлари билан суҳбатлашиб, Ироқнинг бугунги ҳолати ва экспедициямизнинг Бағдод билан боғлиқ режаларига доир маълумотлар олишга ҳаракат қилдик.

Имоми Аъзам масжидидан унча узоқ бўлмаган 314-чи маҳалланинг 61-чи кўчасидаги қадимий қабристонга тор, илон изи йўллардан айланиб бориларкан. Бу ерда Ал-Маъмун, шунингдек, Робиа она (Робиъат ул-Адавиййа раҳматиллоҳи алайҳа), унинг отаси дафн этилган эмиш. Маҳаллий фуқаролардан бири Хоразмий ҳам шу жойга кўмилган, деди. Лекин афсуски, бу оғзаки «хабарлар»га инонмоқ учун тайинли асос йўқ эди. Атрофи уйлар билан ўралган чоғроққина майдондаги биноларнинг деворлари ярим йикитилган, ўрнига бошқа иморатлар барпо қилиш мўлжаллангани ва уруш туфайли қурилиш тўхтаб қолгани сезилиб турарди. Айтишларича, юқорида номлари зикр этилган улуғ инсонлар хотирасига мақбаралар кўтариш режалаштирилган экан.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг саҳобалари илму маърифатлари, гўзал ахлоку суннатларининг асрлар оша бизнинг давримизгача етиб келишида хизматлари бекиёс бўлган уламою фузалолардан Ҳасан Басрий, Омир ибн Шароҳил, Муҳаммад ибн Сийрийн, Молик ибн Дийнор, Иброҳим ибн Наҳаъий, Айюб Ассахтиёний, Муҳаммад ибн Восеъ, Ар-Робиъ ибн Ҳусайн, ал-Аҳнаф ибн Қайс раҳматиллоҳи алайҳ каби улуғ тобеинлар, шунингдек, Имом Аъзамнинг хос шогирдлари, Ҳанафия мазҳаби

мужтахидларидан Кўфада туғилиб, уч халифа даврида Бағдодда қози калонлик қилган, имом Абу Юсуф унвони билан шуҳрат топган Яъқуб ибн Иброҳим ал-Кўфий, тўрт мазҳабдан бирининг имоми Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофёъ (имом Шофиъий)нинг устози, хижрий сананинг 189-йилида Бағдодда вафот этган Муҳаммад ибнул Ҳасан ибни Фарқат Шийбонийлар ҳам шу кўҳна ва муқаддас шаҳар ва унинг атрофидаги мозорларда абадий макон топмиш эдилар. Лекин, афсуски, ул дини ислом, ҳидоят фидойилари, умрларини ҳақ йўлига бағишлаган инсонларнинг қабрларини бориб кўрмакка вазият имкон бермас эди.

Шамасия маҳалласида Мусо Хоразмий ишлаган расадхонанинг изи ҳам қолмаган эди. Тахминан ўша ҳудудда бунёд этилган «Нидои ислом» масжидига кириб айландик: ниҳоятда катта, ҳашаматли эди.

Бағдод ҳам эски ва янги шаҳарларга бўлинган, эски шаҳар ўрамида кўҳна, оддий бинолар, янги қисмида эса, баланд қаватли иморатлар кўп, бироқ, бошқа жиҳатлардан деярли фарқ сезилмас – уруш уларнинг эскисию янгисини бир хил қилиб қўйган эди.

Кўчалар кенг, аммо транспорт қатнови издан чиққан: тигиз ва пала-партиш, назоратсиз, бунинг устига, одам ниҳоятда қалин эди. Бу табиий, албатта. Урушдан аввал Бағдодда етти миллион аҳоли бор экан. У пайтда Саддам Ҳусайн ва унинг ўғиллари ҳақида аниқ маълумот йўқ, миш-миш эса кўп эди. Саддам маза қилиб Америкада яшайпти, лекин камида бир миллион одамнинг умрига зомин бўлди, дегувчилар ҳам йўқ эмас экан. Суяксиз тил нималарни сўзламайди-я...

Бомба тушган аксарият жойларда том-деворлар ўша бўйича турибди, баъзи ерларда сал эпакига келтиришиб, кўпорилган, сочилиб ётган нарсалар – тош-ғишт, сувоқ, тупроқлар ва бошқа чиқиндиларни тўплашарди.

Шаҳарда яшиллик кам. Катта кўчаларнинг бўйларида дарахт деярли йўқ ё яккам-дуккам. Четроқ, алоҳида хиёбонлардаги дарахтларнинг ости ивирсиқ, баргларини қалин чанг коплаган эди. Эсиз, Бағдод, эсиз «Минг бир кеча» қаҳрамонлари яшаган қадимий, ғаройиб эртақлар диёри!..

Шунга қарамай, Бағдодда ҳаёт давом этмоқда: қаердадир бузилган иншоот тикланмоқда, қаердадир янги кошона қад кўтармоқда. Кўчанинг икки томонию ўртаси - ҳамма жой бозор... Бозорлар, магазинларда Европа маҳсулотлари, айниқса, майда қадокланган озиқ-овқат сероб. ©рликлар, бошқа ёзувларнинг аксарияти инглиз тили ва алифбосида. Ҳар қадамда, бинолар пештоқида «Нокиа», «Самсунг», «Сони», «Тойота», «Панасоник» дўконлари, устахоналари, мазкур фирмаларнинг рекламалари.

Гуллар билан безатилган енгил, чиройли машиналарда келин-куёв ва уларнинг дугоналарию жўраларини сайр қилдириб юришибди.

Савдо расталари, магазинлар сотармону олармонлар билан тўла. Аммо юриш-туришлар, хатти-ҳаракатлар қандайдир ғалати – саросималими-ей, биров билан бировнинг иши йўқдай...

Маккаи муқаррама, Мадинаи мунавварадаги ҳижобли ёймачиларни ҳисобга олмаганда, Араб дунёсида дўкон ё бошқа жойда ишлаётган аёлларни деярли кўрмайсиз. Бағдодда ҳам шундай, аммо кўчада хотин-қизлар кўп – қора ридода, юзи очиқ юришибди. Катта ёшдагилар рўмол ёпинишган, жувонлар, қизларнинг аксарияти ялангбош, тор, таранг кийинганлари ҳам бор, сочлари ёйиқ... Оқ-сарик қиз-аёллар кўп, либослари ҳам жигарранг, сочлари ҳам шу тусга бўялган. Умуман, қизғиш, каштан рангли сочлар сероб.

Айтишларича, Саддам Ҳусайндан аввалги даврларда Ироқ аёллари кийиниш, юриш-туришда анча эркин бўлишган. Аниқроғи, мамлакатда 1958 йили қабул қилинган конституцияга биноан аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлган эдилар. Саддам Ҳусайн калта, юпқа либослар кийишни таъқиқлаган экан. Энди бу борадаги талаб-қоидалар бирмунча бўшашган эмиш.

Дарҳақиқат, қабристонга зиёратга борганимизда қизалоқлару ўрта яшар хоним аёллар дарвозалари олдида чиқиб, бизни очикдан-очиқ томоша қилишиб, ўзлари ҳам томоша бўлиб

туришганди: тор, оқ футболка устидан жинси костюм илган қизлар, кишини ўзига бирдан жалб этадиган тиниқ рангли кўйлақдаги бош яланг жувонлар...

Лекин, каттаю кичикнинг «ҳадя қилинг» деб қўл чўзиши бизга маъқул бўлмади. Имоми Аъзам масжиди олдида бир нечаси ўраб, деярли ёпишиб олишувди. Қабристон олдида болалар, ўсмирлар бизнинг Саудиядан келаётганимизни билибми-билмайми, (шундай деб тахмин қилишди чоғи), замзам, тасбеҳ сўрашиб холи-жонимизга қўйишмади. Кечқурун меҳмонхона хизматчилари ҳам бир нима беринглар, деб умидвор бўлишяпти...

Ҳа, айтгандай, Аммор ва Нурий ёрдамида узоқ меҳмонхона изладик, ажабки, бетинч ва безовта, вайрона шаҳар кўноқхоналарида бўш ўрин йўқ ва нарх жуда баланд эди. «Ал-сидра» меҳмонхонасида юз долларга кўнишди (5 киши учун) – 1 доллар – 1238 динор эди.

Оқшом чироқ ўчиб қолди. Тез-тез шундай бўлиб тураркан, шунинг учун катта ташкилотлар, меҳмонхоналар движок ўрнатиб олишибди. Демак, электр станциялари ҳам мажақланган. Телефонлар ҳам яхши ишламас, умуман Бағдоддан файзу барака кетган эди.

Шаҳарда комендантлик вақти жорий қилинган, соат 22 дан кейин кўчада юриш мумкин эмас эди. Биз қайга ҳам борардик, йўтал авжида, томоқлар аввалги кунлардагидан ҳам баттар қирилмоқда...

Кечаси белим ҳам оғриди.

Негадир отам тушимга кирибди: оппоқ кийиниб олибди, соқол-мўйлови ихчам қилиб кузалган эди...

## БАҒДОД

*Ҳозирда Ироқ мамлакатининг пойтахти бўлган Бағдод фақат Шарқ оламидагина эмас, курраи заминдаги энг машҳур шаҳарлардан биридир. Бунинг сабаблари бир неча, лекин муҳими иккита: 1. Марказий ва Жанубий Осиё ҳамда Ўрта денгиз давлатларини бирлаштириб турувчи йўллар чорраҳасида жойлашганлиги, иккинчиси – илму фан ўчоғи бўлганлигидир.*

*Бағдод - «Боғи Дод» - «Доднинг боғи» (бошқача фаразлар ҳам бор)га 762 йили халифа Абу Жаъфар Мансур томонидан «Мадинат ус-Салом» («Тинчлик шаҳри») номи билан асос солиниб, араб халифалигининг пойтахти шу ерга кўчирилади. Унгача пойтахт Куфа шаҳрида бўлиб, сулоланинг биринчи халифаси Мансурнинг акаси, Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиси Аббос авлодидан бўлмиш Абу Аббос Абдуллоҳ эди. Шундай қилиб, Бағдодда аббосийлар ҳукмронлиги ўрнатилади, шаҳар Шарқнинг йирик савдо марказига айланади. Ҳунармандчилик, илм-фан, хусусан фалсафа, фалакиёт, математика, табиёт ва бошқа соҳалар равнақ топади. Айниқса, Хорун ар-Рашид ва унинг ўғли Ал-Маъмун даврларида Бағдод ҳар жиҳатдан доврўқ-эътибор қозонади. Ана шу доврўқ, ана шу шон-шухратнинг акс-садолари асрлардан асрларга ўтиб келмоқда эди...*

Америка ҳам, бошқаси ҳам Ироқ мамлакатада, Бағдодда маълум муддатларда ўз ҳукмронликларини ўтказар, қирғинлар уюштиришар, биноларни портлатишар, ҳар хил қоида ва русумларни жорий қилишар, аммо «Байт-ул ҳикма» тантана қилиб, замонлардан замонларга ўтаверади, толиби илмларни тарбиялаб етиштираверади, зиё нурларини оламга таратаверади.

## ХОРАЗМИЙЛАР

*10 февраль, сешанба*

«Байт-ул ҳикма» томонга, автоуловлар тиқинида қадам-бақадам жиялпмиз.

Ислом тарихи бўлими бошлиғи доктор Абдужаббор Нажий ўрта бўйли, тўладан келган эллик беш ёшлар чамасидаги, кўзойнак таққан киши эди. Бахтимизга у анча чуқур

мулоҳазали, гапдон, киришимли чиқиб қолди. Бизни илиқ қарши олди, «Байт-ул ҳикма» тарихи, Хоразмий ва бошқа мавзуларда бажонидил сўзлаб берди.

У гапни бу тарихий илму фан масканининг пойдеворини, асосини яратишда бизнинг юртдошларимиз хизмати катта эканлигидан бошлаб, Самарқандни, Бухорони бисотидаги энг яхши иборалар билан таърифлади.

- Сизларга ҳавасим келади – ота-боболарингиз ичидан шундай улуғ инсонлар етишиб чиққанки, уларнинг айримлари Бағдодга келиб, мадрасаю илмгоҳларда толиби илмларга дарс беришган, шогирдлар етиштиришган, илму фан тараққиётига ўзларининг бебаҳо асарлари билан катта ҳисса қўшганлар, - деди доктор Нажий ҳаяжон билан. – Ал-Хоразмий ана шундай мўътабар зотлардан биридир. Халифа Маъмун уни ўзи билан бирга Хоразмдан олиб келган. Бағдоднинг Шамасия мавзеида расадхона қурдириб, Ал-Хоразмийни унга раҳбар этиб тайинлаган. Афсуски, у расадхона бузилиб кетган.

Абдужаббор Нажий шарқий ислом мамлакатлари тарихи ҳақида китоб ёзгани, унда Хоразм тўғрисида ҳам алоҳида тўхталгани, бундан ташқари, «Хоразм олимлари» деган асар битганини баён этди. Унинг айтишича, Бағдодда Хоразмий тахаллуси билан олдинма-кейин учта буюк ижодкор-олим яшаган. Қўплар уларни чалкаштириб юборади.

- Абубакр Муҳаммад ибн Хоразмий 998 йили вафот этган. Мусо ал-Хоразмийни кўпроқ ана шу шоир билан адаштирадилар, - дейди доктор бу ажримга алоҳида урғу бериб. – Бунга сабаб – Мусо ал-Хоразмийнинг туғилган, вафот этган саналари тўғрисида тадқиқотчилар ўртасида ҳар хил тахминлар бор. Лекин унинг Бағдодга уюшган олимларнинг энг истеъдодлиси эканлиги борасидаги фикрлар бир хил...

«Байт-ул ҳикма» олими назарда тутган Абу Бакр ал-Хоразмий кейинги вақтларда нашр қилинган китоблардаги далилларга қараганда 935 йили Хоразмда туғилган, тақрибан 20-25 ёшларида юртдан чиқиб кетиб, Ироқ ва Шомга, Ҳалабга борган. Кейин Нишопурда яшаб, 993 йили шу шаҳарда бандаликни бажо келтирган шоирдир. Унинг араб тилидаги катта бир девони ва «Рисолалар» асари маълум.

Умуман олганда, ҳақиқатан Хоразмий тахаллусли шоирлар, олимлар кўп ўтган ва уларнинг аксарияти Аллоҳнинг карами билан бир-бирларига яқин даврларда яшаган. Айримлари бир-бирлари изидан Шарқнинг маданий-маърифий марказларидан бўлган Ироқ, Шом, Миср мамлакатларига бориб, ўз илм ва тажрибаларини орттирганлар. Манбаларда илмлар таснифи муфассал шарҳланган «Мафотух ал-улум» - «Илмлар калити» асари билан машҳур, X асрда яшаган Абу Абдуллоҳ Хоразмий билан замондош Ҳасан Харис ал-Хубубий ал Хоразмий, «Айн ас-санъа» - «Ал-кимё санъатининг моҳияти ва кимёгарлар учун ёрдам» (унда ўша даврдаги амалий кимёнинг асосий масалалари баён қилинган) асарининг муаллифи Абул Ҳаким Муҳаммад ибн Абдул Малик Солиҳий ал-Хоразмий ал-Косийлар ҳам аниқ фанлар билан шуғулланган олимлар сифатида зикр этилади. Шунингдек, академик Азиз Қаюмов «Маъмун жадвали» мақола-бадиасида ота-оналари асли Хоразмдан бўлган, ўзлари Бағдодда туғилган ва Аҳмад Фарғоний кўли остида илмий кузатувлар олиб борган уч оға-ини – Муҳаммад, Аҳмад ва Ҳасан Мусо ибн Шокир Хоразмийларни таърифлаб ўтади. Лекин «Ўзбек совет энциклопедияси» (1971-80 йилларда босилиб чиққан)да олим Хоразмийлардан фақат биттаси: «Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо» ҳақида ахборот берилган. Лекин бу мухтасар хабарда ҳам қандайдир чалкашликка йўл қўйилгандай, Мусо Хоразмий билан ундан қарийб бир ярим аср кейин яшаган Абу Абдуллоҳ Хоразмий бир шахс қилиб юборилгандай туюлади. Хайриятки, 2001 йили чоп этилган «Маънавият юлдузлари» (тўпловчи ва масъул муҳаррир академик М.М.Хайруллаев) китобидан Мусо Хоразмий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва Абу Бакр Хоразмийлар тўғрисида бир қадар аниқ ва батафсил маълумот олиш мумкин.

- Мусо Хоразмий дастлаб «Байт-ул ҳикма»дан ажратиб берилган алоҳида хужрада фалакиёт, илми нужум билан, ал-жабр билан шуғулланган, - давом этди Абдужаббор Нажий. – Ҳозир ҳам бизда математика фани «илми Хоразмий» атамаси билан юритилади. Ал-Маъмун Шамасияда расадхона қурдириб, Ал-Хоразмийни унга мудир этиб тайинлаган. Шамасия баландлик жой бўлгани боис расадхона учун қулай эди. Орада, маълум сабабларга



кўра, бузилиб, аббосийлар даврида қайта тикланган. Ироқни эгаллаган дайлабийлар<sup>1</sup> илм уйини бузиб, ўрнига қаср барпо қилишган. Хуллас, «Байт-ул ҳикма» бошидан бундай савдолар кўп ўтган, лекин ҳамиша тантана қилган... Аммо, мана яна Бағдодга бало ёдирилди, илму урфонга қирон келди – кутубхоналар ғорат қилинди, китоблар талон-тарож бўлди, қўлёзмалар ёқилди. Музейлар, кутубхоналарга америкаликлар эмас, ўзимизникилар ўт қўйишди, китобларни, қадимий осори-атиқаларни Ироқнинг ўз ўғрилари ташиб, ўмариб кетишди. Бағдодда ҳеч нарса қолмади!.. – дея куйиб-пишарди доктор Нажий. – Асли уламолар, олимларнинг маоши жуда оз эди, илму урфонга тазйиқ бор эди. Матбуотда эркинлик йўқ эди, ҳозир ҳам... Нима дейишнинг, нима қилишнинг билмаймиз. Бизларга чекка жойларда юрмаслик, одамлар ичига аралашиб кетмаслик тўғрисида амр бор. Эрталаб тўғри маҳкамага келамиз, ишдан кейин уйдан чиқмаймиз... Америкаликларда меҳр-шафқат йўқ, улар қаҳри қаттиқ мардумлар экан...

Нажий домла тез ва тўхтамай сўзлар, бирон савол бериб, бўлмоқчи бўлсангиз «гапириб келяпман, кейинроқ шу масалага тўхталаман», деб давом этаверарди. Бизни эса Мусо Хоразмийнинг қабри қаердалиги муаммоси қизиқтирарди. Бағдодга, уруш ўчоғига ўтишдан асосий ниятларимиздан бири шу эди-да.

## МУСО ХОРАЗМИЙ

*Муҳаммад Мусо Хоразмий 780 йили Хива шаҳрида таваллуд топган. Ўша даврдаги энг машхур илмий ва маданий марказ ҳисобланган Бағдодда кўп йиллар фаолият кўрсатган. Халифа Ал-Маъмун (813-833 йиллар), Ал-Мутасим (833-842) ва Ал-Восиқ (842-847) даврларида Шарқнинг дастлабки академияси - «Байт-ул ҳикма»да Хоразмий раҳбарлигида араблар ва бошқа халқлар вакиллари билан бир қаторда Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий каби Ўрта осийлик олимлар тадқиқотлар олиб борганлар.*

*Хоразмий ўзининг табиий фанлар соҳаларидаги илмий фаолияти билан илгор илтимойи-фалсафий тафаккурга йўл очди. У «алгебра» ва «арифметика»ларнинг муаллифидир. Математикада абстракция тушунчасини кенгайтди, индукция йўли билан умумий ечиш усуллари ҳал қилди. «Алгоритм» ибораси ҳам унинг тахаллуси билан боғлиқ.*

*Хоразмий номини тарихда қолдирган асарларидан бири - «Алжабр вал-муқобала» рисолаидир.*

*«Китоб сурат ал-арз» («Ернинг сурати») номли географияга оид ноёб асарида юзлаб муҳим жойлар ва тоғларнинг географик тафсилоти берилган, дарёлар, денгизлар ва уммонлар ҳавзасининг шакли, уларда жойлашган оролларнинг муҳим белги-жиҳатлари баён қилинган.*

*Хоразмий Бағдод расадхонасида ўтказган кузатишлари асосида янги «Астрономик жадваллар» тuzган, бу асар XII асрда лотин тилига таржима қилиниб, бир неча аср давомида ундан фойдаланилган.*

*827 йили Хоразмий раҳбарлигида Ер қуррасининг ҳажмини аниқлаш мақсадида Ер меридианининг бир градуси ўлчаб чиқилган.*

*Хоразмийнинг «Устурлоб ҳақида рисола», «Қуёш соатлари тўғрисида рисола», «Тарих рисоласи», «Мушиқа рисоласи» каби асарлар ёзгани ҳам маълум.*

*19-асрнинг машхур математики ва тарихшиноси, француз олими П.Таннери шундай деб ёзган: «Хоразмий асарлари... ғарбда математика соҳасидаги кўпгина кашфиётларнинг манбаи бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун ҳам Хоразмий номи Оврўпода абадийлашиб қолди».*

<sup>1</sup> Дайлабийлар – Дайламдаги урушўй тоёликлар, Бувайх раёнамолигидаги бувайхийлар Ироқда шу ном билан юритилган. Баёдодни Бувайхнинг катта ёғли Амад 945 йили эгаллаган.

Бир эмас, бир неча фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган олим –алжабршунос, фалакиётчи, жуғруфиюн Муҳаммад Мусо Хоразмий туғилган даврларда Марказий Осиё араб халифалиги таркибида эди.

Китобларда Хоразмийнинг яна бир тахаллуси Қутрубулий эканлиги ёзилади. Демак, олим умрининг кейинги ва асосий қисмини кечирган жой Қутрубул маҳалласи. Афсуски, бу борада «Байт-ул ҳикма» олимлари, жумладан, Абдужаббор Нажий ҳам аниқ маълумотга эга эмас экан. Жаноб доктор фаразларни қалаштириб ташлади:

- Қутрубул – Бағдоднинг шимолий қисмидаги Ал-Ҳарбия мавзеида. Илгари у ерлар катта боғ бўлган, ҳозир у боғлардан ном-нишон қолмаган, жойлар бутунлай ўзгариб кетган. Бағдодда қабристон кўп, аммо машҳури иккита. Бобу хариб мазори ҳам бор. Муҳаммад Хоразмий чиндан ҳам Қутрубулда яшаган, умри охирларида уйдан чиқмай ижод қилган. Ўша атрофга дафн этилган бўлиши керак, албатта. У ҳанафий мазҳабида бўлган. Имоми Козимайн қабристонидан курайтликларнинг гўрларидан қолган қисми бор, эҳтимол ўша жойга қўйилган чиқар. Балки, Имоми Аъзам қабри ёнига қўйилгандир. Бу қабристонларнинг ҳаммаси бир-бирига яқин жойлашган. Дажла дарёси тошган пайтларда баъзи қабрларни тошқин ювиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Орадан ҳазилакам вақт ўтдими - ўн бир ярим аср, минг йилдан зиёд-а!..

Дарвоқе, кеча биз борган мазор «Халифалар қабристонидан» дейиларкан.

- Маъмун Тарсу (Шом)да вафот этган, Робиъа она эса Мисрда яшаган, улар Бағдодда дафн этилмаган, - дейди доктор Нажий.

Мезбон илтимосимизга биноан бизни ўз машинасида Бағдоднинг шарқий қисми билан ғарбий қисмини боғловчи Карх кўпригидан ўтиб, Хисравий мавзеи орқали айлантириб келди. Дажланинг чап соҳилидаги Қутрубул маҳалласи яқинидан қайтдик, қабристон тарафга боролмадик.

- Бизнинг у ёққа ўтишимиз мумкин эмас, сизларга ҳам маслаҳат бермайман, - деди доктор Нажий. – Ҳар қадамда хавф туғилиши, бирон кор-хол юз бериши мумкин. Замонлар сал тинчигач, биз ўрганиб, сизларга маълум қиламиз, иншоолло...

Бу гапга ишонмасликнинг иложи йўқ эди, бизга, хусусан раҳбарга қолса яна бир таваккал қилардиг-у, лекин мезбонимиз оёқ тираб туриб олгандан кейин на чора?

Дарҳақиқат, чорраҳалар ёнида, хиёбонларнинг катта йўлга яқинроқ жойларида тепсида аскарлар пулемётларини отишга шай қилиб ўтирган танклар, бошқа ҳарбий машиналар ҳам халққа таҳдид солиб, ҳам халқдан ўз одамларини мудофаа қилиб турарди.

Доктор Нажий билан келгусидаги илмий алоқалар хусусида фикр алмашилди. Ўша пайтларда Хоразмда Маъмун академияси қайта фаолият кўрсата бошлаган ва унинг 1000 йиллигини (аслида 1200 йиллиги бўлиши керак) нишонлаш масаласи кўтарилаётган эди. Бобур фонди воситачилигида икки тарихий илмий маскан ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида шартнома тузилди. Унда қўлга киритилган ютуқларни ўртоқлашиб туриш, туронлик олим-ижодкорлар, жумладан, Мусо Хоразмий фаолиятини янада кенгрок ўрганиш, унинг дафн этилган жойини аниқлаш ва муносиб ёдгорлик ўрнатиш мақсадга мувофиқлиги қайд қилинди.

Дарвоқе, биз яна бир буюк ватандошимиз, 819 йили Мусо Хоразмий ва бошқа фозилу уламолар қаторида Бағдодга келган астроном, математик, географ, ажойиб ихтиро – Нил дарёсининг сатҳини ўлчайдиган асбоб - нилометр, фаннинг муҳим соҳаларига бағишланган ўнлаб машҳур асарлар муаллифи Аҳмад Фарғоний ва Бағдодда илмий-ижодий ишлар билан машғул бўлган бошқа Ўрта осийлик ижодкор-олимлар фаолияти, уларнинг сўнгги тақдирлари юзасидан ҳам суриштирув-қидирувлар олиб бориш ниятида эдик. Афсуски, Бағдоддаги ҳозирги қалтис ва пароканда вазиятда бу борада ҳам бирон иш чиқишига кўзимиз етмади.

Алқисса, «Байт-ул ҳикма» билан, Бағдод билан хайрлашиб, соат ўн тўртда жўнадик. Кун чиқишга қараб борарканмиз, кўчанинг икки бетидаги хурмозорлар ва улар оралиғидаги қаровсиз ётган беҳад кўп гул кўчатзорларини кўриб таажжубга тушдик. Демак,

бағдодликлар гулни жуда яхши кўришаркану уруш туфайли шунча гул боғлар, хиёбонлар ва кўча бўйларига экилмай қолиб кетибди чамаси...

Аммо, барибир менинг кўнглим тўлмаган эди. Мен Дамашқ, Бағдод каби қадимий ва ўта машҳур шаҳарларда нимадир ғайритабiiй нарсалар кўраман, деб ўйлагандим. Илму урфон салобати ва шарофатини кутгандим чоғи... Лекин, бугина эмас...

Шаҳардан ташқарида, даштлик бошланган жойда шаклан бир-бирига ўхшаш, икки қаватли пастак, балконли, ранг-туслари ҳар хил шинам коттедж уйлар қурилаётган экан, улар ҳам тўхтаб қолибди. Битганларига одамлар кўчиб киришган, ён-атрофига анвойи гуллар экилган эди.

Умуман биз шу сафар кўрган мамлакатларимиз (Туркия, Сурия, Саудия, Ироқ)да биниморатларга ғёоч деярли ишлатилмас, асосан ғишт, тош, мрамар ва албатта бетондан фойдаланишар экан.

Ўнг томонда оппоқ тузли ер ва кўл-ҳовузлар, иккинчи тарафда яшил далалар, дарахтлар чексиз.

Маълум бир масофада йўлга қўйилган «баррикада» - бетон ғовлар ва кўча четларида жанговар вазиятдаги танклар учрайди.

Бу ёқларда ҳам оқар сувлар кам, бори ҳам ичадиган аҳволда эмас.

Поёнсиз-поёнсиз хурмозорлар... Беҳад дароз, яланғоч танаси жирафанинг бўйини эслатадиган пальманинг учида бир кучоқ узун-узун барглари тарвайиб, яшнаб турибди – мевасиз.

Табiiй ҳолат тез-тез ўзгаради: зах, шўр қоплаган ерлар бот-бот яшил далалар билан алмашади. Аммо бари қаровсиз.

Ироқ ҳудудидан илк бор чорва ҳайвонлари кўринди: болалар, ўсмирлар қизғиш, ола, қора, ориқ сигир-бузоқларини ўтлатиб юришарди.

Бир жойда тўхтаб, икки назоратчидан йўл сўраган эдик, улар биздан ҳадя умид қилдилар. Дунё беҳабарлар – Тошкентни, Самарқандни, Бухорони ҳам, ал-Бухорийни ҳам билишмайди!..

Инъом тиланувчиларга яна бир неча бор йўлиқдик. Кейин англасак, улар бизни Карбалодан қайтишяпти, деб ўйлашган экан. (Имом Ҳусайн ибн Али шаҳид бўлган бу шаҳар шиа мазҳабидаги мусулмонларининг асосий зиёратгоҳларидан биридир).

Намози асрда сарҳадга етиб келдик. Бағдоддан бу ергача 200 километр эди. Ироқ чегара-назорат масканию божхонаси бинолари, майдонлари кўрксиз, ёқимсиз эди. Ярим соатга қолмай, Ироқ ҳудудидан чиқиб кетдик. Ва лекин, Эроннинг чегара-божхонасида одатдагидай хуноб бўлиб уч соатдан зиёд ўтирдик.

Бу ерда иккита катта автобусда Ўшдан ҳажга борганлар икки кундан бери туришган экан. Улар асосан ўзбеклар эди.

Сарахсдагидай, шу ерда ҳам фирмачилар у ёққа-бу ёққа чопишган бўлиб, анча ақчани шилишди.

Ниҳоят, Эрон ҳудудига қараб юрдик.

## ЭРОН

18-чи километрда, Қасри Ширин шаҳарчасида, «Кисро» меҳмонхонасида тўхтадик. Яхши кўноқхона экан. Фақат, ўзимиз унча яхши эмас эдик – аксариятимиз ҳамон йўталардик.

*11 февраль, чоршанба*

Эрталаб меҳмонхона ресторанининг катта кухнясида Иорданиядан олган масалликлар ва ўзимизда қолган икки банка қовурдоқдан раҳбар шўрва пиширди, бир ажойиб, мазали таом бўлдики, яқин ўртада бунақасини ичмаганини ҳамма тан олди ва ошпазларга тан берди. 1993 йили Ҳиндистон сафаридан қайтишда Ҳайбар довомида оғзимизда қолган тарихий шўрвамизни эсладик. Овқатдан меҳмонхона хизматчиларига ҳам улашдик.

Хуллас, кўп кунлардан бери гапирилиб, орзу қилинаётган муҳим бир маиший режа амалга оширилди.

Меҳмонхона ҳашаматли эди. Тоғлар бағридаги шаҳарча ҳам анча қадимийга ўхшайди. Улкан, кекса дарахтлар кўринарди.

Бир пайт одамлар намойиш қилаётгандай саф-саф, тўп-тўп бўлиб, «Аллоху акбар, Ҳумайний раҳбар!» деб у ёқдан-бу ёққа ўтиб қолишди. Суриштирсак, бугун Оятилло Ҳумайний раҳнамолигидаги инқилоб куни экан.

Ҳаво тунд, ғамгин эди. Гўё инқилобда шаҳид бўлганлар хотирасига мотам тутаётгандай...

Иорданиядан Ироқ чегарасига етай деганимизда тоғлар яқинлашган эди, энди росмана тоғлар бағрига кирдик. Тоғларнинг ёнларида дарахтлар кўп ва ўскин.

Ерлар – адир ёнбошлари яшилланиб, баҳор нафаси келиб қолган эди.

Сафар давомида мендан бир қўл фонар ва пичоқ йўқолган, Илҳомжон қай бир шаҳар меҳмонхонасида Маккаи муқаррамада ўғлимга деб олган соатини унутиб қолдирган эди, бугун Муҳаммад Содикнинг тасбеҳи ва яна бир нимаси «Кисро»да қолиб кетибди. Буларни садақага йўйдик.

Орасталик, саришталик сезила бошланган яшил экинзорлар ҳам режали, тартибли эди.

Ҳаво салқинроқ эди. Биз кетаётган томонда тоғларнинг иккинчи қати тепаларида қор кўринарди.

Йўл – эронликларнинг Имоми Ҳусайн қабрини зиёрат қилгани борадиган асосий қатнов йўли экан. Шиалар ҳар йили муҳаррам ойининг 1-10-чи кунлари Карбалога мотам юришлари қилишаркан.

Олачалпоқ қорли тоғлар орасидан ўтган довон йўлидан кетяпмиз. Тоғлар ранг-баранг, қизиқарли.

Пистага ўхшаган дарахт кўп, лекин писта эмас.

Кейинги йирикроқ шаҳар Исломобод тоғлар пойида жойлашуви, бинолари, кесишма кўчалари жиҳатидан Зоҳидонга ўхшаб кетарди.

©мғир саваламоқда. Шамол.

Эрон тинч мамлакат бўлгани учун кўнгилар осойишта, хотиржам эдик.

Кирмоншоҳ (чегарадан 150 километр) катта шаҳар бўлиб, шу номдаги вилоятнинг маркази.

Шаҳар чиндан-да улкан, аммо хотира куни муносабати билан дўконлару устахоналар, идораларнинг аксарияти берк экан.

Телефонхонадан Зокиржон ака элчихонамизга кўнғироқ қилди. Янгилик бўлмаса Шероздан Машҳадга қараб кетавермоқчи эдик. Элчимиз «сюрприз бор», дебди. Демак, Техронга яна борамиз.

Шерозга Аҳбоз ё Ҳамадон орқали юриш мумкин эди, албатта Ҳамадон йўлини танладик. Нечукким, у ерда улуғ юртдошимиз, табобат аҳлининг бобокалони, ҳаками донишманд Ибн Сино қабри, мақбараси бор. Соат кеч ўн яримларда етиб келдик. Ҳамадон ҳам йирик ва олифтанамо шаҳар экан. Марказида нурафшон, ёркин, пурвиқор, гўзал иморатлар – кўп қаватли меҳмонхона, музейсимон дўконлар сероб эди. Бизга сал четроқдаги «Ариан» («Опин») меҳмонхонасидан жой тегди.

## ҲАМАДОН

*Эроннинг ғарбий қисмидаги асосий савдо маркази бўлган Ҳамадон жуда қадимий шаҳардир. Унинг номи дастлаб эрамиздан аввалги XI асрга оид Осурия миххатларида Аматана тарзида қўлланган. Қадимги форс тилида Хагматана, юнончада Агматана ёки Экбатана шаклларида қайд қилинган. Милоддан илгари VII-VI асрларда Мидиянинг пойтахти бўлган. Эрамизнинг VII асрида араблар босиб, ўз давлатига қўшиб олади. XI асрда уни ўгузлар забт этишади, XII асрда Ироқ султонлиги пойтахтига айлантирилади. Мўғул деган ажсуз-мажсузлар босқинидан Ҳамадон ҳам омон қолмаган – улар 1220 йили шаҳарни бутунлай бузиб юборишган. Ҳа, тарихга «мўғуллар истилоси» деган атама билан михланган қиргин-баротлар Осиё ва Шарқий Оврўпа, шу жумладан, Турон ва Эронзамин халқлари бошига ҳам оғир кулфатлар солди, не-не шаҳарларни култепага айлантирди, беҳисоб одамларнинг ёстигини қуритди. Мўғул босқинчилари ўта шафқатсиз, ўта золим, талончи ва хунрез эдилар. Ҳамадонликларни ҳам тиздан ўтказадилар.*

*Ҳамадон XVI-XVIII асрларда сафавийлар давлати таркибига кирган, айнаи ўша даврларда Туркия ҳам Ҳамадонни бир неча бор эгаллаган, кейин эса эронликлар қўлига ўтган.*

### 12 февраль, пайшанба

Абу Али майдони. Олти томонга кўча кетган хиёбон, шимоли-шарқий бурчакда Ибн Синонинг баланд тагсупа устига оқ тошдан ўрнатилган ҳайкали салобат тўкиб турибди.

Хиёбонда ям-яшил арчалар ва барглари тўкилган яланғоч дарахтлар аралаш.

Алоҳида ёдгорлик-музей хиёбон билан деярли туташ. Патта олиб кириларкан.

- Биз Ибн Сино юртидан келдик. Биздан ҳам пул оласизларми? - дея ҳазиллашди Зокиржон ака. Чиптапурушлар анграйиб қараб қўйишди.

Асосан иккита катта хонадан иборат бино. Бирида қабр тоши – ер билан тенг, ясси. Деворларда Ибн Сино таърифлаган, фойдаланган шифобахш ўсимликларнинг расмлари солинган. Иккинчи хонадан табиб-олимнинг йирик сурати ва китоблари, қўлёзмалари жой олган.

Музей мутасаддиларининг айтишича, бу жойда Ибн Синонинг дўсти Абу Саид Дахдухнинг уйи бўлган, қадрдонлар ана шу ғарибгина кулбада бирга истиқомат қилишган. Иккала биродар шу ерга дафн этилган.

Бино томи юзаси кенг майдон, ўртадаги тош супадан 12 та тош устун кўтарилиб, баланд гумбаз остида бирлашган. Ҳайкал, музей, ёдгорлик – бари ҳам содда, аммо жуда улуғвор, кўркем эди.

Зиёратдан кейин яна Шарққа – Малойир шаҳри сари йўлга тушдик. Масофа 70 километр экан.

Икки ёндаги баланд-паст адирларда қор қолдиқлари бор. Йўлларда мевали, мевасиз дарахт кўчатлари экишга ҳозирлик кўриляётган эди. Ҳаммамиз бир ғимирлаб олдик.

Лекин кўп ўтмай, яна чўлу биёбон бошланди ва Хумайн шаҳригача давом этди.

Шаҳарга кираверишда Қуръон дарвозаси бор экан. Албатта, Тоиф йўлида ўрнатилган ёдгорлик каби маҳобатли эмасу, барибир улуғ ва муқаддас, хотирда қоладиган ажойиб обида.

Кўчалар дуруст, бироқ йўл кўрсаткичлари Туркия, Арабистондаги каби кўп ва аниқ эмас, шу боис манзилларни тез-тез сўрашга тўғри келяпти.

Умуман, Эрон худуди бепоён – 28 вилоят, 280 дан зиёд шаҳардан иборат бўлиб, Техронда ўн миллиондан ортиқ, Машҳадда икки миллион, Исфажон, Ҳамадон, Шероз каби шаҳарларда бир ярим миллион атрофида аҳоли бор.

Хусон ҳам шундоқкина тоғ бағридаги, тоғлар билан туташ чиглинг шаҳар экан – кўчалари торроқ, икки бетидagi оқ бақатеракларнинг учлари бир-бирига киришиб, қапа бўлиб турарди.

Исфажонга 160 километр қолганида қорли тоғ йўлига – довонга чиқдик.

Сафарга жўнаганимизга 56 кун бўлган, ҳамма ватанга, уйга ошиқарди. Аммо олдинда ҳали анча йўл бор. Шерозга минг километр, ундан яна шунча юриб Техронга, Техрондан янада кўпроқ масофани босиб Машҳадга бориш кераклиги кўнгилларда ғулғула уйғотарди. Орамизда Шерозда бўлганлар, уни кўриш шарафи насиб этмаганлар бор эди. Лекин гап фақат тилларда дoston бўлган афсонавор шаҳарни кўрмоғу, Саъдий ва Ҳофиз Шерозийлар қабрини зиёрат қилмоқдагина эмас эди. Бу тарихий, мўътабар масканда юртдошимиз, атоқли шоир Ҳофиз Хоразмий умрининг охирларида яшаган, аммо қаерга дафн этилгани тўғрисида манбаларда ишончли маълумот айтилмаган. Шу муаммога аниқлик киритиш, умуман Ҳофиз Хоразмийнинг Эрон заминида кечган ҳаёти, ижодий фаолияти борасида янгиликлар излаш ҳам экспедициямиз дастуридаги асосий бандлардан бири эди. Бизнинг назаримизда бу қидирув ҳам Мавлоно Лутфий қабрини топишдек катта аҳамиятга молик воқеа бўлиши керак эди. Раҳбар шунинг назарда тутиб, қарорни қатъий қабул қилган эди: Шерозга бориш керак, вассалом, бошқа гапга ўрин йўқ!..

Йўналишдаги энг катта шаҳар Исфажон эди.

## ИСФАЖОН

*Исфажон – шу номдаги вилоятнинг пойтахти бўлиб, Эроннинг ўрта қисмида Зояндеруд дарёси бўйида, хушманзара ерда қад кўтарган машҳур шаҳар. Унинг қисмати ҳам ўша атрофдаги тарихий, йирик кентлар тақдирига ўхшаши: юксалган, таназзулга учраган даврлари бўлган. III-VII асрлар – сосонийлар замонида Эроннинг иқтисодий ва маданий маркази эди. 7-асрда араблар эгаллаган. VIII-XIII асрларда Яқин ва Ўрта Шарқдаги энг йирик хунармандчилик ва савдо масканларидан бирига айланган. 1237 йили мўғуллар Исфажонни ҳам яқсон қилишган. Кейинроқ шаҳар қайта тикланган. 1387 йили Исфажонни Соҳибқирон амир Темур ўз давлати таркибига қўшиб олган. XVI аср охири, XVII аср бошларида сафавийлар пойтахти бўлган. Шу даврда шаҳар ҳар жиҳатдан раванг топган. 1722 йили уни афғонлар босиб олиб, талон-тароғ эттишган. Шунга қарамай, кўплаб тарихий обидалар сақланиб қолган.*

*Ҳофиз Шерозийнинг ота шаҳри Исфажонда қадимдан миниатюра санъати, мусаввирлик ривожланган. Сафавийлар даврида аҳли ижод, олимларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилган ва уларга шарт-шароит яратиб берилган. Масалан, XVI асрнинг иккинчи ярми, XVII аср бошларида яшаб ижод қилган мўйқалам соҳиби Ризоий Аббосий бошчилигида шоҳ саройида мусаввирлар гуруҳи фаолият кўрсатган. Улар Эрон миниатюра санъатини юқори босқичга кўтаришиб, Исфажон миниатюра мактабига асос солишган ва бу соҳани китоб безагидан сурат, портрет ва деворий расмлардан иборат мустақил жанр даражасига олиб чиқишган, умуман олганда, Шарқ миниатюра санъати ривожига самарали таъсир кўрсатишган.*

Айни вақтда Исфажон Эрон давлатининг муҳим саноат-савдо нуқталаридан бири.

Афсуски, шаҳарга тунда кириб келдик ва унинг замонавий манзарасини ҳам, тарихий ёдгорликларини ҳам томоша қилишга мушарраф бўлмадик. Хиёбонлар кўплиги, кўчаларнинг кенглигиданми, гарчи чироқ мўл-кўл эса-да, шаҳар ичи нимқоронғига ўхшаб кўринарди. Шероз йўлига чиққунча хийла довдираддик.

Тун ярмида уйку – ором истаги ила катта трассадан анча ичкаридаги Шахри Ризога кирдик. Обод шаҳарга ўхшайди. Йўлнинг ҳар ер-хар ерида айлана («фалаки» дейишади), ундан тўрт томонга батартиб кўча кетган.

Бу марказий кўча бўлса керак, фалакилар, айрим чиройли иморатларнинг пештоқлари чироқлар шодаси билан безатилган, ҳарқалай, шинам кўғирчоқдай шаҳар экан, деган тасаввур уйғотарди.

Икки томондаги бинолардан кўз узмай, «Хотел» ёзувини кидириб кетяпмиз. Кеч бўлгани учун деярли ҳамма эшик-дарвозалар ёпиқ, одам йўқ ҳисоби эди. Хуллас, суриштирдик. Шаҳарда биз ўйлаган «Хотел» йўқ экан, чеккароқдан бир мусофирхона топдик. Хоналари тор, бурчак-бурчак, аммо, муҳими, иссиқ эди.

*13 февраль, жума*

Тонг саҳарлаб яна йўлга равона бўлдик. Халта кўча шу қадар тор эдики, Илҳомжон автобусни тисариб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан катта йўлга олиб чиқди.

Қақраган тоғли, гиёҳсиз (якин-атрофда сув йўқ эди) ерлар ўртасидан ўтган кенг, текис йўлдан боряпмиз. Кўча бўйидаги ёлғиз бир бино – ошхонага кирган эдик, столлардаги гулдонларга гул ўрнига куриб-қовжираган буғдой бошоқларини солиб қўйишибди. Бу донга меҳр аломати бўлса керак.

Шерозга 65 километр қолганда бирдан яшил экин майдонлари – буғдойзорлар пайдо бўлди.

Шукрки, қарийб йигирма кундан бери азоб бераётган, ичи-боримни қоқиб ташлаган йўтал кечадан сал пайсал топа бошлади. Хусусан, бугун анча камайган, аммо энди болдирдаги эски оғриқ хит қилиб келарди – бу камҳаракатлик оқибати, албатта.

Шаҳарга яқинлашяпмиз. Арчазорлар бошланди. Адирлик ён бағирларини игна баргли қарағайнинг яна бир тури эгаллаган.

Бу ҳудуд Эроннинг жануби бўлгани сабабли анча иссиқ эди. Шероз Саудияга, Қувайт ва Дубайга, Форс кўрфазига яқин экан.

Ҳозирда Форс остони – вилояти маркази бўлган Шероз тарихи у қадар узун эмас.

## ШЕРОЗ

*Сосонийлар даврида Шероз ўрнида бир қишлоқ бўлган, VII аср охирида араблар шу жойга шаҳар қуришган, деб ёзилади қомусий китобларда. X-XI асрларда Бувайхийлар<sup>1</sup> давлатининг марказларидан бири бўлиб, шу даврда шаҳарда жуда бой кутубхона барпо этилган. XIV асрда Амир Темури қаламравида эди. Кейинчалик Шероз Эрон пойтахти ҳам бўлган, ҳозир ҳам мамлакатнинг эътиборли, машҳур шаҳарларидан бири...*

Йўл баланддан келар эди, шаҳар анча пастда кўринди. Қуръон ёдгорлиги ўрнатилган дарвозадан ўтиш билан ўтлоқ майдон бошланар, унинг ўртасида гуллардан тикланган товус сиймоси мен дунёда яғонаман, дегандек, витор билан кўкрак кериб турарди. Фақат унинг гажак думи кўринмас – майса-ўтларга қўшилиб кетган эди.

Исфажондан шу ергача 458 километр эди.

Шероз! Шерозийлар ватани, шеърият гулшани, бадиият мулки! Узоқ-узоқ кишвару минтақалардаги казо-казо шоирлар қалбидан муқим жой олган шаҳар! «Шероз қанча

<sup>1</sup> Бувайхийлар – Салжуийлардан аввалроқ – 932-1055 йиллардан ўлкадорлар сулоласи. Асосчиси Бувайх ўадимий Эрон подшоҳлари наслидан бўлиб, Дайламдаги урушўоў тоёликларнинг йўлбошчиси эди. Унинг ёбиллари – Амад, Гасан, Алилар Арражон, Нубинжон, Исфажон, Хамадон, Рай, Кирмон, Ахвоз, Шероз, Баёдод шаҳарларини эгаллаганлар.

бўлмасин кўркам...» Демак, унинг кўрки, малоҳатини ўрис шоири ҳам тан олган, тан берган, гарчи унга «азиз ўлка Рязан» бўлса ҳам...

©зишларича, Шерозда гўзал боғлар, хиёбонлар азалдан кўп бўлган. Бинобарин, Ҳофизнинг Шероздан оқиб ўтадиган Рукнобод дарёси бўйларига жойлашган сўлим Мусалло боғлари жаннатда ҳам топилмайди, бу оламда Шерознинг ҳам ўхшаши йўқ, у бемисолдир, дея таърифлаши, ўз туғилган шаҳрини эҳтиром ва эҳтирос билан мадҳ этиши бежиз эмас, албатта. Балки Саъдию Ҳофизлар қалбига чўғ, завқу сурур солган, кейин уларнинг онги-идроки, зеҳн-заковатини маърифату зиёга тўйинтирган манбалар Шерознинг ана шу хусни латофати, оромбахш, илҳомбахш табиати, шаҳардаги бой кутубхона – илму урфон булоғидир? Шероз номининг мағрибу машриққа таралишида эса, шубҳасиз, ул икки қалам сеҳргарининг хиссалари бекиёсдир. Хуллас, қадимдан Шероз адабиёт, санъат ўчоқларидан бири бўлган, у ерда миниатюра мактаби ҳам ривожланган.

Ҳа, Шероз ўша даврларда бошқа шаҳарларга нисбатан тинч ва осойишта, фаровон эди, шунинг учун ҳам Шарқнинг кўп жойларидан аҳли илм, шоирлар келиб кўним топадилар, лекин кейинроқ, айна Ҳофиз Шерозий яшаган йилларда унинг суюкли, азиз ватани босқинчилар томонидан бир неча марта қамал қилинади ва минг-минг бегуноҳ кишилар қатл этилади. Бу мислсиз фожеалар муҳаббат, гўзаллик ва нафосат куйчиси Ҳофиз қалбини ларзага келтиради, у аламу изтиробларга тўла сатрлар («кўзадан май куйгандек қон тўқувчи замон») битади. Умуман ғусса ва бесаранжомликлар, адолатсизликлар, ҳукмдорлар орасидаги доимий низо ва тож-тахт талашишлардан зада бўлган, одамизотнинг ноаҳил, беоқибат, жоҳилу нодонлигидан куйган шоир юраги исён кўтаради:

***Топмадим бу олами хокида асло одами,  
Бошиқа одам, янги олам қайтадан тузмоқ керак...***

Ҳофиз орзу қилган замонлар келди, ҳарқалай, олам ўзгарди, Шерозга яна омонлик, маъмурлиғу фаровонлик ёр ўлди.

Тоғлар бағридаги Шероз кўчалари чорраҳаларда туташиб, яна ажралиб кетарди. Икки тарафда бир ёклама қатновга мўлжалланган йўл бўлиб, ўртада бульвар, унда ҳар хил, асосан хурмо дарахтининг қилич барглари залворли чайқалиб туради.

## **ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ**

*Ҳофизнинг тўла номи Шамсуддин Муҳаммад Хожя Ҳофиз бўлиб, ҳофизшунослар унинг туғилган йили номаълум, ҳар ҳолда 1300-йиллар бошида деб тахмин қилар эдилар. Кейинги тадқиқотларда бу сана 1325 йил деб қайд этилмоқда.*

*Оддий косиб оиласида дунёга келган Ҳофиз етимликда ўсиб, ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотган, асосан фақирона кун кечирган, аммо ниҳоятда гурурли бўлган, шоҳлар илтифотиغا учмаган, ҳамини қаламни дўст тутган, унга суянган, қалам эса уни жаҳон шоири мақомига, дунё лирикларининг пешвоси даражасига кўтарган. «...Ишқнинг фонийлик майхонасида ҳақиқат майидан маст бўлган риндлар сирдоши, миллат ва диннинг қуёши» (А.Навоий), қат-қат пардали газал устаси Хожя Ҳофиз Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийни, Гёте ва Гейнени, Пушкин ва Лермонтовни, Фет ва Есенинни, бошиқа кўплаб жаҳон миқёсидаги сўз заргарларини қойил қолдирган, ром этган ва ўз ортидан эргаштира олган фавқуллодда истеъдод ва ижодий омад эгасидир.*

*XX аср бошларида яшаган таниқли ўзбек адабиётишуносларидан бири Фарб адабиёти Шарқ адабиёти олдидан иляпасини олиб, таъзим қилиб ўтади, деганида, Ҳофиз Шерозийни ҳам назарда тутган, албатта. Зеро, атоқли немис шоири Гёте ўз эътирофини шундай ифодалаган: «Ҳофиз асарларини ўқиганинг сари қалбингда унга нисбатан ҳайратланиш, тан бериш ҳислари орта боради». Яна бир гарблик ҳофизшунос эса унга «ҳамма замонларнинг энг катта газалнавис шоири ва шундай бўлиб қолади», деб баҳо берган экан.*



*Ҳофизнинг энг катта ғазалнависи борасида ўйлаб кўриши керак, албатта, лекин унинг Оврўпо ва бутун дунёда энг машҳур Шарқ шоирларидан бири эканлиги ҳақиқат.*

*Ҳофиз асосан ўз туғилган масканида яшади, лекин гаразгўйларнинг тўхмат ва чақуви боис Шероз ҳокими Шох Шужонинг тазйиқига учраб, қочиб кетишига мажбур бўлади, анча муддат бошқа юртларда, жумладан Язд шаҳрида мусофирликда ватанни қўмсаб, гарибона, ҳокисор кун кечиради, умри охирида Шерозга қайтиб келади ва 1389 йили шу ерда вафот этади.*

Ҳофиз ижодидан бир ғазал:

***Қайси уйнинг шамъидир у, қайси жойда хонаси?  
Ўртади жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси?***

***Бу замон дину дилимни хонавайрон айлади;  
Билмадим кимнинг эрур у мунису ҳамхонаси?***

***Лабларининг бодаси ҳаргиз лабимдан кетмасун,  
Кимга сўз бермиш вафодан, май тўла паймонаси?***

***Ул саодат шамъининг базми эрур кимга насиб,  
Сиз, худо ҳаққи, сўранг, кимдир, унинг парвонаси?***

***Ҳар киши афсун билан тортмоқчи, аммо билмадик,  
Тортадур нозик дилин кимнинг қизиқ афсонаси?***

***©раб, ул ой юзли, юлдуз чехрали олий нишон,  
Қайси коннинг гавҳари, кимнинг эрур дурдонаси?***

***Қилди ичмасдан лабининг бодаси дилни хароб,  
Кимга улфат, ким эрур ҳамкоса, ҳампаймонаси?***

***«Оҳким, Ҳофиз дили девонадир сенсиз», - дедим,  
Шўх табассум бирла: «Бу кимнинг, - деди, - девонаси?»***

Нафис, қойилмақом таржима, шундоқ эмасми? Худди Ҳофиз Шерозий ўзбек лисонида ёзгандай (мутаржим Чустий) - оҳанг, жаранг, ўйноқилик, зариф қочиримлар аслиятдагидай сақланган. Умуман, биз олис булбуллар водийси Шероз ва кўҳна Эрон заминининг фарзанди Ҳофизни унинг юртдошларидан кам билмаймиз, кам севмаймиз, десам асло муболаға эмас. Ғазалнависларимиз Ҳофизга мухаммаслар, татаббулар боғлаган, назиралар қилган. Улуғ шоир даҳосига ўз таъзим ва эҳтиромини шеърда изҳор этган аҳли қаламимиз ҳам кўп. Жумладан, ўзбек адабиётининг йигирманчи аср адоғига мансуб авлоди вакилларида бири, ҳазрат Румий маснавийларининг нуктадон таржимони Асқар Маҳкам «Ҳожа Ҳофиз девон ҳошиясига» шундай сатрлар битади:

***Қирқ йил ўтиб кетди умримдан  
айтдим ҳаёт қир-қиясига  
ва зар билан эмас қон билан  
битдим девон ҳошиясига:***

***«Эй Жаҳонгир барини ташла  
Шерозга бор йиқил-да, юкин  
Тахтингни бус-бутун бахш айла***

*Хожа Ҳофиз девони учун!..»*

*«Эй Савдогар бўлма ҳеч малол  
тарк эт дунё шаҳарларини  
Бисотингни бериб сотиб ол  
Хожа Ҳофиз газалларини...»*

*«Эй Қароқчи жсон чекиб тунлар  
карвон келар Балху Табриздан  
Қиличингдан кеч мусофирлар  
бир байт айтса Хожа Ҳофиздан!..»*

*«Сен эй Жаллод оқизма хунлар  
чопма қози ҳукм гар қилса  
Кундага бош қўйган мақтуллар  
Ҳофиздан бир қатор шеър билса...»*

*«Эй Зиндонбанд бандларингни уз  
қўйгил кетсин тўсма роҳини  
чоҳ ичида урён бир маҳбус  
тилга олса Ҳофиз номини...»*

*«Эй Биродар чида барига  
чида дўсту ёрлар тарк этса  
Бошингни қўй оёқларига  
кимдир бир кун «Ҳофизман» деса...»*

Ҳофиз Шерозий хотира-ёдгорлиги деярли шаҳарга кираверишда бўлиб, у мажмуа хиёбон қиёфасида эди. Дарвоза рўпарасидан кетган йўлак хиёбонни иккига бўлиб турар, ҳар икки тарафда тартиб билан экилган, нисбатан ёш сарв арчалари, бўлак хил қарағай, оддий арча атрофга латофат ва шукуҳ бағишлаган. Қатор қўйилган ўриндиқларда зиёратчилар энгил тамаддиланиб, ўзаро суҳбатга машғул эдилар.

Эллик қадамчадан кейин баландликка – кўндалангига узун, икки ёни ҳар турли бинолардан иборат усти ёпиқ шийпон майдонига чиқилар, ундан яна зиналар орқали уч томони девор билан ўралган боғ-хиёбонга тушиларди. Хиёбон ўртасидаги маҳсус тепаликда Ҳофиз Шерозийнинг 8 та тош устундан тикланган, шифти – гумбаз ости нилий бўёқлар билан зийнатланган мақбараси алоҳида ажралиб турарди. Устунлар ўртасидаги қаймоқранг мармар сағана нақшланган, тепаси ва ён деворларига Ҳофиз байтлари битилган.

Устунлар ораси анча очиқ, бемалол айланиб юриш мумкин.

«Ҳофизнинг жасади ўзи севган Мусалло боғига дафн этилган, халқ бу жойни зиёратгоҳга айлантирди ва боғнинг Ҳофиз дафн қилинган қисмини Ҳофизия деб атади», дея хабар берилади ҳофизшуносликка бағишланган китобларда. Ушбу мазорни Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси, адабиёт, маънавият ва маърифат ҳомийси Абулқосим Бобур обод қилдирган. «Унинг (Абулқосим Бобурнинг – Қ.К.) топшириғи билан Мавлоно Муҳаммад Муаммои мақбара қурган, - деб ёзади шарқшунос Ш.Шомуҳамедов. – Кейин Эрон ҳукмдорларидан Каримхон Занд (1811) ҳозирги сағанани қурдирган»<sup>1</sup>. Бизнингча, у мақбарадан асар ҳам қолмаган ва замонавий кўринишдаги ҳозирги марқаднинг бунёд этилганига ҳали кўп вақт бўлмаганлигини тахмин қилиш мумкин.

Ёдгорликка бир неча қадам етмай, икки томондаги осмони рангда жилоланиб, майин живирлаб турган сафобахш ҳовузчалар ичида кумушранг тангачалар уюлиб кетган эди. Бир

<sup>1</sup> Ш.Шомуҳамедов. «Ҳофиз Шерозий». «Фан» нашриёти, 1965 йил, 36-бет.

ёши ўтган ва бир ёш жувон пичирлашиб, танга ирғитишарди. Мен ҳам ҳовузга танга ташлаб, ижодий ишларимга Ҳофиз руҳи мадад беришини тиладим.

Зиёрат қилувчилар бисёр, аксарияти ёш қиз-йигитлар эди.

Боғ-ҳиёбоннинг ҳар иккала, хусусан, иккинчи бўлагида апельсин дарахтлари кўп бўлиб, тўқ сариқ мевалари ям-яшил барглар орасида ғужум-ғужум кўринарди.

Худуд озода, шинам, у ер-бу ерга ўрнатилган радио карнайлардан паст овозда шикаста оҳанг-қўшиқ тараларди. Ҳофиз Шерозий ғазалларига басталанган ва шоирга бағишланган ашулалар бўлса керак, менга нотаниш каломлар орасида Ҳофиз исми бот-бот такрорланарди.

Ҳофиз Хоразмийни суриштирамиз. Боғ тўрисидаги Ҳофизшунослик маркази бугун жума бўлгани сабабли берк экан. Муҳаммад Содиқ билан китоб, газета дўконлари сотувчиларидан сўраймиз – елка қисишади.

Боғ-ҳиёбон маъмури ҳам йўқ экан, анча кутдик, келмади.

Меҳмонхона изладик. Кўчалар кенг, бир томонлама, нечукдир қатнов бошқа шаҳарлардаги каби тирбанд эмас, халқ ҳам камга ўхшарди – дам олиш кунлиги учун шундайдир. Эҳтимол, бу сокинликка улуғ шоирлар руҳи боисдир...

Шинамгина «Атлас» меҳмонхонасига жойлашгач, Шайх Саъдий мақбарасига кетдик.

Саъдий Шерозий ҳайкали ўрнатилган чорраҳадан кейин кун чиқишга қараб юрдик. (Ш.Шомухамедовнинг юқорида зикр этилган китобида гуллар ва булбуллар диёрининг икки буюк куйчиси мақбараси Мусалло боғининг икки чеккасида жойлашган, деган фикр айтилган. Ҳолбуки, Саъдий даҳмаси шаҳарнинг бир четида бўлиб, унга авто уловда бориларкан. Балки, у кейинги даврларда кўчирилгандир...). ©дгорлик мажмуи кўчанинг ниҳоясида, Гулистон майдонида эди

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

*Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муширфиддин - Саъдий Шерозий (уни қисқа қилиб Шайх (ҳурмат маъносида) Саъдий деб ҳам атайдилар) таваллуд топган санага кейинги йилларда аниқлик киритилиб (бу ҳам узил-кесил бўлмаслиги мумкин) 1184 йилга нисбат берилмоқда. Хуллас, манбалар хабарига кўра қарийб 102 (айрим китобларда 120) йил умр кўрган донишманд мутафаккир ҳаётининг учдан бир қисмидан кўпрогини дунё кезишга сарфлаган. Фикри-онги қаймоқ олган етук даврларида ижод билан астойдил, мунтазам шуғулланган. Унинг ўзи бу ҳақда «Гулистон»и дебочасида шундай фалсафий мисраларни битади:*

***Ҳар дамда умрдан нафас ўтади,  
Бир қиё боққунча йитиб кетади.  
Уйқуда ўтгандай ўтди эллик йил,  
Қолган беш кун умр қайгусин қилгин...***

*Шу тариқа Шайх Саъдий сафарлари мобайнида терган «бошоқ»лари – илму ижод дуру гавҳарларини «ип»га тизишга киришади ва улар жуда тез оммалашиб, тилга тушиб, Саъдий номи Маширку Мағрибга танилади. Шоирнинг девонлари, жаҳон адабиёти дурдоналаридан саналмиш «Бўстон», «Муфрадот» каби таълимий асарларига кирган нурмаъно ҳикматлари, «Гулистон»даги ёшу кексага бирдай ибратли, ўлмас мавзули ҳикоятлар уларни уқадиган, ҳис этадиганлар, кўнглида эзгуликдан, юксак ахлоқ-одобдан, маърифатдан нишона бўлганлар учун беқиёс маънавий мулк, бадиий хазина сифатида етти-етти ярим асрдан бери неча-неча наслларга завқу ҳузур бағишлаб келмоқда.*

*«Сўз пардозловчиси» (А.Навоий) Шайх Саъдийни эронликлар ҳам ўзларининг энг буюк шоирларидан бири деб эътироф этадилар ва бағоят эъзозлайдилар. Шоир сағанаси ва у қад кўтарган Саъдий хиёбони ана шу эъзозу ҳурматнинг амалий ифодаси сифатида Шероздан*

*қадами узилмайдиган зиёратчиларни мудом ўзига жалб этади ва «Саъдий» номи ҳар куни ўнлаб, юзлаб тилда зикр этилади.*

Хиёбонда бўйдор сарв, хурмо, қарағайлар ғоз турар, апельсин ниҳоллари ўтқазилган ажриқзор майдонларнинг четлари гулзор эди.

Ёдгорлик биносининг ичига тўғридан кириб бориларди, у ердан чапга – шийпон-айвонга ва ундан орқадаги хиёбонга чиқиладиган томон очиқ, деворсиз эди. Асосий хонанинг бошқа тарафлари доира шаклида бўлиб, баланд шифт, деворларда, ўртадаги сарғимтир мраммар сағана тошининг усти, ёнларида Қуръон оятлари, Саъдий байтлари, ҳикматлари сийрак, бироқ кўркем ҳарфларда битилган.

Айтишларича, ушбу ёдгорлик мажмуи бундан эллик йиллар муқаддам барпо қилинган (аввал бошқа кўринишда, соддароқ бўлган) экан.

Муҳаммад Содик Каромат Шохбоз унвонли кимса билан сўзлашди. Ўттиз йилдан бери Саъдий зиёратгоҳида хизматда экан. У Ҳофиз Хоразмий ҳақида эшитгани, аммо унинг қачон вафот этгани, қаерга дафн қилинганини билмаслигини айтиб, Ҳофизшунослик марказидан сўраб кўришни маслаҳат берди.

Бу жойда ҳам маҳзун куй ва кўшиқ оҳиста таралар, улар ҳам Ҳофиз Шерозий боғида янграган савти-навонинг айнан ўзи, яъни ижрочиси бир ҳофиз эди.

Мажмуа биносининг ғарб томонидаги – очиқ майдондаги зиналардан ер остига тушиларди. Тепада, сарвларнинг игна барглари шивири ила уйғун янграётган хонишлар манбаи шу жойда экан. Махсус дўкончада икки йигит магнитофон кўйиб ўтиришарди. Мен ўша ҳофиз ашулалари ёзилган бир жуфт кассета сотиб олдим. Бу торгина гўшада балиқли ҳовуз-ариқ ҳам бўлиб, унинг атрофи қиз-аёллар, болалар билан гавжум эди. Тиниқ сув остида катта-кичик балиқлар аниқ кўриниб, тангалари чироқлар шуъласида аксланиб ўйнардди.

## **ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙНИ ЙЎҚЛАБ...**

*14 февраль, шанба*

Яна кечаги гўзал хиёбонга йўл олдик. Ҳофизшунослик маркази деганлари аслида кутубхона экан. Муассаса масъули, эллик беш ёшлар чамасидаги Кошқада исмли аёл, умумий ишлар бўйича масъул Мустафо Сиддикийлар билан суҳбатлашдик, уларга ташрифимиз боисини, истагимизни баён қилдик. Мезбонлар бизга ҳайрихоҳлик билдиришди. Аммо, надоматлар бўлсинким, китобдорлар Шерозда Ҳофиз Хоразмий деган мавороуннаҳрлик туркигўй шоир яшаганидан мутлақо беҳабар эдилар. Улар, албатта хижолат чекишганини яширмадилар.

Катта-катта, эски, янги жилдли ҳар турли қомусий китоблар, баёзлар, тазкираларни олдимизга ёйиб, варақлашга тушдилар. Мажмуаларда бир неча юзлаб шоирларнинг таржимаи ҳоли, ижодларидан намуналар бору бизнинг Ҳофиз Хоразмий тўғрисида бирон калима ҳам йўқ эди. Сиддикий кекса назмгўй, оғойи Парвиз Ҳоифийнинг уйига кўнғирок қилди. Ҳоифий домла ҳозир Ҳофиз боғи бўлиб турган ҳудуд илгари Шероздаги энг катта қабристон эканлиги, Хоразмий шу мазорга дафн этилган бўлиши мумкинлигини айтди. Шундан сўнг кутубхона ходимлари бизга Ҳофиз боғи сатҳининг аввалги қиёфаси (зич қабрлардан иборат мазористон) ва ҳозирги ҳолатлари акс эттирилган жаридани кўрсатишди.

- Дарҳақиқат, мана шу хиёбон, шу жой ўрни бир вақтлар мазкур суратдагидай эди, - дея изоҳ берди Мустафо Сиддик. – Бундан олтмиш йиллар муқаддам қабристон, у жуда қадимий бўлиб, тўлиб кетган, узоқ вақтлардан бери майит кўйилмаётган эди, текисланиб, ўрнида ҳозир сизлар кўриб турган боғ-хиёбон ва Ҳофиз Шерозий мақбараси бунёд этилган. Устоз Ҳоифийнинг сўзида жон бор...

Бизнинг устимиздан бир эмас, бир неча пақир яхдай сув қуйиб юборилгандек бўлди. Наҳотки, биз изларини излаб келган Ҳофиз Хоразмий қабри ҳам мана шу хиёбон остида, ном-нишонсиз қолиб кетган бўлса?..

Ҳафсаламиз пир бўлиб, тушкун ҳолга тушганимизни пайқаган мезбонлар: «Энди бир умид бор – Шероз университетининг филолог муаллимлари – Ҳасаний, Наирийлардан бирон янгилик чиқиб қолиши эҳтимол», деб, ўча бошлаган чироқ пилигини сал кўтариб кўйишди.

Дарҳақиқат, Эрон адабиёти, Шарқ шеърляти тарихи билан шуғулланган, Ҳофиз Шерозий ижоди ҳақида мақолалар ёзган, илмий ишлар ёқлаган форс адабиётшунослари Ҳофиз тахаллусли шоирлар ижодини қиёсий таҳлил қилган, шу жараёнда Ҳофиз Хоразмий деган номга ҳам дуч келган бўлишлари мумкин-ку...

Шероз университети (у ҳам нисбатан ёш – 1945 йили ишга тушган экан) Ҳофиз хиёбони билан яқин қўшни эди. Адабиёт факультети (бу ерлилар таъбири билан айтганда департаменти)га кирдик. Биз излаган олимлар йўқ экан. Департамент раиси доктор Жўвкар дарҳол биз билан учрашув ташкил қилиб, доктор Муҳаммад Ризо Амийний (форс тили, адабиёти ихтисоси бўйича мутахассис), Куръон илми муаллими, доктор Жаъфарий ва бошқаларни тўплади. Самимий мулоқот бўлди.

Тиллар адабиёти департаменти дейиладиган мазкур бўлимда форс, араб, инглиз тиллари ва Куръон илми бўйича дарс ўтилиб, илмий тадқиқотлар олиб борилакан. Университет бўйича ўн уч мингга яқин, департаментда эса 226 та талаба бор экан. Ўқиш бепул, муддати тўрт йил экан.

Йўлақларда юрганлар ичида қизлар кўп эди...

Ўрта ёшли, басавлат доктор Амийний бизга ҳаммаслак, ҳамнафас чиқиб қолди. Унинг илмий мавзуи Заҳириддин Бобур ва унинг набираси Акбаршоҳ ҳаёти, номаи аъмоллари билан бевосита дахлдор экан. Бобур экспедициясининг саъй-ҳаракатидан хурсанд бўлганини изҳор қилди, унинг фаолиятига ривож, орзу-ниятларимизга қушойиш тилади ва Шероздан Ўзбекистонга бориб қолган аҳли шуарою фузалолар бўлса, ёзиб юборишимизни сўради. Раис – Жўвкар жаноблари ҳам ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

Биз илҳақ кутган муаллимлар келавермагач, энди ташқарига чиққан эдик, биров: «Салом, салом», деб биз билан сўраша бошлади. Бу доктор Ҳасаний бўлиб, кўнғироқ қилиб унга биз ҳақимизда хабар беришган экан. Сал четроққа юриб, у билан гаплашиб турган эдик, доктор Наирий ҳам келиб қолди. Бизни ичкаридан кузатиб чиққанлар ва бошқалар кўшилиб, давра кенгайиб кетди. Тик турганча анча суҳбатлашдик. Мезбонлар Ўзбекистон ва мустақиллигимиз натижалари тўғрисида саволлар беришар, Зокиржон ака эса қисқа-қисқа, лўнда-лўнда жавоб қайтариб, гапни Ҳофиз Хоразмийга буриш пайдан бўларди. Афсуски, Шероз университетидай катта илм даргоҳининг аҳли донишлари орасидан ҳам Ҳофиз Хоразмийдан бохабар, лоақал унинг номи қулоғига чалинган бир кас чиқмади. Яна менга алам қилди. Нега бизнинг олиму уламоларимиз ғарбу шарқ минтақалари ижодкорлари ҳақида илмий тадқиқотлар олиб боришиб, қайта-қайта монографиялар чиқаришади, нега биз Эрон мумтоз адабиёти вакиллари, жумладан Хожа Ҳофизу, Саъдий Шерозий, Умар Хайёму Убайд Законий ва бошқалардан хабардормиз, бизда уларнинг девонлари, улар ҳақидаги рисоалар такрор-такрор чоп этиладию, улар Ҳофиз Шерозий билан деярли бир даврда, бир шаҳарда яшаган, иккита йирик китобга жам бўлган девон-улкан адабий мерос қолдирган Ҳофиз Хоразмийни билишмайди?.. Нега ўзбек адабиётшуноси Ҳамид Сулаймон Ҳофиз тахаллуси билан ижод қилган юзлаб шуарони ўрганадию, эронлик ҳамкасблар Ҳофиз Шерозийдан - ўз ҳамшаҳарларидан ўзга Ҳофизни эшитмаган, ўқимаганлар?..

- Бизга имкон беринглар, шуғулланайлик, излаб кўрайлик, - деди доктор Ҳасаний ўнғайсизланиб. У андак туркча билар экан.

Ҳасаний билан Наирий илмли, одамохун, хушсурат кишилар эди, бизни тавозе билан узатиб қолишди.

Анчагача хаёлимдан Ҳофиз Хоразмий кетмади. Унинг севиқли ҳофизларимиздан бири ижросида шўх кўшиқ бўлиб янграйдиган ўйноқи ғазали ёдимга келади:

*Ой юзунга жон била то бандаман,  
Меҳри равшан дил бикин тобандаман.*

*Кўргали юзунг гулистонин кўзим  
Завқ бирла гул бикин пурхандаман.*

*Гулни ўхшатқали ол энгларинга,  
Бу жиҳаттин лолатак шармандаман.*

*Пой бўсунг даст бергали манга,  
Топтим, эй жон, давлати пояндаман.*

*Жонни бердим бир йўла йўлингда, лек  
Ишиқинг ила то қиёмат зиндаман.*

*Ман санга жон бирла ошиқман, вале,  
Сан нигоро, қандасан, ман қандаман?*

*Сен шаҳаншоҳи замонсан ҳусн ила,  
Ҳофизи бечоратак ман бандаман...*

*Хўш, Ҳофиз Хоразмий ким ўзи? Нега биз уни ахтариб, неча минг чақирим йўл босиб келдик?..*

Манбаларда бу Ҳофизи сонийнинг Ҳиндистонда яшагани тўғрисида маълумот учрамайди. Хўш, унинг икки жилддан иборат девони қўлёзмаси у бепоеън мамлакатнинг олис чеккасидаги Ҳайдаробод шаҳрига қандай бориб қолган экан? Балки шоир китобатини ҳаждан ё бошиқа бир ёқдан келётган юртдош-йўловчилардан бериб юборган бўлса, у кимса бир сабаб билан Хоразмга, Ўрта Осиёга етолмай, Ҳиндда вафот этганмикин? Ё йўлда қароқчилар тунашган... Балки Ҳофиз Хоразмийнинг ўзи ватанига қайтаётиб, Ҳинд элида қолиб кетгандир?

Шунга ўхшаган саволлар, фаразлар ўз даврида Ҳофиз Хоразмийнинг кашфиётчиси, илк тадқиқотчиси, оташин, фидойи адабиётшунос Ҳамид Сулаймонни ҳам кўп ўйлантирган эди. Олим ўз вақтида Ҳофиз Хоразмий ҳақида маълумот топиш мақсадида ўзбек, форс, тожик ва озар адабиётларига доир жуда кўп тазкира, баёзлар, хорижий Шарқ ва Фарбда чоп этилган катта-кичик ҳажмдаги барча асосий каталогларни, Шарқ адабиёти тарихига оид турли-туман қўлёзма манбалар ва ҳар хил босма асарларни бирма-бир кўздан ўтказган. Ана шу илмий изланишлар мобайнида у Шарқ тарихида Ҳофиз тахаллуси билан шеър ёзган 156 та шоир ўтганлигини аниқлайди (эҳтимолки, бу рўйхатга яна 19-аср охири – 20-аср бошларида яшаган андижонлик Ҳофиз – Абдумажид қози кирмагандир) ва бирор манбада Ҳофиз Хоразмийнинг номи, қўлёзмасининг бошқа бирон нусхаси ёки шеърларидан намуналар учрамаганлигини чуқур таассуф билан таъкидлайди. Олим, Ҳофиз Хоразмийнинг умрининг иккинчи ярмида Шерозда яшаганлигини ҳам унинг ўз асарларидаги далиллардан, ишора ва шаъмалардан келиб чиқиб, ўша даврга хос тарихий воқеа-ҳодисаларга суяниб тахмин қилади ва «Шоир Шерозда турғун бўлиб қолганидан ўша ерда вафот этиб, ўша ерда дафн этилган, дейиш мумкин», деб ёзади<sup>1</sup>. Тадқиқотчи ҳатто хоразмлик муҳаббат куйчимизнинг ижодда ҳам, тахаллус танлашда ҳам эргашган пири-устози Ҳофиз Шерозий билан учрашган бўлиши ҳам эҳтимол, деган мулоҳазани илгари сурган.

<sup>1</sup> Ҳофиз Хоразмий. Девон. Тошкент, 1981 йил, 7-саҳифа (Съз боши).

Ҳофиз Хоразмийда шундай сатрлар бор:

***Вилоёту каромату карам ўзиндин издаю,  
Бўлубдур Ҳофиз Хоразмий жони бирла Кирмоний.***

Шу байт ўқувчида: шоир Кирмонда яшаганмикин, нега у «Кирмоний»ни қўшимча тахаллус сифатда қўлаган, деган иштибоҳ ҳам уйғотади. Аммо, мухтарам Ҳамид Сулаймон (албатта, у муаммони ҳар тарафлама чуқур ўрганган) «Гарчи шоир ўз асарларида Ироқ, Ажам, Хуросон, Форс, Исфахон, Кирмон, Шероз, Табриз, Самарқанд, Бухоро, Хўжанд каби ўлка ва шаҳарлар номларини тилга олса ҳам, Ҳофизнинг чет элда асосий истиқоматгоҳи форс ўлкасининг пойтахти Шероз бўлган» дейди ишонч билан.

Хуллас, мен турк Ҳофиз, «Ҳофиз Шерозий анъаналарини биринчилардан бўлиб ўзбек шеърятига олиб кирган, айниқса, ғазал жанрини мазмунан бойитган... Навоийга қадар XIV аср охири ва XV аср бошларида ўзбек адабиётида биринчи ўлароқ мукамал девон тартиб этган» (Ҳ.Сулаймон) шоир, мингдан зиёд ғазаллар муаллифи, улкан санъаткордан бир из топилмаганига ачиндим, қаттиқ қайғурдим. Лекин, ноумид шайтон, ҳали Шарку Фарб оламида тўла ўрганилмаган кутубхоналару қўлёзма хазиналари қанча!.. Бинобарин, Ҳофиз Хоразмийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар қидириш адабиётчи, тарихчи-шарқшуносларимиз олдида долзарб вазифа бўлиб қолади шекилли.

Шундай қилиб, ҳофизлар маскани, шоирлар, донишмандлар диёри билан хайрлашдик. Эрам боғини, Тахти жамшидни, Муҳсин Покойин тавсия этган бошқа тарихий-маданий ёдгорликларни кўриш ҳам кейинги сафарга (Аллоҳ хоҳласа, албатта) қолди.

Чаманзор-хиёбондан тепага қараб кўтарилар эканмиз, энди гуллардан либос кийган товус гўё хижолат бўлиб, бошини сал эгиб олгандай туюлди менга. Шероз эса биздан тобора узоқлашарди. Лекин кўнглимнинг бир чети Саъдий ва Ҳофиз боғларида қолаётгандай... Айни дамларда мен ўзимда ички бир қониқиш ва ифтихор ҳисларини туярдим. Жаҳон ишқ куйчиларининг сарвари ва ҳикмат уммонининг дарғаси, Аллоҳ қалбларига шеър оловини гуриллатиб ёқиб қўйган туғма истеъдод, фазлу камолот соҳиблари, аммо ниҳоятда камтар ва хокисор даҳоларни вояга етказган ва уларнинг табаррук хоки туробини етти асрдан бери бағрида асраб-авайлаб келаётган, оламга назму нафосат, илми фасоҳат нуруни таратаётган файзли ва хосиятли шаҳарни сайр айламоқ, улуғ салафлар қадами ила азизу мукаррам бўлган тупроқ узра одимламоқ мен учун олий саодат эди. Мен юрагимга ул ошиқ куйчилар ўтидан бир зарра, учкун тушганидан ва мана шу учкун туфайли ўша пиру устозлар ва бошқа алломаларнинг қадамжоларини зиёрат қилиш, гўзал юрту элларни, экзотик оламни кўриш шарафига ноил бўлганимдан бахтиёру миннатдор эдим ва хаёлимда дам-бадам ҳар икки Ҳофизнинг ўйноқи ғазалларидан байтлар, Шайх Саъдийнинг тилдан тилга, дилдан дилга ўтиб келаётган теран маъноли қитъа ва фардлари айланар эди:

***Агар кўнглумни шод этса ўшал Шероз жонони,  
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.***

\*\*\*

***Сен қайдан биласан ишқ лаззатини,  
Бул бодани ичгай завқи бор киши.***

\*\*\*

***Кел эй, кўнгил, унинг зулфига боғлан,  
Халос ўлмоққа гар бўлсанг ҳаваскор.***

XXX

*Ҳар кишиким, ишиқ ила жонон учун жон ўйнагай,  
Неча мушкул бўлса жон ўйнамоқ осон ўйнагай.*

\*\*\*

*Ниҳоли сарви қаддингтак равон бўстонда жон кўрмас,  
Сани яхши кўрар жоннинг кўзи ҳаргиз ёмон кўрмас.*

\*\*\*

*Ҳар ким ул жононга ошиқ бўлдиса, жондин кечар,  
Жонидинким кеча олмас эрса, жон ондин кечар.*

\* \* \*

*Ҳар нарсага боғлама кўнгул,  
Кўнгил узмоқ жуда ҳам мушкул.*

\*\*\*

*Дедим олай яна бир неча бор дам,  
Орзуга етолмай бўғилди нафас.  
Умр дастурхони ёнида, афсус,  
Бирпас ўтирмасдан дедиларки, бас.*

\*\*\*

*Айём гардишидан кўп бўлма диққат,  
Сабр ўзи аччиг-у меваси лаззат.*

\*\*\*

*Абадий қолмайди жаҳонда ҳеч кас,  
Яхши номи қолса, шунинг ўзи бас.*

\*\*\*

*Номи ўчмас кимдан қолмиш ёдгор.  
Ҳавзу меҳмонсарой, кўприк ё минор.*

\*\*\*

*Улуғлар эъозлаб гариб одамни,  
Шухратлари тутди бутун оламни...*

Саъдий қаламига мансуб кейинги фардлар - ҳаётий ҳикматлар, эзгулик йўлидаги истак ва тилаклар, чин инсонийлик, яшашдан мақсад тўғрисидаги фалсафий ўғитлар ва ибратлар, мазкур сатрлар муаллифи ва унинг ҳамшаҳри Ҳофиз Шерозий, ҳамқалами, бизнинг юртдош, миллатдошимиз Ҳофиз Хоразмийлар ҳақида айтилган чинакам башоратдай... Дарҳақиқат, улар яхшилиқни таърифлаб, эзгуликни, гўзалликни куйлаб, олам чехрасини, одам қалбини ғуборлардан холи, покиза кўрмоқ истаб, ўзгалар йўлига нур бўлишни орзу қилиб, бани одамиятга хайрли, мазмунли ҳаёт тилаб ва ўзларидан умрбоқий ном, мангу ўчмас шеърят, ҳикмат чароғини қолдириб ўтган улуғ инсонлардир.

## НИҲОЯТ, «ХАТТИ БОБУРИЙ» ҚЎЙИНДА

Исфаҳондан яна тунда ўтпмиз. Шаҳарнинг ниҳоятда салобатли, кўчаларининг тартиблилиги ва бошқа гўзал жиҳатлари бу гал яққол сезилиб турарди. Ўртадаги пушталарга ўрнатилган икки шохли симғёочлар узоқдан ҳам кўзга аниқ ташланарди.



Дарҳақиқат, Исфаҳон азалдан маълум ва машҳур шаҳарлардан бири. Ўн биринчи асрда яшаб ўтган, дунё кезган сайёҳ шоир ва адиб Носир Хисрав ўзининг қимматли далили ва маълумотларга бой «Сафарнома» асарида Исфаҳонга шундай таъриф беради: «... тўрт юз қирк тўртинчи йил сафар ойининг саккизинчи куни (1052 йил, 10 июнь) Исфаҳон шаҳрига етиб келдик... Бу – водийда жойлашган, оби ҳавоси бағоят латиф шаҳар... Мен форсийзабон аҳоли яшайдиган ўлкаларнинг ҳеч бирида Исфаҳондан ҳам кўра кўркам, обод ва аҳолиси кўп шаҳар кўрмадим».

Кўчалар, катта кўприклар усти ва ости йўллари кўп. Ташқаридаги айлана шоссе таъмирланаётгани учун шаҳар ичидан юриш лозим эди. Бир жойда «Техрон-чапга» деган кўрсаткич бор экан, шунга қараб, бутунлай бошқа ёққа кетиб қолибмиз. Хуллас, икки соатча тентирадик. Охири бир автобус ҳайдовчиси бизни орқасидан эргаштириб, Техрон йўналишига олиб чиқиб қўйди.

Техрон шаҳрига 245 километр қолганда, Дилижон шаҳрида тунадик.

Кечадан бери меҳмонхоналарда ҳарорат баландлигидан яхши ухлаёлмаяпмиз. Йўталлардан батамом хориж бўлиб кетмаганимиз учун деразаларни очиб ётишга чўчиймиз. Иссиқ ҳаво кечаси оғизни қуруқшатиб, беҳуд қилади.

Тунда шитирлаб ёмғир ғёа бошлади, лекин чала очилган дарчадан кирган ёмғир шабадаси ҳам хонани салқинлатишга ожизлик қиларди. Бунинг устига туйнук баландга-шифтга яқин жойлашган (дераза йўқ эди), орқа томондан яна бошқа бинолар тўсиб тургани сабабли, тоза ҳаво киришидан умид қилмаса ҳам бўларди.

Илҳомжон бояқиш ярим кечагача устахонада автобуснинг у ер-бу ерини кўрсатиш, мойлатиш билан овора бўлди. Яхшики, қайтишда Муҳаммад Содиқ, гоҳи-гоҳида раҳбарнинг ўзи ҳам Илҳомжонга дам бериб келишарди, нечукким, ҳамманинг юраги орзиқа бошлаганди. Зеро, мусофирликда, сафарда энг зўр, тийиксиз иштиёқ, бу – она юртга тезроқ етиш иштиёқидир.

## *15 февраль, якшанба*

Шиддат билан юриб, соат ўн яримларда Техрон ҳудудига кирдик. Кўча тикин, одимлар сусти. Дамимиз қайтиб, эснайвериб, қоринлар ҳам очди. Тушлик қилдик: диза - кўза шўрва, тўғрироғи, нўхат шўрва, икки сихдан кабоб нархи анча баланд – 23 минг риёл бўлди!

Раҳбар элчимиз Илҳомжон Акрамовга сим қоқиб гаплашди. Элчихонага бораверадиган бўлдик. Яна олдинги сафаргидай, ёмғир остида истаб-сўраб, айланиб, икки соатдан ортик юрдик.

Ниҳоят, элчихонамизни топдик. Низомиддин билан Янгибой кутиб олишиб, меҳмонхонага жойлаштиришди. Эрон Ташқи ишлар вазирлигининг хос меҳмонхонаси - ўтган галги таниш манзил, фақат, биноси бошқа бўлдию, хоналарнинг шакли-шамойили айни нариги бинодагининг ўзи эди.

Кўнгиллар ором отлиғ камсуқум ҳамдами ила топишди.

Оқшом яна бизни олиб кетишди.

Элчихонамиз фойесиди қисқа муддатли суҳбат бўлди. Элчимиз Илҳомжон Акрамов шу жойда «сюрприз»ни тантанали суратда Зокиржон акага топширди – улар «Хатти Бобурий»дан ва «Бобурнома»нинг Техрондаги Эрон миллий кутубхонасида сақланаётган форсий нусхасидан кўчирмалар эди. Нодир нашрлар ниҳоят қўлга кирганидан бошимиз кўкка етгудай суюндик, чарчокларимиз унутилди.

Бу қимматбаҳо бойликлар Зокиржон аканинг бир неча йил давомида олиб борган тинимсиз изланишлари ва уринишлари, Эрон давлатининг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва Мухтор элчисига ёзган мурожаатномалари ва Техрондаги Эрон Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган суҳбат-мулоқотларнинг дастлабки меваси эди. Зеро, Эроннинг музей ва кутубхоналаридан қўлёзма нусхасини олиш ғоят мушкул масала. Сиз уни булар сўраган нуфузли асар ё китобни, лоақал нусхасини топиб-алмаштириш ҳисобига қўлга киритишингиз мумкин. Машҳаддаги Имом Ризо ҳарам мажмуаси директори илтимосига

кўра Зокиржон ака томонидан Россиядан келтириб берилган ноёб асар эвазига қилинган «сюрприз» эди, бу.

Чой устида яна мулоқот қизиди. Даврада Илҳомжондан ташқари элчихонамиз вакиллари – иккинчи котиб Низомиддин, Алишер, консул Икромбой ва икки нафар ўзбекистонлик меҳмон – Техронда ўтаётган «Энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланайлик», ҳамда Форс кўрфази минтақаси хавфсизлигини асраш мавзуидаги халқаро кенгашда иштирок этиш учун ташриф буюришган академик Жўра Абдуллаев ва Тошкент Давлат Шарқшунослик институти профессори, сиёсий фанлар доктори Абдусамад Ҳайдаров (Илҳомжон Акрамовдан аввал унинг вазифасида ишлаган) ҳам бор эдилар. Уларнинг иккиси ҳам Бобур экспедицияси фаолиятдан яхши хабардорлиги учун суҳбатнинг қовушиши янада осон бўлди. Зокиржон ака экспедиция сафарларидаги диққатга сазовор жиҳатлар, ўзининг Афғонистонда бошидан кечирган, кулгилидай туюладиган, аммо хатарнок воқеалардан гапириб берди.

Экспедициянинг ҳозирги қалтис вазиятда Ироққа ўтиши, хусусан Бағдодда бўлишимиз ўтирганларда катта ҳайрат ва қизиқиш уйғотди. Дунё кўрган академик Абдуллаев ҳам, бошқалар ҳам бу воқеани қаҳрамонликка тенглаштириб, таҳсин ва офарин изҳор этдилар.

Раҳбар, ҳарқалай, Шероздан минг километр масофани босиб, бежиз қайтиб келмаганимиз, умуман Эрондан беиз, бесамар кетмаётганимизни айтиб, элчимиз ва унинг ходимларига ўзбекистонлик зиёлилар, Бобур Мирзо ворислари ва ихлосмандлари номидан самимий ташаккур билдирди.

Шу оқшом меҳмонхонада ҳамма ўз суйган юмуши билан андармон бўлди. Жумладан, мен сафаримизнинг сўнгги кунлари, хусусан Эрон билан боғлиқ таассуротларимни қоғозга тушириб ўтирдим.

Авалло, Техрон менда дунёнинг мен кўрган худудидаги энг сердарахт шаҳарлардан бири сифатида таассурот қолдирди. Айниқса, шаҳар четларидаги мавзелар соя-салқинли сершоҳ дарахтлар билан бурканган эди.

Эрон хўб бой мамлакатга ўхшайди, лекин шаҳарлардан ташқари ерлар асосан тоғу тошу дашту биёбонлардан иборат, оқар сув кўринмайди. Шунга қарамай, ичимлик суви етарли, таҳоратхоналарда ҳам мурватни бурасангиз бас, фақат, яхдай...

## **О, ҚАДРДОН МАШҲАД!**

*16 февраль, душанба*

Эрталаб Техроннинг чеккароқ кўчаларидан юриб, Машҳад шох йўлига чиқиб олдик. Йўналишдаги йирик шаҳарлар – Сабзавор, Нишопур ёнидан ўтиб, тунда қадрдон меҳмонхонамиз «Апартамент»га етиб келдик. Ватан сари йўлга чиқилганда ҳар қандай ҳайдовчию раҳбарнинг ғайрати кўзиб, қанотсиз учади чоғи, шу куни 1018 километр масофани босиб ўтибмиз. Шундан 200 километри Муҳаммад Содикнинг, қолгани Илҳомжоннинг ҳисобига ёзилган эди. Йўл битта, равон, кўрсатгичлар аниқ эди. Деярли тўхтамадик, бошқа юмушлар билан машғул бўлмадик. Ҳатто менда ҳам табиату бошқа кўрганларимни майдалаб тасвирлаб ўтиришга тоқат қолмаган, кўзимга фақат асфальт кўринарди. Дарвоқе, тез юрганимиз учун бир жойда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими тўсди. Лекин таржимонимиз унга экспедиция ҳақида икки оғиз гапириб, ватанга ошиқаётганимизни айтган эди, тушунди, оқ йўл тилади, фақат эҳтиёт бўлинглар, деб, илтимос қилди омон бўлгур. (Ўзиям рухсат этилган тезликка нисбатан икки баравар шитоб келаётган эдик).

*17 февраль, сешанба*

Зокиржон ака билан Муҳаммад Содик Имом Ризо ҳарамига кетишди. Илҳомжон иккимиз устахонага бориб, автобусни ювдирдик, остларини бир-бир назоратдан ўтказдирдик ва тушликка масаллик харид қилдик. Сабзавот бир томонда, қолган майда-чуйдалар бошқа тарафда эди. Кўй гўштининг бир килоси тўрт минг туман (1 доллар – 830 туман) эди. Бу пулга 55 литр солярка келади.

Кейин раҳбаримиз дамлаган ош бир андижонча палов бўлди, нақ жаннат таоми дейсиз. Чойхонада, улфатлар даврасида ейиладиган шундоқ ошни жуда соғинган эканмиз.

Қориннинг додига етдик, энди кўзларни ҳам бир хурсанд қилиб кўяйлик, деб шаҳар айландик. Бир дўконга кирсак, бухоролик йигитлар, жувонлар ўрталиққа (дўконлар катта, кенг эди) стол кўйиб, савдо қилишяпти. Улар ҳар замонда келиб, шундоқ очиқ жойларни ижарага олишиб, уч-тўрт ой пул ишлаб кетишаркан. Қойил қолиш керак, бу ҳам тадбиркорлик, уддабуронлик-да!

Буюм бозоридаги нарх-наволар бизнинг ҳамёнимиз ва имкониятларимизга нисбатан албатта баланд. Лекин, барибир кўзни чирт юмиб, иккинчи рўйхатдаги қариндош-уруғларга совға-салом харид қилдик. (Биринчи рўйхатдагиларга Маккаи мукаррамадан, Мадинаи мунавварадан олинган). Қолаверса, ватандош тижоратчи аёллар: «Ҳа келингизлар, қани, биздан ҳам бир нима олинглар, бу ернинг моллари тоза, келинойимларнинг димоғлари чоғ бўлади», деб кўйишмади. Одамнинг юзи, тили иссиқ, айниқса, аҳли савдонинг...

Умуман, Машҳадда ўзбек тижоратчилари, ўзбекчани, рус тилини бир оз билувчи дўкондорлар ва бошқалар анчагина, бинобарин, бемалол олди-сотди ва тирикчилик қилиш мумкин.

### *18 февраль, чоршанба*

Раҳбар билан таржимон кечаги ишлар чаласини битириш учун яна Имом Ризо ҳарамига йўл олишди. Қолганларимиз тушликка қўлбола шўрва пишириб турдик. (Ҳарқалай, сафарнинг сўнгги кунларини роҳат-фароғатда ўтказяпмиз, десак ҳам бўлаверади). Раҳбар билан қори домла оғизлари қулоқларида келишди. Ҳарам худудидаги «Толиб-ул ҳақ» қўлёмалар маҳкамаси ваъдалари устидан чиқишибди: «Хатти Бобурий»ни чиройли муқова ичига олиб, Зокиржон ака уларга туҳфа қилган «Усмонли Қуръон» микрофильмидан Бобур фондига бир нусха кўчириб, уни ҳам муқовалаб беришибди.

Булар катта, бебаҳо дурдоналар, Машҳадда уч кун эмас, уч ой туришга ҳам арзирли бойликлар эди - раҳбар учун, ҳаммамиз учун. Айниқса, «Хатти Бобурий»...

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоҳ ва шоирликдан ташқари яна кўп соҳалар билан ҳўсам астойдил, самарали шуғулланган, илмий ихтиролар қилган. Жумладан, 1503-1504 йиллари, Ғазни фатҳидан кейинроқ «Хатти Бобурий» («Бобур хати»)ни яратади. 29 (баъзан 28 та ҳам дейилади) ҳарфдан иборат ушбу ёзув араб алифбосининг ислоҳ қилинган, «зер-забар»сиз, соддарок, туркий тилларга мослаштирилган шакли бўлиб, Бобур уни эл аро амалда қўллаш, тарғиб этиш борасида кўп марта, умрининг охирларигача уринганлиги сезилади. «Бобурнома»нинг 1528 йил воқеаларига оид саҳифаларида қуйидаги маълумотларни ўқиймиз: «Мулло Биҳиштийдin Ҳиндолга мурассаъ камар ва ханжар ва мурассаъ давог ва садафкорлик сандали ва кийим нимча ва тагбанд ва «Бобурий хат»нинг муфрадотини йиборилди. Яна «Бобурий хати» била битилган қитъалар йиборилди... Мирзобек тағойидин ҳам Комронга таржима ва Ҳиндқа келгали айтқон ашъор ва «Бобурий хати» била битилган сархатлар йиборилди».

Бобуршунослар тахмин қиладиларки, ўша даврларда ҳукмрон мавқега эга, «Қуръони карим» битилган алифбо таъсири ва измида бўлган диний уламолар «Бобурий хат»нинг рўёбга чиқмоғига монелик қилганлар. Хуллас, Бобур Мирзо ўз хатида «Қуръони карим»ни кўчиртириб (Гулбаданбегимнинг «Бу шийпонда «Тўрхона» (юқори хужра) бино қилдириб, унда ўлтириб Қуръон ёзар эдилар» деб зикр этишига қараганда, Бобур Мирзо уни ўз қўли билан кўчирган), Маккаи мукаррамага жўнатган. Чиндан ҳам, муаллифнинг ўз алифбосига ислом олами марказининг пешволаридан изн, фатво олиш ниятида шундай қарорга

келганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Афсуски, «Хатти Бобурий» кўзланган манзилга етиб бормай, балки етиб борган бўлса ҳам, қандайдир сабаблар билан ҳозирги Эрон (у пайтларда Хуросон) мамлакати худудида қолиб кетган. Нақл этишларича, мазкур ягона кўлэзма узоқ вақт сафавийлар сулоласи ихтиёрида сақланган, кейин Машҳаддаги Имом Ризо ҳарами худудида жойлашган Қуръон китоблари мозийгоҳига топширилган. Мозийгоҳда ҳам кўп йиллар матнни ўқий олмаганлар ва унинг қандай асарлиги, кимнинг қаламига мансублигини билолмаганлар. Ниҳоят, XX аср ўрталарида мутахассислар араб алифбосидаги турли китобларга, хусусан Қуръони каримга солиштириш асосида унинг «Хатти Бобурий»да кўчирилган Қуръон эканлигини аниқлашга муваффақ бўлганлар.

Бу нодир, мўъжаз китобатни биз дастлаб 1993 йили Машҳадда бўлганимизда зикр этилган музейда кўрган эдик. Шундан буён тинчини йўқотган Зокиржон ака бу ноёб топилдиқни кўлга киритиш борасида кўп бош қотирди, чоралар ахтарди, режалар тузди. Ўшандаёқ Ҳарамга қарашли кутубхона ва мозийгоҳ мутасадди-раҳбарларига илтимос қилган, бундан иш чикмагач, Эрон давлатининг Ўзбекистондаги элчиси Муҳсин Покойинга дил ёрган, у аввалроқда эслаб ўтилганидай, мазкур кўлэзмадан фақат бир неча саҳифа кўчиртириб олиб келиб, шахсан Бобур фондига топширган эди. Иккинчи марта – 2003 йили Бангладеш ва Ҳиндистон сафаридан қайтишда Зокиржон ака экспедиция жиловини боз Машҳадга буриб, «Хатти Бобурий»дан яна бир неча саҳифани кўлга киритишга мушарраф бўлди. Аммо бу билан ҳам раҳбарнинг кўнгли тинчимади – унинг нияти қандай қилиб бўлса ҳам Бобур алифбосидан тўла кўчирма олиш эди. «Ватандошимиз асари кўлэзмасининг лоақал кўчирма нусхаси нега унинг ўз юртида бўлмаслиги керак?» дер эди у куюниб. Шундан сўнг у Эрон давлатининг Ўзбекистондаги элчихонасига, бошқа дахлдор маҳкамаларга бир неча бор мурожаат қилди. Шу тариқа у қарийб ўн бир йилда ўз мақсадига эришди. Демак, шунга айтишар экан-да, сабр қилсанг, ғўрадин халво битар, деб...

### *19 февраль, пайшанба*

Субҳи содиқда йўлга чикдик. Бирдан Машҳаднинг файзи-таровати кечкурунги даражада эмаслигини пайқаб қолдим. Техронда ҳам шундай бўлувди шекилли, деб ўйладим ва англадимки, ушбу шаҳарларга тунги бесаноқ, ранг-баранг чироқлар алоҳида чирой ва фусункорлик бағишлар экан. Қолаверса, биз билан анча қадрдон бўлиб қолган Машҳад кетаётганимизга андак хафа бўлди чоғи, унинг осмони ҳам маънос тортиган – булутли эди.

Соат ўн яримда Сарахсга – божхонага етиб келдик. Ўшдан автобусда ҳажга борганлар шу ерда эди. Улар беш кундан бери гумруххона билан шаҳар ўртасида қатнаб юришибди экан. Тунларни пули борлар меҳмонхоналарда, ҳамёни чатоқлар автобусда ё меҳмонхонанинг чеккароқ бурчакларида... ўтказишиб... Бечоралар! Биз уларни аллақачон юртларига етиб, зиёратчиларга бағри ва елкаларини тутиб, ялтироқ кўрпачаларда аччиқ кўк чойни ўгириб ичиб ўтиришгандир, деб ўйловдик. Ўшлик, жалолободлик, ўзганлик, бозорқўрғонлик, аксарияти ўзбеклар эди. Ораларида беш-олти, саккиз-ўн яшарли болалар ҳам бор. Э, тавба, дейман, бу норасидаларни қийнаб нима қилишаркин. Емишларининг ҳам тайини йўққа ўхшайди. Умуман, яна минг бора тавба қилдим, ҳаж ҳам урфга айланиб, элдан қолмай деб интилаётганлар кўпайиб бормоқдами, дейман-да...

Қирғизистонлик бу зиёратчиларнинг аҳволини кўриб, юртимиздан ҳаж зиёратига борувчилар учун яратилган шароит, барча ишларнинг аниқ режа, уюшқоқлик билан ташкил этилгани нақадар ўринли ва тўғри эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Эҳ, шўринг қурғур ҳожилар! Уларни ҳар чегара, божхонада, постларда, ҳар муюлишда, қаердаки тўхташса, тасбеҳ, намозлик (жойнамоз) эҳсон қилинг деб қўл чўзиб турувчилар безори жон қилишаркан. Айниқса, Туркманистон йўлларидаги ҳар қадамга қапа тиккан ДАН ходимлари ҳеч ола қўймай, ола қолмай тўхтатишар, беравермасангиз очикдан-очик талаб қилишарди. Ҳолбуки, бизнинг назаримизда бу юртда шундай бўлмаслиги керак эди. Ахир кўп нарсалар текин, яшаш ҳам яхши дейишади-ку... (Ироқ ва Эрондаги тасбеҳ сўрашлар «табаррук» маъносида эди чоғи).

Кўчалар камқатнов эди. Соат кечки ўндан кейин автобус, кичик автобуслар юриши таъқиқланаркан. Бу ҳукумат томонидан хавфсизликни таъминлаш мақсадида кўрилган чора эмиш. Қолаверса, йўллар чиндан ҳам хилват эди. Айниқса, Байрамалидан ўтгач... Зокиржон ака ва Муҳаммад Содиқ бир вақтларги «машъум» воқеани эслай бошладилар. Илҳомжон рулда эди. Улар илҳом билан, жўшиб, ваҳима қилиб гапирган сари Илҳомжоннинг оғёи беихтиёр тезлик тепкисини қаттиқроқ босарди... Йўл эса текис эмас, шитоброқ юрилса силтайди.

Хуллас, тунги иккига яқин Чоржўйга, аввал тунаганимиз «Амударё» меҳмонхонасига етиб келдик.

Виза муддатимиз тугаб қолган, эртага соат ўн иккигача Туркменистон ҳудудидан чиқиб кетмоғимиз лозим эди.

## ***20 февраль, жума***

Меҳмонхона яқинидаги бозорда нонушта қилдик. Барвақт бўлишига қарамай бозор гавжум эди.

Амударё кўприги бўсағасида яна махсус маҳкама 50 доллар бож олди, ундан ташқари кўприкка чиқаверишда, нотекис, ноқулайроқ жой бор экан, «ундай юр, бу ёқдан, тўхта!...», деб турадиганларни ҳам қуруқ қўймаслик керак экан, акс ҳолда машинани асов дарё томонга буриб юборишлари мумкиндай...

Тундаги каби, бугун эрталаб ҳам манзил сўраб зерикдик. Кўчаларда, айланма ва муюлишларда ҳам йўл кўрсатгич йўқ, кўчалар яхши эмас.

Чегарага эсон-омон етиб келдик. Божхона билан ёнма-ён ўрик гуллаган эди. Назаримда шу гал сафарда жуда узок юргандай, кузда кетиб, баҳорда қайтаётгандай эдик.

Соат 12 да Ўзбекистон – жонажон Ватан заминида эдик. Божхонадагилар Зокиржон акани, Бобур экспедициясини билишарди, ҳужжатларни тезгина расмийлаштириб, оқ йўл тилаб қолишди.

Кўча бўйларига арчалар экилмоқда, ток кўтариш, ер текислаш ва бошқа баҳорий юмушлар бошланиб кетган эди.

Узоқ ва қаттиқ «ҳамла» билан тунда Самарқандга кириб келиб илгаритдан ошно «Зарафшон» меҳмонхонасида кўним топдик.

## ***21 февраль, шанба***

Ён кўчадаги мўъжазгина миллий таомлар ошхонасида чучвара ва чуберек билан нонушта қилдик. Бу ҳақда ёзмасам ҳам бўлаверардию, ошхона хизматчилари андижонлик қиз-жувонлар экан, кўзларимга ўтдай кўринди.

Сирдарёда яна Турсунали акаларниқига тушдик. Қўй сўйиб, пишириб туришган экан. Бу издиҳом ҳаж, экспедиция ҳурмати, қолаверса, дўстлик, оқибат рамзи ҳам эди.

Ўзбекистонда, хусусан Тошкент вилоятида тамом ўзга манзара: экилмайдиган ер деярли йўқ, ҳамма пайкаллар ҳайдалиб, тахт қилиб қўйилган эди. Каттаю кичик ҳаракатда: экаётган, тозалаётган, теракзор оралиғини юмшатаётганларни кўриб, одам хижолат ҳам бўлиб кетасан. Лекин, улар ўз касбини қилишяпти, биз ҳам... деган ўй кишига андак тасалли беради...

## ХОТИМА ЎРНИДА

Ер юзасининг учдан бир қисми куруклик, ўша худуднинг тўртдан уч бўлаги тоғу тошлар, экин битмас, қақраган дашт, чўлу саҳролардан иборат, дейдилар. Бунга бориб-келиши қирқ минг километрдан зиёд масофали ушбу сафаримиз давомида ҳам гувоҳ бўлдик, муайян тасаввур ва ишонч ҳосил қилдик. Мана шу кўрганларимизга нисбатан олганда ҳам Ўзбекистон чиндан-да жаннат монанд маъводирки, Аллоҳ раҳматию марҳаматини мўл-кўл ғедирган, «тупроғида олтин гуллайдиган» шундай ўлкада туғилмоқ ва яшамокнинг ўзи катта бахт, омад эканлигини изоҳлаб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ.

Инчунин, айна дамда биз олис сафардан, Шайх Саъдий айтганидек, нималардир териб қайтиб, ўз эли заминига ёруғ юз билан қадам қўйган, интизору муштоқ кутувчилари бағрига ошиқиб келган барча сайёҳлар каби бахтиёр ва масрур эдик. Она юрт осмонининг димоққа таниш, хуштаъм ва тотли ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар эканмиз, назаримда ҳаммамиз руҳиятимизу танимиздаги ҳорғинлик, ғуборлар тўкилиб, вужудимизнинг илк кўкламда қайта куртак ёза бошлаган дарахт мисоли тозариб, янгиланиб-яшнаб, яна кучга тўлиб бораётганини яққол ҳис этардик.

Экспедициямиз самаралари ҳақида шуни айтиш керакки, ўнлаб улуғ сиймоларнинг табаррук қадамжоларини зиёрату тавоф айлаб, уларнинг машаққатларга, сарсонусаргардонликларга тўла ҳаётлари, нафсу ором, ҳузуру ҳаловат, оила саодатидан воз кечиш эвазига юксалган, барқ урган илмий-ижодий фаолиятлари борасида бир мунча янги маълумотлар йиғиб-тўплаш, ул зоти бобаракотларнинг (гўрлари нурга тўлгай) қабр-мақбараларини қидириб-топиб, ҳоли-аҳволини ўрганиш билан бирга, Техрон ва Машҳадда қўлга киритганимиз бебаҳо маданий, маънавий, биз учун ғурурий бойликларни юртга, Бобур Мирзо диёрига, хусусан зиёлиларимизга тухфа қилиб олиб келдик. «Хатти Бобурий» дунёда ягона нусха эди, энди иккита бўлди, иккинчиси бизда – Ўзбекистонда! У энди ўзбек бобуршунослигининг мулки. Тўғри, муайян важлар боис, бу алифбо истеъмолга кирмаган. Балки, барвақт ва бевақт юз берган қазойи муаллақ панд бермаганида Бобур Мирзо ўз алифбосининг жорий этилмоғига ҳам шубҳасиз эришарди. Шуниси муҳимки, ўз имломизни юзага келтиришга уриниш бўлган ва у юзага келган! Уни шоҳ ва шоир, тилшунос Заҳириддин Бобур ўз улуси, ўз миллатига қулайлик туғдириш, саводхонлик миқёсини ошириш имконларини кенгайтиришни ўйлаб, бир сўз билан айтганда, узокни кўзлаб яратган! Атоқли ёзувчи ва адабиётшунос, тилшунос олим, Бобур ва бобурийлар ҳақидаги қатор рўмонлар муаллифи Пиримкул Қодиров «Бобур ўз ватанига бўлган муҳаббатини фақат сўзда эмас, амалда, она тилига бўлган садоқати, адабиётимиз ва фанимиз юксалишига қўшган улуғ ҳиссаси билан исбот этгандир», дер экан, шубҳасиз у «Хатти Бобурий»ни ҳам назарда тутди.

Аммо, дилимизда битмас-туганмас ўкинч-армонлар ҳам йўқ эмас эди: ҳали яна Ўзбекистон – қадимги Турон заминидан етишиб чиқиб, шу муқаддас тупроқда умр кечирган ёки тақдир тақозоси ва ё ўз майл-ихтиёрлари билан турли хорижий элларда яшаб, ижод қилиб, хоки туроби ўша ёқларда қолиб кетган буюк аждодларимиз қаламига, истеъдодига мансуб, турли ички ва ташқи сабабларга кўра чет мамлакатларнинг музей ва кутубхоналарига бориб қолган ва олтин ёмбидай сақланаётган қанчадан-қанча ноёб асарлар, бебаҳо қўлёзмалар - дуру жавоҳиротлар бор! Улар қачондир, қайси бир шаклда бўлмасин, муаллифлари, ижодкорларининг ўз ватанига, ўз қонуний ворисларига, ўз авлодларига қайтиши керак. Шу катта, шарафли, фахрли вазифани адо этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш мақсадида Андижонда фидойи инсон Зокиржон Машрабов томонидан ташкил этилган Бобур Халқаро фонди ва унинг қошидаги халқаро илмий экспедициянинг бу борадаги хайрли саъй-ҳаракатлари, уларни халқимиз, ҳукуматимиз қўллаб-қувватлар экан, янада куч-ғайрат, янада қизғинлик, жўшқинлик билан давом этиши шубҳасиздир. Зеро, чор тарафи сув билан ўралган, табиий бойликлар жихатидан дунёдаги энг охирги ўринлардан

бирини эгаллайдиган Японияни моддий бойликлар эмас, маънавий-маърифий ислохотлар юксак тараққиёт йўлига олиб чиққан, дейдилар.

*Навбатдаги сафарнома битди. Ушбуға нури гавҳар сарф айлаганларнинг қалблари нури Илоҳий била мунаввар бўлғай. Ҳаллоқи олам азиз ўқиғувчиларимиз ила боз учрашмакни насиби рўзи қилғай. Омин.*

*Декабр, 2004 йил – май, 2006 йил.  
Гуркиров.*

## СЎНГГИ НУҚТА АРАФАСИДА

Бобур халқаро илмий экспедициясининг олдинги сафарлари ҳақида ёзилганидек, кўҳна юрт Афғонистон худудида яшаб, ижод этган алломаи киромларимиз, жумладан, Абу Райҳон Беруний, Мавлоно Лутфий, Бобораҳим Машраб ва бошқаларнинг ўта хароб ва ҳатто изсиз йўқолиб кетиш даражасига бориб қолган қабрларини кўриб, улар узра лоқал ихчамроқ дахма тиклаб, зиёратгоҳларга айлантириш истаги экспедициямизнинг доимий диққат марказида турар эди. Раҳбаримиз Зокиржон Машрабовнинг хаёлида бир режа туғилса, режа билан баробар кўнглида бир тугун тугилади ва то ўша ният амалга ошмагунча кўнглидаги тугун ёзилмайди. Шу аснода мутахассислар билан келишиб, лойиҳаларга буюртмалар берди.

Айниқса, Алишер Навоийнинг устози мавлоно Лутфий қабрини обод этиш масаласи кейинги пайтда Зокиржон аканинг буткул фикру зикрини эгаллаб олган эди. Шу мақсадда 2006 йилнинг илк кунларидан янги экспедиция тайёргарлиги бошланди. Зокиржон ака дастлаб моҳир сангтарош ва ғёоч ўймакорлиги намояндаларини чамалаш, излашга тушди. ©ғоч ўймакорлари Бобур Мирзо ватанининг ўзида бор. Избосканлик уста Йўлбарс, пахтабодлик уста Тешабойлар ўз хунарларининг донгдорлари, комиллари сифатида танилган. Аммо сангтарошни анча суриштиришга, қидиришга тўғри келди. Ниҳоят, бу камёб ва ноёб санъат соҳиби ҳам топилди. Қаердан, денг, республикамизнинг жануби-ғарбий бурчагидан – мрамарчилар диёри Нуротадан! Кўримсиз, оддий тоғ тошига бемисл жило, нафосат ато этгучи Уста Тоҳир бундоқ хайрли ишга бош кўшиш мен учун шараф, дебди.

Шундай қилиб, у ёқда машҳур халқ достони қаҳрамонининг адаши, бу ёқда Уста Йўлбарснинг ўғли Умидулло ва шогирди Қосимжонлар енг шимариб, бисмиллоҳ, деб ишга тушишди. Гунг тошга, беҳис ғёочга ҳижжалаб, чекичлаб, игналаб анвойи гуллар солмоқ – уларга мазмун-моҳият, гўзал умр бахш айламоқ нақадар диққатталаб, нақадар заҳматталаб, шу жиҳатдан бир-бирига монанд машғулотлардир. Бир қабр тоши, бир гулли устун ё араки сарроб тайёрлашга баъзан ойлаб фурсат кетади. Мақбара эса бир устун ёки бир-икки сарроб билан тик турмайди...

Зокиржон аканинг бир оғёи Избосканда, иккинчиси – Нуротада... Мақсад олижаноб, лекин жуда масъулиятли. Буюртмалар ниҳоятда бежирим, бенуқсонун мумтоз бўлмоғи лозим. Ахир бир мамлакатнинг бу чеккасидан иккинчи бир давлатнинг нариги четига бориб шунчаки, ўртача бир сағана тоши ва мақбарани кўнқайтириб қўйиб бўлмайди-ку. Улар не-не дидлар, не-не кўзлар тафтишидан, муҳокамаю мунозаралардан ўтади. Ўзбекистондан келтирилган, ўзбек усталарининг ижоди маҳсули деган ёрликлар билан қайта-қайта тилга олинади. Демак, бу ерда миллатимиз, халқимиз, ватанимиз шаъни, шарафи масаласи бор...

Ниҳоят, сағана тоши ҳам, мақбарага керакли ашёлар ҳам битди, мутахассислар, мутасаддилар, ҳайъат назаридан ўтди ва Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг

махсус сафарига отланилди. Одатдагидай, маърифатпарвар дўстларимизни Андижон зиёлилари Бобур миллий боғидаги ош-сувдан кейин кузатиб қўйдилар. Олти киши ўрнашган «Газел» ва юклар ортилган «КамАЗ» автомашиналари йўлга тушди.

Камина бу вақтда янги сафарномани ёзиш билан банд эдим. Май ойининг охирларида, қўлёзмага сўнгги нуқта қўйиб турган вақтимда экспедиция Афғонистондан қайтиб келди. Экспедиция ва аъзоларининг чарчоқ, аммо чакноқ кўзларида мамнуният ва шукрона ифодаси аксланар эди.

- Ўтган гал, сиз билан борган пайтимиздаги шамол-тўзонлар холва экан, - деб ҳикоя қилади раҳбар. – Шаҳзода Қосим қабристонидаги ўша, сиз кўрган бетон супада тунадик. Биринчи куни узоқ йўлда қаттиқ чарчаганимиз учун қотиб ухлаб қопмиз, эрталаб уйғонсак, устимизни бир неча энлик қум босибди. Кўзларимизни аранг очдик – ачишади. Тишларимиз ғижирлайди. Қулоқлар ичи ҳам қум... Бир муддат бўшашиб, эсанкирадик, бироқ ҳадемай ўзимизни ўнглаб олдик. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг афғону ҳинд заминида тортган азобу машаққатларини эсладик, бизга Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий ва бошқа улуғ аждодларимиз руҳи мадад, қувват берди. Пиримсан, деб ишга киришдик. Ўзингиз биласиз, у ерда на чироқ бўлсин ва на бошқа қулайликлар... Қаттиқ шамол мавсуми бошланган экан...

Ҳамиша режали, пухта тайёргарликка ўрганган экспедиция электр движок, бошқа барча зарур асбоб-анжомларни олиб кетган эди.

Аввалги хотираларимизга, жумладан «Буюклар изидан» деган китобга, газеталар, телевидениега кўзи тушган ўқиғувчиларимизга аёнки, ўша сафар атоқли ўзбек шоири, «сўз лутфида ягонаи даврон, ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган» (Хондамир) Мавлоно

Лутфий қабрини бир кун эрталабдан кечгача овораи сарсон бўлиб, Дашти Бўталайдан излаб, ниҳоят, уни қадимий Дехи Канор (ҳозирги номи Нангобод) қишлоғи билан туташ бепоён чўл ўртасидаги Шаҳзода Қосим мазористонидан қийинчилик билан топган ва қабр тепасидаги тупроқлари тўкилиб уюм бўлиб қолган чоғқина, чор бурчакли пахса деворнинг бир ёнини ўйиб, вақтинча ёдгорлик мармар тахта ўрнатиб келган эдик. Ана шу аснода Зокиржон ака қалбида юқоридагидай қутлуғ бир ният туғилган эди.

Сағана тош-ку яхлит бир нарса. Аммо олти устунли, эни беш, бўйи олти ярим, баландлиги тўрт метрли шийпон-мақбара тарқоқ ва тахланган ҳолда эди. Ҳар бир бўлак, бир-бирига ўхшаган, лекин фарқли элемент-қисмларни ўрни-ўрнига қўйиб чиқиш зарур. Бир сантиметр тафовут қилса элемент кертикга ё тўла тушмайди ё оч келиб, лиқиллайдиган бўлиб қолиши мумкин.

- Ҳиротдан Дехи Канорга, Шаҳзода Қосим қабристониغا етиб бориб, Ўзбекистондан олиб борилган юклар туширилгандан кейин бир қўй олиб сўйилди. Таомилга кўра, унинг гўшти камбағалларга улашилди. Мавлоно Лутфий руҳига куръон ўқилиб, дуои фотиҳалар бағишлангач, исиз йўқолиб кетаётган қабр устида бунёдкорлик ишлари бошланди, - дейди экспедиция раҳбари.

Қабр тоши, марқадни ростлаб-тиклашдан аввал уларга жой ҳозирлаш зарур эди. Пахса деворлар бузиб ташланди, қамиш босиб ётган катта бир ҳовуз ўрни тўлдирилди, бошқа ўнқир-чўнқирлар текисланиб, катта майдонга бетон ётқизилди. Афғон шамоли тез-тез учуриб олиб келадиган қум тўзони эркин ишлашга қўймайди. Экспедиция аъзолари озчилик. Маҳаллий аҳолидан қўшимча ишчилар ёлланди. Ёрдамчи-дурадгор, сангтарошлар ва ўн нафар ишчилар олинди. Афғонистонлик биродарлар ҳам қараб туришмади. Ҳирот ҳокимлиги томонидан хавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилиб, махсус ҳарбий мулозимлар жалб этилди. Экспедиция механиги ва ҳайдовчиси, билмайдиган ҳунари кам Илҳомжон Мамарозиқов ва бошқалар Уста Қосимнинг ёнига киришди. Уч ҳафтадан зиёд, тонг отгандан куёш ботгунча давом этган меҳнат эвазига мақбара салобат билан қад кўтарди. Унинг атрофига ва йўлақларга мармар плиталар тўшалиб, кичик кўприклар



курулди, темир панжаралар билан ихоталанди.

Ёғоч ўймакорлигининг Андижон услубида яратилган улуғвор кўшк-айвон остига ўрнатилган мрамор қабр тоши усти ва ёнлари «Бу оромгоҳ пок Аллоҳ лутфи дарёсининг ғаввоси, ирфонга элтувчи ғазал иқлимининг султони Ҳазрат Лутфий Ҳиравийга мансубдир» деган сўзлар ва Қуръони карим сураларидан олинган оятлар билан безалган эди.

Мақбарани топшириш маросимида қатнашган Ҳирот вилояти ҳокимлиги ва илму зиё аҳли вакиллари, атрофдаги туманларнинг волийлари, яқин қишлоқлар аҳолиси Ўзбекистонга, унинг маърифатпарвар халқига, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция раҳбари ва аъзоларига ташаккур изҳор айлаб, ҳақларига дуолар қилишди.

Шодижон улуси оқсоқоллар кенгаши раиси ҳожи Фулом Саидхон ўз сўзини: «Мавлоно Лутфийга тикланган бу зиёратгоҳ жафокаш афғон замини осмонига ибрат нурини таратгандек бўлди. Биз бу ерда улуғ зот қабри борлигини билар эдик, аммо унинг туркийгўй буюк шоир мавлоно Лутфийники эканини билмасдик. Қалбларимиздаги азобли туйғулар ўрнини эзгу тилаклар эгаллади. Бу улуғ даргоҳни биз кўз қорачиғидек авайлаб-асраймиз», деб яқунлади.

Ўша кунларнинг ўзидаёқ овозаси атрофга таралган обидани кўргани, тавоф этгани ихлосмандлар қадам ранжида қила бошлаган эдилар. Ишончимиз комилки, бийдай дашт ичида мунғайиб ётган катта қабристон бағрида бунёдга келмиш бу мухташам мажмуа худди шоҳи сўзана каби атрофга фусун, кўрк бағишлаб, обод қадамжойга, гавжум зиёратгоҳга айланажак ва ўз зиёратчиларига камтарин, хокисор инсон, мўътабар шоир Мавлоно Лутфийнинг сўнмас шони-шавкатидан, Бобур Мирзо юртдошларининг буюк инсонларга муҳаббати ва эътиқодидан сўйлаб туражак.

Зокиржон ака мазкур маҳсус сафарда бажарилган ишлар ҳақидаги таассуротларини хулосалар экан, келажакда ушбу хайрли тадбирларни давом эттириш ўта зарурий масала эканлигига алоҳида тўхталди. У Афғонистондаги вазиятдан келиб чиқиб, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод, Бобораҳим Машраб, Султон Ҳусайн Бойқаро, шунингдек, Дамашқ, Истанбул шаҳарларида умргузаронлик қилган Абу Наср Форобий, Али Қушчиларнинг қабр-мақбараларини тиклаш юртдошларимиз, миллатимиз олдидаги инсоний бурчимизлигини, бу борада умри етганича ҳаракат қила боришини таъкидлади.

## МУНДАРИЖА

### *С.Ҳасанов. Аждоларимиз меросини излаб (Сўзбоши) . . . .*

Ҳаяжон	.....
Жаҳоннинг шодлиги	.....
Ота-ўғил	.....
Жаннат олмалари	.....
Шавқийни ёд этиб	.....

### **ТУРКМАНИСТОН** .....

#### **ЭРОН**

Масжидда туналган кеча	.....
Машҳад. Имом Ризо ва унинг ҳарами	.....
Нишопур	.....
Умар Хайём	.....
Фаридуддин Аттор	.....
Одамлар ва отлар	.....
Гургон – аввалги Астробод	.....
Техронда	.....
Элчихонадаги мулоқот	.....
Форс аёллари	.....
Ризо Паҳлавий қароргоҳи ва бошқа мозийгоҳлар	.....
«Отайўл»нинг нағмалари	.....

#### **ТУРКИЯ** .....

Қувватли эл тарихи	.....
Юнус Эмро	.....
Довондаги енгил тўқнашув	.....
Маржон атала	.....
Сув шаҳридаги нон қўғирма	.....
Тунги чалғиш	.....
Янги ҳайратлар	.....
«Чоликуши» ва унинг муаллифи ҳақида	.....
Истанбул	.....
Али Кушчи	.....
Абу Айюб ал-Ансорий	.....
Ватандошлар хонадониди	.....
Ўзбеклар такяси харобалари	.....
Армон бўлиб қолган Анқара	.....
Машхур тарихий жанг тафсилотлари	.....
Кўнө	.....
Шамс Табризий	.....
Жалолиддин Румий	.....
Асҳобул Қаҳф	.....

#### **СУРИЯ (ШОМ)** .....

Ўзбекнинг қадимий таърифи	.....
Қор қуюни. Юз қақирим орқага...	.....

Дамашк	.....
Абу Наср Форобий	.....
<b>ИОРДАНИЯ</b> .....	
Шоҳидамас, баргида...	.....
Мусофирлик сабрни мустаҳкамлайди	.....
<b>САУДИЯ АРАБИСТОНИ</b> .....	
Хайбар. Фулом ҳазратнинг ўкинчи ва орзуси	.....
Мадинаи мунаввара	.....
Маккаи мукаррама	.....
Комрон Мирзо қабрини излаб...	.....
Қайтиш муаммолари	.....
Сарсон-саргардонликда икки кун	.....
<b>ИРОҚ</b> .....	
Байт-ул ҳикма	.....
Имоми Аъзам ва бошқалар	.....
Бағдод	.....
Хоразмийлар	.....
Мусо Хоразмий	.....
<b>ЭРОН</b> .....	
Хамадон	.....
Исфахон	.....
Шероз	.....
Ҳофиз Шерозий	.....
Саъдий Шерозий	.....
Ҳофиз Хоразмийни йўқлаб...	.....
Ниҳоят, «Хатти Бобурий» кўйинда...	.....
О, кадрдон Машҳад!..	.....
Хотима ўрнида	.....
<b>ИЛОВА</b> .....	
Сўнгги нуқта арафасида	.....

# ***КЎНГИЛ КЕЧИНМАЛАРИ***

**(Ҳаж сабоқлари)**

*Ушбу рисола “Андижондан Бағдодгача” номли сафарномадан мавзу йўналишига кўра ажратиб олинган алоҳида боблардан таркиб топган бўлиб, унда муаллифнинг ҳамроҳлари билан Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Жиддаи муборак шаҳарларида, Ҳаж амалларини ўташ жараёнларида кўрган-билганлари, ибодату зиёрат чоғларидаги ҳаяжон ва заҳматлари, исломий ақидалар, инсоний удумларга муносабатлари, ота-она қадри, фарзандлик бурчи борасидаги мулоҳазалари, ички кечинмалари ифода этилган.*

## ДЕБОЧА

### *Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.*

Икки минг тўртинчи сана, қишнинг биринчи оyi. Лекин унинг қиличи ҳали кинида, пақирлардаги сувлар ҳам тўнгиб улгурмаган палла. Совуқдан зада кўнгилларни фасл қаҳрига олмайди чоғи, деган таскин ёритиб, илтиб турарди. Тиниб-тинчимас Зокиржон ака қалбида эса баҳорий ҳолат: янги орзулар куртак ёзган. Бу гал у боз иссиқ тафтли ўлкаларни кўзларди. Қисқаси, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция ўтган йилнинг сунбуласида муайян сабабларга кўра кўҳна Афғонистон заминида узилиб қолган сафарини давом эттирмоқ ниятида яна йўлга отланди. Режалар кўп, манзил олис эди: Яқин Шарқ ва Арабистон ярим ороли мамлакатлари - ҳикмат, назм аҳлининг пири калонлари - Саъдий Шерозий, Хўжа Ҳофизлар диёри Эрон, қондош-жондошлигимиз узоқ тарихларда туташадиган, бизни ота турк дея эъзозлайдиган улуснинг янги ватани Туркия, Фурот дарёси соҳилида жойлашган, одамзотнинг энг қадимий, улкан аجدодлари яшаган Шом – Сурия, Муҳаммад пайғамбаримиз бобоколониинг авлодлари ҳукмронлигига нисбатан Ҳошимийлар қироллиги деб аталадиган Иордания (Ўрдун), мусулмонлар Каъбаси, қиблагоҳи Саудия Арабистони (насиб этса, Ҳаж амалларини ўташ), дунёдаги фуқаролари энг бой давлатлардан бири Қувайт, ва пойтахти машҳури жаҳон шаҳар – Бағдод бўлмиш Ироқ орқали қайтиш... Сафимиз етти нафардан иборат: экспедиция раҳбари, Бобур халқаро фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрабов (завжаи муҳтарамаси Мўътабар опа билан), техника фанлари номзоди, Хўжаободдаги Полимер заводи директори (ўша пайтда) Зайнобиддин хожи Мамарасулов (аҳлиялари Муножат опа ҳамроҳлигида), Андижон шаҳридаги Девонабой масжидининг имом-хатиби, форс ва араб тиллари бўйича билгич-таржимон Муҳаммад Содик хожи, муҳандис-ҳайдовчи Илҳомжон Мамарозиқов ва ушбу сатрлар муаллифи.

“Отайўл” ғидирагини гоҳ шитоб, гоҳ йўл ва дастур такозосига кўра оҳиста айлантириб, айрим пойтахтларда бир неча кунлаб тунаб, қанча обод, гавжум масканларни, баланд-паст тоғликларни, кимсасиз, қақроқ чўлу биёбонларни ортда қолдириб, йигирма тўрт кун деганда, мағрибдан – Мадинаи мунаввара тарафдан кундузи билан қизиган баданларга хуш ёқувчи салқин, майин шабада уфуриб турган намозгар пайтида Саудия Арабистонига қарашли мўъжазгина Хайбар шаҳрига кириб бордик. Асли ота- боболари Ўзбекистондан бўлмиш афғонистонлик миллатдошимиз, ўн йилдан зиёд бир неча кишвару музофотларда сарсон кезиб, ниҳоят шу мўъжаз қасабада кўним топган, кўп дилкаш ва хушсухан, кўш хотину якка ўғилли Ғулом Ҳазратнинг уч ошёнли иморат томидаги икки хона, ҳаммому бир жуфт палос ҳажмидаги саҳндан иборат хонадонида бир кеча ёйилиб меҳмон бўлгач, эртасига эрталаб шаҳардан чиқишимиз билан бийдай саҳро бошланди.

### “БАНДИХОНА”ДА

Яккам-дуккам пальма, дарахт бўлиб кетган юлғин, яна номини мен билмайдиган ёт ўсимликларнинг оби ҳаётдан асар йўқ қақсов ерларда шунчалик бўй чўзганига ақлимиз бовар қилмасди. Демак, улар сувсизликка чидамли бута ва ўт ўланлар... Туяга ўхшаб, баҳор ё бошқа мавсумда ёғадиган ёмғирга бир тўйиб олиб ўсаверса керак.

Кўкимтир, кейинроқ қора тусли, йирик йирик, майда тошли, аммо бир гиёҳсиз тоғ йўлга яқин келди. Унинг кесиби кўча солинган жойидан ўтдик. Энди тоғ икки томонимизда,

биз билан ёнма-ён борарди: баланд-паст, калта-култа, баъзи ерларини қалин қум босган.

Қуёш чарақлаб кетди, бир сидра қалин кийимларни ечдик.

Бирдан хурмозорлар, уйлар, устахоналар, гузарлар бошланди ва ниҳоят, чиройли пальмалар жозиба бағишлаб турган кенг кўчадан Мадинаи мунавварага қадам қўйдик. Ҳайратлар, юрак ҳаприқишлари баравж эди. Аммо... шаҳар бўсағасида бир йўл назоратчиси ҳапқиришлар дамини шартта кесди. У ҳамма юртда таниш ва ёқимсиз олатаёғи билан тўхташга ишорат қилди-да, “э” йўқ, “бе” йўқ, юринглар дея, енгил машинасига ўтириб, бизни бошлаб кетди. “Қаерга?” деган саволимизга “айнан сизларга керакли жойга” деб жавоб айтганди, бир неча чақирим юриб, чор-атрофи мустаҳкам ва бежирим девор билан ўралган катта майдонга олиб кирди.

- Бу ерда нима қиламиз?- сўради Муҳаммад Содик.

- Хў, анави бурчакка – мактабага учрасаларинг, нима қилмоқ

лозимлигини айтишади, - деди ёш полициячи хизмат мансабига хос совуққонлик билан ва хайр–маъзурни ҳам унутиб, машинасини орқага шитоб қайтардию, жўнаворди. Бир–биримизга ҳайрон қараб қолавердик. Ҳайҳотдай ҳовли курукликдан ҳажга келувчилар рўйхатга олинадиган маҳкама бўлиб, “мактаба” дегани унинг идораси экан.

Бошлиқ йўқ эди. Шу жойда ишлайдиган бир йигит ўзбекча саломлашувди, бирдан денгизда кемани кўриб қолган Робинзон Крузодай суюниб кетдик. Лекин у биродаримиз ҳамма масалалар раҳнамо билан ҳал бўлади, дегач, тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб, кута бошладик.

Кўрғон нақ автосаройнинг ўзи эди – автоуловлар қийраҳонига тартиб билан қўйиладиган махсус майдончалар кўп ва бу хос ўринларнинг аксариятида автобуслар, енгил машиналар қаторлашиб турарди.

Асосан чеккаларда (ўрталиқларда яккам-дуккам) анча–мунча дарахтлар, катта масжид ва бошқа зарурий иморатлар бор эди.

Сайхонлар, йўлу йўлаклар, сахнлар ниҳоятда саришта, озода – халқ ибораси билан айтганда ёғ тўкилса ялагудек эди.

- Тузоққа илиндик, - деди Зокиржон ака бош тебратиб. – Пўлис учрамаганда ўтиб кетишимиз мумкин эди.

Ғулом Ҳазрат олиб бориб қўяман, деганда, овора бўлманг, ўзимиз қариндошларингизни топиб оламиз, деб унамаганимизга афсусландик.

- Пешонага битилган бу, биродарлар, - тасалли беради Қори домла, - лавҳул маҳфуз...

У дедик, бу дедик, лекин энди чиндан ҳам фойдаси йўқ эди. Мен Ғафур Ғуломнинг бир байтини эслайман:

***Агарни магарга куёв қилсалар,  
Тугилгай бир ўгил – оти «кошки».***

Мадина шаҳри маъмуриятининг қонунига кўра ҳаж мавсумида шаҳарга автобус, умуман ҳарқандай автоулов билан кириш мумкин эмас экан – одамни нақадар хит қиладиган қоида. Албатта, улар ҳақ: транспортга рухсат берилса, бу ихчам шаҳарда оёқ босарга жой қолмаса керак. Энг муҳими – ҳар хил ноқулайликлар, ноҳушликлар, кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин.

Гап шундаки, муқаддимада айтилганидай, биз Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг навбатдаги сафарига чиққанмиз. Экспедиция дастури ушбу йўналишга мослаб тузилган бўлиб, унда бирқанча илмий– тарихий муаммоларга ойдинлик киритиш кўзда тутилганди. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур яратган «Хатти Бобурий» - туркий имлода кўчирилган «Қуръони карим»нинг Маккаи мукаррамага юборилгани маълуму, аммо унинг кейинги «қисмати» ноаниқ. Бу нодир қўлзма Машҳад (Эрон) даги Қуръон музейида сақланмоқда. Хўш, у Маккаи мукаррамага етиб келганми? Машҳадга қандоқ бориб қолган? Зокиржон аканинг мақсади шу борада бирон–бир маълумот топиш

эди. Шунингдек, манбаларда Бобур Мирзонинг фарзанди аржумандлари Комрон Мирзо ва Аскарый Мирзоларнинг ҳаж сафарига юборилгани ва уларнинг шу ёқларда бандаликни бажо келтиришгани ёзилади...

Такдир тақозосими ё Аллоҳнинг инояти биланми, орзу–умидларимиз ижобатими, сафаримиз муборак ҳаж мавсумига тўғри келган, биз бу шарафли, буюк имкониятни қўлдан чиқармаслик ниятида уловимизни шу томонга бироз шиғандик. Ҳам ҳаж арконларини, ҳам экспедициямиз дастурини амалга оширмақ учун бизга машина ниҳоятда зарур эди.

Саудия Арабистонигача режадаги анча–мунча ишлар билан шуғулландик. Машҳадда икки кун тўхтадик, Зокиржон ака Имом Ризо ҳарами қошидаги «Остони Қудс» кутубхонаси мутасаддилари билан «Хатти Бобурий»дан кўчирма олиш юзасидан музокаралар олиб борди. (Натижа қуйида маълум қилинади). Нишопурда Умар Ҳайём, Фаридиддин Аттор, Туркияда Айюб Ансорий, Жалолиддин Румий, Али Қушчи, Дамашқда Абу Наср Форобий қабр–мақбараларини қидириб топдик, зиёрат айладик. Техронда олимлар, зиёлилар билан учрашувлар ўтказилди, тарихий музейлар билан танишдик.

Сафар мобайнидаги изланишлар, воқеалар, саргузаштлар «Андижондан Бағдодгача» деб аталмиш сафарномада имкон қадар муфассалроқ баён этилгани боис, ҳаж даври билан боғлиқ ҳодисалар, таассуротлар, ҳис– туйғуларни алоҳида рисолага жамлашни кўнгилга тугиб эдим...

Биз Маккаи мукаррамадан беш юз чақиримча берида жойлашган, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг масжидлари, ул зотнинг муборак марқадлари ва бир қанча саҳобаи киромларнинг қабрлари билан зийнатланган, муқаддас қадамжойга айланган машҳур шаҳар Мадинаи мунаввара дийдорига ошиқаётганимиз учун қалбларимиз бетоқат эди.

Кўрғонга ўзга, йирик–йирик автобуслар ҳам тўла одами билан кириб (улар яқин- атрофдаги юртлардан), бир оздан кейин чиқиб кетишарди.

- Булар ҳожиларни меҳмонхона ва қўноқхоналарга жойлаштириб қайтишади, - дейишди бизнинг саволимизга.

Келаётганлар орасида бир хил – оппоқ, ҳарир рўмол ёпинган аёллар, бошларини қалин оқ мато билан ўраб чирмаган эркаклар ҳам кўп.

Ушбу зерикарли даргоҳга ихтиёрсиз ташриф буюрганимизда соат ўн бир эди. Икки ярим бўлди. Зокиржон ака билан мутаржим Муҳаммад Содик ижозат олиш илинжида хонама – хона овораю сарсонлар. Қолганларимиз у ёқдан бу ёққа босамиз, чўнқайиб ўтирамыз (ўтирғич йўқ). Боя кун исиб, айримлар бош кийимларини ҳам юпқароғига алмаштиришга улгурганди. Энди булутлар айланиб, шабада эса бошлади.

Худуд уч тарафдан тоғлар қуршовида, фақат шарқи жануб томон очиклик – ясси қоялар анча йироқда эди.

Мактаба хизматчиларининг аксарияти узун кўйлак - **қабо** кийган, катта оқ ё катак рўмол устидан қора матодан ясалган махсус чамбарак танғиган ёш йигитлар. Рўмолнинг икки учи ва кўп қисми орқаларида, қуймичларида ҳилпираб юрарди. Қабо тўпиқларни ҳам ёпиб туради. Баъзиларнинг этаги остидан оқ ё бошқа рангдаги шалвар кўриниб қолади. Шу ҳолатда улар чекишарди ҳам.

Шундай қилиб, пешин намозини Мадинаи мунаввара остонасида, “уловлар бандихонаси”да ўқиш насиб этди.

Катта масжид ёнидаги усти ёпик, бозор растасимон ошхонада ҳажга бораётганлар учун уч маҳал бепул овқат бериларкан. Зиёфат, меҳмондорчилик даражасида эмасу, ҳарқалай, қорин бемалол тўяди. Ҳа-да, ҳазилакам одам кирадим бу ерга...

Ниҳоят, бошлиқ пайдо бўлди, бироқ у билан ҳам иш битмади. Уловимиз шу ерда туриши шарт экан. Раҳбаримиз ҳарчанд уринди, тиришди, натижа чиқмади. Буларнинг тартиб- қоида қаттиқ эди.

Боя бизни бир нафасга ғоят қувонтирган ўзбек йигити Абдул Муҳсиннинг асли–насли кўконлик бўлиб, югур–югурлар, расмийлаштиришларни тезлаштиришга ҳартугул нафи тегди. Сўнг у бизни ўзининг етти ўринли Тойота машинасида (енгил, зарур нарсаларимизни



олдик, бошқа ҳамма ашқол – дашқоллар автобусда қолди) шаҳар марказига – Ҳарам яқинидаги Шамсиддин тақясига олиб борди. Тақя дегани умумий ётоқхона экан. Бино икки қаватли, чоғқина ҳовли–саҳнли эди, бизни мартабали меҳмонлар деб, юқори қаватга олиб чиқишди. Қават деярли бир хонадан иборат бўлиб, у устунлар аро тўшалган ўринларга қараганда юзлаб одамнинг ёнма – ён ётишига мўлжалланган экан.

Ота–боболари марғилонлик мўйсафид хизматчи бизни чой ва ширинликлар билан сийлади.

Мусофирхонанинг умумийлиги опаларга, бошқаларимизга ҳам маъқул тушмади. Раҳбар билан Қори домла Фулом Ҳазратнинг қариндошига қўнғироқ қилиб, шарт-шароитни билиш учун ўша ёққа жўнадилар. Кейин келиб, бизни олиб кетишди. Сумка–дипломатларимизни Фуломжоннинг қариндоши Муҳаммадшоҳ дўконига қўйиб, Ҳарамга кетдик. Яқин – пиёда ўн дақиқалик йўл эди.

## МАДИНАИ МУНАВВАРАДА

*Илгариги китобларда Мадинат–ун (“мадина”-шаҳар демак) Расулуллоҳ, Мадинат – ун Наби – Пайғамбар шаҳри деб ёзилган. Шаҳар Саудия Арабистонининг шимоли гарбий қисмида, Маккаи мукаррамадан 400 километр бериди, денгиз сатҳидан 600 метр баландликда жойлашган бўлиб, Ҳижоз вилоятига қарайди.*

*Мадина авалги Ясрибдир. Илк ўрта асрлардан ҳозирги ном билан атала бошлаган. 622 йили пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) Маккададан Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг, яъни кўчиб келганларида, илк мусулмонлар жамоаси Расулуллоҳ томонидан шу ерда тузилган. 7–асрда Мадина мусулмонларнинг Маккадан кейинги энг катта, энг оммавий зиёратгоҳи бўлиб қолган.*

*632–656 йиллар Мадина араб халифалиги пойтахти, Уммавийлар ва Аббосийлар даврларида Ҳижознинг маъмурий маркази бўлган. Аммо бу шаҳарнинг бошидан ҳам кўп шўришу гавғолар кечган. 10–асрдан уни Миср эгаллаган. Мисрни турклар босгач (16-аср бошларида), Усмонли турк империясига, кейинчалик яна Ҳижоз қироллигига қўшиб олинган. 1932 йилдан Саудия Арабистони таркибида.*

Шаҳар ўртасида, Муҳаммад Расулуллоҳ яшаган уй яқинида қад кўтарган катта масжид пайғамбаримиз вафотидан кейин Ҳарам, Равзаи шариф унвонларини олган бўлиб, Мадинаи мунавваранинг шарафи ва шонидир.

Ҳарамнинг салобатли миноралари (мен 10 та санадим), чароғон чироқлари ва нафис, тиниқ бўёқлари, нақшлари билан узокданок жилоланиб кўринади.

Масжиди Набавий оидидаги қарийб икки гектар, балки ундан ҳам катта майдонда одам гавжум, лекин ҳали у қадар тиқилинч эмас эди. Майдон ниҳоятда текис, ялтироқ (менимча, ҳожилар ялангоёқ юраверганидан шундай силлиқ бўлиб кетган) мармардан иборат, Равза эшикларига олиб борадиган йўлакларга резина палос тўшалган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак марқадларини зиёрат қилиш мусулмонлар учун вожиб амаллардан. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзлари бундай деган эканлар:

*“Кимки имкон бўла туриб мени зиёрат қилмаса, демакки у менга жафо қилибди”.*

*“Кимки қабримни зиёрат қилса, унга менинг шафоатим вожиб бўлади”.*

Каъбатуллоҳдан кейинги ушбу ибодатгоҳ ҳақида Муҳаммад алайҳиссалом:

*“Менинг масжидимда ўқиладиган бир намоз бошқа масжидларда ўқиладиган минг намоздан, Байтуллоҳдаги бир намоз менинг масжидимдаги минг намоздан улуг”* дея марҳамат қилганлар.

Масжид – Ҳарамнинг остонасига аввал ўнг оёқни босиб, *“Бисмиллаҳи вас салоту салому ало расулиллоҳи. Аллоҳуммафтаҳ ли абвоба раҳматика ва фазлика”* дея ичкарига қадам қўйиларкан.

Таомилга кўра, Ас–Салом дарвозасидан кириб бордик. Ҳарам биноси ичидаги йўғон

устунлар тошфонарсимон қандиллар, катта – кичик ёритгич – чироқлар, соатлар билан жиҳозланган, шифтдаги олти киррали ботиқлар соддагина, одмигина нақш ва бўёқлар билан сайқалланган, устунларнинг бел қисмидаги камар–ҳалқа ҳамда шифтга тегиб турган қисми тилла сувида жилоланган, товланади.

Бу гўзал устунлар ва ҳадди кенг шифтдаги рангин, нафис безакларни асли касби меъмор ё наққош аҳли қаламгина дурустроқ таърифлаб бера олиши мумкин, деб ўйладим. Мен лолу хайронлигимни, бўлак тасвиру тавсифга ожизлигимни айтишим мумкин холос. Масжид жуда бепоён –нариги четини кўз илғамайди – бир неча юз минг намозхонга мўлжалланган бўлиб, унга қанча маблағу ашё сарф этилган, зеби–зийнатларига қанча ҳунарманд – усталар неча йиллар меҳнат қилишганикин, деган мулоҳаза бору аммо бу сўроқ – мулоҳазаларга ўзимда жавоб йўқ эди. Менимча, Тожмаҳал маблағи ва ашёси.., ундаги нақшу безаклар ушбу мусалло олдида дарёдан томчи эди. “Назаримда, Тожмаҳал бунёдга келгандан кейингина Ер юзининг хусни мукамаллик касб этган” дея баҳо берган ҳинд адиби Кришан Чандр бу беҳад муаззам, нисбатан содда, аммо маҳобатли ва мумтоз обидани кўрганида нима дердийкин?

Муҳаммад Содик қори таржимонликдан ташқари ҳажбоши мақомини ҳам ўтарди. Унинг етакчилигида Муҳаммад пайғамбаримиз қабрлари томон оҳиста–оҳиста кетяпмиз. Қори домла йўл–йўлакай равзай муборак олдида қандай туриш, қай тарзда зиёрат қилиш, қай йўсинда салом бериш ва бошқа тартиб–қоидалар, шартлардан тушунча ва сабоқ бериб борди. Одам тирбанд, эмин–эркин юриш қийин эди. Ҳамма муқаддас манзил сари аста–аста, қадам–бақадам силжирди. Қорининг айтишича, Равзай шарифни силамоқ, ўпмоқ, юзни суркаммоқ дуруст эмас. Шу ерда ҳар бир зиёратчи Расули Акрам унинг келганини сезгандек, сўзларини эшитаётгандек ҳиссиётга берилмоғи, Пайғамбаримизнинг муборак сиймоларини кўз ўнгига келтирмоғи мақсадга мувофиқ экан. Зотан, китобларда *“Пайғамбаримиз чиндан ҳам унинг ҳузурига қадам ранжидида қилувчининг сўзларини тинглаб ётадилар”* деб ёзадилар. Дарҳақиқат, Набий алайҳиссалом ўз ҳадисларидан бирида шундай хабар берган эканлар: *“Менинг қабрим қошида менга салавот айтган кимсани эшитаман”*.

Биз ана шу ақидага биноан марқаддан бир ярим қадамча бериди саф тортдик. Қори китобдан ёзиб олган ва ёдидаги дуоларни ўқир, биз сомелар билганимизча тилимиздаю, дилимизда жўр бўлардик:

*Ассалому алайка ё Расулulloҳ,  
Ассалому алайка ё Набиulloҳ,  
Ассалому алайка ё Сафиulloҳ,  
Ассалому алайка ё Ҳабиulloҳ...*

Бирдан “ҳиқ–ҳиқ” деган овоз қулоғимга чалинди. Зайнобиддин хожи ака оҳиста йиғларди. Менда хайрат, хаяжон ва бошқа нотаниш, ажиб ҳиссиётлар бор эди, аммо йиғи туйғуси йўқ эди. Шундоқ келбатли одамнинг ҳам кўнгли бўш экан-да, деган фикр кечди кўнглимдан. Муҳаммад Содик ҳам дуоларни нола аралаш, мунгли ўқирди.

Биз яна бир ярим қадам ортга жилиб, андак турдик. (Зиёратчи ҳали жуда кўп бўлмагани учун шундай имконият туғилганди, акс ҳолда ҳалойиқ бир-бирини туртиб-суртиб кетаверар, бир жойда тўхташ мушкул экан.) Икки уч қадам ўнгга – Расулulloҳнинг энг яқин саҳобаларидан, биринчи халифа Абу Бакр Сиддиқ ва иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳуларнинг равзалари - қабрлари рўпарасида ҳам ўз инсоний – исломий бурчларимизни адо айладик. Қори дуоларни шошилмай, бафуржа кироат қилиб, зиёрат аҳкомларини маромига етказишга тиришар, биз унга таассубан, унга эргашиб давом этардик.

Сўнг қоидага кўра, яна Пайғамбаримиз қабрларининг бош томонига қайтиб, тагин хушъу ва хузъу билан пича сукут сақлаб, фарзанду дилбандларимиз, ёру биродарларимиз ва бошқа яқинларимизнинг ҳам саломларини ҳавола қилдик.

Орқага қайтиб, таҳиййатул масжид намози ўқилиши маъкул бўлган ҳудуд – Муҳаммад

алайҳиссалом қабрлари билан минбари ўртасига ўтдик. Бу табаррук макон ҳақида Пайғамбаримиз шундай деган эканлар:

*“Қабрим билан минбарим ўртасида жаннат боғларидан бир боғча жойлашган ва менинг минбарим эса беҳишт ҳовузининг устидадир”.*

Ибодат ила машғуллар кўп, ўринлар зич. Бир амаллаб, қисилиб жойлашиб, намозни бошладик. Мен биринчи ракатни хотиржам ўқидим, иккинчи ракат ўрталарида бирдан шундай шиддатли, селдай йиғи келдики, ўзимни тутишнинг ҳеч иложи йўқ. Бу кўз ёшлар қайдан келди, нега келди – билмасдим. Намоз охирида, истиғфор айтаётганимда ички туғён янада кучайди, ёнимдагиларга ҳалал бераётганим аниқ эди. Лекин одамлардан тортиниш, ҳижолат ҳисса ўша пайтда жудаям ожиз, ночор эди. Бошқаларнинг ҳам кифтлари енгил силкинар, аммо менчалик товуш чиқариб йиғлаётган ҳеч бир кас йўқ. Менинг ғайриоддий бу оби-дийдамда қандайдир ҳикмат бордай туюлди, бироқ нима ҳикмат – ақлим бовар қилмасди. Зотан, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом юрган, саҳобалари билан суҳбат курган, намозу дуолар ўқиган, ибратли ҳадислар айтган, гумроҳларни исломга даъват этган муқаддас жойлар эди бу.

Намозни аввалроқ тугатган шерикларим мени нарироқда кутиб туришарди. Улар ёнига келганимда ҳам ҳамон ҳиқиллардим. Ҳолатимдан бохабар Зайнобиддин ҳожи ака: “Аллоҳ қалбингизни очгани бу,”- деди.

Ярим соатлик зиёратдан кейин хуфтон намозини ҳам шу ерда ўқидик-да, янги паккамизга қайтдик.

Муҳаммадшоҳ уйга олиб кетмокчи бўлган эди, раҳбар кўнмади, истиҳолага борди, зеро мезбон онаси, иккита хотини, олти нафар “жужуғи” билан ўзи зўрға тиғиз яшар, шунга қарамай астойдил таклиф этарди.

- Уйимиз тор бўлсаям, юрагимиз кенг, айниқса, миллатдошлар, ватандошлар учун, - деди у самимий табассум билан.

Дўкондан сал наридаги кўп қаватли мусофирхонанинг тўртинчи қаватидан бир хона топилди. Биз ҳам кўнгилни кенг олиб, бешовлон, каравотлар бир-бирига тегиб турган бўлса-да, дилдан яйраб-яшнаб истиқомат қила бошладик. (Опалар Муҳаммадшоҳникига юборилди.)

## *12 январь, душанба*

Таҳажжуд намозигага азон айтилганда Зокиржон ака чироқларни ёқиб, ҳаммани уйғотди. Бирин-кетин таҳорат олиб, Ҳарамга жўнадик. Ичкарида жой қолмаганди, ташқаридан, резина палосдан ўрин тегди.

Бомдоддан кейин қайтиб, янги танишимизнинг дўкони атрофини айландик. Телефонхона бор экан, ҳаммамиз Тошкану Андижонга, яқинларимизга сим қоқдик. Жуда тез – бир-икки дақиқадаёқ улаб берарди. Мен ишдаги – “Холис” газетаси таҳририятидаги ёрдамчим Дилшодбек билан гаплашдим (18 риёлга). Тинчлик-хотиржамлик, ишлар жойидалигини билиб, кўнглим таскин топди. (1 риёл – бизнинг 300 сўмдан кўпроқ экан).

Ижара уйимиз рўпарасида Ҳазрати Билол номидаги масжид бор экан, Қори домла иккимиз зиёрат қилиб, икки ракат нафл намозини ўқиб чиқдик.

Ҳаво айниқ эди. Соат 11 ларга борганда ёмғир ёға бошлади. Кучайиб-кучайиб, ниҳоят шунақа забтига олдики, “тўё челақлаб қуйди” деган ибора ҳам шарманда эди. Сўнг гоҳ тиниб, гоҳ ёғиб турди. Пешин чоғида ҳам саваламоқда эди, Ҳарам шарифга боролмай, ҳазрати Билол масжидига киришга мажбур бўлдик. Имомнинг қироати ниҳоятда тиник, жарангдор, овози таъсирли, ёқимли экан, кўп мутаассир бўлдим.

Бизда муқаддас шаҳарлар, улуғ кишилар исми ёнига ҳурмат юзасидан қандайдир сифат кўшиб, жуфтлаб айтиш расм, масалан: Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Ҳазрати Билол... Арабистонда эса, йўлларда ҳам, шаҳарда ҳам ҳамма битик-лавҳаларда жўнгина “Макка”, “Мадина” деб ёзилган, ушбу намозгоҳ оти ҳам “Билол масжиди” эди.

Илҳомжон иккимиз бошқа шериклардан айри ҳолда Ҳарамда асрни адо этдик-да, ташқарида бир зум айлангач, яна масжидга қайтиб кирдик. Сабаби ибодат вақтлари қайд қилинган кўрсаткичда шом намозининг 17.52да бўлишини кўриб, оз қолибди, бир йўла шомни ҳам адо этиб кетақолайлик, деб эдик. Белгиланган фурсат намоз бошланадиган эмас, азон чақириладиган муддат экан. Хуллас, икки соатдан зиёд ўтирдик: салавот айтиб ва турли-туман одамлар – зиёратчиларни кузатиб, ажабланиб, ҳайрон бўлиб...

Буни қарангки, шунча кишиларнинг орасида шоир, асли сурхондарёлик Мирзо Кенжабек билан учрашиб қолдик. Ўзбекистон ҳожилари кела бошлаган, Мирзо Тошкент шаҳри зиёратчилари билан бирга экан (у аввал ҳам ҳаж қилган). Мирзо чинакам тақводор ва машрабона, камтарин, хокисор қиёфада эди. У табиатан самимий инсон, яхши шоир. “Андижон томонларда” деган, менинг суюкли юртдошим, қадрдон укам, шоир ва журналист Абдунаби Бойқўзиевга бағишланган лирик шеърни бор. Кейинги пайтларда Мирзо негача шеърни кам ёзмокда, исломий илмлар оламига жиддий кириб, Фаридиддин Аттор ва бошқа улуғ алломаларнинг сўфиёна асарларини ўзбек тилига ўгирмокда, бинобарин, хайрли ишлар билан машғул.

Мадинада автоулов Эрон, Туркия, Суриядаги каби кўп бўлмаса-да, кўчалари торроқ, калта, ёйсимон бурилишлари кўплиги боис, қатнов занжирсимон, йўлнинг бу бетидан у бетига ҳадик билан ўтасиз. Яхшики, зиёратчилар тўп бўлиб ўтишаётганда аксарият ҳайдовчилар машиналарини секинлатиб ё бутунлай тўхтатиб турардилар.

Хуфтон маҳалида Ҳарамда ҳожилар бирдан кўпайиб кетди. Ҳатто бепоён майдон ҳам жуда гавжум, ҳар ким, ҳар гуруҳнинг ҳар тарафга юришиш қизиқ туюларди. Гўзал бир ваҳима! Ваҳимали гўзаллик! Одамзотнинг бўй-баст, қиёфа, кош-кўз, бош кийиму ялангбошлик, умуман кийиниш, ҳатто юриш - ҳатти-ҳаракат жиҳатларидан нақадар ранг-баранглигини шу ерда аниқ кўриш мумкин эди. Намоздаги кулоқ қоқиш ва бошқа қоидалар ҳам турлича экан. Тавба, дейман, ислом бир дин бўлса, унга эътиқод қилувчилар мусулмон деган бир атама билан юритилса, нега унда ҳар хил мазҳаб, оқимлар мавжуд? Ахир Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг саҳобалари, сафдошлари, тарафдорлари, исломнинг дастлабки ёқловчилари адолат ва диёнатга, ҳақгўйлик ва ҳақиқатгўйликка асосланган бу диннинг ҳамма учун бир хил, дин учун ҳам ҳамма бир хил бўлиши йўлида курашганлар-ку!..

### 13 январь, сешанба

Ҳарамга, бомдод намозини адо этиш учун саҳар бордик. Ҳали барвақт, деб ўйловдик, аранг жой топдик.

Намоздан туриб, чиқаётсак, Ўзбекистон телевидениесининг ўша вақтдаги Фарғона вилояти муҳбири, яна бир қадрдонимиз Муҳаммаджон Обидов кўриниб қолди. Улар тунда Жиддага самолётдан тушибок, автобусда бу ёққа жўнашибди.

Бир машина ёллаб, тарихий обидалар зиёратига отландик. Аввал Ухуд тоғига бордик. (Тоғ менинг тасаввуримдагичалик баланд эмас эди). Бу кўҳна тепаликда Пайғамбаримизнинг амакилари, саййидимиз Амир Ҳамза ва Расуллуллоҳ йигитлари билан маккаликлар ўртасида кечган жангда 70 нафар саҳоба шаҳид бўлган, уларни Набий алайҳиссаломнинг ўзи тупроққа қўйдирган. Лекин биронта ҳам қабр кўринмайди – майитлар кўмилган ҳудуд панжара-деразали девор билан қўрғонланган. Дарвоза пештоқида Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламнинг: *“Мен аввал сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, энди, зиёрат қилинган, зеро, қабристон охиратни эслатади”* деган мазмундаги ҳадислари йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилибди.

Кейин икки қиблали масжидга бордик. Пурвиқор катта бино экан. Маълумки, аввал қибла Қуддус шаҳри эди. Ҳижрий 3-йили (624) Муҳаммад пайғамбаримиз бошқа бир жойда намоз ўқиётганда қибла ўзгарди, деган ваҳий келган, бу хабар ушбу саждагоҳга етказилган, ўтирганлар орқаларига ўгирилиб, Маккага – Каъбатуллоҳга қараб намозни давом эттирган, шундан унинг номи Қиблатайн – Икки қиблали бўлиб қолган экан. (Бошқа ривоятларда

Расуллуллоҳ мана шу ерда намоз ўқиётганларида ваҳий келган, дейилади).

Қубо масжиди ҳам маҳобатда Қиблатайдан ўтадиган муҳташам ибодатгоҳ эди: пойдеворлари баланд, шифти ҳам жуда юқори, нақшли. Унинг пештоқиға “*Бу масжидда ўқилган бир намоз Умрани адо этмоқ билан баробардир*” деган ёзув битилганди. Муҳаммад Содиқнинг айтишича, мазкур масжид ўрни Расуллуллоҳ (С.А.В.) Мадинаға келганларида туялари чўккан ер экан. Муҳаммад алайҳиссалом ўз саҳобалари билан шаҳарға яқинлашганларида бир қанча мадиналиклар уларни кутиб олишға чиқишган ва ҳаммаси ўз уйлариға таклиф қилишган. Улар орасида, албатта, меникиға қўнса керак, деб ишонган бойлари ҳам, биздек фақирнинг кулбасини раво қўрармиди, деб ўйлаган қашшоқлар ҳам бор эди. Шунда Расуллуллоҳ адолатли йўл тутадилар: туяни ўз ҳолиға қўямиз, кимнинг ҳовлиси олдида тўхтаса, ўша хонадонға тушамиз, дейдилар. Ҳамма ҳаяжон билан ул мўътабар зотнинг туялариға кўз тикиб туради. Жонивор камбағаллардан бирининг ғарибона гўшаси рўбарўсига етганида секинлаб, чўқади. Худди ана шу жойға кейинчалик масжид қурилган. Ўзини бечора деб билгувчи омадли саҳоба эса – биз Истанбулда қабрини зиёрат қилган улуғ инсон – Аюб Ансорий эди...

Муаззам кошона янглиғ салобатли масжидлар таърифига сўз ожиз. Илло, улар, мен каби бандаи ожизнинг тавсифига муҳтож ҳам эмас.

“Етти масжид” деган манзилни топиб борсак, уларнинг (ёнма-ён, туташ бўлган экан) ҳаммаси қачонлардир бузиб юборилган, ўрнида яхлит намозгоҳ қад ростламоқда эди. (Ислом тарихидаги машҳур Хандақ жанги шу атрофда юз берган экан).

Аср намозидан кейин Ҳарами шарифнинг этак томонидаги катта, машҳур қабристон – ўн минг саҳобани ўз бағрида олиб ётган “Жаннат-ул бақий” (“Боқий жаннат”)ға ўтдик.

Бақий (китобларда шу тарзда ҳам битурлар) – Мадина аҳлининг асосий қабристони бўлиб, Муҳаммад алайҳиссалом яшаган даврларидан то шу кунға қадар майитлар қўйилиб келинмоқда. Расуллуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам фарзандлари, аҳли аёллари, шунингдек, учинчи халифа ҳазрати Усмоннинг хилхоналари ҳам шу ерда экан.

Расули Акрам баъзан кечалари ҳам келиб, бу жойда ётган саҳобаи киромларнинг ҳақлариға дуо қилиб турар эканлар.

Зиёратчи кўпайиб кетгани ва кеч бўлиб қолгани учун одам киритиш тўхтатилган, баланд зиналардан кишилар зич тушиб келарди.

Четроққа чиқиб, тиловат учун чўккаладик. Муҳаммад Содиқнинг боболаридан бири ҳам шу табаррук сағананинг қай бир четида экан.

\*\*\*

Муҳаммадшоҳнинг дўкони биз учун пакка - бир-биримизни ўша ерда кутардик. Ғулом Ҳазратнинг қариндоши ҳам гапға чечан, киришимли, фақат, сипороқ эди. У ғалати бир “янгилик” айтди. Кейинги пайтларда ўғри, мол олиб қочар кўпайганидан зорланди.

Мен Муҳаммадшоҳнинг сўзлариға ишонмадим.

Дўконлар, ошхоналарнинг оддий хизматчилари ичида ўзбекларни ҳам кўрдик. Аксариятининг ота-боболари бир замонлар турли сабаблар билан Ўзбекистондан Афғонистонға, сўнг йиллар давомида Саудияға келиб ўрнашган. Баъзиларида сарсон-саргардонлик учун аламзадалик бордай, кўпларида ватан, ватандошлик туйғуларидан кўра савдогарлик, тижорат ҳиссиёти устуворроқ туюларди. Балки, кейинги даврларда юртдошлар кўп келиб, улардаги соғинч, қўмсаш анча таскин топиб қолгандир.

**14 январь, чоршанба**

Бугун кечагидан ҳам барвақт – соат 4да йўлга тушдик. Одамлар муқаддас масжид томонға дарёдай оқиб борар, лекин ҳарқалай, у ерда холироқ ўринлар бор эди.

Сўнг “мактаба”ға жўнадик. Муҳаммад Содиқнинг унча ичи чикмай қолди. Мадинаи мунавварада, Расуллуллоҳ равзаси жойлашган мўътабар ибодатгоҳда қирқ маҳал намоз ўқиш керак, дер эди у. Лекин раҳбар, Саудияда аввали Худо йўлиға зиёрат, қолаверса, Аллоҳнинг инояти билан йўналишимиз, муддатимиз тўғри келгани боис, албатта ҳаж

арконларини мумкин қадар адо этмоғимиз, шу билан бирга экспедициямиз дастуридаги вазифаларни ҳам бажармоғимиз лозимлигини айтиб, Қорини ювоштирди.

Мактабада яна анча-мунча расмий ишлар битирилди ва соат ўн ярим (бизда ўн икки ярим)да автоуловлар бандихонасидан чиқиб, енгил нафас олдик.

Маккаи мукаррамагача 417, Жиддагача 393 километр экан. Биз Жиддага қараб йўл олдик.

## ЖИДДАИ МУБОРАҚДА

Кўп юрмай, бир кўприкдан ўтдик. Остидаги ўзанда озгина кўлмак сув жимирларди. Кейин яна Арабистонга хос манзаралар бошланди: сийрак дарахтлар, бепоён сахро; қора балчиқсимон шўрхок ер кетмон билан чопиб чиқилган далани эслатарди: тупроқ бўлак-бўлак бўлиб, ялтираб турарди.

Сахро этаги, одатдагидай, сурма ранг тоғлар билан туташиб кетган.

Посёлкасифат аҳоли масканларида ҳар турли дарахтлар кўзга ташланарди – худди тош устида гул ўстирилгандай. Каттагина ҳудуддаги арчазор инсон боласининг чиндан-да қўли гуллиги, жаҳд этса чўлу биёбонни ҳам гулзору боғ-роққа айлантира олиш салоҳиятига эга эканлигидан далолат эди.

Жиддадан 220 километр берида янги шаҳарча учун қурилаётган бесаноқ уй-жойларни, бошқа иморатларни кўриб, яна одамзод келажакда мисли йўқ даражада кўпайиши ва дашту саҳроларни ҳам эгаллаши ҳақида, шу тарзда ортавериш охири қаерга, қандай тарзда олиб бориши борасида ўйлаб кетдим, лекин ҳеч ўйимнинг тагига етолмадим - шуурим, тасаввурим ожизлик қилди.

Йўл бўйлари ва саҳродаги тошлар йириклаша борарди. Жиддага 110 километр қолганда сердарахт депара бошланди, шундай ерларда ҳам шаҳарчалар бор эди.

Жиддага 60 чақирим етмай йўл янада созланиб, атроф ободонлашди, ранглар куюқлашди. Юзаси хиёл кўкарган марзалар кўпайди.

Кўчанинг икки юзида қатор экилган манзарали дарахтлар (асосан пальма), йўл устига (дарё тепасига эмас) солинган кўприк, истироҳат боғисимон хиёбон, ошхона ва бошқа хизмат масканлари катта шаҳар яқинлигидан дарак берарди.

Учта полиция-назорат масканидан ҳайиқиброқ ўтдик. Раҳбарда, демакки, аъзоларда ҳам “Жиддага бормаисизлар, мийқодда эҳром боғлаб, Маккага кетишларинг керак”, деб қолишармикин, деган ҳадик йўқ эмасди.

Зокиржон ака Ўзбекистон Республикасининг Жиддадаги консули Абдурафик Абдували ўғлига қўнғироқ қилди. Бахтимизга у биз кетаётган йўлга яқин тайёрагоҳда экан, кўприк-йўл остида тўхтаб туришимизни айтди ва кўп ўтмай етиб келди.

Мамлакатимизнинг хориждаги бу расмий вакили ҳам Эрондаги элчимиз каби Зокиржон акани шахсан танир, экспедиция дастуридан хабардор ва унга хайрихоҳлардан эди.

Шаҳар йўли кенг, тикка, бир ёқлама эди. Узоқ юрдик.

Шоҳ кўча бўйларида янги бинолар кўп тикланмоқда, шаҳар кенгайтирилмоқда экан.

Консулимиз аралашуви ва ташкилотчилигида “Ал-Амин” меҳмонхонасининг учинчи қаватига жойлашдик. Жиҳозлар, шарт-шароитлар шахсан мен учун орзудагидек.

Кечкурун Абдурафик аканинг ёрдамчилари келиб бизни олиб кетишди. Ваколатхонамизда дастурхон ёзишиб, меҳмон қилишди.

Шоти кўчасидаги ушбу ваколатхонамиз биниси ихчам, аммо кўркам, шинам ҳовлисидаги ҳовуздан тароват ва салқин эпкин таралар, йўлак ва даҳлизларнинг бурчаклари, деразаларда анвойи бута-гуллар яшнаб турарди.

Консулимиз одамохун ва бадиятга анча иштиёқманд экан, суҳбатимиз жуда қизгин ва мароқли ўтди. Шу аснода дилимдан “Ватан туйғуси илмга, зиёга ошно кишиларда кучлироқ бўлади-да” деган фикр кечди.

Меҳмондорчиликдан сўнг Қизил денгиз бўйига чиқдик. Баҳри-уммоннинг

қўлтиқсимон жойида бир оз сайр қилдик, пастга – сув тўлқинлари лабини ялаб турган ётиқ қирғоққа тушиб, юз-қўлларимизни ювдик. Кечасилиги учун ҳаво салқин, бунинг устига, денгиздан муздек шабада эсарди. Тезроқ меҳмонхонага қайтишга мажбур бўлдик.

*15 январь, пайшанба*

Эрталаб Момо Ҳаво қабрини зиёрат қилмоқ учун отландик.

- Жидда – “жадда” сўзидан олинган бўлиб, она, эна маъносини англатади, - дейди Қори домла таажжубимизга жавобан. – Момо Ҳаво бутун инсониятнинг онасидирлар, мана шу шаҳарга дафн этилган деган нақл бор.

Амморий маҳалласи меҳмонхонамиздан унча узоқ эмас экан. Қабристон ярим ой шаклида бўлиб, атрофи қўрғонланган ва дарвозаси ёнида назоратчилар хонаси мавжуд эди. Ичкарига кириб ҳанг-манг бўлиб қолдик. Шахсан мен Арабистонда дафн маросими йўқ, майитни махсус одамлар хонадондан олиб чиқиб кетиб, умумий бир жойга қўмишади, деган гапларни эшитгандиму, бунақа манзарани кўраман, деб ўйламовдим. Ўртадаги тўғри йўлакдан икки томонга кетган қатор-қатор, узун-узун, энсиз, саёз ариқчалар ичидаги тупроқ юзаси пуштасимон, текис қилиб қўйилганди.

- Момо Ҳавонинг қабри шу ердами? – деган саволимизга мазористон хизматчилари, бундай сўроқдан безор бўлишган чоғи, хушламайгина, “шундоқ дейилади, лекин айнан қаердалиги маълум эмас, ҳеч ким билмайди”, деб жавоб беришди. Менимча, улар ҳақ эди.

Бирор-бир қабр, қабртош ё бино бўлмаса-да, суратга, видеога олишга ҳам қаршилиқ кўрсатишди (уларда таомил шундай экан).

Қабристонга таажжуб билан кириб, таассуф билан чиқиб кетдик. Денгиз бўйига бормоқчи бўлиб анча айланиб юрдик. Кўприк ва кўприк-йўллар худди Санкт-Петербургдагидек шу қадар кўп эдики, Жидда – кўприклар шаҳри экан, дегим келди. Адашиб, бир гумруххонага ҳам кириб қайтдик. Бепоеъ сув қорайиб, саробсимон ялтираб кўринадю, унга етадиган йўлни тополмасдик. Шаҳар атрофининг қарийб ярмини Қизил денгиз ўраб тураркан. Кинолардагидай манзара: қирғоқдаги хиёбон, булварларда хурмо дарахтлари, кумлоқ соҳилда дам олувчилар...

Денгиз суви негандир мавжсиз, балки биз кўрган жойи шундайдир. Суви қизил эмас, одатдагидай зангори эди. Ривоятларга қараганда бир замонлар остида мунчоқ оладиган қизил тошлар бўлгани учун шундай аталган экан. Китобларда денгиз номи сувўтлари муайян даврда қизғиш рангга кириб туриши билан боғланади.

Умуман, Арабистон ярим оролидан ўтиб, Африка оролигача чўзилган мазкур денгиз ҳақида шуни айтиш керакки, у Ҳинд уммонидан чиққан. Узунлиги салкам икки минг километр, эни 300 километрдан зиёд. Умумий эгаллаган майдони 450 минг квадрат километр – Ўзбекистон ҳудудидан ҳам катта.

Тушдан кейин меҳмонхонамиз соҳиби Абдурахмон Хўжа Туркистоний билан кўришдик, суҳбатлашдик. Кеча у бизга унча эътибор қилмаганди, чамаси консулимиз Зокиржон Машрабов ва экспедиция ҳақида гапириб бергандан кейин қизиқиб қолган.

Абдурахмон Хўжа Қобулда таваллуд топган, асли ота-онаси андижонлик экан. У ўзбек тилида деярли мукаммал, Андижон шеvasига яқин лаҳжада гапирарди. У бизни меҳмонхона ресторанининг алоҳида бўлмасида меҳмон қилди. Тепасига товук гўшти, лўла кавоб босилган серсабзи, сермайиз, Миср гуручидан дамланган палов, ошни соғиниб қолганимиз учунми, жуда мазали туюлди. Фақат, меҳмонлик таомили андишани, меъёрни тақозо этарди.

Дастурхон ранг-баранг ширинликлар ва мевалар билан безатилган. Қип-қизил қулупнай, сарғиш, пўсти ниҳоятда тиниқ шафтолилар шу қадар жозибали эдики, қўлингизнинг беихтиёр чўзилганини ҳам сезмай қоласиз. Энди ҳатто меҳмонлик одоби ҳам иштиёқингиз, майлингиз йўлига ғов бўлишга ожизлик қилади. (Ахир бу ноёб меваларни

январнинг қоқ ярмида ҳозиргина узиб, териб келтириб қўйилгандай яшанг туриши биз учун мўъжизадай гап эди-да!) Лекин... қўз олғувчи қулупнай тўппа: на сўли бор ва на таъми. Жоду қилгувчи шафтоли ҳам мерч – тиш ўтмайди, мазадан асар йўқ. Шафтолини бир тишладиму қолганини нима қилишни билмайман... Шунинг учун нақш олмаларга сукланиб қараб-қараб қўйиш билан чекландик... Меваларни йироқ жойга юбориш ва узоқ сақлаш учун махсус аппаратда нами-соки сўриб олинганди.

Мулоқот-зиёфат сўнггида Абдурахмон Хўжа Туркистоний (биз уни Андижоний дея бошладик) унинг меҳмони сифатида Маккаи мукаррамада Ўзбекистон ҳожилари қаторида яшашлигимизни айтди. Зокиржон ака харажатларни тўлашга шаъма қилувди, саховатли мезбонимиз рад этди. Бу илтифот ҳам, аввало Бобур юзи-хурматида эди.

Ўтган кундан бери ҳаво мусаффо, ҳарорат баланд. Ромларни очиб ётибмиз. Жидданинг тунги осмони тиниқ, лекин нечукдир юлдуз сийрак. Шаҳар узра порлаётган беҳисоб чироқлардан Қизил денгизнинг соҳилига яқин жойидаги кўкка лола шаклида отилиб, нилуфар япроғидай ёйилиб қайтиб тушаётган, ҳамма ердан, бизнинг деразадан ҳам баралла кўриниб турган юксак, ҳарир парда янглиғ фаввора ораларидан таралаётган рангин шуълалар юлдузлар камини тўлдирадди гўё. Фавворанинг шовқини ҳам аниқ ва ёқимли эшитиларди.

*16 январь, жума*

Шу муқаддас, муборак, кутлуғ кунда биз Маккаи мукаррамага юзландик.

Меҳмонхонамиз “Форс сандиғи” мавзеи яқинида эди. Ўтган куни келганимиз Мадина кўчасидан “Ал-Амин” тарафга буриладиган ўнг бурчақда қопқоғи кўтариб қўйилган рамзий сандик бўлиб, унинг ичи ва қопқоғининг остки томонида турли тақинчоқ ва зеб-зийнатлар акс эттирилганди.

Жиддадан ана шу сандикнинг ажиб бир таасуроти билан жўнадик.

Иссиқдан чанқай бошладик.

150 километр юргач, ўнгга қайрилдик ва беш чақирим ичкарига – Робих шаҳрига қарашли (сахро ўртасида, яқин-атрофда шаҳарсимон маскан кўринмайди) Жухфа мийқотида кирдик.

Экспедициянинг асосий мақсадлари ўз дастуридаги вазифаларни – илмий изланишлар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодларининг изларини топиш, шу жараёнда Шарқнинг турли шаҳру кентларига тирқираб кетган улуғ аждодларимизнинг қабрлари ҳоли-ҳолатини ўрганиш, уларни ободонлаштириш чораларини қидириш каби юмушлар билан бирга Аллоҳнинг инояти билан ўз мусулмонлик бурчимизни - бешинчи фарзни ҳам ўташдан иборат эди. Мана, ҳажнинг дастлабки шартларини бажариш бахтига мушарраф бўлиб турибмиз.

Ҳажни адо этиш йўл-йўриқларига бағишланган рисоаларда ёзилишича, ҳаж мавсуми ҳар йили хижрий Шоввол ойининг бошидан Зулҳижжа ойининг ўнинчи кунигача давом этади. Бошқа вақтларда қилинган зиёратлар Ҳаж эмас, балки Умра ибодати ҳисобланади.

Ҳаж амалларига киришиладиган манзиллар мийқот дейилади ва улар бештадир: Зулхулайфа, ал-Жухфа, Қарнул манозил, Яламлам, Зоти ирқ.

Диний масалалар бўйича бош маслаҳатчимиз Муҳаммад Содик қорининг айтишича, биз ал-Жухфа мийқотида эҳром<sup>1</sup>га киришимиз лозим эди. Мадинаи мунавварадан Жиддаи муборак сари бораётганимизда Муҳаммад Содик ушбу мийқотда эҳтиромга кириб олишимиз лозимлигини қайта-қайта айтган, лекин экспедиция режалари ва бошқа сабаблар туфайли мазкур манзилда тўхтамай, эҳром боғламай ўтиб кетганимизда Қори домла анча ёзгириб, ранжиган ва ўз афсус-надомати, эътирозини бир неча бор ошқора изҳор этган эди. Ҳайриятки, китобларда қуйидагича эслатма бор экан: *“Мийқот Байтуллоҳнинг тўрт тарафидан Байтуллоҳга Ҳаж ва Умрага келаётган киши эҳромсиз ўтиши мумкин бўлмаган бир чегарадир. Бу ердан эҳромсиз ўтса, шу ерга яна қайтиб боришига имкони етса қайтиб бориши керак. Қайтишига имкони етмаса, Макка шаҳрига келгандан кейин бир қўй сўйиб,*



*Макканинг фақирларига улашиб беради”.*

Биз ана шу қоидага мувофиқ мийқотга қайтиб келиб, зиммамизга тушиши мумкин бўлган “дами жиноят” деб аталмиш жазодан қутулган, Муҳаммад Содиқнинг кўнгли ҳам жойига тушмоқда эди.

Душхона ва бошқа барча шарт-шароитлар муҳайё бўлган махсус бинодаги ғуслдан сўнг эҳром боғладик, шу ердаги масжидда икки ракат нафл намози ўқиб, ният қилдик: *“Таматтуъ ҳажини ирода қилдим”. Умра учун деб ният қилиб, эҳром кийдим. Парвардигоро, ўзинг уни менга осон қилгин ва қабул айлагин*”. Кейин қори йўл-йўлакай бизга ёд олдирган талбияни жўр бўлиб айтишни бошладик:

---

<sup>1</sup>Эҳром – ҳаж ва умра пайтларида эркаклар танасини елкадан белигача ва белдан тиззагача ўраб оладиган икки бўлак катта сочиқсимон қалин оқ мато. (Аёллар эҳром ўрнига янги, пок либос киядилар).

<sup>2</sup>Ният турлари бир неча бўлиб, Ўзбекистон ҳожиларига шу ният қулай ҳисобланади. Бунда умра ниятида эҳром боғлаб, Маккаи мукаррамага боргач, умра зиёрати адо этилади-да, эҳромни тарк этиб, ҳар ким ўз либосида ибодат билан машғул бўлиб, Зулҳижжа ойининг “Тарвия” деб аталадиган саккизинчи куни ҳаж нияти билан қайта эҳромга кирилади (Муаллиф).

*“Лаббайка аллоҳумма лаббайк, лаббайка ла шарика лака лаббайк, иннал ҳамда ван неъмата лака вал мулк, ло шарика лак”.* Яъни: *“Ҳузурингга лаббай деб келдим. Сенинг амрингга тайёрман. Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сенга ҳамду сано бўлсин. Бор неъматлар ва мулк Сеникидир. Сенга ҳеч қандай шерик йўқдир”.* “Лаббайка..”ни айтиш эҳром боғлагандан то Қурбон ҳайити кунигача адо этиладиган суннат амали экан.

Пешин намозларини ҳам шу ерда ўқигач, яна Жидда тарафга қайтдик, шаҳарга етмай, Тоиф, Макка йўлидан кетдик. Йўл гоҳ паст, қуриган юлғинли, гоҳ сарғимтир қум-тупроқдан иборат тоғлар оралаб борарди.

Маккаи мукаррамага 20 километр қолганда қаршимиздан бир Қуръон ёдгорлиги чиқди, кўчанинг икки томонидан ёй шаклида кўтарилган бетон-устунларнинг бир-бири билан туташган жойи тепасида жуда катта очиқ китоб – Қуръон шакли тасвир этилган эди.

## МАККАИ МУКАРРАМАДА

Қоронғи тушганда Маккаи мукаррамага кириб бордик. Ўзбекистон ҳожилари жойлашган манзилни излаб хийла тентирадик. Охири бир такси ёлладик. Шаҳар четроғида “Жанубий ал-Азизия” деган мавзеда экан. Абдурахмон Хўжа Туркистоний марҳамати билан шу кўналғага ўрнашдик. Кейин ўзбекистонлик ҳожилар учун ажратилган махсус автобуслардан бирида Ҳарамга кетдик. Ё, Парвардигор! Аллоҳнинг бандаси ҳам нималарга қодир-а!... Тожмаҳални, Миср эҳромларини мўъжиза дейишади. Ҳақиқий мўъжизалар деб мана шу Ҳарам Каъбани ва Мадинаи мунавварадаги Расулуллоҳ (С.А.В.) масжидарини айтса арзийди!

Ал-Масжид **ал-Ҳарам** – муқаддас масжид – томи узра қад кўтарган баланд ва йўғон минораларнинг аксарияти кулранг мармардан иборат, деворлари рангин товланувчи тошлар билан безатилган тўгарак иншоот бўлиб, у Каъбатуллоҳни ўз бағрига олган эди.

Байтул-ҳарам (муқаддас уй) - шундай ҳам дейилади – деворларини ёнлаб айланиб, Қори домла билан бирга, талбияни айтиб, умра амалларини бошламоқ ниятида Салом дарвозасидан ичкарига – қутлуғ даргоҳга қадам қўйдик. Ҳаяжон яна вужудларни зириллата бошлади.

Бино уч қаватли бўлиб, учала ошённинг ҳам олди, яъни Каъбатуллоҳга қараган тарафи очиқ айвонлардан иборат эди. Айвонлардаги беҳисоб устунлар, қандиллар ва чироқлар ҳам

ўзига хос – бошқа рубъи маскунда кўрилмайдиган лойиҳалар асосида тикланган, ўрнатилган эди. Оқ, қаймоқранг, кулранг мармар тўшалган пол аксингиз кўринар даражада ялтирайди. Шифтга осилган бесаноқ елпаррақлар тинимсиз пириллаб, ҳавони салқинлатиш, мўътадиллаштириш учун жон-жаҳди билан айланади.

Айвон четига, Байтуллоҳ рўпарасига бориб, ҳайрат уммонига ғарқ бўлганча хийла турдик. Муҳаммад Содик дуолар ўкиди. Кейин тавофи қудумни адо айламоқ учун таомилга биноан эҳромни ўнг елкани очик қолдирган ҳолда боғлаб, Ҳажарул Асвад рўпарасидан ўнг тарафга қараб юрдик.

Тавофи қудум (“қадам” сўзидан) – Каъбатуллоҳга ҳурмат ва эҳтиромни изҳор қилмоқ, яъни унинг атрофидан етти бора айланмоқ демак.

Байтуллоҳнинг тўртта бурчаги Ҳажарул асвад – қора тош, Ироқий, Шомий, Яманий (яъни, Яман томондаги) бурчаги (рукни) дейиларкан.

Китобларда Ҳаж маносиклари (ҳаж амаллари), жумладан, Каъба тавофининг ҳар гали олдидан ўқиладиган маълум дуолар келтирилади. Айримлари ихчамроқ, айримлари хийла узун сураларни ҳамма ёд билавермаслиги аниқ. Шу муаммо Ҳажга бел боғлаган кишини анча ташвишга, хатто таҳликага солиши мумкин. Аммо бандаларга яратилган енгилликни, ғамхўрликни қарангки, дуоларни ўқимаса бажарган амали бекор ёки ноқис ҳисобланмас экан.

Қора тошдан олдинги, тўртинчи бурчак - рукн-ул Яманий (айрим китобларда “Ямоний” ҳам битадилар)ни иложи бўлса силаб, йўқса, тўғри юриб, Ҳажарул Асвадга ё унинг рўпарасига етгунча “*Роббана отина фиддунйа ҳасанатан ва фил охирати ҳасанатан вақина азабаннар*” дуосини такрорлаб бориш мақсадга мувофиқ саналаркан.

Аввалги уч айланишда майда қадамлар билан лўккилаб юриш эркаклар учун мардона қиёфада ибодат қилиш белгиси – далолати сифатида суннат экан. Қолган тўрт тавофда секин юриб ўтиларкан.

Тавофи қудум ниҳоясида “Мақоми Иброҳим алайҳиссалом” деб аталмиш ёдгорлик яқинида икки ракат намоз ўқимоқ вожиб амаллардан бири бўлиб, уни ёдгорлик рўпарасида ёки узоқроқда ўқиса ҳам жоиз экан.

Биз ҳам: “Бисмиллаҳи аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд” дея, Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбаримизга саловат айтиб, ҳаж рукнларини бажаришга киришдик.

Юз минглаб одам муқаддас зиёратгоҳ атрофини айланар, ҳолироқ жойларда – мақоми Иброҳим ён-верида нафл намози ўқиб, ибодат қилишарди. Биз ҳам мумкин қадар қоидаларга риоя этмоқни дилимизга туккан ҳолда тавофни бошладик.

Иброҳим алайҳиссалом қурдирган Каъбатуллоҳнинг остки таянч қисми кенгроқ бўлган, ҳозирги Байтуллоҳ унга қараганда чоғроқ барпо этилган (тўпланган пул етмай қолган) экан, ёнида олдинги пойдевор ўрни (тахминан учдан бир бўлаги) қолган, кейинчалик ўша ёйсимон пойдевор устига елка баробар девор уриб қўйилган, тепаси очик эди. Ортиқча пойдевор – ярим доирасимон майдоннинг бир тарафи Каъбатуллоҳ деворига туташ, иккинчи чеккаси билан Байтуллоҳ ўртасида кенгроқ эшик ўрнича жой очик қолган, ҳожилар шу қўрғонда ҳам намоз ўқиб, айланишни давом эттиришарди. Зеро, у “ортиқ” жой Каъбанинг ботини ҳисобланиб, у ерда ўқилган намоз Каъбанинг ичида ўқилган намоз мақомидадир, дейилади китобларда.

Биз ҳам бу орада ана шу табаррук жойда икки ракат нафл намозини одам кўплигидан туртиниб – суртиниб, оёқларга бошимиз тегиб адо қилдик.

Байтуллоҳ биқинларида ҳожилар сафи қалин, яқинлашаман десангиз, суриб, четроққа чиқариб қўйишади. Ҳамма яқинроқдан айланиш пайида интилаверади, чунки Ҳажарул Асвадга етиш учун Каъба девори ёнига ёндошиб, қапишиб бориш керак.

Ҳожилар асосан жамоа, гуруҳ-гуруҳ бўлиб юришар, раҳнамо-пешвоси дуолар ўқир, бошқалар баралла такрорлашарди. Айниқса, туркларнинг товушлари ўткир эди. Аслида, қорининг айтишича, бундай баланд овоздаги изҳори ибодатлар дуруст эмас. Пайғамбаримиз ундайларга: “*Эй бандалар, сизлар қулоғи кар зотни чақираётганингиз йўқ, у секин муножот қилсаларинг ҳам эшитаверади*”. деганлар. Дарҳақиқат, бундай бақирлиқлар ён-

атрофдаги дуою такбирларни ичида ўқиб, жимгина айланаётганларнинг хаёлини бўлиб, халал бериши ва хатто асабларига тегиши мумкин-ку.

Жуда кўп жамоалар бир хилда, махсус бичилган кийимда эди: елка, кўкрак ёки тирсак қисмига алоҳида белгили матоҳни тикиб, ё пешонасини танғиб олишганди. Фарқланиб, танилиб туриш, бир-бирларини йўқотиб кўймаслик учун, албатта. Хусусан, Туркия, Индонезия, Эрондан келган ҳожилар ўз либос ва белгилари билан айрича ажралиб кўринишарди. Бир-бирининг кўли, этаги, эҳромидан тутиб олганлар ҳам бор. Оппок ҳижобли тўп-тўп аёллар орқасидан қоп-қора чодрали хотин-қизлар гуруҳи ўтиб боради. Эркакларнинг асосий қисми оқ ва оқиш эҳромда, махсус либослари йўқ ё умуман ўзларининг одатий кийимларида юрганлар ҳам кўп (кейин билсам, улар ибодатни адо этишиб бўлиб эҳромдан чиққанлар экан).

Каъбатуллоҳ яқинида ва хусусан тавоф лозим жойларда жамоалар, гуруҳлар тарқалиб, эркагу аёл аралаш-қуралаш бўлиб кетарди (худди шу паллаларда Аллоҳнинг зикри–ёди билан бўлиб, эркак эркаклигини, аёл аёллигини унутарди.)

Еттинчи маротаба тавофдан сўнг Яманий рукнини (бу ерга етиш нисбатан осонроқ эди.) зиёрат қилгач, Ҳажарул Асвадга боришга ахдлашгандик. Қорининг тирсагидан тутганча, олға интила бошладик.

Анча уриндик, талпиндик, “пўртана” орқага суриб ташлайверарди. Билаклар, иликлар толди. Ортга қайтиб, мақоми Иброҳим олдида икки ракат намоз ўқидик-да, чекароққа чиқдик. Озгина нафас ростладик. Опалар дам оладиган бўлишди. Қолганларимиз – беш эркак яна бир-биримизнинг елка ва билакларимиздан маҳкам тутиб, денгиз каби тўлқинланиб оқаётган халқ орасига шўнғидик. Аммо Байтуллоҳ деворига яқин борганда бўлиниб кетдик. Чунки бу атрофдаги ҳаракат ҳақиқий оломон тарзида эди. Икки тарафдан ва тўғридан Ҳажарул Асвад сари шундай шиддат ва важоҳат билан талпинишардики, бошқа бирон жойда бунақа шиддат, бунақа жон-жаҳд билан тиришишни кўриш даргумон. (Одамзот ҳатто жон қутқозишга ҳам бунча куч сарфламаса керак!) Ҳеч ким бир-бирини танимас (чунки бир-бирига қарамас, қарай олмасди), шафқат қилмас, мурувват кўрсатмас, кўрсатолмасди. Назаримда шу паллаларда ҳамма фақат ўзини ўйлар, ўз мақсадига етиш учун бор кучи, имконини ишга соларди. Фақат маҳрамлар (менинг наздимда) ожизаларига қулайлик яратиш пайида бўлар, бироқ ҳамма ҳам бунинг уддасидан чиқавермасди. Маҳрам, демак, шундай тўполонларда нозик тан зотни ҳимоялаш учун ҳам зарур экан. (Аммо, маҳрамсиз тўп-тўп юришган аёллар ҳам кўп- бунга тушунмадим). Тўғрими, йўқми – билмадим, менинг дилимдан хотин-қизларнинг айнан шундай ҳолатларда Ҳажарул Асвадни тавоф қилишлари шарт эмас шекилли, деган мулоҳаза ўтди. Чунки бу шароитда ҳожилар олдидаги, ёнидаги, орқасидаги кимсани авайлаш тўғрисида фикрлайдиган қиёфатда, вазиятда эмас эди. Уларнинг чиранишлари эвазига зўриқиб, бўртиб чиққан мускуллари орасида аёл зоти тугул анча-мунча нимжонроқ эркак ҳам хийла азият чекиши турган гап.

Аллоҳга хитоблар, нидолар баравж эди.

Кийимлари, эҳромлари бўшаб, ёнларига тушиб қолганлар терлаб, бўғриққан юз кўзлари қизариб, қон талашган алпозда ҳамма нарсани унутиб “қулоч отишар”, кўлларини олдидаги ҳожиларнинг бўйнидан, бошларини қўлтиғи остидан ўтказиш, уларни суриб, елкасидан тортиб (булар беихтиёр, мушоҳадасиз ҳаракатлар эди), ораларини ёриб ўтиш учун курашарди....

Хўп, одам боласи Аллоҳдан шунчалар кўрқиб, жонини хавф остига кўйиб, ғайрат камарини шу қадар қаттиқ боғлар экан, нега энди ўша гуноҳларни содир этишдан ўзини тиёлмайди? Нега ҳаромдан, дилозорликдан, бировнинг ҳақини ейишдан, порахўрликдан парҳез қилмайди? Демак, банданинг тийила билмаслиги Аллоҳга аён ва шунинг учун ҳам унинг зиммасига шундай амалу шартларни, машаққатли вазифаларни юклаган бўлса керак...

Менда кейинроқ тағин мулоҳаза туғилди: шу хатти-ҳаракатлар қалбдан, эътиқоднинг кучлилигиданмикин? Ё фақат одамларнинг гуноҳлари кўплигидан кўрққанлариданми? Нима бўлган тақдирдаям шу қилиқлар жойизмикин?.. Тўғри, барча тараддуд Аллоҳ йўлида,

исломнинг бир фарзи амалларини адо этмоқ қасдида. Лекин мўмин-мусулмонларнинг шундай муқаддас жойда ҳам бир-бирларига “Ҳай, ҳажи!, Ҳай, ҳажи!..” дея ғижиниб, бир-бирларини қисиб, туртиб, шунчалар озор етказишлари, азоблашлари-чи?.. Бу пала-партиш, шафқатсизларча бошбошдоқликлар инсон зотидаги жамики хислатлардан устун ва ўткир худбинлик тазйиқи, васвасасининг оқибати эмасмикин, дейман. Балки бу олағовур, важоҳатли уринишлар сабабчиси беқаноатликдир. Акс ҳолда, мазкур суннатни хотиржамроқ, осойиштароқ ҳолатда ҳам белгиланган муддат мобайнида бажаришга улгуриш мумкин эди-ку.

Балки мен ноўрин ўйларга боргандирман, дарёдай катта тўлқинни бошқариб, буриб бўлмаганидай, тавофчилар гирдобининг ҳосил бўлиши ҳам ғайри ихтиёрий бир ҳолдир.

Аммо ўша лаҳзаларда шахсан ўзим ҳам орқадан сураётган катта куч таъсирида шижоат билан олдинга ташланардим. Бу жараёнда киши бир зумда чарчаб, силласи қуриб қолиши ҳеч гап эмас эди. Лекин қаёқдандир, қандайдир қувват қуюлиб келади чоғи. Икки марта тўполон – “дарё”дан ўтиб, тошга қўлим тегай деганда суриб юборишди. Тошга етиш умидини узиб, холироқ жойга чиқиб, **дилтанг** турувдим, худди эртақлардагидай, қаршимда Муҳаммад Содиқ қори пайдо бўлиб қолди.

- Ҳажарул Асвадга тўғри бориш кийин, - деди у.

Қори бу борада анча тажрибага эга (аввал икки марта ҳаж қилган) эди. Иккаламиз туртилиб – суртилиб, бир амаллаб Каъбатуллоҳнинг бел баравар пойдевори тепасига қурилган тилло нақшли эшиги тагига етиб, бино пойдеворига ёпишиб турганлар орасига кириб олдик. Айнан шу жойда гўё навбат, тартиб бордай, орқама-орқа, ёнма-ён турганча озгина-озгина жилиш мумкин эди. Аммо орадан сал чекинсангиз, одамлар тўлқини сизни юлқиб кетади.

Эшик билан қора тош оралиғи икки-уч қадамлар чамасида эди. Бу – “Мултазима”, айрим китобларда “Мултазам” деб аталмиш, дуолар ижобат бўладиган жой эди. Бироқ ҳамма қатори биз буни ҳам унутиб, бурчакка интилардик.

Муҳаммад алайҳиссалом: *Ҳажарул Асвад – Аллоҳнинг ердаги қўли, шу қўли билан ердаги бандалари билан сўрашади*, деган экан. Шу боис, Аллоҳнинг кафтига бармоқ теккизиш ҳожилар учун гўё олий мақсад эди.

Тошга яқинлашганингиз сари ҳалқа торайиб, ҳалойиқдаги жазава, сиқув кучаяди. Курақларингиз, умуртқаларингиз қисирлайди, аммо парво қилмайсиз, қилолмайсиз, оғрик ҳам сезилмайди. Худди тушдаги каби: югурмоқчи бўласизу, оёғингиз жилмайди, сувда қулоч отасизу, бир ерда тураверасиз.

Бир барваста кимса менинг олдимни тўсиб, хотиними, бир аёлга ўрин, йўл очмоқ учун ҳарчанд уринди, бўлмади, аёлни “оқим” қаёққадир олиб кетди, эркак эса интилишда давом этаверди.

Ҳажарул Асвад – Каъбатуллоҳ бурчагининг елка тенгли жойидаги бир бош сиққудай ботик-чуқурчали ялтироқ тош эди. Унга етганлар бошини суқиб, мумкин қадар узокроқ туриш, қайта-қайта ўпиш пайдан бўларди.

Тош билан эшик ўрталиғида, бир ярим метрлар чамасидаги пойдевор тепасининг девордан чиқиб турган қисми энсиз супа бўлиб, унда бир миршаб “Ҳажи!” «Ҳажи!..” дея оломонни инсофга, адолатга, тартибга чақирарди. Тошдан тепароқда баркут матодан қилинган ҳалқа бор эди, миршаб бир қўлида ўша ҳалқадан маҳкам тутганича энгашиб, Ҳажарул Асвад ғовагига бошини суқиб турганларни елкасидан, ёқасидан силтаб, “Бас, ҳажи, бас!” деб тинмай жаврарди. Яна бир шериги ёнида уни ҳимоя қилиб турарди. Чунки ҳеч ким миршабга қулоқ солмас, гўё эшитмасди, аксинча кўриб-кўрмаган, билиб-билмаган ҳолда унинг қўлидан, оёқларидан ушлаб оларди.

Ниҳоят, манзил-мақсадга етдим! Ҳатто бошимни ғовакка суқиб ҳам мушарраф бўлдим – Аллоҳ ўзи йўл берди чоғи. Тошнинг ёнларию қаваги оқаринқираб, ялтириб кетган эди. Ана шу чуқурлик-қавакда кўзимга бир нималар кўрингандай бўлар, лекин уларнинг нималиги тўғрисида тафаккур юритиш, тасаввурни ишга солишнинг имкони йўқ - минг-минглаб ҳожилар ортингизда кутишар, сизни у ёқдан-бу ёққа суришар, дуч келган

жойингиздан ушлаб орқага тортишарди. Бунинг устига, нияту истиғфорларингизни айтишга ошиқасиз. Мен Аллохдан аввало падари бузукворим Кенжабой Умрзоқбой ўғлининг, онам Салтанатхон Эшонжон Маҳсум қизи ва акам Тошпўлат Кенжабой ўғлининг (Аллох барчаларидан рози бўлган бўлсин) ёруғ дунёда билиб-билмай қилган хатоларини, ўзимнинг гуноҳларимни мағфират этишини, ахлиям Турсунойнинг дардларига (ўша пайтларда қулоғи, боши оғрирди) шифо беришини ва у билан шу муқаддас жойларни тавоф қилиш учун келмоқни насиби рўзи айлашини шоша-пиша, йўқ, шошқалоқлик билан тилардим. Яна анча гаплар, ниятлар айтдим.

Назаримда бу жой, бу тавоф сафарларнинг, зиёратларнинг, умра ва ҳаж амалларининг энг мураккаб, энг заҳматли ва энг шарафлиси, энг юқори нуқтаси эди.

Бу гирдибодлардан қайтиб чиқиш катта, кучли оқимга қарши сузиш билан баробар эди: сиз томонга, яъни табаррук тош сари жон-жаҳди билан ёпирилиб келаётганлар орасини ёриб ўтишингиз керак...

Ваҳоланки, кейин билсам, Ҳажарул Асвадни тавоф этиш, унга бош уриш бунчалик шарт эмас экан. Китобларда “имконини топса (*демак, холи пайтларда*”- Қ.К.) қўлини теккизиб силайди, ўпади, йўкса, узоқдан қўли билан ишора қилади” деб ёзадилар. Лекин қандайдир туйғу, қандайдир шижоат ёки “бошқалар шундай қиялптику” деган киброна хаёл айрим ҳожиларни (албатта, ҳамма шундай эмас, нарироқдан, осойишта, жўнгина айланаётганлар сон-саноксиз) қора тошга ундайди чоғи. Балки бу ҳаж ва умранинг фарзу вожиб, суннату мустаҳаб амаллари тўғрисида етарли тушунчага эга эмаслик ёки янада кўпроқ савобга дохил бўлишга уриниш оқибатидир. Акс ҳолда, эзгу ният билан, Аллох ризолиги йўлида тоат-ибодат қилмоқ учун узоқ юрту эллардан тоғлар, денгизлар ошиб, ошиқиб келганлар бир-бирларини бунчалик ранжу жабр бирла “сийламас” эдилар. Зеро, Яратган Парвардигор ўз бандаларига қийинчиликни ҳаргиз раво кўрмайди, ислом дини мусулмонларни бир-бирига, ҳатто ғайридинларга ҳам сўзи, ҳатти-ҳаракатлари билан зиёну заҳмат етказишдан қайтаради. Ҳаж ва умра ибодати шартларида ҳам, хусусан Каъбатуллох атрофида айланиш пайтларида бировга озор беришдан, қўлари билан ўзгаларга заҳмат етказишдан тийилмоқликлари зарурлиги, акс ҳолда тавоф савобидан маҳрум бўлиб қолиш хавфи борлиги таъкидланади.

Аслида, нафақат улуғ ва тенгсиз неъмат –Ҳаж ё Умра пайтларида, балки бу муборак сафарлардан қайтгач ҳам ҳар бир ҳожига юртларида ўз ҳатти-ҳаракатлари, хусни хулқи, одобли муомалалари билан аҳли иймонларга ибрат бўлмоқлик, Қуръони карим ва Ҳадиси шариф кўрсатмаларига риоя этмоқлик жоизлиги, шундай қилган тақдирдагина икки дунё саодатига эришмоқлик мумкинлиги уқдирилади.

Катта бир ҳудудни етти карра айланишу кейинги уринишлардан сўнг толиқиб, юролмай қолсам керак, деб ўйлагандим. Лекин, негадир хорғинликни ҳис этмадим, қайтага, мақсадга эришганим, дастлабки муқаддас фарзу суннат амалларини ўтаб, бирламчи синовлардан ўтиб олганим учунми, енгил тортгандай эдим.

Четга чиқиб, белгиланган паккада шериклар билан топишдик. Каъба ҳовлисининг четида ярим тўгарак майдон билан айвонлар ўртасида қаторлашиб турган, газ-сув сотадиган дўконларсимон қурилмалардаги оби зам-зам билан бет-қўлларимизни ювиб, ундан тўйиб-тўйиб симирарканмиз, ўзимиз томонда, ҳаждан келганларни зиёрат қилмакка борганларимизда берилган бир қошиққина табаррук сувни ютиниб хўплаганларим хаёлимдан ўтди. Шундай улуғ неъматга етказгани учун Аллохга шукрлар айтдим.

Исмоил алайҳиссаломнинг чақалоқлигида оёғи остидан отилиб чиққан табаррук зам-зам суви, мана, неча-неча асрлардан бери мавжуд. Ҳар йили умрага, ҳажга келувчи миллионлаб одам ичади, юз-қўл ювади, беш-ўн, ҳатто йигирма ва ундан ортиқ литрли идишларда ўз ватанларига олиб кетишади, булардан ташқари дўконларда пластмасса канистрларда сотиларкан (зам-зам суви текин, фақат идишига пул олинади) ҳам, аммо таажжубки, зарра камаймас экан. Бошқа ариқ, чашма йўқ, қор кўрмас, ахён-ахёнда ёмғир ёғадиган жойда шундай битмас-туганмас оби ҳаёт хазинасининг бўлиши чинакам мўъжиза эмасми?

Айтишларича, зам-зам қудуғи илгари Каъбатуллоҳ яқинида, очикда бўлган, кейинги вақтларда, балки террорчи деган разил тўдаларнинг ёвузлигу жоҳилликларидан эҳтиёт тарзида мангу булоқнинг усти ёпилиб, тепага - кран ва дўкончаларга олингандир.

Зам-замни ҳам яхши бир тилаклар билан ичмоқ лозим экан. Бу борада Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: *“Зам-замни нима ниятда ичилса, ўшанга етиштиради”* деганлар.

Бу муқаддас мўъжиза – оби ҳаётнинг яна бир улуғ фазилати шундаки, уни кўпроқ ичиш, унга тикилиб туриш ҳам ибодатга тенг экан. Узоқларга, келолмаганларга атаб олиб кетиш ҳам мустаҳаб, савоб. Фақат уни нопок нарсаларни ювишга ишлатиш мумкин эмас...

Кейин Иброҳим алайҳиссаломнинг аҳлиялари Ҳожар онамиз ўғли Исмоилга сув истаб, зир югурганидан қолган амални бажармоққа, яъни Сафо ва Марва тоғлари (унча баланд бўлмагани учунми, китобларда уларни тепаликлар деб ҳам юритилади) оралиғида тезроқ юриб, саъй этмоққа тутундик.

Саъй – юриш демак. Икки тоғ - тепалик аро етти бора бориб келинади – бир томонга тўрт марта, иккинчи тарафга уч марта. Амал Сафо ёнида такбир айтиб, дуо ўқишдан бошланади ва бу ерда ҳам ҳар маррада – Сафода ҳам, Марвада ҳам бир неча лаҳза тўхтаб, Каъбатуллоҳга юзланиб ҳар хил дуолар ўқиш маслаҳат берилади. Лекин, қандай оятларни ўқишлик яна саъйни бажараётган кишининг ўз ихтиёрига ҳавола экан. Дуода Аллоҳдан, масалан, дунё ва охираат саодатини, бало ва офатлардан омонликда сақлашни, фарзандларга инсофу диёнат, ҳидоят, эл-юртга тинчлик-осойишталик ато айлашини сўраш ўринли, дейдилар...

Мен бу машҳур жуфт тоғни Каъбатуллоҳдан ташқарида, одатий даштликда деб тасаввур қилардим, ҳолбуки, уларнинг ҳар иккиси ҳам Ҳарам худудига олинган экан. Сафонинг кўпроқ, Марванинг озроқ тепа бўлагигина кўриниб турар, уларнинг асосий қисми, худди музтоғлар каби бинонинг, пойдеворларнинг остида қолган эди. Қўнғир тусли Сафонинг қўл-оёқлар тегаверганидан сип-силлик тошга айланган дўнгликларида ҳожилар ўтириб, нафас ростлашар ва билган дуоларини ўқишар эди.

Оқимга қўшилиб саъйни бошладик. Масофа анча узун бўлиб, бир кенг йўлакдан кетиб, иккинчи шундай йўлакдан қайтиларди. Ўртада икки ёни бел баробар тўсиқ-деворли ёнма-ён бир жуфт тор йўлак бўлиб, уларда ёлланган хизматчилар махсус кажава-аравачаларда кексалар, аёллар, ногирон ёки семиз кимсаларни ғизиллатиб суриб юришарди.

Икки тепалик оралиғидаги маълум бир манзилда, икки яшил чироқ (аъломат) орасида эркакларга лўкиллаб қадам ташлаш жоиз экан. Муҳаммад пайғамбаримиз ўз саҳобалари билан уларни кузатиб турган душманларга ҳолдан тойганларини сездирмаслик, ўзларини ҳали тетик, бардам эканликларини англатиб қўйиш учун шу ердан шитоброқ ўтишган экан.

Ҳарамда ҳожиларга қулай шарт-шароит яратилган, масалан, саъй қилинадиган депаранинг баъзи ўринларида, деворнинг юқори қисмига ўрнатилган кондиционерлардан салқин ҳаво уфуриб турибди. Зиёратгоҳнинг бутун поли муздай мрамор, ҳамма ип-игна ишлатилмаган, қуйма елим шиппақларини ташқарига қўйиб, ялангоёқ кирарди. Барча жойда, хусусан Байтуллоҳ атрофида пойафзал билан юриш ножоиз – бошқалар томонидан босиб олинishi ё қоқилиб тушиш катта фожиаларга сабаб бўлиши мумкин. Аммо бу удумни билмайдиганлар ё билса-да, риоя этмайдиганлар ҳам бўларкан – Байтуллоҳ атрофида айланаётган чоғингизда баъзан ҳар хил пойма-пой тапичкалар, сумкача, рўмол, рўмолчалар, махсус белбоғ ва бошқа нарсалар оёқдан-оёққа урилиб, сурилиб ҳалал берар, таъбни ҳам хира қиларди. Зеро, ерга тушиб кетган буюмни олишнинг иложи йўқ – энгашиш хавfli – орқадан келаётган “пўртана” сизни ётқизиб, босиб ўтиши ҳеч гапмас.

Сўнги саъйдан кейин Марва ёнида сочлар қайчиланди, яъни умра шартига биноан бир қайчи олинди.

Каъбатуллоҳдан чиққандан кейингина оёқлар анча мадорсизлангани сезилди. Улуғларимиз – Зокиржон ҳожи ака ва Зайнобиддин ҳожи акаларнинг бардам-тетиклигини кўргач, қадамни дадилроқ ташлашга тўғри келди.

Меҳмонхона томонга қатнайдиغان махсус автобусларнинг ҳайдовчилари ётоқларида

аллақачон бир-икки уйқуни уришган эди. Йўл-йўлакай, тик турганча тамаддилангач, машина ёллаб, қўноғимизга етиб борганимизда соатга қарасам тонгги уч бўлибди! Аввалига соатим кундузи тўхтаб қолибди, деб ўйлабман. Бекатда бир гуруҳ аёллар Ҳарамга машина кутиб туришарди.

Хонага кириб, эҳромларни ечдик.

Шу тариқа умра ибодати, амалларини баҳоли кудрат адо этдик<sup>1</sup>. (Аллоҳ таолло ибодатимизни қабул айлаган бўлсин!) Сўнг чукур уйқуга чўмдик.

*17 январь, шанба*

Уч соат мизғиб, бомдодга турдик ва шу куни дам олдик. Меҳмонхона Тошкент, Самарқанд гуруҳлари жойлашган эди.

Аёлларнинг ҳаммаси оқ кўйлак-рўмолда юришарди худди оққушлар

каби. Улар орасида Тошкентдан келган шоира Нилуфар Холхўжаева ҳам бор эди.

Мирзо Кенжабек билан учрашиб қолдик. Унинг Муҳаммад Содикқа эътиқоди юксак экан. Ҳамсафаримизнинг қадрига етишимизни, ундан унумли фойдаланишимизни маслаҳат берди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси муфтийси Абдурашид қори Баҳромов ҳам шу ерда экан, ҳамшаҳар-да, кўришиб чиқдик. Деярли ҳаммамиз у билан таниш эдик. Шахсан мен у билан 2001 йили Тошкентдаги ”Нур” кафесида асли андижонлик атоқли шоира ва адиба, нафосат, вафо тимсоли Саида Зуннунова таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан ташкил этилган хотира эҳсонида ёнма-ён ўтириб, бир товоқда ош еганман.

*18 январь, якшанба*

Соат тунги учда турдик. Автобуслар Байтуллоҳга уч яримдан юра бошлар экан.

Бугун одам янада мўл эди. Каъбатуллоҳни биринчи айланишдаёқ Илҳомжонни, тўртинчи галда эса Қори домлани йўқотиб қўйдик. Қолганларимиз олтинчи тавофда пойдевор ичига кириб, қийинчилик билан икки ракат нафл намози ўқидик. Жой тиғизлигидан кўпчилик тик турганча ибодат қилишарди.

Тўлқин янада зич, янада кучли эди, Қора тошга етиб боришга кўзимиз етмади. Иброҳим алайҳиссалом мақоми олдида намоз адо этмоққа ҳам аранг ўрин тегди.

Мақоми Иброҳим – қалин ойнадан ясалган, олти қиррали, бўйи икки метрдан зиёдрок, атрофи панжара билан ўралган, тепаси гумбазсимон шаклдаги ғилоф. Ичида кичикроқ яна бир шундай ғилоф-идиш, унинг ичи-тубидаги йириккина катта тошда бир жуфт оёқнинг ботиқ изи – тасвири бор эди. Иброҳим алайҳиссалом ана шу тошнинг устига чиқиб, Каъбатуллоҳ деворига ғишт урган эканлар. (*“Иброҳимнинг (Каъбатуллоҳни бино қилаётган вақтда) турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг”, деган оят бўлиб, бу оят намоздан олдин ўқиларкан*). Тош аввал Каъбатуллоҳ пойдевори ёнида бўлган, кейин ҳожилар ибодатига ҳалал бермаслиги учун берирокқа жилдирилган экан.

Шуниси қизиқки, қисиниб-қимтиниб намоз бошласангиз, зиёратчилар орқа-олдингиздан, ёнингиздан ўтиб юришар, оёқлари елкангизга, бошингизга тегар, саждага эгилганингизда ҳатто устингиздан ҳатлашарди-да, парво қилмай кетишаверарди. Ўзгалар намоз ўқиётганда сиз ҳам шундай қилишга мажбурсиз. Бу ерда “олдимдан ўтма”, “намозимни буздинг”, “нега тортасан?” деган ўпка-гиналар нораво. Яна жойнамозсиз, юз

---

*1 Умра – йилнинг ҳамма фасли ва кунларида адо этиладиган қисқа муддатли амаллар – эҳром боғламоқ, Байтуллоҳни етти бора тавоф этмоқ, Сафо ва Марва оралигида етти карра савъ қилмоқ ҳамда соч олдирмоқдан иборатдир. Шу маносликлар ижросидан сўнг эҳромдан чиқилади.*

минглаб, балки миллионлаб турфа хил оёқлар босган яланғоч мрамарга пешона қўйиб ибодатга юз тугилади.

Четроққа, зиёратчи сийракроқ майдонга чиқиб эдик, Муҳаммад Содиқ қори кўриниб қолди. Зайнобиддин ака билан иккиси ташқарида кутадиған бўлишди. Мен Илҳомжонни қидирдим. Дарвозадан кириб, устунлардан бири ёнидаги махсус пойафзал қўйгичга шиппақларимизни боғлагандик, шу ерга келади-да, дедиму, лекин ўша паккани тополмадим. Анча истадим, одам кўп, ҳамма томон бир хил, устуну ўзга белгилар бири-бирига айнан ўхшаш, бир нарсани мўлжал олиш қийин, фақат дарвозанинг номидан кирган эшигингизни билишингиз мумкин.

Ташқарига чиқсам, бошқа шериклар ҳам йўқ. Аксарияти бир хил кийинган одамлар орасидан бировни фарқлаш ҳам мушкул. Тўғри, Зайнобиддин хожи аканинг Андижон дўпписи бор эди, аммо шунча оқ бош кийимлар ичида битта қора дўппи томчининг бир зарраси-да.

Тушдан кейин яккам-дуккам келиб, ётоқда жам бўлдик.

Пастда, меҳмонхонамиз билан ёнма-ён эгизак бинонинг биринчи қаватидаги дўкон сотувчиларидан бири, ўттиз ёшлардаги йигит ҳам Афғонистонда туғилгану ота-боболари андижонлик экан.

- Эски шаҳарда яшаганлар, - дейди у соф ўзбек тилида. – Девонабой масжидининг номи менинг бобомни исмига қўйилган экан, бу ҳақда Туркияда яшайдиган амакимда ёзувлар бор.

- Юртдошингни кўрсанг қувонасан, - давом этади яна андижонликлар набираси ва Илҳомжон иккимиз олаётган афғони қўйлак-шалварнинг баҳосини 1 реалга тушириб берди, гўё шу билан ватандошлик туйғусининг “самимий”лигини исботлади.

Ҳаво ҳарорати кундан-кунга кўтарилиб бормоқда. Лекин чидаса бўлади. Оқшом ва тунлари эса, аксинча салқин, ҳатто енгил шабада эсиб, танангизни яйратади. Ҳожиларнинг ваҳималаридан мен бу юртни одамзот аранг нафас оладиган жазирама деб тасаввур қилардим.

Маккаи мукаррама ҳақида шуни айтиш керакки, унинг кўкаламзор қисми ҳам талайгина, масалан, тўрт қатори йўл (иккитаси у ёққа, иккитаси бу ёққа)нинг ўртасидаги булвар-пуштага икки саф дарахт, девор гул экилган, ости кўм-кўк майсазор. Ўсимликлар, кўчатлар тагига темир қувурлардан оби ҳаёт қуйилиб турибди (шундоқ сувсиз шаҳарда!). Фақат, дароз дарахтлар йўқ, бари пастак, навқирон. Хурмолар бору уларнинг ҳам бўйи тўрт-беш метрдан ошмайди (тошлоқ заминда илдиз чуқур кетолмайди-да). Бинолар баландлиги учун узокдан новдаю япроқлар кўзга чалинмайди.

Шаҳар асли тоғлар оралиғи ва устига барпо этилган. Баъзи иншоотларнинг биринчи, иккинчи қаватлари орқалари, ён деворлари тоғ ичида қолгандай туюлади. Текис, водийсимон ерлардаги иморатларнинг аксарияти кўп ошёнли: етти-саккиз, ўн-ўн икки қат. Замонавий кўча бўйларидаги қарийб барча кўп қаватли баноларнинг пастки қисми дўкондан иборат бўлиб, улардаги молу товарнинг кўплиги ақлни оздиради. Чеккаларда, бурчакларда ёймачилар ҳам беҳисоб. Нарх-наво ўртача, ҳовли-жойлару бошқа биноларнинг тартибсиз тушгани сон-саноксиз. Рельеф тоғли бўлганидан уйлар имкони бор майдонга қурилаверади чоғи. Тоғлар билан туташ даҳаларда дарахт, яшиллик кам. Фақат девор-тошлару тоғлардан иборат маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Умуман, Маккаи мукаррама тош устида ўстирилган гулга ўхшайди.

Кўприк тепаси, ости йўллари, айланма кўчалар кўп.

Узун- узун, кенг туннел ҳам бисёр – уларни қирқдан зиёд дейишди.

Автобусда Ҳарамии шарифга кетар экансиз, обод, аҳоли зич яшайдиган турар-жойлардан қақраган тоғу тошли йўлга чиқасиз, анча юргандан кейин туннел - ер ости йўлидан ўтилгач, Каъба яқинидаги гавжум манзилгоҳларнинг бирига дуч келасиз. Фақат, кўчалар торроқ.

Янги қурилиш сероб – Байтуллоҳ атрофида, бошқа ўрамларда ҳам пойдевор



кўтариляпти.

Баъзи осмонўпар бинолар бир-бирига жуда яқин, бақамти. Тунда тоғ тепасидаги уйларнинг томлари четларига ўрнатилган чироқлар баралла кўринади. Пастдаги оддий хонадонларнинг томлари четига ҳам лампочкалар шодаси тизилган.

Хуллас, Макканинг чиндан-да, Аллоҳнинг назари тушган, У файзу барака сочган ва мукаррам қилган шаҳар эканлигига, маъмурлик ва фаровонликни ўз кўзингиз билан кўргач, имонингиз яна бир қарра, қатъийроқ комил бўлади.

Ҳа, бутун дунё мусулмонлари орзиқиб, зориқиб, интилиб, талпиниб келадиган, гуноҳлардан фориғ бўлиб, покланиб қайтадиган муқаддас макон-да бу!..

Биз еттинчи қаватга ўрнашгандик. Худди Мадинадаги каби бешовлон эркак бир хонада. Каравотларни айлантириб қўйиб чиқувдик, ўртада дўппидайгина очик ер қолди. Лекин шунисига ҳам шукр, ахир биз санаторий ё курортга келганимиз йўқ-ку.

Қаватдаги бор-йўғи учта рисоладагидай ётоқхона учун иккита ювиниш бўлмаси мавжуд эди, хоналардан бири опаларга берилди. Ўртадаги фойесимон суҳбатгоҳни (диван, креслолари бор) тамаддихона, унинг бир бурчини намозгоҳ қилиб олдик. Яна бир бурчакдаги столга катта чой қайнатгич – титан, унинг ёнига қадоқланган тунука чой идишларда кўк, памил чойлар, шакар, туз ва қоғоз истиконлар қўйилган. Титанда сув доим қайнаб туради. Катта пластмасса бочкада зам-зам сақланади, чой дамланадиган сув алоҳида идишда эди.

Қатимизда одам кўп бўлмаса-да, зам-зам тез тугаб қолар, аммо хабаш хизматчилар дарҳол тўлдириб қўйишарди. Дарвоқе, бу оҳирги қават бўлгани учун бино тепасининг қарийб ярми очик майдон бўлиб, у ерга ҳожилар, ёлланма ишчилар кир ёйишарди. Томга ўтиладиган йўлак ёнидаги хонада, унинг орқа тарафидаги яна бир бўлмада ҳам хабаш хизматчилар (аксарияти автобус ҳайдовчилари) истиқомат қилишарди. Зам-заму шакарларнинг баракаси ўчиб, чойларнинг идиш-пидиши билан ғойиб бўлиб қолиши сабаби шу ёқда ҳам эди...

Нонуштага нон, сут, сарёғ, пишлок, мураббо беришади – ҳаммаси ихчам қоғоз кутиларда чиройли қадоқланган.

Тушликка кўпинча палов олиб келишади. Тошкент ошига ўхшаш, дурустгина (Ўзбекистонлик ҳожиларнинг умумий раҳбарлари, ошпазлар ва бошқа ходимлар пойтахтдан эди). Кечки таомга шўрва, макарон ё бошқа суяқ – гоҳ товук, гоҳ мол, гоҳ қўй гўшти. Барча овқатлар қопқоғи маҳкам ёпилган юпқа елим идишларда, ёнида сунъий ашёдан ясалган катта-кичик қошиқлар, арра-пичоқлар ҳам селофан халталарда, ҳаммаси бир марта ишлатишга мўлжалланган. Ҳатто нон билан олма, банан каби мевалар ҳам жажжи қопчиқларда – бир улуш миқдорида бўлади. Яна кола ё бошқа салқин ичимликлар...

Пластмасса, қоғоз, елим идишлар шу қадар бежиримки, айниқса, қулоқли истиконлари - ташлаб юборгани кўзингиз қиймайди.

Кечки пайт Илҳомжон билан Ҳарамга кетдик. Биринчи қаватда жой йўқлигидан тепага чиқдик. Аср ва шом намозларини адо этдик. Шу ердан Байтуллоҳни айланаётганларни кузатиб ўтирдик. Ҳожилар оқими чиндан-да гирдобга ўхшарди. Гирдобнинг уюрмаси – тўғри келиб қолган нарсаларни чирпирак қилиб айлантириб, домига тортиб кетадиган маркази Ҳажарул Асвад олди эди. Байтуллоҳ атрофидаги “оқим” кундан-кунга, зиёратчи кўпайган сари кенгаяр, тўлқин тезлашар, шиддатлироқ тус оларди.

\*\*\*\*\*

Ўқиганларим ва Муҳаммад Содикдан эшитганларимдан:

Қабатуллоҳга тикилиб туришнинг ўзи ҳам ибодат экан.

**Ҳарам** – бу ҳаром сўзидан: ножўя сўз айтиш, ножойиз ҳаракатлар, ов қилиш, одам ўлдириш ва бошқа чакки ишлар ҳаром, маън қилинган макон деган маънони англатади.

*19 январь, душанба*

Машина ёллаб, Пайғамбаримизнинг завжалари Ҳадича онамиз дафн этилган қабристон – уни “Жаннатул-муаъло” – “Олий жаннат” атарлар (айрим китобларда “Ал-Маъло” ёзилади, маккалик ўзбеклар эса “Маълот бўстони” дейишаркан), зиёратига бордик. Пастрок девор билан кўрғонланган, катта бир худудни эгаллаган ушбу тарихий ва табаррук масканга, Жиддадаги каби, гарчи унда бир ёдгорлик ё ўзга иншоот бўлмаса-да, видео, фотоаппаратларни қўймас эдилар, раҳбар билан мутаржим бошлиқлардан енгилгина ижозат олиб чиқишди.

Макканинг шимоли шарқий қисмида, тоғ ёнбағрида жойлашган “Ал-Маълот”га жоҳилият замонларидан буён майит қўйиларкан. Жумладан, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг катта бобоси Абду Маноф, бобоси Абдулмуталиб, амакиси Абу Толиб ва бошқа кўпгина улуғ саҳобалар, уламолар хоки ҳам шу ерда экан.

Ушбу мангу оромгоҳ ҳам Жидда шаҳридаги Момо Ҳаво мазорига монанд эди: бетондан икки-уч қарич баландликда узун-узун, аммо энсиз катак-пол қилинган, поллар ичидаги шағал аралаш қум теккисланиб, ҳар ер-ҳар ерига уч-тўрттадан калладан кичикрок, бўлакланган қиррали тоғ тошлари терилган. Оралиқдаги йўлак тепаси шийпон тарзида шифер билан ёпилган.

Катаклар, умуман худуд зина-зина шаклида тоғ чўққиси сари кўтарилиб борарди. Кўчани ёнлаб урилган девор томондаги қабр-супаларда сон-саноксиз ёввойи каптарлар учиб-қўниб юрибди.

Ҳадича онамиз марқади анча юқорида бўлиб, атрофи баланд девор билан ўралган, олди тарафи майда кўзли панжара эшик-дераза билан тўсилганди. Кўрғон ичидаги дастлаб кўзга ташланадиган катта бир бўшлиқда бўйи узун, эни икки қулочлар чамасидаги катак, унинг ўртасида яна бир пол -пастак кўрғонча бор эди – ана шу текис марза Ҳадича онамиз қабри экан. Қабр ёнидаги катта бир бўшлиқ, куйида кўрганларимиздан фарқли ўлароқ у қадар саришталанмаган, увоқ кесак, тошлар тартибсиз сочилиб ётганга ўхшарди. Ҳаккам-дуккам, кўримсиз гиёҳлар ўсган.

Маккаи мукаррамадаги тарихий жойлар зиёратини ушбу гўристондан бошлашимизнинг яна бир сабаби бор эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг иккинчи ўғли Комрон Мирзо оға-инилари, хусусан Ҳумоюн подшоҳ билан тожу тахт, шаҳарлар талашиб, ўз авлодлари бошига хийла ранжу гурбатлар солади. Чунончи, беозор ва суюкли Мирзо Ҳиндол унинг касрига бевақт ўлим топади. Гулбадан бегим ўзининг “Ҳумоюннома” асарида ёзишича, Ҳумоюн подшоҳ кўпчилик аламзадаларнинг хоҳиши, талаби, қариндошларнинг розилиги билан Комрон Мирзонинг кўзига мил тортишни буюришга мажбур бўлади ва уни Аскарый Мирзо билан ҳажга юборади. Комрон Мирзо Маккаи мукаррамада вафот этган ва айрим маълумотларга кўра “Жаннатул муаъло”га, Ҳадича онамизнинг оёқ томонига қўмилган.

Зокиржон ака экспедициянинг навбатдаги сафари дастури ва йўналишини белгилашда бобурий Комрон Мирзони йўқлашни ҳам ҳисобга олган эди. Раҳбар ҳам, биз ҳам зораки омадсиз шаҳзода, аммо етуккина шоир Комрон Мирзонинг муайян белгили оромгоҳини топсак, у мазорнинг ҳоли-ҳолатини билсак, зиёрат айласак, деган умидда эдик. Мана, ўша ниятимизга эришдик – кўзланган қабристонга қадамимиз етди, демакки, устига тупрок тортилган Ҳадича онамиз дахмасидан кейинроқдаги тўп тошлардан бири остида бебахт бобурийзода Комрон Мирзонинг хоки-тани бор!..

Биз шу ерда ётганларнинг ҳақларига тиловат қилиб, уларнинг гуноҳларидан кечишни Аллоҳдан тилдик. Илҳомжон ушбу худудларни видеога, фотога туширди.

Мазористондан Ҳарамга ўтдик. Пешин намозини ўқигач, автобус бекатига кетаётсак, оппоқ рўмол ёпинган тик қоматли бир аёл отимни айтиб саломлаша бошлади ва тезгина “мени танияпсизми”, деб сўради. У бўйчан, юзи офтобга кам чиқадиغانларники каби оқ эди.

- Таниганга ўхшаб турибман, - дедиму ичимда ўйлай бошладим: ким бўлди? Қачон, қаерда кўрганман? Қандай танишим?..

Аёл менинг ҳолатимга унча эътибор бермай, саволининг жавобини ҳам кутмай, “Сиз араб тилини билармидингиз?” деди ва сумкасидан бир китоб олиб кўрсатди-да, уни

кимдир бергани, қандай китоб эканлигини аниқлай олмаётганини сўзлар экан, четроққа чиқишни таклиф қилди. (Шерикларим суратга тушиш билан андармон эдилар).

Мен араб лисони борасида оми эканлигимни айтиб, таассуф билдирдим. Хаёлим ҳануз аёлнинг кимлигини тусмоллаш билан банд, назаримда у анча қадрдон кимсадай эди, ёдимга келмаётганидан хижолат чекар, қувваи ҳофизамнинг кучли эмаслиги шу ерда ҳам панд берганидан ранжирдим. Жувоннинг тез-тез ва кўпроқ гапиришини, туташган қуюқ қаро қошларини кимникигадир ўхшатардим. Кўз олдимга бир сиймо яқин, аммо хирарок келдию, яна шу заҳоти узоклашиб кетди.

- Мени ҳалиям эслолмаяпсизми? Ўзгариб кетибманми? Қаридик-да...

- деб аёл менга жиддийроқ, ўпкалагансимон тикилди. Шунда бирдан тасаввуримда бир курсдошимнинг қиёфаси жонланди.

- Сиз Раъносиз-да, дедим гўё таниб туриб атайин танимаганга олгандай. – Узр, хотиранинг мазаси қочган. Исмингизни тополмай қолдим. Лекин қаримабсиз, аксинча оқариб, тўлишибсиз...

- Ҳа, Раъноман, - деди ҳамон бояги тусда.

Менинг ҳаётимда бундай воқеалар юз бериб туради. Бултур Наманган

вилоятидаги Чортоқ сиҳатгоҳида курсдошимиз Муҳаррамни ҳам танимай кўп ғалат ҳолатга тушувдим. Сирасини айтганда ёдда сақлаш қобилиятимдан ҳадеб ёзғираверишимим ҳам инсофдан эмас, ахир дорилфунунни битирганимизга, Муҳаррам билан учрашганимизга ўттиз тўрт, Раънони кўрмаганимга ўттиз беш йил бўлди-да!.. Бу муддатда бир йигит туғилиб, уйланса, қизи турмушга чиқадиган ёшга етади.

Раъно Азизхўжаева курсимиздаги ўттиз қиз ичида омади чопавермайдиган соҳибжамоллардан бири, болалар ва ўсмирлар ёзувчиси Раҳмат Азизхўжаевнинг эркатойи, аммо ўзи эрка эмас эди. Аксарият сабоқдош қизларимиз қатори ўқишни битирмаёк турмушга узатилган, бундан бир неча йил илгари қай бир ҳамкурсимиздан эридан ажралибди, деб эшитгандим. Соддадил, ишонувчан ва ҳар хил “юрди-юрди”лардан узок, фариштадай эди. Фақат, кўпроқ ва жўнроқ гапирарди. Пойтахтлик қизлар олтовлон, учовлон бўлиб юришар, Раъно унақа гуруҳларга ҳам кирмасди. Зодагонроқ маликалар уни давраларига кўпам қўшавермасдилар.

Раъно арабча китоб қолиб, бирга ўқиганлардан кимлар билан хабарлашиб туришимни суриштира бошлади ва яна мен жавоб беришга улгурмай, ўзи Муҳаббат, Ҳафиза, Нафиса ва унинг эри Рўзимат – у ҳам курсдошимиз – билан кўришганини гапира кетди. Орада икки ўғли борлиги, улардан бири билан яшашлигини, ҳажга бир ўғли билан келганлигини, шунингдек, уларнинг гуруҳи раҳбари курсдош дўстимиз Абдураззоқ Юнусовнинг ўғли Абдуқаҳҳор эканлигини ҳам қистириб ўтди.

Китобни Муҳаммад Содикқа кўрсатган эдик, у асарнинг урду тилида, Покистонда чоп этилгани, Қуръондан парчалар ва бошқа ҳар хил мавзуларда битилганини тушунтирди. Шундан кейин Раъно билан хайрлашдик. Қайтиб уни учратмадим.

Кечкурун овқатдан сўнг Зокиржон ҳожи ака, Зайнобиддин ҳожи ака - учаламиз сайрга чикдик. Сал наридаги бинога андижонликлар тушишган экан. Шундоқ кўчада Бўз тумани имом-хатиби Аҳад қори ва бошқалар билан кўришиб, суҳбатлашиб турган эдик, озгин, қора чўққи соқолли бир одам (асли ота-боболари Бухородан, ўзи Афғонистонда туғилган экан) бизга яқинлашиб, бир халтадан хурмо берди ва “егулик борми?”, деб сўради, ҳайрон бўлганимизни сезиб, “майизми, туршакми – нима бўлсаям, ватандан келган нарса...”,- изоҳ берди шикаста овозда. У гарчи бошқа ўлкада она ва олам юзини кўрган эса-да, ота-боболари диёри – Ўзбекистонни асил ватан деб ҳисоблар, ана шу чин юртни, унинг ноз-неъматларини соғинган, кўмсаган эди...

Шўро ҳукуматининг 1920-30-йиллардаги машъум “қулоқ” сиёсати, даҳрийлик зуғуми, таъқибу тазйиқлар, “тут-тут!”, “қама-қама!”лар безору зада қилган ва ўз туғилган, киндик қони тўкилган азиз гўшаларини ташлаб кетишга мажбур бўлган юртдош, миллатдошларимизнинг аксарияти, гарчи Арабистонга етгунларича не-не жабру-

жафоларни, азобу укубатларни бошдан кечиришган эсалар-да, бу одамохунлар мамлакатида эмин-эркин ўрнашиб, маҳаллий ҳукумат кўмаги ҳамда ўзларининг уддабуронлиги, заҳматдан чўчимаслиги, илму-касбга, ҳунарга иштиёқлари, укувлари туфайли катта сармоёга эга бўлиб, ҳам обрў-нуфуз топиб яшаб ўтганлари, яшаётганлари кўп, албатта. Тарихчи олимимиз, муҳтарам Сайфиддин ҳожи Жалиловнинг Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ўзбек муҳожирлари ҳаётига бағишланган “Бухорийлар қиссаси” китобидаги маълумотлар, айрим ватандошларимизнинг эътирофлари эътиборга муносибдир. Эндиликда ўғил-қизлари, шу юртда таваллуд топган невара-чеваралари билан шу заминга илдириб отиб кетган муҳожирларнинг очиқ-ошкор, миннатдорона иқроор келтиришларича:

“Ҳукумат (*Саудия Арабистони ҳукумати – Қ.К.*) биронта бухорийнинг<sup>4</sup> бурнини қонатмади” (*Сафоҳон тўра Жалолхон Марғилоний*);

“Кимки ҳалол меҳнат қилиб, бирон касб билан шуғулланса, унга кўмак берди” (*Абдулҳамид Аҳмадали Махдум*);

“Ҳукумат ҳеч кимдан (муҳожирлардан – Қ.К.) солиқ олмади” (*Аҳмадали Тўлқин*);

“Давлат уй-жой куриб олишимиз учун бизга ерлар ажратиб берди” (*Қори Абдулҳаким*);

“Уй-жой куришга давлатдан қарз олсаю, кимки уни муддатида тўлаб турса, охирида қарзининг маълум фоизини кечиб юборди” (*Ҳабибулло Назиржон*) ва ҳоказо<sup>5</sup>.

Шунга қарамай, асил ўлка – Ўзбекистонга қайтиш илинжи, умиддидан бир нафас кўнгили узмаган собиқ ватандошларимиздан айримларининг она юрт соғинчи билан боғлиқ аламу армонлари, оху зорлари юракларни зириллатади. Бой-бадавлат ўғиллари қарамоғида ҳеч нарсага зорикмай, муҳтожлик сезмай, бадастир умр кечираётганлардан бири Ҳурбой отанинг ҳасрати шундай:

“Ўғилларимнинг топган миллион пулидан менга нима фойда, - дейди отахон ва яна овози қалтирайди. – Менга энди давлат эмас, Андижон керак, юртим керак. Мустақил бўлганларингдан бери қўлларим дуода... Парвардигоримдан энди илтижоим – менинг тупроғимни ҳам озод бўлган юртим тупроғига қўшсин...”<sup>6</sup>

Тоиф шаҳрини макон тутган таниқли шоир Комил Абдулло Андижоний – Тошқиннинг мавлоно Фузулий ғазалига назира тарзида битилган байтларида тарки диёр этганлар дарду фиғони янада ёрқинроқ, янада таъсирлироқ ифодаланган:

**Ватан қадрини биздек беватан афкор ўландан сўр,  
Азоби ғурбат ичра жондин безор ўландан сўр.**

**Бузуб ўз ошиёнин, ёндириб нури жаҳолат-ла,  
Бизингдек дарбадар, ҳар жойга борса хор ўландан сўр.**

**Туғулган юртининг неъматларидан баҳравар бўлмай,  
Туганмас меҳнату, дарду, балоға ёр ўландан сўр.**

**Қисиб бўйнини ҳамиша, ёлбориб бегона элларга,  
Кўролмай кимсадин бир марҳамат, бемор ўландан сўр.**

**Тиларсан воқиф ўлмоқ ҳолидан синган кўнгилларни,  
Насиби дўстлардин таън ила озор ўландан сўр.**

---

1. Умуман, *Арабистонга келиб қолганлар дастлаб шу атама билан номланганлар.*
2. С. Жалилов. *Бухорийлар қиссаси. 70-б.*
3. Ўша китоб, 108-б.

**Баҳор айёмида гул нашъасин билмайди ҳар булбул,  
Ки бир банди қафас, ё марҳами гулзор ўландан сўр.**

**Ҳаётнинг маънисин, Тошқин, на билсун миллати жоҳил,  
Жаҳонда хуш яшаш кайфиятин аҳрор ўландан сўр.  
1986 йил, Риёз шаҳри.**

Тавба-тазарруга йўғрилган бундай ўкинчу изтироблар туғилиб-ўсган азиз гўшаларида яшаб, тўқликка шўхлик, ношукрлик қиладиганлар учун айниқса, ибратлидир.

Ҳа, “Еридан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган ўлгунча йиғлар”, “Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл” каби мақоллар бежиз тўқилмаган...

Қайтиб, ўзимизнинг бино олдига келсак, ҳамтуманим, “Урганжи” жамоа хўжалиги раиси, биродаримиз Иброҳимжон Қодиров юрибди. У ёқдан-бу ёқдан гаплашиб, анча турдик. Онасини олиб келибди. Ҳавасим келди.

Кеча саҳар Ўзбекистондан охирги – терма жамоа келиб, ёнимиздаги хизматкорларга ажратилган бўлмаларга ҳам қўшимча одам қўйилди. Ғала-ғовур кучайди.

Титан ағдарилиб, суви тўкилиб, спирали куйибди, чойни пастки қаватлардан дамлаб чиқяпмиз.

Фойеда галма-галдан овқатланиш, навбат билан намоз ўқишга тўғри келяпти. Тунда ҳам алламаҳалгача тарақа-турук, ғўнғир-ғўнғир тинмайди.

Кечга яқин Муҳаммад Содик қўлида улкан бир китобни кўтариб, жуда хушнуд кириб келди.

- Қимматли бойлик топдим, - деди у қувончини ҳамроҳлар билан баҳам кўришга ошиққандай.

Ҳаммамиз қўлма-қўл қилиб назардан кечирдик. Чиндан ҳам, кўзга суртгудай нодир эди: “**СИҲОҲИ СИТГА**” –яъни, “**ОЛТИ САҲИҲ ТЎПЛАМ**” – Италияда, Франциянинг энг тоза қоғозига босилган, учинчи нашри экан. Ҳажми ҳам залворли – 2754 саҳифа.

Энг сара ҳадислар жамламасидан иборат мазкур беназир мажмуанинг Муҳаммад Содик учун, демакки, биз учун ҳам ғоят муҳим жиҳати – у буюк ватандошимиз тўплами билан бошланар ва бу қисм бошқа муаллифлар нисбасига нисбатан энг катта бўлакни ташкил этарди.

Китоб шундай тартибда эди:

**1. Имом ал-Ҳофиз Абу Абдулло Муҳаммад ибни Исмоил ибни**

**Иброҳим ибни ал-Муғиро ибн Бардазба ал-Бухорий (хижрий 192-256 йиллар).  
“Саҳиҳ-ул Бухорий”.**

Ислом оламидаги барча уламолар ушбу дурри ноёбни Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар дастуриламал деб эътироф этадилар. (Маълумотларга қараганда, заҳматкаш, толмас мужтаҳид Имом ал-Бухорий Муҳаммад алайҳиссалом, ул зотнинг саҳобалари, халифалар, уламолар, умуман Ислом тарихи ва кейинги жараёнлари, ҳуқуқшунослиги (фикҳ), маросимлари, ўша даврларга оид одатлар, анъаналар, тамойиллар акс этган олти юз мингга яқин ҳадис тўплаган, лекин уларни қайта-қайта текшириб, саралаб, фақат 7250 тасини ишончли деб танлаб, китобга киритган).

**2. Имом ал-Ҳофиз абул Ҳусайн Муслим ибни Ҳажжож ибни Муслим**

**ал Кушайрий ан Найсабурий (Нишопурий), яъни Имом Муслим (206-261 йилларда яшаб ўтган).**

**Саҳиҳ- асил, ишончли тўпламлар иккита бўлса, иккинчиси мана шу, дейдилар (1-чиси ал-Бухорийники).**

**3. Имом ал-Ҳофиз абу Довуд Сулаймон ибнул Ашъас ибни Исҳоқ ал**

**Аздий ас Сижистоний (202-275 йиллар): “Сунани Абу Довуд”.**

**Уламолар баҳоси: Довуд алайҳиссалом қўлида темир қандай мумга айланган**

бўлса, Абу Довуд кўлида ҳадис шундай эриган. (Соғоний ва Иброҳим ал Ҳарбий шундай дейишган).

4. Имом ал Ҳофиз абу Исо Муҳаммад ибни Исо ибни Саврога ибни Мусо ат-Термизий (яна бир мўтабар ҳамюртимиз! – 200-279 йиллар): “Сунани ат-Термизий” (1627-2061-саҳифалар).

Уламолар фикри-фатвоси: “Кимнинг уйида шу китоб бўлса, у хонадонда гўё пайғамбар гапираётган бўлади”.

5. Имом ал-Ҳофиз абу Абдурахмон Аҳмад ибни Шуайб ибни Санон ан Насайи (215-303 йиллар): “Сунанун Насайи”.

Саъд ибни Али аз-Занжоний фикри: “Насайида саҳиҳ ҳадисларни аниқлаш шартлари Бухорий ва Муслимникидан-да қаттиқроқдир”.

6. Имом-ал Ҳофиз Абу Абдулло Муҳаммад ибни Язид Ар-Рабиъий ибни Можа ал Қазвиний (209-273 йиллар): “Сунани ибни Можа”.

Абу Заръа: “Шундай гумон қиламанки, бу асар одамлар кўлига тушса, бошқа китоблар кейинга сурилиб қоларди”.

- Ушбу бебаҳо жавоҳир тўғрисида Муҳаммад Содиқ хожи Ҳошимжон қори ўғлининг фикри қандай? – сўрайман.

- Ҳадисшунослик пири комиллари пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзларини, ҳикматларини кейинги авлодларга етказишда бемисл хизмат қилган зотлардир. Биз – барча умматлар улар олдида қарздормиз.

Ҳаммамизнинг қалбимиз ғурур, фахр туйғуларига тўлиб-тошди. Дунёвий фанлар, бадиият оламининг бузрукворларидан ташқари, не-не забардаст, фидойи илоҳиётчиларимиз исломий илмлар борасида ҳам ўзларига қўл етмас баланд ёдгорликлар тиклаб кетишган-а! Дунё бўйича тан олинган 6 та ҳадислар мажмуасининг муҳаддисларидан – йиғувчи, шарҳловчи, тарғиботчиларидан икки нафари, яна пешволари, эъозлилари Турон замин фарзандлари! Илму зиёимиз илдизлари тарихнинг олис, чуқур қатламларидан келганлигининг дадили бўлмиш ул алломаи киромлар юртимиз, элимиз, миллатимиз шаъни-шавкати, ифтихори, байроғидир.

“Сихоҳи ситта”даги ғаройиб, мўъжизавий бир уйғунлик эътиборга молиқки, олтовлон сунна ижодкорлари деярли бир замон, бир асрда яшаган. Демак, бу давр тақозоси ё илоҳий бир каромат самарасидир.

Шу оқшом ҳаммамиз ана шу табаррук ва гўзал китоб таассуротлари билан уйқуга кетдик. Саҳар уйғонсам, Қори домла мутолаа билан банд, афтидан у туни билан “Сихоҳи ситта”ни варақлаб чиққан эди.

*20 январь, сешанба*

Ўзбекистон ҳожилари раҳнамоларидан бири Раҳматилло қори Обидов етакчилигида Тошкентдан, Самарқанддан келганлар билан бирга, бешта автобусда зиёрат-ганишувга чиқдик. Сайрбонимиз йўл-йўлакай тарихий жойларни таърифлаб, ўша зиёратгоҳ билан боғлиқ кўхна воқеаларни шарҳлаб борди.

1. Савур (хўкиз демак) ғори – Ғори Савур – Маккани ўраб турган тоғда, шаҳар марказидан олти чақиримлар масофада. Куръони каримда зикри келган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Абу Сиддиқ разияллоху анху билан мушриклар таъкибидан қочиб яширинган, қисқа муддатда оғзини ўргимчак тўр тўкиб, каптар тухум кўйган ғор. У йўлдан ичкарироқда, ўтмасроқ пирамида шаклидаги тоғнинг қиршов қисмида баралла кўзга ташланиб турарди.

2. Кейинги манзил – Макканинг жануби шарқида, шаҳардан 25 чақирим узоқдаги Арафот водийси эди. Тоғ тепаси ер сатҳидан 750 метр баланд экан. Муҳаммад алайҳиссалом охириги ҳажларида Арафотнинг шимол тарафидаги Раҳмат тоғида видолашув хутбасини ўқиганлар. Шу жойда ул зотга қуйидаги сўнгги оят нозил бўлган: *“Бугун сизлар учун динингизни мукамал қилдим, неъматимни ниҳоясига етказдим ва*

### ***Исломни сизлар учун дин бўлиб қолишига рози бўлдим”.***

Раҳматилло қорининг айтишига қараганда, Одам Ато билан Момо Ҳаво (ривоятларда жаннатдан чиқарилгач, бири Ҳиндистон (Шри Ланка)га, иккинчиси эса Жиддага тушган), шу водийда кўришишган, “арафа” сўзи шундан олинган, яъни “учрашадиган жой” мазмунини билдираркан. Одам Ато бу ерда Аллоҳдан гуноҳини авф этишини ва аҳлияси – жуфти ҳалоли билан топиштириб қўйишини ўтиниб сўраган ва тилаги рўёбга чиқиб, Момо Ҳаво унинг ҳузурига етиб келган экан. (Шунинг учун Раҳмат тоғи деб аталади ва дуо-илтижолар ижобат бўладиган хосиятли ўринлардан ҳисобланади).

3. Қайтишда Муздалифада тўхтадик, андак паст-баландликлардан иборат у текислик Арафот билан Мино водийси ўрталиғида, Кузох тоғи яқинида бўлиб, “Муздалифа” сўзи “Аллоҳга яқинлашиш” деган маънони англатаркан. Ушбу депарадаги асосий зиёратгоҳ “Машъарул ҳарам” масжиди эди.

Муздалифада кечаси тунаш ҳажнинг суннатларидан, субҳи содиқдан кун чиққунча вукуф қилмоқ (тўхтамоқ) вожиб амаллардан ҳисобланаркан.

Раҳматулло қорининг айтишича, Муздалифанинг муқаддаслиги сабабларидан яна бири – Одам Ато билан Момо Ҳаво биргаликдаги илк беором кечаларини мана шу кенг сайхонликда ўтказишган экан.

4.Муздалифа билан Макка оралиғида, шаҳардан етти чақирим четда жойлашган Мино кишлоғи кўндаланги энсиз, бўйи чўзиқ яланглиқдир. Шайтонга тош отиладиган ва қурбонлик кунлари шу манзилда тунаш суннат дейилган.

Атрофда минг-минг, балки юз мингларча оқ чодир-уйлар ҳожилар истиқомати учун ҳозирлаб қўйилган эди. Чодирхоналар, узоқдан қарасангиз, паст тоғларнинг қорли чўкқиларига, тўп-тўп қор уюмларига ўхшаб кўринарди. Булар ҳаж мавсуми тугагач, йиғиштириб олинаркан – ақл бовар қилмайди – шунча кўп, боз устига, оддий эмас, ҳар бири йигирма –ўттиз кишига мўлжалланган, тўрт бурчакли ва темир устун, тўсинлар билан ниҳоятда пухталанган чодирларни ўрнатиб, яна саранжомлаш учун қанча куч, қанча вақт зарур!.. Илгарилари бу жойлар ҳам Муздалифа каби очик майдон, майда тошли ерлар экан. Демак, ҳожилар шамолу қуёнларда, ёмғир-селларда ҳам бир неча кун қоқ ерларда тунашиб, ҳаж амалларини адо этишиб, ўзларининг Аллоҳга бўлган ихлоси ва эътиқодларини изҳор айлаганлар.

5. Минодан сўнг шайтонга тош отиладиган жойга келдик. Катта бир кўприк-йўл остида учта-кичик, ўрта ва катта иблис рамзлари – чор қиррали, ғадир-будир тош устун бор эди. Муздалифадан териб олинган тошлар ана шу тимсолларга отиларкан. Биринчи кун еттита тош катта шайтонга - Жамратул Ақобага отиб қайтиларкан. Ўрта шайтон – “Жамратул вусто”, кичик шайтон – “Жамратул суғро” дейиларкан.

Бу тадбир ҳам вожиб амаллардан ҳисобланади. Агар узрсиз сабаб билан тош отилмай қолса, қон чиқариш, яъни жонлиқ сўйиш зарур бўларкан (Қариялар ва аёлларнинг тошларини бошқалар, яъни эркаклар ва ёшлар отишаркан).

6.Танишув якунида Хиро тоғини узоқдан (у йўлдан ичкарироқда эди) қараб кўриб ўтдик. Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар бўлмасларидан олдин баландлиги икки юз қадамлар келадиган мазкур тоғдаги ғорга чиқиб ўзларига яраша таханнус ибодатларини қилиб юрганлар, дастлабки ваҳий ҳам шу ерда келган, яъни Қуръони каримнинг илк оятлари нозил бўлган.

Расулуллоҳнинг болаликда кўкси ёрилиб, юраги жаннат суви билан ювилиб қайта тикилиши воқеаси ҳам ана шу ғорда юз берган экан.

Маккаи мукаррамадаги зиёрат қилинадиган тарихий ва муқаддас жойлар, асосан ана шулар эди. (Сайр мобайнида Раҳматулло қоридан эшитганларимни Муҳаммад Содиқдан сўраб, шунингдек, китобларда ўқиганларим билан тўлдирдим).

\*\*\*\*\*

Оқшом Муҳаммад Содиқ, Илҳомжонлар билан шаҳар четидаги Ҳарам аҳли ва маккаликлар ҳукмида бўлмиш масжиди Танъимга бордик. Қори бир яқини, Илҳомжон марҳум падари бузруквори, мен ҳам раҳматли отам номидан умрага бел боғлаб эдик.

Махсус жойда ғусл қилиб, яъни ювиниб, эҳром боғлаб чиққач, рўпарадаги Ойша онамиз масжидида тахийат-ул масжид – масжид ҳақи намозини ўқиб, ният қилдик. Хуфтон намозини ҳам шу ерда адо этдик-да, машина ёллаб (ҳар кишига икки реалдан) Ҳарамга келдик. Дастлабки кундаги йўналиш бўйича юриб, “Ас-Салом” дарвозасидан “лаббайка”ни айтиб кирдик. Барча амалларни мумкин қадар тўқис бажарай, деб тиришдим, ўтган сафаргидай, машаққат чексам-да, Ҳажарул Асваддан ҳам бўса олиш шарафига муяссар бўлдим.

Отам Кенжабой Умрзоқ ўғли бундан ўн тўрт йил муқаддам, 78 ёшида оламдан ўтган. Иккинчи жаҳон урушида ўн олти ой қатнашиб, ярадор бўлиб қайтгач, колхозда пахтачилик бригадири, узоқ йиллар чорва фермаси мудири, қора экин бригадири ва бошқа вазифаларда ишлаган.

Отам топармон-тутармон эди. Нафақага чиққандан кейин ҳам тиниб-тинчимай, қўшни Қирғизистон ерларига бориб қовун-тарвуз экар, ҳовлимиздаги анор дарахтларини парвариш қилар, мева пишганда ҳар куни ярим тунда туриб, йўловчи, киракаш автобусларда Андижон шаҳрининг Янги бозорига олиб бориб сотарди. Рўзғорни ҳамisha мумкин қадар бекаму-қўст тутарди. Қўй гўштини маъқул кўрар, уйда бўлсаям, дурустроқ гўшт учраса, яна олаверарди. Чўнтагида доим анча-анча пул сақларди. Тошкентда ишлаб юрганимда бир гал борди-да, маошимни суриштириб қолди. “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида кичик адабий ходим эдим, ойлигим 80 сўм, шу маблағдан ижарага тўлаб, ортганини рўзғорга (янги уйланган пайтларим) ва Турсуной билан Андижонга келиб-кетишга ҳам етказардим. Оз экан, демасин, деб, юз сўм, дедим. Шунда отамнинг: “Қишлоққа қайт, ишламасанг ҳам майли, мен этагимни силкитсам юз сўм тўкилади”, дегани ҳеч эсимдан чиқмайди. У маҳалларда бунча ақчага салкам саккиз қоп ун келарди.

Ҳа, падари бузрукворим ўзига ишонган, бир оз жангари, бировга сўзини бермайдиган киши эди. Лекин мен унинг бундай гаплари ва хатти-ҳаракатларини минбаъд кибр, димоғ аломати деб ўйлайман. У фақат инсон ғурурли, ўзининг кимлигини, одамлар орасида тутган ўрни, мавқеини билиши керак, деган дунёқараш билан яшарди.

Жуда андишали ва бизларга ғамхўр эди.

Тўғри, болагимда қиблагоҳим билан муросамиз у қадар зўр эмас эди, ўғай онамизнинг чақувлари, тазйиқи ё бошқа сабаб биланми, мени мол-қўйларга яхши қарамабсан, деб койирди. Гоҳо болалар билан сигир боқадиган дала, ўтлоққа ҳам истаб борар, мабодо карта ўйнаётганимиз устидан чиқиб қолса, менга яхшигина таъзир берарди.

Мактабда дуруст ўқирдим. Саккизинчи синфдалигимданоқ ҳам ўқиб, ҳам мактаб кутубхонаси мудири вазифасида ишлаб, дастлабки шеърини машқларим туман, вилоят газеталарида босила бошлаган чоғларимдан муносабатимиз ўзгарди, отам мени аяб, эътибор берадиган бўлди. Акам билан опам бирон олийгоҳда ўқишмаган, бунга шароит ҳам йўқ эди. Мен шеър ёзишга, журналистликка қизиқиб, Тошкент университетига кириш ниятимни айтганимда отажоним шаштимни қайтармади, бир новвосни сотиб, анчагина сармояни белимга чугиб қўйди. Ўқишни битириб, пойтахтда ишлаб қолдим. Падари бузрукворим эса буни унча хуш қабул қилмади. Дарҳақиқат, қайси ота ўз фарзанди – ўғлининг ёнида юришини хоҳламайди? Шу масала ва ойлиқдан **ошиниб** унга беролмаганим туфайли бир оз дилтанг бўлар, лекин ўзимга айтмай, акамга мендан ўпкалар, жигаргўшам унинг гиналарини менга етказарди. Албатта, акам валинеъматимиз қошида менинг ёнимни олиб, саъй-ҳаракатларимни ёқлашга уринарди.

Яна бир воқеа. 1966 йил апрель ойида Тошкентда юз берган машҳур зизила пайтида университетнинг иккинчи босқичида ўқир ва талабалар шаҳарчасидаги ётоқхоналардан бирининг бешинчи қаватида яшардим. Отам ўшанда Гуркировдан қирқ-эллик чақирим наридаги, Қирғизистон республикасига қарашли Соқолди деган овулда деҳқончилик қилар, яъни қовун-тарвуз экарди. Тонг палласи эди, ҳали ювиниб-кийинганим ҳам йўқ, деразадан ташқарида, зилзиладан чўчиб очиқ майдонда, йиғма каравотларда ё шундоқ ерга матрас тўшаб ётишган талабаларни кузатаётгандим. “Қамчибек!..” деган таниш овозни эшитиб, орқамга ўгирилдим. Остонада отам қўлида катта сўмка билан хансираб турарди (зиналардан



тез кўтарилиб чиққан шекилли). Кучоклашиб кўришдик. Падаримнинг кўзларида илк бор нам кўрдим. Анчадан кейин у “ий-йи, тўним..” деди. Хаёли менда бўлиб, автобусда қолдириб тушаверган экан.

Мен онажоним ҳаётлигида-ку бола эдим, лекин қиблагоҳимнинг ҳам қадрига етмаган нотавон фарзандман. У мени едирди, кийдирди, дорилфунунда ўқитди, уйлаб-жойлади. Талабалигимда ҳам, кейин ҳам, ўзи эҳсон қилса ё маҳаллада бир издиҳом бўлса мени бошлаб кириб, улуғ ёшли, мўътабар кишилардан дуо олиб берарди. Мана, бугун ислом дунёсининг муқаддас маркази – Маккаи мукаррамадан. Ҳаж мўътабар шарафдир, мен ана шундай орзуга эришиб, ана шу шарафга муяссар бўлиб турибман. Балки, бу падари бузрукворим дуоларининг ижобати бўлса ажаб эмас.

Кошкийди, ҳозир волидаи меҳрибоним ё отажонимни шу муқаддас жойларда қўлларидан етаклаб юрган бўлсам!.. Афсус... Энди улар учун ибодат қилиб, шу вазифани ўтай олсам, ўзимни жуда-жуда бахтли санардим...

Отам, қачон бошлагани эсимда йўқ, ҳарқалай, беш вақт намозини қанда этмасди. Кўнглида ҳаж нияти бормиди, йўқмиди – буни ҳам билмайман (Шўро даврида бу деярли чорасиз муаммо эди), лекин шуниси ойдай равшанки, барча фарзандлар каби менинг ҳам онаизорим, падари бузрукворимдан қарзим кўп. Аммо мен отам тириклигида унга нима хизмат қила олдим? Ҳеч нима! Ҳолбуки, мен ўғил-қиз ўстириб-улғайтириш жараёнларини бошдан ўтказиб, болалар тарбияси, уларни камол топтириш, қаторга қўшиш йўлидаги машаққатларни чекиб, ота бўлмоқликнинг нақадар мушкул амал, оғир бурч эканлигини англаб етдим! Ҳа, англаганда қандок! Фақат, кеч...

Онамиз барвақт ўтган, отамиз, кейинги рўзғорлари муқим бўлмай, баъзан бир қанча муддатларда уйда ёлғиз қоларди. Ана шу пайтларда (Тошкентдан кўчиб келганимиздан кейин) ишдан қайтиб, тўғри отамнинг ҳузурига кирар ва ҳол-аҳвол сўраган бўлиб, гаплашиб ўтирардим, кўнглимда “бўпти, бориб дамингни олавер,” десаю, деган фикр ғимирлаб турарди. (Ана шундай хаёлга берилганим учун кейин кўп афсус чекдим ва ҳозир ҳам бу ўқинч қалбимнинг бир четини кемиради). Сўнг қиблагоҳим умрининг охирида буйрак ҳасталиги билан оғриб, бир неча йил Андижон, Тошкент шифохоналарида даволанганди. Ўша пайтларда қунига лоақал икки маҳал хабар олмаганим ва олдида узоқ-узоқ ўтириб, дардига ақалли сўз билан кўпроқ малҳам бўлишга ҳаракат қилмаганимни эслаб, ич-этимни ейман. Наздимда падари бузрукворим ҳали узоқ яшайдигандай туюларди. Чунки у жуда серғайрат, бикр одам эди. Бир оз камсўзу бир оз қайсар, лекин кесиб гапирарди, чойхона паловни, тенгқур-қадрдонлари билан гурунглашиб ўтиришни, зиёратли жойларга боришни яхши кўрарди. Ўзини парваришлаб юрар, анча-мунча дардни тез енгиб туриб кетар, қийинчиликдан чўчимас, меҳнатдан ҳеч қайтмас эди – етмиш ёшларида ҳам сахар туриб, нонуштагача ер чопар, қўй-моллар учун (узоқ йиллар чорва фермасида ишлагани учунми, уйдан ҳайвонни узмасди) ўт ўриб келарди. Тенгқур жўралари бирин-кетин ўта бошлагач, шашти пасайди...

Тошкентдан тўрт хонали уй олиб, ўз орзуимдагидек яшай бошловдим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи мансабида ишлардим, китобларим тез-тез нашр этилаётган, устоз адиблар ва мунаққидлар айрим ёзмишларим тўғрисида илиқ фикрлар билдиришиб, менга умид кўзи билан қарашмоқда эди.. Юқоридаги ва бошқа сабабларга кўра отам ҳовлида бутунлай бир ўзи қолиб, мени чақиртирди. Акам ўртага тушиб, “Тошкентда анча томир отиб қолди, энди униб-ўсадиган вақти келяпти”, деди. Қиблагоҳимиз: “Мана, ҳолатни кўриб турибди, яна ўзи билади...” деди. Мен бошқа йўл йўқлигини англадим. Ўзимнинг ҳам кўнглим бўлмади. Бўпти, дедим ва бир ойлардан кейин кўч-кўроннию ишни йиғиштириб, кўчиб келдим. 1985 йили баҳори эди. Дўстлар, хайрихоҳлар, энг аввало кадрли, маслақдош акамиз, таниқли шоир Тўлан Низом кўмагида яна ўз соҳам, касбим бўйича вилоятдаги энг мўътабар вазифага – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими раҳбарлигига тайинландим. Минг шукрим, беш йил падари улуғим билан яшадик. Мана, унинг ўтганига ўн тўрт йил бўлди. Қишлоққа, туғилган масканимга қайтиб келиб, кам бўлганим йўқ. Энг муҳими – бир мунча яхши инсонларнинг

назарини қозониб, улар эътиборида баҳоли қудрат қалам тебратиб юрибман. Нолийдиган жойим йўқ. Умуман, ҳаётда нимаики рўшнолик кўрган ва кўраётган бўлсам, отажоним яратиб берган моддий ва маънавий шарт-шароит, унинг ўзию уламолар, оқсоқоллардан сўраб берган дуолари шарофатидан, бир оғиз гапи билан Тошкентдай пойтахт шаҳарни ташлаб, қишлоққа - Гуркировга қайтиб келганим ва падари бузрукворимнинг кўнглини олишга ҳаракат қилганим, уйининг чироғини ёқиб ўтирганимдан деб биламан. Аммо... барибир қиблагоҳим олдида ҳали кўп бурчлиман – адо этолмас қарзимнинг бир мисқолидан халос бўлармикинман, деб, бугун унинг номидан умра амалини бажармоққа чоғланиб эдим, зора, Аллоҳ даргоҳида қабул айласа...

Шу кеча яхши ухладим, оғриқ, чарчоқ сезилмади – уйғонганимда кушдай енгил эдим. Ё Раб, отамнинг руҳини шод, охиратларини обод қилгин (омин).

## *21 январь, чоршанба*

Муҳаммад Содиқ, Илҳомжон билан пешин намозини Байтуллоҳда ўқимоқ учун кетдик. Одам кўп, намоз вақти яқинлашиб қолган эди. Бир чеккадаги лифтдан учинчи қаватга - томга чиқдик. Жойлашиб улгурмадик, такбир айтиб юборилди, йўлакдагилар сафига қўшилиб чўккаладик...

Сўнг китоб дўконларини айландик. Зокиржон ака Қори домлага кечаги “Сихоҳи ситта”дан менга ҳам олиб келинг, “Бобур ва жаҳон маданияти” мозийгоҳига қўяман, деб пул берувди, китоб олинди – 200 риёлга бизнинг пулга олтмиш минг сўмдан зиёдрок – китобнинг қимматига нисбатан нархи арзон!

Қайтаётганимизда бир мўйсафид Қори домлани четга тортиб, узоқ гапга тутиб қолди. Умуман, меҳмонхонада ҳам, кўча-кўйда ҳам Муҳаммад Содиқнинг танишу нотаниш шогирдлари, мухлислари, орқаворотдан эшитиб, бир кўришмоққа орзуманда бўлиб юрганлар ҳар дамда учрарди. Истиқоматгоҳимизга ҳам кўпчилик йўқлаб, йўл-йўриқ сўраб келишарди. Қори домла ҳам ҳеч оғринмас, малол олмас, шошилмас, қайтага ўша кимсага нафи текканидан мамнун бўлиб мулоқотлашар, китоб кўриб, масаланинг моҳиятини – тўғри йўлни айтиб берарди. Баъзан бирон борада иккиланиб қолса, кечалари алламаҳалгача китоб варақларди. Ҳаж амалларию, шартларига оид бир рисолани қўлтиғидан қўймай олиб юрар, йўлдами, автобусдами, зарурат туғилса, дарҳол ўша манбага мурожаат қиларди. Биз ҳам бир нима ҳақида савол берсак, ечимини ўзи билса-да, қўлланмасига яна бир назар ташлаб, аниқлаб кейин айтарди. Жавобгарликни, маъсулиятни чуқур ҳис этарди. Айниқса, менинг билиб-билмай, яхши фарқлолмай ёзиб юборишим эҳтимоли борлигидан ҳадиксирарди. Ўзим ҳам: ростдан бу гаплар сафарномага тушади-я, мабодо саҳву хато ўтиб кетса, ўқиганлар: қаламкаш-ку илми исломдан чала муллароқдир, аммо унинг ёнида устоз кўрган, хушёр қори, ҳожи бор эдию, дейишлари мумкин, дердим ярим чин, ярим ҳазил билан.

Қори домла ниҳоятда кам ухлар, боз устига қушуйқу эди. Бу жиҳатини унинг ўзи шундай изоҳларди:

- Мен домлам Ҳиндистонийнинг пойгаҳ томонида ётардим, кечаси ул зот сал безовталанса, дарҳол туриб оёқларини уқалай бошлардим, шунда устоз яна тезгина уйқуга чўмир эдилар.

У кўпинча фойедаги диванда мутоалаага берилиб, хожатмандлар билан суҳбатлашиб, ҳаммадан кеч ётар, биз бомдодга айтилган азон товушидан уйғонганимизда, намоз ўқиётган ё жойнамоз устида тасбеҳ ўгириб ўтирган бўларди. У Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдаги кўрсатма ва ўғитлар, хатм қилган китобларидаги фатволар ижросида ниҳоятда собит – исми-жисми билан Муҳаммад Содиқ эди.

У намознинг, умра, ҳаж маносиклари, ҳукмларини, умуман ҳар қандай ибодатнинг мабрур, яъни тўқис, бутун қонун-қоидалари, расамади билан, жойига қўйилган ҳолда бажарилишини жуда-жуда хоҳлар, бизга ҳам уқтирар, талаб этарди. Агар бу бораларда айтганлари бўлмаса куйиб-пишарди.

- Дунёвий ишлар бўйича мен раҳбар, диний масалалар бўйича

Муҳаммад Содик. У нима деса, шуни қиламиз, - дерди Зокиржон ака. Лекин бу “ҳукм”ни ҳар доим ҳам мукамал тарзда амалга ошириш душвор эди. Шароит, вазият дегандай... Аммо ҳажбоши-имомимиз намоз ва бошқа диний вазифаларда ҳеч қандай вазият, шароитни, ҳеч бир истиснони назар-эътиборга олмасди. Масалан, йўлларда ҳар қанча ёмғир ё шиддатли қор ёғаётган паллада ҳам, “намозни пастга – ерга тушиб (фақат жонга хавф бўлмаса бас) ўқиш шарт, автобусда ўтирган ҳолатдаги ибодат инobatга ўтмайди”, дерди, ёки жуда шошилиб турсак ҳам, бомдодни ўз муддатидан илгарироқ (яъни, осмон тўла ёришмай) ўқишга қўнмасди. Менинг наздимда у ўта даражада мутаассибдай туюларди.

Йўлларда фарз намозларини қаср тариқасида ўтаб келдик, барча суннат, витр мумкин қадар тўла адо этилди. Ётоқхонага ўрнашган кунимиз агар бир жойда ўн беш кун муқим туриладиган бўлса, намоз қаср қилиб ўқилмаслигини айтди.

У ўта сергак ва зийрак: имом сифатида олдинда турган ё ўтирган чоғида ҳам орқадаги биз каби иқтидорлардан қай биримиз қандай камчиликка йўл қўйганимизни, беътиборлигимизни кўз қиридами, шуурий нигоҳ биланми кўриб, сезиб қолади: қўлингизни тиззага қўйганингизда панжаларингизни букиб олманг, деб эслатади намоздан кейин.

Ана шундай фазилатлари, илми, одамгарчилиги ва бошқа жиҳатларини, ҳатто исмини табаррук билиб, Қори домламизга ҳаваслилар кўп эди. Биз ҳам унинг ҳурматини жойига қўйиш пайдан бўламиз. Зеро, Муҳаммад Содикдай уламо ортида намоз ўқиш шараф. Бироқ, азбаройи одамийлиги, камтарлигидан бизга худди энг ёш жўрамиздай, укамиздай самимий хизмат қилади, ҳар бир майда-чуйда ташкилий ишга ҳам малолсиз елиб-югуради.

Қисқаси, Ҳошимжон қори ўғли Муҳаммад Содик олижаноб инсон.

Хулласи калом, китоб дўконидан чиққанимизда Қоримизни-етакчимизни йўқотиб қўйиб, Илҳомжон иккимиз меҳмонхонага қайтдик. Шомдан кейин Муҳаммад Содиксиз, таваккалига яна умра ниятида жўнадик. Автобусда Ҳарамга етиб олдик. Киракаш машиналар тўхтайдиган майдонга ўтишимиз лозим эди. Хуфтон яқин. Ҳожилар шунақа кўпки, Каъбатуллоҳ атрофидаги кенг, катта майдонларда эркақлару аёллар жойнамозсиз, намозга ҳозирлик кўриб ўтиришарди. Чеккароқдаги йўлак учун қолдирилган ораликда ҳам рўпарадан келаётганлару кетаётганлар тирбанд. Қадам-бақадам силжиб бораётгандик, биринчи азон айтилди. Биз юравердик. Бир жойда лифтда кўтарилиб, дўкон ичидан чиқиб қолдик. Шу ерда муаззиннинг иккинчи даъвати янгради. Энди намоз ўқимаслик мумкин эмас эди, дўконнинг яланғоч полига чўккаладик. Кейин яна туртилиб-суртилиб бекатни излаб кетдик. Одамлар бирдан қўзғолгани учун тиғизлик боягидан ҳам баттар эди. Хуллас, бир амаллаб бекатни топдик.

Қийинчилик билан машина ҳам бўлди. Танъимда ғусл қилдик. Сафарга жўнаётганимизда Раҳимберди тоғам: насибанг қўшилиб Маккатиллога борсанг, иложини топсанг, дадам учун ҳам умра қилиб қўйгин, деган эди. Бобом (мен ҳам “дада” дердим), яъни онамнинг отаси, раҳматли Эшонжон маҳсум Матқосимхожи ўғли жуда художўй, том маънодаги мўмин – мусулмон эди, бошини хиёл эгиб турар, бировнинг, ҳатто ёш боланинг ҳам юзига тик қараб гапирмасди. Ваҳоланки, Гуркировнинг энг мўътабар оқсоқоли, мулласи эди. Умрининг охиригача тўй ва фотиҳаларга борадиган сафнинг биринчи одами, етакчиси бўлиб юрган. Тоғамнинг айтишича, опоқ дадам аслида эшонзода бўлмаган, падари бузруквори Матқосим хожи хонадонига аҳён-аҳёнда қадам ранжида қилиб турадиган ана шу тоифа меҳмонларнинг бир галги ташрифи чоғида таваллуд топгани боис, ўшалар шарафига шундай исм қўйилган экан.

Бобом раҳматли деярли ҳаммани, ҳатто ўз фарзандларини, масалан тоғамни ҳам “сиз”лар, акам (Тошпўлат) билан мени негадир “сен”сирарди. Акам билан тоғам болалик ва ўсмирлик пайтларида кўпинча дадамларникида соққа, даста ўйнаб юришар, мен ҳам уларникига кўп борардим. Ҳарқалай, дадам мени ҳам ўзига жуда яқин оларди. Онам ўтгач, у бизга янаям меҳрибон бўлиб қолганди. Талабалик йилларимда қишлоққа келганимда

дадамини кўргани борсам, уни ҳар доим ҳовлида ё анорзор тагини чопаётган ё узум хомтоғи билан машғул ҳолатда учратардим. Менга ҳар гал, албатта яктагининг ён чўнтагидан пул чиқариб берар ва узоқ дуо қиларди.

Шунинг учун тоғам юқоридаги гапни айтганида мен хўп, деб ваъда берган ва кўнглимга маҳкам туғиб қўйгандим. Аслида отам ва онам учун умра адо этишликни ҳам менга тоғам эслатганди. Дадам ҳажга бормоқликни бир умр орзулаган, лекин мақсадига ета олмаган экан.

Ойша разияллоху анҳо масжидида опоқ дадам Эшонжон Матқосим ҳожи ўғли номидан умрани адо этмоқ учун ният қилиб, эҳром боғладим.

Ҳарамга келганимизда соат кечки тўққиз эди.

Кудумнинг даставвалиданок Ҳажарул Асвад сари интилдик. Бугун давра ҳар кунгидан ҳам қалин эди, Муҳаммад Содик ўргатган ва бошлаб берган йўналишдан ниҳоятда қийинчилик билан яқинлашиб бордик. Худди ана шу чоғда қора тошли бурчак билан бизнинг ўртамызда бир одам гангиб туриб қолди: бояқиш зиёратчилар ҳалқасини бузиб ўтолмас, нукул юлқиниб, қўллари билан бошини тўсишга ҳаракат қиларди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, ўзга чора ҳам, бировга ёрдам беришнинг имкони ҳам йўқ эди.

Мен бир амаллаб Ҳажарул Асвадга етдим, қалламни суқиб дуолар айтдим, аммо ана шу лаҳзаларда азоб-уқубат бошланди. Бошимни Ҳажарул Асвад ичидан ўзим чиқардимми, ё бошқалар тортиб чиқариб қўйишдими, англамадим, ўзимни шу ёққа жажд билан интилаётганлар қуршовида кўрдим. Кейин қора тошдан бир неча одим узоқлашдим. Ўз ихтиёрим, ўз қадамларим билан эмас, албатта, суриб кетишди. Бу худудда оломон маст туядай тебранар ва пишқирарди. Бошим қўшув бўлиб шиддат билан қора тошга чўзилаётган икки қўлнинг исканжасига тушиб қолди, ҳарчанд уринмайин, бурилишнинг иложи йўқ, аксинча, “чангак” бўйнимни баттарроқ сиқарди, нафас олишим қийинлаша бошлади. Мен боқий дунёга ишонадиганлар ўлимдан кўркмайди, деган тушунчада эдим, хатарли ҳолатдан соғ-омон кутулгач, жон ширин, яшаш истаги нақадар кучли экан, деб ўйладим. Мускуллари ирғиб, томирлари бўртиб кетган билаклар омбирдай қисар, кўз олдим қоронгулашиб борарди. Қўлларнинг эгалари ҳеч нарсани кўрмас, сезмас, фикри-зикрида Ҳажарул Асвадга етиш аҳди бор эди холос. Бошимни пастга тортсам, ўтириб қолиб, оёқлар остида депсалишим тайин. Охири кучимнинг борича, сўнгги ҳамла билан қаттиқ силтандимми, Аллоҳнинг раҳми келдими, қўллар (назаримда уларни ҳам эгалари зич елкалар орасидан суғуриб ололмаётганди) бўшатиб юборди – гўё сиртмоқдан халос бўлдим ва дарҳол орқамга қараб нигоҳим билан Илҳомжонни кидирдим - бир-биримизни йўқотиб қўймаслигимиз керак эди. Ҳамроҳимнинг ҳам юз кўзлари бўғриққан, пешонасида тер йилтиларди.

Мен бир вақтлар радикулит бўлиб саккиз ой қаттиқ оғриб ётганимда ҳам жисмонан шу бир неча сониядагичалик қийналмагандим. Бу мен учун бир синов эдимми, ё ҳар ишда меъёр бор, деган ишоратмиди, билмадим, ҳарқалай, жон ҳалқумга келиб қайтди.

Таҳминан йигирма дақиқалик интилиш, чираниш ва икки-уч дақиқалик олишув иликлардан бор қувватни олиб, тинка-мадорни қуритди. Балки шунинг учун ҳам “Ҳаж, бу – роҳат эмас, машаққат, заҳмат”, деган экан Муҳаммад алайҳиссалом.

Бу ёғига чеккароқ, ҳолироқ жойда айланишда давом этдик – тавофни етти мартага етказиш вожиб.

Шу оёқлар билан Сафо ва Марва тепаликлари оралиғида ҳам етти карра саъй қилиш анча оғир кечди. Лекин дадамнинг руҳи шод бўлишини, суюқли тоғам, бадийий ижод борасидаги илк устозим, мураббийимнинг хушнуд қиёфасини кўз олдимга келтирарканман, заҳматлар чарчоқлар чекина борди. Ўз ишимдан хийла мамнун бўлиб, кўнглим таскин топаётганини туйдим.

Қайтишда яна бир оз қийинчиликларга учрадик. Зам-зам ичиладиган жойда Илҳомжонни йўқотиб, анча изладим ва бирдан мени ваҳима чулғади. Тил билмасам, бир ўзим ярим тунда ётоғимизни қандай топиб бораман, деган хавотир вужудимни зириллатиб ўтди. Яна мени Худо ярлақади шекилли, юз минглаб ҳожилар оқими ичида Илҳомжон билан қайта учрашиб қолишимиз тасодиф мезонига ҳам сиғиши мушкул бўлган бир ҳол

эди. Хуллас, камсукум, беозор шеригим билан соат тунги ўн иккига яқинлашганда автобекат йўлида топишдик. Табиийки, автобус йўқ, такси ёллаш керак. Араб тили борасида гунг ва соқовмиз. Ҳайдовчиларнинг аксарияти ҳинд ё бенгал. Улар ҳаж мавсумида пул ишлаш учун келиб, ижарага енгил автомобил ҳайдашаркан. Кечаги кирола (Ҳиндистон)лик киракаш хотини, ўн битта (!) боласи йўлига кўз тикиб ўтиришганини айтувди. Умуман, бунақалар Маккаи муқаррамада кўп эди.

Таваккалига машинага кўл кўтарамиз. Манзилимизни “Ал-Азизия” деб аталишини биламиз, холос. Бир неча ҳайдовчи билан “келишолмадик”. Улар бир нималар деб сўрар, биз биримиз кўйиб, биримиз тўтидай “Ал-Азизия... Жанубия... Ўзбекистон, ҳожи...” сўзларини такрорлаймиз. Киракашлар елка қисиб, жўнаб қолишади. Менимча, улар “тоғ”дан гапирса, биз “боғдан келардик. Тун тобора чуқурлашиб, бекатда улов ҳам, одамлар ҳам сийраклашиб борарди. Бизни ҳадик босади. Бирдан Халлоқи олам дилимизга солдимиз, кеча Муҳаммад Содикнинг ҳайдовчига “Маҳат-ул банк” ҳам деётгани эсимизга тушиб, шу атама асқотди. “Жанубий Азизия” – катта ҳудуд бўлиб, бутун бир мавзенинг номи эди.

Бу таксичи ҳам ҳинд эди. Унинг лисонидан мутлақо беҳабармизу, эплаб улов тутиб олганимиздан ўзимизда йўқ керилиб, ўзимизча гапга солаамиз:

- Раж? Кумар? Варма?.. – ияк қоқамиз гўё отинг шунақами дегандай.

Ҳайдовчи бизга бақрайиб қарайди.

- Нам, нам? – деб унга кўлимизни бигиз қиламиз.

- А-а, намке? Нам – Рамеш, - дейди ҳайдовчимиз.

Биз ҳам исмларимизни айтаамиз. Рамеш отларимизни қайтармоқчи бўлади, удда қилолмайди – тили келмайди ва кулади.

- Мана, танишиб ҳам олдик, энди суҳбатлашиб кетаамиз, - деймиз. Бу ёғига бизга Бобур ва бобурийлар кўмакка келадилар.

- Бангла? Ҳиндистон? – сўраймиз гўё.

- Индия, - дейди Рамеш бизга яна ғалати қараб.

- Агра, Тожмаҳал... – иккала кўрсаткич бармоғи билан ҳавода обида миноралари тарҳини чизади Илҳомжон.

- Бобур, Акбаршоҳ, Шохжаҳон... – кўшимчалайман мен.

Рамеш ҳам бу исмларни қайтаради, “Бабар” деб кулоқ қоқади ва бош тебратади, юзига кафтини суриб “тамом” дегандай ҳаракат қилади. Демак, 1992 йили Айодҳадаги мусулмонлар масжидига ўт қўйилганини айтмоқчи ва афсус билдирыпти, деб хулоса чиқарамиз.

“Қизгин” мулоқотга андармон бўлиб, вақт ўтганини ҳам сезмай қолай дебмиз. Рамеш бир жойда машинани тўхтатиб “Махата банк, Махата банк...”, деди. Биз “бу ер эмас” дедик имо-ишора билан “Ҳожи, Ўзбекистон” деб гўё манзилга аниқлик киритдик.

- Уз-ба-гистан... – такрорлади Рамеш, сўнг машинани ғизиллатиб

ҳайдаб кетди ва бизга нотаниш йўллар билан тезгина ётоқхонамиз олдига етказиб кўйди.

- Шукрия, шукрия, - дея раҳмат айтдик.

- Шукрия, - деди Рамеш ҳам ва панжалари учини иягига теккизиб, хайрлашди.

Илҳомжон билан бир-биримизга маъноли қараб жилмаямиз:

- Сўраб-сўраб Маккани топибди, деганлари шудир-да.

- Ўзимиз ҳам чаккимас эканмиз, ҳинд тилини қийвордик...

- Энди араб киракашини машинасига чиқсак бўларкан, бу тилниям ўрганволардик...

*22 январь, пайшанба*

Зокиржон ҳожи ака, Илҳомжон – учаламиз яна масжиди Танъимга жўнадик. Мен волидаи муҳтарамам Салтанатхон Эшонжон Маҳсум қизи номидан умрага ният қилдим.

Онамнинг сиймосини элас-элас кўз олдига келтираману, ёрқин эслолмайман. Лекин

ўша, оиламизга оғир мусибат олиб келган кунни – 1957 йилнинг 24 декабрини ҳеч қачон унутмайман. Кечагидек ёдимда. Қиш чилласи эди. Тўртинчи синфда, тушдан кейин ўқирдим. Дарслар тугаб, синфдошларим билан қайтаётгандик. Собира опам: “Опам (биз онамизни “опа” дердик) узилиб қолди”, деб йиғлаб борган.

Онам раҳматли ҳаётда рўшнолик кўрмаган муштипар аёл эди. Отам урушга кетганида беш ёшли акамизу чақалоқ опам билан қолиб, кўп риёзатларни бошдан кечирган. (Акам ўша даврларни сал-сал эслаб, “шўрлик опамиз қировли кунлардаям ялангоёқ далага чиқарди”, деб кўп гапирарди). Уни қўшниларнинг сузонғич бир сигаги сузган, химоя қиладиган одам йўқ, ариқнинг ичига ётқизиб, анча пийпалаган, бечора бир амаллаб кўприк тагига кириб кутулиб қолган, аммо анча заҳм етган экан, ўша машъум воқеадан кейин вақти-вақти билан узоқ дард тортган. У даврларда табиб йўқ (уларнинг фаолияти таъқиқлаб қўйилганди), шифокор ҳам кам эди, отам раҳматли уларни унча хуш кўрмасдиям шекилли (дардингни ўзингдан сўраб олишади, дерди), аллақандай азайимхонлар келиб турганини эс-эс биламан.

Онамни соғинаман, кўмсайман. Волидаи муҳтарамалар ҳақида гап кетганда, меҳрибон, дилкаш аёлларни учратганимда ҳали-ҳамон юрагим эзилади. Нурли, азиз сиймосини жуда-жуда кўргим келади. Кечалари ўйлаб ётаман. Қани энди, лоақал **хобимда** бўлса ҳам иссиқ бағрига ўзимни отсам, фарзандлик меҳримни изҳор этсам, деб ёнаман, бахтга қарши, тушимга ҳам кирмайди...

Отам жуда оилапарвар, шу билан бирга бироз қаттиққўлроқ эди. Саранжом-саришталикни, ишдан келишига (урушдан қайтгач, то нафақага чиққунча колхозда пахтачилик, қора экин бригадири, чорва фермасининг мудури бўлиб ишлаган) уйда ҳамма нарса бадастир, чой-овқатлар мухайё бўлишини хоҳларди. Онажонимиз бетоблиги сабабли бу вазифаларни кўнгилдагидай адо этолмасди чоғи. Отамдан ҳайиқар, у дарвозадан кириб келиши билан оғриб ётган ўрнидан туриб кетар ё лоақал ёстиқдан бошини кўтариб, Собира опамни чақирар, “отангни тагига тўшак сол, овқатини тайёрлаб бер, илдамроқ қимирла”, дерди хавотир билан. Ҳарқалай, падари бузрукворим талабчанроқ, овози ҳам ўткирроқ эди... Мени дунёга келтирганларнинг биринчи қаттиққўллигию, иккинчисининг итоатгўйлигини, уларнинг ўзаро муомала-муносабатларини баҳолашдан ожизман, муҳокама қилишга эса ҳаққим йўқ, ҳар иккисини ҳам Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин, зеро улар мен учун энг азиз, энг мўътабар зотлардир.

Онам тириклигида уни битта иссиқ нон билан ҳам сийлолмаганман – шу армон, надомат юрагимни тирнаб кўп азоб беради. Ҳозир унинг учун ибодат қилиш ўрнига, ўзини шу муқаддас жойларга елкамда, бошимда кўтариб олиб келсам бўлмасмиди...

Аслида шу муборак кунларда, шундай камёб, қулай имкониятдан фойдаланиб, Байтуллоҳдан чиқмай, Яратгандан қиблагоҳим билан волидамнинг бу ёруғ оламда билиб-билмай йўл қўйган хатоларини кечиришини, уларни пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шафоатидан бенасиб қўймаслигини сўраб, кечаю кундуз илтижою-тавалло айласам ҳам кам эди. Мен эсам, қариндош-уруғ, ўғил-қизларим, невараларимга совға-салом излаб, топганларимга қувониб юрибман. Инсон зоти шунақа; кўнглида бир нарсани ўйлайди, амалда бошқа ишга қўл уради... Қолаверса, оталик туйғуси шу қадар кучли бўларканки, ҳатто Маккатиллода ҳам оилани, фарзандларни кўмсаб ошиқаркансан. Бу ҳиссиётларга ватан соғинчи ҳам қўшилса, орзиқиш, зориқиш ҳисси янада кучаяркан...

Хуллас, ҳузур-ҳаловат кўрмай, яйраб-яшнамай, ёруғ, аммо ташвишу ғурбатларга тўла дунёдан барвақт кўз юмган онаизорим номидан Умра амалларини баҳоли қудрат бажардим, Аллоҳ қабул этган бўлсин.

Дарвоқе, шу куни бир қабих ишнинг, разолатнинг шоҳиди бўлдим. Умумий оқимга қўшилиб Каъбатуллоҳни айланарканмиз, Рукни Яманийдан ўтиб, Ҳажарул Асвад бурчаги рўпарасига етай деганимизда Илҳомжон “анавини қаранг”, деб чап томонга ишора қилди. Бўйи уч газлар чамасидаги давангирдай ҳабаш олдида қисилиб-қимтиниб кетаётган қора чодрали озғингина аёлнинг ёнларини пайпаслар, жувон сезмас, балки, сезса-да, қўрқибми, қаршилиқ кўрсатмас, тикилинча қаршилиқ кўрсата олмасди ҳам. Менимча, унинг онгу шуурида ибодатдан бошқа нарса йўқ, қўлидаги дуолар ёзилган дафтарини елкалар баробар

кўтариб, пичирлаб ўқир, фикри-зикри ана шу улуғ оятларда эди. Хаёлимга Мадинада Муҳаммадшоҳ ёзғириб айтган, ёллаб олиб келинадиган ўғрилар тўғрисидаги гап келди. Икки–уч қатор нарида, тўк ранг ҳижоб тутган бошқа бир ожиза орқасида бораётган яна бир дароз занжига кўзим тушди, унинг кўллари ҳам бежо тимирскиланар -- улар ҳамён ишташарди.

Давангирлар ҳеч қандай дуолар ҳам ўқишмас, йилт-йилт қилиб турган ботик кўзлари маъносиз, ўз “машғулотлари” билан батамом банд эдилар.

Қани, лоақал Ҳажарул Асвад бурчаги остидан майдон-сахн четигача тортилган қора чизикда ҳамма қатори бир қадар секинлашга ҳаракат қилиб (росмана тўхташ мушкул – орқадагилар суриб кетишади), кўлларини кўтариб, ўша тарафга салом беришармикин?.. Йўқ, бундай амаллар у баттолларнинг хаёлларининг бир чеккасига ҳам келгани йўқ, Байтуллоҳга киё ҳам боқиб кўйишмади, аксинча, айнан ана шу белги-тасмада иккаласи жуфтлашиб, четга қараб юришди. Демак, уларнинг ўғри-киссавур эканликлари аниқ! Ҳа, муртад, лаънатилар! Шундоқ табаррук жойда, Аллоҳнинг уйи ёнида ожизаларни (уларнинг маҳрамлари қаёқда қолувдийкин, балки улар ҳам ибодатга машғул бўлиб пайқашмаган, балки пайқашса ҳам девсифатларнинг келбатидан чўчиб, дами ичида кетаверишган, эҳтимол уларни ҳам сидириб бўлишгандир) тунашганини!.. Садқаи эркак кет! Садқаи одам кет!..

Заифалар балки эронликдир, балки ундан ҳам олис юртлардан келишгандир. Бор-будини шип-шийдам қилишган бўлса, бечоралар кимдан, нима деб қарз-ҳавола кўтаради? Ким беради? Берса, у омонатни қачон, қандай қайтаради? Унгача шўрликлар ич-этини ейишади-ку!

Ҳолбуки, Саудия Арабистонида, хусусан Маккаи мукаррамада ўғриларга жазо қаттиқ дейилади. Дарҳақиқат, тижорат расталарида мол-дунё шу қадар бисёр ва ёйилиб-сочилиб ётади. Уларнинг қанчасини кўтариб чиқиб кетишса ҳам ҳеч ким билмаслиги мумкин. Аксарият дўкдорда, назаримда биров ўғирлаб кўйиши мумкин, деган гумоннинг ўзи йўқдай, бир четда, мутлақо бепарво ва хотиржам савдо қилаверадилар.

Илҳомжон иккимиз ғазабландик, нафратландик, лекин бундан ортиғи кўлимиздан келмасди. Ўғри-каззоблар ҳам, жабрланганлар ҳам алақачон ҳожилар оқими ичида кўздан ғойиб бўлишган эди. Ўшандай бетавфиқ одамларга ҳам ўзинг инсоф бер... Бундан бошқа нима ҳам дердик.

*23 январь, жума*

Кўпинча оқсоқоллар – Зокиржон ҳожи ака ва Зайнобиддин ҳожи ака ўзлари (Муҳаммад Содиқ саволгўйлар билан банд бўлиб, биз билан юришга ошинмасди), биз – қолган “ёшлар” – Илҳомжон ва камина ўз имкониятларимиз, хоҳишларимизга кўра, ибодат ва бошқа юмушларни адо этардик.

Маккаи мукарраманинг ҳароратли, аммо енгил ҳавосидан нафас ола бошлаганимизга бир ҳафтадан ошди.

Жума намозини ният қилиб Байтуллоҳга йўл олдик. Кечадан бери Ҳарами шариф яқинидаги туннелдан автобусларни ўтказмаяптилар, ҳар хил гаплар тарқалмоқда. Оқшом Умра ибодатига таксида бориб келган эдик.

Автобусдан тушаётганимизда соат бешгача автобус юрмайди, қайтишда туннел ичида тўпланасизлар, деган кўрсатма бўлди.

Ҳарам атрофидаги очиқ майдонларга ҳожилар (аксарияти аёллар) намозга ҳозирланиб астойдил жойлашиб олишган, ораларидан юриш қийин эди. Қуёш қиздирмоқда. Бир амаллаб майдоннинг ўртарағи – салқинроқ ерга ўрнашдик. Салдан кейин офтоб бўйинларимизни қиздира бошлади. Жилиб олишнинг имкони йўқ, ўтиравердик. Кўп ўтмай, Каъбатуллоҳ узра қорамтир булутлар пайдо бўлиб, қуёш нурларини қисман, яна бир оздан сўнг бутунлай тўсди. Аллоҳнинг жазирамада қолган ҳожиларга раҳми келди, деб ўйладик.

Жума намози вақтига бир оз ҳаял бор эди, биринчи азон айтилгач, жуманинг суннатини ўқидик. Радиокарнайда амри маъруф бошланди. Гаплар шитоб (албатта, араб тилида, бизлар учун тушунарсиз) ва овоз анча баланд эди. Маъруза узоқ чўзилди. Баногоҳ булутлар куюқлашиб, ёмғир аввалига зарралаб-зарралаб, тўхтаб-тўхтаб турди. Кейин майдалаб, оҳиста ёға кетди. Имом-хатиб бунга парво қилмай, сўзлаш оҳангини ўзгартирмай, давом этарди (Зеро, у кассета, боз устига, ичкарида эди). Ёнғин эса дам сайин тезлаб, кучая борар, жума намозига киришилганида кийимлар уйиб, баданларга ёпишиб бўлган, лекин ҳеч ким қилт ҳам, миқ ҳам этмас – ибодат ила машғул эдилар. Фақат намоз тугаши билан микрофонда айтилган жаноза тўғрисидаги эълонга ҳам қулоқ солмай (ҳар куни ҳар бир намоздан сўнг албатта, бир ёки бир неча жаноза ўқиларди) апил-тапил йиғиштиринишди. Биз ҳам. Ёмғир энди баралла куярди, елкаларимиз жунжика бошлади. Жойнамозни ёпиндик, аммо у ҳам жикқа ҳўл, баданни баттар музлатди, лекин нима бўлсаям далда эди. Ҳамма панароқ жойга етиб олиш умидида шошар, аммо тез юришининг иложи йўқ. Бунинг устига, шундоқ шалаббо, яланғоч мрамарда ҳали ибодат қилиб ўтирганлар ҳам оз эмасди. Одамларнинг зичлиги ва тўлқин-тўлқин бўлиб, бир-бирларини суриб интилишлари бир ваҳимали... Яхшиямки, жонга хавф йўқ, ивиб бўлишган, энди шунчаки шамоллаш эҳтимоли, ҳадиги бор эди, холос. Барча бекатга ошиқади. Хўл мрамар сирғанчик. Биронтаси йиқилиб оёқлар остида қолмаса, деб хавотирланасиз. Шиппақлар шалоппайди. Ёмғир тобора жадаллаб, жалага айланди. Энди бутун аъзойи баданимизга совуқ ўтди. Ер ости йўли олдига – бекатга ҳам етдик. Халқ кўп, автобус йўқ эди. Ана томоша!... Бир киши туннел айвонида туриб кўлкарнайда: “Ўзбекистонлик ҳожилар! Ўзбекистонлик ҳожилар!” дея чақирар ва ҳалойикни нариги томонга ўтишга даъват қиларди. Эркагу аёл ўша ёққа қараб шахдам йўрғалайди. Кундузгидай ёруғ туннел шифтидаги катта вентилятор, кондиционерлар айнан биз тарафга, енгилроқ кимсани учуриб кетадиган даражада шиддат ва ўткир шовқин билан муздай шамол ҳайдарди. Қаддимиз эгилганча, калламизни шамолдан четроққа буриб, худди баландликка ўрлаб бораётгандай энтиқиб одимлаймиз. Масофа олис (бир минг олти юз метр!), қадам унмас, ҳамма дилдираб, гўё нажот сари талпинарди. Аммо чарчаган ва совкотган тиззалар кудратли вентиляторлар бўрони қаршилигини кесишга қийналар, шунинг учун оёқлар бош билан баробар юролмай, орқада қоларди. Ниҳоят, ниҳоясиздай туюлган ғор-йўлдан (сел, дўл куйиб турса ҳам очиклик яхши экан!) чикдик. Ёмғир шашти ҳамон пасаймаган, аксинча, жалага айланганди. Автобуслар яна юз қадамча нарида – бекатда эди.

Шу тобда келинойимизни – Муножот опани паноҳига олиб, қўлидан етаклаб, ёғинни асло писанд этмай, салобат билан юриб бораётган Зайнобиддин ҳожи акага кўзимиз тушиб, унга ҳавасимиз келди.

Ҳамма югуриб, автобусарнинг эшикларига ёпирилди. Биз ҳам амаллаб чикдик. Автобус ичи одам кўплигидан бир пасда дим бўлиб кетди. Биров ойнани сурса, бошқаси ёпинг, терлаб турибмиз, елвизак тегади, дейди. Яна бири озгина нафас олайлик, дея илтижо қилади.

Йўлларда ёмғир сели дарё-дарё бўлиб оқарди. Чеккаларда турган енгил машиналарнинг ғилдираклари сув остида қола бошлаган, тоғлардан тошу кумларни оқизиб тушаётган сап-сарик бўтана яна кўтарилиб, ваҳимали тусга кирганди. Кўз олдимда сал илгарироқ ғарб мамлакатларида юз берган тошқинлар оқибатидаги фожеалар намоён бўлади.

Автобус оқавани кема каби ёриб борарди. Ажабо, дейман. Арабистонда вақти-вақти билан ёмғир ёғилишини эшитганман, аммо бу даражада, пақирлагандай қуйишини хаёлимга келтирмагандим.

-Бу – оби раҳмат. Каъбатуллоҳда шу жала остида намоз ўқиганларнинг борлиқ гуноҳи ювилиб кетса ажабмас, - дейди кимдир.

Ёғин кечга яқин тинди, лекин тоғлар узра ёйилган хўмрайган булутлар тарқалмади. Кечқурун қаватимизнинг том-сахнига чиқиб қараганимда узоқ-яқиндаги, паст-баланддаги одатда чарақлаб кўринадиган чироқлар хира шамдай милтилларди. Ҳарорат пастлаб кетган,



бунинг устига шабада. Айниқса, томда шамол янада шиддатли бўлиб, очик қолган эшикларни синдиргудай тарақлатиб очиб-ёпарди.

Шундоқ бесар-бесаранжом ҳавода ҳам Муҳаммад Содикни йўқлаб туришарди. Бугун Андижон шаҳрининг бош имоми, Бувасаъдин масжиди имом-хатиби Абдурахмон ҳожи ва яна икки имом-хатиб – элликбошилар киришди. Айтишларича, бу йил ҳажга келувчилар ҳар йилгидан ҳам кўп экан. Андижон шаҳрининг ўзидан 250 нафар одам келибди.

Дарҳақиқат, 250 киши - биргина шаҳар учун, аҳолисининг қанчалигидан қатъи назар, жуда салмоқли рақам! Бир замонлар, ҳатто яқин ўтмишда санокли кимсаларгагина якка-якка, яёв, йўл-йўлакай карвонларга юкиниб-илашиб ёхуд дуч келган уловдан уловга ўтиб, ҳаж қилиш насиб этган. Шўро даврларида эса ҳожилик эришиб бўлмас орзу эди. Наинки ҳаж, ҳатто бир йилда икки бора келадиган ҳайит намозларини ҳам камгина мусулмонлар пана-пастқам, хилват жойларда, қочиб-писиб ўқишарди-я! Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида, бундан атиги ўн беш-йигирма йиллар муқаддам отасининг жанозасига қатнашган амалдорроқ шахслар ишдан олинарди. Ҳатто марҳумнинг ҳақиқа Қуръон тиловат қилиш мумкин эмас эди, фирқа ташкилотларининг айрим нобакор гумашталари маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, «Қуроъни карим» ва бошқа «эскича» аталмиш нодир китобларни, эгаларининг ўтинчларига парво қилмай, йиғиштириб кетарди. Никоҳ ўқитиш, «хатна тўйи» атамалари қоғоз тугул, тилни ҳам куйдирарди. Сиёсат шундоқ эди!.. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан миллий кадриятлар эъозланиб, дин, эътиқод, исломий урф-одатлар эркинлигига -миллий кадриятларимизга кенг йўл очилди, деярли ҳар маҳаллада пурвиқор, ҳашаматли масжидлар қад кўтара бошлади. Ҳаж масаласида эса мисли кўрилмаган, етти ухлаб тушга ҳам кирмайдиган имкониятлар юзага келди. Ҳар йили беш минглаб юртдошларимиз иссиқ ўринли тайёралар қанотида учиб, Маккаи мукаррамага йиллар давомида эмас, санокли соатларда етиб, бир неча кун мобайнида бешинчи фарзни ўтаб қайтмоқдалар. Умра ва Ҳаж сафарини ихтиёр этганлар сони йилдан-йилга кўпайиб, рўйхат варақлари ортиб бормоқда. Бўлажак ҳожиларга пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом юртида ётоқхона, автоулову емаклар борасида яратилган шарт-шароитларни бир кўрсангиз... Бунақа имтиёз, бунақа қулайликлар қайси замонда бўлган?..

Шу ўринда динни, сохта халқпарварликни ниқоб қилиб, аслида кофирлар ё ғайридинлар ноғорасига ўйнаётган, исломнинг инсонпарварлик қоидаларидан, оят ва ҳадисларидан мутлақо беҳабар, хусусий, маиший манфаатлари йўлида ўзи ўтирган шохга болта уришдан тоймайдиган ғофил бандаларнинг қилмишлари эсга тушади. Эй, адашганлар, эй эргашувчилар, сизларга яна нима керак? Намоз ўқиш, рўза тутиш, муқаддас китобларда буюрилган бошқа тоат-ибодатлар билан шуғулланиш ўрнига, Аллоҳнинг иродасига бўйсуниб, шукр келтириб яшаётган мўмин-мусулмонлар кўнглига ғулғула солиш, уларни йўлдан оздириб, ҳокимиятга қарши гиж-гижлашлар Қуръони каримнинг қайси оятида, қайси ҳадисда айтилган? Ислом оламининг буюк алломалари Исмоил Бухорий, Ҳаким Термизий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби бир неча ўнлаб даҳоларимиздан қайси бири юрт тинчини, эл ҳаловатини, оромини бузадиган, подшолик билан фуқаро орасига нифоқ, раҳна соладиган хатти-ҳаракатлар содир этишган? Қай бири халифалик ё бошқа бир амалу мансаб даъвоси билан чиққан? Аксинча, улар ўз умрларини раият йўлларини маърифат зиёси билан ёритишга, авомни илму урфон билан машғул бўлишга даъват этмоққа, дини исломнинг барқарорлиги, мукамаллиги учун сидқидилдан хизмат қилмоққа бағишланганлар-ку! Бутун дунё мусулмонлари минг йиллардан бери ўша камтарин, ҳокисор буюклар кўрсатган илму тақво йўлларидан бормоқдалар-ку!

Эй, сизлар, ўзгаларнинг миннатли моли билан бойийсизлар-да, яна гўё ночорларга меҳрибонлик кўргузиб, уларни ҳаволантирмоқ, юракларини қутқулаб, ўз қавму қариндошларига, ҳатто ота-онасига қарши қайрамоқ пайига тушасизлар. Агар сизлар адолатли, инсофли, тақводор бўлсангиз, нега Аллоҳдан кўркмайсиз? Нега ҳаромдан, “ғойиб”дан узатилган “садақа”дан ҳазар қилмайсиз? Агар чинакам халқпарвар бўлсангиз,

нега бировлар инъом этган ақчаларни, ўша, сиз “қашшоқ” деб ҳисоблаган кимсаларга улашиб бермайсиз? Нега ақалли борингизни ўшалар билан баҳам кўрмайсиз? Нега камбағалнинг издиҳомида унинг ёнида турмайсиз? Нечук ўша, қаёқдан келаётганини ўзингиз ҳам яхши билмайдиган яшил рангли “мулла жиринг”лар ҳисобига данғиллама иморатлар, устахоналар қурасиз? “Ота рози – Худо рози” деган гап ҳадисдан олинган. Наҳотки, сиз отангизнинг раъйига юрмайсиз? Агар сиз ўзингизни дини исломга, мусулмонликка мансуб ҳисобласангиз, сизнинг дунёга келишингизга сабабчи бўлган, сизга жони ачиб, нотўғри, ҳалокатли йўлдан қайтармоққа уринган падари бузрукворингиз, қиблагоҳингизнинг юзига тик қараб, қандай журъат билан: “Сиз билан менинг йўлим бошқа-бошқа”, деб айта оласиз?! Ахир Қуръони каримнинг “Нахл” ва бошқа сураларида бандалар адолатга, чиройли амаллар бажаришга, қавму-қариндошларга яхшилик қилишга буюрилади-ку! Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам билимсизликни, ҳар хил тоифаларга, оқимларга кириб кетишликни жаҳолатнинг аломатлари дея огоҳлантирганларку!.. Бас, шундай экан, имкон борида, саломат чоғингизда, умрингиз кифоя қилганича тоат-ибодат билан, ҳалол меҳнат билан машғул бўлиб, илму ҳунарингизни, молу давлатингизнинг ортиқчасини, кучингиз, Тангри таоло ато этган жамики салоҳиятингизни тўполонлар уюштиришга, ўзаро низолар келтириб чиқаришга эмас, балки юрт фаровонлиги, эл манфаати, халқ осойишталиги йўлида, кўнгилларнинг хотиржамлиги, дилда ҳамиша Аллоҳ зикри ва тилда “Ассалому алайкум” жо бўлишлиги йўлида, қолаверса, чин мусулмонлар қатори мана бундай ҳаж, умра зиёратларига келиб, билиб-билмай қилган гуноҳларингиздан фориғ бўлмоқликка ва бошқа фарзу вожибларни ҳам адо этиб, Раббингизнинг ҳузурига ёруғ юз билан бормоқликка сарфламоғингиз мақбулу жойиз эмасми?..

\*\*\*\*\*

Шўринг қурғур Муҳаммад Содик кечалари билан китоб кўриб, кундузлари ибодат қилиб, уйкуга қонмай, баъзан ўтирган жойида мудрай бошларди. Салгина шарпани ҳам сезар, лекин ўзини сезмаганга солиб ётаверарди. Эшикни қанчалик оҳиста очиб-ёпишга ҳаракат қилмайлик, беҳуда эди. Устози Ҳиндистоний домла пойида сергак ётишлари унинг руҳиятига сингиб кетган чамаси.

Зокиржон аканинг таъбири билан айтганда, Зайнобиддин ҳожи ака Қори домланинг “ўнг қўли” эди. Дарҳақиқат, у ҳам намоз амалларида собит, диний масалаларда ҳажбошимиз билан якфиқр эди. Бу ҳамроҳимизнинг бели оғрирди, барваста одам, эгилишга қийналар, лекин рукнларни, бирортасини қолдирмай ва шикоят қилмай, зорланмай адо этарди. Қорининг суҳбатларида анча-мунча билганларини кўшимчалаб турар ё бажараётган ибодатлари, тушунчаларининг тўғри-нотўғрилигини унга тасдиқлашиб оларди.

Қори домламиз қўлтиғидан қўймай, масалаларга жавоб топадиган китоб Ашшайх ал-Имом Ассиндий раҳматуллоҳи алайҳ қаламига мансуб “Лубоб-ул маносик” (“Ҳаж амалларининг фазилатлари”) асарига ал-олим, ал-аллома, ал фаҳқама (яхши тушунтирувчи) ва фариду асрихи (ўз асрининг бетакрори) Мулло Али ул-Қорий алайҳир раҳманинг “Ал маслак-ул мутақассит фил мансакил мутаваассит” (“Ҳажни ўртача адо этишнинг адолатли йўли”) деб номланган шарҳлари бўлиб, Маккаи маҳмияда, Мирия матбаасида ҳижрий 1319 йили нашрдан чиққан эди.)

Мазкур асарда ёзилишича, Ҳадича онамизнинг дорилбақога Маккаи мукаррамада рихлат этганлари маълуму, қаерга дафн қилингани ноаниқ экан. Саҳобалардан бири Фузуаил ибни Иёз ёруғ дунёдан Тангри раҳматига борганида муборак тупроққа кўмилгач, ўша вақтдаги мўътабар уламолардан бирининг тушида Ҳадичаи Кубро она қабрининг Фузуаил ибни Иёз марқади ёнидалиги аён бўлган. Шундан сўнг у жойга кубба-гумбаз кўтарилган. Кейинчалик кубба қандайдир сабабларга кўра олиб ташланган. Аммо ўшандан кейин бу маскан зиёратгоҳга айланган.

*25 январь, яқшанба*

Кечаги кун самарасиз кечди. Албатта, шундоқ муқаддас заминда ўтаётган қимматли, бахтиёр дамларга нисбатан бундоқ иборани қўллаш ноҳайит, зеро бу қутлуғ маъво ҳавосидан нафас олмақнинг ўзи улуг бахтдир ва катта ажру савобларга боис бўлса ажабмас. Мен фақат Умра ё бошқа ибодат учун Ҳарамга бормаганимизни назарда тутяпман холос. Аввало, кеча эрталаб тузилган умумий режа ижросига киришолмадик, иккинчидан, туннелдан яна автобусларни ўтказишмаётим, деган гап бизни бўшаштирди чоғи. Ижодий кайфият ҳам шундоқ бўлдики, дафтарга ҳам бир чизик тортмадим.

Ёмғирдан кейин ҳаво анча салқинлаб қолди. Оқшом кўйлак устидан нимча кийишга тўғри келди. Тоғларда булут сийраклашган эса-да, туманга ўхшаб турибди. Кун-кеча балқиган, ётоғимиз атрофида булут камлиги сабабли равшан ярқираган ҳилол хийла катталашиб, чалқанча тушиб ётибди. Ёнроғида Зухро. Бошқа юлдузлар у ер-бу ерда якам-дуккам кўзга ташланади. Умуман Маккаи мукаррама осмонида юлдузлар негадир камрок кўринадир- ҳатто ҳаво очик, осмон тиниқ маҳалларда ҳам.

Тўғриси, кеча Муҳаммад Содик таклифига кўра, Хиро тоғига чиқмоқчи эдик, Зокиржон хожи ака мен ҳам бораман, фақат бир соатлик юмушим бор, самолётга чипта масаласини ҳал қилиб кўяй, деди. Раҳбарга боғлиқ бўлмаган шу иш чўзилиб кетди.

Хонада Қори домла икковлон қолиб, унинг устозлари хожи Ҳиндистоний ва мулла Ҳикматилло домла тўғрисида суҳбатлашиб ўтирдик.

Бир гал Ҳиндистоний домла Андижонга келганида тўй муносабати билан Муҳаммад Содикларникига киради ва унинг отасига: «Яхши фарзанд ўстирган экансиз, бизга маъқул», дейди. Падари бузруквори боши осмонга етгудек мамнун бўлади.

- Хуллас, мен нимага эришган бўлсам, дуо билан, назар билан эришганман, аслида қувваи хофизам унча кучли эмас, билим ҳам менда унча кўпмас, - дейди Қори домла камтарлик билан.

Ҳиндистоний (исми Муҳаммаджон) асли қўқонлик. XIX аср охирида туғилган, йигирманчи аср сўнроғида – 1989 йили, 100 ёшини нишонлаш арафасида фоний дундан кўз юмган.

Муҳаммаджон қиблагоҳи Рустам қорида яхшигина саводи чиқиб, хофизи қуръон бўлгач, илм излаб Бухорога, ундан Афғонистонга, сўнг Ҳиндистонга кетган. Ҳиндда етти-саккиз йил яшаб, мадрасада ўқиган. Ҳажга борган, юртга қайтиб келгач, иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Муллолиги, исломий – диний таълим-тарбияга ружу кўйгани важдан уч бора, охиригида 25 йилга қамалган.

Ҳамма жойда зид қараш, таъкиб бўлавергач, Тожикистоннинг Душанбе шаҳрига кетиб, ўша ердан паноҳ топади. Умрининг охиригача дарсгўйлик, толиби илмларга илм ўргатиш билан шуғулланган.

Қори домла “Ҳожи дадам” деб атайди. “У ҳақда оддий сўз билан, ҳаяжонсиз гапиролмайман”, дейди. Алқисса, ҳазрат Ҳиндистоний илм фидойиси эди, юз ёшида ҳам сабоқ берарди. Муҳаммад Содикнинг таъбири билан айтганда, Ўрта Осиёда ўз соҳаси бўйича асрининг яғонаси эди. Қуръони каримни ўзбек тилига таржима қилган. У яхшигина шоир ҳам бўлган. Бедилга мухаммаслар боғлаган. Шулар билан бир қаторда кучли файласуф эди. Ҳамиша миллат ғамида, дин дардида яшаган.

“Ҳазрати Муҳаммаджон хожи алайҳи-р-раҳмату-ул-Борий 20-аср Исломи оламининг нодир арбобларидан ва Марказий Осиё илм-маърифат муҳитининг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири эди, - дейилади “Қиссаи Мавлавий Ҳиндистоний” рисоласи сўзбошида. – У зот етук аллома: фикҳшунос, мутаржим, муфассир, адиб ва мутасаффирдирлар.

Ҳазрати Имоми Аъзам мазҳабининг жон фидо муҳофизларидан бўлган Мавлавий-Ҳиндистоний ўз маърифатлари ва заковатлари билан диёримиз мусулмонлари яқдиллиги ва ҳамжихатлигига, Ватан тинчлиги ва осойишталигига улкан ҳисса кўшиб кетдилар. У зотнинг етук, садоқатли шогирдлари ҳозир ана шу қутлуғ ғояларга хизмат қилмоқдалар”.

Зайнобиддин хожи ака ҳам ҳазрати Мавлавийни яхши биладиган, у зоти бобаракотнинг суҳбатларидан баҳрамандлардан. Ҳожи ака шундай дейди:

- Домла мулоқотдошидан даставвал “волидаи мухтарамангиз

борларми”, деб сўрар, у одам “ха, онамиз ҳаёт”, деса, “айтинг, у киши бизни дуо қилсинлар”, дерди. Ўзи юзга яқинлашиб қолган, ҳамсухбатининг онаси ундан камида йигирма – ўттиз ёш кичик бўларди. Бир куни журъат қилиб бунинг сабабини сўрадим. Шунда мухтарам Ҳиндистоний: “Мен волидамнинг дуоларини ололмаганман, она - жуда улуг зот”, деб жавоб бердилар кўзларига ёш олгудай маъюс тортиб.

- Ҳиндистоний домла қўли енгил табиб ҳам эди, - дейди Муҳаммад Содиқ ва устозининг бир ҳикоясини айтиб беради:

“... Ангрен томонда турардик. Бир куни доvon оша эшакда бораётсам, қаршимдан бир йигит чиқиб, “Дод!” Ёрдам беринг, синглим ўлиб қолади”, деб йўлимга туриб олди. Қарасам, сал наридаги тол тагида бир қиз ётибди, иситмадан қорайиб кетибди.

- Чанқаяпсанми, - деб сўрадим. “Ҳа”, деди у кўзини очмай. Тол

баргидан сидириб-сидириб этагимга солдим-да, бир жуфт тош орасига олиб, эзиб, сувини қизга тутдим. “Яна ичасанми?”, деб сўрадим. “Ҳа”, деди. Тагин ўшандай қилиб ичирдим. Учинчи марта сўрадим. “Ичаман”, деди қиз шошиб. Тол баргининг кўпиклашган, тахир силқиндисини ютоқиб шимирарди шўрлик. Иссиғи ичида эди. Йигитга “чанқаса, яна шундай қилиб беринг”, дедим-да, кетавердим.

Орадан анча вақт ўтди. Қийинчилик йиллари эди. Уйда егулик ҳам йўк, озгина дон топиб тегирмонга олиб бордим. Ўша ерда ўтирсам, бир йигит эшакка бир қоп нарсани ортиб келиб қолди. Менга салом бериб, “Сиз фалончи домла экансиз, танимабман, мен ҳў, сизга йўлда учраган йигитман. Синглим тузалиб кетди, сизга нарзини олиб келяпман,” деди. Мен “ҳожати йўк, ўзларинг енглар,” дедим. Йигит унамаганимга қўймай ташлаб кетди”.

Мавлавий домла ҳаётида қизиқ, ғаройиб ҳодисалар кўп экан. Айниқса, Ҳиндистондаги кечмиш... Бу тасодиф “Қиссаи Мавлавий Ҳиндистоний” хотира-рисоласида ҳам келтирилган, лекин мазкур китобча жуда кам нусхада – атиги минг дона чоп этилгани, кўпчиликка етиб бормаслигини инобатга олиб, ҳам жудаям таъсирли, ибратли бўлгани учун уни ўз ўқувчиларимга ҳам раво кўрдим. Воқеанинг Муҳаммад Содиқ айтиб берган мазмуни бундоқ эди:

- Ҳожи дадам – Мулла Муҳаммаджон қори уйларидан чиқиб кетгандан бир неча йил кейин дадалари Рустам қори ака ҳам сафарга отланибди. Хотинига “Мен дуо қиламан, сен “омин” деб тур. Ўғлимнинг ортидан юрай, Худо хоҳласа, ҳажга ҳам бораман, жигарбандим билан учрашсам – учрашдим, уни топмасам, ўша ёқда қоламан”, деб йўлга тушибди.

Ҳожи дадам ўша пайтда Дехли шаҳрида экан, лекин падари бузруквори унинг Ҳиндистондалигини билмайди. Ҳазрат машҳур “Деви банд” мадрасасида ўқир, у ерда тартиб-интизом жуда кучли экан. Бир куни нимагадир илмгоҳга оёғи тортмай, табибга учраб, бошим оғрияпти, дебди. Табиб унинг томирини ушлаб, ҳеч қандай касалингиз йўк, дарсга боргингиз келмаётган бўлса, майли, маълумотнома ёзиб берамиз, дебди.

Ҳожи дадам кўчага чиқиб, кетаверибди. Аниқ мўлжали, тайинли режаси йўк экан. Бир пайт темир йўл бекати олдида чиқиб қолибди. Тўхтаб турган поездда одам кўп экан, суриштирса, Афғонистон томондан ҳажга жўнаганлар экан. У пайтларда Маккаи мукаррамага Ҳиндистон орқали юриларкан. Ўзбекистонликлар ҳам бормикин, деб улар билан гаплашгиси келиб, вагонга кўтарилибди. Йўловчиларни кузатиб ўтаверибди. Бир купеда ўзбекона либос кийган тўрт мўйсафид чор дарвешдай суҳбатлашиб ўтирган экан, тўхтаб, салом берибди. Мўйсафидлар алик олишиб, биттаси “ўзбекистонликмисиз?” деб сўрабди.

- Ҳа, Ўзбекистонданман, - жавоб берибди ҳожи дадам.

- Ўзбекистоннинг қаеридансиз, - яна қизиқиб сўрабди нотаниш киши.

- Қўқон деган шаҳаридан.

- У ерда кимнинг ўғлисиз?

- Рустам қорининг...

- Савол бераётган оқсоқол:

- Ё, алҳазар! – дея ўрнидан даст турибдию, ўғлимни топдим деб, шу

заҳоти хушидан кетибди. У Ҳожи дадамнинг дадалари Рустам қори экан. Ота-

боланинг кўришмаганига ўн беш йил бўлган экан...

Ҳикоянинг шу жойида киприкларимга ёш сизиб чикди. Қори ҳам бир дақиқа тўхтаб, яна давом этди:

- Сув сепишиб ўзига келтиришгач, домла отасини етаклаб пастга олиб тушибди. Рустам қори аканинг ҳамсафарлари “хай-хай”лашганича қолишибди. Поезд юриб кетибди.

Ўшанда Ҳиндистоний домланинг “Деви банд” мадрасасида ўқиш бошлаганига саккиз йил тўлган экан.

- Ҳар қанча ўқиш бўлса, битгандир, энди мен билан ҳажга боргин, - дебди падари бузруквори.

Ҳожи дадам сабоқ муддати тугамагани, “Даҳяк”<sup>1</sup> деган ҳужжат олиш учун ўн бир кишидан иборат ҳайъат синовидан ўтиши лозимлигини айтибди. Дадаси мадраса мудирларига арз этган экан, мудирлар ҳазратга: майли, қиблагоҳингиз хизматида бўлинг, биз сизни муддатидан олдин имтиҳон қиламиз, деб ҳайъат синовидан ўтказиб, мадраса гувоҳномасини қўлларига беришибди.

Ота-ўғил Арабистонга жўнашади. Рустам қори аканинг мазалари қочиб, ҳожи дадам уни елкасига кўтарганча, Байтуллоҳни етти маротаба айлантириб, тавоф қилдиради. Ҳаждан кейин Рустам қори ака ўз ниятига етиб, муқаддас шаҳри азим – Макка мукаррамада жон узади. Ҳожи дадам ўқишини поёнига етказиш учун яна Ҳиндистонга қайтади...

Ана шундай уламои киромлар кўлида таҳсил кўрган, таълим-тарбия олган Муҳаммад Содиқ ҳам мураттаб қори даражотига, яхши инсон мақомига эришади, дини ислом фидойисига айланади. Шунинг учун ҳам у имон-этиқодда собит, ўзининг қатъий нуқтаи назарига эга эди. Қори домламиз баъзи масалаларда, жумладан бомдод ва шом намозлари вақти соҳасида Муҳаммад Пайғамбаримиз туғилиб ўсган, ислом оёққа турган юрт аҳли қарашидан ҳам бошқачароқ маслаҳат эди: бу ерда бомдод тонг бутунлай ёришмасдан, шом кун батамом ботиб улгурмай ўқилар, биз бешовлон эса мазкур намозларни бутун Арабистон мусулмонларидан, уч-уч ярим миллион ҳажга келувчилардан ҳам кейинроқ ўқирдик. Муҳаммад Содиқ сафарда юрувчилар, жумладан, ҳожилардан суннат намозларини соқит этиш борасида берилган фатвога ҳам қўшилмас, шундай йўлга рози бўлувчи раҳнамоларга ўз эътирозини очиқ-ошкор айтарди. Кейин билсам, бу хусусда у акаси Абдулатиф қори билан ҳамфикр экан. Абдулатиф қори Ҳошимжон қори ўғли ўзининг “Ҳаж – покланиш сафари” рисоласида мазкур баҳсли масалага алоҳида тўхталиб, сафарда суннат зарур, деган ғояни илгари сурган. Лекин, шу билан бирга мазкур асарда сафарларда улуғларимиз томонидан шароит, вазият тақозосига кўра суннат тарк этилганлигига далиллар, ривоятлар борлигига ҳам мисоллар келтирилади.

Мен динимиз ақидаларига, шароит қонун-қоидаларига бағишланган бошқа сабоқнома-рисолаларда ҳам мусофирликда суннат ўқиш шарт эмас, деган гапни ўқиганимни айтганимда, Қори: у китобларни ҳам хато қилувчи бандалар ёки бошқа мазҳаб, оқимларга мансуб кимсалар ёзган бўлишлари мумкин, дерди.

Албатта, камина илми исломда камсабоқ бир талабадирман, соҳа билимдонлари фақирнинг бир қошиқ қонидан кечсинлару, шу масала бандаи ожизни баъзан ўйлантириб кўяди. Исломда фарз, яъни Аллоҳ буюрган ҳукмлар ҳамда суннат - набий Муҳаммад алайҳиссалом ўз ихтиёри билан адо этган қўшимча амаллар бор. Фаразимизча, “фарз”дан

“мажбурий”, “суннат”дан “ихтиёрий” деган маъно чиқади. Агар суннатлар ҳам шарт, яъни мажбурий бўлса, у ҳолда фарз билан суннатнинг, мажбурий билан ихтиёрийнинг фарқини қандай англамоқ керак? Ахир Пайғамбаримиз бажарган ишлар, амаллар жуда кўп ва уларнинг ҳаммаси ҳам мажбурий ҳисобланмайди-ку? Айрим уламолар суннат намозларини ўқимаслик оқибатида Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассалам

*1. “Даҳяк” – бизнинг лугатларда ўлпон, ўндан бир қисм ҳақ маъноларида берилган (Муаллиф).*

шафоатларидан бебахра қолишлик эҳтимоли мавжудлигини айтадилар. Хўш, бу энди ҳар банданинг ўзи жавоб берадиган масала эмасми? Дарҳақиқат, ҳатто Оламнию Одамни яратган Эгамнинг амри бўлган фарз намозларини қаср қилиб, яъни, қискартириб ўқишга ижозат берилган-ку?..

Хуллас, Муҳаммад Содик ҳар қандай ибодат каби намозларнинг ҳам тўқис, беқусур бўлишини ҳоҳлар, ўзгаларни ҳам шунга ундар, ўзи ҳам қатъий бўйсунарди. Намознинг фарзу суннатларидан кейин “Оят-ал курсий”ни, сўнг яна бир узоқ сурани ўқигач, Расули акрамга яна алоҳида саловотлар бағишлар, кўпдан-кўп дуолар айтар, шом намози кетидан икки ракат алоҳида тухфат-ул Расул, масжид ҳақи намозларини ҳам қанда этмасди.

Муҳаммад Содикнинг отаси Ҳошимжон қори асли чинобод (Балиқчи тумани)лик бўлиб, мураттаб қори, яъни Қуронни тартиб билан ёдлаган, ибодатга қаттиқ берилганлардан эди. Эскича илмли кишилар таъқибу-таъйиққа олинган пайтларда Қашқардан паноҳ топган, оналарини олиб кетиш учун келиб, қайтолмай қолган. Қочиб-беркиниб яшаган. Ҳозирги Булоқбоши туманига қарашли Райиш қишлоғида уйланган. Кейин Нефтпром деган жойга кўчиб ўтган. Абдулатиф ва Муҳаммад Содик ўша ерда туғилишган.

Ҳошимжон қори аёлу фарзандларини тақво, мусулмончилик руҳида тарбиялаган.

Абдулатиф Ҳошимжон қори ўғли (бир неча йиллар Андижон вилояти имом-хатиби вазифасини ҳам адо этган) сўз билан ҳам, қалам билан ҳам эътиқодимизнинг софлиги йўлида ҳар хил бидъатлар, оқимларга қарши курашувчилардан. “Залолатга кетманг” (“Ҳизбут-таҳрир фитнасида оғоҳ бўлинг”) рисоласи (2003 йил, “Мовароуннаҳр” нашриёти) ана шу мавзуга бағишланганлиги, фикрларнинг ҳаётийлиги, аниқ далилларга асосланганлиги билан эътиборга молик асардир.

- Акамнинг хизматлари олдида меники урвоқ ҳам эмас, - дейди

Муҳаммад Содик. У шу ерда юриб ҳам оғасига тез-тез сим қоқиб, қандай китоблар кераклигини сўрар, умуман, жигаргўшаси тўғрисида, ҳалқ ибораси билан айтганда оғздан бол томиб гапирарди. Маълум бўлишича, Абдулатиф қори ҳам инисини “сиз”лар экан – қандай ибратли, қандай ёқимли!

*26 январь, душанба*

Ҳажга келувчилар шу қадар ранг-барангки, хайрон қоласиз: оқи, оппоғи ҳам қораси, қоп-қораси, сариғи, сап-сариғи ҳам, буғдойрангу анор юзлиги ҳам бисёр. Баъзиларни кўриб, тавба қилдим, одам кўпайсинга дунёга келганмикин, дейсиз. Наҳотки, бир жуфтлик – одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалган инсон зотининг тилию дили, ўнги-туси, дини, ирку миллати ҳам шу қадар ўзгариб, турли-туман бўлиб кетса?..

“Кўнғиз боласини оппоғим дейди”, “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил”, деган мақоллар эсга тушади. Бандаларнинг уст-бошлари ҳар хиллигини айтинг. Лекин деярли ҳаммасининг миллий кийими бор. Анча мураккаб, ноқулай бичимдаги сарполар ҳам кўп. Улар замонавий бўлмаган бу ноўнғай либослардан нечун кечишмаскин?..

Бошқа юртликлар эҳромдан чиққач, ўз миллий уст-бошларида юришибди. Ўзбекистонлик эркак ҳожиларнинг тўқсон фоизи келибоқ шу ерга мослашиб, тўпикқача тушадиган арабий оқ қабо, уларнинг оқ рўмоллари ўрнига, хайриятки, оқ дўппи кийволишаркан. Илҳомжон иккимиз афғони коло (ҳарқалай калтароқ ва шалваридан ҳам ҳовлида фойдаланиш мумкин) сотиб олдигу жомадонга жойлаб қўйдик. Оқ узун кўйлак ҳожининг ярашиғи эмиш, шу маънода зарур бўлса, ҳаждан қайтганда асқотар, деб ният қилдик.

Шу масалада ўзаро енгил муҳокама ва мулоҳазалар бўлди.

Бир–икки йил аввал бир танишимизнинг ёши етмишлардаги дадаси ҳаждан қайтдию, зиёратга бордим. Узун уй тўрисида кўндалангига қўйилган диванга оқ зарли, йилтироқ

матодан тикилган қалин кўрпача солинган, икки томондаги ўша тусдаги болишлар ўртасида Ҳожи амаки оқ дўппи, оқ арабий кўйлак ва оқ лозимда ястаниб ўтирарди. Хонага янги кирган меҳмон даврадагиларнинг орқасидан ўтиб бориб, Ҳожи тоға билан сўрашиб, кутлаб, яна қайтиб, пойгаҳ тарафдаги бўш ўринга чўкарди. Шу ҳолат менга эриш, ҳатто кибрли туюлган, агар Аллоҳ ҳажни насиб этса, зинҳор бундай қилмайин, деб кўйгандим. Ҳожилик (аввало ибодати қабул бўлдим, йўқми – фақат Яратганга аён-ку!) мансаб ҳам, мартаба ҳам эмас, имкони борларга фарз, қарз амал-ку!.. Қолаверса, айрича энгил-бош билан кўзга ташланмоқ пайида бўлиш писандага ўхшаб қолмасмикин? Ахир, ҳожилик сиртда эмас, сийратда-ку...

Халқ шу қадар кўпки...

Ҳар йили Умра мавсумларида бир-икки, Ҳаж даврида уч-тўрт миллион одам келса, улар эҳтиёжи учун қанча меҳмонхона, автобус, ошпазлару бошқа хизматчилар керак? Лекин бу борада ҳам ҳою ҳавас, хизматлар турлича экан: кимлардир Каъбатуллоҳнинг шундоқ биқинида, беш, олти юлдузли меҳмонхоналарда, ҳар бир хонада нари борса икки-уч кишидан... Остонадан қадам босиб ўтсангиз, мрамар полнинг тоза ва ярқироқлигидан оёқ босгани ийманасиз... Кимлардир Ҳарам шарифдан анча узоқда, шаҳарнинг бир неча тоғлару туннеллардан ўтиб борадиган чекка қисмида, ночоргина кўноқхоналарда – ҳар ҳужрада беш-ўнтадан яшайдилар.

Илло, аксарият ҳожилар ҳар қандай шароитга розилар: бир том остида юз-юзлаб одам ётадиган такяларга ҳам шукр қиладилар. Тадбиркорлар томонидан киракаш автобусларда олиб келинганлар эса бундан баттарроғига ҳам жон дейдилар. Йўл-йўлакай уловдан-уловга ўтиб, бир аммаллаб етиб келган якка-ёлғиз кишилар шундоқ Ҳарам ичидаги устунлар ёнида, зиналар остида, ачинарли тарзда тунашади... Буларнинг бари аҳли мусулмондаги эътиқоднинг кучлилиги, имоннинг мустаҳкамлигига далил, албатта. Бундан ташқари, азизу мукаррам Байтуллоҳнинг - Аллоҳ уйининг ўзига чорловчи сеҳри, жозибаси, кудрати шоху гадо – ҳаммага баробарлиги, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шарофатидан, унинг умматларига бағрини кенг очиб туриши туфайлидир.

Уч-тўрт миллион кўшимча одам шаҳарда ойлаб яшаса экологияга, бошқа жабҳалар ва жиҳатларга таъсири бўлмасмикин? Улардан чиққан ҳар хил нафасу ҳидларни айтинг... Баъзи тоифаларнинг товонига кўзингиз тушса, ўша оёқ теккан ерда микроблар уя курмасмикин, деб ўйлайсиз. Лекин, мен йўлдаги бир ошхона намозгоҳидаги депсаланавериб кирланиб кетган палосни табиатим унча тортмай, ўз жойнамозимни ёзмокчи бўлганимда Қори: “Жойнамоз шартмас, эҳтимол, ана шундай оёқлар босган жойдан савоб топиб кетармиз”, деган эди у. Албатта, мен бу фикрга кўшилмадим, бироқ тортишиб ўтириш ўринсиз эди (Ахир, ислом – покизалик дини-ку).

Азбаройи хўранда кўплигидан саришта ва озода тутишнинг иложи бўлмайдиган ошхоналар, шошилинич емакхоналар, шунингдек, кўноқхоналар олдидаги чиқинди билан лиммо-лим (албатта, мунтазам йиғиштириб, олиб кетишади, лекин яна бир оз вақтда тўлиб-тошаверади) ахлат идишлари...

Уч-тўрт миллион кимсанинг эгидан тушган ва ювилган кийимлар ёйилган дорлардан ҳавога кўтарилган ҳар хил совун, кукунлар ва матоларнинг ҳидлари, буғлари...

Мамлакат, шаҳар ҳаж ҳурматидан ҳаммасига тоқат қилади, юрт аҳли барча меҳмонларни “ҳожи” деб эъзозлайди, уларга Каъба эшикларини кенг очиб қўядилар, юз-юзлаб хизматчи, фаррошлар улуғ даргоҳнинг ички саҳн, атроф-майдонларини тўхтовсиз артиб, ювиб-тозалаб, ибодат учун, шунингдек, истиқомат, тановул учун барча шарт-шароитни муҳайё қилиб берадилар...

Тўғри, мавсумда Мадинаи мунавварада, Жиддада, айниқса, Маккаи мукаррамада савдо баравж бўлади, дунёнинг ҳамма жонибидан турли ноз-неъматлар оқиб келади, саудияликлар тегирмони гуриллаб айланади. Жаҳоннинг олис бурчагу пучмоқларидан тирикчилик умидида ташриф буюрганларнинг ҳам чўнтаклари қаппайиб, бола – чақасига егулик, кийгулик учун сармоя топиб кетадилар – бу ҳам катта савоб, албатта, балки шунинг учун ҳам бу юртдан файзу барака аримас...

Бу кутлуғ саждагоҳга пойқадами етганларнинг эътиқодлари эса янада мустаҳкамланади, бешинчи фарзни ўтаганларидан, одам фарзанди ахлоқи, тарбиясининг баркамоллигига масъул этилган сарвари коинот – пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо саллоллоху алайҳи васалламнинг муборак қадамлари теккан муқаддас шаҳарни кўриш, нашъу намо туюш бахтига ноил бўлгани, Парвардигори олам шунга қодир қилганидан ўзларида йўқ бир мамнунлик билан қайтадилар ва уларни йўқловчиларга ҳаж амаллари тўғрисида, Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавваранинг табиати, тоғлари, умуман кўрки-жамоли ва бошқа фазилатлари ҳақида завқ-шавқ билан сўзлаб берадилар. Сомъеларда рағбат, ҳавас, иштиёқ кучаяди, кўнгилларида ана шу азизу мукаррам маъвога етказишни Аллоҳдан тилайдилар. Ҳожилар олиб келган табаррук зам-замдан ҳўплаб, яна шукрона келтирадилар. Уларда (ёшларда ҳам) ҳожиларга иззат-икром ортади, уларни издиҳомларда тўрига ўтқизадилар – буларнинг бари ибрат эмасми?..

Шундай қилиб, бугун ҳам ҳеч қаёққа чиқмай, хонада шуларни битиб ўтирибман. Бошқалар Муҳаммад алайҳиссалом мушриклар таъқибидан беркинган Савр тоғига кетишди. Ёмғир–жала ёққан кундан бери болдиримдаги эски дард кўзиб азоб бермоқда эди, баланд ва тик қояга чиқа олишга кўзим етмади, чиққан тақдиримда ҳам оғриқ кучайиб, кейинги амалларни бажаролмай қоламанми, деб ҳадикландим.

Шериклар эрталаб жўнашганича аср билан шом ўртасида ҳориб-чарчаб келишди, лекин кайфиятлари, завқлари баланд эди.

Ҳаво ҳамон равшан очилмаяпти. Тоғлар устида булут, хира парда янглиғ туман ҳануз у ёқдан–бу ёққа оғиб сузади. Гоҳ кун йилтиллаб, ҳарорат сал кўтарилади, бир оздан сўнг кўк яна қовоқ уйиб, нохуш шамол эса бошлайди. Балки муқаддас шаҳар Маккаи мукаррама осмонини ҳажга келувчилардан айримларининг гуноҳлари, юклари қорайтириб, булутлантираётгандир...

Пастда айландик. Меҳмонхонамиз ёнидан ўтган йўлнинг у бети кенг, нотекисроқ қумлик майдон бўлиб, Каъбатуллоҳга борадиган узун, катта автобуслар ўша жойда саф тортиб туради. (Уларни асосан Бангладеш, Судан ва бошқа Африка мамлакатларидан келган ёлланма шофёрлар ҳайдашади.) Бизнинг автобусчамиз уларнинг олдида, йўлга яқин ерда.

Кўча билан автоуловлар ўртасидаги бўшлиқда чакана савдогарлар мол-буюмларини ёйиб сотиб ўтиришади. Ўспиринлар, болалар билакларига алламбало нарсаларни, илиб, “ашара, ашара” деб айланиб юришади. Мен келганимдан бери фақат ана шу калиманинг мазмунини англадим – ашара – ўн, яъни ўн сўм (риёл) дегани экан.

Дастлабки кунлар ёймачилар тўлиб кетар, уларни ўраб олгувчилар тўп-тўп эди. Полициячилар тижоратчиларни тинмай ҳайдашар, улар сал нарига жилишгач, “аршин моллан”лар яширинган жойларидан – автобуслар ораларидан яна ёпирилиб чиқишарди.

Энди кўча олиб-сотарлари камайган, уларнинг олдида битта-иккита чол ё ёши ўтган аёл матохларни, хушламайгина у ёқ-бу ёғини ағдариб кўришар, атайин анча арзон сўраб кўйишарди. Афтидан ҳамма ҳамёнларини бўшатиб, кўнгиллари тинчиган чоғи.

Умуман меҳмонхона олдида ҳожиларнинг ёпирилиб юришлари пайсал топган. Шунча одам қаёққа ғойиб бўлдийкин, дейсиз. Ҳарамга борадиган автобуслар ҳам бир қадар холи бўлиб қолган. Баъзан шу ерда яшайдиган ўзбек бойлари машинада шиппак, хурмо ва бошқа нарсалар олиб келиб, эҳсон сифатида тарқатадилар. Шуларга ҳам интилиб, талпинишади... (Одамзотда текин нарсага иштиёқ кучли бўлади-да...).

Кечкурун Илҳомжон билан пастда ўтган-кетганни томоша қилиб турсак, бир енгил машина келиб тўхтади. Ёш, дарозгина ҳайдовчи йигит тушди-да (ёнида ўтирган киши дадаси бўлса керак), машинанинг юкхонасидан елим халталар олиб, улардаги нонларни шу атрофда юрган эркагу аёлга биттадан улашди. Бизга ҳам. Нонни қайтариш ножойиз. Кулчадан каттароқ, чекичи кам, юмшоқ. Бошқаларга узатиб юбордик, чунки бизга беришаётган озиқ-овқат етарли эди.



Бадантарбия учун том саҳни яхши майдон. Эрталаб бир оз шуғулланаман.

Биз яшаётган мавзе кўркам тоғлар билан ўралган эди. Ёмғир ёққандан бери бугун улар равшан кўринди. Булут, туманлар батамом тарқалиб кетган. Меҳмонхонамиз ва орқадаги бинолар баланд бўлгани туфайли деворларда куёшнинг шуъласи товланадию, ўзи ҳадеганда кўтарилавермайди.

Одатда тоғ ҳавоси оғирроқ бўлади, лекин бу ерда енгил эди.

Муҳаммадшоҳнинг Мадина тупроғи вазмин, уйқуни келтиради, йигирма тўрт соат ухласангиз ҳам яна мудроқ босаверади, деган гапи Маккаи мукаррамага ҳам қисман хос экан. Юрсангиз – юраверасиз, каравотга ёнбошладингиз, мизғий бошлаганингизни сезмай қоласиз. Бомдодга ҳам уйқуга тўймагандай бўлиб турасиз. Балки чарчоқлар, мижозга нотаниш, номувофиқ иқлим сабабдир.

\*\*\*

Бир нарсдан хурсандман – кўришим равшанлашиб бораётгандай – жимирлашиш, қовоқларнинг толиши хийла камайди. Маккаи мукаррамага келган кунларим ҳам бу аломатлар зоҳир ва аниқ эди. Назаримда юраётган машинада силкиниб ўтириб ёзишлар кўз гавҳарига анча салбий таъсир қилади, шекилли. Тўғри, юртда ҳам кўпроқ ёзсам ҳарфлар, қоғоз хиралашиб, кўз олдим живирлашар, лекин йўлда – сафардагичалик эмас эди. Тақадиган кўзойнагим плус 2,5, наздимда ҳозир “1,5” ҳам кифоядай.

Экспедиция сафарларида баъзан “бошқалар сайр этиб юрадилар, томоша қиладилар, овқатланадилар, ухлайдилар, баъзида машаққат чекадилар, мен булардан ташқари ёзишим ҳам керак”, деб қўяман ичимда. Рост, бу мажбуриятни менинг зиммамга ҳеч ким юкламаган, ўз ихтиёрим билан, касбу ҳунарим тақозосига кўра, шу амалим ҳаётимнинг мазмун-моҳиятига айлангани боис, завқ олиб яшамоғим ва ниҳоят, кечаётган умримдан қаноат ҳосил қилмоқ, сафарларда эса экспедиция изланишларидан из қолдирмоқ ниятида ёзаман. Шунинг учун гоҳо–гоҳо асосий бурч-машғулотлардан чалғиб, одамларни, оқимларни, ҳаётни, табиатни кузатишим, мушоҳадага берилишимга тўғри келади...

Томларда ёввой каптарлар кўп. Хонакига ўхшаб, одамларга яқин келаверишади. Деразамиз зихига ҳам кўниб туришади. Ҳаммаси бир хил: боши ва танасининг кўп бўлаги оқиш кулранг, тумшуғи, бўйни зангори аралаш тўқ қорамтир, думи оч қорамтир, оёғи қизғиш, жуссаси билан дум қисмини икки қора хошия белбоғ каби ажратиб туради. Истанбулда кўрганларимиз - Али Қушчи, Аюб Ансорийлар қабристонини олдидаги, Мадинадаги каптарлар ҳам айнан шундай тусда эди.

Зокиржон ака ёзмаса-да, унинг ташвиши ҳамманикидан ортиқ. У тоат-ибодатдан ташқари пайтларда экспедиция дастурини амалга ошириш ҳақида бош қотирар, режаларга тузатиш, ўзгартириш, янгилик, аниқликлар киритиш билан машғул бўларди. Раҳбарни ҳаммасидан ҳам кўра қайтиш йўналиши кўп ўйлантирарди. Унинг бу галги сафардан кўзда тутган мақсадларидан яна бири Шарқнинг илму фан маркази сифатида доврुक қозонган Бағдодда бўлиш, “Байт-ул ҳикма” деб аталмиш фанлар академиясида илмий-ижодий фаолият олиб борган буюк ватандошларимиз, жумладан Мусо-ал-Хоразмийнинг бизга маълум ва номаълум меросларини ўрганиш, унинг қабрини қидириб топиш, бунинг учун Байт-ул ҳикма билан яқиндан танишиш ва у ерда учрашув-мулоқотлар ўтказиш каби вазифалардан иборат эди.

Қайтиш ва бошқа муаммолар юзасидан кенгашмоқ учун раҳбар таржимон Муҳаммад Содик ҳамроҳлигида Жиддага бориб, консулимиз билан учрашиб келди.

Зокиржон ҳожи ака имкон бўлса, Саудиянинг ўзидан ёки Кувайт орқали Ироққа ташрифни мўлжаллаган эди. Шу борада у Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги элчихонасига ҳам (Ар-Риёдга) қўнғироқ қилиб, маслаҳат сўради. Аммо консул ҳам, элчихонадагилар ҳам аниқ фикр билдирмай, “у юртдаги сиёсий вазият ўзларингизга аён, биз бир нарса деёлмаймиз, ҳарқалай, Саудиядан Ироққа ўтиш душвор, ҳам номатлуброқ”, дейишарди.

Дарҳақиқат, Ироқдаги уруш олови ўша пайтларда бир оз пасайган бўлса-да, мамлакатдаги вазият барқарор эмас, ватанпарварлар аҳён-аҳёнда душман ҳарбий кучларига хужум қилиб туришарди.

Раҳбар бугун юқоридаги масалани муҳокамага кўйди.

Режа-ўйлар бир неча бўлиб (Бағдодга Саудиядан тўғри ўтиш фикри вақтинча кун тартибидан чиқарилади), улар қуйидагича эди:

1. Қувайт орқали. Бунинг учун аввало Саудия ҳукуматидан Қувайтга ўзимиз ва автобус учун рухсатнома керак эди. Хўп, мабодо Қувайтга ўтсагу, ундан Ироққа киролмасак-чи? У ҳолда Саудияга виза олиб, орқага қайтишга тўғри келади. Анча вақт йўқотилади, ҳам сарф-харажат кўпаяди.

2. Иордания орқали ўтишга уриниб кўриш. Бунинг ҳам иложи бўлмаса, яна келган йўлимиздан юриб, Сурия, Туркия орқали Эронга етиб боргач, у ерда элчимизни, Муҳсин Покойинни ишга солиб Бағдодга кириш чорасини топиш.

Бир овоздан иккинчи йўл маъқулланди.

\*\*\*\*

Оқшом. Ҳамма ҳар тарафга кетган. Ётоқда бир ўзим. Том саҳнига чиқиб, самони, атрофни томоша қиламан. Ҳилол, осмон қоралиги учун жуда тиниқ жилваланади. Ундан нарироқда Зухра ҳам равшан нур сочади. Кўк мусаффо бўлса ҳам, юқорида айтилганидай, кавокиб сийрак. Етти оғайни қарийб кўзга ташланмайди. Тўғри чизикдаги уч юлдуз деярли тепамда – озгина кун юришроқда. (Бу ердан ҳам Каъбатуллоҳ ғарбда, кун ботишда). Шимол, шимоли шарқ ёқдаги тепаликлар узра қад кўтарган “Титаник”симон улкан кемани эслатувчи бино-иншоотларда сонсиз чироқлар чўғдай йилтиллади. Тоғлар баланд иморатлар тўсиб тургани учун фалак анча кичрайгандай кўринади.

Тоғлар рўпара томонда. Кема–биноларнинг томлари, атрофидаги лампалар шода-шода қилиб айлантириб чиқилгандай. Уларнинг ёнлари ва теварагидаги пастроқ тоғларнинг пирамидасимон чўққиларида қандайдир станциялар бўлиб, учидаги чироқлар ёниб-ўчиб турадиган найзаларга ўхшайди.

Бу ернинг шарқу ғарби, жануби шимолига ҳеч кўниколмаяпман. Назаримда куёш кун ботишдан чиқиб, шимол орқали шарқи-жанубга ботаётгандай. Ётоқхонамизнинг олди кун юришга эмас, аксинча, офтобрўя тарафга қараганлиги боис шундай туюляпти чоғи.

Изғирин найзалари бир зумда кўйлақдан ўтиб, этни жунжиктиради.

Дарвоқе, Каъбатуллоҳга кам боришимиз сабаби – автобусларни ер ости йўлидан ўтказишмаяпти. Илҳомжон ҳам тушдан аввал Ҳарамга бораман, деб чиқиб кетиб эди. Автобус туннел бўғзидан қайтиб, ҳожиларни яна шу ерга олиб келиб кўйибди. Қизиқ-а, ахир бир неча миллион сўм тўлаб, минг-минг чақиримлаб йўл босиб келишсаю... Лекин, Ҳарам тўла одам, демак... Ҳеч ким сабабини билмайди, ё айтмайди, ё қизиқмайди. Балки ер ости йўлини ё ҳожиларимизни эҳтиёт қилишмоқчидир...

Бошда ҳаммаси жойида эди. Кейинроқ анча-мунча ўзгаришлар юз бера бошлади. Овқатлар вақтида берилмайдиган бўлиб қолди. Дастлабки кунлари фойедаги столдан шакар, бир ишлатишлик истикон, чой қошиқ, катта идишларда зам-зам узилмаётган эди, камайиб кетди.

Мана, жойлашганимизга ўн икки кун бўлди, бирон кимсанинг бирон қаватда, бирон хонада тозаликни, тартибни текшириб ё истак ва таклифларни сўраб юрганини учратмадик. Аслида, ўзини англаган инсон учун, ҳожи бўлишдек улуғ мақсадда не-не довлару тоғлар ошиб келган тақводорлар учун бундай тафтиш нораво, албатта, улар ўзларини, бир-бирларини назорат қилишлари керак. Лекин, бандаси ҳамиша етовга, буровга, кўрсатмага ҳожат сезиб ўрганган, иккинчидан, лоақал, маҳаллий халқда ғалат таасурот қолдирмаслик, миллатимиз шаънини эҳтиёт қилиш учун ҳам юртдошларимизнинг йўл кўяжак камчиликларини беркитиш, олдини олиш учун ҳожибошиларимиз сал кўз-қулоқ бўлиб туришлари лозиммикин...

Ҳарамга элтувчи автобуслар мунтазам юрмаётганини, кўпинча туннел яқинидан қайтаётганидан ёзғирган ҳожи оғага мутасаддилардан бирининг “Бу ерга ибодат учун

келганмисиз, ё бошқа ниятдами?” дея жавоб берганини эшитиб қолдик.

Сирасини айтганда, ўзбекчилигимизга ҳам борамиз...

Дарҳақиқат, бу кунларни кўрмай армон билан ўтганлар қанча! Ахир йилига тўрт-беш минглаб ҳожи бир вақтлар йиллаб йўл босиладиган масофага самолётда атиги бир неча соатда етиб, тайёр ётоқ, овқатлар билан таъминланиб, фақат ҳаж ибодатию совға-салом олиш билан машғул бўлишса... Чиндан ҳам шукр келтириш керак-да. Ҳозирги замонда Маккаи мукаррамага шундоқ ўзингизча келиб-кетмоқни бир тасаввур қилинг. Виза олиш ва бошқа ташкилий муаммоларнинг ўзи одамни гангитиб, тинкасини қуритади. Юқоридаги имкониятлар истиқлолимизнинг буюк неъматидир.

Аммо кўнгилда бошқа бир андиша, хавотир бор: ҳар йили бир мамлакатдан минг-минглаб, дунё бўйича миллион-миллионлаб фуқаро ҳожилик унвонини олаверса, бу муқаддас тушунчанинг қадри-қимматига путур етмасмикин?..

Ҳожиларнинг ҳаммаси ҳам юртларига қайтишгач, ҳаж ибодати билан боғлиқ талабу амалларга тўла риюя этишармикин? Бу улуғ шарафни гард юқтирмай асрашармикин?

Умуман, ҳажни ният, аҳд қиладиганлар қалб ва имонларини астойдил тафтиш этадилармикин? Ўзларининг ҳажнинг барча зоҳирий ва ботиний шарт-қоидаларига тайёр-нотайёрлигини, шу улуғ ибодатга муносиб-номуносиблигини ақл тарозисига солиб кўришармикин? Яъни, масалан, лоақал бирон яқин қариндошининг моддий ҳолатини бир суриштириб кўришармикин, қўли ё тили билан озор етказган кимсаларидан авф сўраб, уларнинг розилигини олиш ҳақида ўйлашармикин? Ҳажга деб ўзлари жамғарган ё бой ўғиллари ҳадя этган сармояларини қандай, қайси йўл билан вужудга келишини (қай бир мўминлар оғринтирилмаганмидийкин, риё ё тама аралашмаганмидийкин?) бирров хаёл кўзгусидан ўтказишармикин?...

Иншоаллоҳ, яхши ният билан вазифаларни ўтаган ҳар бир муслиму муслиманинг ибодатини Аллоҳ даргоҳида қабул айласин, уларга кўпдан-кўп ажру ҳасанотлар ёзиб, сабру каноат берсин. Парвардигор раҳмдил ва кечирувчидир, дейилади-ку.

*28 январь, чоршанба*

Ҳаж ибодатлари кунлари яқинлашган сари ҳаяжон кучая борарди. Юртда эшитганим ваҳимали гаплар (ер ости йўлидан ўтишда юз бериши мумкин бўлган нохуш воқеалар) хаёлимга келади. Арконларни қандай адо этаркинман, деган ҳадик юки оғирлашаётгандай... Мана, яна бир неча кундан кейин ҳаж мавсуми бошланади. Эртага Арофатга чиқиб, кетамиз. Умуман мен ҳаж ибодатларини ўта салобатли, ўта масъулиятли ва ўта шарафли амаллар деб биламан.

Андижонликлар йўқлаб туришибди. Бугун “Холис” савдо-саноат бирлашмаси бош директори муовини, қадрдонимиз Обиджон ака Эшончаев келди. Фойеда анча суҳбатлашиб ўтирдик. “Холис” корхонаси, унинг бош директори, “тадбиркор” деган ибора мағзини, ишбилармонлик моҳиятини Андижон аҳли тасаввурига сингдирганлардан, қобилятли ташкилотчи Шокиржон Иброҳимов фаолияти, умуман ака-ука Иброҳимовлар ҳақида сўз кетди. Илмли, юксак маданиятли инсон, тадбиркорлик қалдирғочларидан бири Зокиржон Иброҳимовни ёдга олдик. Иброҳимовлар тўнғичи, кенг феълли, олижаноб раҳбар, ҳар қандай давра хуш қабул қиладиган дилкаш инсон Икромжон Иброҳимов раҳбарлигидаги “Ҳамкорбанк”нинг номи ва бўлим, шаҳобчалари мамлакат бўйлаб кенг қулоқ ёйиб бораётгани гапириб ўтилди. Кимлардир уқувсизлиги ва бошқа сабаблар туфайли ўз рўзгорини ҳам эплаб тебратолмаётганидан зорланиб, нолиб юрган ўша даврда Шокиржонга тегишли корхоналарда айни вақтда тўрт мингдан зиёд эркак-аёл меҳнат қилиб, ҳалол йўл билан ризқланмоқда эди. Нафақат ўзлари ризқланар, балки бир неча кишидан иборат оиласини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминларди. Ҳамма ташкилот ва муассасаларда штатларнинг тўхтовсиз қисқартирилиши тақозо қилинаётган замонда бу катта гап, катта савоб, албатта. Шокиржоннинг ташаббуси билан, унинг бирлашмаси муассислиги ва ҳомийлигида чоп этилаётган “Холис” газетамиз эса ҳафтасига салкам йигирма минг

хонадонга Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларини, азиз-авлиёларнинг ибратли ҳаётларидан ҳикоятларни, орифларнинг ҳикматлари, илму маърифат, дунё ғаройиботларига оид турли маълумотлар, янгиликларни олиб кирмоқда. Бунинг ҳам ажрлари бордир, иншаоллоҳ...

Хонамиздан йўл-йўриқ сўраб келувчилар ҳамон узилмайди. Муҳаммад Содик мутлақо эринмай, озорланмай, эринишни, озорланишни ҳаёлига ҳам келтирмай, ким қай вақтда нима деб мурожаат қилса, кўмак ўтинса, дарҳол рисола варақлашга киришади. У қоидаю ҳукмларни ёддан ҳам билардию, менимча, ожиз банданинг адашиши мумкинлиги истиҳоласи билан, шунингдек, эшитувчида иштибоҳ қолмаслиги учун йўриқномадан айтиб берса керак. Масалан, ҳожилар учун вожиб бўлган қурбонлик, тош отиш амалларига доир масалалар шу қадар кўп ва нозик, қўлланмаларда эса ҳар қандай ҳолат кўзда тутилган эди – энг икир-чикирларгача. Айтайлик, тош отиб бўлдим, деб қарасангиз, қўлингизда тўртта тош қолибди. Демак, қаердадир янглишгансиз. Биринчи шайтон олдиға бориб, бошқа шайтонлар аввалги тимсолнинг орқасида қоладиган ҳолатда туриб тўрттала тош отиларкан. Агар тош учта қолган бўлса, ҳар бир шайтонга биттадан ирғитиларкан. Агар кекса ё бемор бўлса, уларни шайтонлар ёнига олиб бориб, тошларни уларнинг кафтига қўйиб бирга отиш зарур экан ва ҳоказо...

Ҳаётий мисол: бир одам ташриф буюрди. У дастлаб бундан ўн уч йил аввал ҳажга келганида хасталаниб қолиб, тошни ўзи отолмай ё бошқа бир киши орқали оттиролмай кетиб қолган экан. Ўшандан бери у кишининг кўнгли ғаш юраркан. Қори домла билан китоб кўришга тушдилар, жазо вожиб экан. Жазо – қон, жонлик... Хуллас, бояқиш қурбонликка қўшимча бир қўй сўйдирадиган бўлди. 1 қўй 75 дан 150 долларгача (ўша пайтларда 1 доллар бизнинг минг сўмга тенг эди) – шу кунларда мол-қўй нархи кўтарилиб кетаркан. Аслида, бу мусулмончиликка, одамийликка хос аломат эмас. Ахир, бундай хайру саховат мавсумида мўмин бандалар кўпроқ савоб олиш илинжида бўлмоқлари, шу ниятда нарса-буюмларини мумкин қадар арзонроқ сотмоқлари маъқул эмасми?.. Ўзимиз томонларда ҳам шундай бўлади: ҳар йили айни рўза арафасида, рўза кунларида гўшт, нон ва бошқа озиқ-овқатлар – асосан кунда харид қилинадиган маҳсулотлар нархи, албатта, кўтарилади – бу ҳолатнинг эса, рўзадорларда, ҳаммада малоллик, норозилик уйғотиши турган гап-ку...

Етти кишигача шерик бўлиб мол ё туя қурбонлик қилиш ёки жонликка қурби етмаса, 10 кун (бу ерда ҳайитгача 3 кун ва юртга қайтгач 7 кун) рўза тутиб бериш мумкин экан. Нақадар адолатли, нақадар марҳаматли ҳукм!..

Ҳа, аслида ислом энг инсонпарвар, адолатли диндир. Зеро, Аллоҳ ўз бандасининг риёзат чекишини асло хоҳламайди ва уни мудом енгил йўлдан боришга ундайди, унга шарт-шароитдан, вазиятдан келиб чиққан ҳолда, қурби етганича, саломатлиги кўтарганича, имконияти даражасида фақат яхши, эзгу амаллар бажаришлик вазифасини юклайди. Тўғри, Каломуллоҳда – мусулмонларнинг асосий дастуриламали, исломиятнинг таянчи, устунни бўлмиш Қуръони каримда бани одам олдиға қаттиқ талаблар қўйилади, охира азоблари эслатилади, лекин ана шу талаб ва таҳдидлар сўнгида “Аллоҳ раҳмдил ва кечирувчи зотдир”, деган марҳаматли, таскинбахш хушхабар келтирилиб, вазият юмшатилади, шу билан банданинг руҳи тушиб кетишдан асралади. Балки, шунинг учун ҳам улуғ Алишер Навоий:

***Илоҳи, ёмонлигимдан агарчи қўп алашим бор,  
Ғамхорим ўзинг бўлсанг, не ғамим бор, -***

дея, Аллоҳнинг карами кенглиги, олийҳиммат, олижаноблиги, меҳрибон, кечирувчи зот эканлигига умид боғлайди, ишонади, тасалли топади.

“Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини сидқидилдан зикр этган кишига жаннат ваъда қилингани тўғрисидаги ҳадис эса бандаи ожизда динга мойилликни, эътиқодни, ихлосни кучайтиради. Мулла ёхуд чала муллалар ҳам даргоҳларини яратувчи Воҳидул қаҳҳорники каби кенг олиб, унинг бандалари юрагига қўрқув солмай, мумкин қадар осонроқ, ўнғайроқ йўлдан бошласалар, хусусан ёшлар, адашувчиларни, умуман етарли тушунчага эга бўлмаган

мўмин ва мўминаларни, боринги, барча умматларни тўғри изга етаклаш, улар онги, қалбида зарурий туйғулар, жумладан, инсоний масъулият, исломий бурч ҳиссиётларини уйғотиш енгилроқ, самаралироқ кечармиди...

Ўзимдан мисол:

Шўро ҳукуматининг дахрийлик сиёсати туфайли мени ҳеч ким намозга даъват қилмаган ва уни қандай ўқиш лозимлигини ўргатмаган. Фақат “Фотиҳа” ва “Ихлос” сураларини болалигимда бир қўшнимиз ёзиб берган ва уларни ёд олгандим. Шу боис, намоз ҳақидаги тасаввурим туманли эди. Аниқроғи, мен ҳар вақт ҳар хил суралар ўқилади, деб ўйлар, шунча кўп матнни қандай эсда сақлаб қолишаркин, деб таажжубланардим. Қисқаси, намоз ибодатлари менга жуда қийин бир амалдек туюларди. Бир йили ёзда Бухородаги “Ситорай махоса” сиҳатгоҳига дам олгани борганимда у ерда қўшни қишлоқлик, кўп йиллар партком, колхоз раиси ва бошқа лавозимларда ишлаб, нафақага чиққан яқин танишим Қобилжон Мадаминов билан бирга бўлиб қолдик. Бир куни Баҳовуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиб юрганимизда пешинга азон чақирилди. Қобилжон ака: юринг, биз ҳам жамоа билан ўқиб чиқамиз, деди. Мен намозни билмаслигимни айтдим.

- Юраверинг, қийин жойи йўқ. Имомга иқтидо қилиб, бошқаларга қараб ўтириб-тураверасиз, - қистади шеригим ва иқтидони тушунтириб қўйди.

Таваккал, дедим. Масжидда сафга тизилмасдан, тартибсиз равишда – кимдир ўтирган, кимдир тик турганча тоат-ибодат билан машғул эди. (Кейин билсам, улар пешиннинг суннатини ўқишаётган экан). Эсанкираб, нимадан бошлашга ҳайрон бўлиб турувдим, Қобилжон ака: мен нима қилсам, такрорлайверинг, деди. Унга тақлидан кулок қоқиб, ўтириб-туравердим, лекин ичим чиқмади, кўнглим ғашланди. Уйга қайтиб намозни ўрганишга аҳд қилдим. Хуллас, Қобилжон аканинг “қийин эмас” деган бир оғиз жумласи ва далдаси ибодатга эгилишимга туртки, сабаб бўлган. Баъзи ғўдайганроқ воизларнинг тўйлардаги, қабристонда – майитни дафн этиш маросимидаги ва бошқа жойлардаги масала ва **амри маъруфларини** эшитсангиз, диний-шаърий мавзуларга оид айрим рисолаю мақолаларни ўқисангиз, шартлар, арконларнинг кўплиги, мураккаблигидан саросимага тушасиз, кўнглингиздан беихтиёр: ўх-хў, бунча амални бажариш жуда мушкул-ку, деган фикр, фикр эмас, ҳадик кечади. Баъзи бир ваъзгўйлар, ҳатто ярим тундаги таҳажжудни ҳам ҳар бир мўминга вожибдай, фарздай талқин қиладилар. Уларнинг айримлари одам боласини нақ жаҳаннамнинг лабига олиб бориб қўйишади. Эҳтимол, битта-яримта нобакорнинг ғайридинликни осонроқ, мақбулроқ кўраётгани талаблардан, ваҳималардан, таъқиқлардан задалик, безиллаш оқибатидир. Балки, муборак ҳадиси шарифларда “динга чуқур кетманглар”, “динни қийин кўрсатманглар, осон кўрсатинглар”, деган огоҳлантиришлар бежиз такрор-такрор айтилмагандир.

## МИНОДА

*29 январь, пайшанба*

Бугун асрдан кейин ҳожиларни Минога олиб чиқиб кетиладиган эди. Шу муносабат билан Ҳарам томонга умуман автобус юрмади. Халойиқ эрталабдан тайёргарликни бошлаб юборган. Кўплар ҳайит куни бажариладиган тавоф ва саъйни олдиндан адо этиб қўйиш учун киракаш машиналарда Каъбатуллоҳга йўл олдилар. Биз ҳам кеча шундай қарорга келувдик, бугун фикр ўзгарди. Лекин асрдан аввалроқ ғулдан чиқиб, эҳромга кириб, ҳажга ният қилдик. Аммо соат етти яримдан ҳам ошдики, жўнашдан дарак йўқ. (Аслида, китобларда ёзилишича, Минода эртага, яъни саккизинчи Зулҳижжа – “Тарвия (ёлгон арафа) куни” бўлмоқ таомил экан).

Нихоят, автобусларга ўтириб Минога бордик (Мино – Маккаи мукаррамадан етти километр наридаги, тоғлар қуршовидаги водий. Ҳаж амалларидан айримлари ижро қилинадиган жой). Палатка – чодир дегани еру кўкни эгаллагандай! Бояги куни

кўрганимизда ҳам бунча эмас эди. Чодирлар томи шакл-шамойили жиҳатидан хитойликларнинг уйлари монанд эди. Ҳаммаси бир хил – оппоқ тоғлардаги қор босган арчазорни эслатади.

Бизга аввалига бир кичикроқ чодирни инъом этишди. Ўрнашиб, энди ёстикқа бош кўювдик, бу бўлманинг Сурхондарё вилояти ҳожиларига ажратилганлигини айтишди. Шу ерда андак довдирадик. Андижонликларнинг мингбошиси, Улуғнор тумани имом-хатиби Маъруф ҳожи ака бизни у ёқдан-бу ёққа етаклаб юриб, бир узун чодирга олиб кирди. Сал фурсатдан кейин бу хонага ўттиз тўрт кишилик гуруҳ қўйиладиган бўлди, сизлар бошқа чодирга ўтасизлар, дейишди. Кўч-кўронларимизни (чайнак-пиёла, кийим-бош, одеял ва бошқа зарур буюмлар) кўтариб, палаткалар оралиғидаги тор, тўполон йўлакка чикдик. Маъруф ҳожининг ҳам боши қотиб, нима қилишни билмай турган эди, Муҳаммад Содиқнинг мухлис-шоғирдларидан, вилоятимиз эллиқбошиларидан бири Раҳматилло қори келиб қолдию, бизни ўзларининг тўпи жойлашган чодирга бошлади. Чироқ ўчик, лекин йўлакдаги лампалар шуъласи тушиб турарди. Хонада 25 киши бўлиб, кўплари пинакка кетганди. Раҳматилло қори бирини у ёққа, иккинчисини бу ёққа суриб, ораларидан бизга – беш кишига жой очди. Унинг устози Қори домлани ниҳоятда ҳурмат қилиши, умуман одамийлиги, ҳозирги ишидан ўзи ҳам жуда мамнунлиги сезилиб турарди. Анча хижолат тортдик, ўнғайсизландик, албатта. Чунки нотаниш кимсалар кимлигимизни билишмас, шунинг учун айримларига бир оз малол келган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас эди – анча қисилишди-да. Хуллас, биз ҳам ниҳоят деярли бир ён билан ётадиган ўринга эга бўлдик.

Ҳожилар икки тарафда, оёқлари бир-бирлариникига узалган ҳолда ухлашар, ўртада юришга ҳам имкон қолмаганди. Ҳамма қисилиб-қимтиниб ўранган, зеро эҳромда ётишнинг хийла ноқулай жиҳатлари бор-да.

Умуман олганда, одам кўп, ҳар бир чодир полига бир катта ё иккита кичик гилам тўшалган, ҳисоб-китоб бўйича ҳар бир гиламга 14 киши сиғмоғи лозим экан (Палосларнинг ҳажми тўртга беш метр). Ташкилотчилар, ҳожибошилар бу шартни ҳамма чодирга кириб, эслатиб чиқишарди.

Хуллас, ёнбош-ёнбош ҳолатда бир амаллаб тонг оттирдик. Хуррак, айниқса, йўталлар баравж, уларнинг услуб ва оҳанглари ранг-баранг янграрди. Бир неча кун илгариги жала-ёмғир кўпларни шамоллатган эди.

*30 январь, жума*

Кечаси кўзимиз илингунича соат 1 дан ошиб кетувди. Кўпчилик ётган жойда ҳаловат бўлиши қийин, албатта, яна бомдодга барвақт турмоқ лозим эди.

Чодир “маҳалла” ўртасидаги махсус майдонда рисоладагидай биночалар қурилган, ғусл, таҳорат учун алоҳида-алоҳида хоналар, юз-қўл ювмоққа кўп жўмракли умумий анжом-ускуналар барпо этилганди.

Намоздан кейин уйқуга тўймаганлар яна мизғимоққа тутиндилар, кимлардир бурчак-бурчакка давра қуриб, тамадди қилмоққа тушдилар.

Ювингани чиққанимизда йўлақлардан чайнак кўтариб шитоб ўтаётган эркагу хотинларни кўриб, ё олло, буларнинг тушига чай кирдимикин, деб хайратландим. Ўзбекларимиз жуда чайхўр-да. Бу борада дунёда инглизлар биринчи ўринда турармиш. Бекор айтишади! Улар ўзбекларга нисбатан жаҳон андозасидаги энг катта кўчанинг охирида қолишлари турган гап.

Нонушта пайтида хонадошлар билан танишдик. Мен уларни деярли билмасдим. Фақат, кадрдонимиз Обиджон Эшончаев ҳам шу ерда экан. Зокиржон ака Машрабовни, Муҳаммад Содиқни кўрганларидан кейин, тунда бир оз ижирғанганларнинг (ҳарқалай, мен шундай деб ўйлагандим) чеҳраси ёришди. Янги шерикларимиз айнан бизнинг олдимизга дастурхон ёзиб, писта-майизларини тўкиб-солишиб, бизга яқинроқ ўтириш пайидан бўла бошладилар. Ҳамчодирлар орасида жуда самимий, ўзини хокисор тутувчи, ўзгаларга

муҳаббатлилари ҳам кўп экан...

Чодирлар металл каркаслардан ниҳоятда мустаҳкам қурилган, тепасига яна чодир шаклида алоҳида “дўппи” қўндирилган. Асосий “бино” билан “дўппи” – томча оралиғи очик - ҳаво, шабада кириб турар, яна кондиционер ҳам ўрнатилганди. Чодирлар катта-катта ҳудудларда, ёнма-ён, олдинма-орқа, бир-бирига туташ, ораларида узун-узун йўлаклар қолдирилганди.

Жума намози Минода соқит дейилгани учун ҳар бир чодир аҳли ўзлари пешин намозига ҳозирлик кўра бошладилар. Муҳаммад Содикнинг овозасини эшитишган рўпара ва ён қўшнилар, бизга қўшиладиган бўлишиб, чодир “девор”ларини кўтариб очиб қўйишди. Эллиқбоши-ҳожибошилар имомликка ўтишни Қори домламиздан сўрашди. Намоздан олдин амри маъруф, кейин мавлуди шариф ўқилди. Муҳаммад Содик ёнида мингбоши Маъруф ҳожи, Раҳматилло қори, Мирзо Мақсуд (Жалақудук тумани имом-хатиби), Абдурахмон ҳожи (Андижон шаҳридан) елиб-югуриб ташкилотчилик қилишарди.

Мавлудда Муҳаммад пайғамбаримиз таваллуди ва фаолияти, унинг фазилатлари ҳақида ёзилган “Мавлуди шариф” қасидаси (муаллифи араб шоири Жаъфар Барзанжий) ёд ўқиб, шарҳланди. Муҳаммад Содик ўзи ҳам йиғлади, бошқаларни ҳам йиғлатди. Воқеалар асли таъсирли эди, Қори домла янада таъсирлироқ қилиб ифодаларди. Хусусан, Расули акрам туғилиши аввалдан аён бўлганлиги, Маликул мулкнинг аршига калимаи тоййиба: “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадан Расулulloҳ” битилгани, Парвардигорнинг “Агар мен бўлажак ҳабибим Муҳаммадни дунёга келтириш ниятим бўлмаганда, оламни – еру осмонни, суву тупрокни, одам зотини яратмаган бўлардим”, деган муборак каломлари тингланганда сўзсиз нидолар авж олди.

Шахсан мен ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг менга ноаён аъмолию, сифатларини эшитдим, кўнглим янада юмшаётганини, қулфи дилим янада батафсилроқ очилаётганини ҳис этиб турдим. Шу аснода, шу паллаларда анча аввалдан кўнгил яқин қадрдонимиз, ҳамсафаримиз, ҳажбошимиз Муҳаммад Содик қорига бўлган ҳурматим янада ортди. Эътиқодининг кучлилигига, овозининг тиник ва ширадорлигига, қироатининг ром этиш қудратига, сомъелар кўнглига кучли таъсир кўрсата олиш салоҳиятига қойил дедим. Мен ва ўзгалар назарида у яна бир неча поғона юксакликка кўтарилди. Мавлуд...дан кейин барча ҳамхоналар ва ҳамсоялар келиб Муҳаммад Содикни бир-бир бағрига босишиб, ташаккур изҳор айлашарди. Қори домла туфайли бизга ҳам ҳурмат-эътибор батамом ўзгарди. Қолаверса, қўшни чодирликлар Бобур экспедициясининг раҳбари, жаҳонгашта Зокиржон Машрабовни ҳам таниб қолишганди.

*31 январ, шанба*

Бугун Зулҳижжа ойининг тўққизинчи, “Арафот куни”, ҳаж учун эҳром боғлаганларнинг барчаси пешинга қадар Макка шаҳридан қарийб йигирма беш чақирим жануби шарқдаги Жабалур Раҳмат – Раҳмат тоғи пойида ястанган Арафот водийсида жам бўлмоқлари шарт. Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссаломни қурбонлик қилиш тўғрисидаги буйруқни Зулҳижжа ойининг еттинчи кечаси тушида олади ва бу тушни шайтоний деб ўйлайди. Саккизинчи куни ҳам туш такрорланади, буни ҳам ёлғон деб гумон қилади (бизда бу кунни “ёлғон арафа”, арабларда эса “таврия” - ўйланиш куни дейилади). Тўққизинчи кеча ҳам яна шундай фармон бўлгандан кейин бу пайғомнинг Аллоҳ томонидан эканлигига ишонч ҳосил қилади. Шунинг учун бу кун “арафа” – билиш куни деб аталган.

Нонуштадан кейин автобусларга ўтириб Арафотга жўнадик.

## **АРАФОТДА**

Водийда ҳам вақтинчалик, Минодагиларга қараганда уринганроқ, лекин пухта ва

катта–катта чодирлар тикилган экан. Палос тўшалган, аммо ер зах эди. Тоат-ибодат қилиб, **галбия** айтиб ўтирилди. Арафот – дуолар ижобат бўладиган, Одам Ато ўз гуноҳларини мағфират этилишини Аллоҳдан ўтинган ва мақсудига ноил бўлган манзил, кун эса – карами кенг Яратган парвардигорнинг ўз бандаларига раҳмати ёғиладиган, энг улуғвор, энг мўътабар айёмдир.

Кўп дуолар қилинди. Чодирхонанинг минбар мақомидаги тўрисида яна бош ваъзгўй, дуогўй Муҳаммад Содик, унинг ёнида яна мингбоши, эллиқбоши имомлар типпа-тик – хизматга шай эдилар. Улар шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳамда баъзи юртдошларнинг ҳажга келувчилар орқали сўраб қолган илтимос ва ҳожатларини айтиб-етказиб туришар, Қори домламиз дуога қўл очарди. Атрофдагилар яқин келиб ё хат бериб жўнатишар, қўшни чодирлардан сурхондарёлик, сирдарёлик, самарқандлик ва бошқа вилоятлик ҳожилар Муҳаммад Содикдан Яратган эгамдан фарзанд, ўғлон, беморига шифо, ёвлашган биродарига инсоф тилаб беришини ўтинишар ва бошқа илтижоларини баён этишарди.

Мен ўтган падари бузруквору волидаи мухтарамаларимиз номидан бажарган умра ибодатларимизнинг мустажоб бўлишини тилашини эслатдим. Қори менинг номимни ва таклифимни жамоага етказиб, ўринли гап, деди, дуо қилди. Хитоблар, нидолар, кўз ёшлари бўлди. Ўзим ҳам йиғладим... Хаёлимдан нималар ўтди – буни бир мену бир худо билади...

Тушлиқни шу ерга келтириб беришди.

Сўнг яна маъруза, хатми қуръонлар, дуогўйлик давом этди. Мурожаатчиларнинг адоғи йўқ эди. Муҳаммад Содик ўтинчиларни иложи борица безътибор қолдирмай, Қодир эгамдан ана шу бандаи ожизларнинг истакларини ижобат айлаб, мушкулларига **кушойиш** беришини астойдил тиларди. Ниҳоят, мижжаларида ёш йилтиллаб бошлаган Қори домла: ҳамма биздан дуо сўраяпти, биз ҳам осий, гуноҳкор бандамиз, эҳтиёжмандмиз, бизнинг ҳақимизга ҳам дуои хайр қилинлар, деб эди, деярли ҳамманинг мижжасига ёш қалқиб, фотиҳага қўл кўтарди. Маъруф ҳожи Муҳаммад Содикнинг илтимосини адо этди.

Мингбоши ўз маърузасида Зокиржон Машрабов ва унинг экспедицияси амалга ошираётган хосиятли ишлар ҳақида ҳам гапириб, жамоага дуо қилдирди.

“Арафотда бўлмоқлик ҳажнинг энг муҳим амалларидан бири, балки асосий рукнидир”, дейилади китобларда. – Унинг вақти бугун, яъни чин арафа куни Қуёш қиёмдан оғандан то ботғунига қадар.

Ҳожилар Арафот майдонида бўлган пайтларида Каъбатуллоҳга юзланиб, Тангрига муножот, истиғфор айтиб, хоҳиш ва орзу-ниятларини изҳор айлашлари, раҳмату мағфират сўрашлари суннат амаллар ҳисобланади.

Мен амри маъруфдан кейин ташқарида айланиб, “лаббайка”ни такрорлаб, Қоридан ёзиб олган, ўзим билган дуо ва оятларни ўқиб, тавба-газарру қилиб юрдим. Аввало, раҳматли отам, онам ва акамнинг ёруғ дунёда йўл қўйган хато ва камчиликларини, ўзимнинг гуноҳларимни кечириб, қиёматда Пайғамбаримиз шафоатидан бенасиб қўймаслигини, падари бузрукворим, волидаи меҳрибоним номидан баҳоли кудрат ўтаган умра амалларимни даргоҳида қабулу мақбул кўришини қайта-қайта ўтиндим.

Ўзимни, аҳлу аёлимни, фарзандларимни ҳақ йўлидан адаштирмаслигини, ҳаммамизга инсофу тавфиқ, сабру қаноат, умримизга, ризқимизга баракаи азим бағишлаб, имонимизни мустаҳкам, тани-жонларимизни ҳамиша басаломат сақлашини, хусусан Турсуноининг дардларига шифо бериб, элу юртни тўқину фаровон, шу қаторда бизни ҳам оила аъзоларимиз, тоғам, опа-сингиллар ва бошқа қариндошлару ёру дўстлар билан тўқу маъмур қилишини, ўт балосидан, сув офатидан, қуруқ тухмату беҳуда маломатлардан, назари очликдан, бемаҳал қазодан, қийин ўлимдан ўзи паноҳида асрашини, дўстга хор, душманга зор, номардларга муҳтож этмаслигини, ишларимни доим ўнғидан келтиришини, топган-тутганларимни тўйларга, эҳсонларга буюриб, мартабамни янада зиёда, сафарларимни беҳатар қилишини, ўғилларим, кўёвларимнинг омадли, қизларим, келинларимнинг бахтли-тахтли, невараларимнинг ҳусни-хулқли, баркамол бўлишини тиладим.

Муҳаммад Содик биродаримиз имомлигида ҳаж қондаси, ҳукмига биноан бир азон ва икки такбир билан пешин намозини аср намозига қўшиб ўқимоққа тутиндик. Яна ён-



веримиздагилар чодирларининг бир ёндаги “девор”ларини кўтариб очиб юборишди ва Қорига иктидо қилишди.

Арафотдан қоронғу тушганда қайтиб, Муздалифада тўхтадик.

## МУЗДАЛИФАДА

Қуръони каримда зикр этилган Арафот билан Мино ўртасидаги Муздалифа, айтишларича, илгари кенг тошлоқ майдон экан. Ҳожиларнинг субҳгача зикру салават, тасбеҳ ва таҳлил, тоат-тиловат билан машғул бўлишлари вожиб манзил экан. Ҳозир бу ер асфальтланиб, сим панжара ичига олинган, икки тараф машина йўли эди.

Майдонда эркагу аёл энкайиб, чўнкайиб, шайтонга отиш учун керакли майда тош излашарди. Биз ҳам ўрам худудига кириб, кўчага яқин жойга, шундоқ қоқ ерга одеялларимизни тўшаб, тугунларни болиш қилдик. Қоида бўйича шом ва ҳуфтон намозларини қўшиб ўқиғач, шу атрофдан – янги босилган асфальтнинг четларидан 49 донадан тош тердик. Шунда соат тунги бир эди. Икки биқиндаги кўчада катта автобус ва бошқа тоифадаги уловлар тўхтовсиз чинқиришига қарамай, чарчоқ, толиқиш туфайли тезгина уйқу элитди. Бир пайт биров туртади, кўзимни очсам, теппамда мингбоши Маъруф ҳожи, турунлар, йўлга тушамиз, дейди. Соат уч экан. Ҳамма бирдан уйғотилгани учун таҳорат ва ювиниш хоналарига навбат “турна қатор”дан ҳам ўтиб кетди...

Кириш рўпарасидаги икки ёни темир ғовли сўқмоқдан санжоб бўлиб кўчага – автобусга чиқиларди. Автобуслар тезроқ келмас, ҳамма муҳим бир ишдан кечикаётгандай ё шу жойда қолиб кетадигандай туртиниб-суртиниб ошиқарди. Ҳали ёруғ тушишидан дарак йўқ, ваҳоланки, қоидага кўра Муздалифада тонг отиб, куёш чиққунча бўлиш вожиб, бомдод намозини ўқиғач, бир оздан кейин кетиш мустаҳаб дейилган. Ярим кечада бақир-чақир, тўс-тўполон билан жўнашимиз сабаби ва маъносини ҳеч англамадим.

Муҳаммад Содик, Раҳматилло қори, Мирзо Мақсуд ва яна бир неча киши биз бомдодни ўқиб борамиз, дея, қолишди.

## ШАЙТОНЛАР БИЛАН “ЖАНГ”

*1 февраль, якшанба*

Минога етиб келдик. Чодир ичида мудраб ўтирдик. Бомдодни ўқиб, дам олдик. Муздалифада қолганлар вожиб амални рисоладагидай адо этиб келишди. Бу ёқда ҳеч қандай зарур тадбир ё бошқа вазифа йўқ экан. Сахарги ибодатдан сўнг, осмонда ва кўнгилда равшан ёруғлик билан қайтишимиз ҳам мумкин эди.

Бугун – Ийди Қурбон. Ҳар куни байрамона бўлгани боис, бу кун алоҳида жиҳатлари билан ажралиб турмас эди. Қолаверса, бу ерда хайит намози ўқилмади – ҳаж қилувчилардан соқит бўларкан. Аммо маҳаллий аҳоли Қурбон хайити намозини ўқишар экан.

Шайтонга тош отгани жўнадик. Катта кўчада авто-улов қатнови бутунлай тўхтатилган, ҳаммаёқни ёймачи-тижоратчи босиб кетган. Икки кичик туннел (ҳар бири камида икки юз қадам), кўприклар таги ва яна 628 метрли ер ости йўлидан ўтдик. Кенг кўча ва эни шу кўча билан тенг туннеллар тўла одам – бари бир тарафга, бир ният билан олға интилишади. Дунёнинг ҳамма минтақаларидан, албатта, асосан Шарқ мамлакатларидан келганларнинг кўпи аралаш-қуралаш (бани одамнинг ирку миллатидан, наслу насабидан қатъи назар, яратувчининг ҳузурда баробар эканлигидан бир далолат эди бу). Аммо айрим миллатлар, масалан, туркияликлар, индонезияликлар алоҳида юришар ва бошқалардан ажралиб туришарди. Хусусан, турклар Байтуллоҳдагидай, бу ерда ҳам йўл-йўлакай баланд овозда, жўр бўлиб дуо-такбир айтишарди. Энг тартиблилари, кузатишимча, индонезлар эди. Ҳолбуки, улар сон жиҳатидан ҳамма юрт, ҳамма миллат вакиллари билан ортиқроқ эдилар.

Ҳаж қилувчиларнинг ярмини шулар ташкил этадигандай кўринарди. Маълумки, Индонезияда икки юздан зиёд орол бор. Афтидан ҳар бир орол фуқаролари алоҳида гуруҳ бўлиб, ҳар бир гуруҳдагиларнинг кийимлари бир турдаги бичим ва бир тусдаги рангли матодан эди. Бундан ташқари, ҳар бир жамоанинг алоҳида, махсус байроқчаси ва уст-бошга тикилган белгилари бор. Эркагу аёл – барининг бўй-басти бир хил, ҳарқалай, новчаси ҳам, ўта паканаси ҳам йўқ – андозадан чиққандай. Улар жимгина қадам ташлашар – назаримда тилда эмас, дилда ибодат қилишарди. Аскарлардай бир неча қатор бўлиб, парадда кетаётгандай саф тортиб боришларидан жуда интизомли ва аҳил халқ сифатида таассурот уйғотарди. Бошқаларга озор ва ҳалал беришмас, ўзларини ҳам ўзгалар озоридан авайлаб юришарди. Ораларига бегоналарнинг кириб қолишига ё ўрталаридан ўтиб кетишларига ҳам йўл қўйишмасди. Дарвоқе, уларнинг кўплиги асосан ёш қизлар ҳисобига эди. Айтишларига қараганда, бунинг сабаби – мазкур ороллар мамлакатида ҳаж амалини адо этмаган қизларнинг келин бўлишлари мушкул экан. Турмушга узатиладиган қизнинг биринчи навбатда ҳажга борганлиги суриштириларкан. Ҳа, бу бошқа гап, бошқа масала, фақат фарзни адо этиш маъносидаги ҳаж эмас... Демак, улар наздида ҳожиликнинг тарбиявий-ахлоқий аҳамияти ҳам катта. Балки, шу боисдан ҳам уларнинг кўринишлари, юз тузилишлари, гавда-қоматлари деярли монанддир, ана шунинг учун ҳам бири шарқликка, бошқаси ғарбликка ўхшамас...

Айтишларича, индонезияликлар, аниқроғи, уларнинг қиз-аёллари ҳаж ибодатини умр мобайнида бир бора вожиб деб ҳисоблашаркан.

Ўзбекистонлик ҳожилар орасида биринчи марта орзиқиб, ошиқиб келганлар кўп эди албатта, лекин баъзи-баъзида “аввалги сафар келганимда...” деган гаплар ҳам қулоққа чалиниб қоларди. Аввало, бу ибодат намоз ё бошқа амаллар каби ҳамма мусулмонларга шарт вазифа эмас, зеро, исломий адабиётларда ёзилишича, ҳаж умрда бир карра, иқтисодий жиҳатдан қодирларгагина (яна бошқа бир қатор омил, шартлари ҳам мавжуд) фарз. Ҳатто, дини исломнинг бош ҳомийси, шу ҳудудда туғилган ва атиги беш юз чақирим нарида яшаган, бинобарин, ҳар жиҳатдан имкон топиши мумкин бўлган Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ҳаёти мобайнида бир бора умра, бир бора ҳаж қилган эканлар. (Балки у улуғ, меҳрибон зот, сарвари коинот менинг ушбу аъмолим ҳам умматларимга суннат бўлиб қолиб, ортиқча ташвиш, риёзат етказмасин, деган истиҳолада ўзини тийгандир). Майли, ҳажга неча дафъа жазм этиш ҳамманинг инон-ихтиёри, аммо... Маккаи мукаррамага нечанчидир гал ташриф буюраётганлар (етти қатла ҳаж қилганлар бор!)нинг айримлари, балки аксарияти бошқа орзумандлар, бир неча йиллаб навбат кутаётган талабгорлар ўрнига, уларнинг навбатларини ортга суриш ҳисобига келишгандир... (Хизмат, вазифа тақозоси билан келувчилар бундан мустасно албатта).

Яна бир мулоҳаза.

Айримларнинг ҳажга қайта-қата талпинишлари сабаби уларнинг яна хатога йўл қўймай, ҳожиликнинг талаб ва қоидаларини бузмай юришга ишончлари қанчалик эмаслигидан эмасмикин? Ҳожиларнинг барча айбу гуноҳлари авф этилиб, онадан янги туғилгандай бокира, мусаффо бўлиб қолади, деган сийловни баъзи бандалар суистеъмол қилишмаяптимикин?..

Кейин, ҳожилар борган сари “ёшариб” кетаётганга ўхшайди. Илгарилари “ҳожидан” деганда ниҳоятда кам сонли, том маънода художўй, ҳар жиҳатдан ўзини тўхтатган, беш вақт намозу бошқа амалларни қанда қилмайдиган, оппоқ соқоли ўзига ярашиб турадиган нуроний, улўғсифат кишилар кўз олдимишга келарди, битта-иккита “ҳожидан”ларнигина билар ё эшитардик. Мана бугун бу ерда... аёллар, ёш-ёш жувонлар ҳам бисёр. Тўда-тўда бўлиб юришибди. (Уларнинг маҳрамлари нечукдир кўринмайди). Чодиримиздаги ўттиз нафар эркакдан атиги етти етти-саккизтасигина олтмишдан ошган. Энг мўътабар қария Собиржон тоға Умаров 91 ёшда. Ўта мулоимлиги, ихчам жуссаси, гапириш оҳанги, ҳатто юз тузилиши шоир Ҳабибийни эслатиб юборадиган бу отахонга (бечора куни бўйи чодирда ётади) ўғли Иброҳимжон ҳамроҳ экан. Умиджон Комилов, Ойбек Каримовлар оналарини олиб келишибди – қандай бахтли инсонлар, уларга Аллоҳнинг раҳмати ёғилса ажабмас.

Очиқ чехрали Умиджон, Ойбеклар гуруҳ аъзоларига ўғиллари, укалари каби елиб-югуриб, сидқидилдан хизмат қилишарди. Лекин ҳали анчагина ёш бу йигитлар ва мустақил келган бошқа ёшлар ҳожиликнинг анча мураккаб ва муқаддас шартларини умрлари давомида тўла бажариб юра олишармикин?...

Собиржон тоғага эса, барибир ҳавасим келди. Балки ҳаж унинг энг улуғ бир армонининг ушалишидир. Оқсоқолга кейин, Андижонда бир кўзим тушиб қолиб, худди отамни кўргандек суюниб кетдим. Афсуски, сўрашишнинг иложи бўлмади. Эски шаҳар бозори олдида Зайнобиддин ҳожи ака билан бораётган эдик, Собиржон тоға оппоқ бир “Нексия”да ўтиб кетди. Машина ичи тўла бўлиб, ҳайдовчи ва бошқалар нотаниш эди, тўхтатишга иймандик...

Ер ости йўлларидадан ўтаётганимизда юртда эшитилган: биров қоқилиб-нетса, қолаверади, бир киши йиқилса, орқадагилар уни эзиб тушади, тўс-тўполон бўлиб кетади, деган ваҳимали гаплар қулоқларим остида жаранглагандай бўлади. Ҳақиқий тўс-тўполон ер ости йўлларида эмас, шайтонга тош отиш майдонида юз бераркан...

Туннелларда, айниқса, очиқ йўлларда тиланчилар кўп эди. Барзанги ногирон, майда болалар, аёллар ҳаммаси бир тусда – тўқ жигарранг. Ожизаларнинг кексаси йўқ, ёш жувонлар, қизлар. Эркакларнинг ҳам қариси кам. Бир жойда оёқ-қўллари майиб тўрт-беш ёшлар чамасидаги – она сути оғзидан кетмаган гўдак чалқанча ётибди. Гапирмайди, узатадиган қўллари ҳам тили ҳам мажруҳ – жимгина мўлтаяди, холос. Ёнида ҳеч ким йўқ. Уни бу ерга тагига қалин қоғоз тўшаб ўрнаштириб қўйган “ҳожаси” нарироқда кузатиб турган бўлса эҳтимол... Шундай ногиронлар борки, улар таналарининг аянчли ё жароҳатли қисмини атайин яланғочлаб олишган. Беихтиёр сесканиб кетасиз ва Худога юз, минг боралар шукр келтириш фикри дилингизнинг туб-тубидан ўтади.

Биз тушган манзилдан Жамрат-ул ақобага тўрт-беш чақиримлар бор. Шу масофада соғу майиб тиланчилар юзлаб эди-ёв...

Ёймачиларнинг аксарияти, ҳали барвақт бўлгани учун, шундоқ йўлнинг икки тарафида матоҳларига бошини буркаб ухлашар, нарсалари оёқлари томонда очиқ, сочилгандай тартибсиз ётарди.

Ҳожилар шу қадар кўпки, у ёқ-бу ёққа чалғиш мумкин эмас. Ҳар бир одимни ҳушёрлик ва зийраклик билан ташлаш лозим. Шериклар бир-биридан узилиб, ажралиб кетмаслиги учун олдиндаги ҳамроҳининг елкаларига қўлларини қўйиб, шитоб, айрим ҳолларда лўкиллаб юрадилар. Манзилга яқинлашган сари қадамлар ўз-ўзидан янада шаҳдамлашиб, қалбларда нотаниш ҳиссиётлар ғалаён қилаётгандай бўларкан. Сиртдан ҳамманинг муқаддас юмушни бажармоққа отланганини ҳис этган ҳолда, кўнгилда андак ҳадик ва ҳаяжон билан олға интилаётганини кузатиш мумкин.

Бугун – биринчи ҳайит куни катта шайтонга еттита тош (нўхотдай, ундан йирикроқ) отиб, қайтиларкан.

Тимсоллар бир-биридан юз қадамларча ораликда, улкан кўприк-йўл остида эди. Катта иблис рамзидан берироқда озгина нафас ростладик, Муҳаммад Содик дуолар ўқиди:

*Бисмиллаҳи валлоҳу акбар. Таргиман лиш-шайтони ва ҳизбиҳ. Ла илаҳа иллаллоҳу, валлоҳу акбар, валҳамду лиллаҳ. Аллоҳумма-жаъл ҳажжжи мабрурон ва саъййи машкурон ва занби мағфурон. Яъни, Аллоҳнинг номи билан бошлайман. У улугдир. Шайтонни ва унинг лашкарларини енгишни бизларга насиб эт. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У улугдир, барча ҳамду сано Унга хосдир. Илло, ҳажжимизни қабул эт, ҳаракатларимизни инобатга ол ва гуноҳларимизни кечир.*

Аслида, бу дуоларни шайтон яқинида, амал ижросига киришиш олдидан айтмоқ лозим экан, лекин ҳозирги вақтда у ерда хотиржам қўл очиб туришнинг асло иложи йўқ эди.

Оломон ичига кириб кетдик. Ҳа, ҳақиқий оломон, бўлак сўз ифодалашаи гумон. Ҳажарул Асвад қошидагиси ҳам ҳолва экан. Биров билан бировнинг иши йўқ. Ҳамма олдидагиларни итариб, ёнидагиларни суриб, гўё қаҳр-аччиқ билан шайтонга ҳамла қилишга интилади. “Ғазовотчи”лар бошқа ўй-хаёлдан батамом йироқ: вазият тақозосига кўра инсонийлик, раҳм-шафқат туйғуси деярли унутиларкан.

Ривоятларга қараганда, тош отиш расми Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоилни қурбонлик учун олиб бораётганида боланинг қўнглига ғулғула солмоқчи бўлган иблисни ҳайдашдан қолган экан. Қуръони каримда ҳам у Аллоҳнинг амридан бўйин товлагани учун тошбўронга лойиқ деб лаънатланган.

Шайтон – томонлари чорак кам бир метрли, бўйи иккинчи қаватга чиқиб кетган чорқиррали ғадир-будир тош устун. Зиёратчилар тепадан – кўприк-йўлдан ҳам келишаркан. Кўплар тошни анча узоқданок ота бошларди. Муҳаммад Содик яқинроқ бориш лозим, деб бизни янада олдинроққа ўтишга даъват қилади. Ўзингизни озгина бўш қўйсангиз, бас, ортингиздаги халойиқ суриб, “иблис”нинг тумшуғи остига олиб бориб қўяркан. Орқадан ирғитилаётган тошлар бош, елка, куракларингизга тапиллаб тегади. Бўйингизни кифтларингиз ичига тортиб, ихтиёрсиз равишда энгашасиз. Лекин кўп энкайиш хавфли - оёқлар остида қолиш ҳеч гапмас. Халойиқ бир-бирининг товонларини, шиппакларини босиб олади. Сочилиб ётган пойма-пой пойабзаллар, тошлар оёққа ботади. Тўда шунчалар ғазабга минганки, ҳатто “Бисмиллаҳи валлоҳу акбар” дейишни ҳам эсдан чиқариб, ҳар хил бақирини, хитоблар билан отишади. Китобларда ёзилганидай, 3-5 метр берида; Маккага чап ён, Минога эса ўнг ёнбоши билан турган ҳолда, тошларни ҳар гал бош бармоқ устига қўйиб, чертиб отиш ва ҳар гал такбир айтиб дуолар ўқиш жуда мушкул иш. Шиддат билан ирғитилган тошлар ўқдай визиллаб учади, “шайтон”га тарсиллаб, сачраб, яна “хужумчи”ларга тегиб ерга тушади. Шайтон-устуннинг остки қисмидаги махсус айлана чуқурлик тўлиб, одам бўйи тошчалар уюми ҳосил бўлган эди. Менинг ҳам елкам, орқа миямга бир неча тош тақиллаб урилди, ҳартугул катта эмас экан. Демак; шунинг учун ҳам майда тош кўзда тутилган экан-да. Агар каттароғи, лоақал ёнғоқдайи белгиланганида борми, боши ёрилмаган, чаккаси ғурра бўлмаган ҳожи қолмасди-ёв.

Шайтон ёнига етиб боришдан ҳам у жойни тарк этиш кўп карра душвор ва машаққатли эди: ҳар томондан ёпирилиб келаётган, жазавага тушган оломоннинг зич орасини ёриб ўтиш лозим.

Хуллас, бир амаллаб четга чиқиб, нафас олдик. Яхшики, бир-биримизни йўқотиб қўймадик. Кимдир тапичкасининг бир пойидан ажралгани учун иккинчисини ҳам ечиб ташлади. Оёқлар зирқирар, жисмонан ниҳоятда толиққан, лекин руҳан енгил тортган эдик.

Йўлнинг йироқлиги қайтишда билинди. Бунинг устига, мудом туртиниб-суртиниб юриш одамни ҳалак қиларди.

Чодирга кирганимизда соат 11га яқинлашган эди. Демак, салкам тўрт соатда бориб келибмиз.

Қурбонликларнинг сўйилганлиги тўғрисидаги хабарлар эълон қилинди. Бир неча кун аввал Зоқиржон аканинг таниши, Илҳомжоннинг узоқ қариндоши Маҳмуд ҳожи ва унинг укаси Муҳаммад Юсуф (шу ерда яшаши; каттаси ошпаз, кичиги қассоб бўлиб, улар ҳам асли Ўзбекистондан, ота-боболари билан бу ёққа келиб қолишган)ларни, таомилга биноан, бизнинг номимиздан ҳайвон олиб сўйишлари учун муаққил қилган эдик. Еттовимиз бир мол (новвос)га келишиб, Маҳмуд ҳожи чамасига кўра, 2200 риёл 600 доллар (ҳар бир кишига қарийб 86 доллардан) пул берганмиз. (Мен бу рақамларни шунчаки маълумот, тасаввур учун келтирдим).

Навбатдаги қоидага мувофиқ соч олдирмоғимиз вожиб эди. Қисқартириш билан чекланиш ҳам мумкин экан, бутунлай қирдирган маъқулроқ дейишди. Барака топгур Қори домламиз, гарчи сартарошлик қилмаган бўлса-да, бу соҳада ҳам анча укувли чиқиб қолди. Ҳаш-паш дегунча Зайнобиддин ҳожи ака, Илҳомжон ва каминанинг бошларини шилиб ташлади. Ўзиникига келганда биз қўл қовуштириб турдик, шогирд-мухлисларидан бири Мирзо Мақсуд олиб қўйди. Сўнг навбатдаги амал – эҳромни ечиб, душда яйраб ғулс қилдик. Бу яйраш, лекин, унча татимади. Офтобда ўтириб соч олдиргунча терлаган, кейин илмилиқдан совуқроқ сувда бошни ҳўб ювиб эдим, шабада ҳам эсиб турувди, кўп ҳаял ўтмай чучкириб йўталиш, бурундан сув келиш зоҳир бўлди, томоқ қирила бошлади.

Энди Каъбатуллоҳни етти карра айланиб, ҳажнинг учинчи фарзи – “тавофи ифода”, яъни зиёрат тавофини, кейин саъй арконини бажо этмоқ зарур эди. Бу амалларни уч кун

хайит ичида ўташ мумкин эди, аммо Муҳаммад Содик китоб кўриб, биринчи хайит кунгиси афзал экан, деб бизни асрдан кейин Ҳарами шарифга етаклади. Икки юз қадамлар чамаси нари кўп-

рик устидаги бекатда қийинчилик билан автобус тутдик. Серкатновлик шу даражадаки, машиналар қадам-бақадам жиларди. Ҳадемай кун ботди. Шомни автобус ўтиргичлари орасидаги тор йўлакда навбатма-навбат, қисилиб-қимтиниб адо этдик. Хуллас, Байтуллоҳга хуфтон палласида етиб бордик, ичкарига киришга улгурмай, ташқарида тиз чўкдик.

Ҳарам томидаги пурвиқор минораларга ўрнатилган радиокарнайлардан янграйдиган ифодали қироат узоқ-узоқларда акс-садо бериб, ҳавода муаллақ сузиб юргандай туюларди. **Сомелар** дилига қандайдир маҳзунлик, ибодат руҳи ва иштиёқини сингдириб, юрак торларини зириллатиб ўтадиган бу фавқулодда бетакрор овозни мен бу ердан бошқа жойда эшитмасам керак, деб ўйлагандим, эшитдим, яна қайда денг, юртда – Андижонда...

Саудиядан қайтганимиздан сўнг жума намози пайтларида Девонабой масжиди ҳовлисидан Эски шаҳар мавзеи бўйлаб худди ана шу йўсиндаги қироат тараладиган бўлиб қолди. Муҳаммад Содик қори Ҳошимжон қори ўғли пешин, шом ва бошқа маҳалларда Каъбатуллоҳ имоми томонидан арабий лисондаги урғу ва изофалар ўрни-ўрнига қўйилиб, маромига етказиб ўқиладиган намоз қироатларининг услуби, оҳанги, сўз товланишларини, салобатли жарангдорлиги, таъсирчанлигини – бари-барини айнан ўзлаштириб олган эди, фақат бу товуш наздимда янада тиникрок ва кўнгилга яқинрок- ўзбекчарок эди, зеро, қироат тақлид бўлса-да, муваффақиятли, хайрли эди..

Тавофи ифодани тугатгач, мақоми Иброҳимда намозга ўтирдик, кейин саъйга ўтдик. Одатдагидай, одам лак-лак – тез юришга илож ҳам, қувват ҳам йўк. Бир кеча-кундуздаги уринишлар, Муздалифадаги бесаранжомликлар ва уйқусизликлар (бандалар сабаб), шайтонга тош отиш машаққатлари, ялангоёқ товонларга урилиб юришлар анча ҳоритган эди.

Ал-Масжид ал-Ҳаромни тарк этганимизда соат 1.00 - ярим тун эди. Байтуллоҳнинг орқа томонидаги бекатга ўтдик, бу ёнидагисига келдик, учинчи жойга бордик. Енгил машиналарнинг эгалари Минога боришга унамас (тиқилинчдан тайсаллашарди) ё кира ҳақини жуда қиммат – ҳар бир бошга эллик риёл айтишарди. Бир таксида меҳмонхонамизга етиб олдик. Шу ерда тунаб, Минога эрталаб кетмоқчи бўлиб эдик, опалар хонасининг калити чодирда қолган экан. Соат уч эди. Катта йўлга чиқдик. Минога десак, киракашлар кўл силтаб жўнаб юборишарди. Рафсимон бир улов ҳайдовчиси ҳар кишига ўн риёлдан сўради, хўп дедик. Боякиш шофёр содда ва лақмагина экан. Тиқин янада баттарлашган, бунинг устига, бангладешлик киракаш кўчаларни яхши билмасди. Муҳаммад Содик ҳар қадамда тушиб полициячилардан йўл сўрайди – у кўп вақт машина ёнида – яёв борарди. Машина пиёдадан ҳам секин, имиллаб юрарди. Ҳайдовчи сал “нақарок” шекилли, тўхтовсиз гапирар (ҳеч кимнинг тушунмаслиги билан иши ҳам йўк), тўсатдан хиргойи бошлаб юборарди.

Бу атрофлар ҳам оппоқ қорга бурканган арчага ўхшаган чодирлардан иборат эди. Бир неча юз мингта қапа тикилган, деган гап қулоғимга чалинди. Ишонмадим. Борингки, юз мингта бўлганда ҳам ҳазиллакам рақамми бу? Қанча мато ва бошқа ашё, қанча маблағ, қанча меҳнат кетади!...

Вақт имиллаб, ўтмаётгандай туюлар, бедорлик асорати қийнар, кўзлар ачишар, ухлашга автомобилларнинг шовқин-суронлари, ҳайдовчиларнинг бир-бирларини қичаб-қистаб бақирришлари монелик қиларди. Аммо бошимизни ҳарчанд кўтармайлик, эгилиб-пастлаб, иягимиз кўксимизга тегиб қолаверарди. Улов ҳам эски бўлиб, амортизаторлари яхши ишламас, боз устига тебраниб-силтанавериб эзилган вужудларимизни безиллатарди. Маккаи мукаррамадан Миногача бўлган етти чақиримлик масофа шу кеча етмиш чақиримдан ҳам зиёдароқдай туюлди.

Бир жойда полициячи манзилимиз - умумий белги рақами 116, Ўзбекистоннинг

белги-рақами 31 (чодирлар мавзеи)га буриладиган чорраҳадан анча ўтиб кетганимизни айтди. Машина орқага қайтолмас эди, тушдик. Таваккалдан, тахминлаб жилавердик. Бу орада тонг ёришди. Оёқларни аранг судраб босардик. Хуллас, пакамизни топиб борганимизда соат эрталабки 7 эди.

## 2 февраль, душанба

Бир-икки соат мизғигач, яна шайтонга тош отиш учун кўпчилик бўлиб жўнадик. Олдинда бақувват, Алпомиш келбатли йигитлар - Кенжабой (у мен ишлайдиган бино – вилоят ҳокимлиги бошқарма ва бўлимларининг коменданти, шу ерда – Минода кўришиб қолдик), Мирзо Мақсуд, Умиджон (ҳамчодиримиз) ва бошқалар оломонни ёриб, йўл очиб боришарди. Кейинги қатордагиларнинг четдагилари бир-бирларининг елкаларига кўл қўйишиб (орага бошқалар кириб, гуруҳни бўлиб қўймасликлари учун), мумкин қадар бир-биримиздан узилмай юришга ҳаракат қилардик.

Бугун ҳар учала – катта, ўрта ва кичик шайтонга еттидан тош отишимиз лозим. Тунги тентирашларда раҳбарнинг оёғи шилинган экан, узрини айтиб, тошларини менга берган.

Халқ кечагидан тирбанд, юриш машаққатли, майиб-ногирон тиланчилар янада кўп эди. Таажубки, аксарияти кечаги жойида ўша ҳолатда ўтирар ё ётарди. Тўрт-беш ёшдаги оёқ-кўллари мажруҳ қоп-қора болакай ҳам айнан “хос” ўрнида чалқанча тушиб, ғамгин, дард тўла кўзларини мўлтиратиб ётибди. Афсуски, буларнинг барига садақа етказиш амри маҳол, қолаверса, чўнтақдан пул чиқаргунингизча шерикларни йўқотиб қўйишингиз ҳам турган гап.

Бугун одамлар нимагадир тўхтаб-тўхтаб силжирди. Эрталабки воқеадан кейин ҳаракатни тартибга солиб туришибди шекили, деб ўйладик. Азонда шайтонлар тепасидаги кўприқдан, яъни иккинчи қаватдан тош отаётганларнинг бир тўдаси бир-бирларини суриб пастга тушиб кетишибди, икки юздан ортиқ киши нобуд бўлибди, деган “миш-миш” чодирлараро ўрмалаб қолувди. Аниғини Зокиржон ака Андижонга сим қоқиб билди. Россия телевидениеси ҳам шундай хабар тарқатибди.

Аслида, менимча бундай нохуш воқеалар юз бермаслиги ҳам мумкин. Фикри ожизимча, аввало, ҳар йили миллион-миллион ҳожининг келишидан манфаатдор мамлакат, шаҳар раҳбарияти эҳтиёт чораларини кўриб, ғов-тўсиқлар қуриб, шарт-шароитни муҳаё қилиб қўйсалар... Иккинчидан, ўзини мусулмон санаган, узоқ юрт эллардан қанча вақт, пул сарфлаб келган одам сабр этса, олдидаги ё ёнимдаги ҳам мен каби инсон, муслим ва муслима, уни туртиб юборсам, йиқилиши, оёқлар остида қолиши мумкин, деб ўйласа, ўзини тутишга ҳаракат қилса ва “биродарлар, бир-биримизни авайлайлик, ҳаммамизнинг ҳам Аллоҳимиз, ниятимиз бир”, деса, балки бунчаликка бормас... Ахир, асли чин мусулмонлик - комил инсонлик демак. Ҳаж ибодатлари эса уни янада комилроқ, мусулмонроқ, ҳалимроқ, сабрлироқ, раҳмдилроқ, беозорроқ, хокисорроқ бўлишини тақозо этмайдими, шунга кўмак бермайдими? Шундай сифатларга эга кимсада худбинлик, бадбинлик, бадфёллилик камроқ, ўзгага ҳурмат, шафқат, одамийлик, диёнат устунроқ бўлса керак. “Шошманг, мен ўтиб олай”, деб бошқаларни четга суришга уринмаслик, аксинча, ўзгаларга, айниқса, катталарга, ожизаларга йўл бериш зарурмасми? Дини ислом, Қуръони карим, ҳадиси шарифларда шундай деб таълим берилмайдими?.. Масалан, атоқли алломалардан бири мавлоно Муҳаммад Закариё Кандехлавий ўзининг “Ҳазоилул ҳаж” китобида ҳаж фазилати ва одобларига оид Қуръони карим оятлари ҳамда Ҳадисларни шарҳлар экан, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг **“Ҳаждаги яхши амал мулоийм сўзлаш ва кишиларга таом беришдир”**, деган марҳамати юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича ифодалайди: **“Зеро, ҳажда талашиб-тортишиб, жанжаллашиб тақиқланади. Ҳожилар камтарин, хушхулқ, ўзаро марҳаматли бўлишлари керак. Ҳажда ўзгаларга ҳар қандай зиён-заҳмат етказишдан сақланиш ҳамда ўзгалардан етган ҳар қандай азиятларга сабр қилиш яхши хулқ аломати ва шартидир”**. Мана шундай билим ва тушунчалардан беҳабарлик аломати

шуки, шайтони **лаъиннинг** тимсолларига тош отиш учун тўда ичига кириб бораётган хожи (Парвардигор қабул этган бўлса!) олдидаги қавми эркакми, заифами, ёшми, кексами – қараб ҳам қўймайди, ёпишиб, суриб, итариб бораверади. Балки бу иблиснинг иши, васвасасидир... Балки бу бебошона хатти-ҳаракатларни Аллоҳнинг азиз зотига сажда қилишдан бош тортиб, жаннатдан қувилган ва қасдига нотавон бандани йўлдан оздириб, унинг ҳам беҳишти маъводан бадарға этилишига эришган шайтони **лаинга** ҳамла, ундан ўч, алам олмоқ аҳди, жаҳди, ёвузликлар, хиёнатлар, жиноятлар, борингки, жамики ёмонликлар сабабчиси, “онаси” бўлмиш бадният, бадбин махлуққа нисбатан ички, шиддатли тугённинг жунбушга келиши... дея баҳоламоқ дурустмикин... Ундай десак, умумий овқат тарқатиладиган жойларда таом олиш, лифтга ё автобусга чиқишда ҳам ўзини четроққа тортиб, катталарга, аёлларга йўл бўшатадиганлар кам, жуда кам!.. Аслида, мусулмончилик, ибодат намоз, ҳаж ва бошқа фарзлардангина иборат эмас. Китобларда таъкидланганидай, **“бировга яхшилик қилсангиз ҳам ибодат, яхши гап айтсангиз ҳам ибодат, яхшиликка чорласангиз ҳам ибодат”**. Бинобарин, бировга озор етказмаслик ҳам, умуман яхши инсоний фазилатларнинг барчаси ибодатдир. Ахир тўполон-тиқилинчда танига бир зарб, захм етганнинг дили ҳам озорланади-ку. Албатта, худбинлик, ваҳшийлик унсурлари ҳар бир жонзотда шак-шубҳасиз мавжуд, лекин ҳар қандай иллатнинг ҳам чеки-чегараси бўлмоғи керак-да.

Жамарат бўсағасида нафас ростлаб, яна Муҳаммад Содик дуолар ўқиди, эҳтиёткорлик, бир-биримизни кўздан қочирмаслик тўғрисида огоҳлантирди.

Ушбу маносик ижро этилаётганда ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолар, бунинг устига, баъзилар тўрт-беш киши номидан тош отиши керак, бу икки юздан ортиқ тош демек. Ҳаммаси ҳар сафар такбир айтиб, малъун-шайтонга, золимлар, мунофиқларга лаънатлар бўлсин, дея қарғишлар ёғдириб ирғитгунча анча фурсат ўтар, лекин “ҳаммамиз баравар чиқамиз” деган келишувга биноан амални бажариб бўлганлар иблисни сўкиб, орқа ва ён тарафлардан келаётган, аксарияти қиррали тошлардан ҳимояланиб, яна “сур-сур”да йиқилиб тушмаслик эҳтиётида туришади, шериклар тошларини тугатишгач, келбатли, бакуват бошловчилар ташқарига қараб юрадилар, бошқалар нажоткорларнинг ва бир-бирларининг дуч келган жойларидан маҳкам тутган ҳолда, каллаларини пастга эгиб эргашадилар. Озчилик, айниқса, бир-икки киши шу қадар жипс ҳалқани ёриб ўтгунча хийла азоб чекиши муқаррар эди. Менимча, “шайтон қувиш” рукни маросимининг тартиб-қоидаларини яхши билмайдиганлар ҳам кўп эди.

Шу тариқа учала иблисни тошбўрон қилиб бўлгач, ўнгга – холироқ майдонга йўналдик. Қори домла боз қиблага, Каъбатуллоҳ сари юзланиб, дуолар ўқиди.

Қайтдик. Йўл тошу қоғоз, селофан халталар, пойма-пой шиппақларга тўлиб кетганди.

Шомгача чодирга етиб оламиз, деб ўйловдик. **Жамарат** гирдобидан қирқ-элик қадам босишимизга азон айтиб юборилди. Йўл четидаги ёймачиларнинг елим бўйрасида саждага бош қўйдик.

Тумовланган кўп, йўталлар баравж. Об-ҳаво тез-тез ўзгаради: бир оз куёш қиздиргач, туйкусидан этни жунжиктирувчи шамол эсади. Мўътадил либосда, ҳолатга мос юрадиган араблар иклимига кўникмай туриб юпқа кийинган ва кўп чой ичиб, кўп терлайдиган ўзбеклар салқин шабадада бир зумда акса ура бошлашади. Жумладан камина ҳам...

### 3 февраль, сейшанба

Бомдоддан кейиноқ яна бир гуруҳ билан “иблислар макони”га йўл олдик. Бугун одам ҳайтовур кечагичалик қалин эмас эди, бир мунча эркинроқ кетдик. Аммо Жамаратга киравериш ҳаддан ташқари тўполон экан. Унинг устига, етакчилардан бирининг таклифи билан даврага чап тарафдан ёндошган эдик, тош бўронида қолдик. Халойиқ суриб, шайтоннинг нақ тумшуғи тагига олиб бориб қўйди. Бу ер янада хавфли эди. Тагин

шерикларнинг ҳар бири тўрт-беш ҳожининг тошини ирғитиб бўлгунча у ёқдан-бу ёқдан зувиллаб ўтаётган “пайкон”лардан авайланиб, тош теккан жойларни силаб-сийпалаб, силтовларда тебраниб туришга тўғри келди. Иккинчи - ўрта шайтон (Жамратул-вустода)ни “куваётганимизда” орқа миямга бир дайди тош шунақа тарсиллаб тегдики, анчагача зирқираб оғриди. Бош ёрилдимикин, деб ўйладим (Тош камида соққа ёнғокдай эди-ёв!). Ҳажбошимиз депсовда қолаёзди. Четга чикқач, унга ачиниб, ўша малъунга шу даражада бақамти бориш шартми, берирокдан отсак ҳам етади-ку, дедим. Қори домла ўзининг чекаётган заҳматларини писанд қилмай, “йўқ, яхши, яқиндан уряпмиз, амалларимиз тўкис бўляпти” деди мамнунлик билан. Уни қўлловчилар бор эди.

Учинчи кичик шайтон – Жамаратул – суғродани ҳам шундоқ биқинига бориб “адабини бердик” ва Аллоҳга минг қатла шукрки, оломон орасидан, тошлар дўли остидан беталофат, эсон-омон чиқиб олдик-да, ҳаммамиз бағирлашиб, бир-биримизни кутладик.

Дарвоқе, бугун Жамаратда яна ҳалокат юз берди. Қулоғимизга уч кун мобайнида иблис билан “жанг”да 251 киши нобуд бўлди, деган маълумот чалинди. Аммо уларнинг шаҳид ё шаҳид мақомида кетган-кетмагани ёлғиз Худога аён, дейишди. Ҳартугул, улар сафида бизнинг юртдошлар йўқ эди.

Тамаддидан сўнг биз меҳмонхонага қайтмоққа чоғландик. Албатта, одеял, майда-чуйдалар, шу ерда харид қилинган совға –саломлар билан юк-тақларимиз анча қаппайиб, оғирлашган эди. Хонадош-чодирдош йигитлар Умиджон, Ойбек, Қори домланинг содик шогирдлари Раҳматилло, Мирзо Мақсуд ва бошқалар – ўн чоғли киши тугун-бўғинларимизни кўтаришиб, анов кунги кўприк тепасидаги бекатга чиқариб, кузатиб қўйишди. Отасига раҳмат шуларнинг – қандай қобил, яхши инсонлар-а! Бизга кўп марҳаматлар кўрсатишди. Аллоҳ улардан рози бўлсин, ниятларига етишсин.

“Ал-Азизия”даги бешовлон тикилиб ётган хонамиз кўзларимизга жуда кенгдай туюлди. Оёқ-қўлларимизни узатиб, чарчокларга қарши уйқу билан курашмоққа киришдик.

#### ***4 февраль, чоршанба***

Бугун кечгача мен хотиралар (бир неча кундан бери қўл тегмаган – Минодаги тикилинч ва заҳматлар ичида ёзиш имкони ҳам йўқ эди) қоралаш билан банд бўлдим. Тунда, соат иккиларда опаларнинг юкларини махсус ҳайъатдан ўтказиб, юк машинага топширдик. Опаларнинг ўзлари соат олтиларда автобусда Жиддага – аэропортга жўнаб кетишди.

#### ***5 февраль, пайшанба***

Тун бесаранжом, уйқу чала ва беҳаловат кечгани туфайли вужудда анча ланжлик билан турилди ва Муҳаммад Содик, Илҳомжон - учаламиз Ҳарамга йўл олдик (Катталаримиз кеча бориб келишган эди).

Каъбатуллоҳ атрофидаги майдон тўла, кўкраклари куракларга, елкаларга ёпишиб айланаётган халойиқ қирғоғидан тошай деб, лимиллаб оқаётган дарёга ўхшарди. Ўҳ-хў, деб ваҳима босади. Лекин Қори домла бу борада шиддатли ва қайтмас. У қат-қат ҳожилар орасини ўмгани билан ёриб, Байтуллоҳ сари бошлайди. Ажабки, Каъба яқини четга нисбатан холироқ эди.

Кун иссиқ, турфа хил оғиз ва баданлардан кўтарилаётган ҳарорат, тер иси ва бошқа ҳидлар нафас олишни оғирлаштиради. Яхшики, Парвардигорнинг инояти билан кутилмаганда ҳали у, ҳали бу ердан намхуш эпкин уфуриб қолар, шунда бир ҳаволаниб, сал энгил тортардик. Етти карра айланиб бўлгач, Аллоҳ уйининг эшиги тагига бориб, у ёққа сурилиб, бу ёққа сурилиб хийла тебрандик. Эшик анча баланд, пойдевор тагидан ўсиб чиққан қабарик супа тепасидан узатилган қўл эшик остига – девор зихига етарди. Ҳожилар ана шу дераза рахисимон қиршовдан маҳкам тутиб туришарди. Биз ҳам бир-биримизни йўллашиб ўша қиррага узандик ва шу ҳолатда Каъбатуллоҳ билан хайр-хўшлашдик, яъни



**тавофи видони** ўтадик. Мақоми Иброҳим олдида икки ракатлик намозга тутиндик. Тор жойда одамлар қаршимиздан, саждага бош қўйганимизда елкамиз оша ўтавериб бемалол ўқишга қўйишмасди. Навбатлашиб бир-биримизни муҳофаза қилиб туришга мажбур бўлдик. Кейин тўйиб зам-зам ичдик.

Мен юз-қўлларимни ювар эканман, атрофдагиларга назар солдим – ҳожилар зам-замни бошларидан шовиллатиб қуйишар, оёқларини ювишар – наздимда шундай бебаҳо неъматни исроф этишарди, уни тежаш, эҳтиёт қилишни ўйлаб ҳам ўтиртирмасдилар. Менинг хаёлимга дунё олимлари, тадқиқотчиларининг тоза ичимлик суви тақчиллиги тўғрисидаги бир-биридан ташвишли тахминлари, фаразлари, ваҳимали рақамлар, далиллар келарди. Тоза ичимлик суви етишмаслигидан жаҳонда йилига ўн миллион киши вафот этаётган, яроқсиз, ифлос сув истеъмол қилиш оқибатида ярим миллиард одам турли касалликларга чалинаётган, умуман олганда, бир миллиарддан ортиқ аҳоли ичимлик сувига муҳтож бўлиб турган ва бу рақам тобора ортиб бораётган бир пайтда мана бу ерда нафақат тоза, балки шифобахш обихаётнинг эртақлардагидек мўл-кўллигидан ҳайратга тушар ва танг қолардим...

Қоидасига кўра бир истикондаги зам-замни сувни уч бўлиб, Байтуллоҳга юзланиб, шифо тилаб ҳўпладик.

Шу ерда кўнгимдан бир ўй кечди: бошқа бирон дин билан, ўзга бир имон-**ЭЪТИМОД** билан боғлиқ бу қадар оммавий маросим, эътиқоднинг шу қадар кучлилигини намойиш этувчи амаллар бўлмаса керак...

Мен яна бу улуғ даргоҳга интилиб етолмаган Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг буюк армонларини хаёлимдан ўтказдим, ўзимда андак ноқулайлик туйдим. Ахир, бутун умри, илми, кучи, салоҳиятини илму бадииятга, маънавият ва маърифатга, бошқа эзгуликларга – мудом подшолик билан раият муносабатларидаги тарангликни юмшатишга, ихтилофларни бартараф айлашга, Ҳақ йўлида кўприклар, йўллар, ҳаммомлар, шифохоналар, масжид-мадрасалар барпо қилишга, адабиёт ва санъат, ҳунар аҳлига ҳомийлик кўрсатиш каби хайрли, савоб ишларга сарфлаган, том маънода халқпарвар, динпарвар инсон, мусулмони комил Навоий ҳазратлари Маккаи мукаррама сари бир неча бор тадорик кўриб, отланиб, ҳар гал маълум сабаларга кўра йўли очилмай, талпина-талпина муродига етолмаган-а! Донишманд шоир, мутафаккир Навоий Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўрсатма ва ўғитлари, феъл-атвори, меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, саховат, мўмин-мусулмонлик мавзуидаги ҳадислари шарҳига оид “Арбаин ҳадис” (“Қирк ҳадис”) мажмуасини ҳам бежиз битмаган, албатта. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса “Мубаййин” деган машҳур асарининг алоҳида бир қисмини “Китоб-ул ҳаж” сарлавҳаси билан Каъбатуллоҳу, хожилик арконлари тавсифи, баёнига бағишлаган:

***Бобур, айтилди тўрт фарз тамом,  
Энди бешинчи сари айла хиром,  
Бу бешинчига билки, Ҳаждур от,  
Бўлди умрингда фарз бир навбат.  
Билки, ҳаж шаръ ичра мундоқ турур,  
Каъба тавофига қасд қилмоқтур.  
Сабабу шарту рукну махтурот,  
Вожибу мустаҳаб, суннатлар...***

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, мазкур сатрлар муаллифида ҳам ҳаж муддаоси кучли бўлган. Зеро, шавкатли шоҳ ва жаҳоншумул адибнинг вафотидан бир неча йил муқаддам номашруъ балои офат – чоғир иштиёқини мужоҳидона даф айлаб, тавба-тазарру бажо этмокни ёғийлар аро муҳорабада зафар, нафси аммор била курашувда ғалаба омили, айни вақтда, порсолик, руҳий покланиш, ҳажга ҳозирлик ифодаси ўлароқ дадил қадам эди, дейиш ҳам мумкин.

Ҳарамии шарифни тарк айлашда боз дуолар, истак-илтижолар айтдик, ўзимиз, аҳли

аёлу ўғил-қизларимиз, қариндошларимизга ҳам шу азизу мукаррам жойларни тавоф қилиш насиб этишини тиладик.

Кейин таомилга биноан қиёфамизга мумкин қадар ғамгин, мискин тус бериб, бот-бот орқамизга – муқаддас Каъбага қараб-қараб ташқарига йўналдик.

Қори домла иккимиз шаҳарнинг бир четидаги қай бир маҳкамага бориб паспортларимизни олдик...

\* \* \*

Кундалик-эсдаликлар давоми ҳам “Андижондан Бағдодгача” номли сафарномада хийла муфассал баён этилган. Муҳтасар изоҳ шуки, қайтишда экспедициямиз дастурида белгиланган навбатдаги вазифаларни бажариш мақсадида раҳбаримиз Зокиржон аканинг қобилияти, журъати, жасорати туфайли таваккал қилиб, хийла машаққат билан уруш олови дам тутаб дам липиллаб турган Ироқ мамлакатига ўтдик. Шарқнинг Ўрта асрлардан аввал, ундан кейин ҳам ҳали-ҳалигача илму урфон маркази бўлиб келаётган Бағдодда бир кеча тунадик. Бу кўҳна ва гўзал, қадимий сир-синоатга тўла шаҳарнинг Америка ракеталари вайронага айлантирган қисмларини кўриб юракларимиз увишди.

Лекин, Ҳанафия мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (Имоми Аъзам) қабри-мақбарасини зиёрат айлаш, унинг номидаги масжидда бўлиш толеимизда бор экан.

Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний ва бошқа улуғ аждодларимиз узоқ йиллар илмий-ижодий фаолият кўрсатган, дунё фанлари ривожига салмоқли улуш қўшган “Байт-ул ҳикма” (“Донишмандлар уйи”) олимлари билан учрашдик, Мусо Хоразмий қабрини изладик, лекин афсуски, Бағдоддаги ҳарбий-сиёсий вазият муродимизнинг ҳосил бўлувига имкон бермади. Ироқдан Эронга ўтиб, Ҳамадонда яна бир буюк ватандошимиз, табобат бобокалони Абу Али ибн Синонинг, шоирлар диёри Шерозда Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозийларнинг ораста, умрзоқ қабрларини, ҳашамдор бўлмаса-да, салобатли, мискин кайфият уйғотадиган мақбараларини, зиёратчилар билан гавжум боғ-ҳиёбонларни кўрганда дам қувондик, дам чуқур ўйларга чўмдик. Шунингдек, Шерозда Алишер Навоийдан аввал туркий тилда минглаб ғазаллар битган ва бу ғазаллари иккита йирик девонга жамланган Ҳофиз Хоразмий қабрини, у ҳақдаги бизга номаълум маълумотларни изладик. (Адабиётшуностадқиқотчиларимиз фаразига кўра, Ҳофиз Хоразмий умрининг охирларида Шерозда яшаган ва ўша жойда вафот этган). Бахтга қарши бу борада ҳам ўзимиз кутган, қидирган янги далилларни топишга муяссар бўлмадик.

Шероздан бир неча минг чақирим йўл босиб, яна Техронга бордик. У ерда бизга ниҳоятда қимматбаҳо бир совға мунтазар эди. Элчимиз Илҳомжон Акрамов “Бобурнома”нинг форсча нашридан ва энг муҳими – “Хатти Бобурий”да Қуръони каримдан қилинган кўчирмаларни - Зокиржон ака узоқ йиллар интиланган, орзиққан ноёб бир “ёмби”ни тантанали суратда топширди. Кейин худди шундай бир нусхани Машҳадда, Имом Ризо ҳарам тасарруфидаги “Остони қудси” кутубхонаси мутасаддилари, раҳбаримизга айтган ваъдалари устидан чиқиб, китобат этиб бердилар.

Алқисса, олис, улуғ сафаримиз самарали, зафарли яқунланди. Ҳаммамиз кўнглимизда бир олам мамнуният, шукрона билан Ватанга қайтиб, пойтахт Тошкентга қадам қўйдик...

## НИҲОЯ

Шу ерда сафар таассуротларига, рисолага ҳам нуқта қўймоқчи эдим. Лекин ўша куни тушимга ҳам кирмаган яна бир олий саодат менга интиқ экан...

Пешин намозини Ангренда, асрни Кўқонда, шомни Бўзда – шоир- табиат, ғоят сўзамол воиз, туман имом-хатиби Абдулаҳад Тожибоев билан ўқидик ва соат кечки олтиларда Бобур фондига етиб келдик. Раҳбар хоҳишига кўра, қайтишимизни овоза қилмай, мумкин қадар

пинҳон тутиб, яқинларни овора қилмаслик пайидан бўлинган эди. Лекин барибир анча киши – бешовимизни бир мунча танишларимиз пешвоз чиқишди. Улар орасида “Холис”чилар – жамоадошларим Восит Аҳмад, Абобакр, Дилшодбек ва... мени мудом йўлга кузатиб кўядиган, кутиб оладиган оқибатли, қиёматли дўстим Баҳромжон Қорабой ўғли бор эди... Ҳа, икки кун кўришмасак бир-биримизни излашиб қоладиган, ҳар куни эрталаб ва кечки пайт машинада маҳалласи яқинидан ўтаётганимда кўчасига, дарвозалари тарафга албатта бир назар ташлаб кўядиган, тўй-маросимларда ҳамиша ёнимда турадиган, қувончли ва ташвишли онларимизни доимо баҳам кўришадиган, ҳар бир китобим ва бошқа ёзмишларимни қолдирмай ўқийдиган, муваффақиятимдан дилдан севинадиган қадрдоним, жонажоним ўша унутилмас, қутлуғ онларда ёнимда эди... Бугун шу сатрларни оққа кўчираётган кезларимда У биродари азиз бу ёруғ оламда йўқ... Ундан жудолик мен учун қанчалик оғир йўқотиш эканлиги ёлғиз Аллоҳга ва бир ўзимга аён. Керагида суянч, керагида юпанч эди. Дунёда шундай садоқатли ва меҳрли оғайним борлигини ўйлаб қувониб, кўнглим тўқ, хотиржам юрардим. Чунки бирон муаммо туғилиб қолса, ҳар қандай зарур ишини йиғиштириб қўйиб ёрдам беришга ошиқар, ҳеч бўлмаса мақбул йўл-йўриқ кўрсатарди. Узоқроқ сафарга кетсам, яна бир жон дўстим Ҳасанбой мулла Аҳмадали ўғли билан хонадонимдан хабар олиб, йўқлаб турарди. Кўмаклари, хизматлари (фақат менга эмас, бошқаларга ҳам!) эвазига бир нарса таъма қилишни хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳеч қачон!.. Қисқаси, менинг наздимда, мен учун Баҳром Хорун-ар-Рашиддан ҳам беғараз ҳожатбарорроқ, Ҳотами тойдан ҳам саҳоватпешароқ, комил инсон эди (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин)...

Автобустаги аралаш-қуралаш бўлиб кетган ашқол-дашқол, совға-саломларни топиб, ажратиб олгунимизча хийла вақт ўтди.

Ниҳоят, мен Баҳромнинг машинасига ўтирдим. Абобакр, Дилшод аввалроқ бориб хабар бериб турайлик, деб тезлаб кетишди. Биз шошилмай юрдик, йўл-йўлакай Баҳромларникига кирдик.

Мен уйдагиларнинг нечоғлик зориқиш, интизорлик билан йўл қарашаётганини тасаввур қилардим, лекин кеч бўлиб қолди, опа-сингиллару қизларимга эрталаб хабар берамиз-да, деб ўйладим.

Гуркиров марказига етганимизда уй томондан шитоб чиқишган Дилшодбеклар бизни тўхтатишди.

- Маҳаллада одам жуда кўп, хожи сарполарингизни кийволинг, дейишди.

- Унақа кийимларим йўқ, - дедим. Дарҳақиқат, мен авваллари ҳаждан келганларнинг кўйлақларини кўрганман. Ўзим Маккаи мукаррамада бир ҳолга кўп ажабландим: бошқа юртликлар ўз миллий либосларида юришар, ўзбеклар эса меҳмонхона-ётоққа жойлашиб улгурмай, арабларнинг узун оқ қабоси ва оқ дўпписидан харид қилиб кийиб олишарди. Менга бу қилиқ эриш туюлди. Лекин, юқорида айтганимдай, шерикларим: бизни одамларимиз ҳаждан мана шунақа уст-бош билан қайтишларига кўникиб қолишган, улар ҳожиларни шундай тасаввур қилишади, дейишгач, Илҳомжон иккимиз сотиб олган зардоли ранг афғони коло-шалварни эсладим.

- Ўшани бўлсаям кийволмасангиз бўлмайди, - дейишди Абобакр, Дилшод.

- Қўйинглар, мен ўзимга эп кўрмайман, - дедим. Унашмади.

Қоронғида жомадонларни титкилаб, колони қийинчилик билан топдик. Костюм ичидан кийдим.

Маҳаллага келиб, ҳайратдан, ҳаяжондан эсанкираб қолдим. Кўчанинг ўртасига, шундоқ тақир ерга гиламлар тўшалган, гиламлар устидан оқ сурп ёзилган, пояндоз-йўлнинг икки томонида одамлар бир неча қатор бўлиб, бутун вужудлари нигоҳга айланиб, ғовур-ғувур билан биз тарафга қараб талпиниб туришарди. Машинадан тушишим билан қизларим, опа-сингилларим менга интилишган эди, кимдир “шошманглар, дарвозадан кирмагунча,

кўришиб бўлмайди”, деди. Синглим Маҳбуба яқинимга келиб улгургани, кўришмасликнинг иложи қолмади.

Поёндоздан юриб кетарканман, дам-бадам икки ёндагиларга салом бериб, “яхшимисизлар, тинчмисизлар, раҳмат, раҳмат”, дердим, холос. Тилимга бошқа калима келмасди. Уларнинг ҳаммаси чувиллашиб, бир-бир: “Яхши етиб келдингизми?”, “Ҳажингиз қабул бўлсин”, деб сўрашишарди. Халойиқ ниҳоятда кўп эди: кўни-кўшнилар, кўшни маҳаллалардан келишган катта эркаклару аёллар, ёш йигит-қизлар, келинлар, болалар... Шунда кўзларимдан беихтиёр ёш қуюлиб келди (шу сатрларни оққа кўчириб ёзяману, киприкларимга яна ёш инмоқда). Бу энди Мадинаи мунавварадаги, Арафотдаги обидийдадан бошқача йиғи эди...

Гилам, палос, оқ сурп, атлас ва бошқа ялтироқ матолардан иборат пояндоз то уйгача – юз қадамлар чамасидаги масофага ёзилгани. Ҳаяжоним тобора кучаяр, юрагим ҳаприқарди. “Ҳай-ҳай”га қарамай, баъзилар мен билан кўришмоққа уринарди. Бир ёнимда опа-сингилларим Собирахон, Маҳбуба, келин аям Лобархон, қизларим Наргиза, Нодира, Нозима, келиним Қимматой, иккинчи томонимда бошқа қавм-қариндошлар, ҳамсоялар... Маҳалла-кўй хизматига ҳамиша камарбаста, олижаноб, олийҳиммат йигитлар – отамнинг амакиваччаси Сотқинбой бувам зурриётлари Камолиддин билан Жамолиддин эса каминани бетоқатлик билан зиёрат этмоқчи бўлаётганлардан муҳофаза қилиб боришарди.

Уйимиз олислашиб кетгандай эди.

Ниҳоят, етдим. Дарвозахонада Раҳимберди тоғам, дўстларим Ҳасанбой, Ҳакимжон, Турғунбой, Абдупатто, Муҳиддин, қудаларим Муҳаммадкул, Мамадали, Муроджон, Абдунаби, уларнинг оилалари, ўғилларим Жаҳонгир, Улуғбек (оилам Турсуной одоб, таомил юзасидан ичкарироқда экан), куёвларим Баходир, Музаффар, Тохиржон, бири-биридан ширин набираларим, узок-яқин уруғ-аймоқлар, кўни-кўшни, ҳаммаҳаллалар... Ҳаммаси мени пойлашарди! Биринчи бўлиб тоғам билан бағрлашдим ва ундан дуо қилиб беришини сўрадим, чунки ягона тоғам отамнинг ўрнида ҳам, акамнинг ўрнида ҳам яқин кишим.

Кейин бошқалар билан кучоқлашиб кўриша бошладим. Назаримда жуда узок кўришдим. Ҳаяжоним ҳамон пасаймас, аксинча, ортиб борарди. Айни вақтда дилимдан изтиробли бир армон кечарди: кошкийди ҳозир менинг ўрнимда падари бузрукворимми, онаизоримми ё акам бўлса... Ё лоақал менинг бахтли, саодатли онларимни кўриб, қувончлари ичига сиғмай, тўрида, дуога қўл очиб ўтиришса бўлмасмиди...

Шу пайтда мени (албатта, ҳаж мартабаси ҳурматида) шу даражада иззат-икром билан қарши олаётганларнинг ҳар бирига бошим ерга теккунча таъзим қилгим келарди. Улардан жуда-жуда хурсанд ва миннатдор эдим. Умримнинг охиригача шу азиз одамлар хизматида бўлсам, деган орзу, ният кечарди хаёлимдан. Мана шундай оқибатли ҳамюртлар орасида яшаётганим учун шукрлар айтардим ичимда. Демак, мен кишлоғим Гуркиров билан бежиз ғурурланмас эканман, доимо сафарлардан бежиз муштоқлик билан ошиқмас эканман, кўз очиб кўрганам шу азиз масканни бекорга жон-дилдан севмас эканман.

Шу онлардаги манзара, шу лаҳзалардаги издиҳом кўз ўнгимдан бир умр кетмаса керак.

Мен атрофимни ўраб турган ва ҳавас қилаётганларнинг ҳар бирига ўша азиз, муборак жойларга бориш насиб этишини, дилларидаги барча эзгу мақсад-истакларлари рўёбга чиқишини чин қалбдан тиладим.

Умуман шу оқшом ҳаётимдаги энг ҳаяжонли, энг масрур кунлардан бири бўлди, десам арзийди. Балки, энг ҳаяжонли, энг масрур куннинг ўзидир...

Эртасига эса тонг ёришмай ҳамқишлоқлар, узок-яқиндаги қадрдон танишлар ёпирилиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб кела бошлади.

Камолиддин билан Жамолиддин Маккаи мукаррамадан ота-боболари андижонлик бўлган, афғони кўйлакни бир риёл арзонга берган йигитнинг дўконидан сотиб олганим тилло рангли финжончаларга кўз ёшидай тиниқ, беғубор зам-замдан қуйиб, тавозе билан каминани зиёрат этмоққа келаётганларга узатишарди. Меҳмонлар қиблага – мен тавоф қилиб қайтган муқаддас қадамжолар сари юзланган ҳолда “бизни ҳам етказгин”, дея

шивирлаб табаррук сувни оҳиста, авайлаб хўплашар экан, кўнглим ва вудудим тоғдай юксалиб бораётгандай туюларди.

Шу кунларга, шундай улуғ мартабага етказганига шукр, шукр, шукр...

*2004 йил, февраль – 2007 йил, апрель.*

*ИЧКИ САРЛАВҲА(БОБ)ЛАР:*

**Дебоча.....** ..  
**“Бандихона”да.....** ..  
**Мадинаи мунавварада.....** ..  
**Жиддаи муборакда.....** ..  
**Минода.....** ..  
**Арафотда.....** ..  
**Муздалифада.....** ..  
**Шайтонлар билан “жанг” .....** ..  
**Нихоя.....** ..

# **СОҲИБҚИРОН ЎТГАН ЙЎЛЛАРДА**

**(Сафарнома – 5)**

**Кўрган-кечирилганлар,  
хотиралар,  
мушоҳадалар,  
мулоҳазалар**

*Таниқли адиб, “Ҳинд сориға”, “Андижондан Даккагача”, “Буюклар изидан”, “Андижондан Бағдодгача” каби сафарномалар муаллифи, халқаро Бобур мукофоти совриндори Қамчибек Кенжанинг мазкур китобида Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг Соҳибқирон Амир Темур Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юриши асносида босиб ўтган қадимги Дашти Қипчоқ, яъни ҳозирги Қозоғистон ва Россия ҳудудлари бўйлаб, шунингдек, ўз даврида Амир Темур қаламравига кирган юртлар – Кавказ ўлкалари (Догистон, Озарбайжон, Гуржистон, Арманистон, Тогли Қорабоғ), Эрон, Кўҳна Урганч сафарлари давомида экспедиция аъзолари олиб борган кузатишлар, тадқиқотлар, уларнинг кўрган-кечирганлари ҳақида ҳикоя қилинади.*



## МУҚАДДИМА

Олис ўтмишда яшаб ўтган машхур шахсларнинг турли воқеа-ҳодисаларга, зиддиятларга мўл таржимаи ҳолларини муфассал даражада яратиш мушкул иш. Аммо авлодлар, ворислар уларнинг номаи аъмолларини батафсилроқ билмоқ, ўқимоқ истайдилар. Зеро, бу нарса – илм-фан алломалари, шоир-ёзувчилар, хусусан, давлат арбоблари, саркардалар ҳаёти битигининг бут, мукамаллиги миллатнинг, халқнинг бой, тўлақонли тарихини бунёд этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбек халқи, ўзбек давлатчилигининг дунё саҳнасида ўзини ёрқин намоён қилишига беқиёс ҳисса қўшган буюк Амир Темур бобомиз босиб ўтган умр йўли муаррих олимлар, адиблар, ихлосмандлар томонидан кўп ва хўп ўрганилган, ўрганилмоқда, аммо бу кечмиш, бу солнома қатлари қанча тадқиқ этилган сари, янги-янги қирралари очилиб, баъзи чалкашликлар аниқланиб, ойдинлашиб бораётгани бу борадаги изланишларнинг янада изчиллик билан давом эттирилишини тақозо қилмоқда.

Атоқли зотлар ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ жуғрофий нуқта-мақонларнинг атамалари замонлар ўтиши билан эскириб, янгича дунёқарашларнинг шаклланиши оқибатида беихтиёр ёки баихтиёр ўзгариб, қалам ва тасвирлардан узоқлашиб бориши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода тарихий масканларга илмий сафарлар уюштириб туриш кўп фойдали бир юмушдир.

Бобур номидаги илмий экспедициянинг Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган навбатдаги сафаридан кўзда тутилган асосий мақсад Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бобокалони, буюк темурийлар давлатининг асосчиси Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатининг мустақиллиги, барқарорлиги ва бардавомлигини таъминлаш учун от суришга мажбур бўлган даврларида қадами етган узоқ масофа, қўнимгоҳларни, тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиш ва ўрганишдан иборат эди.

Бир йил аввал интернет орқали тарқатилган, Амир Темур номи билан боғлиқ ғаройиб хабар Бобур халқаро фонди раиси Зокиржон Машрабовни қизиқтириб қўйди. Ушбу маълумот аслида тор доирадаги илм аҳли, мутахассисларга маълум бўлса-да, уни ҳамма ҳам билавермас, боз устига, қадимшунослар ҳам ушбу далилга нимагадир эътибор беришавермас эди.

“Илгари “Темур минораси” деган атама билан ном қозонган “Ксене сағанаси” Варнанинг диққатга сазовор осор-атиқаси бўлиб, у туман рамзида ҳам ифодаланган”, дейилган эди ахборотда. Республика аҳамиятига молик мазкур меъморий ёдгорликнинг яратилиш санаси XIV аср деб қайд этилади. Марқаднинг мустаҳкамлигини таъминлаш ниятида пишиқ ғиштдан фойдаланилган. Ғишт ҳар жиҳатдан чидамли чиқиши учун эса унинг хомашёси - лойига ёввойи қушлар тухуми, туя ёки эчки сути аралаштирилган.

Минора бир вақтлар Катта Ксене деб юритилган «ярим орол»да қад кўтарган. Дахма ичидан аёл жинсига мансуб қабр топилган. Унинг ипак рўмоли, тилла шокила ва тилла узуклари бўлган. Археологлар берган хулосаларга кўра, қабрлар сағанага нисбатан анча кўҳнадир. Минора атрофида яна турли даврларга оид гўртепалар мавжудлиги аниқланган.

Минора-мақбаранинг бунёдга келишига дахлдор бир неча ривоят юради. Улардан бирида ҳикоя қилинишича, ушбу ёдгорлик Амир Темурнинг қизи ва унинг севгилиси хотирасига тиклашган эмиш.

Ривоятнинг бошқа нусхаларида эса бу ошиқ йигит оддий жангчи эмас, балки Тўхтамишхоннинг саркарда ўғли, қиз эса буюк ҳоконнинг қизи эмас, балки суюкли канизаги деб талқин этилади.

*“Амир Темурнинг бу ердан ўтган-ўтмагани номаълум, аммо қабрнинг аслзода хонимга*

*мансублиги аниқ*”, дейилади интернет ахборотида.

Қисқаси, ўзида ажиб кечмиш ва қисматларни пинҳон асраб келаётган ана шу мунозарали обидани кўриш, ўрганиш иштиёқи Зокиржон Машрабовга тинчлик бермай, уни сафарга чорлади. Аввалига у интернетдаги хабарни етказган адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмоновни олиб, самолётда бориб кела қолишни ҳам чамалади, лекин экспедиция раҳбари одатда мўлжалдаги ишлари, режалари дурустроқ салмоқ ва аҳамият касб этишига ишонч ҳосил қилгандан кейин, қатъий қарорга келгачгина дастур ва йўналишларни соҳа билимдонлари билан обдон маслаҳатлашиб, сўнг йўлга чиқарди. Фақат биргина ёдгорликни кўриб келиш учун шунча йироқ масофага бориб келиш албатта мақсадга мувофиқ бўлмас эди. Шу сабабли, ҳам кўзланган йўналиш бўйича ўрганиш, тадқиқ этиш, маълумот йиғиш мумкин бўлган жойлар, объектлар дастури ишлаб чиқилди.

Экспедициянинг навбатдаги сафари Бобур Мирзонинг бобокалони, теурийлар давлати ва салтанатининг асосчиси - Соҳибқирон ҳаёти ва номи билан ҳам боғлиқ манзилларга қаратилди. Тадбирлар режаси тузилиб, экспедиция йўналиши, сафар қатнашчилари таркиби белгиланди. Ва ниҳоят, одатдагидай автомобилда экспедиция олис ва машаққатли йўлга отланди.

*Гарчи Амир Темура Марказий Осиё манфаатлари учун ва Москва князлари билан ҳеч бир алоқасиз... Олтин Ўрда билан кураш олиб борган эса-да, шунга қарамай, у фақат Марказий Осиёни бирлаштиришигагина муваффақ бўлмай, балки Русияга ҳам катта хизмат кўрсатди.*

**А. Ю. Якубовский**

## **Биринчи қисм**

### **ДАСТЛАБКИ САФАР**

*2011 йил, 30 май*

Зокиржон ака аввалига “Ҳаммамиз уйларимиздан тайёргарлик кўриб келаверамиз”, деб, ўзи хонадонида кичкина бир эҳсон қилмоқчи эканини айтиб эди, лекин кўнгли бўлмади шекилли, ўша эҳсонни экспедиция ҳар гал сафарга ош-сувдан кейин жўнаб кетадиган “пакка”га – Бобур боғидаги миллий ошхонага кўчирди. Маросимда хизматчилардан ташқари йигирмадан ортиқ киши, жумладан, фонд ва экспедициянинг кадрдонларидан тарихчи олим, бобуршунос Сайфиддин Жалилов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Комил Мирзаев (охирати обод бўлсин), техника фанлари номзоди Зайнобиддин Мамарасулов, шунингдек, Жўрабой Собиров, Юнусали Пиримкулов, жамоатчилик ва маҳалла оқсоқолларининг вакиллари бор эди. Муҳаммад Содик ҳожи Ҳошимжон қори ўғлининг таъсирчан тиловатидан сўнг Зокиржон ака иккимиз ёш, аммо хийла тажрибали ҳайдовчи Аҳмаджон илкида гижинглаб турган корейс “тулпори” – “Хундай-старекс”га чиқдик. Соат еттию ноль-ноль эди.

Ҳадемай, Андижоннинг яшил боғлари, олтин рангга дўнаётган буғдойзор-далалар ортда қолди.

### **ТОШКЕНТДА**

Экспедициянинг ташкилий ишлари билан боғлиқ муаммолари бор экан, Зокиржон ака жамғарманинг пойтахтдаги қароргоҳида шуғуллана бошлади. Мен кадрдон “Лабзак” меҳмонхонасига жойлашгач, шу ерда қўшилажак ҳамсафарларимиз билан боғланиб, раҳбарнинг жўнаш режаси, вақти ва бошқа масалаларга оид хабар ва кўрсатмаларини етказиб, орада ўз ташвишларим билан андармон бўлдим. Асосан, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этишга тайёрланаётган, жиддий ва ўта масъулиятли рўмон жанридаги илк тажрибам “Палахмон” (дарвоқе, унинг икки қисми “Шарқ юлдузи” журналининг шу йил 1-2-сонларида “Палахмон тошлари” номи билан эълон қилинган эди) тақдирини суриштирдим. Нашриёт бош муҳаррири, ижодкорлар учун ҳамиша дўст ва хайрихоҳ Аҳрор Аҳмедовнинг сафардан қайтуғунимизга қадар китобнинг дунё юзини кўриши яқинлашиб қолиши тўғрисидаги ваъдасини эшитиб, қаноат ҳосил қилдим. Асар Истиқлолни орзулаб ўтганлар хотираси ва Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлангани учун унинг нашрини интиқлик билан кутаётгандим. Аслида, “Шарқ” то

октябрга қадар дарсликлар чоп этиш билан банд бўларди, лекин доимий муаллифларидан бири бўлганим боис менга имтиёз бериб, катта ҳиммат кўрсатишмоқда эди.

Шаҳар айланаман. Янги-янги улкан, пурвиқор иншоотлар, кўприк-йўллар, бағоят хушманзара, хушбахра истироҳат масканига айланган Мустақиллик майдони пойтахтга янада ўзгача латофат ва салобат бағишлаган, камина ўқиган, ишлаган 1960-1980-йиллардаги Тошкент эндиликда дунёнинг манаман деган шаҳарлари билан бемалол беллашадиган, баҳслашадиган тус, қиёфага кирган эди.

Кечки пайт Заҳириддин Бобур ихлосманди Ботирали Йўлдошев билан Ўрдада, “Анҳор” кафесиди учрашдик. Қадрдонимиз, таниқли шоир ва журналист Абдунаби Бойқўзиев, одатдагидай, ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, мен билан бирга.

Ботирали шарқшунос, анча дунё кўрганга ўхшайди. Юрт кезган, жумладан, Ҳиндистонда ҳам бир неча марта бўлган, Бобуршоҳ Иброҳим Лўдий билан жанг қилган Патна шаҳри яқинидаги Бобурпур қишлоғига ҳам борган экан. У билан илгари фақат телефонда гаплашган эдик, мулоқотимиз тезгина қовушди. Бобур Мирзо ва бобурийлар, Ҳиндистондаги Бобур номи билан боғлиқ шаҳар ва қишлоқлар мавзуида рисола битган экан, ўшани кўздан кечириб, фикр (сўзбоши) ёзиб беришимни сўради. (Дарвоқе, Ботирали шу масалада Зокиржон Машрабов билан ҳам кўришган, фондимиз раҳбари ёш бобуршуносга хайрихоҳлик билдириб, уни қўллаб-қувватлашга ҳозирлиги ҳақида менга гапирган эди).

Хуллас, анча суҳбатлашдик.

Тўғриси, мен Ўрдадаги бир вақтлар курсдошлар, кўнгил яқинлар, ҳамкасблар билан тез-тез келиб турадиган, ажойиб лаззатли таомлар, хусусан Тошкентча палов пиширадиган ошхонада ўтириб, унинг ёнидан тўлқинланиб оқадиган жўшқин Анҳор шабадасидан ҳузурланишни, талабалик ва ундан кейинги қизгин дамларимни ҳам кўмсаган эдим. Эсладим, энтиқдим, умрнинг, ёшликнинг чопағонлигига ачиндим...

### *1 июнь, чоршанба*

Муродбахш кун. Зокиржон ака айнан шу ҳикматни ўйлаган бўлса ажаб эмас.

Эрталаб экспедиция аъзолари - Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти соҳиби Муҳаммад Али ва таниқли навойишунос, бобуршунос олим, мумтоз сўз зарғари Ваҳоб Раҳмон меҳмонхона олдига келишди.

Соат ўнларда йўлга чиқдик. Тошкент шаҳри оралаб, шимолга – Келес томон боряпмиз. Яна ўша таниш, омукта туйғулар – саёҳат гашти-сурури, кутилган ва кутилмаган хуш-нохуш саргузаштлар хаёли...

Ўзимизнинг чегара ҳудудимиздан тезгина ўтдик-у, Қозоғистоннинг Қоплонбек деб аталмиш божхона масканида анча қолиб кетдик. Ваҳоб Раҳмон, Муҳаммад Али ва каминани ўтказиб юборишди, аммо одатдагидай машинамизни, демакки, раҳбар билан ҳайдовчини ҳам узоқ тутиб туришди. Биз эса божхона билан унинг кириш-чиқиш дарвозаси ўртасидаги бир дарахтсиз, яйдоқ ерда ичимиз қисилиб типпа-тик кутардик. Бошдан офтоб уради, ўтириб оладиган ҳеч вақо йўқ, у ёқ-бу ёққа силжисангиз, атрофдаги ёш-ғўр аскар-қўриқчилар “Жойингда тур!” дейди. Раҳбардан хижолат бўламиз, лекин барибир уларга ёрдам беролмаслигимизни ўйлаб, баттар қисинамиз. Бир ёқда “Қандайдир ишқал топиб ўтказишмаса-я...” деган хавотир. Бундай ташвиш ҳар галги сафарда бизга ошно. Шу пайтгача бирон чегара-божхонадан қайтганимиз йўқку-я. Зеро, Зокиржон ака дегани ўз мақсад ва дастурларини ҳар қайси йўл билан, ҳатто сиёсат билан ҳам асослаб ҳамини ёлиб келади, бироқ ҳадик биз каби оддий аъзо-фуқароларни ҳеч тарк этмай, кўнглимизга мудом ғулғула солгани-солган эди.

Хуллас, уч соат деганда божхона кўрғонидан чиқиб, эркин нафас олдик ва шунисиға ҳам шукр қилдик. Ахир бундан баттарига дуч келган – чегарада бир неча кунлаб ётган вақтларимиз ҳам бўлган-ку.

Бир неча километрдан кейин, Сариоғоч тумани марказида автомобилни суғурта қилиш

керак, деб яна тўхтатишди. Раҳбар банкка кириб долларни қозоқ тангасига алмаштириб чиқди. Баҳонада ўзимиз ҳам кўримсизгина ошхонада тамаддиландик.

Таомдан сўнг шу ерда биринчи кўчма машварат ўтказилди, унда экспедиция сафари мобайнида қилинажак ишлар, тартиб-қоида, интизом масалалари кўрилди ва оғзаки қарор қабул қилинди.

## ҚОЗОҒИСТОН

*Ҳамонки, биз учун энди хорижий саналаётган юртга ўтар эканмиз, анъанага кўра унинг тарихи ва тақдири ҳақида бир чимдим маълумот бериб қўйсак.*

*Милоддан аввалги асрларда ҳозирги Қозоғистон ҳудудида Қанг мамлақати вужудга келган. Янги эранинг олтинчи асрлари ўрталарида турк ҳоқонлиги, саккизинчи юз йиллиги бошларида, Или ва Чу дарёлари оралигида турғашлар, аср охирида қарлуқлар ҳукумати ташкил топган.*

*IX-X асрларда Қозоғистоннинг ғарбий-жануб тарафлари ўғизлар давлати таркибида бўлган. VIII-XI асрларда шимоли-шарқий ва марказий қисмларда қалмоқлар ва қипчоқлар яшаган бу катта ўлка Дашти Қипчоқ деб аталган.*

*XV аср охирида Еттисувда<sup>1</sup> Қозоқ хонлиги вужудга келган. Кейин хонлик жузларга бўлиниб, Катта жуз (Еттисув), Ўрта жуз (Марказий ҳудудлар) ва Кичик жуз (ғарбий ҳудудлар) деб атала бошланган.*

*1726 йили Абулхайрхон<sup>2</sup> Кичик жуз оқсоқоллари номидан Россия подшоҳига фуқароликка олишини сўраб мурожаат қилади ва илтимос қондирилиб, 1731 йили Кичик жуз Русия ихтиёрига ўтади. 1731-1740 йиллари эса Ўрта жузнинг айрим хон ва султонлари ҳам Русия фуқаролигини қабул қиладилар.*

*Ўн саккизинчи аср ниҳоясида эса Қозоғистоннинг жанубий ҳудудлари, жумладан Чимкент Қўқон хонлиги таркибига киради<sup>3</sup>. 1860 йилнинг октябрида Чор армияси*

---

<sup>1</sup> Еттисув – Қозоғистоннинг жануби-шарқий қисми. Балхашга қуйиладиган етти дарёни ифодалайди. Шимолда Балхаш кўли, шимоли-шарқда Сассиққўл ва Олақўл, жануби-шарқда Жунғория Олатови тизмалари, ғарбда Чу-Или тоғлари билан чегараланган. Тарихий манбаларда Еттисув деганда анча катта ҳудуд тушунилган. Унга Чу дарёси ва водийси ҳам кирган. Саклар, кейинчалик усунлар яшаган. Милодий VI аср охирида Еттисувда Ғарбий турк ҳоқонлиги, сўнгра турғашлар ва қарлуқлар ҳукмронлик қилишган. X аср ўрталаридан Қорахонийлар, XII асрнинг 30-йилларидан Қорахитойлар бошқарган. Мўғуллар босқини даврида (1219-21 й.) бу ерлар ҳам катта талофат кўрган. XVI асрда қозоқларнинг Катта жузи ташкил топган. XIX аср ўрталарида Чор Россияси томонидан босиб олинган.

<sup>2</sup> Абулхайрхон – Кичик жуз хони. 1720-йилларда қозоқларнинг жунғор (мўғул-қалмоқ) босқинчиларига қарши курашига бошчилик қилган. У чингизийлар томонидан ўлдирилган. Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов ва таниқли қозоқ шоири Мухтор Шахановларнинг “Чўккида қолган овчининг охи-зори” китобида Абулхайрхонга юқори баҳо берилган. Масалан, Ч.Айтматов уни... олижаноб, гўзал ҳукмдорларнинг намунасидир деса, М.Шаханов Абулхайрхоннинг ўз жузини Россияга қўшиши ва Хитой билан дипломатик алоқалар ўрнатиши дипломат сифатида ёрқин из қолдирди дея таърифлайди. Абулхайрхон биринчи бўлиб учта жузни бирлаштирганлиги билан қозоқлар тарихида алоҳида ўрин тутиши ҳам таъкидланади. Жуз - юз. Нақл қилинишича, уч юз йигит жанглари олиб боришган ва ўзларининг дастлабки кичик ҳокимиятини яратиб, ҳудудларини белгилаб олишади. Афтидан улар кейин бўлиниб кетишган. Ч.Айтматов ва М.Шахановларнинг афсоналарга асосланиб билдирган фараз, мулоҳазаларига кўра “Қозоқ” атамасининг келиб чиқиши “уч жуз” тарихига бориб тақалади. “Шунингдек, “қозоқ”нинг “казак” сўзи билан ички уйғунлиги ҳам эҳтимол тутилади.

<sup>3</sup> Ўша даврларда Оҳангарон воҳаси, Тошкент, Сайрам, Туркистон, Ўратепа, Талас, Хўжанд, Ўш,

қўшинлари қозоқ отрядлари ёрдамида Қўқон хони аскарларини мағлубиятга учратиб, Еттисувнинг катта қисмини Русияга қўшиб оладилар. XIX асрнинг иккинчи ярмида қозоқ ерларининг Россияга қўшиб олинishi тугалланади.

Октябрь тўнтарышидан кейин, 1918 йили Туркистон Автоном Совет социалистик республикаси таркибига, 1920 йили Қозоғистон АССР тузилиб РСФСР таркибига киритилади. 1936 йили эса СССР ихтиёридаги иттифоқдош республикага айланади.

1991 йил 16 декабрда Қозоғистон Республикаси Олий кенгаши давлат мустақиллиги тўғрисида қонун қабул қилади. Шундан бери 16 декабрь – Мустақиллик куни, миллий байрам сифатида нишонланади.

Евроосийё материгининг марказида жойлашган, бир чети олис Каспий денгизи билан туташ Қозоғистон энди катта давлат, йирик мамлакатлардан бири – айниқса, ҳудуди жиҳатидан: майдони 2724,9 квадрат километр. Аҳолиси 16 миллион. Бизга нисбатан нуфуси икки баробар кам, территорияси эса қарийб тўрт карра катта. Бу масофанинг минглаб чақирими Ўзбекистон билан ёндош.

Расмий маълумотларга кўра, Қозоғистон ҳозир 130 дан ортиқ миллат вакилларига макон, шундан 55 фоизи, яъни ўн миллиони қозоқлар экан. Ўзбеклар тўрт юз минг атрофида, кейин рус, уйғур ва бошқа миллатлар...

Қозоғистон Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ва дипломатик алоқалар ўрнатган.

Ушбу сафарноманинг сўнги саҳифалари битилаётган паллаларда Тошкентда тарихий бир воқеа бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев юртимизга ташриф буюрди. Учрашувлар, мулоқотлар давомида азал-азалдан қон-қардошлик, аҳил қўшничилик негизига қурилган, мустақиллик йилларида янада мустаҳкамланиб, замон синовидан ўтган дўстлик, биродарлик ришталарининг пухталиги яна бир карра намоён бўлди. Сухбат-мулоқотларнинг бош мавзуи барча соҳаларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва муносабатларни ривожлантириш, халқаро майдондаги сиёсий ҳолат, минтақадаги икки халқ учун бирдек аҳамиятли бўлган осойишталикни янада барқарорлаштириш каби масалалар муҳокамасидан иборат бўлди. Стратегик шериклик ва бошқа жабҳаларда келишувлар, битимлар тузилди. Ўзбекистон пойтахтида қад кўтарган Қозоғистон элчихонасининг янги биноси ҳамда қозоқ адабиётининг атоқли вакили Абай Қўнанбоевга қўйилган ҳайкалнинг мамлакат раҳбарлари иштирокидаги очилиши эса икки давлат маданий ҳаётида янги, ёрқин саҳифалар очиши шубҳасиз.

## ЧИМКЕНТ. ҚАТИҚ ПАЙРОВИ

Ошхонадан чиққач, ҳайё-хуй, деб, кун чиқиш – Чимкент сари мутаважжих бўлдик. Ҳар қадамда йўлнинг у ёки бу бетидаги “Қимиз бор” деган реклама-эълонларга кўзимиз тушар, лекин, тамшаниб қўйсак-да, ҳеч парво қилмагандай кетаверардик, нечукким, бояги машварат қарорига кўра сафар чоғида ҳадеб тўхтайтириш мумкин эмас. Аммо, ДАН ходимларининг ола таёғи кобрадай шиддат ва важоҳат билан силтанганида тўхтамасликнинг иложи йўқ эди. Чегара-божхонадан эсон-омон ва нисбатан тез, осон ўтиб олганимиз қувончи ила раҳбар ҳайдовчига уловни ғайрат билан олға суришга изн берган, машинамиз магнитофонида янграётган, бепоён дашту далаларда кетаётган карвонлар мароми ва салобатини эслатувчи мумтоз куйимиз “Насруллои”ни (Зокиржон ака уни экспедиция гимни дерди. Менга қолса, экспедициянинг шартли рамзи (позивной)га “Насруллои”ни, мадҳига эса, “Баҳор айёми” (Бобур ғазали) ашуласини танлаган бўлардим) икки ёнга тебранганча, мириқиб тинглаб бораётгандик, юқоридаги “кобра” роҳатнинг белига тепди. Тезликни ошириб юборибмиз. Хўроз ҳамма жойда бир хил қичкиради,

---

Ўзган, Жалолобод, Иссиқкўл, Олой ҳудуди, Балхаш кўли билан Сирдарёнинг юқори оқими оралиғидаги ерлар ҳам Қўқон хонлиги таркибида эди.

деганларидай, буларнинг кўча кўриқчиларида ҳам меҳмон, андиша, иззат-ҳурмат деган тушунчалар мундайроқ эканми ё муҳожирлар деб ўсал топишдими, жаримани раҳмсизларча, шафқатсизларча олишди. Аламлиси – ғалаба нашидасини сўндиришди, қувончу шаштимизни кесишди. Лекин хом сут эмган бандамиз-да, “олатаёқ” қаҳрига кейин ҳам бир неча бор дучор бўлдик. Умуман, олатаёқ шу бепоён чўлу биёбонларда ҳам кўп экан.

“Кобра” захрини кесиш, пешона тиришларини сал ёзиш учун қатик пайровига тушамиз.

- Ваҳоб Раҳмон! Қатиғингизни ичиб тугатай дедингизми? – деб узоқдан гап ташлайди раҳбар.

- Ҳали бир баклашкаси турибди, - дея жавоб қайтаради Ваҳоб ака соддадиллик билан самимий жилмайиб.

- Қатикни жуда яхши нарса дейишади-да, - деб қўшимча қилади Муҳаммад Али салмоқ билан, ўзини жиддийликка солиб.

Ваҳоб аканинг иккита баклашка солинган алоҳида халтаси бор эди. Ҳар замонда қатик тўла идишлардан бирини олиб, бошини қаршисидаги ўтирғич панасига энгаштирганича оқликдан озгина-озгинадан шимириб, яна авайлабгина жойига қўярди. Буни олдиндагилар унча пайқашмас, камина яқинроғидалигим учун кўзим тушиб қоларди.

- Лекин Ваҳоб аканинг қатиғида бир сир бор-ов, бир ўзи ими-жимида, якка фарёд қилиб оляптилар, - дейман.

- Бошқа жойга борганда, сафарга чиққанда албатта қатик ичиш керак, - уқтиради Ваҳоб ака ҳазилларга парво қилмагандай. – Оқлик организмни янги иқлимга, янги ҳавога мослаштиради.

“Хужум” эса давом этади.

Зокиржон ака:

- Тўғрику-я, аммо сизни қатиғингизнинг хосияти бошқачага ўхшаяпти-да. Ўртоқларнинг шамасидан Янглиш опа оқликни мизожингизни бўшаштириб, ўзингизни совутиб юриш учун атай берганмикин, деган маъно чиқяптими, дейман.

Муҳаммад Али:

- Шу гапда жон бор-ов. Ростиям, келин ая қатикни ҳеч кимга бермай, фақат ўзингиз ичинг деб қаттиқ тайинлаган кўринади.

Камина:

- Опа қатикқа дам солдириб берган бўлишим мумкин.

Кулги кўтарилади.

Ҳаммадан ҳам Ваҳоб аканинг ўзи хузур қилиб, ёш боладай қикир-қикир куладилар. Бироқ охири ҳазилларимиздан безибми ё чиндан ҳам қатикда бир “ҳикмат” бор эдими, иккинчи баклашка яримлаганда идиш-пидиши билан ташлаб юборди.

Яна биримиз қўйиб, биримиз сўз қотамиз.

- Эсизгина, ярим литр қатик ҳайф кетди-я...

- Яна қанақа қатик, денг...

- Чакки қилдингиз-да...

- Агар шу қилиғингизни опа эшитиб қолса борми...

Биз, айниқса, қатик билан бирга пайров ҳам кетганига қаттиқ ачинардик. Аммо, харқалай, кўнгилдаги ғуборлар хийла тарқалиб, чехраларимиз очилиб қолган эди.

Энди йўл бўйларидаги сахро кемаси бўлмиш туялар шарафига бунёд этилган ҳайкалларга ҳайрат билан тикиламиз, Қозоғистон - чўлу биёбонлари мўл юрт-да, деб кўямиз.

Посёлкалар узилиши билан ўлканинг ўзига хос ландшафти – кенглик, бепоёнлик бошланди. Далалар, баланд-паст адирлар ҳазрат Навоий таърифи билан айтганда “*яшил-сориг...*”

Ўттиз беш-қирқинчи километрларда ўнгда “Турбат” деган кўрсатгич-белги кўринди. Қўшиқчи шоир, драматург, кинодраматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ажойиб инсон Туроб Тўлани эслдик – унинг таржимаи холини зод-буд, яъни туғилиб ўсган

шу қишлоғи безаб турарди. Қишлоқ асосий кўчадан ўн олти чақирим ичкарида экан.

Йўл бўйи ўтлари ва дарахтларида табиийлик бор - оро берилмаган – капасимон ёппа ўсган қайрағочлар худди ердан тўп бўлиб униб чиққандай.

Чимкент остонасида, кўчанинг ўнг юзидаги йирик ҳарфларда “ТЕМИРЛАН” деган ном<sup>1</sup> битилган кўрсаткич тахта диққатимизни тортди. Бу Ўрдабасы аудани (тумани) маркази эди. Бошқа ўлкаларда ўз элига, тарихи ё тилига оид жой ё нарсага дуч келган кишининг қалби ўз-ўзидан тўлқинланиб кетиши табиий. Биз ҳам ана шундай ҳислар оғушида дарҳол уловимизни чеккага тортдик-да, апил-тапил ерга сакрадик. Ахир бизнинг олти асрдан буён шундай мартаба шоҳсупаларида эъзоланиб келаётган Соҳибқирон бобомиз изидан юришдан айни муддаомиз ҳам шу-ку!

Демак, йўналиш тўғри олинган экан. Мазкур паннони фото ва видеотасвирларга муҳрлаб, ўзимиз ҳам унинг ёнида суратга тушдик.

Чимкентдаги сермазмунгина тушликдан кейин (ошхоналарнинг Ўзбекистондагидай, аёллар билан гавжум ва банд эмаслиги, умуман холилиги биз учун ҳайратланарли ҳол эди) шимоли-ғарбга қараб кетдик. Икки ён далалар, янтоқзор. Йўл чеккаларида яна шоҳлари тарвақайлаган яккам-дуккам қайрағочлар кўзга ташланади.

Отырар (Ўтрор) туманига кираверишдаги рамзий дарвоза ўзига хос ва маҳобатли ёдгорликни эслатарди. Икки томонидан сарғимтир бетон ғиштдан девор кўтарилган ва иккала тарафда ҳам бургут (хайкали) кўр тўкиб турибди. “Дарвоза” устки қисмининг ҳавода туташган жойидаги “Отырар аудани” ёзуви анча узоқдан ҳам яққол кўриниб турадиган даражада йирик ва аниқ эди. Ёзув ўртасида тасвирланган мавҳумроқ тарихий обида туманнинг рамзи бўлса керак.

Атроф кўм-кўк далалар. Чапда, йўлдан анча ичкарида тераклар кўринади, ўнгдаги далалар юлгунзор, янтоқзордан иборат.

“Дарвоза”нинг орқа тарафи ҳам олди билан деярли бир хил жиҳозланган: ўртада ёзув, тасвир, икки четда бургут хайкали.

Яна бир оз юрганيمизда қаршимиздан “Отырар – Абу Наср Форобий ватани” деган лавҳа чиқди. Кўчанинг икки четида тез-тез ҳикматли сўзлар, мақоллар ёзилган тахталар учраб турарди. Менга, айниқса, “*Отанинг тилаги билан юраги бирдир*” деган ҳикмат маъқул тушди. Ҳақиқатда ҳам шундай-да. Лекин буни ҳамма фарзандлар ҳам билади, дейиш қийин.

Кўй, эчки подалари кўп, бу – чорва мўллигидан далолат эди. Бепоён қамишзор, ўтлоқлар эса ўша жониворларга Аллоҳ инъом этган неъматлардир.

Йўлдан анча ичкарида, у ер-бу ерда кўққайган бинолар чорва фермаларига ўхшайди. Дала шийпонларини ҳам эслатади. Баъзилари оқланган, бошқалари қорамтир тусда.

Оқтепа овулидан ўтдик. Кейингиси “Темир (!) овули” эди.

Овул (қишлоқ) деган жойларда атрофга аланглаб қоламиз. Катта йўлдан хийла ичкарида, чўлнинг ўртасида бир тўпгина (бизнинг таъбиримиз билан айтганда дўппидеккина) уй-жойлар кўринади.

Амир Темур номидаги темир йўл станцияси ҳам шу тарафда экан. Салдан кейин йўл икки ёққа қайрилиб, ўнгга – Ўтрорга, чапга Арслонбоб отага олиб бораркан.

Абу Наср Форобийнинг иззат-икромии у таваллуд топган ҳудудда жойидалиги, уни муносиб эъзолашлари сезилиб турибди. Аллома сиймоси акс эттирилган паннолар шундай тасаввур уйғотади. Шу муносабат билан Ўрта Осиёнинг ушбу буюк мутафаккири, қомусий олим, иккинчи Арасту унвонига мушарраф этилган алломани, унинг Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида ўқиганини эслашдик. Ҳа-да, Туроннинг бу икки машҳур шаҳридаги

<sup>1</sup> Мен гарчи Амир Темур сағанаси очилганда антрополог ва бошқа мутахассислар томонидан Соҳибқироннинг чап оёғи бир неча бор ўткир ва кескир қурол воситасида яралангани аниқлангани тўғрисидаги маълумотларни ўқиган бўлсам-да, кино ва китобларда улуғ Соҳибқироннинг муборак исми-шарифига тиркаладиган “ланг” сифат-қўшимчасини эшитсам, ўқисам кўнглимда ғалати бир ғашлик пайдо бўларди. Ҳозир ҳам менда шундай ҳолат юз берди. Лекин, ҳар не бўлса-да, бутун жаҳон Амир Темурнинг буюклигини, қудратини тан олишга мажбур бўлгани, кўп тарихий жойларни, муассасаларни унинг номи билан аташлари одамга таскин беради.



илмгоҳларнинг қанча-қанча истеъдод эгаларининг камолот касб этишида буюк хизматлари бор!

Темур овулига етай деганимизда ўнгда, йўлдан уч юз қадамлар нарида эски шаҳар қолдиқларига ўхшаш бир манзарани кўриб, Ўтрор шумикин, деб ўйладик, ўзаро муҳокама қилдик, ҳар ким ўз фикрини айтди. Ўтрор бўлмаган тақдирда ҳам, наҳотки шундоқ далада шу тахлитдаги иморатларга бой шаҳарча ё овул бўлса... деб ажабландик. Паст-баланд, катта-кичик минорали, уйсимон томларнинг пештоқлари нақшинкор масжид-мадрасаларни, сарой, мақбараларни ёдга соларди.

- Ўрта аср шаҳарларининг кичик макетига ўхшайди, а? – деди Зокиржон ака ўсмоқчилагандай.

Яқинроқ бориб томоша қилмоқчи ҳам бўлдик, аммо “шаҳарча”га кирадиган йўл йўқ – оралик ғирт дала эди.

- Қабристон, - деб изоҳ берди раҳбар.

Ажабо! Наҳотки дурустроқ уй-жойлар қурилмайдиган жойларда шундай ҳашамдор қабристон бўлса?.. Яқин-атрофда аҳоли яшайдиган қишлоқ ҳам кўринмайди-ку?

Машинадан тушиб, астойдил тикилиб кузатдик. Зокиржон ака ҳақ экан. Зеро у аввал ҳам бу ерларда бўлган, шу кўчадан ўтган эди. Кейин эса, ушбу мамлакатда бундай “тарихий масканлар”ни такрор-такрор кўргач, узил-кесил ишонч ҳосил қилдик. Демак, қозок халқининг ўтганларга эҳтироми шундоқ экан, деган хулосага келдик.

## АРСЛОНБОБ ОТА

Кун аллақачон қайтиб, куёш ўнг елкамизга ўтган, биз энди жанубга қараб борардик.

Арслонбоб ота мақбараси Темир овули марказида, Туркистон йўлининг чап тарафида, гузардан юз қадамча ичкарида эди.

XII асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган тасаввуф тариқатининг машҳур намояндаси, туркий халқларнинг машойих-авлиёларидан бири Арслонбоб ота Хожа Аҳмад Яссавийнинг бобоси<sup>1</sup> ва илк устози, тарбиячиси бўлган. Демак, унинг шу атрофда туғилгани ва яшаб ўтгани аниқ. Ҳолбуки, халқ орасида Арслонбоб ота тўғрисида турли талқиндаги ривоятлар мавжуд. Уларнинг бирида айтилишича, Арслонбоб ота Қирғизистондаги шу ном билан аталадиган қишлоқ (Ўш вилоятининг Бозоркўрғон тумани)да дафн этилган. У жой қадимдан ва ҳозир ҳам муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади.

Кеч кириб қолаётгани учун мақбарани зиёрат қилгани ошиқдик, лекин барибир кўнгилдагидай, хотиржам кўришга улгурмадик.

XII асрда қурилган, 1907 йили қайта барпо этилган мақбарага элтувчи йўлаклар шинам, анча-мунча манзарали дарахт ҳам экилган, теварақда эса, турли даврларда яшаб ўтган уламолар ва бошқаларнинг қабрлари кўп, катта-кичик сағаналар, ҳужралар ҳам бор эди.

Гузардаги мўъжазгина меҳмонхонада тунамоқчи эдик, пашша кўп, дейишди. Биз Ҳиндистон ва Бангладеш томонларда бу шафқатсиз маҳлукдан безор бўлгандик, айниқса, Зокиржон ака у митти найзабон билан сира чиқишолмасди. Қўноқхона бошқа жиҳатлардан ҳам дидимиз ва кўнглимизга унча ўтиришмади. Қоронғи тушган бўлишига қарамай, Туркистонга қараб жилвордик. Катта бир чўлни қоқ иккига ёриб ўтган кўчанинг давоми ҳам илон изидай эгри-бугри бўлса-да, ҳар ҳолда текис ва қатнов кам – беҳархаша эди.

<sup>1</sup> Арслонбоб - Аҳмад Яссавийнинг бобоси деган маълумот ҳамма тарихий манбаларда эмас, айрим китобларда учрайди. Лекин Аҳмад Яссавийнинг маноқиблари (ҳаёти баённомалари) ҳақидаги манбаларда ва хусусан машҳур “Девони хикмат”даги “Етти ёшда Арслонбобга қилдим салом” сатрини чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрсак, Арслонбоб ота – Қул Хожа Аҳмаднинг бобоси деган фикр иштибоҳли туюлади. Қисқаси, ушбу масала ҳам аниқлик киритишни тақозо этади (муал.).

## ТУРКИСТОН. АҲМАД ЯССАВИЙ

*Туркистон Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган қадимий шаҳар бўлиб, азалдан муҳим ҳунармандчилик, савдо марказларидан бири эди. Милодий IV-X асрларда Туркистон ўрнида Шавгар (Шавожар) шаҳри мавжуд бўлган. XII-XVI асрларда Ясси деб юритилган. Туркистон номи Амир Темура замонидан бошлаб истеъмолда. Ўша даврларда уни Ҳазрати Туркистон деб ҳам атаганлар. Амир Умархон даврида Қўқон хонлиги таркибига киритилган. 1864 йили шаҳарни Россия босиб олган. Ҳозир Жанубий Қозоғистон вилоятига қарайди.*

Туркистонга кечки соат тўққизларда етиб бордик. Чимкентдан бу ёғига 150 км.дан зиёдрок йўл юрдик.

Шаҳар хийла ораста ва кўркама экан.

“Ойгўлсин салтанат саройи” мажмуаси таркибидаги меҳмонхонага кўндик. Лойиҳаси, шарт-шароитлари катта шаҳарлардаги каби шоҳона ва бадастир бўлмаса-да, ҳарқалай, дуруст эди. Айлана зиналар билан чиқиладиган иккинчи қаватдаги залсимон бир хонага ўрнашдик.

Чарчоқ ҳиссини (ахир шу бир кунда Қоплонбек божхонасидаги музтарлик, типпа-тик кутишлардан ташқари, ҳазилакам масофани ҳам босиб ўтмадик-да) биринчи қаватдаги ошхонада кабобхўрлик билан чиқардик. Палов емадик, қимрон ичмадик, фақат уларнинг нарх-навосини билиб қўйдик: ош – 150 танга (2400 сўм), 1 литр қимрон 350 танга (5600 сўм) экан.

### 2 июнь, пайшанба

Барвақт туриб, “Султонул-орифин” Аҳмад Яссавий зиёратгоҳига қараб кетдик. Шаҳар қиёфаси оқшомги ҳолатига нисбатан соддароқ, одмироқ кўринди. Тунги чироқлар ёғдуси уни нурафшон қилиб юбораркан чамаси... Ҳали кўчаларда қатнов ҳам, одамлар ҳам сийрак эди. Автомобиль билан ёдгорликка яқинроқ бориш учун шаҳарнинг катта бир мавзеини (ғарб ёқдаги маҳаллаларни) айланиб ўтишга тўғри келди. Мажмуа олдидаги кенг ҳудуд йўлаклар, майдонлар ва гузарлардан иборат эди. Ўзимизнинг хонаки атиргуллар сероб. Фақат улар бир текис ўсмаган ва деярли чеканка қилинмагани боис паст-баланд ва тартибсиз, қаровсизроқдай туюларди.

“Туркистоннинг шайх-ул машойихи” (Навоий таъбири) Хожа Аҳмад Яссавийнинг номи ва ижодий фаолияти Исломи дини, Қуръон ҳамда ҳадислардан келиб чиқадиган талаб ва қоидалар асосида вужудга келган тасаввуф таълимотига боғланади. Ана шу назариянинг Турон - Туркистонда (ҳозирги Марказий Осиёда) кенг тарқалишига Юсуф Хамадоний (1048-1140 й.) катта ҳисса қўшган. Ақиданинг моҳияти эса таркидунёчилик, бу дунё неъматларидан ўзни тийиш, фақат ҳалол меҳнат, тўғри йўл билан кун кечиришдан ва шу ақидаларни халқ орасида тарғиб этишдан иборат эди. Тасаввуфий қарашлар мажмуидан ўсиб чиққан тариқат асосчиси ҳисобланувчи Аҳмад Яссавий Хамадонийнинг энг уқувли, истеъдодли шогирдларидан бири сифатида ўз дунёқарашини бутун мусулмон оламига таратди ва туркий тилдаги ҳикматлари билан шуҳрат қозонди.

Анчадан бери кўнглимда юрган бир мулоҳазани айтиш мавриди келиб қолди. Алишер Навоийга нисбатан ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси деган таърифга кўп урғу берилади. Ҳазрат Навоий, дарҳақиқат қомусий, даҳо ижодкор. Ғазалиёт бобида бундай алломаи киромнинг дунёга яна келиш-келмаслиги даргумон. Ижоди маҳсулининг ҳажман бекиёслиги ва яна барининг жавоҳиротлардан иборатлигини ҳам ҳеч ким инкор этолмайди. Хуллас, буюк лирик, файласуф, мутасаввуф шоирнинг ўзбек мумтоз адабиётини беҳад юксалтирганлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат, ҳар қанча ҳайратга, таърифга таснифларга, таҳсинга муносиб. Фақат, камина (аслида адабиётшунос ҳам эмас, шунчаки бир қаламкаш, Навоий шеърятининг мафтуну мубталоларидан бириман, яъни, бу менинг

мутлақо шахсий фикрим, янглишаётган бўлсам, минг бора узр) баъзида юкоридаги таъриф, киёс, баҳоларга “ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилининг асосчиси...” деган ёрликни ҳам тиркаш шартмикин, деб ўйлаб қоламан. Биринчидан, ҳазратнинг гарданига ортилаётган юк ошиб кетмаяптимикин? Иккинчидан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” кўлланмасининг аввалгию кейинги нашрларида “асосчи” сўзи “*Бирор нарсага асос солган, пойдевор қурган шахс; бирор нарсани барпо қилган, таъсис этган ёки бошлаб берган киши, яратувчи*”, деган маъноларни англатиши таъкидланган. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, ўзбек (туркий) адабиёти, ўзбек (туркий) адабий тили ҳазрат Навоидан аввал ҳам бор эди-ку? Узоқ ўтмишдаги намуналар ёки халқ оғзаки ижодини ҳисобга олмаган тақдиримизда ҳам, Навоидан кўп асрлар муқаддам яшаб ўтишган мутафаккирлар Юсуф хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий (“Қадимги ўзбек адабий тилидан классик ўзбек адабий тилига ўтишда... кўприк бўлиб хизмат қилган”<sup>1</sup> “Ҳибат-ул ҳақойиқ” асари), Аҳмад Яссавий, Дурбек, Сайфи Саройи, Кутб, шунингдек, яқин замондошлари Юсуф Амирий, Хоразмий (“Муҳаббатнома” муаллифи), Навоийнинг ўзи устоз мақомида кўрган “Сўз мулкининг малик-ул калом”лари Атойи, Саккокий, Лутфий ва бошқа адибу шоирларимизнинг салмоқли асарлари, девонлари, форсийдан ўгирган таржималари Ҳазрат ижод қилган, росмана шаклланган ўзбек (туркий) адабий тилида (лаҳжа, шеваларда эмас) яратилган ва ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намуналари сифатида эътироф этилади-ку! Алишер Навоидан роппа-роса тўрт юз йил олдин яшаб ўтган Аҳмад Яссавийнинг туркий оламга машхур ҳикматлари ҳам ана шу адабий тилга мансуб-ку! Атоқли ёзувчи ва тилшунос олим Пиримкул Қодировнинг шу тўғрида куйиниб ёзишлари бежиз эмас: “*Аҳмад Яссавий ҳикматлари ва унинг адабий мактаби шарқда Мўғулистон чегараларигача, шимоли-ғарбда Волга бўйларигача, жанубда Мисргача бўлган шундай кенг ҳудудларда ижод қилган шоирларни бир адабий тил атрофига жислаштиргани ва хилма-хил шеваларда сўзлашган туркий халқларнинг ҳаммаси учун умумий бир дорилфунун бўлиб хизмат қилгани илм-фанда ҳали ўзига яраша баҳо олгани йўқ*”.

Дарҳақиқат, Аҳмад Яссавийнинг ҳозирда истеъдодли хонандамиз маромига етказиб куйлаётган кўшиқ матни бўлмиш биргина ғазалини эсласак:

*Ўн саккиз минг оламда ҳайрон бўлган ошиқлар,  
Топмай маъшуқ чароғин сарсон бўлган ошиқлар.*

*Ҳар дам боши ўргулиб, кўзи халққа телмуриб,  
Ху-ху тею жўркулуб<sup>2</sup> гирён бўлган ошиқлар.*

*Куйиб, ёниб кул бўлган, ишқида булбул бўлган,  
Кимни кўрса кул бўлган, мардон бўлган ошиқлар.*

*Йўл устида ҳақ бўлган, сийналари чок бўлган,  
Зикрин айтиб пок бўлган, нолон бўлган ошиқлар.*

*Ҳиммат қурин боғлаган, юрак-бағрин доғлаган,  
Фарёд уриб йиғлаган, гирён бўлган ошиқлар.*

*Гоҳи юзи сорғариб, гоҳи йўлида гариб,  
Тасбиҳлари ё ҳабиб, жавлон бўлган ошиқлар.*

*Аҳмад, сен ҳам ошиқ бўл, сидқинг бирла содиқ бўл,*

<sup>1</sup> Пиримкул Қодировнинг “Тил ва эл” (Ғ.Фулом нашр.2009й.) китобида қозоқ тадқиқотчиси Н.Келимбетовдан келтирган иқтибос (муал.).

<sup>2</sup> Қоврилиб, куйиб.

*Даргоҳига лойиқ бўл, жонон бўлган ошиқлар.*

Яна Мавлоно Лутфийнинг:

**Жафони жонима оз қилки, ногаҳон бир кун  
Жафо туганса нетарсан, жафо керак бўлса?...**

Ёки:

**Кўрмиш қаро соч ҳалқаси остинда менгингни,  
“Жим” ўртасида ул кишиким нуқта солибдур.**

Ёки:

**Сўзларда қачонким кўзи қоши билан ўйнар,  
Ҳар гўшада юз минг киши боши била ўйнар.**

**Нун қоши учун сеҳр қилиб ер юзини кўк,  
Олмоси кўзум мардуми ёши била ўйнар.**

Ва яна Атойининг:

**Жамолинг васфини қилдим чаманда,**

**Қизорди гул уётдин анжуманда.**

\*\*\*

**Ул санамким сув ёқосинда паритек ўлтурур,  
Ғояти нозуклигини сув била ютса бўлур, -**

каби содда, равон, шу билан бирга рамзий маъноларга, гўзал ташбеҳларга бой ғазаллар ўзбек адабий тилида ёзилмай, қандай лаҳжада битилган?..

Наздимда, агар Навоий ҳазратлари жисман ҳаёт бўлганида “Эй муҳиблар, бундоқ такаллуф учун бағоят миннатдормен ва локин андоқ муболаға нораводир, инчунин, каминани устозлар олдида хижолат қилмангиз, ўсал этмангиз” деб айтган бўлармиди... Зеро, унинг Мавлоно Лутфий ҳақидаги “*Ўз замонасининг малик ул-каломи (сўз подшоиси) эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эди, аммо туркийда шухрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдир*”, Атойи тўғрисидаги “*Туркийгўй эрди. Ўз замонида шеъри атрок орасида кўп шухрат тутди*” деган баҳолари, Лутфийнинг бир неча ғазалига мухаммас ва мусаддаслар боғлаши ҳам ўзидан аввал туркий адабий тилда шеър битган, устоз мақомида кўрган салафларига эҳтиромидан, уларга эътиқод қўйгани, улардан ўрганганидан далолатку.

Хуллас, бу борада, бизнингча, Пиримкул Қодировнинг “*Алишер Навоий – ўзбек адабий тилини мумтозлик даражасига кўтарган сиймо*”<sup>1</sup> деган хулосаси маъқулроқмикин? (Мазкур “чегирма” ҳазратнинг обрў-эътиборига, буюк хизматларига заррача путур етказмас деб ўйлаймиз). Лекин устоз адиб ҳам ўша, бир мақоланинг ўзида “.....*Навоий ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий тилининг асосчиси бўлиши билан бирга...*” деган жумлани қўллайдилар.<sup>2</sup>

Аслини олганда ўзбек адабий тили ва бадиияти ўз тадрижида соддаликдан мураккабликка, жўнликдан мукамалликка қараб борган, бу хусусият Навоий ижодида энг юксак чўққига кўтарилган, ундан кейин, аниқроғи, Заҳириддин Бобурдан мазкур жараён яна соддаликка, халқчилликка юз бурган. XX аср адоқларидан, XXI аср бошларидан модернизм деган оқим таъсирида тилимиз, шеъриятимиз, умуман бадииятимиз яна мураккаблик сари ўрлаётир. Ўйлаб кўрсак, шу маънода Алишер Навоий ўз даври модернистик адабиётининг бобокалони экан.

Яна мавзуимизга қайтадиган бўлсак, 1041 йили Туркистон музофотининг Сайрам (қадимда Исфижоб) кишлоғида Шайх Иброҳим оиласида таваллуд топган Аҳмад Яссавийни дастлаб Арслонбоб ота тарбиялайди, сўнг илму дунёқарашини тақомилига етказиши учун уни Бухорога, Юсуф Хамадоний хузурига юборди.

<sup>1</sup> Пиримкул Қодиров, “Тил ва эл”, 131-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 132-бет.

Яссавий қабри тепасига вафотидан кейин кичик бир марқад тикланган. XIV асрда, аниқроғи, 1397 йили Амир Темур Туркистонга ташриф буюриб, мазкур дахма ўрнида йирик меъморий мажмуа бунёд этиш тўғрисида фармон беради. Бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида шундай ёзади: *“Ва Соҳибқирон Йассига бориб, Шайх Аҳмад Йассавий мазорига бориб тавоф қилди. Деди: “Бу азиз Муҳаммад Ҳанифа ўғлонларидан турур”, алайҳи ва ала олиҳи вассалом. Буюрдиким, ул мазорига устига иморати олий солдилар ва бир улуғ тоқ боғладиларким, кўк била сўзлашур эди. Ва бир гунбади мураббаъ, бир ёни ўттиз қари боғладилар, ва ўзга ҳужралар солдилар. Ва фармон бўлдиким, томларини рангин кошин била музаййан қилсунлар. Ва Хожанинг қабрини оқ тош била йасадилар. Ва Мавлоно Убайдуллоҳ садрни ул иморат устига қўйдурдиким, ихтимом<sup>3</sup> қилгай. Икки йилдан сўнг ул иморат туганди. Ул иморат туганганидан сўнг андаги фақиру мискинларга кўн садақалар бердилар. Ва андин кайтиб, ўрду сари кетти”<sup>4</sup>.*

Бино битгач, Амир Темур унга вақф ерлар ажратишни тайинлайди (Соҳибқироннинг бу борадаги ҳужжати – “Иноятнома – вақфнома” ўн тўққизинчи асрда ҳам амалда эди). Яссавий мақбараси ўзининг кўлами жиҳатидан ўша замонда бунёд этилган Самарқанддаги Бибиҳоним жоме масжиди, Кешдаги Оқсарой ва Дор-ус сиёдат иншоотлари қаторида эди. Зеро Амир Турон ҳазрати Яссавийга бекиёс эътиқоди ва устоз мақомидаги илму заковат соҳибларига садоқати, умуман улуғ инсонларга ҳурмат, эҳтироми туфайли мусулмони комил машойих сағанасининг ҳажми ва маҳобати ўзининг Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасидан бир неча баробар юксак даражада бўлмоғи лозимлигини алоҳида тайинлаган эди.

Мажмуа дастлаб жамоатхона, гўрхона, масжид, катта ва кичик оқ саройлар, китобхона, ҳалимхона, қудуқхоналардан, икки қаватли ҳужралар, ўттиздан ортиқ катта-кичик хоналардан иборат бўлган. Мажмуа ёнбошида ертўла – чиллахона бўлган. Маълумки, Аҳмад Яссавий олтмиш учга кирганда, шу ёшда дунёдан ўтган Муҳаммад (С.А.В.) руҳидан андиша қилиб, қолган ҳаётини (ривоятларга кўра 125 ёки 135 йил умр кўрган) ер остида тоат-ибодатга бағишлаган). Табиийки, энди уларнинг ҳаммаси мавжуд эмас, борлари ҳам кўрғазмали ашёга айланган.

Зиёратгоҳнинг энг нодир ва қимматбаҳо мулк-бойлиги – асосий катта хонанинг ўртасида “қўр тўкиб” турган салобатли, афсоналарда таърифланадиган, аммо том маънодаги қирқ қулоқли дошқозон бўлиб, у ҳам Амир Темур буйруғи билан яралган. Бу ноёб рўзғор буюми ҳажм-сиғими жиҳатидан ҳам дунёда яккаю ягона бўлса, ажабмас. У тўрт минг кишилиқ таом пиширишга мўлжалланган. Етти хил маъдан – олтин, кумуш, қўрғошин, темир, пўлат, руҳ ва мис қоришмасидан тайёрланган ва шарқона безаклар билан зийнатланган. Унинг диаметри салкам икки ярим метр, оғирлиги қарийб бир ярим тоннани ташкил этади. Унга 60 пақир – 600 литр сув сиғади. Лекин ниҳоятда бежирим, қулай ишлангани учун ваҳимали даражада катта кўринмайди. Назир-ниёз қозони деб аталган бу улкан идишда турли маърақа-маросимларда ҳалим ва бошқа таомлар пиширилиб, маҳаллий аҳоли ва меҳмонларга, камбағал-бечоралар, мусофирларга тарқатилган.

Ривоят қилишларича, Амир Темур ҳарбий юришларининг бирида Сайрамда тўхтаган ва қўшинни боқишда муаммоларга дуч келган. Шунда амиру мулозимлари, ҳунармандларга тўрт минг кишилиқ овқат пишириш мумкин бўлган қозон ясаш ҳақида топшириқ беради. Қозон лойиҳаси учун танлов эълон қилинади. Шунда моҳир уста сифатида танилган Абулазиз ибн Шарофиддин Кошғарийнинг тарҳи Соҳибқиронга маъқул тушади. Шу боис уста Абулазиз Кошғарий “Қозончи уста авлиё” номи билан машҳур бўлиб кетади.

Советлар даврида ана шу осор-атиқа ҳам Ленинград (Сант-Петербургда) олиб кетилган ва Эрмитаж отлиғ бадий-маданий, тарихий музейда эллик йилдан зиёд “меҳмон” бўлиб қайтган.

<sup>3</sup> Ихтимом қилмоқ – раҳбарчилик, назорат қилмоқ.

<sup>4</sup> Мақбара 1397 йил декабрида бошланиб, 1399 йил охирида ниҳоясига етган. Демак, Амир Темур қурилишни назорат қилиб турган ва унинг битиши муносабати билан катта эҳсон маросимини ўтказган.

Тарихий обида бугунги кунда чор-атрофга салобат тўкиб турибди. Юнеско томонидан жаҳон маданий мерослари рўйхатига киритилиши мазкур ёдгорликнинг қиммати ва аҳамиятидан далолатдир.

Мажмуа шифтлари, пештоқларига безак берган наққошлардан Уста Сафар, Ҳожи Ҳасан Шерозий, Шамс Абд-ул Ваҳҳоб Шерозий (мажмуа бош меъмори), Иззатиддин ибн Тожиддин Исфажонийларнинг номлари ҳам бино билан бирга хануз ўқилиб, ёдга олиб келинмоқда. Уларнинг исми-шарифлари кириш эшиги тепасидаги тош лавҳада қайд этилган. XVI асрда қўшимча бинолар қурилган. XIX асрда эса Қўқон хони томонидан мажмуа тевараги ғишт девор билан қўрғонланган.

Умуман иншоот турли даврларда бот-бот таъмирлаб турилган. 1978 йили музейга айлантирилган.

Қабристон, мақбараларнинг муштарак жиҳатлари бор: уларда ҳамиша сукунат ҳукмрон бўлиб, баъзида қандайдир илоҳий синоат пинҳондай туюлади. Шунингдек, мазорот ва дахмалар зиёрати охират ваҳми ва қайғусини ёдга солади.

Амир Темур услуги ва шарқона тарҳдаги мажмуа улкан ва баланд бўлгани учунми, янада салобатли, янада виқорли ва янада сирлироқ кўринади. У кишини ғамгин, ҳазин ўйлар гирдобига тортади. Мен беихтиёр Кўнёдаги буюк мутафаккир Жалолиддин Румий сағанасини эсладим – икков обида кўлами, маҳобати ва яна қайсидир жиҳатлари билан бири-бирига ўхшаш туюларди. Фақат Яссавий қабр уйининг ичи жуда сокин, ҳазрати Румий мақбарасидаги каби найнинг мунгли садоси деворлардан деворларга урилиб шикаста жаранг таратмас, ғиғону нола чекмас эди.

Ҳамма учун ибрат бор бундай жойларда сайёҳлар, зиёратчилар ғайришуурий равишда оҳиста, сассиз қадам ташлай бошлайдилар. Ўзаро муҳокамалар, ҳайратлар пичирлаш ва имо-ишоралар билан ифода этилади. Зеро, мақбара шифтлари ва деворлари аро улуғларнинг руҳлари учиб юргандай, улар томошабин-меҳмонларнинг баҳо ва муносабатларини муштоқу зорлик билан тинглашаётгандай...

Ҳудудда асосий мақбарадан ташқари темурий шоҳ ва забардаст олим Мирзо Улуғбекнинг қизи, Абулхайрхонга<sup>1</sup> тушган Робия Султон бегим дахмаси ҳам бўлиб, у ўн бешинчи аср охирида барпо этилган экан, демак, малика шу заминда яшаган ва дорулбақога рихлат қилган. Кейинчалик мажмуа депарасига бошқа атоқли зотлар (масалан, Абулхайрхон) ва таниқли бўлмаган кишилар ҳам дафн этилган.

Биз маҳзун хаёлларга чулганганча бир-бир босиб, кўхна қасрдан узоқлашар эканмиз, Яссавий бобомиз ва бошқалар руҳи бизни кузатиб қолаётгандай, дам-бадам тўхтаб, оптимизга қайрилиб қараб қўярдик.

Менинг миямда хавотир уйқаш бир умид айланади: бизнинг ташрифимиздан улуғлар руҳи шод бўлдимикин?..

## ЎТРОП

Тунда келган йўлимиз билан орқага қайтдик. Кечкурун қоронғи тушиб қолгани сабабли Ўтрорни зиёрат қилишни бугунга сурган эдик.

Темур овулига келиб, кеча бизга унча маъқул тушмаган қўноқхонанинг орқа ҳовлисидаги файзсизгина чойхонада қайнаган сув (шундан бўлак ҳеч вақо йўқ экан) ва экспедициямиз захирасидаги қотган нон, ўрик қоқи, асал билан нонушта қилдик.

Ўша маҳал атрофга ёш қизчалар – тахминан 9-синф ўқувчилари ёйилиб кетди – уларни муаллимлари Арслонбоб ота зиёратига олиб келибди.

---

<sup>1</sup> Абулхайрхон (1412-1468) Дашти Қипчоқда салкам қирқ йил ҳукмронлик қилган. Сирдарё бўйидаги бир қанча шаҳар ва қалъаларни (Оққўрғон, Арқуқ, Ўзган, Сигноқ, Сузоқ) босиб, Хоразмни ҳам маълум муддат эгаллаб турган. Самарқандни камал қилиб, у ерда Абу Соридни тахтга ўтказган. Абулхайрхон мамлакат пойтахтини Сибирдан Сигноққа кўчирган. Унинг вафотидан кейин набираси Муҳаммад Шайбонийхон ҳокимиятни куч билан қўлга киритган.

Ўтрор Туркистон – Чимкент (қадимий номи Чаманкент) йўналишининг чап ёғида, Таланта овулига кетаверишда ўнгда, асосий кўчадан икки чақиримча ичкарида эди.

Баланд, бир неча гектарлик тепаликдаги Ўтрор шахри харобалари ҳам овул йўлидан овлоқроқда бўлиб, унга пиёда юриб бориларди, чунки машина, улов қўйилмас экан.

Дарвоза ўрнида темир ғов, ғовдан ўтиш билан чап ёнда лавҳа битгич бўлиб, Қадимий Ўтрор (дастлабки номи Турарбанд бўлган) шахрининг қисқача тарихи битилган эди. Унда, жумладан, шу номдаги воҳанинг VI-VIII асрлардан мавжудлиги, IX аср ёзма манбаларида савдо ва маданий марказ сифатида тилга олинганлиги ва бошқа муҳим маълумотлар қайд этилган.

Қомусий китобларда баён этилишича, ҳозирги Жанубий Қозоғистондаги Арис дарёсининг Сирдарёга қўйилиш жойида ўрнашган бу шаҳар мўғуллар истилосигача Хоразмшоҳлар давлатига қараган ва савдо, ҳунармандчилик маркази бўлган. Мўғул босқинчилари вайрон қилган. XIV асрда Оқ Ўрда хонлари томонидан қайта барпо этилган. Амир Темур ва темурийлар даврида ҳарбий аҳамиятга эга муҳим қалъа эди. Айни шу пайтларда Европадан Осиёга томон очилган қатнов йўли Ўтрордан ҳам ўтган.

Биз машинадан тушаётганимизда бир гуруҳ сайёҳлар ичкаридан чиқиб келишаётган эди. Улар қадимий Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат қилиб юришган японлар экан. Туристлар тўққиз нафар эди. Айтишларича, Япониядан ўттиз киши чиқишган бўлиб, қолганлар бошқа йўналишларга бўлиниб кетишибди.

Қоровул Бовуржон Камолиддин ўғлини бизни бошлаб кириб, бу жойлар ҳақида гапириб, тушунтириб беришга кўндирдик.

Ўтрор харобалари...

Аслида, Чингизхоннинг Турон (Ўрта Осиё)га хужум уюштиришига Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Ўтрордаги ноиб Инолчиқ томонидан мўғул савдогарларининг ўлдирилиши (1220 й. март) сабаб, тўғрироғи, баҳона бўлган. Ўтрорни мўғуллар беш ой қамал қилиб туришган. Шунгача Инолчиқ шаҳарни мардона ҳимоя қилган. Босқинчилар шаҳарга кирадиган дарёларни кўмиб ташлашган. Манжаниқлардан тош ва ёнувчи моддалар отиб унинг кулини кўкка совиришган.

Дарвоқе, қадимий Ўтрорга замонавий китобларда шундай изоҳ берилади: **“Сирдарёнинг шимолида жойлашган шаҳар. Қадимда Фороб деб аталган. Ҳозирги Тамерлановка темир йўл станцияси ёнида бўлган”**. Лекин бизнинг назаримизда Фороб (ҳозирги Ўтрор) Амир Темур номли темир йўли бекатидан камида 50-60 км. ғарбда бўлиб, бу атрофдан темир йўл ўтмаган. Лекин аввалги номининг Фороблиги ҳақиқат, зеро, ҳозир ҳам халқ орасида уни Фороб деб атовчилар кўп. Фороб қишлоғи эса Ўтрордан нарироқда.

Хуллас, Ўтрор харобалари Фороб қишлоғига кетган йўлдан 300-400 кадам кун чиқишда бўлиб, сўқмоқ тупроғининг қалинлигидан қанча авайланиб юришга уринманг, товонлар остидан чанг кўтарилар ва иложсиз почаларга тупроқ сачрарди. Икки ён, Миртемир сўзлари билан айтганда, “нақ кумлоқ чўл”. Сийрак ўт-ўланлар қуриб, қовжираб ётибди.

Қоровул йигитни гапга соламиз. Мен қозоқ қаҳрамон-ёзувчиси Бовуржон Мўмиш ўғлини эслаб, исмингизни ким қўйган, деб сўрадим.

- Отам, - деб жавбо берди Бовуржон.
- Отангизнинг касби нима?
- Мактабда ўқитувчи, - деди йигит.

Бовуржоннинг тили чучуқроқ, боз устига, тез гапиргани учун сўзларини англаш қийинроқ эди.

Демак, ота зиёли одам, Бовуржон Мўмиш ўғлининг кимлигини яхши билади ва унга ҳурмати, эътиқоди баланд. Яхши ният билан ўғлига машҳур, мартабаси юқори инсон номини қўйган. Лекин афтидан ўғил отанинг умидини рўёбга чиқара билмаганга ўхшайди – харобага қоровул бўлиб, тупроқ чангитиб юрибди-ку. Яна ким билади дейсиз, балки катта ажру савобга ишлаётгандир.

Улкан тепаликни ишғол қилган шаҳар қолдиқлари текширилиб, ўрганилмоқда эди.

Қазув ишлари олиб бораётган археолог ва ишчилар билан Зокиржон ака тезгина киришиб кетди. Улар бу жойда очик музей барпо этилиши тўғрисида мароқ билан гапиришди, раҳбаримиз эса уларга экспедициямиз ҳақида сўзлаб берди.

Харобот марказида мадраса, хонақоҳ, Бердибек<sup>1</sup> саройи, масжид деворлари, мезанага олиб чикувчи зинали айлана йўлаклардан, четроқларда – уй- жойлардан, ўртада катта бир қудуқдан қисмлар, нишонлар сақланиб қолган эди. Аксарият бино, иншоотларнинг пишиқ ғиштдан барпо қилингани кўриниб турибди.

Бовуржоннинг айтишича, Ўтрор шаҳарчаси қадимда 150 гектар майдонни эгаллаган, худуди ўрни эса 20-30 гектардан кам бўлмаган.

Бовуржон сизларга бир нарсани кўрсатаман, дея тупроқ остида қолган ва археологлар очишган ярим-ёрти деворлар орасидан бизни пастга етаклади. Ђишт устун ва деворларда қоракуя излари бор эди.

- Чингизхон аскарлари қалъага ўт қўйишган, - деб изоҳ берди қоровул.

Қайтишда Бовуржон бизни чап томондаги тепаликда узокдан қанот қоқиб турган улкан қушни эслатувчи иншоот томон бошлади.

Улкан темир қанот – том остидаги катта-кичик, бир-бири билан туташ ва уйғун қолдиқлар – қотишмаларни биз ҳеч нарсага қиёслай олмадик.

- Бу – шаҳар ҳаммоми бўлган, - деб тушунтирди йигит ҳайронлигимиздан завқланиб. - Унга Сирдарёдан сув келтирилган.

Таажжубимиз баттар ошди. Дарё бу ердан камида 350-400 км. нарида эди. Ўтрор эса бийдай чўл ўртасида жойлашган. Ўша даврда, ўшандай шароитда шунақа узок масофадан сув келтириш тасаввурга ҳам сиғмайдиган бир тадбир! Ҳозирги замонда ҳовлисида арик оқишига қарамай, оддийгина мўрча қилолмай ўтиб кетаётганлар қанча! Аждодларимизнинг диди, фаросати, укуви, маданиятию ҳафсаласига қойил-э!

Дарвоқе, ҳаммом 2004-2008 йиллари ЮНЕСКО ҳомийлигида ҳозирги тахлитга келтирилиб, томи темир ва қалин тунока билан ёпилибди.

Ўтрорнинг харобага айлантирилиши Турон шаҳарсозлик иқтисодигагина эмас, маънавияти, маърифати учун ҳам жуда катта фожеа келтирган. Зеро, *“Мўғул яғмосининг ваҳшийлиги туфайли миллионлаб қўлёмалар сақланаётган Ўтрор ва Бухоро қутубхоналаридаги дастхатлар куйиб қул бўлди”* деб ёзади шарқшунос олим Ҳамиджон Ҳомидий.<sup>1</sup>

Ҳа, *“Ўзбекистон шарқи-шимолдан бостириб келган бу ваҳший қуюн (мўғуллар қўшини – Қ.К.) ўз йўлида учраган ҳамма моддий, маънавий маданиятимизга оид бойликларни ер билан яқсон қилар эди”* (Ғафур Ғулом).

Бинобарин, бу заминдан Абу Наср Форобий, Аҳмад Яссавий каби алломаларнинг чиқиши бежиз эмас эди ва бу борада узок муддатли узилишлар рўй бериши ана шу илм ва маърифат ўчоқларининг ғорат этилиши билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин..

Демак, Амир Темур Хитойга бораётиб бу жойда бекорга тўхтамаган – Ўтрор (Фороб) маданий жиҳатдан юксалган, муҳим иқтисодий-сиёсий аҳамиятга молик қалъа, Туроннинг илму урфон илдиз отган нуфузли шаҳарларидан бўлган.

Қолаверса, Соҳибқирон бобомиз катта ҳарбий юришлари олдида, баъзан юз минглаб қўшини билан Туркистонга борар ва ҳазрат Яссавий қабрини тавоф айлаб, ул зоти бузург руҳидан мадад ўтинарди. Унинг бу ўлкага бот-бот ташриф буюриб туришининг сабабларидан бири шу эди.

Хитойга юришининг боиси эса...

Чин – ўша пайтларда ҳам Шарқнинг энг катта мамлакатларидан бири эди. Амир Темур

<sup>1</sup> Баъзи китобларда Амир Темурнинг лашкарбошиси, бошқа манбаларда Ўтрор ҳокими дейилган. “Ҳабиб ус-сияр...” асарида “Ражаб ойининг ўн иккинчи чаҳоршанба куни Ўтрорда Амир Шайх Нуриддиннинг укаси Бердибек Сори Буғо ҳумоюн мавқаб (Соҳибқирон) уйида тўхташидан қувониб яхши кутиб олди” деб ёзилишига қараганда, кейинги далил ҳақиқатга яқинроққа ўхшайди. Балки лашкарбоши шунчаки Ўтрор волийси билан исмдошдир.

<sup>1</sup> “Жаҳон адабиёти” журнали, 2008 й. 12-сон, 177-бет.



салтанати билан Хитой ўртасидаги муносабатларга дарз кета бошлаганди. Улуғ давлатчилик касалига чалинган Чин ҳукмдорлари – Мин сулоласи императорлари “*Хитойга қўшни юртларни Хитойга қарам мамлакатлар, халқларини эса, Хитойнинг табаалари*” деб ҳисоблашар ва улардан, шу жумладан, Амир Темур давлатидан ҳам ўлпон талаб этишарди. Табиийки, мустақил ва қудратли давлат ҳукмдори учун бу ҳақоратомуз бир муносабатдир. Шунингдек, Хитой императорларининг Амир Темур давлатининг Хитойга туташ ғарбий қисмларига даъвогарлик қилиб кўз остига олаётгани ҳам сезилар, бинобарин, уларнинг мазкур ҳудудларга ҳужум қилиб қолиш хавфи ҳам йўқ эмас эди. Соҳибқирон сиёсатининг асосий тамойиллари эса Турон юрти муҳофазаси, халқаро мавқени қўлдан бермасликдан иборат бўлган. Хуллас, Амир Темурнинг Хитойга черик тортишига жиддий асослар бор эди.

Катта қор ёғиб йўлларнинг тўсилиб қолиши Соҳибқиронни Ўтрорда тўхташга мажбур қилади ва у шу ерда касалланиб, қисқа муддатда вафот этади (Буни қарангки, Темужин ҳам Хитойга юриши маҳалида оғир дардга йўлиқиб дорилбақога рихлат қилган эди...). Хуллас, Ўтрор – буюк Темур умрининг сўнгги кунларига гувоҳ бўлган манзил сифатида ҳам тарихда қолган, шаҳар харобаларининг бизни ўзига чорлашига шу нарса ҳам сабаб эди.

Бу кўҳна заминга сафаримизнинг яна бир боиси эса – улуғ бобокалонларимиздан Абу Наср Форобийнинг қадамжоларини зиёрат қилишдан иборат эди. Зеро, ўша замонларда нафақат Туркистон, балки Дашти Қипчоқнинг катта бир қисми ҳам Турон давлати тасарруфида бўлган. Умуман, Амир Темур салтанати Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сейистон, Ғарбий ва Жанубий Озарбайжон, Арманистон, Ирок, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ҳудудларини қамраб олган эди. Кавказ заминидаги Терек ёқасида дарёси бўлиб ўтган беомон жангда Тўхтамишхон тор-мор келтирилгач, Олтин Ўрданинг йирик шаҳарлари Ҳожи Тархон (Астрахон), Сарой Берка ҳам Соҳибқирон кўшинлари томонидан ишғол этилган.

## ЭСКИ ИҚОН. УСТОЗ МОЗИЙГОҲИДА

Айланиб, ярим доира ясаб Чимкент - Туркистон йўналишининг асосий тўғри кўчасига чиққанимизда масофанинг қарийб учдан бирини босиб ўтган эдик. Лекин Муҳаммад Али иккимизнинг дилимизда устоз Миртемир уй-музейини кўриш иштиёқи кучли бўлиб, кечадан бери ўзаро пичирлашиб, истагимизни раҳбарга билдириш мавридиди мўлжаллаб келардик. Биз катта йўлдан ўнгга – Чимкентга қараб юришимиз лозим эди. Эски Иқонга – Миртемир қишлоғига бориш учун эса чапга – камида 45 км. (қайтиш билан 90 км.) қарама-қарши тарафга кетиларди. Мен Муҳаммад Алига секин шипшидим: “Зокиржон акага айтмайсизми, мен қувватлайман”.

- Шу юртга келиб, устоз Миртемир музейини кўриб кетмасак қандай бўларкин, Зокиржон ака, - деб аста гап бошлади Муҳаммад Али.

- Миртемир – жуда кўп шоирларнинг, Андижондан Олимжон Холдор, Тўлан Низомнинг, мениям устозимиз эди. Андижонга меҳри бўлакча эди, вилоятимиз халқига бағишлаб шеърлар ёзган, - дея қўшимча қилдим мен.

Дарҳақиқат, Миртемир домла эллик йиллар муқаддам шогирдларидан бири, адабиёт майдонига талабалик давридаёқ “Шарқ юлдузи”дек нуфузли ва энг оммабоп журналда босилган туркум шеърлари билан кириб келган Олимжон Холдорга “Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит” йўсинида ёш шоирларга айтгуликларини, маслаҳатларини очиқ хат тарзида йўллаган ва у тарихий хат шов-шувининг акс-садоси анчагача адабий давраларда жаранглаб турган эди. Ана шу умидли шоир, балки ўша меҳрибон ва талабчан устоз тарбияти, дуолари ҳам сабабдир – бугун Ўзбекистон санъат арбоби! У энг кейинги китобларидан бири “Ишқ ва рашк”да устознинг қуйидаги сўзларини келтирадими, улар биз андижонликлар учун яна икки қарра ифтихорлидир: **“Мен тузилган юртим Иқонни (Туркистон) қандай севсам, водийни, айниқса, Андижонни шундай севаман. Андижон аҳли жуда оддий, камтар, камсуқум, ҳар бир ишни ўйлаб қиладиган, ўта мулоҳазали**

*одамлардир”. “Шу важдан бўлса керакки, домла Андижонда тез-тез бўлиб турардилар”, - деб ёзади Олимжон Холдор ва Миртемирнинг “Тотувлик” деган мақоласидан кўчирма келтиради:*

*“Андижон билан тотувлигимга анча бўлди. Айниқса, пахтакорлар хузурига ҳар йили кўкламда ва кузда келиб тураман. Учрашувлар, шеъроят кечаларида қатнашаман. Янги, ҳали оҳори тўқилмаган шеърларимни аввал андижонликларга ўқийман, уларнинг имтиҳонларидан ўтказаман. Ҳар сафар ардоқли Андижон ҳақида нимадир ёзиб кетаман.*

*Хумор-хумор тонг уфқига ташланг кўз,  
Танг қолувлик чексиз карвон келяпти.  
Карвонбоши ўша қайсар, битта сўз –  
Али Андижон келяпти, -*

*деб бошланувчи “Куз кўшиги” шеърим ҳам шу қутлуг заминда қозғоз бетига тушган эди ва илк бор шу қутлуг юрт заҳматкашларига ўқиганман. “Андижон адирларида” туркум шеърларим ҳам шундоқ”.*

Бизнинг юртни шундоқ ардоқлаган, алқаган улуғ адибга биз ҳам ўз ташаккуримиз ва меҳримизни лоақал унинг кишлоғини, уй-музейини зиёрат қилиш билан изҳор айлаб кетсак, бу жудаям улуғ иш-ку!

- Шунинг эрталаб айтганларингизда ўша тараф билан юра қолардик, - деди раҳбар, лекин овозида малоллик оҳанги йўқ эди. Биз дадиллашдик.

- Унда Ўтрорни зиёрат қилолмасдик-да.

- Майли, борамиз, экспедициямиз учун юз-икки юз километр нари-берисининг аҳамияти йўқ. Яна “Армон бўлиб қолган Иқон...” бўлиб юрмасин, - деди Зокиржон ака кулиб.

Экспедициянинг Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафари чоғида Туркиянинг пойтахти Анқарага кирмай, шаҳарнинг шундоқ биқинидан ўтиб кетгандик. “Андижондан Бағдодгача” деган сафарномада “Анқарани кўриш армон бўлиб қолди” деб ёзган эдим. Бу гапим раҳбарга наша қилган, уни ҳазил-чин маънода бот-бот эслатиб, писанда қилиб кўярди. Ҳарқалай, ҳозир ўша ёзғирувнинг ҳам нафи тегди-ёв...

Иқон шаҳардан берироқ бўлса-да, кишлокдан ривожлироқ, кўрклироқ, маданийроққа ўхшаб кўринди кўзимга. Балки чиндан-да шундайдир, балки азиз устоз қадамлари, нафаслари, шўхликлари билан файзиёб бўлган диёрлиги боис менга шундай туюлгандир. Нима, қандайлигидан қатъи назар, мен қиттаккина эса-да назарига, эътиборига тушганим, мурувватига ноил бўлганим улуғ инсон таваллуд топган табаррук маскан эди Иқон. Устознинг ўзи кўз очиб кўрган чамани тўғрисида шундай сатрларни битган экан: **“Тугилган жойим – Қоратогъ этаклари - кўклам тошқинларидан лабларини хўллаб олувчи сойлар, қизғиш қирлар ва чексиз сайхонлар, онда-сонда бир учрайдиган музбулоқлар, тошқинлардан қолган қўллар...”**

Албатта, энди Миртемир домла кўрган, васф этган ҳолатларнинг айрим жиҳатлари нутилган ё ўзгарган, замонавийроқ тус олган. Жумладан, кишлок марказида катта қатнов йўлидан салгина ичкарироқда қад рослаган музей биноси устоз адибнинг ўзи каби содда, сипою салобатли эди.

Музей берк экан, тарвузимиз кўлтиқдан тушди, оворагарчилик учун Зокиржон ака олдида хижолат эдик. Ҳайрона бўлиб, бошимиз қотиб турган эдик, Худо етказдими, бир жувон келиб қолди ва у бизнинг Ўзбекистондан эканлигимизни билиб суюнганини яшириб ўтирмади. Исми Ойсултон, Тошкентда, Низомий номидаги педагогика институтининг бадиий графика факультетини битирган (1986 йили), лекин журналистикага қизиқиши устун келиб, Эски Иқонда чиқадаган “Яссавий нури” ҳафтаномаида ишлар экан.

Мозийгоҳга Миртемирнинг жияни, яъни укасининг ўғли Элбек қараб тураркан. Ойсултон одам юборди (хайтовур уйи яқин экан). Газета муҳаррири Бобур Раҳимов ҳам

Миртемир домланинг жияни экан, жувон унга ҳам телефон қилиб бизнинг хабаримизни етказди. Элбек ҳам, Бобур ҳам бирпасда етиб келишди.

Музей (катта йўлнинг ўнг томонидаги хиёбонсимон майдон қаршисида) бир қаватли, алоҳида бино бўлиб, тўрт хонадан иборат эди.

Дарвоқе, бино пештоқига қуйидаги лавҳа ёзилган экан:

***“Жанубий Қозоғистон тарих-ўлкашунослик музейининг Туркистон қалъаси Эски Иқон бўлими Миртемир номидаги адабиёт музейи”.***

Миртемир Иқонда атиги 11 ёшгача яшаган, демак, бу ерда унинг қисқа муддатли беминнат болалиги кечган холос, лекин шунга қарамай, бу кишлоқ, бу эл кишилари унинг хотирасига шунчалик ёдгорлик бунёд этишибдики, XX аср ўзбек адабиётининг яловдорларидан бири, довруқ қозонган юртдош шоирлари билан ифтихор туйганларга, унинг қадрига етганларга мўл-кўл ташаккур, таҳсинларимиз бўлсин!

Аммо, сирасини айтганда, Миртемир домла кўз очиб кўрган, ранглари таниган ўлкаси ва унинг улуғларию оддий халқи мадҳига, иззат-икромлар ҳаққига олдиндан ўнлаб қойилмақом шеърлар (“Қозоғим”, “Абай-бобой”, “Мухтор оға мотамида”, “Собит оға”, “Олмаотанинг қиши”, “Қимиз” ва бошқа) бағишлаб қўйган. Қозоқ адабиёти, атоқли шоир-оқинлари ижоди тўғрисида таҳлиллар, дил сўзлари, қутловлар битганки, иншаоллох, бўйинда қарз, миннат билан кетмаган.

Лекин негадир “Миртемир уй-музейи” дейишдан чекинишибди, ҳолбуки, унда деярли тўқсон фоиз ашё шу улуғ инсон ҳаёти ва ижодига дахлдор бўлиб, устознинг турли даврларда китоб ҳолида ёки вақтли нашрларда чоп этилган асарлари ҳамда у ҳақдаги мақолалар, у фойдаланган буюм ва нарсалар ўрин олган эди. Тўғри, музейда Туркистон музофотида (Қарноқда, Коризда, Қорачиғда, Сайрамда) таваллуд топиб, Тошкентда ўқиган ва ижод қилиб, яшаб келаётган таниқли шоир-ёзувчиларнинг суратлари, анча-мунча китоблари ҳам бор ва бу мутлақо табиий ҳол, чунки мазкур адиблар ҳам у ёки бу жиҳатдан (айтайлик, шогирдлик, юртдошлик ва бошқа яқинлик нуктаи назаридан) Миртемир домлага ҳеч шубҳасиз тутшиб кетадилар. Жумладан, Одил Ёқубов, Суннатилла Анорбоев, Носир Фозилов, Саъдулла Сиёев, Ғаффор Мўминов, Раҳимжон Отаев, Мирпўлат Мирзолар номи, ижодини устоздан айро тасаввур қилиш қийин.

Миртемир ўта камтарин ва хокисор, шогирди энг кўп ва уларга ўта меҳрибон ижодкорлардан бири эди. Адабиётимизда унинг шеърляти булоғидан сув ичмаган, шунингдек, миллий ва ўзига хос оҳангга, ўзигагина хос ритм яратувчи поэтик сўзлар, нутилиаёзган, аммо ниҳоятда сархил иборалар билан зийнатланган донғил шеърлар, “Сурат” каби қуйма дoston яратиб, барчани – адабиётшуносларнию китобхонларни бирдек лол қолдиришни орзу қилмаган бошловчи ва юқорироқ бўғинларга мансуб шоир бормидийкин? Шунингдек, бевосита Миртемир ижодий дарсхонасида бадиият сирларидан сабоқ олган, унинг кўллови, йўлловидан баҳраманд бўлганлар сони ҳам кўпчиликини ташкил этарди. Камина ҳам у улуғ адибга шогирд тушишга иштиёқманд, “даъвогар”лардан бири эдим, десам, сира ёлғони йўқ. Мен ўз майлим ё таҳририят (“Ўзбекистон маданияти” – ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) юмуши билан (шеър ё мақола ундириш баҳонасида) унинг ҳузурида, суҳбатларида кўп бўлганман. (Ўшанда бир нарсага ҳайратланардим: домланикига куннинг қайси маҳалида борсам ҳам уларникида қандайдир (кўпинча қуюқ) овқат тайёр бўлар ва устоз мени таомсиз, чойсиз чиқармасди). Устознинг Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига энг сўнгги тавсияномасини олиш ҳам ( яна бир туркистонлик улуғ адиб, олижаноб инсон Носир Фозилов ва Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУда адабиётдан, бадииятдан сабоқ берган устод-муаллим, таниқли адабиётшунос Умарали Норматов тавсияномалари билан бирга) менга насиб этган. Шунинг учун Миртемир домланинг муқаддас руҳи олдида ҳамиша ўзимни миннатдор ва қарздор ҳис қиламан. Бинобарин, Эски Иқон биқинига келиб, устоз музейи, у босган табаррук тупрокни тавоб қилмай кетсам, армон нима, дили нолон бўлардим, эзилардим. Аллоҳга шукр,

Зокиржон акага беҳисоб раҳматки, Туркистон диёри билан боғлиқ иккинчи орзуим ҳам (биринчиси - умуман шу кент-қалъани кўрмоқ, Яссавий бобо мақбарасини зиёрат айламоқ эди) ушалди, кўнглим кўп таскин топди.

Ҳа, Миртемир ёди ҳар қанча эъзозу ардоққа муносиб. Уни ўзбек ижодкорларигина эмас, Қозоғистоннинг атоқли адиблари ҳам қадрлашар, ижодини юксак баҳолашарди. Ана шундайлардан бири, устоз билан оға-инидек қадрдон бўлган Абдулла Тожибоевнинг *“Миртемир Туркистонда тузилган, Қозоғистон фарзанди, Ўзбекистон булбули”* деган лутф-таърифи мозийгоҳнинг кўзга кўринарли жойига йирик ҳарфлар билан битиб қўйилибди. Бошқа таниқли ижодкорларнинг эътирофлари, дил изҳорлари ҳам. Чунончи:

*“Миртемир домлада жуда катта шеърий ҳаёл бор эди. Ҳаётнинг кўпгина иқир-чиқирлари бу ҳаёл олдида баттар рангсизланар, домланинг сиймоси, эса янада улугвор кўтарилар эди. Шоирнинг бу юксак ҳаёли, ўчмас сиймоси абадий яшаб қолади”.*

**Абдулла ОРИПОВ**

*“Шунчалар соз бунда ер ҳамда осмон,*

*Миртемирни шоир қилган шу Иқон”*, - дея устоз таваллуд топган юртни алқаган Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом Миртемир ҳақидаги *“Мажнунтол йиғиси”* шеърий қиссасида.

Музей биноси жанубга қараган бўлиб, ўнг ёнида шоирнинг бюсти қўйилган экан, ўша ерда суратга тушиб, таърифимизни муҳраб олдик.

Зокиржон ака музейга *“Бобурнома”*, *“Тарихий Рашидий”* китобларини тухфа қилди.

Ойсултон ва Бобур бизга *“Яссавий нури”* газетасининг бир неча сонини тақдим этишди. Уларда Миртемир домла таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган адабий тадбирлар тўғрисида материаллар берилган экан. Бизни мўъжазгина бир овул (қишлоқ)да адабиёт ва санъат йўналишидаги ҳафтаномаининг мавжудлиги ҳайратлантирди. Газетадаги мақола ва бадиалардан, Ойсултоннинг сўзлари оҳангидан юрт зиёлиларининг Ўзбекистонга меҳрлари юксаклигини, қалблари ўша ёққа талпинишларини англадик. Янги танишларимиз ҳамкорлик қилиб туришимизни ўтиниб кузатиб қолишди.

## ОРТГА ҚАЙТИБ...

Чимкент сари қайтдик. Машинамиз гоҳ равон, гоҳ таъмирланаётган, кенгайтирилаётган йўлдан елиб боради. Икки тараф аввалги ҳудудлардагидай бепоён дала, аммо ғўза жуда кам, терак йўқ ҳисоби, умуман дарахт ўта сийрак, борлари ҳам ўзи чиққан каби: ҳаккам-дуккам, тартибсиз.

Мамлакатда ҳамма машиналарнинг куппа-кундузи, куёш чарақлаб турган пайтларда ҳам чироқларини ёқиб юриши қоида экан. Кўп ажабландим. Ўзим бўлган бирон хорижий юртда бунақа *“удум”*ни кўрмагандим.

Ҳаво айниб, чанг-тўзон кўтарила бошлади. Қуюн...

Яна кечаги, *“Темирлан”* деган ёзувга ғурур билан қараб ўтдик. Чимкентга қирк чақиримча бор эди.

Чимкентдан кун чиқишга – Тароз - Олмаота йўлига қараб кетдик. Дарахтлар қалинлаша бошлади. Яшиллик ҳам мўлроқ, қуюқроқ.

Арис дарёси (бир сой ҳажмича)дан ўтдик. Ҳарқалай, бу биз мазкур мамлакат ҳудудида учратган биринчи дарё эди. Шу ердан Тарозга 100 км., Чимкентдан Олмаотагача эса 680 км. экан.

Дарахтларнинг тури ҳам ранг-баранглашиб, тераклар, ҳатто манзарали ўсимликлар ҳам кўзга ташланиб қолди.

Уйлар паст, тўртбурчак конвертсимон томлари ўтовни эслатади.

Обод ва кўркам манзаралар кўпая борарди. Ўнг тарафда, майда дарахтли сайхонликларда сувлар шилдираб оқиб ётибди. Зап ҳордиқ чиқарадиган жойлар экан-да,

деган гап ўтади кўнгиллардан. Лекин дам олаётган бир жон кўзга чалинмайди.

Ҳатто ўрмонзор ҳам пайдо бўлди – у тоғлар билан тутшиб кетгандай кўринарди. Мана шу сўлим гўшалар Қозоғистон тўғрисидаги тасаввуримизни ўзгартира бошлади.

Экинзорлар...

Яйловларда ўтлаб юрган сигирлар семиз-семиз. Ҳаво майин. “Фақат кўчалар у қадар соз эмас экан”, дея хулоса қилаётувдик, Тарозга 50-60 км. қолганда янги бетон йўл бошланди. Лекин, афсуски, у “соз йўл” бир чақиримга ҳам етмади.

Уруш қатнашчиси, қаҳрамон ёзувчи Бовуржон Мўмиш ўғли туғилган мавзедан (йўл бўйидаги паннода унинг сурати ва қилган ишлари ёритилган эди) ўтдик. Ўнгдаги тоғлар, чапдаги адирлар йўлга гоҳ яқинлашиб, гоҳ яна узоқлашарди.

Биз қадимдан анча машҳур Тарозни мўлжаллаб борардик. Амир Темур уни Янкент деб атаган. Шаҳар оти кейинчалик бир неча бор ўзгарган. Кўп замонлар Аҳмад Яссавий зиёратгоҳидаги дошқозон устаси, асли Кошғардан келиб, шу ҳудудда муқим яшаб қолган (XIV-XV асрлар) Абдулазиз авлиё Кошғарий шарафига Авлиё ота деб юритилган. Ёдингизда бўлса, “Ўткан кунлар” рўмони бош қаҳрамони Отабекнинг Авлиё ота шаҳри яқинидаги жангларида ҳалок бўлгани айтилган. Советлар даврида эса шаҳарга Жамбул Жабаев номи берилган эди.

Янги, фойдаланишга топширилмаган бетон йўл узилиб-узилиб давом этарди. Жамбул вилояти ҳудудига кирганимизда пастак тоғли доvon бошланди.

- Бу – қадимий Ипак йўли, - деди Муҳаммад Али. – Амир Темур Жета – Мўғулистонга қарши лашкар тортганда шу томондан юрган.

Албатта, у пайтларда бу йўллар тош-тупроқдан иборат эди.

Ўшанда бесаноқ отлар туёғидан кўтарилган чанглари еру кўкни қуюқ туман каби қоплаган бўлса керак, деган фикр кечди хаёлимдан.

- Соҳибқирон бобомиз Шарқий Туркистондаги Катта юлдуз (Кичик юлдуз ҳам бор) яйловига борган, - деб изоҳда давом этди Муҳаммад Али. – Унинг набираси, подшоликда қирқ йил турган Мирзо Улуғбек ўша яйловда бир марта жанг қилган.

Ниҳоят, кечадан бери биринчи марта буғдойзор дала кўринди, бўйи бир қарич ҳам эмас. Демак, уруғ бизга нисбатан анча кеч сочилган. Дарвоқе, бизда буғдой кузда сепилади-я, бу ёқда кўкларда экиларкан-да.

Ойшабиби овулидан ўтиб, Тарозга етай деганимизда яна олатаёқлиларга йўлиқдик. Улар бизни тагин ҳафа қилишди. Хусусан Зокиржон аканинг кайфияти бузилди. Тарозга қирмай, Олмаотага жўнавориш фикрини айтди, биз қувватладик.

- Қамчибек Кенжа, “Армон бўлиб қолган Тароз...” деб ёзилмайдими? – дея таъкидлаб сўради раҳбар.

Ҳамма бир ён бўлиб турса, менинг шамиён қайтаришим ножоиз-да. Баридан ёш бўлсам....

- Катталар нима деса, шу, - дедим ўзимча “менга қолса, кўриб ўтсак яхшийди”, деган мазмунни қистириб. Бу билан хоҳишимга зид иш бўлаётганига шама қилиб, кўнглим олдида ўзимни оқладим ҳам-да.

Шимолга қараб бурилдик.

Талас дарёсидан (суви камгина экан) ўтдик.

Турар Рисқулов районида тўхтадик. Тошкентдаги ўқитувчилар семинариясида ўқиган, тарих, иқтисод, сиёсат, журналистика соҳаларида ўзбек, қозоқ, рус тилларида асарлар, мақолалар ёзган Рисқулов Совет давлати ва партия арбоби сифатида кўплаб юқори лавозимларида ишлаган, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (Турк АССР) раҳбарларидан бири бўлган. “*Оғмачи – миллатчилик руҳидаги хатоликларга йўл қўйгани учун...*” бир муддат у ёқ-бу ёққа сурилган ҳам.

Рисқуловнинг “оғмачилиги” шунда эдики, у жаҳидлар маркази “Турон” жамиятининг аъзолари Низомиддин Хўжаев, Абдулҳамид Чўлпон каби жаҳидчилик ҳаракатининг илғорлари билан бирга Турк АССРни Турк Республикасига айлантириш, ўлкада мусулмон армиясини тузиш ва шўравий тузум сиёсатига зид бошқа ғояларни олдинга сурганлар ичида

бор эди.

Районга кираверишдаги ҳайкали, катта суратларига қараганда Қозоғистон ҳукумати ва халқининг Турор Рискуловга ҳурмати юксак.

Туман худудидаги Кулон овули меҳмонхонасида тунадик. Гарчи иссиқ суви бўлмасадда, кичик бир кишлоқда шундай қўноқхона мавжудлигининг ўзи катта гап эди. Боз устига бино (икки қаватли) таъмирланаётган экан. Семизлигидан елкаси билан боши бирлашиб кетган олтмиш ёшлардаги рус маъмураси бизни хуш такаллуф ила кутиб олди. Лекин ихчамгина жуссали, қизил гулли тўгарак, латта дўппи кийган, элликлардаги қоровул ҳар хил саволлар бериб хийла энсамизни қотирди. Қитмиргина экан. Ўзини сиёсатдан, тарихдан, халқаро муносабатлардан бохабар арбобдай тутарди. “Амали” ёдида йўқдай эди, бизни анойи одамлар деб фаҳмлади чоғи.

- Тугилдан ўзбек билан япон туғилган, сўнг ўзбекдан ўзбек, япондан қозоқ тарқалган, - дейди билағонлик билан файласуфона оҳангда. Бу билан у ўз халқини японларга қиёслади, шахсан мен англамадим. Ғашимиз келганидан тугилинг ким, деб сўраб ҳам ўтирмадик.

*3 июнь, жума*

Кулондан соат олтида йўлга чиқдик.

“Қозоғистон - 2030” деган дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг моҳияти мамлакат иқтисодини, ободончиликни ривожлантиришдан иборат экан. Йўл бўйларида ўша ёзув битилган паннолар кўп эди.

Бир жойда асалфурушлар растасига дуч келиб, тўхтадик. Зокиржон ака мазасини билайлик-чи, деб ярим кило асал олди – 500 танга, бизнинг пулга 8 минг сўмга.

Икки қаватли (бунақасини Ҳиндистонда кўрувдим) автобуслар, қаншари, тумшугига шер, балиқ ва бошқа ҳайвон ё паррандалар сурати чизилган (Покистондагидай) улкан, залворли юк машиналари чинқириб ўтади.

Чу (ерликлар “Шу” тарзида талаффуз қилишадиган бу машҳур ибора, атама мумтоз адабиётимизда, тарихий китобларда ҳам учрайди. Қозоғистонда (Қирғизистонда ҳам бор) нима кўп, Чу деган ном кўп экан: Чу шахри, Чу вилояти, Чу дашти, Чу дарёси) водийсида, “Болнур” ошхонасида қулинг ўргулсин нонушта қилдик. Таомлар ўзимизнинг овқатлар билан деярли бир хил: лағмон, шўрва, чучвара, манти, кабоб, кўза шўрва, бифштекс, шунингдек, колбаса, сосиска... Паловни (ҳозирча) тотиб кўрмадик.

Шу ерда андижонлик ўзбек йигитлари – Билолдин, Дилмурод деган савдогарлар билан учрашиб қолдик. Улар КамАЗда 18 тонна гилосни Наманганнинг Тўрақўрғон туманидан олиб, Екатеринбург (Россия)га кетишяпти экан. Жасорату журъат будир, тадбиркорлик шудир.

Чудан чапга – Остонага (1220 км.), тўғрига, яъни кун чиқишга – Олмаотага (330 км.) кетиларкан.

Қорин тўйиб, ташвиш аригач, кайфиятлар янада чоғланди. Кимларнидир уйқу элитди. Бу узв ҳукмдорининг ҳамласидан ҳеч ким қочиб қутулолмади-ку-я, аммо Муҳаммад Али ака тезгина, осонгина таслим бўлиб қўя қолар экан. Кимдир узала тушиб ётмагунча ухлаши қийин, кимдир ўтирган жойида, масалан, машинада шунчаки мудраб-мизғиб олиши мумкин, Муҳаммад Али эса уловда ҳам росмана, қаттиққина ухлаш малақасини эгаллаган экан. Дўкирамаларда боши олдинга, икки ёнга хийла оғиб кетса ҳам уйғонмай, тушлар оламида узоқ ва бафуржа сайр этишига жуда ҳавасимиз келди. Демак, асаблари мустаҳкам.

- Муҳаммад Алини экспедицияга қўшганимиз яхши бўлди, - дейди Зокиржон ака шунақа пайтда. – Амир Темур ҳақида романлар ёзган, унинг ҳаёти ва фаолиятини яхши билади. Шу жиҳатдан режа-дастуригимизга мос.

- Уйқу борасидаям бизга мос келяпти, - деб қувватлайман мен.

- Ҳа, Муҳаммад Али анчадан бери уйқуларини тўплаб юрган экан шекилли, - қўшимчалайди Ваҳоб Раҳмон.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Алининг Амир Темур тарихи, темурийзодалар ҳаётини яхши билишига тан бериш керак. Соҳибқирон таржимаи ҳолига оид муҳим воқеалар, жанглари, фарзандлари, набиралари, аҳли аёлларининг туғилган, вафот этган йиллари ва бошқа тарихий маълумотларни санама-сана, аниқ-тиниқ айтади. Хитойга қачон, қайси куни юриш бошлагани, Ўтрорда юз берган ҳодисаларни, ҳолатларни кун-бакун, ҳеч адаштирмай ҳикоя қилиб, изоҳлаб борарди. Ҳа, у Соҳибқирон ва унинг авлоду зурёдлари ҳақида бежиз эпопея битмаётган экан, уларни, ўша даврларни чуқур, пухта ўрганган экан. Дарҳақиқат, Муҳаммад Али кенг миқёсли, серқирра ижодкор-олим. Дастлаб истеъдодли, ўзига хос шоир сифатида адабиётдан ўрин эгаллаган. Таржимонлиги алоҳида мавзу: ҳинд эпоси, “Рамаяна”, қорақалпоқларнинг “Шаҳриёр” достони, шотландиялик Роберт Бёрнс шеърларини юксак маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган. Адабиётшунослик борасида фан номзоди. Икки жилддан иборат “Сарбадорлар”, чор китобли “Улуғ салтанат” тарихий рўмонлари эса уни янада юксак мавқега, забардаст носир мақомига кўтарди, Ўзбекистон халқ ёзувчиси фахрли унвонига, Давлат мукофотиغا сазовор этди.

Ўзига анча келиб олган Муҳаммад Али ниҳоят кўзларини очди. Энди жиддий суҳбат бошланди. Қозоғистоннинг асосий бойликлари тўғрисида гап кетди: нефти, ерлари, чорваси хусусида. Ҳақиқатан ерлар бепоён-беҳад, ёйилиб ўтлаб юрган мол-қўйлар бисёр эди. Аммо бу юртнинг энг асосий бойлиги, бизнинг, яъни адабиётчиларнинг нуқтаи назарича – бағрикенг қозоқ халқи ва унинг катта адабиётидир.

## ИБРАТЛИ ДЎСТЛИК

Қозоқ халқ шоири ва оқини, узоқ – бир йили кам бир аср (1846-1945 й.) умр кўрган Жамбул Жабаев қувваи ҳофизаси ўткир, бадиҳагўй ижодкор бўлган. У “Манас” эпосини, “Тўрўғли” достонини, “Шоҳнома”ни, “Минг бир кеча”ни ёд айтиб, куйлаб юрган, ўзи ҳам “Ўтаган ботир”, “Суранчи ботир” деган достонлар тўқиган. Айнан Жамбул Жабаев қозоқ ёзма адабиётининг юзага келишига тўртки берган бўлса ажаб эмас. Бундай шараф эса машхур оқиннинг тенгдош, замондоши Абай Қўнонбоевга насиб этди. Абай қозоқ адабий тилининг ҳам асосчиси ҳисобланади.

Устоз Миртемир таъбири билан айтганда “Қозоқ адабиётининг отаси”, ўз асрининг каттакон мутафаккири бўлган Абай том маънода халқчил, халқпарвар, ватанпарвар шоир эди. У ўз элининг аянчли ўтмишига ачинар, қаттиқ қайғуларди.

***Қозогим, шўрлик юртим, вайрон юртим!  
Қоронгида йўл топмай ҳайрон юртим!  
Ёмон билан яхшини фарқ қилолмай,  
Оғизда ҳам қон, ҳам мой, сарсон юртим.***

Шарқона ҳикматга йўғрилган қуйидаги тўртлик ҳам Абай қаламига мансубдир:

***Кучук асраб ит қилдим,  
Сўнг болдиримдан қонди.  
Бировга милтиқ ўргатдим,  
У кўкрагимдан отди.***

Қозоқ мумтоз адабиётининг пойдеворини яратувчилар сифатида тан олинадиган Ибрай Олтинсарин билан изма-из ижод майдонига Сакен Сайфуллин, Собит Муқонов, Ғабит Мусрепов, Ғабиден Мустафин, Абдулла Тожибоев, Ғали Ўрмонов каби истеъдодли ёзувчи-шоирлар кириб келдилар ва адабиёт бағрини тўлдирдилар.

Академик ёзувчи Мухтор Авезов қозоқ адабиётининг ўлмас чинорларидан бирига айланган бўлса, кейинги даврда Сирбой Мавленов, Ўлжас Сулаймон, Мухтор Шахановлар

бу адабиётни янги шакл ва мазмун билан бойитдилар. Хусусан, атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ва Мухтор Шахановлар ҳамқаламлигида дунёга келган, туркий миллатлар ва давлатлар тарихи, маънавият, маърифат бораларидаги катта муаммоларни кўтарган “Чўққида қолган овчининг охи-зори” китобининг анча шов-шувларга сабаб бўлгани ҳали ёдимиздан чиққани йўқ.

Ўзбек ва қозоқ ижодкорининг дўстлиги алоҳида, катта мавзу. Бу икки қариндош халқ ҳамма соҳада бўлгани каби маданият, санъат, адабиёт борасида ҳам азалдан бир-бирлари билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлиб келади. Аввало бу яқинлик халқ оғзаки ижодига хос бадиият намуналаридан, халқ дostonлари ва бошқа турдаги асарлардан бошланган.

Уларнинг ижодкорлари ҳамиша бир-бирларининг ёзмишларини таржимонсиз ўқиб, бир-биридан ўрганиб, бир-бирларини тарғиб этганлар. Хусусан, буюк Алишер Навоийнинг қозоқ адиблари ва шоирлари ижодига катта таъсирини қозоқ дўстларимиз мамнуният билан эътироф этадилар. Масалан, қозоқ халқининг фахри ва ифтихори бўлган улуғ ёзувчи, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти намояндalари ижодини чуқур ўрганган ва жуда кўп илмий-тадқиқотлари, мақола ва суҳбатларини қардош дўстлари ижодини тадқиқ этишга бағишлаган Мухтор Авезов Навоийнинг бир қатор қозоқ шоирларига, жумладан, қозоқ шеърятининг машъали Абай Қўнанбоев ижодига самарали таъсир кўрсатганини алоҳида таъкидлайди.

Йигирманчи асрда ўзбек ва қозоқ адабий ҳамкорлиги, алоқалари янги бир босқичга кўтарилди. Икки халқнинг буюк вакиллари – Мухтор Авезов ва Ойбек, Ғафур Ғулом ва Собит Муқоновнинг ижодий ва шахсий муносабатлари икки халқ дўстлиги рамзига айланганини ҳали-ҳозир ҳам мароқ билан гапириб юрадилар, ибрат қилиб кўрсатадилар. Айниқса, катта санъаткорлар – Ойбек ва Авезов кадрдонлиги ўзбек ва қозоқ халқлари маданияти, адабий алоқаларини мустаҳкамлашга катта хизмат қилган эди. Шунинг учун ҳам атоқли шоиримиз Ғафур Ғулом *“Ойбегим – Авезовим”* деб ифтихор қилган, таниқли қозоқ шоири Деҳқон Обилов эса “Мадҳия” деган шеърда *“Мухтор – Ойбек – иккаласи бир олам”*, дейди ҳаяжон ва ҳавас билан.

Ўзбек шоир ва адиблари асарларини қозоқ китобхонига етказишда сидқидилдан хизмат қилган ижодкорлар рўйхатини алоҳида келтириш мумкин. Айни вақтда ўзбек ёзувчилари Ойбек, Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Зулфия, Иззат Султон, Миртемир, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров ва бошқалар қардош қозоқ адабиёти ва адабиётчилари тўғрисида ҳамиша тўлқинланиб фикр баён этишган ва уларнинг китобларини муҳаббат билан ўзбекчага ўгиришган. Шу тариқа, жумладан, Абай шеърятини, “Қозоқ шоирлари”, М.Авезовнинг 4 жилдли улкан эпопеяси ва бошқа қатор қиссалар, романлар ўзбек китобхонларининг ҳам маънавий мулкига айланиб қолди. (Менда айниқса Сафарғали Бегалиннинг “Она меҳри” ҳикоялар тўплами чуқур таасурот қолдирган).

Қардош ва қариндош ўзбек – қозоқ оқинлари, шоирлари ҳамиша бир-бирларининг тўйларида қувончларини баҳам кўриб келишлари ўлмас анъанадир. Бундай маҳалларда улар бир-бирларини алқаб сўз айтадилар, шеър тўқийдилар, Ғафур Ғуломнинг “Қардош қозоқ элига”, Ойбекнинг “Табрик” номли шеърлари, беғубор ва дарёдил Миртемирнинг қозоқ дўстлари ҳақидаги туркум лавҳа ва мақолалари, Носир Фозиловнинг “Устозлар даврасида” китобига кирган ғоят таъсирли хотираларида қозоқ ижодкорлари мисолида ўзбек халқига самимий меҳр-муҳаббатлари, кўнгил яқинликлари ўз ифодасини топган.

Таниқли ёзувчи, Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати, ажойиб инсон Носир Фозиловнинг эссе, бадиалари айниқса диққатга сазовор. Устоз ёзувчининг алломаи киромлар – Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ва Собит Муқоновларнинг жуда ибратли кадрдонлиги тўғрисидаги ҳикоялари муҳим ва таъсирлидир. Икки қурдош Медеога чиқишганда сойдаги *“қўлда тарашиланиб сайқаллангандай юм-юмалоқ, катталиги кичик ўтовдай келадиган”* тошга кўзи тушган Ойбекнинг завқи жўшиб кетади, уни ажиб бир иштиёқ, меҳр билан силаб-сийпалайди. Тошнинг ҳамкасб, ҳамқалам биродарига ёқиб қолганини англаган Муқонов “Муса, шу тошни сенга тухфа қиламан” дейди ҳазил билан. Аммо бу ҳазил замирида самимийлик, ҳиммат, дўст кўнглини олишдек олижаноб туйғулар



мужассам эди. Бироқ воқеа шу билан тугамайди. Ойбекни Ўзбекистонга кузатгач, Собит оға бир рус сангтарошини излаб топиб, хизмат ҳақини келишиб (лекин кейин бир вақтлар Ойбекнинг “Кутлуғ қон” романини ўқиган сангтарош хизмат ҳақидан воз кечади), уни ўз машинасида Медеога олиб чиқади-да, Ойбекка “армуғон” этилган тошга ушбу битикни ўйдириб ёздиради: **“Бул жумир тасди баурим Айбекке сийга тартам” (Бу юмалоқ тошни қадрдоним Ойбекка тортиқ қиламан).**

Бу воқеа, бу далил улуғ шахслар иноқлиги, адабиётлар ҳамкорлиги, халқлар аҳиллигининг ёрқин намунаси эди.

Икки буюк халқ орасидаги адабий яқинликнинг муқаддимасини Абайга боғлаган Миртемир домла бу ҳамнафасликка ниҳоятда ҳавас қилар, уни юксак кадрлар ва дил-дилдан жўшиб таърифларди: **“Икки забардаст қаламкаш – Ғафур Ғулом ва Собит Муқон дўстлиги нечоғлик самимий, нечоғлик безубор, нечоғлик одамий, нечоғлик қўйма эканлигига ҳамма гувоҳ.. Собит оғанинг Ғафурни излаб тез-тез Тошкентга келиши ва хонадонидан хабар олиши, қабрига бориши, ҳар гал кўз ёшисиз эслолмаслигини ҳамма билади, кироийи дўстлик шундоқ бўлса!”.**

Устоз Миртемирнинг Абдулла Тожибоев билан кадрдонлиги ҳам ҳар қанча рағбатга, орзуга арзигулик эди. **“...Туркистон заминида тугилган, бир-бири билан тепишиб катта бўлган бу икки йигит... кейинчалик ҳам худди оға-инидек бир-бирлари билан дўстона муносабатда яшадилар”** деб ёзади Наим Каримов. Абдулла Тожибоевнинг сўзлари ҳам адабиётшунос олимимиз фикрларининг тўла тасдиғидир:

**“Биз Миртемир билан, - деб эслаган эди атоқли қозоқ шоири, - шонли Туркистон ўлкасининг файзиёб осмони остида тугилдик. Биз ўз ҳаётимизда кўрган илк нур Туркистон кўёши эди. Биз Миртемир билан ўз умримизда илк бор тинглаган ва хузур қилган кўшиқ Туркистон шамолларининг навоси эди. Ўша пайтда соҳиллари тўлиб-тўлиб оққан Сирдарё тўлқинлари биз учун беланчак бўлди. Хуллас, бир кўшдан нур эмган, кўҳна дарё сувларидан сероб бўлган, бир дастурхондан туз-насиба тотган қардошлигимиз туйғуси бизнинг ҳаётимизга бир умрга кирди ва бизнинг қонимизда яшади”.**

Дарҳақиқат, **“Ўзбеклар билан қозоқлар, - деб ёзган эди Ғафур Ғулом, - минг йиллардан буён бир-бирига туташган улуғ ер қитъасида бирга-бирга яшаб келадилар, бирининг тарихи иккинчисининг ҳам тарихидир. Қоплонбекда чироқ ёқилса, Тошкентда кўринади, Чимкентда тўй бўлса, ярим Тошкент кўчиб боради. Уйимга бирор ардоқли қўноқ келиб қолса, қимиз учун ё Саригочга, ё Турбатга бориб келаман...”**

Наим Каримовнинг таъкидлашича, Носир Фозилов ўзбек ва қозоқ адабиётларининг бахтидир. **“Унинг бир ўзи қардош адибларнинг қарийб барча роман ва қиссаларини, шунингдек, қатор сахна асарларини ўзбек тилига таржима қилган”.**

Ўзбек ва қозоқ ижодкорларининг ўзаро ҳамдўст ва ҳамжиҳатлиги, бағрикенглик ҳақида гап борганда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировнинг Мухтор Авезов тўғрисидаги миннатдорона эсдаликларини ёдга олмоқ жоиздир. Ёш қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовга жуда катта олижаноблик ва ҳиммат кўрсатган бу улуғ инсон ёш ўзбек адибига ҳам оғаларча ғамхўрлик қилган эди. 1959 йил Москвада ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги ўтаётган палла. Ўзбек ижодкорларининг янги асарлари муҳокамасига бағишланган йиғилишлардан бирида рус адибаси Анна Караваева П.Қодировнинг студентлик ҳаётидан ҳикоя қилувчи “Уч илдиз” рўмонида **“юқори партия-совет ташкилотларининг адолатни тиклаш учун олиб борган кураши етарли кўрсатилмаган, воқелик тасвири бирёқлама чиққан”** дея танқид қилади. Хуллас, ёзувчига **“ғоявий жиҳатдан соғлом эмас”** деган айбни тақамоқчи бўлишади. Ўша пайтларда бундай айбловнинг оқибати жуда даҳшатли бўлиши мумкин эди. Шунда Мухтор Авезов доврўқли адибанинг фикрларини кескин рад этиб, романи дадил ҳимоя қилади. Ундан кейин сўзга чиққан Лидия Бать ҳам қозоқ ёзувчисининг мулоҳазаларини ва ёш муаллифни ёқлайди. **“Шу билан менинг бошим устига йиғилган қора булутлар тарқаб кетгандай бўлди... Мухтор оға менинг илк романимни жўмардларча қўллаб-қувватлаш билан келажакимга ишонч билдирган ва**

*зиммамга катта масъулият юклаган эди*”, деб ёзади Пиримқул Қодиров ва бир умр ана шу жўмардликни эслаб, Мухтор оғани ёдлаб юради, улуғ ижодкор ишончини оқлашга ҳаракат қилди ва бизнингча, оқлади ҳам.

Хулласи калом, Наим Каримовнинг куйидаги сўзлари кўплаб ўзбек зиёлиларининг эътирофидир, десак хато қилмаймиз:

***“Мухтор Авезов ва Ойбек, Собит Муқонов ва Фафур Ғулом, Абдулла Тожибоев ва Миртемирлар билан бир даврда яшаган бизнинг авлодимиз улар ўртасидаги буюк дўстликни ўз кўзимиз билан кўриб, улар сиймосида ўзбек ва қозоқ адабиётлари ўртасидаги ва умуман, икки халқ ўртасидаги дўстлик боғининг меваларидан баҳраманд бўлиб улгайди. Шунинг учун ҳам бу дўстлик биз учун катта ва завол билмас қадриятлардан бири бўлиб қолган”.***

1980 йилларга келиб ўзбек – қозоқ адабий алоқалари “ёшара” бошлади. Бу даврга келиб икки адабиётнинг янги авлодлари ўртасида ижодий дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро таржима тажрибалари кўзга яққол ташлана бошлади. Ёш қозоқ шоирлари, истеъдодли ижодкор Туманбой Мўлдағалиев шеърлари ҳамюртларимиз, бўзлик шоир Тўлан Низом таржимасида ўзбек тилида жаранглади. Худди шу даврда, 1984 йили Олмаотанинг “Жалин” нашриёти ўзбек ёш ёзувчиларининг ҳикояларини “Бойчечак” номи билан нашр этди. 16,5 босма табоқ ҳажмидаги мазкур китобга 24 нафар ўзбек адибининг ҳикоялари киритилган бўлиб, улар орасидан андижонлик носирлар Муқимжон Ниёзов, Ҳабибулло ва ушбу сатрлар муаллифининг ҳикоялари ҳам ўрин олган.

XXI асрда ҳам бу жараён давом этмоқда. Шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзо қозоқ шоирларининг катта бир тўпламини ўзбек тилида нашр эттиргани бунинг тасдиғидир.

Ҳа, азалдан тиллари, диллари туташ ўзбек ва қозоқ халқлари (“Ўзбегим – ўз оғам” деган қозоқ мақоли бекорга тўқилмаган) XX асрда янада жипслашди. Бунинг муайян сабаблари, асослари бор, албатта. Айрим қозоқ маърифатпарварлари, зиёлилари фаолиятига, ижодига Тошкент бешик бўлганлиги сир эмас. Мухтор Авезовдек бузрук ҳам 20-йилларда Ўзбекистон пойтахтида яшаган, Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) аспирантурасида ўқиган. Ўша пайтларда Тошкентда қозоқ нашриёти фаолият кўрсатар, унда “Чўлпон” номли адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал ҳам нашр қилинарди. Мухтор Авезовнинг бир қатор ҳикоялари, қисса ва мақолалари дастлаб ана шу ойномада босилган.

Ҳаёти ва фаолияти Тошкент билан боғлиқ қозоқ маърифатпарвар-зиёлилари тўғрисида сўз кетганда Туркистон мустақиллиги учун курашганлардан бири, таниқли давлат ва жамоат арбоби Мустафо Чўқай номини ҳам эслаб ўтиш жоиз. Унинг, хусусан Тошкентдаги рус гимназиясида таҳсил олгани, кейинчалик Туркистон (шу жумладан, Ўзбекистон) ҳақида туркум мақолалар ёзгани, Париж ва Берлинда ўзбек тилида “Ёш Туркистон” деган журнал ташкил этиб, унга муҳаррирлик қилгани эътиборлидир. Зеро, Тошкент, хусусан Ўрта Осиё халқлари учун аввалдан маданий марказ ҳисобланган, бу ерда ижод аҳли, олимлар, умуман зиёлилар учун ижодий-илмий муҳит, бошқа шарт-шароитлар муҳайё бўлган. Ўрта Осиёда биринчи дорилфунун ҳам Ўзбекистон пойтахтида очилган. Шу боисдан Қозоғистондан, Қирғизистондан, бошқа қўшни республикалардан ҳам шоир-ёзувчилар, илм аҳли, бўлажак арбоблар мудом Тошкентга талпинишган, кўплари ўқиб, илму зиёсини ошириб, шу ерда ишлаб, ижод қилиб, “нашъу намо топиб” қолиб кетишган. Масалан, юқорироқда исми-шарифлари зикр этилган туркистонлик адибларнинг аксарият кўпчилиги... Хуллас, Тошкентнинг, умуман ўзбекларнинг бағрикенглиги, меҳмонпарварлиги, саховатпешалиги, ўзга миллат ва элат вакилларига дарвозаси, қалби ҳамиша очиқлиги оламга аён. Жаҳон тан олган ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов бежиз куйидагича баҳо айтмаган: ***“Қадим Греция Оврўпада цивилизация ўчоги сифатида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиёда бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган”.*** Бу бадиий сўз ўйини, лутф эмас, айни ҳақиқатнинг одилона, ҳаққоний ифодасидир.

***“Ўзбек халқи табиатида ажабтовур хислатлар оз эмас. Ўзбек халқидек бошқа***

*миллатлар билан элакишиб кетадиган, уларнинг вакилларини ўз фарзандидек ардоқлайдиган халқ оз бўлса керак*”, деб ёзади таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов Ўзбекистонда туғилиб ўсган, Қўқонда тузилган мухторият ҳукумати раҳбари ва бошқа йирик лавозимларда ишлаган, 1937 йилги қатағонда Москвада отиб ташланган яна бир қозоқ фарзанди Назир Тўракулов тўғрисидаги мақоласида.

Ўзбекистон ва Қозоғистон қодир Аллоҳ инояти ила истиқлолга эришгач, қўшничилик алоқаларининг дипломатик муносабатлар билан мустаҳкамланиши ҳамда президентларимизнинг ўзаро қизғин ташрифлари ва ниҳоят, 1998 йилнинг 31 октябрида иккала давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномани мамлакатларимиз халқлари ўртасида, илму зиё, маърифат, маънавият аҳллари аро давом этиб келаётган кадрдонликнинг олий инъикоси, янада юқорироқ доирадаги амалий ифодаси, десак тўғри бўлади.

Ҳа, қозоқ ва ўзбек халқларининг қардошлиги, бу икки юрт адабиётчиларининг иттифоқлиги мустақиллик шарофати билан мутлақо янги бир босқичга, янги бир паллага кириб бормоқда. Имонимиз комилки, бу қардошлик ва иттифоқлик янгиланган, ёшарган жамият ҳавоси ва илҳоми ила яратилган ажойиб шеърлар ва дostonларда, ҳикоялар ва романларда ўз ифодасини топиб, кадрдонлигимиз ва самимиятимизнинг янада барқарорлашуви ва кўнгилларнинг янада яқинлашувига хизмат қилажак.

Дарвоқе, Қозоғистон халқи ҳақида: китобхонлари ўзбек адабиётидан қанчалик хабардор – менга аён эмас-ку, лекин ўзбек зиёлилари, ўқувчилари қозоқ бадиётини яхши биладилар деб бемалол айта оламан. Айниқса, Мухтор Авезовнинг Абай тўғрисидаги эпопеяси бизда катта шуҳрат қозонган. Муҳаммад Али ҳам бу тарихий, ҳар жиҳатдан салмоқли асарни ҳали-ҳозиргача жуда яхши эслар экан. У ДАНчилардан, ошхона хизматчиларидан дарҳол исмини сўрайди-да, унга “Сен Мухтор оғанинг “Абай” рўмонини ўқиганмисан?” деб савол беради. Сўнг фалон қаҳрамон, масалан Ойқаримга ўхшар экансан, дея мулозамат билдириб, асарнинг мавзуга тегишли қисмини қиска гапириб беради. “Абай” рўмонини ўқиган, Авезовни биладиган “йўлтўсар” сал шаштидан тушади, официантка жувон эса, Ойқаримдай сулувга ўхшатилганидан ўзида йўк, елиб-югуриб хизмат қила бошлайди. Чиндан ҳам, бу адабиётнинг хосияти-да.

## **ОЛМАОТА. ЖЎРАМИЗНИНГ ЎҒЛОНЛАРИ**

Олмаота яқинлашган сари йўллар, дов-дарахтлар ҳам маданийлашиб борарди. Йўл кўрсаткичлар кўп ва аниқ ёзилган – изланган манзилни сўраб-суриштирмай топиб бориш мумкин.

Йўллар, ҳарқалай, файзсиз эмас. Энг муҳими, кўз зерикмайди – янги олам, янги манзаралар. Назар лоқайдланмаса, кўнгил ҳам зиқланмас. Ҳаммаёқ ям-яшил, демак, сув бор, кўплаб терак, лоқал мевали боғлар барпо этилса бўлмасмикин, деган мулоҳазага борамиз.

- Экспедиция номидан таклиф киритсакмикин, - дейди кимдир кулиб.

Шундай хулосага келдик: Туркистон томон тарихий, Олмаота тараф замонавий тусда экан.

Олмаотага кираверишда қвас ичдик. Сотувчи - турк нозанининг исми Фериде эди – машҳур “Чоликуши” романидаги шаддод қаҳрамон. Демак, қизнинг отаси ё онаси Рашод Нури Гунтекин асарларининг мухлиси.

Шу жойдан қулупнай бозори бошланди. Бу тансиқ неъмат бу ёқларда энди пишибди, бизда уни аллақачон қиём қилиб тугатишган эди.

Собиқ пойтахт марказига олиб кирадиган аввалги Тошкент кўчасида тўхтадик.

Катта шаҳарда машина билан юриш, меҳмонхона топиш қийинлигини ўйлаган раҳбарнинг таклифига биноан йўл бўйидаги “Алматы” кўноқхонасини макон тутдик. Ҳолигина экан. Ҳар биримизга алоҳида хона.

Экспедициянинг “кўчма раёсати” тушликда енгил тамадди билан чекланишга қарор қилди.

Андижон шаҳрида яшовчи улуғ ёшдаги “Гап” жўраларимиздан бири Жўрабой ака Раҳматуллаевнинг иккита ўғли Олмаотада эди. Отаизор Зокиржон ака иккимизга ўша мусофир жигарбандлари билан кўришиб қўйишимизни бир неча бор тайинлаган эди. Тўғриси, биз у йигитлардан бунчалик одамшавандаликни кутмаган эдик. Қадрдонимизнинг сўзи қайтмасин, ҳеч бўлмаса, падари бузрукворнинг саломи, тинчлиги хабарини фарзандларига етказиб қўйишимиз керак, деган хулосага келдик-да, раҳбар билан келишувимизга биноан мен кўнғироқ қилдим.

Жўрабой ака (уни Жўра Собирович дейдилар)нинг касби қурувчилик, шу соҳада яхши мутахассис, ташкилотчи бўлганидан юқори мансабларда ишлаган, шогирдлари кўп, улар орасида ҳозир ҳам ҳурмати баланд. Ёши икки кам саксон, лекин дадил. Ўрта бўйли, оқ-сарикдан келган, кўзлари қадимий туркона. Оғир-босиқ, мулоҳазали. Дили билан тили бирлар тоифасидан. Меҳмондўст, дастурхони тўқис. Хусусан ўзининг ҳамкасб укашонларини ҳамда Тўлан Низом иккимизни уйига таклиф қилиб туради, кўнғил яқинлар билан суҳбатлашиб ўтиришни, улфатчиликни хуш кўради. Ҳар доим ҳеч бир ташвиши, муаммоси йўқдай, хотиржам кўринади. Бир қиз, уч ўғли бор. Ўғилларининг учинчиси Тошкентда... Мана шуниси менинг дунёқарашимга унча мос келмайди. Ножоиз бўлса ҳам, бир куни мулоҳазамни айтдим.

- Уч ўғилдан биронтаси сизлар билан яшаса бўлмайдими? Ахир ота-она кексайганимизда аскотармикин, оғиримизни енгил қилармикин, деб фарзанд боқишади-ку, - дедим.

Лекин қарийб барча оталарга хос сут билан кирган умумий ақида, маслак борки, улар ҳамиша ўз манфаати, ҳаловатидан кўра фарзандининг бахти, камолини, фаровонлигини кўпроқ ўйлайдилар ва мудом шунинг қайғуси, хавотири, тадориғи билан яшайдилар.

- Қаерда бўлсаям ўзларини эплаб, тинч, соғ-саломат юришса майли-да, - деб жавоб берди Жўрабой ака ҳам. – Ҳар замонда келиб хабар олишяпти, пул юбориб туришади.

“Ҳа, ҳозирча Жўрабой аканинг саломатлиги дуруст, лекин бир куни боши ёстикқа тегса-чи?...” дейман ичимда.

Тўғриси, ота-онадан айро, узоқда яшаган фарзандда меҳр ҳам, оқибат ҳам шубҳасиз бир қадар сусаяди деб ўйлайман. Жўрабой аканинг ўғиллари хусусида ҳам шунга яқин фикрда эдим, хайриятки, ундоқ эмас экан.

Катта ўғил Равшанбекнинг овозидаги ҳаяжон ва суюнч, қаерга тушганимиз, қандай жойлашганимизни безовталиқ билан суриштириши кўнглимда унга нисбатан илиқлик уйғотди. Қисқаси, бир соатлардан кейин у укаси Алишер билан етиб келишди.

Бир дарахтнинг новдалари бўлган ака-ука икки тоифа эди: эллик ёшлардаги Равшанбек ўрта бўйдан тикроқ, хатти-ҳаракатлари ҳам сўзлаши каби шитоб, қувноқроқ, бутун вужудидан шаҳдамлик ёғилиб турибди. Сиёкига хориж муҳити анча таъсир қилгандай... Алишер эса бўй-басти, юз тузилиши жиҳатидан отасига ўхшаш эди, феъл-атвори ҳам: сипо, оғир-босиқ, шошилмай, мулоҳаза билан соф андижонча лаҳжада гапиради. Унинг ёнбошига аста, бургутча қараб қўйиш одати ва ўша ҳолатдаги, яъни ёндан кўриниши ҳам Жўрабой акани эслатиб юборарди. Умуман олганда, иккала ўғлон ҳам оталари каби ёшларига нисбатан анча ёш кўринишади. Иккиси ҳам ажойиб одамохун йигитлар.

Равшанбекнинг бу жойлар иқлимига, одамларининг тутумларига мослашиб кетгани сезилади. Алишер эса... “Ҳеч кўниқолмадим” дейди. Унинг ўйчанроқ, ташвишлироқ кўринишига, қўлининг беихтиёр сигаретга чўзилишига яна бир сабаб бор экан. Оиласини Тошкентга олиб бориб қўйибди, шу йил охиригача батамом кўчиб кетиш ниятидалигини айтди. Бу ерда уни ниҳоясига етказилиши лозим бўлган баъзи ишлари (масалан, уй сотиш) тутиб турибди экан. Касби ҳам отасиники каби қурувчилик. Бояқиш ўғил-қизларини соғинган чамаси. Айтишича, уй-жойлар нархи сал аввалроқ анча баланд экан, кейин тушиб кетибди...

Мен Алишернинг Ўзбекистонга қайтишини маъқулладим, оталари улар билан

ғурурланишини, лекин жуда қўмсаши, булар ҳақида кўп гапиришини, ўзи ҳам кексайиб қолганини, отадан тез-тез хабар олиб туриш фарзанднинг бурчи эканлигини ётиғи билан айтдим. Албатта, Алишернинг ўзи ҳам бу гапларни яхши билади, ҳаёт кўрган, эсли-хушли йигитлиги билиниб турибди.

Равшанбек компьютер дастурчиси экан. Унинг ўғли Бахтиёр (онаси қозоқ бўлгани боис у росмана шу миллат вакилига ўхшарди) Сулаймон Демирел номидаги университетда ўқиркан. Дарвоқе, мен Равшанбек, унинг умр йўлдоши ва ўғли билан май ойининг бошларида Андижондаги қайта барпо этилган ва бутун мамлакатдан одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўргани келишган “Ўзбекистон” кўчасининг очилишига бағишланган маросимда, Бобур театри олдидаги бекатда кўришгандим. Ўшанда Жўрабой ака уларни менга таништирар экан, негадир келинининг қозоқ жувони эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Бахтиёр дорилфунунга “ЖИП”да қатнаркан. Равшанбекнинг ўзида ҳам чет эл машинаси бор. Лекин ҳозир улар “ЖИП”да келишган эди.

“ЖИП”га Зокиржон ака, Ваҳоб Раҳмон ва Аҳмаджонлар чиқишди. Алишер йўлдан такси тўхтатди, унга Муҳаммад Али, Алишер учаламиз ўтирдик-да, шаҳарга қараб манғидик. Кўчаларнинг тори ҳам, кенги ҳам серкатнов-тиғиз. Лекин шаҳарга гап йўқ – жуда сердарахт (айниқса, қайрағоч сероб), шинам, салқин, салқингина эмас, сўлим. Оврўпа шаҳарларини эслатади. Таксичи Қўшан аксарият киракашлар каби сергап эди, тўхтамай жавраб борарди.

- Олмаота Олатов пойида жойлашган. Бу ерда қозоқлардан ташқари рус, ўзбек, украин, корейс, уйғур миллатига мансуб одамлар кўп. Бир ярим миллион аҳоли, беш юз мингта машина бор, - дейди Қўшан малакали гидлардай аниқ маълумотлар келтириб. Сўнг у Тошкентда бўлганини, Ўзбекистонда озиқ-овқат арзонлиги, футболчи, машхур ҳужумчимиз Биродар Абдураимовнинг ашаддий мухлиси эканлиги, боксчимиз Руфат Рисқиев 1972 йили Кубада жаҳон чемпиони бўлганда (ўшанда Қўшан Ленинград шаҳрида денгиз флотида ҳарбий хизматда экан) Ўрта осиелик сифатида кўп ғурурлангани тўғрисида завқ-шавқ билан сўзлай кетди. “Ўзбек – ўз оғам” деб кўяди гап орасида. Ҳа, шундай хайрихоҳ, самимий кўшниларимиз ҳам кўп, қани энди ҳамма шундай бўлса – инсонлар, жумладан, туркийлар бир-бирларига қондош, қадрли эканликларини англашса, шу билан фахрланишса, бир-бирларига мададкор, ҳамдам, ҳаммаслак бўлишса!

Ҳайдовчининг бир гапи бизга кўп маъкул тушди.

- Янги пойтахт - Остона зўр шаҳар, албатта, аммо биз учун, кўплар учун Олмаота азизроқ, - дейди у атрофга мағрур назар ташлаб (у чиндан ҳам гид каби шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, бино ва иншоотларни таърифлаб борарди). - Қозоқ Қозоғистоннинг қаерида туғилмасин, Олмаотада вафот этиши ва шу жойга дафн қилиниши керак, деган ақида бор бизда.

Демак, қозоқ халқининг атоқли, довюрак шоири, жасоратли тадқиқотчи Ўлжас Сулаймоновнинг “Мен учун яшашга энг қулай жой – Олмаота” дейиши ва бу – хонадонлар деразаларидан тоғлар баралла кўриниб турадиган шаҳарнинг кўплаб қозоқ шоирларига илҳом бериши бежиз эмас шекилли-да.

Йўл-йўлакай Равшанбек яшайдиган кўп қаватли, беҳад салобатли бино олдида тўхтадик. У ўғли Бахтиёрни телефонда чақирди. Таксичига жавоб бериб, биз Бахтиёр минган Равшанбекнинг машинасига ўтирдик.

Тоққа энг яқин Форобий кўчаси орқали Бизнес маркази ёнидан ўтиб, анча тепаликка, тоғсимон худудга жойлашган трамплинлар мажмуи - ўзига хос ва жуда гўзал лойиҳали қурилмага борганимизда (майдон ям-яшил ва хушманзара эди) ёмғир севалай бошлади. Ажабо, пастда ҳавонинг авзои сал бузуқроқ эди, лекин ёгингарчилик бўладиганга ўхшамаятувди. Қор ҳам, ёмғир ҳам негадир тоғу адирларни, тепаликларни хуш кўради-я.

Йигирма беш – ўттиз метрлар баланд мосламага ўрнатилган “Олтин одам” ҳайкали ёнидан ўтаётганимизда Алишер бу беназир ёдгорлик тарихи тўғрисида гапириб берди. Олмаотадан 60 км. наридаги Иссиқ деган жойда ер остидан олтин совутли аскар жасади топилган экан.

“Олтин одам” қоплон устида тик турар, тилло суви юритилган (ҳар ҳолда батамом олтин бўлмаса керак) жанговар кийимлари ялтираб кўринарди. “Олтин одам” сурати Қозоғистон рамзи сифатида пулга туширилган, бошқа муҳим ҳужжатларда ҳам акс эттирилган экан.

Байналмилал иборага айланган сўзларни қозоқчалаштира бошлашибди. Масалан, “Поликлиника”ни “Эмхона” деб ёзишибди.

## МЕДЕОДАГИ ФОЖИА

Мен илгари Олмаотада бўлмаганман. Фарангча лаҳжага мослаштирилган “Медео”, Носир Фозилов ҳикоясида Собит Муқоновнинг таърифлашича, аслида “медев” – қувват дегани. Бу жойлар бир вақтлар мол-қўйлари ҳисобсиз Медев исмли бир бойга қарашли бўлган экан. Юқоридаги ҳикояда атоқли ёзувчимиз Ойбекка ҳадя қилинган тошнинг мана шу тоғлар бағридан шарқираб оқадиган сой ичида эканлиги айтилган. Қисқаси, Медеони кўриш иштиёқим бор эди. Мезбонларимиз ҳам мамлакатнинг собиқ пойтахтига йўли тушган ҳар қандай меҳмоннинг ушбу машҳур ўйингоҳга қизиқшини яхши билишганидан ўша ёққа - шаҳарнинг ғарби-шимолига қараб юришди.

Дўстлик кўчаси асосан бадавлатлар маскани: чап тарафда эски, ўнгда янги бойлар макон қуришган экан. Иморатлар басма-басга солингандай таассурот уйғотарди – кўп хонали, лойиҳалари ранг-баранг, маҳобатли, эшик-ромлари безакдор...

Медеога бепоён қўриқхонадан ўтиб бориларкан. Йўлнинг ўрмонга (шундай деса ҳам бўлаверди) кираверишидаги ўнг – тоғ ва сой томонида, ичкарида эса ўнг ва сўл ёқдаги тоғлар ёнбағри, қиршовларида ғалати, аянчли манзара зоҳир эди. Юзлаб гектардаги кексаю навқирон, йўғону ингичка қарағай, арчалар илдиз-пилдизи билан кўпориб ташланган ё белидан, пастроғидан қилич билан кесилгандай чўрт узилиб кетган. Беҳисоб дарахтлар ерда устма-уст, қўшув, кўпайтирув шаклларида қалашиб ётар, худди жангдан кейинги қирғин ҳолатни эслатарди. Талофат ақл бовар қилмайдиган даражада фожеий эди! Ёшроқ дарахтлар, кўпроқ оқ қайинлар камон ёйидай эгилиб қолган, учлари ерга тегай-тегай деб турарди. Сукутга ғарқ бўлган, қайғуга ботган тоғлар том маънода мотамсаро эди, ғамнок осмон кўзларидан совуқ ёш томчиларди. Зеру зар замин инграб ётарди наздимда. Менингча, яқин орада бундай табиий офат юз бермаган-ов!.. Булар шу йил май ойининг бошларида шаҳарнинг фақат шу депарасида рўй берган, кутурган довулнинг иши экан!

Орқа Или олатови тизмасининг шимолий ёнбағри этақларида жойлашган Олмаота денгиз сатҳидан 650-950 метрлар баландликда бунёд этилган. 1929 йилдан 1998 йилгача мамлакат пойтахти эди. Бот-бот қаттиқ зилзила содир бўлиб турадиган ҳудуд. 1911, 1921 йиллардаги ер қимирлаши натижасида шаҳардаги турар-жойлар ва бошқа бино, иншоотлар қаттиқ шикастланган. Вақти-вақти билан кучли сел ҳам ёғиб, қатта зиён етказиб туради. Балки пойтахтнинг Остонага кўчирилишига шу омиллар ҳам сабабдир.

Шаҳардан ўн олти чақирим наридаги мазкур қўриқхона ҳудудида, тоғлар оғушида, денгиз сатҳидан 1690 метр баландликда жойлашган Медео спорт мажмуида конькида учиш, фигурали учиш, коптокли ҳоккей бўйича мусобақалар ўтказилиб турилади.

Айлана йўллар мажмуани ёнлаб ўтиб, анча тепадаги махсус майдонга олиб чиқарди. Тагин юқорирокда – бир неча юз метр баландликда суйри, пирамидасимон тоғлар, улар ортидаги янада юксак иккинчи қатлам тоғ чўққилари ва ёнбағрларда ола-чалпоқ қорлар совукда қотиб, ялтиллаб ётарди. Майдондан давом этган йўл ўша томонга қараб кетган эди.

Одамлар майдоннинг икки тарафидаги темир панжарага ўмганларини босишганча, боши, кифтлари кўк тоқига тегиб тургандай таассурот уйғотаётган тоғларни, пастдаги Медеони ҳайрат билан томоша қилишарди. Тепадаги дара ҳам, куйидаги – худди кема палубасини эслатувчи спорт мажмуи жойлашган оралик ҳам улкан қозонга ўхшаб кўринарди.

Майдонда йўрға отда айланиб юрган махсус кийимдаги спортчилар, томошабинлар

анчагина эди.

Ҳаво қаттиқ айниган, музранг булутлар тоғларнинг очик юзи, яланғоч-яйдоқ баданини ҳарир пардамисол ёпиб турарди гўё! Қорли қоялар томондан келаётган муздай шабада этни жунжиктиради.

Кийимларимиз анча юпун эди. Биз иссиқ жойлардан қишнинг заҳри кетмаган, боз устига, ёмғир шивалаётган ҳудудга кириб қолган эдик. Қорли қоялар қошигача чиқиш фикри, иштиёқидан воз кечиб, орқага қайтмоқдан ўзга чора қолмади.

Ичларимиз ҳам совқота бошлаган эди. Мезбонларимиз емакхона сари бошладилар. “Тюбетейка” (“Дўппи”) деган шинам ўзбек ошхонасига кирдик. Бинонинг ички қисмлари, ёнбош айвон остларидаги бўлма-хоналар, айниқса, кираверишдаги саҳн билан туташ гулзор-хиёбончалар жуда саришта, файзли эди. Майдоннинг ўнг тарафидаги олди очик ўчоқлар бошида ош дамлашаётган тошкентлик ўзбек ошпазлари қўлларида капгир билан тавозе ила “Хуш келибсизлар” дея мулозамат қилиб туришарди. Фақат, ошхона гарчи ўзбекона “Дўппи” деб номланса-да, овқатларнинг аксари оврўпача ва қозоқча, шунингдек, икки-уч қозоқ официантка қизларини ҳисобга олмаганда, бошқа хизматчилар, хўрандалар орасида ҳам ўзбекча дўппили бош йўқ ҳисоби эди.

Биз ташқарини, яъни айвон остини маъкул кўрдик. Шундоқ ёнгинамиздаги, тоғлардан зина-зина бўлиб тушиб келадиган, асосан кўкламда тўлиб, шарқираб оқадиган ва шунинг учун ҳам Весновка (Баҳорий) деб аталган ариқдаги сувнинг махсус терилган йирик-йирик тошларга урилиб, атрофга сачраётган зарралари майин эпкин таратарди.

Хуллас, жой бағоят сўлим эди, анча ўтирдик. Тан олиш керак, овқатлари лаззатли эди. Мен ўзимиз тарафда камёброқ балиқ шўрва ичдим. Таомлар ранг-баранглигидан деярли ҳамма ҳар хил овқат буюрди-ёв!

Афсуски, ҳар қандай яхши, дилочар дамларнинг ҳам чегараси, ниҳояси бор – фурсат отлик олий ҳакам ҳамма ерда, ҳар қандай вазиятда, ҳамиша ўз ҳукмини ўтказди.

Мезбонларимиз – одамохун жўрамиз Жўрабой аканинг ҳимматли ўғиллари бизни обдон сийлашгач, меҳмонхонамизга олиб келиб қўйишди. Кечқурун йўллар қатнови янада тиғизлашиб кетар экан, хийла узоқ юрдик. Лекин сайру саёҳат, мулоқотлар мароқли бўлгани учун бу ҳолат руҳиятимизга унча таъсир қилмади.

Соз кайфият, ранг-баранг таассуротлар янада кўнгилли суҳбатга улашиб кетди. Ваҳоб Раҳмон хонасида кундузи йўлда, машинада бошланган адабиётимиз намояндалари, маҳорат, шеър санъати, хусусан, Навоий ғазаллари, байтлари, ҳикматлари тўғрисидаги адабий-ижодий мулоқот давом этди. Ваҳоб Раҳмон, табиийки, мумтоз шеърят бўйича етук матншунос-мутахассислардан бири. Муҳаммад Али ҳам бу соҳаларда теран билимга эга эди.

Суҳбатимиз шу қадар қизидики, Олмаота тугул, Парижни ҳам унутиб юбориш ҳеч гап эмас эди. Шаҳсан мен янги сафардошларимизнинг узукка муносиб кўз қўйилгандек жойига тушганига амин бўлдим. Демак, сафаримиз қизиқарли, завқли, самарали ўтишига шубҳа йўқ! Ҳа, раҳбар қайси йўналишга, қандай дастурдаги вазифага кимни танлашни билади!

## УНИВЕРСИТЕТДАГИ МУЛОҚОТ

*4 июнь, шанба*

Нонушта муаммосини ихчам ва лўнда – ўз захирамиздаги қовурдоқ ва раҳбар йўлда тотиб кўриш учун сотиб олган асал билан Ваҳоб Раҳмон хонасидаги тумба воситасида, кимдир ўтирган, кимдир тик турган ҳолатда ошиғич ҳал этиб кўя қолдик. Экспедициямизга хос гаштли, завқли, эсда қоладиган ҳолатлардан бири шу - киши ўзини эркин тутуди, ортиқча расмиятчилик, манзират ва мулозаматларга ҳожат бўлмади.

Кечаги мезбонларимиз келишди. С.Демирел номидаги қозоқ-турк университетига кетдик. Шаҳар четроғида экан, айлана йўллардан, хийла ночор, нообод мавзелардан ўтиб

бордик. Профессор Ислон Жеменей билан кўришмоғимиз лозим эди.

Зокиржон Машрабов бир танишган бобуршунос ё Бобур ихлосманди билан, у қайси давлатда, қанча узоқда яшамасин, риштани маҳкам боғлайди, телефон ё хат алоқасини узмайди, ундан соҳадаги янгиликларни суриштириб, ўзидаги маълумотлардан уни бохабар қилиб туради. Ана шундай шахслардан бири Ислон Жеменей эди. Зокиржон ака бу олимни 2008 йили Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишлаб Андижонда ўтказилган халқаро конференцияга таклиф этган, биз ҳам у билан ўшанда танишган эдик. Профессор аввал Тароз университетиде ишлар экан, икки йилча муқаддам шу олийгоҳга ўтибди.

Университетга соат саккиз яримларда етиб бордик. Ислон Жеменей ҳали келмаган экан. Тўққизларда кўринди. Дарвозадан кириши билан бизга кўзи тушиб, “Ў, Бобур экспедицияси!..” дея хитоб қилди-да, Зокиржон ака билан, биз билан ҳам қучоқлашиб кўришди.

Ислон Жеменей новча, барваста киши, қалин мўйлови кулранг-сарғимтир, оқ оралаган сочлари қорамтир-сарғимтир. Ёши эллик беш-эллик еттиларда чамаси, содда ва замонавий кийинган: эгнида жинси шим, энги калта қаймоқ ранг катак кўйлак.

Юз тузилишидан уни дабдурустдан фалон миллат дейиш қийин: қозоққа ҳам, ўзбекка ҳам ўхшайди. Жеменейнинг “Муҳаммад Ҳайдар Дўғлат” номли илмий монографияси бор. Шунингдек, у “Тарихи Рашидий”ни форсийдан қозоқ тилига таржима қилган. Докторлик илмий ишининг мавзуи ҳам “Тарихи Рашидий”га оид. Юқоридаги китобида Соҳибқирон Амир Темур ва Заҳириддин Бобур ҳақида ҳам кенг тўхталган.

У Бахтиёрни яхши танирган, чунки йигитчамиз университетда анча фаол, ҳатто ёшлар етакчиси эди.

Раҳбаримиз Бахтиёр кадрдонимизнинг набираси эканлигини, бу ерга ўша бошлаб келганини айтган эди, профессор талабанинг елкасига қоқиб, алқаб кўйди.

Жеменей бизни юқорига – иккинчи қаватга етаклади.

- Бугун шанбалиги учун кўплар дам олишади, - деди у йўл-йўлакай ўзининг кечроқ келганини оқлагандай, айна вақтда факультетда одам камлигини изоҳлаб.

Аудиторияга ўхшаган оддийгина хонага кирдик. Профессор бизни филология факультети декани Давронбек Ғоипов, қозоқ филологияси кафедраси мудири Улан Эркинбоев, Қозоғистон Республикаси гуманитар фанлар академияси ҳамда халқаро Айтматов академиясининг аъзоси Дандай Исақули ва бошқаларга, уларни бизга таништиргач, мулоқотни бошқаришни ҳурмат юзасидан кафедра мудирига таклиф қилган эди, у: “Йўқ, сенинг меҳмонларинг экан, ўзинг олиб боравер”, деб изн берди. Жеменей тўрға кўйилган стол орқасидаги муаллимга мўлжалланган курсига ўтиргач, ўз жамоадослари, ҳамкасбларига халқаро Бобур фонди, унинг илмий экспедицияси, Зокиржон Машрабов фаолияти ҳақида, 2008 йили Андижонда ўтказилган халқаро конференция тўғрисида батафсил гапириб берди. Кейин темурий подшоҳ, қомусий олим, забардаст шоир, инсоний фазилатларга бой Заҳириддин Муҳаммад Бобур, унинг холаваччаси Мирзо Ҳайдар ва унинг “Тарихи Рашидий” асари юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди. Бу борада Зокиржон Машрабов амалга ошираётган маданий-маърифий тадбирларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Осойишта бошланган мулоқот жонланиб борди. Мезбонлар, Зокиржон ака, Муҳаммад Али, Ваҳоб Раҳмонлар ўзаро фикр алмашувларга киришиб кетишди. Декан ва кафедра мудири университетда олиб борилаётган ўқув, илмий ишлар хусусида, қозоқ адабиётшуносларининг ижодий фаолияти бўйича сўзладилар ва ўзлари чоп этиришган илмий журнал, монография ва бошқа жанрдаги китобларидан тўхфа айирбошладилар.

Орада бизни қандли чой билан сийлаб туришди.

Университетдан чиқиб, уловимиз учун дўконлардан эҳтиёт қисмлар изладик, аммо топмадик. Кейин меҳмонхонамизга келдик-да, йиғиштириниб жўнадик.

Алишер билан Бахтиёр бизни кузатиб кўйишди.

Шаҳардан чиқаверишда яна иккита турк қизига дуч келдик. Кулупнай сотишаётганди. Қизиқчилик учун пича савдолашдик. Шўх, шаддод қизлар экан. Анча кулишганимиз эсимда. Ён дафтаримга “Ғаройиб ҳазиллар...” деб қайд этган эканман, афсуски, ҳар қанча



тиришмайин, ўша ҳазиллар ёдимга келмади. Дарвоқе, қизларнинг оқ-сарикдан келганининг исми Дина, буғдой ранг, сочлари жингалак, дўндикқинасиники Роза эди.

Биз энди шиддат билан Балхашга қараб борардик.

- Худо хоҳласа, бугун Кўкчада бет-кўлимизни ювамиз, - деди Зокиржон ака.

Балхаш кўли эски китобларда, жумладан, “Тарихи Рашидий”да ҳам Кўкча деб аталган.

Ваҳоб Раҳмон Жўжи улусининг ерлари Балхашгача етганини эслатди. Ҳа, Чингизхон мўғуллар давлати тарихига кирган худудларни мулк сифатида ота тани қилиб тақсимлаб берганида тўнғичи Жўжигача бепоён майдонлар – Иртиш дарёсидан Уралга қадар ва ундан ғарбга томон чўзилган музофотлар, яъни **“мўғулларнинг отлари туёғи етгунга қадар”** бўлган ерлар, шу жумладан, шимолий Хоразм, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи этаклари теккан, хон қароргоҳи эса аввал Иртиш дарёси бўйида бўлган эди.

Гап мўғулларнинг раҳмсизлиги, Турону Эрон мулкларини, беҳисоб шаҳар ва қишлоқларини ваҳшийларча, йиртқичларча вайрон қилганига уланиб кетди. Ғафур Ғулом бу ёвузликларга нисбатан *“Чингизда шафқат бўлса таслим бўлган халқни қирмас эди”*, дея ўз ғазали, нафратини изҳор этган. *“1220 йили мўғуллар Еттисувни, Улуғтовни, Қоратовни, Дашти Қипчоқни, Жент, Тароз, Ўзганд шаҳарларини ер билан яксон қилиб ташлайдилар. Сўнг Амударё қиргоқлари бўйлаб, йўлида учраган нарсани барбод этиб ўтадилар”*, деб ёзади. Чингиз Айтматов *“Чўққида қолган овчининг охи-зори”* китобида. Энг даҳшатлиси, мўғуллар мағлуб шаҳардан ўлжа олиб, одамларни асирликда ҳайдашар ва улардан бошқа шаҳарларни қамал қилиш чоғида тирик девор сифатида фойдаланишарди. Балки, мислсиз ваҳшийликлари, ёвузликлари Яратганга ҳам хуш келмагандирки, Чингиз ва унинг уч ўғли – Чингатай, Ўғатай, Тулийларга қабр ҳам насиб этмаган (Жўжихоннинг даҳмаси Улуғтов водийсининг қай бир пучмоғида бор дейилади). Уларнинг жасадлари ўзлари вайрон қилган қайсидир шаҳар ё қишлоқ тупроғига қоришиб кетган бўлса керак. Ёзувчи ва тадқиқотчи Евг.Березиков Чингизхон қабрининг учқур мўғул тулпорлари билан топтаб ташланишига ўзи ўлими олдидан фармон берган, деб ёзади. Мўғул ҳукмдорининг ўз хокининг қасоскор душманлар томонидан таҳқирланмаслиги учун шундай йўл тутганлигини изоҳлайди адиб. Нима бўлганда ҳам, агар шу гап рост бўлса, мазкур фармон ва ният ҳам Чингизхоннинг динсиз ва эътиқодсизлигидан, ўта жоҳил ва ёвузлигидан далолатдир. (Лекин “ЎЗМЭ”да ёзилишича, Чингизхон Мўғулистондаги Бурхон – Халдун тоғ этагида дафн этилган).

Яна юқоридаги китобда Мухтор Шаханов томонидан келтирилган ривоятда айтилишича, Чингизхон тўнғич ўғли Жўжихонни ўзи ўлдиртириб юборган.

Ҳукмдорларнинг ақл бовар этмайдиган, инсон деган унвонга номуносиб хурмача қилиқлари юзасидан “танлов” ўтказишса, менимча Чингиз, Гитлер ва Сталин энг “юқори” ўринларни эгаллашса керак – Чингиз мақсадсиз, пала-партиш қирғинчилиги, Гитлер – тентак ва руҳий хасталиги, Сталин ёвузлиги, қотиллиги билан. Аммо, барча ваҳший ҳукмдорлар ичида “Халқлар отаси”ники ошиб тушади. Одатда хонлар, подшоҳлар ўзга юртларни босиб, ўша эл аҳолисини ўлдиришган бўлса, падаркушлиги (Коба лақабининг маъноси шундай экан) тахмин қилинаётган Иосиф Виссарионович ўз мамлақати одамларини, яна халқнинг энг саралари – илмли, истеъдодлиларини сургун қилган, қаматган, қатл эттирган. Жоҳил Темучин ва унинг авлодлари, Сталин амалга оширган қатағонлар, умуман бошқа уруш-жанглар, хунрезликлар оқибатида қанчадан-қанча барҳаёт ва дунёга келиб улгурмаган истеъдодлар нобуд этилган экан?..

## ДАШТИ ҚИПЧОҚ. “ЎЗБЕК” ТАРИХИ

Йўл, далаларнинг кўрки, файзи қоча бошлади. Бир-икки жойда гуллаётган жийда, лолақизғалдоқларни кўрдигу, кейин дашт бошланди.

Шунчаки дашт эмас, балки, бир пайтлар Дашти Қипчоқ номи билан машҳур бўлган ҳадсиз-поёнсиз кенгликлар... Туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар тарихи, уларнинг шаклланиши, жанглари, анъаналари, урф-одатлари, қувончлари, қайғуларининг бир қисми

шу жойлар билан боғлиқ. Бу тил-забонсиз замин қанча-қанча жангларга гувоҳ бўлган, қанча-қанча отларнинг туёқлари остида депсалган, топталган. Бу даштдан не-не ғолибу мағлуб саркардалар ўтмаган, бу даштда қанча-қанча гуноҳли-гуноҳсиз бандаларнинг қони тўкилмаган! Аслида сарғайиб, бужмайиб ётган аллақандай гиёҳу кўкатлар ўрнида ёппасига алвонрангли лолақизғалдоқлар ўсиши лозим эди. Аммо ер, тупроқ ҳам Оллоҳнинг мўъжизаси бўлмиш сув каби ўзини-ўзи қонлардан, доғлардан поклаб-тозалаб, жароҳатларини даволаб олавераркан.

Дашти Қипчоқ – Сирдарёнинг юқори оқими ва Тангритоғнинг ғарбий ёнбағридан, яъни Шарқда Балхаш кўли бўйларидан тортиб, Ғарбда Днепр дарёсининг қуйи оқимиغا қадар ёйилган, жанубий чегараси Сирдарёнинг қуйи оқимларигача чўзилган даштлардан иборат поёнсиз худуд бўлиб, унда кўчманчи туркий қабилалар яшаган. Дашти Қипчоқ шарқий ва ғарбий қисмлардан иборат бўлган. Ёйиқ – Урал дарёси уларнинг чегараси эди. Ғарбий қисмга Итил (Волга) дарёсидан Днепргача бўлган худуд кирган.

XIII асрда Дашти Қипчоқни мўғуллар босиб олиб, Жўчи улуси деб аталган Олтин Ўрда давлатини барпо этганлар. Улус XIV асрда иккига бўлиниб, Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида Оқ Ўрда ташкил топган. Катта ерларни ўз ичига олган бу хонлик XIV аср охири, XV аср бошларида бир неча мулкларга ажралиб кетган. Улардан энг йириклари Нўғай Ўрда ва Ўзбек хонлиги эди. XIV асрнинг олтмишинчи йилларидан Дашти Қипчоқ “Ўзбеклар мамлакати”, унинг аҳолиси ўзбеклар деб атала бошланган. Бу мамлакатнинг йирик шаҳарлари Сарой Боту, Сарой Берка, Ўрта бозор, Сиғноқ, Арқуқ эди. Айни ўша худуд, яъни Дашти Қипчоқнинг машриқдаги бўлаги кейинроқ араблар томонидан Мовароуннаҳр деб аталган.

Ҳамидуллоҳ Қазвинийнинг “Тарихи гузида” асарида Олтин Ўрда хони Ўзбекхон ихтиёридаги худудлар ва ўша худудлардаги халқларнинг “ўзбекиён” (ўзбеклар), улар кўчиб юрган ерлар, яъни Шарқий Дашти Қипчоқнинг “Мамлакати ўзбек” (Ўзбек мамлакати) деб аталганлиги ёзилган.

Олтин Ўрда хони (1266-1282 й.) Мангу Темурхоннинг невараси Султон Муҳаммад Ўзбекхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Жўжининг набираси Ботухонга бориб туташади. Унинг тарихий хизматларидан бири шуки, исломни давлат дини мақомида жорий этган. (Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекхон даврида ҳам рус ерларида мўғуллар ҳукмдорлик қилишарди).

Аслини олганда, бошқа тарихий китобларда ёзилишича, аввалдан Дашти Қипчоқнинг шарқи-шимолида кўчиб юрган туркий-мўғул қабилалари (орлот, бахрин, дўрмон, қарлуқ, можар, қипчоқ, қиёт, қўнғирот, манғит, найман, уйғур, кенагас ва бошқа) XIII аср охири - XIV аср бошларида ўзбек деган умумий ном билан юритилган. Шунингдек, “ўзбек” атамаси қабилалар уюшмаси ва шу қабилаларга қарашли ерлар номи сифатида Ўзбекхон даврига қадар ҳам қўлланган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировнинг чуқур тарихий воқеалар, далилларга асосланиб ёзилган “Тил ва эл” тадқиқот китобида **“Ўзбеклар Олтин Ўрда хони Ўзбекхондан тарқалган”** деган нотўғри ақидага жавобан **“Аслида, ўзбек деган ном Ўзбекхондан кўп асрлар олдин машхур бўлганини жуда кўп тарихий манбалар исбот этади”** деб ёзади. Бу борада “Андижондан Бағдодгача” номли сафарномамизда биз ҳам Сурияда яшаб ижод қилган адиб Усома ибн Мунқизнинг “Ибратли китоб” асарида қайд этилган бир далилни мисол келтирган эдик. Дарҳақиқат, темурий подшоҳ ва мутафаккир Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус” китобида баён этилганидек, “Ўзбек улуси унга (*Ўзбекхонга* – Қ.К.) берилди” деган гап ҳам ўзбекларнинг илгаритдан мавжудлигидан далолатдир. “Меҳмонномаи Бухоро” (Рўзбеххон) китобида Дашти Қипчоқ ўзбеклари уч тоифадан – шайбонийлар, қозоқлар ва манғитлардан ташкил топган дейилади. Лекин бу гап баҳсли, чунки “қозоқ” атамаси этноним сифатида 1446 йилдан бошлаб (ЎЗМЭ, 3-жилд, 218-б.) пайдо бўлган.

Ушбу анча чигал, аммо ниҳоятда муҳим мавзуга бизнинг ҳам яна тўхтаётганимиз маъноси шуки, ҳар ким ўз миллатининг келиб чиқиши, шаклланиши жараёнлари, миллати атамасининг пайдо бўлиш тарихини билмоғи сув ва ҳаводек зарур бир амал, ажодлар

олдидаги ворислик бурчидир. Ваҳоланки, халқимизда, жанубий вилоятларимиздаги уруғ айиришни инобатга олмаганда, ўз шажарасини, ҳатто етти пуштини билишга қизиқиш ҳам кучли дейиш қийин. Бошқа соҳалардаги лоқайдлик майлику-я, ўз насл-насабига беътиборлик, ҳарқалай, кўл силтаб қўяверадиган масала эмас.

Ҳозир ўзбек дейилгувчиларнинг илдизи, негизи тарихда туркийлар деб аталган қатламдир. Аслида Турон минтақасининг ашаддий кушандаси бўлмиш Чингизхоннинг ўзи ҳам туркийларнинг қиёт уруғидан эканлигини таъкидлашади муаррихлар. Бизнингча, “ўзбек” атамаси дастлаб исм сифатида юзага келган ва кейинчалик, Олтин Ўрдага Ўзбекхон хон бўлгач, Ўзбекхонга тегишли, Ўзбекхон тарафдорлари, Ўзбекхоннинг одамлари – амир-мулозимлари ва фуқаролари мазмунидаги ўзбек қатлами секин-аста кўпайиб, бу атаманинг кўлланиш ҳудуди кенгайиб борган. Айрим китобларда (мас. С.Лен-Пул ва К.Э.Босварт (“Мусулмон сулолалари”), А.Иброҳимов (“Бизким, ўзбеклар”) асарларида элхон (хулоқуий)лар (мўғуллар давлати ва сулоласи) саройида “ўзбек” ибораси мансаб номи, хоннинг энг яқин одами – оталиғи, маслаҳатчи сифатида қўллангани тўғрисида ёзилади.

Алишер Навоий эса “ўзбек” атамасинигина эмас, балки шу номдаги кўп жангчиларни ҳам милоддан олдинги даврга, Искандар қўшинлари қаторига олиб бориб қўяди: **“Яна манғит, ўзбек била ёндошиб...”** Бу гапни шоирнинг фантазиясига йўядилар. Лекин Навоийдек чуқур билимли, тарих олдидаги, келажак авлодлар олдидаги масъулиятни теран ҳис этадиган мутафаккир зот бундай жиддий масалада қандайдир асосга суянган бўлиши керак-ов!

Хуллас, “ўзбек” қавм, элат, миллат бўлиб шакллангунга қадар - то XX асргача кўп эврилишларни кечиргани аниқ.

**“ -Ўзбек халқи тарихан уч туркий қабилалар қатлами асосида юзага келди, - деб ёзади таниқли тилишунос Қозоқбой Маҳмудов. – Ўзбек халқининг биринчи қатлами қарлуқ-чигил қабилаларидан иборат. Иккинчи қатлам ўғуз қабилалари асосида ташиқил топган. Учинчи қатлам эса, Ўзбекистоннинг шимолӣ чегараларида яшаган йирик турк қабиласи - қипчоқ уруғлари асосида шаклланди. Ўзбек элати... Ўрта Осиёда XVIII асрнинг учинчи чорагигача (Чор Россияси босқинигача – Қ.К.) ҳукмрон бўлдилар. 1924 йилдан бошлаб ўзбек элати номи ўзбек миллатига асос бўлди”.**<sup>1</sup>

Лекин тадқиқотчи И.Бекжоновнинг 1924 йилдан эътиборан **“мўғуллар босқинидан кейин Чизатой улуси таркибига кирган ҳудуднинг илгари кўп минг йиллик давлатчилик ва маданият тарихига эга халқлари вакиллари ягона “ўзбек миллати” номини олди”**<sup>2</sup> деган хулосаси баҳслидир, зеро бунда ўзбек халқи таркибига кирувчи қатламлар чекланиб қолган.

Сирасини айтганда, қавму қабилалар, элатлар, миллатларнинг, хусусан туркий халқларнинг ўтмишда, беҳисоб жангу жадаллар жараёнидаги асирликлар, яшаш маконлари ва тарзларининг тез-тез ўзгариб туриши оқибатида шу қадар аралашиб, қоришиб кетишганки, уларни бир-биридан ажратиш, саралаб олишнинг мураккаблиги ҳам шунда. Лекин шунга қарамай, Аллоҳнинг иноятими, табиий танланиш қонунининг кучими, миллатларнинг ўз қиёфалари, феъл-атворлари, тутумларини нисбатан шунчалик сақлаб қолишгани ҳам ғаройиб бир мўъжизадир.

\*\*\*

Бўрибайтал овулида (яқин атрофда аҳоли яшайдиганга ўхшамасди), “Айғанним” деган ошхонада тушлик қилгач, йўлда давом этдик. Бир пайт олисда саробга ўхшаш бир нима ялтираб, гоҳ кўриниб, гоҳ ғойиб бўла бошлади. Лекин у сароб эмас, чинакам сув – Олакўл экан.

Йўл яхшиланди. Чиғаноқ посёлкаси (бу ерларда аҳоли яшаш жойлари йўлдан анча ичкарида, жуда сийрак)дан ўтганимиздан кейин чағалай кўрина бошлади, ундан бошқа бир зоғ учрамасди.

Яна суҳбат қизиди. Ваҳоб Раҳмон Навоий даҳосидан, унинг “Ҳолоти Ҳасан Ардашер”

<sup>1</sup> “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1991 йил 12 июл.

<sup>2</sup> Хондамир. Буюклик хислати “Шарқ НМАК”, 2011 йил, 22-бет, изох.

асаридан бошлаб берган мунозара-муҳокама боз шеърий санъатга, жумладан ийҳом санъатига, Мавлоно Лутфий, Комил Хоразмийларга уланиб кетди. Муҳаммад Али Навоийнинг 1955 йили нашр этилган мўъжазгина “Танланган асарлар”ини ҳамиша (сафарларда) ёнида олиб юраркан, ўша китобдан ғазаллар ўқилди, шарҳланди.

Ясси ботиклигидаги Олакўл сойлиги (ўнгда), адирсимон тепаликлар орасидан Балхаш кўли бўлиниб-бўлиниб кўриниб, гоҳ торайиб, гоҳ кенгайиб давом этапти. Йўл кўлга дам яқинлашиб, дам узоқлашади. Денгиз сатҳидан 340 метр баландликдаги, майдони суви кўпайган чоғларда 72 минг квадрат км.ни ишғол этадиган ушбу кўлнинг узунлиги 600 км.дан зиёд. Қозоғистоннинг шимоли-шарқидан жануби-ғарбига томон ярим ой шаклида чўзилган йўл ҳам унга мувозий равишда кетган эди. Қомусий китоблардаги маълумотларга кўра, кўплар асосий худуди сахро, чўллардан иборат деб биладиган Қозоғистонда 85 мингдан зиёд катта-кичик дарё ва сой оқади. Уларнинг асосийлари – Иртиш, Урол, Чу, Или, Сирдарё, Чордора, Бухтарма, Қопчиғай... Булардан ташқари 48 мингдан ортиқ кўл бўлиб, уларнинг майдони 45 минг квадрат километрдан ошади! Кўлларнинг энг йириклари: Балхаш, Зайсан, Олакўл, Тенгиз, Сассикқўл, Марқакўлдир.

Йўл юриб, мўл юриб боряпмиз. Ҳарорати елка, биқинларни қиздириб келган куёш энди алвон уртуғини шоша-пиша йиғиштириб, ботмоққа ошиқаётир. Соат кечки еттидан ўн дақиқа ўтган эди.

Тирик жон кам, хайвон, парранда умуман йўқ.

Соат тўққиз яримларда Балхаш шаҳрига кириб бордик-да, “Дўстлик” меҳмонхонасида тўхтадик. Каравотларнинг сим тўри эзилиб-чўзилиб кетган – мисоли беланчак дейсиз. Аммо ошхона хизматчиси - қозоқ аёли Сония жуда хушмуомала, хушсухан чиқиб қолди. Кечасию кундузи, дам олишсиз ишлашаркан, туннинг хоҳлаган вақтида буюртмага асосан овқат пишириб беришлари мумкин экан.

## ТҶРТ БУЮК ҲУКМДОР

*5 июнь, якшанба*

Уйку унча дуруст бўлмади. Бунга белларнинг адабини берган камалак каравот сабаб эди. Аммо нонушта чаккимас: котлет, сметана ва кўк чой... Фақат чойнинг таъми мундайроқ эди, суви мазали бўлмаса керак. Ҳа-да, бепоён чўлнинг ўртасидаги, шўр кўллар билан ўралган шаҳарда булоқ суви оқармиди...

Зокиржон ака билакка тақиладиган асбобда қон босимимизни ўлчади.

- Сизники сал баланд, - деди. Менимча анча юмшатиб айтди. Сабаби аппарат билагимдан тарақлаб ечилиб кетди. Яхши ухламаганимга йўйдик.

Қарағанда шаҳрига (шу ердан 377 км. экан) жўнадик – шимол ёққа. Куёш ўнг томонимизда. Икки терак бўйи кўтарилган.

Қарағанда вилоятига мансуб, Балхаш кўлининг шимолий соҳилидаги пристан шаҳарча Балхашда фақат кўрғошин заводи бор экан (унинг ёнидан ўтдик), бошқа йирикроқ саноат объекти йўқ. Шунга қарамай, у мамлакатдаги рангли металлургия маркази ҳисобланади.

Йўл торроқ, узундан-узун, икки ён дашт – Эргаштом йўлларини эслатади, фарқи қизғиш шағалли ва замонавийлиги, яъни асфальтлиги. Адирсимон тепаликлар, далалар ҳам нечукдир қизғиш. Дарвоқе, китобларда бу худудлар тупроғи кўнғир чўл-дашт ва кам карбонатли сур, шўрхок тупроқдан иборат дея таърифланган.

Сухбат давом этади. Амир Темур баҳонасида тарихда ўтган бошқа қудратли подшоҳ – саркардаларни эслаймиз. Жаҳонни титратган фотиҳлар кўп, албатта, аммо бу тўғрида гап кетганда биринчи галда уларнинг тўрттаси – Искандар, Атилла, Чингизхон ва Амир Темур тилга олинади (Аслида бу санокқа Юлий Цезарь ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ҳам киритиш керак).

Эраמידан аввалги тўртинчи асрда яшаган Искандар Мақдуний (Александр Македонский) – Шарқда Искандар Зулқарнайн номи билан машҳур македониялик

лашкарбоши бор-йўғи 33 йил умр кўрган, аммо ана шу муддат ичида у дунёнинг қарийб ярмини забт этишга улгурган. Жумладан, Эроннинг марказий шаҳарларини, Эқбатана, Мисрни, кейин Бақтрияни, Самарқандни эгаллаган, Ҳиндистонгача бориб, Панжобни қўлга киритган. Унинг салтанати таркибига Ҳинд дарёсидан Дунай дарёсигача бўлган ҳудудлар кирган ва қадимги дунёнинг энг йирик давлати ҳисобланган. Искандар ҳам шафқатсиз, жоҳил бўлган. Жасур Спитаменни махв этолмай, алаmidан юз минглаб тинч аҳолини кириб юборган, кўплаб боғ-роғларни пайҳон қилиб ташлаган. Ана шундай куч-қувватга, катта ҳарбий истеъдодга эга зот оддий безгакдан ҳалок бўлган. Искандар вафотидан сўнг давлат парчаланиб кетган.

Бу машҳур фотиҳ-жаҳонгирдан кўра кейин ҳукмдорлик қилган лашкарбошиси Селевк ва унинг ўғли Антиохлар бунёдкорлик ишлари билан кўпроқ шуғулланишган ва нисбатан яхши ном қолдиришган.

Искандардан қарийб саккиз аср кейин дунёга келган ва ҳоқонлик тахтига ўтирган хуннлар подшоҳи Атилла ҳам жуда катта ҳудудни – шарқда Кавказ, ғарбда Рейн, шимолда Дания ороллари, жанубда Дунай дарёсининг ўнг соҳилигача бўлган ерларнинг ҳукмдори эди. Унинг қудрати, сиёсати шу қадар эдики, кўп халқлар ўз ихтиёри билан унга бўйсунганлар. Аммо унинг ўлимидан кейин ўғиллари (Денгизбек, Илак, Ирнаклар)нинг тож-тахт талашуви, укувсизликлари, ношудликлари натижасида хуннлар салтанати таназулга юз тутди. Шундан кейин *“Хуннларнинг бир қисми Ўрта Осиёга ўз қардошларига келиб қўшилади, қолган қисми эса авар туркларига қўшилиб кетдилар”* деб ёзади Қозоқбой Маҳмудов *“Қадимги Туркистон”* китобида.

Қадимда Марказий Осиёда шаклланган хуннлар туркий тилли кўчманчи халқ эди. Улар тўрт минг йил илгари Хитой манбаларида *дилар* деб аталувчи туркий қабила таркибига кирган, демакки, улар туркий халқларнинг аجدодлари эди.

Мўғуллар давлати асосчиси Чингизхон – Тэмужин (XII-XIII асрлар) минг кишилик шахсий гвардияси, юз минг жангчидан иборат отлик армияси билан (аслида Чингизхон аскарларининг умумий адади 400 минг кишидан иборат бўлиб, бор-йўғи тўрт мингтаси мўғул, ўттиз мингдан зиёдроғи қипчоқ, қолганлари бошқа халқ вакиллари эди) Сибирнинг бир қисмини, шимолий Хитойни, Ўрта Осиёни, Хуросон, Эронни бўйсундирган. Шафқатсизлигининг чеки-чегараси бўлмаган: забт этган ҳудудлардаги шаҳару қишлоқларни ер билан яксон қилган, аҳолисини қирган ё кулликка маҳкум этган. Шимолий Хитойга юриш чоғида оғир дардга чалиниб вафот этган. У эгаллаган юрту элларни тўрт ўғли – Жўжи, Чиғатой, Ўктой (Ўгадайхон), Тулуй (Тулайхон)лар бошқаришган.

Шарқда Олтойдан Ғарбда Амударёгача, Ғулжадан Самарқанду Бухорогача бўлган ҳудудда асосан Чиғатой ва унинг авлодлари ҳукм суришган (1224-1404 й.). XIV асрнинг ўрталарида Чиғатой улуси парчаланиб, улуснинг шарқий қисмида Шарқий Туркистон ва Еттисувда турк ва мўғул қабилаларини ўз ичига олган Мўғулистон давлати ташкил топган. Чиғатой улусининг ғарбий қисмида, 1370 йили Амир Темур салтанати вужудга келган.

Уччала жаҳонгир ҳам, тан олиб айтиш керакки, шубҳасиз, катта истеъдод эгалари, ақлли, тадбиркор шахслар бўлишган, ҳаммаси йирик-йирик ҳудудларни шижоати, жасорати, ҳарбий маҳорати билан забт этишган ва ўзга мамлакатларда катта обрў-эътибор қозонишган, бошқалар улар билан ҳисоблашишга мажбур бўлишган. Лекин, имонимиз комилки, улардан ҳеч бири, Амир Темурчалик кейинги авлодларга мерос ва хотира бўлиб қоладиган кўп саройлар, мадрасалар, мақбаралар, работлар, боғу-роғлар ва бошқа ҳайратомуз иморатлар барпо этмаган, илм-фанга, маданиятга юксак эътибор ва ҳомийлик кўрсатмаган! Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, мўғулларнинг Моваруннаҳрдаги салкам бир ярим асрлик ҳукмронлиги даврида биронта ҳам эътиборга молик тарихий обида ё бошқа бир иншоот қурилмаган.

Буюк Соҳибқирон эса нафақат ўз юрти Мовароуннаҳрда, балки кейин қаламравига кирган (ва кирмаган) мамлакатларда ҳам катта бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Биргина мисол: Озарбайжоннинг мўғул қўшинлари томонидан вайрон этилган Бойлақон шаҳри Амир Темур буйруғи ва режасига асосан қайта тикланган. Зеро, муносиб ва имкон

борки жойда шаҳар ёки зарур иншоотлар, ёдгорликлар қуриш Амир Темурнинг ҳаётий шиорларидан бири эди. **“Амир Темур жонбоз қурувчи эди, - деб ёзган эди машҳур шарқшунос В.В.Бартольд - у ажойиб бог-роғли муҳташам иншоотлар бунёд қилди, шаҳар ва қишлоқларни тиклади. Суғориш тизимлари барпо этилди ва таъмирланди, расмий тарих таъбирига кўра, у экин экишга яроқли бир қарич ерни ҳам бекор қўймасди”.**

Амир Темур ҳақида ҳатто хорижий мамлакатларда яратилган драматик ва бошқа жанрдаги асарларда ҳам Соҳибқирон “Туркий олам улуғворлигининг рамзи”, “Туркий оламини бирлаштиришга интилган саркарда” сифатида, шунингдек, фан, санъат, хунармандчилик ва тижорат ҳомийси сифатида талқин этилади.

Япониянинг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Ёсихиса Курадо эса **“Мен ўзбек халқига ҳавас қиламан”** деган сарлавҳали мақоласида шундай деб ёзади: **“Амир Темурни тарихий шахс сифатида ўйлаганда, энг аввало, менинг диққатимни тортган нарса замондошларининг у ҳақда ёзган “гам-гуссага қаддини букмайдиган, хурсандчилик-шодликларда ўзини йўқотмайдиган” “сергайрат, соҳиби жасорат”, “фармони бекор қилинмайдиган” сингари таърифлари менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Амир Темурни доимо ўз-ўзини курашларга тоблаган ҳарбий қўмондон сифатида тасаввур қиламан. У бир ўзи Японияда XVI-XVIII асрларда яшаган учта машҳур тарихий шахсининг кучли ирода, донишмандлик, сабр-матонат каби уч нодир фазилатини ўзида мужассам этган эди..”<sup>1</sup>**

Ҳатто Амир Темурга ноҳайрихоҳ хориж тарихчилари, айрим ғарб олимлари ҳам Соҳибқиронни қаттиққўл, ғазаби кучли, мустабид ва ҳоказо деб камситишга ҳаракат қилишгани ҳолда, унинг асосий шиори ва давлатни бошқариш тузуги – тамойили адолат бўлганлигини, истеъдодли саркарда ва ҳукмдорлигини, ёлғонни ҳазм қилолмаслиги, бунёдкорлиги, олиму уламолар, ижодкорларга ғамхўр ва ҳомийлиги ва бошқа қатор сифатларини эътироф этмасликка ўзларида куч ва журъат тополмай қоладилар. Ундайларга холис кимса – венгер олими Герман Вамбери жуда асосли ва қойилмақом раддия билдирган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, **“Саййидлар, олимлар, фақиҳлар, фазилат ва билим эгалари, шунингдек уйғур бахшиларию форс адиблари Соҳибқиронга сафарда ҳам, уйда ҳам узлуксиз мулозимликда бўлган. Фармонга мувофиқ улардан бир гуруҳи мунтазам (равишда) ул Ҳазратнинг юриш-туриши ва гап-сўзларида, мулк, миллат ва аркони давлат аҳволида нимаики гап бўлса, тўла-тўқис ёзиб борардилар. Бу ишда муболага қилинмасин, деб алоҳида таъкидлаб буюрилган эди. Шу йўсинда туркий манзума ва форсий қисса, ҳар бири ул Ҳазратнинг юриш-туришидаги энг йирик (воқеаларни) қамраб олган назм ва наср қаламига олинган эди”.** Соҳибқирон муваффақиятлари ва фазилатларини мумкин қадар камайтириб ёзишга уринган Ибн Арабшохнинг қуйидаги фикри ҳам ғоятда ҳарактерли ва ўта муҳимдир: **“... у ҳақиқат қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин, уни эшитишни яхши кўрарди”.** Мана шу фазилат тарихда камдан-кам ҳукмдорга насиб этган.

Энг муҳими, академик Иброҳим Мўминов таъкидлаб айтганидек, Соҳибқироннинг иш ва сўз бир бўлсин дейишни хуш кўриши ва ўзининг бу ҳикматга – ҳаётининг энг ибтидоий ва олий қонунига риоя қилиши унинг раиятпарварлиги ва инсонпарварлигининг ўзаги, асоси эди. Бу фазилатларнинг барчаси Амир Темурнинг кучли ва барқарор эътиқоди тармоқлари эди. Эътимодининг собитлигига бир мисол буқим, у ўзининг устоз ва пирларига бир умр садоқатда ўтди. Хусусан, Саййид Баракага муносабати – яъни ўзининг абадий хобгоҳини пири даҳмасининг оёқ томонидан тайин этилишини васият қилиши бу садоқатнинг амалий ифодаси эди. Соҳибқирон бошқа пирлари Зайниддин Абубакр Тайободий, Хожа Шамсиддин Кулолга ҳам ҳамиша юксак эҳтиром ва эътиборда бўлган.

Зардуштийнинг муқаддас китоблари жамламаси – турк-ўзбек, умуман Мовароуннахр, Эрон, Озарбайжон халқларининг қадимги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қоидалари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари акс этган бебаҳо дастуриламал

<sup>1</sup> “Жаҳон адабиёти” журнали, 2012 йил, 4-сон, 3-бет.

“Авесто”ни фожей қисматга дучор қилганлардан бири Искандар Зулқарнайндир. Абу Райҳон Берунийнинг хабар беришича, 12 минг мол терисига тилла суви билан битилган “Авесто” асл нухасининг бир қисми Искандар томонидан куйдириб юборилган, бир қисми олиб кетилган. Олиб кетилиши-ку майли, аммо ёқиб юборилиши ёвузона жиноят эди.

Худди шундай маънавий қотиллик айрим замонавий тадқиқотларда тажовузкорликда тенги йўқ Чингизхонга ҳам тақалиб, ҳатто унинг “Авесто”ни икки марта ёқтириб юборгани айтилади. Ҳарқалай, “Авесто”нинг ёндирилиши халқнинг илм-маърифатини, маънавий бойлигини топтаб, уни саводсизликда, жаҳолатда тутиш, руҳи, ғурурини синдириш чорасининг ашаддий мисоли эди. Демакки, Иосиф Сталиннинг илмли, истеъдодли кишиларни қатағон қилиб тобелikka гирифтор этиш сиёсатининг илдизлари олис тарихга бориб тақалади. Берунийнинг ёзишича, араб истилочиси Қутайба ибн Муслим ҳам Мовароуннаҳр халқини таслим қилишда шундай йўл тутган, яъни хоразмликларнинг китобдафтарларини куйдирган, хат-саводли ва бу хат-саводни бошқаларга ўргатиши мумкин бўлган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб ташлаган. Натижада халқ анча замонларгача саводсиз бўлиб, фақат ёдлаш орқали илму хунарини давом эттирган.

Амир Темур эса, Искандар ва Чингизхонларнинг акси ўлароқ, қайси бир мамлакатни қўлга киритса, у ердан илмли кишиларни, хунарсандларни юртга олиб келар, уларни эъзозлаб, ўз касб-хунари билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилиб берар, уларнинг ҳолидан хабар олиб, рағбатлантириб турар эди. Жаҳонгир султон илму фан эгалари, донишманд уламолар билан бот-бот суҳбатлашар, улардан маслаҳат, йўл-йўриқ сўрашдан ор этмасди. *“Амир Темурнинг ақлий қобилиятлари ва қизиқишлари қўлами кишини айниқса ҳайратга солади. Унинг ҳукмронлиги битилган тарихларда тиббиёт, астрономия ва, айниқса, араблар, форслар ва туркийлар тарихи соҳасидаги билимлари мадҳ этилади. У завқ билан олимларнинг мунозараларига киришиб, кўпинча голиб чиқарди....”* (В.Ф.Манс). Шунингдек, Соҳибқирон ўз қаламравидаги юрт-эллардан салоҳиятли табиблар, меъмор-бинокорларни, амалий санъат намояндаларини, безак усталарини ҳам келтирар, уларни Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бунёд этилган ўлмас тарихий обидалар, иншоотлар қурилиши, жиҳозига, шаҳарларни ободонлаштириш, кўркамлаштириш, боғ-роғлар яратишга жалб этарди.

Француз тарихчиси Люсьен Керэннинг бу борадаги фикри янада аниқ далилларга асосланган. *“Амир Темур меъморчиликни ва декоратив санъатни яхши ҳис этар ва тушунар эди, – деб ёзади у. - Унинг ҳукмронлиги даврида Самарқанд ва Кешда бунёд этилган масжид, сарой, мадраса, хонақоҳлар форс ёки хитой монументларининг хушомадгўйлик билан қилинган нухаси эмас. Улар ўзига хос ва хилма-хил хусусият касб этади. Бу – буюк Амир ўз пойтахтини безатишни ишониб топшириш асносида бирлаштирган, маданияти ва техникаси турлича бўлган усталарнинг ижод маҳсулидир”*. Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур ўзининг бу борадаги ишлари амиру уламоларга ибрат бўлишини ҳам кўзлаган. Худди ана шу аснода, ана шу жараёнларда, Соҳибқироннинг кучли эътибори, ҳомийлиги, ғамхўрлигида мамлакатда илму фан, хунар, маданият, маърифат юксалган. Илгари олим, зиёлилар (Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Хоразмийлар, Форобий ва бошқалар) илм излаб, кутубхона, илмий-ижодий муҳит ахтариб бошқа шарқ шаҳарларида саргардон кезишган, ватандан, оила, кўнгили яқинлардан мосуво бўлиб, мусофирлик риёзатларини чекишган бўлса, энди у ёқлардан Амир Темур етови, даъвати ё ўз ихтиёрлари билан Туронга келадиган бўлишди.

*“Амир Темур фақат маҳаллий муаллифларнигина рағбатлантирмай, балки ўз пойтахтига чет эл олимлари ва шоирларини ҳам жалб этди ҳамда уларнинг ҳаммасига хотамтойларча мукофотлар ҳадя этар ва ўз шахсий эътибори ва ҳомийлиги билан уларни қўллаб-қувватларди. Ана шу олимларнинг айримлари Амир Темур салтанатида ўз ватанидагидан кўпроқ таъминланган эди”*, деб ёзади Г.Вамбери.

Соҳибқирон буйруғи ёки ўз ихтиёрлари билан фазлу камол умидида келган истеъдодли кишилар орасида, жумладан, табризлиқ тарихчи олим, маҳсус топшириққа биноан темурийлар салтанати тарихига оид “Зафарнома” асарини ёзган Низомиддин

Шомий, яна бир муаррих, солномачи Шарафиддин Али Яздий, “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Темур” ва бошқа асарлар муаллифи, бағдодлик Ибн Арабшоҳ, асли озарбайжонлик олим, Амир Темур тарбияси, ҳомийлиги ва сийловлари натижасида таниқли ҳофиз, созанда, бастакор, мусиқашунос, шоир бўлиб етишган Хожа Абдулқодир Мароғий, яна, Соҳибқироннинг марҳамат ва мурувват дарёсидан сув ичиб юксак даражотга етишган алломалардан файласуф ат-Тафтазоний, ”Дорушшифо”да дарс берган журжонлик олим, замон уламоларининг пешвоси Мир Саййид Шариф, машхур математик ва фалакиётшунос Қозизода Румий, шунингдек, Муийиниддин Натанзий, Ҳофизи Абрў, Жамшид ибн Маъсуд ибн Маҳмуд ал-Коший ва бошқалар турли юртлардан келиб, Соҳибқирон мамлакатига яшаб, ўзларининг машхур асарлари, илмий тадқиқотларини яратишган ва Туркистонда илму маърифатнинг ривожига, дунё миқёсида шуҳрат топишига катта ҳисса қўшишган.

Ҳирот, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан бунёд этилган, илоҳиёт ва дунёвий соҳалар – тиббиёт, тарих, адабиёт, жуғрофия, фалакиёт, риёзат, хандаса, фикҳ (қонуншунослик) ва бошқа фанлар ўқитиладиган йирик мадрасаларда турли музофотлардан келиб, кейинчалик йирик мутахассис-олимлик мақомига эришган кўплаб талабалар таҳсил олишган.

*“Темурийлар даврида фан ва шеъриятга қизиқиш шу даражада катта эдики, Самарқандда қўлёзма кўчирувчи машхур хаттотлар муваффақият билан ва баракали иш олиб бордилар. Хаттотлар хуснихат борасида бир-биридан ўзишарди. Қўлёзмалар рассомлар чизган расмлар билан безатилган. Қўлёзмаларни кўчириш ва матнни нақш-лавҳа ҳамда миниатюралар билан безашда ҳукмдорлар ва сарой аъёнлари кўплаб буюртмалар беришарди. Самарқандда хаттотлик санъатининг ажойиб обидаларини қолдирган машхур хаттотлар Абдурахмон Хорумий ва унинг икки ўғли яшаишган”* (Н.И.Леонов).

Буюк маърифатпарвар бўлган падари бузрукворидан, боболаридан ибрат олган шахзода-амирзодалар, кейинги темурий ҳукмдорлар даврларида ҳам юқоридагидай қутлуғ анъаналар давом этган ва катта ижодий-илмий муҳит юзага келганлиги натижасида улар орасидан Мирзо Улуғбекдай буюк астроном, Бойсунқур Мирзодек катта ижодкор, шеърият ва хаттотлик ҳомийси, Ҳусайн Бойқародек дилбар шоир, Мирзо Бобурдек қомусий олим, забардаст адиб етишиб чиққан.

Амир Темур ва Бобур Мирзоларга хос яна бир муштарак хусусиятни четлаб ўтиш мумкин эмас. Ҳар иккиси ҳам шахсий манфаатдан давлат, халқ фойдасини юқори қўйган ҳукмдорлар эди. Ҳар иккиси ҳам тинч аҳолининг ўзига ё мол-мулкига тажовуз қилган ва бошқа ножоиз ишларга қўл урган аскарларини қаттиқ жазолар эди. Соҳибқирон мамлакатлардан олиб келган ўлжа ва бошқа йўллар билан қўлга киритилган моддий бойликларни юрт ободончилигига сарфларди. Тарихчи Бўрибой Аҳмедовнинг таъкидлашича, Амир Темур ўша бойликлардан ўзига сариқ чақа ҳам олиб қолмаган! Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг куйидаги байти эса унинг феълу атворини, қалбу сийратини баралла намоён қилади:

*Беқайдмену<sup>1</sup> хароби сийм<sup>2</sup> эрмасмен,  
Ҳам мол йигиштирур лайм<sup>3</sup> эрмасмен.*

Бизнингча, бундоқ саховатпешаликлар, олижанобликлар сабаби аввало шундаки, ҳар икки ҳукмдор, жумладан, Амир Темур тайёр давлат пойтахтига ўтирмадилар. Улар ҳамма нарсага – салтанатга, обрў-эътиборга ўз тажрибаю кучи, салоҳияти, эътиқоди, матонати билан эришдилар ва шунинг учун ҳам улар ўткинчи ҳою ҳаваслардан, бойлик йиғишдан баланд турдилар. Зеро, подшоҳ ва подшоҳзодалардаги мол-дунё васвасаси, айни ана шу туйғу давлатни парокандаликка, таназзулга учратадиган асосий омилдир. Бинобарин, ҳеч

<sup>1</sup> Бошвоқсиз эркин.

<sup>2</sup> Кумуш учун ўлиб-тириладиган.

<sup>3</sup> Очофат, очкўз (В.Раҳмон изоҳлари).



ким ўзи машаққат билан яратган нарсасига чанг солмайди, ўзгаларнинг чанг солишига ҳам йўл қўймайди. Бундай феъл-атвор, тутумлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ҳам, шубҳасиз, бобокалони Соҳибқирондан ўтган эди. Амир Темур билан Бобур Мирзо ўртасида ва кейин ҳам темурийлар салтанати тахтида кўп ҳоконлар ўтирди, аммо иккаласидек шон-шухрат, орбў-эътибор топа олмадилар. Қони бир бўлган бу икки улуғ зотнинг асосий ютуғи шунда эдики, маънавиятпарварлик ва маърифатпарварлик (сиёсий фанлар доктори Т.Алимардон мана шу жиҳатларни *ахлоқий қадрият* деб баҳолайди) бу икки даҳо сиёсатининг таркибий, узвий қисми эди. Инчунун, Соҳибқирон ўз халқининг моддий ва маънавий истак ва хоҳишларини, муаммо ва ташвишларини яхши билар, ўша муаммоларни ечишга, халқни ҳар жиҳатдан таъминлашга қодир бўлган давлатчилик тизимини яратишга уринарди. М.Вебер таъкидлаганидек, Амир Темур учун (Бобур Мирзо учун ҳам) асосий мақсад босиш, талаш эмас, балки уларнинг ҳар бир юриши, ҳар бир жанги адолатни қарор топтириш, мамлакат сарҳадларини мустаҳкамлаш, юртни ободонлаштириш, халқ турмушини фаровонлаштиришга йўналтирилган эди. Мана шу мақсад ва тамойилларнинг бари Соҳибқирон “Тузуклар”ида мукамал акс этган, унинг муаллифи эса ўзи кўп йиллик ҳаётий тажрибалари асосида ишлаб чиққан, ижтимоий характердаги қонун-қоидалар мажмуига тўла риоя қилар эди. (Бинобарин, “Тузуклар” қўл остидагиларга муносабат, истеъдодли ва ҳалол ходимларни танлаб ўзига муносиб амал-вазифаларга қўйиш, уларга ишонч билдириш, умуман одилон ва оқилон раҳбарлик маданияти борасидаги мукамал бир қўлланма, тарихий ва умрбоқий, ибратли китобдир).

Балки ана шу ва бошқа хислатлари боис баҳодир Амир Темурнинг халқаро миқёсда ҳам обрў-этибори, ҳурмати беҳад ошиб кетган, Соҳибқирон барҳаётлигидаёқ уни кўрган-билган, эшитган кимсалар қудратли ва олиҳиммат ҳукмдорга тан бериб, қойил қолишар, унга иззат-икром кўрсатиш пайига тушишарди. Бу борада, хусусан турли мамлакатлар элчиларининг муносабатлари ҳам диққатга сазовордир. Уларнинг айримлари ҳавас қилиб, Соҳибқирондан ўз исмларига унинг отини қўшиб олишга ижозат беришини ўтинишган.

“Амир Темур салтанати” романи муаллифи, таниқли фаранг олими Люсьен Керэннинг ёзишича, элчилардан бири, кастилиялик Ҳерманнинг Аревало яқинидаги Рапариегос черкови ҳовлисига қўйилган қабр тошига шундай сўзлар битилган экан: *“Бу ерда қирол Ҳенри III саройининг аъёни ва унинг Амир Темур ҳузурдаги элчиси марҳаматли рицар Ҳерман Санчес де Паласуэло Тамерлан дафн этилган...”*<sup>1</sup>.

Президентимизнинг қуйидаги сўзлари эса буюк Соҳибқироннинг тарих қошидаги, келажак авлодлар олдидаги бекиёс хизматларини мухтасару муфассал ифодалайди: *“Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак”*.

Зеро, Амир Темур бобомизнинг ўзи ҳам *“Куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган биноларга боқинг”* деб бежиз айтмаган.

Соҳибқирон бобомизнинг миллат, халқ, тарих олдидаги буюк хизматларидан яна бири шуки, у юртимизнинг аввалги жуғрофий атамасини қайта тиклаган. *“Амир Темур 1370 йили Марказий Осиёдаги давлат тепасига келгандан кейин Чигатой авлодлари бу ҳудуддан қувилган. Мовароуннаҳр яна қадимий номи билан Турон ва Туркистон деб атала бошлаган эди. Чигатой исми энди туркийлашган бир мўғул уругининг оти ёки... жой номлари сифатида сақланиб қолган”*.<sup>2</sup>

Ушбу мавзуда, тарихий шахслар ва воқеалар масаласида фикрлар хилма-хил, хоҳлаганча баҳс-мунозарани давом эттириш мумкин, илло, биз муаррихлик даъвосидан йироқмиз.

## СОҲИБҚИРОН ҚАРАҒАНДАДА БЎЛГАНМИ?

<sup>1</sup> “Ўзбекистон матбуоти” журнали, 2012 йил, 1-2 қўшма сонлар, 77-бет.

<sup>2</sup> П.Қодиров. “Тил ва эл”, 45-бет.

Қарағандага етай деб қолдик. Қарағанда – шу номдаги вилоятнинг ёш шаҳри. Эндигина бир инсон умрини яшаётган бу кент Балхаш кўлининг шимоли-ғарбида қад кўтарган. Вилоятдан Сарисув ва Нура дарёлари ўтади. Шўр кўл кўп. Шаҳарлари, дашт ва саҳроларида қарағай, қайин, тоғтерак, тол, бута, чўл ўсимликлари, шувоқ-шўрадан бошқа дарахт, гиёҳ кам.

Бу ҳудуд билан боғлиқ муҳим бир тарихий воқеа бор.

Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши юриши чоғида улкан лашкар даставвал Саброн шаҳрида тўхтади, ундан Сарик Ўзан мавзеига – ҳозирги Қозоғистоннинг Тўрғай вилоятидаги Сариккўпа кўлига қуйилувчи сойдан ўтиб, Кичик тоғни ортда қолдириб, Жезқазғондан юз километрча шимолроқда жойлашган Улуғ тоққа етади ва унинг тепасига туғ ўрнатиб, ўша атрофга қароргоҳ қурдиради. Сўнг кўшинга тош тўплатиб, минорасимон бир иншоот барпо эттиради. Тоштарошларга қуйидаги битикни араб ва эски ўзбек тилларида ёздирди:

*“Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, кўкламнинг ора ойида Туроннинг султони Темурбек икки юз минг кўшин билан ислом учун Тўхтамиш... хонлигига юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битиктошни ёздирди. Тангри нусрат бергай, иншоолло. Тангри фуқарога раҳм қилгай, (фуқаро) бизни дуо бирла ёд қилгай...”*

Битикли тарихий тош XX асрнинг 30-йилларида ҳозирги Қарағанда вилоятига қарашли Жезқазғондан 50 км. ғарбдаги Қарсақпай кони яқинидан, Қорамўла тоғи ёнбағридан топилади.

Юқоридаги далилий ашёдан Темурбекнинг расмий унвони “Турон султони” экани, давлатимиз “Турон” деб аталиши аён бўлади. Мазкур нодир ёдгорлик ҳозирда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида сақланмоқда.

Турон кўшини Улуғтоғдан кейин Йиланчиқ дарёсидан ўтиб, тўрт ой даштда йўл босиб, Қўстанай вилояти жануби-ғарбидан оқадиган Тобол дарёсига чиқади.

Афсуски, йўллар ўзгариб кетгани боис биз айни пайтда Улуғтоққа яқин юриш имконимиз йўқ, зеро, Жезқазғон Қарағандадан 250 км. нарида эди.

Шаҳар остонасида Зокиржон ака савол бериб қолди.

- Муҳаммад Али! Амир Темур бобомиз Қарағандада бўлганми, йўқми?

Раҳбар олдинда, ҳайдовчининг ёнида ўтиргани учун орқадаги ҳолат баъзан унинг назаридан пинҳон қоларди. Муҳаммад Али мизғиётган эди, саволни эшитмади. Ўрнига мен жавоб бердим:

- Соҳибқирон Қарағандада бўлганми, йўқми, билмадим-у, аммо мен бўлганман.

Раҳбар билан Ваҳоб Раҳмон кулиб юборишди. Муҳаммад Али уйғониб кетди. Савол-жавобни қайтарган эдик, у кишига ҳам хўп нашъа қилди.

Дарҳақиқат, бундан ўттиз йиллар муқаддам оилавий шароит тақозосига кўра Тошкентдаги ишим ва уйимизни ташлаб Гуркиров (ўзим туғилган қишлоқ)га кўчиб келувдик. Машқим пастроқ юрганини сезган отам ҳовлимиздаги хусайни, каттакўрғони (уни “қрими” ҳам дейдилар) узумлари ғарқ пишган паллада “Шуларни бирон ёққа олиб бориб сотиб, айланиб келмайсанми?” деб қолди. У пайтларда Россия, Қозоғистонга ишлаш учун эмас, мева-чева, сабзавот маҳсулотлари сотиш учун бориш урф эди. Дўстим Турғунбой қарийб ўспиринлик даврлариданок ўша томонларга доимий равишда анор ё помидор таширди. Унга отамнинг гапини айтувдим, “Яхши, тайёрланавер, бирга кетамиз”, деди. “Юк”ларимизни КамАЗда жўнатиб юбориб, ўзимиз поездда кетган эдик. Узумнинг килосини уч сўмдан сотганман - бу ўша йилларда яхши нарх эди, сабаби - ўзимизда зўр узум бир сўмнинг нари-берисида бўларди. Ўшанда Қарағанда шаҳри ҳам, деҳқон бозори ҳам ихчам, анча ғариб, файзсиз кўрунувди. Энди катта, замонавий шаҳарга айланибди: кўчалар кенг, баланд қаватли иморатлар... Ялтироқ тунукали томлар (бунақаси Олмаотада ҳам кўп эди) алоҳида кўзга ташланарди.

Қарағанда асосан металл ва айниқса, кўмир саноати билан ном чиқарган шаҳар. Умуман олганда, Қозоғистонда шунақа қазилма бойликлар, нефть, газ ҳам кўп. Дарвоқе,

Ғабиден Мустафиннинг ўзбек тилига таржима қилинган “Қарағанда” романи қаҳрамонлари ҳам кончилар эди.

Айни шу шаҳар кўчаларида юрган чоғимизда Зокиржон ака камина қаламига мансуб сафарномаларни жамлаб нашр этиш нияти борлигини гапириб қолди. Бунақа фикрни менга бошқалар ҳам (“шундай қилинса яхши бўларди”, деган истак маъносида) айтиб туришарди, лекин шу ишни амалга ошира оладиган одамнинг гапи ўзгача, асослироқ, суюнчбахш, оромбахш эшитиларкан.

### “ҚАРҚАРАНИНГ НОЗИ-ЕЙ!..”

“Қарқара” деган шаҳарга чапга кетиларкан. Узун бўйин, узун оёқли кўтонлар туркумига кирувчи ўлаксахўр йирткич парранда шарафига қўйилган бу атама бир замонлар менда нохуш таассурот қолдирган эди. Атоқли адибимиз Ойбекнинг “Бахтигул ва Соғиндик” достонида бош қаҳрамонлардан бири Бахтигулнинг, “Навой” романида эса Ўроз деган қирғиз йигитнинг қозоқларнинг “Қарқара” отлиғ мол бозоридан сотиб олингани ва уларнинг аянчли қисматлари тасвирланган. Наҳотки хотираларда одам савдосидек номатлуб, номаъқул сифатлари билан қолган ўша ном ҳали ҳам сақланса?

Йўл кўрсатгич ишора қилаётган ёқларда ҳозир ҳайвон бозори борми, йўқми, билмадим, ҳарқалай, у масканларнинг тамомила ўзгариб кетгани аниқ. Агар шундоқ бўлмаса, Миртемирдек нозик таъб шоир “Қарқаралик” деган гўзал назмни битармиди. Мазкур шеърни ўқиган одамнинг Қарқарага ишқибоз бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Адабиётнинг, бадиий сўз санъатининг хосиятини қаранг – хоҳласа, нафрат уйғотади, хоҳласа - муҳаббат. Сўзим исботи учун шеърдан икки бандини мисол келтирмоқчи эдим, кўнглим бўлмади, келинг, уни тўлалигича кўчириб ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола эта қолайлик.

### ҚАРҚАРАЛИК

*Қарқаралик, қайдан келдинг қошимга,  
Қайдаги савдони солдинг бошимга.  
Қайдаги савдони солсанг бошимга,  
Қота кўрма қатрон менинг ошимга!*

*Қош устига кўндирибсан қарқара,  
Қора сочинг қора тунда шаршара,  
Тўлқинида қошки ўзим чўмилсам...  
Шайдойингман, гар қарама, гар қара!*

*Қарқаралик, излаб келдим, йўл олис.  
Олис йўлда чўл олису кўл олис.  
Бир қарагин, кўзгинангдан билайин:  
Дермикансан яқин ёки бўл олис!*

*Қарқаралик, сойларингни кечгум бор,  
Сувларингни шароб каби ичгум бор.  
Олислардан келдим у гап ўзингда,  
Майли десанг, Қарқарангга кўчгум бор.*

*Қарқаранинг ўрдаги-ей, гози-ей,  
Ёзлари-ю, кузларининг сози-ей.  
Ё “ҳа”си бор, ё “йўғи” бор, не билай,*

## *Ўртаворди қарқаралик нози-ей.*

Халқ ижодидан илҳом ва бир сатр олиб ёзилган мазкур шеър ўз замонида энг кўп ижро этиладиган, элга суюкли кўшиқлардан бирига айланган эди.<sup>1</sup>

Қозоқ шоири Ғали Ўрмоновнинг “Қарқарали” шеърида ҳам у масканнинг табиати, кизлари баланд кайфиятда таърифланган.

Қарағандани булут эгаллаб олган эди, шаҳардан чиққан маҳалимизда ёмғир ёға бошлади. Ёнилғи қуйиш шохобчасида машинамизга солярка қуйдик. Шу ерда бир ўзбек йигит келиб биз билан сўрашиб қолди. Қаерданлигимизни суриштирди. Сустроқ, диққатроқ кўринди. Юрти, кадрдонларини кўмсаганга ўхшарди. Дўстим, таниқли ёзувчи Шодмон Отабекнинг қишлоғи Ширмонбулоқ (Булоқбоши тумани)дан - шунча олис масофадан келган одамнинг “амали” қоровуллик экан. Ёш, келишгангина йигит. Ўз вилоятида ўлақолса ҳам бундай вазифада ишламаса керак. Унга ачиндик, муҳокамамиз шу мавзуга кўчди.

Олис юртларга ишлагани бориб, баъзилари йиллаб дом-дараксиз кетган куёвлар келинчаларининг навқирон умрлари кутишларга, музтарликларга соврулиб, гоҳида ношаърий ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар ҳам юз бераётгани, ақча изловчилардан нажот келавермагач, аёллар ўзларини ўтдан чўкка уришга мажбур бўлишаётгани чиндан-да ачинарлидир. Ахир яшаш, ҳаёт мазмуни, оила қувончи, ота-оналик бахти фақат кўпроқ пул топиб “ҳою-ҳаваслар кўриш”дан – машина олиш, кимошдига уйлар солиш, киз чиқариб, орқасидан қирқ кунлаб овқат ташишдан иборат эмас-ку!..

Навбатдаги манзил - мамлакат пойтахти Остона шаҳри (Қарағандадан 214 км.) эди.

Бу томонда ҳам дарахтлар бетартиб, ёввойи ҳолда ўсиб ётар, қўшимчасига атрофда чиқинди ҳам кўп экан (Йўлларда қиладиган асосий ишимиз атрофни кузатиш, томоша қилиш ва турли мавзуларда суҳбат, латифагўйлик).

Россиянинг ҳиди, нафаси кела бошлади – кўп қаватли бинолардан, табиат, иқлимдан, булутлардан...

Ёмғир шариллатиб бир қуйди, бир қуйди, лекин ҳайтовур тезгина тинди.

Энг муҳими, бу ёқларда ДАНчилар кўринмасди. Аҳмаджон машинанинг тезлик педалини дадил-дадил, эркин-эркин босади.

Қарағандадан чиққач, йигирманчи километрда Темиртов металлургиялар шаҳридан йўлимиз чапга, кун ботишга қараб бурилди. Осмонга ўқталган темир қувурлардан таралаётган тутунлар кўшилган булутлар қўрғошин ранг, ҳатто қорамтир кўринарди.

Атроф яна яшиллана боради. Синган дарахтлар, саксовул, юлғин, жийда ва бошқа буталар кўзга ташланади.

Анча масофадан кейин тоғ, тўғрироғи тоғ бўлаклари пайдо бўлди. Яйловлар, экинзорлар кўпайди.

Нура деган дарёдан ўтдик. Шу номдаги анҳорга Ўш – Эргаштом йўлида ҳам дуч келувдик. Манбаи бир эмасмикин, деган хаёл кечди дилимдан. Йўғ-е, Эргаштом қаёқда-ю, бу ерлар қаёқда!

Водийсимон масканлар, дала ҳовлилар, меҳмонхоналар (“Кўноқ уйи”) учрай бошлади. Ёмғир буткул тингани йўқ: гоҳ пастлайди, гоҳ бирдан тезлаб, жалага айланади, шундай пайтларда тозалагич машина ойнасини артиб улгуролмай қолади.

Икки томонда, йўлдан ўтгиз қадамча ичкарида ёғочдан узундан-узун маҳсус ихоталар қилинган, демак, шамол кучли бўлади.

Бир нарсдан таажжубланишимиз: биз Қозоғистонни буғдойзорлардан иборат деб тасаввур қилардик, негадир унақа далалар кўринмайди. Қоплон ҳайкали эса кўп.

Суҳбат мавзуи темурий маликаларга, аёллар матонати, садоқатига кўчади. Ҳар ким ўқиган, эшитган-кўрганларини айтади. Зокиржон ака Бобур Мирзонинг катта онаси, эрнинг ҳаққи-хотирасига хиёнат қилишдан кўра ўлимни афзал билишини ошкор этиб, мислсиз жасорат кўрсатган Эсон Давлатбегим мисолини келтиради. Замонга юз буриб, жуфти

<sup>1</sup> Миртемир 1962 йили Қозоғистонда ўтган ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталиги кунларида Ғафур Ғулум ва бошқа шоир-ёзувчиларимиз билан бирга Қарқарада бўлган.

халолларига чин вафо кўрсатиб эл-юрт олдида мағрур бош кўтариб юриш шиори билан яшашган Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним, атоқли шоира ва адиба Саида Зуннуноваларни эслаймиз.

## ОСТОНА

Остонага кираверишда Куйган жар деган жой бор экан – биздаги (яъни Андижондаги) Куйган ёр билан одош. Демак, ўхшаш тақдирли ошиқлар каби, тасодифий бир хил номлар бўлиши мумкин.

Остона – Оқмўла вилояти маркази. Ишим дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган бу маскан дастлаб XIX асрнинг биринчи ярмида Оқмўла қалъаси сифатида барпо этилган. Ўз даврида Тошкентдан, Бухородан Россиянинг Оврўпа қисмига борадиган карвонлар тўхтаб ўтадиган савдо маркази бўлган. XX асрнинг олтмишинчи-тўқсонинчи йиллари Целиноград, кейин бир неча йил яна Оқмўла ва ниҳоят Остона деб аталган.

Пойтахтнинг шинам, кўркам Олмаотадан бу дашту саҳро ўртасидаги овлоқ янги шаҳарга, мамлакатнинг ғарбий қисмига кўчирилиши сабабини аниқ билмай, чамалаймиз: балки стратегик мақсадлар асосида.., ё эҳтимол, кўшни Россияга янада яқинроқ бўлиш учундир...

Шаҳарда ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан катта қурилиш бошланган экан. Ҳозир унинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетганлиги рост. Янги шаҳар деганларича бор: бир-бирини такрорламайдиган, ранг-баранг лойиҳадаги бино-иншоотлар кўп, Москва кремлига ўхшатиб қурилган иморатлар бор. Кўчалар кенг, хиёбонлар сўлим. Қурилиш давом этяпти.

Айтишларича, қадимда бу ерлар ботқоқлик бўлган экан.

“Абдулла” номли ҳашаматли ресторанга кирдик. Тушлигимиз ўн беш минг танга – қарийб юз долларга тушди. Ертўлалар, яшилга бўялган катта-кичик одам, ҳайвон сиёқли шакл-шамойиллар ясалган, йўлакларини лабиринтсимон, қисқаси, экзотик манзарали нимёруғ пивоҳонаси бор экан, қизиқиб бир калла суқувдик, шунга ҳам ҳақ олишди чоғи. Афсуски, хўрандаларнинг узоқ кутиб зое кетказган қимматли вақтлари учун чегирма қилиш хаёлларида ҳам йўқ, ҳатто бир оғиз узр сўрашни ҳам лозим кўришмас экан. Овқатлари одатий, жўнгина, салатлар ҳам ортиқча эмас эди. Балки “қимматбаҳо”лигиданми, хўррандалар ҳам жуда кам – биздан ташқари яна бир столда миллатларини чамалаш қийин бўлган уч нафар норғул, кибор хоним саллона-саллона ўтиришарди холос. Асли кирган захотимиз рестораннинг бўйи ва қўли баландларга мўлжалланганлигини (масалан, жиҳозлардан) сезган эдик, лекин раҳбаримиз, одатдаги тантилиги тутиб, майли, шунақа жойларда ҳам бир маза қилиб ўтирайлик-да, дея қўл силтаганиди. Хуллас, енгилгина муҳокама билан орқамизга қараб-қараб чиқиб кетдик.

Олмаотадан Қўстанайгача 1480 км. эди, бу ердан 730 км. қолибди. Миртемир домла **“Қозоқ тупроғи шунчалар чексизки, бир вилоятдан иккинчисига бориш учун ҳаво кемасида уч ё тўрт соат учасан”**, деб бежиз айтмаган экан. Биз каби машинада юрадиганларга тўзим берсин.

Отбосар овулидан ўтаётганимизда яна бир бино пештоқидаги “Тамерлан” ёзувига кўзимиз тушиб, тўхтадик. Қўноқхона экан. Ниҳоятда чекка (уй-жойлар анча ичкарида), кўримсиз. Яқин атрофда бошқа том йўқ, тунда ваҳимали кўринадиганга ўхшарди. Нима бўлса ҳам шу ерда қолишга қарор қилдик. Қўноқхона (кафеси ҳам бор) хизматчилари чечен-ингушлар экан. Улардан номнинг қўйилиш сабабини сўраганидик, тайинли жавоб ололмадик. Хўжайин йўқ экан. Ажабо, Дашти Қипчоқнинг шундоқ чет-пучмоғига қўноқхона қуриб, уни Амир Темур номи билан аташ бу ерлар тарихини яхши билган қандай валломатнинг хотирига келдийкин? Эҳтимол, Соҳибқирон Тўхтамишхонни қувиб бораётиб, шу ҳудудда нафас ростлаган бўлса, шунга ишорат сифатида олис ўтмишдан келаётгандир бу атама? Ёки буюк бобомиз мана шу қўноқхона хожасининг қулоғига шивирлаб, ўзини унинг ёдига солгандир...

Узоқ, носоз йўлда қаттиқ чарчаганимиз боис, Темур бобомиз руҳи ҳимоясида мириқиб ухлаш иштиёқида эдик. Кечки таомни апил-тапил еб, ётдик. Ростдан тезгина уйқуга кетдик. Қанча ухладик, билмадим, ёш боланинг ғингшиши ва йиғисидан уйғониб кетдик (Зокиржон ака Аҳмаджон билан бошқа хонада, қолган учовлон тўрт ўринли бир хонада эдик. Хизматчилар хонамиздаги тўртинчи жойга одам қўймасликка ваъда беришувди – шундоқ келишувдик). Қани энди бола тинчиса!... Онаси қайда қолган эдийкин, отасими, бошқа яқиними, барваста бир эркак, қоронғуда унинг афтини кўриб бўлмасди, дағал шивирлаб болани тинчлантиришга, юпатишга ҳарчанд уринмасин, эвини қилолмас, боланинг чўзиқ, ёқимсиз йиғиси баттар авжланиб борарди. Мен ва шерикларим бу ёнбошдан у ёнбошга ағдарилган киши бўлиб, норозилигимизни изҳор этардик. Барзанги одам болани кўтарганича, полни гурсиллатиб босиб, ташқарига чиқиб кетди. Бир оз йўқ бўлиб, яна кирди. Бола ухлаб қолган шекилли, уни чиқмасди. Хайрият, деб, адёлни устимга энди тортувдим, ғингшиган овоз яна кўтарилди. Маъмурлар “Болалик одамлар экан, йўқ деёлмадик”, деб ўзларини оқлашарди. Ростки, улардан ўпкалаш ножоиз, фақат ваъдаларида туришмагани энсамизни қотирган эди. Тақдирга тан бериб, хонага қайтдик. Бошни адёллар билан маҳкам буркашдан бошқа чора йўқ эди.

## ҚАЙДАСАН, ҚЎСТАНАЙ?

*6 июнь, душанба*

Соат тўртда турдик. Девмонанд ота боласи билан ихчамгина каравотда қисилиб, донг қотиб ухларди. Бечорага ачиндик, кечасиги қилиғимиздан хижолат чекдик. Нарсаларни ими-жимида йиғиштириб, оёқ учида юриб чиқиб кетдик-да, “Қўстанай, қайдасан?” деб йўлга тушдик. Тонг энди ота бошлаганди. Кўча четларида дон излаб юрган ёввойи каптарлар машина овозидан чўчиб, патир-путир учиб қолишарди.

Қўстанайга яна 520 км. бор эди.

Вилоят номи менга биринчи қозоқ рассоми, маърифатпарвар, тарихчи, этнограф, ўзининг илмий, ижодий, маърифий фаолиятида чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини қоралаган, қозоқ халқини ўтроқлашишга даъват қилган, деҳқончиликни тарғиб этган Чўқон Валихонов, подачиликдан академик даражасига кўтарилган ёзувчи Собит Муқоновларни эслатди. Қозоқ халқининг бу чўнг вакиллари ана шу вилоят ҳудудида таваллуд топишган эди (Валихоновнинг айрим асарлари, Муқоновнинг “Бўтақўз”, “Ҳаёт мактаби” романлари ўзбек тилида нашр этилган).

Бир оз шимолга юргач, ғарбга томон қайрилдик. Ажабки, яқин-атрофда сув кўринмаса-да, онда-сонда қанотлари узун-узун оқ чорлоқлар кўзга ташланиб қоларди. Умуман, бу ёқларда паррандалар сероброқ экан – сахарҳез ҳаққа, қарға...

Хусусан кўкка парвозлари олдидан ерда дон излаб, шитоб пилдираб юрган сўфитўрғайлар тез-тез учраб турарди. (Бу депарада тўрғайнинг сероблиги бежиз эмас. Зеро, умуман Қозоғистон ҳудудида кўплигиданми ёки азбаройи ихлос кучлилигиданми, юртда бу миттигина, аммо кенг осмонни макон тутган парранда номи билан аталувчи плато, дарё, сойликлар мавжуд. Ҳатто Қизилўрда (аввалги Оқмачит) шаҳрида таваллуд топган атоқли маърифатпарвар ва давлат арбоби Мустафо Чўқайнинг бобоси исми ҳам Тўрғай додхо бўлган.

Мен беозор, масъума ва бир оз одамови сўфитўрғайнинг уч сифатини – сахарҳезлиги, юксак парвози ва сайроқилигини кадрлайман. Унга болалигимдан ошно эдим. Ёз ойларида, кун иссиқ пайтларда ғўзалар ичида мол-қўйга ўт ўриб юрган маҳалларимда тепамда бирдан сўфитўрғайларнинг бошқа қушларникига ўхшамайдиган хониши қулоғимга чалиниб қоларди. Кўкка узоқ тикилиб, излаб, уларни кун нурида хирагина йилтираётган қўнғир тусидан аранг илғаб топардим. Туш чоғи, атроф жимжит бўлганидан юксак-юксакларда муаллақ туриб сайраётган осмонгир паррандаларнинг овози тиниқ келарди. Мен беихтиёр

ишдан тўхтаб у ажиб “тарона”ни мириқиб тинглардим. Чумчуқсимонлар оиласига мансуб тўрғайларнинг бир қанча тури мавжуд, лекин мен ҳозир мана бу даштда кўриб турганим патли тўрғай – сўфитўрғайнигина биламан. Яқинда таниқли гуржи шоири Карло Каладзенинг тўрғай тўғрисидаги, унинг баланд учгани сабабини бадийий изоҳлаган шеърини ўқиб, ғоят таъсирланган эдим:

*Билурман, охири тўхтар-ку қалбим,  
Қўл силтаб дунёдан бир кун кетарман.  
Учарман, қуёшга ботган қуш каби  
Кўкда ер ҳақида қўшиқ айтарман.  
(Р. Парфи таржимаси)*

Екатеринбург (аввалги Свердловск) йўналишидамиз. Йўл яхши, атроф яшил чўлдай. Яна шимол тарафга бурилдик. Соат 4<sup>15</sup> (бу ерда 5<sup>15</sup>). Ўнгдан - олисдаги қора булутлар орасидан бўзарган қуёш кўтарила бошлади.

Бу ёғи энди ҳақиқий чўл эди.

Машинамиз қанчалик шиддат билан олға интилмасин, масофа узоқ ва зерикарлилиги учун йўл унмаётганга, фурсат имиллаб ўтаётганга ўхшарди. Амир Темур боболарнинг сабр-тоқати, бардошига балли-ей! Қарийб икки юз минг сипоҳи, бунга икки-уч баробар жанговар от ва бошқа уловлар, улардан ташқари минглаб ҳар тоифа мулозим ва хизматкорлар, ошпазларни бошқариб, уларни ўн бир ой давомида бийдай саҳрода озик-овқат, ем-хашак билан, пишириб-қуйдиришга ўтин-чўп билан ва бошқа эҳтиёжлар билан таъминлаб юришни айтинг! Ахир ҳар қанча заҳира ҳам беш минг километр (бориб-қайтиш) масофага, сал кам бир йилга туриш берармиди!

Ҳа, биз энди тахминан Турон қўшини очлик, ташналикдан бениҳоя риёзат тортган, азоб чеккан ҳудудлардан кетиб борардик. Тарихий асарларда баён этилишича, ҳарбий сафарга чиққанларидан бери тўрт ойдан зиёд вақт ўтган, айнан шу нообод, аҳоли яшайдиган, экин-тикинли жойлардан олис ерларга етишганда қаҳатчилик ва қимматчилик юз беради<sup>1</sup>. Бир қўйнинг нархи.., бир ман<sup>2</sup> ғалла (ҳам) юз динор кепакий<sup>3</sup> га кўтарилади. “*Лашкарнинг кўпчилик аскарлари ул биёбон ерда қуш тухумлари ва ейишга муносиб бўлган ўтлар билан кун кечирар эдилар, - деб ёзади Хондамир. - Бу жараён Хусрав жаҳонгир (Амир Темур – Қ.К.) замири вужудига таъсир қилиб...туман, минглик ва ўнликлар амирларига жар орқали етказдиларки, ҳеч бир жонзот нон, қумоч, буғра ва татмоч<sup>4</sup> тиширмасин, ҳар ким ошпаздан олган балмоққа<sup>5</sup> қаноат қилсин... Ҳар бир киши... бир кунда бир коса балмоқ билан кифояланишга қарор қилинди*”.

Табиийки, бундай тадбир ҳам иш бермайди. Қолаверса, гўштсиз, бир маҳалги суюқ ёвғон билан чекланишга, боз устига уззукун силтанишлар оқибатида бўксалари чақа бўлиб кетадиган отликлар қум-тошларга, юлгинларга урилиб, туртилиб, товонлари қақшаб (у пайтларда ҳозиргидай тайёр йўл қаёқда!) тўхтовсиз юришга мажбур бўлган пиёда аскарларнинг силласи қуриб, кундан-кунга кучдан кетиб борар, бу аҳволда уларнинг кўп сонли, кучли ва ҳийлакор ёғийга қарши жангга кириб зафар қозонишлари мушкул эди. Соҳибқирон гўшт ва бошқа ейишга арзийдиган нарсалар топиш учун ўзга бир чорани ишга солади: жумодилохирнинг биринчи душанба кунини<sup>6</sup> ов қилиш кунини деб эълон қилади. Жамики сипоҳилар ёрдамида жуда катта, фаразан бир вилоят кенглигидаги ҳудуд доира шаклида қуршаб олиниб, борлиқ ҳайвон-жониворлар ўртага ҳайдаб келинар ва тутиб ейиларди.

<sup>1</sup> Бозор, олди-сотди ҳам йўл-йўлакай қўшин ичида бўларди.

<sup>2</sup> Ман – оғирлик ўлчови - ўша даврларда 3 кг.дан 12 кг.гача бўлган.

<sup>3</sup> Кепакий – пул бирлиги, олтин динор.

<sup>4</sup> Қумоч, татмоч, буғра – ўша давр овқатлари.

<sup>5</sup> Балмоқ – аталанинг ўрта асрлардаги номи.

<sup>6</sup> Мелодий 1391 йил 12 май.

Етишмовчилик, танг ҳолатлар то мўлжалдаги манзилга етиб боргунларича ҳам давом этади. Бундан хабар топган Тўхтамиш Мовароуннаҳр қўшинларининг, ана шу заиф жихатидан фойдаланиб қолиш мақсадида уларни довдиратиб, янада ҳолдан тойдириш учун қочиб-қочиб, ортидан эргаштириб, тобора ичкарироқ киришга, кўпроқ юришга мажбур қилиш режасини тузади. Бироқ эҳтиёт чораларини пухта кўрувчи маҳоратли Турон саркардасининг ҳамиша музаффар армияси куч-қудрати олдида хиёнаткор хоннинг ҳар қандай ҳийлаю тадбирлари чил-парчин бўлиб кетади. Зеро Буюк Соҳибқирон улкан Темурийлар салтанатини шундай қатъияти, матонати ва машаққатли ғалабалари эвазига вужудга келтирган эди.

Биз олти аср аввалги, зиддиятли замонлардаги, тасаввуримизнинг чексиз имкониятлари-да қамраб олишга ожиз воқеа ва жараёнларни ўзимизча муҳокама қилиб, бой ва шарафли тарихимизни яратиб кетишган жанговар, жасоратли, мағрур насл-насабимиз билан фахрланар эдик.

Биз айна дамларда ўша букилмас иродали аждоду жаддодларимиз елкасида оғир хуржун, қўллариди қурол-аслаҳа ва бошқа анжомлар билан, ўзлари ва от туёқлари кўтарган чангу тўзонлар ичида босган Дашти Қипчоқ чўлларидан энг замонавий, учқур автомобилда текис ва равон асфальт узра ғизиллаб бораётган бўлсак-да, бепоён саҳро қаъридан тезроқ чиқиб кетишга ошиқиб зикланардик.

Магнитофондан ҳам “Чўли ироқ” тараларди. Бу маҳзун мусиқага мумтоз ашулалар улаиб кетди. Берта Давидова, Эсон Лутфуллаев, Шерали Жўраев, Маҳмуджон Йўлдошев (чувамалик, яъни менинг ҳамюртим), Зулайхо Бойхонова, Ўктам Аҳмедов, Гулбахор Эрқуловаларнинг ҳузурбахш, дашту саҳроларни боғ-роғ, чаманзорларга, ошиқларнинг манзил-маконларига айлантирувчи кўшиқлари юракларга ором бағишларди. Мумтоз ашулалар мумтоз ғазаллар каби нақадар ёқимли, нақадар мароқли ва нақадар умрбоқий-а!.. Бир неча юз йиллардан бери куйланаётган ва асло меъдага тегмайдиган “Муножот”, “Ушшоқ”ларимиз, “Сегоҳ”, “Сувора”ларимиз... Ҳозир эстрада (аслида ўзбек тилига “жазава” деб ўгирилса, айна муқобил бўлиб, жуда мукамал ифодаланар эди) санъати ўзининг асил моҳиятидан узоқлашиб, шу соҳага оид кўшиқлар бачканалашиб бораётгандай туюлади. Айримлари бир марта эшитишга ҳам ярамайди. Ўшандай нағмалар, жазавалар ёшлар деган тоифанинг аксариятига ёқиши шубҳасиз. Фақат ёшларнинг диди пасайиб кетмаяптимикин, деган хавотир одамни ташвишга солади. Уларнинг бу борадаги фикрларга, ўғитларга қулоқ қоқмаслиги эса янада ачинарлидир. Зеро, улар орасида “Дунёнинг ҳузури сиз жазави деб атаётган эстрада кўшиқларида-да” дегувчилар кам эмас. Тўғри, эстраданинг ҳам яхши намуналари бор, кўп... тўғрироғи бор эди. Масалан, Ботир Зокиров, бошқа Зокиров ва Зокировалар.., Стахан Раҳимов.. каби. Айниқса, ўзимизнинг ҳамкасблар (яъни журналистлар), радио-телебошловчиларнинг қилпиллаб хониш қиладиганки ашулакашга нисбатан “юлдуз” сифатини қўллавериб, у самовий сўзнинг қадрини ер қадар тушуриб юборишаётгани янада ачинарлидир.

Номи Есенин билан уйқаш Есин дарёсидан ўтганимиз захоти бирдан буғдойзор бошланди, фақат энди сабза бўлиб, ер бетини қоплаган эди.

Шу жойда машинага ёнилғи қуйдик. “96” бензин 115 танга, “92” - 102, солярка - 87 танга” деб ёзиб қўйишибди (Ўртача маош ўн беш минг танга).

## **БЎТАЖОН ВА РОЗА ҚИССАСИ**

Энди жилаётган эдик, ўрта ёшдан ўтганроқ бир аёл келиб “Йўлгача олиб кетасизларми”, деб илтижо қилиб қолди. Қариндошлариникида бир фожеа юз берган, шунга шошиб кетаётган экан. Зокиржон ака фикримизни сўради (Раҳбар томонидан машинага бегона одамни (боз устига чет элда!) чиқариш, ҳар хил кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин деб, таъқиқланган ва бу мутлақо тўғри қарор эди). Ғамли аёлнинг жовдираб туриши одамнинг раҳмини келтирарди, биз майли, дедик.



- Бир ўзингизми, - деб сўради Зокиржон ака.
- Эрим ҳам бориди... – деди аёл янада хижолат бўлиб.

Унинг ўзи каби қотма шавҳари йўл бўйида турарди. Ажабо, эр деган зот ўзи у ёқда қолиб, бизнинг олдимизга жуфтини жўнатибди-да. Ахир бу ҳамиятсизлик-ку! Эркаклар аёл кишининг илтимосини ерда қолдиришмайди, деб ўйладимикин? Эҳтимол, аёл аксарият шаддот хотинлар каби “Сиз туриб тулинг, мен бориб сўраб келаман”, дегандир. Ҳозирги эркак бечораларнинг кўпи завжаи муҳтарамаси тулинг деганда туриб, ўтиринг деган жойда ўтирадиган бўлиб кетишган-ку. Ҳа-да, пул топиб, рўзғор тебратаётган одам фармонгирлик қилади-да!.. Нима бўлсаям, эр-хотиннинг бу қилиғи менга хуш келмади, ботмади. Тўғри, аёл кўримсизгина, рашкнинг ҳожати ҳам йўқ эдику-я, аммо барибир эркакнинг, эрнинг бирон юмушни битириш учун никоҳдаги тан маҳрамини, умуман аёл зотини эркак кишига (ҳатто яқин бир одами бўлса ҳам!) рўпара қилиши қуёшқонга сиғмайдиган тадбир, кўз юмиб бўлмайдиган ҳолдир. Зеро, исломда жуфти-ҳалолини, қандай ёшда, қанақа бўлишидан қатъи назар, қизғонмаслик - даюслик, номуссизлик ҳисобланади. Ёдимга бир воқеа тушди. Таҳририятимизга (“Ҳолис” газетаси) қачондир бир жувоннинг ҳасратидан чанг чиқадиган дилномаси келган эди. Куёвининг уч акаси бўлиб, барининг қайлиқлари бозорга чиқишаркан. Мактуб муаллифаси ҳам эри билан Қорасув бозорига қатнашаркан. Бозордан нарсалар сотиб олишаркан-да, эр, юкларни назорат масканидан олиб ўтишни, постдагилар аёл кишини унча титкилашмайди деб, ёш келинчакнинг зиммасига юкларкан. Кейин куёв тўра унинг бир ўзини ярим тунларда ҳам бозорга юбораверадиган бўлибди. Жувон бозорга ҳар турли машинада, ҳар хил эркаклар билан бораркан. Хотин “Бунақа ишларни эплашим қийин бўляпти, ўзимга муносиб кўрмайпман...”, деса, шамани англамаган анқов эр(как) “Ана, келиналаримиз эплашяпти-ку, улар ўзларига муносиб кўришяпти-ку, сенинг улардан кам ё ортиқ жойинг борми?!” дермиш. Буниси ҳам майли дейлик, кейин ўша даюс эр(как) ўша истиҳолали, ифбатли ожизасини янада қабих, янада хатарли ишларга - қўшни давлатдаги “ҳамкор”ларига яширин йўллар орқали (ва албатта, кечалари, бошқалар билан) таъқиқланган нарсаларни етказиб беришни буюра бошлабди. Аёл шундан кейин ҳеч чидамай “тўражониси” ҳукмидан бош тортибди. Чунки нуқул эркаклар ўртасида юришга тўғри келар экан. Ё, алҳазар! Э, нодон, шу даражада ҳам даюслик, ориятсизлик, тубанлик бўладими?! Эй нобакор, эй малъун! Жуфти ҳалолинг бирда бўлмаса бирда қўлга тушиб, йўлда турганлар ё “ҳамкор”лардан бири бўлмаса иккинчиси томонидан “четроққа” олиб чиқилиб тинтилиши, “титкиланиши” ё унинг ўзи аламидан сендек номард, пасткашга “ўчакишиши...” мумкин-ку! Садқаи эр кет, садқаи эркак кет-э!..

Хуллас, эр-хотинни машинага чиқариб олдик. Улар аввалги Октябрь, ҳозирги Қорасув туманидан Авлиёқўл (рус лаҳжасида “Семиозера”) районига кетишаётган экан. Эрнинг жиянини, яъни укасининг ўғлини пичоқлаб қўйишибди. Туғилган кун издиҳомиди кайфчиликда бировнинг юрадиган қизига тирғалган экан. Демак, қилмишига яраша жазоланибди-да, афсуски, энди ўзининг эркаклик ҳамиятини, маҳбубасининг шаъни-номусини ҳимоя қилган орият эгаси жазога мустаҳиқ этилади-да. Мана шуниси чатоқ!

Йўловчиларни гапга солдик. Аёл тетиккина, эркак бўш-маҳкамга ўхшарди. Лекин бир оз қувлиги, ҳазилкашлиги ҳам бордай. Қўш кабутардай бир-бирига суяниб ўтиришлари ҳам жуда ярашимли кўринарди.

Сустгина бошланган суҳбат кейин қизиб кетди. “Меҳмонлар”нинг боя маҳзун кўринган чехралари очилиб, қаёққа, нима учун боришаётгани ҳам эсларидан чиқди.

Аёлнинг исми Роза (у татар эди), чолиники Бўтажон экан. Бола туғилган пайтда отасининг кўзи дастлаб туянинг боласи – бўталокқа тушгани учун қирғиз, козоқлар удумига кўра шундай от қўйилган экан.

Уларнинг икки қизи бўлиб, бири ўзларининг туманида, иккинчиси Кўстанайда экан. Ўғиллари Икром Остона шаҳрида машина тузатаркан. Ёши ўттиздан ошибди, ҳақиқий мусулмон қизга уйланаман, деб излаб, танлаб юрганмиш. Демак, қари бўйдоқлик бу ёқларда ҳам расм бўлиб боряпти чоғи.

Эр-хотиннинг пастак бўй-бастлари, ихчам жуссалари, осиеча сиёқлари ҳам бир-

бирига жуда мос, монанд - узукка кўз кўйгандек эди. Жуфтлашиш қиссаларини суриштирдик. Қозоқлар урфи бўйича Бўтажон Розахонни олиб қочган экан. Айтишларича, танса (рақс)хонада танишишган. Дастлаб бири кўз сузиб қараган, иккинчиси унга карашма билан жавоб қайтарган, кейин рақс тушишган. Қизнинг нозик бармоқлари йигитнинг кифтига, шайдо бўйдоқнинг хаяжондан титраётган панжаси нозаниннинг нафис кўйлак ёпиб турган ҳуркак биқинчасига теккан маҳал иккаласининг ҳам юраклари жиғиллаб кетган. Пакка-рақсхона кейин улар учун ачомхона, маслаҳатхона вазифасини ўтаган. Гап ўша ерда пишиб етилиб, кўнгиллару бағирлар бир-бирига талпинаверадиған бўлиб қолган, фақат таомил юзасидангина қизни олиб қочишга тўғри келган.

- Жуда аҳилга ўхшайсизлар, – деб сўраймиз ўсмоқчилаб.

- Шундай деса ҳам бўлади, - дейди Бўтабой бефарқона.

- Демак, араз-фироқ ҳам бўлиб тураркан-да.

- Бу кишининг ҳар замонда қуён бўлиб қоладиган одатлари бор, - дейди Роза аёлларча гинахонлик билан.

- Ий-е, қанақасига? Бўтажон оға, нозандай хотинни ташлаб-а?

- Ҳар қандай нозандай хотинниям ғиди-бидиси баъзан жонга тегади-да.

- Қаёққа қочгансиз?

- Овулдаги тувғанимникига.

- Уч ойдан кейин келдилар, - деб изоҳ берди Роза киноя билан.

- Опа истаб боргандирда, а, Бўтавой оға?

- Бе, истаб жинни бўптими?

- Унда ўзингиз қайтибсизда?

- Раҳмим келди.

- Соғингандирсиз?

- Шундай десаям бўлади.

- У ёқда уч ойгача жўн юрмагандирсиз?

- Бунисини хотинни олдида гапириб бўладими?

- Ий-йи, ана холос. Хўжайин нима деяпти, Роза опа? Бу ёғини ўйламадингизми?

- Ўйлаганимда нима? Парти кетиб шарти қолган чолга кимниям кўзи учиб турибдийкан?

- Чолингиз жа шарти кетиб, парти қолганга ўхшамайди, Роза опа, шумгина кўринади.

Бўтавой мақтовимиздан жонланиб, қадини ростлади, бўйи хотинидан икки энликча кўтарилди, юзларига табассум қалқди.

- Буни ўзиям билади, - деди у сўзларни маънодор оҳангда чўзиб.

Биз бекорчиларга хўп эрмак топилди-да. Биримиз кўйиб, биримиз савол бериб эр-хотиннинг тинкасини қуритишда давом этардик.

- Келганда қандай кутиб олдингиз, Роза опа? – деб сўрадик аёлдан. – Бор, қаердан келган бўлсанг, ўша ёққа кетавер, демадингизми?

- Ийдиришниям билади хийтир, шум чол, кўлида подаркаси билан келди-да.

- Қаёқда юрдинг, нима ишлар қилдинг, деб қистовга олмадингизми?

- Мениям ён бергим келмади-да, лекин ўзи кечкуруноқ ҳаммасини айтиб берди - қийналганини, қўмсаганини...

- Шу билан ҳаммаси изга тушиб кетибди-да.

- Ҳа, энди...

Энди жиддийроқ мавзуга ўтдик. Роза ва Бўтажонлардан мамлакатда эркаклар нафақа ёшининг 63, аёлларники 58 лигини, ўртача маош туманларда ўн беш минг (шаҳарларда кўпроқ) тангалиги, бир кило мол гўшти минг, қўй гўшти 1300 тангалигини, бир буханка нон катта шаҳарларда 45-50, туман-овуларда қирқ тангалигини билиб олдик.

- Бир ойда ўн беш кило гўштга ишлаймиз, - деб кўшимча қилди Бўтажон.

Шундай қилиб, эр-хотин манзилига бепул ва осон етиб олишди, биз эса улар билан анча вақтимизни бирмунча хуш ўтказиб, масофани қисқартирганимизга мамнун эдик.

\*\*\*

Авлиёкўлдан қарағайзор-ўрмонлар бошланди. Йўлнинг икки томонида рус табиатининг рамзи бўлмиш оқ қайинлар эрка қизлар каби кўрки, қоматларини кўз-кўзларди гўё.

Овулдан чиқаверишда тўхтаб, бирпас биз учун экзотик манзара бўлмиш ўрмонни завк билан томоша қилдик, унинг ажойиб ҳавосидан нафас олдик, суратга тушдик. Яккам-дуккам дов-дарахтли, ҳатто бир бутасиз бепоён чўлу биёбонлардан ўтиб келган одамнинг бирдан ҳақиқий ўрмонзорга кириб қолиши фавқулодда ноёб ҳодиса, кутилмаган бахтдай бир гап эди.

Соат тўққизларда Қўстанай (жўнгина вилоят маркази)га етдик-да, нонушта қилдик. Сўнг йўлда давом этиб, Қозоғистоннинг Қўстанай, Россиянинг Қўрғон, Тюмень вилоятлари бўйлаб оқадиган Ғарбий Сибирь дарёси - Тобол (тарихга оид китобларимизда Тубул) дарёси кўприги ёнида тўхтадик. Дарё ўзани кўп тарихий воқеларга гувоҳ. Низомиддин Шомий ва Шарофиддин Али Яздийларнинг “Зафарнома”ларида ёзилишича, Тўхтамишхонни қувиб бораётган Соҳибқирон ва унинг лашкарлари худди шу наҳрдан ўтишган. Мана шу кўприк айнан ўша баҳодир жангчилар кечув қилган жойга қурилган бўлса ҳам эҳтимол.

Айнан Тубулдан ўтишгач, Тўхтамишхон аскарларининг изини йўқотиб қўйишади. Ғанимлар эса ордидан қувиб келаётганларни чалғитиш мақсадида ҳар хил жойларда (жумладан, шу дарё қирғоғида ҳам) ўт ёқиб кетишган эди. Соҳибқирон буйруғи билан ана шу гулханлар атрофидан от туёқларининг йўналишини аниқлашга уринадилар ва кўп қийинчилик билан топадилар.

Муҳаммад Алининг романлар битиш жараёнида дуч келган Соҳибқирон ва фарзандларининг ҳаётига оид ғаройиб воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги жўшқин ҳикоялари ва ривоятлари таассуротларимизни бойитиб, завқимизга илҳом берарди.

Кейин миграция полициясини излаб топдик. Чегарадан ўтаётганимизда бизга Қозоғистон ҳудудида 5 кун юриш ҳуқуқи қайд этилган ҳужжат беришган, кеча Қўстанай йўлидаги бир назорат масканида ДАН ходими ўша ҳужжатимиз муҳлати тугаб қолаётгани, уни янгитдан расмийлаштириб олишимиз лозимлигини огоҳлантирган эди. Миграция маҳкамасида одам кўп, навбат катта экан. Зокиржон ака бўлим бошлиғига кирган эди, агар бугун мамлакатимиз ҳудудидан чиқиб кетадиган бўлсаларинг, муддатни чўздиришнинг ҳожати йўқ, дебди. Биз хурсанд бўлиб Челябинскка – ғарби-шимолга қараб отландик. Лекин бу севинчимиз кейин бизга анча қимматга тушди.

Далалар яшил, аммо дарахтлар яна сийраклашди.

Муҳаммад Али сафарда кўп бўлиб мослашгани учунми ё асаби мустаҳкамлигиданми, ўтирган ҳолатда ҳайрон қоладиган даражада тез пинакка, пинакка эмас, росмана уйқуга кетар ва бир зумда донг қотарди. Кўпинча олдинда, ҳайдовчи ёнида ўтирадиган Зокиржон ака бундан хўп завқ туяр ва уйқучининг камондай эгилиб ширин ором олаётган ва балки ёқимли тушлар кўраётган мунис лаҳзаларини ҳафсала билан суратга туширарди. Сирасини айтганда, бундай “шараф”га бошқаларимиз ҳам бот-бот ноил бўлиб турардик.

Йўл ўртгача, ҳарқалай, чидаса бўлади. Икки тарафда захоб сувлар кўлқиллаб ётибди.

Авлиёкўлдаги ўрмонда сулига ўхшаган, шамол таъсирида бир ёнга текис ёнбошлаб, чайқалиб ётган, шунингдек, қисиниб тургандай кўринадиган пакана, сершоҳ, япроқлари майда, тиконсимон, сиёҳранг гулли ўсимликларни кўриб, ҳавасимиз келувди. Қўстанайдан йигирма беш-ўттиз чақиримлар юрганимизда икки ёндаги далаларни ўша сиёҳранг гулли ўсимлик лозордай қоплаб, чиройли манзара касб этганига гувоҳ бўлдик. “Лозор” бутун атрофга ажиб бир файз, тароват бағишларди гўё.

Салдан кейин, ўша далаларда биз томонларда учрамайдиган яна бир гиёҳ – оч сарик гулли ўсимлик кўпайди.

Россиянинг Троицк шаҳри остонасидаги чегара божхонасига соат ўн икки яримларда етиб бордик.

## БОЖХОНАДАГИ МУЗТАРЛИК

Қозоғистонга киришда хорижий машина суғурта қилинади, деб, анчагина пул ундиришган эди. Россияда ҳам шу қоида бор экан, ўша давлатнинг суғурта идоралари ваколатхонаси Қозоғистон худудидаёқ 70 доллар (салкам минг танга)ни нақ санаб олишди. Руслар-ку ўлпонни бирпасда олишди-қўйишди, аммо қозоқ қардошларимиз сабр-тоқатимизни анча синовдан ўтказишди. Чегара маъмурияти хизматчиларнинг феъл-атворини обдон ўрганиб, махсус танлаб олишадими ё улар кейинчалик фаолиятлари мобайнида ўзгаришадими, ҳарқалай, қўрамас, шафқат ҳисси камроқ кишилар бўлишади. Йўловчи, сайёҳларнинг чегарадан тезроқ ўтиб олишга ошиқаётгани, юраклари хавотирдан ҳаприқаётганини биладилар-у, парво қилмайдилар, аксинча, уларни куттириб, музтар қилиб, ваҳимага тушириб ҳузурланадигандек таассурот уйғотишади.

Бу чегарада ҳам ҳолат, мунособат шундай эди.

Ниҳоят, имо билан бизнинг ичкарига киришимизга ижозат беришди. Аввал ўзимиз шахс ва паспорт текширувидан ўтдик, кейин машинамизни очиқ майдонга олиб боришди-да, ундаги бор юкларни, ашқол-дашқолларни туширтиришди. Кейин бизга четроққа чиқиб туришни буюришди. Бу жойда ҳам нима бўларкин, деб хавотир билан кута бошладик. Ё назорат, текшириш тартибларини бизга уқдириб қўйишмайди. Анчадан кейин қаёқдандир бир овчарка олиб келишди. Ердаги нарсалару (халталарда нон, озиқ-овқатлар бор) машинанинг ичи, шифтларию, остларини қайта-қайта ҳидлатишди. Чегарадан ўтишдаги одамни жуда асабийлаштирадиган энг ашаддий, таҳқиромуз амал шу! Лекин начора, чегара конун-қоидаси-да!

Овчаркани олиб кетишгач, хийладан сўнг юкларимизни машинага ортишга ижозат беришди.

Биз энди ўзимизни елкамиздан тоғ ағдарилгандай ҳис этардик. Аммо яна эрта кувониб қўйибмиз. Божхона остонасидаги тафтишда хўмрайган назоратчилардан бирови миграция маҳкамасидан берилган ҳужжатни муддати ўтган деб ҳисоблаб, бизни мамлакат чегарачилик қоидасини бузганликда айблаб қолса бўладими! Ҳа, муҳлати ўтган бўлса, икки-уч соат ўтгандир, шунга ота гўри қозихонами? Қолаверса, биз бу юртда айланиб юрганимиз йўқ, чиқиб кетиш учун чегарага келиб икки соатдан бери музтар бўлиб турибмиз, бундан ташқари, биз ўша миграция деган маҳкамага учрадик... Лекин Завқий домла *“Бир ҳовуч олтин-кумушининг хуш жаранг овози бўл”*, деганларидек, бу арзу таваллоларни, раҳбаримизнинг жон койитиб тушунтиришларини эшитишга божхонадагиларнинг қулоқлари кар эди.

Ҳаммамизни каталақдай бир хонага олиб кириб ўтқазиб қўйишди (хайриятки, курсилар бор экан).

Божхоначилардан бири кириб, бири чиқади, ўзаро гўнғир-гўнғир қилишади. Бизга осилган қовоқ-тумшуқлари орасидан “ғолибона” қараётган кўккўз, ёшгина зобит чегара, божхона талаб-тартиботлари тўғрисида ваъз ўқийди. Сўзларининг баъзиларини тушунмаймиз. Хулоса шуки, бизнинг бу риоясизлигимиз жуда қўпол хато бўлиб, жиддийгина жазога, кам деганда каттагина жаримага лойиқ эмиш. Раҳбарга зимдан тикилиб, ундан садо кутишаётганга ўхшайди. Охир, бизнинг илмий экспедиция аъзолари эканимизни (яъни савдогар ё бизнесмен эмаслигимиз, биздан кутилган нарса чиқмаслигини) инобатга олишибми, огоҳлантириш тарзидаги жазо чорасини қўллашга қарор қилишганини, расмиятчилик юзасидан анча-мунча қоғоз қоралаб қўйиш лозимлигини, чунки уларнинг ҳам ўз бошлиқлари борлигини қайта-қайта таъкидлаб, юмшагандай бўлишди.

Хуллас, “қоғоз қоралаш” тадбирига киришилди. Аввал ҳаммага биттадан ариза намунаси ёзилган варақ беришди – унинг очиқ қолдирилган жойларини тўлдириш керак эди. Баджаҳл зобит саҳифада биронта ҳам имловий ё бошқа бир хато бўлмаслиги шартлигини тўнғиллаб эслатди.

Яна бир нечта саволнома тўлдирдик. Ариза, тушунтириш хати эсимда, қолган намунавий варақалар мазмунни ёдимда йўқ. Хуллас, уч соатдан ортиқ вақт мобайнида ҳар биримиз тўққизтадан саҳифа тўлдирдик (Айримларини қайта-қайта ёзишга тўғри келди).

Булардан ташқари, экспедицияга оид жамики ҳужжатлардан ва паспортларимиздан ўз компьютерларида (шунисиға ҳам шукр!) нусха олишди. Кейин зобит кўчага чиқиб йўқ бўлиб кетди ва анчадан сўнг бири новча, бири ўрта бўйли иккита эркакни бошлаб кирди-да, уларға ҳам (гувоҳ тариқасида) иккитадан вараққа қўл қўйдирди, уларнинг паспортларидан ҳам нусха олди ва ўша ҳужжатлардан ҳам ҳар биримизнинг дасталанган ёзмаларимизга бир нусхадан тиркашди. Алқисса, бешта семиз-семиз “дело” вужудга келди. Эҳ-хэ, ҳақиқий қоғозбозлик шу ёқда экан-ку, деган хулоса ясадик.

Бизнинг асабийлашганимизни кўрган яна бир божгир “Хавотирланманглар, бу қоғозларнинг бари ўзимизда қолади. Сизларга салбий таъсири йўқ”, дея таскин ҳам бериб кўяди.

Биз Қўстанайда талаб қилиб бўлса ҳам рухсатномани қайта расмийлаштириб олмаганимизга минг пушаймонлар ер, назаримизда бизни лақиллатишган миграциячилардан ғазабланардик. Балки улар ҳақдир ё шунчаки бизга одамгарчилик қилишгандир, деймиз яна.

Ва ниҳоят, Қозоғистон ҳудудидан чиқдик. Елкаларимиздан тоғ эмас, осмон ағдарилгандай бўлди.

Россия божхонасида бундай бўлмас, деб умид қилдик. Тўғри, улар нариги божхонадагилар каби энсамизни кўп қотиришмади, аммо, барибир машинадан юкларимизни туширтириб, текширув-тинтув ўтказишди.

## РОССИЯ

Гурбат масканлардан ўтиб, очиқликка чиққанимизда вақт алламаҳал бўлса-да, атроф ёруғ, ҳарқалай, батамом қоронғи тушмаган эди. Аммо бу Россия табиатига хос чалғитувчи ҳолат экан.

- Амир Темур ва унинг мулозимлари ҳам бу ёруғликка алданишган, - дейди Муҳаммад Али. – Ҳали хуфтон бўлгани йўқ, деб кутиб ўтиришса, бирдан тонг ёришиб қоларкан.

Бўлиниб-бўлиниб давом этаётган ўрмонзорлар ва ана шу чалғитувчи ёруғлик кўнгилик хижилликларини бир оз ёзди, анча енгил тортдик. Ҳар неки бўлса, иншоолло, ортда қолди, деб бир-биримизни юпатардик. Қайсар, инжиқ божгирлар гўрига ғишт қалашдан тийилиб, улар ҳам ўз бурчларини бажаришди-да, қолаверса, айб ўзимизда ҳам бўлди, дер эдик.

*Россия Федерацияси ҳудудий жиҳатдан энг катта давлат – майдони – 17 миллион квадрат километрдан зиёд. Қуруқликдаги чегараси 22125, 3 километрдан, денгиз чегараси эса 38807 километрдан ортиқ. “Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга, Қуёш қуча олмас сени дафъатан” деган шеърини сатрлар бежиз битилмаган. Мамлакат ҳудудида учта уммон ҳавзасига қарашли 12 та денгиз мавжуд. Болтиқ, Қора, Азов, Оқ, Шарқий Сибирь, Чукотка, Охота, Япон денгизлари шулар жумласидандир.*

*Аҳолиси 150 миллион киши атрофида. Йирик шаҳарлари ҳам кўп.*

*Эрамизнинг IX асрида славян қабилалари ва уларнинг икки маркази – Новгород билан Киев Рюриковичлар сулоласига мансуб князликлар бирлашиб, қадимги кичик бир Рус давлатини тузишган. Унғача мамлакат деярли тарқоқ ҳолатда бўлган.*

*Милоддан аввалги III асрда Шарқдан кўчманчи готлар ва IV асрда хуннлар бостириб боришган. VI-VIII асрларда Россия ҳудудининг бир қисмида Турк хоқонлиги ҳукмронлик қилган. XII асрнинг ўттизинчи йилларига келиб Қадимги Рус давлати яна парчаланиб кетади. XIII асрнинг йигирманчи йилларида рус князликлари мўғуллар билан жангда мағлубиятга учрайди. Мўғуллар Волга-Кама Булғориясининг Рязань ва бошқа шаҳарларини вайрон қилишади. Шу тариқа тарқоқ рус князликлари салкам 250 йил мобайнида мўғуллар тасарруфида бўлади.*

*Дмитрий Донской қўмондонлигидаги бирлашган рус қўшинларининг муваффақиятли саъй-ҳаракатлари, 1380 йилдаги Куликово жангида мўғуллар устидан галаба қозонишлари натижасида Шимолий-Шарқий Рус ерлари бирлаштира бошланади.*

*“Иван Васильевич касбини ўзгартиради” комедиясига бош қаҳрамон бўлган зугумли Грозний (1533-1584) биринчи рус подшошидир. У Қозон, Астрахан хонликларини қўшиб олиб, давлатни марказлаштиришига киришган. Россия деган ном XIII асрда оммалаша бошлаган. XVII асрда Москвани, Россиянинг бошқа бир қанча ҳудудларини Польша ва Швеция маълум муддат эгаллаб туради. 1613 йилдан Россияда машҳур Романовлар сулоласи ҳукмронлик қила бошлаган. XVII аср охири, XVIII аср бошларида Петр I ҳукумати томонидан амалга оширилган ислохотлар туфайли мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар, юксалишлар юз беради. Жаҳонга донги кетган Екатерина II (1762-1796)*

даврида дворянлар, ер эгаларининг аҳволи анча яхшиланади. Лекин деҳқонларнинг норозилиги кучая боради. Натижада Пугачев қўзғолони ва бошқа галаёнлар содир бўлади.

Император Александр I (1801-1825) даврида Россия ҳар жиҳатдан кучайиб, ўзини анча ўнглаб олади ва энди бошқа мамлакатларга ҳужум уюштира бошлайди. Шарқий Грузия, Финляндия, Бессарабия, Фарбий Грузиянинг бир қисми Россия империяси таркибига киритилади. Шунга қарамай, 1853-1856 йиллардаги Қрим урушида Россия мағлубиятга учрайди. Подшо Александр II мамлакатда крепостнойлик ва бошқа соҳаларда жиддий ислохотлар ўтказди. 1860-1870 йилларда мамлакат яна ўзини тиклаб, босқинчилик урушларини бошлаб юборади. Жумладан, Қозоғистонни, Ўрта Осиёнинг бир қанча қисмини босиб, эгаллаб олади. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги инқилобий ҳаракатлар, Александр II нинг ўлдирилиши, XX асрдаги сиёсий воқеалар, 1917 йилги февраль инқилоби ва октябрь тўнтаришидан сўнг В.И.Ленин бошчилигидаги большевиклар ҳокимиятни эгаллаганлиги маълум. 1918 йил январда Россия Совет Федератив Социалистик республикаси (РСФСР) тuzилади. Собиқ император Николай II отиб ташиланади. 20-йилларда Ўрта Осиё, Кавказ мамлакатлари бўйсундирилади ва СССР (Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи) таркибига киритилади.

Иккинчи жаҳон уруши давомида СССР таркибида, Россия ихтиёрида ва қаватида бўлган барча миллий республика халқлари юз минглаб, миллионлаб одамларидан жудо бўлади.

СССРнинг охириги раҳбари М.С.Горбачев ўзи билиб ёки билмаган ҳолда Шўролар мамлакатининг парчаланишига сабаб бўлгани ва бу билан боғлиқ бошқа воқеалар яқин тарихдан барчамизга яхши аён.

\*\*\*

Южно-Уральск худудида Увелька дарёчасидан, шу номдаги шаҳарчадан ўтаётганимизда йўлдан четроқдаги бир ошхонага кўзимиз тушди, яна учрар, деб кетавердик. Ошхона тугул, умуман тутун чиқадиган бино кўринмасди. Орқага қайтдик. Боя биз менсимайроқ қараган ошхона каттагина бўлиб, зал деворларида турли картиналар осиб, буфетининг олди ва ёнлари тош девор билан ихоталанган эди. Люба исмли дарозгина рус жувони (ундан бўлак ходим ҳам кўринмади) хизмат қилди. Асли чимкентлик экан, бу ерга келиб ишлаб кетаркан. Ғалати ҳол: кимлардир ишлагани Қозоғистонга келишади, қозоғистонликлар Россияга, россияликлар эса четга (масалан, Олмонияга) боришади... Ризқинг қаерга сочилган бўлса, ўша ерда териб ейсан деган гапга мисолмикин бу?

Овқатлар дурустгина эди. Мен форель балиғи кабобидан тановул қилдим: оқ-сарик, покиза, мазали экан, таъми оғзимда қолди.

Челябинскга тунги соат ўн икки яримларда етиб бордик. Айлана йўллар билан шаҳар ичига кирдик. Ярим тун, табиийки, қатнов ҳам, йўловчи ё бошқа одам ҳам кам. Меҳмонхона ахтаришга тушдик. Сўрагани бир хушёрроқ одам кўринмайди. Кўчада юрган эркагу аёлларнинг бари сармаст, қўлларида виноли ё пиволи шиша... Меҳмонхона манзилини айтишади, аммо ўша ерни топиш қийин. Бир-икки кўча юрганимиздан кейин мўлжални адаштириб юборамиз. Ниҳоят, пиво кўтарган, аммо анча хушёр Сергей деган йигитга дуч келдик. У “Мен бир меҳмонхонага олиб бораман, лекин жойлари унча зўр эмас, сизларга ёқармикин”, деди. Биз тунашга шароит бўлса бас, ҳадемай тонг отади, деб, олиҳиммат йигитни машинага чиқариб олдик. У билан бирга «гуп» этиб пивонинг ҳиди ҳам кирди.

- Анча аввал бир борганман, тўғриси, ҳозир ишляптими, йўқми – билмайман, - деди йигит иккиланиб.

- Таваккал, бориб кўраверайлик-чи, - деди раҳбар. Ўзга илинж ҳам йўқ, вақт эса кетмоқда эди.

Сергей ўннга, чапга, деб бошлаб кетди. У бир вақтлар Бишкекка қариндошиникига борганида шунақа сарсон бўлиб қийналган, мусофирлик заҳмати тортган экан, шунинг учун бизга одамгарчилик қилаётганини яширмади.

- Бошқа тузукроқ меҳмонхонани билмайсанми? – сўради раҳбар.

- Йўқ, - деди Сергей, – ишим тушмайди-да. Хотиним бор, агар бўйдоқ бўлиб, қизлар билан юрганимда шаҳардаги меҳмонхоналарни билиб олардим.

- Анови эркак-аёллар ярим кечада кўчада нима қилиб юришади? – Яна гапга соламиз мезбон – йўлбошчимизни.

Сергей кифт қоқади.

- Уйда зерикашади. Кўплари оиласиз, ёлғиз...

- Бунақалар кўпми?

- Кўп...

- Сен ўзинг нима қилиб юрувдинг? Ахир уйда хотининг бўлса...

- Бир хотин билан ўтиравериш ҳам жонга тегади. Юрак сиқилади.

- Фарзанд йўқми?

Сергей қўл силтади.

- Йўқ, хотиним хоҳламади.

- Балки сен тунги “ов”га чиққандирсан?

- Агар хоҳласам, “ов” муаммомас.

- Сен кўчада дайдиб юрсанг, келинчак бояқиш нима қилади? Ёш нарса...

- Хоҳласа, уям сайрга чиқаверади...

Ё алҳазар!..

Сергей-ку олма-терма саволларимизга беписандлик ва лоқайдлик билан жавоб қайтараверадиганга ўхшарди. Аммо биз учун оғир бўлган бу суҳбатни давом эттиришга юракларимиз дош бермади. Масалага чуқур кетишдан тийилишни маъкул кўрдик.

Сергей айлантириб юриб, пана-пастқам овлоқ ердаги бир қўноқхонага олиб борди.

Бахтимизга очиқ экан: икки баланд қаватли бино туташган бурчакда, биринчи қаватда, биридан иккинчисига кириладиган иккитагина хонадан иборат, аммо шароитлари чаккимас: ёғоч ҳаммомли, душли қўноқхона эди. Ёнбошида ер ости буфети ҳам бор экан. Лекин буфетда ишимиз йўқ эди. Сергейга раҳмат айтдик (пул олмади), дунёда шундай одамлар ҳам борлигига суюндик. Душга тушиб, бадан ва кўнгил ғуборларини тарқатдик.

Раҳбар билан Ваҳоб Раҳмон ичкарига – катта уйга киришди, Муҳаммад Али ака иккимиз даҳлизда, Аҳмаджон машинада қолди. Шу маҳал ёмғир ёға бошлади, ҳамхона иккимиз бирпас ёмғирни томоша қилиб, Россиянинг нам ҳавосидан нафас олиб турдик. Хуллас, соат тунги иккидан ҳам ўтганда уйкуга чўмдик.

## *7 июнь, сешанба*

Эрталаб хотиржамроқ турдик. Ёмғир ҳали ҳам тинмаганди. Нонушта хийла муаммо бўлди. Мавзени пиёда кезиб, ишлаётган емакхона тополмадик, кейин машина билан йўлга тушдик.

Зокиржон аканинг ҳазил-писандасига кўра, яъни “Армон бўлган Челябинск” деган гап китобга тушиб қолмаслиги учун бир соатча айландик: бир кўзимиз шаҳарда, иккинчиси “Ошхона” деган лавҳани излаш билан овора эди. Афсуски, бу юртдаги таомхоналар барвақт очилмас экан.

Катта айланма кўприк-йўллар кўп, бироқ шаҳар эски ва у қадар тартибли, саришта эмасдай кўринарди. Марказдан ўтган темир йўл, вокзал ёнларидаги поезд вагонлари, четан каби металл каркаслар, рельслар, тўсиқ-ғовлар беҳисоб, беадоққа ўхшарди. Узоқ-яқиндаги уйлар, бошқа ҳар хил бинолар кичкина, кўримсиз, файзсизроқдай...

Аёлларнинг аксарияти новча, дароз эди. Эркаклар кўрамасроқдай кўринишади.

Ёмғир гоҳ тиниб, гоҳ ёғар, кўплар шамсия тутган, бундай матоҳи йўқлар бошини кифтлари орасига тортиб, қунишиб юришарди.

Шундай қилиб, Челябинскни кўриш армон бўлмади-ю, аммо нонушта армон бўлиб қолди.

Кечаги келган йўлимиздан ортга қайтиб, Троицк тарафга кетдик. Шаҳардан чиқишимиз билан ўнгда ёйилиб ётган қўлга кўзимиз тушди. Қўл бўйларида эскирган,



қаровсиз дала ҳовлилар кўп эди. Кейин мулки – дарахти асосан “рус маликаси” – навқирон оқ қайиндан иборат ўрмон бошланди. Кенг, яшил майдонлар ўрмонни бўлиб-бўлиб турарди.

Биз Варна туманига боришимиз лозим эди.

Кўча четида бир неча юк машинаси турган экан, йўл сўраш учун тўхтаган эдик, ҳайдовчилардан бири овлоқ ерларда рэкет, циганлар бўлиши мумкин, деб огоҳлантирди. Биз бу ҳақда ўйламагандик. Россия тинч, осойишта мамлакат деган тасаввурда эдик...

Магнитогорск ҳам шу йўналишда бўлиб, 230 км. экан.

Бепоеён яшил майдонлардаги кўм-кўк ўтларга бирам ҳавасим келади, бирам ҳавасим келади. Бу юртнинг мол-қўйлари нақадар бахтли экан-а! Биз ёқларда, хусусан Андижонда ва айниқса, бизнинг қишлоқларда ҳайвонни ҳовлидан кўчага олиб чиқишнинг асло иложи йўқ. Йўлнинг қирғоғигача ғўза ё бошқа экин. Бир ерда тураверганидан бояқиш ҳайвонларнинг тирноқлари ўроқ бўлиб кўчиб тушади. Ҳа, мўътадил иқлим, сўлим табиат, сув ва ҳосилдор тупроқ каби беназир бойликларга қон, хунармандчилик, пахтачилик, таълим-тарбия, тадбиркорлик, паловхўрлик ва яна бошқа қатор соҳаларда эл аро доврुक қозонган, тил ва маданият, меҳнатқашлик, ғайрат ва шижоат, оз имкондан кўп илож яратиш бораларида ҳавасга сазовор Андижоннинг айни шу – ҳудудий кенглик бобида омади чопмай, бурчакка қисилиб қолган-да. Баъзи вилоятларнинг бир тумани Андижоннинг умумий майдонидан катта. Бир замонлар, ер тақсимловчи, чегара ажратувчилар нега шунга аҳамият беришмаганикин? Аҳолининг ҳадемай кўп қаватли уйларга жойлашишдан ўзга иложи қолмайди-ёв!...

Дарвоқе, бу ёқда, яъни Россияда ҳам машиналар куппа-кундузи чироқ ёкиб юришибди. Бу қандай қоида-я? Ким ўйлаб чиқарганикин? Турган-битгани ишқаллик-ку!..

Соат ўн бир яримда Южно-Уральск шаҳарчасида тўхтадик. “Сим-сим” кафе-ошхонаси кўзимизга тўтиёдек кўринди. Бинонинг ташқи деворидаги “Аловудиннинг сеҳрли чироғи” эртаги мазмуни асосида ишланган катта расм Шарқ олами ва одамларини эслатиб турарди. Емакхонанинг бошлиқ, ходимлари ўзимизнинг тилда сўзлашувчилар эди. Бизга исфаралик Олима исмли ёш, жуда ёш жувон хизмат қилди – юзи чиройлик, вужуди нафис – суратга ўхшайди. Тили чучуқроқ, аммо бу камчилиги ҳам унга фазилатдай ярашади. Мадина исмли қизчаси бор, қайлиғи, яъни куёв бола ҳам шу ерда ишларкан – ертўлада сабзавотларни арчиб-тўғрашаркан.

Шаҳарчада овқатлар нархи нисбатан арзонроқ, лекин баъзи нарсалар анча қиммат, масалан, бир бокал пиво (1л.) – 35-40 рубл (1 доллар – 29 рубл).

Яна Увелька дарёсидан ўтиб, Магнитогорск томон боряпмиз.

## МАГНИТОГОРСК ВА АНДИЖОН...

Бир вақтлар, мустақилликдан беш-олти йил илгари Челябинск вилоятига қарашли Магнит тоғи этагида, Урал дарёсининг иккала соҳилида жойлашган Магнитогорскдан Владимир Александрович Смеюшчев отлиғ давлат арбоби Андижонга обком (вилоят партия кўмитаси)нинг иккинчи котиби бўлиб ишга келган эди. Ўша маҳалларда республикадаги деярли барча вилоят, шаҳар ва туманларнинг иккинчи (ва лекин асосий) раҳбарлари ЎзКомпартиянинг ўша пайтдаги 1-чи секретари илтимоси билан Россиядан юборилган партия ва совет ходимлари билан тўлдирилган эди. Аммо, Смеюшчев дегани аломат одам эди. Одми, содда деса ҳам бўлади. Дастлаб вилоят раҳбариятида яқшанбани, ҳатто шанбани ҳам дам олиш кунларига айлантиришга, умуман бошқарув маҳкамаларидаги тарангликни юмшатишга уриниб кўрди, лекин эпюлмади. Кейин ўзи ҳам умумий оқимга кўшилиб кетди. (Зотан, бир жамиятда яшаб туриб ундан ташқарида бўлиш мумкин эмас деган сиёсий ақида бежиз тўқилмаган-да).

1985 йил, ноябр ойининг ўрталарида Магнитогорскдан Смеюшчев таклифига кўра Андижонга бир ёзувчи ва бир шоира келиб қолишди. Владилен Машковцев ва Римма Дишаленкова исм-шарифли ул зотлар ўз ўлкаларининг ўртаҳол қаламкашларидан эди.

Ўшанда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида иш бошлаганимга энди ярим йил бўлганди. Россиянинг олис бир шаҳридан ташриф буюрганларнинг обком котибимизга қандай яқинлиги борлигини билмаган эдим, аммо унинг ҳамшаҳарларини кўргач, киприклари нам тортиб, ғалати ҳолга тушгани ва улар билан узоқ-узоқ бағрлашиб кўришгани (ўша пайтда у чўнг амалдорликдан бир мунча фурсатга оддий фуқаролик мақомига тушган эди) кечагидай кўз ўнгимда. Гарданига маълум ижтимоий-сиёсий вазифалар ортмоқлаб, Ўзбекистоннинг чекка вилоятидаги ишларга кўз-қулоқ бўлиб туриш учун “экспорт қилинган” партия-совет ходими қалбида инсоний туйғулар жўш уриб кетди. У ўз ватани, ўз одамларини соғинган эди.

Мен ҳамкасбларимни вилоят партия комитети томонидан тузилган махсус йўналиш, дастур асосида шаҳар ва туманларда уч кун айлангириб, бир неча жамоада китобхонлар билан учрашувлар уюштирганман. Машковцев ўз юрти ва ижоди ҳақида сўзлар, Дишаленкова шеър ўқирди. Шоиранинг асарларида Магнитогорск ва Урал, она диёрининг бепоён кенгликлари таърифланган эди.

Мўътабар меҳмонларнинг анчагина совға-салом йиғиб кетишгани ҳам эсимда. У пайтларда бунақа удум авжида - пойтахтдан вилоятларга қадам ранжида этишган шоир-ёзувчилар сўлим чойхоналарда қуюқ меҳмон қилиниб, кўйлак-чопон кийдирилиб жўнатиларди. Россиялик адиблар эса вилоятимизнинг каттакон раҳбарларидан бири (“асосийси”)нинг ватандошлари, яқинлари, бинобарин, муносабат, эътибор шунга яраша бўлмоғи лозим эди...

\*\*\*

Йўналишимиз жанубга қараб ўзгарди. Қозоғистондаги каби сийрак бутазор ва жийда, яшил, чала яшил далалар қарағай аралаш қайинзорли ўрмонлар билан алмашилиб турарди. Навнихол оқ қайинлар Сергей Есенинни, унинг “Россия!... Эй сийнаси оппоқ қайинзор”, “Яшил сочларини офтобда ёйиб, Менга пешвоз чиқди бир туп оқ қайин. Нақадар ажойиб, нақадар сулув, Бундоқ сийна бўлмас жононларда ҳам” деган сатрларини ёдга туширади. Советлар тузумини хуш қабул қилолмаган, айни йигитлик палласида жувонмарг бўлиб кетган рус дарвеш шоирининг Эркин Воҳидов ўзбекчага дўндириб ўгирган “Форс тароналари” туркуми ва бошқа шеърларини муҳокама қилишга, галма-галдан ёд ўқишга тушамиз:

*“Лабларингни бурма менга, қилма таманно,  
Ўзададир менинг кўнглим, сендамас асло...”*

\*\*\*

*“Оқшом менга ниқоб остидан  
Оху кўзин сузди гулрухсор...”*

\*\*\*

*“Бу дунёда армонсиз одам  
Бечоралар ичра бечора...”*

\*\*\*

*“Бир жуфт оққуш жонон қўллари  
Шўнгир олтин сочларим аро...”*

\*\*\*

*“Нечун маюс таратар зиё  
Ой Хуросон чаманларига...”*

\*\*\*

*“Хайр энди, хайр, дўстгинам,  
Бағримдасан, кўнгил малҳами.  
Муқаррар бу айралиқнинг ҳам  
Висоли бор олдинда ҳали.*

*Хайр энди, сўзга очма лаб,  
Кўй, мен учун ўртама бағир.  
Бу ҳаётда ўлмоқ-ку бор гап,  
Яшамоқ ҳам янгимас, ахир!”*

Дарҳақиқат, бу маҳзун, ғамгин лириканинг бетакрор, беназир намуналари ўзбекчада шундоқ жаранглайдик, шеърнинг таржима эканлигидан беҳабар тингловчи уларнинг аслида бошқа тилда яратилганини ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Қуюқ ўрмонзор орасидан ўтаётганимизда Ваҳоб Раҳмон жўшиб кетдилар.

- Қани энди шу ўрмонларда адашиб қолсанг... – деди у кўкси тўла завқ билан.

- Бунинг учун Ғафур Ғулом айтганидай, камида ўттиз-қирқ йил орқага қайтиш керак, - дедим мен улуғ шоиримизнинг *“Қошкийди ўттиз йил орқага қайтиб, Ишқимни айтсайдим қилиб ёқа чок”* деган сатрларини назарда тутиб.

Изоҳим нозик таъб олимимизнинг дил торларига тегиб кетди чоғи, бир вақтлар Россия ўрмонларида кўп кезингани тўғрисидаги ва жўшқин ёшлик дамлари билан боғлиқ ширин, сирли хотираларидан бир шингил сўзлаб берди. Кейин миллий адабиётимизда вужудга келган Россия ҳақидаги шеър, дostonларни эслашдик. Бадиий адабиётдаги даврий ва бошқа мавзулар тўғрисида мулоҳазалар юритдик. Айрим шоир-ёзувчиларимизнинг яхшигина ижод намуналари аросатда қолганига ачиндик.

Ёғоч уйли рус посёлкалари пайдо бўлди.

Бизга Варна тумани зарур эди. Кеча йўлни яхши билмай, тузукроқ суриштирмай, Троицкдан узоқлашиб, Челябинскка кетган эканмиз, анча ортиқча йўл босиб, яна Троицкга яқинлашяпмиз. Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги юксалишига ўзининг қатор илмий асарлари ва ташкилотчилиги билан самарали ҳисса қўшган истеъдодли олим Солиҳ Қосимов Татаристонга қарашли ана шу шаҳарда таваллуд топган (1920 й.) эди. Яқин ҳамкасбларининг ёзишларича, унинг отаси қандайдир сабаблар билан ўша ёққа бориб қолган, йирик ишбилармон кўлида гумашта бўлиб ишлаб, Тошкентга бир жомадон олтин билан қайтган, лекин бояқиш ўша кунийёқ олтинларини ўғирлатиб қўйган экан.

Степное томонга бурилдик, лекин у шаҳарга кирмай, Чесма – Варна йўналишига юрдик.

Ёмғир бу ёқларнинг жуда ҳавосини олибди. Истаган пайтида хоҳлаганча ёғавераркан. Мана, кечаси бошлаган эди, гоҳ пастлайди, гоҳ тезлайди, тинишидан дарак йўқ деб, ўпкагина қилиб турсак, шундай қуйиб юбордики, тилларимизга *“Ёпирай!..”*дан ўзга калима келмай қолди. Машинамиз томи гўё ўнлаб доира каби шиддат билан дарангларди. Ойналардан шовуллаб тушаётган кумушранг сув оқимидан сал бўлмаса ўзимизни денгиз остида ҳис этаёздик. Хайриятки, озгина юргач, ёмғирсиз худудга чикдик.

Манзаралар ҳайратли ва ҳавасли эди. Шалаббо майса-гиёҳлар ҳозиргина чўмилган иболи келинчақлардай эгилиб, қимтиниб турар, ёғингарчилик таъсиридан ва шундоқ тепасида қаерга ёғсамикин деб, қулай ва ройиш жойни мўлжаллаб сузаётган кўкимтир булутлар таҳдидидан батамом халос бўлмаган, атрофи қуюқ ўрмонзор, гўзал текисликлар сокин ва ҳазин кўринарди. Таниқли ёзувчи Константин Паустовский атоқли мусаввир Исаак Левитанни тавсифлар экан, ундан бўлак бирон рассом ёмғирли рус кенгликларини бу қадар ғамгин ва жозибали қилиб тасвирлай олмаган, деб бежиз айтмаган бўлса керак. XX аср рус адабиёти намояндалари Иван Бунин, Михаил Пришвин, шунингдек, Паустовскийнинг ўзи ҳам майин рус табиати манзараларини қойилмақом ифода этганлар, фақат мўйқаламда эмас, бадиий сўз воситасида.

Чесмагача 260, у ёғи - Варнагача 60 км. қолган эди.

Ўрмонлар, далалар, сайхонликлар оралаб гоҳ ўннга, гоҳ сўлга юрамиз. Зокиржон ака билан Муҳаммад Али галма-галдан харита қараб, ўнғайроқ йўл қидирадилар. Зеро, кичик бир адашиш, пухта бўлмаган бир таклиф анча қимматга – юзлаб чақирим ортиқча масофага тушиши мумкин.

- Уч юз эллик минг километр йўлни босиб ўтган экспедициямиз учун икки-уч юз чақирим адашиш ҳеч гапмас, лекин... – деб қўяди раҳбар.

- Эринмаган Темур бобомиз шу ерларгача келган экан-а, - дея таажжубини ошкор этади Ваҳоб ака.

- Иккинчи эринмаган Зокиржон ака учинчи бир эринмаганларни ҳам шу ёқларга олиб келди, - дейди Муҳаммад Али.

Чапга кетган бир кўча чикди – у Бородиновкага олиб борарди. Тарихга муҳрланган Бородино жанги шу ёқда бўлганмикин?

## **АМИР ТЕМУР МИНОРАСИ ВА У ҲАҚДАГИ РИВОЯТЛАР**

Ниҳоят, Варна туманининг рамзий дарвозасига етдик. Дарвоза – йўлнинг икки томонидан кўтарилган устундан бир-бирига тортилган пешхарисимон энлик тахта бўлиб, унинг ўртасига “Башня Тамерлана” (Амир Темур минораси) сурати туширилган, суратнинг икки тарафига эса “Варненский район”, “Добро пожаловать!” деган ёзувлар битилган эди. Ўртадаги минора расми остида эса лочин тасвирланган бўлиб, улар биргаликда гўё туман тимсолини акс эттирарди.

Зокиржон ака ана шу тимсол – минорани кўргач, “Шу жойгача бўлган хато, адашишларнинг барини авф этамиз”, деб эълон қилди.

Бир чақиримлардан сўнг туман таркибидаги, шу номдаги шаҳарчага киришда ҳам яна бояги рамз бошқачароқ тусда ифодаланган “дарвоза”га дуч келдик. Демак, минорага муносабатлари, эътиқодлари баланд!

Варна шаҳарчаси Нижний Тогузак дарёси соҳилида жойлашган экан. Айни дарё кўприги биқинидаги “Варне - 165 лет” ёзувли катта панно эътибормизни жалб этди.

Ленин, Советская, Пионерская номли кўчаларни кесиб ўтяпмиз, чоғроқ бир хиёбонда Ленин бюсти ҳам турибди.

Шаҳарча мўъжазгина эса-да, унинг марказидан темир йўл ўтган бўлиб, бекат биноси салобатлигина, ҳашаматлигина, атроф саришта экан. Энг асосийси, энг муҳими – масканнинг номи “Тамерлан” эди! Яна улуғ Соҳибқиронимизнинг исми-шарифи, гарчи оврўпача шакл-лаҳжада бўлса-да, барибир кўзларимизга чўғдай кўринди. Зеро, бу Россия халқининг Амир Темур шахсиятига ҳурматининг яна бир ифодасидир.

Станция 1937 йилдан буён мавжуд экан.

Туман ўлкашунослик музейига етиб борганимизда, икки ходима энди уйларига жўнашаётган экан. Бизнинг олис Ўзбекистондан келганимизни эшитишиб, эшик кулфига қайта калит солишди.

Икки қаватли музей биноси кўринишидан оддий, одмигина бўлса-да, хоналари кенг, ашёларга бой экан. Асосан ўтмишга оид нарсалар. Туркий халқларнинг шоли туядиган яроғлари бўлмиш ўғир-соплар бизни янада ҳайратга солди. Аксарият буюмлар – эгар-жабдуқ, кийимлар, курол-аслаҳалар эса шу атрофда, Дон бўйларида яшаган казакларга тегишли эди.

Музей мутасаддиси Галина Александровна бизни эринмай, хонама-хона айлантириб, туман ва музей тарихи ҳақида, ашёларнинг қаерлардан қандай йиғилгани ва уларнинг қайси даврларга, кимларга мансублиги тўғрисида батафсил, мамнуният билан сўзлаб берди. Унинг айтишича, казаклар айнан шу ҳудудда болгар турклари билан жанг қилишган экан.

Г.Александровна тумандаги катта эътиборга молик бирдан-бир тарихий ёдгорлик Амир Темур минораси (“Башня Тамерлана”) ҳақида ҳам гапириб, ўз мулоҳазаларини билдириб ўтди. У Соҳибқирон томонидан барпо этилган меъморий обида хусусида рус олимлари, археологларнинг муносабатларини ҳам шарҳлашга уринди. Қисқаси, мазкур минора қурилишининг сабаблари борасида турлича фаразлар, “Амир Темур беш юз чақирим наридан ўтган, қандай қилиб бу ерда шундай улкан иморат тиклайди” деган

иштибоҳ ҳам йўқ эмас экан.

Туман марказидан беш чақиримча шимоли-шарқда кенг дала ястаниб ётарди. Узоқдан даланинг ўртасидаги ёлғиз бир иншоот – Амир Темур минораси кўзга яққол ташланади. Кун чиқишга кетган Новопокровск йўлидан чапга бурилиб, беш юз қадамлар ичкарига кирганимизда рўпарамизда бизнинг тушунчамиздаги мақбараларга ўхшаш, чорқирра шаклда қурилган куббадор, баландлиги 17 метрча келадиган бино бор бўй-басти билан қад ростлади.

Танҳолиги боисми ё фожеий ривоятлар билан боғлиқлиги сабабими, салобатли ёдгорлик қандайдир маҳзун ва мунғайган бир алфозда кўринарди. Ичи тахминан (камина қадами ўлчовида) 6,5х6,5, сирти 12,5х10, бўйи минораси билан ўн етти метрлар чамасидаги, куббаси ўн қобирға-бурчакли, пишиқ ғиштдан тикланган ушбу тарихий иншоот, афсуски, қаровсиз, унга борар сўқмоқ майса-ўтлар билан қопланган, аммо ҳар нечук машина излари бор, сайёҳлар келиб туриши маълум эди.

Ёдгорлик, ўша атрофликларнинг айтишича, илгари “Башня Тамерлана” (Амир Темур минораси) дейиларкан, кейин негадир “Башня Кесене” (Кесене минораси) деб атала бошланибди.

Бино олд деворининг чап томонига ўрнатилган мрамор лавҳадаги маълумотларда ҳам чалкашлик, мавҳумликлар бор. Мақбаранинг бир қатор ривоятларга кўра Амир Темурга боғланиши, “Кесене” туркий тилда “Сағана”, “Қабр ёдгорлиги”, “Мархумлар саройи” маъноларини аниқлаши, ёдгорликнинг 1983 йили таъмирлангани қайд этилган, аммо унинг ким томонидан барпо қилингани ҳақида бирон гап айтилмаган. Варна тумани ўлкашунослик музейининг мутасадди ходимаси Галина Александровнанинг таништирув ва изоҳларида ҳам ушбу масаладаги иккиланиш сезилганди.

Халқ орасида кенг тарқалган Амир Темурнинг кизи (ёки канизаги) ва унинг оддий жангчига бўлган оташин муҳаббати тўғрисидаги ривоятда келтирилишича, ўша жангчи билан қочиб кетган қиз (ёки канизак) йиртқич хайвон (йўлбарс ёки қобон) чангалига тушиб ҳалок бўлади. Бошқа бир талқинда эса отасининг амри билан тутиб келинган севгилиси қатл этилгач, қиз ҳам ўзини ўлдиради. Ривоятда ҳикоя қилинишича, Соҳибқирон қизи ҳалок бўлган жойда унинг хотирасига бир ёдгорлик – минора тиклаш ҳақида фармон беради. Айрим тарихчи ва тадқиқотчилар айнан ана шу нақлга шубҳа билдиришиб, у яқин ўтмишда тўқилган, деб даъво қиладилар.<sup>1</sup> Ҳолбуки, ушбу мунгли воқеа содир бўлганидан атиги беш йил кейин – 1396 йили (агар қиз билан боғлиқ фожеа Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши 1395 йилги юриши пайтида юз берган бўлса, орадан бир йил ўтиб-ўтмай) ўша пайтда тақдир тақозоси билан Искандария шаҳрида истиқомат қилаётган таниқли шоир Сайфи Саройи<sup>2</sup> томонидан битилган “Сухайл ва Гулдурсун” достонида тасвирланган.

Ёдгорликнинг айнан Амир Темур даврида – XIV асрда қадимий қизғиш ғиштдан яратилганлиги, ўша даврларда, ўша ҳудудларда яшовчи қўшни халқлар ва уларнинг хон-хукмдорлари орасида бундай услуб ва тарҳдаги обидалар тиклаш тажрибаси, урфи бўлмаганлиги назарга олинса, унинг Соҳибқирон меъморлари ва усталари ижодига мансублиги борасидаги иштибоҳга ўрин қолмайди. Лекин, ҳарқалай, минора қурилиши билан боғлиқ тўқималарнинг хилма-хиллиги мазкур ёдгорликнинг бунёд этилиш жараёни, сабабларини пухта ўрганиш ва ўзгача фараз, талқинларга аниқлик киритиш, мунозараларга чек қўйишни тақозо этади.

“Амир Темур минораси” зиёратидан қувончлар, ҳаяжонлар, фахрлар билан қайтар эканмиз, ўша ёқдан Варна марказига кираверишдаги кафе пешонасига битилган “Узбекская кухня” сўзлари эҳтиросларимизни янада оширди. Россиянинг олис, чекка бир ҳудудида ўзбек таомлари ошхонасининг мавжудлиги биз учун чиндан ҳам қутилмаган ажойиб воқеа эди!

<sup>1</sup> В.С.Кобзов. “Уралская Варна”. Челябинск, 1992 г. 44-45-стр.

<sup>2</sup> Сайфи Саройи (1321 й., Хоразм -1396 й., Искандария) – шоир, таржимон. Маълум сабабларга кўра юртни тарк этишга мажбур бўлган. Умри дарбадарликда ўтган. Олтин Ўрда, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатларда умргузаронлик қилган.

Емакхона тошкентлик тадбиркор Зоҳиджон Маҳмудовга тегишли экан. Тошкентча паловни соғинган эдик, тилаган жойимизга борди, ҳузур қилдик, яна бир бор ифтихор айладик.

Кейин Чесма (60 км.) томонга – жанубга қараб жўнадик.

Магнитогорскга йигирма чақирим қолганда ўннга – ғарб тарафга – Белорецк (Бошқирдистон) йўналишига бурилдик. Манзилга 90 км. бор эди.

## **БОШҚИРДИСТОН. МЕҲМОНХОНАДАГИ МАШМАШАЛАР**

*Бошқирдистон бизга бегона эмас, у қавмдошларимиз юрти. Энг сўнги маълумотларга қараганда республика ер майдони 142947 кв.км., аҳолиси тўрт миллиёндан ортиқ. Пойтахти – Уфа.*

*Бошқирд қабилаларини дастлаб қадимги дунё тарихчиси Ҳеродот (эрамиздан аввалги V аср) ўз асарларида тилга олиб ўтган. Улар аввалда иккига бўлиниб (Жанубий Уралда ва Дунай бўйларида) яшаганлар. Милодий X-XIII асрларда бошқирдларнинг ерлари Волга Булгористонига қарашли эди. 1219-1220 йиллари Чингизхон қўшинлари бошқирдларга хужум қилишган. Уруш узилишлар билан ўн тўрт йил давом этган. Бошқирдларнинг жанговарлиги, мардоналиги туфайли ўз ниятларига эришолмаган мўғуллар ноилож улар билан сулх тузишган. XII-XIV асрларда бошқирдлар яшаган ҳудудлар Олтин Ўрда қаламравида бўлган. Олтин Ўрда Амир Темур томонидан тор-мор этилгач, бошқирдлар Нўғай ўрдаси, Қозон ва Сибирь хонлиқларига қўшилган. Ўзбекхон даврида (1312-1341 й.) ислом Олтин Ўрданинг расмий динига айланган, бошқирдлар мамлакати ҳам мусулмонлашган. XVII аср ўрталаридан Бошқирдистон Россия таркибига киради.*

\*\*\*

Аллақачон қоронғи тушган. Кундузги чарчоқлар ўзини кўрсата бошлади. Бошқалар қатори мен ҳам мудраб борар, аммо йўл у қадар текис эмаслигидан кўзларим тез-тез очилиб кетарди. Жой нотанишлиги ё ёруғлик – чироқ камлигиданми, ё уйқусираётганимиз учунми, атроф қандайдир сирли, ваҳимали туюларди. Ўзимча сергакланишга ҳаракат қилардим-у, аммо қайсар, баттол уйқу истаги хоҳишимга бўй эгмасди. Йўл зерикарли, вақт эса жуда секин ўтаётганга ўхшарди. Уйқу тўла кўзларимизни йўлнинг икки томонига тикиб борамиз – қўналғабоп жой кўринмайди.

Ана шундай бесаранжомлик ва безовталиқ билан Белорецк шаҳрига етиб, йўлнинг ўнг бетидаги ҳашаматли меҳмонхона саҳнида тўхтаганимизда соат маҳаллий вақт билан тунги икки эди.

Зокиржон ака иккимиз машинадан тушдик-да, уйқуни қочириш учун керишиб, қотиб қолган белларимизни бир оз машқлантиргач, ичкарига кирдик. Маъмура – ёшроқ, бўйчан, хипчагина рус жувони бизни хуш қабул қилди. Жой борлигини эшитиб хурсанд бўлиб кетдик. Раҳбар битта икки, битта уч ўринли хона зарурлигини айтди. Тўловга ёнидаги рубль (ўрис пули) етмаслиги боис, “Доллар ҳам олаверасизларми?” деб сўради. Маъмура иккиланиб қолди. Олди очик қабулхона билан рўпарама-рўпара кафеда боядан бери гўнғир-гўнғир қилиб ўтирган икки эркак ўринларидан туриб бизга яқинлашишди. Улардан бири – барваста, девсийёклиги ўлгудай маст, оёқда аранг турарди. Зокиржон акага қараб “Қаердан келдинг? Мусулмонмисан? Неча пул етмаяпти, мана, мен бераман...”, деб алжирай бошлади. Раҳбар “Пуллимиз етади, бизга ҳеч қанақа ёрдам керакмас”, деди қатъий қилиб, лекин барзанги пойинтар-сойинтар сўроқларини такрорлаб, тирғалишини кўймас эди. Бу пайтда маъмура кимгадир телефон қилиб, доллар олаверайми, деётганди. Тепадан – зинадан тушиб келган каттароқ ёшдаги бақалоқ аёл тушуниб-тушунмай телефон гўшагини олди-да, “Бизнинг олдимизда жанжал қилишяпти”, деди ёрдам сўрагандай. Зокиржон ака можаро кучайиб кетмасин, деб ўйладими, менга “Юринг, бошқа меҳмонхона истаймиз”, деди. Ёш

маъмура орқамиздан ҳай-ҳайлаганча қолди – у менимча тайёр даромадни қўлдан чиқариб юборганига ачинаётгани.

Машинага ўтирдик-да, жўнадик. Шаҳарни айланиб, истаб-сўраб, “Золотая купола” меҳмонхонасини топдик. Шу ерда раҳбар “И-е, паспортим бояги меҳмонхонада қоптию, ҳа, майли, эрталаб олиб ўтиб кетамиз”, деб қўл силтади.

Меҳмонхона дурустгина, нархи ҳам қулайгина туюлди. Яна Аҳмаджон машинада қолди, шеф билан Ваҳоб Раҳмон, Муҳаммад Али иккимиз биттадан хонага жойлашдик. Ювиниб, энди ўринга чўзилувдик, эшик қаттиқ тақиллади. Ҳайрон бўлиб, очдим. Остонада оддий фуқаро кийимида савлатли, келишган ва бўйи ундан пастроқ полиция либосидаги йигитлар туришарди, вазоҳатларидан қандайдир безовталиқ сезиларди.

- Шу одам сизларданми? - сўради барвасти раҳбарнинг паспортини очиб. Табиийки, бу шаҳарда рус тилида сўзлашадилар.

Мен “ҳа” дедим.

- Қани, кийиниб, биз билан юринглар, - деди барваста яна росмана буйруқ оҳангида. – Юкларингни ҳам олинглар.

- Қаёққа, нимага? – деб сўрадим.

- Борганда биласиз. Шерикларинг қайси хонада?

- Нариги хонада, - деб қўшни хонага ишора қилдим.

Барваста Зокиржон акалар хонасини тақиллата бошлади.

Полиция формали йигит бизнинг кийинишимизни кутарди.

- Нима гап ўзи? – деб сўрадик яна ижикилаб.

- Менинг хабарим йўқ, анови одам билади, - деди полициячи шериги томонга бош ирғаб.

Муҳаммад Али “Хўп, шу ерда гаплашаврамиз”, деб кўрди. Рад жавобини олгач, “Унда, юкларимиз қолаверсин, барибир қайтиб шу ерга келамиз-ку”, - дея полициячига тикилди.

- Йўқ, - деди полициячи қатъий, - биттаям нарса қолмасин, тезроқ бўлақолинглар.

Қарасак, йўлакда яна бир неча полициячи турибди. Гап нимадалигини англадик. Демак, бояги меҳмонхонадаги ўрта яшар аёл махсус хизмат ходимларига қўнғироқ қилган, улар келишса-ки, биз йўқ. Булар паспортни ҳам ташлаб қочишибди, демак, бир гап бор, деб изимиздан тушишган. Шаҳардаги меҳмонхоналарга, жумладан, ушбу “Золотая купола”га ҳам телефон қилиб, шу ердалигимизни аниқлашгач, шаҳар хавфсизлик хизматию ички ишлар...ни оёққа турғазилган!

Дарҳақиқат, ташқарига чиқсак, машинамиз ёнида формали, формасиз...лардан яна беш-олттаси депсиниб туришарди. Бояқиш Аҳмаджониям уйғотиб сўроққа тутишибди.

Хуллас, Барваста бизнинг машинамизга чиқди-да, ҳайдовчига қайси тарафга юришни кўрсатди. Айлана кўчалардан юряпмиз. “Сарбон”имизнинг, худди биз арпасини хом ўриб кўйгандай, қовоқ-тумшуғи осилган, миқ этмайди. Қаёққа кетаётганимизни тахминлаб биз ҳам жим борардик. Мен Зокиржон аканинг бепарво ва беписандлигига, асабининг мустаҳкамлигига яна бир карра қойил қолдим.

Фаразимиз тўғри эди – шаҳар ички ишлар бўлими қопқаси олдида тўхтадик. “Юклар машинада қолсин, қўл сумка, дипломатларни олинглар” дейишди ва бизни айлана йўлаклардан иккинчи қаватга олиб чиқишиб, чеккадаги торгина бир хонага бошлаб киришди. Дераза ёнидаги стол ортида сочи калта кузалган, енги узун, қизғиш йўлли оқ кўйлак кийган, юз тузилиши нақ ўзбекка ўхшайдиган (татар бўлса керак) ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги йигит ўтирарди. У билан салом-алиқ қилдикми, йўқми, ҳозир эсимда йўқ. Тўғриси, унинг ҳам чехраси, гарчи бежиримгина бўлса-да, тундроқ эди. Уйкусираб, ғашланиб, малолланиб ўтиргандай кўринарди. Менинг кўнглимдан “Нега бизга димоқ-финоқ қиласан? Шундай касбни танлаганингдан кейин, шунақа бўлади-да”, деган гаплар ўтарди. У компьютерда ниманидир қидираётганга ўхшарди, бизга бир-бир назар ташлаб кўйди-да, ўз машгулотида давом этаверди. Барваста хавфсизлик ходими сумка, дипломатларимизни очтириб текшира бошлади. Фотоаппарат ва қўл телефонларимиздаги

янги олинган, хатто эски расмларни ҳам бир четдан кўриб чиқди. Кейин у қаёққадир ғойиб бўлди. Хона эгаси – оқ кўйлакли йигит бизнинг кимлигимиз, нима иш қилиб юрганимизни совуққонлик, хотиржамлик билан суриштиришга киришди. Анчагача унинг чехраси очилмади, уйқуси ҳам ёзилмади. Жуда суст, табиатан кўрамас, лоқайд одамга ўхшар, назаримда истар-истамас, секин қимирларди. Гаплари ҳам суст, жонсиз эди. У бизга тушунтириш хати ёздирга бошлаган эди, яна хонада пайдо бўлган барваста йигит Зокиржон акани суҳбатга тортди. Раҳбар баланд овозда, қатъият билан, ниқтаб-ниқтаб экспедициямиз ва унинг мақсад, вазифалари тўғрисида маълумот бериб, сафаримизга тааллуқли ҳужжатларни кўрсатди. Махсус хизмат ходими хийла шаштидан тушиб, шахсиятимизни тасдиқловчи ҳужжатларимиз бор-йўқлигини сўради. Биз ташкилот ва ўзимиз аъзо бўлган ижодий уюшмаларнинг гувоҳномаларини кўрсатдик. Барваста билан оқ кўйлакли бир-бирларига қарашиб, “Тушунарли, тушунтириш хати ёзиш шарт эмас”, дейишди. Уларнинг тунд юзидаги тиришлар ёзилиб кетди ва “Биздан хафа бўлмайсизлар, хизматчилик...” деб узр айтишди. Лекин бунгача тонг ёришди, уйқу расво бўлди, асаблар хийла таранглашди. “Мезбонлар” ўз машиналарида йўл бошлашиб, бизни меҳмонхонамизга олиб бориб қўйишди, яна қайта-қайта узр-маъзур қилишди, “Эртага шаҳарда катта маърифий-сиёсий тадбир ўтади, шунга сизларни таклифсиз келишдимикин, деб ўйлабмиз” дейишди ўзларини оқлаш учун. Қўлларимизни маҳкам қисиб хайрлашишаркан, нима хизмат бўлса, ё бирон муаммо туғилса, уларга бемалол мурожаат қилишимиз мумкинлигини, ҳар қандай ёрдамга ҳозирликларини таъкидладилар. Хатто Уфа давлат университетидаги таниш профессорларининг исм-шарифларини айтиб, улар билан учрашиб, мулоқот қуришимизни тавсия этишди. Биз таклиф ва мулозаматлар учун йўлига ташаккур билдирдик, илло, назаримда ўша маҳалда ҳаммамизнинг дилимиздан “Сенларга ишимиз тушгулик қилмасин” деган гаплар кечаётгани тайин эди. Лекин, шунақаси ҳам бўлади-да, ахир сафар, саёҳатнинг фақат томоша, гаштдан, ҳузур-роҳатдан иборат эмаслиги аён. Инчунун, ҳар гал экспедицияга ҳар хил кўнгилсизликларга руҳан тайёр бўлиб чиқамиз-ку...

## *8 июнь, чоршанба*

“Ит ётиш, мирза туриш”, деб шунга айтса бўлади. Тонг росмана отганда ёнбошлаб, икки соатча мизғидик.

“Нептун” кафесидида енгил нонушта қилдик, чунки таомлар енгил - нақ СССР давридаги ошхоналарники эди: ши, нўхот суп, котлет, картошкали пирожки... Умуман, бу ёқларда, кўчаларнинг номлари каби, емакхоналарнинг овқат рўйхати ҳам ўзгармабди.

Шаҳардан чиқаверишда, ўнгда сунъий ҳовузга ўхшаган кўл кўринди.

Белорецкдан республика пойтахти Уфагача 250 км. экан.

Ҳадемай, яна сийрақроқ ўрмонлар бошланди. Ўтлоқлар. Улардан наридаги баланд-паст, ола-чипор яшил тоғлар билан туташиб кетган қайин аралаш қарағайзорлар, сарв ва бошқа арчалар, ёввойи буталар кўз олдимизда Кавказ манзараларини намоён этади.

Тагин ёмғир ёға бошлади. Торроқ, илон изи кўчалар Венгрия (камина 1989 йили мазкур юртда бўлиб эдим) йўлларини эслатиб юборарди. Икки ёндаги қалин ўрмонзор жуда хилват кўринади. Кечаги юк машина ҳайдовчиси балки шу ерларни назарда тутгандир.

Ўрмон узоқ-узоқ давом этади, кейин аҳоли яшайдиган жойларга чиқиб қоламиз. Томлари пирамидасимон уйлар рус эртақларидаги, суратлардаги каби кичкина, ихчам, тартибсиз қурилган.

Уйқу босади, латиф табиатнинг сўлим жамолидан кўзлар қиймайди, баҳра олишдан бенасиб қолмаслик учун уйқуни қочиринишга тиришамиз. Дарахтзорлар орасида ахён-ахёнда Пушкин таъриф берган “Керн хиёбони”<sup>1</sup> (“Аллея Керн”)га ўхшаш сирли сўкмоқлар кўзга

<sup>1</sup> Улуғ шоир ўзини бағоят мафтун этган ва зўр илҳом билан ёзилган “Я помню чудное мгновенье...” (“Эсимдадир ажиб дам ҳали...”) деб бошланадиган гўзал шеърини бағишлаган соҳибжамол Анна Петровна Керн шарафига Михайловск боғидаги арғувонзор йўлак-хиёбонлардан бирини шундай деб



ташланади.

Ана шундай дилтортар манзара ва ҳолатларга мумтоз қўшиқлар уйғунлашиб кетса борми... Аммо ашула энди авжига чиққанда Зокиржон ака магнитофонни шартта ўчириб қўяди. Чунки, ўзимиз раҳбардан “гимн”имизни бир мириқиб эшитайлик, деб илтимос қиламиз-у, бироқ “Насруллои” янграй бошлаши билан илҳом келадими, гапга, санъат ё бошқа бир соҳа муҳокамасига тушиб кетамиз. Зокиржон акага бу қилиғимиз хуш келмайди.

- Сизлар ашула эшитишни билмайсизлар экан, қўшиқ тинглашнинг маданияти бор-да, - дейди. Ўзи чиндан ҳам мумтоз тароналарни берилиб, англаб, ҳис этиб, тебраниб тинглайди-да. Қолаверса, раҳбар магнитофонни бўлар-бўлмасга қўявермайди. “Куй-қўшиқнинг бир муносабат билан, масалан, мўлжалдаги манзилга етганингизда ё бирон режа амалга ошиб, муродингиз ҳосил бўлганда эшитсангиз, маза қиласиз, танангиз яйрайди”, дейди.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Наво-соз нашъу намосидан маҳрум этилди ва суҳбат мавзуини ҳозир ҳудудда бораётганимиз Бошқирдистон адабиётига бурдик.

Бошқирдлар Волга бўйларида яшовчи миллатлар орасида оғзаки ижодга жуда бой халқ ҳисобланади. Фақат уларнинг бадиий адабиёти ва адабий тилининг шаклланиши нисбатан кечроқ - XX асрнинг йигирманчи йилларига тўғри келди. Лекин шу халқ қаҳрамони ва биринчи шоири деб тан олинган Салават Юлаев Пугачев замонида яшаган бўлиб, саркарданинг сафдошларидан эди. Бошқирд ёзма адабиётининг асосчиси деб таникли шоир Мажид Ғафурий эътироф этилади. Ўзбек халқи ва адабиёти билан эса Сайфи Қудаш, Мустай Каримлар яқин бўлишган. Сайфи Қудашнинг қадрдони Ғафур Ғулом тимсолида ўзбек элига ўз халқининг катта меҳри-муҳаббатини изҳор этган туркум шеърлари бор. Қуйидаги сатрлардан шоир туйғуларининг нечоғлик самимийлигини англаш мумкин:

*...Ўзни орзу ихтиёрига –  
Қўйиб, йўлга тушганимда шод,  
Қон-қардошлик, дўстлик ҳислари  
Юрагимга боғлади қанот.*

.....  
*Тонг жилмайиб менга шу нафас,  
Нур таратди янги айёмга.  
Деди: “Тонгнинг кўркин олиб бор  
Шоир дўстинг Ғафур Ғуломга!”.*

.....  
*Дўстим Ғафур, табриклаш учун  
Эл олдида қалбни очган он,  
Тополмадим меҳр- муҳаббатдан  
Сенга лойиқ бошқа армуғон!..*

*Бу тортиқда сенга жонажон –  
Халқ севгисин ҳарорати бор.  
Шу дўстликка фидо бўлсин жон,  
Шу дўстликдан бизлар миннатдор...”*

Шоир ва драматург Мустай Карим эса замон жиҳатидан ҳам, адабий алоқалар борасида ҳам бизга янада яқин эди. Унинг атоқли шоирамиз Зулфия томонидан маҳорат билан ўзбек тилига ўгирилган “Ой тутилган тунда” фожиали драмаси Ҳамза номидаги академик театримиз сахнасида узоқ йиллар яшаган.

Бошқирдистоннинг таникли адибларидан бири Ёвдат Илёсов Ермекеев туманидаги Исломбахти қишлоғида таваллуд топган, 1950 йиллардан Ўзбекистонда яшаб, газета-журналларда ишлаган, жумладан, бир неча йил “Звезда Востока”да шеърият бўлимини

---

атаган эди.

бошқарган, кўплаб ўзбек ёзувчиларининг асарларини рус тилига таржима қилган. Кўплаб тарихий романлар яратган. Хуллас, у ҳам халқларимизнинг бир-бирига маънан яқинлашувига ўз ижоди ва фаолияти билан ҳисса қўшган зиёлилардан бири эди.

Соат кундузги иккиларда мамлакат пойтахти Уфага кириб бордик. Ҳозирда Бошқирдистон пойтахти бўлган бу шаҳар XVI асрда Оқ Идил, Уфа ва Дема дарёлари қуйиладиган жойда рус қалъаси сифатида вужудга келган. XVIII-XIX асрда Оренбург, Уфа губерниялари маркази бўлган.

Уфанинг қоқ ўртасидан - марказий кўчадан икки тарафга машина ойнасидан кўз югуртириб ўтиб кетдик. Шаҳар сердарахт, серхиёбон экан, ўша дарахтлар, хиёбонларнинг ора-ораларидан Волга дарёсининг ирмоқларими, кўлми - нигоҳимизга бирров чалиниб қоларди.

Биз Самарага қараб ошиқардик – унғача яна тўрт юз километр бор эди. Оренбург, Қозон ҳам шу йўналишда экан.

Яна Шимол сари юряпмиз.

Яна ўрмонлар, қайинзорлар, сайхонлар...

Хол-хол оқ қайин чиндан ҳам гўзал кўринарди. Унинг рус қизларига менгзалиши бежиз эмас-да.

Затон туманининг марказида тушлик қилдик. Ошхона ёнидаги дўконлардан бирининг номи ҳам “Тамерлан” экан.

Қорин тўйгандан кейин одамни уйку ё ашула ё суҳбат тортади. Муҳаммад Али ака ташаббуси билан уйкуга қониб олганмиз, кўшиқ эшитишга асосли сабаб йўқ, демак, навбат – суҳбатга, шеърӣ мулоқотга.

Ваҳоб Раҳмонни мен истеъдодли, дангал адабиётшунос деб билардим, унинг шеър ёзиши, дурустгина шоирлигидан мутлақо беҳабар эканман. Ҳажман анча йирик фалсафӣ-лирик машқига ҳам, жарангдор овоз билан ифодали ўқишига ҳам қойил қолдим. Кейин у севган шоирларидан бири Егише Чаренц<sup>1</sup> шеърларидан ёд айтди. Муҳаммад Али ўзининг Роберт Бёрнсдан қилган таржималаридан ўқиди. Шеърхонликка мен ҳам баҳоли қудрат кўшилиб турдим. Пушкин, Лермонтов, Ҳамзатов ва бошқалар ижодидан намуналар тингланди, муҳокама қилинди, мулоҳазалар билдирилди.

Мен қувваи ҳофизамдан нолиб, тўғрироғи, кам ва қийин ёд олишим, ҳафсаласизлигимни хотира заифлигига тўнкаб юраман. Ҳамма нарсага ҳам туртки, муҳит, табиӣ эҳтиёж ва шароит зарур экан. Ваҳоб ака, Муҳаммад ака ва камина галма-галдан шеър ўқий бошлаганимизда ёдим сандиғида хийлагина бисот борлигини ўзим ҳам шу куни, шу дамларда англаб қолдим. Демак, хотирани ҳам қайраб, чархлаб туриш лозим экан.

Набережные чельны, Нижнекамск шаҳарларини, Кама дарёсининг темир йўл ва автойўл ўтган узун, катта кўпригини ҳам ортда қолдириб Қозонга қараб интиляпмиз.

Шеърхонлик авжга минади. Бедил, Пушкин, Лермонтов, Чўлпон, Усмон Носир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърларини биримиз бошлаймиз, бошқамиз давом эттирамиз. Гоҳ мумтоз, гоҳ замонавий адабиётга, гоҳ шарқ, гоҳ ғарб, жаҳон адабиёти намояндаларига ўтамиз. Фикрлар, таассуротлар, ҳайратлар шеър билан уйғунлашади. Ижодида рус хаёти, табиати кўпроқ ва ёркинроқ ифодалангани учунми, Сергей Есенин номи ва ижоди суҳбатимизда, шеърхонликда бот-бот айланарди. Унинг айниқса, “Форс тароналари” туркумидаги латиф истиораларга, нозик қочиримларга, хушёқар лутфларга бой шеърлари нисбатан кўпроқ ва равонроқ, завқ-шавқ билан ўқилади:

*Ой юзида тилларанг жило,  
Самбитгуддан таралар хуш бўй.  
Кезмоқ на соз қувноқ ва хушрӯй  
Мовий ўлка сукути аро.*

<sup>1</sup> Егише Чаренц – ўтгизинчи йиллар қатағонида ҳибсга олинган ва 1937 йили 40 ёшида (Чўлпон, Абдулла Қодирийлар билан тенгдош, қисматдош) қамоқхонада вафот этган арман шоири. Мавзу ва дардлари Усмон Носир билан оҳангдош эди.

*Йироқларда Бағдод. Бир замон  
Шаҳризода яшаган диёр.  
Ул санамга энди не даркор,  
Хазон бўлмиш жаннат гулистон.*

*Ул шарпалар сингибди ерга,  
Дев, парилар бўлмишдир тупроқ,  
Бош эгма, эй сайёҳ, қабрга,  
Арвоҳларга солмагин қулоқ.*

*Атрофга боқ, қанчалар барқут!  
Дудогингни тортар чечаклар.  
Душманга ҳам дўстлик қўлин тут,  
Ёруғ бўлсин кўнглим, десанг гар.*

*Ўйна, сендан не қолур ўлсанг,  
Висол айлаб ишқ болига тўй,  
Ўликларга сизинмоқ бўлсанг,  
Тирикларни ўз ҳолига қўй*

*Шундай деган Шаҳризода ҳам,  
Барглар айтар яна бир бора.  
Бу дунёда армонсиз одам  
Бечоралар ичра бечора.*

Ваҳоб Раҳмоннинг ҳам, Муҳаммад Алининг ҳам хотиралар ғазнаси кўп дуру жавоҳирлар билан тўлалиги мени ҳайратга солди, улардаги истеъдод омилларида бири ана шу фазилатлари эканлигига имоним комил бўлди.

Шу аснода яна бир нарса – ғарб, рус адиблари, шоирларига нисбатан ўз адабиётимиз намояндалари ижодидан камроқ, балки анчагина кам ёд билишимиз сезилиб қолди. Масалан, Навоийнинг, Огаҳий, Машрабнинг... Ойбек, Шухрат, Асқад Мухторнинг, Зулфия опа, Саида Зуннунованинг, Рауф Парфининг, Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмоннинг шеърларини... Фақат, Чўлпоннинг “Ойдан-да гўзал”и, “Қаландар...”и, “Галдир”и, Ғафур Ғуломнинг айрим ҳикматомуз қуйма сатрлари, Усмон Носирнинг “Нахшон”идан боблар ва яна баъзи жўшқин шеърлари, Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” қасидаси, Миртемирнинг “Сурат”идан парчалар, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовларнинг дастлабки ихчам, фалсафий-лирик манзумалари эсимизда тузукроқ қолган экан. Нега, нега шундай? Ахир, масалан, ҳазрат Навоийнинг маънолар уммони, шеърини санъат гулдасталаридан иборат ғазалиётига бас кела оладиган шеърят ҳали ҳеч бир қитъада бошқа яратилмаган-ку?!

## ТАТАРИСТОН

Вятка дарёсини ҳам шу йўналишда кўрдик.

Қозонга яқинлашиб боряпмиз. Энди мусохабамиз мавзуи татар адабиётига кўчади.

Қозон татарлари Волга дарёси соҳилларида яшовчи бошқирд, чуваш, мордва, мари ва бошқалар орасида энг қадимий халқлардан биридир. Бинобарин, уларнинг адабиёти ҳам қадимий бўлиб, тўққизинчи асрдаёқ шаклланиб улгурган. Ўша даврдаёқ мазкур адабиётда Юсуф ва Зулайхо ҳақида дostonлар яратилган.

Татар адабиёти асосан Шарқ адабиёти таъсирида тараққий этган. XX аср бошларига келиб, бошқалар қатори татарлар адабиётида ҳам янги давр бошланади. Қозонликлар бизга бошқаларга нисбатан яқинроқ, меҳрлироқ эди, бу яқинлик, бу меҳр аввало ижодкор зиёлилар аро боғланган ришталар билан онгимизга, қалбимизга кирар эди. Ўзбек шоир-ёзувчи, маърифатпарварларнинг у томонга талпинишига сабаб - Қозонда янги замон маданияти ривожининг сал илғорроқлиги, татар маърифатчи-зиёлиларининг дадилроқлиги эди. Академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг эътироф этишича, у болалик ва ўсмирлик пайтларида Қозон, Оренбург, Боку шаҳарларида босилган китобларни севиб ўқир, шундан **“Абдулла Тўқайни, Мажид Ғафурийни, Фотиҳ Амирхонни, Ризоуддин бинни Фахриддинни, Фаёз Исҳоқийни, Олимжон Иброҳимовни ва бошқа-бошқаларни ўша замондаёқ таниган”** эди.

Интилиш, талпиниш икки ёқлама эди. Татар маданиятпарварлари ва зиёлиларининг намояндалари Бухоро мадрасаларида, ўзбек зиёлиларининг вакиллари Оренбургдаги “Хусайния”, Уфадаги “Олия”, Қозондаги “Муҳаммадия” мадрасаларида таҳсил олишарди.

1928 йили Ғафур Ғулом ёзувчи Зиё Саид билан, 1929 йили Миртемир ва яна уч ёш ёзувчи Татаристонга бориб, қардош халқ ёзувчилари билан танишиб, ижодий ҳамкорликка киришадилар. Ўша сафарда Ходи Токтош Ғафур Ғуломга, жумладан, 22-23 ёшлардаги Муса Жалилни таништирган ва кейинчалик, Ғафур Ғулом **“Агар фашист жаллод ойболтаси тагида ҳалок бўлмаганида ҳозир у ҳам муборак олтимиш ёшга кирган ва ёру биродарлари даврасида ойдаи балқиб ўтирган бўларди”**, деб ёзган эди Ходи Токтошнинг 60 йиллиги муносабати билан Муса Жалилни эслаб.

Дарҳақиқат, биз татар адабиётининг намояндаларини ўйлаганимизда, энг аввало **“Муҳаббат ул эски нарса, аммо ҳар бир юрак уни янгилар”** деган, ошиқлар шиори, маслағига айланган ҳикмат ижодкори Токтош<sup>1</sup>, **“Ер яшармас, гул очилмас тушмаса кўк томчиси, Қайдан олсин шеърни шоир, бўлмаса илҳомчиси?”** **“Бу гўзал қизнинг фақат расмин кўриб қолса магар, Шубҳасиз, силтар қўлин Мажнун ҳам ўз Лайлосига”**, **“Ким билар қадрингни жонон, дардли кўнгил бўлмаса, Ноз этар кимларга гул, қаршида булбул**

---

<sup>1</sup> Х.Токтош Бухорода маълум вақт турган. Туркистон кўшинлари таркибида Тошкентда хизмат қилган. Кейин Оренбургга қайтган, Қозонда яшаган. У Ғафур Ғулом, Амин Умарий ва бошқалар билан яқин бўлган. “Келажакка хатлар” достони, шеърлари ўзбек тилида босилган.

*бўлмаса*” каби гўзал ташбихли сатрлар муаллифи, бой поэтик тил яратиш соҳасида алоҳида таҳсинга сазовор бўлган оташин шоир, шу йил таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланаётган Абдулла Тўқай,<sup>2</sup> “Ёш юраклар”, “Бизнинг кунлар”, “Теран томирлар”, “Қозоқ кизи” романлари билан татар насрини юксакликка кўтарган адиб Олимжон (аслида Ғалимжон) Иброҳимов, “Жўнатилмаган хатлар” қиссаси ўзбек ўқувчиларининг ҳам кўйин китобига айланган Одил Қутуй ва шубҳасиз, фашистларнинг “Моабит” қамоқхонасида (Берлинда), азоб-укубатлар исканжасида ётиб ватанпарварлик шеърятининг ажойиб намуналарини яратган<sup>3</sup> қаҳрамон шоир Муса Жалил кўз олдимизга келади. Муса Жалилнинг хусусан қуйидаги мисраларини китобхон қалби зирилламай ўқиши гумон:

**...Чидам берар севгинг сўнгги жанг,  
Шум ўлимнинг азобларига.  
Юртим, сени севганлигимни  
Қоним билан ёзарман ерга...**

\*\*\*

**...Йўқ, қайғурма, дўстим, умримиз,  
Халқ умрининг кичик гуллари;  
Биз сўнсак ҳам, бизнинг учқундан  
Ортиб борар унинг нурлари...**

\*\*\*

**...Сенга мендан хабар берсалар,  
“У Ватанни сотди” - десалар,  
Йўқ, ишонма, бағрим!  
Бу сўзни  
Дўстлар айтмас мени севсалар...**

Илдизлари бир бўлмиш ўзбек, татар ва бошқирд ижодкорларининг азалий ва барқарор дўстлик ришталарининг XX аср бошларида ҳар уччала халқ маданияти ва маънавиятида янги давр бошланиши, жадидчилик ҳаракатининг оммалашуви муносабати билан янада чийралганлиги айна ҳақиқатдир. Уччала юрт марказларида чоп этила бошлаган вақтли нашрлар, ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларининг муштараклиги уларни янада яқинлаштиришга, жипслаштиришга катта хизмат қилди. Жумладан, янги ўзбек шеърятини ва насрининг ёрқин юлдузларидан бири Абдулхамид Чўлпон ижодий фаолияти, дунёқарашининг шаклланишида Қозон, Уфа, Қрим ва бошқа шаҳарларда босиладиган газеталар мутолааси ва улардаги чиқишлари алоҳида аҳамият касб этган эди. Навқирон Чўлпон ўша даврлардаёқ таниқли бошқирд маърифатпарвари, жадидчилик ҳаракатининг пешқадам вакиллари билан бири Аҳмад Заки Валидий<sup>1</sup> билан дўстлашишга улгурган. Заки Валидий Чўлпон таклифи билан уларнинг хонадониде яна бир ёш, қозоқ маърифатпарвари Назир Тўрақулов билан меҳмон бўлган, 15 ёшли жангари, дангал Чўлпонни *“буюк ўзбек шоири...”* деб таърифлаган. Бундай адабий алоқаларни яна бошқа адиб-шоирлар, масалан Абдулла Тўқай билан боғлиқ муносабатлар мисолида ҳам келтириш мумкин. Етимлик

<sup>2</sup> А.Тўқай асарлари XX аср бошларидаёқ ўзбек дарсликларига киритилган. Тошкент кўчаларидан бири унинг номи билан аталади. У татар шеърятини ғоя ва мазмун билан бойитган, шаклий янгиликлар жорий этган шоир сифатида эътибор қозонган.

<sup>3</sup> Муса Жалилнинг “Моабит дафтари” шеърини китоби ўзбек тилига ўгирилган ва 1950-йиллардаёқ икки марта чоп этилган.

<sup>1</sup> Аҳмад Заки Валидий – Тўғон – туркий халқлар миллий озодлик ҳаракатининг етакчиларидан бири, шарқшунос, туркшунос олим. Шарқ қўлёмаларини ўрганиш учун Фарғона водийсида, кейин Бухорода маълум муддат яшаган. Тошкентдаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси эди. Унинг ижодий-илмий фаолияти бевосита бизнинг экспедициямиз мавзуига ҳам дахлдор бўлиб, Ўрта Осиё мавзуида бир қатор рисоалар ёзган. “Темурнинг ғарбга дунёқараши”, “Алишер Навоий” ва бошқа тадқиқотлари муҳим маълумотларга бойлиги билан аҳамиятлидир.

азобини жуда барвақт татий бошлаган, умуман болалиги, ҳатто қисқагина ижодий умри ҳам қийинчилик, муҳтожликда кечган, аммо шу камгина ҳаётида ҳам **“татарларнинг маданий тараққиётида бутун бир янги даврни бошлаб берган”**. Абдулла Тўқай, Ғафур Ғулом хулосасига кўра, **“... ўз халқи манфаати нуқтаи назаридан илгари сурган фикрлари, ижтимоий демократик гоялари чоризм давридаги барча мазлум халқларнинг, шу жумладан, ўзбек халқининг ҳам орзу-умидларига монанд бўлгани учун бу татар шоири ўзбекларга ҳам жуда яқиндир”**.

Дарҳақиқат, Абдулла Тўқай вафоти муносабати билан аза маросимида иштирок этиш ва татар халқига ҳамдардлик билдириш учун бир гуруҳ ўзбек зиёли-ижодкорларининг Қозонга бориши, Тошкент, Хива, Самарқанд ва бошқа шаҳарларимизда Тўқай вафотига бағишланган мотам кечалари ўтказилиши зиёлиларимизнинг Абдулла Тўқайга меҳри ва ихлосидан, қардош миллатлар ўртасидаги тарихий дўстлик ва ҳамнафасликдан далолат эди.

\*\*\*

Қозонга 150 км. чамаси етмай, Мамадиш шаҳрида тўхтадик. Номсиз, яхшигина меҳмонхонанинг баҳаво иккинчи қаватидаги кенггина хоналарда ёйилиб, ёзилиб ором олдик. Шаҳар хийла қадимий бўлиб, 1391 йили, айти Амир Темур бобомиз Тўхтамишни кувиб юрган даврларда қурилганмиш. Аммо биз бир четида, бир кечагина тунаб жилворганимиз учун шаҳарнинг тарихийлигидан далолат берувчи бино-ёдгорликларни кўрмадик.

## ҚОЗОН. ҲАМКАСБЛАР ДАВРАСИДА

*9 июнь, пайшанба*

*Қозонга қараб жўнадик. Бу шаҳар чинакамига қадимийдир. Тарихий, қомусий китобларда унга эрамизнинг биринчи минг йиллиги охирларида Қозон дарёсининг ўрта оқимида, Волга дарёсининг чап соҳилида булгорлар асос солгани ёзилади. 1399 йили Москва князи Юрий Дмитриевич (Донской) қўшинлари томонидан Қозон вайрон этилади. Кейинчалик қайта тикланиб, шаҳар ўрнида Ғафур Ғулом Сўйим бека номи билан атаган Кремль барпо қилинган. Олтин Ўрданинг инқирозидан сўнг Ўрта Волга бўйи – Волга – Кама Булгорияси ҳудудида Қозон хонлиги давлати ташкил топган (1438-1552 йиллар). Қозон хонлари сулоласига Улуғ Муҳаммад асос солган. Қозон татарлари Волга булгорларининг авлоди бўлган. 1552 йили рус ҳукмдори Иван Грозний (Бобур Мирзонинг акси ўлароқ, тож-тахт учун ўглини ўлдирган подшо) қўшини босиб олган. 1708 йилдан Қозон губерниясининг маркази бўлган. Шаҳарни Иван Васильевич бутунлай яқсон қилган. Оврўпадаги энг катта – Қул Шариф жоме масжиди Қозон шаҳрининг минг йиллиги муносабати билан қайта тикланибди.*

*Айни вақтда Қозон - Татаристон пойтахти.*

Қозонга барвақт кириб бордик. Марказдан К.Маркс кўчаси шаҳар шимолидаги Кремль мажмуига олиб бораркан. Шу тарафдаги бошқа кўчалар ҳам Энгельс, Ленин, Ульянов, Горький, Киров номида, ул зотларнинг ҳайкаллари, бюстлари ва яна ўшаларнинг исм-шарифлари билан аталувчи боғ-хиёбонлар – бари жой-жойида, аввалги мақомларида турибди.

Реклама-эълон, пешлавҳа ва бошқа ёзувлар асосан рус тилида - худди СССР парчаланишидан илгари бизда ва бошқа барча қардош республикаларда бўлганидек.

Шаҳар қадимийлиги боис кўчалар тор, аммо тартибли – шахмат нусха ва қатнов бир ёқлама. Умуман олганда, Қозон баланд-паст рельефли ерда жойлашган бўлиб, уни дарёлар, кўллар ўраб тураркан. Бинолар ранги, шакли-шамойили турфа. Аҳолисини 1 миллион (республика бўйича 7 миллион) дейишди.

Негадир кўчаларда ДАН ходимлари, умуман полиция формасидагилар кўринмасди. Қозон федерал университетини топиш анча қийин бўлди. Россиядаги энг кўхна олийгоҳлардан бири, 1804 йили ташкил топган дорилфунун чиндан-да салобатли эди, фақат унинг жойлашуви донғи ва маҳобатига мос эмас, у шундоқ катта кўча билан туташ бўлиб, орада торгина пиёдалар йўлаги бор эди, холос. Йўлнинг нариги бетида, кун чиқиш тарафдаги чалароқ хиёбон ўртасида кўп қаватли янги бино тушган экан. Бизга тарих факультети, тарихчи олимлар зарур эди. Экспедициянинг раҳбаримиз томонидан тузилган бу галги дастури-режаларида Россия олий ўқув юртларида Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ҳайдар Мирзо даврлари билан боғлиқ Мовароуннахр, Туркистон тарихининг ўқитилиши, умуман бу мамлакатда ўша улуғ аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига оид қандай илмий тадқиқотлар олиб борилган, қандай китоблар нашр этилган – шу масалаларни ўрганиш, ўша тадқиқотлар ва китоблар билан танишиш, шу мавзулар билан шуғулланадиган олимлар, мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадлари ҳам кўзда тутилган эди.

Тарих факультети университет қошидаги тарих институтига айланиши муносабати билан бошқа бинога - шаҳарнинг жанубий қисмига, Горький номидаги истироҳат боғи ёнига кўчган экан.

Бизни факультет деканатида профессор, институт директорининг ўринбосари Евгений Александрович Чиглинцев кутиб олди. Хонаси китоблар, стол-стул ва бошқа анжомлар билан тўла, тартибсиз эди. Мезбон бу ерга яқинда кўчиб келишганини, ҳали тўла жойлашиб улгуришмаганини айтиб узр сўради. Унинг кўриниши эса қоладиган қиёфалардан эди: кўзойнакли, юзи оқ-сарик, ўрта бўй, йўғон-йўлпигина, ўнг тарафга қийшайтириб таралган мошгуруч сочлари ўскин, мўйловли, ёпиштирилганга ўхшаган, ўртаси, яъни ияк қисми қорамтир, бошқа жойлари кумушранг соқолли. Тез ва табассум билан гапирарди, бот-бот соқолини тутамлаб, силаб кўяди. Бизнинг ташрифимиздан ғоятда мамнунлигини, ҳамкорлик қилиб туришга бажонидил рози эканлигини таъкидлаб, бизга тарих фанининг хусусиятлари ва аҳамияти ҳақида ваъз айта кетди. “Тарихга муҳаббат, ғоя мияда, онгдагина эмас, энг аввало қалбда бўлиши керак”, дейди у файласуфна.

Зокиржон ака унинг гапини бўлишга мажбур бўлиб, ўзини қизиқтирган мавзуларга оид саволлар бериб кўрди, лекин қоникарли жавоб ололмади. Университетда Шарқ халқлари тарихига кўп ўрин ажратилмас экан. Амир Темур, Бобур Мирзо, Муҳаммад Ҳайдар ҳаёти ва фаолиятига оид илмий асарлар, тадқиқотлар борасида ҳам профессор тайинли гап айтмади.

Кейин биз яна университетнинг асосий биноси томонга қайтдик. Кўчанинг нариги бетидаги кўп қаватли бионинг 10-11-қаватларида жойлашган татар филологияси факультетининг деканатига чиқдик. Иш вақти энди бошланган бўлиб, муаллимлар биз билан деярли бир вақтда бирин-кетин кириб келишди. Улар ўнга яқин эди.

Бу ерда ҳам хонанинг ҳажмига нисбатан столлар кўп, тикилинч ва тартибсиз жойлашган эди.

Танишув бир зумда жиддий мулоқотга, қизгин суҳбатга айланиб кетди. Бу бежиз эмас, зеро, биз илдизлари бир халқларнинг вакиллари, қолаверса, соҳадош, яъни илмий, ижодий йўналишимиз, фикрларимиз, дунёқарашларимиз бир-бирига яқин, ҳатто кўп жиҳатлардан муштарак кишилар эдик. Энг муҳими, ўтган аср бошларида бошланган Қозон маърифатпарварлари билан Ўрта Осиё, жумладан Туркистон зиёлилари аро илик муносабатлар, борди-келдилар, илмий, нашрий ҳамкорликлар бу икки қардош халқни бир-бирига янада жипслаштиришга, қадимий ришталарни мустаҳкамлашга хизмат қилган, қисқаси, Қозон узоқ йиллар атрофга маърифат тарқатувчи марказ рўлини ўйнаган. Ўзбек халқи тарихига оид китоблар, шунингдек, “Бобурнома” 1857 йили турколог олим И.М.Ильминский томонидан шу ерда чоп этилган. “1713 йилги Бухоро нусхасининг деярли ўзгартирилмаган” (Н.Отажонов) мазкур нашри Лондон нусхаси билан биргаликда кейинги даврда Бобур подшоҳнинг ўз юртида дунё юзини кўрган нашрларига асос бўлган. Бобур Мирзонинг иккинчи ўғли Комрон Мирзога ёзган хатининг кўчирма нусхасини филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов Қозон дорилфунуни кутубхонасининг нодир

кўлёмалар бўлимида сақланаётган ўзбек адабиёти намуналари орасидан топган. “Насихатномаи Бобур ба фарзанди худ” (“Бобурнинг ўз фарзандига насихатномаси” деб номланган хат (кўчирилган нусхаси)да яқину ноякин кишилар билан муносабатда хушёр бўлиш, дўст-душманни ажрата билиш бораларида кўп зарурий ўғитлар айтилади.

Ҳа, бизнинг маданий-маънавий бойликларимиз урушлар ва халқимизнинг беътиборлиги сабабли шу қадар талон-тарож бўлиб, дунёнинг турли минтақаларига тирқираб кетганки, ҳатто, мактуб, нома битилган шапалоқдай бир варақни ҳам хорижмахориж излашга тўғри келяпти. Ажаб танг қоласиз-да, Бобурнинг ўғлига битилган шахсий мактуби Қозонга қандай бориб қолганикин?..

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон татарлар билан жуда қалин бўлган. У Қўқонда Туркистон миллий ҳукумати (мухторият) тузилгач (Чўлпон ҳам ҳукумат аъзоси эди), Оренбургга кетади ва у ерда бошқирд халқининг ажойиб фарзанди – фидойи маърифатпарвар, туркий халқлар, жумладан татар ва ўзбек зиёлилари муносабатларини янада равланштириш, қизғинлаштириш ғояси билан яшаган Аҳмад Заки Валидий билан Бошқирдистон мухторият ҳукумати ташкил этилишида қатнашади. Чўлпон мазкур ҳукумат раисининг котиби вазифасида, кейинроқ эса маълум бир муддат шу шаҳарда босиладиган “Вақт” газетасида ҳам ишлаган.

Ўша даврларда бу икки диллари, тиллари муштарак халқ ўртасида адабий ҳамкорликдан ташқари маданият, санъат борасидаги алоқалар ҳам анча жонли эди. Манбаларнинг хабар беришича, ўзбек театр санъати дарғаларидан бири Маннон Уйғур бошчилигидаги драма труппаси 1918 йилнинг куз ойларида Татаристонга гастролга бориб, айнан Чўлпон ишлаётган ва яшаётган Оренбургда томошалар кўрсатган. Ўзбекистонлик санъаткорларнинг дўстона ташрифида, умуман татар зиёлилари билан борди-келдилар кучайишида, шубҳасиз, Чўлпоннинг ҳам хизматлари катта бўлган.

Абдулҳамид Сулаймоннинг татарларга бошқа жиҳатдан ҳам яқинлиги бор эди. Чўлпоншунос олим Наим Каримовнинг ёзишича, шоирни дастлаб Туркменистондан Андижонга келиб қолган татар қизи Обида шайдо этади. Аммо димоғ-фироғи баланд париваш йигитга рўйхушлик бермайди. Тақдир ўйинини қарангки, кейин Чўлпон Обиданинг миллатдоши Моҳирўя исмли соҳибжамолга кўнгил қўяди ва унга уйланади. Бироқ бу турмуш келишмайди. Чўлпон қалбига яна Клеопатра феъл-табиатли Обида хаёли ғулу сола бошлайди. Уни излаб Аму соҳилларига боради ва ниҳоят, бағритош санамнинг илтифотини қозонишга эришади. Гарчи бу ришта ҳам узоққа бардош беролмай узилган эса-да, бу азобли муҳаббат ошиқни куйдириб-ўртаган, кўп маҳзун ва гўзал шеърларга илҳом берган. Чоржуй маликасида Чўлпонга оғир хотиралар қолади. Қуйидаги сатрлардан шоирнинг бевафо хилқат ишқи-оташида қанчалар изтироб чекканини тасаввур қилиш мумкин:

*Мен уни хаёлий, тотли бир севиш –  
Илоҳий муҳаббат, ишқ билан севдим.  
Беш йил, шунинг учун беш йил англашиш...  
Ёниш, куйишларим... оҳ, энди билдим.*

*Оҳ, энди билдимки, барчаси хаёл,  
Барчаси бир тотли, роҳат туш экан.  
Кет, йўқол кўзимдан, ҳақиқат, йўқол,  
Бағримга ботмоқда огули тикан...*

Ўша даврларда татар қиз-аёллари осиелик бошқа жинсдошларига нисбатан очикроқ, дадилроқ, илғорроқ эдилар. Чўлпон янги замон йигити эди – илғорликка, очикликка, дадилликка интиларди. Унинг татар гўзалларига талпиниши сабабларидан бири шу бўлса, ажабмас.

Даврадаги мезбон ҳамкасбларимиз орасида қуйидагилар бор эди: Хатип Миннегулов –



адабиёт тарихи бўйича мутахассис, профессор, Талгат Галиуллин – замонавий татар адабиёти муаллими, профессор, ёзувчи, Альфия Юсупова – тилшунос, профессор, татар филологияси факультети декани, Тахир Гилязов – филология фанлари номзоди, доцент, кафедра мудир, Руфора Раҳмон – адабиёт назарияси муаллими, шоира, адиба, Марсел Бакиров – фольклоршунос, профессор, Илҳом Гулжоров – шарқ халқлари билан адабий алоқалар соҳаси бўйича мутахассис, Элфет Закиржонов – педагогика фанлари номзоди, доцент, Резеда Галиева – шарқшунос, филология фанлари доктори, профессор...

Қардошларимиз ўзбекистонлик ҳамкор-ҳамкасблари - таниқли адабиётшунос олимларимиз Фулом Каримов, Азиз Қаюмов, Лазиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Бегали Қосимов ва бошқалар ҳақида сўраб-суриштирдилар, улар билан ўзаро дўстликлари тарихи тўғрисида сўзлаб, кўнгил қатларини очдилар.

Хатип Миннигулов Муҳаммад Али билан таниш чиқиб қолди, гап шундаки, Хатип оға Тошкентда Бегали Қосимов хонадонидан бўлган. Улар ўша ерда учрашган эканлар. Миннигулов Муҳаммад Алининг шеърият кечасида ҳам қатнашган экан. Хотиралар хотирага уланди.

Бир пиёла чой ва енгил тамадди устидаги мулоқот давомида ҳар икки томондан Амир Темур, Захириддин Бобур, Муҳаммад Ҳайдар ва уларнинг асарлари “Темур тузуклари”, “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий” ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Соҳибқирон билан Тўхтамишхон ўртасидаги зиддиятлар ва жанглар моҳияти борасида татар биродарларимиздан бири бошқачароқ қарашдалигини яширмади. Афтидан у Тўхтамишхонни чингизийлардан эмас, соф татар деб биларкан. Лекин ўзгалар уни қувватламади, аксинча, ўша жанглар натижаси кўплар учун катта манфаат келтирганини таъкидладилар. Мулоқот мушоирага уланди. Алишер Навоий, Абдулла Тўқай, Муса Жалил, Муҳаммад Али ва бошқаларнинг шеърлари ўқилди. Дилкаш, самимий адабий-илмий гурунг поёнида китоблар, совға-саломлар алмашилди.

\*\*\*

Қозонлик янги дўстларимиз бизни дилхушлик ва андак ачиниш билан кузатиб қолишаркан, шундай учрашувлар, дийдорлашувларга иштиёқманд эканликларини изҳор этишди. Дарҳақиқат, маданий алоқаларнинг анча йиллардан бери сийраклашиб, қардошлик ришталарининг сусайиб бораётгани сир эмас-да, ахир янги дўстлар, янги суҳбатдошлар баҳонасида олим, ижодкорларда фикрлар қайралади, ҳис-туйғулар жўшади, таассуротлар бойийди.

Бизда, айниқса, Хатип Миннегулов ўзининг самимийлиги, очиқ кўнгиллилиги, ўзбек адабиёти намояндаларини кўп ва хўп билиши билан катта таассурот қолдирди. Бизни ана шу ажойиб олим, таниқли ёзувчи билан Руфора Раҳмон қизи машинамиз ёнигача кузатиб келишди. Руфора уйига таклиф қилди, китобларидан дастхат ёзиб бермоқчилигини айтди, лекин бизнинг вақтимиз ва режамиз буни тақозо қилмас эди. Менимча, адиба ўз асарларининг Ўзбекистонга етиб боришини жуда-жуда хоҳларди. У кўп ачинди. Бу чиндан ҳам таассуфли иш бўлди, албатта, лекин на чора?..

Мезбонлар билан хайрлашиб жилдик-да, сал наридаги китоб дўконига кирдик. Дўконнинг хоналари кўп ва катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда бой экан. Зокиржон ака Амир Темур ва ислом мавзуидаги китоблардан харид қилди.

Хуллас, Қозондан яхши тасаввур билан қайтдик. Бу ерда улуг аллома-аждоқларимиз ҳаёти ва фаолиятига оид бир қанча китоблар ва маълумотларни қўлга киритдик. Раҳбаримиз экспедиция биланми, бир ўзими, қаерга, қандай сафар қилмасин, мудом Андижоннинг Бобур боғидаги “Бобур ва жаҳон маданияти” китоб музейини аждоқларимиз ва ватанимиз тарихига дахлдор янги-янги асарлар, манбалар ва бошқа ашёлар билан бойитишни кўзлаб юради. Агар шундоқ бойлик учраса, ҳеч иккиланмай, нарх-навосига қарамай дарҳол сотиб олади ва бу ишидан жуда мамнунлигини ҳам яширмайди. Бугун китоб дўконидан олган китоблари ҳам шаклан қалин-қалин, мундарижалари ҳам хийла бой, салмоқли эди.

Бобур халқаро фонди ва экспедиция раҳбарининг бу хусусиятини ноёб китобларнинг

ашаддий шайдоси бўлган **Шохрух Мирзо** (Амир Темурнинг тўртинчи ўғли)га менгзаш мумкин. Академик Қори Ниёзийнинг ёзишича, Хуросон ва Темурийлар давлатининг ул олижаноб, илмпарвар хукмдори *“дунёнинг ҳамма бурчакларидан китоб йиғиб ва ҳар қанча баҳода ноёб қўлёзмаларни харид этиб, бой қутубхона ташиқил этишига муваффақ”* бўлган.

## РУС ҚИШЛОҚЛАРИ

Шаҳардан чиқиб, Ульяновск вилояти йўлидан бир оз юргач, Антоновка (бу ном Иван Буниннинг рус табиати ва боғлари тасвирланган хикоясини ёдимга солди) тарафга бурилдик. Хмеловка қишлоғида эски, эшик-деразалари қийшайиб, бўёқлари ўнгиб кетган пасткамгина, кўримсиз ёғоч уйлар олдида ё майсазорда ёнбошлаганча майхўрлик қилиб ўтиришган, нарда соққачаларини шириқлатаётган, жудаям одми қийинишган эркак-аёлларни кўриб ўтган асрда экранлардан тушмайдиган “Мосфильм” киноларини эсладик. Ҳар ёнда ўтинлар уюм-уюм бўлиб ё сочилиб ётарди.

Биз эгри-бугри, ўнқир-чўнқир, ҳақиқий қишлоқ кўчасига кириб қолган эдик. Адашиб кетдикмикин? Асосий йўлдан чалғидик шекилли-да. Аввалроқ ҳам бир адашувдик. Мол боқиб юрган бир қариядан йўл сўрадик. Унинг оғзидан ҳам гупиллаб ароқ хиди келарди.

Бир жойда, сўкмоқ-йўл бўйидаги шундоқ ивиб шилта бўлган, атрофи носаришта кўкатзорга “ТИИНСК” деган қисқартма ҳарфлардан иборат атама муштдай катталиқдаги, оққа бўялган тошлар билан йирик шаклда, шунақа ҳафсала билан териб ёзилган эдики, у худди ботқоқликдаги нилуфардай ғаройиб манзара касб этган эди.

Ёмғир ёғяпти, Рауф Парфи сўзи билан айтганда “шиғалаб...”.

Энди нисбатан дурустроқ йўлга чиқиб олгандик.

Бу ёқда ўрмон, умуман, дов-дарахт кам, бепоён ўтлоқ-далалардан иборат ерлар эди. Айрим пайкалларда сават бошли кунгабоқарлар совуқ қотган болалардай шумтираб турарди. Экин экишга тайёрлаб, жўяк тортиб қўйилган майдонлар ҳам бор. Шудгорлар нотекис, афтидан, текисланмайдиганга ўхшайди. Жуда кўп далалар экинсиз. Эсиз, эсиз ерлар, дегингиз келади. На бир трактор ва на бир кетмон кўтарган одам кўринади.

Анчадан кейин яна икки ёни мувозий дарахтзор (ўрмон эмас!) йўл бошланди. Лекин негадир синиб ётган дарахтлар, бутоқларда қуриган шох-шаббалар кўп эди. Куйгансимон тўнқалар... Бу ғалати манзара анчагача давом этди - гўё дарахтларга касал теккандай. Сабабини чақолмадик. Аммо навқирон оқ қайинлар соғ, фақат улар ҳам Олмаотанинг Медеосидаги каби камондай эгилиб, учлари ерга тегай-тегай дерди. Бу жойларда шамол ва совуқ қаттиқ бўлади-ёв.

Айланиб-айланиб, Дмитрограддан чиқдик. Катта чорраха бўйига ўрнатилган “Имкониятлар ва муваффақиятлар шаҳри” деган сўзлар битилган паннони кўриб, тўғриси, бир оз ҳайратландик, бунақа дабдабали кўргазма, шиорлар кам учраётган эди.

Дмитроград каттагина, ободгина шаҳар экан. Табиийки, йўл ҳам яхшиланди.

Шаҳардан анча юрганимиздан сўнг, ўнгга кетган бир йўл чикди – у машҳур автомобил шаҳри Тольяттига олиб бораркан (116 км.)...

Россия худудида умуман қуш, паррандалар жуда кам учраётган эди, анча-мунча қарға, чумчуқлар кўзга ташлана бошлади.

Биз тўғрига – жануби-шарққа қараб борардик.

Масофа кўрсаткичлари кўпу жуда чалқаш: катта сондан кейин кичик сон ёзилган. Кайфчиликда темир тахтакачлар ўрни алмаштириб юборилган чоғи.

## АМИР ТЕМУР ВА ТЎХТАМИШ ЖАНГИ. АРНОЛЬДОВЛАР ҲАҚИҚАТИ

Ёмғир ёғади, тинади, ёғади. Бу ёқдагилар умрбод ёмғир остида яшашади шекилли, деган ўй келади. Ҳамма нарса – ёмғир ҳам, салқин ҳаво ҳам меъёрида бўлгани маъқул экан.

Самарага 90 км. қолганда чапга кетган йўл кўрсаткичида “Кошки” деган ёзувни кўрган Муҳаммад Али: “И-е, Михаил Арнольдларнинг манзили-ку”, деб қолди ҳаяжон билан, Зокиржон ака ҳушёр тортди.

- Отни ўша ёққа бурдик бўлмаса, - деди у ҳеч иккиланмай.

Худо ишимизни ўнглаганини қаранг, ахир биз Арнольдлар билан учрашмоғимиз шарт эди-ку. Мабодо Муҳаммад Али ака мизғиётган бўлганида бошқаларимиз эътибор бермай ўтиб кетаверишимиз мумкин эди. Унда, билмадим, қаердан, қанча масофадан орқага қайтишимизга тўғри келарди.

Ёзувга кўзим тушиши билан ўзбекча “кошки...” ибораси хаёлимга келди. Чунки “Мушук” маъносида бўлса “Кошка” ёки кўпликда “Кошек” ёзиларди чоғи. Ҳарқалай, атама тушунарсироқ туюлди.

Кошки тумани (Ульяновск - Самара трассасидан шу ергача 28 км. эди) марказига кираверишда тўхтадик. Ёмғир гоҳ эзиб, гоҳ фавворадай тўзиб ёғмоқда эди. Атроф манзараси ажойиб – ям-яшил паст-баландликлар, узокроқда адирлар – ҳаммаси ёмғир сувида чўмилиб, Карл Брюллов илҳом ва эҳтирос билан тасвирлаган “Уйқудаги Юнона...”дай лорсиллаб ётарди. Рўпара тарафимиз қора булут билан қопланган, чап томонимиздаги абри найсонлар билан олишиб ўйнаётган қуёшнинг акси осмон билан ер туташган жойда камалак шакли ва тусига кириб товланарди. Ниҳоятда мафтункор ҳолат – кўз тўймайди. Завқу суруримизга, нашъу намоимизга халал беришга ожизлигидан жазавага тушган ёмғир шариллатиб қуйиб юборди.

Арнольдлар уйи шундоқкина марказда, тартибсизроқ тушган уч қаватли “дом”ларнинг бирида, яъни 3-массив, 20-корпус, 9-хонадонда экан. Шиддатли жала остида лойли кўчаларни оралаб, кийимларимизнинг шалаббоси чиқиб, ниҳоят, топдик. Худо яна ишимизни ўнглаган эди. Михаил Арнольд Самарадан айна шу бугун уйига – ота-оналари ҳузурига келиб, падари бузруквори Николай Арнольд билан дийдорлашиб ўтирган экан. Муҳаммад Али ҳадеганда чиқавермагач, раҳбар орқасидан мени юборди. Кирсам, икки мезбон ва бир меҳмон офтобда қатик ичишган кадрдонлардай отамлашишяпти. Уйда чироқ йўқлиги (чироқ ўчириш бу ёқларда ҳам урф экан), хонанинг қоронғилигига ҳам эътибор беришмабди.

Биз Арнольдларни топиб келганимиздан қанчалик хурсанд бўлсак, улар ҳам шунчалик мамнун эдилар. Зеро, ота-бола Ўзбекистонга ўз фарзандларидай кадрли бўлгани каби, Ўзбекистон ҳам улар учун кадрдон ўлкага айланиб қолган, бу кадрдонликка ўғил Арнольдларнинг “Наука и жизнь” (Москва) журналининг 2004 йил 4-сонида босилган бир мақоласи сабаб бўлган эди. Мақоланинг чоп этилиш тарихи бундоқ эди: журнал мактаб ўқувчилари ўртасида тарихий мавзудаги мақолалар танловини эълон қилган, танловда эса Самара вилоятининг Кошки қишлоғи фуқароси, 9 “А”-синф ўқувчиси Михаил Арнольд ўзининг “Бир муҳораба сири” сарлавҳали мақоласи билан иштирок этиб, ғолибликни - 1-ўринни қўлга киритади. Ҳажман салмоқли мазкур мақоланинг қиммати шундаки, ёш тадқиқотчи тарихий воқеа-ҳодисаларни, хусусан Амир Темур билан Олтин Ўрда<sup>1</sup> хони Тўхтамишхон<sup>2</sup> ўртасида бўлиб ўтган можаро ва жангларнинг асил сабаблари, оқибатлари, аҳамиятини баҳоли кудрат холисона ёритиб берган.

Маълумки, Тўхтамиш Амир Темур ҳузурига бир неча бор юкиниб келади ва Соҳибқирон ҳар гал унинг ўтинчларини адо қилиб, ҳатто Дашти қипчоқдаги Олтин Ўрданинг ҳокимлигини олиб беради. Лекин “ишим битди, эшагим лойдан ўтди” маталини

<sup>1</sup> Олтин Ўрда – XIII асрнинг 40-йиллари бошида Жўжихоннинг ўғли Ботухон томонидан асос солинган давлат. У Жўжи улуси деб ҳам аталган. Дастлаб Хоразм, Шимолий Кавказ, кейин Волга булғорлари юрти, Дашти Қипчоқ, Қрим, Ғарбий Сибир унинг таркибига кирган.

<sup>2</sup> Тўхтамишхон – Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжи наслидан бўлиб, Мангқишлоқ ҳокими Тўйхожанинг ўғли. Туғилган йили 1342, вафоти ҳақида гап кетганда 1408 йили Эдигей (Идику) томонидан ўлдирилгани айтилади.

хаётий шиор қилиб олган Тўхтамиш хиёнатдан ўзини тия билмас ва қилғиликни қилиб яна узр айтиб элчилар юборишдан уялмас эди. Алал оқибат Соҳибқирон Тўхтамишни тийиб қўйиш учун лашкар тортишга мажбур бўларди. Бу можаро ва ҳолатлар Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида муфассал қаламга олинган. Амир Темурнинг 1391 йили Дашти қипчоққа юриш қилишининг сабаби қуйидагича эди.

*“Тўхтамишхон элчисини Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар. Элчи одоб вазифаси ва ер ўтиши маросимини адо этгач, олиб келган отлари ва шунқорларини тортиқ қилди ҳамда нўёнлар воситачилигида подшоҳининг кўп узр-маъзурлардан иборат сўзини арз иззатгоҳига етказди. Унинг баёни шундай: “Амир Соҳибқирон менга нисбатан оталик мақомидадур, у зотнинг менга бўлган ҳуқуқи ҳадду ҳисобсиз ва ҳар қанча баёндан ортиқдир. Илтимосим шулки, мен ўз бахтсизлигим ва паст кишиларнинг бузғунчиликлари туфайли йўл қўйганим бу нолойиқ ҳаракатим ва ноўрин муҳолифатим гуноҳини кечириб, хатоларим дафтари устидан афв қаламини тортгайлар”. Амир Соҳибқирон шу ўринда унга нисбатан кўрсатган ўз тарбият ва эҳсонларини таъкидлаб айтди: “У ўз ишларининг боиланишида душманлардан зарба еб, жароҳатланиб қочиб келган пайтида биз томондан унга нисбатан яхшилик ва (одоб) риоятлари қай даражада содир бўлганлиги жаҳон аҳлига маълумдир. У туфайли Ўруسخонга муҳолиф бўлдим; жуда кўп мол ва нозу неъматлар бердим, қанча лашкарларни унга ҳамроҳ қилдим. Ишининг оқибати шу бўлдики, неъматлар ҳаққини унутиб (бизга қарши) йўқлигимизда лашкар юборди ва бизнинг мамлакатимиз атрофларини вайрон қилди. Шунга ҳам парво қилмай, уни маъзур тутиб, воқеани бузуқ кишиларнинг фасодидан деб билдим. У ўз қилмишидан уялмади.<sup>1</sup> Яна ўз бошича бизга қарши юзланди. Биз ҳам отланганимизда лашкаримиз қорасини кўриб қочди. Ҳозир эса ислом подшоҳининг ёрлиги ҳукмига биноан лашкар тўплаб унга қарши йўлга чиқдик. Унинг сўзи ва феълига эътимодимиз йўқ. Агар сўзи рост бўлса, Алибекни бизнинг истиқболимизга юборсин, токи биз амирлар иттифоқлигида жонқий қилиб, кенгашиб нимани маслаҳат кўрилса, шуни бажарамиз”, деди. Сўнгра Амир Соҳибқирон подшоҳона тўй-зиёфат тузашни буюрди. Келган элчиларга кўпдан-кўп марҳаболар айтди ва сарпо кийгазиб, камар боғлади. Элчини бирга олиб илгари юришни маъқул кўрдилар. Худди шундай қилдилар ва Қарочуқдан ўтгач, яна ўн беш кун йўл юрдилар. Сувсизликдан кўп отлар ҳалок бўлди. Сориг Ўзан мавзеига етдилар”.*

Дарҳақиқат, ўзига яқин қариндош ҳам бўлмаган бир кимсани деб, катта қўшинни, нафақат қўшин, балки кўп йиллик жангу жадалларда азобу машаққатлар чекиб, жон тикиб қўлга киритилган бутун бир давлатнинг, бутун бир мамлакатнинг тақдирини таҳликага қўйиб, машхур “Тошбақа ва чаён” масалидаги худбин, риёкор, хиёнаткор махлуқ қилмишини тақрорлашдан хижолат чекмаган бир бетамиз манфаати учун жангга (Ўруسخонга қарши) от сургани ва яна ул нобакорга қайта-қайта бир дунё аскар, мол-дунё билан ҳиммат кўрсатиши мисли кўрилмаган фидойилик, одамийлик нишонаси ва буюк ҳукмдор, ғурури баланд, танти саркарданинг маслаги нақадар қатъиятга, ор-номусга асосланганлигидан далолат эди.

Ёш муаррих Михаил Арнольдов ўқувчилар диққатини икки муҳим масалага қаратишни ният қилган эди. Биринчиси – 1391 йили содир этилган тарихий жанг жойининг аниқ манзили тўғрисидаги хилма-хил фаразларга муносабат билдириш ва ўз тахминларини

---

<sup>1</sup>Тўхтамиш пасткашлигининг ниҳоясизлиги шунча эдики, Амир Темур Хитой сари лашкар тортиб бораётиб Ўтрорда тўхтаганида “анчадан бери дашт ва саҳроларда саргардон бўлиб юрган” (Хондамир) Тўхтамиш унинг ҳузурига Қора Хожа исмли элчисини юбориб, яна шармандаларча, беорларча, андишасизларча мадад сўрайди. Бобур Мирзо таъбири билан айтганда, Соҳибқирон олижаноблиги “бу мартабада эдики”, шунча кўнгилсиз воқеаларга, Олтин Ўрданинг собиқ кўрнамак хони билан бўлган тўқнашувларда қанчалар талофат кўрганлигига қарамай, унга Хитойдан қайтгач ёрдам кўрсатишга ваъда берган эди. Демакки, Соҳибқирон ўз “Тузуқлар”ида “Ким менга дўстлик қилса, қадрладим, унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни қилса, хизмат ҳақини адо этдим. Кимки менга душманлик қилса-ю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан химоя истаб, тиз чўкиб ҳузуримга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим”, деб ёзганидек, Тўхтамишга муносабат борасида ҳам ўз ақидасига содиқ қолган.

ўртага ташлаш. Иккинчи масала Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги жанг оқибатининг Россия ва бошқа халқлар тақдирида ўйнаган буюк рўли. Гап шундаки, россиялик айрим, аксарият, кейинги давр тарихчи олимлари ўша буюк рўлни унчалик ҳам эътироф этгилари келавермайди. Қозон университетининг муаллими каби. Яъни, улар 1380 йилнинг 8 сентябрида Непрядва дарёсининг Дон дарёсига қуйиладиган жойидаги Куликово майдонида Дмитрий Донской билан Олтин Ўрданинг нуфузли ноибларидан бири Мамай ўртасида бўлиб ўтган жангдан кейин Россия ҳаётида туб бурилиш ясалди, деган гапни маҳкам тутиб оладилар. Ҳолбуки, Куликово жангидан сўнг ҳам, айнан Тўхтамиш даврида москваликлар Олтин Ўрдага бож тўлаб туришар, демак, унга қарам, муте эдилар. Сирасини айтганда, Русия XIV асрда Ботухон томонидан Жўжи улуси (Олтин Ўрда)га қўшиб олинганида ягона давлат эмас, балки ўнта йирик ва йигирмата атрофида майда князлик ҳамда мулклардан иборат тарқоқ бир мамлакат эди.

Тарихий манбалар ва интернет орқали тарқатилаётган энг сўнгги маълумотларда келтирилишича, Тўхтамишхон Москва шахрини найранг билан қўлга киритади. Яъни, Нижегород князларини хуфёна элчиликка юбориб, агар ўз ихтиёрлари билан таслим бўлсалар, уларга ҳеч бир зиён-заҳмат етказмасликка ваъда беришини маълум қилади. Унинг лафзига ишонган москваликлар 26 август (1382 йил) куни бўйсунушмоқчи эканликларини изҳор этишади. Москва олинади, лекин ваъда бажарилмайди, одамлар қирилади, шаҳар талон-тарож қилиниб, камига ўт қўйилади. Шундан сўнг Тўхтамиш Переяславль, Владимир, Юрьев, Звенигород, Можайск шаҳарларини эгаллайди, Рязань, Вяткаларни талайди.

***“Тўхтамиш бошқа жиддий босқинчиликларга улгурмайди, чунки ўша пайтда россияликлар бахтига хон Амир Темур қўшини билан жанг қилишга мажбур бўлиб қолади”***, дейилади ўша ахборотларда.

Демак, акс ҳолда Тўхтамишхон Россиянинг бошига яна баттар шўришу ғавғоларни солиши мумкин эди. Чунки москваликларнинг ишонган князлари – Дмитрий Донской ва Владимир Храбрыйлар аскар тўплаш баҳонасида Кострома ва Волоколамский томонларга жилворишган, Москва митрополити Киприан Тверда паноҳ топган, Тверь князи Михаил Александрович эса Тўхтамишга тобеликни бўйинларига олганликлари тўғрисидаги ариза билан элчи юборган эди. Умуман олганда, Рус замини Куликово жангида эришган бор-будини бериб, яна бутунлай мўғул-татарлар асоратига тушишига бир баҳя қолган эди. ***“Тўхтамишхон ва Олтин Ўрданинг тор-мор этилиши, - деб ёзган эди таниқли тарихчи, академик Бўрибой Аҳмедов, - нафақат Мовароуннаҳр, балки Россия, Шарқий Оврўна учун, бутун жаҳон тинчлиги учун зўр аҳамият касб этади.***

***Бу ҳол, биринчидан, Россиянинг мўғуллар зулмидан озод этилишини бўлмаганда 300 йилга тезлаштиради.***

***Иккинчидан, Шарқий Оврўна халқларининг ҳам мўғуллар ҳукмронлиги остига тушиб қолишининг олдини олди.***

***Учинчидан, 1395 йили Тўхтамишнинг тор-мор этилиши Олтин Ўрда, Туркия ва Миср ўртасидаги ҳарбий-сиёсий иттифоқнинг шаклланишига йўл қўймади. Бунинг билан катта жаҳон урушининг олди олинди”.***

Амир Темурнинг Тўхтамиш салтанатини парчалаб ташлаши Россия тақдирига қандай таъсир этганини юмшоқроқ бўлса-да тан олган россиялик олимлар ҳам йўқ эмас. Санкт-петербурглик шарқшунос, Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар тарихи ва этногези билан шуғулланган А.Ю.Якубовский шундай деб ёзади: ***“1395 йилда (яъни Терек бўйидаги сўнгги, ҳал қилувчи жангда – Қ.К.) Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган галабаси... фақат Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги жануби-шарқий Европа учунгина эмас, балки Рус учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди... Темур... Тўхтамишни енгиш билан Рус ерига объектив суратда катта хизмат кўрсатган...”*** Бундай илмий-тарихий далиллар, ҳар қалай, рус тарихчилигида учрайди.

Зеро, ўтмиш ҳақиқатини тан олмасликнинг ҳам иложи йўқ, чунки хорижлик холис муаррих-олимлар, шарқшунослар мазкур тарихий ходисалар тўғрисидаги фикрларини рўйи-рост ёзиб дунёга ошкор қилиб бўлишди. Жумладан, таниқли инглиз адибаси, буюк

Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига оид манбаларни чуқур ўрганиб, “Етти иклим султони” деб аталмиш тарихий қисса яратган Ҳильда Ҳукхэм ёзади: *“Унинг (Амир Темурнинг) душман устидан галабаси бир ерда вайроналиклардан, бошқа ерларда эса ҳалокатдан сақланишга ёрдам берди. Улар Константинополь ҳалокатини ва Византиянинг ўлим азобини 50 йил орқага сурди. Сўнги салиб юриши мағлубиятга учраганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бундаги муддатни орқага суриш насронийлик ва Европа тақдири учун ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Амир Темур галабасининг рус князликлари учун ҳам аҳамияти озмунча бўлмади. Унинг Олтин Ўрда устидан галабаси ягона Русия давлатини барпо этиш йўлидаги асосий зовни бартараф этди. Шимолий даштлардаги мўғул ҳукмронлиги тугатилди ва жанубга кўчган қуруқликдаги карвон савдоси рус давлатларига (князликларига) узоқ мамлакатлар билан савдо олиб бориш имкониятини берди”*.

Шунга қарамай, Россиядаги мактаблар ва олий ўқув юр்தларига мўлжалланган тарих дарсликлариди, хусусан, Кондурчадаги (Тўхтамиш давлатининг таназзулга юз тутиши ана шу жангдан бошланган) муҳорабанинг тилга олинмаслиги Михаил Арнольдовни қаттиқ ажаблантиради...

*“Кондурча<sup>1</sup> Россияда ҳамма биладиган даражада катта дарё эмас. Аммо фақат бир қарашда шундай, аслида уни ҳар бир ўқувчи билиши керак, - деб ёзади ёш Арнольдов. - Гап шундаки, ўрта асрларнинг энг улкан жангларидан бири 1391 йил 18 июнда айнан шу ерда – Кондурча бўйида бўлиб ўтган. Турли маълумотларга кўра, унда 200 мингдан 400 минг нафаргача жангчи қатнашган. Шунинг ҳам қайд этмоқчимизки, ҳозирги кунда Кошки районининг аҳолиси атиги 26 минг кишини ташкил қилади. Иштирокчилари сони Куликово майдонида кечган урушдагидан икки баробар кўп бўлган ...мазкур жангда Самарқанд ҳукмдори Амир Темур билан Олтин Ўрда хони Тўхтамиш кураш олиб борган. Россиянинг тақдирида бу жанг буюк аҳамиятга эга бўлган. Чунки у Олтин Ўрданинг тарқалиб кетиши ва охир-оқибатда Москванинг мўғуллар зулмидан озод бўлишига олиб келган.*

*Куликово майдонидаги жанг<sup>2</sup> ва 1382 йилдаги Москва фожиясидан кейин тезда содир бўлган бундай гайриоддий ҳодиса Россия тарихчиларининг жиддий диққат-эътиборини тортгани лозим эди.*

*Лекин бу жанг ҳақида фақат маҳаллий самаралик тарихчилар билади, холос. Бошқа ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Ажабки, на мактаб, на олий ўқув юр்தлари тарих дарсликлариди (айрим университетларнинг ўқув қўлланмалари бундан мустасно) Кондурчадаги бу жанг тилга олинади. Россия тақдирида улкан аҳамиятга эга бўлган бундай воқеа ҳақида маълумот беришга бизнинг тарихчиларимизга нима халақит қилади? Кондурча жангининг ҳанузгача жумбоқ бўлиб қолаётган сирларидан бири ҳам шунда”*.

Арнольдовнинг куйинганича бор. Дарҳақиқат, “Рус олимлари ва адиблари Куликово жанги ҳақида фахр ва ифтихор билан кўп ёзишади, - дейди М.Абдураимов ўзининг “Темур ва Тўхтамиш” рисоласида. – Бу – табиий албатта. (Лекин) Куликово жанглариди мағлубиятга учраган Мамай йирик сиймолардан бўлган эмас. Шунинг учун ҳам Рус кўшини қозонган галаба қанчалик муҳим бўлмасин, у омонат эди. Олтин Ўрданинг шу йиллардаги чинакам кучли ҳукмрони Тўхтамишхон 1382 йили Москвани қайта забт этгани шундан далолат беради”.

Михаил Арнольдов шундай хулосага келади (албатта, бу хулосадан ёш муаллифнинг бир оз чекланганлиги, тарихий манбалардан тўла хабардор эмаслиги сезилади): *“Нима учун*

<sup>1</sup> Али Яздийнинг “Зафарнома”си ва бошқа манбаларда Қундузча.

<sup>2</sup> Хапрядва ва Дон дарёлари оралигида жойлашган Куликово майдонидаги жанг. 1380 йил, 8 сентябрда Москва князи Дмитрий Иванович бошчилигидаги рус полклари билан Олтин Ўрда туманбошиси Мамай раҳбарлигидаги мўғул кўшинлари ўртасида юз берган. Ҳар икки томондан 200 минг киши ҳалок бўлган. Аввал мўғуллар кўли баланд келган, лекин захирадаги бир полкнинг пистирмадан тўсатдан ҳужум қилиши (бу аслида мўғуллар усули эди) оқибатида Мамай кўшини чекинишга мажбур бўлган. Бироқ 2 йилдан кейин Олтин Ўрдани янги хон Тўхтамиш чериклари эгаллаб, рус князларини солиқ (ўлпон) тўлашга мажбур қилган.

*Кондурчадаги муҳораба ҳақида шўро ва рус тарихий адабиётларида лом-мим дейилмаган? Жавоб фақат битта бўлиши мумкин: “Бу жанг бизники эмас” деб ўйлаш одатга айланиб қолган, гўёки унинг Россияга ҳеч қандай алоқаси йўқдек. Лекин Елецнинг забт этилиши бўлса – бошқа гап, унда Амир Темур Русга ҳужум қилган ва бу ҳақда дарсликларда албатта ёзиш керак, Кондурча жанги эса – осиеликларнинг ўзаро ҳақ талашуви, холос, россиялик тарихчи олимларга бунинг қизиги йўқ...*

*Бундай нуқтаи назар хато деб ҳисоблаймиз. Ахир Куликово майдонидаги жангдан то Уграда “юзма-юз келиш”гача (юзма-юз туриш жанг дегани эмас) бўлган юз йил давомида Россия Олтин Ўрда билан бирон марта ҳам йирик тўқнашувга бормаган. Аммо шу вақт мобайнида Ўрданинг ўзи қаёққадир зойиб бўлди. Бундан чиқадики, бизни кимдир ўзимизнинг иштирокимизсиз озод қилган экан-да? Ким у жўмард? Ким бўларди, айнан ўша зот – кўп йиллар қоралаб келинган “буюк ва шафқатсиз” Амир Темур бизни озод қилган, тўғрироғи, Олтин Ўрда зулмидан халос бўлишимизга олиб келган. “Самара солномаси”да “Кондурчадаги жангдан сўнг Олтин Ўрданинг давлат сифатида ўлим олди талвасаси бошланди” деб қайд этилади. Эътибор беринг: Кондурчадаги жангдан кейин, дейилмоқда, Куликово майдонидаги жангдан сўнг, дейилаётгани йўқ! Модомики шундай экан, Кондурчадаги жанг тарихимизга таъсир этмаган ва уни билишимизнинг ҳожати йўқ, деб ким айта олади?”*

Чиндан ҳам, “ориятчан” тарихчилар улуғ шахс, истеъдодли саркарда, кудратли қўшин ва давлат эгаси Соҳибқиронни СССРдай улкан империя ҳукмдори Сталин ва ўша давлатнинг уч карра қаҳрамони Жуковлар ҳам тан олишиб, унинг жасадини зудлик билан ўз жойига қайта дафн этишга буйруқ беришгани сабабларини, Тўхтамишнинг эса Москвани ҳийла билан босиб, унга ўт қўйиб юборганларини эслаб-эслаб туришса бўларди.

Шу нарса эътиборлики, Михаил Арнольдов ёлғиз эмас. Кейинги пайтда бошқа жойларда бўлгани каби Россияда ҳам тарихий воқеа-ҳодисаларни тўғри ва адолатли талқин қилишга интилувчи ёш бўғин, янги илмий тўлқин, шулар сафида ёш темуршунослар юзага чиқмоқда. Тадқиқотчи Анатолий Стегалин ана шулар жумласидандир. У ўзининг “Тўхтамиш Амир Темурга қарши” (Кондурча жанги, 1991 йил, 18 июн) рисоласини шундай бошлайди: “Кондурча бўйидаги жангнинг ҳарбий тарихчилар томонидан унутиб юборилаётганлиги адолатдан эмас, зеро, у ҳозирги Россиянинг Оврўпа қисмида ўрта асрларда юз берган энг йирик тўқнашувлардан бири эди. Айнан ана шу жангда Олтин Ўрданинг узил-кесил тор-мор этилишига асос яратилган”. Бинобарин, “... ушбу муҳораба жаҳон тарихидаги энг катта жанглардан бири сифатида дарсликларга киришига тамомила ҳақли эди!”

А.Стегалин ўз мулоҳазаларини узил-кесил аниқ маълумот ва сўнги хулоса деб даъво қилишдан йироқлигини, лекин унинг нуқтаи назарини китобхонлар чуқур англаши ва қабул қилишини жуда-жуда хоҳлашини таъкидлайди.

Тадқиқотчи Амир Темур жиддий сабаб ва асоссиз ўзининг шу қадар кўп сонли қўшинини оёққа турғазмаган ва қарийб икки ярим минг километр масофадаги жойга бошлаб келмаган бўларди, деган ғояни илгари суриб, фикрини Шарафиддин Али Яздий ва бошқа муаррихларнинг китобларига суянган ҳолда, тарихий воқеалар – Тўхтамишнинг Соҳибқиронга нисбатан қилган кўрнамаклиги ва бошқа далиллар билан асослайди. Шунингдек, муаллиф Оқ, Кўк Ўрдаларнинг Тўхтамиш томонидан Амир Темур ёрдамида бирлаштирилганига ҳам алоҳида урғу беради.

А.Стегалин рисоласига ўзининг ҳамфикрлари М.Арнольдовнинг “Бир муҳораба сири”, Демина Алена ва Гаяува Юлия (Самара халқаро аэрокосмика лицейи тадқиқотчилари)нинг Амир Темур ва Тўхтамишларнинг Самара вилояти, Кондурча бўйида юз берган жанги жойини аниқлаш мавзудидаги мақолаларини ҳам илова қилади. Кейинги муаллифларнинг мулоҳазаларига кўра жанг ҳозирги Висловка қишлоғи яқинида рўй берган. Стегалиннинг ўзи эса мазкур тахминларга ўз муносабатини билдириб, жанг, ҳарқалай, ҳозир Самара аэропорти ҳудуди билан туташ Берёза қишлоғи ёнидаги кенгликларда бўлганлигини фараз қилади.

Россиялик ёш Амир темуршунослар (шундай аташга ҳақлимиз)нинг, қизиқиш ва интилишлари, куюнишлари биз учун эътиборлидир. Зеро, улар Тўхтамишхондан кўра кўпроқ, балки асосан Соҳибқирон фаолияти, ҳарбий тактикаси ва ғалабалари, унинг юришлари, кўшини таркиби ва бошқа жиҳатлари ҳақида гапириб, унинг шахсий ва саркардалиқ салоҳиятига алоҳида тўхталадилар.

Ёш тадқиқотчи-муаррихларнинг мавзуга астойдил қизиқишлари ва қайта-қайта мурожаат қилишлари, изланишлари янги авлод вакилларининг ўтмишдош солномачилари маълумотларидан, уларнинг қарашлари ва хулосаларидан қониқишмаётганидан, тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш иштиёқлари кучлилигидан далолатдир.

Хуллас, тарихий ҳақиқатга ҳаққоний ёндошилган ва ўзбек халқининг мўътабар фарзандларига катта ҳурмат руҳи билан суғорилган юқоридаги тадқиқотлар, жумладан М.Арнольдовнинг “Бир муҳораба сири” мақоласи, шубҳасиз, мамлакатимиз тарихчилари, журналистлари эътиборини жалб этади ва у она тилимизга таржима қилиниб “Тафаккур” журналида босилади.<sup>1</sup> Сўнг Михаил Арнольдов ва унинг отаси Николай Арнольдов Ўзбекистонга таклиф қилинади ва улар юртимизга меҳмон бўлиб келишади.

“Наука и жизнь” журналининг 2005 йил 4-сониди (дастлабки мақола нашридан роппароса бир йил ўтиб) Михаил Арнольдовнинг “Қишки таътил Ўзбекистонда” деган эсдаликлари чоп этилади. Унда муаллиф юртимизда уларнинг илиқ кутиб олингани, отаси билан Тошкентда, шунингдек, улар эъзоз этишган тарихий қаҳрамон Амир Темур давлатининг пойтахти Самарқандда, Соҳибқирон туғилган диёр Шаҳрисабзда ўзбек халқининг маданий-миллий бойликлари - тарихий ёдгорлик-обидалар зиёратида бўлишиб, катта таассуротлар билан қайтишгани тўғрисида мароқ билан ҳикоя қилинган эди.

*“Мен ва отамга уйимиздаёқ таништиришган, дақиқаларигача белгилаб чиқилган ташириф дастурида, - деб ёзади М.Арнольдов, - Тошкентда – Халқ таълими вазирлигида, Ўзбекистон Миллий университетида, пойтахтдаги бир қанча лицей ва коллежларда, Самарқандда – Фанлар академияси Археология институтида ва Самарқанд давлат университетида, шунингдек, Амир Темур ватани – Шаҳрисабзда учрашувлар бўлиши кўзда тутилган эди. Музейларга ташириф ҳамда Темур ва темурийлар даври архитектура ёдгорликларини зиёрат қилишга анча вақт ажратилганди”.*

Ўзбекистон билан қошкилик ота-бола тарихчилар дўстлигининг қисқача тарихи ана шундан иборат бўлиб, ҳамсафаримиз Муҳаммад Али ҳам Амир Темур жамғармаси раиси, Соҳибқирон ва унинг авлодлари тўғрисидаги бадий ва публицистик китоблар муаллифи сифатида россиялик янги Амир темуршунослар билан танишган ва мулоқотда бўлган эди.

## ТАРИХИЙ ЖАНГГОҲ

Арнольдовларнинг бизни кўриб ҳайратга, ҳаяжонга тушишгани уларнинг шошқин ва жўшқин гап-сўзларидан, очиқ чехраларидан ва юз-кўз ифодаларидан аён эди. Ҳа-да, олис мамлакатдан нуфузли бир экспедициянинг Россиянинг овлоқ бир чеккасидаги манзилни топиб, шундоқ жаланинг шовқини билан уйларига кириб келиши уларнинг тушларига кирибдими? Мезбонлар суҳбатнинг узокроқ чўзилишини хошлашаётгани ҳам аниқ эди. Уларнинг чиндан-да ўқимишли зиёлилар эканлигини китоб жавонларида жаҳон мумтоз абадиёти намояндаларининг асарлари ва бошқа соҳага оид китобларнинг кўп ва тартибли терилиб туришидан пайқаш қийин эмас эди.

Қошкида меҳмонхона йўқ экан, кеч кириб қолган, мана бу ёғингарчиликда тезроқ бир бошпана топиб олишимиз зарур эди. Николай Анатольевич “Ўн беш чақирим орқага қайтсанглар, Надеждино деган жойда кўноқхона бўларди, лекин ҳозир ишлаяптими, йўқми...”, деб бизга илинж ҳам умидсизлик бағишлади.

Мезбонлар билан эрталаб соат тўққизларда шу ерда учрашишга келишдик-да, кетдик. Надеждинони кидириб бир-иккита маҳаллага кириб чиқдик ва ниҳоят топдик. Бугун ўзи

<sup>1</sup>Юқоридаги иқтибослар ана шу нашрдан олинди. Таржимон Муртазо Қаршибой.



хаммамиз ўнг ёнимиз билан турган эканмиз чамаси, бу гал ҳам омадимиз чопди. Меҳмонхона, гарчи бир четда бўлса-да, хоналари, шароитлари рисоладагидай, хатто яхшигина емакхонаси ҳам бор экан. Ҳолбуки, биз ҳозирги вазиятда наридан-бери мусофирхонага ҳам дўппимизни осмонга ирғитишга тайёр эдик. Боз устига, бугун бизга хашамдор, дабдабали жойлару, олиймақом шароит, имтиёзларнинг унча ҳожати йўқ, Арнольдларни топиб олганимиз сафардаги энг кутлуғ ва хайрли ҳодисалардан бири эди, инчунун, улар эртага бизга улуғ Соҳибқирон ва Тўхтамишхон жанг қилган Кондурча дарёси соҳилини кўрсатишга ваъда беришди. Бу эса, экспедициямиз дастуридаги энг муҳим бандлардан бири муваффақиятли адо этилади, демак эди.

Меҳмонхона ходимаси Людмила Павловна ҳам ўзимизга яқин аёл чиқиб қолди. Бекобод туманимиздаги Зафар қишлоғида синглиси, куёви яшашаркан, илгарилари ўшаларни йўқлаб, Ўзбекистонга бот-бот бориб тураркан, бояқиш, анчадан бери жигаргўшаларини кўролмай диққат экан, бизга кўнглини бўшатди.

Нимага кейинги йилларда биз томонларда ёмғир кам ёғадиган бўлиб қолди, десак, бари булутлар Россияга келволган экан, туни билан шунақа ёғдики, ифодалашга “шариллати-б...”, “пақирлаб...” деган сифатлар шарманда!

## *10 июнь, жума*

Уйғонганимизда ёмғирнинг шиддати пасайган эди.

Белгиланган вақтда Арнольдларникига бордик ва ота-болани олиб, яна ортга қайтдик. Кошкидан чиқаверишда Николай Анатольевич таклифи билан машинадан тушдик.

- Амир Темур Тўхтамишхонни қувиб келиб, шу атрофда, яъни Кошкида тўхтаган, шу ерда чодир-ўтов тикиб жангга ҳозирланган бўлиши керак, - деди у ва турган жойимизга ишора қилиб, давом этди. – Мана, кўряпсизлар, бу кенг тепалик жой. Тепалик –атрофнинг азмойишини олиш, ёғийнинг йўналиши, қароргоҳини кузатиб туриш учун жуда қулай пақка. – Арнольдларнинг фикрида жон бор эди. – Жойнинг номи ҳам ҳозирги, яъни “Мушуклар” деган маънода бўлмаган, - давом этди у. - Чунки биз мушуклар билан боғлиқ ривоят ё воқеа эшитмаганмиз, умуман, “Мушук” деб қўйилишига ҳеч бир асос йўқ.

Муҳокамага тушиб кетдик. Биримиз у дедик, биримиз бу. Кошки - “кўшк” (луғавий мазмуни баланд, баҳаво қилиб солинган иморат)дан эмасмикин, деган мулоҳаза ҳам айтилди. Агар бу ном Амир Темурнинг юриши билан боғланса, қўш (вақтинчалик қўниш жойи, муваққат қароргоҳ, лашкаргоҳ) сўзининг бузилган шакли бўлиши мумкин эди. Арнольдлар ҳам сўнгги фаразни қувватладилар.

Дарвоқе, кеча шу ерда, Кошки остонасида кўрганимиз – туман рамзининг оқ чодирлиги ҳам кишида Соҳибқирон шу атрофга тиккан чодирдан қолган анъана ифодаси эмасмикин, деган мулоҳаза кечади.

Кондурча дарёси Кошки – Уляновск – Самара трассасига етмай ўнгда – Сергиевск йўналишида экан, ўша ёққа юрдик. Уч-тўрт чақиримдан кейин чоғроқ бир тепалик кўринди.

- “Қараул гора”, - деди Михаил хитоб билан.

Демак, “Қоровул тепа” дегани. Тахминлаш мумкинки, Амир Темур хабарчилари шу тепаликда навбат билан қоровуллик қилишган, душман хатти-ҳаракатларини кузатиб, бу ёққа маълумот бериб туришган.

Машинадан тушиб, лой марзаларда сирғаниб юриб тепаликка чиқдик-да, атрофга кўз югуртирдик. Чиндан ҳам тўрт тарафда майсаларга бурканиб ётган кенгликлар яққол кўринарди (Олис ўтмишда дов-дарахт кам, янада узоқ-узоқ масофалар ҳам аниқ-тиниқ кўриниб турган бўлса керак).

Яна уч-тўрт километр юриб, чапга – жанубга бурилдик. Бир ярим-икки чақиримдан сўнг бир кўприк келди.

- Мана шу шарқ манбаларида Қундузча номи билан машҳур, бизнинг Кондурча дарёимиз, – деди Николай Анатольевич кўприк остидан оқаётган сойга ишора қилиб.

Кўприкдан ўтиб, “Р.Кондурча” (Кондурча дарёси) деган ёзув ёнида тўхтадик. Машинадан тушиб, яшил манзараларни томоша қилдик. Дарё йўлдан, кўприкдан олти-етти метрлар пастда эди, шимларнинг почасини қайириб, қум-тупроқ, тиконли гиёҳлардан авайланиб сув бўйига тушдик. Қанча асрлардан бери мавжуд, қанча тарихий воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган ўзандаги сарғимтир-зангори сув ҳеч нарсадан хабарсиздай, оҳиста оқишда давом этарди. Темур бобомиз пойқадами етган, эндиликда икки ёндан қисилиб, ихчамланган, жаҳди ҳам пасайган дарёда юз-кўлларимизни ювдик...

- Отамнинг ҳам, менинг ҳам назаримизда Амир Темур билан Тўхтамишхон жанги мана шу атрофларда, ҳозирги “Новая жизнь” посёлкаси билан Надеждино қишлоғи ўрталиғида юз берган бўлиши керак, - деди Михаил. – Яна саккиз кундан кейин ана шу тарихий муҳорабага 620 йил тўлади.

Дарҳақиқат, *“Ражаб ойининг ўн бешида, душанба куни, тарих етти юз тўқсон учда қўй йилида (мелодий 18.06.1391) Қундузча мавзеида Соҳибқирон Тўхтамишхонга етиб, черикини ораста қилиб, душман сари мутаважжсиҳ бўлди”* деб ёзган эди Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” солномасида.

Албатта, дарё ўзани каби соҳил ҳам бу жойларда қандай беомон жанглار содир этилганини аллақачон унутган, ер юзаси, тупроқ қатламлари ҳам неча кур янгиланган. Дарвоқе, соҳилнинг жануби шимол томони энди катта ўрмонзорга туташиб кетган.

- Бу ерлар қовланса, анча тарихий далил-ашёлар чиқиши мумкин, - деди Николай Анатольевич чўнтагидан оқ селофанга ўралган қандайдир сўнгак парчаларини олиб кўрсатаркан, - буларни мана шу жойдан топганмиз.

Арнольдларнинг айтишича, атрофда – шу Ульяновск вилоятида, хусусан, Ульяновск райони ҳудудида Амир Темур бўлганини тасдиқловчи анча-мунча исботлар – жой номлари бор, масалан, Сантемир, Амировка, Қондабулоқ каби. Ҳатто юқори Сантемир, Ўрта Сантемир, Қуйи Сантемир деган посёлкалар мавжуд экан. (Номлар асрлар давомида маълум ҳарфий ўзгаришларга учраган бўлиши мумкин).

- Ҳа, 1391 йили сайёрамиздаги энг йирик жанг шу ерда бўлган, - деди Николай Анатольевич бояги фикрини янада мустаҳкамлаш ва асослаш учун. – Айнан ўша тўқнашув Россиянинг мўғул-татар зулмидан қутулишида катта рўл ўйнаган, 1380 йилдаги Куликово жанги эмас. Кейинроқ, Амир Темур Тўхтамишни узил-кесил тор-мор келтириб, Русни ўлпон тўлашга мажбур этиб, мудом тахликага солиб турган Олтин Ўрда батамом барбод қилинган, Русияга ўз озодлиги учун кураш олиб боришга ҳожат қолмаган.

- Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалаба қозониши умуман Россия тарихида муҳим бурилиш ясаган, - дейди Михаил отасининг мулоҳазаларини қувватлаб.

Ота-ўғил тарихчилар, хусусан, Михаил Арнольдларнинг Кондурча бўйида содир бўлган жанг тўғрисидаги ҳаққоний фикрларини қадрлаган ҳолда, яна шуни айтиш керакки, ўша муҳорабада Амир Темур Тўхтамишхонга қақшатқич зарба берган бўлса ҳам, унинг пойтахти Саройга, Олтин Ўрдага зарар етказмаган,<sup>1</sup> шунинг учун Тўхтамиш ўзини тезда ўнглаб олиб, яна Соҳибқироннинг қаламравидаги мулкларга ҳужумини давом эттиради. 1395 йилнинг апрелида Шимолий Кавказдаги Терек дарёси ёқасида бўлган жангда Тўхтамиш қўшини Соҳибқирон аскарлари томонидан батамом енгилди ва Олтин Ўрданинг

---

<sup>1</sup> Аслида, Олтин Ўрданинг бизга яқинлиги ҳам йўқ эмас эди. Гарчи, аксарият тарихий манбаларда Олтин Ўрда мўғуллар давлати дейилса-да, давлат бошқаруви амалдорлари ва мулозимлари асосан туркий қабилалар (карлук, кипчоқ, ўғиз ва бошқ.) вакилларидан иборат бўлгани учун муомала ва ҳужжат ишлари туркий тилда олиб борилар, Олтин Ўрда хонлари ҳам (масалан Ўзбекхон) ўша давр адабий тили ҳисобланган туркий тилда сўзлашарди. Олтин Ўрдада яшаб ижод этган шоирларнинг асарлари, жумладан, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си, Сайфи Саройининг “Сухайл ва Гулдурсун” достони ана шу тилда ёзилган. С.Саройи, шунингдек, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”ини, Қутб Хоразмий эса Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонини ана шу даврда, ана шу давлат ҳудудида туркий (ҳозирги ўзбек) тилига ўгирганлар. Шунингдек, Олтин Ўрдада исломни қабул қилганлар кўп эди.

Балки ана шу сабаблар туфайлидир, Амир Темур кўрнамак Тўхтамишни деб, Олтин Ўрда хони Ўрусхон билан муҳолифликка борганига таассуф билдиради.

собик хони қайтиб ўзини тиклай олмайди. Айни ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ана шу жанг, муаррих-мутахассислар хулосаларига кўра, рус давлатини камида уч юз йилга мўғуллар зулмидан, Озарбайжонни эса қарийб бир ярим асрга айни ўшалар шимол томондан қиладиган ҳужумлардан халос этади.

Арнольдov назарда тутган тарихчи олимлар ана шундай оламшумул воқеага бир ёқлама муносабатда бўладилар. Масалан, Якубовский (юқорида унинг бу борадаги ижобий қараши зикр этилган эди) ва Грековларнинг “Олтин Ўрда ва унинг қулаши” китобида Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси умуман, рус заминига катта хизмат кўратгани эътироф этилгани ҳолда, китобхонни жангнинг асосий моҳиятидан чалғитувчи фикрлар билдирилади. Ҳолбуки, тарихий шахслар, воқеалар бедахл бўлмоғи лозим, уларни ўзича талқин қилишга, кимнингдир манфаати ё зарарига ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ёруғ оламдаги боқийликка ҳақ-ҳуқуқли нарсалардан бири – тарихий рақам ва далиллардир. Тарихий воқеликни бузиб кўрсатиш шунчаки тарихга хиёнат эмас, балки гуноҳи азимдир. Кимки шундай ноҳолисликка жазм этар экан, унинг келажак авлодлар олдида юзи қаро бўлиши шубҳасиз.

Ўрта бўйдан баландроқ, ихчам жуссали, қадди тик, оқ юзли, сочлари каштан рангга мойил Михаилнинг яхши тарбия кўрганлиги, маданиятли эканлиги ўзини тутиши, муомаласидан яққол сезилиб турарди. Оддий кийинган, лекин кийимлари ўзига ярашган. Фикри тиник, дунёқараши кенг, тарихга, воқеа-ҳодисаларга муносабати ҳаққоний, ҳавас қилгулик. Ҳолбуки, у ҳали жуда ёш – энди йигирма иккига кирган, аммо кўзойнак унга қандайдир кўркамлик, салобат бағишлагандай. У Москва шаҳар Тарих институти Самара бўлимининг битирувчиси эди. Дипломат бўлмоқчи экан.

Дарвоқе, Михаил гап орасида Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларини ҳам бот-бот қистириб ўтарди. Айтишича, уни бизнинг юртдаги тарихий, замонавий ёдгорликларнинг кўплиги лол қилган, уларнинг кўз қорачиғидай асраб-авайланишига қойил қолган, ҳаваси келган.

- Кондурча дарёси ўтмишда шубҳасиз жуда катта бўлган, жанг ҳам жуда кенг миқёсда олиб борилган, - дейди у. – Агар шу ҳудудга ўша жангни акс эттирувчи ёдгорлик ўрнатилса, ғаройиб иш бўларди.

Ўғлининг таклифини ота ҳам қувватлади.

- Ҳа, ўшандай катта, залворли воқеа жаҳон тарихидан мустаҳкам ўрин олиши, уни келгуси авлодларимиз ҳам билиши, эслаб туриши учун шундай қилиш айни муддаодир.

Зокиржон ака ўринли таклифга ўз муносабатини шундоқ билдирди:

- Агар бу фикр маҳаллий раҳбарият билан келишилса, улар томонидан розилик билдирилса, ёдгорликни Ўзбекистонда яратиб, олиб келиб ўрнатишни Бобур халқаро фонди ўз зиммасига оларди.

Биз эътиборимизга ҳавола қилинган таклифни ва раҳбаримизнинг мардона жавоб сўзини яқдиллик билан маъқуллаб, уларнинг амалга ошувини тиладик.

Николай Анатольевич бизни бу ердан унча узоқ бўлмаган, анча харобалашиб қолган “Новая жизнь” қишлоғига бошлаб борди. Йўл энлироқ сўқмоқдан иборат, лой эди. Ота Арнольдov 1952 йил 23 феврал куни, Сталин ўлимидан бир йил муқаддам шу масканда туғилган ва шу ерда улғайган экан. Бу жойда иккинчи жаҳон урушидан илгари Пруссиядан келиб қолган немислар яшаган экан. СССР тарқалгач, улар ўз ватанларига қайтиб кетишибди.

Атрофда яккам-дуқкам эски уйлар мунғайиб турибди. Ҳаммаёқни қалин, ўскин ўт босган. Шу ерда Авлиёқўлда, Қозоғистон билан Россия туташган далаларда кўрганимиз, бизга нотаниш гиёҳлар кўп эди. Мен уларнинг номларини сўрадим. Николай Анатольевичнинг иккиланиброк берган жавобларига кўра (ахир у ҳам менга ўхшаб ботаник эмас-да) арпага ўхшаган, пояси ингичка, майда, сершоҳлиги просанка (афсуски, бундай сўзни мен луғатлардан топмадим), тўқ қизил гуллиги дурман – бангидевона (у гиёҳ биз билган бангидевонага сира ўхшамасди), яна шу ерда ғуж-ғуж бўлиб ўсаётган ажойиб ялтироқ, эрмонга ўхшаган ўсимлик полын горькая (демак, улар қариндош) дейиларкан.

Кеча йўлда кўринган қуриган дарахтлар табиий офат асорати экан. Ота Арнольдovнинг айтишича, ўтган йили декабрда каттиқ бўрон туриб, муз-дўл ёғибди. Гоҳида гармсел ҳам келиб дарахту экинларни қийратиб кетаркан. Бир жойда кучли қуюн ўн гектарча майдондаги ўрмонни илдиз-пилдизи билан кўпориб учириб кетиб, ўша ҳудуд яйдоқ дала бўлиб қолган эмиш... Бу гап, шахсан менга ўта муболағадай туюлди. Яна, билиб бўлмайди, ёруғ дунёда қандай мўъжизалар рўй бермайди дейсиз! Бу ёғи энди Парвардигорнинг инонихтиёри, азми-кароматига боғлиқ. Раҳматли дўстимиз, таниқли шоир ва адабиётшунос Исмоил Тўлак айтгарди: “Бир Яратганнинг ишларига аралашиб бўлмайди, бир бошлиқнинг ишларига...” Тўғри, Исмоил ўз ақидасининг биринчи қисмига риоя қилиб, Яратганнинг ишларига аралашмасди (аралашолмасди ҳам), аммо раҳбарларининг ишларига аралашиб турарди. У жонсарак ва қуюнчак эди. Лекин биз мазкур иборани экспедициямиз раҳбарининг режаларига, мулоҳазаларига нисбатан қўллаймиз. Шахсан ўзим, сафарда бир таклиф чиқиб, фикр сўраб қолинса, “Катталар нима деса, шу”, деб қўяман. Чунки шефнинг бошқалар фикрини сўраб-сўраб, ўзининг айтганини қиладиган одати борлигини биламан.

## **САМАРА. ВАҚТНИ ЕТТИ АСРГА ҚАЙТАРГАН ФЕСТИВАЛЬ**

Соат тўққизларда Арнольдovлар билан хайрлашиб, йўлга чиқдик. Ярим соатлар чамаси юрганимизда яна шаррос қуяётган ёмғирга рўпара келдик. Ё, тавба, неча кундан бери бошимиз ёмғирдан чиқмайди-я! Аммо шунча қор-ёмғирни ютиб юбориб, яна ўзига сув юктирмай қуриб қолаверадиган ер, тупроққа, умр бўйи ёғингарчилик остида яшайдиган россияликларнинг тоқатига қойил қолиш керак.

Икки ёнда, йўлдан ўн-ўн беш қадамлар ичкарида ихота панжаралар бор, демак, қор, бўрон кўпроқ хуруж қиладиган ҳудудлар. Дарҳақиқат, қуриган, ағдарилиб ётган дарахтлар кўп.

Яна аппон-жаппон масофа кўрсаткичларини кўриб дам куламыз, дам энсамиз қотади: “Самара - 91 км.” кўрсаткичидан ўтиб, ярим соат юрганимиздан кейин “112”, яна икки қақиримдан сўнг эса “100 км.” ёзувли тахтакач чиқди. Ёпирай!..

Самарага 50 км. қолганда йўлни яна Кондурча дарёси кесиб ўтди. Демак, у қадимий дарё, Михаил Арнольдov айтганидай, анча катта бўлиб, шу ҳудудда айланиб юради шекилли. У қаердадир Сок дарёси билан қўшилиб бориб, Волгага қуйиларкан.

Киндакова деган қишлоқдан ўтаётиб, ўзаги “киндик” сўзидан эмасмикин, яъни, масалан “Ернинг киндиги” деган маънода қўйилмаганмикин...” деб ҳазилми-чин муҳокама қилдик. Муҳаммад Али баъзан ҳазил гапни ҳам жиддий тусда айтиб бошқаларни иккилантириб қўярди.

Бу ёқда ҳам қуриган – муз ё гармсел қурбони бўлган дарахтлар бот-бот учраб турибди. Шуларга хаёлимиз қочибми, адашиб, Уфа йўлига анча кириб, қайтиб чиқдик. Боягина тилга олинган Сок дарёси қаршимизда пайдо бўлди. Унинг кенг ва узун кўпригидан ўтдик.

Самарага қиряпмиз. Шаҳар остонасидаги улкан паннода шу ердан бошланган Ўрмон хўжалигининг майдони (гектари) ифодаланган 3600 рақамини кўриб, хайратдан ёқа ушладик. Мен Гуркировдаги ўн беш-йигирма гектарнинг нари-берисидаги дарахтзорга ҳам қанча қувонаман!

Шаҳарга кирибоқ миграция шўъбасини излай бошладик (Ахир ҳассани бир марта йўқотиб роса куйдик-ку). Биров у ёқда дейди, биров бу ёқда. Фақат хориждан келганларнинг иши тушадиган маҳкама бўлгани учун ерлик аҳоли уни деярли билмас, кўплар ҳатто шундай ташкилот борлигидан беҳабар эди.

Москва шоссеси, Аврора, Гагарин кўчаларини кезиб чиқдик. Йўллар узундан-узоқ, қатнов бир ёқлама, манзилдан ўтиб кетсангиз бир-икки тош наридан қайтишингизга тўғри келади.

Ўчакишгандай, ДАН ходими ё милиция кийимидаги бир зот учрамайди. Хуллас, кўп

сарсонгарчиликлардан кейин топдик, лекин тушликка тўғри келдик. Биз энди ошхона ахтара кетдик. Самараликлар шунақа кам томоқ эканми, емакхона топиш ҳам қийин бўлди. Дурустроқ ошхона йўқ. Ниҳоят, бир жойда, кичкина дўкончада чебурек пиширишаркан, андак тамадиландик-да, яна миграция шўъбаси томонга чопдик. Буни қарангки, тагин саккиз кунлик муҳлатимиз бор экан. Бечора Зокиржон ака шу биргина гапни эшитиш учун қанча зикланди, қанча навбат кутди; шаҳар айланавериб, қанча қимматли вақтларни зое кетказдик.

Сўнг яна шиддатли ёмғир остида Алабин номидаги Самара вилоят тарих-ўлкашунослик музейини қидирмоққа тушдик ва... бир амаллаб, уни ҳам топишга муяссар бўлдик. Олди бойнинг томорқасидай кенг майдонли музей икки қаватли эса-да, қаватлар ораси баландлиги боис жуда маҳобатли кўринарди. Музей директори – эллик беш ёшлардаги, ғарбликлар урфига зид ўлароқ, анча кенг ва мўл (этаклари ҳам узун) либосли Людмила Кузнецова бизни очик чехра билан кутиб олди. Унинг табиатан хушчақчақлиги, меҳмоннавозлиги суҳбат давомида ҳам аён бўлди. Бизни чой билан сийлади. Мозийгоҳларининг ташкил топиши, унинг биноси, бор бойликлари борасида маълумот берди. Музей фаолияти акс эттирилган буклама ва рисолалар, ўзларига қарашли фирма ишлаб чиқарган футбол кўйлагидан (мана буни тадбиркорлик деса бўлади! Ўрганишга, ўрнак олишга арзийди!) тухфа қилди. Табиийки, раҳбаримиз бу борада “Раҳмат, қуллуқ...” деб тураверадиганлар хилидан эмас, балки, аксинча, ўзгалар илтифотига бир неча чандон ортиқ ҳиммат билан жавоб қайтарадиганлардан. У директор хонимга Бобур халқаро фонди ташаббуси, ташкилотчилиги ва ҳомийлигида нашр этилган “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий” каби ноёб китобларни, Бобур Мирзо сурати туширилган гиламча ва бошқа эсдаликларни тантанали суратда тақдим этди.

Даврада музей директорининг ўринбосари, бўлим мудирлари ҳам қатнашарди. Мулоқот мавзуи асосан Амир Темур, унинг худди шу Самара вилояти худудида Тўхтамишхон билан олиб борган тарихий жангги хусусида борарди.

Людмила Валентиновна бир вақтлар, талабалик пайтларида Самарқандга борган, у ердаги тарихий обидаларни зиёрат қилган ва уларнинг бунёдкори Амир Темурга қойил қолган экан.

- Амир Темур менинг наздимда жаҳон миқёсидаги энг истеъдодли, энг улуг саркардалардан бири, - дейди Кузнецова.

Соҳибқирон билан Олтин Ўрда хони ўртасида бўлиб ўтган жанг манзаралари жонлантирилган ҳарбий-этнографик фестивал биз учун кутилмаган, ғоятда қизиқарли воқеа эди. Уни маҳаллий ҳокимият, Самара вилоят ўлкашунослик музейи, вилоятдаги маданий-маърифий ташкилотлар ҳамда Россия Федерацияси қуролли кучлари ҳамкорликда уюштиришаркан.

Людмила Кузнецова ана шу ғаройиб тадбир тўғрисида ҳам завқ-шавқ билан сўзлаб берди (Мозийгоҳ раҳбарининг совғалари орасида мазкур фестивал томошалари муҳрланган видео тасма ҳам бор эди).

Самара вилояти сайёҳликни ривожлантириш департаменти томонидан чоп этилган суратли буклама-рисоладаги бир қадар муфассал маълумотни ўқиб, оммавий кўрик жараёнларини тасаввур қилиш мумкин.

Рисолада ёзилишича, ҳозирги Старий Буян қишлоғи яқинидаги текисликда - собик муҳораба майдонида ўтказиладиган анъанавий “Темур ва Тўхтамиш жанги” фестивали гўё Красный Яр ўлкасининг ташриф варақасига айланиб қолган. Ҳарбий-этнографик маросимнинг мақсади театрлаштирилган саҳналар орқали кенг миқёсдаги тўкнашув тасвирларини гавдалантиришдан иборатдир. Ўша кунлари вақт машинаси кескин орқага айланиб, иштирокчи ва томошабинларни қарийб етти асрлик ўтмишга элтади – тарихий курашни акс эттирувчи манзаралар намоиш қилинади.

Фестивалга, анъанага биноан Самара, Тольятти, Пенза, Дмитроград, Ульяновск, Москва, Санкт-Петербург ва Россиянинг бошқа кўпгина шаҳарларидан ҳарбий-тарихий ҳамда от спорти клубларининг аъзолари ташриф буюрадилар. Клубларнинг ташаббускор-

жонбозлари ўша даврга хос ҳолат ва лавҳаларни мумкин қадар ишонарли акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Қурол-яроғларнинг аксарияти тарихий музейлардаги ўтмишдошларининг айнан ўзи дейиш мумкин. Фестиваль ижрочи-ижодкорлари омма диққат-эътиборини асосий тарихий сюжет – Темур томонидан жанг майдонининг танланиши, унинг Тўхтамиш билан тинчлик сулҳи тузишнинг энди имкони йўқлиги тўғрисида олиб борган музокараларига, камончилар томонидан ёғий сафининг ўққа тутилиши, отлиқ ва пиёда аскарларнинг бевосита олишувларига қаратадилар.

Ниҳоят, томошабинлар кўзи олдида кўшинларнинг беаёв жанговар тўқнашувлари намоён бўлади: икки томондан ўқ дўллари ёғилади, ҳаммаёқни қиличлар жаранги тутуди, отлар асабий пишқирадилар. Замонавий “жангчи”ларга осон эмас: ахир қуроллар вазни камида 25 кило. “Уруш” бир неча асрлар илгаригидек узоққа чўзилмайди. Амир Темур қисқа муддатда Тўхтамишни мағлуб этади.

Катта майдонда шарқ бозорларига хос манзара. Халқ усталари, ҳунармандлар баланд овозда меҳмонларга маҳсулотларини таклиф этадилар. Бу ердан ҳар ким эсдалик учун ўзига ёқадиган бир нима сотиб олиши мумкин: ёғочдан тайёрланган идишлар, қадимий бичимдаги либослар ёки қўлбола камон, қилич ва совутлар, тумор ва ё бошқа совғабоп ашёлар. Хоҳловчилар эса шу ернинг ўзида ўз қўлларидан келадиган ҳунарларини намойиш этишиб, майда-чуйда буюмларни ясаб беришлари мумкин.

Фестивалда, шунингдек, Повольже халқларининг кўплаб фольклор жамоалари ҳам фаол иштирок этишади. Қисқаси, меҳмонлар ўтмиш дунёсига бутунлай шўнғиб кетишлари, отларга миниб сайр этишлари, камон ва орбалет<sup>1</sup>лардан ўқ отишлари, пичок ё болта ирғитишлари, қадимий усул билан тайёрланган қимиздан татиб кўришлари, жангчилар турнирида қатнашишлари ёки шунчаки ўрта аср яроқларини тутган ҳолда суратга тушишлари мумкин. Хулласи калом, бу ерда ҳар ким ўз таъбидаги машғулоти билан шуғулланиш имконига эга.

Бу ажойиб маданий йиғин дастлаб 2003 йили ташкил этилган экан, ўша сафароқ у кўплаб ишқибозларни қизиқтириб қўяди. Ўша йилиёқ фестивал ички сайёҳлик ривожига кўшган катта ҳиссаси учун “Кумуш чайка” мукофоти билан тақдирланади.

Юқоридагидай тадбирлар ўтказиш тажрибаси Самара вилояти учун ноёб ҳодиса бўлиб, у меҳмонлар ва қатнашчиларда тарихга қизиқиш уйғотишга ҳамда шу пайтгача мактаб дарсликларига куруқ маълумотлардан иборат муҳим тарихий ҳодисаларга янгича қарашнинг юзага келишига хизмат қилиши шубҳасиз...

Хулоса аён: демак, самараликлар юқоридаги тарихий воқеага холислик билан ёндошишади, тарихий ҳақиқатни тан олишади, унинг аҳамиятига муносиб баҳо беришади ва унутишмайди.

Людмила Валентиновнанинг мулоҳазалари мазкур фикрларни тўлдирар ва янада мустаҳкамларди гўё. Унинг айтишича, Самара вилояти халқи Кондурча бўйидаги тарихий тўқнашувни улуғ жанг деб билади. Ҳатто бир неча туман аҳли жанг бизнинг худудда бўлган деб баҳслашади, барча кекса-ёш мазкур муҳорабанинг Самара туманида юз бергани билан фахрланади.

Дарвоқе, Кузнецова ҳам Кондурча соҳилига ёдгорлик ўрнатиш ғоясини бажонидил қўллаб-қувватлашини билдирди. Унинг сўзлари самимийлигига шубҳа йўқ эди. Демак, бу борада иккиланмай бош қотириш мумкин.

Музейни томоша қилдик. Ашёлар асосан иккинчи қаватда эди. Бу –чинакам ўлкашунослик музейи экан – осори атиқаларга ниҳоятда бой, ранг-баранг, жиҳозланишлари, экспонатларнинг жойлашиш тартиби ўзига хос – бўлимлар бир мавзу, сюжет асосида таркибланган. Археологик топилмалар, ҳар хил тошлар, буюмлар, муз даври кўринишлари, сир-синоатга тўла денгиз остлари ифодаланган мозаикалар, улкан динозавр склети, бошқа йирик ҳайвонларнинг тулумлари, хуллас, мозийгоҳ бойгина эмас, мазмундор, салмоқдор ҳам эди. Афсуски, уларни шошилмай, батафсил кўриб чиқишнинг иложи йўқ, фурсатимиз зик эди. Экспедициянинг Россия худуди билан боғлиқ дастурида кўзда тутилган вазифалар

<sup>1</sup> Камонга ўхшаган қадимий қурол.

деярли амалга оширилган, Ватанга қайтишга чоғланаётгандик. Бунақа пайтда ҳамманинг фикри-ёди тезроқ йўлга чиқишда бўлади.

Ташқарида, музейнинг олдида музей директори ва ходимлари билан эсдаликка суратга тушгач, янги дўстлар билан қуюқ хайрлашдик.

Волга бўйидаги портда, поезд вагонларидай бир-бирига тутшиб кетган кафе-ресторанларнинг бирида тушликнинг чаласи билан кечликни омухталадик (вақтни тежаш мақсадида, албатта). Қаторда “Узбекская кухня” ошхонаси ҳам бор экан, суюндик. Боя шаҳарда “Бухоро” номли ресторанга ҳам кўзимиз тушиб ғурурланиб қўювдик.

Улкан, ётоқлари уч қаватли, “Титаник”ни эслатувчи узундан-узун пароходнинг қурилиши, лойиҳаси, жиҳозларига – инсон ақли-заковатининг ҳосилаларига шунчаки ҳайратланиш камлик қиларди, балки ҳеч иккиланмай, ақл бовар келиши қийин дейиш мумкин.

Биз энди чегарага ошиқардик. Ўзбекистоннинг бевосита РСФСР билан туташ худуди йўқ, шунинг учун яна Қозоғистон орқалигина юртга ўта олардик. Қозоқлар божхонасидан юракларимиз безилларди. Чегарачи-божгирларга инсоф тилаб, соат тунги ўнга яқин “ташвишхона”га етиб бордик. Ярим соатда русларнинг чегара масканидан, божхонасидан ўтдик, лекин Қозоғистон сарҳадида машина кўп экан, бетараф худудда икки ярим соат қадам-бақадам силжидик. Ярим соат расмийлаштиришга вақт кетди. Хуллас, уч соатда яна қозоқлар мамлакатига кирдик.

Соат тунги иккида Уральск (Самарадан 500 км.)га етиб келдик. Бу ерда ҳам меҳмонхона қидириб, “Виктория” кўноқхонасига жойлашгунимизча уйку ҳисобидан яна бир соат ҳавога учди. Лекин яхши ухладик, ҳарқалай, ватан нафаси келиб қолгани боис, кўнгиллар бир қадар хотиржам торта бошлаган эди.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

11 июнь, шанба

Нонуштадан сўнг шаҳар-пахарга ҳам қарамай, келгуси манзил – Атыров (аввалги Гурьев)га отландик. Ҳарна, юртга яқинлашганимиз-яқинлашган.

Мағрибдан машрикқа қараб юрганимиз сари яшил оламнинг секин-аста ўнги ўчиб, бора-бора сарғимтир тус ола борди. Кейинроқ батамом бийдай чўлга чиқиб кетдик. Икки тарафда, кўча лабида анча-мунча пакана ўсимликлар, янтоқ бор холос.

Россияда полиция, ДАН ходимлари негадир жуда кам эди, бу ёқда яна тез-тез кўрина бошладилар. Шунчаки кўринишмас, балки машинамизни (Ўзбекистонникилиги учунми ё умуман хорижники бўлганигами), мабодо пайқамай қолишиб, сал ўтиб кетсак, орқамиздан кийқириб, олатаёғини силкитиб юриб тўхтатишар ва... жарима ундиришарди.

Атыровга 70 км. қолганда Норин (биздаги Норин дарёси билан қариндошмикин, ё шунчаки отдошмикин деб ўйладик) каналидан ўтдик. Африка саванналарига монанд дунёнинг, йўлнинг поёни йўқдай туюлади. Анча ичкарида саҳронинг хўжайинидай виқор билан солланиб, босайми, босмайми, дея одим ташлаётган туялар динозаврларни эслатиб юборади. Улар атрофида бўталоклар ёйилиб ўтлаб юришибди.

Тан олиш керак, шундоқ дашту биёбондаги йўл тўғри, текис, асфальт эди. Раҳбар: “Бос, Аҳмаджон”, деб қўяди. Ҳайдовчи корейс тулпорини “қамчилайди”. Ҳар замонда кўчанинг бир бетидан иккинчи бетига пилдираганича юмронқозиқ ўтиб қолади.

Далалар нечукдир яна яшиллана бошлади. Даштнинг у ер-бу ерида катта-кичик кўлмаклар кўзга ташланади. Қаттиқ ёмғир ёққанга ўхшайди.

Бир, икки ўрқачли туялар тўдаси тобора кўпайяпти. Раҳбар ҳадеб уларни суратга олади: “Баъзи жўраларимизга совға қиламиз”, дейди. Охири мен: “Зокиржон ака, жўраларимиз “булар туяларни суратга олишдан бошқа иш ҳам қилишдимикин”, деган хаёлга боришмасин”, дейман.

- Унақа дейишмайди, – деб мийиғида кулади раҳбар қилаётган ишидан мамнун одамдай, - роса завқланишади...

Бундоқ шаманинг маъноси бор эди...

Атыровни айландик. Қозоқ ботирлари (миллий қаҳрамонлари) ифодаланган ҳайкаллар мажмуи билан жиҳозланган шаҳар бош майдонини томоша қилдик. “Тамерлан” деган озиқ-овқат дўкони ёнида пул алмаштириб олдик.

Симёғочлар, темир-терсақдан ясалган устунлар ҳаддан зиёд кўп, сабаби Атыров нефтчилар шаҳри эди.

Атроф дашт, шаҳар-посёлкаларда ҳам гул кам бўлгани учун гул ва шу сўз кўшилган атамаларга ҳавасмандлар кўп чоғи, тез-тез Гулнора, Гулсара каби номлар қўйилган



ошхоналар, дўконлар учради.

Яна йўлга тушдик. Чўллар (ахён-ахёнда кўллар)дан ўтиб келяпмиз. Биёбонлар Сахрои Кабир мисол.

Шу куни 750 километр йўл босиб, Кулсари (аслида бу ҳам Гулсара бўлса керак) деган шаҳарчада тўхтадик.

Атыровда ҳам, Кулсарида ҳам дуруст-дуруст янги уйлар кўп-у, дарахт, гул, гулзорлар камлигиданми, файзсиз, зерикарли кўринади.

Шаҳарчадан чиқаверишдаги “Тошкент” деган (ёнида шу номдаги ёнилғи қуйиш шаҳобчаси ҳам бор) кўноқ уйига кўндик. Бир қаватли, кирилча “П” шаклидаги бино пишик ғиштдан кўркамгина тикланган, аммо пойдевори паст, анча эътиборсиз ва қаровсиз эди. Яна бошқа “жузъий” камчиликлари ҳам йўқ эмас. Қурилганига анча йиллар бўлганга ўхшайди, лекин эндигина уч-тўрт туп дарахт кўчати ва халқ тилида қатма-қат деб аталувчи йирик баргли гул (у ҳам тартибсиз) экилибди. Кўноқхонанинг отидан бўлак, Тошкент у ёқда турсин, умуман Ўзбекистонга дахлдор кимса ё нарса кўрмадик. Хизматчи-ходимлари, буфетчи-ошпазлари кўрсина қозоқ аёллари. Энг зарур “шарт-шароити”, яъни, шоҳлар ҳам пиёда боришган “маскан” бинонинг орқасида – далада, у ҳам зарурнинг кунидан кўнқайтириб қўйилган. Тунда қоронғу ва жимжитликда ваҳимали. Отбосарда ҳам шундай эди. Лекин начора, бундан аълороқ мусофирхона йўқ экан-да.

## *12 июнь, шанба*

Соат олтида жўнадик.

Бейновга 217 чақирим бор.

Йўлларда ҳар ерда ҳозир қарға билан чумчуқлар учрайди, бошқа парранда зоти нечундир кам.

Туя, от, мол, қўй тўдалари, подалари бисёр.

Узоқ ичкариларда яккам-дуккам уйлар кўринадир. Шундоқ сахро ўртасида, шундоқ овлоқда ҳам умргузаронлик қилишни маъкул кўрадиганлар, кўнадиганлар бор-а... Аввалги сафарлардан бирида Покистоннинг тоғлик ҳудудларида, тоғларнинг қиршовларидаги яккам-дуккам кулбаларни кўриб кўп ажабланувдим, мана бу бандаларга нисбатан улар жаннатда эканлар-ку. Ё “Ризқини териб ейиш...” деганлари шумикин? Бояқишлар янтоғу ҳайвонотдан бошқа нима кўради? Бу ерларда кўнгилни бетоқат, вужудни лоҳас қилувчи жазирама, кум тўзонларидан бўлак ҳаётдан оладиган лаззатлари, неъматлари нима экан?..

Йўлга кўз тегди – айниди. Шунинг учун бир нарсани, охирини кўрмай, якунини билмай, мактаб ҳам бўлмайди. Лекин хайриятки, анчадан кейин йўл яна дурустланди.

Зокиржон ака энди Аҳмаджонга секинроқ юравер, деб тайинларди. Аҳмаджон ҳам ҳўп дейди, аммо юртга ошиқаётган улов гўё раҳбарнинг амрига ҳам, ҳайдовчининг инон-ихтиёрига ҳам бўйсунмай, кечаги, эрталабки шиддат билан олға интиларди.

Энди машинада бешиктебратар бўлиб ухлашлар камайган, ҳаммамиз сергакланиб борардик.

Огоҳлантириш бежиз эмас экан, машина бирдан ўйдим-чуқурга шундай дўқиллаб тушдики, бошларимиз шифтга тегиб қайтди, ғилдираклар дўқир-дўқир қилиб қолди. Аҳмаджон дарҳол тормозни босди, аммо учқур “Хундай” ўз тезлиги билан анча нарига бориб тўхтади. Тушиб қарасак, ўнг орқа баллоннинг шапалоқдай парчаси йўқ, чуқурликнинг қирида қирқилиб учиб кетибди.

Кун тандирдай қиздирарди. Аҳмаджон улов орқасидаги юкларнинг ҳаммасини (беш кишининг икки-учтадан жомадон-халталари, машинанинг ашқол-дашқоллари, совға-салом, китоблар ва экспедицияга оид бошқа анжомлар) ерга туширди, сўнг майкачан бўлиб машина остига қийинчилик билан (шу, корейс автомобилларининг кўп яхши жиҳатлари бору, пастлиги - ерга яқинлиги чатоқ-да, йўлнинг нобоп жойлари ҳам бўлиши мумкинлигини ҳисобга олишмасмикин...) кирди. Эҳтиёт баллонни чиқаришга, савил ўзи ҳам жуда ноқулай ораликқа – юкхонанинг тагига жойлаштирилган, боз устига, мурват-

қисқичлари қотириб ташланган экан, узоқ ва қаттиқ уринди. Баллон ёрилиб дамсизлангач, машинанинг бир томони ерга қапишиб қолаётган эди, кўтаргични ўрнатиш ҳам бир машаққат бўлди. Бечора Аҳмаджон укамизга ачиниб кетдик. Ҳаммаёғи қум-тупроққа беланди, пешона, юзларидан, аъзои баданидан тер шовуллаб оқарди. “Тор жойда ош егунча, кенг жойда мушт е” деган мақолни тўқиган халқимиз нақадар доно-я!

Раҳбар машинада, хаёллар уммонида. Биз – уч томошабиннинг қўлларидан эса ҳайдовчига анча-мунча кулич-пулич узатиб қўйиш ё бир нимани ушлаб туришдан бошқа бир кўмак келмайди. Қуёшнинг нури бош, елкаларимизни жозиллатиб безиллатарди. Аҳмаджон эса... Биз ундан хижолат бўламиз, у эса, биздан... Ишни тезроқ битириш пайида. Чайир, чапдаст экан. Яна, унинг қаноатли, бошқаларнинг ишига ҳам эринмай, малолланмай, очик кўнгиллик билан киришишини айтинг. Ҳар куни ҳаммамиз меҳмонхона олдида, баъзан бошқа бир сабаб билан, аралашиб кетган жомадон ва бошқа зарур буюмларимизни олишимиз керак. Аҳмаджон бор юкларни ҳозиргидай ерга туширади, кейин қайтариб жойлаштиради, яна, айримларимизнинг сандиқдай жомадонларимизни ётоқхоналаримизгача олиб киришиб ҳам қўяди. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дегани шудир-да. Отасига раҳмат. Яна унинг ўзбекона одоби, андишалилигини қаранг – ҳамиша баримизнинг қўлимизга сув қуяди, ўзига эса, лоақал шунақа пайтда қўлига сув қўйиб беришимизга ҳам кўнмайди.

Раҳбарнинг, қўл остидагиларини, масалан, ҳайдовчисини кимдир сал алқаб қўйса ё андак илтифот кўргизмоқчи бўлса, “арзон ҳурмат қозонмоқчимиз”, деб ҳазиллашадиган одати бор. Аммо мен, қалам шоҳид, Аҳмаджоннинг заҳматларини минбаъд “арзон ҳурмат” учун қайд этмадим.

\*\*\*

Бейновга, навбатдаги назорат масканларига яқинлашиб қолгандик, аммо энди олтмиш-қирқ тезликда юриш қоидаси жорий этилди. Йўлнинг ҳолати ҳам шуни тақозо қиларди.

Қозоғистон сарҳади ва божхонасидан ўтиб (нечундир чиқишда енгилроқ ковлашиб, тезроқ қўйиб юборишди), Қорақалпоғистон заминига, она юртимизнинг чекка худудига оёқ қўйганимизда, менимча, ҳамма, гарчи салқин, яшанг ҳаво бўлмаса-да, ўпкасини тўлдириб-тўлдириб нафас олди.

Соат ўн икки яримларда Қўнғирот (380 км.) сари азимат қилдик.

Атроф бирдан яшилланди. Ўскин юлғунлар, баланд-паст дарахтлар (энг кўпи жийда), яна тартибсиз қурилаётган янги уйлар пайдо бўлди. Йўл ёнидан кетган ариқ ичларини қалин қамиш, қирғоқ ва тепалик-марзаларни янтоқ босган.

Қўнғирот тумани марказида дурустроқ меҳмонхона йўқ экан. Биз учраган ҳокимият ходими хонаки бир қўноқхонага бошлаб борди, у жой ҳам дидимизга ўтиришмади. Шундан сўнг Зокиржон ака Нукусдаги бир танишига қўнғироқ қилди, у киши туман ҳокимияти вакилига бизни қаерга олиб боришимизни тайинлади. Хуллас, туман прокуратурасининг сирти кўримсизроқ, аммо ичи янги, соз меҳмонхонасига жойлашдик. Иккита эркак хизматчидан ўзга одам, яқин атрофда бошқа бино йўқ, маҳалладан анча берида. Чироқ ҳам ўчик экан, қаергадир бориб ёқтириб келишди. Шериклар биринчи қаватда, мен эса тепада - ҳайхотдай хонада бир ўзим. Ёмон ухламадик, ахир ўз юртимиздамыз-да, кўнгиллар хотиржам. Фақат менинг оёқларим шишиб (лаънати подагра қўзиб) азоб бера бошлаганди. Дўстимиз, кимёгар-табиб Иброҳимжон Асқаровнинг “Аскальций”си ва “Аллопуринол” билан даволанишга киришдим. Ўзи, сафарда дуч келган, топилган нарсани еб, парҳезга ҳам риоя қилмай қўювдим-да, шунга қайтдим – гўшт ва бошқа маън этилган, чекланган таом, неъматлардан ўзимни тортдим. Ўчакишгандай, айнан шундай кунда каминага иккинчи қаватдан жой теккан, баланд зиналардан чиқиб-тушишлар безиллатарди...

*13 июнь, душанба*

Эндиги манзилимиз Нукус эди.

Ерлар музранг, тўғрироғи, тузранг. Шаҳарга етай деганимизда атрофни туман каби қоплаган чангга рўпара келдик – Оролдан кўтарилган ва қаерга ёғилишини билмай сузиб юрган туз тўзғоқлари эди чоғи.

Эсизгина... Ўтган асрнинг эллагинчи йилларида “юлдузлар кўзгуси” бўлмиш Ороли, “Тўлқинлари огушида наҳанглар ўйнайдиган Мўйноғи”, “Қумуш тангалари қалқиб ўйнайдиган” лаққага бой Амуси, қумлар ўртасидаги мевазор боғлари, қирғовулларга ошиён тўқайлари, турналар қур-қури билан мафтункор қамишзорлари, саҳроларида унган бўтакўзлари, чирмовуқ, печаклари ардоқли шоиримиз, Қорақалпоғистон ошиғи, куйчиси Миртемирнинг қандоқ ажойиб шеърлари дунёга келишига туртки берган, Кегайлининг “тонгдан ҳам чиройли” қизлари ўзбек достончилигининг асил, сара намунаси “Сурат”нинг туғилишига доялик қилган ажойиб диёр-а!..<sup>1</sup>

Бугунги аҳволни кўринг... Тўғри, меҳнаткаш халқи, сулув жононлари ўша-ўша, лекин замин, тупроғи, ҳавоси, суви...

Матонатли, сабр-тоқатли қорақалпоғистонликлар!.. Келажакда нафақат Қорақалпоғистон, Ўзбекистон, ахир бутун Марказий Осиё аҳли (эҳтимол ундан наридагилар ҳам) Оролнинг қуриши, туз қукунларининг гармселдай ёпирилиб захарлашидан жабр кўриши аён-ку. Ҳозирнинг ўзидаёқ туз – оқ ажал ҳужуми анча ҳудудларни “ишғол” этиб, қамрови тобора кенгайиб (ҳудди тошқин каби), нафақат экологияга, табиатга, балки, кишилар саломатлигига, ҳатто зурриётга ҳам жиддий зарар етказаяётгани тайин. Илмий-амалий таҳлиллардан келиб чиққан хулосаларга кўра Орол фожиаси инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва ижтимоий ҳалокатдир. Зеро, бу фалокат минтақада жойлашган олти мамлакатнинг 50 миллиондан ортиқ аҳолисига хавф солиб турибди. Бу муаммо неча бор халқаро нуфузли йиғинларда муҳокама этилиб, қарорлар қабул қилинмоқда. Президентимиз Ислом Каримов кўплаб халқаро анжуманларда, жумладан, 2000 йили Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Орол денгизи билан боғлиқ қайғули вазиятни олам аҳлига рўй-рост кўрсатиб, жаҳон жамоатчилигини фожеа оқибатларини мумкин қадар тезроқ бартараф этиш чораларини кўришга чақирди. Ўзбек зиёлилари оёққа турган эди ўша йиллари. Жумладан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, мудом эл-юрт дардини ўйлаб қуяган публицист Одил Ёқубов Москва матбуотида чоп этилган мақоласида Орол бўйида юзага келган фожеий ҳолат тўғрисида мана буларни ёзиб, бонг урган эди: “*Кейинги йигирма беш йилда орол денгизи инсон “кўмагида” ўз соҳилларидан 70-80 чақирим чекинди, сатҳи 13 метр тушиб кетди, агар 1962 йили денгизнинг юзаси 66 минг чорғир чақиримни ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда у бор-йўғи 40 минг чорғир чақиримга тушиб қолди, ундаги сув миқдори деярли уч баробарга камайди. Орол денгизи ўзининг аввалги транспорт ва балиқ хўжалиги аҳамиятини бутунлай йўқотди, қимматли қундуз етиштириш етмиши баробар камайди ва умуман Оролбўйининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфи таҳдид солиб турибди. Бу ерда соҳилларни қум босишидан асровчи 800 минг гектардан ортиқ тўқайлар аллақачон йўқолиб битди, қирғоқбўйи ўрамида ҳаёт кечирган 57 тур ҳайвонот оламининг ҳозирча ўн уч туригина қолди...*” Камина ҳам роса чорак аср муқаддам бир назм битиб эдим:

### ***Бобосининг чакмонида килдираб***

<sup>1</sup> Миртемир ҳам шўро ҳукуматининг мамлакат зиёлилари, истеъдодли кишиларини “чилпиш” сиёсати ўқиға икки бор нишон бўлган: 1930-йилларда қамалиб чиққан, 1950 йилларда яна ижоди тазйиққа олиниб, маълум муддат пойтахтдан чекинишга, Қорақалпоғистонда яшашга мажбур бўлган эди. Лекин ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор деганларидай, кейинчалик катта доврўқ қозонган “Қорақалпоқ дафтари” шеърый турқуми ана шу “ҳижрат” даврининг маҳсули эди. Ижод аҳли ҳам ўзига етгудай қайсар, тутган жойини кўйиб юбормайдиган бир халқ экан-да. Касби-аъмоли туфайли қанча жабру жафо, қандай азоб-уқубатлар кўрмасин, ошиқ парвона каби ўзини яна шу ўт-чўққа ураверади. Шўролар иттифоқида Миртемир домла билан қисматдош шоир-ёзувчи, санъаткорларнинг сон-саногни бўлмаган. Лекин биронтасининг ўз йўлидан қайтгани, ижодий ишни тарк этганини эшитмаганман. Демак, ижод ишқи ҳам эътиқоддай сеҳрли, балки илоҳий бир амал шекилли-да!

*Қолган озгин, ушоқ боладай,  
Каттакон ўзанида  
Шилдираб,  
Жилдираб борар бир ҳовучгина сув,  
Онажони – табиатдан ёзгириб.  
Гарчи фарзандининг аҳволидан  
Танг бўлса-да ҳоли, аҳволи,  
Гарчи фарзанд  
Бўлса ҳам ноҳақ,  
Миқ этмайди Табиат,  
Фақат, юраги ёнар...  
Ахир,  
Кимга айтар дардини  
ОНА?*

Даъват-тарғибот ишлари олиб борилмоқда, матбуот бонг урмоқда, шеърлар ёзилмоқда. Лекин уларга муносабат “Мен нима дейману, кўбизим ним дейди?..” қабилида. Эртасинигина эмас, оёқлари остини ҳам дуруст кўрмаётганлар ҳеч кимнинг отасидан қолмаган, ё онасининг маҳрига тушмаган, балки қудрати улуғ, карами кенг Парвардигор томонидан барчага баробар ризқ сифатида ато этилган табиий неъмат – дарёларни эгаллаб, оби ҳаётни дон ғамлагандай, омборларга қамаб, бу борада гўё мусобақа ўйнашаётир. Бу – келгуси насларни бирданига иккита катта хавф-хатар - Орол томонидан босиб келаётган туз жафоси ва қачондир юз бериши мумкин бўлган зилзила оқибатидаги тошқин балосига била туриб гирифтор қилиш билан баробар ҳаракатлигини нахотки англамасалар?!.. ( Орол масаласида давлат миқёсидаги ҳақиқий жонкуярлик, амалий ҳаракат 2017 йилдан бошланди.)

Ўзимизнинг мавзуимизга қайтамыз. Зокиржон ака экспедициямиз яқунланаётгани, сафар мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида сўзлайди, улуғ Соҳибқирон ҳаётининг нотўқисроқ ўрганилган жабҳаларига андак ойдинлик киритишга мушарраф бўлганимиздан мамнунлигини, аъзолардан ҳам кўнгли тўлганлигини изҳор этади.

Дарҳақиқат, бу галги экспедиция муддат жиҳатидан қисқароқ, аммо натижаси самарали ва баракали бўлди-ёв. Муҳаммад Али, Ваҳоб Раҳмонларнинг таркибга қўшилгани жуда жойига тушган эди. Масалан, Ваҳоб Раҳмон, дейиш мумкинки, Бобур жамғармаси учун мисоли бир топилдик. Унинг, айниқса, мумтоз адабиётимизни, хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини яхши билиши, боз устига, зукко, синчков матншунослиги қўл келган бўлса, Бобур фонди буюртмаси билан “Бобурнома”нинг эски ўзбек тилидан ҳозирги тилимизга табдилини амалга ошириш, умуман асарнинг кейинги нашрларини чоп этишдаги, Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” мемуарини форсчадан ўзбекчага ўгириш (рафикаси, ажойиб олима, таржимон Янглиш Эгамова билан) ва нашрга тайёрлашдаги хизматларини адабий жамоатчилигимиз юксак қадрлайди.

Муҳаммад Али эса, юқорида зикр этилганидай, Амир темуршунослик илми ва бадиатининг энг мўътабар намояндаларидан бири, шунингдек, Бобур халқаро фондининг хайрихоҳи, кадрдони эди, боз устига, яхши ҳамсафар экан. Зокиржон аканинг “*Одамни сафарда синаш керак, фалончи билан Маккаи мукаррамага пиёда бориш мумкин*” деган гапи бор. Муҳаммад Али билан айнан Маккаи мукаррамага, яна, ҳозирги замонда пиёда бориш шартми, йўқми, бу - баҳсли масала, аммо бир нарса аниқ: қаерга бўлса ҳам сафарга бирга чиққан одам ютқазмайди, бунга иштибоҳ йўқ.

\*\*\*

Нукусга етмай, Хўжайли йўлида бизни Зокиржон аканинг кеча кўнғироқлашган таниши Отаули Худойберганов ўғли билан (иккиси ҳам барваста, девқомат эди) кутиб олди. Отаули дегани бир пайтлар Қорақалпоғистон автоном Республикаси пахта саноати трести

бошлиғи бўлиб ишлаган, яъни раҳбаримиз билан касбдош, амалдош экан.

Амударё кўпригидан ўтдик. Сув кам, харқалай, биз Чоржўйда бир неча бор кўрганамиз важоҳатли Жайхун эмас.

Мен Тошкентда, “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетасида ишлаётганимда (1970-йилларда) Қорақалпоғистонга икки бора келган эдим. Бир марта автоном республиканинг ижтимоий ҳаётидан газетага кўш саҳифа тайёрлаш учун, кейинги гал (1974 йили) Ўзбекистонда ўтган РСФСР адабиёти ва санъати кунлари иштирокчилари сафида журналист сифатида.

Қорақалпоқлар ҳам ўзига хос маданиятга, санъатга эга халқ. Айниқса, адабиёти жуда халқчилдир. Лекин бу борада ҳам китобларда “Бердақ – қорақалпоқ адабиётининг асосчиси” деган хато фикр ёзилади. Ҳолбуки, Бердақ ўзидан салгина ва анча илғари ўтган, унга устоз мақомида бўлган Ажиниёз, Кунхўжа, Жиян Жиров(ва бошқалар)нинг анъаналарини давом эттирган ва ривожлантирган эди. XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон қаҳрамонлари - халқ шоири Ибройим Юсупов, халқ ёзувчиси Тўлепберген Каипбергенов қорақалпоқ бадиий адабиётининг янги босқичга кўтарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Дастлабки ташрифим чоғида Қорақалпоғистон халқ шоири Жўлмирза Оймирзаев, шоирлардан Матен Сейтнийёзов, Бойниёз Қайипназаров, “Қутлы қоныс” романи муаллифи Турдимурот Нажимовлар билан танишиб, улар билан Матен оғаникида гурунг қилган эдик. Тошкентга келгач, ўша қардошларимиз, шунингдек, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Аббос Добилов, Содик Нуриμβетов, Улмембет Хўжаназаров, Тожиддин Сейтжонов, Қалбай Абдирамонов, Узоқбой Пиржоновларнинг шеърларидан таржималар қилдим, улар ўзимизнинг ҳафталик ва бошқа газеталарда чоп этилди. 1984 йилда эса истеъдодли ёш қорақалпоқ ижодкорлари Кенгесбой Алламбергеновнинг ҳикояси, Кенгесбой Раҳимов, Кенгес Каримовларнинг шеърлари камина таржимасида “Ёшлик” журналида босилган. Жўлмирза оғанинг ҳазил лутфи эса бир шеърнинг ёзилишига туртки бўлган:

### ***ҚИЗ УЧУН КЕЛМАДИМ***

***Қорақалпоқ, ҳаяжон билан  
Келдим сенга саҳролар ошиб.  
Гўё илк бор висолга чиққан  
Ошиқ каби энтикиб, жўшиб.***

***Туйғуларим мисоли елкан,  
Аму узра кезар эдилар.  
“Бизнинг элга илк бора келган  
Олиб кетар бир қиз”, дедилар.***

***Мен келганман меҳру дилимиз  
Тилимиздай яқин бўлсин деб.  
Дўстлик аро чўғ-яллимиз  
Овлансин, чақин бўлсин деб.***

***Гарчи бунда қизлар дилрабо,  
Севгига ўч қалблари ёниқ,  
Мен келмадим қиз учун, аммо  
Дўст ортириб кетишим аниқ.***

**1974 й. 15 февр.**

**Нукус**

Умуман, қорақалпоқликлар менда жуда самимий, ҳазилкаш одамлар сифатида таассурот қолдиришган.

Қорақалпоғистон билан боғлиқ бошқа анчагина хотираларим ҳам бор. Тўлибой Қобулов (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси автоном республика бўлими масъул котиби, “Амударё” адабий-бадиий журнали бош муҳаррири вазифаларида ишлаган) билан анча кадрдон бўлиб қолувдик. Дуруст шоир эди. Бир-биримизнинг ижодимиз намуналаридан таржималар қилиб, вақтли нашрларда, баёзларда чоп эттирганмиз. Лекин умри қисқа экан, ҳаётдан эрта кетди.

Университетни битирган кезларим, Беруний туманидан бориб мен таҳсил олган факультетга сиртдан ўқишга кирган Абдулла Аҳмедов бор эди. Унинг ҳикояларини ўзбекчага ўгириб газетамизда эълон қилдиргандим. Хушчакчак, одамшаванда йигит эди. Бир гал, қай бир сессияда имтиҳонларни топшириб қайтиб борса, тунда юз берган тошқин уй-жойларини аёли ва иккита фарзанди билан оқизиб кетибди. Кейинги сессияга сўлиб, озиб-тўзиб, кўзлари киртайиб келди. Шундай оғир йўқотишни кўтариш осонми?

Амударёни кўриб, ўша биродаримиз ёдимга тушди. Шунингдек, соддагина Гулнора Матёкубова деган курсдошимизни, унинг қувроқ йигитлар (баъзида шаддотроқ кизлар ҳам) қайта-қайта ўқиттиришадиган “Амугинам...” шеъри тўғрисида ҳамроҳларимга гапириб бердим, бири аянчли, бири қизиқарли ҳодисалар...

Мезбонларимиз бизни Қорақалпоғистон университети рўпарасидаги мўъжазгина кафега олиб киришди. Дастурхонда қатиқ, қаймоқ ва бошқа ноз-неъматлар, ҳар хил мевалар бисёр эди. Бу йилги ўрик, гилосларни шу ерда тотидик.

Зокиржон ака билан Отаули Худойберганов иш давридаги воқеалар, ўзаро борди-келдилар, бошқа танишлар, ҳамкасблар тўғрисида хотирлашиб ўтиришди. Даврада Камолиддин дегани ҳам бўлиб, у раҳбарга таниш экан: Андижонга – “Коммунар” заводига бир юмуш билан борганида танишишган, ўшанда Зокиржон ака меҳмоннинг иши тезроқ битишига қўмаклашган экан. Камолиддин ана шу ҳимматни ҳали-ҳали эслашини ва Зокиржон акадан миннатдорлигини айтди.

Нонуштадан сўнг Камолиддин етакчилигида қай бир дўкондан машинага баллон сотиб олинди, бир устахонада уловимизнинг кечаги дўкирамада бўшаб кетган рессори маҳкамланди.

Меҳмонлар билан хайр-хўшлашиб, йўлга тушдик.

Нукусдан Бухорогача 640 км. экан.

Амударё, Беруний ва хийладан кейин Тўртқўл туманларини ёнлаб ўтиб, нобопроқ йўлга чикдик. Ёнидан янги йўл қурилаётган экан. Соатига 25, нари борса 30 км. тезликда юришга тўғри келарди. Жазирама иссиқда машинада секин юришдан азоби йўқ. Ҳайдовчининг диққатчилиги эса икки, уч карра зиёда. Лекин “бундан батгарроғидан асрасин” деган гапни ҳам унутмай, шукр қилавериш керак чоғи. Машинамиз мотори ўзидан-ўзи ўчиб қола бошлади. Бу ҳам кечаги, чуқурга дўққиллаб тушиш асорати эди чамаси. Баъзан бир оз дам олгач, юриб кетади, баъзан суришга тўғри келарди. Бунинг устига йўл чатоқ, иссиқ ҳаво нафасни қайтаради, соя йўқ... Лекин, хайриятки, бутунлай тўхтаб қолмадик. Тўхтаб-тўхтаб, моторни совутиб, суриб юриб кечаси соат ўн иккида Газлига етиб келдик ва яна ярим соатча қўноқхона изладик.

## **БУХОРОНИНГ ЯХНА ШЎРВАСИ**

*14 июнь, сешанба*

Бухоро сари йўлдамиз. Оёқларим хийла дуруст.

Икки ён сарғиш кум, юлғунзор. Иссиққа ва сувсизликка сабрли бутанинг майда барглари куёш нурида кумушдай товланади, лекин бу манзара бизга завқ беролмайди. Чунки машинамизнинг “қилиғи”, “қадам олишимиз” ўша-ўша...

Йўл кечагидай... Лекин барибир унинг таноби тортилиб боряпти. Шунисиға шуқр.

Бухороға кираверишда тамаддиландик. Суюғиға окрошка (яхна шўрва) бор дейишганида қанчалик суюнганимизни тасаввурингизға сиғдирилмайсиз. Бир яйраб, маза қилар эканмиз-да деб ўйлабмиз. Яхдай ичимликлардан роҳатланиш борасида армоним борлиғи учун шахсан мен бошқалардан ҳам ортиқроқ қувониб эдим. Икки кун аввал, Нукусға етмай, нақ ёнаётган сахро ўртасидаги ошхонада тушликка тўхтадик. Камина оёғим оғриётгани боис совуқ нарсадан ўзимни тийишга мажбур бўлаётгандим. Табиийки, ҳамманинг ҳам аъзои бадани чанқоқдан, иссиқдан ёнарди. Ҳамроҳлар менинг кўзимни куйдиришиб, муздай суюқликлардан симириб-симириб нўш этишди. Яна, индамай ютишавермай, “Оҳ-оҳ, бунақа лаззат, бунақа фароғат қайда бор-а, ўзиям нақ тилаган жойға боряпти-да...” деб ичимни роса қиздиришганди. Шунинг учун окрошкадан икки ҳисса ичиб аламдан чиқишни мўлжаллаб турувдим. Ваҳоланки, буларнинг “яхна шўрва”си фақат бодринг тўғралган суюқ айроннинг ўзи экан, устига-устак муздай ҳам эмас, ҳафсалам бир совуди, бир совуди... Аммо Оллони ҳам, тавбани ҳам айтиш керак: бутун товук пиширишларига гап йўқ экан. Яхши қайнатилган, енгил қовурилган, беғубор, ранги тиник - қизил билан сариқ чатишган сабзи тусида. Назаримиз ҳам, меъдамиз ҳам кўп ҳузурланди.

Ана шу кайфиятни мумкин қадар узокроқ асраш ниятида, орзусида эдик. Одам боласи ғамда хурсандчиликни, шодликда ғуссани тез унутадиган зот-да. Бироқ, ҳаёт ҳам анойи эмас: хоҳлаган пайтида кавушингизни тўғрилагандек, оға бошлаган ҳар қанақа мувозанатни бир зумда ростлаб қўяди.

Устахона излашга тушдик. Биров фалон жойда дейди, бошқаси пистон ерда... Устахона-ку ҳар қадамда, фақат “Хундай-старекс” бизда кўп эмаслиғи учун унинг мутахассислари ҳам кам, малакали созловчиларини топиш қийин экан. Усталар асосий кусур – моторнинг ўчиб қолиши сабабини аниқлай олишмасди. Яқин Шарқ мамлакатларига сафаримиз чоғида “Ота йўл” автобусимиз ҳам бир неча кун ҳунар кўрсатувди. Унда киш, қаттиқ совуқда соляркани илтиб ўтказувчи миттигина ускуна куйиб қолиб шундоқ бўлган. Ўшанда ҳам моҳир устани кўп излагандик. Ҳозир қайноқ ёз, ҳарорат қирқдан анча баланд. Ё... иссиқдан бўляптимикин... деймиз.

Ниҳоят, машинанинг касалиға аниқ ташхис қўйиш учун уни махсус компьютерға солиш керак, бундай техникасиз муаммонинг ечимини топиш мушкул, айнан ўшандай компьютерли устахона фалон жойда... дейишди. Эгри-бугри, гадоё топмас кўчалардан юриб айтилган манзилни топдик, овлоқ жойда экан. “Э, “Хундай”нинг устаси, мана, биз-да”, деб кутиб олишди. Хайрият-эй, деб, енгил нафас олдик. Енг шимариб ишға киришишди, бир мунча сўмға эҳтиёт қисмлар олдиришди. Биз беш-олти чақирим наридаги, устанинг укасиға қарашли ошхонада (тушлик вақти ҳам бўлиб қолувди-да) томоқланиб, бировимиз пиволашиб, бошқамиз чойлашиб ўтирдик. Ора-орада устахонадан хабар олиб турдик. Узок уринишди, солярка, фильтр алмаштиришди, мотор атрофини, машина остларини обдан синчиклаб текширишди-ёв!..

Тўрт соат деганда “Уловингиз гатоп!” дейишди. Хизматларига бир дунё соққа олишди. Қўшимчасиға, сўрашмаса ҳам қоп-қоп раҳмат айтдик. “Тулпор” чиндан-да, равон юриб кетди, биз ҳазил-хузулга, латиға айтишға тушдик.

Ва лекин ҳайҳот, бу қувончимиз ҳам узокқа чўзилмади, латиғағўйлик чала қолди.

Аслида, раҳбар тузган дастур ва режалар, қолаверса, бошқалар истағиға биноан бир кун Бухорода, бир кун Самарқандда бўлиб, бу шаҳарлардаги тарихий ёдгорликларни томоша, лозим жойларни зиёрат қилмоқ мўлжалланган эди. Энди вазият кун тартибига андак ўзгартириш киритишни тақозо этарди. Машина юриб турганда кетволақолайлик деган фикрға келдик. Дарҳақиқат, Бухоро шаҳридан чиқиб, Бухоро тумани маркази Галаосиёға кирганимизда “Хундай” икки-уч силтандию ўчди-қолди. Аҳмаджон уриниб кўрди, бўлмади. Раёсат қарорига кўра Аҳмаджонни шу ерлик бир такси ҳайдовчи ихтиёриға (у яхши устахоналарни биламан деди-да) қолдириб, ўзимиз ўша йигитни амакисининг “Нексия”сида Тошкентға жўнавордик (Экспедициянинг шунақа “гашт”лари ҳам бор-да. Ким айтади сафар фақат томошаю, роҳат-фароғатдан иборат деб?).

Ярим йўлга етганимизда хушхабар олдик: Галаосиё усталари машинани бир амаллаб юргизиб беришибди. Аҳмаджон тўхтаб-тўхтаб, моторни совутиб-совутиб келяпти экан.

Гулистон шаҳрида хийла айланиб-ўгирилиб Ваҳоб акани уйига олиб кирдик. Жуда ичкарида туришаркан, кўчалари ҳам лабиринтсимон, лекин ҳолати Нукус - Бухоронинг эски йўлидан салгина дурустроқ. Яхшиямки, хонадон хожасининг ўзи бор, йўқса, тун қоронғусида роса тентирар эканмиз.

Янглиш опа билан Тўлқин дарвоза олдида кутишаётган экан, “омонат”ларини эгаларига бус-бутун топширдигу, изимизга қайтдик – истаб-сўраб юриб катта трассага бир амаллаб чиқиб олдик.

Соат тунги бирдан ўтганда Тошкентнинг Ипподром авто, метро бекатига етиб келдик. Муҳаммад Алини ўғли Комронбек машинада келиб олиб кетди. Зокиржон ака иккимиз бошқа таксига ўтириб, “Лабзак” сари равона бўлдик.

О, кадрдон кўноқхонам!...

## СУЮНЧЛИ ХАБАР

*15 июнь, чоршанба*

Муродбахш кун!

Биз ҳам муродга етдик ҳисоб. Зокиржон акаларникида нонушта қилгач, киракаш уловда Андижонга йўл олдик.

Шундай қилиб, Бобур номидаги илмий экспедициянинг ўн минг километрдан зиёдрок масофани босиб ўтган навбатдаги сафари ниҳоясига етди. Сафар мобайнида биз қўшни мамлакатлар вакиллари – муаррихлари, зиёлиларининг тарихимизга, Амир Темур шахсига ва фаолиятига нисбатан қарашлари, муносабатларини, мавзуга оид манбаларни ўрганишга янги маълумотлар тўплашга уриндик. Олимлар билан фикрлар ва китоблар айирбошладик. Энг муҳими, биз Қозоғистонда ҳам, Россияда ҳам Амир Темур бобомиз номи билан боғлиқ юқорида зикр этилган жойларни учратганимизда бу табаррук ва шарафли исму шарифнинг ўша халқлар хотирасига ўрнашиб қолганига ишонч ҳосил қилдик. Шу билан бирга, ҳали халқимиз, миллатимиз, давлатимиз тарихининг пухта ўрганилиши лозим бўлган жабҳалари, даврлари, воқеалари кўплиги, бу соҳаларда тарихчиларимиз олдида улкан вазифалар мавжудлиги аён бўлди. Бу масала ватанпарварлик нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга моликдир. Зеро, *“... инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, тугилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”*.

Андижонда эса бизни ажойиб суюнчли хабар кутарди. Озарбайжонда таниқли адиб Рамиз Аскер томонидан чоп этилган «Бобурнома»нинг мамлакатимиз раҳбарига туҳфа қилинган нусхаси Бобур боғидаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига юборилган эди. Китобнинг Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, таниқли ёзувчи Хайриддин Султонов иштирокидаги тақдироти йиғилганларда маънавият, адабиёт шодиёнаси, кадрият тантанаси сифатида таассурот қолдирди.

Мамлакатимиз раҳбарининг темурий Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилиб ўсган Андижонга ва Андижон халқига катта эътибори ифодаси бўлмиш мазкур маданий воқеа вилоят жамоатчилигига катта мамнуният бағишлади.

*2011 – 2012 й.*



## **НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САФАРНИНГ МУХТАСАР БАЁНИ**

Россияга қилинган дастлабки сафар вақтида дуч келинган Амир Темурга дахлдор маълумотлар, ота-ўғил муаррихлар - Арнольдлар билан суҳбатлар, Соҳибқирон ва Тўхтамиш муҳорабаси юз берган жой тўғрисидаги янги фаразлар ҳамда россиялик ҳамфикрларимизнинг жангнинг Россия тақдиридаги аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалари, айниқса, ёдгорлик ўрнатиш борасидаги таклифлари Халқаро Бобур жамоат фонди раисига тинчлик бермай қўйган эди. Унда бу муҳим масалаларда узил-кесил бир тўхтамага келиш керак экан, деган фикр туғилган эди. Лекин анча чигал, ҳатто сиёсий эътиборга молик бу муаммони шунчаки гап, тахмин билан ҳал қилиб бўлмайди. Аввало тарихий тўқнашув юз берган жойга аниқлик киритиш лозим. Бунинг учун илмий асос керак. Илмий асос учун – археологик тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар эса холис ва ишончли бўлиши, бунинг учун россиялик мутахассисларни жалб этиш зарурлигини Зокиржон ака яхши англади. Сидқидилдан қилинаётган хайрли ишларни Аллоҳ ҳам қўллаши яна бир бор ўз исботини топди.

Экспедициянинг Соҳибқирон босиб ўтган манзиллар бўйлаб сафари Россия Федерациясининг Самара, Челябинск вилоятларидаги айрим тарих ишқибозлари, ўлкашунослар қулоғига етиб, уларнинг кўнглига қизиқиш солиб қўйган эди. Бир куни Зокиржон акага Челябинскдан бир муаллим кўнғироқ қилиб қолди.

- Зокир Машрабович, экспедициянгиз тўғрисида кеч, биз томонларга келиб кетганингиздан кейин эшитиб қолдик. Сизлар билан учрашишни жуда-жуда хоҳлардик. Сизлар қизиқаётган тарихий жанглар хусусида фикримиз бор эди...

Кўп ўтмай, иккинчи кўнғироқ келди.

- Сизни Самарадан Александр Александрович безовта қияпти, - деди нотаниш овоз...

Уч-тўрт кундан сўнг Юрий Бриков – Самара вилоят ўлкашунослик музейининг Самара тумани бўлими бошлиғи алоқага чиқди.

Кейинги кўнғироқлар эгаларининг муддаолари ҳам Бобур халқаро илмий экспедицияси раҳбари билан кўришиш, Амир Темур ва Тўхтамишхон муҳорабалари борасида, асосий жанг содир бўлган жой юзасидан ўз қарашларини маълум қилишдан иборат эди.

- Самарада Амир Темур мозийгоҳини ташкил этиш ниятимиз бор, - деди Бриков навбатдаги суҳбатда муддаосига аниқлик киритиб.

Шунингдек, экспедиция аъзолари бўлиб қайтган ҳудудлардаги аҳоли вакиллари (ўлкашунослар, тарихчилар, археологлар, маҳаллий ҳокимият ташкилотлари) хатлар ва маҳаллий Россия газеталаридан айрим қизиқарли маълумотлар ҳам олинди. Бу хабарларда ўлкашунослик изланишлари борасидаги ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида сўз юритилади. Айниқса, мамлакатимиз тарихига бевосита алоқадор бўлган буюк Соҳибқирон Амир Темур ва унинг Олтин Ўрда билан муносабатлари ҳақидаги далиллар диққатни тортади. "Самарские Известия", "Волжская Коммуна", «Аргументы и факты. Самара»

газеталаридаги мақолалар, телевидение орқали берилган хабарлар ана шулар қаторига киради.

Айниқса, Самара вилояти Красный Яр тумани Тарих музейи директори Ю.А.Бриков, ўлкашунослар А.А.Опарин ва А.С.Малигинлар томонидан буюк Амир Темур ҳамда Тўхтамишхон ўртасида бўлган жанг майдони деб аниқланган ҳудуд, ноёб муҳофаа иншоотлари билан ўралган вақтинчалик ҳарбий қароргоҳ қолдиқлари, темирдан ясалган жанговар қуроллар ва бошқа топилмалар (пайконлар, пичоқ, сопол идишлар каби ҳар хил буюмлар) ҳақидаги хабарлар диққатга сазовор эди. Россиялик муҳофазасислар, хусусан, Самара Давлат университети профессори Э.Л.Дубман бу топилмалар ва Соҳибқирон ҳарбий қароргоҳида қайд этилган муҳофаа иншооти ўрта асрлар Русияси учун хос эмаслигини таъкидлаган. Шунинг учун ҳам самаралик ўлкашунос олимлар Россияда сафарда бўлиб қайтган Бобур халқаро илмий экспедицияси раҳбарига мурожаат этиб, Амир Темур ҳарбий қароргоҳидаги топилмалар билан танишиш ва улар ҳақидаги фикр, хулосаларини ўртоқлашиш учун Самарага қайта таклиф қилишарди.

Россиялик Амир Темур ихлосмандлари билан шу тарзда бошланган қизғин муносабатлар чиндан ҳам экспедициянинг навбатдаги сафарини ташкил этишни тақозо қиларди. Шу сабабли Зокиржон Машрабов тажрибали археолог олим, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг бўлим мудирини, тарих фанлари докторини Боқижон Матбобоевни ёнига олиб, Самара туманига етиб боришга қарор қилди.

Амир Темур ҳарбий истехкомини (лашкаргоҳини) аниқлаш борасида илмий-амалий ишлар олиб боришаётган ўлкашунос А.А.Опарин ва тарихчи, Красный Яр тумани ўлкашунослик музейи директори Ю.В.Бриков экспедиция аъзоларини Самара аэропортида кутиб олишиб, бир ҳафта мобайнида уларга мўлжалдаги жойлар, манбалар билан танишиш имкониятини яратдилар.

Тарихий манбаларда Волга дарёсининг ирмоқларидан бири Кондурча дарёси бўйида, аниқроғи, Кондурча ва Сок (бу термин совуқ, соовуқ сўзидан олинган дейилади) дарёлари ҳавзасида ҳаёт-мамот жанги бўлиб ўтгани қайд этилган. Кондурча дарёсининг умумий узунлиги 342 км. Жанг унинг қайси қисмида: юқорими, ўртами ё қуйи оқимида рўй берганлиги ҳақида мунозаралар давом этмоқда. Агарда Амир Темурнинг тузуклари талабларидан келиб чиқилса, мазкур дарёларнинг юқори оқимлари изланаётган ҳудудга мос келмайди. Яъни, мазкур жойлар ботқоқлик, пастқам ва ўрмонзорлардан иборат. Дарёнинг қолган қайси қисми асосий жанг майдони бўлгани ҳақида фанда камида 3 та эътироф этилган фараз ва хулосалар мавжуд.

**Биринчи фаразга кўра**, жанг ҳозирги Красный Яр тумани ҳудудида - Кондурча ва Сок дарёлари туташадиган жойда рўй берган. **Иккинчи ғояни** илгари сурувчиларнинг хулосасига кўра, жанг майдони биринчи нуқтадан 90-100 км. шимолроқдаги Сергиевский тумани депарасига, **учинчи тахминга** кўра, жанг майдони биринчи нуқтадан 80-90 км.лар шимоли-шарқдаги Кошки тумани ҳудудига тўғри келади. Хусусан, Михаил Арнольдov ва унинг отаси Николай Арнольдovлар учинчи ғоя тарафдорлари эди. (Кўпчилик маҳаллий тарихчилар билан бўлган учрашув ва мулоқотларимиз, уларнинг дунёқарашлари, муносабатлари, далиллари сафарноманинг дастлабки қисмида мужассам баён этилгани боис, мазкур фикр ва ҳолатларни такрорлаб ўтиришни лозим топмадик).

Маҳаллий ўлкашунос-олимлар иштирокида тахмин ва таклиф этилган ҳар учала ҳудуд ҳам Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзолари томонидан географик ва археологик нуқтаи назардан батафсил кўздан кечирилди. Айтиш керакки, юқорида келтирилган ҳар учала фаразнинг асосли ва заиф томонлари мавжуд, аммо, табиийки, ҳар ким ўз фикрини асослашга ҳаракат қилади.

**Кондурча ва Сок дарёлари қўшилиши жойидан узоқ бўлмаган бепоён майдон** тузилиши ҳарбий ҳаракатлар учун қулай, Амир Темур тузукларида ишлаб чиқилган талабларнинг деярли барчасига жавоб беради, деган хулоса мантиққа яқинроққа ўхшарди. Агарда иккинчи ва учинчи ғоя тарафдорлари ҳеч қандай моддий-маданий ашёларсиз, "Зафарнома"да берилган айрим маълумотлардан келиб чиқиб фикрларини асослашга

уринаётган бўлсалар, биринчи ғоя тарафдорларининг кучли томонларидан бири - белгиланган ҳудуддан қўлга киритилган археологик ашёвий далиллардир. Булар: 1) жанг майдони ўрни; 2) Амир Темур ҳарбий қароргоҳи (лагерь) қолдиқлари ҳамда 3) бу жойлардан топилган темирдан ясалган қурол-яроғ намуналари ва бошқа буюмлардир. Ҳозирда ҳарбий қароргоҳ ҳақида айрим фикрларни айтиш мумкин. Вақтинчалик лагерлар ҳарбий юришларда тактик усуллардан фойдаланишда муҳим стратегик пунктлар ҳисобланади. Темур ўз юришлари пайтида мазкур истеҳкомлардан бир нечасини қургани ва фойдалангани манбаларда зикр этилади. Масалан, Эльбрус тоғи яқинидан ўтган Самур дарёси бўйидаги ва 1391 йил 4 июнда Иик дарёсидан кечиб ўтилган ерда қурилган лагерларни мисол келтириш мумкин. Демак, Кондурча жанги учун махсус ҳарбий истеҳком - лагерь бунёд этилгани шубҳасиз. Хуллас, экспедиция аъзолари икки улкан армияни бир ерга жойлаштириб жанг қилиш мумкин бўлган ҳудуд Кондурча ва Сок дарёлари қўшилган ҳудуд яқинидаги кенг майдон, деган тўхтамга келдилар.

Ҳарбий истеҳком ўрнини самаралик ўлкашунослар Ю.В.Бриков ва А.А.Опарин бошқа олимлар иштирокида аниқлашга жиддий ҳаракат қилганлар. Экспедиция аъзолари улар белгилаган лашкаргоҳнинг космик суратларда ҳам кўринганига гувоҳ бўлдилар. Самаралик ўлкашуносларнинг фикрича, қароргоҳнинг жануб ва жануби-ғарб томонларини икки дарё: Кондурча ва Сок дарёлари табиий равишда ҳамоя этади. Шимоли-ғарб ва шимоли-шарқ соҳили олд тарафида ҳандақ қазилган ва кўтарма ёки тупроқ девор кўринишидаги сунъий ғов билан мудофаа этилган. Ҳандақ эни ҳозирда 4 метрга боради, кўтарма эни ҳам тахминан шунча, лекин уларнинг қанчалик чуқур бўлганини аниқлаш қийин эди.

Мудофаа иншооти Сок дарёсининг қуриган ўзанидан бошланиб Малая Каменка қишлоғигача давом этган ва ўша ерда бурчак ҳосил қилиб, қайрилиб Кондурча дарёси қирғоғи билан туташган (3900 метр). Ҳар 535 метрда (ёки 750 кадамда) махсус кириш дарвозалари ясалган кўринади, уларнинг сони 19 та. Шу тариқа 40-45 кв.км.лар чамаси ҳудудда юқоридан қараганда тўртбурчак кўринишидаги ҳарбий қароргоҳ - лагерь ясалган. Лагерни икки томондан сунъий ўраб олишда деярли барча аскарлар қатнашган, бунинг учун бир неча кун кифоя қилган. Тупроқдан ташқари ҳеч қандай қурилиш материалларидан фойдаланилмаган.

Амир Темурнинг Волга бўйига юришини Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" ва Шарофиддин Али Яздийнинг уни тўлдирувчи шу номли асари бўйича таҳлил этган тарихчи олимлар Б.Д.Греков ва Ю.А.Якубовскийлар *"рўбарў келаётган душман яқин жойидан олд қисмида хандақлар қазилгани, қароргоҳлар бунёд этилгани ва хандақлар олдида тўқилган қалқон (чопар) ва мудофаа қуроллари (турлар) қўйилганини ҳамда қароргоҳларда олов ёқиш ва ҳатто қаттиқ гапириш ҳам таъқиқланганини"* эслатиб ўтадилар.

Лагерь ўрни ва кўриниши борасида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун экспедиция аъзолари ҳудудни «Жип» автомашинасида ва пиёда 3-4 кун айланиб, батафсил ўргандилар. Лагерь ўрамида кейинги 50-60 йилда вужудга келган Кочкори (Кўчқорчи), Трухмянка, Угловое қишлоқлари атроф-далалари билан жойлашган эди. Амир Темур қўшинининг асосий жанговар қисмлари: сўл қаноти ҳозирги Кочкори қишлоғидан ғарброкда, **ўнг қаноти** ҳозирги 204-баландлик нуқтаси атрофида ва ниҳоят, Темур ўзи турган **марказ кўшинлари** Орошенки пунктининг шимоли-ғарбида ўрнашган бўлиши керак. Муаррих, солномачиларнинг фикрича, Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари вақтида олдинда **хабарчилар**, улар ортидан **ясовул** бўлинмаси, кейинроқда **манглай - авангард** қисм ҳаракатланган. Манглай билан асосий қисмлар оралиғида қўмондоннинг ҳаракатдаги қароргоҳи ва унинг яқинида захира (резерв) қисмлар жойлашган. Ҳар бир қанот олдида кўшимча кўриқчи манглай - авангард, ён томонда биттадан кўшимча аскарый кўшилмалар - **қанбуллар** бўлган. Шу тариқа кўшин етти қисм - **қўлдан** иборат бўлган. Қўл ҳозирги корпусга тенглашади.

Кондурча жангида Соҳибқирон кўшинларни жойлаштиришдаги мазкур янги тартибни ҳарбий тактика тарихида биринчи бор қўллайди. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича,

моҳир саркарда бешта қўл (корпус)ни жанг майдонига ташлаган бўлса, иккитасини захирада сақлаган. Шунга қўра, ўнг қанот орқа томонидаги манбаларда тилга олинган Черная дарёси ҳозирги Сок дарёси бўлиши мумкин ва бу номнинг келиб чиқиши нуктаи назаридан маҳаллий топонимик ҳолатга тўғри келади. Кондурча, Кандабулок, Сок, Кочкори, булар келиб чиқиши билан туркий сўзлардир. Яъни, Черная речка - Қора ва Қорасу ўзагининг Соок-Суу қисми бўлиши мумкин.

Тарихий маълумотларда даҳшатли тўқнашувдан кейин ҳар ўн кишидан еттитаси жангдан омон ва ёки яраланиб чиққани тахмин қилинади. Ўттиз фоиз яраланган аскар, хизмат этувчи кучлар ва қўшимча отлар ҳарбий истехкомда қолдирилган бўлиши керак. Амир Темур номи билан боғланаётган ҳарбий истехком мудофаа чизиғида кўтарма девор ва унинг олдида ҳандақ мавжудлиги билан Ўрта Осиёдаги шундай ҳимоя усулларига жуда ўхшаб кетади. Бироқ бу мудофаа маскани эндигина археологик жиҳатдан қовлаб махсус ўрганила бошланди. Тўғри, ушбу мудофаа иншооти қисқа муддат фойдаланилган ҳарбий лагерь тизимининг бир қисми эди, холос. У ғанимларни ўзига хос даҳшатга солувчи ва тактик ҳийла йўлида бунёд этилган бўлиши ҳам эҳтимол. Чунки Соҳибқироннинг армияси жуда тез ҳаракатланувчи катта куч эди. Самарқанддан то жанг майдонигача бўлган 2500 километрлик масофани 200 минг кишилик армия билан талофатларсиз, йўлдаги бир неча дарё кечувларидан солда ўтиб, Кондурча ҳавзасига етиб бориши ҳарбий санъат тарихида жуда кам учрайдиган мардонавор, жанговар юришдир.

Манбаларда баён этилишича, ўрта асрларда армияларнинг пиёда аскарлари бир кунда ўртача 20-25 км. масофани босиб ўтишган. Амир Темур махсус чоралар кўриб, қўшиннинг шиддатли ҳаракатланишига имкон яратган. Армия ортикча юк араваларисиз ҳаракатланган ва пиёда аскарлар ҳам камида иккита от билан таъмин этилган. Йўлнинг асосий қисми ўт-ўланлар ниш ургандан то улар роса пишиб этилган вақт оралиғида босиб ўтилган. Суворийлар ва пиёдалар ҳамжиҳат ҳаракат қилганлар ва улар тезликни 50--80 км.га етказишга эришганлар. Бу буюк бобомизнинг ноёб ҳарбий саркардалиқ қобилияти ва моҳир ташкилотчилигидан далолат эди. Бундан мутлақо беҳабар душман Амир Темур армияси 20 км. тезликда ҳаракатланмоқда деб ўйлаган.

Юқорида тасвирланган ҳарбий лагерь камида 100-150 минг аскарни бир вақтда ўз ичига олиши ва улар жамики зарурий нарсалар билан таъминланиб, жанговар ҳолатда сақлаб турилиши лозим эди. Озиқ-овқат, ем-хашак, керак бўлса, ётиб-туриш учун шароит лагерьда муҳайё қилинган. Бироқ Кондурча ва Сок дарёлари қўшилиш жойидаги жанггоҳда қолдирилган ашъвий далиллар ҳозирча кам топилган. Фақат кейинги йилларда жанггоҳдан ва лагерь ички қисмидан темир буюмлар топилмоқда. Ҳозиргача самаралик ўлкашунослар Ю.В.Бриков, А.А.Опарин ва бошқа олимлар коллекциясида 30 га яқин топилма қайд этилган. Улар орасидаги айрим тангалар Кондурча жангигача бўлган даврга тааллуқли бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Темир пайкон, пичоқ, бошқа темир буюмлар XIV-XV асрга оид деб саналаниши мумкин. Сопол буюмлар кам учрайди, бу оддий ҳол. Чунки узок масофаларга асосан ёғоч идишлар олиб юрилган. Ҳар икки катта армиядаги аскарларнинг совутлари, қурол-яроғлари, от-уловлари, ҳалок бўлган кишиларнинг жасадлари қаерда қолган - бу ҳақда келгусида олиб борилиши режалаштирилаётган археологик тадқиқотлар натижасига қўра фикр билдириш мумкин. Балки улар жангдан сўнг йиғиб олинган, ҳалок бўлганлар эса жанггоҳдан ташқарида дафн этилгандир. Бундай қабристонлар ҳозирча маълум эмас. Бундан ташқари, тупроқ ва маданий қатламлар таркиби (ёши)ни ўрганиш мақсадида тупроқшунослар иш бошлаши кутилмоқда, галдаги вазифа археологик, топографик ва бошқа кузатув изланишларини ҳам тезроқ бошладан иборат.

Бобур халқаро илмий экспедициясининг келгуси режаларида Россия Федерацияси ҳудудларига қайта сафар қилиб, Астрахань, Волгоград (Олтин Ўрда, Кўк Ўрда, Оқ Ўрда), Саратов шаҳарлари, Самара вилояти ўлкашунос-археолог олимлари билан келишувга биноан Волга дарёси соҳилидаги Амир Темур ҳарбий истехкоми ҳудудида олиб бориладиган археологик илмий-тадқиқотларда иштирок этиб, ўз қўллари билан бир неча шурф қавлаб, у ердан чиққан топилмалар билан ўртоқлашиш, сўнгра сафарни давом

эттириб, Кавказ ўлкалари – Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Тоғли Қорабоғ орқали Эрон заминига ўтиш, ундан Кўхна Урганчга қайтиб, Амир Темур қадамжоларини зиёрат қилиш, керакли маълумотлар тўплаб, илмий истеъмолга киритишдек мақсадлар кўзда тутилганди.

Ана шу ниятларни амалга ошириш учун Самара вилоят ўлкашунослик музейи директори, таниқли олим-археолог Л.В.Кузнецова ва археология бўлими бошлиғи, тарих фанлари номзоди Д.А.Сташенковлар билан Амир Темур кўшини бўлганлиги фараз қилинаётган жойларда ҳамкорликда илмий қазилмалар ўтказиш борасида маслаҳатлашиб олинди. Музей раҳбарияти ташкилий ишлар билан боғлиқ расмийликларни ҳал қилиш ва Россия Федерацияси Маданият вазирлигидан рухсатнома олишга сўз берди. Ўзбекистонлик мутахассис-олимлар шу тариқа Амир Темурнинг Волга соҳилларида қолдирган моддий-маданият намуналарини аниқлашда ўз ҳиссаларини кўшишни режалаштирдилар.

1391 йилги Кондурча жанги Соҳибқирон ғалабаси билан ниҳоясига етди. Лекин бу уруш Тўхтамишхон ва унинг давлати тақдирини узил-кесил ҳал қила олмади. Ғаламис ва маккор душман Амир Темур билан яна жангга жиддий тайёргарлик кўра бошлади: Тўхтамишхон 1393-1394 йиллари Миср султони ва Литва князи билан Соҳибқиронга қарши иттифоқ тузишга ҳаракатлар қилган.

1395 йил 17 апрелда икки қарама-қарши армия Терек дарёси бўйида бир-бирлари билан яна тўқнашади ва энг катта жанглардан бири бошланади. Амир Темур Терек бўйида ҳам 1391 йилги зафарли Кондурча жанги тактикасини қўллади. *"Ҳижрий 797 йили Дашти Қипчоққа кирдим ва узоқ шимолда ястаниб ётган ерларгача бордим. Менга қарши бўлган Жўжи эл-улусини бўйсундириб, ўзимга тобеъ этдим"* ("Темур тузуклари"). Соҳибқирон Дашти Қипчоққа қарашли бўлган кўплаб вилоят ва шаҳарларни ўзига бўйсундиради. Аввалги жангда Соҳибқирон Олтин Ўрда пойтахти Сарой Беркага юриш қилмаган ва натижада душман тезда ўзини ўнглаб, яна катта куч йиғиб олган эди. 1395 йили қиш ойида Амир Темур Олтин Ўрданинг иқтисодий ва ҳарбий маркази Сарой Беркани ва Ҳожи Тархонни (Астрахань) эгаллаб, бўйинсундиради. Шундай қилиб, Соҳибқирон Европа ва Осиё халқларини зулмда ушлаб келаётган Тўхтамишхон давлатига беш йил давомида икки марта каттиқ зарба беради. Бу жангу жадаллар Олтин Ўрда тақдирини ҳал этди: у батамом тор-мор қилинади ва майда хонликларга бўлиниб кетади. Тўхтамишхон яна тахтга қайтиш учун кўп ҳаракатлар қилади, чунки, у Волганинг шарқий томонидаги барча ер-мулклардан ажраган эди. 1397-99 йиллари Литва қироли ёрдамида Олтин Ўрда амири Қутлуғ Темур<sup>1</sup> ва ўзининг собиқ бекларидан бири Нўғай Ўрда хони, Идику (рус китобларида Эдигей, Эдигей)га қарши жанг қилади, аммо яна мағлубиятга учрайди. 1408 йили Тулин (Тюмень) шаҳри яқинидаги ҳокимият учун жангларнинг бирида Тўхтамишхон Идику (баъзи манбаларда Қутлуғ Темурнинг ўғли Шодибек) томонидан ўлдирилади.

Хуллас, Кондурча жанги Евроосиё халқлари тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Самарқанддан Волга соҳилларидаги Жигулевск тоғ этакларигача қилинган ҳарбий юриш тарихда ўз кўлами билан ягона бўлиб қолди. Чунки ушбу жанг Олтин Ўрдани заифлаштирди ва охир-оқибатда у чок-чокидан ситилди. Афсуски, ота-бола Арнольдовлар қуюнишганидек, бу муҳораба ҳақида Россия мактаб дарсликларида маълумотлар деярли учрамайди. Михаил Арнольдов ёзганидай, мазкур жангнинг Русия учун алоқаси йўқдек, фақат икки осиелик лашкарбоши ўзаро ҳақ талашгандек. Русь ерларининг мўғуллардан озод бўлишида Соҳибқироннинг роли бўлмагандек... Бундай нотўғри нуқтаи назар айрим собиқ Иттифоқ ва Россия тарихчилари онгига ҳам сингиб кетган. Таниқли тарихчи олимлар Бўрибой Аҳмедов, Ҳамид Зияев, ёш тадқиқотчи М.А.Арнольдовлар Тўхтамишхоннинг тор-мор этилиши Олтин Ўрдага берилган қақшатғич зарба бўлганлигини таъкидлайдилар. Русияга

<sup>1</sup>Тарихий манбалар ва хусусан замонавий китобларда айрим исм ва маълумотлар турли шакл ва рақамларда берилдики, қайси бири тўғрилигини фарқлаш қийин. Масалан, Қутлуғ Темур "ЎзМЭ"да "Олтин Ўрданинг нуфузли амирларидан бири" дейилади. Ўша пайтдаги маълумотларга қараганда Қутлуғ Темур Қрим ва Хоразмда (1321-1338) волий, ноиб бўлиб турган. "Амир Темур жаҳон тарихида" китобида ёзилишича Қутлуғ Темур Амир Қазағоннинг кўёви бўлиб, "1360-1361 йилларда Мовароуннахрга(қаердан?) юриш қилгани" ёзилган. "ЎзМЭ"даги Тўхтамишхонга оид мақолада Темур Қутлуғ шаклида ёзилган шахснинг Қутлуғ Темурми, бошқалиги номаълум.

шунча азоб-уқубат ва талофат етказган мўғуллар зулмининг томири қирқилади. 1395 йилдан бошлаб Олтин Ўрда таназзулга юз тутди. Соҳибқирон нафақат Русия, балки Европа халқлари учун ҳам озодлик-мустақилликдек буюк ишни амалга оширди. Мазкур ғалаба Русия майда давлатларининг мўғуллар истилосидан қутулишини ва рус князликларининг бирлашишини жадаллаштирди. Соҳибқирон Амир Темур ўз ҳаёти давомида юксак ҳарбий даҳолик намунасини кўрсатди, қатъиятлик билан ўз жамиятига сидқидилдан хизмат қилди.

Юқорида келтирилган далиллар айтилиши пайтда айрим Россия илмий доиралари эътиборидан четда қолаётган бўлса-да, рус жамияти, маҳаллий аҳоли улкан Кондурча жангининг оламшумул аҳамиятига ва ундаги Соҳибқироннинг тарихий ролига қизиқиш юқори эканлигини билдирмоқда. Масалан, ўтмиш тарихни ўрганиш борасида Самара вилоятида ҳарбий - тарихий клублар ва қидирув экспедициялари фаолият кўрсатмоқда, фольклор ва этнографик изланишлар олиб борилмоқда, Красный Яр тумани маъмурияти раҳбарлари экспедиция аъзолари билан учрашувда Россия тақдири билан боғлиқ Кондурча дарёси бўйидаги жангга бағишланиб ўтказилаётган ва турли сабабларга кўра тўхтаб қолган анъанавий ҳарбий-тарихий фестивални тиклаш учун ҳаракат бўлаётганини таъкидладилар.

Самара вилоятининг таниқли мусаввири А.С.Малигиннинг буюк Амир Темур сиймосида Кондурча - Сок дарёлари соҳилига жойлашган ҳарбий истехкомнинг ҳозирги кўринишини яратганлиги ҳам у ердаги зиёлиларнинг ушбу масалага ижобий, одилана ёндашаётганлигидан далолатдир. Маҳаллий маъмурият ва зиёлилар билан бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида билдирилган, бу ерда олиб борилаётган археологик-тадқиқотлар натижасига кўра, Амир Темур бобомизнинг Россия озодлиги билан боғлиқ машҳур жангига бағишлаб очиқ осмон остида музей яратиш ғояси мақсадга мувофиқдир.

Энг қувонарлиси, 2012 йил март ойида маҳаллий аҳоли томонидан Кондурча жанги майдонида маҳобатли эсдалик лавҳаси ўрнатилган. Лавҳага *"Бу ерда Амир Темурнинг 1391 йили Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши юриш чоғидаги ҳарбий қароргоҳи жойлашган. Ёдгорлик Кондурча жангининг 620 йиллиги муносабати билан ўрнатилди"*, деган сўзлар битилган. Бундан ташқари, Кондурча жанги ва Амир Темурга бағишланган музей ташкил этиш борасида ҳам ҳозирлик олиб борилмоқда. Бу ҳам бизни қувонтиради, албатта. Красный Яр тумани маъмурияти билан бўлган мулоқотда улар музей учун экспонатлар ва келажакда Амир Темурга ёдгорлик (ҳайкал) ўрнатиш масаласини ўртага қўйишди. Экспедиция аъзолари бу таҳсинга арзигулик таклифни қўллаб-қувватлаб, муаммони ижобий ҳал этиш учун давлатлараро алоқалар тизимига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтдилар. Демак, Россия худудида яшаётган оддий халқ, зиёлилар буюк Амир Темур бобомизнинг хизматларини тўғри баҳолаб, тарихий ҳақиқатни қарор топтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Волга соҳилида жойлашган қадимий Булгар шаҳрига сафар олдидан А.А.Опарин Самарада фаолият олиб бораётган ўзбек тадбиркори, Соҳибқирон ҳарбий истехкомини ўрганишда қатнашаётганлардан бири Ўрол Жўраевнинг экспедиция аъзолари билан учрашиш ниятида эканлигини ва улар жойлашган меҳмонхонага келмоқчилигини маълум қилди.

Меҳмонхонада ҳамюртлар билан бўлган қизиқарли суҳбатдан сўнг, экспедиция аъзолари А.А.Опарин ҳамроҳлигида автомобилда қадимий Булгар шаҳрига жўнаб кетишди. Ўрол Жўраев эртаси куни уларни Амир Темур ҳарбий истехкомида кутиб оладиган бўлди.

1985 йилдан бошлаб Самара вилоятида фаолият олиб бораётган, асли денов(Сурхондарё)лик Ўрол Жўраев, дарҳақиқат, Самара вилоятида обрў-эътибор қозонган ишбилармонлардан ҳисобланар экан. Красный Яр тумани худудида жойлашган Буюк Амир Темур истехкоми худудидан каттагина ер сотиб олиб, у жойга шарқона-ўзбекона уй-жой бунёд этган экан. Ҳовлидаги иморатлар, унинг жиҳозлари - ҳаммаси Ўзбекистонга хос. Гўё бир парча Ўзбекистон шу жойда мужассамлашгандек.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифларни амалга ошириш юзасидан бугунги кунда яхши ишлар бошланган. Зеро, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг Русияни озод қилишдаги буюк хизматлари ўз ҳаққоний баҳосини олиши учун етарли

асослар мавжуд. Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзолари эса улуғ бобомиз ворислари сифатида тарихимиз варақларини халқимизнинг барча қатламлари, айниқса, ёшларимиз онгига ҳаққоний етказилишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш учун астойдил бел боғлашган. Улар шўролар сиёсатининг таъсири ўлароқ, хорижий муаррихларнинг тарихимизга баъзида пинҳона ва баъзан очикдан-очик "тош отишлар"ига асосли далиллар билан муносиб жавоб қайтаришни ўзларининг тарих олдидаги, Ватан олдидаги бурчлари, деб биладилар.

## *Иккинчи қисм*

### **ЎША ВА БОШҚА МАНЗИЛЛАР**

Ниҳоят, менинг яна бир орзу-армоним ушаладиган бўлди – шеърият даҳолари Пушкинга, Лермонтовга битмас-туганмас илҳом берган ва бир неча ўнлаб буюк ижодкорларга бешик бўлган, гўзал манзаралар, пурвиқор тоғлар диёри, фусункор табиатли Кавказ ўлкаларини бафуржа сайр айламоқ имкони юзага келди. Тўғрироғи, Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг навбатдаги сафари дастури ва йўналишига мустақил Озарбайжон, Гуржистон, Арманистон республикалари киритилганидан бағоят хурсанд эдим. Менинг хаёлим бу ёқдаю, экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабовнинг фикри-ёди бошқа, режа ва ниятларининг қамрови кенгроқ ва улуғроқ эди. Тиниб-тинчимас, дилига туккан эзгу мақсад-муддаоларини тўла-тўқис рўёбга чиқармагунча ўз аҳди ва шаҳидан қайтмайдиган бу инсоннинг ҳамиша навқирон юраги Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ва темурийлар ҳаётини мукамалроқ ўрганиш, янги илмий маълумотлар топиш истаги билан тўлкинланар ва мудом сафарга ундарди.

Шу борада такрор айтишга тўғри келади. Экспедиция сафарлари фақат сайр, зиёрат гаштидан, топилмалар қувончидангина иборат эмас, балки, йўл азоби, автомобилда муттасил силтаниб юришлар, чегара-гумрукхоналардан ўтиш машаққати, музтарликлар, сарсонликлар ҳам демакдир. Бир кам саксон ёшдаги одамга-я!.. Ҳолбуки, у билан тенгқурларнинг аксарияти ўз остоналарида ҳассага суяниб соқолини (агар қўйилган бўлса) сийпалаб, офтобшувокни кўзлаб ўтиришади... Илло, қарийб йигирма йил давомида, ўн беш маротабадан зиёд илмий экспедиция уюштириб, бу ёғи Ҳиндистону Бангладеш, бу ёғи Саудия Арабистонию Ироқ, олис Африқогача – уч юз минг километрдан ортиқ масофани босиб ўтган одамга яна етти-саккиз мамлакатни айланиб чиқиш нима бўпти!.. Куч-қувват етарли, ғайрат мўл... Ахир одам дунёга нима учун келади – Аллоҳ ато этган ҳисобли умрни, салоҳият, имконларини юрт-эли фаровонлиги, жамият учун, инсоният қамоли йўлида сарфлаш учун эмасми?

\*\*\*

Сафар **2012 йил, 27 сентябрь** куни эрталаб, анъанага мувофиқ Бобур боғида раҳбар томонидан ташкил этилган “бир пиёла чой” баҳонасида экспедиция хайрихоҳлари, яқин кадрдонлар кузатуви билан бошланди.

Таркибга янги аъзолар - тажрибали археолог, тарих фанлари доктори Боқижон Матбобоев, телеоператор Фурқат Саидмаматов киритилган эди. Ҳайдовчимиз Аҳмаджон Исабоев, уловимиз ўтган сафарги “Хундай-старекс” машинаси. У қайтишда бизни анчагина

хуноб қилган эди, ишқилиб, бу гал унақа хунарлар кўрсатмасин-да, деган фикр кечди кўнглимдан. Лекин қулай, енгил, юмшоқ машина узоқ йўлда жонни унча қийнамайди. Энг муҳими, ўн ўринлик машинада беш кишининг эмин-эркин, яйраб ўтиришини айтинг...

Одатда Зокиржон ака дуои фотиҳадан сўнг экспедиция уловини катта, асосий йўлдан бошларди. Бу гал Андижон шаҳар ичидан ўтиб, Куйганёр, Мойгир орқали Наманган йўналишидан юришга тўғри келди. Ҳамроҳимиз Боқижон Матбобоевнинг она қишлоғи Тўрткўлда яшайдиган синглиси бетоб эди. Аслида Зокиржон ака сафарга бундан бир неча кун аввал жўнашни режалаштирган, лекин Боқижоннинг бемор синглисини ташлаб кетишга кўнгли бўлмаётгани, шунингдек, унинг иш юзасидан ҳисобот топшириши билан боғлиқ муаммо кўндаланг туриб қолгани учун экспедицияни маълум муддатга кечиктирган эди. Матбобоевга ҳам осон тутиб бўлмасди: у Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд Археология илмий текшириш институтида бўлим мудирини бўлиб, бир неча йилдан бери Зокиржон аканинг ташаббуси ва ташкилотчилигида Андижонда археологик-қидирув ишлари олиб борар, айна кунларда Марҳамат туманидаги собиқ Эрши шаҳри қолдиқларини аниқлаш билан банд, шу мақсадда бир неча қазув ўтказган, уларнинг айримлари қайта ёпилган, айримлари ҳали ёпилмаган, хуллас, бу ишни ниҳоясига етказиш масъулияти ҳам археолог дўстимизнинг зиммасида эди. У ёқда ундан тезроқ йиллик ҳисобот топширишни талаб этишар, бу ёқда сингил бетоб... Бояқишнинг бир оёғи Самарқандда, иккинчиси Андижонда, боши қотган. Зокиржон акадан яна экспедиция сафарини суриб туришни сўрайди. Лекин Зокиржон акани ҳам тўғри тушуниш керак. Бу ёғи кузчилик, кундан-кунга ҳарорат пайсайпти, борилажак юртларга қор ташлаб қўйса, кўзда тутилган ишларни амалга ошириш мушқуллашади.

Боқижон ҳаммасидан ҳам синглисидан хавотирда эди. Зокиржон ака эса, унинг синглисига қараши керак бўлган шифокорларни (жумладан ўз қизи, кўз дўхтири Азизахонни ҳам) оёққа турғазган, ҳамсафаримизнинг кўнглини хотиржам қилишга уринарди. Шу тариқа у экспедициянинг жўнаш вақтини Боқижоннинг мўлжалидан бир неча кун олдинга силжитишга муваффақ бўлган эди. (Зокиржон акадаги бирон мавзу ё масаланинг нечоғлиқ муҳимлигига ўзгаларни ишонтира олиш, бошқаларга фикрини ўтказиб, ўз йўриғига юргиза олиш салоҳиятига (сиёсатига деса ҳам бўлади) қойил қолиш керак. Боқижоннинг ташвиши, ҳоли-ҳолатидан яна бирор ҳафтадан кейин йўлга чиқамиз чоғи, деб ўйлаётувдим).

Лекин биродаримизнинг чехраси ҳамон кушод очилавермасди. Зокиржон ака Боқижон аввалроқ бориб, синглисини кўриб йўлга чиқиб туриши учун алоҳида бир машина (Дамас) тайинлади. Меҳрибон ака эса аввал Андижон Давлат тиббиёт институти клиникасига кириб, жигаргўшасига қараётган шифокорлардан ҳақиқий аҳволни ва уларнинг фикрини билиб ўтишни кўзлаётганини айтди.

- Сизлар Ҳақуллобдга бориб тураверинглар, мен ортинглардан етиб оламан, - деди у.

Зокиржон ака азбаройи жонкуярлигидан, қолаверса, ўзининг ҳам имони комил бўлиши учун Аҳмаджонга машинани клиника томонга ҳайдашни буюрди.

Аслида Боқижон бир неча кун кейин самолётда жўнаб ортимиздан Россияга (Самарага) етиб боришга ҳам тайёр эди. Лекин Зокиржон ака бу таклифни ҳам рад этган, зеро, унинг табиатида шерик-ҳамроҳини нотайин, ноқулай вазиятларга ташлаб қўйиш феъли йўқ эди. Кемага тушганнинг жони бир деганларидай, экспедиция бошланган кундан унинг барча аъзолари ташвиши, муаммоси, эҳтиёжларига ва ҳатто ҳаётининг хавфсизлигига ўзини масъул ҳис этарди.

Клиникада Азизахон ва бошқа шифокорлар билан ҳаммамиз кўришдик, улардан сингилнинг аҳволи кундан-кунга яхшиланиб бораётгани, жиддий хавотирга ўрин йўқлигини эшитиб, Боқижоннинг кўзларига нур югуриб, дадиллашди. Унинг жигарбандига меҳри-муҳаббати, меҳрибончилигининг юксаклиги бизни мутаассир этди, ҳавасимизни келтирди.

Икки машина олдинма-кейин Тўрткўл қишлоғига қараб кетдик. Биз Избоскан билан Норин тумани чегарасида кутиб турдик. Боқижон синглисини кўриб, юқларини олиб чиқди.



Шундан кейингина ҳаммамизнинг кўнглимиз жойига тушди. Зокиржон ака энди бориладиган, кўриладиган жойлар, эътибор берилиши лозим бўлган масалалар тўғрисида астойдил, ёзилиб гапира бошлади.

Бу галги сафаримизда Боқижон каби бир фидойи археолог, балки айнан унинг ўзи жуда ҳам зарур эди. Негаки, бу ишга у ўтган гал бош қўшган, Зокиржон ака иккаласи Россияда соҳага дахлдор кишилар билан музокаралар олиб бориб, уларни мавзуга қизиқтириб қўйишган, россиялик археологлар аллақачон иш бошлаб юборишган, энди ўша тадқиқотлар жараёни билан мутахассис сифатида танишиб келиши керак эди.

“Хундай-старекс” ўтган йилги нағмаларидан кейин Тошкентда таъмирлатилган, бундан сал аввалроқ ҳам техника “табиб”лари назаридан ўтказилиб, сафарга шайланган эди. Лекин техника-техника экан-да. Намангандан ўтганимизда машинанинг қай бир еридан афтол мойи сизиб сачраётгани маълум бўлиб қолди. Чустга кираверишдаги устахонада тўхтадик. Устахона мудир ва усталар Зокиржон акани таниб, бизни ўраб олишди. Мудир Рустамжон Исаев тадбиркор ва саёҳат ишқибози экан. У катта машинада бир ҳамроҳи билан хорижий юртлар, кўпроқ Оврўпа мамлакатларига юк таширкан. Айтишича, ҳатто Португалия, Испаниягача борган ва хусусан биз ўтадиган Кавказ йўлларини яхши биларкан, тоғлар, доvonларни таърифлаб-тавсифлаб, йўриқлар кўрсатган бўлди. Ўша ёқларда орттирган танишларининг манзили, телефон рақамларини берди. Сухбат орасида у тажрибали ҳайдовчи эканлигини, Бобур фонди ва экспедицияси фаолиятдан жуда яхши хабардорлигини, агар лозим кўрилса, экспедиция сафарларида ҳайдовчилик қилиш иштиёқи борлигини қайта-қайта таъкидлади.

Усталар “Хундай...”нинг тилини тушунишмагани учун (бу борада мутахассис ҳозирча бизда жуда кам экан) унинг дардига ташхис қўйишолмади ва тайинли маслаҳат ҳам беришолмади. Дўкондан афтол сотиб олдик-да, йўлда давом этдик.

Кейинги эсда қоладиган воқеа – доvonга кўтарилаверишдаги ошхонада кабобхўрлик бўлди. Ўша кунлари жанубий вилоятларимиздан бирида қўйларга қандайдир касаллик теккани тўғрисида узун-қулоқ гаплар чиқиб қолган эди. Шу боис, кабобпазлар раҳбар томонидан пинҳона “сўроққа” тутилиб, гўшт қўйники эмаслигига ишонч ҳосил қилингандан сўнггина иштаҳаларга эрк бердик.

Тошкент остонасига етганда Паркент томонга бурилдик. Бирдан Сомсарак деган номга кўзимиз тушиб қолди. Зокиржон ака унинг “Бобурнома”да (“Сомсийрак”) зикр этилганига диққатимизни жалб этди. Андижон ва Самарқанддан айро тушиб, сарсон кезиб юрган чоғларида омадсиз, маконсиз шаҳзода Паркентни бир қанча муддат ошиён тутган ва шу ерлик ихлосмандлари кўнглига чўғ ташлашга ҳам улгурган эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”да Сомсийрак билан Тошкент оралиғидаги қулай бир ерда ҳарбий машқлар ўтказганини ва Сомсийрак яқинидаги Турок (Қозон босмасида Бурк) боғида олти байтдан иборат “Топмадим” радифли ғазалини ниҳоясига етказганини ёзади. Яъни:

***Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим...***

Бобур Мирзо муваққат қароргоҳ учун мазкур худудларни бежиз танламаган, зеро бу жойлар табиати азалдан кўзга нур, дилларга сурур бағишлайдиган сўлим, баҳаво музофотлар эди. Камина ҳам салкам қирқ йил муқаддам, Тошкент Давлат университетида ўқиётганимда халқ ижоди намуналарини тўплаш амалиётини ўташ даврида Паркент туманидаги Заркент, Кумушкон, Сўкоқ, Чанги деган қишлоқларнинг нақадар фусункор, оромбахшлигига амин бўлганман. Мана ҳозир ҳам пастга шўнғиб, баландга кўтариладиган айлана йўллар, ёнбағри кенг суйрили қир-адирлар орасидаги узумзор ва бошқа мевали боғлар кишида романтик кайфият уйғотар, хаёлни олис ўтмишга тортарди.

Даврнинг илмли, обрўли кишилари қатори бир муносабат билан Ҳиндистонга, Бобур Мирзо ҳузурига борган ва подшоҳ эътиборида бўлган, “Ўз замонасининг баркамол

*маърифатпарвари, толмас, гайратли тадқиқотчи, сайёҳ, улуғ инсон*<sup>1</sup> Ҳофиз Кўҳакий (Кўйкий) ана шу масканда таваллуд топган. У машҳур фалакиётшунос ва риёзатчи, мутафаккир Али Кушчининг набираси бўлиб, “Тарихи Хитой ва аҳволи мулкҳо”, “Чингиз ва унинг авлодлари тарихи”, “Тарихи Тошкандий”, “Мезон-ул адаб” каби ўндан зиёд илмий асарлар муаллифидир. Таниқли ёзувчи Хайриддин Султон (дарвоқе, унинг ўзи ҳам шу диёр фарзанди)нинг “Саодат соҳили” киссаси қаҳрамонидир. Фақат “Бобурнома”да Фаркат дейилган, қомусий китобларимизда эса негадир “Фаркат”га изоҳ ҳам, бу номнинг ўзи ҳам, Паркентнинг тарихи ҳам берилмаган. “Бобурнома” нашрларидаги жой номлари кўрсаткичларида ҳам бу борада андак (масалан “Фаркат (Фарғона)” каби) чалкашликлар мавжуд.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг уйини осонгина топиб бордик – шундоққина муюлишда экан. Бир неча кун муқаддам шоирнинг муҳтарама онаси дунёдан ўтган эди. Эҳсон устидан чиқиб қолдик. Таниқли шоир, “Халқ сўзи” газетасининг бош муҳаррири Ўткир Раҳмат, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латиповлар ҳам шу ерда экан. Улар бизнинг сафарга кетаётганимизни эшитгач, Бобур ва унинг номидаги фонд ҳамда экспедиция фаолияти ҳақида гапира бошладилар, ўз ҳайратларини ва мулоҳазаларини изҳор этишиб, оқ йўл, ишларимизга ривож тиладилар.

Тунаш учун Дўрмондаги ёзувчиларнинг “Ижод боғи”да тўхтадик. Зокиржон акани ҳам шу ерда қолаверишга кўндирдик. Раҳбар алоҳида, Фуркат билан Аҳмаджон бир, Боқижон иккимиз бир хонага жойлашдик. Йўлга чиқишимиздан хабардор кадрдонларимиз – таниқли адиблар Шодмон Отабек, Абдунаби Бойқўзиев палов пишириб, катта лаганга босиб келишди. Бизни эшитиб, шу атрофда яшайдиган шоири замонлар Мирпўлат Мирзо, Турсун Алилар киришди. Ош мўл эди, еб битиролмай нонуштага ҳам олиб қўйдик.

Паловдан сўнг дўстлар билан дийдорлашиб ўтирдик. Улар тарқалишгач, Боқижон билан ташқарига сайрга чиқдик. Ойдин, юлдузлар чароғон, ҳаво тоза, осойишталик, фақат куз аломатлари - оёқ остида ҳазонларнинг учиб шитирлашигина ташқи сукутни бузади, аммо илҳом париларининг сассиз шивирлаши ва эркаланишларини ҳисобга олмаганда қалб сокинлигига раҳна солгувчи бошқа бир омил йўқ. Ҳақиқатан ҳам ижод қилиш учун жуда боп жойлар. Уч қаватли бино икки-уч йил аввал тўла таъмирдан чиқарилиб, хоналар керакли анжомлар билан жиҳозланган, мурватни бурасангиз, иссиқ-совуқ сув...

**28 сентябрь, жума**

Машинамизни устага кўрсатиш учун “Хундай сервис”ни излаб кетдик. (Дарвоқе, Андижондан ҳамроҳ бўлиб келган Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом Дўрмонда бизга оқ йўл тилаб қолди). Устахонани Жанубий темир йўл бекатининг шимол томонидаги сервислар қаторидан топдик. Машина муаллифларининг ҳаммиллатлари - корейс мутахассислари икки соатлар чамаси уловни ковлаб-титкиладилар. Қандайдир қисмларини алмаштирдилар, мойладилар ва мўмайгина ҳақ олдилар.

Собик Самарқанд автобекати атрофидаги олисга юк элтувчи улкан машиналар қароргоҳидан солярка қуйдик-да, соат ўн иккиларда Тошкентдан чиқиб, Жиззах йўлига тушдик. Мўлжалимиз – Бухорога бориб тунаш эди. Улкан табло – йўл кўрсаткичда ёзилишича, Самарқандгача – 287, Бухорогача эса 569 км эди.

Раҳбар ёшга қараб эгаллаган ўринларимизни кўздан кечирди-да, “машина, буюм, умуман, ҳамма нарса инсон учун, аксинча эмас” деган ақидага мувофиқ ёнбош ва оёқ остларимиздаги бемалол, хотиржам, қулай ўтиришга, эмин-эркин ҳаракат қилишга ҳалал берувчи буюм ва ашёлардан ҳоли бўлиш лозимлигини таъкидлади ва шу аснода, одатдагидай, экспедиция, сафардошлик қоида ва тартиботлари хусусида ҳам андак англиштиш бериб ўтди.

Ҳаш-паш дегунча тушлик вақти ҳам бўлиб қолди. Бу масалани “Сирдарё балиғи”

<sup>1</sup> Ҳабибулла Зайниддин. Мавлоно Ҳофиз Тошкандий. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2000 й. 6-сон, 143-б.

ошхонасида балиқхўрлик билан ҳал этдик.

Тошкент - Самарқанд шоҳ йўлидан кетиб боряпмиз. Икки томонда Сирдарё, кейин Жиззах вилоятларига қарашли бепоён пахтазорлар, боғ-роғлар, қишлоқ-шаҳарчалар. Биз бу ерларнинг атиги ярим аср илгари қарийб чўл, даштлардан иборат бўлгани, кўли гул инсон шундай қовжироқ маконларни ҳам экинзорга, ям-яшил далаларга, бўстонларга айлантиргани тўғрисида суҳбатлашамиз, чўлқуварларнинг жасорати, фидойилигига тасаннолар айтамыз. Ҳайдовчи ёнида кўр тўкиб ўтирган Зокиржон ака магнитофон пулти тугмачасини босади. Машина ичидаги радиокарнайлардан олис ва яқин ўтмишдошларимизнинг дарду нолаларини ифодаловчи “Шашмақом” наволари таралади.

Самарқандга кечга томон етиб бордик. Андижон каби, бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарда ҳам ўзгаришлар катта: янги қурилишлар бисёр, табиий ва ярашиқли айланмалари кўп кўчалар истарали, дарахтлари янги кузалган соч-соқолдай ихчам, кўримли, ости ям-яшил майсали хиёбонлар, батартиб йўлаклар озода-ораста, умуман шаҳар саранжом-саришта ва ниҳоятда файзли, осмонида авлиёю алломалар руҳи кезиб юргандай, ажиб бир синоатли, улуғвор туюларди. Самарқандни кўришни болалигиданоқ қалбига туккан, унга етишишни ўзи учун фарз билиб, бир умр интилган ва ниҳоят, 1929 йили орзуси ушалгач, Соҳибқироннинг суюкли шаҳрини сеҳрли эртақлар диёрига ўхшатган, “Шарқона жозибаси билан Қуддусни доғда қолдиради”, “Шарқнинг юраги” каби иборалар билан тавсифлаган таниқли грек адиби ва сайёҳи Никос Казантзакис шаҳарнинг ҳозирги қиёфаси, ҳолатини кўрганида нечоғлик ҳайратга тушиб, қандоқ баҳо берарди экан?

Автоуловлар қатнови анча сийрақлиги учунми, биз – Андижондай аҳоли зич, тирбанд кўчаларида машиналар сўзанаклар тўпи мисол ғиз-ғиз юрадиган жойда яшовчилар учун Самарқанд бирмунча сокин, осойиштадай, одамлари беташвишроқ, хотиржамроқдай кўринарди.

Боқижон иш жойи – Археология илмий текшириш институтига кирди, директор йўқ экан. Муовини биз билан кўришиб қўймоққа чиқди. У раҳбарларининг археологик қазув олиб борилаётган масканларга кетганини айтиб таассуф билдирди (Одоб юзасидан Матбобоев бошлиққа учраб, изн олиши лозим эди).

Ҳамсафаримиз Садтепа массивидаги кўп қаватли уйлардан бирида тураркан. Унинг юқларини олибоқ жўнашимиз керак эди, лекин кенжа ўғли, тош даври мавзуида илмий иш олиб бораётган бўлажак археолог Ҳикматилло (албатта отаси билан бамаслаҳат) шўрва пишириб турган экан, ичмай кетсак, меҳмонлик таомилига тўғри келмас эди. Шу жойда Зокиржон ака масъулиятни ўз зиммасига олиб, Боқижоннинг директори билан телефонда гаплашди, биродаримизнинг ўзи ҳам. Ҳарқалай, раҳнамонинг иззат-хурмати жойига кўйилди.

Бухоро йўлига чиққанимизда қош қорайган эди. Йўл-йўлакай солярка излаб боряпмиз (бу сабил шу кунларда негадир камайиб қолган эди). Ниҳоят бир ҳовлидан топдик. Кўнгиллар равшан тортди. Ҳикматиллонинг мазали шўрвасидан, отасининг у ҳақдаги маълумотлари (бир неча тилни билиши, компьютернинг ўтидан кириб, кулидан чиқиши, яқинда унинг амалиёт ўташ учун Францияга бориши)дан бошланган суҳбат археолог дўстимиз туғилиб ўсган Тўрткўл қишлоғи, умуман ўзбек уруғлари билан боғлиқ жой номларига уланиб кетди. Туячи, арғин, дўрмон, лўғумбек, элатан... Бу каби кўхна масканлар тарихининг мукамал ўрганилмаганлиги, улар, умуман кўплаб қадимий шаҳар ва қишлоқлар ўрнининг янги ҳовли, бинолар остида қолиб кетаётганига таассуф билдирилди. “Одамзотда ўз келиб чиқишини, уруғи-аждодларини билиш туйғуси бўлиши керак”, дейди Боқижон бир оз қизишиб. Зокиржон ака археолог биродаримиздаги айнан ана шу миллатпарварлик, ватанпарварлик хислатларини юксак қадрлар ва Андижон шаҳарсозлиги тарихини ўрганиш борасида қилинган ишлар ва эришилган муваффақиятларда Боқижоннинг ҳиссаси, хизмати катталигини ҳар ерда таъкидлаб юарди.

Ўша археологик-қидирувлар чоғида шаҳарнинг чеккароқ худудидаги Сарвонтепа мавзеида қадимий даврларга оид фавқулудда характерли қатлам, сополлар чиқиб қолгани тўғрисида гап очилди.

- Бу бир мўъжиза бўлди. Меҳнатларимиз, уринишларимиз зое кетмади, - дея эътироф қилди Боқижон.

Дарҳақиқат, Боқижон Матбобоев, Зоҳиджон Машрабовлар ҳаммуаллифлигидаги “Древний и средневековый Андижан” китобининг ёзилишига ҳам ана шундай тарихий, ишончли илмий далиллар асос бўлган эди.

- Сарвонтепадан топилган ашёвий далиллар Андижон шаҳарсозлигининг камида 2500 йиллик тарихга эгаллигини исботлашда муҳим аҳамият касб этади, - деб давом этади Боқижон ҳаяжонини, мамнунлигини яширмай. – Эршидан ҳам шундай қатламлар чиқди, фақат улар Андижондагидан кейинроқ даврларга хос...

Соат 22 ларда Навоий шаҳрига етдик ва раҳбар режани ўзгартириб, шу ерда қолиш ҳақидаги қарорини эълон қилди. Ўтган йили сафардан қайтишда тунаганимиз “Ёшлик” меҳмонхонаси ёнидан ўтарканмиз, Зокиржон ака ўшанда ундаги шарт-шароитдан унча қониқмаганини айтди ва дурустроқ жой излашга тушдик.

Навоий боғи билан унинг рўпарасидаги “Тули” деб аталган мажмуа уйғунлиги, уларнинг шаҳар номига мослиги меъмор истеъдодидан ва юксак дидидан далолат бериб турарди.

Сўраб-сўраб “Навоий” деб аталмиш кўп қаватли пурвиқор меҳмонхонани топдик. Ва лекин, таассуфки, Бобур Мирзо таъбирини бир оз ўзгартириб айтсак, мусофирхонанинг ички олами сиртки виқорича йўқ эди. Ҳай, бир кеча минг кеча эмас, буюк Алишер Навоий ҳазратлари отиндаги кўноқхонада турганмиз, деб ифтихор қилиб юрармиз-ку, дея кўнгилларга далда бердик.

## *29 сентябрь, шанба*

Барвақт туриб, бир шиддат билан Бухоро шаҳрига кириб бордик. “Болоҳовуз” тарихий ёдгорлиги ёнидаги шу ном билан аталувчи ошхона ходимлари энди йўлакларни супуриб-сидиришаётган эди. Шу ерда тамаддиландик. Сўнг Қорақалпоғистонга қараб жилдик. Нукусга 550 км. экан.

Ғарбга юрганимиз сари атроф сокинлашиб бораётгандай, шаҳарларнинг чеккалари ва аҳоли сийрак қишлоқларда халқларнинг аввалги турмуши, маданияти, тутумларига оид ҳолатлар, яъни этнографик аломатлар аниқроқ кўзга ташланарди: уй-жой қурилишлари эски гувалак-лойдан, соддароқ, бир четда қийшайиб ётган тандир-ўчоқлар, хашак босилган томлар.

Ҳадемай Қизилкум саҳросига кириб кетдик. Амударё ва Сирдарё оралигидаги, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистоннинг салмоқли бўлагини, қисман Туркменистон сарҳадини ишғол этган бу қумлоқ чўл дунёдаги йирик саҳролардан бири бўлиб, умумий майдони уч юз минг квадрат километрни ташкил этади. Қиши қаттиқ совуқ, аёзи чандон иссиқ бу ҳудуддан илгарилари фақат карвонлар юрган бўлиши мумкин. Сўнгсиз биёбондаги бултур бизни хийла безиллатган ва уловимизга панд берган йўл хануз таъмирланмоқда, унинг баъзи жойлари ишга тушган, аммо катта бир қисмларида қизғин қурилиш давом этаётгани боис селпиниб, силтаниб, тебраниб борамиз, бунақа пайтда йўл униши қийиндай туюлади, лекин чопағон вақт йўлнинг унумли-унумсизлигига қарамайди, фақат зерикарли эди. Ҳайтовур гоҳ унимиз, гоҳ бунимизнинг қўл телефонларимиз жиринглаб бизни эсноқдан, мудровдан чалгитар, дўсту кадрдонлар, кўнгил яқинлар бизнинг қаерга етганимиз, қандай кетаётганимиз билан қизиқишиб, оқ йўл тилашарди. Яна жонимизга “Шашмақом” оро кириб, гўё ҳиссиз саҳрога ҳам жон, завқ бағишлаворди.

Нукусга 150 км. қолганда чапда, йўлдан ичкарироқда сув кўринди. Аввалига саробмикин, деб ўйладик, ундоқ эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, Амударё бошқа ёқда, кўлмикин ё... деб чамалай бошладик, лекин бир тўхтамга келишимиз учун Қорақалпоғистон ҳудудига ўтиш жойидаги назорат маскани йўл-патрул хизмати ходимининг аралашуви зарур бўлди: кўзимизга кўринаётган катта сув у ҳам, бу ҳам эмас, Туямўйин сув омбори ҳавзасининг бошланиши экан.

## **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН**

Тўрткўл туманига кираверишда “Шухрат” ошхонасида тушликка ўтирганимизда соат 16 эди.

Йўл дурустланди. Намози асрларда Нукусга кириб бордик. Биз каттагина майдонини босиб ўтган Қизилқум саҳросининг шимоли-ғарбий қисми ва Амударё дельтасида ўрнашган Қорақалпоғистон Андижондан минглаб чақирим олисда бўлса-да, биз ўзимизни ўз уйимизда юргандек эркин ҳис этдик. Лекин бу гал шаҳарда кўп тўхтамадик. Зокиржон ака Бобур фондининг Қорақалпоғистон бўлими ходимлари билан кўришиб, ўз ишларига оид масалаларни келишиб олгач, жўнаб кетдик. Йўлнинг бу ёғи яхши - ўтган гал юрганимизда унчалик эмас эди, созланмоқда экан, битибди ҳисоб. Қарийб юзинчи километрда Найман қишлоғида тўхтадик. Чустлик Рустамжон айтган қўноқхона – Карим аканинг чойхона-меҳмонхонаси таъмирда экан, бошқасини кўрган эдик, хоналари, каравотлари раҳбарга маъқул келмади.

Найман шундоққина Қўнғиротнинг остонасида эди. Аввалги сафар ётган меҳмонхонамизни эсладик, уни Зокиржон аканинг нукуслик ҳамкасб кадрдони орқали топган эдик. Туман марказида яна бир-иккита хусусий қўноқхоналарга бош сукдик, бироқ улар ҳам шефнинг дидига ўтирмади. Зокиржон ака бу борада “бир кеча-минг кеча эмас” деган иборани қўллавермас, икки соат бўлса ҳам, дурустроқ ерда тунашимизни хоҳларди. Ўзига қолса, балки юқоридаги мақолдан далда учун фойдаланиши ҳам мумкиндир, бироқ у бошқаларнинг ҳам хузур-ҳаловатини ўйларди.

Таваккал қилиб туман ҳокимлигига бордик. Туман халқ таълимида ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган байрам анжумани энди тугаб, қатнашчилар тарқалишаётган экан (Ҳамманинг юриш-туриши, овозларидан байрамона шукуҳ англашилиб турарди). Бўйинбоғ таққан бўйдоргина бир йигит, мусофирлигимизни сизди чоғи, бизнинг истиқболимизга юриб, ҳол-аҳвол сўрай бошлади. Ўзини таништирди, бирон ёрдам керакми, деб қолди. У халқ таълими фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси раиси Жалолдин Эшмуродов экан. Муддаоимизни эшитгач, Зокиржон ака иккимизни салгина наридаги ҳокимлик биносига бошлаб кирди. Шу аснода Зокиржон ака Эллиқалъа тумани ҳокими Неъматжон (раҳбарнинг юқорида зикр этилган нукуслик кадрдони Отаули Худойбергановнинг укаси) билан телефонда гаплашди. Кейин ҳокимнинг қабулига кирдик: Зиёвуддин Зоитов қирқ ёшлардаги новча, мўйловдор йигит экан. Неъматжон унга қўнғироқ қилиб улгурган экан, у бизни хуш табассум билан кутиб олди. Ҳоким Нукус шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиқлигидан чиққан бўлиб, касби бўйича ўзини ҳозирда Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаётган Дилшод Бобожоновнинг шогирди ҳисобларкан, гап шундан бошланиб, суҳбат юришиб кетди. Туман шу куни давлатга пахта топшириш бўйича йиллик шартномани бажарган, шунинг учун ҳамманинг димоғи чоғ экан.

- Андижон билан Қорақалпоғистон тенг боряпти, - деди ҳоким.

Хуллас, ҳокимнинг кўрсатмаси билан Жамолдин (дарвоқе, у Зокиржон акани ҳам, каминани ҳам танишини айтиб, ўз яқинлигини изҳор этган эди) бизни туман темир йўл компаниясига қарашли сиҳатгоҳга олиб борди. Муассаса бинолари, жиҳозлари замонавий бўлиб, каттагина майдонда қад кўтарган, ҳовли-гулзорлари ҳам кенгина, қисқаси, шарт-шароитлари дурустгина эди, фақат кечаси иссиқ сув, эрталаб совуқ сув кечроқ келди. Ҳа, айтгандай, тунда бир уйғонсам, оёғим (бошмалдокнинг бош бўғини) оғрияпти – лаънати подагра яна кўзиган чоғи, кўнглим хижил бўлди. Оббў, иш кўрсатмаса гўргайди, деб ташвишга тушдим. Сафарларда ҳам ҳар хил дориларни олиб юрадиган бўлиб қолганман. Кетонал хапдорисидан ичиб, шунинг малҳамидан суркаб ётгандим, ҳозир хийла дуруст, муолажалар қор қипти чамаси, суюниб кетдим.

### *30 сентябрь, якшанба*

Бизни Кўнғирот сода заводига таклиф этишди. Завод туман марказидан олтмиш чақиримча нарида, Устюртда - чўл ўртасида жойлашган экан. Дастлаб оддий маҳалла сифатида вужудга келган аҳоли масканининг номи (Элобод) Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг тавсияси билан қўйилганини айтишди. Бунга ҳали кўп бўлмабди. Аҳоли тўрт мингдан ошиб кетибди. Завод эса 2006 йили ишга тушган экан. Ҳозир йилига юз тонна сода чиқараркан. 1300 дан зиёд ишчи-хизматчиси бор. Соданинг хомашёси туз, оҳақ ва аммиак бўлиб, масалан, туз 250 км. наридаги Борсақелмас туз конидан келтириларкан, кундалик жуда ҳам зарур бу маҳсулот илгари фақат чет эллардан олиб келинган. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ таъминлаш учун заводни янада кенгайтириш кўзда тутилган. Бинобарин, яқин орада яна 300 ишчи ўрни яратилади.

Дарвоқе, сода фақат уй-рўзғор учунгина эмас, балки шиша, енгил машиналарнинг ойналари учун ҳам жуда зарур хомашёдир. Демак, заводнинг келажагидан умид катта. Директор Рашид Ёқубовнинг ҳикоя қилишича, шу ернинг ўзида мутахассислар тайёрлаш учун Тошкент Кимё технологияси институтининг филиали очилган. Маҳаллада истиқомат қила бошлаган дастлабки оилаларнинг 51 фарзанди бу йил 1-чи синфга ўқишга борибди.

Дарҳақиқат, маҳалла энди шаҳарча тусини олган. Қоқ саҳро ўртасидаги замонавий уй-жойлар ва бошқа бино-иншоотларнинг шўр тупроқли заминда бўй чўзган ям-яшил дарахтлар билан ўралганидан ҳайратингиз чандон ортади. Зеро, бу ерда бир туп ўсимлик ўстиришни тасаввур қилиш қийин.

- Дарахтларни кўкартириш учун Бухородан оқ тупроқ олиб келиб, ҳар тупнинг тагига солинган, - деди Рашид Ёқубов. – Қўлда сув қуйиб туриш учун ҳар бир кўчатга бир одам биркитилган. Сизлар кўриб турган баланд дарахтлар шу тариқа кўкартирилган.

Дарахтлар асосан бир хил нав бўлиб, пўстлоқли танаси, майда барглари қайрағочникига ўхшайди. Уни рус тарағи дейишаркан.

Бизни меҳмон қилдилар – шўр балиқ (туз деҳқончилик деб роса солишибди азамат ошпазлар) ва оқ шавла билан. Кейин жўнаб кетдик. Рашид Ёқубов айтганидай, йўлнинг тахминан йигирма чақирими таъмирланаётган, давоми яхши экан.

Саҳро. Зериқарли манзаралар ва чайқалиб тебранишлар бошланди. Туялар бизни сергаклантиради. Йўл бўйларида ва ичкарироқда янтоқ шимиб юрган динозаврсифат (балки ўшанга ўхшаш бир маҳлуқотнинг авлодларидир) жониворлар пайдо бўлиб қолса, худди мўъжиза кўргандай, бирдан жонланиб, завқланиб кетамиз, дарҳол видеокамера ва фотоаппаратлар ишга тушади. Ҳатто автобусимизни тўхтатиб, апил-тапил ерга сақраймизда, туялар ва бўталоқларни яқинроқдан томоша қилишга интиламиз. Биз учун антиқа маҳлуқ бўлиб кўринаётган жонзот “саҳро кемалари” эса каллаларини ҳафсаласизлик билан буриб, нима бало, булар умрида туя кўришмаганми, дегандай, ажабланиб қараб қўйишади-да, ижирғангандай нари кетишади.

Кўнғиротдан Қорақалпоғистон посёлкаси билан туташ “Қарақалпакия” деган чегара масканигача 410 км. йўл босдик. Божхонамизнинг оти эса Довуд ота экан, Қозоғистонники

– Кеден.

Чегарага соат кундузги бир яримларда етиб борган эдик, бир соатда ўзимиздан, бир ярим соатда Қозоғистон божхонасидан чиқдик. (Қозоқ божгирлари ўзларининг уч ходимасини йўлгача олиб кетиш шarti билан бизни тезроқ, кўп титкиламай ўтказиб юборишди).

Аёл зотининг гапириб чакаги толмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Божхона ходимаси - сулувлигини суиистеъмол қилишдан хижолат тортмайдиган, шўх-шаддотгина Гулдона ва унинг икки ҳамроҳи (ёшлари ўтиброқ қолган бу жувонлар фаррош бўлиб ишлашади чоғи) эллик чақиримли масофага етгунча гапдан сира тўхтамадилар: ёнларида биз – нотаниш эркаклар борлигини паққос унутишгандай... Ора-чурада бизнинг майда-чуйда саволлар бериб қўйишимизни ҳисобга олмаганда, Гулдонанинг ўзи ( у ҳали эрга ҳам тегмаган экан, келин қилсакмикин, деб ҳазиллашиб ҳам қўйдик) сўйлади-ёв! Ҳаммасидан ҳам аёлларнинг бир мавзудан иккинчисига боғловчисиз, муносабатсиз ўтиб кетаверишларига қойил қолиш керак.

Дарвоқе, йўлни “таърифлаш”га расво, елканнинг чуқури кўрсин деган иборалар ҳам жуда ғариблик қиларди.

Соат кеч етиларда – кун ботаётган паллада ноободгина Бейновга етиб бордик. Шаҳарча четидаги қорақалпоқларнинг хонаки ошхоналаридан бирида тушлик билан кечки томоқни омухталаб шўрвахўрлик ва қовурмахўрлик қилдик. Кейин меҳмонхона излашга тушдик. “Дўмон” деганини унча таъбимиз тортмай, шаҳарни бир айландик ва яна қайтиб келдик-да, кўз очиб кўрган мусофирхонамизнинг иккинчи қаватига жойлашдик. Йўлакда Боқижон билан бирпас телевизор кўрмоқчи эдик, бир озарбайжон йигитга унинг юртига кетаётганимизни гуллаб қўйибмиз-да, Боқуни таърифлайвериб, мақтанавериб безори жон қилди. Ўзи тадбиркор-савдогар бу кимса қарийб йигирма йилдан бери Россияда яшаркан. Лекин, тавбани ҳам айтиш керак: унинг ватанпарварлиги, ғурурига, тўғриси, ҳавасимиз келди. Қолаверса, Боқуда бўлганимизда бу уйи йўқ бедананинг бежиз баланд сайрамаганига ишонч ҳосил қилдик.

Ювиниш ва бошқа эҳтиёж хоналарининг биринчи қаватда, умумийлигини ҳисобга олмаганда, кўноқхона яшаса бўладиган экан. Шерикларим – Боқижон ва Фурқатларни билмадим, шахсан мен мириқиб дам олдим.

## *1 октябрь, душанба*

Раҳбар ҳам яхши ухлабди чоғи, йўлга тушишимиз билан “Шашмақом”ни қўйиб юборди.

Атыров – аввалги Гурьевга қараб боряпмиз. Тан олиш керак, йўл бинойидай. Фақат, атроф кечагидай саҳро. Аҳён-аҳёнда икки томонда, йўлдан анча ичкарида қандайдир қурилиш анжомлари, чаласифат иншоотлар, яккам-дуккам хароб уй-жойлар, ёйилиб ўтлаб юрган туялар, сигир-бузоқлар ва наридан-бери ясалган кўра-қўтонлар кўзга ташланади. Бу нарсаларнинг баъзилари кўчманчиликка хос аломатлар эди.

- Кўчманчиликнинг ҳам фойдаси катта бўлган, - дейди Боқижон, - бу ҳам ер эгаллашнинг бир йўли эди. Қозоғистон ҳудуди ўтмишда кўчманчиларнинг жилиб-жилиб боравериши ҳисобига кенгайиб кетган. Қаерда халқ ўтроқ бўлса, ўша жойда аҳоли тигиз, шаҳар-қишлоқлар зич бўлиб қолган. Мана, масалан, Фарғона водийси...

Археолог дўстимизнинг мулоҳазаси жўяли эди. Биз эсак, қадимдан ўтроқлигимиз билан фахрланамиз.

Иқлим сал мўътадиллашди, буни саҳродаги юлғин, саксовулларнинг, қўй-эчки подалари, отларнинг кўпаяётганидан ҳам сезса бўларди. Йўл бўйидаги янтоқлар ҳам бир оз яшилланиб қолди. Семиз-семиз қарғалар, ёввойи каптарлар ҳам тез-тез учрай бошлади ва яна ўша манзаралар: нообод посёлкалар, вагон-уйлар, нефтни қайта ишлаш усуқуналари...

Йўлларда, қўналға ва бекатларда улкан, баҳайбат юк машиналари ўкириб ўтади, пишиллаб-вошиллаб туради. Украина, Белоруссия, Латвия, Литваларники, айникса,

Польшаники кўп...

Йўл – соз, офтоб чарақлайди. Фақат шундоқ чароғон кундуз ҳам машиналарнинг чирок ёқиб юриши ғашга тегарди.

Бейновдан нафтчилар шаҳарчаси Кулсаригача 210, ундан Атыровгача эса 215 км. эди.

Маҳалла қалинлашиб, қабристонлар кўпайди – нақшинкор, бежамали ҳарсанг ва бошқа ашёлардан тикланган ранг-баранг шакл-шамойилли сағаналар. Тожмаҳалга ўхшатиб қурилганлари ҳам учрайди. Умуман дахма-мақбараларга жуда ҳафсала қилишаркан. Баъзи жойларда якин-атрофда аҳоли яшайдиган маскан кўринмайдию, аммо зич-қалин қабртошли қабристонлар бор. Ҳайрон бўламиз.

- Қозоқларда бир удум бор - майитни уруғлари дафн этилган жойга олиб келиб кўядилар, юз километр наридан бўлса ҳам, - дея изоҳ беради Боқижон. Шарқнинг ўтrock халқларида эса марҳум қаерда вафот этишидан қатъи назар, туғилган масканига олиб бориб кўмиш одати бўлган, ҳозир ҳам бор.

Бу ҳудудлар кумлик бўлгани боис, биноларнинг кўтармалари учун узок-узок жойлардан тупrock олиб келишаркан.

Дессор шаҳарчасидан ўтиб, соат 12 ларда Атыровга кирдик, у ўртасидан Ўрол дарёси ўтган каттагина, кўркамагина шаҳар эди. Банк, банкомат изладик. Иш чаларock битди. Банкоматларда қозок тангаси, рус рубли бор экану, АҚШ доллари йўқ экан, бизга эса доллар керак эди. Тушлик қилиб, Уралск томон жўнадик. Йўл соз экан деб, Аҳмаджон тезликни шиддат билан ошириб кетаётган эди, 66-чи километрда полициячи (йўл-патрул хизмати ходими) олатаёғини шахд билан силтаб, тўсди. Гап уқмади. ЮНЕСКОнинг Бобур халқаро фонди ва илмий экспедициясига тегишли ёрдам кўрсатиш зарурлиги тўғрисидаги хатини ҳам писанд этмади. Нуфузли халқаро ташкилотнинг номи орага тушгач, шу ернинг ўзида, ими-жимиди битиши ҳам мумкин бўлган иш ошкора ва жиддий тус олди чоғи, полициячи жарима учун ҳисоб ёзиб берди ва қаерда тўлаб келишимизни тушунтирди.

Аҳоли сийрак ҳудуд, Маҳамбет аудани (тумани) маркази хийла нарида экан, истаб-сўраб, калта-култа кўчаларни кезиб, халқ банки филиалини топдик ва жаримани тўладик. (Саккиз мингдан ортиқrock танга – 60 доллар). Лекин Худо бошқа томондан ишимизни ўнглади – банк ёнида банкоматлар бор экан, раҳбар виза карточкаларини солиб, қозок пули чиқариб олди.

Яна бир неча бор полициянинг олатаёғига рўпара келдик. Ҳарқалай, ҳужжатларимизни текшириб ўтказиб юборишди, аммо шаҳарга кираверишда яна бир ашаддийсига йўлиқиб қолдик. Шунчаки... қўйиб юбормади – оладиганини олди.

Уралскга етиб, Саратов йўлидаги “Ани плаза” меҳмонхонасига жойлашганимизда тун яримлаб қолаётган эди.

## *2 октябрь, сешанба*

Нонушта кўнгилдагидай бўлди. Лекин ҳаво салқин, ҳатто изғиринли эди. Кийимларни бир оз қалинлаштиришга тўғри келди. Шаҳарни қисман айландик. Уралск хийла эски бўлса-да, тартибли қурилган экан, бинолар турфа лойиҳали, сердарахт, харқалай, шаҳарона жозибали.

Кейин Самара сари жўнадик. Йўлнинг икки томони сийракrock дарахтзор, озода, ҳавоси тоза, майин. Чанг йўллардан қутилиб кетдик чамаси.



## **РОССИЯ**

Самарагача 250 чақирим эди. 75-чи километрда чегара келди, яъни Қозоғистон билан Россия сарҳадида божхона тизимига оид қонун-тартиботлар енгиллашиб қолибди, ҳужжатларни шунчаки бирров текширишди, муҳр босиладиган назоратхоналардан хавотирсиз, тезгина чиқдик. Жудаям енгил тортдик, музтарликда жиғибийрон бўлмаганимиздан, асабларимиз таранглашмаганидан мамнун эдик.

Ўттиз чақиримдан кейин Большая Черниговка шаҳарчасида тушлик қилгач, йўлда давом этдик.

Манзаралар ўзгариб, дарахтзорлар тобора қалинлашиб, фусункорлашиб борарди. Куз, табиийки, Русия заминига одатдагидай барвақтроқ ташриф буюрган – олтин ранг япроқлар қатида шабнам кумуш зарралари каби товланарди. Ора-орада ям-яшил далалар – бир текисда сабза урган буғдойзорлар кўзга ташланади.

Соат ўн олтиларда Самара остонасига етиб, катта чорраҳадан ўнгга бурилдик. Биз Красный Яр туманига боришимиз лозим эди. Шу йўлда тарихий китобларимизда битилмиш, эндиликда анча ихчам тортиб қолган Черная (Қорасув) дарёси кўпригидан ўтаётганимизда туғилиб ўсган қишлоғим Гуркировдаги, маҳалламиздан салгина наридан оқиб ўтадиган, бўйларида, сувларида болалигим кечган Қорасув анҳори эсимга тушди. “Балиқ ови” ҳикоямда тасвирланган, балиқ камарлари кўп бўладиган у ариқ энди йўқ – тўқайни ўзлаштириш чоғида кўмилиб кетган. Сойнинг суви қора эмас-у, нега номи бунақа деб ҳайрон бўлардим. Кейин билсам, булоқ ва сизот сувларидан йиғилиб оқадиган, шунингдек, ташлама сувлар қора сув дейиларкан. Мана бу Черная сойи ҳам кўринишидан оддий ташлама эди. (Қора – юқорида зикр этилганидай, эски туркийда катта, буюк, улуг маъносини ҳам билдиради лекин бу ўринда эмас...).

Ҳаво дам айнир, дам қуёш чиқар, баъзи ерлар эса нам – ёмғир севалаб ўтгани билиниб турарди.

Самара дарёсидан ўтгач, Уфа – Москва йўналиши бўйлаб кетдик. Уфага – 448 км., Москвага эса 1060 км. эди.

## **ХАЙРИХОҲЛАР ДАВРАСИДА**

Красный Яр марказига кираверишдаги “Рейс” деган кемпингга жойлашдик. Катта йўлдан ичкарироқда – шовқин-сурондан холи, осойишта экан. Ўртадаги майдонда бемалол футбол ўйнаса бўлади. Энг муҳими, бу ер Зокиржон ака ва Боқижонлар учун кадрдон эди – улар ёзда келганларида бир неча кун шу қўноқхонада истиқомат қилишган. Раҳбарнинг танишлари биз учун жой буюриб қўйишган экан, ҳадемай ўзлари ҳам келиб қолишди. Улар – тадбиркор, ҳаваскор археолог, тўғрироғи, соҳа ихлосманди Александр Александрович

Опарин ва Самара вилояти ўлкашунослик музейи қошидаги Красный Яр тумани тарихи мозийгоҳи директори Юрий Васильевич Бриковлар эди. Зокиржон ака ҳамкорлари тўғрисида йўл-йўлакай бизга гапириб келган эди. Юқорида таъкидлаганимиздай, иккаласи ҳам Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги жангларнинг моҳияти ва натижалари борасида адолатли фикрда, шунинг учун ҳам экспедициямиз ва унинг мақсади, режаларини маъқуллаб, ўтган сафар Зокиржон ака билан Боқижонга тарихий жанг майдонини аниқлаш учун қазилма ишлари ўтказиш, бунинг учун маҳаллий олимлар, археологлар эътибори, қатнашувини уюштириш ва бошқа ташкилий-амалий ишларда яқиндан ёрдам кўрсатишган, азбаройи фикрлари, дунёқарашлари мос келиб қолганидан ҳамкасб ва дўст каби яқин бўлиб кетишган экан. Биз уч кун давомида ана шу самимий муносабатларнинг амалий ифодасига гувоҳ бўлдик.

Меҳмонхона фойесида машварат бўлиб, режалар, ишлар келишиб олинди. Мезбонларнинг мавзуга жиддий қизиқишлари ва амалга оширилажак тадбирлар борасида астойдил жон куйдиришлари уларнинг мулоқотга қизғин киришганларидан англашилиб турарди. Зеро, Зокиржон ака кўзда тутган ишлар улар учун ҳам қизиқарли ва манфаатли эди. Ўрта бўй, ихчам жуссали, кўзойнак таққан Юрий Васильевичнинг асли касби тарихчи муаллим бўлиб, юриш-туриши, кийинишидан, мулоҳазакорлигидан зиёлилиги, сиполиги сезиларди. Туркманистонда туғилган (археолог отаси ўша ёқда ишлаган экан), новча, оқсарикдан келган Александр Александрович эса анча шижоатли ва ҳазилкашгина, киришимликкина эди. Қай бир жиҳатлари Холливуд актёрларига ҳам ўхшаб кетарди. У тадбиркор, кисель тайёрлаб сотаркан. Гап-сўзларидан ота касби археологликни давом эттирмаганидан таассуфдалиги, шунинг учун лоақал мана шу соҳадагиларнинг ишларига хайрихоҳлик, ҳомийлик кўрсатиб падари бузруквори руҳини шод этиш ва жамиятга, тарихга хизмат қилиш истагидалигини пайқаш мумкин эди.

Мезбонларимиз Зокиржон ака билан Боқижон Красный Ярга келиб кетишгандан кейин бу ерда Амир Темур ва Тўхтамиш жанги кечган жойларни ўрганиш борасида қилинган ишлар, археологик қазилмалар тўғрисида ахборот беришди.

Давра суҳбати ниҳоятда жонли, сидқидилдан кечди. Хусусан, Опарин масалани муҳокама қилиш, хулоса ясаш ва режа тузиш бораларида дангалроқ эди, у суҳбатдошининг фикрини тез уқар ва тез бир қарорга келарди.

Кўнокхона каравотлари зўр бўлмаса-да, ювиниш хоналари, иссиқ-совуқ сув ва бошқа шарт-шароитлари жойида эди, аслида экспедиция сафарига юрганлар мана шундай оддийроқ, соддароқ мусофирхоналарда ўзларини эркин тутадилар.

### ***3 октябрь, чоршанба***

Бу ерда вақт биздагидан бир соат орқада эди, тўққиздан ҳам ўтганда нонушта қилдик.

Қуёш чарақлаб чиққан, нисбатан салқин эса-да, кечаги совуқ йўқ эди. Катта йўлдан ичкарироқлиги, атрофда кенг далалар, дарахтлар кўплиги боис ҳаво тоза эди.

Соат ўну нол-нолда ваъдага биноан мезбонлар келишди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Опарин маҳаллий иқлим, кечаги ёмғир, изғириндан гап очиб, эрталаб об-ҳавони кузатиш марказига кириб, Ўзбекистондан меҳмонлар келишган, икки-уч кун ҳарорат илиқроқ бўлиб турсин деб, уларнинг розилигини олиб чиқдик, дея ҳазиллашди.

Туман маркази (бу ердан ўн беш чақиримча)га чиқиб, машинани суғурта қилдириш ва бошқа ташкилий масалалар билан шуғулландик.

Ўзбекистонда Андижоннинг 2500 йиллик тўйи билан боғлиқ тайёргарлик ишлари анча юришиб қолган чамаси, Боқижоннинг ўғли Ҳикматилло дадасига СМС орқали хабар юбориб, Фанлар академиясидагилар Андижондаги археологик қидирувга оид ҳужжатларни тезда тайёрлаб беринглар, дея тикилинч қилишаётгани тўғрисида ёзибди. Бу биз учун, айниқса, Зокиржон ака учун ниҳоятда суюнчли, Боқижон учун эса ҳам суюнчли, ҳам

масъулиятли ахборот, негаки, керакли хужжатларни, шаҳар археологиясини ўрганиб хулоса берган мутахассис ва жавобгар шахс сифатида у тайёрлаб бериши лозим эди.

Боқижон мазкур қоғозларни аллақачон керакли жойларга юборган ва уларнинг нусхаларини ёнида олиб юрган экан, туман ташкилотларидан бирига кириб, компьютер орқали яна ўғлига жўнатиб чиқди.

Туман маркази – Красный Яр қишлоқ, лекин каттагина (қирқдан ортиқ катта-кичик кўчаси бор) ва ободгина экан – кўчалари, хиёбонларини кўриб шаҳарча мақомини беришса ҳам асакалари кетмас экан, деб ўйладим (Менимча аҳолининг камлиги (8,5 минг) бунга монелик қилади).

Красный Яр – Қизил жар маъносида (Андижондаги “Куйган ёр”га ўхшаб) экан. Дарҳақиқат, ер-тупроқлари қизғиш эди. Янги қурилишлари кўп. Аксарият бинолари қизил ғиштдан тикланган. Лекин, “красный”нинг чиройли, гўзал ва бошқа маънолари ҳам бор-ку, хуллас, одамларнинг жойга муносиб исм танлашларига қойил қолиш керак.

Бриков шу марказий қишлоқда тураркан, унинг машинасини уйига қўйиб чиқишимиз лозим бўлди.

Қишлоқ анча тарихий бўлиб, унга 1732 йили асос солинган экан. Ғиштли янги уйлар кўп, эскилари эса ёғочдан барпо этилган эди. Девор ўрнидаги чаврасимон панжара – ғовларнинг ҳам эскилари тахтадан, янгилари темирдан эди. Тунука ё шифердан девор кўтариш энди урф бўла бошлабди.

Бу ерда ҳам Андижондагига ўхшаб жигар рангга ружу қўйилибди.

- Бизнинг Красный Ярда Державин, Пушкин, ҳатто Ленин ҳам бўлган, - дейди Юрий Васильевич ифтихор билан.

## СОҲИБҚИРОН ЛАШКАРГОҲИ ҚАЕРДА?

Опариннинг “ЖИП”и ва “Хундай...”имизда Зокиржон Машрабов ва Боқижон Матбобоевларнинг қисқа муддатли, аммо самарали сафари ҳақидаги бобда келтирилган Амир Темур лашкаргоҳи томон жўнадик. Чекка қишлоқлар, масалан, илгари кўпроқ татарлар яшаган, ҳозир руслар истиқомат қиладиган Кочқари, Трухмянкадан ўтдик. Ҳақиқий қишлоқ йўллари – оддий сўқмоқлар, бир ён ўрмон, бир ён ям-яшил далалар. Асосан дала-ҳовлилардан иборат яшаш масканлари, аммо қаровсиз. Афтидан бу ерларга фақат ёзда – иссиқ кунлари келиб дам олиб кетишади.

- Амир Темур шу жойларга ҳам келган экан-а, - дейди Боқижон ҳайрат билан.

- У ҳатто Камагача борган-ку, - изоҳ беради Опарин.

Биз Амир Темур аскарларига лашкаргоҳ бўлиб хизмат қилган ҳудудларда археологлар томонидан шурф солинган (ер қатламларини аниқлаш, ўрганиш учун қазилган) ҳандақчаларни, Соҳибқирон бобомиз қадами етган пучмоқларни кўриб, ўша шароит, ўша даврларни хаёл кўзгусидан ўтказмоқ, тасаввур ҳосил қилмоқ ва хулосалар ясамоқ ниятида эдик.

Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида энг оғир тўқнашув бўлиб ўтган майдон хусусидаги маълумотлар борган сари кўпайиб, фаразларнинг янги далиллар билан мустаҳкамланаётгани, Кондурча (Кундузча) жанггоҳида моддий маданият изларининг янада яққол кўзга ташланаётгани қувонарли ҳолдир. Гап шундаки, Кондурча дарёси ҳавзасидан XIII-XIV асрларга оид ашёлар олдинги йиллари ҳам топилган. Аммо кейинги пайтларда маҳаллий археолог олимлар, ўлкашунослар ва Бобур халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида олиб борилган самарали изланишлар натижасида яна янги тахминлар, хулосалар юзага келмоқда. Соҳибқирон ҳарбий қароргоҳи ушбу жойлардан, яъни Кондурча ва Сок дарёлари қўшилган учбурчак кўринишидаги кенг соҳил-майдондан топилган бўлиб, у шимоли-шарқ ва шимоли-ғарб томонларни ўраб турувчи ҳандақ ва кўтарма ёки тупроқ девор кўринишидаги сунъий ғовдан иборат бўлган. Боқижон Матбобоев археологик манбалардан

олган маълумотларга қараганда, мазкур қароргоҳдаги ҳандақ ва кўтарма, девор қуриш усули ва типи Олтин Ўрданинг ўша давр муҳофаа иншоотларидан анча фарқ қилади. Масалан, Волга бўйидаги Болгар ва Биляр каби археологик ёдгорликлардаги ҳимоя иншоотлари ўз ички тузилишлари жиҳатидан Кондурчадагига ўхшамайди. Волга бўйи шаҳарлари муҳофаа иншоотлари “қозик девор” ёки ёғочдан (бревно-хода) синч қилиниб, ичи тупроқ билан тўлдирилган. Бу ҳолат Амир Темур қароргоҳлари учун хос эмас экан. Аниқроғини келажак кўрсатар...

Археологик қидирувлар Старица деган жойдан бошланган экан. Шимоли-ғарб томондан келадиган Кондурча билан шарқи-жануб йўналиши бўйлаб оқадиган Сок дарёлари айнан шу ҳудуддан сал нарида туташиб катта бурчак ҳосил қилган эди. Шу атрофга, кейин бир тарафи сийрақроқ ўрмонзор бўйлаб ичкарироқ кетган бепоён даланинг бир неча ерига шурп солинган ва ер қатламларидан намуналар олиниб, таҳлил учун илмий-текшириш муассасаларига юборилган. Ўтироф этиш керакки, барча назорат шурфларидан мўғуллар босқинчилиги даврига оид ёки Амир Темур юриши арафасидаги маданий қатламлар чиқмаган. Демак, ўша машҳур жанг олдида мазкур жой текис ўтлоқли майдондан иборат бўлган, энг шимолдаги ўрмонзор эса кейинги юз йилликларда юзага келган. Айрим маълумотларга кўра, то XIX аср ўрталаригача ҳам бу ерлар қалмиқларнинг ёзги яйловлари ҳисобланган. Ҳозиргача ушбу ҳудудда XVII-XX аср рус кулолчилиги намуналари учрайди.

Кўкатлар деярли қуриб битган, босганимизда поялари қисирлаб синар, анвойи гиёҳлардан қурама ҳидлар, ўрмон томондан зах иси келарди, лекин барибир шундай сокин ва ўзига хос манзарали жойларни кезиш гаштли эди. Энг муҳими, биз Амир Темур бобомиз ва бошқа аждодларимиз пойқадами теккан замин узра юргандек ҳис этардик ўзимизни. Инчунун, бу муқаддас тупроқ остида қанчалаб жангчиларнинг таналари қолиб кетгандир деган андишада, Умар Хайём ўғитларига биноан қадамларни мумкин қадар оҳиста ташлашга ҳаракат қилардик.

Қазилган чуқурчалардан Боқижоннинг кўнгли унча тўлмади. Дарҳақиқат, ҳандақлар жуда саёз ва наридан-бери қовлангандай таассурот уйғотарди. Ахир орадан 600 йилдан зиёд вақт ўтган бўлса, ундан бери ер қанча кўтарилгандир...

- Ер-ку юз йилда бир сантиметр атрофида кўтарилиши мумкин, - деди Боқижон фикримизга жавобан, - лекин гап бошқа ёқда, шурфлар кам, кейин астойдил солинганга ўхшамаяпти.

Орқага қайтиб, мезбонлар етакчилигида Амир Темур истехкоми (лашкаргоҳи) чегараланиб ҳандақ қазилган томонга кетдик. Узунлиги ўн уч километрга чўзилган ҳандақ ғарби-шимолдан, Кондурча четидан шимоли-шарқ ва жануб йўналиши бўйича кетган, Сок дарёсигача етиб бориб, боя биз кезган ҳудуд билан улкан ярим доира ҳосил қилган эди. Ҳандақнинг Кондурча томонидаги 1 км.га яқин қисми Кирилин посёлкасининг кенгайиши муносабати билан янги қурилган уй-жой, ҳовлилар остида қолиб кетибди.

Ҳандақ икки мақсадда – чуқури – окоп, уюлган тупроқ эса ёв йўлини тўсмоқ - баррикада мақсадида қовланган бўлиши керак.

Ҳандақ ёнлаб тепага – Сок дарёси тарафга қараб юрдик. Амир Темур ва Тўхтамишхон жанги ҳамда Соҳибқироннинг ҳарбий қароргоҳига бағишлаб ўрнатилган тош-лавҳа айнан ана шу йўналишдаги Олтой тепалигида, денгиз сатҳидан 246 метр баландликда эди.

Ёдгорлик чиндан-да маҳобатли эди: оғирлиги тоннадан зиёд яхлит тошнинг шунча юқорига қай тариқа олиб чиқилгани билан қизиқдим. Мезбонларимизнинг айтишича, тош бундан 20 чақиримлар наридаги Каменный лес (Тошли ўрмон)дан кўтарма кран ёрдамида бақувват юк машинасига ортиб келтирилган (машина ниҳоятда қийналиб чиққан) ва яна кўтарма кран билан туширилиб, кўринарли ва қулай ерга жойлаштирилган. Туман меҳнаткашлари иштирокида ёдгорликнинг тантанали очилиш маросими ўтказилган, воқеа маҳаллий телевиденида намойиш этилган. Тош жуда кекса бўлиб, ёши етти миллион йил деб чамаланибди.

Сок тарафда ҳам катта ўрмон бўлиб, ҳандақ ўша дарахтзор оралаб кетган ва археологлар ҳандақнинг ўша қисмларидан ҳам таҳлил учун тупроқ олишган экан, у

худудларни ҳам кириб кўрдик. Мулки асосан эман, жўка, заранг, қарағайдан иборат ўрмон қаровсиздай, хўжасиздай кўринарди: қулаган, қийшайган, синган, қуриган шох-шаббаларнинг кўплигидан юриш қийин эди. Ташқарида – очик далаларда ҳамма нарса қовжираб ётган бўлишига қарамай, ўрмон бағридаги марваридгул, маймунжон каби сийрак гиёҳлар ям-яшил, фақат новдалари ва япроқчалари нозик-нафислигидан оёқларга илашиб, тирс-тирс узилиб кетарди.

Об-ҳаво ноқулайлиги туфайли илмий-амалий, кузатув ишларини кейинги мавсумларда давом эттириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ўйлаймизки, Волгабўйини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш қадимий моддий маданиятга доир кўп янгиликлар беради, бинобарин, мазкур йўналишни темурийлар даврини ўрганишда истиқболли, деб ҳисоблаш мумкин.

Қайтишда зикр этилаётган икки дарё туташиб, Сок номи билан давом этган жойларни кўриб ўтдик. Атроф ўрмон, икки қирғоқдаги япроқлари сарғайган дарахтлар сувга энкайиб, ўз ақсларини томоша қилаётганга ўхшарди. Балиқ ҳам овлашади шекилли, қирғоқдаги темир қозикларга занжирланган ёғоч қайиқлар енгил чайқалиб турарди.

Сок дарёсининг умумий узунлиги 500 км.дан, Кондурчаники 300 км.дан ортиқроқ экан.

Шундай қилиб, манзил-маконимизга оқшомга яқин, бир олам таассуротлар билан қайтдик. Кечки овқатга мезбонлар ташкилотчилигида дастурхон ёзилди. Даврага навбатдан ташқари сафар ҳақидаги ҳисобот-мақолада алоҳида таърифлаб ўтилган тадбиркор Ўрол Жўраев ҳам келиб кўшилди. Кемпингимиз ошхонаси сариштагина, пазанда ошпазлари ҳушмуомала, таомлари мазали, сифатли эди.

Овқатланиш узоқ – то хизматчилар безовталиқ билан соатларига қарай бошлагунча давом этди. Биз суҳбатга, кундузги кўрган-билганларимиз муҳокамасига берилиб, ошпазларнинг кечикишаётганини, чамаси, ҳатто қаерда ўтирганимизни ҳам унутиб қўйган эдик.

Ажабо, гоҳида бир умр ёнма-ён юрадиган кимсалар учрашганда салом-алиқдан кейин тиллар тутилиб қолади, баъзида умрларида илк бор кўришиб турган одамлар худди дўсту кадрдонлардай қизгин гуруннга киришиб кетадилар. Ҳозир кишиларни аввало ҳамфикрлик, ҳаммаслаклик бирлаштириши яна бир қарра исботини топмоқда эди.

## САМАРАДА

*4 октябрь, пайшанба*

Эрталаб Опарин яна ўз машинасида етиб келди. Бриков билан марказда учрашдик. У туман газетаси муҳбирининг биз билан мулоқотини уюштириш тадоригида юрарди. “Красноярские новости” рўзномасининг бўлим мудири Казицына Наталья Валентиновна аввал бизни ҳовлида сурагга олиб, кейин туман кенгаши биносининг иккинчи қаватидаги идораларига бошлаб чиқди. Хонада икки-уч нафар таҳририят ходими ўз юмушлари билан банд эди. Зокиржон ака ва Боқижон (камина ҳам) экспедициянинг мақсад ва вазифалари тўғрисида гапириб, Казицынанинг саволларига жавоб бердик. Суҳбат қисқа ва лўнда бўлди.

Кейин Самарага жўнадик. Ушбу шаҳарда 2018 йили футбол бўйича жаҳон чемпионатининг ўйинлари ўтказилиши режалаштирилган. Шу боисдан йўллар таъмирланмоқда эди.

Волга дарёсининг чап соҳилида жойлашган, илгари Куйбишев деб юритилган шаҳар атамаси – Самара менга ўз тилимиздаги самара (натижа, оқибат) сўзини эслатади. Рус лисонида қандай мазмун бераркин, деб Вл. Далнинг изоҳли луғатини варақласам, узун, узун кийим дея талқин этилган экан. Бу маъно билан шаҳар номи ўртасида мантиқий боғлиқлик кучли эмасдай туюлади менга. Лекин шу атамада яна Россиянинг ўзида (Волганинг чап

ирмоғи), Украинада ҳам (Днепрнинг ирмоғи) дарё мавжуд. Аслида ўша номлар ва Фаластиндаги қадимий шаҳар Самара, Менделеев даврий системасидаги элемент – оқ металл, шунингдек, Самарқанднинг қадимий атамалари (санскритча “Samarya”дан дея тахмин қилинадиган) аро қандайдир узвийлик бормикин, деб ўйлайман.

Шаҳарга Москва шоссеси билан кириб бордик. Катта майдонлардан бирида “Ил-2” ҳарбий самолётининг макети салобат тўкиб ва дилларга андак ваҳима солиб турарди.

Самара шўролар замонида, хусусан, иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий шаҳарга айлантирилган бўлиб, мудофаа аҳамиятига эга заводлар шу ерда жамланган эди.

- Самарада машҳур диктор Левитан яшаган, - дея ахборот берди Бриков, – олтмишинчи йилларда шаҳарда ҳамма куч, имкониятлар курул-яроғ ишлаб чиқаришга сарфланар, халқнинг моддий аҳволи чатоқ эди. Никита Сергеевич Хрушчев бу ерга ташриф буюрганида одамлар мамлакат бош раҳбарини башарасига помидор отиб кутиб олишганини ҳали-ҳали гапириб юришади.

Бриковнинг таъкидлашича, энди ҳарбий заводлар камайиб, бошқа соҳаларга эътибор кучайтириляпти экан.

Эътиборли жиҳати шуки, шаҳар атрофи ўрмондан иборат, яна марказда йириккина Ботаника боғи бор экан. У ҳам нақ ўрмоннинг ўзи эди.

Банк, банкомат билан боғлиқ юмушларга анча вақтимиз кетди – пул олиш анча машаққат бўлди. Бу соҳада ҳали чекловлар, халқаро муаммолар етарли экан.

Алабин номидаги вилоят ўлкашунослик музейига бордик. Мозийгоҳнинг биз ўтган сафарги экспедиция пайтида танишган директори Людмила Валентиновна Кузнецова Боқижоннинг кадрони – улар Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)да амалиёт синовларини, аспирантлик муддатларини қарийб бир пайтда ўташган экан.

Боқижон жўшқин талабалик паллаларини мароқ билан хотирлайди. У ўзининг олим сифатида, оқ-қорани таниган инсон сифатида шаклланишини ўша даврлар билан боғларди. Дарҳақиқат, Боқижон Матбобоев Ленинградда ўқиган кезларида одам ва олам сир-асрорларини теранроқ ҳис эта бошлаган, рус тилини ўрганган, умуман ёшлигининг қайноқ, илмга чанқоқ йиллари эди.

- Ўша пайтлардаям содда кийинарди, ўқиш, амалий машғулотлардан бошқа нарсани ўйламасди, - дея таъриф беради у Кузнецовага.

- Бечора турмуш қурмай ўтяпти, - деб кўшимча қилди Бриков ачинганнамо.

Аммо Людмила Валентиновнанинг юз-кўзларида, муомалаларида оиласизликдан ё бошқа ҳаётий кемтиклардан армон туйиш сезилмас, аксинча, серзавқ, хушчақчақ кўринарди.

Кузнецова Амир Темур лашкаргоҳидан олинган тупроқлар таҳлил учун лабораторияга бериб қўйилгани ва бу иш назоратдалигини, натижа яқин ойларда маълум бўлиб қолишини айтиб Зокиржон ака ва Боқижонга таскин берди.

Директор жувон билан қуюққина хайрлашдик. Уловимизни устага кўрсатиб олиш керак эди. Таъмихона ҳар қадамда, лекин машина кўплигидан сервислар атрофида оёқ босарга жой йўқ. Ё, алҳазар! Автомобил дегани шу тариқа кундан-кунга кўпайиб, ошиб-тошиб бораверса, охири нима бўларкин? Шунча кўп техника зарурмикин яқин ўтмишда от, эшак аравада, ундан аввал фақат пою пиёда юрган ва ҳамма ишга улгурган, асабийлашмасдан, осойишта умргузаронлик қилган одамзодга? Тараққиёт дегани шуми? Ахир юксалиш, ривожланиш яхшиликка, инсоният эҳтиёжларига, ҳаётнинг фаровонлашувига хизмат қилмайдими? Мана бу беҳисоб, беадад машиналарнинг ўзидан чиққан газ, тутун ҳавони булғаб, экологиянинг онасини Учкўрғондан кўрсатади-ку?!..

## РОССИЯДА ЎЗБЕК ҲОВЛИСИ

Хуллас, ишимиз битмай, Красный Ярга қайтдик.

Ўролникига бордик – марказдан узоқ бўлмаган Кирилин қишлоғига. Ҳамюртимизнинг

бошпанаси бир километрча чапдаги Сок ва 400 метрча ўнгдаги Кондурча дарёлари қўшиладиган бурчак яқинида эди. Асли, Ўролбойнинг Самарада уйи бўлиб, бу жой унинг дала ҳовлиси экан. Қурилиш ҳали яқинида етмаган бўлишига қарамай, каттагина ҳудуддан иборат ҳовлида расамади билан экилган олма, гилос, нок ниҳоллари мевага кирай деб қолган, арча ва бошқа игна баргли манзарали дарахт кўчатлари гуркираб ўса бошлабди. Дов-дарахтларнинг ораларига анвойи гуллар экилган. Ҳовли этагида карам, пиёз каби сабзавотлар пишиб ётибди. Бир томондаги иссиқхонада помидор, бодринг, ҳар турли ош кўкларигача бор. Э, ҳафсалангга қойил-э! Мана буни ҳақиқий тадбиркорлик деса арзийди. Кириш – дарвозахона, машина турадиган айвонлар, яшаш жойлари алоҳида-алоҳида. Ўртадаги думалоқ бир шаклда қурилган меҳмонхона лойиҳаси Соҳибқирон бобомизнинг лашкаргоҳидаги чодирлар тархидан олинганга ўхшарди. Ичи этнографик музейларни эслатади. Меҳмонхона олдидаги кенггина саҳн - майдонга қўйилган чорпоя ҳам ўзбекона – шарқона услубда ясалган. Умуман бу дала ҳовлига кирган одам уй эгасининг гапларига ишонч ҳосил қилмоғи, яъни ўзини Ўзбекистон ҳовлиларидан бирида тасаввур этмоғи турган гап.

Мулоқот қизгин тус олди. Мавзу бизнинг айнан Турон султони Амир Темурга лашкаргоҳ бўлган ва ул буюк бобомиз қадамжоларида ўтирганимиз, Ўролнинг эътиқоди, диди, ҳафсаласи ҳақида ва табиийки, Соҳибқирон билан Тўхтамишхон жангларининг тафсилотлари тўғрисида эди.

Бир маҳал катта товоқ (лаган)ларда паловхонтўра келди – водий билан воҳанинг курама услубида пишган серсабзигина ош. Уни Ўролнинг ўзи дамлаган эди. Гўштнинг аямасдан босибди азамат.

- Гўштни ўзимизни ўзбек қассобларидан олганман, - дея изоҳ берди мезбон бизнинг кўнглимизда иштибоҳ қолдирмаслик учун.

Паловнинг мазаси ҳам жойида эди.

Ҳазми таомга дала ҳовлининг ўзида етилган, тирсиллаб турган қора пўчоқ тарвуз тановул қилдик. Отанга балли, Ўролбой!

Меҳмондорчиликдан анча кеч қайтдик.

## УЛУҒЛАР ВА ҒАЛАЁНЧИЛАР ЮРТИ

*5 октябрь, жума*

Барвақт турдик – соат бу ерда 5, бизда 6 эди. Нонуштани ҳам эртароққа буюриб қўйган эдик.

Волгоградга жўнадик – 950 км. Йўлдан нолишга асос йўқ. Икки ён дарахтзор. Россиянинг Пушкин севган, куйлаган маҳзун кузлари, олтин ранг япроқлар диққатни жалб этади. Ҳаво салқин, чунки майдалаб ёмғир ёғяпти. Қисқаси, табиат мулойим, манзаралар сўлим. Бепоён далалар ўртасидан ўтган йўллар ҳам нечукдир зерикарли эмас. Зеро, дарахт бисёр, йўл қайрилишлари, чорраҳалар кўп, баланд-пастликлар ҳам, хуллас, манзара, ҳолатлар алмашиб тургани боис кўз толмайди, кишини эсноқ босмайди.

Юз километрча юргач, соат тўққизларда ҳаво очилиб, осмон ёриша бошлаган ҳудудга кирдик.

Биз Саратов вилояти депарасида жанубга қараб борардик. Йўлда қирқ беш ёшлардаги Юра исмли тундгина мужик олма сотаётган эди. Чирчикда (Тошкент вилояти)да ўн йил яшаган экан. Бизни кўриб, чехраси бир ёришдию, кейин яна шаштидан тушди. Уйланмаган, таркидунё қилган экан. Аёлларга ишонмасмиш. Куйганлардан, аламзадалардан бўлса керак.

- Одамлар бир-бирини алдайди, - дейди у худди бир янгилик кашф қилгандай, фалсафий оҳангда, - лекин, энг ёмони – ҳасад.

Во, бояқиш, бу “чиркин хасталик” (А.Орипов) исканжаси сени ҳам омон қўймаган экан-да!

Юра боғдорчилик билан шуғулланаркан – овунчи ҳам, кундалик иш-амали ҳам, тирикчилик воситаси ҳам шу экан. Олмалари қип-қизил – жонатанга ўхшайди, сувликкина. Бу мева қуёшни ёқтирмасмиш, салқинда яхши бўлармиш, шунақа нав эмиш. Ўзининг яшаш жойи, боғи анча чеккада – олтмиш километрлар нарида эмишу, эринмаган ўрис, катта йўл бўйи деб, шу ерга келармиш.

Олмадан шу ердаёқ татиб кўрдик-да, икки кило сотиб олдик. Килоси 50 рубл, тахминан биздаги нархда эди.

Анчагача олмапурушни муҳокама қилиб кетдик. Сўққабош, бир ўзи қандай яшаркан, яшаб нима қиларкин? Фейлидан аён бўлиб турибдики, бошқалар билан мулоқот қуриб мароқ, завқ туядиган, суҳбатдошига ҳам гашт, нашъа ато этадиган, даврага кайфият, файз бахш этадиганлардан эмас.

\*\*\*

Саратов ҳудудига кираверишда Каюковка деган ёйиқ дарёга рўпара келдик – у узун кўприк остида Волга билан қўшилиб кетаркан. Волганинг чиндан ҳам катта, жиддий ва тинч дарёлиги кўриниб турарди – у майин живирлаб оқса-да, салобатли эди, балки бу менинг онгимга ўрнашиб қолган таассуротлар ҳосиласидир.

Кўприқдан ўтиб, Саратов райони марказининг чеккароғида тўхтадик. Учта банкка кириб виза карталарга озгинадан (ҳар одамга бир кунлик миқдор – меъёр бор экан) рубл олдик. Лекин навбат ва бошқа расмийчиликлар билан анча андармон бўлдик. Кейин йўлда давом этдик.

Саратов шаҳрига кечки пайт, одамлар ишдан қайтаётган паллада етиб бордик. Машиналар ниҳоятда тирбанд, бу тор, калта-култа кўчалар қурилган замонларда, табиийки, ҳозирги автомобиллар оқими ҳисобга олинмаган. Биз машҳур Саратов шаҳрининг қайси мавзесидан кириб, қайси маҳалласидан кетаётганимизни ҳам билмасдик – енгил машиналар уммонининг ўртасига тушиб қолган, пала-партиш чалинаётган сигналлардан кулоқларимиз батангга келиб, олдимиздаги автоуловларнинг тезроқ силжишини бетоқатлик билан кутардик. Яна, ёнимиздаги машина ҳайдовчиларидан Волгоград томонга чиқиб кетадиган йўлни бот-бот сўрашга тўғри келарди. Чунки бурилиш, айланиш кўп эди. Бу орада қоронғи тушди. Охири мўлжалдаги манзилни топишимизга кўзимиз етмай қолди, бир такси ҳайдовчисидан бизни Волга йўлига олиб чиқиб қўйишини илтимос қилдик. Лекин таксини кўздан қочирмай, у билан изма-из юриш ҳам осон эмас – машиналар тўлқини ҳар лаҳза ёндагиларни бошқа йўналишга буриб юборарди.

Саратов – Волга дарёсининг ўнг соҳилидаги йирик шаҳарлардан. Донгдор тарихий шахслар, ғалаёнчи деҳқонларнинг етакчилари Степан Разин, Емельян Пугачёвларнинг асосий жанговор фаолиятлари шу шаҳар билан боғлиқ. Бу ерда таниқли рус публицисти, адабий танқидчи ва жамоат арбоби, “Нима қилмоқ керак?” деган машҳур роман муаллифи Н.Г.Чернышевский, атоқли ёзувчи, академик, Меҳнат қаҳрамони, “Шаҳарлар ва йиллар”, “Ажойиб ёз” асарлари ўзбек китобхонларига ҳам маълум Константин Федин таваллуд топишган.

Менинг эса Саратовда алашим бор эди. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган раҳматли отам 1944 йили Сталинград билан Саратов оралиғидаги жангларда яраланиб, айнан шу шаҳардаги мослаштирилган ҳарбий шифохоналарнинг бирида бир неча ой даволанган, аммо юртга қайтгандан кейин қандайдир сабаблар билан унинг ҳамма шахсий ҳужжатлари йўқолган. Уруш қатнашчиси эканлиги тўғрисидаги гувоҳномани тиклаш учун уриниб юрган пайтларимизда Саратов шаҳар ижроия комитетига ҳам хат ёзган, лекин қониқарли жавоб ололмаган, умуман ўша ишни ниҳоясига етказолмаган эдик. Албатта, у маҳалдаги биноларнинг кўпи бузилиб, янгиланиб кетган, бироқ мен барибир эски, кўримсизроқ иморатларга беихтиёр қараб ўтишдан ўзимни тиёлмасдим.

Хуллас, бир амаллаб Волга йўлига чиқиб олдик. Аммо таксичи ҳақ олишни хаёлига ҳам келтирмай, нарироқдан бизга қўл силкиб жўнаб юборди. Отасига раҳмат, шунақа одамлар ҳам бор экан-ку, деб қолавердик.



## ТЕНТИРАШЛАР

Тунги соат ўн бирларда Волгоград вилоятига қарашли Камишин (аввалги номи Дмитриевский) деган шаҳарга кираверишдаги дастлаб кўринган меҳмонхона олдида тўхтадик. Рўйхатдан ўтиш муаммоси бошланди. Кундузи йўлда бир полициячи бизга Россия ҳудудида юриш учун берилган ижозат муҳлати бугун тугаётганини огоҳлантирган, биз рўйхатга олувчи маҳкамаларга учраб қўйишимиз лозим эди. Маҳобатли “Евролюкс” меҳмонхоналар мажмуида чет элликларни рўйхатдан ўтказиш ваколоти бор экан-у, аммо эрта-индин дам олиш кунлари бўлгани учун бу ишни фақат душанбада расмийлаштириб беришлари мумкинлигини айтишди. Унгача биз уларнинг меҳмонхоналарида яшаб турармишимиз. Қаранг-а, беш киши уч кун бу ерда уч маҳалдан овқатларини еб ётарканмиз? Бизни қопда пул кўтариб саёҳат қилиб юрган бекорчи хўжалар деб ўйлашдимикин?

Шаҳар марказидаги тўққиз қаватли, янада пурвиқор, янада ваҳимали меҳмонхонага учраганимизда боягилардан бекорга ўпка-гина қилганимизни англадик. Бу ердагилар паспортларимизни фақат сешанба куни, тушдан кейин рўйхатдан ўтказиб беришни ваъда қилишди. Биз бунча кун турулмаслигимизни билдириб нажот сўраган эдик, такаллуфсизлик билан бизга бир кечага ҳам жой беролмасликларини таъкидладилар.

- Ҳар биринглар учун олти-етти минг рублдан жарима тўлашга тоқатим борми, - дея гапни узди оқ доқафаранг матодан кофта кийган ёшгина маъмура ва нарироқдаги бошқа меҳмонхоналарга бориб кўришни маслаҳат берди (Ўтган сафар Қозоғистонда шу муаммодан қанча азият тортган эдик, барибир хом сут эмган бандамиз-да...). Довдираб, шартаки жувон айтган кўноқхоналарни излай кетдик. Алқисса, яна иккита кўноқхонадан тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб чикдик. Баланд қаватли “дом”лар орасидаги яна бир мусофирхона топиб борганимизда соат тунги бирга яқинлашиб қолган эди. Аввалига “Глорей” (гулнинг номи экан) аталмиш мазкур масканни, жойлашган мавзе, ўрнига қараб, бундайроқ экан, деб бурун жийирдик. Атрофдаги кўп қаватли, икки томчи сувдай ўхшаш яшаш уйлари шўравий лойиҳалар асосида тартибсиз тушган, бурчак-бурчаклари чакалаклардан иборат, оралардаги ўнқир-чўнқир йўлакларга бир машина аранг сиғар, меҳмонхона олдида деярли сахн-майдон ҳам йўқ эди. Бироқ хоналари, шарт-шароитлари зўр экан. Бўлмалари икки ўринли каравот, диванлар билан жиҳозланган, шинам ва ораста, ходимлари эса истарали, хуштакаллуф эди. Энг муҳими... энг муҳими – паспортларимизни эртагаёқ рўйхатдан ўтказиб берадиган бўлишди (Демак, бу дахмазали ишнинг қаловини билишаркан). Кўнглимизга ёруғлик тушиб, эркин нафас олдик.

*6 октябрь, шанба*

Меҳмонхонанинг буфет билан ёндош кафесида нонушта қилдик. Таомлари, табиийки, ғарбона, аммо хилма-хил, ҳатто судак балиқ ҳам бор экан. Салатларини айтмайсизми – помидор-бодрингли, кўзикоринли... Гречиха (маржумак) эса бу ёқларда энг сероб ва арзон емиш.

Рўйхатдан ўтиш муаммоси эрталабдаёқ ҳал бўлди. Хуш кайфият билан йўлга тушдик.

Сахар қаттиқ ёмғир ёққан, ҳаво анча совуқ эди. Аммо теварак бизга жуда файзли, манзаралар дилтортар кўринарди, боз устига, лимиллаб оқаётган Волга дарёси - шаҳарни кесиб ўтган, бепоёндай кўринаётган сув атрофга ўзгача шукуҳ берарди.

Волгоградга яна 200 км. бор эди.

Саратов вилояти дарёнинг чап соҳилида, Волгоград ўнг қирғоғида барпо этилган экан.

Шаҳардан чиқаверишдаги кўча узра тортилган шиор диққатни жалб этгулик эди: “Камишин - ер юзидаги энг гўзал шаҳар”. Демак, маҳаллий халқ ўз юрти билан кучли ифтихор қилар экан.

“Горный балыклей” кўрфазига етай деган жойда қовун едик – думалоқ қирқма қовун. Қувраклиги гурс кетдига, таъми шакарпалакка ўхшайди. Килоси йигирма рубль экан. Кўча

бўйидаги ушбу бозорчада бошқа мева, сабзавотлар ҳам бор эди. Узум – олтмиш рубль, помидор, булғор қалампири ўттиз рубль. Энг арзони тарвуз экан – етти рубль – бизнинг пулга беш мингдан ошиқроқ.

## ОЛТИН ЎРДА

Биз экспедиция дастуридаги асосий манзиллардан бири – Олтин Ўрда давлатининг маркази бўлган худудларга яқинлашиб борардик.

Соҳибқиронда, айрим ғарб олимлари фикрига қарши ўлароқ, жануби-шарқий Европани босиб олиш нияти йўқ, балки у Олтин Ўрдани майдалаб бўлиб ташлаб, тахтга ўзига қарашли бирор кишини чиқармоқчи эди. Асосий мақсад Қора ва Каспий денгизи йўналишидаги халқаро карвон йўлини Турон заминига йўналтиришдек улкан стратегик режа эди. Ўрда худудидан қадим замонлардан XVI аср бошларигача Ғарбни Шарқ билан боғлаган савдо йўли ўтган эди. У манбаларда баъзан “Мўйна йўли” деб ҳам юритилади. Амир Темур даврида ушбу йўлнинг икки тармоғи фаолият кўрсатган. Бири Русь жанубидан Қора ва Қулзум (Каспий) денгизлари бўйлаб, иккинчиси Каспийдан жануброқдаги Шом, Кичик Осиё - Кавказорти, Эрон ва Самарқанд орқали ўтар эди. Кейинги йўлни эгаллаш ёки бўлиб ташлаш ва иқтисодий жиҳатдан кучли Табризни қўлга киритиш Олтин Ўрда хонларининг ҳам орзуси эди. Бу йўлдан газмол, мовут, қурол-яроғ, аёллар тақинчоқлари, заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар, чарм, мўйна, асал, асалари муми, туз, зираворлар, дон, ёғоч, балиқ, икра, зайтун ёғи каби товарлар олиб ўтилган. Ушбу карвон йўли Хоразм ерларидан ҳам ўтган бўлиб, Олтин Ўрда хонларига катта даромад келтирган. Яна бир карвон йўли Тан (Ростов-Дон) шаҳридан бошланиб, Сарой Боту, Дашти Қипчоқдан Олтойгача, сўнгра Қорақурум орқали Пекингача давом этган. Демак, бир сўз билан айтганда, мазкур бепоён худудда ўз даврининг улкан геополитик манфаатлари мужассам бўлган...

Хўш, Амир Темур Олтин Ўрданинг қайси шаҳарларини кўзда тутган эди? Ёзма манбаларнинг хабар беришича, Олтин Ўрданинг энг гуллаган даврида Кафа, Қрим, Маджар, Азак (Азов), Ҳожи Тархон, Булгар, Белжамин, Қозон, Мохши, Гулистон, Укек (Увек), Урганч ва аввалги пойтахт Сарой ёки Сарой Боту, кейингиси Янги Сарой ёки Сарой Берка (Барака) шаҳарлари маълум бўлган. Мазкур шаҳарларнинг айримлари Волга дарёси бўйларига жойлашган эди.

Волгограддан ўттиз километр беридаги Дубовка районининг шу номдаги шаҳарчасида бизни Наташа исмли қиз онаси Людмила Ванеминовна ва тоғаси Александр билан қарши олди.

Наташа Куришова Волгоград университети тарих факультетининг аспирантқаси бўлиб, уни бу ерга Самара ўлкашунослик музейи директори Людмила Кузнецова илтимосига кўра Волгоград тарих ва ўлкашунослик музейи бўлим бошлиғи, тарих фанлари номзоди Наталья Владимировна Хабарова юборган эди. Аслида Хабарованинг ўзи экспедициямиз ташрифини кеча кутган эди, лекин биз кечикдик. Бугун қаергадир жўнаб кетиши зарур бўлгани учун Наталья Владимировна телефонда Боқижондан қайта-қайта узр сўради.

Наташанинг онаси, тарих фанлари номзоди Людмила Ванеминовна педагогика коллежида болаларга ватан тарихи, ўлка ўтмишидан сабоқ бераркан. Она-бола ҳамроҳлигида туман чеккароғидаги кўхна жойларни кўргани жўнадик.

Унча текис бўлмаган катта ялангликда тўхтадик. Кун чиқиш тарафда улкан дарё оҳиста чайқалиб ётарди. Бир вақтлар академик шоиримиз Ғафур Ғуломни маҳлиё айлаган, *“Йил бўйи шаҳарнинг бузилган ҳавосида қирланган ўлкаларга тоғлар, қирлар, ўрмонлар ошиб келган соф ҳаволарни баҳш қилатурган, зил кўнгишларга соғайиши, чарчоқ билакларга янги куч ҳадя қилатурган Волга...”* эди бу.

Ялангликнинг у ер-бу ерида худди Самарадагидай саёз ҳандақчалар қовланган экан.

Наташанинг айтишича, Волгоград педагогика институтининг доценти, тарих фанлари номзоди Евгений Павлович Мисиков Олтин Ўрда шаҳарлари тарихи бўйича илмий тадқиқот қилаётган экан, шу мақсадда биз турган жойларда ҳам талаба-шоғирдлари билан қазилма ишлари олиб бораркан. Наташанинг номзодлик иши ҳам тарихий мавзуда бўлиб, ойнанинг яралишига оид эди.

Ялангликдаги харобалар ўрта аср манбаларида **Белжамин** (Бельджамен) номи билан аталган шаҳар ўрни бўлиб, ҳозир бу жойлар Водян археологик ёдгорлиги деб юритиларкан. Белжамин Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши юришлари муносабати билан ҳам ёзма манбаларда зикр этилган, яъни 1395 йилги зафарли жангдан сўнг Соҳибқирон бу ерда тўхтаган. У Белжаминдан чиқиб, Дон дарёсининг қуйи оқими бўйлаб юрган. Ёдгорлик ҳозирги Волгоград вилоятининг Дубовка шаҳри яқинида, Волга дарёси қуйи оқимининг ўнг қирғоғида жойлашган. Анча вақтдан бери олиб борилаётган археологик изланишлардан аён бўлишича, ушбу Олтин Ўрда шаҳри ҳам худди Сарой Боту ва Сарой Беркага ўхшаб бунёд этилган: шаҳар кўчалар билан бўлинган уй-жой даҳаларидан иборат бўлган. Худудда уй-жойлардан ташқари турли хил маҳобатли иморатлар ҳам қурилган. Ана шулардан бири Белжамин жомеъ масжидидир. Дуруст сақланган масжиднинг минора асоси ва меҳроби ковлаб очилган. Яна бир археологик иншоот мураккаб иситиш тизимига эга бўлган жамоат ҳаммомидир. У тўққизта хонадан ташкил топган бўлиб, ер ости сопол қувурлари орқали сув билан таъминлаган. Археологияга оид тадқиқотларда тилга олинган Олтин Ўрда шаҳарлари, шу жумладан, Белжамин лойиҳасида ўрта осиелик меъмор ва қурувчиларнинг таъсири, услубини кузатиш мумкинлиги, масалан, йўлларга сопол ёки ғишт парчалари тўшашда, йўл четидан ёки ўртасидан сув ариқлари ковлашда Мовароуннаҳр қурилиш анъаналарига тақлид қилингани айтилади. Ҳатто анъана ва удумларда ҳам монандлик бор. Масалан, Сарой Берка шаҳар қабристонида Хоразмдан кўчириб келтирилган аҳолига тегишли қабрлар аниқланган. Уларнинг дафн этиш қоида-қонунига биноан марҳумни лаҳадга тобутсиз, юзининг қиблага қаратиб қўйилиши Хоразмдаги урф-одатларга айнан ўхшашдир. Биз сафар чоғида танишган Олтин Ўрда шаҳарларининг деярли барчаси бир даврда текислик жойда тикланган, улар остида олдинги қурилиш қатламлари йўқ. Улар учун яна бир умумийлик шуки, мазкур шаҳарларнинг барпо этилишида Хуросон ва Хоразм меъморчилик усуллари билан ҳам унумли фойдаланилган.

Белжамин шаҳри савдо йўлига яқинлиги туфайли Тўхтамишгача ҳам анча машҳур эди. XIII асрларгача бу ерларда, яъни Волга бўйларида рус табақалари яшаганлиги, кейин мўғуллар уларни суриб чиқаргани маълум.

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Белжамин шаҳрининг ўрни 500 гектардан кам бўлмаган. Ҳозир эса атиги учдан бир қисми қолган, тантиқ дарё йилдан-йилга унинг маълум бўлагини шафқатсизлик билан қомига тортиб, ўз ҳаддига қўшиб оляпти экан.

Дарвоқе, илгарилари бу жойда жиддий археологик тадқиқотлар ҳам олиб борилган, тупроқ қатламлари остидан тангалар, сопол идиш-оёқ ва бошқа ашёлар кўп топилган.

Умуман олганда, ўтмишда Волга атрофида Водянская, Мечетная, Царевская, Селитренная деган шаҳарчалар мавжуд бўлган, афсуски, улардан деярли нишонлар қолмаган.

Ялангликдан бир неча метр пастликка – дарё лабига тушдик. Боқижон Матбобоев жарнинг тошқин ўпириб кетган жойларидан, сув қочиб, очикликка чиқиб қолган тошлар орасидан қадимги даврларга оид нималардир (асосан сопол) қидириб топа бошлади.

Самара, Саратов, Камишин ва бошқа шаҳарлар ёнидан ўтиб, шу жойгача етиб келган ва ҳали яна давом этиб, Каспийгача етиб борадиган, қадимда Ра, ўрта асрларда Итил ёки Этил каби номлар билан аталган Волга Россия Федерациясининг Европа қисмидаги энг йирик ва серсув дарё бўлиб, узунлиги 3530 километрни, хавзасининг умумий майдони 1360 минг кв.километрни ташкил этади. Мана, шу худудда ҳам унинг чети кўринмас, узоқ-узоқларда кема, қайиқлар кўзга ташланарди. Сатҳи ниҳоятда сокинлигидан жуда ювошдай туюлар, зангор тусли сув дарё ўзанидаги не-не сирли синоатларни яшириб тургандай, ўтмишдаги кўплаб воқеаларга шохидлигидан хижолат тортгандай, ҳазин бир алпозда

оқарди. Хаёлимда беихтиёр Усмон Носир сатрлари айлана бошлайди:

**Волга! Волга! Оч руснинг ёши,  
Волга! Волга! Физонли дарё.  
Бурлақларнинг аччиқ фарёди  
Тубларингга тош бўлиб ботган...**

О, Усмон Носир! Ёш бўлса ҳам даҳо эди у! Русларнинг тарихини ҳам яхши биларди. Ўтмишда Волганинг қўлда эшкак тортувчи қанча-қанча ёлланма бурлоқларнинг азобли, машаққатли ҳаётига, умуман шу атрофда тўкилган қонларни дарё томонидан ютиб юборилганига ва бошқа фожеаларга, зуғум ва зулумларга шама қилган эди исёнкор шоир! Балки шеърда Дон атамани Емельян Пугачёв ва Степан Разинлар бошчилик қилган деҳқонлар, казакларнинг Урал ва Волга бўйларида помещикларга, яъни Россия ҳукуматига қарши кўзғолонлари, урушларидаги оху фиғон, кўз ёшлари назарда тутилгандир?..

Қайтишда Наташа бизни бошқа йўлдан бошлади. Қумлоқ, кенг, аммо калта кўчалардан юриб, бир ҳовли олдида тўхтадик. У ерда Наташанинг тоғаси кутиб турган экан. Ичкарига таклиф қилди. Зокиржон ака бошчилигида анча тайсалладик, лекин Александр ўзи махсус шўрва пиширганини айтиб, қаттиқ туриб олди.

Ҳовли катта ҳам, тўғриси, у қадар саранжом-саришта ҳам эмас эди. Четроқдаги айвон остига қўйилган стол атрофига ўтирдик. Александр Дон казакларидан бўлиб, Михаил Шолохов қаҳрамонларини эслатарди: бир оз дангал, бир оз қайсар, салгина тўпорироқ... Лекин сергапроқ ва ҳушчақчақ ҳам эди.

Шўрва ҳақиқатда ҳам мазали эди. Ҳатто қўшимчаси билан ичдик. Кейин мезбон бизни асал, қовун билан ҳам сийлади. Қовун сўйган пичоғи чиндан ҳам казакларнинг қиличига ўхшаган беўхшов ва ваҳимали эди.

Александр бизга районда ўн олти минг аҳоли истиқомат қилиши, дубовкаликларнинг асосан ўрикчилик, узумчилик, помидор етиштириш билан шуғулланишларини гапириб берди. Ҳарқалай, у ўзининг одамохунлиги, меҳмондўстлигини намоён этди.

Кейин Наташа йўлбошчилигида Волгоградга, вилоят ўлкашунослик музейига қараб кетдик.

Шаҳарнинг ёши анча улуг бўлса-да (унга 1589 йили асос солинган, XVIII асрнинг иккинчи ярмига қадар ҳарбий истехком бўлган), тарихий бинолар йўқ ҳисоби эди. Тарихий китобларда ёзилишича, аввал унинг номи Царицин, аниқроғи, Сарисун, Сарисув (сарик сув) бўлган. Ўша замонлардан, ҳатто кейинги, яқин ўтмишга оид кўзга кўринарли обида, ёдгорлик қолмаган – Волгоград ( у пайтдаги номи Сталинград) Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1942 йил июлдан 1943 йил февралгача) энг кўп жабр кўрган, жафо чеккан юртлардан бири бўлиб, бу ҳол ҳамон унинг ташки сиёқида сезилиб турарди – шаҳарнинг нуфузини белгилайдиган, савлати, салобатини намойиш этадиган иншоотлар кўзга ташланмасди. Яъни, тарихий бинолар кам, бори ҳам кўхна ва ҳарбий-мудофаа мақсадларида фойдаланиладиган корхона-ташкilotларга айланганидан улар қандайдир истарасиз кўринарди. Янги, кўп қаватли замонавий иморатлар, уй-жойлар ҳам бор, лекин сийрак эди. Кўчаларнинг номлари ҳам Россиянинг бошқа макон-кентларидаги каби эскилигича қолган: Ленин, Советская...

Айтишларича, ўша машъум жанглар чоғида шаҳарнинг тўқсон фоиз қисми вайронага айланган экан. Уни марҳумлар даргоҳи – музейи сифатида ўзгаришсиз қолдиришмоқчи ҳам бўлишган экан, лекин кейинроқ бу фикрдан қайтишган чоғи. Уруш йиллари собиқ СССР бўйича жуда оммалашган, босилиб чиқмаган газета-журнал, осилмаган пешток, ёпиштирилмаган девору симёғоч қолмаган “Мать – Родина!” деган сурат асосида ишланган улкан ёдгорликнинг шаҳар майдонларининг бирида ҳамон кўкрак кериб турганлиги юқоридаги фикр исботи бўлса, эҳтимол.

Волгограднинг бемисл талофат кўрганлиги ҳақиқат. Урушнинг энг қайноқ жабҳаси ва фронт такдирида муҳим аҳамиятга эга бўлган бу шаҳарда жанг чиндан-да беомон кечган.

СССР раҳбари Сталин ўз исми билан аталувчи шаҳарнинг фашистлар томонидан мағлуб ва ғорат этилишидан орийат қилибми, талвасага тушиб, 1943 йили бу ерга жуда катта қўшин юборади. Бу қўшин асосан Ўзбекистондан зудлик билан келтирилган содда ва умрида қўлига милтиқ ушламаган катта-кичик эркаклардан тузилган бўлиб, улар орасида менинг падари бузрукворим Кенжабой Умрзоқ ўғли ҳам бор эди. Отамнинг айтишича, уларнинг кўпчилигига ҳеч қандай қурол-аслаҳа ҳам берилмаган. Командирлар: “Ёнингдаги шеринг йиқилса (ўлса), ўшанинг милтиғини оласан” дейишган. Кетмонсиз деҳқон монанд қуролсиз жангчиларнинг вазифаси тупроқ тўзатиб, ёвларга армия сонини кўп, шаштини баланд кўрсатишдан ва “Ура-а-а!..” дея бақиритдан иборат бўлган. Қанчалари бирор марта “Ура!” дейишга ҳам улгурмай жон узишган. Ўша қирғин-баротдан соғ-омон чиқиб юртга қайтганлар (улар жуда кам эдилар) душман ҳамласини даф этиш мақсадида қуролсиз ўзбек дивизиясининг Сталинград фронтига ташланишини сув тошқинига қарши тўғонга қопланган кум босишга қиёслаб гапириб юришган.

Шундай қилиб, яқин-яқингача ҳарбий шаҳар бўлиб келган Волгоградда заводлар, оғиру енгил индустрия объектлари энди секин-аста халқ хўжалигини ривожлантиришга мўлжалланган саноат корхоналарига, масалан, танк заводи трактор завоидига айлантирилмоқда эди.

Биз кўзлаган музей шаҳарнинг марказий районида экан. Икки қаватли катта бинога жойлашган мозийгоҳ хоналари жуда кенг, шифтлари баланд бўлиб, ашёлар бисёр ва ранг-баранг эди: маҳаллий халқларнинг яшаш тарзлари, анъаналари, урф-одатлари билан боғлиқ кийим-кечаклар, уй-рўзғор анжомлари, ҳарбий либослар ва суратлар... Бироқ бизни, хусусан Боқижонни қизиқтирадиган нарсалар бошқа – Волгоград атрофи, яъни, қадимги Олтин Ўрда давлати худудидан топилган тош, сопол хум ва бошқа идишлар ҳам музейда кўп эди, археолог сафдошимиз уларни армонсиз суратга тушириб олди.

Музейдан чиққач, Наташани Мамаев қўрғони ёдгорлиги рўпарасида қолдирдик-да, Астрахань томон жўнадик. Соат тунги ўнларда Ахтубинск (туркий сўз “Оҳ тўба”дан)га етиб бордик. Ҳарбий шаҳарча бўлгани боис меҳмонхоналари чет элликларни қабул қилмас экан. Шаҳарчадаги бир неча қўноқхонага кириб чиқдик. Ҳаммасининг жавоби бир хил эди. Ниҳоят, бир четдаги “Алмаз” номли хусусий мусофирхонага жойлашдик.

Кечадан Боқижон акс ура бошлаган эди, уни “туркона” муолажалар билан даволаяпмиз.

## *7 октябрь, якшанба*

Эрталаб, нонуштадан сўнг шарқи-жанубга қараб йўл олдик. Астрахангача яна уч юз чақирим бор эди. Шаҳарчадан чиқаверишда машина бир ўчди (Икки-уч кундан бери қийинчилик билан ўт олаётган эди).

- Бошланди шекилли, - деди раҳбар ўтган сафарги машмашаларни эслаб.

Хайриятки, Аҳмаджон бензин насосини силкитиб-силкитиб юборган эди, мотор ишлаб кетди. Лекин кўнгилларга ғулгула тушди.

Даштга чиқиб қолдик. Йўл дуруст. Пастак қир-адирларда қўй подалари ёйилиб-ёйилиб ўтлаб юрарди.

- Бу қўйларнинг аждодлари Амир Темур бобомиз қўшини билан бирга келиб қолган бўлиши керак, - деди Зокиржон ака жониворларнинг семиз, зотдор эканлигига ҳаваси келиб.

Боқижон у кишининг фикрини қўллаб-қувватлади.

Қуёш чарақлаб турган бўлишига қарамай, ҳаво салқин эди. Далалардан, даралардан ҳовур кўтариларди.

Дарахтлар яккам-дуккам, аммо қарға сероб, полиз экинлари кўп.

Астраханга 120 км.ча етмай, Селитренное, Лапас, яна ўттиз чақиримдан кейин “ВЛКСМ - 30 лет” кишлоқларидан ўтдик. Бу жойлар бир замонлар Олтин Ўрда давлатига қараган, афсуски, энди у даврларга хос дурустроқ ёдгорлик қолмаганди.

Ажабки, бу ёкларда тарвуз билан бирга қовунлар ҳам кўп экиларкан: тезда-тезда полиз

маҳсулотлари, сабзавот бозорлари учраб турибди. (Астрахань олачипор тарвузнинг ватани эканлигини билардимү аммо негадир ковун етиштирилмаса керак деб ўйлардим). Дарахтлар кўпая борарди.

Бизни эса дам-бадам йўл полициячилари тўхтатишарди.

- Ўн беш километрда учинчи марта тўсяпсизлар, бу жуда ортиқча эмасми? – дейди охири раҳбар куюкиб.

- Нима қилайлик, бизга ҳам топшириқ-да. Хорижликсизлар, машина ҳужжатларини кўриб қўйиш вазифамиз, - дея ўзларини оқлашади улар.

Айтишларича бир неча кун олдин Санкт-Петербургдаги автоҳалокат муносабати билан мамлакат пойтахтида йўл хавфсизлиги чораларини кучайтириш тўғрисида катта йиғин бўлган экан.

## ИЗИ БОР-У, ЎЗИ ЙЎҚ ШАҲАРЛАР

Биз энди Боқижон Матбобоевнинг яна бир таниши, археолог Татьяна Гречкинанинг телефондаги тавсиясига кўра шу йўналишдаги тарихий шаҳарларни, тўғрироғи, уларнинг ўринларини мўлжаллаб борардик. Шундай жойлардан бири Волгограддан 340 километрлик масофадаги Сарой Боту эди.

Сарой (Сарой Боту) ёки Сарой ал-Махрус (Дворец Богохранимый - Аллоҳ паноҳидаги сарой) қолдиқлари ҳозирги Астрахань шаҳридан 80 км. шимолдаги Харабали районининг Селитренное қишлоғи яқинида, Волга ирмоғи Ахтуба дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Бу археологик ёдгорлик ҳудудида кўп йиллардан бери қазилма ишлари олиб борилади. Кулоллар, шишасозлар, металсозлар ва заргарлар даҳалари очиб ўрганилган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича *“Сарой бозорлар, ҳаммомлар, диний муассасаларни ўз ичига олган буюк шаҳар”* эди.

Янги Сарой (Сарой Берка) ҳақида ҳам қарийб шунга яқин гапларни айтиш мумкин. Унга (Ал-Жадид саройи деб ҳам юритилган) Олтин Ўрда ҳукмдори Берка томонидан 1260 йили асос солинган. Ўзбекхон даврида марказ Сарой Ботудан шу жойга кўчирилган. XIV асрнинг биринчи ярми Сарой Берканинг гуллаган даври ҳисобланади. Мазкур шаҳар харобалари ҳозирги Волгоград вилоятининг Ленин районига қарашли Царев қишлоғи яқинидадир.

Ўрта асрларда Сарой Беркани ўз кўзи билан кўрган Ибн Батута шундай ёзади: ... *“кенг кўчалари, гавжум бозорлари бўлган гўзал бир шаҳар. Унда 13 та жомеъ масжиди ва яна бир неча масжидлар мавжуд. Унда турли-туман халқлар – мўғуллар, руслар, византияликлар, қипчоқлар, черкаслар яшайдилар. Давлатнинг расмий тили чигатой тили бўлган. Султоннинг саройи Олтинтош деб аталади”*. Археологик қазилмаларга кўра, шаҳар асосий кўчалар билан даҳаларга бўлинган. Ёдгорликнинг марказий ва шимоли-ғарбий бўлақларида кулоллар, жез қуювчилар, суяктарошлар, темирчилар каби ҳунарманд-савдогарлар яшаган. Уларнинг бошпаналари пойдеворлари ғиштдан кўтарилган ярим ертўла ёки ёғочдан тикланган бир хонали уйлардан иборат бўлган. Ал-Жадидда (Сарой Беркада) Темир Хўжа, Ўрду Малик, Қилдибек, Хайр-Пўлод номларида тангалар зарб қилинган.

Биз ҳозир Сарой Боту шаҳрининг қолдиқларини кўриш иштиёқида эдик.

Селитренное қишлоғига етмай ўнг томонга кириш лозим экан, йўлдан ичкарироқдаги тунука кўрсаткичга кўзимиз тушмай ўтиб кетибмиз. Етти-саккиз чақиримдан ортга қайтиб келдик. Икки ёқ ҳам дашту биёбондан иборат эди.

Дашт оралаб тушган, Сарой Ботуга олиб борадиган йўл нотекис сўқмоқсимон, боз устига, чанг эди. Беш километрча юрганимизда рўпарада эски қалъа монанд иншоотлар кўринди. Биз шаҳар асоратлари бўлса керак, деб суюниб кетдик (Шахсан мен Олтин Ўрдага қарашли ўша машҳур кентлар – Сарой Боту, Сарой Берка... лар вайрона тарзида бўлса ҳам бор деган тасаввурда эдим). Катта қизиқиш билан етиб борганимизда бизнинг ҳайрат ва ҳаяжонларимизни бир лаҳзада пасайтириб қўйишди. Узоқдан сароб каби кўринган улкан

иморатлар мажмуаси Сарой Боту шахри нишонлари эмас, балки “Ўрда” деган фильмни суратга олиш учун яратилган унинг макети (декорация) эди. Асосан тахта, ёғочдан, баъзи қисмлари лойдан ишланган шаҳар (уйлар, саройлар, масжид-миноралар) нусхаси, моделини тиклашга тўрт ой муддат ва табиийки, бир дунё маблағ сарфланган экан.

Макет – андоза рўпарасида, ундан икки юз кадамлар чамаси берида бир неча алоҳида-алоҳида хонадан иборат ўтов (ёғоч ва брезентдан қурилган), атрофи қўрғонланган муваққат музей ҳам барпо этилган эди. Кириш юз рубль экан. Афсуски, пештоқига “Сарой Боту тарихига оид мозийгоҳ” деган лавҳа битилган ғарибгина “кошона”лардаги “осори атиқа”лар турли даврларга мансуб санокли тангалар, яқин ўтмишга оид уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечакдан иборат бўлиб, уч-тўртта сопол идишни инobatга олмаганда, Сарой Ботуга, умуман, Олтин Ўрда давлатига деярли дахли, томоша қилишга арзигулик тузук-қурук тарихий ашёси йўқ, аммо “Нарсаларга қўл теккизилмасин” деган огоҳлантиришлар бор эди.

Музей олдида сувенир сифатида “Сарой Боту” номи чекилган танга зарб қиладиган ускуна ўрнатилган экан, Зокиржон ака Андижондаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейига қўйиш учун 250 рубль (бизнинг пулга қарийб 20 минг сўм)га бир дона чақа чиқартириб олди.

Катта йўлга қайтиб, олға юрдик. Селитренное қишлоғига кираверишдаги маҳалла билан туташ ошхона ёнбошидаги “Сарой Боту – 1254” ёзувига ва ўнг томонга ишора қилинган кўрсаткичга кўзимиз тушганида, “Э-э, шаҳар қолдиқлари бу ёқда экан-да” деган фикрдан қувониб кетдик ва яна дашт тарафга кирдик. Бир чақиримча ичкаридаги, Волгадан ажралиб чиққан Ахтуба бўйигача бордик. Дарё унча катта эмас, лекин сув лабида паром турарди, демак, нариги соҳилга ўша “улов”да ўтилади.

Қишлоқ билан дарё ўртасидаги анча паст, сувсиз ўзанининг хийла кенлигига қараганда дарё бир замонлар йириккина бўлганга ўхшарди.

Биз атрофга аланглаймиз - тарихий шаҳар аломатларидан асар ҳам кўринмасди.

Қайтишда қурук ўзандан сув ёқалаб юрдик. Қишлоқ чекаси бўлган жарлик (демак, дарё шу ергача келган) ниҳоятда тик ва анча баланд эди. Ўша жар девори - эски даврга оид тошли тупроқ қатламлари тарам-тарам бўлиб аниқ билиниб турарди. Боқижон худди ёмби топиб олгандай ҳаяжонланиб кетди ва дарҳол қатламларни синчиклаб кузатишга ва сопол синиқларини қидиришга тушди.

Биз ҳам қизиқиб Боқижонга ёрдамга киришдик. Сополақлар анчагина топилди. Демак, Сарой Боту ўрни шу жойлар, унинг қолдиқлари мана шу сополлар бўлиши мумкин.

Айланиб, калта-култа катта кўчалар билан Селитренное марказига чиқдик. “Узбекская кухня” деган ошхона ва унинг деворидаги Фарғона водийси акс этирилган катта сурат – рекламани кўриб, юракларимиз бир ҳаприқиб олди.

Йўлда, кеч соат тўртларда “Молодёжь” деган посёлкада озарбайжонликлар кабобхонасида тушлик қилдик. Раҳбар кабобпазлар билан Бокуга қайси йўлдан бориш кулайлиги тўғрисида гаплашиб, улардан маслаҳат олди.

Олтмиш километрдан кейин Астраханга кирдик.

## **АСТРАХАНЬ – ҲОЖИ ТАРХОНМИ?**

Астрахань – шу номдаги Волга – Ахтуба қайири ва Волга дарёси дельтасини ўз ичига олган, этаги Каспийга бориб туташадиган вилоятнинг маъмурий маркази. Қуйи Волга бўйида, Итилнинг чап соҳилида жойлашган Астрахань (Ҳожи Тархон) қишлоғи ўрнида барпо этилган. Аниқроғи, XIII асрдан, мўғуллар ҳукмронлиги давридан мавжуд. 1459 йилдан 1556 йилгача Астрахань хонлигининг пойтахти бўлган, кейин уни Россия босиб олган.

Ҳожи Тархон аслида Олтин Ўрда хонларининг кузги қароргоҳи ҳисобланган. Астрахань шахрининг шимолий теграсида жойлашган “Шареный бугор” археологик ёдгорлиги Ҳожи Тархонга нисбат берилади. Бу қадимий шаҳар ҳақида Ибн Батута,

Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд асарларида маълумотлар учрайди. Ҳожи Тархон тез ривожланиб кетган, бунга, биринчидан, унинг қулай жуғрофий жойлашуви сабаб бўлган. У шимол ўлкалари, Кавказорти, Ўрта Осиё, Хитой, Қримдан келадиган халқаро магистрал йўллар ўтган чорраҳада жойлашган эди. Иккинчидан, Хон мавсумий қароргоҳининг Ҳожи Тархон атрофида бўлиши ҳам унга кўпгина афзалликлар туғдирарди. Учинчидан, мазкур шаҳар Олтин Ўрда хони фойдасига олинадиган кўплаб солиқлардан озод этилган эди.

Марказда қад кўтарган минораи қалъа, мудофаа иншоотлари, сарой ва черковдан таркиб топган Кремль Астраханнинг тарихий ва энг машҳур обидаларидан биридир.

\*\*\*

Кремлнинг асосий дарвозаси олдида бизни Матбобоевнинг яна бир таниши Татьяна Юрьевна (улар йўл давомида телефонлашиб туришганди) кутиб олди. Оврўпачасига кўришишларидан касбдошларнинг чиндан-да кўп йиллик кадрдон эканликларини пайқаш қийин эмас эди. Бизнинг ҳавасимиз келар, айна вақтда ҳамсафаримизнинг эски кадрдонлари бизга жуда асқотаётганидан беҳад мамнун эдик.

Қотмадан келган, анча сипо кўринадиган жувоннинг қора, бежирим қош-кўзлари бир оз салқиган эса-да, тиниқ юзлари бир пайтлар унинг ниҳоятда келишган қиз бўлганига гувоҳлик берарди. Лекин қароғлари ичига қандайдир ғам соя солгандай, худди ана шу нарса унинг дадиллиги ва шўхлигини жиловлаб тургандай туюларди. Билсак, сал аввалроқ турмуш ўртоғи оламдан ўтган, ҳаётида яна бир қандайдир нохуш ҳодиса юз берган экан.

Жувон асли Самарқандда туғилган, ўша ердаги университетнинг тарих куллийетини битирган бўлиб, кейин археология соҳасида, Сибирда тош даври бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориб, номзодлик диссертациясини ёқлаган экан. Татьяна Гречкина Боқижон ва Людмила Кузнецовалар билан бир вақтда Ленинградда аспирантурада ўқишган эди.

У бизни Кремль ҳовлисига бошлаб кириб, бу муаззам кошона тўғрисида гапириб берди. Кремль Россия Астраханни ўзига қўшиб олгандан кейин, 1459 йили, Иван Грозный даврида қурилган экан.

Кўпларнинг (жумладан, каминанинг ҳам) тасавурида Астрахань билан Ҳожи Тархон бир шаҳар сифатида гавдаланиб келади. “Ҳожи Тархон Волганинг бир соҳилида, Астрахань дарёнинг иккинчи соҳилида қад кўтарган бўлиб, Ҳожи Тархондан ҳеч вақо қолмаган”, - дейди Татьяна Юрьевна.

Таъкидлаш жоизки, Астрахань Ҳиндистондаги бобурийлар империяси билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилишига асос солган шаҳардир. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзаро ҳамкорлик борасида битим тузиб келиш учун ўз элчиси Хўжа Хусайни юборгани, аммо номаълум сабабларга кўра элчининг Москва князи Иван Василевич Грозный хузурига бир неча йил кечикиб етиб боргани маълум. Маълумотларга кўра, кейинроқ Шоҳ Жаҳон даврида Россия князликлари хоҳиш-ихтиёри билан савдогарлар – қозонлик Никита Сирожин, астраханлик Василий Тушков Ҳиндистонга юборилади. Астрахандан Деҳлигача бўлган масофа ўрганилади. Бобурий Аврангзеб ҳукмдорлик пайтида яна бир астраханлик – Момет Усуп (Муҳаммад Юсуф) Қосимов элчи қилиб жўнатилади. Хуллас, Москвага, Волга бўйларига ҳиндистонлик савдогарлар кела бошлайдилар. Астраханда дастлабки ҳинд карвонсаройлари вужудга келади.

Юртдошимиз, шифокор-бобуршунос Мирмаҳмуд Мирсайдуллаев “Бобур номи ила аталган” тадқиқотида ғаройиб далилларга - Россияда Бабуриин, Бабуров, Забабуриин, Бабурченок, Бабура фамилиялари, Бабурка лақаби, Қуйи Бабуркина дашти, Бабуриинский хутори, Бабурино деган жой атамалари учрашига эътиборни қаратадики, бу чиндан ҳам жиддий ўрганишга лойиқ бир мавзудир. Зеро ҳеч бир ном (хусусан тарихий номлар) бесабаб қўйилмайди.

Биз мезбон билан хайрлашдик, у бизни меҳмон бўлишга қистади. Қўноқхона топишга ёрдам беражагини таъкидлади, аммо Зокиржон ака бировларга, хусусан аёл зотига ташвиш



келтиришни сираям хоҳламасди.

Астраханда руслардан ташқари қозоқ, озарбайжон ва бошқа миллат вакиллари яшаркан.

Меҳмонхона қидириш баҳонасида шаҳар кўчаларини хийла айландик. Қаҳвахона ва бошқа биноларнинг Волгага қараган саҳн-майдонларида, рангин товланувчи фавворалар атрофида сайр қилиб юрганлар, дам олиб ўтирганлар кўп эди (Очиғи, уларга шахсан менинг ҳавасим келди. Гуркиров икки дарёнинг ўртасида бўлса-да, ҳовлимиз сув бўйидан анча ичкарида, ҳолбуки мен дарё, денгиз ёқаларида, шунингдек, тоғ, ўрмон билан туташ жойларда яшашнинг гашти жуда бўлакча бўлса керак, деб ўйлаб гоҳида армон қилиб юраман). Дарёдан эсаётган ва фавворалардан уфурилаётган шабада қиз-жувонларнинг тўзгин сочларини, ҳарир кўйлаклари этакларини хилпиратиб-учирар, умуман манзара сурурли, ҳузурбахш эди. Ғафур Ғулом *“Волга устида кечқурун пайтлари ҳеч қаерда тенглаштириб бўлмайтурган гўзал манзараларни кўрасиз...”* деганида балки мана шундай ҳолатларни назарда тутгандир.

Волга Астраханнинг чор атрофи ва ичидан оқиб ўтар, яна шаҳар ўртасидан Оққуш номли кўл ҳам қазиб ўтказилган экан. Четлари гулзор кўлнинг ҳар ер – ҳар ерида икки қирғокни туташтирадиган ярим гумбазсимон кўприкларда одамлар ўмганларини ихотапанжара тўсиқларга босганича, сувда бамайлихотир, солланиб сузиб юрган оққуш, ғозларни ва узоқ-узоқдаги осмон билан қўшилиб кетган ранго-ранг лойиҳали биноларни мароқ билан томоша қилишарди.

“Тагмар” номли мусофирхонада тунадик. Пашша бор экан, хийла ғашга тегди.

## НАХОТКИ АДАШГАН БЎЛСАК?..

*8 октябрь, душанба*

Ҳавонинг авзойи бузук.

Яна шаҳар айландик, кечқурунги кўл ва Волга бўйларида суратга тушдик.

Кейинги манзилимиз Доғистон эди. Баланд кўприкли айлана йўллардан кун ботишга қараб юрдик.

Лиман тумани марказида тушлик қилдик. Шу ерда “Голланд гуллари” номли кўримсизгина дўкон бор экан, Зокиржон ака Бобур боғига экиш учун бир неча хил гул уруғлари сотиб олди. Лаган отлиғ жойдан чапга – жануби-ғарбга бурилдик. Соз йўл шу ерда тугади. Каттароқ хароба сўқмоқдан кетдик.

Ҳадемай, қип-қизил, бийдай даштга чиқдик. Кўча тупроқ-чангли, ўнқир-чўнқирли эди. Хайрон бўламиз: наҳотки Доғистондай мамлакатга шу дабдала йўл олиб борса? Расул Ҳамзатовдай буюк шоир етишиб чиққани учунми, бу юртни мен бағоят гуллаб-яшнаган, мафтункор бир ўлка сифатида тасаввур қилардим. Адашдиг-ов, Россия шаҳарлари ўртасидаги йўл бундоқ бўлиши мумкин эмас, деймиз. Сўрамоққа чора йўқ: на у ёққа, на бу ёққа на одам юради ва на бир улов... Ниҳоят, кўчадан ичкарироқда ўтлаб юрган катта сурув кўйга кўзимиз тушди. Тўхтаб чўпонни чақирдик. Соқоллари тиканак бўлиб ўсган, офтобда юравериб қорайиб, жизғанаги чиқиб кетганидан ёшини ҳам, тусини ҳам аниқлаш қийин бўлган авар эркак билан энди суҳбат бошлаган эдик, орқамиздан бир енгил машина ичи тўла йўловчи билан келиб қолди. Улар Доғистон йўли шу эканини айтиб чангитганича ўтиб кетишди ва барханлар орасида кўздан ғойиб бўлишди. Бошқа одам ё улов учрамас, йўл эса силкитавериб вужудларимизни қоқиб ташларди. “Барибир адашдик...” деб яна иккилана бошладик. Бизни ҳаммасидан ҳам қатновнинг камлиги, деярли йўқлиги таажжублантириб, гумонимизни кучайтирарди – ахир Доғистон каттагина, доврुकликкина республика-ку, наҳотки у тарафга борди-келди бўлмаса? Яна, боягилар йўл шу дейишди-ку, дея ўзимизга тасалли берамиз. Зеро энди бу расвои жаҳон сўқмоқдан орқага қайтишга ҳам райимиз йўқ эди.

Хуллас, бир соатлардан кейин кўндаланг, биз бораётган сўқмоқни кесиб ўтган бир йўлнинг, хойнаҳой, нақ белидан чиқдик.

“Борса келмас” ва “Борса қайтмас” йўллар бошида тараддудланиб қолган эртак қахрамонларидай бирпас йўлнинг дам у ёғига, дам бу ёғига қараб турдик-да, таваккал, ишимиз ўнгидан келсин, деб уловни ўнгга сурдик. Йўл дуруст эди, жонимиз анча ором олиб қолди. Бундай йўлда адашсак ҳам гўрга, деб кетавердик. Ниҳоят, яна бир айрилишда юк машинаси турган экан, ҳайдовчисидан тўғри бораётганимизни эшитиб, қақшаган асабларимиз, таранглашган томирларимиз сал бўшашди. Биз айна чоғда Қалмиғистон республикаси ҳудудида эканмиз. Кўнглимизга бошқа гап сиғиб, қалмиқларнинг донгдор шоири Давид Қўғултиновни эсладик – унинг ижодидан Боқижон ҳам хабардор экан.

Қалмиғистон унча катта эмас эди. Кўп юрмай, Доғистон депарасига етиб бордик. Назорат маскани бор экан, ҳужжатларни бирров кўриб ўтказиб юборишди. Қалмиғистондаги ва ундан олдинги полициячилар очикдан-очик “якан” талаб қилишарди.

Кочубей деган шаҳарчада тунамоқчи эдик, кўноқхонасида шарт-шароит яхши эмас экан. Ўттиз-ўттиз беш чақиримлардан кейин Таруновка шаҳри келди. Меҳмонхона ва бошқа маиший хизмат мажмуаси маъқул тушиб, ўша ерга жойлашдик.

## **КАВКАЗ. ДОҒИСТОН**

*9 октябрь, сеианба*

Эрталаб ташқарига чиқсак, туман билан шудринг тушиб, табиат яшнаб кетибди. Дарахтларнинг навлари ўзгариб, Кавказнинг ҳавоси, нафаси кела бошлаганди.

Анча йиллар илгари омадим чошиб Ставрополь ўлкаси, Машъук тоғи ёнбағрида жойлашган курорт шаҳар Пятигорск (Беш тоғ)да дам олиш, даволаниш шарафига муяссар бўлганимда, Кисловодск (Аччиқсув), Ессентуки, Железноводск, Минвода шаҳарларини шунчаки айланиб кўрган чоғларимда ошиқ бўлиб қолганим, ўша пайтларда бу ғаройиб, бетакрор манзаралар оламига тез-тез бориб турмоққа аҳд қилганим ва аммо бу аҳдни, орзуни чорак асрдан зиёд вақт ичида ҳам рўёбга чиқаролмаганим, кўплаб ижод аҳлига, хусусан Пушкин ва Лермонтовга эҳтиросли илҳом, қайғули, маҳзун мавзулар берган, мард, жасур қаҳрамонлар инъом этган, Александр Сергеевич “*Янги илҳом маконим*”, Михаил Юрьевич “*Иккинчи ватаним*” деб атаган Кавказ бағрига, Аллоҳ бутун меҳри-зеҳни билан яратган рангин, мафтункор табиат дунёсига кириб бормоқда эдик.

Мен Пушкиннинг куйидаги сатрларига жо этилган жозибадор манзаралар, ҳолатларни, жонли тасвирларни кўришга ошиқардим:

*Тегимда булутлар оқади аста,  
Булутаро гувлаб шалола тошар.  
Остида баҳайбат қоқ қоя-тошлар,  
Нимжон ўт, қуриган чангалзор настда.  
Кейин, дарахтзорлар, салқин ўтлоқлар,  
Қушлар тинмай сайрар, кийик ўйноқлар.*

*Одамлар маконин қурмиш тоғаро,  
Бўлиқ қияликда ўтлайди пода.  
Чўпон ўрлаб борар қувноқ воҳада,  
Арағва шошади кўк қирғоқ аро.  
Даралар панажой юпун отликқа,  
Терек ўйноқлайди бебош шодликда.*

Кавказ – Қора, Азов, Каспий денгизлари орасидаги Россия худудининг анча бир қисмини, Озарбайжон, Арманистон, Гуржистонни, Туркиянинг шарқий, Эроннинг шимоли-ғарбий қисмларини ўз қамровига олган 500 минг квадрат километр майдонни ишғол этувчи улкан минтақа.

Махачқалъага етмай, 140 км. берида нақ ўрмон ўртасидаги йириккина назорат

масканига дуч келдик. Шу ердан ўннга Грозний (яъни Чеченистон – 120 км.)га кетиларкан.

Бокуга эса 570 км. қолган эди.

Туман кўтарила бошлади. Дарахтлар дам қалинлашиб, дам сийраклашиб борарди.

Ўн беш километрдан кейин биз орзиқиб интилаётган Терек дарёси<sup>1</sup> кўринди. Ёдимга Лермонтовнинг “Кавказ асири” достони тушди. Асар қахрамони, ота ғазабига учраган бахтсиз черкас қизни (балки кўпларни) комига ютган бу дарё энди у воқеаларни тамом унутган, худди Волга каби бепарво оқарди.

*Узоқларда тўлғонар Терек,*

*Қирғоқларга уриб ўтар тўш...*

Катта, узун кўприк ёнидаги Россия транспорт вазирлигининг Терек бўлими назоратчилари билан суҳбатлашдик. Сустигина, бизга анграйиб ва ножоиз ерда тўхтаганимизга ғашлари келиб турган одамлар Доғистоннинг буюк фарзанди Расул Ҳамзатов хусусида гап очилганда бирдан ҳаммаси жонланиб қолишди: ўз шоирларини яхши билишар ва қаттиқ ҳурмат қилишаркан, адибнинг туғилган юрти – Доғистоннинг тоғли тарафидаги Хунзахни, Цадасани таърифлашга тушишди. Лекин назоратчилар оддий ишчилар эди. Терекнинг қаердан бошланиб, қаерда тугаши, машхур тарихий муҳораба тўғрисидаги саволларимизга қониқарли жавоб ололмадик. Фақат дарёнинг Каспийга қуйилишини айтишди. Ҳолбуки, Терек – Соҳибқирон Тўхтамишхоннинг хўп таъзирини бериб, қайта оёққа туролмайдиган қилган жангга гувоҳ бўлган дарё!

Маълумки, Амир Темур Кундузча жангидан роппа-роса уч йил ўтиб Олтин Ўрда масаласини узил-кесил ҳал этиш учун Тўхтамишга қарши янги юриш бошлаган.<sup>2</sup> 1394-1395 йилги қишлоқни қўшини билан Қулзум (Каспий) денгизи бўйидаги Маҳмудобод деган жойда ўтказиб, 1395 йил 28 февралда Каспий денгизи қирғоғи бўйлаб Дарбанд томон юради. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Дарбанд ҳокими Ширвоншоҳ Иброҳим Дарбандий Амир Темурга содиқлигини намоиш этиб, унга пешвоз чиқади. Ҳатто Амир Темур исми-шарифини хутбага қўшиб ўқитади ва унинг номи битилган тилла ҳамда кумуш тангалар зарб эттиради. Бундан мамнун бўлган Соҳибқирон Иброҳим Дарбандий кифтига кимхоб либос ёпиб, тахтини қайтариб беради ва Дарбанд дарасини кўриқлашни ҳам унга топширади.

Соҳибқирон жанг олдида Тўхтамишхон ҳузурига Шамс ад-дин Олмалиқийни тинчлик таклифи билан юборади, бироқ Олтин Ўрда хони Амир Темурга рад жавобини бергач, юриш давом эттирилган. Қўшинлар Дарбанд орқали Эльбрус тоғи этакларига етиб борадилар. Манбаларда ёзилишича, шу ерда Тўхтамишхон тарафдорлари бўлмиш *қайтага* деган этник гуруҳ билан тўқнаш келадилар. Уларнинг бир қисми мўғул тилида, бир қисми турк тилида сўзлашган. Уларнинг этник жиҳатдан кимлар экани номаълум бўлиб қолмоқда. Бир тахмин шундан иборатки, бу этник гуруҳ туркий тилнинг қипчоқ қавмларига мансуб кумиқлар бўлиши мумкин. Қумиқлар тил жиҳатидан чиғатой (эски ўзбек) тилига жуда яқин туради. Тарихчиларнинг фикрича, бу этник гуруҳ эрамиз бошларида Дарбанд атрофларига келиб ўрнашган қадимий маҳаллий аҳолидан бири эди. Хуллас, Амир Темур лашкари Терекдан ўтиб, Жулат деган жойда тўхтади. Озиқ-овқат, ем-хашак олинади ва қўшин кўриқдан ўтказилади. Соҳибқирон истехкомларни мустаҳкамлайди, қароргоҳлари олдига бир эмас, иккитадан чуқур қаздирадики, бу тадбирлар қўшинларни жангга пухта тайёрлаш учун амалга оширилган.

Терек жанги Терек ва Кума дарёлари оралиғидаги Нўғай даштида 1395 йил 15-17 апрель кунлари бўлиб ўтади. Бу жанг Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан учинчи, ҳал қилувчи тўқнашуви эди. Унда икки томондан тақрибан тўрт юз минг киши қатнашган. Амир Темур яна Кондурча жангидаги тажрибасини ишга солади. Тўхтамишхон

<sup>1</sup> Терек – Шимолий Кавказдаги дарё. Узунлиги 623 км. Унинг бўйида Моздок, Кизлер шаҳарлари жойлашган.

<sup>2</sup> Амир Темур Тўхтамишга қарши уч марта: 1389, 1391 ва 1395 йиллари юриш қилган. Умуман икки томонининг тўқнашуви олти бора юз берган.

хам худди Соҳибқиронникидай усулни қўллайди. Лекин Амир Темур 7 та қўл – ҳарбий бўлинмадан иборат ягона жанговар кучни марказлашган ҳолда бошқариб, оғир ва ҳал қилувчи ғалабани қўлга киритади. Тарихчилар хабарича, Соҳибқирон кўшини Тўхтамишхон қароргоҳида ташлаб кетилган жуда катта бойлик ва хазинага ҳам эга бўлган. Олтин Ўрда хони бутун мулки, хонумонидан, салтанатидан айрилади. У энди ҳеч қачон хонлик тахтига қайта ўтира олмайди. Амир Темур Тўхтамишхонни қувиб Рязань вилоятигача бориб, Елец шаҳрини ишғол этган. Днепр дарёси томондаги ғарбий улусларни бостириш учун ўша ёқларга ҳам юришни давом эттирган.

Ушбу тарихий воқеалар ҳақида маҳаллий халқнинг ҳозирги авлодлари етарли маълумотга эга бўлмасликлари мумкин, аммо мазкур жангдан манфаат кўрган юртларнинг тарихчи олимлари, зиёлилари яхши биладилар ва асло унутмайдилар. Биз Терек нозирларига мозийдан мухтасар тушунтириш бердик-да, дарё соҳилларини кезиб, завк билан томоша қилдик, кўп алғов-далғов ҳодисаларга шоҳид, қанча ривоятларга мавзу бўлган дарёни видео, фототасвирларга туширдик.

Йўлда давом этяпмиз.

Негадир қарға ҳаддан зиёд кўп. Шундан унинг уч юз йил яшашига ишониш мумкин. Россия замида бу парранда семиз, тимқора эди, бу ёқларда қотмароқ ва оч қора тусда экан.

Бобоюрт, Татаюрт, Ҳамзаюрт, Қизилюрт, Ғозийюрт деган қишлоқлардан ўтдик. Умуман, бу йўналишдаги жой номларининг аксарияти туркий эди. Зокиржон ака хусусан Бобоюрт билан қизиқиб қолди. Темурийларга дахлдор бирон улуғ шахс эмасмикин, деб, йўлда учраган кишилардан сўраб кўрди, лекин тайинли жавоб ололмади.

Шўро даврида қўйилган номлар ҳам кўп, колхоз, совхозлар ҳали ҳам фаолиятда, демак, бу ёқларда советлар тузуми ҳали батамаом барҳам топмаган.

Ҳануз чўлсифат, даштсифат бепоён кенгликлар оралаб кетяпмиз.

Махачқалъага, Кавказ марказига яқинлашган сари ҳарорат кўтарилиб борарди. Йўл-йўлакай маҳаллий аҳоли вакиллари билан қилган мулоқотларимиздан аён бўлишича, турли миллатлар юрти Доғистонда завод-фабрика йўқ ҳисоби, ишлаб чиқариш камлиги боис, шаҳарларда ишсизлар кўп, одамларнинг моддий ҳолати унчалик яхши эмасга ўхшайди. Бу борада тоғликларни омадлироқ деб ҳисоблаш мумкин экан: уларда, ҳарқалай, мол-қўй бор-да. Халқ асосан мевачилик, узумчилик, полиз, сабзавот экинлари ва... виночилик билан шуғулланаркан.

Биз ҳамон жануби-ғарб сари талпиниб елардик. Чап томондаги ҳовлилар, бинолар орасидан йилт-йилт қилиб катта сув кўзга ташланиб қолди. У Ҳазар – Каспий денгизи экан. Йўл қирғоғида денгиз бўйидаги дам олиш ҳудудлари тарғиб-ташвиқ этилган панно-рекламалар бисёр эди. Менда кўплаб Кавказ халқлари шоирларининг мадҳу саносига сазовор бўлган Каспийни кўриш иштиёқи баланд эди. Олисдан унинг шовқини қулоғимга эшитилгач, ҳаяжонимни яшира олмай, денгизга қалбан талпина бошладим. Баъзи ҳиссиётлар юқувчан бўлади. Ҳазарни томоша қилиш истаги бошқаларнинг ҳам тилига қалқиб чиқди. Зокиржон ака Аҳмаджонга қулай ердан денгиз тарафга юришни буюрди. Шушия посёлкасидан “Малибу” деган оромгоҳни мўлжаллаб бурилдик-да, нотекисроқ, ҳали асфалт босилмаган шағалли тошлоқ йўлдан жанубга томон бир чақиримча кирдик. Ҳордик чиқариш, чўмилиш мавсуми тугагани сабабли масканда қоровулдан бўлак бир жон йўқ эди. Уч тарафи кўрғонли ҳудуд саҳннинг ярми бетонланган, анча-мунча бинолар бор, кунгай соҳил эса юмшоқ қалин қумлик бўлиб, бу – пляж, офтобшувоқ макон эди. У ер-бу ерда ҳали йиғиштириб олинмаган соябонлар қийшайиб, ўксик бир ҳолатда шумшайиб турарди.

Пойабзалларимиз кумга ботиб, қирғоққа ёндашиб бордик. Денгиз бепоён – узок-узокларда хира қаймоқ ранг сув юзасида ўрмалаётган, туман аралаш кўкимтир булутлар ваҳимали тусда ёйилиб кетган эди. Берироқларда эса том бўйи долғалар дам-бадам худди яқин турганларни юлқиб олиб кетадиган бир вазоҳатда кумлоққа шиддат билан ёпирилар, сўнг думидан тортилаётган аждарҳодек ер бағирлаб, буралиб-суралиб орқага қайтарди.

Тўлқинларнинг шамоли эса, аксинча, одамни қирғоқдан сиртга итарарди. Айни шундай ҳолатни бундан қарийб йигирма йил олдин Ҳинд кўрфазида кўрган эдим.

Ҳайбатли денгизнинг кўпириши, пишқириши ғайритабiiй ҳодисотга ўхшарди. Худди бўрон каби пўртаналар замирида ҳам илоҳий бир қудрат яшириндай туюларди. Ҳар қандай шамолу довулнинг ҳам, денгиз тўлқинлари, тўфонларни ҳаракатга келтирувчи кучнинг ҳам илм-фан изоҳидан бошқа сабаби, сиру синоатлари бўлиши керак. Зеро, Расул Ҳамзатов “Илк мўъжиза тоғ деб биламан. Ва иккинчи мўъжиза – Каспий” деб ( шоир учинчи мўъжизага ўрмон, дала-тузни, гул, тонг шафағи, юлдузларни киритади) бежиз ёзмаган, деб ўйлайман (Лекин камина биринчи мўъжиза – инсон, деган фикрда, шунингдек, иккинчи мўъжиза Каспий эмас, умуман сув, обихаёт дейилса маъқулроқ бўлармикин?).

Қомусий китобларда ёзилишича эса, Каспий (ўтмишда Кавказнинг шарқида яшаган **каспий** қабиласи номидан) ўрта асрларда бу кекса уммон соҳилида қарор топган давлатлар, элатларнинг атамасидан келиб чиқиб, Гўргон, Хуросон, Хоразм, Оқ денгиз, Хазар – жаъми ўттизга яқин ном билан аталган. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида Қулзум дейилган. Ғафур Ғулом Каспийга нисбатан **Чирқал** сўзини қўллаган, таниқли қозоқ шоири ва публицисти Жонғали Равшанов эса уни яна бир ном билан – Оққуш (уларнинг энг кўп шу баҳри кабир узра чарх уриб юришларини инобатга олиб) денгизи деб аташни таклиф этади. Шундан ҳам Каспийнинг нақадар қадимий ва бошидан хўп можаролар, истилолар билан боғлиқ дарду жафоларни кечиргани, изтироблар чекканини тасаввур қилиш мумкин. Озарбайжонлар уни ҳали ҳам Хазар дейдилар. Ҳозирги ҳолатда Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Эрон, Озарбайжон худудларида жойлашган элликка яқин оролни ўз ичига олган мазкур денгизнинг ўртача кенглиги 320 км., узунлиги салкам 7 минг километрни ташкил этади. Ажабки, худудининг шунча бепоёнлигига қарамай, бирон океанга туташмайди.

Каспийга Волга, Ўрол, Терек, Кура, Эмба, Самур, Сулак, Эрондан оқиб келадиган Сафедруд каби йирик ва бошқа кўплаб катта-кичик дарёлар, сойлар қуйилади. Мана шундай улкан, бепоён денгизлар, уммонларни кўриб, сон-саноксиз сув ҳавзалари тўғрисидаги маълумотлардан хабар топганингизда ер юзининг қарийб тўртдан уч қисми оби ҳаётдан иборатлигига, Нух тўфонининг бежиз юз бермаганига асло шубҳангиз қолмайди.

Доғистон пойтахтига яқинлашяпмиз. Аҳоли яшаш жойлари қалинлашиб, гавжумлашяпти: эски, янги уйлар кўп, асосан икки қаватли. Қизил, оқ ғиштли, ранг-баранг лойихали бинолар...

Шимолий Кавказ тоғларининг шарқий қисмида жойлашган Доғистон (бу атама туркча бўлиб, доғ-тоғ, стон (истон) тоғлар мамлақати демакдир) ҳам қадимий ўлкалардан. Мазкур юртда одам палеолит (тош) давридан яшаб келади. Мўъжазгина юрт бошидан кўп алғов-далғовлар кечган. Ўз вақтида хуннлар (гуннлар тарзида ҳам ёзишади), сосонийлар ҳукмронлик қилган. Еттинчи асрда араблар ишғол этгач, аҳоли ислом динини қабул қилган. XI асрда салжуқийлар, XIII асрда мўғуллар бостириб кирган, узок йиллар Олтин Ўрда зулми остида яшаган. XIX асрнинг дастлабки чорагида Россия эгаллаган. XX аср бошларида немис-турк қўшинлари, оқ гаврдиячилар босиб олишган. 1920 йилларда советлар ҳокимияти ўрнатилиб, Доғистон Автоном республикаси ташкил топади. 1991 йилдан Доғистон Республикаси деб номланган. Ўзи ихчамгина бўлса-да, республика худудида кўплаб миллат вакиллари, жумладан, авар, рус, дарғин, қўмиқ, лазгин, лак, озарбайжон, табасаран, тат, чечен, нўғайлар, хуллас, Расул Ҳамзатов таъбирича “*қирқ лаҳжали эл*” яшайди.

Доғистоннинг Ўзбекистон билан диний эътикод нуқтаи назаридангина эмас, бошқа жиҳатлардан ҳам яқинлиги бор. Доғистонликлар билан ўзбеклар бир-бирларига маънан уйғун, ҳамжиҳат халқлардир. 1970 йил 14 май кунги зилзила Доғистон шаҳар ва қишлоқларига жиддий талофат етказди. Шунда бошқалар қатори ўзбеклар ҳам ёрдамга етиб бориб, табиий офат асоратларини бартараф этишда, янги уй-жойлар қуриш, таъмирлашда фаол қатнашдилар. Ҳозир бу юрт пойтахтида “Ўзбекистон” деган кичик мавзе мавжуд.

Доғистонда Темир-Хан-шура деган жой бор, ўзбекчага ўгирсак “Темирхон шаҳри” демакдир. Мазкур қалъа-истехком Амир Темур номи билан узвий боғлиқ. Сабаби Кавказ

юриши пайтида, яъни, 1394-1395 йиллари Соҳибқирон шу ерда тўхтаган, унинг ҳарбий қароргоҳи тикланган. Кейинчалик қалъа-шаҳарга айланган Темир-Хан-шура Доғистон халқлари тарихида алоҳида аҳамият касб этган. У 1860 йили Доғистон вилоятининг маркази, сўнгра - 1921 йили Доғистон мухтор республикаси пойтахти бўлган, 1924 йили номи Буйнакск деб ўзгартирилган.

Олтин Ўрданинг Шимолий Кавказдаги бир неча шаҳри харобалари ҳозиргача сақланиб қолган. Булар Маджар, Қуйи Жулат<sup>1</sup>, Юқори Жулат ёки Татартюп каби шаҳарлар бўлиб, мазкур кентлар Олтин Ўрда савдо-иқтисодий жараёнларида фаол роль ўйнаган.

Соат кундузги иккиларда Махачқалъага кириб бордик. Бу ҳам тоғлар қуршовидаги шаҳар. Унинг барпо этилганига 155 йил бўлибди. Йўллари торроқ, лекин кўчалар билан ёндош хиёбонлар кўп ва улар ғоятда саришта, файзли. Аксарият иморатларнинг олди, ёнлари ҳам майсазор, чимзор.

Аёл, қизларнинг очикроқ, ғарбонароқ, яъни кўзга ташланадиган, диққатни жалб этадиган кийингани, соҳибжамоллари бисёр: юзлари оқ, оч пушти ранг, тиник, қадди-қомати келишган, дуркун. Феъллари ҳам очиқ – шўх-шаддо (Биз дам-бадам кўчада кетаётган ё бекатда турган жувонлардан йўл сўрардик). Том маънодаги лирик ижодкор Расул Ҳамзатовнинг аёллар, муҳаббат мавзуида беҳад кўп ёзгани, ишқда бунчалар куйиб-ёнгани сабабини ва у гўзаллик шайдосига чиндан ҳам осон бўлмаганини ҳис эта бошладим... Ҳа, Ҳамзатовнинг аёлларга эътиқоди, ихлоси шу қадар буюк эдики, у, аёл зоти ҳатто шоирни ўлимдан ҳам асраб қолиши мумкин, деб ҳисобларди (Шу мавзуда шеъри ҳам бор).

## **МАХАЧҚАЛЪА. РАСУЛ ҲАМЗАТОВ ХОНАДОНИДА**

Экспедиция дастури бўйича бизнинг Махачқалъада қиладиган ишимиз деярли йўқ эди, шаҳарга кирмай ёки кўз югуртириб ўтиб кетишимиз ҳам мумкин эди. Аммо Доғистон заминига қадам босишимиз билан Расул Ҳамзатов тўғрисида гапириб, унинг уйини кўриб қўйсак яхши бўларди дея истак билдирганимда, Зокиржон аканинг ўзи ҳам шундай фикрда экан чамаси, таклифимни ҳеч иккиланмасдан маъқуллаган ва биз Махачқалъага кирган пайтимиздан машҳури жаҳон инсон ҳовлисини суриштира бошлагандик. Атай қилгандай, манзил сўрамоққа чоғланганимизда бизга нуқул ўша муҳаббат куйчисига илҳом берган, унинг шеъру дostonларига қаҳрамон бўлган қизлар, жувонлар – тоғ гўзаллари рўпара келишарди. Улар яна шу жиҳатлари билан бизда рағбат ва ҳурмат уйғотишардики, гарчи улуғ хамшаҳарлари яшаган жойни аниқ айтиб беришолмас-да, адиб номини эшитишлари билан юз-кўзларига фахр, ифтихор туйғулари балқиб чиқарди. Ҳа, назаримизда фақат махачқалъалик қиз-аёлларгина эмас, умуман, доғистонлик каттаю кичик ўз шоирини яхши билишар ва қаттиқ суюшаркан. Биз эсак, Ҳамзатовнинг Ўзбекистон халқ ҳофизи Шерали Жўраев ижро этган ва мамлакатимизда энг суюкли, энг оммавий кўшиқлардан бирига айланган “Агар ошиқларинг ўн мингта бўлса...” шеърини, 1960 йилларнинг охирида ўша даврнинг энг нуфузли журнали “Гулистон”да ярим-ёрти босилиб, кейин сиёсий ваҳима билан тўхтатиб қўйилган “Менинг Доғистоним” китоби ва бошқа асарларини эслашар, муҳокама қилардик.

Мен яқин-яқингача “Агар ошиқларинг...” кўшиғининг шеъри Расул Ҳамзатовники деб билар, фақат матнларда жиддий тафовут мавжудлигидан таажжубланиб, таржимондан ранжиб юрардим. Масалан, шеър “Если в мире тысяча мужчин...” кўшиқ эса “Агар ошиқларинг ўн мингта бўлса...” деган сатр билан бошланади. Шеър тилимизга бутунлай эркин ўтирилган, мутаржим ёки бастакор-хонанда яна ҳам кучлироқ, яна ҳам ҳайратлироқ, жарангласин деб, саховат билан тўққиз мингни кўшиб юборибди-да, деб ўйлардим. “Булбуллар ичра тинмас забонман, ҳамон ёдингдаман, танангда жонман” ва бошқа

<sup>1</sup> Ш.Али Яздийнинг “Зафарнома”сида “Чўлот” тарзида зикр этилган.

мисралар эса шеърда умуман йўқ эди. “Холис” газетамиздаги Шерали Жўраев билан суҳбатдан (2013 й.) аён бўлдики, кимдир ҳофизга Расул Ҳамзатовнинг Ўзбекистон телевидениесида хотин-қизларни 8 март байрами билан табриклаганини айтиб, қутловнинг (юқоридаги шеърнинг) маъносини гапириб берган ва билониҳоя муболағали сўзлардан, яъни ташбиҳлардан таъсирланган ҳофиз ўша мавзу ва мазмунда шеър битиб, уни куйга солиб ижро этган экан.

Ҳа, яна шуни илова қилиш керакки, Расул Ҳамзатов асарларини кўплар хусусан туркий халқларнинг вакиллари суйиб ўқир, бинобарин, шоир шахсини ҳам яхши кўрар ва унга ўзини яқин тутишга уринарди. Шундан Доғистон халқ шоирининг туркий ижод аҳли, жумладан, ўзбек шоир-ёзувчилари орасида ҳам дўст-қадрдонлари кўп эди. “Шукруллодек ажойиб ўртоғим бор, - дейди шоир. – Униқига кўп марта борганман. Асарларидан шарқона фалсафий фикрлар, ҳикматлар ва гоҳида нозик туйғулар уфуриб туради”<sup>1</sup>. Айни вақтда, Шукрулло ҳам Ҳамзатовни юксак қадрларди. У олис кавказлик ҳамқури, ҳамнафаси вафоти муносабати билан куйидаги самимий сатрларни битади:

***Кечагина, Расул, саломатликка  
Қадаҳ кўтаргандик қолдирмай юқин.  
Мана энди менга қолдириб кетдинг  
Согинч, айрилиқнинг тоғдек зил юқин.***

Дарвоқе, кейинчалик “*ҳаётий воқеаларга ва ибратли ҳикмат-хулосаларга бой, Ватанга, халққа, миллий ва умуминсоний қадриятларга муҳаббат руҳи билан йўғирилган...*”, “*шоирнинг комил инсонлик орзусини мужассам этган*”<sup>2</sup> “Менинг Доғистоним” асари Асрор Мўминов таржимасида тўла эълон қилинди. Бўрон турмади. Осмон узилиб ерга тушмади. Асарни ўқиган ўзбекларнинг мафқураси бузилиб бир “ёққа” оғиб ҳам кетмади. Лекин ўша – “Гулистон”да босила бошлаган пайтда...<sup>1</sup>

Менинг назаримда “...Доғистоним” бошқа “оға” миллат раҳбарлари ё вакиллари томонидан зуғумга олинмаган, аксинча, ҳар доимгидек, ўзимизнинг орамиздан чиққан, юқори билан халқ ўртасида амал, эътибор илинжида юрадиган ялтоқилар, яъни Расул Ҳамзатов таъбири билан айтганда, “*қора қалбларнинг чаққон югурдаклари*” ёки “салласини олиб кел” деса, калласини олиб тезроқ етказишга уринадиган манқуртлар аюҳаннос солиб, болта кўтариб югуришган эди. Ахир “...Доғистоним” Ўзбекистонга қўлёзма ҳолида келмаган, ўзга тилларда, жумладан чўчилиши лозим бўлганларнинг тилида ва нашрларида чоп этилган, ўшаларнинг заррабин ва жодисидан эсон-омон ўтган эди-ку! Ё биз ўзи шунақароқ...микимиз ва шунинг учун тарихий босқинларда ҳам, кейинги қатағонларда ҳам ҳаммадан кўп биз жабр кўрдикмиким?

Дарҳақиқат, Расул Ҳамзатов ижодида дадил айтилган, бошқалар журъат қилолмайдиган гаплар кўп эди. Масалан, “Она тилим” деган шеърда шундай сатрлар бор:

***Майли, ким қайси тилдан завқу шавқ олса,  
Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.  
Эрта она тилим агар йўқолса,  
Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.***

***Майли, қашшоқ бўлсин, майли, беҳашам,  
Лекин менинг учун азиз ва суюк.***

<sup>1</sup> “Жаҳон адабиёти”, 2009 й. 12-сон, 178-б.

<sup>2</sup> “Жаҳон адабиёти”, 2010 й. 5-сон.

<sup>1</sup> Шоир ва журналист Абдухалил Қорабоевнинг таниқли ёзувчи, улуғ инсон Рустам Раҳмон тўғрисидаги хотира-мақоласида (“Холис” газетаси, 2013 й. сентябр) ёзилишича, юқоридаги воқеалар рўй берган маҳалда “Гулистон”нинг масъул котиби бўлган Рустам Раҳмон “Темур тузуклари”ни Алихон тўра Соғуний ҳазратларининг хонадонидан таржима қилдириб, ўзи пешма-пеш машинкалаб журналга берган ва бош муҳаррир Иброҳим Раҳим билан баробар жабрланган экан.



***Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам,  
Она тилим менга муқаддас, буюк.  
(Э.Воҳидов таржимаси)***

Ҳамма республикаларда болалар боғчасидагилар ҳам рус шеvasида сўзлашга мажбур бўлаётган ва у ягона давлат тилига айланиш арафасида турган бир замонда юқоридаги гапни айтиш шунчаки журъат ё катта жасоратгина эмас, балки мислсиз қаҳрамонлик эди. Ана шу шеър Ҳамзатов китобларида ва бошқа нашрларда қайта-қайта чоп этилиб турган; оммавий жараёнга, давлатнинг ярим ошкор, ярим пинҳон сиёсатига зид ўлароқ ўз она тилини дадил ҳимоя қилган муаллиф эса ижодий давраларнинг гули, шоирларнинг булбули бўлиб юрарди. Лекин шўро даврида она тили ҳақидаги гапни Ҳамзатовдан анча юмшоқ тарзда шеър қилиб битган фарғоналик ёш бир шоирнинг вилоят раҳбарияти доирасида муҳокама этилгани кечагидек ёдимда.

Шуни ҳам кўшимча қилиш керакки, Расул Ҳамзатов миттигина элат бўлган авар тилини мўъжазгина ватани Доғистон мадҳ этилган шеърлари билан жаҳон минбарига олиб чиқа олди, ҳашамдор тиллардан кўра улуғроқ мавқе-мартабага кўтарди. Шоирнинг “Доғистоним” шеъридаги *“Кўп юртларни кўрдим мен, аммо, Сидқидилдан севганим – бир сен”*, деган сатрлари Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфга *“Римни бир парча бедапоямга алмашмайман”* каби мисралари яралишига илҳом берган бўлса ажаб эмас...

Ниҳоят, Ҳамзатовнинг уйини топдик, у қарийб шаҳар марказида, Абубакиров кўчасида экан.

Темир панжара билан ихоталанган ташқи ҳовлига кириладиган эшик кўнғироғини тортинибгина босдик. Кўнғироқнинг акс-садоси ҳам, жавоб ҳам йўқ... Табиийки, ҳаммамизнинг дилимиздан “Нахотки ҳеч ким бўлмаса?” деган хаёл ўтарди. Айни маҳалда биз бир пайтлар Расул Ҳамзатов атоқли озарбайжон шоири Самад Вурғун уйи остонасида тушган ҳолатни бошдан кечирардик гўё”:

***Сени кутиб, бир дам босиб кўнғироқ,  
Эшигингда қотиб турганим дамдан...***

.....  
***Ярадор қалб билан титраб турибман,  
Чақираман сени –  
жавоб йўқ сира...***

Бизга хийла узоқ туюлган бирор дақиқалардан кейин ичкаридан аёл кишининг: “Уй эгалари йўқ эди...” деган овози эшитилди. Зокиржон ака дарҳол бизнинг Ўзбекистондан келганимизни, Расул Ҳамзатовнинг ихлосмандлари эканлигимизни эҳтиросли йўсинда айтгач, аёл бирпас кутиб туришимизни тайинлади ва икки-уч дақиқалардан сўнг “кираверинглар” деди хушмуомалалик билан.

Эшикдан кирилгач, яна уйгача махсус йўлакдан юриб бориларкан. Уй олдида эса бизни ўрта бўйдан салгина пастрок, эллик ёшлардаги жувон қарши олиб, ичкарига бошлади. Бино икки қаватли бўлиб, Туркия хонадонларига ўхшаш – биринчи қаватда шифтгача очик кенг зал – меҳмонхона ва ундан зина орқали иккинчи қаватга чиқиларди. Меҳмонхона деворларига, иккинчи қаватдаги фойе - йўлак панжараларига ҳар турли сувенир идиш-оёқлар (айниқса, нақшли чинни лаган кўп эди) айлантириб қоқиб-илиб қўйилган эди.

Дарвоқе, бизни қаршилаган аёл Расул Ҳамзатовнинг хотини Фотимат Ҳамзатовага қариндош Аминат Мутозалиева бўлиб, бека сифатида уйга қараб ўтираркан. Умуман, бу ҳовлида улуғ шоирнинг кенжа қизи Солиҳат куёви Умахон билан туришаркан. Солиҳат онаси Фотимат Ҳамзатова номидаги Маҳачқалъа санъат музейининг директори, Умахон эса нарх-наво тарифлари билан шуғулланадиган маҳкамада ишларкан. Ҳамзатовнинг катта қизлари Зарема ва Фотиматлар Москвада туришаркан.

Қизлардан бирига онаси ҳаётлигида унинг исми қўйилганига ажабланган эдик, Аминат

уларда шундай удум борлигини таъкидлади.

- Бизда ҳар бир хонадонда Магомед (Муҳаммад) ё Фотимат исми бўлиши зарур, - деб елка қисди у.

Ҳамзатовнинг ўғли йўқ экан.

- Буни қарангки, шоирга ўғил набиралар ҳам буюрмаган экан, - дейди бека қулиб. – Учта қиздан тўртта набираси бор – бари қиз.

Шоир қиз-аёлларни шу қадар севгани, шу қадар эъзозлаб алқгани учун ҳам тақдир уни фақат қиз фарзанду набиралар билан сийлагандир. Мен Расул Ҳамзатовни ўта омадли шоир, армонсиз инсон дея тахмин қилардим, демак, унда ҳам ўғлон – наслу насаб вориси, давомчиси борасида ўкинч бўлган-ов! На илож, бир кам дунё-да бу. Сергей Есенин бекорга “Бу дунёда армонсиз одам – бечоралар ичра бечора” деб ёзмаган-да.

Хонага бўйдор, келишган йигит кириб келди. У куёв Умахон эди.

Демак, боя Аминат телефонда унга биз ҳақимизда хабар бериб, нима қилай деб сўраган ва куёвнинг ўзи ҳам қизиқиб етиб келган бўлса керак.

Ҳамзатовнинг ижод хонаси тепа қаватда экан. Икки томондаги полдан шифтгача етказиб махсус ясалган ёппа жавонлар шоирнинг ўзи Самад Вурғун ижодхонасига нисбатан айтгандай, “етим қолган” китоблар билан тўла хона унча катта эмас, аммо нарсалар ниҳоятда батартиб қўйилган – саранжом-саришта эди. Чап ёндаги деразага тиралган ёзув столида қоғоз, ручка ва бошқа анжомлар тахт, гўё шоир бирпасга ташқарига чиққан ҳали замон кириб янги шеър ёки дostonни тўхтаган жойидан давом эттирадигандай, илҳом париси шу атрофда шарпасиз учиб юргандай бир рух, кайфият ҳукмрон эди. Ҳолбуки, ижодхона ва ёзув столи соҳибининг бу ердан қадами узилганига бир ойи кам тўққиз йил бўлган ва энди ҳеч қачон шоир бу шеър ҳавоси тўла хосиятли хонага қадам ранжида қилмайди, кресло унинг залворли, кадрдон вазини, қоғоз-қаламлар эса бармоқларининг ёқимли ҳароратини қайта ҳис этмайди!

Биз ирим қилиб омадли, шавкатли адибнинг табаррук курсисига ўтирган ҳолда эсдалик учун расмга тушдик. Фурқат эса ижодхонадаги, умуман, уйдаги Ҳамзатовга дахлдор, унинг номи билан боғлиқ ҳар бир буюм, ашёни, ҳафсала билан видеога туширарди – шундай довруқли, мўътабар зотнинг хонадониди бўлиш, у ўйлаган, хаёл сурган, илҳом қуюлиб келган онларда сармаст бўлган, набираларини суйиб эркалаган, ҳиргойи қилган, гоҳида изтироб чеккан, меҳмон кутган, не-не алломаи киромлар, шоири замонлару санъаткорлар ташрифидан файзиёб, сарафроз этилган табаррук хонаи хосларни зиёрат айлаш (айниқса, мен учун) шарафли ва фахрли бир амал эди. Видеотасвирчимиз ана шу тарихий воқеа ва лаҳзаларни ўз тасмаларига муҳрлаш билан банд, қолганларимиз ҳам шоирона ва романтик йўсинда тартибланган жиҳозлар, манзараларни мумкин қадар кўпроқ фото суратга ва хотираларимизга сингдирмоқ пайида эдик.

Менга қолса, “*Догистон лочини*” (Нуриддин Шукуров ибораси), ўз даврининг, ўз юртининг эрка, жасур ва донишманд ижодкори столида ирим қилиб биронта шеър ё бошқа бир пора қора сўз битмоққа иштиёқим йўқ эмас, илло, вақтимиз зик, қолаверса, ушбу хоҳиш қуюшқондан ташқари эди. Шундоқ ҳам мен Ҳамзатов нафас олган ҳаводан баҳраманд бўлганимдан, унинг нигоҳи тушган дераза, деворлар, суратлар, китобларни кўриб турганимдан бағоят мамнун ва қаттиқ ҳаяжонда, мана шундай кутлуғ масканга пойқадимиз етказгани учун Яратганга шукроналар келтирар, йўл сабабчиси Соҳибқирон бобо руҳидан ва сафар ташкилотчиси бўлмиш раҳбаримиздан жуда-жуда миннатдор эдим. Зеро, мен салкам ўттиз йил муқаддам “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетасининг махсус муҳбири сифатида Ўзбекистонда ўтган РСФСР Адабиёти кунлари иштирокчилари сафида юртимизга ташриф буюрган Расул Ҳамзатов билан кўришган, суҳбатларида қатнашган, таассуротларини ёзиб олган чоғимдан (мен бир газета таҳририяти илтимоси билан Ҳамзатовнинг “Муаллимга мактуб” шеърини ўзбекчага ўгиришга ҳам журъат қилганман) бу улуғ адиб, хушчакчақ, очиқ чеҳрали инсонга ҳурматим, эътиқодим янада ортган ва ўша учрашув, мулоқотларни ҳанузгача мароқ билан эслаб юрардим. Ўшанда мен Расул оға мисолида тоғликларга хос жўмардлик, тантилик билан

бирга буюк истеъдод эгаларининг жуда камтарин ва содда бўлишларига яна бир карра ишонч ҳосил қилган эдим. Ҳолбуки, Расул Ҳамзатов номаи аъмолига, унвон ва рутбалари рўйхатига кўзи тушган анча-мунча одамнинг эси оғиб қолиши ҳеч гап эмас. У Доғистон, собиқ СССР ва бошқа кўпгина хорижий давлатларнинг олий орден ва фахрий унвонлари, нуфузли халқаро мукофотлар билан тақдирланган эди. (Бу жиҳатдан Ҳамзатов истеъдоднинг, ҳалол меҳнатнинг қанчалар юксак шарафларга сазовор бўлиши мумкинлигига ёрқин бир тимсол эди).

Бунча залворли юкни, шундоқ юксак эътибор, марҳаматни анча-мунча инсоннинг ерда, одамлар орасида кўтариб юриши қийин... Демак, машҳур шоирнинг таржимони, кўп вақтлар бирга бўлган ва номаи аъмолини, юриш-туриши, феъл-атворини яхши билган Яков Козловский *“Ҳамзатов шухратпарастлик “касали”га чалинмаган. Ўзини ҳеч кимдан баланд қўймайди. Мен унинг мақтанганини, манманлик қилганини кўрган эмасман”* деб бекорга ёзмаган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, халқаро нуфузли мукофотлару шарафли унвонлар Ҳамзатов ўша халқларни суйиб-эъзозлагани, бошқа мамлакат ва ўлкаларни мадҳ этгани учун эмас, балки энг аввало она диёри шаъни, таърифига кўп ва хўп шеърлар, дostonлар бағишлагани, асил ватанпарварлик намунасини кўрсатгани, бошқаларга ватанни севишни ўргатгани учун, том маънода миллий ижодкор бўлгани учун берилган. Дарҳақиқат, шоир асарларининг мавзу-мазмунидан ташқари, китобларининг мундарижасига назар ташласангиз шоир ватани ва унга дахлдор жойлар – Доғистон, Махачқалъа, Цада, Хунзах, Кавказ, Каспийга, тоғлик юртдошларига, аварларга аталган асарлари бисёрлигига, ўз эли, туғилиб ўсган юртини жўшиб тараннум этганига, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов таъбирича *“Инсоният ор-номусини куйлаган”*ига ишонч ҳосил қиласиз... *“Одамзотнинг урушга нисбатан барча қайғули ҳис-туйғуларини ифодаловчи оҳанги билан қалбларни ларзага келтирувчи қудратли маънавий кучга айланиб, барча қитъалар узра таралган”* (Иззат Султон ибораси) *“Турналар”* кўшиғи шарафига Мексикада, Ўзбекистонда (Чирчикда) ва бошқа жойларда ҳайкаллар ўрнатилган. Кавказ тоғида, Россиянинг бир қанча шаҳарларида манзарали ёдгорликлар қўйилган, кейинчалик шоир юртида улкан меъморал мажмуа яратилган. *“Турналар”* каби оламшумул воқеликка айланган шеър (кўшиқ) яратиш ҳам ҳар жиҳатдан пешонаси ярқираган ижодкоргагина насиб этиши мумкин, албатта.

Бағоят баракали ва сермазмун умр кечирган Расул Ҳамзатов ижоди ва шахсиятининг шу қадар ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиши бежиз эмас эди. 1923 йили Хунзах туманидаги Цада овулида дунёга келган бўлажак афсонавий адиб, Доғистон халқ шоири, *“замонавий Аваристоннинг энг зукко кишиси, ганимларни сўз билан яксон қилган оқин, халқ турмушининг барча нозик жиҳатларини илғаб ололган донишманд, ҳар қандай ёлгонга мурасасиз, нодонлик, калтафаҳмликка, гаразу таъмагирликка қарши жасур курашчи”* (Николай Тихонов) Ҳамзат Цадаса (мазмун – оловли)нинг фарзанди эди.

Ота-устоз ижодидан – фалсафий рубойиларидан бир намуна:

## ҲАЁТ

***Қадрим билмаганлар, ҳали фурсат бор...***

***Сўнгра тиз чўкмоғу, кўз ёшлар бекор.***

***Кимки қўл силтаркан менга бир бора,***

***Қайтиб остонамга йўл олмас зинҳор.***

Илк тўплами - *“Илҳомбахш муҳаббат ва оловли нафрат”* нашр этилганда Расул бор-йўғи йигирма ёшда эди. Китобхонлар ва адабий жамоатчилик эътиборига тушган дастлабки шеърӣ мажмуасидаёқ шоирнинг бош мавзуси ёш кўнгилларни мудом тўлқинлантирадиган муҳаббат эди ва шоир умрининг охиригача ана шу мавзуга содиқ қолди. Ҳамзатов асарларининг энг асосий хусусияти халқчиллик эди, бинобарин, унинг ижодини *“Шарқ ва*

*Ғарб шеърляти ўзаро туташган нуқтада пайдо бўлган бетакрор ҳодиса*” сифатида баҳолашлари, лирик қаҳрамонини *“яхши фазилатларни қадрлай билувчи, ўзи ҳам бошқалардан меҳр-муҳаббатини аямайдиган, руҳий олами бой ва гўзал инсон*” дея талқин қилишлари бежиз эмас.

Расул Ҳамзатов ўзидан олдин ўтган ижодкорлар, жумладан, Максим Горький “XX аср Ҳомери” деб атаган Сулаймон Сталский, Абутолиб Ғафуров, ўз падари бузруквори Ҳамзат Цадаса, носир, шоир, таржимон Эффенди Капиев ва бошқаларнинг вориси, давомчиси эди, уларнинг адабий анъаналари, тажрибаларини такомиллаштириб, юксак мақомга кўтарди.

Ғадонинг душмани – гадо, деганларидай, Ҳамзатовнинг истеъдоди, омадига шубҳа билан қарайдиганлар ҳам йўқ эмас эди. Унинг асарлари аслиятда у қадар зўр эмасу таржимонлар зўр ўгиришган эмиш. Қаранг-а, замин, асос бўлмаса, юзлаб кенг кўламли лирик шеърлару йирик-йирик дostonларни, салмоқдор фалсафий тўртликлару саккизликлар, яна бир олам битикларни қаёқдан олишади? Битта-иккитамас, ўнлаб мутаржимларнинг ҳаммаси қозонда йўқ нарсани афсун билан чўмичга чиқариб, “пуч ёнғоклар”ни мағиз билан тўлдириб юборишдимикин? Борингки, шундай ҳам бўла қолсин, унда нега энди ўша ёки бошқа таржимонлар бошқа шоирларнинг шеърларини шунақа зўр таржима қилишмайди? Жўн шеърларни зўр қилиб юборадиган одам нега ўзи шеър ёзмай, бошқаларникини ўгириб юради? Тўғри, Ҳамзатовнинг асарлари бурама жумлалар, имо-ишоралар, мавҳум ташбеҳлардан холи ва балки айнан соддалиги, халқоналиги билан оммалашиб, доврўқ қозониб кетгандир – худди бизнинг Муҳаммад Юсуф сингари?..

Расул Ҳамзатов, Муҳаммад Юсуфлар сирасига кирувчи халқчил шоирлар ижоди ўнғайдай туюладиган қийин услубдир, бу услуб самараси эса Я.Козловскийнинг табири билан айтганда, *“ортиқча дабдаба ва ҳовлиқмаликлардан холи*” шеърлятни иншо этади. Яъниким, катта адабиётшунос олим, ёзувчи, матонатли таржимон Иброҳим Ғафуров эътироф этганидай *“жуда осонга ўхшаб кўринган нарсалар унчалар ҳам осон эмас*”.

Юқоридагидай “миш-миш”лар эса бир вақтлар атокли рус ёзувчиси, “Очилган кўрик”, “Тинч Дон”, “Улар ватан учун жанг қилдилар”, “Инсон тақдири” каби залворли асарлар муаллифи Михаил Шолохов ҳақида ҳам рус адабий жамоатчилиги орасида тарқалган. Эмишки, “Тинч Дон” ўзга бир истеъдодли, дарвишнамо ёзувчи қаламига мансуб. Шубҳасизки, бундай палағда овозалар бахил, ичиқора, истеъдодсиз, аламзадаларнинг қинғир ва захарли тилидан чиқади. Шолохов ҳам бундай уйдирма ва тухматларни ҳасад тинчлик бермайдиган кимсалар тўқишини айтган.

Ҳа, мевали дарахтга тош отилади, дейишади. Шолохов, Ҳамзатовга отилган нарсалар кичик тош эмас, балки ҳарсангнинг йирик-йирик бўлақлари эди – улар албатта теккан жойини қонатмай, яраламай қўймайди.

Умахон Расул Ҳамзатовнинг янги чоп этилган китоблари, шеърлари ёзилган дисклардан ҳар биримизга алоҳида елим халталарга солиб бериб, ташқаригача кузатиб чиқди. Зокиржон ака ҳам ҳимматга жавобан экспедиция бисотидаги “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий” ва бошқа китоблардан тухфа қилди. Кўчада ҳам куёв билан анча гаплашиб турдик. Уйни Ҳамзатов ўз ҳисобидан қурдирган экан. Аммо шоирнинг номини абадийлаштириш борасида Доғистон ҳукумати бир қанча хайрли ишларни амалга оширибди. Етти юз минг аҳолиси бўлган Махачқалъадаги марказий кўчалардан бири, Республика Миллий кутубхонаси, Рус драма театри, бир мактаб ва кемага Расул Ҳамзатов номи берилибди, шаҳардаги эътиборли майдонларидан бирига унинг ҳайкали ўрнатилибди.

Хуллас, бугун хосиятли, унутилмас кунлардан бири бўлди. Доғистондек ажойиб бир юртни кўриш ҳамда мўъжазгина мамлакатнинг улкан, орзудаги шоири ҳовли-жойи зиёрати шахсан мен учун эсдалиқлар дафтарига йирик ҳарфлар билан битиб қўйишга арзигулик ҳодисалар эди.

Мен елим халтадан Расул Ҳамзатовнинг куёви Умахон берган ҳадяларни кўлимга оламан. Омади барҳаёт ва бардавом шоирнинг бир-биридан салмоқли ва безаклари гўзал китоблари – “Берегите друзей” (“Дўстларни қадрланг”, Махачқалъа, 2006 й.) “С женщиной на едине” (Аёл билан танҳоликда”, Махачқалъа, 2006 й.) “Берегите друзей” - суратли

альбом-тўплам (Махачқалъа-Москва, 2008 й.), “Завещание” (“Васият” - танланган шеърлар, Махачқалъа-Москва, 2009 й.). Ададлари уч – беш минг атрофида. Икки миллиондан зиёдрок, Ўзбекистоннинг энг кичик вилоятича аҳолиси бор мамлакат учун ёмон эмас.

Китобларни варақларканман, шоир учун Доғистон – Ватанга, одамларга, хусусан аёлларга ва дўстларга муҳаббат бир умрлик қатъий шиор, севимли мавзу бўлганлигига тағин бир карра имон келтирдим. Ва яна шу нарсага амин бўлдимки, Расул Ҳамзатов вафотидан кейин ҳам унга ўз ватандошлари – юрт раҳбарларию оддий китобхон-ихлосмандлар томонидан кўрсатиладиган ҳурмат-эъзоз, иззат икром асло пасаймаган, билъакс, янада юкори даражага кўтарилган.

Халқ суйган ва халқни суйган, қалби оташин муҳаббатга тўлиб-тошган адибнинг ўз элига, юртининг ёшларига мурожаати, васиятлари ижод аҳлининг, умуман ҳар қандай инсоннинг ўз авлодлари, ворисларига, келгуси бўғинларга айтиш мумкин ва лозим бўлган ўғитлари, даъватидай туюлди менга. Шунинг учун “ўзингга маъқул нарсаларни яқинларингга ҳам раво кўр” мазмунидаги ҳадиси шарифга биноан мазкур васиятни ўз тилимизга баҳоли кудрат ўгириб, ўқувчиларимга ҳавола қилишни ўринли деб билдим.

### **“МЕНИНГ ВАСИЯТЛАРИМ**

*Менинг барча васиятларим ёзмишларимда батафсил битилган. Мен келажак авлодларимга муҳаббатга, орзу-умидларга, шодликларга ошиён ўлкамни, соҳибжамол қиз-аёллар, мағрур эркалар диёрини - ота-боболаримдан мерос Доғистонимни қолдираман. Доғистон – менинг маҳрагим, маъбудим ва ҳаётим гилдираги, менинг қувончу таишишларим эса – Ахульго тоғидир. Усиз ўтган умримни тасаввур қилолмайман.*

*Мен бу гўзал, саховатли, жозибадор оламдан нариги дунёга ҳеч нарса олиб кетмайман. Шунинг учун сизлардан ўтинаман – Доғистонни асраб-авайлангиз. Унинг номини ардоқлангиз ва янада улуг шарафларга буркангиз. Доғистон – Сизнинг ҳаёт-мамотингиз, иззат-обрўйингиз, севгингиздир. Юртимиз урф-одатларининг асло номаъқул, ножойизи йўқ – уларни қадрлангиз. Унинг белги ва рамзлари ҳам мазмунсиз, нобоп эмас – улар билан фахрлангиз ва шаънини ҳимоя қилингиз. Унинг халқи оз – уларга алоҳида гамхўрлик кўрсатингиз.*

*Наслу зурриётларимизга умрим давомида юрагимда асраб келган барча яралмишларга, хусусан аёл зотига меҳру муҳаббатимни, уларга жўшиқин муносабатларимни қолдираман. Менинг аёл наслига бўлган қизгин муҳаббатимга ҳеч қачон дарз етган эмас ва барча қўшиқларим улар ҳақида, уларга атаб тўқилган. Сизларга менинг ана шу ўлмас қўшиқларимни янгиламоқ насиб этсин, токи у муҳтарама зотлар юлдузларнинг ёрқин жилвасига чулгансин, аёл қалби жунбушга келтирган юраклардан чиққан оҳлар садоси ҳамма жойда жаранглаб турсин.*

*Айниқса, оналарни эъзозлангиз, она-сингилларга меҳрибон бўлингиз, барно қизларни севингиз. Кимки ана шундай ишқ таъмини тотмабди, демакки, умрини зое ўтказибди.*

*Ҳа, мен у дунёга ўзим билан ҳеч вақо элтолмайман. Жамики диққат-эътиборга арзирли, гўзал нарсалар шу ерда қолади. Сизларга қолади, азизлар!”*

Махачқалъа атрофидаги бир ошхонада аъло кайфият ва зўр иштаҳа билан тушлик қилиб, Озарбайжонга қараб жўнадик. Трасса бўйлаб юриб, шаҳар ташқариси томон бораётган эдик, йўл четидаги йирик паннолардан бирида таниқли футболчимиз Одил Аҳмедов сиймосига кўзимиз тушиб қолди. “Ҳай-ҳай”лаб машинани тўхтатганимизча, бирёклама йўл эди, анча ўтиб кетиб қолдик. Орқага тисарилиш мумкин эмас, қайрилиб оладиган жой кўринмасди.

- Қанча узоқдан бўлсаям қайтиб келамиз, - деди Зокиржон ака.

Дарҳақиқат, хийла масофадан ортга бурилиб, бу ёқдан ҳам яна шунча йўлдан айланиб

келдик. Катта шох кўча бўлгани учун машина тўхтаб туриши ҳам мумкин эмас – таъқиқланган эди.

- Қоидани бузсак ҳам, ҳар қанча жарима тўласак ҳам майли, - деди раҳбар яна қатъият ва завқ билан, - ҳамюртимиз суратини яхшилаб томоша қиламиз. – Бу ватандоши ва миллатдоши ютуғидан сидқидилдан қувонадиган, ғурури баланд одамнинг гапи эди.

Ашаддий ишқибозлар Фурқат билан Аҳмаджон Одилнинг қаерда, қачон, қандай гол урганларини муҳокама қилиб кетишди. Айни вақтда менда ҳам ифтихор туйғуларининг жўш уришига тўп ўйинига жуда ошифта эмаслигим ҳам ҳалал бермади.

Расмда Одил Аҳмедовнинг гол урган пайтидаги ўта хурсанд, ўта ҳаяжонли лаҳзаси акс эттирилган эди. Наманганлик қобилиятли ва омадли бу спортчи шу маҳалларда Махачқалъанинг “Анжи” командаси футболчилари сафида копток сураб ва жамоа ғалабасига ҳисса қўшиб обрў-эътиборга сазовор бўлаётганди. Унга ғойибона таҳсинлар айтиб, яна катта муваффақият ва мартабалар тилаб, йўлда давом этдик.

Лекин менинг кўнглимда ўзгача мулоҳазалар кечарди. Биз миллатдош, юртдош бўлгани учун Одил билан ғурурланяпмиз, ватанимиздан шунақа истеъдодли футболчи чиққанига суюнъяпмиз. Хўш, унинг ўзи-чи? Шунақа зўр ўйинчи экан, маҳорати, санъати, имкониятларини нега ўзимизнинг юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, доврўғини кўтарадиган миллий командамизнинг ғалабаларига сарфламайди? Ўз жамоасининг аҳволи ночор бўлсаю, нега дурустроқ тўп тепадиган битта-яримта ўйинчи ҳам бошқа, ёт мамлакатларга “сотилиб”, ўша бегона команда ютуғи, ғалабаси учун, ўзга, ҳатто ғайри миллат шарафи учун жон-жаҳди билан ўйнайверади? Дунё бўйича шундай... Мен футболчиларнинг шу тутумини сира тушунмайман. Ўз командаси уларга торлик қилиб қолармикин, четда омадим яхшироқ чопади, қадрлашади, янада машҳурроқ бўламан деб ўйлашармикин, ё?.. Уларнинг очикдан-очик савдосини эса ҳеч ҳазм қилолмайман. Жамоа раҳбарининг шартнома (савдо)га рози бўлиши ва бош қўшишини эса умуман ақлга сиғдириб бўлмайди! Ва яна бир жумбоқни англашга ақлим оқсайди: “Фалон мамлакатнинг миллий командаси” дейилади, аммо у “миллий” команда аъзолари ҳар хил давлатлардан чақирилган, тўғрироғи, шартнома асосида сотиб олинган, дини, маҳзаби турлича миллат вакиллари билан тузилган курама гуруҳдан иборат! У қанақасига миллий команда ҳисобланади, аъзолар нечук ўша бир ёт мамлакат ё миллат шарафини ҳимоя қилиш учун майдонга тушадилар?.. Ҳай, майли, бу шунчаки шахсий эҳтирослар... Катталарнинг, бошқаларнинг ишига аралашиб бир нимага эришиш мушкул.

Махачқалъанинг бу томонида қурилиш кўп эди, демак, пойтахт шаҳар кенгайтириляпти экан.

Ҳадемай, яна чўлдан иборат ҳудудга чиқиб қолдик. Уй-жой жуда сийрак, аҳоли яшаш тарзининг ҳам ҳамин қадарлиги сезилиб турарди. Сув йўқ жойда файз ҳам, тароват ҳам шунга яраша-да.

Зокиржон ака дилимдан ўтаётганини пайқагандай, Ўзбекистон, Андижон ҳақида сўз очди. **“Худо бизга қандай ажойиб жойларда туғилишни насиб этган-а, айниқса, Гуркировни айтинг...”** деди каминанинг қишлоғига шама қилиб. Мен раҳбарнинг писандасидан **“Ҳа, шунақа, ўз юртимизнинг қадрига етишимиз керак”** деган маънони уқдим. Ҳақ-рост, биз бу туйғуни аввалги экспедицияларимиз пайтида ҳам кўп бора ҳис этганмиз.

\*\*\*

Соат кечки саккизларда чегарага етиб бордик ва дастлабки қадамдаёқ қаллобликка рўпара келдик. Кираверишдаги столга баённома (декларация) варақалари кўйилган экан, тўлдирётсак, нарироқда турган бир кимса бизга яқин келди-да, “Ёзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ...” деб, “куруғига” ишора қилди. Машинани ўтказиш учун эса суғурта пули, хужжат расмийлаштириш бадали деб, “кўк”идан бир мунча олишиб, яна узоқ – икки соат чўзишди. Машиналар чиқадиган жойда икки соат ҳақ деб ўтирдик. Бунақа пайтда вақт оёғига тош

боғлаб олади. Ҳали бизни нариги кўшни томонда қандай тафтиш, имтиҳонлар кутаётганидан беҳабар эдик. Ниҳоят, соат тунги ўнларда бетараф ҳудудга кирдик. Кўнглимиз сал ёришиб борсак, Озарбайжон чегара масканининг қопқалари тақа-тақ берк! Кўприк устида тўхтадик. Остимизда қандайдир саёз дарё шарқираб оқарди. Йўлак икки томондан темир панжара билан тўсилган бўлиб, жуда тор, машинадан тушиб у ёқ-бу ёққа юриб туришнинг ҳам иложи йўқ эди.

Ўша жой, ўша фурсатларда музтарлик, хунобгарчилик, хавотир – ҳаммаси жамулжам эди. Чегарачи, божгирларнинг бари бизнинг сабр-тоқатларимизни, асабларимизни, соғлиқларимизни галдаги синовдан ўтказишга, қайрашга, чиниқтиришга уринишарди гўё. Табиийки, бунақа маҳалларда ҳар ким ўзи учун, яъни бир кишилиқ диққатланади, уф тортади, раҳбар эса ўзи ва ҳамма учун бўғилади, ташвиш тортади, изтироб чекади. Унга қойил қолиш керак, унга таҳсин айтиш керак, унга тўзим тилаш керак, унга таскин бериш керак, лекин бировга тасалли бериш, ҳамдардлик билдириш учун одам аввало ўз хуноблиги, ўз ранжу ғамларидан ошина олиши лозим. Парвардигор эса бундай хусусиятни, бундай салоҳиятни ҳам ҳар бандасига сунавермайди чоғи... Айни дамларда бизнинг қўлимиздан ҳали у, ҳали бу жиддий қиёфали нозирларга йўлиқиб, ўғли, балки набиралари тенгиларга экспедициямизнинг эзгу ниятлари, хайрли амаллари аҳамиятини англатишга уриниб, гоҳ пастроқ, гоҳ баланд пардаларда куюнаётган Зокиржон ака олдида хижолат чекиш ва унинг Соҳибқирон бобомиз каби ҳамиша зафар қозонишига ишониш келарди, холос.

## **ОЗАРБАЙЖОН**

Озарбайжон божхонасида ҳам ҳаммасини қайта бошдан кечиришга тўғри келди. Худуд катта, ўртадаги очик майдон кенг, бир маҳкама билан иккинчисининг ораси бир мунча масофа. Бири у ёққа юборади, бири бу ёққа... Раҳбарнинг ёрдамчилари Аҳмаджон билан Фурқат дам у томонга югуришади, дам бу тарафга. Каминани аксарият танишларим оғир-босиқ, сабр-тоқатли деб билишади. Лекин мана бунақа пайтларда ўзимнинг анча қаноатсизлигим, бардошсизлигимни, асабларимнинг у қадар мустаҳкам эмаслигини сезиб қоламан. Ҳозир бир жойда узоқ туриб, кутиб ансам қотганидан сиқилиб кетдим ва анчадан бери осойишта юрагим сал безовталанди, нитроглицерин хапдорисидан тил остига ташлашга тўғри келди.

Хуллас, тунги соат ўн икки яримларда эркин нафас оладиган очик худудга чикдик, силласи қуриган оёқларга қайта жон кирди. Божхонада турганимизда севалаётган ёмғир росмана ёға бошлади. Бирпасдан кейин шунақа шариллатиб қуя кетдики, шахсан мен бунақа шиддатли, бунақа шовкинли, бунақа важоҳатли ёмғирни кўрмагандим.

Боз устига, йўл яхши эмас, атроф зим-зиё, тахликали. Икки ёндаги тутқаторсифат паст-паст дарахтлар жаланинг қалин пардаси ортида элас-элас ва ваҳимали кўринарди.

Онгу шуурдаги чарчоқ ҳисси, уйқу истаги сиртдаги ваҳимадан, шаррос ёмғир шовқинидан ҳам кучлироқ эди. Раҳбар, йўлда биринчи учраган меҳмонхонада ётамиз, деганди. Ҳаммамизнинг кўзимиз икки ёнда. Лекин сел ёппасига қуюлиб тушаётганидан машина ён ойналари шу қадар хира тортган эдики, ташқарини кўриш амри маҳол, ойнани туширсак, ёмғир ёпирилиб кирарди. Ҳар замонда “Хундай”ни тўхтатиб, ойналарни қия очиб икки томонга тикиламиз: кўноқхонага ўхшаган бир бино ҳам, сўрамоққа бир зот ҳам кўзга чалинмайди. Икки-уч посёлка, шаҳарчада роса тентирадик: баландроқ иморатнинг олдида бир ё иккитамиз чошиб борамиз-да, ҳафсаламиз пир, уст-бошимиз шалаббо бўлиб қайтамиз. Орада, шундоқ вазиятда ДАНчилар орқамиздан қувиб келиб тўхтатишади, тўхташ жойида тўхтамадинг деб ё бошқа бир айб тақаб жарима олишади – соат тунги 2-3 ларда-я! Эчкига жон қайғу, қассобга – ёғ, деганлари шу бўлса керак!

Охири қўлтиқларимиздан тарвузимиз тушиб, мусофирхона изламай қўйдик. Лекин ҳайдовчимиз ниҳоятда толиққан эди. Бокуга қирқ чақирим қолганда бир катта ошхона қаршисида тўхтадик. Тонг яқинлашиб, овқат пиширишга ҳозирлик кўра бошлашган экан. Лоақал бирор соат мизғиб олишга имкон бормикин, деб сўрасак, ёнбошлагудай жой ҳам, тўшамоққа матоҳ ҳам йўқ экан. Аҳмаджон машинада бирпас чўзилиб олди. Кейин яна йўлга тушдик. Шу жойгача шунчаки уйқусираб, мудраб келган эдик, у ёғига Боқижон, Фурқат ва камина тарракдай қотиб қопмиз. Жала боягилардан ҳам баттар қуйибди, сезмабмиз. Ҳайдовчининг кўзи кетиб қолмаслиги учун унинг ёнидаги ўриндикда жонсарак Зокиржон ака сергак ўтирарди.

Бокуга етганда уйғондик, тўғрироғи, уйғотишди. Лекин ковоқлар кўрғошиндай оғир,



чарчок билан уйқусизлик бирлашиб, вужудларни батамом ҳолдан тойдириб, мувозанатдан чиқариб юборган эди. Шу пайтгача бу даражада ҳориганимни ва уйқунинг тортиш кучи бу қадар қудратли бўлишини билмагандим.

Яна хийла тентираб, хорижий давлатларга қатновчи автобуслар шоҳбекати яқинидаги “Компорт ИН мотел” меҳмонхонасининг ўзинию унга кирадиган лабиринтсимон йўлни топгунимизча соат беш ярим бўлди. Жойлашгунимизча олтидан ошди. Ўзиям, Зокиржон ака билан Аҳмаджонни билмадим, Боқижон, Фурқат учаламиз бир хонага кирдигу, ечиниби-ечинмай таппа ташладик ва донг қотдик.

### *10 октябрь, чоршанба*

Шундай қилиб, биз Кавказ халқлари орасида тил, дин, куй, оҳанг ва бошқа жиҳатларлардан бизга яқини бўлмиш Озарбайжондамиз. **Озарбайжон** атамасининг қадимий луғавий маъноси оловлар мамлакати демак, дея талқин этади бу юрт шоирлари. Худудида одамлар палеолит давридан яшаб келган бу эл ҳам қўшни ва бошқа юртлар каби кўп қийин савдоларни бошдан кечирган. Ўз даврида Жанубий Озарбайжон Амир Темур қаламравида ҳам бўлган. XX асрда СССР таркибига киритилган. 1991 йилдан мустақил давлат бўлиб, Озарбайжон Республикаси деб атала бошланган. Ўзбекистон мустақиллигини дастлаб (1991 йил, 19 октябрдан) тан олганлардан бири Озарбайжондир.

Албатта, қайси бир мамлакатга отланиб, унинг заминига қадам қўяр эканмиз, биз қалам аҳлининг хаёлимизга энг аввало ўша юртдаги ҳамкасбларимиз, адабий алоқаларимиз келади.

Озарбайжон адабиёти, шубҳасиз қадимий ва катта бир адабий нафосат хиёбониким, ундаги турфа “чинор”лар, наргису нилуфарлар таровати ҳар қандай кишини ром этиши шубҳасиз. Хусусан Озарбайжон назмий олами китобхон дилига ором ва оғриқ берувчи, таскинбахш ва чуқур ўйга толдирувчи умуминсоний туйғуларга, фалсафий ҳикматлар, нақлларга бойлиги, таъсиротининг кучлилиги билан ажралиб туради. Бу халқ билан адабий муносабатларимиз узоқ ўтмишдан бошланган ва бу ришталар даврдан даврга чийралиб, мустаҳкамланиб келди. Озар қардошларимизнинг асарлари бизда муболағасиз кўп ва хўп таржима қилинади. Ўрта асрларда яшаган Низомий Ганжавийнинг “Хисрав ва Ширин” достонини Қутб Хоразмий XIV асрдаёқ ўзбек тилига ағдарган.

Озарбайжон мумтоз адабиётидан гап очилганда “*Менга сигар икки жаҳон, ман бу жаҳона сигмасман*” каби исёнкор сатрлари билан “*Жаҳонга ўт солган шоир*” дея таърифланадиган Имоиддин Насимий (XIV аср) ва унинг фожеали тақдири хаёлимизга келади. Машҳур сўфий, “*Аллоҳ инсонда намоён бўлади, инсон ва умуман моддий олам парвардигорнинг тажаллийси (жилоланиши)дир, мен ҳам аналҳақ (Худо)ман, менинг ўзлим – Худонинг ўзлигидир*” деган ақидаси учун ваҳшийларча ўлдирилган Мансур Халлож (IX-X асрлар)га эътиқод қўйиб, унинг ғояларини давом эттирган, тарғиб қилган Насимий бизнинг улуғ, исёнкор шоиримиз Бобораҳим Машраб билан қисматдошдир. Машраб Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон томонидан дорга осилган бўлса, Миср Султони Муайяддин Насимийнинг тириклайин терисини шилдирган. Лекин бу буюк инсонларнинг мухлислари, ўқувчиларга бир нарса таскин беради: уларнинг қатлига фатво – буйруқ берган ҳукмдорларни бармоқ билан санарли одам билади, шунда ҳам даҳо алломаларнинг қотили сифатида ва улардан бир нишон қолмаган. Насимий, Машрабларни эса олти аср, уч асрдан зиёдки бутун туркий оламда ва ундан ташқарида ҳам эслайдилар, эъзозлайдилар, асарларини ўқийдилар, завқ, фикр, ибрат оладилар.

Муҳаммад Фузулийни эса бизда билмаган кам, ўқимаган кам, суймаган кам. Ундан кейинги, энг кейинги бўғинга мансуб ҳамкасбларимизни ҳам Ўзбекистонда беҳад шарафлайдилар, уларга меҳру муҳаббат, дўстлик изҳор этадилар. Айтайлик, Ғафур Ғулом Низомий Ганжавийга “*Низомий асарлари умумжаҳон прогресси ва маданияти хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Бу асарлар кишилик маданиятини бир поғона кўтаришига хизмат қилди*” дея юксак баҳо беради. Оиласининг Алиакбар Собир Тохирзода ижодига

ихлос қўйганлиги билан ғурурланади, ўзбек зиёлиларининг озар маданиятига хурмат, эътиқодини шундай ифодалайди:

*Озарбайжон халқининг кўркам шеъри, санъати  
Жуда қадим-қадимдан дўстларига ёддош.  
Отахон Низомийнинг сўздаги маҳорати  
Шарқдаги кўп шоирнинг ижодига эмукдош.  
Бизлар яхши ўқиймиз Фузулий, Фидоийни,  
Асримиз классиги Самад Вурғун шеърини.  
Хузур билан тинглаймиз Узаирбек ижодини,  
Тушунамиз бу халқнинг фалсафий зўр фикрини.*

Ҳа, Ғафур Ғулом ва Самад Вурғуннинг адабий биродарлиги, шахсий кадрдонлиги, Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда, асримизнинг нафосат осмонида чарақлаган порлоқ юлдузларидан бири, “*башар саодатининг ошиғи ва бахт мухлиси*” бўлган шоирнинг Ўзбекистондаги тарғиботи, унга нисбатан ўзбек ҳамкасбларининг юксак меҳри, қизгин муносабатлари икки халқ адабий дўстлиги поғоналарида алоҳида бир босқичдир. “*Озарбайжон деганда Самад Вурғун, Ўзбекистон деганда Ғафур Ғулом кўз ўнгимизга келади. Дарҳақиқат, бу икки улуг шоир қалин дўст эди... Умуман Самад Вурғун ва ўзбек адабиёти мавзуси теран бир дарё... Икки халқ ва икки қардош адабиёт бир отанинг авлодларидир*”, деб ёзади озарбайжонлик адабиётшунос Олмос Улви.

Чиндан ҳам, ўзбек китобхони Фузулий асарларини озарбайжон ё ўзбек тилида ёзилганини ўйлаб ўтирмай ўқийверганидай, Самар Вурғуннинг “*Мен ва биродарим сўнги пайтларгача Навоий ўзбек шоири эканини билмасдик, ҳамма жойда унинг номи бир озарбайжон шоиридек тилга олинарди*” деган сўзларида тилларимиз, дилларимиз, туйғуларимизнинг нақадар яқин ва уйғунлигига ишора қилинган эди.

Самад Вурғунга ва Озарбайжонга Зулфия, Шухрат, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Лазиз Қаюмов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Сайёр, Раззоқ Абдурашид такрор-такрор шеър бағишлаганлар, сўз айтганлар. Вурғуннинг биргина “Озарбайжон” шеърини бир неча таниқли шоирларимиз (Шайхзода, Миртемир, Абдулла Орипов ва бошқалар) таржима қилишган. Адибларимизнинг меҳр изҳорлари ҳам ўзбекнинг бағрикенглиги, кўнглининг очиқлигидан, дўстларга фидойи ва ҳамиша камарбасталигидан далолатдир. Қардошлик, биродарлик ҳақида бошқаларга нисбатан кўп ва хўп ёзган Ғафур Ғуломнинг куйидаги сатрлари нечоғлик самимий эканлигини Озарбайжон зиёлилари ҳам миннатдорлик билан эътироф этадилар:

*Қондошим, қариндошим, қардошим Самад Вурғун,  
Тасаллои дил учун тарихдан деганим бас.  
Сен ўз халқинг шоири, халқлар абадий турғун –  
Томирдаги қонингу кўкрагингдаги нафас.*

*Энг яқин дўстларимни бирма-бир санар экан,  
Самад Вурғун номини атайман ғурур ила.  
Чунки мен бирга яшаб, бирга ижод этганим,  
Қалбимда истироҳат, бир жаҳон сурур ила.*

Самад Вурғун асарларининг Ўзбекистонда кўп ва оммавий нусхаларда босилганини фахр билан таъкидлайди О.Улви. Дарҳақиқат, 1963 йилда “Танланган асарлар”и, 1968 йили яна бир достони алоҳида китоб ҳолида, 1972 йили Озарбайжон адабиётининг захматкаш тарғиботчиларидан бири Раззоқ Абдурашид таржимасидаги “Юракдаги шеърлар” деб аталган салмоқли асарлари, жумладан, “Вокиф” драматик достони чоп этилган. С.Вурғуннинг, бизнингча, ёши, жинси, ирку динидан қатъи назар, барчанинг юрагини

бирдек зириллатадиган, фақат фалсафий мазмуни билангина эмас, бадий жиҳатдан ҳам баркамол, чўх гўзал ғазалларидан бири, балки энг сараси ана шу мажмуадан ўрин олган:

*Агар сендан тонар бўлсам насибам оху зор ўлсин,  
Баҳорим қишга айлансин, чечаксиз бир диёр ўлсин.  
Чаманзорим, боғим-боғчам тўкилсин, бори хор ўлсин,  
Мозорим ўт олиб ёнсин, бу ишқим ошкор ўлсин.*

*Қўй, эй булбул! Тин, эй довул, ки хоҳиш истироҳатдир,  
Бу ерларда илинжим йўк, юпанчим бир саёҳатдир.  
Ўлим, эй воҳ, бу неъматдир, бу бир шонли саодатдир,  
Агар бевақт ўлар эрсам, рақибим бахтиёр ўлсин.*

*Фалакдан интиқом истар жўшиб руҳимда бўронлар,  
На инсофни, на виждонни билар, ё раб, бу инсонлар.  
Ёз, эй Вурғун, яна жўшсин бугун оламда тўфонлар,  
Йиқилсин меҳвари олам, у тубдан тору мор ўлсин!..*

Умуман, С.Вурғун асарлари таржимасининг қарийб бари таниқли, катта тажрибали ўзбек шоир-мутаржимлари томонидан юксак мақомда амалга оширилганлиги эътиборга молик.

Халқимизнинг нозик дидли вакиллари - қалам аҳли Озарбайжон юрти ва ижодкорларига бағишлаган асарларида миллатимизга хос бағрикенглик, дўстпарварлик, меҳр-оқибатлилик хусусиятлари ўз ифодасини топади. Мулла Паноҳ Воқиф, Мирза Фатали Охундов, Алиакбар Собир, Самад Вурғун, Сулаймон Рустам, Микоил Мушфақ, Маммад Раҳим, Расул Ризо, Марварид Дилбози, Зейнал Халил, Усмон Саривелли, Бахтиёр Ваҳобзода, шунингдек, “Озарбайжон шоирлари” антологияси; носирлардан М.Ўрдубодий, Ж.Мамадқулизода, Меҳди Ҳусайн, Мирзо Иброҳимов, Анор, Элчин ва бошқаларнинг шеър устаси, қисса, романларини ўзбек китобхонлари биладилар, севиб ўқийдилар. Қарийб олтимиш йилдан бери телесаҳналаримиздан тушмай келаётган “Аршин мололон” кинокомедияси, “Қайнона” спектакли Озарбайжоннинг ўзида ҳам биздагидек кўп намоёни этилмаса керак.

Айни замонда “Жаҳон адабиёти” журналимизда Озарбайжон ижодкорларининг катта-кичик асарлари, жумладан, Ҳ.Жовиднинг “Амир Темур”, “Шайх Санъон” драмалари, Ю.Чаманзаминнинг “Қизлар булоғи” романи, Анорнинг “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” романи ва “Дантенинг юбилеи” қиссаси, М.Иброҳимовнинг “Тулабатин” қиссаси, Махсати Ганжавий, Ҳайронхоним, Хуршидабону Нотавон, Рамз Равшан, Собир Рустамхонли, Нигор Рафибейли, Мамад Ораз, Рустам Бехрудий, Салим Бобулло ўғли, Мадина Гулгун ва бошқаларнинг шеър устаси туркумлари мунтазам равишда чоп этилаётгани, бу бизнинг ҳаммизга дўст элларга талпиниб, уларнинг маданий-адабий ҳаётига астойдил қизиқишимиздан далолатдир.

Хуллас, Наим Каримовнинг халқимизнинг бағрикенглиги ҳақидаги юқоридаги гапларини адабий муносабатлар борасида ҳам бемалол қўллаш мумкин. Биз хорижий ижодкорларга ҳотамона мадҳу санолаб ўқиймиз, уларнинг асарларини (юнонми, грекми, македонликми, жанубий африкаликми...) кўп-кўп, баъзан қайта-қайта ўзбекчага ўгириб чоп эттираемиз, тарғиботига китобу журналлардан катта-катта ўринлар бераемиз. Ўзимизникиларни эса айрим “миш-миш”лар шабадасидан чўчиб ё бошқаларнинг муносабатидан улги олиб, орқароққа, панароққа суриб тураемиз. Масалан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий... Зиёлиларимиз, театрларимизнинг яна айнан мустақилликка эришилгандан кейин бу катта шоир, ўзбек драматургиясининг отасидан “аразлаб” олишлари ғоятда тушунуқсиз ҳол. ”Жаҳон адабиёти” журналининг кейинги сонларидан бирида Ҳамза Ҳакимзода ҳақида дадил сўз юритилиши ва унга истеъдодли, тажрибали, талабчан режиссёр Баҳодир

Йўлдошев томонидан **“Ўзбек драматурглари орасида Ҳамзага етадигани бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ.. Ҳамза Шекспир билан бир сафда турадиган драматург”** каби таъриф берилиши чинакам ватанпарвар, адолатли санъаткорнинг эътирофи, ғурури ифодасидир. Дарҳақиқат, шу пайтгача “Майсаранинг иши”га ўхшаган ўткир сиёсий, ижтимоий сюжетли, характерлар бўртиқ оммабоп сахна асари бошқа яралмади-ку?!

Аҳли ватан фожеасидан юраги зардобга тўлган, миллат учун қайғуриб, унга жонини тиккан Ҳамзанинг 1914 йили “Садои Туркистон” газетасида босилган биргина “Ватандошларима хитоб” сарлавҳали салмоқли – ўн банддан иборат мусаддасини ўқиган зиёлида, оддий китобхонда ҳам шеър муаллифига ҳурмат, муҳаббат, эътиқод чандон ортган, у шоир жасоратига ҳайратдан қотган бўлар эди. Қандайдир бепарволик оқибатида шу пайтгача эътибордан четда қолиб келган мазкур шеърни таниқли адабиётшунос, адиб, таржимон Иброҳим Ғафуров ўзининг “Мангу латофат” сайланмасида тўла келтиради ва уни **“шиддат ва миллий шикваларга тўла” “ёниқ шеър”, “жигарсўзон лафз”** дея таърифлайди. Дарҳақиқат, ўшал оташнок манзумадан лоақал биргина бандни ўқиб кўринг-а, сизнинг ҳам юрагингизга **“не чоғлиқ оғир бир кадар ботар”**кин?!

**Миллат деганнинг боши агар кетса ризодур!  
Ҳар лаҳзада минг жабру жафо етса ризодур!  
Ҳар тийги ситам кўкси уза текса ризодур!  
Миллат йўлида қони оқиб ётса ризодур!  
Бир зарра юзин тобламас ул келса на ҳолат,  
Бош узра кўрар келса на хил зулм ила зорат.**

Узр, бир оз чалғидик. Хуллас, биз ўзгаларга интилаверамиз, аммо ўзгалар ҳам бизга интиляптиларми, анъаналар, алоқалар “бор товоғим, кел товоғим” тарзида бўляптими, назаримда, унча қизиқавермаймиз.

Тўғри, биз назарда тутган бошқаларда, шу жумладан, озарбайжонларда ҳам азалдан ўзбек адабиётига, умуман ўзбек халқига қизиқиш катта бўлган. Бу борада истеъдодли шоир Бахтиёр Ваҳобзоданинг қуйидаги сўзлари бизнинг ҳам дилимиздаги гаплардир: **“Биз ўзбек халқи билан теран томирлари бир дарахтнинг қўш бутоқларимиз. Бизни бирлаштирувчи жиҳатлар фарқлантирувчи жиҳатлардан кўндир. Ўзбеклар тарихан, руҳан, қалбан менга яқин халқдир”**. Ана шундай яқинликнинг амалий ифодаси ўлароқ, озарбайжонлик аҳли қалам ўзбек ҳамкасбларининг турли жанрдаги асарларини бот-бот таржима қилиб туришади. Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва бошқа мумтоз шоирларимизни, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Зулфияни, шубҳасиз, Озарбайжонда ҳам биладилар, эъзозлайдилар. Озарбайжон Миллий академияси Низомий номидаги Адабиёт институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди Ализода Аскарлининг ёзишича, Озарбайжон китобхонлари биргина Халил Ризо (Аллоҳ ундан рози бўлсин ва охиратини обод қилсин) таржимасида Саккокийдан Ҳамзагача, Чўлпондан Тилак Жўрагача, ўнлаб шоирларнинг асарларини ўз тилларида ўқиш бахтига муяссар бўлишган. Зиё Бунёдовнинг Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги тарихий тадқиқоти, шунингдек, Сулаймон Рустам, М.Иброҳимов, М.Дилбози, Ю.Ширвон ва бошқаларнинг ижоди ҳамда хотира-эдаликларида ҳам Ўзбекистон мавзуи, халқимиз ҳаёти акс этгани маълум. Масалан, Сулаймон Рустам:

**Кўзимдан бир лаҳза йироқ бўлмадинг,  
Мен сени ҳар қайда Ватан атайман.**

.....

**Ўзбек қардошимнинг дилбар шаҳари,**

**Тукқан шахримдай юрагимда сен, - дейди “Туғишган шаҳар” (Тошкент) шеърида.**

Алиҳасан Ширвонлининг “Ўзбек дўстимга” шеъридаги самимийлик, кўнгил яқинлиги

изҳори ҳам биз учун албатта мароқли ва қалбларимизда ёқимли туйғулар уйғотади.

*Гулларга бурканган чўллар ҳар ёни...  
Мевали бозларинг билмас ниҳоя.  
Кийинтирмоқ учун бутун дунёни,  
Сен эккан пахтанинг ўзи кифоя.  
Саккокий янгради шеърий санъатни,  
Қаламидан учди ўтли газаллар.  
Лутфий ҳайрон этди башариятни,  
Эллар ҳар сўзини англари бир гавҳар.  
Навоий юксалди тоғ каби баланд,  
Буюк Фузулиймиз олди ундан дарс.  
Биз “Муҳокаматул лугатайн” билан  
Доим фикр этамиз, қиламиз ҳавас...  
Неки орзу қилсанг ушалар бари,  
Қуёшни ёқарсан юрак кўридан.  
Буюк Навоийнинг инжу сўзлари  
Мангуга жой олган қалбим тўридан.  
Сен ўсган тупроққа ошноман мен ҳам,  
Унга томон бошлар дўстлик йўллари.  
Ўзбек дўстим, сени бағримга олсам,  
Ҳазарнинг устидан етар қўлларим.  
(Носир Муҳаммад таржимаси).*

Озарбайжон адабиёти ҳақидаги мулоҳазаларимиз ниҳоясида Кавказ ижодиётининг ёрқин намояндаларидан яна бири, ёшлик ва гўзаллик куйчиси, 50 дан ортиқ китоблар муаллифи, ғамнинг ошиғи, ғамлик найи билан муҳаббат изтиробларини куйлаган Сулаймон Рустамнинг “Менсиз” шеъридан бир неча тўртлиги, бир саккизлигини ва яна “Илк муҳаббат” шеъридан икки бандини мухтарам ўқувчиларимизга илиндик:

*Бир кун бу дунёдан ўтаман мен ҳам,  
Юлдузлар, ой, қуёш чиқади менсиз.  
Айрилиқ шарбатин тотаман мен ҳам,  
Одамлар чаманга боқади менсиз.*

*Ҳаёт ёзилади чўзиқ йўлларда,  
Айланар дунёни қиш ҳам, баҳор ҳам,  
Ёмғир ҳам, дўллар ҳам, пағалаб қор ҳам –  
Кўкдан ер юзига ёғади менсиз.*

.....  
*Шод даврон суради бу тугма эллар,  
Севиб-севилади озод кўнгиллар,  
Йигитлар қалбида танноз гўзаллар  
Яна ишқ ўтини ёқади менсиз.*

\*\*\*

*Ёшлик чоғи умрнинг қолди орқада,  
Жон олиб, жон берган санамлар кетди.  
Жононнинг жонига жон қурбон дейиб,  
Чекканим аламлар, ситамлар кетди.*

*Севгилим, бахтимни кўриб отида,  
Йўлини кўзлардим, борми ёдида,*

*Ёмгирлар остида, қорлар остида,  
Кетди у соатлар, у дамлар кетди!*

### **ИЛК МУҲАББАТ**

*Севиб-севилганлар кўп яхши билар,  
Бўлмаскан вафоси илк муҳаббатнинг.  
Пойлайди ошиқни то қабргача  
Ширин можароси илк муҳаббатнинг.*

.....  
*Севгисиз гул, чечак битмас, эй кўнгил,  
Инсон муродига етмас, эй кўнгил,  
Негадир, билмайман, кетмас, эй, кўнгил,  
Бошимдан савдоси илк муҳаббатнинг?*

### **АМИР ТЕМУР ВА ОЗАРБАЙЖОН**

Амир Темур ва Озарбайжон мавзуи эса, Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Намиқ Рашид ўғли Аббосов айтганидек, бир-бирларининг маданиятини бойитиб келган, илдизи бир, яъни *“бир ўзакдан чиққан икки туркий халқнинг”*<sup>1</sup> тарихий-маданий алоқалари солномасида алоҳида бир бобни ташкил этиши шубҳасиз. Ана шу элчихонанинг шу йиллардаги иккинчи котиби, тарих фанлари номзоди Сабухий Аҳмедовнинг *“Жаҳон адабиёти”* журнали (2012 йил, апрель сони)да босилган *“Амир Темур ва Озарбайжон”* сарлавҳали мақоласи шу нуқтаи назардан кўп қимматли маълумотларга бойлиги ва тарихий воқеа, далилларнинг ҳаққоний, холис ёзилганлиги билан эътиборли ва катта аҳамиятлидир. *“Шўро ҳокимияти йилларида барча иттифоқдош республикалар қатори Озарбайжон тарих фани ҳам қаттиқ мафқуравий назорат остида эди, - деб ёзади муаллиф. – Шу боис ҳам Амир Темурни Озарбайжонга кўплаб юришлар уюштирган шафқатсиз ишғолчи, озарбайжонлик кўплаб усталарни Самарқанд ва бошқа шаҳарларига асир қилиб олиб кетган шахс сифатида тасаввур этиш анъанаси устун эди. Фақат Озарбайжон мустақилликка эришган 1991 йилдан бошлаб тарихий воқеаларнинг ҳақиқий манзарасини тиклаш имконияти пайдо бўлди”*.

Бошқа адабиётлардан ҳам маълумки, XIV асрнинг иккинчи ярмида Озарбайжоннинг тарихий худудлари жалойирийлар<sup>2</sup> давлати таркибида эди. Амир Темур юришларининг ана шу давлатга катта зарба бериши оқибатида Озарбайжоннинг яхлит ва мустақил давлатга айланиши ва бу мамлакат худудларининг мўғуллар истилосидан халос бўлиши учун қулай шарт-шароит юзага келган. Зеро, ўша маҳалларда Тўхтамишхон ҳукмдори бўлган Олтин Ўрда кўшинлари Озарбайжон музофотларига муттаасил ҳужум қилиб, бир қанча шаҳарлар, жумладан Табризни вайрон этишган, Озарбайжоннинг Каспий соҳилида жойлашган Ширвон вилоятига ҳам таҳдид солиб туришган эди. Ширвон ҳокими Биринчи Иброҳим вилоятнинг шимолий сарҳади бўлмиш Дарбанд қалъасини мустаҳкамлаш тадоригига киришганда Соҳибқирон ҳар жиҳатдан уни кўллаб-қувватлайди. Шу сабабдан Ширвон ҳокими ўз аскарлари билан Тўхтамишхонга қарши отланган Амир Темур лашкари таркибига қўшилиб мўғул босқинчиларига қарши курашда фаол қатнашади. Терек бўйидаги жангда Тўхтамишхоннинг узил-кесил тор-мор этилиши натижасида Ширвоннинг шимолий сарҳадларидан хавф бартараф қилинади, умуман Озарбайжон кейинги бир ярим аср мобайнида юз бериши мумкин бўлган ҳужум ва талон таҳликасидан халос бўлади.

<sup>1</sup> “Жаҳон адабиёти” журнали. 2012 йил, 12-сон, 183-бет.

<sup>2</sup> Жалойирийлар – Ирок, Курдистон ва Озарбайжоннинг бир қисми устидан ҳукм юргизган сулола.

Мўғул қўшини томонидан ер билан яқсон қилинган Бойлакон шахрининг Амир Темур буйруғи билан қайта тикланганини ҳам озарбайжонлик дўстларимиз ҳамиша катта мамнуният билан эслайдилар. Шунингдек, Олтин Ўрданинг мағлубияти туфайли Буюк Ипак йўлининг Озарбайжон ҳудуди орқали ўтадиган бўлиши бу мамлакат давлати ва халқи учун ижобий аҳамият касб этганлигини, хусусан Табризнинг тез ривожланишида жуда муҳим омил эканлигини алоҳида таъкидлайди юқоридаги мақола муаллифи.

Озарбайжонда, айниқса, ижтимоий-сиёсий, маърифий соҳа намояндаларида Амир Темурнинг ҳукмдорлик фаолияти ва шахсига қизиқиш кучли бўлган XX аср бошларида Муҳаммад Амин Расулзода, Алибек Ҳусайнзода, Аҳмадбек Оғаев ва бошқа Озарбайжон миллий-озодлик ҳаракати ташкилотчилари ҳамда фаоллари, маърифатпарварларининг маърифий-публицистик ишларида Соҳибқиронни жаҳон тарихидаги буюк шахслардан бири сифатида эътироф этиш ва тарғиб қилиш тенденцияси алоҳида кўзга ташланади. Шунинг эслатиш лозимки, ўзбек халқининг бу улуғ фарзанди образи нафақат олимлар, тарихчилар, шарқшуносларнинг, балки маданият ходимлари - шоир-ёзувчилар, драматурглар, рассомлар ва режиссёрларни ҳам жалб этиб келди ва келмоқда, дейди Сабухий Аҳмедов.

Дарҳақиқат, атоқли озарбайжон шоири, ёзувчи, драматург, публицист ва жамоат арбоби Муҳаммад Саид Ўрдубодий 1916 йили ёзган “Темур ва Йилдирым Боязид” асарида Амир Темур ижобий образ, **“туркий оламни бирлашишга даъват қилган улкан сиймо”** сифатида талқин этилган. Яна бир факт алоҳида диққатга сазоворки, мустақил Озарбайжон Республикаси қарор топган (1918-1920) йилларда Соҳибқиронни улуғлаш, унга таассуб қилиш, ундан ўрганиш, ибрат олиш турли жабҳалар ва ҳатто сиёсий жараёнларда, ҳарбий тизимлар фаолиятида ҳам акс этганлиги маълум. Жумладан, 1919 йили Ҳарбий ишлар вазири генерал Самадбек Меҳмендаров қўмондонлигидаги Озарбайжон армияси бўлинмаларининг жанг байроғи шакли ҳақидаги буйруқда байроқ сопининг учини машҳур саркарда Амир Темур мақбараси андозасидан олинishi лозимлиги алоҳида уқдирилган экан. Афсуски, 1920 йилда мамлакатнинг Совет Россияси қўшинлари томонидан эгалланиши натижасида Озарбайжон Республикаси ҳам (худди биздаги Қўқон мухторияти каби), унинг рамзлари ҳам тугатилади.

Яна бир таниқли шоир, драматург ва жамоат арбоби Ҳусайн Жовиднинг 1925 йили ёзилган Амир Темур ҳақидаги драмаси адолатни ўзига шиор қилган буюк Соҳибқирон образи шўравий мафкура нуқтаи назаридан ёритилмагани, у ёвуз, шафқатсиз босқинчи эмас, балки туркий халқларни бирлаштиришга интилган саркарда сифатида кўрсатилгани учун совет идеологларининг танқид найзасига учрайди. Асар асосидаги спектаклни бир амаллаб театр сахналарида намойиш этишар ва у яна таъқиқланарди.

1937 йилги қатағонларда ҳибсга олинган Ҳусайн Жовидга бошқа айблар қатори Амир Темурни тарғиб этиш “туноҳи” ҳам юкланганлиги айтилади тадқиқотларда.

1973 йили Озарбайжон киностудиясида ишланган улуғ шоир Имодиндин Насимийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисидаги бадиий фильмда ҳам Амир Темур образи моҳир саркарда, шунингдек, бирдамлик даъваткори, тараққийпарвар ҳукмдор киёфасида намоён бўлади. (Фильмда Соҳибқирон рўлини машҳур озарбайжон актёри Юсуф Валиев, Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ рўлини актёр Мухтор Маниевлар юксак маҳорат билан ижро этишган). Ушбу фильм 1974 йили Бокуда бўлиб ўтган VII Бутуниттифок кинофестивалида тарихий мавзудаги энг яхши бадиий асар деб тан олиниб, махсус соврин билан тақдирланган. 1980-йилларда Ҳусайн Жовиднинг “Амир Темур” драмаси асосида ҳам бадиий фильм яратилади ва у ҳам катта муваффақият қозонади. Мазкур драма Туркия зиёлиларида ҳам катта қизиқиш уйғотган эди. Турк олими Эрдўғон Уйғурнинг “Ҳусайн Жовид адабий фаолияти ва “Амир Темур” пиесаси” деган китоби 2004 йили Анқарада турк тилида босилиб чиқади. Юқоридаги фильмда ҳам Соҳибқирон туркий дунёнинг буюк саркардаси тимсолида талқин қилинган. Қаламлари адолат чизиғидан юрган Озарбайжон ва Туркия адибларининг Амир Темур шахсига бўлган муносабатлари Арастунинг “Дўстим азиз, лекин ҳақиқат ундан азизроқ” деган машҳур иборасини эслатади.

Умуман олганда, Озарбайжон ижодкорларининг Амир Темур мисолида ўзбек

халқининг бой тарихига, улуғ аждодларига юксак эҳтироми ва умуман жаҳон тарихига одиллик ва ҳақиқат назари билан қарашлари ўз ифодасини топганки, бу катта ҳурматга, таҳсинга сазовор бир ҳолдир. Шундай далилларни ўйлаганда қардош ва қалбдошлар аро адабий ҳамкорликнинг мустаҳкам ва бардавомлигига ишонч туғилади кишида.

## БОКУДА ИККИ КУН

Соат ўн иккиларда шаҳарга жўнадик. Дастуримиз бўйича Кавказ мамлакатлари орқали Эрон Ислом республикасига ўтишимиз ва ундан Туркменистон орқали ватанга қайтиш кўзда тутилганлиги боис Туркменистон элчихонасидан ижозатнома олиб қўймоғимиз лозим эди. Раҳбаримиз ҳамма муаммони мумкин қадар олдинроқ ҳал қилишга ўрганган. Элчихонани излаб тўрт соатдан зиёд юрдик. Кўчаларда қатнов тиғиз, қайрилишлар, бирёқлама ҳаракатли йўллар кўп, лекин аксига олиб, манзил кўрсаткичлари кам эди. Боз устига, Туркменистон сафоратхонасини аниқ биладиган кимсалар учрамас, айримлар билмайман дейишдан хижолат чекибми, хато бир манзилни айтиб, бизни сарсон қилишарди. Бўлмади, такси ёлладик, аммо унинг ҳайдовчиси ҳам ўшанақа ориятчанлардан эканми, ё нима бўлса ҳам биз каби содда, мусофир мижозларни қўлдан чиқаргиси келмаганми, телефонда ҳамкасблари ё бошқа танишларидан Туркменистон элчихонасини сўрайвериб ўзи ҳам кўп довдиради, бизни ҳам хўп энсамизни қотирди. Ниҳоят, элчихоналар жойлашган торгина кўча бошида тўхтаб, шу ердан юз қадамча ичкарига кирасизлар, холос, деб, келишилган ҳаққини кассасига уриб жўнаб юборди.

Таксичи айтган манзил – Шамси Раҳимов кўчасига борсак, бизга керакли элчихона бу жойдан анча илгари бошқа ёққа – Жалил Мамадқулизода (аввалги Паганин) кўчасига кўчиб кетган экан. Энди ўша манзилни излашга тушдик. Автоулов тикини кун кечкирган сари баттар қалинлашиб борарди. Машиналар турининг ранг-баранглигига ақл озади. Аммо, Аллоҳниям, тавбаниям айтиш керак, Апшерон ярим оролининг жанубий қисмида, Каспий денгизининг ғарбий соҳилида қад кўтарган, номи 5-аср ёзма адабиётларидан маълум Боку (“Бақы”)нинг Бейновдаги мақтанчоқ айтгандай, кейинги даврларда, айниқса, мустақилликдан кейин гуркираб ривожланиб бораётгани сезилиб турарди: лойиҳалари турли-туман, бири иккинчисини такрорламайдиган янги, ўзига хос нақшли, гулдор, айниқса, оч, тўқ қаймоқ тусли пурвиқор бинолар ҳаддан анчагина, ҳар қалай, биз тасаввур қилгандан хийла кўп эди. Фақат ана шу пурвиқор, ҳашаматли иморатлар кўрки, файзига йўллар унча мос эмас – тор, кўримсизроқ, яъни, эски ҳолича, машиналар оқими кўхна “ўзан”ларга сиғмай, тошгудай эди. Яъни, аксарият кўчалар семириб кетган одамнинг тор келиб қолган кийимига ўхшарди.

Мен ўз юртимиздаги улкан ўзгаришларни кўз олдимга келтирдим. Мамлакатимизнинг катта-кичик шаҳарлари, вилоятлар, туманларнинг марказлари ва уларга элтувчи йўлларнинг икки бетида қад кўтараётган ранго-ранг биноларнинг батартиблиги, энг муҳими, қанча муаммолар, машаққатлар эвазига бузилиб қайта барпо этилаётган кўчаларнинг равон ва кенглиги кундан-кунга кўпайиб бораётган автоуловлар эҳтиёжи нуқтаи назаридан нақадар катта аҳамиятга эғалигини хаёлимдан ўтказдим.

Алқисса, неча айланишлар, эски, янги, узундан-узун кўприк-йўллардан ўтиб, ахтарган маҳкамамизни топиб бордик. Афсуски, қабул икки кундан кейин – жумада бўларкан...

Кейин денгиз вокзалини қидира кетдик. Зокиржон аканинг яна бир заҳира режасига кўра Туркменистонга Каспий орқали паромда ўтиб кетмоғимиз ҳам мумкин эди.

Пристанни топгунча Боқунинг ёқасидан кириб, почасидан чиқдик. Во дариғ, бу ердан ҳам қулоққа хуш ёқадиган гап эшитмадик. Ўзгарувчан куз ҳавоси, пўртаналар мавсуми бошланганлиги муносабати билан кемалар юрмаётган экан (Менинг кўз олдимга денгизнинг кечаги ҳайбатли қиёфаси келди).

- Балки икки кундан, эҳтимол ўн кундан кейин юрар, буни олдиндан айтолмаймиз, - дейишди. Дарҳақиқат, китобларда Боқуда куз фаслида довуллар (Афғон, Қўқон



шамолларига ўхшаса керак) бўлиб туриши ёзилган.

Умидлар пучга чиқиб, денгиз бўйидаги хиёбонга ўтдик. Могу дунёга тўла уч ошёнади супермаркетнинг тепа қаватида, ташқари томони очик айвондаги ошхонада Хазарни томоша қилганча кабобхўрлик билан хуморимизни ёздик.

Манзара ажойиб эди: жануб томондаги бепоён Каспийда пароходлар сузиб юрар, чағалайлар чарх урар, сув эса, бекат маъмурлари айтганидай, гупуриб, шовқинламас, аксинча, осойишта эди, оҳиста чайқалиб ётарди. Балки бўрон туриши олдидан бўладиган сокинликдир бу. Ҳарнечук, биз каби денгиздан узоқда яшайдиганлар учун бундай панорама мароқли ва гаштли эди.

Яна хаёлимда Каспий илҳоми ила битилган назму бадиалар айлана бошлайди. **“Кекса ва ҳаммиша навқирон Каспий не-не дилларга тўлқин солмаган, илҳом бағишламаган. Озар адабиётида бирор қаламкаш йўқки, долғали Каспийни тилга олмаган бўлсин”** деб ёзган экан Ўзбекистон халқ шоири, драматург Рамз Бобожон. Ростдан ҳам қайси бир Озарбайжон шоирининг китобини варақламанг – Самад Вурғунми, Сулаймон Рустамми, Наби Хазрийми, ёшлар дейсизми – албатта бевосита Хазарга бағишланган ё бошқа бир мавзу муносабати билан ушбу афсонавор уммон такрор-такрор тавсиф этилган шеър ё бошқа бир жанрдаги асарга кўзингиз тушади.

Масалан, Сулаймон Рустам **“Бокунинг ойнасидир кўм-кўк Хазар”** дея таърифлайди. Шоир **“Менинг ҳам Хазар каби “телбалик” онларим бор”** деганида эса, Каспийнинг биз йўлда кўрган важоҳатли ҳолатини назарда тутган чамаси. Нафақат Озарбайжон, балки атрофда яшайдиган бошқа халқ вакиллари, ҳатто узоқ юртлардан келиб, бу асов денгизга мафтуну маҳлиё бўлган ижодкорлар ҳам истаганча топилади. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ўз таҳайюрини:

**Ким агар дунёда йўқ деса тилсим,  
Каспий денгизига бир келиб боқсин, -**

каби сатрларда ифодалаган.

Ўз тақдирини, ҳаётини Каспий денгизига боғлаганлар қанча! Таниқли Озарбайжон шоири, “Икки Хазар” достони муаллифи Наби Хазрий шундай ёзади:

**Агар қарисам ҳам Хазарим қадар,  
Мангу ёш қолгайман  
Хазарим каби.**

**“Каспий ниҳоятда мулоим денгиз экан”,** - дея таассуротини иншо этади Мирпўлат Мирзо Озарбайжон тўғрисидаги хотираларида. Демак, шоир Каспий тўлқинларининг Доғистон худудидаги тўлғанишларини кўрмаган. Аммо унинг **“денгизни инсоният руҳига тоабод гўзал туйғулар бахш этиб тургувчи боқий шеърятга”** ўхшатиши ниҳоятда топиб айтилган чиройли ташбеҳдир.

\*\*\*

Яна сўраб-сўраб шаҳар марказига қараб юрдик. Эндиги мақсад Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий ҳайкаллари ўрнатилган хиёбонларни зиёрат айламак эди. Бу орада қоронғу туша бошлаганди. Яна тикин, юриш қийин, худди Дехли, Лохур, Техрон кўчаларидагидай. Қатнов кўп, кўча тор бўлгач, тартиб сақлаш, қонун-қоидага риоя қилиш ҳам мушкул, албатта. Ким эпчилроқ, уддабуронроқ бўлиб, уловининг тумшугини орага суқиб олса, марра ўшаники. Яна, секин ҳам юришмайди, азаматлар, ҳатто чорраҳа, айланаларда ҳам ёнингиздан қандай сиғиб, ғувиллаб ўтиб кетганини сезмай қоласиз.

Ҳайдовчилар сафида қиз-жувонлар ҳам анчагина эди. Лекин асосан олганда кўчадаги аёллар эркаклардан – шу пайтгача “кучли” деб келинган жинс вакиллари билан биздагидек фаол ва илғорми, йўқми, билмадиму, аммо сон жиҳатидан кўп эмаслиги аён эди. Уларнинг аксарияти қора, каштан ранг, сарғимтир сочларини ёйиб, елкаларига тушириб, шалвар

кийиб олишганди.

Ҳамма жойда бўлгани каби, тўрт миллионли Боку кўчаларида ҳам ҳар қадамда мезбонлару меҳмонлар диққатини жалб этишга мўлжалланган реклама ва бошқа тасвирий лавҳалар учрайди. Улар орасида ўтган йили вафот этган, бу йил таваллудининг 70 йиллиги нишонланган таниқли опера ва эстрада хонандаси, Озарбайжоннинг ифтихори Муслим Магомаев сиймоси алоҳида ажралиб турарди. Манбалардан маълумки, ўзбек ва озарбайжон халқлари бошқа соҳалар қатори мусиқа соҳасида ҳам қадимдан ҳамқору ҳамнафасдир. Масалан, ўз даврида хонанда, созанда, бастакор, мусиқашунос сифатида доврुक қозонган Абдулқодир Мароғий ижодий, илмий фаолиятининг энг қизғин даврлари Амир Темур, Шохрух Мирзо ва Халил Султонлар саройида кечган. Шу муносабат билан биз қардош озар халқининг асил ва машҳур фарзандлари, санъат дунёсининг дарғалари, бетакрор овоз соҳиблари Булбул Мамедов (Муртаза Мешади Ризо ўғли)ни, унинг зурриёди Пўлат Булбул ўғли (у айна вақтда Озарбайжон Республикасининг Россиядаги элчиси)ни, “Аршин мололон” комедиясидаги бош қаҳрамон Асқар рўли билан машҳур Рашид Бейбутов, фавқулудда пайдо бўлиб, кўшиқ шинавандаларининг, айниқса, ўзбек халқининг қалбини жуда тез забт этган Зайнаб Хонларовани ва бошқаларни эслаймиз. Ҳар ким ўз диди ва ихлосига кўра кимнидир рўйхатнинг аввалроғига олиб чиқиб, унга ўз муносабатини билдиради.

Чироклар ёғдусида шуълаларга бурканган бинолар, иншоотлар янада товланиб, зеболаниб кўринади.

Экспедициямиз сафарининг режасида, одатдагидай, буюк алломаларнинг қабрлари, ёдгорликларини зиёрат қилиш ва ўрганиш ҳам назарда тутилган эди. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, Озарбайжонда, унинг пойтахтида ҳам ўзларининг бетакрор, умрбоқий асарлари туфайли тилларда ва дилларда асрлар оша яшаб келаётган бадиий ижод дарғаларининг номлари, хотиралари билан боғлиқ жойлар диққат-эътиборимизда, биз энди ўшандай масканларни кўзлаб, излаб борардик.

Ниҳоят, узоқда бир ҳайкал кўринди – уни Фузулийники дейишди. Лекин ёдгорликка яқин бориш учун бир кўча айланиб ўтиш керак экан, бир миршабдан илтимос қилган эдик, у машинаси орқасидан юришимизни айтиб, бизни бутунлай бошқа жойга – Низомий Ганжавий майдонига олиб бориб қўйди. Йўл-йўлакай, чоғроқ бир хиёбонда ёзувчи, драматург, маърифатпарвар, файласуф Мирзо Фатали Охундовнинг бюстига кўзимиз тушди. Аммо бундай азизу музайян зиёратгоҳларни тунда кўриб ҳузур қилиш қийин эди. Қолаверса, биз меҳмонхонага ошиқаётгандик. Эрталаб Зокиржон ака “Бобурнома”нинг таржимони, ўтган йили Ўзбекистонга, Андижонга бориб, кўп иззату икромлар кўриб келган Рамиз Аскер билан телефонлашган, шунда у “Бугун дарсларим бор, кечки пайт бўшайман”, деган экан. У меҳмонхонага келиб бизни кутиб ўтирибдимикин, деган хавотир, масъулият бор эди раҳбаримизда.

Кўнокхонамиз атрофидан яна уч-тўрт марта айланиб ўтиб, аранг топиб кирдик.

Зокиржон ака беҳуда безовталанган экан – Рамиз Аскернинг ўзи ҳам, дараги ҳам йўк эди.

### *11 октябрь, пайшанба*

Бугун сафарга чиққанимизга роса икки ҳафта бўлди. Ўн беш кунда қанча шаҳару қишлоқлардан, турфа хил миллат юртларидан ўтиб, яна ўзимизнинг туркий қавмдошларимиз шаҳрига, бир замонлар Амир Темур бобомиз суйган, мўғуллар вайрон этишган шаҳарларини қайта тиклатган мамлакатнинг мустақиллик шарофати билан жуда тез суръатлар билан юксалиб бораётган пойтахтига келиб турибмиз. Биз кеча оқшом бошқа ташвишлар билан андармон бўлиб ва мезбон билан учрашувга ошиқиб, Боқуни, унинг диққатга сазовор мавзе, хиёбонларини мириқиб томоша қилолмаган эдик. Ўзимизга қолса, бугун ҳам шундай ҳол такрорланиши эҳтимолдан узоқ эмас эди. Шу боисдан лоақал мўлжалдаги манзилларни ортиқча қийналмай топиб боришимиз учун бир йўлбошчи зарур,

Рамиз Аскер жила курси шу вазифани бажариб, мушкулумизни енгиллатиши мумкин эди.

Хуллас, ишларимиз тиғиз. Соат 5 да (бизнинг вақт билан бир хил) турдик-да, бир йўла тайёрланиб пастга тушдик. Рамиз Аскер ҳайтовур келди. Зокиржон ака "Бобурнома" таржимаси у ёқда турсин, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида икки оғиз илиқ сўз айтган одамни отасидек иззатлар, шунинг учун у Рамиз Аскерни очиқ чеҳра билан, эски кадрдонлардек кутиб олди. Шаҳарга жўнадик. Йўллар кечагига нисбатан хийла холи эди. Ганжавий майдонига тезгина етиб бордик. Лекин тонг росмана ёришмагани – видеога, фотосуратларга олиб бўлмасди. Сал наридаги йирик бир бинонинг ертўласига жойлашган "Кўҳна Боку" кафесиди (Тошкент вилоятидаги Чирчиқ шаҳрида яшаган бир озарбайжон бош ошпаз экан) нонушта қилдик.

Зокиржон ака ҳар бир имкониятдан, айниқса, сафарда мумкин қадар унумли фойдаланиш пайида бўларди. У овқатланиш асносида Рамиз Аскерни гапга солиб ўтирди, шу баҳонада бошқаларимиз ҳам ўзимизни қизиқтирган баъзи саволларимизга жавоб олишга уриндик.

Ўзининг эътирофича, "Бобурнома" таржимонининг дастлабки асосий касби журналистлик бўлиб, кейинчалик фаолият йўналишини бирмунча ўзгартирган, айтилган вақтда бир неча олий ўқув юртида дарс берар экан. У "Бобурнома"ни асарнинг рус, турк ва ўзбек тилларидаги нусхаларини чоғиштирган ҳолда, бир йил мобайнида ўтиргани ва у нашрдан чиққан заҳоти Ўзбекистон Президентига қандай юборгани тўғрисида гапириб берди. Унинг учта фарзанди бўлиб, ўғли Америкада, бир қизи Туркияда, тўнғич қизи ўзи билан яшаркан.

Рамиз оға Мўғулистонга боргани, Урхун-Енисей ёзувларини ўрганганлигини сўзлаб, шу мавзуда чоп эттирган йириккина китобини Зокиржон акага тухфа қилди. Раҳбар мавзунини яна Бобур Мирзога бурди.

- Боқуда, умуман Озарбайжонда ҳазрати Бобур ҳаёти ва ижоди бўйича илмий иш қилаётганлар борми? – деб сўради у.

- Йўқ, - деди Рамиз Аскер қатъий тарзда. Шахсан менинг бу гапга унча ишонгим келмади, Озарбайжондай ҳар жиҳатдан бизга яқин юртда наҳотки Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек сиймо фаолияти билан шуғулланаётган бирон адабиётшунос олим бўлмаса? – Фақат, - деб давом этди таржимон, - мен бир аспирант-шогирдимга Бобур ижодини мавзу қилиб берганман.

Юқорида номи зикр этилган Олмос Улвининг Тошкентда бўлиб ўтган "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни" халқаро илмий анжуманидаги маърузаси тезисларида академик Ҳамид Ораслий ўз тадқиқотларида "Низомий ва Бобур" мавзуга алоҳида эътибор қаратгани, кейинги йигирма йиллар мобайнида Бобур шахсияти ва меросининг озарбайжон илмий-адабий муҳитида янада кенгроқ миқёсда ўрганила бошлангани, шоир асарларининг озарбайжон тилига кўплаб таржима қилингани, масалан, таниқли адиб Анорнинг "Оғузларнинг 1500 йиллик шеърляти" номли фундаментал альманаҳида мазкур тарихнинг "Шоҳ Бобур" саҳифасига алоҳида урғу берилгани (унинг "Ҳиндистондаги буюк мўғуллар (бобурийлар) империясининг асосчиси, шунингдек, Ўрта Осиё туркий адабиётида Навоидан кейинги энг буюк сиймо"лиги) таъкидланади. Озарбайжон адабиётшуносининг қайд этишича, Бобур Мирзонинг қарийб барча асарлари озарбайжон тилига ўтирилган ва бу борада, дарҳақиқат, профессор Рамиз Аскернинг хизматлари таҳсинга сазовор. Шу билан бирга, бир пайтлар Ўзбекистонда аспирантура амалиётини ўтаган профессор Физулий Баёт ҳам "Бобурнома"ни озарбайжон тилига таржима қилган ва чоп эттирган.

***"Кейинги давр Озарбайжон тадқиқотчилари, хусусан, ёш авлод Бобур меросига янада катта қизиқиш билан қарамоқда ва бу соҳага жуда зарур илмий мавзу сифатида ёндошмоқда", дейди Олмос Улви.***

- Бобур Мирзо усмонли турклардан тўп ва замбарак яратишни ўрганган, қолаверса, у тўрт шаҳар – Косон, Ўш, Кобул ва Табриз ҳавосини хўп қифтини келтириб мақтайди, - дейди Зокиржон ака ҳам гапни узоқдан бошлаб. – Бобур бирор нарса ё жойни ўз кўзи билан кўрмай туриб таърифламаган. Шундан хулоса қилиш мумкинки, у Табризда бўлган.

Табризга эса, шубҳасиз, Озарбайжон орқали, балки ҳозирги Боку худудидан ўтгандир. Аспирантга шу мавзунини ўрганишни тайинлаш керак.

Рамиз оға Зокиржон аканинг фикрига унча қўшилмади чоғи, ҳартугул ижобий муносабат билдирмади. Умуман, чувак юзли, қотмагина, сочининг олди қисми сийрақлашган, қирра бурун мезбонимизнинг анчайин ичимдан топ дейдиганлар хилидан эканлиги, тош ёнғоқлиги сезиларди. Қандайдир ташвиши борми ё феъли ўзи шунақами, чехраси очилавермас, шопилмай, завқланмай, ҳаяжонланмай сўзларди. Бирон масала ё маслаҳатни дадил қўллаб юбориш одати йўққа ўхшар, аксарият зиёлилар каби унда ҳам нималардандир қоникмаслик, зорланиш кайфияти бўртиброқ турарди. Анча-мунча гапларга эринчоқлик билан қўл силтаб қўя қоларди. Масалан, озарбайжонлик таниқли, атоқли ижодкор ва санъаткорлар Самад Вурғун, Сулаймон Рустам, Булбул Мамедов, Анор тўғрисидаги саволларимга ҳам қисқа-қисқа, эхтиросиз жавоб берарди. Фақат, Собир Рустамхонли, Элчин ҳақида сўз кетганда сал жонланиб, бирининг 20, иккинчисининг 10 жилдлик асарлари нашр қилинганини таъкидлаб, негадир Ўзбекистонда Алишер Навоийдан бошқа шоир ё ёзувчининг йигирма томлиги чиқмаганини қистириб ўтди. Мен Ойбекнинг 20, Гафур Ғулломнинг 10 томлик асарлари чоп этилганини айтдим, аммо ҳамсуҳбатимиз назаримда бунга аҳамият бермади. Мавзунини ўзгартириб, китобларнинг муаллифлар ҳисобидан босилаётгани, ададларнинг озлигидан (1,5-2 минг атрофида) ёзғирди. Мен бизда ҳам шунақа деб унга таскин бермоқчи эдим, у, бизда ўн миллион, сизларда ўттиз миллион аҳоли бор-да, деб эътироз билдирди. У ҳақ эди.

Инчунун, “Бобурнома”нинг таржимони, Бобур “Танланган асарлар”ининг озарбайжон нашри ташкилотчиси, сўзбошиси муаллифи Рамиз Аскернинг ҳар бир мулоҳазаси биз учун қадрли ва эътиборли бўлмоғи лозим эди. Зеро, таниқли шоир ва таржимонимиз, туркшунос, озарбайжоншунос Тоҳир Қаҳҳор ўзининг “Бобур девони дунё кезади”<sup>1</sup> мақоласида Рамиз Аскернинг илмий-таржимонлик фаолияти тўғрисида муҳим маълумотлар келтираркан, унинг бу соҳадаги, хусусан Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари тадқиқоти, тарғиботи юзасидан амалга оширган ишлари, хизматларини (нашрлардаги айрим камчиликларни таъкидлаган ҳолда) юқори баҳолайди (Дарҳақиқат, камина мазкур мақолани сафардан қайтгандан кейин ўқигач, ўзбек ва озарбайжон адабий алоқаларида янги саҳифа очган фидойи олим ва мутаржимга ҳурматим, ихлосим чандон ортди ва Бокудаги учрашувимиз чоғида у ҳақда билдирган ножоизроқ мулоҳазаларим ва ўпка-гиналарим учун хаёлан узр сўрадим. Шу баҳона, мен дастлабки тасаввур алдамчи бўлиши мумкинлиги ва хулосага шопмаслик хусусидаги ўғитларни эсладим).

Осмон оқарганда ошхонадан чиқдик.

Рамиз Аскер шаҳарнинг энг гўзал мавзеи деб мақтаган денгиз бўйидаги узундан-узун хиёбон – бульварга бориб (яқингина экан, кеча биз анча адашгандик), бир оз айландик-да, Охундов хиёбони, Қиз қалъаси ёнидан, Истиклол кўчасидан ўтиб, Ганжавий майдонига қайтиб келдик. Чорси хиёбон каттагина бўлиб, Низомий Ганжавий ҳайкали атрофидаги саҳндан сўнг майдон кун чиқишга томон бўлиниб-бўлиниб, зина-зина бўлиб пастлаб борарди. Рўпарадаги иншоот эса Адабиёт музейи экан. Бино деворида Фузулий, Воқиф, М.Ф.Охундов, Нотавон (Қорабоғнинг сўнгги хонининг (XIX аср) кизи), Мирзо Жалил, Жаъфар Жабборли сиймолари барельеф услубида экс эттирилган эди.

Ўнг томондаги кўчадан анча ичкарида қадимги ички шаҳар қўрғонининг қалин ва баланд девори янги иморатлар, замонавий хиёбон оралиғида мунғайиб кўринарди.

Низомий Ганжавийга ўрнатилган ҳайкал-ёдгорлик салобатли, майдон шинам, обод: атрофда зайтун, мажнунтол ва бошқа кўркли дарахтлар кўп эди.

Ёдгорлик, мезбонимизнинг айтишича, 1941 йили бошланиб, уруш туфайли тўхтаб қолган, 1947 йили ниҳоясига етказилган. Ҳайкалнинг остки қисмларида айланасига шоир дostonлари сюжетига оид тасвирлар ишланган эди.

Биз Алишер Навоий бобомизни қанчалик эъзозласак, озарбайжонликларнинг улуғ аждодлари – ёрқин ижод соҳиби Низомий Ганжавийни шу қадар ардоқлашлари сезилиб

<sup>1</sup> “Жаҳон адабиёти” журнали, 2013 й, 2-сон, 152-бет.

турар эди. Барҳаққи, Низомий шарқ халқлари адабиётига улкан таъсир кўрсатган мумтоз адиб, “Хамса” чилик асосчиси сифатида маълум ва машҳурдир. Унинг 20 минг байтдан иборат шеърӣ девони бўлган. “Хамса”си таркибига қуйидаги дostonлари кирган эди: 1. “Маҳзун-ул асрор” (“Сирлар хазинаси” - бу асарга жавоб тарзида форсий ва туркий адабиётда 40 дан зиёд дoston ёзилган). 2. “Хисрав ва Ширин”. 3. “Лайли ва Мажнун”. 4. “Ҳафт пайкар”. 5. “Искандарнома”. Низомийдан кейин “Хамса” яратганлар кўп, бу борадаги ижодий мусобақа ғолиблари Хисрав Деҳлавӣ, Абдурахмон Жомӣ ва Алишер Навоӣлардир. Ҳазрат Навоӣнинг “Хамса”чиликни энг юқори поғонага кўтаргани айни ҳақиқатдир. Шунга қарамай, айнан “Хамса” дostonлар туркумининг буюк мутафаккир-шоир даҳосига хусусан оврупаликлар нуқтаи назаридан андак соя солиши ҳам сир эмас. Алишер Навоӣ таваллудининг 525 йиллик юбилеи тантанасида (Тошкентда) “Хамса”ларнинг мазмун-моҳиятидан, бадий даражотидан беҳабар польшалик адабиётшуноснинг Навоӣни ўзидан аввал ўтган ҳамкасбига тақлидан асарлар битган бир поляк ижодкорига қиёслаши кўпчиликка, жумладан, менга ҳам қаттиқ алам қилган эди.

Озарбайжон халқининг яна бир фаҳри-ифтихори Муҳаммад Фузулий ёдгорлиги бошқа мавзеда, Озарбайжон давлат академик театри қаршисидаги майдонда экан. Фузулий (Муҳаммад Сулаймон) 1498 йили Бобур Мирзодан беш йил кейин Фурот дарёси водийсидаги Бағдодга яқин Карбало шаҳрида, зиёли оилада таваллуд топган. Бир қанча муддат Бағдодда, Ҳилла, Нажаф каби шаҳарларда истикомат қилган ва яна она шаҳрига қайтиб, 1556 йили вафот этган.

Академик шоиримиз Ғафур Ғулом таъбири билан айтганда, ўзбек ва озарбайжон шоирлари ҳам бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд мақомидадир. Алишер Навоӣ Низомий Ганжавӣдан таъсирланган, илҳом олган бўлса, Муҳаммад Фузулийга Лутфӣй, Навоӣларнинг таъсири кучли бўлган. Қуйидаги сатрларда унинг Навоӣга ҳурмат-эҳтироми ифода этилган.

*Турку арабу ажамда айём,  
Ҳар шоира вермишди бир ком.  
Ўлмиш эди Навоӣ суҳандон,  
Манзури шаҳаншоҳи Хуросон.*

Замондошларидан бири Фузулий шеърӣятига шундай баҳо берган: “*Навоӣга ўхшаш гаройиб бир ёқимли йўли ва ажойиб услуби бор*”. “Лайли ва Мажнун” дostonи Фузулий ижодининг ёрқин юлдузидир. Туркий халқлар орасида кенг тарқалган анъанавӣ сюжет ва қаҳрамонлар асосида яратилган мазкур асарда муҳаббат баланд пардаларда тараннум қилинган. Умуман, Фузулийни “ишқ куйчиси” деган унвон билан сарафроз этадилар. Девонининг номи ҳам бежиз “Муҳаббатнома” эмас. Фузулийшунос олимларимиз назокатли шоир шеърӣятининг асосий мавзуси ҳам, ҳаракатлантирувчи кучи ҳам, асарларни ичдан нурлантириб турган қувват манбаи ҳам ишқ эканлигини таъкидлайдилар.

Юртимизда энг кўп ва суюб ўқиладиган туркигўй ғазалнавислардан бири, бу – шубҳасиз, Фузулийдир. Энг муҳими, айрим ҳарфӣй-имловӣй ўзгачаликларга қарамай, биз озарбайжон назмиётини, хусусан, Фузулийнинг сокин эҳтиросга йўғирилган нафис, ҳиссиётчан сатрларини муаллифнинг лисони, алифбосида англаб, завқлана оламиз, уни ўз шоиримиздек иззатлаймиз, азиз меҳмонимиздай қалбимиз тўридан жой берамиз. Бинобарин, унинг асарлари бизда кўп бора, сўнгги маҳалларда икки жилдли сайланмалари тилимизга салгина уйғунлаштирилган ҳолда чоп этилган. Ўнлаб дилбар ғазаллари асосидаги қўшиқлар руҳиятимиз, кўнглимиз озиғидир. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган Фузулий асарлари қўлёзмасининг мўътабар нусхаси эса маънавиятимиз хазинасидаги дури жавоҳирлардан ҳисобланади.

Назмӣ жавоҳирот Хазарининг дарғаси ҳайкалининг ҳажми, салобати бир қарашда менинг ушбу нуқтаи назарим, ҳаяжон ва ҳайратларимга у қадар мос эмасга ўхшарди. Лекин, ҳарқалай, ўзига хос, остки қисмида шоирнинг “Лайли ва Мажнун” дostonига ишланган

суратлар кўзга ташланар, ёдгорлик ёнидаги фаввора майдонга кўрк ва файз бағишлаб турарди. Фузулийнинг ўзи қандайдир хаёлчан кўринар ва беихтиёр Эркин Воҳидовнинг куйидаги мисраларини ёдга соларди:

*Еллар, бир дақиқа тўхтанг эсишдан,  
Сернаво булбуллар, сайраманг бир оз.  
Карбало даштида яёв кезишдан  
Чарчаб тин олмоқда Фузулий устоз.*

*Денгиз, тўлқинларинг урма қиргоққа,  
Шоир ўйларига бермагил халал.  
Устоз юрагида шеър тугилмоқда,  
Дунёга келмоқда мунис бир газал.*

Менимча, ҳайкалда яна Ф.Кўчарли таърифича “...башарият оламида жамики гамзадалар ва заҳматкашлар дардини чекмоқ ва мазлумлар ҳолига ёнмоқ учун яралган” сўз заргари ва кўнгиллар фидойисининг сиймоси акс эттирилган бўлса ҳам эҳтимол. Зеро, “...буюк шоир доим моддий қийинчиликда, қашшоқликда яшаган. Шунга қарамай, Фузулий таъмагирликни ёмон кўрар, кишиларга (амалдорларга) қарамликни қаттиқ қоралар, миннатли фаровон ҳаётга эришишини истамас эди”<sup>1</sup>.

Фузулий каби ғурурлик, ҳамиятлилик ҳамма замон қалам аҳлига ва ҳаммага насиб этса кошқийди...

Яна бир оз шаҳар айланмик. Рамиз Аскер йўл-йўлакай мустақилликдан кейинги Бокудаги ўзгаришлар тўғрисида маълумот бериб борарди.

- Боку номига аввал шамол билан боғлиқ мазмун бериларди, - дейди у шаҳар тарихи хусусида тўхталиб. – Ҳозир назорат қилиб туриладиган (боқмоқ сўзидан) жой маъноси билан боғловчилар кўпроқ. Дарҳақиқат, боку – боқмоқ сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида учрайди.

Лекин Боку – бақи – боқий (абдий, мангу) сўзидан олинган деган қарашлар ҳам бор эди шекилли.

- Боку қурилишлар майдонига айланган, - дейди Рамиз оға бир оздан кейин бизнинг эътиборимизни баланд биноларга қаратиб. - Тиқиннинг сабаби шуки, кўпчилик автобусда ярим соат – ўн беш дақиқада етиб бориладиган манзилга ҳам шахсий машинада ё таксида юрадиган бўлиб кетди.

Шаҳардаги хиёбонлар ва кўча бўйларида зайтун дарахти кўп эди. Афтидан, бу юртда зайтунни меваси учунгина эмас, манзаралилиги учун ҳам экишади чоғи. Зокиржон аканинг эса ана шу дарахтларга жуда ҳаваси келди. У кейинги пайтда буюк аждодларимиз мероси, хотиралари, қабр-мақбаралари, “Бобур қомуси” ва бошқа маънавий-маърифий кадриятлардан, Андижон шаҳарсозлик тарихидан ташқари, зайтунга ҳам қизиқиб қолган эди.

- Энг тоза, парҳезбоп мой – зайтун экан, - дейди у. – Бутун Европа халқи шу мойни истеъмол қилишаркан. Биз ҳам ана шу холестеринсиз мойга ўтишимиз керак.

Зокиржон аканинг зайтунга меҳри тушгани ва аҳдининг қатъийлашувига табиатшунос олима, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Дилором Ёрматованинг ҳам ҳиссаси бор. Зеро, у ҳам асосан Яқин Шарқ ва Араб мамлакатларида ўсадиган, озиқ-овқат саноати учун муҳим хомашё бўлмиш зайтуннинг ашаддий ишқибози ва тарғиботчиларидан биридир. Қисқаси, халқ фаровонлиги ва саломатлиги учун фойдали бўлган бу дарахт ҳозирги вақтда Сурхондарёда етиштирилаётган экан. Зокиржон ака уни Андижон иқлимида ҳам синовдан ўтказиш мақсадида Италиядан, Туркиядан кўчат олиб келиб Бобур боғига экиб кўпайтиришга астойдил киришган эди.

Раҳбаримиз, иложи бўлса, Бокудан ҳам зайтуннинг кўчати ё уруғидан олиб кетиш, шу

<sup>1</sup> Фузулий. Асарлар. 1-жилди, Ғ.Ғулом номидаги нашр. 1968 й, 10-б.

мақсадда тегишли бирон хўжалик билан танишиш истаги борлигини айтган эди, Рамиз Аскер телефонда ким биландир гаплашди-да, қўл силтади.

- Бокуда унақа корхона йўқ экан, - деди у ҳамишалик кайфиятини ўзгартирмай. – Чиндан ҳам, бизда зайтун мойи истеъмол қилинмайди, фақат салатларга ишлатилади, холос.

Кейин мезбон илтимосимизга биноан бизни Ўзбекистон ва Озарбайжон мамлакатлари бош раҳбарлари иштирокида катта тантана билан очилган Алишер Навоий ҳайкали олдида - Озодлик шоҳкўчаси билан ёндош мўъжазгина хиёбонга бошлаб борди. Ёдгорликнинг орқасида баланд қаватли тураржой, сал нарида отлар пойгаси ўтказиладиган ипподром бор экан. Ҳайкал атрофи ва унга олиб борадиган йўлакнинг икки томонига шоир ҳазратлари суйган, ғазалларида гўзал қадди-қомат тимсоли сифатида кўп қўллаган сарв арчалари ва бошқа дарахтлар бўй чўзган эди.

Ёдгорлик пойига янги гуллар қўйилган, хиёбончани бир неча эркак-аёл супуриб-сидирар эди. Ҳайкалдан нуруний Навоий сиймоси боқиб турарди.

Мустақиллик йилларида мумтоз шоир даҳосининг дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилиши рамзи сифатида Москвада, Япония пойтахти Токиода ҳам Алишер Навоий ҳайкаллари қад кўтарганини эслаб, ғурурландик.

Сўнг денгиз бўйига – бульварга кетдик. Ўша ерда йўлбошловчимиз билан хайрлашдик. “Бобурнома”ни ва Бобур “Танланган асарлар”ни озарбайжон тилига ўгириб, нашрга тайёрлашдаги хизматлари учун ўтган йили Рамиз Аскер Бобур фонди томонидан таъсис этилган халқаро Бобур мукофоти билан тақдирланган эди. Хайрлашиш чоғи раҳбаримиз унга бир неча ноёб китоб, қизига атаб дўппи ва яна бошқа эсдалик совғалари ҳадя қилди.

## БОКУДАН ГАНЖАГАЧА

Соат чорак кам ўн бир эди. Ганжа шаҳрига қараб жўнадик.

Бокудан чиқиб боряпмиз. Ўнгда паст тоғлар, қир-қиршовларда уйлар, чапда – денгиз, пляж, нефть қурилмалари...

-Каспий – Худонинг озарбайжонларга катта инъоми, муруввати, - дейди Зокиржон ака. – Анави ранг-баранг, кўкўпар биноларнинг бари денгиз остидан олинаётган нефт ҳисобига қуриляпти-да.

Ҳақ гап, азалдан порт шаҳри бўлган Бокунинг нефтчилик соҳасида ҳам катта тарихга ва тажрибага эгаллигини жаҳон жамоатчилиги эътироф этади. Кейинги пайтлардаги матбуот хабарларига қараганда нефть қудуғи илк бор Озарбайжонда ишга туширилган. Ўрта асрлардаёқ Бокудан шарқ мамлакатларига, жумладан, Ўрта Осиёга ҳам нефть ва нефть маҳсулотлари жўнатиб турилгани маълум. Сув остидан нефть қазиб олиш ишлари, бинобарин, нефть қазиб олувчи қурилма – ускунанинг сув остига туширилиши ҳам биринчи марта Озарбайжонда йўлга қўйилган экан. XX аср бошидаги ҳисоб-китобларга қараганда, ўша кезларда бутун дунёда ишлаб чиқарилган нефтнинг тенг ярмидан кўпроғи озарлар элида қазиб олинган. Швециялик машхур олим, муҳандис-ихтирочи, саноатчи ака-ука Альфред (халқаро Нобель мукофоти таъсисчиси), Роберт ва Людвиг биргаликда Бокуда нефть саноати корхонасига асос солишган. Шубҳасизки, Нобель мукофоти жамғармасида ҳам мазкур корхонанинг ҳиссаси катта бўлган. Қисқаси, Озарбайжонни кучайтираётган омиллардан бири чиндан ҳам ана шу “қора олтин” саноатидир.

Озарбайжонга тааллуқли оврўпага хос меъморчилик анъаналари, фусункор табиат, ибратомуз шарқона урф-одатлар, мислсиз ютуқларга эга нефтчиликдан ташқари соҳаларга оид муҳим янгилик ва маълумотлар ҳам талайгина.

Собиқ шўролар давлати ўрамадаги иттифоқдош республикалар ичида илк электр поезди Озарбайжонда юрган. Иттифоқ давридаги ягона кондиционер заводи ҳам ана шу заминда қурилган эди.

Сурахана музофотида ҳамиша ёниб турадиган, Оташгоҳ деб аталувчи табиий газ манбаининг ўрни бўлиб, чет эллик сайёҳлар албатта ўша оловли масканни бориб кўрадилар.

Жаҳондаги энг машхур саройлардан бири Озарбайжондаги “Хон саройи”дир.

Энг байналминал юртлардан бири ҳам озарлар ватанидир. Бугунги кунда ушбу республикада 72 миллат вакиллари яшайди.

Дунё бўйича 800 та вулқон қолдиғи бўлса, шулардан 350 таси Озарбайжон худудидадир. Бу борада ҳам мамлакат ер юзида биринчи ўринда деб ҳисобланади.

Лекин Аллоҳнинг озарларга кўрсатган яна бошқа иноятлари ҳам бор, деган фикр ўтди кўнглимдан. Бандаларнинг узок яшашига сабаб бўлувчи тоза ҳаволи иқлим ҳам бу юрт аҳлининг бебаҳо бойлигидир. Масалан, икки юздан зиёд фарзанд, невара-чевараларнинг ота-бобоси Шерали Муслимов 1973 йили 168 ёшида вафот этган. Юқорида номи зикр этилган таниқли шоир Сулаймон Рустамнинг чамбаракандлик бобоси Сари Бахши ҳам 132 йил умр кўрган экан. Матбуот хабарларига қараганда, айниқса, Лерик вилоятида узок умр кўрувчилар кўп. У ерда ҳозир ҳам 60 дан ортиқ 100 ёшдан ошганлар, икки юздан зиёд 90 ёшдан ўтганлар истиқомат қилишаркан.

Йўл носозроқ эди, Лакбатан деган жойдан ўтиб, яхшиланди. Туркиядаги автотрассалар монанд. Летарани (300 км.) мўлжал олиб кетдик. Жанубий йўналишдан ғарбга қараб бурилдик. Тоғ ён бағирларида, тоғ устларида ҳовлилар... Аммо тоғлар узок давом этмади. Қизилтов ўнгда, ичкарироқда эди. Энди чапда, денгиз бўйида уй-жойлар, идоралар, янги қурилишлар, дам олиш масканлари тез-тез кўрина бошлади.

Ўнгдаги тоғ йўлга бақамти келиб давом этипти. Пойида чўнг-чўнг ҳайбатли тошлар думалаб ётарди. Уйларга, ҳар турли биноларга, ҳатто кўча деворларига ҳам асосан оқиш, қаймоқранг бўёқ ишлатиш расм экан.

Йўлда, шундоқ кўча қирғоғида жўхори думбулини сувда қайнатиб сотиш одат экан. Ҳиндистонда асосан ўсмирлар ўтда пишириб таёққа сукиб олишганча, “думбул кетди...”лаб чопиб юришарди.

Думбулхўрлик ҳам экзотик бир амал бўлди. Худди шу ерда раҳбарнинг илтифоти билан унинг қўл телефонидан Гуркировга сим қоқдим. Уйдагилар билан салом-алик қилиб, уларни борлигимдан (охирги марта ўғлим Жаҳонгир билан олти кун аввал гаплашувдик), тинчлигимдан бохабар этиб қўймоқчи эдим. Негадир Жаҳонгир билан ҳам, кенжамиз Улуғбек билан ҳам боғланомай, иттифоқо катта қизим Наргизанинг телефонига тушиб қолдим. Унинг бош фарзанди, тўнғич неварам Моҳизар (аяси ишда экан) жавоб берди. Жигарбандимнинг ҳаяжонли овозини эшитиб, кўнглим тўлиқиб, мижжаларимга ёш келди – мусофирчилик, соғинчдан, албатта.

Йўлда давом этипмиз. Ҳар турли боғлар, анорзорлар кўзга ташлана бошлади. Қовун-тарвуз, мева-чева бозорчаси кўзимизга иссиқ кўринди. Уринганроқ қизил пўчоқ анорнинг килоси бир манат экан. Бу – бир ярим долларга яқин, қарийб тўрт минг сўм демак эди. Ўша маҳалларда Андижонда анорнинг зўри минг сўмдан ошмасди. Футбол коптогидай тарвуз жуда ниқ экан, олти кило чикди, килоси 50 кўпик – тийин экан, аммо сотувчи – ўспирин йиғитча меҳмонлигимизни инобатга олиб, икки манатга кўнди. Сувликкина эди.

Яна бир оз юргач, тушлик қилиш учун посёлкасифат бир жойда тўхтадик. Одамларнинг соқоли ўскин, уст-бошлари ҳартугул кейинги кунларда алмаштирилмаган, ошхоналари ҳам носаришта экан. Аввалгиларини писанд қилмай, шу ерга етганда нафсининг сабри чидамай қолган эди. Танлаб-танлаб тозига учради, деганлари шу-да. Кавказча қовирға кабоқларнинг гўшти ҳам тасаввуримиздагидай эмас эди, лекин на чора... Хуллас, ўнта кабоқ, беш стакан қатиқ, озгина бодринг салат, нон, доғ сув, уч-тўрт лапшак юпқа лимон ва чой – 30 манат – қарийб 42 доллар – юз минг сўмдан анча ортиқ бўлди! Яна ҳаммамиз раҳмат ҳам айтиб, қуюқ хайрлашдик ошпазлар билан.

Бироқ анча-мунча аламларимиз йўлдан чиқиб кетди – катта шоссе ниҳоятда соз, Доғистон тарафларга мутлақо ўхшамас эди. Бунинг устига, ҳайдовчимиз ҳам анча дадил босарди. Йўл тўсқовуллари Озарбайжонга кирган даҳшатли ёмғирли тунда бизни анча диққат қилишган бўлса-да, Бокуда ҳам, ундан кейин, мана бу катта ва олис йўлда ҳам, даргоҳлари кенглигини намойиш этишармиди, ҳарқалай, бизга унчалик парво қилишавермасди.



Шунақа димоғ чоғ пайтларда ёки атрофдаги манзаралар зерикарли тус ола бошлаганда раҳбарнинг марҳамати билан магнитофондан дилрабо кўшиқлар янграб қоларди. Зокиржон ака классик ашула санъатининг ҳақиқий шайдоси ва шинавандаси эди. Машинамиз кутичасида мумтоз наволар ижрочилари, соҳир овоз соҳиби бўлмиш таниқли ҳофизларимизнинг дисклари кўп, лекин Зокиржон ака (мурват унинг кўлида эди) уларни ҳам танлаб кўяр, баъзи тароналарни эшитганимизда хонанданинг маҳорати, матн кимнинг қаламига мансублиги тўғрисида гап очилиб кетарди. Бу гал Гулбаҳор Эркулова “Кўрмадим” ашуласини айтаётганда раҳбар кўшиқ муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири, пахтабодлик Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Ҳабибийни алқаб қолди:

- Барака топгур Ҳабибий домла шундай гўзал ғазаллар ёзган-да.

Матнда чиндан ҳам бадиий жиҳатдан юксак сатрлар, нозик сўз ўйинлари бор эди:

***Қоматингдек дуняда бир қадди зебо кўрмадим,  
Оразингдек ҳусн гулзорида раъно кўрмадим.***

***Лаб очолмай гунчалар ҳайратда қолди бир кўриб,  
Сўзга лаб очганда сендек сўзда гўё кўрмадим.***

***Ўйнаган шўх-шўх қаро кўзларни кўп кўрдим ва лек,  
Шунча кўзларда кўзингдек кўзи шаҳло кўрмадим.***

***Нақшу тасвирингга диққат бирла сардо-сар боқиб,  
Зарра бу шаклу шамойил ичра бежсо кўрмадим.***

***Нозанинлар, қоши ёлар ҳам кўнгил овлар мудом,  
Дил қушин сайд этгали қошинг каби ё кўрмадим.***

***Сўхбат аро дилбари таннозларинг базмида  
Расми дилбарлигда сендек дилбар асло кўрмадим.***

***Майпараст этди Ҳабибийни висолинг бодаси,  
Ўзга майларда бунингдек кайфи саҳбо кўрмадим.***

Шу муносабат билан Ҳабибий ва унинг замондошлари Собир Абдулла, Чустий ижоди муҳокамасига тушиб кетдик. Зокиржон ака ашулани яхши бир санъатшунос каби таҳлил қилар, ижодкорлараро ўзаро тафовутларни нозик илғарди. Замонавий кўшиқ ёзувчи шоирлардан кўпроқ Чустийнинг, Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимовнинг ихлосманди эди. Уларнинг фалсафий шеърлари асосидаги кўшиқларнинг мазмунини чақиб, берилиб тингларди ва ўша ҳаётининг фалсафий маънилари ўзгаларга тарғиб этарди. Ҳабибийга эса, айрича рағбати бор эди.

Ҳа, Миртемирдай зукко, ҳассос шоир Ҳабибий (1899-1980) асарларидаги жўшқинлик ва оригиналликни, замонавийликни, халққа хос соддалик, тил тозаллиги, образлар ёрқинлигини алоҳида таъкидлаб, унинг “ғазаллари ҳамиша халқ хаёл қилгандай, халқ ўйлагандай жарангдор ва ўз вақтида дунёга келади” деб ёзган эди. Демакки, Ҳабибийнинг 300 дан зиёд ғазалига куй басталангани ва аксариятининг ҳозир ҳам ижро этилаётгани бежиз эмас. Мана шундай шоир ижодига ҳам бурнини жийириб, қаншарини тириштириб қарайдиганлар бор, шундай ижодкорлар ҳам энди, афсуски, тилга кам олинадиган бўлиб қолди. Ҳолбуки, асарларининг умумий ҳажми 40 минг байтдан зиёд бўлган Ҳабибийнинг матншунослик, навоийшунослик бобидаги фаолияти ҳам анча диққатга сазовордир. Зеро, у Алишер Навоийнинг 500 йиллик тўйига тайёргарлик муносабати билан Андижоннинг Қўқонқишлоғи (ҳозир Пахтаобод)дан Тошкентга таклиф этилган ва Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла ва бошқа йирик адиб, олимлар билан Навоий меросини ўрганиш

бўйича тадқиқотлар олиб борган<sup>1</sup>.

Яна бир жиҳатни эътибордан соқит қилмаслик жоизки, замонасининг алломаси, машхури эди Ҳабибий. Унинг каби шоирлар саноқли эди. Аммо уларнинг асарларини бутун халқ ўқир, шеър-ғазаллари асосидаги кўшиқларни тебраниб тинглашар, тушуниб завқланишарди. Ҳозир Ҳабибий ва унингдек шоирлар ижодига панжа орасидан қарайдиган янги, модернчи назмчилар кўп, лекин уларни маълум бир тоифа, бир қисм китобхон ўқийди ва завқ туйишдан кўра кўпроқ риёзат чекишади – шоирнинг нима демоқчилигини англаш учун бош қотиришади, пешоналари тиришади. Ҳолбуки, шеър инсоний туйғулар ифодаси билан боғлиқ ва у шавқ билан ўқилиши керак.

Зокиржон ака мавзуни водийга, замонавий адабиётга буради. Мендан ўсмоқчилаб, Тўлан Низом, Олимжон Холдор, Ҳабиб Саъдуллалар ижоди борасидаги фикримни сўраб қолади. Мен баҳоли қудрат мулоҳазаларимни айтаман.

- Ҳаммасининг ҳам ўз услуби, йўли ва адабиётимизда ўрни бор, албатта, Олимжон Холдор – серқирра, сермахсул адиб, жуда тез, шиддат билан ёзади ва ўзига ишончи зўр. Тўлан Низом сўлинқирай бошлаган замонавий ўзбек дostonчилигини қайта жонлантириб юборди. Ҳозир бу жабҳада унинг олдида тушадигани йўқ. “Гиря”, “Мажунунтол йиғиси” каби асарларини адабиётда чинакам воқеа дейиш мумкин. Ҳабиб Саъдулла – оғир қарвон ижодкор эди. У “Кўчамдан жонон ўтганда...” сингари лирик ашулалар муаллифи. Яна у, яшашни, ҳаётдан завқ олишниям биларди. Мен уни кўпинча Тошкентда, турли тадбирларда, зиёфатларда учратиб, бу одам қачон ёзаркин, деб ҳайрон бўлардим. Менинг назаримда, у ижод столига ўмганини қапиштириб олмас, келганини ёзиш билан ҳам ўз муддаоларига эришарди. Наманганда ҳам, Тошкентда ҳам эътибори баланд эди. Тўлан ака айтганидай, ўз қадрига етар, тўриси бировга бермасди.

## ГАНЖАНИНГ ГАНЖЛАРИ

250-чи километрдан экин-тикинли ям-яшил дала (аксарият йўнғичқазор)лар бошланди. Чорва серобга ўхшайди – экинлардан бўшаган пайкалларда пода-пода мол-қўйлар ўтлашади.

Биз энди Озарбайжоннинг анча кўхна кентларидан бири Ганжага яқинлашиб борардик. Ганжасой дарёси бўйида жойлашган бу шаҳарга еттинчи асрда асос солинган. XVIII асрда Кура дарёси водийсидаги давлат - Ганжа хонлигининг пойтахти бўлган. XIX асрда бир мунча муддат Елизаветполь, 1935-1989 йилларда Кировобод деб аталган.

Шаҳарга кираверишдаги кўприк-йўл устида минорасимон баланд, салобатли ёдгорликка, кўча бетига қўйилган лавҳадаги “Н.Ганжавий мавзолейи” деган ёзувга кўзимиз тушиб, анча наридаги қайрилишдан орқага қайтдик. Ўнг тарафдан айланиб чиқиб бордик. Биз кўприк-йўл деб ўйлаганимиз катта майдон бўлиб, Ганжавий хиёбони экан. Хиёбон ўртасида қад кўтарган оч жигарранг мрамрдан тикланган Низомий мақбараси ўта маҳобатли, ўта ҳайратомуз бўлиб, унинг олдида Бокудаги ҳайкаллар ҳам ҳеч эди.

Ёдгорлик қаршисидаги кенг ҳудудга жигарранг мрамр тўшалган, тозалигидан чиннидай яракларди. Мақбаранинг орқа томони, ён-атрофи зиналар билан пастлаб борадиган, остига гулли бетон кошин ётқизилган дарахтзор, улар орасида зангор сувли саёзроқ ҳовуз ҳам бор эди. Бир ёндаги ёғоч, дарахт шохларидан, гипсдан, тошдан ва бошқа ашёлардан Ганжавий асарлари мавзуида ишланган тасвир-шакллар янада завқбахш эди.

Мақбара рўпарасида, майдон четидан ўтган кўчанинг нариги бетида, Низомий музейи қурилаётган экан, кўринишидан мазкур иншоотнинг салобати, ҳашамати ҳам ушбу ёдгорликдан қолишмайдиган бўлади-ёв!

Умуман, мажмуа атрофи янги экилган нина баргли дарахтзор, арчазор ва мевали боғлардан иборат бўлиб, уларга масъул қилиб белгиланган ташкилотлар номи махсус

<sup>1</sup> Навоий юбилейига тайёргарлик кўмитасига Андижондан Ҳабибий билан бирга ғазалнавис шоирлар Бокий, Махжурий, Анисий ва Сайфий ҳам чақирилган.

тахтакачларга ёзиб кўйилган эди. Зеро, бу сув чиқмайдиган бир тепалик эди.

Бенихоя кўркли, пурвиқор, осойишта, ибратли. Мана буни халқнинг улуғ аждодига, ардоқли шахсига ҳурмат-эҳтироми, иззат-икроми тимсоли деса арзийди.

Шаҳардан чиқиш остонасида яна бир ғаройиб ёдгорликка дуч келдик. Кўча нақ йўлга тўғри келган бу эски девор-обидани икки ёндан айланиб ўтиб, яна ўз йўналишида давом этарди. Худди шу жойлардаги – кўча бўйларидаги дарахтлар орасига кўйилган ажиб бир шакл-шамойилли, ойнасимон ялтироқ, зангор тусли сунъий тошлар одамзод тасавури, истеъдоднинг яна бир қиррасини намоён этарди.

Ганжа шаҳрини қоқ иккига ёриб ўтган торроқ йўлдан биз ҳам оғишмай, икки ёндаги Машҳадни эслатувчи тумонат дўконлару, халойиқ билан гавжум йўлак, савдо расталарини дерзадан томоша қилиб ўтиб борардик.

Шаҳар ичида ҳам Ганжавий ҳайкали ва унинг йирик суратлари чизилган паннолар хиёбон-кўчаларни безаб турарди.

Китобларда Озарбайжон қалам аҳли ҳақидаги маълумотлар билан танишар эканман, бу юртдаги икки шаҳардан (Бири Боку) кўплаб таниқли ижодкорлар етишиб чиққани эътиборимни тортган эди. Масалан, дунёга Низомийдек даҳо сиймони туҳфа қилган Ганжа Маҳсатий Ганжавий, Нигор Рафибейли, Зейнал Халил, Алекпер Зиятай ва бошқа истеъдод эгаларига ҳам бешик бўлган. Саналганлар орасида Маҳсатий (моҳ асти – ойсан демак эрмиш) хоним ҳаёти ва ижоди айрича диққатга сазовордир. Бундан қарийб тўққиз аср аввал, аёл зотининг ҳуқуқи чекланган маҳалларда Умар Хайём, Низомий Ганжавийдек илму ижод пири калонлари билан мулоқотлар қуришга қодир, хайёмона рубойилари билан довруқ қозонган ва янада эътиборлиси – шахсий ҳаётидаги ишқу муҳаббати элга дoston бўлган “ожиза”нинг шундай бир мўътабар мақомга кўтарилиши ажойиб бир мўъжизавий ҳол эди. Қуйидаги муҳаббат туғёнлари кўпириб турган ишқий-фалсафий рубойилар ана шу эҳтиросли шоиранинг ўтлиғ нафасидан тўкилган назмий инжулардир.

*Мард ўл, гар жўмардлик сен учун шиор,  
Бошим силамоқлик наҳот сенга ор?  
Зар берар бўсамга дунё шоҳлари,  
Зорсиз сен бир ўпич олмассан, эй ёр!  
\*\*\**

*Севги минбарига чиқдик қачон биз,  
Ишқдан ўзга калом демадик ҳаргиз.  
Бизнинг бу манзилга қадам босмасин  
Ишқ ичра ёнмаган, муз каби ҳиссиз.  
\*\*\**

*Кўнгли эгрилардан, букрилардан дод,  
Номард эркаклардан яхшироқ арвод<sup>1</sup>.  
Бевафо дўстлардан душман аълодир,  
Бебурд дўст уйдан оёгингни торт!  
\*\*\**

*Сеники бўлса Чин, Мисру Румо ҳам,  
Билки, сенинг бўлур бутун дунё ҳам.  
Имонинг пок сақла, ўн аришин кафан,  
Уч аришин ер охир қисматинг, одам!  
\*\*\**

*Бул кеча дилбарим меҳмон ниҳоят,  
Ёлғиз тунларидан айлар шикоят.  
Эй, кеча, дард-қайғу бўлсанг-да кетма,  
Отма, тонг, бўлсанг-да бахту саодат!  
\*\*\**

---

<sup>1</sup> Арвод – хотин.

*Гул деди: “Очмадим қийгос гунчалар,  
Термадим саодат боғидан самар.  
Гулоб қилмоқ учун мени узган қўл  
Бандимдай кесилгай бир кун муқаррар!”*

\*\*\*

*Гулнинг ватанидир чаман мудомо,  
Кўйлаги йиртилмиш этаккача то.  
Дедим: ким тўзитди сабр пардани?  
“Мен” деди шивирлаб саҳархез сабо.*

\*\*\*

*Ой юзлisan, ажаб тикувчи ўғлон,  
Сенга юз Маҳсатий чокардир, инон.  
Ҳар қатим тортганда шаккар лабингга  
Инакдай тегинсам, йўқ эди армон.*

**Ойдин Ҳожиева таржимаси**

Шўравийлар томонидан 1920 йилларда аксинқилобий ташкилот аъзоси сифатида ҳибсга олиниб, Тошкентга сургун қилинган ва Ўзбекистонда муқим яшаб қолган, том маънодаги ўзбек ижодкорига айланиб кетган атоқли шоир, “Жалолиддин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” сингари ўлмас драматик асарлар муаллифи, кучли навоийшунос, етук таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсуд Шайхзода ҳам Ганжа вилоятининг фарзанди эди. Дарвоқе, Ганжа шаҳрида Гуржистоннинг мумтоз шоири Николаз Бараташвили ҳам анча яшаган ва вақтинча дафн этилган.

Озарбайжоннинг Қирмизи (Қизил) кўприк (кўрсатгичда “Синиқ кўприк” ёзилган эди) сарҳадига одатдагидай, кечаси, ёмғир севалаб турган маҳалда етиб бордик.

Боқижон, Фурқат ва мен – учаламиз паспорт текширадиган назоратхонадан сўнг икки тарафи ва усти берк узун йўлакдан ўтиб, машиналар чиқадиган дарвоза олдидаги очик майдонда шерикларни кута бошладик. Ёмғир майдалаб ёғяпти. Биз анча туриб қолдик. Жуда осон, тез ўтказиб юборишди, деб суюнувдик, ҳиссасини чиқарадиган бўлишди, бу божгирлар машинани намунча узоқ текширишаркин, намунча автомобилга қаршилиқ қилишаркин, деб ёзғиришга тушдик. Оёқларимиздан зах ўта бошлади.

- Биз чиққунча ўтиб кетишмовдимикин ишқилиб? - деб кўямиз.

- Йўғ-э, биз бир зумда чиқдик-ку, ахир раҳбар, ҳайдовчининг паспортларини назоратхонада текширишади-ку.

- Йўқ, агар чиқишган бўлса, бизни кутиб туришарди.

Суриштиришга имкон йўқ, бизнинг орқага қайтиб ўтишимизга рухсат беришмасди.

Бир оздан кейин учов яна бир-биримизга ҳайратомуз, саволомуз тикиламиз. Мулоҳазалар тўқнашади.

- Улар ўтиб кетишган-ов...

- Йўғ-э, мумкинмас. Бир соатдан ортиқ турибмиз. Мабодо ўтиб кетишган бўлса, бизни истаб келишарди-ку. Шеф ҳеч бўлмаса Аҳмаджонни жўнатарди...

- Эҳтимол орқага кўйишмаётгандир. Раҳбар ҳам диққати ошиб ўтиргандир...

Бу орада ичкаридан анчагина машина чиқиб, Гуржистон божхонаси томонга ўтиб кетди. Ҳолбуки, биз сарҳадга кирган чоғимизда беш-тўртта енгил, иккита юк автомобили бор эди холос.

Охири дарвоза ўрнидаги темир ғовни машиналарга очиб-ёпиб турадиган аскардан қаттиқ ўтиндик (аввал ҳам унга бир неча бор учраганимизда ҳар гал “сабр қилиб туринглар, сабр...” деб кўнглимизни тинчитган эди). У нарироққа бориб келди-да, ичкарида биттаям машина йўқ, деб қолди. Мен, тўғриси, жуда таажжубландим. Наҳотки, шунча вақтда ҳам раҳбар хавотир олмаётган бўлса? Бунақа эмас, аксинча, беш дақиқа кўринмай қолсак, безовталаниб излашга тушарди-ку?

Биз бетараф ҳудудга икки ёни темир панжара-ғов билан ихоталанган пиёдалар

йўлагидан Гуржистон сарҳади томон кетдик. Борсак, “Хундай”имиз ўша ерда – божхонадан чиқадиган йўлнинг четроғида турибди. Аҳмадjon машина ичида бемалол (ҳарқалай, бизга шундай туюлди) ухляпти. Ичкарига кирсак, бир хонадан иккинчи хонага кириб кетаётган Зокирjon ака кўриниб қолди. Келдиларингми, деди у бепарволик билан. Кайфияти унча дурустга ўхшамасди. Айтишича, гуржи божгирлари ҳайдовчимизнинг паспортдан арзимаган бир ишқаллик топишиб, ҳозир ўрганамиз, муаммо бир ёқлик бўлмагунча ҳеч қачон силжимайсан деб, Аҳмадjonни машина банди қилиб қўйишибди. Зокирjon ака божгирларнинг дам униси, дам бунисига учраб, уларни инсофга келтириш билан овора экан. Шунинг учун биз, вазият тақозосига кўра, иккинчи даражали масала бўлиб қолган эканмиз.

Ҳайрон бўлдик. Йўл-йўлакай бизга энг кам диққат қиладиган чегара гуржиларники, улар умуман ушлаб туришмайди, бошни ҳам қотиришмайди деб кўп гапиришган эди. Сирасини айтганда, гуржи сарҳадчилари ва божгирлари жуда маданиятли, хушмуомала эдилар. Лекин барибир биз уларнинг ҳудудидан бирмунча тажангланиб чиқдик. Гуржилар ўзларича гумонсирашган нарсага (бор-йўғи суратнинг икки ёнидаги тамға излари паспорт эскиргани туфайли хираланиб қолган экан) шу пайтгача ҳеч ким, ҳатто Қозоғистон божхоначилари ҳам эътироз билдиришмаган эди.

## ГУРЖИСТОН

Тбилисидан атиги ўттиз чақиримча берида жойлашган Рустави шаҳрининг чап тарафидаги, йўлдан ичкарироқдаги “Серго” меҳмонхонасига тушдик.

Эрталаб кўноқхона хожаси билан гаплашиб қолдик. Эллик беш-олтмиш ёшлар чамасидаги барваста бу одам шўролар даврида Туркменистонда уч ярим йил ишлаган экан. Ҳасратидан чанг чиқади. У ватани тарихини биладиган, ачинадиган, қунонадиганлар тоифасидан эди.

- Бир вақтлар биз ўн беш миллионли халқ эдик. Олти миллион аскарли армиямиз бўлган ўн тўртинчи-ўн бешинчи асрларда – Малика Тамара<sup>1</sup> даврида, - дейди у қўлларини у ёқ-бу ёққа силтаб. – Малика ўлгач, унинг ўғли мамлакатни пароканда қилиб юборган. Мана энди бор-йўғи тўрт миллионга тушиб қолиб ўтирибмиз, ҳудудимиз ҳам жуда катта эди... Одатда шахзодалар ношудлигидан ё назари очлигидан ота салтанатининг бошига сув қуйишади.

Биз “хай-хай”лаб, Сергонинг овозини сал пасайтиришга эришдик. У бизни бекорчиликдан саёҳат қилиб юришибди, деб ўйлади чамаси, Рустави, Туманис, Цховели, Сигнари гора деган жойларни, эски Тбилисини, Кутаисидаги динозавр сўнгалари топилган ғорни ва бошқа “зўр жойлар”ни кифтини келиштириб таърифлаб, уларни зиёрат қилишни маслаҳат берди. Тбилисини айланганимизда “пойтахтларининг аҳволини кўрингу, Сергобойнинг оғиз кўпиртириб мактанишини қаранг”, деган фикр ўтди кўнглимиздан.

Китобларда кўп ёзиладиган Кура ((Нцкувари) дарёсидан ўтиб, шаҳар кездик. Атрофи тоғлар билан қуршалган Тбилиси Озарбайжондан ҳам ўтиб Каспийга қуйиладиган, узунлиги 1360 км.дан зиёд Куранинг икки соҳилига жойлашган бўлиб, дарё пойтахтнинг кўрки, ифтихори ва асосий рамзи ҳам эди гўё. Анҳор деса ҳам бўлаверадиган мўъжазгина, икки томони бетон билан жиловланган дарёда ғоз, оқ ўрдак сузиб, чағалайлар учиб-қўниб юрарди. Куранинг икки лаби йўл бўлиб, бизга ўхшаган мусофир-меҳмонлар мўлжалдаги манзилларига қаердан қайрилишни билмай, дарё атрофида айланаверарди, чунки қатнов бирёқламалиги учун керакли кўча номи битилган кўрсаткич-тахтақачни топиб ўқиғунингизча ўтиб кетасиз ва анча узоқдаги кўприкдан нариги бетга ўтиб, шаҳарнинг у

<sup>1</sup> Малика Тамара - “Дунё маликалари”, (“Янги аср авлоди”, 2012 й.) ва бошқа манбаларда ёзилишича, машҳур Багратионлар сулоласининг вакиласи. Грузия тахтига отаси Георгий III, холаси Русуданлардан сўнг, 1183 йили, тахминан 15-20 ёшларида ўтирган. У маърифатпарвар, маънавияти юксак подшо бўлган, халқнинг илмли бўлиш чораларини ахтарган, саройига истеъдодли шоирлар, файласуфлар, хофизлар, мусикачиларни жалб қилган. Унинг даври ва раҳнамолигида монастыр, черковлар, кўприклар, қалъалар қурилган, мамлакат истехкоми мустаҳкамланган, иқтисодий қуввати яхшиланган. Умуман, Тамара даврида подшолик яқин Шарқдаги кучли сиёсий-иқтисодий давлатлардан бирига айланган (Сергонинг куйинганича бор) эди. Шу боис, грузин халқи ҳали-ҳамон малика номини катта эҳтиром билан тилга олади. Менимча, Лермонтовнинг “Демон” достони қаҳрамони, “Жаннат каби гўзал Гуржистон” санамининг Тамара деб аталиши ҳам бежиз эмас-ов!...

бошидан айланиб келасиз. Зеро, ёзувларнинг тўқсон тўққиз фоизи гуржи алифбоси ва тилида, бир фоизгина кирилл ҳарфида. Бинобарин, йўлгина эмас, бошқа зарур манзил-маконларни ҳам топиш мушкул (Дарвоқе, шўролар даврида ҳам ўз имлоси ва тилининг камситилишига йўл қўймаган ғурурли ва жасоратли халқлардан бири, бу – гуржилар эди).

Дарё билан ёндош ана шу кўчанинг икки томонида (айрим жойларда сув тараф дов-дарахтсиз) чинор ва ажабки, сарв кўп, баъзи ерларда мажнунтолсимон ўсимликларнинг новдалари эгилиб, сув сатҳига тегай-тегай деб тебраниб турарди. Ора-орада гулзорлар, чимзорлар ҳам бор. Умуман, кўча серсоя, салқин-сувнинг шабадаси ҳам уради. Яхлит олганда ҳам шаҳар сўлим ва манзарали эди.

Кавказнинг барча денгизу дарёлари (Каспий, Аракс, Арагва, Терек, Дарёл ва б.) каби Кура ҳам одамлар тақдири, руҳияти билан узвийликда ва у мудом мусаввиру шоирлар билан ҳасратдош, ҳамдарддир. Николаз Бараташвилининг “Кура қирғоғидаги ўйлар” шеъри маҳзун туйғулар ифодаси ва фалсафий ҳикматларга йўғирилганлиги билан кўнгишларда ажиб бир ҳиссиётлар уйғотади.

*Қайғу босиб, қирғоғинга келдим, эй дарё,  
Сендан ёнган юрагимга ором истадим.  
Кўз ёшимни ўтларинга тўқдим бир дунё,  
Қирғоғингни қайғу-ҳасрат ошёни дедим...*

Куранинг чап соҳилида, дарё билан кўча ўртасидаги йўлакнинг икки тарафига ажойиб антиқа нарсалар – суратлар, сувенир-совға (ҳар хил ханжар, пичоқ, кигиз қалпоқ, ҳайвонларнинг шохлари, мугуздан тайёрланган турли-туман кавказча қадахлар, эгар-жабдук ва бошқа буюмлар) илиб, ёйиб ташланган экан, томоша қилмоқ учун тўхтадик. Дарё қирғоғидаги бетон-тўсиқ - деворга, дарахтларнинг шохларига осилган турли мавзу ва шаклдаги расмлар (менимча, профессионал ва ҳаваскор мусаввирлар ижодига мансуб) сон-саноксиз бўлиб, аксариятида табиат манзаралари эртакона воқеа-ҳолатлар билан уйғунлаштирилган ҳолда тасвирланган эди. Лекин бўёқлари ҳаддан зиёд қуюқ, ранглар ўта ёрқинлигидан баъзилари бачканадай кўринарди.

Раҳбар ҳаммамизга кийгизсимон матодан тўқилган, гумбаз шаклидаги гуржи қалпоғидан ҳадя сифатида олиб берди. Баҳоси беш доллар экан.

Кўча давомидаги шу каби йўлақларда шунчаки қўйиб қўйилган қадимий арава, кўза каби тарихий музей ашёлари учрарди.

Ҳа, Гуржистон ҳам палеолит давридан аҳоли яшаб келган қадимий ва бой тарихга бой анъаналар, миллий урф-одатларга эга, Кавказортининг марказий ва ғарбий қисмида жойлашган ўзига хос гўзал бир ўлкадир. XIII асрнинг биринчи чорагида Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори, Чингиз кўшинларини кўп қақшатган ва дунёга даҳшат солган босқинчи Темучинни қойил қолдирган Жалолиддин Мангуберди мўғулларга қарши юришларда 1226 йили Грузияни эгаллаган. Ўша даврда Мангубердининг мўғулларга қарши бирлашиб курашиш тўғрисидаги даъватлари (номалари)га Кўниё султони, Жазира,<sup>1</sup> Дамашк, Миср ҳокимлари кулоқ осибманган. (Худди Кўкон, Хива хонликлари, Бухоро амирлиги чоризмга қарши курашиш учун бирлашишмай, ҳаммаси хонавайрон бўлишганидай). Худбинлик, тахтпарастлик қобиғини ёриб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишганда эди, балки Чингизхон босқинчиларига, хунрезликларига, вайронагарчиликларига аввалроқ барҳам берилган ва ўша – узокни кўра билмаган ҳукмдорларнинг ўз мамлакатлари халқлари ҳам у қадар катта талофат кўрмаган бўлармиди. Устига устак, ишонган лашкарбошилариининг хиёрати Хоразмшоҳга қаттиқ панд бериб, жасур, матонатли саркарданинг эзгу мақсадлари рўёбига катта монелик қилган ва бу омиллар Осиё халқлари тарихидаги улкан йўқотишлар, таназулларга сабаб бўлган эди. Султон Жалолиддин кўшинларининг парокандалашуви Чингизхоннинг ўзини ўнглаб олишига имкон яратади ва у Кавказни, жумладан, Гуржистонни ҳам талайди.

<sup>1</sup> Жазира – Ироқнинг шимолидаги, Фурот ва Дажла оралиғидаги музофот.

XIV асрда Гуржистон Амир Темур ихтиёрига ўтади. XVI-XVIII асрларда Эрон ва Туркия бостириб киради. Айниқса, Эрон шоҳи Оға Муҳаммадхон зулми ва зуғумидан гуржилар қаттиқ азоб ва изтироб чекишади. Ички курашлар авж олиб, Гуржистон бир неча кичик давлатларга – князликларга бўлиниб кетади. XIX аср бошларида Россия дўстлик тўғрисидаги шартномани бузиб, Шарқий, кейин ғарбий Грузияни ҳам босиб олади. Қисқаси, Гуржистон заминида алғов-далғов воқеалар, курашлар, жанглар кўп юз беради, қонлар кўп тўкилади, халқ кўп оғир кунларни бошдан кечиради. Пушкиннинг *“Куйлама ёнимда, о, соҳибжамол, Грузиянинг гамгин кўшигин, ҳайҳот!”* деган сатрлари замирида ана шу ғамзадалиқлар, аламлар назарда тутилган бўлиши керак.

XX аср адоғидаги, собиқ СССР ихтиёридаги барча миллий республикаларга дахлдор сиёсий, жуғрофий эврилишлар, ёруғликлар Гуржистонга ҳам тўла тааллуқли бўлиб, 1991 йили мамлакат том маънода мустақилликка эришди.

## ИБРАТЛИ ВА ҲАЙРАТЛИ УДУМЛАР

Энди гуржиларнинг бадиёти ҳақида. Уларнинг ёзма адабиёти халқ оғзаки ижодига, халқ оғзаки ижоди эса олис ўтмишга бориб туташади. VIII асрда яшаган, Грузия ошуғлик шеърятининг илғор вакилларида бири Саят Нова гуржи, арман, озарбайжон тилларида ижод қилган. Миллий мумтоз адабиётнинг чўққиси, шубҳасиз, чин инсоний муҳаббат, олий ҳимматлик, поклик улуғланган, миллатлараро биродарлик ғоялари илгари сурилган, жаҳон адабиётининг нодир дурдонларидан бири бўлмиш “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” ишқий-қаҳрамонлик достонидир. Асар муаллифи Шота Руставелини гуржи адабий тилининг асосчиси ҳисоблайдилар. Аммо бу ҳам Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси, дегандай гап. Чунки Руставелигача ҳам Гуржистонда эпослар, достонлар ва бошқа жанрдаги йирик ва аҳамиятли асарлар яратилган. Бирок, Ш.Руставелининг миллий адабиёт равнақида катта ҳисса қўшганлиги ҳақиқат. Афсуски, шундай буюк ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот кам. Достоннинг гуржилар подшоси Тамарага бағишланганидан ва муқаддимадаги айрим далиллардан келиб чиқиб, шоирнинг ўша даврда (12-13 асрларда) яшагани ва давлат ғазначиси лавозимида хизмат қилганини, “Руставелик кўшиқчиман” сўзларига асосланиб Руставида (биз бир чеккасидаги хусусий меҳмонхонада бир кечагина кўноқ бўлган шаҳарда) туғилганини, тахаллуси ҳам шу шаҳар номидан олинганини фараз қиладилар. Лекин, баъзи манбаларда Руставининг қадимийлиги, шаҳарнинг Кура дарёсининг чап соҳилида жойлашган ҳудудида 13-асрда мўғуллар вайрон қилган эски шаҳар қолдиқлари аниқлангани айтилса-да, замонавий қомус-маълумотлар китобларида Рустави жуда ёш (1948 йилдан) шаҳар деб кўрсатилади. Расул Ҳамзатовнинг “Менинг Доғистоним” асарида ҳам бу борада ғаройиб гаплар ёзилган: *“Унинг (Ш.Руставелининг – Қ.К.) қабрини излаб, Шарқни кезиб чиқишди. “Ҳеч қаерда унинг қабри йўқ”, - деганди бир грузин аёли. – Аммо ҳамма жойда унинг юраги тегиб туради”* (Бу, албатта, шоирнинг машхурлигига писанда, холос). Балки шу боисдан бир вақтлар “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” – халқ достони, Руставели деган муаллиф унга “ёпиштирилган” деганга ўхшаган пойма-пой гаплар тарқалган эди. Ҳолбуки, оғзаки тўкилган асарнинг шу қадар изчил, пухта ва мукамал яратилиши даргумон. Эҳтимол, бундай “миш-миш”ларга Шота Руставели тўғрисидаги турли-туман ривоятлар ҳам сабабдир. Зеро, одатда афсонавор, афсонабоп мўътабар шахслар номаи аъмолига ҳаётий-адабий жанрлар бағри торлик қилиб қолади. Афсона-ривоятлар эса чин шайдо, эҳтиросли кишилар томонидан тўкилади. Энг муҳими, ривоятлар ўз қаҳрамонлари умрига боқийлик бахш этади, уларни унутилиш хавфидан асрайди. Бинобарин, “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достони ва унинг муаллифи камгина тарихий-ҳаётий маълумотлар ва кўплаб ривоятлар қанотида асрлардан асрларга омон ўтиб яшаб келмоқда. Беларус шоири Якуб Колас ёзганидай:



*Бўронлар, қуюнлар ҳам қора йиллар  
Этолмади мот.  
Эртақда, қўшиқда сақламиш эллар,  
Шота барҳайт.*

*“Грузин халқи Шота Руставелини беҳад севади, унинг номи, шахси ва асарини асрлардан бери ардоқлаб, кўз қорачигидек асраб келди, “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон”дек асарни грузин шоири яратганлигидан ҳақли равишда фахрланади. Чет эл истилочилари томонидан кўп марта талон-тароже қилинган, маданияти, маънавий бойликлари топталган, маҳаллий феодаллар ва руҳонийлар халқ яратган энг ажойиб мўъжизаларни, бадиий ёдгорликларни дарёга ташлаган, ўтда куйдирган бир шароитда бу халқ Руставелининг гениал поэмасини бир неча аср давомида асраб қолди, бизнинг давримизгача омон сақлади.<sup>1</sup>*

Зеро, *“Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон”* поэмаси аввало севги ҳам вафо қасидаси, қолаверса, мардлик ва дўстлик симфонияси, инсон закосини чўққиларга кўтаргувчи жарангдор қўшиқ”, *“...замонасининг илгор идеаллари юксак маҳорат билан тараннум этилган”* (Миртемир) асардир. Лекин, нима бўлганда ҳам бир нарсага – грузинларнинг улуғ аждодларига, миллий урф-одатларига беқиёс даражада содиқ ва эътиқодлигига қойил қолиш керак.

Таниқли адабиётшунос, руставелишунос Раҳматулла Иноғомовнинг *“Грузин шеърятининг куюши”* рисоласида *“Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон”* достонини *“оталар қимматбаҳо мулк сифатида ўғилларига мерос қилиб қолдиришлари, турмушга чиқаётган қизлар сенига қўшиб берилиши”* тўғрисида ўқиганман, бундай гапларни бошқалардан ҳам эшитганман, аммо бу шунчаки “миш-миш”, эҳтимол яккам-дуккам шундай ҳодисалар бўлса бордир, балки асарни идеаллаштириш учун тўқилган ривоятлардан биридир, деб ўйлардим. Мазкур рисоладаги *“Грузин аёллари ўз болаларини Руставели ҳақидаги қўшиқлар ва унинг шеърлари билан аллалаганлар”* деган сўзларни ҳам лофга ўйганман. *“Чўққида қолган овчининг охи-зори”* китобида мазкур анъананинг Мухтор Шахановдай таниқли, билимдон ижодкор, йирик жамоат арбоби томонидан Чингиз Айтматовдай жаҳоншумул ёзувчи билан бўлган жиддий суҳбатда алоҳида таъкидлаганини ўқигач, юқоридаги овозанинг шунчаки муболага ё хайбаракаллачилик “меvasи” эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. *“Гуржиларнинг бир яхши одати бор, - дейди қозоқ шоири ўзи гувоҳ бўлган ва бир умр ёдида сақланиб қолган воқеани баён этар экан. - Бу одат авлоддан-авлодга ўтиб келаётир ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Қачондир, кимдир қизини куввага узатса, сенинг асосий қисми – Шота Руставелининг “Арслон терисини ёпинган паҳлавон” достони бўлади. Ҳозир ҳам ўша достон мана шундай муҳим аҳамиятга эга! Чунки, бу она заминни, унинг фарзандларининг шон-шарафини, жасоратини тараннум этган буюк асардир. Шу боис у ҳар бир гуржи оиласининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Агар сен орасида “Арслон терисини ёпинган паҳлавон” бўлмаса, келиннинг ота-онасига қаттиқ танбех берилади – сен чала ҳисобланади”.*

Менимча, бу ибратли удумни эшитганки ўзбек зиёлиси “Бизда ҳам фалон хил, фалонча дона кўйлак ё жемперу, йил ўтмай туси, модаси ўзгарадиган матолар (халқ тилида, Фарғона-Андижон депараларида “лата”лар) орасига ёки уйлар тўла мебелларнинг кичик бир тортмасига нега энди “Алпомиш” достонини ё Навоийнинг “Хамса”сини ё том маънодаги қомусий, тарихий, миллий асар “Бобурнома”ни солиб қўйиш мумкин эмас?..” дейди таассуф билан. Балки бу армонимиз, орзуимиз ҳам ушалиб қолар, аммо қанча қовун пишиғидан кейин - Худо билади, чунки латтапарастлик, мебелпарастлик, ҳашампарастлик тобора урчиб, кўкка ўрлаб бораётир. Абдулла Қаҳҳор ҳавас билан, менинг назаримда, ичида энтикиб, шундай ёзган эди: *“Гуржистонда маданият тарихига оид бўлса, ўлган отнинг тақасини ҳам баҳмалга қадаб осиб қўйишар экан”.*

Атоқли адиб бу гапни бежиз айтмаган. Гуржистоннинг овлоқ бир жойидаги булоқ

<sup>1</sup> Р.Иноғомов. Грузин шеърятининг куюши. 11-12 бетлар.

бўйига: *“Бу булоқдан Илья Чавчавадзенинг оти сув ичган”*, деган маънодаги лавҳа ёзиб қўйилган, дейишади.

Мана буни ўз миллий бойлиги билан ифтихор қилиш, ғурурланиш, деса арзийди!

Мана буни ўз тарихини, маданиятини билиш, қадрлаш, ўзгаларга ҳам билдириш, қадрлата олиш, дегинг келади.

Мана буни ўз юртини севиш, ўзлигини ҳурмат қилиш, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилдира олиш, деса бўлади!

Совет даврида Алишер Навоийнинг 525 йиллиги муносабати билан ўтган тантаналарда бир гуржи олими ва адиби: “Навоийни бизга бир йил бериб турсаларинг, уни қандай улуғлашни кўрсатардик”, деган. Бу гап, гарчи ҳазилга ўхшаса ҳам, ҳазил қилиб айтилган бўлса ҳам, аслида жиддий эди, чунки ўша пайтларда Қўлёмалар институти қошидаги шоирлар хиёбони рўпарасида қад кўтарган Навоий ҳайкалининг тагсупаси, баланд бўлиб кетибди, деган андиша билан пастлатилган эди! Ҳозир тасаввур қилиш қийин, албатта, лекин афсуски, бу ҳақиқат эди.

Ҳа, шўролар даврида шундоқ қисматларга дучор этилганмиз, шу қадар мутеллашиб – ўзимиз ўтирган дарахт шохини кесишга ҳам мойиллашиб борганмиз. Энди буюк аждодларимизнинг ноёб қўлёмалари, китоблари Навоий номидаги кутубхонадек мухташам кошоналарда кўз қорачиғидек асраб-авайланади.

Энди биз гуржи дўстларимиз хизматига мухтож эмасмиз, - Навоий, Бобур ва бошқа мухтарам зотларимиз шаъни, шарафи улуғланишига, уларнинг шахси, ижодига кўрсатилаётган иззат-икромларга дунё аҳли ҳавас қилса арзийди!

Гуржиларнинг оқибатлилиги, мурувватлилиги ҳам алоҳида мавзу. 1966 йили Тошкентда кучли зилзила содир бўлганда биринчилардан бўлиб ёрдамга етиб келганлар ўша қардошларимиз эди. Ер хийла қаттиқ силкиниб, бирмунча эскироқ иморатларнинг девор-шифтлари қулаган, анча-мунча қурбонлар бўлган, шунинг учун собиқ СССРнинг қарийб барча республикаларидан кўмакка келишган - Тошкент қурилиш майдонига айланган эди. Республикаларнинг вакиллари – қурувчилар бир ёки бир нечтадан кўп қаватли уй-жой қуриб беришган. Ўша даврда Ўзбекистон пойтахтидаги энг узун ва катта, равон проспектининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” деган дoston муаллифининг номи билан атаганимиз грузин халқига ҳурмат-эҳтиром белгиси эди.

Узр, мавзудан биров чалғидик. XIX асргача гуржи адабиётида шарқ, жумладан, форс шеърляти аънаналари ва услубларининг таъсири сақланган. Руставели замонидан XX аср, яъни янги давргача бўлган грузин ёзма маданиятининг энг ёрқин намоёндаларидан бири деб Николаз Бараташвили эътироф этилади.

*“...Шота Руставелидан кейин ҳеч бир шоир грузин шеърлятини Бараташвили қадар юксакликка кўтармаган, ҳеч бир шоир Бараташвили “Мерани” шеърляда тасвирлагандек сиёсий ўткирлик ва бадиий маҳорат билан шеър айтгани йўқ”*, дея таъкидлаган эди Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Бараташвили асарлари таржимони, атоқли адибимиз Шухрат. Лекин грузин халқ ўзининг қандай истеъдодли фарзандидан жудо бўлганини анча кеч англаб қолади. Зеро, шоирнинг она юрти дарду аламларини ифодалаган шеърляри ҳаётлигида кенг оммаллашиб улгурмаган эди. Бараташвилининг жасади 1893 йили, вафотидан 48 йил кейин Ганжадан Тбилисига келтирилиб, грузин маданияти арбоблари ётган Дидубия қабристонига зўр тантана билан қайта дафн этилади. *“Улуғ шоирнинг муқаддас хоки олиб келиниши ва дафн этилиши тарихда кўрилмаган маданий намоишга айланиб кетади. Шаҳар халқи кўчиб чиқади, марҳумнинг хоки қўйилган тобут қўлдан қўлга ўтади, беш-ўн қадам кўтариб боришни ҳар ким ўз виждон бурчи деб билади. Чунки бу маҳалда Бараташвилининг шеърляри халқ орасида кенг тарқалиб, маишхур бўлиб кетган, уни ёддан билмаслик унча-бунча шеър қадрига етадиган киши учун номус ҳисобланарди...”*<sup>1</sup>

Бу чиндан ҳам улуғ шоирга бўлган халқ эҳтироми эди!

Орадан яна 45 йил ўтгач, 1938 йили юқоридаги кўчирув ва жойдан ҳам кўнгли

<sup>1</sup> Н.Бараташвили. “Сайланма” Ташкент, Ғ.Ғулом нашриёти, 1979 й. 5-бет.

тўлмаган одамлар Бараташвили хокини Дидубия қабристонидан олиб, Грузия миллий маданиятининг энг улуғ вакиллари қўйиладиган Мтацинда пантеонига қўядилар.

Тириклигида қадр топмаган, Лермонтов, Шандор Петефи, Абдулла Тўқай, Усмон Носир каби айни ижоди кучга тўлган ёшида увол кетган Бараташвили (бор-йўғи 28 йил умр кўрган) ўлимидан кейиноқ шундай юксак ҳурмат-эҳтиромга мушарраф бўлган эди.

Грузин адибларининг янги давр – XX асрдаги ижодий фаолияти, шубҳасиз серкирра, сермахсул ва сержозибадир. Фақат, бизга - ўзбек китобхонларига яхшироқ таниш бўлган айрим ижодкорларни санаб ўтиш жоиз. Булар Илья Чавчавадзе, Григол Леонидзе, Ираклий Абашидзе, Симон Чиковани, Отар Чиладзе, Гамсахурдия, Григол Чиковани, Карло Каладзе, Нодар Думбадзе, Чабуа Амирэжиби ва бошқалардир. Хусусан Думбадзенинг “Куёшни кўряпман”, “Абадият қонуни”, Амирэжибининг “Дата Туташхиа” романлари, К.Каладзе, И.Нонешвилининг шеърӣ асарлари кўнгилларимизга янада яқин ва мароқлидир. Амирэжибининг бизга яна бир эътиборли жиҳати шундаки, у Сталиннинг сўнгги даҳшатли қатағони даврларида (1950 йилларда) бизнинг оқсоқол шоиримиз Шукрулло билан<sup>2</sup> (гарчанд бир-бирларидан воқиф бўлишмаса-да) бир маҳалда, бир лагерда азобли кунларни, изтиробли йилларни ўтказишган. Бундан кейин хабар топган грузин адиби ўзбек ҳамкасби ва қисматдошига ўз суратини шундай дастхат билан юборади: **“Ўз миллатининг муносиб фарзанди ва умуман мустақил гражданин деб билганим Шукрулло саломатлиги учун қадаҳ кўтарайлик!”**

Грузин кино санъати борасида эса Закариадзе отлиғ машхур актёр бош қаҳрамон Георгий рўлини қойилмақом қилиб ўйнаган “Солдат отаси” бадиий фильмининг қанчалар шуҳрат қозонганини эсламоқ кифоя!

\*\*\*

Биз истаб-сўраб, “Хундай” сервисига бордик. Машинамизни техник муолажа қилдирмоғимиз лозим эди. Чет эллардан келтирилган энг янги бичим ва русумдаги енгил машиналар салонига кириб, уларни кўздан кечирдик, завқландик, ҳавасимиз келди. Табиийки, уларнинг нарх-навоси ҳам хийла баланд – томошабоп эди.

Уч соатларда машинамиз тайёр бўлди. Яна Кура бўйидаги йўлни айланиб, энди тушлик учун ошхона ахтара бошладик. Йўл ёқасида ҳеч бир емакхона кўзга чалинмасди. Унг томондаги кўчаларнинг бирига таваккал деб кирган эдик, тор ва тикинлигидан ўзимизнинг таниш, синашта йўлимизга қайтиб чиқиб олгунимизча нафасимиз оғзимизга тикилай деди.

Бу орада ёмғир ҳам ёға бошлади. Эрталаб ҳаво айниган, озроқ томчилаб тўхтаган эди.

Мен нима бўлса ҳам (ахир бу ерларга яна келиш насиб этадими, йўқми...) адашиб айланишлардан безимас, аксинча, Тбилиси манзараларини, Кура соҳилларини, барваста, қоматдор одамларнинг дадил, тик юриш-туришлари, истарали қиёфаларини нигоҳларимга мумкин қадар кўпроқ жо этиб олиш пайида эдим. Гуржи қиз-жувонлари ҳам эркаклари каби бўйчан ва қадди расо, мовий кўзларидан эҳтирос, ҳарорат учкунлаб тургандай туюларди. Усмон Носир таърифлаганидек:

*Юлдузлар ёнар... гуржи қизларининг  
Кўзлари каби.  
Арагвадан<sup>1</sup> эсан майин ел ўйнар,  
Барглар – асабий...  
Тифлис<sup>2</sup> оқшоми сутдек... кўзим тўймас...*

<sup>2</sup> Шукрулло миллатчилик ва советларга қарши тарғиботда айланиб 25 йилга ҳукм қилинган эди. Амирэжибига ҳам тахминан шундай “гуноҳ” юкланган бўлса керак. Улар Сталин ўлгач қамқондан озод этилишган.

<sup>1</sup> Арагва – Куранинг чап ирмоғи.

<sup>2</sup> Тифлис – Тбилиси 1845-1936 йилларда шундай аталган.

Дарҳақиқат, окшомда Кура чироқлар шуъласидан жилоланиб, шаҳар янада жозибали кўринса керак.

Ниҳоят, “MRAVAL Jamieri” деганини топишга муяссар бўлдик. У йўлдан четроқда, сийрак қарағайзор орасида ёғочлардан қурилган, эшик-ромлари, шифтлари алифланган бир неча алоҳида экзотик бинодан иборат, хизмати юксак маданиятли ресторан эди. Ҳақи ҳам, албатта, шунга яраша эди. Бешта кўзиқоринли шўрва, бешта мол гўштидан кабоб, салат (помидор, бодринг, қовоқча, пиёздан иборат), лимонли чой, нон – 142 лари бўлди (165 лариси 100 долларлик қийматга эга экан).

Кейин шаҳар марказини қидириш баҳонасида яна ўша “қадрдон” йўлда Курани икки-уч айланиб ўтдик ва шу аснода бундоқ хулосага келдик: Тбилиси – ихчам, шинам шаҳар экан. Хушманзара жойлари кўп. Ўзига хос бинолари ҳам бор, аммо кам. Четроқдаги баланд қаватли бетон уй-жой ва бошқа иншоотларнинг аксарияти айнан ўхшаш, зеро улар шўролар даврида қурилган эди. Янги қурилиш жуда оз, бошланганларининг аксарияти тўхтаб қолган эди.

Кура қирғоғининг айрим ўринлари адирсимон қияликлардан иборат, баъзи жойларда шундоқ Кура ёнидан “ўсиб чиққан” пастак тоғ деворсифат қилиб текис қирқилган, тоғларнинг кўп қисми яланғоч, яъни майса-гиёҳсиз, айрим ерларда “девор тоғ”ларни печаксимон ўсимликлар қоплаб олган эди.

Ўша тоғларнинг қиршовида ҳам уйлар бор. Одамлар қандай кўркмасдан яшашаптикин?

- Қаттиқ қатламли тоғ экан, лекин барибир хавфли, - дейди Зокиржон ака геологик нуқтаи назардан.

Умуман олганда, Грузия иқтисоди у қадар юксак эмасдай туюлди. Россияда, Доғистонда, Озарбайжонда пуллик ҳожатхона кўрмагандик, Тбилисида бор экан. Бу борада тангаси йўқ мусофирларга қийин бўлади. Лекин ҳайтовур кўчада автоуловлар туриши текин экан. Бу борада Андижон шаҳри ҳадисини олган. Бирон маҳкама ё емакхона олдига машина қўйсангиз, тирсагига қизил матоҳ боғлаган, қўлини чўзиб, кафтини очиб турган кимсанинг қаёқдан пайдо бўлганини пайқамай қоласиз.

\*\*\*

Арманистонга кетадиган йўл торроқ экан.

Даралар, паст-текисликлар, зинасимон ўсиб борадиган адирлар худди баҳордагидай яшиллик билан қопланган. Теракларнинг сарғайган барглари куйи қисмидан тўкилиб сийраклаша бошлаган. Пастакроқ деворли ҳовлиларда мевали дарахтлар (олма, лимон ва б.) кўринади. Лекин негадир узум плантациялари кўзга ташланавермасди. Ахир Грузия шифобахш Боржомини минерал сувлари, цитрус ва субтропик мевалари, энг муҳим экини – чойи билан бирга қишлоқ хўжалигининг қадимий тармоғи – узумчилик плус “Ча-ча” ва бошқа мусалласлари билан ҳам машҳур-ку! Ўзбек қомусининг 1972 йилги нашрида ёзилишича, Гуржистонда 400 дан зиёд узум нави бўлиб, мамлакатдаги тоқзорлар 118 минг гектардан ортиқ – бу давлат рамзи даражасидаги маҳсулот – чой экиладиган майдонлардан салкам икки баробар кўп демак, умумий худуди бор-йўғи 69,7 минг квадрат километрдан иборат мамлакат учун жуда катта рақам эди. СССР ҳукуматининг сўнгги раҳбари Горбачёвнинг 1980- йиллардаги хўлу қуруқни баробар ёндирган ичкиликка қарши кураш сиёсатининг қуйида кўр-кўрона амалга оширилиши оқибатида Грузиянинг экинзорларига, демакки, асосий даромад манбаларидан бирига ҳам қирон келтирилган эди...

Оқшом яқинлашиб келарди. Қоринларини мешдай қилиб ўтлоқлардан ўз хонадонларига қайтаётган сигирлар кўчани эгаллаб келишар, улар азбаройи қорни тўқлиги, хотиржам ва бепарволигидан машинадан қочай ҳам демасди.

Гуржистон билан Арманистон оралиғи жуда яқин, кечаги – “Серго” меҳмонхонасининг хожаси қуюнганича бор экан. Мамлакатнинг умумий майдони жуда ихчам: Озарбайжон чегарасидан Тбилисигача 50 км., пойтахт чеккасидан Арманистон сарҳадигача бор-йўғи 60 чақирим эди.

Дарвоқе, Гуржистон Ўзбекистон мустақиллигини дастлаб тан олган ва мамнун бўлган дўст мамлакатлардан бири сифатида ҳам биз учун қадрли эди.

Ўзбекистон - Грузия ўртасидаги янги муносабатлар тили ўзгача бўлса-да, диллари, феълларида муштарак жиҳатлар кўп икки халқнинг замонавий солномасида алоҳида ва муҳим бир бобни ташкил этади, десак муболаға эмас. 1992 йилнинг 16 мартида дипломатик алоқалар йўлга қўйилган.

\*\*\*

Соат кечки етти яримларда чегарага етиб бордик. Гуржистон божхонасидагилар кечкурунги кожликлари ҳиссасини чиқардилар: жуда тез ва хамирдан қил суғургандай ўтдик. Мамлакат ўзи камбағалроқ бўлса ҳам, шу масалада хотамтой экан: на бирор сўм ўлпон олишди ва на бошқа бир тўлов...

Арманистон сарҳадида бир оз тутиб туришди. Машинага йўл ҳақи, суғурта пули ундиришди. Ҳарқалай, иккала давлат божхонасидан бир соатда чиқиб кетдик – бунақаси жуда кам бўлади.

## **АРМАНИСТОН**

Ниҳоят, Кавказдаги уч ранг-баранг дин, ранг-баранг дил ва ранг-баранг тилли юртларнинг учинчиси – Арманистондамиз. Илло биз ҳар уччаласи билан ҳам ҳамдам ва ҳамдўстмиз. Миртемир шеъри билан айтганда:

***Озар билан йўлларда йўлдош,  
Грузин билан айрилмас қардош,  
Арман билан ҳамиша қўлдош...***

Кавказ ортининг жанубий қисмида жойлашган Арманистон – учовлон ичида майдон жиҳатидан ҳам (29,8 минг квадрат километр), аҳоли сони жиҳатидан ҳам (уч ярим миллиондан зиёдрок) ихчамроғидир.

Тарихдан бир шингил. Арманистон ҳудудидаги тоғларнинг этакларида одамлар тўртламчи даврнинг биринчи ярмидан яшай бошлаган. Қадимий ҳай, арман, урарт ва бошқа қабилаларнинг бирлашуви-бирикувидан арман халқи келиб чиққан. Милоддан аввал Арманистон Ахмонийлар (Эрон), македониялик Искандар ва бошқа давлатларнинг таркибида бўлган. Милоддан аввалги 4-аср охирларида мустақил арман подшоликлари юзага келган ва улар Салавкийлар ҳукмронлиги остида бўлишган. Кейин Арарат подшолиги билан жанубий Арманистоннинг бирлашуви натижасида Буюк Арманистон ташкил топган, милоддан аввалги I асрларда, Тигран-II Арташес даврида давлатда савдо ва маданият ривожланган, милодий I асрда уни Эрон билан Рим истило этиши натижасида таназзулга учраган. IV асрда арманлар христиан динини қабул қилдилар. Худди шу даврда мамлакатни Эрон сосонийлари ва Византия тақсимлаб олади. VII асрдан араб халифалигига бўйсунди. Лекин халқ мудом мустақиллик учун, ўз маданиятини асраш учун курашиб, кўп бора босқинчиларга қарши кўзғолонлар кўтаради. Шундай оғир бир шароитда, 393 йилда Месреп Маштоц томонидан арман алифбоси яратилади. Подшоҳ Ашот II (X аср) Севан кўли атрофидаги жангда араблар устидан ғалаба қозонади ва мамлакат яна мустақилликка эришади. Аммо кейинчалик у яна ўз мавқеи ва мустақиллигини қўлдан бой беради. XI асрда салжуқийлар, XIII асрда мўғуллар босиб олади, XIV асрда Амир Темур ихтиёрига ўтади. XVI асрда Туркия билан Эрон Арманистонни иккига бўлиб олишади. Кейин руслар, турклар, инглизлар ўртасида талонда қолади. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг “Нечун тим қорадир арман кўзлари?” шеърида ана шу кўп асрлик тобеликлар, жанглар, фожиалар, мусибатларга ишорат бор:

***Нечун тим қорадир арман кўзлари,  
Хассос табиатнинг сеҳримикин бу?***

*Ё гўзал бўлсинлар арман қизлари –  
Деган оналарнинг меҳримикин бу?  
Йўқ, бу меҳр эмас, сеҳр ҳам асло,  
Бу кўзлар ўз-ўзин айлаб қўяр фош.  
Йигидан бўлармиш кўзлар тим қаро...  
Ҳеч ким арманчалик тўкмаган кўз ёш.*

Дарҳақиқат, “*Арманнинг қайғуси тубсиз ва чексиз, худди денгиз каби бепойн*” деб ёзган эди ўз халқининг оғир қисматини ёниб куйлаган Ованес Туманян. Арман шеърятининг яна бир порлоқ юлдузи Аветик Исаакяннинг “Ватанимга” шеърида арман халқининг мазлум ўтмиши, аянчли кечмиши янада ёрқинроқ, янада таъсирлироқ ифода этилган:

*Сенмасмидинг, мағрур Ватаним, беҳол –  
Ёвлар оёғида этилган поймол?  
Балолар домига бўлган нишона,  
Ёй-ўқлар бағрини қилган вайрона?  
Сен нажот йўлида тошдай узандинг,  
Ўтди кўп асрлар, чарчадинг, ёндинг.  
Топталдинг отларнинг туюқларида,  
Калхатлар ёприлди бошингда сайраб,  
Қоя тошларига тумшугин қайраб,  
Чўқиш-чун, тепмоқ-чун оёқлари-ла.*

Мана шундай аламлар, жафолар чеккан Арманистон 1991 йил 24 сентябрда мустақил давлат деб эълон қилинди. Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари 1995 йил октябрда ўрнатилган.

\*\*\*

Йўл ҳамон тор – икки чизикли эди. Ҳадемай, баланд, хавфли бурилишлари кўп довон бошланди, атроф тунда янада таҳликали кўринарди.

Ереванга 130 км. етмай, бир хусусий меҳмонхонада (Севан кўчаси, 68) тўхтадик. Икки қаватли, шарт-шароитлари ҳаммамизга маъқул тушди. Қўноқхона эгалари – эр-хотин грузинлар – эллик ёшлардаги Сергей билан қирқ бешлар чамасидаги Соина қадди-басти жихатидан ҳам (иккаласи ҳам тўлагина, келишгангина), феъл-атвор, муомала борасида ҳам (иккаласи ҳам очиқ чеҳрали, истараликкина) бир-бирларига жуда мос ва монанд эдилар. Умуман, гуржилар (кечаги божхонадаги инжиқликларини инобатга олмаганда) бизда яхши таассурот қолдиришди: дангал, самимий. Аксарият эркак-аёллари баланд бўйли, кўркли-кўркам.

### *13 октябрь, шанба*

Эрталаб туриб, деразадан орқага қарасак (Боқижон билан хонадош эдик), нақ яшил тоғлар қуршовида турибмиз. Бағоят гўзал манзара!

Сергей билан гаплашдик. Икки қаватли мажмуа таркибида меҳмонхонадан ташқари магазин, тўйхона, чевархона, бино ёнида ёнилғи куйиш шахобчаси бор экан. Ҳовлига катта бир суҳбатхона қуришни режалаштирган, лекин пул етказолмаяпти эмиш. Вой, бечора “камбағал-эй!..”

- Бинога бизнинг пулга камида уч миллиард сарфлаган-ов, - деди Зокиржон ака Сергейнинг иқтисодий қудратини чамалаб.

Аммо зорланишда Сергей кечаги касбдош, отдош, миллатдошидан қолишмасди.

- Қишлоқ хўжалиги - нўл, чорвачилик – нўл, саноат – нўл, - дейди бош тебратиб. - Завод-фабрикаларнинг ҳаммаси барбод бўлган. Одамлар ишсиз, кўплар Россияга кўчиб

кетишяпти. Келажакда ҳеч нарса кўрмаяпман.

Сергейнинг уйлари боя биз деразадан кўрган тоғлар тепасида экан. “Сув масаласи қандай?” деб сўрасак, “Иссиқ-совуқ сув, газ, канализация... бунақа соҳаларда муаммо йўқ, бензин ҳамиша бор, чироқ ўчмайди”, дейди ношукр банда. (Арманистонда электр энергияси соҳасида муаммо бўлмаслиги керак: Роздан, Ереван иссиқлик электр станциялари, 6 станциядан иборат Роздан каскадида йилига 9,5 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади).

Ҳа, ҳақиқатда ҳам, камбағал бир бурда нонга кўнаверади, бой миллиардларга ҳам қаноат қилмайди-да. Лекин одамларнинг Россияга кўчиб кетишаётгани наҳотки рост бўлса? Наҳотки пул топиладиган ер киндик қони томган жойдан афзал ва муқаддас бўлса?! Наҳотки, қорин қайғуси Ватан туйғусидан устун бўлса?!.

Соина тайёрлаган нонушта дастурхонида (“бечора” эр-хотин азбаройи кўллари “калта”лигидан ёлланма ишчи “ололмай”, ҳамма ишни иккови бажаришаркан) эрталабки таомлар рўйхатидаги барча ноз-неъматлар муҳайё эди: тухум, сариеғ, пишлоқ, сосиска, шакар ва ҳоказо...

Соат 9 (бу ерда 8)ларда йўлга тушдик. Ижевани остонасида тўхтаган эканмиз, шаҳарча ўртасидан ўтдик. У жуда шинам, сарв дарахтларининг қадди гуржи қизларининг қомати каби бўйчан, адил эди.

Кетяпмиз: йўл тоғлар оралаб тушган экан. Икки ён қалин дарахтзор – нақ ўрмон дейсиз. Ҳавоси тоза, салқин. Чап томондаги шилдираб оқаётган сойнинг лаблари ям-яшил майсазор – кўкламни эслатади. Таърифга сўз ожиз. Машина ойнасидан қараб ҳавасланиб, бош чайқаб кўямиз.

15-20 километрдан кейин дарахт сийраклашиб, тоғ ёнбағрлари ола-чалпоқ бўлиб кўрина бошлади. Бироқ кўп ўтмай, дарахтзор яна қалинлашди. Уюм-уюм буғдой хирмонларига ўхшаган баланд тоғларнинг тепасигача дарахтзор эди. Демак, кечаси шундоқ манзаралардан бебаҳра қолибмиз-да.

Амир Темур бобомиз шу жойларгача келган-а! Фақат, биз каби юмшоқ ўриндикли, шамолдай елувчи жонон машиналарда эмас, темирдай эгарли, йўрға-йўртоқи отларда!

\*\*\*

Дилижон шаҳарчаси чапда, тоғлар бағрида эди. Дарахт қуюқлигидан шаҳарчадаги уйларнинг аксарияти кўринмас, баъзиларининг томларигина кўзга чалинади, холос.

- Бундай табиат одамнинг соғлиғига ижобий таъсир қилади, умрини узайтиради, - дейди Зокиржон ака ҳам тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оларкан. – Шунинг учун тез-тез тоғли жойларга саёҳат қилиб туриш керак.

Шу довонда бир туннелдан ўтдик – тўрт дақиқа юриб, унинг узунлигини уч километр чамаладик.

Кейин яйдоқ дараларга чикдик, лекин бу кўринишлар ҳам кўп давом этмади, умуман бу йўлда ҳолат – кўринишлар кино лавҳаларидай бот-бот алмашилиб турарди.

## АТОҚЛИ ЗОТЛАР

Арманларнинг таниқли, атоқли зотлари ҳақида суҳбатлаша бошлаймиз.

Арман миллатини бизга яхшироқ танитган ва уларга нисбатан меҳр уйғотган, икки халқ ўртасидаги дўстлик тандасию арқоғини пишитган табаррук инсонлардан бири, бу – шубҳасиз, арман фарзанди Тамарахонимдир. Фарғонанинг санъаткорлар маскани - Марғилонда таваллуд топган Тамара Артёмовна Петросян – кўшиқчи ва раққоса, балетмейстр, ўзбек профессионал рақси асосчиларидан бири, бу соҳа ривожига катта ҳисса қўшган ва ўзи ҳам камол топиб, Ўзбекистон халқ артисти шоҳсупасига кўтарилган. Унинг маҳоратли ижросидаги турли миллатларнинг рақс ва кўшиқлари (жами 86 тилда, 500 дан



ортик!), айниқса, “Яллама ёрим”, “Омонёр”, “Эрта билан”, “Лазги” каби умрбоқий тароналари ҳали-ҳамон ўз оҳанги – оҳорини йўқотгани йўқ ва ҳали-ҳануз улар радио-телевидение ва дисклардан бот-бот янграб, мухлисларга завқ-шавқ бериб туради. Шу аснода беихтиёр ўша санъаткор мансуб бўлган эл ёдга тушадиким, баъзида биргина шахс ҳам бутун бир миллат, халқнинг рамзи каби тасаввур уйғотиши мумкин экан деган фикр туғилади кишида. Жигарханян, Мкртчян каби атоқли арман кино актёрлари ҳам дунёнинг кўплаб халқлари, шу жумладан, ўзбекларда ўз миллатини шарафга буркаган ноёб қобилиятли фарзандлар сифатида таассурот қолдиришган.

Биримиз қўйиб, биримиз ўзимиз билган, ихлос қўйган машхур зотларни тавсифлаб кетамиз. Санъат мавзуи адабиётга уланади. Мен арман шоири Ованес Шерознинг таржимани машқ қилиб юрган кезларим ўзбекчага ўйрган шеърларидан ёд айта бошлайман:

*Гуллар қулогимга шивирлар аста:*

*- Ҳидлаб қол гулимдан, мен кетажакман.*

*- Тезроқ бўл, - ирмоқлар шовуллар пастда,*

*Ичиб қол сувимдан, мен кетажакман.*

*Оғир нафас олиб мен дедим хаста:*

*- Йўқ, дўстларим, сизмас, мен кетажакман.*

Кейин Аветик Исаакяннинг ўзим суйган, гўзаллик қудрати, ошиқ фидойилигининг фавкулудда ҳайратомуз ва таъсирли ташбеҳлари билан зийнатланган шеърларидан бирини ўқийман:

*Қайрилма қошларинг қўшалоқ зулмат,*

*Жаллод қиличидай эгик, бешафқат.*

*Дунёда ҳар нарса фонийдир, пучдир,*

*Лабинг шаробидан бир қатра ичдир.*

*Шу қизил шаробдан ичолсам агар,*

*У қиличнинг зарби мен учун ҳечдир.*

*Қайрилма қошларинг қўшалоқ зулмат,*

*Жаллод қиличидай эгик, бешафқат.*

**Ҳамид Гулом таржимаси**

Кейинги шеър дўстларга ҳам маъқул тушиб қолди шекилли, айримлар ён дафтарларига ёзиб олишди. Шеърини муқаддима ўз-ўзидан арман адабиётига уланиб кетди. Бу адабиёт ҳам қадимийдир, инчунин, Арманистонда 5-чи миллодий асрдаёқ ёзма адабиёт вужудга келган. (Зеро, арман епископи Месроп Маштоц томонидан 405-406 йиллардаёқ юнон ва оромий ёзувлар асосида чапдан ўнгга қараб ўқиладиган арман ёзуви яратилган эди). Мен қувваи ҳофизамни титкилаб, ёдга келган арман шоир-ёзувчиларининг номларини, асарларини тилга оламан. Қаҳрамонлик эпоси, арман халқ оғзаки ижодидан сув ичган “Сосунлик Довуд” кейинги авлодларнинг вакиллари учун битмас-туганмас манба вазифасини ўтаб келади, шунингдек, уч (озарбайжон, грузин, арман) тилда ижод қилган Саят Нованинг (XVIII аср) адабий фаолияти, мероси ҳам.

Янги арман адабиёти XIX асрда шакллана бошлади. Бу адабиётнинг асосчиси шоир ва адиб Хачатур Абовян эди. Ундан кейин бадиий сўз майдонига қатор истеъдод эгалари гурас-гурас кириб келаверади: Ованес Туманян, Микаэл Налбандян, Аветик Исаакян, Ованес Шероз, Егише Чаренц, Акоп Акопян, Сильва Капутикиян, Геворг Эмин, Гурген

Борян...

Ўзбекистонда ана шу ва бошқа арман шоирларининг шеъру дostonлари, “Сосунлик Довуд” эпоси, атоқли арман адибларидан Гарегин Севунцнинг икки жилдли “Техрон” эпопеяси, Александ Ширвонзоданинг “Номус” романи, Наири Заряннинг насрий ва назмий асарлари машҳурдир. Ширвонзоданинг “Номус” драмаси ўзбек сахналарида кўп йиллар муваффақият билан намойиш қилинган. Алишер Навоий, Ҳамза Ҳакимзода, Фафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Комил Яшин, Шароф Рашидов, Зулфия (бу анча илгариги маълумот) ва бошқа шоир-ёзувчиларимизнинг асарлари арман тилига таржима қилиниб, алоҳида китоб ҳолида, турли жамоа тўпламлари шаклида чоп этилганлиги маълум. 1930 йиллардан бошланган ўзбек ва арман адабий алоқалари 1960-йиллардаги ўзаро адабиёт ва санъат ҳафталиклари муносабати билан куюқлашган ва шиддатли тус олган эди, аммо ҳозир бу муносабатларимизни қизгин ва баравж боряпти деб айтиш қийин-ов! Лекин шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Арманистон диёри турли даврларда ҳар хил сабаблар билан сафар қилган таниқли ижодкорларимизга катта илҳом ва мавзулар берган. Масалан, фавқулудда истеъдод эгаси Усмон Носир асарларининг гултожи ҳисобланмиш, умуман ўзбек адабиётида мислсиз воқеа бўлган беназир “Нахшон” достони ва бир неча шеъри муаллифнинг Кавказга хизмат сафари (у 1934 йили арман ёзувчиларининг 1-қурултойига юборилган) даврида ёш юрагида туғила бошлаган эди. Усмон Носир ижодининг зўр ихлосманди ва сидқидил тадқиқотчиси Наим Каримов гавҳарга қиёслаган куйидаги инжу мисралар, балки, Еревандаги шоир кўноқ бўлган меҳмонхонада қоғозга тушгандир:

*Богларга намозгар  
Салқини тушди,  
Гуллар нам баргини  
Қайирди аста.  
Офтоб ҳам сув ичар  
Тоглардан настда,  
Лоладек қип-қизил  
Ўт-шафақ ўчди.*

*Кўз тутдим,  
Кўзларим нигорон бўлди,  
О, дилбар,  
Симбарим, юзлари қирмиз,  
Киприги қўксига  
Соя солган қиз,  
Кўз тутдим,  
Юрагим тўла қон бўлди.*

*Шаббода боллардай  
Гулзор узра шўх,  
Ой фанорини  
Ёқди – қиз оқшом,  
Яша!..  
Сен келдинг  
Севгилим Нахшон,  
Сув қизи – сувсарим,  
Киприклари ўқ.*

Усмон Носирдан салкам ўттиз йил кейин Кавказ юртларини кезган Эркин Воҳидовни ҳам Арманистон ўзига шунчалик ром ва лол этадиким, “*Арман юртин кўролмасам мабодо, Бу дунёда армон билан ўтардим*” дея муболаға ва сўз ўйини қилади.

Ҳар қандай меҳр, ҳар қандай муҳаббат бежиз туғилмайди. Адибларимизни ўзига мафтун этган омил, албатта Арманистоннинг фусункор табиатигина эмас, балки ушбу юрт халқининг ибратли урф-одатлари, феъл-атворидаги ўзига хос хусусиятлари ҳамдир. Арманистонда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ҳафталиги қатнашчиларидан бири, атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор тадбир якунига бағишланган анжумандаги сўзида жумладан шундай деган экан: *“...Сизлар ҳамма ишни ҳам қойил қилар экансизлар. Сизлар ёзувчиликка ҳам, деҳқончиликка ҳам, иморат солишга ҳам, ашула айтишга ҳам, рақсга ҳам, меҳмон кутишга ҳам, қадаҳ кўтаришга ҳам уста экансизлар. Бунга сабаб шуки, ҳамма ишни арманнинг қўли, арманнинг дили билан қиласизлар. Арманнинг қўли билан қалби ҳамма нарсани гуллатади, яшнатади. Баъзан назаримда гўзал Арарат ҳам арманнинг қўлию қалби билан бино бўлганга ўхшаб кетади.*

*...Арманча муҳаббат деганда, музда қизил гул битади, тош мева солади. Бундай муҳаббатдан момақалди роқ музикага айланади, чақмоқ абадий зиё беради.*

*Мен ўз юртимга бир оз арман муҳаббатидан олиб кетаётибман. Мен ўз республикамни севаман, ўзбекча севаман, лекин эндиликда арманнинг ўз она юртига муҳаббатини кўрганимдан кейин, юртимни арманчасига ҳам севгим келиб қолди”.*

Абдулла Қаҳҳор *“арманчасига...”*, *“арманнинг қўли билан...”* деганида *“юқори – Москванинг кўрсатмаси билан эмас, ўз хоҳишларингиз билан, миллий ўзига хослик билан, қалбан...”* демоқчи эди, албатта.

Афсуски, вақт тақозосига кўра бизда Арманистон шаҳар-қишлоқларини бемалол айланиш, одамлар билан хотиржам суҳбатлар қуриб, удумлар, расм-русумларини ўрганиш имкони йўқ эди. Аммо назаримиз тушган ҳар бир нарса ва ҳолатларда – Еревандаги нақшинкор ранг-баранг лойиҳали иморатларда, бинолар деворига тирмашиб, хиёбонларда ифор уфуриб турган анвои гулларда, торроғу, лекин тўғри, режали кўчаларда, одамларнинг юриш-туришида, кийинишида арманларнинг юксак диди, салоҳияти, бунёдкорлиги, омилкорлиги, бадастирлиги, мамлакатнинг умумий ер майдони унча катта бўлмаса-да, табиатнинг табиий мўъжизаларини - дарё-кўлларни, қир-адирлар, даралару чимзор-ўтлоқларни авайлаб-асрашлари сезилиб турарди. Бепоен кенгликларда мол-қўйлар эмин-эркин, яйраб ўтлаб юришар, паррандалар ҳам сероб эди.

## МАШҲУР КЎЛ БЎЙИДА

Ниҳоят, Севан кўли бошланди – дунёдаги энг машҳур табиий сув ҳавзаларидан бири. Кўлни арманлар Гўкча деб ҳам атайдилар. У Арманистондагина эмас (бу мамлакатда 100 дан ортиқ кўл бор), умум Кавказдаги энг катта кўл бўлиб, ҳудуди 1360 квадрат километрни ташкил этади. Уртача чуқурлиги 28,5, энг чуқур жойлари саксон метрдан зиёд. Мана шундай кенг ва тубсиздай кўлнинг суви қуритилиб (1950-йилларда), остида археологик қазилмалар олиб борилганлиги ғоятда ҳайратланарди воқеа ва табиийки жуда машаққатли, улкан маблағ талаб этадиган тадбир эди. Ана шунда милoddан аввалги икки минггинчи йилларга оид тарихий ёдгорликлар топилган экан. Демак, юрт тарихига доир маълумотлар, ашёларни қўлга киритиш учун нечоғлик меҳнат ва маблағ “қурбон” қилинган! Бу ҳам, албатта, ибратга муносиб бир мисолдир.

Зокиржон ака Андижондаёқ Севанни таърифлаб, унда форель<sup>5</sup> балиғи кўп бўлишини айтиб, иштиёқимизни оширган, йўл-йўлакай уни бот-бот тилга олиб, насиб этса, бир балиқхўрлик қиламиз, деб келаётган эди.

Катта йўлдан ичкарида кўл ёқалаб кун чиқишга томон чўзилган дарахтзорлар орасида балиқ пишириб сотадиган хусусий ошхоналар кўп, аммо салқин тушиб қолгани учун уларнинг аксарияти кимсасиз, борлари ивирсиқроқ эди. У ёқдан қайтиб чиқиб, бошқа манзил-маконларни излаб, адашиб кетаёздик. Раҳбар балиқхўрлик учун энг зўр жой

<sup>5</sup> Форель – гулмоҳи, хонбалиқ ҳам дейишади.

топишга астойдил бел боғлаганди. Маҳалла йўлида учраган оқ “06” “Жигули”ли бир кишига муддаоимизни айтувдик, у уч-тўрт километр орқага бошлаб келиб, боя биз эътибор бермай ўтган, чиндан-да зўр жойни кўрсатиб қўйди. Отасига ҳам, ўзига ҳам раҳмат. Дунёда яхши одамлар ҳам кўп-да!

Қорамтир чор қирра тош, ғиштлардан қад ростлаган ресторан шундоқ Севан бўйида бўлиб, орқа – кўл томонида нақ сув юзасига тахтадан қурилган, кема палубасини эслатувчи кенгина майдонда ёнлари мато билан ўралиб, кўл тарафи очиқ қолдирилган бўлма – емакхоналар мавжуд эди. Биз бўлмасига ҳам қаноат қилмай, янада очикрокқа, сувга яқинрокқа стол-стуллар қўйдириб олдик (ҳали барвақт бўлгани учун хўрандалар кам эди) ва беармон форель танаввул қилдик. Яъни ким, Зокиржон аканинг ваъдасини, ўзимизнинг орзуларимизни раҳбарнинг баланд ҳиммати фонида беками-кўст ушалтирдик.

Ростдан ҳам шундоқ донғи кетган кўл бўйида балиқхўрлик жуда гаштли, жуда мароқли эди. Бундай ҳол-ҳодисалар одатда аввалги кун ва йўллардаги заҳмату музтарликлар асорати сифатида дилларда тўпланган ғуборларни ювиб ташларди.

Кўл, дарҳақиқат, ажойиб: жуда бепоён ва гўзал эди; сувнинг зангор туси ҳаворанг, осмоннинг акси билан уйғунлашиб ложувард ранг касб этган, тиниклигидан, остидаги майда балиқчаларнинг шувиллаб сузишигача аниқ кўриниб турарди. Кўлга, балиқларга қараб кўз тўймасди. Лекин, ҳар қандай роҳатнинг ҳам меъёри, ниҳояси бор, деган машойиҳлар. Бизни олдинда яна қанча манзил-маконлар кутаётир. Биз ҳам Усмон Носир каби, Эркин Воҳидов каби, Абдулла Орипов ва бошқа кўплаб шоиру мусаввирлар каби латофатга бой шундоқ оромгоҳ, сафогоҳ билан ҳайрлашмоққа мажбур эдик.

*Хайр, Севан!*

*Алвидо, мрамр сув,*

*Алвидо, қирғоқлар!*

*Алвидо, марварид,*

*Сачралган оппоқлар!*

(У.Носир)

\*\*\*

*Хайр, Севан, зангори кўл, яхши қол,*

*Изларим бор қирғоқдаги қоянгда.*

.....  
*Хайр дейман, кўлда ҳамон кўзларим,*

*Кумуш қанот чағалайлар, хуш қолинг.*

(Э.Воҳидов)

Ереванга яқинлашганимизда узоқдан Арарат тоғи кўзга ташланиб қолди. Бир вақтлар Нух пайғамбарнинг оламшумул тўфондан омон қолган кемаси Арарат тоғидан топилди... деганнамо гаплар чиқувди, бу тахмин илмий жиҳатдан асосланмади чоғи, “кашфиёт” даъвогарлари, овозачилар тинчиб кетишди.

Бу ёқда уй ва бошқа биноларни Андижондагидай нурсиз - қорамтир-тўқ жигаррангга бўйаш ва чорқирра ғишт урф экан.

## АЗГАНУШЛАР МАСКАНИ

Арманистон пойтахтига етиб, шаҳарга кираётганимизда магнитофонимиз тасмасида Эркин Воҳидов қаламига мансуб, арман қизига бағишланган ва айнан Ереванда битилган “Азгануш” шеърининг Шерали Жўраев ижросидаги дилбар таронаси янграмоқда эди:

*Кўрдиму лол бўлди ақлим, ўнгмиди бу ёки туш,*

*Бўлса ҳам ўнг ё сени кўргач, бошимдан учди хуш.  
Сен баланд тоғ узра эрдинг мисли оху ёки қуш,  
Ёлвориб мен пастда дердим: бир нафис ёнимга туш.  
Азгануш, ҳой Азганушим,  
Азганушжон, Азгануш.*

*Сен хаёлнинг бир дамилик жилвасиму чинмидинг,  
Ё газалларда битилган “ул париваш” сенмидинг.  
Орази гул, сочи сунбул, бир тани сийминмидинг,  
Балки Ширин ширин эмас, сен ўзинг  
Ширинмидинг?  
Азганушим,  
Азганушжон, Азгануш, ҳой,  
Азгануш.*

*Ўсма қўйдингму қошинга, бунчалар тим  
қорадир,  
Билмадим, бу қошларингдан қанча диллар  
порадир,  
Раҳм қилгил, битта ўзбек шунчалар  
ёлворадир,  
Туш ўзинг, ё айт, ёнингга қайси йўлдан  
борадир.  
Азганушжон,  
Азгануш, ҳой, Азганушим,  
Азгануш.*

*Боқ, бу тоғлар ортида бир ўлка бордир кўп  
йироқ.  
Мен қанотли йўлчига бу бир нафаслик йўл бироқ,  
Юр, париваш, мен билан юр, борми сенда иштиёқ?  
Гул тутарман сенга сўлмас ул чамандан бир кучоқ.  
Азганушим, Азганушжон,  
Азгануш, ҳой, Азгануш.*

Мўъжазгина Ереван чинор ва бошқа дарахтлар, деворгуллар куршовида, кўчалар тор, гавжум, аммо файзли, обод эди.

Айланиб-айланиб, шаҳарнинг бош майдонидан чиқиб қолдик. Майдон чорси шаклида бўлиб, тўрт томонда ҳукумат ва бошқа расмий идораларнинг шакли-шамойили ўхшаш, гулдор-нақшинкор бинолари қад кўтарган, кун чиқиш тарафдаги Арманистон тарихи музейи олдида Ереван шаҳри куни муносабати билан эртага ўтказиладиган оммавий сайл-байрамга санъаткорлар, бошқарувчилар тайёргарлиги кетаётган экан.

Кун ботиш томоннинг ярми очиқ бўлиб, майдонга қараб ўтириладиган узун-калта ўриндиқлар қўйилган, орқадаги гулзор-хиёбоннинг икки ёғида енгил тамаддига мўлжалланган ёзги қаҳвахона, музқаймоқ дўконлари бор эди. Ўшаларнинг бирида музқаймоқ еб, наъматак шарбати ичиш баҳонасида нафас ростлаб, атрофни томоша қилиб ўтирдик. Менинг гўзалликка ошуфта нигоҳим хиёбонда сайр қилиб юришган ва ё йўлакда икки-уч бўлиб суҳбатлашиб бораётган оппоқ юзли, қошлари тутаб турган, дуркун қиз-аёллар орасидан арман соҳибжамоли, ҳассос шоиримизга шўх илҳом бахш этган Азганушни кидирарди. Назаримда Арманистонда Азганушлар мўл эди...

Вақт пешиндан ўтганда жўнадик. Яна истаб, сўраб, айланиб, Еревандан чиқдик-да, аввал шимолга, кейин жануби-ғарбга – Мегрини мўлжал олиб кетдик. Мегри Эрон билан

чегарадош шаҳар бўлиб, у ергача 280 км. эди.

Икки ёндаги маҳалла-қўйлар ноободроқ кўринади. Сийрақроқ мевали боғлар учрайди, узум, далаларда маккажўхори ва бошқа экинлар бор, биздагидан сал кечкироққа ўхшайди.

Йўл бўйидаги бозорча олдида тўхтадик. Қирқма қовун сўйиб едик – шу ерда етиштирилган экан, туси-тўри ҳам, мазаси ҳам бизнинг қирқмага жуда ўхшаш, фақат бўйи сал калтароқ. Кейин думбулхўрлик қилдик. Маккажўхорининг нави бўлакми, жудам баракали, биттасини еб тугатиш ҳам қийин эди.

Мева сероб эди: уч-тўрт хил олма, бир неча нав узум, нок, анор (килоси 1 - 1,5 минг дирам), шафтоли, апельсин ва ҳоказо. Тарвуз ҳам бор...

Шу жойдан чапга кетдик. Довонга кўтарилиб яланғоч боғлар орасига кирамиз. Қизғиш тошлари қатлам-қатлам тоғларнинг айрим жойлари Тошкент – водий йўлидаги Қамчик довонини эслатади.

Довон айлана йўллардан тепага ўрлаб боради.

Нефть-газ конлари кам бўлишига қарамасдан, Арманистоннинг шаҳар ва қишлоқлари, ҳатто тоғ устларидаги посёлкаларигача газлаштирилган экан – Гуржистондагидай. Аҳолининг озлиги катта имконлар беради шекилли бу давлатларга.

Даралар кенгайиб, тоғлар йўлдан олислашади.

Қоронғи туша бошлади. Иттифоқо, машинамиз остида нимадир китир-китир қилиб, мотор ўчиб қолди. Ҳаммамизнинг капалагимиз учди. Тоғлик жой, яқин-атрофда устахона тугул, милт этган чироқ йўқ... Аҳмаджон капотни очиб, нималаргадир тегинган бўлди ва калитни бураган эди, ўт олиб кетди. Яхшиямки, йигирма километрдан кейин Горис деган шаҳарчага етиб олдик. Шаҳарга кираверишда, йўл бўйидаги “МАНА” атамали икки қаватли хусусий меҳмонхонага жойлашдик.

Кўнокхона эгаларидан бири – Ҳачо дегани содда-қувгинага ўхшарди. Шахсий КамАЗи бор экан. Айтишича, меҳмонхона номи отаси, онаси ва яна кимларнингдир исмларининг бош ҳарфларидан олинган экан. Ҳачо асосан машинасида юк ташиб тирикчилик қиларкан, бугун дам олаётгани учун шу ерда экан.

## **ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ**

*14 октябрь, якшанба*

Эрта турдик-да, меҳмонхонада ўзимизнинг захирамиздаги майда-чуйдалар билан тамадди қилиб, жўнадик. Ўттиз тўртинчи километрдан Тоғли Қорабоғ бошланди.

Горисдан Тоғли Қорабоғ пойтахти Степанакертгача 95 км. эди.

Чегара-назорат масканида машинамизни рўйхатдан ўтказишди. Шу ерда, шундоқ кўча юзидаги тахта ёзғичларда Тоғли Қорабоғ (уни Арцах деб ҳам ёзишаркан) тўғрисида бир неча тилда маълумот берилган экан. Аслида Кура ва Аракс дарёлари оралиғида, кичик Кавказнинг жануби-шарқида жойлашган хушманзара Қорабоғ тарихий ҳудуд бўлиб, бу ерда бундан тўрт асрлар муқаддам Қорабоғ хонлиги ҳукм сурган. Маркази Шуша шаҳри эди. Қорабоғ хони Паноҳхон (айрим китобларда Паноҳ Алихон) томонидан асос солингани учун Паноҳобод деб ҳам аталган. Хонлик секин-аста кучайиб, Ганжа, Ереван, Нахичеван, Ардабил хонликларига ўз таъсирини ўтказа борган. Паноҳ Алихоннинг ўғли Иброҳим Халилхон даврида (XVIII аср охири) хийла нуфузли давлатга айланган. Лекин унга Эрон билан Туркия кўз тика бошлагач, Иброҳим Халилхон Россиядан паноҳ сўраб, унинг тобелигига ўтган. Қорабоғ вилояти айнан ана шу Қорабоғ хонлиги ҳудудида (XIX аср) юзага келган.

1923 йили вилоят асосида Озарбайжон таркибидаги Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти ташкил этилган. Пойтахти, асосий санъат маркази Хонкелди шаҳри эди. Шўролар салтанати кулаб, республикалар мустақилликка эришгач, Тоғли Қорабоғ масаласида арманлар ва озарбайжонлар ўртасида вужудга келган кескин низолар бир неча йилга чўзилади, қонли тўқнашувлар юз беради. Тоғли Қорабоғ масаласидаги Озарбайжон ва Арманистон можаролари 1994 йили тўхтаган бўлса-да, ҳали сиёсий ечим топилган эмас. Аҳолиси 51 минг киши атрофида (кичик бир туман миқдорича), ер майдони 12 минг квадрат километр, пойтахти – Степанакерт шаҳри.

Лекин бу далиллар бошқа манбалардаги маълумотлардан кескин фарқ қилади. Масалан, Ўзбек миллий энциклопедиясида Тоғли Қорабоғнинг ер майдони анча кам - 4,4 минг квадрат километр, аҳолиси эса қарийб тўрт баробар зиёд – 194 минг киши деб берилган.

Давом этажак йўлимиз ҳам тоғлардан ва тоғлар оралиғидан ўтган довондан иборат эди. Бепоён-беҳад даралар, бағоят гўзал манзараларни фақат ўта маҳоратли мўйқалам соҳибигина тасвирлай олиши мумкин. Сўз билан ифодалаш қийин. Хусусан, бўлак-бўлак баланд тоғларнинг энг тепа қиршовларигача кенг баргли эман, қорақайин, заранг дарахтли, бутазорли қалин ўрмондан иборат экани мени чандон ҳайратга соларди. Дарахтларнинг япроқлари тилло рангда товланарди. Ўзим бўлган юрт-элларнинг биронтасида бу қадар зич ва жозиблага бой дарахтзорли тоғни учратмаган, фақат чет эл фильмларида, “Дунё манзаралари” телефильмларида кўргандим. Ё, қудратингдан! Ахир шунча баланд тоғда ёз бўйи сув сақланмайди-ку?! Наҳотки шунча тоғлар қатлами ўсимлик шу қадар кўп ва хўп

ўсадиган соз тупроқдан иборат бўлса?

- Бутунлай тупроқдан таркиб топган эмас, лекин, ҳарқалай, тупроқ аралаш қатлами кўп қисмини ташкил этади, - дея тушунтиради Зокиржон ака геологик нуқтаи назардан. – Баъзи тупроқлар ўзида намни узоқ сақлаш хусусиятига эга, бу унинг таркибига боғлиқ.

Дарҳақиқат, китоблардаги илмий изоҳларда Қорабоғнинг текислик, паст тоғли худудларидаги каштаний тупроқ, ўртача баландликдаги тоғлар қўнғир тоғ ўрмон тупроғи, тоғ қора тупроғи, тоғ ўтлоқи тупроқларидан таркиб топганлиги, яъниким, сертупроқлигига алоҳида урғу берилган. Кейин, бу минтақаларнинг, хусусан, тоғли худудларида ёғингарчилик кўп бўлиши табиий. Қолаверса, атрофдаги дарё-денгизлардан кўтариладиган буғлар ҳам шу тоғларга ёмғир бўлиб тушса керак.

Демак, бу тоғлар, бу жойлар азалдан шундоқ гўзал ва мафтункор бўлган ва шу боис ҳам улуғ Соҳибқиронга маъқул тушиб қолган.<sup>1</sup> Бинобарин, у Кавказ ва Эронга етти йиллик юришлари чоғида 1399, 1401-1402, 1403 йил қишларини Қорабоғда ўтказган. Саноқли кўшин билан ҳали ихтиёрига ўтмаган ёки куни-кечагина мусалламлик изҳор этган ошно-ношно мамлакатлар қуршовида бир неча ойлаб муваққат яшаб туриш у қадар ўнғай ва мароқли ҳол эмас. Ўзига, кўшинига, атрофдагиларга ишончнинг ўзигина кифоя эмас, балки катта жасорат, довюраклик ҳам керак эди. Ҳарқалай, бундай жой ва вазиятда киши кўнглидан хотиржамлик мустаҳкам ўрин олиши қийин. Қорабоғни ўзининг қишки қароргоҳига айлантирган Амир Темур бобомиз эса бу ерда Ўрдагоҳ ҳам бунёд этган бўлиб, унда Кичик Осиё мамлакатларининг мадад сўраб ёки ўзаро муносабатлар масаласи билан ташриф буюрган вакилларини ҳам қабул қиларди. Жумладан, Соҳибқироннинг мазкур муваққат қароргоҳига Византия халқининг ноиб, Франция қироли, Султония шаҳрининг католик миссонерларининг нажот ўтиниб келишгани, Турон султонининг уларга тегишли кўмак ва мурувватлар кўрсатгани маълум.

Низомиддин Шомий ўзининг Амир Темур топшириғи билан ёзган “Зафарнома” асарини Соҳибқиронга етти йиллик юришдан Самарқандга қайтиши арафасида ана шу Қорабоғда топширган эди. Буюк бобомизнинг набираси - тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди, аскарликда ҳам, лашкарбошилиқда ҳам отасига ва бобосига тортган, боз устига китобатнинг, хуснихатнинг моҳир устаси, қисқа муддат бетобланиб дунёдан кўз юмган жувонмарг Муҳаммад Султон вафотининг бир йиллиги муносабати билан катта маърака маросими ҳам шу жойда (1403 йил, март) ўтказилган.

Ўша йилнинг охирида Қорабоғда Амир Темур Саййид Барака, Термиздан Хожа Абдул Аввал – Кашший, Кеш шайхулисломларининг ўғиллари Абдул Ҳамид ҳамда Абдул Раҳмон ва бошқа йирик уламою машойихлар иштирокида катта мажлис уюштириб, диний ва дунёвий масалаларда суҳбат ва бошқа жиддий тadbирлар ўтказган. Демак, Амир Темурни йўқлаб Самарқанд, Бухоро, Кешдан турли таниқли зоти шарифлар Қорабоғқа келиб туришган ва ҳукмдор Мовароуннаҳр билан доимий алоқада бўлган. Зеро, Турон султони Қорабоғда шунчаки қишламаган, балки, ана шу маҳалларда ҳам муҳим сиёсий, ижтимоий ва бошқа муаммолар ечими билан шуғулланган.

Таассуфки, Амир Темур Кўрагоннинг хорижий давлатларнинг арбоблари, элчиларини қабул қилган қишлоқ саройи жойлашган Ўрда энди йўқ, вақт ўз ишини қилган – Ўрдагоҳ, у билан боғлиқ бирор ёдгорлик қолмаган. Бунда, даврлар қуюни, сиёсий эврилишларнинг беқарорлиги ҳам ўз таъсирини ўтказган, албатта.

Шунча баланд, узоқ ва хавфли айланалари бисёр доvon йўли ниҳоятда текис, соз эди. Ҳатто яқин йилларда таъмирланганга ҳам ўхшамасди. Бу, эҳтимол, автомобил катновининг камлигидан, аммо бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин.

Лекин шундай йўлда кўнгилга ғашлик соладиган омиллар ҳам йўқ эмас. Масалан, энг баланд тоғ қиршовига жонли ёдгорлик сифатида ўрнатиб қўйилган танк бир неча йил аввал

<sup>1</sup> Амир Темур ҳақидаги китобларда берилган изоҳларда аввал римликлар Албания, арманилар Ағванк деб юритишган бу худуд Ислом мамлакатлари таркибига киргандан сўнг Аррон деб атала бошлаган. Соҳибқирон бу ерни ёқтириб қолиб, ўз юртида (Қарши яқинида)ги Қорабоғга ўхшатиб, шу ном билан атаган, дейилади.



бу жойларда қонли тўқнашувлар юз берганини эслатарди.

Довоннинг энг баланд жойи текис ердан уч минг метрдан зиёд бўлиб, худди ўша худудда айнан бизнинг Қамчиқ довонимиздаги каби қандайдир рамзий маънодаги шер ҳайкали савлат тўкиб турарди.

## НОТАВОН, ВОҚИФЛАР ВАТАНИ

Қорабоғ марказига етти-саккиз чақирим қолганда йўл иккига айрилиб, ўннга - тепароққа Шуша шаҳарчасига кетаркан, чапга, куйироққа қараб бурилган кўча эса Степанакертга олиб борарди. Шуша, юқорида зикр этилганидек, аввал Қорабоғнинг иқтисодий-сиёсий, маданий пойтахти бўлган, Озарбайжон адабиётининг юксак поғоналарга кўтарилишига катта ҳисса қўшган ижодкорлар етишиб чикқан ё унга назари, меҳри тушиб қалами равонлик касб этган шарофатли, файзли бир диёрдирки, уни бежиз мусиқа ва шеърят гулшани деб атамаганлар. Бу ерда Қорабоғ ҳокими Иброҳим Халилхоннинг набираси, назокатли шоира Хуршидабону Нотавон дунёга келган (XIX аср). У латиф шеърлар ёзиш билан бирга шоирлар анжумани “Мажлиси-унс” адабий тўгарагининг фаол ташкилотчиси ва ҳомийси эди. Шунингдек, Хуршидабону ташаббуси билан Шушага сув келтирилган, ҳозир ҳам ўша булоқ мавжуд бўлиб, “Хонқизи чашмаси” номи билан довруқлидир.

Куйида эътиборингизга ҳавола этилмиш гўзал ташбеҳлар, маржон каби тизилган сатрлар Увайсий, Нодира, Махзуналаримизга яқин замондош, Озарбайжоннинг яна бир машхур шоираси Ҳайрон хоним билан даврдош истеъдодли шоира Нотавон қаламига мансубдир.

*Ўзини ишқ оловига уриб дилшод парвона,  
Ажаб бир бора ёнмоқдан ўлур озод, парвона.  
Ҳар оқшом кўрди мажлисдаки, шамъ азёрга ёрдур,  
Шу важдан касби сўзонлик қилур бунёд парвона.  
Сенга, эй шаъм, маломат қилдилар маъшуқ олдинда,  
Агарчи хирмани умринг бўлур барбод, парвона!  
Дема, маъшуқа бепарво, у шаъмга юз маломатдан  
Узиб жон тасбеҳ янглиз, вафодан шод парвона.  
Билиб шамнинг вафосин, жисму жонин ўт аро отди,  
Ғами ҳижрон дами вуслатда этди ёд парвона.  
Жафои ҳажридан жонга етиб, шавқи висол бирла  
Эриб шаъм гулханида, этмади фарёд парвона.  
Ёнар чун Нотавон хаста ишқнинг оловида,  
Сабуру ўл, айла одат шевани устод, парвона!*

(Ойдин Ҳожиева таржимаси)

Шунингдек, XIX асрда яшаб ўтган, Навоий ва Фузулийларни ўзига бирдек устоз деб билган, озарбайжон, форс ва ўзбек тилларида ижод қилган шоир Мирза Ҳасан Қорабоғий Қорабоғнинг сўлим, беназир гўшаси, Сулаймон Рустам “дилбар” дея таъриф берган Шушада туғилиб вояга етган етук аҳли қаламлардандир.

Сулаймон Рустамнинг “Қорабоғ” шеърисида эса шундай мисралар бор:

*Шухратинг ер юзига кўндан аён, Қорабоғ,  
Сенга шайдоман ўзим қанча замон, Қорабоғ.  
Бир кўшиқ сингари борсан ёру дўстлар тилида,  
Шўх гўзаллар ери бу яхши макон, Қорабоғ.  
Бунда Воқиф изи бор, Нотавон руҳи тирик,*

## ***Шу сабаб шоир учун ажиб жаҳон, Қорабоғ...***

Озарбайжон адабиётида ўзига хос ўрин тутадиган Мулла Паноҳ Воқиф (XVIII аср) ҳаёти ва ижодининг энг қайноқ, фожели даврларида Шуша шаҳрида яшаган, Қорабоғ хони Иброҳим саройида эшик оғаси, яъни Ташқи ишлар бўйича вазирлик маснадида фаолият кўрсатган, ўша пайтларда яхшигина мавқега эга бўлган Қорабоғнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшган.

Бир вақтлар Гуржистон қатори Қорабоғга ҳам ҳукмронлик қилган Эрон яна уни қайта истило қилишга уринган. Кожарлар сулоласининг бошлиғи оға Муҳаммадхон катта қўшин билан Аракс дарёсидан кечиб ўтиб, Қорабоққа хужум уюштиради ва ўттиз уч кун Шуша (аввалги Паноҳобод) қалъасини қамалда тутиб туради. Аммо шушаликлар таслим бўлмайди. Зеро, ўша маҳалда Қорабоғ ўзига шу қадар ишонган давлатга айланган эдики, у фақат ўз музофотинигина асраб қолмай, иттифоқчилари Ширвон ва Грузияга ҳам қўмак юборади. Оға Муҳаммадхон Тифлисга ўт қўйиб, аҳоли бошига мислсиз жабру жафолар солиб, қакшатиб хумордан чикқач, ўз юртига – Эронга қайтади. Лекин кейинроқ Қорабоғда даҳшатли қаҳатчилик юз бериб, халқ ҳатто хачир, эшак, мушук гўштини истеъмол қилишга мажбур бўлади. Ўрмонлардан илдиз йиғиб қуришиб, тегирмонда торттириб ейдилар, бир қанча одам очликдан ўлади. Кўплар Қорабоғдан бош олиб бошқа шаҳар ва вилоятларга кетишади. Оға Муҳаммадшоҳ ана шундай оғир мусибатдаги Қорабоққа хужум қилади ва уни осонгина забт этади. Аммо шоҳни бир кечаси ўз ётоғида ўлдириб кетишади – бу балки тоғликлар қасоси эди. Шунда кўпчилик қатори Воқиф ҳам ҳибсга олинади ва ўғли Алиғо билан бирга қатл этилади (Ана шу аснода шоирнинг хонадони ҳам талон-тарож қилинган, қўлёмалари йўқолган).

Самад Вурғуннинг машҳур “Воқиф” номли драматик достонида шоир ҳаёти ва юқоридаги алғов-далғов вазиятлар тасвирланган.

Воқиф ўйноқи, ишқий-лирик шеър-ғазаллар моҳиридир. Унинг ижоди кўплаб туркий забон, жумладан, ўзбек ҳофизлари эътиборини ҳам тортган. Шерали Жўраевнинг “Ҳар етук гўзални гўзал демасман”, “Аждарга ўхшатдим сочинг учини” каби элга машҳур кўшиқлари Воқиф сўзларининг ўзбекча жарангидир.

Лекин Воқифнинг шундай ижтимоий-сиёсий мавзудаги фалсафий асарлари ҳам оз эмаски, уларда шоир ўз даврининг адолатсизликлари, одамларининг худбин, риёкорлиги ҳамда замон ва жамиятдаги бошқа иллатлардан фарёд чекади:

***Мен жаҳон мулкида мутлақ тўғри ҳолат кўрмадим,  
Ҳар на кўрдим – эгри кўрдим, ўзга бобат кўрмадим,  
Ошнолар суҳбатида ҳам садоқат кўрмадим,  
Байъату иқрору имону диёнат кўрмадим,  
Бевафодан ложарам таҳсилу ҳоҷжат кўрмадим.***

***Ҳар садоғу саски дунёга тўлибдир бу маҳал,  
Жумла макру ҳийлагарлик, фитна ҳам жангу жадал.  
Дирҳаму зар, деб узанган қўл кўрурсан галма-гал,  
Муқтадиларда итоат, муқтадоларда амал,<sup>1</sup>  
Бандаларда симу бекларда адолат кўрмадим.***

***Халқи олам бир ажаб дастури тутмиш ҳар замон,  
Қайси ғамлик кўнглини сен айлар ўлсанг шодмон,  
Сенга у албаттаки бадхўлик айлар бегумон,  
Ҳар кима ҳар кимки этса яхшилик, охир ёмон, -  
Топмадим бир дўстни, ундан бир адоват кўрмадим.***

<sup>1</sup> Муқтади - бўйсунган. Муқтадо – бўйсундирган.

*Мухтасарким бўйла дунёдан керак этмоқ ҳазар,  
Чунки ўз ўрнида эрмас бу замон ҳеч хайру шар,  
Яхшилар хоки мазаллатда, ёмонлар мўътабар,  
Соҳиби зарда карам йўқдур, карам аҳлида зар,  
Ишдаю тадбирда аҳкому лаёқат кўрмадим.*

*Соч оқарди, рўзгорим бўлди кун-кундан сиёҳ,  
Солмадим, юз ҳайфким, бир моҳи рухсорга нигоҳ,  
Қадр билмас ҳамдам ила бўлди умрим ҳам табоҳ,  
Воқифингга, раббано, лутфингни айла то паноҳ,  
Сендан ўзга кимсада лутфу иноят кўрмадим.*

Дарвоқе, мен бир вақтлар болалигимда Тоғли Қорабоғдан чиққан Ибрагим Ибрагимов Кабирли деган озарбайжон шоирининг, янглишмасам, “Қорабоғ кўшиқлари” деган китобини ўқигандим. Унинг шеърлари қандайдир мунгли эди, айниқса, ўлим тўғрисидаги фалсафий шеъри менга қаттиқ таъсир қилган. Шеър “*Одамнинг дунёга қайтиб келмаслиги ўйлатар мени...*” деган ғамгин сатрлар билан яқунланган эди. Демак, шоир Қорабоғни бағоят яхши кўрган ва шундоқ гўзал, азиз маскан-маконларни қачондир бутунлай тарк этиб кетиш, уларни қайта кўра олмаслик изтироби, аламини назмга солган.

Йўлимиз бироз пастлаб, кейин яна кўтарилди бошлади. Бу ёғи ҳам боягидай кўз қамраб ололмайдиган, қорачиқларни зўриқтириб, кенгайтириб юборадиган манзаралардан иборат эди.

- Абу Саид Мирзони мана шу Қорабоғда ҳалок этишган, - дейди Зокиржон ака тарихни эслаб. – Балки айни шу йўл атрофида рўй бергандир ўша мудҳиш фожиа.

Маълумки, Амир Темурдан сўнг салтанат иккига бўлиниб, Хуросонда Шохруҳ Мирзо, Мовароуннаҳрда Улуғбек Мирзо ҳукмдорлик қилишади. Хуросоннинг кейинги ҳокими Абулқосим вафотидан кейин Ҳирот, Астробод, Мозандарон темурзода Мироншоҳнинг набираси, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бобоси Султон Абу Саид Мирзо ибн Султон Муҳаммад (1424-1469) қўлига ўтади. 1458 йили у темурийлар давлатини, аввалгидан кичикроқ тарзда бўлса ҳам яна бирлаштиришга эришади. Лекин бу даврда Ироқ, Ғарбий Эрон, Озарбайжоннинг бир қанча қисми бу таркибга кирмас эди. Шунинг учун, яъни уларни темурийлар салтанати тасарруфига қайта киритиш мақсадида Абу Саид ўша ёққа от суради, аммо бахтга қарши 1469 йили оқ қуюнлилар билан жангда вафот этади. Хондамирнинг ёзишича “*Амир Ҳасанбек (оқ қўюнли) ул олий шарафли подшоҳнинг жонига бирор озор етказмоқни истамаганди. Аксинча, муддаоси яроқ ва асбобларини бериб, Хуросон тарафга қайтариб юбориш эди... Ширвон қозиси извоси ва туркман амирларидан бир тўдаси маслаҳати орқасида у адолат ва эҳсон манбасига... (Султон Абу Саидга – Қ.К). шахидлик шарбатини ичирадилар*”. Шундан кейин темурийлар давлати яна иккига – Туркистон ва Хуросонга бўлиниб, Туркистонда Абу Саиднинг ўғли Аҳмад, Хуросонда эса Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қила бошлайдилар.

Мирзо Улуғбек эътибори остида ўсиб-улғайган, тарбия олган ва илму маърифатга меҳри уйғонган Абу Саид шаънига кўп мақтовлар битилган. Жумладан, академик В.В.Бартольд “*Абу Саид ўзининг ҳаёт тарзи, ишларининг буюклиги, шижоати ва истеъдоди бўйича давлат раҳбари сифатида Бобур, Акбар ва Шохжаҳонларнинг муносиб аждоди эди*”, деб ёзган эди.

## СТЕПАНАКЕРТДА

Степанакертга кириб бордик. Анча баландга жойлашган бу шаҳар ғоят озода, шинам эди. Шаҳид бўлганлар хотирасига барпо этилган Хотира майдонидаги ёдгорлик-ҳайкаллар, асосан ёшларникидан иборат бўлган қатор-қатор суратлар ҳам кишининг юрагини

чимиллатарди.

Соат ўнга яқинлашаётган эса-да, дам олиш кунлиги боисми, шаҳарда одам кам, машина қатнови ҳам сийрак эди. Қандайдир осойишталик ҳукм суларди.

Митти республика тартиб-қоидаларига кўра паспортларимизни рўйхатдан ўтказиб, муҳр бостирмоғимиз лозим эди. Ички ишлар бошқармасини излаб топдик, аммо ходимлар ҳали ишга келишмаган экан. Вақтдан унумли фойдаланиш учун шаҳар айлана бошладик.

Кўчаларнинг аксарияти калта, бир-бири билан туташ ва бари шаҳар ўртасидаги бош майдонга уланарди.

Бош майдонда асосан катта ёшдаги эркагу аёллар тўп-тўп бўлиб туришарди. Қишлоқ хўжалик ходимлари куни (бугун) муносабати билан марказий майдон ва у билан ёндош кўчаларда савдо ярмаркалари ташкил этилган экан.

Майдоннинг бир тарафида ҳар турли манзарали дарахтлар билан бурканган доира шаклидаги хиёбон бўлиб, унинг чекарида 26 Боку халқ комиссарларининг<sup>1</sup> раиси Степан Шаумян ҳайкали қад кўтарганди. Хиёбон атрофи эса айлана йўл. Хиёбон файзли, у ер-бу ерга чиройли, бежирим ўтиргичлар қўйилган эди. Биз ҳам ўшалардан бирига ўтириб, атрофни томоша қилиб, ўтган-кетганларни кузата бошладик. Олтмиш ёшлардаги, соч-соқоли мош-гуруч бу кимса бизнинг кимлигимиз билан қизиқиб қолди, у Степанакерт университети ижтимоий фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси Анушеван Агабекович Погасян экан. Раҳбаримиз Бобур халқаро фонди ва илмий экспедицияси тўғрисида гапирди, мезбон эса Тоғли Қорабоғ маҳаллий халқининг тирикчилик омиллари ҳақидаги саволларимизга жавоб берди. Муаллим-домланинг айтишича, ҳозир Қорабоғда кўп нарса хусусийлашиб кетибди, учта университет, йигирмадан ортиқ кутубхона ва бир неча музей мавжуд экан. Айниқса, ўрмон ва ёғочсозлик ривожланибди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришкан. Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳалари тоқчилик, мевачилик, сабзавотчилик ва тамакичилик экан. Пул бирлиги - дирам, 1 доллар – 400 дирам эмиш. Биз кейинроқ бир гул дўконида бир дона кала (оқ карнай гул)нинг 200, чиннигулнинг 150 дирамлигини кўрдик. Аммо ошхона кам экан, кичик кўчалар оралаб истаб, аранг топдик. Умуман, Степанакерт кўп жиҳатлари – саришталиги, фаришталилиги, ҳаётнинг шовқинсиз, сокинлиги билан эртақлардаги шаҳарларга ўхшаб кетарди.

Яна ички ишлар идорасига қараб кетдик. Бу қадимий ва навқирон юрт кўчаларида ҳам эркақларга нисбат аёллар кўп ва ўзларини жуда эркин, бемалол тутишлари сезилар, тор ва тиз кийинишда ҳаммадан ўтадигандай таассурот қолдиришарди. Қизлар тез, ёшига нисбатан эртароқ етиладиганга ўхшайди, балоғат палласига етмаганларининг ҳам бўла, дуркуни кўп ва уларда ўзларининг хотин зотидан эканликларини намоён ва намоён этишга интилиш кучлидай туюлади.

Ички ишлар ходимлари соат ўн уч яримларда келишди. Қандайдир варақалар тўлдиршиб, у хонадан бу хонага олиб кириб юришди. Хуллас, соат кундузги учларда орқага қайтдик. Яна ўша баланд доvon, ўша айлана йўллар, ўша қуюқ дарахтзорли тоғлар. Айнан дарахт кўплигиданми, ҳаво тозалигиданми, доvon шунча баланд бўлса-да, қулоқлар асло шанғиллаб битмас, бошлар оғримас, кўнгишлар беҳузур бўлмасди, балки манзараларнинг мафтункорлигидан йўлнинг узоклиги, зерикарилиги, бурилиш-айрилишларнинг кўплиги, таҳликалилиги ҳам сезилмас эди.

## “ХУНДАЙ”НИНГ НАҒМАЛАРИ

Энг тепага чиққанимизда машина остида нимадир бирпас ғитирладию, ўчди. Яна капалаклар учди, тиллардан солярка чатокқа ўхшайди, деган мулоҳазалар кўчди. Аҳмаджон у ер-бу ерини қовлаб юргизди, аммо бир оздан сўнг яна бояги ҳол такрорланди, ҳайдовчи

<sup>1</sup> 26Боку комиссари - Озарбайжон ҳудудининг бир қисмида ўрнатилган шўролар ҳукумати арбоблари. “Марказий Каспий диктатураси” ҳукумати томонидан ҳибсга олиниб, 1918 йил 20 сентябрда отиб ташланган.

ғитирлаётган нарсани излашга тушди.

Горисга етиб, устахона изладик. Усталар маслаҳат беришди, холос. Чунки бу ерда “Хундай” русумли машиналар, умуман, соляркага юрадиган автоуловлар таъмири билан шуғулланишмас экан.

- Уловингизнинг касали – соляркадан, - дея ташхис қўйишди улар. Ўзимиз ҳам шундай деб ўйловдик.

Олдимизда иккита йўл, чора турарди: 1. Ереванга қайтиб, машинани “даволатиш”, 2. Мегригача (170 км.) бир амаллаб етиб олиш. Лекин у чегара шаҳарда ҳам “Хундай” устахонасининг йўқлиги аниқ эмиш. Ереванга эса – 250, бориб қайтиш – 500 км. демек эди!

- Мегрига борадиган йўл Тоғли Қорабоғ доводидан ҳам баланд ва хавфли, ҳар қандай соғ машинанинг ҳам тортиши қийин, - деб баттар ваҳима қилишди горислик созловчилар. Ёнларидаги ёнилғи қуйиш шохобчасининг соляркаси тозалигига кафиллик беришди, олис шаҳарларга, хорижга қатнайдиган катта юк машиналари ҳайдовчилари ҳам шу ердан солярка қуйиб кетишармиш.

Усталарнинг чин юракдан жон койитиб гапиришаётганига шубҳа қилмай, бакни тўлдирдик, хайрихоҳ мезбонларимиз соляркага ёнилғини тозалайдиган бир шиша суюқликни қўшиб юборишди.

Ереванга бориб келиш йўлининг узоклиги ва доводлардан ўтиш машаққатини инобатга олиб, Зокиржон ака таваккалига Эрон сари юриш тўғрисида қарор қабул қилди. Бошқаларнинг фикри ҳам шу эди. Ахир, оркага қайтгандан кўра, нима бўлса ҳам олға интилган яхши-да! Тўғри, “ростанам йўлда машина умуман юрмай қолса-чи, ахир унақа жойда уни судратиб ҳам бўлмайди-ку...” каби мулоҳазалар ҳам айтилди.

- Бошга тушганини кўз кўради, Худо раззоқ, - деб иккиланишларга чек қўйди раҳбар.

Кечаги кўноқхонамизни қидириб топдик. Хачо ташқарида турган экан, “Сен бизга маъқул тушиб қолдинг, кейин бу меҳмонхонада иккинчи кун турганлардан ҳақ олинмас экан, деб эшитдик, шунинг учун қайтиб келдик”, дея ҳазиллашдик. Хачо ҳам анойилардан эмас эди: “Сизларга сал нотўғри етказишибди: бизда учинчи кеча бепул”, деб қикир-қикир куларди.

Эронлик бир геолог Хачонинг отасига меҳмон бўлиб келган экан, унинг мамлакатадаги йўлларнинг аҳволини, чегарадан ўтиш муаммоларини сўрадик.

Форс йигитининг жавобини яхши англамадик. Чунки у рус тилини билмасди, биз эсак – форсчани... Ҳарқалай, унинг имо-ишораларидан ҳаммаси яхши, жойида, зўр деган маънони уқдик.

Кайфи ошиб қолган Хачо ўзи билан ўзи овора эди.

Геолог билан Хачонинг падари бузруквори – соч-соқоли оппоқ, камида етмиш беш ёшлардаги мўйсафид росмана улфатчилик қилишарди.

Меҳмонхона чекка бир жойда, тоғ йўлида, боз устига, хусусий бўлса-да, шарт-шароитлари чакки эмас эди: хоналари кенг, ўрин-кўрпалари янги, катта телевизор, музлатгич ва бошқа зарурий анжомлар мавжуд, ошхонасида газ ловуллаб ёнар, сув мудом қайнаб турар, куну туннинг ҳар қайси палласида чой дамлаб ичавериш мумкин эди. Кўноқхона эгаларининг эса кўнгиллари ҳам, қўллари ҳам очикдай (пул илинжи ва ишқида бўлса ҳам) туюларди.

### *15 октябрь, душанба*

Саҳар турдик-да, кечагидай енгил тамаддиланиб, жўнадик. Тоғли Қорабоғ йўналишининг қарама-қарши тарафига - ўнгга юрдик. Ҳали қоп-қоронғи эди. Салқинда машина мотори унча қизимайди деб барвақт йўлга чиққан эдик. Йўлнинг бу ёғи ҳам таъмирчи йигитлар айтганидай - довод, яна икки томон куюқ дарахтзор эди. Айлана йўллар бизни тобора баландга олиб чиқарди. Капан шаҳри (район маркази)да бирпас тўхтадик. Туманда 50-60 минг атрофида аҳоли бор экан. Баланд қаватли бинолар кўп – шундоқ тоғда-я! Ўқчи деган дарё ўтаркан. Шаҳарчадан кейин йўл қуйига шўнғиб, кўп ўтмай, яна тепага

ўрлади.

Астағфурулло!.. Машинанинг “қитир-қитир”и бошланди. Тўхтатиб, бир оз дам берамиз, у юради. Чарчабди шекилли-да. Бечоранинг тили йўк, айтолмайди-да.

Йўл ҳамон дам пастга эниб, дам баландга кўтарилади.

Фақат юқорилаб бораётган пайтимизда “Хундай” яна “қитир-қитир” қилиб қолди, лекин бу вазиятда тўхтатишнинг иложи йўк эди. Оллоҳнинг ўзи қўлладимиз, мотор ўчмади. Яна пастлаб, Кажаран посёлкаси худудига тушдик. Бу ерда ҳам дарахтлар орасида баланд қаватли бинолар кўзга ташланарди.

Яна айлана йўллар билан юксалиб борамиз. “Молибден” деган кумуш комбинати бор экан, бояги шаҳар ва посёлканинг одамлари шу жойга келиб ишлашаркан (йўл четларида, бекатларда тўп-тўп бўлиб, улов кутиб туришганини кўриб эдик).

Шундоқ баланд, ваҳимали довонда катта юк машиналари, автобуслар юрибди. Айлана, хавфли бурилишлар икки чеккадаги ёруғ қайтаргичли тўсиқ-ғовлар билан ихоталанган.

Бизнинг вақт билан етти яримларда тонг ёриша бошлади, ўн беш дақиқаси кам тўққизларда қуёш чиқди, унинг қайчи-қайчи бўлиб таралган нурлари тоғ тошларига урилиб парчаланди-да, дарахтларнинг олтин ранг барглари узра сочилиб кетди.

Шундоқ бир жойга чиқдикки, у ердан ҳамма томон кафтдек кўринарди: шимол тарафдаги тоғларни юпқа туман қоплаган, жануб томондаги симобранг тоғларда олачалпок қор бор - у Зангизўр эди.

Йўл секин-аста куйига эна борди. Инсоф бергур машинамиз анчадан бери чурқ этмай келяпти.

- Кечаси билан ўйлаб чиқдим, - дейди Зокиржон ака, - эрталаб машина юрмаса қаерга, қандай олиб кетаман, чегарадан қандай олиб ўтаман, деб...

Раҳбарнинг шундай ташвиш чекиши табиий, зеро биз аъзолар раҳбар бор, нима ғамимиз бор, деб уйқуни ураверган эдик.

Биз энди Мегри дарёси (ўзанининг тор, илон изилиги, сувининг камлигига қараганда ирмоқ деса ҳам бўлади) ёқалаб кетардик. Мегри посёлкасида мевали боғларни, анжирни кўрдик. Дарё ҳам, биз ҳам тоғ оралаб юрамиз. Мегри кўчанинг гоҳ ўнг томонига ўтиб қолади, гоҳ чап ёғига. Йўл пастлаган сари икки ёндаги қуюқ дарахтзорли тоғлар баландлаб борарди.

Бирдан тоғлар қуршовидан чиқдик, тўғрироғи, тоғлар биздан, йўлдан узоклашди. Мегри энди чап ёнимизда тўғри, катта ўзанда, дарё унвонига муносиб равишда шовқинланиб оқарди.

\*\*\*

Соат ўн бирларда чегара худудига кира бошладик.

Кун иссиқ. Худуд чор тарафдан баланд, ўрқач-ўрқач, бояги кўрганларимизнинг акси ўлароқ яланғоч, тунд тоғлар билан ўралган бўлиб, нақ улкан сувсиз ҳовузга ўхшарди.

Арманларнинг Агарак ҳарбий назорат масканидан ярим соатларда ўтдик, аммо эронийлар божхонасида нақ уч соат турдик. Шунисига ҳам шукр дедик, чунки Эрон сарҳадларида кунлаб музтар бўлар, баъзан кечаси ҳам қолиб кетардик.

Машинани расмийлаштириш масаласи одатдагидай, божхона ховлисида дипломат кўтариб юрадиган “гадбиркор” (қандайдир фирма ходимлари) воситачилигида 220 доллар билан ҳал этилди.

Шу ерда “Газель” машинасида одам ва юк ташиб тирикчилик қиладиган Мурод исмли киракаш билан суҳбатлашиб қолдик. Тоғли Қорабоғ ва бошқа юртларга қатнаркан. Унинг айтишича, Қорабоғда алоҳида ўзбеклар маҳалласи бор экан. Биз буни билмагандик, кўп афсусландик. Бир оғиз эслатиб қўймапти-я, деб писмиқ Погосьяндан роса ўпкаладик.

## ЭРОН

Зокиржон ака ва бошқаларни билмадим-у, менинг Эрон заминига тўртинчи бора қадам қўйишим. Шимол томони Каспий денгизига туташ, Жанубдан Форс ва Уммон қўлтиғи билан ўралган бу мамлакат кўп қадимий ва машхур юртлардан бири. Милоддан уч минг йил аввал шаҳарлар пайдо бўлган. “Турон” билан уйкаш, қофиядош, улар қарийб, тенгдош, кўп жихатлардан қисматдош, кўп дафъа бирлашиб, дўстлашган, тарих, тақдир тақозосига кўра яна кўп марта ёвлашиб, айрилишган. XII аср охирида Хоразмшоҳлар давлатига қўшиб олинган. XIII асрнинг биринчи чораги ва ўрталарида мўғуллар босиб олган, кейин бир қанча муддат Амир Темур қаламравида турган. Соҳибқироннинг Эрон заминига икки йиллик, уч йиллик ва бошқа юришлари маълум. Масалан, 1384-85 йиллардаги ҳарбий юришлар пайтида Мозандарон, Рустамдор ва Султониялар бўйсундирилади, 1386-88 йиллари эса Исфажон, Ҳамадон вилоятлари Турон давлати тасарруфига ўтади.

Эрон адабиёти ҳам қадимийдир. X-XV асрлар бу юрт назмиётининг юксалиш даври ҳисобланади. Абулқосим Фирдавсий, Саъдий ва Ҳофиз Шерозийлар, Умар Хайём каби жаҳон тан олган ва тан берган буюк истеъдод эгалари Эрон фарзандлари ва фахру ифтихоридир. “Шоҳнома” умуман форс адабиётининг дурдонаси сифатида эътироф этилади. Абдулла Ансорий, Фаридиддин Аттор сўфийлик тариқати ва адабиётининг пири комилларидир.

Сарҳаддан чиқиб, ўнг томонда оқётган Кураинг ўнг ирмоғи - Туркиядан бошланиб, Арманистондан ўтиб, Озарбайжонга ҳам етиб борадиган (назаримда Мегри ҳам шунга қўшилиб кетарди) Аракс дарёси ёкалаб, Табризни мўлжал олиб жўнадик. Дарё китоблардаги таъриф-тавсифларга унча мос эмас – кичик ва кўримсиз, шовқин-шаштсиз эди.

Чапдаги йўл билан ёндош ва дарёнинг нариги тарафидаги тоғлар на бир дарахт, на бир гиёҳ унган қоқ тош тоғларнинг давоми эди. Йўл ҳадемай зерикарли туюла бошлади.

Кўп ўтмай, Жулфа деган шаҳарча келди. Яккам-дуккам ўрикзор боғлар, тутзорлар ўзимизнинг манзил-маконларни эслатарди.

Навбатдаги зиёрат жойларимиз Амир Темур давлатидаги муҳим стратегик масканлардан бири бўлмиш Эрон мамлакатининг Табриз, Техрон, Нишопур ва Машҳад каби тарихий шаҳарлари эди.

Табризга 180 км. қолди. Энди икки ёнда катта боғ-роғлар бошланди. Экинли пайкаллар. Кунгабоқар экиш урф экан, йиғиштирилган ва йиғиштирилаётган далалар кўп эди.

Манзарали дарахтлар ҳам (масалан, пальманинг айрим турлари) кўриниб қолди. Йўл эса созланиб борарди.

Табризга ўттиз чақирим етмай, Суфиён (сўфийлар) деган шаҳарчадан ўтдик.

## ТАБРИЗ . ЎТМИШГА БИР НАЗАР

Табриз – Эроннинг энг йирик тўрт шаҳри (Техрон, Исфохон, Машҳад)дан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг шимоли-ғарбий қисмида, Ажичай дарёси соҳилида жойлашган бўлиб, кейинги даврлар атамаси билан Шарқий Озарбайжон остонининг маъмурий марказидир. Аҳолиси бир миллион икки юз мингдан ортиқроқ.

Шаҳарга III-IV асрларда сомонийлар (бошқа бир адабиётларда VIII асрда халифа Ҳорун ар-Рашиднинг хотини Зубайда хотун) томонидан асос солинган. Мўғуллар босқини пайтларида (XIII аср) у Эрон пойтахти бўлган. Амир Темур даврида Озарбайжоннинг маркази эди.

Тарихчиларнинг ёзишича, Табриз Турону Эрон заминидаги энг гўзал, энг обод, энг йирик шаҳарлардан бири ва жуда катта савдо маркази эди. Шаҳарда ва шаҳар атрофида турфа мевали боғлар ниҳоятда кўп ва шунинг учун улар бошқа жойларга нисбатан анча арзон бўлган. Табриз, шунингдек, сув иншоотларининг кўплиги, биноларининг кўркамлиги билан ҳам савдогарлар, зиёратчилар, элчилар эътиборини жалб этарди. Энг асосийси – Табризда бойлик мўл-кўл эди. Инглиз адибаси Хильда Хукхэм “Етти иқлим султони” китобида шундай бир далилни келтиради: **“1341 йилда хазинага шаҳардан тушган даромад қарийб тўққиз миллион динорни ташкил этган эди”**. Қолаверса, Табриз Буюк Ипак йўлининг Самарқанд – Бағдод йўналишида – савдо-сотик учун, карвонлар учун ғоят қулай ерда жойлашган эди. Шу боисдан ҳам Табризни ҳавас қиладиганлар қаторида унга ҳасад кўзи билан қарайдиганлар, шундай гўзал ва бой шаҳарни қўлга киритиш иштиёқида бўлганлар ҳам кўп, шубҳасиз, улар орасида Табриздан ташқари Кавказ вилоятларини ҳам кўз остига олиб юрган Тўхтамишхон ҳам бор эди. 1386 йил бошларида Олтин Ўрда хони тўқсон минг кишилик лашкар билан Дарбанд орқали Табризга ўтиб, уни талайди. **“Тўхтамишнинг каллакесарлари қилган ёвузликларга инсон ақли бовар қилмасди, - деб ёзади Х.Хукхэм. – Шундан сўнг улар шаҳарда узоқ вақт давомида тўпланган бойликларни, шу жумладан, уч юз туманли олтинни ўлжа сифатида карвонга ортиб, минглаб одамларни қул қилиб ҳайдаганича, келган йўлларида, яъни Каспий денгизининг ғарбий соҳиллари бўйлаб Олтин Ўрдага қайтишиди”**.

Ўша юриши пайтида Тўхтамишхон Озарбайжоннинг бошқа шаҳарларини ҳам ғорат қилган эди.

Ана шу воқеадан кейин Амир Темур Эрон заминига уч йиллик юриш бошлайди ва ёз ойларида Табризга етиб боради. Бу маҳалда Олтин Ўрда хони қочиб улгурган эди. Ёзни Табризда ўтказган Соҳибқирон кузда **“Куфр ва залолат асосларини ағдарииш”** (Хондамир) учун Гуржистонга юриш қилади. Ислом тарафдори ва ҳомийси бўлган улуғ Амир бу юртда ҳам мусулмон динини ўрнатиш мақсадида эди. Анча кураш ва қайсарликлардан сўнг Гуржистоннинг подшоси ва бир қанча вилоятлар ҳокимлари Амир Темурга ўз тобеликларини изҳор этадилар. Кейин Соҳибқирон худди шундай аҳд билан Арманистонга лашкар тортади.

Ўша йил декабрда Соҳибқирон Шерозда турганида Тўхтамиш Мовароуннаҳрга катта қўшин юборади. Олтин Ўрда жангарилари Саброн<sup>1</sup>ни қамал қилади, Бухоро атрофларини вайрон этиб, Кеш вилоятидаги Занжир Сарой<sup>2</sup>га ўт қўядилар. 1388 йил охирида Тўхтамишхон ўзи келиб яна Сабронни қамал қилади. Сирдарёнинг чап соҳилидаги Ачук Зарнуқ (Самарқанд яқинидаги кишлоқ)ни олади. Хуллас, Тўхтамишхон **“Мана сенинг яхшиликларингга...”** қабилида иш тутиб, Соҳибқиронни атайин ўчакиштираётганга, унинг сабри, асабини синаётганга ўхшарди.

Али Яздий ва бошқа тарихчиларнинг таъкидлашича, Соҳибқироннинг Эрон заминига астойдил юриш бошлашига ҳам Тўхтамишнинг Табриздаги ваҳшийларча

<sup>1</sup> Саброн – ўрта асрлардаги шаҳар, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган эди.

<sup>2</sup> Қарши шаҳрининг ғарбида жойлашган муҳим қароргоҳ. Хондамир уни **“Сергайрат Жаҳонгир Соҳибқироннинг пойқадами ёқиб, Боғи Эрамга айланган”** дея таърифлаган.



вайронгарчиликлари сабаб, туртки бўлган. Ва шу тариқа Амир Темур Эронни янги хатар - мўғул истилосидан сақлаб қолади.

1393 йили Эронга “беш йиллик юриш” жараёнида Соҳибқирон Озарбайжон пойтахти ва марказини, Дарбанддан Бағдодгача ва Хамадондан Румгача бўлган ҳудудни учинчи ўғли – шаҳзода Мироншоҳга беради. Лекин ота назоратидан олисда бўлган Мироншоҳнинг бу ерда майхўрликка берилиб, кўп номаъкулчиликлар қилгани, малика Хонзодани қаттиқ ранжитгани ва оқибатда Соҳибқирон уни ўзи берган ерлар ва мулклардан маҳрум этгани маълум.

Кўп соҳалар бўйича илғорлик касб этган омадли, файзли шаҳар Табризда ўрта асрларда бадий ҳунармандчилик ва тасвирий санъат ривожланган, жумладан, Табриз миниатюра мактаби кўп шуҳрат қозонган. Сафавийлар даврида бу санъат янада юксалган, бир замон бу мактабга Камолиддин Бехзод раҳбарлик қилган. XVI асрда шаҳар китобат санъатининг ҳам марказига айланган. Кейинроқ Табриз миниатюра мактабининг мавқеи сусайиб, бу санъат Исфахонда гуркираган.

Умуман, Табриздан кўплаб истеъдод эгалари, илмли-маърифатли кишилар етишиб чиққан. Жалолиддин Румийдек улуғ аллома ҳаёти ва дунёқарашини мутлоқ ўзгартириб, оддий фикр донишмандлигидан Ҳақ йўлидаги оташин ошиққа ва катта шоирга айлантириб юборган шайх ва сўфий адиб Шамс Табризий, Хожа Убайдулло Аҳрордек валий “Қачонки... ҳузурига борсам, кўзимга бутун коинот унинг атрофига жамланиб, унга сингиб нопаёдо бўлгандек туюлади”, дея таърифлаган Саид Қосими Анвар, Хоқоний Шервонийдек буюк сиймога бадий ижод сирларидан сабоқ берган Абулаъло Ганжавий, шунингдек, Баҳовуддин Яъқуб, Яминиддин Табризий, Азҳар Табризийдек машҳур шоирлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, бошқа бир музофотда туғилиб, илму ижод пирларини излаб Табризда қолиб кетган аҳли донишлар қанча! Масалан, Хўжандда туғилиб, Кўҳна Урганч мадрасаларида таҳсил олган, бир неча йил Тошкентда истиқомат қилган, кейин Табризда кўним топган форс мумтоз адабиётининг машҳур вакилларида бири (у ўзбек тилида ҳам шеърлар ёзган деган фикрлар мавжуд), кароматгўй шайх Камол Хўжандий... Тўхтамиш Табризни талаб, одамларини асир олганида тутқунлар қаторида Камол Хўжандийни ҳам Сарой шаҳрига олиб кетган эди. Амир Темур Тўхтамиш устидан ғалаба қозонганда шоир илтимоси билан унинг севиқли шаҳри Табризга қайтишига изн беради. Озар элининг яна бир хушзабон булбули, шоирлар макони - хушҳаво Нахчеванда таваллуд топган Ҳайрон хоним ҳам қисмат чархпалагида ўзга чаманзорларга тушиб, ҳаётининг сўнгги йилларида Табризни ошиён тутган ва мангулик шарбатини шу табаррук шаҳарда тотган. Шеърини санъатнинг ажиб бир намунаси бўлмиш ушбу гўзал байтлар ўшал дилбар шоиранинг муҳаббатли, завқвор нафасидан тўкилмишдир:

*Хуришиди тобон бўлмиш намоён,  
Бўлмиш намоён хуришиди тобон.  
Зулфи паришон юзларда печон,  
Юзларда печон зулфи паришон.  
Ул чаими фаттон ақлимни олди,  
Ақлимни олди ул чаими фаттон.  
Ул тири мужгон санчилди қалбга,  
Санчилди қалбга ул тири мужгон.  
Ул лаъли хандон оби ҳаётдир,  
Оби ҳаётдир ул лаъли хандон.  
Ул кўйи жонон минг қурбон истар,  
Минг қурбон истар ул кўйи жонон.  
Шайдо бу ҳайрон ул ой жамолга,  
Ул ой жамолга шайдо бу Ҳайрон!*

(О.Ҳожиёва таржимаси)

Улуғ Соҳибқироннинг хос табиби, унинг сўнги кунларида ёнида типпа-тик турган мавлоно Фазл, Амир Темур тарихини битган Низомиддин Шомий ҳам асли табризлик эдилар. Такдир тақозоси билан Мироншоҳ дастлаб Табриз яқинида дафн этилган, кейин Шаҳрисабзга, ундан Гўри Амирга кўчирилган эди.

Алқисса, Табриз ҳам шеър улам аҳли, шайху уламолар учун Ҳирот каби ижодий муҳит, иқлим маркази, истеъдод соҳибларининг боши қовушадиган, маънавий-маърифий кадрятлар кадр топадиган табаррук, хосиятли макон бўлган.

Амир Темурнинг илму маърифат, маънавият аҳлига ихлос ва эътиқоди, уларга қилган ғамхўрликлари ҳақида сўз кетганда асли Табриз яқинидаги Шабустар қишлоғида туғилган, асосан Озарбайжонда умргузаронлик қилган ва ҳаётининг сўнги йилларини яна Табризда кечирган ислом ва сўфийлик назариятчилиси, донишманд Маҳмуд Шабистарийнинг сўфийлик моҳиятига бағишланган ва шарқда кенг тарқалган, маснавийда битилган (Жамол Камол томонидан ўзбекчага таржима қилинган) “Гулшани Роз” асари (у инглиз ва немис тилларига ҳам ўтирилган) ҳурматидан (Соҳибқирон бобомиз бу асарни бот-бот мутолаа қилиб турган) муаллифнинг қаровсиз ётган қабрини ободонлаштириб муносиб бир сағана қуришни буюргани ҳамда махсус фармон билан қишлоқ аҳолисининг катта ёшдаги (15 ёшдан юқори) қисмига олтин улашганини эслайдилар, кўп таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, шу биргина далилнинг ўзи Турон султонининг илму зиёга, ижод аҳлига эътибори қанчалар юксак ва марҳамати нақадар беқиёслигидан ва Навоийнинг баҳоси ҳаққонийлигидан далолатдир: *“...Мулуқ шаҳарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳоқони жаҳонгири Соҳибқирон, яъни Темур Гурагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўп маҳал ва мавқеда ўқубдурлар...”*

Табриз биз учун яна шунинг учун ҳам қадрлики, Мирзо Улуғбек илмий мактабининг атоқли намояндаларидан бири, фалакиётшунос, риёзатчи олим Али Қушчи жаҳолат ва тазйиқлардан беғиб Самарқанддан кетишга мажбур бўлганда оқ кўюнлилар сулоласининг вакили Узун Ҳасан ҳокимлиги даврида Табризда икки йилга яқин давлатнинг масъул мансабларидан бирида ишлаб, ижодий изланишларини давом эттиради.

Қасиданавис, ғазалгўй шоир Сайфиддин Муҳаммад Фарғоний (XIII аср) мўғуллар босқини кучайган пайтда бошқа ижодкорлар қатори юртдан бош олиб кетиб, Табризда ҳоким Жувайний паноҳида яшаб ижод қилган. Озарбайжон мумтоз адабиётининг улкан намоёндаси (XII аср), асли шервонлик Ҳоқоний ҳам умрининг охири Табризда ўтказди. Жаъфар Табризий, Қавомиддин Табризийлар эса хаттотлик санъатининг ўз давридаги (XIV аср) пешволаридан эди.

## ОТАНГГА БАЛЛИ...

Шаҳарга кираверишда катта айлана бор экан, ўртаси майдороқ, калта бўй манзарали дарахтлардан иборат хиёбон, ости ям-яшил майсазор, гулзор эди. Айлана йўлнинг ўнг томонида яна шундай узундан-узун хиёбон бўлиб, оралардаги йўлақларда ўтирғичлар кўп, демакки, оқшомлари гавжум бўладиган сайргоҳ эди.

Бизга “Хундай” устахонаси керак (муаммо ҳамон бор) эди. Хиёбоннинг четроғида киракаш енгил машиналар тураркан, бирини ёлладик. Унинг ортидан шаҳар ичига қараб боряпмиз. Янги қурилаётган мавзе йўли экан, эндигина битган, қурилаётган кўп қаватли уй-жой ва бошқа бинолар ҳаддан зиёд кўп – кўтарма кранлар узокдан ўргимчак уясига ўхшайди.

Такси ғизиллаб кетяпти, уни йўқотиб қўймаслик учун биз ҳам шиғаб боряпмиз. Хийла юргач, Шаҳриёр (эронийларнинг йирик шоирларидан бири) хайкали ва хиёбони рўпарасидаги майдонни айланиб ўтиб, “Шаҳриёр” номлиг устахона олдида тўхтадик. Лекин “Хундай”нинг ҳақиқий билимдони сал наридаги таъмирхонада экан, шу орадаги устанинг ёрдамчиларидан бири устозининг амри билан машинамизни ўша жойга бошлаб кетди. Киракашимиз – Муҳаррам ҳам қолганларимизни олиб жўнади, аммо у ўша – тахминан тўрт-

беш юз метрга кўшимча ҳақ сўради, тўғрироғи, ўтинди, бироқ ўзи ёмон йигитга ўхшамайди: шалдир-шулдиргина эди.

Машина устахонаси ёнида юмшоқ курси тайёрланадиган дўкон бор экан, унинг эгалари бизни шакарли “чойи сиёҳ” билан сийлади, ўша ерда кутиб ўтирдик, ташқарида айланиб юрдик. Бир соатларда машинамиз тайёр бўлди. Уста – ёшгина эрон озарбайжони компьютерга солиб, ишқаликни топди. Свеча вазифасини бажарувчи тўрт муҳим деталнинг бири яхши ишламаётган экан, уста ҳайдовчимизнинг захирасидаги озрок фойдаланилган ўшанақа детални кўйиб берган эди, мотор бинойидай ишлаб кетди.

Зокиржон ака хизмат ҳақини сўраганиди, уста: “Узоқдан келибсизлар, яна кўп юрасизлар экан, кўнгилдан чиқариб бераверинг”, деди. Раҳбар хурсанд бўлганидан юз доллар бериб юборди. Созловчига ҳавасимиз келди. Шунча пулга бир ой ишлайдиганлар бор, яна йўлкира сарфлаб, ёнидан тушлик қилиб. Лекин уста ўз касбининг ҳақиқий билимдони экан, қандини урсин. Тбилисидаги таъмирчилар уч соат ковлаб кўпроқ ҳақ олишган эди, аммо ўша пул кулоғини ушлаб кетди. Гуржи дўстларимизнинг шундай қалбаки иш қилишганига ҳеч ишонгимиз келмасди. Балки, бизга шунчаки тажрибасиз, уқуви камлари учрагандир.

Аммо ўшаларнинг тажрибасизлиги туфайли биз Алишоҳ жоме масжиди, Кўк масжид каби тарихий меъморий ёдгорликларни зиёрат қилишдан, шунингдек, шаҳарнинг соз манзараларию, Сулаймон Рустам таърифлаган табризлик “*сиёҳ кўзли, шакардан ҳам ширин сўзли*” соҳибжамоллар тўғрисидаги тасаввуримизни бойитиш имконидан бенасиб бўлдик. Нечукким, қоронғу тушиб улгурганиди. Техрон, қайдасан, деб йўлга чиқдик. Олтмиш километр юргач, Бўстонабод шаҳрида меҳмонхона изладик, кўнгилдагидайи топилмади. Яна саксон чақиримда Миёна шаҳри келди. Тагин кўноқхона ахтаришга тушдик. Ўзимиз топа олишимизга кўзимиз етмай, такси ёлладик, у бизни Табриздаги усталар тавсия қилган “Сўлмас” деган хотелга олиб бориб қўйди.

Ҳаво очиқ, юлдузлар чароғон эди.

### ***16 октябрь, сешанба***

Занжон шаҳри ҳам кенгая бошлабди. Бундан тўққиз йил аввалги сафаримиз чоғида ҳам бу шаҳарда бўлиб, бир кеча тунаган эдик. Кираверишдаёқ янги кўп қаватли бинолар қад кўтарибди. Шаҳар ичида хиёбон, яшил майдонлар кўп. Йўл чеккалари ва ўрталаридаги унча баланд ўсмайдиган (Табриздагидай) манзарали дарахтлар шаҳарга зеб, файз бағишланганиди.

Шаҳардан чиқиб, йўлда давом этдик. Ҳамон икки ёндаги тоғлар қуршовида боряпмиз. Кўча билан тоғ оралиғидаги шудгорланган ерлар қоп-қора, экиндан бўшаганча турган текис пайкаллар шопипоя ўрни каби сап-сарик кўринади. Баъзида адирлар пайдо бўлади, кейин дарахтзор худудлар...

Кун қиздира бошлади. Узум плантациялари бошланди – бўйи жуда паст – нари борса ярим ё бир метр-ов. Ер токмикин, ҳаммаси шунақа навмикин, деб ўйлаймиз.

Йўлга гап йўқ, машинанинг тезлик педали босилмаса ҳам ўзи кетаверадигандай. Қолаверса, Бокуга киргандан тортиб шу жойгача биронта полициячи “қаёқдан келяпсизлар, нима қилиб юрибсизлар демайди-я”, дея ўзимизча ўпкалаб кетаётган эдик, бўрини йўқласанг, кулоғи кўринади деб бекорга айтишмаган экан, ДАН ходимининг кулоғи эмас, олатаёғи билан ўзиёқ рўпарамизда ҳозир у нозир бўла қолди. Аммо инсофлигига учрабмиз. Тез юраётганимизни ўзимиз ҳам билардик, айбимизга иқроор эдик, ҳаракат хавфсизлиги назоратчиси “Меҳмон экансизлар”, деб кўйиб юборди. Мартабангиз янада зиёда бўлсин, деб дуо қилдик.

Тоғлар узоқлашиб, ўртадаги далалар кенгайиб кетди. Энди атрофимиз бепоён экинлардан иборатдай кўрина бошлади.

Йўлдаги бозорчалардан бирида раҳбарнинг галдаги илтифоти билан мандаринхўрлик қилдик. Майдароқ, сарик, нордонгина, нархи уч минг туман экан. Зўр олма, анорлар чўғдай

товланарди. Майда оқ, қизил кишмишларнинг баҳоси икки минг туман эди.

## ТЕХРОН

Техрон остонасида адашиб Карач деган шаҳарчага кириб қолиб, бир айланиб чикдик. Таржимон йўқлиги бизни бир оз қийнамоқда эди. Анча йиллардан бери Самарқандда яшаб, ишлаб келаётган Боқижон форсчани анча-мунча таталаяптию, декин тил мураккаб ва нозик масала-да, салга маъноси бошқа томонга бурилиб кетаверади.

Техронга киргач, кўзлаган манзилимизни сўраб-сўраб анча жойгача бордик, аммо мўлжални йўқотиб, адашиб кетавергач, такси ёллашга тўғри келди. Таксичи бизни хўп айлантриб бошлаб кетди. Кўчалар ниҳоятда тикин, машиналар қадамлаб юришар, боз устига, чорраҳадаги қизил чироқ ё бошқа сабаб билан тўхтаган жойда узок туришар, тинимсиз сигнал чалишар эди. Орадан мотоцикллар ҳам (хайдовчилар ва орқада ўтирганлари деярли темир қалпоқсиз, ялангбош) буралиб-суралиб ўтиб кетишарди. Шу алпозда икки соатдан ортиқроқ юрдик. Таксичи безиллай бошлади, ё Туркменистон элчихонасини топиб беришга кўзи етмай қолдими, ишим зарур, боғчадан набирамни олишим керак, деб, хизмат ҳақини ҳам олмай, жўнаб юборди. Бошқа киракаш ёлладик. Унинг етовида йўлда давом этдик. Шахмат нусха кўчалар тор ва салқин, икки тарафдаги улкан чинорларнинг тарвақайлаган шохлари кўчани деярли қоплаб олган эди. Умуман, шаҳар чинорлар оғушида эди чамаси.

Техрон XII асрда Рай яқинида барпо қилинган. XIV асрдан бошлаб ушбу ҳудуднинг йирик савдо-иқтисодий марказларидан ва кейинги пайтларда жаҳондаги энг йирик замонавий, ривожланган шаҳарлардан бирига айланган эди.

Узоқ юрдик. Шаҳар нечоғлик обод ва кўркам бўлмасин, бунақа тифизликда, бунақа тошбақа юришда одам диққинафас бўлиб кетиши турган гап. Лекин янги таксичимиз эрон озарбайжони экан, чиқишиб қолдик. Тили бироз форсийлашиб кетган бўлса-да, ҳарқалай, гапларини англаш мумкин эди.

Биз уни учратганимизга суюнганимизни айтдик.

- Э, Техронда мендақа озари тикилиб ётибди, - деди у бизга тасалли бергандай. – Шаҳарда 15 миллиондан ортиқ одам бор, шунинг ярмидан кўпи озарбайжон.

Карим маҳобат қилди-ёв. Лекин, унинг гапида жон бор эди. Тарих жуда кўп шафқатсизлик, адолатсизликларнинг гувоҳи ва бевосита иштирокчисидир. Шулардан бири урушлар, босқинлар оқибатида, эврилишлар жараёнида бир миллатнинг иккига (ҳатто кўпроққа ҳам) бўлиниб қолиши ҳодисасидир. Озарбайжон миллати манглайига ҳам шундай аламли қисмат битилган (Боқудаги суҳбатимизда Рамиз Аскер шу масалага шама қилганди). Уларнинг катта бири қисми Эрон ҳудудида қолиб кетишган. Бу ҳол шох Аббос I (1587-1629 йилларда ҳукмронлик қилган) Озарбайжон марказини Эрондан Исфохонга кўчиришидан бошланган бўлса керак. Гарчи Эрон озарбайжонлари эронийлар билан тинч-тотувликда, тенг ҳуқуқли бўлиб яшаётган бўлишса-да, қалбларидаги буюк бир армон аҳён-аҳёнда ғимирлаб қўйиши мумкин. Ахир ҳар ким ўз қавми-қариндошига талпиниб туради-ку. Сирасини айтганда, ер юзида бундай нотабиий бўлинишга дучор этилган миллат, халқлар оз эмас ва эҳтимолки, уларнинг ҳаммаси бир умр ана шу кемтикни ҳис этиб, бу ҳолни дунёнинг бир камлигига йўйиб ўтишар. Сулаймон Рустамнинг Шаҳриёрга бағишланган “Шоир қардошимга мактуб” шеърисида ана шу дард-алам изтиробини халқона ва лўнда ифодаланган.

*Ким айтарки, лисонимиз бошқача?  
На отимиз, на сонимиз бошқача,  
На жонимиз, на қонимиз бошқача!  
Юрак бирдир, Ватан бирдир, Шаҳриёр,  
Ватан бирдир, Ватан бирдир, Шаҳриёр!*

## ОРТГА ҚАЙТМАСАК, БАС...

Ниҳоят, Туркменистон элчихонасини топиб бордик. Элчи йўқ экан, раҳбар, Боқижон – уючимизни консул Давлатмурод Балуюев қабул қилди. Яхши муносабатда бўлди. Биз Туркменистон орқали Ўзбекистонга қайтиш учун виза (ижозат) олмағимиз лозим, асосий ташвишимиз, Техронга ошиқиб келишимиз сабаби ҳам шу эди. Баланд, йўғон овозда, аниқ ва лўнда сўзлайдиган Балуюев Туркменистон мустақиллик байрами (27 октябрь) арафасида бўлгани учун 10 ноябргача мамлакатга кириш-чиқиш тўхтатилганини таъкидлаганида учаламизнинг бошимиздан бир неча пақирдан ях аралаш сув куйиб юборгандай бўлди-ёв! Рангларимиз ҳам оқариб кетди шекилли.

- Лекин, – деб давом этди консул чамаси бизнинг авзоимиздан хавотирга тушиб, - истисно тарзида сизларнинг ариза ва паспорт нусхаларингизни Ташқи ишлар вазирлигимизга юбориб кўрамиз. Омадларингиз чоғиб, ижобий жавоб келиб қолиши мумкин. Бунинг учун сизлар тезроқ Машҳадга етиб бориб, ўша шаҳардаги консулхонамиздан хабар олиб туришинглар зарур бўлади. – Давлатмурод бу гапларни туркманчасига ҳам, ўрисчасига ҳам қиёмига етказиб тушунтирди ва бизни кўчагача кузатиб қўйди. Қиёфаси ўта жиддий, юришлари салобатли туркман консулининг муболаға қилмаганига ишончимиз комил ва гаплари шунчаки бизга тасалли бериш учунгина айтилмаганига умидвор эдик. Умид эса – ишонч эмас.

Боқижон иккимиз раҳбарга қараб бош чайқадик.

- Иш чатоқ-ку, Зоқиржон ака, мабодо рухсат беришмаса, 10 ноябргача икки ҳафта – роппа-роса ўн беш кун бор-ку?!

- Хавотирланманглар, - деди чўнтагида ҳамиша захира режалар, йўллар, чоралар билан юрадиган раҳбар, - мен буни Россиядан чиққандан бери ўйлаб келаман. Рухсат беришлари керак. Бу ерда шунчаки вазиятни билиб олдик холос. Энди ўзимизнинг элчихонамизга мурожаат қиламиз, ёрдам беришади. Мабодо виза беришмаса, келган йўлимиз билан қайтамиз, бу – сўнгги чора, албатта.

Юрагим шув этиб кетди. Тоғли Қорабоғ манзараларию Ҳамзатов ватани Доғистон қанчалик гўзал, мафтункор бўлмасин, узоқ ва хавфли довлонлардан орқага қайтишнинг шахсан мен учун қизиғи йўқ эди. Қолаверса, яна Эрон, Арманистон, Гуржистон, Озарбайжон чегара-божхоналаридан ўтишдаги музтарликлар, диққатчиликларни ўйласам, оёқ пайларим тортиб қоларди.

Карим (таксичи) етакчилигида аввалги сафар келганимизда (2003 йил, декабрь) кўп қийинчилик билан топганимиз Ўзбекистон элчихонасига – “Постарон, 21” га бордик. Туркменистон элчихонасидан узоқ эмас экан. Элчимиз Илҳомжон Акрамов Қувайтда экан. Консулимиз Рустамжон ҳам бир жойга кетган экан, анча кутдик, ниҳоят у келиб, бизни хонасига бошлади. Гап-сўзлари, муомаласига қараганда Рустамжон Зоқиржон акани танир, экспедициямиз фаолиятидан яхши хабардор эди. Мириқиб гаплашдилар, ора-сира Боқижон иккимиз ҳам суҳбатга аралашиб ўтирдик. Андижонлик эканлигимизни инобатга олиб, кўк чой келтиришди. Консулимизнинг хуш илтифотли, фикрни тез уқадиган, билимдон ва маданиятли йигитлиги сезилиб турарди. У Давлатмурод билан яқин танишлигини, бизнинг масаламизни унга тайинлашини, элчимиз Илҳомжонга ҳам экспедициямиз ҳақида ахборот беришини ва бизнинг, Туркменистон консули айтганидай, Машҳадга бориб туришимиз мақсадга мувофиқлигини, хавотир олмаслигимизни маслаҳат берди, ишимиз битишига ишонч билдирди. Хуллас, бизга Рустамжон анча таскин ва руҳ берди. Вазият тақозо этмагани учун бизни меҳмон қилолмаётганидан таассуфдалигини ҳам қўшиб қўйди. Шундан кейин менда, менимча бошқаларда ҳам умид қайта уйғонди. Ҳарқалай, ўз элчихонамиздан кўнглимиз анча кўтарилиб чиқдик.

Карим анча дали-ғули, хушчақчаққина чиқиб қолди. Бутун Техрон ўзиникидай қаттиқ-

каттиқ сўзлар, гапнинг ўнги-терсига ҳам унча қарамасди. У билан келишиш ҳам қийин эмас экан. Яна унинг етакчилигида орқага қайтдик-да, Гургон йўлига қараб кетдик. Кеч кириб бораётгани, одамлар ишдан чиқаётгани учун тиқин боягидан ҳам баттарлашган, бунақа пайтларда манзилга пиёда тезроқ етиб бориш шубҳасиз эди. Узоқ туриб қолган жойларимизда бизнинг ҳам машинадан тушиб, яёв юрворгимиз келар, афсуски, бунинг иложи йўқ эди. Гоҳо хоҳлаган еримизда тўхташга ҳам имкон бўлмай қолади – орқадаги ранго-ранг русумдаги автоуловлар тўлқиндай бостириб келади. Мотоциклчиларнинг эса ёнингда қандай пайдо бўлганини сезмай қоласиз. Ҳайдовчилар шулардан бало-қазодан қўрққандай чўчишаркан, чунки улар на қоидага риоя қилишади ва на хавфсизликка.

“Ё алҳазар, кўча (кесишганлари ҳам) ниҳоятда кўп ва ҳаммаси шунақа тирбанд-а!” деймиз. Аввалги сафар келганимизда бунчалик эмас эди. Яна ўн йиллардан кейин йўлларни икки қаватли қилишга тўғри келади-ёв!..

Машина кўплигидан ақлгина эмас, кўнгил ҳам озади, чунки ҳамма ёқдан бензин, солярка, газ иси, тутун, баллонлар ҳиди келади, асфальтнинг иссиғи димоққа уради, ўн етти миллиондан ортиқ (Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистонга ўхшаган кичик мамлакатлардан тўрт-бештасининг аҳолиси!) терлаган кишилардан, балкон, айвонларга ёйилган уст-бошлардан таралаётган анвойи бўйларни кўяверинг, одамлар кислород ўрнига ана шундай нарсалардан нафас олиб яшайпти-да. Яна нега касал кўпайиб кетяпти деб ҳайрон бўладилар. Бу, инсон дегани намуноча шаҳарга, пойтахтга интилавераркин? Фақат яшаш, шарт-шароити – газ, чироқ, иссиқ-совуқ сув қулайлиги учунми? Ҳа-да, бундан ташқари шаҳарда пул топишнинг ҳам йўллари, усуллари, имконлари кўп-да... Ростдан ҳам, бу кетишда келажакда аҳвол нима кечаркин? Одам – кун сайин кўпаядиган жонзот... Яна эллик йилдан сўнг аҳоли сонига яна шунча қўшилиши турган гап. Ўшанча жонни турар жой, озиқ-овқат билан таъминлашни айтинг! Қанча-қанча сийрак уйли қишлоқлардан, поёнсиз очик далалардан, даралардан ўтиб келдик. Эрон ҳукумати ҳам қизиқ экан, ҳамма одамни пойтахтга тикавермай, ўша бўш ерлардан томорқа бериб юборса ё лоақал шаҳар атрофини кенгайтириш чорасини кўрса бўлмасмикин?

Бир Техрон шаҳрида шунча авто улов, дунё бўйича ерда, сувда, осмонда юрган техникани, темир-терсакни кўз олдингизга келтириб, уларга сарфланаётган ёнилғини тасаввур қилиб кўринг-а!..

Хуллас, Карим ошхонани мўлжаллаб, бир илож қилиб йўл четроғига чиқиб тўхтади, бизни ҳам бир амаллаб тўхтатди, лекин машиналарни кўча бўйига қўйишнинг иложи йўқ эди, нарироқдаги қандайдир қурилиш корхонаси ҳовлисига кўп қийинчилик билан киритиб қўйдик-да, пиёда анча орқага қайтиб келдик. Ошхонада товук гўштли оппоқ “палов” едик. Карим шу ерда қоладиган бўлди. Зокиржон ака унинг хизмат ҳақини берди, бир пичоқ ҳам совға қилди. Лекин дали-ғули йўлбошчимиз тиланиб, яна қўшимча пул ундирди.

Яна кунимиз бир номни, масалан, “Гургон?..”ни айтишу имо-ишора билан йўл суриштиришга қолди. Эронга ўтганимиздан бери аёллар чодрада юришгани учун улардан йўл сўрашга тортинятувдик, кейин билсак, ожизалар эркакларга нисбатан дадил ва аниқроқ тушунтиришаркан. Энди нуқул қиз-жувонлар ёнига бориб тўхтайдиган бўлдик...

Алқисса, амал-тақал билан Техрондан чиқиб, Гургон йўналишини топиб олдик. Тун. Техронда анча асабийлашиб, толиққанимиз учунми, мудраб-мизғиб борардик. Бир замонлар Амир Темур қалъасини осонлик билан қўлга киритган (ҳозир қалъанинг харобалари бор) Ферузқўздан ўтиб, Имом Ҳошим деган шаҳар меҳмонхоналаридан бирида тўхтадик.

### *17 октябрь, чоршанба*

Мусофирхона рўпарасидаги гузарда нонушта қилдик. Атрофда қурилиш кетаётгани боис гузаргоҳ ҳам ивирсиқроқ эди. Дўконлар, ошхоналар қатор ва аралаш, олди саҳнлари тор, магазинларнинг шифтлари баланд, лекин хоналари торлигидан нарсалар тикилиб ётар, керакли нарсани топиб олиш амри маҳолга ўхшаб кўринарди.

Емакхоналар эрта кундан ишларкан, аммо овқатлари бир хил: учта ошхона олдидаги катта алюмин кастрюлкаларда бир нималар биқирлаб қайнаяпти. Сариг, оқиш... “Қандай овқат?” деб сўраймиз, ошпаз тушунмай, елка қисади. Бир пайтлар Ҳиндистонда шундай ҳолатга дуч келганимиз эсимга тушди. Саригини танладик. Угра хўрда экан. Гўштсиз, қизғиш ловия солинган. Аллақандай кўк, зираворларнинг қуруғидан аралаштирилган, бунинг устига, қатиқ ҳам қўшилган... Нақ омухта бўтқанинг ўзи. Ошпазлар бўйчан, қорасоқол, серсоч йигитлар эди. Пластмасса лаганчага куйиб беришди. Қошиқлари ҳам, ана шу сунъий матоҳдан, боз устига, юпқагина экан, эгилиб-букилиб, таомни оғизга аранг етказиб беради. Ранги-туси кўз ўрганмаган таом, таъми ҳам ғалатиноқ... Бироқ қорин оч, йўлга чиқиб кетсак, шу бўйи қачон, қаерда тўхтаимиз, ризқи-насибамиз қаерда – бир Худо билади. Қолаверса, емасам, шерикларнинг кўнглига нима ўй келаркин, деб андиша қилардим. Амаллаб идишни яримлатдим, у ёғига ҳеч тортмади.

\*\*\*

Тоғлар орасидан шимолга қараб, Машҳадни кўзлаб боряпмиз, манзилга яна 875 км. бор. Бу йўлда туннель кўп экан – тоғлар остидан ўтказилган узун ва нурафшон туннеллар.

Тоғлар ёнбағрида, қиршовларда одамлар яшаяпти. Уларга ачинишни ҳам, ҳавас қилишни ҳам билмайсиз. Нима кипти, йўл бор, сув бор, газ бор, чироқ бор, тоза ҳаво – айшини суришяпти-да.

Манзарали, сўлим жойлардан – ранг-баранг тоғ оралиқларидан кетяпмиз. Қорабоғдагидай, тоғ тепасигача чим-чатир дарахтзор, ерга тангадай офтоб тушмайдиганга ўхшайди. Форсча ёзилгани учун жой номларини ўқий олмаймиз. Аввалги сафарларда бу ёқлардан юрмаган эдик. Мен кўрган юртлар ичида туннеллари ҳашаматли, сердовони, йўллари сози, тоғи энг кўпи Эрон экан деб ўйлайман. Дарҳақиқат, умумий майдонининг ярмидан кўпроғини тоғлар ташкил этадиган бу юрт шимолий Эрон тоғлари, Шарқий Эрон, Жанубий Эрон тоғлари билан қуршалган, шунингдек, Эльбрус, Туркменистон-Хуросон тоғлари, жануби ғарбда Загрос тоғ тизмалари бор, чекка тизмалар, ясси тоғлиқлар ҳам сероб.

Паст-баланд бўлиб узундан-узок давом этган маҳобатли тоғларга қараб, уларнинг юксак қоялари, чўққиларини тутиб турган тиргақлари оралардаги пастроқ ўрқачлари экан, деган фикр туғилди менда.

Йўлнинг икки тарафига жойлашган қанча шаҳару шаҳарчалардан ўтиб келяпмиз. Ҳаммасида дўкон сероб, машина устахонаси бисёр. Шаҳарлар тоғлар, кенг далалар, боғлар билан алмашади. Тез-тез мандаринзор, қизил ловия пайкаллари, далалару дараларда ёйилиб ўтлаб юрган қўй подалари учрайди.

Қай бир шаҳарчада раҳбарнинг инояти билан мандарин сотиб олиш учун тўхтадик. Кўча бўйида турган беш-олти йигит бизнинг кимлигимиз билан қизиқиб қолишди. Бир кун аввал Эрон билан Ўзбекистоннинг футбол командалари ўйнаган, лекин натижани билганимиз йўқ эди. Эронлик ёшлар биз сизларни ютдик, деб, баланд овозда чуғур-чуғур қила бошладилар. Бармоқлари билан 3:1 деган ишорани ҳам кўрсатишаркан, айримлари хахолаб кулар ва бир-бирларини тирсаги билан туртиб қўярдилар. Кейин билсак, 3:1 ҳисоби билан бизнинг команда ғалаба қозонган экан.

## **АСТРОБОД. МАХТУМҚУЛИНИ СЎРОҚЛАБ**

Гургонга яқинлашганимизда кўчанинг икки тарафида дона-дона, батартиб экилган, саф турган аскарларни эслатувчи, Ҳазрат Навоий бобомизга кўп илҳом берган сарв арчалари қатори бошланди.

Техрондан 400 км. йўл босган эдик.

Худуддаги тарихий музофотлардан бири, Каспий денгизининг жануби-шарқида жойлашган, бир вақтлар Хуросон мамлакати таркибида бўлган ва Алишер Навоий маълум муддат ҳокимлик қилган Астробод шаҳри 1930 йилдан Гургон деб атала бошланган.

Гургонда тушлик қилиб, шу ерда туркман халқининг улуғ фарзанди, машҳур шоир Махтумкули мақбарасига олиб борадиган йўлни суриштирдик. Бу шаҳарда туркманлар кўп, лекин улар гарчи ўз шоирларини эшитган, ўқиган, унинг мақбараси Оқтўқай деган томондалигини билишса-да, аммо бориб зиёрат қилишмаган, у ҳақда аниқ тасаввурга, маълумотга эга эмас (хартугул биз учрашган кишилар) эдилар. Шунинг учун Махтумкули қабрини баъзилар Оқ қалъада, бошқалар Марова тепада дейишар, анча узоқ, жуда чекка жойлар, деб ваҳима қилишарди.

Ўтган сафар ниёт қилиб, маълум сабабларга кўра боролмаганимиз учун ҳам Зокиржон аканинг бу галги аҳди қатъий эди. “Яна бу томонларга келиш насиб этадими, йўқми – Худо билади, Махтумкули мақбарасини албатта бориб зиёрат қилишимиз керак”, деган гапни йўлга чиққанимиздан бери таъкидлаб келарди.

“Оқ қалъада” деганларнинг асоси шу эдики, Гургондан атига йигирма чақирим шимолда бўлган мазкур шаҳарчининг марказий майдони Махтумкули номи билан аталар ва ўша ерда шоирнинг ҳайкали ҳам қад кўтарган экан.

Оқ қалъадан ўнгга – Гумбатга қараб юрдик. Йўлда машинага солярка қўйдик. Боқижон ёнилғи қуйиш шохобчасидаги йигитлар билан тиллашиб қолди. Улар туркманларнинг туячи уруғидан экан. (Бу уруғ номи билан аталувчи қишлоқ бизда – Избоскан туманида ҳам бор). Умуман, бир вақтлар Хуросон мамлакатига қарашли бўлган ушбу заминда туркманлар кўп, номлар ҳам туркманча эди. Зеро ўтмишда асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган туркман қабилалари Каспий денгизидан тортиб Амударёгача бўлган кенг жойларда тарқоқ ҳолда яшаган ва ана шу тарқоқлик кейинги замонларгача сақланиб қолган. Маълумотлардан аён бўлишича, туркманлар Туркменистондан ташқарида (асосий қисми бугунги Эроннинг мана шу вилоятида) мамлакатнинг ўзидагидан ҳам кўп экан. Бу борада уларнинг бошига ҳам озарбайжон миллатининг оғир савдоси тушган, у бояқишлар ҳам тақдир тақозосига кўра мана шундай адолатсиз жуғрофий бўлинишларга маҳкум этилган эди.

Йўллар, гарчи чекка, қатнов сийрак бўлса ҳам, ниҳоятда яхши. Икки томонда унча баланд бўлмаган дарахтларнинг кўчани чўл шамолларидан ихота қилишга мўлжалланганлиги сезилиб турибди. Лекин ичкариларда - бепоён далаларда ўсимлик жуда кам. Ерларнинг кўп қисми шудгорланган.

Дарахтлар чатиштирилгандай таассурот уйғотади: япроғи толни, танаси оқ теракни эслатади.

Гоҳ чапда, гоҳ ўнгда пахтазор кўринади – чаман-чаман очилиб ётибди. Иқлим биздагидан кейинроқда ёки бу ёқда “оқ олтин”ни йиғиб-териб олишга ошиқмайдиларми, “ур-кўп-сур-кўп” ҳам йўқ чамаси, теримчи кам.

Йўл бўйларидаги, далаларнинг ўрталаридаги зовурлар ичи ўскин, қалин қамишзор. Қиличсимон барглар шабадада бир-бирига урилиб шитирлайди.

Ўнгда, рўпарада – олис-олисларда оқиш булутли тоғлар, чапда эса, йўлдан анча ичкарида Каспий. Денгизнинг суви кўринмаса-да, эпкини келаётгандай туюлади.

Ора-чурада яшил манзаралар ҳам кўзга ташланиб қолади: янтоқзорлар, ёш боғлар...

Гумбат ихчамгина, шинамгина шаҳар экан. Асосий файзи, кўрки узун қўйлак кийиб, гулли рўмол ўраган, ихчам ва новча қадди-бастлари шамшоддай тик туркман қиз-аёлларидан иборатга ўхшайди. Уларга тасаннолар айтиш керак: қаерда, кимлар орасида яшашмасин, момолардан мерос миллий либосларини тарк этмайдилар (битта-иккита мустаснолар ҳам йўқ эмас, албатта).

Гумбатдан Оқтўқайга олиб борадиган иккита йўл бор экан. Ўнгдагиси баланд тоғлардан ўтаркан, довондан анча безиллаб қолганимиз боис чапни танладик.

Шаҳардан чиққач, текис чўл бошланди. Ўнгда, бепоён шўрхок ерлардан нарида кум барханларига ўхшаган шип-шийдам адирлар пайдо бўлди; бўталокларини эргаштириб



юрған туялар кўп.

Кун қизара бошлаган, қоронғи яқинлашиб келаётгани учун Табриздаги таъмирдан кейин гижинглаган тулпорга айланган “Хундай”имиз соатига 110-120 тезликда еларди. Биз энди бийдай сахро оралаб борардик. Биздан бошқа жон ҳам, бизниқидан ташқари бир улов ҳам йўқ. Орқамизда қолган қуёш ботмоққа ошиқар, биз эса, Фироғий мақбараси сари шошилардик. Атрофда ваҳимали жимжитлик ҳукмрон эди, қора тус қуюқлашган сари таҳлика кучаяётганга ўхшарди.

Соат 18<sup>15</sup> (бу ернинг вақти билан 17<sup>15</sup>)да уфқдаги алвон шафақликдан ном-нишон қолмади – қуёш батамом ботиб бўлди, бизнинг илтижоларимизга қулоқ осмади. Зеро, бунинг иложи йўқ эди. Табиат қонунларига зиғирдай ҳам ўзгартиш киритиб бўлмас, ҳатто қуёшнинг ҳам инон-ихтиёри ўзида эмас, белгиланган чизиғи, муддатидан заррача чекина билмас!

Биз асли боя Гумбатда тунаб, сафарни эрталаб давом эттирмоқчи ҳам бўлувдик, лекин фурсатдан ютиш, Машҳадга тезроқ етиб бориш учун жилворган эдик.

Атрофни, хусусан ўнгдаги қорамтир тоғларни қоронғулик, шунчаки қоронғулик эмас, балки зулмат пардаси қолаб борарди. Аксига олиб, бу ёқда йўл таъмирланаётган экан, тез-тез нотекис дала ичидан айланиб ўтишга мажбур бўлар ёки кўчани кесиб ўтаётган, қорни тўқ, беғам сигирларга, қўраларига қайтаётган кўй подаларига рўпара келардик. Чўпон кўринмас, меҳмонларга йўл бўшатиш эса жониворларнинг хаёлларига ҳам келмасди.

Қоронғи батамом тушиб, атроф чинакамига хавотирли туюла бошлади, бояги - олисда кўринаётган адирлар гўё шундоқ биқинимизга келиб қолган, бот-бот сув кўчанинг бир қўлтиғини ўра-ўпқон қилиб юборган жойлар кўнгишларга ғулу солиб, машинанинг ҳам шаштини қайтарарди. Яхшики, йўл четлари ва ўрталаридаги нур қайтаргичлар дилга андак равшанлик бериб, хавф-хатарнинг вазоҳатини пасайтириб турарди.

## ОДАМШАВАНДА ҚАВМДОШЛАР

Йўлдаги бурилиш, белгиларга ҳам аҳамият бермай, узоқда милтиллаган чироқларга интилардик. Ниҳоят, етиб бордик – чироқлар милтираган жой – Марова тепа (ерликлар шунчаки Марова дейишаркан) экан. Биз Оқтўқайга бурилмай ўтиб кетган эканмиз. Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Шу шаҳарда қолишга келишиб, меҳмонхона излай бошладик. Учратган, сўраган одамларимиз бу ерда сизлар айтгандай мусофирхона йўқ, “Махтумқули” (Оқтўқайни шундай деб ҳам аташаркан)да кўноқхона бор, лекин у ерда егулик йўқ. Шароити ҳам яхшимас, дейишарди. Ҳамонки, Маровада тунашга имкон йўқ экан, орқага қайтмоқдан ўзга иложимиз ҳам йўқ эди. Шу шаҳарда яшовчилар, жумладан, биз гаплашган йигитлар ҳам туркманлар эди. Бир нечтаси тарофимизда парвона бўлишиб, бизга кўмаклашиш чораларини излай бошладилар. Зокиржон аканинг қўл телефонига симкарта олиб беришди (бу ҳам биз учун жиддий муаммо эди), ҳукумат қонунларига кўра чет элликларни уйларига олиб кетиш мумкин эмаслигини айтиб узр сўрашди ва Оқтўқайга, Махтумқули зиёратгоҳидаги танишларига кўнғироқ қилишиб, бизга яхшироқ шарт-шароит яратиб беришни илтимос қилишди. Кейин бизни шаҳар четроғидаги янги қурилган чойхонага бошлаб боришди. Чойхона атрофи девор билан кўрғонланган, ҳовлининг ярми майдон, қолган ярмида қишки ва ёзги хоналар бор эди. Ёзги хоналар олти устунли усти ёпик, тахта сўрили тўғарак шийпон шаклида бўлиб, ҳар бирида беш-олти йигит-йигитчалар чилимни ўртага қўйволиб хўриллатиб тортишар ва баланд овозда гаплашиб ўтиришарди. Демак, бу ер ёшларнинг кўнгиш очадиган (шаҳарда бошқа тўпланадиган маъқул жой бўлмаса керак) маскани. Қай бир даврадагилар гурра туриб, қий-чув қилишганича майдонда қатор тизилиб турган мотоцикллари тариллатиб жўнаб қолишар, уларнинг ўринларини яна шундай уловларда шитоб кириб келишган ўсмирлар эгаллашарди. Лекин чилимхўрларнинг юз-кўзларидаги ифодага қараганда тарбиясиз, ёмон кимсаларга ўхшашмасди. Бизни бошлаб келган Умид, чойхона эгаси Ҳабиб ва бошқалар кўнглимизни

олиш пайида чой, ширинликлар билан сийлашга ҳаракат қилишарди. Менимча, бу мурувват, ҳамдамликлар қон-қардошлик, туркийдошлик туйғуларининг амалдаги ифодаси эди.

Мезбонларимиз бизни кўчага кузатиб, бирон муаммо бўлса, тортинмай кўнғирок қилинглари деб, раҳбарга телефон рақамларини ёзиб беришди.

Оқтўқайга етиб, Махтумқули мақбараси олдидаги катта саҳн - майдон ёнида тўхтаганимизда соат тунги ўн яримлар эди. Майдоннинг бизга қарама-қарши, яъни шимол томонида қатор тушган пастаккина, кўримсизгина хужралар кўзга ташланар, уларнинг иккитасида чироқ ёниқ эди. Яқин атрофда уй-жой кўринмас, анча нариларда яккам-дуккам лампалар йилтиллари.

Бизни кимлардир кутиб олишади деб ўйлаган эдик.

Анча турдик, ҳеч кимдан дарак йўқ.

Зокиржон ака маровалик йигитлар берган телефон рақамларидан бирига кўнғирок қилиб манзилга етиб келганимизни, ҳеч ким йўқлигини айтди. “Бир нималар деди, лекин тушунмадим” деди бизга. Яна кута бошладик. Ўн беш дақиқалардан кейин орқаси очиқ, “Москвич”симон машинада бир эркак ва бир аёл келди. Аёл дадилроқ экан, хол-аҳвол сўрашиб (тўғриси, Маровадаги йигитларнинг ҳам, бу аёлнинг ҳам гапларини тўла англамасдик), бизни саҳн ўртасидан бошлаб, хужралар олдига олиб борди. Чироқлари ёниқ хоналарни (уларнинг темир эшиклари илгагига қулфлар омонат осиб қўйилган экан) очиб берди. Энди жойлашиб турган эдик, Маровадан Ҳабиб бир шеригининг машинасида келиб қолди. Боя Зокиржон ака ўша йигит билан гаплашган ва у ташвишланиб ўша заҳоти жўнаган экан. Одамгарчилигига қойил қолдик – шундоқ кечда қарийб қирқ километр жойга эринмай етиб келганини айтинг! Хуллас, биз ҳаммаси жойида деб, раҳмат айтдик, Ҳабиб қайтиб кетди.

Аҳмаджон билан Фурқат машинада, қолганларимиз хоналарнинг бирида ётадиган бўлдик. Танлаш имкони йўқ эди...

Ерга анча уриниб қолган ширдамол – кийгиз тўшалган эди. Аёл ҳеч нарсамиз йўқлигини билгач, машинада бояги эркак (у ташқарида қовушмай, илашмай турарди) билан машинада кетиб, яна бир ёш жувон (келини ё қизи бўлса керак) ёрдамида кўрпа-тўшак, ёстиқ олиб келиб, ўрин тўшаб беришди. Чой қайнатишга керагаз, канистрда сув, қуруқ чой, оқ қант ҳам олиб келишганди. Зокиржон ака ҳеч нарса емай, ётиб олди. Биз мезбонлар овора бўлиб кўтариб чиқишибди, ҳафа бўлишмасин, деб (тўғриси қоринларимиз ҳам унча тўқ эмас эди) иккинчи хонада чой қайнатиб, тамаддилангач, кўзни чирт юмиб, ўринларга чўзилдик-да, устиларимизга енгил-елпи кўрпачаларни тортдик. Эшик ойнасининг бири синиқ, орқадаги дарчада умуман ойна йўқ, кўкимтир бир мато тортиб қўйилган, у енгил шабадада хилпираб турарди. Бунақа вазиятга камдан-кам тушамиз. Бир вақтлар Ҳиндистон – Бангладеш сафарига кетаётганимизда қирғиз сарҳадчиларининг “шарофати” билан Эргаштомда – Қирғизистон-Хитой чегарасида тирқишларидан шамол чийиллаб кирадиган вагон-уйчада икки кеча шунақа омонат ётиб-туришга мажбур бўлган эдик. Ўшанда ҳатто бўйинбоғларни ҳам ечмай, устиларимизга бор кийимларимизни ёпиб ухлагандик.

Остимизнинг қоқлигию, устимизнинг юпқалиги тун яримдан ўтганда билинди. Мен жунжикиб уйғондим, эшикнинг ойнасиз кўзидан ва орқа дарчадан ғувиллаб шамол кирарди. Ташқари зим-зиё, ваҳимали, шамолда нималардир шитирлар, узоқлардан тунги кушларнинг қичқириви эшитиларди.

Бошқаларнинг ҳам бесарамжон бўлишаётганини темир қопқанинг ғийтиллаб очилиб-ёпилганидан сезиб ётдим. Начора, ахир биз сайру саёҳат қилиб юрганимиз йўқ-ку, ҳар хил вазиятларни кўзда тутиб, бўйинга олиб сафарга чиққанмиз-да.

Лекин энг муҳими – чоршанба чоршанбалигини қилган, биз яна бир муродга – туркий халқларнинг энг суюкли, ҳаммабоп шоирларидан бирининг қадамжосига етган эдик.

## **ФИРОҚ ЎҚИГА НИШОН ФИРОҒИЙ**

Туркман адабиётидаги янги йўналишга асос солган Махтумқули Туркменистоннинг Копетдоғ тоғи этақларидаги Қора қалъа музофотида, Атрек дарёси бўйидаги ҳожи Говшан овулида таниқли шоир Давлатмамад Озодий хонадониди (1733 йили) туғилган. Аввалги маълумотларда, жумладан, “ЎзСЭ”да шоирнинг аввал қишлоқ мактабиди, кейин Бухоро, Хива ва Андижон мадрасаларида таҳсил олгани ёзилган эди, кейинги китобларда негадир Андижон бу санокдан изоҳсиз чиқариб қўйиляпти, фақат Андижонда бўлганлиги эътироф этиляпти. Камина, бу масалада баҳс-мунозарага ўзимни ҳақли деб билмайман, туркман шоирининг Андижонда ўқигани эътибордан соқит қилинса бу қадимий шаҳарнинг мавқе-нуфузига путур етиб қолмас, аммо, аввалги муаллифлар ҳам юқоридаги маълумотни ҳаводан олмагандир, деб уйлайман. Ҳай, майли, бу – мутахассислар муаммоси. Энг муҳими, ҳақонгашта, халқчил шоир ижодининг моҳияти ва аҳамиятидир.

Ғафур Ғулом Ўрта Осиёдаги мавжуд барча халқларнинг муносиб фарзандлари аталиб келинган **“одам болаларини бир поя юқори кўтариши учун ўз елкаларини тугиб берган улуг зотлар”** каторида санаган Махтумқули асарларида ўз даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисаларини, меҳнаткаш халқнинг зулмга, зўравонликларга қарши норозилик кайфиятларини ифодалади, туркман қабилаларининг бирлашувини, юртда адолатли давлат қарор топишини орзу қилди ва тарғиб этди. Ҳаёт ва умр моҳияти ҳақидаги фалсафий, лирик шеърларининг вазни ўйноқи, тили содда, равон – ҳаммага тушунарли бўлганидан туркий халқлар орасида тез тарқалиб, кўшиқларга солиб куйланди, ҳамон куйланади, ҳамон севиб ўқилади. Миртемирдай улуг инсоннинг **“Махтумқули шеърининг шарбатин ичиб қондим”** дейиши бежиз эмас-да.

Атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзода Махтумқулини шундай таърифлайди:

*Эй, оқсоқол, эй туркманнинг отаси,  
Шарқли бахшиларнинг зўри, каттаси,  
Ерни ёқди кўз ёшинг ҳар қатраси,  
Сени эслаб кўк чаималар йиғлар, ҳей!*

*Таърифларинг кетди етти иқлимга,  
Кўшиқларинг золиб келди ўлимга.  
Кўнгил бериб газалиннга, тилиннга –  
Қизлар сени тушида кўриб ухлар, ҳей!*

*Сен инсофни, яхшиликни куйладинг,  
Сўзнинг тўғри маъносини сўйладинг,  
Зулмни, золимни расво айладинг –  
Ёв бағрини тилди шеъринг ўқлар, ҳей!*

*Гўрўглидек сен мард эдинг, чавандоз,  
Аммо кўлда қилич эмас, торли соз.  
Булбулларга ўзинг эдинг ҳамовоз,  
Шу деб сени согинибдур боғлар, ҳей!..*

Шайхзода умуман ўзбек-туркман халқларининг қардошлиги, дўстлиги тўғрисида кўп ва хўп сўзлар айтган эди:

*Ўзбек-туркман бир дўгон, бир туғишган,  
Тарих деган бир мактабда ўқишган.  
Дарёлардек қадим бизнинг йўлдошлик,  
Ғоят қутлуг удум дўстлик, қардошлик.  
Бир чоғларда жўшқин қалбли бахшилар,*

*Дилимизга, тилимизга соқчилар –  
Дўмбирани чертиб шундай дедилар,  
Ҳар сўзида улар ростгўй эдилар:  
“Ўзбекларнинг кўнгиллари жўш урди,  
Туркманларнинг бедовлари югурди.  
Икки элнинг қизиса гайратлари,  
Икки дарё тўлқинлари тек турди”.*

Дарвоқе, туркман адабиёти ҳақида гап кетганда лирик шеърлар, “Тоҳир ва Зухра” деган ишқий-лирик дoston муаллифи, “*Ишқ мулкининг султони*” деган унвон олган Муллонафас Қодирберди ўғли (XIX аср)ни ҳам тилга олиш жоизки, унинг ижоди ҳам ўзбек китобхонларига яхши танишдир. Лекин туркий халқлар ичида Махтумқулича донг таратган ва кенг оммалашган (Аҳмад Яссавийдек, Машрабдек...) шоир камдир. Зеро, бизни қанча тоғлар, чўллар оша олиб келган ва ушбундоқ овлоқда юпунгина тунашга мажбур қилган сабаб ҳам Махтумқулининг фалсафий-умуминсоний туйғулар билан йўғирилган шеърятига ҳавас ва иштиёқдир.

Махтумқули асарларининг аксарияти китобхонни ғамга чўктиради, шу билан бирга, ҳушёрликка, ўткинчи умрни фойдали, мазмунли кечиришга, ҳалолликка, адлу инсофга, имонга даъват этади. “Кетиб борадир” шеъри назаримизда Махтумқули ижоди асосий мавзу-моҳиятининг бош йўналишини ифода этувчи яхши мисолдир.

*Мол-дунёга ҳирс қўйманг, эй ёронлар,  
Кимга келиб, кимдан кетиб борадир.  
Искандар мисоли даврон сурганлар  
Навбат билан бир-бир ўтиб борадир.*

*Бировни бой этди, бировни гадой,  
Не қилса эрки бор ул қодир Худой,  
Бировнинг муродин бериб, ҳойнаҳой,  
Биров ғам шаробин ютиб борадир.*

*Бировга берибдир қайғу-ғам, меҳнат,  
Умрида бир замон кўрмади ишрат,  
Бировга этибдир номардни улфат,  
“Хув” деб, унинг умри ўтиб борадир.*

*Бировнинг бошида кўндир армони,  
Қайғу, меҳнат билан чиқадир жони,  
Бир яхшига қўшиб битта ёмонни,  
Дунёдан ноилож кетиб борадир.*

*Нечалар йиғлайди мақсудни топмай,  
Нечалар оҳ урар оғзини ёпмай,  
Бир ёби<sup>1</sup> байроқни оладир чопмай,  
Бир бедов бош эгиб қайтиб борадир.*

*Дунё ишларидан этма андиша,  
Сабр эт балосига, дард келса неча,  
Йиглаб, қайғу билан юрма ҳамиша,  
Ажал қўли ёқанг тутиб борадир.*

---

<sup>1</sup> Ёби – хўжалиқда ишлатиладиган ишчи от.

*Худога қул бўлинг, Расулга уммат,  
Махтумқули айтур шундоқ насиҳат,  
Билсангиз, дунёнинг бариси ҳасрат,  
Ҳасрат билан бир-бир кетиб борадир.*

*18 октябрь, пайшанба*

Уйғонганимизда ҳали қуёш чиқмаган эди. Майдоннинг бир четида сув қузури бор экан, яхдай сувда наридан-бери бет-қўл ювдик. Кейин ёдгорликни томоша ва зиёрат қилмоққа тутиндик.

Мақбара жигарранг гранитдан кўтарилган баланд, чорқирра супа устига тўртта улкан, оқиш, айлана нақшли устундан тикланган бўлиб, томи қанотсимон шаклда, шифти гумбаз кўринишида эди. Устунлар бетон билан қандайдир қотишманинг бирикувидан ташкил топган, аммо сифатли, кўркли, қисқаси, яхлит марқад янада салобатли – бўйи ўн метрдан ортиқ, лойиҳаси жихатидан Шероздаги Ҳофиз Шерозий, Хамадондаги Ибн Сино, Нишопурдаги Умар Хайём мақбараларини эслатарди.

Тўрт устун орасидаги саҳнга ёнма-ён иккита мрамор сағана тоши қўйилган бўлиб, бири Махтумқулига, иккинчиси шоирнинг падари бузруквори, устози Давлатмамад Озодийга мансуб эди.

Сағана майдонига ҳам анча пастдан гранит зиналар орқали чиқиб бориларди. Умуман олганда, мажмуа очиқ жойда, баланд супада барпо этилгани учун беш-олти чақирим наридан ўтган Гумбат – Марова йўлидан ҳам баралла кўриниб турарди.

Зокиржон ҳожи ака тиловат қилиб, савобини ота-ўғил улуғ шоирлар руҳига бағишлади.

Дахманинг қибла тарафидаги тепаси ёпилган кенг, текис майдон ҳайит намозлари ўқишга мўлжалланган жой бўлиб, одамлар оммавий байрам кунлари бу ерга узоқ-яқиндаги кишлоқлардан келишаркан.

Дарвоқе, сал нарироқларда яккам-дуккам оддий, ҳашаматсизгина ҳовли-хонадонлар кўзга ташланарди. Лекин мақбарага яқин худудларда янги қурилишлар бошлаб қўйилибди. Зиёратгоҳни кенгайтириш кўзда тутилган шекилли.

Раҳбар бизга ётоқ ва чой берган, шайх мақомидаги аёлни рози қилди.

Қайтдик. Кечаси ёдгорлик остонасида бир дарё кўпригидан ўтган эдик – у Руди Атрек бўлиб, Хуросондан келаркан.

Йигирма километрлар юрилган пайтда кимнингдир кўзи бирдан машинанинг олди ойнаги остида ётган нотаниш калитларга тушиб қолди. Бизга қўноқхона бўлган хоналарнинг калитини кимдир беихтиёр олиб чиқиб ташлаб қўйган бўлса керак (кимлиги аниқланмади). Бирпас муҳокама қилдик: нима қилиш керак? Эски, ишлаб-ишламайдиган қулфнинг калити-ку арзимаган нарса, аммо бизга ярим тунда бағир очиб, мурувват кўрсатган кишилар нима хаёлга боришади?

- Нима бўлсаям, қайтиб бориб ташлаб келамиз, - деди раҳбар феълига хос қатъийлик билан.

Ижирғанганимизни билдирмасликка тиришиб турган бўлсак-да, баъзиларимизнинг дилимиздан “Э, нонушта кечикадиган бўлди-да...” деган фикр кечган бўлиши эҳтимолдан холи эмас эди.

Бориб, калитни эшикка осиглик қулфга илиб (у ерда ҳеч ким қолмаган, нарсаларни йиғиштириб кетишган эди), қайтдик.

Зокиржон ака бизни нонушта хаёлидан чалғитиш учунми, Эрон мамлакатадаги шоирлар, олимлар – улуғ аждодлар хотирасига бунёд этилган маҳобатли, мафтункор ёдгорликлар, ҳайкаллар, майдон-хиёбонлар тўғрисида гап очди. Тусда Абулқосим Фирдавсийга, Шерозда Саъдий Шерозий ва Ҳофиз Шерозийга, Нишопурда Умар Хайёмга

ва Фаридиддин Атторга, Табризда Шахриёрга, Ҳамадонда бизнинг буюк ватандошимиз Ибн Синога, бу ерда туркман шоири Махтумқули ва унинг отаси хотираларига ўрнатилган обидаларга ҳаваси келишини айтди. “Эҳтимол, яна биз билмаган-кўрмаганларимиз бордир...”

Бу борада Ўзбекистонимизда амалга оширилган ишларни эслашдик.

Бухорода Баҳовуддин Нақшбанд, Самарқандда Исмоил Бухорий, Сурхондарёда Ҳаким Термизий, Тошканду Кеш, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда Соҳибқирон Амир Темур, Фарғонада Ал-Фарғоний, Марғилонда Бурхониддин Марғиноний, Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Наманганда Бобораҳим Машраб ёдгорлик мажмуалари...

Мустақиллик йилларида Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Имом Мотурудий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Хожа Аҳрор Валий, Заҳириддин Бобур ва бошқа буюк мутафаккир-алломаларимиз, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова сингари XX аср адабиётининг улкан намояндалари юбилейлари, уларнинг хотирасига ўрнатилган меъморий обидалар ва ҳайкалларнинг очилиш маросимлари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз шаҳарларининг ривожланган давлатлардан ташриф буюрган мўътабар меҳмонлар иштирокидаги 2200-2700 йиллик тантаналари мамлакатимиз, халқимизнинг янги тарихига энг ёрқин ва қутлуғ маданий-маърифий воқеалар сифатида муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Ҳа, халқи, миллати номини, шонини дунёга таратаётган, асрлар мобайнида ўзларининг илмий, бадиий, тарихий, меъморий мерослари, саркардалиқ, арбоблик санъатлари билан олам аҳлини ҳайратга солиб келаётган, неча-неча авлодлар онгини илму урфонга, идрок-шуурини нури зиёга, қалбларини ғурур-ифтихорга тўлдириб келаётган улуғ аждодларнинг иззат-икромини жойига қўйиш ватандошлиқ, қавмдошлиқ бурчи-да.

Маровадаги ёнилғи қуйиш шахобчасида машинамизга солярка қўйдираётган эдик, ёнимизга бир туркман йигити – Ота Хоний деган радио журналист келиб, бизнинг таассуротларимиз ҳақида сўраб қолди. Зокиржон аканинг тавсияси билан мен Эронда, жумладан, туркманлар кўп яшайдиган Гургон вилоятида кўрган-билганларимиз, Махтумқули - Фироғийнинг қабр-мақбараси ҳақида сўзлаб бердим.

Шаҳардан чиқишимиз билан яна икки томонда тоғлар бошланди: аввал яйдоқ, кейин сийрак дов-дарахтли тоғлар.

Йўл айланиб, гоҳ шарққа, гоҳ шимоли-шарққа, гоҳ шарқи-жанубга қараб кетарди.

Аҳоли яшаш жойларидаги пастак, лойсувоқли уйлар билан ёнма-ён қад кўтараётган ғиштли янги бинолар қишлоқ-овулларнинг маданийлашиб бораётганидан далолат эди. Лекин бир қишлоқда ичимлик сувининг бошқа ердан келтирилишига ҳам гувоҳ бўлдик.

Емакхона қидириб, суриштириб боряпмиз. Марова тепада ҳам тамаддихона учрамай, нонушта қилолмагандик, вақт тушга яқинлашиб келарди.

Яна довон бошланди. Аммо атроф паст-баланд далалар, далалардан нарида қат-қат тоғлар. Шундоқ баланд тепалиқда тарвуз пайкаллари ва ташлаб кетилган тўп-тўп тарвузлар думалаб ётарди. Бир тарвузхўрлик қилайлик деб тўхтадик. Тарвузларнинг хазанаклари экан, бир-иккита еса бўлгудайини топдик, холос. Ўшалар ҳам оғзимизга ширин татиди.

Яна биз билан иши бўлмапти-я, деб автойўл инспекторларидан ўпкаланаётган эдик, яйдоқ тоғлар орасида ҳарбий назорат маскани (шу атроф ҳарбий ҳудуд чамаси) бор экан, тўсиб, паспортларимизни ичкарига - маҳкамаларига олиб кириб кетишди. Қирқ дақиқа машинада уларга инсоф тилаб, безовталаниб, хавотирланиб ўтирдик (оч қоринга бу жуда ортиқча бўлди-да). Хайрият, ўтказиб юборишди.

Ниҳоят, бизни кўп интиқ қилган, ўзига талпинтирган кейинги шаҳарга ҳам етдик ва биринчи дуч келган, кўзимизга тўтиёдек кўринган емакхонада тушлиқ муаммосини ҳал этдик.

Кейин Божнур шаҳридан ўтдик, навбатдаги шаҳар – Ширвон экан.

Яна тоғлар орасидан кетяпмиз. Ростдан, Эрон деганининг ҳудуди ҳам жуда поёнсиз

экану, тоғи хам кўп экан. Шундоқ беш-олти чақиримгина наридаги тоғлар кўчани қисиб, торайтириб бораётганга ўхшарди. Йўллар эса соз!

Кучон шахридан кейин, Машҳадга юз километр етмай, асосий йўлдан ўнгга – жануби-ғарбга, Эроннинг шимоли шарқидаги яна бир тарихий шаҳар - III аср ўрталарида сосонийлар шоҳи Шопур томонидан бунёд этилган Нишопурга қараб юрдик. Бу йўлнинг хам икки тарафи пастроқ тоғлардан иборат эди. Кун ботиш палласига келиб қолганди. Яна кечагидай (ва... аввалги сафаргидай) бўлмаса эди, дея ташвишга туша бошладик. Қирк чақиримдан сўнг чапга – шарқи-жанубга, боз тоғлар орасига қараб бурилдик. Ё, товба, қайсига қарасанг, қайси тарафга юрсанг пешонангдан тоғ чиқади-я!..

Ҳозирда Хуросон остони маркази бўлмиш Нишопурга хам етдик, лекин ўтган галгидай, кеч... Режа бўйича шу кентда киндик қони тўкилган икки буюк инсон - Умар Хайём билан Фаридиддин Аттор мақбараларини бирров зиёрат қилиб, йўлда давом этмоғимиз, имкони бўлса, Машҳадга бориб тунамоғимиз лозим эди.

- Орамизда бу икки улуғ алломадан бирининг мақбарасини яхши зиёрат қилолмаган ёки умуман Нишопурда бўлмаганлар бор, шунинг учун бу кеча шу шаҳарда қоламиз, - деди Зокиржон ака каминани ва Боқижонни назарда тутиб. Зеро раҳбар бу гал ҳар икки табаррук зотнинг сағанаси, ётган жойларини яхшилаб тавоф қилдиришга ваъда бергани учун ҳам 115 км. ортиқча йўл босиб Нишопурга келган эдик. Ваъдани адо этмоқни эса Зокиржон ака мисли қонун деб биларди. Ҳолбуки, унинг ўзи бу авлиёлар шаҳрига бир неча бора келиб, керакли жойларни армонсиз зиёрат қилган ва энг муҳими, Машҳадга жуда шошаётган эди.

Бу ёғига Худо ишимизни ўнглаб, бузруқлар руҳи кўллаб, шаҳар остонасидан яна ҳар жиҳатдан қулай меҳмонхона ҳам осонгина топила қолди.

## **НИШОПУР. ИККИ АЛЛОМА ЗИЁРАТИ**

*19 октябрь, жума*

Кўноқхонамиз салқинроқ экан, кундагидан эртароқ ҳам ётган эдик, барвақтгина турдик. Оқшом магазиндан олиб келиб қўйилган неъматлар (тухум, сосиска, чевати, сарёғ...) билан қилган нонуштамиз жуда гаштли, жуда завқли бўлди. Хоналарда таом пишириб ейиш, чой қайнатиб ичиш учун ҳамма шароит – идиш-товоқ, чойнак-пиёла муҳайё эди.

Ўтган гал каминага Аттор мақбарасини кўриш армон бўлиб қолгани учун раҳбар зиёратни айнан ўша жойдан бошлашга қарор қилди.

Шаҳар четроғидаги ёдгорликка элтувчи йўлнинг икки бетида кўкка бўй чўзган сарв дарахтлари қаторлашиб, меҳмонларни “Хуш келибсиз”, деб кутиб оладиган мезбон ва унинг яқинларини эслатарди.

Биз маҳаллий вақт билан етти яримдаёқ етиб келгандик. Лекин шу маҳалданок ташқи хиёбонда супуриб-тозаловчилар ўз ишини якунлашаётган, майда-чуйда (асосан қуруқ мева) сотувчилар ўз молларини йўлақларга ёза бошлашган эди.

Темир панжара билан ихоталанган ички хиёбон-мақбара худудига кириладиган эшиклар хам очиқ эди. Чокқина, аммо ниҳоятда гўзал сайргоҳ: ҳар турли манзарали дарахтлар ости ям-яшил майсазор, баҳри-дилни очадиган гулзорлар ораларидан ҳар тарафга йўлақлар кетган...

Ёдгорлик мажмуининг лойиҳаси бошқа шу каби хиёбонларга нисбатан ўзгачароқ чизилган экан: атрофдаги майдонлар, йўлақлар баланд, мақбара эса пастда жойлашган эди. Буржи мусамман усулида тикланган тўгарак, қўш гумбазли, шарқона нақшли иншоот. Ичкарида, ўртада қора мрамар қабр тоши бўлиб, у қалин ойна билан қопланган эди. Сағана тошининг бош томонидаги катта – бўйи икки метр, эни саксон сантиметр чамасидаги мрамар устунга буюк мутафаккир, тасаввуф шеърятининг йирик намояндаси Шайх

Фаридиддин Аттор – Муҳаммад ибн Абубақр бинни Иброҳимнинг номаи аъмоли ёзилган.

Атроф-деворларга Қуръон оятлари ва Аттор ҳикматларидан намуналар битилган. Энсиз тоқчаларга қадим даврларни эслатувчи, Умар Хайём рубоийларининг “қаҳрамонлари” - кўзачалар ёнбошлатиб қўйилган. Ички девору шифтлар зангор, ҳаворанг нақшлар билан безалган. Фақат, зиёратчилар томонидан босилаверганидан полдаги гиламнинг туклари ётиб, охори бирмунча кетган эди.

Зокиржон ака тиловат қилди, қолганларимиз дуога қўл очдик. Кейин ташқарига чиқиб, хиёбонни айландик. Фурқат видеотасвирга, бошқаларимиз фотога олдик, ўзимиз ҳам суратларга тушдик.

Зиёратгоҳ жуда файзли, сокин ва қандайдир сирли эди. Аттор ва унинг “Тазкират-ул авлиё” асари қаҳрамонларининг руҳлари ҳавода оҳиста кезиб юргандай эди гўё.

Кириш хиёбони олдидаги учбурчак майдоннинг нақ тумшуғида Фаридиддин Атторнинг бронзадан ясалган бюсти бор эди. Унинг икки елкаси ва бўйнида йирик бир парранданинг қанотлари, тумшуғи, панжалари акс этган: балки... “Мантиқ-ут тайр” қаҳрамонларининг умумлашма рамзи, балки семурғ, балки ҳумо – омад қушидир....

Орқага қайтдик. Атторниқидан атиги беш-олти юз метрлар чамаси наридаги фалакиётшунос, математик ва машҳур рубойинавис Умар Хайём – Ғиёсиддин Абдул Фатҳ Умар ибн Иброҳим (XI асрнинг иккинчи ярми, XII асрнинг бошлари) хиёбони ва мақбараси атрофи нисбатан кенг ва ободроқ, гавжум, замонавий ва тартиблироқдай кўринади. Кун чиқишга қараган хиёбон олди автомашиналар бекати бўлиб, шу ердан катта кўча ўтган эди. Хиёбон-боғ йўлдан узундан-узун темир панжаралар билан ажратилган бўлиб, ўртадаги кириш дарвозаси ҳам темирдан эди. Хиёбонни нақ иккига бўлиб турган йўлак нариги четдаги олим хотирасига барпо этилган, тригонометрик шаклларни эслатувчи ёдгорликка олиб борарди.

Остонадан ўтишингиз билан чап томонда, йўлакдан сал ичкарироқда Умар Хайёмнинг ойна ичига олинган қаймоқранг мармар бюстига кўзингиз тушади.

Шу ерда эллик-олтмиш ёшлардаги икки озарбайжон билан учрашиб, гаплашиб қолдик. Улардан бири рус тилини яхши биларди. “Мен Хайёмни ўзбек деб ўйларканман”, деди у ўзини ажаблангандай кўрсатиб. У чиндан айтдими ё бизни нима деркин, деган мақсаддами, тўғриси, шахсан мен англамадим. Ҳарқалай, озарбайжон қардошимиз Умар Хайёмни буюк инсонлар кўп чиққан ўзбеклар қаторига янглишиб қўшса қўшиб юборгандир. Эҳтимолки, у Умар Хайёмнинг Самарқанд, Бухоро шаҳарларида яшагани тўғрисидаги маълумотларга биноан шундай хаёлга боргандир. Муҳими, шугина эътирофнинг ўзи ҳам биз учун ғурурли эди.

Иккинчи озарбайжоннинг гаплари эса шеригиникидан ҳам ошиб тушди. У билағонлик қилиб бир неча Умар Хайём ўтганини айтди. Биз унга ҳаким, файласуф, риёзатчи-мунажжим ва шоир Умар Хайёмни билишимизни таъкидладик.

Қардошларимизга қараб туриб, хаёлимдан бир фикр ўтди: озарбайжон эркакларининг аксарияти ҳам туркларга ўхшаб, соқол-мўйловларини қисқа ва ҳамиша деярли бир андозада ўстириб юришаркан. Бу нарса, жумладан, туркларда шу қадар оммалашганидан, уларнинг мўй-муртлари ўша бир меъёрда ниш уриб унғач, шу бўйи кейин бошқа ўсмайдигандай таассурот қолдиради. Яна, шу бир текисда қузалган соқолнинг ранги-тусидан қатъий назар, эгасига ярашиб турганини айтмайсизми?

Қоқ белидан ўзаро кесишиб давом этган гулдор бетон устунлар – фазовий, сирли шакллар ғаройиб бир меъморий мажмуани бино этган ёдгорлик 2003 йилнинг қишида қандай кўрган бўлсак, ўшандайлигича – чекилмаган, бўёқ-безакларининг охори тўкилмаган тарзда, камтарона виқор билан қад кўтариб турарди (Мазкур обида ҳақида “Андижондан Бағдодгача” деган сафарномада ҳам баҳоли қудрат тўхталганмиз).

Хиёбон йирик-йирик, сийрақроқ сарвзордан иборат бўлиб, жуда осойишта, аммо улуғвор қиёфа касб этган эди.

Ёдгорликка элтувчи йўлакнинг ўртасидан ўнг томонга кетган сўқмоқ ҳашаматли масжид-мақбарага олиб борарди. Ўтган гал у кўхна обидани обдан зиёрат қилганимиз боис,



шу ердан орқага қайтдик. Зеро, тезроқ Машҳадга етиб бормоғимиз лозим, у шаҳарда бизни ғоятда муҳим муаммо кутаётганди.

Йўлга чиқишимиз билан Зокиржон ака Андижон шаҳридаги ўз даврининг, ўз элининг миллий қаҳрамонларидан бўлмиш ижодкор-зиёлилар Нодирабегим, Абдулҳамид Чўлпон номлари билан аталган истироҳат боғлари, Пахтаободдаги Ўзбекистон халқ шоири Зокиржон Ҳабибий уй-музейига эътиборнинг қониқарли эмаслиги борасида сўз очди, кўнглида эзгу ниятлари кўп-у, аммо ана шу ниятларининг барини рўёбга чиқаришга улгурмаётгани, ёлғизлик қилиб қолаётганидан ёзғирди.

Аслида Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги Бобур халқаро жамоат фонди ва унинг қошидаги илмий экспедиция томонидан маънавий қадриятларимизни тиклаш, улуг аждодларимиз меросларини тўплаш, хотираларини эъзозлаш борасида олиб борилаётган ташкилий-маърифий ишлар бир инсон имконлари, меъёридан хийла ортиқ даражадаку-я, шунга қарамай, раҳбарнинг ўз фаолиятдан қониқмаётганини шунчаки камтарлик деб эмас, балки мақсадлари ниҳоятда олижаноблиги, ўз кучи-ғайрати, салоҳияти ва бор умрини хайрли амалларга бағишлашга, шу йўл билан ватан равнақиға, миллат камолоти ва шухратига ҳисса қўшишга астойдил аҳд қилганлигининг ифодаси деб баҳоламоқ керак. Унинг юқоридаги куйинишлари мутлақо асосли: ўша боғларнинг шу даврларда деярли қаровсиз, нообод, фэйзсиз бўлиб ётгани айни ҳақиқат эди. Биз эсак, Зокиржон ака наздида кемтик бўлиб турган масалаларда унга кўмак беришга ожизлигимиздан хижолатда эдик.

## МАШҲАДДАГИ БЕТОҚАТ ДАМЛАР

Соат 11 ларда Машҳадга етиб келдик ва такси ёллаб, тор, калта кўчалардан Туркменистон консулхонасига бордик. Бугун бутун ислом мамлакатларида, шу жумаладан, Эронда ҳам дам олиш куни бўлгани боис, сафоратхонада полиция-қоровулдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Зокиржон ака ўз элчихонамиз орқали бу маҳкама ходимининг телефон рақамини топиб кўнғироқ қилди. Анчадан кейин консулнинг котиби – Қувонч деган ёшгина йигит келиб, суратларимизни ва паспортларимиздан нусха кўчириб олди-да, “бир соатдан кейин хабар олинглар” деди. “Ҳа, хайрият, ишимиз битадиган бўлди”, дея енгил нафас олиб, айланишга кетдик. Аммо катта кўчага чиқиб, тикинга рўпара келдик. Бир гамбургерхонада наридан-бери тамадди қилиб, орқамизга қайтдик. Биз хотиржам ва хурсанд, ҳозир бошпуртларимизга муҳрни бостирамузу, меҳмонхона топамиз, кейин мўлжалдаги тарихий жойларни зиёрат қиламиз деган иштиёқда эдик. Лекин консулхонада бизни қувончли хабар кутмаётган экан. Туркменистон ҳудудига ўтиш учун рухсат 10 ноябрдан, яъни яна 22 кундан кейин бўлармиш! Бу совуқ ахборотни бундан уч кун муқаддам Техрондаги консул Давлатмурод Балуюев ҳам билдирган, лекин у сўзларни, гарчи овози йўғон эса-да, юмшоқроқ тарзда, бизда умид қолдириб ифодалаган эди. Қувончбек, исмига ва майин муомаласига зид равишда, томдан тараша тушгандай айтди-қўйди. Ҳаммамиз қарахтланиб қолдик. Тарвузларимиз қўлтиқлардан шундоқ тушдики, парча-парча бўлиб кетди. Хаёлга келган дастлабки фикр – агар ўша “ҳукм” ростга айланса, Машҳадда йигирма икки кун ётиш бўлди! Буни тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат эди. Бироқ бошқа бир жиддий муаммо ҳам бор – бизнинг Эрон давлати ҳудудида юриш муҳлатимиз эртага тугарди. Бу ҳақда раҳбар аввалдан ташвиш чекиб келган, умуман Эрондан қайтиш йўллари тўғрисида гапириб, охирги чора - келган изимиздан орқага қайтиш эканлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Аммо бу тадбир ҳам Машҳадда 22 кун ётишдан аъло эмас эди: узундан-узук масофа, бир неча давлат чегара-божхоналарида музтар бўлиб, ҳадиксираб кутишлар, хавфли довлар, Россия ва Қозоғистондаги “йўл тўсар” ДАНчиларни, Қозоғистон билан Қорақалпоғистон ўртасидаги дўқирама йўллари уйласак, юракларимиз баттар орқага тортарди. Лекин мабодо ўзга илож бўлмаса, тақдирга тан бермай нима ҳам қила олардик... Вазият тақозо этса, Аллоҳнинг бандаси ҳамма нарсага кўнади, чидайди.

Зокиржон ака дарҳол харита кўриб, келган йўлларимиз ва масофаларни чамалашга

тушди (Ҳаммамиз консулхона фойесиди ўтирардик).

- Одам сафарда ҳар қандай шароитга, ҳар қандай ҳолатга тайёр туриши лозим. Аммо, ишимиз шу ерда битиши керак... – Раҳбарнинг ўзини тутиши, гап-сўзи оҳангидан асло умидсизликка тушмаганини сезиш ва унда қандайдир ишонч борлигини тахмин қилиш мумкин эди. У Ўзбекистон элчихонасига, консулимиз Рустамжонга (ўтган кунги гапи бўйича у бугун Тошкентга кетган, аммо ўша самолётнинг ўзида орқага қайтадиган эди) кўнғироқ қилиб гаплашди. Рустамжон биз ҳақимизда элчимиз Илҳомжон Акрамовга хабар берганини, масала албатта ижобий ҳал бўлишини айтиб, раҳбаримизга, демакки, бошқаларимизга ҳам таскин берди. Қувонч Техрондаги консуллари Давлатмурод билан телефонлашгач, унинг кўрсатмаси асосида паспортларимиздан яна нусха олиб, муҳлатимиз тугаётгани тўғрисидаги ахборот билан Эрон Ташқи ишлар вазирлигига юборди. Вазирликдан ва Баллуевдан жавоб кута бошладик.

Оқ-сарикдан келган Қувонч туркмандан кўра оврўпаликларга ўхшар, русий забон эди. Бу ерда бултур иш бошлаган экан. У бечора ҳам фойеда у ёқдан-бу ёққа юриб безовталанар, бизнинг ташвишимизни чекаётгани, ёрдам бергиси келаётгани, бизга нохуш хабар етказганидан хижолат тортаётгани нигоҳларини нигоҳларимиздан олиб қочаётганидан англашилди.

Зокиржон ака энди кўз юмиб ўтирар, табиийки, у фикрлар, чора ахтарар, режалар тузарди. Сўнг у Боқижон билан қайта-қайта харита кўрар, кайфияти ҳамон бирдай эди.

Шу онларда кўз олдимдан мени хавотир ва интизорлик билан кутишаётган оила аъзоларим, хусусан, бири-биридан ёқимтой невараларим ва бошқа кўнгил яқинларим ўтар, агар Туркменистон ўз ҳудуди орқали ўтиб олишимизга ижозат бермаса, яна салкам бир ойда юртга етиб боришимиз мумкинлиги ҳақидаги фикр кўнгилни хижил қиларди.

Ниҳоят, Қувончнинг қавмдошлиги тутиб, чой дамлаб келди. Раҳбар уни суҳбатга тортди. Гап бошқа мавзуга кўчганидан сал енгил тортган котиб ўз ватанидаги ўзгаришлар борасидаги қатор далил ва рақамларни, халққа оид имтиёзларни сўзлашга тушди. Лекин бизнинг қулоқларимизга унинг гаплари кирмас, зеро ҳозир бизга Туркменистон тўғрисидаги ички маълумотлар эмас, у ҳукумат қонунларининг умуминсонийлиги, халқаро вазиятларда, бошқа, хусусан, қўшни мамлакат халқи вакилларига кўрсатилиши лозим бўлган марҳамат, адолат масалалари муҳимроқ эди.

Қувончнинг маълумотларидан эса қолгани шу бўлдики, Машҳадда беш миллиондан ортиқ (?!), Техронда ўн етти миллион атрофида, умуман, Эронда етмиш миллиондан зиёд аҳоли бор экан.

Соат кечки олти яримгача кутдик. Зокиржон ака яна Рустамжонга сим қоқди. Консулимиздан яна тасаллибахш сўзлар эшитгач, Қувонч айтган манзилдаги (кейинги кўча) номсиз хотелнинг учинчи қаватига жойлашдик. Шарт-шароити чакки эмас: хоналарда худди кечаги мусофирхонадагидек ошхона чаноқлари, газ, чой қайнатиш, дамлаш учун чойнаклар, дастали пиёлалар, тухум қовурғич ва бошқа рўзғор буюмлари, хуллас, тамадди учун қарийб барча зарур анжомлар тахт эди.

Айниқса, биринчи қават фойесига ажойиб манзара ва дилтортарлик бағишлаб турган йириккина шиша ҳовуз (аквариум)даги қизғиш-сарик балиқларнинг ям-яшил сув ости гиёҳлари орасида дам оҳиста, бамайлихотир, дам гўё томошабинлар эътиборини жалб этмоқчи бўлгандек ўз йўналишларини кескин ўзгартириб, думчаларини силтаб, ўйнаб сузишларини томоша қилиш чиндан-да завқли ва мароқли эди. Лекин биздаги кечки томоқ ташвиши завқу мароққа кўлка солиб турарди. Зотан, қоринлар оч, тушлик туйғуси хавотир, безовталиқ олдида ожизлик қилиб ғалаён кўзғолмаган, мана энди раҳбарнинг қатъияти ва ҳар қандай муаммони ҳал эта олиш салоҳиятига ишонч ва Худо хоҳласа, эртага виза бўлади, деган таскин туфайли фитнагар иштаҳа анча ғимирлаб қолган эди.

Зокиржон ака меҳмонхонада бир оз ҳордиқ ёзишни ихтиёр этди. Бошқаларимизга егулик олиб келиш учун ташқарига чиқишга изн берди. Биз егуликдан ҳам кўра шаҳарда бирпас бўлса ҳам айланиш имкони туғилганидан (яна эркин!) бағоят мамнун эдик. Аммо жума – одина кунини бўлгани боис дўконлар маҳкам, яъни берк – бинобарин, айланишдан

маъно йўқ эди. Кеч кириб қолгани сабабли озиқ-овқат шахобчаларининг ҳам камгинаси ишламоқда, ул-бул нарса харид қилиб, меҳмонхонага қайтишдан ўзга чора қолмади. Нонхўр ўзбекмиз-да, савдони шундан бошладик. Мўлгина олдиқ: шакл-шамойили ҳар хил – семиз, япалоқ, узунчоқ, таъми чучмал-ширин, ғози йўқ – пардай енгил батон нонлар, зоғора булочкалар... Бошқа бир дўкондан тухум топдик. Колбаса, пишлоқ излаб хийла тентирадик. Ниҳоят, торгина қаҳвахона-дўкончанинг ойнали кўрғазмахонасида сосискага кўзимиз тушиб қувониб кетдик. Сосиска икки хил экан, сотувчиларга (икки йигит эди) шоша-пиша бармоқларимиз ишораси билан иккала хилидан бештадан – ўнта сўрадик. Сотувчилардан бири маъқул деган маънода бош ирғаб, қўл имоси ила кассирга пул тўлашимиз лозимлигини уқдирди. Кассир йигит ҳам шундоққина витрина ёнида, торгина жойда, ичкарига кириладиган дарча ўрнида қисилибгина ўтирган эди. Назаримизда у биздан анча кўп пул олди. (Эрон тумани билан риёли ўртасидаги тафовутни яхши тушунмаганимиз учун ҳисоб-китобга қийналар, боз устига, тил билмасдик). Сотувчилардан бири пештахта (витрина) ортида кўринмай қолган эди, ичкаридан олиб чиқиб берса керак, деб четроқда “Сосиска бу ерда шунақа қимматмикин”, деб ўзаро муҳокама қилиб турдик. Дўкон-кафеда - ойна девор билан пештахта ўртасидаги мўъжазгина бўшлиқда учта ихчамгина емак стол-стули бўлиб, иккитасида иккитадан тўрт киши тамаддиланиб, кока-кола ичиб ўтиришарди. Анча вақт ўтди, сотувчилардан бирига сосискани бермайсизларми деган мазмунда қўл силқитдик. У ҳам “Ҳозир...” дегандай, ияқ силтади ва бир нималар деб ғўлдиради. Тамаддихўрлар бизга ажаблангандай қараб қўйишарди. Яна пича турдик, диққатимиз ошди. Биримиз қўйиб, биримиз ўзбекча сўз ва имо-ишора билан буюрган молимизни талаб қила бошладик. Беғам, бепарво сотувчи ва кассир эса бизга ғалати (бизнинг наздимизда истехзоли) кулимсираганча им билан сабр қилишни маслаҳат беришарди. Боқижоннинг Самарқанд тожикчаси аралаш куроқ шеvasи ҳам иш бермаётгани бизга баттар алам қиларди.

Ниҳоят, ичкарига кириб дом-дараксиз бўлиб кетган сотувчи иккита ғалвайган елим халта кўтариб чиқиб, бизга узатди. Ҳайрон бўлиб, апил-тапил халталар ичига қарадик ва... шундагина англадикки, бу ерда сосисканинг ўзи сотилмас, балки у сэндвич қилиб бериларкан. Тил билмагандан кейин аҳвол шу-да.

Хуллас, меҳмонхонада кечки овқат ўрнига не машаққатлар билан топиб келинган ноз-неъматлардан тановул қилиб (уларни эртасига эрталаб ҳам еб битиролмадик), гаплашиб, Туркманистон Ташқи ишлар вазирлигидагилару бошқа масъул шахсларга Худодан инсоф ва ҳиммат тилаб ўтирдик. Шу аснода телевизордаги Шероз шахрида Ҳофиз Шерозий хотирасига бағишланган анжуман тўғрисидаги кўрсатув диққатимизни тортди. Ўша, биз экспедициянинг 2004 йилги сафарида кўрганимиз Ҳофиз хиёбони халқ билан гавжум, шоирнинг оралари очиқ саккиз мрамар устун ва гумбазли мақбараси ичидаги қаймоқранг мрамар сағана тошининг усти ва атрофи гул-гулдасталарга бурканган бўлиб, дахма тоши ёнига қўйилган минбарда Эрон Ислом Республикаси президенти Маҳмуд Аҳмадинажд сўзлаётганди. Давлат арбобининг Ҳофиз Шерозий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маърузаси бир соатдан ортиқ давом этди. Воиз ора-орада матндан бош кўтариб, шоир ғазалларидан ёд, ифодали ўқиб, уларни шарҳлаб кетарди.

Шу кеча негадир ғалати тушлар кўрдим. Уларнинг таъбирини Туркманистон консулхонасидаги безовталиқлар, ташвишлар таъсирига йўйдим.

*20 октябрь, шанба*

Эрта туриб, Боқижон билан мавзе атрофини пиёда айланиб келдик. Барча йўлларнинг икки томонидаги бир-бирига тутшиб кетган дўкон, қаҳвахона ва бошқа хизмат кўрсатиш хоналари ҳали деярли очилмаган, беш миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган шаҳарда одам ва автомобиль қатнови сийрак, кўчалар осойишта, сокин эди.

Кейин хонада шошилмасдан нонушта қилдик. Консулхона маҳаллий вақт билан соат тўққиздан иш бошлар, унғача ҳали анча фурсат бор, аммо бошқа иш кўнгилга сиғмасди. Барибир соат саккиздаёқ консулхонага етиб бордик, зеро, у маҳкама айна вақтда бизга

нажот қалъасидай туюлар ва мушкулларни осон қилувчи Хизр яширинган сирли маъводай бизни ўзига чорларди.

Қувонч соат тўққизга яқин келиб, ичкарига кириб кетди-да, салдан кейин соат ўн бирларда хабар олишимизни айтди. Кўнгишларда умид уйғониб, чеҳраларимиз сал ёришди. Боқижон Машҳадда бўлмаган ва Имом Ризо ҳарамини ҳам, бошқа ёдгорликларни ҳам кўрмаган эди. Янги ҳамсафаримизнинг хоҳиши ва раҳбарнинг розилиги билан ўша машҳур обидалар мажмуаси томон кетдик.

**Машҳад** (шаҳид дафн этилган жой деган маънони билдиради) теурийлар ва сафавийлар даврида юксак ривожланган. Дунёга машҳур қўшлаб меъморий ёдгорликлари мавжуд: Имом Ризо (бутун дунё шиаларининг саккизинчи имоми) мақбараси (IX аср), Гавҳаршод бегим масжиди (1405-1418), шаҳар яқинидаги Фирдавсий мақбараси шулар жумласидандир. Булар орасида Ҳирот ҳукмдори Шохрух Мирзонинг хотини Гавҳаршод бегимга атаб қурилган масжид алоҳида диққат-этиборга лойиқ. Мазкур бино теурийлар даврига хос бунёдкорлик санъатидан шаҳодат берувчи ажойиб меъморчилик обидасидир. Имом Ризо мақбараси, ана шу масжиднинг шимол томонида қад кўтарган.

Боқижон зиёратгоҳга кириб чиққач, дўконларни айландик. Набиралар ва бошқаларга апил-тапил совға-салом харид қилган бўлдик (мутаржим йўқлиги учун тижорат ишлари кечагидай жуда мушкул бир савдо эди!). Машина қўйгани аранг жой топиб (автоуловлар тирбанд - шаҳар асил қиёфасига кирган эди), сандвичхоналарнинг бирида наридан-бери тамаддиландик.

Юракларимиз пўкиллаб, соат ўн бир бўлмаёқ Туркменистон консулхонасига қайтаётган эдик, ўз консулимиз Рустамжон Зокиржон акага кўнғироқ қилиб, муаммоимиз ҳал бўлаётганини суюнчилади. Бошимиз кўкка етгудай бўлиб, Қувончининг маҳкамасига етиб боргунимизча унинг ўзи ҳам икки бора сим қоқиб, бизни шошилтирди. Хуллас, киши бошига 105 доллардан бож тўладик, ярим соатларда иш битди. Ана шу паллаларда, назаримда оламда биздан бахтиёрроқ одам йўқ эди. Менинг кўнглимдан Зокиржон ака бежиз хотиржам эмас экан-да, деган фикр кечарди. Ҳа, Соҳибқирон даврида бизнинг давлатимизни йирик-йирик Оврўпа ва Осиё давлатлари тан олган, ҳисоблашган, ана шундай халқаро обрў-эътибор, эътироф олти асрдан кейин Ўзбекистонга қайта насиб этган бир саодат, улуғ мартаба эдиким, ниҳоятда қийин туюлган бугунги муаммоимизнинг бу тариқа бирдан ҳал бўлишини ана шу эътироф ва мартабанинг кичик бир мисоли дейиш мумкин эди.

Биз энди кеча келган йўлимиздан шиддат билан жануби-ғарбга – Божгирон чегараси томон, юрт сари интилардик. Ҳаммамизнинг кайфиятимиз чоғ эди. Шунда мен Ватаннинг тортиш кучи ернинг тортиш кучидан бир неча баробар ортиқ экан, деган хулосага келдим.

Эрон чегара постидан, божхонасидан осонгина, тезгина ўтдик. Туркменистонга кириш-чиқиш тўхтатиб қўйилгани учун мазкур масканларда йўловчи машина ҳам, одам ҳам йўқ ҳисоби, ходимлар эснаб, пул тушуми камлигидан зорланиб ўтиришган экан. Улар ўз одатларига зид равишда жомадон-халталаримизни ҳам ковлаб ўтиришмади. Лекин Туркменистон божхонасида... Паспортларимизни қаёққадир олиб кетишиб, бир ош пишимида келишди. Бугун Туркменистоннинг қаерида тунашимиз, Ўзбекистонга қачон, қайси чегарадан ўтиб кетишимизни ижикилаб суриштиришди, кейин божхонадагилар юқларимизни аввал текширувчи ёпинчиқли эскалатордан ўтказишди. Сўнг бир четга олдириб, ҳар бир халта-сумкани чўнтақларигача обдан титкилашди, машинамиз ичию остларини овчаркага ҳидлатиб чиқишди... Негадир шу ҳудудлар изғирин, кийимларимиз юпқароқлиги учунми совқотиб, бетоқатланардик.

## **ТУРКМАНИСТОН**

Марказий Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган ушбу давлатнинг майдони 488,0 минг квадрат километрдан зиёдроқ бўлиб, аҳолиси салкам беш миллион кишини ташкил этади. Тарихини қадимги форс подшоҳлари сулоласи Ахоманийлар (милоддан аввалги 558-330 йиллар) давридан бошланган деб тахмин қилишади. Сўнг Салавкийлар, Парфия, Юнон-Бақтрия подшоликлари, Эфталитлар, Турк хонлиги, Араб халифалиги, Таххорийлар, Сомонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, мўғуллар давлатлари таркибида бўлган. XIV асрнинг 70-80 йилларидан Туркменистон ҳудуди темурийлар тасарруфига ўтган. XV асрда туркман элати шаклланган. XVI аср охири, XVII аср бошларида Хива ва Бухоро хонликларига қарам бўлган, худди ана шу даврда мамлакатнинг катта бир қисми Эрон таркибига кириб, юқорида айтганимиздай, иккига бўлиниб қолган. XIX аср охирларида Россия босиб олган ва 1917 йили Туркменистон ССР ташкил этилган. 1991 йил октябрда мамлакат мустақиллика эришди. Ўзбекистон билан 1993 йил январдан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Айни пайтда у бетараф давлатдир.

Тунда йўл юрганимиз учун атрофни яхши кузатолмадик. Лекин мамлакат пойтахти Ашхобод чиндан ҳам 2004 йили кўрганимизга қараганда деярли қайта қурилибди. Бироқ аҳоли озлигидан, автомобиль ҳам, одам ҳам ниҳоятда сийрак - шаҳар хувиллаб ётибди. Кўчалар ўта кенг – бу бетдан нариги бетга ўтмоқчи бўлган кишининг эринчоқлиги тутади. Дарахт эса унда-бунда - яйдоқчилик. Лойиҳаси бир-бирига жуда ўхшаш бино-иморатлар кўп. Дикқатга сазовор бир жиҳати (агар шу қоида рост ва барқарор бўлса!) – пойтахтга тамаки маҳсулотлари олиб кириш ва чекиш мумкин эмас эмиш. Пулининг қиймати ўзгарибди. Ўтган сафар келганимизда одамлар халтада пул кўтариб юришарди, энди бир доллар – 14 манат бўпти.

Меҳмонхона излаб Бош майдонга кириб қолибмиз. Кўчаларда йўл сўрайдиган тайинли инсон йўқ эди. Анқайиб турган посбон-полициячилар кейин пайқаб, ҳай-ҳайлаб қолишди ва ярим соатча бошни қотиришди. Ниҳоят, айланиб-айланиб “Чиндовул” деган мусофирхонани топдик. Кўноқхоналар нархи анча-мунча меҳмоннинг чопонини ечиб оладиган даражада баланд экан!

**21 октябрь, якшанба**

Эрталаб туриб у ёқ-бу ёққа қарасак, нонушта қиладиган емакхона кўринмайди. Хонада наридан-бери тамадиландигу Небитдоғ (Балқонобод вилоятига қараркан) томонга жўнаб юбордик.

Небитдоғ - *“асарларини туркман халқи ҳаётининг тиниқ кўзгуси дейишга арзигулик йирик сиймо”* (Ғафур Ғулوم), Туркменистон халқ ёзувчиси, академик,

замонавий туркман адабиётининг асосчиларидан бири Берди Кербобоевнинг ватани. У “Небитдоғ”, уч китобдан иборат “Дадил қадам” каби роман ва бошқа кўплаб асарлар муаллифи. Бўлажак адиб Бухородаги мадрасада таҳсил олган, унинг “Махтумқули” драмаси Ўзбекистон театрларида сахналаштирилган, деярли барча йирик асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Шу боисдан у туғилиб ўсган юртни кўриб қўйсак, ёмон бўлмасди...

Ашхободда бир неча жойда от хайкалини кўрган эдик. Бу ажойиб жониворга қўйилган ёдгорлик бошқа шаҳар ва туманларда ҳам кўп экан. Ҳа, туркманларнинг ўз юртлари номи билан боғлиқ донгдор отлари ва Алабай деган машҳур итлари билан ғурурланишлари табиий, албатта.

Ободон тумани марказида шўрва ва гўштли қатлама-нон билан нонушта қилдик. Таомлари маъқул. Зокиржон ака шу ерда Небитдоғ йўлини суриштирди. Яна 90 км қолибди, лекин, айтишларича, масофа жуда нобоп довлардан иборат экан. Раҳбар ўша ёқдаги зайтунчилик хўжаликлари тажрибаси билан танишмоқчи эди, фикридан қайтди.

- Ҳозир сизларниям, машинаниям қийнаб юрмай, кейин ўзим бир имкон топиб ЖИПда келиб кетарман, - деди у гўё Асака ё Марҳаматни назарда тутгандай. Ё, тавба, бу ғоялар билан тўла инсон Фонднинг шунча тадбирларидан, экспедиция сафарларидан, қанча-қанча китоблар таржима қилдириб нашр эттиришдан, халқаро анжуманлар ўтказиш, Андижон археологиясини ўрганишга ташкилотчи ва бош-қош бўлиш ва яна қанча ташкилий юмушлардан ошишиб, халқимизнинг саломатликка безарар, халқаро андозадаги мой истеъмолига ўтиши борасида ҳам қайғуриб, зайтунчилик билан ҳам астойдил шуғулланади-я...

Тошовуз вилояти – Кўҳна Урганч сари бурилдик. Кўчалар кенг, узундан-узун, аммо бари чўл ўртасидан ўтган. Қорақум каналига дуч келдик – каттагина сойда сарғимтир сув лимиллаб оқяпти. Узумзорларни кўриб ҳайратланамиз. Пахтазор ҳам бор, умуман бу бепоён дашту биёбонларни ўзлаштиришга жиддий киришилгани сезилади. Шу мақсадда жуда кўп каналлар қазилибди ва улар Амударёни шимиряпти экан. Зокиржон ака мана шундай каналлар Оролга сув етиб бормаслигининг, табиий мувозанат бузилишининг асосий сабабларидан бири эканлиги тўғрисида гапириб, ачинди, “бу обиҳаётнинг саксон беш фоизи ер остига – қумга сингиб кетади”, деди бош чайқаб. Дарҳақиқат, 1980-йилларда Адабиёт кунлари муносабати билан Туркменистонда бўлиб, Қорақум каналини ўз кўзи билан кўрган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг ҳам куюнганича бор: каналларнинг ости тугул, ёнлари ҳам бетонланмаган эди.

Охири кўринмайдиган чўл ўртасидаги шўролар қурган темир заводи олдида қовун едик. Сотувчи чайқовчилигини, бизга беш манатга пуллаган қовунни деҳқондан уч манатга олганини яширмади. Сабаби – тирикчилик эмиш. Чоғқина елим пақирдаги узумни – икки кило чиқади – уч манат дейди. Боя тўрт манату олтмиш тийинга икки кило олма (эронники) харид қилган эдик.

Биз энди шимоли-ғарбга қараб кетардик. Куёш елкаларни қиздиради.

Чўлга “Чўли ироқ” жуда айтади-да. Мириқиб, маза қилиб тинглаб боряпмиз. Ўзиям, Саиджон Калонов дегани бу мумтоз мусиқани қийворади-да: чўл манзараларини, чўл билан боғлиқ изтиробли ҳолатларни, маҳзун лаҳзаларни шундоққина кўз олдингизга келтириб кўяди.

Миямга бир фикр келади: Эрон тоғлардану Туркменистон чўллардан иборат чоғи. Қомусий китобларда ҳам Туркменистон ҳудудининг аксарияти текисликлардан иборатлиги, қарийб бешдан тўрт қисми Турон текислиги (Қорақум чўли)да жойлашганлиги ёзилади.

Табиийки, тоғдан кўра чўл қашшоқ ва зерикарлироқ. Боз устига, ҳар замонда шамол кўтарилиб, дам чап, дам ўнгдаги барханлардан қумларни у ёқдан-бу ёққа учира бошлар, машина ойналарини апил-тапил ёпишга тўғри келарди. Лекин бир нарсага қойил қолдим: йўлнинг икки томонига, кўчадан ўн беш – йигирма метрча (баъзи жойларда кўпроқ) ҳудудга 30-40 см.ли қамиш қирқимлари қумга санчилиб, икки ёни қум билан шиббаланиб, 1,5 - 2 метрли квадрат катаклардан иборат қалин чаврасимон ихота қилиб чиқилган эди. Қарийб кун бўйи юриладиган масофадаги қум кўчкисига қарши бу майда иш учун қанча қамиш,

қанча меҳнат, қанча вақт кетганини чамалаш ҳам қийин-ов! Қамиш ғовларнинг эскилари ҳам, янгилари ҳам кўп. Аммо баъзи-баъзи, тупроқли жойларда бир неча метрлаб узилиб-узилиб қолган эди. Айрим ўринларда, шамолнинг иши бўлса керак, қамишли катаклар кум билан ярим ё бутунлай тўлиб қолган, ҳатто қамишлар ётиб, кўмилиб кетган эди.

Дарвоқе, ушбу ҳудудлар Қорақум саҳроси таркибидаги чўллар эди.

- “Қора” сўзини кўпчилик кумнинг, ернинг рангига нисбатан қўлланган, деб ўйлашади.

Лекин бу ерда қора – катта деган маънода ишлатилади, - дейди Матбобоев.

Ўрта Осиёнинг жанубида жойлашган Қорақум – Осиёдаги энг катта кумли чўл. Майдони 400 минг кв.километр, яъни Қизилқумдан 100 минг квадрат километр ортиқ. Амударё Қорақумнинг шимоли-шарқий чегарасидан оқиб ўтади. Туркменистон ҳудудининг асосий қисмини эгаллаган. Бир қарашда шунча жой самарасиз ётгандай кўринади. Лекин аслида кўшнилари мизга ризқ-рўз, насиба бераётган ана шу саҳро – унинг қаъридан топилаётган табиий бойликлар – нефть, газ...

Хуллас, бепоён дашту дала йўлларида яна узоқ юрдик. Кечга томон шарқ тарафга бурилиб, ниҳоят, қоронғи тушганда Тошовузга кириб келдик-да, “Ашхобод” меҳмонхонасининг 5-қаватига жойлашдик.

Боқижон иккимиз пастга тушиб, бир оз айландик. Қўноқхона ёнида катта майдон бор экан. Унинг ўртасида йирик-йирик тошлар уюмининг тепасига тиззасида китоб билан чордона куриб ўтирган ҳолатда тасвирланган Махтумқули – Фироғий хайкали ўрнатилган эди.

Шу вилоятда менинг Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)да бирга ўқиган Назира Шарипова (бу қизлик фамилияси) деган курсдошим яшарди. Лекин ҳозир уни суриштиришга ҳам, йўқлашга ҳам фурсату имкон йўқ эди.

## КЎҲНА УРГАНЧНИНГ КЎҲНА ҚАДАМЖОЛАРИ

*22 октябрь, душанба*

Биз “Тошовуз” деган талаффузга ўрганиб қолган бу вилоят номини “Тошогуз” ёзишаркан. Мен асли “Тошхөвүз”микин, деб ўйлардим (қомусий китобларда ҳам шундай ёзилади), лекин Боқижон ўғуз, яъни уруғ атамаси билан боғлиқ бўлса керак, деган фикрни айтди.

Эрталаб Кўҳна Урганчга йўл олдик. Вилоят пахта топшириш шартномасини бажарган, аммо ҳали далаларда пахта сероб, умуман Тошовузда мамлакатнинг бошқа вилоятларига қараганда пахта майдони кўпга ўхшайди.

Бу томонларда ҳам ҳар қадамда эски ва янги қазилган каналлар учрарди. Айрим жойларда ер захлаб, катта-катта буғдойзорларни сув босиб ётарди.

Йўл қанчонлардир асфальтланган экан. Ҳозир ғадир-будир, ўйдим-чуқур, баъзи жойларда машина кўтарилиб-кўтарилиб тушади. Айниқса, бу йўлда оч қорин билан юрганларга жуда жабр экан.

Биз борадиган манзил 90 чақиримли масофада эди. Кўҳна Урганч туман маркази бўлиб, икки йил аввал унга шаҳар мақоми берилибди. Энди янги қурилишлар, таъмирловлар бошланибди.

Марказий Осиё тарихида Хоразм қадимги ва ўрта асрлардаги тамаддун марказларидан бири сифатида алоҳида ўрин тутган. У Амир Темур даврида Олтин Ўрда таркибида эди. Бироқ буюк ҳокон Хоразмни Чигатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисоблаб, уни бўйсундиришга ҳаракат қилди. Хоразм ҳудуди 1388 йили узил-кесил Соҳибқирон тасарруфига ўтади. Шу тариқа Амир Темур Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмни бирлаштириб, ягона марказлашган давлатни вужудга келтирдик, бу жараён мазкур ҳудудлардаги халқлар ҳаётида ижобий аҳамият касб этди.

Кўхна Урганч – том маънодаги кўхна юртлардан биридир. Милоддан аввалги 5-4 асрлардан мавжуд. X-XIV асрларда Хоразм давлатининг пойтахти, Хоразм ва Мовароуннаҳрдаги энг йирик шаҳарлардан, савдо-иқтисодий ва маданий марказлардан бири ҳисобланган. Дастлабки номи Гурганж (айрим манбаларда Журжона деб аталган). 1221 йили Чингизхон лашкари Гурганжни олти ой қамал қилиб ололмагач, Амударё тўғонини бузиб ташлаб, шаҳарни сувга бостиради. Барча хунармандларни Мўғулистонга ҳайдаб олиб кетишади, қолган аҳолини ёппасига кириб юборишади.

1333 йили машҳур араб сайёҳи Ибн Батута Урганчга келган, бироқ у шаҳарни нимагадир Хоразм деб атаган.

Гурганчдан анча беридаги Урганч шаҳрини Хива хони Абулғозий Баходирхон 1646 йилда барпо қилдиради. Шундан кейин Гурганж Кўхна Урганч деб атала бошлаган.

Нажмиддин Кубронинг ватани Кўхна Урганч (Гурганж)да Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа машҳур кишилар умргузаронлик қилишган.

1920-йиллардан советлар ҳукумати томонидан узоқ келажакни ва сиёсий мақсадни кўзлаб амалга оширилган ҳудудларни қайта бўлиш, парчалашда Кўхна Урганч Туркманистон таркибига ўтиб қолган.

Кўхна Урганч тарихий ёдгорликлари шаҳар марказидан четроқда эди. Бир вақтлар Хоразм давлатининг пойтахти, кейинчилик Амир Темур салтанати таркибига киритилган музофотнинг мазкур қисмида уч-тўртта эски, лой сувоқли, сирти кўримсизгина ғиштин бинолар сақланиб қолган экан. Уларнинг энг мўътабари, пурвиқори шубҳасиз, Нажмиддин Кубронинг сағанаси эди.

Асл исми-шарифи Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал Хоразмий (1145-1221) - улуғ шайх, тасаввуфнинг таниқли намоёндаларидан бири, кубравийлик тариқатининг асосчиси ҳисобланади. Нажмиддин Кубро олимнинг таҳаллуси бўлиб, “диннинг юлдузи” демакдир.

Нажмиддин Кубро тасаввуф, тариқат асослари ва қоидалари тўғрисида бир неча рисола ёзган, рубойилар битган.

У мўғул босқинчиларига қарши курашда шаҳид бўлган. Манбаларда ёзилишича, Чингиз қўшини пойтахт Кўхна Урганчга бостириб кирганда юрт ҳукмдори Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз яқинлари билан қочиб қолади. Шунда Нажмиддин Кубро муридлари билан босқинчиларга қарши чиқади. Кўкрагига ёв найзаси санчилиб, йиқилади, у шунда ҳам душман байроғини маҳкам тутганича жон узади. Салкам саксон ёшли шайхнинг бу жасорати қаҳрамонлик, жуда катта ибрат, ватанпарварлик намунаси, ор-номус тимсоли эди.

Мутафаккир, тасаввуфчи олим тариқатининг асосий моҳияти одамлар қалбидан нафси аммора (ёмонликка ундовчи нафс)ни кўнгилдан, шуурдан чиқариш, ўрнини поклик, мардлик, ҳалоллик каби фазилатлар билан тўлдириш, илоҳий маърифатга даъват этишдан иборат эди.

Улуғ аллома қабр-мақбарасини зиёрат қилиш энди анча муаммога айланган. Бизга шундай имкон насиб этганидан мамнун эдик.

Нажмиддин Кубро мақбараси ичида унинг ўзидан ташқари шогирди Пуриё Валининг даҳмаси, рўпарада эса XV асрда ўтган ҳукмдор Султон Али мақбараси бор эди. Биз абадий оромгоҳларни зиёрат қилиб, ўтган аждодлар ҳақиқа Куръон оятларидан ўкиб, ўз инсоний ва қавмдошлик бурчимизни баҳоли қудрат адо этдик. Аммо иншоотларнинг путурдан кетиб, жиддий таъмирга муҳтож бўлиб қолгани кўнгилларда ачиниш, оғриқ уйғотди.

Бу ердан тўрт-беш чақирим нарида, Кўхна Урганчнинг шимоли-ғарб қисмида ҳам бир нечта тарихий обида – Тошмасжид, Матқарим Эшон мақбараси, Қутлуғ Темур<sup>1</sup> (1321-1333 йилларда ҳукмдорлик қилган) давридан қолган ва бир чеккада сўппайиб турган минора, Тўрабекхоним<sup>2</sup> (Қутлуғ Темурнинг хотини, эридан сўнг – 1333-1347 йиллари мамлакатни

<sup>1</sup> Қутлуғ Темур – Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг холаваччаси ва энг катта амири, Хоразм волийси, Урганч ҳокими. Қримда ҳам волий бўлган. Унинг даврида Қрим ва Хоразмда кўплаб қудук, сардоба, масжид, мадрасалар қурилган.

<sup>2</sup> Мазкур маълумотлар “ЎзМЭ”дан олинди. Лекин далилларда чалкашликлар борга ўхшайди.



бошқарган) кўшки (саройи) мунғайиб, харобликка юз тутиб турарди. Уларни ҳам зиёрат қилиб, тасвирларга олгач, орқага қайтдик.

Тошовуздан Ўзбекистон чегарасигача салкам йигирма километр экан, хурсанд бўлиб жўнадик. Аммо Туркменистон божхонасидагилар бошқа чегарадан ўтишларинг керак эди, деб роса бошни қотиришди – уч соат тутиб ўтиришди. Бу орада тушликка ҳам чиқиб келишди. Пешиндан сўнг Зокиржон ака уларни қистовга олди. Охири рухсат берадиган бўлишди. Машинадан юкларимизнинг ҳаммасини туширтиришиб, бир четдан титкилашиб (кечаги ҳамкасбларига ўхшаб), яна эскалатордан ҳам ўтказишди.

Ўзимизнинг чегара ва божхонамиздан енгилгина ўтдик. Хатто божхоначиларимиз анча-мунча расмиятчиликлар битгунча бизни чой билан ҳам сийладилар.

## ОНА ЮРТГА ОШИҚИБ...

Хивага етиб келиб, “Собир арқончи” меҳмонхонасини топиб ўрнашгунимизча анча кеч бўлди. Чироқ ўчиб қолганини инobatга олмаганда ҳаммаси жойида, юмшоқ ўрин-каравотлар, шароитлар рисоладагидак, энг муҳими, биз юртимизда эдик, бинобарин, чарчоқлар сезилмас, руҳимиз баланд эди. Кўнгилларнинг азбаройи осойишталигидан киприклар тийрак, уйку деган жодугарнинг вужудларимизни ўрин сари тортишга кучи етмасди.

*23 октябрь, сешанба*

Хива – осори атиқалар маскани. Ғоят қадимий, Афина, Рим, Қоҳира каби тарихий шаҳарлар билан шуҳратдош, ривоятларга кўра бунёд этилиши Нух замонида бориб тақаладиган бу шаҳарда зиёратбоп жойлар кўп. Шулардан энг муҳими, Ичан қалъадир. Ўрта Осиёдаги ушбу йирик ва ноёб меъморий ёдгорликлар мажмуининг тарихий бойликлари Хоразм халқ меъмorchилигининг ажойиб обидалари – мадраса, масжид, миноралар, кўҳна Арк, Қалъа деворларидан, тим ва тоқилардан, Тош ҳовли, Карвонсарой, Хон саройи ва бошқа иншоотлардан иборат. Шунингдек, мажмуа ўрамида бир қанча атоқли тарихий шахсларнинг мақбаралари ҳам мавжуд. Улар орасида энг эътиборлиси, шубҳасиз, Паҳлавон Маҳмудникидир.

Асли келиб чиқиши Кўҳна Урганчдан, Хива шаҳри яқинидаги Қиёт (қомусий китобларимизда – Қитоли) қишлоғида таваллуд топган, асосий касби пўстиндўзлик, телпакдўзлик бўлган Паҳлавон Маҳмуд (XIII-XIV аср) кўпгина шарқ мамлакатларидаги кураш мусобақаларида елкаси ерга тегмаган полвон (Паҳлавон тахаллуси шундан), курашчиларнинг пири ва ҳомийси сифатида доврўқ қозонган. Лекин у Умар Хайём оҳангларига яқин, аммо ўзига хос рубойилари билан адабиётимиз тарихидан мустаҳкам ўрин олган истеъдодли шоир ҳамдирки, қуйидаги сатрлар унинг шеърятти дурларидан марварид доналардир:

**Уч юз Кўҳи қофни келида туймоқ,  
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,  
Ёйинки бир аср зиндонда ётмоқ  
Нодон сўхбатидан кўра яхшироқ.**

\*\*\*

**Эй дил, ишқ ғамини таманно қилдинг,**

---

Қомуснинг 9-жилдида Тўрабекхонимнинг Ўзбекхон қизи эканлиги айтилса, 11-жилда Қутлўғ Темурнинг ўғли Хорунбек Ўзбекхоннинг қизига уйланган, дейилади. Бошқа китобларда Тўрабекхоним (Туркон хотин деб ёзилади) билан Марв ҳукмдори Султон Санжар муносабатларига оид ривоятлар бор, аммо улар ҳам асоссиздай кўринади.

**Ўзингни халқ ичра сен расво қилдинг.  
Ҳар куни ўзингга бир гулни танлаб,  
Гўзаллар юзини томошо қилдинг.**

\*\*\*

**Дилбаримга дедим: эй гўзал, танноз,  
Нечун синиқ чиқар оғзингдан овоз?  
Дедики: тор оғзим сўзни сиғдирмай,  
Ушатиб-ушатиб чиқарар оз-оз.**

\*\*\*

**Кўзгумга берардим кечқурун сайқал,  
Бокдим унга тиниқ бўлган бир маҳал.  
Шунча кўп кўринди ўз айбимки, мен  
Ўзгалар айбини унутдим тугал.**

\*\*\*

**Токи бор ғайрату мардликдан асар,  
Ахлу аёлингни этма дарбадар.  
Мева шоҳи агар девордан ошса,  
Йўловчилар унга бешак қўл чўзар.**

\*\*\*

**Дедим: айт, умрнинг маъноси нима?  
Деди: чакмоқ ё шам, ёки парвона.  
Дедим: бу дунёга бино қўйган ким?  
Деди: ё гўл, ё маст, ёки девона.**

Камина бундан қирқ йил аввал, “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетасининг муҳбири сифатида Хоразм ижтимоий-маданий ҳаёти ҳақида саҳифа уюштириш ниятида келганимда Ичан қалъани, жумладан, Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини томоша қилган ва сағана деворлари, шифтига қўлланган шарқона нақшин безак санъатининг жозибаси, ноёб бўёқларининг умри боқийлигидан ҳайратга тушган эдим. Нақшин безаклар, тиниқ ранглар жилоси ҳамон ўша-ўша эди! Ва, энг муҳими, – мақбара ичра шоир руҳи кезиб юргандай эди.

Зиёратдан мутаассир бўлиб чиққач, Урганч, ундан Беруний, Эллиққалъа йўллари орқали Тўртқўл сари азимат қилдик. Аму кўпригидан ўтдик. Ўзбекистонимизда ҳақиқий олтин куз эди – япроқлар тилло ранг, майсалар ҳам ўз тусларини ўзгартирган, яъни яшил, зангор либосларини сиполи сарғимтирга алмаштирган, сувлар тиниб, сокин оқа бошлаганди.

Бухородан ўтиб, Ғиждувонда “Семурғ” номли ошхонада тўхтадик. Ғиждувоннинг машҳур кабоблари билан ошқозон-меъдаларимизни сийлаб, хушқайфият билан кетишда бир кеча қўниб ўтганимиз қадрдон Навоий шаҳрига келдик-да, яна “Навоий” меҳмонхонасига жойлашдик.

Кўп қаватли меҳмонхонанинг сиртқи салобати – шакли-шамойили навоийона – пурвиқор, аммо ичи – мазмуни таҳрир-таъмир талаб, шарт-шароитлари, жиҳозларини ҳам нозик дидли шеърият султонининг шаъни-шарафига муносиб дейиш қийинроқ эди. Меҳмонхонанинг мутасадди ва хизматчилари янги, замонавий жиҳозлар олиб келиб қўйилгани, бугун-эрта усталар улкан таъмирловга тушишларини айтишиб, кейинги гал келишимизга бинони кўғирчоқдай қилиб қўйишга ваъда беришди. Илло бизнинг димоқларимиз чоғ, зеро она диёримизнинг улуғ зот унвони ила сарафроз этилган, истиқлол нурлари ила муайян саодатли шаҳрида эдик.

Зокиржон аканинг раҳбарлиги ва саволлари асосида сафар мобайнидаги ташкилий-амалий, илмий-назарий ишлар сарҳисоби билан машғул бўлдик. Ҳар ким ўз хотира қутисига тўплаган бойликларини – таассуротларини ўртага ташлади. Улар орасида, ҳарқалай, армон ва афсус бандига оидлари кам, кўнгилни равшан этиб, алоҳида ажратиб қўядиганлари бисёр

эди, нечукким, салкам ўн минг километрли масофани завку шавқ билан кезиб чиқмоққа муяссар бўлдик, энди галдаги вазифа - мўл-кўл таассуротларни ғалвирдан ўтказиш, асилларини саралаш, холос.

Таассуротлардан биргина мисол шуки, биз Эрон ва бошқа мамлакатларнинг шаҳарларида савдо-сотик учун яратилган шарт-шароитларни – кўчаларнинг икки томонидаги савдо дўконлари, расталарини кўриб, яна Амир Темури бобомиз ҳукмронлик қилган даврларни эсладик. Бундоқ усул, бундоқ қурилмаларни улуг Соҳибқирон бобомиз ўша замондаёқ ўз пойтахти Самарқандда жорий этган. Буни Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам алоҳида таъкидлаб, ҳайратланиб ёзган. Мана энди Ўзбекистонда – Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқа шаҳарларимиз кўчаларининг икки бети худди буюк жаҳонгир давридагидек, Эрон ва бошқа юртдагидек савдо-тижорат дўконлари, маиший хизмат устахонлари билан гавжум бўлаётир.

Зеро, бу - юртда маъмурчилик, арзончиликни таъминлаш, савдо аҳлига, халққа қулайлик яратиш учун жуда зарур, жуда муҳим амалий тадбир эди. Яъни, Амир Темури, Алишер Навоий таъбири билан айтганда том маънода халқ ғами билан яшаган ҳукмдор эди. Шубҳасизки, ҳазрат Навоий ҳам **“Одами эрсанг демагил одами, ониким, йўқ халқ ғамидин ғами”** деганда аввало ҳукмдорларни назарда тутган, десак, адашмаган бўламиз.

**24 октябрь, чоршанба**

Шитоб юриб, Самарқандда Боқижон Матбобоевни уйида қолдиргач, Мирзо Улуғбек расадхонаси олдидаги бозордан анъанага биноан икки жуфт-икки жуфтдан нони Осиёдан олдик-да, пойтахтимизга қараб равона бўлдик.

Кун иссиқ, пахтазорларда теримчилар сўнгги чанокларни шошилмайгина териб юришар, биз эса, Андижонга, ўз оилаларимиз бағрига ошиқардик.

## ***ХОТИМА***

Шундай қилиб, Соҳибқирон изларини излаб ташкил этган учинчи сафаримиз ҳам ниҳоясига етмоқда. Ушбу экспедициялардан мақсад ўз замонида улуғ бобомизнинг қадами етган, қаламравига кирган мамлакат-элларни кўриш, зиёрат қилиш, шу билан бирга, мозий қаърига чуқурроқ назар солиб, давлатчилигимиз асоси, тарихи, қувватланиш жараёнлари ҳақида аниқроқ, тўлароқ маълумотларга, билимга эга бўлмоқдан иборат эди. Катта масофали сафар баҳонасида тарихий воқеа-ҳодисалар қатларини варақлаш асносида турли даврларда олиб борилган ҳарбий юришлар, сиёсий-маърифий саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ вужудга келган яхлит Турон – Туркистон салтанатини одилона ва моҳирона бошқариш, уни сақлаб туриш қанчалик оғир ва машаққатли бўлганлиги борасидаги тасаввурларимиз, шубҳасиз, бойиди. Буюк Соҳибқироннинг дунё илму фани, амалий санъати ва меъморчилигининг ривожланиши, шаҳарсозлик маданиятини такомиллаштириш, маъмурлик, фаровонлик тизимларини яратиш, адолатли жамиятни шакллантириш учун кўрган чоралари, қонун-қоидалари, тартиб, талаб-интизомлари тўғрисидаги билимларимиз кенгайди.

Бу ўй-хаёлларнинг ибтидоси ва интиҳоси мана шундай илмий экспедициялар ташкил этиш, хорижий юртларга узоқ сафарларга чиқиш ҳуқуқини таъминлаган истиқлолимиздан, Амир Темурдек жасоратли, матонатли, адолатпарвар зотнинг авлодлари, ворислари бўлганимиздан, ватанимиз Турон – Туркистон – Ўзбекистон номлари билан аталиб келаётган юртнинг қандай гўзал ва бетакрорлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилганимиздан иборат эди. Муқаддас, мўътабар она диёримизга, соғинтирган юртдошларимиз бағрига ошиқиб, меҳру муҳаббатимиз зиёда бўлиб етиб келганимиздан ва ўзимизнинг мусаффо осмонимиз ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олганимиздан қалбларимизда шукроналик туйғулари жўш уради. Бу туйғуларнинг эса монанди йўқдир.

Камина сафар таассуротларини ёзиш асносида, кўрилган, ўқилган маълумотлар, воқеа-ҳодисаларни солиштириш, чоғиштириш учун турли китоблар, манбалар, эски-янги газета-журналларни варақлаш жараёнида яна бир нарсага – буюк Соҳибқирон Амир Темур ва унинг истеъдодли чевараси, аҳду шижоатининг чинакам вориси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида, улар яшаган замонлардан тортиб шу пайтгача бениҳоя кўп ва ранг-баранг жанрдаги илмий, бадиий асарлар яратилганига ва уларнинг кўпидан беҳабарлигимизга амин бўлдим.

Дарҳақиқат, жаҳоннинг таниқли муаррих-олимлари, ёзувчи, драматурглари, бастакорлари томонидан яратилган халқимиз, миллатимизнинг миллий қадриятларига дахлдор асарлар, манбаларнинг аксариятини ўқиб-ўрганиш имконияти мустақиллигимиздан кейин туғилганлиги айни ҳақиқатдир. Чунончи, Амир Темур ва Бобур Мирзонинг ҳукмдорлик, саркардалиқ фаолиятлари, юксак инсоний фазилатлари хусусидаги асил ҳақиқатлар ҳам Буюк истиқлол шарофати билан аён бўла бошлаганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Француз, немис, англиз, озарбайжон, турк, араб ва бошқа миллатга мансуб турли олим ижодкорларнинг Амир Темур ва Бобур мавзуидаги асарлари ҳақида халқимизга энди-энди тўлароқ маълумот ва ахборотлар етказилмоқда. Дунёнинг, хусусан, Оврўпанинг турли мамлакат ва шаҳарларида Амир Темур ҳаётига бағишланган сахна асарлари, опералар яратилгани ҳақида фахр билан ёзилмоқда. Жумладан, Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси, жаноб Гинэк Пэйханинг «Жаҳон адабиёти» журналыдаги мулоқотида келтирилишича 1771 йилдаёқ жаҳон операси пойтахти Миланда XVIII аср таниқли чех бастакори Иозеф Мисливечекнинг Амир Темурга бағишланган мусиқий спектакли премьераси бўлиб ўтган экан.

Энг муҳими, хорижий муаллифлар қаламига мансуб, қимматли маълумотларга бой китоблар жуда кечикиб бўлса-да, ўзбек тилига ўгирилмоқда. Жумладан, Бобур жамоат фонди ҳомийлиги ва ташкилотчилигида тарихчи, давлат арбоби Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», британиялик шарқшунос ва тарихчи Вильям Рашбуркнинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори», австралиялик немис олими ва ёзувчиси Фриц Вюртленинг «Андижон шахзодаси» («Бобур-йўлбарс»), Хуросоннинг машҳур тарихчиси Гийёсиддин Хондамирнинг Туркистон хонлари, Мовароуннахр ва Хуросондаги тарихий воқеа-ҳодисаларга кенг ўрин берилган йирик нодир асари – «Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар» («Инсон зоти хабарлари ва дўстнинг таржимаи ҳоли») ва бошқа кўплаб нодир китобларнинг ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилиши маънавий-маърифий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

«Жаҳон адабиёти» журналыда сал аввалроқ таниқли озарбайжон шоири ва драматурги Хусайн Жовиднинг «Амир Темур» драмасы Усмон Кўчкор таржимасида эълон қилинган эди. Бу борадаги энг сўнгги адабий ҳодисалардан бири – турк адиби Дундар Алпнинг 1912 йилдаёқ Истанбулда дунё юзини кўрган, аммо бошқа шу тоифа асарлар қатори биздан, нафақат биздан, балки кўплардан пинҳон тутилиб ёки таржима ва тарғибот қилишга журъат кўрсатилмай келинган «Шарқнинг энг буюк ҳукмдори» романининг (журнал нусхаси) «Жаҳон адабиёти»нинг 2013 йил апрел-май сонларида (таниқли шоир, таржимон, туркшунос олим Тоҳир Қаҳҳор таржимасида) босилиши бўлди. Амир Темур мавзуида туркий тилларда илк бор ёзилган мазкур роман Соҳибқироннинг «*даврнинг энг суюк ва буюк хоқони*» даражотига эришиш тадрижи, юксак шахсияти – инсонпарварлиги, бағрикенглигини ёритишга бағишланган. Асарнинг энг диққатга сазовор жиҳати – воқеа-ҳодисаларнинг, тарихий ҳақиқатнинг ҳаққоният, адолат билан тасвирланишидир. Жумладан, Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасидаги ихтилофлар, тўқнашувларнинг сабаби ва оқибати, моҳияти тўғрисида сўзбошида шундай фикрлар баён этиладики, ҳайратингиз жўшиб, муаллифнинг мардоналигига тасаннолар айтгингиз келади: **«Темур усмонлилар салтанатини бир хаста каби жарроҳлик тахтасига ётқизди. Бироқ уни ўлдирмоқ учун эмас, балки қутқармоқ учун бир қўлинигина кесди.**

**Темур усмонлилар баданидан анчагина қонлар оқизди, бироқ бу қорасонга йўлиққан вужуддан жарроҳлик жараёнида тўкилган қон ва йирингдан бошқа нарса эмас эди.**

**Темур усмонлилар кўксига бир неча яра очди. Фақат бу ишни у усмонлилар жаллоди бўлмоқ учун эмас, балки унинг муҳташам ҳаётини, муқаддас мавжудиятини қутқармоқ учун бажарди. Вазифаси-да бир жарроҳлик эди.**

**Бутун тарихларда истакли ё истаксиз ўлароқ ёзилганидек, Темурнинг мақсади, фикри-зикри туркийлар бирлигига хизматдан иборат эди...**

**Воажаб! Не буюк зот эмиш бу Темур! Ватан учун, миллати учун чидаб бўлмас қийинчиликларга чидаган, фидокорликлар кўрсатган улуғ инсон!»**

Наздимда мутлақо холис бир кимса, нафақат холис, ҳатто «жабрдийда» мамлакат вакилининг, ижодкор зиёлисининг сўзлари худди бизникидай ва ҳамманикидай янграйди. Ҳа, Амир Темур - ҳамма эътироф этишга лойиқ улуғ шахс, мўътабар зот!

Аммо бир фикрни алоҳида таъкидлаш жоизки, тарихни ўрганиш аканг қарағайнинг халқи азалдан ундоқ, миллати бундоқ бўлган экан, дея кўкракка уриш учун эмас, балки дунё тадрижи ва инсон камолоти босқичларини аниқлаб, келажак авлодларга тарихий ҳақиқатларни имкон қадар мукамал етказиш учун зарурдир.

## ХОРИЖ ОЛИМЛАРИ ВА МУАРРИХЛАРИ СОҲИБҚИРОН ҲАҚИДА

*Соҳибқирон Амир Темур даҳоси, ибратли фаолияти ва ноёб хислатларидан ҳайратга тушган машҳур тарихчи-олимлар, адибларнинг буюк жаҳонгирга берган бир-биридан бой ва мазмундор таъриф-баҳолари дунё темурийшунослиги саҳифаларига муҳрлаб қўйилган. Шулардан айримларини фахру гурур билан ҳурматли китобхонларимиз диққатига ҳавола қилишни лозим кўрдик.*

\*\*\*

Ул бахтиёр Соҳибқироннинг маслаҳатлари, аниқ кўрсатмалари асосида шунчалик кўп ғаройиб хотиралар ва ажойиб кечмишлар тартиб топганки, осмон қудратли донгдор султонлар ва комрон подшоҳлардан бирортаси ҳақида улардан ўндан биричаси ҳам ҳикоя қилинмаган.

*Шарафуддин Али ЯЗДИЙ*

\*\*\*

Соҳибқирон давлатининг ўзига хос белгиларидан яна бири шу эдики, ҳукмдорлигининг ибтидосидан то интиҳосигача, унинг аскарлари бирорта лашкардан мағлубиятга учрамади.

\*\*\*

(Соҳибқирон) қайси томонга от суриб юзланса, фатҳ ва зафар уфори димокқа уриларди; жаҳонгирлик жиловини қайси томонга бурса, ғалаба ва умид насими мушк таратарди.

\*\*\*

(Соҳибқирон) шунчалик давлат ва қудрат соҳиби бўлишига қарамай, муборак кош-қовоғида жаҳондорлик, худбинлик белгилари пайдо бўлмас эди.

*Ҳофизи АБРЎ*

\*\*\*

Амир Темур Марказий Осиё ўтмиши тараққиётининг барча сиёсий, иқтисодий ва маданий меросини ўзида гавдалантирди. У X ва XI асрларда фалсафа, тиббиёт, астрономия, география, тарих ва адабиёт соҳаларида араб ва форс тилларида ажойиб асарлар яратилган юртда ўсиб, улғайган. Ана шу асарлар кейинчалик Европа Уйғониш даврини рағбатлантирди ва кўп асрлар олдиндан Европа фани захирасини таъминлади... Амир Темурнинг тарих саҳнасига келиши тасодиф эмас, зеро, у ўз даврининг энг иқтидорли вакили эди.

\*\*\*

Амир Темур ўзини жангнинг энг қийин жойларига ташлаб ва хатарли хужумларга раҳбарлик қилиб, жасурлик ва темир иродани намоён этди. Унинг матонати ва қатъияти жанг вақтида, қўшинларни идора қилиш санъатининг таъсирчанлиги ҳамда камончиларнинг маҳорати сингари, муваффақият қозонишда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

\*\*\*

XVI асрнинг 80-йилларида инглиз кироличасининг сарой шоири Кристофер Марло “Буюк Темур” номли драмасини оқ шеърда ёзган эди. Шундан эътиборан буюк саркарданинг ҳаёти Европада афсонага айланиб кетган.

*Хильда ХУКХЭМ*

\* \* \*

Амир Темур ёшлигидаёқ ақлининг тиниқлиги ва жасурлиги билан ажралиб турарди. Унда ҳарбий истеъдод эрта намоён бўлди, у отда юриш машқини олган ва камондан отишга моҳир эди.

\*\*\*

Амир Темурнинг 1402 йилда Анқарада эришган ғалабаси фақат Осиё тарихидагина улкан аҳамиятга эга эмас. Амир Темур беихтиёр иккинчи марта Европа халқларига унутилмас хизмат кўрсатди.

*А.Ю.ЯКУБОВСКИЙ*

\*\*\*

Омад унга кулиб боқди, бу равшан, бунга, аввало, ўзининг бор қобилиятини ва инсоний эзгуликни муайян мақсад йўлида оқилона қўллай билишигина ёрдам берди. Амир Темур Доро, Искандар, Рум қайсари салоҳиятига тенг ёки уларнинг барини ортда қолдирувчи буюк ишни адо этиб ҳокимият тепасига келди ва кетма-кет ғалабага эришаверди.

*Т. НАГЕЛЬ*

\*\*\*

Мамлакатга қаттиқ ҳокимият керак эди ва Амир Темур уни барпо этди... Амир Темур кирои “аскарий ҳукмдор” бўлиб қолди.

*Л.Н.ГУМИЛЁВ*

\*\*\*

Амир Темурнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар орасида унинг нафақат туйғуга, балки маънавий қадриятларга ҳам асосланган фавқуллодда кучли ақлий қобилиятлари кўзга яққол ташланади. Ўзига содиқ жангчиларни жалб этиш ва уларни тутиб туришга, ўта даражада ҳаракатчан сиёсий тузилма яратишга, ана шу тузилмани ўзгартириш ва қўшинларни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кўламдаги зафарларга сафарбар этишга қодир тажрибали сиёсатчилар ва лашкарбошилар орасида у, ҳеч шубҳасиз, биринчи эди.

*Б.МАНС*

\*\*\*

Амир Темурнинг Боязид устидан ғалабаси насроний оламни сақлаб қолди. Боязиднинг Никополис салибчилари устидан ғалабасидан кейин Византия Усмонли турклар сиқувида ҳалокатга учради ва унинг таназулга юз тутиши бир ойлик масала эди. Усмонли туркларнинг Анқарада мағлуб бўлиши Византиянинг ярим аср эркин нафас олишига имкон берди. Византия Амир Темурнинг Ғарбий Осиёдаги ғалабасидан кейин ўз вақтида Москва унинг Олтин Ўрда устидан қозонган ғалабаларига тенг келадиган ютуққа эга бўлди.

*Р.ГРОУСИТ*

\*\*\*

Темур аввало Осиё қўмондони бўлган ва ўз даврининг удум ва одатлари бўйича ўзининг ғолибона қўшини ва қуролиларидан фойдаланди.

*Х. ВАМБЕРИ*

\*\*\*

Дўстлик ҳам унга (Амир Темурга) ҳузур бағишлар эди. Самимияти туфайли дўстлар орттирди, уларни сақлай билди, уларга дўст ҳисобланишдан ор қилмади. Зеро, Амир Темур дўстликка фақат дўстлик билангина жавоб бериш мумкинлигини яхши биларди.

*Л.ЛАНГЛЭ*

\*\*\*

Амир Темурнинг вориси, Улуғбекнинг отаси Шохрух Ҳиротни ўз пойтахти қилиб

олди. Амир Темур сингари у ҳам Ҳиротга кўплаб олимларни, айниқса, тарихчиларни жалб этди. Ҳиротда нодир кўлёмаларнинг ажойиб кутубхонаси тўпланди.

**Н.И.ЛЕОНОВ**

**Илова**

### **СОҲИБҚИРОН НАСЛ-НАСАБИ: (Шажара)**

Амир Темур Гурагон  
ибн Амир Тарағай  
ибн Амир Баргул  
ибн Илангиз нўён  
ибн Амир Ийжал  
ибн Қорачор нўён  
ибн Амир Суғав Чичан  
ибн Ирумчи  
ибн Қочули Баҳодир  
ибн Туманайхон  
ибн Бойсунғурхон  
ибн Дутуминхон  
ибн Буғохон  
ибн Бузанжар Қаон  
ибн Аланқува.

Аланқува – Қиёт наслидан, Қиёт Ёфас ибн Нух алайҳиссаломга бориб туташади. Соҳибқироннинг онаси эса Бухоро шариат қонунлари шарҳловчисининг қизи Такина хотун эди.

*(Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”... китобидан).*

Мазкур насабонома билан тарихчи Турғун Файзиев (“Темурийлар шажараси”) Фосих ал-Ҳавофийнинг “Мужмали Фасихий” асаридан олган шажара орасида айрим жиддий тафовутлар бор. Яъники, Хафовийда:

Амир Темур  
ибн Тарағай  
ибн Баркал  
ибн Қорачор нўён  
ибн Суку Сижон  
ибн Қочули нўён  
ибн Туминахон  
ибн Бойсунғурхон  
ибн Қайдухон  
ибн Дутам Мэнги Буқой  
ибн Бузанжар



ибн Алан Қува.

Бундай ўта зарур маълумотлар қани энди айнан ва ўта асосли бўлса! Лекин энг муҳими ва ибратли жиҳати – авлодлар саноғининг уч, беш, еттигина эмас, ўн бешга етказилгани-ю, унинг неча асрлар талотўплари ва қуюнларидан омон ўтиб келаётганидир. Бу эса, шубҳасиз эътиқоддан ташқари қоғоз, ёзувнинг ҳам шарофати!

## ***ИЧКИ САРЛАВҲА(БОБ)ЛАР:***

**Муқаддима** .....

### ***Биринчи қисм***

Дастлабки сафар.....  
Тошкентда .....

### ***Қозоғистон***

Чимкент. Қатиқ пайрови.....  
Арслонбоб ота.....  
Туркистон. Хожа Аҳмад Яссавий.....  
Ўтрор.....  
Эски Иқон. Устоз мозийгоҳида.....  
Ортга қайтиб.....  
Ибратли дўстлик.....  
Олмаота. Жўрамизнинг ўғлонлари.....  
Медеодаги фожиа.....  
Университетдаги мулоқот.....  
Дашти қипчоқ. “Ўзбек” тарихи.....  
Тўрт буюк ҳукмдор.....  
Соҳибқирон Қарағандада бўлганми?.....  
“Қарқаранинг нози-ей!..”.....  
Остона.....  
Қайдасан, Қўстанай?.....  
Бўтажон ва Роза қиссаси.....  
Божхонадаги музтарлик.....

### ***Россия***

Магнитогорск ва Андижон.....  
Амир Темур минораси ва у ҳақидаги ривоятлар.....

### ***Бошқирдистон***

Меҳмонхонадаги машмашалар.....

### ***Татаристон***

Қозон. Ҳамкасблар даврасида.....  
Рус қишлоқлари.....  
Соҳибқирон ва Тўхтамиш жанги. Арнольдлар ҳақиқати.  
Тарихий жанггоҳ.....  
Самара. Вақтни етти асрга қайтарган фестиваль.....

### ***Қорақалпоғистон***

“Қиз учун келмадим”.....  
Бухоронинг яхна шўрваси.....  
Суюнчли хабар.....

***Навбатдан ташқари сафарнинг  
мухтасар баёни .....***

### ***Иккинчи қисм***

Ўша ва бошқа манзилгоҳлар.....

***Қорақалпоғистон .....***

### ***Россия***

Хайрихоҳлар даврасида .....  
Соҳибқирон лашкаргоҳи қаерда? .....  
Самарада .....  
Россияда ўзбек ҳовлиси .....  
Улуғлар ва ғалаёнчилар юрти.....  
Тентиращлар .....  
Олтин Ўрда .....  
Изи бору, ўзи йўқ шаҳарлар.....  
Астрахань – Ҳожи Тархонми? .....  
Наҳотки адашган бўлсак? .....

### ***Кавказ***

Доғистон.....  
Махачқалъа. Расул Ҳамзатов  
хонадонида .....

### ***Озарбайжон***

Амир Темур ва Озарбайжон.....  
Бокуда икки кун .....  
Боқудан Ганжагача .....  
Ганжанинг ганжи .....

### ***Гурҷистон.....***

Ибратли ва ҳайратли удумлар.....

### ***Арманистон.....***

Атоқли зотлар.....  
Машҳур кўл бўйида.....  
Азганушлар маскани.....

**Тогли Қорабоғ.....**

Нотавон, Воқифлар ватани .....  
Степанакертда .....  
“Хундай”нинг нағмалари.....

**Эрон.....**

Табриз. Ўтмишга бир назар .....  
Отанга балли!... .....  
Техрон.....  
Ортга қайтмасак бас... .....  
Астробод. Махтумқулини сўроғлаб....  
Одамшаванда қавмдошлар .....  
Фироқ ўқига нишон Фироғий .....  
Нишопур. Икки аллома зиёрати.....  
Машҳаддаги бетоқат дамлар.....

**Туркменистон.....**

Кўхна Урганчининг кўхна  
қадамжолари .....

**Она юртга ошиқиб... ..**

**Хотима .....**

**Хориж олимлари ва муаррихлари  
Амир Темур ҳақида.....**

**Илова. Соҳибқирон насл-насаби.....**

## **КИЧИК САФАРНОМАЛАР**

### *Дунай соҳилларида*

Олис ўлкаларга сафар ҳар доим кишида ўчмас таассуротлар қолдиради. Биз Москвадан Будапештга тунда жўнадик. Тонг отганда поездимиз икки тарафи бепоеён ўрмонлардан иборат темир изларда шитоб илгарилади. Тонг ҳавосининг мусаффолигиданми, нафас олиш осонлигиданми, ўзимизни енгил сезардик. Сайёҳларимиз шаббода ўрмон томонлардан учириб келаётган анвойи ҳидлардан кўпроқ баҳра олиш учун вагон деразаларига ёпирилиб, ташқарини завқ-шавқ билан томоша қилиб боришарди. Шунда «Украина республикаси майдонининг қирқ фоиздан ортиқроғини дарахтзор ташкил қилади» деб ёзилган манба эсимга тушди. Худди ана шу жойда «Ўзбекистоннинг атига бир фоиз ери дарахтзордир», деган жумлани ҳам ўқигандим. Ўзбекистондаги икки томони бепоеён пахтазордан иборат (анча-мунча тутзорларнинг эса умри қисқа) темир йўллар, кўчалар кўз олдидан лип-лип ўтдию, юқоридаги далиллар ва рақамларнинг тўғрилигига шубҳам қолмади.

Венгрия Халқ республикаси эса бизни, поездимизни дарахтзорлари салгина сийраклашган аммо баҳор нафаси уфуриб турган, майсалари ям-яшил далалари билан қарши олди. Дарахтзорлар узилган жойда (Будапештга хийла яқинлашганда) бир-икки қаватли мўъжазгина уйлар кўрина бошлади. Ён-веридаги бўйрадайгина томорқасига ниҳоятда дид ва ҳафсала билан мевали дарахтлар экилган, атрофи сим-тўр билан тўсилган уйлар бир қарашда анчайин тартибсиз тушгандай таассурот қолдиради. Лекин секин-аста кўзларимиз бу «тартибсизлик»да қандайдир эркинликка, ихтиёрийликка, яъни қолипсизликка асосланган лойихачиликни илғай бошлади. Энг муҳими, уй деворлари, пештоқлари (ҳатто нишаби ўта тик черепица томлари) рангба-ранг: бири иккинчисини такрорламас, бири иккинчисидан тиниқ, чиройли эди. Бу ранглар, менинг назаримда, бизнинг саноғимиздаги ранглардан анча кўп ва хўп эди. Шундай ажойиб кўринишдаги хонадонларни қисқача қандай ифодалаш мумкин, дея ўйладим ва хаёлимдан «чигилинг» деган жайдари сўзимиз ўтдию, шууримдан маҳкам жой олди -кўйди. Хонадонлар атрофида, томорқаларда, йўл бўйларида кераксиз буюм ё бошқа ашқол-дашқол, иккиланмай айтаман, умуман кўзга ташланмас эди («ахлат» сўзини ишлатишга эса мутлақо тил бормайди). Ана шунда мен танқидий чиқишимга жавобан Андижон шаҳри раҳбарларидан бирининг «биз йўқ жой одатда яхши туюлади» деган таънаомуз писандасини яна бир карра эсладим ва мийиғимда кулиб қўйдим. Ажаб, нега биз ибрат олишдан орият қиламиз? Ахир бундай «ориятчанлик» халқ учун, лоақал бир шаҳар ё вилоят аҳли учун қимматга тушади-ку. Ахир ҳазрат Навоий «Билмагани сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» деган-

ку. Улуғ бобомиз руҳи кечирсин-ку, бундай орланиш фақат ўзигагина эмас, халқига ҳам золимлик-ку!

Будапештга яқинлашганимиз сайин юқоридаги ранглар яна хилма-хиллашиб, куюқлашар, хуллас, биз жилвакор ранглар оламига кириб борардик.

Поездимиздан бизга ўхшаган бир неча саёҳатчи гуруҳ тушди. Бўйдор, сарв қадли, истараси иссиқ жувон тўппа-тўғри бизга яқинлашиб, «Анджонлик туристлар сизларми?» дея сўраганида унинг зийраклигига ҳайрон қолдик. Кейин билсак у жувон, яъни бизнинг Венгрия бўйлаб бошловчимиз Эстэр Месарош Ўзбекистонда бўлган экан.

Нонуштадан кейиноқ Будапешт сайрини шаҳарнинг қоқ марказида, энг баланд жойида қад кўтарган, иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига ўрнатилган энг улкан ёдгорлик пойига гулчамбар қўйишдан бошладик. Ёдгорликнинг баланд ва орқа девори Венгрияни, хусусан Будапешт шаҳрини немис-фашист босқинчиларидан халос этиш учун бўлган аёвсиз жангларда ҳалок бўлган аскарларнинг фамилиялари билан лиқ тўла эди. Улар орасида бир неча ўнлаб Ўрта Осиё халқларига мансуб фамилиялар ҳам бор: Сафаров, Саттаров, Ашуров, Ирбоҳимов, Назаров, Зокиров, Омонов, Фаффоров, Усмонов, Юсупов, Мухторов, Аҳмедов... ва ҳоказо... Эҳтимол буларнинг айримлари ўзбек, айримлари тожик, қирғиз, қозоқ ё туркмандир, қорақалпоқдир... Марҳум ватандошларимиз хотираси учун бир нафас сукут сақлаб, уларни дилларимизда ёдладик, ўзимиз номимиздан, келажак авлодлар номидан венгрияликларга ташаккур изҳор этдик.

Ёдгорлик атрофидан айланиб қарасангиз куйида бутун Будапешт кафтдагидай яққол кўринадди. Машҳур Дунай дарёсининг икки қирғоғига жойлашган, ранго-ранг нақшли, меъморчилик санъатининг ажойиб намуналари бўлган истараси иссиқ тарихий бинолар сайёҳларни ўзига мафтун этарди.

Будапештни томоша қилишда давом этар эканмиз, ҳар қадамда халқ, мамлакат ўтмишидан ҳикоя қилиб турувчи турли кўриниш ва қиёфадаги ёдгорлик - ҳайкаллар билан безалган, айлана-айлана йўлларнинг вазифаси фақат манзилга элтишдан иборат эмасдай, улар юз фоиз шакл берилган хиёбонлар, хиёбончалар, тош йўлақлар билан уйғунликда шаҳарга ўзига хос қиёфа, манзара бағишламоқда, кўз-кўзламоқда эди. Чиройли, бежирим уйлар эса фақат макон, бошпана учун эмас, яшаш учун - завқ билан, гўзаллик туйғуларига чўмиб яшаш учун қурилгандай... Республикамиз шаҳарларидаги, хусусан Анджондаги бир қолипни, ўнгсиз, симобранг, истараси совук, бетонлиги манаман деб турган, шарқ халқларининг руҳияти, яшаш тарзига мос бўлмаган уйлар кўз олдимдан саф тортиб ўтади.

Венгриянинг собиқ пойтахти Секешфехервар шаҳрида ранглар жилваси янада рангин, янада куюқ эди. Бу ердаги ранглар ва саришталикдан ташқари бизнинг эътиборимизни жалб этган яна бир жиҳат - пиёдаларнинг чорраҳадан ўтишда қатъий тартиб сақлашлари бўлди: қизил чироқми, йўлнинг икки томонидан машина қораси умуман кўринмаса ҳам, болами, кексами - то кўк чироқ ёнмагунча ўта хотиржамлик билан кутиб туришарди, ҳолбуки кўчалар биздагичалик кенг эмас, аксинча, тор, икки хатлаб нариги бетга ўтиш мумкин. Дарвоқе, бу ерда ҳам, Будапештда ҳам (умуман, Венгриянинг биз бўлган барча шаҳарларида) ҳамма катта-кичик кўчаларнинг бир ё иккала томонида кўндалангига балиқ чизимидай териб қўйилган шахсий енгил машиналарнинг кўплигидан ҳайратга тушдик. Мамлакатда ҳар уч кишига биттадан тўғри келадиган бу автомобиллар ёзу киш кўчада тураверар экан. Назаримизда бу ерда «шахсий гараж» деган тушунча йўқдай эди. Гидга «ўғирлаб кетишмайдими?» деган савол беришдан ўзимизни тийдик. Айтгандай, кўчалар шу қадар тор, қатнов тиғиз бўлишига қарамай, олти кун ичида полиция кийимидаги автоинспекторни учратмадик

Секешфехерварда кўзимизга осмонга қоқ-қора, сап-сарик тутун пуркаб турадиган темир мўрилар жуда кам чалинди. Маҳаллий сайрбонимиз Агнесса (Гордаш Дюланс) бу ҳақдаги саволимизга: «Саноат зоналари шаҳардан четда жойлашган, Диёр шаҳрига кетаётганда йўлда кўрасизлар» дея жавоб берди-да, 2-жаҳон урушигача аграр мамлакат бўлган Венгриянинг кейин тез суръатлар билан индустрлашганини таъкидлаб ўтди. Бунда, Совет Иттифоқидан келётган табиий газнинг ҳам хиссаси бор, - деди у. Шунда биз,

Ўзбекистонлик сайёҳлар ўзаро маъноли кўз уриштириб олди ва ҳар биримизнинг ичдан ғурурланиб қўйганимизни гид ҳам сизди албатта. Демак, Ўзбекистон ва Россия орқали шу юртгача етиб келаркан. Ёдимга Балиқчи район Маданият саройига 100 метрлик масофадан газ улатиш учун бир неча йилдан бери Андижон - Қўқон - Тошкент йўлларида елиб юрган дўстим Шокиржон тушди. Агнесса эса Венгрия ерларининг ҳукуматга, кооперативга, хусусий мулкчиларга бўлиб берилгани, мамлакат сабзавот, картошка, мевачилик билан ўзини ўзи таъминлаши, жуда кўп ҳар-хил ичимликлар, мева шарбатлари четга, хусусан ғарбий давлатларга экспорт қилинаётгани, «Икарус» автобусининг шуҳрати тўғрисида мароқ билан сўзлашда давом этарди.

- Лекин, - деди у, - ҳамма жойда бўлгани каби, бизда ҳам ишсизлик муаммоси мавжуд. Илгари бу ҳол сизлардаги каби бизда ҳам яширилиб, ошкор қилинмасди. Энди ҳукумат уларнинг ишга жойлашиб олиши учун бир йил муддат беряпти: биринчи ярим йилда аввалги ойлик маоши юз фоиз, кейинги ярим йилда эса етмиш беш фоиз сақланади, сўнг ихтисослаштирилади. Сизларда ҳам ўзгариш катта. Қайта қуриш, мана, Ўрта осийлик аёлларга ҳам етиб борибди-ку. Илгари у ёқлик саёҳатчилар орасида улар кам бўларди. Бу гуруҳда хотин-қизлар кўп экан.

Агнесса тўғри ва жиддий гапирмоқда эди. Биз, албатта, унинг фикрларини тасдиқладик.

Дарҳақиқат, биз Веспремга Секешфехервар шаҳридан ўн беш - йигирма чақиримлар наридаги саноат зонаси ёнидан ўтиб кетдик.

Салкам минг йиллик тарихга эга бўлган Веспрем ихчамгина, шинамгина, шаҳар экан, Шаҳар Кенгаши марказдаги эски, қадимий бинолар, уй-жойларни бузиб, янги, замонавий марказ қуриш ҳақида қарор чиқарган экан, халқ рози бўлмагач, бу жой таъмирланиб, ободонлаштирилибди. Сайрбонимиз хусусий савдо растасидаги пешайвон томининг ўртасидан чиқиб турган дарахтни кўрсатиб, биз ҳар бир туп дарахтни асраймиз, деди.

Ҳар бир туп дарахтни асраш... Бу, зинҳор дарахт камлигидан эмас... (Зеро, Венгриядагина эмас, Чехословакияда ҳам ҳар бир туп дарахт эъзозда...)

Ҳолбуки бу юрт умумий ер майдонининг ўттиз беш фоизи (мевали боғ-роғлар бу ҳисобга кирмайди) ўрмондан иборат.

Умуман, сафар давомида автобусда юриб, барча йўлларга ҳавасимиз келди: деярли бошидан охиригача икки четига оқланган бежирим темир ғов тортилган, ниҳоятда текис, равон, машина гўё сувда сузиб кетаётганга ўхшайди, энг муҳими кўчаларнинг (масалан Братислава - Прага йўлининг) икки томони кўм-кўк арча, қарағай... қисқаси, ям-яшил дарахтлар... Узоқ йўл, чарчоқ уйку элитади. Лекин кўзни яшнатадиган, дилни қувонтирадиган манзаралардан бебаҳра қолишни ўйлаб беихтиёр сергак тортасиз...

Чехословакияда эса мен булбул кўрдим. Ҳа, азал-азалдан ошиқ тимсоли сифатида шоирларга абадий мавзу, рамз, қахрамон бўлиб келган булбул...

Биз Европадаги энг қадимий ва маданий марказлардан, гўзал шаҳарлардан бири Праганинг жануби-ғарбий районидаги Голф меҳмонхонасига қуёшнинг тафти кетиб, салқин оқшом бошланаётган пайтда етиб бордик. Шимолдан жануб томон чўзилиб кетган тепалик ёнбағрида қад кўтарган, ўзига хос меъморчилик санъатини намоён қиладиган меҳмонхона биносини уч томондан кўкаламзор майдон, табиий хиёбонлар ўраб турарди. Хиёбонлар, дарахт сийрак бўлса-да, жозибали, файзли эди. Ана шу жойда иккита булбул «айтишув» қилишарди. Минг бир хил усул, минг бир оҳангда сайрайдиган митти «куйчи» хонишларини соғиниб қолган эканмиз, бир-биримизни чақириб, суюнчилаб, то баданларимиз кечки шаббодадан жунжика бошлагунча мириқиб тингладик.

Мен бу мўъжизавор ноёб қушчани бундан тўрт йил муқаддам Пятигорск шаҳридаги Маъшуқ тоғи чаманзорларида учратгандим, кўпчилик гапимни тасдиқлади, чиндан ҳам гўзага ердан ҳам, кўкдан ҳам заҳарли дори сепилавериб, Ўзбекистоннинг шаҳарлари тугул, қишлоқларида ҳам булбул йўқ бўлиб кетган, дейишди. (Дарвоқе, менинг ўзим ҳам Андижон вилоятидаги энг сўлим, энг хушманзара қишлоқлардан бирида - Қорадарё ва Тентаксой дарёларининг ўртасида жойлашган Гуркировда яшайман). Фақат, Марҳаматлик ҳамроҳимиз

биз томонларда, тоғда булбул бор, деган эди, улар ҳам қўшни Ўшдан адашиб ўтиб туришса керак, дея кулишдик...

Бизнинг ҳавасимизни келтирган мисоллар, тимсолларни яна кўплаб санаш мумкин. Тўғри, ўзганинг бўзи атласдай кўринади.

Лекин ҳақиқатни тан олмоқликни ўргана бошладик-ку, шунинг учун кўни-кўшни, қардош-биродарларимиз ҳаёти, турмуш тарзидаги ибратли жиҳатларни яхши маънода, яхши ниятда назардан ўтказиб, дилга тугиб қўймоқликнинг ҳеч бир зиёни йўқ. Қолаверса, дўсти ё бошқа бир кадрдониникига меҳмонга борган одам у ердан камчилик, қусур кидирмайди, албатта.

Табиийки, ҳамма юртнинг ўзига хос ва умумжаҳоний, бошқа юртларники билан муштарак муаммолари бўлади. Биз Будапештга бориб тушган кунимиз у ерда намойиш бўлаётган эди. Халқ норозилик ҳаракатининг маъносини бизга эртасига Секешфехервар шаҳрида тушунтириб беришди: Будапештдан қирқ чақирим наридаги электр станцияси қурилишини тўхтатишни талаб қилиб чиқишган экан. Бу йирик иншоотга мўлжалланган жой Дунай дарёсининг энг гўзал, баҳаво соҳили бўлиб, будапештликлар дам олиб, ҳордик чиқаргани бориб туришар экан. Қолаверса, электрстанция қурилиши ҳеч шубҳасиз табиат экологиясига жиддий путур етказди - қанча ер, дов-дарахтлар вайрон бўлиб, яқин-атрофнинг ҳавоси булғанади, дейишди. Шунда мен яна ўзимизнинг Андижонни, андижонликларни эсладим: бир неча ўн йилдирки, улар инсон саломатлигига жуда катта салбий таъсир қилаётган вилоят халқига деярли манфаати тегмайдиган «Гидролиз» заводининг аччиқ тутунларидан бурни, кўзи, юраги ачишиб яшаб келишади. Ўртада бир-икки чақирим масофа бўлсаям майли эди, шаҳарнинг қоқ ўртасида, қанчаларнинг девори ўша заҳархона деворига туташ-а! Умуман заҳарли қора тутун бурқсатиб турадиган завод ва бошқа корхоналар шаҳарда ўндан ортиқ! Тоқатингга балли халқим, дея ҳайқиргинг келади.

Экологик мувозанатнинг издан чиқишидан ер юзи халқлари каби, мадиёрлар ҳам, чехлар, словаклар ҳам жиддий ҳавотирда эканликларига амин бўлдик. Дунай ва Влтава дарёларининг суви аввалги тиниқлигини йўқотган, ёғ тўкилгандай ялтираб оқмоқда. У томонларда киш фаслининг ниҳоятда қисқа ва камёгин кечиши оқибатида халқ хўжалиги сув танқислигидан азият чекмоқда. Шу боисдан суғориш асосан сунъий йўл билан амалга оширилади.

Уй-жой етишмаслиги, нарх-навонинг кўтарилиб бориши каби муаммолар бу икки мамлакатга ҳам хосдир.

Туғишнинг камайиб бориши эса - кўплаб Европа мамлакатлари каби Венгрияда ҳам, Чехословакияда ҳам ҳукумат раҳбарларини ўйлантираётган жиддий ташвишлардан бири. Улар аёлларни камроқ туғишга, оилани режалаштиришга ундашмайди, балки оналарга янги-янги имтиёзлар яратиш ҳақида бош котиришади.

Бизнинг аёлларимиз, ота оналаримиз эса бир этак боланинг ичида гоҳо ўз исмларини ҳам эсдан чиқариб қўйишади. Шунинг учун ўзларини ўтдан-чўққа, мол-дунёга уришади... Сафарда ҳам шундай бўлди. Аёлларимизнинг аксарияти, ҳатто бир-иккита эркак сайёҳларимиз ҳам менинг назаримда чет элга дунё кўриш, олам ҳақидаги тасаввурларини бойитиш учун эмас, ўғил уйлантириш, қиз чиқаришга анча-мунча латта (масалан кремплин деган мато) топиб келиш учун (балки яна бошқа мақсадларда) боришгандай туюлди. Сайёҳлик дастуридаги диққатга сазовор жойлар, тарихий ёдгорликлар зиёратидан турли баҳоналар билан бош тортишган айрим ҳамсафарларимизнинг магазинлардаги ҳар хил латталарга ёпирилишларини кўриб, гуруҳ раҳбари сифатидагина эмас, шунчаки ўзга бир халқ вакили сифатида ҳам қаттиқ хижолат чекишга тўғри келган пайтлар бўлди. Ўшандай вазиятларда ҳамроҳлар билан жиғибийрон бўлиб баҳслашдик, муҳокама қилдик. Лекин кўпинча, хулосалар бир жойдан чиқди: балки ўша матоҳлар бизнинг магазинларда ҳам турса ва ўша ердагидай (масалан Венгриядагидай) арзон бўлса (бизда метри 29 сўмлик кремплин у ерда 8-12 сўмдан ошмас экан), сайёҳларимиз шу даражага боришмасмиди, ёки латталарнинг sanoғи, ҳажми, қиммати билан ўлчанадиган тўйлар, ҳар турли маракамаросимлар каби ярамас расм-русмлар, сохта ориятга, ким ошди обрўга муккасидан кетган

(бундай маросимлар кўр-кўрона иллат холос, зинҳор миллий урф-одат эмас!) халқимиз ана шу мутлақо ортиқча дабдабаларга совурган жамғармаларини фарзандлари билан дурустрок еб-ичишга сарфлашса, турмушлари фаровонлиги яхшиланармиди...

Бу бир омади гап-ку, ҳар қалай сайёҳликнинг ҳам ўзига хос маданияти бўлишлигини, сафарга чиқаётганлар билан жиддийроқ суҳбат ўтказиш зарурга ўхшайди. (Ахир 30-36 та одам борган жойларида бир вилоятнинггина эмас, балки бутун бир республика, бир халқ вакили сифатида таассурот қолдиришини эътибордан соқит қилиб бўлмайди). Сафарга юбориш, сайёҳлик шунчаки маълум дастур, режани амалга ошириш, ижро этишдангина иборат эмас, балки турли юртлар, халқлар, миллатларнинг, бир-бирлари ҳаёти билан танишиш, ўрганиш, ибрат олиш, тажриба алмашиш каби шарафли мақсад ва вазифага айланмоғи лозим.

Шахсан мен Венгрия - Чехословакия сафаридан ҳар бир юрт, мамлакатнинг ибратли жиҳатлари мавжудлигини англаб, саёҳат инсон кўзини очар экан, заминга файз, жозиба бағишлайдиган жилвакор ранглар кўп экан, деган тасаввур билан қайтдим.

*1989 йил, май.*



## Дўстлар дийдорига интиқиб

Бир-бировини соғиниб, бир-бирига интилиб яшаш бебаҳо, бекиёс инсоний туйғудир.

Самарқанд–Бухорога ижодий сафаримиз давомида мени шу туйғу бир лаҳза тарк этмади, аксинча қалбим тубига тобора чуқурроқ кириб бораётганини ҳис қилиб юрдим.

Ташаббус Бўз педогогика билим юрти директори, таниқли шоир, бағри ҳамиша дўсту ёрларга очик Тўлан Низомдан чиққан эди.

Бўз тумани ҳокими, бадиятга, маънавият ва қадрият жарчиларига эътиқоди, ҳурмати баланд Адҳамжон Ўринбоев сафар учун зарур бўлган барча шарт-шароитни муҳайё қилиб берди. (Дарвоқе, Адҳамжоннинг қалам аҳлига бундай ажойиб илтифот, мурувват кўрсатиши биринчи бора эмас).

Сафарга Тўлан Низом хонадонидан саҳар жўнадик. Ўта саҳоватли келган кузнинг сўнги кунлари. Бўз – Қўқон йўлини «тўқсон» даракчиси - қалин туман қоплаган эди. Тонг ёришгач, туман тарқаб кетди. «Тойота»миз елдай учиб боради. Ҳайдовчимиз Солижон жуда кам гап, оғир-босиқ лекин ўз касбини яхши биладиганлардан. Бу йигит ҳам илгаридан таниш.

Бошқа ҳамсафарларимиз - ғазаллари шўх шоир ва дилкаш инсон Фозил Эмин, шеърлари ўзи каби залворли Исмоил Тўлак, ҳамиша Тўлан Низом ёнида, яъни адабиёт ҳузурида хизматга шай Тўйчибой Мамасолиев («Бўз ҳақиқати» рўзномасининг муҳаррири), Бўз педогогика билим юртидаги адабий мактаб раҳбари Қўчқорали Ашуров, тил-адабиёт фанининг ҳақиқий билимдон муаллими, бир чимдим шоир, палов устаси Раҳматулло Исмоилов... Орамизда яна бир инсон – вилоятимизда, балки бутун Ўзбекистонда ҳам ёғоч ўймакорлиги санъатига қайта ҳаёт бағишлаганлардан бири, мана шу соҳадаги жуда кўп кўрик-танловлар совриндори Йўлбарсали Ўтаганов ҳам бор эди.

Чошгоҳларда Сирдарё йўлида қовунхўрлик қилганча, ҳазил-ҳузул, шеърхонлик билан кундуз соат 3 ларда Самарқанд тупроғига қадам қўйдик.

Биз жойлашиш анча муаммо бўлса керак, деб ҳавотирланиб келувдик. Таажжубки, меҳмонхоналар деярли бўм-бўш эди. Бизни «Зарафшон» меҳмонхонаси ўз бағрига олди. Эргалаб мен ҳамкасбим - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимининг масъул котиби, ўтлиғ шоира Хосият Бобомуродовага сим қоқдим. Тошкентдан, республика Ёзувчилар уюшмасидан хабар берилган, лекин бизнинг қачон келишимизни билмай, у ташвиш чекиб ўтирган экан, қувониб кетди ва кўп ўтмай етиб келди.

Хосият ва Самарқанд дорилфунунининг профессори, адабиётшунос олим, жўшқин инсон Исроил Мирзаев бошчилигида вилоят рўзномаси - «Зарафшон» таҳририятига қараб йўл олдик.

Менинг бу машҳури жаҳон шаҳарда учинчи бор бўлишим эди. Шаҳарнинг бундан 27 йил илгариги ҳолати билан ҳозирги қиёфасини мутлақо таққослаб бўлмасди. Ўша даврларда «Самарқанд» сўзи олдида албатта «қадимий», «кўҳна» сифатлари қўшиб ишлатиларди ва ҳақиқатдан ҳам шаҳардаги ҳали таъмирланмаган обидалар, қадимий кўчалар, даҳалар эски, кўҳна эди. Бугунги Самарқанд ҳайратланарли даражада ўзгариб кетибди. Тарихий обидалар таъмирланган, йўллар кенгайтирилган, янги батартиб кўчалар очилган, баланд қаватли, кўркам, салобатли бинолар қад кўтарган, дарахтлар шовуллайди... Хуллас, Самарқанд энди қадимий ва навқирон шаҳарга айланган эди.

Айниқса, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан буюк олим расадхонаси, Гўри Амир мақбаралари, Регистон ансамбли обидалари, майдонлар ҳусни-жамоли тамомила яшнаб, ёшариб кетган эди. Назаримда замонавий бўёқлар тимсолида тарих анча яқинлашгандай, ўтмиш билан ҳозир уйғунлашгандай туюлди.

Таҳририятда бизни бош муҳаррир, ёзувчи Ҳабиб Темур кутиб олди. Ташрифимиздан мамнун бўлиб, рўзномада ишловчи Исо Абдурахмон ва бошқа шоир ва адибларни тўплаб, бизга таништирди, рўзнома фаолияти ҳақида, унинг Самарқанд ижодкорларига

кўрсатаётган муруввати тўғрисида гапириб берди. Адабий гурунг қизиди.

Кейин Челак туманига жўнадик. Ҳартанг (ҳозир Хўжа Исмоил) кишлоғида бизни туман ҳокимининг ўринбосари, шоир Зиёдулла Нурматов ва бошқалар кутиб туришган экан. Исмоил ал-Бухорий қабр-мақбарасини зиёрат қилдик. Зиёратгоҳ хожаси мулла Усмонхон ҳадис илмининг пешвоси имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг таржимаи ҳоли, унинг ислом оламида жуда юксак кадрланувчи нодир асарлари ҳақида ғоят таъсирли ва мухтасар сўзлаб берди.

Оқтош (бу ихчамгина шаҳар Отаёр, Зулфия Мўминова каби шоирлар юрти)га анча кечикиб, соат 7 яримларда бордик. Бобур номли шаҳар маданият саройида йиғилган халқнинг асосий қисми сабр-тоқат билан бизни кутиб ўтиришган экан. Биз кириб борганда машҳур халқ бахшиси Ислом шоирнинг ўғли Зиёдулла Исломов бизга таниш бахшиёна овозда ўз термаларидан куйлаб ўтирган эди.

Залда одам нисбатан камроқлигига қарамай, учрашув, шеърхонлик анча мароқли ўтди. Кечани бошқараётган Оқтош шаҳар ҳокими ўринбосари Сулаймон Муҳаммадиев шоир табиат экан. Айниқса, ҳамюртимиз, андижонлик муаллима, Нарпай тумани хотин-қизлар кўмитасининг раиси Мавлуда Умированинг эҳтиросли кутлов ва ташаккури анжуманга ўзгача файз, кўтаринки руҳ бағишлаб юборди.

Мирбозордаги мўъжазгина меҳмонхонада тунагач, эрталаб Бухорога жўнадик. Йўл-йўлакай кўриниши, қурилиши ғарбий шаҳарларни эслатувчи, анча озода, саришта Навоий шаҳрини бир оз айланиб томоша қилган бўлдик. Бухоронинг Гиждувон туманига кираверишда таниқли шоир, «Бухоро ҳақиқати» рўзномасининг муҳаррири, кадрдонимиз Тошпўлат Аҳмад, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби, ёзувчи Вали Бобомуродов, «Халқ сўзи» рўзномасининг вилоят муҳбири, шоир Маннон Отабоев ва бошқа ҳамкасбларимиз тимсолида бизга гўё улуғ Бухоро ўзининг қайнок бағрини очиб турарди.

Ишни учрашувдан бошладик. Бухорор тўқимачилик комбинатининг Гиждувон бўлими ишчи-хизматчиларининг табассумли чеҳраларидан, қарсақларидан уларнинг шеъриятига ва бизга меҳри аён сезилиб турарди. Тошпўлат Аҳмад Бухоро адабиёти, Абдурауф Фитрат таваллудининг 100 йиллигига ҳозирлик ҳақида, мен Андижон адабий муҳити, вилоятимизда ўтказилаётган тадбирлар, жумладан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган катта анжуманни Андижон вилоят ҳокимияти раҳбарлиги ва ёрдамида кенг миқёсда нишонлаганимиз тўғрисида гапирдик. Даврада Тўлан Низомнинг «Чўлпон» достонидан парчалар, Фозил Эмин ғазаллари, Исмоил Тўлакнинг жиддий ва ҳазил шеърлари жаранглади ва қарсақларга кўмилди.

Комбинатнинг ёш директори, Олий Кенгаш депутатлигига номзод Муроджон Умаров, Гиждувон шаҳар ҳокими Иброҳимжон Жалилов ва бошқалар ташрифимиздан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Улуғбек мадрасасини, Хожа Абдуҳолик Гиждувоний мақбарасини зиёрат қилиб чиққанимизда кун намози асрга яқинлашиб қолган эди. Кеча эрталабдан бери ўз вилояти ва Бухорода бизга ҳамроҳлик қилиб, ўзининг дилбар шеърлари билан давраларни ва кўнгилларни яшнатиб юрган Хосият Бобомуродова шу ерда қайтишга изн сўради. У билан эртага кечқурунгача хайрлашдик.

Бухоролик ижодкор ва ижодкорларга ҳайрихоҳ дўстларимиз билан дийдорлашув ва мулоқотларимиз оқшом Ромитан туманининг «Қалъаи Чорбоғ»ида давом этди. Жамоа хўжалигининг пахтазор далалар ва боғлар ўртасида қад ростлаган баланд ва баҳаво меҳмонхонасидаги базми жамшидимиз том маънода адабиёт, ижод баҳсига, мушоирага айланди.

Шу ерда Тошпўлат Аҳмад бизга юртдошимиз, оташнафас шоир ўзбек шеърятининг байроқдорларидан бири Абдулҳамид Сулаймон Чулпоннинг йигирманчи йилларда Бухорода яшагани, «Бухорои ахбор» (ҳозирги «Бухоро ҳақиқати»нинг дастлабки нашри) рўзномасига олти ой бош муҳаррирлик қилгани, унинг «Халқ-денгиздир»... деб бошланадиган шеърининг илк марта ана шу газетада босилганини сўзлаб берди. Бухоро

Давлат университетининг профессори Охунжон Сафаровнинг чинакам олимона, донишона дил сўзлари ҳаммамизни ғоят мутаассир этди.

- Мен Андижонда бўлмаганман, - деди у, - лекин қадрдоним Исмоилжон ва бошқа танишларим боис ўзимни худди у юртда бўлгандай ҳис қиламан. Тўлан Низом бошқараётган Бўз педогогика билим юрти ўзининг доврўғи билан бизда гўё университетдай тасаввур уйғотади. Бухоро билан Андижонни боғлайдиган ришталар кўп. Иккала вилоятга бирдай азиз шоир Султон Жўра 1931 йили айнан мана шу қишлоқдаги ўрта мактабда дарс берган...

Шу кеча Бухоронинг машҳур «Варахша» (шаҳарнинг қадимги номи) меҳмонхонасида, ўтмиш хаёллари оғушида тунадик.

Хўжа Боховуддин Нақшбанд мақбарасини, унинг табаррук онаси қабрини зиёрат қилгач, шаҳар айландик. Бухоро ўзининг машҳур «Лаби ҳавуз»и, Арклари, катта-кичик миноралари билан қадимийлигини, тарихни ўз суратида ва сийратида сақлаб келаётган шаҳар... Мир Араб мадрасасида бўлиб, андижонлик толиби илмлар билан суҳбатлашдик.

Бухоро тумани ҳокими Элмурод Шомуродов иштирокида Ўзбекистон халқ ноибИ Муҳаммаджон Аҳмедов раис бўлган, ҳар жиҳатдан илғор «Маданият» жамоа хўжалигида тушлик қилгач, кўҳна «Ситораи Моҳи хоса»ни зиёрат айлаб, унинг ҳовли-боғида айланар эканмиз, мезбонларимизнинг ушбу собиқ хон қароргоҳи олдидаги сут билан тўлдирилган ҳовузда канизаклар чўмилишгани тўғрисидаги ҳикояларини тинглаб, кимларнингдир кўнгли сует кетган бўлса ажабмас...

Шу жойда бухоролик дўстлар билан омонлашиб, Самарқандга қайтдик.

Ёзувчилар уюшмасига кеч соат етти яримларда етиб келдик. Хосият Бобомуродова оқсоқол адиб Бобомурод Даминов, адабиётшунос Исроил Мирзаев, Хосият таъбири билан «ошиқ шоир» Олқор Даминлар бизни Жомбой туманига бошлаб кетишди. Аввал ҳокимиятда, сўнг Истиқлол оромгоҳида чой устидаги суҳбатларимиз ниҳоятда қизғин ва завқиб бўлди. Аввало туманнинг нисбатан ёш ҳокими Келдиёр Исроилов ўзининг очик кўнгил, дангаллиги, шинавандалиги ва бошқа фазилатлари билан ўзига ром этди. Ҳоким бўлганига ҳали 3 йил ҳам тўлмабди. Лекин айтишига қараганда, шу қисқа муддат ичида анчагина ижобий ўзгаришлар қилишга улгурибди. Туманда 100 минг аҳоли яшаркан. Икки йил муқаддам бу ерда 17 фоиз хонадон газлашган экан, ҳозир бу рақам 85 фоизга етибди. Ана шу давр мобайнида 14 та ўрта мактаб куриб битказилибди.

- Бизда ун муаммоси ғалладан мўл хосил олиш ҳисобига юз фоиз ҳал бўлган, - дейди у фаҳр билан. - Умуман, озик-овқатлардан фақат шакар муаммоси бор холос, бошқа соҳада қийинчилик йўқ. Туманимизда ҳар икки кишига биттадан қора мол тўғри келади, шунинг учун гўшт, сут ҳам сероб... Дарвоқе, - деди ҳоким сўз орасида, - менинг Андижонга алоҳида ихлосим, муҳаббатим бор. Сабаби, мен икки йил Тошкентда ўқишга киролмай, учинчи йили Андижонга бориб, Халқ хўжалиги институтига кирганман...

Учрашувимиз бошида ҳоким: “Сизларга бир ажойиб совға тайёрлаб қўйганман”, деган эди. Ҳақиқатдан ҳам фавкулотда ажойиб бу совға Тошкентдаги «Зарафшон» ансамблининг том маънодаги хушовоз хонандаси Замира Номозова экан. Унинг ижросидаги «Самарқанд ушшоғи», «Муножот», «Излайман» каби мумтоз ашулалар ҳаммани сел қилиб юборди. Мусикасиз, микрофонсиз куйлашига қарамай, ниҳоятда ширали ва баланд овози жаранглаб чиқар эди. Мен номи ҳали унча доврўқ қозонмаган лекин доврўқ қозонганлардан анча афзал ва юқори бўлган Замирахоннинг санъатига, худо берган истеъдодига ичимда офаринлар айтар эканман, оғзига микрофон кириб кетгудай бўлиб, чираниб-бўзариб, бўйин томирлари ўқлоғидай бўртиб чиқадиган «ҳофизлар»га жуда-жуда ачиниб кетдим.

Дилочар суҳбату жонон ашулаларга маҳлиё ва мафтун бўлиб вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмабмиз. Соат кечки 12 дан ҳам ошибди. Тун яримлаб қолган бўлишига қарамай, Келдиёр Исроилов «Сизларга бир мақтаниб қўяй», деб ҳазиллашди-да, бизни катта йўлга бошлади. Туман бўсағасида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан ўрнатилган буюк олим ва ер шарини ифодаловчи ёдгорликни, туман худудига киришдаги бўйи 18 метрли, эни катта кўча билан баробар дарвозани, сал

ичкарироқда қад кўтарган 18 ярим метрли Она ҳайкалини юлдузлар шуъласида томоша қилар эканмиз, бу ўлмас обидалар бизга қайта тикланаётган қадриятларимиз рамзи бўлиб кўринди. Биз ҳокимга маънавият фидойилари бўлган ижодкорлар номидан раҳматлар айтдик.

Шу кеча Самарқанд вилоят ҳокимлигининг бағидаги меҳмонхонада кўшиқ сеҳри билан роҳат қилиб дам олдик.

Эрталаб бизни Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров қабул қилди. Узоқ йиллар ёшлар раҳбари бўлиб ишлаган бу арбобнинг бир гапи мени анча ўйлантириб қўйди: «60-чи йилларнинг ёшларида, ўша даврларда яратилган бадий асарларда ҳам романтик руҳ кучлироқ эди..»

Бу фикрга кўшилмоқ керак. Ёшларимизнинг кўпроқ тижорат, тирикчилик ҳақида қайғурадиган бўлиб боришаётгани сир ҳам, унча ижобий ҳодиса ҳам эмас...

Шундай қилиб, жуда тез ўтган ижодий сафаримиз поёнига етиб қолди. Биз ҳаммасидан ҳам эски кадрдонларимиз ва янги танишган дўсту биродарларимиз, ҳамкасб - ҳамқаламларимизнинг бизни декабр эшик қоқаётган бўлишига қарамай, чарақлаб турган жануб куёши янглиғ чехраларида меҳр балқиб кутиб олишгани ва меҳмоннавозлик, дилнавозлик кўрсатишганидан бошимиз кўкларга етди, қалбларимиз уларнинг меҳру муҳаббатига лиммо-лим тўлиб, жон Андижонга қайтдик. Зеро, улуғ Рудакий бежиз айтмаган:

*Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.*

*1994 йил, ноябрь*

## БОБУР ҲУШЁРДА

Шоҳимардон, Олмос, Гуркуров каби қишлоқларда бўлган киши Ҳизр бобонинг чеккароқ жойларда юриши рост шекилли-да, деган хулосага келиши тайин. Ушбу рўйхатга мен ҳеч иккиланмасдан Ҳушёрни ҳам қўшган бўлардим. Назаримда, мазкур жойларга нафақат Ҳизр бобо, балки Аллоҳ ҳам назар қилганга ўхшайди: табиати беназир, тупроғи унумдор, мевалари серҳосил, одамлари омадли, фикрчан, ўқувли, уқувли... Ҳар қалай, Ҳушёр қишлоғида бўлганимда менда шундай тасаввур уйғонди. Айтишларича, Балтика кўлидан 1350 метр, Фарғона шаҳридан 415 метр баландликда жойлашган бу қишлоқ бўйи 2200 метрли кўҳи Сандал (текис деган маънода), Айлоқи назар ва бошқа тоғлар билан ўралган бўлиб, иклими, табиати ўзига хос сўлим бир гўшадир. Зеро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ота мерос салтанати ва жонажон ватани Андижонни ғанимларга ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган ва аждодлари юрти Кобулни кўзлаб йўлга чиққан кезлари Ҳушёрда бир йилга яқин умргузаронлик қилгани ҳам бежиз эмас эди. Гарчи, “Бобурнома”да Ҳушёр ҳақида камроқ маълумот бўлса-да (балки муаллиф асарнинг йўқолган қисмларида мазкур кўналға тўғрисида батафсилроқ тўхталганмидийкин?), хушхаволи қишлоқ ва унинг очикқўнғил кишилари мусофирлик, саргардонлик ғурбати чекига барвақт тушган ғамдийда шахзода ва шоирга маъкул келиб қолганлиги шубҳасиз. Шунингдек, Ҳушёр стратегик жихатдан ҳам қулай бир макон эди. Бобур бу ердан чор-атрофга махсус чопарлар юбориб, бутун Фарғона мулкида бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиб турган. “Бобурнома”да шундай битиклар бор: “Исфара вилояти тўрт бўлук кўхпоядир: бир Исфара, яна бир Ворух, яна бир Сўх, яна бир Ҳушёр...” “...Сўх била Ҳушёр-кўхпояларига келиб, бир йилга ёвуқ танқислик била ўтқариб, Кобул азимати қилдим”. Демак, Бобур Мирзо Ҳушёрда туриб келгуси тақдирини белгилаган, атроф-жавонибдаги қишлоқлар, йўллар, довлонларни пухта ўрганган ва Фарғона давлатидан чиқиб кетишда Овчи, Оббурдон, Матчо қишлоқлари орқали Қора тегин доволондан ошиб, Ҳисор орқали бобомерос Кобулга ўтиб кетган. Оқибат, адолат шиори бўлган Бобур кейинчалик Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида ўтказган катта тўй-издаҳомларидан бирига андижонлик, самарқандлик кўнғил яқинлари билан бирга Ҳушёрликларни ҳам таклиф қилади ва ўз таъбирича, “бевилоят ва беватан юрган” чоғларида жонига ора кирган Ҳушёрлик кадрдонларига алоҳида иззат-икром кўрсатиб, уларга бошқа мўътабар меҳмонлар қатори чакмон, қимматли сарполар, олтин, кумуш кийимликлар инъом этади.

Улуғ аждодларимиз қадамжоларини, мангу оромгоҳларини аниқлаш, зиёрат қилиш, ободонлаштириш, уларнинг илмий-адабий, тарихий, меъморий меросларини ўрганиш ва номларини абадийлаштириш мақсадларини кўзловчи Бобур халқаро жамоат фонди раҳбари, табиатшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрабов анча йиллар аввал Ҳушёрга ва унинг атрофидаги қишлоқларга уч бора махсус илмий экспедиция уюштириб, у жойлардаги Бобур Мирзо ихлосмандлари билан учрашган, суҳбатлашган, Зарафшон дарёсининг юқори қисмида Бобур Мирзо ёзиб қолдирган ноёб эсдалик-ёдгорлик тошбитикларни ўрганган, улардан намуналар олиб келиб, илмий истеъмолга киритган. Бобур тошбитикларига назари тушган таниқли тарихнавис олим А.А.Семёнов “Бу тошлар жаҳоннинг энг машҳур музейларининг зийнати бўла олади” деган экан. Ушбу тошбитиклар эндиликда Андижондаги “Бобур ва жаҳон маданияти” музейидан ҳам жой олди. Зокиржон ака ўша сафарлар чоғида фонднинг Фарғона вилоят бўлимини айнан Ҳушёрда очишни кўнглига тугиб қўйган, аммо турли сабабларга кўра, бунинг ҳеч мавриди бўлмаётган эди. Вақти-соати шу йил экан, офтоб ҳарорати майинлашган олтин куз кунларининг бирида Зокиржон ака раҳбарлигида техника фанлари номзоди Зайнобиддин Мамарасулов, фонд раҳбарининг ўринбосари Рустамжон Мамасолиев, чаккон, моҳир ҳайдовчи Аҳмаджон ва камина Осиёнинг кўп ҳудудларини айланиб чиққан “Ланд Краузер” автомобилида сафарга отландик.

Биз тонгда йўлга чиққан эдик. Фарғонанинг Водил тумани орқали чегара постларидан қўшни Қирғизистоннинг Боткен вилоятига қарашли Қадамжой тумани ҳудудига ўтдик-да,

ғиёхлари сарғайиб қовжирай бошлаган кенг сайхонлик, ёнбағирликларда йилқи, қўй-эчкилар подаси ўтлаб юрган, яккам-дуккам, замонавий уйлар қад кўтараётган тоғ йўллари оралаб кетдик. Ўразбеков, Қулду, Ондурӯш овуллари, сийрак арчали баланд-паст тоғларни, кичик Айдаркен (Ҳайдаркон) шаҳарчасини, жийдалари ғарқ пишган, аҳолиси нисбатан гавжумроқ кейинги овуллари ортда қолдириб, чошгоҳгача 100 км.га яқин масофани босиб қўйдик. Бундан бир неча кун муқаддам қирғизистонлик ҳукумат ва ҳуқуқий органлар, жамоатчилик вакилларидан иборат катта делегациянинг Ўзбекистонга (Андижонга) дўстона ташрифи муносабати билан расмиятчиликлар анча енгиллашгани боис, кейинги чегара-постларда ҳам музтарликлар қарийб юз бермади ҳисоб. Бирлик овул постидан Фарғона вилоятига тегишли Сўх туманининг дастлабки қишлоғи — Чашмага ўтдик. Туман марказигача тахминан 20 км. эди. Ҳокимият олдида бизни ташрифимиздан хабардор (Зокиржон ака огоҳ қилиб қўйган экан) сўхликлар — туман ҳокимлигининг вакиллари Абдушукур Тўрабоев, Фаррух Эрназаровлар қарши олишиб, Ҳушёр сари бошлаб кетишди.

Марказдан саккиз қақирим ғарбдаги қишлоқ ўртасида жойлашган Бобур номидаги 14-ўрта мактаб ҳовлисида бизни мактаб ўқитувчилари, Себзор, Қақир маҳаллалари фаоллари, ўқувчилар гуллар билан кутиб туришган экан. Бино пештоқини эгаллаган инглиз, ўзбек, тожик тилларидаги “Ҳуш келибсиз” каломининг ўзиёқ кишида илиқлик уйғотар, эшик билан ёнма-ён деворга чизилган икки халқнинг икки буюк фарзанди — Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг йирик пландаги суратлари остига эса ушбу байт битилган эди:

*Ёру биродар аз азал ўзбеку тожик,  
Чун шоҳбайти як газал ўзбеку тожик.*

Мактаб йўлагига киришингиз билан ўнг томон девордаги дид билан жиҳозланган “Бобур ва Ҳушёр” кўргазмали бурчаги — Бобур Мирзо ҳақидаги китоблар, қишлоқ табиатига оид суратлар ва бошқа ашёлар билан ўзига жалб этарди.

Ички фойедаги табиат музейи эса бизни янада ҳайратга солди. Ундаги бургут, боша (лочин), лайлак, ҳумо, каргас, бойўғли, Америка ўлаксахўри, какликлар, бўри, силовсин, чиябўри, суғур, қашқалдоқ, тулки, жайра, буғу, тоғ эчкиси — архар ва бошқа ҳайвон, паррандаларнинг тулушлари, қовун, хандалак ва яна бошқа шакл, турли рангдаги йирик ҳажмли ғаройиб тошлар яқин ва узоқ ўтмишларни эслатиб, Ҳушёрнинг икки минг йиллик тарихидан ҳикоя қиларди гўё.

— Булар бир замонлар Бобур Мирзо ов қилган жойлардан — Туркистон, Олой тоғ тизмалари, Сандал тоғи ёнбағирларидан тутилган жониворлар намуналари, Сўх дарёси ўзанидан мактаб ўқувчилари топишган, табиатнинг ўзи турлича безак берган антиқа тошлардир, — дейди мактабнинг биология муаллими, мазкур музей ташкилотчиси, халқ маорифи аълочиси Бахтиёр Холов.

Мактаб директори хонасидаги танишув-таништирувлардан сўнг Зокиржон ака асосий муддаога ўтиб, Бобур халқаро илмий экспедициясининг Ҳушёрга қилган сафаридан кўзда тутилган мақсад ва режалар, яъни халқимизнинг буюк намояндаларидан бири бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобур пойқадами етган, яшаган макон-манзилларни, унинг бой меросини янада яхшироқ ўрганиш борасида ҳушёрликлар билан ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик қилиш учун шу ерда Бобур халқаро жамоат фондининг бўлимини очиш зарурати борлиги тўғрисида сўзлади.

Сўх туман ҳокимлиги вакили Абдушукур Тўрабоев, мактаб директори Садриддин Абдурахмонов, илмий бўлим мудир Дониёр Ҳақимов, Бобур Мирзонинг ашаддий ихлосмандларидан Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Муҳаммадjon Пўлатов, Илёс Олимов, тарих, мусиқа муаллими, ўз замонида Тожикистон маданият вазирлигида ишлаган нуруний оқсоқол Султонали Болтабоев, физика-математика ўқитувчиси Ғафуржон Сангинов ва бошқалар билдирган фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида Бобур халқаро жамоат фондининг Фарғона вилояти бўлими бошлиғи (М.Пўлатов), унинг ўринбосари

(С.Абдурахмонов) ва аъзолари сайланди.

Кейин директор ҳаммани мактабдан 400-500 метрлар чамаси наридаги яланглик томон бошлади. У жойга янги мевали кўчатлар экилган экан.

— Бу ташландиқ бир ер эди. Боғ яратиб, унга Бобур номини бермоқчимиз, — деди Садриддин Абдурахмонов. — Тўғри, сув масаласи анча қийин. Лекин амаллаймиз. Ҳар бир туп кўчатга биттадан ўқувчини биркитиб қўйдик. Мактабда 900 дан ортиқ ўқувчи бор. Қўлда сув куйиб бўлса ҳам меваларни кўкартирамиз, деб ваъда беришди.

Бобур халқаро илмий экспедицияси аъзоси, табиатшунос олим З.Мамарасулов боғ яратиш ва парваришлаш борасидаги ўз тажрибалари, маслаҳатлари билан ўртоқлашди.

Директорнинг таклифи билан биз — меҳмонлар ҳам янги боққа яхши ният билан бир тупдан олма кўчати экдик, боғнинг келажагига умид билдирдик, хайрли ташаббус эгаларининг ишларига ривож тиладик.

Сўх тумани ҳокимлиги ҳамда Фарғона вилояти сув таъминоти хўжалиги жамоасининг Мирзо Бобурга бўлган ҳурмати, эътибори туфайли, жаҳонга машҳур шоҳ ва шоир номи билан аталмиш боғни оқин сув билан таъминлаш чораларини кўришларига ишончимиз комил.

Мулоқот-анжуман тадбиркор Аъламжон Ибрагимовнинг қаровсиз ерни ўзлаштириб курган, жанубдаги Сандал тоғининг қарама-қарши тарафида қад кўтарган хусусий чойхонасида, чой устида янада кенгроқ мавзуларда, янада эркинроқ тарзда, янада қизғин давом этди.

Мезбонлар завқ-шавқ билан сўзлашар, ҳатто ўзаро баҳслашиб қолишарди. Айниқса, қишлоқлари тарихи ҳақида гап очилганда жўшиб кетишарди. Хушёр деган шоирона номнинг пайдо бўлиши борасида ҳамқишлоқларнинг қарашини, маълумотлари ҳар хил эди. Хушёр тарихи, Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодининг ишқибози марҳум Воҳиджон Олимовнинг ўғли, падари бузруквори қизиқшларининг давомчиси Илёсжон Олимовнинг айтишича, қишлоқнинг уч чеккасида уч ёр — жар бўлиб, сел келадиган маҳалларда ўша жарлардан хушёр бўлиш керак, деган гап кейин атамага айланиб кетган.

— Йўқ, уч жар деган гапнинг илмий асоси йўқ, — дейди собиқ тил-адабиёт муаллими, 87 ёшли Бегали Бўритаев. Тожикистон маориф вазирлигида ҳам турли вазифаларда фаолият кўрсатган бу отахоннинг Хушёр атрофидаги тоғлар ва тоғ оралиқларидаги йўллар, тоғ табиати хусусида мароқ билан гапиришни хуш кўриши сезилиб турарди. — Қишлоққа сел келиб туриши тўғри, лекин у чор атрофдаги тоғлар томондан келади. Ҳаво айнаган маҳалда махсус тайинланган одам отда маҳалларни айланиб, сел келяпти, хушёр бўлинглар, деб аҳолини огоҳлантириб юраркан. Хушёр номи ана шундан келиб чиққан.

— Яна бошқа фараз ҳам бор, — дейди Илёс домла ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиб. — Қишлоғимизга араблар, Чингизхон аскарлари бир неча бор ҳужум қилишган, лекин забт этишолмаган, аксинча, бу ерда катта талафот кўришган, шунинг учун улар бу қишлоқдан эҳтиёт бўлиш, хушёр бўлиш керак экан, деб кетишган экан.

Даврада ўтирганлардан яна бири Хушёр номини Заҳриддин Муҳаммад Бобур билан боғлади.

Бу ерга шоҳона сарполи Бобур яқинлашиб келганида уни кўриб қолган бир овчи зудлик билан “Подшо келяпти, подшо келяпти” деб ҳамқишлоқларига хабар берган, қишлоқ вакиллари мўътабар меҳмон йўлига пешвоз чиқиб, уни тавозе билан кутиб олишган, шунда Бобур Мирзо “Хушёр одамлар экан” дея баҳо берган экан.

Шу гап муносабати билан мавзу йўналиши бир оз ўзгарди.

— Бобурга бу қишлоқ ва унинг одамлари жуда ёқиб қолган, — дейди Бегмат бобо тўлқинланиб, — шунинг учун бу ерда узоқ — бир йилча қолиб кетган. У қишлоқ йигитларига курашни, қиличбозлик ва бошқа хунарларни ўргатган. Тоғли йигитлар чайир, эпчил бўлишган, шунинг учун Бобур улардан бир қанчасини ўзи билан бирга Кобулга олиб кетган.

— Садоқат билан хизмат қилишгани сабабли Бобур уларни Ҳиндистонга ҳам олиб кетган. Ҳозир ҳам Ҳиндистонда хушёрликлар яшайдиган маҳаллалар бор экан, —

кўшимчалади тарихчи муаллим, кўнғиз мўйловли Ҳайитбой Ибрагимов. У шу қадар жиддият билан гапирардики, сал қолди ҳаммани буюк Маҳатма Гандининг ҳам хушёрликлардан эканига ишонтириб юборишига.

Зокиржон ака мунозарани давом эттирар экан, Бобур Мирзо “Бобурнома”ни Хушёрда ёза бошлаган бўлиши керак, чунки бу ердаги бир йиллик нисбатан осойишталик даврида ижод билан шуғалланиш, атроф-муҳитни, наботот ва ҳайвонот оламини ўрганиш учун етарлича имконияти бўлган, деган фикрга алоҳида урғу берди.

Шунингдек, Бобур Мирзонинг Сўх дарёси атрофида жойлашган Тул қишлоғи яқинидаги — тоғ тепасидаги “Санги ойна”га алоҳида эътибор қаратгани, у жойдаги булоқ сувида юз-кўлини ювиб, шу гўзал тоғ ораликларидан оқиб келаётган шўх дарёга кўприк қурганлиги, у ҳозир ҳам Бобур кўприги деган ном билан машҳурлиги кўпчилик зиёлилар ва маҳаллий аҳолига яхши маълум.

Бобур назари тушган “Санги ойна” бугунги кунда зиёратгоҳга айланган. Бу Тош ойна ҳақида Бобур шундай ёзади:

“Исфаранинг бир шаръисиди жануб сори пушталарнинг орасида бир парча тош тушубдур, “Санги ойна” дерлар, узунлиги тахминан ўн қари бўлғай, баландлиги баъзи ери киши бўйи, пастлиги, баъзи ери кишининг белича бўлғай, ойинадек ҳар нима мунъакис бўлур”.

Бобур Мирзо даврида Хушёр — Сўх атрофидаги ноҳия, қишлоқлар — Исфара, Хўжанд, Ўратепа, Боткент, Қадамжой, Зарафшон дарёсининг юқори қисми — ҳозирги Гончи районидаги Боло, Овчи, Оббурдон, Дахкат, Матчо, Ворух қишлоқлари Фарғона давлатининг худудига кирган, у ерларда шаҳзода Бобур кўп маротаба бўлган. Шунинг учун ҳам Бобурбурчак, Қоровул тепа, Бобур кўприги, Бобур намозгоҳи, Тахти Бобур (япалок тош), Бобур битиклар ёзган бир неча катта тош таърифи халқ орасида тилдан-тилга ўтиб, асрлар оша бизгача етиб келган.

Бу жойларнинг гўзал табиати, хуш ҳавоси, ер ости-усти бойликлари давримизнинг машҳур алломалари — академик Иброҳим Ҳамрабобоев, давлат арбоби Нуриддин Муҳиддинов, Ўзбекистон халқ ҳофиси Ориф Алимахсумовларнинг ҳам эътиборини тортган. Улар ушбу онқадар чиройли ўлкаларни зиёрат қилган ва ўрганганлар.

— Бобур Хушёрда яшаганида кунлик хотираларини ёзиб борган экан. Мен буни қайсидир бир манбада ўқиганман. Афсуски, ўша хотиралар қандайдир сабабларга кўра йўқолиб кетган, — дейди Бегмат бобо юқоридаги фикрларни тасдиқлаб.

Умуман хушёрлик ўқитувчи ва қишлоқ фаолларининг дунёқарашлари, қизиқиш, билим доираларининг кенглиги, ўз масканларини яхши билишлари ва у билан ғурурланишлари ҳавас қилгулик эди. Улар, ҳатто Сандал тоғи ортидаги ғорларда ибтидоий одамлар яшаганини ҳам фахр билан таъкидлашарди. Биз учун яна бир муҳим жиҳати — хушёрликлар Бобур Мирзо ҳаёти ва ижоди билан яхши таниш, уни худди ўз ҳамюртларидек кўришар, юксак қадрлашарди.

Суҳбат тобора қизиқ борар, мезбонлар гап орасида уч минг гектар ер майдонига (кичикроқ бир туман худудига тенг!) ва саккиз минг аҳолига эга бўлган Хушёрда буғдой, маккажўхоридан мўл ҳосил олиншини, айниқса, бу жойнинг картошкаси донғининг узокларга ҳам таралгани, қарийб икки минг гектар ердаги навлари ранг-баранг ўрикзору олмазорларнинг таърифини ҳам қистириб ўтишарди.

Биз жануб томондаги тоғлик жойларга хос манзаралар — рельефи нотекис, аммо ўрмонсимон, япроқлари олтин рангга дўна бошлаган дарахтзорлардан, дам у, дам бу ёқдан эсаётган шабада қанотлари ҳайдаб келаётган тоза, енгил ҳаводан олаётган ҳузурларимизни изҳор этардик.

— Янаям, қишлоғимиз манзараси аввалгичалик эмас, уч-тўрт йилдан бери сув, ўтин-кўмир муаммолари юзага келиб, анча-мунча мевали ва манзарали дарахтларни кесиб ташлашга мажбур бўляпмиз, — деди Муҳаммаджон ака бош чайқаб.

Самимий, одамохун кишилар билан мулоқот чиндан ҳам мароқли эди, биз уларни



тинглаб зерикмасдик. Лекин афсуски, кун оғиб, сафаримиз қарий бошлаганини эслатарди. Дийдорлашувдан кўзлари қиймаётган мезбонлар бизни худди азалий қондошларимиз каби катта кўчагача кузатиб чиқишди ва яна кўришиш, муносабатларни янада қуюқлаштириш иштиёқини билдириб, хайрлашиб қолишди.

Шундай қилиб, Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг қисқа муддатли сафари ниҳоясига етди. Биз кунимизнинг кутганимиздан-да самарали, мазмунли ўтганидан, янги дўсту кадрдонлар, ҳаммаслақлар орттирганимиздан ғоятда мамнун эдик.

Ҳушёрликларнинг андижонлик моҳир саркарда, ўзбек мумтоз шеърятти ва мемуарчилигига бекиёс хисса қўшган мутафаккир шоир, қомусий олимга ихлоси ва эҳтиромини, меҳмондўстлиги ва дилкашлигини юксак қадрлаган Зокиржон Машрабов халқаро жамоат фонди номидан уларнинг мактабига Бобур Мирзо бюстини тайёрлатиб беришни ваъда қилди.

Ҳушёрга қилган сафаримиздан бир неча кун кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев андижонлик сайловчилар билан бўлган учрашувида нафақат андижонликларнинг, балки бутун ўзбек халқининг фахри-ифтихори бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давлатчилик, фан ва адабиёт соҳасидаги бекиёс хизматлари ҳақида тўхталар экан, Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг юртимиз худудидан ташқарида, хусусан Афғонистонда яшаб, ижод қилиб ўтишган улуғ аждодларимиз Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод қабрларини ободонлаштириш юзасидан олиб борган хайрли ишлари учун фонд раҳбари Зокиржон Машрабовга ўз ташаккурини изҳор этди. Шу билан бирга маърифатпарвар шоир ва адолатли ҳукмдор Бобур ҳаёти ва ижодини янада чуқурроқ ўрганиш, унинг асарларини илм, таълим муассасаларида кўпроқ тарғиб этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бош вазирнинг бу соҳада ҳам катта эътирофга лойиқ ишлар қилаётган Бобур номли халқаро жамоат фонди фаолиятини кўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, мамлакат миқёсида, хусусан Андижонда Бобур Мирзо номи, хотираси билан боғлиқ кўп бунёдкорликларни амалга ошириш, жумладан, вилоятда 2017 йилни Бобур йили деб эълон қилиш, Бобур боғини янада кўркамлаштириш ва бойитиш борасидаги аниқ таклиф ва тавсиялари анжуман қатнашчилари, Бобур Мирзо юртдошларини бениҳоя тўлқинлантириб юборди. Бу қимматли таклиф ва тавсиялар Бобур халқаро фондини, барча бобуршунос олимлар, адибларни янги-янги илмий, амалий, адабий-бадий ғоялар ва режаларга илҳомлантириши шубҳасиз..

## ИККИ ДАҲО “УЧРАШГАНДА...”

Бир неча ой муқаддам мамлакатимизнинг ғарбий чеккасидаги Қорақалпоғистон худудида ташкил топган “Беруний авлодлари” жамоат фонди шарқий сарҳадда жойлашган Андижондаги Бобур халқаро жамоат фонди раиси, вилоятда, республикада, хорижда амалга оширилаётган кўплаб маданий-маърифий тадбирларнинг ташаббускори, ташкилотчиси, ҳомийси ва ижроچиси Зокиржон Машрабовни бир муҳим иш юзасидан (тафсилоти кейин берилади) буюк мутафаккир юртига таклиф этган эди. Ўша пайтда Зокиржон ака менга: “Бир Қорақалпоғистонга бориб келишимиз керак-да”, деб кўйган, аммо бу орада у Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзоднинг мангу оромгоҳларини таъминлаш ва ободонлаштириш мақсадида олис Афғонистонга бир неча қур ўтиб келган бўлса-да, ўз ватанамиз ўрамадаги бир туманга бориб келишга фурсат тополмаётган эди. Берунийликлар бот-бот кўнғироқ қилиб, уларни зиммаларидаги масъулиятдан хориж этишини қайта-қайта сўрашавергач, Зокиржон ака йўлга чиқишга жазм қилди чоғи.

Уловимиз яна анча-мунча баланд-паст йўллар, довларни писанд этмайдиган қадрдон “Ланд Краузер” эди. Оҳангарон-Олмаликнинг янги йўлидан юриб, Сирдарё вилоятининг маркази Гулистон шаҳрида таниқли матншунос, навоийшунос, бобуршунос олим, Бобур фондининг яқин, маслакдош ҳамкори, Бобур халқаро илмий экспедициясининг аъзоси, дилкаш ҳамсафар Ваҳоб Раҳмонни олдик.

Самарқандга кириб борганимизда аллақачон қоронғу тушган, лекин кўҳна, улуғвор шаҳарнинг чароғон кўчалар, равшан ва ранг-баранг ёритгичлар оғушидаги янги, навқирон қиёфаси ниҳоятда латофатли, ниҳоятда фарахбахш эди. Мен Биринчи Президентимиз Ислон Каримовни сўнгги йўлга кузатиш учун юртимизнинг ҳамма вилоятларидан юзлаб, минглаб одамлар Самарқандга келишган кунни эсладим. Ўшанда шаҳар ҳазин бир сукунатга ғарқ бўлган, Зарафшон шовқинлашдан тўхтаган, ҳамма-ҳамма одам, дов-дарахтлару майса-гиёҳлар ҳам ғамгин, маҳзун эди. Назаримда юракларни эзиб юборган ўша воқеа яқиндагина юз бергандай эди. Бир пасда қарийб тўрт ой вақт ўтиб, ҳаёт яна ўз маромига тушиб олган: кўчалар, дўконлар гавжум, биноларнинг пештоқлари, устунлар, сим-ёғочлардаги нурли жиҳозлар басма-басга ўчиб-ёниб жилваналарди. Ҳа, ҳаёт дам у ёққа, дам бу ёққа ағанаб олаверадиган, аммо ўз қонунларига қатъий амал қиладиган устувор, қудратли куч эканлигини намойиш этарди гўё.

Раҳбар кўрсатмаси билан Аҳмаджон уловни экспедиция аъзоларига аввалдан таниш ва синашта “Шаҳзода” меҳмонхонаси сари бурди. Шаҳарда бундай масканлар кўплигиданми, ушбу қўноқхона анча холи, тинч, осуда, шу билан бирга, хоналари файзли, иситгич, иссиқ сув ва бошқа шарт-шароитлар муҳайё эди.

Эртасига барвақт Андижоннинг яна бир фидойи фарзанди, археолог, тарих фанлари доктори Боқижон Матбобоевнинг ота изидан бораётган, шу шаҳарда яшаётган ўғли Ҳикматилло ҳамкорлигида “Шодиёна” (Сиёб) савдо маркази томон йўл олдик.

Мен шунча қайта қуришлардан кейин ҳам Самарқанднинг баланд-паст, текисликлардан иборат рельефи табиий ҳолатда сақланиб қолганига ҳавасим келди. Бундан ташқари, шаҳар ўзининг шарқона қиёфаси ва жозибасини ҳам йўқотмаган, аксарият биноларнинг кўҳна услубларга хос лойиҳалари, нақш-безаклари киши хаёлини олис ва яқин ўтмиш замонларга олиб қочарди.

Шаҳарда ҳаёт тунги ором, сокинликдан сўнг яна жонлана бошлаган, кейинги йилларда қад кўтарган турли-туман, кўпи қаймоқранг иморат, иншоотлар, ранго-ранг манзарали дарахтларга бурканган ва шаҳарга латофат бахш этган хиёбонлар бор ҳусни-таровати билан кўзга ташланарди. Намхуш ҳаво узвларимизни тетиклаштирар, лекин Ҳазрати Ҳизир масжидига яқинлашганимиз сари юраклар симиллай бошлаган эди. Мўъжазгина масжид-ёдгорлик пойига олиб чиқувчи зиналардан кўтарилиб, тарихий намозгоҳ билан туташ майдондаги чор атрофи тўққизил атиргуллар билан ўралган ойнаванд қабрга назарим

тушганида яна беихтиёр ҳаётнинг азалий ва абадий, беомон ва беистисно, шоҳу гадога бир қонуниятлари борлиги ҳаёлимдан лип этиб ўтди.

Майдон-супадаги гуллар орасига якандоз тўшалган ўтирғичлар қўйилган эди. Қабрга яқин ўриндиққа сассиз, омонатгина жойлашдик. Салгина наридаги скамейкада ўтирган қора соқолли, ўрта ёшлардаги қори таъсирчан оҳанг билан тиловат қилаётганида эса, назаримда, ҳаммамизнинг кўз олдимизда марҳум юртбошимиз ёди ва унинг чорак асрлик ижтимоий-сиёсий фаолияти мобайнида Ватанимиз мустақиллиги ва равнақи, элимиз ободонлиги, халқимиз фаровонлиги учун амалга оширган беҳисоб, безавол ишлари гавдаланарди.

Бу ерда менинг эътиборимни яна бир жиҳат тортди: танланган жой нисбатан ихчам, камтарона, бироқ бу баҳаво тепаликдан чор атроф кафтдагидай кўриниб турар, шимолроқдаги Бибихоним масжид-мадрасаси ва бошқа тарихий обидалар ҳам кўзга яққол ташланарди...

Бизни қоришиқ таассуротлар анча йўлгача таъқиб қилиб борди. Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Каттакўрғон районлари ҳудудидан ўтар эканмиз, 1970-йилларнинг бошларида бу туманларда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров, жангчи шоир, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ниҳоятда ҳокисор инсон Назармат, таниқли шоир ва адиб (эндиликда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори) Муҳаммад Али билан ижодий сафарда бўлганимиз ва меҳнаткашлар билан адабий учрашувлар ўтказганимизни, басавлатлиги, жиддийлиги учунми, мутакаббирроқ кўринадиган Назир Сафаровнинг аслида камтарин, ёш ижодкорларга жуда ғамхўр бўлганини ҳамроҳларга гапириб бердим.

Мустақиллигимиз шарофати билан бу ёқлар ҳам батамом ўзгариб, таниб бўлмас қиёфага кирган, хусусан, ҳар қадамда учрайдиган, айтиб бир рангдаги намунали уйлар қишлоқларга ҳам шаҳарона тус бағишлаган эди. Фақат, ҳамма жойда учраб турадиган ғалат ҳолатлар — номлар, реклама, даъватномаларнинг ўзбекча-русча аралаш ва хатолар билан ёзилиши, янги қурилган маиший хизмат маскани, ошхона ё ёнилғи қуйиш шахобчасининг пештоқига йирик ҳарфларда, қалин бўёқларда битиб қўйилган, рус тилидан сўзма-сўз, мулоҳазасизларча ўгирилган “Биз очилдик” каби лавҳалар энсани қотирарди. Буниси ҳам майлику-я, йиллаб русийзабон бир кас қадам изи қилиши даргумон чекка овулларда катта панноларга “Мы открылись” деб ёзиб қўйишганига нима дейсиз?!

— Адабиётшунослар шунақа нарсаларга қараб қўйишса бўлмайдими, Ваҳоб Раҳмон, — дейди Зокиржон ака ҳазиломуз оҳангда.

— Хонанишин адабиётшунослар битта Навоий асарларини пухтарок чиқаришолмайди-ю... — жавоб қайтаради Ваҳоб ака ўзининг Алишер Навоийнинг кўп жилдлик сайланмаларида йўл қўйилган кўпол матний, имловий хатолар борасидаги мулоҳазалари, қуёнишлари аниқ ифода этилган, ёқани ушлатадиган мисоллар келтирилган “Мумтоз сўз сеҳри” китобига ишора қилиб.

Ҳа, муаллиф кеча оқшом менга дастхат ёзиб тақдим қилган мазкур китобни мен меҳмонхонада тунда ва бомдодда варақлаб, ҳар бири юракни зириллатадиган “бомбача”лардан иборат бир неча мақолачани ўқиб (уларнинг айримлари билан олдиндан таниш эдим), таассуф чекувдим. Навоийдек мўътабар зот, жаҳон сўз санъаткорлари орасида ўзининг алоҳида, мустақкам ўрнига эга бўлган даҳо шоир асарларидаги оддий сўз ва иборалар, масалан, беҳаё—баҳаё, қўзи—қўзи, йўл—йўк, кўз—кўр, ўлтурмак—ўлтурмас, мулк—малак, маҳрум—маҳрам (улар жуда кўп ва минг афсуски, фақат ҳарфий янглишдан иборат эмас!) шаклида, матн мазмунининг оёғини осмондан қилиб юборадиган, Навоий даҳосини ҳам шубҳа остига қўядиган авзодаги хатолар билан тақдим этилишини қандай изоҳлаш, қандай ҳазм қилиш мумкин? Эҳтимол бу “ҳол қўйиш”ларда фақат матншуносларнинггина эмас, бошқа масъул шахслар — ношир, муҳаррир, мусахҳихларнинг ҳам “хизмати” беқиёсдир, аммо қай бирини оқлаб бўлади ва ким айбдор, ким заҳматкашлигининг аслиятдан мутлақо беҳабар бечора китобхонга қандай аҳамияти бор? Бундай саҳву қусур бир китобда (сайланмалар 10 та, 15 та, 20 та!) ўнта, йигирмата, борингки, ўттизта учраса кечириш, тишни тишга қўйиб чидаш мумкиндир, илло, улар

юзлаб, Ваҳоб Раҳмон бонг уриб, фарёд чекиб айтганидек, ёзганидек, минглаб бўлса-чи? Улуғ Ҳазрат руҳларининг чирқирашидан хижолат чекишмасмикин?.. Балки, кўхна имлонинг зеру нуқталари олимларга, ноширларга кўп панд бергандир, заҳмату ташвишлар келтиргандир, аммо шўринг курғур ўқиғувчида нима гуноҳ?

Ана шундай безътиборлик, лоқайдликлар туфайли Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг:

***Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,  
Ғарибингга тараҳхум айлагилки, Андижонийдур,—***

байтидаги иккинчи сатр узоқ йиллар “*Ғарибингга тараҳхум айлагилки, анда жонидур*” тарзида ғалат ёзилиб, ўқилиб келди. Ҳолбуки, Навоийдек аруз санъатининг пири комили ғазалларини ҳам зукко мутахассисона таҳлил этган, аруз илмидан мукамал қўлланма яратган ижодкорнинг бундай ғализликка, яъни ўринсиз такрор ва мазмунсизликка, мантиқсизликка йўл қўйиши мумкинлигини тасаввур қилиш ҳам қийин....

Ваҳоб ака энди нашриётларда чоп этилиш арафасида турган, юқоридаги “бомбача”лар давоми бўлмиш янги китобларидан сўз бошловди, иттифоқо, машина магнитофонидан Ўзбекистон халқ ҳофизи Шерали Жўраев ижросидаги матни Нурали Қобул қаламига мансуб “Бир кам яралган” фалсафий ашуласи (уни ўзбек мумтоз қўшиқларининг ашаддий шинавандаси Зокиржон ака жуда берилиб, мириқиб тингларди) янграб қолдию, мавзу, мусоҳаба оқими бир оз бошқа ўзанга бурилди. Буёқ соҳибқирон Амир Темурга бағишланган асарлар хусусида гап кетди. Зокиржон ака Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат”идан кейин шу борада яратилган китоблар ичида истеъдодли ёзувчи Нурали Қобулнинг туркум романларининг, айниқса, Бобур Мирзога оид боблари ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади. Шунда мен юришлари, сафарлари кўп, ташкилий-хўжалик ишлари бошидан ошиб ётадиган бу одам Бобур мавзуида чоп этилган ҳар қандай мақола ё китобдан қачон, қандай огоҳ бўларкин ва уларни кўриб чиқишга қандай фурсат топаркин, дея таажжубга тушдим.

—Ваҳоб Раҳмон сингари соҳа билимдонлари, сизга ўхшаган адиблар билан суҳбатлашиш, керак бўлса, баҳслашиш учун ҳар куни азонда туриб, камида икки соат газета-журнал, ё китоб варақлайман, — дейди Зокиржон ака ҳайратимга изоҳ бергандай. Кейин у Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедиясининг 2-чи, қайта ишланган ва тўлдирилган нашрига тайёргарлик юзасидан математик-адабиётшунос, арузшунос Абдулла Аъзамнинг бош муҳаррирлигида олиб борилаётган ишларнинг ниҳоясига етиб қолганини суюнчилади бизга.

Ғалати инсон-да бу Зокиржон ака дегани! Мияси ғоялар коними, дейсиз. Бир тадбир ё режаси охирига етиб-етмай (албатта, унинг муваффақиятли якун топишига ишончи комил бўлгач), навбатдаги, янада муҳимроқ, янада долзарброқ бир режани тузиб, уни амалга ошириш ҳаракатига тушиб кетади. Сафарлар чоғида, йўлларда ҳам анча-мунча масалаларни шериклар билан фикрлашиб, пишитиб боради. Бундан бир неча кун илгари у Андижондаги идорасида Ваҳоб ака иккимизга Бобур ва бобурийлар ҳаёти ва фаолиятини ёритишга мўлжалланган бир журнал чиқарсак, нима дейсизлар, деб маслаҳат солган, табиийки, биз зўр бўлади деб маъқуллаган эдик. Ҳозир яна ана шу масалани кўзғади. Журнални қаерда, қандай шакл-шамойилда, қандай кўламда чоп этиш бўйича ҳар ким ўз фикр-мулоҳазасини билдирди. Нашрнинг номи борасида ўзаро муҳокама қилиб, “Бобур ва дунё” маъқулроққа ўхшайди, деган хулосага ҳам келдик.

Яна, Зокиржон ака йўл-йўлакай Навоий вилоятининг Нурота туманида яшайдиган таниқли сангтарош, Ҳиротдаги Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод қабрлари узра қўйилган сағана тош ва яна бир қанча ёдгорликлардаги тошбитиклар муаллифи Уста Тоҳир билан ҳам телефонлашиб, тагин бир муҳим ишни битказишга ҳаракат қиларди. Бобур фонди раҳбари энди ўн тонналик яхлит тошга Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мухтасар таржимаи ҳоли ва номаи аъмолини муҳрлатиш, уни Андижондаги Бобур боғининг эътиборли жойига ўрнатиб, келажак авлодларга ўлмас-йитмас обида

қолдириш ниятида эди. У сангтарошга ана шу чўнг тошга битилажак матнни етказишни кўзлаб борарди.

Ана шундай қизгин гурунлар, муҳокамалар билан вақт ўтганини, йўл машаққатларини ҳам сезмай, шитоб елиб борардик. Қолаверса, Бухоронинг Ромитанидан Қорақалпоғистоннинг Тўрткўлигача бўлган қарийб тўрт юз километрлик масофадаги биз 2011, 2012 йилларда соатига 20-30 чақиримдан тошбақа юриш қилиб ўтган йўл капитал таъмирдан чиқарилиб, Тинч уммони юзасидек текис, силлик, равон, ўқ чизигидек тўғри, магистраль шоссега айлантирилган, биз ўзимизни худди ҳаво лайнерида кетаётгандек ҳис этардик. Боз устига, дам-бадам Эллиққалъадан Янгибой Қўчқоров, Берунийдан Куронбой Шониёзов Зокиржон акага (баъзан каминага ҳам, зеро, Янгибой “биз ёқларга келиб бир айланиб кетмайсизми, ҳокимимиз ҳам таклиф қиляпти” деб анчадан бери чорлаб юрувди) кўнғироқ қилишиб, қандай келаётганимиз, қаерга етганимизни сўраб, ҳар икки туманнинг вакиллари бизни Беруний райони чегарасида, йўл бўйида кутишаётганини эслатиб туришарди. Ҳолбуки киш, ҳаво совуқ, айниқса, мезбонларимиз юртида анчагина паст даражадалиги аён эди. Шунини ўйлаб, биз хижолат чекар, Зокиржон ака Аҳмаджонга “отга камчи босишни” буюрарди.

Мен фонд ва экспедициямиз раҳбарига нисбатан кўрсатилаётган бу қадар юксак эътибор ва эҳтиромга қорақалпоғистонлик ҳамкасб, ҳамдўстларнинг одамохунлиги, меҳмондўстлигидан бошқа сабаблар ҳам борлигини, кейин тўлароқ англадим.

Аслида-ку, биз “Беруний авлодлари” фонди таклифига биноан, у буюк зот номидаги ноҳияга кетаётган эдик. Лекин Янгибой орқали биздан ҳол-аҳвол сўраб туриш, кутиб олишларни ташкил этаётганлардан бири Эллиққалъа тумани ҳокими, исми-шарифи аввалги сафарномаларда ҳам зикр этилган Неъматилла Худойберганов эди.

— Неъматжон мамлакатимиздаги энг маънавияти юксак, энг маърифатпарвар ҳокимлардан бири, — дейди Зокиржон ака у билан телефонда гаплашиб бўлгач завқланиб.

Мен бу тарифнинг қанчалик ўринли, муносиб эканлигини Неъматилла Тошкентда ўтказган бир тўйида аксарият ижод аҳли, зиёлилар қатнашганидан, унинг газета-журналларга, китобга, жумладан камина қаламига мансуб сафарномаларга муносабатидан, ҳатто Андижонда чоп этиладиган, мен ишлайдиган “Холис” газетасига доимий обунчилигидан ҳам пайқардим. Эллиққалъада бўлганимда эса, юқоридаги баҳонинг нақадар асослилигига яна бир неча қарра ишонч ҳосил қилдим.

Хуллас, эрталаб соат саккиз яримларда Самарқанддан чиқиб эдик, йўл юриб, йўл юрсак ҳам, мўл юриб, Газли худудидаги бир тамадди, “тулпор”имиз “қорни”ни икки тўйдириш билан кеч соат олтиларда Беруний тумани чегарасига етиб борганимизда декабрнинг сўнги, қисқа кунларидан бири тугаб, қоронғи тушганига бир соатлар бўлган эди. Бизни Янгибой айтган жойда у билан бирга меҳнат фахрийси Рейимбой Куронбоев, “Беруний авлодлари” жамғармаси раиси Куронбой Шониёзовлар кутишаётган экан. Бағирлашиб, юзларимизни бир-бирига босиб кўришар эканмиз, бечора мезбонларимизни ушук ҳийла “сийпалаганини” сезиб, ўнғайсизландик. Узрхоҳлик қилдик. Аммо уларнинг хурсандлиги, руҳлари баландлигини кўриб, қалбларининг қайноқлигини ҳис этиб, кўнглимиз жойига тушди.

Беруний тумани меҳмонхонасида эса бизни ҳоким Фарход Эрманов ва бошқалар илик табассум билан қарши олишди. Дастурхон қуюқ эди, айниқса, оби-тобида пиширилган иссиққина балиқ-таомлар жуда тотимли эди. Чой устидаги суҳбат асосан Қорақалпоғистон ва Андижон муносабатлари, мамлакатимизнинг икки чекка минтақасидан етишиб чиққан икки буюк мутафаккир — Абу Райҳон Беруний ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва илмий, ижодий камолоти, жаҳонни ҳайратга солган кашфиётлари, турли соҳага оид асарлари, Андижондаги Бобур халқаро жамоат фонди ҳамда бу юртдаги “Беруний авлодлари” жамғармаси фаолиятидаги муштарақликлар — улуғ аждодларимизнинг миллатимиз, халқимиз ҳамда жаҳон миқёсидаги тамаддун равнақида тутган ўрни ва аҳамиятини тарғибу ташвиқ этиш борасида олиб бораётган хайрли ишлари, Бобур фондининг кўп йиллик катта тажрибаларидан ўрганиш, ибрат олиш мавзуларида айланарди.

Айниқса, нисбатан ёш “Беруний авлодлари” жамғармасининг раҳбари Қуронбой Шониёзов Зокиржон акадан Бобур фонди эришаётган катта муваффақиятлар сирини билиб олиш пайида бўларди.

Анчадан бери бир-бирларини кўришмаган ва жуда соғинишган дўстлар аро бўлгани каби қизгин ва кўнгилочар гурунглариимиз алламаҳалгача давом этди. Бутун чарчокларимиз тарқаб, уйқуларимиз ҳам ўчиб кетган эди.

Келишувимиз бўйича, эртасига эрталаб Янгибой кичик ўғли Ҳаётбек билан келиб, бизни Эллиққалъа туманига бошлаб кетди. Туман меҳмонхонаси ҳам кўл, ҳам ҳар хил маданий-маърифий анжуманлар паккаси сифатида донг таратган жой номини олган Ақчақўлнинг шундоққина қирғоғида қад ростлаган ва бу ердан қамишлар аро яхлаб, ялтираб ётган бутун кўл баралла кўриниб турарди.

Дастурхондаги ранго-ранг ноз-неъматлар эллиққалъаликларнинг ҳам ниҳоятда меҳмоннавозлигидан далолат берар, бу ерда ҳам Амударё ирмоқларидан тутилган, ликобларда диркиллаб турган зоғора балиқлар иштаҳани қитиқларди. Устаси ҳафсала билан куйдириб пиширган ва ёши улуғ меҳмон мақомида Зокиржон аканинг олдига қўйилган бутун қўй калласига қараганда у жониворнинг андижонликлар шарафига қурбонлик қилингани маълум эди. Лекин тақдирга тан бериб, меҳмонлар илтифотига мунтазир бўлиб турган қўйқаллани Гафур Ғуломчасига нимталаб, ҳар кимнинг табиати, лақаби ё феъли-атворига мослаб тақсимлашни вақт тақозо этмас эди.

Кеча оқшом Беруний туманидаги мулоқотда бўлгани каби ҳозирги даврада ҳам нуқул Беруний ва Бобурнинг муборак исм-шарифлари тиллардан тушмас, назаримда яқин атрофимизда бу икки буюк зот руҳлари учрашиб, машваратларимизга, эзгу ниятларимизга оқ фотиҳа бериб туришгандай туюларди.

Кеча йўл-йўлакай эслаб, таърифлаб келганимиз — маърифатпарвар ҳоким Неъматилла Худойберганов мезбонлик ва нонушта суҳбатига жиловдорлик қиларди. Бўйдор, басавлат, чеҳраси очик, юзлари нурли, кўзлари чақнаб турадиган, завқвор, шижоатли бу инсон жуда дилқаш, гурунг бериш бобида ҳам анча маҳоратли чиқиб қолди. Унинг гап-сўзларидан чиндан-да илм-фан, маданият, санъат ошуфтаси эканлиги аён эди. Эллиққалъада андижонлик қаламкаш, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига музей бунёд этилган, асли ён туман — Тўрткўлда дунёга келган донгдор ҳофиз, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркманистон, Татаристон республикалари халқ артисти Отажон Худойшукуров жамғармаси ҳам шу туманда тузилган ва бу жамғарма ташкилотчилиги, саъй-ҳаракати билан салкам йигирма йилдан бери республика ёш ижрочиларининг “Нафосат — бўстони менинг”, ёш шоирларнинг “Ақчақўл илҳомлари” шиорлари остидаги танловлари ва адабий анжуманлари анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Турли саналар, жумладан, Отажон Худойшукуров таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан чоп этилган, бизга ҳоким томонидан тухфа қилинган китоблар бир-биридан гўзал ва қизиқарли эди. Бу ерлик раҳбару ижодкорларнинг ўз юртларидан етишиб чиққан истеъдодли кишиларни бу йўсинда, баланд мақомда улуғлаб-эъзозлашлари ҳавас қилгулик эди. Маданий-маърифий, эзгу тадбирларнинг барчасида, шубҳасиз, Неъматилла Худойберганов бош-қошдир. Ёнида Янгибой Кўчқоровдай ҳар жабҳада моҳиру қодир, ташаббускор-ташкилотчи, мадаккор-маслаҳатгўй қаламкаш борлигидан ҳокимнинг ўзи ҳам мамнун ва миннатдорлиги унинг ҳамдастига яқин ва самимий муносабатидан билиниб турарди. Дарҳақиқат, асли Беруний тумани заминида туғилган, умрининг кўп қисмини Эллиққалъада ўтказаётган, аммо тезкор ва топқир мухбир сифатида ҳар икки туманга, нафақат икки туманга, балки бир республикаю яна бир вилоят (Хоразм)га ҳам баробар хизмат қилаётган истеъдодли шоир ва журналист, юзи-кўзидан ҳаммиша табассум, самимийлик ёғилиб турадиган Янгибой Кўчқоров ижро этиб, қатнашиб улгураётган ишлар, тадбирлар, юришларни ўйлаб, унинг ҳафсалалилиги, чапдаст, эпчиллиги, дангаллиги ва яна киришимлилигига ҳар қанча тасаннолар айтсангиз кам. Унинг биз санаган ва санамаган фазилатлари танишу нотанишлар эътибори, меҳрини тезгина қозонадиган ва ўзига ошно тутинтириб оладиган бу ҳамкасбимиз фақат Қорақалпоғистон ва Хоразмдагина эмас, балки

Тошкенту Қашқадарё, Андижон ва бошқа вилоят, шаҳарларда ўтказиладиган адабий анжуманларда ҳам фаоллардан бири мақомида кўзга яққол ташланиб юрганига гувоҳ бўласиз. Унинг хоразмлик таниқли болалар шоири Оллоберган Пўлат, андижонлик лирик шоир, ёзувчи Фарид Усмон ва бошқаларнинг ижодлари ҳақидаги рисолалари Янгибойнинг чиндан ҳам эзгу қадамлари мамлакатимизнинг тўрт томонига етиб борибгина эмас, балки борган жойларида хайрли из ҳам қолдириб келишидан далолатдир. Бизга ҳаёти билан турли шакл ва жанрдаги бир даста китобдан қай бирининг иккинчи саҳифасига қарамайлик, унвонлари бисёр Янгибой Қўчқоров номининг ё сўзбоши муаллифи ё масъул муҳаррир ёки нашрга тайёрловчи сифатида қайд этилганини кўриб, бу дўстимизнинг, умуман, ўз ижодидан кўра савобли ишларга кўп вақт ажратишига амин бўлдик. Эҳтимол, мана шу жиҳатлари туман раҳбарига маъқул тушиб, сал кам йигирма йилдан бери маънавий-маърифий соҳаларда ҳамжиҳат, ҳаммаслак бўлиб, ҳамкорлик қилиб келишар.

Берунийдаги Зокиржон Машрабов ташрифига дахлдор асосий тадбир соат ўнга белгиланган эди. Шунинг учун Неъматилла Худойберганов билан марокли мулоқотимизни энг авж палласида бўлишга тўғри келди. Биз ҳали Абу Райҳон Берунийнинг рамзий қабр-мақбарасини ҳам зиёрат қилмоғимиз лозим эди. Ҳоким Фарход Эрмановнинг амалдорлик хонасидаги бир неча дақиқалик суҳбатдан сўнг кечаги мезбонлар ва яна бир қанча маданият ходимлари, журналистлар, жамоатчилик вакиллари ҳамроҳлигида Асака автозаводидан чиққан бир неча енгил машинада шаҳарчанинг жануби-ғарб массиви тарафга кетдик. Тартиб билан, махсус экилгани билиниб турадиган арчазорли хиёбон ўртасида ўртача баландликдаги тагсупачадан "ўсиб" чиққан, томи гумбазли, оралари очиқ тўрт устунли сағана Берунийнинг рамзий қабри узра қад кўтарган экан (Бу мавзуга куйроқда батафсилроқ тўхталамиз). Қуръон тиловати ва бир муддатлик сукунатдан кейин дахма атрофини айландик. Тўғриси, кўнглимдан бу жойга бир оз эътибор кучайтирилса яхши бўларкан, деган истак ўтди. Балки, қорсиз қиш палласидаги андак носаришталик, пардозсизлик туфайли манзара менга сал хирароқ кўрингандир.

Хиёбоннинг кун ботиш томонида, мақбарадан 70-80 қадамлар чамаси нарида йиқик деворлар кўзга ташланарди.

— Сизлар кўриб турган хароба қадимий Кот шаҳрининг қолдиқлари, Беруний бобомиз ёруғ оламни илк бор шу жойда кўрган. Биз шунинг учун улуғ мутафаккир-олимнинг рамзий қабрига бу ерни танлаганмиз, — дея изоҳ берди ўша — рамзий қабр барпо қилинган йиллари туман ҳокими бўлган Рейимбой оға. — Бу худудлар бунчалик хароб эмас эди, 1969 йилги Амударё тошқини вайрон қилиб ташлаган. Жуда ваҳимали тошқин бўлган. Қанча одам хону-монидан, яна қанчаси жонидан айрилган...

Менинг кўз олдимга кўз ёшлари сел бўлиб оқаётган шу ерлик биродаримиз Абдулла Аҳмедов келди. У ҳам айнан ўша табиий офатда оиласи, ўғил-қизларидан жудо бўлган эди. Узоқ йиллар кўришмаган ўша қадрдонимиз билан бундан бир неча кун аввал Янгибойнинг марҳамати боис телефон орқали салом-алиқ қилишга муяссар бўлган, шу сафаримиз баҳонасида у билан учрашмоқчи эдик. Афсуски, уни топишолмади, чамаси, қаёққадир кетган экан. Билмадим, энди бундай имконият яна қачон туғиларкин? Ажаб эмас, дунёи умид...

Мен илму фан, кишилиқ тамаддуни юксалишига ўзининг денгизлар назарияси, Ернинг шарсимон глобусини яратиш, Ер радиусининг ҳисоб-китоби, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолати, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назарияси ва бошқа кўплаб табиий соҳаларга оид юзлаб илмий-тадқиқотлари билан ҳисса қўшган, айрим табиий фанлар, жумладан, геодезияга асос солган, Колумбдан 500 йил бурун уммонлар ортида одамлар яшайдиган қуруқлик борлигини башорат қилган фавқуллодда истеъдодли, қомусий олимни дунёга инъом этган машҳур, табаррук шаҳарнинг аянчли қисматига жуда-жуда ачиндим ва даврларнинг, гоҳо табиат кучларининг шу қадар бешафқатлигидан хўп ўқиндим. Лекин, ахир туғилиб-ўсган она маскани қарийб йўқ бўлиб кетган бўлса-да, олимнинг ўзи асарлари, амаллари, кашфиётлари мисолида ҳамиша барҳаёт-ку, қолаверса, қадимги Котнинг шундоқ биқинида буюк ватандошимиз номидаги янги, замонавий шаҳар гуркираб турибди-ку, деган

фикр менга тасалли берди.

Шаҳарчанинг бош майдонига алоҳида кўрк ва файз бағишлаган, ҳали бўёқлари ҳам қуримаган энг янги иншоот — туман ахборот-ресурс марказига кириб борганимизда бинонинг фойе, йўлак ва заллари йиғилишда қатнашиш, оламга доврुक таратган яна бир қомусий мутафаккир, шоир, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур юртидан келган меҳмонлар, хусусан, бугунги анжуман сабабчиси, фидойи инсон, замонамиз қаҳрамонларидан бири Зокиржон Машрабов билан учрашиш иштиёқида қадам ранжида қилган берунийлик, элликқалъалик, тўрткўллик зиёлилар ва бошқа соҳа намояндалари билан гавжум эди.

Гапни мукофот тафсилотидан бошласак. Биз ҳозир бўлиб турган туманда — халқимиз фаҳри ва ифтихори Абу Райҳон Беруний юртида у буюк зот номи билан боғлиқ — “Беруний авлодлари” деган жамоат фонди ўн йиллардан бери фаолият кўрсатиб келади. Буюк аждодларимиз қолдирган бой, бебаҳо маънавий-маърифий, адабий-бадий меросни тарғиб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган фонд ана шу бойликларни чуқур ўрганиш юзасидан илмий-тадқиқотлар олиб бораётган, улуғ алломаларимизнинг бизга номаълум асарларини топиш, чоп этиришда, хусусан, берунийшуносликни ривожлантириш, фондни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда алоҳида ўрнатилган кўрсатилган кишиларни, иқтидорли ёшларни рағбатлантириб бориш ниятида ўз мукофоти ва Абу Райҳон Беруний сиймоси акс эттирилган лауреатлик нишонини таъсис этган бўлиб, 2015 йили мазкур мукофот билан узоқ вақтлардан бери Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти, бой меросини ўрганиш бўйича изланишлар олиб бораётган, шу мавзуда бир қатор илмий-бадий китоблар яратган, сўнгги пайтда буюк мутафаккирнинг “Минералогия” асарини ўзбек тилига таржима қилган адиб, адабиётшунос, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Азиз Қаюмов тақдирланган, 2016 йилда эълон қилинган танловда эса фонд Бошқарув Кенгаши навбатдаги мукофотни Бобур халқаро жамоат фонди ва Бобур халқаро илмий экспедициясининг раҳбари, табиатшунос, бобуршунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрабовга бериш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Меҳнат фаҳрийси, собиқ туман ҳокими Рейимбой Қурбонов тадбирни кириш сўзи билан очиб, йиғилиш қатнашчиларини Зокиржон Машрабовнинг қисқача таржимаи ҳоли, ижтимоий фаолияти билан таништирар экан, уларга бундан роппа-роса ўн тўққиз йил авал айни шу изғиринли маҳалларда, янаям аниқроғи, 1997 йил 18-19 декабрь кунлари юз берган бир тарихий ҳодисани эслатди ва ана шу ҳодисалар муҳрланган видео лавҳаларни томоша қилишга таклиф этди.

Зокиржон ака раҳбарлигида 1993 йили Афғонистонга сафар қилган чоғимизда Абу Райҳон Берунийнинг Ғазни шаҳри чеккасида, шоли пайкаллари билан қўшилиб кетиш арафасида — ғоятда ғарибона ҳолатда ётган, тепасида мақбарасидан фақат бир уюм тош қолган қабрни кўриб қандай афтода ҳолга тушганимизни яхши эслайман. 1997 йили қиш чилласи бўсағасида Зокиржон Машрабов мамлакатимиз Президентининг топшириғига биноан қисқа муддат ичида бир неча ҳамроҳи билан Афғонистонга икки бора ўтиб, кейинги сафарида кўп машаққатлар билан (бу таҳликали жараённинг ўзи алоҳида мавзу) Ўзбекистонга Беруний қабри ҳокидан олиб қайтган ва яна давлатимиз раҳбарининг тавсиясига кўра, тупрокни Беруний таваллуд топган қадимий Кот — ҳозирги Беруний туманига келтиришган эди. Ўшанда, Рейимбой оғанинг айтишича, 18 декабрь, тунги соат иккилар, ўчакишгандай, чироқ ўчиб қолган, шаҳарча зимзиё эди. Берунийликлар эса, ҳоким Рейимбой Қуронбоев раҳбарлигида Зокиржон Машрабов ва унинг ҳамсафарлари ўтирган “Жип”ни ўнлаб енгил машиналарнинг фаралари ёруғида, катта ҳаяжон ва олқишлар билан қарши олишади. Зокиржон акани худди миллий қаҳрамон мисоли кўтариб олишади, унинг елкалари, юз-кўзларини силаб зиёрат қилишади. Ярим тунда, чироқсиз кечада бунчалар иззат-икром билан кутиб олишларини кутишмаган Зокиржон ака ва унинг шериклари машаққатлару чарчоқларни, йўлдаги қароқчилар таъқибини ҳам буткул унутиб, берунийликлар шодиёнасига қўшилиб кетадилар.



Эртасига бутун Беруний шаҳарчаси аҳли, узоқ-яқиндан хосиятли муждани эшитиб, ошикиб келганлар туман марказидаги майдону кўчаларга оқиб чиқадилар. Берунийнинг Ғазнидаги қабридан олинган табаррук тупроқ махсус қутига солиниб, матолар билан анбар кўринишида жиҳозланган рамзий тобутни одамлар кўлдан-кўлга, елкадан елкага олиб, шаҳарча кўчаларини айлантириб чиқадилар ва шундан кейин бир кун олдин қазиб, тайёрлаб қўйилган “лаҳад” томонга юрадилар. Ҳар бир берунийлик ёки меҳмон тобутга интилиб, талпиниб, лоақал унинг дастасига кўлини теккизиб олишга ҳаракат қилар, тобут ортидан келаётган ҳалойиқ худдики дарё оқимини, Жайҳун тўлқинларини эслатарди...

Сал кам ярим соатлик видео ролик залда ўтирганлар кўз олдида ана шу ўта ҳаяжонли ҳолатни қайта гавдалантирган эди. Ҳамма бутун вужуди, кўзи кулоққа айланиб, экранга тикилиб ўтирар, афтидан, ҳар ким видеодаги тобут кўтарган ё орқадан эргашиб бораётган ҳалойиқ орасидан ўзини ахтарар ва ўша воқеалар ичига қайта шўнғиб кетган эди. Дамбадам сафар кийимидаги, ўз ишидан қониқиш ҳосил қилган, берунийликларнинг аждодларига бўлган эътиқоди, эҳтиромидан ҳайратга тушган Зокиржон Машрабов йирик планда кўрсатиб қўйиларди.

Зокиржон акани кечаги интиқ кутишлар ва унга кўрсатилган эҳтиромлар сабаби шунда эди. Зеро, қорақалпоғистонликлар, жумладан, берунийликлар Бобур халқаро илмий экспедицияси раҳбарининг жасорати ва матонатини (хорижий давлат ҳудудидаги қабрдан тупроқ олиб келиш ҳазилакам иш эмас!), олижаноб ва эзгу ишини унутишмаган, унинг миллатпарварлиги, ватанпарварлиги, қадриятпарастлигини юксак қадрлашарди.

Видео лавҳа тугагач, хона ҳам, кўнгишлар ҳам қайта ёришди, кўпчилик енгил бир сўлиш олди, чапаклар, хитобли олқишлар янгради.

Шундан кейин Зокиржон Машрабовга “Беруний авлодлари” фондининг мукофоти берилганлиги эълон қилинди. Фонд раиси Қурбонбой Шониёзов гулдурас қарсалар остида Зокиржон аканинг кўксига мукофотнинг юлдузсимон қирралари ажиб бир тарзда уйғунлаштирилган кўркам, тилло жиллоли кўкрак нишонини тақиб, мукофот пули, дипломини топширди, сарпо кийдирди. Туман ҳокими ўринбосари Роза Машарипова, тиббиёт фанлари номзоди, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Бозорбой Ўразалиев, филология фанлари номзоди, адабиётшунос Ваҳоб Раҳмон, меҳнат фахрийси Дурхоним Сейитниёзова, Хоразм Маъмун академияси илмий котиби, тарих фанлари номзоди Машариф Абдуллаев, шоир ва журналист, “Правда востока” газетасининг Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари муҳбири Янгибой Қўчқоров, “Тамаддун нури” журнали бош муҳаррири, шоира Мунаввара Қурбонбоева, мусаввир Собир Қутлимуродов ва бошқалар мукофот соҳибини самимий муборакбод этиб, қайта-қайта миннатдорчилик билдирдилар, ёшлар гуллар билан ҳурмат бажо айладилар.

Ҳа, айтгандай, бир йўлда бир неча йўналишни камраб, бир ўқ билан икки-уч қуённи уриш шиорини маҳкам тутган Зокиржон ака бу ерда яна бир режасини амалга оширди. Аслида у қадимги Жанубий Хоразмнинг пойтахти Котга сафаридан анча аввалдан Бобур халқаро жамоат фондининг Қорақалпоғистон бўлимини ташкил этишни кўнглига тугиб юрган эди. Бу борада йўл-йўлакай Ваҳоб Раҳмон иккимизнинг фикримизни олиб, бўлим раҳбарлигига номзод масаласини ҳам тахминан пишитиб келган эди. Беруний тумани меҳмонхонасидаги суҳбат чоғида шу ҳақда гап очган эди, туман ҳокими Фарҳод Эрманов, “Марҳамат, бўлимни бизда очинглар, қандай ёрдам керак бўлса, кўрсатамиз”, деб хайрихоҳлик билдирди.

— Майли, ўйлаб кўрайлик, — деди Зокиржон ака.

Эртасига эрталаб Эллиққалъа меҳмонхонасидаги нонушта пайтида Зокиржон аканинг ниятидан хабар топган туман ҳокими Неъматилла Худойберганов Бобур фондининг бўлимини ўзларида очишга тайёр эканлигини самимий тарзда таъкидлар экан, у ҳам берунийлик ҳаммансабининг кўмак тўғрисидаги сўзларини тақрорлади.

— Ноқулай бўлди, — деди Зокиржон ака кейин бизга маслаҳат сўрагандай. Дарҳақиқат, иккала ҳокимнинг ҳам маърифатли раҳбарлиги, иккаласининг ҳам буюк аждодларимизга, жумладан, Бобур Мирзога ихлоси, Андижонга ҳурмати баландлиги

сезилиб турарди.

Тўхтамга яна Зокиржон аканинг ўзи келди. Беруний тумани ҳокимлигидаги қабул пайтида Фарход Эрмановнинг “Хўш, Бобур фондининг бўлимини қаерда очадиган бўлдинглар” деган саволига у: “Сизларда жуда бир нуфузли фонд бор. Менимча, фонд иккита бўлса, эътибор ҳам, кучлар ҳам, имкониятлар ҳам бўлиниб қолармикин...” дея дипломатик жавоб қайтарди.

— Майли, сиз нима десангиз, шу, бўлим қаерда очилса ҳам, қўлимиздан келадиган ёрдамни бераверамиз, — деди зукко ҳоким бағрикенглик билан.

Алалхусус, соҳага, масалага дахлдор бошқа ўртоқларнинг ҳам қарашлари, таклифлари ўрганилгач, Бобур халқаро жамоат фондининг Қорақалпоғистон бўлимини Эллиққалъа туманида очишга келишилди. Бўлим бошлиқлигига туман ҳокими ва ўзгаларнинг тавсияларига кўра, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист, бошқа сифат ва жиҳатларини йўлда таърифлаб келганимиз — Янгибой Қўчқоров муносиб топилди.

Шундай қилиб, икки кеча-кундуз у ёққа, яна шунча фурсат бу ёққа йўл юриб, Беруний ва Эллиққалъага қилган сафаримиздан кўзда тутилган ишларни ярим кунда саранжомлаб, орқага қайтдик. Менинг Эллиққалъадаги тарихий обидалар, қалъаларни, Беруний туманидаги қатор осори атиқалар, жумладан Султон Увай бобо мақбарасини, Султонвайс тоғи ва бошқа археологик ёдгорликларни, муқаддас қадамжойларни томошо ва зиёрат қилиш бобидаги аҳдларим рўёби, иншоаллоҳ, кейинги сафарларга қолди. Лекин Неъматилла Худойберганов, Янгибой Қўчқоров каби кадрдонларимиз тимсолида каминада зўр қизиқиш ва таассуротлар уйғотган Эллиққалъада, буюк Беруний бобомиз туғилган тарихий юртда бўлиш истагим ушалганидан жуда-жуда мамнунман. Зеро, Зокиржон аканинг ҳар дақиқа вақти ҳисобли эди. Эртасига тушгача Тошкентга етиб бориши ва Бобур энциклопедиясини 2-чи нашрга тайёрловчи олимлар билан учрашмоғи керак эди. Бунинг устига, йўлга чиққан заҳотимиз Андижон вилоят ҳокимлигидан қўнғироқ қилишиб, уни Тошкентга, Вазирлар Маҳкамасига чақиришаётганини маълум қилишди. Раҳбар эндигина Қорақалпоғистондан чиққанини, Тошкентга фақат эртага етиб бора олишини айтди.

У ҳайдовчига шунақа пайтда бериладиган амрни берди:

— Бос Аҳмаджон, лекин жиддий бўл!..

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказиладиган адабий-бадиий анжуманда қатнашиш учун биз билан йўлга чиққан Янгибой Қўчқоров Қорақалпоғистон адабиёти, маданияти борасидаги таассуротлар ва тасаввурларимизни тўлдириб келди. У фақат Қорақалпоғистонда эмас, Хоразмда, Тошкентда яшовчи ижодкорлар, турли мансабдаги шахсларга доир ижодий, ҳаётий маълумотлар, воқеаларни кўп билар, қувваи ҳофизаси ҳам кучли эди. Янгибой белорусиялик адиба Светлана Алексеевичнинг 2015 йилги Нобель мукофотида сазовор бўлган, уруш даҳшати, қабоҳати тўғрисидаги “Урушнинг аёлдан йироқ чехраси” асари ва уни ўзбек тилига қандай ўгиргани ҳақида гапириб берди. Шу муносабат билан таржимачиликдаги айрим муаммолар, оригинал асар матнини мумкин қадар тўла сақлаш зарурияти борасидаги ўз мулоҳазаларини билдириб ўтди. Умуман, Янгибойнинг суҳбати, сўзлаш услуби қизиқарли эди.

Самарқандга кечаси соат ўн бирларда етиб, кадрдон “Шаҳзода”да тунадик-да, кейинги куни шитоб юриб, соат ўн иккиларда Бобур фондининг Тошкентдаги маҳкамасига етиб бордик. Дарҳақиқат, “Бобур энциклопедияси” бош муҳаррири, муаллифлар таърифича, ўта талабчан математик-адабиётшунос Абдулла Аъзам, нашрга масъуллардан яна бири, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев шу ерда экан, кўп ўтмай, бирин-кетин бошқа муҳаррир ва муаллифлар ҳам кириб келишди. Зокиржон ака Абдулла Аъзам масъуллигида олимлардан энциклопедиянинг янги нашрга ҳозирланган қўлёзма матнини қабул қилиб олди ва уларга, шунингдек, “Фермер” журнали ходимларига кириб келадиган Янги йил муносабати билан совға-саломлар инъом қилди.

Шундан кейин у ўзаро келишувларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига бориб, ҳаяжон ва бир дунё хайрли ташвишлар билан қайтиб келди. Сухбатда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан 2017 йили Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини кенг миқёсда ўрганиш ва тарғиб этиш, унинг номини абадийлаштириш, Бобур боғини янада кенгайтириб, ободонлаштириш ва жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган, бу эса Бобур Мирзонинг ашаддий ихлосманди, тарғиботчиси Зокиржон Машрабовга янада катта куч-ғайрат бағишлагани унинг кўтаринки кайфиятидан сезилиб турарди.

Кечга яқин кадрдонимиз, таниқли шоир, адиб Абдунаби Бойқўзиев келиб, Янгибой иккимизни кўярда-қўймай уйларига бошлаб кетди. У Ойбек метро бекатининг шундоқ биқинидаги 9 қаватли пурвиқор бинонинг 5-қаватида яшарди.

Уч қаламқаш жам жойда сухбат мавзуи нима бўларди — адабиёт, ижод-да. Тўрт кун йўл юриб анча толиққан, шу кундузни поёнига аранг еткурганимга қарамай, кўнгил яқинлар даврасида, андак лоф қўшиб айтсам, илдизига сув қуйилган тувакдаги гулдай қайта жонланиб кетдим. Алламаҳалгача гурунглашиб ўтирдик.

Албатта, гап кўпроқ эртага таваллудининг 80 йиллиги нишонланадиган Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов ва яна бир қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповдан — икки донғил ижодкордан жудолик, уларнинг шахсий фазилатлари, халқимизга, келажак авлодларга қолдирган дурдона асарлари борасида борди. Бугун бир устоз — атоқли адабиётшунос, тоғ бардошли таржимон Иброҳим Ғофуров ва бир тенгкур кадрдон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг туғилган кунлари эди. Орада телефон орқали уларни муборак айёмлари ва яқинлашиб келаётган Янги, “**Халқ билан мулоқот. Инсон манфаатлари йили**” билан қутлаб, Шодмон Отабек ва бошқа дўсту биродарлар билан саломлашиб, кайфиятим боз чоғланди, ўзимни янада тетик, енгил ҳис этдим.

Аслида, ўзга хонадонда, кимсалар ёнида хуррагимдан ўнғайсизланиб, тунда бот-бот уйғониб кетадиган феълим бор эди, бу кеча бир ёнбошда, мириқиб ухлабман. Саҳар, соат бешларда Зокиржон акадан “Соат 6 да Андижонга жўнаймиз” деган пайғом-ҳукм келди. Мўлжалимда “Палахмон”нинг 2-чи нашри корректурасини “Шарқ” нашриётига топшириш, ҳамюртимиз, таниқли ёзувчи ва олим Улуғбек Ҳамдамга, “Ўзбекистон” радиоканалидаги яна бир танишимизга ваъдам бўйича китоблар (кейинги роман ва сафарномалардан) етказиб бериш режалари бор эди. Ҳаммасини шунақа маҳалда жонимга оро кирадиган беғараз халоскор, дастёр укам Набижонга қолдириб, йўлга тушишдан бошқа чорам йўқ эди. Одатда, экспедиция раҳбарининг буйруқлари муҳокамага тортилмайди. Унинг режалари, йўналишига ўзгартириш киритиш жоиз эмаслигига сафарларда кўп бора амин бўлганман.

Бу гаплар, ҳазил, албатта. Асл сабаб — ҳамсафарлардан ажралиб қолишни шунчаки ўзимга эп қўрмадим.

Оқшом уйдан бир ҳол-аҳвол сўраб қўяй, деб Янгибойга қўнғироқ қилдим.

— Яхши етиб олдингизларми? Мана, мен ҳам ҳозир Тошкент—Урганч поездига ўтирдим, — деди у одатдагидай хушхоллик билан.

— И-е, бунча тез? — сўрадим ажабланиб. Мен минг километрдан зиёд масофали юртдан келган одам пойтахтда камида икки-уч кун юрар, деб ўйлагандим.

— Ахир зиммамга катта, шарафли бир масъулиятни юклаб қўйдингизлар-ку. Зокиржон ака ва бошқаларнинг ишончини оқлаш учун тезроқ ишга киришим керак-да, — жавоб қилди Янгибой дўстимиз, наздимда, ҳазиломуз оҳангда. Лекин у ўшанда ҳазиллашмаган экан.

Орадан атиги тўрт кун ўтиб, 2017 йилнинг иккинчи январь куни Эллиққалъадан хушxabар келди: Бобур халқаро жамоат фондининг янги ташкил этилган бўлими туман ҳокимлиги раҳнамолигида мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида “Бобур билимдонлари” мавзуида танлов эълон қилиб, унинг ижросига киришибди.

— Иш деган мана бундоқ бўпти, — дейди Зокиржон ака завқ билан.

Дарвоқе, Афғонистон ҳукумати ўша мамлакат ҳудудидаги мақоламиз бошида номлари зикр этилган улуғ аждодларимиз қабр-мақбараларини тиклаш ва уларнинг атрофларини

ободонлаштириш борасидаги катта хизматлари учун Зокиржон Машрабовга Навоий мукофотини беришга қарор қилган. Лекин Зокиржон ака чет элга шунчаки мукофотни олишга ошиқаетгани йўқ. Чамаси, у ўша ёқларда амалга ошириладиган янги ишлар режасини тузиб юрибди-ёв!

*2016 йил, декабрь—2017 йил, январь*

## “ХОЖА КАЛОН”ГА САФАР

Бобур Халқаро жамоат фонди ҳамда фонд қошидаги халқаро илмий экспедиция раҳбари, табиатшунос ва бобуршунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрабов, узоқ йиллар ҳуқуқшунослик соҳасида қоқилмасдан, чекилмасдан, касби ва мўътабар исми-шарифига доғ теккизмай ишлаб нафақага чиққан, илму маърифат бобида шуури, дили хийла бой Ёқубжон Жалолов ва камина ўз амалининг ҳадисини олган Аҳмаджон Исабоев ҳайдовидаги “Жип” автоуловида Андижондан Хўжаобод туманига қарашли Дилкушо қишлоғига етиб борганимизда соат ҳали етти ҳам бўлмаган эди. Йўловчининг ризқи йўлда деганларидай, бир кунлик сафарга уч йирик халтадаги кийим-бошу бошқа анжомлари билан тахт бўлиб турган 5-чи ҳамроҳимиз Турдихўжа ака Эҳсоновнинг бир кун аввал тўй ўтказган ён қўшниси — Бобур ихлосманди Рўзихўжа қистови билан унинг ҳали йиғиштириб олинмаган базм столида Дилкушонинг хусайнисию тўй нонидан тотиб, икки пиёладан аччиқ кўк чой ичиб, йўлга тушдик.

Сал аввалроқ Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари Президентлари учрашувлари муносабати билан икки қўшни давлатлараро чегара-божхоналардан ўтиш расмийчиликлари анча соддалашгани боис ортиқча музтарликлар чекилмади ҳисоб.

Шарқона таомлар ошхонасидаги нонуштадан кейин анча йиллардан бери кўрилмаган Ўшни йўл-йўлакай зиёрат қилиб ўтиш мақсадида шаҳар оралаб кеган кўчадан юрдик. Шаҳарда анча-мунча янги иншоотлар қад кўтарган, кўчалар тигизлашиб, йўл бўйлари ва хиёбонлардаги дарахтлар қалинлашибди. Аммо бу ёқларга куз ҳали етиб келмаган, барглари, майсалар яшил либосларини зардоли рангга алмашмаган эди. Ҳарқалай, шаҳар кўчалари кўзимизга ўтдай кўрингани рост. Ахир Ўш билан Андижон Бобур Мирзо замонларидан, балки ундан ҳам аввалдан одамлари бир-бирларига талпиниб турадиган, ўзаро қадрдон, сер борди-келди қадимий кентлар-ку.

Шаҳар адоғидан жануби ғарб йўналиши бўйлаб кетдик. Дарвоқе, биз Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ишончли амирларидан бирининг номига кўйилгани тахмин қилинаётган Хожа Калон (маҳаллий лаҳжада Хўжа Келен) қишлоғи зиёратини мўлжаллаб сафарга чиққандик.

Бу йўналишдаги энг машҳур жой ва номлар Оқбўра дарёсию унинг асосига қурилган Папан сув омбори эди. Дарёда сув камайиб, шиддат сусайгани боис, омборнинг маҳобати ҳам бир мунча пасайгандай кўринарди.

Сув омбори ҳудудидан узоқлашгач, тоғсифат, сомонранг адирлар бошланди. Яқин-атрофда аҳоли гавжум қишлоқ ё овул кўринмас, фақат онда-сонда ёнида кўра, молхонаси бор яккам-дуккам томлар учрарди. Ўша кулбалар атрофида ғимирлаб, куймаланиб юрганларга кўзи тушган кимсанинг хаёлидан одам фарзанди ҳам жуда яшовчан жонзот экан-да, деган фикр кечиши аён. Лекин уларнинг ҳаётини “яшамок” деган сўз айнан ифодалаши гумондай туюлади. Балки, шунчаки кун кечириш, умргузаронлик деган иборалар мос келар. Бошқа бир жиҳатдан қарасангиз, сабр-бардош, матонат сифатлари ҳақиқатга яқинроқдай. Ахир атрофда йилт этган сув йўк, лоақал кўзга андак таскин бериши мумкин бўлган яшилликдан асар ҳам қолмаган.

Йўл Оқбўрадан гоҳ узоқлашиб, айланиб-айланиб яна унинг қирғоғида кенг, дам тор ўзанда пайдо бўлади. Тоғлар орасида, тошдан тошга урилиб ҳосил қилган садолари баъзан олисроқлардан, баъзан шундоқ ёнгинамиздан эшитила бошлайди.

Гарчи аниқ сезилмаса-да, секин-аста юқорилаб бораётганимиз аниқ эди. Чунки нам ерлардан узоқлашиб, қақроқ адирларга ёндашиб кетардик. Шунда биз Андижоннинг денгиз сатҳидан 370 метр, Ўш эса 900 метр баландликда жойлашганини эслаб, иккала юртнинг иқлими, табиатини муҳокама қилишга тушамиз.

Бирдан олдинда яшил худуд кўзга ташланди. У жой—Папан қишлоғи эди. Оқбўрага

туташ, аниқроғи дарёнинг икки соҳилида жойлашган мазкур овул чиндан ҳам сердарахт, соя-салқинга бой экан. Айниқса, мирза терак кўп эди.

—Ҳа, Окбўра бир вақтлар катта дарё бўлган, ўша даврларда у Сирдарёга қуйилган, — дейди Зокиржон ака шалдираб оқаяётган зилол сувга ҳавас билан тикиларкан.

Сувнинг тиниқ, мусаффолигини кўриб, хаёлимдан сув ости тошлари филтёр вазифасини ўтар экан-да, деган фикр ўтди. Дарҳақиқат, сув шу тошларга сирғалиб, анчамунча лой-губорларини уларнинг орасига ташлаб ўтади. Айни вақтда сувни чиниктириб, пишириб, шифобахш оби ҳаётга айлантирадиган ҳам ана шу безабон аммо фидойи, камтарин тошлардир.

Пападан бир оз юрганимиздан кейин шағалли доvon йўли бошланди. Йўл тор — бир уловга мўлжалланган бўлиб, рўпарадан келаётган машина йўлнинг нисбатан кенгрок жойида тоғ томонга қапишиб кутиб турарди. Ўнг тарафда ҳамон юзаси аллақандай гиёҳ ва буталар билан қопланган сой шилдираб оқар, ариқнинг у бетида ҳам, бизнинг чап ёнимизда ҳам пурвиқор тоғлар салобат тўкиб турарди. Тоғларнинг шакл-шамойили тез-тез ўзгариб турар, улар дам эҳромлар, дам танк, кема ё улкан айсберг қиёфасига кирар, гоҳ қизғиш ё кумушранг, гоҳ симобий, гоҳ тупрок ё цемент рангларида кўринарди.

Йўл баъзи ўринларда тоғлар орасидан қисилиб ўтади, гоҳо ялангликка чиқиб қолади. Кўчанинг қачон асфальт кўрганини чамалаш қийин. Лекин қаттиқ ва қадимийлиги аниқ. Зокиржон ака ўтмишда бу йўлларнинг Фарғона водийси билан Қашқарни боғлайдиган қатнов йўли бўлганлигини қайта-қайта таъкидлайди ва Амир Темур, Бобур Мирзоларнинг бу доvonларда кўп бора юришганини тахмин қилади.

Дарҳақиқат, яйловлардан кўчани чангитиб қайтаётган мол, қўй подалари беихтиёр шу доvonларни машаққат билан, ҳориб-чарчаб босиб ўтган аскар-навкарларни эслатиб юборарди.

Тўғриси, аввалги замон кишиларининг сабр-тоқатига, матонатига ҳар қанча қойил қолиб, ҳар қанча тасаннолар айтилса, кам. Минглаб чақирим масофаларда пою-пиёда, тошларга, ўнқир-чўнқирларга қоқилиб-суқилиб юришганини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Биз эса нисбатан анча яхшиланган, атиги бир неча соатлик йўлларда юмшоқ ўринли автомобилда бораётиб ҳам айланаларда белларимизнинг толиб кетаётганидан шикоят у шиквалар қилар эдик.

Ниҳоят, Қорағул овулидан кейин Хожа Калонга кириб бордик. Қишлоқнинг гир атрофи баланд тоғлардан иборат бўлиб, одам ўзини худди катта осмон ўпар кўрғонга кириб қолгандай ҳис этарди.

Қиршовларида қўй-эчкилар ўтлаб юрган тиккасига, ёнламасига тарам-тарам, тепа қисмлари бинолар пештоқидаги кунгирали заррин нақшларга менгзаган тоғларнинг орқа томонларида қорли чўқкилар кўзга ташланади.

Бир жойнинг ўзида бу қадар ранг-баранг тоғларни кўрмаганман: кунгай ёни яйдоқ, салқин тарафи нақ арчазор...

Пастак, ўтовсимон янги, эски уйларнинг ясси томлари, молхонаю қўйхоналарнинг устлари пичан ғарамларию сомон тахламлари билан тўла эди. Ҳовлиларнинг деярли деворлари йўк, борлари паст, йиқиқ... Ўтовга ўхшаш улкан яхлит тошлар тўсиқ-девор вазифасини бажарарди.

Атрофи майда ёғочдан четансимон қилиб тўқилган чавралар билан ўралган қўралар бўм-бўш эди — мол-қўйлар адиру тоғларга ҳайдаб юбориларкан.

Аксарияти толдан иборат дарахтларнинг шох-новдалари устига эгилиб турган ариқларнинг ён, қирғоқларини ёввойи ўт-ўланлар қоплаган. Ҳамма тоғлиқ жойлардаги каби бу ариқларнинг суви ҳам ниҳоятда тиниқ ва яхдай..

Ўзини Илёс ова деб таништирган мўйсафиднинг тоғ этаклари билан туташ ҳовлисида юз-қўлларимизни чайиб, нафас ростлаш асносида оқсоқол билан бир оз ҳангомалашдик. У Зокиржон ака тахминларини тасдиқлаб, шу ердан Катта Олой, Кичик Олой томонларга йўл борлигини, шунингдек, овулчада уч юз хўжалик яшашини айтиб берди. Марказий шаҳар, гузарлардан олис бўлган ушбу манзилда қишнинг катта қорли паллаларида қарийб четга

чиқишмас экан. Ованинг бизга нон-чоё тутган келини Кенжахоннинг ҳовлида пилдираб юрган беш ўғил-қизнинг онаси эканини айтишганида ҳаммамиз танг қолдик: ихчам жуссали, пастроқ бўйли жувонни нари борса йигирма беш ёшга кирган деб ўйлаш мумкин эди. Ҳа, бу мусаффо ва шифобахш тоғ ҳавосининг шарофати, деган хулосага келдик. Зеро, олтмишдан ошган Илёс ованинг ўзи ҳам ёппа соқол-мўйлов билан салобатли кўринса-да, тиниқ юзларида тириш кам, дадил-бақувватлиги сезилиб турарди.

Зокиржон ака билан менинг Хожа Калон дафн этилган жойгача пиёда етиб боришимизга кўзимиз етмади. Чунки ҳайдовчимиз Аҳмаджон у ёққа бориб азмойиш олиб келган, айтишича, масофа беш юз метрдан зиёд бўлиб муттасил тепага кўтарилиб борар ва барча тоғ йўллари каби ўнқир-чўнқир, юриш ноқулай ва машаққатли экан.

Биз уй эгасидан улов борасида ёрдам сўраддик.

—Э, йўл жуда яқин. Ҳеч қийналадиган жойи йўқ, - деди Илёс ова. – Бизда ҳозир улов ҳам йўқ. Эшакларни қўйиб юборганмиз. Улар бари адирда.

Биз оёқларимиз оғриши, тоғ йўлига ярамаслигини айтиб, илтимосимизни такрорладик. Ова катта набирасига эшак топиб келишни буюрди.

Анчадан кейин бир қорамтир эшакни олиб келишди. Зокиржон ака Аҳмаджон ҳимоясида эгарга ўтирди. Улар йўлга тушишди. Ованинг невараларидан иккитаси эшакни менга қайтариб олиб тушиш учун бирга чиқиб кетишди.

Мен кўчага чиқиб кута бошладим. Дараклари бўлавермагач, босиб тураверай-чи, деб жўнадим. Чиндан ҳам йўл афти йўқ, боз устига шох-шабба, ўтин-чўп тўкилган, чанг эди. Бунақа йўлнинг масофасини қадам билан ўлчаш ҳам қийин эди. Йигирма дақиқалар юрганмиздан кейин ҳансираш бошланиб, юрак қиса бошлади. Тўхтаб, қиршовга (йўлнинг чап – ғарб томони кенг, аммо саёз жарлик бўлиб, анча нари ва қуйидаги ариқда жилдираб сув оқарди) чўнқайиб бир оз нафас ростладим-да, яна йўлга тушдим. Болалар ва эшак келавермаганидан масофа Аҳмаджоннинг чамасидан анча узокшекилли деб ўйладим. Ниҳоят, болақайлар кўринди. Улар эшакнинг сағрисига хипчин билан аста-аста уриб ҳайдаб келишарди. Уларга жавоб бериб юбордим-да, болалигимни эслаб, эшакни каттароқ тош ёнига олиб бориб, бир оз қийналиб бўлса-да, эгарга ўтириб олдим. Бахтимга жонивор аксар эшакларга ўхшаган қайсар эмас экан. Мен йўлнинг энг баланд жойига етган эканман, давоми қуйига тик қиялаб борарди. Эгар олдинга сурилиб кетаётгандай, ҳозир эшакнинг бошидан ошиб ерга таппа тушадигандай туярдим ўзимни. Гавдамни иложи борича орқага ташлаб, оёқларимни узангига маҳкам тираб олдим. Ҳайрият, пастга тушиб етдик. Енгил нафас олиб, озроқ юрган эдим, шерикларим кўринди. Мени кутиб туришган экан. Кун чиқиш тарафдаги анча баланд, икки ёни панжарали темир кўприқдан ўтиб, тоғ пойига йўл олдик. Тоғ ости ғарсимон катта ғовак бўлиб, тепадан сизиб тушаётган томчилар ҳисобига кўл ҳосил бўлган экан. Бу ғор ва кўл Косонсой сихатгоҳи (Наманган вилояти) ёнидаги афсонавий Қирққиз тепалиги ва унинг остидаги зилол сувли ҳовузни эслатарди. (Айнан шундай тоғ ости кўлини Венгрия ё Чехословакияда (аниқ ёдимда йўқ) ҳам кўриб эдим, лекин унда сайёҳларни қайиқларда махсус сайр қилдиришарди).

Ташқарига чиқиб, тоғ пойи бўйлаб йигирма-ўттиз қадамча наридаги ёлғиз қабр ёнига бордик. Сайёҳлар ва бошқа зиёратчилар учун иккита ўтирғич ясаб қўйилган экан. Ўтириб, тиловат ва Хожа Калон ҳаққига дуо қилдик.

Қабр оддий, кўримсиз ва қаровсиз бўлиб, устию атрофи ўскин бута ва ҳар хил ўтлар билан қопланган эди.

Ачиндик ва муҳокамага тушдик. Бу қабр асли қай бир Хожа Калонга тегишли экан?..

Маълумки, “Бобурнома”да икки нафар Хожа Калон — йигирмадан зиёд ўринда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур бекларидан бири Мир Хожаи Калон, беш-олти саҳифада Хожа Аҳрор авлоди бўлмиш Хожа Калон исм-шарифлари зикр этилган. Мовароуннаҳрдаги хожагон-нақшбандия тариқатининг пешволаридан бири Хожа Аҳрори валийнинг чевараси Хожа Калоннинг номи бир-икки ўринда қайд қилинади. Шунингдек, Аградаги Бобур Мирзо томонидан уюштирилган катта тўй издахомларидаги иштироки, унга сарполар инъом этилиши ва унинг Самарқандга қайтиши, бир неча кундан кейин у илтимос

қилиб кетган “Вақойиъ” (“Бобурнома”)дан бир нусха кўчириб бериб юборилиши бир қадар муфассал баён этилади.

Мир Хожаи Калонга келсак, “Бобурнома”даги қайдлардан аён бўладики, у Бобур Мирзонинг ишонган саркардаларидан. “Бобур энциклопедияси”да ёзилишича, Бобурнинг сафдоши, йирик саркарда ва давлат арбоби Хожа Калон ҳақида “Бобурнома”дан ташқари Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Низомиддин Аҳмаднинг “Табақат-и Акбар-шоҳий”, Амир Маҳмуд Хондамирнинг “Тарихи Шох Исмоил ва Шох Таҳмосп Сафавий” асарларида ҳам маълумот берилган. Демак, Хожа Калон анча нуфузли, таниқли тарихий шахслардан бўлган. Дарҳақиқат, Амир Хожа Калон – Султон Абусаид мирзо ўғли Умаршайх мирзо салтанатининг ва динининг улуғ устунларидан бири бўлган Мавлоно Муҳаммад Садрнинг ўғли эди, - дейилади “Тарихи Рашидий”да. Шу асарда таъкидланишича, Хожа Калоннинг яна беш оға-иниси ҳам Бобур Мирзо хизматида юришган, жанглarda фаол иштирок этиб, мардларча ҳалок бўлишган Хожа Калон Бобур Мирзо томонидан аввал Қандаҳор, кейин Ғазни, Гардиз, Ҳазароҷат вилоятларига ҳоким этиб тайинланган ва у ерларда тартиб ўрнатиб, ўзини кўрсата олган. Шунингдек, у ўз маҳорати ва тадбирий чоралари билан Панипатдаги тарихий жанг ғалабасининг таъминланиши ва Ҳиндистоннинг забт этилишига жуда катта ҳисса қўшган.

Бундан ташқари, Ҳиндистоннинг бошқа шаҳар ва қалъаларини, жумладан Бажаврни ишғол қилишда ҳам алоҳида хизмати сингган эди. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, Бобур Мирзо Патнадаги зафардан сўнг Аграни қўлга киритиб, хазинани эгаллаш учун Ҳумоюн Мирзо, Шох Мансур барлос, Юнус Али ва Абдулло Вали каби энг ишончли кишилари қаторида Хожа Калонни ҳам юборади.

Умуман олганда, юқорида таъкидланганидай, Бобур билан Хожа Калоннинг ўзаро жуда яқин ва қадрдон бўлишгани аён. Бу яқинликнинг нечоғлигини Бобур Мирзонинг ўғли Ҳумоюнга ёзган хатидаги ушбу жумладан фараз қилиш мумкин: “Хожа Калон мен билан тортинмай муомала қилишга ўрганган эди. Мен Хожа Калонга қандай муносабатда бўлган бўлсам сен ҳам ўшандай муомала қилгин”. Яна бир далил: Ҳиндистоннинг юқори ҳароратли иқлимига дош беролмаган саркарда ва навкарларнинг айримлари Бобурдан ўз юртларига қайтишга изн сўрайдилар. Улар орасида, таассуфки, Хожа Калон ҳам бор эди. Бобур Мирзо унга ноилож ижозат беради. Хожа Калон Хуросонга кетиш олдидан Деҳлидаги уйи деворига форс тилида “Агар Синд дарёсидан соғ-саломат ўтиб олсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам юзим қора бўлсин” деган мазмундаги байтни ёзиб қолдиради. Бундан хабар топган ва дили озурда бўлган дўст Бобур Мирзо куйидаги тўртликни бадиҳа тарзида айтиб, Хожа Калоннинг ортидан жўнатиб юборади:

***Юз шуқр де, Бобурки, кариму Ғаффор,  
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.  
Иссиғлиғига гар санга йўқдир тоқат,  
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазни бор.***

Хожа Калоннинг ҳам шоирлиги бор эди, ушбу рубоийни битиб Бобур Мирзога йўллайди:

***Изҳору латофату зарофат қиласиз,  
Ҳар нуқтада юз туман киноят қиласиз.  
Гар Ҳинд иши сардсерий эмас, нечун  
Иссиқ ердин совуғ зарофат қиласиз?***

Бобурдан жавоб келмаган чоғи, унинг ранжиганини англаган Хожа Калон узрнома сифатида яна бир байт ёзиб Ҳиндистонга юборган экан:

***Эй Подшоҳи хубон, тоқай қуни тағофул,***



## *Ёде намекуни ҳеч аз ошиқони Кобул?*

(Эй яхшилар подшоҳи, қачонгача бизга нисбатан ғафлатда бўласан, Кобулдаги сени яхши кўрувчиларни ҳеч эсга олмайсан?) (“Бобур энциклопедияси”. “Шарк” нашр. 2014 й., 541-б.).

“Мушоира” — ёзишмалардан сезилиб турибдики, Хожа Калон ва Бобур Мирзо Ҳумоюнга ёзилган номадагидай ўзаро эркин муносабатда бўлишган.

Шундай қилиб, Хожа Калон Ҳиндистонни елкаминг чуқури кўрсин, дея Кобулга кетиб юборган. Аммо “Тарихи Рашидий” тарихий рўмонида (асарни шундай атагим келди) Бобур Мирзонинг аразлашган кадрдони қарийб ўн тўрт йилдан кейин яна Ҳиндистонда, аниқроғи Сиалкутда ва Лохурда пайдо бўлади. Ҳатто Кашмирни забт этишда Муҳаммад Ҳайдарга ёрдамга келиши кутилади, аммо у келмайди (Бу “Тарихи Рашидий”да ёзилишича, 1540 йил ноябр ойида содир бўлган воқеа эди). Хуллас, Хожа Калоннинг ўшандан кейинги тақдири шахсан мен учун номаълум.

Энди савол туғилади: Хожа Калон ўшанда ўз лашкарлари билан Лохурдан чиқиб, Кашмирга келмай, қаёққа кетган? Унинг сўнгги оромгоҳи бу чекка ҳудудларда қандай пайдо бўлиб қолди?

Экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабов, аъзолари Ёқубжон Жалолов, Турдихўжа Эҳсоновлар ушбу қабрнинг Бобур Мирзонинг дўсти ва саркардаси бўлмиш Хожа Калонники эканлиги борасида ҳамфикр, тўғрироғи ҳам фараз эдилар.

Ҳа, ҳамонки Мовароуннаҳрдан, Хуросондан Олой, Ўш, Қашқар томонларга олиб борадиган йўл шу томонлардан ҳам ўтган экан, Хожа Калоннинг ҳам бу йўлдан қатнаган бўлиши эҳтимолга яқин. Балки, Лохурдан чикқач, маълум бир сабабларга кўра, шу тарафдан юришга тўғри келгандир? Зеро, агар соҳиби хийла нуфузли, эътиборга сазовор шахс бўлмаганида қабр узок вақтлардан бери сақланиши ва қишлоқ ҳам унинг номи билан аталиши даргумон эди. Нима бўлган тақдирда ҳам қабр таъмирга, ободонлаштиришга муҳтож, шунда бу жой гавжум зиёратгоҳга айланиши шубҳасиз эди. Ҳозир ҳам анча-мунча зиёратчи келиб туришига далолат шуки, ушбу ҳудуддаиккита чойхона ҳам бор эди. Фақат улар атрофида одамлар яшайдиган хонадонлар йўқ. Чойхоналар кимсасиз, қаровсиз бўлса-да, уларда озиқ-овқат пишириб ейиш учун қозон-ўчоқ, идиш-товоқ, кўрпа-тўшак ва бошқа анжомлар, зарурий шарт-шароит муҳайё эди. Зокиржон ака билан Турдихўжа ака ҳам паловга масаллиқлар олишган экан, афсуски, улар пастда, машинада қолган эди. Қолаверса, Турдихўжа ака сал нарироқда табиат тошдан ижод қилган бир соҳибжамол сиймоси борлигини айтиб, уни кўришга иштиёқ билдирган Ёқубжон акани, тасвирга туширасиз, деб Аҳмаджонни ўша томонга бошлаб кетди. Зокиржон ака иккимиз қолдик-да, атрофни томоша қилишга тутиндик. Бу ерда ҳам дастлаб ва яққол кўзга ташланадиган манзара – уч томон – кун чиқиш, шимол ва кун ботиш тарафлардаги бўйлари қарийб бир хил, аммо Хожа Калон қишлоғидаги каби, шакл-шамойили, туслари ранг-баранг ва пастдагидан кўра-да, жозибали, кўркам эди. Тепа қисмларига қандайдир илоҳийми, сирлими қўл ўта маҳорат билан симметрик жиҳатдан ғоятда мувозий ва мувофиқ “нақшлар” солган, жинси фақат тошдан иборат бўлиб кўринадиган тоғлар қараганингиз сари қарагингиз келадиган даражада гўзал эди. Тоғларнинг тошлари совуқ эмасдай, балки улардан ҳарорат уфуриб тургандай туюлди менга ва кўнглимдан беихтиёр тошлардан ҳам завқ олиш мумкин экан, деган фикр кечди. Ҳа, булар айрим яланғоч ва туссиз тоғлар каби ўшшайган эмас, балки юз метрча келадиган теппаларида, қиршов ва ёнларида арчалар ва аллақандай тўп-тўп буталар, майсалар ям-яшил бўлиб турарди. Демак, ўша баланд жойларга сув сизиб чиқаётир. Ҳолбуки тоғларнинг катта-катта қисмлари яхлит ва метин тошга ўхшаб кўринарди. Пастлардаги уйдаи, балки икки уйдаи, усти текис, чорқирра ва бошқа шакллардаги тошларни ҳам мен бошқа жойларда учратмагандим. Турдихўжа ака Хожа Калон қабри орқасидаги тоғнинг пештоқидаги шаклларни “Ла илаҳа иллаллоҳ...” деб ўкиди, яна бошқа “битиклар” ҳам бор эди, лекин уларни ўқишнинг иложи бўлмади.

Ҳудуд сердарахт, салқин эди. Дарахтлар эса асосан оққайиндан иборат эди. Мен бу

дарахтни Россия табиатига хос ўсимлик деб ўйлардим, бу ерда уларнинг кўплиги ва аксариятининг кекса ёшдалигидан хайратга тушдим. Икки кишининг қулочи етмайдиган дарахтларнинг ёшини юздан ошиқ деб чамалаш мумкин эди. Одатда оққайин сарв арчаларига ўхшаб тик ўсар, ён новдалари у қадар узун ва йўғон бўлмас эди. Бу ердаги оққайинлар эса толсимон тарвақайлаб кетган – бунақаларини Россия ўрмонларида ҳам кўрмагандим. Йўлакларда томирлари ердан бўртиб чиқиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетибди. Дарахт танасининг тепароқ қисмларида ғовак, ковак жойлари кўп, пўслари порсилдоқ... Яна ажабки, таналари қорамтир тусга кириб кетгани учун дабдурустдан оққайинлигини фарқлаш ҳам қийин, фақат майда баргларида қанақа дарахтлигини билиб олса бўларди.

Оққайинлар орасидан тоғлар бағридан сизиб тушаётган сувларни тўплаб, кучайтириб то Ўшгача ва ҳатто Турдихўжа аканинг қишлоғи Дилкушодгача олиб борадиган ариқ оқиб ўтган бўлиб, у Хожа Калон сойи эди. Мен юз-қўлимни чайиб кафтимда олиб ичдим. Яхдай, аммо тотли эди.

— Оқбўра шу ердан бошланса керак, — тахмин қилди Зокиржон ака.

Келишимизда учраган ариқ ва сойларни эсладик. Ҳали у, ҳали бу тоғлар орасидан оқиб тушаётган ва Қорағурда бирлашадиган Кичик Олой, Чўгун, шунингдек, Оқ жилға, Лагон, Қайин дарё (ҳажмига кўра балки анҳор дейиш маъқулроқдир) сойлари ҳаммаси йўл-йўлакай кўшилиб, Оқбўра деган дарёни вужудга келтирар ва барининг суви Папан омборида йиғиларди.

Бир соатларда шериклар ҳориб-чарчаб қайтиб келишди. “Соҳибжамол”га етиб боришолмабди. Турдихўжа ака жуда ажойиб манзара эди, сизларга илинувдим, деб анча таассуф билдирди.

Хожа Калон зиёратгоҳида палов пишириб ейиш армон бўлиб қолаётганига афсус билдирилган эди, раҳбар айни бугунги гуруҳни шу ерга яна олиб келишга ва ўшанда армонларимизни ушалтиришга ваъда берди. Раҳбар айтган гап албатта амалга ошади.

Яна Зокиржон акани бояги эшакка миндириб, ҳаммамиз йўлга тушдик. Раҳбар экспедиция учун туғилган инсон-да: сафарда нима қилса, қандай улов минса ҳам ярашаверади. Чунки экспедиция унинг жони-дили, Андижонда аранг бир ҳафта ё ўн кун туради, кейин сафарни қўмсаб қолади ва Тошкентгами, Афғонистонгами ё бошқа юртгами тараддуд кўришга тушади.

Эрталаб қизиқишда унча билинмаган экан: йўл чиндан ҳам узоқ ва нотекис-дўқирама жойлари кўп эди. Зокиржон аканинг бояги ваъдасидан кейин ҳам барибир ичи чиқмаган эди, унинг кўрсатмаси билан йўл-йўлакай чойхона мўлжаллаб келдик. Лекин майда-чуйда ошхоналар бор эдию, палов пишириб ейдиган ва отамлашиб ўтирадиган чойхона-қўналға учрамади.

Ўш четига қоронғи тушганда кириб келдик. Биз палов ҳақидаги орзунни амалга оширишни Андижонга қолдирган эдик.

—Қачонлардан бери Ўшга энди келишимиз. Битта ош дамлаб еб кетмасак бўлмайди, — дея янги ҳукм чиқарди раҳбар ва Андижонга ўтадиган божхона назорат пости томон буриладиган жойдан бир енгил машинани ёллади. У бизни Ўшнинг марказий кўчаларидан биридаги янги ва шинам чойхонага бошлаб борди.

—Мана, бу бошқа гап, — деди Зокиржон ака ошдан кейин худди катта хижолатчиликдан чиққандай.

Чиндан ҳам азал-азалдан қадрдон гўша бўлган ушбу шаҳарнинг хизматчиларию ошхўрлари ўзбеку қирғиз биродарлардан иборат чойхонасида ёзилиб ўтириш йўл чарчоқларини тарқатиб юборган, мириқиб палов ейиш эса янада гаштли эди.

Умуман бугунги кунимиз ва экспедициямиз сафари мароқли ва самарали кечганидан ҳаммамиз, айниқса раҳбар жуда мамнун эди.

Юқоридаги қабрнинг қайси Хожа Калонга мансуб эканлигига аниқлик киритиш галдаги вазифалардан бири бўлиб қолди. Балки у биз тахмин қилганлардан ҳам бошқа Хожа Калонга тегишлидир?...

# АДАШУВЛАР, ҲАНГОМАЛАР (САЁҲАТНОМА)

## БИРИНЧИ КУН

Сафар – яхши нарсa, ажиб бир саргузаштлар, ғалати тасодифлар ваъда қилиб, одамни ўзига оҳанрабодай тортади. Лекин ҳар доим ҳам тотли ваъдалари устидан чиқавермайди. Саёҳатнинг ўзига яраша инжиқликлари, машаққатлари, азиятлари ҳам йўқ эмас.

Аслида чувамалик, ўрта мактабни битириб, ҳарбий хизматни ўтагач, қайси бир ўй-режалар Мирзачўл (Сирдарё)га етаклаган ва ўша ёқда яшаб қолган бир кадрдонимизни йўқлаб келиш мақсадида уюшган бўлсак-да, кўпчилик дилида Самарқанд хаёли ҳам бор эди.

Чувама. Эрталаб соат олти. Олтиндай товланган куёш масжид рўпарасидаги теракларнинг елкаси баробар кўтарилган. Биров кечикар, кимнингдир эсига «ёз ёпинчиғингни кўйма» мақоли тушиб, кузатишга чиққан ўғлини уйига – авра чопонини олиб келишга юборган, яна аллакимнинг носқовоғи болиш тагида қолиб кетган... Хуллас, мўлжалдагидан ярим соатча кеч, Асака автомобил заводидан чиққанига бир йил ҳам бўлмаган оқ... *(жа, тулпор десак «Нексия», «Ласетти»лар ранжиб қолишар)* йўрғалар – дамасларда йўлга тушдик. Сафардошлар - ҳайдовчилар *(Қодиржон ва Элмурод)*дан ташқари ўн нафар – синфдош, мактабдош, тенгқурлар, агар соф синфдошликни назарда тутадиган бўлсак, қарийб олтмиш йилнинг нари-берисидаги кадрдонлар. Дўстимиз Солижон Назаровнинг чўл қувиб кетганига эса қирқ саккиз йил бўлган. Бу орада уни баъзи ошналар сафар ё бошқа баҳонаи сабаблар билан йўл-йўлакай сўраб, кўриб туришган, албатта. Аммо бундай жамланиб, ҳафсала билан, махсус бориш илк дафъа эди. Солижон эса ўз қишлоғи Чувамага – ота уйига, қариндошлари хузурига келганида болаликдаги жўраларини зиёрат қилишни унутмасди. Қисқаси, йўқлаш борасида ҳисоб мусофир оғайнимиз фойдасига анча йирик. Шунинг учун ҳам оқибат отлиғ бир синовдан ўтиш, дўст олдида юзлари ёруғ бўлиш имконияти туғилганидан барча мамнунга ўхшаб кўринарди.

Чамамиз – кечга яқин, соат уч ярим-тўртга қолмай биродаримизникига етиб бориш, оёқларимиз остига сўйилажак кўчқорни музтар қилмаслик эди. Мезбонимиз шу мазмунда гап қистирган, шаманинг ҳақиқатга яқинлигини олдиндан айтиш қийин эса-да, айрим ўртоқларнинг имони комил эди. Зеро, чўлликлар танти бўлишади, Солибойнинг табиати, қонида эса жўмардлик азалдан мавжуд. Қолаверса, Араббой Эргашевдай дангалчи-бетга чопарлар қўйдан кичикроғига кўнишлари ҳам душвор эди.

Уловларга ўтириш чоғида сараланиш, танланиш табиий кечди – бу жараённи ҳеч ким бошқармади, ҳамма хоҳлаган машинасига ўтирди. Фақат иккала дамасда биттадан бўш ўрин қолди.

Андижон – Маданият йўли бўйида, Катта Фарғона канали мавзеида яшайдиган бир шеригимиз – ўймакор наққош Йўлбарсали Ўтагановникига бордик. Унинг бомдоддан кейин мизғиб оладиган одати бор эди, тахмин қилганимиздай, қизарган кўзларини ишқалаб чиқиб келди. У нариги машинадан – Муҳаммадқул *(у уста Йўлбарснинг ва бизнинг қуда)*, Абдулла *(уни Қори ҳам дейишади)*, Абдуқаҳҳор ва Эркинбойлар сафидан жой олди. *(Биз Турғунбой, Араббой, Муталлиб ҳожи ва каминадан иборат эдик).*

Пойтуғда туман газетаси «Пахтакор»нинг муҳаррири, шоир ва таржимон, латифағўйликда Насриддин Афандини ҳам хижолатга солиб қўйгудек салоҳиятга эга Абдуллажон Комилов бизнинг дамасга минган маҳал *(Абдуллалар ҳам табиий равишда иккала уловга бўлинишган эди)* ҳазил-аскияга, хусусан Комиловнинг ичак узди «афанди»ларига ўч Йўлбарс ҳожи ҳам бизнинг ёнимизга суқилмоқчи бўлди. Лекин бирдан ҳайдовчига – куёвига кўзи тушиб *(ўзбекча андиша-да, ахир латифа қурғурнинг*

*пардалигидан кўра бепардалиги кўп-ку!*) шашти кесилди, бир зум иккиланиб, бўйнини қашиб турди-да, ноилож кўнгил узиб, орқасига – ўз аравасига қайтди.

Уч кишидан иборат ҳар қандай уюшма жамоа демак. Жамоанинг эса раҳнамо-оқсоқоли ва ҳисоб-китобчиси (*ғазначиси*) бўлмоғи даркор. Кўп масалалар телефон орқали ҳал этилмоқда. Икки дамас аро алоқалар мустаҳкам. Қўл телефонини кашф этганларнинг ота-бобосига раҳмат. Ҳозир ҳаммада – олимда ҳам, фаррошда ҳам, боғча болаларида ҳам бор. Яқин келажакда оналар чақалоғининг бешигига шилдироқ ўрнига «сотка» осиб кўядиган ва ўша матоҳ орқали алла айтиб, ташқаридаги юмушларини бемалол бажариб юраверишадиган бўлади-ёв! Қисқаси, жамоатчилик асосидаги (яъни ҳақсиз) масъул лавозимларга Уста Йўлбарс (*тафтишчи ҳам унинг ўзи, зеро у олти ўғли ва шогирдлари устидан раҳбарлик қилавериб, уларни тергайвериб, малбағ тежайвериб бунақа ишларнинг пири бўлиб кетган*) ва мулла Абдуқаҳҳор лойиқ кўрилди.

Энди жўраларга бир чимдимдан тавсиф бериб ўтсак. Абдулла Комил ҳақида мухтасар баён этилди. Қолаверса, у ҳар қайда, ҳар йўл (*масалан ошпазлиги, ишавандалиги*) билан ўзлигини намоён қилиб юради. Ҳаммабоп, оммабоп. У билан юрак томирларимиз пайвандланганига салкам ярим аср бўлди, ришта тобора пишиб, чийралиб бораётир, кўз тегмасин.

Йўлбарсали хусусида ҳам айтилди. Яна шуларни илова қилиш жоизки, у ҳам диний, ҳам ухровий муносабатларнинг хў-ўп кифтини келиштиради. Ўзиям, менинг билганим – нақ ўн иккита қудаси бор. Оқибатли, меҳмон кутиб, зиёфат беришни хуш кўради. «Уч кун уйингга меҳмон келмаса, дарвозангни бошқа ўрнат» мақоли йўриғида иш тутади. Фақат катта ҳовлиларининг эшиги қадимдан битта. Темирдан. Бўзчи белбоққа ёлчимаиди, деганларидай, ўзларига чинордан ё ёнғоқдан нақшли, ўйма гулли равоат кургани бошқа буюртмалар, хусусан ҳокимликлар, вазирликлар, хорижликларнинг «заказ»ларидан ошинишолмайди ёки беллари оғрийди (ахир битта нақшли дарвоза фалон пул-да!..). Уста ҳожи тоат-ибодатдан ташқари оилавий ишларда, куёвларга меҳрибончиликда Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) суннатларига оғишмай амал қиладиганлардан.

Муҳаммадқулнинг гарчи ижодга яқинлиги (*китоб ўқийдимми, йўқми, тўғриси, яхши билмайман*) бўлмаса-да, уни Алишер Навоийга ўхшатишади. Дарҳақиқат, кўриниши шунақа, зиёлинамо. Айниқса қирқма соқол унга жуда-а ўтиради. У ҳам ўз ишларига пишиқ-пухта. Гапни чертиб, топиб гапиради. Анча-мунча касалликларни писанд қилмайди, духтирларга ҳам бориб ўтирмайди. Раҳматли, улуғ хислатлари бисёр, башоратгўй дўстимиз Баҳром Қорабой ўғли у ҳақда «кўп яхши одаму, фақат кўчага кам чиқади, улфатчиликларга кўшилавермайди» деб кўярди, йўқ, жа унақага ўхшамайди.

Турғунбой дўстимизнинг таърифи ўзи билан. Шалдир-шулдир (*халқ ибораси билан айтганда бир қоп ёнғоқ*), кўнглида ғубори йўқ. Қўли гул, ошнинг гуручини ўрмалатиб, қозон кабобнинг картошкаларини думалатиб юборади. Ўзи ҳам яхши емишнинг гадоси. Бир вақтлар Мадинада бир ўзбек арабларга нисбатан «булар овқат ейди ва ухлайди», деган эди сал ғашлик билан. Турғунбой ҳам гап-гаштакларда таомнинг сўнгги лукмаси жиғилдонига етиб-етмай, шундоқ ёнбошига ағдариладию, сония ўтмай донг қотади, шу кўйи ўтириш кузаётганда аранг уйғотиб оламин. Лекин у жуда меҳнаткаш. Яна қарз кўтаришни яхши кўради, «қарз - менга посанги», деб кўяди (*Унинг сифатлари қуйида яна зикр этилади*).

Араббой, энди, бир дунё, одамохун. Эринмайди. Кичкиналигидан пионерлар, комсомоллар етакчиси бўлиб, малакаси ошиб кетган – ташкилотчиликни жойига кўяди. Синфдошлар, мактабдошларнинг фалон йилликлари, туғилган кунлар, Юнус қори Юсупов каби таниқли ҳамюртларнинг юбилей анжуманлари, сафар-саёҳатлар ҳам кўпинча унинг ташаббуси билан уюштирилади. Дўсту-биродарларни бир бири билан топиштириб, кўриштириб юриш суюкли «хоббиси». Шунинг учун ҳам ҳар соҳада унинг туркум-туркум жўралари, кадрдонлари кўп. Ҳамтовоқ-хамрозларни бир-бирига яқинлаштирадиган, сирдош қилиб, «отам»лаштирадиган «восита»нинг пешини ҳеч кўйиб юбормаслигининг сири, сабаби ҳам шундан бўлса керак. Энг яхши фазилати - таклифлари, илтимосу ўтинчларини рад этсангиз ҳам ортиқча ранжиб, аразлаб ўтирмайди – феъли ҳам, бағри ҳам кенг.

Муталлиб ҳожининг ҳам заҳматкашлиги, бикирлиги қотма жуссасидан сезилиб туради. Ҳали батамом оқариб кетмаган соқолини барвақт, ёппа қўйиб юборгани учунми, тенгдошлардан беш-олти ёш улуғроқдай тасаввур уйғотади. Шу боис айрим синфдошларнинг уни «сен»лаб гапириши бошқаларга эриш туюлишини ҳисобга олмаганда ҳаммаси рисоладагидай. Албатта, ҳожининг улуғсифат кўринишида унинг савдо ишлари билан Русиянинг олис шаҳарларига кўп қатнагани ва «сафарлар» давомида ҳаётдан – уринишлардан, машаққатлардан олган сабоқларининг ҳам хизмати кам эмасга ўхшайди. Ҳаж таассуротларидан, ўша йўлдаги кўрган-кечирганларидан эринмай сўйлаши унинг эътиқодидан, киришимлилигидан далолат беради.

Қори (*Абдулла*) болалиги, ёшлигида хийла шўх, серғайрат, жангарироқ эди. Ҳозир ёшига хос босиқ-вазмин, салобат билан юради ва гапиради. Муносабатини зарурат бўлсагина билдиради, лекин фикрини очик айтмаса-да, бир ишга ҳайрихоҳ ёки ноҳайрихоҳлигини юз-кўзлари ифодасидан англаб олиш мумкин.

Абдуқаҳҳор илгаритдан камсукум, кам сухан эди, шу хусусиятини ҳали ҳам тарк этмаган. Нарса, ишларга унча аралашавермайди, бепарво, бефарқроқдай, аслида унчаликмас, ўрни келса, мулоҳазасини аста қистириб ўтишдан қайтмайди. Бинобарин, табиатида кўпчилигимизга хос, ёш ўтиши билан боғлиқ инжиқликка яқинроқ бир аломатлар ҳам бордай. Ўзи жуда самимий инсон.

Орамизда соч-соқолининг ранги жиҳатидан ҳам, феъл-атвори жиҳатидан ҳам нисбатан ёш ва жўшқин кўринадигани – Эркинбой. Зеро, у улфатчиликка суяги йўқ, бу борада ўзини ҳеч хафа қилмайдиган, хурсандчиликка баҳона бўладиган имкониятни бой бермасликка уринадиганлар хилидан, фақат... Ҳа, майли, бу ҳақда кейин...

Баъзи масалаларга йўл-йўлакай яна тўхталамиз.

Алалхусус, нариги гуруҳда қандай - билмадигу, бизнинг даврани Абдулла Комил гуллатиб, бошқаларимиз гуриллаб боряпмиз. Ора-чурада табиат, об-ҳаво, юртдаги қайта қуришлар, ободончилик ва бошқа мавзуларда ҳам мулоҳаза билдириб кўямиз. Гоҳо-гоҳо Муталлиб ҳожи Маккаю Мадина йўлларида гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисалардан бир чимдим-бир чимдим кўшиб туради – худди сутга оқлик солгандай. Орқа ўриндикда кенг уйнинг келинчагидай, бир ўзи, юк-тақлар орасида гоҳ у, гоҳ бу томонга ёнбошлаганча силтаниб-мудраб бораётган Араббой калта-култа луқма ташлаб кўяди.

Кун исиб қолган бўлса-да, баҳор-баҳор-да - ҳаммаёқ ям-яшил. Кўча бўйларидаги олма-гилосларнинг мевалари шингил-шингил. Манзарали дарахтлар, айникса, теракларнинг ҳисоби, поёни йўқ.

Кўпчилик яхши-да, вақт ўтгани ҳам билинмайди. Хаш-паш дегунча Қамчиқ довонига етиб олдик. Йўлнинг ўнг томонидаги қуюқ дарахтзорлар орасига жойлашган, орқаси адир-тоғлар билан туташ «Ҳасан самовар ота» (*илгари «Ҳасан самовар» ёзиларди, оқсоқол ўтгач шундай деб ўзгартиришибди-да*) чойхонаси ёнидан ўтаётганимизда шу ерда палов пишириб, бир пас дам олишнинг нақадар роҳат ва хузурлилиги қизгин муҳокама бўлди. Айникса, чучук томоқ дўстимиз Турғунбойнинг жуда-жуда ош егиси келиб, нафси чукиллаб кетди. Бояқиш эрталаб уйида «ҳойнаҳой, йўлда қуюқ нонушта бўлса керак, деб озгина тотиниб олган экан. Албатта, унинг «тотиниб» олиши ҳам анча-мунча одамнинг росмана қорин тўйғазишидан кам бўлмайди-ю, ҳарқалай, ичи унча чиқмаган экан-да. Аксига олиб, шерикларнинг ҳаммаси дурустгина тамаддиланишган, энди довондан тушгандан сўнг, Ангренда овқатланишга келишилган эди. Турғунбой эса, бизларга ишониб нонуштаси мундайроқ бўлганини дам-бадам писанда қилиб, ёзғириб кўярди.

Мўлжалнинг дарз кетиши Олмаликка кираверишдаги ёнилғи қуйиш шахобчасидан бошланди. Дамасларнинг газ баллонларини тўлдириш керак эди. Машина кўп, анча туриб қолдик. Кейин, кимдир йўл сўраган эди, Бўканинг янги йўли билан юришни маслаҳат беришибди. Бир неча чақирим орқага қайтиб, мақталган йўлга ўтдик. Келишувга биноан худди шу жойга Тошкентда муқим кўним топиб қолган журналист ва ёзувчи дўстимиз Шохруҳ Акбаров (*тўғриси, Абдулла Комил иккимиздан бошқалар синфдош, мен ва Шохруҳ эса университетдош, гуруҳдош эдик*) ўзининг ҳаворанг неқсиясида етиб келди. Йўлбарс

хожи, Абдуллажон ва камина Шохрухнинг ёнига ўтиб олдик. Устанинг, энди яйраб латифа эшитиб кетаман деб, димоғи чоғ эди.

Янги йўл ҳақиқатан соз эди, аммо машойиҳлар билган йўлингдан қолма, деб бежиз айтишмаган. Кўча янги ва маҳаллалар оралаб тушгани боис, баъзи жойлари ҳали туташмаган ё битмаган, шу ерларда айланиб ўтиш лозим эди. Ана шу айланишларда чалғиб, адашиб, анча тентираганимизни кейин билдик. Боз устига чала, ҳали асфалт босилмаган худудлар катта-кичик тош аралаш шағалли бўлиб, ниҳоятда дўкирама эди, ғилдирақлар остидан тошлар сачрар ва қуюқ чанг кўтариларди. Шохрух эса, негадир машинани аямай, гўё ўчакишаётгандай, газ педалини қаттиқроқ босарди. Маълум масофага борганда анча кейинда қолган дамасларни кутиб туришга тўғри келарди. Бир гал яна адашиб, саккиз чакирим бошқа тарафга кетиб қопмиз. Изимизга қайтаётиб кўча бўйидаги хусусий дўкончадан биттадан музқаймоқ олиб едик, газсиз сув ичдик ва демак, шуларда ризқимиз бор экан, деб ўзимизга тасалли бердик.

Барча айланишу янги йўллардан ўтиб, маълум асосий шоҳ кўчага чиққанимизда мўлжалдан хийла кечикаётганимиз ва қоринлар оча бошлагани аён бўлди. Соли хожи қассобни чакириб қўйган чамаси, тез-тез қўнғироқ йўллаб, «қаерга етиб келдинглар», деб сўраб-суриштириб турарди. Биз эса, орият юзасидан адашганимизни пинҳон тутиб (*ахир одам ўз юртида ҳам шунча адашадими?*), кечикишимиз сабабини йўлларнинг янги ва нобоплигига, ёнилғи газ қўйиш шохобчаларида навбатнинг тирбандлигига тўнқардик. Баногоҳ хаёлимизга қўйни меҳмонларга кўрсатиб сўямиз, деб, кутиб ўтиришган бўлса, биз етиб бориб, жониворнинг териси шилиниб, думба-жигари қозонга тушгунча ярим тун бўлади-ку, деган ҳавотир келди-да, кўчқорнинг оёғимиз тагида хириллаб ётишига гувоҳ бўлиш шарафидан воз кечишимизни мезбонга ошкор этдик. Шунда Соливой:

- Қа-на-қа қўй?.. - деб талмовсиради. Айримларнинг дами ичига тушиб кетди. Ҳамма билан ҳазиллашаверадиган, ҳаммага эркалик қилиб, истак-хоҳишини бемалол айтаверадиган Араббойнинг тили ҳам ғўлдираб қолди.

- Ҳазиллашяпти ярамас, - деди у, - қани, қўй сўймай кўрсин-чи, икки юз мингга олган гиламимизни қайтариб кетармиз...

Шохрух тезлатгич педалини янада шиддат билан босди. Энди у машинасида ёнилғи оз қолаётгани учун тезроқ газ қўйиш шохобчасига етиб олишга ошиқарди.

Йўл битта, ишончимиз комил эдики, энди биз ҳам адашмаймиз, орқадагилар ҳам... Шохрух Араббойга қўнғироқ қилиб, ҳеч қаёққа бурилмай, тўғри юраверасизлар, деб огоҳлантирди (*лекин бу огоҳлантириши кечиккан экан*). Улар етиб келгунча биз машинага газ қўйиб турамыз, фурсатдан ютамыз, деб ўйловдик. Аммо, афсуски газ қўйиш шохобчаси учрамас, вақт эса нексиа билан баробар учиб борарди. Икки ён поёнсиз далалар – пахтазор, ғаллазор, шўр босган шувокзорлар... Водийдагидек қуюқ теракзорлар, умуман баланд (*мевали ҳам, манзарали ҳам*) дарахт кўринмайди, анча-мунча тутқатор, ҳаккам-дуккам жийда кўзга ташланиб қолади. Лекин аксар далалар, катта-кичик ариқ бўйлари ям-яшил барра билан қоплангани учун ҳаво тоза, ҳарорат унча баланд эмас, машина ойналаридан ғир-ғир шабода кириб, боя димиққан, қизиган баданларга хузур бағишлайди. Шундай эди-я, бироқ...

Ҳа, бироқ... Анча узоқ юриб қўйдик. Орқадаги дамаслардан «мобил» садолари кела бошлади. Яна адашиб кетишибди. Ҳайдовчилар ва бошқалар билан гаплашяпмиз. Улар, айтишларича, бутунлай бошқа тарафга кетиб қолишибди. Аммо қаерда эканликларини аниқ тушунтиришолмасди: бири Янги ер тарафдамиз, деса, бошқаси Термиз йўлидамиз дейди, учинчиси, аллақандай темир йўлларни гапиради. Биз улар тасвирлаётган манзиллардан ўтмагандик. Орқага қайтиб, катта йўлга чиқинглар ва тўғри келинглар, деймиз Уста Йўлбарс, Шохрух учовимиз қайта-қайта, галма-галдан.

- Қаерда, қайси тарафдасизлар ўзи? – сўрашади улар жиғибийронлик билан.

- Қаердалигимизни ўзимиз ҳам билмаймиз, кун ботишга қараб юраверинглар, - дейди Уста хожи.

- Қаердалигимизни мен биламан, «Оқ олтин»нинг йўлидамиз, Соли 10-чи бўлимда

туради, – дейди Шохруҳ ҳамияти бир оз оғриб, лекин у ҳам турган жойимизни орқадагиларга аниқ-тиниқ айтиб беролмасди. Зеро, атрофда яккам-дуккам пастак дарахтлар ва ола-чалпоқ кўкатлар, ердан унча кўтарилмаган, ҳали дурустроқ кулоқ ҳам чўзмаган гўзалардан иборат далалардан бошқа тайинли белги – бино, иншоот йўк. Тўғри келаверинглар, деймиз. Адашганлар эса, нуқул бизнинг қаердалигимизни сўрашади. Энг чатоғи, боягина мақтаган зорманда телефонларимизга кўз тегиб, узилиб-узилиб қолар, гап аниқ эшитилмасди, биз томонда ҳам, у ёқда ҳам сўздан кўра «А?..», «А?..», «Нима?!..» деган сўрок, хитоб кўп.

Хуллас, келишолмадик. Орқадагилар ерликлардан суриштириб кўришди чоғи, Жиззах йўлидаги 1-чи пост (*ДАН маскани*)да учрашишга ваъдалашдик.

Пост ҳартугул унча узоқ эмас экан. Ярим соатларда етдик. ДАН ходимларидан «1-чи пост шу ерми», деб сўрадик. Улар «ҳа», дейишди. Четроқда савдо дўкончалари ва бир сўри бор экан, ўзимизни таппа ташладик. Алюмин тоғорачада беш-ўнта тухум турган экан, кимники, деб суриштиришга ҳам сабримиз чидамай, худди Робинзон Крузодай ёпишдик. (*Пишиқми, хомми деб ҳам ўйламабмиз*). Кимгадир иккита, кимгадир битта тегди. Ҳар қалай, сувда қайнатилган экан. Чала-чулпа арчиб, бир зумда паққос туширдик. Шериклардан эса ҳамон дарак йўк эди. Тижоратчилардан яна «бу 1-чи постми?» деб сўрадик. Улар, «ҳа, Жиззахдан келишда биринчи, у тарафдан ҳисобланса, охириги пост», дейишса бўладими! Капалагимиз учиб, тарвузларимиз қўлтиқларимиздан тушди. Биз «у» тарафдан келган эдик. Бошимиз қотиб, тагин «сотка»ларга ёпишятувдик, ҳайтовур шўр пешона дамаснинг таниш тумшуғи кўриниб қолди.

Қанчалар суюниб кетганимизни тасаввур ҳам қилолмайсиз - худди Саҳрои Кабирда йўқотиб қўйган болаларини топиб олишган ота-оналардай!..

Аммо бирдан ўпка-гина бошланиб, «Сизлар кетавердинглар!», «Дамасни нексиа билан тенг юролмаслиги эсларингдан чиқди шекилли», «Сизлар катта йўлдан нимага бурилиб кетдинглар, нимага бурилаётиб бизга қўнғироқ қилиб сўрамадинглар?..» каби айблов-маломатлар сал қолди қувонч оловини ўчириб қўйишига. Охири ҳамма айб ҳайдовчига Гулистон томонга бурилишни маслаҳат берган Араббойнинг елкасига ортилгач, бошқалар сал эркин нафас ола бошлади. Маҳмадона дўстимиз эса гуноҳини осонгина бўйнига олиб, таҳдидли, хитобли овозлар жарангини пасайтиришга мушарраф бўлди.

Аслида Араб Эргашнинг ҳам асослари бор экан. У «манзилингни яхшироқ тушунтириб қўй» деганида Соли ҳожи оғайнимиз «Катта йўлга чиққач, кафтларингни соябон қилиб, кун ботишга – Сирдарё вилояти тарафга қарасанглар, энг баланд уйга кўзларинг тушади, ўша кошона каминани камтаринники бўлади», деган экан. Бу гапнинг чин-ҳазиллигини содда, ишонувчан Араббой фол кўрибдими! «Бу атрофдаги донгдор шаҳар Гулистон, демак энг баланд уй ҳам шу шаҳарда бўлади», деб хулоса ясаган-да бояқиш.

Адашишлардан яхши хотира шу бўлдики, Уста ҳожининг «қаердалигимизни ўзимиз ҳам билмаймиз» деган гапи ва Шохруҳнинг ориятсираб (*ахир Соливойникида бир неча бор бўлган, Тошкент-Жиззах-Самарқанд йўлларида энг кўп юрадиган у эди-да*), «Мен биламан қаердалигимизни» деган лўқмаси ҳар бир воқеа-ҳодисадан юмор ясовчи Абдулла Комилга хўп нашъа қилган экан, қайтишда ўша ҳангомани бот-бот эслаб, ҳаммани кулдириб, завқлантириб келди. Яна у Шохруҳда юз берган катта ўзгаришдан хурсанд бўлганини таъкидларди.

- Асаблари жойига тушиб қопти. Устанинг гапларига энсаси қотганини унча сездирмади, - дерди у нуқул.

Дарҳақиқат Шохруҳ илгарилари тажангроқ эди, ўз фикри, қарашини исботлаш зарур бўлса туюқиб кетарди. Мен ҳам йўлнинг нобоп жойларида бўғилмаганига ажабланувдим. Сиполик энди унга жуда ярашиб турибди.

Ҳа, дарвоқе, Шохруҳ, гарчи Уста Йўлбарсга ўз хотирасининг жойидалигига ишора қилган бўлса-да, аслида паришон-фаромушлиги анча бор эди (*Ана шу хусусияти туфайли у ўсмирлигида Паганел (Жюль Верн қаҳрамони) деган лақаб ҳам орттириб олган*). Соливойнинг ҳовлисига жуда яқин (*тахминан бир ярим-икки чақирим*) қолган экан, лекин

шунда ҳам ҳар муюлишда ундан-бундан сўраб, орқага қайтиб юриб топиб кирдик.

Бироқ, шу нарсдан мамнун бўлдики, мезбон биродаримизнинг исми-шарифини, қандай амал-лавозимларда ишлаганини айтиб сўраганимизда шу ерлик эркагу аёл елка қисиб, ўйланиб қолишса-да, кўшимча «андижонлик...» деган сўзни бошлашимиз билан дарров жонланишиб, «Ҳа, шундай демайсизларми, хў анови ерда...» деб жавоб беришарди. Бу бежиз эмас, Мирзачўл ҳар қаерлардан келганлар макони-да, улар бу жойларда илдиз отиб кетганларига ярим асрдан ошган бўлишига қарамай, ўзларини ҳам, кўшни, ҳаммаҳаллаларининг ҳам асил юртларини унутишмаган, унутишмас ҳам эди. Шунингдек, норавон кўчалар, катта йўлдан ичкарироқдаги ҳовли-хонадонлар ҳолатига, мевалигу, мевасиз дарахтларнинг серобмаслигига қараб яна бир нарсани – 40-50-йилларда Сталин сиёсати ва зуғуми билан кўчирма бўлган одамлардан айримларининг ҳафсаласизлиги, бу ерларга астойдил кўнгил ва меҳр қўймаганликларини, онги-шуурида қачондир туғилиб-ўсган гўшаларига қайтиш ҳаёли билан умргузаронлик қилишаётганини чамалаш мумкин эди. Соли дўстимиз эса узоғи билан янаги йили – ҳозир ҳарбий хизматни ўтаётган кенжа ўғли Ислонбекни бирон олийгоҳга (*иложи бўлса, Андижонга*) жойлаштиришлари билан тугун-бўғинларини йиғиштириб (*ўринларига ўртанча ўғил Иқболжонни қолдириб*) Чувамага жўнашларини айтиб, бизнинг фарзимизни очик-ошкор тасдиқлаб қўя қолди.

Солижон Назаровни бу ерларга тақдир шамоли 1960 йилларнинг ўрталарида, ҳарбий хизматдан қайтганидан сўнг учуриб келган эди. «Оқ олтин» давлат хўжалигининг турли бўлимларида ҳар хил вазифаларни бажариб, ҳайдовчиликдан – савдо ходимлигигача, пахта заводида оддий ишчиликдан директорликкача бўлган фаолият масофасини босиб ўтди. Албатта, қийинчиликлар, нотаниш, ноқулай иқлим ва шароитларга кўникиш, мослашиш ҳам осон кечмади. Шунингдек, у кўплаб жабрдийдалар қатори халқимиз бошига тушган оғир мусибат - «пахта иши», «Ўзбеклар иши» каби мудхиш айблов жараёнларида Гдян, Иванов каби калхатлар панжасига ҳам рўпара келди. Ҳарқалай, ўзининг ҳалоллиги, тўғрилиги, диёнатлилиги боис ёвуз йиртқичлар чангалидан омон чиқди (*Унинг чиндан-да беш қўлни оғзига солмай ишлаб-яшагани уй-жойлари, жиҳозлари, турмуш тарзларининг содда-камтароналигидан ҳам сезилиб турибди*). Ҳозир нафақада. 2008 йили ҳаж амалларини ўтаб келган - ҳожи ака. Тўнғич ўғиллари Илҳомжонни уйлаб, Чувамадаги ота ҳовлиларига жойлашган. Қизлари Дилфузани ҳам ўша ёққа – Бекмирза қишлоғига узатишган. Ўртанча ўғил эса, кўплар қатори ҳорижда пул топиш «амалиёти»ни ўтаяпти. Келин, набиралар булар қарамоғида.

Солижон ота диёрга қайтиш ҳақида шунинг учун ҳам комил ишонч билан гапирардики, унинг ёстиқдоши Ҳалимаҳон ҳам ўзлари тарафдан – Янги ҳаёт (аввалги 3-бўлим)дан. Беканинг юртдошлиги эса хонадон хожаси учун катта имтиёз, кенглик, эркинлик демак. Бу фикрнинг тасдиғига эса икки кеча-кундуз мобайнида гувоҳ бўлдик: кўнглимиз тусаган таомимизни буюриб, хоҳлаган еримизга ўрин солдириб, ўз уйимиздагидан ҳам зиёда эркалик қилдик, яйрадик. Болалиқдан кадрдонлар йиғилгани учун суҳбатлар ҳам эркин ва самимий, ҳазил-хузуллар, тантқиқлар баъзан чегарадан чиқиб кетса ҳам малол олинмас, лаблар турилмас, табассумлар бемаврид узилмасди. Меҳмонларнинг талтайиши, такаллуфсизлиги хонадон эгасининг энсасини қотирмас, мезбон ва ҳамсоялар (*Муҳиддин, Козимжон*)нинг «кўноқ»ларнинг хоҳишларига баъзида безътибор қарашлари ёки ҳазил-чин аралаш ошкора раддиялари, «олинг, олинг» илтифотининг камроқлиги ҳам таажжубга ё ранжувга, аразга сабаб бўлолмасди.

\*\*\*

Абдулла Комилнинг таклифи билан иккимиз ташқаридаги баландроқ ва тахталари унча теккис қоқилмаган, аммо кенггина чорпояда тунамоқни ихтиёр этиб эдик, бизга Араб Эргаш ҳам эргашди. Уйқуга кетай деганимизда хийла «қизиб» олган Эркинбой ҳам Араббой билан Абдуллажоннинг оралиғига чалқанчасига қисилди.

Дарахтлар, баланд бинолар деярли йўқлиги учунми, чўлнинг (*мазкур ибора гарчи бу ерда яшовчилар лаҳжасидан чиқиб кетган бўлса-да, биз каби узоқ вилоят ва тумандагилар лугатида ҳали-ҳамон яшаб келади*) осмони жуда кенгдай туюлар, ҳаво очиклигидан ўн бир-



ўн икки кунлик ой ерга жуда яқин, лекин негадир юлдузлар сийрақдай (*худди Маккаи мукаррамадагидай*) кўринарди. Ҳали ўрнини ёзга бутунлай бўшатиб бермаган баҳор билан табиатнинг уйғунликдаги жозибаси - ҳавонинг чанг-ғуборсизлиги, шамолнинг биз ўйламаган тарзда майин, ёқимлилиги баҳри-дилни очар, куни билан силкиनावериб, силтанавериб толиққан вужудларга ва адашишлар, кутишларда зўриққан асабларга ҳузур, ҳаловат бағишларди. Ҳатто жуда сезгир куш уйқу, мушукнинг пишиллашидан ҳам уйғониб кетадиган Абдулла Комилнинг мириқиб ухлаганини, унинг фароғатига Эркинбой ва каминанинг дурустгина хурраги, катак тўла хўрозларнинг бесарамжон бақириб-чақиришлари, деярли ҳар бир ҳовлида бир-иккитадан мавжуд бўлган ҳангиларнинг бемаврид (*мен бу жонивор фақат маълум фурсатларда ҳанграйди деб ўйларканман*) уввос тортишлари ҳам раҳна сололмаганини эшитиб, ростакамига танг қолдим.

## ИККИНЧИ КУН

«Оқ олтин» туманининг биз қўноқ бўлган «Ғалаба» маҳалласидан Самарқандгача 180 км эди. Юқорида айтганимиздек, Самарқанд, Ал-Бухорий зиёрати мўлжалда бор эди. Эрталаб нонуштани ошиғич қилиб йўлга тушаётганимизда қўшимча сафарга унча раъйи бўлмай, шу ердан қайтишни тусмоллаб турган баъзи биродарларимиз ҳам ўз ичидагиларни сиртга чиқаришдан ийманишди чоғи, таклифга қўшилишларини сукут билан изҳор айладилар.

Дину диёнатимизга эркинлик берилгани, шўро замонларида рағбат ва эъзоз кўрмаган қатор улуғ зотларимиз, диний ва дунёвий илмларнинг пири калонлари қабр-мақбараларининг Президентимиз, ҳукуватимиз томонидан фавқуллода эътибор ва эътиқод билан ободонлаштирилиб, улкан ва ҳашаматли зиёратгоҳларга, оммавий сайлгоҳларга айлантирилиши, ҳеч шубҳасиз мустақиллик шарофатидир. Миллатимиз, юртимиз шон-шарафи, ифтихори бўлган ана шундай табаррук қадамжойлардан бири Самарқанд вилоятининг Хартанг қишлоғидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуидир.

Якшанба бўлганлиги учунми, зиёратчилар ҳаддан зиёд кўп, дарвозадан тўлиб киришар, ёдгорлик олдидаги гулзор-чимзорлар аро солинган йўлаклар, ичкаридаги кенг майдон ҳам гавжум эди. Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келганлар (*улар сафида айниқса, ёш йигит-қизлар, мактаб ўқувчилари, коллежларнинг талабалари бисёр*), турли хорижий юртлардан ташриф буюрган сайёҳлар саф-саф, гуруҳ-гуруҳ бўлиб юришар, ёдгорликнинг шарқона услубдаги бинолари, уларнинг нақшинкор пештоқлари, устунларини томоша қилиб ҳайратланишар, завқланишар ва қадимий улкан чинорлар остидаги оби замзам каби зилол, мазали чашмадан симириб-симириб ичишарди. Кимлардир Имом ал-Бухорий мақбарасини тавоф этишиб, сайрбон-ваъзхоннинг Имом ал-Бухорий ҳаёти, фаолияти ҳамда ушбу мажмуанинг яратилиш тарихи ва бошқа хусуслардаги ҳаяжонли, шавқли сўзларини берилиб тинглашар, яна кимлардир ёдгорликнинг қибла - кун ботиш томонидаги жоме масжидида намоз ўқиб, ўтганлар, алахусус Имом ал-Бухорий ҳазратларининг руҳи ҳақиқа бағишлашар, Яратганга ҳамду санолар, унинг расули Муҳаммад алайҳиссаломга саловотлар айтишар, дилидаги орзу-ниятларининг рўёбини сўрашиб, Аллоҳга юқинишарди.

Халқимиз ҳозир ал-Бухорий кимлигини, унинг ислом дини асосларининг, хусусан, Пайғамбаримиз ҳадисларининг мусулмонлар орасида кенг ёйилиши борасидаги улкан хизматларини яхши билади, аммо фойдали мўътабар маълумотларнинг такрорида зиён йўқ, деб ўйлаймиз.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий (*ҳижрий 194, мелодий 810* йил) Бухоронинг Пойкант қишлоғида зиёлилар оиласида дунёга келган. Икки ёшга етганида Аллоҳнинг иродаси билан отасидан айрилади. Кейинроқ унинг кўзлари ожиз бўлиб қолади. Бир куни онаси жойнамоз устида йиғлай-йиғлай ухлаб қолади. Тонг отарга яқин унинг тушига Иброҳим алайҳиссалом кириб, «Эй онаизор, сенинг қилган илтижоларингни, тоат-

ибодатларингни Аллоҳ қабул қилди ва ўғлинг Муҳаммаднинг кўз нурини қайтарди» дейди. Она уйқудан уйғониб қараса тўрт ёшлик ўғлининг кўзлари очилган эди. Она уни етаклаб мадрасага олиб боради. Муҳаммад ибн Исмоил ўн бир ёшдан ўн олти ёшгача Имом Моликнинг «Ал-муватто» ҳадислар тўпламини ёд олиб, етмиш мингдан зиёд ҳадисни ўрганади. Шундан сўнг у онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига чиқади. Ҳаж ибодатларини амалга оширгач, у яқинлари билан Маккада хайрлашади-да, ўзи Муҳаммад (С.А.В)нинг ҳадисларини тўплаш мақсадида Арабистонда қолади. Муҳаммад ибн Исмоил шу бўйи узоқ йиллар давомида йигирмадан зиёд юртларни кезиб, кўплаб аллома-устозлар кўлида таҳсил олади ва Пайғамбаримиз ҳадисларини йиғади.

**ҲАДИС** – Расулulloҳнинг айтган гаплари, феъллари ва тақрирларидир. Ҳадис Расулulloҳ ҳаёт давларида қоғозга ёзилмаган, балки умматларнинг қалбига битилган. Расулulloҳ вафотидан сўнг ҳадислар саҳобалар томонидан тарқатилди. Ислому дунёси кенгайди, диёрлар фатҳ этилди. Табиийки, дин душманлари пайдо бўлиб, улар томонидан ёлғон (*мавзӯ*) ҳадислар ҳам кўплаб тўқилади. Шу туфайли ҳадис илмига уламолар эътибори кучаяди ва саҳиҳлаш (*тозалаш*) даври бошланади. Муҳаммад ибн Исмоил Имом ал-Бухорий шу даврнинг пешқадам уламоларидан бирига айланган эди.

Имом ал-Бухорий *Имомуд дунё, фил ҳадис* - ҳадис илмида дунё имоми, *Амирил мўминийн фил ҳадис* - ҳадис мулкининг амири унвонларини олиб, қирқ йиллардан сўнг она юртига қайтиб келади. Унинг оила, бола-чақа, уй-рўзғор қилганлиги ёки қилмаганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ дейилади китобларда. У Бухорога келганида онаси ва акаси дунёдан ўтган эди. Халқ Муҳаммад ибн Исмоил Имом ал-Бухорийни катта ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олади. У мадрасада талабаларга сабоқ бера бошлайди. Шу даврдаги Бухоро амири Холид ибн Аҳмад Аззуҳалий Имом ал-Бухорийни саройга ишга айттиради. Тақлифни рад этган буюк муҳаддис амир буйруғига биноан Бухородан чиқарилади.

Шундан сўнг у Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига, қариндошлариникига келиб, қисқа муддат шу ерда яшайди. Самарқанд уламоларининг тақлифи билан сафарга отланган пайтда тўсатдан вафот этади. *Ҳижрий 256 (мелодий 870)* йил рамазон ойининг охири куни жонларини Ҳаққа топшириб, дорулбақога риҳлат қилади. Ҳайит намозидан сўнг шу Хартанг қишлоғига дафн этилади.

Ривоят қилишларича, ул зотнинг қабрларидан хушбўй ҳид чиқиб турган ва кечаси қабрининг тўрт бурчагида илоҳий нур пайдо бўлган. Шундан эътиборан бу табаррук заминни одамлар минг йиллар мобайнида зиёрат қилиб туришган. Собиқ Совет Иттифоқи даврида буюк алломаларимиз сунъий равишда халқ эътиборидан четлатилди ва масжидларда намоз ўқиш, зиёратларга руҳсат берилмади.

Мустақиллигимиз шарофати туфайли, ўтиб кетган улуғ аждодларимиз, хусусан Муҳаммад ибн Исмоил Имом ал-Бухорий руҳларини шод қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29-апрелдаги Имом ал-Бухорий таваллудининг хижрий 1225 йиллигини нишонлаш ва уни ўтказиш тўғрисидаги 217-қарорига мувофиқ мазкур ёдгорлик мажмуи Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида яратилган лойиҳа асосида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон ва Шаҳрисабз халқ усталарининг олтин кўллари билан барпо этилди.

Биз мақбарага яқинлашишимиз билан атрофни кузатиб, зиёратчиларга йўл-йўриқ ва тушунтиришлар бериб юрган мажмуа ходимлари «Келинг, хожи ака...», дея, ҳамроҳимиз Йўлбарсали Ўтаганов билан кучоқ очиб кўриша бошладилар. Унинг юзи-ҳурматидан бизга Ал-Бухорийнинг ниҳоятда эҳтиётлаб сақланадиган қабр тоши жойлашган мақбара ости ҳужрасига кириб тиловат қилиб чиқишга истисно тарзида изн берилди. Биродаримизга кўрсатилаётган бундай иззат-икром бежиз эмас эди. Ёғоч ўймакорлиги бўйича моҳир ҳунарманд, Юртбошимиз назарига тушиб, Ўзбекистон халқ устаси деган юксак унвонга сазовор бўлган Йўлбарс хожи мана шу муқаддас зиёратгоҳ, ёдгорлик иншоотларини бунёд этувчилардан биридир. Унинг ўғиллари Умидилло, Лутфулло, Файзулло, Ҳабибулло, Шукрулло, Боқибилло, шогирдлари Дилшод Асранов, Ўктам Бегматов, Санжар Аҳмедов, Бахтиёр Каримов (улар ўндан ортиқ)лар томонидан ишланган асосий кириш дарвозаси ва

икки ёндаги захиравий эшиклар, ёдгорлик айвонларини кўтариб, мажмуага ҳусн ва селоват бағишлаб турган пурвиқор, ҳашаматли устунларни (*15 та*) томоша қилар эканмиз, дўстимиз билан ҳақли равишда фахрланиб, у ва унинг давомчилари санъатига, маҳоратига тасаннолар айтар ва мартабалари, истеъдодлари янада зиёда бўлишини тилардик.

- Зиёратчиларга ёдгорлик қурилишида қатнашганлар ҳақида гапириб берар эканмиз, Йўлбарс ҳожи аканинг номи ҳам бошқа усталар қатори ҳар куни ўн, юз марта лаб зикр этилади, уларнинг ҳақларига дуолар қилинади, - дейди мажмуа ходими Убайдулло. Бундай эътирофларни эшитиб, кўксимиз тобора кўтарилиб борарди.

- Оғайнилар, кўриб, эшитиб қўйинглар, биз қандай инсоннинг жўралари, кадрдонларимиз, - дейди Араббой сурурли эхтиросини ичига сиғдиролмай.

Яна Уста Йўлбарс ташаббуси билан хизматчилардан бири мажмуанинг мўъжазгина музейидаги Малайзия, Индонезия, Эрон, Туркия, Россия ва бошқа давлатлар раҳбарлари томонидан туҳфа этилган, нашри бир-биридан гўзал ва сифатли Куръон китоблари, бошқа нодир ашёлар тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентига Саудия Арабистони подшоси совға қилган қисва – Каъбапўш бўлаги мозийгоҳни безаб, унинг энг қимматли бойлиги сифатида сақланаётгани эса халқимиз учун ғоятда шарафли бир ҳолдир. Мазкур муқаддас мато ҳар бир зиёратчи қалбида ажиб бир ҳис-туйғулар уйғотиши шубҳасиз.

### **ШУ КУННИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ**

Улуғ алломаимизнинг муборак қадамжойларини, табаррук хокини зиёрат қилишни насиб айлагани учун Парвардигорга шукроналар айтиб, ташқарига йўналар эканмиз, энди, шу жойга келиб, қадимий обидалар маскани Самарқандни бир айланмай, ёшариб, замонавий камол касб этган шаҳарнинг Осиёга машҳур нонларидан бир жуфтдан олиб қайтмасак, сафаримиз, зиёратимиз тўкис бўлармикин деган савол ҳар биримизнинг хаёлимиздан ўтарди (*Бу менинг фикрим эди, албатта*).

Аммо вақт пешиндан оға бошлаган, тушлик режамиздан анча чиқиб кетган эдик. Азондаги пухтагина нонуштанинг кучи-қуввати 180 км.лик дўқирама бетон йўл ва икки ярим соатлик зиёратга сарфланиб битган, хусусан, овқатнинг ашаддий шинавандаси Турғунбой (*бошқалар ҳам*) бетоқатлана бошлаган эди. У қачондир, қаердандир юз эллик чақирим масофани босиб фақат Самарқанд нўхат шўрвасини ичиб қайтган, ўшанда у ажойиб таомнинг мазаси оғзида қолган экан. Боз устига, кеча эрталаб уйдан чиқаётганида ихлосманд хўрандалиқ борасида падари бузрукворидан заррача қолишмайдиган тўрт ўғилнинг кенжаси Шерхон: «...Дада, Самарқандга йўлланинг тушса, нўхат шўрва ичишни эсдан чиқарманглар», деб огоҳлантирган экан. Турғунбой жўрамиз зиёрат чоғидами, бошқа маҳалми, ерликлардан донғи чиққан шўрва манзилини сўраб, зўри бозор атрофидаги хонадонларда, деган муҳим маълумотни қўлга киритган эди, унинг етакчилигида Сиёб бозорини мўлжал олиб жўнадик.

Сўраб-сўраб Маккани топибди, деганларидай, бозорга етиб бордик. У зинасимон, қават-қават бўлиб, тепага ўрлаб борарди. «Қаватлар» камида бир том баландлигида. Иккинчи «қават»даги майдонга дамасларни тирбанд машиналар орасига бир амаллаб жойлаштирдик (*Дарвоқе, Шохруҳ эрталаб Тошкентга қайтворган*). Уловдан тушишимиз билан, йўл-йўлакай нўхат шўрвани таърифлаб келган Турғунбой учинчи «қават» сари юриб қолди. Ҳаммамиз жўжалардай унга эргашдик. Дўстимиз ортига - бизга қарамас, «манави ерда ошхона бор экан», деган гапга қўл силкиб қўярди холос. «Вағир-вуғир»га тўла мевачева, сабзавот-резавор расталари (*улар аралаш-қуралаш эди*), тиқин одамлар орасидан ўтяпмиз. Йўл бошловчимиз жуда муҳим бир ишга қасд қилгандай жиддий, қадамлари шиддатли. Биз унинг изидан биттадан, иккитадан бўлиниб-бўлиниб (*жам юришининг иложини йўқ*) чўзилиб, эшилиб боряпмиз. Қаторимизда бир оз носоғлар ҳам йўқ эмас, уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан андак малоллик, қаёққа кетяпмиз ўзи, деган ижирғаниш ифодасини

пайқаш мумкин. Аслида, чучук томоқ сарбонимизнинг ўзи ҳам батамом соғлом эмас: белида чурраси, оёғида ғурраси бор, ўтирса туриши, турса юриши қийин. Аммо у шундай бир орзу-иштиёқ билан олға интилардики, чуррасию ғурраси мутлақо ёдида йўқдай. Боз устига вазнининг бир центнердан ошиқлигини ҳисобга олиб, қадам олишларнинг нақадар «салобатли»лигини тасаввур қилиб кўрсангиз ҳам бўлади.

Бозор ҳам жуда катта ва ҳудуди бепоён экан (*ё бизга шундай туюлдим...*), унинг орқа томонига ўтиб, нукул юқорига томон монтиб, таърифий хонадонларни топгунимизча хийла тентирадик, оёқларнинг қолган-қутган силласи ҳам, меъда-ичаклардаги таомлар юқи ҳам батамом қуриди. Бу орада Абдулла Комил бозордаги анвойи неъматларгами ё бошқа нарсалар...гами хаёли қочиб, адашган, яъни бизнинг изимизни йўқотиб қўйган экан, телефонда бир паккани келишиб, Уста ҳожи уни излашга тушди.

Хуллас, шунча ҳолпишлаб, ҳарсиллаб юрганларимиз зое кетди. Начора, дўстимиз оғиз кўпиртириб мақтаган Самарқанд нўхат шўрвасини (*дарвоқе камина шундай таомни Туркияга сафаримиз чоғида бир неча бор тановул қилиш шарафига ноил бўлиб эдим, демак, ўзимни гоятда бахтиёр санасам арзиркан*) нўш айламоқ толеи азал котиблари томонидан манглаймизга битилмаган экан. Турғунбой учта ҳовлига кириб, баридан шалвираб чиқди.

- Ота-боболарининг баҳосини ҳам тиркаб олишибди, - деди у бизга гуноҳкорларча мўлтираб, кейин кўшиб қўйди: - ўзим бўлсам, олиб ичаверардим, сизларни ўйлаб...

Яна арқонсимон буралиб, чувалашиб орқага қайтдик. Боя ёнидан менсимай ўтиб кетганимиз – ертўласимон нимёруғ ошхонага киришдан бошқа чора қолмаган эди. Уч кишилик кўза шўрва ва яна қандайдир шўрва бор экан. Бир пас муҳокама қилиб турдик-да, тўхтамга келдик.

- Э, нима бўлсаям қуйинг, чўмични ботириб-ботириб қуйинг, - дедик.

Кимдир косасидаги овқатни ковлаб, бирдан хитоб қилиб қолди.

- Ий-йи, нўхати бор экан-ку!

Аммо Турғунбой бу нўхат шўрва машҳур нўхат шўрванинг хомакисига ҳам ўхшамаслигини айтиб, катта суюнчи умидвор бўлиб турган «синчи» биродаримиз ҳаяжонининг шохига болта урди.

Жонвор емакхонанинг эшикдан бошқа шамол тугул, пашша кирадиган тирқиши ҳам йўқ эди. Бир пас ўтмай, хонанинг димлиги билан сон-саноксиз чинни косалардан таралаётган иссиқ буғ омухталашиб, нафас олишни қийинлаштириб юборди. Лекин зўрға топган шундай таомни ташлаб қочишнинг иложи йўқ, оғиз-тилларимиз куйишига қарамай, апил-тапил симирдик-да, шўрва ичган калдан ҳам бешбаттар терлаб ташқарига отилдик ва худди озодликка чиққан маҳбуслардай чуқур-чуқур нафас олдик.

Воҳ, одамзот-а! Нафс кўйига кириб нималар қилмайди, қандай жабру жафоларга ўзини урмайди-я!..

Сўнг ҳар ким ўзига ўзи бир неча дақиқалик эркин дастур тузиб, ким боя бозорнинг қаеридан нимани мўлжаллаб қўйган бўлса, ўша ёққа қараб зипиллади.

Бошқаларни билмадигу, Абдулла Комил иккимиз оқ тут (*мўл-кўллигига жуда ҳавасим келди*) олиб едик, кейин майиз бозорига ўтдик. Шу ерда замондан анча орқада қолганимни тан олишга мажбур бўлдим. Мен Самарқанд – майизнинг кони, тоза ва арзон бўлади деган эски тасаввурда эдим. Ваҳоланки, бу ерда узумнинг қоқиси (*бошқа нарсаларни сўраб ҳам ўтирмадик*) Андижондагидан ҳам қиммат экан.

- Эй, ако, бизга ҳам ҳарёнлардан олиб келишади, ҳозир товук (*яъни хўроз демоқчи*) ҳамма ерда (*ҳамма бозорда деса, тўғрироқ бўларди*) бир қичқирадиган бўлгон, - деди бир жойда ўтириб-тураверганидан гавдасининг белидан пасти тарвайиб кетган майизфуруш жувон.

Начора, шу ерга келиб, майиз, нони Осиёдан олиб кетмасак, уйдагилар бизнинг Самарқандга борганимизга ишонишармиди!

Уста Йўлбарс кўриниб, нон сотиб олган жойимизга бошлаб боришни илтимос қилди. Аммо у ерга етмасдан (*нон бозори ҳам катта-да*), бошқа бир жувоннинг молига (*яъни нонига*) хуштор бўлиб қолди-ю, «хай-хай»лаб улгурмадик, боя биз бир ярим минг сўмдан

тўлаган гиждага нақ уч мингдан куртдай санаб берди. Ўша пайтда Абдуллажон билан пичирлашиб, бўлар иш бўлди, савдони бузишнинг хожати йўқ, иннайкейин, киммат гўштли шўрванинг мазаси бошқача бўлади, дедик-да, устага индамай кўя қолдик. Сал жилгач, хожига қилган ишини шарҳлаган эдик, у орият кучидан йўқ, бу бошқача нон, сизлар олгандан эмас, деди сир бой бергиси келмай. Дарҳақиқат, одатда бошқалар минг сўмга оладиган нарсани Йўлбарсали беш юз сўмга туширарди. Шу ерда бир адашди-адашди-да. Афтидан уни тандирдан янги узилган, беҳисоб хўппасемиз, жонон... нонларнинг тафти, кўрки-малоҳати чалғитди шекилли.

Бозордан чикдик. Айрим ўртоқларнинг шароит бўлса, шу ернинг ўзидаёқ узала тушиб ётгилари бор. Шаҳардаги тарихий ёдгорликлар, замонавий обида-иншоотларни зиёрат қилиш тўғрисида гап сиғадиганмас. Қайта қолдик. «Шоҳизинда»ни, Улуғбек расадхонасини ёнларидан кўриб, муҳокама қилиб, Тошкент йўлига чиқаверишдаги нон бозори олдида тўхтадик. Қарасак, орқадаги дамасимиз яна кўринмайди, кута бошладик, дараги йўқ. Телефонлашсак, улар яна адашиб қолишибди. Ё тавба, ахир кўча тўла одам, сўрашса йўлни кўрсатиб қўйишади-ку, деб, ҳам куламиз, ҳам жиғибийрон бўламиз. Уста хожи эса куёви, яъни бизнинг ҳайдовчимиз Қодиржонга эркаланиб, «Келиб бизни бошлаб кетинглар» дермиш. «Қанча бўлсаям кутамиз, бир амаллаб топиб келинглар», дедик биз ҳам қайсарлигимиз тутиб.

Ниҳоят, топишиб, Солибойниқига келганимизда вақт намози асрга яқинлашган эди. Маълумки, ўзбекларнинг таомили бўйича меҳмонлар борган жойларида ош (*палов*) емагунча қайтмайдилар. Шунинг тадбирини кўраётган мезбон биз паловни ўхшата оламизмикин, деб, хавотирини айтиб қолди.

- Орамизда ошни ўхшатадиганлар бор, сиз ҳеч ғам чекманг, келинларни ҳам уринтирмаймиз, фақат масаллик бўлса бас, - дедик.

Меҳмон чақирган шўрлик унинг ҳар қандай эркаликларига, таманноларига чидайди-да. Хусусан, Араббойимиз «қўй-пўй сўйганмисан ўзи, жа-а мақтанятувдинг-у, қўчқоринг каттароқмиди ё кўзимиди, гўшtidан қолганми?» деб Солижоннинг жиғига тегарди. Хожи дўстимиз ҳам кўча кўрган, ҳатто шаҳар ҳам кўрган одам, «Гўшtidан олиб беринглар, нима бўлса бўлди энди», деб амр қилди уй бекаларига.

Чойхонада ва дўстлар даврасида палов ё бошқа тансиқ таом пишириш жараёнидаги энг қизик, энг гаштли воқеа – ўчоққа ўт ёқиш, гуруч ювиб, ул-бул ташишда ошпазга ёрдам бериш баҳонасида айрим шинавандаларнинг қозон атрофида уймалашиш ҳолатидир. Абдулла Комил (*Тошкентча паловнинг устаси*) ўзи қирқ йилдан бери айрим суюқликлардан парҳезде бўлса-да, улфатчиликни хуш кўргани учун «ишқибоз»ларнинг шаштини минбаъд қайтармайди, аксинча, капирни ҳавода ўйнатганича, «Қани, жомларни жаранглатмайсизларми, бизниям ҳеч бўлмаса қулоқларимиз хузур қилсин», деб турадиганлардан. Баъзида пиёланинг қирини узоқ, овоз чиқариб шимиб, лабларини чапиллатиб, «оҳ-оҳ...» деб ҳам кўяди бошқаларнинг «иштаҳасини» баттар қитиқлаб.

Сафарнинг шунақа гаштли томонлари ҳам йўқ эмас. Кимдир қўлтиғини дўмпайтириб, кимгадир томоқ қириш билан имо қилиб (*орамиздаги хожилар ва бошқа, ваъз ўқиб улфатларнинг «энсасини қотирадиган» тақводор-мутаассиблардан андиша-да!*) ўчоқ томонга ўтиб кетади. Бир оздан сўнг даврадагиларнинг яна айримлари олдинма-кейин сўридан тушади-да, бир пас у ёқдан бу ёққа юрган киши бўлиб, кейин томоқ қирганининг кетидан йўрғалаб қолишади.

Хуллас, ҳар ким хоҳлаган усулида ва «жанр»ида кундузги чарчоқлар ва баъзи кўнгил чигалликларини ёзди, шу кайфиятда ним қоронғуда (*сўрида чироқ йўқ, уйдаги лампаларнинг шугъласи сал-пал тушиб турарди*) анчадан бери соғиниб юрганимиз Тошкентча паловнинг туси-тароватини ҳам унча фарқлолмай, хўп туширдик. Аммо узоқдалигимиз ва тун ҳам ярим бўлай дегани сабабли ошдан кейиноқ жўнашнинг иложи йўқ эди. Соли дўстимизга яна бир неча соат тишини тишига қадаб туришга тўғри келишини айтиб, унга сабр-тоқат тиладик.

Эрталабки мастава жуда қулинг ўргилсин бўлган экан, чакки билан шунақа кетди-ки...

Айниқса, оқшом қозон атрофини «обод» қилганларнинг пешаналари тердан яйради.

Меҳмон ҳар қанча яқин ва азиз бўлмасин, орқасидан чиройли кўринади, деганларидай, борилган жой қанчалик дилтортар ва сафоли, дастурхонлар ҳар қанча қуюқ бўлмасин, барибир «ўлан тўшак», оила ва фарзандлар томон қайтиш бағоят ёқимли ва ҳаяжонлидир.

Биз ҳам катта тўлқинланиш ва сурур билан, «Оҳ, Андижон, Чувама, Гуркиров, қаердасан?..» деб йўлга чиқдик. Мезбонимиз қайтиш йўллари яхшилаб, адашиб қайтиб келмайдиган қилиб тушунтириб, белимизга чуғиб қўйди. Энди, чиндан ҳам адашишга ҳеч бир асос, баҳона қолмагандай эди. Аммо...

Кечадан бери Уста Йўлбарс айланиш бўлса ҳам Тошкент йўли яхши, ўша ёқ билан юришимиз керак, деб, бугун эрталаб ҳам ҳаммани шу фикрга ишонтирган (*бунинг сабаби, аслида биродаримиз, бизга очиқ айтмаса-да, Тошкент шаҳрида яшайдиган қизи, куёвларини кўриб ўтмоқчи эди*), шунга кўра Соли хожи ҳам ўша йўналиш буйича хийла куйиб-пишиб тушунтириш олиб борган эди.

Бир айрилишда андак иккиланиб, ўша ерда олатаёқ кўтариб турган ДАН ходимидан Тошкент йўлини сўрадик, асли биз Андижонга кетишимизни ҳам кўшиб қўйдик. Шунда сержант унақа бўлса, узоқ йўлдан айланиб нима қиласизлар, мана шу водийнинг йўли, деди.

- Йўл яхшими? - сўрадик яна ва «яхши» деган жавоб олдик. Чиндан ҳам йўл катта, кенг, текис эди.

Бу кўча ҳам, аслида ўша биз юрган йўлга туташаркан, адашган жойларимизни кўриб, муҳокама қилиб, айбни кимларимизгадир ағдариб ўтардик.

Хийладан кейин йўл чеккасидаги кичкинагина будкадан ДАН ходими чиқиб, тўсди. Қодиржон тушиб учраган эди, ёнингиздаги пассажир хавфсизлик камарини тақмабди, дебди. Ажабо, Турғунбой камарнинг учи кистиргичга етмагани сабабли, қорни устида тутиб келаётган эди. Қодиржонга «камари бор эди демадингизми», десак, «э, барибир уларга гап уқдириш қийин, ҳозир дадам (*қайнотам демоқчи*) келса рўпара қилиб кўяман, боплайди», деди пинак бузмай.

Бир пас кутиб турувдик, орқадаги дамасимиз келди. Ҳайдовчи ёнида ўтирган Уста хожи камарсиз эди, камар тақмаган деб, уни айтса бўларди, лекин... Ҳа, майли, хуллас, Қодиржон дадаси, яъни қайнотаси Йўлбарсалига воқеани баён этди. У машинадан тушиб, будка ёнига борди. Биз бир киши аранг сиғадиган пост экан деб ўйлаган будкачада уч нафар махсус кийимлик назоратчининг иккитаси ўтирар, биттаси тик турарди. Уста кўйнидан гувоҳнома ё расмга ўхшаган бир нима чиқардимиз, биз яхши илғамай қолдик, «Каттаконларинг ким?» деб сўради сиёсат билан. Қодиржон айтгандай, формалиларнинг тили калдираб қолди. Ҳа, биродаримизни биз бекорга «Уста хожи» демаймиз-да...

Энди Андижон томондан яқинларимиз ҳали унимизга, ҳали бунимизга телефон қилишар, бизни кутиб олишга тайёргарлик кўришаётганини айтишиб, қачон етиб боришимизни сўраб туришарди. Биз икки (*ўн тўрт*)ларга борсак керак, деб жавоб қайтарардик. Лекин бу борада нариги дамасдаги ҳамроҳлар билан унча келишолмадик. Бунинг устига, яна адашдик... Катта йўлдан «Ангрен» деган кўрсаткич тарафга – ўнгга юрмай, тўғри ўтиб кетибмиз. Бироқ бу янглишув бир ҳисобда дуруст бўлган экан, ҳадемай ажойиб манзаранинг рўпарасидан, тўғрироғи, ёнидан чиқдик – қаршимизда чети мовий тусдаги осмон билан туташиб кетган Тошкент денгизи енгил шабодада майин чайқалиб ётарди. Ўтган кундан бери кўрилаётган манзараларнинг энг гўзали, энг латифи ва энг хотирада қоладигани шу эди.

Бахтли адашув оқибатида Тўйтепани ҳам кўрдик. Машиналарга ёнилғи қуйиш учун тўхтаган жойимизда писта ва бошқа майда-чуйда сотиб ўтирган эллик ёшлардаги кўримсизгина жувон зерикиб турган шекилли, бизни гапга солиб, кимлигимизни, қаердан келаётганимизни обдан суриштиргач, ичимлик суви танқислигидан зорланди ва «водийда сув сероб-а», деди ҳавасланиб. Ер остидан сув чиқариш қийин ва қиммат, одамлар саккиз юз минг, бир миллион сўмга қувур коктириб сув чиқаришаётганмиш, аммо барибир сув мазали эмас эмиш.

Ажабо, сал нарида, катта ҳудудда денгиз ястаниб ётсаю...

Тужжор аёлнинг кўнглига таскин бериш учун бир лаган пистасининг ҳаммасини сотиб олдик.

Андижондан келаётган кўнғироқларга жавобларимиз мужмал бўлгач, улар ҳам тинчиб кетишди. Тушлик текинга тушаркан, деб суюниб турувдик, ишқал бўлди-да. Жўраларимиздан бирининг ўгли астойдил қистаётувди, ота дўстларни аяб, у ёққа етиб боргунча қоринлари жа-а очиб кетади, деб, таклифга рўйхушлик бермади. Энди қорин тўйғазиш масаласи ўзимизнинг олдимизда кўндаланг турарди. Қамчиқ доводнадаги «Ҳасан самовар ота» чойхонасига етай деб қолувдик. Каминада шу ерда ош дамлатиб, бир оз ҳордиқ ёзиб кетиш борасида фикр туғилди. Бошқалар ҳам маъқуллагач, орқада келаётганларга сим қоқдик.

- Яхши таклифни бажонидил қабул қиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз, - деди Уста Йўлбарс ўзи ва «дамасдош»лари номидан. Қисқаси, шунга келишдик.

Биз чойхонанинг салқин еридан иккита сўрини эгаллаб, шерикларни кута бошладик Жой чиндан ҳам сўлим, баҳаво, хузурбахш, тоғдан тушаётган сувнинг жилдираши янада роҳатижон эди. Фақат, ҳамроҳлардан дарак йўқ. Барисининг мобил аппарати ичидаги «жононлар» «бировдарингиз хизмат доирасидан ташқарида...» деб жавоб беришарди. Ажабланамиз: йўлда ғор-пор йўқ-ку, демак, доводнинг энг баландига чиқишибди, ҳали замон келиб қолишади, деймиз. Ниҳоят, бир вақт Уста хожи кўнғироқ қилди.

- У, айтган чойхонанлар қаерда?

«Ўзларинг ҳозир қаердасизлар?» деб сўрасак, Наманган постида турибмиз, дейди-да! «Ҳасан ота...»дан йигирма-ўттиз чақиримча ўтиб кетишган эди. Бундай пайтда турклар энсалари қотганини «Мошолло!..» деган хитоб билан изҳор этишади. Биз манзилни тушунтирган эдик, ҳайдовчи орқага қайтишдан тайсаллаётганини айтишди.

- Ундай бўлса, жўнайверинглар, бирга ош ейиш насиб қилмаган экан, дедик-да, гапни уздик. Бир кило гуручни дамлатиб (*чойхонада сабзи-пиёзни қовуриб, сув қуйиб қўйилади*), Сулаймон тахтидагидан ҳам аълороқ гашт сурдик-да, ҳавони салқинлатиб, йўлга чикдик. Шериклар кетиб бўлишди, энди қачон етиб борсак ҳам барибир эди.

Наманганнинг Тўрақўрғонига кириб борганимизда яна Йўлбарсалининг овози мобил мавжларида янграб қолди. Қаердалигимизни сўради. Жавобимизни эшитиб, «Ие, сизлардан сал олдинда эканмиз холос, Наманганга қиряпмиз... Биз ҳам ўтирдик...» - деди писанда билан. Бизга ўчашиб, ростдан ҳам бирон жойда улфатчилик қилишганми ё сир бой бермаслик учун шундай дейишдимиз, англамадик. Чунки ўша кунни улар билан қайтиб гаплашмадик, кўришмадик.

Чувамага келиб, ҳайдовчимиз Қодиржонга раҳматларимизни айтдик-да, уй-уйларимизга тарқалдик.

Ҳангомалардан иборат уч кунлик сафаримиз шу тариқа ниҳоясига етди. Адашишларга эса фақат янги-эски йўлларгина эмас, балки эркинлик, фикрларнинг хилма-хиллиги, дунёқарашларнинг ранг-баранглиги ва... сафарга кам чиққанлик, соддалик ҳам сабаб эди чоғи...

2011 йил, май.

## ИЧКИ САРЛАВҲАЛАР:

*Дўстлар дийдорига интиқиб... ..*  
*Дунай соҳилларида... ..*  
*Бобур Ҳушёрда... ..*  
*Икки даҳо ушрашганда... ..*  
*“Ҳожа калонга сафар... ..*  
*Адашувлар, ҳангомалар... ..*

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА



Қамчибек Кенжа 1946 йили 15 августда Избоскан туманидаги Гуркиров қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетини битиргач, «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») ҳафтаномада, Избоскан тумани «Пахтакор» газетасида адабий ходим, бўлим мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадий адабиётни тарғиб қилиш марказининг Андижон вилоят вакили вазифаларида ишлади. 1983 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси наср кенгашига адабий маслаҳатчи этиб тайинланди. 1985 йилдан 2005 йилгача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимига раҳбарлик, 1996 йилдан 2018 йилгача «Холис» ижтимоий-оммабоп газетасига бош

муҳаррирлик қилди.

Адибнинг «Соғинч», «Яшил барг», «Кўнгил кўчалари», «Ишқинг тушса...», «Орзумандлар», «Нотаниш гул», «Тоғ йўлида бир оқшом», «Соҳилдаги сув париси», «Қизил гуллар», «Муҳаббатни гуноҳ десалар», «Соҳибжамол аёл сири», «Бобурийлардан бири» (2000, 2015 й.) 2 жилдли «Сайланма», «Севинчларим ва куйинчларим», «Кўнгил кечинмалари», «Палахмон», «Муҳаббат бадали», «Машаққат ва жасорат», «Ҳаёт ҳикматлари» – жами 40га яқин шеърӣ, насрий, публицистик китоблари, қисса ва романлари чоп этилган.

Қамчибек Кенжа атоқли саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ва темурийлар, буюк мутафаккир, мураккаб тақдирли, чигал қисматли шахс Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар ҳамда бошқа улуғ аждодларимизнинг тарихий, илмий-адабий мерослари, меъморчилик ёдгорликларини чуқур ўрганиш мақсадида Андижонда ташкил топган Бобур номли халқаро илмий экспедиция аъзоси сифатида қарийб чорак аср мобайнида бир қанча салмоқли сафарномалар битди. Чунончи; «Ҳинд сориға», «Андижондан Дақкагача», «Буюклар изидан», «Андижондан Бағдодгача», «Буюк Соҳибқирон ўтган йўлларда» сингари китобларида Афғонистон, Покистон, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Бангладеш, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистон, Ироқ, Россия, Қозоғистон, Туркманистон мамлакатлари, Кавказ республикаларида умргузаронлик қилган буюк алломаларимиз саркардаларимиз ҳаёти ва фаолиятларини ўрганиш юзасидан олиб борилган изланишлар, экспедиция аъзоларининг заҳматли ва мароқли саргузаштлари, мазкур юртлар, шаҳарларнинг ўзига хос жиҳатлари, одамларнинг феъл-атворлари ва яшаш тарзлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Бобурийлар изидан», «Бобур саломи», «Буюк Бобур ворислари» номли хужжатли-оммабоп фильмларнинг сценарий муаллифи; жаҳон шеърӣятининг Александр Пушкин, Хенрих Хейне, Шандор Петефи, Валерий Брюсов, Михаил Светлов, Вл. Фирсов, Назрул Ислон каби улкан намояндаларининг шеър ва дostonлари, бир қатор хорижий муаллифларнинг насрий асарларини ўзбек тилига ўгирган. Унинг шеър ва ҳикоялари рус, украин, инглиз, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур тилларига таржима қилинган.

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмаларининг аъзоси Қ.Кенжанинг кўп йиллик самарали меҳнат ва ижодий фаолияти «Мустақиллик» нишонлари, «Шуҳрат» медали, «Меҳнат шуҳрати» ордени, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони, II даражали «Меҳнат фахрийси», Андижон Давлат университетининг фахрий профессори илмий унвони, Халқаро Бобур мукофоти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мукофоти ва бошқа ёрлиқлар билан тақдирланган.

**Муаллифнинг яшаш манзили: Андижон вилояти,  
Избоскан тумани, Гуркиров қишлоғи, Зиёкор кўчаси, 40-уй.  
Тел. телегр: 94 201 00 42**



## **УМУМИЙ МУНДАРИЖА**

Андижондан Бағдодгача.....	
Кўнгил кечинмалари.....	
Соҳибқирон ўтган йўлларда.....	
Кичик сафарномалар.....	
<b>Муаллиф ҳақида .....</b>	